

**ЎЗБЕК
ТИЛИНИНГ
ИЗОҲЛИ
ЛУҒАТИ**



ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси

5 ЖИЛДЛИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Э. БЕГМАТОВ, А. МАДВАЛИЕВ, Н. МАҲКАМОВ,
Н. МАҲМУДОВ, Т. МИРЗАЕВ (раҳбар), Н. ТЎХЛИЕВ,
Э. УМАРОВ, Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, **А. ҲОЖИЕВ**

Абдуваҳоб Мадвалиев таҳрири остида

**«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ДАВЛАТ ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛБКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

ТЎРТИНЧИ ЖИЛД

Тартибот – Шукр

Тузатилган 2-нашри

**«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти**

«O‘ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI»
ДАВЛАТ ИЛМІЙ НАШРИЁТИ

Директор – Шухрат Мирфаёзов
Директорнинг биринчи ўринбосари – Умид Ҳайитов
Директор ўринбосари – Шавкат Одилжон
Мухаррирлар – Ҳабиб Абдиев, Умида Яхшибоева
Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи – Шавкатилла Лутфуллаев
Бош рассом – Шавкат Илҳомов
Рассом – Асомиддин Бурҳонов
Техник муҳаррирлар – Мирзиёд Олимов, Умида Яхшибоева
Кичик муҳаррир – Зилола Маҳкамова
Саҳифаловчилар – Доно Ҳасанова, Асқар Ёқубжонов,
Зарнигор Тўхтамуродова

Ў 16 Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Тартибот
– Шукр / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат
илмий нашриёти, 2020. – 608 бет.

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингга яқин сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиғи ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

КБК 81.2Ў36-4
УЎК 811.512.133.374.3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси.



ТАРТИБОТ [a. ترتيپات — «тартиб» с. қўл] эск. кт. Тартиб. Қўшин тартиботи. ■ [Бобомирза] Оиланинг.. ақлли кенжаси бўлиб, ота эшигидаги тартиботни унча ёқтирмас.. эди. И. Раҳим, Тақдир. Бу ерда сергаклик ва ғайрат билан қўшин тартиботини кузатиб турди. Ойбек, Навоий.

ТАРТИБСИЗ 1 Маълум тартиб, қонун-қоида талабларига жавоб бермайдиган; тартибга солинмаган; бетартиб. Отабек уйга кирганда, ёстиқ бетини тартибсиз соч ўримлари билан чулғатиб, Кумуш ухлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Катта уйда.. ҳар хил асбоб-идишлар тартибсиз қалашиб ётар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзаро тартиб билан боғланмаган, ноизчил. Ёрмат ҳамма нарсани, тартибсиз бўлса ҳам, лекин муфассал айтиб берди. Ойбек, Танланган асарлар. Унинг тартибсиз фикрлари мунтазам бир шаклга кириб, вояга етди. М. Осим, Жайхун устида булутлар.

3 Интизомсиз, бетартиб. Тартибсиз бола.

ТАРТИБСИЗЛАНМОҚ кам қўл. Бетартиб ҳолга келмоқ, бетартиб бўлмоқ. Хаёли тартибсизланиб кетган, бундан бир неча соат олдингига ҳеч ўшамасди. П. Қодиров, Уч илдиш.

ТАРТИБСИЗЛИК 1 Тартибсизга хос хатти-ҳаракат, хислат. Тартибсизлик қилмоқ.

2 Тартибсиз ҳолат. Тартибсизликка қарши курашмоқ. ■ Орада сўкиш, тартибсизлик, жанжал қўзғалади. А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАРХАШ кам қўл. Ўжар, қайсар. Ёғдуларин тўкмайди ой баркашда, Осмон билан ер аразда — тархашда. Э. Охунова.

ТАРХАШЛИК Ўжарлик, қайсарлик, терслик. Тархашлик қилмоқ. ■ Ҳадеганда иш юришавермади. Маҳкам Мусаев бунинг Эргашевнинг тархашлигидан билди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ТАРХОН қ. дархон.

ТАРҚАЛМОҚ 1 Бир ўриндан, бир тўпдан турли томонга қараб йўналмоқ, кетмоқ. Меҳмонлар тарқалди. Қўйлар ҳар томонга тарқалди. ■ Отабек эшикдан чиққанда, Содиқни кўмиб келган кишилар қўрьон ўқиб, тарқалмоқда эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Теварак-атрофга йўналмоқ; ёйилмоқ, сочилмоқ. Муаттар ҳид бутун уйга тарқалди. ■ Қамалган тутун жуда секин тарқалмоқда эди. Йўлчи нафасини ростлаш учун эшикка чиқди. Ойбек, Танланган асарлар. Булар — булутлар, Ўзозхон! Шу булутлар тунда йиғилиб, кундуз тарқалиб турибди. Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Жойларга, кишилар орасига кириб бормоқ. Фақат ўтган асрнинг ўзидагина грипп эпидемияси тўққиз марта тарқалди. «Фан ва турмуш». Суварак — сайёрамизда кенг тарқалган ҳашарот. «Фан ва турмуш». Маълумки, Эрон ва Ўрта Осиёда исломгача, асосан, оташпарастлик кенг тарқалган эди. «ЎТА».

4 Кишилар қўлогига етиб бормоқ, шу тарзда маълум-машхур бўлмоқ; ёйилмоқ, билинмоқ. У сарполарнинг овозаси.. бутун Тошкентга бўлмаса ҳам, шаҳарнинг ярмига тарқалган. Ойбек, Танланган асарлар. Бу ҳалқда кенг тарқалган ашула эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Олмос ботирнинг довруғи ҳамма ёққа тарқалибди. «Олтин бешик».

5 Урчимоқ, урчиб қўпаймоқ. Бу жаллод жўжи-бўжи тухумидан тарқалганга ўхшайди.. Ойбек, Навоий.

6 кўча Аримоқ, ариб йўқ бўлмоқ; йўқолмоқ, кетмоқ. Карахлиги тарқалмоқ. Мастлиги тарқалмоқ. ■ Бош устида тутун тарқалар, гўё тутун эмас, аста-секин ҳасрат тарқалар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Уйқуси бутунлай тарқалиб кетгач, ўзини жуда тетик ва бардам сезди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Лаълининг жунуни тарқалган бўлса ҳам, ҳали яхши соғайиб кетмаган. Ҳ. Фулом, Машғал.

ТАРҚАМОҚ айн. **тарқалмоқ**. Гулдур этиб булут тарқаб, Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди. Ҳамза. Низомиддинов қанча ўйламасин, ўйининг охири тутунга ўхшаб тарқаб кетаверди. С. Аҳмад, Ҳукм. Гоҳи оқшом боғлар оралаб, Дардлашгали келар чўпони. Ором гулшанига ўралар Бир дам тарқар дарди-армони. Т. Тўла. Тўй тарқаганда, бир тўда қиз, йигитлар келин ва куёвни кузатиб, машиналарда Норқўзиникига кетишди. Ҳ. Фулом, Сентга интиламан.

ТАРҚАТМОҚ 1 **Тарқатмоқ** фл. орт. н. Хушбўй ҳид тарқатмоқ. Ёқимли садо тарқатмоқ. Хабар тарқатмоқ.

2 Эга-эгаларига етказиб бермоқ, улашмоқ. Газета тарқатмоқ. ■ Аравакаш эшикма-эшик юриб, моли олинганнинг молини, ғалласи олинганнинг ғалласини эгаларига тарқатиб чиқди. П. Турсун, Ўқитувчи. ...ҳар куни уч-тўрт маҳал тайёр овқатларни палата-ма-палата юриб тарқатади. Газетадан.

ТАРҚОҚ 1 Бир ерга ғуж бўлиб тўпланмаган, бир-биридан узоқ жойлашган. Тарқоқ уйлар. Тарқоқ соч. Тарқоқ элементлар (ким.). ■ У [Соҳиб] лапанглаб ўрнидан турди, уюшган тиззаларини уқалади, тарқоқ қоғозларини йиғиштириб, яна ўрнига ўтирди. Ойбек, Навоий. Бир гуруҳ юқори курс студентлари турадиган бу уйда, хоналар кам ва тарқоқ бўлгани учун, вахтёр ўтирмас, ҳар хонанинг калити маълум бир жойга яшириб кетиладди. П. Қодиров, Уч илдиш.

2 Яхши уюшмаган, бирлашмаган; пароканда. Ваҳолонки, бизда мавжуд бўлган агрокимё хизмати лабораториялари.. тарқоқ ҳолда иш қўриб келмоқда. Газетадан.

3 кўча Тарқалган, сочилиган, паршон. Тарқоқ фикрлар. ■ Қиз сочидай хаёли тарқоқ, Тош устида ўй сураб чўпон. Т. Тўла.

ТАРҚОҚЛИК Тарқоқ ҳолатга эгалик, тарқоқ ҳолатда бўлиш. Фикрнинг тарқоқлиги. Гоявий тарқоқлик. ■ Зиёфат асносида иттифоқнинг фойдалари, тарқоқликнинг зарарлари сўзланди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ТАРҒИБ [а. ترغيب — хоҳишни, қизиқишни кучайтириш; рағбатлантириш]: **тарғиб қилмоқ** (ёки **этмоқ**) 1) чуқур тушунтириш йўли билан бирор гоя, таълимот ва ш.к. ни ёймоқ, кишиларнинг онгига сингдирмоқ; шунга ундамоқ. Ўзбек адабиёти ютуқларини.. тарғиб қилишда А. Ҳайитметов катта ҳисса қўшмоқда. «ЎТА»; 2) тушунтириш йўли билан бирор ишга чақирмоқ, даъват этмоқ. ..паранжи ташлашни тарғиб қилган, айримларнинг бошидан чачвонини олиб, ўтга улоқтирган экан. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТАРҒИБОТ [а. ترغيبات — «тарғиб» с. кўпл] Бирор гоя, таълимот ва ш.к. ни ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратилган ишлар, тарғиб ишлари. Мен тарғиботингга муҳтож эмасман. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Омма орасида ҳуқуқ тарғиботи муҳим роль ўйнайди. Газетадан. Кўргазмали тарғиботга қараганда, ишлар жойидага ўхшайди. С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ТАРҒИБОТЧИ Тарғибот ишлари олиб боровчи шахс. Музайяна опамиз — халқ ижодининг чинакам муҳибаси, толмас тарғиботчиси. Газетадан.

ТАРҒИБОТЧИЛИК Тарғибот олиб бориш, тарғибот иши. Тарғиботчилик маҳорати. ■ Бошқармада ғайрат кўрсатиб ишлайётган ёш бунёдкорлар Т. Ортиқовнинг тарғиботчилик фаолиятидан баҳраманд бўлишяпти. Газетадан.

ТАРҒИЛ 1 Сарғиш ва қорамтир йўлли; шу тусдаги сигир, бузоқ ва ш. к. Тарғил бузоқ. Сигир олсанг, таниб ол, таний олмасанг, тарғил ол. Мақол. ■ Сутчи ота тарғилни кўришлари билан силаб-сийпаб, у ёқ-бу ёғидан уч-тўрт кана олиб ташладилар. А. Мир-аҳмедов, Кулган чечаклар.

2 снт. Наққошлиқда: нақш мужассамотидаги гул ва барглари рангли чизиқлар ёрдамида тасвирлашдан иборат пардоз тури.

ТАРҲ I [а. طرح — олиш, олиб ташлаш; айириш] эск. айн. **олув** 2. Ўндан учни тарҳ қилса, етти қолади.

ТАРҲ II [а. طرح — қурилиш, иморат, боғнинг бичими, лойиҳаси] 1 Чизма лавҳа;

лойиҳа, режа. Қоғоздаги шакл — бинонинг тарҳи эди. Ойбек, Навоий. Мавлоно Фазлиддин мана шу шаҳарда қурмоқчи бўлган мадраса ва сарой тарҳини Хонзода бегимга кўрсатиб, унинг мақтовини эшитган ёруғ кунларини эслади-ю, юрагини армон ғижим-лаб ўтди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. ..ёзи хўжалигининг бор тарҳигача эслаб қолганди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 кўча Тузилиш, бичим. Қизнинг тарҳи тоза гул янглиғ, Жавдирабон боқар шаҳло кўз. М. Али, Боқий дунё.

ТАСАВВУР [а. تصوّر — ўйлаш, хаёл қилиш, кўз олдига келтириш; ўйлаб зеҳнда гавдалантириш] 1 Нарса, ҳодиса ва ш.к. ҳақида киши онги-хаёлидаги маълумот, билим, тушунча. Лекин тасаввурим, барибир, юзаки эди. «Ёшлик». Лейтенант, Султоновнинг батафсил ҳикоясини эшитиб, аниқ тасаввурга келган бўлса ҳам, ўша жойни ўз кўзи билан кўриши керак эди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Тўғри, кўрмай туриб ёзилган асарлар адабиётимизда кўп. Бунинг учун аввал билим, маҳорат, ўткир тасаввур керак. Н. Фозилов, Дийдор. Ҳалигача биз — студентлар классик адабиёт намояндаларидан биронтасининг ҳаёти ва ижоди ҳақида мукаммал тасаввурга эга эмасмиз. Д. Нурий, Осмон устун.

2 Шундай маълумот, тушунча, билим шаклланишининг манбаси сифатидаги онг, хаёл. Кеча йиғлаб, кўксига бош қўйган Чарос яна тасаввурида жонланди-ю, лабларини қисиб.. стул суянчигига елкасини ташлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Фотоаппарат бир лаҳзада киши тасвирини қандай илиб қолса, унинг тасаввури ҳам қизнинг ўша қиёфасини шундай эслаб қолган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. ..ёски йилнинг гоят катта хизматларини бир-бир тасаввурдан ўтказишга одатланганмиз. Газетадан.

Тасаввур қилмоқ (ёки этмоқ) 1) хаёлда тикламоқ, гавдалантирмоқ. [Ёдгорни] Қорға йиқилиб ётганча, бошини кўтариб турган аламли чехрасини тасаввур қилади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Ҳамон соғинч ўртайди. Зумрадни ҳарир кўйлақда.. бағрида тўлғаниб турган ҳолида тасаввур қилади. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Маҳкам Гавҳар билан учрашишини тасаввур этганда, совқотиб, гулханни кўз олдига келтирган кишидай, юраги бир орзиқди. П. Қодиров, Уч илдиз; 2) идрок қилмоқ. Замира ҳам ҳали муҳаббат ни-

малигини яхши тасаввур этмасди. П. Қодиров, Уч илдиз. Наҳотки бошқарма беш йил, уч йил, борингки, икки йилдан кейин бажарадиган зарур ишларни тасаввур қилолмаса?! «Ўзбекистон қўриқлари».

3 флс., псих. Идрок қилинган, ҳис этилган нарса ёки ҳодисанинг киши онгида акс этиши, гавдаланиши. Тасаввур жараёни.

ТАСАВВУФ [а. تصوّف — жундан қилинган кийим, пўстин кийиш; суфийлик] Исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги, уни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан қомиллик сари йўлловчи таълимот, диний эътиқод; суфийлик. Бундан минг йил муқаддам, ўзинчи асрда Бағдод шаҳрида дорга тортилган тасаввуфнинг илк раҳнамоларидан Мансур Ҳалложнинг «Анаҳақ» деган сўзи машҳури жаҳон бўлган. К. Яшин, Ҳамза.

ТАСАДДУҚ [а. تصدّق — садақа қилиш, садақа (хайр) йўли билан бирор нарса бериш]] 1 Садақа; қурбон, фидо. Қаники, топилса ёрим, Тасаддуқдир ҳарна борим. «Равшан».

2 унд.с. Садақа бўлай, ўргилай. Ҳаммасини кийиб, зебу зийнатларни тақиб олибсизку, тасаддуқ. К. Яшин, Ҳамза. Ҳозир, тасаддуқ! Ҳозир, болам.. С. Нуров, Нарвон.

3 унд.с. Таҳсин, офарин, тасанно. Сени туққан онангга минг тасаддуқ, Қай йигитнинг сендек бахтиёри бор! Ё. Мирзо. Пахта-сини байроқ қилган Пахтакорга тасаддуқ. Н. Нарзуллаев.

Жоним тасаддуқ Жоним садақа, қурбон бўлай, жоним фидо бўлсин. Жоним тасаддуқ сенга, нигорим. Ҳамза. Жоним тасаддуқ бўлсин у кишига. Ойбек, Навоий. **Тасаддуқ бўлай** (ёки кетай) айн. жоним тасаддуқ. [Холмат:] Қаёққа қарасам, ҳур билан ғилмон қучаман-а! Тасаддуғинг кетай! Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Тасаддуқ бўлмоқ** Айланиб ўргилмоқ. Онанг бўйганингга тасаддуқ бўлиб, Отанг мақтанади: таянчим, кўрким. Ғ. Гулом.

ТАСАДДУҚОТ эск. кт. Қурбон; қурбонлар. Буйруғингизга мувофиқ, деҳқонлар ҳазратнинг соғликлари учун тасаддуқот қилипти. С. Айний, Дохунда.

ТАСАЛЛИ [а. تسلى — тинчлантириш, юпатиш; хушнудлик, хотиржамлик] Юпантирувчи, таскин берувчи гап-сўз, хатти-ҳаракат ва ш.к. Енгил эсган шабададанми ё бригадирнинг тасаллиси кор қилдими, ҳарқалай, раиснинг чехраси бироз ёришиди. Х. Эргашев,

Тадбиркор раис. Мен ҳақиқий қишлоқ оқ-соқолларининг сўзини эшитдим. Менинг учун юрак амри билан айтилган бу сўзлар тасалли эди. Н. Сафаров, Оловли излар.

Тасалли бермоқ Юпатувчи гап-сўз айтмоқ, хатти-ҳаракатлар қилмоқ, шу йўл билан юпантирмоқ, таскин бермоқ. *Шу топда.. йигитчага нимадир деб тасалли бергиси келди-ю, сўз тополмади. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол. Омон унга яқинлашди, елкасига қўлини ташлаб, тасалли берди. С. Кароматов, Олтин кум. Тасалли топмоқ* Кўнгли тинчланмоқ, таскин топмоқ. *Шу гапни айтса, кўнгли аллақандай тасалли топарди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча. Йигит шегр ёзиб, ўзини бир япроққа, қизни бир томчиға ўхшатиб, кўнгли анча-мунча тасалли топади. П. Қодиров, Уч илдиш.*

ТАСАЛЛО [а. تَسَالَل — кам қўлл. айн. тасал-ли. Сен унинг тушига кириб, Тасалло беролсанг, саодат ахир. А. Орипов.

ТАСАННО [а. تَشْنِي — мақташ, кўкларга кўтариш; миннатдорчилик билдириш] поэт. 1 Маҳд, мақтов; олқиш. Тасанно айтмоқ (демоқ, ўқимоқ). ■ Боятдан бери тантиқликларидан ичида кулиб келаётган Ҳафиза ўзгарди, у Шаҳнозахон опага жилмайиб боқди — бу унинг тасанноси эди. Мирмуҳсин, Умид. Ойбек адабиётимиз шухратини.. дунёнинг анча мамлакатлариға ёйишда жуда катта таҳсин ва тасаннога лойиқ иш қилди. В. Зоҳидов, Мўъжизакор.

2 унд. с. Қойил, офарин; таҳсин. Тақсир.. ернинг тагида илон қимирлаганини биласиз-а. Тасанно! Ш. Тошматов, Эрк қуши. Денгизлар ортидан келар акс садо, Ер юзи ёшлари дейди: Тасанно! Р. Бобожон.

ТАСАРРУФ [а. تَصَرَّف — ўз ихтиёрига олиш, эғалик қилиш; мустақил ҳаракат қилиш; ўзбошимчалик] кт. Фойдаланиш, эғалик ҳуқуқи, ихтиёри; эғалик, ҳўжайинлик. Хусусий тасарруф. Бу ер-сувлар қадимдан бойнинг тасарруфида эди. ■ Отаси эса, Бобомирзани ўзининг кўз қорачиғи деб билар, шу сабабдан катта рўзғорни бошқаришни, ер-сув, мол-дунё тасарруфини шунинг қўлига ташлаб кетиш ниятида юрарди. И. Раҳим, Тақдир.

Тасарруф қилмоқ (ёки этмоқ) Эғалик қилмоқ. Менинг бутун ҳўжалигимни тасарруф қилишга ундан бошқа кишининг ҳадди йўқ. Ф. Фулом, Тирилган мурда. ..Фотиҳ Искандар

бутун ер юзини тасарруф этиб ҳам кўнгли заррача шод бўлмагач, онасига шундай мактуб ёзган.. Газетадан.

ТАСАРРУФОТ [а. تَصَرَّفَات — «тасарруф» с. қўпл.] кам қўлл. айн. тасарруф. Тоғ ораликларидаги катта йўл, бекатлардан тортиб илон изи сўқмоқларгача.. ҳар бир қоя тошдан тортиб булоқларгача — барини инсон ўз тасарруфотиға олибгина қолмабди. Уларнинг ҳар қайсисига ярашиқ ном қўйибди.. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

ТАСБЕҲ [а. تَسْبِيح — мақташ, васф этиш; мақтаб кўкка кўтариш] Худонинг номини зикр этиб саналадиган мунчоқ шодаси. Садаф тасбеҳ. Тасбеҳ ўғирмоқ (ағдармоқ). ■ Мирзакаримбой.. газламага суяниб, тасбеҳ доналарини бармоқлари орасидан битта-битта ўтказиб, чордана қўриб ўтирар эди. Ойбек, Танланган асарлар.. Пирим оппоқ тонг отгунча тасбеҳ ўғириб, қўрьон тиловат қиладилар. С. Аҳмад, Ҳукм. Бир соатдан бери жойнамаздан қўзғалмай, тасбеҳ ағдариб ўтирган Ойша буви Тўйбекани бошдан-оёқ кузатиб, яна ишлага машғул бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАСВИР [а. تَصْوِير — суратини олиш, суратлаш; тавсифлаш] 1 Бирор нарсанинг ўйма, қуйма ёки чизма шакли; расм, сурат. График тасвир. ■ Ҳиротда жангномалар ичига сурат чизиш одат тусига кирган, мавлоно Беҳзод чизган Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро тасвирлари расмий доираларда шухрат топган эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Бу дафтарда Бухородаги бир неча мадрасаларнинг ҳам тасвири бор.. Мирмуҳсин, Меъмор. Лола янглиғ оразингни мен кўриб тасвирда, Мубтало бўлмоқлиғим ёзмиш экан тақдирда. Ҳамза.

2 Нарса, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг бадий ифодаси, тавсифи. «Бобурнома»ни ва-рақлар экансиз, ўрни-ўрни билан табиат манзаралари чизилган лавҳаларга, табиий ҳодисалар тасвирига дуч келасиз. «Фан ва турмуш».

ТАСВИРИЙ [а. تَصْوِيرِي — тасвирлаш, яқ-қол кўрсатишга оид] 1 Тасвирга оид, бадий тасвир шаклидаги. Тасвирий ибора. Тасвирий ҳикоя. ■ Тошкент санъат музейида тасвирий санъат кўргазмаси очилди. Газетадан.

2 Баён, тавсиф шаклидаги.

ТАСВИРИЙЛИК Тасвирий бўлиш, тасвир шаклига эгалик. *Ифоданинг тасвирийлиги.* ■ *Бадиий адабиёт тилининг энг катта хусусиятларидан бири унинг тасвирийлигидир. «Адабиёт назарияси». Демак, бадиий адабиётнинг ўзига хослиги юзасидан баҳс очганда.. тасвир ва тасвирийлик, мажоз ва мажозийлик ҳақида гапириш ўринлидир.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ТАСВИРЛАМОҚ 1 Суратини, расмини чизмоқ, тасвир этмоқ. *Денгизни тасвирламоқ.* ■ *Жаноб Аҳмадбек, камина боғларнинг суратини чизганда, бир четида боғбонни ҳам тасвирлашим мумкин.* П. Қодиров, Юлдуз-ли тунлар.

2 Бадиий образларда кўрсатиб бермоқ, тасвирини бермоқ, баён этмоқ. *Халқ ҳаёти-ни гоятда теран тасвирлай билиш муаллифдан катта истеъдод талаб этади.* Газетадан. *Қўш белбоғ чапаничасига паст боғланган, юриши ҳам олифталарга тақлидни кўрсатар; унинг бутун қомати, ҳамма ҳаракатлари ўзига зеб берган, мақтанчоқ камбағални тасвирлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..ёзувчи ўзи тасвирлаётган воқеага қаттиқ ишони-ши керак.* С. Кароматов, Олтин қум.

ТАСВИРЛИ Тасвирга эга. *..ўткир тас-вирли ва кучли тасвири асарларида Навоий мотивлари сезилади.* «ЎТА».

ТАСДИҚ [a. تصدیق — имон, ишонч; мустаҳкамлаш, исботлаш, асослаш] 1 Бирор нарсанинг ҳақиқи, тўғрилиги ёки маъқуллигини тан олувчи сўз, имо-ишора кабилар; маъқуллаш, тўғри деб билиш. *Акбаров унга тасдиқ маъносида бош ирғаб, Маҳкамга гапиришда давом этди.* П. Қодиров, Уч ил-диз. *Уста Олим тасдиқ ишорасини бериб: - Сўзлай берингиз! — деди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Болалардан тасдиқ жавобини олган, нўписа қилди..* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Тўғри, ҳақиқат эканликни қайд этувчи нарса, факт; исбот. *..халқ демократияси мамлакатлари билан дўстлик, ҳамкорлик мустаҳкамланганлиги байналмилалчилик ғояларининг амалий тасдиғидир.* Газетадан.

3 Маъқулланганлик ҳақидаги расмий қайд, қарор. *Лойиҳани тасдиқдан ўтказмоқ.* ■ *Мана бу — бўлимнинг бутун тасдиқлардан ўтган тематик плани.* С. Кароматов, Олтин қум.

4 Инкорга зид мазмунли. *Тасдиқ гап.* ■ *Кесими инкор шаклида бўлиб, таркибида қан-*

доқ, нима, озмунча сўзлари иштирок этган гаплар тасдиқ фикрни ифодалайди. «ЎТА».

ТАСДИҚ ҚИЛМОҚ (ёки **ЭТМОҚ**) айн. **тасдиқ-ламоқ**. Ҳакимбойвачча илжайиб қараб, унинг сўзини бош қимирлатиш билан тасдиқ қилди. Ойбек, Танланган асарлар. *..бизга фақат ишиниғ ўнақайини топиб, хондан тасдиқ эттиришигана қолди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ТАСДИҚЛАМОҚ 1 Қарор билан ёки қўл қўйиб, муҳр босиб, қонуний кучга киритмоқ, тасдиқ қилмоқ. *Ҳукумат лойиҳани тасдиқлади.* *Директор шартномани тасдиқлади.* *Котиба имзони тасдиқлади.* ■ *Буйруқни дастлаб бошқарма, сўнгра министрилик бирон-бир эътирозсиз тасдиқлади.* «Ёшлик». *..ректорат ҳам унинг иккита имтиҳондан «қарзи» борлигини ҳисобга олиб, бу қарорни тасдиқлаганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Бирор иш, ҳаракат, ғоя ва ш.к. ни тўғри деб топмоқ, маъқулламоқ, тасдиқ этмоқ. *-Ота, булар чўпон эмас! — деди Бадиа.* *Бу гапни Зулфиқор ҳам, Заврак ҳам тасдиқлади.* *Мирмуҳсин, Меъмор. -Ҳа, баракалла, — Қудрат калласини тебратиб тасдиқлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Тўғрилигидан далолат бермоқ, исботламоқ. *Бу факт фикримизни тасдиқлайди.* ■ *-Материални тасдиқловчи ҳужжатларингиз борми? — деб сўради.* «Муштум». *Унинг фикрлари ҳақиқини ҳужжатлар тасдиқлаб тубрибди.* Газетадан.

ТАСИРА-ТУСУР айн. **тасир-тусур**. *Та-сира-тусур ўқ овози.* ■ *Тасира-тусур ўқ отилар Тол-терак ва тош орқасидан! Ҳ. Пўлат.*

ТАСИРЛАМОҚ «Тасир-тусур» товуш чиқармоқ. *Узоқдан замбараклар ҳайқириғи, снарядларнинг портлаши эшитилмоқда.* *Аллақаерда пулемётлар тасирламоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАСИР-ТУСУР тақл. с. Кетма-кет такрорланувчи «тасир» ва шунга яқин товуш-ни билдиради. *Орқада от тўёқларининг та-сир-тусури эшитилди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дайди шамол.. отилиб турган ўқларнинг та-сир-тусур овозини олиб келади.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ТАСКИН [a. تسكين — тинчлантириш, юпатиш, овутиш; юмшатиш] Юпатувчи нарса, гап, иш-ҳаракат ва ш.к.; тасалли,

юпанч. Бу нафосат даргоҳи [Муқимий те-
атри] уша оғир жанг ва кураш йиллари.. бе-
ром кўнгилларга таскин, ёшли кўзларга нур
бахш этган. А. Юсупов, Жилокор қўллар.
Юрагим ранжиган боладай На эрмак, тас-
кинга кўнади. Ш. Раҳмон, Юрак кирралари.

Таскин бермоқ Юпатувчи гап-сўз айтмоқ,
хатти-ҳаракатлар қилмоқ, шу йўл билан
юпантиришга, тинчитишга ҳаракат қилмоқ.
-Ташвиш тортма, ошна, — деди Омонтой
дўстига таскин бериб, — агар Санобарни
Самарқандга қақриб қоладиган бўлишса, сен-
га ҳам бирон чора топармиз. К. Яшин, Ҳамза.
Таскин топтоқ Таскин берувчи нарсалар
таъсирида тинчланмоқ. Қандай гап айтса,
Икромжон амакининг кўнгли таскин топар-
кин? С. Аҳмад, Уфқ. Нафисахон қизини кўрма-
ган бўлса ҳам, кампирнинг гапларидан ҳа-
қиқатни англаб, юраги таскин топди. Мир-
муҳсин, Умид. ..ориқлаб, сарғайиб кетган
юзига ранг кириб қолганини кўриб таскин
топди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАСЛИМ [а. تسلیم — саломлашиш; ён
бериш; топшириш; душмандан енгилиш]
Курашда, жанг, тортишув ва ш. к. да ен-
гилиб, қаршилиқни тўхтатиш, мағлубият-
ни тан олиш. Таслим билмас қўшиним ана
менинг, Ғазаби бор бир дунё — оташга тенг.
Ҳ. Олимжон. Ўзини ишқ азобларини енгил-
га, мақсадада етишга қодир деб билган одам
таслимни тан олмайди. А. Обиджон, Аканг
қарағай Гулмат.

Таслим бўлмоқ 1) жангда, курашда, тор-
тишувда енгилиб, қаршилиқни тўхтатмоқ.
Душман таслим бўлди. ■ Қуршовда қолган
немисларни таслим бўлишга қақирдик. Н. Са-
фаров, Оловли излар. Жаҳл отига минган
хон беҳуда уринди, қиз таслим бўлмади. Ж.
Шарипов, Хоразм. Бўтабой аскиядан енгилиб,
таслим бўлдим, дегандек икки қўлини кўтар-
ди. С. Аҳмад, Ҳукм; 2) қаршилиқни тўхтат-
моқ; бўйсунмоқ. Мунча минг ёш-яланг кела-
ди-ю, чўл дарров таслим бўлади-қўядими? Р.
Файзий, Чўлга баҳор келди. **Таслим қилмоқ**
(ёки **эптоқ**) 1) душман ёки рақиб устидан
ғолиб келмоқ; енгмоқ. Душманни таслим
қилмоқ. ■ Тожиали Бобоев Берлинни босиб
олиш, ғитлерчиларни таслим етиш учун му-
носиб ҳисса қўшди. Т. Рустамов, Мангу жа-
сорат; 2) беллашув, баҳс кабиларда устун
келмоқ, мағлуб қилмоқ, енгмоқ. Рақибини
таслим қилмоқ.

Жон таслим қилмоқ Жон бермоқ, жони
узилмоқ; ўлмоқ. Унинг жон таслим қилганига
ишонч ҳосил қилгач, хонга қаради. С. Сиёев,
Ёруғлик.

ТАСЛИМЧИ 1 Ғолиб томон шартлари-
га кўниб, қаршилиқ кўрсатишни тўхтатув-
чи, таслим бўлувчи.

2 кўчма Қаршилиқлар, тўсиқлар, қийин-
чиликлар олдида орқага чекинувчи, ўзининг
кучсиз, иложсиз эканини тан олувчи. Тас-
лимчиларга қарши курашмоқ.

ТАСЛИМЧИЛИК Таслимчига хос иш
тутиш, таслим бўлиш сиёсати.

ТАСМА 1 Узун, энсиз тери. Ботир арс-
лонни ўлдириб, терисидан бир тасма олди.
«Эртақлар».

2 Шундай кўринишда бўлган, боғлаш,
бириктириш ва ш.к. учун ишлатиладиган,
тери ёки пишиқ матодан ясалган энсиз
буюм; қайиш, камар. Юган тасмаси. Мил-
тиқ тасмаси. ■ Бобоқул ота кўзичоқнинг
қўлтиғидан брезент тасма тортарди-да,
кичкинагина тарозининг илғагига олиб кў-
тарарди. С. Анорбоев, Оқсой. Кейин қизил
дастали устарани тасмага шарт-шарт қай-
раб, чамадонга жойлаштирди. «Гулдаста».
Бошлиқ ориқ, чўзинчоқ юзли, бир кўзи ингич-
ка тасма билан бойланган новча киши эди.
С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Баъзи бир механизмлар ёки транспорт
мосламаларининг тўхтовсиз ҳаракатланиши
ва б. вазифа учун қўлланадиган, чарм ёки
бошқа пишиқ тўқимадан ишланган узун
буюм; лента. Вентиляция тасмаси. ■ Яқин
келгусида ҳозиргидан уч баравар кўпга чи-
дайдиган капрон тасма ишлаб чиқариш йўлга
қўйилади. С. Абдуллаев, Газламанинг «умри».
Шпинделларни ҳаракатга келтирувчи тасма,
вентиляторларнинг шкивлари шу вақтгача
ўрнатилмабди. Газетадан.

4 кўчма. Лента. Бир дам олиш куни Тош-
кент радиосидан иккита мухбир келиб, сўзи-
мизни магнит тасмасига ёзиб олди. Т. Расу-
лов, Сарбон.

ТАСМАДАЙ, -дек 1 Тасмага ўхшаш, тас-
ма каби. Қўклам ёмғири қорни эритган, фа-
қат олис-олисларда, тоғ ёнбағирларида қор
суви оқ тасмадай милт-милт жилдираб туш-
моқда. Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. Осмонда оп-
поқ булутлардан узилиб тушган ипак тасма-
дек мезон тўрлари сузади. С. Нуров, Нарвон.

..тасмадек узала кетган йўлга қаради. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 кўча Хипча ва хушбичим (асосан, кимса ҳақида). [Ойша:] *Ҳой, Комилжон, хотининг тасмадеккина экан. Илоҳим, қўша қаринлар. О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам — дилим.*

ТАСНИФ [a. تصنیف — танлаб олиш; турларга ажратиш] Нарса ва ҳодисаларни уларнинг ўзига хос белги, хусусиятларига қараб тур, туркум ва ш.к. га ажратиш. *Ўзбек тили шеваларининг таснифи.* ■ *Ўзбекистон топонимларининг лексик-семантик таснифида терминологик бир хиллик йўқ.* «ЎТА».

Тасниф қилмоқ (ёки этмоқ) Маълум белги-хусусиятлари асосида тур, туркумларга ажратмоқ, тур, туркумларини белгиламоқ. *Имловий принциплар, уларни белгилаш ва тасниф қилиш юзасидан айтилган нуқтаи назарлар ўзаро турли тафовутларга эга. Э. Бегматов, Ўзбек имлоси. Сўз санъати асарларини тур ва жанрларга тасниф этиш тарихи жуда қадим замонлардан бошланади. «Адабиёт назарияси».*

ТАСНИФЛАМОҚ Тасниф қилмоқ. *Туркий тилларни таснифламоқ.*

ТАСОДИФ [a. تصادف — бир-бирига тўғри (дуч) келиш; бир-бирига мос келиш; бир хиллик] **1** Фавқуллодда, кутилмаган ҳол, воқеа, ҳодиса. *Бахтли тасодиф. Кўнгилсиз тасодиф. Ҳар қандай тасодифга тайёр турмоқ.* ■ *Тасодифдан хурсандман беҳад, Дучор қилди бахтга бир сафар. Шукрулло, Жавохирлар сандиги. Тасодифни қарангки, Муҳиддин Солияхонга дуч келиб қолди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Ҳикоя алоҳида шахсларнинг яхшилиги ё ёмонлиги ҳақида, ё бўлмаса, турмушдаги бирор тасодиф устида ёзилмайди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

2 флс. Нарса ва ҳодисаларнинг ички табиати билан боғлиқ бўлмаган, ундан ташқарида, юзаки ва иккинчи даражали, юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин бўлган воқеа-ҳодисани ифодаловчи фалсафий тушунча. *Зарурият ва тасодиф.*

ТАСОДИФАН рвш. Кутилмаган ҳолда, бирдан, қўққисдан, тасодифий равишда. *Тасодифан учрашмоқ.* ■ *Раъно, қулоғи остига теккан иссиқликдан чўчиб, юзини ўнглаган эди, тасодифан лаби ҳалиги иссиқликка учрашди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. «Дадаси қайтиб келса, Нигорани танирмикин?»*

— *тасодифан туғилган бу сўроқ Нигорани ҳаяжонга солди. С. Анорбоев, Оқсой.*

ТАСОДИФИЙ Тасодиф тарзидаги, тасодиф ҳолидаги; кутилмаган; фавқуллодда. *Тасодифий воқеа. Тасодифий учрашув.* ■ *Тасодифий ҳодисаларда қаттиқ ярадор бўлганларга тез ёрдам бериш менга маъқул бўлди. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. Бу уруш тасодифий эмас, албатта, бу воқелик осмондан тушгани йўқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ТАСҚАРА [a. صقر — лочин, қирғий] **1** зоол. Ёиртқичлар туркумининг қарчигаёлар оиласига мансуб ўлаксахўр қуш. *Унинг устидан қора ҳошияли малла қанотларини аста елпйтиб, каттакон тасқара учиб ўтди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 кўча Кўриниши ёқимсиз, турқи совуқ; беўхшов, хунук. *Наҳотки кексаларни ҳурмат қилмайдиган, бетайин баъзи тасқаралар ўз ишини маъқул қилиб юра берса. Мирмуҳсин, Бир хумча тилла. Уйинг куйгур тасқара миришларинг изингга тушиб қувладими? Ойбек, Танланган асарлар.*

ТАТАББУ [a. تتبع — бирор нарсанинг кетидан тушиш, эргашиб, изидан бориб текшириш; таъқиб қилиш] эск. кт. Текшириш, ўрганиш; тадқиқот, таҳлил. *Илмий татаббу.* ■ *Бойқаро ўз ғазалини жамики шоирларга татаббу учун берди. Ойбек, Навоий. Илмни халққа берингиз, татаббу ва тафаккур билан илмни кенгайтирмоққа ҳаракат қилингиз. Ойбек, Навоий.*

ТАТАЛАМОҚ **1** Тирнамоқ, тимдаламоқ. *Ит ерни таталади.* ■ *Адолат бир жойни панжаси билан таталади, кетмонда ковлади, аммо булоқ кўзини топа олмади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Чироқни ёқмоқчи бўлганида, эшикни биров, худди мушук таталагандай, тақирлатди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

2 кўча Ковлаштирмоқ, титмоқ, титкиламоқ. *Иш давомида унда-бунда бегона сўзларни эшитиб, кейин эса китоб таталаб, инглизчани бироз билиб олдим.* «Гулдаста».

3 кўча Бетинч бўлмоқ (қилмоқ), ғаш қилмоқ, тирнамоқ (кўнгилни, дилни). *Хавотирлик юрагини таталади.* ■ *Неварасидан безовта бўлиб, юраги таталаб кетаётганини, ота-онасига қандай хабар беришни билмай йиғларди. Мирмуҳсин, Умид.*

4 кўчма. с. т. Уриниб-суринмоқ, тиришмоқ. *Мунаввар русчага у қадар уста бўлмаса ҳам, уялиб қолмаслик учун таталаб, маъносини тушунишга ҳаракат қилар эди.* С. Анорбоев, Мехр.

Қорни таталамоқ Қорни жуда очмоқ, очликдан бетоқат бўла бошламоқ. *Қудрат, қорни таталаб кетганидан, ҳовли бурчагидаги янги ўчоққа осифлиқ декча қопқоғини очиб кўрди: декча бўш эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТАТАМИ [яп. — похол бўйра, бордон] *спрт.* Дзюдо кураши учун мўлжалланган таранг, эластик гилам. *Дунёнинг энг донгдор спортчилари билан татамига чиққан вакилларимиз ўзларининг нималарга қодир эканликларини намоиши эта олишди.* Газетадан.

ТАТАР 1 Татаристон Республикаси асосий аҳолисини ташкил этувчи халқнинг номи. *Татар халқи. Татар миллати.*

2 Шу халқ, миллатга оид, тегишли, мансуб. *Татар тили. Татар йигит.* ■ -Булди, бор инди палатанга, — деди татар хотин. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. *У татар артисткани таниб қолган эди.* К. Яшин, Ҳамза. ...Абдулла Ҳўзаев татар адабий муҳитига яқинлашади. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ТАТАРЛАР 1 Татаристон Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этувчи, туркий тилда сўзлашувчи халқ.

2 Волгабўйи, Сибирь ва Кримда яшовчи, туркий тилларда сўзлашувчи бир қанча элатларнинг умумий атамаси.

ТАТАРЧА 1 Татар миллатига, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Татарча қўшиқ. Татарча дўппи.*

2 Татар тили. *Татарчани ўрганмоқ. Татарча гаплашмоқ.*

ТАТБИҚ [а. تطبیق — қўллаш; ишлатиш, ишга солиш; амалиёт] Амалда ишлатиш, қўллаш. *Ядро энергиясининг тинч мақсадлар учун татбиқи.* ■ Бу усулнинг татбиқи мумкинлигига ва ғоят фойдалигига мутахассислар иқрор эдилар. Ойбек, О.в. шабадалар.

Татбиқ қилмоқ (ёки этмоқ) Ишлатмоқ, қўлламоқ, ишга солмоқ. *Ҳозир аспирантурага кириш учун ҳеч бўлмаганда икки йил ишлаб, институтда олган таълимни ҳаётга татбиқ қилиш керак.* С. Зуннунова, Кўк чироклар. *Урф-одат масаласи — турмушга тат-*

биқ этиб бориладиган масала. Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАТБИҚИЙ Амалда татбиқ этиладиган, қўлланадиган. *Татбиқий механика.*

ТАТИМ 1 Ровоч уруғи (дори тайёрлаш учун ишлатилади).

2 шв. **ТОТИМ.**

ТАТИМ 2 Таъсир этиш қуввати; таъм, маза. *Ўз юртингда пишган нонга нима етсин! Таъми ҳам, татими ҳам бошқа.* М. Исmoilий, Фарғона т. о.

ТАТИМЛИ 1 Яхши таъм берадиган; мазали, таъмли, тотли. *Татимли овқат.*

2 Татими яхши, яхши татийдиган. *Татимли чой.*

ТАТИМОҚ 1 айн. **ТОТМОҚ.** *Овқатнинг тузини татимоқ. Ҳаётнинг ачиқ-чучугини татимоқ.* ■ Қамбар эгилиб шивирлади: -Ичасизми? Озгина қўйиб берай. Жуда хуштаъм мусаллас. -Сира татиб кўрган эмасман. Керак эмас. Ойбек, Танланган асарлар. [Раззоқ] У ердан [мактабдан].. қорни очиб, кўзлари киртайиб, кеч қайтарди-да, олдига қўйилган таомдан *татир-татимас, алақаерга* жуънарди. Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Таъсир қилмоқ; таъсири билинмоқ; юкмоқ. *Қатиқ мошхўрдага яхши татийди.* ■ *Овқат [Шавкатжонга] мазалироқ татида.* Н. Мақсудов, Умидли бола. *Болам бечорани тинч қўясанми, йўқми? Еган-ичгани татимай, кундан-кунга.. қотиб кетяпти ўзи.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири.

Арзоннинг шўрваси татимас Арзон нарса ёки меҳнатсиз топилган даромад, маблағнинг баракаси бўлмайди, ёлчитмайди маъносидаги мақол. *Синглим, ҳеч қачон ишнинг осонини ахтарманг. Арзоннинг шўрваси татимас, деган гап бор.* Уйғун, Сўнгги пущаймон.

3 Кифоя қилмоқ, кифоя бўлмоқ, етмоқ. *Бутун умрга татийдиган сабоқ. Урпоғингда бўлса, уруғингга татийди.* Мақол. ■ *Ўзи эллик гектар ер-у, дахмазаси беш юз гектарга татийди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Оддий [бир кило] гуруч беш кишилик ош бўлса, девзира палов ўн кишига татийди.* Газетадан.

ТАТИНМОҚ қ. ТОТИНМОҚ.

ТАТИР бот. Шўрхоқ ерда ўсадиган бута-симон ўсимлик.

ТАТИҚ: *татигини бермоқ кам қўл.* Жазосини, адабини, таъзирини бермоқ. *Булар-*

нинг татиғини бермасам!.. Ҳе, кўзларинг қурсин! А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **ТАТИҒИНИ ЕМОҚ** (ёки **ТОТМОҚ**) кам. қўлл. 1) жазосини тортмоқ, адабини, таъзирини емоқ. Ҳа, бу қилмишинг учун татиғингни ейсан; 2) мазасини, лаззатини тортмоқ. *Кўп йиллар тинчгина турган қиличнинг Татиғин душман томагаж энди.* Ф. Фулом.

ТАТУИРОВКА [фр. tatouer — расм, белги чизиш < полинезча tatau — расм, тасвир, белги] 1 Игна ёки бошқа нарса воситасида махсус бўёқ билан киши танасига расм, тасвир тушириш, сўз ёзиш.

2 Шундай йўл билан туширилган расм, тасвир, ёзилган сўз. *Мен унинг билагидаги татуировкасини кўриб қолдим.* П. Қодиров, Эрк.

ТАФ [ф. تاف — ҳарорат; иситма; буғ; нур, жилю]: **таф тортмаслик** Чўчимаслик, кўркмаслик, ҳадиксирамаслик. *Қотма, баланд бўйли, кенг елкали, ҳеч кимдан таф тортмайдиган Худоёр ўрнидан турди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

ТАФАККУР [а. تفكر — фикр юритиш, ўйлаш, фикрлаш] 1 Объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикос жараёни, инсоннинг фикрлаш қобилияти; фикрлаш. *Тил тафаккур билан бевосита боғлиқдир.* ■ Инсоният юксак ҳаёлот ва тафаккур кучи билан яратган барча маънавий-бадиий бойликлар орасида оғзаки ижод намуналари алоҳида ажралиб туради. «Фан ва турмуш».

2 Ўйлаш, фикр юритиш, муҳокама; ўй. *Бир соатлик тафаккур бир йиллик тоатдан афзал.* Ойбек, Навоий. *Ки ҳар ишники қилди одамизот, Тафаккур бирла билди одамизот.* Алишер Навоий. *Орага узоқ, вазмин хомушлик тушди. Малика бир нуқтага тикилиб, тафаккурга чўкди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ТАФОВУТ [а. تفاروت — айирма, фарқ; ихтилоф] Нарса, ҳодиса ва ш.к. орасидаги ноўхшашлик, фарқ, айирма. *Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут.* ■ *Лавозим ва хизматимиздаги тафовут: мен — штаб бошлиғи, Нарзи — оддий аскар, пулемётчи.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Нафиса унинг андасига сал ҳам тўғри келмас эди: тафовут фил билан қумурсқача!* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ТАФРИҚ(А) [а. تفریق / تفرقه — фарқланиш, ўхшамаслик; ажралиб, бошқа-бошқа

бўлиш] эск. кт. 1 Фарқ, тафовут; фарқланиш.

2 Фарқ, ажралиш ёки ажратиш туфайли юзага келган низо; нифоқ, адоват. *Бу маъносиз ғавғо подшонинг фармони билан рўй берди. Халқ орасига тафриқа солмоқдан ўзга иш йўқми, ажабо!* Ойбек, Навоий.

ТАФСИЛ [а. تفصيل — бичиш, бичиқ; атрофлича, аниқ, очиқ баён қилиш] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг ҳар бир айрим нуқтаси, майда-чуйда тафсилоти; шундай тафсилотларни ўз ичига олган баён, батафсил изоҳ. *Ҳатто кундошини паршонхотир қилган бу гап Отабекка қандай таъсир қилиши кўп тафсилга муҳтож эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Улардаги ҳар бир образ, манзара ва тафсил билан қизиқдим.* М. Қўшжонов, Дийдор.

ТАФСИЛИЙ Бутун тафсилотини ўз ичига олган; батафсил, изоҳли. *Тафселий ҳикоя.* ■ *Йўлда менга воқеани тафселий равишда сўзлаб бердилар.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. *Биз қиссамизнинг ҳажми сигдирмаганликдан, Абдурахмоннинг шаҳардаги сафил ҳаётига тафселий тўхтай олмаймиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАФСИЛЛАМОҚ Бутун тафсилоти билан, тўла, батафсил тушунтирмақ, муфассал баён қилмоқ, изоҳламоқ. *Воқеани тафсилламоқ. Тафсиллаб айтиб бермоқ.*

ТАФСИЛЛИ Бутун тафсилотини ўз ичига олган; муфассал. *Тафсилли жавоб.* ■ *Аҳмад Ҳусайн узоқ сўзлади, деҳқонларнинг ҳаётини ёрқин, чуқур тафсилли ҳикоя қилди.* Ойбек, Нур қидириб.

ТАФСИЛОТ [а. تفصیلات — «тафсил» с. кўпл.] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг тафсили, майда-чуйдаси. *Уша жанг тафсилотини эслаганимда, барча қуролдош дўстларим кўз ўнгимда бирма-бир ғавдаланади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *У Замирани таниганидан бери, ораларидан нима ўтган бўлса, ҳаммаси, майда-чуйда тафсилотларигача, ҳаёлида тинмай такрорланарди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

ТАФСИР [а. تفسیر — шарҳ, изоҳ, матннинг маъносини очиш; маъно, мазмун] кт. 1 Бирор гап, воқеа-ҳодиса, матн ва ш.к. га берилган мукаммал изоҳ, шарҳ, тушунтириш. *Қуръоннинг тафсири. Муаммонинг тафсири. Тафсир қилмоқ.*

2 тар. Куръоннинг мадрасаларда алоҳида фан сифатида ўрганиладиган муфассал шарҳи. *Аҳмадхўжа ўз хатида Мадрасаи олияда тафсир, ҳадис, илми кимё каби турли илмлар ўқитилишини ёзган эди.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари.

ТАФСирЛАМОҚ Маъносини тушунтириб, изоҳлаб бермоқ, шарҳламоқ, тафсир қилмоқ. *Олим Бедилни тафсирлашга киришди.*

ТАФСирЧИ Бирор нарсанинг маъносини тушунтириб, изоҳлаб берувчи шахс. *Куръон тафсирчилари.*

ТАФТ [ф. تفت — иситма, ҳарорат] **1** Иссиқлик манбаи ёки қизиб турган нарсадан ураётган иссиқ, ҳарорат. *Тандирнинг тафти. Оловнинг тафти. Гулхан тафтида исинмоқ.* ■ *Кеч кириб, ҳавонинг тафти қайтди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Мовий осмон тиниқ ва беғубор, ҳали тахтга минмаган қуёшнинг тафти баданни куйдирмайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Иссиқликдан кўтарилаётган буғсимон нарса; ҳовур. *Эгатлардан жимир-жимир тафт кўтарилади. Қушлар кўринмайди.* С. Нуров, Нарвон.

3 кўчма Шахс ёки нарсанинг ҳарорат даражаси ҳолати; температура. *Сувнинг тафтини билгиси келди, шекилли, ғўдир бармоқларини ботирди.* Р. Раҳмонов, Восил ака. *Шу тариқа тажриба ҳам тўплана борди, чўл ерларининг тафти, маромини ҳам ўрганиб олишди.* Газетадан.

4 кўчма Ижобий таъсирли, ҳаётбахш ҳарорат, ўт. *Ҳовлида одам борки, жон бор. Девордан тортиб дов-дарахтгача.. ошхонадан тортиб донхонагача, рўзгор буюмларигача — бари одам тафти билан тирик.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Бу сатрларнинг тафтидан Зухра бегимнинг қалбига яна илиқлик югурди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

5 кўчма Киши руҳидаги ёқимсиз ҳолат, ғубор. *Овқатдан олдин ювиниб чиқасизми — совуқ сув одамнинг тафтини босади.* А. Қаҳҳор, Аяжонларим. *Одам тафтини одам олади, деганлари шу-да, иним.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Дикқати ошиб, дили қоронғи бўлиб кетган кезларида челақни шафтолига тўлдириб, ётоғимизга келиб қолади. Бизни койиб-койиб, тафтини ёзиб кетади.* С. Аҳмад, Онажонлар.

6 кўчма Ўзини юқори олиш, манманлик кайфияти. *Ҳалима ўша Ойжамол опа ке-*

либ кетгандаги можародан кейин анча тафтидан тушган, ўзгара бошлаган эди. Ж. Абдуллахонов, Гулчеҳра.

ТАФТ **тортмаслик** айн. **таф** **тортмаслик** қ. **таф.** *Шунинг учун улар ниятларига етиш йўлида оғирликлардан тафт тортмадилар.* М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.

ТАФТИШ [а. تفتيش — излаш, қидириш; текшириш, назорат қилиш] **1** эск. Бўлиб ўтган иш, ҳодиса ва ш.к. юзасидан ёки ҳақиқий аҳволни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширув, тергов, сўроқ. *Режали йиллик тафтиш. Тафтиш комиссияси.* ■ [Навой:] *Тафтишлар шуни кўрсатадики, Ёдгорбек қўзғолонида бу одамнинг ҳам қўли бўлган.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Уёлингиз сиздан яшириб, Ҳамза ҳожининг бедин мактабига қатнармиш деб эшитаман, шу ростми? — Тафтиш қилдим, тақсир, қатнар экан.* К. Яшин, Ҳамза.

2 эск. Қидирув, тинтув. *Ўғрилар тутилсин, дорга осилсин! Ҳар бир хонадон тафтиш қилинсин.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Бирор муассаса ёки мансабдор шахснинг молиявий-ҳужалик фаолиятининг тўғрилиги, қонунийлигини аниқлаш мақсадидаги текширув. *Биринчи тафтиш юзаки ўтказилгани ҳақида эътирозлар туғилгач, республика агросаноат комитетидан мутахассис чақиришди.* «Муштум».

Тафтиш қилмоқ (ёки **этмоқ**) Текширув ўтказмоқ (**тафтиш** ҳар учала маъносиди). *Партбюро Оғажоннинг аризасини тафтиш этиш юзасидан комиссия тузди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Эшмамат Ашуоровнинг иш фаолияти тафтиш қилинганда, минг сўмга яқин камомад аниқланди, иш ҳақидан 2138 сўм ортиқча олинган.* «Муштум».

ТАФТИШЧИ Тафтиш қилувчи, текширувчи. *Халқ назорати постидагилар Илҳомчанинг эгри қўллиги ҳақида милицияга сигнал беришибди. Аммо тафтишчилар келганда, Илҳомча алақачон қочиб улгурган эди.* Ҳ. Гулом, Сенга интиламан. *Пихи қайрилган тафтишчилар қасд қилганда ҳам, бирон марта камомад тополмаганлар.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ТАФФОТ шв. Кўнгилни беҳузур қилувчи иссиқ шамол; гармсел. *Туш маҳали эди. Бу пайт Бухорода кун жуда оғир кечарди. «Кўчага чиқма, таффот келди», дейишарди оналар фарзандларини гармселдан асраш ни-*

ятида. С. Кароматов, Бир томчи қон. Гоҳо ёз ойлари бу ерда тафлот эсади. С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

ТАХ 1 Дазмол урилган ёки тахланган нарсанинг текис қайрилган, букилган жойи, чизиғи. *Дўппининг тахи. Тахини ёзмоқ. Дазмол уриб, тахини текисламоқ. Дазмоллаб, шимга тах солмоқ. Тахтакачлаб, дўппининг тахини чиқармоқ.* ■ *Келин чой қуя туриб, кўзи тахи очилмаган дўппига тушиди, севинч билан уни қўлига олди, миннатдорчилик билдирди. Ойдин, Мардлик – мангулик. Дилшод хат тахини очди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Тахига солмоқ Букилган, қайрилган жойидан қайта букиб, яна аслидай қилиб тахлаб қўймоқ. *[Кумуш] Кўз ёшини дув-дув тўкиб, хатни ўз тахига солди ва ўзидан жавоб кутиб турган ачаси билан онасига деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Териб, тахлаб қўйилган нарса ёки унинг ҳар бир тахлами. *Бир тах пул.*

Тах урмоқ Зиҳ чиқариб тахлаб, йиғиб қўймоқ (кийим, ўрин-кўрпа ва ш.к. ни). *Дўппига тах урмоқ. Ўрин-кўрпаларни сандиқ устига тах урмоқ. Тахи бузилмаган 1)* янги, кийилмаган, тугилмаган. *Кимсан тахи бузилмаган катта костюмининг енгини осилтириб, кўчада ёлғиз турар экан, ўзига-ўзи кулгили кўриниб кетди. А. Мухтор, Тугилиш. Она тахи бузилмаган кўрпачаларни ташлаб, айвонга жой қилди. Н. Ёқубов, Ҳавас; 2)* қўл тегизилмаган, ишлатилмаган. *Тахи бузилмаган пул.* ■ *..кенг пахтазор майдонида пахта чунонам бўлибдики, қанча терилса ҳам, тахи бузилмагандай. Ҳ. Назир, Олмос. Ўйга берилган топшириқлар тахи бузилмасдан турган эди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.*

ТАХАЙЮЛ [*а. تَخِيل* – ўйлаш, хаёл қилиш, тасаввур этиш] *эск. кт. Хаёлга келтириш, ўй суриш, хаёлот. Тахайюл майига термиламан жим. Р. Парфи, Кўзлар.*

ТАХАЛЛУС [*а. تَخْلُص* – ўзини ўзи қутқариш, озод қилиш; халос бўлиш] Бирор ижодкор (шоир, ёзувчи, рассом, олим ва ш.к.) ёки сиёсий арбобнинг ўзи учун танлаб олган бошқа, иккинчи номи. *Мен – Юсуфийман, тахаллусим – Ўткир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Муҳаммад Раҳим, табиатан музыка ва адабиётга ҳаваскор бўлиб, «Феруз» тахаллусида шеърлар ёзган. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ТАХИР 1 Таъми оғизни буруштирадиган; какра, талха. *Тахир дори. Тахир шафтоли.* ■ *Унинг [Салимбойнинг] кенг қора қоши, қўй кўзли, пешонаси серажин чўзиқ юзи худди тахир бир нима егандек бурушиди. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. Мева ғўралигида тахир бўлади, еган кишининг лабини қиздиради. «Фан ва турмуш».*

2 кўчма Дағал, бадҳазм (гап, сўз, муомала ва ш. к. ҳақида). *Тахир гап.* ■ *Харидорлар сотувчидан тахир сўз эшитмаслик учун индамай чиқиб кетишиди. «Муштум».*

Тахирини чиқармоқ Шарманда қилмоқ, изза қилмоқ; пачавасини чиқармоқ. *..вақти келиб, ҳовуридан тушиб қолар, деб ўзига сабр бериб, эрининг тахирини кўчага чиқармади. Р. Раҳмон, Қиз – азиз фарзанд-ку! Аммо сўкавериб, бир-иккита вақилнинг тахирини чиқариб юборди. «Муштум».*

ТАХЛАМ Териб, тахлаб қўйилган нарса ва унинг ҳар бир тўпи. *Бир тахлам китоб.* ■ *Зокир Усмон ичкари уйдан эски газеталар тахламини олиб чиқди. «Ёшлик».*

ТАХЛАМОҚ 1 Буклаб, тахига солиб қўймоқ; буклаб, тахига солиб жойламоқ. *Онам устимдан чопонимни ечиб олиб, тахлаб қўйибдилар. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Мен шамшод хивичидан тўқилган буклама курсичамни тахладим. «Гулдаста». Хотин индамади, рў(й)жани тахлаб, столнинг устига суриб қўйди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

2 Устма-уст термоқ, устма-уст қўйиб жойламоқ. *..татар аёл китобларни бир чеккага тахларди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Ота чайланинг тўрига тахлаб қўйилган кўрпалар устидаги ёстиққа ишора қилди: -Ҳеч уялиб-негиб ўтирма. С. Анорбоев, Оксой.*

3 кўчма Уст-устига, кетма-кет келтирмоқ, қўшмоқ, қалаштирмоқ (гап-сўз ва ш.к. ҳақида). *Кейин биринчи навбатда нима ишлар қилиш кераклигини тахлаб ташлади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Мактаб директори Соат Лочинов.. бирпасда талай гапни тахлаб ташлади. Газетадан. ..баҳона тахлаб ташлаётган Жавҳардан Расулжоннинг жаҳли чиқди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

ТАХЛИТ [*а. تَخْلِيد* – «тақлид» (ўхшатиш, ўхшаш, ўхшатма) с. нинг бузилгани] **1** Қўриниш, шакл, қиёфа. *Одам тахлитидаги маймун. Ака-ука қўйиб қўйгандек бир тахлитда.* ■ *Баъзи жойда квадрат аниқ, баъзи*

жойларда тахлити ҳам йўқ. И. Раҳим, Ихлос. Ҳар қадамда нураган, хароба деворлар кўп учрайди. Бу қишлоқнинг тахлити ана шундай эди. Ё. Хаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. ..нонни иштаҳасиз тишлар, мискарлар томонидан самовар тахлитда ясалган кўмғондан чой қуяр эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Айрим сўзлар ва кўрсатиш олмошлари билан қўлланиб, усул, йўсин, тарз маъносини билдиради. *Иш тахлити. Юриш-туриш тахлити.* ■ Шу тахлит юк тугагунча.. терлаб ишлашди. «Ёшлик». Уларнинг турмуши шодлик ҳам кўрмай, ачиқ-чучукни ҳам сезмай, шунчаки бир рўзгор тебратиш тахлитда ўтди. И. Раҳим, Ихлос. *Ҳачирга миниб, сиз билан бир тахлитда бораман.* «Латифалар».

3 кўм. өзф. Ўхшатиш, қиёс билдиради; каби, сингари. *Бу тахлит чистоний байтлар қадимда ҳам олий ҳазратнинг истақлари ила битилур эди. С. Сиёев, Аваз. -Олло ниятингизни берсин! — деди.. ўзини улугвор ва юксак мансабдор тахлит тутиб. Шўҳрат, Олтин зангламас.*

ТАХЛОҒЛИҚ Тахлаб, териб қўйилган, тахланган. *Тахлоғлиқ қоғоз. Тахмондаги тахлоғлиқ кўрпалар.* ■ Нигора кўз ёшини артиб, тахлоғлиқ турган китоблар ичидан дафтар олди. С. Анорбоев, Оқсой.

ТАХМИН [а. تَخْمِين — фараз, гумон; мўлжал, чама] Ўйлаб, чамалаб, мўлжаллаб ёки қандайдир мулоҳаза ва ш.к. га асосланиб қилинган фараз, чама. *Тахмини тўғри чиқди.* ■ Ана шундан кейин.. одамлардан бири ўз тахминини сўзлай кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўрган заҳотим, ўзбек қизимикан, деган эдим, тахминим тўғри чиқди.* Ойдин, Суҳбати жонон. *Зиёдилланинг тахминича, Комил афанди Бўронбекнинг уйига етиб келган ва агар келмаган бўлса ҳам, ҳозир етиб келиши керак.* Ҳ. Фулом, Машғал.

Тахмин қилмоқ ..деб ўйламоқ, фараз қилмоқ, ўйламоқ. *Абдумажидлар, Зариф ота тахмин қилганидек, ўн иккидан анча ошганда келишди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Бозорга сабзи-пиёзми ё картошка олиб келиб, бола-чақаларига кийим-кечак қилиб кетаётган деҳқон бўлса керак, деб тахмин қилди. С. Анорбоев, Оқсой.*

ТАХМИНАН [а. تَخْمِينًا — тахмин асосида, тахмин бўйича, тақрибан, қарийб] Тахминга кўра; чамалаб, тахмин қилиб олган-

да (айтганда, кўрганда). *Улар бир-биридан тахминан бир ёш-бир ярим ёш фарқ қилади. Ф. Мусаҷонов, Нозик масала. Қамчи охириги марта қаторасига ўқ отилган жойни тахминан мўлжалга олган бўлса ҳам, тўқайга кирганда, мўлжалдан адашди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

ТАХМИНИЙ Тахминга асосланган, тахмин, чама билан белгиланган, тахмин қилинган; дастлабки, хомаки. *Тахминий маълумот. Тахминий ҳисоб.* ■ Тахминий гаплар қулоққа ёқмайдиган бўлиб қолди. *Режасиз, таваккал иш фақат зарар келтириши мумкин. Ҳ. Фулом, Меҳнат ва гўзаллик.*

ТАХМИНЛАМОҚ Тахмин асосида ҳукм чиқармоқ, тахмин қилмоқ, чамаламоқ, мўлжалламоқ. *Қассоб қўйни, гўшт-ёғи билан, қирқ беш кило тахминлади.* ■ Бир йили.. қариялар чинорнинг ёшини ҳисоблаб, мингга кирадиган фаслини тахминлаб эълон қилишибди. А. Мухтор, Чинор.

ТАХМОН Уй ёки айвон деворида: сандиқ ўрнатиб, устига ўрин-кўрпа йиғиб қўйиладиган тоқчасимон махсус жой. *Уйнинг тўрида иккита тахмон. Тахмонга ўрин йиғмоқ.* ■ Холдорхон тахмондан кўрпача олиб ёзди. С. Зуннунова, Гулхан. *Шаҳзодаҳон бир нозик шох ташлаб.. шоху атлас кўрпа-кўрпачалар тўла тахмонга борди.. К. Яшин, Ҳамза.*

ТАХОМЕТР [юн. tachos — тезлик + metreo — ўлчайман] Вал, гилдирак ва ш.к. нарсаларнинг айланиш тезлигини ўлчайдиган асбоб; спидометрнинг бир тури.

ТАХТ I [ф. تخت — подшоҳнинг маросимларда ўтирадиган махсус ўриндиги] 1 Расмий қабул ва бошқа тантанали маросимларда шох, хон ва амир ўтириши учун сарой тўрига ўрнатилган, махсус безатиб ишланган жой, ҳашаматли ўриндик. *Хон тахтда эди. Ўнг тараф курсида Абдурахмон офтобачи ва сўлда шоир мулла Ниез домла қўл боғлаб ўтирар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Шайбонийхон у билан тахт устидан тушмасдан сўрашди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Абусаид тўппа-тўғри Аркка кўтарилиб, катта ҳовлидаги қадимий тахтга ўтирди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 Подшоҳ, хон, амир лавозими; подшоҳлик, хонлик, амирлик. *Агар кушойиши корингизни бериб, тахт Жаҳонгир мирзога ўтса, сиз унинг энг ишонган раҳнамоси бўлурсиз. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Зулим, тахтга*

қарши исён Шарқ кўксига тўлиб тошиди. Файратий.

3 кўчма Мансаб, лавозим (ўрни). *Тахтда ёлғиз бўлишни, барча оғзига тикилиб ўтиришни истарди Қажомхон. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

Тахтга чиқмоқ (ёки ўтирмоқ, минмоқ) 1) шоҳ, хон ёки амир лавозимига кўтарилмоқ, ҳокимият тепасига чиқмоқ. *Аслида бу отни Улуғбек мирзо Самарқанд тахтига чиққан пайтида Бухоро беги туҳфа этган эди. Мирмуҳсин, Меъмор. „бир кунни одил бир амирзода Хуросон тахтиса ўтиргач, золимни жазолайди, деб ўйларди. Мирмуҳсин, Меъмор;* 2) бирор вазифага, лавозимга кўтарилмоқ. *Халиловнинг техникаси, Халиловнинг ўзи ҳам эскириб қолган эмиш. Сен қоч, мен чиқаман тахтинга, дегани эмасми бу тирмизакнинг. И. Раҳим, Ихлос. Тахтдан тушмоқ (ёки йиқилмоқ)* 1) шоҳлик, хонлик, амирлик лавозимидан ажралмоқ, ҳокимият тепасидан тушмоқ. *Ҳайдар ота шаҳарга борган эди, «оқ пошшо тахтдан тушиди» деган гапни эшитиб қолди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо;* 2) кўчма с. т. вазифасидан, амалидан тушмоқ, бекор бўлмоқ. *Яхшиси, ўша кунни, ошпазлик тахтидан тушган кунинг, ўзингни осиб қўя қолсанг ҳам бўлади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

ТАХТ II Фойдаланиш ёки ишлатиш учун тайёр, шай; муҳайё. *Ҳамма нарса ишни бошлаш учун тахт. С. Кароматов, Сўнгги бархан. Милтиқлар тахт, отлар тайёр, лекин кимнингдир қуш олиб келишини кутишар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.*

Тахт турмоқ Чидаб, бардош бериб турмоқ; тек турмоқ; сабр қилмоқ. [*Шарофат*] *Ғазабдан эмас, отилаётган нарсаларга чап бермай, тахт турган Сидиқжоннинг олов сочаётган кўзларини кўриб, қўрққанидан отар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Тахт қилмоқ* Тайёр, муҳайё ҳолга келтирмоқ. *Мен Йўлдошнинг маошини йиғиб, тўйни тахт қилиб қўйибман. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Бутазорда йиғитлар қуролларини тахт қилиб, душманини пойлаб ётишди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.*

ТАХТА I [ф. تختہ — тахта, лавҳа; варақ; ёғоч] 1 Ходадан узунасига тилиб олинган ясси ёғоч бўлаги. *Қарағай тахта. Тахтани рандаламоқ. ■ Биринчи хонага кираверишда узун энли тахта қўйилибди. С. Сиёев, Ёруғлик. Ғуломжон.. даладаги теракзорларидан*

тўртта бақатеракни кестириб, тахта тилдирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бўр билан хат ёзиш учун махсус ясалган мактаб-ўқув кулоли. *Хонада ўнча эски, чанг босган парта, кираверишдаги деворга каттакон қора тахта қоқилган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Болаларда дафтару қалам, синфда тахтаю бўр бўлса ҳам, ўқиш китобларининг йўқлиги Ғуломжонни ёмон дилхун қилар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 тар. Абжад ёзилган дастали тахтача (эски мактабда ўқув кулоли сифатида ишлатилган). *Икки ҳафта ҳарфлар ёзилган «тахта» ўқиганимдан кейин домла: -Шанба кунни ҳафтиякка тушасан.. — деди. А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар.*

4 Турли мақсадда фойдаланиш учун тахта, фанер ва ш.к. дан ишланган нарса. *Шахмат тахтаси. Эълонлар тахтаси. Ёдгорлик тахтаси. Ош тахта. ■ Мен уни теннис тахтасига бошлаб, ўзимча ўйин қоидасини тушунтирган бўлдим. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Турли воқелик ва янгиликларни ёйишда шир ва плакатлар, тематик стенд ва кўрсаткич тахталари алоҳида ўрин тутди. Газетадан.*

5 Турли ўлчамдаги тўрт бурчак яхлит қоғоз, варақ. *«Қочинг! Ўзим ёзаман», дедим. Ўтириб, етти тахта қоғозни тўлдирдим, эшитганларимнинг ҳаммасини ёздим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. Анави қутида яхши, кўк чизикли тахта қоғоз бор, ўшандан икки варагини олиб, мана бу ерга ўтир, қизим [деди Онахон]. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

6 Шу тахлитдаги, ўлчамдаги ойна, тош, металл ва ш.к.; плита. *Мармар тахта. Бир тахта тунука. Бир тахта ойна. Тахта чой. ■ Майдоннинг бир чеккасидаги кекса мажнунтол остида бир-бирига суяб қўйилган иккита қора тош тахта сағана шаклини олиб турар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Четрққча чиқиб, бетон тахтага ўтирдим. С. Сиёев, Ёруғлик.*

7 қ. х. Марза билан ажратилган ер бўлаги; карта. *Икки тахта полиз. Туянинг ҳазили бир тахта ғўзани ёйди. Мақол. ■ Соғда тушгунча кўндаланг эгатли алоҳида тахта бошланади. А. Қодирий, Обид кетмон. Очилган ерни катта-катта тахта Қилиб, иш бошлади эмакка пахта. Ҳабибий.*

Тахта бўлиб қолмоқ ёки тахтадай қотиб қолмоқ Қўрқув ёки ҳайратдан тонг қотиб

қолмоқ, ҳайрон бўлиб қолмоқ. *Мезбон, у билан икки-уч оғиз гапиришди-да, билмадим, нима сир ўтдики, турган ерида тахта бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Сароб. Маймун тилкаланган қурбонини кўтариб, деразада кўринганда, матрос тахтадай қотиб қолди. «Фан ва турмуш». **Тахтага олмоқ** (ёки **тортмоқ**) Сиқув ҳолатига олмоқ, исканжага олмоқ. *Ғиёсиддин қизиқ ҳолга тушди. Оқсоқол уни икки модда билан тахтага тортиб, тил-жағини боғлаб қўйган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Оқсоқол кўрса, мени тахтага тортилади, сени раисга топширади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Рисолатойни аввал тахтага олиб қарасам, Рустамбек билан икковининг орасида озгина элчилиги бор экан.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ТАХТА II [ф. تخته] Суянчиқсиз кенг диван.

ТАХТАБАНД [ф. تخته بند — тахта билан тўсилган; боғланган] кам қўл. **1** Тахта қўрилган; тахта билан қўрилган, ажратилган. *Тахтабанд девор.* ■ *Дераза ва эшикли, таги тахтабанд, усти тунукали икки уй, бир ошхона, бир оғилхона ва бир хашақхона — тамом!* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 айн. тахтакач.

ТАХТАКАЧ I махс. Янги тайёрланиб буланган дўппини сиқиб (пресслаб), тахнини чиқариш учун ишлатиладиган, устма-уст қўйилган икки тахтачадан иборат мослама; исканжа. [Мехрихон] *Янги битказган дўппини тахтакачга бостирди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Телпагини қозикқа олиб, ҳозиргина тахтакачдан чиққандай янги чуст дўптисини чўзғилаб кийди-да, сўради.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 тиб. Синган аъзо суягини қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш учун ишлатиладиган тахтача. *Оёққа тахтакач боғламоқ.* ■ *Ахир у салкам бир йилдан буён.. тахтакачда шинга тикилганча ётибди.* Э. Охунова, Кўз кўзга тушганда.

3 тар. Айбдорнинг бўйнига солиб, боғлаб қўйиладиган жазолаш қуроли. *Хирожени тўламаган деҳқонларнинг бўйнига тахтакач осиб қўяр эдилар.* «Ўқиш китоби».

4 Ёнғоқ ўйинида: соққани қўйиб отиш учун мосланган тахта асбоб. *Соққани тахтакача қўйиб отмоқ.*

ТАХТАКАЧДАЙ, -дек I Тахтакач каби, тахтакачга ўхшаш.

2 Жуда етилиб семирган, биққи семиз. *Совлиқ кичик бўлишига қарамай, тахтакачдек, бозорда мунчалик биққи қўй йўқ, деса бўлади.* С. Абдулла, Соялар. *Доим боқувда турган, орқасига эгар ботмай тахтакачдай.. семирб кетган тўриқ, эгасининг оёғи узангига тегиши билан, кўчага қараб интилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАХТАКАЧЛАМОҚ I Тахтакач орасига олиб, қисиб қотирмоқ. *Дўппини тахтакачламоқ.*

2 Синган аъзо суякларини тахтакач орасига олиб, сиқиб боғлаб қўймоқ. *Бобоқул ота қаёқдандир ёғоч топиб келди. Уни Нигора айтгандай қилиб йўнди. Икковлашиб Шербекнинг дод-войига ҳам қулоқ солмай, чан қўлини тахтакачлаб боғлашди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳамширанинг ёнида қўлини тахтакачлаган новча доктор ҳам турарди.* С. Кароматов, Олтин кум.

ТАХТА-ЎҚЛОҒИ Оштахта ва ўқлоғи.

Тахта-ўқлоғини йиғиштирмоқ **1)** хамир ёйиб бўлгач, тахта, ўқлоғи ва б. асбобларни йиғиштириб қўймоқ. *Масъуда тахта-ўқлоғини йиғиштириб, ошхонага қараб кетди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема; **2)** айн. **дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ** (ёки **кўтармоқ**) қ. **дов-дастгоҳ**. [Шокир ота] «Повуркон» моллари ҳар ёқни тўндириб, косибларнинг бозорини касод қилганлиги, иши чиптакка чиққан косиблар бирин-кетин «тахта-ўқлоғини» йиғиштираётганлиги ва ҳоказони тасвирлаб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАХТ(И)-БАХТ Бойлик, давлат. *Тахти-бахтини ташладим, Қаландар бўп, йўл бошладим.* «Рустамхон». [Жамила:] *Мени олар эмиш. Ҳо-ҳо. Мен сендай қорин бойларни, тахти-бахтининг билан, ўзимнинг камбағал эримнинг ҳаром тукига олмасман! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

ТАХТИРАВОН [ф. تختروان — юрувчи тахт] **1** Шарқ мамлакатлари ва Жанубий Америкада: маълум бир сафар чоғида олий мартабали шахслар ўтқазилиб, сопи елкага қўйиб кўтариладиган ёки фил устига ўрнатиладиган, усти берк ҳашамдор замбар. *Бизлар Шохрух жанобларини суяб, хачирдан туширдик ва авайлаб, тахтиравонга солдик.* *Тўрт мулозим ул тахтиравонни елкалаб, лашкаргоҳдаги бир чодирга элтиб, ўша ерга жанобларини ётқиздилар.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

2 кўчама Равон, текис (йўл ҳақида). *Фабриканинг йўлини тахтиравон десанг-чи, Фабриканинг қизини қандак урик десанг-чи. «Фольклор».*

ТАХТЛАМОҚ Тайёр, шай ҳолга келтирмоқ, тайёрлаб, тахт, шай қилиб қўймоқ. *Сафар анжомлари тахтлаб қўйилди. ■ Радиатор дейсизми, аккумулятор дейсизми, боринги, керосин воронкасини ҳам тахтлаб олганмиз. Р. Раҳмон, Мехр кўзда.*

ТАХТЛИ: таг-туғи тахтли айн. таг-тахтли. *Жуда бой бўлмаса ҳам, таг-туғи тахтли бир одамга қуда бўла олишар эди. С. Зунунова, Олов.*

ТАХУРАР этн. Ўғил тўйига атаб тикилган кўрпа-тўшакларни тахмондаги сандиқ устига кўз-кўз қилиб йиғишга — тах уришга бағишланган, фақат хотин-қизлар иштирокида ўтказиладиган кичик тўй маросими.

ТАЧАНКА [р. < пол. najtyczanka — арава тури] Икки от қўшиладиган тўрт гилдиракли усти очиқ енгил арава. *Шошмай турларинг. Ҳали замон тачанка ҳам келиб қолади. Х. Назир, Чўл ҳавоси.*

ТАЧКА [қад. р. тачати — гилдиратмоқ, гилдиратиб бормоқ] Юк ташиш учун ишлатиладиган якка гилдиракли қўл арава; замбилгалтак. *Яқиндагина Мамажон ҳам тачка гилдиратар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ТАШ 1 Ташқи томон, сирт. *Уйнинг ташини оқламоқ. Мол олasi — ташида, одам олasi — ичида. Мақол. ■ -Ичимда «тилинг бошингни есин!» десам ҳам, ташимда хурмат билан кутар эдим, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Ташқари, чет. *Душманнинг ташида бўлгунча, ичида бўл. Мақол. Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан, Қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг ташидан. Мақол.*

ТАШАББУС [а. تَشَابُّس — тиришқоқлик; барқарорлик, қатъийлик; ғайрат, ташаббус] 1 Бирор ишга бошловчи, даъват этувчи сазъ-ҳаракат, ғайрат. *Илғорлар ташаббуси билан бошланган мусобақа. Ташаббус кўрсатиб ишламоқ. ■ Одамларда ғайрат ва ташаббус яшаб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Майин жулни зотли қўйлар урчитиш иши ўз ташаббусимиз билан қилинди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Уддабуронлик билан мустақил иш олиб бориш хислати, бирор ишда бошчилик, етакчилик роли. *Ташаббусни қўлга олмақ. Ташаббусни қўлдан бериб қўймоқ. ■ [Элмурод] Бу муваффақиятни тўла ва бутунлай қўлга киритиш учун, бу ишда кўпроқ ташаббус кўрсатаётган Гулсумга доимий таъсир қилиб туриш лозимлигини ҳеч бир унутмади. П. Турсун, Ўқитувчи. Қўнглининг бир четида «Ташаббусни қўлдан бермаслик керак!..» деган эътиқоди чинқиради. П. Қодиров, Уч илдиш.*

ТАШАББУСКОР Бирор ишни, ташаббусни бошлаб берувчи; бошловчи; ташаббус эгаси. *Уста Ҳазратқул янги посёлканинг ташаббускори ва раҳбари Ойқиз келаётганини кўрди-ю, тезгина юриб, қаршисига чиқди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ТАШАББУСКОРЛИК Ташаббус иши, ташаббус кўрсатиш; бирор ишда бошловчи бўлишлик. *Ижодий ташаббускорлик. ■ Ўзига хос билим ва тажриба, ўзига ишонч ва ирода; ташаббускорлик.. ҳар қандай мушкулнинг калитидир. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ТАШАББУСЧИ айн. ташаббускор. *Буйруқ бор.. Олий бош қўмондонлик жангчиларни ташаббусчи бўлишга чақирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ТАШАККУЛ [а. تَشَكُّل — шаклланиш, муайян шакл, кўринишга эга бўлиш] Муайян бир шаклга эга бўлиш, ташкил топиш, шаклланиш. *Фузулий устида олиб борилган текширишлар Фузулий адабий мактабининг ташаккулида Навоий ижодининг муҳим роль ўйнаганлигини янада яхшироқ очиқ беради. «ЎТА».*

ТАШАККУР [а. تَشَكُّر — миннатдорчилик билдириш, раҳмат айтиш] 1 Яхши иш, хизматни такдирлаб билдирилган миннатдорлик. *Ташаккур билдирмоқ (айтмоқ, этмоқ). ■ Ҳалол меҳнати, беминнат хизматлари туфайли кўп сонли шогирдлар ташаккурига, одамлар хурматида сазовор бўлган.. устозлар оз дейсизми. Газетадан. Мусофир ҳаяжонланиб, Меъморга қай йўл билан ташаккур айтишни билмасди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 унд. с. өзф. Миннатдорчилик ифодалайди. *-Ташаккур, ташаккур! — кошинпаз ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди. Мирмуҳсин, Меъмор. Рашид ташаккур дегандек, қўлини кўксига қўйиб, бош эгди. «Шарқ юлдузи».*

ТАШАККУРНОМА [ташаккур + нома]

Ёзма ташаккур. *Тажрибали жангчи Ҳайдар-али Деҳқоновнинг хизмат дафтарчасига ўттиз иккита ташаккурнома ёзилган. Газетадан. Бу қонли жангда менинг қисмимдаги йиғитлар ботирлик кўрсатиб, қўмондонликдан ташаккурнома олдилар. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ТАШАККУРОТ кам қўл. Ташаккур; ташаккурлар. *Зоти олийларига жаридамиз чуқур ташаккуротини билдиради. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТАШАШМОҚ с. т. Уришмоқ, солишишмоқ. *Бўйин патиларини гардиш қилиб, патирутур ташашаётган икки хўрознинг атрофини.. доира шаклида ўраб олган эдилар. «Муштум».*

ТАШАҲҲУД [а. تشهد — калимаи шаҳодатни айтиш] дин. Калимаи шаҳодатни, яъни «Ло илоҳа илаллоҳ ва Муҳаммадун расулуллоҳ» («Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расулидир») иборасини тил билан айтиш, дил билан тасдиқ этиш; Ислом динидаги беш асосий руқннинг биринчиси.

ТАШБИҲ [а. تشبيه — ўхшатиш; таққослаш; ўхшашлик; мажоз] ад. Ўхшатиш; мажоз. *Бундай ўринларда ташбиҳ айни чоқда муболага, ифрот моҳиятига эга. «ЎТА». Унинг сўзларида қишлоқ камбағаллари тушунмайдиган истилоҳ, таъбир, ташбиҳ ва жумла йўқ. А. Қодирий, Обид кетмон. Ташбиҳ ахтармангиз ушбу ғазалдан, Наҳд жойда насия не керак асли. А. Орипов, Онажон.*

ТАШВИШ [а. تشويش — тинчсизлик, тартибсизлик, бузғунчилик; касаллик] 1 Кўзланган иш, мақсад ва ш.к. йўлидаги ўй-фикр, хатти-ҳаракат; безовталиқ, тараддуд. *Рўзғор ташвиши. Тирикчилик ташвишлари. Тўй ташвишлари. ■ Ҳар бир куннинг ўзига хос иши ва ташвиши бордир. Ш. Рашидов. Бўрондан кучли. Адолат кечаси билан чанқоқ ғўзалар ташвишида ухломлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Мана энди Ўскинбойда янги ташвиш: адирлардан ер очмоқчи. «Ўзбекистон кўриқлари». Хўрозларнинг сўнги қичқиригидан уйғонаётган.. қишлоғимизнинг кунлик ёқимли ташвишлари бошланаётган эди. «Саодат».*

2 Бахтсизлик, жудолик ва ш.к. туфайли юз берадиган ҳис-туйғу; ғам, қайғу. *Ташвиш тортмоқ (чекмоқ). Бошига (кўнглига) таш-*

виш тушди. Ўйламай қилинган иш бошга келтирар ташвиш. Мақол. ■ Ташвиш қиз боланинг ҳуснини оларкан, шўхлигини ҳам, овозидаги латофатини ҳам қуваркан. С. Аҳмад, Уфқ. Сизга бир маслаҳатим: кўп куюнчак бўлаверманг, юрак касаллиги аксарият икир-чикир ташвишлардан келиб чиқади. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

3 Нотинчлик, азоб-қийноқ берадиган нарсаси-ҳодиса ва шу туфайли юзага келадиган ҳолат; кулфат, савдо. *Ёш олимнинг мусофирчиликда бошидан кечирган кулфатлари бу ташвишлар олдида ҳеч гап эмасди. М. Осим, Жайхун устида булутлар. Шундоқ илму амал билан кунлари ўтиб турган Меъмор бошига тушган улкан кулфат — ўғлининг ҳибс этилиши ташвиши ҳаммасини бир томонга улоқтириб ташлади. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ТАШВИШ ҚИЛМОҚ айн. ташвишланмоқ. *Унчалик ташвиш қиладиган гап йўқ. Уч вагон молимизни брак қилишибди. «Муштум». Ташвишга солмоқ (ёки қўймоқ, туширмоқ) 1) тинчини бузмоқ, безовта қилмоқ, уринтириб қўймоқ. -Ташвишга солдикми? — деди бика, қоракўл попоғини бошидан олиб. Ж. Шарипов, Хоразм. Март ойигача мўътадил бўлиб турган ҳаво бирданига айниди. Табиатнинг бу нотантилиги пахтакорларни ташвишга солиб қўйди. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва; 2) қайғуртирмоқ, ғам-қайғуга, хавотирликка солмоқ. Қобил карвоннинг қамоққа олиниши Абдурахмонбой хонадонини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Х. Фулом, Машғал. Ташвишга тушмоқ 1) тинчи, ороми бузилиб безовта бўлмоқ, уринмоқ. Куз ҳавоси паст келди: колхозчилар ташвишга тушиб қолишди; 2) ғам чекмоқ, хавотирликка тушмоқ. [Ҳасанали] Бу ўртада қандай ташвишларга тушмади, сўрасангиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ташвишини қилмоқ Бирор нарсаси тараддутида, ҳаракатида бўлмоқ, ўйламоқ. Тўй ташвишини қилмоқ. Рўзғор ташвишини қилмоқ.*

ТАШВИШЛАНМОҚ 1 Ўйламоқ, безовта бўлмоқ; уринмоқ. *Биз учун ташвишланманг, шошиб турибмиз. ■ Энди бу менинг қишлоғим, унинг кўрки, ободлиги учун бошқалар қаторида мен ҳам ташвишланишим керак. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

2 Ғам-ташвиш чекмоқ, қайғурмоқ; хавотирликка тушмоқ, хавотир бўлмоқ. *-Нима бўлди: катта бувинг оғридики ё бувинг бе-*

тобми? — ташвишланиб сўради Ғуломжон. М. Исмоилий, Фаргона т. о. «Ёпирай, нима бўлди болаларимга?» — деб ота ташвишлана бошлади. Ҳ. Ғулом, Машғал.

ТАШВИШЛИ 1 Ғам-ташвишга эга; ғамли, ғамнок. *Ташвишли хабар. Ташвишли чеҳра. Ташвишли дамлар.* ■ Учоқдаги ўт Ғуломжоннинг ташвишли юрагига умид бўлиб кўчди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Бошлиқнинг авзойи ҳақиқатан ҳам ташвишли эди. Н. Аминов, Суварак.

2 Кишини ташвишга соладиган, ташвиш келтирадиган. *Яхши кунларни ҳалоллик билан ўтказ, лекин ташвишли кунлар келишини ҳам ўйла.* Газетадан. Қишлоққа жанг майдонларидаги йигитлардан ташвишли хабарлар келиб турибди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ТАШВИШМАНД [а. + ф. تشويشمن — ташвишли, ташвиш тортувчи] Бошига бирор ташвиш тушган, ташвиш тортаётган. *Қутбиддинов суҳбатнинг бошланишида жиндай ташвишманд бўлганиданми, бу сафар мавзу шаҳарнинг келажаги.. эмас, бола тарбияси бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Ўжар.

ТАШВИШНОК [а. + ф. تشويشناк — ташвишли] кт. айн. **ташвишли**. Муқимий ташвишнок бир вазиятда ҳужрасига кириб, Ғарибй билан сўзлашиб ўтирган бир йигитни учратди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ТАШВИШСИЗ Ташвиши йўқ, ташвишдан холи; беташвиш, хотиржам. *Ташвишсиз киши. Ташвишсиз ҳаёт. Ташвишсиз яшамок.*

ТАШВИҚ [а. تشويق — қизиқиш, хоҳишни кучайтириш; қизиқарлилиқ] кт. Бирор нарсага йўллаш, йўналтириш, чақириш мақсадидаги гап-сўз, хатти-ҳаракат ва ш.к. Маълумки, *Фурқат* ижодий меросида баҳор васфи ва она табиат манзараларини куйлаш, ундан завқланишга ташвиқ мавзуи етакчи ўрин тутади. «ЎТА».

Ташвиқ қилмоқ (ёки **этмоқ**, **юргизмоқ**) 1) ташвиқ ишини олиб бормоқ. Аҳмад Ҳусайн бу таълимотни ташвиқ қилувчилар билан ҳеч вақт муносабатда бўлмаган. Ойбек, Нур қидириб; 2) ундамоқ, даъват қилмоқ. *Ўз вазифангизни бажариб чиқиб кетавермасдан.. озодаликка ташвиқ қилинг, уялтиринг. Шунда иш қадади.* С. Анорбоев, Оқсой. [Тожибой] *Ҳамсуҳбатига бошига тушган ташвишни баён қилди ва ўзига хос усулда тарафдорликка ташвиқ қилди.* П. Турсун,

Ўқитувчи. *Женотдел [хотин-қизлар бўлими] ходимлари, тарғиботчилар.. хотин-қизларга паранжи ташлашни ташвиқ этардилар.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТАШВИҚОТ [а. تشويقات — «ташвиқ» с. кўпл.] 1 Оммага сиёсий ёки бошқа жиҳатдан таъсир кўрсатиш мақсадида ёзма ва оғзаки равишда қилинадиган ишлар, талбирлар. *Ташвиқот юргизмоқ.* ■ *Ҳай, хотин киши экансиз, эркак киши бўлганингизда, бу тескари ташвиқотингиз учун соғ қўймаз эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Маълумки, уруш вақтида ташвиқот ишлари ғалабани таъминлашда муҳим омиллардан саналади.* «Фан ва турмуш».

2 с.т. Ундов, даъват. *Сут билан кирган, жон билан чиқар деганларидек, Ўзбек ойимнинг ўша вақтлардаги ташвиқотлари ҳам, унинг [Зайнабнинг] тарафидан фақат «кешликлик» мажбурияти остида қабул қилинди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шу кечюна кундузда ташвиқот сизга жуда ҳам зарур. Қулоқ солинг, фойдаси тегади!* Уйғун, Навбахор.

ТАШВИҚОТЧИ Ташвиқот билан шуғулланувчи, ташвиқот олиб борувчи шахс. *Ҳар бир онгли ишчи бизнинг улўф ҳақиқатимизнинг ташвиқотчиси бўлиши керак.* Ойбек, Нур қидириб. *Рафиқов, биз юқорида баҳо берганимизча, унчалик уста ташвиқотчи.. эмас.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАШВИҚОТЧИЛИК Ташвиқот (ташвиқотчи) иши. *Ташвиқотчилик қилмоқ.* ■ *Унинг ташвиқотчилигига лозим бўлган ижодни ёки илҳомни шу манба.. ҳадя қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАШДИД [а. تشديد — кучайтириш, мустаҳкамлаш; таъйик; ундошни икки қайталаб (иккилантириб) айтишни билдирадиган белги] Араб ёзувида сўз таркибидаги бирор ундошнинг такрорийлигини, қўш талаффуз қилинишини билдириш учун ундош устига қўйиладиган диакритик белги.

ТАШИМОҚ 1 Нарсаларни бир ердан иккинчи ерга кўтариб ёки транспорт воситаларига ортиб кўчирмоқ, элтмоқ. *Челақда сув ташимоқ. Машинада ғишт ташимоқ. Нон емоқчи бўлсанг, ўтин ташийшдан эринма!* Мақол. ■ *Тўйбека ичкари билан ташқарига югуриб, дастурхон янгилар, чой ташир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Теварак атрофда кетмон ураётган, замбиллаб, қоп-*

лаб тунроқ ташиётган қанчадан-қанча одамлар ҳам, худди Рўзиматдай, жадаллаб ишлар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ўзлаштириш, ўзиники қилиш мақсадида олиб кетмоқ. *Нима кўрса, уйига ташийди. Ташиб кетмоқ.* ■ *Томлари бузилиб, ёғочлари ҳам ташиб кетилган.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

3 Кўчма Ўзи билан олиб, сақлаб юрмоқ. *Ватанга севгини ўлгунча юрагида ташидим, бу севгини кўксига сақлаб ухласин! Ойбек, Кўёш қораймас. ..мақоллар катта бир мазмунни ташиб, ёзувчи ниятини аниқ, қисқа ва тасвирилы усулда ифодалашни таъмин этади.* «ЎТА».

ТАШКИЛ [a. تشكيل — тузилиш, шаклланиш; таркибий қисм; муассаса; таркиб]: **ташкил бўлмоқ** (ёки **топмоқ**) 1) тузилмоқ, юзага келмоқ. *Университетимиз 1918 йилда ташкил бўлган.* ■ *Янги ерлар очилиб, бутун бошли янги хўжаликлар ташкил топди.* «Ўзбекистон кўриқлари»; 2) таркибий қисмлардан бутунлиқ ҳосил қилмоқ, иборат бўлмоқ. *Сув водород ва кислороддан ташкил топган.* ■ *Ўрмонжон.. ер ислоҳотидан кейинроқ собиқ батраклардан ташкил топган колхозга раис бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ташкил қилмоқ** (ёки **этмоқ**) 1) уюштирмоқ, тузмоқ, яратмоқ. *Тўғарак ташкил қилмоқ.* Гулзорлар ташкил қилмоқ. ■ *Ҳатто бир кун қисмдаги ҳаваскор санъатчилар ташаббуси билан «катта ертўла»да концерт ташкил қилинди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) таркибий қисмга кириб, бутунлик юзага келтирмоқ. *Қатнашчилар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил қилади.* Тилимизда ишлатиладиган барча сўзлар унинг лугат бойлигини ташкил қилади. ■ *Нариги томон ўрданинг ичкари қисмини ташкил этиб, унда бек — ҳоким оиласи турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАШКИЛИЙ Ташкил этишга, уюштиришга, ташкилотчиликка оид; тузиш, тузилиш билан боғлиқ бўлган. *Ташкилий ишлар. Ташкилий чоралар. Ташкилий масалалар.* ■ *Жадал суръатлар кетидан қувиб бажарилаётган ишлар ҳажмининг салмоғи билан овуниб, бошқа ташкилий жиҳатларни эътибордан четда қолдиришди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

ТАШКИЛОТ [a. تشکيلات — «ташкил» с. кўпл.] Аниқ таркиб ва вазифасига, иш дас-

турига эга бўлган ижтимоий, хўжалик бирлашмаси ёки давлат муассасаси. *Ижтимоий ташкилот. Маҳаллий ташкилотлар.* ■ *Барака топгур ер тузувчи ташкилотлар турли-туман техникаларини ишга солиб, майдонни кафтдек текислашибди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Қишлоқдаги маъмурий, маданий ва савдо ташкилотларининг идоралари, асосан, мана шу кўчага жойлашган.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАШКИЛОТЧИ Бирор ташкилотни тузган ёки тузувчи; бирор иш-ҳаракатни бошлаб берган, ташкил этган, уюштирган ёки уюштирувчи ва унга бошчилик қилувчи шахс ёки ижтимоий гуруҳ. *Моҳир ташкилотчи. Мусобақа ташкилотчилари.* ■ *Бугун Каттақишлоқнинг икки пешқадам кишиси — икки донгдор ташкилотчининг бирлашиш маросимида ўтирибмиз.* И. Раҳим, Ихлос. *Ҳ. Олимжон фақат яхши шоиргина эмас, энг яхши ташкилотчи ҳам эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАШКИЛОТЧИЛИК 1 Ташкил этиш хислати. *Ўз ташкилотчилигини намоёйиш қилмоқ.*

2 Ташкилотчи иши, фаолияти. *Халқ биздан бу ишда раҳбарлик, ташкилотчилик талаб қилаётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАШЛАМА 1 Ташлаб, чиқариб юбориладиган (асосан, сув ҳақида). *Олабуқа сув омборининг ташлама суви катта селхонага тушиб, бекор оқиб ётади.* Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари. *Бозор Қудратов бригадаси чўл ичкарасида, ташлама каналлар тармоғи барпо этилаётган жойда меҳнат қилаётган эди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

2 Партов сув чиқариб юбориладиган махсус ўзан. *Сел суви ҳайқирган ҳолда чуқур ташламага тушиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТАШЛАМОҚ 1 Нарсани қўлдан, елкадан ёки бошқа жойдан узиб, қўйи томон (ирғитиб, отиб ва ҳоказо) туширмоқ, йўналтирмоқ. *Олма узиб, ерга ташламоқ.* ■ *Гулномжон супургини ташлаб, қўлларини қоқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кейин носини ташлашга жой излаб аланглади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қилоқ сол.

2 Нарсани бирон бошқа нарса, жой устига, остига ёки ичига йўналтирмоқ, олмоқ, солмоқ, қўймоқ. *Қизлар ичкаридан Ҳакиманинг бошига оқ шол рўмол ташлаб, етак-*

лаб чиқдилар. С. Сиёев, Ёруғлик. Адёлни майсалар устига ташлаб утиришди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Мунисхон суянчиққа бошини ташлаб, деразага тикилиб борарди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. ..чопонини елкасига ташлади-да, йўлга тушди. Н. Фозилов, Дийдор.

3 Куч, зарб билан интилмоқ, ўзини отмоқ. *Зухра.. Саодатхонга ўзини ташлаб, маҳкам кучоқлаб олди. С. Зуннунова, Янги директор. Чўмилмоқ-чун бирдай бўлиб, энди ховузга ташлади. «Муродхон».*

4 Бирор иш, вазифа ва ш.к. га йўналтирмоқ, йўлламақ; сафарбар қилмоқ. *Ҳамани йиғим-теримга ташламоқ. ■ Душман бор кучини жон ҳолатда қарши ҳужумга ташлади. Газетадан. Душман барча мавжуд танкларини ва ўзиюрар тўпларини ҳужумга ташлади. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

5 Ўтиборсиз, алоқани узиб ва б. ҳолда қолдирмоқ. *Дўст сўзини ташлама, Ташлаб, бошингни қашлама. Мақол. ■ Унинг талбаларидан бир қанчаси мактабни ташлаб, бу ерга қочиб келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ғаввос Муҳаммаднинг устодни ташлаб кетиб қолгани армон бўлиб турганида, эшикдан учинчи шогирди — Зулфиқор Шоший кириб келди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

6 Барҳам бермоқ, йўқ қилмоқ; йиғиштирмоқ (баъзи одат, хатти-ҳаракат кабилар ҳақида). *[Дадам] Ароқни ташлаган бўлсалар-а! Роса маза бўларди-да. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Ўқитувчи ёки тиббиёт ходими бўлмақчимисан — чекишни ташла, одамларга икки қиёфада кўринма. Газетадан. Хўш, кинани ташлаган бўлсангиз.. нега боя уларнинг олдида оғзингизга келганини ўтладингиз? А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

7 Пасаймоқ, тушмоқ. *Совуқ бироз ташлади. Нархлар анча ташлади.*

8 с.т. Рақсга тушмоқ; ўйнамоқ. *Тановарга роса ташлади.*

9 кўм. фл. вэф. =(и)б қўшимчали равишдош шаклига қўшилиб, ҳаракатнинг кескин, кучли тарзда юз беришини билдиради. *Бузиб ташлади. Жеркиб ташлади. Ғижимлаб ташламоқ. Афдариб ташлади. ■ Шу ернинг ўзида подшоҳ кишилари уни тутиб олиб, тилка-пора қилиб ташлаган эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

Ғап ташламоқ қ. гап. *Шунча қизлар билан ўқиб, бирга дарс тайёрлаб, бирортасига гап ташламабман. М. Қориев, Ойдин кечалар.*
Илон пўст ташлайди қ. илон. *..қилаётган қилиғига илонлар пўст ташлайди. Мирмуҳсин, Меъмор.*
Кўз ташламоқ қ. кўз 2. *Бобур тўпланиб турган бекларга кўз ташлаган эди.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*
Кўланка (ёки кўлка) ташламоқ айн. соя ташламоқ. *Тарқалиб кетган кенг шохлар ерларга ола кўланка ташлаган. Уйғун, Сайланма. Ташладими ёки бир умр кўзимга ғам кўлкаларини. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.*
Луқма ташламоқ қ. луқма. *Жиззакилик қилиб, ўтирган ерида нотиққа бир-икки марта луқма ташлади. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*
Назар ташламоқ айн. кўз ташламоқ. *Раҳим акага.. камситгандек назар ташлади.. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*
Орқага ташламоқ 1) *орқага олмоқ. Қўрқиб, ўзини орқага ташлади; 2) орқага (кейинга) сурмоқ, қолдирмоқ. Бугун бориб кела қол, орқага ташлама. Соя ташламоқ 1)* *соя бермоқ. Баҳайбат сада атрофга соя ташлаб турибди; 2) ўз аксини (ифодасини) бермоқ. Раисанинг қошлари чимирилиб, ҳалигига кулиб турган юзига ғам соя ташлади. М. Хайруллаев, Тилла маржон; 3) кўчма хиралаштирмоқ; таъсирини сусайтирмоқ. Романнинг бадийлигига соя ташлаб турган воқеалар баъзи ўринларда ортиқча чўзилиб кетади. С. Кароматов, Олтин қум.*
Тоб ташламоқ қ. тоб. *-Тоб ташламаслик керак оғир шароитларда, — деди Шоимов бамайишхотир. «Ўзбекистон кўриқлари».*
Томдан (ўзини) ташлайди қ. том. *Мўмай пул кўрса, томдан ўзини ташлайди. «Муштум».*
Уруғ ташламоқ *Сепмоқ, экмоқ. Деҳқон яхши ният билан заминга барака уруғини ташламоқда. Газетадан.*
Хандон ташламоқ (ёки отмоқ) қ. хандон. *Ортиқ ўзининг ҳазилидан ўзи хандон ташлаб кулди. М. Мансуров, Ёмби.*
Шох ташламоқ қ. шох. *Шаҳзодаҳон бир нозик шох ташлаб, сочларини тартибга солди-ю.. тахмонга борди. К. Яшин, Ҳамза.*

ТАШЛАНДИ 1 *Ташланадиган, ортиқча, чиқинди. Ташланди овқат. Ташланди сувлар.*

2 айн. ташландиқ. *Ташланди боғ. ■ «Девонбеги» маҳалласига қайрилиб, бу ерда бир ташланди ҳовлига киришди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТАШЛАНДИҚ *Қаралмай ташлаб қўйилган; қаровсиз. Чакалақзордаги гўза таш-*

ландиқ ҳолга келди. Р. Раҳмонов, Чакалак-зордаги шарпа. Бу каталак уйчалар кишида худди кўҳна қасрнинг ташландиқ ҳужра-ларидай таассурот қолдиради. Д. Нурий, Осмон устун. Ахир ойда-йилда бир келиб, ўша ташландиқ болангизнинг бошини бир силаб қўйсангиз, қалбингиз таскин топмасмиди? «Ёшлик».

ТАШЛАНМОҚ 1 Ташламоқ фл. ўзл. ва мажж. н. Ерга ўғит ташланди.

2 Ўзини отмоқ. Ит ғингишб чекинди, қайта йигитга ташланди. С. Сиёев, Аваз. Онасининг азасига бормаи, бепарво ётган отасига ғазаб билан ташланмоқчи бўлиб турган Саодат бирдан ёшларини артиб, каравотга яқинлашди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ТАШЛАШМОҚ 1 Ташламоқ фл. бирг. н. Болалар бир унга, бир тузоқ томонга кўз ташлашарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 с.т. Уришмоқ, олишмоқ.

ТАШМАЛАМОҚ Ташиб-ташиб олиб келмоқ ёки олиб кетмоқ; ташимоқ (ўз уйига, томонига). Ҳамма шошилади, ўз уясига алланамаларни ташмалайди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Афандининг хотини ташмачи экан. Ҳар куни ташмалаб келган буюмлари ни қўшниларига пуларкан. «Муштум».

ТАШМАЧИ Бирор ердан нарс-буюмни, бойликни ташмалаб, ўғирлаб олиб келувчи, олиб кетувчи; ўғри. Нон комбинатида сифатли нонлар чиқиб, ташмачилар йўқолди. Газетадан. Ташмачи ҳам нафсига кучи етмаган, виждони нопок нухсалар жумласига киради. Газетадан.

ТАШНА [ф. تشنه — чанқоқ, сувсаган] 1 Сувга зор; сувсаган, чанқаган, сувсоқ, чанқоқ. Одамлар ташна, ер чанқоқ, юрт қақроқ эди. Ҳамма сув деб талпинар, ҳамма сувга интилар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эй сен, боши ва охири йўқ чўлда сувсираб, жон бераётган ташна йўловчи! Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Канал қазиб, оқзиб сувни ташна саҳрога.. Ҳабибий.

2 кўча Бирор нарсага зор, кучли талаби бор. Кимки илмга ташна бўлса, унинг қалбида яхшилик гули бор. Газетадан. Аҳмаднинг юраги меҳрга ва саховатга тўла, ўзи эса суҳбатга ташна эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Қонига ташна бўлмоқ Ортиқ азобланмоқ, хуноб бўлмоқ. [Ақбар:] Ҳа, хўро, бунча хўм-раясан? [Салим:] Қонингга ташна бўлиб юриб-

санми дейман? Уйғун, Ҳуррият. **Қонига ташна қилмоқ** (ёки этмоқ) Ортиқ даражада диққат қилмоқ, хуноб қилмоқ. Ҳунарим, маълумингиз — ғазаллар ёзиш; Баъзан бир ҳижо қилур қонимга ташна. Ф. Гулом. Шўям ҳукми-ни ўтказди-я!..қонингга ташна қилиб юборади! С. Нуров, Нарвон.

ТАШНАЛАБ [ташна + лаб] кам қўлл. Ташна. Ташналаб саҳроларнинг ҳаёт томирига қон югуртиб, дур ундирган бунёдкор инсон.. С. Кароматов, Олтин ирмоқлар.

ТАШНАЛИК 1 Ташна эканлик, сувсаганлик. Азиз ва бепоен Мирзачўлнинг сувга ташналигини ўйлар экан, Муҳиддин Каримов порлоқ истиқболга назар ташлайди. «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Ташна ҳолат (ташна ҳар икки маъносида). Тўтиқиз чўлаб, ичи ташналик ўтида ёнарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ташналиклари қонгач, даранинг ичкарисси томон йўлда давом этишди. К. Яшин, Ҳамза. Уташналик билан Олчинбекка талпинар, оловли кўзлари унга қараб жавдирар, дил розини ифодаламақчи бўларди. К. Яшин, Ҳамза.

ТАШРИФ [а. تشریف — ҳурмат, эҳтиром; улуғлаш, шарафлаш; маросим; марҳамат қилиб келиш] кт. Бирор ерга, элга, хонадонга ёки бирор кимса ҳузурига қисқа муддатга бориш, келиш. Ташрифингиздан кўп ҳурсандимиз. ■ Зиё шоҳичи бу вақтсиз ташрифга тушуна олмай, «нима қилиб юрибсан» дегандек, бир неча қайта Ҳасаналига қараб олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти уч кунлик ташриф билан Италияга келди. Газетадан.

Ташриф буюрмоқ (ёки этмоқ, қилмоқ) Келмоқ ёки бормоқ; қадам ранжида қилмоқ. [Мулозим:] Улуғ амир Низомиддин Алишер ташриф буюрдилар. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Бизнинг кулбаи вайронамизга ташриф этсангиз.. Иним бетоб.. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. ..бизнинг ошамизга ташриф қилганингиз учун қадамларингизга ҳасанот.. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ТАШРИҲ [а. تشریح — очиш, кесиш, ёриш] эск. кт. айн. операция 1. Ёш ҳаким унинг сон ғўшитини икки паллага ажратиб, ўқни олди, сўнгра малҳам қўйиб ёпиштирдида, тикиб, боғлаб қўйди. Ташриҳ вақтида тишини тишига босиб ётган йигитдан садо чиқмади. М. Осим, Китобга ихлос.

ТАШХИС [а. تشخیص — белгиланиш; кўрсатилиш, кўриниш; касалликни аниқлаш, диагноз] 1 *тиб.* Касаллик характери ва беморнинг аҳволи ҳақидаги қисқача тиббий хулоса, касаллик номи. *Шифокорлар, «Сизда пичан астмаси бор», деб ташхис қўйишди ва «Аллергологик шифохонада даволанинг», деб айтишди.* Газетадан. *..баъзан касалхоналарга «офтоб урган» деган ташхис билан беморлар келтириляпти.* Газетадан.

2 *ад.* Одамдан бошқа жонли ва жонсиз нарсаларга инсоний хусусиятларни кўчиришдан иборат бадиий санъат тури.

ТАШҚАРИ 1 *от* Бино, уй, ҳовли ва ш.к.нинг атрофидаги жой; таш. *Ташқарига қаранг, қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Дарвоза очилди, ташқаридан саман отини етаклаб, Ҳасанали кирди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Ташқарида севалаб ўтган майин ёмғир ҳам тинди.* Н. Аминов, Суварак.

2 *от, этн.* Ташқи ҳовли (ҳовли-жойнинг эркак меҳмонлар ва, умуман, эркаклар учун хос, кўча дарвозага яқин томондаги холи қисми; қиёс. **ичқари** 2. *Бойнинг ташқарисида Йўлчидан бошқа ҳеч ким йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кенг ташқари ғарбга қўзилган бўлиб, дарвозадан кирган кишига у кафтдай кўришиб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..ташқари ҳовлидаги нақшли.. меҳмонхонанинг бирида қат-қат кўрпачаларда.. Мирзакаримбой утирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *сфт.* Ташқи томондаги, ташқи, сиртқи. *Ташқари дарвоза.*

4 (*ч. к. билан*) кўм. вэф. Бошқа, бўлак. *Бундан ташқари. Ундан ташқари.* ■ *Бу йил ҳосил миқдоридан ташқари, тола сифатига ҳам алоҳида эътибор берилади.* Газетадан. *Авзам кўришиб турган ҳусни, барвасталигидан ташқари, ўз ички фазилатларини ҳам очиб ташлади.* Шўҳрат, Жаннат қидирганлар. *Унинг гапидан Башорат ишчиларнинг ишдан ташқари вақтда ҳам ишлашга аҳд қилишганини англади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Ҳаддан ташқари Меъёридан ортиқ, кўп, ортиқ даражада. *Тонг маҳалида душман артиллерияси бизнинг позицияларимизни ҳаддан ташқари қаттиқ тўпга тутди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ҳаддан ташқари ҳорганлигига қарамай, ҳар бир жангчининг исми, фами-*

лиясини хотирлар эди. Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАШҚИ 1 Ташқарида, ташқари томонда жойлашган; ташқариги, сиртқи. *Ташқи девор.* ■ *Бу вақт аллақим дарвозанинг ташқи ҳалқасига.. уч-тўрт уриб шарақлатди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 *айн. ташқари* 2. *Биз Яйианда Олим бува деган нонвойнинг ташқисидега турар эдик.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар. *У Қудратни кенг саҳнали ташқини супуриб-сидиришга қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ўзидан ташқарига, сиртга оид. *Тирик ҳужайра ташқи муҳит билан мунтазам алоқада бўлган тақдирдагина яшай олади.* «Фан ва турмуш». *Куёнлар, ўзининг биологик хусусиятларига кўра, ташқи шароит омилларига ўта таъсирчан бўлади.* «Фан ва турмуш». «Бесабаб тикан кирмас» деганларидек, ҳар бир ишнинг бошланишига бирор ташқи ёки ички сабаб бўлади. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

4 Чет давлатлар билан бўладиган, хорижий. *Ташқи сиёсат. Ташқи савдо. Ташқи ишлар вазирлиги.*

5 Нарсанинг ичга қарама-қарши томони. *Журналнинг ташқи ва ички безалиши изчил такомиллаштириб борилмоғи керак.* Газетадан. *Массаж қилаётган унғ қўлининг ташқи томони билан пешонасига тушган сочини юқорига сурди.* С. Кароматов, Олтин кум.

6 Кўринишда бўлган; зоҳирӣ. *Шу биргина сўз унинг бутун ички ва ташқи дунёсини ўзида акс эттирган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Султонали мирзо Анварнинг ташқи аҳволи билан яхши таниш бўлса ҳам, унинг ички сиридан воқиф эмас эди.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

ТАЪБ [а. طبع — табиат; табиий ҳолат; хулқ-атвор, характер] 1 Кишининг характерида, унинг кишиларга, нарсаларга муносабатида намоён бўладиган ички табиат; ёқтириш-ёқтирмаслик жиҳатдан кўнгли. *Подшоҳнинг муборак таъблари ҳашаматга мойил кўринади.* Ойбек, Навоӣ. *Лутфдан мароқланиш, лаззат олишда индивиднинг характери, таъби, фаҳм-фаросати катта аҳамиятга эга.* «ЎТА». *Бу жаҳонда, дейдилар, Ҳар кимда бор бир ўза таъб, Менга май, булбулга тонг, Гул баргида шабнам ширин.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Таъби олинмоқ Кайфияти бузилмоқ, хафа бўлмоқ. *Хайдар нимадандир Анорхоннинг таъби олинганини сезди. И. Раҳим, Ихлос. Таъби очилмоқ* Кайфияти яхшиланмоқ, дили равшанлашмоқ, енгил тортмоқ. *Сидикжон Ўрмонжоннинг олдидан таъби очилиб чиқиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Таъби тортмоқ ёки таъбига ёқмоқ* Табиатига, дидига тўғри келмоқ. [*Ёрмат*] Баъзи бир таъби тортган одамларга: «Тўйга бирга бўлинг!» деб қўяди ўзича. Ойбек, Танланган асарлар. **Таъби хира** (ёки **тирриқ, кир, хуфтон, намозшом**) Кайфияти бузуқ, бузилган; диққат. *Бўта узоқ ухлаб қолганидан таъби хира бўлиб, ҳовлига тушди. С. Аҳмад, Ҳукм. Авазнинг таъби тирриқ эди, индамади. С. Сиёев, Ёруғлик. Эрталабдан директорнинг таъбини хуфтон қилишининг нима кераги бор. «Муштум». ...Шербекнинг қулоғига гап кирмас, таъби намозшом эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Хоҳиш, ихтиёр; рағбат. *Бировларнинг таъбига қараб иш қилмоқ. ■ Нурунинг ҳеч қандай сўзга, ишга таъби йўқ эди. Ойбек, Танланган асарлар. Алай-балай десам, тутиб олиб уриш ҳам таъбида бор. Ҳ. Шамс, Характеристика. -Мана бу кресло ҳам сизга ҳавола. Олинг, менга бир оддийроқ стул берсангиз бўлади, — деди Моҳидил. -Таъбингиз, — деди секретарь қиз. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ТАЪБИР [а. *تعبير* — йўйиш, тушунтириш, маъносини ечиш; ибора] **1** Бирор жихатдан таърифловчи ёки тугал маъно англатувчи қисқа ифода, ибора. *Дехқонларнинг таъбирича, экин кун санайди. ■ Унинг сўзларида қишлоқ камбағаллари тушунмайдиган истилоҳ, таъбир.. жумла йўқ. А. Қодирий, Обид кетмон. Фозил Шоисломович.. айримларнинг таъбири билан айтганда, «бир қоп ёнғоқ» эди. Д. Нурий, Осмон устун.*

Таъбир жон бўлса Агар шундай дейиш мумкин ёки ўринли бўлса. *Шоввозларимиз, таъбир жоиз бўлса, чўлга дастлаб ҳужум бошлаган танкчиларимиз шулар. Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли. Таъбир жоиз бўлса, томир уришини сезиб туриш керак. Газетадан.*

2 Маъносини тушунтириш; изоҳ, шарҳ. *Тушининг таъбирини айтиб бермоқ. ■ Камалак қўрибсан, бунинг таъбири: Етти ранг қуёшу қутлуғ пешона. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

ТАЪБИРЛАМОҚ 1 Таъриф бермоқ, ифодаламоқ. *Қоидани таъбирламоқ. ■ Тушининг учун бирор нарса танқис бўлса, «Анқонинг тухуми», деб таъбирлашади. «Муштум».*

2 Тушунтирмоқ, изоҳламоқ, шарҳламоқ. *Тушни таъбирламоқ. ■ Энага: -Тушингизга тўй кирибди, бу яхшиликдан дарак, — деб унинг [Одилбиканинг] тушини таъбирлабди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ТАЪБИРНОМА [таъбир + нома] эск. Тушлар таъбиридан, талқинидан иборат китоб; шундай китобларнинг умумий номи.

ТАЪВИЯ [а. *طويه* — яширин, пинҳона ният, қасд] Ёқимсиз кўринишли; беўхшов, хунук, бадбуруш, бадбашара. [*Эъзохон*] *Гадойнинг товушини эшитиб, таъвия қиёфасини кўриб ҳайрон бўлди. Ҳ. Фулом, Машғал. Бўйинг бир қарич, бунинг устига абжағинг чиққан чўтир бўлсанг, сен таъвияга ким боқадди, тентак! Ойбек, Улуғ йўл.*

ТАЪЗИМ [а. *تعظيم* — табриклаш, саломлашиш; улуғлаш, ҳурматлаш, иззат-икром (қилиш)] **1** Юсак ҳурмат, миннатдорлик, таҳсин. *Саид Аҳмад ҳикояларида.. таъзимга сазовор образлар талайгина. Ф. Насриддинов, Таъзим ва таъзир. Ҳудоёр исмини эшитувчи аъёнлар унинг таъзими учун ўринларидан туриб, яна ўтирдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. ..одоб, таъзим хусусида онаси анча-мунча гапларни ўқтириб юборгани учун.. дастурхонни тезгина йиғиштириб, чой ича бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Шундай ҳурмат ифодаси сифатида эгилиб, бошни қуйи солиш ёки қўлни қовуштириш, кўксига қўйиш. *Таъзим билан қарши олмоқ. ■ Раҳим ака таъзим билан икки-уч қадам орқага тисарилди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. У дарвозадан кириб, супага ўн-ўн беш қадам қолганда, қўл қовуштириб, таъзим билан «Ассалому алайкум», деди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Таъзим қилмоқ (ёки **этмоқ**) Таъзим билдирмоқ, таъзим бажо келтирмоқ (**таъзим** ҳар иккала маъносида). *Атрофда тобора одам кўпайиб борар, биров унга узоқдан таъзим қилар, биров қуюққина кўришар, нотаниш кишилар секин калла силкиб қўярди. С. Сиёев, Ёруғлик. ..ганчхок [ганч кукуни] қораётган йигит Меъморга илгаригидек салом бериб, таъзим этди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ТАЪЗИМКОР Таъзимли, сертаъзим. *Таъзимкор одам. ■ Қўл узра таъзимкор қатор*

оқ қайин Оҳиста тебранар алқаган сифат. М. Икром. *Қаттоқи баланд осмон Эгилажак таъзимкор.* М. Бобоев.

ТАЪЗИР [а. تعزير — жазолаш, айблаш, қоралаш; танбеҳ бериш] Ўтган хато ёки гуноҳга лойиқ дакки, дашном, танбеҳ. [Майсара:] *Ўғлим, шу таъзир оз эмас. Ҳовли юзида чиқаргандан кейин қасам бериб бўшатурсиз.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

Таъзир бермоқ Айби ёки хатосини айтиб қизартирмоқ, уялтирмоқ, койимоқ, дашном бермоқ. *Менга шунча яхшилик қилдингиз.. Яни келган вақтингизда мени ёмон йўлдан қайтардингиз.. Бутун звено олдида таъзир бериб, одам бўл, дедингиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Таъзирини бермоқ** Адабини бермоқ, тавбасига таянтирмоқ. *Умуттахамнинг таъзирини ўша ернинг ўзидаёқ бериб қўйган бўлардим, бунчалик уятга қолмасдим.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. **Таъзирини емоқ** Жазосини тортмоқ, адабини емоқ, тавбасига таянмоқ. *-Келдингми, дайди? — деди-ю, унинг бош эгиб туришидан: «Таъзирингни ебсан, етар», деди ичида.* Й. Шамшаров, Қахрамонлик йўли.

ТАЪЗИЯ [а. تعزية — овутиш, юпатиш; ҳамдардлик билдириш] Кимсанинг вафоти муносабати билан тутиладиган аза, мотам; азадор кишига тасалли бериш, ундан аҳвол сўраш. *Таъзия маросими. Таъзияга бормоқ.* ■ *Ботир акасининг таъзиялари ўтгандан кейин, холасининг бир гапи билан шу ерга келган эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

Таъзия билдирмоқ Марҳумнинг яқин кишиларига, одатда, таъзия кунлари айтиладиган сўзлар билан ҳамдардлик билдирмоқ, тасалли бермоқ. *Мана, комбинатдан кимдир таъзия билдирыпти, кимдир кўнгли сўраяпти, маҳалладан келган биров маросимга бош.* А. Мухтор, Чинор. *Биз лейтенантнинг хотинига хат ёздик.. ҳамдардлигимизни айтиб, таъзия билдирдик.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТАЪЗИЯНОМА [таъзия + нома] Кимсанинг вафоти муносабати билан берилган, эълон қилинган, билдирилган ёзма таъзия. *Отанинг икки ўғли ҳам.. қаттиқ жангларда жон берди: ота бирин-кетин иккита таъзиянома олди.* Й. Шамшаров, Довруқ. *Гарчи Йигиталида таъзияномани ўқишга ҳоли бўлмаса-да, кўнгли анча кўтарилди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ТАЪЗИЯХОНА [таъзия + хона] Мотам маросими ўтказилаётган хонадон, уй, ҳовли. *Таъзияхонада бир соатча ўтиришгандан сўнг, Зокир ота боққа бирров бориб келади-ган юмуши борлигини айтиб, узр сўради.* Э. Носиров, Ҳожининг «хунари».

ТАЪЗИЯЧИ 1 Мотам тутган, азадор киши. **2** Марҳумни дафн этиш, мотам маросимида қатнашувчи киши. *-Жанозага йиғилган таъзиячиларни чақириб келдим, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

ТАЪЙИН [а. تعيين — белгилаш, аниқлаш; тайинлаш] эск. Тайин, тайинли.

ТАЪКИД [а. تأكيد — ишонтириш; сўз бериш; исботлаш, қувватлаш] **1** Алоҳида уқтириш; қаттиқ тайинлаб айтилган сўз, гап. *Ҳабибанинг таъкидини эслаб, гуллар тўғрисида оғиз очмасдим.* С. Айний, Эсдаликлар. *«Хушёр бўл!» таъкидини эшитган киши сингари хушёр тортиб, ичкари кирди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Уқтириш, қайд этиш ёки тасдиқлаш; қайд; тасдиқ. *Таъкид қилмоқ.* ■ *У [Тешабой] ўз таъкидида Фосих афандини сафсатабозликда айблади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАЪКИДЛАМОҚ 1 Бошқаларидан ажратиб қайд этмоқ; урғу бериб, махсус эътибор қаратишни қайд этиб айтмоқ. *Кейинги жумлани Жомий зўр имон билан таъкидлаб айтди.* Ойбек, Навоий. *-Ажралишибди! — деди Нурмат, шу сўзни алоҳида таъкидлаб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Уқтириб айтмоқ, тайинламоқ. *Нафиса опа, ночор унга жавоб бериб, ўзига эҳтиёт бўлишини, бувисининг сўзидан асло чиқмаслигини қайта-қайта таъкидлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Элмурод бугунги машқни такрорлаш учун пулемётга ётар экан, генерал шошилмасликни таъкидлади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Тасдиқламоқ, қувватламоқ. *-Балли, — Фазлиддин боши билан хотинининг сўзини таъкидлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тошқин хавфидан қўтулиш учун дамба қилиш зарурлигини ҳамма бир оғиздан таъкидлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТАЪЛИМ [а. تعليم — ўргатиш, ўқитиш, илм бериш; маълумот] **1** Билим бериш, малага ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. *Таълим ва тарбия ажралмас эгизаклар бўлиб, маълумот улар-*

нинг тотли мевасидир. Р. Усмонов, Одобнома. Бизга таълим берар ҳар кун ўқитувчимиз, Турли фанни ўқиб ўсар онг ва кучимиз. И. Муслим.

2 Илм-фан ёки касб-ҳунар соҳалари бўйича эгалланадиган, олинадиган маълумот ва кўникмалар мажмуи; билим. Бошланғич таълим. Олий таълим. Мадраса таълими. ■ Илк бор алифбодан олганда таълим.. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

3 Тарбия, одоб-ахлоқ. Таълими йўқ бола. ■ Араббой қанча ўқиса ҳам, унинг қилиқ ва гапириши, юриш-туриши мактабда таълим кўрган кишини эмас, балки чапани аравакаш-ни эслатиб турар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 с. т. Кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув. Арзи хола Кутби отиннинг ҳалигидай таълимидан ганғиб қолди. Р. Азизхўжаев, Тўлғоқ емаган жувон. [Сидиқжон] Ҳеч кимга қарамай, кетмонни қай хилда чопиш тўғрисида Маллавой ака берган таълимга ҳам риоя қилмай, куйиб-пишиб ишлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТАЪЛИМИЙ Таълимга оид, таълим берадиган; таълим-тарбия аҳамиятига эга бўлган. Покистонга адабий ва илмий, айниқса, таълимий.. ҳикоялар ғоят зарурдир. Ойбек, Нур қидириб.

ТАЪЛИМЛИ Таълим кўрган, яхши тарбияланган, ахлоқли, одобли. Таълимли бола.

ТАЪЛИМОТ [а. تعلیمات — «таълим» с. кўпл.: кўрсатмалар, йўл-йўриқлар, фармоишлар] **1** Фан соҳалари, ижтимоий ҳаёт, жамият ва ш.к. ҳақидаги илмий қарашлар, назарий хулосалар мажмуи; назария. Фалсафий таълимотлар. Суфийлик таълимоти. Форобий таълимоти. ■ «Инсон кўзи тушган нуқтага етиб бориши мумкин..» Меъмор Наъжмиддин Бухорий улуғ мунажжим Улуғбек мирзо таълимотидаги бу сўзнинг маъзани чақиб, ҳаёл ичида утирарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув. Шундай, сиз менинг ҳалиги таълимотим бўйича, унинг бўйича қўй сўйиш ва тўн беришни юклашга ҳаракат қилингиз. А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАЪЛИМСИЗ Таълим кўрмаган, яхши тарбия олмаган; одобсиз, тарбиясиз. Таълимсиз бола.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ Таълим ва тарбияга оид ишлар; таълим ва тарбия; педагогика. Таълим-тарбия ишлари. Таълим-тарбия ил-

мий-текишириш институти. ■ Зағмакўз патнисдан кўзини олмай, газабини ичига ютгани ҳолда: -Ҳўш, сизнинг мактабингизда болаларга илм-ахлоқ, таълим-тарбия ҳам ўргатиладими? — деб сўради. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАЪЛИФ [а. تألیف — қўлга ўргатиш; тузиш, ташкил этиш; иншо, китоб] эск. Ёзма асар, иншо, китоб.

Таълиф қилмоқ **1)** асар ёзмоқ; **2)** бошқанинг асарини таҳрир қилмоқ.

ТАЪМ [а. طعم — маза, таъм; ёқимли ҳисуйғу] **1** Тотиб ёки ялаб кўриб билинадиган хусусият; маза-тот сезувчи аъзоларга таъсирдан уйғонадиган туйғу; маза, тот. Ачиқ таъм. Ширин таъм. Дорининг таъми. Овқатнинг таъми туз билан, Одамнинг таъми сўз билан. Мақол. ■ Ҳадемай бир йил ҳам ўтиб кетяпти, Ҳали ўша майнинг таъми лабларда. Уйғун. Муздек қовунни есангиз, таъмига таъм, мазасига маза қўшилади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўчма Бошдан кечирилгандаги таассурот, маза. Амир сарбозлигининг таъминини бир марта тотган Ёдгор, бундай «озодлик»ни истамади, сарбоз бўлишдан зиндонда қамалиб ётишини аъло билди. С. Айний, Дохунда.

ТАЪМИН [а. تأمين — кафолат, таъминлаш; гаров; хавфсизлик; «омин» дейиш, омонлик бериш]: **ТАЪМИН ҚИЛМОҚ** (ёки **ЭТМОҚ**) **1)** керакли нарсаларни етказиб бермоқ, таъминламоқ. Керакли маҳсулотлар билан таъмин этмоқ. ■ Отам учун икки кишини шаҳарга юбориб, моддий жиҳатдан таъмин қилиш оғирлик қиларди. С. Айний, Эсдалиқлар; **2)** бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, муҳайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ. Муваффақиятнинг таъмин қилмоқ. ■ Ҳамроҳларим ўз танки билан душман зотини абжақ қилган ва ғалабани таъмин этган. Н. Сафаров, Оловли излар; **3)** қониқтирмақ, қаноатлантирмақ; кифоя қилмоқ, етарли бўлмоқ. Бунинг сабабини сўзлашдан илгари имом афандининг ўтган тарихига бироз кўз ташлаб олишга мажбурмиз. Чунки бусиз ўқувчимизни таъмин қилиш мумкин эмасдир. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАЪМИНЛАМОҚ **1** Керакли нарсаларни муҳайё қилиб, топиб, етказиб бермоқ, таъмин қилмоқ. Шаҳарни сабзавот билан таъминламоқ. Мактабларни ўқув қуроллари

билан таъминламоқ. ■ Мазкур комплексни бирлашма ўз кучи билан қурганлиги, зарур жиҳозлар билан таъминлаганлиги диққатга сазовордир. Газетадан.

2 Бирор нарсанинг амалга ошиши, рўбга чиқиши, муҳайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ. - *Жавилбойдаги учта насоснинг бетўхтов ишлашини таъминлайман, — деди Усмонжон ака. «Ўзбекистон қуриқлари».. халқларимиз дўстлиги урушдаги ғалабамизни таъминлаган омиллардан бўлганлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирарди. Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.*

ТАЪМИНОТ [а. تامينات — «таъмин» с. кўпл.] 1 Керакли нарсаларни муҳайё қилиб етказиб бериш; яшаш, ишлаш учун зарур нарсаларга бўлган эҳтиёжни қондириш. *Ижтимоий таъминот. Давлат таъминоти. Таъминот бўлими.* ■ *Таъминот ҳам тўла йўлга қўйилмаган: гоҳи ёқилғи етказиб берилмайди.. «Ўзбекистон қуриқлари».*

2 Яшаш, ишлаш учун керакли пул, озиқ-овқат, кийим-кечак каби нарсалар мажмуи. *..лашкар таъминотини зиёратчиларнинг назрниёзларига юклаганлар. К. Яшин, Ҳамза.*

3 кўчма кам қўл. Маънавий озук; далда; умид. *Отасининг бу сўзлари унинг [Отабекнинг] истиқболи учун яхши таъминотлар берар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

ТАЪМИР [а. تعمیر — (ерни) ишлаш, ўзлаштириш; куриш, қурилиш; тузатиш; обод қилиш] эск. кт. 1 Киши кучи ва ихтиёри билан иншоот, бино, жой ва ш.к. ни қуриш, янгидан яратиш. *Табиат турфа тузмиш тарҳу таъмир Қилиб боғу чаман шаклида тасвир. Ҳабибий. [Худоёрхон] 1288 (ҳижрий) йилда Қўқоннинг эски қаландархонасини бузиб, янгидан таъмир.. қилди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.*

2 Бирон нарса, объектни бузилган, синган, йиртилган жойларини тузатиш, яхшилаш ва шу йўл билан яроқли ҳолга келтириш. *Ҳамма ҳашарчилар оролга ўтиб олганларидан кейин, таъмир иши жадаллаб кетди. М. Осим, Темур Малик.*

Таъмир қилмоқ (ёки этмоқ) Таъмир ишларини амалга оширмоқ, таъмир билан бутунламоқ, яроқли ҳолга келтирмоқ. *..Балхдаги Хўжа Муҳаммад мадрасаси таъмир қилинаётганини айтди. Мирмуҳсин, Меъмор. ..ҳодимлар қисқа фурсатда таъмир этилган*

хонага тиқилишиб қолди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ТАЪМИРЛАМОҚ Таъмир қилмоқ. *Самарқанд шахрида ҳам кенг миқёсда таъмирлаш ишлари олиб борилди. «Фан ва турмуш». Халқ ҳунардмандлари томонидан таъмирланган ва пардозланган обида ўзининг гузаллиги билан киши диққатини жалб этади. Газетадан.*

ТАЪМИРОТ [а. تعمیرات — «таъмир» с. нинг кўпл.] эск. кт. 1 айн. **қурилиш** 2.

2 Қурилган бино; иншоот.

ТАЪМЛИ 1 Таъмга эга. *Исириқ туксиз, бадбўй ва аччиқ таъмли кўп йиллик ўтдир. «Фан ва турмуш».*

2 Таъми, мазаси яхши; мазали, лаззатли, тотли. *Таъмли овқат.*

ТАЪМСИЗ Таъми, мазаси йўқ; бемаза, лаззатсиз, тотсиз. *Таъмсиз қовун.*

ТАЪНА [а. طعنه — найза ёки пичоқ санчиш; шикоят; рад этиш; маломат] 1 Хатолик, айб ёки камчиликни бетга солиб ёки камситиб айтилган гап, қилинган хатти-ҳаракат ва ш.к. *Аччиқ таъна.* ■ *Гуноҳдор бўлмай туриб, ўз севгилиндан ўринсиз таъналар эшитсанг. Ж. Жабборов, Севинч ёшлари. Кекса боғбоннинг самимий сўзлари ҳам таъна, ҳам танбех эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бобо, бу гапга қандай тилинг борди, дегандай унга таъна билан қаради-да, бош чайқади. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.*

2 Миннат, ҳақорат, маломат тарзидаги гап-сўз. - *Йўқчилик жонимга тегди, — деди болали хотин, — бойваччаларнинг хотинларига кир юва-юва ўлиб бўлдим. Итдек меҳнат қилиб, бир бурда нонларини таъна билан едим. С. Зуннунова, Гулхан. Агар кучим, қувватим етса, одамларнинг жон олғучи таъналарига яна чидаш берар эдим, лекин мажолим қолмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Таъна қилмоқ Таъна тарзидаги гап-сўз айтмоқ. *Хасис деб таъна қилмоқ.* ■ *Йўлдошева.. рабфакда ўқиб юранида, маҳаллада паранжси ёпиниб юрган бўлиши мумкин, буни ҳозир таъна қилишда ҳеч қандай таъно йўқ. А. Қаҳҳор, Бек. Ҳамкасблари.. «Мансабдор бўлиб, менсимай кетди», деб таъна қилишларидан ўзини эҳтиёт тутарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

ТАЪНАЛИ Таъна билан айтилган, таънадан иборат бўлган, таъна ифодалайдиган. *Сафохон тўранинг Камол қозидан тап торт-*

май қилаётган таънали ўткир гаплари бош-қаларни ўйлатиб қўйди.. К. Яшин, Ҳамза. Мунира, хотинини кузатиб келган раисга таънали боқди. Э. Усмонов, Ёлқин.

ТАЪНАОМУЗ [таъна + *آميز* — ўхшаш, каби] айн. **таънали**. Раҳиманинг бригадасида ҳам анчагина ғўзага дори сепилмаган. Ойша таънаомуз гапларни гапиргиси келса ҳам, бу ҳақда индамади. Ҳ. Нуъмон, Меҳр. Мутриб, «хаёлпараст иним» дегандек, Авазга таънаомуз разм солди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ТАЪНАЧИ Ҳар нарсани таъна қилаверадиган киши. Таъначилардан тегмасин иснодинг, кўзинг очгин, Аваз, сенга не бўлди? «Бўтақўз».

ТАЪРИФ [*ا. تعريف* — таништириш; тушунтириш; аниқлаш; мақташ, васф этиш] **1** Нарса, воқеа-ҳодиса ва ш.к. га сўзлар воқитасида берилган баён, тасвир; тавсиф. Минг таърифдан бир кўрган афзал. ■ Олчинбекнинг таърифига қараганда, Зубайдахон тенги йўқ момақаймоқ, офатижон эмиш. К. Яшин, Ҳамза. Ориф ота гулларнинг таърифини ҳикоя қилгудек бўлса, ҳамсухбатининг оғзини очиб қўяди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Туйингнинг таърифини эшитдим, шу ерда бўлсам ҳам келмас эдим. А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

Таъриф қилмоқ Таърифини, тавсифини бермоқ, келтирмоқ. ..у зот ниҳоятда покиза одам эканликларини таъриф қилди. Мирмуҳсин, Меъмор. **Таърифга сиғмайди қ. сиғмоқ.** **Таърифи кетган** Жуда маълум-машҳур. У таърифи кетган ғўзал қиз бўлгани учун Султон Муҳаммадхондай подшоҳнинг хотинига айланган эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Нарса, воқеа-ҳодиса, тушунча ва ш.к. нинг қисқа ва аниқ ифодаси. Терминнинг таърифи. Тушунчанинг таърифи. Қўшма сўзнинг таърифи.

ТАЪРИФИ(Й) Ижобий хислатлари, мақтовли ҳаммага маълум бўлган; мақталадиган, мақтовли. Низомжон қишлоғининг таърифи ўрини жуда соғинган эди. С. Аҳмад, Уфқ. Қишлоқдаги боғдорлар борки, икитасининг боши бирикса бўлди, Абдулазиз ҳожининг ғилоси ҳақида гап очилар эди.. Жа таърифий ғилос эди.. С. Анорбоев, Ҳамқишлоқлар.

ТАЪРИФИЧА қрш. с. Таърифига кўра, тавсифлашича, тасвирлашига қараганда. Унинг ўз таърифича, бир неча йиллардан буён

тинч ва осойишта тирикчилигини ўтказиб юрганида.. Саодатхоннинг келиши ошга пашша тушгандай бўлди. «Муштум». Домла Мусонинг таърифича, «қошларини обжувоз қилиб», Элмуродга тикилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАЪРИФЛАМОҚ 1 Таърифини бермоқ, таъриф қилмоқ; мақтамоқ. Тошкентни, доктор, докторхонани таърифлаб адо қилолмайди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Кетмон уста таърифлаганча бор экан. Т. Ашуров, Оқот. Пештахталар олдида харидордан кўра кўпроқ уймалашган сотувчилар тилларидан бол томиб, молларини таърифлашади. Н. Аминов, Суварак.

2 Нарса, воқеа-ҳодиса, тушунча ва ш.к. нинг моҳиятини қайд этмоқ, ифодамоқ. Темир, «Ҳамма нарсанинг таърифи бор, ҳамма нарсани тушунтириб бера оламан», дейди. У бахтни ҳам таърифлаб берди, кўнглини ҳам, муҳаббатни ҳам.. А. Мухтор, Чинор.

ТАЪРИФЛИ Муайян тавсифга эга, таърифга лойиқ, таърифга тушган. Сиз таърифли заргарбачча. Мен сизники то ўлгунча. «Эрали ва Шерали». 1961 йилда боғ кучга тулиб, гуркураб кетди.. Айтиқса, анорзор таърифли эди. Газетадан.

ТАЪРИФОТ [*ا. تعريفات* — «таъриф» с. кўпл.] кт. Таърифлар, таъриф ва тавсифлар; мақтовлар. Эрур ким мардлигиндан ёзсалар кўп дostonлар ҳам, Нечук биз сиғдирайлик бир вараққа таърифотларнинг. Чустий. Қовун ҳақидаги бояги таърифотларнинг барчаси ҳам ҳозир бирдан ёдидан кўтарилади. А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАЪСИП [«таассуб» с. нинг бузилгани]: **таъсип қилмоқ** (ёки **этмоқ**) с. т. Таассуб қилмоқ, иш-ҳаракатда бировга эргашмоқ, тақлид қилмоқ. Сатторқул аканг уйини янги турмуш қилди.. Обиджонинг шуларга таъсип қиламан деб, мени кўп куйдирди-да! А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари.

ТАЪСИР [*ا. تاثير* — (хотирида) из, асар қолдириш, таъсир қилиш] **1** Ташқи омилларнинг киши ёки нарса ҳолатини ўзгартириш, қўзғаш хусусияти ва унинг натижаси. Таъсир ва акс таъсир. Ўзаро таъсир. Дорининг таъсири. Иссиқликнинг таъсири. Ўқитувчининг болаларга таъсири. Таъсир кучи. Ижобий таъсир кўрсатмоқ. ■ Сўнги кунларда Навоийдан келган хатнинг таъсирида юрган Бобур Ҳиротдан гап очди. П.

Қодиров, Юлдузли тунлар. *Куни бўйи бир стакан ароқ ёки винонинг таъсирида юради.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ерда тунов куни ёққан ёмғирнинг таъсири бор. Жангчиларнинг юришини оғирлаштиради.* Шухрат, Шинелли йиллар.

Таъсир қилмоқ (ёки этмоқ) Таъсири юзага чиқмоқ, сезилмоқ; таъсир билдирмоқ, ўтказмоқ. *Бўлиб ўтган гап Толиб акага ёмон таъсир қилди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мени афсун билан ҳам ром қилиб бўлмайди, менга захар ҳам таъсир қилмайди, гап ҳам!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Санобар ўз сўзларининг Алижонга қандай таъсир этганлигини билиш учун унинг юзига синчков назар ташлади.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

2 Обрў, нуфуз, эътибор. *Бухоро жадидалари орасида усмонли туркларнинг ва татар бойваччаларининг таъсири катта эди.* С. Айний, Докунда.

ТАЪСИРЛАМОҚ кам қўл. Таъсир қилмоқ, таъсир кўрсатмоқ. *Нервни электр, зарб, иссиқ сув ёки бирорта кимёвий модда билан таъсирлаганимизда, ҳамма вақт мускулнинг қисқарганини кўрамиз.* «Анатомия».

ТАЪСИРЛАНМОҚ Таъсир олмоқ, таъсирга берилмоқ, таъсирида бўлмоқ; изтиробга тушмоқ. *Аваз ҳар нарсадан дарров таъсирланадиган, адолатсизлик кўрса, лов этиб кетадиган чарс табиатли.* С. Сиёев, Аваз. *Ёлғизжон қаллиғининг мулоҳазаларидан таъсирланиб, анчагача жим ётди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *У бир нимадан кўркса ёки таъсирланиб кетса, гапиролмай гўлдираб қоларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Маъсумаой Ойимбибига қайрилиб қаради, унинг ҳолатидан таъсирланиб, пастки лабини ташлади, бошини чайқади.* Н. Сафаров, Дон.

ТАЪСИРЛИ 1 Таъсир қила оладиган, таъсир кучига эга. *Энг муҳими, фактларни қуруқ қайд қилмай, уларни бадий таъсирли ифодалашдадир.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Ногоҳ жимжит ва қизгин ҳавони янгради, ҳофизнинг таъсирли овози кўтарилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Обрўли, эътиборли, нуфузли. *Таъсирли доиралар.*

ТАЪСИРРОТ [a. تأثيرات — «таъсир» с. кўпл.] Таъсир; таъсирлар. *У организмни ташқи муҳитнинг ҳар хил таъсиротларидан сақлайди.* «Анатомия».

ТАЪСИРСИЗ 1 Таъсири йўқ, таъсир кучига эга эмас, қор қилмайдиган, кучсиз, заиф. *Таъсирсиз гап.* ■ Осмонни қизғиш куларанг туман қоплаб, куннинг юзини ғира-шира ва таъсирсиз қилиб қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Обрўси, эътибори, нуфузи йўқ. *Таъсирсиз одам.*

ТАЪСИРЧАН Яхши таъсир этиш кучига эга, таъсир этиш кучи юқори даражали; таъсирга тез, кучли бериладиган. *Кўёнлар ўзининг биологик хусусиятларига кўра, ташқи шароит омилларига ўта таъсирчан бўлади.* «Фан ва турмуш». *Ҳар бир сўзни ўзига хос оҳангда, таъсирчан қилиб гапира оладиган бу кишининг ҳозирги нутқи салобат билан таъсирчан жаранглади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАЪСИРЧАНЛИК Таъсирчан бўлиш, таъсир этиш кучи, қобилияти. *Кўрсатувга бундай ҳар томонлама ёндашиш, сўзсиз, унинг таъсирчанлик кучини янада оширади.* Газетадан.

ТАЪСИС [a. تأسيس — тузиш, ташкил этиш; жорий қилиш]: **таъсис этмоқ** (ёки **қилмоқ**) 1) жорий қилмоқ, белгиламоқ. *Механизаторлар Анзура Жўраева номида эсдалик мукофоти таъсис этилишини орзу қилмоқдалар.* «Ўзбекистон қўриқлари»; 2) ташкил қилмоқ, вужудга келтирмоқ. *Илмий жамият таъсис этмоқ.*

ТАЪТИЛ I [a. تعطيل — тўхташ, тўхтатиш; беркитиш, ёпиб қўйиш; тарқатиш] 1 эск. Ўқув даргоҳларида, умуман, дарс-машғулот бўлмайдиган кунлар; дам олиш кунлари. *Махдум, бу кун сизга таътил [деди мавлоно Фасиҳиддин Султонмуродга].* Ойбек, Навоий. *..чоршанба, пайшанба ва жума кунлари таътил (дам олиш кунлари) бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Мактаб ва б. ўқув юртларида дарс-машғулотлар тўхтатилиб, ўқувчиларга дам бериладиган (ўқувчилар дам олишга чиқадиغان) вақт, танаффус. *Ниҳоят, мактабларда таътил кунлари бошланди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Аҳмад таътил пайтида Фаргона водийсига практикага борди-ю, у ердаги одамларга қойил қолди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Дам олиш, даволаниш ва ш.к. учун ишдан озод қилиб бериладиган маълум кунлар, ишдан озод қилинадиган муддат. *Бошқаларга дам олиш кун, Таътил ойи берилар.*

Шоир янги ташбиҳ учун Ўлган бўлса тирилар. Э. Воҳидов. Мўминов ҳар йили таътил пайтида дам олмас эди. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ТАЪТИЛ II шв. фольк. Овқат, егулик; нонушта; овқатланиш.

Таътил қилмоқ Нонушта қилмоқ, уму-ман овқатланмоқ. *Ул аллар қандай алт: ёйан-доз, мерган, ҳар қайсиси.. ҳар кунига тўқсон ширвознинг этини таътил қилган.. зўр полвондир.* «Алпомиш».

ТАЪТИЛЛАНМОҚ айн. **таътил қилмоқ**. *Эрталаб таътилланиб, йўлга отландим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ТАЪХИР [a. تَاخِير — кечикиш, кечиктириш; имиллаш, орқага судраш, кейинга қолдириш] эск. кт. Ўз вақтида келмаслик ёки қилмаслик, бажармаслик; кечикиш, ҳаяллаш; тўхтаб қолиш; тўхтатиб қўйиш.

Таъхир қилмоқ (ёки **этмоқ**) Кечиктирмоқ, тўхтатиб қўймоқ. *Нечук иш бўлса, ўз вақтида қилдим, қилмадим таъхир, Садоқат бир-ла қилган меҳнатимни айлашиб тақдир.* Ҳабибий. **Таъхирга солмоқ** Кечиктирмоқ, тўхтатиб қўймоқ. **Таъхирга тушмоқ** Кечиктирилмоқ, тўхтатиб қўйилмоқ; ўз вақтида бажарилмаслик. *Дўст аччиғига дўстлар ихлоси бўлса шояд, Таъхирга тушмай ишлар соз бўлса, кулса шояд.* «Муштум».

ТАЪҚИБ [a. تَعْقِيب — орқасидан қувиш; изига тушиш; қувғун қилиш; жазолаш] 1 Зимдан, билдирмасдан кўз-қулоқ бўлиб кузатиш. *Юриш-туришини таъқиб.* **Таъқибдан қутулмоқ.**

2 Эркин ҳаракат-фаолият кўрсатишга қўймаслик, шу мақсаддаги назорат, кузатиш. *Подшо Иброҳим Султонга аҳли уламою фузало устидан таъқибни ҳаддан зиёд қилмаслик, мумкин қадар уларга тегмаслик кераклигини айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Изидан тушиш, кетидан қувиш, орқама-орқа бориш, юриш. *Унинг ҳаракати бир нарсадан шубҳаланиб эмас, аммо орқадан душман таъқибни бўлмадими учун эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

Таъқиб қилмоқ (ёки **этмоқ**) 1) кўздан ўтказмоқ, кузатмоқ. *Онаси унинг бутун ҳаракатларини таъқиб қилиб турарди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Отабек хомуш ўтирар, Ҳасанали эса унинг ҳолини таъқиб этмоқда эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар; 2) кўз-қулоқ бўлиб кузатмоқ, назоратда тутмоқ. *Гулсум-*

биби.. қизнинг феъли-атворини, юриш-туришини очиқ ва бекитгич равишда узоқ таъқиб этди. Ойбек, Танланган асарлар; 3) изидан тушмоқ, кетидан ҳаракат қилмоқ, қувмоқ. *Улоқни олган Содиқжон бойвачча ҳаммадан олдинда, Сулаймон оқсоқол бошлиқ қолган кўпқаричилар уни қуюндай таъқиб қилиб келишарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Жўрақул дўстлари билан душманни таъқиб қилиб, олдинга силжирди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ТАЪҚИБЧИ Зимдан кузатувчи, таъқиб қилувчи. *Дарахтнинг юқорисига чиқиб олдим. Бир марта қувиб ниятига етолмаган бу таъқибчи йиртқич [айиқ] энди жон-жаҳди билан арча устига чиқишга уринарди.* Қ. Султонов, Маймоқполвоннинг таъқибчи.

ТАЭКВОНДО [корейсча: таэ — оёқ + квон — қўл + до — йўл: оёқ ва қўлларнинг ҳаракат йўли, усули] спорт. Эркак ва аёлларнинг ўз вазн тоифаларида (якка ва жамовий), белгили қоидалар асосида, оёқ ва қўллар билан зарбалар беришдан иборат спорт кураши тури. *Халқаро таэквондо федерацияси.* ■ *Яқинда республика таэквондо федерацияси томонидан ўтказилган спорт йўриқчиларининг малака синови [баҳолалиши] ана шу саволларга жавоб берди.* Газетадан.

ТАЯММУМ [a. تَيْمَم — ният қилиш; бирор мақсадни кўзлаш; сув бўлмаганда қум билан таҳорат қилиш] дин. Сув бўлмаган жойда қум, тупроқ, пахта, тоза мато каби нарсалардан фойдаланиб олинадиган шартли таҳорат. *Уйдан чиқишда қумғонни олиш ёдидан кўтарилгани учун у анча ташвишланди. Ҳеч бўлмагандан кейин, либосига қўл уриб, таяммумни адо этди.* Н. Мақсудий, Бола йўқотган киши.

Сув йўғида таяммум Йўқ нарса ўрнида бошқа нарсдан фойдаланишга, бошқа нарса билан кифояланишга тўғри келган ҳолларда айтиладиган ибора. *Аҳмад Ҳусайн бироз ўйланиб тургандан сўнг деди: -Яхши, розиман, сув йўғида таяммум, деганлар-ку.* Ойбек, Нур қидириб.

ТАЯМОҚ 1 Бирор нарсани иккинчи бир нарсага тегизиб, куч билан итариб турмоқ, тирамоқ. *Тираскларни тиззаларига таяган ҳолда букчаийб ўтирган Элмурод юзидан қўлларини олмай сўради: -Нима қилай? П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Мустаҳкам туриши учун бирор нарса тираб, ўрнатиб қўймоқ. Қулай бошлаган деворга ёғоч таяб қўймоқ.

3 Бирор нарсага тегизиб қўймоқ, суямоқ. Чол ҳассасини деворга таяб қўйди.

ТАЯНМОҚ 1 **Таямоқ 1** фл. ўзл. н. Ҳассага таянмоқ. Қўллари билан столга таяниб олмоқ. ■ Кампир.. бир қўлида ҳассасига, иккинчи қўлида Анорхонга таянганича қабристонга йўл олди. И. Раҳим, Ихлос. Султон тиззаларига таяниб ўрнидан турди. Э. Усмонов, Ёлқин.

2 кўча Бирор нарсани ҳисобга (асосга) олиб, унга ишониб иш тутмоқ; суянмоқ. Омманинг ташаббусига таянмоқ. Бизда пахтачилик юксак агротехникага таянади. ■ Ўртоқ Низомиддинов, бундай пайтларда раҳбар органларнинг ёрдамига таяниш керак. С. Аҳмад, Ҳукм. Хон.. кўпроқ сарой амалдорлари, уламо ва тўраларга ён босар ва уларга таянларди. Ж. Шарипов, Хоразм. Азалдан ер унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда алмашлаб экиш самарасига таяниб келинган. «Муштум».

Тавбасига таянмоқ қ. тавба.

ТАЯНЧ 1 Нарсани кўтариб, унинг тик, барқарор туриши учун хизмат қиладиган восита; устун, тиргак, тирговуч. Қўнгина қурилиш ташкилотлари.. таянчлар ясаш учун металлни беҳуда сарфламоқдалар. Газетадан.

2 кўча Асос бўлиб хизмат қиладиган, суяниладиган нарса. Мўл ҳосил тўплаш ойида механизация деҳқоннинг энг кучли таянчидир. Газетадан. Педагогнинг энг қудратли таянчи ҳам ва оромбахш ёстиғи ҳам унинг покиза виждонидир. Р. Усмонов, Одобнома. Табиат фақат инсон тирикчилигининг, ҳаётнинг жисмоний асосини белгилабгина қолмай, маънавий ҳаётнинг ҳам асосий таянчидир. «ЎТА».

3 кўча Ёрдам ёки ҳимоя қиладиган, қўллаб-қувватлайдиган кимса; ҳимоячи, ёрдамчи, ҳомий. Зебихон хотинларни зимдан кузатиб ўтирар, уларнинг ичидан ўзига таянч бўладиганларини мўлжаллар ва ўйлар эди. С. Зуннунова, Гулхан. Худодан бошқа таянчим йўқ, ўзи асрасин. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАЯНЧИҚ 1 Тутиб, кўтариб турадиган восита; тиргак, устун, тирговуч. Кўприкнинг таянчиқлари. ■ Бўйин таянчиғи бўлган юқориги еттига умуртқа бўйин умуртқалари деб аталади. «Анатомия».

2 Стул, каравот ва ш.к. нинг суяниладиган, таяниладиган қисми; суянчиқ. Наимий бунни сира кутмаган эди, ранги ўчиб кетди, креслонинг таянчиғини чангаллаб, ўрнидан турди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 кўча айн. **таянч 3.** Мен келдим бир дарбадардай ёш тукиб ҳушсиз, Қани онам.. таянчиғим, кўнглим қувончи? «Шарқ юлдузи».

ТАҚ 1 тақл. с. Икки қаттиқ нарсанинг бир-бирига зарб билан урилишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. Ёнғоқ тақ этиб тошга урилди. Эшик тақ этиб ёшилди. ■ Бошлиқ трубкани яна тақ этиб қўйди. Худди катта бир ишни қойил қилган одамдек, қандайдир димоғ билан ҳўрсинди. С. Зуннунова, Гулхан. Зокир қўлидаги қадаҳни тақ этказиб, столга қўйди. П. Қодиров, Уч илдиш.

Пешонаси тақ этиб деворга тегмоқ Ўз билганидан қолмай, охири иши вой бўлмоқ. Пешонанг деворга тақ этиб теккандан сўнгина кўзинг очилди. С. Анорбоев, Оқсой. Тақ (ёки тик, туқ) этса, эшикка қарамоқ Кимсани интизорлик билан кутмоқ. Муҳаррамнинг тоқати тоқ, Элмуроднинг йўлига кўзи тўрт эди. Тақ этса, эшикка қарарди. Шўхрат, Шинелли йиллар.

ТАҚ II қ. таққа. Темурбекнинг шахти кўп баланд! Еру кўкни у тақ тиндирар. М. Али, Гумбаздаги нур.

ТАҚА I От-улов туёғини зарарланишдан, сирғанишдан сақлаш учун туёқ остига михлаб қоқиладиган ярим доира шаклидаги металл буюм. Отнинг тақаса. ■ Қишлоқ тинчлигини бузган бу якка от туёқларининг тарақ-туруқи, тақаларнинг тошларга урилишидан чиққан ялт-ялт чақмоқ дам ўтмай узоқлашди. С. Анорбоев, Оқсой.

ТАҚА II шв. Жуфтнинг бири; тоқа. Норбой ота.. олти таноб еру бир тақа ҳўкизга эга бўлди. М. Ҳаким, Бувнор. ..бир неча қаддам йўл босиши билан қўлқопнинг иккинчи тақасини кўриб қолди. «Муштум».

ТАҚАЛ I: тақал қўймоқ Бирор ишни бажаришга дарров киришмай, ўйланиб қолмоқ, кечиктирмоқ; кетга сурмоқ, галга солмоқ; баҳона қилмоқ. Тожиҳон, қўйинг шу важҳу тақални. А. Мухтор, Кумуш тола. Ҳаялламай жаллод, энди боринглар, Тақал қилмай, тезроқ бориб келинглар. «Алпомиш». Ёмон хотин кўп қилади тақални, Қирққа кир-

май оқартирар соқолни. М. Алавия, Ўзбек халқ кўшиқлари.

ТАҚАЛАМОҚ От-улов туғига тақа қоқмоқ. [Холхўжа Бўтага:] *Менга йигит бўл! Бир қошиқ қонингдан ўтаман. Менга хизмат қил! Отларни тақалайсан.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ТАҚАЛМОҚ 1 Тақамоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Ёғочнинг учи деворга тақалган. Қайиқ бориб қирғоққа тақалди. ■ *Ҳозир суҳбат Элчибекка келиб тақаладигандай эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Суви анча тортилиб қолган кўлнинг шимолӣй этаги қишлоқ уйлариининг ҳовлиларига бориб тақалар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Камар бир одам бемалол энгашиб юра оладиган бўлиб, охири қаерга бориб тақалишини ҳеч ким билмасди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор нарсанинг битишига, юзага келишига қараб қолмоқ, у билан боғлиқ бўлмоқ. *Рухсатнома ёзилган. Иш суратга тақалиб қолди.* Бугун у ҳам тайёр бўлади. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Кўп нарса замонавий машина-ускуналарнинг этишмаслигига бориб тақалади.* «Муштум».

ТАҚАМОҚ 1 Жуда яқинига олиб бориб, етказиб, тегизиб қўймоқ; тирамоқ. *Стулларни бир-бирига тақаб қўймоқ.* ■ [Маҳкам:] *Гоҳ қўлида милтиқ, йўлимни тўсади, гоҳ кўкрагимга миниб олиб, кекирдагимга пичоқ қақайди..* Н. Сафаров, Уйғониш. *Нури ўз юзини йигитнинг юзига тақади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Сўзни, мавзуни бирор ерга, масалага уламоқ, олиб келмоқ, кўчирмоқ. *Шундай қилиб, Ефим Данилович гапни яна қурол-яроққа олиб келиб тақади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Ким ёки нимадандир деб билмоқ, унга боғламоқ. *Ҳамма нарсани динга, худога тақайверма.* Н. Аминов, Суварак. *Область саҳро ҳасобига тараққий этиб, келгусида иккига бўлиниб кетса, бу объектив қонун, Аббосов. Сен бунни менга тақама, бундан иғво чиқаришинг қийин.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

Деворга тақамоқ Шошириб, гангитиб қўймоқ; таслим бўлишга мажбур қилмоқ. *Бора-бора Қорача Ҳожибнинг ҳазиллари сийқалашиб, ҳамманинг энсасини қотира бошлади.* *Ойсулув эса янги-янги сўзлар, ўхшатиллар топиб, рақибини деворга тақаб қўйди.* М. Осим, Ўттор.

ТАҚАСОҚОЛ Узун-узун гуллари эгилиб, ярим доира шаклини оладиган ёввойи чўл ўсимлиги. *Тақасоқол, ёвшан.. кўкариб, юлғунлар қип-қизил гуллади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТАҚАТАҚ 1 Ҳаммаси бирдан, битта ҳам қолмасдан; ёппасига. *Магазинлар, дўконлар тақатақ қулф.* ■ *Уйларнинг эшиклари, деразалари тақатақ ёпиқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бутунлай, тамоман. *Иситма полвоннинг иштаҳасини тақатақ бўғиб, силласини қуритибди.* М. Алиев, Бетоб. *Аллоннинг бир жувози тақатақ тўхтади* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Тўрани кўриб, ҳамма тақатақ тўхтар, икки букилиб таъзим қиларди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАҚА-ТАҚ тақл. с. Бир меъёрдаги тез ҳаракатдан, урилишдан ҳосил бўладиган овоз, шовқинни билдиради. *Поезднинг «тақа-тақи» кишини мудратарди.*

ТАҚАЧИ Тақа ясайдиган ва отга тақа қоқадиган уста. *Мўғуллар.. керакли қуролсозлар, узангисозлар, тақачилар, темирчилар, арава-созлар, тўқувчилар ва бошқа касб эгаларини бир чеккага ажратдилар.* М. Осим, Ўттор.

ТАҚАЧИЛИК 1 Тақа ясаш ва тақа қоқиш иши, касби. *Тақачилик артели.* *Тақачиликни ўрганмоқ.* *Тақачилик қилмоқ.* ■ *Бўтабой ҳам икки кунда тақачилик дўконини тиклади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Дадам тақачиликни жинидан баттар ёмон кўрса ҳам, тақа ясашга киришди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эрталар.

2 тар. Тақачилар ишлайдиган жой; тақачиларнинг дўкони, ишхонаси жойлашган раста, кўча ёки маҳалла. *Барибир, Маҳкам тинмади, тақачиликка тушиб, бир чети учган сандон кўтариб келди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Очил тақачи Мадумарни танийди, кулоллар растаси тақачиликнинг шундай ёнгинасида.* А. Мухтор, Чинор.

ТАҚАШТИРМОҚ Бир-бирига тақаб, тегизиб қўймоқ, ёнма-ён жипслаб жойлаштирмоқ. *Столни деворга тақаштириб қўймоқ.* ■ *Қизлар бирин-сирин келиб, ўринлари устига ўтирдилар.* *Ўрин қатор ва бир-бирига тақаштириб солинган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАҚВИМ [а. تقويم — тўғрилаш, тузатиш; баҳолаш; календарь] **1** эск. Сайёра (плане-



та)ларнинг ҳолат ва ҳаракатларини кўрсатувчи йиллик жадвал; колдузлар жадвали.

2 Йилнинг барча ой-кунлари тартиби билан кўрсатилиб, бошқа турли хил қизиқарли маълумотлар ҳам берилган жадвал ёки китобча. *Стол тақвими. Йиртма тақвим.*

ТАҚВО [а. تقوى — диндорлик, ҳудожўйлик; худодан кўрқиш] *дин. 1* Мустаҳкам диний эътиқод; ҳудожўйлик, диндорлик.

2 Ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилиш, ўзини сақлаш, тийиш. [Эшонларнинг] *Тақво эмиш қилмишлари, Яъни шулдир ишлари: Фақир молин чайнарга Уткир бўлган тишлари.* Ҳамза.

ТАҚВОДОР *дин. 1* Мустаҳкам диний эътиқодли; ҳудожўй, диндор. *Элдан бурун масжидларга кетаётган тақводорлардан бошқа кўчаларда ҳеч зог йўқ. М. Осим, Ўтрор.*

2 Ҳаром-ҳаришдан ҳазар қиладиган, ўзини сақлайдиган, тиядиган; пок. *Мулла Маҳмуднинг гапидан кейин баъзи тақводорроқ кам ерли деҳқонлар ҳам қўшимча сифатида бўлиб берилган тоқзордан воз кечишди. С. Анорбоев, Оқсой.*

ТАҚВОДОРЛИК Тақводорга хос иш, ҳислат; тақводор эканлик. *Бу амир муллалик ва тақводорлик билан донғи чиққан бир кимса эди. С. Айний, Қуллар. Йигит, ҳўжа оиласининг тақводорлигини, фуқарога қиз бериш у ёқда турсин, унинг совчисини ҳам остонадан ҳатлатмаслигини билар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ТАҚДИМ [а. تقديم — олға силжитиш; юқори лавозимга кўрсатиш, тавсия этиш; бир нарсани бирор кимсага бериш; бир кишини бошқа киши билан таништириш] *Тавсия, таклиф. Юқори идораларнинг тақдимига кўра ишга тайин этмоқ. — Жамоатчилик асосида ишлайдиган раис (оқсоқол) маслаҳатчилари ўртасидаги вазифалар тақсимоти, раиснинг тақдимига кўра, фуқароларнинг йиғини томонидан амалга оширилади. Газетадан.*

Тақдим этмоқ (ёки қилмоқ) 1) тавсия этмоқ, таклиф қилмоқ. *Элмурод ҳаммани мукофотга тақдим этганда, ўзини тушириб қолдирган эди. Шухрат, Шинелли йиллар; 2) тортиқ, совға сифатида бермоқ, тортиқ (ҳадя) қилмоқ. Муҳиддиннинг тақдим қилган совғаси Хосият холанинг бошини кўкка етказди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. ..дарс вақтида мени хаёл суриб ўтирганимни расм-*

га олибди. Кейин расми менга тақдим этди. М. Қориев, Ойдин кечалар.

ТАҚДИМНОМА [тақдим + нома] Ёзма тақдим. *..жазонинг ҳали ўталмаган қисмини юмшоқроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида.. судга тақдимнома топшириш ҳуқуқи берилсин. Газетадан.*

ТАҚДИМОТ [а. تقديمات — «тақдим» с. кўпл.] Бирор нарсани тантанали суратда кўпчиликка таништириш.

ТАҚДИР [а. تقدیر — ҳисоблаб чиқариш, ҳажмини белгилаш; эътироф этиш; фараз, эҳтимол; баҳолаш, қиймат] 1 *дин. Олдиндан белгилаб қўйилган, пешонага битилган кўргилик; ёзмиш, қисмат. Қора тақдир. Шум тақдир. — Нима қилардик, бандасининг қўлидан нима келарди.. тақдир. М. Исмоилий, Фарғона т. о. -У ҳам эмас, бу ҳам эмас, — деди [Кумуш], — ҳаммаси худонинг тақдири! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аҳмад Ҳусайн қулдан бадтар ожиз, забун, ҳамиша тақдирга итоаткор, ғирт саводсиз бу деҳқоннинг мулоҳазаларига ҳайрон қолди. Ойбек, Нур қидириб.*

Тақдир бўлиб Тақдир юз бериб, насиб этиб, пешонада ёзилгани бўлиб. *Лайлонинг отаси ҳам, онаси ҳам менга ўрганиб қолишди.. тақдир бўлиб, Лайлонинг синглиси Мастурага уйландим. М. Қориев, Ойдин кечалар. Тақдир қилмоқ (ёки этмоқ) 1) насиб қилмоқ, насиб этмоқ, буюрмоқ. -Худо тақдир қилган бўлса, бу ҳунарни ҳам тонамиз, — деди эшон. С. Айний, Дохунда; 2) муносиб баҳоламоқ, тақдирламоқ. Ош ўхшалган эди. Биринчи ошамдаёқ, Маҳмуд Нигор ойимни тақдир этди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Тақдирга тан бермоқ 1) *дин. ўз қисматига, кўргиликларига худонинг иродаси, хоҳиши деб, рози бўлмоқ Тўхта хола ўзини босиб, кўз ёшларини ютиб, тақдирга тан бериб тура қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) умуман, кўникмоқ; чидамоқ. Ҳасратдан, йиғидан зериқкан фуқаро тақдирга тан бергиси келмайди. Ҳ. Шамс, Оқпадар.**

2 Келгуси ҳаёт; келажақ, истиқбол. *Аввал Адолат ўз тақдиридан бошқа ҳеч нарсани ўйлай олмасди. Энди бўлса у ёлғиз ўз тақдирини эмас, ўзига ўхшаган юзлаб хотин-қизларнинг тақдирини ўйлайди. С. Зуннунова, Гулхан. Аслида ҳаяжон билан қизларнинг оғзига кўз тикар, гўё ўзининг бундан кейинги тақ-*

дири уларнинг жавобига боғлиқдек, юраги така-пука эди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

3 Келгуси натижа, унинг нима бўлиши, қандай экани. Ҳосилининг тақдири ана шу зовурларни ҳар йили, ҳеч бўлмаганда, йил ора тюзалаб туришига боғлиқ. Газетадан. Георгий Синаевский отаси тузган лойиҳанинг тақдири нима бўлганини билиб беришни илтимос қилибди. «Ўзбекистон қўриқлари». Ҳошим аканинг мушоҳадаларига берилиб ўтирсам ҳам, лекин.. ҳаёлим бояги хатнинг тақдирида эди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ТАҚДИРДА боғл. Шарт маъносини билдиради, шарт муносабатли гапларни боғлаш учун хизмат қилади. Ҳаммаси эмас, бирон-таси рост бўлган тақдирда ҳам, мен бу гапларни сизга айтмас эдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Агарда кўниб, хўп деса-ку хайр; кўнмаган тақдирда, бу хабарни Отабекка етказсак, зора шунинг билан кўнгли совиб тушса. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тирик ҳужайра ташқи муҳит билан мунтазам алоқада бўлган тақдирдагина яшай олади. «Фан ва турмуш».

ТАҚДИРДОШ Тақдири бир, бир хил тақдирга эга. Мана донгдор пахтакор жувон, Рухсори гулми, қуёш? Кемираркан висолсиз ҳижрон, Сирқирадан тақдирдош. Зулфия, Юрак тўлқинлари.

ТАҚДИРЛАМОҚ Муносиб баҳо, мукофот ва ш.к. билан нишонламоқ, қадрига етмоқ, қадрини қайд этмоқ. Буюк хизматларини тақдирламоқ. ■ Бир кеч унинг бу фазилатларини тақдирлаган бўлиб, ресторанга таклиф этди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Ҳамид Олимжоннинг.. хизматларини тақдирлаб, унинг номи абадийлаштирилди. Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАҚДИРНОМА [тақдир + нома] Тақдирлаш ҳақидаги ҳужжат, тақдирлаш қоғози. «Қибрай» дам олиш уйи Ўзбекистон курортлар бошқармасининг тақдирномасига сазовор бўлди. Ф. Исоқов, Роҳатижон. Экспонатлар орасида Ғаниевнинг фронтдан ёзган хатлари, жанговар тақдирномалари, гувоҳномалари бор. Газетадан.

ТАҚИЛЛАМОҚ «Тақ-тақ» этган товуш чиқармоқ. Эшик тақиллади. ■ У кўзини юмди дегунча, ҳаёлида қорабайир жавлон қилар, тақаларининг тошларга урилиб тақиллаши

қулоқларига эшитилаётгандай туюларди. Ҳ. Гулом, Машғал.

ТОМОҒИ ТАҚИЛЛАМОҚ қ. томоқ.

ТАҚИЛМОҚ I Тақмоқ фл. мажх. н. Кўк-ракка тақиладиган нишон.

ТАҚИЛМОҚ II 1 Тегинмоқ; тегмоқ. Эшикнинг қулф ва занжири бўлмай, юзига ёпиқ ҳолда турган бўлса ҳам, у [йигит] эшикка тақилмади, машаққатланиб, деворга минди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нутқда, гапда кимса ёки нарса ҳақида тўхтамоқ, гапириб ўтмоқ. Мағрузачи кўп масалаларга тақилмади.

ТАҚИМ Оёқнинг тизза ости букиладиган жойи. Унинг ўзи ҳам сочини иккита қилиб ўриб, тақимига тушириб юришни яхши кўрарди. П. Қодиров, Эрк. Шу заҳоти тақимим, умуман, бутун баданим қичишаётганини пайқадим. Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар. -Ия, Обиджон, — тиржайиб гапирди Қамбар, — мен ўйловдимки, улоқни тақимга босиб келасиз, бу ерда қозон осамиз деб, қуруқ томоша денг. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАҚИМЛАМОҚ От устида ўтирган ҳолда бирор нарсани (мас., улоқни) тақими остига босиб олмоқ. Орият зўр нарса. Сен ҳам майдондасан. Улоқ отининг елкасида турибди, тақимла. И. Раҳим, Ихлос.

ТАҚИМОҚ с. т. Айбни бировга ағдармоқ, тўнкамоқ, бировдан кўрмоқ. Модомки шундоқ экан, рашк тўғрисида бировга айб тақиш қийин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТАҚИНЧОҚ Узук, исирга, маржон каби тақиладиган зеб-зийнат буюмлари. Сиз ўша — тақинчоқ, долларга банда, Вилладан дунёга ташлайсиз назар. Зулфия.

ТАҚИР 1 от, геогр. Каттиқ қатқалоқ билан қопланган ер. Туя қувласа, шудгорга қоч, Илон қувласа — тақирга. ■ Қум уюмлари орасида нуқул гилдан ҳосил бўлган майдонлар учрайди. Бундай жойлар тақир деб аталади. «Ўзбекистон географияси». Оқмаган дарёнинг номидир тақир. А. Орипов, Йиллар армони.

2 сфм. Гиёҳ ўсмайдиган ёки деярли ўсмайдиган; яйдоқ, яланғоч. Тўғри, олти-етти йил илгари бу жойлар — Қариш чўли тақир ердан фарқи йўқ эди. «Ўзбекистон қўриқлари».

3 сфм. Ўт-ўлансиз, ўт-ўлани ердан кўринмайдиган (ўсмаган) даражада. Қўнишда-

ги тақир ялангликда кун билан тўйиб ўтлаган қўй-эчкилар кавш қайтариб ётибди. С. Анорбоев, Оқсой.

4 сфт. Сочи, жуни, туки йўқ; туксиз. ..баъзи ўртоқларнинг алдамчилигини кўрганда, тақир даҳанимга соқол чиқиб кетишига оз қолди. «Муштум». Жамшид шундоқ дераза тагида, тақир гилам устида ухлаб қолди. Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди.

5 сфт. кўчма Хеч нарса тўшалмаган; яланғоч. Тақир ерда ухламоқ. ■ Йўлдош ака тақир шолчага, худди саккиз қават кўрпачага ўтиргандай, бамайлихотир ёстаниб олди. Ҳ. Назир, Васият.

6 рвш. Сира, асло; мутлақо, бутунлай. Бу ишдан тақир хабарим йўқ. ■ [Нодира:] Уй анжомларим, кийимларим кўзимга тақир кўринмади. Ҳамза, Майсаранинг иши. - Кўз тикиб турган ерларимиз эски ариқданки сув ичолмайди, янги ариқдан тақир ичолмайди, яна азалигдай қақраб ётаверади, — деди Ҳасан суфи. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мумкинми, айтгин ахир? Бу иш ярамас тақир. Қ. Муҳаммадий.

7 Сира қолдирмасдан, тозалаб, қиртишлаб; тозаланган. Сочини тақир қирдирган бир киши сал жилмайиб қараб турарди. С. Анорбоев, Оқсой. У киши [бой] шўрвани пиширади, лекин мойини сузиб ичади, гўштини ейди, менга тақир суяк билан бир коса жирсиз сув келтиради. Ойбек, Танланган асарлар.

8 шв. Чала туғилган чақалоқнинг териси. Тақир чикмоқ Ўт-ўлани ейилиб тугаб бўлган. Мол оралаб кетган анғизларнинг аллақачон тақир чикқан. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ТАҚИРЛАМОҚ айн. тақилламоқ. Эшик тақирлади. Узоқдан араванинг тақирлаган овози эшитилди.

ТАҚИРЛИК Тақир жой, майдон. Шу кунинёқ узоқ-яқиндаги чўпонлар тақирликдаги қудуқ ёнига. одамлар келиб туришганини эшитишди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАҚИР-ТУҚУР 1 тақл. с. «Тақир» ва шунга яқин говушларни билдиради. [Устакхонада] Болғаларнинг тақир-туқури, ишчиларнинг шўх қаққаҳалари баралла эшитилиб турибди. Ш. Умүрзокова, Баҳорни қутлаб. Ўзозхон.. ўй билан ўтирганда, йўлдан мактабга бурилган арава гилдиракларининг тақир-туқури эшитилди. Ҳ. Фулом, Мағъал. Қўлоғига тунука томнинг бир меъёрда та-

қир-туқур қила бошлагани эшитилди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

2 Қақир-кукур, лаш-луш(лар). Ҳар ерда синиқ-миниқ идишлар, тақир-туқурлар, ҳар хил жиҳозлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Ойбек, Куёш қораймас.

ТАҚИЯ қ. тақя.

ТАҚИҚ [а. تقيق — узиш, тўхтатиш; кулоқ солмаслик, бўйсунмаслик] Ман, қатагон. Ислон дини санъатни ўзига хизмат қилдириш билан бир қаторда рассомлик, мусиқа ва қўшиқ санъатига муайян тақиқлар киритди. «Фан ва турмуш».

ТАҚИҚ ҚИЛМОҚ (ёки этмоқ) Тақиқламоқ. Тақиқ қилинган қўшиқларни айтмоқ. Бесўроқ кириш тақиқ этилган.

ТАҚИҚЛАМОҚ Ман этмоқ, қатагон қилмоқ, тақиқ қилмоқ. Чекишни тақиқламоқ. ■ Бизда йўқ чегара, дину ирқу ранг — Ақл тақиқлаган барча жаҳолат. Ҳ. Фулом. Менга зов бошига боришимни тақиқлаб қўйишиганди уйдагилар. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

ТАҚИҚЧИЛИК с. т. Тақиқ иши. - Нодон бир кимса тепамда тақиқчилик қилиб турса, билмадим, бу ёғи қандоқ бўлар экан? — деб қўлларини ўйнатиб шикоят қилди қори. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАҚЛИД [а. تقليد — ваколат бериш; (амалга) тайинлаш; ўхшатиш] 1 Шахс ёки нарсанинг овози, хатти-ҳаракати ва ш.к. ни иложи борица аниқлик билан, ўзидай қилиб айтиш, бажариш; ўхшатма овоз, ҳаракат қилиш. Шодон аскиялар, пайров ва тақлид Даврани порлатар мисоли чироқ. А. Исроилов. Минг йилдирким, булбул каломи Ўзгармайди, яхлит ҳамиша. Аммо шўрлик тўтининг ҳоли Ўзгаларга тақлид ҳамиша. А. Орипов, Йиллар армони.

2 Ижод, фаолиятда ўзгаларга эргашиш, ўзгалар намунаси асосида иш олиб бориш. Тақлид эса, аксинча, бошқа ёзувчига кўр-кўрона эргашиш, унда тасвирланган ҳаёт лавҳаларини «ўзлаштириб», механик суратда кўчиришга олиб келади. Ҳ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

Тақлид қилмоқ (ёки этмоқ) 1) ўхшатма овоз, ҳаракат ва ш.к. ни бажармоқ, қилмоқ. Уқушлоқ корчалонлари ва боёнларининг юриштиришларини, қилиқларини жуда дўндириб тақлид қилади. Ҳ. Шамс, Душман. Фрицларнинг одалари, юриш-туришларини артист-

лардек ҳаракатлар билан жонли тақлид этиб, масҳара қилар эди. Ойбек, Қуёш қораймас; 2) фаолият, ижод ва ш.к. да ўзгаларга эргашмоқ, тақлидан иш олиб бормоқ, ҳаракат қилмоқ. Ёмонни танқид қилади, яхшига тақлид қилади. Мақол. ■ Бола тақлидчи бўлади, у. ўз отасига тақлид қилишга ҳаракат қилади. С. Зуннунова, Янги директор.

Тақлид сўз ёки **тақлидий сўз** тлш. Турли товуш ёки образларга тақлидни билдирувчи сўзлар. Мас., тақ, гун, шарақ-шуруқ, лип-лип, ялт-ялт ва б.

ТАҚЛИДАН Ўзгага ўхшаб ёки ўхшатиб, тақлид қилиб, тақлид тарзида. Бу одам аввал уятчан қизларга тақлидан ноз қилиб, кейин ҳалиги беқасам тўн кийган жувонга тақлидан ўйинга тушиб, ҳаммани кулдирди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Хўжабековдан сўнг Саидғози сўз олди. У ҳар вақтдагидек кўримсиз жуссасини раисга тақлидан тиктирган кулранг кителига яширган эди. А. Анорбоев, Оқсой.

ТАҚЛИДИЙ Тақлид билан бўлган, тақлид натижасида юзага келган. Тақлидий шеър. Тақлидий сўз.

ТАҚЛИДЧИ Ўзгаларга тақлид қилувчи, тақлид йўлидан боровчи. Тақлидчи шоир. ■ Бола тақлидчи бўлади. С. Зуннунова, Янги директор.

ТАҚЛИДЧИЛИК Ўзгаларга тақлид қилиш; тақлидий йўл (мас., ижодда). Бу «модернизм», «тақлидчилик» касалидир, уни даволаш керак. «Муштум».

ТАҚМАГУЛ бот. Сертикан, гули майда ёввойи атиргул; жингул.

ТАҚМОҚ 1 Безак буюмлари, медаль, курул ва ш.к. ни тананинг (кийимнинг) бирор жойига ўтказиб, осиб ёки боғлаб ўрнатмоқ. Бармоққа узук тақмоқ. Кўкракка медаль тақмоқ. Қулоққа исирға тақмоқ. Бўйинга маржон тақмоқ. Белга қилич тақмоқ. Сочга лента тақмоқ. ■ Гунафшалар очилди, чакканга тақ, чакканга; Атир ҳиди сочилди, Чакканга тақ, чакканга. 3. Днёр. Тўғридаги деворга Охунбобоевнинг чақмоқ телмак кийиб, кўкрагига қизил лента тақиб тушган сурати ёпиштирилган. С. Аҳмад, Хукм.

2 Тўғнамоқ, чатмоқ. Қўйлакка тугма тақмоқ. Белбоққа мунчоқ тақмоқ.

3 Тешигидан ўтказиб қўймоқ, ўтказмоқ. Кеча сутдек ойдин. Игнага ип тақса бўлади-ган. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

4 Умуман, бир нарсани бошқа нарсага маҳкамламоқ. Олимов таёқлар тепасига чиллакдай айрилар боғлаб, уларга қизил қоғоздан варрак қулоғдай шокилалар тақиб қўйди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

5 қ. **тақимоқ**. Ўз айбингни бировга тақма. ■ Айтдингиз, айтдингиз, нега тонасиз? Мен сизга айб тақётганим йўқ-ку! А. Қаҳҳор, Мунофиқ. Бу битта одамнинг [Раҳмонқуловнинг] одати. Уни сен коллективга тақма.. А. Мухтор, Чинор.

ТАҚОВУЛ [a. تاقاول — бир-бирига юзма-юз. қарама-қарши бўлиш, туриш; таққосланиш, қиёсланиш] с. т. Ўзаро мос, муқобил. Ҳури билан иккови унга от ҳам қўйиб қўйишган: ўғил туғилса, Элбекка тақовул — Шербек, қиз туғилса, Ҳурига тақовул — Нури қўйишади. С. Анорбоев, Оқсой.

ТАҚОЗО [a. تقاضاء — вақтнинг ўтиши, тугалланиш; судланиш; хоҳлаш, қатъий талаб (этиш)] Бирор ҳолатдан, вазиятдан келиб чиқадиган талаб. Замон тақозоси. Ҳаёт тақозоси. ■ Тақдир тақозоси билан Акмал шаҳарда яшаб қолади. М. Ҳазратқулов, Журъат. Козим энди хизмат тақозоси билан Ширинбулоқдаги баъзи ишларни адолат қилгани кетяпти. Э. Усмонов, Ёлқин.

ТАҚОЗО ҚИЛМОҚ (ёки **этмоқ**) Шундай бўлишини талаб қилмоқ, кўрсатмоқ. ..Меъмор ҳозирги ёшларнинг эҳтиёткор ва пухталигини кўриб таажжубланар, замон шуни тақозо қилаётир, деб ўйларди. Мирмуҳсин, Меъмор. ..Абдураҳмонни топиб айт, бор одамларни шаҳардан тезда кўчирсин, фурсат чекинишни тақозо этади. С. Кароматов, Бир томчи қон.

ТАҚРИБАН [a. تقريباً — ҳақиқатга яқинроқ; тахминан, қарийб] Тақрибий равишда, тахминан. Масалани тақрибан ҳал қилмоқ. Тақрибан ҳисобламоқ.

ТАҚРИБИЙ Жуда ҳам аниқ эмас, лекин ҳақиқий қийматга энг яқин. Тақрибий сон. Тақрибий ҳисоблашлар.

ТАҚРИЗ [a. تقریظ — рецензия ёзиш; бирор китоб (асар)ни мақтаб ёзиш] Илмий, бадиий ва б. турдаги асарга танқидий нуқтаи назардан берилган ёзма баҳо, таҳлил. Саидий бунга катта бир тақриз ёзиб, Улфатни пролетар мафкурасини ўзлаштириб етмаганликда айблади. А. Қаҳҳор, Сароб. Икки йил ўтгач, унинг асарлари тақриزلарда, адабий-танқидий мақолаларда тилга оли-

надиган бўлди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ТАКРИЗЧИ Такриз ёзган ёки ёзадиган шахс; такриз муаллифи. *Санжар Сиддиқов.. тарихчи, публицист, таржимон, тақризчи, санъатшунос, педагог эди. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.*

ТАКРИЗЧИЛИК Такриз иши. У [Аъзам Аюпов] тақризчиликнинг ҳамма турларида икки юзга яқин катта, кичик мақолалар ёзди. Х. Ёдгоров, Боқий умр.

ТАҚРИР [а. تقرر — қарор қилиш; қарор бериш; маъруза, ҳисобот; билдириш, хабар бериш] эск. кт. 1 Ҳат, мактуб, нома; ёзма асар. *Аммо бу тақрирни.. муайян қатли ом соати етмагунча.. пўшида [яширин] тугтилмоғи маъқулдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Ёзма таҳлил; илмий текшириш.

Тақрир бўлмоқ Ёзилмоқ, ёзма ҳолда яратилмоқ. *Навоий ҳар асарким қилса таҳрир, Бўлибдур Андижон лафзида тақрир. Ҳабибий. Тақрир қилмоқ (ёки этмоқ) 1) ёзмоқ, хат ёзмоқ; мактуб юбормоқ. Муштум почча! Тушмини сизга тақрир қилиб.. таъбир айтиб беришингизни сўрайман. «Муштум»; 2) фойда-зиёни ҳақида мулоҳаза юритмоқ, ўйлаб кўрмоқ; таҳлил қилмоқ. Азизим, ростгўй, бир сўзли бўл, ёлгонни касб этма, Киши тақрир этарда чин-чину афсона-афсона. Ҳабибий; 3) муносиб кўрмоқ, лойиқ деб билмоқ, қисмати, тақдири деб белгиламоқ. Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақрир, Кел, бугун бу захминга маърифатни дармон қил. Ҳамза.*

ТАҚСИМ [а. تقسيم — қисмларга ажратиш, бўлиш; авраш; ёлвориб сўраш] 1 Қисмга, улушга бўлиш; бўлиш. *Иш тақсими. Даромад тақсими.* ■ Қазув тақсими бой учун ҳам, камбағал деҳқон учун ҳам барабар бўлиб, минг таноб ери борга ҳам, чорак таноб ери борга ҳам бир эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 кам қўл. Бўлинган қисм; улуш. *Эканда, тикканда ғойиб Ҳошимбой хирмонда ҳозир бўлар, ҳосилнинг учдан икки тақсимини ўзига оларди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

3 эск. мат. Бўлиш амали, бўлиш. *Уч тақсим олти ($\frac{3}{6}$) икки бўлади.*

Тақсим сон тли. Бўлак, улуш ифодалайдиган сон. Мас., бештадан, учтадан. **Тақсим қилмоқ** (ёки этмоқ, айламоқ) 1) қисмларга, улушларга бўлмоқ, ажратмоқ; ҳар жойга, ҳар кимга ўз улушини, тегишини ажра-

тиб бермоқ. *Шундан сўнг улар ўртасида иш тақсим қилинди. Ойбек, Танланган асарлар. ..боя жўякларга чим босиб, сув тақсим қилаётганда, кийимлари шилта бўлиб кетса ҳам, бир оғиз индамади. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Аслида тупроқни одил табиат Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг. А. Орипов, Юртим шамоли; 2) мат. бўлиш амалини бажармоқ, бўлмоқ. Берилган сонни бешга тақсим қилмоқ.*

ТАҚСИМЛАГИЧ тех. Машина, механизм, мотор ва ш.к. да газ, буғ, электр энергияси ва б. нинг юришини, оқишини тартибга соладиган қисм, мослама. *..Ўзбекистондан юборилган ичитли тақсимлагичлар ва включателлар ишлаб турибди. Газетадан.*

ТАҚСИМЛАМОҚ 1 Тақсим қилмоқ. *Даромадни тақсимламоқ. Кадрларни тақсимламоқ. Совғалар болаларга тақсимлаб берилди.* ■ *Осон ишда лаззат бўлмайди, Адолат. Кундузи билан ер тақсимлаймиз. Кечаси қарор ёзилади. С. Зуннунова, Гулхан. Мавлон ака нонушта устида бугун қилинадиган ишларни оила аъзолари ўртасида тақсимлади. Ҳ. Гулом, Машъал. Элмурод.. ёзводларни тақсимлаб, тезда оқоп қозишга буюрди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 эск. мат. Бўлиш амалини бажармоқ, бўлмоқ. *Мингни бешга тақсимламоқ.*

ТАҚСИМОТ [а. تقسيمات — «тақсим» с. қўпл.] Бўлак ва улушларга ажратиш, тақсим иши; тақсимлаш, бўлиш. *Даромад тақсимоти. Меҳнат тақсимоти. Тақсимот механизми.* ■ *Ўқишни битирганимдан сўнг, тақсимот бўйича юборишганди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. Назар сув тақсимоти ҳақида бош қотириб ўтирарди. Э. Усмонов, Ёлқин. Тақсимот комиссияси Комилжонга районга.. йўлланма берганини эшитиб, онанинг фиғони фалакка чиқди. Д. Нурий, Осмон устун.*

ТАҚСИМЧА Ясси, юза идиш; ликоп. *Ўчоқбошидан бир тақсимчада қовурилган жигар билан майда тўғралган пиёз юборишди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Нозикхон иккита чуқур тақсимчада норинни уйиб олиб кирганда, сухбат бўлинди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.*

ТАҚСИР [а. تقصير — қисқартириш, камайитириш; камчилик; сусткашлик, бепарволик] эск. Амалдорларга, бой ва муллаларга ҳурмат билан мурожаат шакли. [*Мулла-*

дўст:] Тақсирим, бизнинг тожи давлатимиз жанобингиз-да. Ҳамза, Майсаранинг иши. -Гапингиз нуқул ҳақиқат, тақсир, — деди Олчинбек.. К. Яшин, Ҳамза.

ТАҚ-ТУҒ «Тақ» ва шунга яқин товуш(лар)ни билдиради *Тақ-туғ қилиб ишламоқ*. *Ғилдиракларнинг тақ-туғи*. ■ *Салтанат.. поинаси баланд туфлиси билан полни тақ-туғ босиб, давранинг ўртасига чиқди*. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.

ТАҚЧИЛ Кам бўладиган, кам топиладиган, етишмайдиган; камёб, камчил. *Тақчил мол*. *Тақчил хомашё*. ■ *Шу иншоотларни ишга тушириш.. сув тақчил ерларни сув билан таъминлашни анча яхшилашга.. имкон беради*. Газетадан.

ТАҚЧИЛЛИК 1 Етишмаслик ҳолати, тақчил ҳол. *Ёғоч, тахта тақчиллиги*. ■ *Республикамиз суғорма деҳқончилигида маълум даражада сув тақчиллиги сезилиб туради*. «Фан ва турмуш».

2 *икт*. Илгари белгиланган, режалаштирилган ёки зарур даражадаги маблаг, ресурс, товарларнинг етишмаслиги, танқислиги; дефицит. *Товарлар тақчиллиги*. *Бюджет тақчиллиги*.

ТАҚЯ [а. طاقية — эҳтиёткорлик; яшириш, бекитиш] *эск*. Сидирға матодан тайёрланган гулсиз дўппи. *Шоирнинг бошида учли кўк тақяга силлиқ ўралган кўркамгина салла*. Ойбек, Навоий. *Бироздан кейин эс-хушини йиғиб олиб, оёқ товуши келаётган томонга қаради ва эркак киши эканини билиб, тақя устидан ўралган кичкина шол рўмолини юзига тортиди*. Ойдин, Суҳбати жонон.

ТАҚҚА Баъзи нарса, ҳаракат ва ш.к. нинг бирдан, бутунлай, батамом юз беришини кучайтириб, таъкид билан билдиради. *Отлар кўприк олдида таққа тўхтади*. *Ариқда сув таққа тўхтади*. *Оғриқ таққа тўхтади*. ■ *Алимардон тормозни таққа босди*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Бойваччанинг вазжоҳатини кўрган хизматкорлар турган жойларида таққа қотиб қолишди*. К. Яшин, Ҳамза. *Ёмғир ёға бошласа, иш таққа тўхтади*. Ҳ. Ғулом, Феруза. *..осмондан сўнги томчилар тушиб бўлиб, чақмоқ ҳам таққа тўхтади*. Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар.

ТАҚҚОС [а. تَقَاس — кўз билан ўлчаши, чамалаш; қиёслаш, чоғиштириш] Ўзаро солиштириш, чоғиштириш; қиёс. *Гул дея атаб-*

сан севган ёрингни, Ёўзал туюлгандир сенга бу таққос. Уйғун.

ТАҚҚОС ҚИЛМОҚ Бир-бирига қиёс қилмоқ, солиштирмоқ, таққосламоқ. *Бу ўзгаришларни бирор нарсаса таққос қилиш қийин*. *Эллар, юртлар, одамлар ўзгарди*. Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАҚҚОСЛАМОҚ Қиёсламоқ, солиштирмоқ, чоғиштирмоқ. *Фактларни таққослаб кўрмоқ*. *Таққослаб бўлмайдиган юксак суръатлар*. ■ *У. тор йўлининг ҳар икки томонидаги ғўзаларни таққослади*. Ойбек, О. в. шабадалар. *У ўзича ҳар икки қишлоқни бир-бирига таққослаб кўрди*. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Олтмиш йил оламини қилиб томоша, Нимани кўрибман — таққослаб ёздим*. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТАҒАЙЮР [а. تغیر — ўзгариш, бошқа тусга кириш; ўзгарувчанлик] *эск. кт*. Ўзгариш, тусини ўзгартиш, ўзга тусга кириш. -*Ҳолингизда тағайюр кўраман, ўтиринг, — жой кўрсатди Соҳиб Доро*. Ойбек, Навоий.

ТАҒИ с. т. Тағин, яна. *Шомуроднинг аччиғи келиб, Чандан чолга тағи бир сўз айтиб турган экан*. «Ёдгор». *Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча, Тоқатим йўқ тағи гул очилгунча*. «Равшан».

ТАҒИИ *рви* 1 Бунинг устига, бундан ташқари, устига-устак; яна, Тағин бир-икки киши гапириб, янги раҳбардан мамнун эканликларини изҳор этишди. Н. Аминов, Суварак. *Ферузнинг имоси билан тағин уч-тўрт сипоҳи унга шукрона келтирди*. С. Сиёев, Ёруғлик. *Ундан кейин тағин бир йиғилишга боришга тўғри келади*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Такрор марта; қайтадан, яна. *Бир пайт бурчакдан, охур томондан тағин шитирлаш эшитилди*. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Ўртада тағин сўзсизлик, ўнғайсизлик бошланди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *юкл*. *взф*. Таъкид, ҳадиксираш каби маъноларни билдиради. *«Тағин Тошкентдек азим шаҳарда танноз қизлардан биронтасига кўнғил бериб қўйган бўлмасин», деган ваҳима босди*. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Мен сени шаштингдан қайтариб қўйган бўлмай тағин..* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТАҒОЙИ *эск. кт. айн. тоға*. Алишернинг тағойилари Ҳусайн Бойқаро ҳазратларининг яқин одамлари бўлганлар. Ойбек, Навоий.

ТАҒОФИЛ [а. تخافل — ўзини эътиборсиз, бепарво, беғамликка солиш; билиб билмасликка олиш] *к.т.* Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш; ғофиллик. *Бир табассум бирла сайд этдинг кўнгилини аввало, Охири нозу тағофил бўлди иш, эй дилрабо. Ҳабибий.*

Ўзини тағофилга солмоқ Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олмоқ. *Гарчи муддао кун каби ошкора бўлган бўлса ҳам, нима учундир қутидор яна ўзини тағофилга солиб сўради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ТАҲАЙЮР [а. تحير — ҳайрон бўлиш, тонг (қойил) қолиш; хижолат бўлиш; довдираш] *эск. к.т.* Жуда ҳам ҳайрон бўлиш, нима қилишни, нима дейишни билмай қолиш; ҳайронлик, ҳайрат. *Бу сўзни эшитиши билан чол таажжуб ва таҳайюрда қоладир. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

ТАҲАММУЛ [а. تحمل — зиммасига олиш; бошдан кечириш; тоқат, сабр, чидам; тўзим] *эск. к.т.* Қийинчиликка бардош бериш; чидаш; чидам, сабр, тоқат. *Ҳар қандай ташқи душман унинг [Ҳусайн Бойқаронинг] ерига босиб кирса, ҳар қандай бек исён кўтарса, у қайғурмас, ёлғиз ғазабланар, ҳам таҳаммул ва сабот билан сафар чораларини кўрар эди. Ойбек, Навоий.*

Таҳаммул қилмоқ (ёки **этмоқ**) 1) бардош бермоқ, чидамоқ, сабр-тоқат қилмоқ; сабр-тоқат билан кутмоқ. *Бек.. яна ярим соатга таҳаммул қилсангиз, ошни еб, йўлга тушасиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар;* 2) кифояланмоқ. *Тушда иштаҳа бўлмай, қовун билангина таҳаммул қилганларидан, қорин оч, бунинг устига-устак, жазирама офтоб. И. Қаландаров, Шоҳидамас, баргида.*

ТАҲ-БАТАҲ [ф. تابه — остма-ост; қаватма-қават] *кам қўлл. айн. қатма-қат.* Кўнгилини ғунча янглиғ таҳ-батаҳ қон айладинг кетдинг. Муқимий. *Ой, юлдузлар таҳ-батаҳ, Ёйилганда оқшомги салқин.. Р. Бекниёз, Мовий тўлкинлар.*

ТАҲДИД [а. تهديد — дўқ қилиш, қўрқитиш] *к.т.* 1 Қўрқитув, дўқ, пўписас. Гулнорнинг заҳарланганини Мирзакаримбой ва ўғиллари қатъиян рад қилиб, маъсума қурбоннинг ота-оналарининг тилларини дўқ, таҳдид билан муҳрлашга тиришдилар. Ойбек, Танланган асарлар. Нусратилла меҳмоннинг кўзига қараб туриб, таҳдид билан айтди: -Чиқиб кетинг! А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Таҳдид қилмоқ Таҳдидли хатти-ҳаракат қилмоқ, дўқ-пўписас қилмоқ. *У Ҳамидани чақириб олиб, Ҳайдарга таёқ билан таҳдид қилиб қўйди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. -Йўқол, кўзимга кўринма! — бек овозини кўтариб таҳдид қилди. Ҳ. Ғулом, Машғал.*

2 Бирор фалокатнинг, қўрқинчли воқеанинг содир бўлиш хавфи; хатар, хавф. *Таҳдид солмоқ. ■ Биламан, ҳаётим таҳдид, хатарда. У. Қўчқоров. Бу пунктда барқарор бўлган армия кучлари душмanning сул қанотини катта таҳдид остида қолдирганди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

ТАҲДИДЛИ Таҳдид солувчи, қўрқинчли, хавфли; таҳдид ифодаловчи. *Замира бошини кўтариб, унинг кўзидаги заҳарли олов бугун жуда таҳдидли эканини кўрди. П. Қодиров, Уч илдиш. Баширжон қоғоздан кўз узиб, чолга таҳдидли тикилди. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.*

ТАҲЛИКА [а. تحلكه — ҳалокат, ўлим; йўқ бўлиш, завол] Бирор фалокат, ҳалокат, бахтсиз ҳодисанинг содир бўлиш хавфи тугилган ташвишли ҳолат, шундан қўрқинч (чўчиш) ҳисси. *Сел таҳликаси эсон-омон ўтди. ■ Аҳмад Ҳусайнни кўриш биланоқ ҳар гал кўрқув ва таҳлиқани унутса-да, юрагининг бир чеккаси ҳамиша ғаш бўлар эди. Ойбек, Нур қидириб. Беш кунлигим борми, йўқми, уни таҳлика остига қўйиб нима қиламан. С. Кароматов, Сўнгги бархан. ..бояги таҳлика ҳаёлидан узоқлашиб, қалбида илиқ туйғулар уйғонди. П. Қодиров, Бобур.*

ТАҲЛИКАЛИ Бирор фалокат, ҳалокат, бахтсиз ҳодисанинг юз бериш эҳтимоли, хавфи бўлган, таҳликага солувчи, хавфли. *Таҳликали кунлар ўтиб, қиз ўзига келди-ю.. гул япроғидек юзининг чўтир бўлганини пайқаб, яна ўзини йўқотди. С. Шамсиева, Шифокор. Андижон кўчалари таҳликали бир сукутга чўмган. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ТАҲЛИЛ [а. تحليل — тарқалиш, (куртак) ёзиш; текшириш, суриштириш; ҳал қилиш, очиш] 1 Нарса, ҳодиса ва ш.к. ларни моҳият, қонуният ва б. жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши. *Илмий таҳлил. Эстетик таҳлил. ■ Фан учун тажриба ва фараз, қиёс ва таҳлил жуда зарур. А. Раҳмонов, Ҳурмат-эҳтиром. Адабий танқид эса илмий тадқиқот ва таҳлил йўли билан яратган янги-*

ликларини ўзи жорий қилади. У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Бирор нарса, маълумот ва ш.к. ни маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш. *Эртаси кун чўлни яна қадамлаш бошланди. Яна ўлчаш, суратга олиш, таҳлилларни дафтарга кўчириш давом этди.* Р. Ўроқов, Қарши чўлида. *Менимча, бу тўғрида [мактуб ҳақида] ҳеч қандай таҳлилнинг лозими бўлмаса керак.* Чунки бунинг аҳамияти ҳаммамизга маълум. Н. Сафаров, Танланган асарлар.

3 Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш. *Кимёвий таҳлил. Лингвистик таҳлил. Сўзнинг морфем таҳлили. Синтактик таҳлил.*

Таҳлил қилмоқ (ёки **этмоқ**) Таҳлил ишини бажармоқ, таҳлилий иш ўтказмоқ (**таҳлил** ҳар учала маъносиди). *Нотиқ ўз сўзининг асосий қисмини юбилярнинг ижодий-илмий фаолиятини чуқур таҳлил қилишга бағишлади. «ЎТА».* Аммо мана шу зиддиятларни чуқурроқ таҳлил қилишга ҳали халқнинг онги етмасди. К. Яшин, Ҳамза. *Ишларни таҳлил қилиб, керакли ташкилотларга қўнғироқ қилди.* С. Нуров, Нарвон. *Сўзни синтактик таҳлил қилганда, синтактик ҳодисалар, синтактик бирликлар, уларнинг типлари, ифода материали ва шу кабилар белгиланади. «ЎТА».*

4 дин. Дафн маросими олдида марҳум тепасида давра олиб, тиловат қилиш.

ТАҲОРАТ [а. طهارة — тозалик, поклик, ювиниб тоза бўлганлик; ҳожатдан сўнг сув билан тозаланиш] дин. Ибодат қилиш, намоз ўқиш, қуръон тиловат қилиш олдида бет, қўл, оёқ ва б. аъзоларни ювиш, покланиш, шундай покланган ҳолат. *Таҳорат қилмоқ* (олмоқ). ■ *Сўфи азонни айтди, гарчанд таҳоратим бўлмаса ҳам, кириб жамоат билан намоз ўқидим.* Ғ. Фулом, Шум бола. *Эшон ая ичкарига ўрин солиб, обреза олдида обдастада таҳорат суви қўйиб, меҳмонхонага чиқди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳозир таҳорат олдим. Намози жумани ўқиб олай.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Таҳорат ушатмоқ (ёки **сидирмоқ**) Ёзилмоқ, бўшалмоқ; ҳожатга бормоқ. *Меҳмонлар ўринларидан туриб, увушган оёқларини уқалаб, керишиб, ким қўл ювишга, ким таҳорат ушатишга тарқалди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАҲОРАТХОНА [таҳорат + хона] **1** Таҳорат олиш, ювиниб покланиш учун мосланган махсус хона. *Масжид таҳоратхонаси.*

2 с. т. Ҳожатхона, халохона. *Никоҳ-никоҳда, ош-ошида қолиб, куёвни қидириб кетганлар. Ниҳоят, ярим кечада ҳаммомнинг таҳоратхонаси ёнидаги бир оғилнинг охуридан қонига белашиб ётгани ҳолда топганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАҲРИР [а. تحرير — озод қилиш; тузатиш, муҳаррирлик қилиш; ёзиш, асар ёзиш] **1** Ёзма ишни, асарни тузатишлар киритиб яхшилаш, тузатиш. *Мақола таҳрирга берилди. Асар таҳрирдан чиқди. Китоб профессорнинг таҳрири остида босилди.* ■ *Тўпламдаги.. айрим мақолалар таҳрирга муҳтож.* Ғ. Абдуллаев, Икки хил ёрдам.

Таҳрир қилмоқ Таҳрирдан ўтказмоқ. *Замира оқшомлари Очи билан бирга ишлашни, у ёзган, таҳрир қилган нарсаларни оққа кўчиришни тасаввур этиб, юраги гурсуллаб ура бошлади.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Саидий ҳикояни бир ҳафтада тамом қилиб, Илҳомга кўргани берган эди, икки кундан сўнг уни Аббосхоннинг қўлида таҳрир қилинган ҳолда кўрди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Таҳрир ҳайъати** Китоб, журнал, газета ва ш.к. нинг нашрини тайёрловчи, унга илмий-методик раҳбарлик қилувчи кишилар гуруҳи. *Луғатнинг таҳрир ҳайъати аъзолари.*

2 эск. Ёзиш, ижод қилиш. *«Нуқта лаб устида бежодур», дедим, айди кулиб: «Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда.»* Фурқат. *Аризани шу мажлисда, мулла Абдурахмон ҳузурида ёзилиши мувофиқ қўрилиб, муфти таҳрирга ўтирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАҲРИРИЙ Таҳрирга оид. *Таҳририй иш. Таҳририй тузатиш. Таҳририй хато.*

ТАҲРИРИЯТ [а. تحریریت] Нашриёт органларининг нашр ишларини олиб бориш, қўлёзма матнларини ишлаб, нашрга тайёрлаб бериш ва нашр жараёнида терилган матнларнинг тўғри-ноғрилигини текшириш ишларини амалга оширадиган бўлими ва шундай бўлим ходимлари. *Саксонни қоралаб қолган бу инсонни, таҳририядаги хонамга кириб келганларида, дастлаб танимадим.* Газетадан.

ТАҲРИРЧИ с. т. Таҳрир қилувчи, таҳрир ишларини бажарувчи; муҳаррир; мусаҳҳих.

ТАҲСИЛ [а. *تحصيل* — эга бўлиш, эгаллаш; йиғиш, тўплаш; ҳосил қилиш, ўрганиш (илмни)] **1** Ўқиш, билим олиш. [Абдишукур] Таҳсилни чала қолдириб, мадрасадан чиқди. Таҳсил учун Истамбул ёки Мисрга жўнаш орзуси маблағ йўқлигидан амалга ошмади. Ойбек, Танланган асарлар. Аммо мадрасаларда дунёвий илмлардан таҳсил бермасак, хароб бўлғаймиз. С. Сиёев, Аваз.

2 Ўқиш мавсуми, дарс-машғулотлар даври. Таҳсил бошланиши билан ҳар бир тўда муллаваччалар патнис ясаб.. домлаларнинг олдига олиб кирар.. эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

Таҳсил қилмоқ (ёки этмоқ) Муталаа қилмоқ, мустақил равишда ўқимоқ, ўрганмоқ; билим олмақ. Искандаро бир неча йил мактабда қуръон таҳсил қилиб, ўқиш-ёзишни ўргангандан сўнг, уйда қолган. Ойбек, Нур қидириб.

3 Билим, маълумот. Сиз ибтидоий ва ўрта таҳсилни тамом қилгансиз. А. Қаҳҳор, Сароб. Шунча таҳсил ва тарбия берганларингиз учун раҳмат. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Лекин мадраса таҳсили уларни қониқтирмасди. Шунинг учун улар «Тараққиёт», «Хуршид».. ҳамда «Вақт» сингари газета ва журналларни ярим тунда.. муталаа қилишга киришар эдилар. К. Яшин, Ҳамза.

Таҳсил олмақ (ёки кўрмоқ, топмоқ) Маълум ўқув юртида ёки бирор мутахассис раҳбарлигида ўқимоқ, билим, маълумот олмақ. Ҳусайнбек афанди асли хоразмлик бойлардан бўлиб, Туркияда таҳсил олган.. эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Ғиёсиддин Бухоронинг Девоубеги мадрасасида таҳсил кўриб юрган пайтларида отаси уни оқ қилади. С. Аҳмад, Ҳукм. Ҳакимхон Водишй аввал Бухоро, кейин Самарқандда таҳсил топган мулло одам экан. Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАҲСИН [а. *تحسين* — яхшилаш, такомиллаш; тузатиш; маъқуллаш, мақташ] **1** Мамнуният билан, маъқуллаб берилган юқори баҳо; мақтов, тасанно. Кўпчиликнинг таҳсин ва раҳматига сазовор бўлиб, яхши одам деган номга муносиб бўлиш осон эмас. Шукрулло, Яхши хулқ — яхши хусн. Ғуломжон, қозининг кўз қарашида алақандай илқлик, ҳатто таҳсин сезди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Таҳсин ўқимоқ (ёки айтмоқ) Кўкка кўтариб мақтамоқ, юксак баҳоламоқ, тасанно ўқимоқ. Шаҳодат муфти унинг ақлига таҳсин ўқий-ўқий, нос чекиб, ўз жойига ўлтирди. А. Қодирй, Меҳробдан чаён.

2 унд. с. кам қўл. Балли, офарин. -Таҳсин-таҳсин! — дейди Хатиб домла [мулла Обидга] ҳасадли таажжуб билан, — тоза ҳам пулни қирдик, денг.. Таҳсин-таҳсин! А. Қодирй, Обид кетмон.

ТАҲҚИР [а. *تحقير* — нафратланиш, жирканиш; менсимаслик, ҳақоратлаш, камситиш, хўрлаш] кт. Хўрлаш, ҳақорат қилиш, камситиш; ҳақорат. Ойша холанинг таҳқир ва ёлғизлик алами билан куйиниб турган Майна бармоқ учи билан бетига тушган ёш томчиларини сидириб, ўзида қандайдир енгиб бўлмас бир куч сезди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Кекса она очлик-муҳтожликда, таҳқир ва тубанликда кун сайин сўлиб, бойнинг бостирма ёнидаги қора хўжрасида қизининг ўз қўлида жон берди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Таҳқир қилмоқ (ёки этмоқ) Ҳақорат бўлувчи, хўрлик келтирувчи гап-сўз айтмоқ, иш қилмоқ. У қайнота-қайнонанинг муттасил таҳқир қилишига чидай олмасди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Барибир, ҳар қандай ёлгон кимнидир таҳқир этади. А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

ТАҲҚИРЛАМОҚ Таҳқир қилмоқ, хўрламоқ. ...шу сохта маълумот асосида тергов бошланиши.. мени қаттиқ таҳқирламоқда. О. Ёқубов, Излайман. Толиб ака ҳар қандай андишани йиғиштириб қўйиб, Аҳмадни ҳар қадамда таҳқирлай бошлади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАҲҚИРЛИ Таҳқир, ҳақорат ифодаловчи, таҳқирловчи; Таҳқирли кули. Таҳқирли пичинг. ■ Мирзакаримбойнинг бундай муомаласи Йўлчиға таҳқирли бўлса ҳам.. кутилмаган бир ҳодиса эмас эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАҲҚИРОМУЗ [таҳқир + ф. *آميز* — ўхшаш, каби] Таҳқир мазмунидаги, ҳақорат ифодалайдиган. Таҳқиромуз гап. ■ [Америка офицерида] Ўзининг улғуворлиги, давлати билан кибрланадиган одамлардагина бўладиган таҳқиромуз табассум пайдо бўлди. Шухрат, Шинелли йиллар. Аёл эрига белисанд, таҳқиромуз қаради. Н. Аминов, Суварак.

ТАҲҚИҚ [а. تحقيق — бажариш, амалга ошириш; текшириш, бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш, аниқлаш] эск. кт. Текшириш, суриштириш; аниқлаш. *Таҳқиқ, тафтиш битган кунидёқ ўзим огоҳлантирурман. Ойбек, Навоий. Афсус, жанобларини Тошкентда учратолмадим. Таъқиб, таҳқиқ кучайди.. А. Ҳакимов, Илон изидан.*

ТЕАТР [лот. theatrum < юн. theatron — томошахона] 1 Актёрларнинг сахнадаги ҳаракатлари орқали ҳаётни, ҳаётний ҳодисаларни бадий равишда акс эттирувчи санъат тури, шу санъатга асосланган томошалар. *Қўғирчоқ театри. ■ Китоб нашр этиш, театр, кино, телевидение ва радиога катта эътибор берилаётганининг гувоҳи бўлдик. Газетадан. Кино, театр каби санъат турлари орасида адабиёт ҳам тарбиянинг энг фаол ва самарадор омилларидан биридир. «Фан ва турмуш».*

2 Шундай санъат воситасида томошалар қўйиш билан шуғулланувчи муассаса. *Навоий номидаги опера ва балет театри. Ёш томошабинлар театри. ■ -Бизнинг театр ҳали янги-да. Уста ўйновчилар йўқ, — изоҳ бера бошладди Абдишукур. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Шундай санъат намоиши қилинадиган, томошалар кўрсатиладиган жой, бино. *Театр томошабинлар билан лиқ тўлган эди. Бу ерда яна битта муҳташам театр қад кўтарди. ■ [Алимардон] Театр этагидаги боққа киргандагина ўзига келди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

4 с.т. Актёрларнинг сахнадаги ҳаракати орқали кўрсатиладиган томоша; спектакль. *Эсингда борми, райондан театр кўриб келаётган кечамиз, аравада Сотиболди, ашула айтамыз, деб Канизакни қистади, кўнмагандан кейин, сочидан тортди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ТЕАТРЛАШТИР(ИЛ)МОҚ Бирор-бир асар ёки бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани театрда кўрсатиш учун мослаштирмақ, қайта ишламоқ. *Театрлаштирилган томошалар. Театрлаштирилган ҳикоя. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини театрлаштириш.*

ТЕАТРУ с.т. эск. Театр. *Бир кунда бир сахна учун бир кассадан ҳам театруга, ҳам картинага белат сотилди. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

ТЕАТРШУНОСЛИК Театр тарихи ва назариясини ўрганувчи фан. *Ўзбекистонда театршунослик мустақил фан сифатида 20-асрнинг 50-йилларида шаклланди. «ЎЗМЭ».*

ТЕБРАНГИЧ Тебраниб, ликиллаб, қимирлаб турадиган нарса. *Соат тебрангичи.*

ТЕБРАНИШ 1 **Тебранмоқ** фл. ҳар н. Ғўзаларнинг шамолда тебраниши. ■ *Тебраниш ёки тебратиш уйқуни тезроқ келтиради. Газетадан.*

2 *физ.* Тебранувчи ҳаракат; муайян вақт оралиқларида такрорланиб турадиган ҳаракат. *Эркин тебраниш. ■ Тебраниш контури радиотехника қурилмаларининг асосий элементидир. «Физика».*

ТЕБРАНМА 1 Тебранадаиган, чайқалиб турадиган. *Тебранма стул.*

2 *физ.* Тебранишдан иборат бўлган (қ. **тебраниш** 2). *Тебранма ҳаракат.*

ТЕБРАНМАС 1 Ликилламайдиган, қимирламайдиган.

2 *кўчма* Ўзгармайдиган, мустаҳкам. *Мусобақада ютиб чиқиш учун энг аввал ғалаба қилишга зўр хоҳиш ва тебранмас ишонч керак. Ф. Мусажонов, Чиқинди.*

3 Ўта лоқайд, парвойифалак, тепса тебранмас. *Инсон соғлиги учун шунчалик жон куйдириб, бағзи тебранмас консерваторлар билан олишиб юрган экан, демак, яхши қиз бўлса керак. С. Анорбоев, Оқсой.*

ТЕБРАНМОҚ 1 Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга бир текис ҳаракат қилмоқ; чайқалмоқ. *Соат қапири бир текис тебранмоқда. Салмоқдор бошоқлар шамолда майин тебранади. ■ Шифтга осиглиқ беланчак бир текис тебранаркан, тоқчадаги чироқ нурида ҳовли юзига узун-узун соя ташлаб ўтарди. С. Аҳмад, Ҳукм. Куй бошланиб, раққоса ўйинга тушиши билан, атроф жимжит бўлиб қолади. Ҳамма ўтирган жойида тебранарди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

2 Умуман, қимирламоқ, силкинмоқ. *Шу вақт яна бир қармоқ ёғочи тебраниб қолди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

3 Нотекис ҳаракат қилмоқ, у ёқдан бу ёққа чайқалиб юрмоқ, лапангламоқ. *Машина шаршара кўпригидан ўтиб, катта шағал йўлга тушгач, ўнқир-чўнқир жойларда тебрана бошлади. И. Раҳим, Ихлос.*

4 Жойидан кўзгалмоқ, қимирлаб қўймоқ; жилмоқ. *Ўтирганлар бир тебраниб олишди. С. Аҳмад, Ҳукм. ..бойвачча хотинининг икки*

қулоғига чанг солди. Шаҳзодаҳон жойидан тебранмади. К. Яшин, Ҳамза.

5 кўчма Жойидан бўшаб, пугурдан кетиб, қимирлайдиган, лиқиллайдиган бўлмоқ, омонат бўлиб қолмоқ. *Оқ подшонинг тахти тебрана бошлади.* ■ Шаҳри вайрон бўлса, султон тебранар. «Муродхон».

6 кўчма Амал-тақал билан юриб, ўтиб турмоқ (рўзғор, ҳаёт ва ш.к. ҳақида). -Бозорлар яхшими? -Бир нави.. ҳарчи тириклик тебраниб туради, ука! А. Қодирий, Мехробдан чаён. Қишлоқ каттакон бўлгани учун, бу иш ҳам ёмон бўлмади, рўзғоримиз тебраниб турди. А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар.

ТЕБРАТМОҚ 1 Тебранма ҳаракатга келтирмоқ, бир текисда у ёқ-бу ёққа чайқалтирмоқ; умуман, қимирлатмоқ. *Бошни тебратмоқ. Бешиқни тебратмоқ.* ■ Майин тонг шабадаси ранг-баранг гулларни секин тебратиб, атирларини ҳар ёққа сепди. Ойбек, Танланган асарлар. Ўзун сариқ қапирини бир мақомда тебратиб чиқиллаётган катта девор соат узиб-узиб данғиллай бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Жойидан қўзгатмоқ, бирор томонга сурмоқ, силжитмоқ, қимирлатмоқ. *Уни ҳеч тебратиб бўлмайди, шунақанги оғир қарвон.* ■ Амир Бадриддин.. кучли ҳамлалар билан душманни аста-аста тебратиб, ҳаракатдан маҳрум қилишга тиришарди. Ойбек, Навоий.

3 кўчма Ларзага келтирмоқ, солмоқ. *Мен гапимни тамом қилиб, эндигина блиндажга тушиб кетмоқчи эдим, қандайдир снарядларнинг чинқириғи қулоққа хунук эшитилди ва бирин-кетин гумбуллаб, ўрмонни тебратиб юборгудек бўлди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

4 Бирор ишни олиб бормоқ, юргизмоқ. *Оилани тебратмоқ.* ■ У [Маҳмуд Торобий] ..саҳардан то шомгача меҳнат қилиб, катта рўзғорини тебратиб турарди. М. Осим, Маҳмуд Торобий. Икки ўғил уйни гулдай тебратиб бошлади. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. Бундан кейин деҳқончиликни билимсиз тебратиш қийин-да. Ҳ. Назир, Энг муҳими. Гапига гап топиб беролмай, сувга тушган мушукдай бир чеккада ўтиришлик ҳолинг бор экан, идора тебратиш сендақага йўл бўлсин. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

Қалам тебратмоқ Ижод қилмоқ, ёзмоқ. *Маъруф Назаров кинематография, драматургия ва қўшиқчилик соҳасида ҳам дадил*

қалам тебратяпти. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. Ёзувчи қандайдир таниш манзарани, таниш шахсни кўз олдига келтириб туриб, қалам тебратди. У. Норматов, Талант тарбияси.

ТЕВА айн. **туя.** Қатор теваларга сепини ортиб, Мардликнинг юртига етук қиз келди. Ғ. Фулом. Бир қултум сув битта ҳаёт билан баб-баравар бўлган, битта тева нажот бўлиб кўринган тақирлар ахир шу чўлнинг ўзи эмасми? А. Пўлат, Чўлдаги машғал.

ТЕВАЛАШМОҚ шв. Жанжаллашиб уришмоқ. *Тезаси билан тевалашадиган Эгамберди подачи бекор юриб ҳоримайдиган, кўса бўлиб қаримайдиганлар хилидан эди.* Н. Қобил, Унутилмас соҳиллар.

ТЕВАНА(К) қ. **тегана.** [Маҳсидўзнинг] Бошқоронги бўлган хотини «Анор олиб келинг», деб унга сира тинчлик бермайди.. тантқиқлик ва ноз билан бир унинг қўлидан теванагини тортиб олади, бир ипини узади. М. Қодиоров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

ТЕВАРАК 1 Кузатувчи, сўзловчига ёки бошқа шахс, нарасга нисбатан ҳамма ёқ, томон, жой, атроф. *Теваракка кўз югуртирар экан, Олимовнинг ҳам пешонаси тиришиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Яна теваракдан одамлар тўхтовсиз равишда бу ерга келмоқда эди. Ойбек, Танланган асарлар. Сувонжон теваракни қоплаб олган қоронғиликка қўрқинч тўла кўзлари билан тикилар, бутун вужуди билан ўз нидосига бирор жавоб кутарди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бирор нарсанинг гир атрофи, айланаси. *Ҳовузнинг теварагига тераклар ўсган.* ■ Ўзининг.. тевараги текис қилиб қирқилган қора соқол ва чиройли мўйлови.. билан замонасининг қорни катта бойларига сира ўхшамаган Тешабой ҳам одамлар назаридан четда эмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Хилма-хил ёввойи гуллар теварагида ранг-баранг капалаклар базм қуради, асаларилар гувуллайди. Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 кўчма Бирор шахс, гуруҳ, куч ва ш.к. нинг бирлаштирувчи доираси, атрофи. У [Қудрат] ўз теварагига Фуломжон, Замон, Барот полвон сингари ёру дўстларини йиғиб, уларнинг ёрдам ва мададлари билан қишлоқ мазлумларининг ҳақ ва ҳуқуқларини қўлидан келганича ҳимоя қилиб, уларга балогардон бўлиб келади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Атрофида бўлган, атрофидаги. Ёлғиз Тиктепа қишлоғидагина эмас, теварак қишлоқларда ҳам мулла Обиднинг эртаги экин-даги муваффақияти оғиздан оғизга юриб кетди. А. Қодирӣ, Обид кетмон. Теварак боғларда тўлади япроқ, Меҳнаткаш дарахтлар тиклайди қаддин. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

5 кўм. ۋзф. кам қўлл. Атрофида. ..ваҳима ва таҳликали ҳолга қирқ ёш теварагида тушганидан далолат беради. Газетадан.

ТЕВАРАКЛАМОҚ с.т. кам қўлл. Атроф-лаб, ҳар томондан ўраб олмоқ; қуршамоқ. Қўзини очсанг, шунча халқни кўрар, теварақлаб турган жаллод — мирғазабни кўрар. «Равшан».

ТЕВАТ шв. Ит. Теватга суяк ташлаганиндан кейин ўз ҳолига қўй, қандай ғажиса, шундай ғажисин. «Қанотли сўзлар». Тўрт томон елига кўкраги очик, Эшакдай теват ҳам ётибди беун. Миртемир.

ТЕГ с.т. Таг. Катта толнинг тегида Со-вур нонвойнинг дўкони бор. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. Кимсан — Мирзакаримбой теги наст, қашшоқ қизга уйланса, мен қандай чидайман. Ойбек, Танланган асарлар.

ТЕГАЖАК Бировнинг аччиғини, жаҳлини чиқариш учун атайлаб тегишувчи, тегажаклик қилувчи, шундай хусусияти кучли. Ўзи шўх бўлгани учун, Раънога шўх, тегажак йигитлар кўпроқ ёқарди. О. Ёкубов, Баҳор кунларидан бирида.

ТЕГАЖАКЛИК Бировнинг аччиғини, жаҳлини чиқариш учун атайлаб тегишиш, ҳазиллашиш. Нури.. йигитларга ҳазилла-шишини, тегажакликни яхши кўрар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Анвар гўштни тўғ-раб, яна тегажакликни бошлади: -Тўйинглар қачон, ҳай қиз? А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

Тегажаклик қилмоқ Ҳазил-ҳузул билан, ўйнашиб тегишмоқ. Ҳароми, нуқул бизга тегажаклик қилади. Ойбек, О.в. шабадалар.

ТЕГАЖОҒЛИК айн. **тегажаклик**. Ҳазил-ҳузулни яхши кўрадиган Қарим қори уста Мақсудга тегажоглик қилиб: -Устоз Саъдий бизнинг уста Мақсудни кўрмаган эканлар-да, — деди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТЕГАНА I махс. 1 Пойабзал қолипнинг устки ва остки қисми орасига қоқиладиган пона.

2 Чарм ва ш.к. қалин-қаттиқ нарсаларни тикишда ишлатиладиган катта йўғон игна.

ТЕГАНА II 1 махс. Тегирмон тошлари орасидан чиқаётган ун тушиб йиғиладиган гардишсимон жой.

2 Отларда бўладиган, тери остини ши-шириб, қабартирадиган касаллик.

ТЕГАРЧИК шв. Арава гилдирагининг гардиши, тўғини. Сидиқжон энги ва этак-ларини қоқди, отни чиқариб, араванинг те-гарчигига боғлади-да, бостирмага кирди. А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЕГДОР с.т. Тагдор, тагли, тубли. Тег-дор, обрўли бой экан, лекин кундошлик ёмон-да. Ойбек, Улуғ йўл.

ТЕГИЗМОҚ 1 **Тегмоқ** фл. орт. н. У ма-шинага ҳеч кимни тегизмайди. Мерган ўн ўқнинг ҳаммасини нишонга тегизди. ■ Отабек.. Кумушнинг мангайига қўлини тегизди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

Гап тегизмоқ қ. гап I. Курагини (ёки ел-касини, ёнбошини) ерга тегизмоқ Курашда, беллашувда енгмоқ, ғалаба қилмоқ. Ҳеч бир Хуросон паҳлавони.. ҳали унинг [Муҳаммад Саид паҳлавоннинг] ёнбошини ерга тегизган эмас. Газетадан. **Тил тегизмоқ қ. тил 3. Қўл тегизмоқ қ. қўл.**

2 кўчма Гапнинг мазмунини кимсага қаратмоқ, гап билан кимсага танбеҳ, даш-ном бермоқ. -Қўйнидан тўкилиб, қўнжига тушган, — Утап Бўронбекка тегизиб пичинг отди. Ҳ. Фулом, Машъал.

ТЕГИНМОҚ кам қўлл. Дахл қилмоқ, ту-тинмоқ; гап-сўз ёки қўл билан тегмоқ. Эшик-ни очса ҳам, идиш-товоқларга тегинса ҳам, тарс-турс, қарс-қурс қилиб, кимдандир ўч олаётгандай бўларди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. Ҳолин билмай, ҳар ким ҳалок бўлади, Ким бун-га тегинса, тайин ўлади. «Алпомип».

ТЕГИРМОН 1 Ғаллани, донни янчиб ун қилиш учун мосланган, махсус қисм-лардан иборат, сув, шамол, электр энер-гияси ва ш.к. кучи билан ишлайдиган қу-рилма. Сув тегирмон. Шамол тегирмон. Те-гирмон тоши. Тегирмонга дон олиб бормоқ. ■ Соё бўйида беҳисоб дарахтлар орасига кўмилган тегирмон гувуллар эди. А. Қахҳор, Асрор бобо. Ирмоқлар анҳорларга қўшилиб, тегирмон, обжувозларни ҳаракатга келти-ради. Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Шундай қурилма жойлашган бино, жой. Менга қара, чопиб тегирмонга бориб кел! Ўзгина бугдойга ун алишиб келасан. С. Сиё-

ев, Ёруғлик. *Тегирмон Шўхсойнинг бўйида жойлашган эди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

Бир тегирмон сув Бир тегирмонни юргизишга етарли сув. *Илгари канал тўғрисида гап бўлганда, Сидиқжон уни бирон тегирмон сув элтадиган ариқ деб ўйлаган эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бошида тегирмон тоши юргизмоқ* Жуда қаттиқ қийнамоқ, азоб бермоқ, жабр-зулм ўтказмоқ. *..этларимни ништар билан тилсинлар!.. бошимда тегирмон тоши юргизсинлар! Мен сиздан ажралмайман! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Тегирмон боши* Тегирмон жойлашган жой. *Ҳайдар ота шу ўй билан тегирмон бошига етганини ҳам билмай қолди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Тегирмон навбати билан* Ҳар қандай ишнинг ўз муддати, бунда ҳар кимнинг навбат билан келадиган тартиб ўрни бор (бўлади), деган маъноли ибора. *Нега шошасиз, тегирмон ҳам навбати билан. Тегирмон тоши* Тегирмонда донни эзиб майдалаш, ун қилиш учун ишлатиладиган, махсус тайёрланган тош. *..бир ўғил билан ерга михланиб ўтиравериш, тегирмон тошидек, уни кун сайин эзиб юборарди. Д. Нурий, Осмон устун. Тегирмон қилмоқ (ёки тортмоқ)* Донни тегирмонда ун қилмоқ. *Отамнинг дўсти Маҳкамбой ака тегирмон қилдириб қўйган чакса зоғора унни орқалаб, орқамга қайтдим. С. Абдулла, Ёшлик йилларим. Тегирмонга тушса, бутун чиқади* Ҳар қандай нокулай, ёмон ҳолатдан қутулишнинг йўлини топадиган, улдабурон маъноли ибора. *Тинчлан, қизим!.. у келади. Келадиган вақт бўлқолди. Отамурод — тегирмонга тушса, бутун чиқадиған йигит. М. Мансуров, Ёмби. Тегирмонига сув қуймоқ* Кимсанинг бирор иш-фаолиятига (одатда, салбий деб қаралувчи ишига) кўмаклашмоқ, унга куч бермоқ. *Наҳотки дўст билан душманни ажратолмайсиз. Наҳотки муттаҳамларнинг тегирмонига сув қуйганингизни сезмасангиз! Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ТЕГИРМОНЧИ Тегирмон эгаси, хўжайини ёки тегирмонда ишлайдиган киши. *Сафарали — бизнинг тегирмончимиз. Жуда қизиқ йигит. А. Қаҳҳор, Картина. Ёшиқ очилиб, юзлари оппоқ чанг тегирмончи йигит кириб келди. Н. Ёкубов, Қўнгил пиёласи.*

ТЕГИРМОНЧИЛИК Тегирмонда ишлаш, тегирмончи иши, касби. *Тегирмончилик унга ота мерос, эртаю кеч тегирмон ат-*

рофида айлангани айланган. А. Қаҳҳор, Картина.

ТЕГИШ 1 Тегмоқ фл. ҳар. н. *Экспонатларга тегиш ман қилинган. Нафсониятга тегиш. Жигига тегиш. ■ Осонми, киши нима бўлишини билмайди, бош ёстиққа тегиши бор. А. Қаҳҳор, Тўйда аза. Аҳмаднинг бўлимга фойдаси кўп тегиши мумкин, қобилиятли бола.. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

2 Расамадда, тақсимотда кимсага тегадиган улуш, ҳисса. *Матқовулнинг тегиши бўлса ҳатто қарзларини ҳам қоплаёлмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Насиба, ҳақ. *Ҳаммаси сизнинг тегишингиз, ҳеч кимга қараманг. Балиқни олинг! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Хонхата устида нон кесиб, болаларнинг тегишини алоҳида-алоҳида қилиб тайёрларкан, кўчада аллакимларга гапирётган Абдуҳафизнинг овози эшитилди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

ТЕГИШИНЧА кам қўла. айн. **тегишли 3.** *Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари тегишинча туманга бўйсунувчи шаҳар ҳамда шаҳардаги туман бюджетини ва унинг ижросига доир ҳисоботларни ҳам тасдиқлайдилар. Газетадан.*

ТЕГИШЛИ 1 Талабга, вазиятга, қонун-қоидага ва ш.к. га мос, мувофиқ; шу жиҳатдан керак, лойиқ, лозим бўлган. *Тегишли хулоса чиқармоқ. Тегишли чораларни кўрмоқ. Тегишли ҳужжат кўрсатмоқ. ■ Бу хабарни профессорга билдирдим, ундан тегишли консультация олдим. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. Элмурод ҳам унинг феълени билиб, ҳар бир саволига тегишли жавобни бериб турар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Пахтакорларнинг ҳамиша ўз сўзларининг устидан чиқиши учун тегишли шароит ҳам яратиб берилиши лозим. Газетадан.*

2 Кимса ёки нарсага қарашли, алоқадор, тааллуқли бўлган. *Уларнинг [хотинларнинг] чағир-чуғур аралаш қаҳқаҳалари ҳовлини янгратади. Гулнорга тегишли тўрдаги бир уй, бир айвон жимжит. Ойбек, Танланган асарлар. Бўстон, бу гап сенга тегишли. С. Зуннунова, Янги директор. Абдулазиз, ўғиллари отларни сугориб, араваларни шай қилиб қўйганини, карвонасарой соҳибни ҳам унга тегишли одам эканини.. айтди. Мирмуҳсин, Меъмор. -Дадам ҳар кишининг ўзига тегишли гапни айтадилар, — деди Онабиби Бозорқулга. А. Мухтор, Чинор.*

3 Дахли бўлган, муайян, белгили. Сенлар билан тегишли жойда гаплашаман, эртагаёқ домла-имомлар билан орани очди қиламан. С. Кароматов, Ҳижрон. *Тегишли юқори ташкилотга етиб борган ифвони текшириш учун зудлик билан тўрт-беш кишидан иборат комиссия жўнатилди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Сессия, шунингдек, халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатларининг камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин.* Газетадан.

4 Ўзига яраша, лозим бўлган; керакли. *Текинхўр ва безориалар одил суд томонидан тегишли жазосини олди.* Газетадан. *Соиб Исмоиловнинг жасоратидан руҳланган жангчиларимиз душман ҳамласига тегишли жавоб бердилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТЕГИШЛИК 1 Боғланиш, алоқа, дахлдорлик. *Аҳмаджоннинг назарида, бу ишлар, бу юришлар, тоғ оралиғига солинган бу уйлар — ҳаммаси ортиқча, урушга ҳеч тегишлиги йўқдай кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 с.т. айн. тегиш 2. Колхозчи пахтадан тегишлигининг тенг ярмини, чорвадан тегишлигини эса мутлақо ололмади. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

3 айн. тегишли 2. Абдурахмон.. айниқса, орада хонга тегишлик ҳукуматдор беклардан кўриниб қолса.. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

ТЕГИШЛИЧА Керакли, лозим бўлган даражада. *Бироқ Иттифоқ идораларида биз келтирган далиллардан тегишлича қулоқ солишмайпти.* Газетадан.

ТЕГИШМОҚ 1 Тегмоқ фл. бирг. н. Болалар ҳеч нарсага тегишмасин. ■ *Тенгқурлари.. Назаровни ҳурмат қилганлари ҳолда.. «Ғози», баъзан «Ғози чиллашир» деб жиғига тегишарди,* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тегажаклик қилмоқ, ҳазиллашмоқ. У [Сидиқжон] ..бутун звенони гуллаштиб ашула айтар, одамларга тегишар, кулар, кулди-рар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари. - *Қачондан бери қизларнинг суҳбатидан қочадиган бўлиб қолдингиз? — кулиб унга тегишди* Муҳаррам. Шухрат, Шинелли йиллар.

ТЕГИШҚОҚ Тегишишни, ҳазиллашишни яхши кўрадиган; тегажак, ҳазилкаш. *Маҳмуднинг қизариб, кулумсираганича нари кетганини кўрган бир аёл тегишқоқ дугонасини жеркиб берди.* С. Зуннунова, Олов. *Обиджон юмалоқ, калта бўйин йигит бўлиб, ёшликдан*

шўх, гандон ва тегишқоқ ўсган. И. Раҳим, Барно.

ТЕГЛИ с.т. Тагли, тубли.

ТЕГЛИК с.т. Таглик, остлик.

ТЕГМОҚ 1 Бир-бирига ёки бир нарсага бевосита ёнма-ён, учма-уч келиб тақалмоқ, ёпишмоқ, уринмоқ. *Шафтолилар мевасининг кўплигидан ерга тегиб ётибди. Парда ерга тегиб турибди. Кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка етгунча, Энкайганга энкайгин, бошинг ерга теккунча.* Мақол. ■ *Бир маҳал кимнингдир қўли елкасига теккандек бўлди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Дилшод мусича унга қўл чўзганда, сўри орасидан ўтказилган электр симига тегиб, ерга қулаган эди.* Газетадан. *У ихраб-сиҳраб ёнбошига ўгирилган эди, ўпкасига шамол тегиб, йўтал тутди.* «Муштум».

2 Зарб билан урилмоқ. *Мевали дарахтга тош тегар.* Мақол. ■ *Хотин чарс беданадай патиллаб, қочмоқчи бўлганида, юзини карнайгулнинг поясига уриб олди: юзи бутоққа ёмон тегди, кўнгли озди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Тўп бориб, Бувинисо холанинг кўчага қараган деразасига тегиб, бир қўзини чил-чил қилди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Немис муккаси билан йиқилди. Унинг автомати Бектемирнинг қўлига қаттиқ тегди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

3 Томиб, сачраб, суркалиб из, доғ қолдирмоқ, юқмоқ. *Пальтонгизга бўёқ тегибди.* ■ *Сенинг соқолинга теккан бир қатра шира менинг фуқароларимга бир кунлик овқат бўлади.* А. Қаҳҳор, Башпират. *Ёнгингизга қон тегибди, қаранг! Мирмуҳсин, Меъмор.*

4 Қўл, куч билан тегинмоқ, ушламоқ; дахл қилмоқ. *Агар тегса, мен ҳам тушираман, деб лунжсини пойлаб турибман.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Бу ғўзаларнинг шохлаб кетиши асосий шохнинг бирон сабаб орқасида синганлиги ёки мол-ҳол текканлиги натижаси, бу илмга маълум.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари. *Нусратилла кирмади. — Бир тийинингизга текканим йўқ, — деб ичкари ҳовлига ўтиб кетди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сувсар кемирувчиларга қирон келтирган бўлса ҳам, уй паррандаларига тегмайди.* Газетадан.

5 Кўчма Дахл қилмоқ, таъсир этмоқ. Э, сенга тегиб кетдим, ҳали.. *Бировларни.. камситишга ким ҳуқуқ берди сенга?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг бу гапи бошқаларга ҳам тегиб кетди..* К. Яшин, Ҳамза.

6 Бориб ёки келиб етмоқ (мас., юборилган нарса ҳақида), топширилмоқ. *Телеграмма тегди. Хат билан совға ҳалиям теккани йўқ. ■ Бир неча кундан сўнг ушбу мазмундаги хат қўлимга тегса ажаб эмас.* О. Мўминов, Хийбондаги уч учрашув. *Дид ва ихлос билан безатилган ун иккита ранго-ранг китобча журналхонларга бориб тегди.* Газетадан.

7 Расамадда маълум ҳисса, улушга эга бўлмоқ, улушига тушмоқ, насиб етмоқ. *Сув чиқади-ю, лекин бойга яраша чиқади. Бу сувдан бизга туянинг думи ерга етганда тегади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ягона стул Аҳмадга тегди.* Ф. Мусаёнов, Нозик масала. *Баъзан жон бошига базур ярим стакандан тегадиган ичимлик сувини гул тагига қуйишар эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

8 Хотин бўлмоқ, турмушга чиқмоқ. *Ҳўш, Заргаров амалдор эмас, елкасига арқон ташлаб, бозорда юрган ҳаммол бўлса, тегарминдигиз? А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Кошкийди қорача бўлиб туғилган бўлсам, кўргами, калгами тегиб, сизнинг.. сўзларингизни эшитмас эдим!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

9 Баъзи сўзлар билан қўлланиб, шахс ёки нарсага шу сўз англатган нарса бўлишини, етишини билдиради. *Фойдаси тегмоқ. ■ Ётоқхона биносини чор атрофдан кўм-кўк дарахтлар қоплаган бўлса ҳам, бизга бунинг нафи тегмайди.* «Гулдаста». Уларнинг гуноҳини енгиллаштириш керак, худо ёрлақаб, зора бизга ҳам биров савоби тегиб қолса! У. Исмоилов, Сайланма. *Ишқилиб, дўстларига зарари тегмаса бўлди – бошқасидан кўрқмайди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Асабига тегмоқ қ. асаб. Боши ёстиққа тегмоқ қ. ёстиқ. Гап тегмоқ Танбеҳ, огоҳлантириш ва ш.к. тарздаги гап бўлмоқ, айтилмоқ, шундай гап эшитмоқ. *Насибанинг ўзи ўқишни хоҳламаса, ҳеч кимга гап тегмайди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Бўлмаса сизларга ҳам, менга ҳам гап тегади.* «Гулдаста». **Елкаси ерга тегмаган** 1) курашда бирон марта ҳам йиқилмаган; 2) мусобақа, беллашувларда ҳеч ютқазмаган. *Асакалик машҳур қиморбоз Қулматқора «тўртол»чиларнинг елкаси ерга тегмаган кузури эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Жавоб тегмоқ** Рухсат берилмоқ, жавоб бўлмоқ. *Бугун Шерзоднинг*

палатасидаги семиз беморга жавоб тегди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. **Жағи-жағига тегмай** Тўхтамай, тинмай, бидиллаб гапириш ҳолати. *Сатторқул бош врачнинг кабинетида кирди-ю, жағи-жағига тегмай сайраб кетди.* «Муштум». **Жиғига тегмоқ қ. жиғ.** **Жон(и)га тегмоқ қ. жон.** *Камбағаллик жонга тегмаган вақт, жонига тегмаган одам бўлганмикин? А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.* **Иzzат-нафсига тегмоқ қ. нафсониятига тегмоқ.** *Ит теккан Номусига тегилган, иффатини йўқотган аёлга нисбатан қўлланувчи ибора. Азар ит тегмаган бўлса, покман, номусим жойида десанг, кел, бери кел.* М. Мансуров, Ёмби. **Кўз тегмоқ қ. кўз. Кўнглига тегмоқ қ. кўнгли.** **Нафсониятига тегмоқ** Кишининг кадр-қиммати, иззати нафсини, гурурини ерга урмоқ, топтамоқ. *Одам (ёки инсон) оёғи тегмаган Инсон бўлмаган, келмаган, инсон қадам қўймаган. Бу ер одам оёғи тегмаган тўқай.* «Чалпак ёққан кун». **Орқасига (ёки елкасига) офтоб тегди қ. офтоб. Оғзи(га) тегди қ. оғиз.** *Эркак кишининг оғзига тегдими.. Юринг, боққа чиқамиз.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Олма, ўрик ва шу каби тар мевалар ҳам бирин-кетин пишиб, одамларнинг оғизларига тегди.* К. Яшин, Ҳамза. **Пешонаси деворга тегмоқ қ. пешона.** *Пешонам деворга бориб тақ этиб тегди.* Онам, келинойим, ўртоқларим ҳақ. «Ёшлик». **Текканга тегиб, тегмаганга тош (ёки кесак) отмоқ** Ҳамма билан уриш-жанжал қилиб юрмоқ, тинч юрмаслик. *У[Асрора] ёшлигида текканга тегиб, тегмаганга кесак отарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Текин пул, текин машатдан талтайиб кетган Аҳмедов ҳозир текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган бўлди.* «Муштум». **Ярасига тегмоқ қ. яра.** *..яхши кўрган бу одамини мақтайман деб, унинг ярасига тегиб кетганини билмай қолди.* А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат. **Қитигига тегмоқ қ. қитиқ.** *Бир қитиғига тегайми, зора йигитлик гурури ваража қилса!* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. **Қулоққа тегмоқ** Эшитилмоқ. *Болам, сен қайдан эшитдинг?! Сенинг қулоғингга тегмасин, деб юрар эдим.* «Ёлдор». **Қўли тегмоқ қ. қўл.** *Шоҳ хизматида киргандан бери эса деярли қўли тегмай қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Қўли қўлига тегмаслик қ. қўл.** *Далаларда ҳаёт қайнайди, бободехқоннинг қўли қўлига тегмайди.* Газетадан. **Қўндоқда теккан қ. қўндоқ.** *Ана шу мудир Салимовнинг қўндоқда*

теккан бир касали бор. «Муштум». **Ғашига тегмоқ қ. ғаш.** Зиммасига тушаётган вазифа Собирнинг ғашига тегди. **Ф.** Мусажонов, Ҳиммат. **Ҳамиятига тегмоқ қ. ҳамият.** Унинг охириги гапи Мансурнинг ҳамиятига тегди. **Ҳ.** Хошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ТЕГРА кт. Теварак, атроф. *Теграси деворсиз, фақат толлар билангина ажратилган участка жуда серфайз, гаштли кўринди..* **Ҳ.** Назир, Кўктерак шабадаси. *Ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган ҳудудларнинг тегралари аниқлангунга ҳамда йиғинларнинг раислари қонунда белгиланган тартибда сайлангунга қадар уларнинг вазифаларини бажариб туриш шаҳарча, қишлоқ.. кенгашлари раислари зиммасига юклатилсин.* Газетадан.

ТЕЖАБ-ТЕРГАМОҚ Сарф-харажатда, рўзғор ишида аяб, режа билан иш тутмоқ. Пулни тежаб-тергаб, расамади билан ишлатмоқ. ■ *Биз ўзимиздаги саноқли ўқларни энди тежаб-тергаб ота олар эдик.* **А.** Раҳмат, Брест қаҳрамони.

ТЕЖАМ 1 Эҳтиёт қилиб, аяб, ўз ўрнида ишлатиш, тежаш, иқтисод. *Тежам масаласи ҳамията зўр амалий аҳамиятга эгадир.* ■ *Тежам билан ишлатсанг, уй-рўзғоринг бут бўлар..* «Қанотли сўзлар».

2 Тежаш туфайли қолган, орттирилган фойда. *Тежам ҳисобига илғорларни мукофотламоқ.* ■ *..Ҳар сафар ўзлари ўйламаган тежамларнинг келиб чиққанидан мамнун бўлишди.* Газетадан.

ТЕЖАМКОР Тежам билан иш тутадиган, тежаб ишлатадиган. *Тежамкор ишчи. Тежамкор бухгалтер.* ■ *У [Умид] бошқа ўртоқларига қараганда анча тежамкор, феълан босиқ.* Мирмуҳсин, Умид.

ТЕЖАМКОРЛИК Тежам билан иш тутиш, шу тарздаги иқтисодий тартиб. *Иситиш қурилмасида тайёрланган иссиқ сувдан тежамкорлик билан фойдаланинг.* Газетадан. *Бугунги машғулот «Қурилишда тежамкорлик» мавзусида бўлади.* «Саодат».

ТЕЖАМЛИ 1 Тежашга, тежамкорликка имкон берадиган, тежайдиган. *Тежамли машина. Тежамли ишлаб чиқариш усули.* ■ *Табий газ фақат тежамли ёқилғисина бўлиб қолмасдан, тенги йўқ химия хомашёси ҳамдир.* **А.** Абдуқодиров, Газ химия хизматида. *Бригадалар пахтани қоп-қанорсиз ташиш-*

дек тежамли ва қулай усулни қўладилар. Газетадан.

2 айн. **тежамкор.** Сиздек инсофли, тежамли одамларни айрим ташкилотларга, айниқса, қурилишларга биттадан бошлиқ қилиб қўйса борми, бунақа исрофгарчиликлар бўлмасди! Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТЕЖАМЛИЛИК айн. **тежамкорлик.** Корхона жамоаси тежамлилик йўлидан бориб, кўплаб электр энергияси ва хомашё тежаяпти. Газетадан.

ТЕЖАМОҚ 1 Ортиқча сарфга йўл қўймасликка ҳаракат қилиб иш тутмоқ, аяш, тежам билан сарфламоқ. *Умиднинг қийинчилиги билан катта бўлганини ҳамма биларди — кийимни яхши кийиши, пулни тежаш ҳам шундан.* Мирмуҳсин, Умид. *Малахов қанча аяб, тежаб отмасин, ўқи кутгандан тез тугаб борарди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Минутларни тежанг, ўтмасин дамлар..* **Р.** Бобожон.

2 Исроф қилмаслик йўли билан орттирмоқ, ишлатмай, сарфламай қолдирмоқ. *Шундай бўлса ҳам, тушилишга чиққанда, ярим соатгина вақтни тежаб, ошхонадан чиқди-ю, Ҳалим бобонинг боғига йўл олди.* **Ш.** Рашидов, Бўрондан кучли. *Ем-хашакдан моҳирона фойдаланиш туфайли чорвадорлар кўп миқдордаги донни тежаб қолдилар..* Газетадан.

3 Кимсани ёки ўзини эҳтиёт қилмоқ, аямоқ, сақламоқ. *Болани ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди, уни тежаб, тергаб туриш керак.* ■ *Қутидор қизининг пешонасини ушлади: —Эй, ҳа.. Кумуш, ҳали иссиғинг бор, — деди. — Ўзингни тежа, қизим, ўрнингни қалин қилиб, бурканиб ёт, терласанг — ёришасан, қизим!* **А.** Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ТЕЖАМСИЗ 1 Тежашга имкон бермайдиган, ортиқча сарфга йўл қўядиган. *Тежамсиз машина. Тежамсиз технология.*

2 Аямасдан, палапартиш сарфлайдиган, тежашни билмайдиган. *Тежамсиз аёл.*

ТЕЖАМСИЗЛИК Тежаб-тергамай, тежамкорликка риоя қилмай сарфлаш; исрофгарчилик. *Тежамсизлик билан ишламоқ.*

ТЕЖОҒЛИ 1 Тежашга, тежамкорликка асосланган; тежамли. *Тежоғли иш — бежоғли иш.* Мақол.

2 Ишлари яхши йўлга қўйилган, ҳар нарса ўз жойида, тартибга солинган, саранжом-саришга. *Сирдарё соҳиллари — кўз илғамас*

асрий дашт. Ардоқли ўлка бугун — ясоғли ва тежовғли. Миртемир.

ТЕЗ [ф. تيز — ўткир, кескир; ўювчи, аччиқ; санчилувчан; зийрак, сезгир; илдам, жадал; чаққон] 1 Орадан кўп вақт ўтмасдан, оз (қисқа) вақт ичида; дарров, тезда. *Мажлис тез тугади. Бола ўқиш-ёзишни тез ўрганди. Воқеалар тез ривожланмоқда. Шошмасанг, тез етарсан, шошгандан ўзиб кетарсан.* Мақол. ■ *Борди-ю, кўклам серёмғир келгудек бўлса, ер тез етилмайди, экин кечикиб кетади.* Н. Сафаров, Хадича Ахророва. *Ҳаво айнияти, укажон. Бунақа ҳавода чуққига чиқиш хавфли. Тоғда қоронғи тез тушади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Тез кунда (ёки кун ичида), **тез орада, тез фурсатда** (ёки **фурсат ичида**) Орадан кўп вақт ўтмасдан, озгина вақт ўтгандан кейин, қисқа фурсатда, оз муддатда. *Азалда тақдиримиз қора битилган эканми, тез кунда бошимизга оғир кунлар тушди. Ойбек, Танланган асарлар. Сорахон тез фурсат ичида унинг кўнглидан Мунисхон ишқини ювиб чиқарди.* А. Қаҳҳор. Сароб.

2 Дарҳол, шу топда, шу он, зудлик билан. *Нақ пешин вақтида Ёрмат чой-нон олиб келди, уларни ерга қўймасдан, Йўлчини койиди: -Тез чиқинг-е.. куннинг иссиғини сезасизми?! Ойбек, Танланган асарлар. Қудрат тез жавоб айтолмади. Сингисини, шу билан бирга ўзини ҳам юпатиш учун баҳона ахтарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бой тез фаҳмлади-да: -Шундайми, жиян, — деб кулди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тез айтиш Ўзбек халқ оғзаки ижодининг янглишиб кетиш мумкин бўлган қофиядош, ўхшаш сўзларнинг жумлаларини адашмай, тез талаффуз қилишдан иборат бир тури. **Тез бўл** Вақт ўтмасдан, дарров ҳаракат қил, имиллама. *Юринг, тез бўлинг. Ҳамро опам бетоб бўлиб қолди. Туйғун, Зулфизар.*

3 Меъёрдагига нисбатан олдинроқ, илгарироқ. *Бола отасининг сўзларидаги маънони дуруст тушунмагани учун бунчалик тез ва осон «хўп» деди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сидиқжоннинг онаси Хадича хола умрини хорлик-зорлик тортиб ўтказган ҳамма кишилардай тез қариган..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Катта суръат билан, шахдам, жадал. *Тез ишламоқ. Тез юрмоқ. Тез ўқимоқ.* ■ *Сой унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда тез оқар,*

«қулқ-қулқ» этган товушлар сув остида катта-катта тошлар юмалаётганини билдириб турар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Йиллар шу қадар тез ўтардики, ҳа-ҳув дегунча у олти-мишдан ошиб, пайғамбар ёшига яқинлашмоқда..* Мирмуҳсин, Меъмор. *У, Дилбарга етиб олиш учунми ёки қаттиқ ҳаяжонга тушганиданми — тез қадам ташлай бошлади.* «Гулдаста».

5 сфт. Дарров аччиғланиб, қизишиб кетадиган, сержаҳл, жиззаки. *Жуда тезсиз-да, Аҳмаджон, бердисини эшитмай бўғасиз-а!* С. Кароматов, Ҳижрон. *Э.. мен бу ишга аралашмас эдим, бу йигитнинг ўзи тезроқ.* Н. Сафаров, Уйғониш.

Жаҳли (ёки **аччиғи, феъли**) тез Дарров аччиғланиб, қизишиб кетадиган, сержаҳл, жиззаки. *Шомми калнинг жаҳли жуда тез бўлиб, юрагида кек сақловчи киши эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Домланинг аччиқлари тез, асабий мижоз эканликларини айтиб ўтган эдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Хотининг, бунақа феъли тез экан, [болани] олиб кетмагани ҳам дуруст.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тили тез** Тезда қизишиб, бидиллаб кетадиган, гап бермайдиган. *Оҳ, ўғлим, ёшсан, тилинг тез, ўнг-терсига қарамай гапираверасан.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

6 с.т. Жуда тез ишлайдиган, тезкор. *Жуда тез уста.*

Зеҳни тез Зеҳни, ақли ўткир, тез фаҳмлаб оладиган, фаросатли. **Тез ёрдам** Оғир беморларга шошилишч ёрдам кўрсатиш хизмати. *Тез ёрдам машинаси. Тез ёрдам чақирмоқ.* ■ *Ҳамма шахар ва туманларда тез ёрдам станциялари ишлаб турибди.* Газетадан.

ТЕЗАК [ф. تيزك] 1 Ҳайвон ёки қуш ахлати; гўнг. *Мол тезаги.* ■ *Йигитлар қўйларнинг сийдик ва тезакларига булғаниб ётган тутқунларнинг қўл-оёқларини ечиб, қўрадан ҳайдаб чиқармоқчи бўлдилар.* С. Айний, Қуллар. *-Оқ қушларнинг тезаги оппоқ бўлар экан, — деди Шум бола.* Ғ. Фулом, Шум бола.

2 Қуриган ёки ёқиш учун махсус қуриштиган гўнг (асосан, мол гўнги). *Ҳайдар.. ўчоқ ичига қўмилган ўтни очиб, устига бир дона тезак қўйиб, пуфлаб, бироз яшнатди.* С. Айний, Қуллар. *Ўчоқда тезак милтиллаб ёнар, қора човғум биқир-биқир қайнади.* С. Анорбоев, Оқсой.

Тенг тенги билан, тезак қопи билан Ҳар ким мавқеи, обрўйи жиҳатидан ўзига тенг, мос, мувофиқ киши билан бўлиши лозим, деган маънодаги мақол. *Тенг тенги билан, тезак қопи билан! Бозоров — бир қоп тезак! Адолатнинг тенги — Нормат.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЕЗАКЛАМОҚ Табиий ҳожат чиқармоқ, ёзилмоқ (ҳайвон ва қушлар ҳақида). *От тезаклади.*

ТЕЗАКХОНА Тезак сақланадиган ёпиқ жой, саройхона. - *Офарин!* — *эшон ясама кулди.* — ..*Тинчгина бол чайнаб юрган одам, тезакхонада истиқомат қилибсиз.* И. Раҳим, Тақдир.

ТЕЗАУРУС [юн. thesauros — хазина, бойлик] тлш. 1 Муайян тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўла-тўқис акс эттирадиган лугат.

2 Бирон-бир илм-фан соҳасига оид сўзлар мавзу тартибида жойлаштирилган ва улар ўртасидаги семантик (жинс-тур, синонимик ва б.) муносабатлар акс эттирилган идеографик лугат.

ТЕЗГИЗАК Ёғоч канаси.

ТЕЗГИР [ф. تيزگير — тез, чаққон олувчи] Овни тез оладиган, олғир. *Тезгир бурчти. Тезгир този.*

ТЕЗДА(Н) рвш. Орадан кўп вақт ўтмасдан, қисқа муддат ичида, оз фурсатда; дарров. *Қишнинг биринчи ярми қуруқ келди. Икки мартагина қор ёғиб, тезда эриб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кеча клубга борган хотиннинг Адолатга кўзи тушиши билан, ранги ўзгариб кетди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бектемир тездан ўзини пастликка ташлади, югура-югура, ўрмонга кирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТЕЗИКМОҚ шв. Тез юрмоқ, тезликни оширмоқ; тезлашмоқ. *Зулфизар отига ғазаб қамчисини урди, гойибнинг қушидай тезикиб кетди.* «Зулфизар билан Авазхон».

ТЕЗИС [юн. thesis — қонда; исбот] 1 Илмий асар, мақола, маъруза ва ш.к. даги асосий ғояларнинг қисқа ва лўнда баёни. *Маъруза тезиси.* ■ Саодатхон стол устидаги тезисларини олар экан, соатига қаради. С. Зуннунова, Янги директор.

2 мнт. Ҳақиқат эканлиги исботланиши лозим бўлган ҳукм, мулоҳаза, фикр. *Шоир дунёқарашининг баркамоллигидан дарак бе-*

рувчи бу тезис унинг қатор асарларида турли шаклларда жуда кўп қайтарилган. «ЎТА».

ТЕЗКОР [ф. تيزكار — тез, жадал ишловчи] 1 Тез ишлайдиган, ишни тез, чаққон бажарадиган. *Тезкор уста.* ■ *Ўринбой тезкор, ҳар қандай ишни ҳам тез бажо этишни ёқтирадиганлардан.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Тезлик билан ҳаракат қилувчи, тезлик билан натижага эришишни таъминловчи. *Қурт боқшининг тезкор усули ҳақидаги бу доврўқ бутун мамлакатга ҳам таралди.* Й. Муқимов, Ипак толаси. *Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси тузган тезкор гуруҳ аъзолари бозорларни зимдан кузата бошладилар.* Газетадан.

ТЕЗКОРЛИК 1 Тез ишлаш. Унинг тезкорлиги ҳаммани ҳайратда қолдирди. ■ Тезкорлиги, сифатли иши билан танила бошлаган.. Омонга масъулиятли иш топширилди. Т. Баҳромов, Отасининг боласи.

2 Тез ишлаш, ишни тез бажариш; ишда жадаллик. *Ғалла ўрим-йиғими тезкорликни талаб қилади.* ■ *Урта Осиёнинг талай қисмини эгаллаб ётган тоғлар бағридаги бойликлар йил сайин тезкорлик билан ўзлаштирилмоқда.* А. Раззоқов, Муҳокама мавзуи. *Бунинг учун тезкорлик билан, қаттиқ, баъзида кўпчиликка хуш келмайдиган чоралар кўрилиши зарур.* Газетадан.

ТЕЗЛАМА: тезлама қилмоқ кам қўлл. айн. тезламоқ II.

ТЕЗЛАМОҚ I 1 Тезлиги ошмоқ, ҳаракат тезлигини оширмоқ. *Поезд тезлаб кетди.* Ёмғир тезлади. ■ *Комилжон тезлаб келиб, Халиловга қўл узатди: -Келинг, Халилов ака.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Тез юришга ундамоқ, қистамоқ. *Куч борича отим тезлаб кўраман.* «Муродхон».

3 Хужум қилишга, уришишга ундамоқ, хезламоқ, гижгижламоқ. *Ҳўрозларни бир-бирига тезламоқ. Беданани тезламоқ.*

4 Чархлаб, қайраб ўткир қилмоқ. *Кетмонни тезламоқ. Ўроқни тезламоқ.*

5 с.т. Олов кучайиб, тезлик қилиб, оқиб, кўчиб тушмоқ (тандирда ёпилган нон, сомса ҳақида).

ТЕЗЛАМОҚ II Бинонинг ишдан чиққан деворини, томини бузмасдан кўтариб қўйиб таъмирламоқ, янгиламоқ. -*Уйнинг орқасини тезласаммикин, — деб кўнглидан ўтказди Бўтабой, — шошмасдан, яхшилаб тез-*

ласам. Уйнинг ичини қумсувоқ қилсам. С. Аҳмад, Ҳукм.

ТЕЗЛАТКИЧ 1 махс. Бирор иш-ҳаракат ёки жараёни тезлатиш, жадаллатиш, кучайтириш учун хизмат қиладиган асбоб, қурилиш ва ш.к. *Ядро заррачалари тезлаткичи.*

2 Бирор жараёни тезлаштирадиган, ривожлантирадиган омил, восита, куч.

ТЕЗЛАШМОҚ 1 **Тезламоқ** I фл. бирг. н. *Йигитлар болаларни тезлашиб, курашга туширишди.*

2 Суръати ошмоқ, жадаллашмоқ; кучаймоқ, авжга минмоқ. *Поезд тезлашди. Ишлар тезлашиб кетди. ■ Шабда ҳам тезлашиб, болаларнинг сочлари ва галстуклари билан тинмай ўйнашмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Майдалаб, шивалаб ёғаетган ёмғир тобора тезлашарди. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Авазнинг қадами бир секинлашади, бир тезлашади. С. Сиёев, Ёруғлик.*

3 Муддатидан олдин амалга ошмоқ, тезроқ содир бўлмоқ. *Ўйлаб қараганда, унинг эндиги тақдири кўп жиҳатдан мана шу сафарига ҳам боғлиқ; ҳатто тўйнинг тезлашуви ҳам, тўйдан кейинги саёҳат ҳам шунга боғлиқ. С. Анорбоев, Оқсой.*

ТЕЗЛИК 1 Тез одамга хос ҳаракат, хусусият. *Солиҳбойнинг қайнаб турган ғазаби унинг тезлигида ёки жазавага тушишида эмас.. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.*

2 Иш-ҳаракат, жараён ва ш.к. нинг жадаллиги, суръати, даражаси. *Иш тезлиги. Ҳисоблаш тезлиги.*

Тезлик билан 1) имкон борича қисқа вақт ичида, тез суръат билан, жадал. *Ҳосилини тезлик билан йиғиб-тешиб олмоқ; 2) дарҳол, ошиғич равишда, кечиктирмай. Тезлик билан етиб кел.*

3 физ., тех. Жисм босиб ўтган масофанинг шу масофани босиб ўтиш учун кетган вақтга нисбати. *Юриш тезлиги. Югуриш тезлиги. Товуш тезлиги. Уртача тезлик. Тезлик бирлиги. Тезлики ҳисобламоқ. Трактор баландликка биринчи тезликда чиқади.*

ТЕЗЛИКДА рвш. кам қўлл. Тезлик билан, тезда, тез. *Тезликда етиб келиб, Сен ҳам даврамизга кир. Кўм-кўк арча тагида Сакраб-сакраб ўйнаб бер. И. Муслим. Тезликда Самарқандга — Улуғбек мирзога чопарлар орқали нома жўнатишди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

Яшн (ёки **чақмоқ**) **тезлигида** Жуда тез, кўз очиб юмгунча. *Бирдан калламга яшн тезлигида бир фикр келди. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Бу фикр Эргашевнинг хаёлидан чақмоқ тезлигида ўтди. Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон.*

ТЕЗОБ [ф. *تيزاب* — барча металлларни эритувчи суюқлик, сульфат ва нитрат кислоталар аралашмаси; тезоқар сув] 1 кам қўлл. Тез оқадиган, тезоқар. *Избоскан қишлоғининг этагидан.. тезоб дарё оқади. Й. Шамшаров, Олтин куз. Қалбинг ишлар ишқин куйлаб доимо, Мисралар ирмоқдай тезоб, шўх, тоза. М. Бобоев. Ёшлик экан, умр аталмиш тезоб дарёнинг айна кўпирган, жўшқин палласи. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.*

2 Тез суръатли, жадал. *Ҳар якшанба иш шу тариқа тезоб.. Ш. Тоҳиров, Қарс икки қўлдан чиқади.*

3 айн. **тез 5.** *Воқеадан хабардор бўлган тезоброқ Иноғом ака тутақиб кетди. Ф. Музажонов, Камтарин ишчи.*

4 махс. Турли технологик жараёнларда эритиш, тозалаш, оқлаш, ошлаш ва ш.к. мақсадларда ишлатиладиган моддаларнинг умумий номи. *Терини тезобга солмоқ. Металлни тезобда тозаламоқ.*

ТЕЗОБЛАМОҚ махс. Тезобда ишлов бермоқ. *Терини тезобламоқ. Металлни тезобламоқ.*

ТЕЗОТАР 1 Бирин-кетин жуда тез ўқ отадиган. *Тезотар милтиқ. Тезотар зенит тўпи.*

2 Тез сайрайдиган, сайроқи (бедаана ҳақида). *[Комил бедананинг сайрашини эшитиб тўхтайдди:] Оҳ, оҳ, оҳ! Бай-бай-бай! Зап тезотар бўпти-да. О. Ёкубов, Икки муҳаббат.*

ТЕЗОҚАР Тез оқадиган. *Тезоқар дарё, пулемётлардан ёмғирдек қуйилаётан ўқ.. снарядларнинг даҳшатли чинқириғи ҳужумни тезлатгани қўймас эди. А. Раҳмат, Азиз тупроқда унган дўстлик.*

ТЕЗПАЗАК [ф. *تيزپزک* — тез пишувчи] шв. Тезпишар. *Тезпазак ўрик.*

ТЕЗПИШАР Тез пишадиган, эрта етиладиган; чиллаки. *Тезпишар пахта навлари. Тезпишар ўрик. Тезпишар қовун. ■ Анов пол тутзор кўркам — Рағно қаламчалари. Бу поли — Салимжоннинг Тезпишар олчалари. Қ. Муҳаммадий.*

ТЕЗ-ТЕЗ рвш. 1 Тезлик билан, жадал, илдам; шошилиб. *Тез-тез юрмоқ. Тез-тез*

ишламоқ. ■ Шоир дафтарчасини тиззасига қўйиб, тез-тез ёзар эди. А. Қаҳҳор, Картина. Алимжоннинг юраги тез-тез уриб, бадани қизишди. К. Раҳимов, Ўз касбини севган йигит. [Мадамин] Худди бировдан қизгангандек тез-тез ошар ва чайнамасдан ютар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Кўп вақт оралатмай, бот-бот, ўқтин-ўқтин. Бемор тез-тез сув сўрар эди. ■ Гулнор бу ой ичида тез-тез оғриб турди. Ойбек, Танланган асарлар. -Энди сиз шу ерда қолинг, — деди онасига Нормат, дарвозадан чиқаркан, — уринманг.. Тез-тез хат ёзиб турман. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЕК рвш. 1 Ҳаракатсиз, қимирламасдан ва овоз чиқармасдан, жим. Тек тур. Тек ўтир. ■ Ҳамма бир лаҳза тек қолиб, бирдан қаттиқ кулги кўтарилди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Унда лайлак бир оёқлаб туриб, яшилланиб келаётган адирларга кўз ташлаб, тек қотган. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Ҳеч иш, ҳаракат қилмасдан, бекор. Тек турмаган тўқ турар. Мақол. ■ Унинг [Ҳайдарбойнинг] қўллари тек турмади: дам узун оташкуррак билан тўнканинг ўт олган жойларини қоқиб, яна ҳам кўпроқ биқситади. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳамма ҳаракатда-ю, ёлғиз мен тек ётибман. Ойдин, Олтин узукка олмос қўз.

3 унд. с. вэф. Қимирлама, жим. -Тек, ўртоқлар, — деди раис ва давом этди, — ўзингиз экасизми? А. Қаҳҳор, Сароб.

ТЕК қўймоқ Тинч қўймоқ, безовта қилмаслик. Ҳозир тек қўйиб қўйган одамларни сув чиққандан кейин қамаш и ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЕКИН Эвазига пул, ҳақ ёки бошқа бирор нарса талаб қилинмайдиган; пулсиз, бепул. Текин овқат. Текин меҳнат. ■ Узоқ сафарга пул керак. Текин қимиз, эт қайда. Ойбек, Танланган асарлар. -Сен ҳали шунақа ёмонмисан-а? Уй-буй! — деди завхоз. — Шунчалик текин еб-ичиб, ўқиб юганингга шукр қилиш керак. П. Турсун, Ўқитувчи.

Сув текин, сувтекин Жуда арзон, деярли текин. Хотинларнинг меҳнати айниқса қадрсиз, сув текин бўлишини ўшанда билдим. Ойбек, Танланган асарлар. -Гўр азоби билан етиштирган пахтасини заводга келтириб, сув текин сотади, — деяро эди куюниб Вали ака. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **ТЕКИН томоқ 3.**

ТЕКИНГА рвш. Эвазига пул, ҳақ ёки бошқа бирор нарса олмасдан ёки бермасдан; пулсиз, бепул. Текинга ишлатмоқ. Текинга олмоқ. ■ Қаранг, бировларнинг болаларини пул сарф қилиб, вақт сарф қилиб, текинга ўқитса-я! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЕКИНТОМОҚ (тўғриси текин томоқ) қ. томоқ 3.

ТЕКИНХҲҲ 1 Меҳнат қилмасдан, бошқалар ҳисобига кун кўрувчи; ҳаромхўр. Текинхўрлар ва безорилар одил суд томонидан тегишли жазосини олади. Х. Ризаев, Безори муносиб жазоланди. Аҳмадга ўхшаган соф виждонли одам учун энг ёмони — ўзини бекорчи, текинхўр сезиш. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 биол. Бошқа организмларга ёпишиб, уларни сўриш билан яшовчи майда жонивор ёки ўсимлик; паразит. Текинхўр зарпечак. ■ Энди чимқирқар машина соламан бу текинхўр газандага. Ойбек, О.в. шабадалар.

ТЕКИНХҲҲРЛИК Меҳнат қилмай еб-ичиш, кун кўришлик. Қодир Қурбонбоев жамиятимиз учун бирор фойдали ишга кўнгиш қўймади, текинхўрлик, чайқовчиликка муккасидан кетди. «Муштум».

ТЕКИС 1 Юзида ғадир-будур, баландпаст, ўнқир-чўнқир жойлари бўлмаган; силлиқ. Текис тахта. Текис майдон. Текис девор. ■ Кеча қоронғи ва туманли эди. Кенг, текис кўчага узоқдан чироқлар туман ичида хира, совуқ нур сепади. Ойбек, Танланган асарлар. Йўл текис, машина силкинмасди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Жойлашиш, ўлчам (ҳажм ёки бўй) ва ш. к. жиҳатдан бир хил. Ужылмайганида, қизларникига ўхшаш, текис тишлари ярқ этиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Бўйи баланд, қомати келишган, қора соқоли иягида текис қилиб қирқилган. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўк блузка кийган икки қиз Баширатларнинг олдига келди. Улар бир-бирларига жуда ўхшар, бўйлари ҳам текис, жуда чиройли қизлар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Бир маромда, бир хил тезликда. Текис ҳаракат. Текис одим. ■ Худди цирк отларидай безатилган семизгина, силлиққина бўз от текис олиб кетди. Ойбек, Нур қидириб. Ундан нарироқда қора калхат, санъатини намойиш қилаётгандай, бир текис сузиб юрибди. Н. Фозилов, Дийдор.

4 рвш. Бараварига, ёппасига бир вақтда; шиға, қийғос. *Уруғларни текис ундириб олмақ. Гилослар бир текис гуллади. Ғўзалар бир текис униб чиқди.* ■ *Ҳар сафар текис чиқиб, яшнаб ўсаётган ям-яшил ғўзаларни кўрганымда.. пахтазордан чиққим келмас эди. О. Ёқубов, Икки муҳаббат.*

5 Ҳар жиҳатдан тенг, барабар, бир ҳуққдаги. *Сув ҳудойимнинг мулкими? Халойиқ текис ичади. Ойбек, Танланган асарлар. Мени сайланг, негаким, Энди қадрдон бўлман. Бир текис ҳаммангизга Хизмати бажон қиламан. Ҳамза.*

6 кўчма с.т. Беишқал, силлиқ; бир хил қилиб. *Иши жуда текис. Ҳамма иш текис бўлиб кетди.* ■ *Муса кўса бир ерда турмас, чигитларни бир текисда экиш кераклигини, чигит тўрт энликдан чуқур бўлмаслигини ҳадеб тайинларди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

7 с.т. Келишган, чиройли. *Ўртада ўн олти-ўн етти яшар бачча уйнайди. У рангсиз, хипча, «текисгина», яна тўғрироғи, «попукдай» бола. Ойбек, Танланган асарлар. Анов тоғ билан манов тоғ эгиз экан, Жами қиздан охун қизи текис экан. «Оқ олма, қизил олма».*

ТЕКИСЛАГИЧ Текислаш, силлиқлаш учун хизмат қиладиган асбоб, мослама, машина. *Ер текислагич.* ■ *Доирани текислагич ёрдами билан горизонтал ҳолатга келтириш мумкин. «Астрономия».*

ТЕКИСЛАМОҚ 1 Баланд-паст,ғижим, ғадир-будурларини йўқотиб, текис, силлиқ қилмоқ. *Ёрни текисламоқ. Кўчани текисламоқ. Тахтани текисламоқ. Сочини текисламоқ.* ■ *Нодира бошлиқ бир тўда ўқувчилар спорт майдончасини текисладилар. С. Зуннунова, Янги директор. Нормат ўрнидан туриб, камарини қаттиқ тортиб, гимнастёркасини текислади-да, Адолатнинг олдиға борди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Бир чизик бўйлаб текис жойлаштирмоқ. *Сафларни текисламоқ.* ■ *Рота командири жангчиларга кийимларини тузатишни, қуролларни яна қайта текислаб, тартибга солиб қўйишни буюрди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

3 с.т. Ишқалларни йўқотиб силлиқламоқ, тўғриламоқ. *Ҳамма иш текислаб юборилди.*

ТЕКИСЛИК 1 Текис юза(сирт)га эгалик. *Ёрнинг текислиги. Тахтанинг текислиги.*

2 Баланд-пасти бўлмаган текис ер, текис майдон. *Рўпарадаги текисликда район дарахтлари қорайиб кўринар.. эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 физ., геом. Текис юза. *Проекцияловчи текислик. Қия текисликдан жисмнинг тушиши.*

4 геогр. Катта баландликлар, тоғлар бўлмаган, нисбий текис бўлган ер сатҳи; океанлар тубидаги ясси катта майдон. *Ушнинг жанубидаги кенг текисликлар, тўлқинсимон қир ва адирлар турли-туман дала гуллари билан безанган. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

5 сиёс. Ҳар жиҳатдан тенглик, тенг ҳуққилик. *Иқтисодий текислик.*

ТЕКИССИЗ кам қўлл. Текисмас, нотекис. *Текиссиз тараққиёт.*

ТЕКИССИЗЛИК кам қўлл. Текиссиз ҳолат, нотекислик. *Ривожланишнинг текиссизлиги.*

ТЕКИСЧИЛИК 1 Бажарилган ишнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олмасдан, ҳаммага баб-барабар ҳақ тўлаш, бир хилда тўлаш, тақдирлаш. *Текисчиликка қарши кураш.* ■ *Шукуржон текисчиликка қарши мурасасиз кураш олиб борар, бирон ёш табелчига нарядни бошқатдан ишлаш учун қайтариб берар экан: -Шуни билиб қўйингки, ҳеч қачон ҳамма бир хилда ишламайди, — дерди. З. Сотиев, Истеъдод. Бу соҳада [моддий рағбатлантиришда] юз бериб келаётган текисчиликка қатъиян барҳам бериш керак. Газетадан.*

2 сиёс. Кишиларни, қайси синф ёки табақага мансублигидан қатъи назар, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тенг имкониятли, тенг ҳуқуқли қилишга уриниш.

ТЕКСТ [лот. textum — боғланиш; бирикш; алоқа; бирикма] 1 қ. **матн.** *Мақоланинг тексти. Телеграмманинг тексти.* ■ *Жумалари турар текис, Зумда варақ чиқар эгиз. Газета, журнал, китоб, Текстлари ўқишга боп. Қ. Муҳаммадий.*

2 плрф. Йирик шрифтлардан бирининг номи.

ТЕКСТИЛЬ [лот. textile — газлама; тўқима мато; газламадан тайёрланган кийимлар]

1 Тўқимачилик саноати маҳсулоти; газмол.

2 с.т. Тўқимачилик комбинати. *Келиним ўлгурнинг ўзиям текстилда ишлаб, жарақ-жарақ пул олади. «Муштум».*

ТЕКСТОЛОГ қ. **матншунос**. 1939 йили Навоий юбилейи комитети тузилганда, [комитет] Махжур, Ҳабибий, Анисий, Улфатларни Ўзбекистон Фанлар академиясига текстолог қилиб қақтирди. Газетадан.

ТЕКСТОЛОГИК Матншуносликка оид (қ. **матншунослик**). Текстологик тадқиқот принциплари бўйича ўз даврининг пешқадам қалам эгалари — Навоий билан Жомийнинг тутган умумий позициялари бир-бирига жуда яқин.. бўлганлигига «Хамсатул-мутаҳаййирин»дан яна бир машҳур мисолни келтириш мумкин. «ЎТА».

ТЕКСТОЛОГИЯ [лот. textum + юн. logos — таълимот] қ. **матншунослик**. Шуниси аниқки, текстология у вақтларда мустақил фан сифатида ривожланмаган.. эди. «ЎТА». Республикамизда текстология фани равнақини унинг асосчиларидан бири Порсо Шамсиевсиз тасаввур қилиб бўлмайди. С. Ганиева, Алломанинг табаррук ёши.

ТЕКТОНИК 1 Ер қобиғи ҳаракати ва унинг ўзгаришларига оид; шулар натижасида содир бўлган. **Тектоник жараёнлар**. ■ Японияда ва Американинг ғарбий қирғоқларида содир бўладиган zilзилаларда ҳам тектоник, ҳам вулканик кучлар бараварига иштирок қилади. Т. Ҳамроев, Зилзила ҳақида мулоҳазалар.

2 Ернинг тузилиши ва ўзгаришига оид. **Тектоник харита**. ■ Мазкур тектоник қатламлар оролгача кучли босим билан таъсир қилаётганлиги сабабли у жойидан силжиган. Газетадан.

ТЕКТЕНИКА [юн. tektonike — қурувчилик санъати] геол. Геологиянинг Ер қобиғи муайян қисмининг тузилиши ва унда юз берадиган ўзгаришларни ўрганадиган бўлими. Геологларнинг махсус гуруҳи ишида тектоника, геофизика, гидрогеология соҳасида.. иш олиб бораётган энг таниқли мутахассислар қатнашди. Газетадан.

ТЕКТУРМАС 1 Бекор тура олмайдиган, бекорчиликни ёқтирмайдиган, тиниб-тинчимас, серҳаракат. **Тектурмас чол**.

2 Шўх, тўполончи (кўпинча болалар ҳақида). **Тектурмас бола**.

ТЕКШИРИШ 1 **Текширмақ** фл. ҳар. н. Қарорнинг бажарилишини текшириш. **Бухгалтерия фаолиятини текшириш**.

2 Ўрганиш, тадқиқот. **Геологик текшириш**. **Илмий текшириш институти**. ■ Фу-

зулий [ижоди] устида олиб борилган текширишлар Фузулий адабий мактабининг ташаккулида Навоий ижодининг муҳим роль ўйнаганлигини янада яхшироқ очиб беради. «ЎТА».

3 Тафтиш, ревизия. Агар текшириш натижасида Ҳасанжон бу ишга илган бўлиб чиқса, у ҳам нобуд бўлади.. жазосини тортади. С. Айний, Куллар.

ТЕКШИРМОҚ 1 Тўғри-нотўғри, ҳақноҳақлигини билиш мақсадида кўздан, эътибордан ўтказмоқ. **Иншони текширмақ**. ■ Амирзода, гапим ёлғон бўлса, бугун кечаси текшириб кўринг. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Дарсимни ҳам тайёрлаб бўлдим. Ана, дадамдан сўранг: текшириб кўрдилар**. С. Зунунова, Янги директор.

2 Моҳиятини, ҳақиқий ҳолни билиш, аниқлаш учун кўздан, эътибордан ўтказмоқ. **Ишга қабул қилишда синаб кўриш — ишчи ёки хизматчининг унга топиширалаётган ишга масъулиятини текшириб кўришдир**. Газетадан. **Энди овозини текшириб кўраман дейётганда, телефон жиринглади**. Т. Ашуров, Оқ от.

3 Илмий асосда ўрганмоқ, таҳлил, тадқиқ қилмоқ. **Гулнинг тузилишини текширмақ**. **Қоннинг таркибини текширмақ**. ■ **Кичик автобуслардаги лабораторияларда эса сув ва тупроқ таркибини текшириш, клиник тадқиқотлар олиб бориш мумкин**. Газетадан.

4 Назорат учун кўздан кечирмоқ, тафтиш, ревизия қилмоқ. **Қарорнинг ижросини текширмақ**. **Кассани текширмақ**. **Ферма ҳўжалигини текширмақ**. ■ **Тўхта, қаерга борасан?.. Сен комиссия аъзосисан-ку. Текширишни битказганимиздан кейин, актга қўл қўйиб, сўнгра ўз ишинга борасан**. С. Айний, Куллар.

ТЕКШИР-ТЕКШИР с.т. Устма-уст, қайта-қайта текширишлар. **Текшир-текшир қилмоқ**. **Текшир-текшир бошланмоқ**.

ТЕЛБА 1 Ақлдан озган, девона, жинни. **У бетлари юмдаланган, оппоқ сочлари юлинган бу телба хотинни ўзининг қирқ йиллик умр йўлдошига ўхшата олмади**. М. Исмоилов, Фарғона т. о. **Осияжон қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди, ҳамма, қиз телба бўлган, деб унга қаради**. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Бирор нарсага, кимсага ортиқ даражада берилган; савдойи, шайдойи. **Фақир ҳам шу фикрнинг телба бандасидир**. Ойбек, Навоий.

3 Телбага хос, телбаликни акс эттирувчи; маъносиз. *Телба кўзлари билан Бектемирга боқди-да, укасининг қонли милтиғини чангаллади ва шамолдай учиб, Бектемирдан ҳам ўзиб кетди. Ойбек, Кўёш қораймас. Сиз менинг телба сўзларимдан аччиғланманг. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 *кўчма* *поэт*. Жиловланмаган, асов, «кутурган». *Телба дарё. Телба тўлқинлар. Жўш уриб, қирғоғини Хўплар эди телба сой. Файратий. Телба шамол қутуриб ҳамла қилди. Авайлаб ўстирилаётган ниҳолларни илди-зи билан қўпориб кетди. А. Набиҳўжаев, Мандат. Хоразмда Амунни кўпдан Телба дарё деб аташади. Э. Раҳим.*

Телба тўнини тескари киймоқ айн. тўнини тескари киймоқ қ. тўн. Баъзан телба тўнини тескари кийиб.. муомалалари дағаллашиб қолади. Файратий, Довдираш.

ТЕЛБАЛАНМОҚ 1 Ақл-хушини йўқотмоқ, телба бўлмоқ. *Лаъли деган бу жувон Абдурахмонбойнинг келини бўлган. Аммо Бўронбекка ишқи тушиб, унинг кўйида телбаланган. Ҳ. Фулом, Машғал.*

2 Телбага ўхшаш ҳолатга тушмоқ. *Совлиқнинг бунчалик телбаланиб чопишига энди тушунди. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. Зиёдилланинг қони миясига урди.. Аламига чиолмай, телбалана бошлади. Ҳ. Фулом, Машғал.*

3 *кўчма* Шиддат билан пишқирмоқ, жўшга келмоқ, ўзини ҳар ёққа урмоқ, «кутурмоқ» (одатда, сув ва шамол ҳақида). *Оқар жўшқин урароқ, Телбаланиб Хонариқ. Ювилар тинмай қирғоқ, Ҳарён тошган ҳайқирӣқ. Файратий.*

ТЕЛБАЛАРЧА Телбаларга ўхшаб, ақлдан озган каби. -*Ҳаётим! Топдим, олма орқасидасиз! — деб юборди у [Фуломжон] телбаларча қувониб. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тумонимча, иситмангиз қаттиқ ушлаган кўринадир ва телбаларча мактубингизни иситма орасида ёзганга ўхшайсиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ТЕЛБАЛИК 1 Телба эканлик. *Телба телбалигини тан олмайди. Мақол.*

2 Телбаларга, ақлдан озган, эс-хушини йўқотган кишиларга хос ҳолат, хатти-ҳаракат; жиннлик. *Телбалик излари йўқолиб, ақл ва хусн барқ уриб турган кўзларга боқиб унга [Адолата] сира тенгсиз бир лаззат бағишларди. С. Зуннунова, Гулхан.*

ТЕЛБАНАМО Телбалар каби, телбага ўхшаш, жиннисифат. *Телбанамо киши. Каримжон урушга кетгач, Асрора бирон ой телбанамо бўлиб юрди-ю, дарров ўзини ўнглаб олди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ТЕЛБАСАРО кам қўлл. Телбаларга ўхшаш, ақлу хушини йўқотган; девонасифат. *Телбасаро эмишсан гоҳи, Қийнар эмиш сени ташна лаб. Ўйларингни узун тунлари Қора фикр олармиш қамраб. Т. Тўла.*

ТЕЛБА-ТЕСКАРИ Бир-бирига боғланмаган, пойинтар-сойинтар, тартибсиз. [*Фофиржон*] *Розия холанинг телба-тескари гапларини кўнглига олган бўлса, эҳтимол. Н. Назаров, Замон. Жангчиларимиз телба-тескари отишмадан гитлерчиларнинг мақсадларини аниқлаш учун ўзаро мунозара қилишар эди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ТЕЛЕ- [юн. tele — узоқ, олис; узоққа, олисга] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми: 1) узоқ масофадан туриб ҳаракат қилувчи ёки амалга оширувчи; 2) «телевизион» маъносига мувофиқ келувчи маъноларини билдиради. Мас., телеалоқа, теледастур, телекўрсатув, телеминора каби.

ТЕЛЕБОШҚАРИШ айн. телебошқарув.

ТЕЛЕБОШҚАРУВ Муайян объектнинг ишини назорат қилиш, зарур ҳолларда унинг иш режимини ўзгартириш ва б. учун мўлжалланган бошқариш қурилмалари мажмуи; узоқдан туриб бошқариш, масофадан бошқариш. *Республикадаги ҳамма гидроэлектрстанцияларда автоматлаштирилган телебошқарув жорий қилинган. Телебошқарув аппаратлари денгиз остида, худди одам каби, ҳатто объектларни аниқлаб, маълумотларни таҳлил эта олади. «Фан ва турмуш».*

ТЕЛЕВИДЕНИЕ [теле.. + р. видение — кўриш < лот. visio — кўриш] 1 Ҳаракатдаги ёки ҳаракатсиз объектларнинг тасвирини товуш билан бирга радиоэлектрон воситалар ёрдамида муайян масофага узатиш ва қабул қилиш; узоқдан кўриш; ахборот тарқатиш воситаларидан бири. *Тошкент телевидениеси. Телевидение техникаси. Телевидение орқали кўрсатиш ва эшиттириш. Радио, кино, телевидение ҳаётга чуқур кириб борган ҳозирги шароитда ҳам бадиий асарларга эҳтиёж ортиб бораётгани шундан далолат беради. У. Норматов, Талант тарбияси.*

2 Фан ва техниканинг ҳаракатдаги объект тасвирини масофага узатиш билан боғлиқ соҳаси.

3 Телекўрсатув, телеэшиттириш ишлари билан шуғулланувчи муассаса ва у жойлашган жой.

ТЕЛЕВИЗИОН Телевидениега оид. *Телевизион антенна. Телевизион кўрсатув. Телевизион марказ. Телевизион минора.*

ТЕЛЕВИЗОР [теле.. + лот. visio — кўриш; кўрсатув] Телестудиядан узатиладиган телесигналларни тасвир ва овоз тарзида қабул қилиб кўрсатадиган ва эшиттирадиган аппарат. *«Рубин» маркали телевизор. Телевизорни ўрнатмоқ. Телевизорда концерт кўрмоқ.* ■ *Уй туридаги столда турган телевизор унинг [Холмирзанинг] диққатини кўпроқ тортди. Ҳ. Назир, Одамнинг қадри. Баширжон кўпчилик шоирларни телевизорда.. кўра эди. Н. Аминов, Суварак.*

ТЕЛЕВИЗОРЧИ с. т. Телевидение бўйича мутахассис; телевизор тузатувчи уста. *Ўтган куни телевизорчилар келиб, уни [Қувондиқни] суратга олишган, хийла овора қилишган эди. С. Абдуқаҳҳор, Қувондиқ.*

ТЕЛЕГА [р. телега — бир от қўшиладиган арава тури] Тўрт гилдиракли арава. *Телегада гўнг ташиётган Дилшод ва Анзират йўлда учраб, гоҳо унга ҳазиллашар эдилар. Ойбек, О. в. шабадалар.*

ТЕЛЕГРАММА [теле.. + юн. gramma — ёзув] Телеграф орқали узатилган ёки қабул қилиб олинган шошилиш хабар, ҳужжат ва шундай хабар ёзилган қоғоз. *Қутлов телеграммаси. Телеграмма юбормоқ. Телеграмма олмақ.* ■ *Грейдернинг ёрдамчи куч сўраб берган телеграмма, радиограммаларига турлича ноаниқ жавоблар келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ТЕЛЕГРАФ [теле.. + юн. grapho — ёзаман] **1** Узоқ масофаларга телеграмма, радиотелеграмма тарзида шошилиш хабар узатиш ёки уни қабул қилиб олиш учун хизмат қиладиган алоқа тизими ва унинг воситалари. *Телеграфнинг кашф этилиши. Телеграф станцияси. Телеграф алоқаси. Телеграф аппарати. Телеграф симлари.* ■ *Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган. Р. Файзий, Таъзим.*

2 Шундай хабарларни юборадиган ва қабул қилиб оладиган алоқа муассасаси ва

унинг биноси. *Тошкент марказий телеграф-фи. Телеграфга бормоқ. Телеграфда ишламоқ.*

ТЕЛЕГРАФИСТ **1** Телеграфия мутахассиси.

2 Телеграммалар юборувчи ва қабул қилиб олувчи телеграф ходими. *Телеграфист бўлиб ишламоқ.*

ТЕЛЕГРАФИСТКА Телеграфист аёл.

ТЕЛЕГРАФИЯ [теле.. + юн. grapho — ёзаман] **1** Ёруғлик, радио ва электр сигналлари воситасида узоққа тез хабар етказиш техникаси.

2 Фан ва техниканинг телеграф алоқани ташкил қилиш тартиб-қоидаларини ўрганиш, телеграф сигналларини узатиш усуллари ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширувчи аппаратлар яратиш билан шуғулланувчи соҳаси.

ТЕЛЕЖКА **1** Кичкина телега; аравача (қ. телега). *Маҳсулот ортилган машиналар, тележкалар музхона ва пункт томон ошиқади. М. Назаров, Яхшини мақтаса ярашур.*

2 Баъзи машина ва механизмларнинг сурилма қисми. *Минорали кран тележкаси.*

ТЕЛЕИНСЦЕНИРОВКА [теле.. + инсценировка] Телевидение орқали берилган инсценировка.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ [теле.. + коммуникация] Сигнал, белги, матн, тасвир, овоз ва б. турдаги ахборотларни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш тизимлари мажмуи.

ТЕЛЕКОМПАНИЯ [теле.. + компания] Тегишлича жиҳозланган телевизион студияга эга бўлган ва телекўрсатувлар олиб борувчи хусусий ёки давлат корхонаси.

ТЕЛЕКС [ингл. telex < tel(egraph) — телеграф + ex(change) — коммутатор, алмаштирувчи, ўзгартирувчи] **1** Абонентлараро икки томонлама телеграф хабарлар алмашиш учун мўлжалланган халқаро телеграф, алоқа тармоғи.

2 Шундай алоқани амалга ошириш аппарати.

ТЕЛЕМАРАФОН [теле.. + марафон] Узлуксиз, кўпинча сутка давомида кўрсатиладиган, одатда, хайрия мақсадларини кўзлаб уюштириладиган телевизион кўрсатув.

ТЕЛЕМАРКАЗ, телевизион марказ Телевидение алоқаси учун хизмат қиладиган, махсус ускуналанган муассаса ва унинг биноси.

ТЕЛЕМАРКЕТИНГ [теле.. + маркетинг] Телевидение орқали товар ва хизматларни тарғиб қилиш ва сотиш.

ТЕЛЕМЕТРИК Телеметрияга оид. *Телеметрик аппарат. Йўлдош кеманинг телеметрик системаси.*

ТЕЛЕМЕТРИЯ [теле.. + юн. *metreo* — ўлчайман] Турли физик катталикларни узоқдан ўлчаш ва унинг усуллари ҳақидаги фан.

ТЕЛЕМЕХАНИЗАЦИЯ [теле.. + механизация] Ишлаб чиқариш жараёнларини узоқдан бошқариш ва назорат қилишда алоқа воситаларидан фойдаланиш.

ТЕЛЕМЕХАНИК Телемеханика мутахассиси.

ТЕЛЕМЕХАНИК 1 Телемеханикага, узоқдан бошқаришга оид; узоқдан бошқариш учун хизмат қиладиган. *Телемеханик аппаратура. Телемеханик система.*

2 Телемеханика воситасида амалга оширилдиган. *Телемеханик назорат.*

ТЕЛЕМЕХАНИКА [теле.. + механика] **1** Техниканинг ахборотларни кодлаш, уларни симли алоқа ва радиоалоқа каналлари орқали узатиш воситаларини ишлаб чиқиш, яратиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи бўлими.

2 Ахборотларни узоқдан бошқариш ва назорат қилиш мақсадида уларни узатиш ҳамда қабул қилиш воситалари ва усуллариини ишлаб чикувчи фан. *Автоматика ва телемеханика соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари.*

ТЕЛЕНАЗОРАТ [теле.. + назорат] Объектларни телемеханика воситалари билан масофадан туриб текшириш, назорат қилиш.

ТЕЛЕОБЪЕКТИВ [теле.. + объектив] Узоқдаги нарсаларни катталаштириб суратга олишда, шунингдек, портрет сурат яратишда ишлатиладиган фотообъектив.

ТЕЛЕПАТИЯ [теле.. + юн. *pathos* — сезги; сезиш, ҳис қилиш] *псих.* Баъзи одамларда фикр ва ҳис-туйғуларни сезги аъзолари иштирокисиз муайян масофага узатиш қобилияти.

ТЕЛЕСКОП [теле.. + юн. *skopeo* — қўраман] Осмон jismlарини кузатиш, суратга олиш ва ўрганиш учун мўлжалланган астрономик оптик асбоб. *Астрономлар тахминан 350 йилдан бери телескоп орқали Ойни ўрганадилар. ■ Телескоп кўзимизни Сурайё-*

дан ўтказди, Радио сўзимизни Жаҳонларга етказди. Ф. Фулом.

ТЕЛЕСКОПИК 1 Телескопга оид. *Телескопик линза.*

2 Телескоп воситасида амалга оширилдиган. *Телескопик кузатишлар.*

3 *тех.* Бўйлама ёки юқорилама суриладиган ёки сурилиб турадиган қисми бўлган. *Телескопик кран. Телескопик антенна. Мотоциклнинг телескопик вилкаси.*

ТЕЛЕСКОПИЯ Осмон jismlарини телескоп орқали кузатиш.

ТЕЛЕСТУДИЯ [теле.. + студия] Телевизион марказ қошидаги бевосита телевидение кўрсатувлари олиб бориладиган студия. *Сени излаб, консерваторияга бордим, телестудияда, дейишди. Оёғимни қўлимга олиб, у ёққа югурдим, кейин бу ёққа. Ш. Саъдулла, Икки билагузук.*

ТЕЛЕТАЙП [ингл. *teletype* < теле.. + ингл. *type* — машинкада ёзиш] Ўзув машинкасига ўхшаш клавиатурали, узоқдан юборилган ахборотларни қоғоз лентага автоматик равишда ёзиб оладиган механизмли телеграф аппарати. *Хабарни телетайп орқали узатмоқ. Телетайп лентаси.*

ТЕЛЕТАСВИР [теле.. + тасвир] Телевидение орқали узатилган ва телевизор экранда қабул қилинган тасвир. *Космосдан берилган телетасвир.*

ТЕЛЕТОМОШАБИН [теле.. + томошабин] Телевизор орқали берилаётган кўрсатиш ва эшиттиришларни кўрувчи ва эшитувчи томошабин. *Телетомошабинларга манзур бўладиган дастур. ■ Радио ва телевидениенг бир қанча программалари радиоэшитувчи ёки телетомошабинларни қизиқтирмайди. Газетадан.*

ТЕЛЕФАКС [ингл. *telefac*s < теле.. + лат. *fac simile* — айнан шундай, ўхшаш бажар] *тех. 1* Босма ахборотларни узатишга мўлжалланган халқаро факсимил телефон алоқаси.

2 Шундай алоқани амалга оширишга мўлжалланган, ҳарф босиш мосламаси бўлган аппарат; факсимил аппарат.

3 Шундай алоқали абонент номери, рақами.

ТЕЛЕФИЛЬМ [теле.. + фильм] Телевидение учун мўлжаллаб ишланган фильм; экран санъатининг бир тури.

ТЕЛЕФОН [теле.. + юн. phone — товуш, овоз] 1 Узоқдан туриб сўзлашишга, овоз, нутқни масофага узатишга хизмат қиладиган электр алоқа қурилмаси ва унинг сигнал кўнғироғи ҳамда гаплашиш трубкаси бўлган аппарати. *Телефонда (телефон орқали) гаплашмоқ. Телефон билан хабар қилмоқ. Телефон станцияси.* ■ *Телефон жиринглади. Сулаймонов трубкани олди. А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун. Китоб мутлаа қилиб ўтирган Нормурод бир сапчиб тушди-ю, қўрқа-писа телефонга қўл чўзди. О. Ёқубов, Дийнат.*

2 Телефон алоқанинг қисқа номи. *Баъзи газета ходимлари материалларни телефон орқали оладилар. «Муштум».*

Телефон қилмоқ (ёки **қоқмоқ**) Телефонда, телефон орқали гаплашмоқ. [*Хуморхон:*] *Ҳа, айтгандай, кимдир телефон қилиб, сизни сўраган эди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Муродова Қосимовга, Қосимов эса бошқармага телефон қоқа бошладилар. И. Раҳим, Ихлос.*

ТЕЛЕФОНБОЗ [телефон + ф. *бан* — яхши кўрувчи, ўйновчи] с.т. Телефон орқали гаплашишни яхши кўрадиган, идорадан чиқмасдан, телефон орқали иш битиришга уринадиган шахс. *-Тагин телефонбоз бўлиб кетибди, деб ўйламанглар, — гап қистириб қўйди Асадулла [мухбирга]. Т. Хўжакулов, Секретарнинг ён дафтаридан.*

ТЕЛЕФОНБОЗЛИК с.т. Идорадан чиқмасдан, телефон орқали иш битиришга уриниш, узлуксиз телефонда гаплашиш; телефонда гаплашиб вақт ўтказиш. *Ҳамма иш қоғозбозлик ва телефонбозликдан иборат бўлиб қолмоқда. Газетадан.*

ТЕЛЕФОНИСТ қ. **телефончи**.

ТЕЛЕФОНИСТКА Телефончи аёл. *Смена тугади. Фотима она ҳам, бошқа қизлар ҳам меҳнат постларини бошқа телефонисткаларга бўшашиб беришди. С. Маҳмудова, Фотима.*

ТЕЛЕФОНИЯ Фан ва техниканинг телефон алоқага доир омилларни ўрганиш ва бундай алоқани амалга ошириш учун мўлжалланган аппаратларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи соҳаси.

ТЕЛЕФОНЛАШМОҚ с.т. Бир-бирига телефон қилмоқ, телефон орқали гаплашмоқ. *Байрамгача яна бир телефонлашамиз. Энди тез-тез телефонлашиб турайлик.* ■ *..кечқурун телефонлашиб, эрта билан Ҳафи-*

за Патилахонлар оиласи билан машинада Водилга жўнади. Мирмуҳсин, Умид.

ТЕЛЕФОНЛАШТИРМОҚ Бирор жойда телефон алоқаси ўрнатмоқ, бирон ҳудудни телефон билан таъминламоқ. *Қишлоғимизни аллақачон телефонлаштирганмиз.*

ТЕЛЕФОНГРАММА [телефон + юн. *грамма* — ёзув, хат] Телефон орқали берил(ади)ган ва қабул қилиб олин(ади)ган шошилинч расмий хабар ва шундай хабарли бланк. *Телефонограмма юбормоқ.* ■ *Бекмирзаев телефонограммани қайта ўқиб чиқди-да, баттар парижон бўлиб қолди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Ҳайдаров телефонограмманинг оғирлигини салмоқлагандек, уни қўлида тутиб, ўйга толди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.*

ТЕЛЕФОНЧИ 1 Телефон станциясининг ходими. *Телефончи қиз бир соат кутишни сўради. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Қайта-қайта трубкани олиб, телефончи қизга қанчаллик ялиниб-ёльвормасин, ҳеч улашининг иложи топилмади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

2 Телефон линияларида ишловчи, телефон линиялари ўтказувчи мутахассис.

ТЕЛЛУР [лот. *tellus, telluris* — ер] Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон қўкиш-оқ рангли мўрт металл. *Яримўтказгичлар ҳосил қилишда.. теллури, индий, галлий каби нодир металллар муҳим роль ўйнайди. «Фан ва турмуш».*

ТЕЛМИРМОҚ с.т. Термилмоқ. *Наҳот ўтган-кетганнынг қўлига телмириб, қарибчириб адо бўлажакман? С. Сиёев, Ёруғлик.*

ТЕЛОВ: ақлинга телов текканми? шв. Ақлдан оздингми? Ақлингни едингми? Сенга нима бўлди?

ТЕЛОГРЕЙКА [р. *тело* — тана, бадан + греть — иситмоқ, қизитмоқ] Олди тутмаланадиган калта қавима пахталик; уст кийим. *Бригада бошлиғи Жумақўзи Абдураимов.. эғнида телогрейка, пахтазор оралаб юрган экан. Х. Тўхтабоев, Оқ олтин хирмон-хирмон.*

ТЕЛПАК 1 Тепаси юмалоқ, доира шаклли, текис мўйна жиякли иссиқ бош кийими. *Савсар телпак.* ■ *Кимки, оёғи толиб, сал орқада қолса, тулки телпак кийган бадқовоқ қўрбоши бешотар қўндоғи билан унинг курагига туртиб, пештахам сўзлар билан сўкади. Ҳ. Фулом, Машғал.*



Қундузсиз телпак Мўйна жияги бўлмаган, фақат ичига мўйна қопланган бош кийими. *Қўса, озғин, кенг гуппи тўн ва қундузсиз телпак кийган бир киши кирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 с.т. Мўйнали ҳар қандай иссиқ бош кийими (қулоқчин, папах, тумоқ ва ш.к.). *Мен Раҳимовни оддий кишилар, солдатлар орасида учратдим, унинг устида пўстини ва бошида қорақўл телпаги бор эди.* А. Раҳмат, Генералнинг шуҳрати. *Ўрта бўйли, озғин, қора чарм телпакни бошига бостириб кийган кишини учратсам, Гавҳарнинг дадасимикан, деб юрагим ўйнаб кетади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Усубалининг сербар телпак остидаги калласи барра пўстин ичига кириб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЕЛПАКДЎЗ Телпак тикадиган, тайёрлайдиган қосиб. *Бу қўчада бой савдогар, узангисоз, саррож, маҳсидўз, кавушдўз, телпакдўз, дурадгор каби ҳунармандлар бор.* эди М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ТЕЛПАКДЎЗЛИК Телпак тикиш иши, қасби. *Телпакдўзлик қилмоқ.*

ТЕЛПАКЛИ Бошида телпаги бор, телпак кийган. *Эргаш перронда чемодан кўтариб турган тулки телпакли йигитнинг ёнига борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шайхнинг кўзи ташқарида, қабристон томон эшагини нуқиб келаётган телпакли кишида эди.* С. Сиёев, Аваз.

ТЕЛПАКЧИ 1 айн. телпакдўз. ..унинг келиб чиқиши ҳам камбағал оиладан — бир телпакчи қосибнинг ўғли эди. Мирмуҳсин, Умид.

2 Телпак сотувчи; телпакфуруш.

ТЕЛЧИРАМОҚ айн. терчиламоқ.

ТЕМА [юн. thema — баён, муҳокама мавзуси; белгиланган қоида] қ. **мавзу**. Клуб мудири бугунги лекциянинг темасини, лекторнинг номини жуда керилиб, писанда қилиб эълон қилди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТЕМАТИК Мавзу ёки мавзулар мажмуига доир, бирор мавзуга бағишланган. *Тематик концерт. Тематик кўргазма.* ■ *Ойда бир марта оилавий тематик кечалар ўтказиб турилади.* Газетадан. *Турли воқелик ва янгликларни ёйишда.. тематик стенд ва кўрсаткич тахталари алоҳида ўрин тутди.* Газетадан.

ТЕМАТИКА Танлаб олинган, ишланган ёки ишланаётган мавзулар мажмуи. *Ёзувчи ижодиди ҳозирги замон тематикаси.* ■

Фестивалда кўрсатилаётган фильмларнинг тематикаси, жанри ранг-баранг. Ҳ. Акбаров, Изланиш йўлида.

ТЕМБР [фр. timbre] Бир пардадаги, бир хил баландлиқдаги ҳар бир товушнинг ўзига хос томони, сифати, товланиши. *Тембр — ҳар бир мусиқа асбобининг ёки ашулачи овозининг ўзига хос характери.* ■ *Чолғу асбобининг тузилиши ва шаклига кўра, унинг тембри турлича бўлиши мумкин.* И. Акбаров, Музика саводи.

ТЕМИР 1 Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, болгаланганда яссиланадиган, исталган шаклга қирадиган, углерод билан қўшилганда, пўлат ва чўян ҳосил қиладиган қорамтир қумуш рангли оғир металл. *Соф темир.* ■ *Магнит ҳам темирни домига тортади, кесакни торта олмайди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Унинг [Қоратойнинг] ўн уч яшар ўғли дам босиб, кичик болга билан темирни уриб, дадасига ёрдамлашарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 с.т. Умуман, темир, пўлат ва ш.к. лар ва улардан ясалган буюм-нарсалар. *Темир қошиқ. Темир кўприк. Темир панжара. Темир ўчоқ. Темир дарвоза.* ■ *Йигит узоқда ҳайбатли темир уюмлари сингари ағнаб ётган пачоқ паровозларга тикилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Самолётнинг кичкинагина зинапоясига бир оёғимни қўйиб, эшигидан ушлаган эдим, қўлларим темира чип этиб ёпишиб қолса бўладими!* Н. Фозилов, Дийдор.

Темир дафтар с.т. қўчма Ёзувлари қонун кучига эга бўлган дафтар. *Буларнинг ҳаммаси унинг бўйнида қарз бўлиб ётарди.* Булардан ташқари, отасининг дафн харажатлари ҳам темир дафтарда ёзилиқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Темирни қизинида босмоқ* Ҳар ишни ўз вақтида, фурсатни бой бермай амалга оширмоқ. *«Темирни қизинида бос» деган мақолга амал қилиб, унга мадҳ-сано ўқишга бошлади.* Ойбек, Навоий.

3 Темир (эркаклар исми).

ТЕМИРАТКИ Ташқи кўриниши, кечини ва келиб чиқиш сабаблари турлича бўлган кўпчилик тери касалликларининг умумий номи. *Эчкининг сути темираткига дори бўлармиш.* Бу Лукмони Ҳакимдан қолган гап. С. Аҳмад, Ҳукм.

ТЕМИР-БЕТОН Ичига темир чивиклар ўрнатиб қуйилган бетон. *Темир-бетон буюм-*

лари заводи. Темир-бетон устунлар. Темир-бетон шпаллар. Темир-бетон иншоот.

ТЕМИРТАК 1 Темир парчаси. Бу кичкина тугунчак ичида мазор тупроғи, темиртак, тобутнинг чўпи, совун, ўлик тирноғи ва ҳоказолар бор эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўча Ҳеч нарсага ярамайдиган, эски ўтмас пичоқ. Сабзи тўғраш учун шу темиртакдан бошқа пичоқ топилмадими? ■ Опа дудуқланиб ва ёнида турган темиртак пичоқни олиб, Саидийга қаради. А. Қаҳҳор, Сароб.

ТЕМИР-ТЕРСАК Ишдан чиққан темир ва б. металл буюмлар; темир ва б. металл чиқиндилари. Темир-терсак йиғмоқ. ■ Ишлатилмаган тракторнинг уйилиб ётган темир-терсакдан нима фарқи бор? Шўхрат, Шинелли йиллар.

ТЕМИРТОШ мин. Темир рудаси. Магнит темиртош. Қизил темиртош.

ТЕМИРЧИ Темирни болғалаб, ундан турли буюмлар ясайдиган ҳунарманд. Ниначининг минг ургани, темирчининг бир ургани. Мақол. ■ Катта кўча. Ўнг томонида Темирчилар босқон босади. Э. Раҳим. Мулла Фазлиддин ўтда куймайдиган, сув кирмайдиган бу сандиқни Қуванинг темирчи усталарига буюртма бериб ясаттирган эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Гапга темирчи эск. 1) гапни жуда чўзиб юборадиган, эзмалик қиладиган, эзма; 2) гапни айлантирадиган, гап билан алдайдиган. -Тавба, — деб кулди Қумуш, — сен қўрқмасанг ҳам бўлади, деб тагин нина тикасиз. Мана шуни, гапга темирчи, деб айтадилар! А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Отанг темирчи-ми? ёки отанг темирчи ўтганми?** Мунча эзмасан, гапни чўзма, деган маънода ишлатиладиган ибора. **Отанг темирчи ўтганми ўзи, гапни чўзиб нима қиласан?** С. Абдуқаҳҳор, Аччиқ дори.

ТЕМИРЧИЛИК 1 Темирчи иши, касби. Темирчилик билан рўзгор тебратмоқ. ■ Бу маҳаллада унга [Йўлчиға] маъқул бўлган икки киши бор эди. Бири — гузарда тақачилик-темирчилик қиладиган Қоратой, иккинчиси — Шоқир ота номли маҳсидўз чол. Ойбек, Танланган асарлар.

2 эск. Темирчиларнинг дўкон ёки ишхоналари ўрнашган жой, раста, кўча.

Гапга темирчилик эск. 1) гапни чўзиш, эзмалик қилиш. Гапга темирчиликдан худой

сақласин, ота-онам темирчи ўтган эмас. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) гапни айлантириш, гап билан алдаш. Кишини бўғасиз, Зайнаб! Гапга темирчилик яхши эмас. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕМИРҚОЗИҚ (Т-катта) айн. **Қутб юлдузи** қ. **қутб 1**.

ТЕМП [итал. tempo < лот. tempus — вақт] қ. **суръат**. Ҳозирги куннинг темпи билан ўсиб боролмаган киши орқада қолиб кетиши турган гап. Газетадан.

ТЕМПЕРАМЕНТ [лот. temperamentum — (қисмларнинг) мутаносиблиги, тенг ўлчамлилиги] қ. **мизож**.

ТЕМПЕРАТУРА [лот. temperatura — тўғри нисбат, одатий ҳолат] қ. **ҳарорат**.

ТЕМУРИЙ Темурийлар сулоласига мансуб шахс; Темур авлоди.

ТЕМУРИЙЛАР 15–16-асрларда Ўрта Осиёдаги турли давлатларда ҳукмронлик қилган Амир Темур авлодлари.

ТЕНГ 1 Ўлчами, ҳажми, катта-кичиклиги, сони ва ш. к. жиҳатидан ўхшаш, бир хил, барабар. Тенг масофалар. Узунлиги тенг ёғочлар. Тенг есафни тангери севибди. Мақол. ■ «Биз қачон ўқиймиз?» деб Қамишқанининг тенг ярми бўлган аёллар талаб қилса-ю, уларнинг талабини қондириш биринчи галда советнинг вазифаси эмасми? П. Турсун, Ўқитувчи. Икки томони тенг бўлган учбурчак тенг ёнли учбурчак дейилади. «Геометрия».

2 Ёши жиҳатидан барабар, тенгдош, тенгқур. Тенг болалар. ■ Уктамбой ҳам ўз тенглари ичида дурсун, орқасида олти пуд юк кўтариш билан мақтанадирган йигит. А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Аҳамияти, тутган ўрни, мавқеи, нуфузи, ҳақ-ҳуқуқи ва ш.к. жиҳатидан ўхшаш, бир хил, барабар. Бу ерда у [Элмурод] биринчи марта ўзини бошқалар билан тенг одам ҳис қилар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Унинг [Умри] учун оламда ўзига тенг одам йўқ, у билган одамлар ё ўзидан наст, ё ўзидан юқори. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Тўлиб етилган қиз энди унинг [йигитнинг] кўз олдида тенги топилмас гўзал бўлиб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Хуморхон:] Бурунги вақтда эрларга чўри бўлган хотинлар ҳозир эрлар билан тенг. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

4 Бир-бирига мос, мувофиқ, муносиб. Тенгини топсанг, текин бер. Мақол. Тенг-тен-

ги билан, тезак қопи билан. Мақол. Чин дўст туғишганинг билан тенг. Мақол. ■ Мен ҳеч сенинг тенгинг эмасман. Омоним бор — сени демасман. Ҳ. Олимжон. Акаси муносиб, ахлоқли, одобли, ор-номусли йигит бўлса, бу қиз ҳам унинг тенги, муносиби эди. «Муштум».

5 рвш. Бир-биридан қолишмай ёки ўз-май, айна бир пайтда, бир вақтнинг ўзида; барабар. Улар тенг туғилган. Бу қўчатлар тенг экилган. Тенг ишламоқ. ■ Тоҳир-Зухра ҳолидан бир калима эшитинг: Ўқиб, ўйнаб бир боғда улғаяр эдилар тенг. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

6 кўм. өзф. (3-ш. эгалик шаклида) Тенглик жиҳатдан ўхшатиш, қиёс маъносини билдиради; қатори. Бу — қотмадан келган, қорача, лейтенант Султонов тенги йигит эди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар.. эди. А. Қодирий, Меҳроблан чаён. [Оқилжон] Ўзи яхшигина, сиз тенги киши эди. Ойбек, Танланган асарлар. Халқ тенги дам олмоқ — бу ҳуқуқимиз.. Ойбек, О.В. шабадалар.

Тенг барабар с.т. Икки ҳисса; икки ҳисса кўп, икки марта ортиқ. Тенг барабар фойда олмоқ. Тенг бўлмоқ 1) барабар икки ёки бир неча қисмга ажратмоқ; барабар тақсимламоқ. Қовунни олти кишига тенг бўлмоқ. Ёнғоқларни болаларга тенг бўлиб бермоқ; 2) бир хил, барабар бўлмоқ, тенглашмоқ; фарқ қилмаслик. Мана, ўша қадимий чўл. Бахшилар: «Унча-мунча ер унга енг бўлмас, енг бўлса ҳам, тенг бўлмас», деб атаган.. чўл. А. Пўлат, Чўлдаги машғал; 3) биров билан айтишиб, тортишиб, унга бас келмоқ, барабар келмоқ. Кейин ўғлининг қўлиғидан олиб, бир четга тортди: —Булар билан тенг бўлманг, ўғлим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тенг келмоқ айн. тенг бўлмоқ 2, 3. Маҳалладаги турли қизиқчиликлар ва ҳазилвонликларда Юсуфжонга тенг келадиган йўқ эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Одамлар завқ билан ҳазил қилишди: —Сизга тенг келиб бўладими? Сиздан йиқилиб, бир ҳафта белимизни оломай юрмайлик тагин, қўйинг-е. П. Турсун, Ўқитувчи. Тенг кўрмоқ (ёки қарамоқ) 1) аҳамияти, мавқеи, мартабаси ва ш.к. дан қатъи назар, бир хил муносабатда бўлмоқ. Дадамиз ҳаммамизни тенг кўрар эдилар; 2) тенглаштирмоқ, барабар, бир хил, тенг ҳуқуқли деб ҳисобламоқ. Ҳадемай, масбулият ҳиссини ғурур енгди: Бўтабой ҳеч кимни ўзига

тенг кўрмайдиган.. бўлиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Тенг шерик Тенг фойдаланиш, тенг бўлиб олиш шарти билан тузилган шерикчилик. Тенги йўқ Мос тушадигани, монанди, тенг келадигани йўқ; ягона. Орол бўйидаги қўчманчи қабилаларга ақл-фаросатда тенги йўқ, ҳуснда танҳо Олтиной исмли аёл бошчилик қилар экан. «Ўзбекистон кўриқлари». —Ерни қовлаш ишлари бўлса, мана бу оғайниларга қўйиб берасиз, — деди ёш чўпон чап қаторда ўтирган ака-укаларни кўрсатиб, — қудуқ қазишда буларнинг тенги йўқ. Мирмуҳсин, Меъмор. Тупроқ билан тенг қилмоқ 1) ер билан яқсон қилмоқ, вайрон қилмоқ. Уруш кўп шаҳар ва қишлоқларни тупроқ билан тенг қилди; 2) хор қилмоқ, поймол, оёғости қилмоқ. [Гофир:] Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнати, номусли тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш қўшмачилар олдида шунчалик паст тушдимми?! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ТЕНГДОШ 1 Ёши барабар, тенг, тенг-кур. Тенгдош болалар. Биз у билан тенгдошмиз. ■ Жоним ўғлим, қаҳрамон бўл меҳнатда, Тенгдошларга намуна бўл ғайратда. Ҳабибий.

2 Бир вақтда майдонга келган, туғилган, юз берган. Таржима тарихи адабиёт тарихи билан тенгдош. Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. Тарихингидир минг асрлар Ичра пинҳон, ўзбегим. Сена тенгдош Помиду Оқсоч Тиёнион, ўзбегим. Э. Воҳидов.

ТЕНГКУНЛИК Йилнинг тун билан кун тенг бўладиган вақти, куни. 23 сентябрь — кузги тенгкунлик куни Қудёс осмон экваторини шимолий яримшардан жанубий яримшарга кесиб ўтади. «Фан ва турмуш».

ТЕНГЛАМА мат. Таркибида ўзаро боғланган икки ёки бир неча номаълум катталиклар (сонлар ёки функциялар) бўлган математик тенглик. Биринчи даражали тенглама. Квадрат тенглама. ■ Кимёвий реакциянинг шартли равишда символлар ва формулалар билан ёзилиши «кимёвий тенглама» деб аталади. «Кимё» дарслиги.

ТЕНГЛАМОҚ 1 Тенг қилмоқ, тенг ҳолга келтирмоқ. Ёғочларни бир-бири билан тенгламоқ. Ҳажмини тенгламоқ.

2 Тенг деб билмоқ; тенглаштирмоқ, қиёсламоқ. Бизнинг Фарғонани ҳеч бир ерга тенглаб бўлмайди. Мирмуҳсин, Умид. Тош-

қин Амударёни Тенглаб бўлмас сой билан. Х. Сеитов. Қудрат ўзини Мунисхонга тенглаб кўрди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ТЕНГЛАШМОҚ 1 Бирор жиҳатдан, (мас., мавқеи, ҳуқуқи, билими, ҳажми ва ш.к. жиҳатидан) бошқа билан тенг, барабар бўлмоқ, барабарлашмоқ. Кучлар тенглашди. Уйинда ҳисоб тенглашди. ■ Бобур мирзо отдан тушганда, бўйи ўсиб, катта йигитларга тенглашиб қолгани билинди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Умурзоқ ака қишлоқ тарафдан отни йўрғалатиб келиб, уларга тенглашиб олди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Кураш, баҳс ва ш.к. да тенг бўлмоқ, тенг бўлишга ҳаракат қилмоқ. -Уэр айт, болам. Золим билан тенглашма! — деди чол. Ойбек, Танланган асарлар. Сиз билан тенглашиш келинимнинг итига ор, мушугига ному. С. Зуннунова, Янги директор.

ТЕНГЛАШТИРМОҚ 1 Тенглашмоқ фл. орт. н. Кучларни тенглаштирмоқ. Экинларни тенглаштириб олмоқ. Болаларни билим жиҳатидан тенглаштириб олмоқ. ■ Ҳакимбойвачча.. оиласи билан ҳеч қандай оилани тенглаштирмас эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қиёсламоқ, таққосламоқ, ўхшатмоқ. Онам мени иш учун туққан эмас. Сен мени ким билан тенглаштирасан? Ойбек, Танланган асарлар.

ТЕНГЛИК 1 Тенг ҳолатга эгалик, тенг ҳолатлилиқ (ҳажм-ўлчам, сифат, мавқе ва б. жиҳатдан). Учбурчаклар тенглиги. Кучлар тенглиги.

2 ҳуқ. Жамиятдаги барча шахс, гуруҳ, қатлам ва ш.к. нинг қонун олдида барабарлиги, тенг ҳуқуқлилиги; ҳақ-ҳуқуқда барабарлик. Тенглик бермоқ. Тенгликка эришмоқ. Тенглик — кенглик. Мақол. ■ У ерда тенглик ва дўстлик, севги ва меҳнат — оила бахтининг манбаи. Ойбек, Нур қидириб.

3 мат. Муайян катталиклар ўртасида бир катталик иккинчисига тенг эканини кўрсатувчи ўзаро нисбат. Учбурчаклар тенглиги. Тенглик ишораси (=).

ТЕНГЛИКДА рвш. кам қўлл. Барабар, биргаликда, бир вақтда. Иккиси [кутидор билан Отабек] тенгликда қушбегига қарши чўккаладилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ТЕНГСАЛМОҚ шв. Селкилламоқ, солланмоқ. Қараса, ўша ўзини алдаган паризод..

қалқиб, минган оти йўлдан чиқиб, тенгсалиб, терваниб.. бораётган экан. «Муродхон». Бойсарининг уйин кўриб, Ҳар ёққа тенгсалиб ўтди.. «Алломиш».

ТЕНГСИЗ 1 Тенги, мисли йўқ, мислсиз; ҳалдан зиёд. Тенгсиз гўзал қиз. Усўз санъатида тенгсиз эди. ■ -Ўзим кўрмадим, — деди Офтоб ойим, — аммо кўргувчиларнинг сўзларига қараганда, ўхшашиз кўркем, тенгсиз ақлли бир йигит эмиш. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Фашист газандалари халқ хўжалигига тенгсиз зарар етказдилар. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бирор жиҳатдан (мас., мавқе, ҳақ-ҳуқуқ, куч-қудрат ва б. жиҳатдан) тенг келолмайдиган, тенг бўлмаган. Тенгсиз билан тенг бўлма! Мақол. ■ Мақол бор: орзуга айб эмасдир, Йигитман, менга сен тенгсиз демасдир. Ҳабибий. Биз мамлакат ичкари-сидеги қисмларни чегарага тўплай олмадик. Биринчи кунларда тенгсиз жанглр бўлди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЕНГСИЗЛИК 1 Тенг бўлмаган ҳолат; эгалик, мавқе, даража ва ш.к. да тенг эмаслик; тенгсиз ҳолат. Ҳуқуқий тенгсизлик. Иқтисодий тенгсизлик. Ижкониятнинг тенгсизлиги.

2 мат. Муайян катталиклар ўртасида бир катталик иккинчисига тенг эмаслигини, ундан катта ёки кичиклигини кўрсатувчи ўзаро нисбат.

ТЕНГСИТМОҚ с.т. Тенглаштирмоқ, барабар қўймоқ. Менга тенгситмасин Тоҳирни ул Зухрои афлокким, У сувга фарқ эди, мен фарқи дарёйи хуни ишқ. Маҳжур.

ТЕНГ-ТУШ, тенгу туш Ёш жиҳатдан тенг, тенгқур(лар). Қани энди, у [Рустам-жон].. қаҳрамон бўлиш сирларини била қолса, енг шимариб, ишга тушса! Тенг-тушларидан аввал мақсадага эришса. И. Раҳим, Ихлос. Менга мотам тутиб, қора боғламанг, Тенгу тушим нозик бағрин доғламанг. Ҳамза. Қойил бўлдим мард йигитнинг ишига, Омон-эсон борсин тенгу тушига. «Муродхон».

ТЕНГҚУР 1 Ёш жиҳатдан тенг ёки унча фарқ қилмайдиган кишилар; бирга ўсиб катта бўлган ўртоқлар; тенгдош, тенг-туш. Тенгқурларим — беш йил бир аудиторияда ўқиган қадрдонларим — тўда-тўда бўлиб, сафарга отланишарди. Ҳ. Назир, Муҳаббат. Шу орада Алломиш.. қирқта тенгқур жўраси би-

лан Бойсарини излаб, Қалмоқ юртига бориб, қалмоқ шоҳга банди бўлиб қолди. «Алпомиш».

2 фольк. Муносиб, мувофиқ, мос. *Менга тенгқур бўлолмайсан, Кўнглигинанг қуриб кетсин.* Пўлкан.

ТЕНДЕНЦИОЗ [лот. tendo — йўналтирма, интиламан] Маълум тенденцияга, олдиндан ўйлаб қўйилган ғоя, фикр, қарор ва ш.к. ларга асосланган; ғаразли, бир ёқлама. *Тенденциоз мулоҳаза. Тенденциоз хулоса.*

ТЕНДЕНЦИОЗЛИК Маълум тенденцияга, олдиндан ўйлаб қўйилган ғоя, фикр, қарор ва ш.к. га асосланиш; шунга ишонтиришга интилиш.

ТЕНДЕНЦИЯ [нем. Tendenz < лот. tendere — йўналмоқ, интилмоқ] **1** Тараққиёт йўналиши; бирор нарсага қизиқиш, мойиллик, интилиш.

2 Маълум ўй-мулоҳаза, тасвир ёки асарнинг асосий мазмуни, ғояси. *Маълумки, 60—70-йиллар давомида тарихий киноленталар яратиш соҳасидаги ижодий тенденциялар янада ривожлантирилди.* С. Хўжаев, *Ўзбек тарихий фильмлари. Бундай асарларга қизиқишнинг сири эса, менимча, турмушдаги илғор тенденцияларни замонга, кишилар талабларига ҳамоҳанг.. бўладиган томонларини топиб, танлаб, саралаб олиб ёзиш билан боғлиқ.* Н. Сафаров, *Жасоратнинг давоми.*

ТЕНДЕР I [ингл. tender < tend — хизмат кўрсатмоқ] *т.й.* Бевосита паровозга тиркаладиган (уланадиган), сув ва ёқилғи захиралари, мойлаш-тозалаш ашёлари сақланадиган махсус вагон.

ТЕНДЕР II *икт.* **1** У ёки бу иш ва хизматлар мажмуини бажарадиган, маълум бир лойиҳа учун ускуна-жиҳоз ва материаллар етказиб берадиган фирма ёки компанияни — пудратчини аниқлаш мақсадида эълон қилинган танлов.

2 Очиқ турдаги ёки чекланган сонли иштирокчилар учун ёпиқ турдаги рақобатли савдо-сотиқ; буюртмани жойлаштиришнинг танлов шакли. *Очиқ тендер. Ёпиқ тендер.*

3 Халқаро бозорда машина-ускуналар харид қилиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, инженерлик хизматлари кўрсатиш учун танлов асосида буюртмалар бериш.

ТЕННИС [ингл. tennis] Тўр тутиб, иккига ажратилган майдонда ёки столда мовут қопланган резина коптокни ёки пластмасса шарчани капгирсимон мослама (ра-

кетка) билан уриб, тўр устидан ошириб (икки ёки тўрт ўйинчи иштирокида) ўйналадиган спорт ўйини. *Теннис коптоги. Стол тенниси. Теннис ўйнамоқ.* ■ *Болалар чуввос кўтариб, узоқда теннис ўйинида давом этардилар.* Ойбек, *Нур қидириб. Кенг, ёруғ залда шахмат-шакадан тортиб стол теннисига-ча бор.* «Саодат».

ТЕННИСКА Калта енгил, енгил трикотаж кўйлак. *Мўйлов стулга ўтирар экан, кўзи бир зум Зокирнинг эғнидаги чиройли шойи теннискада тўхтади.* П. Қодиров, *Уч илдиз. ..кўк сатиндан жуда ихчам тикилган тенниска буй-бастини жуда нозик ва хушбичим қилиб кўрсатарди.* О. Ёкубов, *Мирзатерак.*

ТЕННИСЧИ Теннис ўйновчи. *Боксчи, моҳир акробатчи, уста теннисчиларнинг ўзaro мусобақалари катта баҳсга айланди.* Р. Исҳоқов, *Эпчиллик ва довюраклик.*

ТЕНОР [итал. tenore — асосий овоз] *мус.* **1** Эркакларнинг энг юқори овози. *Тенор, товушининг характериға қараб, драматик [кучли] ҳам лирик [юмшоқ] бўлади.* И. Акбаров, *Музыка саводи.*

2 Шундай овозга эга бўлган ашулачи. *Хорда тенорнинг овози алоҳида ажралиб туради.*

3 Пуфлама чолгулар оркестри таркибига кирадиган мис пуфлама чолғу асбоби.

ТЕНТ [ингл. tent < лот. tenda — чодир, палатка] Куёш ва ёмғирдан сақланиш учун матодан қилинган шийпон, соябон (пляж, палуба ёки кўчада). *Тентнинг чети кўтарилиб, кабинадан кимдир эриниб туша бошлади.* Ш. Холмирзаев, *Сайланма.*

ТЕНТАК I Тўғри фикр юрита олмайдиган, ақли норасо, эси паст. *Тентак бола. Тентак тўрини бермас.* Мақол. ■ *Равшанбек шу ерда қип-қизил тентакка чиқиб қолди.* «Равшан».

2 Ақлдан озган, телба, девона; жинни. *Олти ойда Марям тентак бўлганмиш, Эшон эшигида шўрлик ўлганмиш.* М. Алавия. *Қишда ялангоёқ юрган кишини кўрганлар уни, албатта, тентак бўлса керак, деб ўйлайди.* «Фан ва турмуш». *Ҳамишра Аҳмадга тентакларга қарагандек назар ташлади.* Ф. Мусажонов, *Ҳиммат.*

3 Шундай шахсга нисбатлаб, одатда, ўз яқин кишисига қарата (эркалаш, енгил ҳазил билан) айтиладиган сўз. *-Дарров бўл,*

тентак! — деди кулиб Толиб. Ҳ. Шамс, Душман. -Вой тентагим-ей. дўстнинг дўстлиги киши бошига кулфат тушганда билинади, қизим! С. Анорбоев, Оқсой. -Тентак! — деди Адолат ҳам жаҳл, ҳам эркалаш билан.. С. Зуннунова, Гулхан.

4 кўча кам қўл. Жиловланмаган, асов, телба. Тентак дарё. ■ Мен сувингдан куч олсам, Тентак елдан ўч олсам. З. Дийр. Гоҳида ўшандоқ тентак хаёллар Сендан воз кечмакка қистайди ҳаргиз. Р. Парфи.

ТЕНТАКЛАРЧА рвш. Тентаклар каби; ақлдан озган, жинни бўлган кишига ўхшаб. [Отабек] Ўз-ўзига сўзланиб, Марғилон кўчаларида тентакларча югура бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕНТАКЛИК Тентакка хос иш, хатти-ҳаракат. Азизим, мен тентаклик қилиб ўйдан кетганим йўқ. «Саодат». Бойлик билан иши бўлмаган Аҳмадга Қажумхоннинг керилиши тентакликдек туюлди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТЕНТАКҚУШ Қумурсқа ва ҳашаротлар билан тирикчилик қиладиган, боши катта, ясси, тумшуги кенг ва қисқа тун қуши.

ТЕНТИМОҚ кам қўл. қ. **тентирамоқ**. Ваҳобжон шу кунни кечгача шаҳар кўчаларида тентиб юрди. С. Аҳмад, Пойқадам. Ташқарида қор аралаш ёмғир саваламоқда, совуқ шамол тентиб, гоҳо коридор ичига ҳам ўзини урмоқда. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТЕНТИРАМОҚ 1 Аниқ бир мақсадсиз кезиб юрмоқ, бекорга санқиб, вақт ўтказмоқ, кезмоқ. У [Ёрмат] бутун кун қуйиб-ёниб, боши оққан ерларда жиннилардай тентираб, хуфтон бақтида бойниқига санқиб келиб қолди. Ойбек, Танланган асарлар. У кўп тентираб чарчагани устига, сингисини узоқ ёлғизлатиб қўйганидан хижолатда эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Кун бўйи тентирагани тентираган. Ҳўкиздай йигит бўлиб қолганидан хабари йўқ. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Сарсон-саргардон бўлмоқ, саргардонликда юрмоқ. Сенларнинг зулмингдан қанча одамлар тентиради. Ўз қишлоғига ўзи сиғмади. П. Турсун, Ўқитувчи. Ахир, нима дейсиз, оқмиз демай, совуқмиз демай, кетингизда бир йил тентирадик. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

3 кўча Кезмоқ, эсмоқ; изғимоқ. Даштнинг салқин шамоли тентираб, чодирнинг ипагини енгил мавжлантиради. Ойбек, На-

войи. Ер устида булутлар сояси тентираб қолди. М. Мансуров, Ёмби.

4 шв. Чарчаш, касаллик ва ш.к. натижасида чайқалиб юрмоқ, гандиракламоқ. У [Саидий] маст кишидай тентирар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. У [Мухторхон домла] ярим йўлгача чамадонларни озод кўтариб, бардам қадам ташлаб борди-ю, ундан нари ранги оқариб, тиззалари қалтираб, тентирай бошлади. А. Қаҳҳор, Тўйда аза. Майдон бирдан қўзғалди. Бошига қон қуйилган, кўзлари қипқизил одамларнинг қад кўтарганлари тентираб кетди, белини ёзолмаганлари қичқириб юборди. А. Мухтор, Чинор.

5 шв. Нима қилишни билмай қолмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ; саросимага тушмоқ; эсанкирамоқ. Жанжалнинг фойдаси шундан иборатки, Эҳсон енгилса, тентирайди, ёрдам берадиган киши излайди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ТЕОДОЛИТ [юн. theomai — қарайман + dolichos — узун] Очiq жойларда горизонтал ва вертикал бурчакларни ўлчаш учун ишлатиладиган геодезик асбо.

ТЕОЛОГ Теология бўйича мутахассис, илоҳиётшунос. *

ТЕОЛОГИК Теологияга оид; теологияга асосланган; илоҳий.

ТЕОЛОГИЯ [юн. theos — худо + logos — сўз, тушунча; фан] Худонинг моҳияти, дин ва диний ақидалар тўғрисидаги диний таълимотлар мажмуи; илоҳиёт.

ТЕОРЕМА [юн. theorema < theoreo — қарайман, ўйлаб қўраман] мат. Тўғрилигига исбот этиш, қатъий мантикий мушоҳадалар юритиш орқали ишонч ҳосил қилинадиган даъво. Пифагор теоремаси. Виет теоремаси. ■ Теоремалар математик тушунчаларни ўзаро боғлайди.. «ЎЗМЭ».

ТЕПА 1 Ер сатҳидан баланд, дўнг жой; тепалик, баландлик. Ҳадемай ўнг томондаги тепалар, ундан наридаги тик қоялар устида офтоб порлайди. Мирмуҳсин, Меъмор. Суюн оға гаранг, дардли, оч ҳолда тепа устига чиққач, яна боягидек, орқа-олдига қаради. Н. Фозилов, Дийдор. Шу тепалар нишабиди камарлар бор. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Умуман, бирор жой, маконга нисбатан юқоридаги жой, ер. Тепадан қараган кишига бу ариқча илон изидек эгилиб, букилиб, ўзининг ўқида айланаётганга ўхшаб кўринар эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Нигора у ёқ-бу ёққа қаради: юқорида Қашқатов, пастда

қалин арчазор, ўнг ва сўлда тепа.. С. Анорбоев, Оқсой.

3 Бирор нарсанинг юқори қисми, усти. *Аризанинг тепасига имзо қўймоқ. Дарахтнинг тепасида бир қуш ўтирибди. Қабр тепасини майса қоплаган. ■ Ташаккур, устод! Агар энг баланд минора тепасига гишт қўйсин, десангиз ҳам биз рози.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Кўп миқдорда уйилган нарсалардан ҳосил бўлган баландлик, дўнглик. *Гўнг тепа. Қул тепа. Қум тепа. ■ Бу тупроқ тепа уч кишининг қабри бўлиб чиқди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Уч-тўрт юз инсон бошидан турғизилган бир тепа! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

5 Киши устидаги бўшлиқ, осмон, фалак; юқори. *Самолёт тик тепага кўтарилди. Қуёш қоқ тепага келди. ■ Тепадан офтоб уриб турибди. С. Аҳмад, Томоша. У ўз овозидан уйғониб кетиб, кўзини очганида, тепада ой сузар, ҳамма ёқ жимжит.. Мирмуҳсин, Меъмор. Тепадан вағиллаб самолёт учиб ўтди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.*

6 Нисбатан юқори қисмда бўлган, жойлашган; устки. *Ўроз тепадаги қозикдан дўмбирасини олди.. Ойбек, Танланган асарлар. [Толнин] Тепа шохига қурувчилар прожектор ўрнатишган экан, ҳозир атрофни сутдай ёритиб, кўзни қамаштиради. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Устки қатордаги сўйлоқ тишларидан иккитаси тепа лабини ёриб чиққанини.. кўрган киши ўқиб юборарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

7 археол. Пахсадан ишланган қадимий иншоотларнинг харобалари ва уларни тўлдирган маданий қатламлардан ҳосил бўлган дўнглик.

8 3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п.к., ч.к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади ва макон муносабатини ифодалайди. *Адолат ухлаётган жувоннинг тепасига борди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ботирали Ойшабонуну бир қўли билан четга сурдида, боининг тепасига энгашиб, кўрпани очди. Ҳ. Фулом, Машғал. Ўтган куну шу икки йигитни қозон тепасида эт олаётганларида кўрган эдилар. Мирмуҳсин, Меъмор. Кейин, пиёлани бутилкага уриб, тепасида парвона бўлиб турган хотинига ўшқира кетди.. «Муштум».*

Икки қўли бир тепа Бошни чангаллаб, қуруқдан-қуруқ, ҳеч нарсасиз. [Мастура:] Доимо ҳузур-ҳаловати шуларга-ю, икки қўли

бир тепада мен қоламан. Ҳамза, Паранжи сирлари. *Болаларимни етакладим-да, икки қўлим бир тепа, бойнинг даргоҳидан кетдим.. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. Тепа сочи тикка бўлмоқ* Фоят ачиққланмоқ, газабга келмоқ. -А?! — Раҳимнинг тепа сочи тикка бўлиб, кўзлари қинидан чиқаёзди. -Бекор! Ҳаммаси бекор. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Тепасига чиқмоқ (ёки минмоқ)** Ўз ҳукмини ўтказмоқ, бошига чиқиб олиб, менсимай қўймоқ. *Шунча ўқибди — бас, бундан ортиқ ўқиса, тепангга чиқиб кетади. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

ТЕПАКАЛ Бошининг тепа қисмидаги сочи тўкилиб кетган, силлиқ. *Тепакал одам. ■ Терговчи ёш бўлса ҳам, сочлари тўкилиб, тепакал бўлиб қолган, тирноқларигача заҳар бир одам экан.. О. Ёкубов, Излайман. Лафзий дивандан шиддат билан туриб, дастрўмолини тепакал бошига ёпди-да, лапанлаганича бориб, буюфетни очди. Э. Носиров, Мускат.*

ТЕПАЛАМОҚ 1 Ҳавога, осмонга кўтарилмоқ, баландламоқ. *Ракета тепалаб кетди. Қуш тепалаб учди. Снаряд тепалаб ўтди. 2 кам қўлл. Нарсаларни бир ерга тўшлаб, баландлик ҳосил этмоқ. Қўлида тепалаб жазиллама қайноқ сомса уйилган лаганни кўтариб, оқсоч кирди. Ойбек, Улуғ йўл.*

ТЕПАЛИК Нисбатан катта ва баланд жой; баландлик, дўнг, тепа. *Тепаликка чиқмоқ. Тепаликни эгалламоқ. ■ Узоқдаги тоғлар ва тепаликлар тусларини йўқотиб, тобора қуюлаётган тун қучоғига сингиб бормоқда. П. Турсун, Ўқитувчи. Баланд тепалик устига қурилган Аҳси қалъаси тун оғушида тоғ қоясига ўхшаб қорайиб кўринади. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.*

ТЕПАҒОН айн. **тепонғич**. *Тепағон от. ■ Бу ўлғудек қайсар, тепағон.. эгасини ҳам танимайдиған, калтак ўтмас эшак эди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.*

ТЕПИНМОҚ; ер тепинмоқ 1) такрор (давомли) ҳолда оёғини (туёғини) ерга урмоқ. *Жонивор тинир-тинир қилади, бош чайқайди, ер тепинади, дум силкитади. А. Қодирий, Улоқда. Бечора чирқираганча, бирикки ер тепиниб фарёд қилди. Мирмуҳсин, Ал-Маҳдий. -Қаерда юрибсан? — ер тепинди соқчи. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.*

ТЕПКИ I 1 Оёқ билан берилган зарб. *Худойқул бир нафас ғингишиб ётди. Тепкидан*

оғриган жойларини секин-аста силади. П. Турсун, Ўқитувчи. *Бола кўрсатилган иккинчи сўзни ўқийман деб турганда, синф эшиги қаттиқ тепкидан ланг очилиб, ичкарига совуқ ёпирилиб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

От тепкисини от кўтаради Тенг кучлилар бир-бирига бас кела олади, чидаш бера олади, деган маъноли мақол. **Тепки емоқ** 1) тепки зарбига учрамоқ, тепилмоқ. *Мамарайим, эгасидан тепки еган итдай, орқага чекинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) хўрланмоқ. [Йўлчи:] *Чидай олмадим, мулла ака.. Мен ҳам одам фарзанди, токайгача тепки ейман.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тўп, замбарак каби отиш қуроллари-дан ўқ узилганда, унинг орқага берадиган зарби. *Тўпнинг тепкини камайтирадиган қурилмаси.*

3 Ўқ отадиган қуроллarning отиш механизмини ишга солувчи қисми. *Пулемёт тепкиси. Тўпдонча тепкиси.* ■ «*Отайми, отмайми!*».. Ўнг қўлининг бармоғини милтиқ тепкисига юбориб, уни босаётган жойда яна тўхтади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Маҳаллий тўқши дастгоҳининг оёқлар билан галма-гал босиб, дастгоҳни ишга тушириш, унинг мунтазам ишлашини таъминлаш учун хизмат қиладиган қисми. *Ҳожияхон бўз тўқшини энди ўрганган, ўнг қўли тасма ғалтакни тортса, чап оёғи тепкини босолмас, ўнг оёғи тепкини босса, чап қўли гулани жуфтлюлмас эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 Дастгоҳнинг шу қисmini босганда тўқилиб, зичланган моки иппи. *Атласнинг тепкиси қанча кўп бўлса, абр безакдан олинадиган таассурот шунчалик зўр бўлади.* Газетадан.

Саккиз тепки атлас Қалин, юқори сифатли атлас. *Яна юриб кетади саккиз тепки гул атлас, Чивик беқасамларнинг олаговур бозори.* Ғ. Фулом. **Тепки машина** Махсус тепкиси, педалини оёқ билан босиб юргизиладиган тикув машинаси. *Ойим тепки машинада Донога кўйлақ тикиб ўтирган экан.* Х. Тўхтабоев, Сарик девни миниб.

ТЕПКИ II тиб. 1 Асосан, болаларда учрайдиган, кулоқ олди безининг яллиғланишидан иборат ўткир юкумли касаллик. *Тепки кўпроқ қиш, баҳор фасларида учрайди.* И. Фозилов, Тепки. *Тепки касали билан ҳамма ёшдагилар ҳам оғриши кузатилади.* «Саодат».

2 Айрим касалликлар туфайли пайдо бўладиган майда, пуфакчасимон қизил доғлар; тошма, гул. *Қизилча касали.. юқадиган бўлиб.. иккинчи кунда кишининг танига қизил тепкилар чиқади.* 3. Тоҳирий, Соғлиқни сақлаш.

ТЕПКИЛАМОҚ 1 Оёғи билан кетма-кет зарб бермоқ, такрор-такрор тепмоқ. *Бир-бирини тепкилаб уришмоқ. Тепкилаб лой пишитмоқ.* ■ *Ўнг аравага роса тепкилаб босилган, ғилдираклар юк зўридан ғижирлар, қўш от уни базўр тортар эди.* Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. *Устига чиқиб тепкиласа ҳам, жигарники ўтмас экан.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ғазаб ўтида ёниб, кампирнинг юзига тарсаки туширди, суяклари чиқиб турган белига тепкилади.* «Муштум».

2 Босиб пайҳон қилмоқ, йўқ қилмоқ; топтамоқ. *От туёғи тепкилаб кетган Лолазорлар ўтар хаёлдан.* Ҳ. Шарипов. [Афанди] *Ўқизни тутди, уйига олиб кириб: -Жаззойи киши бировнинг экинини тепкиласин! — деб сўйиб юборди.* «Латифалар».

ТЕПЛИЦА [р. тепло — «иссиқ, иссиқлик» с. дан ясалган от] қ. **ИССИҚХОНА** 2. *Бу жойдан колхоз клуби, ГЭСи, теплицадан тортиб электр тегирмонигача кўринар экан.* А. Муҳиддин, Ошналар. *Умид уларга.. атрофдаги янги нав экилган карталарни, теплицани, ичкарига олиб кириб, лабораторияларни кўрсатди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТЕПЛОВОЗ [р. тепло — иссиқ, иссиқлик + воз(ить) — ташимоқ, судрамоқ] Ички ёнув двигатели ўрнатилган, унинг ёрдами билан юрадиган локомотив. *Биринчи йўлда «ҳап-хўп, ҳап-хўп»лаб турган тепловоз сўнгги марта қичқириб, составни тортиб кетди.* Ҳ. Фулом, Феруза. *Оғир юкли поездларни тортаётган замонавий тепловозлар оғиримизни бир неча минг марта енгилаштирмоқда.* Газетадан.

ТЕПЛОИЗОЛЯЦИЯ [р. тепло — иссиқ, иссиқлик + изоляция] 1 Турли иншоот ва қурилмаларни иссиқ таъсиридан сақлаш ҳамда иссиқликнинг йўқолишига йўл қўймаслик учун уларни иссиқлик ўтказмайдиган материал билан қоплаш, ўраш.

2 с.т. Шундай мақсадда ишлатиладиган ўраш материали.

ТЕПЛОТЕХНИКА Теплотехникага, яъни саноат йўли билан иссиқлик ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш техникасига оид.

Кўмирнинг теплотехник сифати. Теплотехник ҳисоблаш усули.

ТЕПЛОТЕХНИКА [р. тепло — иссиқ, иссиқлик + техника] Фан ва техниканинг иссиқлик энергияси ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланадиган соҳаси.

ТЕПЛОХОД [р. тепло — иссиқ, иссиқлик + ход(ить) — юрмоқ, ҳаракатланмоқ] Ички ёнув двигатели ўрнатилган, унинг ёрдами билан юрадиган кема. *Хўжайли пристанига келган пароходлар, теплоходларнинг кети узилмайди.* Р. Ешимбетов, Дарға.

ТЕПМОҚ 1 Оёқ билан зарб бермоқ. *Копток тепмоқ. Эшикни тепиб очмоқ. Итни қопмас деб бўлмас, отни тепмас деб бўлмас.* Мақол. ■ У[Соли совук] шошиб-пишиб, Азим бойваччанинг кўкрагидан итариб эди, Азим унинг киндигига ўхшатиб тепди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Полвон уни бир тепиб, ерга ағнатди-ю, бўғзидан босиб тураверди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Оёқ босиб, тепкилаб бирор иш қилмоқ. *Том тепмоқ. Лой тепиб пишитмоқ.* ■ Кечалари шинни учун узум тепадилар, кундузи уларни аравалаб шаҳарга ташийдилар. Ойдин, Ямоқчи кўчди. *Лой тепиш, лой қориш ишлари қилинмайди.* «Муштум».

3 Ўқ узиш ёки бошқа бир иш пайтида зарб билан орқага силжимоқ, урмоқ. *Бу шилтиқ қаттиқ тепар экан.* ■ Нима бало бўлди, машинанинг ручкаси тепиб олдим, дейман.. И. Раҳим, Шонли авлод.

4 кўчма Ритмик ҳаракат қилмоқ, дукилламоқ, урмоқ (юрак ва қон томирлари ҳақида). *Юрагим гурс-гурс тепади.* ■ Улар [йигит билан қиз] дарвоза тагига ўтирдилар ва шу зайл бир неча вақт нафасларини ютиб, гўё бир хилда тепаётган қалбларини тинглаб, индамай қолдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. *Башорат ўзининг оқариб кетганини сизди, чакка томирларида қон гушллаб тепарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 кўчма Тепага, юзага (сиртга) кўтарилиб чиқмоқ, кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Қизамиқ сиртга тепди. Сизот сувлар ер бетига тепиб чиқди.* ■ Тер кучли ишқорли реакция беради ва у танага тепиб, шўрга айланади. «Фан ва турмуш». Нима учундир юраги ҳовлиқар, тез-тез урар эди. Юзига қон тепган. Шухрат, Шинелли йиллар. Онанинг дили ўғлининг юзига тепиб чиққан аламли норози-

ликни, аниқ бўлмаса ҳам, дарров сезган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

6 Баъзи сўзлар билан бирикиб, нарсанинг шу сўз билдирган жойга уриши, етиши маъносини билдиради. *Ана, ғўзаларимизга ўзингиз бир қаранг, белга тепади-я! М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Белига тепмоқ Ўзи боғланиб келган сўз билдирган нарсанинг бўлишига ҳалақит бермоқ, уни узиб, тўхтатиб қўймоқ маъносини билдиради. *Ишнинг белига тепмоқ. Гапнинг белига тепмоқ.* ■ Э-э, сенмисан? Аммо уйқунинг ҳам белига тепдинг-да! Тинчликми ўзи? О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Бу орада роталардан маълумот олиб келган алоқачилар суҳбатнинг белига тепди.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Бурга тепди** Тоби қочган кишига нисбатан қўлланади. *Сизни қанақа бурга тепди, ётиб олибсиз?* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. **Орқасига тепмоқ** Воз кечиб ҳайдамоқ, қувмоқ. *Дунё ялиниб келган вақтда шоҳ Машраб унинг орқасига тепган эканлар.. дунё ўзи бевафо, орқасига тепсанг арзийди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тилаб олган боламни эчки тепиб ўлдирди** Зўрға, жуда қийинчиликлар билан эришган нарсасидан айрилганлик, маҳрум бўлганликни ифодаловчи мақол. **Тўйдирганинг қорнига тепмоқ** Яхшилик, ҳиммат қилган, қўллаб-қувватлаганга ёмонлик билан жавоб бермоқ маъносидаги ибора. *Энди тўйдирганининг қорнига тепма-да.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. **Ўлганинг устига (чиқиб) тепмоқ** Бирор ёмон ҳолатнинг устига яна бошқаси юз бериши маъносидаги ибора. *Колянинг ҳақорати қалбини наштадек тилган Фотима опага одамларнинг таънасини эшитиш ўлганинг устига тепгандек бўлди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *..қўлингда хатинг бор, ўлганинг устига чиқиб тепгандек, хат-хабарсиз қўйма!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕПОНҒИЧ Тепиш одати бор, тепадиган, шатталаб юборадиган; тепагон. *Тепонғич сизир. Тепонғич от.*

ТЕПСА-ТЕБРАНМАС с. т. Ҳеч гап қор қилмайдиган, бирор иш қилдириш жуда қийин бўлган, ортиқ даражада беғам, бепарво; оғир қарвон. *Тепса-тебранмас одам.* ■ Инсон соғлиги учун шунчалик жон куйдириб, баъзи тепса-тебранмас консерваторлар билан олишиб юрган экан, демак, яхши қиз бўлса керак? С. Анорбоев, Оқсой.

ТЕПСИНМОҚ қ. **депсинмоқ**. Қайдан парвоз этиб келдинг бемахал, *Отинг тепсинади, ўзинг ўзга ҳол. «Тоҳир ва Зухра».*

ТЕПЧИК Дўппи, тўн ва ш.к. нинг махсус қавиғи; ипни сиртга чиқармай тикиладиган майда қавиқ. *Дўппи тепчиги. Тепчиги йирик дўппи. ■ Жуда қўпол бир тепчик. Тепаси чўққи, кичик, Кизаги салкам сара, Жияяг ўн уч иплик. Ф. Ғулом. Аксар дўппилар тепчигидан қирқилиб, пилтаси кўриниб туради. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ТЕПЧИКЧИ Дўппи, тўн ёқаси ва ш.к. ни майдалаб қавийдиган, тепчийдиган шахс. *Тепчикчининг бошида Каттагина кўргулик! Уйдан чиқмиш яқинда Арслондай йигит — ўлик. Ф. Ғулом.*

ТЕПЧИМОҚ I 1 Дўппи, ёқа ва ш.к. ни ипни сиртга чиқармай майда қавимоқ, тепчигини тикмоқ. *Дўппи тепчимоқ. ■ Онам лампа ёнига ўлтириб, жияк тепчишга киришди. Ойбек, Болалик.*

2 Тўрлаб тикмоқ, чатмоқ. *Костюмнинг миҳ илган жойини тепчиб қўймоқ.*

ТЕПЧИМОҚ II Юзага тепиб, сизиб ўтиб кўринмоқ; юзага тепмоқ. *Доканинг ҳар ер-ҳар ерига тепчиб чиққан қонга кўзи тушди ва шундагина бутун бадани зирқираб оғриётганини, айниқса, кўкрагининг ўнг томони кучлироқ оғриётганини сизди Адолат. С. Зуннунова, Гулхан. Унинг юзига тепчиб чиққан ташвиш аломатини келин дарров пайқар.. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.*

ТЕР I Тер безлари ажратиб чиқарадиган тиниқ суюқлик. *Баданидан тер чиқди. Терга ботмоқ. Пешонасини тер босди. Аъзо-йи баданидан тер қуйиларди. Тер безлари. ■ Унинг елкасига ва туртиб чиққан белига тердан намиққан қўйлаги ёпишиб қолган. С. Анорбоев, Оқсой. Пешонасидан дўлдай оқаётган терларини ўнг қўли билаан ҳаллослаб артаётган мингбошига Соли совуқ жийдагул пиёлада кўк чой тутди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 кўчма Меҳнат. *Ер куч билан, тер билан унум беради. Ойбек, Танланган асарлар.*

Жон терига тушмоқ 1) қаттиқ тиришмоқ, бор кучини сарфламоқ. *Жон терига тушиб ишламоқ;* 2) қаттиқ азобланмоқ, азобнинг, оғриқнинг зўрлигидан мажолсизланмоқ, ҳолдан тоймоқ. *Отлар жон терига тушиб кишнаганларича йиқила бошлади, оёқлари от остида қолган суворилар ҳам мер-*

ганларнинг ўқини еб, ер тишлаб қолавердилар. М. Осим, Искандар ва Спитамен. Пешона тери қ. пешона. Ҳаммаси сену мандақаларнинг пешона теридан бино бўлган. П. Турсун, Ўқитувчи. Ахир камбағал халқ ўз қўл кучи, пешона тери билан кун кўришга ҳам илож тополмай қолди. Ойбек, Танланган асарлар. Тер тўкмоқ Меҳнат сарфламоқ, астойдил меҳнат қилмоқ. *Мен кучимни, теримни тўкай, фойдасини сояпарвар бойлар кўрсин.. Қани инсоф! Ойбек, Танланган асарлар. Иш шароити ниҳоятда оғир эди. Ҳар кун 12—14 соатлаб тер тўкишга тўғри келарди. Т. Алимов, Ҳақиқат енгди.*

ТЕРАК Толдошлар оиласига мансуб, пўстлогли кўкиш ёки оқиш, тик ёки шохлаб, тарвақайлаб ўсадиган дарахт (танасидан, асосан, қурилиш материали сифатида фойдаланилади). *Оқ терак. Тоғ тераги. Кўк терак. ■ Боғнинг қуйи томонида бир чизикда саф тортган баланд, адил тераклар. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТЕРАКЗОР Нукул тераклар билан банд жой, терак экилган майдон. *Қуёш теракзор орқасига ботаётган, ғарб уфқида алвонранг шафақ ёйилган ажиб оқшош эди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Ғуломжон.. даладаги теракзордан тўртта бақатеракни кестириб, тахта тилдирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ТЕРАН кт. 1 Бирор жойдан, мас., ернинг сатҳидан анча пастга — чуқурликка ўтиб кирган ёки анча пастдан — чуқурликдан бошланадиган; чуқур, чўнқир. *Ернинг теран қатламлари. Теран дарё. Теран қудуқ. Теран булоқ. ■ Унинг [М. Қосимовнинг] қиёфаси ва юриш-туришига саҳро сокинлиги, теран қатламлардан нам юқти топиб аста сўрадиган чайир саксовул томирларининг тўзимлиги асар қилганга ўхшарди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

2 кўчма Мазмун-моҳият жиҳатидан кенг қамровли, чуқур, кучли. *Теран фикр. Романнинг теран мазмуни. ■ Оналар, фақат масъуд оналаргина гўдак йиғисидagi теран маъноларни англай олиши мумкин. Э. Охунова, Ҳаёт гуллари. Икки кўзим сенинг йўлинг-да, Ўзим теран ҳаёлга ботдим. Ф. Шоди. Қалбимни алақандай тиниқ, теран бир мунг чулғаб олди. О. Ёкубов, Излайман. Халқ ҳаётини ғоятда теран тасвирлай билиш муаллифдан катта истеъдод талаб этади. Газетадан.*

ТЕРАНЛАШМОҚ Теранлик касб этмоқ. *Хаяжон ва қалб зарбаларининг эстетик функцияси, моҳияти ортди, айтиш мумкинки, теран ақл ва ижтимоий маъно билан теранлашди. «ЎТА». Адабиёт ҳафталиги сингари яхши анъана туфайли ғоят чуқур, кўҳна қардошлигимиз янада теранлашди.* Газетадан. *Ёш улғайган сари одамнинг хаёл денгизи теранлаша ва кенгая боради.* М. Қўшжонов, Дийдор.

ТЕРАНЛИК Теран ҳолат, теран ҳолатга эғалик. *Денгиз тубининг теранлиги. Ғоянинг теранлиги. ■ Портрет асарлари характерининг ёрқинлиги, қаҳрамон ҳиссининг теранлиги билан чегараланиб қолмайди.* А. Умаров, Портрет — даврнинг ёрқин ифодаси. *Уларнинг бу китоблари фикрининг теранлиги, соддалиги ва баён услубининг раволиги жиҳатидан илмий-оммабоп адабиётнинг энг яхши намуналаридан қолишмайди.* «Фан ва турмуш».

ТЕРАПЕВТ [юн. *therapeutes* — (касалга) қаровчи, ғамхўрлик қилувчи] Ички аъзолар касалликларини аниқлаш, олдини олиш ва даволаш билан шуғулланадиган мутахассис врач. *З.И.Умидова ҳозирги вақтда республикамизнинг энг йирик терапевтларидан бирдир.* О. Ризаев, Врач — олима.

ТЕРАПИЯ [юн. *therapeia* — парвариш, ғамхўрлик; даволаш] Тиббиётнинг ички аъзолар касалликларининг пайдо бўлиш сабабларини, ривожланиш механизмларини аниқлайдиган, даволаш йўллари ўрганадиган бўлими; шундай касалликларни даволаш усуллари. *Юрак терапияси. Терания курси.*

ТЕРБИЙ [< шу элемент кашф этилган жой — Швециядаги Йттербю (*Ytterby*) шахарчаси номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; пластик ва яхши деформацияланадиган, кумушсимон оқ металл.

ТЕРГАМОҚ 1 Текширмоқ, назорат қилмоқ; таъқиб остига олмоқ, кузатмоқ. *Хизиров киблик билан: -Маорифнинг ишини тергай олмайсиз. Нима қилсам, ўзим биламан, — деди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [Мастура:] *Шоҳ бўлсанг, сабаб ўғирлик қилган фуқароларингни тергамайсан?* А. Қаҳҳор, Башорат. *Чол болаларнинг ноҳўя ҳаракатларини тергаб, мудирга етказиб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳаммага адолат қилдинг, Қорахон,*

Тергамадинг бузуқ, баттол қизингни. «Равшан».

2 Ноҳўя ҳаракатларини назоратда тутиб, ундан тийиш хатти-ҳаракатларини, йўллари қилмоқ; ёмон йўлдан қайтариб турмоқ. *Мен сизга ўғилман, фарзандингизман. Уришишга, сўқишга, тергашга ҳаққингиз бор.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Қайлиқ сизники бўлгандан кейин, тергаш, тийиш ҳам сизникидир.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 ҳуқ. Тергов қилмоқ; тергов, сўроқ қилиб аниқламоқ. *Қўрбоши эса Отабекнинг устида ҳали бунчалик тергашлар борлиги учун ўзини бироз тўхтатиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕРГОВ 1 **Тергамоқ** фл. ҳар. н.

2 ҳуқ. Жиноят юз берган шароит, унинг сабаблари ва қатнашчиларини текшириш, сўроқ қилиш иши; жиноий иш бўйича далиллар йиғиш. *Дастлабки тергов. Тергов органлари. Тергов натижаси. Тергов ўтказмоқ. ■ Шербек районга жўнади. Уни яна терговга чақиришган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Район тергов идораларининг вакиллари томонидан жиноят содир бўлган жойда текшириш ўтказилиб, тегишли актлар тузилгандан кейин, жасадни аравага солиб, қишлоққа олиб келдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Тергов қилмоқ 1) бирор иш, ҳолат ва ш.к. юзасидан сўроққа тутмоқ, сўроқ қилмоқ. *Дадаси уни [Низомжонни] уйга бошлаб кирди-ю, ўтқазиб, тергов қила бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) ҳуқ. жиноят юз берган шароит, унинг сабаблари ва қатнашчиларини аниқлаш учун бунга алоқадор кишиларни сўроқ қилмоқ, тегишли далил ва ҳужжатларни атрофлича ўрганмоқ. *Айбдорни тергов қилмоқ. ■ У [мингбоши] аввало Ғуломжонни энг ичида тергов қилиб, энг ичида жазо бериш-у, шу билан ундан ўч олиш.. ниятида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЕРГОВСИЗ рви. ҳуқ. Сўроқ, тергов қилмай ёки бўлмайд, сўроқсиз, бесўроқ, бетергов. *Терговсиз қамокда ётмоқ.*

ТЕРГОВЧИ 1 Бировнинг хатти-ҳаракатини, юриш-туришини назорат қилиб, суриштириб, тергаб турувчи; ноҳўя ишдан, йўлдан қайтарувчи. *Нишонбойнинг кўзлари ваҳшиёна чақнаб шанғиллади: -Ҳа, сен терговчимни менга? Бор-бор, ўша..* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 ҳуқ. Бирор иш юзасидан дастлабки тергов ўтказувчи лавозимли киши. *Прокуратура терговчиси. Халқ суди терговчиси.* ■ Райондан келган терговчи уч кун овора бўлиб, жиноятчиларнинг изини тополмади. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироқлари.

ТЕРГОВЧИЛИК Терговчи иши, касби. *Терговчилик қилмоқ.* ■ Текширишни жуда яхши кўрасиз-а, домла! Илгари терговчилик ҳам қилганмисиз, дейман? М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

ТЕРИ I Одам ва ҳайвон танасининг ташқи қоплами, тана аъзоларини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилувчи ва турли физиологик вазифаларни бажарадиган пўсти. *Тери касалликлари. Қуённинг терисини шилмоқ.* ■ Тортқилаганда, [улоқнинг] териси айрилиб кетмайди. Бўлмаса, торт-тортда улоқ бутун қоладими! Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Молнинг, ҳайвоннинг шилиб олинган пўсти. *Шу ерда ишлайдиган одамлардан бири, йўқчилик важҳидан, бир кун бола-чақаси билан отнинг терисидан шўрва қилиб ичибди. А. Қаҳҳор, Миллатчилар. Хон бориб, арслон терисига ўтирди, Арслонбекни ўзининг ўнг томонига олди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

3 Мол пўстидан махсус ишлов бериб тайёрланган материал; чарм, кўн. [*Шокир ота*] *Терига сув пуркайди ва кўва билан дўқ-дўқ уриб, чармни текислайди. Ойбек, Танланган асарлар. Уйда бироз тери бор. Аммо тагчарм йўқ. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 кам қўл. Пўст, пўчоқ. *Териси қалин қовун.* ■ Боғдаги.. анорлар терисига сиғмай, тарс-тарс ёрилади. Ё. Шукуров, Уч савол.

Бир терининг ичида қўй неча озиб, неча марта семиради Киши ҳаётида неча хил ўзгаришларга, яхши-ёмон ҳолатларга тушиши мумкинлигини қайд этувчи ибора. - *Бир терининг ичида қўй неча озиб, неча марта семиради, — деди салмоқлаб бой, — кишининг бошига ёмон кунлар ҳам тушиши мумкин. Ойбек, Танланган асарлар. Териси юпқа* Унча-мунча гапни кўтара олмайдиган. *Ҳимм, териси юпқа аёл эмасми, шу гап баҳона бўлибди-ю, «Мени бўшатиб, қолоқ бригадага юборасизлар», деб туриб олибди. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. Териси қалин* Унча-мунча гап қор қилмайдиган, бети қаттиқ. *Териси қалин кассир эса: —Эласанг сен ҳам қил, — деб бўзрайиб тураверди. «Мушт-*

тум». Терисига сигмаслик Ниҳоятда хурсанд бўлмоқ. *Элчибек бу хабардан терисига сиғмай кетди. Ҳар ҳолда, дастлабки ғалаба. А. Мухтор, Туғилиш. Қувонч билан қўл бериб сўрашди. Теримга сиғмай кетдим. Ойдин, Ҳикоялар. Терисига (ёки терисини шилиб) сомон тикмоқ* Ниҳоятда қаттиқ жазоламоқ. *Яхшики, бояги гапларингизни ўғлим эшитмади, йўқса, терингизга сомон тикқан бўлар эди.. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Менга дўпписи эмас, ўзи керак. Ўзини тириклай тутиб кел! Терисини шилиб, сомон тикмагунимча хумордан чиқмаман. Н. Сафаров, Қўрган-кечирганларим. Терисини шилмоқ (ёки шилиб олмоқ)* Бор-йўғини қоқлаб олмоқ, ҳамма нарсасини тортиб олмоқ. *Унинг [Мусулмонқулнинг] ўз кайфича ойда эмас, ҳафтада солиб турган солиқлари фуқаронинг терисини шилса.. остириб, кестириб туриши хосни ҳам эсанкиратди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ТЕРИ II Хамирни юпқа ёйиб, учбурчак, тўртбурчак шаклида кесиб, ёғда пишириладиган таом. *

ТЕРИМ Ҳосилни териб, йиғиб олиш (асосан, пахта ҳосили ҳақида). *Биринчи терим. Иккинчи терим. Терим машинаси. Бу йил терим эрта бошланди.* ■ Мана, гўзалар кўз оча бошлади. *Ҳадемай терим ҳам бошланиб қолади. «Муштум». Қайси кун отаси: «Иккинчи теримга қачон тушасиз», дегандек эди. Қизик, пахталар ҳеч терилганга ўхшамайди-ку?! М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ТЕРИМЧИ Далада етилган пахта ҳосилини қўл билан териб, йиғиб олувчи. *Илғор теримчилар.* ■ У икки қўллаб терувчи, чевар теримчи. *И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. Вали ака ўғлига хирмон қилинадиган жойни кўрсатиб, ўзи теримчиларни Мадаминхўжанинг пахтазорига.. бошлаб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Атлас қўйлақ ярашар, Теримчи қиз бўйига. План тўлганда келинг, Пахта-хоннинг тўйига. Уйғун.*

ТЕРИФУРУШ Тери савдоси билан шуғулланувчи, тери сотувчи шахс. *Кимсан — терифуруш, фалончи бой. Ойбек, Танланган асарлар. Терифуруш бойнинг уйига тушганларга қаттиқроқ тайинланг.. энасининг уйидек бахузур ётаверишмасин. К. Яшин, Пьесалар.*

ТЕРЛАМА тиб. Кучли иситма чиқариш, қалтиратиш билан характерланадиган оғир

юқумли касаллик; тифнинг бир тури. *Ўша йиллари Собиржон терлама касали билан оғриб, тўсатдан вафот этди. Мирмуҳсин, Умид.*

ТЕРЛАМОҚ 1 Баданидан тер чиқармоқ, терга ботмоқ. *Бемор терлаб ётарди. ■ Сунбула ойининг мўътадил ҳавосига қарамасдан, Зайнаб маржон-маржон терлаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳозир бир пиёла ароқни шимирди-да, аччиқ қовурма шўрвани ичиб, бироз ўраниб ётгач, терлади. И. Раҳим, Ихлос.*

2 Тер билан қопланмоқ, терчиламоқ. *Дераза ойналари терляпти.*

3 кўча с.т. Астойдил меҳнат қилмоқ, тер тўкмоқ. *Бир дунё иш бор экан, кўп терлайсиз ҳали.*

ТЕРЛАТМОҚ 1 Терламоқ фл. орт. н. Аччиқ мастава уни бироз терлатди.

2 кўча с.т. Уялтирмоқ, қизарттирмоқ. *Улар [стахановчилар] лўнда гаплар билан қолақ цех бошлиқларини роса терлатдилар. А. Муҳиддин, Ҳаля.*

ТЕРЛАШ 1 Терламоқ фл. ҳар. н. Терлаш керак.

2 тиб. Организмни совитадиган физиологик механизмларнинг бири.

ТЕРЛИ Тер билан қопланиб турган. *Терли қўл. Терли юз.*

ТЕРЛИК Отнинг терини тўқимга ўтказмаслик учун тўқим тагидан қўйиладиган қалин намаз парча. *Омборхонадан от абзалларини: терлик, беллик, юган, эгарни қўлтиқлаб келдим. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. Бисмилло, деб солди отнинг устига Кимхоби майиндан бўлган терликни. «Алпомиш».*

ТЕРЛОҚ Тез терлайдиган, доим терлаб турадиган. *Терлоқ оёқ.*

ТЕРМА 1 сфм. Саралаб-саралаб йиғиб, бирлаштириб ташкил этилган, тузилган. *Терма футбол жамоаси. ■ Капсанчиларнинг кўпчилиги пахтани билмагани учун, бу экинни унча-мунча биладиган одамлардан терма бригадалар тузишни, бу бригадаларга тажрибали қарияларни бригадир қилиб тайинлашни таклиф қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинонро чироқлари.*

2 от фольк. Бахшилар репертуарида дostonдан кейин, иккинчи ўринда турадиган, банд тузилиши эркин, уч қатордан 100–150 мисрагача бўладиган фольклор жанри. *Ҳозир Йўлдош ўғли турли мавзуларда термалар*

ва дostonлар айтар эди. «Ўзбек адабиёти». Унинг [Тўхтағулнинг] ўланларида, термаларида сиёсий жўшқинлик ҳукмрон эди. Ҳ. Нурий, Улуғ оқин. Дoston ва терма бахшилар ижодида ёнма-ён яшаб келади. «ЎТА».

3 от Умуман, халқ оғзаки ижодига мансуб, одатда, тўрт мисрадан иборат қўшиқ тури.

ТЕРМАКАШ 1 Термаларни дўмбирада қуйловчи бахши.

2 Бошқаларнинг асарларидан терма қилувчи адиб. *Шошма, ҳали қўлларим қанотини ёзгани йўқ; мана бу термакаш Ўсаржонни четга чиқариб қўяман. Ойбек, О.в. шабадалар.*

ТЕРМАЛАМОҚ кам қўл. Ҳар жойдан оз-оздан териб йиғмоқ.

ТЕРМАЧИ 1 айн. термакаш.

2 тар. Табиий равишда етишган мева, илдизмева каби емишларни териб-йиғиб тирикчилик қилувчи. *Археологик текширишлар шуни кўрсатадики, сўнгги неолит даврига оид илк деҳқончилик маданияти маҳаллий овчи ва термачи аҳолининг ўтроқ ҳолатга ва деҳқончиликка ўтиши натижасида пайдо бўлган. И. Жабборов, Қўҳна харобалар сири.*

ТЕРМИК [юн. thermos – иллик, иссиқ] тех., ким. Иссиқлик билан ишлов беришга оид, шундай ишлов бериш учун белгиланган. *Термик печь. Пулатни термик ишловдан ўтказмоқ. Термик ишлов бермоқ. ■ Олимлар ва инженирлар электр термик ускуналарга хизмат кўрсатувчи ва монтаж ишларини бажарувчи роботлар яратдилар. Газетадан.*

ТЕРМИЛМОҚ Кўз узмасдан узоқ қараб қолмоқ, тикилмоқ; умид билан, бирор ички ҳиссиёт билан боқмоқ. *Асрора узоқларга термилиб туриб, алланималарни ўйларди. С. Аҳмад, Уфқ. Комилжон хотинига меҳр билан узоқ термилиб турди. С. Зуннунова, Янги директор. Бир ҳафтагача кишиларнинг оғзига термилиб, севимли ашуласини эшитгандек, сўзларидан завқланганини бир вақт ҳикоя қилиб берган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Улар бир-бирларига термилиб-термилиб, маъюс-маъюс қараб қўядилар. Ҳ. Фулом, Машъал.*

ТЕРМИН [лот. terminus – чек, чегара] Фан, техника, касб-хунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. *Ботаника терминлари. Заргарлик терминлари. Пахтачилик терминла-*

ри. ■ Йўлдош.. Элмуродга нотаниш терминларни.. тушунтира кетди. Шухрат, Шинелли йиллар. Терминлар илмий коммуникациядан жонли сўзлашувга ўтганда, халқ учун тушунарли сўзларга айлана боради. «ЎТА».

ТЕРМИНАЛ [ингл. terminal < лот. terminalis — охириги, сўнгги; охирига тегишли] 1 *тех.* Ҳисоблаш системаси таркибига кирувчи, ахборотларни системага киритиш ва ундан чиқариб олиш учун мўлжалланган четда турувчи, сиртқи мослама (компьютерда ишлаганда, монитор, сичқонча, клавиатура кабилар терминал ҳисобланади).

2 Портнинг (ҳаво ёки денгиз портининг) контейнерли ва боғлама юкларни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган қисми.

3 Умуман, катта миқдордаги юк, нарсабуюм вақтинча, мавсумий сақланадиган омбор. *Пахта толаси терминали.* ■ Терминаллар, ўз навбатида, ташиқ савдо компаниялари билан тузган шартномаларига кўра, толани экспортга ортишади. Газетадан. ..тайёр маҳсулотларнинг терминаллар орқали хорижга чиқарилаётгани қайта ишлаш корхоналарига ҳам.. янги имкониятлар эшигини очди.. Газетадан.

4 Пластик карточкалар ёрдамида ишлайдиган, турли ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган электрон қурилма. *Республикадаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида тўловларни амалга оширишингиз мумкин.* Газетадан. Банк мутахассислари томонидан ўрнатилган 1300 савдо терминали ва 20 банкомат мижозлар хизматида. Газетадан.

ТЕРМИНАТОР [лот. terminare — ажратмоқ, айирмоқ; йўқ қилмоқ] 1 *астр.* Сайёралар ва йўлдошлар гардишининг ёруғ (кундузги) ва қоронғи (тунги) яримшарларини ажратувчи чизиқ, чегара.

2 Йўқ қилиб, қириб ташловчи робот; йўқ қилиб бўлмайдиган одамсимон робот (америкалик режиссёр Ж.Камероннинг аини номдаги фильми қаҳрамони исмидан).

ТЕРМИНОЛОГИЯ Терминологияга, терминларга оид. *Терминологик луғат. Сўзнинг терминологик маъноси.* ■ Детерминлашиш — терминологик системадаги сўзнинг адабий тилга тўла ўзлашишидир. «ЎТА».

ТЕРМИНОЛОГИЯ [лот. terminus — чегара + юн. logos — фан, таълимот] 1 Фан, техника, касб-ҳунарнинг бирор соҳасида қўлланадиган терминлар мажмун. *Техника терминологияси. Ҳарбий терминология. Илмий терминология. Ўзбек тили терминологияси.* ■ Қори ака фанлар ичида аввало математикани севиб ўрганади ва унинг ўзбекча терминологиясини ишлаб чиқади. М. Ўрозбоев, Мўъжизалар олами.

2 Тилшуносликнинг терминларни ўрганиш, тартибга солиш билан шуғулланувчи соҳаси. *Терминология мутахассиси. Терминология бўлими.* ■ Семинар рус ва ўзбек тилларининг фонетикасини қиёсий ўрганиш, орфоэпия, терминология ва лексикология масалаларига алоҳида эътибор беради. «ЎТА».

ТЕРМИТ I [юн. therme — иссиқлик, қайноқлик] *ким.* Алюминий ёки магнийнинг баъзи металллар оксиди билан ҳосил қиладиган, ёнганда жуда кучли иссиқлик чиқарадиган кукунсимон аралашмаси (техникада ва ҳарбий мақсадларда ишлатилади). *Термит бомба.*

ТЕРМИТ II [лот. termes, termitis — ёғоч емирувчи ҳашарот; қўнғиз] Асосан, иссиқ мамлакатларда катта уяларда жамоа бўлиб (бир неча юздан миллионгача) яшайдиган парда қанотли ҳашарот, ёғоч, тери, қоғоз ва баъзи экинлар зараркунадаси. *Термит дегани худди битга ўхшаш жирканч ҳашаротгина эмас, даҳшатли офат экан.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Термит — ўтлоқ устида лойдан ясалган уяларда яшовчи ҳашарот.* «География».

ТЕРМО- [юн. thermos — иссиқ, илиқ < therme — қайноқлик, иссиқлик] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) иссиқлик, ҳароратга алоқадорлик (мас., *термодинамика*); 2) иссиқлик, кучли ҳарорат ёрдамида ҳосил қилиш (мас., *термофосфатлар*); 3) модда ёки асбобларнинг иссиқлик хоссаларидан фойдаланиш (мас., *термотерапия, термоэлемент*) каби маъноларни билдиради.

ТЕРМОГРАФ [термо.. + юн. grapho — ёзаман] Температура ўзгаришларини автоматик суратда изчил ёзиб борадиган асбоб.

ТЕРМОДИНАМИК Термодинамикага оид; иссиқлик туфайли юзага келадиган ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган. *Термоди-*

намик миқдор. Термодинамик мувозанат. Термодинамик ўзгариш.

ТЕРМОДИНАМИКА [термо.. + динамика] Физиканинг термодинамик мувозанат ҳолатида бўлган тизим (система)ларнинг умумий хоссаларини ва бу ҳолатлар ўртасидаги ўтиш жараёнларини (бунда иссиқлик — энергиянинг бошқа турларига айланиши) ўрганувчи соҳаси.

ТЕРМОИЗОЛЯЦИЯ [термо.. + изоляция] *айн. теплоизоляция.*

ТЕРМОМЕТР [термо.. + юн. metreo — ўлчайман] Температуранинг, иссиқлик ёки совуқлик даражасини ўлчайдиган асбоб. Термометр 20 даража совуқни кўрсатар эди. ■ Кишида иситма борлиги ва унинг баландлигини аниқлаш учун.. медицина термометри ишлатилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. Хотин Лоланинг қўлиғига қўйган термометрни олиб, чироққа солиб қаради-да, уни силкиб, стол устига қўйди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТЕРМОМЕТРИЯ Амалий физиканинг температуранинг, иссиқлик ёки совуқлик даражасини ўлчаш усуллари ва воситалари ҳақидаги бўлими.

ТЕРМОРЕГУЛЯТОР [термо.. + регулятор] Хона, печь ва ш.к. да керакли температуранинг автоматик равишда ҳосил қилинган ва сақлаб турадиган асбоб.

ТЕРМОС [юн. thermos — иссиқ, қайноқ] Ичига қуйилган иссиқ ёки совуқ нарсани (мас., иссиқ чой ёки совуқ сувни) узоқ вақт шу ҳолича сақлайдиган махсус идиш. Мехри опа столча ёнидаги корзинкадан овқатликлар олди, тўрда осиелик термосни очиб, стаканларга иссиқ чой қўйди. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

ТЕРМОСТАТ [термо.. + юн. statos — тик турувчи, қўзғалмас] Чегараланган ҳажмларда (термик печь, советкич ва ш.к. да) температуранинг ҳамиша бир хилда сақлаб турадиган аппарат. Бодринг уруғи, экишдан олдин, уч суткагача 50–51 даража иссиқда термостатда қиздирилиб, бинафша метилен эритмаси билан ивотилади. «Фан ва турмуш».

ТЕРМОСТАТИКА Термостатга оид. Термостатик камера.

ТЕРМОЭЛЕКТР(ИК) [термо.. + электр] Электр ўтаётган занжирдаги электр ва иссиқлик жараёнлари ўртасидаги боғланишга

оид, шу сабабли ҳосил бўлган. Термоэлектр(ик) ҳодиса. Термоэлектр(ик) ток.

ТЕРМОЯДРО [термо.. + р. ядро — магиз, уруғ; ўзак]: **термоядро реакцияси** Енгил атом ядроларининг ўта юқори (камида 10 миллион градус) температураларда кечадиган ўзаро реакцияси, жараёни. **Термоядро қуроли** Термоядро реакцияси туфайли портлайдиган, шикастлаш воситаси ядро зарядидан иборат бўлган қурол.

ТЕРМОҚ 1 Сочилиб ёки тўкилиб ётган нарсаларни қўл билан бирма-бир олиб тўпламоқ, йиғмоқ. Сойликдан майда тош термоқ. Утин термоқ. ■ Эрталаб Бегойим: «Ғуломжонларнинг қантак ўриги тўлиб ётибди, териб келгин», деб тайинловди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мен ёшлиқдан отамга қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Дон, мева, гул ва ш.к. ўсимлик ҳосилини бирма-бир олиб тўпламоқ, йиғмоқ. Гул термоқ. Ёнғоқ термоқ. Мош термоқ. Олча термоқ. ■ Пахта терсанг, тоза тер, Чаногиди қолмасин. «Кўшиқлар». Баҳор келди элимизга — Қўм-қўк бўлди боғ, дала. Севинч тўлиб дилимизга, Териб келдик гул-лола. И. Муслим. Тоққа чиқиб терганинг Писта билан бодомми? «Кўшиқлар».

3 Маълум тартибда устма-уст, ёнма-ён ёки бирин-кетин жойламоқ, ўрнаштирмақ, тахламоқ. Китобларни тоқчага термоқ. Омборга қовун териб қўймоқ. Саватга нон термоқ. Яшиқларга олма термоқ. ■ Нигор ойим ошхонада мантилларни қасқонга териб, қозонга уяр, Раёно бўлса, айвонда кичкина укалари орасида ўтирар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

Ғишт термоқ 1) ғиштарни маълум тартибда тахламоқ. Сидиқжоннинг диққати ўнг томондаги тўқайнинг очиқ ерига териб қўйилган сон-саноксиз ғиштга жалб бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) ғиштарни лой ёки цемент қоришмаси билан ўзаро бириктириб, девор ва ш.к. қурмоқ. Бинонинг ғиштини термоқ; 3) ётқизмоқ. Ҳовли саҳнига ғишт термоқ.

4 Нарсаларни тешиб ёки тешигидан ип, сим ва ш.к. ўтказиб, қатор, ёнма-ён жойлаштирмақ, тизмоқ. Инга мунчоқ термоқ. ■ Ҳаётхон бечора ип эшиб, марваридларни тешишга ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эшонхон чаққонлик билан сихларга кабоб те-

парди. Ойбек, Улуғ йўл. *Ўзиям унча-мунча маржонлардан эмас, ўн икки шода-я! Мунчани тергунча, юрагинг қон бўлиб кетади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Нарсаларни жойидан, орасидан бирма-бир юлиб, ажратиб олиб ташламоқ. *У [Мулла Шамсиддин] эшик олдидаги супада, олдида бир ғалвир майиз, чўпини териб ўтирган эди. А. Қаҳҳор, Башорат. Сигирнинг қулогига яна кана тушибди! Канадан ҳам кўра сигир унинг [Бақоевнинг] аччиғини келтирар эди: канани терай деса, қўймайди, бошини силқийди, пишқиради. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.*

6 *пгрф.* Босиш, наshr этиш учун типографик белги ва ҳарфларни тегишли тартибда жойлаштириб, бирор матн ҳосил қилмоқ. *Эълонни йирик ҳарфлар билан термоқ.*

7 Айрим белги ёки рақамларни ёнма-ён, бирин-кетин олиб, келтириб, бирор бутунлик ҳосил қилмоқ. *Лаълихон гаплашиш учун телефон олдида борди, трубкани қўлига олиб, керакли номерларни тера бошлади. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.*

8 Сараламоқ, танламоқ. *Футбол командасига кучли ўйинчилар териб олинди. Полклардан ажратиб, териб олинган ҳужумкор отрядлар артиллерия отишмаларидан сўнг душман устига ташланди. Назармат, Жўрлар банд сайрайди.*

9 Кетмон, теша, болта каби асбоблар юзини болғалаб текисламоқ, ёймоқ ёки ўткирламоқ. *Кетмон юзини термоқ. Теша тинини термоқ.*

Без термоқ қ. без I. **Ризқини термоқ** Насибасини топиб еб, кун кечирмоқ, амалтақал кун кўрмоқ. *Шунинг учун «одамларнинг ҳождатини чиқариб юра турай, тузук иш ўзи чиқиб қолади», деган ўйда сочилган ризқини териб юра берди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Топпингни тер қ. топш.*

ТЕРРАРИУМ, террарий [лот. terra — ер, майдон] Унча катта бўлмаган, тажриба ёки намоёиш қилинадиган судралувчилар, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи жониворларни сақлаш, ўрганиш ҳамда кўпайтиришга мўлжалланган махсус жой, бино. *Кузатиш постлари товус, кийик, олмаҳон сақланаётган катакларга, қурбақа ва илонлар боқилаётган террариумга ўрнатилган.* Газетадан.

ТЕРРАСА [фр. terrasse < лот. terra — ер, замин] 1 Тоғ ёнбағирларидаги зинапоясимон бўлиб тушган табиий ёки сунъий текис саҳн, майдонча. *Террасалар ҳозирги вақтда турли экинлар ва мевазорлар билан банд бўлган ерлардир. «Ўзбекистон географияси».*

2 Ёзги енгил айвон, пешайвон.

ТЕРРЕНКУР [нем. Terrainkur < фр. terrain — жой, ер; очиқ саҳн + нем. Kur — даволаш] Курорт ва санаторийларда даволаниш мақсадида маълум маршрут бўйлаб пиёда юриш ҳамда шундай юриш учун тайёрланган, масофалари кўрсатилган махсус йўл, йўлка. *Ҳар куни субҳидам чоғларида терренкурлар одамга тўлиб кетади. И. Раҳим, Ихлос.*

ТЕРРИТОРИАЛ қ. **ҳудудий.** *Территориал шевалар. Территориал бўлиниш. Территориал бошқарма бутун техникани, ишни ўз қўлига жамлабди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

ТЕРРИТОРИЯ [лот. territorium < terra — ер, замин] қ. **ҳудуд.** *Тадқиқотлар асосида республика территориясини сейсмик районлаштириш тафсилий карталари тузиб чиқилди. Газетадан. Мамлакатимизда табиий бойликларга сероб янги территориялар тезкорлик билан ўзлаштирилмоқда. «Фан ва турмуш».*

ТЕРРОР [лот. terror — қўрқинч, даҳшат] Қўрқитиш сиёсати, сиёсий муҳолифларни зўравонлик билан бостириш. *Ирқчилар террори. Террор қилмоқ. Жосуслик, диверсия, террор акти.. қотиллик каби жиноятлар учун ўлим жазоси берилиши мумкин. Газетадан.*

ТЕРРОРИЗМ [лот. terror — қўрқинч, даҳшат] Террор билан амалга оширилаётган сиёсат ва тактика; сиёсий рақибларни, муҳолифларни йўқ қилиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва б.); террорчилик.

ТЕРРОРИСТ қ. **террорчи.**

ТЕРРОРИСТИК Террорга, терроризмга асосланган; терроризмдан, террорчиликдан иборат бўлган; терроризмга амал қилувчи. *Террористик режа. Террористик ташкилот, Террористик ҳаракат. Бу генерал инглизларга ҳам гитлерчи бомбардмончиларнинг Англияга террористик мақсадда*

учишларини уюштирган кишиларнинг бири сифатида маълумдир. Газетадан.

ТЕРРОРЧИ Фикр ва мақсадини террор йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилувчи шахс.

ТЕРРОРЧИЛИК айн. **терроризм**.

ТЕРС 1 Асл, меъёрий, одатдагига қарама-қарши ҳолатли; олднинг акси; тескари. *Қулаҳмад ўзини кибор тутар, одам юзига боқмай, терс қараб гапирарди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Катта ҳовлига терс бўлган панароқ жойда самовар қўйиш билан машғул бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшакка терс миндирилган.. юзига куя суркалган Умаралини кўрган Зумрад.. ҳушсиз қотиб қолди.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Қарама-қарши томон; тескари. *Моҳирўй шу кўйи қачон мени кўрса, йўлини терс соладиган қилиқ чиқарди.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги. *-Ҳой, менга қаранг, — деди Ёқутойим шиддат билан ойнага терс ўғирилиб..* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Ўзаро муомала, муносабат ва ш.к. да бир-бири билан келишмайдиган; тескари. *Махсум Миробид билан илгари терс бўлса, энди апоқ-чапоқ, оғиз-бурун ўпишади.* В. Ғофуров, Вафодор. *Шаҳноз билан терс бўлгандан бери икки йил ўтиб кетди..* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

4 Хулқ-одоб, муомалада қўпол; кўрс. *Хулқи терс, оғзига келганини гапирарди, ёзади.* А. Мухтор, Чинор. *Ҳожи сўзини тугата олмади. Ҳожининг терс сўзига чидолмаган Азизбек ваҳшийларча хайқирди: -Нима дейсан!?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕРСАЙМОҚ Хафа бўлиб, нимадир ёқмай (ёқтирмай) қовоқ солмоқ; тумшаймоқ. *Отабек терсайганча чойга келиб ўтирди, отасига салом ҳам бермади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кампир жаҳл билан терсайиб олди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар. *У[Кумуш] меҳмонхонага киргандан сўнг ҳам терсайиб, тоқчалардан недир ахтаргандек юрина бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЕРСКАЙ Қуёшга тескари, қуёш тушмайдиган, шимолга қараган (тоғ, баландлик ёнбағри, чуқурлик ва ш.к. ҳақида). *Унга Шербек анави терскай, қор ётган қирнинг ортидан ҳализамон от ўйнатиб чиқиб қоладигандай туюлаверди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Атрофини қуршаган тошлар орасидаги ўрикзор чорбоғлар, кундузи қуёш, кечаси ой нури-*

дан ярқирайдиган харсанг тошлар, кун тушмас терскай жилғалар унинг кўз олдини банд этиб турарди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЕРСЛАНМОҚ 1 Ўжарлик қилмоқ, терс, тескари иш қилмоқ. *Боланинг терсланадиган одати йўқ.*

2 Тумтайиб олмоқ, қовоқ-димоғ қилмоқ, терсаймоқ. *Эр-хотин индамади, худди маслаҳатлашгандай терсланиб олишди. Орага ноқулайлик чўкди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТЕРСЛИК Терс ҳолат, хусусият, хатти-ҳаракат, қилиқ. *Терслик қилмоқ. ■ Шаҳарнинг терсликларига тишини тишга қўйиб чидардим..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ТЕРТ Сомон, хашак ва ш.к. дағал озуқаларга майдаланган кунжара, кепак каби тўйимли озуқалар аралаштириб, қориб тайёрланган ем. *Молнинг палови — силос, ҳозирча кепак сепиб, терт қориб беринглар, болам.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Йигитали онаси билан, у сизирга ем бергани чиққан вақтда учрашди.. онасининг қўлидан терт қорилган тоғора ерга тушиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ТЕРЦЕТ [итал. tezzetto < лат. tertius — учинчи] мус. **1** Уч хонанда ёки уч чолғу асбоби учун ёзилган мусиқий асар.

2 Уч хонандадан ташкил топган ансамбль.

ТЕРЦИЯ [лат. tertia — учинчи] **1** мус. Диатоник гамманинг учинчи пардаси ва шу гаммадаги уч пардали интервал. *Оралиғида бир босқич қолдириб тузилган интервал терция деб аталади.* И. Акбаров, Музика саводи.

2 плгрф. Босмахона шрифтларидан бирининг номи (китеб, газета ва журналларда — сарлавҳаларни, титул варақларда эса нашр номини теришда ишлатилади).

ТЕРЧИЛ кам қўлл. Тез терлайдиган, терлаб турадиган; терлоқ. *Киши тўни кирчил бўлар, Киши оти терчил бўлар.* Мақол.

ТЕРЧИЛАМОҚ 1 Буғдан ҳосил бўлган томчилар билан қопланмоқ. *Ҳаммомнинг девори терчилаб туради.*

2 Андак терламоқ. [Мирвосилнинг] *Офтоб таъсирида қорайиб, шўралаб кетган пешонаси, кечки салқинга қарамасдан, терчилаб туради.* Ҳ. Назир, Одамнинг қадри.

ТЕСКАРИ 1 Одатдаги, ўнг, тўғри деб қабул қилинган ҳолатга, йўналиш, тузилиш, тартиб ва ш.к. га қарама-қарши бўл-

ган; терс. *Тескари иш. Бўлувга тескари амал — кўпайтирув. Кепкани тескари киймоқ. Китобни тескари ушламоқ. Стулга тескари ўтирмақ. Сўзни тескари ўқимоқ. Сув тескари оқмайди.* ■ *Қўлимга тушганида, юзига куя суриб, эшакка тескари миндирар эдим-у, бозорнинг ўртаси билан ҳайдаб, тўппа-тўғри қозининг ҳузурига олиб борар эдим. П. Турсун, Ўқитувчи. Бўта, қуруқ чойни нонсиз иссиқ-иссиқ ҳўплаб, чойнакнинг қопқоғини тескари ёпиб, ичига иккита ўн тийинликни ташлаб, ўрнидан турди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

2 Қарама-қарши томон, ўнг бўлган томонга қарши, терс. *Узоқ ўйлаб турмай, бу кунги Тиктепанинг гузарга тескари томонидан ўзи учун бир «бошпаноҳ» очиш қарорига келади. А. Қодирий, Обид кетмон. Мен қайёққа бошласам, меҳмон юрмайди, тескари томонга йўл олади.* «Гулдаста».

3 Қарама-қарши, хилоф, зид. *Агар биронта иш унинг [Хушрўйнинг] тилагига тескари кетса, шовқин-суронни худди бошига кийиб олар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Киши кўринишда ва муомалада бир хил, ҳақиқатда, ички жиҳатдан тамом тескари бўлиб қолиши мумкин. П. Турсун, Ўқитувчи.*

4 Ақл-одоб, иш-фаолият ва ш.к. да ўзaro зид, бир-бирининг акси бўлган, бир-бири билан келишмайдиган ҳолатли. *Шайхулисломнинг Улуғбек мирзога очикдан-очик тескари бўлиб олганини кўрган Тархон ёқасини ушлади.. Мирмуҳсин, Меъмор.*

5 Бирор нарсанинг орқа томони, орқаси, астари. *Газламанинг тескариси. Кўрпанинг тескариси.* ■ *Битта кулчани кафтига тескари қўйиб туриб, мушти билан ўртасига урди.. Ҳ. Фулом, Машғал.*

6 кўчма Бир-бири билан гаплашмайдиган, аразлашган. *Улар бир-бирлари билан тескари бўлиб қолдилар.* ■ *Олти ойдан бери юз кўришмаган қайната-куёв бирга ишлашпти-я? Бир ҳисобдан яхши бўпти. Тоқайгача тескари бўлиб юришади. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.*

Иши тескари кетди Иши юришмай қолди, иши орқага кетди, пачава бўлди. **Тескари дунё** Бевафо, ўзгариб турувчи дунё. *Қандай қилай, шундай тескари дунё экан. Ғ. Фулом, Тирилган мурда. Тўнини тескари киймоқ қ. тўн. (Худо) Юзини тескари қилсин* Худо

кўрсатмасин, унга дучор ёки гирифтор қилмасин. *Ёмоннинг юзини тескари қилсин.*

ТЕСКАРИЛАНМОҚ Ўгирилиб, тескари вазият олмоқ, тескарисига ағдарилмоқ.

ТЕСКАРИЛАШМОҚ 1 Ўжарлашмоқ, қайсарлашмоқ.

2 Бир-бири билан тескари бўлиб қолмоқ, уришиб, аразлашиб қолмоқ.

3 Тескари, орқага кетмоқ. *Иши тескарилашиб кетди.*

ТЕСКАРИЛИК 1 Тескари ҳолатлилиқ. *Эгнисидаги кўлакнинг тескарилигини сезмабди.*

Тескариликка олмоқ Айтилган гапни, фикрни тескари, нотўғри, аксинча тушунмоқ ёки тушунтирмақ, тескарига бурмоқ. *Мен жўрттага баъзи гапларни тескариликка олиб кўрсам ҳам, у [Зайнаб] чурқ этмайдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 с.т. Ўжарлик, қайсарлик, терслик. *Мунча тескарилик қиласан.*

ТЕСКАРИСИГА рвш. Тескари йўналишда; қарама-қарши томонга, орқага қараб. *Ҳеч қачон Қуёш тескарисига юрадимиз?* ■ *Мен бу ёқдан қарз бераверсам, сен болачақанг билан еявёрсанг, қачон тўлайсан? Замон бундай тескарисига айланиб, инсондан имон қочиб турибди, ахир. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ТЕСКАРИСИЧА кам қўлл. Қарама-қарши йўналишда, тескари ҳолда. *Тескарисича иш тутмоқ.*

ТЕСКАРИЧИ Ижтимоий тараққиёт, инқилобий ҳаракат кабилар душмани, сиёсий реакция тарафдори. *Марғилонда Саркор бошлиқ тескаричилар Нурхонни ўлдирish вазифасини унинг акаси Маматга юклайдилар. М. Исроилов, Драматургияда деталь. Ҳат узоқдан келмаганлиги, шу ернинг ўзида ёзилганлиги, унда тескаричилар вакилининг қўли борлигини айтишди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.*

ТЕСКАРИЧИЛИК Тескаричиларга хос иш-фаолият, хатти-ҳаракат; реакция.

ТЕСТ [ингл. test — синаш, текшириш, ўрганиш] 1 псих. пед. Шахснинг (текширилувчининг) ақлий ривож, қобилияти, маала ва кўникмалари, иродавий сифатлари, шунингдек, унинг бошқа руҳий хусусиятларини аниқлашда, текширишда қўлланадиган қисқа стандарт топшириқлар.

2 Муайян ижтимоий тадқиқотлар учун фойдаланиладиган материал сифатида тар-

қатиладиган саволнома; сўроқ варақаси. Кейинги вақтларда жамиятимизда анкета сўрови ёки тест ўтказиш ўзига хос модага айланиб бораётгани кўзга ташланади. «Тафаккур».

ТЕСТЛАШ(ТИРИШ) Тестлар ёрдамида муайян бир шахснинг афзаллик томони, билими ва қобилиятини аниқлаш.

ТЕТАПОЯ 1 Зўрга, у ёқ-бу ёққа ташланиб бўладиган (асосан, боланинг қадами ҳақида). Бола она атрофида, тол тагида Юра бошлар, қадамлари тетапоя. Ҳ. Пўлат.

2 Ана шундай қадамлар билан юрадиган. Тетапоя болани сўқмоқ йўлдан катта йўлга чиқариб юборган муаллимнинг инсон ҳаётида озмунча ҳиссаси борми! А. Маъзумов, Мураббий. Оёғи остида ўралашиб юрган тетапоя қизчасини йиқитиб ўтиб кетди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Румия беморлик тўшагида узоқ ётди. Тетапоя бўлиб юра бошлаганидан кейин ҳам оғир изтироб чекадиган бир турда бўлиб қолди. С. Кароматов, Сўнгги бархан.

3 кўчма Ўз ҳаёти, фаолиятида энди иш бошлаган, энди мустақил ҳаёт кечири бошлаган, ҳали мустаҳкам оёққа туриб олмаган (оила, ташкилот, жамоа ва ш.к. ҳақида). Коллективизмнинг тетапоя вақти ўтиб кетган, энди уни бузолмайсиз, ўртоқ Раҳмонқулов! А. Мухтор, Туғилиш. Колхоз энди тетапоя бўлаётган кунларда душман хуруж қилди, жамоат мулкига ўт қўйдилар, уруғлик ғаллани ўғирладилар, турли-туман миш-мишлар тарқатдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Пахта нима, деҳқончилик нима — энди тетапоя бўлиб ўрганиб келяписизлар. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ТЕТИК 1 Жисмоний, руҳий жиҳатдан заифлашмаган; бардам. Онам етмишдан ошиб қолган бўлсалар ҳам, ҳали анча тетиклар.. М. Қориев, Ойдин кечалар. Иброҳим ота бардамми, Ойша хола тетикми, уканг Шерниёз соғми? Ж. Шарипов, Хоразм. Оғайнилар тушқунликка тушмадилар. Кувноқ ва тетик кайфиятда хайрлашдилар. Ф. Мусажонов, Ҳимнат.

2 Ҳаракат-ҳолати, даражаси ва ш.к. жиҳатдан бардам, тийрак. Темиржон одамлар қатори кўнайган тротуарда илдам ва тетик қадам отиб борарди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Азиза ўзини бироз олдирган, аммо ҳамон ўшандай чиройли, кўзлари киртайиб қолган

бўлса ҳам, тетик боқар эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Сойлик томондан келаётган тетик ва янграқ овоз Элмуроднинг ўйини бузди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 кўчма Ҳайкишни билмайдиган, дадил гапирадиган, ўз фикрини баралла айта оладиган. Қандолат опага не бало бўлди, дейман, ҳайрон бўламан. Гапга чакқон, тетик хотин эди-ку! Ойдин, Садаганг бўлай, командир. Почтаев, қурилишга бирон фикри тетикроқ бола келиб қолса, дарров изига тушади. А. Мухтор, Туғилиш.

ТЕТИКЛАМОҚ кам қўлл. Тетиклик бағишламоқ, тетиклантормоқ; хушёр қилмоқ. Подшонинг, гарчи мастлик вақтида бўлсада, у билан аччиқ суҳбат қилиши Мажиддинни тетиклади. Ойбек, Навоий.

ТЕТИКЛАНМОҚ 1 Жисмонан тетиклик касб этмоқ; бардам бўлмоқ. Муздай сув кўзини мошдек очди. Яна мияси фикр қила бошладди, ўзи тетикланди. Шухрат, Шинелли йиллар. [Қурбон ота] Касалхонада яқин икки ой ётиб, оёқлари тузалди, ўзи жуда тетикланди. А. Қаҳҳор, Тўй.

2 Дадиллик касб этмоқ, ўзини тетик сезмоқ; дадиллашмоқ. Дастлаб ўзини айбдор сезиб, шумшайиб ўтирган бола секин-секин тетикланди. Ойбек, Қуёш қораймас. -Барибир шу ерда тунашга тўғри келади [деди бекнинг укаси Меъморг]. -Тунаймиз, — деди Меъмор негадир тетикланиб. Мирмуҳсин, Меъмор.

ТЕТИКЛАШМОҚ Тетиклик касб этмоқ, тетик бўлмоқ. Унинг руҳи тетиклашди. ■ Раҳимберди бироз тетиклашди. Х. Тўхтабоев, Фельстондан сўнг. Усал тетиклашиб, ташқарига чиқди. С. Йўлдошев, Қиз қалби.

ТЕТИКЛИК 1 Тетик, бардам ҳолатга эгалик. Унинг [Асрорқулнинг] тетиклиги, шахдам қадам ташлаши, ёш болага чиққан соқолдай, кишининг кулгисини қистатар эди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Куч-қувватга тўла, тетик, бардам кишиларга хос жисмоний ва руҳий ҳолат; бардамлик. Йигитали ачасининг дардни енгиб, туриб кетишидан ранжиса ҳам, юзидаги тетикликдан хурсанд бўлди. Д. Нурий, Осмон устун. У кўзини очиб, ўзини тетикликка солди ва Каримжон билан самимий кўришди. Файратий, Узоқдаги ёр.

ТЕТР-, ТЕТРА- [юн. tetra — тўрт] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг би-

ринчи қисми бўлиб, муайян сўз (тушунча)нинг «4» рақами билан боғлиқлигини билдиради. мас., *тетралогия, тетрод*.

ТЕТРАЛОГИЯ [тетра.. + юн. logos — билим, тушунча; сўз] *ад. снт.* Бир муаллифнинг ягона гоё, мазмун ва образлар билан ўзаро боғланган тўртта адабий, мусиқий ёки саҳнавий асари.

ТЕТРАЭДР [тетра.. + юн. hedra — асос, юза; ёқ, томон] *мат.* Ҳар бир ёғи ўзаро тенг учбурчаклардан иборат бўлган тўрт ёқли пирамида.

ТЕТРОД [тетр.. + (электр)од] *тех., радио.* Тўрт электрод (катод, анод ва иккита тўр) ли электрон лампа.

ТЕХНЕЦИЙ [юн. technetos — сунъий; табиий эмас] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; сунъий йўл билан олинган, қийин эрувчи кумушсимон-жигарранг радиоактив металл.

ТЕХНИК 1 Ўрта техник маълумотга эга бўлган ва техниканинг бирор соҳасида ишлайдиган мутахассис. *Техник чақириб, план ва смета тузиш, неча пуд тунука керак бўлишини билиш зарур экан.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Техник, прораб керак, ғиштчи, сувоқчи, гулкор, моҳир дурадгорлар керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Техника соҳасида ишловчи мутахассис. *Рус техниклари ва олимлари график тасвирларни такомиллаштириш ишига катта ҳисса қўшганлар.* А. Абрикосов, Чизмачилик.

ТЕХНИК 1 Техникага оид, техника ва ундан фойдаланишга алоқадор; техникавий. *Техник билимлар. Техник тараққиёт. Техник назорат. Техник таълим.*

2 Техника, машина, механизмлар ишига боғлиқ бўлган. *Техник сабабларга кўра дастгоҳ тўхтаб қолди.*

3 Саноатда, техникада ишлатиладиган ёки қайта ишланадиган. *Техник мой. Техник тола.*

Техник котиб Ёзув-чизув ишларини олиб боровчи идора ходими. **Техник муҳаррир** Босма асарда материалнинг жойланиши, матнларнинг тегишли ҳарфлар билан тери-лиши ва ш.к. масалалар билан шуғулланувчи махсус муҳаррир.

ТЕХНИКА [юн. technike — моҳир, уста < techne — санъат, маҳорат] **1** Жамиятнинг инсон фаолиятидаги ишлаб чиқариш жа-

раёнларини амалга оширувчи ва ноишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хизмат қилувчи воситалар йиғиндиси. *Илғор техника. Авиация техникаси. Пахта териш техникаси. Техника фанлари. Техникадан унумли фойдаланмоқ.* ■ *Душман Орёл ва Белгород районларига.. бу кунгача ҳеч қайси фронтда кўрилмаган ёки оз кўрилган техникани тахт қилиб қўйган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Жабборов техникани яна бир сидра кўздан кечириш учун беш кун имконият борлигини айтди.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти. *Бизнинг замонамиз ишлаб чиқарувчи кучларнинг шиддат билан ривожланиши, фан ва техника тараққиётининг тезлашиши билан характерланади.* «Фан ва турмуш».

2 Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида қўлланадиган машина, механизм, асбоб, қурол, мослама ва ш.к. лар мажмуи.

3 Бирор иш-фаолият ёки ҳаракат турида орттирилган маҳорат даражаси, малака ва кўникмалар йиғиндиси; санъат, маҳорат. *Сузиш техникаси. Қурилиш техникаси. Спорт техникаси. Балет техникасини эгалламоқ.*

Техника экинлари Ҳосили саноат учун хомашё сифатида ишлатиладиган экинлар (мас. пахта, зиғир, каноп, қанд лавлаги, кунгабоқар ва ш.к.). **Хавфсизлик техникаси** ёки **техника хавфсизлиги** Ишлаб чиқаришда ҳалокат ва фалокатларнинг олдини олишга қаратилган иш усуллари ва воситалари тизими. *Коммунал хўжалик идоралари техника хавфсизлиги юзасидан ғамхўрлик қилишлари даркор.* Газетадан.

ТЕХНИКАВИЙ айн. **техник.** *Техникавий ёрдам. Техникавий тадбирлар.* ■ *Ўзбек тилига ҳар хил мавзу гуруҳларига оид техникавий терминлар ўзлашган.* «ЎТА».

ТЕХНИКУМ [лот. technicum < юн. techne — касб-ҳунар] Ўрта махсус ўқув юрти: саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш ва б. соҳалар учун кадрлар тайёрлаб берувчи ўқув муассасаларининг умумий номи. *Қурилиш техникуми. Техникумда ўқимоқ.* ■ *Ҳозирнинг ўзида шахримизда индустриал техникум, Тошкент давлат политехника институтининг филиали ишлаб турибди.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини. *Техникум жамоаси янги ўқув йилига катта тайёргарчилик билан келди.* Газетадан.

ТЕХНОЛОГ Технологиянинг у ёки бу соҳаси бўйича мутахассис. *Чирчиқ шаҳридаги «Электромаш» заводи*нинг бир гуруҳ *технологлари мураккаб конвейер ижод қилдилар.* Газетадан.

ТЕХНОЛОГИК Технологияга оид; материаллар ва маҳсулотларга ишлов беришнинг усул ва йўллари билан боғлиқ бўлган. *Технологик билим. Технологик талаб. Мева консервалари тайёрлашнинг технологик жараёни.* ■ Уруғлик чигитнинг вилтга чидамли янги навларини, шунингдек, юксак технологик сифатларга эга бўлган чигитни экиш анча қўлайтирилди. Газетадан.

ТЕХНОЛОГИЯ [юн. *techné* — маҳорат, санъат + *logos* — таълимот] 1 Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё, материал, яримфабрикат ва ш.к. ларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланадиган усуллар (методлар) мажмуи. *Металлар технологияси. Кимёвий технология. Атлас тўқиш технологияси. Илғор технология.* ■ Убайднинг ташаббуси билан ҳосилни ўриб-йиғиб олишга илғор технология жорий этилди. «Ўзбекистон қўриқлари». *Технология жараёни электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида бошқарилади.* Газетадан.

2 Хомашё ва материалларга тегишли ишлаб чиқариш қуролилари ёрдамида ишлов бериш усул ва йўллари ҳақидаги фан. *Металлар технологияси.*

ТЕША 1 Тиғи дастасига нисбатан кўндаланг ўрнатилган чопиш, кесиш қуроли. *Даст теша. Пой теша.* ■ На ўтин бўлмаса, на ўтинни ёргани тешаси бўлмаса, нима қиламан? Ҳамза, Тухматчилар жазоси. Ҳашарчилар кетмон, белкурак, теша, газ ва бошқа асбоб-ускуналарни мактаб оморчи-сига топшириб, уй-ўйларига тарқалдилар. Ҳ. Фулом, Бинафша атри.

2 Теша (эркаклар исми).

Оёғига (ёки тағига, илдиизига ва ш.к.) *теша урмоқ айн. оёғига болта урмоқ қ. болта.* Бир неча қизимизнинг номусини барбод этган, хонадонларни бузган, мустаҳкам ахлоқимизга теша урмоқчи бўлган.. иблисни фош қилиб, сизни фалокатдан қутқариб қолмоқчиман. Ҳ. Фулом, Халқ ҳукмига ҳавола. **Теша тегмаган** Илгари ишлатилмаган, эшитилмаган; бутунлай янги (сўз, гап, фикр, хабар, янгилик ва ш.к. ҳақида). *Теша тегмаган*

гаплар. Теша тегмаган янгилик. ■ Юсуфжон қизиқнинг Охунжон қизиқ билан қиладиган теша тегмаган аскиялари.. ва латифалари залда гулдўрос қарсақларга ва кулги кўтарилишига сабабчи бўлди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Тикила туриб, хаёлида бир теша тегмаган фикр уйғонди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. **Холвачининг тешасидай** 1) қисқа, калта. [Гулжон Мирзараимга:] *Аввал Рустамбекнинг тилидан холвачининг тешасидай калтагина хат қилдирдим.* Ҳамза, Паранжи сирлари; 2) чаққон, эпчил (киши ҳақида).

ТЕШИК Тешилган жой, ковак, ўйиқ. *Игнанинг тешиги. Буруннинг тешиги. Деворнинг тешиги. Қопнинг тешиги. Қулоқнинг тешиги. Тешик халта. Тешик челак.* ■ Меҳмонхонанинг қатор уч эшиги милтиқ сизгарлик ўлчада бир неча жойидан тешилди. Милтиқлар у тешикларга қўйилиб, отила бошлади. С. Айний, Қуллар. *Йигитча кўчанинг нариги муъолишидаги эшик ва бўғот тешикларидан гуркураб тутун чиқаётган уйни кўрсатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Яхшиям вақтида бориб қолгани, йўқса.. чодирнинг тешик жойи бор экан, кечаси ёмғир ёққанда, тўппа-тўғри чақалоқнинг устига томаверибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Кирмаган тешиги қолмади ёки кирмаган тешиги йўқ Кирмаган, йўлиқмаган жойи қолмади; ҳамма жойга кириб, суқилиб юради. **Тешик мунчоқ ерда қолмас** Узоқ вақт турмуш қилмай, уйда ўтириб қолган қиз-жувонлар ҳақида, шунингдек, ҳар бир нарса вақти келганда керак бўлиши, ишлатилиши мумкинлиги ҳақида айтиладиган ибора. *Бо худо, тешик мунчоқ ерда қоптими? Сочининг мўйича эр. Кимлар олмайди сени?! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.* **Тешик томоқ (ёки жиғилдон)** Ҳар қандай овқат талаб киши; ҳўранда. *Қарамоғимда ўн иккита еяр оғиз, тешик томоқ бор.* ■ Биз бунақанги тешик жиғилдонларнинг бахридан ўтмасак бўлмайди. А. Муҳиддин, Нуқсонбой. **Тешик қулоқ эшитади** Қулоғи бор, албатта эшитади, гап албатта етиб боради. У ҳам.. ишлайди. *Бирда бўлмаса бирда эшитади.* Тешик қулоқ эмасми? Ойдин, Мардлик — мангулик.

ТЕШИЛМОҚ Тешмоқ фл. ўзл. ва мажҳ н. *Девор тешилибди. Самовар тешилибди. Қоп тешилиб қолибди. Тахта парма билан тешилади.*

Бағри тешилмоқ Бағри қон бўлмоқ, қаттиқ ғам ёки азоб чекмоқ. *Хумор деса, сийна-бағрим тешилар, Утингда томирлар ипдай эшилар.* «Равшан». **Кўзи тешилмоқ** Кутавериб кўзи тўрт бўлмоқ, тоқати тоқ бўлмоқ. *Ёрнинг йўлига боқиб, Тешилди кўзим менинг.* Ё. Мирзо. **Кўзинг тешилгур!** қарғ. Кўзинг ўйилиб тушгур!

ТЕШМОҚ Пармалаб, ўйиб, суқиб, куйдириб ёки бошқа бирор йўл билан тешиқ ҳосил қилмоқ. *Тунукани мих билан тешмоқ. Тахтани чўғ билан тешмоқ. Ёғочни парма билан тешмоқ. Уқ зирҳни тешиб ўтолмабди. Сув тўғонни тешиб ўтибди. Томчи тошни тешар.* Мақол. ■ *Бу милтиқлар отилмайди — ўқдони тешиб қўйилган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Маҳалланинг баъзи бир ўспиринлари пичоқ билан қопни ё яшиқни тешар, чўнтақларига қўрқа-писа мева солардилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИБ [а. طَب — табобат; даволаш] қ. **тиббийёт**. *Кейинчалик Абу Али ибн Сино номи билан машҳур бўлган ёш Хусайн ҳар кун и ярим кечагача ўтириб, юнон ва араб ҳукамоаларининг тиб ва фалсафага оид китобларини ўқир эди.* М. Осим, Китобга иҳлос. *Қадимий шарқ тиб қўлёзмаларида мумиёнинг икки хил бўлиши айтилади.* Л. Шокиров, З. Ҳакимов, Мумиёйи асл.

ТИББИЁТ [а. طِبِّيَّات — табобат, даволаш; медицина] Кишилар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умрни узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимлар ва шу соҳадаги амалий тадбирлар мажмуи. *Абу Али ибн Сино бундан минг йил илгариёқ ўсимликлардан дори-дармонлар олиб, тиббийётда қўллаган.* Газетадан. *Товуш тўлқинларини тутғич вазифасини ўтовчи қулоқ супраси табобатда катта аҳамиятга молик экани Шарқ тиббийётида қадимдан маълум.* «Фан ва турмуш». *Милодга қадар бўлган тиббийётда зира кенг қўламда қўлланган.* М. Набиев, Зира. *Тиббийёт фанлари доктори.. Мусабоевнинг юзлаб, минглаб беморларнинг жонларига ора кирганлиги шубҳасиз.* Газетадан.

ТИББИЙ [а. طَبِي — тиббийётга, дори-дармонга алоқадор] Тибга, тиббийётга оид, алоқадор. *Тиббий ходим. Тиббий ёрдам.* ■ *Тошмат шимининг чўнтагидан тиббий экспертиза справкасини чиқариб берди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Тиббий ҳамшира бўлса керак, оқ*

халат, оқ қалпоқли жувон келиб, Муродовани шифохонага таклиф этди. И. Раҳим, Ихлос. *Бирдан тиббий пункт ёдига тушди-ю, боланинг ҳаёти фақат ўша ердагина сақланиб қоладигандек югурди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ТИББИЯ [а. طِبِّيَّة — тиббийёт] эск. кам қўл. қ. **тиббийёт, тиббий**. *Урта Осиё дорилфунунининг тиббия факультетининг талабаларидан.. Мирсоатов.. хотин олишига ҳаракат этди.* «Муштум».

ТИВИТ Ҳайвонларнинг нозик ва майин жун; шу жундан тўқилган, ишланган мато; шу матодан ишланган, тикилган нарса. *Сифатли тивит олиш мақсадида ҳар йили қишлоғга пухта тайёргарлик кўрамиз.* Газетадан. *Қурбон ота ўтирди. Столга ёпилган мовутнинг тивитини юлқиб, бироз жим қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Чап қўлдаги тор кўчадан бошига тивит рўмол ўраган ёшгина бир қиз югуриб чиқди.* С. Абдуқаҳҳор, Ушалган орзу.

ТИГЕЛЬ [нем. Tiegel < лат. teganum — томга ёпиладиган материал; черепица] 1 тех. ким. Турли материаллар (металл, шиша ва б.) ни қиздириш ва эритиш учун ишлатиладиган, графит, чинни ва оловбардош материаллардан тайёрланган махсус идиш. *Мамлакатимизда графитдан, асосан.. қалам ишлаб чиқаришда, рангли металллар эритиладиган тигеллар ясади, бундан ташқари, керамика, бўёқ саноатида фойдаланилади.* «Фан ва турмуш».

2 плерф. Босмахонада босма дастгоҳ ёки босма машинанинг қоғозни босма қолипга сиқиш учун ишлатиладиган металл плитаси.

ТИЖОРАТ [а. تجّارت — савдогарлик, олди-сотди иши] Савдо-сотик, савдо (савдогарлик) ишлари. *«Пиён бозор»нинг орқасидаги маचित Тошкентдаги татар савдогарлари, Қозон, Оренбург, Уфадаги савдо фирмалари.. вакиллари учрашадиган жой эди.* Бир сўз билан айтганда, улар бу ерда ҳам ибодат, ҳам тижорат ишларини битириб олардилар. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Савдо аҳли уни Шарқнинг ҳамма мамлакатларини кезган, саёҳат ва тижоратда сочи оқарган машҳур савдогар деб танир эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Тузилган махсус тижорат бўлими эса.. савдо вазирлиги билан дўконлар ўртасидаги воситачи.* Газетадан.

ТИЖОРАТХОНА эск. Улгуржи савдо ишлари амалга ошириладиган бино. *Савдо-тижорат ва қўл хунари саноати ётиб қолганлиги сабабли, вақфга оид сарой, дўкон ва тижоратхоналар ҳам даромад бериш қобилиятини йўқотган эди. С. Айний, Эсдаликлар.*

ТИЖОРАТЧИ Тижорат билан шуғулланувчи шахс. *Биздаги бизнесменлар, тижоратчиларнинг фаолияти сизларга ёқадими? Газетадан.*

ТИЖОРИЙ [ا. تجارى — савдога оид] Тижоратга оид, тегишли, алоқадор. *Шу билан бирга айланма маблаглар ҳамон тижорий режада кўзда тутилмаган тадбирларга сарфланмоқда. Газетадан.*

ТИЗ I айн. тизза 1, 2. *Олма хола юзини тирнаб, тизига урди. Ф. Фулом, Соялар. Кўм-кўк ғўза тегарди тизга Ва ўпарди йигит барини. Ю. Шомансур. Нури уйда ёлғиз қоларкан, юраги қаттиқ урди.. тизларида куч қолмаган каби туюлди. Ойбек, Танланган асарлар. Қўлоқ солиб эшит энди, бобожон, Бир фарзандни олмай ўтдим тизима. «Эрали ва Шерали». Авазхоннинг чилтон берган рўмолин Бул айёр холаси урлаб [ўғирлаб] олади, Бошқа рўмол тизга ёзиб солади. «Гулшанбоғ». Авазхонни қўндириб ўнг тизига, Бу нозликди энди кулишин кўринг. «Гулихиромон».*

Тиз чўкмоқ 1) тиззаларини букиб, оёқлари устига ўтирмоқ; чўк тушмоқ; чўккаламоқ. *Ёрмат кириб, эшикни ёпди. Қизининг олдида тиз чўкиб, юзига тикилди, пешонасидан аста силади.. Ойбек, Танланган асарлар; 2) гавдани шундай тутган ҳолда илтижо-илтимос билан ёлвормоқ. Лекин ундаги шухратпарастлик, тама олдида подшоҳларга тиз чўкишдан ҳам, ўзгалар манфаатини босиб-янчиб ўтишдан ҳам қайтмаслигини кўпчилик биларди. Мирмуҳсин, Меъмор; 3) кўчма киши измига юрмоқ, иродасига бўйсунмоқ. Ана шу Сурхон жиловли ҳам жасоратли халқимиз измида, у қанчалик пишқирмасин, ўқирмасин, барибир, инсон олдида тиз чўқади. «Ўзбекистон қўриқлари».*

ТИЗ II тақл. с. Суюқлик куч билан отилиб чиқаётганда эшитиладиган товушга тақлидни билдиради. *Шланг тешигидан тиз этиб сув отилди.*

ТИЗГИН I От, эшак ва б. ҳайвонларни боғлаш ёки қантариб қўйиш учун хизмат қиладиган, учи сувлуққа ёки бошвоққа би-

риктириладиган узун тасма ёки чизимча. *Шербек эгардан сакраб тушиди. Отнинг тизгинини панжарага боғлаб, чўққахонага қараб юрди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 с. т. Жилов. *Овчилар хийла илгарилаб кетди. Жувон тизгинни сал бўшатган эди.. той бирданига кўтарилиб кетди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Раис отидан тушиб, тизгинни билагига солди-да, ариқдан юзини ювди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.*

3 кўчма Бошқариш воситаси, бошқарув. *Ёшларда ҳаё йўқ. Йўқ, айб онасида, тизгинини бўш қўйди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. Ўрта Осиёдаги ирригация иншоотларининг тизгини унинг қўлида. А. Абдуқодиров, Бўзсувдан Сирдарёгача. - Табиатимни ланж қилган баъзи нуқсонларни ҳисобламасам, мен сафаримдан хурсандман, — суҳбат тизгинини ўз қўлига олди афанди. «Муштум».*

ТИЗГИНЛАМОҚ I От, эшак ва б. ҳайвонлар бошига тизгин боғламоқ, тизгин солмоқ; жиловламоқ. *«Кишноқи»ни фақат Андриян тизгинлай оларди. Газетадан.*

2 кўчма Ўз амрига, иродасига бўйсундирмоқ, итоат қилдирмоқ; жиловламоқ. *- Уч раисдан бирини танлаш мумкин, — деди Зунунов, — катта хўжалик, одамлари ҳар хил, уларни тизгинлаб оладиган кексароқ, тажрибалироқ одам керак-да! И. Раҳим, Ихлос. Қоплонбекнинг ичига тушган ҳар қадаҳ коньяк сўз бўлиб қайнаса ҳам, у ўзини тизгинлаб турарди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Асов дарёлар тизгинланиб, улардан нур ва қувват олинаётир. Газетадан.*

ТИЗГИНЛИ I Бошида тизгини бор, тизгин солинган, жиловланган.

2 кўчма Киши амрига, иродасига бўйсундирилган; жиловланган; жиловли, ҳуқуқи бировнинг қўлида бўлган. *Йўлдошбой энди, кечадан бери тизгинли, тақдири бундан буён нима бўлишини билмайди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.*

ТИЗГИНСИЗ I Бошида тизгини йўқ, тизгинланмаган.

2 кўчма Киши амрига, иродасига бўйсундирилмаган; эркин. *Тизгинсиз от каби чопган ой дарё, Юрагиндан порлаб чиқар электр. Туйғун. Унга аён: кўтарилар сув Синганида қишининг қиличи. Унга аён: тизгинсиз Аму — Хархашаси, нози, қилиғи. С. Акбарий.*

ТИЗЗА 1 анат. Оёқнинг букиладиган, болдир билан сон қўшиладиган жойи. *Ҳаёт.. келинчақларча, бир оёғини йиғиштириб, иккинчи оёғини тиззасидан букиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мана, маст ҳолда Тожибой тўппа-тўғри Гулсумнинг эшигига келди-да, занжири илинмаган эшикни тизза билан бир итариб, тўғри ичкарига кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Тизза чўкмоқ кам қўлл. айн. **тиз чўкмоқ 1** қ. **тиз 1.** Тизза чўкиб ўтирмоқ. ■ *Тизза чўкиб ташриф этдилар Ўйинга шўх раққоса қизлар.* Э. Раҳим.

2 Иштон, шим ва ш. к. кийимларнинг тизни қошлаб турадиган, тиззага тўғри келадиган қисми. *Иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулар.* Мақол. ■ *Тиззалари титилиб кетган эски тиринка шимининг почаларидан сув сирқиб оқар.. чит кўйлаги шалаббо бўлиб, бадан-баданларига ёпишиб қолган эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ҳа, мулла Ғулом, тиззаларингиз тупроқ, намозни ерда ўқидингизми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Оёқнинг тиздан думбагача бўлган қисми (ўтирган ҳолатда). *Йўлчи ўтиргач, Шокир отанинг етим набираларини тиззасига олиб, ўпиб, узумдан икки бошини уларнинг қўлига тутқазди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Зулфиқор устодга яқин ўтириб, қўйнидан кенг ва қалингина дафтарни олиб, тиззасига қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Саодатхоннинг игна ушлаган қўллари беҳштиёр тиззаси устига тушди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ТИЗЗАЛАМОҚ 1 Чўкма тушмоқ, чўккаламоқ. *Тиззалаб юрмоқ.* ■ *Шофёр ҳар бири қўйдек келадиган иккита чўл қовунини иккилаб кўтариб келди-да, тиззалаб, думалатиб юборди.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Ота супадаги кўрпачага тиззалаб ўтириб, сабзи тўғрарди.* А. Эшонов, Ота. -*Сув! Сув олиб кел, ўғлим! — деб қичқирди эркак, ёнида тиззаланиб онасига мўлтираб турган катта ўғлига.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тизза билан босиб жойлаштирмоқ, ниқталамоқ, босмоқ. *Пахтани қанорга тиззалаб жойламоқ. Остига олиб тиззаламоқ.*

ТИЗИЛАМОҚ Давомли тарзда «тиз» этган товуш чиқармоқ (қ. **тиз 2**). *Трубанинг тешигидан сув тизиллаб оқмоқда.* ■ *Оддий қўл насосидан тизиллаб отилаётган сувни ўт ямлаб ютиб юборяпти.* А. Мухтор, Чинор. -*Бўлди, дедим, бўлди, бўлмаса, тилингни*

суғуриб оламан, — навкарнинг қамчиси кўкда тизиллаб, ҳавони кесиб ўтди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ТИЗИЛМОҚ 1 Тизмоқ фл. мажх. н. *Марварид доналари инга тизилди. Токчаларга тизилган олма, анорлар.* ■ *Энди отишмалар яққол эшитилибгина қолмай, ён-веримизга ўқ ёғилар, из қолдирувчи ўқлар маржондек тизилиб учарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Саҳна олдига тизилган скамейкаларни турли ташкилот ва мактаблардан келган вакиллар.. ва бошқа меҳмонлар тўлдирган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тизмоқ 2 фл. ўзл. н. *Солдатлар сафга тизилди. Қалдирғочлар электр симига тизилиб ўтиришибди.* ■ *Майин эсаётган шамол унинг [Саодатнинг] бетидан марварид доналари сингари тизилиб ётган терларни ялаб кетди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Йўлда, теракзорда машиналар, мотоцикллар, отлар, велосипедлар тизилибди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

3 кўчма Бирин-кетин гавдаланмоқ, кўринмоқ, қаторлашиб ўтмоқ. *Камбағал эри билан кўрган кунлар, беш бола билан бева қолиб тортган азоб-ўқубатлари кўз ўнгидан бир-бир тизилиб ўтди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

Кўзда(н) ёши тизилди Кўздан тўхтовсиз ёш оқа бошлади, кўздан дув-дув ёш оқди. *Ёлғизлигим сезилди, Кўзда ёшим тизилди, Юрак-бағрим эзилди, Келмайсанми, Хадичам. «Кўшиқлар».*

4 шв. Томоқ ёки ичакдан тикилиб ўтмоқ, тўхтаб қолгандай туюлмоқ. *Халиги овқат кўкрагимда тизилиб турибди.* ■ *Сенсиз ўтмас, ҳатто сув ҳам тизилар! Қулиб гоҳо, назар солмасанг бўлмас!* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

ТИЗИМ 1 Ип, сим ва ш.к. га терилган нарса; шода. *Бир тизим марварид. Бир тизим маржон. Бир тизим помидор қоқи. Бир тизим қалампи.* ■ *Биз ишни чўзмаслик учун ҳар қувурни алоҳида эмас, икки-учтасини бир тизим қилиб бураб олар эдик.* П. Қодиров. Эрқ.

2 Бир соҳа, муассаса ва ш.к. га оид йўналиш, иш-фаолият кабилар мажмуи. *Банк тизими. Халқ таълими тизими. Хавфсизлик тизими.* ■ *Меҳнат вазирлиги тизимида ишлайётганингизга ҳам анча бўлибди. Тизим ва унинг жойлардаги бўлимларида хотин-қизларнинг фаолияти қандай? -Тизимимизда ишла-*

ётган хотин-қизларнинг олиб бораётган ишлари яхши. «Меҳнат». Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий муносабатларида муҳим ўрин эгаллаган ташқи савдо тизимидаги туб ўзгаришлар суст амалга оширилмоқда. «Фан ва турмуш».

3 Ўзаро боғлиқ ва узвий тартибда бўлган нарсалар, ҳодисалар бирлиги, мажмуи. Барча бугундаги давлат идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган қонунлар тизимини барпо этиш лозим. Газетадан.

4 Ўзаро боғлиқ қисмлардан ташкил топган тузилма, ижтимоий, сиёсий ва б. жиҳатдан тузилиш шакли. Улар, бизга маълум сабабларга кўра, «Марказ» деб аталувчи эски тизимдан нихоятда безиллаб қолишган. Газетадан. Жумҳуриятларда бугун мутлақо бир-бирига ўхшамайдиган турли хил ижтимоий-сиёсий тизимлар вужудга келмоқда. Газетадан.

5 Бирор иш-фаолиятни ташкил этиш, амалга оширишнинг шакл ва тартиб-қоидалари мажмуи. Баҳолашнинг рейтинг тизимида ўтилди. «Маърифат». ...меҳнат унвондорлигини таъминловчи омилларнинг мунтазам тизимини яратиш тарафдоримиз. Газетадан.

ТИЗИМГУЛ Оқ, баъзан қизил ёки оч бинафша гулли кўп йиллик доривор ўсимлик.

ТИЗИМЧА кам қўл. айн. **чизимча**. Оппоққина юзи тухумдай йилтираган.. қўйлаги устидан ипак тизимча билан белини боғлаган киши гапни кесди. Ойбек, О.в. шабадалар.

ТИЗМА 1 Бирин-кетин ёки ёнма-ён жойлашган; қатор. Очил Зарафшон тизма тоғи этагида, чорвадор ва боғдор қишлоқда ўсган. П. Қодиров, Уч илдиз. Уйлар икки қаватли бўлиб, трассада анча юқори, тизма қум адирлар устида саф тортганлар. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Характери, табиати, муносабати ва ш.к.га кўра бир-бирига боғлиқ бўлган, кетма-кет ёки ёнма-ён содир бўладиган воқеа ва ҳодисалар тизилмаси мажмуи; тизим. Асарда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг характери, уларнинг ўзаро муносабатларини очиб берадиган, бир-бирига боғланган воқеалар тизмаси асарнинг сюжети дейилади. «Адабиёт хрестоматияси». Биз Жиззах насос станциялари тизмаси қурилаётган бошқа

участкаларга йўл олдиқ. «Ўзбекистон қуриқлари».

ТИЗМОҚ 1 Ип, сим ва ш. к. нарсаларга ўтказиб шодаламоқ; термоқ. Марварид доналарини ипга тизмоқ. Маржон тизмоқ. Ёш бурдаларини сихга тизмоқ. ■ ..катта-катта мунчоқдан тизиб, тасбеҳ қилиб берибди.. «Олтин олма».

2 с. т. Кимса ёки нарсаларни ёнма-ён ёки бирин-кетин жойламоқ, термоқ, саф ёки қатор қилмоқ; сафламоқ, қаторламоқ. Солдатларни сафга тизмоқ. Токчаларга анор, олма, беҳлар қатор-қатор тизиб ташланган. ■ Трактор паркидаги барча агрегат ва механизмлар сифатли созланиб, старт чизиғига тизиб қўйилган. Газетадан.

3 кўчма Бири кетидан бошқасини, бирин-кетин, узлуксиз келтирмоқ, қаторлаштирмоқ, қалаштириб ташламоқ. Маърузачи қуруқ рақамларни тизди. ■ Қулай пайт келса, [Элмурод] илҳоми қайнаб, қизнинг кўзларига тикилганича, гапларни тизиб ташлар.. эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Меҳнатнинг таърифини ёзган китоблар, Мардлар номин ҳарфма-ҳарф тизган китоблар. М. Шайхзода.

ТИЗҒИМОҚ Сизиб чиқмоқ (асосан, қон ҳақида). У.. ярадор, беададор болаларга ёрдам бергани, уларнинг қон тизғиб турган яраларини боғлагани югурди. М. Исмоилий, Барҳаёт қиз.

ТИЙИН I Бир сўмнинг юздан бирига тенг пул ҳамда шундай қийматга эга бўлган майда чақа. Беш тийин. Ўн тийин. ■ Даромад тақсимоотида ҳар бир меҳнат кунига яқин [тахминан] бир килодан бугдой, бир сўму қирқ етти тийиндан пул тушиди. А. Қаҳор, Бек.

ТИЙИН II айн. **олмахон**.

ТИЙИНЛИ Тийин қийматига эга бўлган. 3 тийинли чақа. 20 тийинли танга. ■ Жўра.. ҳўжранинг беш тийинли чақадай қулфини кўрсатди-да, йўқолди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТИЙИНЛИК Қиймати тийин турадиган, тийинга келадиган. 50 тийинлик чой.

ТИЙИҚ Ўзини тийиб, босиб, тутиб олган; қуюлган, босиқ. Тийиқ одам.

Нафси тийиқ Нафсга берилмаган, нафси ўлик. Нафси тийиқ одам. ■ Бошқа инсофлироқ, нафси тийиқроқ бирор шофёр ке-

либ қолар деган умидда.. кута бошлади. Газетадан.

ТИЙИКСИЗ Тийилмаган; бошқариб бўлмайдиган, асов. *Тийиқсиз бола.* ■ *Биз тийиқсиз ўзбошимчалик билан рубарў келиб турибмиз.* Газетадан. *Шунда у жиянига тийиқсиз куч ато этган худодан хафа бўлиб кетди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ТИЙМОҚ 1 Бирор иш-ҳаракатдан тўхтатмоқ, ундан ўзини ёки кимсани қайтармоқ; босмоқ, эрк бермаслик. *Кўз ёшини тиймоқ.* *Кўзинг оғриса, қўлингни тий;* *ичинг оғриса, нафсингни тий.* Мақол. ■ *У беихтиёр энгларини шимараркан, кичкинагина гавдасида тийиб бўлмас куч пайдо бўлгандек эди.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Кутиб, куткилаб, тергаб йўлга солмоқ; ножўя иш, йўл ва ш.к. дан қайтармоқ; тергамоқ. *Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўлингизни тийиб олиш сира эсингизга келадими?* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Яхши отадан ёмон бола туғилса ҳам булар экан. Отаси қандайин нозанин жувон тўғри келса ҳам, кўз қирини ташламак эди. Бу бебош бўлиб кетди, тиядиган кишиси бўлмади.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

Оғзини (ёки тилини) тиймоқ 1) бирор нарса дейишдан, гапдан ўзини тутмоқ, гапиришдан тўхтатмоқ, оғзига эрк бермаслик. *Ҳой бола, тилингни тий!* ■ *Комила ҳам ҳазил билан жавобга ҳозирланди-ю, яна тилини тийди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Йигитча.. чолга дашном бериб борарди, оғзини тиядиганга ўхшамайди.* «Муштум»; **2)** гапиртирмай қўймоқ, гапиришдан тўхтатмоқ, гапирмасликка мажбур қилмоқ. [Элмурод:] *Кўп алам ўтганидан тилим шунақа ёмон бўлиб қолган. Хўжайинлар уриб-сўксалар ҳам, тилимни тия олмадим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Оғзини тийиб қўёлмайсизларми?! И. Раҳим, Ихлос. Ўзини тиймоқ* Бирор ҳаракат-ҳолатдан ўзини тутмоқ, сақламоқ; тийилмоқ. *Шо-жалил яна «Одам эмасман, юз нима қилади менда?» демоқчи бўлди-ю, ўзини тийди.* Ю. Шомансур, Қора марварид. *Қарсак чалишдан ўзини тийиб, одамларга боқиб жилмаяр эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Қадамни тиймоқ** Бирор жойдан қадамини узмоқ, бориш-келишни тўхтатмоқ. [Олахўжа] *Гапни гинахонликдан бошлади: -Жуда қадамингни тийиб қўйдинг. Келиб, тоғангдан, ҳолинг қалай,*

деб суриштирай ҳам демайсан-а. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИЙНАТ [а. طينت — хулқ-атвор, табиат] Кимсага хос характер, феъл-атвор.

ТИЙРА [ф. تيره — қоронғи, қора; гам-ғуссали] эск. кт. Қора; қоронғи. *Кўзларим йиғлади зулфингни кўриб, Ки ёғин боисидур тийра булут.* Нодира. *То юзинг ойи намоён бўлди ҳусн афлокида, Рашиқ ўтидин тийра бўлди рўзгори офтоб.* Нодира. *Кўзимни тийра деб ёр, этмас юзига кўзгу, Киприкларимни тиг деб, сочиға шона қилмас.* Э. Воҳидов.

ТИЙРАК 1 Бир ерда тинч турмайдиган, ғайрати ичига сиғмайдиган; серҳаракат (асосан, ёшларга нисбатан қўлланади). *Тийрак бир бола армиядан кеча қайтган мезбоннинг ёнига ўтириб, медални ҳавас билан томоша қила бошлади.* Н. Сафаров, Тошга битилган хат.

2 Бардам, тетик, бақувват. *Саксонлардан ўтган, лекин тийрак чол.*

Тийрак тортмоқ Тетикланмоқ, жонланмоқ, куч-қувват олмоқ. *Бахмалдек юмишқ, чинни овозидек жарангдор бу кулгидан алла-нечук жонланиб, тийрак тортади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

3 Зийрак, хушёр. *Отаси ўйланиб қолди: ҳар нарсани билишга қизиқувчан, тийрак қизимга нима десам экан?* Й. Муқимов, Ипак толаси. *Сочлари дув оқарган, аммо кўз қарашлари тийрак доктор опа ҳар куни Шерзоддан қандоқ овқатланганини.. сўрайди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ТИЙРАКЛАШМОҚ Тийрак ҳолатли бўлмоқ, тийрак бўлмоқ. *Рихсининг кўзлари бирдан тийраклашди. Орқасига бир қараб қўйиб, Адолатнинг ёнига келди.* С. Зуннуова, Гулхан.

ТИЙРАН кам қўлл. Чуқур, теран. *Ихчамлик, лўндалик, тийран фикр, мантиқнинг кучлилиги.. шоир хотирасининг энг яхши фазилатларидандир. «ЎТА».* Узун бўйли, барваста оқсоқолнинг ақлли кўзларида чуқур ўй, тийран мулоҳаза. Ҳ. Фулом, Бир кунимиз.

ТИЙҒОНМОҚ шв. Тойғанмоқ, сирғанмоқ, тоймоқ. *Оёғи тийғониб кетди. Тийғониб йиқилди.* ■ [Маҳкам ака] *Толлар экилган ариқ лабидан бора туриб тийғониб кетди, гурсуллаб йиқилди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТИЙҒОНОҚ шв. Сирғанчиқ, тойғанчиқ. *Қўлим тердан тийғоноқ, Ўроғим ўрар чақ-*

қон. Қўжатга солсам ўроқ, Фарамлар ясар чунон. Сайёр.

ТИЙҒОНЧИҚ айн. **тийғоноқ**. Тийғончиқ йўл. ■ Мунисхон.. тийғончиқ ердан ўтишга ёрдам қўлини чўзиб турган Саидийга қўл бермоқчи эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Эҳтирос тугён урганда, ақл чироғи хиралашади, Кумуш. Бу ғоят тийғончиқ йўл. Ўйлаб, қараб қадам бошиш керак. Т. Жалолов, Олтин қафас.

ТИК I 1 Юқорига тикка йўналган ёки пастга тикка тушган. Тик жарлик. Тик қирғоқ. ■ Фақат, соҳил тик бўлгани учун, арваларни олиб чиқиш бениҳоят қийин эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Бобоқул отанинг назари тик қоя лабида турган оқ улоққа тушди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ердаги маълум нуқтага нисбатан вертикал ҳолатдаги тепа (юқори) қисм; тепада шундай ҳолатли. Мингбоши шошиб, осмонга қаради. Қуёш тик.. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Аммо ой тик кўтарилганликдан зиёратхона ичи қоп-қоронғи эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қуёш тик келганда, Чули бобо ҳаммани овқатга чақирди. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Оёқлари ёки асоси ерга тиралган, вертикал ҳолатдаги; тикка. Бўш қоп тик турмас. Мақол. ■ Қишлоқ хуснига ҳусн қўшган қадди расо тераклар тик қоматларини мағрур кўрсатиб турардилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Буларнинг орқасида тик турган одамлар бир-бирларига занжир билан боғлаб қўйилган каби зич ва тиғиз. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бўйи (нисбатан) баланд; бўйчан. Аввал ҳалиги тикроқ қора бола, кейин бошқалари ғойиб бўлди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Мен сендайлигимда, йўқ, сендан тикроқ бўлсам керак, мактабга қатнардим. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

5 У ёқ-бу ёққа бурилмаган (оғмаган), тўғри йўналишли; тўғри. Қишлоқ марказига тик йўл тушди. ■ Катта тик ариқ. Икки лаби тоғ-тоғ тупроқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Терак тагидан шолитоя бўйлаб йўл бор. Чирчиққа тик чиқади. Ҳ. Ғулом, Машғал. Ойниса кurt-кurt беда чайнаётган отни.. бир лаҳза кузатиб турди-да, таваккал қилиб, охурга тик борди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

6 Горизонтал юзага, чизикқа перпендикуляр ҳолатли, юқорига тикка кўтарилган ёки пастга тикка тушган; вертикал.

Тик чизик 1) вертикал чизик; 2) перпендикуляр чизик.

7 кўчма (айрим сўзлар билан қўлланганда) Тап тортмасдан, қўрқмасдан, дадил, тўппа-тўғри, рўйирост. Бетиға тик айтмоқ. ■ Бир хил итлар борки, бўри билан тик олишади. Ойбек, Болалик. Унинг [Адолатнинг] бир вақтлар ҳаёдан кишига дадил боқолмаган чиройли кўзларига ғазаб ва алам тўлган. Энди у ҳамма нарсасга тик, дадил боқади. С. Зуннунова, Гулхан. Мастуранинг ўлимнинг юзига бунчалик тик қарагани.. учун операциянинг натижасини кутмади. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

Тепа сочи тик бўлмоқ айн. тепа сочи тикка бўлмоқ қ. тикка.. Деса м унга бўлинг оғир, Тепа сочи бўлди тик. «Муштум». **Тик қилмоқ қ. тикламоқ 2.** Файрат қилиб кўпчилик, Гаражни қилдилар тик. Қ. Муҳаммадий.

ТИК II [гол. tik, ингл. tick] Каноп ёки пахта толасидан тўқилган қалин, пишиқ газмол, мато (кўпинча матрац, дастурхон ва ш.к. учун ишлатилади). Ойниса йўл-йўл тик кўрпачада.. ўтираркан, ўғли Йўлдошбекдан келган хатни қайта ўқиб чиқди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. Тикдан бир хилда тикилган кийим кийган, мадори кетган ярадорлар ҳовлига чиқшиди.. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТИК III [фр. tic — учиш, пирпираш] тиб. Нерв системасининг касалланиши оқибатида айрим ёки бир гуруҳ мускулларнинг (одатда, юз, бўйин, қўл ва б. мускулларнинг) ихтиёрсиз қисқариши.

ТИКАН I Ўсимликларнинг, шунингдек, баъзи ҳайвонларнинг ингичка учли, нинасимон аъзоси. Қизил гул тикани. Янтоқ тикани. Типратикан тикани. Тикан бўлиб оёққа қадалгунча, гул бўлиб кўкракка санчил. Мақол. ■ Воҳид жон-жаҳди билан сиқимлаган наъматак тиканлари кафтига эмас, юрагига санчилди ғўё! «Саодат».

2 Шундай нарсали (тиканли) ўт-ўсимликлар. Экувсиз қолган ерларда тиканлар ўсиб ётибди.

3 Нарсаларнинг ўткир тикансимон қисми. Тўсиқ симнинг тикани.

Кўзга тикан Кишиларга ёмон кўринган кимса ёки нарса ҳақида. Халқимизда ажойиб бир мақол бор: «Текин еган — кўзга тикан». М. Исмоилий, Бизнинг роман. **Тикан бўлмоқ** Ўртада тўсиқ, ғов бўлмоқ. Унинг [Зайнабнинг] бу ҳоли эрса менинг учун яхши эмас,

у яна кўп вақт бизнинг орамизда тикан бўлмоқчи. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тикан устида ўтирмоқ** айн. игна устида ўтирмоқ қ. игна. - Сипориш қилсам-у, тикан устида типирчилаб ўтирсам, барибир, гап қовушмайди. Ундан кўра дангал гап яхши: мен далага чиқмоқчиман, — деди Парпиев. Й. Шамшаров, Енгиш. **Тиканга ағанамоқ** (ёки думаламоқ) Тинчлигини йўқотмоқ, нотинч бўлмоқ, руҳий азоб тортмоқ, қийналмоқ. *Отабек қизга уйланиб қўйгач, бизнинг Ҳомид тиканга ағанаб, орадан Отабек билан Мирзакарим акани кўтариш фикрига тушган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Одилжон шу кеча тикан устида думалаб чиқди.* И. Раҳим, Қўшнилари. **Қора тикан** Кишиларга ёмон кўринган салбий шахс ҳақида. - *Йўқ, фақат сиз яхшисиз, — деди Зулайхо истехзо қилиб.* - *Бошқаларнинг ҳаммаси қора тикан, ҳаммаси сизни кўролмайди!* П. Қодиоров, Қадрим. **Қора тикан туз** айн. **тиканак туз** қ. **тиканак**.

ТИКАНАК 1 Тиканли ўсимликларнинг умумий номи. *Онахон.. тиканак босиб кетган гўристон устидан туғри темир йўл устaxonаси томонга йўл олди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Чўққининг ўрта ерида, «Тошбулоқ» яқинида тиканак ва арча чуқиртакларидан гулхан ёқилгач, болаларнинг қувончи яна қанотланди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 айн. тикан. - *Оёқларимни ари талаб кетди! — деб типирчилаб ўтириб олди.* Болалар эгилишиб қарашса, ари деган нарса кўринмасди. *Фақат пайпоғининг ҳамма ёғига тиканаклар ёпишиб олганди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. [Абдусамад] *Ўғай отанинг кўзига тиканак бўлмаслик учун бир бурчакка тиқилиб ухлаб қолар эди.* Ойбек, Навоий.

Тиканак туз Новвотсимон кристалланган йирик туз. *Бало-қазони ҳозир даф қиламиз. Битта товоққа кул солиб, тиканак туз билан бир кафт исирикнинг донидан олиб келинг.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. **Чақир тиканак** Пояси ётиб ўсадиган ёввойи ўт ва унинг юлдузча шаклидаги тикани (тиканларидан бири юқорига қараб ўсган бўлади). *Оёқларимга чақир тиканаклар кириб, ҳамма нарса йўлмни тўсарди.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

ТИКАНАКЛИ Тиканаги, тикани бўлган; тиканли. *Тиканакли сим.*

ТИКАНЗОР Тиканли ўсимликлар ўсиб ётадиган, тиканли ўсимликлар билан қопланган ер, майдон. *Тиканзор чўл.* ■ Сувсизликдан қақшаб, худди скелетларга ўхшаб қолган янтоқ ва тиканзорлар майдони. Туй-гун, Сўнгги саёҳат.

ТИКАНЛИ 1 Тикани бор, тиканлар билан қопланган. *Тиканли дарахт. Тиканли ўсимлик.* ■ *Туялар олдига янтоқ ташланган ва улар игнадай тиканли бу хашакни, қари одамлар пашмак ҳолва егандай, осонлик билан ютмоқда.* С. Айний, Қуллар. *Тиканли симлар билан ўралган бу ям-яшил ўрмон этаги, бу оппоқ палаталарда кечаю кундуз азоб, ўлим.* А. Мухтор, Чинор.

2 кўча Кишига қаттиқ ботадиган, озор берадиган; аччиқ, ёқимсиз (гап-сўз, муомала ҳақида). *Ҳусайн Бойқаро отда туриб, асирига бир неча аччиқ, тиканли сўзлар олди-да, қўли билан навкарларга «олиб жунанглар», деган ишорат қилди.* Ойбек, Навоий. *Рашиднинг гапи, гарчанд холис ва муҳокамали бўлса ҳам, нима учундир Элмуродга тиканли туюлди.* И. Нухрат, Шинелли йиллар.

ТИКЕР [ингл. ticker] Қимматбаҳо қоғозларнинг охириги, қатъий белгиланган баҳоси (курси)ни кўрсатиб, маълум қилиб турувчи биржа аппарати.

ТИКИЛЛАМОҚ Бир маромда узук (паст) «тик, тик» этган овоз бермоқ (чиқармоқ). *Девор соат гўё Акрамнинг қолган умри ҳисобини қилаётгандай.. тўхтовсиз, эринмай тикиллар эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ТИКИЛМОҚ I **Тикмоқ** фл. мажҳ. н. Бир кунда юзта қўйлак тикилди. *Ўтлоққа ўтовлар тикилди. Майдонга баланд дор тикилди. Эзгу иш учун бош ҳам, жон ҳам тикилди.* ■ *У [Фотима] енгларига чиройли қизил кашталар тикилган украинча оқ шойи кофта, қора юбка кийган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кечқурун биёбонда Тикилди юз палатка.. Куй янгради гармонда, Файз бағишлаб ҳаётга!* Ё. Мирзо.

ТИКИЛМОҚ II 1 Кўз узмасдан қарамоқ, узоқ қарамоқ; диққат-эътибор билан, разм солиб боқмоқ. *Кириб кетди синфга эркам, Туриб қолдим тикилиб кўп вақт..* Ё. Мирзо. *Ҳиротдан келган гўзал қизга ҳамма маҳлиё бўлиб тикиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Абдуғафур ота ҳамсухбатини биринчи марта*

кўраётгандек, унга қаттиқ тикилди. «Шарқ юлдузи».

2 кўча Қасд қилмоқ, қасдига тушмоқ. [Шерали] Тикилган душмандан олади ўчни. «Эрали ва Шерали». Сенинг бошингга тикилган бу балоларни ўзининг ширин жонидан кечиб даф қилган Отабек сени сира ҳам унутмас. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Оғзиға тикилмоқ Гап кутмоқ (суҳбатдошидан, қаршисидаги кимсадан). Биз бир зумда жимиб, Ҳасан аканинг оғзиларига тикилдик. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

ТИКИШ 1 Тикмоқ фл. ҳар. н. [Унсин] Маҳси тикишини, йўқчилик, муҳтожлик ичида яшашини Гулнордан яширган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Китоб ўқишдан зериккан чоқларимда бичиш, тикиш билан машғул бўлиб, бу ҳунарни ҳам етарли даражада ўзлаштирдим. С. Айний, Эсдаликлар.

2 Тикувчилик, бичиш-тикиш ишлари, чок; тикувчилик санъати. Зумраднинг тикиши гўзал, упакни турлаши ҳам моҳирона. Ойбек, Улуғ йўл.

Тикиш халтаси Тикувчи ёки каштачининг ўз иши учун керакли буюмлар (ип, ипак, латта, ангишвона, игна ва ш.к.) солиб қўядиган халтаси; ишпеч. Гулнор кўча эшигидан ҳовлисига кираркан.. айвонга наранжисини отди, тикиш халтасини танчага ташлаб, устунга суяниброк, бир муддат наришон туриб қолди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Каштачилик ва, умуман, дўзандалик йўли билан тайёрланадиган нарса (маҳси, дўппи ва ш.к.). Энди сотишга ҳеч нарсам қолмаган эди. Яна тикиш тикдим. Бу ўртада дадам қазо қилди. Ойбек, Танланган асарлар. Тирикчилик тоши бениҳоят оғир бўлар экан. Бизларни зориқтирмаслик учун аям тикиш тика бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Хом теридан тилишлаб, тилим-тилим қилиб ясалган майин қайиш ип. -Мана буларни ямаб қўй, — деб жаҳл билан олдимга узилган-ямалган бир тўда қайиш, жазлик, юган — от абзалларини, бир бигиз ва бир неча та тикиш билан улоқтирди. Ф. Ғулом, Тирилган мурда.

ТИККА 1 Юқорига ёки пастга тик йўналган; тик, вертикал. Тикка қоя. Тикка ўсган дарахт. Тутун тикка кўтарилмоқда.

Найза ерга тикка санчилди. ■ Ариқ қа-зувчилар эртасига келиб қарасалар, тикка жар ўпирилиб тушиб, ариқлари кўмилиб, тептекис бўлиб қолибди. С. Анорбоев, Оқсой. Қайнаб чиқар нефть булоқлари, Фонтан бўлиб отилар тикка. Ё. Мирзо. Қўрбоши кулиб юборди. Унинг амри билан полвон яна илгариги жойига келиб, чатаноғини кериб, тикка турди. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

2 Ергаги маълум нуқтага нисбатан вертикал йўналишдаги тепа жой. Кулранг осмоннинг олис-олис бурчларида юлдузлар митиллайди. Ҳов ана, тиккада ёрқин бир юлдуз — тонг юлдузи порламоқда. Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан. У[Раҳим Саидов] пастга тушди. Кун тиккага келган, кўча ёнарди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

Тепа сочи тикка бўлмоқ қ. тепа. Турбонинг тепа сочи тикка бўлди: -Ҳай, сенинг димоғ-фироғинг кимга, ҳўш, нима дейсан? А. Қаҳҳор, Анор.

3 Тўппа-тўғри йўналган; у ёқ-бу ёққа бурилмайдиган, оғмайдиган; адил, тўғри. Узун ғиштин йўлка дарвозахонадан бошланиб, қорбоғни тикка кесиб ўтади. Ҳ. Ғулом, Бинафша атри. Мاستон иланг-биланг йўлни қолдириб, мўлжалланган тепаликка қараб тикка йўл солди. А. Қаҳҳор, Мастон.

4 кўча Тап тортмасдан, қўрқмасдан; дадил, тик. Бетига тикка айтмоқ. Тикка олишмоқ. ■ Ёвга қариш тикка босиб борганман. Т. Тўла. Нега сен менга тикка гапирадиган бўлиб қолдинг? Мирмуҳсин, Умид. Бу гапни ғар ҳам кўтара олмас, тикка юлишар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТИККАЙМОҚ Тик ҳолатли бўлмоқ, тикка бўлмоқ. Тепа сочи тиккайди. Қулоқлари тиккайди. ■ Илон изи каби буралиб оқайтган Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги кенг қирда тиккайган дарахт кўринмайди. Ойдин, Фарҳодлар. Меҳриой дугонасининг елкасига суяниб турганидан, сочидаги лентасининг учи тиккайиб қолган эди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

Сочи тиккаймоқ айн. тепа сочи тикка бўлмоқ қ. тепа. Комила раис ҳақида бир нима деб ачитиб олди, шекилли, Шамсиевнинг сочи тиккайиб, зарда билан трубкани қўйиб қўйди. «Муштум».

ТИККАЛАМОҚ У ёқ-бу ёққа бурилмасдан, тикка, тўппа-тўғри йўналмоқ. Шопиядан тиккалаб бормоқ. Тиккалаб кўтарилмоқ.

ТИККАМА-ТИККА айн. **тикка** 4. [Махсум] Чол билан тиккама-тикка олишишдан кўра, ялинишни афзал кўрди. А. Муқимов, Ҳашарот.

ТИККАСИГА рвш. 1 У ёқ-бу ёққа бурилмасдан, тиккалаб, тикка; тўппа-тўғри. Чўққига тиккасига чиқмоқ. Дала ўртасидан тиккасига йўл солмоқ.

2 айн. **тикка** 3, 4. Зайнаб яна кўзиди ёши, Ва туташиб ичи ва таши, Ғазаб билан ўрнидан турди, Тиккасига ичкари юрди. Ҳ. Олимжон.

ТИКЛАБ рвш. Тиккасига, тиккалаб, тикка. Душманга қарши баланд қир устига тиклаб кўтарилган танкетка биринчи дафъа хужумга бошлади. Ҳ. Сайидахмад, Мастура.

ТИКЛАМОҚ 1 Тик, вертикал ҳолатга келтирмоқ, тикка қилмоқ, тикка қилиб қўймоқ. Йиқилган ғўза тупларини тикламоқ. ■ Журапошиш настга тушиб, шотини тиклаб қўйди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Султон бўзчи камон сингари эгилган қаддини.. тиклаб, базўр ўрнидан турди. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

2 Қурмоқ, бино қилмоқ, бунёд этмоқ. Ўтган йилнинг баҳорида мана шу жойини тиклаб олдим. М. Абдулла, Кутилмаган меҳмон. Қурилиш майдонида иш жадал.. Биров палатка тиклаётти, иккинчи бир киши чизмаларга белгилар қўйяпти. С. Кароматов, Бир томчи қон. Биргалашиб чўлда биринчи оқ уйни тиклаганмиз. «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Йўқ бўлган, ишдан чиққан, хароб бўлган ва ш.к. нарсаларни бор қилмоқ, асл ҳолига келтирмоқ. Архитектура ёдгорликларини тикламоқ. Хўжаликни тикламоқ. ■ Водоканчани тиклагани ғишт, қум ташиш керак бўлганида, отининг туёғига мих қоқиб, оқсатиб қўйган ким эди? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Хўжалик раҳбарларининг ишига — меҳнат аҳлининг саломатлигини тиклаш ҳақида қилаётган ғамхўрликларига қараб баҳо берилмоқда. «Ўзбекистон қўриқлари». Цех қолоқликдан чиқиб, аввалги шуҳратини яна тиклади. Газетадан. Боис Эргашев.. радиостанцияни қайиққа ортиб, узилиб қолган алоқани тиклади. Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Унутилган, эсдан чиқиб кетган нарсаларни юзага келтирмоқ; бекор қилинган, рад этилган нарсаларни қайта жорий қилмоқ, қайтариб бермоқ. Алоқа-муносабатлар-

ни тикламоқ. Ҳуқуқини тикламоқ. Унвонини тикламоқ. ■ Умид эслаб-эслаб, кейинчалик она алласининг деярли ҳаммасини тиклаб олди. Мирмуҳсин, Умид.

5 Қайта ўз ўрнига, ишига қўймоқ. Директор ноҳақ ишдан бўшатирилганларни яна тиклади.

6 шв. Бошини кўтарган ҳолда тик қармоқ. Терсак дамини ичига олиб, тишини тишига қўйиб, кипригини қоқмай тиклаб қолди. «Равшан». Ҳеч нимадан иши бўлмай, Ҳамма анграйиб тиклаб қолган. «Муродхон».

ТИКЛАНМОҚ 1 **Тикламоқ** фл. ўзл. ва мажж. н. Нарвон тикланди. Алоқа тикланди. Унинг ҳуқуқи тикланди. У ўз вазифасига тикланади. ■ Унинг [иморатнинг] ўпирилиб тушган жойлари синиқ пишиқ ғишт, гувалак билан тикланган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. У [Ғазилдин] биринчи бор учрашгани беихтиёр Шербекнинг хотирасида тикланди. С. Анорбоев, Оқсой. Тўсатдан.. дам ғужанак бўлиб, дам тикланиб, дамини чиқармай азоб тортаётган новча қотма бир киши [Меҳрининг] кўз ўнгига келди. С. Анорбоев, Меҳр.

2 Уришиш, жанжаллашиш учун ростланмоқ, қўзғалмоқ, Отасига қарши тикланмоқ. ■ Тинчлик солдати бўлиб Отланиб тикланасан. Қ. Муҳаммадий.

ТИКЛАШМОҚ 1 **Тикламоқ** фл. бирг. н. Колхозчилар ётиб қолган ғўза тупларини тиклашмоқда. Бузилган уйни тиклашмоқ.

2 с. т. Рўбарў келиб уришмоқ, жанжаллашмоқ. Улар бир-бирлари билан тиклашиб қолдилар. ■ Нима гап ўзи, қоришмага нима бўлибди? — деди Ҳикмат ҳам Усмоновга тиклашиб. Ю. Шомансур, Қора марварид.

ТИКМА I Ип билан тикилган. Тикма этик.

ТИКМА II қ. х. Уруғликни сепиб эмас, балки уяларга кўмиб экиладиган ва шу йўл билан экилган. Тикма экин.

ТИКМОҚ I Игна-ип билан чоклаб уламоқ, бириктирмоқ; шу йўл билан бирор нарса тайёрламоқ. Ярани тикмоқ. Қоннинг оғзини тикмоқ. Қалпоқ тикмоқ. Этик тикмоқ. ■ Даҳлизда Ҳасанали узилган от асбобларини улаб тикар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Дилбар ҳам сизга атаб бир чиройли рўмолча тикди. С. Зуннунова, Янги директор. Фотима она ҳар хил қийқинди-

лардан олиб, қўғирчоққа қўйлақча тикиб берди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Ўрнатмоқ, қадамоқ; қурмоқ. Байроқ тикмоқ. ■ Уларда иморат-бино йўқ эди, ҳаммаси ўтов тикиб ўтиришар эди. «Бўтақўз». ..майсалар устига чодир тика бошлашди. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Экмоқ, қадамоқ. Ерга уруғ тикмоқ. Чигирткалар экин ер, экмай-тикмай, текин ер. Мақол. ■ Кун исииши билан.. ариқлар қуриган. Мўл ҳосил ундирмоқ ниятида экин тиккан деҳқон бор сувни, олтин тортгандай, мисқоллаб сарфлайди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

4 Болалар ўйинида: ганақни маълум тартибда териб қўймоқ, жойламоқ. *Иккитадан ёнғоқ тикмоқ.*

5 Қиморда: ўйинга пул ёки бошқа нарса қўймоқ. *Отаси ўлиб, катта меросга эга бўлган бойваччаларнинг кўпи.. пул тикиб, хўроз уриштириб роҳатланар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Бой беради-ю, ўзи ютмагунча ўйинни тўхтатмайди, ҳеч нарсаси қолмаганда, бутун аъзоларини битта-битта тикаверади, қўли, бурни.. борингки, занжирлаб ташланг, барибир ўйнайди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

6 Турли ўйин ва мусобақаларда: голиблар учун, ютуқ сифатида бирор нарса атамоқ, ўртага қўймоқ. *Мен ҳаммаларининг гувоҳликларингга мусобақага бир қўй тикаман. Н. Сафаров, Дон.*

7 кўчма Баъзи сўзлар билан бирикиб, шу сўз ифодалаган нарсани (бирор шахс ёки нарса учун) бахшида этиш маъносини билдиради. *Ҳамроҳларим ўз жонини тикиб бўлса-да, ғалабани тавмин этдилар. Н. Сафаров, Оловли излар. Мен бутун дунёمنى Раҳмонқулга тикканман.. Ҳ. Фулом, Машғал. Шундай яхши кунлар келиши учун курашган, чўлни бўстон қилишга ҳаётини тиккан одамларни эъозлаймиз. «Ўзбекистон қўриқлари».*

ТИКРАЙМОҚ шв. Тикка турмоқ, тиккаймоқ. *Кампир бели букрайиб, қулоғи тикрайиб бораётибди. «Алпомиш».*

ТИКУВ 1 Тикмоқ фл. ҳар. н. *Иш тикув. Дўппи тикув.*

2 Тикувчилик иши, касби, ҳунари. *Тикув машинаси.* ■ Темиржон боғчага борадиган бўлгандан кейингина тикув фабрикасига қатнай бошлади она. Ж. Абдуллахонов, Орият.

ТИКУВЧИ 1 Тикмоқ фл. сфдш. *Дўппи тикувчи. Кийим тикувчи. Сўзана тикувчи. Этик тикувчи.*

2 Тикиш касби эгаси; машиначи. *Отам — артист, онам эса тикувчи. С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини. Баъзилар матоларини ишни чўзган бошқа тикувчидан олиб, Мадинага беришарди. Мирмуҳсин, Чодрали аёл.*

ТИКУВЧИЛИК Тикувчи касби; тикув ишлари билан шуғулланиш. *Тикувчилик артили. Тикувчилик фабрикаси. Тикувчиликни ўрганмоқ. Тикувчилик билан шуғулланмоқ.*

ТИЛ I 1 анат. Оғиз бўшлиғида жойлашган, таъм-маза билиш, оғизга овқат олиш, ялаш ва ш.к. лар учун хизмат қиладиган мускулли аъзо. *Иссиқдан итнинг тили осилган. Айтсам, тилим куяди, айтмасам — дилим. Мақол.* ■ Ўлғудай тахир экан, тилимни ёреудай, оғзимни куйдиргудай бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ниҳоят, гапир-гапир қақраган лабларини тили билан ялаб, Лутфинисо жим бўлди. Ойбек, Танланган асарлар. ..бузоқчалар буйинларини чўзиб, унга [раисга] тилларини кўрсатишди. «Муштум».

2 кўчма с. т. Асбоб, механизм ва ш.к. нинг осилиб, қимирлаб турадиган қисми. *Соатнинг тили. Компаснинг тили. Қўнғироқнинг тили.*

3 кўчма поэт. Тигга ўхшаш, учли нарса. *Шамол кучайиб, оловнинг тили яна ҳам узунлашди. С. Аҳмад, Уфқ. Тепага кўтарилган қуёш ўтли тили билан ер бағридаги барча намни сўриб оларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қуёш ҳароратидан баҳраманд бўлган майса, Қиёқ тилларин чўзиб, нурга қасида куйлар. Ғ. Фулом.*

ТИЛ II 1 Кишилар ўртасида, жамиятда ўзаро фикр алмашишнинг муҳим воситаси; тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти. *Одам тилидан топар, ҳўкиз — мугузидан. Мақол.* ■ Хотиннинг бу гапи Бўтабойнинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин бундаги кучли мантиқ тилини боғлади-ю, ҳеч нарса деёлмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ҳафиза ҳеч нарса деёлмасди. Унинг тиллари ҳали қовушмай гўлдирарди. Мирмуҳсин, Умид. -Никоҳ қилмай, бир йилдан ортиқ тотув яшадик. Иннайкейин, — деди-ю, тили тутилиб, гапни айлантириб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Юсуфбек ҳожи сўзлар экан, юраги машғум бир эҳтимолнинг даҳшатидан

тирар, тили ҳам осонлик билан ҳаракатланмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Сўзлаш, гапириш, фикр ифодалаш қобилияти. Тил инсон учун берилган буюк неъматдир. ■ Гапирмоққа тили йўқдир жонивор, Рустамнинг бошида айланиб турар. «Рустамхон».

Тил учиди (ёки тил учи билан) сўзламоқ (ёки гапирмоқ) Сидқидилдан эмас, шунчаки (йўлига) бирор сўз (гап) айтмоқ. Кўз учиман кўзлама, кўзингга зўр келар, Тил учиман сўзлама, ўзингга зарар келар. Мақол. ■ Уни хуш кўрмасам ҳам, у, тил учидами, ҳар вақт манга «жияним», деб ширин гапиради. Ойбек, Танланган асарлар. **Тилга кирмоқ (ёки келмоқ)** Сўзлай бошламоқ (гапирмай турган ҳолатдан кейин ёки кимнингдир гапнутқидан сўнг). Оқсоқол деразанинг зиҳига омонатгина ўтириб, ҳаккам-дуккам соқол ўсган иягига қўлини тираб, ўйланиб қолди. Охири тилга кирди. С. Аҳмад, Ҳукм. Уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин Отабек тилга келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тилга олмоқ** Гап-суҳбат давомида кимса ёки нарс ҳақида гапирмоқ, эслаб гап айтмоқ; умуман, бирор сўзни айтмоқ. Кейин у ўзига ўзи танбёҳ берди: «Ёмонликни тилга олма, Нормат, бундай бўлиши мумкин эмас». И. Раҳим, Чин муҳаббат. Уста «подшоҳ» сўзини тилга олгани сабабли, Маъсумабека лабини тишладди. Мирмуҳсин, Меъмор. **Тилдан айрилмоқ (ёки қолмоқ)** Сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ. Пиримбой, уруш бошланганда, ёнғоқнинг тасида ухлаб қолиб, тилдан айрилдим, деб то уруш тугагунча гунг бўлиб юрган экан. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Ҳатто тилдан қолган касалнинг розилик тилашиб қарагани ҳам дунёдан умид узгани эмас. А. Қаҳҳор, Асарлар. **Тили айланмаслик** Тили гапга келмаслик, гапиролмай қолмоқ. Мунавварялти этиб қаради. Рўзининг лаблари титраб, тили айланмай қолди. «Муштум». **Тили бормаслик** Бирор нарс дейишга ботина олмаслик, кўнгли бўлмаслик. Кўп вақтдан бери миямда бор-у, лекин айтишга тилим бормаи келади. М. Исмоилий, Фаргона т.о. Кўнглига келган гапни очик айтишга Низомжоннинг сира тили бормасди. С. Аҳмад, Уфқ. **Тили гапга келмаслик** Гап-сўз айтолмай қолмоқ. Довдираб қолганимдан, тилим гапга келмай, «а-а», «а-а» дейман нуқул [деди Саид]. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. **Тили келишмаслик (ёки келмаслик)**

Талаффуз қила олмаслик, айта олмаслик. [Ҳамроқулни] Чақирган киши томошабоғнинг қоровули Уста кулол эди. Унинг асли оти Стокгулов. Ҳамроқул, айтишга тили келишмай, Уста кулол қўйиб олган. А. Қаҳҳор, Томошабоғ. **Тили келмаслик** Гапира олмаслик, сўзлай олмаслик. Ўтирган жойида қозикдек қоқилиб қолган эди, қутидорнинг олдида юришни-да билмас, сўзлашга ҳам тили келмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тили чиқмоқ** 1) гапирадиган бўлмоқ, гапиришга ўрганмоқ. Ўғлимнинг тили чиқиб қолди, баъзи сўзларни айтяпти; 2) гапирадиган, гапиришга журъат этадиган бўлмоқ. -Тилинг чиқиб қопти! - У Нафисанинг юзига тарсаки тортиб юборди.. Мирмуҳсин, Топилган хусн. **Тили қисик** Ҳеч нарс дея олмайдиган, қарши гапира олмайдиган ҳолатли. У очқўзлар бундан кейин ҳам мени қўйишмайди.. Улар олдида ҳар вақт тилим қисик. Ойбек, Танланган асарлар. Унинг тили қисик бўлишига сабаб бўлган гуноҳи шундай содир бўлган эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Тили қичимоқ ёки тилини қичитмоқ** Сўзлашга хоҳиш кўзгалмоқ (кўзгатмоқ). Бу йигит жуда тегишқоқ бўлиб.. бу гапни ҳам унинг тилини қичитиш учун айтган бўлса керак.. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Жура, оти ҳақида гап сотишни яхши кўрарди, дарров тили қичиди. Ойбек, Танланган асарлар. **Тилининг учиди турибди** Бирор сўз, гапнинг ёдига тушай деб, айтмай-айтай деб турган ҳолатни қайд этади. [Зараров: (ўйлаб)] Тилининг учиди турипти-я! Хайр, майли, кейин айтаман.. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. [Саид:] Сенинг иккинчи отинг нима эди, ҳозир тилининг учиди турувди. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. **Тилини боғламоқ** Гапирмайдиган қилиб қўймоқ, гапдан тийиб қўймоқ. Бугунги зўфат ўқитувчилар билан орани мустаҳкамлаш, Саодатхоннинг тилини боғлаш учун қилинган. С. Зуннунова, Янги директор. ..бу гапни кампирнинг тилини боғлаш ва, назарида, дурустгина гап тополмай чулдираб ўтирган Зуннухўжага луқма солиш учун айтди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Тилларда дoston** Бирор кимса ёки нарсанинг ҳаммаинг оғзидан тушмай, таъриф-тавсифда бўлган ҳолатини билдиради. Пахтаси, ширин-шакар меваси туфайли Ўзбекистон номи тилларда дoston. «Саодат». -Келиннинг сулувлиги Марғилонда маълум эканми? -Маълум

экан, тилларда дoston экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Фикр ифодалаш жараёни ва бу жараёнда юзага келувчи сўз, ибора, гап, нутқ. Тил билан дил бир хил бўлиши керак. Тўғри тил тошни ёради, эгри тил — бошни. Мақол. ■ Беш яшар Турғунбой ширин гўдак тилидан: -Сиз зўрми, дадам зўрми? — деди-да, уялиб, бошини кўртасига яширди. Ойбек, Танланган асарлар. Банди шўрлар, қулоқ солгин тилима. «Эрали ва Шерали».

Тил бириктирмоқ Ўзаро келишиб олмоқ, бирор иш бўйича (одатда, кимлардандир яширин ҳолда) бир фикр-хулосага келиб олмоқ. Синглинг қиз дилини билиб чиқсин. Хўп деса, тил бириктириб, бир кечада ура қочасанлар. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳисобчи Раҳим Ҳайитбоев билан тил бириктириб.. колхознинг ўнлаб қўйини саранжом қилиб юбордик. «Муштум». Тил тегизмоқ Иззати нафса тегадиган, умуман, тегадиган номмабул гап қилмоқ. Агарда устод Қавом ҳазратлари хонадонига яна бир нима деб тил тегизсангиз, мухтарама аямларга айтиб бераман. Мирмуҳсин, Меъмор. Бунинг оқибати, албатта, ёмон. Уламоларга асло тил тегизмангизлар, Абдишукур! Ойбек, Танланган асарлар. Тил топишмоқ Ўзаро бир фикр-мулоҳазага келмоқ, шундай ҳолатда иш тутмоқ. Кулоллар билан тил топишиб, ложувард кошинларни ўз вақтида етказиб беришажасига ишонган Меъмор.. Аҳмад Чалабий билан ҳам очилиб, қувнаб гаплашарди. Мирмуҳсин, Меъмор. Тил тортмаслик Тил гапга келмаслик, ҳеч нарса деёлмаслик. Тил тортмай ўлмоқ. ■ Георгадзе дайди ўққа дуч келиб йиқилди, йиқилди-ю, тил тортмай қолди. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Тилга тушмоқ айн. оғизга тушмоқ қ. оғиз. Йирик корхонада чиниқиб, кўзи пишган қизнинг ноти тилга тушиб қолди. Газетадан. Тилдан қолмоқ Сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ, Гапирай деса, тилдан қолганга ўхшайди. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. Тили узун Ҳар нарсани гапираверадиган, тап тортмай, ҳадди сиғиб айтаверадиган. Бу замонда.. ким бой бўлса, унинг оғзи катта, тили узун. Ойбек, Танланган асарлар. Бегимхоннинг тили узун бўлиб кетди. Энди у нима деса, дея олади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Тилидан бол томмоқ Муомаланинг ўта ёқимли, «ширин» эканлигини қайд этади. Низомиддиннинг исмини

Қавом ҳазратлари қўйганлари, Бадияни келин қиламан, деб тилларидан бол томиб гапирганлари ҳаммага маълум-ку! Мирмуҳсин, Меъмор. Тилидан туширмаслик (ёки қўймаслик) Доим эслаб тилга олмоқ, у ҳақда доим гапириб юрмоқ, доим тилида бўлмоқ. Сени, бошқа курсдошларини тилидан қўймайди. ■ Бувим ойимларни яхши кўрардилар. Ҳозир ҳам сира тилларидан қўймайдилар. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Тилини бермаслик Ўз гапида туриб олмоқ, гапини маъкуллайвермоқ. Ёш бўлса ҳам, тилини бермайди. ■ Биласанми, тўртта одамнинг орасига кириб, ҳали тилини бермаганман-а! С. Аҳмад, Ханка билан Танка. Тилини кесмоқ Гапидан тўхтатмоқ. Тўқли мерган Тўғонбекни мақташга бошлаган эди, Тўғонбек унга хўмрайиб, тилини кесди. Ойбек, Навоий. Тилини тиймоқ Гап айтиш (гапириш)дан ўзини тутмоқ. Дарвеш гов яна бу ерда ҳам тилини тиймай, чатоқ қилди. Барча бекларни ёмонлаб, қарғаб, оловга мой сенди! П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Тилини тишламоқ Мажбурий ёки пушаймон ҳолда гапдан тўхтамоқ, гапирмаслик. Зулфиқор бу гапни эшитиши билан тилини тишлади, сукут қилди. Мирмуҳсин, Меъмор. Бир кун кечди тилини тишлаб, На хурсандман, на хафа ундан. Р. Парфи, Кўзлар.

4 Фикр ифодалаш, алоқа кулоли бўлиб хизмат қиладиган товуш, сўз ва грамматик воситалар тизими. Ўзбек тили. Рус тили. Инглиз тили. Форс тили. Чет тилларни яхши билмоқ. ■ [Зайниддин] Ҳиротнинг кўча йигитлари билан уларнинг ўз тилида, руҳида бир нафас ҳангамалашар.. Ойбек, Навоий. Одатда, ижодкор бирон китоб ёки ҳужжатни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилмоқчи бўлса, у аввало ўша оригиналнинг том маъносини чуқур билимоғи лозим. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

Она тили Инсон ўз миллатига мансуб кишилар доирасида ўрганган, шу миллатга мансуб бўлган тил. Она тилим — ўзбек тили. ■ Меъморнинг сезишича, бу ғўлдираш уларнинг ўз она тилида эди. Мирмуҳсин, Меъмор.

5 Нутқнинг ўзига хос ифода воситалари ва б. хусусиятлари фарқладиган бир тури. Бадиий асар тили. Сўзлашув тили. ■ Деҳқонларнинг тили билан айтганда, йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт. Н. Фозилов,

Дийдор. Болангизнинг бир мартаба «дада» деганини эшитсангиз, ҳар қанақа кек эсдан чиқади. Ёш баланинг тили ҳар қанақа кўнгилни эртади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 кўчма Инсондан бошқа нарсаларнинг ўзаро бир-бирини тушунишга хизмат қиладиган воситаси, ифода воситаси (белгиси). Қуш тилини қуш билади. Мақол. ■ Узоқ-яқинларда турли-туман қушлар ўз тилларида дилшодлик қиладилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 ҳарб. Керакли маълумот олиш мақсадида қўлга олинган, тутиб келтирилган ҳарбий асир. Қўмондонлик Остонақуллар келтирган «тил»дан ҳужум жангининг панини тузиш учун энг керакли маълумотларни олди. А. Раҳмат, Элиқ бир баҳодир.

8 Бирор нарса, иш-фаолиятнинг моҳияти, сири ва ш.к. Ернинг тилини билмоқ. ■ Рустам деҳқончиликнинг тилини яхшигина ўрганган. Ойбек, О. в. шабадалар. Бу ерда, цехлар ичра станок тилин, Бошдан оёқ ўрганган ҳаракат йўлин. Ғайратий.

ТИЛАК 1 Бирор истак, ният билан, ниманидир тилаб айтилган гап, дуо ва ш.к. Тила тилагингни. ■ Менинг биринчи холис тилагим, албатта, мазлум халқ тилидан бўладир: бундан сўнг Тошкент ҳокимлигига ҳар қандай бўлмағур одам қўйилмасин. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мулла Абдурахим қурбондан қитқа бир оят ўқиб, хон ҳазратларига энг олий тилаклар билдирди-ю, ниҳоят, мақсадга ўтди.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Ҳордиқларига бўлар Шу қиз баъзан овунчоқ, «Ёмон кўздан асрасин» Тилаги бўлар ҳар чоқ. Ғайратий. Худо ўз паноҳида асрасин.. ҳеч бўлмаганда, шу тилагимга етказсин худо! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қўлда қадаҳ, тилда эса тилаклар. Ё. Мирзо.

2 Бирор нарсани амалга ошириш, унга эришиш учун бўлган ички интилиш, ҳиссиёт; истак, ният. Бир ҳафтадан кейин тоғам ҳақида бирор маълумот олиш тилагида Муроджон ишлаб турган корхонага қараб жўнадим. Ғайратий, Узоқдаги ёр. Уста узун ва қалин мўйловини қимирлатиб, Ойқизни юпатиш тилагида гапирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Райимжон ўн олти яшар йигитчалик вақтидаёқ унда тракторни бошқариш тилаги туғилди. Ҳ. Нуъмон, Ўз касбининг эгаси.

ТИЛАКДОШ Кимсанинг тилагига, орзу-мақсадига эришувини истовчи, унинг тилагига шерик бўлган шахс; хайрихоҳ. Жалил аканинг келгусида амалга оширмоқчи бўлган режалари анчагина. Бу режаларнинг амалга ошувига тилакдошимиз. Газетадан.

ТИЛАМОҚ 1 Бирор истак, тилак, ният билдирувчи сўз, гап айтмоқ. Ҳазратим, мен мунглиқ қизингиз сизга худодан Шайх Саъдийнинг умрини тилайман! Илоҳим юзга киринг! П. Қодиров, Юлдузли тунлар. У тилида «Майлингиз», деса ҳам, дилида «Худо оқ йўл берсин», деб тилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ўзбекларда агар катта хурсандчилик тилайдиган бўлса, «Тўй устига тўй бўлсин!» дейишади. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 кам қўлл. айн. **тиланмоқ**. Бирор егулик тиламоқ. ■ Қизик экансан, оёғидагини ечиб берадими, бу ердагилар ҳаммаси — гадойдан нон тилайдиган қашшоқлар.. Ойбек, Танланган асарлар. Жулдур-жулдур қўсқига ўраниб олган букур чол аяч овоз билан ёлвориб, бир нарса тилади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Тилаб олган боламини эчки тепиб ўлдирди. қ. тепмоқ. Гуноҳини тиламоқ Гуноҳидан ўтишни, гуноҳини, айбини кечиришни сўрамоқ.

3 Хоҳламоқ, истамоқ. Сихат тиласанг, кўп ема, Иззат тиласанг, кўп дема. Мақол. ■ Анвар ака.. эртага чаҳоршанба кечқурун, тиласангиз — очикча, тиласангиз, яширинча бўлса ҳам, бизникига келинг.. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Қиятга ёрдамга? Уйимизга қон тилаб бостириб келгани учунми? А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Унинг истиқболига туришни ва бўйнига осилиб йиғлашни тиласа-да, қаршисидаги «олабўжилар» бунга моне эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИЛАМЧИ с. т. Тиланчи, гадой. 1949 йилнинг 8 августида «Тиланчилар» сарлавҳаси билан ёзилган очерким эълон қилинди. Н. Сафаров, Оловли излар.

ТИЛАНМОҚ Беришни сўраб илтижо қилмоқ (егулик, ичгулик нарсалар ҳақида); тиланчилик қилмоқ. [Ҳайдар] Ҳар кун бозорларни айланиб, қаландарлар одатича, ғоят оддий тирикчилиги учун керакли нарсаларни тиланиб топарди. Ойбек, Навоий. Бола, нон олиб чиққан киши борки, қўлини чўзиб тиланар, бир-икки қадам эргашиб борар.. бер-

маса, ҳафсаласи пир бўлиб, яна тўдага ўзини урарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТИЛАНЧИ Кишилардан бирор нарса (садақа) тилаб, тирикчилик қилувчи киши; гадой. *Очлар, юпунлар кўп. Тиланчилар орқангиздан эргашигани эргашган. Ҳ. Фулом, Ҳамкасблар гурунгида. Зокирбой унинг [Ҳодиқулнинг] рўпарасида, садақа сўраб келган тиланчидай, бир лаҳза сўзсиз турди. С. Кароматов, Бир томчи қон. «Масжиди жоме» бўйлаб ҳар қадамда гадой: қаландарлар, тиланчи болалар, кампирлар. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТИЛАНЧИЛИК Тиланчи иши, нарса-садақа сўраш. *..Лекин тиланчилик, тўғриси-ни айтсам, ёмон нарса, ишланг.. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳей.. шундай бадном қилиб қуваманки, тиланчилик қилсанг, кишилар садақа ташламайди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Йўл четларида ўтирган майиб гадойлар, тиланчилик қилиб юрган чол ва кампирлар.. кўз ўнгидан бир-бир ўтди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ТИЛАР-ТИЛАМАС айн. **истар-истамас**. *Офтоб ойим.. тилар-тиламас, «ўзингиз биласиз» жавобини берди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Дилдор, тилар-тиламас, конвертни қўлига олди. Хатга қараб, ранги оқарди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ТИЛЁҒЛАМА 1 Мунофиқона хушмуомалалик, ширинсўзлик билан кишининг кўнглини олишга қаратилган, алдовчи; лақиллатувчи (гап-сўз, муомала ҳақида). *Директорнинг тилёғлама гаплари Мақсуд акани бўшаштирди. Газетадан. Инспектор олди-га кириб борганимда, у мени мунофиқона тилёғлама сўзлар билан қабул қилди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

2 Шундай муомалани касб қилиб олган шахс. *- Мен тилёғлама одамни ёмон кўраман! - деди Алижон Фаридга. Мирмуҳсин, Чиникиш. Қўшиллар сени ўлгудек тилёғлама дерди-я, дарҳақиқат, шакаринг тилингда, заҳаринг дилингда экан! «Таниш башаралар».*

ТИЛЁҒЛАМАЛИК Тилёғламага хос муомала, шундай муомалада бўлиш, шундай муомала билан иш тутиш. *Ҳар қандай меъёр унутилиб, тошни ҳам эритиб юборадиган тилёғламалик бошланди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Қумрининг таъби хира бўлди: «Катта йиғинда минбардан айтилган гаплари ҳам*

шунчаки тилёғламалик экан-да», - ўйлади у. Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно.

ТИЛЁҒЛАМАЧИ айн. **тилёғлама 2**.
ТИЛЁҒЛАМАЧИЛИК айн. **тилёғламалик**. *Ҳасан овчи эликбошининг тилёғламачилигига эътибор бериб ўтирмади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

ТИЛИК айн. **тилим**. *Бир тилик қовун. ■ Улоқчи сонига феруза қадалган чиройли пичоқ билан умбурвоқидан бир тилик кесиб, Ўсаржонга узатди. Ойбек, О. в. шабадалар. Бекат биниси устида гумбаз. Бу гумбазга санчилган узун калтак учиди ҳандалакнинг бир тилигидай ой рамзи. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

ТИЛИКЛАМОҚ айн. **тилимламоқ**. *[Қовунни] Шартта узиб, толнинг тагига бордим. Тиликлар ея бошладим. Ф. Фулом, Тирилган мурда. Ерга чордана қуриб, ёнидан пичоқ чиқарди-да, қовунни тиликлади. «Ёшлик».*

ТИЛИМ Нарсаларнинг (асосан, полиз маҳсулотларининг) узун-узун қилиб тилиб, кесиб ажратилган ҳар бир бўлаг; тилик. *..йўлда қаттиқ толиққанлиги учун дуруст овқат ҳам емади. Фақат бир-икки тилим ҳандалак еди-ю, уч-тўрт пиёла чой ичди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Даламизда қовун мўл, тилими тили ёрар. Р. Бобожон.*

ТИЛИМЛАМОҚ Тилим-тилим қилиб кесмоқ; тиликламоқ. *Ўшитни тилимламоқ. Тарвузни тилимламоқ. ■ Эрматов.. ҳандалакларни.. тилимлаб, одамларга улаша кетди. Ойбек, О. в. шабадалар. Жалолхон яримта қовунни тилимлаб ташлади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

ТИЛИМ-ТИЛИМ Кўп жойидан тилинган, ёрилган ёки бир неча узун-узун бўлакларга бўлинган; тилимланган. *Қовунни тилим-тилим қилиб кесмоқ. Ўшитни тилим-тилим қилиб тузламоқ. ■ [Худойқулнинг] Оёқлари совуқдан тилим-тилим ёрилиб кетган. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ТИЛИШ 1 Тилимоқ фл. ҳар. н. *Тахта тилиш.*

2 Тилик, тилим. *Бир тилиш гўшт. ТИЛИШЛАМОҚ с. т. Тилимламоқ. Ўшитни тилишламоқ. Чармни тилишламоқ.*

ТИЛКА Бўлак-бўлак, пора-пора. *Тилка қилмоқ. Тилка бўлмоқ. ■ Қиз ҳам шундай остонасида Турди тўсиб ёпиқ эшикка, Қуёшдан узилган сайёра Каби танҳо, жигари тилка. Зулфия.*

ТИЛКАЛАМОҚ Парча-парча, тилка-пора қилмоқ. Қани, куч бўлса-ю, тоғни тилкаласанг. Миртемир. Қоп-қора осмонни чақмоқ тилкалаб ўтди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТИЛКАЛАНМОҚ Тилкаламоқ фл. мажҳ. н. Ёнбағирлардаги қовжираган ўтлоқлар ёмғирдан қорайиб, жилға излари билан тилкаланиб кетган. А. Мухтор, Чинор.

ТИЛКА-ПОРА Парча-парча, майда-майда қилинган; тилка-тилка. Кийимлари тилка-пора.

Тилка-пора бўлмоқ Парча-парча, майда-майда бўлмоқ, тилкаланмоқ. —Энди уйга қандай кираман? — деди Мансур тилка-пора бўлган кийим-бошига қараб. Ё. Шукуров, Уч савол. Жаҳаннамга айланган жанг тингандан сўнг тилка-пора бўлган ер ҳам.. гўё ҳорғин нафас оларди. Ойбек, Куёш қораймас. **Тилка-пора қилмоқ** 1) парча-парча, майда-майда қилмоқ, тилка-тилкасини чиқармоқ. Шу ернинг ўзида подшоҳ кишилари уни тутиб олиб, тилка-пора қилиб ташлаган эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Йигит-қизлар яшнаб бораётган чўлни, янги қурилаётган иморатларни, тепаликни тилка-пора қилаётган эскаваторни томоша қилишарди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Тилка-пораси чиқмоқ** айн. **тилка-пора бўлмоқ**. Кўприкнинг тилка-пораси чиқиб кетди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар. Ҳа, ер қучиб ётар энди, чиқиб тилка-пораси. О. Ҳакимов.

ТИЛКА-ТИЛКА айн. **тилка-пора**. Унинг қўл-оёқлари кишанланган, сочлари юлинган, кийимлари тилка-тилка қилинган эди. Ойдин, Гулсанам.

ТИЛЛА [ф. طلا / تله — олтин, зар] 1 айн. **олтин 1**. Бир грамм тилла. ■ Шу пайтдан тиллага ишқи тушиб қолганига ўлайми у хумпарнинг. Ф. Мусахонов, Ҳиммат.

2 Шу металлдан зарб қилинган пул, ундан ясалган қимматбаҳо буюм; бойлик. [Канизакнинг] Кўмиб қўйган тилласи йўқдир, кўмиб қўйган тилласи бўлганда, бўйдоқ йигитга тегар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.

3 тар. Қиймати ўн сўмга тенг бўлган тилла танга. Ҳожини кулумсираб, қўлидаги учтўртта оқ танга билан битта тиллани Ойбодоққа узатди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 кўча Энг яхши, қимматли нарса ёки сеvimли киши ҳақида. Нигора кўрпада чал-

қанча ётиб, хаёлга чўмди. «Даданг билан бирга овга ҳам чиққанмиз, тилла одам эди», деди ўша чўпон. Дадаси тилла одам бўлганми-йўқми — Нигора билмайди. С. Анорбоев, Оқсой. —Жўравойни айтмайсизми! Мен одамнинг бунақа тилласини кўрмаганман, — деди Умурзоқ ота. Ҳ. Гулом, Машғал.

5 бот. Воҳаларда, сугориладиган ерларда ўсадиган кўп йиллик, ялпоқ бошоқли ўсимлик.

6 Тилла (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ТИЛЛАДЎЗ [ф. طلادوز — тилла, зар тикувчи; зардан тикилган] кам қўлл. айн. **зардўз**.

ТИЛЛАДЎЗИ [ф. طلادوزى — зар билан тикиш; зар билан тикилган] кам қўлл. айн. **зардўзи**. У [элчи] тумтароқли сўзлар билан Тўмарисни қутлуғлар экан, мулозимлари тилладўзи чопон ва ҳарир кўйлақлар тугилган зарбоф бўғчани унинг оёғи остига қўйдилар. М. Осим, Тўмарис. Шоҳ.. сарой аҳлига фармонлар берди: Устод Саид саройда қолади, унга тилладўзи тўн кийгизилсин! А. Мухтор, Чинор.

ТИЛЛАКОР(И) [ф. طلاكارى — тилла, зар, зарҳал билан безатилган, ишланган] Тилла билан безатилган. Тиллакор эгар. ■ У [Хусайн Бойқаро] ўзининг тахти турган тиллакори хонага эмас, унга ёпишган кичик хонага кирди. Ойбек, Навоий. Мулла Фазлиддин Ҳиротдан келиб, Андижон чорбоғида подшоҳ оиласи учун тиллакори кўшк қурган пайтларида, ўн олти ёшли Хонзода бегим.. ўзининг суратини чиздирган. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.

ТИЛЛАШМОҚ с. т. 1 Чет (бегона) тилда ёки ўзига хос «тил» билан гаплашмоқ, муомала қилмоқ. Бу кишининг гапига тушунмаяпман, тиллашиб беринг. ■ Баъзан эса қабулхона секретарига: «Кўнғироқ қилган киши мебелдан гап оча бошлаши биланоқ, унга директор билан тиллашаверинг дегин», деб уқтириб қўяди. О. Юнус, Қочинг, телефон жиринглаяпти. Иккаласи анордек қизариб, кўзлари орқали тиллашиб, шўх табассум билан чехралари атиргундек очилиб, бир-бирларини туртиб, қувлашиб кетишарди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

2 кўча Баъзи нарсаларнинг сирини, «тили»ни билиб, улар билан муомала қилмоқ, иш битирмоқ. Ҳадамжоннинг номи, иш фаолияти.. касбдошларига яхши маълум: кўп йиллардан бери техника билан тиллашади.

Газетадан. *Искандар кундузлари машиналар билан «тиллашса», кечалари янги инструкция, чизмалар билан «сухбатлашиб» чиқади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТИЛЛАҚОШ Хотин-қизларнинг тилладан ясалган ёки тилла суви югуртирилган, пешонага тақиладиган безак буюми. *Заргар ясар тиллақош, Келинчақлар тақсин деб, Йиғлаб олай, маржон ёш Оқ юзимга оқсин деб. «Қўшиқлар».* Назокатга келин либоси кийдирилиб.. бўйнига дур-марварид, ёқут, олмос кўзли кумуш тумор, пешонасига тиллақош тақишади. С. Анорбоев, Меҳр.

ТИЛЛАҚҰНҒИЗ Баҳор, ёз ойларида пайдо бўладиган, ярқироқ яшил рангли қўнғиз. *Худди енгил шамол каби Зир югуриб боғларда, Ёки қувиб тиллақўнғиз, Гулзорларда ўйнардим.* З. Диёр.

ТИЛЛО юқ. усл. Тилла, олтин. [Тошкентнинг] Табаррук тупроғи зару тиллодан. М. Шайхзода, Тошкентнома. *Уч-тўрт йиллардан бери ўрдада мирзолик қилиб, неча тилло моҳиёна олар эмиш.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТИЛМА Тилимлаб кесиб ҳосил қилинган. *Тилма жўяк.* ■ *Тилма зовурдан чиқиб, тупроқ уюмидан сакраб ўтган Алижон қайтарма этигига ёпишган тупроқни жаҳл билан қоқди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ТИЛМАЛАМОҚ кам қўлл. Тилимламоқ, тилишламоқ. *Асил қизил олмадар, Уни қизим тилмалар.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

ТИЛМОЧ эск. Бир тилдаги гап ёки нутқни бошқа тилга оғзаки таржима қилиб берувчи; таржимон. *Ҳоким гап нима тўғрисида кетаётганлигини тилмочдан сўраб, Тешабойга кулиб қўйди — тарғил кўзларида ғалати бир сирнинг ўти чақнади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТИЛМОЧЛИК Тилмоч иши, касби. *Рус прорабнинг гапига Абил тушунмади. Ёшгина бир йигит тилмочлик қилиб юборди.* Газетадан. *Тил билганлар тилмочлик қилиб, хоннинг гапини қўнғиротларга тушунтирди.* «Ёдгор».

ТИЛМОҚ 1 Пичоқ ва ш.к тиели нарса билан узунасига кесмоқ, қирқмоқ, ёрмоқ. *Насимийни тириклайин товонидан тилишган ва терисини шилишган.* Миртемир, Дўстлар даврасида. *Этларимни ништар билан тилсинлар.. мен сиздан ажралмайман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Жилғанинг бошидан оёғига-ча сўқа билан тилиб, ариқ очилса-да, тоғол-*

ча билан ёнғоқ экилса.. С. Анорбоев, Оқсой. *Қонли қўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, ярани очди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тилим-тилим қилиб кесмоқ; тилимламоқ. *Қовунни тилиб қўймоқ. Гўштни тилиб тузламоқ.* ■ *Шаҳарда қоровуллик қиламанми, қовун тилиб сотаманми — менинг ишим. «Муштум».*

3 Ёғоч ёки тахтани узунасига арраламоқ. *Бир куни.. меҳнат дарсида битта кўзлик тахтани тилаётиб, электр аррани синдириб қўйдиқ.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. *Симёғочлар ҳам, тилса, жуда сўрибон экан.* А. Мухтор, Чинор.

4 Тирнаб ёки юлиб, узун из ҳосил қилмоқ. *Стол устидаги бир тахта ойна майда-майда бўлиб, Саидийнинг билак ва панжаларини тилди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Саломат бутун кучини йиғиб, боғма-боғ ошиб кетди.* Тиканлар оёғини тилди. С. Аҳмад, Ҳукм.

Бағрини (ёки кўксини, юрагини, қалбини) тилмоқ Юрагини доғламоқ, яраламоқ, вайрон қилмоқ. *Рангимизга қон кирди, Душман бағрин тилибди.* «Қўшиқлар». *Нега энди қалбимни тилдинг?! Негача қилдинг севгига ошно..* Сайёр.

ТИЛОВАТ [а. تلاوت — (овоз чиқариб) ўқиш; ўқиб чиқиш] дин. Қуръон ўқиш, қуръондан бир сура ўқиш. *Ударё бўйида ҳуфтон намозини ўқиди.* Уғлининг руҳига тиловат қилиб, кўзидан ёш тўкиб бахшида қилди. Мирмуҳсин, Меъмор. *Гулнӣёз охиста одимлаб бориб, мақбаранинг ёнгинасида тиз чўкди, қироат билан тиловат қилди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ТИЛОҒОЧ Ёғочи жуда қаттиқ, узун, игнабаргли дарахт. *Ҳозирги кунда саноатимиз ошловчи моддани тол, тилоғоч, қарағай каби дарахтларнинг нўстлоқларидан ва бошқа қисмларидан олади.* «Фан ва турмуш».

ТИЛСИЗ 1 Оғиз бўшлиғида тили бўлмаган, тили йўқ.

2 Сўзлаш қобилиятига эга бўлмаган, сўзлай олмайдиган. *Бечора тилсиз жонивор эгасининг бу жинниликларига қулоқларини жимгина чимириб чидаб берган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йўлчи тилсиз каби, ғайришуурий равишда бошини чайқади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Кўчма Гап-сўзсиз, индамай. *Унсин ҳам, кампир ҳам ҳаракатсиз, тилсиз қотиб қолдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мендан*

тилсизгина бир нарса сўрар, Ёлбориб фикримга термилди у. Р. Парфи, Кўзлар. Куттилмаган ғазабга учраган Бозоров нима дейишини билмай, тилсиз, ҳаракатсиз ёғочдай қотиб турарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 кўча Чурқ этган овоз эшитилмайдиган, жимжит. *Бир кун тилсиз кечанинг Кириб қўйнига, Ашурни йўқ қилишни Олди бўйнига.* Файратий.

Тилсиз ёв Гапга тушунмайдиган, қулоқ солмайдиган; шафқатсиз, золим. *Қуруқ аёз — тилсиз ёв.* Мақол. ■ *Лашкаримни ютар эди аждаҳо, Бўлолмадим тилсиз ёвга баробар.* «Ширин билан Шакар».

ТИЛСИЗЛАНМОҚ **1** Сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ, гапиролмай қолмоқ.

2 кўча Бирор эътироз ёки жавоб айтолмай, лол бўлиб қолмоқ.

ТИЛСИМ [a. تِلْسِم — тумор; сирли, махфий ёзув; сир] **1** Сеҳрлаб қўйилган, сеҳрли нарса; ҳеч ким кира олмайдиган сеҳрли жой. *Тантибойвачча бобиллади: -Дев пойлаган тилсимдан уни қайси мард олиб кетди?* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишчининг бу сўзлари Сергейга тилсимнинг калитига ўхшаб туюлди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 кўча Ҳар қандай сирли, нарсасини билиб, топиб бўлмайдиган, яширин жой. *Эҳтимол, жаҳоҳир сақлаган сандиқ, Тилсим бойликларга кондир бу тақир.* Уйғун, Ҳаёт чақиради. *Меъмор табиат даштни атайлаб ясаган, эй одамзод, тилсимини топ-у, ўзингга бўйсундир, шунда хизматингни ўтайверади.* «Ўзбекистон қуриқлари».

ТИЛСИМЛАМОҚ Сеҳру жоду қилмоқ, ҳеч ким кира олмайдиган қилиб қўймоқ; сеҳрламоқ. *Ёнида кашмир йўқ эдики, Иброҳимбекнинг кўзини боғлаб, тилсимлаб кетган бўлса!* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ТИЛСИМЛИ **1** Сеҳрлаб, тилсимлаб қўйилган, тилсимланган. *Тилсимли хазина. Тилсимли қалъа.*

2 Файритабиий кучга эга бўлган; мўъжизакор, сеҳрли, сирли. *Бектемир гўё умрида ойни илк дафъа кўрандек, қизиқиб қаради, қизчага тилсимли, ғалати ўйинчоқни кўрсатгандек, бошини қимирлатди.* Ойбек, Кўёш қораймас. *Ер бағрининг разведкачилари тилсимли таёқчага эмас, балки ўз билим ва тажрибаларига суянишади.* «Фан ва турмуш».

ТИЛСИМОТ [a. تِلْسِمَات — «тилсим» с.нинг кўпл.] **1** Тилсим, тилсимлар. *Табиат тилсимотлари.* ■ *Султонмурод ўзини аллақандай бир тилсимот ичида сизди.* Ойбек, Навоий. *Ушатсам денгизлар тилсимотини, Сўнсиз муҳитларнинг қулфин очолсам!* Миртемир, Ўйлар.

2 Сеҳр, жоду. *Жоду-тилсимотлар билан тоғни кўтарар.* «Муродхон».

ТИЛХАТ Пул, ҳужжат, қимматбаҳо буюмлар ёхуд бошқа бирор нарса олганлигини тасдиқловчи расмий ёзма ҳужжат. *Дехқон бир парча ерини, уй-жойини гаровга қўйиб, кеч кузда юз сўмни юз йигирма сўм қилиб қайтаришига тилхат берар, тилхатга қози муҳр босиб, бойга узатарди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Йўқотиб қўйманглар, заводдан тилхат билан олиб келдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТИЛЧА **1** Тил **1** с. кичр.

2 анат. Оғиз бўшлиғида юмшоқ танглайнинг орқа чеккасидан пастга осилиб турадиган юмшоқ ўсимта.

ТИЛЧИ **1** Тил бўйича мутахассис, тилдан дарс берувчи шахс, ўқитувчи.

2 қ. тилшунос. *Тилчи ва адабиётчи олимлар биринчи тадқиқотларини шу ерда бошлаганлар.* «Фан ва турмуш».

3 эск. Гап ташувчи; чақимчи; жосус, шпион. *Подшоҳларнинг қатнаб юрар элчиси, Элчиларнинг бўлар экан тилчиси.* «Алпомиш». ..оёқяланг деҳқонларни бундай мажлисларга яқинлаштириш керак эмас, ажаб эмаски, буларнинг ораларида большевикларнинг тилчиси бўлса. С. Айний, Қуллар.

ТИЛЧИЛИК **1** Тилчи иши, касби.

2 Гап ташиш; чақимчилик; жосуслик. *У бизнинг оқсоқол бўлиб, биз томондан тортишиб талашиши лозим бўлса ҳам, амлоқдорга тилчилик қилади.* С. Айний, Қуллар.

ТИЛШУНОС Тилшунослик бўйича мутахассис, олим. *Машҳур тилшунос.*

ТИЛШУНОСЛИК **1** Тилшунос иши, касби.

2 Тил ҳақидаги фан; лингвистика. *Тилшунослик масалалари.* ■ *Ҳ. Бердиёров машҳур тилшунос ва адабиётшунос олимлар раҳбарлигида тилшуносликка оид илмий асарлар ёзган.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ТИМ **1** [ф. تيم — бозор (яқини)даги қарвонсарой] Усти ёпиқ бозор; савдо растасининг баланд томи; қарвонсарой. *Ғарча*

мой!» Унинг жарангли овози растанинг тимини тешгундай янгарди. Ойбек, Танланган асарлар. Абдуллахон солдирган қуббали тимнинг ичи ари индек гувулар эди. М. Осим, Элчилар. Матчон тўра карвонсарой томонга, тимга бурилди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ТИМ II «Қора», «қоронғилик» каби сўзлар олдидан ишлатиладиган кучайтирув юкламаси. Тим қора соч. Тим қоронғи тун. ■ Отинойи олтмишларга борган, тишлари тушган, фақат тишқолидан тим қорайган икки тиши гапирганда лиқиллаб турар эди. Ойбек, Улуғ йўл. Тим қоронғилик ичида узоқдан юлдузлар жимир-жимир кўз қисар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТИМ III шв. Мутлақо, сира, ҳеч. Хон Далли бу сўзларни эшитиб, юрагида тим тоқати қолмади, эри мард Ҳасанга қараб.. бир сўз деди. «Равшан».

ТИМБОН [ф. تیمان — тим қоровули] Тим соқчиси, бозор қоровули.

ТИМДАЛАМОҚ Тирноқлар ёки ўткир учли буюмлар билан тилмоқ, юлмоқ; тирнамоқ. Мушук билан уйнашма, тимдалаб олади. ■ Онасига рағи ачишди. Ҳаёлида онаси сочларини юлиб, юзларини тимдалаб йиғлаб турарди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

Юрагини (ёки қалбини, ичини) тимдаламоқ Худди тимдалаганда бўладиган (тимдалаш каби) руҳий азоб бермоқ, қалбда худди шундай ҳаракат содир бўлмоқ. Айиқчадан айрилиб, ичини нималар тимдалаётганини фақат ўзи биларди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Бу қўрқинчли хабар икки кундан бери унинг қалбини тимдалар.. айтиш деса, тили бормасди. Ш. Тошматов, Эрк куши. Бобур яқиндагина яйраб-яшнаб юрган онасини ҳозир бу аҳволда кўриб, юрагини бир нарсга тимдалаб ўтди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТИМИ(Р)СКИЛАМОҚ Пайпаслаб ёки титкилаб қидирмоқ, ахтармоқ. Чўнтагини тимирскиламоқ. ■ Кампир тимискилаб, нимчасини топди-да, елкасига ташлаганча, ўрнидан турди. С. Аҳмад, Ўйлар. Мадраим стол тагида турган чамадонни очди, тимискилаб, ниманидир ахтара бошлади. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

ТИМИ(Р)СКИЛАНМОҚ 1 Тими(р)скиламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Ёнидаги шериги

Аҳмад ҳам.. тимискилана бошлади. Ойдин, Дундиқдан ҳам ёш экан.

2 Пайпаслаб тахмин билан йўл топмоқ; урилиб-сурилиб, қоқилиб юрмоқ. [Олаҳўжа] Эшикка чиқди. Қоронғи тор кўчада тимискиланиб, Мамасайдникига борди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИМСОЛ [а. تمثال — ҳайкал; тасвир] 1 Тушунтириш учун ёки асос, далил, исбот ва ш. к. сифатида келтирилган айрим намуна; мисол. Яна тимсол: гўзал адабиёт — руҳий озиқ. А. Қаҳҳор, Сароб. Ҳамжиҳатлик ва ҳақиқий биродарликни ҳозирги кунларда пойтахтимизда амалга оширилаётган буюк ишлар тимсолида ҳам кўриб турибмиз. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ибрат бўла оладиган кимса, нарсас; ўрнак. Дўстликнинг тимсоли азали сенсан, Шоирлар илҳами, ғазали сенсан. М. Икром. Замонамиз маърифатин, донишмандлигин Тимсолдир икки қўшни республикамиз. Ғ. Фулом. Суқ билан қараса, ҳеч ажаб эмас, Чунки сен ҳуриликнинг ёрқин тимсоли. Зулфия.

3 Белги, рамз. Шода-шода кўсакда гавҳар ётибди.. Тинчлигимиз тимсоли каптар ётибди. Ё. Мирзо. Оловиддин тепаликларига қурилаётган денгиз — халқлар дўстлигининг тимсоли бўлиб қолади. «Ўзбекистон қуриқлари».

4 Кўз ўнгида, хаёлда, тасаввурда гавдаланган образ, сиймо, кўриниш, сураг. Оромим ҳам йўқолди. Кечалари ухлаёлмай, тўлганиб чиқа бошладим. Сал мизғидимми, бас, яна кўз олдимда Ёқутхоннинг тимсоли гавдаланади. М. Салом, Кечирим. Қалбларга тимсолинг ўрнат, эй бахши, Менга ҳам куйлашини ўргат, эй бахши. Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

ТИМСОҲ [а. تمساح — тимсоҳ] Иссиқ мамлакатлардаги сув ҳавзаларида яшайдиган, териси қалқонсимон қаттиқ ва қалин, танаси калтақесакка ўхшаш судралувчи йирик сув ҳайвони.

ТИМТИҚ шв. Салқит, нишхўрт. Сигир емнинг тимтиғини ҳам қолдирмади.

ТИН Нафас олиш, нафас. Йиғиштириб бор бисотини, Бўғизига тиқилиб тини, Нури сари қилди ишора, Зайнаб учун бу бўлди чора. Ҳ. Олимжон.

ТИН ОЛМОҚ 1) нафас олмоқ. -Хайрият, — Абдурахмонбой эркин тин олди-да, домлага қаради. Ҳ. Фулом, Машғал; 2) нафасини

ростлаб олмоқ, дам олмоқ. [Қодирбек] Рулга бошини қўйиб, бироз тин олди. М. Қориев, Ойдин кечалар.

ТИНГ Ҳайдалмай, экилмай ётган; заранг. Тинг ер.

ТИНГЛАМОҚ Дикқат-эйтибор билан эшитмоқ. Мағруза тингламоқ. Мусиқа тингламоқ. Оз сўзла, кўп тингла. Мақол. ■ Йўлчи уни дикқат билан тинглаб, сўнг асл мақсадини очишга интилди. Ойбек, Танланган асарлар. Ўтирганлар ажойиб овоз билан айтилган ашулани роҳат қилиб тинглайдилар. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

ТИНГЛОВЧИ 1 **Тингламоқ** фл. сфдш. Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно бўлиши керак. Мақол. ■ Ашулаларим тингловчиларга қандай таъсир қилаётганлигини яққол кўриб турардим. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

2 Ўқув юртлари талабаси ёки курс, тўғарак ва ш.к. нинг ўқувчиси. Машғулотга фақат мен эмас, тингловчилар ҳам роса тайёрланишади. «Саодат». Иқтисодиёт тўғриси ишдан ҳамма тингловчилар мамнун бўлишди. Газетадан.

3 тлш. Иккинчи шахс.

ТИНГШАМОҚ шв. Дикқат билан кулоқ тутмоқ; кулоқни динг қилмоқ. Ҳожи ака бирон гап айтмоқчи бўлиб, рўпарасидаги суҳбатдошига кўзойнаги оша тингшаб қараб қўйса.. ўзини тутолмай кулиб юборади. Т. Пўлат, Ҳожи ҳисобчининг ҳикоялари.

ТИНДИРГИЧ Суюқликни тиндириш, ундаги қум, лойқа, эритма ва ш.к. ни чўқтириб, суюқликни тозалаш учун хизмат қиладиган қурилма, ҳовуз ёки идиш. Трактор керосин баксининг тиндирғичи. ■ ..мавжуд каналларни таъмирлаш.. ҳовузлар, сув тиндирғичлар қуриш ишлари амалга оширилди. Газетадан.

ТИНДИРМОҚ 1 **Тинмоқ** фл. орт. н. Сувни челақда тиндирмоқ. Юпатиб кўз ёшини тиндирмоқ. Тиндирмай ишлатмоқ. ■ Ҳар томонда ишчилар Тошларни синдиради, Дарёни тиндиради, Темир тан курашчилар. Ҳ. Олимжон. Душман снаряд, миналарни бир зум ҳам тиндирмасдан, омонсиз ёғдирар эди. Ойбек, Куёш қораймас. Сал ўтмай унинг ғазабли овози ҳамма шовқинни тиндирди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Кўнглингизга келмасин, Эркатой, деб Солини, Меҳнатда ҳам тиндирар Онасининг жонини. Қ. Муҳаммадий.

2 Бартараф қилмоқ, тинчитмоқ, босмоқ. -Ўз «фожиа» ниҳоясидан ошай деб турса-ю, ўзгалар можаросини қандай қилиб тиндирар эканман. Ҳечам, — деди Қумри. М. Жўра, Изтироб.

3 Ҳамма нарсадан бадастир, саранжом-саришта қилмоқ. Ҳанифахон серапроқ бўлса-да, меҳнаткаш аёл чиқди, бутун рўзгорни тахт тиндирди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Нима десанг, айтганингни тиндириб, Хафа бўлиб, ғам емагин, фарзандим. «Рустамхон».

ТИНЖИРАМОҚ фольк. Йилт-йилт нур сочиб турмоқ, ярқирамоқ; жилваланмоқ. Жамоли чилланинг қоридай тинжираб, ялтираб ўтирур. «Равшан».

ТИНИБ-ТИНЧИМАС Сира тинмайди-ган, тиним билмайдиган, серҳаракат, серташвиш. Тиниб-тинчимас аёл. ■ Тиниб-тинчимас Меъмтор тонг сурури олдида таслим бўлди.. китобини йиғиб, ўрнидан турди. Мирмуҳсин, Меъмтор.

ТИНИМ Ишдан, ҳаракатдан холи вақт ёки ҳолат; дам, ором. Баъзи вақтда, суғориш пайтларида, кечалари ҳам тиним бўлмас, сувни узоқдан ҳайдаб келишга тўғри келар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

Тиним бермаслик 1) дам бермаслик, бетиним ҳолатда тутмоқ. Отинойи унга [Элмуродга] тонг саҳардан кечаси аллавақтгача тиним бермаса ҳам, қорнини ҳеч қачон ёлчитмайди. П. Турсун, Ўқитувчи. Умаровнинг жангчилари душманга тиним бермай, изидан қувладилар. Т. Рустамов, Мангу жасорат; 2) тинчи-оромини бузмоқ, тинчлик бермаслик. Мана бу қўшнимизнинг болалари сира тиним бермайди.. Р. Файзий, Сен етим эмасан. Бу ҳамма вақт бошида айланиб, тиним бермай юрган эски ўй эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кейинги кунларда Юлдузхон Муҳиддиннинг кўз олдидан нари кетмайдиган, тиним бермайдиган бўлиб қолди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Тиним билмаслик** Тиним, дам олмай, доим иш, ҳаракатда бўлмоқ. Эрта саҳардан то қора кечгача одамлар тиним билмаган ана шу кунларнинг бирида.. Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш — икки отлиқ чиқиб келаверди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Асалари каби ўзбек пахтакори тиним билмайди. Н. Сафаров, Оловли излар. **Тиним йўқ** Тўхтовсиз (тинимсиз) иш-ҳаракатда. Устаникида тонг ёришгандан қош қорайгунгача тиним йўқ — дам босиш,

босқон уриш, сув ташиб, ўтин ёриш.. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Пристанда ҳаёт қайнайди. Иш! Ҳеч тиним йўқ кемачида. Э. Раҳим, Янги қадам. **Тиним куни** кам қўл. Дам олиш куни. Тиним куни соқоли ўсган Умид эрта билан гастрономга, ундан кейин ёнган нон олиш учун бозорга кирди. Мирмуҳсин, Умид. **Тиним олмоқ** Дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ. Уйга қайтганда ҳам, бир муддат тиним олишга имкон топмади. Ойбек, Навоий.

ТИНИМОҚ айн. **тинмоқ** 1. Сув тиниди.

ТИНИМСИЗ 1 Тўхтовсиз равишда, тиним билмай. Дераза ортида оқишом ташвиши билан жонсарак бўлиб қолган чумчуқлар тинимсиз чирқилларди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. Қишлоқнинг ўртасидан шиддат билан оқайтган сой тинимсиз шовуллайдди. Т. Расулов, Шонли авлод.

2 Давомли тарздаги, узлуксиз. Пахтачилик шарафли ва масъулиятли касб, у доимо деҳқонлардан тинимсиз изланишни талаб қилади. Газетадан. Санбат жасорат, жонфидалик билан.. тинимсиз меҳнат — машқлар билан дунёга келади. «Саодат».

ТИНИШ 1 **Тинмоқ** фл. ҳар. н. Соқиев тик турганича шовқин тинишини кутди.. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 айн. **тиним**.

Тиниш белгилари Муайян тилда ёзма нутқни тўғри, ифодали, мантиқли баён қилиш, уни ихчамлаш, ёзма нутқ бўлакларининг ўзаро мантиқий-грамматик муносабатларини кўрсатиш учун хизмат қиладиган муҳим график воситалар (вергул, нуқта, тире ва ш.к.). Тўғри, абзац бошқа тиниш белгилари сингари айрим бир шаклга эга эмас. «ЎТА».

ТИНИҚ 1 Лойқа ва ш.к. дан холи, тиниган ҳолатли. Чўққилардан оқиб тушган бу сойлар шишадек тиниқ. Мирмуҳсин, Ҳамзаобод. Ариқчаларда кеч кузнинг тиниқ суви лимиллаб оқади. Н. Аминов, Суварак.

2 Гард-ғубор, хиралик ва ш.к. дан холи, равшан кўринишли. Осмон ҳар вақтдагидек булутлардан холи, беғубор, тиниқ, кўм-кўк. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Радиодан дутор садоси таралар, сеҳргар куй Темир-жоннинг қалбига кириб борар, тиниқ юзида ёқимли, мулоим жозиб.. уйғотарди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Кўзларининг қораси ниҳоятда тиниқ ва ўтли.. П. Қодиров, Уч илдиш.

3 Хиралик, кўполликдан холи; жарангдор (товуш, овоз ҳақида). Адолат дуторини қўлга олди. Бир нафасдан кейин унинг кўнғироқдек тиниқ овози янгради. С. Зуннунова, Гулхан. Тоғ бағрида ўйноқлаб юзурган жилғаларни эслатувчи тиниқ, жозибадор садо хонани тўлдирди. Ж. Абдуллахонов, Орият.

4 кўчма Аниқ ифодали; равшан. Сўз-фикри тиниқ зиёли бўлганингиз учун ҳам биз чеккаётган айрилиқ ситамини сезяпсиз. Мирмуҳсин, Меъмор. Жаҳонда ақли тиниқ шинаванда йигитнинг биттаси сен-у, биттаси мен. Ж. Абдуллахонов, Тожи билан Ҳожи. Унинг хотираси ҳайратда қоларли даражада бой ва тиниқ эди. Газетадан.

ТИНИҚЛАШМОҚ Тиниқ, мусаффо, равшан, тоза бўла бормоқ. Овози яна ҳам тиниқлашди. ■ Анҳордаги сув тиниқлашиб, зилол ранг касб этганди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Саиднинг назарида, Бекобод осмони тиниқлашиб билан бирга кенгайгандек эди. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар. Сафарлар, учрашувлар, суҳбатларда фикринг яна тиниқлашади. Зулфия, Чўққилар.

ТИНИҚЛИК Тиниқ ҳолат. Осмон шу қадар беғубор, шу қадар кўм-кўк кўринадики, гўё ҳеч қаерда бунақа тиниқлик бўлиши мумкин эмасдек. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Бу сувлар ўзининг тиниқлиги, шифобахшлиги.. каби устунликлари билан айниқса ёзнинг жазирама кунлари ажралиб туради. Газетадан. Бир йўла кенгайтирилган коммутация системаси овозда ғоятда яхши тембр ва тиниқликни ҳосил қилади. Газетадан. Шунча шаддодлиги, фикрининг тиниқлиги, чаққонлиги билан Бадиа Худодбекка хотин бўлармикин? Мирмуҳсин, Меъмор.

ТИНИҚМОҚ 1 Чарчоқ, эзилиш ва ш.к. лардан холи бўлиб, бардам, тетик ҳолатли бўлмоқ. Ухла, ухла, сафаринг узоқ, тиниқиб ол, ўғлим. Ойбек, Болалик. Ана шундан кейин болаларнинг ақлларигина эмас, танлари ҳам секин-секин тиниқиб борди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Тиниқиб ухламоқ Мириқиб, чарчоқ кетадиган (тарқайдиган) бўлиб ухламоқ. Уйқудан қолибсан, тиниқиб ухлаб ол, мен тезда қайтиб келаман. М. Қориев, Ойдин кечалар.

2 Тиниқлашмоқ (тўғри ва кўчма маънода). Ўша-ўша Латофат. Сира ўзгармабди. Тиниқиб, хиёл тўлишибди. С. Кароматов, Ҳижрон. Франция, Англия хотинлари ўн бир-

гача ухлашади, шунда юзлари яхши — чиройли бўлади, тиниқади.. Мирмуҳсин, Умид.

3 кам қўлл. айн. тинмоқ, тинимоқ. ..ариқчаларнинг биттасида оппоқ сут, биттасида тиниққан сув.. биттасида шароб оқмоқда. Фитрат, Қиёмат.

ТИНКА Куч-қувват, мадор, мажол. Иситмалайвериб беморнинг тинкаси қолмади. ■ Кун ботишга яқин иккинчи тўнкани ҳам қўлатдим. Жуда тинкадан толган эдим, «уҳ» деб бориб, ўрнимга чўзилдим. Ғ. Фулом, Шум бола.

Тинкаси қуримоқ 1) иш, ҳаракат ва ш.к. натижасида (таъсирида) ҳолдан тоймоқ. Ҳар битта ғиштини, ёғочни, ҳар бир қўза сувни наstdан олиб чиққунларича тинкалари қуриб кетарди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Жазирама иссиқ кунлари менинг тинкам қуриб, соя жойни ахтариб қоламан. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ; 2) кўчма аҳволи танг бўлмоқ, ҳолдан тоймоқ. Урушдан халқнинг тинкаси қуриди. ■ Ўзаро қирғин, ҳарбий юришлар, ўлпону ушр солиқлари раиятни тобора қашшоқлаштириб, тинкасини қурипти. Мирмуҳсин, Меъмор.

ТИНКАСИЗ кам қўлл. Тинкаси қуриган, ҳолдан тойган, мадорсиз. Мана Гулшан уйда тинкасиз (яхшиямки она ўроқда), Чол супада букчаймиш ёлғиз. Ойбек, Танланган асарлар.

ТИНЛИК Тинч, шовқин-суронсиз ҳолат; сукунат. Кечки тинликда қаердадир «тўқ-тўқ» этган товуш эшитиларда. А. Мухтор, Чинор. ..эркин қушлар дарахтларнинг қуюқ шохи ичидан жонли найларини тинликка қуярди. С. Зуннунова, Олов.

ТИНМАГУР Сира тинмайдиган, тиним билмайдиган, тинч турмайдиган, тиниб-тинчимас; серҳаракат (шундай хусусиятни қайд этувчи муносабатни билдиради). Тинмагур аёл. ■ Тинмагур шахримизнинг субҳида шунча овоз. Ғ. Фулом. Э тинмагур кўнгиш, ниҳоят, мени мана шу қизалоқларга масҳара қилдирдинг. Ойбек, О.в. шабадалар.

ТИНМАЙ рвш. 1 Тиним билмай, дам олмай, ҳормай-толмай. Тинмай ишламоқ. ■ Ҳовлида тинмай-қўнмай хизмат қилиб юрган пахмоқ сочили, исқирт кийимли ёш-қари хотинлар ҳам анчагина. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тўхтамасдан, тинимсиз. Йигитлар, гўё карамзор бошидаги дарахтларда тинмай сай-

раётган булбулга қулоқ солаётгандек, жим қолишди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Давомли тарзда, сурункасига, узлуксиз. Икки кун тинмай қор ёғди. Меҳнаткашларнинг онгини тинмай ошириб бормоқ. ■ Эндиликда шаҳарда ҳар турли миш-мишлар тарқалиб, сиз ҳурматли зотнинг подшоҳга қарши гапларингизни айғоқчилар тинмай етказиб турибди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ТИНМАЙИН айн. **тинмай.** Баҳри шошар босолмай қадам, Ўлчаб бўлмас унинг севинчин. Типирчилар юрак тинмайин, Сигдиrolмай шодлиқнинг кучин. Ҳ. Олимжон.

ТИНМАСДАН айн. **тинмай.** Бу кеча Шоқосим жуда хурсанд эди. Тинмасдан қизиқ нарсаларни сўзлайди. Ойбек, Танланган асарлар. Тинмасдан айланарди Ўртада коса. Олардилар дамба-дам Косадан бўса. Ғайратий.

ТИНМАГУР айн. **тинмагур.** -Қаёққа яна, тинмагур? — сўради Комила [Латифжондан] ўзини оналарча тутиб. Ойбек, О. в. шабадалар.

ТИНМОҚ 1 Лойқа ва ш. к. аралашмаларнинг чўкиши натижасида тозаланмоқ; тинимоқ (суюқлик ҳақида). Лойқа сув бир кечада зўрға тинди. ■ Кун исиб кетди. Ҳар қадамда ҳалқоб бўлиб ётган кўлмаклар ерга сингиб, ариқлардаги лойқалар тина бошлади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Гард-ғубор, хира ҳолатдан тоза бўлмоқ, тиниқлашмоқ, равшан бўлмоқ. Ювош нурлар ўйнайди, осмон гулдай яшнар тобора тиниб. Ш. Раҳмон.

3 Иш, ҳаракатини тўхтатмоқ; дам олмоқ. У кун бўйи тинмади. Эшак минганнинг оёғи тинмас, Икки хотинлиқнинг қулоғи тинмас. Мақол. ■ Ўйинқароқ.. Ит тинса тинади, қуш тинса тинади, бу тинмайди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Хотинлар, қайтага, Онахон ишдан тинган пайтларда тўпланадиган бўлишди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Оғзи (ёки жағи, чакаги) тинмоқ Гапиришдан тўхтамоқ, жим бўлмоқ. [Ёрматнинг] Қўллари этикни ишқаларкан, оғзи тинмади: -Уҳ, ўлиб бўлдим, қизим! Ёлғиз қўйни ҳайдаш — нуқул азоб. Ойбек, Танланган асарлар. Шиша бўшаб, навбат пирожнийга етган маҳал ҳам Ғойибнинг жағи тинмади. Ж. Абдуллахонов, Орият. Ҳамма ширин уйқуда. Дуранбекнинг кўрғонидида бўрибосарнинг ҳам чакаги тинган. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

4 Ҳаракати ва ўзи тўхтамоқ, босилмоқ. Ариқда жилдираб оқаётган сув тинди. ■ Бўрон тинарди-ю, ҳамма ёқ сокин бўларди. «Ўзбекистон кўриқлари». Мактаб коридорида кечгача ғала-ғовур тинмайди. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Эрталаб ёмғир тинган, ҳаво нақадар мулойим ва оромбахш. Ж. Абдуллахонов, Орият. Отишмалар секин-аста тинди. Н. Сафаров, Оловли излар.

Кўзи тинмоқ Боши айланиб, кўзи хиралашмоқ, кўз олди қоронғилашмоқ. Тинкам қуриб, кўзим тиниб, зўрға шу ерга етиб йиқилдим, сингилм. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Салимхон қарорни ўқиётганда, қўллари қалтиради, кўзи тиниб, боши айланди. Ҳ. Фулом, Машғал. Унинг қўл-оёқлари титраб, ўтирган жойида кўзи тина бошлади. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Кўнгли тинмоқ** Хотиржам бўлмоқ, кўнгли тўқ бўлмоқ. Шундай десам, дўстим кўнгли тўлар деб, Нима бўлса, менадан кўнгли тинар деб, Шул сабабдан ёринг кўнглин сўрадим. «Муродхон». **Ўзидан тинмоқ** Ўзини ўзи эплаб, ўз кунини ўзи кўрадиган бўлиб олмоқ, тинчимоқ. Саломат тўғрисида бир нима демайман. Шукур, у ўзидан тиниб кетди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Она, ўзимдан тиниб кетганман, бироқ Сенинг дардинг қалбимни сиқади ҳар чоқ. Файрабий.

ТИНТИМОҚ 1 Титкилаб, ковлаштириб, ағдар-тўнтар қилиб, бирор нарса қилдирмоқ. Ёшликдан бошлаб келинойлари-нинг сандиқларини, қутиларини тинтиб ўрганган Нури, бу кун Гулнор уйини холи топиб, калити бурнида унутилган бир қутини очди. Ойбек, Танланган асарлар. Улар уйни тинтиб нимани қидиришган? П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ман этилган ёки яшириб қўйилган нарсани топиш учун ҳамма ёқни қараб, текшириб чиқмоқ. Бўронбек наганини ғилофига солди-да, милиционерни ёнига олиб, Мавлон аканинг уйини.. тинтиб чиқди. Ҳ. Фулом, Машғал. Чекистлар тинтиганда, ёнларидан шахсий ҳужжатларидан.. бўлак бирон ҳужжат топилмади. А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТИНТУВ 1 **Тинтимоқ** фл. ҳар. н. қ. **тинтиш**. Уйни тинтувдан чарчамоқ.

2 Ман этилган ёки яшириб қўйилган нарсани топиш учун тегишли органларнинг вакиллари томонидан ўтказиладиган расмий ахтарув. [Зокирбой] Қишлоқда шубҳали одам-

лар тобора кўпаяётгани, Равшан ҳали ҳам тинчимаганини айтиб, тинтув ўтказиш учун одам сўради. С. Кароматов, Бир томчи қон. Бозорлар, саройлар, қаландархоналар тинтув қилинди. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 ҳуқ. Жиноий иш бўйича далилларни олишга қаратилган тергов ҳаракати. Тинтув қидирилаётган шахсни, шунингдек, мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин. «ЎЗМЭ».

ТИНЧ 1 Ғала-ғовур, шовқин-сурон, тўстўполон ва ш.к. дан холи. Атроф тинч. Ўткинчилар оз. Анҳор ёқасида, толлар орасида иккита оқ эчки ўтлаб юради. Ойбек, Танланган асарлар. Ажойиб кеча бўптими? Тинч, ойдин, шабада! П. Турсун, Ўқитувчи. [Аҳмад] Шовқин-суронли, серқатнов кўчаларни ёқтирмас, сал айланиш бўлса ҳам, тинч, салқин хиёбонларни танларди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. Қизиқ, кечагина денгиз эди тинч, Қаърига олмоқда бугун зилзила. Г. Жўраева, Иқбол.

2 Киши ҳаёти, фаолиятида унга салбий таъсир кўрсатмайдиган, безовта қилмайдиган, ғам-ташвишдан холи. Меъмор [уста Нусратга] қолган умрини бир чеккада тинчгина, ғарибона ўтказмоқчи эканини.. айтди. Мирмуҳсин, Меъмор. Қишлоқ кўчаси тинч, қизи бўлса кичкина эмас.. районда бўладиган кенгашларда қатнашиб, алламаҳалда уйига келадиган кунлари бўлган-ку. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Ўртоғингизга айтинг, шу ҳужрасини биздан аямасин. Шу ерда тинчгина яшайлик! Ойбек, Танланган асарлар. Ўттиз йилдан бери шу ердамиз, ҳали бирон кори ҳол бўлгани йўқ. Бу ер тинч жой. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Уриш-жанжалсиз, туриш-турмуши осойишта. Қўшининг тинч — сен тинч. Мақол. ■ Бу тўққиз йилнинг икки-уч йилигина тинч ўтди. Кейинги йилларда Нисо бувининг қизлари туфайли неча мартаба қўйди-чиқди бўлиб олди. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

4 Беташвиш, осойишта ҳолат; тинчлик. Шу [Саодатхон] келгандан бери тинчмиз йўқолди. С. Зуннунова, Янги директор. Ўзим майли, уй-ичимнинг тинчи кетди.. Т. Йўлдош, Агтанг. Чунки бу қўлга тушмаса, яна одамларнинг тинчини бузиб, жиноятини давом эттираверади. М. Юнусов, Қутилмаган хазина.

Кўнгли тинч Кўнгли хавотирлик, безовталиклдан холи. Худога минг қатла шукур,

ўзимнинг кўнглим тинч, бировни бир нарса дейишликка ҳаддим йўқ. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ўзига тинч** Уй-рўзғори, ҳаёти меъёрида, ўзидан тинган. Наби полвон ва бошқа ўзига тинчроқ кишиларнинг ҳовиллари меҳмон қўнарлик бир ҳолга келтирилган эди. С. Айний, Қуллар. **Қулоғи тинч** Ташқи томондан бўладиган турли гап-сўз, машмашалардан холи. Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога! Шаҳарда юргани ҳам дуруст экан, қулоғимиз тинч эди. Уйғун, Навбахор.

ТИНЧИМОҚ 1 Барҳам топмоқ, тўхтамоқ, босилмоқ; тинмоқ (тўполон, шовқин-сурон ва ш.к. ҳақида). Аъёнлар супада, одамлар ерда ўтириб, ғала-ғовур тинчигандан кейин, ҳоким одатдагича тилмоч орқали халқни оғоҳлантирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ўша тўполон тинчигандан кейин бир ҳафта ўтувди ҳамки, мен уй пойлаб қолдим. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Тинчимайди чақалоқ доди, Хотин қуволмайди шарпани. У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

2 Уриш, жанжал, нотинчлик барҳам топиб, осойишталик юзага келмоқ, тинчлик қарор топмоқ. Ўзим майли, уй-ичимнинг Тинчи кетди, Талай гаплар бўлди, шукур, Тинчиб кетди. Т. Йўлдош, Атаанг. Юрт тинчисин десангиз, қуймучларига шартта тепиб, оқ фотиҳаларини бериш керак. «Муштум».

3 Тинч тортмоқ, тинчи, ороми жойига келмоқ. Хат келганда, тинчир жон, Хат — жуда азиз меҳмон. Ҳ. Олимжон. Уй ичи жимжит, бемор энди тинчигандек бўлди. Н. Фозилов, Дийдор. [Гулнор] Гоҳ тинчиб, гоҳ қийналиб ётди. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бирор иш, ният ва ш.к. ни амалга ошириб хотиржам бўлмоқ. Қиз бола ота-онага омонат, узатиб тинчий! С. Зуннунова, Янги директор. Ана шу нозик меҳмон келгач, мезбон ҳам тинчиб, қаторга қўшилди. «Муштум». — Мактабдан тинчиб олдингиз, — деди Мели полвон кулиб. — Энди ўзингизни ҳам бир тинчишиб қўйсак булар эди.. П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Иш-ҳаракат, интилиш ва ш.к. ни тўхтатмоқ, ундан тўхтамоқ. Болам, ҳеч бўлмаса дам олиш куни бир тинчисангиз-чи. Н. Сафаров, Танланган асарлар. Бирдан улоқчилар сув қуйгандек тинчиб, тортиш ўрнида тўпланиб қолдилар. А. Қодирий, Улоқда. Қизимни тилга олдингиз, раис, тўғри, ўзи ҳам

тинчимайди, дангасаларга ҳам тинчлик бермайди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Кўнгли (ёки юраги) тинчимоқ Безовталиги, хавотирлиги кетиб, кўнгли таскин топмоқ. Шербек қўлига билет текканидан сўнгина бироз кўнгли тинчиди. С. Анорбоев, Оқсой. Пайт топаман. Гаплашаман. Бўлмаса менинг юрагим тинчимайди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Қулоғи тинчимоқ** Беҳуда, булар бўлмас гап-сўз, овозлардан қутулмоқ, уни эшитмайдиган бўлмоқ. Шу одам маҳалламиздан кўчиб кетди-ю, қулоғимиз тинчиди. ■ Онахон растадан қайрилиб, темирчилик маҳалласидан ўтгандан кейингина қулоғи бироз тинчиди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТИНЧИТМОҚ 1 Тинчимоқ фл. орт. н. Жанжални тинчитмоқ. Шовқин-суронни тинчитмоқ. Уришни тинчитмоқ. ■ Шу кичкинагина кулумсираш Ўзбек ойимни анча тинчитди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Жўрахон қўл кўтариб, халойиқни тинчитди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Балки директор қизишиб кетганимни кўриб, тинчитиш учун қуруқ ваъда қилган бўлса-я. Газетадан. Отинойи уни [Холмуродни] тунда ҳам алламаҳалгача тинчитмади. Унга пахта чувитди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Кўчма Саранжом-саришта қилмоқ, битирмоқ. Хотиржам бўлинг, ҳамма ишни ўзимиз тинчитамиз. ■ Магазин мудири Бобожоновнинг 122 сўм 40 тийинлик кўйлакни 163 сўмдан пуллаётгани тўғрисидаги актни ўз қўлимга олиб, тинчитиб юбордим. «Муштум».

3 с. т. Йўқ қилмоқ, бартараф қилмоқ. Косадаги қаймоқни, худди даҳага кирган қуртдай, бирпасда тинчитдик. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. — Сен тинчитмасанг.. бошқалар сени тинчитиди. — У нима деганингиз? — Яъни роҳатини буза берсанг, эринг сени қўяр! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу ярамасни [Султонбекни] тинчитиб қўя қолсам, нима дейсан? — у этиги кўнжига солиб қўйган дудам ханжарига ишора қилди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ТИНЧЛАНМОҚ 1 Ҳаяжонини, аччиғини босиб ёки таптидан, ҳовридан тушиб ўзини тутиб олмоқ, ўзини босмоқ. — Тинчланингиз, Отабек! — деди қушбеги. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ойимжон ювош товуш билан уни тинчланишга чақирди. Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

2 Ташвиш, дард-алам, хавотирлик, безовталиклан холи бўлмоқ, тинч тортмоқ. *Касал бир қимирлаб, кўзини очди ва бош кўтариб, тиланчи хотинга қарагандан кейин, яна бошини ёстиққа қўйиб тинчланди.* С. Айний, Куллар. *Отабекнинг пишиллаб ухлаган товушини эшитиб, [Ҳасанали] бир даража тинчланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кампирнинг уйқуда эканига ишонгач, юраги бирдан тинчланди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Шовқин-сурон, жанжал, ҳаракат ва ш.к. лардан тўхтамоқ, тинч ҳолат юз бермоқ. *У, трибуна олдига келган бўлса ҳам, беш минутча сўзлаёлмай, халқнинг тинчланишини кутиб турди.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. *Қўлларининг кескин ҳаракати билан халққа тинчланишни буюришди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИНЧЛИК 1 Гала-говур, шовқин-сурон кабилардан холи, тинч ҳолат. *Ҳамма ёқ тип-тинч.. ора-чора узоқдан келган бола йиғиси бу тинчликни бузгандек бўлар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Аммо Салимнинг кутгани чиқмади, қўрғонда аввалгидай тинчлик, жимжитлик.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кишини безовта қилмайдиган, тинч, осойишта ҳолат. *Уч кундан бери ямоқчининг уйида тинчлик йўқ.* Болалари қўрқиб, кўчага чиқмайдилар. Ойдин, Ҳикоялар. *Гулнор шу топда ёлғизликни, тинчликни истар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Уриш-жанжалсиз, тинч ҳолат; ҳамма нарсa метёрида, жойида (одатда, ҳол-аҳвол ҳақидаги сўроққа жавоб тарзида қўлланади). *-Хўш, Содиқ полвон, ишлар қалай, Тошкентда нима гаплар бор? -Нима гаплар бўлсин, Тошкентда тинчлик. Баҳона билан Тошкентни ҳам кўриб олдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ҳа, Бўтабой ака, беаҳалда нима қилиб юрибсиз? Тинчликми? -Тинчлик, — деди Бўтабой ва отнинг шиловини унинг қўлидан олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Уруш, ўзарo зиддиятли тўқнашувлар ва ш.к. дан холи шароит, тинч шароит. *Бутун дунёдаги бизга ўхшаш меҳнаткашлар билан бир сафда урушга қариши, тинчлик учун курашмоқ бурчимиз.* Ойбек, Нур қидириб. *Тинчлик учун кураш тобора қизғин тус олмақда.* Аёлларга ҳам, болаларга ҳам — ҳаммага тинчлик керак. «Саодат».

Тинчлик бермаслик 1) Ўз ҳолича, эркин иш тутишга қўймаслик, турли йўл, хатти-ҳаракатлар билан безовта қилиш. *Тўғри, улар бой, жуда бой. Аммо улар Гулнорга тинчлик бермайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дево-нага бир пиёла чой ичишга ҳам тинчлик бермадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) руҳан тинчлигини бузмоқ, тинчини олмоқ. *Бу савол Бобоқулга маҳкам ёпишиб олди, бу тўғрида нечоғли ўйламасликка тиришмасин, юрса ҳам, турса ҳам тинчлик бермасди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Орадaн қанча йиллар ўтса ҳамки, ҳамон мана шу ҳикоя менга тинчлик бермайди.* Газетадан. **Тинчлик борми?** Харашали, нотинч ҳолатдан норозиликни ифодалайди. *-Ҳой, тинчлик борми, йўқми? -Ахир бола касал-ку. -Касал бўлса, йиғлатмагин.* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

ТИНЧЛИКСЕВАР Уруш бўлмаслигини, тинчликни, мамлакатлар, халқларнинг тинч-тотув яшашини истайдиган ва шунга интиладиган. *Тинчликсевар халқлар.* ■ *Тинчликсевар элимнинг Фарзандиман — бахтиёр.* Ю. Ҳамдам. [Ўзбекистон] *Изчил тинчликсевар сиёсати билан барча тинчликсевар халқларнинг муҳаббат ва ҳурматини қозонди.* Газетадан.

ТИНЧЛИКЧА рвш. Уриш-жанжал ёки тўполон қилмасдан; бирор ғалва чиқармасдан; тинч йўл билан. *Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқиб кетсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИНЧСИЗ Тинчи, ороми йўқ, бетинч. *Тинчисиз тун.* ■ *Бу жумла келасидаги англашилиб битмаган, лекин бўлиши аниққа ўхшаган ярамас ва тинчисиз бир ҳаётнинг гўё муқаддимаси эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИНЧСИЗЛАМОҚ кам қўл. Тинчлигини бузмоқ, бетинч, безовта қилмоқ, ташвишга солмоқ. *-Бизни кечирасиз, бек ака! — деб Раҳмат узр айтди. -Вақтсиз келиб, сизни тинчисизладик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИНЧСИЗЛАНМОҚ Тинчлигини йўқотмоқ, бетинч, безовта бўлмоқ; ташвишга тушмоқ. *Унсин совуқдан тинчисизлана бошлади.* Оёқларини ерга уриб, қўлларини пуфлайди. Ойбек, Танланган асарлар. [Отабек қутидорга:] *Фақат сизнинг тинчисизланишингиз ва мардумнинг юқори-қуйи сўзи бўлмаса, сизга бошқа зарар бўлур, деб ўйлай олмайман.* А.

Қодирий, Ўтган кунлар. Она ниманидир пай-қаб тинчсизланди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТИНЧСИЗЛИК Тинчсиз ҳолат, нотинчлик; безовталиқ. Кунлар ўтган сари тинчсизлигим оша борди. М. Зайниддинова, Ким эди у, демасангиз айтаман. У [Ҳакимбойвачча] юртдаги тинчсизликнинг сабабини диннинг сусайганидан, уламоларнинг халққа раҳбарлик қилмаганидан кўрди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТИНҲ I айн. **тинг**. Тинг ер.

ТИНҲ II тақл. с. Торли мусиқа асбоблари торини чертганда чиқадиған товушни билдиради.

ТИНҒИЛЛАТМОҚ Тинғ-тинғ деган товуш чиқармоқ; торли мусиқа асбоби торини чертмоқ. Мухторхон тоқчадаги дуторни олиб тинғиллатди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Алёша гитарасини олиб тинғиллатиши билан, дарров унинг атрофига йиғилдилар. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Хиёл қўлига дуторини олиб, созлаш учун тинғиллата бошлади. И. Раҳим, Тақдир.

ТИНҒИР-ТИНҒИР айн. **тинғ-тинғ**. Бахмал тинғир-тинғир чертиб, уйдан дутор кўтариб чиқди. Ойбек, Улуғ йўл.

ТИНҒ-ТИНҒ Тинғ II с. тақр. Энди магнитфон вағилламасди, ўрнига тори созланмаган рубобнинг тинғ-тинғи билан қасқони тоб ташлаган чирманданинг данғ-данғи эшитиларди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТИНҒШАМОҚ шв. Тингламоқ, эшитмоқ. Куёвнинг аҳволини билгиси келди, «Гузарга чиқай, одамлардан тинғшаб биламан», деди-да, кўча томон юрди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТИП [юн. *typos* — из, белги; шакл, намуна] 1 Муайян бир тур (гуруҳ)даги нарсаларнинг муҳим белгиларга эга бўлган намунаси, шакли, модели. Бизнинг вазифамиз — чўлда шаҳар типдаги посёлкалар қуриш, обод қишлоқ барпо этиш. «Ўзбекистон қуриқлари». Тупроқлар шўрланиш типига кўра, асосан, хлор-сулфатли, баъзан сулфат-хлорли бўлади. «Фан ва турмуш».

2 биол. Ҳайвонлар систематикасида: келиб чиқиши жиҳатидан ўзаро қариндош, ягона тузилиш шаклига эга бўлган ҳайвонлар синфларини бирлаштирадиган олий систематик категориялардан бири. Бўғим-оёқлилар тип.

3 Ижтимоий, касбий, ахлоқий ва б. белгиларнинг умумийлигига кўра бирлашадиган кишиларнинг ёрқин вакили. Камтар, ижтимоий тadbиркор — илғор кишилар, халқ вакили сифатида, ижтимоий тараққиётга улкан ҳисса қўшган янги тиндаги одамлардир. Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Адабиёт ва санъатда: бир турдаги кишиларнинг характерли, умумлашма белги-хусусиятларини акс эттирадиган, мужассамлаштирадиган образ. Теманинг қаҳрамони қилиб олинган типнинг, меҳнатни санъат даражасига кўтара олган одамнинг характерини бўрттириб бера олиш керак. Н. Сафаров, Оловли излар. Ўзбек прозасида прототипдан адабий тип яратишнинг ранг-баранг кўринишлари бор. «ЎТА».

5 с. т. Ўзига хос (кўпинча салбий) хусусиятга эга бўлган одам. Мана бу типга отни бер десам, бермади. Мени тутиб сўқди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ТИПИК 1 Маълум бир типга хос бўлган; маълум типдаги нарса ва ҳодисаларнинг характерли белги-хусусиятларини ўзида акс эттирадиган, мужассамлантирадиган. Ҳамза ўзининг драматик асарларида.. ўзбек аёлларининг типик образини яратади. «ЎТА». Биз картинамизнинг асосий масаласи қилиб механизация масаласини олмоқчимиз. «Пахтакор» [колхоз] механизация жиҳатидан ҳам типик, шундоқ эмасми? А. Қаҳҳор, Картина.

2 Бирор нарса учун хос, характерли. Нотиқнинг шаблон нутқида хос типик элементларни топиш.. керак бўлади. «ЎТА». Ўтимлилик ҳам ўзбек тили ҳолат феъллари семантик тузилиши учун типик эмас. «ЎТА».

ТИПИКЛАШТИРМОҚ 1 Бир типга келтирмоқ, тип жиҳатидан таснифламоқ, бир хил қилмоқ. Типиклаштирилган бинолар.

2 ад. Типик белгилар ва шаклларда гавдалантирмоқ. Типиклаштирилган образ.

ТИПИКЛИК 1 Типик белги-хусусиятга эгаллик. Ижобий образларнинг типиклиги.

2 Адабиёт ва санъатда: хусусий ва умумий ҳодиса, воқеаларнинг бадиий образлардаги бирлиги, умумлашмаси. Зотан, чинакам бадиий асарда ғоявийлик, типиклик, эмоционаллик ва ижтимоий амалиёт билан алоқадорлик диалектик яхлитликни ташкил қилади. «ЎТА».

ТИПИЛЛАМОҚ айн. **типирламоқ**. Орадан кўп ўтмай, [имтиҳондан] «Ўтоларми-

канман, билмайдиган қийин савол тушиб қолса, нима қиламан», деб типиллаб турган Раёно ҳам кириб, «тўрт» олиб чиқди. Мирмуҳсин, Умид.

ТИПИРЛАМОҚ 1 Жон талвасасида ўзини ҳар ёнга урмоқ, сапчимоқ, питир-питир қилмоқ, питирламоқ, типирчиламоқ.

2 кўча Тез, шошилиш ёки безовта ҳаракат қилмоқ, шошилиб питирлаб қолмоқ. Нурхон типирлаб қолган Равшан полвонга тикилди. О. Ёқубов, Ларза.

ТИПИР-ТИПИР айн. **питир-питир**. ..лўпигина, қулдирғичли ширин қиз типир-типир юриб бориб, онасини «ачом» қиладиган бўлди. А. Мухтор, Чинор.

ТИПИРЧИЛАМОҚ 1 айн. **типирламоқ**. Нозик, ранг-баранг нарвоналар, капалаклар лампа атрофида айланар, гулдор қанотларини шишага уриб типирчилар, гиламга енгилгина қулаб, тинар эдилар. Ойбек, Танланган асарлар. Адолат типирчилаб, унинг [Усмонжоннинг] қўлидан чиқди. С. Зуннунова, Гулхан. Сувонжоннинг қўйида ётган улоқ энди типирчиламай қўйди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Нима қилишни билмай қолмоқ, ўзини йўқотиб, гангиб қолмоқ. Моҳидил унинг [Латифжоннинг] келишини кутмаган бўлса керакки, жуда типирчилаб қолди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Шолнинг аравага ортилишини эшитган бой типирчилаб қолди. Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Жуда шошган (шошилган) ҳолда бирор нарса ҳаракатига тушмоқ. Бир зум ўтар-ўтмас халат кийган докторлар.. типирчилаб қолишди. Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. Олти ойгача ташвишланмай юриб, энди типирчилайсизми?! «Муштум».

ТИПИРЧИЛАНМОҚ айн. **типирчиламоқ** 1. Мўмин мирзо бор кучи билан типирчиланди. Лекин темир панжадан қутулиш имконсиз эди. Ойбек, Навоий. Қодир, бургут чангалига тушган қўйдаи типирчиланарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ТИПОВОЙ [«тип 1» с. дан] Муайян бир тип, намуна, шакл ёки андозага мос, тўғри келадиган, шунга асосланган, намуна бўладиган; намунавий; андозавий. Типовой лойиҳа. Типовой мактаб биноси. ■ Бошлиқ.. кунни кеча қўлдан чиқарилган типовой уйлар ёнига етиб келди. Газетадан.

ТИПОГРАФИЯ [юн. *typos* — из, шакл + *grapho* — ёзаман] Китоб, газета ва б. турли хил нашрларни босиб чиқарадиган корхона; босмахона. Ушбу поезд состави махсус типография, киноаппарат, кўргазмалар ортган ўн уч вагондан иборат эди. «ЎТА».

ТИПОЛОГИК Нарса ва ҳодисалар типига хос бўлган; типологияга алоқадор, оид; муайян нарса ва ҳодисаларга оид белгиларнинг умумийлигини, муштараклигини аниқлашга, белгилашга асосланган. Тилларнинг типологик таснифи. ■ Муаллифлар типологик ўхшашлик, шунингдек, регионал генетик ёки контакт муносабатларнинг мавжудлиги билан изоҳланадиган фактларга дахлдор масалаларга мурожаат қилганлар. «ЎТА».

ТИПОЛОГИЯ [юн. *typos* — белги, из; намуна, шакл, + *logos* — фан, таълимот] 1 Объектлар тизимини қисмларга ажратиш ва уларни умумлашма модель ёки тип ёрдамида гуруҳлаштиришдан иборат илмий метод.

2 тлш. Тил тузилишининг муҳим белгиларини айрим олинган тиллар қурилишини ўрганиш, уларни ҳар томонлама таққослаш асосида аниқловчи ва умумлаштирувчи тилшунослик бўлими.

ТИППА-ТИК 1 Адил, тик, тикка. Типпа-тик нарвон. Типпа-тик ўсган дарахт. ■ Жўранинг типпа-тик туриши Носирнинг ғашини келтирди. Н. Назаров, Замон.

2 кўча Ҳеч тап тортмасдан, дангал. У [Раҳимов].. маъмурий ходимлар билан типпатик олишар, тортишар эмиш. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТИПРАТИКАН Усти ва ёнлари игнасимон тиканлар билан қопланган ҳашаротхўр сутэмизувчи кичкина ҳайвон; кирпи.

ТИР I [ф. *тир* — ўқ, камон ўқи] (и — чўзиқ) эск. кт. Ўқ, камон ўқи. Тир отмоқ. ■ Ҳар балодан асрагувчи энг муҳим, қиммат яроғ — Тири ваҳшат, ханжари зиллатга қалқондир китоб. Ҳамза.

Тир мижгон поэт. Киприк ўқи; ўқдек ўткир, шўҳ қараш ҳақида.

ТИР II [фр. *tir* < *tirer* — отмоқ] (и — чўзиқ) Камон, тўппонча, милтиқ каби отиш қуроллари билан нишонга қараб отиш машқлари ўтказиладиган, махсус жиҳозланган жой.

ТИРАГИЧ айн. **тирак**. Бу гал ҳам ўзи олдин ўтди. Унга ягона тирагич бел бўлди. Ойдин, Гулсанам.

ТИРАЖ [фр. tirage < tirer — тортмоқ, чўзмоқ; судрамоқ] 1 Заём ёки лотереянинг ютуқлари ўйини. *Тиражда ҳаммаси бўлиб 569600 та пул ва буюм ютуғи ўйналади.* Газетадан.

2 Китоб, журнал, газета ва ш.к. нинг босилиб чиққан нусхаларининг умумий сони, адади. *Газетанинг тиражи. Китобнинг тиражи.* ■ *Нашр қилинадиган китоблар, журналлар ва газеталарнинг тиражи анча кўпаяди.* Газетадан.

ТИРАК 1 Нарсани бирор ҳолатда суяб, кўтариб, тутиб туриш учун қўйиладиган таянчиқ; тиргак, тирговуч, тирагич. *Деворга тирак қўймоқ.* ■ *Тирак қўйиб маҳкамлангандан кейин, унгуз ёқдаги учидан ерга шовун ташланади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Қўллаб-қувватлайдиган, ёрдам берадиган куч; ишончли ҳимоячи, таянчиқ. *У — оиламизнинг тираги.* ■ *Қанчалик қийин бўлмасин, Низомжон қишлоқда қолишга, кексайиб қолган дадасига тирак бўлишга аҳд қилиб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ, *Мирҳайдарнинг бахтига, катта ўғли Мирсаид йигитча бўлиб, отаси ёнига кирди: Тирак бўлди — лой ийлаб, чарх тепди..* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ТИРАЛМОҚ 1 **Тирамоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Деворга тиралган нарвон. Эшикка тиралган тамба.* ■ *У, келганларга пешвоз чиқмоқчи бўлиб, тирсагига тиралиб, ўрнидан тураётган эди..* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Суянмоқ, таянмоқ. *Икромжон айвонга келиб, бир қўлига тиралиб ўтирди.* С. Аҳмад, Уфқ. -*Бизга ҳам ўша юмшоғи керак, — деди афанди ва ҳиссасига тиралиб, вагонга чиқди.* «Муштум».

ТИРАМА, тирамо(ҳ) [ф. تيرماه — хира ой; куз] шв. Куз. *Орила билмади тоғларнинг қори, Тирамада пишар боғнинг анори.* «Кундуз билан Юлдуз». Тўғриси, бунга кеч тирамода экинзорига гўнг сеппиб чиқиши ҳам пойдевор яратди. «Ёшлик».

ТИРАМОҚ 1 Ўзини ёки бирор нарсани тутиб туриш учун (тиргак, таянч сифатида) қўймоқ. *Шотиларни секин тикладилар, учини девор қиррасига тираб қўйдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Собир бурчакка тираб қўйилган дуторни олиб, икки ўртоқ ўртасидаги баҳсни тўхтатишга уринди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Қора Аҳмад бир қўлини ерга тираб, оҳаста кўтарилди..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор томонга туташтирмоқ, қадамоқ. *Пичоқ тирамоқ.* ■ *..ҳовлининг кунботар томонида харобаликдан озгина берида бўлган бояғи йўлакка тираб солинган икки даричали бир уй..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Улар [Низомжон билан Дилдор] бошларини бошларига тираб, сурат олдириб ҳам келишди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Оёқ тирамоқ Бирор иш, маслаҳат, муомалага кўнмаслик, ўз айтганидан қайтмаслик. *Шуни янгисига алмаштириб берилмаса, машинани қабул қилмаслигини айтиб, оёғини тираб турибди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Сиз ҳам энди оёғингизни тираб туриб олманг, бирон муомалага келинг.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Юзига оёқ тирамоқ** Ҳурматига зид иш қилмоқ. *Қизим, Рухилло юзига оёқ тирагани учун, шундай ташвишларга учраяпти..* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. *Ўз пирини беобрў қилган, юзига оёқ тираб кетган банданинг ҳолига вой! «Муштум».*

ТИРАН қ. тийран. Биз.. *ҳўжалик раҳбари тўғрисида гапирганимизда, кўз олдимизда билимлари тиран,*жонкуяр кишининг сиймоси гавадаланади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қай дил чамани бой, жозиб нафаси.* Кимнинг фикри ўтқир, тиран, бокира? Зулфия.

ТИРАНДОЗ [ф. تيرانداز — ўқ отувчи] Камондан ўқ отувчи; камонкаш, мерган. *Отряд тирандозлар ҳимоя қилиб турган тўсиқларни ёриб ўтиб, катта бозорга яқинлашди.* Ф. Озодаев, Тошкент тарихидан.

ТИРАНДОЗЛИК 1 Тирандоз иши, касби; мерганлик.

2 Камондан ўқ отиш машқи ёки санъати; мерганлик. *Алишер.. тарих, фалсафа, мантиқдан бошлаб тирандозликка қадар ҳеч бир соҳани қолдирмаган эмиш.* Ойбек, Навоий. *Бу томондаги икки майдонда ҳарбий машқ — отда чошиб, новда қирқиш, тирандозлик, нилта милтиқ отиш каби машқлар ўтади.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ТИРАҚАЙЛАМОҚ Тура қочмоқ, қочиб қолмоқ, ҳеч нарсага қарамай чошиб қолмоқ. *Тирақайлаб қочмоқ.* ■ *Аҳмад жўрттага сакраб, ўрнидан турди. Иккала ўспирин тирақайлаб қочиб қолди.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. *Мушт еган Шолғом маҳсум инвалиднинг қўлидан омон қутулганига шукур қилиб, тирақайлаганича жўнаб қолибди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТИРБАНД Киши ёки нарсалар билан лиқ тўлган, бутунлай банд, бўш жой йўқ. *Кўчалар тирбанд. Театр биноси олдиди одамлар тирбанд.* ■ Йўлчалар, трамвай, троллейбуслар.. унча тирбанд эмас, аммо катта кўчаларда ҳали машиналар оқими авжиди. Мирмуҳсин, Умид. *Пайшанба ва жума кунлари дўкдорларнинг яна бозори қизир, савовархона ва ошхоналар одамга тирбанд бўлиб, юриш қийин бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Махсус тоқчалар тирбанд китоблардан синаман дейди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ТИРГАК айн. **тирак.** Ёғоч тиргак. Темирбетон тиргак. ■ Йиқилиб кетмасин, деб тиргак қўйилган бу ҳовлидаги ягона хонанинг орқасига бориб, паст товуш билан: -Қулмурод! Ў, Қулмурод! — деб чақирди. С. Айний, Қуллар. *Шу оғир кунларда бир-биримизга тиргак бўлмасак, қачон бўламиз!? Шўхрат, Шинелли йиллар. Уларнинг оллоҳи — пул, пайғамбари — ер, имони — мол-мулк. Ҳаётининг ана шу уч тиргагини истаган йўл билан муҳофаза этишига доим тайёр улар.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

ТИРГИЗМОҚ кам қўлл. айн. **тирилтирмоқ.** *Ғамли кетган Муқимийни тиргиздинг, Озод халқнинг қаторига киргиздинг. Ҳабибий.*

ТИРГОВ айн. **тирак.** *Тиргови чириб, девор кулаб тушди.* ■ [Тракторчи:] *Шундай пайтда бир-биримизга тиргов бўлмасак, ҳар ким ҳар ёққа қийшайиб, иш ора йўлда қолиб кетади.* С. Маҳкамов, Катта рулда.

ТИРГОВУЧ айн. **тирак.** Ёғоч тирговуч. *Олмаларга тирговуч қўймоқ. Ота-онага тирговуч бўлмоқ.* ■ Ер қатлами силжиб шитирлайди, йўғон тирговучлар қисирлаб сиёнади. С. Аҳмад, Мўтти. *Бир кун пушаймон бўлмагин, дейман. Тилмочнинг қозикалондай тирговучи бор, билиб қўй! Ойбек, Улуғ йўл. Ҳеч ким якка ташламас қадам, Кимдир кимга бўлади тирак. Бир-бирига суянар одам, Тирговуч ҳам тирикка керак. Тўлқин, Очиқ хат.*

ТИРЕ [фр. tiret — чизикча < tirer — чўзмоқ, тортмоқ] тлш. Узун горизонтал чизикча (—) шаклидаги тиниш белгиси.

ТИРЖАЙМОҚ Овоз чиқармай, кўз, лаб-лунж ҳаракати билан кулги ифодаламоқ, мийиғида кулмоқ. *Фазлиддин тиржайиб, эгри-бугри тишларининг оқини кўрсатди.*

Ойбек, Танланган асарлар. *Тиржайиб туриб, жонини олди, йўқ, чаёнга айланиб, кўксига захарли найзасини санчди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йигитали бўлажак қайнона юзидаги табассумни кўриб, ўзи ҳам зўрма-зўраки тиржайиди.* Д. Нурий, Осмон устун. *Мен тиржайиб турган эканманми, билмадим, тўсатдан рўпарамда тўхтаб: -Хўш, нимага куласан, солдат? — деб сўради.* О. Ёқубов, Излайман.

ТИРЖИҚ 1 Доим тиржайиб турадиган; тиришиқ, бурушиқ.

2 Жуда ориқ, қотма.

ТИРИК 1 Ўлмаган, ҳали яшаб турган; ҳаёт, барҳаёт. *Иккита тирик катта балиқнинг бўғзидан каноп ўтказиб, ҳовузга ташлаб қўйилди.* Мирмуҳсин, Сўғал. «Э, онажонгинам, қани энди, сен ҳам шу ерда тирик бўлсанг-у, ўз ўғлингнинг қандай одам бўлганини кўрсанг», деб ҳаёл қилди [Элмурод]. П. Турсун, Ўқитувчи. *Алҳамдулиллоҳ, кўрдим, тирик экансан, ноқобил болам.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсига оид; жонли. *Тирик табиат. Тирик организм.*

3 Ўзининг янги вақтдаги кўринишини, тароватини йўқотмаган, сўлмаган (ўсимлик, унинг гули, меваси ва ш.к. ҳақида). *Сабзининг тирик-тиригини териб олмоқ. Бодринг сувда тирик туради.*

4 Куч-қувватини йўқотмаган; бардам, титик. [Бувим] *Тириккина кампир, ҳасса тутмайди.* Ойбек, Болалик.

5 Тийрак; серғайрат, ҳаракатчан. *Ҳамида ун олти ёшлардаги тирик, қувноқ қиз.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

6 Кўчма Яшаётган, сақланиб қолган, жонли, барҳаёт. *Азим тоға билан суҳбатлашган одам уни тирик тарих дейди. «Ўзбекистон кўриқлари». «Бу тахту салтанатлар беному нишон йўқолур, фақат меъмору мусаввирлар яратган зўр санъат асарлари тирик қолур», деган ақидалар бизга маълум.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

7 Кўчма Яхши пишиб етилмаган (асосан, овқатга солинган дон ҳақида). *Маставанинг гуручи тирик, бироз қайнасин. Мош ҳали тирик.* ■ *Ҳаёлим қочиб, кабобни қайиш қилиб қўйибман. Ош ҳам тирик бўлибди.* П. Қодиров, Қадрим.

Кўз тиригида Ҳаёт вақтида, ҳаётлигида, ўлмасдан. [Она:] *Кўзимнинг тиригида орзу-*

ҳавасини кўрсам, дейман болагинамнинг. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Энди кўзимнинг тиригида энг кичик Юсуфжон укангни ҳам хатна қилдириб қўйсам, дейман. «Бўтакўз». **Тирик вазн** Ҳайвоннинг тириклайин тортилгандаги оғирлиги. *Гўштга топирилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни ўртача 400 килограмма етди.* Газетадан. **Тирик етим** Ота-онаси ўлмаган, аммо улардан бирор сабаб билан жудо бўлган бола ҳақида. [Шарофат:] *Болам тирик етим бўлмасин, деб келдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тирик жон** Яшаб турган инсон ҳақида, унга нисбатан қўлланади. *Ҳай, майли, тирик жон нималарни кўрмайди!* Нима бўлса, кўраверамиз! П. Турсун, Ўқитувчи. **Тирик товон** қ. **товон** II.

ТИРИКЛАЙ(ИН) *рвш.* Тирик ҳолида, тириклигича; ўлмасдан ёки ўлдирмасдан. *Қуённи тириклай(ин) тутмоқ.* ■ *Қутулмадим қайғу, кулфат, аламдан, Тириклай айрилдим икки боламдан.* «Ширин билан Шакар». ..юздан ортиқ азиз ота-оналарни тириклайин куйдирибди ваҳшийлар. Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Агар шамол кўзғалса, қум [одамларни] тириклай кўмади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТИРИКЛИГИЧА айн. **тириклай(ин).**

ТИРИКЛИК I Тирик ҳолда (ҳаёт) эканлик. [Гулнор:] *У тириклигимни, сиз билан бир ёққа қочганлигимни секингина ойимга сўзласин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тириклигида уни кўп уриб азоблаган ва унинг дунёга келгани учун худодан ҳам норози бўлган Бувинисо энди фарзандининг жасади устида.. кўзларидан сел-сел ёш тўкарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ҳаёт, яшаш жараёни, ҳолати. *Севгисиз тириклик андуҳ, бефараҳ, Мангу шарофатли маърака бу кун.* Р. Парфи, Кўзлар. *Уни тарк этган тириклик нишонлари қайтди, оғзидан чиққан биринчи сўз: «Вой ўлай!» нидоси бўлди.* М. Исмоилий, Фаргона т.о. *Тириклик — мавж уриб, тўлқинланиб оқаётган зўр бир дарё. Бу дарёда сузмайдиган одам йўқ.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Кун кечириш, яшаш, тирикчилик; ҳаёт. *Чўнтаклариди ҳемири қолмаган ака-ука тириклик тўғрисида ўйлай бошладилар.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Ўрнимдан туриб, отам экиб кетган ярим танобча ердаги жўҳорини қайириб олишга ва буни пишириб, тириклик ўтказишга эринар эдим.* Ф. Фулом, Тирилган мурда.

Кўз тириклигида айн. кўз тиригида қ. тирик. *Кўзим тириклигида шу қизимнинг ҳам ҳаётини тинчитиб, тўйини ўтказсам, армон бўлмасди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТИРИКТОВОН (тўғриси — **тирик товон**) қ. **товон** II.

ТИРИКЧИЛИК I Ҳаёт кечириш, кун кўриш, яшаш. *Тирикчилик учун кеча-кундуз тинмасдан меҳнат қилган ва юрагида шунча ғамни кўтарган бу бели букик, елкаси чиқиқ чолни.. сўз билан юпатишининг.. маъносизлигини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тирикчилик янада оғирлашди.* *Бойлар ҳам қарз бермай қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Одамлар тирикчиликдан қийналиб, ишга оч-наҳор қатнаётган ўша машаққатли кунларда Поиша хола бошқалардан тўқ ва бут яшайди.* Д. Нурий, Осмон устун.

2 Кундалик рўзгор ва у билан боғлиқ иш-юмуш, ташвишлар. - *Орзуларим бор, журналист бўлишни истайман, — деди [Аҳмад Ҳусайн], — лекин дардисар тирикчилик тўсқин.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳар кимнинг ўз тирикчилиги бор.* Мана, хут кирди, деҳқоннинг оёғига қурт кирди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Энди уй-уйингизга тарқалингиз, тирикчиликдан қолмангиз, ўртоқлар!* Ҳ. Фулом, Машғал.

ТИРИКЧИЛИК ҚИЛМОҚ Ҳаёт ўтказмоқ, кун кечирмоқ; яшамоқ. *Қишлоқда тирикчилик қилиш жуда қийин.* ■ *Очлик, яланғочликка чидаб, тирикчилигимизни қилар эдик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кичкина дўкончамдан келган даромад билан тирикчилик қилиб бўлмасди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ТИРИЛЛАМОҚ Давомли ёки қисқа-қисқа, узук-узук «тир» этган овоз чиқармоқ; «тирр-тирр» этмоқ. *Шим тириллаб йиртилди.* ■ *Жарнинг ўнг ёғида пулётларнинг муттасил тириллаши.. автоматларнинг тасир-тўсир ўқ ёмғири бениҳоя эди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. *Жимликни темир йўл ёқалаб ўрмалаётган тракторнинг тириллаши бузоди.* А. Тўхта-хўжаев, Беғам тракторчи.

ТИРИЛМОҚ I Диний тасаввурга кўра, жони кириб, қайтадан яшай бошламоқ. *Мана шу саллашлардан бири бориб, бир марта «суф» деса, унинг онаси тирилиб кетади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Ўлим ёқасидан қайтмоқ, ўлимдан қолмоқ; қайта жонланмоқ. *Ҳа, мен уч*

марта ўлиб, уч марта тирилдим. А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Оналар шундай.. ўлим билан олишувда енгиб чиқади-ю, шундан бошлаб ўзи оламдан кўз юмгунча, болам деб, неча бор ўлиб, неча бор тирилади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Муртазиннинг гаплари.. тирик мурда бўлиб қолган одамларни қайта тирилтирди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Қайтадан кўкариб ўса бошламоқ, жонланмоқ (сўлиган ўсимлик ҳақида). *Кун иссиғида шалпайган кўчатлар кечга бориб тирила бошлайди.* ■ *Тагидан сув ўрмалаган ҳар туп гўза тирилмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *кўча* Қайтадан ишга тушмоқ; юришиб кетмоқ, жонланмоқ. *Савдо иши анча тирилиб қолди.*

Ўл десанг — ўлади, тирил десанг — тирилади Нима деса, шуни қиладиган, итоаткор киши ёки ҳайвон ҳақида. [Фазлидин:] *Хизматкор, малай қандай бўлса?! У танини, жонини ҳўжайинлардан аямаса, нинадай нарсага хиёнат қилмаса, ўл деса — ўлса, тирил деса — тирилса!* Ойбек, Танланган асарлар. **Ўлиб-тирилмоқ** Бор кучи билан ҳаракат қилмоқ, тиришмоқ. *Ўлиб-тирилиб ишламоқ.* ■ *Қиз бола кўча-кўйга чиққанда, қилнинг устида юргандай бўлади. Ҳеч ким ёмон демасин, деб ўлиб-тирилади, — деди Чиннихон Аброрга.* П. Қодиров, Қалбдаги қуёш.

ТИРИНКА [фр. tricot] с. т. Уст кийим учун ишлатиладиган ип ёки ярим жун газлама. *Махсум эса эғнидаги тиринка шимни ечиб.. булоқда ювинди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тиззалари титилиб кетган эски тиринка шимнинг почаларидан сув сирқиб оқар.. эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

ТИРИШ 1 *от* Терининг бурушуви натижасида ҳосил бўладиган чуқур из; ажин, бурушиқ, тиришиқ. [Ҳамидохоннинг] *Нотинч юзида жилмайиш эмас, тириш пайдо бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Фолбин ингичка, узун, қоп-қора ҳабашдай, кўзлари ғилайнамо, сирли қиёфадаги юзи қат-қат тириш.* Ойбек, Болалик.

2 сфт. Бурушган, тиришган. *Опам қопқорайиб кетган тириш қўллари билан юзини беркетди-да, йиғлаб юборди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТИРИШИБ *рви.* Астойдил, зўр бериб, куч билан, берилиб. *Қария қовун, ошқовоқ..*

ортилган замбилғалтакни тиришиб ҳайдаб келарди. Н. Аминов, Суварак. *Тиришиб машқ қилишим орқасида ҳамсабоқ ўртоқларим орасида иншо ёзишда пешқадам бўлдим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТИРИШИБ-ТИРМАШМОҚ *Куч-ғайратини аямасдан, астойдил ҳаракат қилмоқ, жон-жаҳди билан уринмоқ.* [Кампир:] *Ҳеч кимга хор-зор бўлмай, деб тиришиб-тирмашиб ётибман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Азаматлар ҳўп тиришиб-тирмашиб, бригада ерини уч йилда дашт ҳисобига икки баравар кенгайтиришди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

ТИРИШИШ *тиб.* Мускулларнинг тўсатдан ғайриихтиёрий равишда қисқариши.

ТИРИШИҚ 1 *от* Ажин босган, бурушган, тиришган жой; бурма, қат, ажин. *Юз тиришиқлари.*

2 сфт. Ажин босган, бурушган, тиришган. *Тиришиқ юз.*

ТИРИШМОҚ 1 Ажин, тириш билан қопланмоқ. *Назаримда, юраклари санчдими, бурушиб кетган озғин юзлари бадтар тиришди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Марҳамат унинг ишииб ётган лунжини кўздан кечираркан, ҳудди қўлига игна киргандай, чеккалари тиришиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Аҳмаднинг нешонаси тиришди, ҳозир ўйлайдиган пайт эмас эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Бадани ёки бирор аъзоси оғриқдан ёки шундай оғриқ туғдирадиган ҳис-туйғудан тортишиш, тиришиш ҳолатида бўлмоқ. [Гулнор] *Оёқларининг акашаклана борганини, бутун гавдасининг тириша бошлаганини сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг бошига муз югуриб, асаблари тиришди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал. *Ҳамма ёғим оғриб, тиришиб кетяпман.* Мирмуҳсин, Меъмор. [Элмуроднинг] *Яраси тиришга, оғриб кетди.* Шўҳрат, Шинелли йиллар. *..ариқ бўйига жой қилиб, оч қоринга ҳўп қовун еди.* *Иситмаси кўтарилиб, тиришиб ётгани шуники.* И. Раҳим, Ихлос.

3 Астойдил ҳаракат қилмоқ, уринмоқ. *Бировни ишонтиришга тиришмоқ. Болани юпатишга тиришмоқ. Ўзини оқлашга тиришмоқ. Тиришган тоғдан ошар.* Мақол. ■ *Дармони қуриган йиғит ўзини дадил тутушга тиришар, лекин мункиб-мункиб кетар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Матқовул қудуқдан сув тортиб туриб, бу ёққа қараб-қараб қўяр, қулоғига етиб*

келган гапларни эшитмасликка тиришар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТИРИШҚОҚ Ҳар қандай ишга астойдил ҳаракат қиладиган, тиришиб ишлайдиган; ҳаракатчан. Унинг зеҳни ўткир, ўзи тиришқоқ эди, мактабда энг кучли ўқувчилардан ҳисобланарди. П. Қодиров, Уч илдиш. Меҳнат фаолиятини шу ерда фаррошликдан бошлаган эди. Абжир, тиришқоқ қиз айни вақтда мураккаб ҳунар — тикувчиликни кунт билан ўрганди. Газетадан.

ТИРИҚТИРМОҚ Олдига солиб югуртириб, зирқиратиб ҳайдамоқ. У [Қудрат] узун тол новдасини синдириб олди-да, сизирни савалаганча, олдига солиб тириқтира кетди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. — Шафтоли опчиқолмайди. Боғбон амаки нақ гаврон билан тириқтиради, — деди Асрора қизларга. С. Аҳмад, Уфқ.

ТИРКАЛМА Бошқа бир уловга, машинага тиркаб ишлатиладиган, ўзи мустақил юрмайдиган; тиркама. Тиркалма плуг. Тиркалма сеялка.

ТИРКАМА айн. **тиркалма**. Тиркама культиватор. Тиркама сеялка.

ТИРКАМАЛИ Бирор қуролни тиркаб, улаб ишлатишга мосланган; тиркамаси бор. Тиркамали трактор.

ТИРКАМОҚ 1 Бирор қурол, мослама ва ш.к. ни юргизувчи машина, уловга бириктирмоқ, уламоқ. Вагонларни паровозга тиркамоқ. Сеялкани тракторга тиркамоқ. ■ Қодирни дафн қилиб қайтганларида, шарқ томондан пачағи чиққан «Волга»ни юк машинага тиркаб келишаётганини кўришди. Ж. Абдуллахонов, Туфон.

2 Бирга қўшиб қўймоқ, қаторига қўшмоқ, киритмоқ. Мирза Муҳиддин Иброҳимовнинг ишига янги хужжатлар тиркади. А. Қаҳҳор, Сароб. Абдуракул Алексей билан маслаҳатлашиб, унинг [Турдубойнинг] аризасини қулоқлар ва дарғумон одамлардан тушган аризалар делосига тиркаб қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бутабой.. Соддиқ таранғи қулоқлар рўйхатига тиркаб юборди. С. Аҳмад, Ҳукм.

3 кўчма Бириктириб, боғлаб қўймоқ (ёрдамчи, ўрганувчи шогирд сифатида). Яхши ўзлаштирмаётган ўқувчини ағлочилардан бирга тиркаб қўйди.

4 Тирамоқ, суямоқ. Шафтолига айри тиркамоқ. ■ Зикриё билан Азизбой унинг [эшоннинг] қўлтигидан олиб, сўрига ўтқа-

задилар, ёнбошига парёстиқларни тиркаб қўйдилар. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Улар нарвончани тоқчаларга тиркаб қўйдилар. А. Мухтор, Чинор.

ТИРКИШ Арава шотисини эгар устида тутиб турувчи, икки учи бириктирилган қалин қайишдан иборат от-арава абзали. Шунда калнинг аччиғи келиб, сўйган молининг терисидан туркиш қилиб олибди. «Олтин олма». Гўё ҳамма ишни ўзинг қилмоқчи бўласан. Лекин шуни билки, туркиш бўлмаса ҳам, отни аравага қўшиб бўлмайди. Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

ТИРМА: **тирма мола** Ҳайдалган ерни текислаш билан бир вақтда юза юмшатиш учун ишлатиладиган тишли мола; сихмола.

ТИРМАЛАМОҚ шв. Тирнамоқ, тимдаламоқ. Чақмоқ ўзининг ўткир панжалари билан кўк юзини тирмалар. М. Жабборов, Севинч ёшлари. Қўлларига тикан кирди, юзи ва билалари тирмаланди, роҳати бадан қўйлагининг этағи йиртилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТИРМАШМОҚ 1 Маҳкам ёпишиб, чирмашиб, юқори кўтарилмоқ, юқорига чиқмоқ. Саккизта бола бирдан: «Бўпти, жуда соз!» дейишди-да, деворга тирмашиб, томга физиллашди. Ойбек, Танланган асарлар. Ана, улар чўққининг ёнбошида.. йўл топиб, эчкилардай юқорига тирмашиб кетишди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Маҳкам ушламоқ, ёпишмоқ. Мен югуриб бориб, отамнинг оёғига ёпишдим, ранги кув ўчган, титраб турган Анвар унинг иккинчи оёғига тирмашди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? Назокат ариқдан чиқиб олиши билан белига ва билагига қаттиқ титроқ қўллар тирмашаётганини кўрди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТИРМИЗАК 1 кест. Ҳали қўлидан бирор иш келмайдиган, турмушнинг оғиренгилини кўрмаган шахс маъносида қўлланади. Сен мен айтадиган ашулага ҳам чанг солдингми, индамаган сари бошимга чиқиб олмоқчимисан ҳали, тирмизак. С. Кароматов, Ҳижрон. Ҳамма йигитлар урушга кетди. Далада хотинлару қарилар, тирмизакдай бўлиб биз, болалар, ишлаганмиз. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Шўх болаларга нисбатан «шумтака», «тирранча» каби маъноларда ишлатиладиган ундалма. Ҳой, омон бўлгурлар, буларни [бо-

лаларни] қаердан топдинглар? Қидирмаган жойим қолмади-я! Ҳа, тирмизаклар! П. Қодиров, Қалбдаги куёш. Мабодо биронта бола томдаги каптарга тош отса, «шифферни тешасан, тирмизак», деб уйигача қувиб боради. С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

ТИРНАМА: тирнама асбоблар мус. Торларини бармоқ учлари, нохун ва ш.к. билан тирнаб, чертиб чалинадиган асбоблар (дутор, танбур, дўмбира, балалайка ва б.).

ТИРНАМОҚ 1 Тирноқ ёки ўткир учли нарсалар билан тилмоқ, юлмоқ, тимдаламоқ. Мушукча боланинг қўлини тирнаб олди. ■ Соч юлиб, ерни тирнаб қилдилар фарёд. Файратий. Зухра бегим ёлғиз ўғлининг тобутда бошсиз ётган танасини кўрганда, ўзининг калласига муштларини уриб дод солди, юзини қўли билан тирнаб, қонатиб юборди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 кўча Худди тирнаш каби ҳаракат ва унинг таъсирига нисбатан қўлланади. Совуқ шамол баданни тиканли тиш билан тирнар, нимдош кийимдан ўтиб санчар ва қалтиратар эди. Н. Мақсудий, Лайлатулқалр. Аммо Йигиталининг бузуни иши унинг ичини тирнаб ўтди. И. Раҳим, Зангори кема капитани. ..юрагимни тирнаб турган фикрларни тушуниб, самимий маслаҳатингиз, ширин сўзларингиз билан мадад берсангиз эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Ичини мушук (ёки ит) тирнамоқ қ. ич. Шу вақтгача шоирнинг ҳаёти учун кўрқиб, ичини ит тирнаётган вазир енгил нафас олиб.. бош эгиб қўйди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ТИРНОҚ 1 Бармоқлар учининг орқа томонидаги этга ёпишган, бармоқларни ҳимоя қилувчи, шохсимон моддадан иборат тузилма, қоғлама. Тирноқ ўстирмоқ. Тирноқни қайчи билан олмоқ. ■ Махсум ўсиқ тирноқларини Бобоқулнинг бўғзига ботиришга чоғлаб, хезланиб кела бошлади. С. Анорбоев, Оқсой. Ботирали тирноғи билан столни чертиб ўтирар, нима ҳақдадир ўй ўйларди. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Баъзи ҳайвон ва қушларнинг панжаси ёки чангалдаги учи қайрилган, ўткир, шох моддали ўсимта. Бургутнинг тирноғи. Мушукнинг тирноқлари. ■ Шерни шер қилган — тиши билан тирноғи. Р. Жуманиёзов, Сўз кўрпачи — мақол.

3 шв. От туёғи. От тирноғига теккан тош Ёнғоқдай ушалиб кетди. «Нигор ва Замон». От тирноғидан чиққан қумлар Қозондай оварилиб ётди. «Гулихиромон».

4 кўча Фарзанд, бола. Тирноқ кўрмоқ. Тирноқча зор бўлмоқ. ■ Ободон хола Сафо ота билан эллик йил бирга турмуш кечирди. Аммо уларга тирноқ nasib этмади. Р. Отаев, Сиз нима дейсиз? Гулнор билан ўн уч йил бирга туриб, тирноқ юзини кўрмадик. Ойдин, Икки кўзи шунда.

5 кўча махс. Баланд симёғочларга, мачталарга кўтарилиш учун оёқ қийимига маҳкам боғлаб олинадиган тишли ўроқсимон темир асбоб. [Ақбаралини] Баъзан кечалари ҳам чақириб қолишса, йўқ демай, брезент шимини кийиб, шалдир-шулдур занжирли «темир тирноқ»ларини елкасига олиб чиқиб кетарди. А. Мухтор, Чинор.

6 айн. қўштирноқ. Охирги колонкада, тирноқ ичиди, «Тузук одамларнинг болалари» деган мақола бўлиб.. П. Турсун, Ўқитувчи.

Тирноғини ўстирмаслик Бировнинг бири икки бўлишига, ўнгланишига, бойишига йўл қўймазлик. - Сиз ҳам хизматчининг тирноғини ўстирмайдиганлардан экансиз, — Йўлдошбой шундай деди-ю, бойнинг бетига тик қараганча тураверди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. Тирноқдан (ёки тирноқ орасидан, остидан, тагидан) кир изламоқ (ёки ахтармоқ, қидирмоқ) Арзимаган ёки йўқ нарсдан камчилик топиб, бировни ноҳақ айблашга, унга тўхмат қилишга уринмоқ. Сен тирноқ орасидан кир қидирмай қўя қол. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Ўқтам:] Гап ташувчи, тирноқдан кир изловчиларни, чақимчиларни мен жуда ёмон кўраман. Ойбек, О. в. шабадалар. Дарров тирноқ тагидан кир қидирасиз-а, Самадов? П. Қодиров, Уч илдиш. Тиш-тирноғигача ёки тиш-тирноғи билан Ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарса, ҳаракат-ҳолатни кучайтириш учун хизмат қилади. Тиш-тирноғигача қуролланмоқ. ■ Ман бир парча бошпанамга тиш-тирноғим билан ёпишганимдан ҳафсаласи пир бўлаёзганди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТИРНОҚДАЙ, -дек Кичкина, зиғирдай, бир парча. Тирноқдай бола. ■ Ҳой, Шоди.. уйда тирноқдай ҳам кўмир қолгани йўқ. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ТИРНОҚЛАМОҚ Тирноқларини ботириб, чизиқ ҳосил қилмоқ; юлмоқ; тимда-

ламоқ, тирнамоқ. *Меҳмон* [меҳмонхонадаги] номерни кўздан кечирди, ярқираб кўзни қамаштираётган жиҳозларни бирма-бир ушлаб, силкитиб, тирноқлаб, ҳидлаб кўрди. А. Қаҳҳор, Думли одамлар. *Кашал бўлиб шўрли икки улига, Тирноқлаб юзини, фақир қон этиб.* «Эрали ва Шерали».

ТИРНОҚЧА **I** **Тирноқ** с. кичр. *Кўнғиз оёқлари бир қанча бўғимлардан иборат бўлиб, ўтқир тирноқчалари билан тамомланади.* «Зоология».

ТИРНОҚЧА **II** *рвш.* Озгина, жиндай. *У тирноқча ҳам ғам емайди.* ■ *Тирноқча жойимни сен хотин талоққа бермаганим бўлсин!* Ойбек, Танланган асарлар. *Пулига тирноқча ҳам куймади, болаларимнинг бошидан садақа дерди-ю, аммо..* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТИРР тақл. с. Латта, қоғоз йиртилганда чиқадиған товушни билдиради. *Шим тизасидан тирр этиб йиртилди.*

ТИРРАҚДАЙ **тирракдай қотмоқ** *Роса қотмоқ, бутунлай қотиб қолмоқ (кишининг ҳолати ҳақида).* *Ювош ҳам мени кўриб, ютаётган нони ҳам бўғзида қолиб, тирракдай қотди.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. *Кеча мени от қоққан экан, ўрнимга киришим билан тирракдек қотиб ухлабман.* А. Қодирий, Улоқда. *Кечаси роса ичиб, наша солиб дамланган ошдан қорнига сиққунча еб, тирракдай қотган Розик қўрбоши билан йигитларининг оёқ-қўлларини боғлаб.. шаҳар турмасига жўнатилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТИРРАНЧА *айн.* **тирмизак.** *Турдибой халфа очиқ чехра билан гап бошлади: -Кўп яхши бўлибди-да, бу тирранчаларни ўқитиб мулла қилмасангиз, кўча чангитишдан бошқани билмай қола беради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳар хил тирранчалар пайдо бўлибди.. у тирранчалар ҳар қадамда бўлмағур маслаҳатлар беришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИРРАҚИ **I** *Ҳазлеб тиррақилайверадиган, ичикетар.* *Тиррақи бола.* *Тиррақи мол.* *Тиррақи бузоқ подани булғар.* Мақол. ■ *Улар [кўзилар] ҳали ёш-да, чироқ, ўз фойдаларини билмайди.* *Агар ҳам сут эмиб, ҳам ўт еб, тиррақи бўлиб юришини афзал кўришса, оналарига қўша қолай.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *Ориқ; ўлакса, нимжон.* *Олган ойлигига берса, тўртта тиррақи қўй беради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Тиррақи бузоқ подани булғар *Бир ёмоннинг бўлмағур, нопок иши унга алоқадор*

бошқаларга ҳам таъсир этиши, бошқаларни ҳам булғашини билдирадиган мақол. *Ҳамма ўлиб-тирилиб ишлаб юрса-ю, бир тиррақи [бузоқ] подани булғаса, ҳали кўрасан, бунинг исноди бутун бригадага тегади.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди. *-Поданинг ичида битта тиррақиси бўлса, ҳаммасини булғайди.* *Булғама хотинларни сен, - деди Ширмонхон зарда билан.* С. Зуннунова, Олов.

ТИРРАҚИЛАМОҚ с. т. Ичи кетиб, ҳамма ёқни булғамоқ.

ТИРРИҚ *Ўйинда ва, умуман, олди-берди, савдо-сотиқ ва б. муомалаларда бошқаларни алдашга, тонишга, фариб беришга ўрганган; фирром, фарибгар.* *Тирриқ ўйинчи.* *Тирриқ одам.* ■ *Анави тирриқлар кўп ишларни бўйнига олмаслиги мумкин.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

Таъби (ёки табиати, кайфи) тирриқ *Бирор нарсадан ранжиган, хафа; кайфи бузуқ.* *Илҳомчанинг.. кўнгли ғаш, таъби тирриқ, овози синиқ.* Х. Ғулом, Сенга интиланман. [Назар:] *Уйга борсам, хотиним табиатимни баттар тирриқ қилди.* С. Зуннунова, Кўзлар. *Оғир юк кўтарган кишидай аранг ўтирган еридан кўзғалди.* *Унинг таъби тирриқ эди.* Ш.Уҳрат, Шинелли йиллар.

ТИРРИҚЛИК *Тирриқ шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат; фирромлик.* *Ҳафиз ош-насининг баъзида тирриқлик қилишини - жон койитмай кўпроқ пул топишнинг кетига тушганини пайқаса ҳам, негадир унга эътиқоди баланд эди.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар. *Турғунбой ака бўлса, биз нима учун қайғураётганимизни ўйламай, томорқам деяпти, тўғрироғи, у фирромлик қиялпти.* Х. Нуъмон, Қахрамоннинг туғилиши.

ТИРС тақл. с. Чўғдан учқун отилганда, ип узилганда чиқадиған кескин, кучсиз товуш ҳақида. *Нимадир тирс этди: қизилуруғ қовун дум берди, шекилли.* А. Эшонов, Дутор.

ТИРСАК **I** **I** *Қўлнинг билак суяги билан елка суяги қўшиладиган, букилиб бурчак ҳосил қиладиган жойи, бўғими.* *Назокат тирсагини столга қўйди-да, чиройли панжалари билан юзларини силаб, ноз ва эркалик билан сўз бошлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *-Ҳаммасини қанчага берасан? - деб Карим тирсаги билан Ойтўтини секингина туртиб қўйди.* Ойдин, Фонарь тағида. *Бондарь чиқаётиб, Анна Ивановнанинг*

тирсагидан одоб билан тутди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Енгнинг қўлнинг шу ерига тўғри келадиган жойи, қисми. *Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами яктагининг энги зулфинга илиниб, тирсаккача йиртилди. А. Қаҳҳор, Анор.*

3 Нарсаларнинг бурчак ҳосил қилиб букилган жойи ёки қисми. *Трубанинг тирсаги. Валнинг тирсаги. ■ Эътиборсизлик, шошқалоқлик қилинади-ю, чизикдан чиқишади: лова муюлишида паст-баландлик, бир метр келадиган қийтиқ тирсак пайдо бўлиб қолди. Й. Шамшаров, Қаҳрамоннинг йўли.*

4 тар. Узатилган қўл бармоқларининг учидан тирсагигача бўлган масофага тенг узунлик ўлчови бирлиги (тахминан ярим метр ёки ундан ошиқроқ).

Тирсакни тишлаб бўлмас Кўриниб турган, аммо қўлга киритиб бўлмайдиган нарса ёки амалга ошмайдиган орзу ва ш.к. ҳақида айтиладиган матал.

ТИРСАК II Тилда пайдо бўладиган сўгалсимон бўртиқ, чиқик; сариқча. *Тилимга тирсак чиқибди.*

Тилингга тирсак чиқармиди Айтиш, гапириш лозим бўлган гапни айтмаган, билдирмаган шахсга нисбатан қўлланади. *«Кечиринг мени, сизни билмай..», деса тилига тирсак чиқармиди?*

ТИРСАКЛАМОҚ Тирсаги билан бир иш қилмоқ (суянмоқ, туртмоқ, қормоқ, пишитмоқ ва ш.к.). *Столга тирсаклаб ўтирмоқ. ■ Отаси Мирзахўжа новвой хамир тирсакламоқда, ўгай аяси Зиёдабиби ун эламоқда. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

ТИРСИЛЛАМА Терисига, қобиғига ситмас даражада тўлишган, етилган; бўлиқ. [Сўнагулнинг] *Лаблари ҳам етук қизларга хос бўлиқ, тирсиллама. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

ТИРСИЛЛАМОҚ I «Тирс» этмоқ, кескин, кучсиз овоз чиқармоқ, чирсилламоқ. *Цемент солинган халта тирсиллаб, ёрилиб кетди. Қуруқ ўтин тирсиллаб ёна бошлади.*

ТИРСИЛЛАМОҚ II I Терисига, қобиғига ситмас даражада тўлмоқ, тўлишмоқ, тўлиб, ёрилар даражага етмоқ. *Сигирнинг елини тирсиллаб кетибди. ■ Тўлишган, орқабели тирсиллаган гўзал гавдасини серкилатиб, Дилдор даҳлиздан хона ичига кирди. Ойбек, Навоий. Семизликдан кўзлари қи-*

силиб кетаёзган, қонталашган юзлари тирсиллаб ёрилиб кетгудай. А. Мухиддин, Чап чўнтак.

2 кўча Тўлиб-тошмоқ (куч-қувват, ғайрат ва ш. к. ҳақида). *Норғул, ўмровлардан кучи тирсиллаб, Чўпон чиқиб келди катта ўтовдан. Зулфия. Мушакларида куч-қувват тирсиллаб турибди. С. Акбаров, Отамнинг халлари.*

ТИРТАЙМОҚ Аразлаган, ранжиган ёки зарда қилган кўйи чимирилмоқ, лаб-лунжини осилтирмоқ, тумшаймоқ. [Жўра] *Ўқишга борадику-я, аммо [синфдошлари] «Кеча кетган эдинг кеккайиб, бугун келдингми тиртайиб?» дейишса, нима қилади. Н. Назаров, Замон.*

ТИРТИШМОҚ I Таранглиниб бурушмоқ, тиришмоқ. *Костюмингиз тор экан, елкаси тиртишиб ётибди.*

2 Битиб буруш-тириш бўлиб қолмоқ. *Яраси битиб, юзи тиртишиб қолибди.*

ТИРТИҚ Битган яра, жароҳат ўрнида ҳосил бўлган ямоқ; чандик. *Унинг хотини.. гоҳ-гоҳ зимдан Боқижоннинг бўйнидаги тиртиғига қараб қўяр эди. Ойбек, О. в. шабадалар. Йигитнинг қора мағиздан келган чўзиқ юзи, айниқса, қош-кўзининг қоралиги уни бироз лўлига ўхшатиб кўрсатар, лабининг четидаги пичоқ тилгандай ингичка, чуқур тиртиғи негадир бу ўхшашликни тағин ҳам кучайтирган эди. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.*

ТИРҚИРАМОҚ I Ҳар томонга тарқалиб кетмоқ, қочмоқ, тўс-тўс бўлмоқ. *Эшик оғзида уймалашиб турган қизчалар ён-ёққа тирқираб, ғойиб бўлишган эди. С. Анорбоев, Меҳр. Илгарилар бу ерга елкасига милтиқ тақиб, ёнбошига чарм халта осган отлиқлар келар, одамлар уларнинг қорасини узоқдан кўриб, «солиқчи» дердилар ва бекингани жой ахтариб, тирқираб кетардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Отилиб чиқмоқ, шиддат билан чиқиб, атрофга тарқамок, сочилмоқ (суюқлик ҳақида). *Ярадан қон тирқираб кетди. ■ [Эргашининг] Чап бош бармоғидан тирқираб қон оқяпти. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. У [Майна] ўзини босишга уринса ҳам бўлмади — икки кўзидан севинч ёшлари тирқираб кетди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

ТИРҚИШ I Бир-бирига зич ёпишмаган эшик табақалари, тахта ва ш.к. орасида ҳосил

бўлган тор ва узун бўш оралик. *Дераза тирқишидан муздек ҳаво қияпти.* ■ *Эшик тирқишидан йўлакка индек ингичка нур тушиди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эшелоннинг кейинги тўхташида вагон тирқишидан қараб турган Исроил Азимов бу станцияни таниб, «Пенза», деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Узун тешик, ёриқ, узун дарз. *Эски бионинг деворларида ҳар томонга тарқалиб кетган тирқишлар пайдо бўлибди.* Газетадан. *..молхонанинг тешик, тирқишлариғача дори септирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТИРҒАНМОҚ айн. **сирғанмоқ.** *Тирғаниб йиқилмоқ.* ■ *Тирғаниб, лой сачратиб юрган Гулнор, ўз эшиғида бир нафас тўхтаб, кечинмаларини ондан яширишга қанча уринмасин, буни эплай олмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Турсуной анҳорга келиб, сув оламан, деб қўққисдан тирғаниб, сувга тушиб кетди.* Газетадан.

ТИРҒАНЧИҚ айн. **сирғанчиқ.** *Тирғанчиқ жой.* ■ *Йўл қатқалоқ, тирғанчиқ бўлганлигидан мотор қаттиқ овоз чиқариб гувуллар.. эди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ТИС унд. с. Отни орқага тисаришда айтилади.

ТИСАРИЛМОҚ 1 **Тисармоқ** фл. ўзл. ва мажх. н. *Машина сал тисарилса, йўл очилади.* ■ *Тўра.. орқасига тисарилиб, югуриб келиб, бутун кучи билан сакради.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Душман энди олға югуриш ўрнига тисарила бошлади.* Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев. *Бульдозерлар бири олиб, бири қўйиб вағиллайди. Орқага тисарилади, олдинга интилади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 *кўчма* Тутилган йўлдан, фикридан, эътиқодидан ёки азму қарори, шахти ва ш.к. дан қайтмоқ, чекинмоқ. *Ишнинг ҳақлиғига ишонсанг, унга астойдил кириш, тисарилма.* ■ *Бу [мафкуравий] соҳадаги ҳар бир бўшашиш, ҳар бир тисарилиш ёт ғояларга йўл очиш бўлиб чиқади.* Уйғун, Сўнгги пушаймон.

ТИСАРМОҚ 1 Орқаси билан юргизмоқ, орқаси билан юргизиб, кетига қайтармоқ. *Чавандоз отини тисарди.* ■ *Қиз.. уни [мулла Бурҳонни] ҳужра ичига қарата тисариб, «шошман».. депти.* С. Айний, Эсдаликлар. *У [Қумри] машинани тисариб, чап томонга сал бурди.* С. Аҳмад, Ойдин чечаклар.

2 Чекинишга мажбур қилмоқ. *Душманни фронт бўйлаб тисардик.*

ТИСАРТМОҚ айн. **тисармоқ.** *Ҳали кучли бу лаънати ёв, ўзинг кўряпсан, бир сурганча тисартиб олиб кетиш қийин бўляпти.* В. Ғофуров, Вафодор.

ТИСКИ [р. тискать — «сиқмоқ, қисмоқ; босмоқ» фл. дан ясалган от] *тех.* Ишлов бериладиган буюмни сиқиб, маҳкамлаб қўйиш учун хизмат қиладиган слесарлик асбоби; гира, исканжа. *Ҳасан тискига дам болганинг бир қиррасини қисар, зўр бериб эговлар эди.* Иббохон, Улуғ кун. *Станок плитасида катта болтлар билан мустаҳкамланган тиски полга тушиб, ўртасидан ёрилди.* Газетадан.

ТИСЛАМОҚ Орқаси билан юргизмоқ, тисармоқ. *Аравани тисламоқ.* ■ *Ўроқ шофёрга машинани орқага тислашни буюрди.* Й. Муқимов, Матонатли кишилар.

ТИСЛАТМОҚ айн. **тисламоқ.** *Улар бир-бирларининг отлари тумшуғига қамчи уриб, уни кейин тислашиб, ўзлари олдин ўтишга ҳаракат қиларди.* С. Айний, Эсдаликлар.

ТИСС унд. с. Овоз чиқармасликка ёки секин сўзлашга ундаш учун ишлатилади. *-Тисс, — Абдулла дик этиб ўрнидан турди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТИТАН I [юн. Titan — юнон мифологиясида Уран (осмон) ва Гея (ер)дан туғилган биринчи авлод фарзандлар номи] Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мунсуб кимёвий элемент; пўлатсимон ялтироқ қаттиқ, коррозиябардош металл.

ТИТАН II Сув иситадиган ёки қайнатадиган махсус қурилмали катта идиш. [Эргаш:] *-Мана бу эса титан дейишади, — деди сув қайнатаётган ялтироқ идишни кўрсатиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИТИҚ 1 *сфт* Титилиб, тўзиб увадаси чиққан, титилиб кетган, дабдала. *Титиқ китоб. Титиқ кўрпа. Титиқ сават. Титиқ қоп.*

2 *от* Нарсанинг титилган, тўзган жойи; титилган, тўзган нарсa. *Дастурхоннинг титиғи. Шляпанинг титиғи.*

Титиғи чиқиб (ёки ўйнаб) кетибди 1) титилиб, тўзиб увадаси чиқибди, жулдур-жулдур, дабдала бўлибди. *Кўрпанинг титиғи чиқиб кетибди. Диваннинг титиғи чиқиб кетибди; 2)* *кўчма* дабдаласи, мажағи чиқибди, тор-мор бўлибди. *Душман отрядининг титиғи чиқиб кетди. Титиғини чиқармоқ* Каттиқ калтакламоқ, дабдала қилмоқ. *Шу қилганингга бир уриб, титиғини чиқа-*

риб юборайми? Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ТИТКИЛАМОҚ Титиб, ковлаштириб бирор нарса қидирмоқ; титиб, ковлаштириб остин-устин қилмоқ. *Стол яшигини титкиламоқ. Хужжатларни титкиламоқ. Товуқлар гўнг титкиламоқда.* ■ Афандининг қизчаси уйни титкилаб юриб, кўзи отасининг ҳалиги халтачасига тушиб қолди. «Латифалар». «Шунгаймми», — дедим ичимда ва қидиришга арзимаса ҳам, шу қизни хурсанд қилиш учун, икки қўлим билан тупроқни титкилашга тушдим. Ойдин, Икки кўзи шунда.

ТИТМОҚ 1 Тўда, тўп ҳолидаги нарсани у ёқ-буёққа сочмоқ, ағдармоқ, тўзитмоқ. *Бундан кўра гўнг титганинг яхиш эмасми, кекса товуқ!* Ойбек, Танланган асарлар. ...тахта кўмирларини, чинни парчаларини этик учи билан титди. Ҳ. Фулом, Машғал. *У жангчиларнинг техника ва тактика ҳақидаги мулоҳазаларига аҳамият бермагандек, чўғни титиб ўтирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Ковлаштириб, ағдар-тўнтар қилиб қарамоқ, титкиламоқ. *Сандиқни титмоқ. Уйни титмоқ.* ■ *Қизил крест аломатли брезент сумкани титиб, дори олди-да, Мурзинга тутди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Қоғозларини қанча титсам ҳам, лаънати дафтар сира-сира топилмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кечқурун ўзида бор журналарни титиб, Улфатнинг шеърларини топди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Юлиб, саваб, қоқиб ёки бошқа йўлар билан юмшатмоқ ва чанг, хас-хашакдан тозаламоқ. *Пахта титмоқ. Жун титмоқ.* ■ *Ғозибой ака билан Рўзибой акалар панишах билан хирмонда тинмай пахтани титиб туришсин.* Мирмуҳсин, Михлар ва лўкаклар.

4 с. т. Пора-пора қилмоқ, дабдала қилмоқ, мажағини чиқармоқ. *Ҳозир кўзига кўринсанг, титиб ташлайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Тутун жигаримни ҳам титиб юборди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИТ-ПИТ: тит-пит бўлмоқ Титилиб-сочилиб кетмоқ, тўзиб кетмоқ; остин-устин бўлмоқ. *Ўнлаб километр масофада яп-янги кабеллар тит-пит бўлиб кетган эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. **ТИТ-ПИТ ҚИЛМОҚ** 1) титкилаб, титиб, остин-устин қилмоқ, тартибсиз ҳолга келтирмоқ; 2) кўчма миридан сиригача текширмоқ, текши-

риб остин-устин қилмоқ, ков-ков қилмоқ. **ТИТ-ПИТИНИ ЧИҚАРМОҚ** 1) адабини бермоқ, бурнини ерга ишқамоқ, тавбасига таянтирмоқ. *Менга қаранг, Афандихон, Бўта яна раис бўлади. Аммо лекин унга туҳмат қилганнинг тит-питини чиқазаман.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) айн. **ТИТ-ПИТ ҚИЛМОҚ.**

ТИТРАМА айн. **ТИТРОҚ 1.** Унинг ҳайқир-ишларининг ўзидаёқ ҳар қандай рақибнинг тиззасига титрама тушади. Э. Самандар, Тангри кудуги.

ТИТРАМОҚ 1 Совуқдан, қўрқувдан, ҳаяжондан ёки дармонсизликдан, касаллик ва ш.к. дан қалтирамоқ. *Ҳаёт ниқ-ниқ йиғлар, елкалари дир-дир титрар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўзларимиз тўқнашди-ю, унинг лаблари титраб, кўзларидан икки томчи ёш думалаб кетди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари. *Шодлигимдан ўзимни йўқотадим, дағ-дағ титрайман.* Газетадан.

2 Қимирламоқ, тебранмоқ, силкинмоқ, ларзага келмоқ. *Баланд, тўғри ўсган, учлари бир-бирига туташган қатор тераклар жимгина титрайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Али тажанининг сарғиш мўйлови титраб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Фуломжоннинг гурзиси асов тош устига даҳшат билан урилганда, бутун тоғ титрар, унгури ичи гумбураб кетар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Титроққа ўхшаш бўлиниб-бўлиниб чиқмоқ, ифодаланмоқ (овоз, товуш ҳақида). *Қаттиқ титраган дераза орқали узоқда ўт-бўронлар кўринади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *—Қалай энди, тузукмисиз? —Шукур, раҳмат, — унинг овози титраб, гапининг охири яхиш эшитилмади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Уйнинг яқиндагина сирланган, бўёқ иси анқиб турган шифти остида тор садолари титраб кетди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

4 кўчма Титроққа ўхшаш ифода бермоқ, ҳаракатланмоқ. *Сўзлар экан, юраги машғум бир эҳтимолнинг даҳшатидан титрар, тили ҳам осонлик билан ҳаракатланмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИТРАШ 1 Титрамоқ фл. ҳар. н. Баданинг титраши туҳтади.

2 тиб. Бирор аъзо (кўпинча қўл, оёқ ва юз) мускулларининг беихтиёр ритмик равишда титраб туриши.

ТИТРОҚ 1 от Совуқдан, қўрқувдан, ҳаяжондан ёки дармонсизлик, касаллик ва

ш.к. дан юзага келадиган гайришуурий ҳаракат, қалтироқ. [Сидиқжоннинг] Телеграмма қоғозини тутиб турган қўли титрарди. Бу титроқ аста-секин бутун вужудини қамраб олди. Э. Усмонов, Кўнгил. Адолат сурбет Бозоровни кўриши билан ғазабдан қалтиради ва титроғини босиш учун пахта тераверди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 сфт. Титраб, қалтираб турадиган, титрайдиган, титроқли; қалтироқ. *Титроқ қўл. Титроқ оёқ.* ■ Муҳаммаджон унинг титроқ лабларига суқланиб қаради-ю, лекин журъат этолмай, қўлидан ҷупиллатиб ўнди. П. Қодиров, Уч илдиш. Замира унинг титроқ вужуди ва ҳаддан ташқари оловли қарашига тоб беролмай, стол устига пастроқ энгашиди. П. Қодиров, Уч илдиш.

3 сфт. Тўлқинланиб ёки узилиб-узилиб чиқадиган (асосан, овоз, товуш ҳақида). У, оппоқ рўмолчаси билан кўзларидан дона-дона оқиб тушаётган ёшини артиб, титроқ овоз билан жавоб берди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Титроқ босмоқ (ёки турмоқ, кирмоқ, югурмоқ) Титроқ пайдо бўлмоқ, эгалламоқ. *Наҳотки Аҳмад танбал қўлга тушган бўлса? Унда сир очилади.. Ёқуббекни титроқ босди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қўйинг, дадаси, ҳадеб ич-ичингизни тимдалайверманг. Ҳар ҷўт қоққаннгизда бир титроқ туради.* Ҳ. Гулом, Машғал. *Ўрмонжон «Қўрққан олдин мушт кўтарар» деган ҳаёлда вужудига титроқ кириб, секин курсига ўтирар экан..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Майна бир дақиқа кўзини юмди, ғазабдан бутун авзосига титроқ югурди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТИТУЛ I [лот. titulus — устига ёзилган ёзув; фахрий унвон] *плгрф.* Китобнинг унинг номи, муаллифи, нашр қилинган йили ва жойи, нашриёт ёки уни нашр этувчи ташкилот номи кўрсатилган биринчи бети; титул варағи. *Китобнинг титули.* ■ Унинг [китобнинг] муқоваси, титул варағи, шунингдек, бошқа айрим бетлари ҳам жуда эътиборсизлик билан вёрстка қилинибди. Газетадан.

ТИТУЛ II Миллий ва б. турли ҳуқуқлар асоси; айрим кодекс ёки қонунлардаги алоҳида бўлимча.

Титул рўяхати Курилиш объектларини куриш учун керак бўладиган, объектнинг номи ва ўрни (жойи), лойиҳавий қуввати,

смета бўйича баҳоси ва ш.к. кўрсатиладиган рўйхат. *Яқинда ҳукумат титул рўйхатларини тасдиқлашнинг янги тартибини белгилаб.. камчиликларни йўқотди.* Газетадан. 1984–1985 йилларнинг титул рўйхатларига киритиладиган объектлар бинокорлик материалларининг ҳамма турлари билан.. таъминланиши лозим. Газетадан.

ТИФ [юн. typhos — тутун; онгнинг, ақлушнинг хиралашуви] *тиб.* Иситма ва онг парокандалиги, хиралашуви билан кечадиган огир юқумли касалликларнинг умумий номи; терлама. *Орада беш ой ўтгандан кейин, унинг бўйга етган қизи тиф билан оғриб, ўн етти кун деганда вафот қилди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ТИХИР с.т. Сўзга, маслаҳатга кирмайдиган, тутган ерини кесадиган; ўжар, қайсар. *Тихир бола. Тихир от.*

ТИХИРЛАНМОҚ Тихирлик, ўжарлик қилмоқ, қайсарлиги тутиб туриб олмоқ.

ТИХИРЛИК Тихирга хос хусусият, хатти-ҳаракат; қайсарлик. *Ўчоқбошида идиш-товоқларни юваётиб, ҳамма гапдан хабардор бўлиб турган Ўринбу қайнатасининг тихирлигидан уялди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кампир неварасининг олдига уни-бунни қўйиб, қистайверади, Обида бўлса, нуқул «йўқ, йўқ», деб тихирлик қилаверади.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *От негадир тихирлик қилиб, юрмай туриб олди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ТИШ I 1 анат. Овқат ейиш, тишлаш, чайнаш, тутиб туриш учун хизмат қиладиган аъзо. *Курак тиш. Озиқ тиш. Фил тиши. Тилла тиш. Тиш ҷўтқаси. Тиш пастаси. Тиш доктори. Тиш тозаламоқ. Тиш қўймоқ. Тишни суғурмоқ (олмоқ).* ■ *Жувон елкаси оша Сидиқжонга қараб, оппоқ, маржондек тизилган тишларини ярқиратиб илжайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Тиш ёрмоқ 1) тиши кўрина бошламоқ, чиқа бошламоқ (ёш бола, гўдак ҳақида); **2)** гап билан билдирмоқ, оғиз очмоқ; айтмоқ. *Бу тўғрида қўшнимизга тиш ёрган эдим, у: «Битта-яримтасининг томоғини мойламабсиз-да, — деди. «Муштум». Таранцевнинг аллақайёққа бош олиб кетганидан хабардор бўлса ҳам, бировга тиш ёрмади. «Муштум». Тиш чикмоқ* Маълум сўз ёки сўз бирикмаси билан бирикиб, сўз (сўз бирикмаси) билдирган иш-фаолият, соҳада улғайганликни,

танилганликни билдиради. *..кечагина шинель кийган Чернецов, ҳарбийда тиши чиқиб, ҳарбийда балоғатга етган капитанга тактикадан дарс бермоқчи, деб ўйлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Олғирлик билан тишим чиқди, беҳуда гаплар билан тилим бурро бўлди.* «Муштум». **Тиши ўтмоқ** Моҳиятига тушунмоқ, ақли етмоқ, ҳал эта билмоқ. *Газета ёки китоб ўқиганида, айниқса, техникага оид брошюраларни ўқиганида, баъзиларига тушунмаяпти, ўзининг таъбири билан айтганда, тиши ўтмай қоляпти.* Р. Раҳмонов, Тиниб-тинчимас. **Тишида** (ёки **тишининг қавагида ёхуд орасида**) **сақламоқ** Ниҳоятда эҳтиётлик билан (кимсага билдирмай, кўрсатмай) сақламоқ. *Лекин бир илож қилиб тишимда сақлайман уни.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ма, ол. Бирор кунингга яраб қолар, тишимнинг орасида сақлаб юргандим.* «Муштум». Афандининг **тиш қавагида асраб** юрган юз танга пули бор эди. «Латифалар». **Тишини тишига қўймоқ** Бор куч-имконият билан ўзини тутмоқ, чидаган ҳолда тутмоқ. *Ножўя гапларни бошингиздан чиқариб ташланг, акаси жонидан, унақа вақтлар ўтиб кетган, тишини тишига қўйинг-да, дам бўлинг, бости-бости қилиб юборамиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Тағин ҳам фарзанд экан. Тишимни тишимга қўйиб кузатдим.* «Муштум». **Тишини қайрамоқ** Тайёрланмоқ, бирор нарса учун ўзини чоғлаб турмоқ. *Йўлчи тишини қайраб, бойваччанинг кўкрагига бир мушт туширди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тишинени қайраб тур, ука, сал қўл бўшасин, катта тўй қилиб бераман.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Тишининг оқини кўрсатмоқ** (Тишини кўрсатиб) иржаймоқ, ишшаймоқ, тиржаймоқ. *Шундай табаррук одамга қайси бетим билан тишимнинг оқини кўрсатаман?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тиш-тирноғи билан** Қатъият билан, бутун имкон билан. *Тиш-тирноғим билан шу ерда, шу болаларнинг севган ўқитувчиси бўлиб қолишга тиришаман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Курол, асбоб, машина қисмлари ва ш.к.нинг (тишга ўхшаш) ўтқир, учли қисми. *Арранинг тиши. Қирғичнинг тиши. Тароқнинг тишлари. Омочнинг тиши.* ■ *Аввалги йилларда ҳам трактор ишларди, болалар тушмагур тишини саёз ботиришарди, ҳозир унақаси йўқ.* С. Маҳкамов, Катта рулда. *Тош омочнинг тиши шаклига кирганда, полвон кўриб маъқуллади.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг

очилиши. *Аммо чиғирққ ўқининг тиши чигитни чайнаган чоқда ишчиларнинг айлан-тиришга кучи етмас ва қулоқни чаппа айлантириб, қайтадан олдин босишга мажбур бўлар эдилар.* С. Айний, Қуллар.

ТИШ П с.т. Таш, сирт, ташқари. *Мол олasi тишида, одам олasi ичида.* Мақол. ■ *Ўзи тишдан ялтираб кўринса ҳам, ички жиҳатдан сурбет бир кимсага ўхшаб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИШАМОҚ Тиш чиқармоқ ёки тишини чархлаб ўтқирламоқ. *Аррани тишамоқ.*

ТИШКОВЛАГИЧ Тишни овқат қолдиқларидан тозалаш учун чўп ёки бошқа нарсадан тайёрланган буюм, восита. *..таомдан сўнг бирон соат фоз патидан ясалган тишковлагичини олиб, тишини ковлаб юради.* Мирмуҳсин, Умид.

ТИШЛАМ Нон, гўшт ва ш.к. овқатнинг бир тишлашда узиб олинган қисми ёки бир тишлашли парчаси. *Бир тишлам гўшт.* ■ *Бир тишлам нон гадоси бўлиб, биров эшигига борган вақтларим бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТИШЛАМОҚ 1 Тишлари орасига олиб, бир қисмини узиб, ажратиб олмоқ. *Жувон қўлидаги олмани устма-уст бир неча мартаба тишлади ва чала чайнаб ютди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Эъзозхон суви қочган нонни тишлаб, чайнай бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 Тишлари орасига олиб қисмоқ, тишлари билан тутмоқ, тишида ушламоқ. *Мушук боласини тишлаб, ҳовлига олиб чиқди.* ■ *Мирзакаримбой.. сўзни нимадан бошлашни билмай, соқолининг учини тишлаб деди.* Ойбек, Танланган асарлар. [Жўра] *Қамчини тишлаган ҳолда, отга минди.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 Тишларини ботириб жароҳатламоқ, қопмоқ. *Уни ит тишлаб олди. Бу от тишламайди.* ■ *Тилини тишлаб олган одам тишини суғуриб ташламайди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *От жонивор, олдидан келганни тишлаб, орқадан келганни тепибди.* «Эртақлар».

4 кўча Каттиқ гап билан озор бермоқ, ачитиб гапирмоқ, қақиб олмоқ. *Мастон кампир неварасининг йиғлаб туриб қилган зори-га қарамай, яна тишлаб-тишлаб олмоқчи бўлди, лекин шайтонга ҳай берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бармоғини тишламоқ қ. бармоқ 1. Шундай ҳийла билан берардимки [заҳарни], табиблар бармоғини тишлаб қолган бўларди.. Ойбек, Танланган асарлар. **Бурнини тишламоқ** Ҳеч нарса қила олмасликка ишора қилади. Алам қилса, бурнини тишла. ■ Энди уйга қайтиш йўқ. Мирзакаримбой бурнини тишлаб қолсин. Ойбек, Танланган асарлар. **Ер тишламоқ** Ерга қулаб жон бермоқ, ўлмоқ. Фашист.. ё қаншаридан ўқ еб, ер тишлайди, ё, эвини қилса, рўпара келган тешикка ўзини уради. А. Қаҳҳор, Асарлар. **Мум тишламоқ қ. мум.** Эшпўлатов лом-лим демади, деб биз ҳам мум тишлаб кета берсакмикин.. «Муштум». **Олдида келса тишлайди, кетидан келса тепади** Ўзига йўлатмаслик. Мулла Норқўзи ўша гапни ҳазиллашиб айтганини арз қилиш учун олдида келса тишлар, кетидан келса тепар эди.. А. Қаҳҳор, Асарлар. **Тилини тишламоқ қ. тил 1.** Оғзини юм, тилингни тишла, Адолат, урушга борганларнинг ҳаммаси ҳам ҳалок бўлавермайди.. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Тишида тишлаб** Ниҳоятда эҳтиётлаб. Икки-уч ёшида онадан етим қолади. Отаси уни тишида тишлаб катта қилади. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. ..топган-тутганини тишида тишлаб сақлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Қулогидан тишламоқ** Ўзиники қилиб қўймоқ (одатда, қиз болани ёшлигида, кейин унга уйланиш учун). Сен унинг қулогини тишлагансан, номард. У. Исмоилов, Сайланма. Ёшлигимизда бир-биримизни яхши кўришиб юрардик, қўшни эдик, қулогини тишлаб ҳам қўйган эдим, — деди Ботирали. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ТИШЛАТМОҚ 1 Тишламоқ фл. орт. н. Менинг пойлайдиганим ҳам, тишлаб оладиганим ҳам йўқ, тузукми! Тишлатиб қўядиган қизлардан эмасман. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Синдор эса, ер бағирлаб ўрмалаётган икки оёқли ҳайвонларга мерганларча ўт очиб, ер тишлатарди. Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача.

2 кўча Кези келганда гап билан бопламоқ; гапни ўрнига қўймоқ; ўринли гап қилмоқ. -Дадаларимиз худди бизнинг шўх, кувноқ бўла олишимиз учун ўлиб кетган бўлса-чи! — деб тишлатдим мен ҳам. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТИШЛАШМОҚ 1 Тишламоқ фл. бирг. н. Қутиб турган хотинлар, Кумушни кўрган он, бир-бирларига қарашиб, лабларини тишлаш-

ди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қизлар уйнашиб, қизғалдоқдай яшнашиб.. биров-бирови билан тишлашиб.. бир хиллари биров-бировининг бўйнига қўлини ташлашиб юрибди. «Равшан».

2 кўча Жанжаллашмоқ, олишмоқ. ..етти Сибирдан омон қайтиб, генерал Куропаткиндек ҳоким билан тишлашаётган ким? Н. Сафаров, Танланган асарлар.

3 тех. Бир-бирига киришмоқ, илашмоқ. Тишлашган шестернялар.

ТИШЛОН шв. Сўйлоқ тиш ва шундай тишли одам.

ТИШЛОНҒИЧ 1 Ёнига борганни тишлайверадиган, тишлаб оладиган. Тишлонғич ит. Тишлонғич от.

2 кўча Гап билан тишлаб оладиган; уришқоқ. Ўқингизнинг тишлонғичлигидан мақтанманг, тоға, энди бунақа тишлонғич йигитларнинг даври ўтган! С. Абдулла, Ўлмасхон.

ТИШОВЛАМОҚ шв. Тиш чиқармоқ, тишамоқ. Аррани тишовламоқ.

ТИШСИЗ Тиши бўлмаган; тиши йўқ. Тишсиз чол. Тишсиз мола. Тишсиз сихмола.

ТИШ-ТИРНОҚЛИ 1 Қўл урган нарсасини битирадиган; уддабурон, эпчил. Чиндан ҳам у [Умматали] жуда тиш-тирноқли эди. Интилган нарсасини ё узиб олар, ё унга ёпишиб қолиб кетарди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

2 кўча Теккан, эътибор қаратган жойини узадиган, таъсирини ўтказадиган. Рецензия дегани ана шунақа тиш-тирноқли, тишлаб оладиган бўлса. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ТИШҚОЛИ этн. Тишни бузилиш, касалланишдан сақлаш мақсадида суртиладиган махсус қора бўёқ. Тишига тишқоли қўйган Ойсара чўтир овозини пастлатиб, гапга зеб беради. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. Тишқолидан қорайган яккам-дуккам тишларини тиржайитириб, хир-хир қулди яна хотин. Ойбек, Улуғ йўл.

ТИҚ тақл. с. Нарсаларнинг тегиши, урилишидан ҳосил бўладиган бўғиқроқ кучсиз товуш ҳақида. Қалам тиқ этиб полга тушди. Тиқ этса, эшикка қарайман. ■ -Мен.. хизмат қилиб турибман. Тиқ этган чойнак бежавоб қолмайди, — деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.

Тиқ этган товуш (ёки овоз, хабар) йўқ. Ҳеч қандай товуш, шарпа ёки хабар эшитилмайди; жимжит. *Қўрғонда тиқ этган товуш йўқ. Ҳатто бешикдаги болалар ҳам тип-тинч.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшиклар маҳкам тамбаланган, кўчаларда тиқ этган товуш эшитилмайди.* Т. Обидов, Юсуф-жон қизик. *Бу хатдан кейин Марғилондан тиқ этган хабар бўлмади ва орадан икки ойлаб фурсат ўтиб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТИҚИЛИНЧ 1 *от* Одам, машина ва ш. к. билан тирбанд; юриш, ҳаракатланиш қийин ҳолат; шундай ҳолатли жой; шундай ҳолатдаги одам ёки нарсалар тўдаси. *Йўлчи «Дўппи бозор»дан аравани зўрға олиб ўтди: бу ерда зўр тиқилинч, кўпчилиги хотинлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Трамвай нариги бекатда тўхтаганда, тиқилинчда урилиб-сурилиб, мен тушган вагонга кутилмаганда Санобар чиқиб келди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Шундай тирбанд, юриш, ҳаракатланиш қийин бўлган (қийин ҳолатли). *Ойниса вокзал майдони яқинида тиқилинч трамвайдан ҳаммадан кейин тушди..* Ҳ. Гулом, Тошкентликлар. *Ҳамадон шаҳри худди безовта қилинган арининг уиндек ғувуллайти.* Кўчалар тиқилинч. М. Осим, Ибн Сино қисаси.

3 Тезлик билан бажарилиши лозим бўлган; шошилинч, ошпигич. *Тиқилинч иш. ■ Борадиган жойингизга кеч қоладиган бўлдингиз-да, меники жудаям тиқилинч эмас эди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

4 Бажарилиши лозим бўлган иш кўп (тиқилган), вақт эса зиқ. *Шукур бетоқат бўлиб, энсиз пешонасини тириштирди. Шу тиқилинч пайтда Шукурнинг миясига бир фикр келиб қолди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Кундузи Зиннат буви теримчиларга овқат пиширгани кетадиган вақтда, ишларим тиқилинч бўлишига қарамай, мен уйга етиб келдим.* Ҳ. Назир, Кўктерақ шабадаси.

ТИҚИЛИНЧ ҚИЛМОҚ Зўр бериб қистамоқ, шоширмоқ, қийин-қистокқа олмоқ, ҳолжонига қўймай талаб қилмоқ. *Мунисхон тиқилинч қилмаганда, улар кўчиб кетишмасди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Юзбошига айтиб қўйинг, Ҳайдарвой, ишла, ҳа бўл, деб бизга кўп тиқилинч қилавермасин.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ТИҚИЛЛАМОҚ айн. **тиқирламоқ.** *Эшик тиқиллади. ■ Энди ётмоқчи бўлиб турганида, дераза тиқиллади.* «Саодат».

ТИҚИЛМОҚ 1 **Тиқмоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Шиша оғзига нўкак тиқилган. Қопга ун тиқилди. ■ Хуржуннинг бир кўзида тугун, бир кўзида ўраб тиқилган эсун қоплар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гўрға тиқилгур очофатлар, мол талашиб, сандиқни ҳам синдиришди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Лой ёки юмшоқ жойга ботиб кўз-галолмай, юролмай қолмоқ. *Машина кичик бир ариқча тиқилиб қолди. ■ Оти лойга тиқилган навкарлардан бири Тоҳир эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Арава лойларга тиқилавериб, жонимиздан тўйдирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Тор, зиқ жойдан ўрин олмоқ, жойлашмоқ. *Абзам уч-тўрт кун кўчада бош ургани жой тополмай.. дайдиб юргач, шаҳар четидаги кўримсизгина бир масжид қоровулининг мол боғласа турмайдиган хужрасига бориб тиқилди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *Мана, ҳозир яраланган бўридек кавакка тиқилиб ўтирибди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Семизлигидан партага тиқилиб ўтирган бир киши томоқ қириб, мўйловини бураб қўйди.* С. Зуннунова, Янги директор.

4 Бирор нарса ёки кимсага ёпишмоқ; зич, тирбанд нарса ёки одамлар орасидан жой олмоқ. *Эски кир чопонни кийгач, айвонга чиқди, ўхў-ўхўлаб йўталганча, танчага тиқилди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Нурини нақ мазористонда ёлғиз қолган каби бир ваҳима босди, ранги ўчиб, кампирнинг пинжигига тиқилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшик олдида одамлар орасига тиқилиб, Бозорбой ҳам ўтирган экан..* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Кўп миқдорда ва зич, тигиз жойлашган ҳолатда бўлмоқ. *Мана, бир томондан дераза ўрнига тўйнуқ очилган кичкина қоронғи уйда ўн-ўн беш чоғли хотин ўтирибди.* Улар эски, лекин озодагина кўрпа ёпилган сандал атрофига тиқилишиб, секин-секин суҳбатлашишарди. С. Зуннунова, Гулхан.

6 Кўчма Жуда кўп миқдорда бўлмоқ, мўл-кўл бўлмоқ. *Магазинда хоҳлаган нарсанг тиқилиб ётибди. ■ -Тут мева қиладди-ку, отажон. Қуртлар тол баргини ея қолсин, ариқ бўйида тиқилиб ётибди-ку, — деганди қизалоқ.* Й. Муқимов, Ипак толаси.

7 Томокдан ўтмай тўхтаб қолмоқ. Унинг томоғига нон тиқилибди. ■ Сафаров.. муштининг қирраси билан унинг кекирдагига туширди. Йўғон киши чалқанча йиқилди ва сўйилган товукдай типирчилаб, суяк тиқилган итдай хириллай бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [Ўринбоев] Шунча қаттиқ гапиргани билан, худди томоғига дон тиқилган ҳўроздек, овози чиқмайди. А. Муҳиддин, Тўғри таъбир.

8 Бошқаларнинг гапи, суҳбати ва ш.к. га аралашмоқ, суқилмоқ. Бу ишга сен тиқилма. ■ Иккинчи навкар яқин келиб, бўйинини чўзиб тиқилди: -Сиз кимсиз? Нега таслим бўламиз? — сўради у. Ойбек, Навоий.

Жони ҳалқумига тиқилмоқ айн. **жони ҳалқумига келмоқ** қ. **жон** 1. Агар ҳар йил жасорат кўрсатамиз десак, жонимиз ҳалқумимизга тиқилиши мумкин. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Нафаси тиқилмоқ** ёки **нафаси оғзига** (ёки **бўғзига, ҳалқумига**) **тиқилмоқ** Нафас олиши оғирлашмоқ (маълум сабаб таъсирида). ..суғдларнинг ашаддий душмани бўлган Эрон шоҳи ва унинг қора ниятлари тўғрисида гапирар экан, ғазабдан нафаси сиқилар, кўзлари ўт сочар эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Йўқ, жоним, ёруқчина айвон тузук менга, уйда нафасим тиқилиб кетади. Ойбек, Улуғ йўл. Тез юриб келганларидан бўлса керак, нафаслари оғзиларига тиқилиб, ҳарс-ҳарс қилардилар. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. -Қумқишлоққа юборилган йигитлар қирилибди, — деди Бек нафаси бўғзига тиқилиб. Ҳ. Фулом, Машғал. Бектемирнинг лаблари қовжирасан, нафаси ҳалқумига тиқилган, оғир ҳансирарди. Ойбек, Куёш қораймас. **Пинжига тиқилмоқ** Шахсий манфаат, ғаразли мақсад билан кимсага яқинлашмоқ. Ер-сувли одамлар.. қийналиб қолсалар, дарров уларнинг пинжига тиқилар ё ўртага киши қўйиб, ерни тезроқ ўз қўлига ўтказишга тиришар эди. Ойбек, Танланган асарлар. **Ўпкаси ҳалқумига** (ёки **оғзига**) **тиқилмоқ** қ. **ўпка**. Бутун вужудини ларзага солган титроқ пайдо бўлди. Ўпкаси ҳалқумига тиқилиб, нафаси қисилди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ТИҚИН 1 Идишларнинг оғзига тиқиб қўйиладиган қопқоқ. Пукак тиқин. Шиша тиқин. Бутилканинг тиқини. ■ Шукржон бутун вужуди жимирлаб кетганини ҳис этиб, фляганинг тиқинини тортди, у бўш эди. О.

Ёкубов, Ота изидан. Ашуртой ака носқовоқнинг шокиладор чарм тиқинини ёпа туриб, салмоқлиниб гапирди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 айн. **ТИҚИЛИНЧ**. Йўл жуда тиқин ва серқатнов.. ■ Больницага [касалхонага] борсангиз, ўзим элтиб қўяман, юраверинг. Трамвайда ҳозир одам тиқин бўлади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Мен тиқинда ҳаво етмагандай бўғила бошлайман, деразага интиламан. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Ичига, қобиғига тиқилиб турган, шундай жойлашган. Йўлдош тиқин рюкзagini орқалади, Ойниса туғун кўтариб олди, бобо билан буви олдинга тушишди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Ҳар кўчатда ўн-ўн икки ва ундан зиёд ғоз тухумидай, ана очилай, мана очилай деб турган тиқин пахта. Ф. Фулом. Синфларда бўш парта йўқ, Мағзи тиқин анордай. Ф. Фулом.

ТИҚИНЛАМОҚ Оғзини тиқин билан бекитмоқ, оғзига тиқин тиқмоқ, тиқин билан қопқоқламоқ. Бутилкаларни тиқинламоқ.

ТИҚИНЧОҚ **Тиқин** 1 с. кичр.-эркл. Чол унинг қўлидан кўзачани олиб, оғзидаги тиқинчоқни очди. С. Нуров, Оналар.

ТИҚИРЛАМОҚ «Тиқир-тиқир» овоз чиқармоқ. Хаёл суриш билан тонг отардагина энди кўзим илган экан, кўча эшик тиқирлаб қолди. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ТИҚИР-ТИҚИР тақл. с. Қаттиқ нарсаларга кучсизроқ уриш ёки урилиш натижасида ҳосил бўладиган қисқа-қисқа, кескин кучсиз овоз ҳақида. Сичқон тиқир-тиқир қилиб, ниманидир кемирмоқда. ■ Жимжит хонада тарновлардан тушаётган сувнинг шитирлаши, том тунукаларининг тиқир-тиқири ва борлиқни қамраб олган мулоийм, аммо салобатли ёмғир шовури эшитилиб турарди. П. Қодиров, Уч илдиш.

ТИҚИШТИРМОҚ 1 Қўп ёки катта нарсани талаб этилганидан кичик ёки тор идишга, жойга зўрлаб тиқмоқ; ниқталаб, зичлаб жойламоқ. Китобларни портфелга тиқиштирмоқ. Чўнтакка ҳар нарсани тиқиштирма. ■ -Копток ўйнашни жудаям яхши кўраман, ёзин-қишин чўнтагимда олиб юраман, — деди Зумрад коптокни қайтадан кичкина чўнтагига тиқиштириб. Ойбек, Улуғ йўл. Маҳкам ака унга кўз қисиб қўяди, бола кулиб, лунжига нон тиқиштиради. Р. Файзий,

Сен етим эмассан. *Тутаб ётган чала тўнгак ёнига.. шох-шаббалар тиқиштириб пуфлашдан боши оғриган Жобир ниҳоят бошини кўтарди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 кўча с. т. Бирор жойга, ишга, ўқишга зўрма-зўраки тиқиб қўймоқ, жойлаштирмоқ, жойламоқ. *Ишга қариндошларини тиқиштирмоқ.*

3 Нима бўлса (топса), борини кимгадир беравермоқ. *Учта бўйига етган синглиси бор. Қарамайди. Топганини хотинига тиқиштиради.* «Муштум».

4 Ёқса-ёқмаса, хоҳласа-хоҳламаса, яраса-ярамаса беравермоқ, суқавермоқ. *Болага ҳар қандай овқатни тиқиштиравермаслик керак.* ■ — *Бу ахир расвогарчилик-ку!* — деди бир кун Музаффар Муҳамедов. — *Бизга қандай пьесаларни тиқиштиришяпти.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТИҚМАЧОҚ 1 Ичига ниқтаб бирор нарса (мас., пахта) тиқилган; дўппайган (қоп, халта ва ш.к.). *Жаффар ипак фабрикаси томон кетаётганда, портфели озғин бўлади, қайтаётганда, тиқмачоқ бўлиб келади.* «Муштум».

2 айн. **тиқмачоқдай.** Усмонали ака унинг [Омонтойнинг] қуйиб қўйгандек тиқмачоқ гавдасига.. икки қулоғига етай деб турган мўйловига қаради. С. Аҳмад, Чўл шамоллари. *У ориққина бўлса ҳам, қўли, болдирлари тиқмачоқ..* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТИҚМАЧОҚДАЙ, -дек Етилиб тўлишган; бўлиқ, семиз, дўппи. *Тиқмачоқдай билаларида илон бошли олтин билагузуклар ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эшикни икки юзи қип-қизил, украинларга хос пучуқроқ, тиқмачоқдек бир жувон очди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ТИҚМОҚ 1 Бир нарсани бошқасига санчиб, суқиб киритмоқ. *Бизиз тиқмоқ.* Ханжар тиқмоқ. ■ ..ерда ҳам хосият кўп.. *Ерга чўпни тиқиб қўйсанг, кўкариб, қулочга ситмас дарахт пайдо бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳаммининг кўз олдига кўксига пичоқ тиқиб, чуқурга ташланган ака-укалар турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Эшак: -Бу қирқ йилни нима қилиб ўтказаман? — деган экан, худо: Одамлар устинга юк ортади, ўзи ҳам минади, халачўп тиқади, — дебди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Тешиқ, очиқ, бўш жойга киритмоқ, юбормоқ. *Бурнига бармоғини тиқмоқ.* ■ *Бойвачча кавакчадан чўп тиқиб, занжирни туширди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Қурбон ота самоварнинг остига сим тиқаётган эди, қаддини ростлаб, Сидиқжонга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Нимчаси чўнтагига қўл тиқиб, рўмолчасини олди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У уй олдига келиб тўхтади.* Деразадан бошини тиқди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

3 Ичига, орасига олмоқ (солмоқ); жойламоқ. *Қонга сомон тиқмоқ.* ■ *Олинг, молларни сандиғингизга, пулни чўнтагингизга тиқинг..* «Муштум». *Мирҳомидхўжа шошиб, Қамбарали аканинг қўлидан пулни олди-да, унинг қўйнига тиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қоровул шўра ва ялпизларни ўриб, сув урган жойга тиқа бошлади.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

4 кўча с. т. Бирор ўқиш, иш ёки лавозимга зўрма-зўраки жойлаб, ўрнаштириб қўймоқ, тиқиштирмоқ. *Комиссия таркибига яна сени тиқибдилар-да.* ■ [Сухсуров:] *Мени бутун уруш даврида ўқитувчиликка тиқиб қўйишди.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товущ.

5 Бировни бирор иш, гап ёки даврага қўшмоқ, аралаштирмоқ, тортмоқ. *Отабек сачраб, Кумушга юз ўғирди: -Бу ўртага Зайнабни келтириб нимага тиқасиз энди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бош тиқмоқ Хонадон, муассаса каби жойга кўриш, билиш ва ш.к. мақсадда кирмоқ, қадам босмоқ. *Кампир энам қиз қидира-қидира, тинкаси кўриди.* Қайси эшикка бош тиқса, сўрашармиш: -*Савдогарми, боғи борми, уй-жойи борми?* Ойбек, Танланган асарлар. *..меҳмон икки кун ичида шаҳар раста-бозорларини айланди, саройларга бош тиқди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Қизлар у кўчага бош тиқиб, бу кўчага бош тиқиб, адашиб анча юришди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бурнини** (ёки **тумшугини**) **тиқмоқ** Бирор иш, гап-сўз ва ш.к. га аралашмоқ, суқилмоқ. *Нега Нури эркаклар ишига бурнини тиқади? Хизматкор керак бўлса, эри топсин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сен менинг ишимга тумшугингни тиқма!* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *У, эллик-боши бўлгани учун, маъракаларга бурнини тиқади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гўрга тиқмоқ** Ўлдирмоқ. *Биз.. фашистларни гўрга тиқамиз.* Ойдин, Ҳикоялар. **Икки бармоғи-**

ни (ёки қўлини) бурнига тикиб қолмоқ қ. бармоқ 1, бурун 1. Бизнинг шартимиз шуки, сув чиқарилиб, қақир ерларга жон киритилганда, ерсиз ва кам ерли камбағаллар икки бармоғини бурнига тикиб қолмасин! М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Икки оёғини бир этикка тикмоқ** Айтганини бажаришни талаб қилмоқ, шу талабда ўжарлик билан туриб олмоқ. -Ё бино топ, ё бизнинг жавобимизни бер, - деб икки оёқларини бир этикка тикиб туриб олишди. Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли. **Икки қўлни (ёки беш панжани) оғзига тикмоқ айн. беш қўлни оғзига урмоқ қ. беш.** Терисига сомон тикмоқ қ. тери. Яхшиямки, бояги гапларингизни ўғлим эшитмади, йўқса, терингизга сомон тикқан бўлар эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ТИҚ-ТИҚ Тиқ с. такр. Ёнғоқли боғ эшигин [Олимжон] чақирди тиқ-тиқ уриб. Барваста бўйли киши чиқди: «Ким?» деб ҳол сўриб. Қ. Муҳаммадий.

ТИҒ [ф. تیغ — қилич, ханжар; тикан, тиканак; нур] 1 Қилич, ханжар, пичоқ, найза каби совуқ қуроолларнинг умумий номи. Тиғ яраси тузалар, тил яраси тузалмас. Мақол. ■ Аммо тиғ тегиб, қўл ёки оёғи узилганлар оҳ-воҳ уриб, мадад кутиб ётарди. Мирмуҳсин, Меъмор. Эрназар жаллод, Шералини сиёсат билан йиқитди ва пўлат тиғини қинидан тортди. «Эрали ва Шерали».

2 Кесувчи асбоб, қурол-яроғ ва ш.к. нинг кескир қирраси, дами; турли машина, механизм ва ш.к. нинг кескич қисми. Болтанинг тиғи. Қиличнинг тиғи. ■ Кетмон тиғини қайирадиган тош-метин эски нахсаларни қизлар неча чақирим ердан ташиб келиб, далага тўкишди. Ойбек, О.в. шабадалар. Қайнарнинг бўйдор ўтлари косилкаларнинг беомон тиғлари зарбидан юзтубан йиқиларди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 Ништар, найза каби асбобларнинг ўткир учи, найзаси.

4 с. т. Ствол, мил. Қўш тиғ милтиқ. ■ Вагондан энг кейин тушган ва милтиғини тигидан ушлаб, кетмондай елкасига қўйиб келаётган Аҳмаджон.. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 кўчма Умуман, тиғ, найза каби таъсир ўтказувчи нарса, куч. Зулм тиғи. Жабр тиғи. ■ Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил. Ҳамза. «Уччига чиққан маъмуриятчи» деган сарлавҳа остидаги мақоланинг ўткир

тиғи Ойқизга қаратилган бўлса ҳам.. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТИҒ кўтармоқ Қурол-яроғ билан уруш-жангга хезланмоқ, жангга кирмоқ, жанг қилмоқ. Тақсир, узр, фуқарочилик, адолатсизликка қарши яна тиғ кўтаришга тўғри келди. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. **ТИҒ урмоқ (ёки тегизмоқ, тортмоқ)** Тиғ-яроғ билан зарб бермоқ; бирор асбоб, қурол билан кесмоқ. Тиғ уриб яраламоқ. ■ Қайси фарзанд отасига тиғ тортар. «Рустамхон». Тена шохга асло тиғ тегиза кўрманлар. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. **(Дами) тигдан ўтказмоқ** Ёппасига тиғ-яроғ билан ўлдирмоқ. Подшоҳ: -Ҳеч ким менга шу сирни ошкор қилмаса, шахар халқини дами тигдан ўтказиб, тупроқ билан баробар қиламан, - деди. «Эртақлар». Яқинда Али уйқудан туради, зулфиқорини кўтариб, диндан чиққан.. бандаларни тигдан ўтказди, дедилар. С. Аҳмад, Ҳукм. **Күёш (ёки кун, саратон) тиғи** 1) күёш нури, шуъласи, ёғдуси. Кун тиғида ёниб-ўчиб Қўринади кетмонлар. Т. Тўла; 2) күёш ҳарорати. Кунларнинг бирида, саратоннинг тиғида боғбоннинг ётлари увушибди, томоғи қуришибди. Ё. Шукuroв, Уч савол. **Күёш (ёки кун, тонг) тиғ урди (ёки тортди, ёйди, ёрди)** Күёш чиқди, күёш нур, шуъла таратди, ёғду сочди. Кун тиғ уриб қолган эди. Ўрталик аллақачон ёришган. Ғ. Ғулом, Шум бола. Кун тиғ тортди, дарёнинг у томонидagi адирларнинг сирти тўқ яшил, жилғалари қора тусга кирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. Шарқ осмонининг тепасида тонг тиғ ура бошлаган бўлса ҳам, деворлар, дарахтлар ичига қўмилган шахар ҳали анча қоронғи эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Чошгоҳ маҳалида күёш булутлар орасидан тиғ ёриб чиқди. Р. Раҳмон, Мехр кўзда. **Қўлга тиғ олмоқ айн. тиғ кўтармоқ.** Урушни бошлаган мен эмас, сенсан, энди жазосини тортасан ўзинг, Қўлга тиғ олишга мажбур этган сен. Энди шу тиғ билан ўйлар қўзинг. Уйғун.

ТИҒА [ф. تیغه — тигфа ўхшаш нарса; қилич ёки пичоқ дами; тоғ чўққиси] 1 эск. айн. **зениг 1.** Кун тиғага келганда, уйга қайтдик. ■ Кун тиғада, жазирама, чанг. Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 с. т. Күёш ҳарорати; күёш нури кўп ёғилиб, қиздириб турган жой. **Офтоб тиғасида ётмоқ.** Кун тиғасида терлаб-пишиб ишламоқ.

ТИҒДОР [ф. *تيغدار* — тигли, тиғи бор; тиг эгаси] 1 Кесадиган, тигли. *Бир газли тигдор ничоғини қайраб турган қассоб, дада-си етаклаб келтирган қўйнинг калласини шартта кесиб, ғўштини бошқа, суягини бошқа қилиб қўйган эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 кўчма Ўткир, аччиқ. *Тигдор тил. Тигдор гап.*

ТИҒИЗ 1 Бир-бирига жуда яқин жойлашган; оралиғи қисқа; зич, қалин. *Тиғиз дарахтлар. Залда одам тиғиз. Тиғиз ўтқазилган кўчатлар.* ■ *Энди улар анча зич-тиғиз қаторлар билан илгариларди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Тутқун сасни тополмадим Тиғиз ўрмонларда ҳам.* М. Шайхзода. *Мажнунтол барелари орасидан сирқиб тушаётган ёмғир томчилари қизнинг пайваста қошларига, тиғиз киприкларига теккан.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Муайян иш (ишлар) учун вақтнинг камлиги, қисқалиғи; зич. *Куздадаги баракали хирмон шу тиғиз кунлардаги ишнинг унуми ва сифатига боғлиқ.* ■ *-Вақт тиғиз. Ҳали билет ҳам олганим йўқ, — деди Маҳмуд.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Агар меҳмоннинг вақти тиғиз бўлса, ҳар бир уйдан бир нарса олиб чиқилиб, дастурхонга қўйиб чиқилади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

3 Бажарилиши лозим бўлган ишлар кўп ва у тез суръатда, узлуксиз бажарилиши лозим бўлган ҳолат; шошилиш, ошиғич, қис-таланг. *Анҳорда икки обжувоз ва икки тегирмон ишлаб туради.. Шунга қарамай, иш тиғиз.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Далада ишнинг тиғиз вақти ўтгани учун мардикорларга бундан бир неча кун илгари жавоб берилган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТИҒИЗЛАШМОҚ Тиғиз ҳолатли бўлмоқ (қ. **тиғиз**). *Ораси тиғизлашди. Вақти тиғизлашди. Ишим тиғизлашди.* ■ *Йиғим-терим бошланиб, йўларда қатнов янада тиғизлашиб қолди.* Газетадан.

ТИҒИЗЛИК Тиғиз ҳолатдалик. Экиннинг тиғизлиги. Аҳолининг тиғизлиги. Вақт тиғизлик қилди. *Иш тиғизлигидан театрга боролмадим.* ■ [Нури Йўлчиға:] *Ҳали шошманг, деганимга кўнасиз ахир, — деди-да, вақтнинг тиғизлигидан хавфланиб, деразани оҳиста ёпди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Далада ишнинг тиғизлигини баҳона қилиб, бувисини*

икки-уч кунда сайр қилдирадиган бўлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТИҒЛАМОҚ кт. Тиг урмоқ, кесмоқ.

Бағрини (ёки кўксини, юрагини) тигламоқ Руҳий ёки маънавий азоб бериб, эзиб, юрагини доғламоқ, яраламоқ. *Бу ўйлар кичик Умидни азоблар, бағрини тигларди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ғам ханжари билан кўксин тиглади.* Файратий. *Сени дея кўп йиғладим, Юракларимни тигладим.* «Нигор ва Замон».

ТИҒЛИ 1 Кесувчи ёки найзати асбоб билан қуролланган, тиғи бор; тигдор. *Тиғли киши. Тиғли машина.*

2 Кескир қирраси, найзаси, лами бўлган. *Икки тиғли ханжар.* ■ *Олдинда — қўлларида биттадан калтакча, белларида ингичка тиғли дудаме пичоқлар осилган икки киши юрмоқда эди.* Булар жаллод эдилар. С. Айний, Қўллар.

3 кўчма Тигдор, кесадиган, санчиладиган.. *Тиғли тил. Тиғли гап.* ■ *Бу сўзлар анча тиғли бўлса ҳам, Гулсум холага оғир ботмади.* «Қаҳрамоннома».

ТО [ф. *то* — =гача, қадар, =гунча] Гапдаги ўрин, пайт ва ш.к. маънони таъкидлайди, таъкидлаш, кучайтириш учун хизмат қилади. *Тонг отгандан то кун ботгунча ишладим. Тошкентдан то Қаришгача ухламадим. Етти ёшдан то етмиш ёшгача..* ■ *Кўзойнакни тақиб, эрталабдан то шомгача, баъзи вақт кечалари ҳам ўқиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пастдан то чўққиларигача митти-митти чуқурчалар, тоқчалар қопланиб ётибди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Раҳим Саидов то бир қарорга келгунча, Саид ака масалани ҳал қилди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Ҳар кун тонг қоронғисиде ишга тушиб, то пешин намозига қадар ҳеч қайққа қўзғалмайдиган «бачканадўз» бу кун қиём бўлмасданоқ дўконхонадан чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОАБАД [ф. + а. *تايب* — абадийликкача, доимий] қ. **абадий**. *Ўша кунлар унутилмас, Қолур тоабод.* Р. Бобожон. *Маърифату ободлик чироғини ёққан киши тоабод ўлим билмайди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОАТ [а. *طاعت* — итоат қилиш, бўйсунуш; итоаткорлик] дин. Худога сифғиниш, ибодат. *Бир соат тафаккур бир йиллик тоатдан афзал.* Ойбек, Навоий.

Тоат қилмоқ Худога сиғинмоқ. *Менимча, олтмиш йил қуруқ тоат, ибодат қилгандан кўра, бир соат одил бўлмоқ савоблироқдир. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.*

ТОАТ-ИБОДАТ [тоат + ибодат] 1 дин. Узлуксиз тоат ва ибодат; тоат ва ибодатлар. *Кўкча маҳалласидаги «кулбайи вайронаси»да тоат-ибодатга муккасидан кетган эмиш. Ҳ. Фулом, Машғал. Қолган умримни бир чеккада узлатда худойи таолога сиғиниб, тоат-ибодатда ўтказмоқчиман. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 кўчма с. т. Кишининг бирор мақсад билан қилган бутун ҳаракати, уринишлари. *Ойи! Шу дорини топмасам, бутун қилган тоат-ибодатларим бекорга куйиб кетади! С. Анорбоев, Оқсой.*

ТОБ [ф. تاب — куч-қувват, чидам, дармон; иссиқлик; ёниш, ёғду; дард, азоб] 1 Киши организмнинг ҳолати; соғлиқ. *Тобим яхши. Тоби дуруст эмас. ■ -Ота, тобингиз жойидами? — деб сўради йигит ташвишланиб. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

Тоби айнимоқ (ёки қочмоқ) ёхуд **тоби келишмаслик** Соғлиғи салбий томонга ўзгармоқ, соғлиғи ёмонлашмоқ. *Шу кунда сал тобим айниб юрибди. Ўлиб-негиб қолсам.. С. Аҳмад, Уфқ. Жиндай тобим келишмай қолди.. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. Уриклар данак қотирганда тобим қочиб қолди. М. Мансуров, Ёмби. Тоби йўқ Соғлиғи дуруст эмас; касал, бетоб. Бунинг олдида кетолмай қолдим, ота, тоби йўқ. А. Мухтор, Чинор.*

2 Меъёрига етиш, етилиш (етилганлик) даражаси, ҳолати. *-Ернинг тоби бундан ортиқ бўлмайди, — деди у синовчан назар билан ёнидагиларга қараб. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Ҳосил мўл, тобида силос қилмасак, шираси камайиб, бурди кетади. Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. Сайислар билади отнинг тобини. Эргаш Жуманбулбул ўғли.*

Тобига етмоқ (ёки келмоқ) Фойдаланиш, ишлатиш учун тайёр ҳолга етмоқ (келмоқ); етилмоқ. *Кечагина пахталари бодроқдай очилиб ётган далалар шудгордан кейин қор остида бўрсилаб ётибди, тобига етаяпти. Газетадан. Сўфининг танларига бирдан ўт туташгандай бўлди. Бутун вужуди қизиган танурдай [тандирдай] тобига келган эди. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Балиқ шўрва келди*

тобига чоғи, Дастурхонга чўкди овчилар шу чоқ. М. Икром, Балиқ овида.

3 кўчма Хоҳиш-истак, майл, рағбат. *Ишга тобинг борми, жиян? Ойбек, Танланган асарлар. На ўқишга, на юмушга тоби йўқ, таъби нозик.. «Гулдаста».*

4 Чидам, тоқат. *Тоб бермоқ. ■ Отангга берма азоб, Азобга қолмаган тоб. Ҳ. Олимжон.*

Тоб бермоқ Туриш бермоқ; чидамоқ. *Низомиддинов унинг ўтли қарашига тоб беролмай, аста-аста юриб, дарвозадан чиқди. С. Аҳмад, Ҳукм. Тоби йўқ Чидамайди. Лаънатининг хотин олишга ихлоси баланд-у, катта чиқимга тоби йўқ. П. Турсун, Ўқитувчи.*

5 Тафт, дам. *Қорамтир, қўнғир, пушти булут қарвонлари гўё қизил шўъла тобидан шарққа шошилиб қочар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Тоб бермоқ Тафтига (дамига) тутмоқ; тобламоқ (тобланмоқ). *Мана, кўз ўнгимизда қуёшнинг ҳаётбахш тафтига тоб бериб, кенг пичанзор водий ястаниб ётибди. Газетадан.*

6 шв. Худди, нақ. *Сен опанг Жумагулнинг тоб ўзисан, лекин бирозгина фарқинг бор, холос. Ж. Шарипов, Хоразм.*

Тоб ташламоқ 1) айниб, қинғир-қийшиқ, эгри-бугри бўлиб қолмоқ (асосан, ҳўл ёғоч, эшик, ром ва ш.к. ҳақида). *Эшик тоб ташлабди. ■ Дангаса меҳнат учун бермайди тоб, Офтобда ҳўл ёғоч ташлайди тоб. Ҳабибий. Икки зинадан кўтарилди. Тоб ташлаб, тахталарининг ораси очилиб қолган юпқа эшикка рўпара бўлди. С. Нуров, Нарвон; 2) кўчма айниб, лоқайд, суст бўлиб қолмоқ; путурдан кетмоқ. Келдиёров уларни гап билан узиб олди: -От-улов баҳона, ўзларинг тоб ташлаб қолгансизлар. «Муштум». Чол ҳали-бери тоб ташламасди. Кенжамиз аварияда нобуд бўлгандан сўнг синиб қолдилар. Н. Қобил. Тобга олмоқ Тобига келтириш ҳаракатини қилмоқ; тобламоқ. Шўйтиб қис-таб йўл тортди, Тобга олиб Ғиротди. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Шу тобда Ҳозирнинг ўзида, шу вақтда. Лекин шу тобда қизнинг бағрини бир нарса қаттиқ ўртади ва у ўкириб йиғлаб юборди. «Ёшлик».*

ТОБАКАЙ [ф. تابه‌کي — қайси пайтгача; токайгача] кт. кам қўл. Токай, қачонгача. *Ўлдирур ҳижронларингиз табакай, Борму охир ҳеч асло меҳрингиз. Муқимий. Табакай масҳара бўламиз, Табакай хотинлар қирғини?! Т. Тўла.*

ТОБЕ [а. *تابع* — кимсага эргашувчи; қарам, бўйсунувчи; бировга қарашли] 1 Ҳоким қўл остидаги, унинг ҳукмида бўлган; қарам. *Тобе мустамлакалар.* ■ *Қиличин бўйнига солиб, Шакарбекка тобе бўлди.* «Шириң билан Шакар». ..укалари Суюрғатмиш мирзо билан Муҳаммад Жуқийларни келгусида ўзига тобе Мовароуннаҳр ҳокимлари этиб тайинлашни кўзларди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Лавозим, мавқе ва ш.к. жиҳатдан қуйида бўлган, бўйсунувчи. *Кейин секин-аста даражаси юқори кимсалар билан гаплашиб, тобе кишиларга қарамайди.* Мирмуҳсин, Умид. *Жавлонбек юраги ҳапқириб, сескангандек бўлди, бироқ бу ерда сир бой бериш ўзига тобе одамларни ҳам қўлдан бериш билан баробар эди.* Н. Ғозилов, Дийдор.

3 Шарт-шароит ёки муҳит жиҳатидан бўйсунган, боғлиқ, алоқадор. *Бу оилада ёйиш-ичиш белгили тартиб ҳам режага тобе эса-да, ҳар кун ширин-ширин овқатлар тайёрланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тобе қилмоқ (ёки **этмоқ**) Бўйсундириб, ўз ҳукми остига олмоқ; бўйсундирмоқ. *Комилнинг зийрак зеҳнида чақнаб қоладиган ақл учқунлари.. уни ҳайратда қолдирар, натижада шу ёш йигит уни ўз иродасига тобе қилиб қўяр эди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Амирак Аҳмадни йўқотиб, ўрнига ўз ўғилларидан бирини қўймоқ, Фаргона вилоятини тобе этмоқ.* Шоҳрух салтанати мавқеини қўтаришда ғоят муҳим масала эди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОБЕЛИК Тобе ҳолатдалиқ; қарамлик. *Иқтисодий тобелик.* ■ *Хонзодаларни ҳар кўринган кимса мазахлаб юрса, қора халқда тобелик, икром, андеша қолурму?* С. Сиёев, Аваз.

ТОБЛАМОҚ I 1 Тафтига, алангасига тутмоқ, қиздирмоқ. *Чупон ота.. пахмоқ соқолларини силаб, бағрини офтобга тоблаб, тоғ бағрига ёнбошлади.* Ойдин, Фарҳодлар. *Зокир Уринович печга қўлларини тоблаб, бироз иситгач.. жавон ёнига борди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

2 махс. Махсус қурилмада қиздириш ва б. йўллар билан ишлов бериш орқали етилтирмоқ, тобига келтирмоқ. *Темирдан уранни қилоламит фарқ, Пулат тобламоққа ўз кўрамиз бор.* Р. Бобожон.

3 кўчма Чидам-бардошли қилиб етиштирмоқ; чиниқтирмоқ. *Мамажон-ку пишиган, ҳаёт обдан тоблаган уни.* С. Нуров, Нар-

вон. *Кураш оловида тобладик ўзни, Тарих жилдларида шухратимиз бор.* Р. Бобожон.

ТОБЛАМОҚ II 1 Пишитмоқ, эшмоқ, чийрамоқ. *Инни тобламоқ.*

2 Чиройли, кўркам қилиб ўрмоқ (соч ҳақида). *Тоблаб зулфин ўрган борми? Ёрман суҳбат қурган борми? Ёки бирга юрган борми?* «Равшан».

ТОБОН [ф. *توبان* — ёруғ, порлоқ, ялтироқ] (биринчи о — чўзиқ) кт. Ёрқин нурли, порлоқ. *Ул кун, жонон, юзни тобон айладинг, Абр ичинда ойни пинҳон айладинг.* Муқимий.

Моҳи тобон қ. моҳ. Хуршиди тобон қ. хуршид.

ТОБОРА рвш. Вақт ўтган сари, борган сари. *Шаҳримиз тобора ободонлашмоқда. Нархлар тобора пасаймоқда.* ■ *Чирчиқ тоғларидаги қорлар эриб, дарё суви тобора қўная борди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Унинг вужудини қамраб олган ўт аста-секин пасайиб, кўнгли тобора совий бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ТОБОҚ шв. қ. **товоқ**, *Палов сузилиб, учовара бир тобоқ бўлди.* Т. Мурод, *От кишнаган оқшом. Азизим, деб олиб келди Лаъли тобоқда ошини.* «Гулшанбоғ».

ТОБ-ТОҚАТ, тобу тоқат [тоб + тоқат] Сабр-тоқат, чидам, бардош. *Кутишга сира тоб-тоқат қолмади.* ■ *Отаси қул, онаси чўри бўлиб ўтгани етар.. боламизнинг қул бўлишига тоб-тоқатим йўқ.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ТОБУЛҒИ, тўбилғи Раъноғулдошларга мансуб, тоғли ерларда, жарликларда учрайдиган бута ўсимлик. *Уйда ўтин йўқ эди. Онам икковимиз тоғдан тўбилғи чопиб келгани бордик.* С. Муродбеков, Ёвшан иси.

ТОБУТ [а. *تابوت* — сандиқ, кути; тобут; қабр] Дафн маросимида ўликни солиб, мазорга елкама-елка қўтариб бориладиган тўрт дастали мослама. *Ўликни тобутга солмоқ.* ■ *Жасад ювилиб, кафанлангандан кейин, пешинга яқин тобутни кўчага олиб чиқдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Зум ўтмай одамлар тўдаси тобутни лопиллатиб, кўча томонга йўл олди.* Ёдгор бир вақтлар тобут қўтариш савоб, деган гапни эшитган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

Тобутим кўрсин Ўлганимда кўрай, асло кўрмай. *Мен бошқани севмайман. Тобутим*

кўрсин ўша Бозоровни! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТОБУТКАШ [a. + ф. تابوتكاش — тобут кўтарувчи] 1 Тобут кўтарувчиларнинг ҳар бири. *Бирдан тобуткашлар ҳаракатга тушиб қолишганда, хотин-халаж уввос тортиб йиғлай бошлаган эди.. Й. Шамшаров, Тошқин.*

2 қўча Яхши-ёмон кунларда бир-бирига ҳамдам, ҳамдард бўлувчи бир ерли кишилар. *Йўқ, қизим, ўйлаб гапиринг. Ман, қари одам, беш кунлигим борми, йўқми, бошқа шаҳарда мусофир бўлиб юраманми? Ахир менинг тобуткашларим бунда. Мирмуҳсин, Умид. -Жамоат, — кекса бой.. салмоқли равишда гапира бошлади, — алҳамдулилло, ҳаммамиз мусулмонмиз.. бир маҳалладамиз, тобуткашмиз.. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТОБУТСОЗ [a. + ф. تابوتساز — тобут ясовчи] Тобут ясовчи уста; тобутчи.

ТОБУТХОНА [тобут + хона] Масжид ҳузуридаги тобут сақланадиган жой. *Мактабхона ва тобутхона деб аталадиган, бири-бирига ўхшаш бу икки хунук бино ва бу ердан эшитилаётган шовқин Элмуроднинг вужудида кўп ёқимсиз таъсир қолдирар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ТОВА [ф. تابه / تاوه — това; кастрюлька] Қовурма овқат пишириш, қўрга қўмиб таом тайёрлаш учун ишлатиладиган, гир атрофи қайрилган ясси металл идиш. *Чўян печка устидаги каттагина товада қовурдоқ вижиллаб пишар эди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. Ота чой дамлади, қўрга қўмиб қўйилган товадан иссиқ нон олди. А. Мираҳмедов, Қўйлар қўзилади.*

ТОВАР 1 иқт. Талаб, эҳтиёжни таъминловчи барча нарса, маҳсулот; сотувчилар ва харидорлар ўртасида олди-сотди, бозор муносабатлари объекти. *Товар айирбошлаш. Товар биржаси. ■ Аммо хотиржам бўлинг, мен сизни товарлардан сиқмайман. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 эск. Матонинг ипакдан тўқиладиган, таги билан гулининг ранги бир хил, ялтироқ бир тури. *Оқ товардан қўйлагим Кўк тиканлар илмасин. «Қўшиқлар». Шаҳзоданинг қўйлагини йиртиб ташлади, товар пешматини бир томонга иргитди-да.. бир қўли билан кўксига чанг солди.. К. Яшин, Ҳамза.*

ТОВАРШУНОС Товаршунослик бўйича мутахассис.

ТОВАРШУНОСЛИК Савдо объекти бўлмиш товарлар, уларнинг навлари, хусусиятлари, сифатлари, истеъмолий аҳамияти ҳақидаги билимлар соҳаси ва уларни эгаллаган кишининг касби. *Олимлар Ҳожинова ёқлаган диссертацияда тўқимачилик товаршунослигини.. бойтадиган янги маълумотлар борлигини таъкидладилар. М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.*

ТОВБА қ. тавба. -*Ҳозир граммофонда қизикчилик қилаётинпти, — деди Ёрмат. Йўлчи «товба», деб ўрнидан турди. Ойбек, Танланган асарлар. Турсун хола, ё товба, деб юзини учирди. С. Зуннунова, Гулхан.*

ТОВВА I с. т. Тавба; пушаймон. *Товва қилмоқ.*

ТОВВА II Ошиқнинг олчига қарама-қарши силлиқ томони.

ОШИҒИ ТОВВА Иши юришмаган, иши пачава. *Нега менинг ошиғим товва-ю, уники олчи? Унинг мendan нимаси ортиқ? С. Анорбоев, Оқсой.*

ТОВКАР қ. тавкар. *Буди-шудини ютқазган нимдош қиморбозлар товкардан чиқиб.. қон талашган кўзларини ерга тикканча оғир ҳаёлга ботган эди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.*

ТОВЛАМАЧИ Кишиларни товлаб, лақиллатиш, кўрқитиб кун кўрувчи; фирибгар. [Сидиқ:] *Муҳаббат севгини, ор-номусни товламачи бир савдогарга сотди, виждонни латта-путтага айирбош қилди. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Китоб ниҳоятда қизик, товламачи Далла деган бир хотиннинг қилмишлари ҳикоя қилинар эди. А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар.*

ТОВЛАМАЧИЛИК Алдаш, лақиллатиш, кўрқитиш йўли билан кишининг мол-мулки, пулини олиб қўйиш, ундан фойдаланиш; фирибгарлик. *Товламачилик қилмоқ. ■ Аҳволингизни билмас эканман, — деди товламачилик санъатини ишга солиб. «Муштум».*

ТОВЛАМОҚ I I с. т. айн. тобламоқ I 1. *Қўлини ўтга товламоқ. ■ Қишлоқ халқининг кўпчилиги далада эди. Гузарда ўн беш-йигирма чоғли — ўзини офтобга товлаб ётган ишёқмасларгина бор эди. Ҳ. Шамс, Душман. Элмурод титраб-қақшаб, уларнинг олдига борди-да, музлаган қўлларини ўтга товлади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Меҳрини товламоқ Меҳрини уйғотмоқ. *Василахоннинг қоп-қора чарос кўзлари, камон қошлари Хадича холанинг меҳрини товлаб юборди. Т. Алимов, Совға. Ҳар куни бир ёқимтой қилиқ чиқариб, меҳрингни товлайди. Шухрат, Жаннат қилдирганлар.*

2 айн. товламоқ I 2. Кулаланинг қўлидан фақат чархлаш, теша товлаш келади. А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар.

Бош товламоқ айн. бош тўлғамоқ, бош тортмоқ 2 қ. **бош.** Узоқламай Нормухаммад қушбеги Қўқондан бош товлаб, ўз олдига мустақил ҳукумат эълон қилган бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Борди-ю, дарҳақиқат, сен ўйламаган экансан, озгина чой-чақани аямасанг, Азроил ҳам справка беришдан бош товламайди.. С. Абдулла, Соялар. Бўйин товламоқ қ. бўйин.* ..ташқилий ишларнинг Мирзага топширилиши унга жуда ёқиб тушган, уларнинг биронтасидан ҳам бўйин товламаган эди. О. Ёкубов, Мирзатерак.

ТОВЛАМОҚ II Эшмоқ, ўрамоқ; бурамоқ, тўғриламоқ. *Оталаримизнинг кўнчилиги майда косиблар.. мешқоб, арқон товлайдиган.. бўлганликлари учун уларнинг ёнига тушиш бизга тўғри келмас эди. Ғ. Ғулом, Шум бола. Олдимдан бир қизча чиқди Зулфини товлаб. «Бойчечак». Очиқдов шаштидан қайтгандай мўйловини товлаб, мийиғида қулди. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.*

ТОВЛАМОҚ III Алдаб, лақиллатиб, қўрқитиб, бирор нарсасини ёки пулини олмоқ, юлмоқ, анойи қилмоқ, фириб бермоқ. *Лақмаларни товламоқ. ■ Сен меҳнат қилмас экансан, демак, бошқалар ҳисобига яшяпсан, жамиятни товляяпсан. Газетадан.*

ТОВЛАНМОҚ I Муайян бир тусда жил-валанмоқ; ярқирамоқ. *Жавҳар кўчага чиққан маҳал қор тинган, ҳамма ёқ кумушдай товланиб, тун қоронғисини оппоқ ёритиб турарди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Ёқутдек товланаётган тоифи узум уюлган тоғора орқасида.. Даврон тоға мўйлов силаб турарди. Н. Аминов, Суварак. ..оч ҳаворанг товланиб турган ложуват парчалариға [кўзини] тикди. С. Кароматов, Олтин қум.*

2 Турли ранг, оҳанг билан аксланмоқ, ифодаланмоқ. *Қиз бошига товус пари каби ранг-баранг товладиган шойи паранжи ёпиниб, юзига докадан парда ташлаб юаркан. С. Айний, Эсдалиқлар. Кампир билан етти бола, ўн олти неварани катта қилганмиз,*

биронтасини чертган эмасман, ўғлим, — деди товуши товланиб чол. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 кўчма Гап-сўзи, хатти-ҳаракати билан турли қиёфага кирмоқ. *-Бўлганим шу, мен сизга ўхшаб товланишни билмайман. -Ие, товланиш сиздан бери келмасин. Уйғун, Хурият. Аваз буқаламунга ўхшаб товланувчи бу муллаваччани жини суймаса-да, дўқондан нари қувмас эди. С. Сиёев, Ёруғлик. Нима қилардингиз ҳалидан бери минг хил товланиб. А. Мухтор, Чинор.*

Меҳри товланмоқ Меҳри уйғонмоқ, кўзгалмоқ. *Пошиа холанинг меҳри товланиб кетди: -Вой, онанг айлансин! Рангини шунчалик олдириб қўйибди-я, болам бечора. Д. Нурий, Осмон устун. Зубайданинг Шаҳзодага яна меҳри товланиб, кўксига бошини қўйди. К. Яшин, Ҳамза.*

ТОВОН I 1 Оёқ кафтининг орқа қисми. *Юмшоқ тупроққа қадам қўйганинда, товонинг ҳузур қилади. ■ Калишда терлаб, товонлари қорайиб кетган оёқларини сувга тиқиб шалоплатди, жони роҳатланди. «Ёшлик».*

2 Оёқ кийимининг шу жойга тўғри келадиган қисми. *Товони тешик маҳси. Товони қора пайпоқ. ■ Авазнинг ҳам товони тешилаёзди, кавушининг бутуни қолмади. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ТОВОН II [ф. تاون — жарима, пеня, ҳақ тўлаш] 1 Келтирилган зарарни қоплаш учун тўланадиган ёки олинадиган ҳақ. *Товон олмоқ. Товон тўламоқ. ■ Келган балою қазо ўшанга урсин. Товон тўлаб, нафсониятим-ниям ерга урманг. С. Кароматов, Сўнгги бархан.*

2 Ж.к. даги сўз билан қўлланиб, бирор нарса, иш-ҳаракатнинг шу келишиқдаги сўз билдирган шахс зиммасида эканлигини билдиради. *Ўзғорнинг иқир-чиқир ишлари қизи Зухрага товон. А. Муҳиддин, Айбсиз айбдор.*

Тирик (ёки куруқ) товон Бутун эхтиёж, туриш-турмуши кимсанинг зиммасида бўлган шахс. *Мен колхозингга тирик товон бўлишни истамайман. О. Ёкубов, Диёнат. Қийнаб қўяман, деб ўйламаган эдим. Мен сизга тирик товон бўлдим. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. Нима иш келаркан унинг қўлидан. Қуруқ товон-ку! С. Зуннунова, Гулхан. Товон тўлаш ҳуқ. Фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган моддий зиённи ёхуд унинг ўзига етказилган маънавий*

зарарнинг ўрнини қоплаш. **Товонига қолмоқ** Юз берган зарар ёки ҳодиса учун товон тўловчи, жавобгар бўлиб қолмоқ. *Велосипедда эҳтиёт бўл, бузиб қўйсанг, товонига қоласан.* ■ *..бас қилайлик, бирор кор-ҳол бўлиб, тагин товонига ҳам қолиб ўтирмайлик.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Ишқилиб, янгамнинг юраги яхшими? Яна товонларига қолиб ўтирмайлик.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ТОВОНБАЛИҚ Чучук сувларда яшайдиган балиқларнинг бир тури.

ТОВОР қ. товар 2.

ТОВОҚ 1 Юзи ёйиқ, бироз ялпоқ, коса шаклидаги чуқурроқ идиш (турли ўлчамда сопол, чинни, металл, баъзан мрамардан тайёрланади). *Сопол товоқ. Чинни товоқ. Ту누ка товоқ.* ■ *Комил товоқларда қаймоқ, ликопларда узум кўтариб кирди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Буви, юзини сузиб турган сутли товоқни ерга қўйиб, «нима деяпсан?» дегандай Муродга қарадилар.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

Норин товоқ Норин сузиладиган катта коса ёки товоқ. *Отабек шошиб токчадан хитойи норин товоқни олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 шв. Лаган. *[Ваҳоб] Бир товоқ хушбўй паловни келтириб, олдимизга қўйди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

3 с.т. Пластинка (патефон, радиола пластинкаси). *Эралаб ҳосилотнинг хотини патефон товогини сўраб чиқибди.* С. Аҳмад, Қадрон даладар.

ТОВОҚДОШ кам қўлл. айн. **ҳамтовоқ.** -Биз.. — деди отам, — ишнинг боришидан оқибати нима бўлишини сездик: агар товоқдошларимизга қарасак, ўшанча турли-туман лаззатли таомлар олдида оч қорин билан шайхарга қайтишимизни билдик. С. Айний, Эсдаликлар.

ТОВСИЛЛАМОҚ I айн. **товсилмоқ.** *Талон-тороғ, бости-бостилаб товсиллаб, Самарқанд ёнида Бухоро ҳам бир қадар осойишта тургани туфайли йиллар тез кечаетгандай туюлар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОВСИЛЛАМОҚ II шв. Иккиланмоқ, нима қиларини билмай турмоқ; тортинмоқ. -*Ке, ошна, — дея, товсиллаб турган Санокўлни ичкарига ундади.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ТОВСИЛМОҚ Сийраклашиб, камайиб қолмоқ, тортилмоқ; босилмоқ. *Умматали*

кўчага чиққанда, тун соат ўн бир бўлиб қолган, одамлар ҳаракати анча товсилган эди. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Терим сурони товсилиб, сал нафасни ростлаганларидан кейин, Қодиржон: «Энди хотиним билан маслаҳатлашишга фурсат етди», деб билди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

Оёғи товсилмоқ Одамлар келди-кетди-си, йўлдаги ҳаракати сийраклашмоқ, камаймоқ. *Оқшом, одамлар оёғи товсилгач, эшикни ичидан танбалаб, девор ошиб, кўчага чиқдим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ТОВУС [a. طاوروس — товус] Қирғовулар оиласига мансуб, ранг-баранг патли, эркакларининг думи елпиғич шаклли чиройли қуш. *Товус каби айлаб хиромон, Рақсга тушди бир гўзал жонон.* Э. Воҳидов.

ТОВУТ с.т. Тобут.

ТОВУТКАШ с.т. Тобуткаш.

ТОВУШ 1 Гапириш, куйлаш, қичқириш, йиллаш ва ш.к. вақтида юзага келадиган ва эшитиш аъзолари қабул қилиб оладиган ҳодиса; овоз, садо, сас. *Мунгли товуш. Йиғи товуши. Шамолли кун қичқирма, товушинг зое кетади.* Мақол. ■ *Қорайган том бўғотларида қўноқлаётган чумчуқлар қулоқни тешгудай товуш билан чирқиллашади. Мачит томондан сўниқ азон товуши эшитилади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнуна Зайнаб эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *«Бемор Бакиров, укол!» деган товушдан уйғониб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *«Қани, ҳо, йигитлар! Ишга! Ишга, азаматлар!» деган товуш эшитилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. -*Олимхон ака, — деди ялинган товуш билан Танти, — Салим ўз дадаси билан ҳазиллашмоқчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бор товуш(и) билан ёки товуши борича, товушини баралла қўйиб Овози борича, энг қаттиқ, баланд овози билан. *Бор товуши билан қичқирмоқ.* ■ *Мутал товушини баралла қўйиб сўзлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Товуш бермоқ** Товуш чиқариб, ўзини, борлигини билдирмоқ. *Мен бошда индамай биқиниб турдим, кейин товуш бердим.* Ойдин, Дўндикдан ҳам ёш экан. **Товуш чиқармоқ 1)** овозини эшиттириб гапирмоқ (ўқимоқ ва ш.к.) *Хатни товуш чиқариб ўқимоқ.* ■ *Чол ўтирган ерида товуш чиқарди: — Ўртоқ Нурматовнинг ўзлари айтсинлар!* А. Қаҳҳор, Мунофиқ; **2)** индамоқ,

бирор нарса демоқ, гапирмоқ. Саид Жалол-хон товуш чиқармай, унинг ёнига бориб ўтирди. А. Қаҳҳор, Башорат. **Товушнинг ўчгур қарғ.** Ўлгур. *Хотин йиғлағудай бўлиб, ташқарига чиқди, яна кирди, яна чиқди.. Қани энди, бу «товушнинг ўчгур» бола юпанса! А. Қаҳҳор, Хи-хи. Товушнинг ўчир Жим бўл. -Жим! — муштини кўтарди Ёрмат. — Товушнинг ўчир, худо ҳаммага ақл улашганда, сен қай гўрда эдинг! Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Маълум сифатларга эга бўлган овоз. *Баланд товуш. Мусиқий товуш. ■ Одамлар жонланди. Баъзилари чиндан, баъзилари эса ҳазил-мутойиба билан Охуннинг товушини мақташди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Механик тебранишлар натижасида юзага келадиган ва қулоқ эшитадиган ҳар қандай овоз, садо. *Оёқ товуши. Тасир-тусир ўқ товуши. Гудок товуши. Карнай-сурнай товуши.*

4 Шовқин; шовқин-сурон. [Мулладўст:] *Эшитяпсизми? [Қози:] Ҳа, жуда ҳайронман, нима товушлар? Бошим қотди, ақлим йўқ! Ҳамза, Майсаранинг иши. [Мамат Холисхонга:] Товуш қилма, ўласан! Мана шу чуқур.. сенинг учун қазилди. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

5 физ. Ҳаво ёки бошқа бир муҳит зарраларининг тўлқинсимон тебранма ҳаракатлари. *Қулоқ эшитмайдиган товушлар. Товуш тезлиги. Товуш назарияси.*

6 тлш. Нутқ аъзолари артикуляцияси билан ҳосил бўладиган энг кичик тил бирлиги.

7 мус. Мусиқанинг ифода кучига эга энг кичик таркибий қисми.

8 кўча кам қўл. Сайловларда ёки бирор масалани ҳал этишда ўз фикрини билдириш ҳуқуқи ва усули; овоз. *Мулла Обид бир товушдан, аммо Усмон полвон икки қарши билан колхоз идорасига сайланиб ўтдилар. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ТОВУШЛИ 1 кам қўл. айн. **ОВОЗЛИ.** *Товушли кино.*

2 физ. Товуш ҳосил қилувчи, товуш ўтказадиган. *Товушли тўлқинлар. Товушли тебранишлар.*

ТОВУШСИЗ 1 кам қўл. айн. **ОВОЗСИЗ.** *Товушсиз кино.*

2 Товуш чиқармай. *Қалин қор билан қопланган қабрга бошини қўйиб, Йўлчи то-*

вушсиз, лекин бутун ўғиллик муҳаббати билан узоқ йиғлаган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 физ. Товуш ҳосил қилмайдиган. *Товушсиз тўлқинлар.*

ТОВУШҚОН шв. Куён. *Оқ товушқон. ■ [У] Ўзи учун уя ясашга киришган товушқондай, қумни тирнай бошлади. С. Айний, Қуллар.*

ТОВУҚ 1 Товуқсимонлар туркумига мансуб, гўшти, папи ва тухуми учун боқиладиган урғочи уй паррандаси. *Сертухум товуқ. Курк товуқ. Товуқ катаги. Товуқнинг тушига дон киради. Мақол. ■ ..тонг отмай, товуқлар қўндоқларидан тушмай, яна ишга тушар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Донлаб юриб, тентираб кетиб қолган товуқлар бир маҳал жой қидириб, уйгача кириб келди. К. Яшин, Ҳамза.*

Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон керак Тирикчилик учун кишига ҳамма нарса (қўп нарса) керак, деган маънодаги мақол. *Думи юлиган товуқдек қ. дум 1. Оёғи куйган товуқдай қ. оёқ. Ола товуқ сомон сочар, ўз айбини ўзи очар* Ўзининг ёки яқинларининг айбини гапириб юрадиган одам ҳақида айтиладиган мақол.

2 Шу парранданинг гўшти (овқат, масаллиқ сифатида). *Товуқни есанг, бир ёйсан, тухумини есанг, минг ёйсан. Мақол. ■ Холиса газўчоққа товуқларни димлаб қўйган. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

3 Шу паррандага нисбатли ҳақоратни билдиради. *Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, кекса товуқ! Ойбек, Танланган асарлар. Сўк мени, курк товуқ дегин!.. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

4 Баъзи қушларнинг модаси, макиён. *Қирғовулнинг товуғи.*

5 шв. Тунда ҳўроз қичқириши билан белгиланадиган вақт. *Бир товуқ ўтганда ётдик.*

6 Мучал йил ҳисобида ўнинчи йил номи. *Унинг йили товуқ.*

Товуқ йили Мучал йил ҳисобида ўнинчи йил (қ. мучал).

ТОВУҚБОҚАР Товуқларга қаровчи, уларни парваришловчи киши. *Паррандачилик фермасининг товуқбоқарлари.*

ТОВУҚХОНА Товуқлар турадиган каталак ёки махсус бино. *Ойша хола уйига келлаётиб қараса, товуқхонанинг ҳам, молхо-*

нанинг ҳам эшиклари ҳали очилмаган. «Ёшлик».

ТОВУҚЧИЛИК Товуқ боқиш ва унинг маҳсулотларини етиштириш иши; қишлоқ хўжалигининг шу тармоғи. *Товуқчиликни ривожлантирмоқ.* ■ Янги типда солинган қорамолчилик, товуқчилик.. фермалари бор. Ж. Фаёзов, Экскурсия ўтказиш методикаси.

ТОВЧА с.т. Токча. -Қачон келсангиз, пулингиз мана бу товчадаги халтада туради, — дебди қози. «Эртақлар».

ТОЖ [а. تاج — тож, гулчамбар; жиға; гултож] 1 Шоҳларнинг ҳукмронлик рамзи бўлган, қимматбаҳо тошлар қалаган зийнатли бош кийими. *Шоҳларнинг бошида тилладан тожи, Неча шаҳарлардан олади божи.* «Фольклор». [Мирзо Ёдгор] Журжонни қўлга олиб, пойтахт Ҳиротни босиш, тож кийиш умиди билан уринади. Ойбек, Навоий.

Соҳиби тож Тож эгаси, тахт эгаси, тождор, ҳокими мутлақ. **Тожи давлат** Давлат тожининг соҳиби, ҳокими. *Алишер ва.. тожи давлат бўлмиш Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари гўдакликда дўст ва ҳаммақтаб эканлар.* Ойбек, Навоий. **Тожу тахт ёки тахту тож** Ҳукмронлик рамзи; ҳокимият, давлат. *Бу олишув, тожу тахт талашувларидан фақат фуқаро азоб чекади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бу ўт учқунлари.. яқинларда бирдан алангаланиб юзага чиқади, амирнинг тахту тожини, унинг ҳомийлари билан бирга куйдириб кул қилади.* С. Айний, Дохунда.

2 айн. **гултож**.

3 Баъзи қушларнинг бошидаги этдор ўсимта. *Ҳўрознинг тожи.* ■ *Келин дарҳақиқат ёш, лекин худди қизикчиликка семиргандай юм-юмалоқ; эғнида енгсиз қизил кўйлак, бошида попишакнинг тожиги ўхшаган, лекин қизил шляпа.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. ..*катта теракка иккита қуш келиб қўнди.* Нарининг бошида тожи бор. С. Нуров, Нарвон.

4 **кўчма** Бирор нарсанинг юқори, етуқ қисми, унинг ифодачиси. *Инсон барча махлуқотнинг тожидир.* Ойбек, Навоий. -*Чидаш керак. Сабр — инсон иродасининг тожи, — деди Жўрахон.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Агар мазкур шеър бамисли бир қуш бўлса, бу байт унинг тожи-ку..* С. Сиёев, Аваз.

5 **кўчма** Бирор мусобақада ғолиблик унвони ва шу ғолиблик учун кийдириладиган

кийим. *Қуръага кўра, биринчи партиядо оқ доналарни тож талабгори суради.* Газетадан.

6 **астр.** Куёш атрофидаги, кун тутилиш пайтларида яхши кўринадиган ёруғ гардиш. *Куёш атмосферасининг учинчи, энг қалин ва энг сийрак қатлами Куёш тожи дейилади.* «Астрономия».

7 **тех.** Гупчакка ёки бошқа асосга ўрна тиладиган гардишсимон қисм. *Шестерня тожи. Тож шестерня.*

ТОЖДОР [а. + ф. تاجدار — тож эгаси; тожли] 1 Тож-тахт соҳиби, тож кийган, тахтга ўтирган ҳокими мутлақ; подшо. *Элимда подшоман, бир ўзим тождор, Беҳад киши турар менга хизматкор.* «Эрали ва Шерали». *Мамлакат пароканда, зolim тождорлар қон устига қон тўқурлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бошида тожи, ўсимтаси бўлган, тожли. *Тождор хўроз.*

ТОЖИК 1 Тожикистон Республикаси асосий аҳолисини ташкил этувчи халқнинг номи. *Тожиқ халқи. Тожиқ миллати.*

2 Шу халқ, миллатга тегишли, мансуб. *Тожиқ тили.*

ТОЖИКЛАР Тожикистон Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этган, эроний тиллардан бирида сўзлашувчи халқ; тожик халқи.

ТОЖИКЧА 1 Тожикларга, тожик халқи-га, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Тожиқча ўйин. Тожиқча ода-лар.*

2 Тожик тили. *Сиз тожиқча(ни) биласизми? Тожиқча гапирмоқ.* ■ *Кампир тожиқча талаффуз билан: -Ундоқлар йўқ, айланай, — деди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТОЖИР [а. تاجر — савдогар] эск.к.т. Тижоратчи, савдогар. *Кими кўрсам, менинг дардимдин ортиқ дардини сўйлар, Ажаб мотамсаросен, тожиру карвонни йиғлатдинг.* Моҳзода бегим.

ТОЖЛИ айн. **тождор** 2. *Тожли каптар.*

ТОЖ-ТАХТ, тожу тахт қ. тож 1.

ТОЗ 1 Бошнинг сочсиз тақир ёки кал ери. *Бошим — тоз, кўнглим — ноз.* Мақол.

2 Шундай бош ва шундай бошли одам, кал. *Тоз тарангунча, тўй тарқалар.* Мақол.

ТОЗА [ф. تازه — янги, ёш, нозик; яшил (нихол)] 1 Кир, чанг, ифлослик ва ш.к. дан холи (холи қилинган), озода, покиза. *Тоза идиш. Тоза кийим. Тоза уй. Тоза кийинмоқ.*

■ *Аъзойи баданимни Хун яхшилаб юваман. Тирноғимни, тишимни Доим тоза тутаман. Уйғун.*

2 Чанг-ғубордан холи; беғубор, соф, мусаффо. *Тоза осмонда юлдузлар чарақлайди. С. Нуров, Нарвон. Тоза ҳаводан тўйиб нафас олди. С. Сиёев, Аваз. Ҳар тараф соф, тоза майса-қўкат..* Файратий.

3 Аралашмалардан холи; соф, асил. *Тоза олтин. ■ Мана бу дурми? Жуда тоза экан, Нури опамда ҳам бор-а?* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулнор келгач, у Йўлчи билан қизга шивирлади: -Мана бу жуда тоза чой. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Хирилдоқ ва ш.к. камчиликлардан холи, жаранглаб чиқадиган товуш, овоз ҳақида. *Ошна ашулаларнинг дилрабо куйи, ҳофизнинг тоза ва ширали овози Элмуроднинг юрагига баҳор наъбаларидек қўйилди. Шўҳрат, Шинелли йиллар.*

5 кўчма Доғ тушмаган, булғанмаган; соф, пок. *Тоза виждон. Тоза ном. Тоза қалбда доғ бўлмас. Мақол. ■ Мурзин янада қизишиб, бўртиб, давом этди: -Мен уни яхши биламан. У яхши қиз, кўнгли тоза. Шўҳрат, Шинелли йиллар.*

6 рвш. Жуда ҳам, роса. *Тоза чарчадик. Сизни тоза кутдик. ■ Йигит-қизлар холанинг гапларига тоза кулишди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. Бечора! Қаллиғини кўраман, деб тоза балога қолган экан! П. Турсун, Ўқитувчи.*

7 шв. Янги. *Тоза мактаб очсанг, кофир дейди, газета ўқисанг, даҳрий дейди. Ж. Шарипов, Хоразм. Турани олажак тоза хотиндан совитиб берасиз. Ж. Шарипов, Хоразм. Матпано: -Тагин келаман, оға, тоза гап бўлса, етказаман, ўқсимай юринг, — деб пешинлатиб жўнади. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Палаги тоза Уруғ-аймоғи, авлоди ва оила аъзоларидан ибрат олса бўладиган; намунали, зотли. [Пўлат:] *Греховнинг палаги тоза эмас. Н. Сафаров, Шарқ тонги.*

ТОЗАЛАГИЧ Тозалаш учун ишлатиладиган, тозалайдиган нарса, қурилма ва ш.к. *Аптекаларда парранда қанотидан ясалган тиш тозалағич сотиларди. Газетадан. Машинанинг ойна тозалағичи тинмай ишлар, лекин ёмғир селидан йўлни кўриб бўлмас эди. М. Мансуров, Ёмби. Катта илмий-тадқиқот ишлари натижасида институтда.. тола тозалағич яратилди. Газетадан.*

ТОЗАЛАМОҚ 1 Кир, чанг, ифлослик ва ш.к. дан холи қилмоқ, тоза қилмоқ. *Тиш тозаламоқ. Идишларни тозаламоқ. Уйни тозалаб сунурмоқ. ■ Йўлчи уларга беда ташлади. Кейин курак ва сунурги олиб, отхонани тозалай бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Аралашмалардан, кераксиз, ортиқча нарса ёки қисмлардан холи қилмоқ. *Спирт-ни тозаламоқ. Ёнғоқ тозаламоқ. Гуруч тозаламоқ. Далани ғўзапоялардан тозаламоқ. ■ Анвар гулларни суғориш, ўтларни юлиб тозалаш вазифаларини ўзи бажарди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Йўлчи йўғон қамиш топиб, ичини тозалаб, бир қаричдан мўлроқ қирқиб олди-да, унга нўхат сиғадиган бир неча тешиқлар ясади: -Мана бу най, — деди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Номақбул киши, нарса ва ш.к. дан холи қилмоқ, уларни йўқ қилмоқ. *Ёшлар онгини зарарли таъсирлардан тозаламоқ. Экин майдонини бегона ўтлардан тозаламоқ. ■ У [Тўқсонов] биринчи галда ўз қарамоғидаги идораларни «тозалаб», одамларни янгилашга киришади. П. Турсун, Ўқитувчи. Полк ўлкани қадам-бақадам фашистлардан тозалаб, Днепрга яқинлашяпти. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.*

ТОЗАЛИК Тоза ҳолатлилик. *Кийимнинг тозалиги. Уйнинг тозалиги. Виждоннинг тозалиги. Тозалик — саломатлик гарови. ■ [Манзура опа] Ҳар бир синфга кириб, болаларнинг тозалиги борми, кундалиги борми.. текишириб чиқдилар. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.*

ТОЗИ [ф. تازی — чопағон ов ити; учқур, арабий от] 1 Оёқлари ияғичка, тумшуги узун, хипча, югурик ов ити. *Ҳар ернинг тулкисини ўз тозиси билан овлар. Мақол. ■ Хоҳласа, қарчиғайини қўлига қўндириб, този итни эргаштириб, одамлари билан тоққа чиқиб кетарди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўғлим овга кетади Асил овчи този билан. «Бойче-чак».*

2 Чопқир от, тулпор. *Остимда иргийди Ғиркўкдай този. «Маликаи айёр». Устига минганда учар тозингни, Қўлга олсанг биз қил [қилиб] берган созингни. «Эрали ва Шерали».*

Асби този Арабий от, арғумоқ. *Қамчи уриб тарлондай асби тозига. «Ойсулув».*

Танлаб-танлаб тозисига учрамоқ қ. танламоқ.

ТОИНКИ [ф. تاينكه — шу чоққача, ўша вақтгача, ..ки] бркт. боғл. айн. **токи**. Қаттиқроқ гапиринг, тоинки ҳамма эшитсин. ■ Қаландарбоши эшикдан майда талқин бошлаб кирди. Тоинки жаноб эшонга бизнинг келганлигимиз маълум бўлсин, — деди Шум бола. Ғ. Фулом. Шум бола.

ТОИФА [а. طائفه — синф, гуруҳ; қатор; муайян миқдор] 1 Аҳоли табақаси, гуруҳи. Савдогарлар тоифаси. Бадавийлар тоифаси. ■ Билармидинг, эй талончи тоифа, Меҳнат аҳли қайрамоқда қилинчин! М. Шайхзода. У тўйбошиларга олдиндан уқтириб қўйган эди: «Тартиб бузилмасин, ҳар тоифани ўз вақтида, ўз ерига ўтқазин, ўзига яраша кутиш керак». Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хил, тур. Раҳим домла кабилар чумчуқдан қўрқиб, тариқ экмайдиганлар тоифасидан. Ҳ. Фулом, Машғал. Шундай тоифа одамлар бўладики, улар меҳнат билан бўлиб, ўзини ўйламайди. Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин.

ТОИФИ [а. طائفي — Саудия Арабистонидаги Тоиф (الطائف) шаҳри номидан] Меваси қизил ва йирик, кечпишар узум навларидан бири; шу узумдан қилинган вино номи. 8 гектар тоқзордаги нимранг, сояки, тоифи.. каби узум навларининг ҳар гектаридан 25 центнерга етказиб ҳосил йиғиб олинди. Газетадан.

ТОЙ I 1 Отнинг бир ёшдан икки ёшгача бўлган боласи. Саман той. От босмаган ерни той босади. Мақол. Кун ҳисобин ой олар, бевдов ўрнин той олар. Мақол. Тойчани «той» деб хўрлама, эрта-индин от бўлар. Мақол.

2 Болаларга нисбатан эркалаш маъносини билдиради. Унинг узоқ юртида, қуёш ва гуллар диёри Ўзбекистонда қолган дуоғўй кампир онаси уни — ёлғиз ўғлини эркалар экан, ҳар вақт: «Рустам тойим! Арслон тойим!» деб атамасмиди. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Баъзи атоқли отларнинг таркибий қисмига киради ёки эркалатиш учун уларга қўшиб айтилади. Холтой, Уринтой, Ҳалимтой.

Той-той турмоқ шв. айн. **ғоз-ғоз турмоқ** қ. **ғоз-ғоз**. Омонтойнинг қизи Бўстонхон тойтой турадиган бўлиб қолибди. С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

ТОЙ II [ф. تاء / تاي — тах, қат; бурма; букик жой; боғлам; түп] Катта түп қилиб тахлаб ёки босиб боғланган мол ва шу тарз-

даги мол ўлчови. Пахта тойлари. Беш той газлама. Той қилмоқ. ■ Бўриев кеча у [Самандаров] билан кунни бўйи базада қон, той, яшик, бочкалар орасида ивирсиди. А. Мухтор, Тугилиш. Пудратчи уни ишга олиб, той пахта ташишга қўйди. Ҳ. Фулом, Машғал.

ТОЙДИ Болаларнинг ошиқ ўйинларидан бири (бунда рақибнинг чикка ёки пукка ошиғини ўз ошиғи билан уриб тойдирган ютади). Кўзларида маъносиз бир илтифот, Гўёки у аллакимдан ранжипти; Ҳалигача мактаб, ўқиш унга ёт. Машғулоти: «тойди» билан «ачипти». Ғ. Фулом.

ТОЙИЛМОҚ айн. **тоймоқ** 1, 2. Тойилиб йиқилмоқ. Бўсагадан тойилсанг, тўрга ўтма! Мақол. ■ Қор ёғмоқда, оёқ ости музлаган. Йўловчи ҳар қадамда бир тойиларди. С. Айний, Эсдаликлар. Йўлканинг гишт терилган қисмидан ўнқир-чўнқир ерга ўтишда Нуқра холанинг оёғи тойилиб кетди. А. Мухиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалби қиз.

ТОЙЛАМОҚ I кам қўлл. Кулунламоқ, туғмоқ (бия ҳақида).

ТОЙЛАМОҚ II Той-той қилиб тахлаб, босиб боғламоқ, той қилмоқ. Газмолларни тойламоқ. Тойлаш машинаси. ■ Мана, икки ойдан бери завод гўмбурлаб ишляпти, дала-лардан келаётган қанор-қанор пахталарни пайдар-пай тозалаб, тойлаб ташляпти. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ТОЙЛОҚ I Кичкина той, тойча.

2 Эрка, эркатой (фақат болаларга нисбатан). Келингиз, тойлоқларим, Қайдан шамол учирди? Имтиҳонлар муборак, Нечанчига кўчирди? Қ. Муҳаммадий.

ТОЙМАС Олинган йўлдан, мақсаддан қайтишни, тойишни билмайдиган, қўрқмас. Чинакам севшиганлар шунақа бўлишади, тоймас бўлиб қолишади, уларга оламда бир-бирларидан бошқа кимса кўринмайди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТОЙМОҚ I Силлиқ юзада монесиз сурилиб, сирғаниб кетмоқ; тойганмоқ. Назира шошиб ёнига қарамоқчи бўлганди, сувга энгашиб қолган қувур устидан настга қараб оёғи тойиб кетди. Д. Нурий, Осмон устун. Кўча ва томлар қордан оқара бошлаган. У сирпа-ниб, тойиб, хизматкорхонага жўнади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўча Четга чиқмоқ, адашмоқ, озмоқ. Шариат йўлидан тойган қизнинг сўзига ишо-

насанми? Ойбек, Танланган асарлар. Оёғим сал тойдимми, бас, бурнимни ерга ишқайдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 (фақат бўлишсиз шаклда) Қайтмоқ, тап тортмоқ. У ҳеч нарсадан тоймайди. Яланғоч сувдан тоймас. Мақол. ■ Бориб турган шум, тошюрак бола эди, муштдек бошидан жониворларни қийнаб ўлдиришга ўрганган.. одам ўлдиришдан ҳам тоймайди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. Айтганини қилиш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Р. Раҳмонов, Чангал-зордаги шарпа.

Жаддига тоймоқ Кимсанинг қилмиши учун айбдор бўлиб қолмоқ, жавоб бермоқ. Қилгиликни Сидиқжон қилди-ю, жаддига биз тойиб кетдик-да. Н. Сафаров, Уйғониш. **Ҳолдан тоймоқ** Тинка-мадори, силласи куриб, ўлар ҳолатга етмоқ. Йўловчилар Устюрт саҳросида ўн беш кун йўл юриб, тоза чарчадилар, туялар ҳам ҳолдан тойди. М. Осим, Элчилар. Мени навкарлар ҳолдан тойғунимча урдилар. С. Сиёев, Ёруғлик.

ТОЙЧА 1 Той 1 1, 2 с. кичр.-эркл. Бир яшар тойча. Тойчани «той» деб хўрлама, Эрта-индин от бўлар. Мақол.

2 кўча Эрка, эркатой, тойлоқ (фақат болаларга нисбатан). Хўш, колхозда ўзинг нима қиляпсан, тойчам. Ойбек, О.в. шабадалар.

ТОЙЧИ Мол тойловчи ишчи. Пахта тозалаш заводининг илғор тойчилари. ■ Бахўр билан бирга Рафаэлнинг илгариги заводида ишляпман. У слесарлик қиляпти. Мен эсам тойчиман. Ё. Хаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт.

ТОЙЧОҚ айн. **тойча**. Бир кун кўрмаганига саман йўрға уйда қолган тойчоғини эслаб кишняпти. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Иккинчидан, тойчоғим, «Аъло» олгин ҳар фандан. Барча ошина-оғайнинг Ўрнак олсинлар сендан. З. Диёр.

ТОЙҒАНОҚ айн. **тоймоқ 1**. Тойғаниб йиқилмоқ. ■ Бояғи қора чопонли бола тойғана-тойғана юқорилаётган эди. «Ёшлик». Оёғим қумда тойғаниб кетди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ТОЙҒАНОҚ Сирғаниб кетадиган даражада силлиқ, сирғанчиқ, тойғоқ. **Тойғаноқ** йўл. Кўчалар тойғаноқ. ■ Ҳимолайнинг шарқий томонидаги тойғаноқ ёнбағир ва қояларда довярак шерларнинг оёғи етмаган жой йўқ деса бўлади. М. Аминжонов, «Қор одам» борми?

ТОЙРАНЧОҚ айн. **тойғаноқ**. У ернинг тойғаноқ эканини ҳам энди сезгандек бўлди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ТОЙҒОҚ айн. **тойғаноқ**. Тойғоқ йўл. ■ Кўчалар тойғоқ, машиналарнинг филдиракларида занжирлар шақирлайди. П. Қодиров, Эрк.

ТОК I [ф. توك — узум новдаси, дарахти] Узум ўсимлиги. Уч туп ток. Ток очмоқ. Токни кўймоқ. Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк. Мақол. ■ Ҳовлининг ёнида чорбоғ, чорбоғда раста-раста қилиб, ҳавозага кўтарилган тоқлар. С. Айний, Қуллар. Узум ток баргидан ҳам кўп. Ойбек, Танланган асарлар.

Ток оши Коваток солинган ош. Ток оши қилгудек бўлиб қолган барелар ёнида гуж-гуж узум шўралари пайдо бўла бошлабди. Газетадан. Мана, бир неча йилдан бери баҳор келганда ток оши қиламиз. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТОК II [р. ток — оқим, оқиш] Электр зарядларининг маълум томонга йўналган оқими; электр. Ўзгарувчан ток. Ўзгармас ток. Кучли ток. Кучсиз ток. Электр токи. Кнопкани босиб, токни уламоқ. ■ Шундай қилиб, ўтказгичдан ток ўтганда ажралиб чиқадиган иссиқликнинг миқдори ток катталигининг квадратига.. тўғри мутаносиб экан. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

ТОКАЙ (ГАЧА) [ф. تاي — қайси вақт-гача] Качонгача, қай вақтгача. Мен тоқай бетимнинг қалини — жонимнинг хузури деб, фермада товуққа дон сеппиб, туҳум тераман. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. [Йўлчи:] Чидай олмадим, мулла ака.. мен ҳам одам фарзанди, тоқайгача тепки ейман. Ойбек, Танланган асарлар.

ТОКАРЛИК Токаръ иши, касби. Токарлик қилмоқ. Токарликни ўрганмоқ. Токарлик дастгоҳи (станогли).

ТОКАРЪ [р. точить — «қайраб ўткири қилмоқ; йўниб, қириб ясамоқ» фл. дан ясалган от] Металл ёки ёғоч йўниш станогиди ишловчи мутахассис, ишчи. Абдушукур Қодиров оддий ишчи — токаръ. Ў. Ҳошимов, Пулат чавандоз.

ТОКЗОР Нуқул ток ўсимлиги билан банд ер, майдон, боғ. Ана, йўлнинг иккала бети бўйлаб, саҳий қуёш нуруни беармон эмиб, ястаниб ётган тоқзорлар орқада қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

ТОКИ [ф. *تاکى* — қайси пайтгача; =гача, =гунча] *бркт. боғл.* 1 Бош гапда ифодаланган иш-ҳаракатнинг эргаш гапда ифодаланган мақсадга қаратилганлигини англатади (бунда эргаш гап кесими, кўпинча, буйруқ майли шаклида келади). *Қаттиқроқ гапиринг, токи ҳамма эшитсин. ■ Бизнинг мақсадимиз кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата оладиган бўлсин!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн. то 2.* Ҳамма, токи қариялар ҳам ишга тушиб кетди. ■ Токи боласи турган боғчагача эргашиб бордим.. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

3 Бош ва эргаш гапдаги нарса-ҳодиса, иш-ҳаракатнинг бир вақтга оидлигини, сабаб-шарт муносабатини билдиради. *Токи бормен, суймаган одамнингизга узаттирмасмен. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Пойдевор омондир. Демак, уй омон. У яна тикланар, Токи бор фироқ, Токи бор бошимда Бу қадим осмон, Токи бор боболар Қон тўккан тупроқ.* Х. Даврон, Қақнус.

ТОКИЛОН Калтакесакка ўхшаш, кулранг, тез юурадиган, ўтлоқларда яшайдиган жонивор.

ТОКСИКОЗ [юн. *toxikon* — заҳар] *тиб.* Организмнинг унинг ўзида ҳосил бўладиган маҳсулот (модда)лар билан умумий заҳарланиш ҳолати. *Ҳомиладорлик токсикози.*

ТОКСИКОЛОГИЯ [юн. *toxikon* — заҳар + *logos* — фан, таълимот] Тиббиётнинг заҳарли моддаларнинг физик ва кимёвий хоссаларини, уларнинг таъсир механизми ва бу жараёнда организмда юз берадиган ўзгаришларни ҳамда заҳарланишни даволаш чора ва воситаларини излаб топиш билан шуғулланадиган, ўрганадиган бўлими.

ТОКСИКОМАНИЯ [юн. *toxikon* — заҳар + *mania* — эҳтирос; берилиш, майл; интилиш] *тиб.* Мастлик, қисқа муддатли хурсандчилик, кайф пайдо қилувчи турли хил моддалар (спиртли моддалар, наркотиклар, баъзи дорилар, маиший кимё воситалари ва ш.к.) ни истеъмол қилишга мойиллик, интилишда намоён бўлувчи касалликларнинг умумий номи.

ТОКСИНЛАР [юн. *toxikon* — заҳар] *биол., тиб.* Баъзи микроорганизмлар, шунингдек, баъзи ҳайвон ва ўсимликлар чиқарадиган

заҳарли моддаларнинг умумий номи. *Гормон, антибиотик, токсин ва бошқа турли хил физиологик фаол моддалар ҳужайра мембраналарининг хоссаларини ўзгартиради. «Фан ва турмуш».*

ТОКЧА [а. + ф. *طاقچه / تاکچه*] 1 Маҳаллий уйларда идиш-товоқ ва б. анжомлар қўйиш учун деворда квадрат ёки бошқа шаклда ишланган махсус жой. *Элмурод кўрпачага ўтирди. Сўнгра ён-берига кўз югуртирди. Кичкина токчаларга ранг-баранг чинни ва сопол косалар терилган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Токчаларга мис кўза, самовар, қумғон, жом, чинни пиёлалар тартиб билан териб қўйилбди. К. Яшин, Ҳамза. Токчалари ганчдан ажойиб гуллар билан ишланган катта уйда бир талай одам ўтирган эди. Ойбек, Навоий.*

2 Умуман, вазифаси, шакли ёки бошқа бирор жиҳати билан токчага ўхшаш нарса, жой. *Тоқилар остидаги дўконларнинг токчаларига уйилган ҳарир моллар.. шойи, атлас.. ва бошқа ранго-ранг базозлик моллари бу ерга келганларнинг кўзини ўйнатади. Мирмуҳсин, Меъмор. Шкаф токчаларига териб қўйилган турли ичимликлар яққол кўруниб турибди. С. Азимов, О. Лайло. Абдували ака.. дераза токчасига омонатгина ўтирди. С. Зуннунова, Янги директор. Улар [кийиклар] бешолти газ пастда — токчада, икки томон эса тик девор. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.*

Кир токча, киртокча Одатда, тахмонлар ораси, эшик ёки дераза ёнига ишланган, бошқа токчаларга нисбатан кичик, юқори-га томон узун бўлган токча (турли майда-чуйда нарсалар қўйилади). *Икки тахмон ўртасидаги кир токча тепасида чой қутисининг зар қоғозларидан қирқиб ёпиштирилган Мадинанинг тасвири. С. Аҳмад, Сайланма.*

ТОКЧАЛИ Токча ишланган, токчаси бор (қ. **токча 1**). *..тахмон ва токчали ҳамда оғир лой томли иморатларнинг зилзилага бардоши анча паст бўлади. Газетадан.*

ТОКЧИЛИК кам қўлл. *айн. узумчилик 1, 2. Донгдор Ризамат ота токчиликда соҳибкор. М. Шайхзода.*

ТОЛ 1 Ингичка узун баргли, сурх новда отиб ўсадиган дарахт ёки бута (асосан, соясалқини, пояси, поясидан эса турли нарсалар тайёрлаш учун экилади). *Қора тол. Самбит тол. Бир туп ток эксанг, бир туп*

тол эк. Мақол. ■ *Терак экмай, толни эк, толнинг сояси яхши. «Қўшиқлар».* Сои бўйидаги аксарият азим туп толларнинг таги чойхона. К. Яшин, Ҳамза.

Мажнун тол қ. мажнунтол. Фуломжон.. *мажнун толнинг ҳам бир маҳаллар сувга чўзилган, сув етай-етай деб қолган узун, нозик новдаларини эслади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сиз (ёки у) айтган толлар кесилиб кетган** Замон, у билан боғлиқ ҳолда шарт-шароитлар ўзгариб кетганлигини билдиради, қайд этади. *Сарви хола қизининг ихтиёри ўзидалигини, ҳозирги замонлар бошқалигини, у айтган толлар кесилиб кетганлигини қайта-қайта такрорлаб, жағи оғриди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. **Тол баргак қ. толбаргак.** *Кечагина тол баргак ўйнаб, Том бошида эркин юргандинг.* Ю. Ҳамдам.

ТОЛ II Узун ва ингичка. *Кокилларим эшилгандир тол-тол, Ҳар толига берса етмас дунё мол. «Маликаи айёр».* Торлари тол ипаклардан эшилсин, Айтганимда, товушинам қўшилсин. «Қўшиқлар».

ТОЛ III [р.] *ҳарб.* Мина ва снарядлар ичига қуйиладиган кучли портловчи модда; оқ ёки сарғиш рангли қаттиқ кристалл маҳсулот.

ТОЛА I Ўйгириш, газмол тўқиш ва ш.к. мақсадлар учун ишлатиладиган жуда иңгичка, пухта табиий ёки сунъий материал. *Ипак толаси. Жун толаси. Сунъий тала.* ■ *Биз терган пахтанинг ҳар бир толасин Ёвузлар бўйнига айлагил сиртмоқ.* Ғайратий.

2 Соч, соқол кабиларнинг ҳар бир мўйи. *Айт, бу сочинг толасиму, Жон ипин бир бандиму? Э. Воҳидов. Уни қучоқлаб ўнгиси, ҳар бир толаси оғир меҳнат, алам билан сугорилган оппоқ соқолини кўзларига суртгиси келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кам қўлл. Кокил, зулф.

4 кучма Умуман, толага ўхшаш нарса ҳақида. *Ургинчак тўқир оқ толалар, хонқизи боради меҳмонга.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Полиэфир толасидан ишланган сунъий қон томирлар артерия томирлари торайиб қолган беморларга ёрдам беришда қўлланмоқда.* «Фан ва турмуш». *Оғриқ — асаб толаларининг исёни бўлиб, бирор аъзо ёки вужуднинг «дод-фарёди»дан дарак беради.* «Фан ва турмуш».

ТОЛАЛИ I Толага эга бўлган, толаси бор. *Ингичка толали пахта. Узун толали зиғир.*

2 Тола берадиган. *Толали техника ўсимликлари.*

3 Толалардан тузилган. *Ёғоч толали пластмасса.*

4 тех. Тузилишида тола бўлган. *Чўлланма толали электр лампа.*

ТОЛАЧИ Тола етиштирувчи. *Шаҳрисабз толачилари Шукур Бердиев номини ҳурмат билан тилга оладилар.* Газетадан.

ТОЛАШУНОС Тола ва у билан боғлиқ илмлар билан шуғулланувчи мутахассис, олим. *Мақсуда Абзамовна ўз касби бўйича толашунос, ана шу кафедрадаги ишлардан бевосита хабардор бўлиб туриши керак.* Газетадан.

ТОЛБАРГАК (тўғриси — **тол баргак**) қ. **баргак** III. *Қизлар сочида толбаргакдан соч-понуқ.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ТОЛГУЛ шв. Самбитгул. *Баланд ғишт пойдеворли тўрт уй, даҳлиз, деворига толгул ва бўйни узун офтобанинг сурати солинган баланд айвон, ошхона.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТОЛЕ [а. طالع — кўтарилаётган, юқорилаётган; тақдир, қисмат] **1** Турмушдан мамнунлик ҳолати, турмушдан мамнун этувчи тақдир. *Толеингда бор экан яшаш, Гоҳ қон ичдинг, гоҳида шароб.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Толеингдан ўргилай, қизим, онанг шўрлик қиз бўлиб, келин бўлиб, ҳеч нарса кўрмаган эди, худойи таоло ҳаммасини сенга насиб қилган экан.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ҳа, толе бўлмаса қийин экан! Мен не-не орзулар билан илм-хунар ўрганиб келган эдим! Ватаним бўлмиш Фарғона водийсида.. мадрасалар қурмоқчи эдим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 с.т. Омад, бахт. *Ҳўжайиннинг кармони ўпирилганга ўхшайди, толеи йўқ-да.* Шу бу ил ютқишидан боши чиқмай қолди. Ойбек, Танланган асарлар. *Султон бўзчининг ўғли Муҳаммаджоннинг толеи паст кетди.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

ТОЛЕЛИ Ҳамиша бахт-толе ёр бўлган; бахти, омади баланд; бахтли. *Толели одам.*

ТОЛЕМАНД [а. + ф. طالع مند — толели, бахтли] эск. кт. Толели, бахтли. *Толеманд ийгит.* ■ *Нур денгизи ичра толеманд Сузар эди турналар баланд.* Ойбек.

ТОЛЕРАНТЛИК [лат. tolerantia — сабр-тоқат, чидам, бардош] **1** биол., тиб. Организмнинг иммунологик жиҳатдан ташқи таъсирларга жавоб бера олиш қобилиятининг гўлиқ ёки қисман йўқолиши; яъни антиген таъсирларга нисбатан одам ёки ҳайвон организми томонидан антитаналар ишлаб чиқариш қобилиятининг пасайиши ёки йўқолиши.

2 тиб. Организмнинг муайян модда ёки заҳарнинг ноқулай, салбий таъсирига чидаш, бардош бериш қобилияти.

3 Ўзгаларнинг фикр-ғоялари, эътиқоди, ҳис-ғуйғулари, турмуш тарзи ва хулқ-атвориго нисбатан сабр-тоқатли бўлиш, бепарво қараш; бағрикенглик.

ТОЛЕСИЗ Бахти, толеи йўқ, омади паст. *Толесиз одам.* ■ [Норбуви] *Эрдан толесиз эмас эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ТОЛЕСИЗЛИК Омадсизлик, бахтсизлик.

ТОЛЗОР Нукул тол билан банд ер, майдон. *Анхор.. нариги қирғоқдаги толзор тасида ёйилиб оқади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Кафтдай кичкина ҳовлининг бир ёқасидан ўтган анҳор бўйи — қуюқ толзор, серсоя, жимжит бир ғуша.* Ойбек, Улуғ йўл.

ТОЛИБ [а. طالب — изловчи; талаб қилувчи, хоҳловчи; ўқувчи; тингловчи] **1** Талаби бўлган, талабгор. *Сулув қизсан, сенга толиб кўп бўлур.* «Равшан». *Ишламоққа ҳамма толиб, Бир-бирига келиб ғолиб.* Ҳар кетмондан юз гул унар, *Ғуллар сувга тўлиб-қониб.* Фозил Йўлдош ўғли. *Ҳафиза эшик ёнига келиб, серрайиб турди, ёнидан ўтиб кетаётганлар унинг жой бўшабини кутиб турганини, у ўқишга жуда толиб эканини сезишгандай бўларди.* Мирмуҳсин, Умид.

Толиби илм Илмга талаби бўлган, илмга ташна; талаба. *Нарироқда Умарали бир-икки дўстлари, толиби илмлар билан қуюқ сўхбатда.* Ойбек, Улуғ йўл. *Толиби илмларнинг аксари бу кун ҳовлига чиқишган.* Ойбек, Навоий.

2 Мадраса ўқувчиси.

3 Толиб (эркаклар исми).

ТОЛИМ Озгина соч тутами, дастаси. *Унинг учун Гулнознинг бир толим сочи етти иқлим подшошининг божии билан хирождан қимматли.* Т. Сулаймон, Интизор. *Яқинлашай десам қўрқаман, яқинлашмай десам бир толим сочини бўйнидан икки марта айлан-тириб, ўзини бўғяпти.* «Муштум».

ТОЛИҚИШ **1** Толиқмоқ фл. ҳар. н.

2 Мадорсизлик ҳолати; ҳорғинлик. *Ҳазил-ҳузул, гурунг авжида. Одамлар шу билан ўзларини овутадилар. Чарчоқ, толиқиш, қорин очлиги билинмайди.* М. Ҳазраткулов, Журъат.

ТОЛИҚМОҚ **1** Куч-мадори қуримоқ, тинкаси қуримоқ, ҳолдан тоймоқ; мадорсизланмоқ. *Бели толиқмоқ. Қўли толиқмоқ. Қўзи толиқмоқ.* ■ *Аллақаерда кўрганым чип-на-чин эсимда турипти-ю, ростини айтсам, ажратолмаяпман, толиқибман, шекилли.* С. Кароматов, Олтин қум. *Унинг толиққани, руҳан қийнала-қийнала тунлари яхши ухлай олмагани ранг-рўйидан кўриниб турарди.* Шўҳрат, Шинелли йиллар. *Кун исиди, амирзодам. Ёз рамазони тинкани қуритур.* *Эртаеача толиқиб қолмасинлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ҳаёт-эҳтиёж нарсаларидан камчилиги бўлмоқ, сиқилмоқ, шу жиҳатдан қийин, ночор аҳволда бўлмоқ. *Озиқ-овқатдан толиқмоқ.* ■ *Танбалнинг ёшига етгунча кўп ғалабаларни кўрурсиз. Ҳолбуки, бу урушлардан эл-улус беҳад толиқди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бола-чақаси толиқса ҳам, емай-ичмай орттирганини олиб келиб, шайхлар оёғига тўқади.* К. Яшин, Ҳамза.

ТОЛКУЧУК Барг ёза бошлаган тол новдаси. *Кўклам. Нега шамол келмас юксак тоғлардан, Толкучукдан жевак таққан майса боғлардан.* Ғ. Ғулом.

ТОЛМА шв. Бўлали, лўппи; мулойим. *Унинг [Зумраднинг] ўрта, толма бўйи, нозик бели, ингичка эзма қошлари, қирра бурни, йирик учқунли кўзлари бир-бирига муносиб.* Ойбек. Улуғ йўл. *У [Махсуммахон] баланд бўйли, толмадан келган, хушрўй, кўзлари катта-катта ва порлаб турадиган, ниҳоятда чиройли аёл.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТОЛМАС **1** Чарчашни билмайдиган, ҳормас-толмас. *Толмас курашчи. Ҳолини билган ҳормас, қанча иш қилса, толмас.* Мақол. ■ *Бошимдаги қоплаб турган булутни Толмас билак, битмас куч-ла йиқитдим.* М. Алавиё.

2 Толмас (эркаклар исми).

ТОЛМОҚ **1** айн. **ТОЛИҚМОҚ** **1.** Белим толиб кетди. *Қўлим толиб, чамадонни ташлаб юбораёдим. Китоб ўқийвериб, кўзим толиб кетди.* ■ *Раззоқнинг иши яна кўнайди. Умур-*

зоқ ота эса унинг йўлини пойлайвериб толди. Ҳ. Фулом, Машғал. Бектемир гўдакни ерга қўйиб, толган билагини уқалади. Ойбек, Қуёш қораймас. Уларга қарай-қарай, Баширжоннинг бўйни толиб кетди. Н. Аминов, Суварак.

2 Айрим сўзлар билан бирикиб, шу сўздан англашилган нарсаса берилмоқ, у билан банд бўлмоқ маъносини билдиради. *Ҳаёлга толмоқ. Уйга толмоқ.* ■ Султонли мирзо Гулшаннинг ўрдага кетганлигини эшитиб, силласи қуриди, бир неча вақт фикрга толиб қолди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

ТОЛПОПУК (тўғриси **тол попуқ**) айн. **баргак** III. Узи эндигина сочларига толпопуқ тақадиған қизча эди. «Ёшлик».

ТОЛЧОВКОН Тол куртак чиқара бошлайдиган эрта баҳор вақти. *Табиат ҳеч қачон бўш турмаган, бўш, Гижинг тойдай уйнаб қочар сойлари. Толчовкон боғларга ёниб гилампўш, Ровоч, момақаймоқ чиққан ойлари.* С. Акбарӣ, Янги йил алёри.

ТОЛЬ [фр. *toile*] Картонга тошқумир қатрони (смола) шимдириб, баъзан устига бироз кум сепиб тайёрланган, сув ўтказмайдиган қурилиш материали. *Бир рулон толь.* ■ *Толь омонатгина ёпилган сарой ичига селитра тўкиб қўйилган.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ТОЛҚОН 1 Қовурилган дон, қурилган нон ва ш.к. дан туйиб тайёрланган емиш. *Нон толқон. Бугдой толқон.* ■ *Эрталаб Тозагул меҳмон опани янги туққан сигирнинг оғизини ва ўғирдан иссиққина чиққан оқишоқ толқон билан сийлади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Нийёз бобомнинг кампири Хумор хола дастурхон ёзди, бир ҳовучдан жийда, ўрикқоқи, толқон қўйди.* «Ёшлик».

2 Умуман, туйилган ҳар қандай нарса; порошок. *Носвой толқон.*

Толқон қилмоқ 1) толқон тайёрламоқ. *Хотинлар, одатда, ҳайитга ҳолва, толқон қилишади;* 2) туйиб толқонга айлантормоқ. *Махоркани толқон қиламан. Жиндак оҳак ёки кул билан хурушга келтираман.* Ойбек, Қуёш қораймас; 3) кўчма майда-майда қилмоқ; ер билан яксон қилмоқ. *Бу ёқдаги қазувчилар ҳам Ғуломжон, Барот полвон, Замон сингари тоғни урса толқон қиладиган азаматлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Оғзига толқон солмоқ (ёки **толқон ютмоқ**) Товуш чиқармай, индамай, ҳеч нарса демай

турмоқ. *Нега жим ўтирибсизлар? Оғизларингизга толқон солиб олдиларингизми? Чирманда чалиб, қўшиқни бошланглар!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. «Синглимнинг номусини ҳимоя қилдим», деб гап тарқатиб юрган мироб, туҳматини ўтмаслигини сезиб, мўтайиб, толқон ютиб ўтирди. С. Нуров, Нарвон.

ТОЛҚОНЛАМОҚ айн. **толқон қилмоқ** **2**, **3**. қ. **толқон**. Қўлиғидан қоғозга ўралган, қури-тиб толқонланган носини олиб, тил остига отди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТОЛҒИН кам қўлл. Ҳорғин, сўлғин, синиққан. *Норқўзи Ферузанинг толғин чеҳрасига, чарчоқдан қизарган кўзларига ачиниб қаради.* Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. *Биз учовлон ҳам табиатнинг бир толғин бўлагидек сўқмоқда турибмиз.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ТОМ I 1 Уйнинг, бинонинг устини беки-тиб турувчи тепа қисми. *Лой том. Тунука том. Икки нишабли баланд том.* ■ *Асфальт йўллар, тунука ва шифер томлардан қайноқ ҳовур кўтарилади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Кета-кетгунча яккам-дуккам лойсувоқ томлар, деворлари тўкилай деб турган пастак уйлари кўравериб, дилингиз хира тортади.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Баъзи қурилмаларнинг қор-ёмғир, қуёш ва ш.к. дан ҳимоя қилувчи тепа қисми. *Тўланбой Икромжоннинг аҳволини кўриб турганидан, у ҳам индамади-да, кетдик, деб кабина томини муштлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Иккала бошлиқ қори тиззага урадиган қизил вагон томига чиқиб, атрофни кузата бошладилар.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

3 шв. Уй, ҳовли-жой. *Эшакка мугуз битса, эгасини сузади, Туяга қанот битса, томингни бузади.* Мақол. ■ *Шунда бориб, бир томни очди — бари тиллага тўла, бир томни очди — кумушга тўла.* «Равшан». «...Дашти қипчоқлар бойиса, хотин олади, туркийлар бой бўлса, том солади» [ўйларди Маъсума бека]. Мирмуҳсин, Меъмор.

Томдан тараша тушгандай қ. тараша. (**Ўзини**) **томдан ташлайди** Бирор нарсаса жуда ўч, ўлармон одам ҳақида айтиладиган ибора. *Ичкилик бўлса, Жўра ўзини томдан ташлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *...нул деса, ўзини томдан ташлайдиган бу таъвиянинг на дўсти бор, на жўраси.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТОМ II [а. تام — тўла, тўлиқ, бутун; мукаммал] кт. 1 сфт. Тўла, тўлиқ. Муфти... котибининг чизган режаларини амалга оширишга том ихлос билан кўнди. А. Ҳакимов, Илон изидан. Кўлтиғимдаги анордан биттасини олиб, ёриғидан иккига ажратиб, икки қўлим билан сиқиб, том иштаҳа билан ейишга тушдим. Ғ. Фулом, Шум бола. [Ҳасанали] Ҳўжаси Юсуфбек ҳўжига, айниқса, ҳўжазодаси Отабекка итоат ва ихлоси том бўлиб, бунинг эвазига улардан ҳам ишонч ва ҳўрмат кўрар эди. А. Қодирий, Ўтган кўнлар.

Даражаи том Тўлиқ даража, камолот даражаси. Маълумотим даражаи томга эришган бўлса ҳам... ёзмокда қийналамен. Ойбек, Навоий. **Том маъноси билан** Тўлиқ, чин маъноси билан. Фармонов том маъноси билан «ижтимоий одам» бўлиб, бутун ҳаёти коллективда, идора, мажлисда, минбарда ўтган. А. Мухтор, Чинор.

2 рвш. Бутунлай, тамомила, батамом. Қулоғим том битди. ■ -Тақсир, — деди Фозилхўқ Азизулхон сигарет чекиб.. Мухтор Ҳасанга қараб, — пинакка кетгандай том маҳлиёсиз. Ойбек, Нур қидириб. Мендек одамнинг оғзидан бундай гапнинг чиқиши Сизни том ҳайрон қилишини биламан. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ТОМ III [юн. tomos — бўлим; бўлак, қисм] Бир неча китобдан иборат асар, асарлар тўплами, муқоваланган ҳужжат ва ш.к. нинг ҳар бир айрим китоби; жилд. Луғатнинг биринчи томи. Тўламнинг учинчи томи. ■ Йўлдош кирганда, Пўлат дераза рафида тиззасини қучоқлаб ўтирар, столда, ёстиғи устида медицина энциклопедиясининг томлари сочилиб ётар эди. А. Мухтор, Чинор. Терговчи Қосимов яна тахлаб қўйилган жиний иш томларини варақлашга тушиб кетди. «Муштум».

ТОМАТ [исп. tomate] Помидор суви ёки пастаси. Кўп томат ва сок олиш мумкин бўлган «Юсупов».. каби яхши сорт помидорлар кам келтириляётир. Газетадан. Аёлнинг хонадонидан 30 литр самогон.. 150 литр томат пастаси, хамиртуруш топилди. Газетадан.

ТОМИЗИМ ив. Томчи. Бир томизим сув. ■ Мараҳим.. учинчи шишадан тегатурган «насиба»сини ҳам бир томизим қўймай ичди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Шу таллантни ишга солиш учун аллақандай бир до-

ридан бир неча томизим томизиш керак. А. Қаҳҳор, Сароб.

ТОМИЗМОҚ I Томмоқ фл. орт. н. Кўзга дори томизмок. ■ Ота декчасини осди ва чайладан шишадаги жувоз мойини келтириб, унга томизди. Ҳ. Фулом, Машғал. [Қиличев] Ички чўнтакларига турли-туман таблеткалар, ҳидлайдиган, ютадиган, томизадиган дорилар солиб юради. Мирмуҳсин, Занглан қилич.

Оғзига сув томизмок Ўлим тўшагидаги беморга сув томизиб, охирги ёрдам кўрсатмок. Ревизия арпа, буғдой етишмаганлигини аниқлаган пайтда, Алиқулнинг оғзига сув томизиляётгани тўғрисида мишмиш тарқатилди. Ш. Рашидов, Бўрондан қучли.

Оқизмай-томизмай Ҳеч бир сўзини қолдирмай, бор (бўлган) гапни тўлалигича. Жаннатхон отасига дастурхон ёзди, отасини сийлади, лекин эрининг сўзларини ҳам оқизмай-томизмай етказди. И. Раҳим, Тақдир.

2 (фақат бўлишсиз шаклда) Бир қатра ҳам анойи қилмаслик, бекор кетказмаслик, ёрдам кўрсатмаслик. У онасига бир чакки томизмайди. ■ Бой пишиқ одам, бир тийинни чакки томизмайди. Ойбек, Улуғ йўл.

ТОМИЗҒИ I от Қатиқ ивитиш учун сутга солинадиган ачитқи (мас., эски қатик). Сутга томизғи солмок. ■ Қўшиникига томизғи сўраб кирган Ҳажалхон бир зумда бир талай гап топиб чиқди. А. Муҳиддин, Ганишер. ..махсус томизғи билан тайёрланган қатик, кефир каби сут маҳсулотлари ҳам витаминга бойдир. Газетадан.

2 сфт. Томизиладиган, томчилаб қўйиладиган. Томизғи дори.

Томизғи ҳам бўлмайди Жуда оз. Бу пулингиз томизғи ҳам бўлмайди. **Томизғига ҳам топилмайди** Умуман йўқ, сира топилмайди, учрамайди. Сув томизғига ҳам топилмайдиган чўл.

ТОМИЗҒИЛИК Томизғи учун етарли; томизғи учун қолдирилган. Бир томизғилик қатик. Қатикдан бир-икки томизғилик қолдирмок.

ТОМИЗҒИЧ Суюқликни томизиш учун ишлатиладиган асбоб; пипетка. Томизғич билан кўзга дори қўймоқ. ■ У шкафдан аллақандай реактив олди-да, томизғич билан

бинокуляр микроскоп тагидаги минералга томизди. «Фан ва турмуш».

ТОМИР 1 анат. Одам ва ҳайвонлар тана-сида қон ёки лимфа оқадиган найчасимон аъзо. Томирдан қон олмоқ. Томирга дори қуймоқ. ■ Тулаган ерга қараб жим қолди. Унинг чакка томирлари бўртди, бурнининг учи йилтиради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Қон томирлари Артериялар, капиллярлар ва веналардан иборат томирлар. қ. артерия(лар), артериола(лар), вена(лар), капилляр(лар).

2 кўчма Умуман, нарс-ҳодисанинг ҳаёти, фаолиятини таъминловчи омил, восита. Саноатнинг юрагидир мартен печи, Юрак бўлгач, ишлайди-да эрта-кечин. Бу юракни юргизади уста Анвар, Саноатнинг томирига пулат оқар. «Муштум». Қишлоқнинг ҳаёт томири уриб турган ҳар бир жойда.. ташаббус яққол сезилиб туради. Газетадан.

3 с. т. Юрак ҳаракати натижасида қон тепиши; пульс.

Томир (ёки томирнинг) уришини (ёки тепишини) кўрмоқ Томирни ушлаб, юрак, қон ҳаракатини, пульсни аниқламоқ. Табиб, Отабекдан воқеани сўраб билгандан сўнг, Қумушнинг томирини кўриб, лабини тишлаб қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 с. т. Мушакларни суякка бириктирувчи пухта, эластик тўқима; пай. [Йўлчи].. Томири тортишган одам каби, бир лаҳза қотиб қолди, сўнг қилчини маҳкам ушлаб, букчайиб, оҳистагина ерга йиқилди. Ойбек, Танланган асарлар. Томирларини ёзиш учун бошини орқага ташлаб, бир-икки силкитиб олди. С. Кароматов, Олтин қум.

5 биол. Ўсимлик танасида суюқлик ва ундаги эриган моддалар оқадиган тўқима найчалар.

6 бот. Илдиэ. Ариқ бўйларида, қир этакларида ўтган йилги ўтларнинг томиридан нозик майсалар униб чиқа бошлаган. С. Анорбоев, Оқсой. Агар у ҳар кун эрталаб, кеч-қурун сойга тушмаганда эди, кўза-кўза сув қуйиб, томирига нам юбормаганда эди, ўрик алақачон хазон бўларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

7 кўчма Илдиэ, негиз. Яхши нақл — томири ақл. Мақол. ■ Жураҳон бу муҳим масалани айтишдан бош тортганда, бунинг томири жуда узоқ эканлигини Фуломжон дарров фаҳмлаб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Томирига (ёки илдиэига, оёғига, тагига) болта урмоқ. қ. болта. Элмурод ўзининг жа-ҳолатга қарши бўлган билимини одамларга ёйиш билан домланинг томирига болта ураётганини яхши фаҳмламасди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Томир отмоқ (ёки ёймоқ);** 1) илдиэини ҳар тарафга йўналтирмоқ, илдиэи ривожланмоқ; 2) асосли ҳолда ўрнашиб яшамоқ, ривожланмоқ. Аммо бутун бир аҳоли яшаб, томир отиб қолган бежирим жойларни йўқ қилиш — хутор системасини йўқотиш, деган гапга кирмайди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон; 3) ҳар томонга йўналмоқ. Шербек катта кўча тўрт томонга томир отган жойда тўхтаб қолди. С. Анорбоев, Оқсой; 4) тарқалмоқ, кўпаймоқ. Одамлар орасида ҳам девпечак борлигини, у аста томир ёйиб бораётганини биларди-ю, аммо ўша девпечакнинг илдиэини тополмай доғда эди. С. Аҳмад, Ҳукм.

8 кўчма Бир-бирини қўлловчи, бир-бирига ҳомийлик қилувчи кишилар ўртасидаги ўзаро боғланиш, алоқа; илдиэ. Зағчақўз домляям, Турдивой халфаям, ҳаммаси.. Буларнинг томири узун, Зағчақўз мударрис бўлган экан, ўғиллари, шоғирдлари катта-катта амалда дейишади. П. Турсун, Ўқитувчи. Шухратпарастлар халққа юқоридан қандай зарар етказган бўлсалар, пастдан ҳам шундай зарар етказганлар. Уларнинг томири битта. Ҳ. Фулом, Сента интиламан.

9 шв. Қариндош, уруғ; қариндошлик риштаси. Юртга донғи кетган Жоналибойга Қизинг бериб, бойга томир бўлайлик. Пўлкан шоир. Тожибой ўзи камбағаллардан бўлса ҳам, томири Олахўжа махсум билан туташган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

10 шв. Тутинган ўртоқ, яқин дўст. Томирингни мақтама, ёмон чиқса, қайтасан. Мақол. ■ Икки ўртада сўз бергандик, томирмиз деб, Зуваласи айрим битта хамирмиз деб. Ғ. Фулом. Мингнинг зотини билгандан бирнинг отини бил, деганлар, танишиб қўйлик, томир. А. Мухтор, Қорақалпоқ қисаси.

ТОМЛИ I Том билан ёпилган, томи бўлган. Тунука томли уй. ■ Сал юрилгач, дарахтзорлар, боғлар, похол ғарамлари... черепица ва қамиш томли уйлар қаторлашиб кетди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ТОМЛИ II Белгили томдан, жилддан иборат. Икки томли шегрлар тўплами. Беш томли асар.

ТОМЛИК Нечадир томдан, жилддан иборат бўлган асарлар тўплами. *Алишер Навоий асарлари ўн беш томлиги.*

ТОММОҚ Томчилаб оқмоқ; чакка-чакка оқиб турмоқ, тушмоқ, томчиламоқ. *Хатга сиёҳ томди. Шимга ёғ томди. Томчи томиб бўлгунча, дарё оқиб ўтади.* Мақол. *Тома-тома кўл бўлур, ҳеч томмаса, чўл бўлур.* Мақол. ■ *Совуқ томчилар унинг юзига, бўйига томиб гашини келтирди.* Ойбек, *Қуёш қораймас. Кўз ёшлари.. эгарнинг қошига ва отнинг ёлига тома бошлайдир.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.* Унинг кўзларидан оппоқ соқолига қатра-қатра ёш томар эди. А. Қаҳҳор, *Асрор бобо.*

Кўзларидан қон томади Ўта ғазабли ҳолатни қайд этади. *Азим тажанг бир қадам олдинга ташлади. Кўзларидан қон томарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Оғзидан (ёки лабидан, тилидан) бол (ёки асал) томади** Ниҳоятда ширин сўз, хушмуомала. *Каттадан-кичикка оғзидан бол томиб муомала қиладиган хола негадир мен билан тил учиди сўрашиб қўя қолди.* Т. Алимов, *Дашнў.* *Лабларингиздан бол томади, ёниб турган оловсиз.* К. Яшин, *Ҳамза.* **Юзидан қон томади қ. қон.** [*Қишлоғимиз*] *Одамлари шунақанги хушбичимки, бир қарашдаёқ суқингиз киради. Юзларидан қон томади.* Э. Раймов, *Ажаб қишлоқ.* **Қамчисидан қон томади** Ўта зolim, қаҳри қаттиқ. *Қиз аввал қўрқди, отаси унинг Сидиқжон билан сўзлашиб турганини эмас, боққа тушганини билса ҳам, терисига сомон тикади: бу хусусда отасининг қамчисидан қон томар эди.* А. Қаҳҳор, *Қўшчинор чироқлари.*

ТОМОГРАФ Томографияни амалга оширишда қўлланадиган, махсус тузилиш-ли рентген қурилмаси.

ТОМОГРАФИЯ [юн. tomos — қисм, бўлак; қават, қатлам + grapho — ёзаман] Рентгенографиянинг ўрганилаётган объектнинг қаватма-қават сояли тасвирини олиш усули.

ТОМОН 1 Бирор нарса ёки жой (макон)га нисбатан йўналишдаги жой, макон; тараф. *У томон. Бу томон. Кўчанинг икки томони. Боғнинг бир томони. Пайкалнинг тўрт томони.* ■ *Бир томони босиб қолган кулбага Йўлчини ётқизишди.* Ойбек, *Танланган асарлар.* *Хонанинг икки томонига каравот қўйилган.* Ў. Ҳошимов, *Қалбингга қулоқ сол. Тўрт томон қум, хайрият, бунда ҳеч ким эшитмайди.* Мирмуҳсин, *Меъмор.*

2 Ўзаро нисбатда, муносабатда бўлган шахс ёки шахслар гуруҳининг ҳар бири. *Душман томон. Қуда томон.* ■ *Аммо ўз отасидек бўлиб қолган ноиб жанобларининг томонини олишни ҳам, ёвузона бир қудрат эгаси бўлган Зокир калла томонига ўтишни ҳам билмай, иккиланиб турарди.* Х. Тўхтабоев, *Йиллар ва йўллар.* *Ҳар икки томоннинг ишини кўрган одам муқаррар: «Булар ким тез қазирга ўйнашганов!» деб ўйлайди.* М. Исмоилий, *Фарғона т. о. Абдурахмон ёш бола экан, отаси ўлиб, онаси ва ота томонлари тарбиясида қолди.* А. Қодирий, *Меҳробдан чаён.*

Томонини олмоқ Томонида туриб ҳимоя қилмоқ, қўллаб-қувватламоқ; ёнини олмоқ. *Дарвиш гов кўпинча фуқаронинг томонини олар, бекларга, навбати келмагунча, сув бермас эди.* П. Қодиоров, *Юлдузли тунлар.* *Сизни қаранг-у, ана ўшаларнинг томонини оласиз-а.* П. Турсун, *Ўқитувчи.*

3 (қўлл. шаклида — томонлар). Ўзаро муҳолиф, зид муносабатдаги шахс ёки субъектлар. *Томонларни келиштирмоқ. Томонларнинг розилигини олмоқ.*

4 Иш, нарса-ҳодиса, масала ва ш.к. нинг қирралари, қисмларидан бири; жиҳат. *Масаланинг энг муҳим томони. Асарлардаги муштарак томонлар.* ■ *Ҳа, бизнинг касбнинг ўзига хос нозик, жилов тутқизмас, баъзан асов, баъзан инжиқ томонлари бор.* Н. Сафаров, *Оловли излар.* *Мен кўлда чўкканим, боланинг қутқаргани қолиб, бошқа томонини айтдим.* Ҳ. Назир, *Ёнар дарё.* *Аммо айна чоғда унинг ҳам ўзига хос заиф томонлари бор эди.* С. Кароматов, *Олтин қум.*

5 мат. Текисликдаги геометрик шакллари ҳосил қилувчи кесмаларнинг ҳар бири. *Тўғри тўртбурчак томонлари. Томонлари тенг учбурчак.*

6 қўм. *взф.* Макон, пайт, объект, сабаб каби муносабатларни, шундай маъноларни билдиради. *Биз томонга келяпти. Овоз кўча томондан келяпти. Кечга томон хабар олмоқ.* ■ *Елкасига ташланган кителининг енгига қўл сола туриб, индамай эшик томон юрди.* С. Кароматов, *Олтин қум.* *Кечга томон Собирнинг хонасига Одил бува кириб келди.* Р. Файзий, *Чўлга баҳор келди.* *Аммо оламушмул бу кашфиёт илмий кенгаш томонидан етарли баҳоланмаганга ўхшайди.* Х. Тўхтабоев, *Ширин қовунлар мамлакати. Бир томон-*

дан ферма мудир.. унинг ўрнида сиз бўлсангиз-у, кўз олдингизда боши очиқ бир жувон қилтиллаб юрса.. Э, содда экансиз, ука! А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ТОМОНЛАМА Миқдор билдирувчи сўзлар, шунингдек, ҳар сўзи билан қўлланиб, шу сўзлар англатган миқдорий нисбатни билдиради. Ҳар томонлама асосламоқ. Бир томонлама баҳо бермоқ. Ғўза қатор оралари-га икки томонлама ишлов бермоқ.

ТОМОРҚА Қишлоқ меҳнаткашларининг ихтиёридаги, одатда, уларнинг кўргони, ҳовли-жойи ёнида жойлашган ер бўлгани. Пенсияни нима қиласиз, мол-ҳол, томорқадан чиққан даромад етади икковингизга.. С. Нуоров, Нарвон. Ҳар ким истаса, ўз томорқасини, уйи олдини боғ қилиши мумкин. «Муштум».

ТОМОША [а. *تماشا / تماشا* — ҳаракатланиш; айланиб юриш, сайр қилиш] 1 Омавийи равишда намоёйиш этиш учун тайёрланган саҳна асари, кўрсатув. Театр томошаси. Цирк томошалари. Томоша зали. Томоша қўймоқ. Спектаклни қизиқиб томоша қилмоқ. ■ Пешайвон ойнасига туширилган парда орқасидан Ҳамза чиқиб келди-да, томоша тугаганлигини эълон қилди. К. Яшин, Ҳамза. Телевизорни кўраверарканмиз-у, томошаларни тайёрлаш қанчалик машаққатли бўлишини билмас эканмиз. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Табиий, у кўнди, шу йўсин эртага уйналадирган томошага Султонанининг хотини ҳам ўргатилди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Умуман, киши эътиборини тортадиган, эътибор билан қарайдиган, кузатадиган, ундан завқ-шавқ оладиган, таъсирланадиган нарса. Чорсудаги чойхонадан ўтиб, ажиб бир томошанинг устидан чиқишди. Самовар тўла одам. Ашула, аския, ҳангома, қаҳқаҳа авжиди. К. Яшин, Ҳамза. Оббў, пол ювишни кўриш ҳам томоша бўлтимиз? Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. -Балиқлар ҳам кўп аломат нарса-да, — деб қўйди томошага берилиб кетган Қудрат ичиди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Киши эътиборини тортадиган машина, жанжалли ҳолат; ҳангома. Буларнинг қитиғига тегма. Агар газетага тортса, ғир этиб теровчи келади. Ана унда кўр томошани. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТОМОША ҚИЛМОҚ Томошани кузатмоқ, эътиборни тортадиган жой, нарса ва ш.к. ни кузатмоқ, кўрмоқ. Ҳамза халққа қараб: -Ҳозир бир манзара кўринади, шуни томоша қиласизлар, — деб эълон қилди. К. Яшин, Ҳамза. Йигит-қизлар яшнаб бораётган чўлни, янги қурилган иморатларни, тепаликни тилканича қилаётган экскаваторни томоша қилишарди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Уйга келди-у, Ювош иккаламиз юлдуз ва медалларни томоша қила бошладик. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ТОМОШАБИН [а. + ф. *تماشاбин* — томоша кўрувчи (қилувчи)] 1 Бирор томошани кўриш учун келган шахс, томоша кўрувчи. Театр томошабинлари. Футбол томошабинлари. ■ Томошабинлар чапак чалиб юбордилар. Ҳамма ёқдан қийқириқ эшитилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Халқ, саҳнанинг очилишини кутган томошабиндай, жим эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Кўчма дағл. Бирор ишга лоқайдлик билан четдан қараб, кузатиб турувчи шахс. Томошабин бўлиб турмоқ. ■ -Хафа бўлманг, ака, — деҳқоннинг елкасига қоқиб юпатди Йўлчи, — фалокат эмас, арава синади, тузатилади.. Атрофда одам тўпланди. Баъзилар ачинади, баъзилар томошабин. Ойбек, Танланган асарлар. Жанжал эса борган сари газак оларди, ота-она ҳам уларнинг келишмовчилигига аралашмас, гўё томошабин ролини ўташар эди. Газетадан.

ТОМОШАБИНЛИК Ўзини томошабин каби тутиш, томошабин бўлиб туриш. Мафкуравий соҳада томошабинликка чидаб бўлмайди. Газетадан.

ТОМОШАХОНА [томоша + хона] Томоша кўрсатиладиган жой, томоша муассасаси (театр, кино, цирк ва ш.к.). Сарой улкан томошахонани эслатарди. С. Сийёев, Ёруғлик. Янги қурилган бу иморатнинг биринчи қавати томошахона бўлиб, тепасига маданият уйи жойлашган. Д. Нурий, Осмон устун.

ТОМОШАЧИ Томоша қилувчи; томошабин. Унинг [директорнинг] қовоғидан қор ёғар эди. Томошачилар гап нимада эканлигини тушундилар. М. Ҳазратқулов, Журъат. Сонсиз томошачи келган бу оқшом Бу мўл зиёфатни текин емоққа. Миртемир.

ТОМОШАҚОВОҚ бот. Қовоқнинг еб бўлмайдиган, майда, фақат зийнат (манзара) учун экиладиган тури.

ТОМОҚ 1 Бўйиннинг энгак ости (тумшук ости) қисми. *Канизак кук рўмолини томоғининг тагидан боғлаб олган.. ерга қараб жадаллаб келар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бирорта одам зигирча камчилигимиз ҳақида оғиз очса, томоғидан ғиппа бўғамиз. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

2 анат. Қизилўнғач билан кекирдик бошланадиган ер; бўғиз. *Томоқ оғриғи. Томоғим оғрияпти. ■ Қизда уйқу йўқ. Унинг бадани қизғин, томоғи қақраган, юраги шиддатли уради. Ойбек, Танланган асарлар. [Абдурахмонбой] Томоғига совуқ ҳаво тиқилгандай, бир энтикди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Ҳар ютуми томоқни қириб ўтади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Томоқ қирмоқ 1) томоққа урилиб (қириб) ўтадиган ҳаво билан овоз чиқармоқ (томоқни тозалаш ёки бошқа мақсадда, шунчаки). *У томоғини ора-сира қириб, энтикиб туриб гапирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Дарвоза очаётган киши қаттиқ йўталиб, устма-уст тупурди ва томоқ қириб, «Қир!» деди бўғилиб. Н. Аминов, Суварак; 2) шундай овоз билан нимадандир белги бермоқ, нимагадир ишора қилмоқ. Томоқ қирсам, бас, шу тоб, Келтириб беш сих кабоб, Қўлимга тутиб шароб, Ичаверинг, хўп, дерди. Ф. Маҳмудов, Вақтим зиқ. ..кекса бир уламо томоқ қириб, ўздан хабар бермаганида, ким билади, у сукунат яна қанча давом этар экан? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Томоқни хўлламоқ* Ичимликдан (асосан, спиртли ичимликдан) бироз олмоқ, ичмоқ. *Ёшликнинг охири, қарилликнинг боши, дегандай, озроқ томоқни хўллаб олсак бўларди. «Муштум».*

Томоғи тақилламоқ 1) ейиш ёки ичишга жуда талабгор бўлмоқ. *Томоғи тақиллаб турган Аҳмад бир отишда қадаҳни бўшатди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат; 2) бирор нарсани ундириш, олиш, эгаллаш пайида бўлмоқ. Ҳалиги Мамасаид деганимизнинг қизи ҳам бўйига етиб, кўзга кўриниб қолди. Бирорта ҳамёни каттароққа пулласам, деб томоғи тақиллаб юрибди. П. Турсун, Ўқитувчи. Томоғи қичимоқ* Бирор нарсани ундиришни ис-тамоқ, тама қилмоқ. *У томоғи қичиган кунни бирор кишининг симини шартта узиб, уйига қириб кетади. «Муштум». Томоғидан ўтмаслик* 1) таом ёки суюқликни юта олмаслик (асосан, касаллик туфайли). *Томоғидан [бувамнини] ҳеч нарсани ўтмайди, сув ичса ҳам, ғарғара қилиб ташлайверади. Газетадан; 2)*

еб-ичкиси келмаслик, кўнгли тортмаслик. Қудрат томоғидан овқат ўтмай, икки кўли чеккасида, хаёл суриб кетди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. Томоғини ёғламоқ (ёки мойламоқ) Пора бермоқ, пора ўрнидаги нарсани билан сийламоқ. *Улар бойнинг қўзи ва қазилари билан томоғи мойланиб, ишни ёпиб юборган эдилар. С. Айний, Қўллар. Мудирга чўтал тулаган юқоридаги кишилар «бошлиқнинг томоғини мойладик, энди овози чиқмайди», деб бир порцияли овқатни уч порция қилиб, хўрандаларни чўмичдан қоқа бошладилар. «Муштум».*

3 Таом, овқат, овқатланиш. *Тамли томоқ. Томоқ емоқ. Томоқ қилмоқ. Қарини томоқ асрайди. Мақол. ■ Ўйдагиларнинг сўзларинигина эмас, ҳатто томоқ чайнашларини ҳам эшитса бўлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Томоқдан кейин Отабек ҳам бироз ухлаб олиш учун ётди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Текин томоқ 1) ўзганинг меҳнати билан юзага келган овқат. *Текин томоқ ичагини тешади. Мақол. Текин томоқ танни тоза қилади. Мақол; 2) ўзганинг ҳисобига яшовчи киши; текинхўр. Аллонхўжа қўрасидаги қора ўтовларни оралаб, отбоқару фойтунчиларни, текин томоқ ялқовлар, деб сўкиб жувозга қувди. А. Муҳтор, Қорақалпоқ қиссаси. Ҳаром томоқ* Ҳалол меҳнат билан эмас, ҳаром йўллар билан кун кечирадиган. *Ҳаром томоқ одам ўғридан ёмон. Уйғун, Ҳаёт чақиради.*

ТОМТЕПАР тар. Чакка ўтадиган томни кўпчилик бўлиб тепиб зичлаш ва шу мақсадда уюштирилган ҳашар.

ТОМТЕШАР Том тешиб ўғрилиқ қилувчи ўғри; умуман, уй-хонадонларга тушувчи ўғри; муттаҳам, фирибгар. *-Мана бундан томтешар чиқади. Киссавур бўлолмайди, қўпол, — деди Султон Омонни кўрсатиб. Ғ. Ғулом, Шум бола. Колхоз мулкани сенга ўхшаш томтешарлардан сақлайман. Ойбек, О.в. шабадалар.*

ТОМУҒ қ. тамуғ. Унинг зиндонлари томуғдан баттар, Унинг кишини бор — умрга хатар. Миртемир.

ТОМЧИ 1 Суюқликнинг заррачалари тортишуви натижасида айланма сирт билан чегараланган, бир томишдан ҳосил бўлган алоҳида кичик бўлаги. *Сув томчиси. Ёмғир томчилари. Бир томчи ҳам қолдирмай ичмоқ.*

Томчи сел бўлмас, душман эл бўлмас. Мақол. Томчи тошини тешади. Мақол. Бир томчи сув ҷумолига дарё кўринади. Мақол. ■ Бу гал қусуқ қонга айланган эди, [Кумушининг] бурнидан ҳам бир неча томчи қон оқди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Унинг [деҳқоннинг] офтобда куйиб пишган, этсиз, йирик ёноқли юзида кўз ёшими, терми, ҳар ҳолда, томчилар юмаланар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 шв. айн. **чакка** П. Томдан томчи ўтаёттир. ■ Ёмон бўлганда қандай — умрнинг заволи. Онам, томчининг ҳар «чиқ» этгани — бир кунлик умрнинг чиққани, дейдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

Дарёдан бир томчи Кўпнинг, катта миқдорнинг жуда оз қисми, қатраси. -Бу айтганларимиз дарёдан бир томчигина! — деди Олимов, болаларнинг кўпи ҳали қаноатланмаганини сезиб. — Тоғларимизда сир кўп. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТОМЧИЛАМОҚ Томчи-томчи бўлиб тушмоқ; томмоқ. Ёмғир томчилаяпти. ■ Шох-шабба орасидан сув силқиб томчиларди. Ойбек, Куёш қораймас. Кунботар олдидан бир-иккита томчилагани бўлмаса, ёмғир ҳали ёққанча йўқ эди. Н. Фозилов, Дийдор.

ТОН [юн. topos — таранглик, тигизлик; кучланиш] 1 физ. Мураккаб товуш спектрининг оддий тебранишлар натижасида ҳосил бўладиган энг кичик бўлаги.

2 Муайян баланд-пастликка эга бўлган товуш, мусиқа товуши. Тебранувчи тор тарқатадиган энг паст частотали бу товуш торнинг асосий тони ҳисобланади. «Фан ва турмуш».

3 физиол. Ишлаб турган юракнинг овози, товуши.

4 Нутқ, овознинг оҳанги, нозик фарқи. [Заргаров (альбомни тез-тез варақлайди):] Ҳозир-ҳозир.. Ҳа, мана, мана! (Доклад тонида, баланд овоз билан) Ўртоқлар! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

5 снт. Рангнинг сифати; муайян рангнинг оч-тўқлиги, бошқа ранглардан фарқланувчи белгиси.

ТОНГ I 1 Кун чиқиш пайти, субҳидам, саҳар, азон. Баҳор тонги. Тонг пайти. Тонг шабадаси. Тонг қоронғиси. ■ Хўрозлар ҳам уйғониб, Бердилар тонгдан хабар. Кимларга оғир ботар, Кимни ширин аллалар. Ғайратий. Тонгга яқин тўплар, машиналар, танклар қаланган, жангчилар қайнаган катта ман-

зининг қўйнига кирди. Ойбек, Куёш қораймас. Эрта тонгда Нуруллабойда Аравага қўшилди отлар. Э. Раҳим.

Ёлғон тонг айн. субҳи козиб қ. субҳ. Тонг бўзариб ёришди. Ёлғон тонгда адашиб йўлга чиққан булутлар таралди. Шухрат, Шинелли йиллар. Тонгни тонг оттириб, кунни кун боттириб Эрталабдан кечгача ва кечаси билан тинмай. **Тунни тонгга уламоқ ёки тонг оттирмоқ** Кечаси билан ухламай, бирор иш, ҳаёл ва ш. к. билан машғул бўлмоқ. [Низомжон] Кечалари юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонгга улаб, қушлар наъмасидан, сувлар шилдирашидан кўнгилга аллақандай юпанч изларди. С. Аҳмад, Уфқ. Тўхта хола чинакчиликдан чиққан пахтасини кечалари йигирар, чарх олдидан тонг оттирарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Эрта тонг ёки тонг саҳар** Жуда эрта, кун ёришар-ёришмас.

2 кўчма Бирор нарсанинг бошланиш пайти, илк даври. Бахт тонги. ■ Кунлар келар — қоп-қора уфқ Ол шафақдан бўлар лоларанг, Нажот тонгин очади куёш. Ғайратий.

Тонг отди Куёш чиқиш пайти яқинлашиб, кун ёришди. Тонг отди. Тепаликларнинг қор босган оппоқ чўққиси, ўрмондаги дарахтларнинг учи қизарди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ТОНГ II: тонг (қотиб) қолмоқ айн. **донг қотиб қолмоқ** қ. **донг** II. Ибодилла эрталаб дўконни очиб, ҳужрага кирди-ю, акасини кўриб, тонг қолди. Ҳ. Фулом, Машғал. Воқеа устига келган Ширин бу ҳолни кўриб, тонг қотиб қолган. С. Айний, Куллар.

ТОНГГИ Тонгга мансуб, тонгда бўлган ёки бўладиган. Тонгги шабада. ■ Конлар — инженерни, тоғлар — Фарҳодни, Устасин чақирар тонгги гудоклар. Ғ. Фулом.

ТОНГЛА эск. кт. Эртанги, келгуси кун. Бугун дегани тонглага тўғри келмайди. Ойбек, Навоий.

ТОНГОТАР Тонг отиш пайти; тонг, субҳидам. Тошкент тонготари нақадар ғўзал, Чиройли, тасвирга сиғмас, сермазмун. Ғайратий. Тонготарга яқин бир гўмбурлаб, ер силқингандай бўлди. Мирмуҳсин, Умид. Чопиқ тонготардан кунботаргача давом этадиган бўлди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТОНЕР [ингл. toner] Электрографик кўрсаткич (кўринадиган қиладиган модда); лазерли принтерда қўлланидиган бўёвчи кукун.

ТОНЗИЛЛИТ [лот. tonzilla — муртак бези, бодомсимон без] *тиб.* Муртак безининг яллигланиши.

ТОНМОҚ 1 Қилмишини, айтган сўзи ва ш.к. ни бўйнига олмаслик; инкор этмоқ. *Гапидан тонмоқ. ■ Айтдингиз, айтдингиз, нега тонасиз? Мен сизга айб тақаётганим йўқ-ку!* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Марғилондан қайтгандан кейинги кунларингизни меҳмонхонада кечириб келишингиздан, албатта, тона олмайсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Умуман, бор, бўлган нарсани тан олмаслик; рад этмоқ. *Қарзидан тонмоқ. ■ [Майсара Чўпонга:] Отанг раҳматликнинг сенга васият қилиб қолдириб кетган йигирма тилла пулига қози эшоннинг тониб кетишларининг сабаби бор экан. Ҳамза, Майсаранинг иши. Қулоқ солинг гапима, ҳай яхшилар, Оқ сут берган онадан тонган борми? «Муштум».*

ТОННА [фр. tonne < лот. tunne — бочка] Минг килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. *Беш тонна юк. ■ Уч ўлондир Андижон, Намангану Фарғона. Юртга айлар армуғон Миллион тонна дурдона.* Ё. Мирзо.

ТОННАЖ [фр. tonnage] **1** Кеманинг ёки кемалар мажмуининг юк кўтариш қобилияти (бўш ёки белгили юк ортилган кема сиқиб чиқарган сувнинг оғирлиги билан ўлчанади).

2 Вагон, автомобиль ва ш.к. нинг тонналар билан ифодаланган юк кўтариш қобилияти. *Адолат бўш машиналарни, албатта, орқасига қайтариб, шлагбаумни тоннажига лойиқ юки бор машиналаргагина очар эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТОННАЛИ 1 Тонна оғирлигидаги. *Бир тоннали тош. Юз тоннали бомба. ■ Нормат выставкада турли нав бугдойларни, саксонтадан туққан наслдор чўчқалару ўн пақирлаб сут берадиган говмиш сизирларни, бир тоннали новвосларни кўрган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Маълум тонна юк элтадиган, кўтарадиган. *Уч тоннали машина. Элик тоннали цистерна. ■ Йигирма беш тоннали автокран етиб келгач.. Ҳасанов сим арқоннинг учига қўш батареяли лампани улаб, ёндириб қўйди.* И. Раҳим, Тақдир.

ТОННЕЛЬ айн. *туннель.* Бригадир Сماعيلни бошлаб, пастга — тоннель девор-

ларини зичлаётган йигитлар ёнига тушиб кетди. Газетадан.

ТОНОМЕТР [тон 3 + юн. metreo — ўлчаيمان] *тиб.* Қон босимини, шунингдек, кўзнинг ички босимини ўлчаيدиган асбоб.

ТОП с.т. Тоб, пайт. *Шу топда. Уша топда.*

ТОПАЗ [юн. topazos] Турли рангда бўладиган қимматбаҳо қаттиқ тош, минерал. *Топаз кўзли узук. ■ Мисрликлар шиша буюмларни қимматбаҳо ёнартошларга: ёқут, зумрад, топаз, феруза.. марварид ва бошқаларга ўхшатиб ясар эдилар.* М. Амин-жонова, Шишанинг кашф этилиш тарихидан.

ТОПАЛОҚ: топган топалоқники бол. Ким топса, ўшаники.

ТОПАРМОН Пул, даромадни яхши (кўп) топадиган. *Турсунбойлар қассоб гузарибдан, отаси чаласавод, лекин топармон эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ТОПАРМОН-ТУТАРМОН Топиш-тутиши яхши. *Бош-кўзимни айлантириб, қўлга олдингиз, энди ҳунар чиқаряпсизми? Не-не топармон-тутармон йигитлар эшигимизнинг турумни бузиб, ўтарга йўл бермай юрди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Ўғли топармон-тутармон, отасига ўхшаб уддабурунгина, тағида яп-янги машина.* Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.

ТОПАР-ТУТАР қ. *топиш-тутиш.* Кампир деразадан меҳмонхона томонга қараб қўйди.. *Гулдай тоза, топар-тутари яхши, обрўйи баланд.* С. Нуоров, Нарвон.

ТОПАҒОН 1 Тез, дарров топадиган, топқир. *Топағон бола. ■ Фолчи жуда топағон экан, менинг отимни ҳеч ўйламасдан топиб берди.* «Эртақлар».

2 с. т. Топармон; топармон-тутармон. *Топағон эркак.*

ТОПАҒОНЛИК Топағонга хос хусусият. *Коля ўз гапи ўзига наша қилиб куларкан, Қудрат дўстининг топағонлигига ҳайрон қолди: -Қойилман мияннга, адаш! Тондинг, топдинг!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТОПГАН-ТАЯНГАН айн. *топган-тутган.* *Отаси қазо қилиб қолди. Отанинг жамғаргани, ўзининг топган-таянгани худойи, маъракаларга сарфланди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

ТОПГАН-ТУТГАН Ишлаб-кучлаб топилган, тўпланган бор-йўқ нарса; жамғар-

ма, буд-шуд. *Топган-тутганим сизники.* ■ Эндиликда чол-кампир *топган-тутганини Топилга атаган, бутун эътимодини шу кенжа ўғилга қўйган.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТОПИК [ингл. topic < юн. topos — умумий жой, ўрин] *пед.* Бирор хорижий тилда аввалдан белгиланган мавзу бўйича тузилган, айни хорижий тилни ўрганувчиларга оғзаки нутқ малакаларини ривожлантиришга, шуниингдек, ўқувчилар билимини текширишга хизмат қиладиган матн.

ТОПИЛДИҚ *айн. топилма 1.* Янги топилдиқ узоқ ўтмишни ўрганишда ёрдам бермоқда. Газетадан.

ТОПИЛМА 1 Изланиш, қидирув ишлари натижасида топилган нарса. *Антик даврда суғоришга асосланган деҳқончиликнинг тараққий қилганлигини жуда кўп археологик топилмалар тасдиқлайди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Маҳаллий газетанинг ёзишича, топилманинг ноёблиги мурда кўмилгандан буён миянинг ҳеч қандай ўзгаришига учрамаганидадир.* «Фан ва турмуш».

2 Ҳар қандай топиб олинган нарса. *Топилмаларни эгаларига қайтармоқ. Топилмалар бюроси.*

ТОПИЛМАС Кам топиладиган ёки сира топилмайдиган; нодир. *Топилмас мато.* ■ Ёш йигитнинг кўнглида томчилардан ҳосил бўлган севи тобора чуқурлаша бери. *Тўлиб топилган қиз энди унинг кўз олдида тенги топилмас гўзал бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТОПИЛМОҚ 1 *Топмоқ* фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Йўқолган китоб топилди. Ҳамма саволларга жавоб топилди. Фикр маъқул топилди. Ишининг янги усуллари топилмоқда. Бош омон бўлса, дўппи топилар. Мақол. Меҳнатсиз топилган ошдан меҳнатда топилган тош яхши. Мақол.* ■ *Онам билан маним бахтимга кутмаган жойдан мўъжизадек бу мактуб топилди-да, мен хизматингизга югурдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аммо булоқнинг топилиши ҳали сувни эгаларга оқизиш деган гап эмас эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Мавжуд, бор бўлмоқ. *Сизда бир варақ қоғоз топиладими?* ■ *Қоратой, бир танга пул топиладими сенда? Носвой йўқ, эртдан бери хумориман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бас, бу ҳйллалар, бу макрлар сиздан бошқа кимдан топилсин?* А. Қодирий,

Ўтган кунлар. *Хуллас, Павел Иванович Петровский мактаб яратган забардаст олим бўлиб, унинг фикри билан ҳисоблашмайдиганлар камдан-кам топиларди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ТОПИНМОҚ 1 *дин. Сифинмоқ, чўқинмоқ. Оловга топинмоқ.* ■ *Ҳиндистонда ҳайвон ва ўсимликларга топиниш ҳаддан ташқари кучли.* 3. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *..улар аёл зотини илоҳийлаштирар экан, бир замонлар унинг лойдан ва ёғочдан ясалган шаклини уйлари тўрига қўйиб, унга топинишаркан.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 *кўчма* Сажда қилмоқ, бош эгмоқ. *Пулга топинмоқ.* ■ У [Зумрад] ўзининг нафис завқига бовар ишқини гапиради, маъшуқининг ақлига, қалб гўзаллигига, инсоний гурурига топинади. Ойбек, Улуғ йўл.

ТОПИШ 1 *Топмоқ* фл. ҳар. н. *Саволга жавоб топиш. Иш топиш. Сонларнинг умумий бўлувчисини топиш.* ■ *Қолган хизматларингизнинг биттаси энди менга эр топиш эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаёт Салтонбунинг сўзларидан тасалли топишга улгурмай, Мастон кампир унинг ўтини ловуллапти.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Ишлаб-кучлаб ёки бошқа бирор йўл билан даромад, пул олиш, келтириш, ишлаш; даромад. *Унинг топиши яхши.* ■ *Кампир дарчадан [Сидиқжонга] рўпара бўлди: —Шундоқ деган бўлсам, ажаб қилибман, хўп қилибман! — деди икки қўлини сонига уриб, — уйни уй қилган эрнинг топишию хотиннинг кўрпа иши!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Кунлик топиши яхши бўлиб қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ишингизга сира тушунолмайтирибман, Йигитали ака, топишингизнинг ҳам тайини йўқ..* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ТОПИШЛИ-ТУТИШЛИ *айн. топиш-тутишли* [Алижон] *Топишли-тутишли бола бўлмасаям, қанотимнинг остида бўлса нима қиларкан. Мен шўрликни қон йиғлатиб кетиб қолди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ТОПИШМАЧОҚ 1 *кам қўлл. айн. бекинмачоқ.*

2 *айн. топишмоқ II 1.* *Топишмачоқ ўйнамоқ.*

ТОПИШМОҚ I 1 *Топмоқ* фл. бирг. н. *Болалар янги ўйин ўйлаб топишибди. Уни ишхонасидан топишди.*

2 Учрашмоқ, йўлиқмоқ; бир-бирини топмоқ. *От кишнашиб топишар, одам — эслашиб. Мақол. ■ -Бу ёғи ўзингга мавлум, синглим, — ҳўрсиниб гапида давом этди акам, — биз дадам билан қўққисдан болалар уйида топишдик.* Газетадан. *Икки ўртоқ ишхонада тасодифан топишиб қолишди, бола-чақа, қозон-товоқ, сигир-бузоққача сўрашишди.* «Муштум».

3 Ўзаро тил топиб, келишиб бир бўлиб олмоқ, иноклашмоқ. *Ўқитувчи сўраб баъзи мактаблардан келишган бакиллар ўзларига теккан ёш ўқитувчилар билан дарров эски қадрдонлар каби топишиб олишди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ханифа Намозов билан ўз эркича топишмаган, балки эски урф-одат бўйича уни никоҳлаб, эрга топиширган бўлсалар керак.* С. Анорбоев, Мехр.

Тил топишмоқ Элакишмоқ, дўстлашмоқ. *Муроджон Набижонов бўлса, қувноқ, камтар бир йигит экан. Бир нафасда биз билан тил топишиб, дўстлашиб олди.* Ғайратий, Узоқдаги ёр. *Комилжон бу ердагилар билан тил топишиб, оға-инидай бўлиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТОПИШМОҚ II 1 Топишмачоқ ўйинида: топилиши керак бўлган нарса, ҳодиса ва ш.к. нинг рамз ва ўхшатмалар орқали ифодаланган қисқа тавсифи; жумбоқ. *Халқ топишмоқлари. ■ Болалар Нуридан сўрашди. Нури эртак эмас, бир неча топишмоқ айтишига мажбур бўлди. Лекин оғзидан чиқмасдан, болалар топаверди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўча кам қўл. Тушунилиши қийин, сирли нарса; жумбоқ, муаммо. *Гапларингиз худди топишмоққа ўхшаб кетади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳаёт ҳам гоҳо топишмоққа ўхшаб қолади. Тез орада тақдирингиз ҳал бўлишини биласиз-у, аммо нима бўлишини, қандай бўлишини тополмайсиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ТОПИШТИРМОҚ I Топишмоқ фл. орт. н. *Узоқ кўришмаган оғайниларни топиштириб қўйдик. ■ Ким мени асримнинг катта йўлига олиб чиқди, ким кишилик билан топиштирди?* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 с.т. кам. қўл. Топишмоқ. *Хатни эгасига топиштирмоқ. ■ -Нима иш қилмоқчисиз? -Сиз ҳозир сўраманг, аммо шу дақиқадан бошлаб ихтиёрингизни менга топиштиринг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТОПИШ-ТУТИШ Ишлаб-кучлаб ёки бошқа бирор йўл билан топиладиган пул, даромад ва уни жой-жойига сарф қилиш. *Топиш-тутишим ёмон эмас, чўнтагим тўла пул, ҳеч нарсадан камим йўқ.* Газетадан. [Фотима] *Топиш-тутиши катта бўлган бозор паттачисига турмушга чиқди.* Мирмуҳсин, Умид. *Шундай ишчан, топиш-тутиши яхши бу жувоннинг, кампир айтганча, ёмон кийиниб юришига ажабланардим.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ТОПИШ-ТУТИШЛИ Кўп пул топадиган ва уни жой-жойига сарфлай биладиган, топиш-тутиши яхши; топармон. *Ўзиниям нақ кўрсангиз: ақлли-ҳўшли, топиш-тутишли.* Ойдин, Ўзидан кўрсин.

ТОПМОҚ I Йўқотган, умуман, қидирилаётган (қидирувда бўлган) нарса ёки шахсни дуч келтирмоқ, кўзга илинтирмоқ, учратмоқ. *Сўрай-сўрай топдим, тезроқ қайтай, ука.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чўнтақларини алғоқ-далғоқ қилиб қидириб, топа олмай хижолат бўларди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Ўн ботирнинг ҳўжжатларини олганда, Аҳметгалъининг онасига юбормоқчи бўлган сурати билан хатни топдилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ўзимга ўхшаши ўқимишли, бопини ўзим топаман.* «Муштум».

2 Ногаҳон кўзи тушиб қўлга киритмоқ; топиб олмоқ. *Бу қамчинни келаётиб кўчадан топдим. ■ Рустамнинг биринчи хатини адабиёт китоби орасидан топиб олган кўни аллақандай туйғудан бошим айланиб кетган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Қидириш, кузатиш, изланиш натижасида кашф этмоқ, очмоқ. *Геологлар янги-янги ер бойликларини топмоқда. ■ Фойдали қазилмалар конларини топиш.. иқтисодий ривожланиш суръатини жадаллаштиришга кўмаклашади.* Газетадан. *Мели полвон хижолат чекди, лекин қўлгига парво қилмагандай, дуторга аччиқ қилиб сўзлади: -Сени ўйлаб топган Афлотунни кўп ақлли одам ўтган дейдилар-у..* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Номаялум бўлган нарсани аниқламоқ, нима эканини белгиламоқ, тайин этмоқ. *Топишмоққа тўғри жавоб топмоқ. ■ Бурунги замонларда Ибн Сино, Луқмон Ҳаким ўтган. Улар ҳар бир касалга даво топган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дили яқин одамлар бир-бирининг кўнглидагини дарров топади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ақлли тўнганк-*

ка нозик ерини, ёриладиган ерини топиб туриб болта уради — ақли билан ёради.. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Умуман, иш-меҳнат, бирор сабаб ва ш.к. билан эга бўлмоқ, эришмоқ. *Ботир топса, барча ер, Бахил топса, босиб ер.* Мақол. *Меҳнат қилиб топганинг — Қанду асал тотганинг.* Мақол. ■ *Майли, ишлайвер, бироқ топганингни очкўз чолнинг қўйнига солаверма.* Ойбек, Улуғ йўл. *Бизлар мисқоллаб обрў топамиз, ўғилларимиз ботмонлаб бу обрўни тўкадилар!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бувам фарзанд кўрмай-кўрмай, қариганларида топган ёлғиз ўғиллари дадам экан [деди Саид].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

6 Баъзи сўзлар билан бирикиб (баъзи бирикмалар таркибида), шу сўздан англашилган нарсанинг юз бериши, юзага келиши маъносини билдиради. *Ташқил топмоқ. Қарор топмоқ. Ривож топмоқ. Камол топмоқ. Барака топмоқ. Лаззат топмоқ. Озор топмоқ. Нажот топмоқ. Дардига даво топмоқ.* ■ *Табиб қўй жигарини хом кабоб қилиб, бужғун сепиб енг деган экан, бир-икки қипти, лексин шифо топмабди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Анзират холанинг бу гапидан кейин у можаронинг энг хунук оқибати барҳам топгандай енгил тортиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 Боғлама вазф. «Хисобламоқ», «деб билмоқ» маъносини билдиради. *Маъқул топмоқ. Мувофиқ топмоқ.* ■ *Унинг.. сўзларидаги қишлоқча соддалик ва тўғрилиқ (бу хусусиятни камбағал одамларда катта фазилат деб топар эди бой) унга жуда ёқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..кексалик, яна ёдимдан кўтарилиб кетмасин, деб дафтарга чизиклар тортиб, белгилар қўйишни лозим топдим.*

Топгани ёки топган гапи, топган одами, топган нарсаси Фақат айтилган иш-ҳаракат, гап-сўз, кимса.. ёки нарсанигина билиш, бошқаси билан иши йўқлик, бошқасини тан олмасликни қайд этади. *Уларда [Кумуш ва онасида] эпақали бир мия, Ҳасаналига йўл кўрсатадиган ихтиёр қолмаган, топганлари фақат йиғи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Икки дунёда ҳам ўғлингиз ёрилиб: «Хотин олиб бер», демайди. Топиб олгани китоб, айб ўзингизда.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ифодасини (ёки аксини) топмоқ** Акс этмоқ, бор бўлмоқ, ифодаланмоқ.

Шоирнинг бу вақтлардаги ҳаёти, мусофирлик, ғарибу бекаслик изтироблари унинг асарларида ўз ифодасини топди. «ЎТА». *Барқарор жуфт сўзлар орфографик, қиёсий, изоҳли.. луғатларда ўз ифодасини топиши шарт.* «ЎТА». *Хуруфийларнинг ақидасича, коинот абадул-абад, илоҳий ибтидо одамда ўз аксини топган..* Мирмуҳсин, Меъмор. **Кўнглини топмоқ қ. кўнги.** *Киши кўнглини топиш осон ҳунар эмас.* Шукрулло, Жавохирлар сандиги. **Фано топмоқ қ. фано.** *Бу кун пойтахт маънос туради: Фано топмиш Муҳаммад Султон.* М. Али, Гумбаздаги нур. **Эсини топмоқ қ. эс.** *Юсуфбек ҳожи хотинининг сўзини бу гал ҳам эламайдир, фақат: «Қўя бер, хотин, ўзи соғ бўлса, бир кун эсини топар, — деб қўядир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўзини қўйишга (ёки қўярга, қўйгани) жой тополмаслик** Нима қилишини билмай, ниҳоятда ноқулай ва безовта ҳолатга тушмоқ. *Обидов ўзини қўярга жой тополмай қолди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ТОПОГРАФ Топография мутахассиси. *Бу горда топографлар яшаган бўлса керак.* Газетадан.

ТОПОГРАФИК Топография ва топографга оид, топография ишлари учун хизмат қиладиган, топография усуллари билан тайёрланган. *Топографик шартли белгилар. Топографик сурат (тасвир). Топографик харита.* ■ *Экспедициялар қанча-қанча оғирчиликларни енгиб, янги маршрут схемалари, топографик съёмка [тасвир]лар, геологик маълумотларни қўғозга туширавердилар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТОПОГРАФИЯ [юн. *topos* — жой + *graphein* — ёзаман] Геодезиянинг бирор жойнинг, ер сатҳининг географик ва геометрик элементларини тасвирлаш ва шу асосда топографик хариталар яратиш усуллариини ўрганувчи бўлими. *Ҳарбий топография.*

ТОПНИМИК Топонимикага оид. *Топонимик тадқиқот. Топонимик харита. Топонимик тасниф.*

ТОПНИМИКА [юн. *topos* — жой + *nomos* — ном] 1 Бирор жойнинг, ҳудуднинг географик номлари (аҳоли пунктлари, дарё, кўл ва б. номлари) мажмуи. *Тошкент топонимикаси. Топонимика луғати.*

2 тлш. Лексикологиянинг географик номларни ўрганадиган бўлими.

ТОПНИМИЯ айн. **ТОПНИМИКА** 2.

ТОПОНИМЛАР Жой номлари. Ўзбекистон топонимларининг лексик-семантик таснифида терминологик бир хиллик йўқ. «ЎТА».

ТОПТАМОҚ 1 Оёқ билан босмоқ, эзмоқ. ..ёнаётган хасни ботинкаси билан топтаб учирди. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Пайхон қилмоқ. Подда экинларни топтаб ўтибди. ■ Косиблар таланган, деҳқонларнинг экинларини қўчманчи қўшиннинг беҳисоб моллари топтаб ташлаган. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Душманларнинг қадами билан Топталмасин боғ, чаман, гулзор. Гайратий.

3 қўчма Оёғости қилмоқ, поймол қилмоқ, таҳқирламоқ. Босқинчилар қарам мамлакатлар халқларининг миллий ҳуқуқларини топтаб келдилар. ■ Бизни, сени қўриқлайман, деб урушга кетган эрининг соф муҳаббатини топташга қандай кўнглинг бўлди? С. Зуннунова, Олов. Меҳнаткаш халқ, жафокдаш халқ.. оғир кулфатлар чекар, унинг инсоний эрки топталар эди. Газетадан.

ТОПШИРИҚ Кимсанинг зиммасига юклатилган иш, вазифа. Ҳукумат топшириғи. Топшириқ бермоқ. Топшириқ олмоқ. ■ Энди депутат бўлиб, сизларнинг топшириқларингизни ҳам жонимни аямай бажараман. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. Терговчи ҳам хит бўлди. Ахир, у бу ерга ўйнагани келмаган-ку. Махсус топшириқ билан, оқни оққа, қорани қорага ажратиш учун келган. С. Анорбоев, Оқсой. Бу менинг эмас, деканнинг топшириғи. Шикоятингиз бўлса, ўзига айтинг. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ТОПШИРМА шв. айн. топшириқ. -Дастурхонни ёпингиз, — деди у ўзининг жанубий шеvasида, — сизга муҳим топширма бор. «Муштум».

ТОПШИРМОҚ 1 Кимсанинг ўз қўлига ёки ихтиёрига бермоқ. Хатни эгасига топширмоқ. Китобларни кутубхонага топширмоқ. ■ Чол қаволалиб ўрнидан турди: -Юра қол, қизим, ман сани кампирга топшириб чиқай. Ойбек, Танланган асарлар. Сарбозлар шайхга кишан калитини топшириб, от чоптириб кетдилар. С. Сиёев, Аваз. Қизилқумдан кийик боласи келтириб, ҳайвонот боғига топширибди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Ўз қўлидаги, ихтиёридаги нарсани кимсага келтириб бермоқ, ўтказмоқ. Дав-

латга пахта (пилла, галла) топширмоқ. ■ -Сиз учун, Эргаш ака, — деди, — бир бешотар топиб бераман. Бу менинг ўзимники, ўз яроғларимни топширганда, комиссия раисидан «ўзимни қўриқлаш учун», деб тилаб олиб эдим. С. Айний, Куллар.

3 Зиммасидаги иш, лавозим ва ш.к. ни бермоқ, ундан кечмоқ, холи бўлмоқ. Раисликни топширмоқ. Мудирликни топширмоқ. ■ -Ҳозир сменани топшираман, — деди кондуктор, — бизникига борамиз. «Гулдаста».

4 Бирор гап-сўз, хабар ва ш.к. ни ўз эгасига етказмоқ, маълум қилмоқ. Дўстларнинг саломини топширмоқ. ■ У овқатланиб бўлгач, Роҳат хола «наказларни» оқизмай-томизмай топширди. «Гулдаста». У [хотин] супага яқинлашгач, Йўлчи ўрнидан туриб салом берди ва онасининг саломини топширди. Ойбек, Танланган асарлар.

5 Иш-вазифа юкламоқ, буюрмоқ. Утар бобо ўғилларига иш топшириб бўлиб, Авазга ўғирилди: -Сен Аҳмаджон оғангни чорлаб келасан. С. Сиёев, Ёруғлик. Меъмор ювиниб, намозни ўқиб олгач, ҳовлига чиқди. Нонуштага ҳозирлик қилишни шогирдларига топширди. Мирмуҳсин, Меъмор. Энди забастовкалару митинг-митингларни тарқатиш билан овора бўлиб юрманг, бу ишни бошқаларга топшираман. К. Яшин, Ҳамза.

ИМТИҲОН Топширмоқ Бирор фан, унинг соҳаси юзасидан сўроқ-саволларга жавоб бериб синовдан ўтмоқ. Насиба кузда ҳамма фандан аълога топширмаса, йўл қўймайман. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Чарос билан охириги марта кўришганидан буён ўтган бир ярим ой ичида эсдан оғиб қолмаганига, қишки имтиҳонларини қандоқ топширганига ўзиям ҳайрон бўлди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. **Омонатини топширмоқ** Жон таслим қилмоқ, оламдан ўтмоқ; ўлмоқ. **Тупроққа топширмоқ** Дафн этмоқ. **Тупроққа топширдик** биз жўра-мизни. Х. Даврон, Болаликнинг овози. ...ака-ука Умар полвон билан Рустамжонлар ҳам қийноқда жон берган оталарини она тупроққа топшириб, кўплар қатори мардикорга сафар жабдуғини ношлож ҳозирлашди. К. Яшин, Ҳамза.

ТОПҚИНЧИ шв. Топқир. Биз қўлимиз билан ушламасак ҳам, кўзимиз билан кўрма-сак ҳам топадиган топқинчи — билгирмиз. «Эртақлар».

ТОПҚИР I 1 Навбатдаги гуруҳ, туркум. ..Меҳринисо шошиб қолган, келаётганлар босим ўтиришмас.. уларни кузатиб қайтиши биланоқ, кетма-кет яна бир топқир кириб келарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Марта, карра. Овчи бирин-кетин икки топқир ўқ узди. ■ Ҳирот ҳўрозлари кечанинг сукутини иккинчи топқир бузганда, Дарвешали кўзларини уқалаб, ўз хонасига чиқди. Ойбек, Навоий. У Коля билан нимадир шивирлашиб, уч-тўрт топқир эшикка чиқиб келди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТОПҚИР II Тез, дарров топадиган, фаҳми ўткир; топагон. Топқир одам. ■ Бири жуда севимли. Қўнғироқли қўзичоқ; Иккинчиси «Бек» номли Зиқрак, топқир, овунчоқ. З. Диёр. Изқувар ўз атрофидагиларга қараганда ақллироқ, идроклироқ, топқирроқ бўлиши шарт. У. Норматов, Талант тарбияси.

ТОПҚИРЛИК Тез топиш кўникмасига эғалик. Ҳа, тушунарли, чайқовчи экан, деб қарор қилдим. Шунда ўзимнинг топқирлигимга ўзим қойил қолиб қўйдим. Ф. Мусажонов, Пушаймон. Раҳматулла шундай деб, ўзининг топқирлигига ўзи ҳам ҳайрон илжайди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ТОР I 1 Эни, кенглиги унча катта бўлмаган; энсиз, камбар. Тор лента. Тор кўча. Тор йўлак. ■ У баланд бўйли, пешонаси тор, ўткир юзли, бети ҳам соқолидай қоп-қора киши. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳажми, сифими унча катта бўлмаган; сиқик. Тор уй. Тор кийим. ■ Қоратой турди, тор ва дим ҳовлида бўлган каби, эски, йиртиқ кўйлаги билан елпинди. Ойбек, Танланган асарлар. Ушбу кенг дунё кўзимга бўлди тор! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аваз ярим соатча дам тортиб ўтирди-ю, бу тор, нимқоронғи устахонадан зерикиб чиқиб кетди. С. Сиёев, Ёруғлик. Домла, бошида чамандагул дўппи, эғнида калта ва тор катак кўйлак. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

3 кўча Чегараси, кўлами унча катта бўлмаган, чекли. Тор соҳа. Тор доирада қўлланадиган сўзлар.

4 кўча Жуда қаттиқ, бахил одам ҳақида. Тора тор дунё, кенга кенг дунё. Мақол.

Дўппи тор келмоқ Ноқулай, ночор, танг аҳволда қолмоқ, аҳволи мушкуллашмоқ. Баъзи қаллоб одамлар учун нима кўп — вазкорсон кўп. Дўппи тор келганда, оғизларида келгани қайтаришмайди. Газетадан. Дўппи

тор келдими, дарров Жўрабоевнинг паноҳига тиқилишади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ёлғон чиқиб гапи, дўппи тор келса, Ҳеч ким йўғин пойлаб сўрайди узр! С. Абдуқаҳҳор. **Кўзи тор** Ўта хасис, зиқна. ..кўзи тор савдогарларни.. сатира остига олади. «Муштум». Ўзлариям ўлғунча кўзи тор, зиқна одам, пул бўлса-бўлгани.. Ғ. Гулом, Шум бола. **Феъли** (ёки юраги) **тор 1)** айн. **кўзи тор.** Уларда пул бўлади, биламан. Лекин аёлларининг феъли тор. Кафанликка дока беришса ҳам катта гап. Ойбек, Танланган асарлар; **2)** кишиларга яхшилик, хушмуомала билан муносабатда бўлмайдиган, зиқ муносабатли. Мудининг нокасрок, феъли торроқ одамга ўхшайди. Эҳтиёт бўл унақалардан, жиян. С. Нуров, Нарвон. Аваз ўз феълини билади: у инжиқ, юраги тор, кўрс. С. Сиёев, Ёруғлик. Қўявер, ука, эр-хотинчиликда ўтади. Баъзи хотинлар юраги торроқ, ғайирроқ булади. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТОР II [ф. تار — ип, арқон, тола; дутор ипи; соч толаси] **1** Чолғу асбобларининг тебраниб товуш чиқарадиган ипи. Илак тор. Сим тор. ■ Чолғунинг тори таранг, Мени кўрган ёв гаранг. Қандай бахтли мен, қаранг. Ҳ. Пўлат. Мели полвон дуторини қўлига олди. Бироқ қулоқлари ҳаддан ортиқ буралган дутор бардош бермади — узилиб кетган тордан инграгандай нидо эшитилди. П. Турсун, Ўқитувчи. Уйга қайтгач, от қилидан тор тортиб, ўйинчоқ дуторча ясадим. «Гулдаста».

2 қ. дор 1. Уйнинг бир деворида шарқча қилиб тор тортилган, тор устида Қутбиянинг кийимлари қаторида Ҳасаннинг ҳам беқасам тўни.. ёйилган эди. С. Айний, Куллар.

3 кўча Торга нисбатланувчи нарсани билдиради. Юрак торлари. Қалб тори. ■ Кунлар яқин, чертажакмиз севги торини.. Гайратий. Рауфнинг тавналардан бўшашган торлари тортилиб, зарур ритмга мослашди. «Ўзбекистон қўриқлари». Ғуломжоннинг асаб торлари тортилди, аламига алам қўшилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Тори (ёки асаби) **таранг** Жуда диққат, асаби бузуқ. Йўқчилик ўлсин, икковининг ҳам тори таранг, сал нарасага қизаришиб қолади. «Муштум».

ТОР III [ф. تار — мусиқа асбоби тури; гитара] **1** Рубобга ўхшаш сим торли халқ

музыка асбоби. *Озарбайжон тори. Кавказ тори. Торни созламоқ.* ■ *Торини аста-секин черта бошлади. Кейин завқ билан, ҳарорат билан чалишга тушди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Умуман, торли чолғу асбоби. *Ўртоқларим, қўлга олсам торимни, Беихтиёр ёдлайдирман ёримни!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТОРАЙМОҚ 1 Эни, ҳажми кичрайиб, сиқилиб кичик тортмоқ, кенглиги қисқармоқ, тор бўлмоқ. *Қўйлақ ювилиб торайибди. Йўл торайиб қолибди.* ■ *Орол майдони асосан саёз жанубий ва шарқий қисмлар ҳисоби-га торайиб бормоқда.* «Фан ва турмуш». Тамаки чекиш орқасида томирлар торайиши билан бирга, томирларнинг девори ҳам ўзгаради. «Фан ва турмуш».

2 кўча Иш кўриш, вазифа доираси қисқармоқ, чекланмоқ. *Иш доираси торайди. Ҳуқуқи торайди.*

ТОРЕАДОР, тореро [исп. toreador < torear — буқалар жанги < toro — буқа] Испания, Португалияда ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларида: буқалар билан бўладиган жангнинг асосий, буқаларга ҳалокатли зарбалар берувчи иштирокчиси.

ТОРИЙ [лот. Thorium — қад. скандинавия мифологиясидаги момақалдиорқ ва чақмоқ маъбуди, зироат, ҳосилдорлик ҳомийси Тор (Dorr) номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; радиоактив оқиш кулранг юмшоқ металл.

ТОРЛИ Тори бўлган, тор туфайли овоз берадиган. *Торли музыка асбоби. Тўрт торли танбур. Сим торли дутор.* ■ *Чанг — ўзбек халқ чолғу асбоблари орасида энг кўп торлиси ҳисобланади.* Газетадан.

ТОРЛИК 1 Тор ҳолатга эгалик. *Йўлнинг торлиги. Уйнинг торлиги. Менга эшик торлик қилди.* ■ *Энди Фиёсиддинга Андижон торлик қилди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Кампирнинг торгина ҳовлисига у гўё учиб кирди. Ҳовлининг торлиги ҳам билинмади унга.* «Гулдаста».

2 кўча Ўтакетган қаттиқлик, хасислик. [Куёв] *Ўта зиқналикдан, торликдан, дамлаб ичадиган чойларини ҳам ўлчаб берадиган бўлди, тийинларини туфлаб тугди.* Ш. Фуломов, Саҳрода.

ТОРМОЗ [юн. tormos — филдирак айла-нишини тўхтатувчи мих тикиладиган тешик]

1 Машина, механизм ва ш.к. нинг ҳаракатини секинлатиш ёки тўхтатиш учун хизмат қиладиган қурилма. *Механик тормоз. Пневматик тормоз. Велосипед тормози. Тормоз педали.*

Тормоз бермоқ (ёки қилмоқ, босмоқ) айн. **тормозламоқ.** *Машина туғуруқхона эшиги-да секин тормоз бериб тўхтади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Мукаррам тормозни босди, тракторидан тушиб, машина томонга юрди.* С. Кароматов, Ҳаёт қандай яхши. *Станциядан ўн беш километр наридаги разъездга етгандан, паровоз тормоз берди.* О. Ҳусанов, Кўшиқчининг тақдири.

2 кўча с. т. Бирор иш-ҳаракатга халал берувчи, уни секинлатувчи нарса, ғов, тўғоноқ, тўсиқ. *Наслчилик ишларини издан чиқариб, ўзи [Жуманиёзов] катта бир тормозга айланиб қолди.* «Муштум».

ТОРМОЗЛАМОҚ Тормозларни ишга солиб, машина, механизм ва ш.к. нинг ҳаракатини секинлатмоқ ёки тўхтатмоқ; тормоз қилмоқ, тормоз бермоқ. *Машинани тормозламоқ.*

ТОРМОЗЛАНИШ 1 Тормозланмоқ фл. ҳар. н. *Автоматик тормозланиш.*

2 физиол. Нерв тизимининг қўзғалишига йўл қўймайдиган жараён. *Шартли тормозланиш.* ■ *Уйқу тормозланишининг ўзига хос шаклидир.* А. Зоҳидов, Ўзоқ умр сирлари. *Бош мия яримшарларидаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари хотирага ҳам ўз таъсирини ўтказиши.* «Фан ва турмуш».

ТОРМОЗЛАШ 1 Тормозламоқ фл. ҳар. н. *Машинани тормозлаш.*

2 физиол. Нерв марказлари ёки аъзолари фаолиятини маълум тарзда сусайтириш ёки тўхтатиш. [Мия] *Янги шароитда шартсиз рефлекс билан мустаҳкамланмайдиган дастлабки шартли рефлексларни тормозлаш билан жавоб беради.* «Анатомия».

ТОРМОЗЛИК: **тормозлик қилмоқ** с. т. Тўсқинлик қилмоқ, ғов, тўғоноқ солмоқ. *Ишга тормозлик қилмоқ.*

ТОР-МОР [ф. тармор — тарқоқ, тартибсиз ҳолга келган; пароканда; йўқ қилиш]: **тор-мор бўлмоқ** Қақшатқич зарбага учраб йўқ бўлмоқ, маҳв ўлмоқ, ер билан яксон бўлмоқ. **Тор-мор қилмоқ (ёки этмоқ, келтирмоқ)** Қақшатқич зарба бериб йўқ қилмоқ, маҳв этмоқ, ер билан яксон қилмоқ. *Дарҳақиқат, халқларимиз манфаатлари йўли-*

даги муштараклик фашистларни тор-мор қилган эди. Н. Сафаров, Оловли излар. Як-шанба куну шаҳарнинг кириш дарвозасидан уч фарсах нарида икки томон сарбозлари туқнашиб.. бухороликлар тор-мор этилди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОРНАДО [исп. tornado] Шимолий Америкада бўладиган қуюн, гирдобларнинг номи.

ТОРОЖ [ф. тарاج — ўғирлаш, талаш; ўлжа]: **торож қилмоқ** (ёки **этмоқ**) кт. Таламоқ, талаб кетмоқ. **Қўшин тортиб, неча ерларни торожу талон этди.** Фурқат.

ТОРПЕДА [лот. torpedo — электр балиқ] Кемаларнинг сув ости қисмига шикаст етказиш учун қўлланадиган, бош қисми портловчи модда билан тўлдирилган сига-расимон ўзиюрар мина. **Торпеда қўймоқ.** ■ **Биз нарсаларимизни йиғиштириб.. таваккал қилганча каютадан чиқдик. Шу пайт торпеда портлади.** «Ёшлик».

ТОРС: **торс ёрилмоқ** «Торс» этган товуш чиқариб, шиддат билан ёрилмоқ, иккига ажралмоқ. **Пичоқ қўйиши билан қовун торс ёрилди.** ■ [Зилзиладан] **Айвон ҳам қийшайиб қолган. Унинг деворлари ҳам торс ёрилган, полда девордан тушган сувоқ парчалари ётибди.** И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. **Гумбура-гумбур бошланиб, ердан момақалди роқ кўтарилди, бундан гўё осмон торс ёрилиб, ер ловуллаб ёнди.** И. Раҳим, Мангулик қўшиғи. **Боши(м) торс ёрилиб (ёки ажраб) кетай деяпти** Боши(м) жуда қаттиқ оғрияпти. У [Акбарали] ҳозир боши торс ёрилиб кетадигандек, отилиб йўлакка чиқди. А. Мухтор, Чинор. **Торс ёрилиб кетгудек бўлди ёки юраги торс ёрилиб кетай деяпти** Жуда хит, хуноб бўлди, юраги сиқилиб кетди. **Ерга киргудек бўлиб ўтирган Валивойдан ортиқ садо чиқмагач, Журанинг юраги торс ёрлай деди-да: -Мен кетдим! — деб ўрнидан қўзғалди.** Ҳ. Назир, Онаизор.

ТОРСИЛЛАМОҚ 1 Торс (торс-торс) этган товуш чиқармоқ. **Тошиб бориб торсиллаб Кетаётир отлари.** «Шарқ юлдузи».

2 кўчма Жуда таранглашмоқ, миқти бўлиб семирмоқ. **Лекин-чи, яна бироз семириш гамида бўлинг.** Эви билан, яна семираман деб торсиллаб кетманг. «Муштум».

ТОРС-ТОРС: **торс-торс ёрилмоқ** Ҳар ер-ҳар еридан катта-катта ёрилмоқ. **Пахса қуриб, торс-торс ёрилди.** Қўлларим совуқдан

торс-торс ёрилиб кетди. ■ **Қуёшнинг оловли тафтида торс-торс ёрилиб, осмондан томчи тушишида ўз нажотини кутиб турган бу асрий қўлларда ҳеч юрганмисиз?** С. Ну-ров, Дурдона.

ТОРТ [итал. torta < лот. tortus — эшилган, эшма; хамирдан тайёрланган юмалоқ маҳсулот] Хамирга ёғ, шакар, тухум каби масаллиқлардан қўшиб тайёрланадиган бежамали қандолат маҳсулоти. **Шоколадли торт.** ■ **Дастурхонда хонаки печеньелар, атиргул нусха торт ва турли хил мевалар бор эди.** С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТОРТИБ 1 Тортмоқ фл. рвдш. **Арқонни таранг тортиб боғламоқ.** Юкни тарозида тортиб бермоқ. **Енгидан тортиб қўймоқ.** ■ **Уни чуқурдан Юсуфжон қизиқ тортиб олибди. Минбоши кайфи сал тарқагач: -Э, Юсуфжон, сенмисан? — дебди.** Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 кўм. (ч.к. билан) Бошлаб, эътиборан. **Шу буғундан тортиб.** ■ **Оёғимдан тортиб башарамгача қонга бўялдим.** Ғ. Ғулом, Шум бола. **Халқ дадил боради. Айниқса, хотинлароналар жасур. Улар Николайдан тортиб эликбошиларга қадар ҳаммани қарғашади.** Ойбек, Танланган асарлар.

ТОРТИЛМОҚ 1 Тортмоқ фл. мажх н. **Кир ёйиш учун арқон тортилди. Қудуқдан сув тортилди. Деразаларга парда тортилди. Ишга ёшу қари тортилди. Меҳмонларга ош тортилди.** ■ **Ғуломжоннинг асаб торлари тортилди, аламига алам қўшилди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Камайиб, камчил бўлиб қолмоқ. **Сигирнинг сути тортилиб қолди.** ■ **Суви анча тортилиб қолган қўлнинг шимолий этаги қишлоқ уйларининг ҳовлиларига бориб тақалар эди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қиз чиқарадиган оналар туғун-туғун иш қўтариб келишарди, бу йил бироз тортилиб қолди.** Ойбек, Улуғ йўл.

ТОРТИНМОҚ Уялиб, бегонасираб ёки бирор бошқа андиша билан ўзини тортиб, тийиб, олоб сақлаб турмоқ, ийманмоқ. **Тушунмаганларингизни ҳеч тортинмай сўранг.** П. Турсун, Ўқитувчи. **Содда қишлоқ йиғити такаллуфни билмаса ҳам, одоб-таъзим хусусида онаси анча-мунча гапларни уқтириб юборгани учун, давлатманд қариндошининг ҳузурида овқатдан тортинишни маъқул кўрди.** Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳақ ва**

адолат пешволари ҳақни риё, риёни ҳақ дейишдан тортинмас эканлар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТОРТИНЧОҚ Бошқалардан уялиб, ийманиб, ўзини тортиб турадиган, шундай ҳис-туйғуси кучли; уятчан. *Тортинчоқ одам.* ■ Ёнма-ён пахта тераётиб, у ёқ-бу ёқдан гапиршиганларида, қиз унинг ҳақиқатан ҳам тортинчоқ, камсуқум йигит эканини сизди. П. Қодиров, Уч илдиш.

ТОРТИНЧОҚЛИК Тортиниш, уят-андиша ҳис-туйғусига эғалик. *Тортинчоқлик билан гапирмоқ.* ■ Садбарга қолса, бу ердаги йигитлар орасида энг ақлиси шу Луқмонча. Фақат тортинчоқлиги бор, дадил эмас. А. Мухтор, Туғилиш.

ТОРТИШ **Тортмоқ** фл. ҳар. н. *Ариқ тортиш. Режа тортиш. Жазога тортиш.* ■ [Зайнаб:] Маҳаллий меҳнаткашлар орасида ғайратли ёшлар кўп, ўртоқ командир. Улардан ҳарбий хизматга кўпроқ тортиш керак. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. Саидғози ўтирганларнинг диққатини тортиш учун томоқ қириб йўталди. С. Анорбоев, Оқсой.

Тортиш кучи 1) айн. **тортишув кучи** қ. **тортишув** З; 2) локомотив, электровоз, машина ва ш.к. нинг ҳаракат томон йўналган кучи. *Паровознинг тортиш кучи.*

ТОРТИШИШ 1 **Тортишмоқ** фл. ҳар. н.

2 Тортишув, баҳс. *Уларнинг орасида бўладиган тортишишни эшитиб, маза қилиб кулишга ишқивозлар кўп эди.* П. Турсун. Ўқитувчи.

ТОРТИШМАЧОҚ этн. Никоҳ тўйида келин куёвниқига келгандан кейин хотинлар келин ва куёв тарафга бўлиниб, бел боғлаб, бир-бирини тортишиш ўйини. *Ялни шовқин билан «тортишмачоқ» бошланди: қиз томондан гупчакдек юм-юмалоқ хотин белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТОРТИШМОҚ 1 **Тортмоқ** фл. бирг. н. Арқонни тортишмоқ. *Ариқ тортишмоқ. Дорбозлар дорни тортишиб бўлишди.* ■ [Қизлар] «Энди нари ёт, бери ёт» билан бир-бирларини итариб, суриб, кўрпани тўрт томонга тортишиб, жанжаллаша бошладилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. -Жазосини тортишибди, — деб қўйди Жумагул қувонганидан. Ж. Шарипов, Хоразм. Йиғи кўнгли доғини ювар эмиш.. булар ҳам анча равшан тор-

тишиб, секин-секин гапга кириб кетишди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мушакларнинг беихтиёр қисқариши натижасида ҳаракатсиз қотмоқ, бужмаймоқ, акашак бўлмоқ. *Шокир ота оғир хўрсинди, сўнгра бирдан «вой» деб, томири тортишган оёғини уқалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Ўзиникини маъқуллаш учун ҳаракат қилмоқ, талашмоқ, баҳслашмоқ. *Мурасага келган бўлди Расулжон: -Ҳозир тортишадиган бўлсак, даҳанаки ихтилоф бошланади ўртада.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Қишлоқда дув-дув гап: правлениеда раис билан Ҳамдам ака тортишиб қолибди: раис янги ер очамиз деса, у қарши чиқибди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

ТОРТИШУВ 1 **Тортишмоқ** фл. ҳар. н.

2 Баҳс, мунозара. *Қизгн тортишув.* ■ Кампирларнинг тортишувидан завқланган Олияхон, кула-кула, уларнинг қўлларидан ушлаб, аввалги қуртхонага бошлаб кирди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Бир масала кўндан бери тортишувга сабаб бўляпти.* И. Раҳим, Ихлос.

3 физ. Зарралар, жисмлар ўртасидаги бир-бирига яқинлашувга бўлган интилиш ҳодисаси; жозиба. *Жисмларнинг тортишуви.*

Тортишув кучи айн. **тортишув** З.

ТОРТИҚ 1 Кимсага тухфа қилинган нарса; совға, армуғон. *Байрамга муносиб меҳнат тортиқлари.* ■ Деҳқонбой, сизнинг тортиғинизни дастурхонга қўйай десам, жой ҳам йўқ. Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. *Мен икки қўлимда икки хил гулни тутиб, унга [Ҳабибага] тортиқ қилдим.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Тортилган, тортиб, тутиб қўйилган, тортиқлик. *Парда тортиқ ойналар.*

ТОРТМА 1 от Стол, шкаф кабиларнинг сурилма яшиги. [Жувон] Пулларнинг орасидан битта беш сўмликни олиб, қолганларини яна ўраб, тортмага солиб қўйди-да, менга қаради. С. Аҳмад, Таъзим. *Нонуштага асраб қўйган бир бурдагина қотган нонни тумбочка тортмасидан олиб еди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 айн. **қоринбоғ.**

3 сфт. Тортиб чиқариладиган, сурилма. *Тортма полка.*

ТОРТМОҚ 1 Бирор еридан ушлаб, тутиб, ўзига томон сурмоқ ёки суришга ҳара-

кат қилмоқ. Эшикни тортиб очмоқ. Қўлидан тортиб турғизиб қўймоқ. ■ Сидиқжон тутнинг остида отнинг бошини тортиб: -Тут емаймизми? — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Анзират кампир қути ўчиб, ўрнидан турди, Башоратнинг ёнига келиб, унинг бошини кўкрагига тортди. А. Мухтор, Опасингиллар. [Гавҳар] Талъат билан юзма-юз турган Мансурнинг қўлидан ушлаб тортди.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

Бурнидан тортса йиқилгудай қ. бурун. Дорга тортмоқ Дорга осмоқ. Олиб келиб, дорга тортиб ўлдириб.. «Юсуф ва Аҳмад». **Йўл тортмоқ** Йўл юрмоқ, йўлда давом этмоқ. От ўйнатиб йўл тортди. Якка душманнинг йўлига. «Гулшанбоғ». **Оёғи тортмаслик** Бирор ерга боришга дили рўйхуш бермаслик. Урганмаган ера боришга оёғим тортмади. Бироқ аям хафа бўлмасин, деб айтолмадим. С. Сиёев, Ёруғлик. **Оёғидан тортмоқ** Бирор нохуш иш-ҳолатга жалб этмоқ, дучор қилмоқ. Нечун бир-бирининг кўзига чўп солур, бир-бирининг оёғидан тортур, вақти келса, бир-бирининг бўғзига панжа урмоқдан тоймас. С. Сиёев, Аваз. **Оёғини тортмоқ** Бормайдиган, келмайдиган (умуман, қатнамайдиган) бўлмоқ, қадамини узмоқ. У қамалган кундан бери оёғини тортган, ҳатто кўчиб кетганлар ҳам келди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Орқасига тиркалган, қўшилган ва ш.к. ҳолатдаги нарсани куч билан олға юргизмоқ, юргизиб олиб бормоқ. ..тепловоз сўнги марта қичқириб, составни тортиб кетди. Ҳ. Ғулом, Феруза. Ҳўкиз калласини эгиб, омочни тортишга уринар, қўшичи эса ҳадеб қистарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кичкинагина машинасини тортиб юрган бола Муҳиддинни ўзига жалб қилди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Аравангги торғ қ. арава. Қўшин (ёки лашкар, аскар) тортмоқ. Қўшин (лашкар, аскар) билан юриш қилмоқ, босиб бормоқ. Лашкар тортиб юриш қилса, Ўнин кўзлаб, бирин санчар. «Гулнорпарӣ». Гўрўғли душманга аскар тортади, Орият йўлида жонин сотади. «Гулшанбоғ».

3 Ичига куч билан йўналтирмоқ, юритмоқ. Комига тортмоқ. Қаърига тортмоқ. ■ Нишонов папиросини тутатиб, яхшилаб тортиб олди-да, стол устига энгашиди. С. Зуннунова, Янги директор. Муқаддам фла-

кондаги дорини шприцга тортиб олди-да, игнасини юқорига қўтарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

4 Бирор нуқта (жой)дан бошқаси оралиғига ўтказмоқ, юритмоқ. Зулфиқор, бобонинг қўлидан тешани олиб, [қозиқни] яна ҳам мустаҳкамлади-да, Меъморга қараб: -Энди устига мих қоқиб, каноп тортаверсак бўладими? — деб сўради. Мирмуҳсин, Меъмор. Бир неча кун илгари алоқачилар сим тортиб юриб, Давронни учратишган эди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

5 Атрофидан таранг қилиб ўтказмоқ, боғламоқ. Ҳотам эса отининг айил-пуштанини қайтадан тортди.. М. Ҳазраткулов, Журъат. Қаршисида кўкрагидан қайиш тортган, қизил шапка кийган милиционер турибди. «Гулдаста».

6 Бирор нарсани, унинг сиртини, очиқ жойни тўсмоқ, беркитмоқ. Бетига ниқоб тортмоқ. ■ Бир томонда дорбозлар дортикади, қўғирчоқбозлар чодирхаёл пардасини тартадилар. С. Сиёев, Аваз. Ҳалиги хотин қисилганданми, уялганданми, бошидаги оқ дока рўмолини юзига тортиб, «қўя бер» дегандай қилиб, бошини силжитди. Ойдин, Фонарь тагида.

7 Ўзига қаратмоқ, мойил қилмоқ, жалб этмоқ. Дикқатни ўзига тортмоқ. ■ Қуёш, тоза ҳаво, кенг, тиниқ зангори осмон кўзларни беихтиёр тартади. Ойбек, Танланган асарлар. Тўлқинжон.. шу кунгача Ҳурини сира қизиқтирмаган эди. Гарчи Тўлқинжон чиройли бўлса ҳам, қизни ўзига тортмасди. Ф. Мусахонов, Ҳури. Олиб кирилган чой ҳам совиб қолар, аллақандай ўлчовлар — учбурчаклар хаёлини тортиб кетарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

8 Бирор ишга аралаштирмоқ, қотиштирмоқ, жалб этмоқ. Ишга тортмоқ. Ўқишга тортмоқ. ■ Шаҳидбек мулла Абдурахмонни сўзга тортди: -Нима лавозиматдалар, тақсирим? А. Қодирий, Мехробдан чаён. «Бундай қиламан, — лабини қимирлатиб, ўз ўзига шивирлади Йўлчи, — аввал шундай одамларни тартаманки, ўзимга қандай ишонсам, уларнинг дилига шундай ишонган бўлай». Ойбек, Танланган асарлар. ..улар орасидан бизни қўллаб-қувватлайман, деганларини хизматга тортинг. К. Яшин, Ҳамза.

9 Ўзини, кимса ёки нарсани бирор жойга, ҳолатга олмоқ. Бундан ўзини тортмоқ.

Дўстини четга тортмоқ. ■ Матпанонинг биқинида турган қаландар унга бошдан-оёқ разм солди, ўзини сал четга тортди. С. Сиёев, Аваз. Кичик офицер ҳам, солдатлар ҳам улардан ўзларини тортишди. Мирмуҳсин, Чодрали аёл. Бир куни кечкурун, ётар маҳалда аямни четга тортиб шивирладим. С. Сиёев, Ёруғлик.

Бош тортмоқ қ. бош. Армани уста қора мрамр лавҳадаги сўзларни ўчириб, қайта ёзишдан кескин бош тортди. Н. Аминов, Суварак. **Тап тортмаслик** Қўрқмаслик ва чекинмаслик. Ҳар қандай мушкулдан тап тортмай, тикка қарши борадиган ўтюрак кўринадди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. Юсуф қизиққа ниҳоят даражада қаттиқ ботганидан, сира тап тортмай, бойни савалай кетди. К. Яшин, Ҳамза.

10 Айрим сўзлар билан қўлланганда, «урмоқ» маъносини билдиради. *Тиғ тортмоқ. Тарсаки тортмоқ.* ■ [Дадам] Олдимга келдилар-у, шапалоқ билан тортиб юбордилар. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. *Отлиқ бор кучи билан деҳқоннинг юз-кўзи аралаш қамчи тортиб юборди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

11 Улашмоқ, тарқатмоқ, қўймоқ (мехмонларга овқат). *Мехмонларга ош тортмоқ. Патнис тортмоқ.* ■ Норинни тортиб бўлгандан кейин Аноргул ҳамма товоқ-қошиқларни тоза қилиб ювиб олди. Ойдин, Ҳазил эмиш. Таомнинг устидан қизлар тортади Бекларга опкелиб қовурма гўштни. «Ал-помини».

12 Тарозида оғирлигини ўлчамоқ. *Қовунни тортиб кўрмоқ.* ■ Тортиб берганда, ўзинглар қараб турганмидинглар? Нима энди кам деб, бетингларни юласизлар? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бир ойдан кейин қўйни тортиб кўраман, қўй семирмаслиги керак (дебди хон). «Чалпак ёққан кун».

13 Чизмоқ, чизик шаклида из солмоқ; қазимоқ. *Чизик тортмоқ. Режа тортмоқ. Жўяк тортмоқ.* ■ Меъмор ўз чодирни ёнида елкасига пешматини солиб.. китоб ўқир, тош бостириб қўйган яхлит қоғозни олиб, чизиклар тортар, хаёл сураб эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Тоға ваъдасида туриб, каналдан ариқ тортиб келишга одам юбормаса, ишимиз чатоқ бўлади. С. Аҳмад, Уфқ.

14 Тегирмонда донни унга айлантирмоқ. *Ун тортмоқ.* ■ Тегирмончи: -Эртага келинг,

афанди, бугдойингизни тортиб қўяман, -дебди. М. Ҳазратқулов, Журъат.

15 Камайтирмоқ, озайтирмақ; чеклаб қўймоқ. *Пулдан бироз тортиб қўймоқ.* ■ -Мол дегани иймаса, танаси яйрамайди, Танаси яйрамаса, сутини тортади, - деди Адол хола. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

16 Ўзига сингдирмоқ, шиммоқ. *Чуқур сувни тортиб кетибди. Гуруч сувини тортибди.*

17 физ. Зарралар, жисмлар ўртасидаги жозиба кучи туфайли ўз томонига сурмоқ. *Магнит темирни тортади.*

18 Биологик, жисмоний тузилиш ёки маънавий жиҳатдан туққанларига, туғишганларига ўхшамоқ. *Қазисан, қартасан - ахир аслингга тортасан.* Мақол. ■ *Сен кимга тортдинг-а? Ота-онамиз қўйдан ҳам ювош одамлар эди-ку!* Ё. Хаимов, М. Раҳмонов, Ҳаёт-мамот. -Бунингиз шахзодаларга муносиб, - деди Ойша хола секингина Санам отинга ўгирилиб. -Онасига тортди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Отанга тортиб, хотин кишини хўрласанг агар, сенга берган оқ сутим ҳаром бўлади, ўғлим, билиб қўй шуни!* С. Анорбоев, Мехр.

19 Бошдан кечирмоқ, чекмоқ; ҳис қилмоқ, сезмоқ. *Азоб тортмоқ. Ташвиш тортмоқ. Дард тортмоқ. Хиёлат тортмоқ.* ■ [Валихўжа тутатиб:] *Участкани сен қил-у, жабрини мен тортайми?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Рўзгордан шундай танглик тортдикки, гапирсам, балки ишонмайсиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

20 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган ҳолат-вазиятни эгалламоқ маъносини билдиради. *Ингичка тортмоқ. Йўғон тортмоқ. Бақувват тортмоқ.* ■ *Қурбон ота анча дадил тортди.* С. Нуоров, Нарвон. *Момақалдиорқ гулдураб, у хушёр тортди.* «Ёшлик». *Дарҳақиқат, куз ҳавоси мусаффо бўлиб, сумбула суви тиниқ тортади.* Газетадан.

21 «Кўнгил», «дил» каби сўзлар билан қўлланиб, ихтиёр этмоқ, хоҳламоқ маъносини билдиради. *Йулдан ўтаётиб, кўнглим тортиб, бир кўрай дедим сизни.* С. Нуоров, Нарвон.

Паноҳ тортмоқ қ. паноҳ. *Сизни паноҳ тортиб келдик, устод. Мақсад - мана шу ўғлимни шогирдликка қабул қилсангиз..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТОРТ-ТОРТ с.т. 1 Талаб, тортқилаб, юлиб-юлқиб олиб кетиш; талон-торож. *Усталар келмаганлигидан кўприк қурилиши қолиб кетди. Ёғоч-тахталарни эса кимлар торт-торт қилиб олиб кетгани номаълум. «Муштум».*

2 Кўп ичиш, ичкиликбозлик. *Бир куни роса торт-торт бўлган экан, эртасига бошим худди ари қамалиб қолган томошақовоққа ўхшаб ғувулларди. «Муштум».*

ТОРТУВЧАН кт. Кишини ўзига тортадиган, диққат-эътиборни жалб этадиган; қизигарли. *Кўрғазма материаллари тортувчан бўлиши керак.*

ТОРТҚИЛАМОҚ 1 Ҳадеб тортавермоқ; тартибсиз равишда ҳар томонга тортмоқ, тортиб-тортиб қўймоқ, ҳар томонга тортиб тўзғитмоқ. *Этагидан тортқиламоқ. ■ Исфандиёр Авазнинг ёқасидан тортқилаб, ҳамон бақирарди. С. Сиёев, Ёруғлик. Хотин бир қўллаб унинг билагидан тортқилар, иккинчи қўли билан юзига сув сепарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

2 Талаб, ҳар томонга тортиб олиб кетмоқ, ўзиники қилиш учун ҳаракат қилмоқ. *Адолат қопчиғини очди. Унда ангишвонадан тортиб ип, упаklarгача бор эди. Қизлар ўз буюмларини таниб, уни бир бошдан тортқилай бошладилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Нафс балосига учраган айрим шофёрлар кондукторлар билан.. тушган пуллардан тортқилаш билан овора. «Муштум». Шу камбағал қариндошни тортқиламасдан тинч қўйинглари. Умид билан шу ерда юрипти, шу ерда қолсин у. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТОРТҚИЧЛАМОҚ шв. **тортқиламоқ**. Баҳор киши билан қандайдир димиқиб, юраги сиқилиб ётган-у, мана энди, ўз майлига қўйилганидан хурсанддек, бог-роғларда қувнайди.. гоҳ қизларнинг дурраларини тортқичлаб ўйнайди.. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТОРФ [нем. Torf] Тўқайзор, ботқоқлик ерлардаги ўсимлик қолдиқларининг табиий чиришидан ҳосил бўлган зич масса; фойдали қазилма (ёқилғи, ўғит, хомашё сифатида ишлатилади). *Торф қазиб олиш.*

ТОРФЛИ Торф кўп бўлган. *Торфли ботқоқ.*

ТОРШЕР [фр. torchere < torche — машғал(а)] Тик тагликка баланд қилиб ўрнатилиб, полга қўйиладиган тунчирок.

ТОРФОҚ Балиқчилар туркумига мансуб, боши ва думи қора, тумшуги узун қуш.

ТОС I [ф. طاس — ичи чуқур лаган, тоғора, жом] Асосан, кир ювиш, ювиниш учун ишлатиладиган катта металл идиш. *Тунука тос. ■ Ҳовлилардан тосларнинг жаранг-журунлари эшитила берди. С. Айний, Эсдаликлар. Афанди бир куни ҳаммомга тушган эди, ҳаммомчи назарга илмай, эски тос, йиртиқ лунги берди. «Латифалар».*

Тос суяги анат. Сон суякларига таянган ва умуртқа суягини тутиб турадиган, белдан паст камар суяги. *Эски тос, эски ҳаммом қ. эски.*

ТОС II Бирга ўтирган кишилар гуруҳи. *Шу чоқда мулла Обидларнинг тослари кетишга қўзғаладилар. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ТОС III шв. Парча, кимхоб. *Тос тўн. ■ Қават-қават шойи қўйлақларим, духоба камзулим.. тос қалпоғим, зардўзи пешонабандим ҳам бор. С. Айний, Қулар.*

ТОС IV с. т. Тоз.

ТОСТ [ингл. toast < лот. panis tostus — қовуриб қизартирилган нон (Англияда тост айтувчининг олдида стакан ва шундай нон бўлаги қўйилган)] Қадаҳларга қўйилган ичкилик ва уни кўтариш олдида кимса номига ёки бирор нарса шарафига яхши тилаклар билдириб айтиладиган қисқача сўз, нутқ. *Биринчи тост. Тост айтмоқ. ■ Ўктам хушқайф бўлиб, кетма-кет тост кўтарди. Ойбек, О. в. шабадалар. Оқ мусалласни Ё май чаросни Кўтарар дўстлар, Айтишар тостлар. М. Шайхзода.*

ТОТ Таъм, маза, лаззат. *Қимизнинг тотти. Тотини кўрмоқ. Мақтанчоқнинг моти чиқар, Жом қозоннинг тотти чиқар. Мақол. ■ Шулар сабабдан тақдир аталди Илк бўсаннинг иккинчи оти. Шулар сабабдан умрбод қолди Лабда ўшал бўсаннинг тотти. Уйғун.*

ТОТАЛ [лот. totalis — тўла, тўлиқ, бутун] Беистисно барчага баравар тааллуқли, яппи, умумий. *Тотал уруш.*

ТОТАЛИТАР [фр. totalitaire < лот. totalis — тўла, тўлиқ, бутун] сиёс. Зўравонлик билан характерланадиган, демократик озодлик ва шахс эркинлигини чеклаш ёки йўқотишга қаратилган. *Тоталитар давлат. Тоталитар тузум.*

ТОТАЛИТАРИЗМ [фр. totalitarisme < лот. totalis — тўла, тўлиқ, бутун] сиёс. Давлат

бошқаруви шаклларида бири: жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан давлатнинг ялпи (тотал) назорат ўрнатиши, конституцион ҳуқуқ ва эркинликларнинг йўқотилиши, бир шахс ёки ижтимоий гуруҳ (сиёсий партия)нинг яққаҳокимлиги, муҳолифларга нисбатан қатағон уюштирилиши билан характерланади.

TOTEM [ингл. totem < индейсча ототем — «унинг насли, уруғи» маъносидаги сўз] этн. Ибтидоий уруғ, қабилаларда диний ҳурмат-эҳтиром объекти бўлган, яъни илоҳийлаштирилган ҳайвон, ўсимлик, бирор нарса-буюм ёки табиат ҳодисаси (ҳар бир уруғ, қабила ўз тотеми номи билан аталган).

TOTEMIZM [ингл. totemism] этн. Илк уруғчилик тузумидаги дин, эътиқод шакли; маълум бир уруғнинг уруғ асосчиси ва ҳомийси деб ҳисобланган бирон-бир тотем билан ғайритабиий алоқасига ва қон-қариндошлигига ишонч билан характерланади.

TOTIM бот. Пистадошлар оиласига мансуб, тоғ ёнбағирларида ўсадиган, шода-шода майда гулли дарахт ёки бута (баргларида бўёқ ва ошловчи моддалар кўп бўлади).

TOTIMLI Мазаси яхши, ширин. Муҳаббатли, тотимли бўлди турмуш, Келиб шодлик, фараҳлик, кетди ташвиш. Ҳабибий.

TOTINMOQ 1 Овқатдан озгина емоқ, ичмоқ; андак овқатланиб, еб, ичиб олмоқ. Овқатдан тотинган бўлди-ю, емади. Ортиқча гап ҳам гапирмади. Шўҳрат, Шинелли йиллар. Зумрад кўнгли ғаш, дилгир ўтирарди. Иштаҳасизгина ундан-бундан тотинган бўлди. Ойбек, Улуғ йўл.

2 Мазасини тотиб кўрмоқ, тотмоқ.

TOTLI 1 Таъми, мазаси яхши; мазали, лаззатли, ширин. Тотли овқат. Молинг зотли бўлса, емишинг тотли бўлар. Мақол. ■ Шавла жуда тотли туюлди — ошпазни мақтадилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Суюк солинган суюқ овқатлар қанча узоқ ва милтиратиб қайнатилса, таъми шунча тотли бўлади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 кўча Лаззат бағишловчи, ширин, нашъали. Тотли хаёллар. Тотли онлар. ■ Бегимхоннинг кўз олдига харита эмас, Эрали жонланди. Қандай тотли эди уларнинг турмуши. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Дили по-тирлаб, миясида бири биридан тотли ўйлар чарх уради. С. Сиёев, Ёруғлик.

TOTMOQ 1 Бироз еб, ичиб, мазасини кўрмоқ. [Набиғул Қодирга:] Мусаллас сузгандан кейин, қандоқ қилиб сабринг чидайди, тотиб ҳам кўрасан-да. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Умуман, емоқ, ичмоқ. Меҳнат қилиб тотганинг — қанду асал тотганинг. Мақол. ■ [Гулнор] Эрталабки чойдан буён уйда икки марта овқат тайёрланган бўлса ҳам, ҳеч нима тотмаган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТУЗ тотмаслик Ҳеч нарса емаслик, ичмаслик. Ҳотам нонуштадан бери ҳали туз тотгани йўқ. М. Ҳазратқулов, Журъат. Уф.. итдек чарчадим. Кечадан бери туз тотганим йўқ. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Кундузлари катта уйга қириб олиб, кўкрагини захга бериб ётар, кечгача туз тотмай ўй сурар, лекин ўйининг тагига етолмас эди. К. Яшин, Ҳамза.

3 кўча Бошдан кечириб, лаззатини, таъминини кўрмоқ, синамоқ. Аччиқ билан чучукни тотган билур, Узоқ билан яқинни юрган билур. Мақол. ■ Бу ердагиларнинг кўпи Собир Умаров қиличининг тиғини тотиб кўрган. Ҳ. Фулом, Машғал. Қуллик азобини тотган-у, аммо У шамол бўлганин унутолмаган. Х. Даврон, Қақнус.

TOTUV Ўзаро дўстона муносабатли, иттифоқ, иноқ, аҳил. Тотув оила. Тотув болалар. Тотув бўлмоқ. ■ Отам ўлгандан кейин Фуод афанди мени ўз ҳужрасига кўчириб тушди. Никоҳ қилмай, бир йилдан ортиқ тотув яшадик. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

TOTUVLASHMOQ Бир-бири билан тотув, аҳил бўлмоқ, аҳиллашмоқ, иноқлашмоқ. Янги ўқувчилар тезда тотувлашиб олишди. ■ Баъзан Жанна билан Умид тотувлашиб ҳам қолишарди, бундай пайтларда Жанна бир қадар ўз таъсирини эрига ўтказарди. Мирмуҳсин, Умид. Ёмонлик ўшанинг [Мусулмонқулнинг] боши билан бирга кетгандек, қипчоқ оғайнилар ила тотувлашдик, қипчоқнинг эски адоватлари битди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

TOTUVLIK Тотув муносабат, тотув муносабатли ҳолат. Соли отанинг.. уйида энди тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурарди. С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. Ўрталаридаги тотувликка ҳавасингиз келади — худди бир оила фарзандларидай, барака топ-

курлар. Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Жанглр эмас, урушлар эмас, гараз эмас, тотувлик керак, Зулмат эмас, ёғдулик керак.* М. Шайхзода.

ТОТУВЧИЛИК с.т. айн. **тотувлик.** Масалани тотувчилик билан ҳал этмоқ.

ТОШ I 1 Яхлит масса ёки бўлак-бўлак ҳолда учрайдиган, сув кор қилмайдиган, қаттиқ, мўрт тоғ жинсларининг умумий номи. *Оқ тош. Оҳак тош. Мармар тош. Чақмоқ тош. Харсанг тош. Қайроқ тош. Йўлга тош ётқизмоқ. Тоғнинг кўрки — тош билан, Одамнинг кўрки — бош билан.* Мақол. *Сув кетару тош қолар — ўсма кетар, қош қолар.* Мақол. ■ *Сувонжсон тош териб, иннинг оғзини тўлдирди. Устидан тупроқ босиб, кетмон билан яхшилаб шиббалади. С. Анорбоев, Оқсой. Ёшлик чоғимда мен бир ҳикоя эшитган эдим: Хон бир безуноҳ одамни газабига олиб, тошбўрон қилидирибди, «Тош отмаган одам қолмасин», деб ўзи тепасида турибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

Бағри (ёки қалби, юраги) тош Ўта бемехр, ачиниш, куйиниш ҳис-туйғуси йўқ. *Ҳаёсиз инсон бағри тош бўлади.. «Муштум».* Заъфарон бўлди юзлар.. *Хонлар қалби тош бўлган. Ё. Мирзо. Боши тошдан Ўта чидамбардошли. Бандасининг боши тошдан, ҳа, у ҳаммасига чидайди — мажбур-да. Э. Аъзамов, Жавоб. Бошида тош (ёки данак, ёнғоқ) чақмоқ қ. бош. -Офарин! — кинояли товуш билан қичқирди Аҳмад Ҳусайн. — Кишининг бошида тош чақиб, яна шафқат ҳақида сўз сотишга нақадар моҳирсиз!* Ойбек, Нур қилириб. **Бошинг тошдан бўлсин** Чидам-бардошли бўлиш, ўлим-йитим билмаслик ҳақидаги истақ, дуони билдиради. *—Ҳаммалари бирам сипо, бирам салобатли одамлар экан.. ҳай, ишқилиб бошларинг тошдан бўлсин, қўша қаринглар! — дедилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Тош қотмоқ* 1) ҳис-сезгисиз ҳолатда бўлмоқ. *Аёлнинг тош қотган кўзларини қайғу тешиди. Юзларидан томчилар юмалади. Ойбек, Қуёш қораймас. Кўзларини рўпарадаги гужумнинг яшил бутоқларига тикиб, чуқур, қизил ёпқичли курсида тош қотган. С. Сиёев, Ёруғлик;* 2) қаттиқ уйқуга кетмоқ. *Тош қотганча туш кўрмиш, Тушда қизиқ «иш» кўрмиш. «Муштум». Тошининг тер* Ишининг қил; юришининг қил; жўнаб қол.

2 Шундай тоғ жинсларининг зийнат буюмлари ясаш ёки уларни безатиш учун

ишлатиладиган навларининг умумий номи. *Қабр тоши. Мармар тош. Олтин, кумуш — тош эмиш; арпа, буғдой — ош эмиш. Мақол. ■ [Доронинг] Қўлидаги узун асо дастасига қадалган қимматбаҳо тошлар қоронғи кечадаги юлдузлардек порлар эди. М. Осим, Широқ. [Олимхон] Бармоқларига тоши йирик узуклар тақади. Ойбек, Танланган асарлар. Ён томондаги тошга.. «Маърифатхон, жаннат макон» деб ёзилган ва ҳижерий билан 1335 деб тарих қўйилган эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.*

3 Баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар англатган нарсанинг тош каби ёғилувчи (отилувчи) нарса сифатида билдиради. *Улар Абдурасул устига лаънат тошини ёғдириб, унинг шағнига ёлғонларни тўқир эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. -Ниятингиз тезроқ менадан қутулиш, ортиқчалик қилаётганимни сезиб турибман, — деб таъна тоши отгани-отган. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

4 кўча Жуда қаттиқ; тошдек (қаттиқ). *[Кампир:] Ҳаҳ, шумтакалар, оғизларингда эриб кетадиган сузма қурутни берсам, олмайсизлар, шу тош қурутни талашасизлар. Ойбек, Танланган асарлар.*

5 Нарсаларнинг вазнини ўлчаш, тортиш учун белгиланган, турли шакл ва оғирликдаги юк, қадоқ тош. *Тарози налласига тош қўймоқ. Бир килоли тош. ■ Шарофат.. бу кеча шу ерда қолиб, Сидиқжонни бу ерга боғлаган, унинг димоғини шиширган нарсани яхшилаб билмоқчи ва шунга қараб тош қўймоқчи бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

6 Оғирлик, вазн. Олинган мол тошидан кам келди. ■ *Шу шанбадан қолдирмай тўйни бошлайлик; семиз қўй, ётсираб, яна икки кун овқат емаса, тошини йўқотади, озиб қолади.. С. Абдулла, Соялар.*

Тош босмоқ 1) маълум (мўлжалдаги) оғирликка эга ёки эга эмасликни билдиради. *—Ҳали сиз айтганингиздек, — деди Олияхон, — тилласи ҳам тош босмайди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова;* 2) салмоқ-салобатга эга бўлмоқ. *Келинг, сўзларингизни тарозига солайлик, нучми ёки тош босадими, дарров маълум бўлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

7 тиб. Касаллик туфайли баъзи аъзоларда юзага келадиган қаттиқ модда. *Буйрак тоши. Тошни олдиrhoқ.*

8 Тош (эркаklar ва хотин-қизлар исми).

ТОШ II тар. Саккиз чақиримга яқин (тахминан 6 километр) узунлик ўлчов бирлиги. *Бир тош йўл. Аҳмоққа Кува [Тўйтепа] бир тош. Мақол. ■ Кун оғиб бормоқда. Ярим тошдан мўлроқ йўл юрилди ҳамки, бекат кўринмайди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. Косонда икки хумдон бор.. бу ер билан хумдонлар ораси уч тош келиб қолади. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ТОШБАҚА Танаси косасимон қаттиқ, суяк-мугуз қобиқ билан ўралган судралувчи ҳайвон. *Ўл тошбақаси. Денгиз тошбақаси. Тошбақа косаси. Тошбақадай судралмоқ. ■ Овчи ноумид бўлиб, тузоқни олиб кетмоқчи бўлган экан, тошбақани кўриб қолиб, хуржунга солибди. «Чалпак ёққан кун».*

Тошбақа қадам Жуда секин, имиллаб, судралиб юрадиган; орқада қолган. *Гал ғўза парваришида судралаётган «тошбақа қадам» раҳбарларга келди. Газетадан.*

ТОШБАҒИР Ачиниш, куйиниш ҳис-туйғуси йўқ; бағритош. *..айни баҳор пайтида тоғдаги ноёб қуш ва ҳайвонлар тухум қўйган ёки болалаган бўлади. Аммо милтиқ тутган тошбағир кишиларнинг бу билан иши йўқ. Н. Раҳматов, Бетайин овчилар. -Ким айтди сизга мени тошбағир деб, — кампир арқонга ёпишди. Газетадан.*

ТОШБАҒИРЛИК Тошбағирга хос белги-хусусият, хатти-ҳаракат. *Бирида инсонийлик, олийжаноблик, камтаринлик рамзини, иккинчисида эса ҳаёсизлик.. тошбағирлик ифодасини кўрди. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

ТОШБОШ Дарёларнинг тубида яшайдиган майда балиқ.

ТОШБЎРОН [тош + ф. *баран* — ёмғир] I Кўчиб, бир-бирини суриб думалатиб, шиддат билан тушаётган тошлар оқими. *Шу пайт тоғ чўққисидан катта бир тош юмалади ва йўлидаги бошқа тошларни кўлориб, даҳшатли тошбўрон бошланди. С. Айний, Дохунда.*

2 тар. Қадимда айбдор деб ҳисобланган кишини кўкрагигача ерга кўмиб, ҳар ёқдан тош отиб қатл қилиш усули; умуман, ҳар томондан тош ёдириб жазолаш, уриш. *-Муфти жаноблари, қора халқ уни тошбўрон қилдиришга қўймас.. Бадарға қилмоқ керак, бадарға! — деди қозикалон. Ж. Шарипов, Хоразм. Ўлган, ярадор бўлганларга қарамай, қўз-ғолончилар катта сурон билан илгари оти-*

либ, «тошбўрон»ни кучайтирди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТОШДАЙ, -дек I Худди тош каби. *Ўнтаги ҳам мактаб боласининг сумкасидай бор экан чоғи, носқовоқ қудуққа тушган тошдай кўринмай қолди. М. Ҳазратқулов, Журъат.*

2 Жуда қаттиқ, тош каби қаттиқ. *Ўрков кетмон урса, ер нақ тошдай, кетмон юзини қайирибди.. Ойбек, Танланган асарлар.*

Тошдай қотмоқ айн. тош қотмоқ қ. тош I. *Ўқиб битиргач, у [қутидор] даҳшат ва таажжуб ичида тошдай қотиб қолган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ТОШЗОР кам қўл. Тошлоқ ер, тошлоқ. *Тошзорлар экин майдонига айлантирилди. ■ Улар.. чегара участкасидан тоғ, тошзор жойдан ўтишди. А. Ҳакимов, Илон изидан.*

ТОШКЕСАР Тош кесувчи, тош йўнувчи; тоштарош, сангтарош. [*Раёно*] *Эсанкираб қолган дадасини тинчитди: -Худди мен қидирган манзаралар шу ерда экан: тоғ, дарё, тошкесарлар! А. Мухтор, Чинор.*

ТОШКЎМИР Ўсимликлар органик қолдиқларининг ларчаланиши ва б. сабаблар билан юзага келган қаттиқ қазилма ёқилғи. *Оҳангарон тошкўмири. Тошкўмир ҳавзаси. Тошкўмир ёқмоқ. ■ Қизилқия, Шўроб тошкўмир конлари сабаб бўлиб, ўнлаб рус, ўзбек, татар бойларининг доврағи бутун Туркистонга тарқалди. К. Яшин, Ҳамза.*

ТОШЛИ I I Таркибида, ичида тош бўлган. *Тошли тупроқ. Тошли ер.*

2 Тузилишида қимматли тош бўлган. *Ўн беш тошли соат.*

ТОШЛИ II Тош узунлигидаги, ..тош келадиган. *Беш тошли йўл.*

ТОШЛОҚ Тош босган, сертош ер; тошзор. *Машина сойдаги тошлоқдан ўзига йўл очиб кета бошлади. Газетадан. Мош қургур, билмадим, қайси тошлоқда битган эканки, ҳадеганда очила бермади. Ғ. Ғулом, Шум бола. Кузда дарё дафъатан саёз тортиб, ўзанинг тошлоқ жойларида ўткир қоялари яланғочлаб кетади. А. Мухтор, Чинор.*

ТОШМА Ташқи таъсир (иссиқ, совуқ, ишқор, кислота) ёки ички сабаблар (касаллик, модда алмашинувининг бузилиши ва б.) натижасида баданда, шилиқ пардаларда пайдо бўладиган хол-хол доғлар, пуфакчалар, чиқиклар. *Терлама тошмаси. Қизамиқ тошмаси. ■ Пенициллиндан билар-*

билмас фойдаланиш натижасида терида ҳар хил тошмалар, шиш пайдо бўлади. Газетадан.

ТОШМАЛИ Баданда тошма пайдо қиладиган. Тошмали терлама.

ТОШ-МЕТИН Жуда ҳам қаттиқ, метиндай қаттиқ; метин, заранг. *Тош-метин ер.* ■ [Шербек:] Ишқомларнинг орасига дори септириб, тракторда ҳайдатмоқчиман. Ўзиям тош-метин бўлиб кетган экан. С. Анорбоев, Оқсой.

ТОШМОҚ 1 Қирғоқдан ошмоқ, қирғоқдан ошиб, атрофга ёйилмоқ, атрофни босмоқ. *Ҳовлига сув тошиб кетибди.* ■ *Ер ислоҳотидан кейин бир йил дарё тошиб, экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳовли ўртасидаги водопровод жўмрагидан сув шариллаб оқиб ётар, цемент ҳовузча тўлиб чиқиб, ариқча четидаги барқ уриб ётган ўсмаларга тошиб кетганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Ўз қобиғи, идиш ва ш.к. дан тўлиб, ортиб, сиртга чиқмоқ. *Олияхон ташқари эшикдан ҳовлига кириши билан дарҳол қозонда тошаётган сутга кўзи тушди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Олов четида қўйилган қора қумғон шақиллаб қайнаб тошди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Вали ака етилган, у ер-бу ерда чаноқлардан тошиб чиқиб тўқилган оппоқ пахталарга шукроналик билан қараб.. қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..тоғорадан тошиб чиққан хамир сингари тиззаларига оқиб тушган каттакон қорни..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўча Жўш урмоқ, ошиб кетмоқ. *Ҳазби тошди.* ■ *Тўламат полвоннинг кўзлари чақнаб, ғайрати тошиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Севинчим тошарди қалбимга тўлиб..* Ё. Мирзо.

Ошиб тошмоқ айн. тўлиб тошмоқ. Гулнор уйни йиғиштирар экан: «Бойнинг феъли яхшиланибди, илгари зиқна эди.. Бойлиги ошиб тошиб кетди, дерди дадам..» деб ўйлади. Ойбек, Танланган асарлар. **Тўлиб тошмоқ 1)** лиммо-лим тўлиб, қирғоғидан ошмоқ, ҳудудига, чегарасига сигмай қолмоқ. *Ҳасратла тўлиб тошган Уларнинг синиқ жоми.* Ғайратий. **2)** дард, алам ва ш.к. ни ичига ютавериш, чидаб, сўнг даражага етмоқ. *Ўрмонжон ҳўп ҳам тўлиб тошиб юрган экан, юрагини роса бўшатди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор

чироқлари; **3)** жуда кўп бўлмоқ, тикилиб, ачиб-бижиб ётмоқ. *Кўлэзмада хатолар тўлиб-тошиб ётибди.* **Юраги (ёки ичи) тошди** Жуда зерикди, юраги сиқилди, хит бўлди. *Тожибой таажжубда қолиб, бошини ликсиллатди: -Бир ўзингиз-а? Ёпирай! Миянгиз ачиб, юрагингиз тошиб кетмайдими?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Менинг имиллаганимни кўриб, болаларнинг ичи тошиб кетди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. **Қайнаб тошмоқ айн. тўлиб тошмоқ 1.** *Жапакнинг миясида саволлар қайнаб тошди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

4 кўча Тутақишмоқ, қизишмоқ. *Эримдан ўқшига розилик беришини илтимос қилдим.* *Ўша пайтда Эргаш акамнинг тепа сочи тик бўлиб.. бирпасда кўпириб тошди-кетди.* Б. Файзиев, Ойдин кечада.

5 Баданда пайдо бўлмоқ, юзага тепмоқ, чиқмоқ. *Боланинг баданига қизамиқ тошибди.* ■ *Лабларига тошган учуқ ҳали ростмана қайтмаган бўлса-да, иситмаси пасайган эди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *Нарига тарафда ўтирган бир семиз кишининг рангида қон қолмади, оппоқ оқариб, юзларига тер тошиб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор.

Лабиға учуқ тошмоқ Ўта даражада кўрқувга тушмоқ (бундай ҳолларда гўё лабга учуқ тошади). *Барги зубтурумдай титрашиб, лабиға учуқлар тошиб, мишабнинг каттаси отидан тушиб, қиличини яланғочлаб, момонинг қошига борди.* «Гулихиромон». «Пахта териш машинаси» деса, лабиға учун тошадиган баъзи қайсарлар ҳам ҳайрат бармоғини титшлаб қолди. «Муштум».

ТОШ-ТАРОЗИ, тошу тарози 1 Тарози ва унинг тошлари. *Сотувчиларга тош-тарози бермоқ.*

2 Тош, тарози билан ўлчаш; ўлчов. *Кув, эчил, дағдағали аллофлар кўллари, оғизлари, кўзлари билан ишлаб, тош-тарозидан уриб, бева-бечорани овлайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарози Ҳамма ернинг ўзига яраша ўлчови, ҳисоб-китоби бўлишини қайд этувчи мақол.

ТОШТАРОШ айн. сангтарош. *Қорақоя деганича бор. Қоя кўмирдек қоп-қора, олд томони моҳир тоштарошнинг қўлидан чиққандек силлиқ.* С. Норбоев, Укки.

ТОШТАРОШЛИК айн. сангтарошлик.

ТОШҚИН 1 *от* Қор ва музликларнинг шиддатли эриши, ёғиннинг кўп бўлиши, табиий ва сунъий тўғон ва дамбаларни сув вайрон қилиши ва б. сабаблар туфайли дарё, сой, кўл сувларининг қирғоқдан ошиб, соқил, ерларни босуви. *Баҳорги тошқин. Тошқин сувлари. Тошқин хавфи.* ■ Унинг доклади ва музокарага тайёрланган чолларнинг сўзларидан тошқин манзараси, бу офатнинг бутун оқибатлари ҳамманинг кўз олдида гавдаланди-қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

2 сфт. Жўш урган, пишқирган, жўшқин. *Тошқин дарё.*

3 кўчма Ғайрати ичиға сифмайдиган, ўтюррак, қайноқ. *Тошқин йигит. Тошқин қалб.* ■ -Баракалла, отангизга раҳмат! — деди Қудрат қувониб. Кейин тошқин бир меҳр билан сўради: -Қишлоққа қачон қайтасиз? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Тошқин (эркаклар исми).

ТОШҚОВОҚ Овқатга ишлатилмайдиган, қобиғидан турли идишлар қилинадиган майда қовоқ.

ТОШҚОРА айн. тасқара 1.

ТОҚ I [a. طاق — қават, қатлам; марта, гал] **1** Иккига бўлинмайдиган, жуфт бўлмаган (бутун сонлар ҳақида.); жуфтлаб санашда охири жуфт чиқмайдиган, бир дона ортиб қоладиган. *Тоқ сон. Ёнғоқ тоқ чиқди. Жуфтми-тоқ ўйнамоқ.* ■ Юпун дастурхондаги тоқ нонлар яқинда бу уйдан ўлик чиққанини кўрсатарди. С. Сиёев, Аваз.

2 Жуфти, шериги, тоқаси бўлмаган; жуфтсиз, ёлғиз. *Совға деган тоқ бўлмайди.* ■ Кейинги йили Бозорнинг деҳқончилик ишлари бурунгидай авж олмади, чунки ҳўкизи тоқ, ўзи ёлғиз. С. Айний, Дохунда.

3 Хотинсиз ёки эрсиз. *Дунёдан тоқ ўтмоқ.* ■ *Ижозат беринг, бир жононни ўзим топаман, шунча давлат билан тоқ ўтирасизми!* Ойбек, Улуғ йўл.

ТОҚ II [a. طاق — гумбаз, қубба; арка] *архит.* **1** Эшик ва биноларнинг тепасидаги ярим доира шаклида ишланган қисми; арка. *Тимга кираверишдаги тоқнинг икки томонида шойи чопон кийган, симобий салла ўраган саррофлар олдиларидаги баркашга тангаларни уйиб ўтирар эдилар.* М. Осим, Элчилар.

2 айн. гумбаз. *Сирли осмон тоқига илк Қўйди нарвон ўзбегим.* Э. Воҳидов, [Навоий:]

Гулимнинг қабрига эккан чечаклар, Очилгандур бу чоқ.. оҳим чечаклар Каби кўк тоқига чир-машмасинму?! Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ТОҚ III: тоқати тоқ бўлмоқ *Ортиқ сабр-тоқати қолмаслик.* -*Ғапирсангиз-чи, — деди тоқати тоқ бўлган Лутфихон Тожибойга, туртиб.* С. Аҳмад, Муҳаббат. *Муҳаррамнинг тоқати тоқ, Элмуроднинг йўлига кўзи тўрт эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ТОҚ IV: тоқи лаънат с. т. айн. тавқи лаънат қ. тавқ. [Босқинчилар] *Шу даражада сурбет бўлиб кетганки, тоқи лаънатни бўйнига илиб қўйсангиз ҳам, у иблислар қутуриб, ўз биланларидан қолмаётир.* Мирмуҳсин, Ҳаёт қушандалари талвасаси.

ТОҚА [a. طاق — бир дона, бир тўп, бир ўрам] **1** Жуфт ҳолда бутунлик ташкил этувчи нарсаларнинг икки қисмидан бири, бир томони, бўлаги. «*Таҳқирланган*» бой ўрнидан туриб: -*Батрак, қул, — деб тикувчини сўқиб, қолипланган бир тоқа этикни унинг бошига чоғлаб отди.* С. Айний, Қуллар. *Шамол шунча заҳтига олган эдики, эшикнинг бир тоқасини унинг қўлидан сугуриб, куч билан деворга урди-ю, деворнинг устки қавати бутунлай кўчиб тушди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Бир жўра атлас ёки беқасамнинг ҳар бир бўлаги. *Бир тоқа атлас. Беқасамнинг бир тоқаси.*

ТОҚАЛАШ *шв.* Яғаналаш. *Ота-бобола-римиздан бери гўза тоқалаш давом этиб келаяпти.* «*Тоқалаш*», яъни тоқ қолдириш. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ТОҚАТ [a. طاق — куч, қувват; чидам, бардош, сабр] *Чидаш, бардош бериш қобиляти; сабр-бардош, чидам, тўзим.* *Тоқат билан кутмоқ. Тоқат билан гапига қулоқ солмоқ. Тоқати тугади (битди, тамом бўлди).* ■ *Сен бўлмасанг, менда тоқат қайдадир, Тоғ чидамас отангнинг фарёдига!* «*Равшан*». *Калит топила бермагач, маҳдумнинг тоқати тугади, чиқиб, қизлар ичидан Раънони чақирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Отамурод Ҳанифанинг ёзғириши тугашини тоқат билан кутарди.* «*Ўзбекистон кўриқлари*».

Тоқат қилмоқ *Бардош бермоқ; чидамоқ. Иссиққа тоқат қилмоқ. Тоқат қилиб бўлмайдиган аҳвол.* ■ *У [Сатторқул] кетгандан кейин Сидиқжон ортиқ тоқат қилолмай,*

онасига ёрилди, воқеани айтиб, Зуннунхўжанинг уйини елкамнинг чуқури кўрсин, деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тоқати йўқ** Сабр-чидам етишмаслигини, чидай олмасликни билдиради. *Очиғини айтсам, китоб ўқишга тоқат йўқ.* С. Аҳмад, Қадрдон даладар. Бунга қолганда, сизни билмасам-да, аммо менинг бундай жудоликка сира тоқатим йўқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тоқати тоқ бўлмоқ қ. тоқ III.**

ТОҚАТЛИ Сабр-тоқатга эга; чидамли, тўзимли. *Тоқатли киши. Тоқатлига тоғлар эгар бошини.* Мақол. ■ *Аввало, йигит киши сабрли, тоқатли бўлади. Иккинчидан, мард бўлади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТОҚАТСИЗ Тоқат қила олмайдиган; тоқати йўқ, бетоқат, чидамсиз, тўзимсиз. *Тоқатсиз одам. Тоқатлига тоғлар эгар бошини, Тоқатсизнинг бировлар ер ошини.* Мақол. ■ [Бозорқул] *Тоқатсиз тўлғаниб, «касалман, мени ёмон дард чалган», деб пичирлади, яна тўлганди, заиф товуши билан фарёд қилди.* А. Мухтор, Чинор.

ТОҚАТСИЗЛАНМОҚ Тоқати тугаб, чидай олмай безовталанмоқ, бетоқат бўлмоқ. *Оғриқдан тоқатсизланмоқ. Хаяжондан тоқатсизланмоқ. Тоқатсизланиб кутмоқ.* ■ *Ойқизнинг ёнида турган Погодин тоқатсизланиб сўради. III. Рашидов, Бўрондан кучли. Ҳасан овчи ётган ерида тоқатсизланиб, бир ағдарилди-ю, ёнбошлаганича Майнага тикилиб қолди. III. Тошматов, Эрк куши.*

ТОҚАТСИЗЛИК Бетоқат ҳолат. *Тоқатсизлик қилмоқ.* ■ *Қамчининг келишини тоқатсизлик билан кутиб турган Қумри, қўлини силкитиб, қичқирди. X. Фулом, Машғал.*

ТОҚИ [а. طاقى / طاق — гумбаз, кубба, арка] **1 айн. васса.** Бу уй илгари бедахона бўлганидан, дарчаси ҳам йўқ, тоқчаси ҳам йўқ, тоқиси ҳам йўқ эди. Ойбек, Танланган асарлар.

Тоқи санаб ётмоқ 1) ухлай олмай, тунни бедор ўтказмоқ. *Кўзимга ҳеч уйқу келмади.. Ҳеч бўлмаганидан кейин шипга қараб, тоқиларни санай бошладим. Ойдин, Фонарь тагида; 2) кўчма бекор ётмоқ. -Наҳотки, талтайиб ётишга келган бўлсам! — деди Зайнаб эътироз билдиргандай, қошига келган Комилага, — ҳорганим йўқ, уйқусиз, тоқи санаб ётишни ёмон кўраман. Ойбек, О.в. шабадалар.*

2 айн. тоқ II. Кичкинагина эшикдан олиб ўтиб, шу эшикча ёнидаги торгина, лекин тоқиларига ранго-ранг гуллар ўйилган хонага олиб кирдилар. X. Тўхтабоев, Ёиллар ва йўллар.

3 Қоровулларнинг шақилдоғи. *Бозор томонда қоровулнинг тоқиси шақиллади. С. Анорбоев, Меҳр. [Гулбодом] Узоқдан қоровул тоқисининг овозини эшитди. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

4 Кўйлакнинг елка қисмига ичидан кўйилган астар. *Тоқи кўйлакнинг елкасини тез йиртилишдан сақлайди.*

ТОҚИДОР айн. тоқили. *Бўрихўжа ўн бир қатор япалоқ ғишт билан кўтарилган, олди тўрт устун, тепаси тоқидор.. қадимий айвонда ўтириб, кейинги бир ой ичидаги «кирим» ва «чиқим»ларини хомчўт қилди. Мирмуҳсин, Чиниқиш.*

ТОҚИЛИ Шипига тоқи терилган; вассали. *Ҳовлининг икки томони бўғот иморат; катта чорхари, шифти рангдор тоқили, деворлари ганчли меҳмонхоналар. Ойбек, Улуг йўл.*

ТОҚЛИ Тоқи, аркаси ёки гумбази бўлган; гумбазли. *Узоқда ойдин ва сокин кечада Ҳиротнинг етти тоқли жомеи яна ҳам муаззам туюлар эди. Ойбек, Навоий.*

ТОҚ-РАВОҚ, тоқу равоқ Ҳашаматли бинолар, данғиллама уйлар. *Ўзганинг тоқу равоқидан ўзининг айвонинг яхши. Мақол.*

ТОҒ 1 Ер юзасининг теварак-атрофдаги текислик, тепалик ёки бошқа баландликка нисбатан якка ёки қатор ҳолда баланд кўтарилган, олатда, турли тош, қаттиқ жисмлардан иборат қисми. *Тоғ тизмаси. Тоғ жинслари. Тоғнинг кўрки — тош билан, Одамнинг кўрки — бош билан. Мақол. Қўринган тоғнинг йироғи йўқ. Мақол. ■ Лагерь тоғ тагига жойлашган. Шарқи-жанубий томон айлана кетган тоғ. Шухрат, Шинелли йиллар. Жанубдан, кенг ва яшил бағирли Аравон тоғидан аллаловчи.. салқин, сарин шабада эса бошлайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Узоқдан қорайиб кўришиб турган тоғ ўркачига тўлин ой миниб олди. X. Фулом, Машғал. Олмосдек серқирра, офтобда чўққилари ярқираб турган баланд қорли тоғлар кўзни олади. Мирмуҳсин, Меъмор. Атрофни осмонўпар тоғлар ўраб олган.. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Аҳоли яшайдиган тоғли жой, ўлка; тоғлик. *Ўрганишда ҳам гап кўп. Отанинг ўзи*

айтди-ку, у тоғда туғилиб, тоғда ўсган. Ҳа, у тоғнинг ўз одами. С. Анорбоев, Оқсой.

3 кўчма Нарсаларнинг баланд (тоғ каби) уюми. Ётиб ейишга тоғ ҳам чидамайди. Мақол. ■ Эл хирмонида тўпланаётган «оқ олтин» тоғларининг қомати юлдузлар сари бўй чўзди. Газетадан.

4 кўчма Оғир юк, машаққатли иш, ташвиш, ғов ва ш.к. рамзи сифатида қўлланади. Ғам тоғи. Елкадан тоғ ағдарилгандай бўлди. ■ Отабек гўё тоғ остида қолган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шунча тадбир билан қочгани ҳолда, дипломини эсидан чиқарганидан Аъзамни ваҳима тоғи елкасидан босди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Ҳар гўшадан оқди тинмай тилсиз фарёд, Босган эди бало тоғи — зўр истибдод. Ғайратий.

Бирн боғдан келса, бирн тоғдан келади Бир-бирига алоқаси бўлмайдиган, алоқаси йўқ гап, фикр-мулоҳазани қайд этади. Шокир ота ўтирган жойида ҳассасини ерга «дўқ» этиб урди, темирчининг сўзидан норозилигини билдириб деди: -Мен боғдан гапирсам, сен тоғдан келсан. Ойбек, Танланган асарлар. **Ишонган (ёки суянган) тоғи** Мадад, кўмак берувчи, шу жиҳатдан энг асосий ҳомий бўлувчи кимса ёки нарсаси. Ойжамол ўзининг суянган тоғи деб билган Полвоннинг келишини ниҳоятда орзиқиб кутарди. Ж. Шарипов, Хоразм. Бугун ҳеч иккиланмай терим машиналари ва унинг механизаторларини пахтакорларнинг газетдаги нори, суянган тоғи, деса бўлади. Газетадан. **Кўнглини (ёки кўксини, дилини ...)** тоғ қилмоқ Руҳан жуда шод (хурсанд) қилмоқ. Айниқса, мана бу ёшлар кўнглимини тоғ қилиб юборди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Кўксим тоғ этган — Ватан севгиси. Ё. Мирзо. **Тоғни урса толқон қиладиган** Ниҳоятда баҳодир ва шижоатли. Бу ёқдаги қазувчилар ҳам Ғуломжон, Барот полвон, Замон сингари тоғни урса толқон қиладиган азаматлар эди. М. Исмоилов, Фаргона т. о. **Тоғ-тош (тоғу тош)** Тоғ ва тош қоплаган ер, жой. ..бу сув тоғу тошни тўлдириб юрган қушлар, кавак-кандикларда истиқомат қиладиган жониворлардан ортмас. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Беш кун чўлда, беш кун кўлда, тоғда-тошда — қаерда молага ўт бор деса, бориб қўнган одаммиз-да. «Ёдгор».

ТОҒА 1 Аёлнинг ака-укалари (унинг болаларига нисбатан). Ҳомид, бир турли вазиятда, ер остидан жиянига қаради. Тоға-

сининг ҳолидан хабарсиз Раҳмат сўзида давом этди.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шайх беихтиёр жиянига қараб юрди. Расулмат мункиб келиб, тоғасини қучоқлади.. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ўзидан катталарга мурожаат шакли. Тоға, поезд соат нечада жўнайди? ■ У.. ҳар бир ишда маслаҳатгўй, барча катта-кичик «тоға» деб ҳурматлайдиган Юсвали чол эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Орамизда беш киши носчекади, қоровул тоға билан олти киши. С. Сиёев, Ёруғлик.

ТОҒАЙ Одамда ва умуртқали ҳайвонларда қалинлиги ва эластиклиги билан ажралиб турувчи бириктирувчи тўқима. Бурун тоғайи. ■ Қулоқ супраси тоғайдан иборат бўлиб, тери билан қопланган. «Анатомия».

ТОҒДАЙ, -дек **1** Тоғ каби, тоғга ўхшаш. Котловандан чиққан янги нам тупроқ тоғдай бўлиб турибди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Шаҳлосини кўрмади ортиқ, Тоғдай эзиб ташлади фироқ. Т. Тўла. У.. тоғдек босиб ётган «орзуни» ағдариб солган ва қушдек енгил тортган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *

2 кўчма Улкан, зўр, катта, буюк, улуг. Қийин кунга қолди тоғдай бошимиз. Ғ. Ғулом. Элмуроднинг қалбини бу хат эзиб юборди. Онасининг тоғдай юраги, қуёшдай иссиқ меҳри олдиди ўзини ожиз сезгандай бўлди. Шухрат, Шинелли йиллар. Қишлоқдаги жиянингизнинг ўғлими? Тоғдек йигит бўлибди. Ёшлигида ҳам бўлаи бола эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТОҒЛИ Тоғлар билан қопланган, тоғлари кўп бўлган; тоғи, тоғлари бор. Тоғли мамлакатлар. ■ Эрта куз жаласи тоғли жойларга хос ҳафсала билан қуяр, ёмғир суви темир йўлнинг икки томонидан дарё бўлиб оқар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ТОҒЛИК 1 Тоғли жой. Тоғликда яшамоқ. ■ Менинг совғам тинч гўшада, тоғлик қўйнида Ухлаб ётган гўдақларнинг сокин уйқуси. Ғайратий.

2 Тоғли жойда яшовчи киши. Тоғликлар оdatига кўра, ўғрини уриб ўлдиришар ёки тошбўрон қилишарди. Газетадан.

ТОҒОЙИ эск. кт. айн. **тоға.** Обрули тоғойлари.. ҳам бирин-сирин мавқеларини йўқотдилар. Ойбек, Навоий.

ТОҒОЛЧА 1 Олхўрилар туркумига мансуб, асосан, тоғларда ўсадиган, олчадан йи-

рик, олхўридан майда сарғиш, баъзан қизғиш ёки қорамтир мевали дарахт. *Тоғларга кирсангиз, ўрик, шафтоли.. тоғолча, ҳатто олмурутгача бор. «Ёшлик».*

2 Шу дарахтнинг нордон меваси. *Олча ёки тоғолча қоқисини яхшилаб ювиб, совуқ сувли идишга солиб, оловга қўясиз. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

ТОҒОРА [ф. تغار — катта, кенг, думалоқ сопол жом] Хамир қориш, кир ювиш ва б. мақсадларда ишлатиладиган катта чуқур тўгарак идиш. *Хамир тоғора. Кир тоғора. Бир тоғора ош. ■ Ёрмат қизидан хурсанд бўлди.. Пичоқ, қайроқтошни ва ғўшт-мой солиш учун тоғораларни тозалаб тайёр қилишни буюрди. Ойбек, Танланган асарлар. Қози тоғорадай салла остидаги хум калласини ликиллаптиб ҳиринглади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Хамир қориб қўйсам, то бошқа ишларимни битиргунимча, тоғорадан тошиб кетади. А. Ҳамдам, Дастингдан.*

ТОҒОРАЧА Кичкина тоғора. *Тунука тоғорача. ■ Хотин жўхорини туйиб бўлди, уни келидан тоғорачага солаётиб дўнғиллади. А. Қаҳҳор, Анор.*

ТОҒРАЙҲОН бот. Лабгудлошлар оиласига мансуб, асосан, тоғ ёнбағирларида ўсадиган кўп йиллик ўсимлик.

ТОҒТЕРАК бот. Толдошлар оиласига мансуб, асосан, тоғ водийларида ўсадиган, ёғочи саноатбоп терак тури. *Куз келиб қолгани боис, қирғоқларида тол, тоғтерак, қайрағочлар қалин ўсган сой энди тиниқ ва сокин оқмоқда эди. А. Ибодинов, «Латофат» дўқонидаги қатл.*

ТОҒ-ТОШ, тоғу тош Тоғли жой ва ундаги тоғлар, тошлар. *Тоғу тошни сув бузар. Мақол. ■ Тоғ-тошлар орасида яшириниб юрган бир йиртқични қўлга тушириш осон эмас, жуда усталик билан ҳаракат қилиш лозим эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ТОҒ-ТОҒ 1 Тоғдек уйилган, тўп-тўп, кўп. *Катта тик ариқ. Икки лаби тоғ-тоғ тупроқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шундоққина қурилишга яқин жойда тоғ-тоғ ғўшт очиқ ҳавода уйилиб ётибди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Севдим сени чаман водийда, Ғалабалар созин чалибсан. Довруқ солиб улуғ ватанга, Тоғ-тоғ пахта териб олибсан. Ғайратий.*

2 *кўчма* Чексиз кўп, битмас-туганмас. *Оҳ, қани эди, у тирилса-ю, бир кўрсам! Тоғ-тоғ*

ҳасратларимни унга айтиб ёзсам! Ҳ. Фулом, Машғал.

ТОҒУЗУМ бот. Пўсти жуда юпқа, эти сувли, сершира ўртапишар маҳаллий узум нави.

ТОҒЧУМЧУҚ зоол. Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, дум патида оқ, бўйнида сариқ холи бўлиши билан бошқа чумчуқлардан фарқланувчи, тоғ қояларида, жарликларда яшовчи қуш.

ТРАВМА [юн. trauma — яра, шикаст, лат] Жисмоний ёки маънавий шикаст, лат. *Мия травмаси. Ишлаб чиқариш травмаси.*

ТРАВМАТИЗМ Бирор муҳит, фаолият соҳасида содир бўладиган шикастлар, травмалар мажмуи. *Кейинги вақтларда травматизмга қарши кураш масалаларини ишлаб чиқиш йўлида кўп ишлар қилинди. Газетадан.*

ТРАВМАТОЛОГ Травматология бўйича мутахассис, врач.

ТРАВМАТОЛОГИЯ [юн. trauma, traumatos — шикаст, лат + logos — фан, таълимот] Тиббиётнинг травмаларни ўрганиш, уларни даволаш ҳамда олдини олиш билан шуғулланадиган соҳаси. *Айниқса, Тошкент травматология ва ортопедия илмий текшириш институти бу соҳада тузуккина ишлар қилди. «Гулистон».*

ТРАГЕДИЯ [юн. tragoidia — эчки қўшиғи < tragos — эчки + ode — қўшиқ; юнон мифологиясида: наботот, вино ва хурсандчилик маъбуди Дионис шарафига эчки қурбонлик қилинаётган пайтда айтилидиган биринчи қўшиқ] **1** *ад.* Ўта кескин, ўткир ёки келиштириб бўлмайдиган ҳаётий зиддиятларни тасвирловчи ва кўпинча қаҳрамоннинг ўлими билан тугалланувчи драматик асар. *Шекспирнинг «Гамлет» трагедияси.*

2 Даҳшатли воқеа, ҳодиса; мудҳиш аҳвол; фожиа. *Жиззах қўзғолони стихия билан бошланиб, беқиёс трагедия билан мағлубиятга учради. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ТРАГИК 1 Трагедия ёзувчи, трагедия муаллифи.

2 Трагик ролларни ижро этувчи артист.

ТРАГИК 1 Трагедияга, фожиали драматик асарларга оид; трагедияга хос бўлган. *Трагик асар. Трагик жанр. Трагик актёр.*

2 Фожиали, фожиавий. *Тешабой камбағалларнинг ўз болаларини боқолмай, бой-*

ларнинг эшигига ташлаб, «оталик ҳуқуқини» уларга ўтказиб кетганлари ҳақидаги трагик воқеалардан анчагина гапириб берди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

ТРАГИКОМЕДИЯ [трагедия + комедия] ад. Ечими кулгили, беўхшов, ёпишмаган ҳолатлар билан боғлиқ фожиавий (трагедиявий) зиддият асосига қурилган, қаҳрамоннинг ўлими тақозо этилмайдиган драматик асар.

ТРАДИЦИОН қ. анъанавий. Қўшимиз Фарғона области пахтакорлари билан традицион мусобақа бизга катта ёрдам кўрсатмоқда. Газетадан. Сизнинг традицион жанр — аруздаги асарларингиз теварагида қизгин баҳслар бўлди. У. Норматов, Талант тарбияси.

ТРАДИЦИЯ [лот. traditio — етказиш, ўтказиш; ҳикоя қилиб бериш] қ. анъана. Олимпиада ўйинлари — халқаро спорт ҳаракатининг яхши традициясидир. Газетадан. Жамоат кўриклари, томошабинларнинг конференцияларини ўтказиб туриш турмушга сингиб, традицияга айланди. Газетадан.

ТРАЕКТОРИЯ [лот. tractus — силжиш, жилиш, сурилиш] Ҳаракатдаги нуқта ёки жисмнинг текисликдаги, фазодаги йўли, изи. Ҳаракат траекторияси. Снаряд траекторияси. Ернинг сунъий йўлдоши траекторияси. ■ Жисм ҳаракатланаётган чизик ҳаракат траекторияси деб аталади. «Физика». Кўп босқичли космик ракета илгаридан қатъий белгиланган траектория бўйича Ойга учиб борди. Газетадан.

ТРАКТ [нем. Trakt < лот. tractus — судраш, тортиш; силжиш, юриш; йўл] Катта йўл. Катта Ўзбекистон тракти. Сув тракти. ■ Шаҳар чеккасидаги сўнги уйлар ҳам орқада қолиб кетди, машина тезлигини ошириб, қор босган чўл трактидан учиб борарди. Газетадан.

ТРАКТАТ [лот. tractatus — муҳокама қилиш, кўриб чиқиш] Айрим масалага бағишланган илмий асар, рисола. Фалсафий трактат.

ТРАКТИР [лот. tracto — меҳмон қиламан, зиёфат қиламан] Ўтмишда Россияда: паст даражали ресторан ва шундай ресторани бўлган меҳмонхона.

ТРАКТОР [лот. tractor < trahere — судрамоқ, тортмоқ] Турли хил машина, механизм ва б. хил қуролларни тортувчи, улар-

ни ҳаракатга келтирувчи ва юк ташувчи ўзи-юрар машина. Ғилдиракли трактор. Гусеничали трактор. Ҳайдов трактори. Чопиқ трактори. Трактор ҳайдовчиси. Ерга трактор солмоқ. Ерни трактор билан ҳайдамоқ.

■ Учта трактор секин-секин юриб, паст-баландларни суриб, текислаб борарди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Оғир тўпни судраб кетаётган трактор бузилиб, йўлни тўсиб қўйибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Замонавий қишлоқ хўжалигини кучли тракторлар, мураккаб машина ва механизмларсиз тасаввур қилиш қийин. Газетадан.

ТРАКТОРИСТ с. т. қ. тракторчи. Санъаткор тажанг эди: танаффус вақтида залга чиққан эди, бир тракторист уни саводсизликда айблади. А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТРАКТОРСОЗ (асосан, қўпл. шаклида — тракторсозлар) Трактор ишлаб чиқарувчи. Бола Самандаровнинг тракторсоз уста эканлигига жуда амин бўлса керак, қаттиқ бош иргитди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари. Тошқент тракторсозлари шанба-ликни меҳнатда энг юксак унвондорликка эришиш билан нишонлашга аҳд қилдилар. Газетадан.

ТРАКТОРСОЗЛИК Тракторлар ишлаб чиқариш; саноатнинг тракторлар ишлаб чиқарадиган соҳаси. Тракторсозлик заводи.

ТРАКТОРЧИ Трактор ҳайдовчи шахс. Айни саҳар пайтида Келар ёқимли овоз, Тракторчи Турсунбой Ерни ҳайдаб қилар соз. «Кўшиқлар».

ТРАКТОРЧИЛИК Трактор ҳайдаш иши, касби. Барновойнинг қизи Бухорога ўқишга кетармиш, яна қанақасига денг, тракторчиликми. Н. Аминов, Муяссар.

ТРАМВАЙ [ингл. tramway < tram — вагон + way — йўл] Электр кучи билан ишлайдиган, бир ёки бирдан ортиқ вагондан иборат, йўловчи ташувчи шаҳар темир йўл транспорти. Йигитали азбаройи хурсандлигидан трамвайга ўтиришни ҳам унутиб, ижара кулбаси томон пиёда кетди. Д. Нурий, Осмон устун. Трамвайнинг олдида тахта ортилган узун машина кесиб ўтди-ю, қаттиқ тормоз зарбидан вагон қалқиб кетди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Элмурод Муҳаррам билан хайрлашиб, Хадрага келганда, трамвайлар паркка кириб кетмоқда эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

ТРАМВАЙЧИ Трамвайда, трамвай паркида ишловчи киши.

ТРАМПЛИН [фр. *tremplin*] 1 Чанғида учиш ва сувга сакраш спортида мумкин қадар узоққа ёки баландга сакраш учун ясалган махсус мослама. *Зал махсус волейбол ўйнаш учун яроқсиз бўлса ҳам.. конь, козёл, трамплин.. ва бошқа спорт инвентарлари бир четга йиғиштириб қўйилган эди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

2 *кўча* Бирор ишни бошлаб юбориш, ҳужум қилиш, сакраб ўтиш ва ш.к. учун қулай жой, ўрин. *Сиз худбин одамсиз. Қурилиш сиз учун трестдаги ваъда қилинган ўринга сакрашга бир трамплин, холос.* А. Мухтор, Туғилиш.

ТРАНЗИСТОР [ингл. *transistor* < *tran-* (сфер) — ўтказмоқ, кўчирмоқ + (re)sistor — қаршилик] 1 Электр сигналларни (тўлқинларни) кучайтирувчи яримўтказгичли электрон асбоб, элемент. *Касал ётган хонага юрак уришини ёзиб олувчи транзистор асбоби ўрнатилади.* Газетадан.

2 с. т. Транзисторли приёмник. *Стол устида магнитофон, транзистор, фотоаппаратлар.* Мирмуҳсин, Умид.

ТРАНЗИСТОРЛИ Транзистор ўрнатилган, транзистори бўлган. *Транзисторли приёмник.*

ТРАНЗИТ [лот. *transitus* — ўтиш жойи, юриб ўтиш] 1 Бир мамлакатдан, жойдан иккинчи бир мамлакатга, жойга улар ўртасидаги мамлакат, жой орқали пассажир, юк олиб ўтиш, ўтказиш. *Транзитга йўл бермоқ. Транзит ҳуқуқи. Транзит билет. Транзит пассажир.* ■ *Транзит машиналар Тошкентни айланиб ўтади..* Газетадан.

2 Юкни жўнатилган жойдан то мўлжалланган жойгача оралиқ пунктларда туширмасдан, бошқа транспорт воситаларига ортмасдан тўппа-тўғри олиб бориш, ўтказиш. *Юкларни транзит қилиб (транзит билан) юбормоқ.*

ТРАНС- [лот. *trans* — орқали, орасидан, ичидан; орқасида; мобайнида] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) бирон-бир фазо, майдон орқали ҳаракатланиб, уни кесиб ўтиш (мас., *транссатлантик*); 2) бирор нарса ортидан, бирор нарсанинг нариги томонида бориш, жойлашиш (мас., *трансуранлар*); 3) бирор нарса воситасида кўрсатиш; белгилаш, ет-

казиш (мас., *транслитерация*) каби маъноларни билдиради.

ТРАНСКРИПЦИОН Транскрипция (1, 2)га оид, транскрипцияга асосланган. *Транскрипцион белги. Транскрипцион система.*

ТРАНСКРИПЦИЯ [лот. *transcriptio* — кўчириб ёзиш] 1 тлш. Бирор тилдаги нутқ товушларининг талаффузини шартли белги ва ҳарфлар воситасида аниқ акс эттириш; шу мақсад учун хизмат қиладиган белгилар тизими. *Фонетик транскрипция. Диалектологик тадқиқотларда транскрипциядан фойдаланиш.*

2 Бошқа тиллардаги атоқли отлар, географик номлар, илмий терминлар ва ш.к. таржима қилинмайдиган сўзларни махсус белгилар тизими орқали ёки муайян миллий алифбо воситалари орқали акс эттириш; фонетик транскрипция.

3 мус. Бирор соз ёки овоз учун мўлжаллаб ёзилган мусиқа асарини бошқа соз ёки овоз ижроси учун мослаштириш ёки уни усталик билан қайта ишлаш.

ТРАНСКРИПЦИЯЛАМОҚ Транскрипцион белгилар билан ёзмоқ, оддий ёзув белгиларини транскрипция белгилари билан алмаштириб кўчирмоқ. *Матнни транскрипцияламоқ.*

ТРАНСЛИТЕРАЦИЯ [транс.. + лот. *littera* — ҳарф] Бирор алифбо асосида ёзилган матнлар ёки алоҳида сўзларни бошқа бир алифбо воситалари билан ҳарфма-ҳарф акс эттириш. *Европача номларнинг ўзбекча транслитерацияси.*

ТРАНСЛЯЦИОН Трансляцияга оид, трансляция учун хизмат қиладиган. *Трансляцион радиоузел.*

ТРАНСЛЯЦИЯ [лот. *translatio* — узатиш; эшиттириш, кўрсатиш] Мусиқа, тасвир, нутқ ва ш.к. ни радио, телевидение, симли алоқа воситалари орқали муайян масофага узатиш, эшиттириш, кўрсатиш. *Спектакль радио орқали трансляция қилинди. Футбол ўйини трансляциясини кўрмоқ.*

ТРАНСПАРАНТ [фр. *transparent* — тиник, шаффоф] 1 Шиор ёзиб, расм, сурат солиб рамкага тортилган, одатда, орқа томонидан нур тушириб ёритилган мато ёки қоғоз (намойишларда, реклама ва эълонларда фойдаланилади). *Бир кундан кейин дала шийпонида шундай бир катта транспарант пайдо бўлди: «Пахтакор, мана шу*

беш кунликда олган мажбуриятингни унут-
ма!» Газетадан. Одамлар тинчликка, ҳамкор-
ликка қаратилган транспарантлар кўтариб
юрибдилар. Газетадан.

2 Бир текис ёзиш учун оқ варақ остига
қўйиладиган, горизонтал йўғон қора чизик-
лар чизилган қалин қоғоз. *Чизиксиз қоғоз*
остига транспарант қўйиб хат ёзмоқ.

ТРАНСПЛАНТАНТ тиб. Тўқима ёки
аъзонинг трансплантация учун фойдалани-
ладиган қисми, бўлаги.

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ [лот. transplantare
— кўчириб бошқа жойга ўтказмоқ] тиб. Одам
ва ҳайвонларда патологик жараён натижа-
сида шикастланган ёки олиб ташланган
тўқима ва аъзолар ўрнига соғломини кўчи-
риб ўтказиш (бир организм доирасида ёки
бир турдаги бир неча организмлар ўртасида
ёхуд ҳар хил турдаги организмлар доирасида
амалга оширилади). *Қон томирлари транс-
плантацияси. Юрак трансплантацияси.*

ТРАНСПОРТ [лот. transportare — олиб
бормоқ, ташимоқ, ўтказмоқ] **1** Халқ ҳўжа-
лигининг юк ва пассажирлар ташиш билан
шуғулланувчи тармоғи ва унинг воситалари.
*Автомобиль транспорти. Шаҳар транспор-
ти. Темир йўл транспорти. ■ Қурилиш ма-
териалларини олиб келай десанг, транспорт*
йўқ.. «Муштум». Пиеда, худди транспорт
ҳайдовчиси каби, йўл ҳаракатининг тенг
ҳўқуқли иштирокчиси ҳисобланади. Газетадан.

2 ҳарб. Озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ва ш.к.
ҳарбий анжомлар ташийдиган кема.

ТРАНСПОРТЁР [фр. transporteur < лот.
transportare — олиб бормоқ, ташимоқ] **1** Юк-
ларни жойдан-жойга тўхтовсиз узатиб ту-
радиган қурилма; конвейер. *Лентали транс-
портёр. ■ [Смена мастери билан Инъом-
жоннинг] У ёнидан-бу ёнидан вагонетка гу-
вуллаб югуради, оёғининг тагидан транс-
портёр лентаси ғиқиллаб ўтади. С. Аҳмад,
Мўтти.*

2 айн. бронетранспортёр.

ТРАНСПОРТИР [фр. transporteur < лот.
transportare — кўчирмоқ, олиб ўтмоқ] Гра-
дусларга бўлинган ярим доира ва чизғич-
дан иборат бурчак ўлчаш ва бурчак ясаш
асбоби; бурчакчизғич.

ТРАНСПОРТЧИ Транспорт ходими.
*Транспортчиларимиз етиштирилган ҳосил-
нинг ҳаммасини қоп-қанорсиз ташиб бериш-
га ваъда бердилар.* Газетадан.

ТРАНСУРАНЛАР, трансурани элементлар
[транс. + уран] Менделеев даврий система-
сида урандан сўнг жойлашган, деярли та-
бийий ҳолда учрамайдиган (сунъий йўл би-
лан олинадиган) кимёвий элементлар.

ТРАНСФОРМАТОР [лот. transformare —
бошқачасига ўзгартирмоқ, айлантирмоқ]
Ўзгарувчан электр токининг кучланишини
ошириб ёки пасайтириб берувчи аппарат.
Кучланишни пасайтирувчи трансформатор.
Кучланишни оширувчи трансформатор.
Трансформатор қўтиси.

ТРАНСФОРМАЦИЯ [лот. transformatio
— ўзгартириш] **1** тех. Энергия ёки объект-
ларнинг бирон-бир муҳим хосса-хусусияти-
ни трансформатор ёрдамида ўзгартириш.
Ўзгарувчан токни трансформация қилиш.

2 тилш. Асосий синтактик тузилмани тил
қонун-қоидалари асосида ўзгартириб, ик-
кинчи бир тузилма ҳосил қилиш (мас., *Ўқи-
тувчи қоида*ни тушунтирди. // *Қоида* ўқи-
тувчи томонидан тушунтирилди).

ТРАНСФОРМАЦИЯЛАМОҚ Транс-
формация қилмоқ, ўзгартирмоқ. *Электр*
токини трансформацияламоқ.

ТРАНШЕЯ [фр. tranchee — чуқур, хан-
дақ, зовур < trancher — қирқмоқ] **1** ҳарб.
Жанг олиб бориш, душман зарбаларидан
сақланиш, яширин ҳаракат қилиш учун
мослаштирилган, атрофи тупроқ кўтарма-
ли тор, узун, чуқур зовур, хандақ. *Йўлнинг*
пастки томонида вайрона станциялар.. узун-
дан-узоқ траншеялар.. стволлари ерга сан-
чилган тўплар.. ортда қолиб борар эди. З.
Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. У «Взвод кела
қолса эди, буларни ушлаб олардик», деган ха-
ёлда траншеялар билан взводга жўнади. И.
Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳар қадамда.. кала-
мушининг уясига ўхшаган окоп, траншея. А.
Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 махс. Бирор мақсадда қурилган, ков-
ланган зовур, чуқур. *Силос траншеяси. Пой-*
девор траншеяси. Водопровод қуёурлари ёт-
қизиладиган траншея.

ТРАП [голл. trap — зина, нарвон] **1** Кема
ичидаги, шунингдек, кемага чиқиш-тушиш
учун хизмат қиладиган, арқон, ёғоч ёки
металлдан ишланган махсус нарвон, зина.
Арқон трап. ■ Кема трапидан тушаётган
меҳмонни зирҳлари ялтираб турган икки ро-
бот кузатиб борарди. М. Маҳмудов, Мангу
куй излаб.

2 Самолёт, вертолёт ва ш.к. га чиқиш-тушишда фойдаланиладиган махсус зина; муваққат нарвон. *Самолётга трап қўйиб бўлмади. Одамлар баланддан бир-бирининг устига ўзини ташламоқда.. эди. А. Мухтор, Қаноти синган орзу.*

ТРАПЕЦИЯ [юн. trapezion — столча] *мат.* Икки томони ўзаро параллел бўлган, қолган икки томони параллел бўлмаган тўртбурчак.

ТРАССА [нем. Trasse < лот. tractare — чизмоқ, чизик тортмоқ] 1 Ерда ёки харитада канал, йўл, газ қувири, алоқа линияси ва ш.к. нинг қандай ўтишини ёки қандай ўтказилиши кераклигини ёки самолёт, кема ҳаракат йўналишини кўрсатувчи чизик, из. *Самолёт учадиган трассани белгиламоқ. Тошкент метросининг трассаси. Бухоро—Урал газ қувири трассаси. ■ Канал трассасидаги ернинг юқори қатлами бир метр чамасида тошдек қаттиқ эдики, унга теккан ковиш, тошга теккандек, сапчиб кетарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

2 Узоқ масофали катта қатнов йўли, йўл. *Мамлакатнинг темир йўл трассалари. Автомобиль трассаси. ■ Спортчилар ўзларининг машиналарини текширишдан ўтказдилар, мотокросс трассаси билан танишдилар, трассада бир неча кун машғулот ўтказдилар. Газетадан.*

ТРАУЛЕР [ингл. trawler < trawl — ёйма тўр] *денг.* Балиқ ва б. денгиз жониворларини трал (конуссимон тўр қоп) ёрдамида овлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш учун мўлжалланган денгиз кемаси.

ТРАФАРЕТ [итал. traforetto — тешиб, илма-тешик қилиб ташланган < лот. transforare — тешмоқ] 1 Гул, нақш солиш, безакли хат ёзиш ва ш.к. учун белгиланган ўйма андаза ва шундай андазадан фойдаланиб, бўёқ билан девор, плакат ва ш.к. га солинган гул, нақш. *Трафарет билан гул солмоқ. Деворларга чиройли трафаретлар солинган. ■ Расм солиниши лозим бўлган ҳар бир буюм учун ўзининг андазаси — трафарети тайёрланади. Газетадан. -Мен бу кишининг дидларига қойил бўлдим, амаки, — деди Наби-гулнинг акаси, — уйларини кўкимтир бўёқ билан трафарет қилдирган эканлар, ҳафсала қилиб, чироқларига шу рангдаги абажур ҳам қўйибдилар. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.*

2 Ўйламасдан амал қилинадиган, тайёр ҳолдаги намуна; қолип. *Ҳатто, айтиш мумкинки, фольклордаги тайёр традицион трафарет иборалар ўрнига янгилари қўлланмоқда. «ЎТА».*

ТРАХЕИТ [ингл. tracheitis] Трахея шиллиқ пардасининг совуқ ёки айрим юкумли касалликлар оқибатида яллиғланиши.

ТРАХЕЯ [юн. tracheia — кекирдak] Кекирдak — нафас йўлларининг ҳиқилдоқдан кейинги қисми.

ТРАХОМА [юн. trachus — ғадир-будур] *тиб.* Кўз шиллиқ пардасининг сурункали яллиғланиши билан кечадиган юкумли касаллик; шилпиқ.

ТРЕВОГА [р. тревожить — «ташвишлан-тирмоқ, хавотирга, ваҳимага солмоқ» фл. дан ясалган от] Хавфли ҳолат ва ундан огоҳлантирувчи сигнал. *Ҳаво тревогаси. Тревога сигнали. ■ Тревога эълон қилиниши билан солдатлар дарахт паналарига, уйдим-чуқур жойларга ўзларини олдилар, бутун колонна ерга ётди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ТРЕД-ЮНИОНИЗМ [ингл. tradeunionism] Ишчилар ва касаба уюшмалари ҳаракатида меҳнаткашларнинг аҳволини яхшилаш йўлида ислохотлар ўтказиш талабларини олға сурувчи оқим.

ТРЕД-ЮНИОНЛАР [ингл. trade — касб-хунар + union — бирлашма, уюшма] Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия ва б. баъзи инглиззабон мамлакатларда касаба уюшмалари.

ТРЕЙЛЕР [ингл. trailer < trail — тортмоқ, судрамoқ] Ўта оғир, одатда, 100 тоннагача бўлган яхлит юкларни ташишга мўлжалланган тиркама транспорт воситаси.

ТРЕК [ингл. track — из, йўл] Велосипед ва мотоцикл спорти бўйича ўтказиладиган турли машқ ва пойғалар учун доира шаклида қурилган, қия, нишабли бурилишлари бўлган махсус йўл, йўлка. *Велосипед треки.*

ТРЕНАЖЁР [ингл. train — ўргатмоқ, машқ қилдирмоқ] 1 *махс.* Муайян касбий малакалар орттириш, машина, механизмларни бошқаришни ўрганиш учун мўлжалланган мослама.

2 *спрт.* Жисмоний машқлар воситасида турли хил мускулларни ўргатиш, чиниқтиришга ёрдам берувчи мослама, қурилма.

ТРЕНЕР [ингл. trainer < train — ўргатмоқ, машқ қилдирмоқ] Спортнинг бирор

тури бўйича спортчилар тайёргарлигига раҳбарлик қилувчи мутахассис. *Футбол жамоасининг тренери.* ■ *Тренер менга қўлқоп бераётмиб: -Юрагингни сақла! — деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Бу шаҳарда кўпгина спорт ишларини жамоатчи тренер ва инструкторлар олиб бормоқда. Газетадан. Тренер шогирдини ҳаяжонланмасликка ундар, сўнги маслаҳатини берарди. Газетадан.*

ТРЕНЕРЛИК Тренер иши, касби. *Тренерлик қилмоқ.*

ТРЕНИНГ [ингл. training — ўргатиш, тарбиялаш, машқ қилдириш] Тренировка тизими, машқ, машғулоти режими (қ. **тренировка**).

ТРЕНИРОВКА [р. < ингл. training] 1 Маълум сифат-хусусиятларга эга бўлиш ёки уларни сақлаб қолиш учун мунтазам равишда амалга ошириладиган машқлар, машғулотлар.

2 Муайян режа асосида спортчини, унинг организмни ўз кучини максимал намоён қилишга, чидамлик, тезлик, чаққонликка ва галаба учун интилишга тайёрлаб бориш.

ТРЕПАНАЦИЯ [фр. trepanation < trepan — парма] *тиб.* Суяк бўшлигини, мас., калла суягини тешиб очишдан иборат жарроҳлик операцияси.

ТРЕСТ [ингл. trust — ишонч] *иқт.* 1 Монополия шаклларида бири — тadbиркорлар (фирмалар) нинг иқтисодий бирлашмаси; бунда иштирокчилар ўзларининг аввалги ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақиллигини тўла йўқотиб, ягона бошқарувга бўйсундилар.

2 *эск.* Собиқ СССР мамлакатларида: маҳсулотларнинг бир турдалиги ёки хомашёга ишлов бериш босқичлари бўйича ўзаро боғланган корхоналар бирлашмаси.

ТРЕБУН [лот. tribunus — армия қўмондони; оддий халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи вакил] Оташин нотик ва публицист бўлган йирик жамоат арбоби.

ТРЕБУНА [фр. tribune < лот. tribunal] 1 Нотик чиқиб сўзлайдиган, раҳбарлар ўз мулозимлари билан турадиган (ўтирадиган) баланд жой; минбар. *Трибунага чиқиб сўзламоқ.* ■ *Трибуналарда дипломатик корпус аъзолари турибдилар. Газетадан. Трибуналарда шу гап, телевизор экранлари, рекламаларда шу мавзу. Э. Охунова, Икки океан оша.*

2 *кўча* Ижтимоий фаолият олиб бориш учун восита бўлган соҳа, жой.

3 Стадионлар ва майдонларда томошабинлар учун ўринлар тобора юқорилаб борадиган қаторларда жойлаштирилган қурилма, иншоот. *Трибуналар томошабинлар билан лиқ тўла.*

ТРЕБУНАЛ [лот. tribunal — суд қиладиган жой] Суд ҳайъати; фавқулудда ёки ихтисослашган суд, унда асосан ҳарбий хизматчилар, ҳарбийни ўтовчилар жинояти бўйича ишлар кўрилади (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда). *Бу асилзодани ўртоқ Қамбаровга олиб бориб топшир! Трибунал олдида жавоб берсин! Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.*

ТРИГОНОМЕТРИК Тригонометрияга оид. *Тригонометрик функция. Тригонометрик жадвал.*

ТРИГОНОМЕТРИЯ [юн. trigonon — учбурчак + metreo — ўлчайман] Математиканинг учбурчак томонлари ва бурчаклари ўртасидаги боғланишларни ўрганадиган бўлими. *

ТРИКО [фр. tricot < tricoter — тўқимоқ] 1 Устки кийимлар тикиш учун ишлатиладиган, жимжимадор қилиб тўқилган жун газлама. *Костюмлик трико. Трико шим.*

2 Трикотаж тўқимадан тикилган, гавдага ёпишиб турадиган спорт ёки театр костюми. *Дарвоза очилиб, йўғон қоматини спортчилар киядиган қалин трико сиқиб турган Шамси Тураевич кўринди. Н. Аминов, Суварак.*

ТРИКОТАЖ [фр. tricotage < tricoter — тўқимоқ] Машинада илмоқлаб тўқилган мато ва ундан тайёрланган кийим (пайпоқ, кофта, шапка, қўйлак-лозим ва ш.к.). *Инак-ли трикотаж. Жун трикотаж.* ■ *Трикотаж цехида элик ишчига мўлжалланган ишлаб чиқариш участкаси фойдаланишга топширилди. Газетадан. Республика саноати минерал ўғит.. консервалар, трикотаж кийимлар ишлаб чиқариш режасини бажарди. Газетадан.*

ТРИЛЛЕР [ингл. thrill — асабий титроқ, ҳаяжон(ланиш)] Саргузашт фильмлар, бадий асарларнинг томошабинлар ёки ўқувчиларда ташвиш, ваҳима, безовталиқ, қўрқув уйғотувчи ўзига хос воқеа, эпизодлари бўлган алоҳида тури.

ТРИЛЛИОН [фр. trillion < лот.] Минг миллиардга тенг сон, минг миллиард (1 рақами ва 12 та, баъзи мамлакатларда 18 та нолдан иборат). *Геологлар бу ерда [Кизилқумда], худди океанишунослар сингари, триллионлар билан иш кўришади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТРИЛОГИЯ [юн. trilogia < tri — уч + logos — сўз] *ад., мус.* Бир муаллифнинг умумий мавзу, етакчи гояси, сюжет алоқадорлиги билан бир бутунликни ташкил этувчи уч (бадий, мусиқий ёки саҳнавий) асари. *Биринчи бор ўзбек адабиётида бир муқова остида уч китобни ўз ичига олувчи мукамал бадий трилогия пайдо бўлди.* У. Норматов, Талан тарбияси.

ТРИО [итал. trio < лот. tres — уч] 1 Уч-та ижрочи (хонанда ёки созанда)дан иборат ансамбль. *Баянчилар триоси. Хонандалар триоси.*

2 Уч ижрочи (хонанда ёки созанда) учун ёзилган мусиқа асари.

ТРИОД [юн. tri + (электр)од] Катод, бошқарувчи тўр ва аноддан иборат уч электродли лампа.

ТРИПЕР [нем. Tripper < trippen — томмоқ, оқмоқ] *айн. сўзак* 1.

ТРИПСИН [юн. thrypsis — суюлтириш] *тиб.* Меъда ости безида ҳосил бўладиган, овқатни ҳазм қилдирадиган фермент.

ТРИПТИХ [юн. triptychos — уч букланган, қатланган] *снт.* Умумий, ягона гоя, мавзу ва сюжет билан боғланган, учта расм, манзара ва ш.к. дан ташкил топган тасвирий санъат асари.

ТРИТИЙ [юн. tritos — учинчи] Водороднинг масса сони 3 бўлган радиоактив изотопи (атом ядроси битта протон ва иккита нейтрондан иборат).

ТРИТОН [юн. Triton — юнон мифологиясида: танаси одамсимон, оёқлари ўрнида балиқ думи бўлган денгиз маъбуди] 1 *зоол.* Европа, Осиё ва Шимолий Америкада яшовчи, саламандралар оиласига мансуб думли амфибияларнинг бир тури.

2 *астр.* Нептун сайёрасининг иккита йўлдошидан бири.

ТРОЛЛЕЙБУС [ингл. trolleybus < trolley — роликли ток ўтказгич (улагич) + bus — (авто)бус] Электр кучи билан юрадиган, йўловчи ташувчи рельсиз шаҳар транспорт машинаси. *Троллейбус парки.* ■ Автобус,

троллейбус, трамвайлар мунтазам ишлаб турган вақтдагина йўловчи ҳеч қандай қийинчиликсиз ишхонасига кайфияти чоғ ҳолда кириб келади. Газетадан. *Аҳмад эртасига, менга келаётганида ток бўлмай, троллейбус тўхтаб қолганини айтди.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

ТРОМБ [юн. thrombos — юмалоқланган; ивиган, қуюлиб қолган нарса] *тиб.* Қон томирлари ёки юрак бўшлиғида ивиб қолган қон ёки лимфа томирларида ивиб қолган лимфа.

ТРОМБОЗ [«тромб» с. дан] *тиб.* Қон томирларида ва юрак бўшлиғида қоннинг ивиши ва бунинг натижасида қон оқимининг қийинлашуви ёки умуман тўсилиши.

ТРОМБОН [итал. trombone — катта труба] Паст кескин товуш чиқарадиган, товуш баландлиги сурма ёки клапанли механизм билан ўзгартириладиган, мисдан қилинган пуфлама мусиқа асбоби. *Ёрқин туйғуларни ифодаловчи скрипка ва флейталар куйига бора-бора контрабас ва тромбонларнинг йўғон.. оҳанглари қўшилди.* П. Қодиров, Уч илди.

ТРОП [юн. tropos — бурилиш, айланиш] қ. *кўчим.*

ТРОПИК [юн. tropikos — бурилишли, айланишли] 1 Ер юзасидан экватордан 23° 27' шимолда ёки 23° 27' жанубда унга параллел равишда ўтказилган икки фаразий доиравий чизикнинг ҳар бири; мадор. *Тропикдан ўтмоқ.*

2 Шу икки чизик ўртасида, экваторнинг икки томонида жойлашган энг иссиқ минтақа. *Тропикда яшамоқ.*

ТРОПИК Тропикларга оид, Ер шарининг энг иссиқ минтақасига, тропикларга хос бўлган, шу ерда бўладиган, жойлашган. *Тропик мамлакатлар. Тропик ўсимликлар. Тропик касалликлар. Тропик циклон.*

Тропик йил Қуёш марказининг баҳорги тенгкунлик нуқтасидан кетма-кет икки марта ўтиши орасидаги вақт, давр.

ТРОПИКЛАР Тропикда жойлашган ерлар, тропик мамлакатлар, ўлкалар.

ТРОПОСФЕРА [юн. tropos — бурилиш; ўзгариш + sphaira — сфера] Атмосферанинг Ер юзаси таъсири аниқ сезиладиган, 10 дан 18 километргача бўлган қуйи қатлами.

ТРОС [голл. tros] Толали материаллар, пулат симлар, сунъий толалардан эшилган,

пишиқ йўғон арқон, канат. *Дониёрбеков блокнотидан бир варақ йиртди-да, «Хиёл! Қандай бўлса ҳам тросни белинга боғла, бор кучинг билан унга осил, бу ёқдан тортиб оламиз!» деб ёзди. И. Раҳим, Тақдир. Лебёдка [чигир]/қаттиқроқ ишлаганда, унинг ғалтагига ўралаётган йўғон трос тутаб кетгандай кўрилади. П. Қодиров, Эрк.*

ТРОТУАР [фр. trottoir < trotter — майда қадам ташлаб юрмоқ] Кўчанинг чеккасида, қатнов йўли билан уйлар ўртасида пиёдалар учун қурилган йўлка. *Кенг тротуар. Асфальт тротуар. ■ Фуломжон икки четига қатор миззатерак ўтқазилган кенг кўчанинг салқин тротуарида жануб томон борар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ТРУБА [итал. tromba] 1 Суюқлик, газ, буғ ва ш.к. ни ўтказиш учун ясалган, одатда, доиравий кесимли, узун, ичи ковак маҳсулот. *Сопол труба. Чўян труба. Водопровод трубаси. ■ Станция шаҳарнинг ўртасида эди. Тўрт томонда баланд-баланд трубалардан куюқ қора тутун буруқсиб чиқиб, кўкка интилмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 мус. Баланд очиқ товуш чиқарадиган пуфлама мусиқа асбоби. *Труба чалмоқ. ■ Труба — мис духовой [пуфлама] асбоблар тўдасида энг баланд (юқори), очиқ ва равшан товуш берадиган асбоб. И. Акбаров, Музыка саводи.*

ТРУБАЧИ Труба чалувчи созанда ёки сигналчи. *Икки ўртоқ бир қўлига қадаҳ, иккинчи қўлига мезбон хотин янгигина олиб келган кабобдан олиб, энди винони ярмигача шимирган эди, полк трубачиси тревога чалиб қолди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

ТРУБКА [итал. tromba] 1 Ингичка труба, найча. *Резина трубка.*

2 махс. Чўзиқ труба шаклидаги турли асбоблар номи. *Рентген трубкаси. Телевизорнинг электрон-нур трубкаси. ■ -Қўли синганга ҳам трубка кўядими? — деди мураббй Аҳмадга қараб. Ойдин, Болалик уйда ғийбат йўқ.*

3 Телефон апаратининг эшитиш ва сўзлаш учун хизмат қиладиган қисми. [*Нодиржон*] *Телефон жириглаши билан чўчиб кетди, апил-тапил трубкани олиб, қулоғига тутди. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.*

4 Бир томони тамаки солинадиган кичик косачага, иккинчи томони муштукка уланган ичи бўш найчадан иборат чекиш

асбоби. *Чол эса индамади-ю.. трубкасини чуқур тортиб қўйди. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.*

ТРУБОПРОВОД [труба + р. проводить — «ўтказмоқ» фл. дан] Узоқ масофага суюқлик, газ ёки қаттиқ материалларни қувурлар орқали етказиб берадиган иншоот ёки иншоотлар мажмуи. *Табиий газнинг дастлабки миллион кубометрлари трубопровод магистралига оқизилмоқда. Газетадан.*

ТРУБОПРОВОДЧИ Трубопровод ўтказувчи, уни таъмирловчи шахс, мутахассис.

ТРУППА [нем. Gruppe — қисм, бўлима, гуруҳ] Театр ёки цирк артистлари жамоаси. *Балет труппаси. ■ Ўша вақтда Қўқонга гастролга келган ҳар хил труппалар рус, татар, озарбайжон тилларида спектакллар кўрсатар, от ўйин — цирк томошалари бўлиб турарди. «ЎТА». 1927 йилда Самарқандда ташкил топган «Кўк қўйлак» труппасига Манас Левиевни ҳам қабул қилдилар. Газетадан.*

ТРУСИ [р. труси < ингел. trousers — шим] Ичдан кийиладиган кичик иштонча, шундай спорт кийими. *Биз труси, майкаларимизни кийиб келгунча, командамиз саф тортган эди. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.*

ТРУСИЧАН Фақат труси кийган, фақат трусида бўлган. *Ичкаридан трусичан, олти ёшлардаги бир бола бурнини тортиб чиқди. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.*

ТРЮМ [голл. trüim — уй, хона] Кеманинг пастки палубаси билан кема туби, энг ости ўртасидаги, одатда, юкларни қўйиш ва б. мақсадлар учун фойдаланиладиган оралик жой. *Хизматга зарур бўлган олти-етти матрос ва машина бўлимидагилардан ташқари ҳамма трюмга қамалди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

ТРЮМО [фр. trumeau] Деворга тақаб тикка қилиб қўйиладиган катта тошойна.

ТУБ 1 от Таг, ост. *Пақирнинг туби. Денгиз туби. ■ Саккиз бульдозер канал тубини ўйиб, машина хартумига қамраб олган тупроқни юқорига суриб чиқарарди. «Ўзбекистон кўриқлари». Боғнинг этак томони чуқур жарлик. Унинг тубида.. бир тегирмонча сув қишин-ёзин тўхтамай оқиб ётади. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.*

Туб жой Ўзи яшайдиган ер, жой; асл ўзига мансуб жой. *Туб жой итидан кўра мусофир итнинг қутургани ёмон бўлади.. А.*

Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар. **Туб кон** Ер ости кони. Ҳозир биз асосан туб конларни излаб топишимиз керак, назаримда. С. Кароматов, Олтин қум. **Туб қуймоқ** Асос олиб ўрнашмоқ, барқарор joyлашмоқ. Бу қишлоқ сувини бир ичган одам, тамом, шу ерда туб қўйиб, илдиз отиб кетмай иложи йўқ. Ф. Насриддинов, Олтин одамлар. **Туби очилди айн. таги очилди қ. таг.** [Тантибойвачча] Биринчидан, ишининг туби очилишидан ваҳимага тушди. Ойбек, Танланган асарлар. **Тубига етмоқ айн. тагига етмоқ қ. таг.** **Қалб (ёки кўнгил, юрак) туби** Қалбнинг энг чуқур, нозик ери. Шу митингда Мурзин ҳам бор эди. Роса қулоқ солиб тинглади. Қалби тубида қандайдир куч уйғонди. Шухрат, Шинелли йиллар. Элмурод унинг ёнида ўтирар ва бу сўнгги кунда унга нимадир дегиси келар, лекин кўнглининг тубида йиғилган гапларини ифодалашга пайт ҳам, сўз ҳам тополмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 от кўча Пировард натижа, охир-оқибат; асос, замир. **Сабр туби** — олтин. Мақол. ■ **Йўқ, ўртоқ Низомов, биз таваккал қилмаймиз.** Таваккалнинг туби — тош, бошининг урсанг — ёрилади. Шухрат, Шинелли йиллар. Бу сўзларнинг тубида жуда катта рашик борлигини сездим. М. Қориев, Ойдин кечалар.

3 Моҳият эътибори билан асосий бўлган; асл, бирламчи. **Ёрдмчи ва шахсий хўжаликларни ривожлантириш кундалик турмушимизнинг туб масалаларидан бўлиб турибди.** «Муштум». Адиб, ҳаётга фаол муносабатда бўлиш — ёзувчи меҳнатининг туб моҳияти, деб ҳисоблаган. Газетадан.

4 тлш. Қисмларга бўлинмайдиган, ясама бўлмаган. Туб сўз. Туб терминлар. ■ **Содда терминлар ўз ўрни билан иккига бўлинади: туб ва ясама терминлар.** «ЎТА».

ТУБАН 1 Куйи, паст. -Ҳизмат? Ўтиринелар, — аълам тетик, айёр кўзлари билан келувчиларга разм солиб, тубанроқдан жой кўрсатди. Ойбек, Улуғ йўл. **Кема тубан оқиб боради, Бўрон уни қирга олади.** Э. Раҳим. Қулмуроднинг бу сўзларини эшитган Шокир қизариб-бўзариб кетди ва нима дейишини билмасдан, бошини тубан солди. С. Айний, Қуллар.

2 кўча Мавқеи, хислатлари, сифати ва ш.к. жиҳатидан куйи даражали; паст, арзимас. Тубан одам. ■ **Ақлга келганда, мулла**

Султонқулдан анча пастда, тегирмончидан эса жуда ҳам тубан туради. А. Қодирий, Обид кетмон. **Ҳаёт оқимидан сокин, унинг талабидан тубан яшаш ўқитувчини беобрў ва бекадр қилади.** Р. Усмонов, Одобнома.

3 кўча Ҳаёт, ахлоқ талаби нуқтаи назаридан ёмон, ярамас. У [Фазлиддин] яқинда яна ичиб келиб, онасини энг тубан ҳақоратлар билан тупроққа қориб ташлади. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. **Гиёҳвандликнинг қандай қилмишларга сабаб бўлиши, фохшабозликнинг нақадар жирканч, тубан эканлигини яширмай-нетмай кўрсатмоқдамиз.** Газетадан. **Бошқа илож қолмагач, она энг тубан ва жирканч бир «хунар»га тутинди; дўкдорларга, мулкдорларга, бадавлат одамларга янада зиёда давлат тилаб, хайр-садақа сўрай бошлади.** П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУБАНДА рвш. Куйида, пастда. Бу ҳақда тубанда сўз боради. Тубанда келтирилган мисоллар. ■ **Шунинг учун биз, аёллар, бундай кишиларга тегишли чора кўрилишини талаб этамиз, деб тубанда қўл қўювчилар.** П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУБАНДАГИ Куйида айтилган, зикр қилинган, кўрсатилган, қуйидаги. Тубандаги фактлар (рақамлар).

ТУБАНЛАШМОҚ 1 кам қўлл. Пастлашмоқ, пастроқ тушмоқ. Булултар тубанлашиб, дарахт чўққиларини қоплади.

2 кўча Пастлашмоқ, разиллашмоқ, тубанликка, разолатга юз тутмоқ.

ТУБАНЛИК 1 Паст ҳолатга эгалик, паст эканлик. **Содиқ қўлидаги ханжарини бир-икки қайта солиб кўрса ҳам, тегдириш учун кесманинг тубанлиги халал берди, лекин ўзи тетик эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўча Тубан шахсга хос ҳолат-хусусият; тубан хатти-ҳаракат, разолат. **Илғорлик билан қолақлик, самимийлик билан ҳасад, олийжаноблик билан тубанлик.. тўқнашади.** Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Аёл кишига қўл кўтариш — ожизлик белгиси, тубанлик — маданиятсизлик белгиси.** Газетадан.

Тубанликка бормоқ (ёки кетмоқ) Тубан ҳолат, хусусият касб этмоқ; тубанлашмоқ. **Пасткаш ишлар билан шуғулланадиган кимсалар.. шундай тубанликка бориб, кишиларни алдайди, қаллоблик қилади.. Мирмуҳсин, Умид. Иззат-ҳурмат кўрган одамни таҳқирласанг, тубанликка кетасан.** Газетадан.

ТУБДАН *рвш.* Бутунлай, тубли равишда, таг-туги билан, жиддий равишда. Аҳвол тубдан ўзгарди. *Иш тубдан қайта кўрилди.* ■ Делегатлар асосий эътиборни.. пахтачиликни ривожлантиришга, бунинг учун кишилар билан ишлашни тубдан яхшилашга қаратдилар. Газетадан. Умида ундан кўп марталаб эшитган бу гапнинг даҳшатини эндигина тубдан пайқади. А. Мухтор, Чинор.

ТУБЕРКУЛЁЗ [лат. tuberculum — шиш, гудда, дўмбоқ] қ. сил.

ТУБЛИ 1 Туби, таги бўлган, тагли. Чуқур тубли дарё. Пачақ тубли нақир.

2 кўчма Чуқур асосга эга бўлган, асосли. Маҳмуд Нурунинг гапига мундоқ разм солиб қараса, анча тубли. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. Навоий катта куч: у сиёсатни тубли билади. Ақлга бой, ҳам эл-улус орасида обрўси баланд. Ойбек, Навоий. Утган йили.. пахтачиликни комплекс механизациялаш ишида тубли бурилиш ясалди. Газетадан.

ТУБСИЗ 1 Таги, туби бўлмаган, тагсиз. Тубсиз нақир.

2 кўчма Тагига етиб бўлмайдиган, жуда чуқур; чек-чегараси йўқ. Тубсиз жарлик. ■ Одамлар юрагини ўрганиш — гўё поёнсиз осмон, тубсиз денгиз сирларини ўрганишдек мушкул. Ё. Шукуров, Халқ билан ҳамнафас. Тикиланинг сари чексиз ва тубсиз туюлувчи осмон оламни ўз домига тортиб кетаётгандек бўлади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Очиқ яна тубсиз ўйлар гирдобиди қолди. П. Қодиров, Уч илди.

ТУБСИЗЛИК Тагига етиб бўлмайдиган, жуда чуқур жой. Довулнинг ёвузлигини олқишлаётган бўрон эса, кемаларга ҳар икки қанотдан ҳужум қилар, шер ўмровли йиртқиқ тўлқинларни дам олддан, дам ортдан келтириб урар, тубсизлик қаърига фарқ қилмоқчи бўларди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТУВАК 1 Бешикка беланган боланинг сийдик ва ахлати тушадиган бешик асбоби.

2 Конус шаклидаги сопол идиш. Гул тувак. ■ Дераза ёнидаги катта тувакда самбитул кўм-кўк бўлиб яшнаб турибди. С. Зуннунова, Янги директор.

3 Итта овқат бериладиган идиш.

ИТИНИНГ ТУВАГИ ОЛТИНДАН қ. ит.

ТУВАКЛИ Тувакка экиладиган, экилган, тувакда ўсган. Чиройли гиламлар, тур-

ли ҳайкаллар.. тувакли гуллар билан безатилган кабинетдан сира-сира айрилгилари келмайди. «Муштум».

ТУВАЛАР, тивалар Россия Федерациясидаги Тува (Тива) Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этган халқ. Тива халқи.

ТУВАЛОҚ Тувдоқлар туркумига мансуб, ов қилинадиган, гўшти мазали йирик қуш; тувдоқ. Тувалоқ овлаш. Қўлда юрган қўнғир ғоз чўл қадрини не билур, Чўлда юрган тувалоқ кўл қадрини не билур? Мақол. ■ Какликдан ташқари, қирғовул, тувалоқ ва шу каби паррандалар ҳам овчиларнинг кўзини ўйнатган. «Фан ва турмуш».

Йўрға тувалоқ Тувалоқларнинг бир тури. Ҳу ана.. иссиқда мудраётган чўлга файз киритиб, оққушниқидай чиройли бўйнини ғоз тутганча йўрға тувалоқ йўрғалайди. С. Анорбоев, Гўзалик излаб.

ТУВДОҚ айн. тувалоқ.

ТУВОҚ Қозоннинг қопқоғи. Мис қозонга лой тувоқ. Мақол. ■ Тувоғи йўқ қозон, унинг ёнида бир ўғир, битта кув турибди. Ғ. Фулом, Шум бола. Ферузанинг ўчоғида яна олов. Тувоғи ёпик декчадан буғ кўтарилади. С. Анорбоев, Гўзалик излаб.

ТУВЧА шв. Бир-икки ёшли эчки. Эчкиними, тувчасиними сотиб, пулига озроқ дон олсакмикан, болам.. С. Исҳоқов, Олам гўзал.

ТУГАЛ 1 Битган, чала ери йўқ, охирига, поёнига етказилган. Тугал иш. Тугал асар. ■ Энди билишимча, биз ўша даврларда ўйнаган нарсаларимиз ҳали тугал бўлмаган, анча ғўр асарлар эди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Элмурод биринчи кун беш вақт намозни тугал ўқиди. Иккинчи кун учтасини ўқиб, иккитасини қазо қилди. П. Турсун, Ўқитувчи. Она, тугал ёзишдан қаламим оғиз. Ғайратий.

2 Тўла-тўқис, бекам-кўст; тўлиқ, бут. Тугал фикр. Тугал жумла. ■ Икки пуд буғдой билан беш пуд шоли бериб қутулмоқчи бўлибди. Жаниш бўлса, тугал берасан, деб туриб олибди. Ҳ. Шамс, Душман. Домлангизни шундоқ катта профессор қилиб, обрў, уй-жойларимиз тугал бўлганда, шуларни ташлаб кетиб қоламанми, деб қўрқаман. Мирмуҳсин, Умид.

Тўрт кўз тугал Ҳамма жам ҳолда, биргаликда. [Чўпон:] Қўй, мол кетса кетсин, бош соғ бўлса, топармиз. Қўй, тўрт кўз тугал йўл олганимиз анча ғаниматдир. Ҳамза, Майса-

ранинг иши. Вақти билан тўрт кўз тугал бўламиз. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ТУГАЛЛАМА ад. Сюжетнинг ечимдан кейин келадиган ва персонажларнинг охириги тақдири ҳақида ҳикоя қилинадиган хотима қисми.

ТУГАЛЛАМОҚ 1 Охирига, якунига етказмоқ, битирмоқ, тугатмоқ. *Ишни тугалламоқ. Қурилишни тугалламоқ. Чигит экинни энг қулай агротехник муддатларда тугалламоқ.* ■ Институтни тугаллаганида, у [Умид] рус тилида аъло, тўқис гаплашарди. Мирмуҳсин, Умид.

2 Истеъмол, сарф билан тамом қилмоқ; тугатмоқ. *Пулини тугалламоқ. Ҳамма нарсасини тугалламоқ.*

ТУГАЛЛИК Тугал ҳолатдалик, тугал ҳолатга эгалик. *Фикрнинг тугаллиги. Асарнинг тугаллиги.* ■ *Ўзбек мусиқасида кўп жанр ва шакллар мавжуд. Хусусан, мусиқий достонлар — мақомлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мақомлардаги мукаммаллик, тугалликни айтмайсизми!* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТУГАЛМОҚ айн. **тугамоқ**. *Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг қишки сариқ кийимини кийган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Вақтсиз тугалди бебаҳо умринг. Ғайратий.*

ТУГАМОҚ 1 Охирига, ниҳоясига етмоқ, тамом бўлмоқ. *Савол-жавоб тугади. Мажлис тугади. Чопиқ тугади.* ■ *Ўқиш тугармиди? Ўла-ўлгунча ўқиш керак. Уйғун, Навбаҳор. Ўзбек ойимнинг гапи тугамасдан, Кумуш яна жомга интилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Вой, иш ўлсин, уй иши тугайдими? С. Зуннунова, Янги директор. Сафар тугаб, қайтиш вақти ҳам етиб келди. Н. Орифжонов, Шонли авлод. Бомдод намози тугаган, шекилли, тўп-тўп одам кела бошлади. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Ўтиб кетмоқ, ўтмоқ. *Қиш тугади. Вақт тугади.* ■ *Октябрь ойи ҳам тугади, ўрик япроқлари совуқда ўйнаган ёш боланинг лўппи юзидай қизарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Ишлатилиб, сарфланиб тамом бўлмоқ. *Қудуқнинг суви тугади. Овқат тугади. Кучқуввати тугади. Давлат тугар, билим тугамас. Мақол.* ■ *Корсондаги қимиз тугаб, шўрва ҳам ичилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳаш-паш дегунча дастурхондаги бурда нонлар тугаб, болалар дарвоза томон чопиш-*

ди. С. Кароматов, Олтин қум. Аҳмад чўнтагини титкилаб кўрса, сигарети тугабди.. Ф. Музажонов, Ҳиммат.

4 Якун топмоқ, тамом бўлмоқ, ўтмоқ (вақт, муддат, макон ва ш.к. ҳақида). *Вақтнинг тугади. Ёзги таътил тугади.* ■ *Сумбула тугаб, куз бошланаётган эди. Ф. Музажонов, Ҳиммат. Биринчи смена тугай деб қолганда, Саодатхон райондан қайтди. С. Зуннунова, Янги директор. Сайхонлик тугаб, туташ боғлар кўринди. С. Сиёев, Ёруғлик. Йул тугар-у уйига кирар Қиз зангори эшикни очиб. Х. Даврон.*

5 Бирор натижа билан якунланмоқ, натижаланмоқ. *Ҳўш, чекиш нима билан тугайди? Газетадан. Искандаровнинг биринчи муомаласиданоқ Ёдгор иш яхшилик билан тугамаслигига ақли етди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Ишнинг яхши бошланиши унинг муваффақиятли тугашидан далолат беради. Газетадан.*

6 Барҳам топмоқ, йўқ бўлмоқ. *Саводсизлик тугади.* ■ *Олдинги арава харсанг ётқизилган йўлдан тупроқ йўлга ўтиб, қалдираш тугагач, аравакаш орқасига — Меъморга қараб қўйди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

7 Кўчма Сафдан чиқмоқ, тамом бўлмоқ, ўлмоқ. *Эримбет кўкрагини чангаллаб турарди: «Мана энди Жапақ тугади! Мунча секин юради бу?» А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

ТУГАНАК Ўсимлик илдизпоясининг ер остидаги йўғонлашган қисми; илдизмевали ўсимликларнинг ҳосили, тугунак. *Картошка, аслида, ўсимлик ер ости новдасининг ўсиб, катталашган туганагидир. «Фан ва турмуш». ..руяннинг туганакларида ҳосил бўлган кислота тошни эритиш қобилиятига эга. Газетадан.*

ТУГАНМАС Сира ҳам тугамайдиган, битмас-туганмас. *Туганмас бойлик.* ■ *Ўйлаб турсам, сув асло туганмас куч экан. Ойбек, О.в. шабадалар. Дунёда туганмас, ўзгармас нарса йўқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о. ...жаҳонга таралган шухрати.. туганмас ғайрат ва шижоатларининг сир-асрори нимада экан? Н. Сафаров, Оловли излар.*

ТУГАТМОҚ 1 **Тугамоқ** фл. орт. н. *Ишни тугатмоқ. Камчиликларни тугатмоқ. Саводсизликни тугатмоқ.* ■ *Домла сабоқни тугатиб, энди ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турганда, Ғуломжон савол бериб қолди. М. Ис-*

моилий, Фаргона т. о. *Мадамин салкам бир лаган ошни бир неча олишда тугатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кумушибиби хатни ўқиб тугатди-да, югурганича уйига кириб кетди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Маълум муддатли иш, фаолият жараёнини ижобий натижа билан якунламоқ; тамом қилмоқ. *Юрагимиз ҳамоҳанг, мақсадимиз бир бўлганидан олий ўқув юртини тугатишимиз билан тўйимиз ҳам бўлди.* «Муштум».

3 Ишини, фаолиятини тўхтатиб, йўқ қилмоқ. *Артелни тугатмоқ.* ■ *Табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан шошилинч чора кўрилди.* Газетадан. *Шарқий Бухорода Анвар бандасини тугатишда қатнашиб қайтган бир аскар уйига келиб қараса..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ишини тугатмоқ Саранжом қилмоқ, йўқ қилмоқ; ўлдирмоқ. *Ботир яна абжирлик қилиб, унинг белига қилич солиб, ишини тугатибди.* «Чалпак ёққан кун».

ТУГМА 1 Кийим, ғилоф ва ш.к. нинг четига қадаладиган, одатда, тўгарак шаклидаги тутқич. *Садаф тугма. Кўйлак тугмаси. Тугма қадамоқ.* ■ *Ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, хомсемиз ҳоким формасининг кўкрак тугмаларини ечиб ташлаб, елпинишга тутинди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Кийимга қадаладиган тугма тез узилиб кетмасин десангиз, уни шамга ишқаб олинган ипда тикинг.* Газетадан.

2 Улагич кнопка. *Қудрат қўнғироқ тугмасини босди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Саттор лифтнинг пастга олиб тушадиган тугмасини босмоқчи эди..* П. Қодиров, Эрк. *Ҳамишра қиқиб кетгач, Аҳмедов столининг бурчагидаги тугмасини босди.* Ҳ. Нуъмон, Фаслар.

ТУГМАГУЛ айн. **тугмачагул.**

ТУГМАДОР Кўп тугма қадалган; сертугма. *Биринчисининг устида зарбоф чопон, белини олтин камар билан боғлаган, бошқаси эса оддий тугмадор камзул, бошига попоқ, оёғига қўпол сағри этик кийган эди.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

ТУГМАЛАМОҚ Кийим, ғилоф ва ш.к. нинг тугмасини солмоқ, қадамоқ. *Кўйлакнинг ёқасини тугмалаб олмоқ. Ёстиқ жилдини тугмаламоқ.* ■ [Тоғача] *Ҳамиша ёқаси тугмаланган яшил китель, чўнтагидан пас-*

ти қизил ҳошияли кўк ғалифе шим, қизил чарм этик кийиб юради. С. Кароматов, Ҳижрон.

ТУГМАЛИ Тугмаси бор, тугма қадаладиган. *Атлас кўйлак энини Тугмали қил энгини.* «Қўшиқлар».

ТУГМАЧА Кичкина тугма. *Садаф тугмача. Кўйлак тугмачаси.* ■ *Кўчада ётган эски тақа, занглаган мих, тугмача, шунга ўхшаш бало-баттарга кўзи тушса, дарров олар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУГМАЧАГУЛ бот. 1 Ёввойи гулхайри ва унинг гули.

2 Майда оқ гулли ўтсимон манзарали ўсимлик ва унинг ҳидсиз гули.

ТУГМАЧАДАЙ, -дек Кичкинагина; бежиримгина. *Тугмачадай қиз.* ■ *Какликнинг қип-қизил тугмачадек кўзлари жавдирарди-ю, ҳеч нарсани кўрмасди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТУГМОҚ 1 Тугун солмоқ; тугун солиб уламоқ, боғламоқ. *Рўмолнинг учини тугмоқ. Ипнинг икки учини тугиб боғламоқ.* ■ *Сочин тугиб, саллани ўрай берди бошига.* «Ойсулув».

2 (ж. к. билан) Ўраб боғламоқ, бўғчаламоқ; ўраб, тугун солиб жойламоқ. *Дастурхонга нон тугмоқ. Белга (белбоққа) пул тугмоқ.* ■ *Кейин сандиқни очиб, бисотидан бир кийимлик чит олди-да, баркашнинг устига қўйиб, дастурхонга тугди.* Т. Алимов, Совға. *Нодир индамай ўрнидан турди. Ойиси рўмолчага нон, мева-чева тугди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

3 Четларини ёпиштириб ясамоқ, тайёрламоқ (чучвара, сомса ва ш.к. ни). *Манти тугмоқ. Сомса тугмоқ.* ■ *Дугоналар иш билан банд бўлишди: бири патира ясади, бири сомса тугди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Гўшти, хамири тайёр, мантини ўзингиз тугиб юборинг, иним, чаққонсиз, ҳар ишга қўлингиз келиша қолади.* Ойбек, Улуғ йўл. *Келин шундай митти чучвара тугдики, унинг тўрттаси битта қошиққа сиғади.* Газетадан.

Муштини тугмоқ Бармоқлари учини кафт ичига олмоқ, кафт ичида бирлаштирмоқ. *Худди бокс тушадигандай муштини тугиб, тирсагини чиқариб, семиз гавдасини полвонларча лапанглашиб юради.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. - *Барибир топажасман!* — муштини тугиб, осмонга ўқталди Эшжон. С. Сиёев, Ёруғлик.

4 кўчма Йиғмоқ, тўплаб ғамламоқ. Топганини тугади. ■ Аёллар қўз ёши тўкиб, бу хонадонда ҳамма нарса бор, фақат тўй етишмади, боёқиш йиғди, тугди, эсси, келин кўрмай кетди, деб афсусланишган эди. С. Нуров, Нарвон. Топганимни шунга тугиб қўйиб, ўзим бола-чақа билан пўстакнинг жунини ейман. А. Қахҳор, Тобутдан товуш.

5 бот. Ҳосил нишонасини бермоқ, мева солмоқ. Олча ғуж-ғуж тугибди. ■ Бу вақт кўклам келиб, ҳамма ёқни яшил либос билан бегаган, гуллар ғунча тугиб, ариқчаларда сувлар хайқариб оққан, дов-дарахтлар томирига жон кирган пайт. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Бу орада дарахтлар гуллаб, мева туга бошлади. С. Нуров, Нарвон.

Думини тугмоқ қ. дум. Шундан кейин қурилиш раҳбарлари уларнинг думларини тугиб, «униси бўлмаса, буниси», деб яна бошқа шунга ўхшаш кишиларни таваккал қилиб ишга олиша беради. «Муштум». Кўнгилга (ёки дилга, қалбга, юракка, кўкракка) тугмоқ 1) кўнгилда сақламоқ, ёдда тутмоқ; унутмай йиғиб юрмоқ. Кўнгилга тугиб юрган гапларимни бугун сиз билан очик гаплашмоқчи эдим. П. Турсун, Ўқитувчи. Уҳамқишлоқ дугоналарининг энг ширин тилакларини, энг азиз туйғуларини дилига тугиб, ардоқлаб бормоқда. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Улуғ ишга бўлсин деб ҳисса, Қалбга тугиб иштиёқ, ҳавас.. Сайёр. Ўтар бобонинг кўндан бери кўнгилга тугиб юрган бир нияти бор эди. С. Сиёев, Аваз. Кўкракка туккан нияти менга маълум, Йўлчибой! Ойбек, Танланган асарлар. Бунинг устига уста мутахассислар ҳузурига юрагига тугиб қўйган бир фикрни айтиб, маслаҳат олиш учун ҳам борган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) ният қилмоқ. У [Ҳайдар] Анорхонга нимадир совға қилишни кўнгилга тугиб қўйган. И. Раҳим, Ихлос. «Энди Раззоқвойнинг бошини иккита қилиб қўйсак ҳам бўларди», деб орзу қилди чол ва ўғли билан бу ҳақда бафуржа гаплашишни дилига тугиб қўйди. Ҳ. Гулом, Маъғал.

ТУГРИК [мўғ. тўгрук — доира, тўгарақ] Мўғулистон (Монголия) нинг асосий пул бирлиги.

ТУГУК Тугилган, тугиб қўйилган. Учи тугук арқон. ■ Дарёда юзган қайиқми! Сенинг белбоғинг тугукми? Пўлкан, Ҳасан батрак. Одам қадри магар буюкдан-буюк, Ле-

кин қай дилларда маломат тугук. А. Орипов.

ТУГУКЛИК айн. тугук. Бу одамнинг белида гавҳар тугуклик бўлса керак. Ойбек, О. в. шабадалар. Уларнинг сўзи шу ерга етганда, рўмолда тугуклик бир нарса кўтарган ҳолда, Сайфи кириб келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТУГУЛ инкор-таъкид юкл. Нарса, ким-санигина эмас, балки...; у ёқда турсин, ҳатто.. Сендан молим тугул, жонимни ҳам аямайман. ■ Яроқ тугул, йўқ қўлингда таёғинг. «Нигор ва Замон». Кунлар исиб, дарё тугул, денгизнинг ҳам таъсири бўлмай қолди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. Жон шунақа ширин нарсаки, ошна-оғайни тугул, ота-онадан тондиради! Шўхрат, Олтин зангламас.

ТУГУН 1 Арқон, ип, лента ва ш.к. нарсаларнинг боғлаб уланган, тугилган жойи. Арқоннинг тугунини ечмоқ. Ипнинг учига тугун солмоқ. Ботинканинг ипига тугун тушиб қолибди. Галстукнинг тугуни чиройли чиқибди. ■ Узилган ип қайта уланса ҳам, тугуни қолади. Юрак ип эмаски, қайта уланса. А. Эшонов, Бир оғиз сўз. Костюмни ечиб, кўрпачага ташладим, галстукнинг тугунини бўшатдим. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ўраб, бўғчалаб боғланган нарса; бўғча. Адолат бошидаги тугунни, орқасидаги қопчиғини ерга қўйиб, Шакархонга қаради. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Узоқда, сийрак дарахтлар билан қопланган қияликда қоп ва тугунлар орқалаган икки аёл ва бир чолнинг қораси кўриниб қолди. Ойбек, Куёш қораймас. Қамбарали ака тугунни ечди, бир даста нуқул юз сўмлик пулни кўриб, кайфи учиб кетди. А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 кўчма Киши тана аъзосида ёки бошқа нарсада ҳосил бўлган тугунга ўхшаш нарса (қ. тугун 1). Дарё қисқичбақасининг нерв системасида, чувалчангдаги сингари, йирик ҳалқум устки тугуни бўлади. «Зоология». Нерв тугунлари — ўзаро бириккан нейрон таначаларининг тўпламидир. «Одамнинг анатомияси ва физиологияси».

4 кўчма Умуман, ҳал этилмай, очилмай, ечилмай, «тугун ҳолда» бўлган нарса. - Мунозаралар вақтида кўп мушкул тугунлар очилиб, ноаниқ масалалар ҳал этилмай, — деди аллома бошини кўтариб. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. Менинг хавотир олган жойим

шуки.. бу воқеалар тугуни бир калладан чиққанга ўхшайди.. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Акбаров, Эшонбоев, Ҳакимов муаммоси кўнгида тугун бўлиб турар эди, энди бунга Гавҳар орқали Тошев муаммоси ҳам қўшилиб, тугун янада чигаллашди. П. Қодиров, Уч ил-диз.

Тугун оши дин. Одатда, худойига қилинадиган чучварали угра оши, суюқ ош. **Хом тугун этн.** Қизни йигитга унаштириш учун биринчи марта олиб бориладиган нарсасовғалар.

5 ад. Бадий асарда воқеанинг ривожлана бошлашига сабаб бўлган воқеа, ҳодиса. *Келинг, арқонни узун ташлаб, сабрга эрк берайлик яна. Зотан, ҳар бир асарнинг тугуни билан бирга ечими ҳам бор-ку?* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ойқизнинг психологик ҳолати роман марказида турган муҳим тугунки, унинг ечими учун Ойқиз типидаги.. бошқа бир шахс.. иштироки талаб қилинади.* «ЎТА».

ТУГУНАК қ. **туганак.**

ТУГУН-ТЕРСАК Ҳар турли катта-кичик тугун, бўғча. *Тугун-терсак кўтарган хотинлар.*

Кўтар тугун-терсагингни Лаш-лушларингни йиғиштириб жўнаб қол.

ТУГУНЧА 1 **Тугун** с. кичр. *Улар боққа чиқиб, тўқилган ёнгоқларни териб турганда, Жонузоқ оқсоқол қайтиб келди. Унинг қўлида кичкина тугунча бор эди.* С. Анорбоев, Оқсой. [Аҳмад] *Ҳар бир эшитган нарсасини билиб олишга интилганидан, унинг сийрак қошлари ўртасида тугунча ҳосил бўлган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бу ҳолатни тўйиб кўрдим-да, Ечиб солдим дил тугунчасин.* Сайёр.

2 бот. Гулда уруғчининг остки қисми, уруғдон (чанглангандан кейин мева, унинг ичида уруғ ҳосил бўлади). *Минерал ўғитлардан самарали фойдаланиб, катта майдонларда ҳосил туғунчаларининг кўпайишига эришиш мумкин эди.* Газетадан.

ТУГУНЧАК кам қўлл. айн. **тугунча.** *Ўўжайин тугунчақни ечиб, дераза томонга ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нури юпқа, енгил рўмол учидида тугунчақни ечиб, букланган қоғоз чиқарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТУГУНЧАЛАМОҚ Тугунча ҳосил қилмоқ (қ. **тугунча 2**). *Агар ғўзамиз яна икки сув*

ичса, бас. Пахтамыз яхши тугунчалайтти. Газетадан.

ТУГУНЧИ «Фалончи» сўзи билан бирга қўлланиб, номаълум (кимлиги аниқ бўлмаган) шахсга ишора қилади. *..фалончи бундай деган, тугунчи ундай деган, деб кўпгина содда кишиларни йўлдан уришарди.* Н. Фозилов, Дийдор.

ТУДОҚ с. т. Тувдоқ, тувалоқ.

ТУЁҚ 1 Баъзи сутэмизувчи ҳайвонларнинг оёқ учидидаги, шохсимон моддадан тuzилган таянч қисми. *Отнинг туёғи. Туёқ товушлари.* — *Лойи кўпириб ётган йўлда от тақалари, мол туёқларидан ҳосил бўлган чуқурчаларни лиммо-лим тўлдирган сарғиш зардоблар жимирлаб, ёни-веридан сирқиб ётарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *От, эшак, мол туёқларининг тапир-тупури босилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўчма с. т. Уй ҳайвони, мол. *Николай замонида остонам туёқ кўрмаган.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Чорвам бор десам дегундай.. бу йил яна туёқ сотиб олдик.* И. Раҳим, Ихлос.

3 Бош (молларнинг сони ҳақида). *Чорва туёғи кўпайди, молларнинг наслини яхшилаш, қишловга пухта тайёргарлик кўриш масаласида ҳам анчагина ишлар қилинди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

4 кўчма Зурриёт, тирноқ. *Сиз ҳурматлиларга маълумдир, бизнинг шул Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолдирадиган туёғимиз ва кўз тиккан орзу-ҳавасимиз.. фақат шул Отабекдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Туёғингни шиқиллат Жўнаб қол, кет. *Қани, туёғингизни шиқиллатиб қолинг!* Ҳ. Фулом, Машғал. **Ўўқизнинг шохига урса, туёғи зирқирайди** Кимсага айтилган қаттиқ гап унинг яқинларига ҳам тегади.

ТУЁҚЛИ Туёғи бўлган. *Айри туёқли ҳайвонлар. Тоқ туёқлилар. Жуфт туёқлилар.*

ТУЖЖОР [а. تاجر — «тожир» с. нинг кўпл.: савдогарлар, тижоратчилар] эск. кт. Савдогар. *Гуё дунёдаги жами бозорлар Шаҳристонга кўчиб келган-у, аҳли тужжорлар молини пулга чақишга ошиқарди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Авло ҳамкасбларимиз ичидан.. қилни қирқ ёрадиган тужжорлар етишиб чиқди.* Газетадан.

ТУЖУРКА [р. < фр. toujours — доимо, ҳамиша: кундалик кийим] Одатда, икки бортли эраккача устки калта кийим; калта

куртка. *Сергей наган осифлиқ йўғон камарини тужуркаси устидан тортиб боғлаётганда, кўча томондан бир аёл, бир эркак товуши эшитилди. Х. Ғулом, Машғал.*

ТУЗ I 1 *ким.* Молекулалари таркибига кислота қолдиги билан боғланган металл атомлари кирган мураккаб моддалар. Туз организмнинг тузилиши учун, унда модда алмашилишининг тўғри бориши учун зарурдир. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Тупроқ шўрланиши жараёнида кўпроқ хлор ва сульфат тузлари тўпланади. «Фан ва турмуш».*

2 Шу бирикманинг овқат учун ишлатиладиган бир тури (натрий хлорид). *Ош тузи. Қоратикан туз. Майда туз. Йирик туз. Ошга туз солмоқ. Таом — туз билан, туз — ўлчови билан. Мақол. ■ Хосият хола олови анча пасайиб қолган ўчоқ ёнига бориб, туюқни кўтарди-да, ошнинг таъмини кўриб, бир чимдим туз ташлади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Ёрни ғўзал дема, оқил сўзи бўлмаса, Тотли бўлмас таом, агар тузи бўлмаса. Ё. Мирзо.*

Тузини кўрмоқ 1) намагини чучмал, расо ёки шўр эканлигини билиш мақсадида тотиб кўрмоқ. *Шўрванинг тузини кўрмоқ;* 2) кўчма емоқ, тотмоқ. *Кечаги ошнинг тузини ҳам кўрмадим. Ярасига туз сепмоқ қ. сепмоқ. Шерали унинг ярасига туз сепмаслик учун гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди. С. Кароматов, Олтин қум.*

3 Умуман, овқат, егулик-ичгулик нарса. *Жазирама кунларда тонг саҳардан кечқурун қоронғи тушгунча туз тотмай оч юриш кўп одамнинг силласини қуритарди.. П. Қодилов, Юлдузли тунлар. Чой ичмадим, ичимга туз ҳам кирмади. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 кўчма Кимсанинг бошқа одамга берган, едирган-ичирган (еган-ичган) овқати. *Туз бермоқ. Тузини емоқ (ичмоқ). ■ Босган отасин юзини, Андиша қилмай тузини. «Эрали ва Шерали». Йўқ, тузим, ноним сени қутуртирган. Ойбек, Танланган асарлар. Мен сизга уй бердим, вақтида туз бердим, пешонангизни силадим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Шу кампирнинг.. тузини кўп едик. «Равшан». Хўш, нима бўпти? Ахир туз ичган жойининг фарзанди-ку. «Бир кун туз ичган ерга қирқ кун салом», деганлар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Туз(им) кўр қилгур қарғ. Нонкўрлик қилган кишига қарата айтиладиган ибора. *Одам-гарчиликни ҳам билмади бу туз кўр қилгур! А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Туз ялаб* Хеч нарса емай-ичмай, қоринни жуда-жуда очқатиб, оч ҳолда. *Хатиб домла панжшанба кунидан туз ялаб, зиёфатга боришга ҳозирланади. А. Қодирий, Обид кетмон. Тузини ичиб, тузлуғига тупламоқ (ёки тупурмоқ)* Нонкўрлик қилмоқ, нонтепкилик қилмоқ, яхшиликка ёмонлик қайтармоқ. *Сендақа, ҳукуматнинг тузини ичиб, тузлуғига туплайдиган нонтепки керак эмас. С. Аҳмад, Ҳукм. Тузини оқламоқ (ёки ҳалолламоқ)* Кимсанинг берган ош-тузи, боққани, парвариш қилгани зое кетмаганини исбот қилмоқ, яхшиликка яхшилик қайтармоқ. *Сенга мен камтарин фарзанд эрурман.. Улуғ бурчим — тузингни оқламоқдур. Ҳабибий. Тузини тотмоқ* 1) *айн. тузини кўрмоқ* 1 қ. *туз* 1 2; 2) мазасини кўрмоқ, таъмини тотмоқ. *Ўзинг ҳам қаландар нонининг тузини тотиб қол. С. Айний, Қуллар.*

5 кўчма Мантиқ, маъно, мазмун. *Эси бор билади гапнинг тузини. «Алпомиш». Ийи-ийи, бу оймчанинг гапида туз борми ўзи? И. Раҳим, Чин муҳаббат. Сўзингда туз бор. Нафсиламрда, фашист баччағар жуда бенисоф.. Ойбек, Куёш қораймас.*

ТУЗ II 1 Текис ер, кенг текислик. *Туғанмас конимиздир тоғ билан туз. Ҳабибий. Йўл юраимиз қумлоқ, сувсиз тузларга.. «Ҳасанхон».*

2 Фойдаланилмай ётган ер, бўз ер, кўриқ. *На қилт этган бир шамол, На уйғоқдир дала, туз. Шухрат.*

ТУЗ III [р] *қарт.* 1 Ўйин турига қараб энг катта ёки бир очко (бир хол) қийматга эга бўладиган қарта. *Кузир туз. Фиштин туз. Валетни туз билан босмоқ.*

2 (эгалик аффикси билан) кўчма Бирор нарсанинг энг сараси, энг юқори даражаси, олий мақомлиси. *Аёллар орасида суҳбатнинг «тузи» қурилиши эди. Ойбек, О.в. шабадалар. Мен айтмоқчиманки, тўртала тузнинг ҳаммаси ўзингизда. А. Мухтор, Туғилиш.*

ТУЗАКЛИ Саранжом-саришта қилинган, тузалган, тузатилган, безатилган. *Тузакли уй. Тузакли дастурхон.*

ТУЗАКСИЗ Саранжом-саришта қилинмаган, тузалмаган, тузатилмаган, безатил-

маган. *Фуломжон Ҳаётнинг безаксиз, тузаксиз ҳам тароватли, ҳароратли юзини кўриб, бир хил бўлиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУЗАЛМОҚ I Касалликдан, хасталикдан халос бўлмоқ, соғаймоқ, шифо топмоқ. *Бемор тузалди. У курортдан анча тузалиб қайтди.* ■ [Қурбон ота] Касалхонада яқин икки ой ётиб, оёқлари тузалди, ўзи жуда тегишланди. А. Қаҳҳор, Тўй. *Дорим билан тузалиб кетганлар мени «доктор ота» деб эслари кетишади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Битиб кетмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ (яра, чипқон, жароҳат ва ш.к. ҳақида). *Ярам тузалиб қолди. Тиг яраси тузалар, тил яраси тузалмас.* Мақол. ■ *То яра тузалгунча, у эрка ва иззатли меҳмон..* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Бузуқ ҳолдан фойдаланишга, ишлатиш учун яроқли ҳолга келмоқ. *Қўчадан жуда тўйдим, Қачон тузалар экан.* «Муштум». Сиз ҳам нонуштани машина тузалгандан кейин қиласиз! «Муштум».

4 Камчиликлари, нуқсонлари бартараф этилиб, тўғри, дуруст бўлиб қолмоқ, яхшиланмоқ. *Аҳвол тузалди. Тузалмас хато.* ■ *Абдурахмон.. яна икки йил мадрасада туриб, шу тузалган ахлоқини «камолотга» эриштирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Эрлар билан меҳнатга Отганлар қулоч. Турмушлари тузалиб, Топганлар ривож. Файратий. «Ёзувим тузалапти, мана кўринг», дейман.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

5 Ёмон, нотўғри, ножўя йўлдан қайтмоқ, ахлоқий нуқсондан халос бўлмоқ. *Танқиддан сўнг у анча тузалди.* ■ *Ҳўш, у [Йўлчи] тентакни қўтқариб нима қиласан, жиян? У тузалмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. Сиз ҳам ёт эркак. Сиз мендан нима кутасиз, маълум; бу ердан қочсам, тузалардим, балки.. Ойбек, Танланган асарлар.

ТУЗАЛМОҚ II **Тузамоқ 1, 2** фл. мажҳ. н. *Тузалган стол. Тузалган дастурхон.* ■ *Дастурхончи тузалган бир патнис олиб кириб қўйди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Жой тузалди сизнинг учун, бегижон, Туринг, бегим, ичкарига кирамиз.* «Гулихиромон».

ТУЗАМОҚ 1 Патнис, дастурхон, стол ва ш.к. ни ноз-неъматлар билан безамоқ, ясатмоқ. *Бегимхон.. дугонасини кўрпачага ўтқизди-да, патнис тузаб келди.* Ю. Раҳим, Чин муҳаббат. *Камолиддин маҳдум.. дастур-*

хон тузашни Асад қорига буюрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қари келса — ошга, ёш келса — ишга. Иккаламиз стол тузар эканмиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

2 Саранжом-саришта қилмоқ, шинам қилиб жиҳозламоқ, ясатмоқ. *Ўғлим ағло ўқир деб, Севиб ота-онаси, Атайлаб ўзига хос Тузаб берган бир уйча.* Қ. Муҳаммадий. [Шералихон отларни] *Қушдай қилиб тузаб, зар қўбали зумрад эгарни солди.* «Эрали ва Шерали».

Ўзини тузамоқ шв. Ўзини тузатмоқ, тартибга солмоқ; шайланмоқ, тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ. *Ҳасан мард бунни кўриб, кўзи ёшга тўлиб, жазавалари қўзғалиб, полвонлик томирлари уйғониб, ўзини тузаб тезланаверди.* «Равшан».

3 шв. Адо этмоқ, бажармоқ, ўтамоқ. *Бир шартга буюрди ул қоши қаро, Тузамоққа мен Ёвмитга бораман.* «Нигор ва Замон». Кундан-кун бачалар ишни тузаб, жуда яхши меҳмонхоналар солди. «Юсуф ва Аҳмад».

ТУЗАТИНМОҚ Ўзини, усти-бошини, соч-соқолини тартибга солмоқ. *Ҳасанали тузатиниб олди ва ичкарига кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Султонов қабулхонадаги ойнага қараб, тузатиниб олди-да, министр кабинетига кирди.* «Муштум».

ТУЗАТИШ 1 **Тузатмоқ** фл. ҳар. н. Камчиликларни тузатиш. Ўзини тузатиш. *Юриш-туришини тузатиш.* ■ *Баъзан у кун бўйи хонасидан чиқмай, тахта қоғоздаги чиқиқлар устида ўйлар, чизмаларнинг камқўстини тузатиш билан кунни кеч қилар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Яхшилаш ёки тўғрилаш мақсадида ўзгартириш, ўзгартма, тузатма. *Луғатга илова қилинган тузатишлар. Қарорга киритилган тузатишлар.* ■ *Хатдан мамнун бўлди, шекилли, тузатиш киргизмай, яқтак чўнтагига солиб қўйди.* Ойдин, Ҳикоялар.

ТУЗАТМА айн. **тузатиш 2.** *Қарорга тузатма киритмоқ.*

ТУЗАТМОҚ 1 Саранжом-саришта қилмоқ, тартибга солмоқ. *Нури хўрсинди, сочларини, ғижим рўмолини тузатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мастура она ана шу хаёллар билан уйга кириб.. ё тарелканинг ўрнини алмаштиради, ё стулни тузатиб қўярди.* Р. Файзий, Шоҳи дарпарда. *Водопровод ўтказамиз, деб қазиб кетишган эди, бир йил бўлди, тузатмайдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик.



2 Бузилган, ишдан чиққан нарсани тикламоқ, фойдаланишга, ишлатишга яроқли ҳолга келтирмоқ. *Кеча бир кампир телевизорни қолдираётди, тезроқ тузатиб беринглар.. деб илтимос қилган. Т. Ашуров, Оқ от. Тегирмони бузилиб кетган экан, тузатди...* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Лоақал ўн беш сўм турадиган қовунни тўрт ярим сўмга сотсин, бунни ҳам бировнинг аравасини тузатишга тўласин. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Бартараф қилмоқ, тўғриламоқ. *Хатони ўзлари қилиб, тузатишини сиздан талаб қилсалар, инсофданми ахир!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Айбни ўзим қилдим, ўзим тузатишим керак!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

4 Нуқсон-камчиликларни йўқотиб яхшиламоқ, дурустламоқ. *Талаффузни тузатмоқ. Аҳволни тузатмоқ. ■ Кичик бир мастер бўлиб чиқарди отин, Тузатди кундан-кунга рўзгор ҳаётин. Ғайратий. Майли, сизлар яшанглар, замонни тузатинглар. Ойбек, Танланган асарлар. -Камчиликни тузатиш мумкин! -Албатта мумкин, Тўлқинжонни ҳам тузатиш мумкин. Ф. Мусаёнов, Ҳури.*

5 Касалликдан, хасталикдан халос қилмоқ, даволамоқ, шифоламоқ, шифо бермоқ, касалини аритиб соғайтирмоқ. *Ибн Синога касалнинг жони чиқмаган бўлса, бас экан, тузатар экан. Ойбек, Танланган асарлар.*

6 с. т. Гап билан бошламоқ, қаттиқ изза қилмоқ, уялтирмоқ. *Юзма-юз туриб, Шайхулло домуллани шундай тузатдики, ер ёрилса, кириб кетгудай бўлди. Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка.*

7 айн. **тузатмоқ** 1. Ҳанифа айвоннинг тахмонидоги янги кўрпачаларни хонтахта атрофига ёзди, дастурхон тузатди.. Ҳ. Фулом, Феруза.

ТУЗДОН 1 Туз солиб, дастурхонга қўйиладиган кичкина идиш.

2 айн. **тузлуқ**.

ТУЗИЛИШ 1 **Тузылмоқ** фл. ҳар. н. Бу иш юзасидан комиссия тузилиши бежиз эмас.

2 Таркиби қисмларнинг ўзаро жойлалиши; қурилиш таркиби. *Атомнинг тузилиши. Организмнинг тузилиши. Машинанинг тузилиши. Гап тузилиши. ■ Биринчи хатда вергул тушиб қолган, иккинчисининг бир ерида машинистка абзац қўймаган, учинчисидо жумла тузилиши ёқмабди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

3 Ташқи ифода, қиёфа. *Гавда тузилиши. ■ Бутун тузилишимнинг, аъзоларимнинг, қонимнинг.. одамларникидан фарқи йўқ-ку!* О. Мўминов, Хиббондаги уч учрашув. *Сизнинг юз тузилишингизда русникига ўхшамаган нишоналар кўн. Шухрат, Шинелли йиллар.*

4 Тузум. Бироқ жамият тузилиши ҳаммаша шундай адолатсиз бўлиб келганлиги фактдир. Ойбек, Нур қидириб.

ТУЗИЛМА 1 Бирор нарсанинг ўзаро боғлиқликда (алоқада) бўлган қисмлари бирлиги, шундай қисмлардан иборат яхлит ҳолдаги нарса. *1888 йилда ҳужайра ядросида тузилмалар топилди, уларга «хромосомалар», яъни рангли таначалар деган ном берилди. «Фан ва турмуш». Улар бош мия ва орқа мия ҳамда чакка асаб тузилмаларининг зарарланиши натижасида келиб чиқади. Н. Ёкубов, Жон.*

2 Маълум қисмлар асосида юзага келтирилган, тузилган, ташкил этилган нарса. *..уч юздан ортиқ тадбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатмоқда. Газетадан. ..шаҳардаги ноорганик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи комбинат ва заводлар билан ўқув-илмий ишлаб чиқариш тузилмасига айланади. Газетадан. «Умид» марказининг вужудга келишида Тошкентдаги ўнлаб корхоналарнинг жамоалари, тижорат ва давлат тузилмалари иштирок этди. Газетадан.*

ТУЗЛАМА Умуман, тузлаб тайёрланган нарса, маҳсулот (мас., бодринг, карам, помидор ва б.).

ТУЗЛАМОҚ 1 Туз сепиб қўймоқ, туз сепмоқ, тузга буламоқ. *Ўшитни тузламоқ. ■ Катта чипор товўқни тутиб, боғлаб қўй, кечқурун сўйиб бераман, тузлаб қўясан, эрта билан бир шўрва пиширасан. С. Айний, Куллар.*

2 Туз сепиб ёки намакобга солиб, узок вақт бузилмайдиган егулик тайёрламоқ. *Бодринг тузламоқ. Карам тузламоқ. ■ Ошқўқлар ва уларнинг илдизлари.. сабзавотларни тузлаш, Мариновка қилиш ва консервалашда жуда ҳам бебаҳодир. Газетадан.*

3 қўчма с. т. Гап билан бошламоқ, тузатмоқ. *Уларнинг фикрича, кўпни кўрган муғомбир ва пишиқ домла ўқитувчи болани яхшилаб тузламоқда ва дамини қайтариб қўймоқда эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Мавли*

Мардиевич телефондаги кишини роса тузлади. «Муштум».

4 кўча даёл. Боплаб алдамоқ, фириб бермоқ, лақиллатмоқ. Даллол бўлиб, пул топишни кўзлабман, Қўлин силтаб, мол сотганини тузлабман. О. Кўчқорбеков. Уни ўзим билан бирга Қашқарга олиб кетаман, йўлда тузлайман.. жазоси бир ниёла шароб.. К. Яшин, Ҳамза.

ТУЗЛИ Ичида ёки таркибида тузи бўлган. Тузли халта. Тузли минерал сув.

ТУЗЛУҚ Туз сақланидиган идиш. Ҳо, Адолат, тузлуқни бер, шакарга жиндек туз сепиб кўяй, жуда ширин бўлиб кетибди! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Тузини еб (ёки ичиб) тузлуғига тупурмоқ қ. **туз** **1** **2.** **Тузлуқ тўрва** **1)** эск. озиқ-овқат сақланидиган халта; **2)** кўча тирикчилик, оилани боқиш, уй-рўзгор ташвиши. Тузлуқ тўрва бўйнига тушиди. ■ Фарзанд туғилади. Ҳикмат ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади, бўйнидаги тузлуқ тўрва яна оғирлашиб, атрофга қарашга ҳам фурсати бўлмай қолади. Ю. Шомансур, Қора марварид.

ТУЗМОҚ **1** Барпо этмоқ, вужудга келтирмоқ, яратмоқ. Армия тузмоқ. Комиссия тузмоқ. Жамият тузмоқ. Партия тузмоқ. ■ Темура тузган салтанатнинг ворислиги Шохрухдан кейин Иброҳим Султонга ўтишига умид боғлашарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Таркибий қисмлардан яхлит нарса яратмоқ, таркиб этмоқ, тартиб қилмоқ. Жумла тузмоқ. Рўйхат тузмоқ. Эртанги ишга бугун режа туз. Мақол. ■ Биз нутқимизда айрим сўзларни ўзаро бириктириб, гап тузамиз ва фикримизни баён қиламиз. «Ўзбек тили» дарслиги.

3 Турли материал, маълумот ва ш.к. ни йиғиб ва маълум тартибда жойлаштириб, яхлит бир ҳолга келтирмоқ; яратмоқ. Тўплам тузмоқ. Икки тилли луғат тузмоқ. Дарслик тузмоқ. ■ Улар Авазнинг кўҳна, янги ғазалларини тартибга солиб, бир девон тузмоқчи бўлади. С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Расмий равишда келишиб, бирор ҳужжат ёзмоқ. Далолатнома тузмоқ. ■ [Мирзакаримбой] Ўғли Ҳакимбойваччанинг пахта савдоси юзасидан ўрис фирмалари билан яқинда тузган шартномаси устида уйлаб.. кўзларини

яна маҳкамроқ юмди. Ойбек, Танланган асарлар. Иккала ҳукмдор яраш битими тузубдурлар. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

5 Уюштирмоқ; кўрмоқ, қилмоқ. Улар юксак оилаларнинг ўғиллари. Уларнинг киссаларида олтин-кумуш мўл. Улар кечалар «ширин суҳбатлар» тузадилар. Ойбек, Навоий. Ғалаба муносабати билан Музаффар мирзо катта зиёфат тузди. Ойбек, Навоий.

6 кам қўл. айн. **тузатмоқ** **2.** Бузилган ишни ботир тузар. Мақол. Ота бузса, бола тузар. Мақол.

7 айн. **тузамоқ.** Элда қолган катталар Тўлғоннинг олдида дастурхонни тузиб, олиб кетиб хизмат қилиб турди. «Ойсулув». Эрларга ўхшаб, мундоқ биров чақчақлашиб ўтирсангиз нима қилади. Не-не умид билан дастурхон тузган эдим.. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ТУЗ-НАМАК **1** Овқатнинг тузланганлик даражаси, тузининг паст-баландлиги. Овқатнинг туз-намазини ростламоқ. Мантининг туз-намаги биров баланд бўлибди.

2 Умуман, ейиладиган нарса; емиш, овқат, таом. Лапанглаб югурган мингбоши гузарга аранг етиб келганда, ҳоким тўра аллақачон отдан тушиб, туз-намак қабул қилмоқда эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Туз-намак бўлмоқ Маълум муддат ҳамтовок бўлмоқ, топганини кимса билан ўртада баҳам кўрмоқ. Қўлни яшнатаётган одамлар ёнида бўлиш иштиёқи уни [Яйрани].. қўлқувар билан туз-намак бўлиб яшашга даъват этди. С. Акбарий, У ҳаётни севади.

ТУЗ-НАСИБ(А) Гўё тақдирда белгиланган ризқи руз, насиба. Билмайман, туз-насиб қаерга тортар, Менда йўқдир, бова, сира ихтиёр. Фозил Йўлдош ўғли. Умри узоқ эканми, туз-насиба тортибми, бир оёқда бўлса ҳамки, қайтиб келди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ТУЗОҚ **1** Куш ёки бошқа овланадиган ҳайвонларни тутиш учун, одатда, қилдан ясаладиган сиртмоқли мослама. Тузоқ қўймоқ (қурмоқ). ■ [Сувонжон] От думидан эшиб тўқилган тузоқларни каклик келиши эҳтимол топилган ерларга шахмат тартибда ўрнаштиради. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўча Умуман, қўлга тушириш ёки ўзига оғдириш учун кўрилган тадбир ёки ишга солинган восита; дом. Билмаган ишга

уринма, Уриниб тузоққа илинма. Мақол. ■ Лекин ўзи лапашанг бўлса ҳам, бало! Қорасувнинг гулдай қизини тузоғига туширган. О. Ёкубов, Излайман. Жон талвасасида қолган душман Умурзоқ отани тузоққа тушириш йўлига ўтди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Солиҳбой:] Хайрият, бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай жўнгина битди. Гофирни энди бутунлай ипсиз тузоққа илинтирдим. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

Тузоқ қўймоқ 1) қуш тутиш учун тузоқни мослаб, жой-жойига қўймоқ; 2) қўлга киритиш, тушириш чора-тадбирини ишга солмоқ. Муҳиддин пулга тузоқ қўйиб, энди бошқа шаҳарларга ҳам қатнайдиغان бўлиб қолди. С. Абдуқаҳҳор, Уй остонадан бошланади. Содда ота, онамизни уриб йўлдан, Бизга тузоқ қўймоқдалар ўнгу сўлдан. «Муштум». **Тузоққа тушмоқ** (ёки **илинмоқ**) 1) тузоққа кирмоқ, банд бўлмоқ (қ. **тузоқ** 1). Тузоқларга бешта каклик тушибди (илинибди); 2) домига дучор бўлмоқ (қ. **тузоқ** 2). Фақат Нигора ўзиники бўлса, қўлидан чиқиб кетмаса, унинг тузоғига илиниб қолмаса бас. С. Анорбоев, Оқсой.

ТУЗОҚЧИ 1 Тузоқ ясовчи ва тузоқ қўйиб ов қилувчи.

2 кўча Кишиларни тузоғига, домига илинтирувчи. Домига тушмаган кам, турфа тузоқчи ҳожим, Бермайдиди қилса насия, судраб, чатоқчи ҳожим. Муқимий.

ТУЗОҒЛИК Тузаб қўйилган; ясоғлик. Тузоғлик дастурхон. Тузоғлик стол. ■ Мулозимлар тузоғлик баркашлар, сўйилган қовун ва тарвузлар, турли-туман нозу неъматлар кўтариб келишиди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУЗСИЗ 1 Тузи йўқ, тузи меёридан кам, паст. Тузсиз хамир тандирда турмас. Мақол.

2 кўча Маъноси, мазмуни йўқ; бемаъни, тутуриқсиз. Ўзи юзсизнинг сўзи тузсиз. Мақол. ■ Қўйинг тузсиз гапларингизни, сизга ярашмайди. М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

ТУЗСИРАМОҚ Организмда туз етишмаслиги сабабли туз талаб бўлмоқ (асосан, ҳайвонлар ҳақида). [Қўйларнинг] Ҳаммаси тузсирарган бўлса керак, кирсангиз, қўлингизни ялайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУЗУВЧИ 1 Тузоқ фл. сфдш. Шартнома тузувчи томонлар. Далолатнома тузувчи шахслар.

2 Материал, факт, маълумот ва ш.к. ни йиғиб ва уларни маълум тартибда жойлаштириб асар яратувчи ёки яратган шахс. Луғат тузувчи. Халқ қўшиқлари тўпламини тузувчи.

Ер тузувчи Ерни планлаштириш ва ш.к. ишлар билан шуғullanувчи шахс, мутахассис. Бу орада ер тузувчи Худойназаров билан ўзингиз иккитадан тўртта участка қуриб олдингиз. «Муштум».

ТУЗУК 1 Бузилган-нетган ери йўқ, ишлаб турган ёки ишлай оладиган. Телевизор тузукми, бузукми? Мотор тузук ишлаб турипти.

2 Камчилиги, ёмон ери йўқ; дуруст, яхши; бинойи. Тузук йигит. Бу иш тузук ташкил қилинмабди. ■ Ўзи тузук шоир, бироқ танқидни кўтармагани ёмон. А. Қаҳҳор, Саароб. Кенжа йигит қишлоқда Тура олди бир ойча, Турмуш тузук бўлса-да, Аммо бахти узоқда. 3. Диёр.

3 Дард-касали йўқ, соғ, соғлом; соғлиғи қаноатланарли. Ота, тузукмисиз? Тузук бўлиб кетдингизми? ■ Хайрият, онангизнинг аҳволи анча тузук бўлиб қолди, иситмаси ҳам қайтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Дадаси, энди тузукман, қизимни саҳарлари уйғотманг. А. Қаҳҳор, Бемор.

4 рвш. Қоидаси билан, дурустгина, яхшилаб. Тузукроқ, мазмунлироқ гапирсангизчи. Тузукроқ ўтиринг. ■ Хаёлингиз қаерда, нима сўзлаяпсиз, ойи? Тузуккина гапиринг! Ойбек, Танланган асарлар.

5 тасдиқ юкл. Яхши, ҳўп, майли, маъкул. -Эртага китобни ола кел, тузукми? -Тузук, олиб келаман. ■ -Сиз киргандан кейин мен эшикни устингиздан ёпиб оламан-да, бироздан сўнг олдингизга келиннинг ёлғиз ўзини киргизаман, тузукми? -Тузук. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТУЗУК II тар. ҳук. Қонун-қоидалар тўплами; низом. Амир Темур тузуклари.

ТУЗУКЛАМОҚ кам қўлл. Яхши, дуруст ҳолга келтирмоқ, яхшиламоқ. [Отабек] Хаёлида қоғознинг тахларини тузуклади-да, қайтариб, яна қўйнига тиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Артель ишини яхши йўлга қўйиш, ҳосилдорликни ошириш, колхозчиларнинг даромадини тузуклашда фаол қатнашибди. Газетадан.

ТУЗУК-ҚУРУҚ с.т. кам қўлл. Яхшигина, дурустгина, кўнгилдагидек. [Тўла] Ўқи-

тувчининг саволларига тузук-қуруқ жавоб қилмай, ўз ўйи билан машғул бўлди. М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Касбингиз бўлмаса, ошина-оғайниларингиз бўлмаса, қўлингизда тузук-қуруқ характеристика бўлмаса! Қаёққа борасиз?* А. Мухтор, Туғилиш.

ТУЗУМ Жамият ва давлат тузилиши (қурилиши) тизими. *Давлат тузуми. Қабилачилик тузуми.* ■ *Миллий тилнинг сақланиши ва ривожланиши ҳамма вақт ижтимоий тузумнинг.. одиллигига боғлиқ. «Фан ва турмуш».* У [Алиқул] кўп ўтмай янги тузум, янги давлат, янги ҳаёт ва янги одамларга дуч келди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТУЗҚОҚ: **тузқоқ қилмоқ** Гўштга туз сеппиб қуритмоқ, қоқламоқ. *Шаҳар, қишлоқларга барра гўштининг ҳаммасини етказиб беролмаймиз.. Кучимиз етганича тузқоқ қиламиз.* Газетадан.

ТУЙИЛМОҚ I **Туймоқ I** фл. мажҳ. н. Ховончада туйилган толқон. ■ *Жўхори туяётган хотини унинг қўлидаги тузунчани кўриб, келисонни келининг устига қўя чопди. Кели лапанглаб ағнади, чала туйилган жўхори ерга тўкилди.* А. Қаҳҳор, Анор.

ТУЙИЛМОҚ II I **Туймоқ II** фл. мажҳ. н. Унинг сўзи менга қаттиқ туйилди.

2 Ўхшамоқ, ўхшаб кўринмоқ, ҳис этилмоқ. *У пайтлар ёз эди, бу гал эса қиш; Бир хилдай туйилар иккала фасл.* М. Икром. *Ниҳоят, ҳар минути бир кундай туйилган бир соат вақт ўтгач, бутадан йиғирма-ўттиз метрча берида, қора каска кўринди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ТУЙМОҚ I I Кели, ховонча ва ш.к. да янчмоқ, майдаламоқ, кукун қилмоқ. *Мурч туймоқ.* ■ *Ҳовли юзида жўхори туйиб ўтирган Каромат Мехринисони кўриб, дик этиб ўрнидан турди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Онаси қандайдир ўтларнинг томирини тегиб қуритар эди-да, келида туйиб, атала қайнатиб берар эди.* С. Анорбоев, Оксой.

2 шв. Оқламоқ, тозаламоқ (мас., шолини). *Қори ўзининг хотинини ёмонлаб кетди: шолини сочмасдан тўёлмайди, сув қайнатса ҳам, тагига олдириб қўяди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ТУЙМОҚ II Ҳис қилмоқ, сезмоқ; пайқамоқ. *Шу ондаёқ у чеккасида аёлнинг титроқ иссиқ лабларини туйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. [Ўйдош] *Шу дақиқа онанинг меҳрли нигоҳи фарзанд ғуссасини маҳв*

этишга қодир эканини умрида илк бор туйди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ТУЙНАК Янги тугилган, ҳали етилмаган қовун, сапча. [Бозорда] *Қовун туширадиганларга ёрдамлашаман, сапча, туйнак беришади.* Ҳ. Фулом, Шум бола. *Бундай кезларда хазанак бўлган полиздан топилган хомак ҳам, пайкал кесадида ёриб ейдиган туйнак ҳам ширин бўлади.* С. Аҳмад, Қалдрон дала-лар. *Баъзан эгатлар ичида тарвуз, қовун палаклари чиқиб қоларди. Албатта, бир-иккита бурушган туйнак бўларди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ТУЙНУК Эски типдаги маҳаллий уй, биноларнинг девори ёки тепасидан ёруғлик, ҳаво кириб туриши ёки бошқа мақсадлар учун қолдирилган тўртбурчак ёки доиравий тешик. *Мана, бир томондан дераза ўрнига туйнук очилган кичкина қоронғи уйда ўн-ўн беш чоғли хотин ўтирибди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Хона мадрасалардаги хужрага ўхшаш кичик бўлиб, тепада икки туйнук бор эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бир вақтлар Султон Маҳмуд мирзо тириклигида шу хонадан қизлар чўмиладиған бўлмага махфий бир туйнук очилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Боши (ёки бўйи) туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ Ҳали ёш, балоғат даври ўтган эмас. *Хом ўйлабсиз, ҳалитдан куёв нимаси, [Тошхоннинг] боши туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *Биронта хотини йўқ одам топилиб қоларди. Қизимизнинг бўйи туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ-ку!* С. Зуннунова, Гулхан. **Ой туйнукка, арава эшикка келганда** Иш тикқилинч бўлиб қолгандагина ҳаракатга тушганда айтиладиган ибора.

ТУЙНУКЛИ Туйнуғи бўлган, туйнук қўйилган. *Туйнукли уй.* ■ [Кўрғоннинг] *Унда-мунда туйнукли деворлари мустаҳкам, қўш тавақа дарвозаси ҳам бор.* Ҳ. Фулом, Шум бола.

ТУЙҚУС I шв. Бирдан (тўсатдан) юз берган; ногаҳоний. *Иккала мўйсафид унинг бу туйқус ҳолатидан ҳайрон қараб қолишди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

2 айн. **туйқусдан.** Ойпарча беражак саволини унутиб қўйгандек туйқус гангиб қолди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Низом нафратомуз чимирилиб қўл силтади, туйқус мияси ғувуллаб, бир лаҳза кўзи тинди.* «Ёшлик».

ТУЙҚУСДАН *рвш. шв.* Бехосдан, қўқ-қисдан, қутилмаганда, бирдан. Банги, бошига туйқусдан совуқ сув қуйилган одамдай, қисик кўзлари чарақлаб очилиб кетди. О. Ёқубов, Ларза. Тоштемир Ойнисага яқинроқ келиб, тизгинни унинг қўлидан олди ва туйқусдан сўраб қолди: -Тошкентга олиб кетайми? Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ТУЙҒУ 1 физиол. Ташқи таъсирни сезиш, ҳис этиш, қабул қилиб олиш қобилияти; сезги. Туйғу ёрдамида биз иссиқни ёки совуқни сезамиз. ■ Қўённинг туйғу аъзолари терида тамомланадиган нерв учларидан иборат. «Зоология».

2 Руҳий ёки жисмоний кечинмалар, ҳис-туйғулар мажмуи; ҳис-туйғу, ҳис-ҳиссиёт. Нафис туйғу. Ишонч туйғуси. Дўстлик туйғуси. Оғриқ туйғуси. Юракни ғаш қилаётган туйғу. ■ Раик, менимча, мана шу ҳақоратнинг алами ва шундан келиб чиқадиган туйғу. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Отасининг салтанат олдида катта ҳурматга эга экани Бадиянинг қалбига ҳам фидойилик туйғуларини солган эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Орага жимлик чўкиб, туйғуларни сўндирди. К. Яшин, Ҳамза.

ТУЙҒУЛИ Сезиш, ҳис этиш қобилияти кучли; сезувчан. Нафис туйғули қиз.

ТУЙҒУН 1 Тез сезиб, фаҳмлаб, пайқаб оладиган; сезгир. Туйғун бола. ■ Ҳамза онасидек туйғун, ҳар нарсага қизиқувчи бола бўлган. «ЎТА». Бундай туйғун, бундай зийрак, бундай боадаб қиз етти иқлимда ҳам топилмайди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Туйғун (эркаклар исми).

ТУЙҒУН II Қирғий ёки қарчиғайнинг эркаги. Сувсиз чўлда келади Полвон Ҳасан, мард Ҳасан, Оч туйғундай чирқиллаб. «Равшан».

ТУЙҒУСИЗ Сезиш, ҳис этиш қобилияти йўқ ёки кучсиз; ҳиссиз, сезмайдиган. Тебраномай фақат мен ётаман Ўз ўрнимда ярим туйғусиз. О. Юнус.

ТУК 1 Баданда ўсадиган соч ёки юннинг ҳар бири; мўй. Мўйлов туки. ■ Сочининг ҳар бир толаси, қошидаги ҳар бир тук, мижжасидаги ҳар бир киприк кўз ўнгимда турипти. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Баъзи нарсаларнинг устини қоплаб олган (қоплаб ўсган) майда қилсимон ўсимта. Шафтолининг туки. Чизитнинг туки. ■ Отлиқ шохни ушлади, уни авайлаб ўзига

тортди, кейин беҳилардан бирининг чанг бошиб ётган тукини қўли билан артди, қалпоқли бошини энгаштириб, уни ҳидлади, яна ҳидлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бир туки ўзғамас ёки бир тук ҳам кам эмас Айнан ўзи, худди ўзи, ўзгинаси. Кампир суратни қўлига олиб тикилиб қолди: -Худди ўзи, Кенжагинамнинг ўзи. Бир туки ўзғамас. С. Аҳмад, Чевара. Буваси-ку «Дада» сидан бир туки кам эмас», деб Аъзамнинг болалик чоғини эслайди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ТУҚДОР айн. сергук. Тақсимча, косаларда барра пиёз, шивит бўктирилган сузмақатиқ. Бошмалдоқдек тўқ-қизил тукдор бодринлар. С. Нуров, Нарвон.

ТУКЛИ 1 Баданида туки бўлган; мўйли. Унинг майин сарғиш тукли пешонасида, юқори лабининг устида тер резалари йилтирарди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Устки қисми тук билан қопланган; сергук. Тукли арилар. Тукли газлама. Тукли беҳи.

ТУКСИЗ 1 Тук-мўй ўсмаган, туки йўқ. Туксиз силлиқ юз. ■ [Фосиҳ афандининг] Туксиз қошлари жийрилиб бориб, кўк шишали кўзойнақларига қадалди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Моҳина Латофатнинг тоғачаси, деб атаган киши пакана, туксиз боши тарвуздай дум-думалоқ, элик ёшлар чама-сида эди. С. Кароматов, Ҳижрон.

2 Устида туки йўқ. Туксиз шафтоли. Туксиз қовун.

ТУКСИЗЛАНТИРМОҚ Тукидан холи қилмоқ (асосан, чигит ҳақида). Туксизлан-тирилган чигитга жуда эҳтиёт бўлиш керак. Газетадан.

ТУЛ Эри ёки хотини ўлиб ёлғиз қолган; бева, есир. Тул хотин. Тул қолмоқ. ■ Қанча-қанча оналар, келинчаклар тул бўлди. З. Диёр. [Аҳмаднинг] Пастдаги қўшиниси тул эркак, жуда бўшанг, беозор одам эди. Ф. Музажонов, Ҳиммат.

ТУЛИЙ [юн. Thule – Туле, қадимда Ернинг шимолий чегараси деб ҳисобланган ярим афсонавий мамлакат номи] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент, радиоактив металл.

ТУЛИМ кам қўлл. айн. толим. Сочни икки тулим қилиб ўрмоқ. ■ Сулув оғир тулимини тўлғаб, қовоқ косадан жиндак сув ҳўплади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТУЛКИ 1 Бўрисимонлар оиласига мансуб, тумшуги узун, думи майин узун жунли, ўта сезгир ва айёр йиртқич сутэмизувчи ҳайвон. *Қалин майсалар орасида сарғиш айёр тулки аланглаб борар эди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. Ковакни бойвачча тулки овлаб юганида кўрган эди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.*

2 Шу ҳайвоннинг мўйнаси ва ундан тайёрланган телпак ва б. *Ойсулув уйғониб, ун-гурнинг оғзига чиқиб турган эди.. Сувонжон унга қуён рангли тулкини узатди. С. Анорбоев, Оқсой. Бошига тулки телпак кийган бу отлиқ унга таниш кўрунди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

3 кўчма Ўтакетган айёр, маккор одам ҳақида. *Ишонмайман-у, лекин қари тулки эридан кўп нарсани яширишини биламан. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Ҳақиқатда эса, бу тулкилар уни лақиллатадилар. А. Қаҳҳор, Сароб.*

Бўрими, тулки? Ишнинг ўнгидан келган-келмаганлиги ҳақида сўроқни билдиради. *Қани, бўримисиз, тулки? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Бўрими, тулкими? Оқ туяни кўрганларинг йўқми? «Ойсулув».*

ТУЛКИЛИК Тулкига хос хатти-ҳаракат, қилиқ. *Тулкилик қилмоқ. ■ Тулкилик-да. Бу одам хирпи бўлиб кетган. Комиссия келиб қолса, сувдан қуруқ чиқиш мақсадида, машиналарни рад [қатор] қилиб, бўятяпти. Мирмуҳсин, Қизил дурралар.*

ТУЛЛАК 1 Бултурги, қари (икки, уч йиллик), туллаган, туллаб чиққан (паррандалар ҳақида). *Дам олиб ўтирганларга чой ташиётган Тоживой юриб кета туриб, туллакнинг овозидан завқланарди. Мирмуҳсин, Чиниқиш.*

2 кўчма Айёр, маккор, фирибгар одам ҳақида. *Туллак одам. ■ Табиий, булар рўпараларидаги юздан тўқсонни урган ва бир ҳафтада тўрт-беш бозорни оладиган туллаклар.. эдилар. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Ўзи ҳам иш кўрган туллак эмасми, энди бу оғир ҳолатдан усталик билан чиқиб олиш йўлларига ёпишади. А. Қодирй, Обид кетмон.*

Пихини ёрган туллак Ўтакетган фирибгар, айёр, маккор. *Жиноятчининг каттаси — унинг акаси Зиедилла. Пихини ёрган туллак. Ҳ. Фулом, Машғал.*

ТУЛЛАКИ кам қўлл. айн. **туллак.** *Тўртта тўрқовоқда тўртта сайратма, ҳа, битта туллаки олиб юришга юрарман.. бунни ҳужумат ишига зарари йўқ.. Мирмуҳсин, Умид. Сиз, биродарлар.. пешона тери тўкиб иш қиласиз. Лекин орангизга совуқда қолган туллакилар араланиб қолибди. «Муштум».*

ТУЛЛАКЛИК Туллакка хос хатти-ҳаракат (қ. **туллак 2**). *Сурхонбой акасининг туллаклик қилаётганини билиб турса ҳам.. ортиқ баҳслашиб ўтирмади. И. Раҳим, Тақдир.*

ТУЛЛАКХОНА эск. Отларни бўрдоқига боқиш учун мосланган оғилхона.

ТУЛЛАМОҚ Пат, тери ёки юнғини ташлаб, янги пат, тери ёки юнг чиқармоқ (ҳайвон, парранда ва ш.к. ҳақида). *Туллаган товуқ. ■ Унинг [чолнинг] оёқлари остида туллаган ориқ ит қимир этмай ётарди. Ҳ. Турсункулов, Ҳаётим қиссаси. Бу орада да-рахтлар гуллаб туга бошлади. Моллар туллаб бўлди.. С. Нуров, Нарвон. Қўлаб чиқди дегунча биз туллаган сизирнинг жунини юлиб оламиз. С. Муродбеков, Ёвshan иси.*

ТУЛПОР 1 Наслдор, чопқир, учқур от; аргумоқ. *Бос ёлдин, тулпорим, чу, азамат, чу. Ғ. Фулом. Тулпор отлар ел қувиб илгариларида-да, тепалик ёнбағридан юриб, ўрмон ичига кириб кетди. М. Муҳамедов, Кичик гарнизон.*

Хоса тулпор Боқилган, чиниққан, узоқ сафарларда, пойгада пишиган наслдор от. *Майдон бўлса, бедов отлар чопилар, Кўп чопилса, хоса тулпор совилар, Хизмат қилсанг, ёринг кўнгли топилар. «Ширин билан Шакар».*

2 фольк. Қанотлари бўлган афсонавий учар от. *Ҳотамнинг булутга учадиган тулпори бўларкан.. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги.*

ТУЛУМ 1 Терисига похол тикилган бузоқ (боласи ўлган сизирни ийдиришда фойдаланилади).

2 Ичига похол ва б. нарса тикиб қотирилган ҳайвон, қуш ва ш.к. *Айиқ тулуми. Бургут тулуми. Лайлак тулуми. Тулум устахонаси. ■ Унинг [Полвоннинг] ёнига бирмунча ўрдак тулумлари уйилиб қўйилганди. Ж. Шарипов, Хоразм. Болалигидан боқиб ўстирилган қушни овга ўргатишда қуён, тулки сингари ҳайвон тулумларидан фойдаланилади. «Фан ва турмуш».*

3 Меш, саноч.

ТУМ Ноғоранинг пўкиллаганроқ овоз чиқарадиган тоқаси ва ундан чиқадиган овоз. *Ноғоранинг так, тум (така, тум) овози эшитилди.*

ТУМАН I [мўғ. тумэн — ўн минг] **1** Атмосферанинг куйи қатламларида юзага келадиган майда сув ёки муз зарралари. *Қуюқ туман. Тонгги туман. ■ Ҳаво туман бўлганидан ўрмон кўзга кўринмас эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Сал ўтмай сойликни оқиш ҳарир туман қоплади. О. Ёқубов, Излайман. Рўпарада наст-баланд чуққиларини осмонга туртиб, кўкиш туман пардасига бурканган Чотқол тоғлари. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 кўчма Туманга ўхшаш, хира, нимқоронғи ҳолат. *Баҳорнинг фикри булут босган осмондай қоронғилашди-ю, кўз олдини туман чулғади. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.*

ТУМАН II **1** эск. Ўн минг. *Бирники минга, минники туманга. Мақол.*

2 Ниҳоятда қўп, саноғига етиб бўлмайдиган, тумонат. *Саломатлик — туман бойлик. Мақол. ■ Биз учун энг аввало туман бойликлар яратишга қодир бўлган одамларнинг саломатлиги керак. Газетадан.*

3 тар. Тилла баробарида ўн минг сўм. [*Соҳиб Доро:*] *Халифамиз ўтган кунни девон қуриб, вазирлари ва бекларидан икки туман ақча топиб бермоқни талаб этибдурлар. М. Осим, Зулмат ичра нур.*

4 тар. Марказий Осиё ва Хуросонда: ўн минг отличани иборат аскарий қисм, дивизия. *Мен.. бир туман бирла ғанимнинг ўнг қўлидан орқасига ўтиб олдим. М. Осим, Ўтзор. Тургин, ота, қара, нақ туман Душман келар сарҳадма-сарҳад. Х. Даврон, Болаликнинг овози.*

ТУМАН III **1 тар.** Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда 20-аср 20-йилларигача маъмурий-худудий бўлиниш; уезд; *Шу ўттиз қақиримлик ариқ қазилиб битганда, Наманган ва Андижон туманларидан икки минг ботмонгача ер сўғорилар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Мардон асли Шеробод туманига қарашли бир қишлоқлик йигит. М. Осим, Элчилар.*

2 Ўзбекистонда: вилоят, шаҳар худудида уларнинг таркибий қисми бўлган маъмурий-худудий бўлинма. *Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани. Тошкент шаҳри-*

нинг Яккасарой тумани. ■ Бу ҳақда ҳикоя қилишни тумандаги оилалардан бошладик. Газетадан.

ТУМАН IV шв. Тубан, куйи.

Юзи туман бўлмоқ Уятга қолмоқ, шарманда бўлмоқ. *Маҳрами-ман келиб қизинг кўрмайми? Сиёсат-ман келиб тортиб олмайми? Ундан кейин юзинг туман бўлмайми? «Алпомиш». Юзини туман қилмоқ* Уятга қолдирмоқ, шарманда қилмоқ. *Сен эшитгин мендай марднинг сўзини, Туман қипсан бек отангинг юзини. «Алпомиш».*

ТУМАН V [ф. تومان — ўн минг динор] та тенг пул бирлиги < т. туман] Эронда 1932 йилга қадар муомалада бўлган пул бирлиги.

ТУМАНБОШИ тар. Ўн минг жангчидан иборат ҳарбий қисм, дивизия қўмондони. *Бобур қўшинида туманбоши лавозими мавжуд бўлмаган, чунки қўшиннинг сони ўн икки мингдан ортиқ эмас эди. «ЎЗМЭ».*

ТУМАНЛАНМОҚ Туман билан қопланмоқ; хираланмоқ. *Туманланган дераза ойналарига йирик қор парчалари оқ капалакдай уриларди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТУМАНЛАШМОҚ 1 Хира бўла бормоқ, хираланмоқ. *Кўз олдим туманлашди. ■ Ўйлаганим сари ўйларим туманлашди. З. Дўстматов, Ёкут.*

2 кўчма Хиралашмоқ, ноаниқлашмоқ. *Бу оғир андишалардан Аҳмад Ҳусайннинг кўз олди туманлашди. Ойбек, Нур қидириб.*

ТУМАНЛИ 1 Туман қоплаган, туман босган. *Туманли кун. ■ Кеча қоронғи ва туманли эди. Ойбек, Танланган асарлар. Тегирмон йўлаги ун тўзони ичига кўмилиб, кеч кузнинг қуюқ туманли ҳавоси манзарасини беради. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 кўчма Аниқ эмас, аниқ ифодали бўлмаган. *Туманли тасаввур. Туманли фикр. ■ Шукуржоннинг миясида яна чақмоқ чақнагандай бўлди-ю, ўн йиллар давомида дилига озор бериб келган туманли ўйларнинг ҳаммасини бирдан ёритиб юборди. О. Ёқубов, Ота изидан.*

ТУМАНЛИК 1 Туман билан қопланган ҳолат, қатлам. *Туманлик орасида бир тўп чуғурчуқ шовқин солиб ўтди. Ў. Ҳошимов, Бир томчи шудринг.*

2 Туман босган, қоронғи жой. *Саидий шу дарвоза ва шу занжирнигина оддий деб билиб, ичкарини сира кўз олдига келтирмас ва кел-*

тирмоқчи бўлганда, фақат бир туманлик-нигина кўрар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 астр. Ердан жуда узоқда жойлашган ва Сомон йўлига ўхшаш кўринишга эга бўлган юлдузлар системаси. Космик миқёсда планетар туманликларнинг яшаш муддати бир неча ўн минг йил, холос. «Фан ва турмуш». Яна минг йиллардан сўнг ёритқич атрофида сайёравий туманлик ҳосил қилади. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ТУМБА [нем. Tumbe < лот. tumba — қабр < юн. tumbos — дўнг, тепалик] 1 айн. **тумбочка**. Гулни тумба устидаги сопол гулдонга солиб қўйиб, Усмоннинг бош тарафига оғир чўкди. «Шарқ юлдузи».

2 Ғулага ўхшаш нарса; курси, устунча. [Тўла] Вагон орқасига югуриб ўтди-ю, лип этиб тумбага чиқиб олди. Трамвайнинг юриб кетаётганидан ҳам, тумбага осилиб юриш хавфли эканидан ҳам қўрқмади. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ТУМБОЧКА [«тумба» с. нинг кичр.] Ичига ва устига нарса қўйиладиган кичкина пастак шкафча. Ҳар бир каравот бошида биттадан тумбочка, оёғида — биттадан тахта курси. Ҳ. Ғулом, Машғал. Нонуштага асраб қўйган бир бурдагина қотган нонни тумбочка тортмасидан олиб еди.. С. Кароматов, Олтин кум. Бирдан тумбочка устидаги телефон жиринглаб қолди. Ғайратий, Довдираш.

ТУМОВ Совқотиш, инфекция, аллергия туфайли бурун шиллиқ пардасининг яллиғланиши ва бунинг натижасида бурундан сув, назла оқиш касаллиги. Тумов бўлмоқ. ■ [Ёрмат] Тумов орқасида бурнидан тўхтовсиз оққан сувни ҳам сезмайди.. Ойбек, Танланган асарлар. Киши тумовга чалинган бўлса, у овқатнинг таъмини ҳам, гулнинг ҳидини ҳам сезмайди. «Фан ва турмуш».

ТУМОВЛАМОҚ Тумов бўлиб қолмоқ. Сайёра тумовлаб, бир-икки кун мактабга келмади. П. Қодиров, Қалбадаги қуёш. Ёлғиз фарзандимиз қолса тумовлаб, Тушамиз ваҳима, васвасасига. А. Орипов, Йиллар армони.

ТУМОНАТ Сановига етиб бўлмайдиган, ниҳоятда кўп (одамлар тўпи); халойиқ. Унинг шовқин-суронига бир зумда тумонат тўпланди. ■ У [Хайри] онасиданми, бувисиданми мерос бўлиб қолган минг ямоқ банорас паранжисини номига ёйиниб олган, кўзлари ту-

монат ичидан кимнидир қидиради. А. Муҳиддин, Қирқ бахт эгалари. Дод деб айюҳаннос солмоқчи, тумонатни йиғмоқчи бўлар.. нафаси тиқиларди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Шунинг учун чинорнинг зиёратига атроф-теваракдан ҳар йили тумонат одам келиб кетади. А. Мухтор, Чинор.

ТУМОР [а. طومار — ўроғлиқ хат; нома, ёзув] 1 Халқона, диний тасаввурга кўра, гўё эгасини кўз тегишдан, бало, офат, инс-жинс ва ш.к. дан сақлайдиган, ичига дуо битилган қоғоз жойланган учбурчак нарса (одатда, бўйинга, қўлтиққа, сочга тақилади ёки кийимнинг ички қисмига тикиб қўйилади). Дуо тумор. Кўз тумор. ■ Нима бу, қандай тумор, Дўппи ичра чатилган? Ғ. Ғулом. Шайх дуоталаб икки аёлга тумор ёзиб бераётган эди. С. Сиёев, Ёруғлик. Асқар мулла дам солар, банд қилиб, тумор битиб берар эди. С. Зуннунова, Олов.

2 этн. Хотин-қизларнинг кийим устидан бўйинга осиладиган ёки елкага осиб, қўлтиққа тушириб юриладиган безаги. Бойваччароқ қизлар бўйинларига зебигардонлар, бўйин туморлар, қўлтиқ туморлар, тиллақошлар.. тақиб олган. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

3 сфм. с. т. Учбурчак (тумор) шаклга эга бўлган. Тумор ер. ■ Фақат неча минг километрлар йўл босиб келган тумор хат унга [Ўлатжонга] тасалли берди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТУМОРНУСХА Туморга ўхшаган, тумор шаклидаги. Туморнусха хат.

ТУМОРТАХЛИТ айн. **туморнусха**. У [Бегижон].. тумортахлит букланган бир қоғозни менга узатар экан, ҳаё босгандан бўлса керак, иягида марварид доналари сингари майда-майда терлар пайдо бўлди. Н. Сафаров, Севги.

ТУМОҚ 1 шв. Кулоқли иссиқ қалпоқ; кулоқчин. Орқада бошига қозоқи тумоқ кийган подачи бола ҳадеб шовқин солар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Ғиёс ака.. бошида кўҳна тулки тумоқ, хаёл суриб кетяпти. Н. Фозилов, Дийдор. Утумоғини олиб, тиззасига қўйди. Э. Самандар, Тангри қудуғи.

2 Ўргатилган ов қушининг бошига кийдириладиган тери қалпоқча. Не мунглиғ бу дунёда — қизлар мунглиғ, Бошида тумоғисиз бургут мунглиғ. «Оқ олма, қизил олма».

ТУМСА 1 Тугмайдиган, сути йўқ. *Тумса сизир. ■ Сенга қараб бўтадайн бўзлайман, Фикрим шудир, ўзим сира тинмайман, Мен тумсага агар сутни бермасанг, Берган омонатинг ол, деб йиғлайман.* «Зулфизар билан Авазхон». Бу Гўрўғли хумса, хотини туғмас тумса.. «Бўтақўз».

2 кўча Хосилсиз, ҳеч нарса униб-ўсмайдиган. Эй буюк саҳронинг заррачалари, Кафтимда тўзғимай турсанг бўлмасми, Дил хурсанд бўлмасми, тумса бағрингда Гиёҳлар потирлаб унса бўлмасми? Ш. Раҳмон, Гуллаётган тош.

ТУМСАЙМОҚ айн. **тумтаймоқ**. Боқижон тумсайиб, оғзини очган ҳолда, ҳаммага маъносиз тикилди. Ойбек, О.в. шабадалар. *Хатто тумсайиб ўтирган Асрора ҳам беҳштиёр чапак чалар эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ТУМТАЙМОҚ Бирор нарсадан хафа бўлиб, ранжиб ёки жаҳли чиқиб, қовоқ солиб ўтирмоқ; тундлашмоқ, тумшаймоқ. У боласининг бугун жуда ҳам тумтайиб олганига ҳайрон бўлар, уни гапга солиш, парижонлигини тарқатиш учун турли саволлар берар.. эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Каримберди индамади, бадтар тумтайди.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

ТУМТАРАҚАЙ рвш. Тартибсиз, ҳар томонга тўзган ҳолда (асосан, қочиш, кетиш, тўзиш ҳаракати ҳақида). *Эшик очилиши ҳамон болалар тумтарақай қочиб кетишди..* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Қалъани ихота қилиб турган навқару ясовуллар ҳар томонга тумтарақай қочиб кетишди.* М. Осим, Ўттор.

Тумтарақай бўлмоқ Тумтарақай ҳолга тушмоқ, ҳар томонга қочиш, кетиш ҳолатига тушмоқ. *Бирпасда дарвозахона бўшаб қолди. Қаландарлар мўр-малахдай тўрт томонга тумтарақай бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Тонг отганда кимдир: «Ёғий босди!» деб қичқирди-да, тура қочди. Уйқусираган одамлар ваҳима ичида тумтарақай бўлаб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Тумтарақай қилмоқ** Ҳар томонга тартибсиз равишда қочишга мажбур этмоқ, тўзитмоқ. *Траншеяга кириб қолган гитлерчилар мададкорларимиз зарбасидан тумтарақай қилиб юборилган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *-Тур ўрнингдан! — деб қолди Пошша хола Умиднинг хаёлларини.. тумтарақай қилиб.* Д. Нурий, Осмон устун.

ТУМТАРОҚ [ф. طمطاراق — тантанавор, дабдабали, шов-шувли] **1** Баландпарвоз дабдабадан (сўзлардан) иборат, тамтароқ. *Кечиринг, азиз дўстлар, тумтароқ бўлди сўзим.* П. Абдуллаев, Менинг кўшигим. *Сийқаси чиққан тумтароқ, мавҳум, умумий фикрларни ёдлаб олган.. нотиқлардан нима фойда?* Газетадан. *Бир қатор тумтароқ, баландпарвоз қарорлар қабул қилинган, аммо улар бажарилмаган.* Газетадан.

2 айн. **тумтарақай**. *Ҳажиқизларнинг тумтароқ бўлиб қочишини кўрдингми?* Уйғун, Сайланма. *Наҳотки, ўша мен уруш бошида кўрган, соясидан хуркиб тумтароқ қочиб юрган қизил аскарлар шунақа кучга тўлиб, удабурро бўлиб кетган..* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ТУМТАРОҚЛИ Баландпарвоз дабдабадан иборат бўлган; тамтароқли. *У [Элчи] тумтароқли сўзлар билан Тумарисни қутлуғлар экан, мулозимлар тилладўз чопон ва ҳарир кўйлақлар тугилган зарбоф бўғчани унинг оёғи остига қўйди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ТУМУШМОҚ шв. Тумшаймоқ. *Унинг тумушиб, тўнига ўралиб туришини кўрган деҳқон, раҳми келди, шекилли, аста эгилиб, юзларига тикилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТУМШАЙМОҚ 1 айн. **тумтаймоқ**. *Нега тумшайиб олдинг, йигит? ■ Қишлоққа ишга бориш ниятим қатъийлигини билгач, мендан ўзини олиб қочиб, тумшайиб юрди.* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз. *Вали ака каласини қимирлатди, кекса юзи тумшайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўча Ёқимсиз тус олмоқ, «қовоғини солмоқ»; тундлашмоқ (асосан, ҳаво ҳақида). *Ҳавони қаранг, жуда тумшайиб олди. Ғўзалар сал ўзини тутиб олса, яхши бўларди.* С. Зуннунова, Олов.

ТУМШУҚ 1 Қушларнинг оғзи билан бириккан, чўқиш ва зарб бериш учун хизмат қиладиган ўткир учли шохсимон аъзоси. *Товуқнинг тумшуғи. ■ Лайлакнинг бўйи новча, тумшуғи бор тарновча.* Уйғун. *Қушчанинг жуволдиз учидай тумшуғи салгина очилиши билан жилғани кучли овоз тутди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳайвонлар бошининг олд (оғиз, бурун томон) қисми. *Чучқанинг тумшуғи. ■ Елиб-йўрғалаб кетаётган тўриқ дафъатан*

тумишуғини баланд кўтариб, қаттиқ киш-нади. С. Анорбоев, Оқсой. «Тарзан» бояғидай буйруқни бажариб, қанд «мукофот» олгиси келдими, сахий эгасининг оёғига ялпоқ тумишуғини суркади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 с. т. дағл. Афт-башара; калла, бошнинг юз, бет томони. Поиша хола.. куёвнинг тумишуғи олдида омбур қилиб қисилган бармоқларини ўйната бошлади. Д. Нурий, Осмон устун. У [Мадаминхўжа] бориб, мут-тахам қозининг тумишуғига туширгиси ё ифлос башарасига тупургиси келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 кўча Бирор нарсa, буюм ва ш.к. нинг олдинга чиқиб турган қисми, бурни. Кеманинг тумишуғи. Милтиқнинг тумишуғи. ■ Холиқ кўзлаб туриб, оғир этигининг тумишуғи билан бир тепди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. Пулат қуш тумишуғини чўза-чўза, осмонга кўтарилди. Н. Сафаров, Оловли излар. Уларнинг бири сумкадан ойна қутига ўхшаи нарсани олди-да, машинанинг тумишуғига қўйди. Мирмуҳсин, Супургига сажда.

Тумшуқ тикмоқ (ёки суқмоқ) Бирор иш, нарсага алоқаси бўлмаган ҳолда, ўринсиз аралашмоқ. Биринчидан, мени афандихон деманг. Иккинчисидан, тушунмаган ишингизга тумишуғингизни суқманг! С. Аҳмад, Ҳукм. Бу ишга унинг тумишуғи тикмаслигини илтимос қилишганда.. Мирмуҳсин, Чодрaли аёл. Расулжон ўзининг бевосита вазифаси қолиб, бошқаларнинг ишга тумишуғини тикади. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. **Тумшуғи (ёки қовоқ-тумшуғи) осилмоқ (ёки чўзилмоқ)** Афт-башараси хафалик, норозилик ва ш.к. ни ифодаловчи тунд ҳолатли бўлмоқ. Менглибойнинг тумишуғи осилди. «Муштум». Терговчи Ҳамдам Йўлдошев, қовоқ-тумишуғи осилиб, уларни хонасига бошлаб кирди. С. Юнусов, Қутилмаган хазина. Сўнгги гап ёқмади, шекилли, тумишуғи чўзилиб кетди. Ойдин, Ҳикоялар. **Тумшуғи остида (ёки тагида)** Шундоққина олдида, ёнгинасида. Азар тумишуғининг остида нималар бўлаётганини кўрмаса, унда у латта! «Шарқ юлдузи». Қайнона шундоқ Йигиталининг тумишуғи остига келиб, гулдуроқ овоз билан бир кулиб қўйди.. Д. Нурий, Осмон устун. Поезддан тушгандан кейин тумишуғимиз тагида экансан-ку, биз бўлсак қаёқларга бориб юрибмиз. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. ..кўчада турган ми-

лиционернинг тумишуғи тагидан кўча ҳаракати қондасини бузиб ўтиб кетган-ку.. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. **Тумишуғидан илинмоқ** Кўлга тушмоқ. Ниҳоят, қинғир кўчага кирган ёшлар тумишуқларидан илинишди. Газетадан.

ТУН 1 Сутканинг кун ботишдан кун чиққунгача, оқшомдан тонготаргача бўлган қисми. Ойсиз тун. Тун капалаги. Ой тунда керак, Ақл кунда керак. Мақол. ■ Очил ярим тунгача кўчаларда тентираб юрди, ётоққа борса, яна тун бўйи ухлай олмай чиқишини билар эди. П. Қодиров, Уч илди. [Низомжон] Кечалар юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонгга улаб, қушлар нағмасидан, сувлар шилдирашидан кўнгилга аллақандай юпанч изларди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Тун қоронғиси, қоронғилик. Баҳор келди, Тун бағрида Ярқ этгандай бўлди нур. Э. Воҳидов, Нидо. Ҳали тонг отмаган, кулранг осмон аста-секин оқара бошлаганига қарамай, хиёбонлар, кўчалар, биноларнинг настки қаватлари тун қўйнида эди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Олч-олисларда ёнган юлдуздек Дардим билан сингиб кетдим мен тунга. Х. Даврон, Қақнус.

ТУНАМОҚ 1 Бирор жойда тунни уйку билан ўтказмоқ, кечаси ётиб қолмоқ. Хирмонда тунамоқ. ■ Бозорни кутиб, икки-уч кун.. самоварда тунадик. Ғ. Фулом, Шум бола. [Йўлчи] Баъзан Қоратойнинг ишхонасида, баъзан чойхонада тунаб юрди. Ойбек, Танланган асарлар. Тўғридан ҳам кичик булоқ бор экан. Карвон шу ерда тунади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Босқинчилик, ўғрилиқ қилмоқ (одатда, тунда). Улар биринчи кунни Қўйлиққа яқин жойда Зуфар Ғайнуллинни тунаб, калтакладилар. Газетадан. Раҳмат шериклари билан тунда фабрикадан келаётган И.М. исмли қизни тунаб, жабрлаб қочаётганларида, қинғир ишининг қийиғи чиқиб қолди. Газетадан.

ТУНГАН с. т. Тунгони. Ора-сира тунганлар ҳам кўриниб қолади. Улар аёллар кўйлагига ўхшаи узун камзул кийган. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ТУНГИ Тунда бўлган ёки бўладиган; тундаги, кечки. Тунги смена. Тунги салқин. ■ Асаб, тунги уйқусизлик Қудратни толиқтирган эди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Расулжон тунги сайрнинг ҳаётбахш таас-

суротидан беқиёс лаззат топиб, уйига қайтган маҳал тонг ёриша бошлаган эди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТУНГОНИ 1 Халқ, миллат номи. қ. **дунганлар**, **тунгонилар**.

2 Шу халқ, миллатга оид, тегишли. *Тунгони йигит. Тунгони тили.*

ТУНГОНИЛАР қ. **дунганлар**.

ТУНД [ф. *tund* — шиддатли, қаттиқ; таранг, пишиқ; заҳарли, ваҳший, ғазабли] 1 Муомаласи қўпол, ёқимсиз, қўрс. *Тунд, камгап, кекса жарроҳ.. ҳар бир сўзни ўлчагандай, оҳиста тушунтира бошлади. Ойбек, Навоий. Каримжон, Манзура ўйлагандек, тунд эмас экан. У шундай қизиқ гапларни топиб гапирардики, унинг сўзамоллигига Манзура қойил қолди. Ҳабибулло, Гунча. Эсон устол [стол] ёнига бориш билан Саидийнинг тунд гапини эшитмаган, Саидийни кўрмаган бўлди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

2 Кўриниши, чеҳраси совуқ, қиёфаси ёқимсиз. *Тунд башара. ■ Эшик оға икки букилиб таъзим қилар экан, юзи тунд кўринди. П. Қодиров, Бобур. Икки кунчадан бери тунд бўлиб юрган Йигиталининг кўнгли ёришиб кетгандай бўлди. Д. Нурий, Осмон устун. Эрталаб ҳаво тунд, осмонни наст тушган булутлар қоплаб олган. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.*

ТУНДА *рвш.* Тун паллада; кечаси. *Борсак, ой чиқмасдан борайлик. Тунда шундай зўр ов бўлсинки.. унинг гаштига нима етсин! М. Мансуров, Ёмби. Ҳозироқ йўлга чиқиб, эртага тунда қайтаман. Ҳ. Фулом, Машғал.*

ТУНДЛАНМОҚ қ. **тундлашмоқ**. Нарвоний яна тундланди, чимирилди-ю, негадир гапирмай, блокнот варағидаги ёзувни «Мана, ўзингиз ўқиб, била қолинг», дегандек суриб қўйди. «Муштум».

ТУНДЛАШМОҚ Тунд бўлмоқ, тунд қиёфа олмоқ. *Ҳури унинг [Камолнинг] башараси тундлашиб, катта-катта қора кўзлари ғазабдан чақнаганини кўрди. Ш. Фуломов, Саҳрода. - Бўпти. Шундай қиламиз, — деди Шербек қатъий. Унинг юзи кўланка тушгандай тундлашди. — Тўламат ака, энди менга тўриқни беринг. С. Анорбоев, Оқсой. Бироқ чўлга етганларидан кейин ҳамма ёқни бир зумда қоронғилик босиб, ярим чақирим жойни ҳам аранг кўз илғайдиган даражада тундлашди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

ТУНДЛИК 1 Қўполлик, совуқ муомалалик. - *Биласизми, — деди Пётр Ларионович тундлик билан, — мени бу ердаги ёзувлар қизиқтирмайди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.*

2 Тунд ҳолат, қиёфа. *Акасида.. сўз ўтмас бир тундликни кўрди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? Ташқарида ҳам уйдагидек тундлик ҳукмрон эди. Д. Нурий, Осмон устун.*

ТУНДРА [фин. *tunturi* — ўрмон (дарахт)сиз баланд тоғ, тепалик] Шимолий яримшарнинг юқори кенгликларидаги ўта совуқ иқтимли ўрмонсиз, йўсинлар, сийрак майда ўсимликлар билан қопланган ерлар.

ТУН-КУН, туну кун 1 Кечаю кундуз, кечасию кундузи, сутка давомида. *Шунинг учун бу ерда дарғалар бедор, туну кун бақир-чақирлар, узун эшакларнинг бетиним шалоплагани.. эшитилиб туради. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Ҳамиша, ҳамма вақт, тинимсиз. *Тун-кун ишламоқ. ■ Навоий ва Пушкин — устозлар Тарбиялар туну кун мени. Х. Салоҳ, Чашма. Сени ўйларман мангу, Сени ўйларман тун-кун. Тўлқин.*

ТУНЛАРИ 1 Тун с. 3-ш. қўпл. шакли. *Ҳасанали кунларини томоқсиз, тунларини уйқусиз кечира бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ёз тунлари шу қадар дилбар.. Файратий.*

2 *рвш.* Тун пайтларида. *Кунлари куйиб-пишиб ишлаганидан тунлари қотиб ухлайди. Т. Ашуров, Оқ от. Биринчи қаватдаги спорт залининг чироғи тунлари ҳам алламаҳалга-ча ўчмайди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.*

ТУННЕЛЬ [ингл. *tunnel* < фр. *tonnel* — юмалоқ, бочкасимон гумбаз] Транспорт юриши, сув ўтиши ва б. мақсадларга мўлжаллаб тоғ (ер) ёки сув остида ўйиб очилган йўл, ўтиш жойи. *Метрополитен туннеллари. Тоғ туннели. Туннель қазимоқ. ■ Ўрмонзор йўли худди тоғ тагидан кесиб ишланган туннель йўлга ўхшайди. Н. Сафаров, Жангчи шоир.*

ТУНОВ: **тунов кун**и Яқинда, ўтган яқин кунларнинг бирида. *Шоир Ҳайдарнинг янги шеърлари тунов куни ёзувчилар ўртасида муҳокама қилинган эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Меҳринисо ҳам тунов куни бир шода марвариди билан қўш билагузугини заргарликка олиб бориб, сотиб келди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.**

ТУНОВГИ *шв.* Тунов кунги, тунов куни, яқинда юз берган. *Туновги туй. Туновги мажлис.* ■ Мен учун танинг инграгиб, туновидай насиб бўлса келаман. «Гулихиромон».

ТУНОВИН *шв.* Тунов кунги, тунов куни. Булар туновин Катта намозгоҳда ишларини тугатган экан. М. Сафаров, Сўқмоқдаги одамлар. *Подшо бу сўзларни эшитиб, Гўрғулининг оти эканини билиб, туновин харидор бўлган кўсани тутиб олиб, зиндон қилди. «Далли».*

ТУНУКА Том ёпиш ва б. мақсадлар учун махсус тайёрланган юпқа, тахта-тахта темир. *Оқ тунука. Рух тунука. Тунука чойнак. Тунука печка.* ■ Новвот опа шидан қайтиб келганда, Ўринжон ўзи ясаган уйчаннинг устига тунука қоқайтган эди. Ойдин, Ўзи монанд. Самандаров этигининг қўнжидан тунука қутича чиқариб, махорка ўради. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ТУНУКАЛИ Тунука билан ёпилган, тунука қопланган (том ҳақида). *– Тошкентдаги уйлардан чакка ўтмаса керак-а? – деб сўради у. – Ўтадиганлари ҳам бор. Лекин кўпи тунукали уйлар, – деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ТУНУКАСОЗ 1 Томга тунука қоқувчи мутахассис; тунукачи. *Бу одам пора орқасидан олтига участка солган, еттинчисини қураётганда, тунукасоз билан уришиб қолиб, томдан йиқилиб ўлган. «Муштум».*

2 Тунукадан турли асбоб-анжом ясовчи уста, тунука ишлари устаси; тунукачи. *Кекса деҳқон Юсуф ота образи оидий тунукасоз чол Ориф ота Юсуповга топширилди. С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари. Ҳа, хунарманд тунукасоз-темирчининг қўли калта бўлади. К. Яшин, Ҳамза.*

ТУНУКАСОЗЛИК 1 Тунукасоз иши, касби. *Тунукасозлик қилмоқ. Тунукасозликни ўрганмоқ.*

2 Тунука ишларига оид, тунука ишлари бажариладиган. *У ерда сандиқсозлик, тунукасозлик дўконлари бор эди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ТУНУКАЧИ *айн. тунукасоз.* Баланд том устида эмаклаб юриб, тунукачилар тунука қоқардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУНУКАЧИЛИК Тунукачи иши, касби. *Тунукачилик билан шуғулланмоқ.*

ТУНҚОТАР *тар.* Тунги қоровул, соқчи. *Таниш қўнғироқларнинг товушини эшитган*

тунқотар дарвозани очгач, кўзи мудҳиш воқеани кўрди. Ж. Шарипов, Хоразм. Тошмачитга етай деганларида, рўпарадан ёнига қилич осиб, қўлига гаврон ушлаган тунқотар чиқди. С. Сиёев, Аваз.

ТУНҚОТМОҚ фольк. Кечаси билан сергак, бедор бўлмоқ, ухламай чиқмоқ; тунда қоровуллик қилмоқ. *Равшанбек тунлар тунқотиб йўл тортди. «Равшан».*

ТУП Ўсимлик ёки дарахтнинг ҳар бир донаси. *Бир туп дарахт. Ўн туп олма кўчати. Ғўзанинг тупи.* ■ Салкам миллион туп дарахти бор Тошкентда нима кўп, серсоя жойлар кўп. П. Қодиров, Уч илдиш. [Фарғонанинг] Ҳар туп мевасидан бол томади. Шухрат, Шинелли йиллар. Экиннинг тупини кўриб, ҳосилини аниқла. «Қанотли сўзлар».

Туп қўйиб, палак ёзмоқ (ёки отмоқ) қ. палак 1.

ТУПИК [р. тупой – «тўмтоқ, боши, учи йўқ; боши берк» с. дан] Боши берк кўча ёки йўл. «Инспектор» ишининг ўнғай кўчаётганлигидан бениҳоя хурсанд ҳолда иккинчи тупикдаги иккинчи эшикни тақиллатди. С. Исқандаров, Товламачи.

ТУПКА: (бир) тупканинг тагида ёки бир тупкада Жуда ҳам узоқ, чекка жойда. *Уйи бир тупканинг тагида экан.* ■ Хўжабековни тупканинг тагидан бўлса ҳам топиб келамиз.. *Халқ олдида ҳисобот берсин! С. Анорбоев, Оқсой. Ёнимда юриш отанга буюрмовди, сен ҳам мени ташлаб, укаларининг кўзларини жавдиратиб, бир тупкада юрсанг, мен куймай ким куйсин! Н. Ёкубов, Ҳаёлимдаги қиз.*

ТУПЛАМОҚ *айн. тупурмоқ.* Балғам тупламоқ. *Оғзидаги носвойни туплаб ташламоқ.* ■ Эликбоши.. *лой ва қон аралаш туплайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТУППА 1 Суюқ ош учун уграга нисбатан энлироқ қилиб тайёрланадиган узма ёки кесма хамир. *Уврага ўқувинг йўқ, паловни ланж қиласан, сомсани ёполмайсан, туппани кесолмайсан. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

2 Шундай хамир солиб пиширилган суюқ ош. *Бир ой ўтмай, қавм-қариндошларининг ҳам зиёфатлари ниҳоясига етиб, бева онасининг туппасига қаноат этишга мажбур бўлиб қолди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

ТУППАК с. т. Лой соққан пуфлаб қуш отиш учун махсус ясалган қамиш най. *Туп-*

пак билан чумчуқ отмоқ. ■ [Овчи] Албатта, ёввойи тўнғиз овлаш учун қўлига қирғий ёки туппак кўтариб чиқмайди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТУППАКЧИ Туппак отувчи. Мўмин туппакчи асли овчи эди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТУПРОҚ 1 Ернинг ковлаш, чопиш, ҳайдаш, эзилиш ва ш.к. натижасида ҳосил бўлган юмшоқ қисми, қатлами. *Бир ҳовуч тупроқ. Тупроқ уюми. Урани тупроқ билан кўмиб ташламоқ. Тупроқ олсанг, олтин бўлсин.* Мақол. ■ Чуқурликлардан ирғитилаётган тупроқ окопларнинг чап қирғоқларида тоғ бўлиб кўтарилмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Бўсагани тўрт энлик тупроқ қоплаган. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ер қобиғининг ўсимлик ризқ олиб ўсадиган устки қатлами; ер. *Қора тупроқ. Кумлоқ тупроқ. Тупроқ харитаси. Тупроқ-иқлим шароити.* ■ Мирзачўлнинг тупроғи Бўлар ёшликнинг боғи, Тошар севги булоғи, Тўлдириб дил жомимни. Ё. Мирзо. *Шароитга қараб пайкалларга чигит суви бериляпти, чунки тупроқ қатламида нам анча камайиб қолди.* Газетадан. *Тупроқ — ҳосилнинг негизи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий шарт-шароитларидан ва ягона воситаларидан бири.* «Фан ва турмуш».

3 Ўлган кишининг хоки; хок. [Қурбон ота:] «Бир сиқим тупроғим беона юртда қолиб кетмаса экан», деган ўйга борди. А. Қаҳҳор, Тўй.

4 *кўча* Маълум юрт, ўлка, мамлакатга қарашли ҳудуд. Ҳозирги Ўзбекистон тупроғида яшаган қадимги халқлар ўзларининг мустақил, бой маданиятлариغا эга бўлганлар. К. Яшин, Ҳамза. Улар энди Мовароуннахр тупроғида эдилар. Бу рўйи замин дунёдаги энг гўзал ва энг муқаддас мамлакат эди. Мирмуҳсин, Меъмор.

(Бу ернинг) тупроғи оғир Бу ерни ташлаб кетиш осон эмас, бу ерни ташлаб кетишга ҳеч кимнинг кўзи қиймайди. **Тупроқ билан тенг қилмоқ** Жуда пастга урмоқ, қадрқимматини ерга урмоқ. *Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш, қўшмачилар олдида шунчалик паст тушдимми?!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Қўшни халқларга босқинлар уюштирди, ўзга юртларни вайрон этди; ўша халқларнинг асрлар*

давомида вужудга келтирган маданий бойликларини тупроқ билан тенг қилди. С. Кароматов, Олтин кум. **Тупроқдан ташқари** Ўлмай, ҳаёт ҳолда. *Яраларимнинг ҳаммаси ҳам унча оғир эмас, мана, тупроқдан ташқари юрибман.* «Шарқ юлдузи». **Тупроққа топширмоқ** Дафн этмоқ, қабрга қўймоқ. *Ўғли Шодмонбекнинг Фарғона жангидан қайтмагани, уни ўз қўли билан тупроққа топширган Низомиддиннинг ҳам тупроққа қўшилиб кетгани ёмон из қолдирган бу усталар хонадонидан анчадан буён хафақонлик, мотамсаролик ҳукм суларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Тупроғи совимасдан** Вафот этганига кўп вақт бўлмай. *Қандай ота у.. Ойимнинг тупроғи совимасдан чўри қизга уйланадими?* Ойбек, Танланган асарлар. **Тупроғи тортмоқ** Туғилиб ўсган (ўз) жойи ундамоқ, жалб қилмоқ. *Бу ишлар — худонинг иши, халойиқ, Ё тупроғим, нон-насибам тортганди, Элни йиғинг, юринг, жовлиқ кетамиз.* «Юсуф ва Аҳмад». **Тупроғи шу ердан олинган** Асли шу ернинг одами, шу ернинг ўзиники деган маънони қайд этади. *—Дўсматов ўзимизники, — деди Сотволди, — Дўсматовнинг тупроғи шу ердан олинган. Ҳеч қаёққа кетолмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тупроғини яламоқ** Маълум жой, ҳудудда кўп йиллар муқим бўлмоқ. *..халқимнинг зулматли кечасида лоақал жинчироқ бўлармиканман, деб мадраса тупроғини олти йилдан бери ялаб келдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУПРОҚШУНОС Тупроқшунослик бўйича мутахассис олим. *Ўзбек тупроқшунослари. Тупроқшунос олим.* ■ *Экспедиция таркибида тарихчи-археолог, тупроқшунос, табиатшунос ва ишчилар бор.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТУПРОҚШУНОСЛИК Тупроқ, унинг таркиби, турлари ва хусусиятларини ўрганадиган фан. *Тупроқшунослик институти.* ■ *Тупроқ унумдорлигини ҳар томонлама пухта ўрганишга ҳамда қишлоқ хўжалиги фани ютуқлари асосида уни яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш — тупроқшуносликдаги асосий вазифалардан биридир.* «Фан ва турмуш».

ТУПУК 1 Оғиз бўшлиғида сулак безлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва овқатни ҳазм қилиш учун хизмат қиладиган суюқлик. *Тупук ютмоқ.* ■ *Овқат оғизда атала ҳолига келиб, тупук билан ара-*

лашгандан кейин ошқозонга, ундан ичакка ўтади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

2 Шу суюқликнинг тупуриладиган бўлагига. Қаҳратон қиш. Туп десангиз, тупугингиз музлайди. Ойдин, Ҳазил эмиш.

ТУПУКЛАМОҚ Тупук билан ҳўлламоқ. Тупуклаб ёпиштирмоқ. Иннинг учини тупуклаб эшмоқ.

ТУПУРИК кам қўлл. айн. **тупук**.

ТУПУРИКЛАМОҚ кам қўлл. айн. **тупукламоқ**.

ТУПУРМОҚ 1 Тупукни тил, лаб ёрдамида ташқарига ташламоқ, отмоқ. Осмонга тупурсанг, бетингга тушар. Мақол. ■ Руқия унинг олдида келиб, бир туртди, ғазабига чидалмай, «чирт» этказиб ёнига тупурди.. К. Яшин, Ҳамза.

2 Оғиздаги (оғизда тўпланган) қон, нос ва ш.к. ни ташқарига ташламоқ. Оғиздаги носини тупуриб.. шимининг почасини шимариб, кетмон билан ўртага тушиди. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. Бектемир тупроқ остидан эмаклаб чиқди. Оғзидан лой тупурди. Ойбек, Қуёш қораймас. Латофат ҳамон «қариқиз» ўтини тишлари билан кирсиллатиб узиб, тупуриб ташлар, олис қишлоқ ҳаётини эслатувчи қадрдон бир ис туярди димоғида. Ў. Ҳошимов, Бир томчи шудринг.

ТУР 1 1 Белгилари, хоссалари, вазифаси ва ш.к. жиҳатдан умумий бўлган бир гуруҳ ёки бутунлик ташкил этган нарсалар, ҳодисаларнинг хили, нави, кўриниши. Пойабзал турлари. Газлама турлари. Спорт турлари. Қўшин тури (ҳарб). ■ Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Закавказьеда алоқининг дарахтсимон тури ерга экиб ўстирилмоқда. «Саодат». Санъат турларининг ичида энг қийини расомчилик. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Туризм ва экскурсия оммавий дам олишининг энг қизиқарли турларидан бирига айланмоқда. Газетадан.

2 биол. Ўсимлик ва ҳайвонлар тизимида бирор туркумга мансуб, алоҳида сифатга эга бўлган шакл, тасниф бирлиги. Уссури қобони — япон чўққасининг бир тури. ■ Ирсият туфайли узоқ эволюция давомида пайдо бўлган асосий структуралар ҳамма турларда сақланиб қолади. «Фан ва турмуш».

3 Баъзи белги билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, «тарз», «ҳолат», «аҳвол» маъноларини билдиради. Элликбоши бир минут

қадар сукут қилиб, ҳалиги «икки оғиз» сўз-ни қай турда бошлашни ўйлади-да, жилмайиб қўйди. Ойбек, Танланган асарлар. -Бугун эрталаб домла бизникига келган эди, — деди Султонали жиддий турда. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ТУР 2 [фр. tour — айлана, доира; айланма ҳаракат; минора] Даврали спорт мусобақаларида бир кур ўйин. Шахмат турнирининг учинчи тури. ■ Хоккей бўйича.. шарқий зонада қатнашаётган командаларнинг иккинчи давра биринчи тур учрашувлари ниҳоятда кескин кураш вазиятида ўтди. Газетадан.

ТУРАНҒИ, туронғи Теракнинг тўқайларда, сув бўйларида ўсадиган бир тури. Улар.. юлғун ва туранғи чангалининг томирларини коваб, тракторларга йўл очардилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Отларни туронғиларга боғлаб, катта ҳовуз бўйига ўтдилар. Э. Самандар, Тангри кудуғи. Бир туронғи тагига бориб тушидик.. Шундан кейин бу туронғи ости бизнинг учрашадиган ўтирадиган жойимиз бўлиб қолади. Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ТУРБАТ [а. تربت — ер, тупроқ; қабр, гўр, мақбара] **1** эск. кт. Тупроқ, ер. Турбатимдин қон ютиб, лола унар. Муаззамхон.

2 кўча. Қабр, сағана, мақбара. -Шу турбатда истироҳат қилиб ётган Хўжаубон ҳазратлари, — деб фаррош қабрни кўрсатибди. С. Айний, Эсдаликлар.

ТУРБИНА [фр. turbine < лот. turbo, turbinis — қуюн, уюрма; шиддатли айланиш] Сув, буғ ёки газ кучи билан ишлайдиган двигателъ. Буғ турбинаси. Газ турбинаси. Турбина заводи. ■ Турбиналардан чиқиб келаётган ҳавонинг шиддати довул кучига эга. Газетадан. ..буғ турбиналари ўрнига газ турбиналарини ишлатиш катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Газетадан.

ТУРБИНАЛИ Турбинага эга бўлган, турбина ўрнатилган. Буғ турбинали электр станцияси.

ТУРБИНАЧИ Турбина ишлаб чиқарувчи ёки турбинага қаровчи мутахассис. Турбиначи слесарлар.

ТУРБОБУР [р. турбобур < лот. turbo — қуюн, уюрма + нем. Bohrer — бурғи] тех. Чуқур қудуқларни (мас., газ, нефть қудуқларини) бурғилайдиган гидравлик аппа-

рат; бурғи. *Тез орада Газободга турбобур ус-куналари етиб келди.* И. Раҳим, Тақдир.

ТУРБОГЕНЕРАТОР [лот. turbo — куюн, уюрма + генератор] *тех.* Газ ёки буғ турбинасидан ҳаракат олиб, у билан бирга ишлайдиган электр генератор. *Реакторнинг иссиқлик алмаширгичларида буғ вужудга келади ва у турбогенераторларни ҳаракатлантиради.* «Фан ва турмуш».

ТУРГАН-БИТГАНИ Бутун борлиғи, бутунлай. *Зайтун дарахтининг турган-битгани киши организми учун фойдали.* Газетадан. *Кечаси ҳаммани эснатиб мажлис ўтказади. Турган-битгани халақит бериш.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. *Бош инженер айтганидек, Ёқубжоннинг турган-битгани пай.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ТУРДОШ Бир турдаги, бир хилдаги, бир хил. *Турдош касбларни эгалламоқ.* ■ Уларни [кадрларни] малака ошириш учун турдош корхоналарга юбормиз. Газетадан.

Турдош от тли. Бир турдаги предметларнинг номини англатадиган отлар.

ТУРИБ-ТУРИБ 1 Кўп вақт тик қолиб, кўп вақт ўтказиб. *У остона олдида туриб-туриб, орқасига қайтди.*

2 Орадан вақт ўтиб, баъзи-баъзида, такрор ҳолда. *Унинг гаплари туриб-туриб менга алам қияпти.* ■ *Туриб-туриб беҳуда хаёллар чулғаб олади. Не машаққатлар билан борганимдан кейин, [Муроджон] яхши қабул қилса тужук. Файратий, Узоқдаги ёр.*

3 Кўп вақт фикр юришиб, ўйлаб-ўйлаб. *Меҳмон саволларимга жавоб бермасдан, туриб-туриб, тўсатдан: -Думли одамларни кўрганмисиз? — деди.* «Гулдаста».

ТУРИЗМ [фр. tourisme < tour — айланиш, сайр (саёҳат) қилиш] **1** Ҳам дунёни кўриш, билиш, ўрганиш, ҳам дам олиш мақсадида ташкил этиладиган сайр-саёҳат. *Халқаро туризм.* ■ *Сахий куёш, тинчлик ва саховат ўлкаси бўлган республикамизга жаҳоннинг турли мамлакатларидан кўплаб туризм ва саёҳат ишқибозлари келмоқдалар.* Газетадан. *Туризмнинг тобора ривожланаётганини эътиборга олиб, туристик поездлар маршрути янада кўпайтирилади.* «Фан ва турмуш».

2 *спрт.* Организмни жисмоний чиниқтириш мақсадида уюштириладиган жамоавий юришлар, сафарлар.

ТУРИСТ [фр. touriste — сайёҳ] Туризм билан шуғулланувчи шахс; туристик саёҳат, юриш қатнашчиси. *Чет эллик туристлар.* ■ *Йигитали лола сайлига бир неча кун тайёргарлик кўрди. Прокат [ижара]дан палатка, ҳатто туристларнинг қозон-товоғини ҳам олиб келди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ТУРИСТИК Туризмга, туристларга оид. *Туристик саёҳат. Туристик йўланма.* ■ *Бўстонлиқ туманидаги «Чимён» туристик мажмуаси ҳам қишки дам олиш мавсумини қизғин бошлади.* Газетадан. *Депонинг ишлаб чиқариш илғорлари Самарқанд—Бухоро туристик поездида ҳам мароқли сафар қилдилар.* Газетадан.

ТУРИШ 1 *Турмоқ* фл. ҳар. н. *Қўшни қўшидан эрта туришни ўрганади.* Мақол. ■ *Гулнор.. оёқда туришга ожиз, тинкаси қуриган бир хаста каби, умидсизлик билан яна секингина ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отабек бу хабарни совуққина эшитиб ўтирар ва фотиҳа ўқиб, туришга ҳозирланар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Муайян ҳолат, вазият, аҳвол. *Бу туришда иш битмайди. Шахмат ўйини шу туришда кечиктирилди.* Туришидан у сенга ўхшаб кетади. ■ *Боядан бери густохона сўзларни бисёр айтган бўлса-да, Авазнинг бу туриши хонга ёқди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Туриш бермоқ Бардош бермоқ, чидаш бермоқ, чидамоқ. *Бай-бай.. мен еган қаймоқларни ариқ қилиб оқизсангиз, ҳеч қандай тўғон туриш бермайди.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун. *Асло қочмай, беринг туриш, Шердай бўп қилинглار хуруш.* «Юсуф ва Аҳмад».

ТУРИШ-ТУРМУШ Шахснинг ҳаёт тарзи, аҳволи. *У [Сидиқжон] Шарофатнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлғазмаслиги, туриш-турмушини кўрсатиш керак экани тўғрисида ўйлаганида, бу туриш-турмуш тўфайли, оз бўлса-да, хижолат тортишини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУРК 1 Туркия давлати асосий, туб аҳолисининг, миллатининг номи. *Турк халқи. Турк миллати (қ. турклар).*

2 Шу халқ, миллатга тегишли, мансуб, оид. *Турк аёли. Турк тили.*

ТУРКИГУЙ [туркий + ф. گوی — сўзловчи, гапирувчи] эск. Туркий тилда ўқувчи ва ёзувчи. *Туркигуй шоир.*

ТУРКИЙ Турк этноси, унинг тили ва маданиятига оид (қ. **турклар 2**). *Туркий тиллар. Туркий халқлар.*

ТУРКИЙЛАР Жаҳондаги энг қадимий ва йирик этнослардан бири (яна қ. **турклар 2**).

ТУРКИЙШУНОС [туркий + ф. *شناس* — ўрганувчи] Туркийшунослик бўйича мутахассис, олим.

ТУРКИЙШУНОСЛИК Туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг тиллари, этнографияси, тарихи, адабиёти, фольклори, маданиятини ўрганувчи гуманитар фанлар мажмуи.

ТУРКЛАР 1 Туркиянинг асосий, туркий бўлган халқи.

2 Туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқларнинг умумий номи.

ТУРКМАН 1 Туркменистоннинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ ва миллат номи. *Туркман халқи. Туркман миллати* (қ. **туркманлар**).

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли. *Туркман тили. Туркман маданияти.*

ТУРКМАНИ 1 Туркманларга хос, туркманларга оид. *Туркмани телтак. Туркмани чакмон.*

2 Майизнинг бир нави.

ТУРКМАНЛАР Туркменистоннинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ; туркман халқи.

ТУРКМАНЧА 1 Туркманларга, туркман халқига, унинг тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Туркманча рақс. Туркманча кийим.*

2 Туркман тили. *Сиз туркманча(ни) биласизми? Туркманча гапирмоқ.*

ТУРКОЛОГ Туркология мутахассиси, олим. *яна қ. туркийшунос.*

ТУРКОЛОГИК Туркийшуносликка оид. *Туркологик адабиёт. Туркологик тадқиқотлар.*

ТУРКОЛОГИЯ [туркий + юн. *logos* — фан, тушунча] қ. **туркийшунослик**.

ТУРКОНА 1 эск. Туркий тил ва адабиётига оид; туркий. *Туркона байт.* ■ Келиннинг атрофида, орқасида келаётган гуруҳ-гуруҳ аёллар туркона расм билан «ёр-ёр» айтдилар. Ойбек, Навоий.

2 Халқ табобатига оид; хонаки. *Туркона дори.* ■ Отинларнинг туркона эми тариқча бўлсин отамга таъсир бермади. Файратий, Ёшлигимсиз. *Яраш полвон кекса момоларнинг тилига кириб, хотинини туркона муолажа*

қилдирди. Фойда чиқмади. С. Сиёев, Отлик аёл.

ТУРКУМ 1 Тўда, тўп, гуруҳ. *Бир туркум одамлар.* ■ Учинчи туркум фотиҳахонлар келгандан сўнг, махдум Анвар олдида киши юбориб, уни чақиртириб келишга мажбур бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳовли ўртасида оламни бошига кўтариб Улуғбуви йиғлар, бир туркум хотинлар унинг атрофини ўраган эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Бир-бирига боғлиқ бўлган, бир бутунни ташкил этган бир неча асар, маъруза ва ш.к.; давра, цикл. *Пахтакорлар ҳақидаги шеърлар туркуми. Адабиёт назариясидан маърузалар туркуми.* ■ Сатирик журналистикада фельетонлар ва памфлетлар туркуми ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз ҳажми ва имкониятлари билан повесть жанрига яқин туради. «ЎТА».

3 биол. Ўсимлик ва ҳайвонлар тизимида бир неча оилани ўз ичига олган бўлинма. *Чумчуқсимон қушлар туркумининг қарғасимонлар оиласи.* ■ Қалдирғоч — чумчуқсимонлар туркумига мансуб қуш. «Фан ва турмуш».

Сўз туркумлари тилш. Сўзларнинг лексик-семантик, грамматик гуруҳлари. *Феъл туркуми. Сифат туркуми.* Сўзларни туркумларга ажратмоқ.

ТУРКУМЛАМОҚ 1 Тўп-тўп қилиб бўлмоқ, гуруҳларга ажратмоқ.

2 биол. Биологик белгисига кўра ўхшаш бўлган туркумларни белгиламоқ, ана шундай гуруҳларга ажратмоқ, бўлмоқ. *Балиқларни туркумламоқ.*

ТУРКЧА 1 Туркларга, турк халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид (қ. **турклар 1**). *Туркча куй.* ■ Домла эски муқовали туркча китобларни ихлос билан қўлтиқлаб юрувчи, ҳеч кимни менсимайдиган, кибр ва фитна Мирзажон Латифийни синфга бошлаб кирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Турк тили. *Туркча сўзлашмоқ.* ■ Мен туркчага, у ўзбекчага сал-пал тушунадиган бўлиб қолган эдик. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Улар туркчага ўгириб, саводхонларга тарқатади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТУРКЧИ эск. Пантуркизм тарафдори, пантуркист.

ТУРКЧИЛИК эск. айн. пантуркизм.

ТУРЛАМОҚ 1 Турли-туман, ранг-баранг қилмоқ, ҳар хил, хилма-хил қилмоқ. Экинларни жуда турлаб юборибсиз-ку!

2 Бир-бирига мослаб, уйғунлаштириб танламоқ, килламоқ. - Осмон каби катта палакни хилма-хил ипак билан турлаб, уч ойда тикиб тугатармиканман? - ўз-ўзига шивирлади Зумрад. Ойбек, Улуғ йўл.

3 тлш. Сўзларни келишиқ кўшимчалари кўшиб ўзгартирмоқ. Отларни келишиқлар билан турламоқ.

ТУРЛАНИШ 1 Турланмоқ 1 фл. ҳар. н. Ипакларнинг қуёшда турланиши.

2 Ҳар хил тусда кўриниш, товланиш.

3 тлш. От, олмош ва отлашган сўзларнинг келишиқ кўшимчалари олиб ўзгариши. Отларнинг турланиши.

ТУРЛАНМОҚ 1 Турламоқ 1, 2 фл. мажҳ. н. Дўппининг гуллари жуда яхши турланибди. ■ Сирлар билан турланган қозиқларнинг бирига бева хотиннинг декчасидек бир салла илинган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Зиёфат самимият билан чақирилганликдан, дастурхон қадрли меҳмонга махсус турланган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳар хил тусда кўринмоқ; қиёфаси тез-тез ўзгармоқ. Хилма-хил чечаклар билан қопланган дала турланиб кўринарди. ■ Табиатнинг қонуни — турланиб, тусланиб туриши бутун мавжудотга ҳаёт бағишлайди. Газетадан. У [Жаннат] бирон икки соат уч бор турланди: кийимлари беҳисоб эканлигини кимсадир кўрсатмоқчи бўларди. Мирмуҳсин, Умид. Ўқимаган одамга қийин бўлади. Ахир артист минг турланади-я. С. Кароматов, Ҳижрон.

3 Турламоқ 3 фл. ўзл. ва мажҳ. н. Отлар келишиқлар билан турланади. ■ От ўрнида қўлланган сифатлар кўплик, эгалик ва келишиқ кўшимчалари билан, худди отлардек, турлана беради. «Ўзбек тили» дарслиги.

ТУРЛИ 1 Белги-хусусияти, ҳолати, жойлашиш ўрни ва б. жиҳатлари билан ўзаро фарқланадиган, ҳар хил турга мансуб бўлган, ҳар хил. Турли халқ вакиллари. Турли тилда сўзлашувчи кишилар. Турли овозлар. Турли китоблар. Турли таомлар. Турли мамлакат вакиллари. Турли соҳалар. ■ Бойвачча ўзининг фарғоналик дўстлари билан бўлган ўтиришларидан, ҳар турли зиёфатлардан сўзлади. Ойбек, Танланган асарлар. Мам-

лакатимизнинг турли иқлимий зоналарида ўсувчи ўсимликлар турли вақтларда гуллайди. «Фан ва турмуш».

Бир турли 1) бир хил, доим бирдек бўлиб, ўзгармай турадиган. Бу ошхонада доим бир турли овқат бўлади. ■ Қизлар ўзларининг бир турлигина сўрашишлари билан Кумуш ила кўриша бошладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) қандайдир бошқача; ғалати бир, ўзига хос бир; ажиб. Бу қизнинг ўзига хос бир турли фазилати бор эди. ■ Отабек қизиқ ҳолатда қолди: бир турли титраб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Уйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсумбиби йўғалай кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кам қўл. Каби, сингари, ўхшаш, янглиғ. Илон тилли, яшин турли ханжарни, Обрў бер, деб хилча белга боғлади. «Равшан».

ТУРЛИ-ТУМАН Хилма-хил, ҳар хил. Турли-туман хаёлларга бормоқ. ■ Бу чироқлар турли-туман эди: уларнинг ичида каттаси ҳам, кичиги ҳам, чақнаб тургани ҳам, хираси ҳам, оқи ҳам, қизғиш тусдагиси ҳам бор эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Она табиат инсонга турли-туман неъматларни инъом этиб, унга ҳаёт бағишлаб туради. Газетадан.

ТУРЛИЧА Турли усулда, турли равишда, турли йўл билан; ҳар хил. Бу масалани турлича ечиш мумкин. Бир гапни турлича тушунмоқ. ■ Грейдернинг ёрдамчи куч сўраб берган телеграмма, радиogramмаларига турлича ноаниқ жавоблар келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳар хил миллат кишиларининг одатлари, хислатлари турлича бўлса-да, душманга зарба беришига ишончим комил эди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТУРМА [р. тюрма < т. турма — қамоқ] қ. қамоқхона, қамоқ. Турмага солмоқ. Турмага қамамоқ. ■ Ҳоким учта маҳбусни шахар турмасига жўнатганда, ушаларни Қудрат акам қочириб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУРМАҚ Ўраб ёки туғиб боғланган нараса; боғ, тугун. Оқ ҳарир кўйлакки, қора зулфининг турмаги ечишиб, елкаларига тушган парижон қиёфадаги қиз оёғи билан супа лабидаги чувагини қидира бошлади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТУРМАҚЛАМОҚ 1 Ўраб ёки туғиб боғламоқ. Майда-чуйда нарсаларимни турмақ-

лаб, Тошкентга жўнайдиган поездга тушдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Нимагадир орқасидан икки ўрим узун сочини бошига турмаклаб олди. С. Зуннунова, Узилган ип. У [Мунаввара] турмаклаб қўйилган дуррачасини ечиб, серкокил сочларини орқасига ташлади. Газетадан.

2 Этагини, барини кўтариб, белга боғламоқ, бар урмоқ. Сувчи яктагининг этагини белига турмаклаб олди. ■ ..устига Бухоронинг олабайроқ матосидан чопон кийиб, камар ўрнига чопонини турмаклаган мулла-намо бир зот бўлиб, бу киши яроқсиз [қурол-сиз] эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТУРМАЛМОҚ кам. қўл. Турмаклаб боғланмоқ, турмакланмоқ. Ханнаянинг сақичдай қора қуюқ сочи икки қубба қилиб бошига турмалган. А. Муҳтор, Қаноти синган орзу.

ТУРМАЧИ с.т. Турма назоратчиси.

ТУРМИНЛАМОҚ қ. **тамбаламоқ**. - *Опоч, - Карвон хотинига юмшоққина деди, - Меҳмонларингизни кузатиб, эшикни турминлаб келинг, икки оғиз гап бор. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.*

ТУРМОҚ 1 Оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ. Оёқ учиди турмоқ. Саф тортиб турмоқ. Қўча бошида турган йигит. Тиз чўжиб яшагандан тик туриб ўлган яхшироқ. Мақол. ■ [Йўлчи] Қўл қовуштиради, қандайдир хомушлик, бепарволик билан жимгина турди. Ойбек, Танланган асарлар. Кирсам, Қўқонга кетган Қаям понсад уч-тўрт йигити билан қўшбегининг қаршисида турибди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор жой-макон, вақт, ҳолатда мавжуд бўлмоқ. Токчада турган соат. Қўча четида турган машина. ■ Мадраса томи қиррасида туриб, наstdан нақирда арқон билан сув тортиб олаётган йигит. ..ғишт тарашлаб ўтирган кекса одамга ўзга тилда бир нима деди. Мирмуҳсин, Меъмор. Ўқ отиш нуқталарида қоровул пулемётчилар турибди. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Бир ҳафта турган бўлсак, ҳар кун и олтмиш хонадондан дастурхон чиқади. «Ўзбекистон кўриқлари». Биз катта ишлар, улуг ўзгаришлар арафасида турибмиз. Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. Аскарларимиз дадил туриб, душманга талафот етказар эдилар. Газетадан. Бизнинг гапимизни икки қилмайсиз, нима хизмат бўлса, белни боғлаб шай турасиз. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Инсон қалбида улуг ва савобли иш-

ларни қилиш истаги борми, у тек туролмайди. Газетадан.

3 Бирор жой-маконда истиқомат қилмоқ, ҳаёт кечирмоқ; яшамоқ. Муллажон амаким бозорга шундай яқин Гулзоробод маҳалласида турадилар. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. ..саксон учга кирган амакимиз борлар. Шаҳарда турадилар. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Ваққос отанинг бу йил қишлоқда иши кўп бўлгани учун Омил ҳам Нодирларникида турадиган бўлди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

4 Умр кўрмоқ, яшамоқ; яшаб кетмоқ. Дунё тургунча туринг. Шу аёл билан икки йил турди. Тўнғич фарзанди турмади. ■ [Қумри] Боласи турмай-турмай, якка-ёлғиз арзандаси Турсунбойни, шамолни ҳам раво кўрмай, авайлаб боқиб катта қилди. С. Аҳмад, Уфқ.

5 Ўзи бирикиб келган сўз англатган жой, соҳа, вазифа ва ш.к. да ишлаш, шундай иш-вазифани бажариш маъносини билдиради. Мудофаада турмоқ. Қоровул турмоқ. ■ Тишдан қараёнда эски, кўримсиз, лекин катта, сермол дўконда Мирзакаримбой билан Салимбойвачча турар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

6 Кутган ҳолда бўлмоқ, бўлиши, юз бериши, келиши умидида бўлмоқ, шу мақсадда ўзини тутмоқ. Бироз турайлик-чи, зора келиб қолса. Шунча турдик, яна сабр қилайлик-чи, ишимиз юришиб қолар.

7 Ишлатилмай, сарфланмай, бузилмай, ўз мавжуд ҳолатида бўлмоқ; сақланмоқ. Юборган нарсаларинг ҳаммаси турибди. Қирқма қовун кўп туради. Картошка, сабзи каби маҳсулотлар махсус ўраларда яхши туради.

8 Навбатда, қаторда мавжуд бўлмоқ; бор бўлмоқ. Чорвадорларимиз олдида жуда муҳим вазифалар турибди. Газетадан. Бугунги кунда инсоният олдида ниҳоят муҳим муаммо турибди, у ҳам бўлса, Ер юзиди тинчликни сақлаб қолиш. Газетадан. Сизларнинг олдингида деҳқончиликларингизни йўлга қўйиб юбориш вазифаси туради. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

9 Ўзи бирикиб келган сўз англатган даража, мавқе, қиймат ва ш.к. га эгаликни билдиради. [Ёрмат] Ҳаммасини тушунтирди: от, арава беш минг сўм туради. Ойбек, Танланган асарлар. Бизнинг жамиятимизда

инсон нурдек покиза, нондек азиз, у ҳар қандай бойликдан юқори туради. Газетадан.

10 Ётган, ўтирган ва ш.к. ҳолатдан гавдасини тик ҳолатга олмоқ, қаддини тикламоқ. У ваннада қанча ётгани билан дили равшан тортмаслигини билиб, ўрнидан турди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Шийпонда ўтирган Нодир бобосини кўриб, шошиб ўрнидан турди-ю, кўнгли бузилиб, салом беришини ям унутди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

11 Уйғониб, ўрнидан қўзғалмоқ, ўрни тарк этмоқ. Меъмор барвақт туриб, уч шоғурди билан бирга ташқари ҳовлида нонушта қилди. Мирмуҳсин, Меъмор. *Эрталаб булбулларнинг хонишидан барвақт туриб, узумзор, пахтазорларни айландик.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги.

12 кўчма Ҳаракатга келмоқ, қўзғалмоқ, кўтарилмоқ (шамол, чанг-тўзон ва ш.к. ҳақида). Кейин довул турди.. Мўйтанлар қоча бошлади. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Шамол турди, чинор япроқларининг сояси титрай бошлади.* Газетадан.

13 ёрд. фл. вэф. Равишлошнинг **-(и)б, -а/-й** қўшимчали шакллари билан қўлланиб, етакчи феъл билдирган ҳаракатнинг давомлиги, вақтинчалик ҳаракат экани ва б. маъноларни билдиради. *Қатнаб турмоқ. Сўраб турмоқ. Бақрайиб турмоқ. Ишлаб турмоқ.* ■ *Эшик очиқ бўлгани учун ичкаридан футбол комментаторининг узук-юлуқ овози эшитилиб турарди.* Ф. Мусаёнов, Нозик масала. *Сартарошлик ёмон касб эмас. Оппоқ халатларни кийиб, атир-упалар ҳиди бурқираб турган озода хонада ўтирасан.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Бироз туриб Бироздан сўнг, бирпас ўтиб. -Ўқимасанг, ўқимассан. — Кейин бироз туриб сўрадилар: -Ҳайдавордими? Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Бориб турган қ. бормоқ. Куракда турмайдиган қ. курак. Оёққа турмоқ** 1) оёққа таянган ҳолда турмоқ, қўзғалиб тик турмоқ. У нутқини.. тугатганда, бутун зал оёққа туриб, гулдурас қарсақ чалди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) соғайиб қаддини ростламоқ, турадиган-юрадиган бўлмоқ. Хурамов шифо жойларида узоқ даволаниб, охири оёққа турди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. **Турган гап** Бирор иш, воқеа-ҳодисанинг сўзсиз юз бериши-бермаслигини, аниқлигини қайд этади. Масъул лавозимдаги ходим етти ўлаб, бир кесмаса, унинг хато-

си қимматга тушиши турган гап. Газетадан. **Туриб олмоқ** Бирор талаб, даъво ва ш.к. дан қайтмаслик, фақат ўшани ҳимоя қилмоқ. *Бормайман, деб туриб олди.* ■ *Мен [ўқимайман деб] сўзимда туриб олдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **У ёқда турсин** Фақат угина (унигина) эмас, ҳатто.. Кўрқоқ одам жангда ўзини йўқотиб қўйиши аён, ҳужум у ёқда турсин, ўзини ҳимоя қилишни ҳам унутади. Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Меъмор.. ҳозир тунда Арк томон бориш у ёқда турсин, шаҳар кўчаларида юриш ҳам мушкул эканини тушунди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Қараб турмоқ (ёки ўтирмоқ)** 1) синчиклаб қарамоқ, разм солмоқ, тикилмоқ. -Қизик! — деди ҳоқим чолга қараб туриб. Унинг сўзи оҳангиди масхаралаш ҳам бор эди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.; 2) бирор кимса ёки нарсга кўз-қулоқ бўлиб турмоқ ёки парвариш қилмоқ. *Мен болага қараб турдим, онаси нон ёпди.* ■ *Саройда бирмунча молларимиз бўлар эди.* [Ҳасанали] *Саройда молларга қараб турадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) (асосан, бўлишсиз шаклда) Иш-машғулотсиз ҳолда бўлмаслик, бирор нарса қилмай, жим ҳолатда бўлмаслик. *Сиз уй солсангиз, мен ҳам қараб турмайман.* ■ [Йўлчи:] *Мен қараб турмадим: пода боқдим, ўроқчилик қилдим, отбоқар бўлдим.* Ойбек, Танланган асарлар; [Бой:] *Биттаси манми? Биттаси Шоюнус карвонми? Ҳар кимнинг кармони ўзига маълум.* Аммо бизлар қараб турмаймиз, қўлдан келганча, ҳукуматга ёрдам берамиз. Ойбек, Танланган асарлар. **Қил устида турмоқ** Жилдий хавф остида бўлмоқ, ҳалокат ёқасида бўлмоқ. *Унинг ҳаёти қил устида турарди.* О. Ёқубов, Диёнат.

ТУРМУШ 1 Инсоннинг, миллат ва халқнинг яшаш, кун кечириш тарзи, кундалик ҳаёти. Ёрқин турмуш. Фаровон турмуш кечирмоқ. ■ *Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Турмуш қаттиқчилигини татиб пишган Ботирали дунёда мўъжиза бўлмаслигини яхши билади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Ўрмондаги турмушни ўз кўзинг билан кўриб турибсан.* Ҳар бир қултум сув, ҳар бир бурда нон ҳисобли. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Умарали қисқа вақт ичида ўз ҳаётида юз берган ўзгаришларни эслади, кейин Ҳозининг бетайин турмушини кўз олдига келтирди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Бирор халқ, ижтимоий гуруҳ ва ш. к. га хос ҳаёт тарзи, урф-одатлар, расм-таомиллар мажмуи. *Янги турмуш.* ■ *Гавҳарнинг қаршиида, боя ўзи ўйлагандек, олифта кийинишни яхши курадиган қиз эмас, кўпни кўрган, турмушнинг пасту баланд сўқмоқларидан ўтиб келган инсон ўтирар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Айб сизда ҳам эмас, эски турмушда. Эски турмушда хотинлар ҳар қанақа эркадан тортинади, эркалар ҳар қанақа хотинга тегишгиси келади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

3 *флс.* Жамиятнинг оддий ҳаёт шарт-шароитлари мажмуи, объектив реаллик. *Турмуш онгни белгилайди.* ■ *Қонунни турмушга синдириб юборовчи асосий куч бизнинг ўқитувчиларимиздир.* Газетадан.

4 *с.т.* Никоҳ асосида юзага келадиган ҳаёт, эр-хотинлик ҳолати, шу ҳолатдаги ҳаёти. *Бегимхоннинг қўз олдиди харита эмас, Эрали жонланди. Қандай тотли эди уларнинг турмуши!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У турмуши омонат эканини, қачондир оиласи бузилишини кўндан кўнгли сезиб юрар, аммо бунчалик шарманда бўлишини ўйламаган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Турмуш(и) бузилмоқ Эр-хотинлик ҳолати ва шу ҳолатдаги ҳаёт барҳам топмоқ. *Агар шундай ташлаб қўйила берса.. ўртага совуқчилик тушади, оқибатда турмушлари бузилади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Турмуш ўртоғи** Эр-хотинлик ҳолатидаги шахснинг ҳар бири (эр ва хотин бир-бирига нисбатан). *Рустам уйига ширакайф келди. Бироздан сўнг турмуш ўртоғи Шоҳиста ҳам ишдан қайтди.* Газетадан. **Турмуш қилмоқ** 1) *айн.* **турмушга чиқмоқ.** *Шу бола ўқимасин, деб турмуш қилмадим, нон заводига кириб ишлаб, ўғлимни ўқитишга киришдим.* «Муштум». 2) эр-хотинлик ҳолатида яшамок. *Иигирма йил турмуш қилиб, бола кўрмадим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бироқ найрангбоз Абдувоҳид Ҳурихон Сатторова билан ҳам силлиққина турмуш қилиб кета қолмади.* «Муштум». **Турмуш қурмоқ қ.** **турмуш қилмоқ.** *Она шўрлик йигирма икки ёшида бева қолиб, шу-шу турмуш қурмади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Турмуш қурганига уч йил бўлибди-ю, ҳамон бу уйга кўникиб кетолмайди.* Газетадан. **Турмушга чиқмоқ** Эркак билан оила қурмоқ; эрга тегмоқ. *Қизларнинг эрки ўзида, севиб, синашиб турмушга чиқишади.*

«Гулдаста». *Тўртинчи синфга ўтганимда, онам ўзи билан мактабда ишлайдиган ўқитувчига турмушга чиқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

5 Кишининг бутун борлиғи, бўлган-тургани. *Унинг турмуши шу.*

ТУРМУШЛАМОҚ 1 Қайтариб белга қистирмоқ, бар урмоқ, турмакламоқ. *Этак турмушлаб, ёнбошига бир муштлаб, ҳайё-ҳу деб, шаҳардан ташқарига қараб йўлга равона бўлдим.* Ф. Фулом, Шум бола.

2 Ўраб, тутиб боғламоқ, сиқиб, ихчамлаб ўрамоқ. *Ёғни бир қоғозга солиб, турмушлаб, липпамага қистирдим.* Ф. Фулом, Шум бола.

ТУРНА Иссиқ ўлкаларда ботқоқлик ва кўлларда яшайдиган, оёғи, бўйни, тумшуғи узун, бошида тожи (сочи) бор кўчманчи қуш. *Арғимчоққа ўхшаб тизилишган турналар..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўлкамизга навбаҳор элчилари — турналар ва қалдирғочлар учиб кела бошладилар.* Газетадан. *Сочнинг оқариши инсонлар хусусиятидир, лекин турналарнинг қарцан вақтида сочи-тожи кулрангликдан қораликка алмашади.* Газетадан.

Турна қатор, турнақатор Қатор бўлиб тизилган, бирининг кетидан бири. *Оғир юк машиналари турна қатор бўлиб тош-бетон тўкканлари — бари қўз олдиди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. *Фақатгина уч ойда бир сув берадиган жўмрак бор. Бу ерда ҳам тоғора кўтарган кишилар турнақатор тизилишиб туради.* «Муштум». *Мана шу овозадан сўнг уйимизга турна қатор совчилар кела бошлади.* Т. Жалолов, Олтин қарас.

ТУРНИК [фр. *tourneп* — айлантирмоқ, бурамоқ] Икки устунга горизонтал ҳолатда ўрнатилган темир тўсиндан иборат гимнастика снаряди, мосламаси. *Турникда гимнастика қилмоқ.* ■ *Мана чинакам болалик: озода ва ёруғ синфларда ўқиш, мактаб саҳнида очик ҳавода физкультура машқлари қилиш, ёнғоқ олдиди турникда осилиб, чархпалак бўлиш, шашка-шахмат ўйнаш, қўшиқлар айтиш..* Мана болалик! П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУРНИКЕТ [фр. *tourneп* < *tourner* — айлантирмоқ, бурмоқ] Биноларнинг кириш жойларида, вестибюлларда ўрнатиладиган, ташриф буюрувчиларни битта-биттадан ўтказиш учун мўлжалланган, айланиб турадиган крест шаклли металл тўсиқ, гов.

ТУРНИР [нем. Turnier — ринарларнинг ҳарбий мусобақаси] Спортнинг шахмат, шашка, футбол ва ш.к. турларида қатнашувчиларнинг ҳар бири шахсий ёки жамоавий биринчилик учун маълум тартибда, барча қатнашувчилар билан бир ёки бир неча мартадан учрашадиган мусобақа. *Халқаро шахмат турнири. Турнир жадвали.* ■ *Расмий мусобақалардан ташқари оила аъзолари ўртасида ҳам ҳар хил турнир, матчлар ўтказиб турилади. М. Муҳиддинов, Доналар мафтуни.*

ТУРОБ [а. تراب — чанг, гард; хок; тупроқ, ер] **1** эск. кт. Тупроқ; ер. *Ҳоҳишингча ўлмас эрса, коинот ўлсун туроб, Саргардон қон йиғласун ҳам ерга кирсун офтоб. Ҳабибий.*

2 Туроб (эркаклар исми).

ТУРОҚ **1** кам қўл. Турадиган жой, маскан. *Сокин-сафоли туроқ: Ўн икки булоқ! Жилдираган чашмалар Ўн икки сингли.. М. Шайхзода, Чорак аср девони.*

ТУРОҚ **II** ад. Шеър мисраларида бўғинларнинг мисралар бўйича такрорланиб келган муайян бўлаги, қисми. *Тўрт бўғинли туроқ.* ■ *Шеърда қофия, вазн, туроқ деган нарсалар бўлиши керак. Маъно, мантиқ.. бўлиши керак. Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. Байт мисралари баъзан қофиядош сўзлар вositасида санъаткорона иккига бўлиниб, туроқ ҳосил қилиши орқали, байт оҳангдорлиги, таъсирчанлиги орттирилади.. «ЎТА».*

ТУРОҚЛИ ад. Маълум туроқларга эга бўлган. *Тўрт туроқли шеър.*

ТУРП **I** Ҳосили қўкишроқ рангда бўладиган ва пиширилмай овқатга қўшиб ейиладиган сабзавот ўсимлиги. *Турпга сув қўймоқ. Турп тўғрамоқ.* ■ *Шўрни аритиш учун.. сувни кўп талаб қиладиган шолғом ва турп экиш энг яхши чора эмиш. А. Қодирий, Обид кетмон. Кекса темирчи чучук турп билан ош ейишни севарди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Бу пайт.. графинда коньяк билан икки ликопча тўғралган турп қўйиб кетди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

ТУРП **II** Меванинг сиқиб суви ёки шираси олингандан кейин ҳосил бўлган қолдиғи. *Узум турпи. Беҳи турпи.* ■ *Норматпаранг кўкнор ивиганда, турпини доим томга ташлар экан. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Дарвоқе, [ананас] мевасидан шарбат*

олинганда, 20–25 процент турпи қолади. «Фан ва турмуш».

ТУРПТАРАШ Сабзи, турп, ошқовоқ ва ш. к. ни қириш, тарашлаш учун хизмат қиладиган металл асбоб; қирғич. *Турптарашда сабзи қирмоқ.*

ТУРТИНИБ-СУРТИНИБ **1** У-бу нарсаларга урилиб, туртина-туртина. *У [Нусратилла] туртиниб-суртиниб, деворларни ушлаб, қайси томонгадир юрди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Шермат ака одамларга туртиниб-суртиниб, олдинга ўтди. М. Хайруллаев, Қўнгил.*

2 Қийинчиликлар билан, қийналиб. *Туртиниб-суртиниб ўқимоқ.*

ТУРТИНМОҚ **1** **Туртмоқ** **1** фл. ўзл. н. *Қоронғида стулга туртиниб кетдим.* ■ *Почамдан дастурхонни олиб, қоқиш учун гилоснинг ёнидан ўтарманми, аллакимга туртиниб кетдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 кўча Иш-фаолиятда қийинчиликка дуч келмоқ; қоқилмоқ. *Пахта ишида қуруқ практика билан иш кўрсанг, охир туртинасан, қоқиласан. Ойбек, О.в. шабадалар. Сўнги йилларда у анча туртинди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ТУРТКИ **1** Унча қаттиқ, кучли бўлмаган қисқа, кескин зарб. *Ҳужизга туртки, донога ишора кифоя. Мақол.* ■ *Бир вақт у аллакимнинг турткисидан уйғониб кетди. Л. Тожиёва, Меҳрим сизга, одамлар. Орқароқда қолган Витя аланглаб, одамларнинг турткиси ёқмай, қадам ташларди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

2 кўча Бирор иш, ҳаракат ва ш. к. нинг бошланиши, амалга ошиши, юзага чиқиши учун қўзғатувчи, ундовчи нарса, сабаб. *Бу фикрларни айтишимга олимлар даврасидаги суҳбат туртки бўлди. Газетадан. Мен ҳаёлимдан дастлабки поэмаларимнинг яратилиши, унга сабаб бўлган воқеалар ва ёзилишига туртки бўлган одамларни ўтказиб бошладим. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

Туртки бермоқ Қўзғатувчи, ундовчи гап-сўз, иш-ҳаракат ва ш.к. вазифасини ўтамоқ, қилмоқ. *..бирда муруватпеша, бирда жоҳилликдан ўзини унутадиган Муҳаммад Раҳимхон [Авазининг] ҳам шафқатини уйғотар, ҳам нафратига туртки берарди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

3 кўча Кишини хўрловчи, таҳқирловчи ҳаракат. *Яна меҳнат, туртки, юпун, қиш*

куни оч. *Ғ. Ғулом. Яна аввалги дуқу турткию тухматга ўтиб, Кўча-кўйларда сизни зор ила ҳайрон қиладир. Ҳамза.*

Туртки емоқ 1) туртки тегмоқ, турткига дучор бўлмоқ. *Султонмурод қайнаган оломон ичида туртки еб, босилиб, эзилиб, узоқ юрди. Ойбек, Навоий;* 2) хўрлик кўрмоқ, камситилмоқ, таҳқирланмоқ. *Саломат қақишоқ ўғай она билан чиқишолмади. Ҳар кун жанжал, эшитмаган гапи, емаган турткиси қолмади. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ТУРТКИЛАМОҚ 1 Ҳалеб туртавермоқ, бетўхтов туртмоқ. *Турткилаб Ҳасанни ҳам подшонинг олдига ҳайдаб келди. «Баҳром ва Гуландом». Ечиниби олишгач, уч оғайни бир-бирини турткилаб кулишар, кўшиқ айтиб, бесўнақай ўйинга тушишарди. Газетадан.*

2 кўчма Камситувчи, ҳақоратловчи, хўрловчи гап-сўз, хатти-ҳаракатлар қилмоқ. *Бу онанг ўғай. Агар турткиласа, индамай бизникига чиқиб келавер. С. Зуннунова, Ғўлак ҳиди. Инсон зотини ҳеч камситиб, турткилаб, иззат-нафсига тегма.. Газетадан.*

ТУРТКИЧ *тех.* Двигателларнинг клапанлари ва ш.к. га ҳаракат узатиб турувчи сержень, ўқ. *Клапан турткичи.*

ТУРТМОҚ 1 Гавда (тана)нинг бирор аъзоси (қисми) билан тегинмоқ, тегмоқ. *Туртиб юбормоқ. ■ Полвон одамларни итариб, туртиб ўтди. Ж. Шарипов, Хоразм. Тўрт кун аввал, эрталаб машина туртиб кетди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.*

2 Шундай ҳаракат — эътиборни тортувчи, ишора қилувчи, ундовчи белги сифатида. *Қайрағоч тагидаги сўрида олдига чойнак қўйиб, ёлғиз ўзи ҳаёл суриб ўтирган устани кўриб, ҳамроҳимни туртиб қўйдим. С. Аҳмад, Ҳазина. Аравакашининг ички ҳолатини сезиб турган Бадиа чидаб туролмай, дарҳол отасини туртди: -Сув берайми, ота? Мирмуҳсин, Меъмор. -Қайтанга икки нонхўр камаяди, — деди Баёнқул ака ва этигининг учу билан оёғимни туртди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

3 кўчма Эътиборни тортувчи, огоҳлантирувчи гап-сўз, хатти-ҳаракат қилмоқ. *Каримқул понсад ҳожини туртмак мақсади-да: -Кенгаши иш тарқамас, деанлар. Ҳожи ака-миз ўйлашиб жавоб берсинлар-чи, ахир! — деб қўйди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Йиғилиш жойида ўтди. У кишиларни анча туртиб, чангини қоқиб қўйди.. хотиржамликка бери-*

либ кетганларнинг кўзини очиб қўйди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

4 кўчма Хўрламоқ, камситмоқ, ерга урмоқ. *Бировни ноҳақ туртиш, хўрлаш ярамайди. Ургандан туртган ёмон. Мақол.*

5 с. т. «Кетмоқ», «ўтмоқ», «қўймоқ» феъллари билан бирга келиб (бошқа нарсалар қаторида), «қайд қилмоқ», «таъкидламоқ» маъносини билдиради. *Биз юқорида ҳам туртиб ўтган эдикки, Отабек на Юсуфбек ҳожига, на Ўзбек оғимга ва на Ҳасаналига Марғилондан тез қайтиб келиш сабабини айтмаган. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. ..бирор нарса ёзиш ниятлари бўлса, холамнинг ўзбек аёлларига мутлақо ёт бўлган мана шу ёввойилик одатларини ибрат учун қаламлари учидан бир туртиб ўтсалар. Н. Сафаров, Халича Аҳророва.*

Туртиб чиқмоқ Текис (тўғри) жойга, ҳолатга нисбатан бўртиб турмоқ, кўтарилиб турмоқ. *Деворнинг туртиб чиққан жойлари. ■ Қулча юз, ёноқлари туртиб чиққан.. амирзода на Муҳаммад Тарағай ва на Бойсунқурга ўхшарди. Мирмуҳсин, Меъмор. У кишининг бурни андак узунроқ, энгаги олдинга туртиб чиққан.. сочи фатила-фатила бўлиб, елкасига тушган эди. Н. Аминов, Суварак.*

ТУРУМ I (3-ш. бирл. **турми** ва **туруми**) Эшик табақасининг тепадаги ва остонадаги уяларга тушиб турадиган ва эшикнинг очилиб-ёпилишига имкон берадиган чиқик қисми. *Унинг [Мунавварнинг] кўз олдидан.. очилганда туруми антиқа ғийқиллайдиган наставкана эски эшик, тоқиларини ис босган катта уй бир-бир ўтди. С. Анорбоев, Меҳр. Бой ота: -Ҳай-ҳай, қизим, эшикни очманг, бекорга турми едирилиб кетади, — дебди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

Эшикнинг турмини бузмоқ Такрор ҳолда, қадами узилмай келавермоқ (бўй етган қизнинг уйига келувчилар, совчилар ҳақида). *-Совчилар менинг дарвозамнинг турмини бузишпти.., — деб қаттиқ изза қилди бизни. С. Нуоров, Нарвон. Не-не топармон-тутармон йигитлар эшигимизнинг турмини бузиб, ўтарга йўл бермайди.. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

ТУРУМ II: ётиб еганга **турум тоғ чиламайди** Ишламай-кучламай ётиб еяверсанг, ҳеч қандай жамғарма етмайди, деган маънодаги ибора. *Болаларим, мендан хафа бўлманглар. Ётиб еганга турум тоғ ҳам чида-*



майди. Пул устига пул келиб қўшилиб турмаса, ҳар қанча давлат ҳам дарров кетиб қолади. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ТУРУМТОЙ Йиртқич қушлар туркумининг лочинсимонлар оиласига мансуб, ўрмон ва тоғли жойларда яшайдиган қуш. -*Майли, булбуллар қаторида турумтойлар ҳам сайрай берсинлар. Буларни ҳам тингловчилар бор, — деди Амир Мўғул. Ойбек, Навоий.*

ТУРУШ [ф. *ترش* — нордон, аччиқ] 1 Ачиттиш, ошириш ёки кўпчиттиш воситаси (томизғи, хамиртуруш ва ш.к.).

2 Нордон, қимизак. *Туруш олма.*

ТУРФА [а. *طرفة* — янгилик, камёблик; совға; қочирим, пичинг] Ажиблиги билан кишини ҳайратга соладиган; ажойиб, ғалати. *Турфа савдолар бошима тушди, кетди ихтиёр, Воҳ, ўтарга ўхшади энди умр занжирда. Ҳамза. Шоирларга ҳайрон бўлманг, шоир халқи турфадир, Шеър олами бу оламнинг эъзига туҳфадир. Э. Воҳидов.*

ТУРШАК Данаги билан қурилган ўрик. Қандак туршак. *Туршак солмоқ. ■ Зебихон патнисда нон, туршак олиб чиқиб, улар [меҳмонлар] олдига қўйди. С. Аҳмад, Уфқ. Алоқа-чи ҳам оғзига туршак солиб шимиб ўтирар, данагини қасир-қасир чақар, мағзини ерди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.*

Туршак суви Туршакни сувда қайнатиб тайёрланадиган ичимлик. *Сайишда бир чеккада оғзи қулоғигача етган квас сотувчилар.. туршак суви сотувчилар, нўхатишўракчилар ёш болаларнинг пулларини алдаб олмоқдалар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. ..ўрнидан турди-да, косадаги туршак сувидан икки-уч қошиқ ичди. Газетадан.*

ТУРҚ Ташқи қиёфа, авзо, важоҳат (асосан, салбий муносабат билан) Турқи совуқ одам. *Турқини бузмай гапирмоқ. Турқи(нг) курсин! (қарғ.) Турқингни ел есин! (қарғ.). ■ Турқи бузук эркакларнинг «Ур уни [Ҳожарни]! У қишлоғимизга иснод келтирди!» деб худди ҳайвондек ўқирганлари қулоқларим остида қайта янгради. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Шу вақт буталар орасидан «кет!» деган йўғон товуш эшитилди. Бирдан итларнинг турқи ўзгарди-қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Ширмонхон ҳовлига чиқди. Осмон юзини қоплаган турқи хунук булутларга ташвишли назар ташлади. С. Зуннунова, Олов. Девор устида турган ўн икки ёшларда-*

ги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб, мулла Норқўзига ўқталди: -Ху ўл, турқинг қурсин! А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. -Отинг ўчкур, — деди ичида ўғай она Умидга тикилиб, — ҳали сен одам бўлиб қолдингми! Туршини қара, вой турқингни ел есин! Мирмуҳсин, Умид.

ТУРҚ-АТВОР Ташқи қиёфа ва феъл-атвор, аҳвол. *Қаёққа бораман, нима қиламан, қўлимдан нима иш келади? Шу турқ-атвор билан кимга ҳам керакман? С. Аҳмад, Чўл бургути.*

ТУРҒИЗМОҚ Турмоқ фл. орг. н. *Анорхон кампирни суяб турғизди.. офтобада сув келтириб берди. И. Раҳим, Ихлос.*

Ётқизиб турғизмоқ Кимсага истаганча ўз ҳукмини ўтказмоқ, кимсани истаганча ўз амрига, ҳукмига бўйсундирмоқ. **Оёққа турғизмоқ** 1) ётган, ўтирган ёки йиқилган еридан турғизиб қўймоқ. *Ойсулувни даст кўтариб, оёққа турғизди-да, ердан пўстинни олиб, унинг устига ёпди. С. Анорбоев, Оқсой; 2) оёққа бостирмоқ, йўлга солиб юриштириб юбормоқ. Корхонани оёққа турғиздик; 3) кўчма оёқлантирмоқ, бирор ишга бошламоқ. Кўнғилга тасалли берувчи, одамни ҳамиша оёққа турғизувчи, ўйлатувчи, курашга чорловчи чигил жумбоқлар кўп бу дунёда. С. Аҳмад, Уфқ.*

ТУРҒУН 1 Бирор жойда доимий яшовчи, ўрнашиб қолган; муқим. *Шаҳарнинг турғун халқи. ■ Бир неча йил дарбадар умр кечириб.. ошпазлик қилди, охири она қишлоғи Аввалда турғун бўлиб қолди. К. Яшин, Ҳамза. Сен айтганча, куёвинг Тошкентдан иккинчи уйланмасин-да, Кумушни қудаларинг олдига турғун қилиб юборайлик, тузукми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Фурқат ватанида бўлолмай турғун, Донишдай, Воқифдай ғам-алам ютди. Х. Расул.*

2 Ўзгармас бўлган, доимий, барқарор. *Турғун мувозанат. Турғун ҳолат. Барча ташкилотларни турғун кадрлар билан таъминлаш. ■ Ҳаётда ҳеч нарса турғун бўлиб қолмаганидай, театрда ҳам кўп нарсалар ўзгарди. С. Кароматов, Ҳижрон.*

3 Тўхтаб, туриб қолган, ҳаракат қилмайдиган; ҳаракатсиз; оқмас. *Турғун сув. ■ У кўзларини ҳовуздаги турғун кўкимтир сувга тикиб ўйлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Турғун (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ТУРГУНЛАШМОҚ 1 Бирор жойда яшаб кетмоқ, ўрнашиб, муқим туриб қолмоқ. *Биз шаҳарда турғунлашиб қолдик.*

2 Турғун ҳолатга келмоқ, турғун ҳолат касб этмоқ.

ТУРГУНЛИК 1 Турғун ҳолат (қ. **турғун 1, 2, 3**). *Мувозанатнинг турғунлиги. Аҳолининг турғунлиги. Сувнинг турғунлиги. Иқтисодий турғунлик.* ■ *Шоир [Ғ. Ғулом] бир ёқламаликка ва турғунликка қарши.. кескин кураш олиб борди. Ш. Рашидов, Ғ. Ғулом хотираси. Замон нўж нарсани тез унутдирар. Яъни турғунликдан ҳаёт ўч олар. М. Шайхзода, Тошкентнома.*

2 тар. Шўролар ҳукумати тарихида 20-аср 60-йилларидан бошланган, иқтисодий тушкунлик, ҳокимият тузилмаларидаги порахўрлик, маънавий-ахлоқий бузилиш ва шунга боғлиқ ҳолда жамиятнинг таназзулга юз тутиши билан характерланадиган давр. Бу — шахсга сиғинишнинг, турғунлик даврининг иллати. М. Қўшжонов, Дийдор.

ТУС 1 Нарсаларга хос бўлган ранг, ранг кўриниши. *Туси ўзгармоқ. Туси оқармоқ. Тусини йўқотмоқ.* ■ *Шунинг учун ёз кунлари маҳдумнинг боғчаси оқ, нимранг, ола-зангор, малла-ложувард ва бошқа тус капалакларнинг ялт-юлт учишлари билан алоҳида бир кўринишга киради. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. Марзалардаги майса-гиёҳлар бир хил рангда — олтин тусида товланади. Н. Аминов, Суварак. Мардон Йўлчиевич новча, юзи чўзинчоқ, туси ҳам Темиржоннинг чеҳрасидай тиниқ экан. Ж. Абдуллахонов, Орият. Одатда, денгиз суви кўкимтир рангли бўлади. Приморьеда эса денгизнинг суви темир зангининг тусини эслатади. Газетадан.*

2 Ташқи кўриниш; қиёфа. *Замонлар ўзгаради, жойнинг ҳам туси ўзгаради. Й. Шамшаров, Тошқин. Болаларнинг қий-чуви, хотинларнинг бақариб-чақиришлари бу жимжит тўқайзорга маҳалла тусини бериб қўйди. С. Аҳмад, Уфқ. Қизи шомда қайтганда, ҳовлида гард ҳам йўқ, салқин, сув сепилган, ҳовлининг туси ўзгариб, чанг босиб ётган акаслар ҳам чеҳраси очилгандай эди. С. Нуров, Нарвон. Ҳомид мағрур тус билан Отабекка қаради. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Кувонч, қўшиқ ҳар ёнда, Оқ каптарлар осмонда Парвоз қилади кўрам, Байрам тусида ўлкам. Ғ. Бобожон.*

Тус бермоқ Қандайдир тус пайдо қилмоқ, қандайдир тусга олмоқ, тусда ифода-ламоқ, тус киритмоқ. *Юзига тушуниб бўлмайдиган аллақандай тус бериб, бир хўрсиниб қўйди-да, унга деди.. К. Яшин, Ҳамза. -Наҳотки ўз жангчиларимизни унутсак, — дея гапга тус берди Муҳаррам. Шухрат, Шинелли йиллар. Ҳар анорларки донаси чойнакдай, узумини кўтаролмай букилиб қолган ишкомлар, ёмби олтиндек сап-сариқ беҳилар бу боққа чинакам жаннат тусини берар эди. С. Аҳмад, Ҳукм. Тус олмоқ* Қандайдир тус-қиёфа касб этмоқ; тусга кирмоқ. *Унинг ранги оқариб, вазоҳати қўрқинчи тус олди. М. Ҳазратқулов, Журъат. Пайкаллар этагини ювиб оқаётган Қашқа суви қизғиш-сариқ тус олиб.. тол, жийдалар остигача тошган. С. Нуров, Нарвон. Аста-секин муносабатларимиз бошқача тус ола бошлади. Э. Аъзамов, Жавоб. Тусга кирмоқ* Қандайдир тус, қиёфа касб этмоқ, тус-қиёфага айланмоқ. *Ариқ ва анҳорлардаги сувлар шаффофлигини йўқотиб, малларанг тусга кирди. С. Зуннунова, Янги директор. Мурзин унинг назарида лаҳза сари юксалиб, ажойиб қаҳрамон тусига кириб бормоқда эди. Шухрат, Шинелли йиллар. Нафис кийимлар билан ёш келин тусига кирган Холжон.. деразадан ўтган-кетганларни томоша қилиб ўтирди. Ғайратӣ, Довдираш.*

ТУСАМОҚ Ихтиёр этмоқ; хоҳламоқ, истамоқ. *Йигитали қорни ниҳоятда очганини, кўнгли аччиқ кўк чой тусаётганини сезди. Д. Нурий, Осмон устун. Узоқ йўл босиб келдим, серкатиқ, аччиққина маставани кўнглим тусаб турган эди, чақирдим. «Муштум». Беш йил ўқиб, унинг бирор марта пулдан қийналганини ёки кўнгли тусаган кийимини олиб киймаганини Аҳмад кўрмаган. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Холи бўлишни, бир ўзи якка қолиб хаёл суришни кўнгли тусади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

ТУСЛАМОҚ т.ш. Феълларни шахс, сон ва замон қўшимчалари ёрдамида ўзгартирмоқ.

ТУСЛАНМОҚ 1 Ҳар хил тус, рангда кўринмоқ, товланмоқ. *Товус патлари ранг-баранг тусланади. Атлас электр нурида ҳар хил бўлиб тусланади.*

2 т.ш. Шахс, сон ва замонда ўзгармоқ (феъллар ҳақида).

ТУСМОЛ Аниқ билмаган ҳолда ўзича қилинган гумон; тахмин, чама. *Менинг тусмолимча. Тусмол қилмоқ.* ■ Улар гап орасида Фотимага яна кимларнинг жазманлиги.. ҳақида ўз шубҳа ва тусмолларини гаплашдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. *Ой ботиб, кеча қоронғилашиб қолган, жуда авайлаб, тусмол билан ҳаракат қиламиз.* Ф. Фулом, Шум бола.

ТУСМОЛЛАМОҚ Тусмол-тахминга асосланмоқ, тусмол-тахмин асосида иш кўрмоқ; тусмол қилмоқ. *Курбоннинг Куктошга кетганини ўзи ҳам тусмоллаган эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Оқимнинг кучини, йўналишини тусмоллаш керак эди.* А. Мухтор, Чинор. *Ёдгор кўз ўнги қоронғилашди-ю, бошини қуйи солганча, тусмоллаб юриб кетди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

ТУССИЗ Туси бўлмаган, туси, ранги йўқ; рангсиз. *Туссиз газ.* ■ Бек эшикни очди. *Қўлат унинг докадек туссиз юзига қараб кўлди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

ТУСТОВУҚ Товуқлар зотига мансуб, патлари чиройли, асосан, тўқайзорларда яшайдиган, овланадиган қуш; қирғовул. *Тустовуқ қамишларнинг ичига кириб ғойиб бўлди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Қадимда овчи қушлар билан тустовуқ, каклик ва бошқа паррандаларни овлаш кенг тарқалган эди.* «Фан ва турмуш».

ТУТ [а. توت – тут дарахти] 1 Барглари ипак қурти учун асосий озиқ бўладиган дарахт. *Ана боғлар-чорбоғлар.. Ана буталари қизғиш тутундай ҳавога ёйилиб турган катта тут.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мамнун бўлиб ипак қуртлари, Ўрмалар тут япроқларида.* Ҳ. Пўлат.

2 Шу дарахтнинг истеъмол қилинадиган оқ, қора ёки қизил тусли тотли меваси. *Жувон бошидан рўмоли тушиб кетган, Сидқажонга орқасини ўғириб, зўр иштаҳа билан тут териб емоқда эди.* А. Қаҳҳор, Қўш-чинор чироқлари.

Тут майиз, тутмайиз Қуритилган тут меваси, қуруқ тут. *Шу кеча унга [Кимсанга] бошпана бериб, нон, тутмайиз, қурут, айрон билан меҳмон қилдилар.* С. Абдулла, Ҳасан билан Кимсан. **Тутдай тўкилмоқ** 1) қирилмоқ, қирилиб кетмоқ; маҳв бўлмоқ. *Душман аскарлари тутдай тўкилди;* 2) пугурдан кетиб емирилмоқ, вайрон бўлмоқ. *Тутдай тўкилиб турган деворлар.* ■ *Кўз қа-*

маштирувчи бу чаманзор ёнида тутдай тўкилиб турган икки уй бўлиб, буларнинг бирида – кунгайдагида Гулбодомларнинг.. сигири, унинг ёнидаги.. уйда эса, ўзлари туришарди. С. Кароматов, Бир томчи қон; 3) эскириб, тўзиб йиртилмоқ, йиртилиб (ситилиб) кетмоқ, йиртилиб тушмоқ (кийим ҳақида). *Қўйлагим тутдай тўкилиб кетди.* **Қўноқ тут** Меваси ейилмайдиган оч қизил тут.

ТУТА I 1 Пахтадан ип йигириш учун тайёрланган пилта.

2 Учи чақмоқда чўғлатиш учун мослаштирилган (учи куйдириб қорайтирилган) пахта ипи. *Уч кишилашиб чақмоқни тошга уриб, тутани ёмғирдан бекитиб, роса уринганларидан кейин, ниҳоят, аччиқ пахта тутуни димоғларига урилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТУТА II Эрта баҳорда ўсадиган ўсимликнинг бир тури. *Лойхонада бадбўй, лекин чиройли эртабаҳор ўсимлиги – туталар бир текис униб чиқди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ТУТАК Пахтадан қўлда ип йигиришда ишлатиладиган қовоқ найча.

ТУТАЛ шв. Ишониб бўлмайдиган нарса, гап; уйдирма. *Шаҳардаги ҳар ким унинг.. қизиқ ҳаракатларига ва тутал сўзларига қизиқар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шу хилдаги тутал, аския, лутф сўзлар, ашула анчагача давом этди.* К. Яшин, Ҳамза.

ТУТАМ Нарсаларнинг тутамлаш ёки сиқимлаш мумкин бўлган миқдори; панжанинг шунча миқдорни оладиган (тутадиган) ҳолати. *Бир тутам соч. Бир тутам пахта. Дангасанинг қуйруғи бир тутам.* Мақол. ■ *Қўйлар кеча эрталаб охирги тутам хашакни еб бўлишган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ёқуббек соқолини тутамига олиб, бир лаҳза ўйлаиб турди-ю..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Бир тутам 1) бир тутам миқдордаги, бир тутамлашга лойиқ. *Бир тутам хашак.* ■ *Робия хола бир тутам печак ўтти жўякка ташлаб, қўлларини қоққанича, Ширмонхон қаршиисига юрди.* С. Зуннунова, Олов. *-Буллар ҳам сизга! – деди у бир тутам-бир тутам гул тутқазиб.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон; 2) ингичка, нозик; озгин. [Аноранинг] *Ёш ниҳолдек бир тутам нозик қадди-қомати бошқалардан ажралиб турар.. кулганда қўнғироқдек жаранглайдиган овози ўтиришга*

алоҳида бир файз бағишлар эди. М. Хайруллаев, Тилла маржон; 3) жуда қисқа. Ёз кечалари бир тутам — кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТУТАМЛАМОҚ Тутамга олмоқ. Сочини тутамламоқ. ■ Қовоғини солиб, соқолини тутамлаб, гапга жимгина қулоқ солиб ўтирган уста: «Қани, бу ёққа юр, — деди [бангига]. О. Ёкубов, Ларза.

ТУТАМОҚ I Тутунланиб ёнмоқ, буруқсимоқ; тутун чиқармоқ. Печка тутаб кетяпти. Ҳўл ўтин тутайди, ёнмайди. ■ Тутаб ётган тўнка ёнида сочлари ўсиб, соқолига қўшилиб кетган бир девона бу мудҳиш қоронғиликка қарши курашган каби гулханни ёндиришга тиришар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аҳмаджон ўрнидан турди ва ҳануз тутамоқда бўлган қишлоқни кўрсатди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Ис, дуд чиқармоқ (ёғ, пилик ва ш.к. ҳақида). Қозонда ёғ тутай бошлади.

3 кўчма Тутақмоқ, тутақиб кетмоқ, қизишмоқ; ёнмоқ. Ҳайдарбой ич-ичидан тутаб кетди. Н. Фозилов, Оқим. Қиздан жавоб бўлмагач, Ойшахон баттар тутай бошлади: «Минг марталаб айтганман бу мегажинга, бир нимани тайинли қилиб қўйгин деб. А. Муҳиддин, Айбсиз айбдор.

ТУТАНОҚ шв. Тутақмоқ, тутақишмоқ, қизишмоқ. У бирдан тутаниб кетди. ■ Гўрўлибекнинг бол Авазга «Раъйингдан қайтгин!» деганида, Авазхон ўтдай ёниб, оловдай тутаниб, отасига қараб бир сўз айтгани. «Хушкелди».

ТУТАНОҚ I шв. Тутқаноқ, куёнчик. Қизинг энди ўшанинг тутаноғини эшитиб, кўнгилсиз бўлиб тургандир-да. Ҳамза, Паранжи сирлари. Тагин унинг тутаноқ дарди.. бунинг устига ортиқча. Ҳамза, Паранжи сирлари.

ТУТАНОҚ II Файрати ичига сигмайдиган, шўх. Елена тутаноқ дўстининг [Надянинг] озгина хатога йўл қўйганлигини билса ҳам, юзига солиб, баттар куйдиргиси келмади. Ҳ. Назир, Мафгунингман, Озарбайжон.

ТУТАНОҚЛИК Тутаноққа хос хусусият, хатти-ҳаракатга эгалик. [Йигит-қизларнинг] Шу ғайратлари, шу тутаноқликлари бўлса, марра бизники, — деб қўйди Қодиржон. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТУТАНТИРИҚ I Ўт олдириб олиш учун хизмат қиладиган майда тараशा, пайраҳа ва ш.к.; тутатқи. Қуруқ тутантириқ. ■ [Афанди:] Қозонни осиб қарайдики, ўчоққа тутантириқ йўқ. «Латифалар». У сув тўлдириб тайёрлаб қўйилган қумғон тагига олов ёқди. Хўшёр шогирдлари ҳатто тутантириқ ҳам тайёрлаб қўйишган экан. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 кўчма Бирор нарсанинг амалга ошувига, юришиб кетишига сабаб, омил. Бу учрашув тутантириқ бўлди. Устига чўп ташламаса, ўчиб қолади. Шўхрат, Умр погоналари. Тўғрироғи, тутантириғини Умрзоқ ота тутатибди-ю, бу ёғини Бўтавоёлар алангалатибди. Н. Фозилов, Дийдор. Уша справкангиз тутантириқ бўлди-ю, ишим юришиб кетди. «Муштум».

Тутантириқ ҳам бўлмайди Жуда оз, кифоя қилмайди, урвоқ ҳам бўлмайди.

ТУТАТМОҚ I Тутамоқ фл. орт. н. Печкани тутатмоқ. ■ Орадан ярим соат ўтгандан кейин, полвон секин кўзини очиб.. бекнинг олдида бир сиқим сомон тутатиб қўйишни сўради. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

Исириқ тутатмоқ қ. исириқ. —Шошилма, болам, — кампир тандир томонга югурди ва хокандозда исириқ тутатиб келди, Норматнинг бошидан айлантирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ўт олдириб, ёндириб олмоқ; ёндириб олиб чекмоқ. Салимхон ҳозир келиб тугатган папироснинг ўтидан иккинчисини тутатиб, Саидийни меҳмонларга танитди. А. Қаҳҳор, Сароб. Бектемир ёнида махорка тутатиб ўтирган ёшгина рус жангчини туртди. Ойбек, Куёш қораймас.

ТУТАТҚИ I шв. Тутантириқ.

Тутатқи ҳам бўлмайди айн. тутантириқ ҳам бўлмайди қ. тутантириқ.

ТУТАТҚИ II этн. 1 Тутатилганда касаллик, фалоқат ва ш. к. ни даф этувчи ёки керакли предмет, воқеа-ҳодисани юзага келтирувчи, ҳозирловчи нарса. Эзибички бериб, тутатқи тутатиб, бошингиздаги бало-қазоларни қайтариқ қилиб ҳайдайман. К. Яшин, Ҳамза. Эрмана мерган бир тутатқини тутатган экан, парининг отларидан бири пайдо бўлди. «Олтин бешик». Қиличқорага бир тутатқи бериб: «Қачон шуни тутатсангиз, биз тайёр бўламиз, — дебди. «Олтин бешик».

2 Тутатиладиган ҳар қандай хушбӯй нараса ёки восита (мас., исирик).

ТУТАШ I Тутамоқ фл. ҳар. н. Самоварнинг туташ. Исириқнинг туташ.

ТУТАШ II Бир-бирига ёнма-ён уланган; туташган. Қошлари туташ. ■ Сайхонлик тугаб, туташ боғлар кўрунди. С. Сиёев, Ёруғлик. Бир томонингиз — харсанглар макони, иккинчи томонингиз — уфққа туташ ям-яшил водий. Ж. Абдуллахонов, Орият.

ТУТАШМОҚ I 1 Алангаланмоқ, аланга олмақ.

2 кўча Ёнмоқ, куймоқ. Сиз ўзингизни тупроқ билан тенглаштирмакчи бўлгансиз, лекин мен ҳозир Кумушга ҳам қаноатланмай, Олтинбиби деб атамоқ фикрига тушдим.. Борлигим муҳаббатингиз алангаси билан туташгани ҳолда, завжангиз Отабек. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳеч ким менингдек куймаган ҳажринг ўтига, эй санам, Танҳо туташдим мен ўзим, сўзона бўлдим соғиниб. Ҳамза.

3 фольк. Тутақмоқ, қизишмоқ. Жуда ҳам туташиб кетди Ҳакимхон. «Алпомиш». Арзирумдан экан асли элати, Туташган боладир — кўндир ғайрати. «Нигор ва Замон».

ТУТАШМОҚ II 1 Туташ ҳолатда бўлмоқ. Бир-бирига туташиб кетган кичкина, тиниқ кўлчалар кўрунди. С. Сиёев, Аваз. Бундан [дарёдан] чиқадиган сув билан мактаб участкасинигина эмас, унга туташган томорқа ерларни ҳам суғориш мумкин. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. Шамол тоғанинг уйи бир томондан қирга туташ эди. С. Сиёев, Ёруғлик. Адолатнинг юзи бирдан жиддийлашди. Қора қошлари туташиб, кўзларида ғазаб чақнади. С. Зуннунова, Гулхан.

2 кўча Бир-бирига боғланган, пайванд. Тожибой ўзи камбағаллардан бўлса ҳам, томири Олахўжа махсум билан туташган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Хаёлига хаёли туташ, қалбига қалби яқин одамларни кўрган сайин Муборак ундан баттар узоқлашар, баттар орқага қараб кетар эди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ТУТАҚИШМОҚ 1 Тутақмоқ 2 фл. бирг. н.

2 айн. тутақмоқ 2. Сорахон «Шунча иш бўлган экан, мен қаерда эдим, доим уйдаман-ку», дейиш ўрнига тутақишиб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ТУТАҚМОҚ 1 кам қўл. Тутаб, ўт олиб қизимоқ. -Шошманг, бу дарди ҳарина оз-моз

тутақсин! Пуф, пуф. Ўхў, аҳ. Тутун жигаримни ҳам титиб юборди! -Бас.. у ўтин ёнмайди, саратон юзини кўрганда ҳам ёнмайди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Аччиғидан, ғазабдан ўта қизишмоқ, ўта дарғазаб бўлмоқ. Домла шу қадар дарғазаб бўлдики, азбаройи тутаққанидан кўзлари касасидан чиқиб кетаёзди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. Ваққос ота тутақиб кетганидан қалтирар, тили ғасга келмасди. С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина.

3 кўча Ҳарорати кўтарилиб, аланга оташ бўлиб ёнмоқ. Иситмадан тутақиб кетяпман. ■ Буни эшитиб, азбаройи худо, тутақиб, иситмам чиқиб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

4 кўча Юқори ҳарорат таъсирида жуда «куйган» ҳолатда бўлмоқ. -Нега қичқирасиз, Адолат? Бирор ерга ўт кетибдими? -Ғўзага ўт кетибди; қаранг, тутақиб ётибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТУТЗОР Фақат тут экилган ер, майдон. Инакчилик учун.. тузилган шартномада беш гектар тутзор қилишни колхоз ўз устига олган. А. Қодирий, Обид кетмон.

ТУТИЛИШ I Тутилмоқ фл. ҳар. н. Жиноятчининг тутилиши. Деразаларга парда тутилиши лозим. Кўрна-ёстиқлар озода тутилиши керак.

2 астр. Осмон jismlарининг, хусусан, Ой ва Кўёшнинг бошқа самовий jismlар ёки уларнинг сояси билан бекилиб, қисқа муддатга қоронғилашиш ҳодисаси. Ойнинг тутилиши. Кўёшнинг тутилишини кузатиш. ■ Аҳмад маҳдум белгилаган вақтда ойнинг юзида ҳеч бир тутилиш нишонаси қолмай, бутунлай очилди. С. Айний, Эсдаликлар.

ТУТИЛМАГАН 1 Тутилмоқ фл. сфдн. Тутилмаган идиш, асбоблар.

2 кўча Фойдаланилмаган, ҳеч ким эшитмаган, билмаган. Гуласал кулгили гапларни, тутилмаган латифаларни кўп биларди. Ойбек, Улуғ йўл. Мен Фарғонанинг жуда кўп қўшиқларини билар эдим, бироқ устозим менга шундай тутилмаганларини айтиб берганида, халқ даҳосининг, унинг кўнғил хазинасининг нақадар бойлигини кўриб, ҳайратда қолардим. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТУТИЛМОҚ 1 Тутмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Жиноятчи кеча тутилди. Тутилган балиқ-

ларни пиширмоқ. Деразаларга парда тутилган эди. Қурт тутилган хона. Ҳовли доим озода тугилади. Сир тутилган иш. Иш билан тутилиб қолмоқ. Назарда тутилган вазифалар. ■ Кутарилди чанг-тўзон, Куннинг юзи тутилди. «Ойсулув». Ҳамма ўша томонга юзланди. Чироқ тутилди. Ойбек, Танланган асарлар. Эшикдан келганда, қўлига илиқ сув тутилди.. тагига кўрпача тўшалди. «Муштум».

2 Дучор бўлмоқ, йўлиқмоқ. Ёмғирдан қутулиб, қорга тутилдим. ■ Ҳасанали «Қутулдим!» деган эди, яна тоғдек қайғуга тутилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Гап-сўзини давом эттиролмай қолмоқ; тили айланмай қолмоқ. Чўпон довдираб, тутулиб қолди, оқаринқираб кетди. Нима дейишини билмай, қўлидаги чақалоқни кўрсатди. А. Мухтор, Чинор. Раҳим Саидов нима жавоб қилишини билмай, тутулиб қолди. Шофёр буни сезиб, хижолатликдан қутқарди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Жаноб тутулиб, лом-мим деёлмай қолди. У бир лаҳзадан сўнг қизариб, яна савол берди. Мирмуҳсин, Нуқра.

4 Гап-сўзида равонлик йўқолмоқ, тўхташлар, ғўлдираш юз бермоқ. [Умарали:] Рус тилини пича билиб қолдим; тутулиб бўлсада, гаплашадиган бўляпман. Ойбек, Улуғ йўл. Иброҳимов ҳеч тутилмаганидан кейин, кўзойнагини пешонасига сурди-да.. унинг афтига тикилди. У бировдан хурсанд бўлганида шундоқ қилар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Қолоқ цех бошлиқлари бирин-кетин минбарга чиқиб, тутулиб-тутулиб ҳисоб бердилар. А. Муҳиддин, Юзга айтганнинг захри йўқ.

Тили тутилмоқ Тили гапга келмай қолмоқ, гапида тутилиш(лар) бўлмоқ, гапиролмай қолмоқ. -Уялмай қўя қол, ўғлим.. Раҳматлик.. — деган жойида ойимнинг тили тутилди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Сувонжоннинг тили тутилди. Беихтиёр дадаси кўз олдига келди. Томоғига бир нима тикилгандай бўлди. С. Анорбоев, Оксой. Ўртаниб гапирётган Бобурнинг тили тугилаётганидан табиб чол ҳайратга тушиб, унга тикилиб қолди. П. Қодиров, Юлдузли тунарлар.

5 астр. Бошқа жисмлар ёки уларнинг сояси билан бекилиб қоронғилашиб қолмоқ (асосан, Ой ва Кўёш ҳақида). Ой тутилган

тун ҳали ҳам эсимда. ■ -Кун тутилди, — деб шу чоқ мардум бор абзалини данғиллатди. «Эрали ва Шерали».

6 кам қўл. Ёрдамчи сўз вазифасида боғлама бўлиб келади; ҳисобланмоқ. Маъзур тугилади. ■ Иккинчи, Отабекка бу йўлда кўмакчи бўлиб юрган Марғилон фуқароси Мирзакарим қутидор ҳам шу жазога сазовор тугилади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТУТИМ қ. тутум. Шаҳрихоннинг иқлими ҳам, одамларининг тутими ҳам, улфатчилиги ҳам, шеърнараслиги ҳам Қўқонга ўхшайди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. Одижоннинг бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракати Саодатга қилган муруввати.. олдида кечиримли, узрли эди. Бироқ бу найранги тутадиган тутимга тўғри келмасди. «Ёшлик».

ТУТИНМОҚ I I Тутмоқ I фл. ўзл. н. Ўқишдан қўл слтаб кетадиган оғир кунларни ҳам кўрди, аммо ҳамма вақт ўзини жар ёқасида ёлғиз кучли қўллари билангина тутишиб турган ҳис қилар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 (ж. к. билан) Бирор ишни бажара бошламоқ, бирор ишга киришмоқ. Ишга тутинмоқ. ■ Йўлчи қармоқни қўл бўйига суқиб, ўзи хашак йиғиштиришга тутинди. Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқларида. ..бурнига кўзойнагини кўндириб, ўқишга тутинди. «Шарқ юлдузи».

ТУТИНМОҚ II Кимса билан аҳдлашиб, қалин дўст, ўртоқ, томир бўлмоқ, қариндошдек муносабат боғламоқ. Ака-ука тутинмоқ. Дўст тутинмоқ. ■ -Э-э-э, — деди Қурбон ота, — Урмонжон? Урмонжон менинг тутинган ўғлим-ку! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Маҳбубахон опам билан биз опасингил тутинганмиз. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. Мўтрибдек кишини биродар, оға тутиниб, Авазини ёруғ кунлари зиёда бўлди. С. Сиёев, Аваз.

ТУТМОҚ I Қўл билан ушламоқ, ушлаб турмоқ; тутинмоқ. Бир қўлда китоб, бир қўлда гулдаста тутиб турмоқ. Боланинг қўлидан тутмоқ. Отнинг жиловидан тутмоқ. Кўр тутганини қўймас, кар — эшитганини. Мақол. ■ Темирчи уста қаҳру ғазаб билан ичкари кирди ва тикка бориб, Хайринисанинг куёви бўлмиш йигитнинг ёқасидан тутди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. Гавҳар тоқати тоқ бўлиб, ўрнидан тура бошлаган эди, Талъат тирсагидан тутиб ўтқазди. Ў. Ҳошимов,

Қалбингга қулоқ сол. *Кетмон тутишга одатланган дағал қўллар игна ушлашга, қатим тортишга келишмаганидан диққати ошган Охун..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Овлаб, қувиб, изидан бориб ва ш. к. йўллар билан ушламоқ, ушлаб олмақ, қўлга туширмоқ. *Балиқ тутмоқ. Қуён тутиб олмақ. Ўғрини тутмоқ. ■ Сайил ҳам сайил, саргардон ҳам сайил-да, домлажон. Ҳали кийик тутдикми, йўқми, ҳеч бўлмаса, шамоллаб келамиз-да.* М. Мансуров, Ёмби. *Агар Ҳамзани тутиб берсанг, ўғлинг Умар полвонни рўйхатдан учирамиз.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Бирор нарсани илтифотан кимсага таклиф қилмоқ, узатмоқ; фойдаланиш учун тўғриламоқ, бермоқ. *Меҳмонларга сочиқ тутмоқ. ■ Чол белбоғидан носқовоғини олиб, ўтирганларга тутди.* С. Аҳмад, Ҳукм. [Сулус] *Ҳеч нарсага қарамай, сакраб туриб, ҳансираб қолган отасини юпатгиси, совуқ айрон тутиб, елкасини силагиси келарди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Дуодан сўнг Отабек тўриқ йўргани чиқариб, қутидорга тутди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бўстон қутичали атир олиб келиб, ойисига тутди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Али мешкочби яна мадраса қурилишига кириб, одамларга сув тутди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Қўлидаги (ўзидаги) бирор нарсани бошқа нарсага тўғриламоқ, рўбарў ҳолга олмақ. *Хатни чироқ ёруғига тутиб ўқимоқ. Елкасини офтобга тутмоқ. ■ Отбоқар фонусни яна Бўтабойнинг юзига тутди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сенга ҳавас билан боқурман, рости, Ўлимга тик кўксин тута олган зот.* А. Орипов.

5 кўча Йўқ бўлиш, кетиш ва ш.к. дан сақлаб турмоқ. *Ҳокимиятни тутиб турмоқ. Ўз позицияларини тутиб турмоқ. Жангчиларимиз тепаликни тутиб туриш учун бутун воситаларни ишга солдилар.* ■ *Азамат.. комбатнинг.. мадад кучи етиб боргунча душманни тутиб туриш ҳақидаги фармонини Эргашевга айтди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

6 Бирор ҳолат, вазиятда сақламоқ, асрамоқ. *Саидбобо негадир тили учиди турган гапни ютиб, сир тутди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Туғилган кун зиёфатига таклиф қилиш шарт эмас. Ўша кунни эсида тутган яқинлари ўзлари боришаверади..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Итни занжирга боғлаб*

қўйгач, оч тутади дейишади. С. Нуоров, Нарвон.

7 кўча Бирор нарсдан ўзини тиймоқ ёки бирор нарсани, воқеани юз беришдан тўхтатмоқ, босмоқ, ушламоқ. *У кўзларига тўлган томчиларни базур тутиб жавоб берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ўзини тутмоқ 1) ўзини босмоқ, тиймоқ; ўзини қўлга ола билмоқ. *Йигидан ўзини тутмоқ. У кулгидан ўзини тутолмади. ■ Ўзимни кулгидан тутолмай, ҳаринглаб кулиб юбордим.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ; 2) ўзини бирор тарзда ушламоқ. *Ўзини баланд тутмоқ. Ўзини катталардек тутмоқ. Ўзини тетик тутмоқ. ■ Ибодовнинг ўзини тутиши ҳайрон қолдирган эди уни.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *У ўзини иккони борича бепарво тутишга ҳаракат қилди.* Т. Ашуров, Оқ от; 3) ўзини эплаб қолмоқ, оёққа турмоқ. *Эрталаб яна қонли урушлар бошланди. Аммо халқ энди ўзини анча тутиб қолган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бобоқул ота ўзини тутиб олиб: -Илгари фақат селдан эмас, қурғоқчилик офатидан ҳам одамлар қириларди.. - деди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

8 кўча Идора қилмоқ, бошқармоқ. *Рўзгор тутмоқ. ■ Яхши қилиб юртни тутди, Ким кам бўлса, йўл кўрсатди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

9 кўча Ўз қўли остидаги, измидаги, қарамоғидаги кимсаларга қандайдир муносабатда, муомалада бўлмоқ. *Болани бўш тутиш ярамайди. Синглингни кафтингда тутсанг, онангни бошингда тут.* Мақол. ■ *Шариат хотинни қаттиқ тутиш керак дейди-ю, аммо хотинни қанча қаттиқ тутсангиз, шунча ғафлатда қолишингизни пойлайди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Ўзбек ойимнинг «Келинни хор тутар экан демасинлар, сен ҳам ўзингни тутат!» деб айтгани учун, Зайнаб ҳам тамом ипакларга кўмилиб ясанган, кеча эрга теккан янги келинлар суратига кирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 Бирор тарзда ишлатмоқ, фойдаланмоқ, қўлламоқ. *Идиш-товоқни, кўрпа-ёстиқни тоза тутмоқ. Янги олиб келган тешани тутмоқ. ■ -Лекин, - деди Самандаров қошиқни салмоқлаб, - ҳали ҳам мана бунақа қошиқ тутиш айб.. Бунга йўқчиликни важ қилиб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

11 Парвариш қилмоқ, боқмоқ (пилла куртини). *Мен, бешовларинг курт тутинглар, бешта одам бушасин, демоқчи эмасман.* А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди.

12 Ишлатиш, фойдаланиш учун ўз ихтиёрида, қарамоғида олиб турмоқ, сақламоқ. *Қани иложи бўлса, битта одам тутмасдан, бутун ишни ўзим эплай олсам.* Ойбек, Танланган асарлар.

13 Пардалаш, тўсиш, қоплаш ва ш.к. мақсадлар учун ўрнатмоқ, боғлаб, илиб ёки осиб қўймоқ. *Пашишахона тутмоқ. Деразаларга парда тутмоқ. Этак тутиб, пахта термоқ. Дастрўмонли юзига тутиб йиғламоқ. Эл оғзига элак тутиб бўлмас.* Мақол. ■ *Бахмал паранжили хотин чиммат тутган юзини Азим тажанг томонга хиёл ўгирди-ю, бир-икки томоқ қириш билан кифояланди, жавоб бермади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

14 Кўпайиб, тарқалиб, ёйилиб ва ш. к. йўллар билан маълум жойни эгалламоқ, қоплаб олмоқ, босмоқ. *Самоварнинг буғи уйни тутиб кетди. Кўй-эчкиларнинг маъраиши кўчани тутган эди.* ■ *Йилқи, пода, сурувлар Дард кўрмай ўсса дейман, Тоғу тошга сиғишмай, Яйловни тутса дейман.* Қ. Муҳаммадий. *Қўнғироқдай товуши билан Гўлсун ҳам қўшиқчига жўр бўлгандагина ҳамма ёқни одам тутиб кетганини кўрди.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Дўнан ака минбардан тушишлари билан, зални қарсақ тутиб кетди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Даштни тутиб ётган лолалар узоқда қолиб, гулларида асаларилар бол эмаётган мевазор боғлар бошланди.* «Гулдаста». *Достоннинг овозаси оламни тутди.* Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди.

15 Кўзимоқ, қўзиб қолмоқ, хуруж қилмоқ (одатда, инсон табиатида бўладиган турли хислатлар ҳақида). *Отанинг тантилиги тутиб кетди. Унинг жазаваси тутди.* Шўхлиги тутмоқ. ■ *Ҳиндининг ҳам Ҳиммати тутиб кетди, сарроф халтадан битта беш сўмлик тилла олиб берди.* Ғ. Фулом, Шум бола. *Гапинг рост бўлса, қани юр! Ёки дангасалигинг тутиб, ишлагинг келмаётибдими?* Газетадан.

16 Амал олмоқ, ўсмоқ, ривожланмоқ (янги кўчат ёки пайванд ҳақида). *Боғбон ўзи эккан ё улаган кўчати тутиб, бўй тортиб кетгунча, ҳар кун тагига неча марта келади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Онда-сонда*

кўчатлар ўтқазилган экан-у, кўпи тутмапти. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

17 Ёрдамчи феъл сифатида боғловчи ва-зифасида қўлланади; ҳисобламоқ. *Парвозга шайланиб ночор пат урган Ярадор бургутга тутмагил осон.* У. Қўчқоров, Ҳаяжонга қўмилган дунё.

18 Баъзи сўзлар билан қўлланганда, шу нарса эвазига бирор нарсага дучор бўлмоқ, унинг ҳақидан қутула олмаслик маъносини билдиради. - *Уволи тутади демадингизлар-а, уволини ўйламадингизлар-а, — деди жавраб турган Зулҳумор, юраги бўлмай нари кета бошлади.* М. Мансуров, Ёмби. *Сизни ўша норасидаларнинг кўз ёши тутмайдими?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Беш боланинг уволи уради сен бекарни! Менинг беғуноҳ қоним тутади ҳаммангни!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Аза тутмоқ қ. аза. *Ғалаба куни тўйга айланган хонадонлар ҳам бўлди, яраси янгила-ниб, қайта аза тутганлар ҳам.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Бошини тутмоқ** Бирор иш, ҳунар ва ш.к. билан машғул бўлмоқ, уни эгалламоқ, касб этмоқ. *Бирор ишнинг бошини тутмоқ.* ■ *Бирон бошқа ҳунарининг бошини тутса ҳам эплаб кетарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ватан (ёки макон) тутмоқ** Бирон ҳудуд ёки жойни яшаш жойи (ватан) қилиб олмоқ. *Эрбўтаевлар оиласи ҳам яйдоқ чўлни ватан тутиб, меҳнатда донг таратиб, ўзларидан кўпайишиб боришяпти.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Гапга тутмоқ** Гапга солиб, савол-жавоблар билан банд қилмоқ. *Ҳамма гапи ёлғон бўлмасин, ўртага олиб, гапга тутинг.* «Юсуф ва Аҳмад». *Тракторчи йигит ишга шошилганидан тоқатсизлана бошлади. Чол бунни сезиб, ортиқча гапга тутмади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. **Дариг тутмоқ қ. дариг.** *Якка ва ягоналигинг ҳаққи.. мендек бир балокаш гуноҳкор ожиза бандангдан марҳаматингни дариг тутмагайсан..* К. Яшин, Ҳамза. **Иш тутмоқ** Маълум сабаб, шарт-шароит ва ш.к. ни ҳисобга олган ҳолда иш қилмоқ, иш олиб бормоқ. *Нега бир-биримизга ёқишимиз керак. Ёки бўлмаса, сизга яқин бўлган инсон кўнглига қараб иш тутиш лозимми?* Газетадан. **Йўл (ёки йўлини) тутмоқ** Иш-фаолиятда муайян бир йўлни танламоқ, шу йўлдан бормоқ. *Шунинг учун у тилёғламалик йўлини тутди.* Газетадан. *Сендан сўнг қолиб ҳам у қаримайди, Умангу ёшликнинг йўлини тутгандир.* Шўх-

рат, Ёшлигимнинг давоми. **Кўз тутмоқ** Келиши, учрашуви юз беришини интизорлик, иштиёқ билан кутмоқ. *Кўз тутдим, кўзларим нигорон бўлди. «Ёшлик». Темиржон, айиқча қайтиб келадигандай, унинг йўлига интизор кўз тутди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Кўзда тутмоқ* Назар-этиборида бўлмоқ, назарда тутмоқ. *Келгуси вазифаларни кўзда тутмоқ. Ишдаги қийинчиликларни кўзда тутмоқ. ■ Бу гаплари билан қурилишдаги ишларни кўзда тутаятганлигини Бароқов яхши тушунди. «Ўзбекистон қўриқлари». Сўроққа тутмоқ* Узлуксиз сўроқ беришда давом этмоқ. *Лекин у ерда сиз эмас, улар сизни сўроққа тутмасалар, деб қўрқаман. К. Яшин, Ҳамза. Тўпга (ёки ўққа) тутмоқ* Кимса, нарса, жой томонга (устига) тўхтовсиз тўп отмоқ, ўқ отмоқ, ўқ ёғдирмоқ. *Қўндан бери қутилган жанг тонг маҳалида душман артиллерияси бизнинг позицияларимизни ниҳоятда қаттиқ тўпга тутиши билан бошланиб кетди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Душман жангчиларимизни миномётдан ўққа тутта бошлади. Газетадан. Этагини тутмоқ* Раҳнамолигида иш тутмоқ, раҳнамолигига суянмоқ. *Омон бува Ёдгоров каби ингичка толали пахта усталари бор. Ана шуларнинг этагини тут. «Ўзбекистон қўриқлари». Юз тутмоқ қ. юз. Ўрин тутмоқ* Мавқега эга бўлмоқ, аҳамият касб этмоқ. *Улар ичида Шодмонов алоҳида ўрин тутади. «Ўзбекистон қўриқлари». Меҳнат жамоаларида туғилаётган анъаналар орасида мусобақанинг такомиллашиб бораётган янги шакл ва усуллари алоҳида ўрин тутади. Газетадан. Қулоқ тутмоқ* 1) эшитишга диққатни қаратмоқ. *Бирпас девор тагида тўхтаб, атрофга қулоқ тутишди: жимлик ҳукмрон.. «Муштум»; 2) тингламоқ, эшитмоқ. Акам томда қор қура.. мен сандал ичига тиқилиб олиб, шифтдан келаятган курак овозига қулоқ тутиб ётар эдим. М. Мансуров, Ёмби.*

ТУТОҚИШМОҚ 1 **Тутмоқ** фл. бирг. н. Бу аҳволдан йигитлар жуда тутмоқшиди.

2 айн. **тутмоқ**. -Ҳали туғилмаган болани, ер еткур, дединг-а, - деди Туробжон борган сайин тутмоқшиб. А. Қаҳҳор, Анор.

ТУТОҚМОҚ айн. **тутақмоқ**. Ҳаёт Салтонбунинг сўзларидан тасалли топишга улгурмай, Мاستон кампир унинг тутмоққан ўтини ловулатди. М. Исмоилий, Фарғона

т. о. *Полиция эшиги берк; яшил ранг билан сирланган ёғоч панжаралар олдида тутмоққан халқ қайнайди, йигитлар, хотинлар панжарага ёпишади. Ойбек, Танланган асарлар. Юрагим тутмоқиб кетди, сиз билан ичмоқчиман, қуйинг, раис. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ахир, бу ер, ҳудди танда пайдо бўлган ёмон ярадай, кўм-кўк водий ўртасида қақшаб тутмоқиб ётибди-ку.. Ойбек, О.в. шабадалар.*

ТУ-ТУ унд. с. Товуқларни чақиритишда ишлатилади.

ТУТУМ Иш тутиш йўсини. *Тутумлари жойида, истараси иссиқ, сўзамол бола оила авзоларига ёқиб қолди. Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқлари. Бу ерда жуда қизиқ — Шаҳобидиновнинг тутган тутуми Қўшоқов, Раҳимовларга, уларники эса бошлиққа ёқмайди. Газетадан. Юзидан жон олувчи нимтабасум аримас, тутумидан оғир жисмоний меҳнатдан холи ўсанлиги яққол сезилиб турарди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. Қиз бола ўзга хонадонга бордими, ўша ернинг тутумини олади. Бориға ҳам, йўғига ҳам қаноат қилади. Газетадан.*

ТУТУН Бирор нарса ёнганда, ҳавога ажралиб чиқадиган майда зарралардан иборат газсимон моддалар мажмуи. *Папирос тутуни. Уй тутунга тўлди. Тутун осмонга кўтарилиб кетди. ■ Уйларнинг мўрисида тутун чиқар буралиб. Уйғун. Бир вақтлар турли ранглар билан бўялган уйнинг шифтлари оташдонда ёқилган ўт тутунидан хираланди. Ҳ. Шамс, Душман. Жиққа ҳўл ўтин ёлғиз «пирс-пирс» қилиб, аччиқ заҳар тутун буруқтиради. Ойбек, Танланган асарлар.*

Тутун пули тар. Хонадон эгасидан яшаб турган жойи учун олинадиган солиқ. *Ўзингни бос, Жаломбой, сени ҳеч ким ҳайдамайди. Онангга мен пул юбораман, майли, «тутун пули»ни тўласин. Ҳ. Турсункулов, Ҳаётим қиссаси. Тутун қайтармоқ дағл. Буюрилган, қилинган иш ёқмаслигини билдирувчи қўпол гап-сўз қилмоқ. Моллар, молхоналар жойидами? Яна Гавҳар пошша, уна бўлмапти, буна бўлмапти, деб тутун қайтариб юрмасин. «Муштум». Э, тузламай қуриб кет.. ўшанинг учун роса тутун қайтариб ётган экан-да. К. Яшин, Ҳамза. Тутуни (осмонга) чиқмоқ Жаҳли, газаби кўзгамоқ. -Ия, боятдан бери қулогингга танбур чертапманми, — жаҳл билан деди*

Остонакул, — шунга тутуним чиқиб ёниб ётибман-да. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. Фашистларнинг бева-бечораларга бераётган мислсиз азобларини кўрганда, Уринбойнинг тутуни осмонга чиқади. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТУТУНЛАНМОҚ кам қўл. Тутун чикармоқ, буруқсимоқ. Самолёт бирдан тутунланди-ю, ерга шўнғиди. ■ Узоқда тутунланган ўрмонлар орқасидан самолётлар пайдо бўлди. Ойбек, Куёш қораймас.

ТУТУНЛИ Тутун чиқарадиган, тутаб турадиган, тутайдиган. Тутунли порох. Тутунли мўри.

ТУТУНМОҚ қ. **тутиномқ**. У ўз хонасига кириб, каравотга чўзилди. Китоб олиб ўқишга тутунди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Раҳматулла] Бу одам билан қиёматлик дўст тутунган бўлиб, бири бўлмаса, бирининг томоғидан бир қултум чой ўтмас эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУТУНСИЗ Тутун чиқармайдиган, тутуни йўқ. Тутунсиз порох. Тутунсиз уй бўлмас, ёзиқсиз — йигит. Мақол. ■ Бирор қишлоққа ўт кетса, одамлар дарҳол воқиф бўладилар, ёнғин даф этилади. Юрак ёнса-чи? Унсиз, тутунсиз лаққа чўғ бўлиб ёниб, кулга айланган дил оҳ-зорини эшитувчи борми? С. Кароматов, Ҳижрон.

ТУТУРИҚ 1 Кимсанинг ўз сўзида, ваъдасида тура олиш хислати; лафз, бурд. Тутуриғи йўқ одам. ■ Наҳотки, кечагина техникага биркирилган болаларни яна қайтариб, тупроқ ишига қўйишга тўғри келса! Болалар олдида лафз, тутуриқ қоладими? А. Мухтор, Туғилиш. Бир соатнинг ичида икки одамни ифвогарга чиқариб, яна сўзингиздан қайтиб ўтирсангиз, сизда тутуриқ борми ўзи? «Муштум».

2 Иш, гап-сўздаги қатъийлик, тайин. ..мен бу дунёдаги ишларинг бетутуриқ деб юрсам, охирагдаги ишларингда ҳам тутуриқ йўқ экан. А. Қаҳҳор, Асарлар. Отамнинг дарди оғир, баъзи вақтлар иситма орасида алақандай тутуриғи йўқ гапларни гапириб қўяди. Файратий, Менинг ёшлигим.

ТУТУРИҚЛИ Тутуриғи, бурди бор; сўзида, лафзида турадиган; бурдли; тайинли. Тутуриқли одам. Тутуриқли гап.

ТУТУРИҚСИЗ Тутуриғи, бурди йўқ; сўзида, лафзида турмайдиган, бебурд, бе-

тайин, бемаъни. Тутуриқсиз одам. Тутуриқсиз гап. ■ Икки тутуриқсизни деб кўрпани куйдирмоқчимисан? А. Мухтор, Тонг билан учрашув. Табибий хоннинг Ҳазий тахаллуси билан тутуриқсиз шеърлар битадиган жияни Саид Ҳазий тўрага ишора қилаётган эди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ТУТУРИҚСИЗЛИК Тутуриқсиз эканлик, тутуриқсизга хос хусусият, хатти-ҳаракат, қилиқ. Мақсумжоннинг сўзидан қандайдир бир тутуриқсизликнинг ҳиди буруқсаб турарди. Файратий, Довдираш. Дўқ уриш ва қўполлик ходимнинг.. оғизлигини, тутуриқсизлигини кўрсатади. Газетадан. [Онахон] Назокатнинг яна паранжи ёпиниб олиб, ўтакетган тутуриқсизлик қилганини эшитгач, қаттиқ хафа бўлган эди. А. Мухтор, Опасингилар.

ТУТУҚ 1 кам қўл. Тутиб қўйилган; тутуқли. Парда тутуқ дераза.

2 эск. айн. **айириш белгиси** қ. **айириш**.

ТУТУҚ II шв. Дудуқ.

ТУТУҚ III шв. Чиммат, чачвон.

ТУТУҚЛИ Тутиб қўйилган, тутилган. Ойналарда парда тутуқли эди.

ТУТЧИЛИК Тут дарахти ўстириш, етиштириш. Инак қурти учун асосий озуқа базаси бўлган тутчиликка эътибор бермоқ.

ТУТҚА Даста, тутқич. Эшик тутқаси. ■ Душаннинг отаси.. тутқаси ялтиллаб турган ҳассасини олиб, ўз хонасига кириб кетади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТУТҚАЗМОҚ айн. **ушлатмоқ**. Ноиб ордан тушиди. Қамчисини этигининг қўнжига буклаб тиқиб, жиловни Амайтжонга тутқазди. С. Сиёев, Аваз. Машираб ҳали-ҳали эслайди, Ашрафжон бир кун унинг қўлига аллақайси китобни тутқазиб, Барнога олиб бориб беришни илтимос қилди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ТУТҚАЛОҚ шв. Тутқаноқ, қуёнчиқ. Соҳиблар миробга: -Тутқалоғи тутди итвачанинг, — деб кулди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ТУТҚАНОҚ 1 тиб. Даврий равишда тўсатдан тутиб қоладиган, киши ҳушидан кетиб, акашак бўлиб қоладиган, бедаво асаб касаллиги; қуёнчиқ, эпилепсия. Тутқаноғи бор одам. Тутқаноқ касаллиги. ■ Салим ваҳиманинг тутқаноғи яна бошланди. Асаби жуда чатоқ экан боланинг. А. Мухтор, Чинор.

2 Шундай касалга йўлиққан одам.

ТУТҚАНОҚЛИ Тутқаноқ касалига мубалто бўлган, тутқаноғи бор. *Тутқаноқли бола.*

ТУТҚИ айн. *тутқа.*

ТУТҚИЗМОҚ қ. **тутқазмоқ.** *У кийимларини менга тутқизиб, сувга шўнғиди. ■ Йўлчи ўтиргач, Шокир отанинг етим набираларини.. ўпиб, узумдан икки бошини уларнинг қўлига тутқизди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТУТҚИЛАМОҚ с. т. Ушлаб тортавермоқ, тортқиламоқ. *Бола онасининг этагидан тутқиларди.*

ТУТҚИЧ 1 Нарсаларнинг қўл билан ушлаш учун хизмат қиладиган қисми, даста. *Дераза тутқичи. ■ Паранжи-чачвон ёпинган аёллар деразаларни астагина силаб кўришар, ичкарига мўралаб, бўялган эшикнинг ялтироқ, чиройли шиша тутқичларини авайлабгина ушлаб қўйишарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Турли нарсаларни қисиб тутиб турадиган буюм, қисқич. *Ювилган кийимларни тутқич билан тишлатмоқ.*

3 Тутиш учун хизмат қилувчи асбоб, нарса. *Товуш тўлқинларини тутқич вазифасини ўтовчи қулоқ супраси табобатда катта аҳамиятга молик экани Шарқ тиббиётида қадимдан маълум. «Фан ва турмуш».*

Тутқич бермоқ (кўпинча бўлишсиз шаклда) Ўзини туттириб қўймоқ. *Қуён тутқич бермай қочди. ■ Қуш ҳам итга тутқич бермай, яна пириллаб учди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

ТУТҚИЧЛИ Тутқичи бор, тутқичга эга бўлган. *Уйнинг ўнг томонидagi оғир, попукли духоба парда.. шиша тутқичли бир эшикда ҳимарилган дарнарданинг узун этаклари соланиб турарди. У. Исмоилов, Сайланма.*

ТУТҚИЧСИЗ Тутқичи йўқ, тутқич ўрна тилмаган. *Тутқичсиз дераза. ■ Ахир Тошкентдек шаҳри азимда қанча-қанча артель, корхоналар бўлса-ю, қурган иморатларимизнинг деразалари тутқичсиз қолса.. «Муштум».*

ТУТҚУН 1 Асир олинган, асирлик ҳолатидаги шахс; асир, банди. *Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, ҳалиги туркман.. яна тутқунлар қошида пайдо бўлди. С. Айний, Қуллар. [Тоғамни] Тутқун қилиб олганлардан бири мен билан ўзлари орасида ўтган воқеани у ердагиларга айтиб берди. С. Айний, Эсдаликлар. Фарзандим, ёлғизим, ғанимларга тутқун бўлиб қолмагин. «Равшан». Бундан*

ортиқ жазо беришдан ўзини тийди, сабаб устод Қавом бошқа тутқун кишиларнинг қаҳрли кўзларидан ҳайиқди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 кўчма Эрки, ҳуқуқи ўзида бўлмаган, ҳуқуқи биров ихтиёрида бўлган. *Сени кўрдим, ёдимга тушди Ёшлигимда кўрган бир жувон. Ўзи суҳсур каби гўзал эди, Фақат тутқун, бағри тўла қон. Уйғун. Биз балиқ овловчи, тутқун қўллармиз, Не тутсак, хон томон дарҳол йўллармиз. С. Абдулла. [Зумрад] Шунча тутқун бўлишига қарамасдан, бу қизнинг қалбига муҳаббат олови алақачон тушган эди. С. Зуннунова, Гулхан.*

ТУТҚУНЛИК 1 Тутқун ҳолат. *Тутқунликдан.. қутқазилган Гулнорнинг қушдек учгиси келар, лекин бошидан кечган даҳшатли воқеалар орқасида оёқларида заррача мадор сезмас эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Асирликдаги ёки эркисиз, ҳақ-ҳуқуқсиз шаронтдаги ҳаёт; асорат. *Сенинг эркинг, ҳаққинг ўғирлаб, Ироданга занжир солган ким? Эрк макони бўлган ўлкада Нечун қолдинг тутқунликда жим! Зулфия. Унда [«Сайдинг қўя бер, сайёд» да] авторнинг тутқунлик ва қулликка қаршилиги, эркин ҳаётга интилиш орзулари ифодаланган. «ЎТА».*

ТУФ I унд. с. 1 Тупурганда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Насва [насиба] тортиб келиб қолса Аҳмаджон, Ҳақ, туф, деб тупуради юзинга. «Юсуф ва Аҳмад».*

2 этн. Кўз тегмаслиқни истаб айтиладиган сўз. *Анзираб хола унинг боласига ҳаваси келиб, ўрнидан туриб, болани қўлига олди: - Туф, ёмон кўздан сақла, мунча ҳам дўмбоқ, мунча ҳам оптоқ! А. Мухтор, Опасингиллар.*

Туф деб (ёки туфлаб) тугмоқ Топганини йиғмоқ, тўпламоқ. *- Нусратбек топганини туф деб тугаётган бўлса керак, — деди юзлари қип-қизил, думалоққина шериғи уни қувватлаб. С. Нуоров, Нарвон. Юзига туф демоқ (ёки туфламоқ) дағл. Ҳақорат ифодаси сифатида бетга қараб «туф» демоқ. Сағирнинг ҳақи менга эмас, менинг ҳақим сағирга ўтмас, юзимга туф денг.. П. Турсун. Ўқитувчи.*

ТУФ II [итал. tufo < лот. tofus — говак тош] геол. Курилиш материали сифатида ёки бошқа мақсадларда ишлатиладиган говак, рангдор тоғ жинси (вулкон отилиши маҳсули ёки иссиқ булоқ чўкиндиси сифатида ҳосил бўлади). *Туф кўп асрлардан буён фа-*

қат қурилиш материали ҳисобланар эди. Эндилекда эса бу тошдан оригинал газлама тайёрланмоқда. Газетадан.

ТУФАЙЛИ I [а. طفايل — (бировнинг) ҳисобига, воситасида; сабаб, баҳона] кўм. Сабабли, орқали. Экзема организмда модда алмашилишининг бузилиши туфайли ҳам пайдо бўлиши мумкин. Газетадан. Ун қадок жўхори туфайли шу кўйга тушаман, деб Аваз сира ўйламаган эди. С. Сиёев, Аваз. Турмушдаги жамики яхшиликлар, гўзаллик ва фаровонликлар инсон туфайлидир. Газетадан.

ТУФАЙЛИ II [а. طفيلی — чақирилмаган меҳмон, текинтомоқ] эск. Биров ҳисобига кун кечирувчи, текинхўр, текинтомоқ шахс. Ундай туфайлиларни битирмоқ керак эди. Ойбек, Навоий.

ТУФАЙЛИДАН с. т. айн. **туфайли I**. Муштира пар волидаи мухтарамлар! Биз истиқлол туфайлидан ёруғлик, рўшнолик кўрдик. Газетадан.

ТУФАНГ, **туфанг** эск. Чақмоқтош ёрдамида отиладиган пилта милтиқ. Амир ўшанча тўп, туфанг, хазина ва дафина билан ҳеч бир иш қилолмаган эди.. С. Айний, Дохунда. Эшитганимга кўра, большевикларнинг тўплари, туфанглари ва фидойи аскарлари кўп эди. «Муштум».

ТУФДОН Тупуриш учун қўйилган маҳсус идиш. Туфдон, одатда, касалнинг бош томонида полга қўйилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. **Мутриб** оғир йўталиб, туфдонга тупурди. С. Сиёев, Аваз.

ТУФДОНЛИ Туфдони бўлган, туфланадиган маҳсус қисми бор. Кунлардан бир куни Қарши ҳокими Бухоро амири Олимхон саройига мисдан ясалган туфдонли ажойиб дастхўй тўхфа қилади. Газетадан.

ТУФЛАМОҚ I айн. **тупурмоқ 1, 2**. Сулаймонов қаймоқдан бир қошиқ олиб ичди-да, бирдан афти бурушиди, туфлагани жой излади, туфлади. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. Кир бармоқларига туфлаб, бир-бирига ёпишган киприкларини ҳўлаб юмшатиб, зўрға очарди. С. Нуров, Нарвон.

2 «Туф» («туф-туф») демоқ. қ. **туф I 2**.

Кўкрагига (ёки **кўксига**) **туфламоқ** этн. Кўрқиб кетганда, бирор нарсанинг даф бўлишини талаб ёки даф бўлганидан хурсандлик белгиси сифатида «туф» («туф-туф») демоқ (қ. **туф 2**). -Кайфим учиб кетди-я! — деди қори ва ёқасини катта очиб.

кўкрагига уч марта туфлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. ..қўрққанларидан дагдағ қалтираб, кўкракларига туфлаб, настка туширишибди. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ, Уларнинг саломатлигини кўрган шогирд ўз кўксига туфлади. Мирмуҳсин, Меъмор. **Туфлаб тугмоқ** айн. **туф** деб **тугмоқ** қ. **туф**. [Куёв] Ўта зиқналикдан, ичадиган чойларини ҳам ўлчаб берадиган бўлди, тийинларни туфлаб тугди. Ш. Фуломов, Сахрода.

ТУФЛИ [қад. нем. tuffele, голл. tuffel — бошмоқ < юн. pantophelle — таглиги пўкакдан бўлган сандалет] Тўпикдан паст оёқ кийими. Баланд пошнали туфли. Амиркон туфли. Туфли киймоқ. ■ Қабулга келган қиз шинамгина туфлисининг баланд пошналарини тақиллатиб, стул олдиға юриб келди-да, атлас кўйлагининг этакларини астагина йиғиштириб, ноз билан стулга ўтирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТУФ-ТУФ Туф I с. тақр. -Қўй кўриб, бундақангисини кўрган эмасман! Елкасигача нақ ёғ бўлиб кетибди, йўлда кўзланган бўлмасин, туф-туф! — деди хотин. С. Абдулла, Соялар.

ТУХМАК I [ф. تخم — насл, авлод, уруғ; уруғдон] тиб. Кўзга қон қуйилиши, кўзнинг қизариши билан характерланидиган касаллик.

ТУХМАК II Воҳаларда ўсадиган оч сариқ хушбўй гулли ўсимлик (дарахт, бута ёки кўп йиллик ўсимлик).

ТУХУМ [ф. تخم — уруғ, тухум; авлод, насл; сперма] 1 Урғочи парранда, тошбақа ва б. баъзи ҳайвонларнинг бола очиш учун қўядиган, қобиқ билан ўралган жинсий юмurtқаси ва шу нарсa — таркибида барча озиқ моддаларига эга бўлган таом маҳсулоти сифатида. Товуқнинг тухуми. Урдakнинг тухуми. Тухум қилмоқ. Қовурилган тухум. Тухум ютмоқ.

Анқонинг тухуми қ. **анқо**. Нимасини сурштирасиз, мулла ака, хўжайинлар орасидан энақага келадиганини қидириш анқонинг тухумини қидириш билан баробар экан.. Ойбек, Танланган асарлар. **Тухум босмоқ 1)** тухум қилиш учун мояк устида ўтирмоқ. Бундан роса ун йил бурун мана шу болохонадаги қазноқда тухум босиб ётган фаранги товuқ бирданига қоқолаб, том орқасига — Собиржон қориникига учиб тушди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) жўжа очиш учун маълул вақт тухумларга багрини бериб ёт-

моқ. Сўрининг бурчагига ин қўрган мусичанинг тухум босиб ётганини кузатди. Газетадан; 3) кўчма ҳеч бир иш қилмай, уйдан эшикка чиқмай ётмоқ, лоқайд юравермоқ. Раҳим тагин четга суриларди, балки яна чакагини боғлаб, уйда тухум босиб қоларди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Тухум бостирмоқ** Жўжа очиб чиқарсин учун, курк бўлган товукнинг остига тухум қўймоқ. Комилжон бостирган тухумлар жўжа бўлмай, палағда чиқиб қолдими? И. Раҳим, Ихлос. **Тухум очмоқ** Тухум босиб ётиб, жўжа чиқармоқ. **Тухум уриштирмоқ** (ёки **ўйнамоқ**) Пишган тухумларни бир-бирига уриб, кимники синмай қолишга ўйнамоқ. Икки ариқнинг атрофига чойхоналар очиларди.. Қиморбозлик бўларди, мазорлардан шайх ва қаландарлар келарди.. тухум ўйнашарди, сўнгга мастбозлик. И. Раҳим, Ихлос. **Тухумга кирмоқ** Тухум қила бошламоқ. Товуғимиз тухумга кириб қолди. **Тухумдан чиқмоқ** 1) тухум қилмай қўймоқ; 2) тухумни ёриб чиқмоқ, жўжаламоқ. **Тухуми оғзига келмоқ** (ёки **тиқилмоқ**) Жуда зик, танг аҳволда қолмоқ. Охири тухум оғзига келганда, «ҳа бўл, ҳа бўл»га тушиб, шўр ернинг ярмини ҳам юволмадик. «Муштум».

2 биол. Жинсий ҳужайра. Тухум йўли. Тухум ҳужайраси.

3 бот. Уруғ. Ошқовоқнинг тухуми.

4 кўчма Насл, авлод, зурриёт, зот. Тухуми қуриган ҳайвонлар. ■ Кўк қурт! Ёмон офат. Ғўзанинг заволи. Тезда тухум-тухумини қуришти керак. Р. Азизхужаев, Яшил чайла. Ўлсам ўлайин, одам тухумидан қўрқмайман. «Ойсулув».

Тухми одам (ёки **инсон**) Одам зоти. Султоним, бир кун бўлган одам, бир кун ўлади, тухми одам бошида шу савдо бор. «Гулихиромон». **Тухумини қуритмоқ** (ёки **қирмоқ**) Бутунлай йўқ қилмоқ. Агарда нажотимиз қипчоқ тухумини қуритишда бўлса, мени ҳам оссинлар! А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Давлатёр] фигон чекаётир: -Сени ўлдирганинг тухумини қираман, акажоним! П. Турсун, Ўқитувчи.

5 кўчма Умуман, юзага келтирувчи нарса, уруғ. Агар сиз нафсиларга қарасангиз, икки халқни бир-бирига совуқ кўрсатиб, адоват тухумини сочиб келувчи бир нечагина одам бор.. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТУХУМБАРАК шв. Хамир ичига тухум солиб, қайнатиб пишириладиган овқат тури.

ТУХУМДОН [ф. تخمدان — тухум турадиган, ҳосил бўладиган жой] анат. Аёлларда, урғочи ҳайвон ва жониворларда тухум ҳужайраси ҳосил бўладиган, жуфт ҳолдаги жинсий без; оналик (урғочилик) беzi. Ҳомиланинг ривожланиш жараёни тухумдонда уруғланиш билан бошланади. «Фан ва турмуш».

ТУХУМЛАМОҚ шв. Тухум қилмоқ, тухум қўймоқ.

ТУХУМСИМОН Тухумга ўхшаш, кўринишдан тухумни эслатадиган. Тухумсимон тош. Тухумсимон бареллар.

ТУХУМХҲҲ [ф. تخم خور — тухум еювчи] 1 Тухум ейишни яхши кўрадиган. Тухумхўр бола.

2 зоол. Ўз тухумларини бошқа ҳашаротларнинг тухумлари ичига қўядиган ҳашарот, уруғхўр.

ТУШ I Уйқуда вужудга келадиган субъектив психик ҳодиса, жараён; уйқуда кўриладиган образлар, нарсалар. Анов муттаҳам ким? Нега мени бу ерга ўғирлаб келди? Ҳеч нима тушунмайман! Тушимми? Ўнгимми? Ойбек, Танланган асарлар. Қани энди, ҳозир шу тушим ўнг бўлиб қолса. Онам ўлмаган бўлсалар. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Қани энди, шуларнинг ҳаммаси тушим бўлса-ю, уйғониб кетсам!.. Қадамимни билиб босар эдим. А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

Туш билибманми (ёки **қўрибманми**)? Қаёқдан билай? Туш қўрибманми унинг келишини? ■ Туш қўрибмизми апрелда совуқ бўлишини? С. Маҳкамов, Шогирд. **Туш қўрмоқ** Уйқуда туш жараёни юз бермоқ, уйқусида нарса, воқеа-ҳодиса ва ш.к. кўринмоқ. Бир яхши туш кўрдим, айтиб бераман. К. Яшин, Ҳамза. **Тушига кирмоқ** Уйқусида (тушида) кўринмоқ. -Гавҳар, аям тузукмилар? -Кеча тушимга кирибдилар. Қоп-қоронғи чалакзорда оқ қўйлақда юрганмишлар. Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. Агрегатлар ёрдам берар ишимга, Севган касбим ҳатто кирар тушимга. «Гулдаста». **Тушида қўрмоқ** айн. **тушига кирмоқ**. Етти ойдан бери фақат тушимда кўраман уни. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Тушида кўрдим дилбаримни, эй сабо, уйғотмагил. Э. Воҳидов. **Тушигизни сувга айтинг** Бекор айтибсиз, бўлмаган гап, асло ундай эмас. Эс-ҳушини йўқотиб, гаранланган деҳқон дастлаб индамади. Ёш баққол вайсайвергандан сўнг, бир уҳ тортиб, секингина деди: -Ўн тўрт сўм берасиз.. -Э? Ўн тўрт

сўм? Тушингизни сувга айтинг. Ойбек, Танланган асарлар. **(Ухлаб) тушига кирмаган (ёки тушида кўрмаган) ёки етти ухлаб, тушига кирмаган (ёки тушида кўрмаган).** Дилдор ўйламаган, ўйлаб тушига ҳам кирмаган икки қийинчиликка рубару келди. С. Аҳмад, Уфқ. У куёви билан шу хилда учрашишни етти ухлаб, тушида ҳам кўрмаган эди. С. Зуннунова, Гулхан. У ердан Гуломжон кутган, Гуломжонни зору интизор этган жонон эмас, Гуломжоннинг етти ухлаб, тушига кирмаган нотаниш бир жувон чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Абдишукур тушида ҳам кўрмаган пойтахт театрларини мақтамоқчи бўлиб, энди сўз бошлаган эди, Ёрмат дастурхон келтириб, норин тайёр бўлганини билдирди. Ойбек, Танланган асарлар. Анвар жим бўлиб қолди, тушига ҳам кирмаган бу таклифга нима дейишни билмай энтикди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Энди тушингизда кўрасиз** «Эндиликда асло кўрмайсиз», «кўриб ҳам бўлибсиз» каби маъноларни ифодаловчи ибора. Бундай келинни энди тушингизда кўрасиз.

ТУШ II Куёш қоқ тепага келган пайт. Тушгача ишламоқ. Тушда дам олмақ. Дево-нанинг ақли тушдан кейин кирибди. Мақол. ■ Туш пайти, таълимдан қайтдим бемажол. Туйғун. Туш чоғи яқинлашганда, бир чопар от қоптириб, бойнинг ҳовлисига кириб келди. С. Айний, Куллар.

ТУШАМОҚ кам қўл. Тушовлаб боғламоқ, тушовламоқ. Маҳбўсларга.. бу ҳам етмаганидек, тагин тирсакларидан бир-бирига тушаб қўйилган. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУШИМ қ. тушум. Расво қилган мени пора, Бебилиска тушим, аттанг. Т. Ёўлдош. Кўмир омборининг тушим пулларини дасталаб санашда отаси унга тан берадиган бўлиб қолди. Газетадан.

ТУШИРГИ шв. Ортиқча сувни оқизиб юборишга мўлжалланган махсус тарнов, мас., сув тегирмонида.

ТУШИРГИЧ Бирор нарсани тушириш, тушириб қўйиш учун хизмат қиладиган буюм, мослама. Қозон туширгич. Сув туширгич. ■ Алижон ўғит туширгични кўздан кечирди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ТУШИРМОҚ 1 Тушмоқ фл. орт. н. Ер-тўлага туширмоқ. Трамвайдан тушириб қўймоқ. Амалдан тушириб юбормоқ. Поезддан

тушириб юбормоқ. Пардани туширмоқ. Чув туширмоқ. Арзонга туширмоқ. Қўлга туширмоқ. Пенициллин иситмани туширади. ■ Муҳтарам қайин отамизга! Сиз билан мени қоронғи зиндонларга тушириб, дор остларигача тортган.. Ҳомид исмли бир тўнғизни, ниҳоят, икки йиллик саргардонлик сўнгида, ёрдамчилари билан тупроққа қориштиришга муваффақ бўлдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Танаси икки қўлочга сиғмайдиган бир тўп сада тевааракка тангадай офтоб туширмайди. Ойбек, Танланган асарлар. Бўтабой ака аввал яхши гапирди, кейин шовқин солиб, «бригадирликдан туширамыз», деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Элмурод ҳаммани мукофотга тақдим этганда, ўзини тушириб қолдирган эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Ортилган юкни ерга олиб қўймоқ, юкдан бўшатмоқ. Юк туширмоқ. Қурилиш материалларини вагондан туширмоқ. ■ [Йўлчи] Бойнинг дўкони олдида ўнларча, юзларча той газламани тушириб.. ердан шипга қадар тахлар, яна аравани миниб жўнар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор нарса билан урмоқ, солмоқ (одатда, қаттиқ, залворли нарса билан бўладиган зарб ҳақида). Мушт туширмоқ. Тош билан туширмоқ. ■ У [Роҳила] бор кучини тўглаб туриб, автоматнинг қўндоғи билан асирнинг қўлоқ чеккасига шарақлатиб туширди, А. Муҳиддин ва Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. Матпано сўйил билан битта итнинг калласига туширди. С. Сиёев, Аваз.

4 кўчма с. т. Иштаҳа билан емоқ, ичмоқ; еб-ичиб қўймоқ. Бир коса шўрвани туширдим. ■ Йигитлар дастурхонлар ёнига ўтирдилар-да, шаробларни нўш қилиб.. гўш-тларни тушира кетдилар. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Зуннуқори.. тўртта нонни чой билан паққос тушириб, энди ҳолвайтарга иштаҳа сақлаб турган эди, бир киши чақириб келди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. Хола, кўнглимдагини сезгандай, бир коса жўхори гўжа олиб чиқиб, олдимга қўйди. Яримта зогора нон билан тушириб олдим. С. Сиёев, Ёруғлик.

5 Ўқиб ёки оғзаки, ёдаки айтиб тамомламоқ, тугатмоқ. Достонни ўқиб туширмоқ. ■ Самад бўқоқ индамай, четга бурилиб кетди. Шукур сўфи шом намози учун такбир тушира бошлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Зайниддин қўлига олган

китобни туширмагунча қўймасди. М. Осим, Сехрли сўз.

Қовун туширмоқ *шв.* Ўринсиз ҳаракат, гап ва ш. к. билан ишни расво қилиб қўймоқ, ишни бузиб қўймоқ.

ТУШКИ Туш пайтида бўладиган; туш вақтидаги. *Меъмор тушки овқат вақтида Зулфиқорни ёнига чақириб, ундан бўлган воқеани сўради.* Мирмуҳсин, Меъмор. Сидиқжон тушки дам олишдан кейин кечгача хийла дуруст ишлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУШКУН Сўниқ ҳис-туйғули, руҳи паст; сўниқ. *У бугун ҳам ҳовлимизга паришон ва тушкун бир ҳолатда кириб келди.* Ҳ. Ҳакимали, Навбаҳор. *-Вақт ўтди, — деди ҳазрат тушкун бир овоз билан.* К. Яшин, Ҳамза. *Жабборов, ундаги [Аҳмаджондаги] ўзгаришни, одатда, бир-бирига меҳрибон кишилар узоқ вақт ажралишадиганда бўладиган тушкун кайфиятнинг таъсири, деб билди.* А. Муқимов, Ғалати одамлар.

ТУШКУНЛИК 1 Тушкун ҳолат. *Ичкилик тушкунликка олиб боради.* ■ *Калладаги қора хаёлларни ҳайдаш керак, тушкунлик — энг ёмон душман.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Пўлатнинг кўзларидаги алам аралаш тушкунлиكنи кўргач.. деди: -Хафа бўлма, Пўлат.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

Тушкунликка тушмоқ Тушкун ҳолатга берилмоқ. *Иродали киши ҳаётни ҳамиша тўғри тушунади, тушкунликка тушмайди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Бундай одам ҳеч қачон тушкунликка тушмайди, нолимайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Тарихий жараёнда ривожланиш эмас, аксинча, орқага, қуйига кетиш. *Иқтисодий тушкунлик.* ■ *..бой тарихга эга бўлган Ўзбекистон фани, муайян тарихий сабабларга кўра, бир неча аср давомида тушкунлиكنи бошидан кечиради.* Газетадан.

ТУШКУР Ўзидан олдинги сўз билдирган шахсни эркалаш, суйиш ёки енгил қўйиш каби маъноларни беради; шундай муносабатни ифодалайди; тушмагур, қўрғур, қурмагур. *Бироқ қизи тушкурнинг ҳусними, ширин сузларими, ҳарқалай, Ғиёсиддиннинг тил-жағини боғлаб, қўлоғини кар, қўзини қўр қилиб қўйган эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шунинг учун [ҳожжи] ўз тарафидан Ўзбек ойим тушкурни яхшилаб энга олмоқ, юз қизартирадиган ишларида қариши чораларни кўрмак фикрига*

тушди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Вой, отаси тушкур-эй, — деди кула-кула Муса, — мен сизни сўфи, бундай ишларга эътибор қилмайди, деб юрсам, сизда гап кўп экан. Вой, отаси тушкур-эй!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУШЛИК Туш вақтида ейиладиган овқат; овқатланиш, ейиш-ичиш. *Тушликка шўрва пиширмоқ. Тушлик чой.* ■ *Боғда ишлаган колхозчилар аллақачон тушликка чиқиб, ўзларининг камтарин овқатларига Ойқизни ҳам тақлиф этдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Бўлган иш шуки, ўша кунни тушлик маҳалида Холмурод аканинг звеносида учта кетмон йўқолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТУШМАГУР *айн. тушкур.* Қиз тушмагур ўйинга уста экан. ■ *Йигитали энди жавонга яқинлашган эди, Саври хола кирди: -Мана, ўғлим, ўзингиз ажратинг, бу қўрғур иккиси-ни жигарранг дафтар, Дилнавоз тушмагур қайси бирини сўрапти экан.* С. Кароматов, Бир томчи қон. [Роқия:] *Муҳаббатингиз балодек кийим танлайди. Турғунжон акам зиёфатимга етиб келолмасалар, нима қиламан, деб ичи пишганича бор экан-да, қизим тушмагурнинг.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ТУШМОҚ 1 Юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга томон ҳаракат қилмоқ; йўналмоқ. *Ердан чиқдим, осмондан тушдим, йўлда биттаси пайдо бўлиб қолсамиз?! О. Мўминов, Хиёбондаги уч уч-рашув. Машина шундоққина Менглибойнинг ёнига келиб тўхтади-ю, ундан эшикни тарсиллатиб очиб, Ҳазратқул билан Темурбек тушди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Сен баланд тоғ уз-ра эрдинг мисли оху ёки қуш, Ёлвориб мен пастда дердим: Бир нафас ёнимга туш.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Чиқиб жойлашган, ўтирган, бўлган жойини тарк этиб, ерга инмоқ. *Самолётдан тушмоқ. Аравадан тушмоқ. Томдан тушмоқ. Автобусдан тушмоқ.* ■ *Кечирасиз, қаерда тушмоқчилар?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакат. *Вагондан энг кейин тушган.. Аҳмаджон: -Строй [саф] бўлмасдан шундай кетаверсак бўлмасмикан, — деди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Ўз жойидан чиқмоқ, қўчмоқ; чиқиб, қўчиб жойидан кетмоқ, йўқ бўлмоқ. *Сочи тушмоқ. Илоннинг пўсти тушибди. Молнинг туёғи тушибди.* ■ *Бунинг устига унинг [Нафисанинг] тиши тушган — бу ҳомиладор*

вақтида содир бўлган эди. Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. [Яра] Усти қора қўтир бўлиб қотади, у тушиб кетгандан сўнг, яна тери асли, соғ ҳолига қайтади. Газетадан.

4 Мансаб, лавозим ва ш.к. дан кетмоқ, бўшамоқ. Мен хизматдан тушгандан сўнг пиёда юриш яхши бўладими? А. Қодирий, Мехроблан чаён. ..икки ҳафтадан сўнг бўшаганича қайтиб келди. -Оқ пошшо тахтдан тушгани билан, оқ амин аминлигидан тушмапти, - деди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Мана, мудирликдан тушди-ю, хийла одамшаванда бўлиб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Мавқе, даража, қиймат ва ш.к. жиҳатдан даражаси пастлашмоқ, бўшамоқ. Шахидан тушмоқ. Ҳовридан тушмоқ. Қадри тушмоқ. Руҳи тушмоқ. ■ Факультетимиз институт бўйича умумий рўйхатда бешинчи ўринга тушиб қолибди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Дунё бозорида териларимизнинг нархи тушмаса дейман. С. Аҳмад, Юлдуз.

6 Қуйи томон йўналмоқ, қуйи сатҳдан жой олмоқ. Шаҳарга тушмоқ. Бозорга тушмоқ. Ерга тушмоқ. ■ Улар.. мажнунтоллар орасидан ўтиб, сойга тушдилар. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Кампир жавоб бўлмаганидан ҳайрон қолди, шекилли, зиналардан авайлаб қадам босиб, ҳовлига тушди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

7 Сатҳнинг бирор томони, ўрнидан жой олмоқ, унда бўлмоқ. Ялли шовқин билан «тортишмачоқ» бошланди: қиз томондан гумбаздек юм-юмалоқ хотин белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тушди. Ойбек, Танланган асарлар. Эшқобил бунақа давраларга кўп тушган. М. Ҳазраткулов, Журъат. Шамси Тўраевич унинг гапларига қулоқ ҳам солмасдан, олдинга тушганча лўмбиллаб кетаверди. Н. Аминов, Суварак.

8 Турли томоша ва б. бўладиган, кўриладиган жойга кирмоқ. Театрга тушмоқ. Циркка тушмоқ. Стадионга тушмоқ. ■ Улар фақат бир марта кинога тушишди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. У ҳордиқ оқшоми ҳаммомга тушди-ю, ходмигарлардан бирига ҳалии сўроғини берди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

9 Даволаниш, ахлоқ тузатиш ва ш.к. масканга олинмоқ, унда бўлмоқ. Қамоққа (турмага) тушмоқ. Милисага тушмоқ (с.т.) ■ У фақат бир нарсани — отаси касалхонага тушганини онасига билдирмасликни ўйларди, хо-

лос. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Эҳтимол, кўп ичиб қўйиб, ҳушёрхонага тушгандир. «Муштум».

10 Қуйи томон йўналиб, осилиб, сатҳнинг маълум нуқтасига етмоқ, ўша ўринда турмоқ. Гавҳарнинг эғнида гулдор кўк қўйлак.. қоп-қора, узун сочлари тақимиға тушиб турибди. С. Сиёев, Ёруғлик. ..Ҳирот йигитларига хос ихчамгина салла ўраб олган, салланинг зар чизикли печи елкасига тушиб турар эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Ёқимли садонинг сеҳрига берилиб, кўзлари секин юмилди, боши яна қуйроқ тушди. Ойбек, Танланган асарлар.

11 Келин бўлмоқ; эрга тегмоқ, куёвга чиқмоқ. Синглим тушган ерларга Ой бўлайин, ёр-ёр.. «Қўшиқлар». У киши менинг янгам бўлади, акамга тушган. «Гулдаста». Ҳой, Тураҳон, Тешабойга тушганингизга ҳам уч йил бўп қолди, шекилли? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

12 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган иш, ҳаракат, нарсани бажармоқ, қилмоқ маъносини билдиради. Гапга тушмоқ. Мақтанишга тушмоқ. ■ ..ҳаваскор ҳофизлар қўшиқ айтди, шўх йигитлар ўйин тушди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Кечалар тонготарга қадар Ҳалимаҳон қўшиқ айтиб, Тамараҳон рақсга тушган жойларда бўлди. «Ўзбекистон қўриқлари».

13 Шахс (кимса)да шу феъл бириккан сўз билдирган ҳолат юз бериши, унинг шундай вазиятда қолиши маъносини билдиради. Саросимага тушмоқ. Даҳшатга тушмоқ. Талвасага тушмоқ. Ҳайратга тушмоқ. ■ Бу манзарани кўриб турган ҳалойиқ бир лаҳза ҳаяжонга тушиб, саросималаниб қолди. К. Яшин, Ҳамза. Баширжон ҳам акахонининг бу сукутидан ноқулай аҳволга тушиб, лом-лим демай, унга зимдан бир қараб қўйди-да.. Н. Аминов, Суварак.

14 Борлиқда шу феъл бириккан сўз англатган нарсанинг юзага келиши, бўлиши маъносини билдиради. Оқшом тушиб, зиёфат яримлаганда, ҳовлиқиб ҳудайчи кирди. С. Сиёев, Аваз. Орага бир лаҳза жимлик тушди. С. Зуннунова, Янги директор. Улар совуқ тушиб қолмасдан кўзлаган манзилларига етиш учун толмас қанотларини бетиним силкитардилар. Газетадан.

15 Бирор иш, манбадан қўлга кирмоқ, келмоқ (пул, даромад кабилар ҳақида). Ту-

зуккина тушиб туради, яширишининг ҳожати йўқ. О. Мўминов, Хиебондаги уч учрашув. Ошиҳалолга тушадиган овқат ортиб қола бошлади. С. Сиёев, Ёруғлик. Ўғлининг қўлига пул тушди дегунча еб қўяди. «Муштум».

16 Маълум нарса, ҳаракат-ҳолатнинг бирор кимса ёки нарса учун шу феъл боғланган сўз англатган маънода бўлишини билдиради. Юлдузингиз нақ бир-бирингизга тўғри тушган экан, иккингизнинг ҳам бир-бирингиздан камлигингиз йўқ! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу ёш йигит, дунёда муҳаббатни ҳар қандай қўлфга тушадиган калитга айлантириб олган хотинлар ҳам борлигини билиб қўйсин.. А. Қаҳҳор, Асарлар. Унинг сурати ҳам асосий мақсадга, Алишернинг табиатида ҳўб мувофиқ тушади. Ойбек, Навоий.

17 Шахс учун бирор нарса қандайдир қиймат, миқдор билан тегмоқ, қўлга кирмоқ, тўғри келмоқ. Сарф-харажат эса олтиннинг ўзидан ҳам қимматга тушаётган эди. С. Кароматов, Олтин қум. Лекин ўша ўтти сизгирга едириб, қачон сут бўлишини пойлаб ўтиргандан кўра, ўтнинг ўзидан олса, ҳам арзон, ҳам осон тушаркан. Шукрулло, Сайланма. Ўзиям [беда] сув текин тушиди. Ойбек, Танланган асарлар.

18 Урилмоқ, тегмоқ (бирор нарса билан бўлган зарб ҳақида). Шу шовқин-сурон орасида Бектемировнинг қорни ва белига бир-икки тепки тушди. С. Аҳмад, Ҳукм. Бирдан елкамга тушган муштан уйғониб кетдим. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Унинг шапалоғи шарақ этиб Ғулмоннинг чап юзига тушди. М. Ҳазратқулов, Журъат.

19 Пайдо бўлмоқ, юз бермоқ. [Мадримбойнинг] Сариқ-қўнғир чўққи соқолига бирдан оқ тушди. Ж. Шарипов, Хоразм. -Жиннин урганми сени? — Аҳмад бригадирнинг юрагига ғўлғўла тушди.. С. Нуров, Нарвон. Сув қўйибман жийда майдон бурчига, Хол тушибдир келинчакнинг юзига.. «Қўшиқлар». Бу фожиа катта кемага тушган дарзга ўхшарди. Мирмуҳсин, Меймор.

20 Барпо этилмоқ, қурилмоқ. Ертўла-лар бирин-кетин йўқолиб, ўрнига уйлар туша бошлади. «Ўзбекистон қўриқлари». Сидиқжоннинг диққати.. териб қўйилган сон-саноксиз ғишга жалб бўлди.. «Шу ерга мактаб тушади» [деди хотин] А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Канал тушмасдан илгари

бир одам Шаҳрихондан тухум қўтарса, Учқўрғондан кўринарди, шундоқ яйдоқ эди. «Ўзбекистон қўриқлари».

21 Банд ҳолатга дучор бўлмоқ, илинмоқ. Тузоққа тушмоқ. Қопқонга тушмоқ. Тўдадан ажралган тўрга тушар. Мақол. ■ Бобур Шайбонийхоннинг қўлига тушса, тирик қутула олмаслигини билади. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар. Орқа томонидан ўқ ёғдирилаётганига Дурди қилич хайрон: «Наҳотки қуршовга тушиб қолдик», деб гаранг эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

22 Олинмоқ, берилмоқ (хат, ариза ва ш.к. ҳақида). Тингловчилардан савол тушди. Илтимос тушди. Таклиф тушди. ■ Орадан кўп ўтмай.. редакцияга шундай хат тушди. «Муштум». Мажлисга.. яна ўн тўққиз кишидан ариза тушди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

23 Ўзга учун сарф-харажат қилмоқ, шундай сарф-харажатга илинмоқ. Хотин киши эрига хушомад қилди.. билинги, каттароқ бир нарсага туширмоқчи. С. Сиёев, Отлик аёл. ..ҳали битта морозний эмас, лимонадга ҳам тушасиз.. Мирмуҳсин, Умид.

24 қўм. фл. өзф. Ҳаракатнинг қўққисдан, қутилимаганда бажарилиши маъносини билдиради; маънони кучайтиради. Чўчиб тушмоқ. Қоқилиб тушмоқ. Бу сўзлар унга ёқиб тушди. ■ -Аҳмаджон ога, — деб чақирганини эшитди. Юраги бир сачиб тушди. С. Сиёев, Аваз. Унинг калтагина мўйлови, қоп-қора қоши ўзига ярашиб тушган. Ҳ. Шамс, Душман.

Асир тушмоқ Бандилик ҳолатида бўлмоқ, душман қўлига тушмоқ. **Айри тушмоқ қ. айри.** Қўзи хира тортиб борарди, Айри тушиб ёруғ оламдан. Х. Даврон, Болаликнинг овози. **Бош(и)га тушмоқ** 1) қисматда тўғри келмоқ, хоҳиш-ихтиёрдан ташқари ҳаётда дуч келмоқ, тўғри келмоқ. Бошга тушгани кўз кўрар. Мақол. ■ Низомжон ўз бошига тушадиган савдоларнинг худди шу дақиқадан бошланишини қаёқдан билсин. С. Аҳмад, Уфқ. Дунёнинг ишлари шунақа экан, дўстим. Бошингизга тушган ишларнинг ҳаммасидан хабарим бор. К. Яшин, Ҳамза; 2) айн. **бўйнига тушмоқ.** Ўн беш яшар чоғимда, Рўзғор бошимга тушди. «Оқ олма, қизил олма». **Бўйнига тушмоқ қ. бўйин.** Шундай қилиб, мовут менинг бўйнимга тушиб турибди, денг?! С. Зуннунова, Янги директор. **Ёдига тушмоқ** Ҳаёлида

(ёдида) қайта тикланмоқ. -Онамни хафа қилганим ёдимга тушди, — деди хотини яна кўзига ёш олиб. «Гулдаста». **Ёнига тушмоқ** 1) ёнига ўтмоқ. ..кўзларини ерга бир лаҳза қадаб турди-да, кейин шартта ҳалиги йигитнинг ёнига тушиб, ўйнаб кетди. К. Яшин, Ҳамза; 2) тарафини олмоқ, ҳимоя қилмоқ, ёнини олмоқ (яна қ. ён). **Зиммасига** (ёки **бўйнига**, **гарданига**, **елкасига**, **устига**) **тушмоқ** қ. **зимма**. Тўйдан кейин бойбуванинг хизматини икки кишилашиб қилди: ташқаридаги юмушлар Холбойнинг, ичкаридагилари эса янги келинчақ зиммасига тушди. К. Яшин, Ҳамза. **Шартнома** мазмунига кўра, сизнинг гарданингизга тушадиган бир кўп чиқимларни мен ўз зиммамга олдим. Ойбек, Танланган асарлар. **Изга тушмоқ** қ. **из**. Шу тариқа мактабда ўқиш-ўқитиш ишлари мустаҳкам изга тушиб кетди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Кейин ҳаёт яна ўз изига тушади. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса. **Изига тушмоқ** қ. **из**. Демак, Бадианинг изига тушганлар бор экан, бўлмаса, унинг қиз бола эканини авлиёдан бўлак ҳеч ким билмас эди. Мирмуҳсин, Меъмор. **Ишга тушмоқ** Янгидан ёки маълум муддат ўтказиб қайтадан ишлай бошламоқ. Завод ишга тушди. **Иши тушмоқ** қ. **иш**. Одамзоднинг ҳамма вақт бир-бирига иши тушиб туради. С. Зуннунова, Янги директор. **Ичи тушган** Пишиб ўтиб кетган, пўла (асосан, қовун ҳақида). Танишимнинг ўғли бўлганин учун ҳам сўйлаб, қовунингни олдим.. **Бари йўлда ури-ниб, ичи тушган**. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. **Ишқи тушмоқ** қ. **ишқ**. Бунинг чиройли-лигига Тожибой оқсоқолнинг ҳам ишқи тушиб қолган. П. Турсун, Ўқитувчи. **Йўлга тушмоқ** қ. **йўл**. Юк машинаси чангни иккига бўлиб, йўлга тушди. Н. Қобил, Беморлар. Уни биров айнитдими, меҳнатдан совиб.. саёқлик йўлига тушдими, билмайман. Ойбек, Танланган асарлар. **Саводсизликни туғатиш бўйича ўқиш бир қадар йўлга тушиб олди**. К. Яшин, Ҳамза. **Кўнгли жойига тушмоқ** қ. **кўнгли**. Унинг кулаётганини кўриб, Зойиржоннинг кўнгли жойига тушди, шекилли, қаршисидаги стулга ўтирди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Энди синглингнинг акасини топиб кел, ўргилсин онанг. Кўрсатмасанг, кўнгли жойига тушмаяпти. Н. Сафаров, Оловли излар. **Назарга тушмоқ** Ўзтибор қозонмоқ, назар-эътиборда бўлмоқ. **Интизоми яхши, ишига ҳам бажонидил киришади-ю, назарга**

тушмайди. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Назардан тушмоқ** Назар-эътибордан қолмоқ, обрў-эътиборини йўқотмоқ. **Дастлабки кунларда қишлоқ аҳолисининг диққати жалб бўлган янги домла бора-бора назардан тушиб қолди**. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Терга тушмоқ** Тер босмоқ, қаттиқ терламоқ. **Отлар терга тушиб, кишнаганлари-ча йиқила бошлади**.. М. Осим, Аждолларимиз қиссаси. **Тил(и)дан тушмаслик** Бирор кимса ёки нарса ҳақида доим гапирмоқ, эса олиб гапирмоқ. **Фаттоҳ** полвоннинг қизи Ҳурихон кўзга чалиниб, қирқбулоқлик йигитларнинг тилидан тушмай қолди. А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

ТУШОВ 1 Узоққа кетиб қолмаслиги учун от-улов ва молларнинг олдинги икки оёғини маташтириб боғлайдиган арқон ёки мослама. **Искандар эса кўрпачада ётганча, бедаси ўрилган пайкалда тушовини судраб, ҳақ-(к)ачаклаб юрган эшакдан кўзини узмасди**. С. Нуров, Нарвон. **Худоёров** отнинг тушовини ечиб минди-ю, орқасига қарамай, жўнаб қолди. О. Қўчқорбеков, Чўпон.

2 кўчма Умуман, эркин ҳаракатланишга қўймайдиган, уни «боғлаб қўядиган» нарса. **Айтадиган гапим йўқ, бир зум чайналиб туриб, қутилмаганда Ошино берган ваколат ёдимга тушди-ю, тилимнинг тушови ечилди**. М. М. Дўст, Лолазор.

Оёққа тушов бўлмоқ Эркин ҳаракатланишга тўсиқ бўлмоқ, имкон бермаслик. ..ўз вақтида олиб кетмаганимиз учун ўғит оёғимизга тушов бўлди. «Муштум». **Эшагига** (ёки **уловиға**) **яраша тушови** Бир-бирига яраша, мос, муносиб, монанд каби маъноларни ифодалайдиган ибора. **Эшагига яраша тушови демоқчиси-да?** Уйғун, Сўнгги пушаймон. **Баракалла, уловиға яраша тушови деганларидек.. техникадан қийинчилик тортгани учун дард қолишяпти булар**. Й. Шамшаров, Довруқ. **Эшагидан тушови қиммат** Ўзидан абзали, керак-яроғи қиммат ёки харажатни қопламайди деган маънода ишлатиладиган ибора. **Бутун иш кетмонда бажариларди. Натижада эшагидан тушови қимматга тушарди**. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ТУШОВЛАМОҚ 1 Тушов билан оёқларини боғламоқ, оёғига тушов солмоқ. **Қўрдан ташқаридаги майдонда икки туя ёнма-ён чўктирилиб, тиззалари чилвир билан боғ-**

ланган ва икки эшак тушовлаб қўйиб юборилган эди. С. Айний, Куллар. *Отларни тушовлаб, ўтга қўйиб келаётган Шербек узоқдан: -Хорма, Сувонжон! — деб қичқирди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 кучма Эркин ҳаракатлана олмайдиган қилмоқ, измига бўйсундирмоқ. *Орамизда ҳеч нарса йўқлигини, бошқалар билмаса ҳам, сиз биласиз. Энди ўша ёлгон гап-сўзлар билан мени тушовлаб олмоқчимисиз? П. Қодиров, Қалбади куёш. Иброҳимбек мийиғида кулумсиради. Кулумсиради-ю, йигитни баҳарҳол тушовлаб олгандек тўйди ўзини. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

ТУШОВЛИ с. т. Тушов солинган, тушовланган. У [Саман] яна устма-уст кишнади. Тушовли бўлса ҳам, анча жойгача сакраб-сакраб борди. Н. Фозилов, Тушовли той.

ТУШ-ТУШ Ҳар томон, атроф, теварак. *Онги кетиб қолди турган одамлар, Туш-тушига қоча берди ёронлар. «Очилдов». Туш-тушидан йиғилишиб келайик, Танимасин бизни душман халойиқ. «Гулихиромон».*

ТУШУМ Савдодан ёки, умуман, ҳар қандай ишдан тушган пул, даромад. *Магазиннинг бир кунлик тушуми. ■ Имоматчиликнинг тушуми ўзингизга маълум бу замонда. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. ..у ёғингиздан кириб, бу ёғингиздан чиқиб, кундалик тушумнинг ўндан тўққизини уриб қолмоқда. Газетадан.*

Тушум келишиги тлш. «Кимни?» ёки «нимани?» сўроқларига жавоб бўладиган, ҳаракат йўналган объектни билдирадиган келишик тури, шакли. *Китобни олмоқ.*

ТУШУНАРЛИ Тушуниш мумкин бўлган, тушунса бўладиган; аниқ, равшан, англашилари. *Тушунарли вазифа. Тушунарли қилиб гапирмоқ. ■ Аҳмаджонов мақолани боплаган-да: ҳам тушунарли, ҳам ишонарли. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

ТУШУНГАН 1 Тушунмоқ фл. сфдш. *Тушунган бўлсангиз, айтиб беринг.*

2 Воқеликни, ижтимоий ҳаётни, ўз бурчи ва ш.к. ни яхши биладиган, онги баланд, онгли, билимли. *Ўз хотинингизни шундай дегани уялмайсизми.. ким сизни тушунган одам дейди?! Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. Мунча жеркаси, улуг. Албатта, сизларнинг.. илмингиз бор, тушунган кишиларсиз. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ТУШУНИКСИЗ кам қўлл. Тушунилиши, англаш қийин бўлган. *Норхўжа тушуниксиз бир тарзда гўлдиради. Э. Усмонов, Ёлқин.*

ТУШУНМОВЧИЛИК Тушуниб етмаганлик ёки тўғри тушунмаганлик туфайли келиб чиқадиган хатолик; англашилмовчилик. *Бу ерда андак тушунмовчилик борга ўхшайди. ■ Жўра дик этиб ўрнидан турди.. Йигиталига яқинлашиб: -Калитни бер, оғайни, энди бир тушунмовчилик қилиб қўйибмиз, юқоридагиларга айтиб юрма, — деб ялинди. С. Кароматов, Бир томчи қон. Тегишли ташкилотлар, муассасалар редакция сўровлари-га, хатларга ўз вақтида жавоб йўллаганларида, кўнгина тушунмовчиликларнинг олдини олиш мумкин бўларди. Газетадан.*

ТУШУНМОҚ 1 Бирор гап, иш-ҳаракат, имо-ишора ва ш.к. нинг маъно, мазмунини англамоқ. *Ҳамма гапларингизга тушундим, жуда тўғри. Мирмуҳсин, Меъмор. Шерали узоқдан бир ерга тўплаб қўйилган кетмонларни кўргач, гап нимадалигини тушунди. С. Кароматов, Олтин қум. -Бу ҳолни қандоқ тушунмоқ керак, — Меъмор шогирдининг кўзларига қаради. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 Ҳақиқий ҳолни англамоқ, билмоқ, унга баҳо бермоқ. *Ўз мавқеини яхши тушунмоқ. Вазиятни тушуниб иш кўрмоқ. ■ Энди, келин, ўзинг тушунасан, юртда очарчилик, ошхалолга боқади-да ўғлинг. С. Сиёев, Ёруғлик. -Мен сизнинг аҳволингизни тушунаман, — деб гап бошлаган эди, аёл шартта кесди.. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.*

3 Нарсаларнинг сифат даражаси ёки белгисини яхши фарқлай олмоқ, ажрата билмоқ, фарқига бормоқ; тилини билмоқ. *Дарҳақиқат, пахтани тушуна оладиган, ерни биладиган тажрибали раиссан. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Эртасига от оғриб қолса бўладими! Капалагим учиб кетди. Яхшики, мендан бўлак ҳеч ким пайқамади. Ҳўжайиним отни тариқча тушунмайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Мазасига тушунмоқ Бирор нарсага одаланиб қолмоқ, мазаҳурак бўлмоқ. *Сен юборган пулнинг мазасига тушундим, бўлди, ҳафтада, ойда пул сўрайверади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТУШУНТИРИШ 1 Тушунтирмоқ фл. ҳар. н. -Менимча, — деди Мўттихон ўйчанлик билан, — аввал қизга тушунтириш керак. С. Зуннунова, Гулхан.

2 Бирор гап, ҳужжат ва ш.к. нинг маъносини очиш, ойдинлаштириш учун берилган оғзаки ёки ёзма изоҳ, шарҳ. *Тушунтириш хати. Олий Мажлиснинг фармонлари ва тушунтиришлари.*

ТУШУНТИРМА Тушунтириш хати, тушунтириш; уқтириш. *Эртасига Комилжон, Анорхон ва Эрназар акаларни.. нима учун агротехника қондаларини бузиб, ўзбошимчилик қилганлиги ҳақида тушунтирма ёзиб беришни сўрадилар. И. Раҳим, Ихлос.*

ТУШУНЧА 1 Нарса ва ҳодисаларнинг мантиқан ажратилган муҳим белгиларини, алоқа ва муносабатларини умумлаштириб акс эттирувчи умумий тасаввур; тафаккур шакли. *Сўз туркумлари ҳақида тушунча. Материя ҳақида тушунча. Қўшимча қиймат тушунчаси.*

2 Умуман, нарсалар, ҳодисалар ҳақидаги тасаввур, тушуниш. *Қишлоққа янги замоннинг янги одамлари келар ва.. янги ном, янги тушунча олиб келадилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Кейинги кунлар унинг [Абдулаҳаднинг] ҳаёт ҳақидаги барча тушунчаларини остин-устин қилиб, ўзгартириб юборди. А. Мухтор, Чинор. Халқ тушунчасига, ҳажга бориб, «табаррук» бўлиб келган кишининг қўлидан бу хил пасткашликлар келмас, агар келса, у асил ҳожи эмас, ёлгон ҳожи деб қаралар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Онглилик даражаси, онг. *Сиёсий тушунча. ■ Бизнинг мақсадимиз — кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата оладиган бўлсин! П. Турсун, Ўқитувчи.*

4 Инсоннинг билим ва тасаввурлари даражаси; савия. *Тушунчаси паст одам.*

ТУШУНЧАЛИ 1 Бирор тушунчага эга бўлган, биладиган, савияси кенг. *Тушунчали одам.*

2 Онги баланд; онгли. *Тушунчали курашчи.*

ТУШУНЧАСИЗ 1 Бирор тушунчага эга бўлмаган, ҳеч нарса билмайдиган, савияси паст. *Тушунчасиз одам.*

2 Онги йўқ ёки паст; онгсиз.

ТУШЬ [нем. Tusche — ранг, бўёқ] Қора ёки бошқа рангда махсус равишда тайёрланган, узоқ вақт рангини йўқотмайдиган суюқ бўёқ (чизмачилик, расм солиш ва муҳим хат-ҳужжатларни ёзиш учун ишлатилади). *Қора тушь. Қизил тушь. ■ Баъзи эстамплар кўпинча у ёки бу йўл билан сиёҳ*

ёки тушда тасвирланмоқда. Газетадан. Шуккур Каримович Умид дипломини қўлига олиб, тушь билан ёзилган фамилиясини ўқиди. Мирмуҳсин, Умид.

ТУЮЛМОҚ қ. **туйилмоқ** II. *Набижонга қизнинг овози шу қадар майин, шу қадар ширали туюлдики, кўнгли унга сенинг излаганинг, ўйлаганинг мана шу қиз, деяётгандай эди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Мана шу юпқа лаблардан бир ўпич олиш эришиб бўлмайдиган бахтдек туюларди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ТУЮР шв. Бўлак, бурда. *Кейин гўшт туюрларини юлғун бутуғига ўтказиб, устига тоқчадан топилган туздан сениб, ўтга тоблай бошлади. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Бир туюр гўшту макорон солиниб қайнатилган шулон шўрва.. жонингизга тегиб кетади. Ш. Холмирзаев, Сайланма. Қайсар дегани ўлсин, Бир туюр нон бермади. «Ойсулув».*

ТУЮҚ ад. Сўз ўйинига, кўпинча тажнис қофиясига асосланган, тўрт сатрдан иборат шеър; шеърӣ жанр. *Навоӣй туюқлари. ■ Туюқларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш амри Маҳол. Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.*

ТУЮҚСИЗДАН шв. Тўсатдан, кўққисдан, бирдан. *Мунисхон тўтпонча билан муомала қилишни билмас экан-да, оғзини ўзига қаратиб туриб, туюқсиздан тепкисини босиб юборибди. А. Қаҳҳор, Сароб. Бирови айтди: Биз туюқсиздан кўчсак, қаерга борамиз? «Ёдгор».*

ТУЯ Бир ёки икки ўрқачли, жуфт туёқли, асосан, юк ташиш учун хизмат қиладиган, сувсизликка чидамли сўтэмизувчи иш ҳайвони. *Туяларни ҳақли равишда саҳро кемалари деб аташади. Газетадан. Баъзи кунлари [Йўлчи] кўмир саройга тушиб, кўмир, таппи, хашак келтирган қозоқларнинг туяларини харидорнинг уйига етаклайди. Ойбек, Танланган асарлар. Сувсизликни туя кўтаради.. А. Қаҳҳор, Мастон.*

Бақироқ туянинг бори яхши Оила, жамоа қабиларда тергаб, куткилаб йўлга солиб турадиган ота-она, раҳбар, ёши улуг кишига нисбатан қўлланадиган мақол. *Бақироқ туянинг бори яхши, дейдилар. Ота-она борлигида болалар бир-бирлари билан аҳил бўладилар.. И. Аҳмедов, Огир операция. Камбағални туянинг устида ит қопар Камбағал, ночор шахснинг иши юришмаслиги, ҳар*

қандай шароитда ҳам унга нимадир панд беришини билдирадиган мақол. *Камбагални туя устида ит қопсин экан-да?! «Муштум».* **Нонини туя қилмоқ** Бировнинг нарсаси, улуши ва ш.к. га шерик бўлмоқ, ундан ўмармоқ. *Ишонамизки.. гўдаклар нонини туя қилиб келаятган Унсин Болтабоевани оғир ташвишдан тез халос этиб, у билан узил-кесил гаплашиб қўядиган марди майдон топи-лур.* Ш. Тоҳиров, Тешпик томоқ. *Қачонгача маҳалла ҳисобига кайфу сафо қилиб, халқ нонини туя қиладилар.* Газетадан. **От билан туя бўлармиди** У қадар катта, кўп эмасликни билдирувчи ибора (сумма, нарса ҳақида). *Жонфигон мукофотни ўз гази билан ўлчагани учун бунга ҳам унча нарво қилмабди — олган мукофотига «от билан туя бўлармиди», деб-ди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **Туя гўшти еган** Бирор иш, нарсанинг битиши, амалга ошиши жуда судралиши, чўзилишини қайд этувчи ибора. *Туя гўшти еган театр.* «Муштум». **Туя кўрдингми — йўқ қ. кўрмоқ.** *Туя бўлса ҳам, думини кўрсатмай ютиб юбориб, туя кўрдингми — йўқ, деб безрайиб тураверадиганлар чиқиб қолди.* «Муштум». **Туя чўкса, жой топар** Ўтирувчилар тигиз, зич бўлган ҳолатларда яна бошқа кимса ўтиришни хоҳласа, жой топилишини, сиғишини қайд этувчи ибора. *Эшикдан бирин-кетин одамлар кирар.. сўнгга «туя чўкса, жой топар» қилиб, у ер-бу ерга сиқилиб ўтирардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Туя ҳаммомни ҳавас қилгандай** Ўзига хос ва мос бўлмайдиган, ярашмайдиган уриниш, интилиш, орзу қилиш ҳолатига нисбатан қўлланадиган ибора. *Туя ҳаммомни ҳавас қилгандай, сенга ким қўйибди бундай ишларни.* ■ *Раислигинг ўзингга буюрсин. Мен туя эмасманки, ҳаммомни орзу қилсам.* Т. Малик, Ажаб дунё. **Туяни ютиб, думини кўрсатмайди** Ҳар қандай катта (кўп) нарсани ҳам ўзлаштириб, ундан нишон, из қолдирмасликни билдирувчи ибора. *Ҳозир у томоғининг қуртини ўлдириш учун туя бўлса ҳам, думини кўрсатмай ютиб юборишдан тоймайди.* «Муштум». *Туяни ют, лекин думи оғзингдан кўришиб турмасин.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Туянинг думи ерга текканда (ёки етганда)** Рўёбга чиқмайдиган, амалга ошмайдиган иш, куруқ ваъда эканликни билдирувчи ибора. *Ҳасан сўфи: -Сув чиқади-ю, лекигин бойга яраша чиқади. Бу сувдан бизга туянинг думи ерга етганида тегади, — деди.*

М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ҳайт деган туяга мадор** Кичиккина ҳисса, ҳатто бир оғиз сўз ҳам ёрдам бўлишини қайд этувчи мақол. *Иш сенсиз тўхтаб қолмайди, аммо ҳайт деган туяга мадор, — деди..* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ.

ТУЯДАЙ, -дек 1 Туя сингари, туяга ўхшаш. *Ўзинг-чи? Гулзорга бўйин чўзган туядай, ҳар аёлга суқланасан! Ойбек, Қуёш қораймас. Кўндаланг культивация ҳозир сув билан ҳаводай зарур. Шу бўлмаса, қалин кўчатларни гармсел уради, туллаган туядек яйдоқ бўлиб қолади.* И. Раҳим, Ихлос.

2 кўчма Катта, улкан. *Менинг гуноҳим игнанинг учидай бўлса, сизларнинг айбингиз туядай.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қўрққан олдин мушт кўтарар қабилиданми.. ҳарқалай, оғзидан туядай-туядай гаплар чиқиб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор.

ТУЯКАШ Ўз туясида киракашлик килувчи ёки кимсанинг туясини ҳайдовчи киши. *Туякашлар катта қоплардаги галлани елкаларига чапдастлик билан олиб, бизнинг омборга бўшатавердилар.* Ойбек, Болалик. [Мир-карим] *Уч ой юргач, яна туз ташувчи туякаш карвонлар билан киши билмас бўлиб Тошкентга келиб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТУЯКАШЛИК Туякаш иши, касби. *Туякашлик қилмоқ.*

ТУЯМОҚ кам қўлл. Юкламоқ, ортмоқ. *Том бошини шуваганда кўрганам бор, Қонга ўтин туяганда кўрганам бор.* А. Мухтор.

ТУЯПАЙПОҚ Чўл ва адирларда ўсалиган паст бўйли сершоҳ бута. *Кўм-кўк япалоқ баргларидан тортиб қувача нусха гунчаларигача тиканак.. кўнғир туяпайпоқ.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

ТУЯСАНДИҚ Катта сандиқ. *Калитини Ҳожиди бобо белбоғидаги ҳужранинг калити, дарвозанинг калити, уйнинг калити, туясандиқнинг калити.. ва бошқа калитларга қўшиб қўйди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ТУЯТИШ бот. 1 Дони йирик, йирик донли (анор, буғдой ҳақида). *Патнисдаги новотранг ҳусайни, оқ, қизил олмалар.. чўл шамолида тарс-тарс ёрилган туятиш анорлар чироқ шўғласида анвойи товланарди.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

2 Хўраки, майизбоп, ғужуми йирик, думалоқ, сарғиш-яшил узум нави.

ТУЯТОВОН Кумликларда ўсадиган, ўт, бута, чала бута кўринишидаги кўп йиллик

Ўсимлик тури. Қовжираган туятовоннинг нимататир ҳиди шошқалоқ кузнинг омонатлигини эслатади.. ёвшанлар, шувоқлар, тиканлар ва туятовондек қумга хос ўсимликлар бу саҳронинг табиий кўринишларидан бирини ташкил қиларди. С. Айний, Қуллар.

ТУЯЧИ 1 айн. **туякаш**. -Кеч билан бозорни олиб, сомон сотиб қайтган туячининг туясига иккита-иккита мингашиб, Эшонбозорга қараб йўл солдик, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Туячилик билан шуғулланувчи киши, туячилик мутахассиси.

ТУЯЧИЛИК 1 Туячи иши, касби; туякашлик.

2 Чорвачиликнинг туя боқиш, уларни кўпайтириш, шу асосда чорва маҳсулотлари етиштириш иши билан шуғулланувчи соҳаси. **Туячилик фермаси**. ■ Устюрт қорақўлчилик ва туячилик янада тараққий этадиган ҳудуд ҳисобланади. Газетадан.

ТУЯҚУШ Уча олмайдиган, аммо жуда тез югурадиган, иссиқ мамлакатларда (асосан, Африкада) яшовчи йирик қуш.

ТУҶ тақл. с. Каттиқ нарсаларнинг урилишидан ҳосил бўладиган бўғиқ товушни билдиради.

ТУҶҚАН 1 **Туғмоқ** фл. сфдш. Беш бола туққан хотин. ■ Онангиз сизни нима учун туққан? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Туғишган қариндош, тувгон. Ёт егунча, туққан ўлгунча. Мақол. **Туққан-туққан топишар, ётга бало ёпишар**. Мақол. ■ -Зулм? — бой елкасини қисди ва қутуриб бақирди, — сан нонкўрсан, ман сани туққанним, жигарим, дедим. Овқат бердим, кийим бердим, бу — зулм эмиш. Ойбек, Танланган асарлар.

ТУҶ 1 Мусулмонларнинг ёғоч дастага ўрнатилган кўтос, ҳўкиз ёки от думидан ва ярим ой тасвиридан иборат байроқсимон белгиси (қадимдан Шарқ мамлакатларида ҳукмдорлик, беклик ва ш.к. белгиси ҳисобланган). У кўчанинг нариёғидаги бир авлиёнинг соғонаси устига ўрнатилган туғни кўрди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 эск. Байроқ, алам. Ё бирор жаҳонгир, юрт таловчининг Унутиб қолдирган муҳҳиш туғидир. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

ТУҶА қ. тўқа. Бисмилло, деб тортти Ғирот белига, Ярашиққа тилла туға, айилни. «Гулихиромон».

ТУҶАЛОҚ Кўп бола туғадиган, бола-лайдиган. **Туғалоқ мол**. ■ Ёмғир ёғалоқ, эчки туғалоқ.. «Кўшиқлар».

ТУҶАСИ кам қўлл. айн. **туғма 1**. Туғаси соқов. ■ Қозоқ билан қадимдан қондош, Туркман билан туғаси жондош. Миртемир.

ТУҶДИРМОҚ 1 **Туғмоқ** фл. орт. н. Бир томонда хотин-қизлар.. қўй соғмоқда,.. иккинчи томонда эркалар: қўллар, қарол ва чўпонлар қўй туғдирмоқда. С. Айний, Қуллар.

2 кўчма Юзага келтирмоқ, пайдо этмоқ, яратмоқ. **Ишонч туғдирмоқ**. **Хавф туғдирмоқ**. **Имконият туғдирмоқ**. **Фикр туғдирмоқ**. **Иш учун шароит туғдириб бермоқ**. ■ Бу шоду хуррамликни туғдирган яна ўша сув эди. Сув, албатта, сув! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТУҶДОР 1 дин. Туғи бўлган, туғ ўрнатилган. **Туғдор мазор**.

2 эск. Байроқ кўтарган киши; байроқдор. **Олдингда отланар туғдору сардор, Ёлғиз юриб сарсон бўлмоқ не даркор**. «Муродхон».

3 эск. Аскаррий қисм, давлат ва ш.к. нинг байроғини сақловчи лавозимли киши; байроқдор. **Амалдорлар барин чақириб олади, Туғдорларман кўп маслаҳат қилади**. «Алпомиш».

ТУҶДОҚ шв. Тувдоқ, тувалоқ.

ТУҶЁН 1 Тошқин, сув тошқини.

2 кўчма Кучли ички туйғу-кечинмалар тўлқини; зўр ғалаён, ғулғула. **Шодлик туғёни**. **Туғён қилмоқ (урмоқ)**. ■ Раёно чуқур ўйлаб қолди. Ҳафиза юрагида қайнаётган ҳислар туғёнини шундоқ юзидан сезиб турарди. Мирмуҳсин, Умид. **Чағалайдай чарх уради Бетинч ўйларим, Туғён ичра жим кезаман Денгиз бўйларин**. Э. Воҳидов. **Дилда ёшлик ҳисси туғён қилади Уриклар кўпириб гуллаган дамда**. Уйғун. **Эҳтирос туғён урганда, ақл чироғи хиралашади**. Т. Жалолов, Олтин қафас.

3 кўчма Ғалаён, исён. **Нур ва маърифат сари талтинганлар, ҳақсизликка қарши туғён кўтарганлар амир зиндонининг абадий маҳбуслари бўлган**. Газетадан.

ТУҶИЛМОҚ 1 **Туғмоқ** фл. ўзл. н. Чала туғилган бола. **Бир онадан туғилган ака-ука**. **Ишчи оиласида туғилган киши**. ■ Бир онадан алвон хил бола туғилади деганларидек, Анварнинг яратилиши оғаларига нисбатан бошқача эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Биз теги олтинсойлик бўламиз. Мен ҳам шу ерда туғилганман. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўча Юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ. Бизда бир фикр туғилди. Унда нотўғри та-ассурот туғилибди. ■ Журналнинг номи «Маориф ва ўқитувчи» эди. Адолатнинг кўнглида уни ўқишга иштиёқ туғилди. С. Зунунова, Гулхан. Мутасил олиб борилган изланиш ва тадқиқотлар натижасида гриппни қўзғатувчи омилларни аниқлаш имконияти туғилди. «Фан ва турмуш».

ТУҒИШГАН 1 Туғишмоқ фл. сфдш.

2 Бир ота-онадан туғилган. Туғишган она-сингиллар. Туғишган ака-ука. Чин дўст туғишганинг билан тенг. Мақол. ■ Бу уйда Гулнор опам учун сочим оқаргунча хизмат қилишни истар эдим. У мени туғишган онадан афзал севади. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Яқин қариндош. Сизлар менга туғишганларимдан ҳам азиз бўлиб қолдингиз! Ҳ. Фулом, Машғал. Колхозчиларнинг каттасию кичиги, эркасию аёли унга туғишгандай яқин эди. Ойбек, О.в. шабадалар.

ТУҒЛИ Туғи бор, туғ ўрнатилган; туғ кўтарган. Қанчаси пиеда, ботирлар отли, Нечови кўтарган туғли байроқни. «Баҳром ва Гуландом».

ТУҒМА 1 Кишида туғилишданоқ пайдо бўлган, аслида бор бўлган. Туғма соқов. Туғма оқсоқ. Туғма касаликлар.

2 Табиий ҳолда мавжуд бўлган. Туғма минераллар. Туғма элементлар.

3 Туғилишдан бирор иш-фаолият учун яратилган, шундай хусусиятга эга бўлган. У республикада хизмат кўрсатган, атоқли ўқитувчи, болалар руҳини яхши биладиган туғма педагог. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

Онадан туғма Онадан янги туғилган(дай). Бу ўзгаришдан кейин онадан туғма бўлиб енгил тортди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳаммом ўзи шунақа жой, ҳаммани онадан туғма қилиб қўяди. С. Аҳмад, Сайланма.

ТУҒМОҚ 1 Бўйида, қорнида бўлган болани, ой-кунни етгач, дунёга келтирмоқ. Уст-устига эгизак туғмоқ. Хотини ўн йил мобайнида икки қиз, бир ўғил туғди. ■ Ғанижоннинг хотини туғмай юриб-юриб, бирданига қўчқордай ўғил туғиб берди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Гулсумбиби қизини нари итарди.. пешонасига уриб йиғлади: -Кошки ўлсам!

Кошки ажал кела қолса!.. Куйдирдинг, нега туғдим сени? Ойбек, Танланган асарлар.

2 Болаламоқ (ҳайвонлар ҳақида). Сигир иккита туғибди. Қўй туғибди. ■ Оқпош-шонинг овчи итларидан яна биттаси туғибди — суюнчи йиғилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 шв. Тухум қилмоқ. Тавба, товукдан аҳмоқ жонивор йўқ — мояк қўйсанг, туғади. А. Қаҳҳор, Асарлар.

4 кўча с. т. Фойда келтирмоқ; кўпаймоқ. Вой нодон одамлар!.. Билишмайдики, пул болалаб туради, индамасдан туғади, чақалоқлари инғаламайди. Ойбек, Танланган асарлар.

Иккитани (ёки тўрттани) туғмоқ с. т. Кимсани кутиб, ортиқ хавотир бўлмоқ. Сен келгунча, тўрттани туғдим. **Кун(и) туғди** Кимсанинг кўнглидаги ишини, хоҳлаганини қилиши мумкин бўлган кун, пайт, шароит келди. Қор ёғиб, чанғичиларнинг куну туғди. ■ Ёз ҳам ўтди, куз ҳам келди, қишлоқ чорбозорчиларининг куну туғди. С. Абдулла, Мавлавий Мирсидиқнинг ижодлари. **Ой туғди 1)** янги ой бошланди. Ой туғиб, мўлжал яқин етди. А. Қодирий, Ўтган кунлар; **2)** янги ой кўринди. Қибла бетдан бир ой туғиб келади, Ойнинг гирдин тўртта юлдуз олади. «Алпомиш».

ТУҒРО эск. кт. 1 Китоб ёки унинг фасллари бош саҳифасида, сатр бошида икки-уч ҳарф қўшилмаси тарзидаги безакли ёзув.

2 тар. Подшоҳларнинг ёрлиқ, фармон ва ш.к. ҳужжатлар тепасига қўйиладиган, уларнинг унвон ва амалларини кўрсатадиган безакли ҳарфлардан иборат белгиси.

3 айн. **герб.** Халқимиз катта даврада пахта байрамини бошлаган куну республикамининг туғросида яшнаб турган шу чаноқни бошимиз узра баланд кўтариб, жаҳонга кўз-кўз қиламиз. Ҳ. Нуъмон, Чаноқ. Юртнинг байроғи, унинг туғроси қанчалар эзгу ҳурматга сазовор бўлса, унинг мадҳияси ҳам шунчалар жарангдор. Газетадан.

ТУҒУРУҚ 1 Ҳомиладорликни якунлайдиган мураккаб физиологик жараён; аёлнинг фарзанд кўриши, туғиш.

2 этн. Фарзанд кўриш муносабати билан ўтказиладиган маросим; бешик тўйи. Энди у.. сават-сават кулчалар, баркашларда ошлар, совға-салом билан, бутун қоидага му-

вофиқ, тўйларга, азаларга, туғуруқларга бориб келади. Ойбек, Танланган асарлар.

ТУГУРУҚХОНА Ой-куни яқинлашган оналарни қабул қилиб, уларга туғиш пайтида ва ундан кейинги бир неча кун давомида тиббий ёрдам кўрсатадиган махсус тиббиёт муассасаси. *Туғуруқхона остонасини ҳатлаб ўтган мўтабар аёл ўз тақдиридан кўра кўпроқ бўлажак фарзанд иштиёқи билан ўртаниб ёнади.* Газетадан.

ТУҲМАТ [а. تہمت — айблаш, айблов] **1** Бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган асоссиз даъво; бўҳтон. *Туҳмат қилмоқ. Туҳмат ёғдиrhoқ. Туҳмат тош ёради, Тош ёрмаса, бош ёради.* Мақол. ■ -Нега эринга хат ёзмайсан? -Вой бундан бўлак ҳам туҳмат борми? Нега хат ёзмас эканман. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Уйинг куйгурда икки ой қадар ишладим. Кейин ҳайдади. Бошимга қанча туҳматлар ортди яна. Ойбек, Танланган асарлар.

2 с. т. Ортиқча ташвиш, дардисар. *Шошиб турганимда, сен ҳам туҳмат бўлдинг менга.*

Хизматга туҳмат с. т. Кимсага хизмат, яхшилик қилиб, охири айбдор бўлиб қолиш ёки ўзига ташвиш, дардисар орттириш; яхшиликка ёмонлик. [Меҳри:] *Даданг шу тўнғиз кўпурнинг заводида қанча йил тер тўқди. Бой, хизматга туҳмат қилиб, дадангни уч ой қаматтирди.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. **Куруқ туҳмат 1)** ошкоройдин туҳмат. -*Тўғрисини айтсам, сиз бу тўғрида бир нарса биласиз, лекин сўзлашга Шокирбекдан чўчиб турасиз! — деди уста. -Куруқ туҳматни қўйинг-чи! — деди уста Фарфи.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; **2) с. т.** ортиқча ташвиш, ғалва, дардисар. *Э, худойимей, қанақа куруқ туҳматга қолдим-а! С. Аҳмад, Ҳукм.*

ТУҲМАТЧИ Туҳмат қилувчи, бировлар устидан туҳмат гаплар айтиб, ёзиб, тарқатиб юрувчи; бўҳтончи. *Туҳматчи одам.* ■ [Комилов:] *Танқид қилганларни туҳматчи, амалпараст, деб айблагансиз ва шу билан гуноҳингизга гуноҳ қўшгансиз.* Уйғун, Навбаҳор.

ТУҲМАТЧИЛИК Туҳматчига хос иш, хатти-ҳаракат. *Фоҳишалигингни билардим-у, туҳматчилигингни билмасдим. Ҳай, майли, агар эркак киши бўлганимда, ичак-човоғингни салла қилиб қўярдим.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ТУҲФА [а. تحفة — совға, тортиқ] **1 кт.** Кимсанинг кўнглини олиш ёки хизматларини тақдирлаш учун берилган нарса; тортиқ, совға. *Қимматбаҳо туҳфа. Туҳфа олиб бормоқ.* ■ [Соҳибдору:] *Қилиб оламшумул санъатни бунёд, Кетирмиш сизга туҳфа уста Беҳзод. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Ҳусайн Бойқаро шу шаҳарни [Астрободни].. кичик ўғли Музаффарга туҳфа қилди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 кўчма Кўпчилик учун атаб тайёрланган нарса; совға. *Мақомларнинг грамплстинкага ёзиб олинаётгани санъаткорларимизнинг халққа ажойиб туҳфасидир.* Газетадан.

3 Туҳфа (хотин-қизлар исми).

ТЮЛЕНЬ [р.] Курақоеқли сутэмизувчи денгиз ҳайвони.

ТЮЛЬ [фр. tulie < Tulle — Франциянинг Коррез департаментидаги жой номи] Кўпинча гулдор қилиб тўқиладиган енгил нафис тўр. *Ойна нарда учун боп тюль. Тюль нарда.* ■ .мана шу тюль, — деб у деразаларга тутилган нафис гулли оппоқ тўрни кўрсатди. П. Қодиоров, Уч илдиш.

ТЯГАЧ [р. тягачь — «тортмоқ, судрамоқ» фл. дан ясалган от] Шатакка олинувчи ёки тиркама машиналарни тортиш учун белгиланган қувватли автомобиль ёки трактор. *Нормат нима қилишини билмай, атрофига қаради-да, беш метрча нарироқда турган таягач тагига эмаклади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЎБИЧОҚ шв. Чопқир, йўрға (от ҳақида). *Тўбичоқ от.* ■ *Майдонда минардим бу тўбичоқни, Хафа қилма, ойм, бу қўччоқни [қўзичоқни].* «Алпомиш». Мулла Фазлиддин эрталаб, подшоҳ инъом қилган тўбичоқ отни минди-да, шаҳар доруғаси қабул қиладиган маҳкамага йўл олди. П. Қодиоров, Бобур.

ТЎГАРАК 1 Айлана, доира шаклидаги, доиравий. *Тўғарак стол. Тўғарак ойна.* ■ *Умида докладчилардан бири бўлгани учун президиумда ўтирарди. У ерга тўғарак зални кесиб ўтиб, зинадан чиқиб бориш керак.* А. Мухтор, Чинор. *Шийтоннинг устунлари саккиз қиррали бўлиб, остки қисми ҳандалак шаклида тўғарак қилиб тарашланган эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 от Кишиларнинг биргаликда ишлаш, машгулотлар ўтказиш, машқ қилиш, билим-

хунар олиш ва ш.к. умумий мақсадлар билан тузилган гуруҳи ва шундай бирлашманинг, уюшманинг ўзи. *Муסיқа тўғараги. Ёш табиатишунослар тўғараги. Тўғарак тузмок. Тўғаракка қатнашмок. ■ Иброҳимов ўзининг ҳар пайшанба бўладиган агрономия тўғарагини шу ерга кўчирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Журахон раҳбарлигида ҳаваскорлик тўғараклари, спорт ишлари жонланди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

ТҶДА [ф. توده — дўнг қилиб тўпланган нарса, ғарам] **1** Бир ерга тўплаб ёки уйиб қўйилган нарса; уюм, тўп, тўпланма. *Ахлат тўдаси. Бир тўда парча-парча ғишт. Нарсаларни тўда қилиб қўймоқ. ■ Кейин уни суғуриб олди-да, бир тўда қоғозни олдимга ташлади. «Гулдаста».*

2 Бир ерга тўпланган кишилар ёки ҳайвон, қўш ва ш. к. гуруҳи, ғаласи, тўпи. *Улоқчилар тўдаси. Қушлар тўдаси. Тўда бўлиб юрмок. Тўдадан ажралган тўрга тушар. Мақол. ■ Арилар тўдаси ўзини қоп ичига урди. Бу болаларга чиндан қизиқ томоша бўлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоклар. Аваз тор ҳовлига мўралаб қўйиб, эшик олдида қўл қовуштириб турган кишилар тўдасига қўшилди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

3 Бирор мақсад билан уюшган кишилар гуруҳи. *Назирқул Холхўжа йигитларидан хабардор эди. У эшоннинг гапидан, шулар тўдасига бор, деган маъно англади. С. Аҳмад, Ҳукм. Тошкентдаги Юсуфбек ҳожии тўдасидан амалий чоралар кўрсатилиб ёзилган жавоб мактуби олинди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бизнинг ҳозир ўз тўдамиз бор. Агар истасанг.. сени ҳам сардоримиз ҳузурига олиб бораман. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ТҶДАКАШ Тўдадан чаққонлик билан айрилиб, тез ўзадиган абжир, кучли улоқчи от.

ТҶДАЛАМОҚ Бир ерга тўплаб, йиғиб, уйиб қўймоқ, тўпламоқ. *Ғишт парчаларини тўдаламоқ. Ахлатни тўдалай қўймоқ. ■ Тоғда очилган лола, териб тўдалай дейман. Яшнаб ётган ғўзамни кунда бир кўрай дейман. «Қўшиқлар».*

ТҶДАЛАШМОҚ 1 Тўдаламоқ фл. бирг. н. Болалар хашак тўдалашяпти.

2 Бир ерга тўпланмоқ. *Элмурод.. ўрнидан аранг турди-да, комиссия эшиги олдида тўдалашган дўстлари ёнига борди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ТҶДАЛОҒЛИҚ Тўдалаб, тўплаб қўйилган, тўплоглиқ. *Олия она қўлидаги ғиштни тўдалоглиқ бутун ғиштлар ёнига қўйди-да, челадаги тўпроқни тўккани чуқур томон юрди. Газетадан.*

ТҶЁНА 1 этн. Тўй муносабати билан шу тўй эгаларига яқинлари томонидан қилинган (қилинадиган) пул ёки кийим-бош тарзидаги совға. *Қани, айтинглар-чи, тўёнага нима олиб борай? С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Тўйга тўёна билан бориш — халқимизнинг азалий одати. Газетадан.*

2 кўчма Ишчи ва меҳнаткашларнинг муҳим бир воқеа-ҳодиса, байрам ва ш.к. га аталган меҳнат совғаси. *Тўйга тўёна керак, мўл ҳосил тўёнамиз. Р. Бобожон.*

ТҶЎЗ эск. Чанг, губор. *Ариқлар қақраган, дарахт япроқлари тўз, осмон — чанг. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Отинг изи тўзлари кўзимга сурмадирким.. «Оқ олма, қизил олма».*

ТҶЎЗИМ Кишининг қийинчилиги, кулфат, оғриқ ва ш.к. га чидаш қобилияти; чидам, бардош. *Тўзим билан ўқимоқ. ■ Қайси бир садаф сийна Тўзим-ла санчиб игна, Инжуларин бирма-бир Шу шоҳига қадаган? Ғ. Фулом. Салимнинг кутгани чиқмади, кўрғонда аввалгидай тинчлик, жимжитлик. Бу ҳол уни яна эзди. Охирига қадар кутишга куч ва тўзим сезмади ўзида. Ойбек, Танланган асарлар.*

Тўзим берсин 1) чидам, бардош берсин (тилакни билдиради). — *Сиз ҳали шу ерда бир-икки кун бўларсиз. Тўзим берсин, — деди. А. Мухтор, Чинор; 2)* қойил қолиб тан олишни билдиради; баракалла, балли-е. *Қаранг, бир соатга бардош бермабсиз. Яна-ям оналаримизга тўзим берсин. «Муштум». Чол тўнғилаб: -Қўй-е, ҳамма сенга ўхшаганлар ёрилиб ўлаверса, лапанглаб юрадиган семизларга тўзим берсин-е, — деб ҳазиллашиб кўярди. Д. Нурий, Осмон устуну. Тўзим билмас (ёки билмайди) Тўзиб тарқамас, тўзиб, йўқ бўлиб кетмайди. Сен-чи мангу чиқаверасан, Тўзим билмас сендаги бардош. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. Сизнинг бу яратган мўъжиза санъат Юз йил тўзим билмай турмоклиги рост. А. Орипов, Йиллар армони.*

ТҶЎЗИМЛИ Чидам-бардоши кучли. *Тўзимли йигит ■ Тоғлар соясида қумурсқасимон, Довул қанотида учган хас каби Бўлса ҳамки, аммо тўзимли инсон, Ҳамма даҳ-*

шатлардан зўрроқдир қалби. С. Акбарий. Сипобек ота деган бир чол мени ҳайратда қолдирди... ҳеч қандай пардозсиз, адабиётга шундай кирса бўладиган бақувват образ.. турмушининг ўзидай кекса, тўзимли. Н. Фозилов, Қуш қаноти билан.

ТЎЗИМЛИЛИК Сабр-бардошлилик, чидамлилик. Инсоннинг тўзимлилиги. Тўзимлилик кўрсатмоқ. ■ Унинг [Қосимовнинг] қиёфаси ва юриш-туришига саҳро сокинлиги, жонли барханларнинг сезилар-сезилмас силжиши, теран қатламлардан нам юки топиб аста сўрадиган чайир саксовул томирларининг тўзимлилиги асар қилганга ўхшарди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТЎЗИМОҚ айн. **тўзмоқ**. Эшик очилиб, шамолда қоғозлар патдай тўзиди. Кенгашли уй тўзимас. Мақол. ■ Уларнинг юз-кўзлари чанг, ранглари заҳил, сочлари тўзиган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Йўлдошбой уч-тўрт ҳафтадан бери ички кийимини ечмаган, кўйлагини терда қотиб кетган, тўни билан этигини тўзиб қолган эди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. Бу хабар бирпасда бутун арши аълога тарқалди. Фаришталар, уяси бузилган аридай, тўзиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЎЗИМСИЗ Тўзимси-бардоши йўқ; чидамсиз, бардошсиз. Тўзимсиз одам.

ТЎЗИМСИЗЛАНМОҚ кам қўл. Сабр-тоқати чидамаслик; тоқатсизланмоқ. ..сиздек оғайниларга кўмаклашмасам бўладими! — деди ҳалиги йигит ва тўзимсизланди: -Қани, илдамроқ юринглар! А. Қодирий, Улоқда.

ТЎЗИМСИЗЛИК Тўзимсиз ҳолат, хусусият. Тўзимсизлик қилмоқ. Тўзимсизлик кўрсатмоқ. Тўзимсизлик билан кутмоқ. ■ Бу гал [ҳожини] Ўзбек ойимнинг ўша эски ашуласини ортиқча бир тўзимсизлик орасида кутар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЎЗИҚ 1 Ҳар ён сочилган, тўзиган ҳолатли, ҳолдаги. Тўзиқ хас-хушларни сунуриб, бир ерга тўпламоқ. ■ Барибир, раҳбар оғизга яқин бўлади. Қанча камтар бўлсанг ҳам, кўпнинг оғзида бўласан. Катта бўлдингми, тупроғинг тўзиқ бўлади, азизим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўчма Сочик, сочилган, бўлинган; паршон. Унинг хаёли тўзиқ.

3 Бетартиб ёйилган, тўзиган, тўзғоқ, пахмоқ. Қиз тол тагидан чиқиб югурганча, ўзи-

ни сувга отди. Низомжон унинг орқасидан оппоқ болдирларини савалаган тўзиқ сочларини кўриб қолди. С. Аҳмад, Уфқ.

4 Эскирган, титилиб кетган. Ҳужранинг бурчагида Шоқосимнинг увада чопони, тўзиқ кўрпа-ёстиғи уйилган. Ойбек, Танланган асарлар. Гулнор кўча эшигидан ҳовлисига кираркан.. шипи, деворлари тўзиқ айвонга паранжисини отди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЗМОҚ 1 Тўзондек ҳар ён сочилмоқ, учмоқ, тўзғимоқ. Пар тўзиб кетди. ■ Жимжимадор япроқларинг Сарғайиб банд узмоқда. Беватандай шамол билан Ерда изғиб тўзмоқда. Т. Тўла.

2 кўчма Ҳар ёнга тарқалмоқ, тарқалиб, сочилиб кетмоқ, пароканда бўлмоқ. Қўйлар бўри теккандай тўзди. ■ Шеър анжумани тўзди, уят сўз аралашди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 кўчма Тарқамоқ; тарқаб, бўлиниб йўқ бўлмоқ. Умр ўзади, ҳусн тўзади. Мақол. ■ Гавҳар хаёллари тўзиб, Талъатга ўгирилиб қаради. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Наҳот шундй осон бўлса бу дунёнинг тўзмоғи. Т. Тўла.

4 Бетартиб ёйилмоқ, тўзғимоқ, пахмаймоқ. Силлиқ қилиб таралган, кўп диққат ва меҳнат сарф қилиниб ўрилган сочлар тўзган, сочилган. А. Қаҳҳор, Сароб.

5 Эскириб, титилиб ишдан чиқмоқ. Кенгаши қилган эл озмас, Кенг бичилган тўн тўзмас. Мақол. ■ Менга овқат беради, кийимим жуда тўзса, кийим қилиб беради. Ойбек, Танланган асарлар.

6 кўчма кам қўл. Ўзини олдиarmoқ, хазон бўлмоқ, сўлмоқ. Ҳўжайин айтганча, «узилмаган гул» бўлмаса ҳам, руҳи, қалби бу чиркин бўғиқ муҳитда сўнмаган, тўзмаган кўринади. Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЗОН 1 Ҳавога кўтарилган (тўзган) хас-хуш ва б. майда нарсалар аралаш чанг. Дарё қурсица ҳам, ўзани қолар, Бўрон босилса ҳам, тўзони қолар. С. Акбарий. Машиналар кетидан кўтарилган тўзон кун тиғида, осмонда бир зум кезиб, кейин пахтазорга ёпирилади. А. Муҳиддин, Теримчилар.

2 Нарса бетига, сатҳига қўнган, инган шундай нарса; гард-ғубор, чанг. Николин унинг тўзон босган елкасига оғаларча қўлини қўйиб: -Раҳмат, Бектемир, — депти. Ойбек, Куёш қораймас. Ўчоқ бошида қумғон шарақ-

лаб қайнаб, чўғ устига тўкилди, буғ ва кул тўзони кутарилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Тегирмон йўлаги ун тўзони ичига кўмилиб, кеч кузининг қуюқ туманли ҳавоси манзарасини беради. А. Қодирий, Обид кетмон.

Тўзон бўлмоқ Вайрон-толқон бўлмоқ, чанг-тўзонга айланмоқ. *Тонг отганда, дунё тўзон бўлади, ҳар тарафдан девлар ошиб келади.* «Ширин билан Шакар». **Тўзон қилмоқ** Вайрон-толқон қилмоқ, чанг-тўзонга айлантирмоқ. *Келса, мамлакатни тўзон қилади, Ишқириб дамига тортиб олади.* «Рустамхон».

ТЎЗОНЛИ Тўзон қоплаган, тўзон кўтарилган. Тўзонли бўрон. ■ *Интилади тўзонли йўлга — Юраётган сафларга қараб.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Най навоси дам баргларда ўйнаган баҳор ели, дам узоқдан момақалдиروқ нафаси каби, тўзонли шом ҳавосини лим-лим тўйдирган..* А. Мухтор, Чинор.

ТЎЗФИМОҚ айн. **тўзмоқ** 1, 2, 4, 5. *Хазон тўзғиб кетди.* ■ *Чорак соатдан кейин шовқин кўтарилиб, маслаҳат мажлиси тўзғиб кетди.* А. Мухтор, Чинор. *Низомжон унинг [Дилдорнинг] тўзғиган қоп-қора сочларини, мрамардек оппоқ былақларини хаёлдан кет-кизолмасди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қиш-ёз оёғида оғир сағри кафши. Маҳси ҳам минг ямоқ, бошида кир, тўзғиган салла.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЗҒИН 1 айн. **тўзиқ**. *Искандаро асабий ва тўзғин хаёллар қучоғида сукут этар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *кўчма* Озиб-тўзган, ўзини олдирган, озғин. *Қўш қулоғидаги жулдур иштонли қаролнинг қовурғалари ҳам ҳўкизники сингари уриб чиққан, у ҳам озғин-тўзғин эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЎЗҒОҚ I Тўзғиган, тўзиқ, тўзғин. *Зарралар тўзғоқ ҳолда бўлса, қуруқ тупроқ дейилади.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар. *Унинг тўзғоқ сочлари, оппоқ бадани.. очилиб-сочилиб туради.* У. Исмоилов, Сайланма.

ТЎЗҒОҚ II Лух, қамиш ва ш.к. ўсимликларнинг тўзғувчан парсимон попуғи, ҳосили. *Қоқи ўт тўзғоғи.* ■ *Қайси бир узун-қулоқ орқали бу гап қамиш тўзғоғидай таралиб кетди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ТЎЙ 1 этн. Уйланиш, турмушга чиқиш, хатна қилиш ва б. муносабатлар билан зиёфат бериб, базм-томошалар билан ўтказиладиган халқ маросимларининг умумий номи.

Никоҳ тўйи. Ўғил (хатна, суннат) тўйи. Бешиқ тўйи. Тўй қилмоқ. Маърака — мардники, тўй — халқники. Мақол. Мақтанганинг уйига бор, Керилганинг тўйига бор. Мақол. ■ *Ҳомидвой бўлса, бугун унашсаларинг, эртага тўйни бошлаймиз, дейди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кечаги дам олиш куни Рашидининг тўйи бўлди.* Шухрат, Шинелли йиллар. [Роҳила:] *Ҳа! Кўзим очиқлигида қизимнинг тўйини кўрай, деб ўзимни ўйлабман-у, бу тўйдан кейин Насиба нима бўлишини ўйламабман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Қўқонликлар таомлида никоҳ тўйи келинникида ўтади.* К. Яшин, Ҳамза. *Матёқуб қаллиғи [таътилда] келиши биланоқ тўйни бошламоқчи.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 этн. Кудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ, кўёв томондан қиз томонга бериладиган пул, сарпо, масаллиқ ва ш. к. мажмуи. *Тўй учун кўёв томонидан ўн беш арава юк юборилган. Ҳар бир аравада бошқа-бошқа моллар ва буюмлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мирзакаримбой қичқирди: — Мулла Абдишуккур, эртага ожизамизга тўй келади, марҳамат қилинг, дурустми?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 этн. Шу нарсалар юборилиши муносабати билан кўёв хонадонидида, келиши муносабати билан қиз хонадонидида ўтказиладиган маросим. *Якшанба кунни ҳам тўй, ҳам никоҳ.* ■ [Қутидорнинг] *Битта жувон қизи бор-ку, мунча тўйни бошқа, никоҳни бошқа қиламиз, деганига ҳайронман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Тўй бермоқ 1) кудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланган пул, сарпо, масаллиқ ва б. ни келин томонга юбормоқ; 2) юртга ош, зиёфат бермоқ. *Қирқ кеча-кундуз элга тўй бериб, қирқ кундан сўнг тўйи охир бўлганда.* «Ширин билан Шакар».

4 Бирор воқеа-ҳодисага бағишлаб зиёфат ва ўйин-кулгилар билан ўтказиладиган тантаналар. *Ҳовли тўйи. Ҳосил тўйи.* ■ *Бугун мактаб ўзининг биринчи катта тўйига, тўнғич ўғилларини мамлакатга тақдим қилиш тантанасига тайёрланаётир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Водокачканинг очилиш маросими катта тўйга, каттакон сайилга айланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Кўпга келган тўй Кўпчиликнинг бошига тушган иш, ташвиш ва ш. к. ҳақида айтиладиган ибора. - *Ота, — деди Салим жеркиб,*

— бу нарса кўпга келган тўй, ўғлингиз ниҳоят бир неча ой ишлаб қайтади. Нимасида қайғурасиз? Узоқ юртларни кўриб келади. Ойбек, Танланган асарлар. **Тўйдан кейин ногора қ. ногора. Уй-уйига — така (ёки тепа) тўйига** Одатда, болалар кечки пайт ўйиндан чарчаб тарқалаётганда айтиладиган ибора. *Начальник [бошлик] ётиб қолди, энди уй-уйига — така тўйига.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТЎЙБОШИ Тўйга бошчилик қилувчи шахс. *Қишлоқда тўй бўлса, у [Тўламат], албатта, тўйбоши, йигитлар тўпига қўшилса — журабоши.* С. Анорбоев, Оқсой. *У тўйбошиларга олдиндан уқтириб қўйган эди: -Тартиб бузилмасин, ҳар тоифани ўз вақтида, ўз ерига ўтказиш, ўзига яраша кутиш керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎЙГАРЧИЛИК 1 Тўй-ҳашам кўп бўладиган, тўйлар юришган пайт, шу пайтлардаги тўйлар. *Профессионал масхарабоз ва қизиқчиларнинг аксарияти тўйгарчилик камроқ пайтларда деҳқончилик, чорвачилик ва хунаrmандчилик билан шуғулланган.* М. Қодиоров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

2 айн. тўйчилик.

ТЎЙДИРМОҚ 1 Тўймоқ фл. орт. н. Ерни сувга тўйдирмоқ. *Ғўзаларни тўйдириб суғормоқ. Кўпчилик бир муштан урса, ўлдиради, бир бурдадан берса, тўйдирди.* Мақол. ■ [Йўлчи:] *Укам ишлайди. Лекин ёш бола хўжайинникида ўз қоринни тўйдирса, бунга ҳам хурсандман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг [Мусулмонқулнинг] истибдоди ўзга шаҳарларда унча сезилмаса ҳам, аммо марказ — Қўқон одамларини жуда тўйдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўма Егулик, ичгулик билан таъминламоқ; боқмоқ. *Шу боғдан келган даромад оиламизни тўйдирди.* ■ *Абдурахмонбой тўғонимизни бузди. Кўтармани кўтартириб, тўйдириб турган ариғимизни қурутди.* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим.

ТЎЙИМЛИ Қоринни яхши тўйдирадиган, тўқ тутадиган; керакли витамин ва ш.к. га эга (бой). *Тўйимли овқат. Тўйимли ем-хашак. Тўйимли озуқа.* ■ *Инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар орасида энг лаззатли, тўйимли ва шифобахши — асал.* «Фан ва турмуш». *Оқ саксовул, айниқса, унинг уруғи қўй-эчкилар учун тўйимли озуқа.* «Фан ва турмуш».

ТЎЙИМЛИЛИК Тўйдириш ва тўқ тутиш хусусияти. *Овқатнинг тўйимлилиги. Озуқанинг тўйимлилигини оширмоқ.* ■ *Нон ўзининг ағло даражада тўйимлилиги, юксак таъми билан жаҳонда жуда қадрланади.* Газетадан.

ТЎЙИНМОҚ 1 Обдан тўймоқ. *Бу тўғрида қатъиятсиз, мужмал жавоблар беришдан.. тўйинган Раъно Анвардан кўз олмай турар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 махс. Етарли микдорда ўзига олмоқ, сингдирмоқ. *Буга тўйинган ҳаво. Тўйинган буғ. Тўйинган эритма.*

ТЎЙИНЧИЛИК Ейдиган, озиқланадиган нарсалар мўл ҳолат, тўйиб еб-озиқландиган шароит мавжудлиги (мол-ҳайвонларга нисбатан). *Далада мол тўйинчилиги бошланган.* Х. Нуъмон, Фасллар.

ТЎЙЛАМОҚ шв. 1 Тўйларда меҳмон бўлмоқ, тўйма-тўй юрмоқ. *Тўйлагани келган меҳмонлар.* ■ *Сухсур учар сой бўйлаб, Ўртоғим келар тўйлаб, Эртага келар чоғи, Ваъдани берай уйлаб.* «Қўшиқлар».

2 Тўй билан муборакбод қилмоқ. *Эркаклар қўй, тана етаклаб тўйлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

3 (асосан равишдош шаклида — тўйлаб) Тўй қилиб. *Қабул қилсанг, қизим тўйлаб берайин.* «Баҳром ва Гуландом». *Қизин тўйлаб, никоҳ қилиб олганман.* «Муродхон».

ТЎЙЛИ Тўйи бўлган, тўй қилаётган, ўтказаётган. *Тўйлининг тўйи ўтди, Тўйсизнинг куни ўтди.* Мақол. ■ *Ўзбек ойим аралашган тўйли хотинларнинг кўнгилларидаги орзу-ҳаваслари ҳам эрлари томонидан камчиликсиз бажарилар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қўралари қўйли, уйлари тўйли.* *Фуқаросин кўнгли Тангритог бўйли.* Газетадан.

ТЎЙЛИК Тўй учун зарур бўлган нарсалар. [Қози Қодирқулга:] *Бешик кетди бўлгандан буёқ ҳар йил расм-русумларини қилишиб, яқин вақтларда тўйлигини ҳам бериб қўйибди..* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ТЎЙЛОВЧИ шв. Тўйга ташриф буюрувчи, тўй билан муборакбод қилувчи. *Тўйловчилар атаган совға-саломларини рўмолга ташлашди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Тўйловчи аёллар сочқилар сочди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ТЎЙМАГУР ҳақр. Борига, берганга қаноат ҳосил қилмайдиган шахсга нисбатан

қўлланади. Тўймагур директор яна тери сўратибди. С. Аҳмад, Юлдуз.

ТҲЙМОҚ 1 Ейиш, ичишга бўлган талаби қонмоқ, қониб емоқ, ичмоқ, овқатга, сувга қонмоқ. *Еб тўймаган, ялаб тўймас* Мақол. *Қўл билан берганга қуш тўймас*. Мақол. *Сук тўймас, ўғри бойимас*. Мақол. ■ *Анвар Нигор ойимга раҳмат айтиб, тўйганини сўзлади ва қўл артар экан, чақалоққа гап қотди*. А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Камбағал халқ ўлиб-тирилиб меҳнат қилади-ку, қорни тўймайди, эни бутун бўлмайди*. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сув, озукага тўйинмоқ (ер ва ўсимликлар ҳақида). *Ўзалар сувга тўйди. Ер тўймагунча, эл тўймас*. Мақол. ■ *Қор сувига тўйган ер хамирдек юмшоқ эди*. С. Аҳмад, Уфқ. *Халқнинг ер тўйса, эл тўяди, деган нақлида ҳикмат кўп*. Газетадан.

3 кўчма Роҳатланиб мириқмоқ. *Уйкуга тўймоқ. Дийдорига тўймоқ. Тўйиб суҳбатлашмоқ. Йиқилган курашга тўймас*. Мақол. ■ *У [Элмурод] ҳар гал бу йўлдан юрганда, узоқ-узоқларга тикилиб, сира тўймасди*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Тўпа хола ўзини шунча тетик тутғиси, ҳориган кўзларини очғиси, табиатга тўйиб боққиси келади, аммо дармони йўқ*. И. Раҳим, Ихлос. *Кенг ҳовлининг ҳуснига хол бўлиб турган атиргуллар яқин кунларда очилиб, тўйиб бўлмайдиган жамолини намоён қилади*. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Тўйиб-тўйиб шўхлик, бебошлик, «жиннилик» қилсанг, водийни бошингга кўтариб қаҳқаҳа урсанг*. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 кўчма Чидаб, тоқат қилиб чарчамоқ, тоқати тоқ, безорижон бўлмоқ. *Ақл, инсоф билан иш қила-қила, энди жуда тўйдик*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мен ҳам тўйдим бу хўрлик, бу ҳақоратдан!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қишлоқ халқи Сарижўжа сувининг тошқинидан жуда тўйган экан*. «Ўзбекистон кўриқлари».

Жондан тўймоқ қ. жон 3. Кўнгли тўлмоқ қ. кўнгли. *Еганингиз оладингизда, емаганингиз кетингизда, бу кўрганингизга кўнглингиз тўлмаса, ҳали ёшсиз, ўқинг!* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

ТҲЙПАРАСТ Тўй-тўйлашни, тўйма-тўй юришни яхши кўрадиган. *Тўйпараст одам*. ■ *Бошқа уйларда қариндош-уруғлар ва никоҳни пойлаб ётган тўйпараст, дай-*

ди, турли хотинлар бор эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ТҲЙХАТ 1 Тўйга таклиф қилиб ёзилган қоғоз, тўй таклифномаси.

2 Тўй, байрам муносабати билан ёзилган табрикнома.

ТҲЙХОНА Тўй бўлаётган уй, жой. *Афанди устида эски чопони билан тўйхонага кириб қолган эди*. «Латифалар». *Тўйхонани қий-қириқ босди. Бўз йигитлар сабрини йўқотиб, ўтирган ерларида селкиллаб тушдилар, қиз чирпирак бўлиб, лапар тўлқинига айлана бошлади*. С. Сиёев, Аваз.

ТҲЙЧИ 1 Тўйга келган меҳмон, тўй қатнашчиси. *Тўй тарқади, қизни никоҳ қилди*. Авазхон йигитлари билан тўйчилар ҳам қайтди. «Бўтакўз».

2 Тўй қилувчи киши, тўй эгаси. *Агар ҳозирлик кўрмай шаҳарни кутсак, шаҳардан ёрдам чиқа бермаса, худди тўёнага ишониб, қўй олмаган тўйчи каби, тўй қозонини тўнкаришга мажбур бўламиз*. А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Тўйчи (эркаклар исми).

ТҲЙЧИЛИК Тўйдаги ўзига хос тартиб, муомала-муносабатлар. *Тўйчилик, айланай, ҳеч кимдан гина қилиб бўлмайди*. ■ *-Ҳа, тўйчилик-да. Оғзимиз чучиб қолсин! — кулишишиди йигитлар*. Ойбек, Танланган асарлар.

ТҲЙЧИҚ Кичкина тўй, тўйча.

ТҲЙ-ҲАШАМ Турли тўй маросимлари. *Мениям орзу-ҳавасларим бор, тўй-ҳашам кўрмоқчиман*. Ойбек, О. в. шабадалар. *Базмларда, ўтиришларда, тўй-ҳашамда хонандалар Огаҳийдан бир ғазал ўқиса, Аваздан бир ғазал ўқирди*. С. Сиёев, Аваз.

ТҲКИБ-СОЧИБ 1 Тўкмоқ фл. рвдш. *Тўкиб-сочиб ун қопламоқ*.

2 кўчма кам қўл. Мўл-кўл қилиб, тўкин-сочин. [Олахўжа] *Тўйдан илғари та-йинлади: -Дўст-душман — ҳаммасини айтинглар, тўкиб-сочиб едиринглар! Олахўжанинг ош-сувини юртдан аямайдиган киши эканини билди қўйсин бу халқ!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТҲКИЛМОҚ 1 Тўкмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Дастурхонга чой тўкилди. Қоплардан бугдой тўкиляпти. Қатиқ тўкилган ерда юқи қолар*. Мақол. *Тўкилса манглай теринг — унумли бўлур еринг*. Мақол. ■ *Қўшок, от тагига тўкилган бедаларни бир қучоқ қилиб супуриб*

олиб келди. Ҳ. Шамс, Душман. Салдов деб нечанинг қадди букилди, Ер тишлаб, кўксига ёши тўкилди. Файратий. Бу мажлисдан кейин мен бир неча вақт Отабек ва йўлдошларининг қонлари тўкилмасин, деб бу гапни ичимга солиб юрдим. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Шағал тўкилган йўл бўйида бошига гулдор соябон тўтиб.. Гавҳар турарди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бўшаб, уваланиб дув тушмоқ. Энди зах ариқлар пайдо бўлиб, ҳамма ёқни қамиш босиб кетибди: пахса деворларнинг ости шўралаб тўкиляпти. С. Нуоров, Нарвон.

Бир туки тўкилса.. Салгина зарар-зиён етказилса, жабр қилинса. *Хавотир олманг, ул жанобнинг бир туки тўкилса, мен жавобгар.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Оҳори тўкилмаган қ. оҳор 2.** Тутдай тўкилмоқ қ. тут. **Тўкилиб** (ёки тўкилай деб) турмоқ Путурдан кетмоқ; қулай, ўлай деб турмоқ (аранг турган, шарти кетиб, парти қолган нарсалар, одамлар ҳақида). *Оташ дукчининг отасидан қолган бўғот томли пастак уйнинг бир чеккаси чўккан, қийшайиб тўкилиб турар эди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Феруз тўкилай деб турган пастак уйга имо қилиб кулади: -Кунжагинг хароба-ку, Мамажон.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Шўрва шўрва тўкилмоқ қ. шўр 11.** Юраги тўкилиб (ёки тўкилай деб) турибди Дили оғриб, эзилиб турибди, юраги тўлиб, тўлиқиб, ўзини аранг тутиб турибди. *Ғуломжоннинг тўкилиб турган юрасига қиз илтифоти мадад берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қирови тўкилмаган қ. қиров 11.**

ТўКИН Ноз-неъматларга бой, мўл-қўл, маъмур. *Қовун-узумнинг тўкин вақти. Зиёфат тўкин эди.* ■ *Умурзоқ ака азиз меҳмонни фарғоналикларга хос сахийлик ва очиқ юз билан қарши олди, тўкин дастурхон ёзилган уйнинг тўрига ўтқазди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Тўкин кузда туғилган фарзанднинг пешонаси ярқироқ бўлади.* «Саодат».

ТўКИНДИ 1 Тўкиб ташланган ёки ташланадиган қолдиқ нарса. *Тўкиндиларни ўрага ташламоқ.*

2 Тўкилиб, тушиб қолган нарса. *Тўкинди, парча-парча пахталарни йиғиб.. далага жўнайди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ТўКИНЛИК Тўкин, маъмур ҳолатилик. *Ҳозирги маъмур ҳаётимиз, тўкинлик — ҳаммаси пахтадан..* Х. Аҳророва, Ўзимизнинг Турсуной. *Ҳар ёнда тўкинлик — Куздан нишона.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ТўКИН-СОЧИН Жуда тўкин, мўл-қўл. *Тўкин-сочин дастурхон.* ■ *Мен боғдаман, атрофимда тўкин-сочин ёз, Ишқомларда товланади қора кўз чарос.* Э. Охунова. *Бу йилги булутсиз илиқ кунлар, яшил япроқлар, тўкин-сочин мевалар мавсумининг ганимат бир қисми қолгани юракни алланечук суюнтиради.* П. Қодиров, Уч илди.

ТўКИНЧИЛИК Ноз-неъматларнинг тўкинлиги, сероблиги; мўл-қўлчилик. *Биз Тошкентдаги Олой бозорига жуда эрта келдик.. Чинакам маъмурчилик, тўкинчилиكنи шу ерда кўриш мумкин.* Газетадан.

ТўКИС 1 Ҳар жиҳатдан таъминланган, мукаммал, камчилиги йўқ; бекам-кўст. *Тўкис рўзгор.* ■ *Тошкентда мандай тўкис келин бормикан? Ҳамма нарса жойида.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ҳусни, одоби тўкис экан, — кесатди Анорхон.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Ҳар тўкисда бир айб Камчилиги, нуқсонни йўқ одам бўлмайди. *«Ҳар тўкисда бир айб» дегандай, унча-бунча камчилигимиз бор.. «Муштум».*

2 Савлақли, кенг-мўл (кийим ҳақида). *Тўкис костюм.*

ТўКИСЛИК Тўкис ҳолатга эгалик. *Дастурхоннинг тўкислиги. Кийимнинг тўкислиги.*

ТўКМА этн. Улфатлар ўртага тўккан маблағ ва масаллиқ ҳисобига, одатда, киш кунларида ўтказиладиган ўтириш. *Бизнинг шаҳар, қишлоқларимизда қиш кириши билан ёш-яланглар, ҳар ким ўз тўпи билан «тўкма» бошлашар.. эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Бир тенгдошимникига борувдим. У бизнинг жўрабошимиз, ҳафталик тўкма-миз бор эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ТўКМОҚ 1 Суюқ ёки сочиловчан нарсаларни идишдан туширмоқ, сочилишига йўл қўймоқ. *Шўрвани тўкмасдан олиб кел. Ошни тўкмасдан е!* Шакарнинг ярмини йўлда тўкиб келибсан.

2 Дув туширмоқ, ташламоқ. *Ғузларнинг баргини тўкмоқ.* ■ *Кекса ўрик дарахлари пахса деворларни қўлтиқлаб олгандай, гулларини кўчага тўкиб ётарди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Мен чиқдим-у, бодом шохидан Тўда қушлар гурр этиб кетди. Тагдўзи дўппили бодомнинг Гулларини дув тўкиб кетди.* Т. Тўла.

3 Ағдариб бўшатмоқ, ағдармоқ. *Бола сутни тўкиб юборди. Графиндаги сувни тўкиб ташладим.* ■ *Ўзбек ойим бурчакда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб,*

уни жомни тўкиб келишга буюрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Аёл] Пахтасини келтириб, хирмондаги энг катта тўпга тўка бошлади. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

4 кўча Оқизмоқ, оқизишга мажбур этмоқ (кўз ёши, қон, тер ҳақида). Кўз ёши тўкмоқ. Тер тўкмаса — эр эмас, Қўл тегмаса — ер эмас. Мақол. ■ Хон қуролсиз халқнинг қонини тўкиб, зўрлик билан исённи бостирди. Ж. Шарипов, Хоразм.

5 кўча Ёғдирмоқ, сочмоқ (ёғду, нур ва ш.к. ҳақида). Тўлин ой сутдек ёғдусини мактаб саҳни ва том тунукаларига аёвсиз тўкар, булбул эса ҳамон тинмай сайрар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Раҳмат, синглим, шу сўз, шу бўса, Шу гулдаста баридан афзал. Меҳр майингдан тутдинг лим коса, Гуё тўкдинг бошим узра зар. Ё. Мирзо.

6 кўча Дилдаги бор нарсани, бор-йўғини айтмоқ, дилдагини айтиб, юракни бўшатмоқ; [Хайриниса] Бир зум жағи тинмас, ичида йиғилганларни бировга тўкмаса тинчимас эди. Ойбек, Улуғ йўл. [Қурбон:] Биз юракдаги дардимизни бир тўкай деб келсагу, берган жавобинг бу бўлса! Раҳмат сенга! О. Ёқубов, Айтсам, тилим қуяди, айтмасам — дилим. Ўзбек ойим ўғлининг «ўлганнинг устига чиқиб тепиш» қабилидан бўлган бу харакатидан тутуни кўкка чиқиб, борлиқ қаҳр-ғазабини эри устига тўкади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Низомжон чидамади. Юрагида тўлиб-тошган гапларни узил-кесил тўкиб солмоқчи бўлиб, қизни излаб, яна далага қараб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

Обруйини тўкмоқ қ. обру(й) 1. Оҳорини тўкмоқ қ. оҳор 2. Савлат тўкмоқ қ. савлат 1. Тер тўкмоқ қ. тер. Қўр тўкмоқ қ. қўр.

ТўЛ шв. Қўйларнинг туғиш, болалаш мавсуми; қўзилаш; қўзилатиш. Келаси тўлда мен ҳам қўзини ҳозиргидан кўпроқ олишга сўз бераман. П. Қодиров, Қора кўзлар. Эртага ейдиганини бугун берса, айна тўл вақтига бориб, омборлар шипшийдам бўлади. Унда қўйлар тупроқ ялайдими? С. Анорбоев, Оқ-сой.

ТўЛА 1 Бутун ҳажми, сифими эгалланган, банд бўлган. Тўла қоп. Тўла зал. Тўла бир челақ сув. Куча тўла одам. ■ Курси устига дастурхон ёзилиб, мева-чева тўла патнис қўйилди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўча Ҳис-туйғу, куч-қувват ва ш.к. га тўлган, тошган. Қувонч тўла кўзлар. ■ Эл-

мурод унинг рўпарасига келди ва заҳар тўла овоз билан сўради. П. Турсун, Ўқитувчи. Сарпардалардан жон олғич дард-алам тўла бир куй оқа бошлади. К. Яшин, Ҳамза. Аҳмад энди ўзини ота ҳисоблар ва бу тотли ҳолдан юраги ғурурга тўла эди. Ф. Мусахонов, Ҳиммат. Тўрт томоннинг ҳаммаси баҳор нафосатида тўла. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Етишмаган ери, қисми, кам-кўсти йўқ; мукаммал, расо, тўлиқ, бут. Тўла иш кун. Асбобларнинг тўла комплекти. Гапнинг тўла мазмуни. Тўла жавоб. Тўла ишонч. Имкониётлардан тўла фойдаланмоқ. Тўла қуролсизланиш. Тўла жорий этмоқ. Фикрингизга тўла қўшиламан. ■ Турсуной кўзини ҳали тўла очгани йўқ эди, узун киприклари хира кўзларини тўсиб турарди. А. Мухтор, Опасингиллар. Шоқир отанинг уйида яшай бошлаган, Унсин ҳамма воқеани — акаси билан Гулнорнинг севи эртагини кампирдан тўла эшитди. Ойбек, Танланган асарлар. Унинг мойи қўй ва қорамолнинг мойига нисбатан тез эрийди ва тўла ҳазм бўлади. «Фан ва турмуш».

4 Жуссаси ёки бирор аъзоси бўлиқ этли, семиз. Тўла одам. ■ Урта буйли, тўла, лекин кенг юзининг ғўшлари саргайиб, салқиб тушган, эллик саккиз ёшларда бўлган касалнамо хотин аста-секин юриб келаверди. Ойбек, Танланган асарлар. Тўрдаги кичкина эшик очилиб, ичкаридан тўла юзли.. белига қилич осган қирқ беш ёшлар чамасида бир киши кўринди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тўла, қип-қизил мағиздек аёл бир ҳафтада чўпдек бўлиб қолган эди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

5 Тўла (эркаклар исми).

ТўЛАЛИК Тўла ҳолат. Идишнинг тўлалиги. У сиздан тўлалик қилади. ■ [Зайнаб] Илгариги тўлалигининг ярмисини йўқотгандек, тусига қаримсиқлик кирган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТўЛАМОҚ 1 Олинган, харид қилинган, фойдаланилган ва ш. к. нарсалар эвазига тегишли миқдорда пул, ҳақ бермоқ. Кассага нақд пул тўлаб, нарса олмоқ. Кира ҳақи тўламоқ. Арзон тўламоқ. ■ Бу нарсаларингиз менда гаров туради, қачонки пул топсангиз, менинг яроғ учун тўлаган пулимни бериб, нарсаларингизни оласизлар. С. Айний, Қўллар.

2 Олинган пулни, қарзни қайтармоқ, узмоқ; зиммасидаги пул, тўлов мажбуриятини адо этмоқ. Солиқ тўламоқ. Бадал тў-

ламоқ. *Жарима тўламоқ.* ■ Бугун қарзларингни тўлайсанлар — мен тинч, сенлар тинч. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Етказилган зарарнинг муздини бермоқ, ўрнини тўлдирмоқ, *Товон тўламоқ. Хун тўламоқ.* ■ -Вой, [қўғирчоғим] касал бўлиб қолибди, тўлаб берасан, — деди Мухайё Манзурага. Н. Ёкубов, Кичкина доктор.

ТЎЛДИРМОҚ 1 *Тўлмоқ* фл. орт. н. Ваннани тўлдирмоқ. *Шкафни китобга тўлдирмоқ. Атир иси уйни тўлдирди. Штатни ёш мутахассислар ҳисобига тўлдирдик. Камқўстини тўлдирдик. Эл қозонини тўлдирганини эл тўйдирар. Мақол.* ■ Ўз ғув-ғуви билан гузарни тўлдирган одамлар гурунги ҳам бир зумда тинди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Латофат яна бир йўталиб, кўкрагини тўлдириб, чуқур нафас олди. О. Ёкубов, Мирзатерак.*

2 Бўш ўринларга, графаларга тегишли рақам, маълумот ва ш. к. ёзмоқ. *Анкета тўлдирмоқ.* ■ *Майор.. варақани ўзи тўлдирди. Шухрат, Шинелли йиллар. Мудираникоҳ шаходатномасини тантанали вазиятда тўлдириб, аввал Ферузага, кейин Норқўзига ручка тутиб, қўл қўйдирди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.*

3 Турли қўшишлар, қўшимчалар билан мукаммаллаштирмоқ; қўшимча фикр-мулоҳаза билдирмоқ. *Улар бироз суҳбатдан кейин бирга китоб ўқиди. Бир-бирларига саволлар беришди, бир-бирларининг фикрларини тўлдирди. Шухрат, Шинелли йиллар. Улар мазмунан бири иккинчисини қувватлайди, тўлдиради.. «ЎТА».*

ТЎЛДИРУВЧИ 1 *Тўлдирмоқ* фл. сфдш.

2 *тш.* Гапнинг бирор бўлагига боғланиб, уни изоҳлаб, тўлдириб келувчи иккинчи даражали гап бўлаги. *Воситали тўлдирувчи. Воситасиз тўлдирувчи.*

Тўлдирувчи эргаш гап Бош гапнинг кесимини тўлдирувчи эргаш гап.

Тўлин Тўлиқ гардиш шаклига кирган, бутун (ой ҳақида). *Тўлин ой ғарбга томон оққан, ҳамма ёқ сумдай оптоқ. Ж. Шарипов, Хоразм. Навоий суюниб баҳо берди: -Сиз шеърда ҳилол эмас, тўлин ой бўлибсиз энди! Ойбек, Навоий. Гаҳи боқсам тўлин ойдек юзига, Гаҳи шўх ўйноқи шахло кўзига. Ҳабибий.*

Тўлишмоқ 1 *Тўлмоқ* фл. бирг. н. Оломон бир нимага қасд қилиб тўлишиб турган-

да, бир оғиз гап кифоя қилади. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Тўлалик, бўлиқлик касб этмоқ; тўлмоқ. *Юзи тўлишибди.* ■ [Аҳмаджон] *Яна тикилди. Ўша-ўша Латофат. Сира ўзгармабди. Тиниқиб, хиёл тўлишибди. С. Кароматов, Ҳижрон. Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан яшнаган чоғда, бойвачча уни кўз тагига олиб қўйган эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТўЛИҚ 1 *Тўлган, тўлдирилган, тўла. Ў* ўзини ушлаб туролмади, нафрати қайнади, ғазаб билан тўлиқ, бўғиқ товуши билан ғижиниб сўйлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Киноя ва аччиқлар билан тўлиқ мактубингизни олдим. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

2 Бекам-қўст, мукаммал, тўла. *Тўлиқ рўйхат. Асбобларнинг тўлиқ комплекти. Тўлиқ асарлар тўплами.* ■ *Мажлисда ҳамма масала ечилгандай, Аҳмедовдан сўралмаган ва тўлиқ жавоб олинмаган савол қолмагандай бўлган эди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироқлари. Гектарлар тўлиқ, ниҳоллар баравж, текис шоналаган. «Ўзбекистон қўриқлари».*

ТўЛИҚЛАМОҚ *Расо, мукаммал, бут қилмоқ, расоламоқ, тўлдирмоқ, мукаммаллаштирмоқ.*

ТўЛИҚМОҚ 1 Юраги тўлиб, ўзини аранг тутиб турмоқ. *Шоҳариқ бўйлаб Анорхон келиб қолди. У нимадандир хафа, куйинганидан тўлиқиб турибди. И. Раҳим, Ихлос. Ёш йигит, юраги тўлиқади, ҳаприқади. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.*

2 *кам қўлл. Керкмоқ, шишинқирамоқ. Ширмонхон кўз ёшини сира тиёлмади. Қовоқлари шишиб, юзлари тўлиқиб кетди. С. Зуннуова, Олов.*

ТўЛИҚСИЗ *Тўлиқ бўлмаган, нотўла. Тўлиқсиз комплект.*

Тўлиқсиз гап тш. Бирор бўлаги туширилган, лекин мазмунини осон тушунилаврадиган гап.

ТўЛМОҚ 1 Бўш жойи қолмай эгалланмоқ, банд бўлмоқ. *Ҳовуз тўлди. Зал тўлди. Куча одамга тўлди. Қоп тўлди. Дафтарнинг икки бети тўлди. Кўзи ёшга тўлди.*

2 Кўп ёки етарли миқдорда бирор нарсага эга бўлмоқ, эгаллаб олмоқ, қамраб олмоқ; қопланмоқ, бурканмоқ. *Гуллар ҳидига тўлган илиқ, маст қилувчи ҳаво. Ойбек, Танланган асарлар. Жажжигина хона биллур қан-*

дилдан ёғилаётган нурга тўлган.. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ғуломжоннинг юраги ачишди. Унинг юрагида шу аламлар захри тўлиб ётарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир зумда эшик болалар чуғурига тўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Лолаа тўлди дала, Чакканга тақ, чакканга. Сараси тарғил лола, Чакканга тақ, чакканга.* Т. Тўла. *Энг улуг байрам бугун, Келинг, ўртоқлар. Нурларга тўлди бугун Уйлар, ўтлоқлар.* И. Муслим.

3 кўчма Ҳис-туйғу, ички кечинма ва ш.к. билан ошиб-тошмоқ. *Онанинг юраги умид ва қувончга тўлди.* Ойбек, О.в. шабадалар. Унинг [Лаълининг] *бийрон-бийрон сўзларини эшитган Мирҳосил маҳлиё бўлиб қолди, кўкраги завқ-шавққа тўлди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Ганингнинг ёлғони билиниб қолди, Шу сабабдан Ёдгор ғазабга тўлди.* «Ёдгор».

4 кўчма айн. **тўлиқмоқ.** *Ўзар эрдан тўлиб юрган кампир бир оғиз гап билан ярасига туз сепгандек бўлди.* С. Абдулла, Соялар. *Ҳайдар ота ундан [кампирдан] Ёдгорбойни сўраб: -Хат келиб турибдими? — деган эди, кампир ўзи тўлиб турган экан, кўз ёши қилди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

5 Сон-миқдор, вақтнинг маълум бир даражасини эгалламоқ. *Мен, ўн олтига роса тўлмаган қиз, бирдан ёт ва катта оилага тушиб қолдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўн беш кунга тўлганида ой, Кўкка чиқиб, тунни ахтарди, Орқасидан баланд осмонда Олам-олам юлдузлар борди.* Ҳ. Олимжон. *Хурматли устознинг пойқадами етганига бугун роса уч йил тўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Пахта экдик, бўлсин деб, Шартномамиз тўлсин деб, Юз центнерга қўл қўйдик Душман куйиб ўлсин деб.* «Қўшиқлар».

Куни (ёки қазоси, паймонаси) тўлмоқ Куни битмоқ, қазоси етмоқ, ўлар чоғи келмоқ. *Худо сенинг ақлу ҳушинг олди ми? Ажсал етиб, сенинг кунинг тўлди ми?* «Рустамхон». *Таралганда тоза гуллар сўлмасин, Омон бўлсин, паймонаси тўлмасин.* «Эрали ва Шерали». *Қазом тўлса, қадам босмай ўлайин.* «Нурали».

6 Мукаммаллашмоқ, расо, бут бўлмоқ; ўрни қопланмоқ. *Гуруҳ тўлди. Штат тўлди. Чаласи тўлди. Зарарнинг ўрни тўлди.*

Ақли (ёки мияси) тўлмоқ Ақли ўсиб, вояга етмоқ, ақли етилмоқ. *Китоб ўқиган кишининг мияси тобора очилади, тўлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Эт қўймоқ; семирмоқ, тўлишмоқ. *Зайнаб Кумушининг тўлиб етмаган гавдасига ва.. губор тегмаган ҳуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишдан қўрқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Салтанатхон курортдан қайтиб келдиларми? Ойдай тўлиб, кундай кулиб келгандирлар бўлмасам?* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

Ичи (ёки юраги) тўлмоқ Тўлиқмоқ, диққинафас бўлмоқ, диққати ошмоқ. *Тўғриси, уйдаги гапларни ҳаммадан бекита-бекита, ичим тўлиб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Юраги тўлиб кетган пайтларида эса ҳаммаҳалласи Зубайдахонларникига чиқади.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўнгли тўлмоқ қ. кўнгил.** **Сабр косаси тўлмоқ қ. сабр** 2. **Уйи тўлиб қолди** Кимсанинг сафардаги яқин кишиси келиб, унинг оиласи жамулжам бўлганда айтиладиган ибора. *Йигитча фронтчи акасининг келишидан, уйи тўлиб қолишидан қувончи ичига сиғади.* С. Аҳмад, Уфқ. **Ўпкаси тўлмоқ қ. ўпка** 1.

ТўЛОВ 1 Тўламоқ фл. ҳар. н. *От ишлатганинда, нос пули, чой пули сўраб олганинда, қўлинг кўксинда эди, энди тўловига келганда жириллайсан.* Й. Шамшаров, Тошқин.

2 Бирор мажбурият юзасидан ёки қарор, қонун ва ш.к. га мувофиқ тўланадиган пул, маблағ ёки нарсаси. *Биринчи тўлов. Иккинчи тўлов. Тўлов қоғози.* ■ *Бир рўзғорга қирқ хил тўлов.. ўласанми, қоласанми — иши йўқ.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

3 Товон, компенсация. *Тўловига қолмоқ.* **ТўЛОВДОР** Бирор тўлови ёки тўлов юзасидан қарзи, боқимондаси бўлган шахс, ташкилот.

ТўЛҚИН 1 Қаттиқ-чайқалиб турган сув бетидаги пўртана; долға. *Дарё тўлқини. Қайиқ тўлқинда қалқиб бормоқда. Денгиз тўлқинга келди.* ■ *Денгиз, мунча ҳовлиқасан, Қайиқларни ирғитасан, Тоғдай-тоғдай тўлқинларни Соҳилларга сен отасан.* Файратий. *Бирдан сув чайқалиб, тўлқин турди. Тўлқин кўтарила-кўтарила, биз томонга етиб келди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Кўприк тагидан шитоб билан ўтаётган Анҳор тўлқинлари гўё пастдан қайнаб чиқар ва юмалаб-юмалаб оқарди.* П. Қодиоров, Уч илди.

2 кўчма Шақли, ҳаракати ва б. белгиси билан шу ҳодисани билдирувчи нарсаларга нисбатан қўлланади. *Шамол тўлқини. Қум*

тўлқини. ■ **Ҳаво тўлқини** зарбидан да-
рахтлар эгилар, шохлари синиб тушарди. А.
Қаҳҳор, Олтин юлдуз. «Хонга арзга борамиз»,
«Жабр-зулмдан дод» деган халқ тўлқини Хи-
вага томон оқиб келаверган. Ж. Шарипов,
Хоразм. Унинг руҳи ашуланинг гоҳ жўшқин,
гоҳ инакдек, нурдек майин тўлқинида оқиб
борарди. Шухрат, Шинелли йиллар. Тўлқин-
тўлқин учиб келар куй, Юрагимни қучиб ке-
лар куй. Г. Жўраева.

3 кўчма Ҳис-туйғу, ички кечинма ва ш.к.
нинг жўшқин ҳаракати, тўлғаниши, ға-
лаёни; тугён. **Ғазаб тўлқинлари.** ■ Янгиер
қандайдир катта бир қувонч тўлқинида су-
зар эди. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. Мам-
лакатда.. хон-беклар зулми авжига минди.
Буларни ўз кўзи билан кўрган Аваз наф-
ратланиб, юрак тўлқинини қоғозга битди.
Ж. Шарипов, Хоразм. Элмурод, ичидан тўл-
қин урган ғазабини яшира олмай.. суради. П.
Турсун, Ўқитувчи.

4 физ. Физик муҳитдаги тебранма ҳара-
кат. **Товуш тўлқинлари.** **Электромагнит тўл-
қинлар.** Қисқа тўлқинлар.

5 Тўлқин (эркаклар исми).

ТЎЛҚИНЛАНМОҚ 1 Тўлқинли ҳара-
катта келмоқ. **Сув тўлқинланди.** ■ **Пастда**
жуда катта лойқа кўл тўлқинланиб ётар..
эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Ша-**
молда қум даласи денгиздай жимир-жимир
қилади, тўлқинланади. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.
Тўлқинларан орқада Сочлар майин бир инак.
Ғайратий.

2 кўчма Тўлқинга ўхшаш ҳаракатланмоқ,
тўлқинни эслатувчи ҳаракат қилмоқ. **Мил-**
тиқлар ўқталганда, халқ ҳам бир қўзғалиб,
тўлқинланиб олди. М. Исмоилий, Фарғона
т. о. **Шу вақтгача тинч ётган халқ денгизи**
тўлқинланиб, босқинчиларни ютиб, йўқ қи-
либ юбориш даражасига келди. М. Осим,
Аждодларимиз қиссаси. **Мажлис ўтаётган-**
да, зал гўё тўлқинланаётгандай эди. «Муш-
тум».

3 кўчма Қайнаб тошмоқ, жўш урмоқ,
ғалаён қилмоқ, тўлғанмоқ, тугён урмоқ
(ҳис-туйғу, ички кечинма ва ш.к. ҳақида). **Ку-**
тилмаганда қалбимда гурур ҳисси тўлқин-
ланиб кетди. А. Мухтор, Давр менинг тақ-
диримда. **Элмурод ичидан тўлқинланган ҳая-**
жонни босиб гапирди. П. Турсун, Ўқитувчи.
Зокир булбул қайнаб-тошиб, тўлқинланиб
куйлайверди. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ТЎЛҚИНЛИ 1 Тўлқинланиб турган,
тўлқинга келган, тўлқини бор (**тўлқин** —
туғри ва кўчма маънода). **Тўлқинли дарё.**
Тўлқинли шамол. ■ **Қора денгиз Тўлқинли**
денгиз.. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. **Тарих-**
нинг тўлқинли, ўтли изидан Қип-қизил қон
тусли чечаклар тердим. Уйғун. [Нотиқлар]
Бир-биридан жўшқин, бир-биридан тўлқин-
ли сўзлардилар. Ойбек, Улуғ йўл.

2 физ. Белгили узунликка эга бўлган (фи-
зик тўлқинлар ҳақида). **Қисқа тўлқинли нур-**
лар. ■ **Темир:** —**Қисқа тўлқинли радио-**
передатчик орқали қизлар билан танишамиз,
— **деб Тўлаганларнинг вагонига келаверди.**
А. Мухтор, Чинор.

ТЎЛҚИНСИМОН Тўлқинга ўхшаш,
тўлқин тахлитига. **Тўлқинсимон булут.** **Тўл-**
қинсимон сирт. **Тўлқинсимон ҳаракат.** ■
Зинадан пастга тушмай, госпиталнинг юқо-
ри қават деразаларига қаради. **Деразалар ой-**
наси оқ бўёқ билан тўлқинсимон бўялган.
Шухрат, Шинелли йиллар.

ТЎЛҒАМОҚ шв. Чайқатмоқ; силкимок,
тебратмоқ. **Сўлув оғир тулумни тўлғаб, қо-**
воқ косадан жиндак сув ҳўплади-да.. яна иш-
га тушди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.
Ойхон икки ўрим сочини тўлғаб, ўчоқдан бош
қўтармай тўнғиилади. А. Мухтор, Кумуш
тола. **Қодир гуваладек муштини ҳавода тўл-**
ғади. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Бош (ёки бўйин) тўлғамок кам қўлл. қ.
бош, бўйин. **Итоатдан бош тўлғаган Тош-**
кент устига, албатта, Мусулмонқул золим
қўшин тортар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.
Бизлар бамаслаҳат нима десак, у бўйин тўл-
ғамас. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юраги тўл-**
ғадди Қорни бураб оғриди.

ТЎЛҒАНМОҚ 1 **Тўлғамок** фл. ўзл. н. Илон
думи тўлғанишдан тўхтаб, ерга чўзилди. М.
Исмоилий, Фарғона т. о. **Шербек Нигораса**
ер остидан қаради. Унинг йўғон икки ўрим
сочи баланд қуймичида тўлғаниб ётарди. С.
Анорбоев, Оқсой.

2 Тўлқинли ҳаракатга келмоқ, тўлқин-
ланмоқ. **Оҳ.. тортди қиз, гўёки дарё — Тўл-**
ғанди-ю қирғоқдан ошди. Т. Тўла. **Қишлоқнинг**
чап унгуридан мангу куйини чалганича, тўл-
ғаниб-тўлғаниб Оқдарё оқиб ўтади. «Ёшлик».

3 Алам-изтироб, безовталиқдан ўзини
у ён-бу ёнга ташламоқ, безовталанмоқ.
Унинг [Элгелдининг] азобли тўлғанишига
қараб фарёд қўтармаслик учун чексиз бар-

дош, тош юрак керак эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Уч дақиқали курашдан сўнг Мутал бўшашиди, илгариги кучанишларидан қолди ва бир-икки дафъа тўлғаниб, жимгина жон берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шермат ака.. кечаси билан ухлолмай, тўлғаниб чиқди. А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

ТЎЛҒИН кам қўл. 1 Тўла, тўлиқ. Навоий бир неча ойгина бир қадар сокин ишлай олди. «Қуш тили» устида тўлғин завқ билан ишлади. Ойбек, Навоий.

2 Тўла, этли, семиз. -*Овқат эмиш! Заҳар бер, заҳар!* — қиз қаддини ростлаб, алам билан қичқираркан, кўзлари ёнди, тўлғин кўкраги ғазаб билан мавжланди. Ойбек, Навоий.

ТЎЛҒОҚ 1 Туғиш олдида қаттиқ оғриқ, дард билан бўладиган (тутадиган) ҳолат; дард. Уни тўлғоқ тута бошлади. ■ Султон бўзчининг хотини Ойша бибини тўлғоқ тутиб ётганда, кўча эшигини биров қоқди. Н. Сафаров. Султон бўзчининг неваралари.

2 кўча Оғир машаққат, қийинчилик; безовталиқ. Умаралининг кўзига Зуннунов қандайдир безовта ва серташвиш кўринди. Ростдан ҳам яраси янгиланганга ўхшайди. Узини қўйгани жой тополмаяпти. Тўлғоғи бежиз эмас. И. Раҳим, Ихлос. Малоҳат эса, рассомнинг илҳом тўлғоғидан беҳабар: тоғ ёнбағридаги табиат жаннатига — кўм-кўк қирларга сеҳрланиб тикиларди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ТЎЛҒОҚЛИ 1 Тўлғоқ ҳолатли, тўлғоқ тутаётган ҳолатли.

2 кўча Безовта ҳолатли. Қабр тепасидаги теракзорда доим ёпирилиб ётган қаргалар, қачон борсак, тўлғоқли, ҳаяжонли овоз билан қағилагани қағиллаган эди.. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ТЎМПАЙМОҚ 1 Чўккалаб мук тушиб ётмоқ. Ўроз билан Йўлчи оғизларини нақ тутунга етказиб, тўмпайиб, галма-гал пуфлашарди. Ойбек, Танланган асарлар. Болалар ўтирган ўринларида тўмпайиб ё турли вазиятда узала тушиб, бирин-сирин ухлайди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Туртиб чиқиб турмоқ, тўппаймоқ, қаппаймоқ. Ён чўнтаги тўмпайиб турибди.

ТЎМТОҚ 1 Учи, тиғи ўткир бўлмаган, ўтмас (баъзи тешувчи нарсалар ҳақида). Тўмтоқ игна. Тўмтоқ мих. ■ Уста қизнинг қовоғидан қоғозларни олиб, кипригини тўмтоқ қайчи билан қайираётган эди. С. Аҳмад,

Мўтти. Қиличнинг тўмтоқ томони Йўлдошнинг калласига тегди. С. Сиёев, Аваз.

2 Олд, уч томони кесиб ташланган, кесилган (оёқ, қўл, бармоқ, дарахт ва унинг шохлари ҳақида). Унинг тўмтоқ қўли биланар-билинмас қалтирар, жағ мушаклари жимжилоқдай бўртиб лўқшлайётганди. С. Кароматов, Олтин кўм. Новдалари қирқила бериб тўмтоқ бўлиб қолган қатор тут дарахтлари чорси карталарни ажратиб турибди. Мирмуҳсин, Нукра.

3 Умуман, уч (бош, олд) томони ўткир бўлмаган, учли эмас. Баширжон секин ўридан турди. Тўмтоқ бурни сал-пал керилиб, чуқур-чуқур нафас оларди. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. Дадаси маҳаллада биринчи бўлиб галстук таққан, учи тўмтоқ ботинка кийиб, шимини устига туширганлардан эди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

4 кўча с. т. Ақли, зеҳни унчалик ўткир эмас, билими, тушунчаси чекланган, тор. Тўмтоқ одам. ■ Уч-тўрт кундаёқ Тожибойнинг ўқишга қунти йўқ, зеҳни тўмтоқ ўқувчилардан экани билиниб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. Устарани қайраб турилмаса ўтмасланганидек, одам ҳам ўз билимини орттирмаса, тўмтоқ бўлиб қолар экан. А. Муҳиддин, Ҳадя. -Биламан қурумсоқни, — деди камгап, сўзга тўмтоқ читфуруш бойвачча. Ойбек, Улуғ йўл.

5 кўча Мазмуни ёки тузилиши жиҳатидан қусурли; чала-чулпа, қўлтоқ, мужмал. Тўмтоқ жумла, Тўмтоқ жавоб. Гапи тўмтоқнинг ўзи тўмтоқ. Мақол. ■ [Қози:] Сиз аралашмай туринг, эликбоши, жоҳилсиз. Тўмтоқ гапириб, ишнинг пачавасини чиқардингиз! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Ҳожи хола.. шу билан ҳикоясини тўмтоқ қилиб тугатди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ТЎН 1 Олди очиқ, пахтали ёки пахтасиз узун устки мишпий кийим; чопон. Кимхоб тўн. Зарварақ тўн. Олача тўн. Банорас тўн. ■ [Аваз] Тўнини кийиб, белини маҳкам танғиб, уйдан чиқди. С. Сиёев, Аваз. Хосият буви бўлса кундузги кечаси тўн тикарди. С. Зуннунова, Гулхан. Аваз синглиси олиб келган пахталик тўнга ўраниб.. қабристон оралайди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 кўча Пўст, қобиқ. Қовуннинг тўни. Тўни кўк қовун.

3 кўча Либос. Баҳор келди элимизга, Яшил тўн кийди дала. И. Муслим, Сенинг

совғанг. *Шахар ичидаги баъзи дарахтлар аллақачон яшил тўнини ечиб, қорни кутар.* Газетадан. *Қизлар унинг [Нафисанинг] ғазаб ва изтироб тўнида эканини билдилар.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Нафсиларда эрса, орамиз жуда бузилган, мен ҳам ўша вақтларда чин кундошлик тўнини кийган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Бақа тўн(и) Кўлмак сувда ҳосил бўладиган яшил (тўқ яшил) юмшоқ қатлам. *Одамлар шундай секин қимирлар эдиларки, худди бақа тўни босган кўлмак сувдай бир жойда турганга ўхшар эдилар.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. **Гапга тўн кийгизмоқ** Гапни жуда боплаб, қойилмақом қилиб гапирмоқ. *Оббо сиз-е.. Хўп гапга тўн кийгизасиз-да..* Н. Сафаров, Оловли излар. **Тўн бичмоқ** Асл ҳолат асосида ёки уни кўрмай билмай хулоса қилмоқ, иш қилмоқ. *Кадрларнинг савлатига, сўзамоллигига қараб эмас, уларнинг ишига, истеъдодига қараб тўн бичинглар.* «Муштум». *Кабинетдан туриб тўн бичишларига қараганда, Шовот, Қўшқўпир, Хонқа районларидаги китоб савдоси яхши.* «Муштум». **Тўн кийгизмоқ** Тўн ҳадя қилмоқ, тўн билан сийламоқ. *Назарбой совчиларни оқ ўтовга киргизиб, олдига дастурхон ёзиб, икковига тўн кийгизиб сўради..* «Ойсулув». **Тўнини (ёки тепа тўнини, телба тўнини) тескари киймоқ** Ўжарлик қилмоқ, қайсарлик томонига ўтмоқ. *Тўнглик қилсангиз, тўнини тескари кийиб олади — ундан қайсари йўқ.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бир қараса, ундан меҳрибон одам йўқ, бир қараса, тепа тўнини тескари кийиб олади.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. *Отаси Умурзоқ Зокиров шу йилнинг июнь ойидаёқ телба тўнини тескари кийиб, этак қоқиб, уйдан чиқиб кетган.* «Муштум».

ТўНАМОҚ Тунда йўлини тўсиб, босиб ечинтирмоқ, таламоқ. *Худди шу бугун кечаси самоварга тушган аллақайси чорвачи бойни ўғрилар тўнаб, ўзини ўлдириб кетган экан.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ТўНГ 1 Ёқимсиз, қўпол, дағал. *Ҳаммани бездирадиган тўнг сўз, қовоқ солиш уларда бўлмайди.* Газетадан. *Латофат Зокиржоннинг бу тўнг муомаласи замирида нима борлигини асло тушуна олмас эди.* Файрабий, Довдираш. *Уни зулматдан қарийб фарқ қилмайдиган ним ёруғлик эмас, ҳеч бир маъно англатмайдиган ажабтовур тўнг*

сукунат ҳам қаршилади. А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш. *Усмонбек ўсиқ қошлари тагидан янада тўнгроқ қаради.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Ёқимсиз (дағал) муомалали; кўрс. *Тўнг одам.* ■ [Устани] Ансамблдан бўшашиб юборайлик деймиз-у, яна, қари одам — тирикчилиги нима бўлади, деймиз. *Ўзи ҳам ўлгудай тўнг.* Мирмуҳсин, Созанда. *Яшириб нима, Тўхтаназар кўрс, тўнг, ичкиликка ружу қилган.. меҳнатга бўйин бермасди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

3 кам қўл. Тўнгиб, музлаб қолган, музлаган. *Тўнг дарё.* ■ *Биз ҳамла бошладик тўнг қирғоқларда.* Миртемир.

Тўнг бўйин Бўйин бермайдиган, бўйин эгмайдиган, ўжар. *Бўйин эгиб ҳар тўнг бўйин дарёлар, Биз истаган йўлга бурилди, юрди.* Ҳабибий. *Чунки бу ердаги тўнг бўйинлар.. кундалик иш, касб-корлари бўлган нахтациликни тамоман ёдларидан чиқарганлар.* «Таниш башаралар».

ТўНГАК Тўнка, кунда. *Тол тўнгаги.* Тўнгак ковламоқ. *Қўполдан тўнгак айлансин.* Мақол. ■ *Ақли [одам] тўнгакка нозик ерини, ёриладиган ерини топиб туриб, болта уради — ақли билан ёради, ўзини қийнамайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сидиқжон сал юргандан кейин йўл бўйидаги каттакон тўнгакда ўтирган хотинни кўрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТўНГЛАМОҚ шв. Тўнгмоқ. [Қизларни] *Эритаман деб тагин ўзингиз тўнглаб қолманг, ефрейтор.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Эчки гўштининг ёғи оқ тусда ва тўнглайдиган бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ТўНГЛИК Тўнг хусусиятга эгалик, тўнг шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат. - *Мен ўз бошимга ўзим ҳоким! — тўнглик билан жавоб берди Тўғонбек.* Ойбек, Навоий. *Алдагани бола яхши деганларидай, Тўламат мўйлов бола табиат; яхши гапнинг қули.* Тўнглик қилсангиз, тўнини тескари кийиб олади — ундан қайсари йўқ. С. Анорбоев, Оқсой. *Қиёмов билан анчадан бери чиқишмай юради — бунга сабаб ўзининг тўнглиги, тўғрисўзлиги бўлса керак.* Мирмуҳсин, Умид.

ТўНГМОҚ 1 Музлаб қотиб қолмоқ, музламоқ. *Дарё тўнгди.* Шўр тўнгмас, аҳмоқ ўнгмас. Мақол. ■ *Музёарнинг палу-басида тўнгадиган қанақа суюқлик бўлса,*

ҳаммаси тўнгиб, музга айланади. П. Қоди-ров, Уч илдиш.

2 кўчма Совуқ қотмоқ, совуқ емоқ, сов-қотмоқ. *Совуқда қолиб, жуда тўнгиб кетдим.*

■ **Нормат ака Каримжонга яқинлашиб:** -Оёғингиз тўнган бўлса керак. Отдан ту-шинг, бироз тепиниб, оёқларни эпақага кел-тириб олайлик. Ё. Шукуров, Камолот.

3 Қуюқлашмоқ, қотмоқ. *Тўнгиб қолади-ган ёғ.*

ТўНИҚ Қора булут босган, булутли. У қорни шиддатли элаган тўниқ кўкка қарай-ди, ҳўрсинади. Ойбек, Танланган асарлар.

ТўНКА 1 Кесилган ёки синиб тушган дарахтнинг ердан учи чиқиб турган, илдиш-лари билан бирга ер остидаги қисми; тўн-гак. *Тўнка ковламоқ.* ■ *Тўнкалар жуда кўп ҳам бир-бирига жуда яқин. Ер эса тош-мет-тин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўчага чи-қиб, толнинг қазиб олинмаган тўнкаси усти-да — ошхонанинг орқасида ўтирардим.* М. Ман-суров, Ёмби.

2 кам қўлл. айн. **кунда 2.** -Кел, болам, кам-намосан, — дўконхона бурчагида усти ейил-ган, текис катта косиб тўнкаси орқасида ишлаётган Шокир ота, одатдагича, кўзой-нагини оз-моз кўтариб деди. Ойбек, Танлан-ган асарлар. *Баҳайбат, улкан хона ўртасида каттакон бир юмалоқ тўнка турарди: ток-чадаги шам ёруғида бу — кесилган ёнғоқ дарахтининг катта тўнкаси эканини билди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Қадди-басти, шунингдек, муомаласи кўпол шахсни билдиради. *Шайх Исмоил би-лан анави тўнка — Бузрук эшон Шоҳимар-донни ёппасига тўйга айтган..* К. Яшин, Ҳамза.

ТўНКАМОҚ Кимсага ағдармоқ, ким-садан кўрмоқ (ножўя иш, хатти-ҳаракат, айб ва ш.к. ни). *Қилғилиқни қилиб, бировга тўн-кайди.* ■ *Ориф ёлғончилик қилиб, ҳамма айб-ни менга тўнкагани учун.. сал бўлмаса йиғ-лавораи дедим. «Ёшлик». Э, қўйинг-е! Илга-рилари айбингизни об-ҳавога тўнкамас эдин-гиз-ку!* Уйғун, Навбаҳор.

ТўНКАРМОҚ Остини устига, устини остига қилиб қўймоқ; ағдармоқ, тўнтармоқ. *Қозонни тўнкариб қўймоқ. Тўлқин қайиқни тўнкариб юборди.* ■ [Элмурод] *Чойхоначи берган қора патнисни олдиға тўнкариб, «рўй-хат формаси» деган катта рўйхат қоғоз-ларини ёйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. Аваз сом-

санинг устига товоқ тўнкариб қўйиб, чойни шопиришга тушди. С. Сиёев, Аваз.

ТўНЛИ Тўн кийган. Азизбек.. *Райимбек додхоҳ ва олабайроқ тўнли кишига саркар-даларидан бўлган кимларнингдир бошларини кўрсатмоқда.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ТўНМОҚ шв. Кўзини тикиб қарамоқ; тикилмоқ. *Бир зўр дарахт кўринди, Ушанга кўзи тўнди.* Ҳ. Олимжон. -*Келиб-келиб қи-зингни бир ялангоёққа бердингми? — деди бой Малика холага тўниб.* Н. Фозилов, Оқим.

ТўНТАРИШ 1 **Тўнтармоқ** фл. хар. н. Қо-зонни тўнтариш. *Қайиқни тўнтариш.*

2 сиёс. Давлатни, ҳокимиятни куч би-лан ўзгартириш, ағдариш, қўлга олиш. *Сиё-сий тўнтариш.* ■ *Профессор.. Ироқда дав-лат тўнтариши бўлгани.. ҳақида гапириб, [Умидга] турли саволлар берарди.* Мирмуҳ-син, Умид.

ТўНТАРИҒЛИҚ Тўнтарилган, тўнка-рилган, тўнтариб қўйилган. *Чироқни тўнтар-иғлиқ сопол товоқчага қўйиб, ўзи сандалга ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТўНТАРМОҚ 1 Остини устига, устини остига қилиб қўймоқ, ағдармоқ, тўнкармоқ. *Йўлчи токчада ётган шамни ёқиб, бир пиё-лани тўнтариб, унинг устига шамни ўтқаз-ди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 сиёс. Давлатни, ҳокимиятни куч би-лан ўзгартирмоқ, ағдармоқ, қўлга олмақ, тўнтариш қилмоқ.

ТўНҚАЙМОҚ Тик оёқ устида ёки тиз чўкиб, бошини қўйи, орқаси (кети)ни юқори қилмоқ. *Тўнқайиб, икки оёқ орасидан қарамоқ.* ■ *Чол тўнқайиб, пешонасини бор-донга қўйганида, тепада Бойтеватнинг шар-паси сезилди.* Мирмуҳсин, Тўнги чақмоқлар.

Давлатига тўнқаймоқ 1) ношукурлик қилмоқ, онқурлик, кўрнамаклик қилмоқ; **2)** кўрсатилган иззат-ҳурматни билмай кек-каймоқ, ҳаддан ошмоқ.

ТўНҚАТАР тар. Амир саройида улуг-ларни отдан туширувчи лавозимли киши. *Ясовуллар.. деҳқонни ёқасидан ушлаб, арк дар-возасига судраб олиб бордилар ва тўн-қатарнинг буйруғи билан уни ўн беш таёғ уриб, ундан хизматона ва жаноби олий ҳақиға дуо олгандан кейин қўйиб юбордилар.* С. Ай-ний, Қулар.

ТўНҒИЗ 1 Ёввойи чўчка, қобон; уму-ман, чўчка. *Ер овлоқ бўлса, тўнғиз тепага чиқар.* Мақол. *Эшак — иши билан, тўнғиз —*

тиши билан. Мақол. ■ Унинг [Турсунбой-нини] қамиш чайласи олдида ўрдаклар уч-ди, яқингисидан тўнғизлар ўтади. С. Аҳмад, Уфқ. Қамиш ўрмонларнинг бир хилдаги салобатли шовуллаши билан тўлган жим-житлик тўнғиз овчиларининг гоҳо узоқларда гўмбурлаган милтиқлари товушидан бузилади, холос. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Бизниқилар: «Карам шўрва ичмаймиз, тўнғиз гўшти солади», дейишган эди, гўшт-ёғни ҳам ўз қўлимизга берадиган бўлишди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўча Тарбия кўрмаган, нодон ёки виждонсиз одам ҳақида; шу ҳайвонга нисбатли ҳақоратни билдиради. Мухтарам қайин отамизга! Сиз билан мени қоронғи зиндонларга тушириб, дор остларигача тортган.. Ҳомид исми бир тўнғизни, ниҳоят, икки йиллик сарғардонлик сўнгида.. тупроққа қориштиришга муваффақ бўлдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Кет, тўнғиз, кет, тавба қилиш замони ўтди.. - дер эди халқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Анави тўнғизнинг хириллаб ухлашига ҳавасим келяпти, — у Фаввосни кўрсатди. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Мучал йил ҳисобида ўн иккинчи йил номи. Унинг йили — тўнғиз. ■ Ҳай, Шукур кампир, мучалингиз тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн бирида туғилганмисиз, нима бало, сира эл бўлмайсиз-а? А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Тўнғиз йили Мучал йил ҳисобида ўн иккинчи йил (қ. мучал).

Тўнғизтароқ Бир йиллик, баъзилари кўп йиллик баланд бўйли, тўпгулли, тўпгули етилганда кийим-бошга, ҳайвонлар танасига ёпишадиган ўтсимон ўсимлик. Нусратилла икки кунгача унинг [тойчанинг] ёлига тўнғизтароқ ёпиштириб ўйнади-ю, кейин қарамай қўйди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Этакка ёпишган тўнғизтароқларни юлиб ташлаб, «барака» қидиришлар ҳам.. ҳамма-ҳаммасида қайтиб келмас орзулар бор эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Тўнғилламоқ 1 Ўз-ўзича гўнғиллаб, тушуниб бўлмайдиган қилиб, гудурлаб гапирмоқ; пўнғилламоқ. У алланималар деб тўнғиллади. ■ Бир сониялик сукутдан сўнг ўрнига чўзилиб, тўнғиллади. С. Кароматов, Сўнгги бархан. Толиб ака яна нима балалар деб тўнғиллади. Аммо энди Аҳмад без бўлиб ўтирарди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

2 Норозилик оҳанги билан, кўрс гапирмоқ. -Кул, ҳа, кул! Сенга шунақа кулги бўлса! — тўнғиллади Суворонжон. С. Анорбоев, Оқсой. [Салимжон] Бора-бора уйга пўнғиллаб кириб, тўнғиллаб чиқиб кетадиган бўлиб қолди. А. Муҳиддин, Давлат қораловчиси.

Тўнғич 1 Энг катта (биринчи фарзанд ҳақида). Тўнғич бола. ■ Моҳирабонудан икки ўғил ва икки қиз дунёга келиб, тўнғичи — Азимбек, ундан кейингиси — Ҳушрўй, учинчиси — Каримбек ва тўртинчиси бизнинг Зайнаб эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўча Энг биринчи, дастлабки. Чирчиқ дарёси бўйларида кимё ва энергетика саноатининг тўнғич корхоналари бунёд этилди. Газетадан. [Чевар қиз] Шу тола Мирзачўл ерида етиштирилган ҳосилнинг тўнғич чанокларидан олинганини билармикин? Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

Тўп I [ф. топ — копток; парча, ўрам, (газмол)] айн. **копток** 1. Футбол тўпи. Тўп ўйнамоқ. Рақиб дарвозасига тўп киритмоқ. ■ Бола ўтириб олиб, жон-жаҳди билан тўпни пуфлашга туяйди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. Қоронғи тушгунча қўшни балалар билан тўп тешишдик. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

Кўл тўпи Икки жамоа аъзоларининг тўпни қўлда муайян қоидалар асосида бир-бирларига ошириб, рақиб дарвозасига кириштишга қаратилган спорт ўйини. ..спортнинг кўл тўпи, футбол, теннис, шахмат-шашка, волейбол каби турли секциялари ишлаб турипти. «Муштум».

Тўп II [ф. [توپ] 1 айн. **тўда**. Тўндан айрилганни бўри ер. Мақол. ■ Уч давангир йиғит орасида келаётган Маъсума бека дарҳол ўзини шоҳи мато сотаётганлар тўпига урди. Мирмуҳсин, Меъмор. Аёл картотекадан бир тўп хатни олиб, кўз югуртира бошлади. «Гулдаста». [Аёл] Пахтасини келтириб, хирмондаги энг катта тўпга тўқа бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фабрикада ўралган, ҳали бузилмаган ўлчовли газмол; газмол ўрами. Бир тўп чит.

Тўп III 1 Узун стволли, қуруқлик ва сувдаги ёки ҳаводаги нишонларга зарба берадиган артиллерия қуроли; замбарак. Танка қарши ўқ отадиган тўп. Тўп ўқи. Тўпга тутмоқ. ■ Кимдир артиллеристлардан бири 76 миллиметрли тўпни судраб келиб, Нормат окопининг ёнига ўрнатди. И. Раҳим, Чин

муҳаббат. *Тонг ёрир-ёримас Оқтепа томонидан тўп ота бошладилар, А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қаердадир тўплар шошилмасдан, вазмин гумбурайди, ора-сира пулемётлар асабий такиллаб қўяди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ўзинг биласанки, қисм ҳужум бошлашидан илгари артиллерия душман позициясини қаттиқ тўпга тутати. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 кўча айн. тўпотар. *Тўпга яқин, қуёшининг ўтли нафаси зўрайиши билан буг йўқолиб, ҳамма ёқ чарақлаб кетди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. Тўндан кейин Лукмончанинг онаси этиб келди. А. Мухтор, Туғилиш.*

ТЎП IV тақл. с. Юмшоқ нарсанинг ерга урилишидан чиқадиган кучсиз товуш ҳақида. *Олма тўп этиб ерга тушди. Ташқарида бир нарса тўп этди.*

ТЎПАЛАНГ шв. Тўполон.

ТЎПАР қ. тўпир. *Бир тўпар от келаяпти майдондан. «Гулихиромон».*

ТЎПГУЛ Попук ёки шода, бошоқ, каллак, соябон шаклида бутунлик ҳосил қилган гуллар мажмуи. *Мураккаб тўпгуллар.*

ТЎПДАЙ, -дек 1 Тўпга ўхшаш, тўп сингари. *Ажали етмаган экан, бола бечора соғ қолди.. Нақ бошимдан ошириб отди. Тупроққўргондаги тўпдай гумбурайди савил. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 с. т. Куруқ, мойсиз, тўпондай. *Тўпдай ош.*

ТЎПИЛЛАМОҚ «Тўп» этган овоз чиқармоқ, «тўп» этмоқ. *Олма тўпиллаб ерга тушди. ■ Йигитча уйга тўпиллаб кириб келди-да, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, стол устига кичкина бир туғунчани қўйди. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.*

ТЎПИР шв. Тўп, тўда; одамлар тўпи, халқ. *Ҳамма ёқ қабристон жимлигидай унсиз, ваҳимали.. ҳар жой-ҳар жойда тупроқ, қум тўпирлари. А. Ҳакимов, Илон изидан. Киндик қони тукилган она тўпиридан ким жудо бўлгиси келади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ТЎПИЧОҚ қ. тўбичоқ. *Тўпичоқни минганда, Тез юришга ундаймиз.. «Қўшиқлар». Отинг бўлса тўпичоқдан, Ёл, қўйруғи бир қучоқдан. «Қўшиқлар».*

ТЎПИҚ Болдир суягининг пастки учдаги ён томонга туртиб чиққан дўмбоқ қисми. *Тўпиқ суяги. ■ Лўмбоздай гилдирак тош думалаб бориб, ўнг оёғи тўпиғига қарс этиб*

урилди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ниҳоят, бир қарорга келгандай эгилиб, Шербекнинг этигини ечишга уринди. Бефойда. Тўпиғи, панжаси шишиб, этикни ёриб юборгудай тирсиллаб турарди. С. Анорбоев, Оқсой. ..далада бир кўкшошга тойиб, тўпиғимни чиқариб олдим. С. Сиёев, Ёруғлик. Ёз кунлари Найманчанинг кўчалари тўпиқдан чанг бўларди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайди (ёки тўпиғидан келмайди) қ. дунё. **Тўпиқ ўйини** Тўпиқ суягини ўйновчилардан бирига, сўралганда дарҳол кўрсатиш шарти билан, бериб ўйналадиган писандали ўйин. *Тўпиқ ўйнаб, битта ўтиришга тушдим. Тўпиғини яламоқ* Хушомадгўйлик қилмоқ, оёғини (товонини) яламоқ. *Қўрқма, жинни! Қачонгача тўпиғини ялайсан.. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ТЎПЛАМ 1 Маълум тартибда тўпланган бир турдаги нарсалар йиғиндиси; коллекция. *Қадимги танга-чақалар тўплами.*

2 Маълум тартибда тўпланган ва нашр этилган асар, қонун, қарор ва ш. к. мажмуи; мажмуа. *Шеърлар тўплами. ■ Тўпламда шоирнинг сара масаллари жамланган. Газеталар.*

3 Тўп, тўда, уюм. *Бир тўплам ўтин.*

ТЎПЛАМОҚ 1 Битта-битта териб ёки супуриб, сидириб, бир ерга йиғмоқ, тўп, тўда ҳолга келтирмоқ. *Тукилган олмаларни тўплаб қўйдим. Қумни тўплаб қўй. ■ [Йўлчи] Мўлжаллаган миқдорини ўриб бўлди. Сўнг, уюм-уюм тўплаб, кенг қулочига сиққанча кўтариб, бойнинг ташқарисига ташимоққа бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Олаҳўжа шошилиб, лаганлардаги ошларни бир лаганга тўплади. Бошқалар қўлларини артишди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Йиғиб қўпайтирмоқ, қўр қилмоқ, жамгармоқ. *Маблағ тўпламоқ. ■ Акбар пул тўплаб.. қачондир Ҳиндистонга саёҳат қилишни орзу қиларди, тилагига етдимикан? Х. Султонов, Онамнинг юрти. Сиз ҳам нафсга берилиб, жуда кўп сийму зар тўплагансиз.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

3 Турли манбалардан олиб, бир бутун, яхлит ҳолга келтирмоқ, йиғмоқ; тузмоқ, тартиб этмоқ. *Коллекция тўпламоқ. Гербарий тўпламоқ. Маълумот тўпламоқ. Диссертация учун материал тўпламоқ. Навоий шеърларини тўпламоқ. Колхоз чорвачилик соҳасида катта тажриба тўплади.*

4 Чақириб, чорлаб, бир ерга йигмоқ, уюштирмоқ. Самарқанд обидаларидек санъат асарларининг бунёд бўлишига ҳомийлик қилган, жаҳонга донғи кетган одамларни тўплаб, уларга шароит яратиб берган одам эзгуликни ҳис қилмаслиги мумкин эмас. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Биз мактабда урушга кетганларнинг расмини тўплаётган эдик. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

5 кўчма Борини бир ерга йигмоқ, йиғиштирмоқ (куч, диққат-эътибор ва ш.к. ни). Ҳушини тўпламоқ. Бутун иродасини тўпламоқ. ■ - Нима? — шу вақтгача паршон турган Ҳури фикрини тўплади. Ф. Мусаёнов, Ҳури. У бутун кучини тўплаб, дарахтга чирмаша бошлади. Н. Сафаров, Тилсимчилар. [Йўлчи] Сўнги зарба учун бутун ғазабини, кучини, иродасини тўплади-да, бир қўлини ерга тираб, бошини ердан узди. Ойбек, Танланган асарлар.

6 Юзага келтирмоқ, ҳосил қилмоқ. ..ўқариқдан ҳатлаб ўтди-да, қийғос ҳосил тўплаётган ғўза тўпладиди қўсақларни санай бошлади. Газетадан. Тоғ бағирларида асалари-ларнинг мўл ва шифобахш асал тўплаши учун шароит етарли. Газетадан.

ТЎПЛОВЧИ 1 **Тўпламоқ** фл. сфдш. Аъзолик бадали тўпловчи.

2 Бирор асар, мажмуа ва ш.к. ни тўплаган, тартиб этган шахс, тузувчи.

ТЎПОЛОН 1 Беҳаловат, тартибсиз ўйин, шўхлик. Бола-да. Бола бўлгандан кейин, тўполони, шўхлиги билан бўлади-да! Шўхрат, Шинелли йиллар. Ҳамроев кечки овқатдан кейин бирпас чўзилмоқчи бўлган эди, тўғри келмади: нариги уй тўполон — болалар бир-бирини ёстиқ билан уриб ўйнаётибди. А. Қаҳҳор, Айб кимда? Ҳар бир тўйда тўполон қилиб, беармон ўйнаб-кулишга ўрганган болалар бу «улуғ тўй»дан норози эдилар. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Умуман, бетартиб ғовур-ғувур ҳаракат; югур-югур, қий-чув, ур-йиқит. [Жўра:] Оғайни, бу яна нима тўполон? И. Султонов, Бургутнинг парвози. Сен тўполонда билмадинг. Мелис иккаламиз Ғани тўтини ҳам роса дўппосладик. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Ваҳимага тушган қўшин бирдан ўзини орқага ташлади, аммо ур-сур тўполонда кўприкка сиғмай, от-уловлари билан сувга тутдай тўкила бошлади. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Уриш-жанжал, машмаша, можаро. Арзимаган гап устида дунё бузган кундош тўполонлари кимнинг қўлоғига ёқсин? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шербек Оқсойга тўрт кун деганда, тўполон устига етиб келди. С. Анорбоев, Оқсой. Бир тўполон чиқазиб, обрўсини уч пул қилай дедим-у, яна шайтонга ҳай бердим. «Муштум».

4 кўчма Исён, ғалаён. Тўполон чиқармоқ (қўтармоқ). ■ [Навоий:] Шохим мендан нима истайдилар. [Ҳусайн:] Дарवेशали тўполонини бартараф қилиш ва фитначини тириклай тутиб келтиришни ўзларига ҳавола қилсак. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Суворий казаклар кимдандир дарак топиб, ғалаённи бостиргани келишган эди. Тўполон босилиб, мадраса олди жимжит бўлгач, яна казармага қайтиб кетдилар. С. Сиёев, Аваз.

ТЎПОЛОНЧИ 1 Беҳаловат ўйинни, шўхликни яхши кўрадиган, ортиқ даражада шўх. Тўполончи бола. ■ Малика тўполончироқ, Холдор эса ҳамма вақт қўлларини қовуштириб, «интизом» бўлиб ўтирарди. Ж. Абдуллахонов, Тўнг ёришган соҳилда. Шундай тўполончи боланинг бирданига ювош бўлиб қолганини кўриб, синфдошлари ҳайрон эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Бекорга, бўлар-бўлмасга уриш-жанжал қилаверадиган, жанжалкаш. Тўполончи хотин. ■ Республикада безорилар ва тўполончилар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Газетадан.

ТЎПОЛОНЧИЛИК Тўполончига хос хатти-ҳаракат. Биров [Садриддиннинг] дарс вақтида ўтирмаслиги.. бошқаси тўполончилиги натижасида синфдаги болаларга кун бермаётгани ҳақида арз қилади. А. Шомирзаев, Бизнинг муаллима.

ТЎПОН 1 Донни янчиш ва тозалашда чиқадиغان чиқинди; майда чори ёки йирик кепак. Мен бироз тўпон юборғизаман. Икки хил ем, майин беда — кўк чиққунча етади шулар. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

2 махс. Қизиган темир, мис, қўрғошин кабиларга ишлов берганда тўкиладиган зарралар; кукун. Қизиган темирни чўзганда, сандон остига тўкилган майда темирлар «тўпон» деб аталади. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Кошинпаз учун қарноб тўпироғи, оқ қум.. мис тўпони, қўрғошин тўпони керак. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Умуман, чанг, тўзон.

ТЎПОНДАЙ Куруқ, мойсиз; тўпдай. *Қўй, бўлди, Бувисара, агар уша кунги мошкичирингени ёғли десанг, кам ёғи қанақа бўлади, тўпондай эди-ку.* В. Ғофуров, Вафодор.

ТЎПОРИ Жуда содда, оддий, қилвирликни билмайдиган. *Тўпори одам. ■ Бутун ўқиш даврида кўзга ташланмаган, ҳатто баъзан кулгили ҳазилларга нишон бўлган бу оқ кўнгли, тўпори йигит [Рустам] фронтда ўз ўрнини топиб олди.* В. Ғофуров, Вафодор. *Қишлоқ қизларини биласан, анча тўпори бўлишади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Баширжон тўпори кўринган кекса шоирнинг байтни жуда тез ва осонгина ёзганига қойил қолди.* Н. Аминов, Суварак.

ТЎПОТАР эск. Кундуз соат 12 пайти; туш, чошқа, тўп (авваллари Тошкентда шу пайтда тўп отилар эди). *-Вой ўлмасам, тўп-отар бўлиб қолибди-ку! - деди [Ҳожия хола] бир вақт соат стрелкасининг 12 рақами устида тураганини кўриб.* В. Ғофуров, Вафодор. *Унсин тумшуғига тунука қопланган чойнакка чой дамлаб, иккита кулча билан Шокир отага узатди: - Отажон, тўпотар бўлди, чой ичинг!* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎППАЙМОҚ Дўппаймоқ, тўмпаймоқ. *Кўприк тагидан ўтгач, йигит сув четида тўппайиб чиқиб турган қайрағоч илдизига интилиб бориб, маҳкам ёпишди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ТЎППИ с. т. Дўппи. Унинг зар билан тикилган жуда чиройли тўпписи бир эди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТЎПОНЧА Яқиндаги нишонга ўқ узиш учун белгиланган, ёнда олиб юриладиган қурол; пистолет, револьвер. *Тўпонча отмоқ. Тўпончадан ўқ узмоқ. ■ Бўронбек тўпончасини яланғочлаб, ота-болага ўқталиб турди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *У тўпончасини яхшилаб текшириб, филофига солди-да, ёстиқ тагига қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТЎПТОШ Қиз болаларнинг майда тошларни ташлаб-илиб олиб ўйнайдиган ўйини ва шу тошларнинг ўзи. *Саодатнинг ҳам, Анорнинг ҳам тўптош ўйнаш даври ўтганда, бўлмаса, улар ана шу думалоқ, силлиқ, ранг-баранг майда тошларни этакларига тўлдириб олишарди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Улардан беш-олти қадам наридаги санзор бўйида қизчалар.. тўптош ўйнашар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

ТЎПХОНА [тўп III + хона] тар. Ўрта Осиё хонликларида: тўплар, қурол-аслаҳалар сақланадиган жой; арсенал. *Биринчи тўқинишда ўз лашкарбошиси ва тўпхонасини қўлдан берган амир яна ҳийла йўлини тутди.* С. Айний, Қуллар.

ТЎПЧИ Тўп отувчи, тўп билан қуролланган қисмда хизмат қилувчи; артиллериячи, артиллерист. *Бу тепа устида доимий тўпчи ва қоровулар турар эдилар.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Тўпчилар ҳолдан кетиб йиқилгунча отдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ТЎР I 1 Умуман, ҳар қандай материалдан катак-катак кўзли ёки бежамдор қилиб тўқилган нарса; асбоб, буюм ва ш.к. нинг шундай нарсадан иборат қисми. *Сим тўр. Футбол дарвозасининг тўри. ■ Каптар-хонани каптарлардан холи ва [каптархона] оғзидаги новдадан тўқилган тўрларни бузилган кўриб ҳайрон бўлади.* А. Қодирӣ, Обид кетмон. *Асалариларни парварииш қилишда, асал олишда бошга ҳимоя тўри кийишади.* «Зоологӣя». *Этакдаги сим тўр ортида товўқлар қақағлайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Ҳамхонам каравот тўрини ғижирлатиб, ўрнига ётди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Табиий ёки сунъий толадан катак-катак кўзли ёхуд бежамдор қилиб тўқилган газмол; тюль. *Нафис тўр. Ип тўр. Пардабоп тўр. Тўр парда. ■ -Нима ҳақда ёзиш ҳам жуда муҳим масала, - давом этди у. - Лекин.. мана шу тюль, - деб у деразаларга тўтилган нафис гулли оппоқ тўрни кўрсатди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Шундай тўқилмадан иборат буюм. *Эрталаб, одат бўйича, Нури тўр рўмол ёпиниб, бешикдаги боладан то кексаларга қадар - ҳаммага салом қилар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қора тўр қўлқоп кийиб, юзига сачвонга ўхшаш тўр тутган шяпнали хотин уни кўриши билан.. афтини буруштирди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Зухра бегимнинг юзи оқ ипак тўр ортидан аниқ кўринмас эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Шундай катаклар шаклида тўқилган (ишланган), балиқ ёки қуш овлаш учун ишлатиладиган буюм, асбоб. *Бедана тутадиган тўр. Тўр билан балиқ овламоқ. ■ Пирнафас ака қайиқ, тўр.. санчқи сотиб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Овчи секин-аста тўрнинг ипини тортибди, ҳамма каптар тўрга илинибди.* «Эртаклар». *Дарёга қармоқ таш-*

лаган киши илинганини олади-да, қайси бир балиқчи тўрига тушган лаққани ташлабди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 кўчма Қўлга тушириш, илантириш воситаси; дом, тузоқ. Қўй, болам, Оқтошга зинҳор бормагин, Ёш баччасан, тўрга тушиб қолмагин. «Нурали». Бойвачча яна ошиқ. Шаҳзода унинг яна кимга тўр ташлаётганини сезиб қолган. К. Яшин, Ҳамза.

6 Умуман, шундай тўқилмага ўхшаш, уни эслатувчи нарсa. Тўри тарам-тарам, ёқимли ҳиди гуркураётган қовунлар.. «Саодат». Ҳозир Дўстбек билан Аҳмад Танбал бизни ўргимчак тўридай чирмаб келурлар. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.

Тўр II Пойгакдаги жойга нисбатан юқоридаги жой, умуман, жойнинг юқори, яъни қуйига қарама-қарши томони. Ардоқли меҳмонни тўрга ўтқазмоқ. Ғалчани иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқади. Мақол. Тентак тўрини бермас. Мақол. ■ Полвон тик туриб, отасининг тўрга ўтишини кутди. Ж. Шарипов, Хоразм. Марҳамат! Бу уйнинг тўри — сизники, Тўйга келгувчилар мингдан кам эмас. Ғ. Ғулом. [Элмурод] Қурилишининг икки томонини кўздан кечириб, унинг битгач, қандай бино бўлишини тасаввур қилади: синфлар, зал, залнинг тўрида ўқитувчилар хонаси. П. Турсун, Ўқитувчи. Ноибнинг мулозими ҳовли тўрига қочди. С. Сиёев, Аваз.

Тўра 1 тар. Юқори табақага мансуб киши; зодагон, оқсуяк, аристократ. Бу икки қаватли катта ҳовли Азлархон тўраининг ҳовлиси эди. Ойдин, Ҳазил эмиш.

2 тар. Хонлар даврида ва чор Россияси даврида Туркистонда катта амалдор, ҳоким. Унга жавоб қилмай, ҳокимдан сўради: -Нима қилайлик бўлмаса, тўрам? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эликбоши.. ўйлади: «Маҳкамага бориб, Ҳакимбойваччанинг обрусини дастак қиламан. Тўраларнинг оғзига уриш учун пулни бойвачча беради. Мандан нима кетади, қабул қилаверай». Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ҳурмат юзасидан ёки улуғлаб, кишиларнинг номига, унвонига, мансабига, шунингдек, кўчма маънода баъзи нарсаларни билдирувчи сўзларга қўшиб ишлатиладиган сўз. [Содиқ:] Ҳа-ҳа-ҳа, балли, Мутал тўрам! А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Мулладўст ўзига ўзи:] Оббо, ҳай бу кун-эрта ёр-ёр, чилдирма бака-банг, қиблага қараб куёв тўрам ўти-

радилар. Ҳамза, Майсаранинг иши. Қудрат ака, паловхон тўра ўзларини жуда азиз қилиб қўйдилар, қарздормиз. Н. Сафаров, Уйғониш. Мана, ёнига коньяк тўрани қўйиб, тўнғич ҳосил билан дастурхонни безатдим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 кўчма Расмиятчи, расмиятпараст, бюрократ. Бошқарма идорасига жойлашиб қолган икки-учта ўзбилармон тўраининг бебошлиги туфайли ишлар кетга кетганди. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

5 Тўра (эркаклар исми).

ТўРАЛАРЧА 1 Зодагонларга, аристократларга хос равишда. Тўраларча кеккайиш.

2 Расмиятпарастларга, бюрократларга хос равишда. Сиз бу тенгсиз гўзалликка, бутун бир ўлканинг тақдирига тўраларча қўл силтамоқдасиз, А. Мухтор, Чинор.

ТўРАМИЖОЗ айн. **анғирт**.

ТўРАЧИЛИК Ишга, ўз вазифасига расмиятчилик билан қараш, қуруқ расмиятпарастлик; бюрократизм. -Энди, сиз қолибмидинииз тўрачилик қилмаган! — деди Турсуной. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Идора-бошқарув аппарати учун сансалорлик, тўрачилик.. тамомила ёт нарсадир. Газетадан.

ТўРВА Кичкина қопчиқ; халта. Бўз тўрва. Бир тўрва ёнғоқ. ■ Қўрбоши ҳам, тўрвасини йўқотган гадейдек, қушбегининг чап ёнига, Қумушбигининг юқорисига бориб ўтирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳар хил асбоб-ускуналар солинган тўрвасини катта темирғаилиб, обкашдай елкасига қўйиб олган челақ тузатувчи гуркураган овози билан жимжит маҳаллага жон киргизиб борарди: -Чела-ак ту-за-та-ма-ан! П. Турсун, Ўқитувчи.

Тузлуқ тўрва қ. **тузлуқ**. Тўрва қоқди Охирги фарзанд, кенжатой. Ҳайдар Абдурахмон отанинг кенжа ўғли.. тўрва қоқди боласи эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Айниқса, Мавлон аканинг тўрва қоқдиси.. Нишонбой серхархаша. Ҳ. Ғулом, Машғал.

ТўРИҚ Қора қизил, тўқ жийрон (от туси ҳақида). Тўриқ от. ■ Отабек тўриқ йўрғани чиқариб, қутидорга тутди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Нигора?! — Шербек қизиб кетган тўриқнинг тизгинидан тортар экан, ўз кўзига ишонмагандек текиларди. — Қайси шамол учирди? С. Анорбоев, Оқсой.

ТўРЛАМА Пўсти тўр билан қопланган, тўрлаб, етилиб пишган (қовун ҳақида). Тўрлама шакарпалак. ■ Алижон бошмал-

доғини найза қилиб, тўрлама қовунларни бир уриб учириб юборади. Мирмуҳсин, Чиникиш.

ТЎРЛАМОҚ 1 Ипни тўр шаклида кесиштириб тикмоқ, шу йўсинда тикиб, бирор юзани қопламоқ. *Пайпоқни тўрлаб ямамоқ.*

2 Тўр шаклида кесишган чизиқлар билан қопланмоқ, тўр ҳосил қилмоқ (етилган, пишган қовун ҳақида) (қ. **тўр I 6**). *Шаккарпалак тўрлай бошлабди. ■ Тарвузлар бир кучоқ, тўрлабди қовун.. Миртемир.*

3 кўчма Умуман, шундай шаклни (тўр шаклини) олмоқ. [*Темир тоға*] *Тўрлаб кетган қадоқ қўлларини бир-бирига ишқаб, йигитларнинг кўзига тикилди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. У.. кўзойнагини қаншаридан олиб, кўкиш томирчалари тўрлаб кетган энгагини оқ рўмолча билан артиб қўйди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

ТЎРС Тўнг, қўпол, дағал, қўрс. *Тўрс одам. Тўрс гап. Тўрс гапирмоқ.*

ТЎРСАЙМОҚ Қовоқ солмоқ, тумтаймоқ. *-Гапимга ҳеч қулоқ солишмайди, — деди тўрсайиб Раҳим. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. Эрининг гапирмай, тўрсайиб бораётгани [Меҳринисанин] юрагини сиқарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. -Ҳой яхшилар! Нега бундай тўрсайиб чиқиб кетяпсизлар!? Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.*

ТЎРСИҚ 1 Меш, саноч. *Бир тўрсик қимиз. ■ [Бозорнинг] Қимирлашга дармони йўқ, ичида бир жойи ловулаб ёнади, тўрсикдаги илиқ сувни ичган сари, қора тер босади танини. А. Мухтор, Чинор. Бир кулбанинг соясида уч-тўрт кўчманчи қўлларида заранг коса ушлаб, қимиз тўла тўрсикларни эзгилаб ўтираар эди. М.Осим, Элчилар.*

2 с. т. ҳазил Лўмбиллаган катта эмчак.

ТЎРТ 1 4 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Тўрт кун. Тўрт сўм. Тўрт килограмм. Тўртдан бир улуш. Ундан тўрт ҳисса. Тўрт барабар оширмоқ. ■ Тўрт атрофда садоқатли дўстлар, ҳамфикрлар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ёнига тўрт нафар ясовул олиб, Султонали йўлга тушди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Бой чой қоғозга ёзilib, тўрт букланган хатни очди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Беш балли баҳо тизимида: аълодан кейинги яхши баҳо. *Ҳамма дарслардан тўрт олдим.*

Тўрт кўз тугал (ёки тугаллик билан) қ. тугал. Тўрт кўз билан кутмоқ ёки (икки) кўзи

тўрт бўлмоқ қ. кўз. Тўрт муча қ. муча 1. Тўрт оғайни қ. оғайни. Тўрт томонинг қибла! қ. қибла.

ТЎРТБУРЧАК 1 сфт. Тўрт томони тенг бўлган; чорси, квадрат. *Тўртбурчак ҳовли.*

2 айн. тўртбурчаклик.

ТЎРТБУРЧАКЛИК мат. Қарама-қарши томонлари параллел, тўртта бурчакли геометрик шакл. *Тўғри тўртбурчаклик.*

ТЎРТИНЧИ 1 Тартиб қатори, ўрни 4 рақами билан белгиланган, 4 номерли. *Тўртинчи уй. Тўртинчи бет. Тўртинчи синф. ■ Ниҳоят, тўртинчи кун ив бароридан келди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 Катта-кичик нарсаларнинг учинчидан катта, бешинчидан кичик ўлчами. *Тўртинчи калиш.*

3 от, тар. Октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларида, фуқаролик уруши йилларида большевикларга берилган ном (большевиклар Таъсис мажлисига сайловларга кўрсатилган номзодлар рўйхатида тўртинчи ўринда бўлган). [*Мухтор:*] *Бугун қўлга олинadиган тўртинчиларнинг рўйхати Тўрабекка топиширилган. Тўрабек бу топишириқни бажара олмаса, эртага ишимиз барбод бўлади. А. Раҳмат, Абдулла Набиев.*

ТЎРТКЎЗ 1 Ит лақаби. *Бу итни биламан — Қосимжон бойваччанинг итлари, мени танийди.. Маҳ, Тўрткўз, маҳ! Ҳа, бетавфиқ, ювош эдинг-ку! А. Қаҳҳор, Миллатчилар.*

2 с. т. дағл. Кўзойнакли киши ҳақида.

ТЎРТЛАМЧИ 1 шв. Тўртинчи. *Тўртламчи гапим шуки..*

2 кт. Бирор нарса ёки ҳодиса жараёнида тўртинчи ўрин тутадиган, тўртинчи даражали ёки тўртинчи навбатда юзага келган, ҳосил бўлган. *Тўртламчи система (геол.), Тўртламчи давр (геол.).*

ТЎРТЛИК 1 ад. Тўрт мисрадан иборат, тугал мазмун ифодасига эга бўлган шеърый шакл; қитъа; мурабба.

2 Тўрт кишидан иборат бўлган гуруҳ. *Тўртлик мажлиси. Тўртлик комиссия.*

3 Тўртта холи бўлган қарта. *Ғиштиннинг тўртлиги.*

ТЎРХАЛТА Тўр тўқиб ишланган, катак-катак кўзли халта. *Тўрхалта кўтарган аёллар дам у дўконга, дам бу дўконга ўзини уради. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. ..қўлида катта тўрхалта тўла нарса билан илжайганча*

эшикдан Шаҳоб кириб келди. Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ТЎРҚОВОҚ Бедана ва б. сайроқи кушлар сақлаш учун ярим палла қовоқ пўчоғи ёки ёғоч гардишга тўр тўқиб ясалган қафас. Чинор шохига илинган тўрқовоқдаги бедана бетиним сайрайди. С. Кароматов, Олтин кум. Бу жимликни фақат боғларнинг чайлаларига осилган тўрқовоқлардан чиққан «вавағ, вавағ, пиппилик, пиппилик» садолари бузиб турар эди. С. Айний, Куллар.

ТЎРҒАЙ 1 Чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласига мансуб кичкина сайроқи кушларнинг умумий номи. Дала тўрғай. Қора тўрғай. ■ [Элмурод] Кўзларини қисиб, кўм-кўк осмонга қарар экан, қанотини дириллатиб, бир ерда сайраб турган тўрғайни кўрди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бир шўх бўз тўрғай Ғуломжон бошидан кетмай ҳадеб бўзлар, нималардир сўзлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўзбек халқ мумтоз куйларидан бирининг номи.

ТЎС 1 Қайин дарахтининг эгарчиликда ишлатиладиган пўстлоғи.

2 Махсус қора бўёқ. Шам қаршисида қизарган шахло кўзлари, ёш билан сингган жингила киприклари, чимирилган тўсдек қора қошлари уни [Кумушни] аллақандай бир ҳолга қўйган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 кўчма Қора, қоп-қора. Йигит тўс мўйловини ҳимариб кулди. Ҳ. Назир, Қанотлар.

ТЎСАТ кам қўлл. қ. **тўсатдан.** Пайдо бўлди тўсат бир чол ва бир ит. Т. Тўла. Бўрон турса тўсат ёки дўл, жала. Миртемир.

ТЎСАТДАН рвш. **1** Хаёлга келмаган ҳолда; кутмаганда, кутилмаганда. Тўсатдан меҳмонлар келиб қолди. Тўсатдан қаттиқ шамол турди. ■ Эшик тўсатдан қаттиқ итарилди. Узоқда Шоқосимнинг ким биландир хириллагани эшитилди. Ойбек, Танланган асарлар. Бошимга биров тўсатдан катта бир калтак билан ургандек бўлди. О. Ёқубов, Тилла узук.

2 Гайриихтиёрий равишда, бехосдан, бирдан. [Йигит] Тор кўчанинг ярмисига етгач, тўсатдан орқасига қайрилиб қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тўсатдан оёқларидан мадор кетиб, қалтирай бошлаганини сезди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Сездирмай туриб бирдан, дабдурустан. Бешиктерват ўлжаси яқинлашиши билан тўсатдан, яшин тезлигида санчиб, уни ушлаб олади. «Фан ва турмуш».

ТЎСИН Иморатнинг ва, умуман, ҳар қандай қурилма ёки иншоотнинг томи, ораёймалари, полига кўндаланг солинган бақувват ёғоч, темир ёки бошқа нарса. Ёғоч тўсин. Темир тўсин. ■ Ёнидаги йигит.. ўзини сувга ташлади, кўприк тўсинига илинган жасадни йигитлар ёрдамида қирғоққа чиқарди. Ж. Шарипов, Хоразм. Ўрмондан келтирилган тўсин ва ёғочлардан ерости бос тирмалари тайёрланмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТЎСИНБОП Тўсинга ярайдиган, тўсин бўладиган. Тўсинбоп ёғоч.

ТЎСИНДАН айн. **тўсатдан.** У тўсиндан бетоб бўлиб қолди. ■ Ғўзалар ерда тўрт энлик кўтарилиб, дала бўйлаб кўм-кўк чизиклар кўзни қувонтирганда, бир вақт, тўсиндан ҳаво айниди. Ойбек, О.в. шабадалар.

ТЎСИНЛИ Тўсини бўлган. Ун бир тўсинли уй.

ТЎСИНЛИК айн. **тўсинбоп.** Тўсинлик ёғоч. ■ Биз қишлоққа тушиб, тўсинлик терак топамиз. «Ўзбекистон қуриқлари».

ТЎСИҚ 1 от Йўлни тўсиш, бекитиш, ихота қилиш ёки икки жойни бир-биридан ажратиш учун ясалган қурилма; ғов, ихота. Чий тўсиқ. Ҳарбий тўсиқ. Сув тўсиқдан ошиб ўтди. ■ Ҳадемай, шох-шаббалардан катта тўсиқ ҳосил бўлди. С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. Шифтгача етиб бормасан фанер тўсиқ орқали гаплар баралла эшитиларди. П. Қодиоров, Уч илдиз. Танклар унча-мунча тўсиқни назар-писанд қилмай, даҳшат ва ишонч билан масофани қамрарди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 кўчма Тўсқинлик, қаршилиқ; тўғоноқ, ғов. Тўсиқ бўлмоқ. ■ Ҳаёт нашидаси шу кураш, хавф-хатар, тўсиқларни енгиб ўтиш, интилиш борлиги учун ҳам қизик, лаззатли. С. Нуров, Нарвон.

3 сфт. Тўсилган ҳолатли, тўсиб қўйилган. Тўсиқ йўл. Ҳовузнинг атрофи тўсиқ.

ТЎСИҚЛИ Тўсиб, ажратиб қўйилган, тўсилган; тўсиқ. Тўсиқли йўл. ■ Элмурод чий тўсиқли айвон олдидан аста одимлаб, ўз хужрасига ўтди. П. Турсун, Ўқитувчи,

ТЎСИҚЛИК кам қўлл. Тўсқинлик, қаршилиқ, монелик. Тўсиқлик қилмоқ. ■ Да-

даси ўз сўзли, вақти келганда, ҳар қандай монеликни яқсон қилувчи забардаст кекса бўлганидан, унинг қизга уйланишига тўсиқлик қилиш мумкин эмаслигини англади. Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎСИҚСИЗ 1 Тўсилмаган, очиқ, Тўсиқсиз йўл. Тўсиқсиз ҳовли.

2 Ҳеч қандай қаршиликсиз, монесиз. Тўсиқсиз иш. ■ Бўлинма бир ярим километрча тўсиқсиз, отишмасиз йўл босди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

Тўсиқсиз эргаш гап тлиш. Бош гапнинг мазмунига зид, аммо унга тўсиқ бўла олмайдиган мазмунли эргаш гап.

ТЎСМОҚ I 1 Тўсиқ қуриб, гов солиб, ўтиб бўлмайдиган қилмоқ, бекитмоқ ёки иккига ажратмоқ, Дарёни тўсмоқ. Ҳовлини чий билан тўсиб олмоқ.

2 Тўсқинлик қилмоқ, йўлига гов бўлмоқ, йўналишига тўсиқ бўлмоқ; ўтказмай қўймоқ, тўхтатмоқ. Баҳор қўлларини кўтариб, кичкина нам кафтлари билан ғир-ғир шабадани тўсди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. - Ўғил, қандай бўлмасин, отанинг қули бўлади, — эликбоши бойваччанинг олдини тўсди. Ойбек, Танланган асарлар. Сизга ўхшаш даллоларга ҳожат йўқ. Мен сизни ҳўп синаганман. Сиз халқ бўронини тўсмоқчимисиз? Ойбек, Танланган асарлар.

Йўлини тўсмоқ 1 йўл бермай тўхтатмоқ; ўтказмай қўймоқ. Сув йўлини чим босиб тўсдик. ■ -Керак эмас, кира кўрманг! — йўлни тўсди Ҳури. Ф. Мусажонов, Ҳури; 2) кўча қаршилиқ қилмоқ, монелик кўрсатмоқ, тўғоноқ бўлмоқ, тўғоноқ солмоқ. Биз тантанали, қизғин, ғайратли, оммавий иш бошлаш билан ҳамма иғволарнинг йўлини тўса оламиз. А. Мухтор, Опа-сингиллар; 3) йўл-тўсарлик қилмоқ. Бу ерларда мени ёлғиз билдингми? Йўл тўсмоқчи бўлиб, чиқиб келдингми? «Ёдгор».

3 Пардалаб, пана қилиб бекитмоқ, пардаламоқ, паналамоқ. Саҳнани қизил духоба парда тўсди. ■ Фуломжон қизнинг чап қулоғини тўсиб турган жингалак зулфига тикилиб тўхтади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Чайла эшигини шинели билан тўсиб.. титраб-қақшаб гугурт чақди. Ойбек, Куёш қораймас.

ТЎСМОҚ II Чақалоқни, ёш болани ҳожат учун қулай вазиятда тутиб, ушлаб турмоқ.

ТЎС-ТЎПОЛОН Беҳад тартибсизлик, бесаранжомлик, ур-йиқит, жанжал-тўполон. Тўс-тўполон қилмоқ. Тўс-тўполонини чиқармоқ. ■ Бола-чақалар бўлмаганидан, уйлари бизниқига ўхшаш тўс-тўполон эмас — йиғинчоқли.. Ф. Фулом, Шум бола. Ойпошиша қайтиб келмади. Тўс-тўполон бошланди. Ойпошишнинг қочгани тўғрисида эрталаб дув-дув гап тарқалди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бир муддат ўтар-ўтмас, даштда тўс-тўполон кўтарилди, отлар кишнар, қилчу қалқонларнинг шарақ-шуруғи, бақирӣқ-чақирӣқлар авжга чиқди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ТЎС-ТЎС: тўс-тўс бўлмоқ Ҳар ён тарқалмоқ, сочилмоқ, қочмоқ, тумтарақай бўлмоқ. Додҳо қуён инини ижарага олгач, бошқа «катта»лари ҳам тўс-тўс бўлиб кетди. Ҳ. Шамс, Душман. Тўс-тўс қилмоқ Ҳар ён тарқатмоқ, қочирмоқ, сочмоқ, тумтарақай қилмоқ.

ТЎСҚИН Бирор иш-ҳаракат, чора-тадбир, ният ва ш.к. га гов бўлиб тушган, халал бераётган, тўғоноқ солувчи (наrsa) қаршилиқ, тўсқинлик. -Орзуларим бор, журналист бўлишни истайман — деди, — лекин дардисар тирикчилик тўсқин. Ойбек, Нур қидириб. Бизга ҳам тўсқин бўлишлари мумкин. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТЎСҚИНЛИК Тўсқин, гов бўлувчи ҳолат, вазият, наrsa. ..музокаралар бошлашни истаса, бундай музокараларга келишув учун ҳеч қандай тўсқинлик йўқ. Газетадан. Дониёров.. участкадаги ҳамон судралишга сабаб бўлаётган асосий тўсқинликларни исботлай бошлади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Тўсқинлик қилмоқ (ёки кўрсатмоқ) Тўсқин бўлмоқ, қаршилиқ кўрсатмоқ. Инсоннинг эркига тўсқинлик қилиш ҳам, унинг истак ва интилишини поймол қилиш ҳам ваҳшийлик. П. Турсун, Ўқитувчи. ..муслмонларга қадамжоларни зиёрат қилиш учун тўсқинлик кўрсатишмайди. К. Яшин, Ҳамза. Шундай раислар бор, илғорларга суянади, яхши ташаббусни қўллаб-қувватлайди. Бизнинг раис тўсқинлик қилишдан бошқани билмайди. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ТЎСҚИНЧИ 1 Йўл тўсувчи; йўлтўсар, қароқчи.

2 Умуман, тўсқинлик, қаршилиқ қилувчи. Меҳнат қўли-ла ҳадсиз Ер сийнаси кулди. Тўсқинчи, ғаним, душман Йўқлиққа сурилди. Ғайратий.

ТЎСҚИНЧИЛИК 1 Тўсиш, йўлтўсарлик, қароқчилик. *Кечалари тўсқинчилик қилмоқ.*

2 айн. тўсқинлик. [Тўлаган] *Мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланишга ва йўқ имкониятларни яратишга нималар тўсқинчилик қилаётгани тўғрисида гапириб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Вой, ўзингиз ўқиган одам бўла туриб, озодликка тўсқинчилик қиласизми?* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

ТЎСҚИЧ 1 Тўсиқ қилиб қўйилган (нараса). *Каримов Норбувини тўхтатди. Кўприкнинг икки ёнига қўқилган ээри, ёғоч тўсқичига суяндилар.* Ҳ. Шамс, Душман. *Машиналарнинг филдираклари кўприк четига қоқилган тўсқич ходаларга қадалиб тўхтади.* «Шарқ юлдузи».

2 эск. кляпан 1, 3.

ТЎСҚОВУЛ эск. Қоровул, соқчи. *Сен Чамбилинг тўсқовули йўқ кўчаларини биласан.* «Бутақўз». *Деди: ҳар кимнинг эрки ўз қўлида, На ғов, на тўсқовул бордир йўлида.* Ҳабибий.

ТЎТИ [ф. *طوطى*] 1 Тропик ўрмонларда яшайдиган, кўпчилик тури чиройли, рангбаранг патли қўш. *Илҳом самоварчи одамни кўпроқ қақриши учун тўти сақлагандай, Ҳожибобо уста Салимни тўти қилиб боқар эди.* Ғ. Фулом, Шум бола. *Тоғлардаги охулар, ўрмондаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфт яшайдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 кўча Жуда гўзал, нозанин аёл ҳақида. *Қизлар мажлиси гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир қиё боқдим, илиндим тўтининг занжирига, Ҳеч илож тополмадим парвадигор тақдирига.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўча Тақдирчи, ўзганинг гапини такоррлайдиган шахсга нисбатан қўлланади.

4 Тўти (хотин-қизлар исми).

ТЎТИДАЙ, -дек 1 Тўтига ўхшаш, тўти сингари. *Тўтидай бировнинг гапини қайтармоқ.*

2 кўча Жуда чиройли, гўзал аёл ҳақида. *Иккита тўтидек хотинингиз бек акам учун сочини тараб ўлтирадир.. тагин қанақа каму кўст?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Оҳ, агар менинг ҳам болам бўлса эди, тўтидек қилиб ясантириб қўяр эдим-да, бағримга босиб-босиб эмизардим.* Уйғун, Турсуной.

ТЎТИЁ [ф. *توتيا* – мис зангидан ҳосил бўлган кристалл] 1 Мис купороси (тиник кўк йирик кристалллардан иборат модда, мис сульфат).

2 эск. Эски вақтларда кўз оғриғига қарши ёки кўзни равшан қилиш учун кўзга суртиладиган дори.

Кўзга тўтиё Жуда азиз, муқаддас ёки ноёб нарс ҳақида. *Тупроғинг кўзимга тўтиё бўлсин.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Тўтиё қилмоқ** Тўтиёдек кўзга суртмоқ, эъзозламоқ. *Тўтиё қилсам муқаддас тупроғини, не ажаб, Уйласам, роҳат топар ҳар лаҳза жоним, ас-салом.* Ҳабибий. *Мен нечун севаман Ўзбекистонни, Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё?* А. Орипов, Юртим шамоли.

ТЎТИҚУШ айн. **тўти.** Фақат кенжабойи индамайди.. *отасининг олдида келади: -Дада, тўтиқуш олиб беринг.* С. Нуоров, Нарвон. *Уне деса тўтиқуш монанд, Мен ҳам тилга жо қилармишман.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ТЎФОН [а. *طوفان* – кучли сув тошқини; зўр ғавго, тўполон] 1 Шиддатли бўрон, довул. [Нормат] *Икки кечагача уйқу ололмади, кўзини юмса, теракнинг шовуллаши тўфон босиб келаётгандай кучаяверди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..шунча бўрон, сел ва тўфонларга бардош берган тоғ кичкина бир махлуқ [сичқон] олдида бағри тешилиб, чилпарчин бўлади.* У. Исмоилов, Сайланма. *Тўфонларни севувчи Нуҳим, Сукунатга қулоқ солсанг-чи.* А. Шер.

2 кўча Алғов-далғовли, ларзага солувчи, шиддатли хатти-ҳаракат, кўзғалиш. *Унутманглар, амир лашкарлари ортида ғазотталаб муллаваччалар туради. Бу катта тўфонга пухта ҳозирлик кўрилмақда.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Ким мақсадга етман деса, балолар тўфонига бардош беради, сабот билан курашади.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

3 кўча Рухий, ҳиссий кўзғалиш, туғён. *Инсон қалбида не-не бўронлар, тўфонлар, шодликлар пўртана қилади.* «Саодат». *У қарама-қарши ўйлар тўфонига ғарқ эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

4 Диний афсоналарга кўра, одамларнинг гуноҳи учун бутун дунёни босган сув тошқини.

ТЎФОНЛИ Тўфон билан бўлган; бўронли. *Тўфонли денгиз.* ■ *Оловли шар юқорига кўтарилар экан, ўрнида тўфонли ба-*

ҳайбат кулранг-оқиш устун ҳосил бўлар эди. Газетадан.

ТҶҲТА айн. тувалоқ.

ТҶҲТАЛМОҚ 1 Тўхтамоқ фл. ўзл. н. Иш тўхталмасин. Унинг нафас олиши тўхталди. ■ Абдурашул Элмуродга нима тўғрисидадир сўз очган эди, тўхталиб, жавоб қайтаришга мажбур бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. тўхтамоқ 7. Тошкент беклиги тўғрисида кўп музокарадан кейин Юсуфбек ҳожи ўз яраси устида тўхталди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Тўхталиб гапирмоқ Дудуқланиб ёки тугилиб гапирмоқ.

ТҶҲТАМ 1 Қарор, ҳукм. Хўжабеков келинги вақтда кўп ўйлади. Ниҳоят, «Шербек жиддий хавфли рақиб» деган тўхтамга келди. С. Анорбоев, Оқсой. Аҳмаджон чарчади. Аммо тобора чувалашиб кетаётган ҳаёлига бирор қатъий тўхтамга олиб келадиган фикр келмади. С. Кароматов, Ҳижрон.

2 Битишув, келишув, битим. Тошкентдалигимда ташкилотимизнинг бошқа раҳбарлари билан шундай тўхтамга келдик. А. Ҳакимов, Илон ишдан.

ТҶҲТАМОҚ 1 Давом этмай қўймоқ, давомдан қолмоқ. Иш тўхтади. Гап тўхтади. Отишма тўхтади. Шамол тўхтади. Ёмғир тўхтади. Сув тўхтади. ■ Оёқ товуши тўхтаб, нариги ёқдан уста Олимнинг товуши келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Вужудини қақшиятиб турган тиш оғриғи бирдан тўхтагандай, Сидиқжоннинг кўзи ялт этиб очилиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Тўхтаб қолган, қовжираган булоқлар Шарақ-шарақ яна қайнаб чиқмишдир. Файратий.

2 Ўз ишини, ҳаракатини, фаолиятини бас қилмоқ, юрмай, ишламай қўймоқ. Соат тўхтади. Вентилятор тўхтаб қолди. ■ [Отабек] Икки йилдан бери тўхтаб қолган савдогарчилик ишини қайтадан бошламоқчи эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Йўлчи санқиб юриб, анҳор ёқасида тўхтади. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Иш-фаолият, ҳаракатда узилиш қилмоқ, тўхтам ҳосил бўлмоқ. Элмурод отинининг дуқи билан йиғидан тўхтади. П. Турсун, Ўқитувчи. Шарофатхон, бир зум тўхтаб, атрофга қаради, сўнг товушини пасайтириб давом этди. Ойбек, Танланган асарлар. Орада ётсирашга ўхшаш бир ҳол, нима

учундир бир сўзлаб, икки тўхтар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Сафарда, йўлда бирор ерга кўнмоқ, тушмоқ; кўнган, тушган, борган ерида маълум вақт бўлмоқ, турмоқ. Батальон ярим кечада хароба бир қишлоққа келиб тўхтади. Ойбек, Қўёш қораймас. У [Отабек] Марғилонда кўп тўхтамас, бир кун, узоққа тортилса, икки-уч кун туриб қайтар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Туриб қолмоқ, сақланмоқ. Унинг қўлида пул ҳеч тўхтамайди. Керакли мол мағазинда тўхтаб қолмайди. Сув қаттиқ ерда тўхтар. Мақол.

6 Қарор қилмоқ, қарорга, тўхтамга келмоқ. Шундай қилиб нимага тўхтадинглар? ■ Биз шу ердаги оғайнилар билан кенгашиб, бир гапга тўхтаб қўйдик. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 кўчма Оғизга, тилга олиб ўтмоқ, тўхталмоқ. Мен бир масала устида муфассал тўхтамоқчиман. ■ Лекин, ўртоқлар, мен ҳам қисқача тўхтаб ўтмасам, тарс ёрилиб кетаман. А. Қаҳҳор, Тўй. Рўзномадаги асосий докладлар устида сўзлаган нотиқлар кўпроқ ижодий масалалар устида тўхтадилар. Н. Сафаров, Оловли излар.

8 махс. Ҳомиладор бўлмоқ, қочмоқ (чорва моллари ҳақида).

9 Сабр қилмоқ, кутмоқ. Майли, яна бир-икки кун тўхтаб туринг! ■ -Тўхтанг бўлмаса, — деди, — мен бир иш қилайки.. аммо шу дақиқадан бошлаб ихтиёрингизни менга топширинг! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТҶҲТОВСИЗ 1 Узлуксиз ҳолда; бетўхтов. [Искандарнинг] Қизига икки йилдан бери, эшикларининг турмини бузадигандай, тўхтовсиз совчи келади. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Тўхтовсиз бўраб ёғиб турган қордан ер тобора оқараётган пайтда, Элмурод қоронғи уйда ёпирилиб қўнаётган қор учқунларини томоша қилар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Кечиктириб бўлмайдиган, бетўхтов, ошиғич. Тўхтовсиз жавоб. Тўхтовсиз этиб келинг. Буйруқни тўхтовсиз бажаринг. ■ Агар қочмаганларида, подшо уларни тўхтовсиз ўлдириб юборар эди. «Эртақлар».

ТҶҲТ 1 Гавданинг бўйин билан қорин ўртасидаги олд қисми; кўкрак. Тўшни тўшга қўймоқ. ■ [Зебо] Ойнага қараб, ўзини тўзатди. Дуррачаси билан тўшига ёпишган кўй-

лагини сал кўтариб елпиди. Шухрат, Шинелли йиллар. Болам, деб босайин тўшима, Келгин, болам, чаққон қошима. «Рустамхон». Айтинг, нима қилай?? Қизингизни тўшига тортган ҳамард мени масхараламайдими? С. Аҳмад, Хукм.

2 Мол ва қушларнинг кўкрак қисми, кўкраги. Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан. Мақол. ■ Тагидаги қўнғир от қишлоқ кўчасидан тўшига тупроқ сачратиб йўртиб борапти. М. Мансуров, Ёмби.

3 Ҳайвон ва паррандаларнинг кўкрак олди гўшти, қовурғалардан қолган қисми. Норинбоп тўш. Тузланган қўй тўши. ■ Афанди ғознинг тўшини олиб айтди: -Мен хизматдаги қулман.. шу ҳам бўлади. «Латифалар». Лаганда самарқандча майиз палов бўлиб, ош устига тўш ва қази қўйилган. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

4 кўча Бирор нарсанинг кўкракка ўхшаш, кўкракка нисбатланувчи, кўкракли ери; сийна, бағир. Она тупроқ тўшига инсон қўли билан илк чигит доналари қадалди. Ш. Гуломов, Ёрқин уфқлар. Сени ўраб олган тоғлар тўшига Тўлин ой ёймоқда кумуш кокилин. Зулфия.

Тўш урмоқ (ёки бермоқ) 1) тўшини теккизмoқ, бағрини бермоқ, қўймоқ. Диловархўжа тўш бериб ётган еридан ىرғиб турди. Шухрат, Олтин зангламас. Тўлқинга тўш уриб қалдирғоч, Сув устиди этади парвоз. Э. Раҳим; 2) бирор юксакликка етмоқ, уринмоқ. Булутга тўш урган юксак тоғлар ҳам Буюкликни сендан олар, онажон. М. Умаров.

5 шв. Тенгқур; дўст, ўртоқ. Етимда не қилар тенг билан тўшлар. «Равшан». Топиб ўйнагил, эй бола, Ўзингнинг тенгеу тўшингни. «Тоҳир ва Зухра».

ТўШАК 1 Жун, пахта сингари юмшоқ нарса солиб тикиб тайёрланган, ётиш, ўтириш учун тўшаладиган буюм, анжом. Пар тўшак. Жун тўшак. Духоба жилдли тўшак. Ўз уйим — ўлан тўшагим. Матал. ■ Дилшод токча ёнидаги тўшакка ўтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тўй учун янги кўрпалар қопламоқчи бўладилар, пар тўшаклар олмоқчи бўладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ётиш учун солинган ўрин; ост ва устга ташланадиган (солинадиган) нарса. Чала ечиниб, ютқа тўшакка кирдим. С. Сиёев, Ёруклик. Тор уйни тўлдирган аҳил, тинч уйқу

оғушидан ҳаммалари бир зумда, гўё тўшакни олов қамрагандай сакраб турдилар. Ойбек, Куёш қораймас. Зухра бегим олти йилдан бери тўшакда ёлғиз ётади. Унинг гулдай умри беваликда сўлиб борапти. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 шв. Кўрпача, пойандоз.

Ўлим тўшаги Соғайиши гумон, ўлими муқаррар бўлган бемор ётган тўшакни қайд этади. Одатда, ўлим тўшагидаги бемор ётган хонада шунақа жимлик бўлади. Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. У [Саъди Махсим] ўлим тўшагида ётганида ҳам ҳазилини қўймаган эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

ТўШАМА Бирор юзага тўшалган, солинган, ётқизилган нарса, қатлам. Похол тўшама. Ботқоқ йўлга босилган шох тўшама. ■ Қалин қўй қийлари ўрнидан қўзғатилиб, устига янги тўшама сепиб қўйилган. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. У [Ойниса хола] қўртларни овқатлантириш, тўшамаларини янгилаш жадвалини қўриб чиқди. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ТўШАМОҚ 1 Тўшама солмоқ, босмоқ, ётқизмоқ, тўшама билан қопламоқ. Кўчага тош тўшамoқ. Ботқоқ йўлга шох тўшамoқ. ■ Адёлга газета тўшаб, мастава ичишди. Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. Очиқ билан Мадумар ертўла ковлашни буюришди, ерга хашак тўшашиди. А. Мухтор, Чинор.

2 Солмоқ, ёзмоқ (ўрин, палос ва ш.к.ни). Умри хола қизи билан менга ўрин тўшаб берди. Ғайратий, Узоқдаги ёр. Бозоров.. магазин рўпарасига, ариқ бўйидаги сўрига қизил гилам, иккита кўрпача тўшаб, тўртта парёстиқ ташлаб қўйибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ойдинда у [жувон] ўзига супа ўртасига ўрин тўшаётганини қўриб турибман. С. Аҳмад, Таъзим.

3 кўча Бирор нарсани шундай тўшамаларга нисбатлаб ифодалайди. Қор бўрони.. ер юзига бир ярим қарич оппоқ қор тўшаб.. ўз ишини тугатди. П. Турсун, Ўқитувчи. Нишаб бўлиб борган ва охири осмон билан туташган Навоий кўчасига кун ботишидаги иморатлар узун соя тўшаб турарди.. П. Қодиров, Уч илдиш. Шу кўзлар юлдуздай абдий кулсин, Баҳор йўларингга тўшасин чечак. Зулфия.

ТўШДОР Тўши, кўкраги кенг, кўкракдор, тўшли, кўкракли. Тўшдор йигит.

ТЎШЛИ 1 Тўши, қўкраги бўлган. *Қора тўшли қалдирғоч, Уй шипига ин қўйди.* «Қўшиқлар».

2 айн. тўшдор.

ТЎШОҒЛИҚ Тўшалган, тўшаб, солиб қўйилган; солиғлик. *Деворга қадалган тахта каравотларга юпқа тўшак тўшоғлиқ.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТЎҚ 1 Овқатга бўлган талабини, нафсини қондириб, тўйиб овқатланган, овқат еб олган. *Тўқ бола. Тўқ моллар. Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ.* Мақол. ■ *Таомни тугатиб, қизлар тўқ ва шод, қўш-ниларникига, дугоналариникига копток ўйнагани чиқиб кетдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

Тўқ тутадиган Қоринни яхши тўйдирадиган; тўйимли, жирли. *Одамни тўқ тутадиган хушбўй ва ширин Тошкент совғаларини маза қилиб едик.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Хеч нарасдан муҳтожлиги йўқ, егулик-ичгулик билан яхши таъминланган. *Тўқ хўжалик.* ■ *Гўрўғли ўзбек-туркман элини боқиб, очига нон бериб, тўқидан закот олиб ёта берди.* «Нурали». Турмуш оғир, қимматчилик, ҳаммаси ўзингизга маълум. *Тўқларнинг иши йўқ, дардимиз кўп.* Ойбек, Болалик.

3 Мағзи, ҳосили етарли бўлган; тўлиқ, бўлиқ, бўлали. *Тўқ ёнғоқ. Тўқ пилла.* ■ *Кўраги мўл, толаси пишиқ, чигити тўқ бўлсин десанг, шундай [барвақт ҳаракат] қил.* Н. Сафаров, Соҳиб чангал. *Дон етилиши кечикди, дон тўқ бўлмади.* «Ўзбекистон қўриқлари».

4 кўчма Керакли нарса, моддалар билан тўйинган; бақувват, кучли. *Ер жуда тўқ, шу шарбатни ҳазм қилсаям ҳали..* Ойбек, О.в. шабадалар.

5 Қорага ёки, умуман, қуюқ рангга мойил, қуюқ (ранг, тус ҳақида). *Тўқ ранг. Тўқ қизил духоба.* ■ *Осмон тўқ сариқ булут билан қопланган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Энди кўрсам милтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келиним бор экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кўзи тўқ Кўз олдида, ҳаётда нарсанинг мавжудлигини, шу туфайли ўзини тўқ ҳис этишини билдиради. *Худого шукур, оч бўлсак ҳам, кўзимиз тўқ.* Н. Сафаров, Наврўз. **Кўнгли тўқ қ. кўнгил.** ..куёв йигит тўғрисида ҳам Нурининг кўнгли тўқ эди.. Ойбек, Танланган

асарлар. *Қорни тўқ одамнинг кўнгли тўқ бўлади..* С. Сиёев, Ёруғлик.

(Мендан) қорингиз тўқ экан Кимсанинг айтмоқчи бўлганини бошқа киши олдинроқ айтганда ишлатиладиган ибора. *Мен ҳам худди шунга айтмай деб турган эдим, мендан қорингиз тўқ экан.*

ТЎҚ 2 тақл. с. Бўшроқ нарсаларнинг урилишидан ҳосил бўладиган товуш ҳақида. *Қози уларнинг қўқариб кетган юзларига бир зумгина хўмрайиб тургач, қўлидаги ҳасса билан олдиндаги столни тўқ этказиб урди-ю: -Йўқол! — деб қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТЎҚА Камар, тасма ва ш.к. нинг учини ўтказиб тақиладиган қисми. *Мис тўқа. Камар тўқаси. Бўзчи белбоққа ёлчимас, темирчи — тўқада.* Мақол. ■ *Тилладандир ёқаси, Олтин отнинг тўқаси.* «Равшан».

ТЎҚАЙ 1 Қамиш, чангал ва ш.к. ўсимликлар ўсиб ётган, одатда, захкаш ер. *Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади.* Мақол. ■ *Мавлон ака анави кўни Султонбой билан тўқайга бориб, «қўқон арава»сига қамиш босиб келди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Сидиқжон болани бағрига босганича, бир-бирига киришиб кетган буталар, шохлар орасидан оёғи ва елкаси билан йўл очиб, тўқайнинг ичкарасига бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 кўчма с. т. Шундай ҳолат олган жойга нисбатан қўлланади. *Ҳовлимиз тўқай бўлиб кетибди.*

ТЎҚАЙЗОР айн. **тўқай 1.** *Атрофдан оғочлар, ўтлар, тўқайзорлар орасидан у қичқирик, дод, инграш эшитди.* Ойбек, Куёш қораймас.

ТЎҚАЙИСТОН кам қўл. *Тўқай кўп ер; тўқайзорлик. Қалмоқ юртин назар солиб кўради, Тўқайистон ерда кетиб боради.* «Ал-помиш».

ТЎҚАЙЛИК Тўқай босган ер, тўқайзор, тўқай. - *Олдимда бир тўқайлик пайдо бўлиб қолди. Тўқайнинг ичида ёлғиз йўл бор экан, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

ТЎҚАЛИ Тўқаси бор, тўқа тақилган. *Қора тўни устидан елкасига қадимги ўқдонларини осган, белига қадимги кумуш тўқали қалин камарини боғлаган..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЎҚИЛЛАТМОҚ Тўқ-тўқ овоз чиқармоқ. *У [Мўтилла] қўлтиқтаёғини тўқилла-*

тиб, вокзалдан чиқди. Мирмуҳсин, Мути-
лал. Чол ҳали тиззасидаги маҳсини тўқилла-
тиб уриб қўяр, ҳали сув пуркар, ичида ки-
тобдаги гапларнинг магзини чақар эди. Ой-
бек, Улуғ йўл.

ТЎҚИЛМА айн. **тўқима**. Хаёли янги асар-
нинг тўқилмаси билан овора эди. Ойбек, На-
воий.

ТЎҚИМ 1 Жазлик ёки эгар остига қўйи-
ладиган, одатда, кигиздан қилинадиган от-
улов абзали. *Кигиз тўқим*. *Эшакка — тўқим*,
одамга — либос. Мақол. ■ «Оқтой»нинг ус-
тида эски олача кўрпачадан тўқим, суяк қо-
ши учиб кетган эгар, қандайдир дарвоза ҳал-
қаси илинган узанги. Ҳ. Назир, Сўнмас чак-
моқлар. Соқи дарҳол Сариқ саманга якка
тўқим солиб, жуганлаб, миниб чиқиб кетди.
«Бўтакўз».

Тўқим урмоқ 1) от-уловга тўқим солмоқ;
тўқимламоқ. *Тойга тўқим урмоқ*; 2) кўчма
бирор нарса ўтказиб, миннатдор қилиб ёки
бошқа бирор йўл билан ўзига тобе, қарам
қилиб олмақ. *Ер — сизники, деганимиз сизга*
тўқим урганимиз бўладими ҳали? А. Қаҳҳор,
Қўшчиноҳ чироқлари.

2 шв. Тандир ёки ўчоқнинг наMAT ёки
матодан қилинган ёпиғи.

Тўқим табиат Ҳеч нарсанинг маъноси-
га, фарқига бормайдиган, диди йўқ, дил-
сиз, бефаросат. *Дунёда энг азоб тирикчи-
лик — қалби нурсиз, шуурсиз, тўқим таби-
ат кишилар билан бирга ишлаш ва муло-
қотда бўлишдир*. Н. Қобил, Унутилган со-
ҳиллар.

3 (3-ш. эгалик қўшимчаси билан) кўчма
Кийиниш ва б. жиҳатдан қиёфаси. *Қарасам*,
тўқими ўзгарган: қошларида ўсма, кўзларида
сурма.. бўйини дока билан боғлаб олибди.
«Нима қилди, томоғинг оғридим?» десам,
«Эшик қисиб олди», деб хир-хир кулади. А.
Қаҳҳор, Асарлар. *Азимхўжаев катта кўча-*
нинг оғзида турса, тўқими бошқачароқ бир
жувон келаверди. Шўҳрат, Жаннат қидирган-
лар.

ТЎҚИМА 1 сфт. Тўқиб ясалган, тўқил-
ган. *Шавкат Зокир билан индамай кўришди-*
да, тўқима стулни четроққа суриб ўтирди.
П. Қодиров, Уч илдиш. *Тўқима илпана кийган*
Раъно онасининг кўзига бошқача кўриниб кет-
ди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

2 от. махс. Газмол, газлама. *Шойи тўқи-*
малар. Тўқималар кўрғазмаси.

3 от биол. Ўзаро боғланган ва организм-
да белгили бир ҳаётий вазифани бажара-
диган ҳужайралар тизими. *Нерв тўқимала-*
ри. Суяк тўқималари. ■ *Дарвоқе, оғриққа*
чидамли ва чидамсиз ҳужайралар ҳамда тў-
қималар бўлади. «Фан ва турмуш».

4 от ад. Бадий асарнинг асосий маз-
мунини ва ундаги қаҳрамонларнинг ха-
рактерини очиб берадиган, ўзаро узвий
боғланган воқеа-ҳодисалар мажмуи, тў-
қилма, сюжет. *Уйғур постановкага халқ*
шоири — баёнчи родини киритди, баёнчи ҳар
бир кўриниш олдидан, тингловчиларга во-
қеа-ҳодисалар, Фарҳоднинг саргузаштлари
тўғрисида сўзлаб бериб, пьеса тўқимасини
тўлдириб борди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек
қизиман.

5 сфт. Йўқ ердан тўқиб, ўйлаб чиқа-
рилган; уйдирма. *Тўқима гап*. *Тўқима об-*
разлар. ■ *Уни ўқиб, дастлаб кўплар ҳай-*
ратга тушган, бу воқеани шунчаки тўқи-
ма, фантазия деб ўйлаган эди. У. Нормат-
тов, Талант тарбияси. *Афсуски, сценарий*
муаллифлари ва постановкачи-режиссёр
ижодий тўқимага ҳаддан зиёд ўрин бериб,
қаҳрамон бошидан кечирган чинакам реал
жанговар эпизодлар ўрнига, тўқима, яса-
ма ҳолатлар киритишган. С. Хўжаев, Ўзбек
тарихий фильмлари.

ТЎҚИМАЧИ 1 Тўқимачилик саноати-
нинг ишчиси, мутахассиси. *Қашқадарёлик*
пахта тазововчилар Иваново тўқимачиларига
дастлабки туркум тола жўнатдилар. Газе-
тадан.

2 Газмол тўқувчи ишчи ёки ҳунарманд.

3 кўчма с.т. Йўқ ердан гап тўқувчи, уй-
дирмачи. *Тўқимачи одам*. ■ *Сўзлар худди*
тўқимачи шоирникидай қўйилиб, бир-бирини
бежаб тушади. Ойбек, Куёш қораймас.

ТЎҚИМАЧИЛИК 1 Тўқимачи иши, кас-
би. Тўқимачиликни эгалламоқ.

2 Газмол тўқиш ва ишлаб чиқариш ҳам-
да халқ ҳўжалигининг шу иш билан шўғул-
ланадиган тармоғи. *Ўзбекистонда тўқима-*
чиликнинг юзага келиши ва ривожланиши.
Тўқимачилик саноати. Тўқимачилик комби-
нати.

3 айн. тўқувчилик. Меҳмонхона айни за-
монда дўконхона ҳам бўлиб, пойга томонида
тўқимачилик дўкони.. бор эди. С. Айний, Эс-
даликлар.

4 кўча с.т. Йўқ ердан гап тўқиш, ёлгон-яшиқлар уйдириш; уйдирмачилик. Тўғонбек бу сўзлардаги кинояни тушунди: -Ундай тўқимачиликка берилманг, — деди. Ойбек, Навоий.

ТЎҚИМЛАМОҚ От-уловга тўқим урмоқ, тўқим солмоқ. *Отни тўқимлаб минмоқ.* ■ Эшакнинг бирини тўқимлаб, устига нон, сув идиши ва битта коса солинган хуржунни ортдилар. С. Айний, Куллар.

ТЎҚИМОҚ 1 Тўқима газмол ёки буюм ясамоқ, тайёрламоқ. *Чит тўқимоқ. Пайпоқ тўқимоқ. Замбил тўқимоқ. Тўқилган рўмол. Мулла билганин ўқир, Бўзчи билганин тўқир.* Мақол. ■ Эликбоши майин тўқилган чакмонини ечди, тухумдай силлиқ ва оппоқ салласини олиб, қозиққа илди. Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзинг тўқиб кетган катта саватда Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман.* Ғ. Ғуллом.

2 кўча Ижод этмоқ, ёзмоқ; басталамоқ. *Шеър тўқимоқ. Қўшиқ тўқимоқ.* ■ Сўзини ўзим ёзганман, оҳангини Анорхон тўқиди. И. Раҳим, Ихлос. *Вой, у чалган дуторни, тўқиган ғазалларни эшитсангиз!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Санъаткор фақат қизиқчиликларнигина эмас, балки кичик кулгили ҳикояларни ҳам тўқирди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 кўча Йўқ ердан ўйлаб чиқармоқ; сўқмоқ, уйдирмоқ. *Гап тўқимоқ. Иғво тўқимоқ. Билган ўқир, билмаган тўқир.* Мақол. ■ *Ҳаммаси бўлган гап-да. Бўлмаса, ёлғонни шундай тўқиб бўладими-а, ўртоқ Дўсматов?* П. Турсун, Ўқитувчи. *«Минг бир кеча»нинг Шаҳризодаси афсона тўқиб, ўлимдан қутулиб қолгандай, Мухторхон ҳам юқоридаги сингари ривоятлар паноҳида омон юрибди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал.

ТЎҚИНИШ 1 **Тўқинмоқ** фл. ҳар. н. Дарҳол.. ярим газлик ничоғини қинидан ярим суғуриб чиқаради, дамига чироқнинг нури тўқиниши билан ничоқ қўрираб кетади. А. Қодирӣ, Обид кетмон.

2 айн. **тўқнаш.** Мен остонага қадам қўйганимда, унга тўқиниш келдим.

3 айн. **тўқнашув** 2, 3. Қуролли тўқиниш. Автомобиллар тўқиниши. Намойишчилар билан полиция ўртасидаги қонли тўқинишлар. ■ *Хусайн Бойқаро.. тўхтовсиз ва давомли урушларда, тўқинишларда қиличбозликдаги*

махоратини намоён қилган эди. Ойбек, Навоий.

ТЎҚИНИШМОҚ 1 **Тўқинмоқ** 1 фл. бирг. н. *Машиналар тўқинишиб, қаттиқ шикаст ебди.*

2 Тўқнаш келиб жанг қилмоқ, жангга кирмоқ. *Разведка душман дозорлари билан тўқинишди.*

ТЎҚИНМОҚ кам қўлл. 1 Тегмоқ, урилмоқ. *Автомашина трамвайга бориб тўқинди.* ■ *Булутларнинг оҳистагина сайридан.. енгилгина бир изғириқ ҳам юзга келиб тўқинар.. эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 кўча Тегмоқ, ботмоқ. *Қора Аҳмаднинг сўзлари Тантубойваччага қаттиқ тўқинди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТЎҚИШМОҚ 1 **Тўқинмоқ** фл. бирг. н. *Кампирлар пайпоқ тўқиништи. Болалар янги шегр ва қўшиқ тўқинишди.*

ТЎҚИШМОҚ 2 шв. Тўқнашмоқ, учрашмоқ. *Туғу байроқ бир-бирига тўқинишди энди.. Бир-бирига «не қиламиз?» дейишди энди.* «Хушкелди».

ТЎҚЛАМОҚ кам қўлл. Тўйдирмоқ, тўқ қилмоқ *Яна қувончли бир хабар, ишдан чиқиб, қоринни тўқлаб олганларингдан кейин даврани катта тортасизлар.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ТЎҚЛИ Бир ярим ёшга етмаган, қочирилмаган урғочи кўзи. *Бир қўчқор боши кетгунча неча тўқлининг бошини ейди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Ориқни семизга, қўзини тўқлига, тўқлини қўйга, кичикни каттага алмаштирганини биласизми? Биласиз!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТЎҚЛИК 1 Тўқ ҳолатга эгалик, тўқ ҳолатдалик. *Қориннинг тўқлиги. Раненинг тўқлиги. Бир очликнинг бир тўқлиги бор.* Мақол. ■ *Тўқликдан, семизликдан, иссиқдан худди узок йўл юриб келган қўй сингари шосупада пўқиллаб ўтирган мингбошини самоварчининг дастёри тинмай елпир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тўқ, фаровон турмуш. *Тўқлик, тўқликдан чиқар шўхлик.* Мақол. ■ *Мен тириклик тўғрисида ўйлайман. Сенлар тўқликка шўхлик қиласанлар.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

ТЎҚМОҚ 1 Дастаси ва уриладиган қисми кўпинча ёғочдан қилинадиган, босқонга ўхшаш асбоб. *Олчин тўқмоқ. Тунукасоз-*

лар тўқмоғи. Дурадгорлар тўқмоғи. ■ Ола-хўжа махсум бошига қўққисдан тўқмоқ билан урилгандай, гангиб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. Обиджон шу қадар хаёлга кетадики, ҳатто маҳалласидаги дегрезлик, тунукасослик дўконларидан чиқаётган тўқмоқлар овозини ҳам эшитмайди. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

2 махс. Турли механизм ва қурилмаларнинг уриладиган, зарб берадиган қисми. [Йўлдош] Бугун куни билан трассага парма тишлари, бурғи тўқмоқларини ташиб, ҳозиргина қайтиб келди. А. Муҳтор, Чинор.

3 кўчма Зарб, калтак. Ёмон ўртоқ — ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ. Мақол. Яхшининг сўзи — қаймоқ, Ёмоннинг сўзи — тўқмоқ. Мақол. ■ Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор дегандай, бу дашином онага қаттиқ таъсир қилди. Ҳ. Назир, Маёқ сари. Уруш курсин, қашинишга тирноғим ҳам қолмади, ҳаммасини Мекалай еди! Жабрнинг тўқмоғига тоқат йўқ. Ойбек, Танланган асарлар.

4 қ.х. Ғалла янчадиган босқонсимон ибтидоий асбоб.

ТЎҚМОҚЛАМОҚ Тўқмоқ билан урмоқ. Тўқмоқлаб пай титмоқ. Тунукани тўқмоқлаб текисламоқ. ■ -Икки чорак буғдойни тўқмоқлаб еганим учун, — деди Сафар, — «подшоҳлик ҳақини аниқлашдан бурун ўғирлаб ебсан», деб мени қирқ-эллик қамчи урган амлоқдор, ўз кўзим олдида буғдойимни ер билан яксон қилдирди. С. Айний, Куллар.

ТЎҚНАШ: тўқнаш келмоқ Юзма-юз келмоқ, дуч келмоқ. Тор кўчада икки машина тўқнаш келди. ■ Сидиқжон йўталиб, ичкарига кирди ва икки қадам босмасдан, Анзират холага тўқнаш келди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ТЎҚНАШИШ 1 Тўқнашмоқ фл. ҳар. н. Бу — оддий тўқнашиш эмас, икки ёш қалбнинг кўзлар орқали дардлашиши эди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. Бепоендек кўринган ўрмон ҳам энди хавфсиз эмасди, кутилмаганда душман аскарларига тўқнашиш мумкин. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 кам қўл. айн. тўқнашув. Қонли тўқнашиш.

ТЎҚНАШМОҚ 1 Юзма-юз учрашмоқ, тўқнаш, дуч келмоқ, йўлиқмоқ. Давлатёр

кўприкдан ўтмай, ариқдан ҳатлади, кутубхона эшиги олдида Саодатхон билан тўқнашди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

Кўзлар тўқнашди Кўзлар бир-бирига тушди. Тешабой ҳам айна назокат билан жавоб қилди, шунда икковининг кўзлари тўқнашди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Икки томондан дуч келиб, бир-бирига урилмоқ, тўқинмоқ. Машиналар кўприк устида тўқнашиб шикастланди.

3 Бир-бирига рўбарў бўлмоқ, бир-бирига дуч келмоқ (қарама-қарши, рақиб томонлар, қарашлар ва ш.к. ҳақида). Якшанба куни шаҳарнинг Қарши дарвозасидан уч фарсах нарида икки томон сарбозлари тўқнашиб, бир муддатлик тўс-тўполон жангдан сўнг, бухороликлар тор-мор этилди. Мирмуҳсин, Меъмор. Илғорлик билан қолоқлик, самимийлик билан ҳасад, олийжаноблик билан тубанлик.. тўқнашади. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Муроднинг миясида қарама-қарши фикрлар тўқнашди. Т. Ашуров, Оқ от.

ТЎҚНАШУВ 1 Тўқнашмоқ 2, 3 фл. ҳар. н. Автомобиллар тўқнашуви. Қўшинлар тўқнашуви. ■ Мунира ҳам, Аҳмад ҳам боя ўрталарида бўлиб ўтган тўқнашувни унутмаган эдилар. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Ҳарорат кучли фикрларнинг тўқнашувидан келиб чиқади. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 кўчма Ихтилоф, низо ва ш.к натижасида юз берган олишув, кураш. Синфий тўқнашувлар. ■ Шербек бу тўқнашувда тақдири ҳал бўлишини сезган эди. Шунинг учун ҳам, ўзини ҳимоя қилишга зўр бермаса ҳам, бўлган воқеаларни батафсил сўзлаб беришга ҳаракат қилди. С. Анорбоев, Оқсой.

ТЎҚОЛ 1 Шохи йўқ, шохсиз. Тўқол сизир.

2 шв. Қисқа, калта. Охири у чидолмади, шекилли, нарироқдаги тўқол тут тагига бориб ўтирди. «Муштум». Қараса, ўша ўзини алдаган паризод тўқол ёлли тўриқ отни миниб.. бир-бир босиб, ирғалиб бораётган экан. «Муродхон».

ТЎҚОЛ 2 тар. Хотин устига олинган иккинчи хотин. Бошлаб сиз мени ўз уйингизга олиб борасиз. Қани, чиндан ҳам хотинларингиз ўзлари озодликка чиқишини истамётганмикин, кўраимиз. Айниқса, отасининг қарзи эвазига олган тўқолингиз. С. Анорбоев,



Меҳр. *Тўқол хотин аслида бекаларнинг чўри-си.. Миртемир.*

ТЎҚОЧ *шв.* 1 Катта бўғирсоқ.

2 Кулча нон. *Ўзбек ойим бўғирсоқ қовуртириш, толқон туйдириш, тўқоч ёптириш билан машғул бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТЎҚСАБО *тар.* Ўрта Осиё хонлик, амирликлариди: олий ҳарбий мансаблардан бири ва шу мансабга эга бўлган шахс. *-Итоат қилмаганларни, — деди Абдулла тўқсабо, — уриш, ўлдирш, бўри бўлиб, қоринларини ёриш керак.* С. Айний, Қуллар. Бейлини Бухоронинг Қавола дарвозаси олдида амирнинг тўқсабоси Юсуфбек кутиб олди. А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТЎҚСОН 1 90 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Тўқсондан ўнни айирмоқ. Тўқсон сўм пул. Тўқсон пуд бугдой.* ■ *Тўққиз сўм оламан деб, тўқсон гап эшитдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қиш фаслининг 1 декабрдан 1 мартгача бўлган давридаги 90 кун. *Тўқсон кирди. Мевани тўқсонда суғорсанг, тўқсон ботмон ҳосил қилади.* ■ *Кеча тўқсон чиқди; наврўзи олам. Қўчат — келинларнинг тўйи бошланди.* Ғ. Ғулом. *-Боғингга уннамадингми? -Ҳали вақт бор, тоқларни очсам, совуқ олиб қўядими, деб қўрқяпман. Тўқсоннинг изғирини ўтсин, деб турибман.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 Тўқсон (эркаклар исми).

ТЎҚУВ 1 **Тўқимоқ** *фл.* ҳар. н.

2 Тўқиш иши; тўқиш. *Тўқув дўқони. Тўқувни ўрганмоқ.* ■ *Моки қолипларидан резинкадек чўзилиб тортилган нозик ипак толалар тўқув машиналарига уланди.* Гуй-гун, Станоклар ёнида.

ТЎҚУВЧИ 1 **Тўқимоқ** *фл.* сфдш. *Тўқувчи аёл.*

2 Тўқувчилик касбини эгаллаган шахс, мутахассис; тўқимачи. *Тўқувчи хушёр, уқуви бўлиши шарт.* М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар. *-Қандай мутахассисликка ўқийсизлар? — деб сўради Элмурод. -Тўқувчи мастерликка, — деди қиз. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ТЎҚУВЧИЛИК Табиий ва сунъий толалардан газлама ва б. тўқимачилик маҳсулотлари олиш жараёнлари мажмуи; тўқувчи иши, касби; тўқиш иши. *Тўқувчиликни*

ўрганмоқ. Тўқувчилик дастгоҳи. ■ *-Касбим тўқувчилик, Шокирбек, — деди уй эгаси. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Аммо, — давом этди Гуландом, — бозор касодлигиданми ё иши яхши унмаганлигиданми, дадам тўқувчиликдан ёлчилади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТЎҚЧИЛИК Фаровон, тўқ ҳаёт, тўкинчилик, маъмурчилик. *Тўқчиликда яшамок. Кўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда бўлар.* Мақол.

ТЎҚҚИЗ 1 9 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Тўққиздан учни айирмоқ. Тўққиз сўм пул. Тўққиз килограмм ёғ.* ■ *Душман кечгача тўққиз марта хужум қилди ва ҳар сафар қақшатқич зарбага учрар.. эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 *айн. тўққиз-тўққиз.* [Ҳожар Тўлахонга:] *Отанг юртнинг бири, камии беш юз жойдан тўққиз олиб, тўн кийган. Ҳамза, Паранжи сирлари. Мен баҳузур ёзилиб ўтириб, тўй зиёфатларини едим, ҳамманинг олдига «тўққиз» улашилгандан кейин қайтдик.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш урнишлари.

Тўққиз пул Ҳеч нарсаса, бир пақирга арзимади, арзимас. Соғлиғинг бўлмаса, бу давлатинг тўққиз пул. *Тўққиз пулга қиммат одам. Тўққиз пулдек қилиб тушунтириб (ёки тугиб) бермоқ* Жуда оддий қилиб тушунтириб бермоқ. *Хушёр савдогар учун элчининг бир имоси кифоя қилди, унга гапни тўққиз пулдек қилиб тугиб беришнинг ҳожати йўқ эди.* М. Осим, Элчилар.

ТЎҚҚИЗЛИК Тўққизта холи бор қарта. *Ғиштиннинг тўққизлиги.*

ТЎҚҚИЗТЕПА *айн. себарга.*

ТЎҚҚИЗ-ТЎҚҚИЗ *эйн.* Тўй маросимларида хотинларга патнисда улашиладиган, одатда, тўққиз хил нарсадан иборат тортиқ. *Хотинларга тўққиз-тўққиз тортилди. Тўққиз-тўққиздан кейин хотинлар тарқалишди.* ■ *Латофат.. қўшни болаларини чақириб, аллақайси тўйдан тўққиз-тўққизданми, сочқиданми олиб келган жийда-майизни бериб, яна ўқитарди. Шўҳрат, Шинелли йиллар.*

ТЎҒИН Филдиракнинг ташқи гардиши. *Арава тўғини. Тўғинга темир қоқмоқ.* ■ [Ақбаралининг] *Дадаси ҳўл қайрағочни қўр аралаш кулга кўмиб, тўғин эгар, кегай йўнар эди. А. Мухтор, Чинор. Ҳовли саҳнида*

тўғин эгадиган кунда қаққайиб турибди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. Арава тўғини дўқиллаб, гоҳ эски чуқур изидан, гоҳ йўлни янгилаб, отни ҳам, аравадагиларни ҳам қийнаб бормоқда эди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ТЎҒНАМОҚ Санчиб ўтказиб маҳкамлаб қўймоқ, қадамоқ. Қўракка медаль тўғнамоқ. Игнани ишпечга тўғнаб қўймоқ. Лентани сочга тўғнағич билан тўғнаб олмоқ.

ТЎҒНАҒИЧ Тўғнаш, қадаш, маҳкамлаш учун ишлатиладиган мослама (мас., бир учи тўмтоқ игна, ўткир учи уячасига тушиб маҳкамланадиган асбоб, сочга қаладиган тутқич). Дўппини тўғнағич билан тиззага тўғнаб тикмоқ. Лентани сочга тўғнағич билан тўғнаб қўймоқ. Сочни тўғнағич билан маҳкамламоқ. ■ Мен кийинар эканман, шошар, қўлларим қалтирарди. Шу пайт тугмача узилиб кетди, уни қадаб олишга вақт зиқ, тўғнағич қадай десам, у ерга тушиб кетди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ТЎҒОН 1 Сувни тўсиш, бўғиш, сув оқими бошқариш учун хизмат қиладиган, одатда, каттароқ оқимга эга бўлган ариқ, дарё ва сойларга қуриладиган гидротехник қурилма, иншоот. Тупроқ тўғон. Бош тўғон. Тўғон қурмоқ (солмоқ). ■ Ваҳобжон баҳор тошқинида сув олиб кетиб, ҳалигача тузатилмаган канал тўғонини тузатишига бир ҳафтадан бери овора эди. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. Днепрдай азим дарё олдида бу нима деган гап, қаҳратон қишда, ўқ ёмғири остида сув кечанлар наҳотки шу кичик сойга тўғон сололмаса? С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 кўча кам қўл. Тўсиқ, ғов, тўғоноқ. Тўғон бўлмоқ. Тўғри таёқ — балога тўғон. Мақол. ■ Аъзамнинг ҳамон хотинидан кўнгли тўлмас эди. Унга.. бахтимнинг тўғони деб қарарди. Шўҳрат, Жаннат қидирганлар. Бизлар энди илгариги сен айтган гўл, — Чўпу хасдан ҳадик олиб қолатурган Батрак эмас, бўлолмайсан бизга тўғон. Ҳ. Фулом.

3 Тўғон (эркаклар исми).

ТЎҒОНОҚ 1 Аравага ортилган юкни маҳкамловчи арқоннинг учига боғланадиган катта ёғоч илгак. Бу ўтинкашларнинг.. кўпчиликларида учига тўғоноқ боғланган бир арқон ва бир ўроқдан бошқа асбоблари йўқ эди. С. Айний, Қўллар.

2 кўча Бирор ишга, ҳаракатга тўсиқ, ғов бўлиб, тўсқинлик қилиб турган кимса, нарса. Тўғоноқ бўлмоқ. Тўғоноқ солмоқ. ■ Мен акушерка бўлиб бордим-у, лекин бу ишни бажаришга руҳонийлар тўғоноқ бўлишди. М. Алавия, Севинчларим. -Ўзингни ҳам бригадирликка кўтарган Қодиров эди-ку! Энди сен миннатдор бўлиш ўрнига.. оёғимга тўғоноқ солмоқдасан, — деди Қодиров. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТЎҒРАМ Тўғралган, ушатилган нарсанинг ҳар бўлаги. Бир тўғрам гўшт. ■ Муқимий икки пиёла қандчай билан икки тўғрам бўлка нондан еб, андак жонланди. С. Абдулла, Қувғунда. Алижон.. кабоб сихидан бир тўғрам серсел қайноқ гўштни оғзига солди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ТЎҒРАМА Тўғралган, тўғрамча. Тўғрама гўшт. ■ Қозоқлар менинг олдимга тўғрама келтиришди. О. Ҳусанов, Чўлда.

Тўғрама палов Гўштни тўғраб солиб пиширилган палов.

ТЎҒРАМОҚ Кесиб, синдириб майдаламоқ, ушатмоқ. Қарам тўғрамоқ. Сабзи тўғрамоқ. Норин тўғрамоқ. Шўрвага нон тўғрамоқ. ■ Хайри ҳафсала билан пиёзни майдалаб тўғрар эди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Олим полвон лаганга тўғраб, тайёрлаб қўйилган қазини кафтида кўтаранча, яна Зиёдилланинг ёнига лапанглаб келди. Ҳ. Фулом, Машғал. -Қани, нонга қаранг, мулла, — деди Олахўжа, патнисдаги нонни тўғраб. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТЎҒРАМЧА Тўғралган, тўғрама. Тўғрамча гўшт. ■ Умарали бир парча сур гўштни тўғрамча қилиб, масаллиқнинг устига қўйди-да, ошхонага қараб кетди. Ойбек, Улуғ йўл.

ТЎҒРИ 1 Эгри эмас, қинғир ери йўқ; тик, адил. Тўғри чизик. Тўғри сим. Тўғри ёғоч. ■ [Кумушнинг] Тўғри.. қоматига ердан бичиб олинган мудҳиш хотиннинг қўллари зўрға етди-да, «эсонмисиз, омонмисиз, пошша қиз», деб сўрашди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эҳтиёт юзасидан [Йўлчи] тўғри йўлни қўйиб, айланма йўллар билан намозгар вақтида Шоқосимникига [Гулнорни] бошлаб келди. Ойбек, Танланган асарлар. Мирзақаримбойнинг ери охирида баланд, тўғри ўсган, учлари бир-бирига туташган қатор тераклар жимгина титрайди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хатодан холи, янглиши, нотўғри ери йўқ; бехато. *Тўғри жавоб. Тўғри фикр. Тўғри маслаҳат. Масалани ечишнинг тўғри йўли. Аслига тўғри нусха. Билмагандан билган яхши, Тўғри ишни қилган яхши. Мақол. ■ - Бир нарсаса олдиндан ҳукм этиш тўғри эмас, Абдишукур, — салмоқлаб деди Мирзакаримбой. Ойбек, Танланган асарлар. Бундай жойларда ҳамма вақт ҳам кўз билан тўғри чамалаб бўлмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 кўча Ҳақиқатдан иборат; чин, рост, ҳақ. *Тўғри ҳукм. Тўғри тил тош ёрар, Эгри тил бош ёрар. Мақол. Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор. Мақол. Бошинга қилич келса ҳам, тўғри сўзла! Мақол. ■ Тўғри ганим тўққанимга ёқмайди, деганлари бежиз эмас экан-да. Н. Сафаров, Соҳиб чангал.*

4 Белгили талаб, қоида ва ш.к. га жавоб берадиган; мос келадиган; қоидали. *Кетмонни тўғри ушла. Эгри кўчада юрсанг ҳам, тўғри юр. Мақол. ■ Мен тўғри ўқий олмасам, тунов кундагидек куласиз. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

5 Кувлик-шумлик, қинғирлик ва ш.к. ни билмайдиган; одоб, ахлоқ доирасидан чиқмайдиган, унга зид иш тутмайдиган; ҳалол, виждонли, инсофли. *Тўғри одам. Тўғри аёл. Тўғри киши тили эгидан ор қиладди. Мақол. Дили тўғрининг — тили тўғри. Мақол. Эгри озар, тўғри ўзар. Мақол. ■ Суриштирсанг, ҳамма бой бир текисда инсофсиз. Тўғри одам бой бўлмайди, шекилли, ман ўзим шу фикрдаман. Ойбек, Танланган асарлар. Бизнинг кўзимизга совуқ кўринган қипчоқвачча Нормухаммаднинг эл учун қилиб турган тўғри хизматини мен ўз умримдаги Тошкент беклари орасида биринчи мартаба кўраман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Оғайни, бизга тўғри тошингизни қўйсангиз бўлар эди. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.*

6 Тўғридан-тўғри амалга ошириладиган, бўладиган; бевосита, воситасиз. *Тўғри сайловлар. Тўғри солиқлар.*

7 (урғу биринчи бўғинда) рвш. Тўғридан-тўғри, тўппа-тўғри, бошқасига, бошқа томонга чалғимай. *Меҳмонлар тўғри бизникига тушди. Тўғри раиснинг ўзига учрашдим. ■ Насияга бўлса ҳам ғўштнинг лаҳим жойларидан еган яхши бўлар экан-у, кейин ҳақини тўлашни билмай гаранг бўлиб, кўчадан*

тўғри ўтолмай юрган ёмон экан. П. Турсун, Ўқитувчи. - Бу киши ҳидлаб ўтирмайди, тўғри ейди-қўяди, — деди ва қойил қилганига ишониб, ҳаммадан баландроқ қаҳқаҳа урди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

8 крш. с. Дуруст, ҳақиқатан ҳам, дарҳақиқат. *Тўғри, жон ширин, ҳар ким ўз жонини аяйди, лекин одамнинг юрагида бошқаларга меҳр бўлиши керак. Ойбек, Танланган асарлар.*

Тўғри бўлмоқ 1) тўғри шаклга, ҳолга келмоқ, тўғриланмоқ. *Йўл тўғри бўлди; 2) ҳақиқат, чин, рост бўлмоқ. Тўғри бўлса бу гаплар, Турмай қанот қоқайин. Бутун вужудим билан Бир сел каби оқайин! Файратий; 3) ҳақ бўлмоқ, ҳаққоний, адолатли бўлмоқ. Бу тўғрида раисимизни танқид қилиш бир томондан тўғри бўлса, иккинчи томондан тўғри эмас. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 4) инсофли, виждонли бўлмоқ, ҳалол бўлмоқ. Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб, гул бўласан, Эгри бўлсанг, ўсиб бориб, кул бўласан. Мақол. ■ Сен тўғри бўлганингда, бу таъналар нима эди менга! Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби; 5) рўпара бўлмоқ, юзма-юз келмоқ. Бир маҳал Соли совуқ, икки букилиб, мингбошига тўғри бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тўғри келмоқ** 1) мувофиқ, мос келмоқ. Бу гап ҳақиқатга тўғри келмайди. Ақлга тўғри келмайдиган иш. Уйдаги гап бозорга тўғри келмайди. Мақол. ■ Қабул бўлмаган дуо учун мени гуноҳкор санайсизларми? Бу дуруст эмас, бу шариятга тўғри келмайди. С. Айний, Куллар; 2) лойиқ, монанд келмоқ. Пальто бир номер катта, менга тўғри келмайди. Этик оёғимга тўғри келди; 3) амалга ошмоқ, бўлмоқ. Ҳамроев кечки овқатдан кейин бирпас чўзилмоқчи бўлган эди, тўғри келмади: нариги уй тўполон — болалар бир-бирини ёстик билан уриб ўйнаётибди. А. Қаҳҳор, Айб кимда; 4) барабар, тенг келмоқ, бас келмоқ, барабарлашмоқ, тенглашмоқ. -Ўғлим, — деб қичқирди кулиб дадаси, — кимники олди? -Тоҳир гупчакнинг жийрони. От боласи унга тўғри келмас экан. Ойбек, Танланган асарлар; 5) дуч келмоқ, тўқнаш келмоқ, учрашмоқ. Тўғри келган киши билан саломлашмоқ. ■ Икки томондан тешишга-ку тешамиз, тўғри келмай қолса нима бўлади? М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 6) бир вақтда юз бермоқ, бўл-*

моқ, қарама-қарши келмоқ. Иккала тўй бир кунга тўғри келиб қолибди. ■ Ишқилиб, Абдулла поччамнинг зиёфатига тўғри келмасин. Ойбек, Танланган асарлар; 7) бирор иш қилишга мажбур бўлмоқ. [Отабек] Саройдан анча узоқлашган эди, қаршидан.. келувчи Раҳматни кўрди ва чор-ночор сўрашмоққа тўғри келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тўғри қилмоқ** 1) тўғри шаклга, ҳолга келтирмоқ, тўғриламоқ. Дарё ўзанини тўғри қилдик; 2) тўғри иш қилмоқ. Ўқшига кириб тўғри қилдинг; 3) рўпара қилмоқ, тўғриламоқ. Чатоқ ишларни менга тўғри қилаверинг. ■ Ҳали ҳам сиз қуруқ қолмайсиз, умидим борки, сизни Вобкент қозилигига тўғри қилсам. С. Айний, Куллар.

9 (эзалик, ў.-п. ва ч. к. шаклларида — **тўғрида**, **тўғрисид**, **тўғрисидан**) Оидлик, тегишлилик, сабаб, макон каби маъноларни билдиради; ҳақида, юзасидан, сабабли, жиҳатдан. Бу тўғрида раҳбарлар билан маслаҳатлашмоқ. Пул тўғрисидан бироз қийналиб қолибди. Эртага бўладиган мажлисдаги масалалар тўғрисида келишиб олдик. ■ Фазлиддин бу кеча хурсанд эди. Ҳар тўғрида сўзлар, кулар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Сизни сиртдан танирдим, сиз тўғрингизда кўп эшитганман. К. Яшин, Ҳамза. Тулаган бинокорлик тўғрисида бир гапга тушиб кетса, уни тўхтатиш хийла қийин эканини билгани учун Бўтабой ҳам қўйиб берди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

Тўғридан-тўғри *реш.* 1 Тўппа-тўғри, бевосита. Тўғридан-тўғри юқорига мурожат қилмоқ. ■ У [Мавлонов] билан тўғридан-тўғри муомалада бўлмайдиганлар уни «райком», «райком Мавлонов» деб атасалар, яқиндан [дўстона, тўғридан-тўғри] муомалада бўладиганлар «ўртоқ Мавлонов» деб атар эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Гапни узоқдан олиб келмасдан, тафсилотларга берилиб ўтирмасдан, узоқ даромадсиз; тўппа-тўғри. Тўғридан-тўғри асосий масалага ўтмоқ. ■ У [Бўтабой], Сидиқжоннинг назарида, сўзни чўзмаслик ва тезроқ правлениенинг қарорини тасдиқлаш масаласига ўтиш учун гапни ўртасидан бошлади: ҳатто одатдагича «ўртоқлар» ҳам демасдан, тўғридан-тўғри.. правление тузган плани батафсил сўзлаб берди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

Тўғрилагич Ўзгарувчан электр токини ўзгармас токка айлантирувчи асбоб, қурилма. Симобли тўғрилагич.

Тўғриламоқ 1 Тўғри шаклга ёки ҳолга келтирмоқ, тўғри, адил, тик қилмоқ. Симни тўғриламоқ. Дарё ўзанини тўғриламоқ. Эгилган ўқни тўғриламоқ. Эери битгани эл тўғрилайди. Мақол. ■ -Дардингизга даво менда! — у қаддини тўғрилаб.. яна жилмайди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хато, нуқсон ва ш.к. ни йўқотмоқ, тузатмоқ. Имло хатоларини тўғриламоқ. Талаффузни тўғриламоқ. Соатни тўғриламоқ. ■ Гулнор айтганига пушаймон қилди, хатосини тўғрилаш учун сўзламоққа мажбур бўлди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тегишли вазиятга келтирмоқ, тартибга солмоқ, тузатмоқ. Ёқангни тўғрилаб ол. ■ Анвар.. қизнинг юзидан ўпди ва унинг тузғиган сочларини тўғрилаб, ҳаётбахш кокилларнинг муаттар бўйини узоқ ҳидлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Кавушани тўғрилаб қўймоқ қ. кавуш. Кавушини тўғрилаб қўйиш керак, қурилишни ҳам, коллективни ҳам сариқ чақага сотади бу. А. Мухтор, Туғилиш.

4 Бирор томонга қаратмоқ, рўпара қилмоқ; йўналтирмоқ. *Прожекторларни самолётга тўғриламоқ.* ■ Чол у ёқ-бу ёқ суриб.. ўртадаги ходани ҳаёл қилинган ип йўлига тўғрилаб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Гулнор умримга эгов бўлди. Яна у Мирзақаримбой хонадонига бошлиқ бўлиб кеккайсин, ҳеч ким билан сўзлашмасин, туғсин, бойликнинг нишабини ўз томонига тўғрилласин. Ойбек, Танланган асарлар. У ҳаёл сураккан, кимнингдир қўли елкасига қўйилганини сезиб, дарҳол орқасига бурилди ва юзини юзига тўғрилаб турган Лола-ни кўрди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Биров ёшга тегади, биров.. бошқага. Худо юлдузингни ўшанга тўғрилаган экан, чорамиз йўқ. Ойбек, Танланган асарлар.

5 с.т. Эпини, иложини қилиб битирмоқ, юзага келтирмоқ, муҳайё қилмоқ; эплаштирмоқ. Мушкул ишни тўғриламоқ. Бу ҳақда таъвиш қилманг, ўзимиз тўғрилаймиз. ■ Ҳозир секретарнинг олдида тушгин, у ҳаммасини тўғрилаб беради. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. Нанкин амирзода, бу ишни устод Қавомнинг бир оғиз сўзи билан ҳам тўғриламоқ мумкин.. Мирмуҳсин, Меъмор.



ТЎҒРИЛИК Тўғри эканлик, тўғри ҳолатга эгалик, тўғри бўлишлик. *Йўлнинг тўғрилиги. Фикрнинг тўғрилиги. Тўғриликка ўлим йўқ. Мақол. ■ Деворий соат бирга зане урди. Урмонжон, бу соатнинг тўғрилигига шубҳаланди, шекилли, ўз соатига қаради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ҳалоллик, тўғрилик, поклик – одабийликнинг зарурий мезонидир. Газетадан.*

ТЎҒРИЛИКЧА 1 Тўғрилик билан, одатга кўра, очиқ, ошкор. *Шу гапни тўғриликча айта қолсанг бўлмайдим. ■ Элмурод.. тўғриликча тўйиб овқат ейишга ҳам ҳақсиз эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Беғараз, очиқ кўнгиллик билан, яхшиликча. *Мен ундан тўғриликча сўраган эдим, эгриликка олди. ■ Уларнинг ундай-бундай сўзлари бўлмаган, тўғриликча келиб кетган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ТЎҒРИСИ 1 Иш, гап, нарсa, одам ва ш.к. нинг тўғри деб ҳисобланадигани. *Ишнинг тўғриси шу. Одамнинг тўғриси экансиз. Туянинг бувраси яхши, Сўзнинг тўғриси яхши. Мақол. ■ Қани, хўш, тўғриси қанақа бўлар экан. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 *қри. с. Гапнинг очиғи; очиғини айтганда, сўзнинг рости. Тўғриси, мен сизни ҳозиргача унча яхши билмайман. ■ У севиб, сеvimли бўлганидан мамнун эди, бахтиёр эди. Энди у шу кунгача ҳеч кимни севолмаганидан, тўғриси, севмаганидан ажабланади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

Тўғрисини айтсам (ёки айтганда) айн. тўғриси 2. *Тўғрисини айтганда, хато ўзингиздан ўтган. ■ Тўғрисини айтсам, бу гапларнинг ҳаммасига сиз сабаб бўлмоқдасиз, эр! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ТЎҒРИСИДАГИ 1 Қаршисидаги, рўпарасидаги. *Боғ тўғрисидаги уй. ■ Дуллар тўғрисидаги бешинчи чироқ титраб-титраб, ун гарди ўтирган кичкина шишасидан хира, кучсиз нур сочиб туради. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 Устидаги, ҳақидаги, хусусидаги. *Эшоннинг «жилов» тўғрисидаги фикри Элмуроднинг ғазабини келтирди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қоратойнинг юрагидаги ғазаб тўлқини, Йўлчи ва қиз тақдири тўғрисидаги ташвиш ишлашга имкон бермади. Ойбек, Танланган асарлар.*



У (ж.к., ў.-п. к., ч.к. — **унга, унда, ундан**) 1 кш. олм. 3-ш. бирл. Сўзловчи ва тингловчидан бошқа шахсни, нутқ жараёнида қатнашмаётган шахс («ўзга»)ни билдиради. *У мендан бир ёш катта. Ундан ёшлар ўрناق олишади.* ■ *У кетгандан кейин, Сидиқжон шу ернинг ўзида чўкка тушиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мана, бошқарма бўлимида уни [Искандаровни] роса қизартиришиди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи. *Унинг овози ўзига жуда узоқдан эшитилаётганга ўхшарди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 кўрс. олм. Сўзловчидан наридаги ёки узоқдаги кимса, нарсани кўрсатиш учун қўлланади. *Бу китобни эмас, у китобни беринг. Уйигитни танийсанми? Дарёнинг у ёғи.* ■ *У ерда нима кўп — паст-баландлик.* Шўҳрат, Олтин зангламас. *Мен бўлсам унинг йўлини аллақачон топиб қўйганман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.

Бошини (ёки ўзини) у ёққа урмоқ, бу ёққа урмоқ Бирор нарса ҳаракатида ўзини минг алфозга солмоқ, астойдил уринмоқ. [*Мир-закаримбой:*] *Бошни у ёққа урдим, бу ёққа урдим, ахир бир эвини топдим, жиян.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ё у ёқлик, ё бу ёқлик қилмоқ** Масалани кўндаланг ҳал қилмоқ, ишни бир ёқлик қилмоқ, ажрим қилмоқ. **У дунё қ. дунё 8.** *Тақдирга шукур қил, номусли камбағал бўл. У дунёда фойдасини биласан.* Ойбек, Танланган асарлар. **У дунё-бу дунё, у дунёю бу дунё қ. дунё 8. У ёқда турсин қ. турмоқ.** *Очилиш у ёқда турсин, очиқ хотинларнинг юзини ҳам кўрмайман, деб онт ичганман.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. **У ёқда қолиб** Ёлдан қўтарилиб, эслан чиқиб,

унутилиб. *Канизак.. кўзи жиққа ёшга тўлди-ю, узр у ёқда қолиб, ҳасратга тушиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **У ёғини суриштирсанг** Аниғини билмоқчи бўлсанг, очиғини айтганда, аслида. *У ёғини суриштирсанг, қишлоқда ҳамманинг рўзғори танг.* Ойбек, Танланган асарлар. **Уни қўй, буни қўй с.т.** Бошқа гапларни қўятур.. *Уни қўй, буни қўй, қачон бизникига келасан?*

-**у** (унли товушлардан кейин -**ю**) 1 боғл. Тенг ҳуқуқли икки сўз ёки гап бўлагини ўзаро боғлаб, «ва» маъносида қўлланади. *Еру кўк. Ёшу қари. Кечаю кундуз. Тўқсон бешу ўндан уч фоиш.* ■ *Қир-адирда ўтлар менинг қўю қўзим.* Ислом шоир.

2 боғл.-юкл. Қиёс, зид маъноли гапларни таъкид маъноси билан боғлаш учун қўлланади. *Мен ҳам шуни ўйлапман-у, иккинчи ёқдан Шералига қараб туриб, ҳам раҳмим келади, ҳам ҳавасим.* С. Кароматов, Олтин қум.

УБОРШИЦА [р. убрать — «йигиштириб, саранжом, ораста қилмоқ» фл. дан ясалган от] қ. **фаррош.** *Малоҳатхон.. эрининг қарши-лигига қарамай, район советига уборшица бўлиб ишга кирган экан.* А. Қаҳҳор, Жонфигон.

У-БУ 1 Ноаниқ бўлган нарса, гап, ҳодиса маъносини билдиради. *Тахта ва гиштар устига у-бу ёндилар.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Излама энди баҳона, Демагин у-буда айб.* Э. Воҳидов, Мухаббат. *Нури билан у-бу тўғрисида гаплашиб, кир ювар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..гап сўрасам, тишим оғриб қолди, у-бу деб мужмал жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Бирор гап-сўз; алай-балай. ...хурсандчилигини қилсин. У-бу дейдиган одамнинг оғзига уриш керак. А. Қаҳҳор, Асарлар.

УВ тақл. с. Ит, бўри каби ҳайвонлар чиқарадиган чўзиқ овозни ва шу овозга ўхшаш бошқа нарсалар товушини, жумладан, инсон йиғишидаги шу каби овозни билдиради. *Ув.. деб келар бўри овози.* С. Жўра. *Тўсиндан даҳшатли ув билан гирдибод қуюн уларни ўради.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Бирга турмайман десангиз, майли, судга беринг. Бироқ мен шармандани кечиринг! Мен сизнинг тирноғингизга ҳам арзимайман! Ув!..* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

Ув солмоқ (ёки **тортмоқ**) «Ув» деган чўзиқ овоз чиқармоқ. *Овул тинч, гоҳо узоқда, Аллонбий қўраси томонда бўри ув тортарди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Дарахтларни юмдалар бўрон.. Гоҳ қутуриб ув солар бўрон.* З. Обидов, Яхши ният. *Шу тилда алласин айтгандир онам, Шу тилда ув тортган фарзанд доғида.* Шухрат, Ёшлигимнинг давоми. *Хадича буви ҳам ув тортиб йиғлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УВА Тоғ ёнбағирларидаги чети қиялаб қўтарилган ерлар, пасттекислик. *Гўё табиат қирлар, адирлар ва уваларга ям-яшил гилам қўйгандай.* Газетадан. *Қаришидаги улуғвор тоғлар, уваларни томоша қилиб.. аравада лиқиллаб ланж бораман.* Ойбек, Болалик. *Сув ёқалаб келиб қолганим бу чечаклар уваси мунчалар эғзал, дўстим! Миртемир, Тингла, ҳаёт.*

УВАДА 1 Кийим, тўшак ва ш.к. нинг тўзган, узилган парчаси. *Мен совуқдан сақланиш учун увадаси оқиб ётган кўрна-тўшакларга ўралиб олар эдим.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Ниҳоят, тўнидан увада олиб отибди.. Шунақа, Тўлаган ака, душман отган тошдан жигар отган увада қаттиқ тегади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Эскириб, ситилиб, йиртилиб дабдала бўлган кийим-кечак; латта-путта, эски-туски. *Чувриндиларга ўралган Лаъли увадага ўралган гўдагини қучоқлаб.. нўстак устида ўтирарди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Зангдан қорайиб кетган темир каравот устида кўрпанамо эски увадаларга бурканиб Дороббек ётарди.* Д. Нурий, Осмон устони. *Болор ҳам хода бозори. Пахта, увада бозори.. «Равшан».*

3 сфт. Йиртилган, тўзган, увада ҳолга келган. *Увада камзулда биллур тугмадай Булутлар ортидан боқади юлдуз.* А. Орипов.

4 кўчма Увадага ўхшаш нарса ҳақида. *Оптоқ увада булутларни шамол ҳайдайди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳили. *Бир ёнда судралган киш увадаси: Иркит қор уюми, тўнган нам тупроқ.* Р. Бобожон. *..ётда-бетда увада қорлар сочилиб ётарди.* Мирмуҳсин, Қуламас қоя.

Увадаси чиққан 1) эскириб, йиртилиб тўзган, дабдала бўлган. *Увадаси чиққан тўн.* ■ *Бояги тикроқ бола увадаси чиққан дастурхонни ёзиб, қотган-қутган бурда нонларни расамади билан сочиб юборди.* С. Кароматов, Олтин қум. *..аёл увадаси чиққан кўрнача солиб, эшитилар-эшитилмас овозда деди..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон; 2) яроқсиз ҳолга келган, «дабдала» бўлган. *Комилжоннинг таклифи — увадаси чиққан эски гап.* И. Раҳим, Ихлос. *..композиторлар-ку қайта ишлайвери-риб, халқ қўшиқларининг увадасини чиқарди, энди қайта ишлашни ошпазга ким қўйибди..* И. Раҳим, Ҳилола.

УВАДАЛАНМОҚ Эскириб, титилиб, парча-пурча бўлиб кетмоқ; увада ҳолга келмоқ. *Қоратой икки томондан очик бўғотлари увадаланган ишхонада.. темир парчасини болға билан гурс-гурс урар, ясеилар, чўзар, қайирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

УВАДАЧИ айн. эскифуруш.

УВАЛАМОҚ 1 Майда, увоқ қисмларга бўлмоқ; майдаламоқ, ушатмоқ. *Кесакни уваламоқ. Нонни уваламоқ.* ■ *Кум-кесакдан кўп бемадор қирғоқни [пўртана] ўпиради, уваларди.* Ҳ. Фулом.

2 Бошқо, сўта ва ш.к. даги доналарни уқалаб ажратиб олмоқ. *Жўхорини уваламоқ. Анорни уваламоқ.*

УВАЛАНУВЧАН Яхши, тез, осон уваланиш (майдаланиш, парчаланиш) хусусиятига эга. *Уваланувчи гишт.*

УВАЛИ-ЖУВАЛИ Кўп фарзандли, не-вара-чеварали. *Икки ёшнинг муҳаббатли, ували-жували бўлишларига дуо қилишгач, совчиларга заррин тўнлар кийдирилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Буви.. уй соҳиби Ўтатнинг серфарзанд, ували-жували бўлишига истак билдирди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Толибжон ҳам ували-жували, хотин, болачақаси билан чиқиб, бобони кузатгани отланган эди.* А. Мухтор, Чинор.

УВАЛЛО қ. уввало. *Шошиб қолганидан, увалло уринишига қарамай, пальтосининг энгини тополмасди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар.

УВАЛМОҚ Майда бўлакчаларга бўлинмоқ; ушалиб кетмоқ, уваланмоқ. *Бўр увалиб кетди.*

УВАТ қ.х. Дала ёки экин майдони ичида, четларида қолдирилган бўш ер, тор йўл. *Ади́рларда ўрим боради, Уватларда ўтлайди пода. Х. Салоҳ, Чашма. Марза, уват, йўл ёқаларини ҳайдаш ҳисобига майдонимизни ўн икки гектарга кенгайтирдик. Газетадан.*

УВВАЛО Астойдил уриниб, зўр бериб; астойдил, роса. *Маҳкам ака уввало тушунтиришга уринса ҳам, чол эшитмасди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Хотинлар уввало қистаса ҳам, Бувинисо ҳалимга коса кўтариб бормади. П. Турсун, Ўқитувчи. Уни тинчитиш, нима бўлаганини аниқлашга уриниб, уввало ялинаман, қани тинчиса, қани очиқ айта қолса. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.*

УВВОС Ўқирган овоз, шундай овозли йиғи. *Куни билан Осим аканинг ҳовлисидан қий-чув, уввос кўтарилиб турди. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. Дилшод дарахтга қараб югурди. Аёллар ҳам уввос билан дарахт тагига келишди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Уввос солмоқ (ёки **тортмоқ, кўтармоқ**) Ўқирган, қаттиқ овоз чиқармоқ; шундай овоз билан йиғламоқ. *Барча баравар уввос солди. Қий-чув олқишлар, қарсак қўшилиб, ўрис созини эшиттирмай қўйди. С. Сиёев, Аваз. Қопқоғи қалайланган темир тобут уй ўртасига қўйилгач, хотин-халаж бирдан уввос солиб, аза очди. Э. Осмонов, Ёлқин. ..одамлар уввос тортиб, чапаклар, қарсаклар билан, оҳвойлар, қичқириқлар билан яна сўрадилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бечора она чидолмади, қабрни кучоқлаб, уввос тортиди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мабодо оломон ичидан бири чиқиб: «Биз одам бўлмаймиз», дейдиган бўлса, қолганлар «тўғри», деб уввос кўтариши турган гап. «Муштум».*

УВЕРТЮРА [фр. *ouverture* < лот. *aperture*, *operture* — очилиш, бошланиш] мус. 1 Опера, балет, кинофильм ва ш.к. га ёзилган, ана шу асарнинг асосий мавзуларини ифодаловчи мусиқали муқаддима. Кўп ўтмай, фрак кийган дирижёр ўз ўрнига чиқди-ю, «Богчасарай фонтани»нинг увертюраси бошланди. П. Қодиров, Уч илди́з. Симфоник оркестр опера бошланиши олдидан чалинадиган увертюрани.. *ижро этади. Ҳ. Носирова, Опера ҳақида айрим тушунчалар.*

2 Оркестр учун ёзилган, бир қисмдан иборат мустақил мусиқий асар. *Концерт увертюраси.*

УВИЗ шв. Оғизнинг икки чети. *Оғзи ним очиқ, увизидан сизган сўлаги соқолига ёпишган. «Шарқ юлдузи».*

УВИШМОҚ 1 Қоннинг яхши (меъёрий) юришмаслиги сабабли қарахт ҳолатли бўлмоқ (асосан, оёқ, қўл ҳақида). - *Қўллари ечиб юборинг! — Арғун белидаги ханжарини суғуриб олиб, чилвир арқонни узиб ташлади. Амирак Аҳмад увишиб қолган қўллари осилтириб уқалади. Мирмуҳсин, Меъмор. Қимирлатиб кўриб, ҳеч нарса сезмади. Оёқлари увишиб, йўқ бўлиб қолгандай эди. М. Мансуров, Ёмби. Сезганмисиз, оёқ увишиб қолганда, зилдай бўлиб, эгасига бўйсунмайди. М. Ҳазратқулов, Журъат.*

2 Лоҳаслик билан қисман қалтироқ ҳис этмоқ; жунжикмоқ (тана, эт, бадан ҳақида). *Оқшом салқинидан увишган танасини ҳаракатга келтириш учун керишаётган жангчининг елкасига панжаси билан қоқиб.. Н. Сафаров, Оловли излар. Заргаров чиндан ҳам эти увишиб, зўрга ўтирган эди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. Бадани увишиб ўтирган аёл жонланиб, у айтган шим билан қўйлакини қўлига олди. «Ёшлик».*

3 кўчама Умуман, қарахт ҳолатда бўлмоқ (нарс ҳақида). *Лағли ўғилчасининг ўлимига чидаёлмай, кўп йиғлади, илгари юзи ёпилган булоқдай, юрак қаърида увишиб ётган оналик меҳри мана, ниҳоят, кечроқ бўлса ҳам, жўш урди. Д. Нурий, Осмон устун.*

Юраги (ёки қалби) увишмоқ Нохуш нарсадан ўзини ёмон ҳис қилмоқ. *Мен, ёпирилиб келган совуқ туйғудан юрагим увишиб, арчага суяниб қолдим. О. Ёкубов, Излайман. У қоларкан қалби увишиб, Қўрқиб боқар ҳовлиси томон. О. Ҳожиева, Ҳаётга таъзим.*

УВЛАМОҚ Увулламоқ, ув тортиб йиғламоқ. *Увлаб йиғламоқ. ■ Увлаб қолди бир тўда оч, малъун бўриллар. Файратий. Туни билан бўлган ғазабли бўкиришлар, хунук алаҳлашлар, йиртқичдай увлаб йиғлашлар тинди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

УВОЛ [а. *عوار* — ноқулай муҳит; балo, офат; фалокат ёки *وبال* — камчилик, нуқсон] 1 Айб, гуноҳ. *Ёшгина эмадиган чақалоғи бўлмаганда ҳам майли эди, унга қўл тегишмоқ увол! И. Акрам, Адолат. Меҳмонлар*

тўйга бориб хурсанд бўлишмади. Тўйбошининг орзу-ҳаваси уволга, замон сўзи билан айтсак, гуноҳга айланди. Н. Сафаров, Оловли излар.

Уволи тутмоқ ёки **уволига қолмоқ** Ножўя иш ёки ҳаракатнинг айбдори бўлмоқ; жазосини олмоқ. Ўқишини жувонмарг қилсак, уволига қоламиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фойдасиз ёки бевақт йўқ бўлиш, йўқолиш; нест-нобуд. *Умр увол, увол, баҳор меваларин, Ёшлик бўсаларин тўйиб тотмасанг.* А. Мухтор. *Хоҳишларинг бўлмасин увол!* Х. Олимжон.

3 кўчма Бировга озор бермайдиган, зиён етказмайдиган; ювош, заиф. [Акрам:] *Ие, ҳали сутдан оқ, мусичадек уволман денг?* О. Ёкубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам — дилим. *Боя ҷумолидек увол кўринган киздек йигит энди кийикдек ел қувиб учиб борарди.* С. Аҳмад. Чўл бургути.

4 Оғир, қийин, аянчли. *Жўжабирдек жон, болаларига увол бўлди.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Оёқ-қўли бутун бўла туриб, чумчуқдан баттар увол яшайдиган одамлар ҳам бор.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

УВОҚ 1 Уватилган нарсанинг кичик бир бўлаги, увалган қисми; ушоқ. *Зокир.. бостон пиджагининг энсига ёпишган нон увоғини чертиб ташлади.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Бинонинг ташқи томони мармар тахталар ҳамда мармар увоқлари билан пардозланган.* Газетадан.

2 кўчма Жуссаси кичик, майда. [Шербек:] *Қорамол билан увоқ молга бу ерда тўғлайдиган ем-хашағимиз бемалол.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бундай мураккаб машинани мендек увоққина бир қиз бошқаришини қайқдан билар эди улар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. У, Дилбархон тасаввур қилганидек, йўғон, барваста эмас, балки 55 ёшлардаги увоққина одам эди. Х. Тўхтабоев, Садоқат.

3 кўчма Умуман, майда, кичик. *Увоқ мақсад учун тарихни чаплаб, Ҳомийларни, закийларни сотганлар озми?* А. Орипов, Йиллар армони.

УВОҚЛАМОҚ айн. **уваламоқ 1.** Жувон нонни увоқлаб, қанд билан латтага тугиб, сувга чайқагандан сўнг, гўдак оғзига тутлади. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

УВУЛДИРИҚ Балиқ ва б. баъзи сувда яшовчи жониворларнинг тухумчалари, уруғи; икра. *Босилиб, увулдириғи ситилиб чиқ-*

қан балиқлар. ■ *Қовоқ хумчадаги сутдан оқлаб, увулдириқ суркалган кулчани синдириб, меҳмоннинг олдига қўйди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

УВУЛЛАМОҚ Чўзиқ «ув» деган овоз чиқармоқ; ув тортмоқ. *Бўри увуллади. Ит увуллади.* ■ *Аллақандай бир тўда ит тўлқинга қариш увулламоқда.* Ф. Фулом. *Шамол соҳ оч бўридай увуллар.. эди.* А. Қаҳҳор, Даҳшат.

УВУН-ТЎДА 1 Эски, чирик, йиртиқ нарсалар; эски-тускилар. *Увун-тўдаларнинг орасида, хонақонинг бир бурчагида тонг оттирдим.* Ф. Фулом, Шум бола.

2 Бетартиб, палапартиш; йиғиштирилмаган. *Увун-тўда ҳовли.* ■ *Уйнинг эшиги ланг очик эди. Нарсалар увун-тўда бўлиб ётибди.* Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.

УВУШМОҚ қ. **увишмоқ.**

УГЛЕВОДЛАР [р. уголь — кўмир + вода — сув: кўмирсувлар] Одам, жониворлар ва ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган, угле-род, кислород ва водороддан таркиб топган органик бирикмалар гуруҳи.

УГЛЕВОДОРОДЛАР [р. уголь — кўмир + водород] Молекулалари фақат углерод ва водород атомларидан таркиб топган органик бирикмалар синфи.

УГЛЕРОД [р. уголь — кўмир + род(ить) — туғдирмоқ] Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб, ҳамма органик моддаларнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган кимёвий элемент.

УГРА 1 Юпқа ёйилиб, узун ва майда қилиб кесилган хамир. *Угра кесмоқ.* ■ *Зиёдаҳон шитоб билан угра кесар экан, унга [Сидиқжонга] бир қараб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шундай хамирдан тайёрланган суyoқ ош. *Олий нав ун угра, лағмон, манти каби таомлар учун қўл келади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Уста Абдуллажон келтирган бир коса серқатиқ угра ошидан икки-уч қошиқ ичиб, қайтариб берди.* О. Ёкубов, Видо.

УД [а. عود — дарахт, поя, новда; торли, чертма мусиқа асбоби номи] Катта ноксимон косахонали, калта дастали, кўп торли, чертиб чалинадиган мусиқа асбоби. *Уд чалмоқ.* ■ *Уд [барбат] — қадимги Ўрта Осиёда чертма торли мусиқа асбоби.* «Фан ва турмуш».

УДАЙЧИ айн. *худайчи*. Анвар бугунги нома ва аризаларни йиғиштириб, удайчига топширди. А. Қодирий, Мехроблан чаён.

УДАРНИК I [р. ударить — «урмоқ, зарба бермоқ; уриб чалмоқ» фл. дан ясалган от] Отиш куруллари затворининг отиш пайтида ўқ капсюлини уриб чақадиган, ўт олдирадиган учли қисми, учи. *Затвор ударниги*. Ударник чақалаган пистон.

УДАРНИК II эск. қ. *зарбдор*.

УДДА [а. عهدہ — масъулият, жавобгарлик; кафиллик, кафолат] Бирор ишни бажара олиш, ўринлатиш; амалга ошириш, эплаш. *Бу нозик вазифанинг уддасини сизга ҳавола этмоқчимиз*. Ойбек, Навоий.

Удда қилмоқ ёки **уддасидан чиқмоқ** Бажара олмоқ, эпламоқ, уддаламоқ. *Майли, ишни ҳам, ўқишни ҳам удда қиламан десанг, боравер*. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Битта бузоқни удда қиюлмайсан-а*. С. Нуров, Нарвон. *Бригадамиз унча катта ва кучли бўлмаса ҳам, барча ишнинг уддасидан чиқамиз, ишонаверинг!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

УДДАБУРО(Н) [а. عهدہ + ф. بزّان — кесувчи, кескир, ўткир] Ҳар ишни удда қила оладиган, эплай оладиган; эпчил, абжир, тадбиркор. *Уддабуро аёл*. ■ *Ҳомидхўжа Мирвалининг уддабуро бола эканини яхши биларди*. С. Аҳмад, Сайланма. *Нуъмонжон моҳир мастер, яхши бригадиргина эмас, балки уддабуро ташкилотчи ҳамдир*. Н. Ёқубов, Қалб кўзи билан.

УДДАБУРО(Н)ЛИК Уддабурога хос хислат. *Фотиманинг бир сўзлилиги, уддабуронлиги ҳаммага ёқиб тушди*. «Саодат».

УДДАЛАМОҚ Уддасидан чиқмоқ, удда қилмоқ, эпламоқ. *Кулиб туриб йиғлаш мушкул ҳол, бунинг энг моҳир артистларгина уддалаш мумкин*. «Ёшлик». *Раиса ўша йили раисга берган ваъдасини уддалади*. Газетадан.

УДЛИ-ШУДЛИ Ишни тез бажарадиган, эпчил; серҳаракат, серғайрат. *Удли-шудли қиз*. *Удли-шудли хизматчи*. *Удли-шудли бўлмоқ*. ■ *Болангиз тузук, удли-шудли чиқяпти*. *Ҳадемай, сизга суянчиқ бўлиб қолади*. Ҳ. Назир, Индамас.

УДМУРТ I Россия Федерацияси таркибидаги Удмуртия Республикаси туб аҳолисини ташкил этувчи халқнинг номи (қ. **удмуртлар**). *Удмурт халқи*. *Удмурт миллати*.

2 Шу халқ, миллатга оид, мансуб. *Удмурт аёли*.

УДМУРТЛАР Удмуртия Республикасининг туб аҳолисини ташкил қиладиган, фин-угор тил гуруҳига мансуб пермь тилларидан бирида сўзлашадиган халқ.

УДУМ [а. عذوم — йўқлик, номавжудлик; йўқолган (йўқотилган) нарса] **1** Умум томонидан қабул қилинган ва амал қилинадиган тартиб; одат, расм. *Тошкентликда бағоят қадим Яшаб келар эзгу бир удум: Учрашганда биринчи сўроқ — «Тинчликми?» деб ҳол суриштирмоқ*. М. Шайхзода. *Қора уйларни эса, эски удумга кўра, фақат аёллар тиқишади*. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 с.т. Айрим шахсга хос иш-машғулот, одат. *Паррандага ўч: ҳали қарқуноқ тутиб келади, ҳали бедана*. *Бобосининг удумини қилиб, овчи бўламан, дейди*. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

УЕЗД [қад. р. ездъ — йўл; кўча; юриш] эск. Чор Россиясида ва собиқ СССРда: 1929 йилгача губерна таркибидаги маъмурий-худудий бўлинма. *Уезд ҳокими «акангни мингбоши қиламан» деб.. дегрезлик Исомиддин деган жаллобни сайлаган эди*. А. Қаҳҳор, Йиллар.

УЗА *Узра* с. қисқарган шакли. *Боғинг уза рафтор ила ўтганда хиромон..* Т. Тўла.

УЗАЙМОҚ I Бўйига чўзилмоқ, узунлашмоқ. *Йўл узайди*. *Кўёш оғиб, соялар узайди*. ■ *Катта-кичик дарахтларнинг ерга ташлаган кўланкалари, еердайиб кўкка узайган ҳайбатли қайрағочлар сирли, ваҳимали кўринди*. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Узоқ вақт давом этмоқ, чўзилмоқ. *Камбағал рўза тутса, кун узаяр*. «Қанотли сўзлар». *Сентябрнинг охиралари*. *Кунлар қисқариб, тунлар эса узая бошлайди*. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

УЗАЛА: узала чўзилмоқ (ёки тушиб ётмоқ) Бор бўйи билан ясланиб, чўзилиб ётмоқ. *Ёрмат майса устига узала чўзилиб, қаттиқ уҳ тортиди*. Ойбек, Танланган асарлар. *Шерниёз узала тушиб, ухлаб қолган эди*. Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳовлига чиқиб, бирпас айланиб киради-ю, яна узала тушиб ётиб олади*. С. Сиёев, Аваз.

УЗАЛАСИГА Бор бўйича чўзилган ҳолда. *Бир-икки чайқалиб, гул пайкали устига узаласига йиқилиб тушди*. «Муштум».

УЗАЛМОҚ айн. *узанмоқ*. *Саидий қизарди-да, узалиб, стол устида турган папиросдан бирини олиб тутатди ва илжайди*. А. Қаҳҳор, Сароб. *Нортोजи полвон узалиб, довуч-*

чалардан бирини олди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. «Энди ўлдим», деб узашиб ётди. «Баҳром ва Гуландом».

УЗАМОҚ кам қўл. Анча нари кетмоқ, узоқлашмоқ. *Тонг отди, қизлар узаб кетди. «Равшан».*

УЗАНА шв. айн. узала, узаласига. *Гоҳ узана, гоҳ чалқанча ерга ётдим.* Н. Нарзуллаев.

УЗАНГИ Эгарнинг икки томонига қайиш билан боғлаб, осиб қўйиладиган, отга минниш ва эгарда оёқларни тираб ўтириш учун хизмат қиладиган, металлдан ясалган от абзали. *Комил кумуш узангига оёқ учини қўйиб, эгарга миниб олди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Маълум отлиқ қўтидорнинг дарвозасида отини тўхтатди-да, ўнг оёғини узангидан узди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УЗАНГИСОЗ Узанги ясовчи темирчи уста. *Темиртош ўтрорлик бир узангисоз хунарманднинг биттаю битта ўғли эди.* М. Осим, Ўтрор.

УЗАНМОҚ 1 Бутун бўйи (гавдаси) билан чўзилмоқ, чўзилиб ётмоқ. *Буни пайқаган Отабек, ханжарини қинидан чиқариб, қўлига ушлагач, юзтубан ерга узанди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гиламга узаниб, бошини қўллари устига қўйди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Бирор нарсани олиш учун интилмоқ, қўл чўзмоқ; чўзилмоқ. *Қўзлари.. ёришиб кетди, лабларини ялаб, милтиққа узанди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Тилов узаниб, каравотдан парёстиқ олди-ю, Жамшидга ялт қаради.* Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди.

3 айн. Узаймоқ, чўзилмоқ. *Тўхтамади замон дарёси, Кунлар ортди, узанди бўйим.* М. Шайхзода.

УЗАТМОҚ 1 Қўлидаги бирор нарсани бошқа бир шахсга бермоқ, қўл чўзиб тутқизмоқ, бировга тутмоқ. *Чой узатмоқ. Гул узатмоқ.* ■ *Раъно китобни секингина ёпиб, Анварга узатди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Тамила унга сўргич кийгизилган сутли шилани узатди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол. *Юзини рўмол билан тўсган бир аёл деразадан ош узатди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 кўча с.т. Пора (пора тарзидаги нарса) бермоқ. *Унга бирор нарса узатмасангиз, ишингиз битмайди.*

3 Бирор томонга йўналтирмоқ, чўзмоқ, ёзмақ; ростламоқ (оёқни, қўлни). *Шерали дум-думалоқ қўлини Қаримга узатди.* С. Ка-

роматов, Олтин кум. *У иккала оёғини узатиб, ўзини уйқу ихтиёрига топширди.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

4 срт. Ирғитиб, тепиб, иккинчи ўйинчига ўтказмоқ, етказиб бермоқ; оширмоқ (тўп, шайба ва ш.к. ни). *..бир-бирларининг қарши ҳужумларини мустаҳкамлаб, тўпни қисқа ва аниқ узатиб ўйнар эдилар.* Газетадан.

5 Маълум жойгача биргалашиб бормоқ, кузатмоқ. *Уни электр чироқли столба таги-гача узатиб, сўнг хайрлашди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уста Олим Отабекни кўчагача узатиб чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Бирор манзилга йўлламоқ, жўнатмоқ. *Она бугун узатади ўз ўғлини фронтга.* Ҳ. Олимжон. *Менгбой танишларини узатди, яна Гаффор билан буфетга қайтиб кирди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчаси.

7 Етказмоқ, етказиб бермоқ. *Хабарларни узатмоқ, Электр токини узатмоқ.*

8 Турмушга чиқармоқ, эрга бермоқ. *Қиз бола ота-онага омонат, узатиб тинчий!* С. Зуннунова, Янги директор. *Сиз узатишни хоҳламасангиз ҳам, балки у эрга тегишни хоҳлаб қолгандир.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол. *Келин қилсанг — йўқдан қил, қиз узатсанг — борга қил.* «Қанотли сўзлар».

Қўрнага қараб оёқ узатмоқ қ. кўрна. **Оёқ узатиб** Хотиржам, бемалол. [Фотима:] *Мен ҳам дунёга умид билан келганман, оёғимни узатиб ўтирармиканман, деб ўғил ўстирганман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Пенсияга чиқиб кетиб, энди оёқни узатиб ётаман.* З. Эгамбердиев, К. Холмухамедов, Қари билганни — пари билмас. **Қаёққа узатса, қўли етади ёки қўлини қаёққа узатса, етади** Нимани истаса, шуни уdda қилади; ҳар қандай мушкулотни ҳал қилишга қодир. [Зўҳра:] *Кимга гапирсанг, гапинг ўтади; қаёққа узатсанг, қўлинг етади.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

УЗВ [а. عضو — аъзо, тана қисмларидан бири] **1** Тана аъзоси; муча. *Саидийнинг икки йил ичида бўшаёзган иликлари тўлди, узвлари эшилиб бўртди.* А. Қаҳҳор, Сароб. [Бу мавжудотларда] *Бош ўрнидаги узв настга қараган, кўринишлари мускин ва қайғули эди.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

2 Бирор бутунликнинг ажралмас қисми, бўлаги. *Бу чаман шонли ватаннинг узви бўлгандан кейин..* Ф. Фулом.

УЗВИЙ Чамбарчас ҳолдаги, ўзаро боғланган; ажралмас. *Узвий алоқа.* ■ *Навоий мусамматлари унинг улкан лирик меросининг узвий бир қисмидир.* «ЎТА». Бундай ҳол турмушда такрор бўлиши мумкин, чунки бир иш иккинчиси билан узвий боғлиқдир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

УЗГИЧ Электр токини узиш, улаш учун хизмат қиладиган мослама. *Аккумулятордан келаётган ток тўғридан-тўғри трансформаторга келмасдан, узгич-улагич орқали келади.* Газетадан.

УЗЕЛ I [қад. р. возеле < везати (вязать) — тўқимоқ; боғламоқ, бириктирмоқ] **1** Транспорт йўлларининг туташган, кесишиб ўтган жойи. *Энг йирик темир йўл узели — А. станцияси учун шиддатли жанг давом этмоқда эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бир жойга ўрнаштирилган, вазифаси жиҳатидан бир-бирига боғланган иншоотлар, механизмлар, қурилмалар ва ш.к. йиғиндиси. *Гидроиншоотлар узели.* ■ *Қотишма тайёрлаш узелида қишга яхши тайёргарлик кўрилмаган.* Газетадан.

3 Машина ёки аппаратнинг ўзаро бириккан бир қанча содда деталлардан ташкил топган яхлит бир қисми. *Абдусаттор тракторнинг узелларини кўздан кечирди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шубҳасиз, пахта териш машинасида ҳамма узел ва агрегатлар муҳим.* Газетадан.

4 анат. Организмдаги маълум ҳужайраларнинг ғуж ўрнашган жойи; тугун. *Лимфатик узел. Нерв узели.*

УЗЕЛ II денг. Кемаларнинг бир соатда босиб ўтилган денгиз мили сони билан ҳисобланадиган тезлик ўлчови. *Пароход ўн икки узел тезликда юрди.*

УЗЗОЛ [ا. عزال — узоқлашиш, ажралиш; пастга сакраш] мус. Ўзбек халқ куйларидан бири; Шашмаком таркибида маълум шўьба номи (куй ҳаракатида қўққисдан 4-5 поғона пастлаш рўй беради).

УЗЗУКУН Куни билан, кун бўйи. *Қўйлар уззукун ўтлаб тўймагандек, ердан бош кўтармайди, қўра томон жилғиси келмасди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Қорнинг ҳам очиққандир уззукун юриб, ҳозир овқатингни иситиб бераман.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

УЗИКМОҚ шв. айн. **узлимоқ 4.** *Дилишод Фуломжонни аввал узикиб қолди, деб ўйлаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УЗИЛ-КЕСИЛ 1 рвш. Бекам-қўст, тўла ҳолда; батамом. [Низомжон] *Юрагида тўлиб-тошган гапларни узил-кесил тўқиб солмоқчи бўлиб, қизни излаб, яна далага қараб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳали биз қипчоқ элидан узил-кесил қутулганимиз йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Муайян соҳага оид муаммолар, жумбоқлар шу соҳанинг кўпчилик олимлари ҳамкорлигидагина тўла ва узил-кесил ҳал этилиши мумкин.* «Фан ва турмуш».

2 Қарор ҳолига келган, қатъий. *Узил-кесил жавобимизни ўн кундан сўнг хабар қиламиз.* О. Мўминов, Хиббондаги уч учрашув. *Ниҳоят, Раҳматулла ҳаёлий режалардан чарчаб, узил-кесил қарорга келди.* «Ёшлик».

УЗИЛМОҚ 1 **Узмок** фл. ўзл. ва мажх. н. Умиди узилди. Алоқа узилди. Ўқ узилди. Тан-дирдан янги узилган нон. *Ип ингичка еридан узилади.* Мақол. ■ *Кўзлари жиддий, Маратдан узилмайди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Алоқаси, боғлиқлиги йўқ бўлмоқ; ажралмоқ. *Хотин кишининг уйдан узилиб, кўчага чиқиши осон эканми!* С. Анорбоев, Оқсой. [Қодир Комилович] *Халқдан узилиб қолганга ўхшайди.* Уйғун, Навбаҳор.

3 Давом этишдан тўхтамоқ. *Йигит узилган ширин тушини яна бир он кўриш умидида кўзларини юммоқчи бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Магазин эрталабдан кечгача очиқ, бу ердан эрталабдан кечгача хотин-халаж узилмасди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..кичкина қора қумғон тагидан олов узилмас эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Касали қайталамоқ, қайта оғирлашмоқ. *— Сен уринма, узилиб қоласан, — деди Маҳкам ака Фотима опага.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Одатда, врачлар бемор олдиға одам қўйишавермайди.* Толиқади, узилади, дейишади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

5 Жон бермоқ, жон таслим қилмоқ; ўлмоқ. *..бир қўлтумгина сув ҳам ичолмай, гул ҳидлаб ётиб, бечора узилди.* Мирмуҳсин, Умид. *Калта-калта нафас олиб, шипга қараб ётиптилар..* Кун ёйилганда узилдилар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Ичаги (ёки ичи, қорни) узилмоқ 1) қорни жуда очмоқ, очиқмоқ. [Рузвон хола:] *Қўй, болам, бунақа беҳуда хаёлларни..* Ол, ошингни ич, ичагини ҳам узилиб кетгандир. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Ола қол.. қорнинг ҳам узилиб кетгандир..* С. Акбарий, Чўлдаги пар-

воз; 2) қаттиқ кулгидан ёки йиғидан ҳолдан тоймоқ. - *Чиройли йиғит, ақлли йиғит, — деб мақтай-мақтай, Тўйбеканинг ичаги узилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Насибаси** (ёки **туз-насибаси**) **узилмоқ** Бирон ердан кетиш зарурати туғилмоқ, кетишга тўғри келмоқ. *Наҳот Зорқишлоқдан ҳам насибам узилган бўлса.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Еримиздан туз-насибанг узилмасин, болам!* М. Хайруллаев, Тилла маржон. **Оёғи узилмоқ** Келмай қўймоқ, келиш-кетишни тарк этмоқ, тўхтатмоқ. *Келди-кетди бўлиб, Низомжон уч-тўрт кун Дилдор билан бафуржа учрашолмади.. Нихоят, уйдан меҳмонларнинг оёғи узилди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Юраги** (ёки **юрагининг бир чети**) **узилмоқ** Бирор кимса ёки нарсага ачинмоқ, ғоят хафа бўлмоқ. *Жонузоқнинг юмалоқ қўйма гавдаси.. узоқдаги тунд буталар орасида кўздан яширинганида, Бобоқулнинг юраги узилиб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. [Нодир] *Автобусга ўтириб, станцияга яқинлашгани сари, юрагининг бир чети узилиб қолгандек бўлаверди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

УЗЛАТ [а. عزلت — ёлғизланиш, яккаланиш; ёлғизлик] *кт. дин.* Кишилардан узоқ, якка ҳолдаги ҳаёт; холи жой; ёлғизлик. *Бу имонсизлардан имонимни асрай десанг, етти қат ер тагидаги жаҳаннамда ёнмай десанг, узлатга чекин, узлатга, бошингни олиб кет бу ердан, Бобоқул.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қолган кунларимни бир чеккада, узлатда ҳудойи таолога сиғиниб, тоат-ибодатда яшамоқчиман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

УЗЛАТНИШИН [а. + ф. عزلت نشين — узлатда ўтирувчи] *кт.* Узлатда яшовчи. *Назаримда, бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ, димиқиб ётган бу узлатнишин одамга бизнинг келишимиз деразадан отилиб кирган баҳор шабадасидек тўйилиши керак эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

УЗЛУКМОҚ *шв. айн. узилмоқ 4.* [Гавҳар:] *Сал дармонга кирсангиз, яхши бўларди. Узлукиб қолмасмикансиз?* С. Зуннунова, Гулхан. *Икки мартаба одам юборганимда, [Абдумажиднинг хотини] унамабди, ҳали дармонга киргани йўқ, узлукади, дебди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

УЗЛУКСИЗ 1 Бирин-кетин, кетма-кет, пайдар-пай. *Машиналар узлуксиз ўтиб турипти.* ■ *Бетон қоришмаси узлуксиз келиб*

туради. «Ўзбекистон кўриқлари». *Гранаталар узлуксиз учди.* Ойбек, Куёш қораймас.

2 Тўхтамасдан, тинимсиз, изчил равишда. *Икки сутка узлуксиз ёмғир ёғди.* ■ *Йўл бўйлаб кетган симёғочлар эса узлуксиз гувуллайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши узлуксиз юксалиши йўлидан бормоқда.* Газетадан.

Узлуксиз таълим Ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб боровчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими.

УЗМА Юпқа ёйилган хамирни қўлда узиб, қиймали шўрвага солиб пиширила-диган таом.

УЗМОҚ 1 Куч билан тортиб, юлқиб, бутундан ажратмоқ, бутунни қисмга бўлмоқ. *Ўқиз бир силтаб, арқонни узиб юборди.* ■ *Жўра पोшиа бўйнидан марварид маржонини чиқарди-да, ипини шарт-шарт узиб, марваридларни кигизга тўкди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дуторчи дуторнинг қулоғини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз чигтак. *Зиёдахон, зувала узар экан, қазиломуз жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Палак, новда ёки тупидан ажратиб олмоқ, кесмоқ. *Қовун узмоқ. Помидор узмоқ. Узум узмоқ. Олма узмоқ.* ■ *..гулга термилиб ўтиришни эмас, ўша гулни узиб, искаб юришни ёқтиради.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

3 Кесиб, қирқиб, жойидан бўлак қилмоқ. *Қилич билан бошини узмоқ.* ■ *Глуховнинг иккала оёғини нақ сонидан снряд узиб кетди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

4 Турган, ёпишган жойидан ажратмоқ, холи қилмоқ. *Бу харсангни ердан узиб бўлмайди. Тандирдан нон узмоқ.* ■ *Жапақ қизчани бағридан зўрға узиб, отилиб ташқарига чиқди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Юнус.. тиззаларини оғриқ кемириб еб ташлаётган бўлса ҳам, бошини ёстиқдан узиб, қимирлатиб қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 Давом қилдирмаслик; тўхтатмоқ, кесмоқ. *Гапни узмоқ. Суҳбатни узмоқ.* ■ [Саодат:] *Қўрқмасим ҳам борми, ўзингга эҳтиёт бўл, хатингни узма.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Бўй етган қиз, ҳозир сен билан алоқани узган, узмаса ҳам, бўшаштирган бўлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Қарзни тўламоқ, эвазини бермоқ (қайтармоқ). [Ғофир:] *Шунча қарзим бор эканми? Мен бун қандай узаман, бой ота? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Олган омонатини батамом уздими? К. Яшин, Ҳамза. ..юртдан еган ошларини узиш ниятида тўй тараддудига тушди. С. Аҳмад, Ҳазина.*

7 Қаттиқ тишламоқ ёки чақмоқ; тишлаб ёки чақиб яраламоқ. *Итнинг иши — узмоқ, Ёмоннинг иши — бузмоқ. Мақол. ■ Атрофда ғув-ғув пашша: оёқларга ёпишади, бурун каттакларига суқилади, қулоқни узади. Ойбек, Танланган асарлар.*

8 кўчма Қаттиқ таъсир қилиб азоб бермоқ, оғритмоқ, ачиштирмоқ (иссиқ, совуқ, зарб, гап-сўз ва ш.к. ҳақида). *Қизилқумда қиш изғирини баданни узиб ола бошлаган кезде, кечаги студент трассага келиб, колонна механиги бўлиб ишга тушган эди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Шудгор, қизган мисдай, оёқни жижиллашиб узиб олади. Ғ Фулом, Тирилган мурда. Пишиқ ўрилган чарм қамчин билан Йўлчининг очиқ кўкрагини ва бўйинини узиб олди.. Ойбек, Танланган асарлар. ..ўртоқ Қобилов шу гаплари билан Фармонқул акани бир узиб олди. С. Маҳкамов, Шоғирд.*

Ичагини узмоқ Кулги ва ш.к. дан ҳолдан тойдирмоқ. *Ўтов оғаси Сулаймон оқсоқолни кулдириб ичагини узди. К. Яшин, Ҳамза. Кўз (ёки кўзини) узмоқ Нигохонни олмоқ, қарамай қўймоқ. Ҳасан узоқлашиб кетган машинадан кўзини узмай қотиб турарди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Йўлчи гоҳ-гоҳ кўзларини ердан узиб, қисқа-қисқа жавоб бериб турарди. Ойбек, Танланган асарлар. Кўнгил узмоқ қ. кўнгил. Аммо билимга чанқоқ болалар мактабдан кўнгилларини узмай, ўқишда давом этдилар. К. Яшин, Ҳамза. Оёқ (ёки оёғини, қадамини) узмоқ қ. оёқ. Ҳув ўша Моҳирўйжаҳонда ўқилган таърихдан кейин у Табибийнинг уйдан оёқ узиб кетган эди. С. Сиёев, Аваз. Нега бизникидан қадам узиб кетдингиз ё кўнгил қоларлик гап ўтдими биздан? К. Яшин, Ҳамза. Тутган жойини (ёки ерини) узади Айтганини, кўзлаганини амалга оширмай қўймайди. Юмошққина гапиради-ю, тутган ерини узаман дейди-я.. Ғ. Файзий, Чўлга баҳор келди. Умид (ёки умидини) узмоқ Истагининг амалга ошмаслигига ишонмоқ, ундан воз кечмоқ, умидсиз ҳолатда бўлмоқ. Ҳасан полвон умид узди ўзидан.. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Аваз ўғлон*

кўнгил бузиб боради, Дунёдан умидин узиб боради. «Маликаи айёр». Ўқ узмоқ Ўқ отмоқ. Мингта ўқни камонидан узади.. «Нурали». Қулоқ узмай Дикқат билан қулоқ бериб. Тағин бир неча дақиқа қулоқ узмай туриб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб турган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УЗОР [ا. عذار — юздаги майин тук; юз, чеҳра] эск. поэт. Юз, рухсор. *Мунча латифу мунча соз лала узорини кўринг. Ҳабибий.*

УЗОҚ 1 Оралиқ масофаси (нисбатан) катта, нисбатан нарида жойлашган; олис. *Узоқ қишлоқдан келди. Овози узоқ-узоқларга етмоқ. Туяга миниб, узоқни кўзла. Мақол. ■ Сидиқжоннинг кўзи дарёнинг у томонида, узоқ уфқда милтиллаб турган сон-саноқсиз чироқларга тушди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бир маҳалда узоқда қора нуқта кўринди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 Вақт эътибори билан давомли, катта, кўп. *Узоқ тикилмоқ. Узоқ суҳбатлашмоқ. Узоқ кутмоқ. Узоқ муддатли кредит. Узоқ яшамок. ■ Бу жанг узоққа бормайди. Мирмуҳсин, Меъмор. Сидиқжон узоқ сукут қилиб қолгандан кейин бош чайқади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

3 Дўстлик, қариндошлик, танишлик ва ш.к. жиҳатдан боғланиш у қадар яқин бўлмаган, яқин эмас. *У ерда Элмуроднинг ҳам бир эмас, кўпгина узоқ қариндош-уруғлари бордир. П. Турсун, Ўқитувчи. Меҳмон узоқ қариндош — отасининг аммавачаси — Аширмат эди. Ойбек, О.в. шабадалар. Нурунинг никоҳ кунини у бегона қиз — узоқ қиз бутунлай таниш ва яқин бўлиб қолди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 кўчма Бевосита алоқаси, муносабати йўқ; алоқасиз. *Бундоқ маслаҳатларда маҳкама соҳиби, аммо шму фандан узоқ Аҳмад Чалабий ҳам бир чеккада эснаб ўтирарди. Мирмуҳсин, Меъмор. Султонмурод шу вақтгача халқ тирикчилигидан узоқ яшар, унинг дардларига бегона эди. Ойбек, Навоий.*

Кўздан узоқ Назар-эътибордан четда. *Кўздан узоқ юр, уқдингми? Ойбек, Навоий. Узоқ гап с.т. Амалга ошиши ёки юзага чиқиши қийин бўлган нарса ҳақида. Офтоб ойим қариндошларидан жонқуяр деб танилган киши Кумушбидининг тоғаси — Аҳмадбек бўлиб, у ҳам умрининг кўпини Қўқондами, Ҳўжанддами ўтказар, шунинг учун ундан ёрий кутуш ҳам узоқ гап эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Узоқ йили Ўтган йилдан олдинги йил, бурноғи йил. *Бухорода, узоқ йили бетоб бўлиб ётганида ҳам, кўзига шундай мурдалар, ал-вастилар.. кўринган эди.* Мирмуҳсин, Меймор. **Узоқни кўрмоқ** Келажак ҳақида тўғри фикр юрита билмоқ, оқибатини ўйлаб иш тутмоқ. *Бугунни эмас, узоқни кўриш керак, косовинг узун бўлса, қўлинг куймайди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ҳамма бало шу саводсизликдан чиқяпти. Узоқни кўролмайди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Узоққа бормаиди** Кўп давом этмайди, тез фурсатда барҳам топади, тамом бўлади. *Энди ўзини қаёққа урса ҳам, узоққа бормаиди. Ҳисоботини эшитамиз-у, тамом.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Узоғи билан** Кўп деганда, кўпи билан. *Узоғи билан икки-уч кун ичида ишингизни оласиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Ўқтимолдан узоқ эмас** Амалга ошиши осон, бўлиши мумкин.

УЗОҚЛАМОҚ кам қўлл. 1 Кўп (анча) вақт ўтказмоқ (ўтмоқ). *Узоқламай Нормуҳаммад қушбеги Қўқондан бош тоблаб, ўз олдига мустақил ҳукумат эълон қилган бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 айн. **узоқлашмоқ.** Дилбар, гўё ўз номини унутгандек, орқасига қарамай узоқлаб кетди. «Гулдаста». *Икромжон шовуллаб турган кимсасиз тўқай ичида анча узоқлаб кетган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

УЗОҚЛАШМОҚ 1 Бирор кимса ёки нарсадан нари (узоқ) кетмоқ; йироқлашмоқ. *Зайнаб орқасига қарай-қарай, Отабекдан узоқлашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Чойхўрлар бирин-кетин ўринларидан туриб, Ойқизнинг қушидан узоқлашишга шошилар эдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўчма Қариндошлик, қадрдонлик, яқинлик алоқаларини сусайтирмоқ ёки йўқотмоқ; борди-келди қилмай қўймоқ; бегоналашмоқ. *У [Мирзакаримбой] ўз ичида ўйлади: «Онасининг узоқлашиб кетган тоғасини йигит бекорга йўқлаб келадими?»* Ойбек, Танланган асарлар. *Гавҳар бир нарсани тушунмасди: Одамлар ундан узоқлашяптими ё ўзи одамлар бегона бўлиб қоляптими?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Равшан эса лаҳза сайин бегоналашиб, узоқлашиб борар, ёнига йўлатмасди.* «Ёшлик».

УЗОҚЛИК 1 Узоқ эканлик, узоқ бўлиш. *Йўлнинг узоқлиги анча қийнади.*

2 Оралиқ масофа, масофа. *Қишлоқ шўроси Учқулоқ қишлоғига жойлашган. Тикте-*

падан узоқлиги уч чақиримча бор. А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Узоқда бўлган жойлар, узоқда жойлашган ерлар. *Поёнсиз қирнинг.. кўз илғамайдиган узоқликлари туманлангансимон кўриниш берар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Гулнор] *Шийпоннинг панжарасига яқин келиб, узоқликларга тикилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

УЗОҚМОҚ кам қўлл. Узоқ вақт келмай қолмоқ; ҳаяллаб қолиб кетмоқ. *Ишбоши дейман, шаҳарда жуда узоқиб қолдингиз, қани, ўтиринг, нима гаплар бор?* Ҳ. Шамс, Душман.

УЗР [а. عذر — кечирим; кечириш, оқлаш; баҳона, сабаб] 1 кам қўлл. Кечириш, афв этиш. *Ёшликда ҳаммадан ҳам хатолик ўтади. Кичикдан — хато, каттадан — узр.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Бирон иш, хатти-ҳаракатни оқловчи нарса; сабаб, ваз. *Ишладан қўрқишим тўғрисидаги узримни айтиб йиғладим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Ўйланиш сизга ҳам фарз, ҳам қарз. Бунга қолганда, албатта, бир узр кўрсатолмайсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..Молимизни ортган туякашлар шу саройга тайинланган эдилар. -Ҳар ҳолда, бу узр эмас!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Афв этиш, кечириш ҳақидаги илтимос; кечирим. *Ўтиб кетган, ҳозир ҳаммамизни ҳам хижолатга қўйган иш тўғрисида Фармонкул, узр тариқасида бўлса ҳам, гап очармикин, деб хавотирда эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Узр сўрамоқ (ёки айтмоқ) Гуноҳини кечиришни, афв этишни илтимос қилмоқ. *Юсуфжонов шу ҳаёлда келаркан, ўзини бир аёлга уриб олиб, ундан зўрға узр сўради.* Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди. *Бор, жонгинам, амакинга, Саврихон аяга узр айт.* «Муштум».

4 унд.с. «Афв этинг», «кечиринг» маъноларида ишлатилади. *-Узр, сизни қўрқитиб юбордим, — деди Ғуломжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Узр, айбга буюрмайсиз, — деди Нусратбек, олимни ишдан қолдираётганига ийमानиб.* С. Нуоров, Нарвон.

УЗРА (б.к. билан) кўм. поэт. Макон муносабатини билдиради; сиртида, устида ёки тепасида. *Ўрмонлар шувуллаган Олис юрда ҳали ҳам, Номсиз тепалик узра Уҳлаб ётибди отам.* Э. Воҳидов. *Адирдаги лолалар кўм-кўк майса узра чирой касб этган.* Газетадан.

Кетмонни расмана ушлаб, боши узра баланд кўтарди. С. Кароматов, Олтин кум.

УЗРЛИ Кечирса бўладиган, сабаби бор, сабабли. *Бугун узрли иш чиқиб қолди: Шаҳардан божамиз совға-салом билан келган эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари. Одилжоннинг бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракати Саодатга.. кўрсатган марҳамати олдида кечиримли, узрли эди. Бироқ бу найранги тутадиган тутумга тўғри келмасди. «Ёшлик».*

УЗР-МАЪЗУР [узр + маъзур] Кечирим сўраш ва афв этиш, кечириш; узр ва маъзур. *Узр-маъзур айтишмоқ. ■ Айб сизда бўлса, бир узр-маъзур кечаси қиламиз. А. Қаҳҳор, Сароб. Куёви билан узр-маъзур қилиб олган Пошша хола кечга томон уйига қайтди-ю, кўча эшиги олдида асло кутмаган кишисига йўлқиди. Д. Нурий, Осмон устуни.*

УЗРСИЗ Асосли сабаби бўлмаган; асоссиз, сабабсиз. *Узрсиз сабаб. Машғулотдан узрсиз қолмоқ.*

УЗУАЛ [лот. usus — қўллаш, ишлатиш, фойдаланиш] тлш. Умум қўлланишга оид, умум қўлланишга хос. *Узуал маъно.*

УЗУК Безак учун бармоққа тақиладиган, турли металллардан ҳар хил шакл ва катталикла ясаладиган ҳалқасимон заргарлик буюми. *Тилла узук. Ёқут кўзли узук. Узукка кўз солмоқ. ■ Ҳожи хола узукни этдор синчалоғига ўткази туриб, ҳиринглади. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Эримбет муштумига бежирим иягини тираб ўтирар, бармоғидаги узуги лунжига ботиб кетган эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

Узукка кўз солгандай (ёки қўйилгандай) Бир-бирига ниҳоятда мос, муносиб. *Ёрматнинг қизини дадангизга қўшсак, нақ узукка қўйилган асил тошдай ўз жойига тушадими? Ойбек, Танланган асарлар.*

УЗУКЛИ Узуги бор, узук тақилган. [Уста] *Сопол обдастан қўлига сув солиб, узукли қўллари билан бошимни ишқалай кетди. Ғ. Фулом, Шум бола. Валихон бриллиант узукли кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб таъкидлади. Ш. Тошматов, Эрк куши.*

УЗУМ 1 Токнинг ғужумлардан иборат меваси. *Бир шингил узум. Узум ғужуми. Узум шарбати. Узумини енг, боғини суриштирманг. Мақол. ■ Салимбойвачча икки ишқомга кириб, бошдан-оёқ кўриб чиқди: Узум ток баргидан ҳам мўл. Ойбек, Танланган асарлар.*

Бир кун кўчада кетаётсам, Умри бир бош узум кўтариб келяпти. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 с.т. Ток. Узум экмоқ. *Узумни хомток қилмоқ.*

УЗУМЗОР Ток экилган ер, токли майдон, боғ. *Боғ ва узумзорлар, полизлар.. мўл ҳосилни кўз-кўз қиларди. «Саодат». Бу ер узумзор экан. Улар биринчи ишқомга кириб олдилар. Ҳ. Фулом, Машғал.*

УЗУМЧИ 1 Ток экиш ва узум етиштириш билан шуғулланувчи мутахассис, боғбон.

2 Қўплаб узум оловчи, узум билан савдо қилувчи шахс. *— Гард орасидан ориқ байталга минган бир узумчи чол пайдо бўлди, — деди Шум бола. Ғ. Фулом, Шум бола.*

УЗУМЧИЛИК 1 Боғдорчиликнинг ток ўстириш ва узум етиштириш билан шуғулланидиган тармоғи. *Узумчиликни ривожлантирмоқ.*

2 Токнинг биологик хусусиятлари ва уни ўстириш усуллари урганалган фан (ўсимликшуносликнинг бир бўлими).

УЗУН 1 Бўйига, узунасига ўлчами катта, меъёридан ортиқ. *Узун сим. Узун соч. Узун ёғоч. ■ Адолат қалин ва узун киприкларини ялт этиб кўтариб, Норматга қаради. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Илк кўклам ёғдулари ўқув корпусининг узун коридорларини равшанлаштириб юборган. П. Қодиров, Уч илдиш. Куёв узун ва кенг зарбоф тўн кийиб, катта салласига кўркам олтин жиға қўндириб, ҳавони титратган карнайлар, сурнайлар садоси билан ўзиникига кетди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Баланд, новча. *Узун терак. ■ Ҳасан сўфи узун, нозик гавдасини чўзиб, ерга ётди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

3 Узоқ вақт давом этадиган, чўзиладиган; тезда тугамайдиган; давомли, узоқ. *Узун маъруза. Узун эртақ. ■ Қишининг узун тунлари бу ерда улфатлар гап ейишади. П. Турсун, Ўқитувчи. Унинг кичик, кўкишроқ кўзлари.. узун умрининг тарихини жонли ифода қилар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Арқонни узун ташламоқ қ. арқон. **Узун косов** Ҳар қандай буйруқни бажарувчи, зарар етказмайдиган. *Сен пистони чақилган одамсан, бизнинг қўлимизда узун косов бўлиб хизмат қилишдан бошқа ишга ярамайсан. А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари.*

УЗУНАСИГА *рвш.* Бўйи томонга қараб; бўйига томон. *Йигит қулочини катта отиб, сувни шақ-шақ савалаб, қирғоқ бўйлаб — узунасига сузди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ховлининг узунасига икки бети баланд лой томли иморат бўлиб, янги бинога тақалади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

УЗУНЛАШМОҚ Узун бўлмоқ, узаймоқ. *Қуёш оғса, соялар узунлашади.* ■ *Шамол кучайиб, оловнинг тили яна ҳам узунлашди.* С. Аҳмад, Уфқ.

УЗУНЛИК 1 Узунасига ўлчами, бўйи. *Дарёнинг узунлиги. Сочнинг узунлиги.* ■ *Шербек бўлса, қўлидаги линейкаси билан қўзи-чоқнинг жунини ўлчар ва дафтарига унинг.. узунлигини ёзиб қўярди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қазиладиган ариқнинг узунлиги ўттиз чақирим.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *геогр.* Бош меридиандан экватор бўйлаб кетган ва градуслар билан ўлчанадиган масофа (ер сатҳи юзасидаги нуқтани аниқлаш учун хизмат қилади). *Шарқий узунлик. Фарбий узунлик.*

УЗУНЧОҚ Энига қараганда бўйи анча чўзиқ, анча узун; чўзинчоқ. *Узунчоқ юзли одам.* ■ *Узунчоқ столнинг икки четида идора хизматчилари ўтирибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Карп балиқларининг гавдаси қўполроқ, узунчоқ, ўзи читтакдай чаққон.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

УЗУНҚАНОТ Қалдирғочнинг қанотлари бўйига нисбатан узунроқ бир тури.

УЗУНҚУЛОҚ: **узунқулоқ гаплар** Оғиздан оғизга ўтиб юрган, бир-биридан эшитилиб етиб келган гаплар. *Шум хабарнинг қулоғи бўлади дезандай, узунқулоқ гаплар Хоразмнинг қишлоқларига тарқалди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

УЗУРПАТОР [лот. *usurpator* < *usurpare* — фойдаланмоқ, қўлламоқ; даъво қилмоқ] Ҳокимиятни ноқонуний эгаллаб олган ёки бировнинг ҳуқуқларини тортиб олган шахс.

УЗУРПАЦИЯ [лот. *usurpatio* — фойдаланиш; ишлатиш; эгаллаб олиш] Куч ишлатиб, қонунга зид равишда ҳокимиятни эгаллаб олиш ёки кимсанинг ҳуқуқларини ўзлаштириб, ўзиники қилиб олиш.

УЗУҚ 1 Узилиб қолган, узилиб кетган, узилган. *Узуқ арқон. Узуқ сим.*

2 Бир-бирига боғланмаган, бетартиб; узуқ-юлуқ. *Узуқ хаёллар. Узуқ гап-сўзлар.* ■ *Бирдан қий-чув, қизлар галаси Қуршаб олар*

шодлик, ҳаяжон Барин қучган. Гап-сўзлар узуқ. Ойбек.

УЗУҚ-ЮЛУҚ 1 Бир неча еридан узилган; узилган-юлинган. [Ҳаммолларнинг] *Белида, елкасида эски-туски нарса, узуқ-юлуқ арқон, кийимлари жулдур, ифлос.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бир-бирига боғланмаган; чала-чулпа. *Ширмонхоннинг қулоғига узуқ-юлуқ сўзлар чалинди-ю, ҳеч нарса уқолмади.* С. Зуннунова, Олов. *Бу ҳолатда уларнинг суҳбати ҳам узуқ-юлуқ.. боғланишсиз давом этарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

УЙ 1 Яшаш учун ёки турли ташкилот, муассаса ва ш.к. жойлашиши учун мўлжалланган бино. *Уч хонали уй. Беш қаватли уй.* ■ *Баъзан кўринар кўзга Шоҳона уйлар кўркам. Ғайратий. Фақат канал эмас, балки тўғонлар, шлюзлар, темир-бетон уйлар ҳам бир йўла ва бирданига қурилаётганга ўхшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Яшаш учун мўлжалланган бино ичидаги ҳар бир хона. *Бу бино уч уй ва бир айвондан иборат. Ёруғ уй. Кенг уй.* ■ *Уйларда, айвонларда хотинлар кўп эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Очиқ эшикдан эсанг шамол уй ичида Сабоғулнинг сочларини тўзғитди.* С. Кароматов, Олтин кум.

3 Бирор ижтимоий талабни қондиришга қаратилган муассаса. *Меҳрибонлик уйи. Дам олиш уйи. Маданият уйи.* ■ *Қуёшнинг аксида кўринар яққол Маърифат уйига ташланган қадам.* Ғайратий.

4 Бирор оила ёки хонадон ўрнашган бино ва шу бинога тааллуқли ер; ҳовли. *Қизлик уйга қирқ от бойланар. Мақол.* ■ *Уйлар, кўчалар қулф уриб гуллаган дарахтлар орасига шўнғиган. «Гулдаста».* Боғ кўча тамом бўлганидан кейин бригадирнинг уйдан ўтишига тўғри келади. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

5 Оила; хонадон. *Қирқ уй қўда бўлса, қирқ йил қирғин бўлмас.* Мақол. *Ёмон арава йўл бузар, Ёмон киши уй бузар.* Мақол. ■ *Фарзанд — уй ободлиги, Келажак ниҳолидир! Ё. Мирзо. Уйдагилар менинг ҳавойироқ бўлиб қолганимни билишади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

УЙ **ичи** Оила аъзолари. [Холисон:] *Уй ичларимиз қалай, бариси тирикми?* Ҳамза, Паранжи сирлари. **УЙИ** **бузилмоқ** Эрхотиннинг ажралганлиги, оиласи барбод бўлганлигини билдиради. **УЙИ** **қуймоқ**

Хонавайрон бўлмоқ. ..унда менинг уйим куяди-ку, ахир. К. Яшин, Ҳамза.

УЙДИРМА Уйлаб, тўқиб чиқарилган; ёлгон. *Айбдор ўз уйдирмаларини исботлашга тиришди.* ■ *Эртасига Исломхўжа ҳақида уйдирма гаплар, фисқ-фасодлар тўқилди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

УЙДИРМАЧИ Ёлгон-яшиқ гапларни уйлаб, тўқиб чиқарувчи; ёлгончи.

УЙДИРМОҚ I I Уймоқ фл. орт. н.

2 шв. Қовоғини солмоқ. *Кокилингнинг банди-бандин туйдирма, Қошинг кериб, қовоғингни уйдирма.* «Равшан».

УЙДИРМОҚ II Ёлгон, туҳмат гаплар тўқимоқ. *Ниҳоят, улар ҳийла билан туҳмат уйдирадилар.* Ҳамза, Танланган асарлар.

УЙ-ЖОЙ I Яшаб, истиқомат қилинадиган жой, ҳовли ва ш.к. *Қиз уларнинг болаларини боқади, кирларини ювади, уй-жойларини йиғиштиради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Элмурод.. ўз оиласининг уй-жойидан ажраб, қишлоқдан чиқиб кетганини хаёлидан ўтказар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Оила; рўзгор, хўжалик. [Қори:] *Ийе, онангиз бўлса, уй-жойингиз бўлса.. давлат-ку! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Гулнор қиз билан гаплашганда, унинг қишлоғи, уй-жой тирикчиликлари.. тўғрисида сўз очар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

УЙ-ЖОЙЛИ I Уй-жойи бор, уй-жойга эга.

2 Оилали, бола-чақали. *Болаларни уй-жойли қилмоқ. Уй-жойли киши.*

УЙИМОҚ с.т. Ивимоқ. Кейинроқ хурмачанинг устини очиб қўйгин, ўзинг биласан-ку, болам, яна зардоб йиғиб, уйимай қолмасин. С. Анорбоев, Шерали.

УЙКЎРАР этн. Бўлажак келин қариндошларининг куёв бўлмиш йигитнинг уй-жойи, хонадони билан танишиши маросими.

УЙЛАМОҚ шв. айн. уйлантирмоқ.

УЙЛАНМОҚ Бирор қиз ёки аёлни ўз никоҳига олмоқ, оила қурмоқ (эр киши ҳақида). *Толибжонбойнинг.. икки ўғли уйлانган, бир қизи эрга теккан, набиралари ҳам бор.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қўшнилари, шу Ваҳобжон уйлана қолсайди, ўзидан тинчиб кетармиди, дейишди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. *Йигит бирдан уйланиш тараддудига тушиди-ю, бир ҳафтанинг ичида тўй ҳам бўла қолди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

УЙЛАНТИРМОҚ Уйланмоқ фл. орт. н. *..бир ойча аввал отаси уни Тошкентнинг Қашқар маҳалласидаги бадавлат хонадонлардан бирининг қизига уйлантирган.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Ҳайдар ота бош бўлиб [Асрорқулни] бир бева хотинга уйлантириб қўйди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

УЙЛИ I Уйга эга, ўз уйи бор. *Уйли куёв.*

2 Уйлардан ташкил топган, уйлардан иборат. *Беш юз уйли қишлоқ.* ■ *Бу — сой бўйлаб баланд тоғ ёнбағирларига тизилишган қинғир-қийшиқ уйли бир қишлоқ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Хотини бор, уйланган ёки эри бор, эрга теккан. *Уйли йигит. Уйли хотин.*

УЙМАЛАНМОҚ I Бирор нарса, юмуш билан шуғулланмоқ, овора, машғул бўлмоқ. *Бироздан кейин Ҷулиной ака ҳалиги нарсаларни олиб кетди ва яна эгаларнинг бошида уймаланди.* О. Ҳусанов, Най.

2 Бирор жойда тўпланишмоқ; ўралашмоқ. *Дераза яқинидаги бир каллакланган тутнинг бутоқларида.. қора тумшук чумчуқлар уймалашган.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сандиқ ёнида уймаланиб ётган кўрпа-тўшак устига ўзини юзтубан ташлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УЙМАЛАШМОҚ айн. уймаланмоқ 2. *Қироатхонанинг шашка-шахмат бўлимида бир тўда ўқувчилар уймалашиб, ҳеч кимга қарашмайди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Янги машинада тикиб кўриш учун Замон, Зухра, Ҳанифа унинг тепасида уймалашиб туришганди.* Н. Назаров, Замон.

УЙМОҚ Устма-уст қалаштириб, бир ерга тўпламоқ, уюм ёки гарам ҳосил қилмоқ; йиғмоқ. *Тошларни бир ерга уймоқ. Терилган пахтани уймоқ. Беда уймоқ.* ■ *Қамишларни боғ-боғ қилиб, канал ичига уйиб, ёқишадиган бўлишди.* «Ўзбекистон қуриқлари». *Бўтабойни қурол-яроғ уйиб ташланган бир хужрага олиб киришди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *..юз-қўлини ювиб, муздаккина бўлиб олгач, ўз экскаватори ҳозиргина уйган тупроқ тепа устига чиқиб, чордана қурди.* Ш. Фуломов, Шонли авлод.

ҚОВОҚ УЙМОҚ айн. қовоқ солмоқ қ. қовоқ II. *Райком секретарининг қовоқ уйиб, ер тагидан назар ташлаганини кўриб, бирдан унинг нафаси ичига тушиб кетди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

УЙ-РЎЗҒОР Оила ҳўжалиги (ишлари), тирикчилик. *Сорахон ҳам уй-рўзғор тутишни ўрганади. А. Қаҳҳор, Сароб. Уй-рўзғорга ҳам энчил: яхши кийинади, яхши ейди. Ун кулиб, бир гапиради. Ойдин, Икки кўзи шунда. Ҳамма айнаи шу маҳалда уй-рўзғор иши ва кечки овқат билан банд бўлганидан, гузарда ҳеч ким кўринмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Уй-рўзғор қилмоқ Оила курмоқ (қилмоқ). *Уй-рўзғор қилиб, бирон кун яйраганим йўқ. С. Аҳмад, Хазина.*

УЙСИЗ 1 Уйи йўқ; ўз уйи йўқ. *Уйсиз кўёв.*

2 Хотини йўқ, уйланмаган ёки эри йўқ, эрга тегмаган.

УЙСОЗ Уй қуриш иши билан шуғулланувчи; бинокор. *Кран ковши тўлиши билан Файзи дарҳол уни юқори қўтарар ва том устида турган уйсозларга узатарди. Газетадан.*

УЙСОЗЛИК Уй, бино қуриш иши, бинокорлик. *Тошкент уйсозлик комбинати.*

УЙҚАШ 1 Бир-бирига ниҳоятда яқин, ўхшаш. *Менман бу — ўзбекнинг даҳрий жўжаси, Уйқашга ўхшайди исмимиз бироз. А. Орипов, Йиллар армони.*

2 Мос, монанд, уйғун; ярашган. *Ўсиқ қоши ўткир қора кўзларига уйқаш тушган йигитга лаб жуфтладим. С. Нуоров, Дурдона.*

3 кўм. өзф. Каби. *Мен сизни япроқлар рангига уйқаш Бокира муҳаббат билан севаман. Х. Даврон.*

УЙҚИ-ТУЙҚИ шв. айн. айқаш-уйқаш.

УЙҚУ 1 Одам ва ҳайвонларда даврий юз берадиган физиологик ҳолат (Уйқуда нерв системаси, асосан, бош мия пўстлогининг фаоллиги пасаяди, онг, мускул тонуси ва сезувчанлик сусаяди). *Қаттиқ уйқу. Ширин уйқу. Уйқум келди. Уйқу арслонни ҳам йиқитар. Мақол. ■ Фуломжоннинг ухлаб қолганини ҳам, уйқусида ширин тушлар кўраётганини ҳам билмайди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Доридан ичгандан кейин юрак сиқилиши камойиб, уйқуси ҳам бироз яхшиланди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Иштаҳа йўқ, уйқу бузилган, бошим ари тўлдирилган қовоқдек гувулагани-гувулаган. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. Кошона эгалари [рўзада] салқин хоналарда ётиб, уйқу билан жон сақлашни одат қилганлар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

2 кўчма «Ҳаёт»дан тўхтаган, ҳаракатсиз, шовқин-суронсиз, тинч ҳолат (табиат ҳодисалари ва ш.к. га нисбатан). *Она табиат, эртанги кураш олдидан мириқиб дам олишга чоғланган паҳлавонлардай, оғир уйқуга чўмганди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Довдарахтлар қиш уйқусидан уйғониб, баҳорни олқишлайдилар. Газетадан. Асрлар ухлаган саҳро уйқусин Маҳв этдик, бир йўла айладик бедор. Файратий.*

Абадий уйқу кт. Ўлим. *Балки абадий уйқудамисан, Салтанат! С. Аҳмад, Ҳукм. Кўзи уйқуга кетмоқ* Кўз юмилиб, уйқу(си) бошланмоқ. *Қўчқор билан Акмални топиб, юмшоқ похолга чўзилди, кўзи уйқуга кетаркан, ўзича жилмайди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Кўзига уйқу келмоқ* Уйқу билан кўзлар юмилмоқ, уйқу тортмоқ. *Тун ярим кечадан оғган, Нодирнинг кўзига уйқу келмасди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Кўзларига уйқу келган шогирд бола мумли итни қир-қир чўзиб, қатим тортар.. Ойбек, Танланган асарлар. Кўз(и)да уйқу йўқ* Уйқу келмаган, уйқусиз ҳолатни билдиради. *Ҳаёлий бир ишқ билан Кўзларимда уйқу йўқ. Миртемир. Маст уйқу* Роҳатли қаттиқ уйқу. *Тўпанисо бир текисда нафас олиб, маст уйқуда ётар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Ноз уйқу қ. ноз 3. Бир кунни ана шунақа ноз уйқуда ётган эканман, «Бемор Бакиров, укол!» деган товушдан уйғониб кетдим. С. Сиёев, Ёруғлик. Уйқу бермаслик* Ухлашга қўймаслик, ухлатмаслик. *Шу-шу бўлиб, бу йиғитнинг сурати, унинг майин жилмайиши.. Шаҳзодага уйқу бермай қўйди. К. Яшин, Ҳамза. Уйқу босмоқ* Уйқу ўз таъсирига тортмоқ. *Яна ортиқ туриб қолинса, уйқу босиб, совиб қолишдан қўрққан аравакаш: -Майманага етиб олгач, карвонсаройда ухлаб, яхшилаб дам оламиз, — деди. Мирмуҳсин, Меъмор. Уйқу йўқ* Уйқу(си) келмайди, ухламайди. *Уйқуси йўқ, ҳаловати йўқ, Қайғу эзар, эрк уларга ёт. Файратий. Қизда уйқу йўқ. Унинг бадани қизиган.. юраги шиддатли уради. Ойбек, Танланган асарлар. Уйқу олмоқ* Уйқу ўз таъсирига тортмоқ. *Эртадан кечгача яйлов далада тинмай ўйнаб чарчаган шўх болаларни бир лаҳзада ва бирдан уйқу олди. Ойбек, Танланган асарлар. Кечаси билан уйқу олмади, кўзимни юмиб, Сўнагулни кўз олдимга келтириб.. гаплашиб чиқдим. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Уйқу танг қилмоқ* Уйқу

талаби кучаймоқ. *Нихоят, кута-кута уйқуси танг қилгач, ўрнига чўзилиб.. ухлаб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Уйқу элитмоқ** айн. **уйқу олмоқ.** *Кўп ўтмай Меъморни уйқу элитди.. Мирмуҳсин, Меъмор. Уйқуга бормоқ айн. уйқуга кетмоқ.* *Тўхфа бирдан хоҳолаб юборди. Бу кулгидан уйқуга борган қизлардан баъзиси чўчиб кетди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Уйқуга кетмоқ** Уйқу ҳолатига ўтмоқ, ухлаб қолмоқ. *Бутун баданим зирқираб, ўринга кирибман-у, салда уйқуга кетибман.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. **Уйқуни олмоқ** Ухламоқ, ухлаб турмоқ. *Роса уйқуни олдиқ.* **Уйқуси келмоқ** Уйқуга хоҳиш, эҳтиёж уйғонмоқ, *Қамолитдин уйқуси келмаса ҳам, ўринга кириб ётди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. **Уйқу(си) ўчмоқ** Уйқуга хоҳиш, талаб ҳолат(и) тарқамоқ, йўқ бўлмоқ. *Ўринга ётганда, тезроқ тонг отишини кутиб, ҳорғинлигига қарамай, уйқуси ўчиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кечаси поезда ухламагани учун.. мизғиб олгиси келарди. Ечиниб ўтирмасдан, дарров ётди.. Аммо энди уйқуси ўчиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Уйқуси қочмоқ** Уйқу тарқ этмоқ, уйқуси ўчмоқ. *У кечаси билан тўлғаниб чиқди, уйқуси қочди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Темиржон алламаҳалгача уйқуси қочиб, Усмонали отанинг Ҳилол ака ҳақидаги гапларини эслаб ётди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. **Ярим уйқу** Чала уйқу, уйқули-уйқусиз ҳолат. *Ана шундай кунларнинг бирида Ширмонхон ярим уйқу, ярим хаёл орасида дарвоза тақиллаганини эшитди.* С. Зуннунова, Олов. **Қуш уйқуси** Тез-тез уйғониш билан бўладиган, енгил-елпи, қисқа уйқу. *-Қуш уйқуси, — деди она.* Ойбек, О.в. шабадалар.

УЙҚУЛИ Уйқу таъсиридаги, уйқу асорати бор, уйқу аралаш. Улар [қизлар] секин-аста туришиб, уйқули кўзларини ишқай бошладилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Уйқули товуш билан сўкиниб, қалин дарахтлар орасида зим-зиё тунда жангга тайёрландилар.* Ойбек, Куёш қораймас. *Тун тонготарга яқинлашган, унинг [Ҳасаналининг] уйқули мияси бу муаммони еча билмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УЙҚУСИЗ Ухламаган, бедор. *Уйқусиз тунлар Сергейни ҳаддан ташқари толдирган бўлса ҳам, у оромини уйламади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Бирор одам унга узокроқ қараб қол-*

са борми, ҳадиксираб, кечаларни уйқусиз ўтказарди. С. Анорбоев, Оқсой.

УЙҚУСИЗЛИК Уйқунинг бузилиши; тунда кам ёки енгил-елпи ухлаш, уйқу келмаслик, бевақт уйғонавериш, жуда эрта уйқу ўчиб кетиш ва б. *Беморда тажанглик, уйқусизлик, иштаҳа йўқолиши.. жисзакилик ва тез жаҳл чиқиши каби нохуш аломатлар кузатилади.* Газетадан. *Қобил хотинидан икки қадам нарида тўхтади-да, уйқусизликдан қизарган кўзларини Баҳрига қадаб: -Нега келдинг? — деб сўради.* Ҳ. Фулом, Маъшал. *Оғир ўйлар изтиробиданми, уйқусизликданми, ланж бўлиб турдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

УЙҚУСИРАМОҚ 1 Ухлашни жуда истаб қолмоқ, уйқуси ёки ухлагиси келмоқ; мудрамоқ. *Уйқусираб ўтирмоқ. Соқчи уйқусираган кўзларини ишқалади.* ■ *Бу ўйларни тугатгандан кейин, унинг [Ҳасаналининг] кўзлари уйқусираб, юмила бошлаб, қаршиси-га Отабек келиб тўхтайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Уйқуда ёки уйқу аралаш бирор гапсўз, хатти-ҳаракат қилмоқ. *Пораҳўр уйқусира, хотинидай пул сўрар экан.* Газетадан. *Зеби уйқусираб келиб, яна фонарни ёқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Тун яримдан оғди.. эшик қия очиқ қолган, шекилли, қўшни хонадан Умиджоннинг уйқусираб айтган гаплари қулоққа чалинди.* Р. Файзий, Гўзал.

УЙҚУТОБ реш. Уйқуга мойил, уйқу элтаётган. *У [Элчибек] қулочини ёзди, сал кайф ва ширали хаёл билан уйқутоб бўлиб келаётган юз-кўзига аёз совуғи ёқди.* А. Мухтор, Туғилиш.

УЙҚУЧИ Кўп ухлайдиган, серуйқу. *Пўлат билан Нортот бўлса унга [Шухратга] «уйқучи» лақабини тиркашибди.* К. Раҳим, Олтин балиқ.

УЙҚУЧИЛ шв. Уйқучи.

УЙҒОНИШ **Уйғонмоқ** фл. ҳар. н. *Куртакларнинг уйғониш даври. Меҳр уйғониши.* ■ *[Ҳасанали] Эрталаб Ойбодоқнинг чойига бормаи, Отабекнинг уйғонишини кутиб юрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Элмурод.. асрлар бўйи ғафлатда ётган кишиларнинг уйғониши бу одамда қувонч туғдираётганини кўрди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Уйғониш даври тар. Шарқда (9-12 ва 15-асрлар) ва Фарбий Европада (14-16 асрлар) юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври; фан, адабиёт ва санъат

тараққийети ҳамда улуг кашфиёт ва ихтироларда ўз аксини топган ва антик маданиятга қизиқиш кучайган давр.

УЙҒОНМОҚ 1 Уйкусини тарк этмоқ, уйқудан турмоқ. *Ғуломжон чўчиб уйғонди-ю, теварагига аланглаб қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўз илинди дегунча каллага даҳшатли тушлар ўралашиб келиб, босинқираб-босинқираб уйғониб кетишар эди.* М. Мансуров, Ёмби. *Бобоси унинг шарпасига уйғониб, тикилиб қолди.* С. Анорбоев, Ҳамқишлоқлар.

2 *кўчма* Ҳаёт, фаолиятга қўзғалмоқ, ҳаракатга келмоқ; амалга кирмоқ. *Тупроқ исиши билан, дов-дарахтлар уйғонмасдан бошлаш керак бу ишни..* С. Нуоров, Нарвон. *Эгилиб турган қатор олчалар ҳам уйғонди; гулдан ҳали дарак йўғ-у, кўм-кўк, ушоқ-ушоқ япроқчалар чиқарди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

3 *кўчма* Пайдо бўлмоқ, ҳосил бўлмоқ, қўзғалмоқ (ҳис, туйғу ва ш.к. ҳақида). *Унда адабиётга қизиқиш уйғонди.* ■ *Буни кўриб Сидиқжоннинг қалбида жувонга нисбатан ҳар қандай ғараздан холи бир меҳр уйғонди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўсмирликда уйғонган ҳавас, Бориб-бориб бўлди муддао.* Ё. Мирзо.

УЙҒОҚ 1 Ухламаган ҳолатли. *Вақт ярим кечага яқинлашганди. Саодат ҳамон уйғоқ, хаёл суради.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Кемадагиларнинг ҳеч қайсиси ухлас, бари уйғоқ.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кўчма* Ҳаракат-фаолиятда бўлган; ҳушёр. *Кечалари киприкларимдай Манғу уйғоқ ўйларимдасан.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Ариқларда доим уйғоқ сув, Полизларга кетади шошиб.* Р. Парфи, Кўзлар.

УЙҒУН 1 Монанд ҳолатли; мос, мутаносиб, муносиб; ҳамоҳанг. *Тиниқ юзларингга севгинг ҳам уйғун..* Г. Жўраева. *Баҳор уйғонар, Шовуллаиди боғ.* *Уйғун туйғулар Уйғонар бу чоғ.* Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик. *Атласнинг ёрқин безаклари чаманларга бурканган Ўзбекистон табиати фонида айниқса уйғун тушади.* «Фан ва турмуш».

2 Уйғун (эркаklar исми).

УЙҒУНЛАШМОҚ Бир-бирига монанд бўлмоқ, мос, мутаносиб бўлмоқ, ҳамоҳанг бўлмоқ. *Ҳеч бўлмаса, саройлар, клублар, маъмурий бинолар қурилишида замонавий усул билан қадимий шарқ услуби уйғунлашиб кет-*

са яхши бўларди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Баъзи қўшиқларда қўшиқ шеърига мусиқа, баъзиларида эса мусиқага шеър уйғунлашмайди.* Газетадан.

УЙҒУНЛИК Мутаносиб, мос ҳолат; мутаносиблик, ҳамоҳанглик. *У овозини баланд кўтармай, хиргойи даражасига ҳам туширмай, ажойиб бир уйғунликда айтаётир.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Назаримда, Жўра-хон билан сайроқи жўрлар ва яшноқ табиат ўртасида уйғунлик бордек туйилди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

УЙҒУР 1 Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян-Уйғур мухтор районида, шунингдек, Ўрта Осиёнинг баъзи ҳудудларида яшовчи, туркий тилда сўзлашувчи халқнинг номи. *Уйғур халқи. Уйғур миллати (қ. уйғурлар).*

2 Шу халқ, миллатга мансуб, оид, тегишли. *Уйғур тили. Уйғур ёзувчиси.*

УЙҒУРЛАР Хитой Халқ Республикаси Синьцзян-Уйғур мухтор районининг туб аҳолисини ташкил этган, туркий тилда сўзлашадиган халқ.

УЙҒУРЧА 1 Уйғурларга, унинг тили, адабиёти ва маданиятига оид, уйғурларга хос. *Уйғурча рақс. Уйғурча қўшиқ.*

2 Уйғур тили; уйғур тилидаги. *Сен уйғурча(ни) биласанми? Уйғурча гапирмоқ.* ■ *Агар малол келмаса, асарларингиздан уйғурча ёки ўзбекча нашр қилинганларидан юборсангиз.* Газетадан.

УКА 1 Бир ота-она ўғилларидан кичиги (катта ёшдаги фарзандларга нисбатан). *Укаси ҳар гал уйдан чиқиб кетаётганида, кўнгли алланечук бўлиб кетар, кимдир бир оғиз илиқ гап айтса, қайтиб келгудек бўлар эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ушанда Шерали ўн бирдан ўн иккига қадам қўйган, укаси Муҳаммаджон уч ёшли дардчил бола эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Умуман, фарзандларнинг кичиги, кичиклари (каттасига нисбатан). *Қизалоқлар онасининг қўлидан қозон-товоқ, сидир-сутур, тиқиш-илишни олишади, укаларини уйнатишади.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *У отасидан йиғирма ёйда қолиб, укаларини қийинчилик билан боққан.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Ўзидан ёш эр кишига мурожаатни билдиради. *Қаердан келгансиз, ука? П. Турсун, Ўқитувчи. [Сафар бўзчи:] Ахир бироеви*

ука, бировни ака деб, сиз ҳам тузукроқ ишга қайишинг-да, тақсир. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

УКАЛИК Ука эканлик. Укалингени унутма.

УКАЛИК ҚИЛМОҚ Укага хос ишни, ёрдамни адо этмоқ. Ёрдамингиз керак, бир укалик қиласиз энди.

УККИЛАР Япалоққушлар уруғидан бўлган йирик йиртқич тун қуши. *Бойғулиларнинг энг катта вакили укки ҳисобланади. «Фан ва турмуш».*

УКЛАД [р. уклад — расмийлашган, барқарор тартиб] **1** *укт.* Муайян ижтимоий-иқтисодий формациянинг асосий ҳўжалик шакли. *Масалани бу тахлитда қўйиш.. Германия битта ижтимоий-иқтисодий укладга эга яхлит давлат бўлиб турган вақтда ўринли бўлур эди. Газетадан.*

2 Ижтимоий ҳаётнинг, турмушнинг бирор соҳасида барқарорлашган ёки жорий қилин(ади)ган тартиб. *Кишиларимиз турмушининг бутун уклади, уларнинг маишати ва дунёқарашининг ўзгарганлиги.. Газетадан.*

УКОЛ [р. колотъ, укальвать — «бирор учли, ўткир нарса билан тегиб оғритмоқ» фл. дан] Баданга, тери остига, томирга шприц воситасида суюқ дори юбориш. *Укол қилмоқ. ■ Уколдан кейин Хосият, гарчи кўзини очмаса ҳам, лекин равон нафас ола бошлади. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Иситмам баланд эди. Устма-уст уколдан анча пасайди. Р. Азиз-хўжаев, Яшил чайла. Стол устида шприц қутиси очиқ турар ва дори ҳиди анқирди — врач укол қилиб, уни бироз ўзига келтирганди. П. Қодиров, Уч илдиш.*

УКПА махс. Майин юпка чарм. Қўнжи укпа, юзи тошдан қаттиқ қўпол чарм билан қопланган.. этикни кийди. Ойбек, Танланган асарлар. *Белларини фўталар билан боғлаган, бошларида оддий телпак ва оёқларида укпа этик бўлган йигитлар югурардилар. С. Айний, Эсдаликлар.*

УКПАР 1 Укки пати (одатда, болалар кийимлари, асосан, бош кийимини безатиш учун унга чатиб қўйилади). *Аксар хотинларнинг олди-орқаси тўла катта-кичик, ясанган-тусанган, укпар таққан болалар. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 кўча Укпардек майин ва енгил нарсага нисбатан қўлланади. *Борар эдик сой аро, - Тулки, - деди болалар, Судратиб укпар думин*

Тулки кўздан йўқолар. Қ. Муҳаммадий. Мени укпар қанотида олиб юрар ўйларим. Э. Воҳидов.

УКРАИН 1 Украина Республикаси туб аҳолисини ташкил этувчи, шарқий славянлар гуруҳига мансуб халқнинг номи. *Украин халқи (қ. украинлар).*

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли. *Украин тили. Украин қизи.*

УКРАИНЛАР Украина Республикасининг туб аҳолисини ташкил этувчи, шарқий славянлар гуруҳига мансуб халқ.

УКРАИНЧА 1 Украин халқига, унинг тили, адабиёти ва маданиятига оид; украинларга хос. *Украинча куй. ■ Украинча кўлагининг енгини ҳилпиратганича ўрта бўй.. киши хонага кирди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.*

2 Украин тили. *Сен украинча(ни) биласанми? ■ «Запорожелик Дунайнинг нарғида» деган ашулани украинча айтиб қувонтирар, кулдиар эди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

УКРОП [р. укроп < копёр — хушбўй ўсимлик] Соябонгуллилар оиласига мунсуб бир йиллик, баъзан икки йиллик хушбўй ўтсимон ўсимлик; шивит; ошқўқлардан бири. *Малик ака.. бозордан кашнич, укроп, кўк пиёз.. сотиб олмайди. «Муштум». Бу суюқ ош юзига майда кертилган укроп, райхон солиб, косаларда дастурхонга тортилади. «Саодат».*

УКСУС [р. уксус < юн. охус — аччиқ, нордон] қ. **сирка 1**. *..жорий йилда 1000 тонна уксус кислотаси ишлаб чиқарилди. Газетадан.*

УЉ (у — чўзиқ) шв. Ўғил. Бежой билдим, тўрам, Ёдгор улингени, Аймоқнинг юртига талаб қилибди; Қандай жўнатасан жону дилингени?! «Ёдгор». Армон билан мен улдан айрилдим дер, Кетганингени, болам, билмай қолдим дер. «Равшан».

УЉ эск. айн. у II. Ой билан ошно бўлиб, йилларча ўйнанг ул билан. М. Муҳамедов, Гавҳар. *Югуриб чиққан ул мушфиқ онамларга салом айтинг. Ҳамза.*

УЛАГИЧ 1 Нарсаларни бир-бирига бириктириш, улаш учун ишлатиладиган восита. *Шиша бўлаклари, одатда, бир-бирига қўрғошиндан қилинган улагичлар ёрдамида уланади. М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиш тарихидан.*

2 Электр токини узиш, улаш учун хизмат қиладиган мослама. *Аккумулятордан*

келаетган ток тўғридан-тўғри трансформаторга келмасдан, узгич-улагич орқали келади. Газетадан.

УЛАЙ-БУЛАЙ с.т. У-бу. Агар улай-булайинг бўлса, айт ҳозир! Ҳам сенинг, ҳам Ёдгорнинг, ҳам у кишининг ишини барабар қиламан. Ҳамза, Паранжи сирлари. Бойлар қишлоқнинг бир хил каттаконлари билан чиқишиб, ҳукуматдан қўрқмай, улай-булай қилиб, камбағал батракни ишлатиб турди. Эргаш Жуманбулбул ўғли.

УЛАМА Бириктириб, улаб қўйиладиган, уланган. Улама соч. Улама киприк. Улама оёқ. ■ Унинг пиджаги билан галстуги стул суянчиғига осиб қўйилган; қўйлагининг улама ёқаси яғринига қийшайиб тушган, олдиди ёзиб-чизиб ташланган қоғоз тахланиб ётибди. П. Қодиров, Уч илдиш.

УЛАМО [а. علماء — «олим» с. қўпл.] Ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (фақиҳ)лари, шунингдек, диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўқув юрларига мутасадди бўлган барча ислом дини олимлари. -Дуруст, миянг тўлибди, — деди кулиб Тантйбойвачча, — яқин ўртада унча-мунча уламони бир қўқишда қочирасан. Ойбек, Танланган асарлар. Маъдалихон [Муҳаммад Алихон]га фатво ёзиб берган Қўқон уламоларидан бир нечалари.. қочиб қутулдилар. А. Қодирйй, Мехробдан чаён. -Ёшларга ҳомийлик қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш исломнинг, уламоларнинг ишидир, — деди қалтираб, бўзариб мунофиқлардан бири. Ойбек, Нур қидириб.

УЛАМОҚ I Ип, арқон, тасма ва ш.к. нарсаларнинг учларини бир-бирига боғлаб бириктирмоқ. Отнинг тизгинига арқон улаб беринглар, ўзим ҳайдаб кетавераман. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. -Шошманглар, шошманглар, — деди дуторнинг ипини улаётган Мели полвон. П. Турсун, Ўқитувчи. Тоҳир иккала белбоғини бир-бирига улаб, бир четини белига боғлаб, кўприкнинг тагига осилиб тушди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бутунлаш мақсадида ямаш, пайвандлаш ва ш.к. йўл билан бириктирмоқ. ..даҳлизда Ҳасанали узилган от асбобларини улаб тикар эди. А. Қодирйй, Ўтган кунлар. Йўлда чангароғи синган экан, шуни улаймиз деб уриниб қолдик. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. Қулоч етмас баҳайбат қувурларни бир-бирига улаш ишлари кетяпти. Газетадан.

3 кўчма Туташтирмоқ, боғламоқ. Гишт-кўприк иккита катта кўчани бир-бирига улайди. «Шарқ юлдузи».

4 қ.х. Пайванд қилмоқ. Гилосни олчага уламоқ. Наъматакка атиргулни уламоқ.

5 кўчма Биридан кейин бошқасини қўшиб, узлуксиз давом эттирмоқ. Ишни ишга уламоқ. Кўйни куйга уламоқ. Кунни тунга уламоқ. ■ У ҳар тўғрида тинимсиз гапириб, гапни гапга улаб юборди. О. Ёкубов, Тилла узук. Абдураҳимов сигаретнинг тутунини тутунига улаб чекаркан, ўзидан ўзи гапира кетди. «Муштум». [Низомжон] Кечалари юлдуз тўла осмонга тикилиб, тунни тонгга улаб, қушлар наъмасидан, сувлар шилдирашидан кўнглига аллақандай юпанч изларди. С. Аҳмад, Уфқ.

6 Алоқа, боғланишни тикламоқ, туташтирмоқ. Алло, менга Бухорони улаб беринг. Т. Алимов, Хушбичим йигит. Кейин телевизорни тоққа улади. Т. Ашуров, Оқ от.

УЛАШМОҚ I Уламоқ фл. бирг. ва ўзл. н. Болалар ипларни улашди. Монтёрлар электр симларини улашди. Хотинлар гапни гапга улашди. ■ Қирлар бағрида бир-бирига улашиб кетган олмазорлар.. Н. Сафаров, Оловли излар.

УЛАШМОҚ II Бўлиб тарқатмоқ, тарқатиб бермоқ. Хайри опа болаларга яримтадан, катталарга биттадан кулча улашиб, иккитадан ёнғоқ берди. Ойдин, Ямоқчи кўчди. Кунига йигирма-ўттиз коса овқатни нима қиламиз, увол-ку, деб қўни-қўшинларга улашадиган бўлдик. С. Сиёев, Ёруғлик. Олиб чиққан нарсаларини болаларга улаш-ётиб, ён-верига назар солди. Н. Фозилов, Дийдор.

УЛАШ-УЛАШ: улаш-улаш қилмоқ қ. улашмоқ II. Клубнинг мебель ва бошқа жиҳозларини А.Ҳасанов бошқарма аъзоларига улаш-улаш қилиб юборган. «Муштум».

УЛ-БУЛ айн. у-бу. [Ҳамчи:] Кўнглинг бирор нарса тусайдими? Ул-бул ола келайми? Ҳ. Фулом, Машғал. Эртасига тоғам билан ул-булларни қўтариб, йўлга тушидик. Файратий, Узоқдаги ёр.

УЛГИ, улгу шв. кам қўлл. Ўрганишга, тақлид қилишга лойиқ нарса, иш-фаолият, ҳаракат; ибрат, ўрнак, намуна. Улги бўлмоқ. Улги олмоқ. ■ Улги бўлди учқур от қарчиғаю лочинга. «Қўшиқлар». Шамолинга оқар дарё музлаган, Қарчиғайдан улги олган бе-

довсан. «Нигор ва Замон». Бу ҳужжатларнинг ҳаммасини матбуотда эълон қилиш керак: ҳам ёшларимизга улғи бўлади, ҳам ифволарга яхши бир зарба бўлади. О. Ёкубов, Ота изидан. Илон овламоқни Қоровой чангалзорда ўрганган, бу соҳада у типратикандан улғу олганди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

УЛГУРЖИ 1 Бутун борича; кўп миқдорда; кўтара. Улгуржи савдо. Улгуржи олмоқ. Улгуржи сотмоқ. ■ Доналаб сотдим. Бу ерда улгуржи оладиган киши йўқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Сотиболди тўқилган саватчаларини улгуржи оладиган баққолдан йигирма танга қарз кўтарди. А. Қаҳҳор, Бемор.

Улгуржи бозор Товар истеъмолчиларига ёки уларни чакана сотадиган харидорларга товарлар йирик тўп (партия) лари билан кўтарасига сотиладиган бозор.

2 Катта миқдорда, катта суммага эга; салмоқдор. Улгуржи ҳосил. Магазинга улгуржи мол келди. ■ Пулини фойдага қўювчи судхўр ҳиндлар.. улгуржи савдони кўтардилар. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Улгуржи нарх ҳақидаги хушхабарни маълум миқдорларга етказиш кейинги йилларда Пошша холатининг вазифаси бўлиб қолганди. Д. Нурий, Осмон устун.

3 Бошдан-оёқ, бутунлай. Улгуржи ремонтдан чиқармоқ.

УЛГУРИШ 1 Улгурмоқ фл. ҳар. н.

2 Вақтида дарсларни ўзлаштириш, орқада қолмаслик. Бу синфда улгуриш юз фоиз.

УЛГУРМОҚ 1 Бирор ишни бажаришга имконият, вақт топмоқ, муваффақ бўлмоқ, бажара олмоқ, эришмоқ. Ёлғиз баъзи бир чаққонларгина йўл устида, этикларини нарибери ечиб, сувини силқитмоққа улгурдилар. Ойбек, Куёш қораймас. Санобар девордаги соатга қаради-да, Дилшод боғчадан келгунча улгураман, деган фикрда бамайлихотир кийина бошлади. М. Хайруллаев, Кўнгил.

2 Берилган билимларни тушуниб, эгаллаб олмоқ, ўзлаштирмоқ. Синфимизда улгурмайдиган ўқувчилар йўқ.

УЛИ: ули тортмоқ айн. ув тортмоқ қ. ув. Унда-бунда яқин қишлоқларда итларнинг ялқовлик билан ули тортгани.. қулоққа чалинади. Ш. Сулаймон, Ота, ўғил. -Аллаким ули тортиб йиғлаётир, — деди саройбон. М. Осим, Элчилар.

УЛИМОҚ I айн. увламоқ. Яқиндаги, чироқ милтираб турган қўрғонда ит улиди. С. Аҳмад, Ҳукм. Қум барханлари орасида қашқирлар улиди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УЛИМОҚ II шв. Яллиғланмоқ (огиз шиллиқ парласи ҳақида). Боланинг оғзи улибди.

УЛКАН 1 Эгаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик, жуда катта, буюк. Улкан бино. Улкан дарахт. Улкан дарё. Улкан қурилишлар.

■ -Минг йил чақмоқ чақсин, улкан тоғ гердайиб тураверади, — деди Бектемир қатъий. Ойбек, Куёш қораймас. Ана шу зайлда ойлар, йиллар, қандайдир бир улкан денгизга қўшилишни истоган ирмоқлардай, шилдираб оқиб ўта бошлайди. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

2 Қўлами, қамрови, қудрати жиҳатдан жуда катта; буюк. Жуда улкан иш. Фақат сизлардақанги марди майдонлар эплай оладиган иш! Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Бунёдкор халқимиз водий ва воҳаларда сунъий денгизлар, улкан саноят корхоналари барпо этмоқда. «Ўзбекистон кўриқлари». Навоий мусамматлари унинг улкан лирик меросининг узвий бир қисмидир. «ЎТА».

3 кўчма Мазмун-мундарижаси, аҳамияти жиҳатидан катта, йирик. Улкан асар. ■ Зийнатуллаевнинг қўлида зўр ҳақиқат бўлиб кўринаётган нарса — аслида улкан ҳақиқатдан узиб олинган бир ҳақиқатча эканини у энди аниқ кўриб турарди. П. Қодиров, Уч илдиш. Бугунги Наврўз байрами барча-барчага янги бахт, улкан зафарлар келтиради. Газетадан.

4 Ном, эътибор қозонган; буюк, улғу. Улкан ёзувчи. Улкан оқин. ■ Қариндошим, туғишқоним, улкан қозоқсан ўзинг. Ф. Фулом. У адабиёт ва санъат оламининг зукко билимдони.. оташин нотик ва улкан санъаткор эди. Газетадан. Паҳлавон Маҳмуд жапонмардлик оқимининг улкан намояндаларидан бири бўлган. «ЎТА».

УЛКАНЛАШМОҚ Ғоят катталашмоқ, йириклашмоқ, улканлик касб этмоқ. Корхонанинг даргоҳи кенгайиб, фабрикалари, цехлари улканлашибди. М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар. Ҳаёт-мамот туйғуси эса шу тоғдай улканлашиб кетган. П. Қодиров, Қора кўзлар.

УЛЛИ шв. Катта. Маҳмуджон катта майдонга етиб қараса, қизлар айтган улли ҳовли кўринди. «Авазхон». Бу улли сир. Ота-

онанг, хотининг.. хуллас, жумлаи оламдан сир тутасан, билдингми? С. Сиёев, Ёруғлик.

УЛОВ 1 Миниб юриладиган ҳайвон. Регистон олдидан ўтадиган йўловчилар уловларидан тушиб, арк дарвозасига қараб таъзим қилар.. эдилар. С. Айний, Қуллар.

2 Умуман, ишчи ҳайвон. Сувнинг бошида бўладиган бақақуруллоқликлар ҳам ўзи ёки уловининг жонини қойитгиси келмас эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бугун уловимиз қўш ҳўкиз эмас, Қудратли техника қўлимизда, бас! Б. Бойқобилов.

3 кўчма Умуман, йўловчи, юк ташиш воситалари. Самолёт — бебаҳо улов. Мана у парвозга кўтарилди. Н. Сафаров, Оловли излар.

Уловиға яраша тушови қ. тушов.

УЛОВЛИ 1 Улови бор. Уловли хўжаликлар. ■ ..дурустроқ ҳосил олсам, келаси йил уловли бўлар эдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Улов минган, улов ҳайдаган. Шунинг учун ҳам йўл устидаги бу чойхонада бирон уловли йўловчи учратармиз, деган мақсад билан эрталаб барвақт келиб ўтирган эдик. Н. Сафаров, Оловли излар.

УЛОР Қирғовуллар оиласига мансуб йирик тоғ қуши. Баланд тоғларда, эримайдиган музликлар чегарасида улор қуши яшайди. Газетадан.

УЛОҚ I 1 от Уланадиган нарса. Улоқ солмоқ. Арқоннинг улоғини олиб ташламоқ. ■ ..йиртиғингизга ямоқ, узуғингизга улоқ тегмай юрардингиз, — деди Нафиса эрига. Шухрат, Жаннат кидирганлар.

2 сфат. Турли йўл билан (боғлаш, тикиш, елимлаш, кавшарлаш, миҳлаш ва ш.к. билан) ўзаро туташтириб, маҳкамлаб бириктириб қўйилган, уланган бир неча бўлакдан иборат, яхлит эмас. Улоқ арқон. Улоқ дастурхон. Улоқ сим. Улоқ тунука. ■ Бой бобомнинг қизлари, Сочи улоққа ўхшайди. «Оқ олма, қизил олма».

3 от Нарсанинг бўлаклари ўзаро уланганда ҳосил бўлган тугуни ёки чоки, уланган жойи. Арқоннинг улоғи. Парданинг улоғи. Электр симининг улоғи. Тунуканинг улоғи.

УЛОҚ II 1 Эчки боласи. Ҳозир юзлаб майин жулли қўзи ва улоққа эгамиз. С. Анорбоев, Оқсой. Қўз олдимга кўм-кўк ўтлоқлар.. ўтлаб юрган жасажжи улоқлар, барра қўзичоқлар келади. Н. Фозилов, Қўш қаноти билан.

2 Ҳар бир отлиқ, ўртага сўйиб ташланган улоқни (одатда, эчки ёки кичикроқ бузоқни) бир-биридан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элтиб ташлаш учун курашишдан иборат миллий спорт ўйини; кўпқари. От боққанинг — улоққа, Қўй боққанинг — қўноққа. Мақол. ■ Улоқда отдан йиқилиб боши ёрилган, қўл-оёғи синган чавандозлар инқиллашиб ётмоқда. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Ҳимматнинг звеносидаги йигитларнинг иккитаси фронт кўрган.. қолганлари улоқларда соврин олган йиғитлар эдилар. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

3 Шундай спорт мусобақасида ўртага тикилган — сўйиб ташланган эчки ёки бузоқ. [Қамбар:] Улоқ олиш учун чавандоз бўлиш керак, укам Обиджон! Ойбек, Танланган асарлар. Ана, бир отлиқ бошсиз улоқни тақимига босиб, тўйхонадан чиқди. Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

Улоқ бермоқ 1) улоқда чопиладиган, ўртадан олиб, маррага етказиб ташланадиган эчки, бузоқ кабини бермоқ. Ҳар кун икки юз қозон ош дамланар.. икки юзлаб улоқ берилар, мамлакатдан тўйга келувчи аёнга ҳар кун минглаб тўн кийдирилар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) улоқ ўйинини ташкил қилмоқ, ўтказмоқ. Улоқ берган киши соврин ҳам беради-да. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Рухсатсиз улоқ берган кишига жарима солинур. «Муштум». **Улоқ чопмоқ** Улоқ ўйинида қатнашмоқ. Дадам Маҳкамнинг бобосининг улоқ чопишини гапираверса, киши ҳайрон қолади. А. Қодирий, Улоқда. **Улоқ қилмоқ** Биридан бири олиб, олиб қочиб ўйин қилмоқ, улоқ каби ўйин қилмоқ. Тағин эҳтиёт бўл, қўрбошилар ўғирлаб кетиб, улоқ қилмасин. Ойдин, Ҳикоялар. **Улоқни олмоқ** Улоқда, умуман, мусобақада ғолиб чиқмоқ, ғалаба қилмоқ. Бу сафар улоқни меҳмонлар олишди. ■ Андижон, Сурхондарё улоқни олиб, Хоразм, Қашқадарё қувлашиб бориб.. А. Пулат, Тасадуқ.

УЛОҚМОҚ Узоқлашиб кетмоқ, узоқ (олис)ларда юрмоқ; дайдимок. Невараси узоқ улоқиб, Қайтди бир кун унинг ёнига. У. Қўчқоров, Хаяжонга кўмилган дунё. Ёвуз кимсалардан қочиб, улоқиб, Кимлар ахтармаган бағриндан макон. А. Орипов, Йиллар армони. Иш бўлмаган кезлари, марҳамат, ётиб дамингни ол, аммо зинҳор-базинҳор ўз холинг-

га улоқиб кетма. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

УЛОҚТИРМОҚ 1 Улоқмоқ фл. орт. н. Бир хилига кўп подани боқтирган, Ёки тоққа, ё чўлга улоқтирган. Эргаш Жуманбулбул ўғли.

2 Бирор томонга отмоқ, итқитмоқ. Отлиқнинг қўлидаги қамчисини юлиб олиб, улоқтириб юборди. С. Сиёев, Ёруғлик. Орадан дақиқа ўтмай, Танзиланинг қичқириғи, сўнг сувнинг шалоплашини эшитган Шерали рюкзагини улоқтириб, югурди. С. Кароматов, Олтин қум.

3 кўчма Суриб ташламоқ, йўқ қилмоқ. Ичкилик, тамағирлик Низомовни маданият бўлимидан улоқтириб ташлади. «Муштум». Шундоқ илму амалиёт билан кунлари ўтиб турган Меъмор бошига улкан ташвиш тушиб, ўғлининг ҳибс этилиши ҳаммасини бир томонга улоқтириб ташлади. Мирмуҳсин, Меъмор. ..иложи борича хушмуомала бўлиш, ўртадаги ноқулайликни осойишталик билан улоқтиришни ўйларди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

УЛОҚЧИ 1 Улоқ чопадиган, улоқда чопиладиган. Унинг ҳаракати улоқчи йигитларга ўхшаб кетди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Бир улоқчи отим бор, Қорабайир зотидан. З. Диёр.

2 Улоқ мусобақасида қатнашувчи, улоқ чопувчи киши. Бу чол Гулистондагина эмас, бутун водийда «чавандоз» номини олган улоқчи эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. -Маҳкамбойваччанинг ота-бобоси улоқчи бўлиб келган-да! — деди Собир тегирмончининг ўғли. А. Қодирий, Улоқда.

УЛОҚ-ҚУРОҚ Турли лахтаклардан улаб-қуралган; улоқ-улоқ. Улоқ-қуроқ кийим.

УЛТОН шв. Қорамол терисидан тайёрланган, пишиқ, қалин чарм; тагчарм. Нафсини тийган киши султон бўлур, Хом терини ийласанг, ултон бўлур. Мақол. ■ Асов от бизни судраб кетарди. Ерга тиралаверганимиздан этгимизнинг ултони тарс-тарс айрилиб кетарди. С. Муродбеков, Ёвшан иси.

УЛУМ [ا. علوم — «илм» с. кўпл.] эск. кт. Илмлар, билимлар. Улум, фунуннинг қадр-қийматини билган ота.. фарзанди аржумандига гўдакликдан гўзал тарбия, ҳусн-ахлоқ берган. Ойбек, Навоий.

УЛУС [мўғ. — давлат; эл, халқ] 1 тар. 11-12-асрларда мўғуллар давлатида маълум бир нўёнга (мўғул асилзодасига) қарашли ерларда унга тобе ҳолда қўчманчилик билан

ҳаёт кечирувчи катта-кичик оилалар, уруғлар гуруҳи.

2 тар. Мўғуллар истилоси даврида босиб олинган ҳудудлардан Чингизхон фарзандларига бўлиб берилган мулклар, кейинчалик мустақил давлатларнинг номи. Чигатой улуси. Жўжи улуси.

3 эск. Эл, халқ, халойиқ; одамлар. Навоий она ватани, ўз улуси, ўз тилини жондан севар эди. А. Қаюмов, Шеърят султони. Эй муллам, улуснинг дарди кўп, қай бирини айттайин. Ойбек, Навоий.

УЛУШ Нарсанинг кимсага тегишли қисми, бўлаги; ҳисса. Чекишга ўрганганига баъзан афсуслангани учун, ичишдан тортинар, аксар вақт ўз улушини Полвонга берарди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ана шундай катта ишга муносиб улуш қўиши ниятида ҳамюртларимиз астойдил ва мардонавор меҳнат қилмоқдалар. И. Раҳим, Қадрибад одамлар.

УЛУҒ 1 Эгаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик; жуда катта, улкан, буюк. Келтирганлар иккисин боғлаб, Ташлаганлар улуг дарёга. Ғайратий. Хотин.. асл ўрданинг улуг, мухташам дарғозасига яқинлашгандан кейин ўндаги айри йўлга бурилди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Шу кеча йўл тортди.. чошқада [чошгоҳда] улуг бир тоққа етди. «Ҳасанхон».

2 Куч-қудрат, имконият ва ш.к. жиҳатдан жуда катта имкониятларга эга; қудратли. Шайбонийхон марказлашган улуг бир давлат тузишга интилар экан.. қўл остидаги одамларнинг ихлос ва эътиқодини ҳам қозонишга.. алоҳида эътибор берар эди. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.

3 Қадр-қиймати, аҳамияти ва ш.к. жиҳатдан юқори даражали; буюк. Бизнинг жамиятда инсон қадр-қиймати ҳар нарсадан улуг. Газетадан. Шоир учун бу оламда мухлисининг эҳтиромидан кўра улугроқ бахт йўқ. Газетадан. Инсондаги энг улуг ғазилатлардан бири камтарлик ва оддийликдир. Газетадан.

4 Салмоғи, кўлами, аҳамияти юқори бўлган; муҳим. Саидқосим улуг ишларни амалга оширувчилардан бўлгани учун қўвонарди. «Ўзбекистон қўриқлари». Биз катта ишлар, улуг ўзгаришлар арафасида турибмиз. Газетадан.

5 Ўз қобилияти, хизматлари билан буюк ишларни амалга оширган ва ҳурмат-эътибор қозонган; буюк. Қадимги юнон мулкида

ўтган донишманд, ҳандаса илмига асос солган, ер ўлчашни ўргатган улуғ олим [Евклид]. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. Улуғ шоир ҳайкали пойига меҳр-муҳаббат ва чуқур эҳтиром рамзи сифатида гуллар қўйилмоқда. Газетадан.

6 Шундай улуғликни қайд этувчи сўз сифатида шахс билдирувчи сўзларга қўшиб ишлатилади. Улуғ амир. Улуғ Алишер. ■ Ишқилиб, худойи таоло улуғ султонни паноҳида асрасин.. Мирмуҳсин, Меъмор. Бобур сурагга [Навоий сурагига] қараб туриб, ўзича сўради: «Улуғ амир, насиб қилса, ҳузурингизга борсам.. шеърят тилсимини очғучи калит берурмисиз?» П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Демак, Низомиддин бу «ниҳоятда хавфли тўда»га мансуб, улуғ ҳазрат жонига қасд қилганлар орасида бор.. Мирмуҳсин, Меъмор.

7 Раҳбар, бошлиқ. Илгарилари Бўтабойни, улуғимиз, деб юрадиган кишилар уни кўрганда, «бетинг қурсин», деб.. ўтиб кетадиган бўлиб қолишди. С. Аҳмад, Ҳукм. Сўз сўзласа, дурри гавҳар сочилар. Ўрозали юртимизнинг улуғи.. «Ёдгор». Ия, ия, улуғ, Сиз ҳам шу гапни айтдингизми. С. Аҳмад, Ҳукм.

8 Улуғ (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

УЛУҒВОР 1 Савлатдор кўриниши; салобатли; муҳташам. Нурота тизма тоғлари ўз гузаллиги билан бағоят улуғвор, бағоят бетакрордир. Газетадан. Хива ва Кўҳна Урганчининг улуғвор архитектура ёдгорликлари жаҳон маданияти хазинасининг энг ноёб дурдоналаридан ҳисобланади. «Саодат».

2 айн. улуғ 4. Қўл бағрида чақнаб турган чироқларнинг.. ҳаммаси бир бўлиб, улуғвор ишининг кенг миқёсда олиб борилаётганидан.. далолат беради. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

УЛУҒВОРЛИК Улуғвор ҳолат, кўриниш. Бинонинг улуғворлиги. Режаларнинг улуғворлиги. ■ Қора атлас ҳамма қизларга ярашади. Маликага эса, бу либос алоҳида ҳусн, малохат ва улуғворлик бағишларди. Т. Жалолов, Олтин қафас. Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улуғворлик бахш этиб, бир текис гувуллаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

УЛУҒЗОДА Юқори мартабали улуғ кишининг фарзанди. Сен девонанинг боласи

дебмидинг, у ҳам подшонинг боласи, бир улуғзода. «Равшан».

УЛУҒЛАМОҚ 1 Улуғлигини қайд этмоқ, мадҳ этмоқ. Биз.. фидокорликни улуғлаб, бевафолликни ранж билан қаламга олдик. Газетадан. У халқнинг яхшиликни улуғлаб айтган ҳикматли сўзлари ва.. мақолларини жуда усталик билан қайта ишлаб, ўз ижодида фойдаланган. «ЎТА». Ишқилиб улуғлаш Навоий ва бир қатор мутасаввиф шоирларда ҳам мавжуд. «ЎТА».

2 Шаън-эътиборини юқори даражага кўтармоқ. Меҳнат инсонга фақат моддий фаровонлик келтирибгина қолмай, унинг маънавий дунёсини бойитади, ўзини эса улуғлайди. Газетадан. Эътиқод Али Қўшчини инсон ва олим сифатида улуғласа, эътиқодсизлик мавлоно Муҳиддинни тубанлик жарига иргитади. «ЎТА».

УЛУҒЛАШМОҚ 1 Улуғламоқ фл. бирг. н. Замондошлари ва касбдошлари ҳайрат ва ҳаяжон билан уни «жонли қомус» дея улуғлашар эди. Газетадан.

2 Улуғлик даражасига етмоқ, улуғ бўлмоқ. Вазифамиз улуғлашиди. ■ Ҳоят катта бўлиб кетди бизнинг ишимиз, Улуғлашдик, улуғ бўлди ҳам хоҳишимиз! Т. Тўла.

УЛУҒЛИК 1 Улуғ эканлик. Бунинг қанчалик улуғлигини хўрликни бошидан кечирган етимчагина билади. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Улуғ ҳолат, кўриниш, даража. Камтарлик, ақл-заковат кишиларга улуғлик бағишлайди. Газетадан. Бир қарашда у ўрта ёшли кўринса-да, заҳил рангига улуғлик бағишлаб турган пешона ажинларига.. қараб, эликлардан ошиб кетганини билиш қийин эмасди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

УЛУҒСИФАТ 1 Кўриниши улуғвор, салобатли, серсавлат. Йўлакка кирганидан сўнг ўзини дадил тутди, ҳатто икки томондаги қатор кетган эшикларнинг биридан чиққан улуғсифат бир одамдан Кенжанинг қайси уйда эканини тортинмай сўради. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ўзини оғир, яхши тутадиган; ўзига ҳурмат уйғотадиган. Усокин, камтарин, муомалада нозик, лекин улуғсифат. Ойбек, Навоий.

УЛУҒСИФАТЛИК Улуғсифат ҳолат, қиёфа. [Салимжон] Ўзининг обрўи, улуғсифатлигига қарамай, такаббур эмас, дилкаш, кўнглида кири йўқ, инсониятпарвар. А. Қаҳҳор, Сароб.

УЛФАТ [ا. الفت – розилик; иттифоқлик, иноқлик; яхши кўриш, меҳр, муҳаббат] 1 Сухбат, зиёфат ва ш.к. да доимий бирга бўладиган кишилар бирлиги, шундай кишилардан иборат бўладиган йиғин; улфатчилик. *Мирза сариқ қўшилган улфатдан тезда қутулиб чиқиб осон бўлмайди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги.

2 Шундай йиғин, улфатчиликнинг ҳар бир қатнашчиси, аъзоси (бошқаларига нисбатан); жўра. *Қишининг узун тунлари бу ерда улфатлар гап ейишади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Салимбойваччанинг улфатлари бу ҳафта машҳур бир бойваччанинг даласида тўпланишлари керак эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Умуман, суҳбат, зиёфат ва ш.к. учун тўпланган (икки ва ундан ортиқ) шахслар, улардан ҳар бири (бир-бирига нисбатан). *Болтавойнинг ялласига қулоқ соладиган улфатлар чойхонани тарк этиб, урушга кетган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Қараса, кабобпаз йигит: Ҳисоб-китоб қилинг-у, улфатингиз билан даф бўлинг, – деб турибди.* «Гулдаста».

4 айн. **улфати.** *Ҳўжайин жуда улфат, дилкаш одам чиқиб қолди. Мен ишлайман, у бўлса чой қуйиб бериб ўтиради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

5 кўчма Доим бирга бўлувчи нарса; «шерик». *Бир қалам, оппоқ қоғоз бирлан сиёҳдон улфатим.* С. Абдулла. *У мудир бўлган кундан буён ароқ билан улфат тутиниб, босар-тусарини билмай.. юра берди.* «Муштум».

6 Улфат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

УЛФАТИ Улфатчиликни ўрнига қўядиган, улфатчиликка мойил. *У сўзамол, серҳаракат, ошналаридан ҳеч нарсани аямайдиган, қўли очик, улфати эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

УЛФАТЛАШМОҚ 1 Ўртоқ ёки ошна бўлиб қолмоқ; иноқлашмоқ; дўстлашмоқ. *Бора-бора жинни мени танийдиган бўлди, улфатлашди.* С. Айний, Ўсдаликлар.

2 Улфатчилик қилмоқ, суҳбатлашмоқ. *Авазхон Замон билан бир улфатлашайлик деб келса, Замон кулбасида йўқ.* «Нигор ва Замон».

УЛФАТЧИЛИК 1 Улфатлар йиғини, зиёфати; улфатлар давраси. *Умингбошининг қайнағаси, улфатчиликда жўраси бўлса ҳам, «додхоҳ»ни.. ҳамиша шундай таъзим билан*

ҳурматлар эди. М. Исмоилий, Фаргона т.о. *Ёш, косиб кўндўз вақтларида ўз тенги қосиблар қишда, улфатчиликда ундан ҳалиги достонларни ўқитиб эшитар эдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Умуман, бир ёки ундан ортиқ киши билан биргаликдаги маишатли суҳбат, шундай йиғин. *...ҳудонинг берган қуни шу ерда, улфатчиликка муккасидан кетган, ўлгудек «ширин бола».* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Алимардон қанча май ичганининг, қанча аёллар билан улфатчилик қилганининг ҳисобига етмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

УЛЬТИМАТУМ [фр. ultimatum – қатъий, узил-кесил талаб < лат. ultimus – энг охирги] 1 ҳуқ. Бирон масала юзасидан бир давлат ҳукуматининг бошқа давлат ҳукуматига ёзма ёки оғзаки баён қилинган, ҳеч қандай баҳс ёки эътирозга ўрин қолдирмайдиган қатъий талаби. *Ҳозирги шароитда дўқлар қилиш ва ультиматумлар қўйиш методди.. бутунлай яроқсиз воситадир.* Газетадан.

2 кўчма с.т. Қатъий огоҳлантириш, талаб. *Унинг ҳикоясини рақибининг «Гарде!» [«қишт»] деган ультиматуми кесиб қўйди.* У фарзинини ўрндан кўчирмаса, ютқазиб қўяди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қаюмжон ажралиш ҳақида [Қорияхонга] ультиматум юборган эди.* «Муштум».

УЛЬТРА- [лат. ultra – устида, юқори; чегарадан ташқари] Байналмилал ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми: микдор ва сифат белгиларига кўра меъёрдан, ҳаддан ташқари; энг четки, охирги, ўта каби маъноларни билдиради, мас., *ультрамикроскоп, ультратовуш* каби.

УЛЬТРАБИНАФША [ультра + бинафша]: **ультрабинафша нурлар физ.** Спектрда бинафша ва рентген нурлари оралиғидаги кўзга кўринмайдиган нур (қишлоқ ҳўжаллиги, саноат ва тиббиётда қўлланади).

УЛЬТРАМИКРОСКОП [ультра.. + микроскоп] Оддий микроскоп ёрдамида кўриб бўлмайдиган майда зарраларни ёритиб туриб кўришга хизмат қиладиган оптик асбоб.

УЛЬТРАТОВУШ [ультра.. + товуш] Махсус аппарат ёрдамидагина эшитиш мумкин бўлган ва тўлқинларининг тебраниш частотаси 20 килогерцдан юқори бўлган товуш; эластик тебранишлар (техника ва тиббиётда қўлланади).

УЛЬТРАҚИСКА [ультра.. + қиска]: **ультрақиска тұлқин** Тұлқин узунлиги 1 миллиметрдан 10 метргача бўлган радиотұлқинлар (телевидение, радиоалоқа ва ш.к. да қўлланади).

УЛҒАЙМОҚ 1 Балоғатга, вояга етмоқ, катта бўлмоқ. *Кампир кўз олдида улғайган, куча тўлган неварасини келтирди-ю, ийиб кетди.* Газетадан. *Мен унга «Бешикдаги бола улғайганда ким бўлиб чиқишини айта оласанми» десам, «Қайдам, тарбияга боғлиқ», деди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ривожланмоқ, авжланмоқ. *Ғўза униб улғайган сари, пахтакорнинг руҳидаги шодлик, кўнглидаги қувончни кўрсангиз!* Н. Сафаров, Халича Ахророва.

3 Кучаймоқ, зўраймоқ, ортмоқ. *Отабекнинг юзидаги ўйчанликка разм қўйган сайин, Офтоб ойимнинг ҳалиги шубҳаси улғая борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хотин, гап улғаймасин дедими, қўлига илган товоқ-қошиқларни олди-ю, ташқарига чиқиб кетди.* Газетадан.

УМАРО [а. امراء — «амир» с. қўпл.] тар. Шоҳ (хон, амир) ҳузуридаги юқори мансабли шахслар. *Дастлаб Исломуҳжа, сўнгра уламо ва умаролар, барча аёнлар [Исфандиёрни] муборакбод қилдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу ҳусусда умаромизнинг раёларини билдик [деди подшоҳ Навоийга].* Ойбек, Навоий.

УМБАЛАҚАШМОҚ айн. **умбалоқ ошмоқ** қ. **умбалоқ**. *Омонга қоқилиб, умбалақашиб тушдим.* Ғ. Фулом, Шум бола. [Тўхфа:] *Тағин дарахтдан умбалақашиб тушгани-чи! Капкатта бола.* Ҳ. Назир, Чиранма гоз — ҳунаринг оз.

УМБАЛОҚ: **умбалоқ ошмоқ** Бошини ерга тираб, орқасига ағдарилиб ўйнамоқ, думамоқ ошмоқ. *Ўйинчилар.. симларда умбалоқ ошиб, турли-туман ўйинларни қилиб.. ёш болаларни ҳайрон қолдирар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Қўзибой.. ёнбағирдаги буталарга илина-илина, умбалоқ ошиб бориб, кўлга шалоп этиб тушди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

УМБУРВОҚИ с.т. Умрбоқи. [Ўктам] *Полизга кириб, бирпас теваракка қараб, тўни хунук битта умбурвоқини шартта узиб чиқди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

УМИВАЛЬНИК [р. умывальник < умьтъ, умьтъся — «ювмоқ; ювинмоқ» фл.

дан ясалган от] Юз-қўл ювиш учун мўлжалланган жўмракли қурилма. *Башорат умивальник ёнида юзига совун суркаб турган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УМИД [ф. امید — ишонч; орзу, тилак, истак] 1 Бирор истакнинг амалга ошишига бўлган ишонч; ишонч билан кутиш; эътиқод. *Сиздан умидимиз катта.* Сендан умидим шуми? ■ Таассуфки, отамнинг Азизбекдан бўлган умиди бўша кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар *..бу камбағалчилик ёруғ дунёдан бўлган умидимизни эмас, ёруғ дунёдан бўлган умидимиз бу камбағалчиликни еб, кемириб ташлаётинпти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Бирор нарса қилишга, бирор нарсага эришишга бўлган ички интилиш, ички ҳиссиёт; истак, орзу, ният. *Ҳаётни билиш ва ундан ўзининг лойиқ ўрнини топишга интилиш — ҳар бир кишининг умиди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Ўзганики бўлса ҳам, ўғил қилиб олайлик, деган умидда бола қидириб юрибмиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қизга ота-онаси катта умид билан Субҳ деб ном қўйган эканлар.* Мирмуҳсин, Ал Маҳдий.

Умид боғламоқ Орзу қилган нарсанинг амалга ошишига, бунда бировнинг кўмагига умид билан қарамоқ. -*Ким агар ғалабага умид боғласа, албатта, ғолиб келади, — деди Жўрахон.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Бобур мирзо ҳали ёшлар. Мен ҳам шу зотга умид боғлаган эдим..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Умид қилмоқ** 1) айн. **умид боғламоқ**. *Юртда адолатли давлат.. кўрмоқ орзусида бўлган Навоий Ҳусайн Бойқародан кўп нарса умид қилар эди.* Ойбек, Навоий; 2) орзусида (ниятида) бўлмоқ. *Қудратли қанотингиз остида бирим икки бўлишини умид қилиб келдим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Умид (эркаклар исми).

УМИДБАХШ [ф. امیدبخش — ишонч, умид бағишловчи] Кишида ишонч ва умид ҳосил қиладиган; келажакка умид, ишонч билан қарашга ундайдиган; умид бағишловчи. *Йўлчи бу ғал ҳал касалнинг кўнглини кўтариш учун, унга таскин берувчи умидбахш сўзлар айтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

УМИДВОР [ф. امیدوار — ишонган, ишонувчи, ишончга тўла] Умид, орзу ифодаловчи; умидли. *Икки лашкарбоши бир-бирига соғлиқ-саломатлик тилаб, ғалабамиз учун, дегандай умидвор сўзлар билан рюмкаларини*

бирпасда бўшатдилар. 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Ҳарқалай, бу ишда унга устод Андугоний кўмак бермоғидан умидвор эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

Умидвор бўлмоқ айн. умид боғламоқ, умид қилмоқ қ. умид. Кўриқнинг шўрвасини ичганингиз етар, энди эски ернинг паловига умидвор бўлинг. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Умидвор қилмоқ** Орзу, ишонч қўзғамоқ, пайдо қилмоқ; умид боғлатмоқ. *Ирода билан эҳтиёт бўлиб сўзлашиши, уни умидвор қилиб қўймаслик кераклигини тушунади Аҳмад. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

УМИДВОРЛИК Умидвор ҳолат, умидли ҳолатда бўлиш, умид билан қараш. *Ҳамзанинг ажойиб фазилатларидан бири – оптимизм. Умидворлик унга ҳамиша ҳамроҳлик қилган. Газетадан. Мана шу умидворлик боисидан, танамизда жонимиз бор экан, курашамиз. А. Ҳакимов, Илон изидан.*

УМИДЛАНТИРМОҚ айн. умидвор қилмоқ қ. умидвор. *Учрашувдан умидлантирди. ■ У юпатгучи сўзлар билан дўстини умидлантиришни истамади. Ойбек, Танланган асарлар.*

УМИДЛИ 1 Бирор нарсадан умид қиладиган; умидвор.

2 Келажагидан умид бор, келажагига ишонса бўладиган. *..келажаги энг умидли кўринган йигитга тегмоқчи бўлиб.. қаллиқ таналяётган қиз экан. П. Қодиров, Уч илдиш. Асранди қиз Роҳила ролини ўйнаган умидли санъаткор Р.Тўраевани ҳамма ҳурматлади. Газетадан.*

Умидли дунё Ҳаётда ишонч, умид билан яшаш лозимлигини, умидсизланмасликни қайд этувчи ибора.

УМИДСИЗ 1 Умид узиб, умидсизлик билан, ноумид. *У ўғлининг қутулиши йўлида ҳар бир мулоҳаза кўчасига кириб чиқмоқда, аммо ҳар бирисидан ҳам бўш ва умидсиз қайтмоқда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Унинг [Тоҳиржоннинг] катталашган қора кўзлари чироқда аллақандай умидсиз, лекин маънодор ёнади. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Келажакка бўлган ишонч ва умидини йўқотган, келажакдан умидини узган. *Умидсиз киши.*

УМИДСИЗЛАНМОҚ Умидсиз ҳолга тушмоқ, умидини йўқотмоқ. *Сен биринчи марта қийноққа дуч келдинг, умидсизланма! Ноумид шайтон.. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

УМИДСИЗЛАРЧА Умидсиз ҳолатда, умидсизлик билан. *Али тажанг умидсизларча қўлини силкиб, туриб кетди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

УМИДСИЗЛИК Умидсиз ҳолат. *Қизнинг юзида умидсизлик белгилари йўқ; у кулар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Бу саволдан хотиннинг юзига умидсизлик туси кирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сенга берадиган маслаҳатим ва насиҳатим шуки, умидсизликка тушма. С. Айний, Қўллар.*

УММАТ [a. امة – халқ, миллат; маълум динга эътиқод қилувчи жамоа] **1** дин. Мадинада Муҳаммад пайғамбар изидан борган ва ислом динини қабул қилган кишилар жамоаси; мусулмонлар. *Яхши ўйлаб, чораларини топиш лозимдирки, ислом уммати саҳобалардек, чуқур имон ва завқ-шавқ билан ўз бурчларини бажарсинлар. Ойбек, Нур қидириб. Каломи шарифни неча бор хатм қилганман. Пайғамбаримиз Муҳаммад алай-ҳиссаломга умматман. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Умнат (эркаклар исми).

УММОН [a. عمان – Уммон мамлақати ва уни ўраб турган қирғоқ (қўлтиқ) номидан: денгиз, океан] **1** эск. Денгиз, океан. *Маширик мамлакатларидан бирида ҳудудсиз уммонлар орасидаги мўъжазгина бир оролда.. мўъжазиза бир дарахт ўсармиш. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.*

2 кўма Бирон-бир ҳолат, жараён, иш-фаолият доираси, соҳаси. *Хаёл уммони. ■ Ёшлигидан савдо уммонида сузиб, шу соҳанинг баланд-пастини ҳўп эгаллаган. А. Ибодинов, «Латофат» дўқонидаги қатл.*

УМОЧ Уваланган ҳамир солиб пиширилган суюқ ош. *Арслонқул.. заранг товоқдаги умочни катта қошиқ билан ҳўр-ҳўр ичди. Ойбек, Навоий. Атала, умоч.. каби суюқ ошларнинг масалиғи камчил бўлганлиги сабабли.. «камбағал овқати» деб юритиларди. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

УМР [a. عمر – яшаш, ҳаёт; ёш, яшаш муддати] **1** Туғилгандан то ўлгунгача бўлган давр, яшаш муддати, шу муддат давомидаги ҳаёт, яшаш. *Узоқ умр кўрмоқ. Умрининг охири. Семиз қўйнинг умри калта. Мақол. ■ Ҳазратим, мен мунгли қизингиз сизга худодан Шайх Саъдийнинг умрини тилабман! Илоҳим, юзга киринг! П. Қодиров, Юлдузли тунлар. «..саховатли Меъмор ҳазратларининг умрлари узоқ бўлиб, доимо сиҳат-саломат*

бўлсинлар», деб дуо қиларди. Мирмуҳсин, Меъмор. Шундай кўркам, доно, тадбирли хотиннинг умри эрсиз ўтиб кетаётганига баъзилар ачинса, баъзилар таажжубда эди. Ҳ. Шамс, Душман.

2 Умуман, ҳаёт, яшаш. Инсонга умр бир марта берилади. Ичкилик — умрнинг эгови. Соғлик — умрнинг гарови. Бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила. Мақол.

Бир умр Умр давомида, умр бўйи. Бойлик ботқоққа ўхшаган нарса. Домига бир тортса, бир умрга фарқ бўлиб кетишини турган гап. Ф. Мусахонов, Ҳиммат. Заргаров ҳам бир умр кутган.. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. **Умр берса** Яшатса. Худо умр берса, йўлинг ҳали олис. С. Сиёев, Ёруғлик. **Умр бўйи** айн. **бир умр**. Суннатулло махсум умр бўйи савдо соҳасида ишласа ҳам.. ибратли ҳикоя ва шеърларни биладиган киши эди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Умр йўлдоши** қ. **йўлдош**. Ушбуни кўрсатувчи Марасул Ҳузуржоновни тегишли умр йўлдоши ўртқоқ Насиббахон Асқарова билан тегишли дафтариниздан ўтказиб.. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Умр кечирмоқ** 1) умр ўтказмоқ, яшамоқ. «..агар (одам) одам боласига ўхшаб умр кечираман деса, унга шунча кўп нарса керак бўлар экан!», — деб кулар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) айн. **умр қилмоқ**. Бир хотин билан муҳаббатли умр кечирмоқ, менимча, энг маъқул иш. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Умр кўрмоқ** Ҳаёт кечирмоқ, яшамоқ. **Узоқ умр қўриб**, **бахт-саодатли** яшаётган кексаларимиз фаровон ҳаётимизга файз-тароват бағишлаб туришибди. Газетадан. **Умр сурмоқ** Умр ўтказмоқ, яшамоқ (одатда, яхши, бахтли умрга нисбатан қўлланади). Дунёда яхши умр сурдинг, ор-номусли, адолатли яшадинг.. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. **Умр қилмоқ** Эрхотин бўлиб яшамоқ. -Тенгинг эмас, қизим! Сенинг ўлминг катта, уники кичик. Умр қилиб кетолмайсизлар, — деди онаси Ҳуснияга. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. **Умри бино бўлиб** қ. **бино**. Ёдгор умри бино бўлиб баҳорнинг кириб келишини шу қадар диққат билан кузатибман экан. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Умри боқий** Доимий ҳаёт, йўқ бўлмайдиган. Инсоният қалбини мунаввар этадиган эзгуликнинг — шеърийнинг умри боқий экан, демак, шоир умри ҳам боқий. Газетадан. У баъзан.. Шохрухни дуо қилар,

юртда тинчлик бўлса, умри боқий бинолар қуриб юришини ўйларди. Мирмуҳсин, Меъмор. **Умри қисқа** Кўп яшамайди, узоққа бормайди, тез барҳам топади. Тухматнинг умри қисқа.

УМРА [а. عمره — кичик ҳаж] Ислом анъанасида кичик ҳаж; Қуръон ояти ва Пайгамбар алайҳиссалом суннати билан собит бўлган амал (Умрани йил-ўн икки ой бажариш мумкин).

УМРБОД [а. + ф. عمر باد < عمر اباد — абадий умр, умр бўйи] рвш. 1 Ҳаётининг охиригача, ўлгунга қадар; ўлгунича. Борди-ю, Элмурод қасос олса, бу сир унга, Муҳаррамага умрбод сир қолиб кетар, мотам тутар. Шухрат, Шинелли йиллар. Нигорага бора-ман: оёғига тиз чўкиб, умрбод юрагимни сизга бағишладим, дейман. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳамма вақт; мангу, абадий. Сайр этайлик, кел бирга, эркам, Рози кетсин биздан умрбод — Шодлик учун яралган олам, Севмоқ учун берилган ҳаёт. Э. Воҳидов.

УМРБОҚИ [а. + ф. عمر باقى — абадий, узоқ умр] Қовуннинг пўчоғи қалин, сариғиш-кўкиш бўлиб, қишга сақланадиган кечпишар хили. Вали ака ўғлига бир коса умрбоқидан узатиб: -Мана буни еб олинг, ўғлим.. — деди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УМРГУЗАРОНЛИК [а. + ф. عمر گزاردن — «умр ўтказмоқ» фл. дан] эск. Ҳаёт кечириб, яшаш. Умргузаронлик борасида Қурбон чаққоннинг ўз фалсафаси, ўз йўли бор. Й. Шамшаров, Тошқин. Йўл азоби орқада қолиб кетди, энди жаннатмонанд пойтахтимиз Газнада роҳат-фароғат билан умргузаронлик қилинглари. М. Осим, Карвон йўлларида.

УМРДОШ кам қўлл. айн. **умр йўлдоши** қ. **йўлдош**. Ҳозир Масъуда опа соғ-саломат ўз уйида, болалари, садоқатли умрдоши, оиласи бағрида ширин ҳаёт кечиряпти. Газетадан.

УМРДОШЛИК Бирга ҳаёт кечириб, эрхотинлик. Умрдошлик савдоси — қийин савдо, уни обдан ўйлаб, сўнг оила қасрини қурмоқ керак. Газетадан. Ўзининг.. алданганини, уларнинг умрдошлик биноси қум устига қурилганини, энди унинг бутунлай нураб бўлганини тушунди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

УМРЛИ Маълум муддат яшайдиган, умр кўрадиган. Узун умрли. Қисқа умрли. ■ У [Худойқул] Мадаминсиз ҳам ўз тирикчилиги ўтиши мумкинлигини англамади. Унга хўжа

остонаси умрли макон бўлиб кўринди. П. Тур-сун, Ўқитувчи.

УМРЛИК Умрининг охиригача, умр бўйи; абадий. *Миришбага пора бериб, ўлим жазо-сидан қутулиб, умрлик қамалганлар бор.* С. Айний, Жаллодлар. *У ердан отини миниб, умрликка Марғилон билан вилолашмоқчи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УМСУНМОҚ Эмчаги сутга тўлиб, эми-зишга эҳтиёж сезмоқ (эмизикли хотин ҳа-кида).

УМТИЛМОҚ шв. Интилмоқ, ҳаракат қилмоқ. *Гўё махфий бораётган синфий ку-рашнинг кашагини очишга умтилгандай туй-илди бу мушташ.* Ҳ. Шамс, Душман.

УМУМ [а. عموم — умумийлик, оммавий-лик; ҳартомонламалик; барча, ҳамма] Одам-лар, жамоат; халойик; кўпчилик. *Умум фой-даси учун ишламоқ.* ■ *Етмаса, сени қўлга тушириб, умум олдида шармандангни чиқа-риб, очиқ суд қилсин.* 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *Энди инграган ёки, ма-дорсиз бўлса ҳам, умумдан ажралмаслик учун, чала-чулпа ўралган яраларидан қон оқизиб, судралиб бораётган ярадорлар кўпгина эди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

УМУМ- [а. عموم] Қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, жамоатга, ҳаммага, кўпчиликка тегишли эканликни, муштарақ-ликни билдиради, мас., умумхалқ, умумит-тифок, умуммиллий.

УМУМАН [а. عموماً] рвш. 1 Асос эъти-бори билан, асосан. *Мақола умуман яхши таассурот қолдирди.* ■ *Унинг [Унсиннинг] умуман юз бичими келишган эди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Умуман картошқачиликда калий ўғитларига алоҳида эътибор берилади.* «Фан ва турмуш».

2 Мутлақо, бутунлай. *Бу ишдан умуман хабарим йўқ.* ■ *Отам менга умуман га-пирмас, онам ҳам кўпинча унутиб қўяр эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Қирқин-чи йиллардан кейин эса умуман геологлар бормаган.* С. Кароматов, Олтин қум.

УМУМБАШАРИЙ [умум.. + башарий] Бутун инсониятга, одамзодга оид. *Тарихда шундай шахслар бўладики, уларнинг аҳа-мияти.. бир ва бир неча мамлакат доираси-дан ташқарига чиқади, дунёвий аҳамият касб этади, умумбашарий бўлиб қолади.* В. Зоҳи-дов, Ўзбек адабиёти тарихидан.

УМУМДАВЛАТ [умум.. + давлат] Дав-лат миқёсидаги, давлат учун умумий. *Умум-давлат манфаатларини кўзламоқ.* ■ *Театр умумдавлат ишининг бир қисми бўлиб қолди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизман.

УМУМДЕМОКРАТИК [умум.. + демо-кратик] Барча демократик кучларни ўз ичига олган, барча демократик ташкилотлар учун умумий.

УМУМИЙ [а. عمومی — ҳаммага оид, та-аллуқли, универсал] 1 Ҳаммага оид, ҳаммага тегишли; ҳамма учун хизмат қиладиган; ягона. *Умумий мажлис. Умумий мажбурий таълим. Умумий тил. Умумий ҳарбий хизмат.* ■ *Онгли интизом, умумий иш учун масъул-лик туйғуси меҳнат унумдорлигини ошириш-га ёрдам берапти.* Газетадан.

2 Бирор нарса, ҳодиса ва ш.к. нинг бар-ча қисмлари, соҳалари, тармоқлари учун бир хилда тегишли бўлган, барчасини қам-раб олувчи. *Умумий сарлавҳа. Умумий рўй-хат. Умумий хулоса. Тил тараққиётининг умумий қонуниятлари.*

3 Муайян бўлмаган, аниқ бир нарса ҳа-қида тушунча бермайдиган. *Умумий тасав-вур. Нотиқ умумий гаплардан нарига ўтмади.*

4 Умуман ҳисобга олгандаги ҳаммаси; бутунича, ялпи. *Умумий маҳсулот. Умумий фойда.*

УМУМИЙЛИК Ўзаро умумий белги-хусусият; ўзаро бир хиллик. *Вазифанинг умумийлиги. Манфаатларнинг умумийлиги.* ■ *..тил билан нутқ умумийлик билан хусу-сийликнинг диалектик муносабатида бўлиб, улар бири иккинчисига ўтиб турадиган ҳо-дисалардир.* «ЎТА».

УМУМЛАШМА 1 Умумий белги-хусу-сиятларни акс эттирувчи, шундай белги-хусусиятларни ўзида жамлаган. *Султонмурод ўша замонда кўплаб учрайдиган илғор илм кишиларининг умумлашма образидир.* Газе-тадан.

2 Умумий белги-хусусиятларни қайд этувчи фикр, нуқтаи назар. *Матбуот хо-димлари.. ҳаёт жараёнларини ҳозир ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ ўрганишлари лозим.* *Бусиз жиддий умумлашмалар чиқаришга умид боғлаб бўлмайди.* Газетадан. *Ҳар қандай на-зарий фаолият қонуниятлар жорий қилишга ва назарий умумлашмалар яратишга зарурат сезади..* Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.

УМУМЛАШМОҚ 1 Умумий хулосага келмоқ, хулосаланмоқ, якунланмоқ. *Фикр умумлашди. Умумлашган тажриба.*

2 Умумга, кўпчиликка, халққа тегишли бўлмоқ, халққа хизмат қиладиган бўлмоқ, халқ мулкига айланмоқ. *Хусусий хўжаликлар умумлашди.* ■ [Мавлонов:] *Аввал колхоз тугиб, ерларни белгилаб олинглар-чи, тракторга умумлашган катта ер керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Шахси умумлашган гап тлш. Мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли гап.

УМУММИЛЛИЙ [умум.. + миллий] Бутунича миллатга, шу миллатдаги кишиларнинг барчасига тааллуқли, миллат учун умумий. *Умуммиллий тил. Умуммиллий бойлик.*

УМУМПАРТИЯВИЙ [умум.. + партиявий] Бутунича партияга тааллуқли, партия учун умумий. *Умумпартиявий иш.*

УМУМРЕСПУБЛИКА [умум.. + республика] Республикага тааллуқли, республика учун умумий; бутун республикага ёйиладиган, тарқаладиган. *Умумреспублика бадийи ҳаваскорлик кўриги.*

УМУМХАЛҚ [умум.. + халқ] Бутун халққа тааллуқли, бутун халқ учун умумий. *Умумхалқ мулки. Умумхалқ намоёиши. Умумхалқ байрами.* ■ *Чўлни ўзлаштириш умумхалқ ҳашари деб эълон қилинган, турли шаҳар ва қишлоқлардан одамлар бетўхтов кела бошлади.* «Ўзбекистон кўриқлари».

УМУРТҚА қ. умуртқалар.

Умуртқа поғонаси Одам ва умуртқали ҳайвонлар скелетининг умуртқаларнинг ўзаро устма-уст қўшилишидан вужудга келадиган асосий қисми (унинг бўйин, кўкрак, бел, думғаза ва дум бўлимлари бор). **Умуртқа канал** Ҳамма умуртқалар тешикларининг бирлашишдан ҳосил бўлувчи канал (орқа мия шу каналда жойлашган бўлади). **Умуртқа тешиги** Умуртқа танаси билан унинг равоғи ўртасидаги тешик.

УМУРТҚАЛАР анат. Одам ва умуртқали ҳайвонларнинг умуртқа поғонасини ташкил этадиган калта говак суяклар (одам умуртқаси тана, равоқ ва ўсиқлардан иборат).

УМУРТҚАЛИЛАР зоол. Гавдани тутиб турувчи умуртқа поғонаси бўлган ҳайвонлар гуруҳи.

УМУРТҚАСИЗЛАР зоол. Жониворлар оламининг умуртқа поғонаси бўлмаган гуруҳи.

УН I 1 Турли экинлар донини, асосан, буғдойни тегирмонда тортиш йўли билан олинадиган кукунсимон озуқа. *Буғдой уни. Жўхори уни. Оқ ун. Кепакли ун.* ■ *Бос-тирмада Зиёдаҳон супра ёзиб, ун элаб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *У қайроқи буғдой унидан ёғлиқ патира, сомса ёнди, қатлама пиширди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Жаннат хола шошиб ун чалиб, қўймоқ солди-да, болтани қўлига олиб, тўқайга қараб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Кукун ҳолига келтирилган маҳсулот. *Картошка уни. Суяк уни. Фосфор уни.*

Қулоғига ун босмоқ Эшитмайдиган. кар бўлиб қолмоқ. [Хонзода:] *Қулоғинга ун босдингми, етимча, етти кулча! Чилим! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Бу ўзи қандай одам, қулоғига ун босқанму? А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

УН II эск. шв. Товуш, овоз. *Анчадан сўнг итларнинг уни ўчди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Овозини эшитиш учун томоғига зўр бериб кўради. Фақат қандайдир хирилдоқ ун чиқарди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

УНАМОҚ Бирор иш, илтимос, талаб ва ш.к. га розилик билдирмоқ; рози бўлмоқ, кўнмоқ. *Мулла Икром қийиқ одам бўлаганиданми ёки касби шуни лозим кўрганиданми, мурасага унамади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Менинг маслаҳатимга Омон, Омоннинг маслаҳатига мен унадим.* Ғ. Ғулум, Шум бўла. [Қушбеги:] *Буйруғимни кўрбошига айтсанг, унар! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

УНАР-УНМАС Унча аҳамияти бўлмаган, арзимаган нарса, бўлар-бўлмас. [Ҳасанали:] *Унар-унмасдан баҳс қилиб, ниҳоят, бу унар-унмаснинг охирига шу саволни ҳам улаб юборди: -Бу гал Марғилонга кечикдингизми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бора-бора ўша, «мусичадай беозор» эр тирриқлик қилиб, унар-унмасга Шаҳодатни уриверадиган бўлди.* «Муштум».

УНАШМОҚ I Унамоқ фл. бирг. н. *Улар ярашишга унашди. Болалар уйда қолишга унашмади.*

2 Хотин қилиб олиб бериш, хотинликка бериш учун ўзаро келишмоқ. *Отамга.. Ҳамрохоннинг қизи Зеваройни унашганлар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Энди қизни Олахўжанинг ўғлига унашибди, деб эшитдим.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси. *Отабек гангиб, шо-*

шиб сўради: -Қайси қизига унашиб келдингиз? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УНАШТИРИШ этн. Никоҳ тўйдан олдин йигит ва қиз томоннинг розилигини расмийлаштириш, халққа маълум қилиш учун ўтказиладиган маросим.

УНАШТИРМОҚ айн. унашмоқ 2. Онасини қўлга олиб, қизнинг ўзини алдаб-сулдаб, юқори қишлоқдаги бир бадавлат одамнинг ўғлига унаштирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

УНАҚА с.т. Ундай. [Йўлчи:] Ёрмат ака, эртага борамизми, унақа одамлар жуда кечки бўлади-ку? Ойбек, Танланган асарлар. Унақа олифта бўлса, келмасин эди! Ярашгани келгани, уй кўргани келганими? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

УНАҚАНГИ айн. унақа.

УНВОН [а. عنوان — адрес; сарлавҳа, ном; белги, рамз] 1 эск. Мактуб устига ёзилган ном, қаерга, кимга жўнатишга ҳақидаги ёзув. Кумуш хатни хотиннинг қўлидан олиб, раҳмат айтди ва хатнинг унвонига кўз ташлади: «Марғилон шахрида сокин Мирзакарим қўтидор ҳовлисига». А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор иш-фаолият соҳасидаги алоҳида хизматни ёки мутахассислик даражасини расман эътироф этадиган, ваколатли органлар томонидан белгиланадиган ва бериладиган ном. Профессорлик унвони. Халқ артисти унвони. ■ Эртасига.. келиб, уни лейтенант унвони ва взвод командири вазифаси билан табриклади. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 эск. Мерос бўлиб келадиган ёки иш-вазифа даражасини кўрсатувчи, шунингдек, инъом қилинган ҳурматли, фахрий ном. Князлик унвони. ■ Қорилик унвонини олиш учун мен ҳам бел боғлаган эдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Бухорога келиб, Зулфиқор билан Завракка «уста» деган унвон берилди. Энди улар мустақил иш қилишлари мумкин эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Подшоҳ оиласи Қосимбекка алоҳида эҳтиром билдирганда, унинг номига «амирлар амири» деган унвон қўшиб айтар эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

УНГУР Тоғлиқлардаги тик ўйиқ жой; унча чуқур бўлмаган ғор. Қайси бир унгурдан йиртқич қушнинг қийқириғи эшитилиб, акс садо беради. Ж. Абдуллахонов, Орият. Унгулар қурилиш ишлари (йўл қуриш, газ ва нефть

қувурлари ўтказиш)га салбий таъсир кўрсатади. «ЎЗМЭ».

УНДА 1 У олмошининг ў.-п. к. шакли. Унда ҳеч қандай айб йўқ. ■ Портретни суқланиб томоша қилувчилар унда бир камчилик кўришар, бу ҳам бўлса, жонон қизнинг кўзойнаги эди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 У ҳолда, ундай бўлган тақдирда. Дунёни кезиш билан шоир бўлиш мумкин бўлса, унда Али проводник шоир бўлиши керак: бутун мамлакатни кезиб чиққан. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. ..Унда тўғри бизникига кетдик. С. Сиёев, Ёруғлик.

УНДА-БУНДА 1 Бир-биридан анча узоқ масофада жойлашган, оралиғи бир-биридан узоқ бўлган; у ер-бу ерда. -Бу атрофда сув йўқми? -Сув қаёқда? Унда-бунда қудуқ бор дейишади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Унда-бунда тўп-тўп сада, уларнинг орасида оппоқ гуллаган ўриклардан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Ойдин, Гулсанам. Унда-бунда ёввойи эчкиларнинг изларигина кўзга ташланади. С. Кароматов, Олтин кум.

2 Баъзи вақтлардагина; баъзан, гоҳо-гоҳо. [Ёрмат:] Ўз декчамизни ўзимиз қайнатамиз. Хўжайиннинг қозонидан унда-бунда бир тотмасак.. мойсиз бўлса ҳам, ўз декчам яхши. Ойбек, Танланган асарлар. Иш давомида унда-бунда бегона сўзларни эшитиб, кейин эса китоб таталаб, инглизчани бироз билиб олдим. «Гулдаста».

УНДАЙ кўрс. олм. У каби, ўшанга ўхшаш; унақа. [Элмурод:] Иштаҳасини бўғиб қўйиш керак ундай одамларнинг. П. Турсун, Ўқитувчи. [Тавҳидий:] Яъни сен ҳам ит, деганингизми бу!? Мирза Баҳром ундай маъно чиқишини сира кўзда тутмаган экан, ўсал бўлди. А. Қаҳҳор, Миллатчилар. Бироқ Шарофат ундай қилмади. У ўзини ерга отиб урди-ю, худди илон чаққандай тўлғаниб, йиғи бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

УНДАЙМА, ундайма сўз тлш. Сўзловчининг нутқи қаратилган бошқа бир шахс ёки предметни билдирадиган сўз ёки сўз бирикмаси. Хўш, Темир Мардонов, бу гапга сиз нима дейсиз? К. Яшин, Пьесалар.

УНДАМОҚ Бирор иш, ҳаракатни бажаришга чақирмоқ; даъват этмоқ, таклиф қилмоқ. Виждоним, бутун фикрим мени масалани худди ана шундай узил-кесил ҳал қилишга ундар эди. М. Жабборов, Севинч ёшлари. Уни қандайдир бир куч борган сари

Инобатни ҳурматлашга ундарди. Ж. Шарипов, Саодат. *Кимдир курси олиб келиб, ўтиришга ундар, Меъмор бўлса, бош ирғаб ташаккур айтар-у, ўтирмас..* Мирмуҳсин, Меъмор.

УНДА-МУНДА *с.т.* Унда-бунда. Қирғоқда мажнунтол, унда-мунда терилмаган жийдалар маржондай қизариб турибди. Файратий, Узоқдаги ёр. *..ўзининг унда-мунда бўлса ҳам ичишини пайпаслаб гапириши отамга хуш келмасди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

УНДАН-БУНДАН **1** Турли нарсалардан сайлаб. *Ўзи ҳеч нимани истамаса ҳам, қиз тортинмасин, деб ундан-бундан емакка уринди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Турли мавзуларда, ҳар тўғрида. *Ундан-бундан сўзлаб ўтирди.* ■ *Гоҳо маҳалланинг бекорчилари киради. Ундан-бундан гаплашиб, баъзилари эрмак учун маҳсиларни бўяб, пардозлаб ўтирадилар.* Ойбек, Болалик.

УНДОВ Ҳаракат қилишга таклиф, чақирик; буйруқ, амр. *Қалб амри, виждон ундови.. билан урушга жўнаган саноқсиз шерзод баҳодирларимиз орасида.. журналист ҳам-касбларимиз ҳам оз эмасди.* Ҳ. Тожибоев, Жанговар қаламкашлар.

Ундов белгиси *тлш.* Ундов гап охирига қўйиладиган белги(!). **Ундов гап** *тлш.* Ҳис-ҳаяжон ифодаловчи гап. **Ундов сўз** *тлш.* Ҳис-ҳаяжон, ҳайдаш, чақирик каби маъноларни ифодаловчи сўз, мас., *тисс, чу, оҳ, вой.*

УНДОВЧИ **1** **Ундамоқ** *фл. сфдш.* Ёхуд қари отасининг сабр-бардошга ундовчи насихатлари.. *йўлига гов эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 этн. Тўй куни келиннинг ота-онаси томонидан кўёв ва унинг меҳмонларини келиннинг уйига таклиф қилиш учун юбориладиган вакил.

УНДОШ: ундош товуш *тлш.* Оғиз ва бўғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учраб ҳосил бўладиган, таркиби фақат шовқиндан ёки овоз ва шовқиндан иборат бўладиган товуш. Мас., **б, в, д** товушлари.

УНДОҚ *с.т* Ундай. *-Ҳа-ҳа, ундоқ дегин, — деди Ефим Данилович чўзиб, гўё мушкул бир масалани зўрға тушуниб олганди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УНИВЕРМАГ [*р.* «универ(сальный) маг(азин)» бирикмасининг қисқартмаси] Хилма-хил кенг истеъмол товарлари (кийимлар, уй жиҳозлари, хўжалик товарлари),

жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи чакана савдо корхонаси. *Марказий универмаг.* ■ *Домла бозор қилишни, магазинга киришни жинидан баттар ёмон кўрар эди, кимдир уни универмагда.. кўрибди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

УНИВЕРСАЛ **I** [*лот.* universalis — умумий, кенг қамровли, кўп томонлама] **1** Кўп ёки ҳамма нарсани ўз ичига қамраб олган; ҳар тарафлама. *Универсал билим. Универсал билимга эга одам. Универсал магазин.* ■ *Сандий маълумот жиҳатидан универсал бўлишни яхши кўради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Бир неча хил ишни бажаришга мосланган. *Универсал станок.*

УНИВЕРСАЛ **II** *с.т.* Бир неча хил ишни бажара оладиган трактор. *Культивация қилиб, жўяк оладиган универсал иши устидан алоҳида назорат ўрнатилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Универсалнинг тишли катта гилдираклари ҳовлини теша билан чопгандай қилиб юборибди.* М. Мансуров, Ёмби.

УНИВЕРСАЛЧИ Универсални бошқарувчи шахс (*қ. универсал II*).

УНИВЕРСАМ [*р.* «универса(льный) м(агазин)» бирикмасининг қисқартмаси] Озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, баъзи бир хўжалик товарлари билан савдо қилувчи, истеъмолчилар талабларини тўла таъминлаш учун хизмат қиладиган йирик магазин.

УНИВЕРСИАДА [универс(итет) + (олимп)иада] **1** Талабаларнинг бутунжаҳон спорт мусобақалари.

2 Ўзбекистонда: «Талаба» спорт уюшмаси ташкил қиладиган оммавий мусобақа. *«Универсиада-2002» мусобақаларининг сўнгиди шаҳарнинг марказий стадионида спорт шон-шарафи музейи очилди.* Газетадан.

УНИВЕРСИТЕТ [*нем.* Universität < *лот.* universitas, universitatus — жами, барчаси; йиғинди, жаммуа] **1** Таркибида бир қанча табиий-математик ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги факультетлари бўлган, аynи йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган кўп тармоқли олий ўқув-илмий муассаса. *Ўзбекистон миллий университети. Университетга кирмоқ.* ■ *Мен сизни университетда ўқитаман, аспирантурада ўқитаман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

2 Умумий маълумотни ва сиёсий билимни ошириш соҳасидаги бир қатор ўқув муассасаларининг номи. *Халқ университети.*

3 *кўчма* Билим, малака, тажриба ва ш.к. ни эгаллаш, ошириш учун манба бўлган даргоҳ, жой. *Қизилқум кўпгина йигит-қизлар учун университет ҳам бўлди.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини. *Чўл ўнлаб, юзлаб ёшлар учун жасорат, қаҳрамонлик, фидокорликнинг ажойиб университетига айланди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

УНИКАЛ [лот. unicus — яккаю ягона, бирдан-бир] қ. **нодир, ноёб.** *Уникал қўлёзма. Уникал асар. Уникал тажриба.*

УНИТАР [фр. unitaire — ягона, яхлит < лот. unitas — birlik; бирлашиш]: **унитар давлат** Давлат тузилиши шакли; бунда бутун давлат ҳудуди, федерациядан фарқи равишда, ўз таркибда федератив birlikлар (республикалар, штатлар ва ш.к.)га эга бўлмайди, балки давлат суверенитети аломатлари бўлмаган маъмурий-ҳудудий birlikлар (департаментлар, вилоятлар, туманлар ва б.)га бўлинади.

УНИФИКАЦИЯ [лот. uni, unus — бир + facere — қилмоқ]: **унификация қилмоқ** Ягона тизимга, шаклга, бир хилликка келтирмоқ; уйғунлаштирмоқ. *Машина деталларини унификация қилмоқ. Алифбони унификация қилмоқ.*

УНИФИКАЦИЯЛАШТИРМОҚ айн. **унификация қилмоқ** қ. **унификация.** *Илмий терминологияни унификациялаштирмоқ.*

УНЛИ I Уни бор, ичига ун солинган. *Унли қон.*

УНЛИ II: **унли товуш** тлш. Оғиз ва бўғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамай ҳосил бўладиган, таркиби овоздан иборат (шовқин деярли иштирок этмайдиган) товуш. Мас., **а, и, о** товушлари.

УНМОҚ I Ривожланиб, бошланғич поя ва баргчалар ҳосил қилмоқ; ниш ҳолати юз бермоқ (экилган уруғ ҳақида). *Орадан кўп вақт ўтмади, янги нав уруғ униб чиқди.* Н. Сафаров, Дон.

2 Ўсиб чиқмоқ, ўсмоқ. *Яккам-дукам унган маккажўхори ниҳоллари, парвариш нималигини билмай, қисилиб ётибди.* «Муштум». Саҳролар кўйида чаманлар униб.. Уйғун.

3 Юзага келмоқ, ҳосил бўлмоқ, етишмоқ. *Қунт билан ўрган ҳунар, Ҳунардан ризқинг унар.* Мақол. *Тер тўкиб меҳнат қилсанг, Ердан ҳатто зар унар.* Мақол. ■ *Ер ўтди-ми, улар ҳам ҳозирдан бизга ўтади.* Ҳаммаси ердан унган нарсалар.. «Шарқ юлдузи».

4 Жисмоний етук ҳолга келмоқ, улгаймоқ, етилмоқ. *Отни тойчалигида кўрган киши, у от бўлгач, кўрса танимаганидек, эшон ҳам ўн йил ичида ўсиб, униб, тамом бошқа қиёфага кирган йигитни таний олмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Қисташ, талаб қилиш, таъсир кўрса-тиш натижасида қўлга кирмоқ (қарз, насия, зиёфат ва ш.к. ҳақида). *Қарз унди.* ■ *Ҳаммасини ундирамиз. Қани, унмай кўрсин-чи!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мирослав ютқизган зиёфат унадиган бўлибди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

6 Яхши натижа бермоқ, унумли бўлмоқ. *Шошганинг иши унмас.* Мақол. ■ *Энди, хўжайин, иш унсин десангиз, ошни пешинга дамлатасиз.* Т. Алимов, Жоним ҳиқилдоғимга келди.

УННАМОҚ I Бирор нарсанинг ҳаракатини қилмоқ, унга киришмоқ (асосан, овқат, таом билан боғлиқ иш-ҳаракатлар ҳақида). *Санобархон эрта туриб, тандир сомсага уннаб кетди.* Файратий, Йўқлов. *Хосиятхон, ҳеч нарасага уннаманг, мен узоқ ўтирмайман..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Шарифа ошхонада қозонга уннаётган эди.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси. *Ёши қайтган, хушфеъл аёл икки қизни очиқ чехра билан кутиб олди. Дарҳол дастурхон ёзиб, овқатга уннай кетди.* Мирмуҳсин, Ажрим.

2 Ҳаракат қилмоқ, уринмоқ. *Минг уннасаларинг ҳам, азалий дўстларни бир-биридан ажрата олмайсизлар.* Ё. Ҳаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт. *Булардан ташқари ҳам «Ҳамса» ёзмаққа уннаб кўрган шоирлар кам бўлмади..* Ф. Фулом, Тарихий муносабатлар.

3 Тегинмоқ. *Бай-бай-бай, бирам ширин уннадики оғзимга.* Ойбек, Улуғ йўл. *Туткилаб юрган эди, унинг қўлига этик уннади.* «Муштум».

УННИҚМОҚ Бўғиқ қора тусга кирмоқ, -Уни [Сўнагулни] ўйлайвериб, ориқлаб, унниқиб кетдим.. — деди Аҳмаджон. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Асқар полвон қорайиб унниққан эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Солининг фиғони осмонга чиқди. Бир-икки соат ичида унинг қора юзи баттар унниқиб кетди.* Ё. Шукуров, Уч савол.

УНОБИ, унноби [а. عَنَاب / عَنَاب] айн. **чilon, чилонжийда.**

УНС [а. انس — яқинлик, улфатлик, хушмуомалалик, меҳрибонлик; шодлик; самимий суҳбат] эск. кт. Яқинлик, қадрдонлик

муносабати; дўстлик. Хуллас, устод билан шогирд ўртасида самимий унс пайдо бўлиб, бир-бирларини тез-тез йўқлайдиган.. бўлдилар. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

УНСИЗ 1 эск. айн. **ундош**.

2 Товушсиз, товуш чиқармай. *Суна лабида унсиз йиғлаб, омонатгина ўтирган Лаъли бирдан онаси томон ўгирилди.* Д. Нурий, Осмон устун.

УНСУР [а. عنصر — элемент, модда; таркибий қисм; келиб чиқиш, ирқ] 1 Бир бутунни ташкил этган мураккаб нарсанинг таркибий қисми. *Неон чироқлари ёритиб турган чизмакашлик столи ёнида биринчи тўғоннинг вертикал унсурларини оққа кўчираётган экан.* «Саодат». Демак, поэтик образ ва тасвирий воситалар муайян бир услубнинг унсурларигина, холос. «ЎТА».

2 эск. айн. **элемент 1**. Кимёвий унсур.

3 эск. Маълум бир ижтимоий гуруҳ вакили. Бузғунчи унсур. *Реакцион унсур. Ёт унсур.* ■ *Орамизда бу қўрқинч ҳолатга баҳаққи тушунадиган яхши одамлар йўқ, билъакс, бузғунчи ва низочи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда халқни ҳалокат қўқурига қараб тортадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўқ, Зиёдахон она, мен унсур эмасман! Агар мени биров унсур деса, ҳақимга жуда-жуда жабр қилади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

УНТЕР-ОФИЦЕР [нем. Unteroffizier < unter — қуйи, энг кичик + офицер] Бир қанча мамлакатлар, жумладан, чор Россияси армиясида кичик командирлар таркибидаги ҳарбий хизматчи унвони.

УНУМ 1 Етиштириладиган, бўладиган, ҳосил. *Ишга қўним — хирмонга унум.* Мақол. ■ *Ер куч билан, тер билан унум беради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кечикиб экилган ғалла ҳам, чигит ҳам, Матқовулнинг кейин берган ишловларига қарамай, яхши унум қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Йиғиб бутун унумни Қайси бозорга ортдинг? Файратий.*

2 Иш, меҳнат натижаси, кўрсаткичи; маҳсулдорлик. *Устозлар тажрибасидан баҳраманд бўлган ёш чўлқуварлар юксак унум билан меҳнат қилдилар.* «Ўзбекистон қуриқлари». *Титраш таъсирида одам хаёли паришон бўлади.. ишининг унуми бўлмайди.* «Фан ва турмуш».

УНУМДОР Унум бериш, унумлилик даражаси юқори. *Тошкент қадимдан серқуёш, мусавффо ҳаволи, серсув, унумдор тупроқли шаҳар сифатида шуҳрат қозонган эди.* «Саодат».

УНУМДОРЛИК 1 Унум бериш, унумлилик даражаси. *Ернинг унумдорлиги, экинларнинг ҳосили ошади. Очлик-ночорликдан асар ҳам қолмайди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан тўйинтирилган ерлардагина унумдорлик юқори бўлишини унутмаслик керак.* «Фан ва турмуш».

2 иқт. Ишлаб чиқариш самарадорлигини акс эттирувчи, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми, сифати ва меҳнат харажатлари ўртасида миқдорий (сон бўйича) ўзаро боғлиқлик.

УНУМЛИ 1 Яхши унум (ҳосил) берадиган. Унумли ер.

2 Яхши натижали, иш-натижа кўрсаткичи яхши. Унумли меҳнат. Унумли техника воситалари. ■ *Пахтакор тадбиркор бўлиб, янги тажрибалардан унумли фойдаланса, меҳнати унумли, ҳосили баракали, турмуши завоқли бўлади.* Газетадан.

УНУМСИЗ 1 Яхши унум бермайдиган, унуми йўқ. Унумсиз тупроқ.

2 Яхши натижаси, самараси йўқ. Унумсиз машина. Унумсиз меҳнат.

УНУТ: унут бўлмоқ с.т. Хотирадан ўчмоқ, эсдан чиқиб кетмоқ, унутилмоқ. [Эътибор она:] *Худо шифо берса, ҳеч гап эмас, бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади!* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Қўни унутсанг, ўзинг унут бўлишинг жуда осон.* Р. Файзий, Балли, она қизим.

УНУТМОҚ 1 Хотирадан, эсдан чиқармоқ; эслаёлмай, билмай қолмоқ. *Бировнинг исмини унутмоқ.* ■ *Азимов ҳамма нарсани унутиб, бутун борлиги билан шахмат таситаси устига энгашиб олди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ахир орадан 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. Унутган бўлиши мумкин.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Эсига келмаслик, ёдидан чиқармоқ; эсламаслик. *Ошга туз солишни унутмоқ.* ■ *Зарифбой қимматбаҳо телпагини ҳам унутиб, отнинг бошини чўрт бурди.* С. Сиёев, Аваз. [Йўлчи] *Меҳнат учун ҳақ олишни ҳам унутиб, Ёрматнинг орқасидан кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ўзини унутмоқ Шошиш, ҳаяжон, ғазаб ва ш.к. сабабдан эс-ҳушини, ақлини йўқотмоқ. *..бирда мурувватпеша, бирда жоҳилликдан ўзини унутадиған Мухаммад Раҳимхон [Авазнинг] ҳам шафқатини уйғотар, ҳам нафратига туртки берарди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

3 Маълум муддат ҳаёлидан чиқармоқ, ўйламай қўймоқ. *Элмурод далада ўзини эркин сезар, ғам-ҳасратни унатар, юраги сиқилмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Менга қолса, у хумпар Марғилонда хотини борлигини унутиб юборган, деб ўйлайман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

УНЧА 1 Олмош вазифасида, миқдор билдирувчи сўз ёки сўз бирикмаси ўрнида (одатда, бунча, мунча сўзи билан бирга) қўлланади. *Мирзакаримбой ўйлаб қолди: Бегона курсин, сўзга қулоқ осмайди, унча бер, мунча бер, деб жанжаллашади. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Белги, миқдор, ҳаракат билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, белги, миқдор, ҳаракат даражасининг меъёрдан пастлигини, кучсиз, кам эканини билдиради; у қадар, айтарли. *Кучада одам унча кўп эмас. Шамол унча кучли эмас. Бобом унча қари эмас. ■ Соё, унча катта бўлмаса ҳам, ниҳоят тезоқар.. эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Мунисхон.. ҳаётга анчайин енгил қарайдиган, эртага нима бўлиши билан унча қизиқмайдиган одам эди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Айт, севганингни(нг) сенга парвоси йўқми унча? Э. Воҳидов.*

УНЧАЛИК айн. **унча**. Келган-кетган одамлар билан унчалик иши йўқ. Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмаджон ҳали бу овнинг гаштини татиб кўрмагани учун унчалик тажанг бўлмас эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Барно унчалик ёмон, унчалик беҳаё қиз эмас. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса.*

УНЧА-МУНЧА 1 Озроқ миқдорда; биров, сал-пал. *Қизи тушмагурнинг тили унча-мунча аллага ҳам келиб қолди. Ҳ. Фулом, Машғал. Қараса бўлмайдиган, участка қуриш вақтида унча-мунча чиқимдор бўлиб қолибди. «Муштум». Холиқова унча-мунча юридик маълумотга эга. М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат. Ўзи ҳам унча-мунча нарса йиғиб қўйган. С. Нуоров, Нарвон.*

2 Ўрта даражадаги; оддий, жўн. *Сиз унча-мунча одамнинг ишини ойдинда оёғингиз*

билан қилиб қўясиз. П. Қодиров, Уч илдиш. [Ўтбосар:] Унча-мунча машиначиларни назаримга илмай, бир кун шаҳарнинг энг машҳур тикувчиларидан бирига.. бордим. Гайратий, Эпчил куёв.

УПА 1 Гигиена ва косметика мақсадларида ишлатиладиган хушбўй ва ниҳоятда майин кукун. *Ёғ упа. Упа қутичаси. Упа қўймоқ. ■ Бозоров яшиқларни очиб қўйди: оққанд, конфет, совун, атир, упа.. Буларнинг муаттар ҳиди гуркураб, димоққа уриб, қизларни қувонтириб юборди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 кўчма Упага ўхшаш майин кукун ҳақида. *Юзингизда чангни кўрдим Гўё бўз ер упаси. П. Мўмин. Упаси кўпроқ гуручни 4-5 маротаба эринмай ювиш зарур. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

УПА-ЭЛИК Пардоз учун ишлатиладиган упа, ёғупа, сурма ва ш.к. *Хотиннинг ёши ўттиздан ошган бўлса-да, упа-элиги, пардози билан ёшироқ кўринар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Уичқаридан сочини орқасига танғиб, лабига қизил суркаб, упа-элик қўйиб чиқди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Кўп ўтмай.. Чилонзордаги магазиннинг упа-элик бўлимида ишлайётганмиш, деган гап тарқалди. Д. Нурий, Осмон устунги.*

УПОР қ. уфор. *..ғув-ғув арилар ёпишган ва кишини элитарли даражада упор пуркаган қийғос гул-чечаклар буркамиш ёнбағирларда кўклам наиғаси ҳукмрон. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.*

УПҚУН кам қўлл. Ҳаво ёки ел билан тараладиган ҳарорат (совуқ ёки иссиқ) таъсири. *Дўлнинг упқуни! Яқин бир жойда дўл ёғяпти. П. Қодиров, Қора кўзлар.*

УРА 1 [*т. урҳо-ур < урмоқ*] унд. с. Хужум қилаётган жангчиларнинг жанговар нидоси; кўтаринки руҳ билан маъқуллаш ёки хурсандликни ифодаловчи нидо, хитоб. *Қаердадир пулемёт тариллади; якка милтиқ товушлари, ура садолари келди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. У эшикдан чиқиши билан бир гала бола ё «ура!», ё «ола» деганини англаб бўлмас даражада шовқин солиб, уни ўртага олди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

УРА II Урмоқ фл. рвдш. *Лекин бу орада Алижон болта билан ура-ура, дарвоза ҳалқасини узиб юборган эди. К. Яшин, Ҳамза.*

УРА III: ура солиб Эпчиллик билан, тезда. *Ойликни тўплаб олади-ю, «хайт!» деб*

ура солиб жунайди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Ура қочмоқ** Тезлик билан, лип этиб қочмоқ. «Тўхтанг, ада», — дейиши билан «Зухра чақиряпти», деб ўйлаган Нёъматжон кув ура қочди. А. Муҳиддин, Чап чўнтак. Бола билан мен копюн томон ура қочдик. Н. Сафаров, Оловли излар.

УРАН I [юн. Uranos — Осмон; осмон маъбуди] Куёш системасига кирувчи ва Куёшдан узоклиги бўйича 7-сайёра. *Ураннынг ўндан ортиқ йўлдоши мавжуд.* «ЎЗМЭ».

УРАН II [лот. Uranium < юн. Uranos] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; радиоактив хоссага эга бўлган кумушсимон оқ металл. *Уран рудалари.*

УРБАНИЗАЦИЯ [фр. urbanisation < лот. urbanus — шаҳарга оид < urbs — шаҳар] 1 Жамият ҳаётида демократия ва маданиятнинг умумий ривожини билан боғлиқ ҳолда саноат, ишлаб чиқариш ва аҳолининг шаҳарларда тўпланиши ҳамда шаҳарлар мавқеи (роли)нинг ошиб боришидан иборат ижобий ижтимоий-демографик жараён.

2 Шаҳарга, саноат марказига хос белги ва хусусиятларнинг тарқалиши, жорий бўлиши (мас., қишлоқ жойларда).

УРВОҚ 1 Муштлаш, ёйиш ва б. жиҳатдан ишлов берилаётганда, тахтага ёки супрага ёпишмаслиги учун хамир, зувала ва ш.к.га сепиладиган ун. *Урвоғига чидаган юпқа қилади. Шухрат, Шинелли йиллар. Мол ёки қўй жигари қалинлиги 2 см ҳажмида шапалоқдек қилиб кесилгач, урвоққа беланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 *кўчма* Энг кичик бўлак, зарра. *Ҳар биримиз халқнинг бир урвоғимиз.* Ҳ. Турсункулов, Ҳаётим қиссаси. [Тилланинг] *Урвоғи ҳам кўринмайди.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

Урвоқ ҳам бўлмайди Талаб учун мутлақо етмайди, маъносидаги ибора. *Бойнинг арзимас садақаси Миркомилларнинг оиласига урвоқ ҳам бўлмасди.* «Фан ва турмуш». Қўй-эчкилар оч. Самолётда ташланган ем-хашақлар урвоқ ҳам бўлмаяпти. Газетадан.

УРЁН [а. عريان — яланғоч, очик, очилиб қолган] кт. позт. Яланғоч. *Барин, барин шилиб олгувси, Бечора халқ урён қолгувси.* М. Али. *Ғайрату ғафлат сенинг Жавлон ўзинг, урён ўзинг.* Э. Воҳидов.

УРИЛМОҚ 1 *Урмоқ* фл. ўзл. ва мажх. н. *Боши деворга урилди. Ташқаридаги эшик бир нарса билан қаттиқ-қаттиқ урилди.* ■ *Жиззали нон, исирик, қалампир, мева ҳиди димоғига урилди.* А. Муҳтор, Опа-сингиллар.

2 *кўчма* Ишидан, лавозимидан қаттиқ танқид (айблов) билан бўшатишмоқ, олинмоқ.

УРИНМА мат. Эгри чизик устига бир нуқтада тегиб ўтган тўғри чизик.

УРИНМОҚ 1 Ўзини ҳар томонга урмоқ, ҳар ёққа талпинмоқ; ҳаракат қилмоқ, интилмоқ. *Қафасда қуш уринаётир.* ■ *Бозорда юрган халқ — фуқаро ҳам кир-юпун, исқирт, ғазабли, шошади, туртинади, уринади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор ишни бажаришга киришмоқ; уннамоқ, тутинмоқ; бирор иш билан банд, овора бўлмоқ. [Назокат] *Ошга уринди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Чол ойнагини олиб, кўз ёшини артди ва яна ишга уринди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сайфини илгарироқ ишга жуънатдим-да, ўзим нимагадир уриниб, кечроқ қолиб бордим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бирор ишни бажариш, бирор нарсга эришиш ва ш.к. учун ҳаракат қилмоқ, ҳаракатида бўлмоқ. *Қиз уни [товуқни] ушлаб олгани кўп уринди, жуда қийналиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аъзам кун бўйи Муҳиддинни холироқ учратишга уриниб кўрди, бўлмади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Иложи борича унинг шегрларини ерга уришга, Ферузнинг кўзи олдида обрўсизлантиришга уриндилар.* С. Сиёев, Аваз.

4 Ҳолдан тоймоқ; чарчамоқ; қийналмоқ. [Ўғил:] *Жон она, ўзим йўлда жуда уриниб келдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бироз кутмабсиз-да, қори ака, иссиқда анча уриниб қолибсиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кумушбиби.. оғриқлардан шикоят қилиб юрар, шунинг учун онаси «тинч ухласин, ортиқ уринмасин!» деб бугун намозга ҳам уйғоттирмаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *кўчма* Асли ҳолатини, сифатини йўқотмоқ; эскирмоқ. *Уринган рўмол.* ■ *Уйга уриниб, эзилиб қайтиб келган нонни ейдиган одам йўқ.* С. Аҳмад, Нон-насибамиз ҳақида. *Мактуб анчагина уринган, қоғоз шалақлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Чопон] *Жуда янги бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда уринмаган..* Т. Малик, Ажаб дунё.

Сўз уринмоқ Сўз айланмоқ, сўз тегинмоқ. Сўз уринди, сўздан сўз чиқди, ниҳоят, ҳожининг кутганидек, ўғил ҳасрати ҳам бошланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УРИНЧОҚ 1 Ҳар ишга уринаверадиған, серҳаракат; тиришқоқ. Масъудахон уринчоқ қиз эмасми, бу касбнинг паст-баландига тезда тушуниб олди. Газетадан.

2 Тинч турмайдиган, уринаверадиған, тек турмас. Уринчоқ бола.

УРИШ 1 Урмоқ фл. ҳар. н. Юрак уриши.

2 Ўзаро жанжал, можаро. Уриш, қўйди-чиқди ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи уришлар шундай арзимаган нарсадан чиқадики, орадан совуқ гаплар ўтиб, «ҳордиқ чиққандан кейин», уриш нимадан чиққанини на эр эслай олади, на хотин. А. Қаҳҳор, Асарлар. Уриш, жанжал кўпаймасин, деб бутун дардимни ичимга ютаман. Ойбек, Танланган асарлар.

УРИШИҒЛИ Ўзаро чиқишолмаслик, жанжаллашиш туфайли муносабати бузилган; кўришмайдиган, гаплашмайдиган. -Мен қув эмасман! — деди кулиб Кумуш. — Мен ҳали уришиғли ҳолдаман, ярашганим йўқ! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УРИШМОҚ 1 Урмоқ фл. бирг. н. Ёмон уришдими? Ўлдиришдан ҳам тоймайди бу безорилар. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Кўплашиб уларни отларига миндиришди-ю.. отларнинг сағрисиға хипчин уришди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Уст-боши юпун йигитлар, чоллар қулоқларини рўмол билан боғлаб олиб, кетмон уришади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Ёқалашмоқ, олишмоқ. Бизнинг ўғил кўп яхши-да: биров билан уришмайди, папирос чекмайди.. А. Қаҳҳор, Асарлар. -Шариат номидан фатво берманг! — деди мулла Абдужалил, худди уришишга тайёрланаётган хўроздай бўйини чўзиб. «Муштум».

3 Ёмон, ҳақоратли сўзлар билан бир-бирини койимоқ, бир-бири билан айтишмоқ. ..Масъума бека ўртага тушиб: -Уришманглар, бир-бирингизга қаттиқ гапирманглар.. — деди. Мирмуҳсин, Меъмор. Фалокат босиб эр-хотин уришиб қолишди. Охир бўлмачи, ажралиб кетишди. Газетадан.

4 Насихатомуз, қаттиқ гап-сўз айтмоқ; койимоқ. Қайтиб бормайман, деган экан, Зиёдахон уришибди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Менинг ойим бир ёқдан, уй ишларига ёрдамлашмадинг, деб уришади, бир

ёқдан, қўлингни совуқ сувга урма, дейди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

5 Жанг қилмоқ, жангга қатнашмоқ. У [Мирзаев] оддий қисмда оддий аскар бўлиб уришиб юрганида, бўлинма командири.. [унга] бир совға берди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Дадам Берлин қулагандан кейин Узоқ Шарққа бориб, японлар билан ҳам уришибди. С. Сиёев, Ёруғлик.

УРИШТИРМОҚ 1 Уришмоқ фл. орт. н. Маҳалла болалари, ўстирин йигитлар юнги ҳурпайган икки катта кучукни уриштирдилар. Ойбек, Танланган асарлар. Сидиқжоннинг хотинини чақиртириб, икковини уриштирганинг.. нимаси? А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Сайил кунларида.. савдо-харид, баъзида курашу дор, қўчқор уриштириш ҳам авж оларди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Бир-бирига урмоқ, тегизмоқ (асосан, қадах ҳақида). Темиржон эса қадах уриштириш у ёқда турсин, ақлини йўқотиб, хо-муш ўтирарди. Ж. Абдуллахонов, Орият. -Институтни муваффақиятли тугатганингиз учун! — деди Рашид ва [пиёласини] Муҳаррамнинг пиёласига уриштирди. Шухрат, Шинелли йиллар.

Кўз уриштирмоқ Бир-бирига маънодор қараб қўймоқ; тикилмоқ. Бектемиров кулди. Бўйини чўзиб, одамлар орасидан чолни топиб, кўз уриштириб олди, кейин имлаб, ёнидан жой кўрсатди. С. Аҳмад, Ҳукм. Пул уриштирмоқ Пулни ишга солмоқ, пулни айлантirmoқ (савдода). Бу катта бозорда пул уриштириб бойийдиганлар, корчалонлар, уддабуронлар тўлиб-тошиб ётибди. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. Сўз уриштирмоқ Сўз талашмоқ, баҳслашмоқ. -Раҳбар билан сўз уриштириб чакки қилдингиз, отам, — деб тўсатдан гина қилди Оймихон. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳарф уриштирмоқ Ҳарфларни бир-бирига қўшмоқ, боғламоқ. Китоб саҳифасидаги катта қора ҳарфларни овоз билан бир-бирига уриштириб, бир маъно чиқариш қишлоқ меҳнаткашлари учун ҳар қандай завқдан ортиқ эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

УРИШҚОҚ 1 Арзимас баҳона туфайли кишилар билан уришаверадиған; жанжал чиқараверадиған; жанжалкаш. Уришқоқ бола. ■ Гулнор қайналарнинг кўпининг бадфеъл, уришқоқ бўлишини яхши билса-да, Йўлчининг онасини меҳрибон, кўнгилчан, гоят

самимий бир қайнана каби тасаввур қилди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Уришадиган, зўр, зўравон. Шу пайт обдан боқилиб совитилаётган уришқоқ хўрозлар меҳмонлар ўтирган уй деразасига келиб, ўз акслари тушган ойнани чўқий бошладилар. «Муштум».

УР-ЙИҚИТ Жисмоний куч қўлланадиган тўполон, ола-ғовур; муштлашиш; бир-бирини ўлдириш; қирғин. *Қоронғи уйда ур-йиқит, муштлаш, отишма, дод-вой бошланди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Кайфи хийла даражага етган бек ур-йиқит орасидан эсон-омон чиқиб, отига базўр миниб олди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Муштлашиш, ур-йиқитни миришаблар ҳам босолмади. Мирмуҳсин, Қахрамон-нома.*

УР-КАЛТАК 1 айн. ур-йиқит.

2 Жиноятчини, айбдор шахсни, давлат рухсатисиз, ўзбошимчалик билан жазолаш, уриш. *..ғазабга келган оломон, эликбошилар, рўйхатчи мирзаларни ур калтак-сур калтак қилиб, тарқатиб юборди. К. Яшин, Ҳамза.*

УРМОҚ 1 Қўл ёки бирор восита билан зарб бермоқ. *Бола итни урди. ■ Ота писмиқ юзуриб келиб, бошимга шақ этиб уриб қўйди. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Бектемир милтиқ қўндоғи билан унинг пешонасига бир урди. Душман ишлқ этиб тушиди. Ойбек, Куёш қораймас. Аҳмад ҳалқани урди, эшик шу заҳоти очилди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

2 Калтакламоқ, дўппосламоқ. *Мени Писмиқ майна қилгани-ю, мен уни чала ўлик қилиб ураним-у.. Ҳаммаси ўша кунёғ бугимнинг қулоғига этиб келди. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Уни уриб, озор берманглар, унда гуноҳ йўқ, бу бир англашилмовчилик! Мирмуҳсин, Меъмор.*

3 Тигли қуроллар (қилич, найза, ништар) билан солмоқ (санчмоқ, тикмоқ, чопмоқ). *Ништар урмоқ. Пичоқни аввал ўзинга ур, оғримаса, бировга ур! Мақол. ■ Бектемир бургутдай сапчиб, душман қорнига найза урди. Ойбек, Куёш қораймас. Убеҳос ёндан келиб, фарғоналикнинг елкасига қилич уриб, отдан қулатди. Мирмуҳсин, Меъмор. Робиянинг оёғидан қучоқлаб олган қисик кўзли йигитнинг биқинига ханжар урди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

4 Мўлжалга олиб тегизмоқ; отмоқ. *Нишонга аниқ урмоқ. Икки юз метрдан мўлжалга урмоқ. Бир кесак билан икки қаргани*

урмоқ. Мақол. ■ ..бу қадар мерганлик билан ураётган батареянинг кўзи — кузатувчиси-ни немис пайқайди-ю, бир снаряд билан ғарамнинг кулини кўкка совуради. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 Тегмоқ, урилмоқ. *..олмазор боғлардан тутун кўтарилиб, димоққа болаликдан таниш бўлган аччиқ тезак ҳиди урди. О. Ёкубов, Излайман. Гулнорнинг ғойиб бўлиши Йўлчиға яшин урган каби таъсир кўрсатди. Ойбек, Танланган асарлар. Қудуқ тубидан ураётган салқин хуш ёқиб, Отамурод бирпас ўтирган бўлди. М. Мансуров, Ёмби.*

6 Шиддат билан ёғмоқ. *Дўл урди. ■ Шу куни бутун кун ёмғир майдалаб уриб турди ва кечга яқин қорға айланди. А. Қаҳҳор, Сароб. Чапараста ураётган қор кўз очиргани кўймайди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

7 Бир нарса орасига, ичига солмоқ, жойламоқ; беркитмоқ. *Газетани қўлтиғига урмоқ. Қўлини чўнтагига урмоқ. Нарсаларини сумкасига урмоқ. ■ Биз тоғ камарига киришимиз билан чол садақани чўнтакка уриш учун ўзини чордевор ичига олган эди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

8 Ювиб ўпирмоқ, емирмоқ, бузмоқ. *Тошқин урди. ■ Бу йилги сел бугун сойнинг у томонини олса, эртасига бу томонини уриб кетаверди. Й. Шамшаров, Бўрк меъморлари. Қоровул шўра ва ялпизларни ўриб, сув урган жойга тикча бошлади. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.*

9 Зарб билан ҳаракат қилмоқ, тепмоқ. *Беморнинг томири билинар-билинмас уриб турар эди. ■ [Болтабой] Отдан тушиб, уни дарахтга боғлар экан, уй ичидан чиққан «инга-инга» деган товушни эшитиб қолиб, юраги дуқилиб урди. Ж. Шарипов, Саодат.*

10 Айрим сўзлар билан қўлланиб, шахс ёки нарсага шу сўзлар билдирган нарсанинг таъсири ўтиши маъносини билдиради. *Чалақудуқ деган жойда Давроновни офтоб уради. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. Қўндаланг культивация ҳозир сув билан ҳаводай зарур. Шу бўлмаса, қалин кўчатларни гармсел уради. И. Раҳим, Ихлос.*

11 Лой, кесак, ғишт ва ш.к. ни тартиб билан термоқ; териб, қалаб, бирор нарса қурмоқ, бунёд қилмоқ. *Пахса урмоқ. Токчани урмоқ. Тешикни урмоқ. Эшик ўрнини урмоқ. ■ Кечгача қалтираб девор урдик. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.*

12 Солмоқ, қуймоқ, босмоқ. Эшакка нұх-та урмоқ. Отга эзар урмоқ. ■ Бир неча солдат келиб, махбусларни ушлади, ясовул ҳаммасининг қўлига кишан урди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Қўтос тақиб бўйни узун жийронга, Қирқ қуббали юган урди бошига. «Равшан».

13 Ўзини бирор жойга олмоқ. ..артистлар ўйин кўрсатади, аммо, оғайнилар, сичқоннинг уни минг танга деб, ертўлага уриб кетманглар тағин. Й. Шамшаров, Тошқин. Одамлар жон ҳовучлаб, ўзларини ўрмонга урадилар. Ойбек, Куёш қораймас.

14 с.т. Тўла истеъмол қилмоқ; емоқ, ичмоқ. Шароб — узум сувидан тайёрланидиган ажойиб ичимлик, ўзи хуштабм, бир коса уриб олсангиз, вақтингиз чоғ бўлиб кулаверасиз. М. Осим, Тўмарис. Қани, нонни синдириб, қаймоққа булаб-булаб уриб олингларчи. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

15 Ўз фойдасига олмоқ, ўзиники қилмоқ; ўғирламоқ. ..деҳқонлар билан суҳбат қилиб, пахтафуруш бойларнинг ҳам тоштарозидан, ҳам нархдан уриб, уларни куйдиришларини билиб олар.. эди. К. Яшин, Ҳамза. -Бугун подшонинг хазинасини урамиз. Шайланнинг, йигитлар! — деди. «Чалпак ёққан кун».

16 с.т. Танқид қилмоқ, қораламоқ. Отабувамни ковлаб, газетага уриб чиқишди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

17 Ж.к. билан келган баъзи отларга боғланиб, ниманидир шу отдан англашилган жойгача еттанлигини билдиради. Қўлф уриб яшнаган беда белга уради. Лой тиззага уради. Сочи тақимиға урадиган қиз. ■ Майдонда бизникилар кўринмас эди. Қор белга урар эди. Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши.

18 Баъзи сўзлар, жумладан, мустақил қўлланмайдиган сўзлар билан бирикиб, шу сўзлар англатган нарсанинг юз бериши, бўлиши маъносини билдиради. Жўш урмоқ. Барқ урмоқ. Қулф урмоқ. Жавлон урмоқ. ■ Умрида қўлига қилич ушламаган қўпол ўғлининг юрагида жанг ва ғалаба сурури тугён урарди. Мирмуҳсин, Меъмор. Яхши парварии қилинган ғўзалар мавж уриб ривожланяпти. Газетадан.

19 Миқдор (санок) сонлар билан қўлланиб, шу сон билдирган ёшга кирганлик маъносини билдиради. Ҳаш-паш дегунча қирқни уриб қўйибмиз. ■ Похол устида..

афтидан, етмишларни уриб қўйган кампир ўтирарди. Н. Фозилов, Дийдор. Худо ёрлақаса, ҳадемай саксонни уради. С. Сиёев, Ёруғлик.

Бало урмоқ Бирон-бир шикаст емоқ, ёмонликка учрамоқ. Жони ҳам, боши ҳам метин экан, шунча санчаман, Гулнорга бало урганини эшитганим йўқ. Ойбек, Танланган асарлар. **Бош уриб келмоқ** Нажот излаб, паноҳ истаб келмоқ. Бош уриб келдим ҳузурингга.. У. Исмоилов, Сайланма. **Ерга урмоқ қ. ер. Жигардан урмоқ** Шайдо қилмоқ, ишқ-муҳаббат уйғотмоқ. Таксирни ҳам урибди-ку жигардан, Мажнун бўлиб кетманг яна саҳрога. Ҳ. Олимжон. **Йўлдан урмоқ қ. йўл. Меъдага урмоқ (ёки тегмоқ) қ. меъда.** Сертаманно кеккайган таннозлар ёҳуд нима десанг кўнаверадиган чўрисифат лақмалар дарров меъдага уради. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Юракдан урмоқ айн. жигардан урмоқ.** Юракдан биринчи марта урган ишқ-муҳаббат кимнинг эсидан чиқади.. С. Зуннунова, Янги директор. Биронтаси юрагиндан ургандир, бўлмаса, қандай шамол учирарди сени бемаҳалда бу ёққа. «Гулдаста». **Ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам урмоқ қ. ўт. Қўл урмоқ** 1) айн. қўл тегизмоқ 1. қ. қўл. Авазнинг қисташига қарамай, қайтиб ҳандалакка қўл урмади. С. Сиёев, Ёруғлик; 2) бирор иш, нарсасга даҳл қилмоқ, тутинмоқ, киришмоқ. Ахир у қўл урган иш битмай қолмайди-ку. «Гулдаста». Ҳар қандай қинғир иш қиладиган одам, аввало, ўзига суянчиқ топиб олади, кейин хиёнатга қўл уради. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

УРНА [лот. urna — кўза, ваза] 1 Махсус куйдирилган мурда хоки сақланадиган идиш.

2 Яширин сайловда бюллетенлар ташлаш учун мослаштирилган махсус қути, яшиқ.

3 Турли чиқинди, папирос қолдиқлари ташланадиган махсус идиш.

УРНАМОҚ қ. уннамоқ, уринмоқ. Яна ишга урнаб кетди. М. Исмоилий, Фаргона т.о. Ҳасанали паловга урнаш учун ташқарига чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қани, нонга қаранглар. Жамолiddин, ё ошга урнаб юборайми, а? М. Исмоилий, Фаргона т. о.

УРОЛОГ Урология мутахассиси, врач, шифокор.

УРОЛОГИК Урологияга оид. Урологик кабинет. Урологик клиника.

УРОЛОГИЯ [юн. урол — сийдик + logos — таълимот] Клиник тиббиётнинг сийдик аъзолари системасини, жинсий аъзолар касалликларини, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганувчи, шунингдек, бу касалликлар диагностикаси, давоси ҳамда олдини олиш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

УРПОҚ с.т. Урвоқ. Урпоғингда бўлса, уруғингга татийди. Мақол. ■ ..мактаб қўлидан кетса, сўфиликдан келадиган даромади тирикчиликка урпоқ ҳам бўлмас экан. А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар.

УР-СУР Тортишувли жанжал, тўполон; муштлашиш, уриш. Умуман айтганда, маҳалла аҳил, аммо гоҳо хонадонлар орасида олди-қочди ғийбат, ур-сурлар бўлиб туради. Ойбек, Болалик. Неча-неча қонли жанг, ур-сур бўлса ҳам, Лекин тетик қоядай турди мустақкам. Шўхрат. Шу аснода кўчада бирдан ур-сур бошланиб кетди. Ойбек, Нур қидириб.

УРТМОҚ эск. Ўраб олмоқ, қопламоқ, беркитмоқ. Хотин бошини катта рўмол билан уртиб олди. Китобларни қоғоз билан уртиб қўймоқ.

УРТУК эск. Сиртдан қоплаб турувчи парда. Лойқа сув қуксида пуфакдек оқиб, Қаерга босарсиз, енгил кўпиклар. Бир чўп ё бир хасга илашмак билан Йиртиларди юздан сирли уртуклар. Файратий.

УРУШ 1 Қабилалар, давлатлар ёки ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги уюшган қуролли кураш. Фуқаролар уруши. Иккинчи жаҳон уруши. ■ Урушнинг иккинчи йили отаси армияга кетди-ю, қўлида ҳунари йўқ она икки бола билан қолди. П. Қодиров, Уч илдиз. Ҳар эшикда бир қайғу санқир, Қора уруш узоқ чўзилди. У. Кўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

2 Томонлар ўртасида қуролли жанг, тўқнашув. Аҳмаджон шериклари билан урушдан хийла узоқда дам олиб ётган бир қисмга келиб тушди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Кечки соат тўртлар, асрдан бироз эртароқ ҳукумат аскарлари билан халқ орасида уруш бошланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

УРУҒ 1 Ўсимликнинг муртақ, озиқ моддалари ва қобикдан иборат ҳосили; дон, тухум. Сочилган уруғ униб чиқди. Бемаза қовуннинг уруғи кўп. Мақол. Тер тўкиб, сочсанг уруғ, ер сени қўймас қуруғ. Мақол. ■ Қўклам-

да она-бола тоғ этагидаги қўриққа чиқиб, белкуррак билан ер ағдариб, лалми бугдой экишди, лекин қўроқчилик бўлиб, уруққа ҳам чув тушишди. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Жониворлар, ҳашаротларнинг жинсий ҳужайраси; тухум. Бир чуғурчуқ бир кунда ўн мингтагача ҳашаротни ейди. Ҳашарот эса, йўқ бўлиб кетмаслиги учун, миллионлаб тухум қўяди. С. Нуров, Нарвон.

3 Ипак қурти капалагининг тухуми, қурт уруғи. Самарқанд қурт уруғи заводи фақат оқ пилла ўрайдиган ипак қурти уруғлари тайёрлай бошлади. Газетадан.

4 биол. Эркалар жинсий беши ишлаб чиқарадиган, жинсий ҳужайралардан иборат суюқлик; сперма, маний.

5 кўча Кўпайтирадиган, кўпаядиган, урчийдиган нарса. Болалагида унинг миясига илм уруғи қадалса, кейин сермева дарахт бўлиб униб чиққай. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. Низомулмулк фитна уруғини узоқни мўлжаллаб, жуда махфий сепмоқда. Ойбек, Навоий.

6 (3-ш. бирл. шаклида: уруғи) Айрим сўзлар билан қўлланиб, шу сўз англатган нарсаси ёки шахс тоифаси, кўплиги маъносини билдиради; зоти. Бўлса булар, бўлмаса — хотиннинг уруғи Ҳиротдан келган эмас! А. Қаҳҳор, Асарлар. Дунёда китоб уруғи борки, ҳаммасини ўқиб бўлдим. «Муштум».

7 Бир ота-бободан, бир аجدоддан келиб чиққан кишилар гуруҳи; авлод. Бир уруғданмиз.. алоқаларимиз бузилмасин. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча. Султон Аҳмадбек орага одам қўйган. Бутун уруғлари билан сизнинг марҳаматингизга мунтазир. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

8 Ибтидоий жамоа тузумида: ўзаро қонқардош бўлган кишилардан иборат дастлабки асосий ташкилот, уюшма, жамоа. Илгари оқсоқоллар бошчилигидаги ҳар бир уруғ ўзини бир-биридан юқори қўяр, бир-бирининг одатидан, тилидан қўлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Широқ бизнинг уруғдан. Ўзи эртачки, дostonчи доно чол. М. Осим, Широқ.

Анқонинг уруғи қ. анқо. Уруғини ўйнатмоқ Ниҳоятда азоб бермоқ. Бир томчи қонинг қолгунча уруғингни ўйнатади. С. Исмоилзода, Темур. **Уруғини қуритмоқ 1)** авлоди билан қириб юбормоқ. [Умарали:] Нусратилла ака, мен-чи.. мен ҳар қандай душманингизнинг уруғини қуритаман. А. Мухтор,

Опа-сингиллар; 2) батамом йўқ қилиб юбормоқ. [Дадажон:] Муродова яна бир-икки йил турадиган бўлса, чилимнинг уруғини ҳам қуритадиганга ўхшайди. И. Раҳим, Ихлос.

УРУҒДОН 1 анат. Одам ва ҳайвонлар эркагида уруғ ҳужайралар — сперматозоидлар шаклланадиган жинсий безлар.

2 бот. Ўсимликнинг уруғ етиштирувчи ва сақлаб турувчи қисми, қобиғи.

УРУҒДОШ Бир уруғ аъзоси, уруғ. *У билан уруғдошимиз.* ■ *У [Ойнагул] ҳам ёвмут қизи. Ўз уруғдошини беҳуда йўқотишмас.. — деди Фарҳод Дурдига. А. Ҳакимов, Илон изидан.*

УРУҒЛАМОҚ 1 қ.х. Уруғ ҳосил қилмоқ. *Беда уруғлай бошлади. Пиёз иккинчи йили уруғлайди.*

2 кўчма Кўпаймоқ. *..иллатларнинг уруғлаб кетишига.. кўпчиликнинг лоқайдлиги ҳам сабабчи. Газетадан.*

3 шв. айн. **қўзиламоқ** II. Қўлидаги пиёла-ни кўриб.. хумда уруғлаб ётган ёғидан тўлдириб берди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

УРУҒЛАНМОҚ биол. Уруғ (сперма) билан қўшилмоқ (она тухум ҳужайраси ҳақида) Ҳомиланинг ривожланиш жараёни тухумдонда уруғланиш билан бошланади. «Фан ва турмуш»..

УРУҒЛИ Уруққа эга, уруғи бор. *Майда уруғли ўт.*

УРУҒЛИК Уруғ (экиш) учун ажратилган нарса (дон, мева, ҳосил ва б.). *Уруғлик чигит. Уруғлик картошка.* ■ *Самарқанд деҳқонлари очарчиликда уруғлик донларини еб қўйган эмишлар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

УРУҒХОНА Уруғлик сақланадиган жой.

УРУҒЧИ қ. уруғшунос.

УРУҒЧИЛИК 1 Ўсимликшуносликнинг навли уруғ етиштириш иши билан шуғулланувчи соҳаси; тармоғи; уруғ тайёрлаш. *Уруғчилик хўжалиги.* ■ *Ҳа, айтгандай, устод шу яқин кунларда уруғчилик совхозига келар эканлар. Хат олдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Пахтачиликнинг истиқболи ҳақида ўйламайдиган калтабин ходимгина уруғчилик ишини ташкил этишга менсимасдан қараши мумкин. Ш. Рашидов, Бўрдондан кучли.*

2 Уруғ ажратиш, уруғларни бир-бирига зидлаш (қ. **уруғ 7**). *Қулжон эшон, Мулламуҳаммад, Нафас Охунлар ўтакетган мута-*

ассиб, жоҳил бўлганидан, уларда қабила, уруғчилик таъсири кучли. А. Ҳакимов, Илон изидан. Энди, ана шу касофат уруғчилик зимдан ўртага тушиб, ишнинг белига тепади. П. Турсун, Ўқитувчи.

УРУҒШУНОС Уруғ етиштириш, уруғчилик билан шуғулланувчи мутахассис, олим. *Селекционерларимиз ва уруғшуносларимиз олдида жиддий вазифалар турибди. Газетадан.*

УРУҒШУНОСЛИК Уруғлар тўғрисидаги фан, уруғчиликнинг назарий асоси; агрономиянинг бир бўлими.

УРҒ [а. عرف — эътироф, баҳо бериш; расм, одат, таомил; ўрганиш] Умум томонидан қабул қилинган ва амал қилинадиган тартиб-қоида; расм, таомил. *Ҳар бир халқнинг ўз урғи бор.* ■ *Биз кўпинча ажойиб, кўрилмаган, ҳалигача урғ бўлмаган ранго-ранг гулларни дасталаганда.. қайси боғда битган-у боғбони ким? деб суриштириб ўтирмаймиз. Газетадан. Пошша хола эғнида эса шаҳар урғидан чиқиб қолган қора духоба чопон. Д. Нурий, Осмон устун.*

УРЧИМОҚ Кўпаймоқ, кўплаб насл юзага келтирмоқ. *Пашша жуда тез урчидиган ҳашаротдир.* ■ *..яйловда урчиётган чорва моллари ҳам давлат ва жамоат бойлигидир. Н. Сафаров, Оловли излар*

УРЧУҚ 1 Толалардан қўлла ёки машинада ип йигириш, пишитиш учун ишлатиладиган мослама ёки қурилма; дук. *Қўрғоннинг ичида бир неча қора уй қатор тикилан ва буларнинг олдида ёш болалар икковлашиб.. туя юнгидан урчуқ билан ип йигирадилар. С. Айний, Қуллар.*

2 Тўқимачилик саноатида: ип йигирув машиналарининг ипни пишитиб ўрайдиган қисми; дук, йиг. *Бир кило.. пахта чит бўлиб тўқилгунча Минглаб моки отилур, минглаб урчуқ айланур. Ғ. Фулом. Улар пиллакашлик фабрикасининг кенг, ёрғ корпусларига кириб, мингларча урчуқларга майин ипак толалари ўраётган йигит ва қизларни кўришибди. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.*

УРҒОЧИ Эркакка қарама-қарши жинсли (ҳайвон, жонивор). *Урғочи айиқ. Урғочи бузоқ.*

УРҒУ тлш. Турли фонетик воситалар (мас., овозни кучайтириш) орқали бўгин ёки сўзни ажратиш, шу ажратишга хос кучли талаффуз.

Урғу белгиси Урғули унли устига қўйиладиган диакритик белги. **Урғу бермоқ** Нутқ жараёнида бирор сўз ёки унинг қисмига алоҳида диққат жалб этиш мақсадида уни бошқаларидан ажратиб, кучлироқ айтиш. *Мамажон ака унинг [инженернинг] «ўртоқ» сўзига урғу берганини сезди. А. Мухтор, Опасингиллар. Рўпарадаги ошхона ойнасидан мўралаган ошпаз хотин «д» ҳарфига урғу бериб деди: Келдила Сиддиқ акангиз. «Муштум».*

УРҒУЛИ Урғуга эга, урғу тушган, урғу билан айтилган. *Урғули бўғин. Урғули унли.*

УРҒУСИЗ Урғуси йўқ, урғу тушмаган. *Урғусиз бўғин.*

УСКУНА [ا. اسكنه] 1 Муассаса, корхона учун зарур бўлган нарсалар, ашё; жиҳоз. *Ошхона ускуналари. Мактаб ускуналари. Лаборатория ускуналари.* ■ [Ғуломжон:] *Таксирим менинг мактабимни ғорат қилдим, ускуналарини ёндирдим, деб хурсанддирлар. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган медицина-санитария маркази қуриб, фойдаланишга топширилди. С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.*

2 Касб-ҳунар амалиётида зарур бўладиган қурол ва мосламалар. *Дурадгорлик ускуналари. Наққошлик ускуналари.*

УСКУНАЛАМОҚ Зарур нарсалар, асбоб, қурол ва ш.к. билан таъминламоқ, ускуналар билан жиҳозламоқ. *Лабораторияни янги техника билан ускуналамоқ.* ■ *Электрстанция қуриш. Заводингизни ускуналанг. Н. Сафаров, Уйғониш.*

УСЛУБ [ا. اسلوب — тартиб, тартиб-усул; усул, йўсин; шакл] 1 Тил унсурларининг маълум вазифа бажаришига боғлиқ ҳолда бирлашадиган, тил бирликларининг ўзига хос танланиши, бирикиши ва ш.к. билан характерланадиган тизимлар. *Тил услублари. Функционал услублар.* ■ *Демак, турли поэтик образ ва тасвирий воситалар муайян бир услубнинг унсурларигина, холос. «ЎТА».*

2 Тил воситаларидан фойдаланишнинг маълум бир ёзувчи, асар, жанр учун характерли бўлган усуллари мажмуи. *А. Қаҳҳор услуби. Фельетонлар услуби.* ■ *Навоий учун Хусрав [Дехлавий] ўзига хос услубга эга бўлган аjoyиб лирик шоир ҳамда буюк ҳамсанависдир. «ЎТА».*

3 Тил воситаларининг экспрессив-услубий белги асосида танланиши (сайланиши); нутқнинг сўз қўллаш ва синтактик

меъёрларга мос ҳолда тузилиши. *Китобий услуб. Расмий услуб. Илмий услуб.*

4 Ишлаш, бошқаришдаги ўзига хос йўл, усул. *Раҳбарлик услуби. Сузиш услуби. Мирзачўл пахтакорларининг иш услуби.* ■ *Бинокорликда шарқона услуб қўллаб бинолар кўркига кўрк қўшди. «Фан ва турмуш». Марказнинг асосий мақсади — дунёдаги энг яхши ўқитиш услубини ўрганишидир. «Фан ва турмуш».*

УСЛУБИЙ Услубга оид. *Услубий хато.* ■ *Санъат турларининг уйғунлашуви учун умумий услубий хусусиятларнинг мавжудлиги зарурий шарт ҳисобланади. «Саодат».*

УСЛУБИЯТ [ا. اسلوبيت — «услуб» с. дан] тлш. Тил бирликларининг услубий имконият ва хусусиятлари, функционал-услубий, эмоционал-экспрессив бўёғи, шунингдек, нутқда тил воситаларини мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот.

УСЛУБШУНОСЛИК Тилшуносликнинг турли услубларни ўрганувчи соҳаси; стилистика.

УСМОНЛИ: усмонли турк Туркларнинг қадимги номи (турклар салтанатининг асосчиси, Туркия султони Усмон I исмидан).

УСТ 1 Нарсаларнинг юқори томони; тепа; зид. *паст. Усти очиқ аравага юклар ортилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ясси қора столларнинг ён-вери одамга, усти эса умумий китобга тўла. П. Қодиров, Уч илдим. Эрининг ёрдамида хонтахта устини ширинликлардан бўшатди. С. Анорбоев, Оқсой. Дўконхона бурчагида усти ейилган, текис косиб тўнкаси.. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Ичга қарама-қарши томон; сирт. *Пальтонинг усти. Идишнинг усти.* ■ [Ғулсумбиби] *Усти кўк сирли катта челақни олиб, сигир соққани оғилхона томон кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сидиқжон этикни чирокқа солиб, устини, ичини кўрди. А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироклари. Саодатхон устига ҳеч нарса ёзилмаган, елимланган конвертни портфелига солиб қўйди. С. Зуннунова, Янги директор.*

3 Кўчма Кийим, кийимлар мажмуи; устбош. *Усти юпун, қорни оч, озғин бола унинг ўзи эмасдек туюлди. П. Турсун, Ўқитувчи. Шу ҳам баҳонами? Устинг бут, қорнинг тўқ. Қордан қўрқасанми?! Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

4 кўчма Зимма, масъулият. *Ҳоким текшириб, ҳеч бир натижа чиқара олмагандан кейин, айбни карвонсарой қоровули устига қўяди. Ш. Зуннун, Ҳийлакор ўғри. Бу йўлда қанча зарба бўлса, устимга олишга ҳозирман. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

5 3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п.к., ч.к. аффикслари билан (**устига, устида, устидан**) кўмакчи вазифасида макон, пайт, объект каби муносабатларни ифодалайди. *Меъмор аравадан тушиб, бир муддат бўлса ҳам майса устига ёнбошлади. Мирмуҳсин, Меъмор. Қўрғонбеги от устида қўрғоннинг у бошидан бу бошига чопарди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Чой устида эри руҳиясини кузатади, унинг нечундир кайфи бузук.. Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. Пастда қамишзор ботқоқлик ва унинг устидан ўтган узун ёғоч кўприк бор эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Домла икки шиша пивонинг устидан юз грамм ароқни битта отиб, ўрнидан турди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.*

Усти ялтироқ — **ичи қалтироқ** Кўринишдан яхши, мазмун-моҳияти яроқсиз, номақбул.

УСТА [ф. استا — ўргатувчи, муаллим] 1 Бирор касб-ҳунар билан шуғулланувчи малакали мутахассис. *Соатсоз уста. Этикдўз уста. Тикувчилик устаси. Иш устасидан кўрқар. Мақол. ■ Бу бинони ким қурган, Кўк билан улаштириб? Қоматин заб ўхшатган Устаси келиштириб. Қ. Муҳаммадий. [Тўлаган:] Оғил солган усталарга доим қарашдим, лексин бировдан бир чақа сўраганим йўқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

Уста солмоқ Уста, мутахассис ёллаб ишлатмоқ. *Сидиқжон онаси кутгандан ҳам ортиқроқ ғайрат қилиб, ҳаш-паш дегунча ёғоч, сомон, бўйра, тахта ва бошқа нарсаларни ташиб олди ва тездан уста солди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 Маълум касб ёки ҳунарни эгаллашга ўргатувчи шахс; раҳбар, устоз. *Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомда йўргалар. Мақол. ■ Устанинг шогирди — ўн тўрт яшар Йўлдош дераза олдида ўтирарди. Ойбек, Танланган асарлар. Ака-ука уста қўлида уч йил ишлашди.. Мирмуҳсин, Меъмор.*

3 Шундай шахсларни билдирувчи сўзларга (шахснинг исми ёки бува, амаки каби сўзларга) қўшиб ишлатилади. *Қишлоқ чеккасида уста Абдуваҳоб деган, Аштан кўчиб келиб қолган тожик яшайди. Т. Ашуров, Оқ*

от. Уста бобонинг кайфи чоғ эди. С. Сиёев, Ёруғлик. Уста амаки, мундан халат тикиб берсангиз. «Гулдаста».

4 Бирор иш, соҳанинг машҳур, моҳир билағони; моҳир. *Бадиий сўз устаси. Юқори ҳосил усталари. Санъат усталари.*

5 Спортнинг у ёки бу соҳасида маълум натижаларни қўлга киритган спортчиларга бериладиган унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Спорт устаси. Хизмат кўрсатган спорт устаси.*

6 Эпчил, чечан. *Марасул ака, кўк пиёз тўғрашга устасиз.. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Гапга ҳам уста экансиз.. Мирмуҳсин, Меъмор. Майнабозчилик қилишга уста эди Раҳим ака. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

УСТАБУЗАРМОН Бирор нарсани тузатаман, яхшилаيمان деб уриниб, уни бузиб қўювчи, ишдан чиқарувчи, қош қўяман деб, кўз чиқарувчи шахс. *Бола деган сал бўйи чўзилгандан кейин, мол боқади, бозор-ўчарингни қилади. Наҳотки тарақ-тарақ қилиб, устабuzармон бўлиб ўтирса. Ойдин, Ўзига монанд, Буни нон ейишдай осон деб ўйламанглар, устабuzармонлар. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

УСТАВ [р. қ. **НИЗОМ**.

УСТАЗОДА [ф. استازاده — устанинг боласи] Ота-боболарининг ҳунарини эгаллаган фарзанд.

УСТАКОР [ф. استاکار — бирор ишга моҳир киши] 1 Маълум иш ёки ҳунар бўйича усталарга бошчилик қилиб, уларни бошқарувчи, бош уста; корхона бошлиғи. *Уста Олим билан уста Фарфининг сўзларидан, илгарида бир устакорникида ишлаганликлари.. ва шундан сўнг [уста Олим] ўз уйига дўкон қуриб, ўзича ишлай бошлаганлиги англашиллар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Ном чиқарган уста; усталарнинг устаси.

УСТАКОРЛИК 1 Устакор иши. *Устакорлик қилмоқ.*

2 Устакорга, устачиликка хос. *Номасълум киши қандайдир бир ишни бажармоқчи бўлиб, ҳар турли устакорлик асбобларига диққат билан кўз ташлади. Ғайратий, Тун кўйнида.*

УСТАЛИК 1 Уста эканлик. *Ҳаммасини ҳам қўйинг-а, гапга усталигиз.. ва гап орасида кулиб қўйишларини қаранг. Ойдин, Садағант бўлай, командир.*

2 Устага хос маҳорат; моҳирлик. *Юрьев бу йўлнинг ана шу ноқулайликларидан уста-*

лик билан фойдаланади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Биканинг уйида қанчадан-қанча жиҳозлар.. кимхоб тўшаклар, усталик билан ишланган Хива ёйма кўрпалари. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Устага оид, уста билан боғлиқ (қ. уста 1). Усталик ишим йўқ. Самоварга чой ичгани келдим. С. Сиёев, Ёруғлик.

УСТАМА 1 Пул ҳисобида тайинли (белгиланган) миқдорга қўшиб бериладиган; устига қўшимча. Агар пайкал сифатли ҳайдалган бўлса, механизаторга устама ҳақ тўланади. Газетадан. Кузга бориб меҳнат ҳақидан ташқари қанча устама мукофот олишларини ҳам ҳаёлида чўтлаб айтиб берди. С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

2 Маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлмаган, таннархдан ташқари, таннарх устига қўйиладиган. Хуллас, эгов ва бошқа бир қанча товарларга ҳам мудирнинг ҳакалак отган нафсига жавоб берадиган даражада устама нарх қўйилди. Газетадан. Ўғитларни жойлаштириш учун катта-катта омборлар зарур. Мана шуларнинг ҳаммаси устама харажатларни анча кўпайтириб юбормоқда. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 с.т. кам қўл. Қўшимча равишда; яна. Бир неча тарёкилар менинг ҳикояларимдан ўзларидан кетай деб қолдилар, баъзилари ҳозиргина еган афюнлари эсларида йўқ, яна устама афюн еб олдилар. Ғ. Фулом, Шум бола.

УСТАНОВКА [р. установиць — «ўрнатмоқ, қурмоқ; белгиламоқ, йўлга қўймоқ»] фл. дан ясалган от] 1 қ. **қурилма**. Фарғона азот ўғитлари заводида эса баъзи янги қувват ва установкалар белгиланган муддатларда ишга туширилмаган. Газетадан.

2 қ. **қўлланма, кўрсатма**. ..шогирдлари томонидан илгари сурилган методологик ва методик установкалар тўғрисида гапириш керак эди. «ЎТА».

УСТАРА Соч-соқолни қириш учун ишлатиладиган ўткир тигли, дастали асбоб. Сочини устара билан қирдирган, янгигина марғилоннусха дўпписи ўзига ярашиб турарди. Ҳ. Фулом, Феруза. Отаси Афғонистондан олиб келган дандон соғли устара ярим очиқлигига чормихга илиниб турибди. С. Сиёев, Ёруғлик.

УСТАХОНА [уста + хона] 1 Бирор нарсаси яшаш, тайёрлаш ёки таъмирлаш учун

махсус жиҳозланган кичик муассаса ва унинг биноси. Умарали техника устахонаси олдида қаторлашиб турган машиналар ичида.. «Победа» га ҳавас билан қаради. И. Раҳим, Ихлос. Аваз ярим соатча дам тортиб ўтирди-ю, бу тор, нимқоронги устахонадан зеркиб, чиқиб кетди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Корхона, ҳўжалик ва ш.к. ларда устачилик, таъмирлаш ишларини олиб борувчи бўлим. Ҳўжаликларнинг устахоналари бу ишга мослаштирилмаган, йиғиш сифати техника талабларига мутлақо жавоб бермайди. Н. Худойкулов, Ер тафти. Ҳар бир ўқув кабинети ва устахонага комбинат бўлинмаларининг раҳбарлари бириктириб қўйилган. Газетадан.

3 Рассом, ҳайкалтарошнинг иш олиб борадиган жойи, хонаси (хоналари). Рассом ўз устахонасида ёлғиз ижод қилади. Газетадан.

УСТАЧИЛИК Уста бажарадиган ишлар билан шуғулланиш. Устачилик қилмоқ. Устачиликни йиғиштирмоқ.

УСТ-БОШ Шахста хос, оёқ кийимидан бошқа ҳамма кийимлар. ..янги уст-бош тўғрисида ҳам, янги этик тўғрисида ҳам ўйламас.. эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Аксарининг уст-боши юпун, маҳсиларининг йиртиқларидан кир пайтавалари осилиб туради, кимларда похол тиқилган эски калиш, кимларда жағи йиртиқ кафш, лекин улар шод. Ойбек, Танланган асарлар.

УСТИГА-УСТАК Бунинг устига, буниси етишмагандай. Тушда иштаҳа бўлмай, қовун билангина таҳаммул қилганларидан, қорин оч, бунинг устига-устак жазирама офтоб. И. Қаландаров, Шоҳидамас, баргида.

УСТКИ 1 Юқорида, тепа қисмда жойлашган; юқориги, тепадаги. Устки тиш. Устки жағ. Уйнинг устки қавати. ■ [Камолхонов] Сулаймоновнинг кулмаганини кўриб, ўзини еждий кўрсатиш учун, қошларини чимирди, устки лабини сўра бошлади. А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун.

2 Нарсанинг ташқи қисмида, сиртида жойлашган; сиртидаги. Нормат бинтни противозахалтасининг устки чўнтагига солиб қўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шудгорларни бороналашни тупроқнинг устки қатлами етилиши биланоқ бошлаш керак. Газетадан.

УСТМА-УСТ рөш. 1 Бирини устига бошқасини қўйиб, қалаштириб. Китобларни уст-

ма-уст жойламоқ. ■ [Маҳмуд Торобий] Бозор кунлари икки инисини икки ёнига олиб, устма-уст тахланган ғалвир-элакларни орқалаган ҳолда, ниёда Бухорога жунар. М. Осим, Маҳмуд Торобий.

2 Кетма-кет, уст-устига. Отига устма-уст қамчи босди. ■ Мадамин настга тушиб, Худойқулнинг биқини ва кўкрагига устма-уст тенди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Душман] Буталарни оралаб юз элик метрча яқин келганда, [Аҳмаджон] устма-уст икки сидра ўқ ёғдирди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

УСТОД [ф. استاد — муаллим, ўргатувчи] кт. айн. **устоз**. Аваз ҳар кун и эрталаб улуғ устодларининг китобларини ўқиб, дарс оларди. Ж. Шарипов, Хоразм. У ҳатто Ҳиротда қолиб, бошқа бир ерда истиқомат қилса ҳам, устоднинг қўлида хузмат этишни истарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

УСТОДОНА [ф. استادانه — устоз каби; моҳирона] рвш. Устодларга ўхшаш, устодларга хос. Маждиддин парвоначи.. бармоқларини енгилгина қисирлатиб, устодона тур билан мажлисга қаради. Ойбек, Навоий.

УСТОЗ [ф. استاد — муаллим, ўргатувчи; уста] 1 Касб, ҳунар, илм ва ш.к. ни ўргатувчи; ўқитувчи, муаллим. Устозидан сабоқ олган, аудиторияларда бўладиган баҳслар ва жиддий машғулларда қатнашган студент, бўшаган заҳоти, иккинчи уйи — ётоқхонага шошилади. Газетадан.

2 Йўл-йўриқ кўрсатувчи, тарбияловчи, мураббий; раҳнамо, ўқитувчи, муаллим. Бобур отдан тушиб, устози билан кўришар экан, бирдан кўнгли юмшаб, кўзларига ёш қўйилиб келди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Шундай қилиб, китобни кўтариб, минг истиҳола билан устоз Миртемирга яқинлашдим. Газетадан. Сизлар, сизларнинг устозларингиз отнинг қашқасидай маълум бўлиб қолгансиз. Ҳ. Фулом, Машғал.

УСТОЗЛИК Устозга хос ҳолат, мавқе; устоз иши. Мунис ёмон бир сўз айтмоқчи бўлди-ю, яна устозлик ҳурмати, ўзини тийди. 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

УСТОМОН Жуда усталик, муғомбирлик, ҳийлакорлик билан муомала қиладиган; айёр, ҳийлагар, маккор. Тўрахонов устомон, обрўси ҳам баланд, ёлғонни ҳам қойил қилади. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Толипов жуда устомон киши, фирибгарликни эзги қилиб ичиб юборган. «Муштум».

УСТОМОНЛИК Устомонга хос хислат, хатти-ҳаракат. Туя ютса, думини кўрсатмайдиган бу очофатлар ғоят устомонлик билан иш битириб юришган экан. «Муштум». Унинг сўзларидан қандайдир устомонлик баъзан-баъзан кўзга ташланиб қолади. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

УСТУВОР [ф. استوار — чидамли, маҳкам, тўғри, ўткир, кучли] эск. кт. Маҳкам, мустаҳкам, бузилмас. Яна қонлар тўкиб устувор қилдик.. Ф. Фулом.

Устувор йўналиш Биринчи даражали, устун йўналиш. **Устувор турмоқ** 1) қимирламасдан, мустаҳкам турмоқ; 2) кўчма иккиланмасдан бир фикрда қатъий турмоқ.

УСТУН I [ф. استون / ستون — тиргак, поя, тирговуч, таянч] 1 Томни кўтариб турувчи тик таянч ёғоч. Меъмор айвонга қаради: пешайвоннинг ўша тўрт устуни кўзига оловдек кўринди. Мирмуҳсин, Меъмор. Лаъли отхонанинг ўт ялаётган хариларини, чарсиллаб ёнаётган устунларини кўрди. Ҳ. Фулом, Машғал.

2 **архит**. Бино пештоқи ва шифтининг асосий таянчи; қолонна. Театр пештоқининг устунлари. Фойе устунлари. ■ Станция айвонининг баҳайбат устунлари, ранг-баранг ясашиб, поезд кутмишга чиққан одамлар аста-секин суза бошлаганда, Элмурод тоқат қиолмади. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Умуман, бирор нарсани кўтариб туриш, осиб қўйиш ва ш.к. учун фойдаланиладиган узун тик ёғоч ёки шу тахлитда ишланган қурилма. Чегара устуни. Йўл кўрсатувчи устун. ■ Ажалнинг ништари бағрим йиртади, Шиқирлатиб дор устунга тортади. «Ширин билан Шакар». Кетмон кўтарган икки мўйсафид унинг ёнидаги электр устуни тагида гаплашиб ўтирарди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

4 **физ**. Ҳаво босими ёки ҳарорат ўлчаш асбобларининг тик шиша найчаси ичидаги суюқлик. Симоб устуни пасая бошлади. ■ Суюқлик устуни қанча баланд бўлса, босими шунча катта бўлади. «Физика».

5 **кўчма** Ушлаб, тутиб, сақлаб турувчи шахс; таянч, суянчиқ. Афсуски, орамизда устоз Абдусамад Аввал йўқлар, маърифат иморатининг бир устуни йиқилиб тушди. М. Осим, Карвон йўлларида. Тунов кун ишардан чиқиб келаётган уч-тўрт оқсоқол мени кўрсатиб, «районнинг устуни» дегани қу-

логимга чалинди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. Устунлари тезлик билан яксон қилинган бўлса ҳам, эски жамият осонликча қуламади. «УТА».

Дунёга устун бўлмоқ Абадий яшамоқ. [Исломуҳжа:] Ҳаммамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз. Ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас. Ж. Шарипов, Хоразм.

УСТУН II Бирор жиҳатдан юқори, баланд, кучли. *Сон жиҳатдан устун.* ■ Мирзакаримбойнинг қизи Нурунисонинг табиатида энгиллик билан макр устун турар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Эл-юрт манфаатлари ҳар бир нарсадан устун ва улуг. Н. Сафаров, Оловли излар.

Устун чиқмоқ (ёки келмоқ) Ғалаба қозонмоқ, ғолиб келмоқ; энгмоқ. *Одамларнинг салобати унинг қайғусидан устун келдими.. энди у йиғламас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. Туғилаётган янгилик билан эскилик ўртасидаги кураш жараёнида илгор фикр устун чиқди. Н. Сафаров, Оловли излар.

УСТУНЛИК I Устунга мўлжалланган, устун учун ишлатса бўладиган. *Устунлик ёғоч.*

УСТУНЛИК II Юқори, устун ҳолатга эгалик; устун эканлик. *Рамазон қори бу сафар ҳам ўзининг устунлигини ҳис қилар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. Айниқса, Кенжанинг асосий характеристикалари ўзиникидан устунлиги бу масалани янада ойдинлаштиради. О. Мўминов, Хиббондаги уч учрашув.

УСТУНЧА I Устун I 1 с. кичр. *Ариқчалар бўйида.. икки томондан бир-бирига рўпара қилиб, қатор устунчалар ўтказилган.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 бот. Гулнинг уруғи (оналик) оғизчаси билан тугунчаси оралиғидаги найчасимон қисми.

УСТ-УСТИГА рви. Иш-ҳаракатнинг такрорланишини ифодалайди; бирин-кетин, устма-уст. *Куч олади қарсак қалблардан, Уст-устига тушади хитоб.* Э. Раҳим. *Эшик қўнғироғи уст-устига жириглаб, холанинг хаёлини бўлди.* «Гулдаста».

УСТУХОН [ф. استخان — сўнҗак, суяк] **1** Суяк, сўнҗак (одатда, эт билан бирликда). *Онангизни кўринг: устухон, бир ҳовуч устухон.* Шухрат, Умр поғоналари.

2 Гўштли, пиширилган суяк. *Махсум.. пешинда ейилган гўшдан қолган устухонни тозалай бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

Устухон бўлмоқ Ниҳоятда озиб кетмоқ, қоқ суяк бўлиб қолмоқ. *Озиб, тўзиб, биргина устухон бўлиб қолган жафокаш қиз бидъат овоқтасидан чиқарилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Устухони йўқ айн. суяги йўқ қ. суяк.** *Очиғи, Адашев қариндошчилиқ, маишатбозликка устухони йўқ.. одам экан, қурғур.* А. Муҳиддин, Характеристика. **Устухони қолган ёки эти (бориб) устухонига ёпишган** Ниҳоятда озиб кетган, қуруқ суяк. *Кечқурунлари ухлаш учун ечинаётганда, у озиб-тўзиб, устухони қолган баданига қарамасликка ҳаракат қиларди.* Газетадан. *Бир неча кун ичида Нодиржоннинг эти устухонига ёпишди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

УСТҚУРМА Тарихан шаклланган ижтимоий муносабатлар ва сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, фалсафий қарашлар ва уларга мос келувчи ва жамиятнинг иқтисодий базиси томонидан бошқариладиган, ўз навбатида, базисга таъсир ўтказувчи муассасалар мажмуи.

УСУЛ [а. اصول — асосий қоидалар, қонунлар; қабул қилинган тартиб] **1** Бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли; ҳаракат тарзи, хили, тартиби; йўл. *Қоғоз тайёрлаш усули. Масала ечиш усули. Квадрат уялаб экиш усули. Сунъий нафас олдириш усули.* ■ *Кишиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш хурофотга зарба беришининг энг қулай усулидир.* Газетадан. *Ғўза суғоришининг янги-янги усуллари қўлланадиган бўлиб, Жамолонинг мулоҳазалари эскириб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Бирор иш, машғулоти кабиларга хос бўлган, унда қўлланувчи асосий хатти-ҳаракат, йўл. *Фарғонача кураш усуллари.* ■ *Оғир вазнлилар беллашувида Республикамиз вакили чиройли усул қўлаб, соф ғалабани қўлга киритди.* Газетадан.

3 айн. услуб 1. Проза усули.

4 мус. Куйнинг ижро этилиш суръати ҳамда бу суръатни бошқариб (тезлатиб ёки секинлатиб) туриш учун бериладиган муסיқий имо-ишоралар. *Усуллар рақсининг ритмларидир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Отаси танбур ёки торда машқ қилаётганида, унга доира билан жўр бўлиб, усул бериб турадиган бўлди.* А. Мадраҳимов, Моҳир жангчи.

5 Ноз-карашма, ишва; шўх қилиқ, шўхлик. *Усул қилмоқ.*

Гоҳ худою расул, гоҳ ғамзаю усул Фақат тоат-ибодат билан яшамай, дунё лаззатидан ҳам баҳраманд бўлиш керак, маъносидаги эски ибора. -*Хунарингиз гоҳ худою расул, гоҳ ғамзаю усул экан-да, генерал, — деди Мардонбек.* С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи.

УСУЛЧИ 1 мус. Куй суръатини бошқариб, унга усул бериб турадиган созанда. *Усулларнинг мураккаб турларини ўзлаштирган усулчилар жуда кам бўлади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 шв. **раққоса.**

УТИЛЬ [фр. utile < лат. utilis — фойдали] с.т. Ишдан чиққан, лекин иккиламчи хомашё сифатида ишлатса бўладиган эски-туски нарсалар, чиқиндилар (темир-терсак, лагга, қоғоз, суяк, шиша, пойабзал ва ш.к.). *Утиль тўпламоқ. ■ Утильдан олинган китоблар эди, шундай китобларки, ажойиботлар.* Т. Тўла. Ана ундан кейин утиль идорасига ишга кириб, битта эшак араванинг эгаси бўлиб.. шиша йиғадиган бўлди. С. Аҳмад, Сайланма.

УТМОҚ шв. Устидан қайноқ сув қуйиб ёки ўтга тутиб, жунини, тукини тозалamoқ. *Каллани утмоқ. Товуқни утмоқ.*

УТОПИЗМ [«утопия» с. дан] Амалга ошмайдиган назария ва қарашлар; утопияга мойиллик, хаёлпарастлик, хомхаёллик.

УТОПИК Амалга ошмайдиган, реал эмас, хаёлий, ғайриилмий.

Утопик социализм флс. Жамиятни молмулкнинг умумийлиги, барча кишиларнинг тенглиги, меҳнатнинг мажбурийлиги, шаҳар билан қишлоқ, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларнинг йўқ бўлиши негизида идеал тарзда қайта қуриш ҳақидаги таълимот (инглиз ёзувчиси Томас Морнинг «Утопия» асаридан келиб чиққан).

УТОПИСТ 1 Утопик социализм тарафдори.

2 Амалга ошмайдиган, нореал нарсаларни орзу қилувчи, хаёлпараст, хомхаёл одам.

УТОПИЯ [юн. utopos < мавжуд бўлмаган жой, мамлакат < u — йўқ, мавжуд эмас + topos — жой, макон ёки eutopos — гузал, ажойиб мамлакат < eu — яхши, соз + topos — жой, макон] 1 флс. Илмий асосга эга бўлмаган идеал ижтимоий тузум тасвири (Т. Морнинг айни шундай жамият тасвирланган «Утопия» асари номидан).

2 Илмий фантастика жанри; ижтимоий қайта қуришларнинг нореал, хаёлий режалари тасвирланган барча асарларнинг белгиси.

3 Амалга ошмайдиган орзу, хомхаёл.

УТОРИД [а. عطارд] айн. **аторид.**

УФ унд.с. Бирор нарсадан шикоят, ранжиш, бўғилиш каби туйғуларни ифодалайди. *Уф, ҳаво жудаям дим! Уф, саримсоқ иси келяпти! Уф, ҳамма ёқни тутун босиб кетди! ■ -Уф! Сувсадим, — деди Фотима елпигичини силкитар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хотин паранжиси билан айвоннинг олдига ўтириб олгач, уф, деб чайқалди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йигит ичкари кирди; қўлидаги портфелини диванга улоқтирди; уф тортиб, пешонасига урди.* А. Қаҳҳор, Қайғулар.

УФЛАМОҚ Уф демоқ, уф тортмоқ. [Отабек] *Бу қарашида бутун ўтган кунларини яна бир қайта хотирлагандек бўлди ва.. уфлаб юборди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..совуқдан этикчаларини бир-бирига уриб ишқайди, қўллариға уфлайди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

УФОЛОГ Уфология мутахассиси, уфология билан шуғулланувчи.

УФОЛОГИЯ [ингл. ufology < UFO (unknown flying object) — НУЖ (номаълум учар жисм) + logos — сўз, таълимот] Номаълум учар жисмлар ва улар билан тахминан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисалар, ҳолатлар ҳақидаги гувоҳларнинг хабар ва маълумотларини тўплаш, гуруҳлаштириш ва талқин қилиш, уларнинг тўғри-нотўғрилигини аниқлаш билан шуғулланувчи соҳа. *Астрология, уфология ва шу каби соҳаларга оид билимлар пинҳоний билим тури дейилади.* Газетадан.

УФОР [а. عفار — чанг; тўзон; ҳид] 1 айн. **мушк, ифрор.** *Ўйлаб қолар тонда гунчалар, Кийиб баргикарам нимчалар. Пинҳон-пинҳон кўзин очарлар, Борлиқ узра уфор сочарлар.* Э. Охунова.

2 мус. Қадимги доира, шунингдек, ноғора усулларидан бири.

3 Халқ ва мумтоз мусиқада шу усул жўрлигида ижро этиладиган чолғу ва ашула йўллари. *Рубоби уфор ҳавосига чала бошлади, кокилини тараб ўтирган бола ўйинга тушди.* С. Айний, Дохунда. *Чалинади най,*

чилдирма, думбира, Жўшар ғижжак, қайнар уфур, дилхирож. М. Шайхзода.

УФУРМОҚ Ҳаво оқими билан атрофга таратмоқ, димоққа урмоқ. *Анҳор томондан енгил шабада ялпиз ҳидини уфуриб эсарди. Ў. Умарбеков, Ялпиз ҳиди. Гўзал Фарғонадан эсган шабада Мирзачўл кўксига уфурур ҳаёт. М. Икром. Чор атрофда гуллар чаманзор, Хушбўй атрин уфурур баҳор. Ҳ. Ҳасанова.*

УФҚ [а. افق — ер ва осмон туташган чегара; горизонт; истиқбол] Очиқ жойда осмон билан ернинг ёки сув сатҳининг кўз иллаган узоқликда ўзаро туташгандай, ер билан осмон қўшилгандай бўлиб кўринган чизиги, қисми; горизонт. *Фарбий уфқда самолётлар пайдо бўлди. Қуёш уфққа яширинди. — Уфқни ўз гавдаси билан тўсган пастбаланд тоғлар қоп-қорайиб.. кўринади. Шухрат, Шинелли йиллар. Кеч кириб, қуёш ғарбга ёнбошлагач, уфқ қип-қизил аланга ичида қолгандай бўлди. Ж. Шарипов, Саодат. Энди-энди уфқ ёришмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

УХЛАМОҚ 1 Уйқуга кетмоқ, ухлоқ ҳолатда бўлмоқ. *Бола.. гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга югурар, кечалари эса ҳолдан тойиб, ҳориб, донг қотиб ухлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

2 кўчма Тинч ҳолатда бўлмоқ. *Оғир сукунатга чўмиб Ухларди қишлоқ. Файратий. Пашша учмас, ухлар унгулар. Аллалайди сойнинг шовқини! Т. Тўла.*

Етти ухлаб, туш(и)да (ҳам) кўрмаган ёки етти ухлаб, туш(и)га (ҳам) кирмаган қ. туш.

УХЛОҚ Уйқу ҳолатида, ухлаган.

УХУ тақл. с. йўтал товушини ифодалайди. *Тойни миниб шаҳарга туш, икки ишша коньяк ол. Тез. Уху-уху.. йўтал қурсин. Ойбек, Танланган асарлар.*

УЧ I 1 Нарсаларнинг ингичкалашган, ўткир томони. *Найза учи. Ханжар учи. Қозикнинг учи. Игнанинг учи. Тикан захри — учида, душман захри — ичида. Мақол. — Жувон Сидиқжондан пичоқ сўраб олиб, иккита бодринг арчиди, бирини ўзи тишлаб, иккинчисини пичоқ учида Сидиқжонга узатди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Мирзакаримбой соқолининг учини бармоқлари билан чимтиб, кулиб қўйди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Ёғоч, ип, сим ва б. энсиз, узун нарсаларнинг томонларидан бири, бир томон охири, боши. *Таёқнинг учи. Арқоннинг учи.*

■ *Яна бир йигит дарвозага тирмашиб чиқаётир, пастда иккитаси бир-бирининг елкасига чиқиб, узун алвоннинг учини унга узатишга уринмоқда. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Аравадагилар дарров тушиб, кўчанинг икки учига қараб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Нарсаларнинг ўзи бириккан, ўрнашган жойдан ташқари йўналган томони, охири. *Бармоқнинг учи. Чойнак жўмрагининг учи. — Акрамжонни бир нав қучоқлаган бўлдим, жувонга эса қўлимнинг учини бердим. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Унинг юзида, шундай бурнининг учида холи бор. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. ..вафот этган холасини эслади ва кўзидан тирқираб чиққан ёшини енг учи билан артди. И. Раҳим, Ихлос.*

4 Чорбурчак буюмларнинг томонлари туташган жойи, бурчаги. *Фанернинг тўрт учидан ушлаб кўтармоқ. — Полвон елкасига ташлаб чиққан қийғини олди-да, икки учидан ушлаб, бир-икки айлантирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

5 мат. Чизикларнинг ёки сиртларнинг ўзаро туташиб, кесишиб, бурчак ҳосил қилган нуқтаси.

6 Нарсаларнинг юқори қисми, тепаси, боши. *Миноранинг учи. Дарахтнинг учи. Симёғочнинг учи. — Тераклар учида ўйнаб қизил нур. Файратий. Бир куни ўрикнинг учига чиқиб.. атрофни томоша қилдим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. Деворга ташқаридан қўйилган кенг нарвонларнинг учлари хиёл чиқиб турарди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

7 кўчма Бирор нарсанинг бошланиш қисми, боши. *Сир(нинг) учини сўз очар. Мақол. — У [Элмурод] ҳали бу муваффақиятнинг фақат учигина эканини ҳеч бир унутмади. П. Турсун, Ўқитувчи. Нури бу воқеанинг учини эшитган ҳамон безгакдай қалтираб кетди.. Ойбек, Танланган асарлар.*

Оёқ учида (ёки учи билан) кўрсатмоқ Назар-писанд қилмаслик, менсимаслик. *Аммо муомаласи дағал.. одамларни оёқ учида кўрсатади. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. [Нури] Камбағал, ҳатто ўртаҳол ошла қизларини оёқ учи билан кўрсатар.. эди. Ойбек, Танланган асарлар. Тил учида Истар-истамас, шунчаки йўли учун. -Келинг, — деди бошқарувчи тил учида. «Муштум». -Тил учида айтган экансиз-да бу гапни. -Нега тил учида бўлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқ-*

лари. **Уч бермоқ** 1) кўриниш бермоқ, пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ. *Кунлар ўтди. Опанинг образи уч бера бошлади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча. *Кун энди уч бериб, қояларда жилолалар, тиниқ осмон шишадай ялтиллаб, бу манзарага яна бир кўрк бағишламоқда эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон; 2) белги бермоқ, очилмоқ, ошкор бўлмоқ. *Нарироққа бориб, бу жумбоқ шасодифан уч берди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. **Учини чиқармоқ** Бошланғич, белги тарзидаги маълумот бермоқ; шипшимоқ. *Орамизда қоладиган гап бор, азизим! Фақат сизгагина учини чиқаришим мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жўртага очиқ айтмадим. Лекин хайрлашаётиб, учини чиқаргандим, шунга ҳам бир санчиб тушди.* О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси. **Учига чиққан** Ёнг ашаддий, ўтакетган. *Айёрликда учига чиққанман, деб мақтансам ёлгон эмас..* Ойбек, Улуғ йўл. *Ўзи бориб турган ифвогар, учига чиққан материалчи, писмиқ одам.* «Муштум». **Хамир учидан патир қ. патир.** **Қалам учи** Ёзилган, ёзиб эълон қилинган нарсаси учун бериладиган ҳақ. *Манави осонлиқни қаранг, тақсир. Қалам учисига бўзни узатдим, олмайди.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. **Қўл учиди** 1) астойдил эмас, истар-истамас. *Бу йигитни ҳеч кўрмаган эди, малол олди, шекилли, қўл учиди сўрашиб, қизга савол назари билан қаради.* «Муштум»; 2) навор ҳолда, енгил-елпи. *Энди сен қўл учиди қиладиган тирикчилигинг учун кеча-кундуз капиталистларга ишлашинг керак.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

УЧ II снқ. сон 1 3 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Уч карра уч тўққиз. Уч йил бурун. Уч ойдан кейин. Бир бўлган, икки бўлмай қолмас, Икки бўлган, уч бўлмай қолмас.* Мақол. ■ **Эртасига соат бирда** уч партизанни кўмиш маросими бўлди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Собиржон овчилар инъом қилган икки қуён ва уч ўрдақдан бир қуён ва икки ўрдақни Асқар отага берди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Беш балли баҳо тизимида ўзлаштириш «қоникарли», «ўртача» деган маънодаги баҳо. *Унинг баҳоси — уч. Бу иншо учун уч қўйса бўлади.*

3 этн. айн. кировди. Чолнинг ёстиғи тагидан топилган пул уни кўмиб келишгагина етди. *Ҳали бу ёқда учи, еттиси, йигирмиси,*

фотиҳахонлиги.. ва ҳоказолар бор. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

УЧ III дин. этн. Учига пахта ўраб, ёглаб, марҳум арвоҳига атаб пайшанба, жума оқшомлари ёқиб қўйиладиган чўп. *Уч ўрамоқ. Уч ёқмоқ.*

УЧА шв. Елка, елканинг орқа томони. *Ҳар бир полвоннинг ўз ўнги бўлади. Отасининг ўнги — яғрини, боласининг ўнги — учаси.* Т. Мурод, Қўшиқ.

УЧАК шв. айн. том I. Кеча кўҳна арк олдидан ўтгандим, кўзим дўконингга тушди: девори қийшайган.. учаги босай деб турибди. Ж. Шарипов, Хоразм.

УЧАЛАТОЙ Филдирак тўғини ясаш учун ишлатиладиган, ниҳоятда қаттиқ ёғочли қайрағоч тури.

УЧАР I Учмоқ фл. сфлш. *Учар балиқлар.*

■ *Учар қушдан улги олган жонивор, Минганнинг кўнглида қолмайди ғубор.* «Ёдгор».

2 кўчма Учгандай тез юрадиган, жуда тез чопадиган; чопқир. *Бўтабой ака бу кунларда ўзини ҳали от миншини дурустроқ билмай туриб, жуда учар отда улоққа кирган кишидай сеза бойлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 кўчма Ҳийла-найранг билан ҳар нарсани ундира оладиган, ҳар нарсага эриша оладиган; эпчил. *Тўлқинжон, ким айтади сени олғир, учар йигит деб. Мана ярим йилча бўлиб қолибди-ку, битта қишлоқи қизнинг муҳаббатини қозонолмайсан.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Жонкуяр, ҳалол кишилар ўғрига чиқарилди. Ўндан тўққизини ураётган айрим учарларнинг боши силанди.* В. Маҳкамов, Айбсиз айбдорлар.

Учар юлдуз с. т. Метеор.

УЧАСТКА [р. участок] I Бирор мақсадда ажратилган ер бўлаги, майдон. *Бундан чиқадиган сув билан.. мактаб участкасинигина эмас, унга туташган томорқа ерларни ҳам суғориш мумкин.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Элмурод полкдан ўз батальонига участка олиб, мудофаага ўтганда, тонг ёришиб қолган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Ер майдон, даланнинг бирор белгиси билан ўзига хосликка, алоҳидаликка эга бўлган бўлаги. *Кўчатхонада бир участка тайёрланиб, унга мажнун арча кўчатлари ўтқазилди.* Газетадан.

3 Маълум бир ҳўжаликнинг ҳудудий жиҳатдан ажратилган, алоҳида бўлими. *Ўр-*

монжон бугун, негадир.. ҳамма участкага борди, кечга яқин.. уйига қайтди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Бирор нуқтаи назардан чегараланишда ҳудудий ички бўлинма, бўлинмалар; ҳудудлар. *Халқ судларининг ҳозирги вақтда амалда бўлган участка системасини тугатиши ва ягона туман (шаҳар) халқ судларини тузиш кўзда тутилади.* Газетадан. *Ҳозир, сен келмасдан бироз бурун, бир одамни Қумариққа юбордим. Участка пристави ҳам ўша ерда.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

5 Маълум бир иш-фаолият олиб борилаётган, унга оид жой, объект. *Қурилиш участкасининг бошлиғи Гулбой Бўриевнинг ишончи комилки, йирик объект ҳам белгиланган муддатда аъло сифат билан топширилади.* «Ўзбекистон қўриқлари». Эркаклар билан тенг ҳуқуқли аёлларни бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида учратиш мумкин. Газетадан.

6 с.т. Хусусий уй-жой қуриш учун расмий равишда ажратиб берилган ер, майдон ва унда барпо этилган ҳовли-жой. *Уларнинг участкаси ҳали битмаган, икки уйни хомсувоқ қилиб, кўчиб киришган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Участка олиш учун ариза берганимга икки йил бўлди, ҳалигача дарак йўқ.* «Муштум». *Бу орада ер тузувчи Худойназаров билан ўзингиз иккитадан тўртта участка қуриб олдингиз.* «Муштум».

УЧАСТКОВОЙ [р. участковый] с.т. Аҳоли яшайдиган ҳудуднинг муайян бир қисмида тартиб-қоида сақланишини назорат қилиб турувчи милиция офицери (қ. **участка** 4).

УЧБУРЧАК 1 Учта бурчакли, туморча шаклидаги. *Учбурчак ҳовли.* ■ *Тўққиз самолёт учга бўлиниб, учбурчак шаклида текис оқиб келарди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Нарироқда уч муллабачча бир бўйра устида учбурчак бўлиб ўтириб, мушкул бир масалани баҳслашади.* Ойбек, Навоий.

2 с.т. эск. Муассаса, корхоналарда уч раҳбар шахс (директор ёки раис, партком котиби ёки вакили ва касабақўм раиси). *Бу масалани учбурчак ҳал этади.*

3 мат. Бир тўғри чизикда ётмаган учта нуқта ва учлари шу нуқталарда бўлган учта кесмадан ясалган геометрик шакл. *Тўғри бурчакли учбурчак. Тенг бурчакли учбурчак.* ■ *Олиб кирилган чой ҳам совиб қолар, алла-*

қандай ўлчовлар-учбурчаклар ҳаёлини тортиб кетарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

УЧЁТ [р. учесть — «ҳисоблаб чиқмоқ, рўйхатга олмоқ, қайд қилмоқ» фл. дан ясалган от] 1 Бирор ташкилот ёки муассасадаги кишиларни ҳисобга олиш, рўйхатга киритиш орқали қайд этиш. *Учёт варақаси. Учётга ўтиш (ёзилиш). Учётга олиш. Учётдан чиқиш.*

2 Ҳисоблаш, рўйхатга олиш йўли билан нарсаларнинг борлигини аниқлаш; ҳисобкитоб. *Бухгалтер учёти. Молларни учёт қилиш.*

УЧЁТЧИ қ. **ҳисобчи**.

УЧИРИҚ айн. **учуриқ**.

УЧИРМА 1 Эндигина инидан чиқиб уча бошлаган (қуш боласи ҳақида). *Қўнғирлар май ойида тухум очиб, жўжаларини шондаёқ учирма қиладилар.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 кўчма айн. **учуриқ**. *Обиджон.. кинояли ва учирма гаплар қилишдан нарига ўтмайди.* Газетадан. *..раиснинг учирма гаплари гашига тегар, асабини бузар эди.* М. Ҳазраткулов, Журъат.

УЧЛАМОҚ Бир томонини йўниб, ингичка ва ўтқир қилмоқ. *Ёғочни учламоқ. Қаламни учламоқ.*

УЧЛАМЧИ 1 Айтилаётган фикрнинг тартибини билдиради; учинчидан. [Нор:] *Учламчи, улар биздан бойроқ кишилардан.. уларга бизнинг ҳеч бир важ билан алоқамиз йўқ.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Баъзи терминлар таркибида «бирор нарсанинг учинчи даври, даражаси» каби маъноларни ифодалаш учун ишлатилади; учинчи. *Ер тарихининг учламчи даври.*

УЧЛИ 1 Бир томони борган сари ингичкалашиб тугалланадиган. *Навоий.. салласиз, учли тақя кийган, боши бироз эгик.* Ойбек, Навоий. *Турсуной нимранггина узунчоқ юзи, учли ияги билан онасига ўхшаб кетарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Учи бор; учи муайян шаклга эга. *Узун ёғоч бошига боғланган қайирма учли ўтқир темир ойдинда ялтирарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

УЧЛИК 1 Бирор нарсанинг учига кийгизиб, ўрнаштириб қўйиладиган учли, ўтқир қисм. *Камалак ўқининг учлиги. Омоҳ тишининг учлиги. Сумбанинг учлиги.*

УЧЛИК II 1 Ваколатли уч шахсдан ёки уч томоннинг вакилларида иборат мувақ-

қат гуруҳ, комиссия. *...жанговар учлик группасини уюштиришни Мадёровга буюрган. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Бу гаплар учлик комиссия аъзоси Низомиддинов йиққан материаллар. С. Аҳмад, Ҳукм.*

2 Уч холли, уч рақамли нарса (қарта, домино кабиларда). *Ғиштиннинг учлиги. Доминонинг учлиги.*

УЧМА-УЧ *рвш. 1* Учлари ўзаро туташтирилган ҳолда. *Қатор-қатор ўрмаловчи кранлар йўғонлиги ўн одамнинг қучоғига зўрға сиғадиған қувурларни бир-бирига учма-уч қўйиб ётқизмоқдалар. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

2 кўчма Даромади харажатини аранг қоплайдиган ҳолда; аранг, зўрға. *Балиқ сотиб топган пули рўзғорига керакли нарсаларга учма-уч етар эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Оладиган ҳосилим қарз билан учма-уч келавергандан кейин пахта экишни ташлаб юборган эдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

3 Баб-баробар, тенг ҳолда. - *Бухгалтернинг дебет-кредити учма-уч бўлиб туриши керак, — деди Одил. Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.*

УЧМОХ 1 *дин. Жаннат, биҳишт.*

2 кўчма Киши бахтли ҳаёт кечирадиган гўзал ва фаровон жой; жаннат. *Умринг ёруғ, Ватанинг — учмох, Мендан сўра, Мен ёниб ўтдим. Миртемир. Одамлар ундан: «Нима иш билан машғулсиз?» деб сўрасалар, аксар вақт: «Гуноҳга ботган Хиротда бир учмох қуряпмиз!» деган жавобни қайтаришни севар эди. Ойбек, Навоий.*

УЧМОҚ 1 Қанот воситасида ҳавода ҳаракатланмоқ, қанот қоқиб, бирор томонга йўналмоқ; парвоз қилмоқ. *Қуш қаноти билан учиб, қўйруғи билан қўнар. Мақол. ■ Баҳор ҳидидан бесаранжом бўлган қаргалар қағиллаб.. далалар устида учарди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 Махсус механизмлар, аппаратлар ёрдамида ҳавода бир томонга йўналмоқ; парвоз қилмоқ. *Баландда, юлдузли кўкда, қаёқ-қадир самолётлар учиб ўтди. Ойбек, Қуёш қораймас. Асад модели эса, Тик ва тез учар эди. Т. Тула.*

3 Елмоқ, эсмоқ (шамол ҳақида). *Меъморнинг диққатини кенг ва ям-яшил дала, ғир-ғир учаётган шабада, адирлардаги қип-қи-*

зил гилам лолалар тортса ҳам.. Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Шамол, зарб ёки бошқа нарса таъсирида ҳавода бирор йўналишда ҳаракатланмоқ. *Ҳавода момиқ оқ толалар арғамчи бўлиб учиб юрарди. Газетадан. Тепада руҳни суғуриб олаётгандек хунук инграб учган снарядлар атрофда ёрилмоқда. Ойбек, Қуёш қораймас.*

5 кўчма Ҳавода кезмоқ, парвоз қилмоқ (мавҳум нарсалар ҳақида). *Куй узоқдан, бой-никидан учар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Ёдимдадир аччиқ дардларим каби Фазоларда учар хаёлим. Р. Парфи. Қўшиқ учар эди кўкда беармон. А. Орипов, Юртим шамолли.*

6 кўчма Жуда катта тезликда ҳаракатланмоқ. *Тепаликка учиб чиқаётган отнинг тўғи ердан бош кўтариб, бугун-эрта очилай деб турган лола ғунчасини эзиб, янчиб ўтди. П. Кодиров, Юлдузли тунлар. Машина шиддат билан қалтис тоғ йўлидан учиб кетди. Газетадан. ..поезд чўлдан кўм-қўк водийга бирдан учиб кираркан.. фарғоналик аскарнинг кўзларидан ихтиёрсиз равишда қайноқ ёш томчиллаган эди, Ойбек, О.в. шабадалар.*

7 Қор, муз устида сирпанмоқ, тойганок отмоқ. *Чанада учмоқ. ■ Момиқ қор кўрпасига бурканган Чимён тоғлари бағрида ёшлар чанги учушмоқда. Газетадан.*

8 Мавжуд еридан узилиб отилиб кетмоқ. *Тоғдан учган катта-катта тошлар. Бола мотоциклдан учиб кетди. ■ Соқолли солдат от тагида қолди, униси отдан учиб, юмаланиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

9 Синиб узилмоқ, синмоқ. *..товоқнинг жиндай жойи учган экан. «Муштум». Шишаси ярмидан учган кичкина лампани тутатиб, ёлғиз ўтирар эди. Ойбек, Танланган асарлар. ..синган, чети учган, чегали пиёла, чойнаклар. Ойбек, Болалик.*

10 Асаб ёки бошқа таъсир сабабли пир-пирамоқ, титрамоқ (лаб, киприк каби аъзолар ҳақида). *Онаси тебраниб қўйди. Қовоқлари пир-пир учди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Бу боланинг бир қадар ўзини мустаҳкам тутиши Толиб акага ёқмади, лаби асабий учди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. ..оғзининг икки чеккасида зулукдай осилиб турган йўғон мўйловлари бир-икки учди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

11 кўчма Берилмоқ, қизиқмоқ, асири бўлмоқ (асоссиз, номақбул равишда). *Ши-*

рин гапта учма, мактаганни кучма. Мақол. ■ [Рашида] Курсдоши Темурнинг енгилтак гапларига учди-ю, Рўзиматни бутунлай унутди. Тўлқин, Оғир эслаш. [Элдор:] Дарвоқе, Райхоннинг нимасига уца қолдим? Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. Ақлли одамлар мактовли ва баландпарвоз сўзларга учмайдилар.. Н. Сафаров, Оловли излар.

12 Кайф таъсирида эс-хушини йўқотмоқ, ўзидан кетмоқ. Афанди бўза ичиб, учиб қолибди. «Муштум». Маъмуржон кўчадан ичиб келган эканми, юз грамм шампанни отди-ю, учиб қолишига сал қолди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

13 Айрим сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар англатган нарсанинг йўқ бўлиши (йўқолиши), кетиши маъносини билдиради. Баракаси учмоқ. Хуши бошидан учмоқ. Кайфи учмоқ.

Елга (ёки ҳавога, осмонга) **учмоқ** қ. ел. Эҳ, аттанг, орзулар учди ҳавога, Англамай йўлиқдим бу бедавога. Я. Курбон, Меҳрим ва қаҳрим. Кўзим учиб тургани йўқ ёки кўзим учиб турувди (алоҳида, киноя оҳанги билан). Бирор шахс ёки нарсанинг келишини, бўлишини ёқтирмаслик, истамасликни билдиради. Келибдилар-да.. сизни кўрамиз деб кўзимиз учиб турувди! А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УЧОВОРА Уч киши бирга, уч кишига бир. Икковора, учовора шивир-шивир, одамлар шивирлаша бердилар. «Равшан». Палов сузилиб, учовора бир товоқ бўлди. Т. Мурод, Қўшиқ.

УЧОҚ I эск. Самолёт, вертолёт каби учуш аппарати. «Юлдузча» манзилига озиқ-овқатлар ва анжомлар учоқ [вертолёт] ёрдамида етказиб берилди. Газетадан. Учоқлар ҳам учолмайдиган даражада юк ортиб, совуқ ўлкаларга парвоз қилмоқда. Газетадан.

УЧОҚ II шв. этн. Кинна, суқ. У исирик тутатиб, қўлим енгил, кимгаки учоқ кирса, ўзим силаб қўйганман.. деди. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

УЧРАМОҚ I Каршисидан чиқмоқ, дуч келмоқ. Йўлда икки отлиқ учради. Бу жойда бирорта таниш учрамади. ■ Сел оқими йўлида учраган ҳамма нарсани остин-устин қилиб, шаҳарга бастаириб келарди. Газетадан.

2 Хузурида, суҳбагида бўлмоқ; учрашмоқ. Отасига учраб, ўзимни танитдим, қимтиниб, тортиниб, арзимни айтдим. «Муштум». Ана

шундан кейин Гуломжон шаҳарга тушиб, тўғри ҳокимга учради. У ҳам минебошидай юмшоқ муомала қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Қисматига тушмоқ, насиб бўлмоқ, йўлиқмоқ. Қўявер, хотин, шу қизга ҳам менга ўхшаган кўса куёв учрасин. С. Аҳмад, Ҳукм. Ҳеч қаерда бундай улгуржи ғанимат учрамади. А. Қаҳҳор, Башорат.

4 Мавжуд бўлмоқ, бўлмоқ. Бу касаллик кўпинча ёз ойларида тарқалади ва 2—8 ойлик кўзи, улоқларда кўпроқ учрайди. «Фан ва турмуш». Менинг бошқаларда учрамайдиган яна битта фазилатим бор. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

5 Дучор бўлмоқ, йўлиқмоқ. Тавба денг, болам, бўйдоқсиз, яна шундай таннозлардан бирига учраб.. «Гулдаста». Умрим паккасига етай деганда, худонинг қаҳрига учрадим, қизим. К. Яшин, Ҳамза. Мариянинг бахтига қарши, амаки сил касаллигига учраб, ишдан қолди. Ойбек, Танланган асарлар.

УЧРАШМОҚ I Учрамоқ фл. бирг. н. Улар дарров врачга учрашсин. ■ Бўронбек билан Комил Чирчиқдан ўтаётганда, қизиллар тўсиғига учрашибди. Ҳ. Фулом, Машғал. Эшикни Инобат очди. Аламли кўзлар бир-бирлари билан учрашди. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

2 Бирор мақсад билан хузурида бўлмоқ; учрамоқ (қ. **учрамоқ** 2). Йўлчи эртасига Қоратойга учрашгани Шоқосимни юбормай, ўзи кетди. Ойбек, Танланган асарлар. Маъқул, агар бу кун домлага учрашсам, жавобини эртага оламан, дейми? А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Бирор мақсад билан ўзаро мулоқот қилмоқ, кўришмоқ. Қаллиқлар одамларнинг кўзидан йироқда — яшириқча учрашиб юрар эдилар. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар. Аҳмедов Саодатхоннинг районо мудири Воҳидов билан учрашмоқчи бўлганини эшитиб, сал ўзгариб қолди. С. Зуннунова, Янги директор.

УЧРАШУВ I Учрашмоқ фл. ҳар. н. Унинг мақсади Йўлчи билан учрашув, албатта. Ойбек, Танланган асарлар. Меъмор Бухорий билан устод Қавом учрашуви ғайриодатий бўлди. Мирмуҳсин, Меъмор. Юсуфжон қизиқ Мадаминбек билан кўп «ширин учрашув ва суҳбатлар»да бўлган. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Ким(кимлар) биландир суҳбат ўтказиш мақсадида тайёрланган (уюштирилган)

махсус ййғин. Фармон эълон қилингандан бир неча кун ўтгач, ҳарбий қисм жангчиларининг Ж. Усмонов билан учрашуви бўлиб ўтди. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Янги қабул қилинганлар билан юқори курс студентларининг учрашув кечаси уюштирилди. Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Беллашув, беллашув ўйини. Қишлоқ спортчилари спартакиадасида футбол учрашувлари ҳамиша кескин курашлар остида ўтади. Газетадан.

УЧУВЧИ I Учмоқ фл. сфдш. Бу саҳроларнинг кумлари сирғалувчи ва учувчи бўлиб.. у барча жонли мавжудотни кўмиб ташлашга қодирдир. Газетадан.

2 Учиш аппаратларини бошқарувчи, ҳайдовчи мутахассис. Қарасам, эшик олдида Чимёнга учган учувчи турибди. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

УЧУВЧИЛИК Учувчи касби, иши. Учқун бўлса учувчиликка ўқиб.. биз кўрмаган қанчадан-қанча элларни кўрар. Ҳ. Фулом, Машғал. [Пўлатжон] Учувчилик мактабини яқинда битириб, Тошкент аэропортига путёвка олармиши. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

УЧУН кўм. Сабаб, мақсад, аталганлик каби маъноларни билдиради, шундай маъноли муносабатларни кўрсатади. Бу ерга Мадали аканинг жиғига тегиш, рашкини келтириш учун кирганлигимни эслаб, мулзам бўлдим. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Дунёда тўғри яшаб, юртга хизмат қилиб ўтишдан ортиқ бахт борми инсон боласи учун?! Т. Ашуров, Оқ от. Ота-онаси саводли кишилар бўлганлиги учун ҳам ёшлигидан савод чиқарди. «Фан ва турмуш».

УЧУНИҚ Шамоллаш натижасида юз берадиган енгил бетоблик; бир қанча касалликларнинг бошланғич белгиси.

УЧУНМОҚ этн. Ёмон кучлар таъсирида, кўрқиш, чўчиш сабабли тоби қочмоқ, оғримоқ.

УЧУРНҚ I Шама тарзидаги сўз, гап, ибора; қочриқ. Хоннинг бош айғоқчиси Али маҳрамни биладиганлар олакўз деҳқонга учуриқ ташлаб, масҳара қилиб кулдилар. С. Сиёев, Аваз. -Юрагингдаги хуфёна ниятларингдан анчадан буён хабардорман, — учуриқ қилди у. Ш. Бўтаев. Кўрғонланган ой. Чолкампирининг учуригига стол атрофидасилар

қийқуриб кулишди. Ҳ. Фулом, Сенга интилам.

2 шв. Бир учи, кичик бир қисми. Аммо бола тарбияси талаб қиладиган катта вазифанинг бир учуриги холос бу. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

УЧУҚ I Шамоллаш, учуниш ва ш.к. сабаблар туфайли лабга тошадиган тошма. Лабларига тошган учуқ ҳали қайтмаган бўлса-да, иситмаси пасайган эди. Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

Лабига учуқ тошмоқ (ёки **чиқмоқ**) қ. **тошмоқ**. Унда кўнгли қинғирларнинг лабига учуқ тошириб юборадиган қип-қизил гувоҳнома бор. Газетадан. Доим шундай қиласиз, янгилик деса, лабингизга учуқ чиқаверди. А. Муҳиддин, Ҳаля.

УЧУҚ II Четининг кичик бир қисми синган, чети учган; синиқ. Лаб учуқ лаган. Лаб учуқ пиёла.

УЧҚУН I Ёниб ёки лаққа чўғ бўлиб турган моддадан отилиб, учиб чикувчи зарра.. Йилтираган чўғ ерга тушиб, ожиз учқунлар сачратиб сўнди. М. Муҳамедов, Қиммат билан Ҳиммат. Тўхта хола тандирга ўт қўйганга ўхшайди, кўча томонга гоҳ-гоҳ учқун учиб турибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Нарсаларнинг бир-бирига тегиши, уринишидан ҳосил бўлувчи олов-зарра. Тоҳир болтани.. гоҳ қулфга, гоҳ дарвоза занжирининг зулфинига урар, темирдан учқун сачрар.. эди. П. Қодиров, Юлдузди тунлар. Кўкрак чўнтагидан мўъжазгина ялтироқ қутичани олиб, бир жойини босган эди, «чирс» этиб учқун сачраб, қутичага ўрнатилган пилик аланга олди. К. Яшин, Ҳамза.

3 Нарсаларнинг сачрайдиган, сочиладиган энг майда бўлаги, зарраси. Темир учқуни. ■ Совуқ шамол зўрайиб, қор учқунлари бурунга, кўзга, пешонага урила бошлади. Ҳ. Фулом, Машғал. Қалин, қора булут яна битта-битта совуқ учқун ташлаб, ҳамма ёқни қоплаб олган. Ў. Ҳошимов, Икки сурат.

4 кўча Сизги, ҳиссиёт, қобилият ва ш.к. белгиси. Лекин кўнглида гоҳи йилт этган учқун чақнайди. Бу — умид, рўшнолик, нажот учқуни. С. Сиёев, Аваз. ..бу хотинда, ширинсўзлиги ва ташқи кўринишини ҳисобга олмганда, сатангликдан учқун ҳам йўқ эди. С. Зуннунова, Гулхан.

УЧҚУНЛАМОҚ 1 Учқун сачратмоқ, учқунлар сочмоқ. *Электр сими учқунлади.*

2 Зарра (учқун) тарзида ҳаракатланмоқ (қ. **учқун 3**). *Қор жуда эринчоқлик билан майдалаб, сийрак учқунлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўчма Учқун чиқармоқ, учқун (зарра) сифатида намоён бўлмоқ (қ. **учқун 4**). *Агар бу умид учқунламаса, ҳаёт уқубатга айланиб, кўнгуллар вайрон бўларди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Шу топда Тоҳирнинг кўнгулида ҳам умид учқунлагандай бўлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

УЧҚУР 1 Тез уча оладиган, тезучар. *Вақт бамисоли бир учқур қуш экан.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

2 кўчма Тез чопа оладиган; чопқир. *Қамчи еб ўрганмаган учқур бедов олдинга ўқдай отилиб, эгасини бало-қазодан олиб чиқиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 кўчма Жуда тез (учиш каби) ҳаракатланувчи (мавҳум нарсалар ҳақида). *Учқур замон билан қалқиб, чайқалиб, Чарх уриб бораман гирдоблар аро.* Э. Воҳидов, Чароғбон. [Ойбекнинг] *Қақроқ дудоқларида айтилмаган сўз.. учқур ҳаёлида улкан китоб.. қолиб кетди.* Миртемир, Йўқлаш. *Йиллар учқур, ўтаверади, Хотиралар тобора оғир..* Х. Даврон.

УШАЛМОҚ Бўлак-бўлак бўлиб синмоқ, майда-майда бўлинмоқ. *Тун совуғи билан қотган лой оёқ остида, синиқ шиша парчаси каби, қирс-қирс ушалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Орзуси (ёки **нияти, умиди ва ш.к.**) **ушалмоқ** Орзуси, умиди амалга ошмоқ, рўёбга чиқмоқ. *Ука, ер олганимдан кейин ҳам ўша мўлжалларим юзага чиқмади, орзуларим ушалмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кунлар келар, толенгиз ёр — Ушалади умид ва армон.* Файратий.

УШАТМОҚ 1 Бўлак-бўлак қилиб синдирмоқ, майда бўлакларга бўлмоқ, ажратмоқ, синдирмоқ. *Қудрат.. нонларни ушати, чой қуйди.* М. Исмоилий, Фаргона т.о. *Отхонада дийдираб, кунжара ушатиб, қўйларга беради.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *..тиши билан нўхатдек қандни ушатиб, бир қултум чой ичди..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Урмоқ, уриб пачақламоқ. - *Уриб, жағини ушатмадингми? — Қодир гуваладек муш-*

тини ҳавода тўлғади. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

3 с.т. кам қўлл. Йирик пулни шу қийматдаги майда пуллар билан айирбош қилмоқ, майдаламоқ. *Юз сўмликни ушатмоқ.*

ПАТИР (ёки **нон**) **ушатмоқ** этн. Йигит ва қизни никоҳлаш ҳақида аҳдлашмоқ, келишмоқ, унаштирмоқ. *Орадан уч-тўрт кун ўтгач, нон ушатиб, фотиҳа ҳам қилинди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Розилик бериб, патир ушатасиз, бир ойга қолмай, қизингизни ўйнаб-кулиб узатасиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Рўзани ушатмоқ** Овқат еб қўйиб, рўзани бузмоқ. *Жаноби устоз! Рўзангизни ушатиб қўйдингизми? «Латифалар». Таҳорат ушатмоқ қ. таҳорат.*

УШБУ кўрс. олм. кт. Шу, мана шу; мазкур. *Ушбу ёзган мактубимни Бошдан-оёқ тоза кўр, Озроқ муҳаббатинг бўлса Тезроқ жавоб ёза кўр.* Ҳамза. *Ёвга қарши ғазаб-ла Чақнар эди кўзлари.* Ҳамон менинг эсимда Унинг ушбу сўзлари. З. Диёр.

УШЛАМОҚ 1 Қўл, панжа билан даҳл қилмоқ, тутмоқ. *Пешонасини ушламоқ. Икки қўли билан бошини ушламоқ. Кўкрагини ушламоқ.* ■ *..бу текин томошадан завқланиб, қоринларини ушлаб, қотиб-қотиб кулишарди.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. *Бу киши шунақа, богдан деворларни ушлаб чиқиб кетмаса, ҳисоб эмас..* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Набижон беморнинг томирини ушлаб, юзига қаради.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Қўл, панжа, бармоқ(лар) орасига олмоқ, шундай ҳолда тутмоқ. - *Оғирроқ бўлинг, шайх! — деди сўйил ушлаб турган йўғон бир йигит.* К. Яшин, Ҳамза. *Эшик олдида етганида, негадир ўзининг ҳам ўша ёққа кетаётганини сезиб, ҳаяжон ичида тутқични ушлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол. *Ҳар замонда бир қўлида тўрхалта, бир қўлида зонтик ушлаган қари-қартанглар, болалар ўтиб турибди.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. *Ализамон унинг қўлидан ушлаб, тинчлантиргандек силаб қўйди.* А. Обиджон, Аканг қарағай, Гулмат.

3 Қўл билан тутиб олмоқ; тутмоқ. *Улар [қизлар] чимчиловчиларни қарғайдилар. Ушлаб олсалар, урадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қиз уни [товуқни] ушлаб олгани кўп уринди..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Войдод, ҳой, қўшнилари.. ушланглар.. ҳой, Абдураҳмон, ушла уни!* С. Зуннунова, Олов.

4 Қўлга олмоқ, қўлга туширмоқ (мас., жиноятчини). Бу ерга келиб, фақат айрим хавфли шахсларни кузатиб, уларни жиноят устида ушлаб, қамоққа ташлаш билан кифояланиб.. К. Яшин, Ҳамза. Бир неча солдат келиб, маҳбусларни ушлади, ясовул ҳаммасининг қўлига кишан урди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Бирор ҳолатдан (кетиб, йўқ бўлиш ва ш.к. дан) сақламоқ; тутмоқ. Уни то шу пайтгача икки нарса ушлаб турар эди: ..биродарининг уйига қуруқ қўл билан кириб боргиси келмасди. У шахид кетган бўлса, болалари зориқаятгандир, бир тишладан бўлса ҳам у-бу олиб боради, дерди. Т. Малик, Ажаб дунё. Беаёв тонг яқинлашмоқда. Ёвдан тортиб олинган жойни ушлаб туришса, бас. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. У Зулфиқорни ортиқ ушлаб турмай, фотиҳа берди. Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Бериладиган ҳақни ёки унинг бир қисмини бермасдан чегириб олмоқ, олиб қолмоқ, тутиб қолмоқ (қарз, жарима каби тўловлар ҳисобига). Кассир ойликдан беш сўм ушлади.

7 кўчма Сақламоқ, тутмоқ. ..ёлғиз бошимга ҳам Тошкентдан, ҳам Марғилондан икки хотин ушлаб туриш оғирлик қила бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Саид ака, болалар эрталаб албатта сут ичишлари керак деб, кўп йиллардан бери мол ушларди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

8 Риоя қилмоқ, амалда тутмоқ (қонун-қоида, таомил кабилар ҳақида). «Ер-сув ишлаганники! Фақат ишлаган тишлайди!» шиорини маҳкам ушлаб иш қилдик. Н. Сафаров, Оловли излар. Шариатни маҳкам ушлаган хотин шаҳарда иккита бўлса, бири — мулла Норқўзининг хотини, иккинчиси — шу! А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

9 Қўзгамоқ, тутмоқ (вақти-вақти билан авж оладиган касаллик ҳақида). Кутилмаганди санчиқ ушлади. ■ Кумушни ўқтин-ўқтин оғриқ ушламоқда. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Нозик жой(и)дан ушламоқ Қалтис, жиддий еридан тутмоқ. Дарҳақиқат, Кумуш энг нозик жойдан ушлаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Этагини ушламоқ айн. этагини тутмоқ қ. этак. Ўртоқжон, мен сенинг раҳбарлигингда одам бўламан, деб этагини

маҳкам ушлаганман. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

УШОҚ I Ноннинг майда бўлакчалари; увоқ. Сухари ушоғи. Патир ушоғи. ■ -Қаддини кўтаргунча, заводчи бойлардан солиқ олинмаслиги керак, — деди.. нон ушоқларини териб ўтирган Ёлмонбой. Ж. Шарипов, Хоразм. Раҳмим келиб уларга, Айвончага дон сепдим. Ҳар хил нарса: қўноқ, сўк Ҳамда ушоқ нон сепдим. Уйғун.

2 Жуссаси, гавдаси кичик, заиф, нимжон. Ушоқ киши. ■ Ҳикояни тинлаган сарим, бу қотма, ушоқ чол кўз ўнгимда салобат касб этиб.. гавдаланарди. Ҳ. Назир, Узр, отахон. Ёши қирқ бешга бориб қолган.. ушоқ, пакана Нуруллаев турмада баттарроқ чўкди. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 шв. Бола, бола-чақа. [Оқсоқол:] Муғул келиб, ўзимизни қул қилиб олса, хотин, ушогимизни бозорга чиқариб сотса, яхшими? М. Осим, Ўтрор.

УШР [а. عشر — ўндан бир] тар. Деҳқончиликдан келадиган даромаднинг ўндан бири ҳисобидан олинадиган солиқ. Ҳазинани бойитаман деб, халқни гадо қилдингиз.. ушр деб оласиз, улоғ деб оласиз. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. ..ўлпону ушр солиқлари раиятни тобора қашшоқлаштириб, тинкасини қурутди. Мирмуҳсин, Меъмор.

УШУ, у-шу [хит.] срт. Шахсни камолта етказишнинг фалсафий, ахлоқий ва руҳий-жисмоний (психофизик) жиҳатларга асосланган, турли хил қуроллар билан ёки қуролсиз жанг олиб бориш усулларини қамраб олувчи махсус жисмоний машқлардан иборат анъанавий хитойча ҳарбий санъатлар мажмуи.

УШУК I шв. Совуқ. Қорабўрон. Ўлат. Қор. Ушук. Камчил эди замбарагу тўп. Миртемир.

Ушук урмоқ айн. совуқ урмоқ. қ. совуқ. ..қулоқ-бурнимни ушук уриб, госпиталда ҳам ётиб чиқдим. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

УШУК II шв. кам қўл. Эртақ, чўпчак. Бир пайтлар ушугимизни эшитиб одам бўлганлар бугун ўзимизга ушук айтиб ўтирса-я! «Ёшлик».

УШШОҚ [а. عشاق — «ошиқ I» с. кўпл.] мус. «Шашмақом»нинг иккинчи мақомлар гуруҳига оид куй ва шу куйдаги ашуланинг номи. Юнус ака катта йиғинларда «Ушшоқ»

айтадиган бўлса, уста Сирожибдинни топ-тириб келмай иложи йўқ. Мирмуҳсин, Со-занда.

УЮМ Бир ерга уйиб ташланган нарса; тўп, тўда. *Қум уюми. Шағал уюми. Фишт уюми. Китоблар уюми.* ■ *Ҳаммамиз кўсак уюми атрофига ўтириб олиб, кўсак чувир-дик. У. Икромов, Унутилмас хотиралар.*

УЮМОҚ шв. Ивимоқ.

УЮР Орасида бир айғири бўлган бия-лар тўдаси. *Узоқ йўл босган уюр ҳовуз атрофидаги барҳанларнинг ёнбағрида тўзон булутидай бўлиб ётибди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Ўти тизза бўйи келадиган кенг яйловларда йилқи уюрлари.. ўтлаб юрибди. А. Шермуҳамедов, Ўт-ўланлар водийси.*

УЮРМА Ўралиб ҳаракат қилувчи кучли шамол; бўрон, гирдибод; шундай шамол билан юқориға кўтарилиб тушадиган майда нарсалар. *Тўзон уюрмаси. Қорли уюрма.* ■ *Саҳродан келган қум уюрмаларидан ўзлари-ни сақлаш учун ҳамма жониворлар ин-инига беркинди, чўл хувуллаб қолди. М. Осим, Аж-додларимиз қиссаси. Уюрма ер юзини су-пурмоққа қасд этгандай, тиккайган нимаи-ки бор, комига тортмоққа уринади. Н. Нор-қобилов, Бекатдаги оқ уйча. ..саратонда завол топган, қуриган хаслар осмон бўйи уюр-мада чирпирак бўлиб айланади. Н. Норқо-билов, Бекатдаги оқ уйча.*

УЮШИҚ Уюшган, жипслашган, аҳил. *Уюшиқ маҳалла.*

Уюшиқ бўлақлар тлш. Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил синтактик вазифани бажариб, тенг боғловчилар ёки санаш оҳанги билан боғланган бўлақлар.

УЮШМА Бир мақсад йўлида бирга-ликда ҳаракат қилиш учун бирлашган кишилар ёки ташкилотлар бирлашмаси; иттифоқ, ташкилот. *Ёзувчилар уюшмаси.* ■ *Ер ислоҳоти ўтказилиш олдидан қишлоқ камбағаллар уюшмаси тузилади. А. Қоди-рий, Обид кетмон. У [Мўмин] ҳозир шу фикрда бўлиб, колхозга вақтинчалик бир уюшма деб қарар, ишга асло ихлос қўймас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

УЮШМОҚ I Ўзаро бирлашиб, бир мақ-сад йўлида бирга ҳаракат қиладиган гуруҳ, жамоа, ташкилот ҳосил қилмоқ, бирга ҳаракат қилиш учун ўзаро бирлашмоқ. *Келганидан буён ҳаваскорларни тўплаб, тў-*

гарак очмоқчи бўлиб юрган Жалолхон ҳали жуда уюшиб, қовушиб бўлмаган тўгаракнинг дастлабки бадиий хизматини кўрсатди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

УЮШМОҚ II шв. Увишмоқ. *..болалар уюшган оёқларини ишқалаб ёзиб, ерга туша бошладилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Бўри полвоннинг қалби уюшиб кетди. Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.*

УЮШТИРМОҚ I I Уюшмоқ I фл. орт. н. [Абдуракул] Қамишканада биринчи мартаба батрак-камбағалларни уюштиради. П. Тур-сун, Ўқитувчи.

2 Ташкил қилмоқ. *Ҳашар уюштирмоқ. Фитна уюштирмоқ.* ■ *Ўтган йили санъат-шунослик институти Хоразмга экспедиция уюштирди. Газетадан. Ҳозирги хурсандчилик, тантананинг ҳаммасини Комилжон уюштир-ганлигини у биларди. С. Зуннунова, Янги ди-ректор.*

УЮШТИРМОҚ II Уюшмоқ II фл. орт. н. *Хушрўйнинг оғзидан чиққан бу таҳдид бечо-ра онанинг юрагини уюштиради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

УЮШҚОҚ Бир мақсад йўлида бирла-шиш, уюшишга ҳаракат қиладиган, шунга интилувчан. *Биз, ишчилар, жуда катта уюш-қоқ оиламиз. А. Мухтор, Опа-сингиллар. ..та-шаббускор, уюшқоқ, энг муҳими, бир тан, бир жсон бўлиб, қовушиб меҳнат қилаётган кол-лективлар бор. «Ўзбекистон қўриқлари».*

УЮШҚОҚЛИК Уюшиб, қовушиб ҳа-ракат қилиш, иш-фаолиятда яхши уюшиш, жипслашиш. *Меҳнат интизоми шундай бир воситаки, у ишда уюшқоқликни, ташаббус-корликни.. таъминлайди. «Ўзбекистон қў-риқлари». Дастлабки кунданоқ уюшқоқлик билан иш бошланиб, терим суръати кучая борди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

УЯ I Ёввойи ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротларнинг яшаш ва кўпайиш учун мослаб ясаган жойи, уйи; ин. *Қалдирғоч уя-си. Арининг уяси. Юмронқозиқнинг уяси. Бў-ри уяси. Қуш уясида кўрганини қилар. Мақол. Йўлбарс боласини тутмоқ учун йўлбарс уясига кирмоқ керак. Мақол. ■ Қуш дўст-лари, қушларни қутинг, дарахтларга уя ўр-натиб. З. Диёр. Қаердадир ўргимчак уясига илинган пашша гингиллар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

2 қ.х. Уруғни ташлаш, экиш учун очил-ган чуқурча, жой. *Ҳар уяга маълум миқдор-*

да чигит экишга кўчиш.. энг муҳим масала-лардандир. Газетадан. Энди чигитни жўякка эмас, уяга экар эканмиз, Ҳатамбек. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

3 Ёмон ниятли кишилар ўрнашган ёки учрашадиган, тўпланадиган жой, макон. *Жосуслар уяси. Текинхўрлар уяси. Ўғриллар уяси.* ■ Кўзғолончилар аввалги ғайрат билан олға талпиндилар. Душман уясига айланган Кармана шахрига йўл очиқ эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. -Уша пайтда бизнинг колхозга ҳаромхўрлар уя қўйган экан, мен кейин билдим, — деди Абзор. П. Қодиров, Қалбдаги қуёш.

4 кўча Фитна, ваҳима, қайғу ва ш.к. лар қўплаб мавжуд бўлган ёки пайдо бўладиган жой, макон. *Адоват уяси. Фисқ-фужур уяси.* ■ Сиз аввал шаҳардаги ғулуни бартараф қилинг, фитнанинг уясини топинг. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

УЯЛАМОҚ I Уя қурмоқ. *Қўлтиғимда ари уяласа чидайман-у, лекин қаллиғимнинг чўлга боришига чидолмайман.* А. Ҳасанов, Чироклар. *Кимсасиз қишлоқлар, тахта қоқилган деразалар, кўршапалак уялаган қутсиз уйлар.. тоғ манзараларига қабристондай совуқ тус бериб турипти.* А. Мухтор, Чинор.

Уялаб экмोक қ.х. Оралиғи бир хил бўлган уялар ҳосил қилиб, шу уяларга уруғ экмोक. *Сиз, уялаб чигит эксак қандоқ бўлади.. десангиз, раҳматлик Маллавовай ака эсимга тушади.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

УЯЛАМОҚ II Ётган жойидан туролмай қолмоқ, туришга мажболи келмай қолмоқ (ҳайвонлар ҳақида). *Қора қушлар айланганига бирорта чўлоқ қўй уялаб қолиб кетганми, деган эдим.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

УЯЛИ Муайян ҳудуднинг турли участкаларида уяча (хонача) тартибида симетрик жойлашган радиоузаткичлар асосида ишловчи алоқага оид. *Уяли алоқа.*

Уяли телефон Симсиз телефон тури; қўл телефон.

УЯЛМАЙ-НЕТМАЙ рвш. Уят, ор-номус ҳақида ўйламасдан; уят-андишага бормай. *Тўйдан бир кун бурун қизни ҳаммомга олиб боришларига бало борми, уялиб-нетишмайди ҳам.* К. Яшин, Ҳамза. *Уялмай-нетмай, Маҳмуд номига хутба ўқитайлик, дейди-я!* М. Осим, Карвон йўлларида.

УЯЛМОҚ Уят-андиша ҳис-сезгисини туймоқ. *Эр йигитнинг уялгани — ўлгани.*

Мақол. ■ *Ортиқ бир сўз деёлмадим Андишалик бу ишдан. Лекин отда уялмадим «Хайр, жоним» дейишдан.* Т. Тўла. -Дилор, ўртоғинг қаерга тушган? — Дилора ҳам бўйига етиб қолган қиз эди, бўласига тик қарашдан уялдим, ғўзалар ичидан туриб: -Уйида, — деди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

УЯТ I Ўз қилмиши, ноўрин хатти-ҳаракатидан хижолатлик ҳисси; номус. *Бетамизда бет бўлмас, Безорида уят бўлмас.* Мақол. ■ *Кўнелида уйғонган қўрқувми, уятми — аллақандай тушуниб бўлмас бир туйғудан ранги ўчиб кетганини ўзи ҳам сезиб, Анварга зимдан қараб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. [Йўлчи:] *Андак инсоф, уят керак. Чолнинг меҳнатда чириган кўксига бигизни санчаверманг!* Ойбек, Танланган асарлар. *Уятни йиғиштириб қўйиб, Замираларниқига телефон қилди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Ахлоқ-одоб, таомил талабига тўғри келмайдиган, унга зид иш, хатти-ҳаракат ва ш.к. *Санам хола ишқ-муҳаббатни қаттиқ уят ҳисоблар эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Ё ўғлинг сартарош бўлса, уяласанми? Дунёда ғарлик уят, ўғирлик уят!* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

3 Уят бўладиган, уятли. *Ўтган хотинга гап ташлайди, уят гапларни гапирди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Ҳисобчи уят сўз айтиб, оёғини кўтарди-ю, тепмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Уятли иш, хатти-ҳаракат, ҳолат кабиларни алоҳида таъкидлаш, қайд этиш учун қўлланади. *Дудуқланма, буйруқ бажарилдими, йўқми? Уят!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Соқолингизда битта ҳам қора тук йўқ-ку, ёлгон гапирасиз, уят!* Ойбек, Танланган асарлар.

УЯТЛИ I Киши уяладиган, кишини уяттирадиган; хижолатли. *Холмурод бу ҳақда эндигина шубҳа қилар, гўё бир уятли иш қилиб қўйгандай, ўз-ўзидан номусланар эди.* М. Абдулла, Кутилмаган меҳмон. *Болалар кетиб қолишибди.. жуда уятли иш бўлдику-а!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Уят бўладиган, уят мазмунли. *Қори Зоҳид [ўзининг] қозикалан ўғли билан бошидан ўтказган ҳодисаларни уятли таъбирлар билан ёзиб қўйган экан.* С. Айний, Эсдаликлар. *Ўткинчиларга уятли гаплар айта бош-*

лади, ҳатто бир хотинга ҳужум қилди. А. Қаҳҳор, Сароб.

Уятли бўлмоқ Уятли, хижолатли ҳолатда қолмоқ. *Биз сиздан жуда ҳам уятли бўлдик, почча.* А. Қодирӣ, Обид кетмон. **Уятли қилмоқ** Уятли, хижолатли ҳолга қўймоқ. *Қўйинг, бобо, ўзимиз ечиб минармиз, бизни уятли қилманг.* «Эрали ва Шерали».

УЯТМОҚ с.т. Уялмоқ.

УЯТСИЗ 1 Уят-номуси йўқ; номуссиз, шарманда. *Қандай даҳшат! Беномус, уятсиз хотин.* Ҳ. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Ахлоқ-одобга тўғри келмайдиган. *Уятсиз хатти-ҳаракатлар.* *Уятсиз гап.*

3 Шундай шахсларга нисбатан ҳақорат сўзи сифатида қўлланади (қ. **уятсиз 1**). *«Номард! — деб ўйлади Чарос аламдан қақшаб, — атайлаб таъна қилгани келибсан-да, уятсиз!»* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

УЯТСИЗЛИК Уятсизга хос хатти-ҳаракат, хислат. *Бу ҳўрлик, бу одатдан ташқари уятсизлик бечора қўтидорни жуда эзган.. эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Мирзакаримбойнинг уятсизлиги, дадасининг нодонлиги.. ва ҳоказони ҳикоя қиларди [Гулнор].* Ойбек, Танланган асарлар.

УЯТЧАН Уят-номус ҳис-туйғуси кучли; тортинчоқ. *Неъматжон хуштабиатли, уятчан бир йигит бўлиб, одамлар билан ҳам жуда одобли, бир маромда сўзлашарди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Бировга ишқингиз тушса, қиз боладан беш баттар уятчан бўлиб қолар экансиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

УЯТЧАНЛИК Уятчан эканлик, уялиш ҳис-туйғуси кучлилики. *Қизнинг қўрқоқлигидан, уятчанлигидан фойдаланиб, уларни зўр билан ажратиб, қизни тутиб, бошқа кишига берсалар, оқибати ёмон бўлади.* С. Айний, Эсдаликлар. *—Раҳмат! — деди, кейин шу сўзнинг ўзини уятчанлик билан секин такорлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

УҚА Безак учун газмол буюмлар, кийим-кечак ва ш.к. нарсалар четига тикиб, қалаб қўйиладиган узун энсиз мато. *Ислоҳ барлос қаҳрли кўзларини юқорига — ипак чодирнинг кўркам уқаларига, ранг-баранг ипак шокиллари осилиб турган шипга тикди.* Ойбек, Навоӣ. *Очиқ деразадан кирган баҳор шамоли деразининг, учига уқа тутилган сурп пардасини силкитди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Зарбоф тўни ёқасига заррин уқа тутилган барваста*

эшик оғаси кириб, таъзим қилди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

УҚАЛАМОҚ 1 Баданни ёки унинг бирор қисмини босиб силамоқ, эзғиламоқ, ишқаламоқ. *Анорхон кечаси билан кампирнинг бошларини уқалаб, хўрозларнинг товушларини тинглаб чиқди.* И. Раҳим, Ихлос. *Афғон чойфуруш қорнини тўйғазиб бўлиб, дарров оёқларини чўзди, тиззаларини уқалаб, гапга тушди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Саид кўзини йиртиб, қовоқларини уқалаб, уйқусини қочирди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

2 Ишқаб кўчирмоқ. *Терговчи ўйланиб қолди ва зўр бериб пешонасининг кирини уқалар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ашур кийимларига ёпишиб қуриб қолган лойни уқалаб туширяпти.* П. Қодиров, Уч илдиш.

3 Ишқаб, доналарни сўта, пўст ва ш.к. дан кўчириб туширмоқ, ажратмоқ, тозаламоқ. *Кунгабоқарни уқаламоқ.* ■ *Жўхори-ни амакимнинг ўғли учдан бирга қайириб, уқалаб, келтириб берди.* Ҳ. Фулом, Тирилган мурда. *Қози пиёлини олдиға қўйди-да, сўйилган анордан катта бир бўлагини олиб, йирик қизил доналарини кафтга уқалай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

УҚМОҚ 1 Мазмунини ўзлаштирмоқ, билиб етмоқ; англамоқ, тушунмоқ. *Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга.* Мақол. ■ *Қассоб бошини тез-тез ирғаб, уқиб олганини ишора қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Қоидаларни] Роса ўқиб, ёдлаб ол, Уқиб, дилга жойлаб ол.* Қ. Муҳаммадий.

2 Пайқаб олмоқ, ҳис қилмоқ, сезмоқ. *Олимов бошқа болаларнинг ҳам ҳайрат билан боққан кўзларида шундай саволни уққан эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Қиз-жувонларнинг кўзларидан фақат қишлоқ одамларига хос соддалик ва теранликни уқшиш мумкин.* Э. Усмонов, Ёлқин.

УҚТИРИШ 1 Англатиш, тушунтириш; етказиш. *Сен саҳро боласига сўзни уқтириш ҳам қийин.* Ойбек, Танланган асарлар.

2: уқтириш хати Ёзма шарҳ, изоҳ.

УҚУБАТ [а. عقوبت — жазо; таъзир; ўч, қасос; жарима] Рухий ёки жисмоний азоб, қийноқ, жафо. *Фуломжон бу кекса дунёда жуда кам яшаган бўлса ҳам, бошидан жуда кўп уқубатлар кечирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Э парвардигорим.. боламини ўз панонингидан асра, қолган умримни уқубатга ташлама!* Мирмуҳсин, Меъмор.

УҚУБАТЛИ Азоб ва қийноқли, машаққатли. *Уқубатли меҳнат. Уқубатли ҳаёт.* ■ Қасос йўли! Оҳ, бу уқубатли ва мардона йўл. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Бу ҳид Шахнозани ғалати, ҳам ширин, ҳам уқубатли бир аҳволга солиб кетди. С. Зуннунова, Гудак ҳиди.

УҚУВ 1 Кишининг бирор нарсани тушуниб, билиб олиш хусусияти; дид, фаҳм, фаросат. *Ҳар ишга уқув керак.* ■ Маҳмуда уқуви зўрлиги, заводлиги ва уddaбурилиги туфайли ҳар қандай янгиликни тез ўзлаштириб олади. Газетадан. Ҳаваси келарди-ю, шунга маҳорати, кучи, уқуви етадими-йўқми, ўйлаб кўрмас эди. Шухрат, Шинелли йиллар. Эрматжон билан Иномжон ремонтга киришган бўлса ҳам, баъзи жойларига уқувлари етмай, мурватни бураб олишга олиб, жойига қўёлмай, унинг [Қўқонбойнинг] юрагига гулгула сола бошлади. Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

2 Ўқиш-ўрганиш кучи, имконияти; истеъдод, қобилият. *Шеър яхши нарасаку-я, лекин уни ёзишга уқувимиз йўқ.* Ойдин, Суҳбатни жонон.

УҚУВЛИ 1 Уқуви яхши; дид-фаросатли. *Уқувли қиз.* ■ -Солдат уқувли, эпчил, ботир бўлмоғи лозим, — деди генерал. Ойбек, Қуёш қораймас. Дастурхон безашда бунақа уқувлисини учратмаган эдим. И. Уктамов, Ҳикоялар.

2 Лаёқатли, истеъдодли. *Уқувли, тажрибали кишилар.*

УҚУВСИЗ 1 Уқуви яхши эмас, диди паст. *Содда кун кечиришга ўрганган уқувсиз бир қишлоқи аёл нима ҳам қила олади? П. Турсун, Ўқитувчи. Қишлоққа келадиган кўча кинонинг уқувсиз механиклари узиб ташлаган ямоқ ленталардан йиғиб, олақуроқ «кинофильм» қилган эди. С. Аҳмад, Чўл шамоллари.*

2 Таланти, истеъдоди йўқ. *Буларнинг ҳаммаси уқувсиз ёш артистлар томонидан биринчи мартаба биринчи репетицияда бажарилган ролдай ясама чиқди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

УҒОН эск. дин. Худо, олло, тангри. *Тўғонбек салмоқланиб деди: -Маблагни сўзсиз берганларга, уғоним гувоҳ, тилимни қимирлатмадим. Ойбек, Танланган асарлар.*

УҲ унд.с. Чарчаш, бўғилиш каби руҳий-жисмоний ҳис-туйғуларни ифода этади. [Марям:] Уҳ! Жуда қийин ҳолда қолдим-да! Ҳамза, Ким ўғри? -Уҳ, бу Говнинг қилаётган найранги! — деди-да, Абдурашул тоқчага суяб қўйилган қўшотарни қўлига олди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Уҳ тортмоқ айн. уҳламоқ. У [Қобил] ғамгин ва ҳаёлчан гапириб, ҳикояси давомида неча-неча марта уҳ тортди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

УҲДА [а. عهده — масъулият, жавобгарлик; кафиллик] айн. уdda. Аммо тўрт юз жаллоднинг қаршисига чиққан бир кишининг уҳдаси, албатта, бир кишича эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

УҲЛАМОҚ «Уҳ» демоқ, уҳ тортмоқ.



ФА [лот. fa] Диатоник (ўзгарувчан тонли) товушқаторнинг тўртинчи поғонаси; асосий етти поғонали товушқаторнинг тўртинчи товуши. *Нота йўлининг биринчи ва иккинчи чизиқлари орасига ёзилган товуш фа дир.* И. Акбаров, Музыка саводи.

ФАБРИКА [лот. fabrica — устахона] Машина-ускуналардан фойдаланиш асосида хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқарадиган енгил саноат корхонаси. *Пойабзал фабрикаси. Тикувчилик фабрикаси. Бадиий буюмлар фабрикаси. ■ Темуэржон боғчага борадиган бўлгандан кейингина, тикув фабрикасига қатнай бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ФАБРИКАНТ Катта фабрика эгаси, фабрикачи. *Улар ҳаяжонли нутқларида фабрикантларнинг кирдикорларини фош этишди.* Ойбек, Нур қидириб.

ФАБРИКАТ [лот. fabricatus — тайёрланган, ишлаб чиқарилган] Ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноатининг истеъмол учун мўлжалланган тайёр маҳсулоти; фабрикада ишлаб чиқарилган тайёр буюм. *Тўқимачилик фабрикатлари. Фабрикатлар сотмоқ.*

Ярим фабрикат қ. яримфабрика. *Ҳалима холанинг ҳавасини келтирган.. бу ярим фабрикат маҳсулотлар магазини қаерда дейсизми? «Саодат».*

ФАБРИКАЧИ эск. айн. **фабрикант**. *..фабрикачилардан фабрикаларни, заводчилардан заводларни тортиб олиб, халққа бер, дейди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ФАБУЛА [лот. fabula — ҳикоя қилиш, айтиб бериш; тарих; масал] ад. Бадиий асарда

тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг баёни, уларнинг ўзаро боғлиқ бўлган сюжет тизими. *Масхарабозларнинг ҳикоялари, бир томондан, қизиқарли фабуласи.. билан, иккинчи томондан, ижро этилиши билан кишиларни ўзига тортган.* М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

ФАВВОРА [а. فواره — қайнаб тошган, кўпирган нарса, фонтан] кт. 1 Кучли (табиий ёки сунъий) босим билан юқорига отилиб турадиган газ, нефть, сув, суюқлик.

2 Сувни ана шундай ҳаракатга келтирувчи қурилма, иншоот; фонтан. *Икки квартал наридаги кенг хиёбон жуда ўтиришли жой: ўртаси гулзор, кичкина фаввораси бор.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Фаввора урмоқ кўча Жўш урмоқ, авжига чиқмоқ. *Адолат чашмаси фаввора урди, Хиёнат балчиғин ҳар ёнга сурди. Ҳаёбий. Ҳадемай тўй карвони йигит уйи томонга олди. Карвон ўтган кўчаларда тўй шодидаси фаввора уриб борди.* М. Исмоилий, Одабийлик қиссаси.

ФАВТ [а. فوت — кетиш, жунаш; утиш] эск. Ўлиш, дунёдан ўтиш. *Фавтимдан сўнг халойиқ не деб мазаммат қилур? «Ёшлик».*

ФАВҚУЛОДДА [а. فوقالعاده — одадан ташқари] 1 Ниҳоят кам учрайдиган; бора-бора кўпайиб кетган; кутилмаганда юз берган; тасодифий. *Фавқулодда ҳодиса. ■ Отини кавш қайтариши фавқулодда ерда, фавқулодда вақтда кечади.* Т. Мурод, От киннаган оқшом. *Замиранинг Муҳаммаджонга унаштирилгани ҳали ҳам одамларга фавқулодда бир янгилик бўлиб кўринарди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

2 Одатдан ташқари; кам дуч келинадиган, камёб. *Тиктепа қишлоғининг гузариди мулла Обиднинг қўлидаги фавқуллода кетмонни кўрган ҳар ким кулади. А. Қодирий, Обид кетмон. Ойбек фавқуллода серқирра истеъдод соҳиби эди. Газетадан.*

3 *рвш.* Ғоят даражада, ҳаддан ташқари; ғоят, жуда. *Шералининг назариди, бугун ҳамма нарса фавқуллода сўлим, қушларнинг нағмаси эса жозибалироқ эди. С. Кароматов, Олтин қум. Никоҳ тўйи фавқуллода суронли ва тантанали бўлди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Махсус шароит талаби билан белгиладиган, содир бўладиган; навбатдан ташқари. *Фавқуллода мажлис. Фавқуллода ва мухтор эли. ■ Бу ҳодисалар саройда фавқуллода чора-тадбирлар кўришни тақозо этди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ФАГОЦИТ [юн. phagos — ебтўймас, очкўз + kytos — ҳужайра] *биол.* Одам ва ҳайвонлар организмда ёт жисм ва бактерияларни тутиб олиш ва ҳазм қилиш хусусиятига эга бўлган ҳужайра.

ФАЖЕ [а. فاجع — фожиали, ҳалокатли] *кт. айн. фожи(ъ).* Фаже аҳвол. Фаже воқеа. ■ *Яқин тарихнинг ўзиёқ унинг [Навоийнинг] кўзига фаже манзараларни беҳисоб қаторлаштиради. Ойбек, Навоий.*

ФАЗА [юн. phasis — намоён бўлиш, пайдо бўлиш] 1 Табиат ёки жамиятдаги бирор воқеа-ҳодиса, жараён ва ш. к. нинг ривожланишидаги муайян пайт, муддат, давр. *Ғўзанинг шоналаш фазаси. ■ Бу мақолада биз асосан гул ва ҳосил тугунчалари, унинг ривожланиш фазалари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Газетадан.*

2 *махс.* Бирор нарсанинг шакли, ҳолати ёки ҳаракати ўзгаришидаги маълум ҳал қилувчи пайт, давр. *Маятникнинг тебраниш фазаси. ■ Галилей дунёда биринчи бўлиб телескоп ясади-да, унинг ёрдамида Венера фазаларини кузатишга муваффақ бўлди. «Фан ва турмуш».*

3 *эл.* Генератор ўрамасининг айрим гуруҳи, шунингдек, унга уланган электр симлар.

ФАЗИЛАТ [а. فضیلت — афзаллик, ижобий хислат; эзгу иш] 1 Ижобий хислат, яхши хулқ ёки хусусият. *Ҳалоллик энг яхши фазилатдир. ■ Мехр-оқибат ва садоқат истасанг, ўзинг ҳам шу фазилатларнинг эга-*

си бўл. Газетадан. Самимийлик қизларнинг келажак ҳаётларида энг зарур фазилатдир. «Саодат».

2 Афзаллик, устунлик. *Бу ерларнинг ўз фазилати, ўз кўрки бор. Газетадан. Ҳар фаслнинг ўз хислати бор, Ҳар фаслнинг — ўз фазилати. Уйғун.*

3 Фазилат (хотин-қизлар исми).

ФАЗИЛАТЛИ Яхши, ижобий хислатга эга бўлган, яхши хулқ, характер соҳиби. *Фазилатли одам. ■ Гап камтарлик ҳақида борар экан, кўз ўнгимизда ажойиб фазилатли кишилар, шу билан бирга, гердайдан, мағрур, калондимоғ баъзи кимсалар жонланади. Газетадан.*

ФАЗИҲАТ [а. فضیحت — уят, номус; расволик, шармандалик] *эск.* Обрўсизлик, расволик, шармандалик. *Хомуш ўлтур, Муаззам, суҳбати аҳли тамиз ичра, Фазиҳат бўлмағайсан, эл аро беҳуда кўп сўзлаб. «Ўзбек шоирлари».*

ФАЗЛ [а. فضل — қадр-қиммат; обрў, шараф] *кт.* Ижобий хислат, фазилат, афзаллик, устунлик. *Энг шарафли фазл эрур инсонга деб аҳду вафо, Ҳар нафас меҳру муҳаббат айлаб изҳор ўлтирур. Ҳабибий, Девон.*

Аҳли фазл Яхши фазилат соҳиблари, фазилат аҳли. *Паҳлавон, Алишерга қараганда анча катта бўлса ҳам, аҳли фазл ўртасида ном чиқарган ёш шоирни катталардек ҳурмат қилар эди. М. Осим, Сеҳрли сўз. Фазлу карам* Яхшилик ва саховат, марҳамат. *Албатта, фазлу карам Оллоҳнинг қўлида, уни ўзи истаган кишиларга берур. «Шарқ юлдузи».*

ФАЗЛ-КАМОЛОТ, фазлу камолот Ижобий хислат(лар) ва камолот, фазл ва етуклик, балоғат. У ўз ҳўжасининг фазлу камолотини тақдирлаб, унга хизмат қилишни ўзи учун бир шараф деб ҳисоблар эди. Ойбек, Навоий.

ФАЗО [а. فضاء — очик кенг майдон; коинот] 1 *айн. макон 1.* Нисбийлик назарияси — *материя мавжуд бўладиган фазо ва вақт назариясидир. «Фан ва турмуш».*

2 Ҳамма томонга чексиз йўналган бўшлиқ; осмон; коинот. *Жисмининг фазодаги ҳаракати. ■ Дейдилар, фазонинг чегараси йўқ, Миллиард юлдузларнинг сўнги ҳам фазо. А. Орипов, Юртим шамоли.*

3 *кўчма* Оғуш, кучоқ. *Хотини отланиб уйдан чиқиб кетгач, у аста ҳўрсинди-да, чексиз*

хаёл фазосига парвоз қилди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ФАЗОВИЙ [а. فضائى — фазога, коинотга оид] Чексиз бўшлиққа, коинотга дахлдор, тегишли. *Олимлар, карта — дунёнинг фазовий, тасвирий образидир, деб таъриф беришган. «Фан ва турмуш».*

ФАЗОГИР [а. + ф. فضاگیر — фазони эгалловчи] *кт.* Фазони забт этувчи; космонавт. *Тонг билан Ер янги фазогирини ўзга сайёралар сари учирай. А. Исроилов, Биз — дунё одамлари. Ўйла чиқар бу кун фазогир, Сомончининг йўли пойандоз. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.*

ФАЗОГИРЛИК Коинотни забт этиш маҳорати, касби, хунари. *Биз унинг [Гагариннинг] фазогирлигига қойил қолиб, мактабни унинг номи билан атадик. Газетадан.*

ФАЗОКОР *айн. фазогир.* Унинг фазокор ўғли Ер атрофида айланаркан, шу азамат чинорга бир он бўлса ҳам кўз ташлар. *А. Мухтор, Чинор. Мактаб йўли, дўстлар, фазокор парвозидан кам эмас зарра. А. Орипов, Йиллар армони.*

ФАЗОМЕТР [юн. phasis — пайдо бўлиш + юн. metreo — ўлчайман] *физ.* Ўзгарувчан ток қурилмаларида фазаларнинг силжиш бурчагини, яъни занжирдаги ток билан кучланиш фазалари ўртасидаги фарқни ўлчайдиган асбоб. *Электрон фазометрлар билан ўлчаши электрон-механик фазометрлар билан ўлчашдагидан аниқроқ чиқади. «ЎЗМЭ».*

ФАЗОТРОН [юн. phasis — пайдо бўлиш + (элек)трон] *физ.* Зарядланган оғир зарчаларнинг ҳаракатини тезлаштирувчи мослама, атом ядросини текширишда қўлланади. *..фазотроннинг параметрлари ўзининг бошланғич қийматларига қайтади ҳамда тезлаштишининг янги цикли бошланади. «ЎЗМЭ».*

ФАЙЗ [а. فيض — тўкилиш, ёйилиш; мўлқўлчилик; саховат, мурувват] **1** Ўзига жалб қилишлик, қувонч бахш этувчи жозибадорлик. *Сухбатга файз кирди. Базмнинг файзи кетди. ■ Оромбахш «Чўли ироқ» полизнинг сеҳрли оқшомига яна ҳам файз киритди. Н. Фозилов, Дийдор. Шу пайт электр чироқлари ёқилди, ҳовлига файз устига файз қўшилди. Газетадан.*

2 кўчма Барака, мўллик. *Файз ёғилди Ўзбекистонга, Бу дилрабо боғу бўстонга. Х. Расул. Бахт нашъаси. Фарғонанинг хусни кел-*

ди сахрога, Пахта экдим, файз келди, инжу келди. Т. Тўла, Оромижон.

ФАЙЗБАХШ [файз + ф. بخش — бағишловчи] *кт.* Лутфу қарам, қут-барака бахш этувчи, инъом-эҳсон берувчи.

ФАЙЗИЁБ [файз + ф. ياب — топувчи] *кт. 1* Ўта тароватли, мафтункор, кўркем, серфайз. *Боғлар нурдан файзиёб бўлди. Ҳ. Фулом. Ёмғир савалаган сайин чанг-ғуборли атроф-жавониб мусаффолашмоқда, файзиёб бўлмоқда эди. «Ёшлик».*

2 Баҳраманд. *Бепоеъ мамлакатимизда.. ҳаёт неъматларидан ҳамма файзиёб. Газетадан. То ҳаёт эканмиз — савобга зормиз, Йилт этган шуъладан диллар файзиёб. А. Орипов, Йиллар армони.*

ФАЙЗЛИ Ўзига жалб қиладиган; жозибадор, истараси иссиқ; кўркем. *Файзли боғ. Файзли одам. Файзли суҳбат. ■ Шаҳримиз қиёфаси кечқурун янада файзли бўлади. Газетадан. Балки менинг онам ҳам Мўтабархоннинг онасига ўхшаб ширинсўз, минг марта айланиб-ўргилиб, гиргиттон бўладиган файзли аёлмиди? М. Алиев, Шонли авлод.*

ФАЙЗСИЗ Ёқимсиз таассурот қолдирадиган, жозибасиз, хунук, бефайз. *Файзсиз одам. Файзсиз суҳбат. Файзсиз кўча. ■ Эркаксиз уй файзсиз, кўркем кўринади кўзга. Фарзанд учун эса ота бир тоғдай. М. Алавия, Болаларимнинг отаси. Деворнинг қулаган жойидан олмazor ҳовли рўяси бирдан нига файзсиз, хунук бўлиб кўринди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

ФАЙЗ-ТАРОВАТ Кўркемлик, хусн; гўзал кўриниш. *Узоқ умр кўриб, бахт-саодатли яшаган кексаларимиз фаровон ҳаётимизга файз-тароват бағишлаб туришибди. Газетадан. Нуроний оналаримизу отахонларимиз яшаётган уйлариинг ўзига хос файз-таровати бор. Газетадан.*

ФАЙЗ-ФУТУР: **файз-футур кетмоқ айн. футур кетмоқ қ. футур.** *Навоий кетди — Ҳиротдан файз-футур кетди. Ойбек, Навоий.*

ФАЙЗ-ҲАЛОВАТ [файз + ҳаловат] *Жо-зиба, осойишталик, кўркемлик ва тинчлик. Аёллар бор жойда файз-ҳаловат бор.. «Ёшлик».*

ФАЙЛ [ингл. file — қоғозлар тикмаси, картотека] *тех.* Компьютер хотирасида алоҳида ном (сарлавҳа) остида сақланадиган, бошқа алоҳида номдаги ҳужжатларни (маълумларни)

қабул қилмайдиган ҳужжат ёки ҳужжатлар мажмуи.

ФАЙЛАСУФ [а. *فيلسوف* < юн. *philosophos* — доноликни севувчи] **1** Фалсафа илми, дунёқараш муаммолари билан шуғулланувчи олим, мутахассис. *Шарқнинг машҳур файласуфлари.* ■ *Файласуф ҳақиқатга ошиқ кишидир. Шунга кўра, ҳар бир ҳақиқатталаб одам маълум даражада файласуфдир. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». Файласуфларнинг оқил гаплари бор. Ўзгартиришнинг иложи бўлмаган нарсага кўникмоқ керак, дейишади.* «Ёшлик».

2 с. т. Донолар каби муҳокама юргизадиган; донишманд. -*Файласуф эканку-а?* — *Бозор Қудратов энгашиб, Рауфга шивирлади: -Сатторнинг гапларини қара-я! «Ўзбекистон кўриқлари».*

ФАЙЛАСУФЛИК **1** Фалсафа илми билан шуғулланиш.

2 Файласуф сингари, файласуфнамо фикр юритиш. *Эрнинг бирдан файласуфлиги тутиб кетди.* С. Аҳмад, Сайланма. -*Сен бир харсангтошсан, сендан мен ажойиб ҳайкал ясайман, — деган эди бир кун файласуфлиги тутиб кетиб Жанна. Мирмуҳсин, Умид.*

ФАЙЛАСУФНАМО [файласуф + ф. *ناما* — сингари, ўхшаш] с. т. Файласуфга ўхшаш, файласуф қиёфасидаги; файласуфлардек. *Файласуфнамо мулоҳаза юритмоқ.* ■ *Сухбатдошим нуруний бир чол — қувноқ, тетик, файласуфнамо.* С. Зуннунова.

ФАЙТОН эск. айн. **фойтун.** У [от] гоҳ эгарланади, гоҳ ҳовлидаги фойтонга қўшилади. Ҳ. Гулом, Машғал. *Ёкутой мактаби олдида икки фойтон келиб тўхтади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ФАЙТОНЧИ эск. айн. **фойтунчи.** Амирнинг фойтончиси.. чарчаган оқсоқ отнинг сағрисига устма-уст қамчи сола берди. С. Айний, Қўлар.

ФАКС қ. **телефакс** **1, 2.** Компьютер, факс, «уяли» телефон каби мўъжизалар ҳаётимизга нисбатан яқинда кириб келди. Газетадан. Вилоят почта бўлимларида 16 та компьютер.. 3 та факс аппаратлари ўрнатилган. Газетадан.

ФАКСИМИЛ Айнан, аслидагидек акс эттирилган, факсимиледан иборат, факсимиле каби. *Факсимил телеграмма.* ■ *Бу китоблар орасида машҳур шоир ва таржимон*

Сайфи Саройи асарларининг қўлёзма тўпламидан олинган факсимил нусха ҳам бор. «ЎТА».

ФАКСИМИЛЕ [лот. *fac simile* — айнан шундай қил, бажар] **1** Фотонусха воситасида аслидек қилиб босилган қўлёзма, ҳужжат ва б. хил босма маҳсулотлар.

2 Шахснинг ўз қўли билан қўйилган имзони айнан акс эттирувчи босма шакл; клише-муҳр.

ФАКТ [лот. *factum* — бажарилган, қилинган] **1** Ўйлаб топилмаган, уйдирма бўлмаган, реал, мавжуд нарсаси; ҳақиқий воқеа, ҳодиса. *Сухбатларни жонли, қизиқарли, турмушдаги фактларга суяниб ўтказиш керак.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳар қандай дадил фантазиянинг замирида ҳам ҳаётний тажриба, реал фактлар, манзаралар ётади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Бор нарсаси, воқеа ёки ҳодиса ҳақида маълумот, далил. -*Ҳамма бўлган фактларни ёза бер.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Энди у дангал фактларни рўпара қилишга қарор берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Бирор нарсаси ҳақида хулоса чиқариш, қатъий бир фикрга келиш учун хизмат қиладиган нарсаси, асос (мас., ҳужжат, далил, мисол). *Жиноят юзасидан йиғилган фактлар етарли эди.* ■ *Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги суд ишларини кўриб чиқиш практикаси муҳокама этилди.* Газетадан. *Шундан сўнг раис Низомиддиновга танбех қилди: Конкрет фактларга ўтинг.* А. Қаҳҳор, Танланган асарлар.

ФАКТИК Аниқ далилга асосланган; шубҳа туғдирмайдиган, ҳақиқий ҳолат ифодаси бўлган. *Фактик материаллар. Фактик материаллар таҳлили.*

ФАКТОР [лот. *factor* — бажарувчи, ишлаб чиқувчи] қ. **омил** **1.** Ҳал қилувчи фактор. ■ *Бу факторлар ҳақиқий ёзувчини ҳам-касабаларидан ажратиш турадиган индивидуалликка олиб келади.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Узоқ яшаш факторларидан бири тоза ҳаводир.* «Саодат».

ФАКТУРА [лот. *factura* — қайта ишлаш, тузатиш] **1** Харидорларга сотиш учун жунатилган молларнинг рўйхати, миқдори ва нархи кўрсатилган ҳужжат. *Фактура билан мол бермоқ.* ■ *Қизиқиб фактурани талаб қилдим.* Газетадан. *Дорихона очиб, унда фактураси йўқ моллар сақлаб, уларни истаган нархда сотди.* Газетадан.

2 Тасвирий санъатда: асар сиртининг иш-ланиш ёки тузилиш хусусияти. *XX аср санъатида фактурани мураккаблаштириш бўйича тажрибалар тарқади.* «ЎЗМЭ».

ФАКУЛЬТАТИВ [фр. facultatif < лат. facultas, facultatis — имконият, мумкинлик] Мажбурий бўлмаган, ихтиёрий; ихтиёрий равишда танлаб олинадиган. *Факультатив курс. Факультатив семинар. Факультатив машғулотлар.* ■ .бундай қўлланмиш адабий тилда ва айрим шеваларда факультатив характерга эга. «ЎТА».

ФАКУЛЬТЕТ [нем. Fakultät < лат. facultatis — қобилият, имконият] Олий ўқув юртининг маълум ихтисослик бўйича тегишли фанлар ўқитиладиган бўлими. *Филология факультети. Кимё факультети. Факультет йиғилиши.* ■ У Шерали учунгина эмас, бутун факультет, университет учун муътабар ва ҳурматли киши. С. Кароматов, Олтин кум.

ФАКУЛЬТЕТЛАРАРО Факультетлар ўртасида, орасида. *Факультетлараро спорт мусобақаси. Факультетлараро муносабат.*

ФАЛАЖ [а. فلاج — шол, паралич] 1 тиб. Асаб системасининг ишдан чиқиши натижасида тана аъзоларидан бирортасининг таъмоман ҳаракатсиз бўлиб қолишидан иборат касаллик; шол. *Оёқ фалажи. Фалаж бўлиб қолмоқ.* ■ Шу (В.) дармондори етишмаслиги натижасида киши фалаж касалига йўлиқиши мумкин. К. Махмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. [Анорбиби] Юрак фалажига йўлиққани маълум бўлиб, шу кун кечаси, ҳатто уч гўдаги туғрисида бир оғиз васият қилолмай.. вафот этди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 кўчма Ишдан чиқиш, ҳаракатсиз бўлиб қолиш. *Асрлар ўтишига қарамай, бу ерда ҳаёт ҳали ҳам фалаж эди.* Ойбек, Навоий.

ФАЛАЖЛАМОҚ Фалаж, шол қилиб қўймоқ. *Алкоголь даставвал бош мия хужайраларига таъсир қилади, кейин уларни фалажлайди.* Газетадан.

ФАЛАК [а. فلك — осмон; осмон гумбази] 1 Ердан юқорига қараганда гумбаз, кубба шаклида бўлиб кўринадиган фазо бўшлиғи, осмон гумбази; осмон, кўк. *Яна чакмоқ чакди, яна фалак гумбурлади.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. *Чингизхон от солиб келиб, Минори Калон тагида фалакка бўй чўзган бу обидага маҳлиё бўлиб қолибди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Осмони фалак с. т. 1) жуда баланд, юксак. — *Сиз билан тўхтовсиз қилинган маишатлар мени аввал осмони фалакка олиб чиқиб, кейин жарга улоқтирди, — деди Олим Эргашга.* Б. Раҳмонов, Қилмиш-қидирмиш. *Шу баробар олдинда чанг-тўзонни осмони фалакка чиқариб гирдоб кўтарилиди.* М. Мансуров, Ёмби; 2) кўчма дабдабали, баландпарвоз. *Агар бирга турмуш қуришга розилик бермасангиз, уволимга қоласиз, деб осмони фалак гаплар қилди.* Т. Алимов.

2 кўчма Тақдир, қисмат, кўргилик. *Мен ўзим бу фалаkning дастидан нажот излайман, бегим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Эй фалак, чархинг бузилсин, Кимларга хор этдинг мени.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Фалаkning гардиши билан Фавқулодда ҳолларда, ғайриихтиёрий равишда, вазият талаби, бирор мажбурият орқасида; тақдир тақозоси билан. *Бу ғариб ва кимсасиз киши асли Сабзавор шахридан, фалаkning гардиши билан Ҳиротга келиб қолган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Фалаkning гардиши билан шу кишлоққа кўёв бўлиб келди.* «Муштум». **Парвойи фалак** Юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қаровчи; парво қилмайдиган, беғам. *Ўзаларингиз чанқаб кетибди.. сиз бўлсангиз парвойи фалаксиз.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Ювош эса парвойи фалак; ҳеч нарсаси билан иши йўқ, доим хурсанд.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Фигони фалакка чиқмоқ** (ёки ўрмаламоқ, кўтарилимоқ) Ҳаддан ташқари жаҳли чиқмоқ, асабийлашмоқ, бўғилмоқ. *Хайри боғчадан ўғлини олгани кирганда, тарбиячининг фигони фалакка чиқиб турган эди.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. — *Падарига минг лаънат, шу ҳам кўп бўлди, — саксон ёшлар атрофидаги ота-хоннинг фигони фалакка ўрмалади.* «Муштум».

ФАЛАКАТ с. т. айн. **фалокат** 2. *Ҳаракатда — баракат, ётиб еган фалакат.* Газетадан. *Дугонажон, эрга тегдик десак, куйган эканмиз. Қаердаги фалакатга теккан эканмиз.* «Гулихиромон».

ФАЛАКИЁТ [а. فلکیات — астрономия; астрономияга алоқадорлик] эск. тар. Астрономия ва табиий географиядан умумий маълумотлар берувчи, ўрта асрларда ривож топган фан; астрономия. *Абу Наср.. вақтини риёзиёт, ҳандаса, фалакиёт илмларини ўрганишга сарф этар эди.* М. Осим, Жайхун

устиди булутлар. *Сўнгра устод Қозизода Румий онҳазратнинг илтимоси билан зарбоф матога ўралган қалин китобини очиб, риёзёт илми ҳамда бу илмнинг фалакиётни ўрганишдаги ўрни тўғрисида баҳс юритди. О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.*

ФАЛАҚ [а. فلق — тешиқ, ёриқ, дарз; ёғоч тўсин] эск. Ўтмишда эски мактабларда гуноҳкор ўқувчининг оёқлари илигига киришиб боғлаб жазолайдиган махсус тахтакач, тахта исканжа. *Биз домланинг қанча калтагини еб, фалақ азобларига чидаб, ўн йилда хат-саводли бўлган эдик. С. Айний, Дохунда.*

Фалаққа тортмоқ (ёки осмоқ) Айбдорнинг оёқларини фалақ тешигига киргизиб, боғлаб қўймоқ. [Домла] *Бўлар-бўлмасга фалаққа тортавериби, бола бечораларнинг юрагини олиб қўйган экан. Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим. ...домла беҳининг новдаси билан уради, мошга чўккалатади, фалаққа осади.. А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар.*

ФАЛЛОҲ [а. فالاح — деҳқон, экинчи, зироатчи] Араб мамлакатларида ўтроқ деҳқоннинг номи. *Карбало даштига қўл узатиб у, Фаллоҳлар ҳолидан бўлди хабардор. Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар. Бу кўчаларда ўтар фаллоҳлару ҳаммоллар, Тоғчилар, қурувчилар, қаламкашлар, адиблар. Миртемир, Асарлар.*

ФАЛОКАТ [а. فلاکت — мусибат, бахтсизлик; мушкул аҳвол] 1 Одамлар ихтиёридан ташқари, қутилмаганда юз берадиган кўнгилсиз воқеа, ҳодиса; бахтсизлик; офат. *Фаросатсиз — фалокатга йўлиқар. Мақол. Кумушбиби учун бу ҳол қутилмаган бир бахтсизлик, қутилмаган бир фалокат эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Тоҳир ёмон бир фалокатни олдиндан сезгандай, юраги увушди. П. Қодиров, Бобур.*

Фалокат оёқ остида Офат, бахтсизлик қутилмаганда, кўққисдан юз бериши мумкин. *-Фалокат оёқ остида, деганлари ҳақ гап экан-да, — деди кимдир. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Фалокат босиб* Гайриихтиёрий равишда; ўйламасдан, адашиб, билмай. *Бир кун фалокат босиб, меҳнат дарсида.. электр аррани синдириб қўйсақ бўладими? Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Фалокат босиб, эру хотин уришиб қолишди. Охир бўлмади, ажралиб кетишди. Газетадан.*

2 сўк. Ярамас; бадбахт. [Бой:] *Ғофирни кўрдингми? [Ҳолмат:] Боя шу ўртада ўра-*

лашиб юрўди, фалокат! Бир зумда йўқолиб қолибди. Ҳамза, Бой ила хизматчи. ..Немис фалокат лотинчани ҳам, ўзбекчани ҳам билар экан. Ойбек, Куёш қораймас.

ФАЛОКАТЗАДА [а. + ф. فلاکت زده — фалокат урган, бахтсиз] Фалокатга дучор бўлган, фалокат азобини чеккан. [Муҳаммад Паҳлавон] *Ҳозир тонг уйқуси элитган фалокатзада дўстининг сарғайган юзига қараб, унинг уйғонишини кутиб ўтирар эди. М. Осим, Сехрли сўз.*

ФАЛОКАТЛИ Хавфли, мудҳиш, бахтсизлик келтирувчи; хавф-хатарли. [Отабек] *Ўзининг очиқ кўзи, ўтқир зеҳни орқали бундай ўзбошимчалик орқасидан мудҳиш фалокатли манзаралар кўрар.. эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Бу фалокатли ишни Йўлдош бошлади. Ғ. Ғулом, Шум бола.*

ФАЛОКАТСИЗ Хавф-хатарсиз; бешикаст; бирор қор-ҳол юз бермай, бахтсизликка учрамай. *-Айт хўжайинингга, нозик юкни фалокатсиз элтиб қўйдим, пулни мўлроқ чўзсин, — деди [Қора Аҳмад]. Ойбек, Танланган асарлар.*

ФАЛОН [а. فلان — шундай, шундай бир] гум. олм. 1 Нарса, шахс ёки воқеа-ҳодиса, улар ҳақидаги бирор хусусият, белгини аниқ билдирувчи сўзлар ўрнида ишлатилади. *Фалон киши. Фалон нарсa. Фалон жой. Фалон сўм. Фалон вақт. Фалон вақтда келаман деса, тамом, келмасдан қўймасди. Ў. Умарбеков, Чарос. Фалон ҳовлида бўйи етган қиз бор, деган гапни эшитиб, кўзимиз ўйнар, лекин юзини кўрмасдик. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Фалон-писмадон (ёки фалон-пистон, фалон-туғун) с. т. У-бу, ундай-бундай, анави-манави. *Фалон-пистон деб гапни чўзма. Акам пақирнинг қорнини ёрсанг, алиф чиқмайди-ю, тагин фалону писмадон деганига куяйми! П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Бирор хусусият ёки ҳодисанинг, жараённинг миқдоран жуда ортиқлигини, юқори даражада эканлигини билдиради. *Энг ёмони — шаҳарда қовун етишмаётган экан, бир тилими фалон пул эмиш. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. -Синиқчига бооришни ўзим ҳам биламан. У фалон пул сўрайди. С. Сиёев, Ёруғлик. Бозорда муштумдай жўжа фалон пул. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

3 Одоб-ахлоққа зид, айтиш уят ҳисобланган сўзлар ўрнида қўлланади. Она билан қизни бир одамнинг фалон қилиши шарият юзасидан тузук эмас. С. Айний, Қуллар. Кампир, агар шунга тегмасанг — фалон, деб оғзига сўз олади, мени уйдан ҳайдаб чиқарди. «Муштум».

ФАЛОНЧА с. т. Номаяълум миқдорни ифодалайди; шунча, шу миқдорда. Фалонча сўм. Фалонча китоб. ■ Хўш, фалонча таноб ер сеники, деди. Ҳ. Шамс, Душман. Шу билан бирга ердан олинадиган ҳосилни «фалонча» деб чегаралаб ҳам бўлмайди. Газетадан.

ФАЛОНЧИ гум. олам. Кимсани аниқ атамасдан, унинг исми ўрнида ишлатиладиган сўз. Фалончи, ота-онаси бўлмаса ҳам, ўқсимай ўсди, дейишади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Ёзганда ҳам, фалончини мақтайман, деган ўйим бўлмаган. Жўнгина қилиб, ўзим ўйлаган нарсаларни ёзганман. М. М. Дўст, Лолазор.

Кимсан — фалончи 1) энг машҳур, юқори мартабали. Ушанда Ҳамза кимсан — фалончи бўлиб ном қозонади. К. Яшин, Ҳамза. Отанг кимсан — фалончи, онанг тиллага топиб бўлмайдиган Нафисахон бўлса, сендан бахтли қиз борми! Мирмуҳсин, Умид; 2) юқори мансабли; бой, бадавлат. Кимсан — терифуруш фалончи бой! Лекин кўрган одам ямоқчими, бўзчими, деб ўйлар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ФАЛСАФА [а. فلسفه < юн. philosophia < phileo — севаман + sophia — донишмандлик] 1 Табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан; олам ва унда инсоннинг тугган ўрни ҳақидаги ғоялар, дунёқарашлар тизими. Умар Хайёмнинг қисқа, лекин сермазмун байтларига сингдирилган ҳаёт фалсафаси буюк, ҳаёт ва дунёдаин бепоён. Газетадан. Устоз Қори-Низий Шарқ ва Фарб фалсафаси тарихи, сиёсий иқтисод, адабиёт, санъат бобида ҳар қандай мутахассис билан баҳслаша оларди. «Фан ва турмуш».

2 с. т. Эшитиб ўтириш ва мулоҳаза қилишга арзимайдиган, асоссиз, мавҳум фикр, мулоҳаза; қуруқ сафсата. Бу одам «ҳаётнинг олға босувни мумкин эмаслигини исбот қилатурган» ўзининг фалсафаси билан Саидийни юпатар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Бу анави чол — Пулатжон домланинг гапи! Бу-

нақа фалсафалар ушандан чиқади! А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

Фалсафа сотмоқ (ёки сўқмоқ) Ўринсиз, фойдасиз, узоқ мулоҳаза юритмоқ, гапни чўзмоқ; сафсата сотмоқ. - Фалсафа сотиш бас, — деб Ҳасаннинг сўзини кесди Фотима. С. Айний, Қуллар.

3 Шахсий тажриба, фикр-ўй асосида юзага келган ишонч, эътиқод. Жони бор одам кимираб туриши керак — унинг фалсафаси шу. Ҳ. Фулом, Машғал. Бу сўзлари билан у ўзининг содда фалсафасига якун ясагандай бўлди. С. Анорбоев, Оқсой.

ФАЛСАФИЙ [а. فلسفى] 1 Фалсафага оид (қ. фалсафа 1, 2). Абу Али ибн Синонинг адабий ижодида унинг фалсафий, этик ва эстетик қарашлари ўз ифодасини топган. Газетадан. Одатда, назарий, фалсафий қондаларни лўнда қилиб ечиб бериш жуда мушкул масала. Ҳ. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Табиат ва жамият ҳақидаги теран дунёқарашни ўзида ифода этган. Фалсафий роман. Фалсафий оқим. Фалсафий лирика. ■ Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, фалсафий лириканинг фалсафа фанига дахлдорлиги нисбий характерга эга. «ЎТА».

ФАЛСАФИЙЛИК Фалсафий мушоҳадаларга эгалик. Шер руҳидаги чуқур фалсафийлик.. хусусиятларини биз Ойбекнинг шеъриятида ҳам кўрамиз. «ЎТА».

ФАЛЬСИФИКАТОР Фальсификация, яъни сохталаштириш билан шуғулланувчи, сохталаштирувчи. Тарих фальсификаторлари.

ФАЛЬСИФИКАЦИЯ [юн. falsificare — сохталаштирмоқ, қалбакилаштирмоқ] Чин, ҳақиқий воқеа ёки ҳодисани бузиб, бўяб кўрсатиш, сохталаштириш, қалбакилаштириш.

ФАМИЛ [р. фамильный — оилага алоқадор < лот. familia — хонадон, оила]: **фамил чой**, **фамилчой** с. т. Қора чой ва шундай чой солиб дамланган ичимлик. ..аччиқ фамил чойнинг иссиғи юзига тепгандек, нозик қирра бурнининг учи қизариб кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Девзира гуручининг палови фамил чойни хуш кўрмайди.. С. Аҳмад, Сайланма. Ёғлиқ овқат, гўшт, жигар, сут, қаймоқ, юмшоқ нон ейиш мумкин эмаслигини, нон қоқиси еб, қуюқ фамилчой ичиш лозимлигини айтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ФАМИЛИЯ [лот. familia — қуллар, тобелар; хонадон; меросий ном; авлод, оила]

Ота-она ёки бобо исмидан ясашиб, шахс исмига қўшиб айтиладиган, наслдан наслга ўтадиган оилавий ном. - *Икки кун ўтгандан кейин вестибюль деворини тўлдирган узундан-узоқ буйруқ — рўйхатда Шавкатнинг фамилияси ҳам чиқди. П. Қодиоров, Уч илдиш. У фамилиясидан «хўжа»ни олиб ташилаган, домовойга [уй дафтарига] «Тошхўжаев» эмас, «Тошев» деб ёзилган. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

ФАМИЛИЯДОШ Фамилиялари ўхшаш, бир хил бўлган шахслар. *Қаранг-а, дадажон, сиз билан биз фақат фамилиядош эканмиз, холос. «Ёшлик».*

ФАН [а. فَنّ — санъат, маҳорат; эркин касб; илм, билим; тармоқ] 1 Табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда ўзи эришган натижалар билан атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизими. *Фан асослари. Фан ютуқлари. ■ Ҳар бир фanning ўзига хос сири ва сехри томонлари бўлади. «Ёшлик». Фан тарихида қизиқарли ҳодисалар кўп учрайди. «Фан ва турмуш».*

2 Шундай билимлар тизимининг алоҳида тармоғи, йўналишлари, соҳалари. *Аниқ фанлар. Ижтимоий фанлар. Табиий фанлар. Физика фани. Тилишунослик фани. ■ Биласизми, бўталоғим, табиий фанлар даврнинг зарурий эҳтиёжларидан вужудга келади. С. Кароматов, Олтин қум. Биология фани ҳам ниҳоятда ривож топиб кетди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

ФАНАТИЗМ [«фанатик» с. дан] 1 Ўз дини ва эътиқодига ортқ даражада ёпишиб олиб, бошқа ҳар қандай қарашларни рад этиш, фанатикларча фикр юритиш ва ҳаракат қилиш; ўтакетган мутаассиблик, жоҳиллик. *Диний фанатизм. ■ Покистонда ижтимоий ва сиёсий жараёнлар орқасида халқнинг ўзи тобора секин-секин фанатизмдан воз кечмоқда. Ойбек, Нур қидириб.*

2 Бирор ғоя, иш ёки машғулотга бутун вужуди билан берилиб кетиш, муккасидан кетганлиқ, ўта ишқибозлик.

ФАНАТИК [лот. fanaticus — асабийлашган; жазаваси тутган] 1 Ўзининг ўта диндорлиги, бошқа динлар, эътиқодларга тоқат қила олмаслиги билан ажралиб турувчи киши; ўтакетган мутаассиб.

2 Бирор ғоя, иш ёки машғулотга бутун вужуди билан берилиб муккасидан кетган,

ўта ишқибоз одам. *Афанди доктор паришон-хотир бўлгани билан ўз касбига пухта, медицинага фанатик ошиқ эди. Газетадан.*

ФАНАТИК сфт. Фанатизмга оид, ўтакетган мутаассиблик руҳи билан суғорилган. *Фанатик одам. Фанатик ҳаракат.*

ФАНЕР [нем. Furnier < фр. fournir — устма-уст қўймоқ, қопламоқ] 1 Юпқа қилиб текисланган ёғоч тахталарни устма-уст, қатлам-қатлам елимлаб ёпиштириб тайёрланган қурилиш материали. *Аҳмад шиддат билан фанердан ясалган кичкина дарчани тақиллатди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Шу маҳал якка табақали фанер эшик очилиб, остонада шифтдай бўлиб, Тўрабек кўринди. М. Мансуров, Ёмби.*

2 Мебелларнинг сиртини қоплаш учун ишлатиладиган юпқа тахта, пластинка. *Маҳкам стул суриб ўтирар экан.. бир четига сиёх тўкилган, сирти фанер стол кўзига одатдагидан бошқачароқ кўриниб кетди. П. Қодиоров, Уч илдиш.*

ФАНЕРА айн. **фанер**.

ФАННИЙ [а. فَنّى — бадий, ижодий; моҳирона] кт. Фанга, илмий асосларга таянган; илмий. *У ўзининг.. қалтис таваккал билан қўл урган хатарли фанний тажрибаларидан мамнун бўлур эди. А. Мухтор, Чинор.*

ФАНО [а. فَناء — ўлим, ўлиш; йўқ бўлиш, ҳалокат] эск. кт. 1 Йўқ бўлиб кетиш, ўлиш. *Гарчи фано ҳар кимсага Азалий бир қисматдир. А. Орипов, Онажон.*

Фано бўлмоқ (ёки **топмоқ**) Ўлмоқ, вафот қилмоқ; йўқ бўлмоқ. *Юрт эгаси энди фано бўлибди, Ул сабабдан сендай жаллод келибди. «Ширин билан Шакар». Вақт, замон олий ҳакам, Бу кун фано топгай ғазал. Гар ғазал узра кўёшдек Сочмаса ёғду замон. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.*

2 Ўздан ва бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сиғиниш. - *Умиримни фақру фано йўлига бағишламоқ ниятидамен, — кўзларидаги ҳасратни учқунлантириб гапирди Ҳайдар. Ойбек, Навоий. Дунёнинг ҳой-ҳуйидан «этак силтаб», фақр ва фано йўлини тутсинми? Ойбек, Навоий.*

ФАНОР с.т. айн. **фонарь**. Тол шохига осиглиқ фанорни ёқсаммикин, ёқмасаммикин, деб ўйлади. Х. Фулом, Машғал.

ФАНТА [«фантазия» с. дан] Цитрус ўсимликлари (лимон) мевасидан тайёрланадиган чанқовбосди ичимлик. *Раҳимжон уйдан бир*

шиша арақ, бир шиша «Фанта» ичимлиги, олма, бодринг олиб чиқди. Газетадан.

ФАНТАЗИЯ [юн. phantasia — хаёл, тасаввур] 1 Инсоннинг бирор нарсани ўйлаб чиқариш, тасаввур қилиш қобилияти; ижодий тасаввур, фараз. *Фантазияси кучли одам.* ■ *Деворий суратда фақат фантазияга таяниб иш қуриб бўлмайди.* «Гулистон». Саргузашт — фантазия билан тирик, фольклор эса фантазия бобида ёзувчи учун бамисоли бир қанот. У. Норматов, Талант тарбияси. *Шахмат ўйини фантазияни қўзғатади ва ўстиради.* Газетадан.

2 Амалга ошиши қийин бўлган ёки умуман амалга ошмайдиган, хомхаёл, пуч орзу. *Очил. Маҳкамнинг ижод фантазиясига тушунмаганидан жилмаяр эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. Э, бунга ишонмайман, бу пуч хаёл, фантазия. Газетадан.

3 мус. Эркин услубдаги енгил мусиқа асари. *Катта ва кичик формадаги энг яхши асарларнинг деярли ҳаммаси тингловчиларга ҳавола қилинмоқда.* М. Насимов ва бошқа композиторларнинг.. рапсодия ва фантазиялари шулар жумласидандир. Б. Зиёев, Ижод уфқлари.

ФАНТАСТ [юн. phantastikos — хаёл, тасаввурга оид] Фантастик асарлар (бадий асар, сурат, фильм ва ш.к.) яратувчи ижодкор. XIX асрда Францияда улуғ фантаст-ёзувчи Жюль Верн ўтган. «Фан ва турмуш». Ҳар бир фантаст адиб ўзининг ижодий қобилияти, фаннинг у ёки бу соҳасидаги билим доираси имкон берган даражада асар яратади. «Ёшлик».

ФАНТАСТИК 1 Фантазияга (қ. фантазия 1) асосланган; фантастикага оид; борлиқдаги воқеа ва ҳодисалар нотабий равишда, муболаға билан тасвирланадиган. *Фантастик роман. Фантастик ҳикоя.* ■ *Эртақлар тўла сюжет компонентларига эга бўлиб, уларда воқеа-ҳодисалар фантастик либосда тасвирланади.* «ЎТА».

2 Амалда, ҳақиқатда бўлмайдиган, ўйлаб, туқиб чиқарилган; уйдирма; хаёлий. *Фантастик воқеа.*

ФАНТАСТИКА [юн. phantastike — хаёл қилиш санъати, қобилияти] 1 Хаёлда, тасаввурда туғилган, ғаройиб, ғайритабий ҳодиса, образ ва ш. к. ҳамда уларнинг хаёлий тасвири. *Халқ эртақлари фантастикаси.* ■ *Адабиётшуносликда уни [фантастикани] ик-*

кига — илмий фантастика ва бадий фантастикага бўлиб ўрганилади. «Фан ва турмуш».

2 Шундай образлар тасвирланган бадий ижод тури, жанр (адабиёт, кино, тасвирий санъат). *Дарҳақиқат, ҳар қандай адабиёт ривожида фантастика жанри ҳам муҳим роль ўйнайди.* «Ёшлик». Ўзбек.. адабиётда фантастиканинг жанр сифатида қарор топа бошлаганига ҳали кўп вақт бўгани йўқ. «Фан ва турмуш».

ФАНФАРА [итал. fanfara] мус. 1 Мисдан ясалган, пуфлаб чатинадиган мусиқа асбоби. *Фанфараларнинг овозлари, ноғора ва барабанларнинг товуши байрам бошланганидан дарак берди.* Газетадан.

2 Шундай чолғу асбоби ёрдамида байрам ёки парад бошланганидан хабар берадиган, тантанавор руҳда ижро этиладиган қисқа мусиқий сигнал. *Спорт парадининг қатнашчилари фанфараларнинг садоси остида майсазорда саф тортдилар.* Газетадан. *Спартакиада байроғини кўтаришга чорловчи фанфаралар овози бутун майдонни янгради юборди.* Газетадан.

ФАНШУНОСЛИК Фанларнинг вазифаси, тарихий тараққиёт қонуниятларини, тузилиши, фаолият кўрсатувчи тузилмаларини, фаннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ш.к. ни тадқиқ қилувчи илмий соҳа.

ФАОЛ [а. فعال — ҳаракат қилувчи; таъсирчан] 1 сфм. Бирор ғоявий ҳаракат ёки ишга ғайрат билан, астойдил киришадиган, ишчан. *Нормурод фаол бир колхозчи бўлса ҳам, соддагина бир одам, ундан ҳар сирни олиш мумкин.* С. Айний, Куллар. *Муҳиддин Каримов ерларни обод қилишда фаол қатнашди.* «Ўзбекистон қуриқлари». *Бунинг сабаби шуки, фаол фикрлаш, ўйлаш мияга қон келишини кучайтиради.* «Фан ва турмуш».

2 от Бирор жамоанинг ижтимоий ҳаётида, фаолиятида астойдил, берилиб ишлайдиган шахс, жамоатчи. *Қишлоқ фаоллари катта тўйлардаги сингари гурс-гурс ер босиб елиб юришибди.* Й. Шамшаров, Чироқ. *Мулла Обид қишлоқ йиғинларига, фаоллар мажлисларига бормайди эмас, боради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Ҳаракатчан, кўп ҳаракат қиладиган. *Нутқнинг фаол аъзолари.*

ФАОЛ [а. فعال — фаол аёл] Ижтимоий-ташкилий ишларда ва меҳнатда берилиб

ишлайдиган (қатнашадиган) аёл. *Норбуви деб аталувчи бу хотин — қишлоқнинг фаоласи, кўп йиллардан бери жамоат ишларида ишлайди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ФАОЛИЯТ [а. *فَعَالِيَة* — ҳаракатчанлик; таъсирчанлик; самарадорлик] 1 Бирор соҳала олиб бориладиган иш, машғулоти, ҳаракат. *Ижодий фаолият. Сиёсий фаолият. Ижтимоий фаолият. Нутқий фаолият.* ■ *Шоир ўз ижодий фаолиятида янги дунё яратувчи кишилар тўғрисида куйлаб келди.* Н. Сафаров, Очерклар. *Бернора Қориева ўз фаолияти давомида жуда кўп қувончли, ҳаяжонли кунларни бошидан кечирди.* «Саодат».

2 Шундай иш, ҳаракат жараёни. *Юракнинг фаолияти.* ■ *Организмнинг нормал ҳаёт фаолияти учун оқсил, ёғ, углеводлардан ташқари витаминлар ҳам зарур.* «Саодат». *Кўк чой киши руҳини тетик қилиб, иш фаолиятини яхшилайдди.* «Фан ва турмуш».

ФАОЛИЯТСИЗ Бирор ишга берилиб қатнашмайдиган, астойдил ишламайдиган; нофаол. *Фаолиятсиз ходим.* ■ *..магазин директори М. Носировнинг фаолиятсизлиги кўрсатиб ўтилди.* Газетадан.

ФАОЛИЯТСИЗЛИК Иш-ҳаракатда сустлик, берилиб ишламаслик, ҳаракатсизлик. *Фаолиятсизлиги учун танқид қилмоқ.*

ФАОЛЛИК Меҳнатда ёки бирор ҳаракатда, жараёнда жадаллик, жонбозлик кўрсатиш, ишчанлик; таъсирчанлик. *Ҳисобот кампанияси халқни оёққа турғизди, кенг оманинг фаоллигини ошириб юборди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ФАР с. т. Фара, ёриткич. *Троллейбуслар ёйларини бошларига олиб, уйқуга киришди.* *Қўчаларда машина фарлари порламай қолди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

ФАРА [фр. *phare* < юн. *Pharos* — қадимги Мисрда Искандария яқинидаги, жуда катта мағи билан машҳур бўлган Фарос ороли] Транспорт воситалари (автомобиль, локомотив, велосипед ва ш. к.)нинг олд қисмига ўрнатилган, қоронғида йўлни, иш бажарилаётган жойни ёритишга хизмат қиладиган электр фонарь. *Катта кўчадан келиб бурилган машина фарасидан тушган ёруғликдан Шералининг кўзи қамашди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Соҳилдаги трактор фарасини ёқиб, унга қаратди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ФАРАЗ [а. *فَرَض* — тахмин; мажбурият, бурч] Бирор нарса ёки масала юзасидан

олдиндан, тахминан чиқарилган ҳукм, ҳулоса; тахмин, тахминий мулоҳаза. *-Фан учун тажриба ва фараз, қиёс ва таҳлил жуда зарур, - деди профессор. А. Раҳмонов, Ҳурмат-эҳтиром. Олим илмий фаразлар олдида қўл бўлиб қолмаслиги керак.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

Фараз қилмоқ (ёки **этмоқ**) 1) тахмин, гумон қилмоқ. *Йўлчи унинг тоғасининг қизи эканини фараз қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Улар қизни йигит деб фараз қилишибди.* «Эртақлар»; 2) ..деб ҳисобламоқ, билмоқ. *Элмурод бугунги машқни такрорлаш учун нулёмётга ётар экан, генерал шошилмасликни таъкидлади: -Бизни бу ерда йўқ, деб фараз қилинг.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Фараз қилинг, бу ерда яшар ошиқ йигит — ҳаёли осмон.* «Ёшлик».

ФАРАЗАН [а. *فَرَضَان* — тахминан, фараз тарзида] рвш. кт. *Фаразга асосланиб, фараз қилиб; тахминан. Фаразан, чигитлар кирсайди тилга, Дердилар: -Шоҳидмиз гарчи минг йилга, Сира топмагандик шунча эътибор!* М. Шайхзода, Чорак аср девони. *Тимсохнинг умридир фақат уч минг йил, Уч нафас яшайди фаразан наиша.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ФАРАЗИЙ [а. *فَرَاضِي* — тахминий, фаразга асосланган] кт. *Фаразга асосланган, тахминий; ҳаёлий. Ўзбекистоннинг келажаги бу — фаразий бир нарса эмас. Фақатгина орзу эмас, реал ҳақиқатдир.* Газетадан.

ФАРАЗИЯ [а. *فَرَضِيَة* — гипотеза, тахмин] айн. **фараз, гипотеза**.

ФРАНГ [ф. *франг* — европалик, Европада, Францияга алоқадор] эск. 1 айн. **француз**. *Франг тилига ҳам уста деб эшитаман.* К. Яшин, Ҳамза. *Ким фарангу ким ҳабаш, Ирқ талаш, имон талаш.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 Европалик, Европадан келган. У [Фулломжон] *комитет аъзолари билан маслаҳатлашиб, хуфтондан кейин ёнида тўртта фаранг йигит билан уста Баҳромниқига келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 с. т. Францияда, Европада тайёрланган; Франциядан, Европадан келтирилган. *-Кампирнинг дарди ғўзада дегандек, сиз косибларнинг дардингиз мум, чарм, фаранг ипда, - деди қулиб ака Наврўз.* М. Осим, Элчилар. *Милтиқ босса, қистаб чиқар фаранг ўқ, Ўзингиздан ҳар вақт менинг кўнглим тўқ.* «Ҳасанхон».

Фаранг милтиқ (ёки **тўппонча**) эск. Пиликли милтиқдан фарқланадиган, патрон билан ўқланадиган милтиқ. *Елкасида фаранг милтиқ таққан Ҳайдар мерган қўлида бургут қўндириб бормоқда эди.* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси. *Кумуш қўббалик қадалган сербар камарида.. Худоёрхон тўхфа қилган фаранг тўппонча осилиб турарди.* Мирмуҳсин, Қахрамоннома. **Фаранг рўмол** Илак рўмолнинг юпқа, енгил ва товланиб турадиган бир тури. *Майна бошига ташлаб олган ҳарир фаранг рўмолининг икки учини тутиб, очик деразадан Ҳабиба хонимни кўрди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

4 кўча Ҳар бир иш қўлидан келадиган; моҳир, уста. *Устози — гаранг, шогирди — фаранг.* Мақол. ■ *Аҳлиямиз [хотиним] ҳам уччига чиққан чевар, худога шукур. Ожизамиз ҳам дўппи тиқишга фаранг бўлиб чиқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. — *Ҳа, Азизжон.. ўзинг ҳам фаранг жарроҳ бўпсан-да, — дейди Комил ака.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

Устаси фаранг 1) ўз ишининг моҳири, устаси. *Собирбой, мулла Жуманиёзни яхши биламан, у устаси фаранг йигитлардан, уни алдаб бўпти.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Дивизионда Шариповни «устаси фаранг» мўлжалчи, мерган тўпчи дейишади-я.* Т. Рустамов, Мангу жасорат; 2) кўча салб. юлдуз-ни бенарвон урадиган, олғир. *У ойга човут соладиган устаси фаранглардан.* «Муштум». — *Саидов, жудаям устаси фаранг бўлибсан-а! — деб кулишди Иброҳимга.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ФРАНГИ (Ў) [ф. *فرنگى* — Франция, Европага оид] Францияда (ёки Европада) ишлаб чиқарилган, тайёрланган ёки ўша ҳудудга мансуб (маҳсулот). *Франги соат.* *Франги товук.* *Франги ип.* ■ *Хуржун ортилган эшакни қишлоқма-қишлоқ олдиға солиб бориб: «Франги ип, ироқи совун, оқ сақич, қора сақич!» деб қичқирадиган аттор ҳам бедарак йўқолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бундан роса ўн йил бурун мана шу болохонадаги қазноқда тўхум босиб ётган франги товук, бирданига қоқолаб, том орқасига — Собиржон қорининг боғига учиб тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ФРАНГИСТОН [ф. *فرنگستان*] (Ф — катта) эск. Франция, Европа.

ФАРАҲ [а. *فرح* — шодлик, хурсандлик; шодиёна, қувноқлик] *поэт.* Шодлик, хур-

сандлик туйғулари; вақтичоғлик, севинч. *Дўстлик бу — муҳаббат янглиғ фараҳжам,* *Билгай у на ҳадни ва на довонни.* А. Орипов, Йиллар армони. *Шу Ватанга фарзандман, она! Қалбим чексиз фараҳга тўлур.* М. Али, Боқий дунё.

ФАРАҲБАХШ [а. + ф. *فرح بخش* — фараҳ, шодлик, қувонч бағишловчи] *кт.* Шодлик, қувонч бахш этадиган, кўнгил очадиган; ёқимли. *Дунёда ҳамма оҳанглар орасида энг ёқимли, фараҳбахш оҳанг — она алласи таралаяпти.* Газетадан. *Кўклам энди бошланган, бизнинг томорқамиздаги ўрик дарахтлари гуллаб, ўз чечаклари билан боғчага фараҳбахш тус бергандилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

ФАРАҲЛИ *айн.* **фараҳбахш.** *Фараҳли тонг.* ■ *Кўп фараҳли бўлар эди ёғин эртаси, Қулф урарди лола — тоғнинг сўлим эркаси.* Х. Салоҳ. *Она-Ер! Нақадор фараҳли дунё, Мовий уфқларда ўйнар кўзларим.* Ж. Жабборов, Қуёш юрти. *Назарнинг ҳаётида бундай безавол, фараҳли кечалар жуда кам бўларди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ФАРАҲЛИК *кт.* Фараҳ, қувончга тўлалик, дилраболик. *Муҳаббатли, тотимли бўлди турмуш, Келиб шодлик, фараҳлик, кетди ташвиш.* Ҳабибий, Девон.

ФАРАҲМАНД [а. + ф. *فرح مند* — шод, қувноқ, хушҳол] *айн.* **фараҳноқ.** *Келиб жилмайди Хисрав, бўлди хурсанд, Бугун мақсадга еткандек, фараҳманд.* Ҳабибий, Девон.

ФАРАҲНОҚ [а. + ф. *فرحناк* — қувноқ, хушчақчақ] эск. *кт.* Дилхуш, хушҳол, хурсанд. *Фараҳноқ бўлмоқ. Фараҳноқ қилмоқ.*

ФАРД [а. *فرد* — бир, битта, якка, ёлғиз] эск. *кт.* 1 Якка, ёлғиз, танҳо. *Ўзи шамсиз туриб, ота-онага чироқ ёқишни асло тасаввур қилолмас.. яъни истиқбол Анварнинг фард ҳаётида ёлғиз муҳаббат эди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

2 *ад.* Шарқ мумтоз шеъриятида бир байт (икки мисра)дангина иборат бўлган кичик, мустақил шеър. *Лутфий девонидаги битилган фардлардан 450 дан ортиғи бизгача етиб келган.* «Фан ва турмуш».

ФАРЁД [ф. *فریاد* — бақирӣ, ҳайқирӣ, дод-вой, нола] Ниҳоятда хафалик, руҳий азоб, алам кабилар таъсирида ўзини тўтолмай ўқириб йиғлаш, дод солиб йиғлаш, додлаш. *Фарёд қилмоқ (этмоқ, айламоқ).* ■ *Бу ниҳоясиз дарднинг фарёдиға ўхшар, бу фарёда тирик жоннинг чидаб бўлмайдиган*

аччиқ азоби эшитилар эди. А. Мухтор, Асарлар. *Фарзандин қабрида она жигархун, Унинг фарёидан дунё ғамхона.* А. Орипов, Йиллар армони.

ФАРЗ [а. *فرض* — фармойиш, амр, кўрсатма] *дин.* 1 Шариатда барча мусулмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлган диний амаллар. *Ҳаж исломий фарзларнинг бешинчиси ва сўнггисидир.* Газетадан. *..мусулмонлар учун худонинг айтгани фарз бўлиб, унга шак келтириш, ундан зорланишнинг ўзи ҳам гуноҳ ҳисобланади.* «ЎТА».

Фарзи айн *дин.* Барча мусулмонлар билиши, бажариши шарт бўлган асосий қондалар ҳамда шундай қондалар ёзилган тўплам. *Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўп, аммо фарзи айннинг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайрай олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Раис афанди мулозимларига дарра кўтартириб, намозсизларни текширар, фарзи айни билмаганларни урдирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бажарилиши зарур бўлган ахлоқий-маънавий вазифа, бурч. *Ёшнинг ҳурмати — қарз, қарининг ҳурмати — фарз.* Мақол. *Қарз, қарзни бериш фарз.* Мақол. ■ *Кексалардан кўнгли сураб туриш, кези билан кўмак бериш ёшларга фарзу қарз.* Газетадан.

ФАРЗАНД [ф. *فرزند* — бола, ўғил-қиз; насл] 1 Битта ота-онадан дунёга келган бола; ўғил ёки қиз (ота-онага нисбатан); бола. *Фарзанд азиз, одоби ундан азиз.* Мақол. *Давлатнинг боши — фарзанд.* Мақол. *Ота-онанг — давлатинг, Фарзандларинг — савлатинг.* Мақол. ■ *Фарзанд — бу келажак, фарзанд — ўтган аждодларни келажак авлодлар билан абадий боғлайдиган ҳалқа.* К. Яшин, Ҳамза. *Асрорқул фарзанд кўрди.. боланинг отини Ёдгор қўйди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 *кт.* кўчма Ўз ватани ёки халқига манфаат келтирадиган, унга астойдил хизмат қиладиган киши; ватанпарвар, элсевар. *Ватаннинг содиқ фарзандлари. Миллат фарзанди.* ■ *Мустақил давлат фарзанди эканлигимдан бошим осмонга етди.* Газетадан.

3 кўчма Бирор жамоа, ижтимоий-сиёсий, ғоявий гуруҳ, ҳаракат ёки ҳудудга мансуб, унга алоқадор шахс. *Мусулмон фарзанди.* ■ *-Мусулмон фарзандисиз, дилингиздаги васвасани ҳайданг.* К. Яшин, Ҳамза. *Қайлардадир фисқу фасод, ҳасад, хусумат Инсонин-*

ят фарзандларин тортмоқда дорга. А. Орипов, Йиллар армони.

4 кўчма Бирор маънавий, руҳий фаолият маҳсули. *Шеър — илҳом фарзанди.* Ақл — эҳтиёж фарзанди.

ФАРЗАНДЛИ Фарзанди бор, фарзанд кўрган; болали. *Фарзандли аёл.* ■ *Фарзандли уй доим бўлар лолазор.. «Эрали ва Шерали».* *Дугонамнинг ўғли бир қиз билан севишиб, турмуш қурдилар, фарзандли бўдилар.* Газетадан.

ФАРЗАНДЛИК Фарзанд мақомида бўлиш, фарзанднинг бурч ва мажбуриятларини адо этиш; бирор кимсага фарзанд бўлиш. *Фарзандлик бурчи.* *Фарзандлик салом.* ■ *Биз фарзандлик бурчин ўйлаб, танладам аъмол.* А. Шер, Қадимги куй.

Фарзандлик қилмоқ Кимсага ўғил ёки қизлик бурчини адо этмоқ. **Фарзандликка бермоқ** Ўз боласини (ўғил ёки қизини) бировга бутунлай фарзанд қилиб, унинг тарбиясига топширмоқ. [Шоқосим] *Ҳўжайинлар тоифасида инсоф йўқлигидан.. бировга фарзандликка берган ўғлини кўриб келишга ҳам вақт тоғолмаганидан, умуман, ярали кўнглининг додидан бир-бир баҳс очди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Фарзандликка олмоқ** (ёки **қабул қилмоқ**) Бировнинг боласини ўзига бутунлай фарзанд (ўғил ёки қиз) қилиб, ўз тарбиясига қабул қилмоқ. *Ёмонликни йиғиштириб қўйди-да, Фарзандликка қабул қилди меҳмонни.* «Юсуф ва Аҳмад».

ФАРЗАНДСИЗ Фарзанди йўқ; бефарзанд, боласиз. *Иккови ҳам катта бўлди.* *Бойсари — бой, Бойбўри шоҳ эди.* *Иккови ҳам фарзандсиз бўлди.* «Алпомиш». *Эрининг фарзандсиз бева аммаси уни [Мунисни] жуда совуқ кутиб олди.* С. Аҳмад, Хотин.

ФАРЗАНДСИЗЛИК Боласи йўқлик, фарзандга зорлик, муҳтожлик. *Йўлдош савоварчи Ҳозибек келгач, унга фарзандсизлик доғи, ёлғизқўлликнинг азобидан ҳўб ҳасрат қилди.* Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқларида.

ФАРЗАНДТАЛАБ [фарзанд + талаб] Фарзанд кўришни, болали бўлишни истовчи; болага муҳтож бўлган. *Сиз туғмас экансиз, бахтингиз боғланган, фарзандталаблар менинг дуом билан тўққиз ой деганда фарзанд кўрадилар.* К. Яшин, Ҳамза.

ФАРЗИН [ф. *فرزين* — қиролича, ферзъ] Шахмат ўйинида энг кучли дона, сипоҳ.

Фарзинни юрмоқ. ■ Азимов қора фарзинни қўлида бироз ушлаб туриб, тақиллатиб босди-да, «Шах!» деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ФАРЗОНА [ф. *فرزانه* — доно, ақлли, олим, билимли] *поэт.* Кўп нарсадан хабардор; оқил, донишманд, зийрак. *Одам аҳлин қадрини фарзона бир одам билур.* Ҳабибий, Девон. Ҳабибий, ўйла, ғофил — ғофилу, фарзона — фарзона. Ҳабибий, Девон. *Яйратар қирқ кокилин, фарзона қизлар хушқилиқ.* А. Орипов, Ҳайрат.

ФАРИНГИТ [юн. *pharynx, pharyngos* — ҳалқум] *тиб.* Ҳалқум шиллиқ пардасининг яллиғланиши.

ФАРИШТА [ф. *فرشته* — малак, хур, гилмон] **1** Исломда ва б. баъзи динларда худонинг амрини бажарувчи ғайритабиий мавжудот; малак (фаришталар сон-саноқсиз бўлиб, ҳар бири маълум вазифани бажаради). Баъзи ривоятларга қараганда, фаришталар жаннатдаги кавсар сувидан.. қумғонларимизга қуйиб кетар эмиш. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Фаришта, малойиқлар — нурдан, сиз билан биз лойдан яратилган.* «Маликан айёр».

2 кўча Яхши хулқ-атворга эга бўлган ва гўзал (кўпинча аёллар ҳақида). *Бу хотин тўғрисида мулла Норқўзи шундай фикрда: агар фаришта илгари ўтган бўлса — шунинг онаси, энди туғилса — шунинг боласи бўлади, агар ҳозир ер юзида бўлса — шу хотиннинг ўзи.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Во ажабо! Бу ким бўлди? Ҳўрими ёки бир офатизмон фариштами? Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

3 кўча Файз, зийнат. Аёлнинг сариштакиси — рўзғорнинг фариштаси. Мақол. ■ Ҳа, ота — кўча кишиси, она уй фариштаси бўлар экан. Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

4 кўча Покиза, мусаффо; бегуноҳ. *Ажойиб одамсан-да, дўстим, ажойибсан, фариштансан.* Шукрулло, Сайланма. *Шу кунгача Равшан ўзини ҳалолман деб фаришта санаб юрди.* «Ёшлик».

Фариштаси бор Жозибали, файзли. Эсон Давлат бегим суратни қўлга олди ва Навоий тасвирига беҳтиёр қизиқиб: «Юзларида фаришталари бор зот эканлар, — деб қўйди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Фариштаси йўқ** Ўзига жалб қиладиган фазилати, кўрки йўқ; ҳосиятсиз. *Фариштаси йўқ уй.* ■ Куёвнинг юзида фариштаси йўқ, Ҳожархон, фариштаси

йўқ. *Кўнгилга хуш келмаган никоҳ худога хуш келмайди!* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. *Иблис устозларингнинг фариштаси йўқ китобларини ёндириб, кулларини кўкка со-вурдим.* К. Яшин, Ҳамза. **Фариштаси қочмоқ** Файзсиз, кўримсиз бўлиб қолмоқ; қут-баракаси йўқолмоқ. *Лекин ёлғизлик баттар эзди. Уйдан фаришта қочган, табассум ўчган эди.* А. Мухтор. Асарлар. *Беш вақт намозни қанда қилма! Бўлмаса, уйингдан фаришталар қочади.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Супурилмаган ҳовлидан фаришта қочади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ФАРИШТАЛИ 1 Файзли; сербарақа. *Сариштакли уй — фариштакли уй.* Мақол.

2 кўча Ёқимли, жозибали; ҳалол, покиза. *Бай-бай-бай, бу Ўтар бобо бағоят фариштакли одам эканлар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Фариштакли одам, деб шунақаларни айтса керак-да, а? Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

ФАРИШТАСИЗ Кишини ўзига тортмайдиган; кўрксиз, ёқимсиз; файзи йўқ. *Фариштасиз одам.* *Фариштасиз ҳовли.*

ФАРМАКОГНОЗИЯ [юн. *pharmakon* — дори + *gnosis* — билиш, ўрганиш] Фармациянинг ўсимликлар ва ҳайвонлардан олинадиган доривор маҳсулотлар ва уларни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган моддаларни ўрганувчи бўлими.

ФАРМАКОЛОГ *тиб.* Фармакология му-тахассиси; доришунос. *Хизмат қилувчи фармакологлар миждозларга «яхши дорихона»дан қандай фойдаланиш тўғрисида маслаҳат беришади.* «Фан ва турмуш».

ФАРМАКОЛОГИК Фармакологияга оид.

ФАРМАКОЛОГИЯ [юн. *pharmakon* — дори + *logos* — билим, тушунча] Дори-дармон маҳсулотларининг организмга таъсирини ва дориларни қўллашнинг усул ва тамойилларини ўрганадиган ва белгилайдиган фан; доришунослик. *Кимёдаги бу алкалоидшунослик тиббиёт, фармакология соҳаларининг ривожланишига ёрдам берувчи янги фан бўлиб қолди.* Газетадан.

ФАРМАКОТЕРАПИЯ [юн. *pharmakon* — дори + *терапия*] Касалликларни дори-дармон билан даволаш.

ФАРМАЦЕВТ [юн. *pharmakentes* — дори тайёрловчи] Фармацевтика, доришунослик бўйича олий (провизор) ёки ўрта (провизор ёрдамчиси) маълумотга эга бўлган до-

рихона ходими; фармацевтика мутахассиси; доришунос. *Дорихонага кирдим, фармацевт қиз билан танишдим, исми Малика экан. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. Шифокор ва фармацевтга энг азият нарсаси.. кишиларнинг ҳаёти, соғлиги ишониб топширилган. Газетадан.*

ФАРМАЦЕВТИКА [юн. *pharmakon* – дори] айн. **фармация**. Қолаверса, илон заҳари фармацевтикада қимматбаҳо хомашё экани ҳам яхши маълум. «Фан ва турмуш». Чаканда мевасидан фармацевтика саноатида мой олинади. Газетадан.

ФАРМАЦИЯ [юн. *pharmakeia* < *pharmakon* – дори, дори-дармон] Янги дори-дармонлар қидириб топиш, уларни қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш ва беморларга тавсия қилиш бўйича илмий ва амалий билимлар соҳаси; доришунослик.

ФАРМОЙИШ [ф. *فرمایش* – буйруқ, буйруқ бериш; буюртма] кт. Бирор чоратдабир ёки ишнинг бажарилиши ҳақида бериладиган буйруқ, топшириқ, кўрсатма. *Фармойиш бермоқ. Фармойиш олмоқ. ■ Амирзодам, ҳар бир дақиқа ғанимат. Хос навкарларингиз отланган. Ҳаммаси фармойишингизга мунтазир. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Назар тракторчига янги фармойиш берди-да, руҳсиз бир аҳволда машинага ўтди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

ФАРМОН [ф. *فرمان* – амр, ҳукм; кўрсатма; қатъий қарор] 1 Бирор ишнинг бажарилиши ҳақида бериладиган буйруқ, ҳукм, топшириқ; амр. *Фармон бермоқ. Фармон чиқармоқ. Борники – фармон билан, Йўқники – армон билан. Мақол. ■ У фармон кутиб, хонга юзланди. С. Сиёев, Ёруғлик. Ўлмас мастон қирқин қизига фармон қилди. «Маликаи айёр».*

Фармони олий Подшоҳ ёки хон томонидан берилган фармон. *Сарой вазири ноилож бош эгиб, фармони олий ҳозирлагани чиқиб кетди. М. Осим, Карвон йўлларида.*

2 Ҳокимият олий органи ёки давлат бошлигининг қонун кучига эга бўлган буйруғи, фармойиши. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фармони.*

ФАРМОНАЧИ тар. Подшоҳ, хон ёки амирнинг фармонини халққа маълум қилувчи мансабдор. *-Фармоначи от чопиб, қайнатамиз Ислохўжа ҳазрат ҳовлисига*

келиб, марҳумнинг бола-чақаларини огоҳ этди, – дейди хон. Мирмуҳсин, Чўри.

ФАРМОНБАРДОР [фармон + *بردار* – итоат қилувчи, бўйсунувчи] 1 Буюрилган ишни бош товламай бекам-қўст бажарадиган, бировга сўзсиз қулоқ соладиган; итоаткор. *Келин итоаткор, фармонбардор бўлади. С. Кароматов, Олтин қум. Фармонбардорлар Равшанни судраб, Самарқанд дарвоза томон юришди. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

2 Ҳамиша хизматга тайёр, илтифотли. *Аммо оғаси буюрган ишни... адо қилувчи бир фармонбардор йигит. А. Қодирӣ, Обид кетмон. Ўзингиз биласиз, мен бир фармонбардорман, сиз ҳар нима амр қилсангиз, шунини қиламан. «Гўруғлининг туғилиши».*

3 салб. Хушомалгўй, лаганбардор. *Директор ва унинг фармонбардорлари буларнинг бирини «ёш», бирини «нўноқ».. деб ишдан бўшатдилар. Газетадан.*

ФАРМОННОМА [фармон + нома] кам қўлл. Ёзма равишда берилган фармон, ёзма буйруқ. *«Фармоновдан таклифнома чиқмайди, фармоннома чиқади..» – деб кўнглидан ўтказди уста. Мирмуҳсин, Созанда.*

ФАРМОНОМУЗ [фармон + ф. *آمين* – қаби, ўхшаган] Буйруқ оҳангида, буйруққа ўхшаган. *Элликбоши яна ўшқириб, фармономуз гаплар айта бошлади. Мирмуҳсин, Чўри.*

ФАРМУДА [ф. *فرموده* – буюрилган] Буюрилган, буюртма; қўшалок сомса. *Фармуда сомса. ■ Жигару буйрак, думба ёдан тайёрланган, қўшалок фармуда сомсалар. «Ёшлик».*

ФАРОВОН [ф. *فراوان* – мўл, жуда кўп, ортиқ, зиёда] 1 Ҳар жиҳатдан тўла-тўқис таъминланган, ҳамма нарсаси мўл-кўл; тўқ. *Фаровон ҳаёт. ■ Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади. Ойбек, О.в. шабадалар. Аёл бор жойда меҳнат мазмунли, фарзандлар бахтиёр. Оила фаровон ва аҳил. «Саодат».*

2 Кўп миқдорда мавжуд бўладиган; мўл-кўл, сероб. *У томонларнинг [қишлоқнинг] биринчи ва фаровон меваси узум эди. С. Айний, Эсдаликлар. Бу сирни кўриб, жа [жуда] бўлдим ҳайрон, Ҳай десам, келурми сўзлар фаровон. «Муродхон».*

3 кўча Обод, яшнаган, бахтиёр. *Фаровон ҳаёт бу – гўзал турмуш, осуда, серфайз ҳаёт демакдир. Газетадан. Фаровон қишлоқ-*

лар, обод шаҳарлар, Нур билан балқиган оппоқ саҳарлар. Ж. Жабборов, Тоғлар садоси.

ФАРОВОНЛИК Тўкин-сочинлик, мўлкўлчилик; серфайз ҳолат. *Яхшилик ва фаровонлик илдизи илм билан ривожланади. Газетадан. Ҳалол ва самарали меҳнат бор жойда фаровонлик ҳам барқ уриб ривожланади. «Фан ва турмуш».*

ФАРОИЗ, фаройиз [а. فرايض — ҳисоб, ўлчов] тар. 1 Ернинг ҳажмини ўлчаш билан шуғулланувчи, ҳисоб-китобларга оид соҳа (фан). *Рост, илм, риёзиёт ва фалакиётдин таълим берадурганлар йўқ, аммо мантиқ, фалсафа, фароиз [ерўлчов] илми равақ топган. М. Осим, Карвон йўлларида. Домланинг айтишига кўра, биз куздан бошлаб фароиз [ҳисоб] ва харита ўқишимиз керак эди. А. Қаҳҳор, «ЎТА».*

2 Фикҳ илмида: бажарилиши шарт бўлган амаллар ҳақидаги бўлим, жумладан, шариатнинг меросни тақсим қилиш ҳақидаги қоидаларига оид билимлар.

ФАРОМУШ [ф. فراموش — унутиш; унутилган] Паришонхотир, ҳаёлчан, ҳаёли қочган ҳолатда, ўзини унутган ҳолда. *Онанинг саволига жавобан Севаргул фаромуш бош ирғаб, ноҳуш чимирилиб қўйди.. Н. Қиличев, Чиғириқ. Асрор деразадан ташқарига фаромуш, кайфиятсиз қаради: ҳалиям қор ёғяпти. «Шарқ юлдузи».*

Фаромуш бўлмоқ эск. кт. *Хаёлдан кўтарилмоқ, эсдан чиқмоқ, унутилмоқ. -Қайсигап? — деди хон чимирилиб, — нечукдир, хотиримдан фаромуш бўлибдур. С. Сиёев, Аваз. Фаромуш қилмоқ (ёки айламоқ) Унутмоқ, эсдан чиқармоқ. -Ҳай мулло Солиҳ, яна бир гапни фаромуш қилибман! — деди ҳазрати мударрис. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Ногоҳ ул паҳлавоннинг ҳовлисига борур йўлни фаромуш қилганимни сездим. «Шарқ юлдузи». Фаромуш айламас бир нафас халқинг, Магар юракларда қўёсанг ҳайкал. А. Орипов, Йиллар армони.*

ФАРОМУШЛИК Паришонхотирлик ҳолати. *Ҳамма нарсдан хабардор бўлиб юрадиган комендантнинг фаромушлиги ўзига таъсир қилди. «Ёшлик».*

ФАРОМУШХОТИР [фаромуш + хотир] эск. кт. Бирор нарсани тез унутиб юборадиган; паришонхотир. *Фаромушхотир одам. Фаромушхотир бўлмоқ.*

ФАРОСАТ [а. فراست — самимият, зийраклик; заковат, ўткир ақл] Кишидаги тез ва тўғри фаҳмлай олиш қобилияти, сезгиси; фаҳм; заковат; дид. *Фаросатни бефаросатдан ўрган. Мақол. Тил — ақлнинг қиличи, фаросат — ғилофи. Мақол. ■ Атиргуллар ҳовлиларга файз киритган — бу эса ҳовли эгасининг диду фаросатини кўрсатиб турарди. Мирмуҳсин, Умид. Болани тарбиялашга фаросати етмаган кишигина унинг устидан шикоят қилади. Р. Усмонов, Одобнома.*

ФАРОСАТЛИ Фаҳмли, ақлли, дидли. *Фаросатли одам. ■ Ўзи жуда фаросатли, доно, дostonчи чол. М. Осим, Карвон йўлларида. Баҳромбек оилада кўпроқ отасига тортган, ҳаёлчан, камгап, ишни пишиқ қиладиган, фаросатли ўғил эди. «Ёшлик».*

ФАРОСАТСИЗ Ақл билан иш тутмайдиган; фаҳмсиз, дидсиз; палапартиш. *Фаросатсиз бола. Фаросатсиз — фалокатга йўлакчи. Мақол. ■ Фаросатсиз, дидсиз, нодонда кўз доимо кўр, оёқ шолдир. Нурбек, Умид йўли.*

ФАРОҒ [а. فراغ — тугаш, якун; бўш вақт, ишдан холи вақт] кам қўлл. кт. айн. **Фароғат.** *Ошифта Ҳабибийни ўз ҳолига қўймайдир, На бир дам олур ором, на лаҳза фароғ истар. Ҳабибий.*

ФАРОҒАТ [а. فراغت — дам олиш, бўш вақт, тинчлик, осойишталик, осудалик, роҳат] 1 Киши ором оладиган ҳол, шароит; осойишталик, тинчлик; роҳат. *Фароғатда яшамок. Фароғат қилмоқ. Уйда роҳати йўқнинг кўчада фароғати йўқ. Мақол. ■ Чолакмпир бундай фароғатга қандай етишди? Ҳалол меҳнат, ҳалол лафз туфайли эришди. «Муштум». Қанча фароғат, қанча тароват, қанча латофат ва қанча маъно бор эди бу кўз қарашларда. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

2 Фароғат (хотин-қизлар исми).

ФАРОҒАТЛИ Хотиржамлик, осойишталик бахш этувчи, ҳузур-ҳаловатли. *Фароғатли турмуш. ■ Тоғ булоғи. Ёнига чўккаласанг, бир ҳовуч шаффоф сувидан симирсанг, сўнгра осуда, фароғатли лаҳзалар оғушида тин олсанг. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. У кечаги фароғатли дамларини яна эслади-ю, кўнгли кўтарилди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қуюқ сол.*

ФАРОҒАТСИЗ Ҳузур-ҳаловатсиз, тинчлиги, осудалиги бузилган. *Фароғатсиз кунлар.*

ФАРРОШ [а. فزاش — хизматкор; малай; йиғиштирувчи; қоровул] 1 тар. Кўча-қўй, ҳовли ва боғларга сув сепиб, супуриб-сидириб юрувчи хизматкор; қоровул. *Ўнлаб фаррошлар ҳафсала билан ер супурган, меш-кобчилар этакларини белбоққа қистириб, сув сепган. С. Сиёев, Аваз. Эшикда қари фаррош Ҳожиги Солиҳ пайдо бўлди. У дарвешнамо, камтарин, ҳаёлчан киши эди. Ойбек, Навоий.*

2 Идора ёки муассасаларда хоналарни супуриб-сидирувчи ходим. *Фаррошларимиз етарли, ҳар куни пештахталар тозаланиб, хлор билан ювилади. Газетадан. Икки йилдан кейин бозорнинг фарроши унга одам қўйди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.*

ФАРРОШЛИК Фаррош, супуриб-сидирувчи касби. *Жасура дарсгача бир жойда фаррошлик қилар экан. Э. Аъзамов, Жавоб. Меҳнат фаолиятини шу ерда фаррошликдан бошлаган эди. М. Муҳамедов, Қилни қирқ ёриб.*

ФАРСАНГ [ф. فرسنگ] эск. кт. Эскича ҳисобда бир тош; саккиз чақирим, янгича ҳисобда тахминан 6 километрга тенг бўлган узунлик (масофа) ўлчови. *Ҳусайн Бойқаро лашкари Мирзо Ёдгорнинг йигитларини бир неча фарсанг масофагача қувиб, асирлар билан қайтдилар. Ойбек, Навоий. Воҳанинг узунлиги нари борса — уч-тўрт фарсанг, кенлиги, кўп бўлса, бир фарсанг келар. О. Ёкубов, Кўҳна дунё.*

ФАРСАХ [а. فرسخ] айн. **фарсанг**. Қишлоқдан чиқиб, бирор фарсах йўл босилгач, офтоб қиздириб, лоҳас қилди. М. М. Дўст, Лолазор. *Жаҳонда Фурқат каби тентимадим бемурод, Ватан тупроғин аммо кездим фарсах ва фарсах. А. Орипов, Ҳайрат.*

ФАРТУК [нем. Vortuch — бирор нарса олдидаги бир парча мато] 1 Одатда, кийимни ифлос қилмаслик учун унинг устидан кийиладиган ёки иш пайтида белга боғлаб олинадиган иш кийими; пешбанд. *Бошида моғор босган эски дўппи, олдида шакар қопдан тикилган фартук. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тўрдаги стол ёнида хат ёзиб ўтирган оқ фартукли хушрўйгина қиз дафтардан бошини кўтариб: -Келинг, хизмат? — деб сўради. Ҳ. Ғулом, Бинафша атри.*

2 Ўқувчи қизларнинг расмий мактаб кийими устидан кийиладиган оқ ёки қора рангдаги енгил кийими. *Ҳаворанг штапель*

қўйлак устидан оқ фартук кийган бир жажжи қиз олтинчи «В» синфининг қўштабақа.. эшиги олдида бироз аланглаб турди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

3 с. т. айн. **этак 2**. *Иззатулла ўрнидан туриб, бир фартук пахта кўтариб келаётган Шоира исмли котиба қизга пешвоз чиқди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

ФАРФОР [ф. فففور — чинни буюмлар] Оқ лойнинг энг аъло навидан турли аралашмалар қўшиб, сунъий тайёрланадиган минерал масса ва ундан ясаладиган чинни буюмлар. *Фарфордан ясалган ваза. Фарфор идишлар.*

ФАРШ [а. فرش — уй жиҳозлари: гилам, палос, бўйра]: **фарш қилмоқ** эск. кт. Ҳовли, йўлка ва ш.к. га тош ёки гишт ётқизмоқ. *Пишиқ гишт билан фарш қилинган ҳовли.*

ФАРҚ I [а. فرق — ажралиш, узоқлашиш; айрилиқ, жудалик] Нарсалар орасидаги номувофиқлик, ноўхшашлик; айирма, тафовут. *Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор. Мақол. ■ Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч бир фарқларинг йўқ, икковларинг ҳам боламизнинг қўшоғи — боламизсиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳаёл билан ҳаёт орасидаги фарқ қанчалик калта бўлишини Бобур энди билди. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар. Илм билан амал ўртасида катта фарқ бор. С. Зуннунова, Олов.*

Фарқ қилмоқ 1) бирор предметни, воқеа-ҳодисани унинг ўзига хос хусусиятларига кўра бошқаларидан ажрата билмоқ, улар орасидаги тафовутни сеза олмоқ. *Айниқса.. Элмурод бу ҳолатни бошқалардан кўра кўпроқ фарқ қилди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ўзининг бирор хусусияти билан бошқалардан ажралиб турмоқ. Писмиқ, телба фарқ қилар, Тинч оққан сув фарқ қилар. Мақол. ■ Куйеанёрнинг табиати бошқа жойлардан фарқ қилар эди. С. Аҳмад, Уфқ. Масал лирикадан ўзининг воқеабандлиги билан фарқ қилади. «ЎТА». **Фарқига бормоқ** айн. **фарқ қилмоқ**. Чой навларининг фарқига бормоқ. ■ Аслида Аҳмад ёқут нима, дур, бриллиант, марварид нима, унчалик фарқига бормасди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Жувон бу гапни ҳазил аралаш айтдимиз, чин айтдимиз, Сидиқжон фарқига боролмади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

ФАРҚ II [а. فرق] Сочнинг икки томонга тарашдан бошда ҳосил бўладиган йўл,

чизиқ. *Фарқ очмоқ. Фарқни қийшиқ очмоқ.*
■ *Қутлуғ Нигор хонимнинг ранги хиёл ўчган. Унинг пешонасидан юқорида — сочининг фарқ очилган жойида Бобур бир тутам оқарган соч толаларини кўрди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Зулайхо икки кафти билан сочларининг фарқини очиб, бошини кўтарди. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ФАРҚЛАМОҚ Бирор нарсани иккинчисидан ажрата билмоқ, фарқига бормоқ. *Кеча ва кундузни барча кўзи очик одамлар фарқлайди. «Саодат».*

ФАРҚЛАНМОҚ 1 *Фарқламоқ* фл. мажҳ. н. Юлдузлар бир-бирларидан ўзаро фарқланадилар. ■ *Янтоқлар бир-биридан ташиқи кўриниши, барглари, тиканларининг узунлиги билан фарқланади. «Фан ва турмуш».*

2 *айн. фарқ қилмоқ* 2 (қ. *фарқ* 1).

ФАРҚЛИ Бирор белги-хусусияти билан бошқасидан ажралиб турадиган, фарқладиган, тафовут қиладиган, фарқи бор. *Гарчи бу икки эгачи-сингил бир қориндан талашиб тушган бўлсалар ҳам, бир-бирларидан фарқли эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Зағчақўз] Қамишқапаликларни.. таҳқир қилар ва уларнинг шаҳарликларниқидан анчайин фарқли бўлган шева ва тилларини масҳаралар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ФАРҚЛОВЧИ 1 Бирор нарса ва ҳодисани бошқасидан фарқлашга, ажрата олишга хизмат қилувчи. *Фарқловчи маъно. Фарқловчи белги.*

2 *Фарқига боровчи. Ақлли, доно кишилар, яхши-ёмонни фарқловчилар.. инсоний фазилатларларни яхши биладилар. Газетадан.*

ФАРҚСИЗ Фарқи йўқ, тафовутсиз. *Фарқсиз уйлар. Бу менинг учун фарқсиз. ■ Улар худди эгизаклардек, чехралари бир-бирларига ғоят ўхшар, гавдалари қарийб фарқсиз, кўринишдан ювош одамлар эди. Ойбек, Кўёш қораймас.*

ФАРҒОНАЧА 1 Фарғонага, фарғоналикларга хос, Фарғонада бўладиган, Фарғона ҳудудига дахлдор. *Фарғонача ашула. Фарғонача тўн.*

2 *Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи.*

ФАС [а. *فاس* — Марокашдаги Фас шаҳри номидан; ушбу бош кийим дастлаб шу ерда тайёрланган] Баъзи шарқ мамлакатларида кийиладиган, попуқ қадалган кесик конус шаклидаги бош кийим; ҳожи дўппи. *Вазир бахмал фас кийган. «Шарқ юлдузи».*

Абдулвоҳид кичкина, ҷўзинчоқ бошидаги тоза, кўркам саллани қозиққа илди-да, эски айниган фасни — «ҳожид дўппи»ни кийди. Ойбек, Нур қилдириб.

ФАСАД [фр. *façade* < *ital. facciata* — олд] *архит.* Уй, бинонинг олд томони. *Халойиқ гуруллаб, фасаддаги сингари чироқлар билан ёритилган фойега ва ундан уч эшик орқали залга кирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ФАСИҲ [а. *فصيح* — гапга чечан, сўзамол, нотик] Равшан, равон, аниқ, ёқимли; адабий (нутқ ҳақида). *Аммо маърузангиз бисёр фасиҳ ёзилган эркан, ўқуб ҳузурлар қилдим. А. Қодирий, Кичик асарлар. Таржималари оригинал даражада фасиҳ ва мукаммал. Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.*

ФАСЛ [а. *فصل* — бўлим, қисм; йил вақти, мавсум; бўлиниш] 1 Бир йилни ташкил этадиган тўрт мавсумнинг бири (қиш, баҳор, ёз, куз). *Тошкентда уч фасл ёз. Баҳор — шошган ички ёз. Ёз — катта ва асл ёз. Куз — кечиккан кечки ёз. М. Шайхзода, Тошкентнома. Ҳар фаслнинг ўз хислати бор. Ҳар фаслнинг — ўз фазилати.. Уйғун. Ҳар фаслнинг ўз хусн-латофати бор, деган гапни йил фасллари тўғрисидагина эмас, умр фасллари тўғрисида ҳам айтса бўлар экан. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

Уйғониш фасли кўчма Эрта баҳор. *Аён бир хислатинг бордир азалдан, Сени атамилар уйғониш фасли. А. Орипов, Йиллар армони. Фасли баҳор кўчма Умрнинг энг яшнаган, камолга етган даври. Ҳожиҳоннинг фасли баҳори ҳам, хусну малаҳати ҳам, кучу қуввати ҳам тугалишга қараб юз тутди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 *эск. Асарнинг бирор боби, қисми. Китоб тўрт фаслдан иборат. ■ Бу боришдан [Отабек] бирор иш чиқара олдим, йўқми, бу тўғрида биз келаси фаслларнинг бирида ўрганармиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳар ўлтирганда наҳот бир ҳикоя ёки бирон романнинг бир фаслини битиролмасам. А. Қаҳҳор, Сароб.*

3 *кўчма Вақт, муддат, давр. Ўт соласан қалбимга, эй гул, Севги фасл танламас экан. Ж. Жабборов, Тоғлар садоси. Севшимак гўзал фасл, севги ёшлик муттасил. Ғайратий.*

Бир фасл Бирпас, бироз. *Бир фасл жим бўлган меҳмонхона ичида яна тапир-тупур, тўполон бошланди. С. Айний, Куллар. Жа-*

ноблари бир фасл ўтириб турсалар, ҳозир олиб чиқаман. «Олтин бешик».

ФАСОД [а. فساد — чириш, йиринглаш; бузуқлик, ахлоқсизлик] 1 Тирик организмнинг яллигланиши, чириши туфайли вужудга келадиган қўланса ҳидли сарғиш-кўкиш куюқроқ суюқлик; йиринг. *Фасод боғлаган яра. Яранинг фасодини чиқармоқ.* ■ Дифтерит касаллиги юзага чиққанда, томоқда оқ фасод пайдо бўлади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Фасодни сиқиб чиқараман, деб ярани газак олдириб қўйдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Фасод олмоқ 1) фасод боғламоқ, йирингламоқ. *Яра фасод олди;* 2) кўчма оғирлашмоқ, мураккаблашмоқ. *Иш фасод олди.*

2 кўчма Фитналик билан қилинган ғийбат, ифво. *..пойтахт осойишталигини бузган аҳли фитна ва фасод ҳам жазодан холи қолмаслиги лозим.* Ойбек, Навоий. *Ўзаро талашлар, фитнаю фасод Меҳнати, савдони, қўшиқни эзди.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

3 кўчма Ярамас, чиркин. *Туркистондан дарҳол қочиш каби фасод ҳаёлларга бормайлик.* К. Яшин, Ҳамза.

ФАСОДЛАМОҚ 1 Газак олиб, фасод ҳосил қилмоқ, фасод боғламоқ, йирингламоқ (яра ҳақида).

2 кўчма Оғирлашмоқ, чигаллашмоқ (иш, жиноят ҳақида).

ФАСОДЧИ Бузғунчи; ғийбатчи, бўҳтончи. *Амир Темур айни вақтда қонунбузарларни, ўғри ва қароқчиларни шафқатсиз жазолатган, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатидан ҳайдатган.* Газетадан.

ФАСОН [фр. façon] 1 Кийим, пойабзал ва ш.к. нинг бичими, ташқи кўриниши, шакли, модели. *Янги фасонда тикилган туфли.* ■ *Мижоз фасон танлагандан кейин, ундан ўлчовлар олинади ва бир неча соатдан сўнг кийим тайёр бўлади.* «Фан ва турмуш».

2 с. т. Янги бичим ёки моделда тикилган, илгари кўрилмаган нусхадаги. *Фасон кўйлак. Фасон туфли.* ■ У [Ғойибжон] янгиликни севади, янги фасонни ёқтиради. М. Жўра, Изтироб. *Кўйлак учун юрган каби жаҳонда, Ўттиз кўйлак бари турли фасонда.* «Муштум».

3 с. т. Башанг бўлиб юрадиган; олифта. *Фасон йигит. Фасон бўлмоқ.* ■ Бу Назо фасон бизга тинчлик берадими, йўқми? С.

Аҳмад, Кадрдон далалар. *Ҳа, ана бу соат!.. Эртага фасон қилиб, районга тақиб борамиз.* Уйғун, Асарлар.

ФАСОНА [ф. فسانه — «афсона» с. нинг бошқача шакли] Афсона; ҳикоя, баён. *Чин ошиқ улки ишқин элга фасона қилмас.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони. *Ҳақиқатларга айланди фасонам..* Ҳабибий, Девон.

ФАСОҲАТ [а. فصاحت — гапга чечанлик, нотиклик; нутқнинг тўғрилиги] 1 кт. Чиройли ва ёқимли сўзлаш қобилияти, нутқнинг аниқ ва равлонлиги. *Фасоҳат билан сўзламоқ.* ■ -Унинг [Зокиржоннинг] нозик ҳаракатлари, шоирона муомалалари, заковати, малоҳати, жозибали фасоҳати мени ўзига мафтун қилди, — деди Муқимий. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 Лисоний хусусият, нозик қирралар. *Рус тилининг ҳам, ўзбек тилининг ҳам ўзига хос фасоҳати, жуда нозик нафосати бор.* М. Исмоилий, Одабийлик қиссаси.

3 Фасоҳат (хотин-қизлар исми).

ФАСОҲАТЛИ 1 Лисоний жиҳатдан мукамал, равлон, содда. *Тўғри, унинг ғазаллари фасоҳатли, фикрлари тиниқ, назми ўзгаларнинг назмидан зебороқ.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Равлон нутқли, нотик. *..Назм кечаларининг сарвари бўлган фасоҳатли Феруз шоир ўтирарди олтин тахтда!* С. Сиёев, Ёруғлик.

ФАТАЛ [лот. fatalis — муқаррар, тақдирда бор бўлган] Албатта юз берадиган, бўлиши муқаррар. *Ҳозирда жаҳон бўйлаб фатал уруш хавфи йўқ.*

ФАТАЛИЗМ [лот. fatalis — муқаррар, пешонага ёзилган; тақдирда бўлган] Тақдирга, пешонада ёзилганига ишонишни, унга кўникишни тарғиб қилишдан иборат диний дунёқараш, эътиқод.

ФАТАЛИСТ Фатализмга берилган, тақдирга, пешонада ёзилганига ишонувчи одам.

ФАТАЛИСТИК 1 Фатализмга оид; фатализмга асосланган. *Фаталистик қарашлар.*

2 Албатта юз берадиган, юз бериши муқаррар бўлган, шак-шубҳасиз. *Фаталистик уруш.*

ФАТВО [а. فتوى / فتوا — муфтининг ҳукми, қарори; тушунтириш, изох] 1 Шариат, дин қонун-қоидалари асосида руҳонийлар (муфти, шайхулислом, қози) томонидан бирор диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижти-

моий масала юзасидан чиқариладиган ҳукм, қарор, изоҳ ёки бирор ишнинг шариат нуқтаи назаридан амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатма, буйруқ. **Фатво** ҳам нулингга яраша бўлади. Мақол. ■ **Келинг, Вали ака, биргалашиб қозига борайлик, фатвосини олайлик.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Муфтилар фатво берсалар ҳам, ўз қалбингизга қараб иш тутинг.** «Фан ва турмуш».

2 кўчма Кафиллик, кафолат, ишонч. Бунинг ҳалоллигига фатво бера оламан. К. Яшин, Ҳамза.

3 кўчма Баҳона, важ, йўл-йўриқ. -*Эртага имомингнинг олдига бор, бу тўғрисида ҳам сенга бирон фатво топиб берар.* С. Айний, Қуллар. *Қара-я, тўрт йил писиб юришингга фатво ҳам топибсан-да, ҳе, ҳезалак!* Т. Малик, Ажаб дунё.

ФАТВОХОН [ф. *фатваҳон* — фатво ўқувчи, фатво берувчи] Шаръий ҳукм чиқарувчи, фатво берувчи. *Наҳот ўйламайсанки, фатвохон муфтилар халқ ривоятларига «фи сабилиллаҳ» муҳр босиб берсалар.* «Шарқ юлдузи».

ФАТИЛА [а. *فتيلة* — эшилган пахта пилик; калава; жамалак, гажак] Ҳалқа-ҳалқа бўлиб турган ёки эшилган, жингалак (соч ҳақида). *Қизчанинг сочлари фатила-фатила бўлиб турарди.* ■ *У кишининг.. ўсиб кетган сочи фатила-фатила бўлиб, елкасига тушган эди.* Н. Аминов, Суварак.

ФАТТОН [а. *فَتَان* — мафтун қилувчи, мафтункор, жозибали; йўлдан оздирувчи] эск. кт. Кишини ўзига мафтун қиладиган, мафтункор, шаҳло (кўпинча севикли ёр кўзи ҳақида). *Ёниб турган, қорачиғи кенг фаттон кўзлар унинг [Қодирнинг] даммини қайтарди.* Шухрат, Олтин зангламас. *Ким яратмиш кўзу қошу ғамзаи фаттонини..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Фитнагар олам аро фаттон ўзинг, қурбон ўзинг.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ФАТҲ [а. *فتح* — очиш, очилиш; эгаллаш, забт этиш; ғалаба] кт. Ўзига бўйсундириш, забт этиш, эгаллаш; босиб олиш. **Фатҳ қилмоқ** (этмоқ). ■ *Маҳмуд Ғазнавий Рай шаҳрини босиб олиб, уни ўғли Масъудга совға қилди-ю, Ҳамадон, Исфаҳон шаҳарларини фатҳ эттишни унинг зиммасига юклади.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Қалбалар фатҳ этдик ер, кўк ва сувда, Ўлимни ҳам енгиб олсайдик омон.* Миртемир.

ФАТҲА [а. *فتحه* — забар] Араб ёзувида ундош ҳарф устига қўйилиб, ундан кейин келадиган «а» унлисини ифода этувчи белги, забар. «А» товушини ифодалаш учун ҳарф устига қўйиладиган чизиқча (/) «забар» ёки «фатҳа» дейилади. «Ўқиш китоби».

ФАТҲ-НУСРАТ, фатҳу нусрат [фатҳ + нусрат] Зафар, ғалаба; зафар тантанаси. *Бўлиб даҳшатли жанглар, ўтди сонсиз давру давронлар, Бунингдек фатҳу нусрат кўрмаган бу гўмбази атлас.* Ҳабибий.

ФАУНА [лот. *Fauna* — ҳайвонот дунёси < Рим мифологиясида дала ва ўрмонлар маъбудаси] Бирор ҳудуд, мамлакат ёки геологик даврнинг ҳайвонот дунёси, уларда яшаган ёки яшаётган ҳайвонлар мажмуи. *Ўзбекистон фаунаси. Африка фаунаси. Мезозой эрасининг фаунаси.*

ФАҲР [а. *فخر* — ўз-ўзини мақташ; гурур, ифтихор] **1** Мамнунлик ҳисси, мамнуният; гурур, гурурланиш. *Қасби севиши, унинг фаҳри билан яшаши ва садоқат билан ишлаш бахт калитидир.* Р. Усмонов, Одобнома. *Кўзларида нозик бир нур чақнади. У фаҳр ўтими ё қаҳр ўти — билиб бўлмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мақтанишга, кўз-кўз қилишга, гурурланишга арзийдиган нарса ёки кимса, энг яхши намуна; ифтихор объекти. *Пахта — ўзбек халқининг фаҳри.* ■ *Тарихий ва миллий ёдгорликлар бизнинг миллий бойлигимиз, чексиз фаҳримиздир.* Газетадан. *Бу шеър даҳосига минг йил умр бер! Бу элнинг фаҳридир, шоир Алишер. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.*

Фаҳр қилмоқ (ёки этмоқ) айн. **фаҳрланмоқ.** *Баъзи одамлар пайғамбар ёшига етдим, деб қувонса, Соли сувуқ ҳам мингбоши ёшидаман, деб фаҳр қиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Узоқ асрлардан келаётган маданиятли аجدодларим билан ҳам фаҳр этаман.* Мирмуҳсин, Умид.

ФАҲРИЙ [а. *فخرى* — ҳурматли, шарафли, муҳтарам] **1** Алоҳида, катта ҳурматга сазовор бўлган; энг ҳурматли. *Фаҳрий аъзолар. Жамоанинг фаҳрий аъзоси. Шаҳримизнинг фаҳрий фуқароси.*

Фаҳрий қоровул **1)** бирор давлат арбоби ёки расмий кишилар ҳурмати учун қўйиладиган (саф қилинадиган) ҳарбий бўлинма. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шарафига фаҳрий қоровул*

саф тортди. Газетадан; 2) марҳум хурмати учун тобут қошида турадиган кишилар.

2 Алоҳида хизматлари учун ҳурмат юзасидан бериладиган, тақдирланадиган. *Фахрий ёрлик. Фахрий унвон.* ■ Уғлим билан катта майдонда Эгалладим букун фахрий жой.. Ҳ. Пўлат.

3 Ҳурмат юзасидан сайланадиган. *Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг фахрий аъзоси.*

4 Ҳурмат, шон-шараф ва шуҳрат бахш этадиган, ғурурланишга арзийдиган. *Қисқа қилиб айтганимизда, Ўзбек санъати ва адабиёти катта, лекин фахрий синовдан ўтди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

5 Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг, касб-корнинг, Ватан муҳофазасининг бирор соҳасида узоқ муддат фаолият кўрсатган шахс. *«Нуроний» фахрийлар жамғармаси.* ■ У барчанинг ҳурматиغا сазовор меҳнат фахрийсидир. Газетадан.

ФАХРИЯ [а. فخرية — ғурур, фахрланиш; мақтаниш] Шарқ мумтоз шеъриятида: шоир томонидан ўз ижоди, истеъдоди ва фазилатларини мақтаб ёзилган шеър, шоирнинг ўз ижоди билан фахрланиб айтган сўзларидан иборат жанр. *Фахрия десам ҳам лойиқдир шеърим, Ахир, она бўлдинг, ҳам бўлдинг қизлик!* Ҳ. Ғулом, Гулдаста.

ФАХРЛАНМОҚ Бирор кимса, нарса ёки эришилган ютуқ туфайли мамнун бўлмоқ; ғурурланмоқ. *Дўстларингнинг сони билан эмас, содиқлиги билан фахрлан.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Шундай йигитнинг ёри эканидан фахрланаётгани кўзидан, чимирланган қошларидан билинар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ФАХРЛИ Ҳурмат, шон-шараф келтирадиган; фахрланса арзийдиган; шарафли. *Оналаримизнинг кундалик, тинимсиз меҳнати фахрли ва олийжаноб меҳнатдир.* «Саодат». *Фахрли касб эгаси — химик бўлганим учун ич-ичимдан қувонаман.* Газетадан.

ФАШ [ф. فش — от ёли; салла печи] Салланинг елкага тушган қисми; печи, учи. *Хатиб домла кулумсираб.. оқ бўйра устидаги тобут ёнига боради ва салласининг фашини тушириб, тақбир учун қўл кўтаради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бошига кўк салла ўраб, фашини узун қилиб орқасига ташлаган бир киши котибга ариза берди.* С. Айний, Куллар.

ФАШИЗМ [итал. fascismo < fascio — боғ, боғлам, даста; бирлашма, бирлашув < лот. fascis] Жангари ирқчилик, антисемитизм ва шовинизм мафкураси; унга таяниб иш кўрувчи сиёсий оқимлар, шунингдек, бир ҳукмрон партиянинг ошкор террористик диктатураси, у томонидан яратилган ва илғор ижтимоий ҳаракатларни, демократияни йўқ қилишга ва урушлар келтириб чиқаришга қаратилган қатағон режими. *Кекса авлод фашизм билан шафқатсиз олишувда урушнинг барча оғирликларини енгди.* Газетадан.

ФАШИСТ [итал. fascista] Фашизм тарафдори; фашистлар ташкилотининг аъзоси; фашизм ғоялари, ҳаракатининг ижрочиси. *Наинки фашист фақат душмангина бўлса, наинки унинг бутун қилмиш-қидирмишларини минг йиллардан бери одам боласига маълум бўлган «душман» калимаси ифода қила олса?* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ФАЭТОН [юн. Phaethon — юнон мифологиясида: қуёш маъбуди Гелиоснинг ўғли Фаэтон исмидан: у икки гилдиракли қуёш аравасини бошқаришни хоҳлаб, Ер юзини хавф-хатарда қолдирган < phao — ярқирайман, нур сочаман] айн. **файтон, фойтун.**

ФАҚАТ [а. فقط — атиги, ёлғиз; аммо; нукул] 1 рвш. Биргина, ягона, ёлғиз. *Меҳри касалхонада узоқ ётиб қолди. Ундан фақат Нисо буви хабар олиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. *Чувалчанг фақат ёмғир ёққандан кейингина ер юзасига чиқади.* «Фан ва турмуш». *Ёдгор сирларини фақат Зокиржонга айтарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 зидл. боғл. Чеклаш маъносини ифодалайди. *Ҳамма нарса тушунарли, фақат битта саволим бор.* ■ *Яна айтаман, фақат эҳтиёт бўл, ёмон кўздан ўзи асрасин.* Т. Ашуров, Оқ от. *Фақат ожиз қаламим маним, Ўзбекистон, Ватаним маним.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ФАҚИР [а. فقير — камбағал, қашшоқ, муҳтож] 1 Моддий жиҳатдан ночор, камбағал, қашшоқ; муҳтож. *Фақир одам. Амирнинг ошидан фақирнинг мушти яхши.* Мақол. ■ *Бировнинг мол-дунёси ошиб-тошиб ётса-ю, фақирга кўз олайтирса, ҳақиқат борми ахир, эй фалак!* Ж. Шарипов, Хоразм. *Жавоб ололмади ҳеч ким ҳам зотан: На султон, на гадо, на шоҳ, на фақир.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 эск. Биринчи шахс ўрнида ёки «мен», «биз» олмошлари билан бирликда ишлатилиб, сўзловчининг камтарлик қилаётганини ифодалайди. Табибий энтимди: -*Фақирингиз виждоним буюрган гапни айтдим. С. Сиёев, Ёруғлик. Фақир у зотнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган пайтларимни эсласам, юрагим эзилур! П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Сиздек муҳтарам зот таклиф этади-ю, биздек фақир бош тортадими? С. Сиёев, Аваз.*

3 кўчма Ночор, бечора, чорасиз. *Кичик, хароб, фақир бир уй. Кампир ва ёш бир хотин жўхори тозалар эди. Ойбек, Нур қидириб. Фақир юрагим орқамга тортиб, пешонамни совуқ тер босди. «Фан ва турмуш».*

Бола фақир Ачинарли, қийин аҳволга тушган ёш бола; бечора бола. -*Бола фақирга қийин бўлди, — деди Жонузоқ оқсоқол. — Иссиқ-совуғига қарайдигани йўқ. Ёлғиз. С. Анорбоев, Оқсой. Бола фақирнинг қилган меҳнатига ҳали бу ҳосилалар ҳам оз, тақсир! А. Қодирий, Обид кетмон.*

ФАҚИРЛАШМОҚ Моддий жиҳатдан ожизланиб бормоқ, қашшпоқлаша бормоқ, камбағаллашмоқ. -*Алишер мамлакатнинг фақирлашганининг сабабларини кўрсатиб, ўзича исботлаб, бутун давлат тартиботини ислоҳ қилмоқчи тавсия қилади, — деди Мажиддин. Ойбек, Навоий.*

ФАҚИРЛИК 1 Моддий жиҳатдан ожизлик, қашшпоқлик, камбағаллик. *Фақирликни бошдан кечирмоқ. ■ Содиқлар.. фақирликда яшаб, йил сайин менга оз-оз ерларидан сотиб, тирикчилик қилар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мутрибнинг ҳазилнамо байтида Аваз йўқчилик, фақирлик оиласини қуриган, аммо кўнгли қаноатга тўла некбин шор қалбини кўргандек бўлди. С. Сиёев, Аваз.*

2 кўчма Хокисорлик, камтарлик. *Фақирлик йўлини ихтиёр қилдим, Шамшоднинг юртига бормоқчи бўлдим. «Баҳром ва Гуландом».*

3 кўчма Маънавий қашшпоқлик. *Кишида уч хил сифат бордирки, улар фақирликдан-дир: Подшоҳким, яхшилигинга шукр қилмайди, ёмонлигини кечирмайди. Қўшиким, сендан яхшилик кўрса — яширади, ёмонлик кўрса — оширади.. «Фан ва турмуш».*

ФАҚИРОНА [a. + *فقيرانه* — камбағалона, эҳтиёжли ҳолатда] 1 *реш.* Фақирга хос; фақирларча, камбағалларча, ночор. *Фақирона яшамоқ. Фақирона ҳаёт кечирмоқ. ■*

Шоир Ёрий деҳқончилик қилиб, фақирона ҳаёт кечирган. Газетадан.

2 кўчма Аҳволи ночор, кўримсиз. *Халқнинг ақлу иродаси ва қудрати билан фақирона катакча кулбалор ўрнида бетондан, металлдан.. шаҳримиз қаддини кўтарди. Газетадан.*

ФАҚИР-ФУҚАРО [фақир + фуқаро] с. т. Ғариб, ночор, камбағал кишилар, бевабечоралар. *Уста Маҳмуднинг теварак-атрофга донғи кетди, уни фақир-фуқаронинг дўсти.. сифатида таний бошладилар. М. Осим, Маҳмуд Торобий.*

ФАҚИХ [a. *فقيه* — шарият ҳуқуқшуноси, қонуншуноси; куръон ўқувчи, қори] Дини ислом, шарият қонун-қоидаларини яхши билувчи ва таҳлил қилувчи. *Фақиҳлар маънавий баркамол, зўр иззат-ҳурматга сазовор, чуқур ақл-заковатга ва зарур маънавий фазилатларга эга бўлганлар. Газетадан. Мазкур кўчанинг охирида Алишербекнинг устозлари фақиҳ Абдулла истиқомат қилар эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ФАҲМ [a. *فهم* — англаш, тушуниш; фаросат; билармонлик] Инсоннинг тушуниш, англаш, онгли сезиш қобилияти; идрок, фаросат; ақл. *Аждоду боболарнинг фаҳмига балли: Илк деворни урганлар, кулба қурганлар. М. Шайхзода. Фаҳмини еб қўйган қай бир ногирон Демишки, кўр бўлсин буткул бу дунё. А. Орипов, Йиллар армони.*

Фаҳм қилмоқ 1) фикр юритмоқ, ўйламоқ, тушунмоқ. -*Албатта, хўжайинники ноҳақ. Боласи билан ўралиб қолди, энди ишлай олмайди, деб ўйласа керак у. Мен шундай фаҳм қилдим, — куйиниб сўзлади Йўлчи. Ойбек, Танланган асарлар; 2) айн. фаҳмламоқ. Фаҳмига етмоқ (ёки бормоқ) Идрок етмоқ, англамоқ; фарқига бормоқ, тушунмоқ. *Ҳа, майли, укажон, ҳали ёшсиз, кўп нарсанинг фаҳмига бормайсиз. «Гулдаста». Ҳа, фақат табиблик қилолмайди. Ундан бўлак ҳамма нарсанинг фаҳмига етади. Мирмуҳсин, Меъмор.**

ФАҲМЛАМОҚ 1 Гап, воқеа, ҳодиса ва ш.к. нинг маъносига, моҳиятига тушуниб етмоқ, англамоқ; сезмоқ, уқмоқ. *Китобхон сохталикни дарров фаҳмлайди. Газетадан. ..эшикдан кирган киши бу ерда соҳибжамол жонон туришини дарров фаҳмлайди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 ..деб билмоқ, ўйламоқ. Мен сени дўст фаҳмлаб юрардим. ■ Отабек бу терс жавобни ҳазил фаҳмлаб, кулди ва Кумушининг манглайига қўлини текизди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аравакаш, Меъмор ўғлини камган, димоғдор фаҳмлаб, орқасига қайрилиб, яна бир қараб қўйгандек бўлди.. Мирмуҳсин, Меъмор.

ФАҲМЛИ Идрокли, фаросатли; сезгир. Фаҳмли бола. Фаҳмли жонивор. ■ Ана шундоқ зийрак, фаҳмли.. пок йиғитчани худонинг ўзи етказди.. К. Яшин, Ҳамза.

ФАҲМСИЗ Фаросатсиз, дидсиз, палапартиш; бефаҳм. Фаҳмсиз бола.

ФАҲМ-ФАРОСАТ, **фаҳму фаросат** Фаҳм ва фаросат, ақл, идрок. Ақл, фаҳм-фаросат билан кўнгилни йўлга солиб туриш керак. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. У шу маҳалгача ҳеч ким пайқамаган ҳақиқатга идроки етган шогирдининг фаҳм-фаросатига қойил қолди. М. Осим, Карвон йўлларида.

ФАҲШ [а. فحش — беадаблик, ахлоқсизлик, бузуклик, зино] Зино ишларига ҳаддан ташқари берилиш; бузуклик, ахлоқсизлик. Фаҳш ишлар, фаҳш сўзлар исломда йўқ нарсадир. «Фан ва турмуш». Тангри фаҳш ишларни қилувчи ва беҳаё сўзларни гапирувчи кишиларни ёмон кўради. «Фан ва турмуш».

ФАҲШИЯТ [а. فحشيت — бузуклик; шаҳвоният] Бузуклик, ахлоқсизлик; шаҳвоний нафс. Тошпўлат, ёзувчининг ўз таъбирича, фақирлик орқасида ўғрилиқ ва фаҳшият денизида сузиб, таъжангланган холис бир чапанидир. А. Қодирий, Отам ҳақида.

ФАҲШХОНА айн. **фоҳишахона**. - Тушинг эмас, ўнгинг. Бу кушхона, фаҳшхонага сендан беизн кирганим учун мени маъзур тутасан, бойвачча. К. Яшин, Ҳамза.

ФЕВРАЛЬ [лот. februarius — тозаланиш, ҳалолланиш ойи] Янгича (календарь) йил ҳисобида иккинчи ой номи. Февралнинг ўрталарида ҳаво юмшаб, дала-тошни, тўқайларни босиб ётган қалин қор ёниги тешила бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ФЕДЕРАЛ [лот. federalis — иттифоқ, уюшмага оид] айн. **федератив**. Федерал органлар. Федерал марказ. Федерал қўшинлар.

ФЕДЕРАЛИЗМ [фр. federalisme < лот. foedus — иттифоқ, уюшма; боғланиш] сиёс. 1 Федерация системасига асосланган давлат тузуми.

2 Шундай давлат тузуми ўрнатишга интилувчи сиёсий ҳаракат, оқим.

ФЕДЕРАЛИСТ [фр. federaliste] Федерализм тарафдори, федералчи

ФЕДЕРАТИВ [фр. federatif — иттифоққа оид, асосланган] сиёс. Федерация асосида тузилган. **Федератив давлат**.

ФЕДЕРАЦИЯ [лот. foederatio — иттифоқ, бирлик] 1 сиёс. Алоҳида мустақил давлатлар ёки республикаларнинг бирлашуви асосида тузилган яхлит давлат, давлат ёки республикалар бирлашмаси. *Россия Федерацияси*.

2 Айрим жамиятлар ёки ташкилотлар уюшмаси; иттифоқи. *Жаҳон демократик ёшлар федерацияси. Хотин-қизларнинг халқаро демократик федерацияси. Тошкент биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерациясининг аъзосидир.* Газетадан.

ФЕЛЬДМАРШАЛ [нем. Feldmarschall] Бир қатор мамлакатлар (Австрия, Пруссия, чор Россияси ва б.) армияларида жорий қилинган олий ҳарбий (генераллик) унвон ва шу унвонга эга бўлган киши (бу унвон Буюк Британия ва б. баъзи мамлакатларда сақланган).

ФЕЛЬДШЕР [нем. Feldscher < Feldscherer — жарроҳ; ҳарбий қисм сартароши] Ўрта тиббий маълумотга эга бўлган тиббиёт ходими, врач ёрдамчиси. *Зебо госпиталга ўз хоҳиши билан фельдшер бўлиб киргач, онасига ҳам иш топилиб қолди. Шухрат, Шинелли йиллар. Хуллас, Отажон йигирма олти ёшида фельдшер бўлди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.*

ФЕЛЬДЪЕГЕРЬ [нем. Feldjäger] Армия ёки ҳукуматнинг ўта муҳим, кўпинча махфий қогоз-ҳужжатларини тегишли жойга етказиб берувчи курьер.

ФЕЛЬЕТОН [фр. feuilleton < feuille — варак; дастлабки фельетонлар Францияда алоҳида варақларда chop этилган] Кундалик ҳаётда рўй берадиган салбий ҳодисаларни ёки бирор кимсани ўткир тил билан танқид қилиб, унинг устидан кулиб, долзарб мавзуда ёзилган газета ёки журнал мақоласи; публицистик жанр. *Сатира ва юморнинг жанрлари жуда кўп: фельетон, ҳажвий ҳикоя, памфлет.. ва ҳоказолар. «Муштум». Комил Алиевнинг фельетонлари дўстларни қувонтирар, душманларга даҳшат соларди. М. Жўра, Ноширнома.*

ФЕЛЬЕТОНЧИ Фельетонлар ёзиш билан шуғулланувчи шахс; фельетонлар муаллифи. *..қизиқчиларимиз, фельетончи ва адабиётшуносларимизнинг теша тегмаган ҳангомаю ҳажвияларини мазза қилиб ўқийсиз. Газетадан.*

ФЕН I [ингл. fan < лот. vannus — елпиғич (машина)] Сочни қуритишга мўлжалланган, ҳавони илиқ қилиб ҳайдовчи электр асбоб. *Фен сочни қуритишга жуда қулай, боши оғрийдиганларга фойдаси бор. Газетадан.*

ФЕН II [юн. rhaino — кўрсатаман, намоён этаман] биол. Организмнинг ирсий (генлар билан боғлиқ) белгиси, хусусияти.

ФЕНОЛ [юн. rhaino — кўрсатаман, намоён қиламан + лот. ol(eum) — мой] ким. Тошқумир қатронидан, бензолдан ёки синтетик йўл билан ҳосил қилинадиган, техникада кенг қўлланадиган кристалл модда. *Бетон қоришмага ўқовчи натрийнинг сувли эритмаси билан аралаштирилган полимер — фенол қўшилади. Газетадан.*

ФЕНОЛОГ Фенология мутахассиси.

ФЕНОЛОГИЯ [юн. rhaino — кўрсатаман, намоён қиламан + logos — билим] Биологиянинг жонли табиатта йил фасллари алмашинувининг таъсирини ва шу билан боғлиқ ҳолда юз берувчи ўзгаришларни (қушларнинг учиб келиши ва кетиши, ўсимтикларнинг гуллаши ва б.) ўрганадиган бўлими.

ФЕНОМЕН [юн. phainomenon — туюладиган, кўринадиган нарса] 1 флс. Ҳис-туйғу тажрибаси билан билинадиган ҳодисани англатувчи тушунча.

2 Файриодатий, камдан-кам учрайдиган ҳодиса, факт, шахс.

ФЕНОМЕНАЛИЗМ [«феномен» с. дан] Объектив оламнинг мавжудлигини инкор қилувчи, у фақат инсон тасаввурида, ҳаёлида мавжуд бўлади, деб ҳисобловчи фалсафий таълимот.

ФЕОДАЛ I [лот. feodalis < feodum < қад. юн. fihu, fehu — ер-мулк + od — эгалик] 1 тар. Феодализм даврида: ҳукмрон синф вакили — катта ер-мулк эгаси; заминдор; помешчик. *Бу даврда асосий бойлик ҳисобланган ер, сув, ўрмон ва ўтлоқлар феодалнинг қўлида эди. «Янги тарих». Шундан кейин аламзада феодалларнинг шахзодага рағбати ошди. «Фан ва турмуш».*

2 кўчма Шафқатсизларча, кўпол муносабатда бўлувчи; эскича фикрловчи. *Сен дес-*

пот бўлиб, мени турткилайверма. Феодал бўлма, азизим! Мирмуҳсин, Умид. Ҳа, дарвоқе, олти ойлик ярашув муддатида бу феодал, муттаҳамнинг устидан ўн бешта ариза бердим. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ФЕОДАЛ II [лот. feodalis] Феодализмга, феодалларга хос; феодализм принципларига асосланган. *Феодал муносабатлар.*

ФЕОДАЛИЗМ [ингл. feudalism < лот. feodum — ер-мулкка эгалик] тар. Дехқонлар мустақил хўжалик юритадиган, лекин шахсан ва иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синфга — катта ер-мулк эгаларига қарам бўлиб, уларга феодал рента тўлайдиган, тарихан капитализмдан олдинги ижтимоий-иқтисодий формация.

ФЕОДАЛЛАРЧА рвш. Феодалга хос, зўравонликка асосланган, феодаллардай. *Феодалларча синфий муносабат. Феодалларча қараш.*

ФЕРМА I [фр. ferme < лот. firmus — мустаҳкам] 1 Бозор иқтисодиёти мамлакатларида ўз мулкида ёки ижарага олинган ерда хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган фермерга тегишли бўлган хусусий қишлоқ хўжалик корхонаси.

2 тар. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва чорва молларини парвариш қилиш билан шуғулланадиган ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхонаси ёки бўлини-маси. *Паррандачилик фермаси. Чорвачилик фермаси. Наслчилик фермаси. ■ Ҳар куни тонг қоронғисидан қорининг хотини Тўтанисо билан сигир соққани фермага борар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Сатторов кассани ҳисоблаб чиққач, товуқ фермасига ўтди. «Муштум».*

3 Чорва моллари ва паррандаларни етиштириш (боқиш ва сақлаш) учун мўлжалланган бино.

ФЕРМА II [лот. firmus — мустаҳкам] Том ёпиш, бостирмалар ва кўприк қуришда ишлатиладиган, металл, темир-бетон, ёғочдан бўлган таёқ(ча)ларни бир-бирига бириктириб ясаладиган қурилиш конструкциса.

ФЕРМЕНТ(ЛАР) [лот. fermentum — ачитқи] биол., ким. Ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларнинг тирик ҳужайраларида катализаторлик вазифасини бажариб, ундаги кимёвий жараёнларни миллион мартабала тезлатишга ёрдам қиладиган

оқсил моддалар (кундалик турмушда, енгил, озиқ-овқат ва кимё саноатларида кенг қўлланади). *Асалнинг шифобахш модда бўлишининг бирдан-бир сабаби таркибида ферментларнинг кўпчилигидир. Л. Икромов, Минг дардга даво. Турпдаги ферментлар киши организмидида модда алмашинишига.. ёрдам қилади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

ФЕРМЕНТАТИВ Ферментга оид; фермент хоссаларига эга, ферментлар таъсирида юзага келадиган. *Ферментатив модда. Ферментатив жараёнлар. Ферментатив фаоллик.*

ФЕРМЕНТАЦИЯ [лот. fermentare — ачитмоқ, бижғитмоқ] биол., ким. Тегшли микроорганизм турлари ишлаб чиқарадиган ферментлар таъсирида хомашё моддалар (узум шираси, чой, тамаки барглари)ни қайта ишлашдаги биокимёвий жараён; ачиш, бижғиш, ачитиш. *Тамаки ферментацияси. Чой барглари ферментацияси. ■ Қора чой яхши пишган барглардан тайёрланади. Бунда улар аввал қуригилади ва эзилади, сўнгга ферментация қилиниб, яна қуригилади. «Фан ва турмуш».*

ФЕРМЕР [ингл. farmer] Ўзига қарашли ёки ижарага узоқ муддатга олинган ерда зироат, чорва, парранда маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи майда ёки ўртача қишлоқ хўжалик корхонаси эгаси. *Фермерларга аталган ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқи мустақкамланиб қўйилди. Газетадан. Ўша куни.. Аҳмад Қодиоров деган фермер укамизни учратиб қолдим. Газетадан.*

ФЕРМИЙ [лот. fermium < итал. Fermi — италиялик физик Энрико Ферми номидан] ким. Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; сунъий йўл билан олинган радиоактив металл.

ФЕРРО [лот. ferrum — темир] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, темирга оидлик, темир билан алоқадорлик каби маъноларни ифодалайди, мас., *ферромагнит, ферроқотишмалар.*

ФЕРРОМАГНИТ [ферро.. + магнит] Кучли магнит хусусиятига эга бўлган, тез магнитланадиган (темир, пўлат, чўян, никель, кобальт ва б.).

ФЕРРОҚОТИШМАЛАР [ферро.. + қотишма] ким. тех. Темирнинг бошқа элементлар (хремний, марганец, хром, молибден, ванадий ва б.) билан қотишмалари.

ФЕРРУМ [лот. ferrum — темир] Темирнинг кимёвий формулаларни айтганда (ўқиганда) фойдаланиладиган номи.

ФЕРУЗ [а. فيروز < ф. فيروز / — ғолиб, музаффар, зафарли; бахтли] 1 Бахтли, толели; ғолиб, музаффар.

2 Ўзбек халқ мумтоз куйларидан бирининг номи (Феруз — Муҳаммад Раҳимхон II ва Муҳаммад Раҳим I даврларида яратилган).

3 Феруз (эркаклар исми).

ФЕРУЗА [ф. فيروزه / — яшил рангли қимматбаҳо тош] 1 Заргарликда безак буюмлар учун ишлатиладиган, кўк-яшил, ҳаворанг-яшил рангли қимматбаҳо тош. *Феруза ва забаржад тошлар кўз қамаштириб ётади. Ойбек, Навоий. Меъморнинг хаёлидан.. мирзо ҳады этган феруза кўзли тилла узуги ўтди. Мирмуҳсин, Меъмор. Мағриб мамлакатларида феруза «шарқ тоши» деб аталган. «Фан ва турмуш».*

2 кўчма Мовий, ҳаворанг. *Феруза сув тағларида сузар олтин балиқлар. Миртемир, Асарлар. Унинг.. ярим очик кўзлари мусаффо, феруза осмонга қадалган. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.*

3 Феруза (хотин-қизлар исми).

ФЕСТИВАЛЬ [фр. festival < лот. festivus — байрамона, шод, қувноқ] Санъатнинг мусиқа, кино, театр, цирк ва б. соҳаларида эришилган энг яхши ютуқлар бўйича вақт-вақти билан ўтказиладиган танлов, кўриқдан иборат оммавий байрам, тантана, сайил. *Мусиқа фестивали. Ўзбек кинофильмлари фестивали. ■ Фестиваль халқлар билимини оширишга, бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. «Саодат». «Тошкентнинг олтин кузи» фестивали ўз номига гоят муносиб. Газетадан.*

ФЕТИШ [фр. fetiche — бут, санам < порт. fetiço — тумор; сеҳргарлик] 1 Ибтидоий қабилалар муқаддас, ғайритабиий кучга эга, деб сифинган, топинган жонсиз нараса.

2 кўчма Кўр-кўрона ишониб, қаттиқ ёпишиб олинган нараса, гоя ва ш. к.

ФЕТИШИЗМ [«фетиш» с. дан] 1 Ибтидоий қабилаларда фетишларга — илоҳийлаштирилган нарсаларга топиниш, сажда қилиш (ҳозирда ҳам иконаларга, рамзий

хайкалчаларга, баъзи жониворларга сиғи-
ниш, сажда қилиш тарзида учраб туради).

2 *кўчма* Бирор нарсаса кўр-кўрона, бе-
рилиб эътиқод қилиш, бундай нарсага маҳ-
кам ёпишиб олиш. *Пул фетишизми*.

ФЕЪЛ I [а. فعل — ҳаракат, таъсир кў-
ратиш; иш, амал] 1 Киши характери-
ни ташкил этувчи руҳий хусусиятлар ва ундан юза-
га келувчи хатти-ҳаракатлар мажмуи; хулқ,
характер, хулқ-атвор. *Ҳар ким феълига яра-
ша олар. Мақол. ■ — Бу ойимчанинг феъли-
ни биласиз-ку! — деди Мастура кўзига ёш
олиб. Э. Аъзамов, Жавоб. Зайнабнинг шу
феъли балоғатда етиб, эрга теккандан кейин
ҳам ўзгармади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Инсоннинг маълум пайтдаги руҳий
ҳолати, кайфияти, авзойи. *Феъли бузилмоқ.
Феъли айнимоқ. Феъли озмоқ. ■ Шундай
феъли бузилдики, худодан ҳам хафа бўлиб
кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бироқ
раиснинг феъли бирданига айниб қолди. С.
Зуннунова, Олов.*

Ит феъл, итфеъл Ёмон хулқли, ярамас.
*Самоварчининг «ит феъл» эканини пайқаган
бўлса ҳам, ноилож унинг олдида борди. Ой-
бек, Танланган асарлар. — Ит феъл, бадбахт!
қошу қовоғиндан нақ қор ёғади.. Ойбек,
Танланган асарлар. Феъли айнамоқ кўчма
Ўзгармоқ, ёмонлашмоқ (об-ҳаво ҳақида).
Шамол эсиб, ҳавонинг феъли айниб бирпас-
да.. Ғайратий, Танланган асарлар. Гоҳо ку-
либ, осмон ҳаммани хурсанд қилади, гоҳо
бирдан феъли айниб, деҳқон дилини сиёҳ қи-
лади. Н. Сафаров, Оловли излар. Феъл кенг
Бор нарсани биров билан баҳам кўрадиган,
бировдан аямайдиган, сахий. Тегирмонда ту-
тилган сичқоннинг феъли кенг. Мақол. Ўлган-
да гўринг кенг бўлсин, тирикликда — феълинг.
Мақол. ■ Темирчининг уйи тор бўлса ҳам,
феъли кенг эди. Ш. Рашидов, Қудратли тўл-
қин. Эй, феъли кенг қишлоқ ўғли, куйлайин
сени! А. Шер, Қадимги куй. Феъли тез қ. тез
5. — Хотининг, бунақа феъли тез экан, [бола-
ни] олиб кетмагани ҳам дуруст. А. Қаҳҳор,
Қўшчинор чироқлари. Феъли тор Ҳаддан
ташқари зиқна, хасис. Қадим ўтган замон-
да, Каттақўрғон томонда Бир очкўз бой
бор эди, Феъли жуда тор эди. Уйғун. — Улар-
да пул бўлади, биламан. Лекин аёлларнинг
феъли тор. Ойбек, Танланган асарлар. Феъ-
ли қайтмоқ айн. тўнини тескари киймоқ қ.*

тўн. Ё тавба, ё тавба! Мунча феълинг қайт-
маса, қизим? Н. Сафаров, Танланган асар-
лар.

3 *кўчма* Одат, хулқ, қилиқ; иш, хатти-
ҳаракат. *Ёлғончилик шундай бир шум феъл-
дирки, имонга, ризққа, умрга, эътибор ва
обрўга зиёни бордур. Ҳамза, Танланган асар-
лар. Қойил қолдим энди қилган феълингга,
Ўғил кўргин, қўлин солсин бўйинингга. «Эрали
ва Шерали». Ҳали ҳам тавба қил қилган
феълингга, Тўхта, ойим, етолмайсан элингга.
«Муродхон».*

Хуш феъл қ. хушфеъл. [Ўроз] Мирза-
каримбойга қарол бўлиб ёлланган, кет-боши
кир, увада бўлишига қарамай, чиройли, хуш
феъл, ёқимтой йигит эди. Ойбек, Танланган
асарлар.

ФЕЪЛ II [а. فعل — иш, ҳаракат] тлш. Ҳа-
ракат, шунингдек, ҳолат ва ҳолисани бил-
дирадиган сўзлар туркуми ва шу туркумга
оид ҳар бир сўз. *Феъл замонлари. Келаси
замон феъли. Ўтган замон феъли. Ўтимли
феъл. Ўтимсиз феъл.*

ФЕЪЛАН [а. فعّال — феълга, иши, ҳара-
катига кўра] рвш. кам қўлл. Характер, хул-
қиға кўра, шу жиҳатдан. *У [Умид] бошқа
ўртоқларига қараганда анча тежамкор, феъ-
лан босиқ. Мирмуҳсин, Умид.*

ФЕЪЛ-АТВОР [феъл + атвор] Шахснинг
атроф муҳитга ва ўз-ўзига муносабатига
намоён бўладиган, ўзигагина хос хусусияти;
характер. *Одамнинг феъл-атвори унинг қис-
матидир. Газетадан. Боланинг хатти-ҳара-
кати ва феъл-атвори маълум даражада ота-
онасининг кимлигидан далолат беради. Р.
Усмонов, Умр сабоғи.*

ФЕЪЛДОР [а. + ф. فعّالدار — маълум феъл-
атворга эга] кам қўлл. Феъл-атвори ёмон,
дағал муомалали; асабий. *Ўз хотининг феъл-
дор бўлса, бировни ғазаблаш ҳам ярашмас
экан. И. Раҳим, Ҳилола.*

ФЕЪЛЛИК тлш. Феъл туркуми хусу-
сиятларига эгаллик; феълга хослик. *Сифат-
дошлар феъллик ва сифатлик хусусиятлари-
га эга бўлади. «Ўзбек тили» дарслиги.*

ФЕЪЛ-ХҲЙ айн. феъл-атвор. Мулла Муҳ-
син Ҳатиб домланинг феъли-хўйига яхши
тушунганликдан, унинг ҳамма сўзларига ҳам
батамом ишониб етолмайди. А. Қодирий,
Обид кетмон. Бу йигит деҳқонларнинг феъл-
хўйини яхши билганидан, улар билан тез тил
топишиб кетди. Ойбек, Навоий.

ФЁН [нем. Föhn < лат. favonius — илиқ фарбий шамол] *геогр.* Тоғли ўлкаларда тоғлардан водийларга, юқоридан пастга томон эсувчи кучли, илиқ ва қуруқ шамол. Фённинг зарарли таъсирини камайтириш учун ихота дарахтзорлари барпо этилади. «ЎЗМЭ».

ФИБРА [лат. fibra — тола] *тех.* Кимёвий йўл билан ишланиб, бир неча қатламли прессланган, букилувчан, жуда пишиқ қалин қоғоз; ўраш, изоляциялаш материали сифатида ҳамда тери ўрнида ишлатилади. *Сиртига фибра сирилган чамадон.*

ФИБРОМА [лат. fibra — тола + юн. -ома — шиш, ўсмани билдирувчи қўшимча] *тиб.* Толодор бириктирувчи тўқимадан пайдо бўлган, тананинг ҳар қандай қисмида учраши мумкин бўлган хавфсиз ўсма.

ФИГОР [ф. فگار — «афгор» с. нинг бошқача шакли] *қ.* **афгор.** Қилма кўнгул хори ҳижрондин *фигор*, эй *сарвиноз*. **Фурқат.** *Муҳаббатдин бўлурман фигор, майлигаму? Тараҳхум айламасанг, эй нигор, майлигаму? Муқимий.*

ФИГУРА [лат. figura — образ, кўриниш] 1 с. т. Гавданинг тузилиши, бичими; қадди-қомат, жусса. *Фигураси ниҳоятда чиройли.* ■ *У қўғирчоқлар ясайди.. сувенир фигураларнинг нодир коллекциясини яратади.* Газетадан.

2 Муайян ҳаракат (рақс, ҳавода учиш, сувда сузиш, конькида учиш ва ш.к.) ни бажаришда кимса ёки нарса томонидан ҳосил қилинган ҳолат, вазият.

3 Шахмат ўйинида: пиёдалардан бошқа асосий сипоҳлар; қарта ўйинида: туз, қирол каби асосий қарталар. *Зуҳра шахмат фигураларидан кўзларини узмасди.* Ибохон, Улуғ кун.

4 Геометрик шакл. *Симметрик фигура.* ■ *Алоҳида ёки бир-бири билан турли комбинацияларда олинган нуқта, чизик ва сиртлар геометрик фигуралар ҳосил қилади.* «Геометрия» дарслиги.

5 кўчма Бирор иш, соҳа, жабҳадаги асосий, ҳал қилувчи, етакчи сиймо. *Таълим-тарбия ишида ўқитувчи бош фигура саналади.* ■ *Теримчи ва механик-ҳайдовчи пахта йиғим-теримида марказий фигура, ҳал қилувчи кучдир.* Газетадан.

ФИГУРАЛИ 1 Фигуралар ҳосил қилиб бажариладиган (қ. **фигура** 2). *Фигурали учаш мусобақаси ҳақидаги суратли афишаларни*

кўздан кечирди. А.Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

2 Кўплаб геометрик шаклларга эга бўлган. *Маълумки, кўп фигурали картиналар яратиш муаллифдан юксак маданият талаб қилади.* «Гулистон».

ФИГУРАЧИ *спорт.* Конькида турли фигуралар ҳосил қилиб учувчи, рақс тушувчи спортчи. *Мусобақада фигурачиларимиз бешта совринли ўринни эгалладилар.* Газетадан.

ФИДЕИЗМ [фр. fideisme < лат. fides — ишонч, эътиқод] *флс.* Имон-эътиқод ақл-идрокдан устун туради, деб ҳисобловчи, фан ва илмий билишни чекловчи диний дунёқараш.

ФИДО [а. فداء — қутулиш, қутултириш; товон, эваз; қурбонлик, қурбон бериш, фидо бўлиш] Бирор кимса, нарса ёки гоё учун ўзини бағишлаш; бахшида, қурбон қилиш. *Жонингни фидо қилсанг қил, номузингни фидо қилма.* Мақол. ■ *Мустақиллик учун жонини фидо қилган шахидларни ғам-андуҳ билан эслаймиз.* Газетадан.

ФИДОЙИ [а. فدائى — ўз жонини қурбон қилувчи] 1 Бирор кимса, нарса ёки гоёга астойдил берилган ва улар учун жондан кечишга ҳам тайёр; содиқ. *Меҳнаткаш, фидойи, ҳалол инсонни ўлимидан кейин эъзозлаш тириклар қўлига чироқ тутқазмиш билан баравардир.* «Саодат». *Бизнинг кишилар мард, камтар, фидойи, Саботиға айтсанг тасанно арзир.* М. Бобоев.

2 Кўнгилли, ўз ихтиёри билан келган (қолган) аскар. *Ёш Аҳмад янги тузумни мустаҳкамлашга бел боғлаган фидойилар сафига қўшилди.* Газетадан.

ФИДОЙИЛИК Ўз танлаган йўли, маслаги, гоёсига, касбу корига ёки бирор кимсага содиқлик, ўзини бахшида этиш. *Фидойилик бор жойда ғалаба бор, дейдилар.* «Шарқ юлдузи». *Ўзига шунчалар фидойилик қилган мана шу гўзал қизнинг — жондан ортиқ Азизасининг олдидаги қарзини қандай узсин?! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ФИДОКОР [а. + ф. فداکار — ўз жонини қурбон қилувчи; фидойи] Бирор кимса, нарса ёки эътиқод учун ўз жонини фидо қиладиган; чексиз садоқатли, фидойи. *Фидокор одамнинг йўли доим ойдин бўлади.* Газетадан. *Бобуржон, сизнинг дилингиз беғубор, сиз нодир истеъдодли фидокор йигитсиз!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ФИДОКОРЛИК 1 Ўз иши, касб-кори, маслаги, эътиқодига ёки бирор кимсага ўта берилганлик, ўта содиқлик. *Ўзгаришларнинг ҳаммаси осонликча бўлмади. Бутун халқимиз гоят зўр фидокорлик кўрсатди. «Ўзбекистон кўриклари». Йўлчи қизнинг бундай туйғунлиги ва фидокорлигига қандай баҳо беришни.. билмай қолди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Бутун борлиғи билан берилиб ишлаш-лик, жонбозлик. *..ҳамма, мижжа қоқмай, фавқулодда фидокорлик билан ишлади. Ойбек, Куёш қораймас. Сут соғувчиларимиз фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Газетадан.*

ФИДОКОРОНА [а. + ф. فدائى گارانت – жонини фидо қилган ҳолда, жонбозлик кўрсатиб] *рвш. Жонини фидо қилиб, бутун борлиғи билан, садоқат билан, берилиб. Хўжалик муваффақияти соҳибкорларимизнинг фидокорона меҳнати билан яратилди. Газетадан.*

ФИЗИК Физика фани мутахассиси. *Мен физикман, фазо қонунлари ҳақида фикр юрита оламан. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.*

ФИЗИК Физикага доир, физика билан боғланган; физикавий. *Жисмларнинг физик хоссалари. Физик ҳодисалар. Физик жараёнлар. ■ Бир неча кун ўтгач, Солиҳ ўзи ишлайдиган физик проблемалар институти томон йўл олди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.*

ФИЗИКА [юн. physis < physis – табиат] Моддий дунё (материя)нинг тузилишини, энг умумий хоссаларини ҳамда унинг ҳаракат қонунларини ўрганувчи фан. *Назарий физика. Атом ядроси физикаси. Физика кабинети. ■ Физикада жисмларнинг ҳаракати, товуш, иссиқлик, электр, магнит ва ёруғлик хоссалари ўранилади. «Физика» дарслиги. Унинг ўзи ёшликданоқ физикага қизиқар, онаси эса Юнусовга [тоғасига] суянади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ФИЗИКАВИЙ Физикага оид, физикага хос; физик. *Жисмларнинг физикавий хусусиятлари.*

Физикавий кимё Кимёвий ҳодисаларни физикавий усуллар ёрдамида ўрганувчи фан.

ФИЗИОЛОГ Физиология олими, мутахассиси. *Баъзи физиологларнинг фикрича, узоқ вақт қанд емаслик ҳатто фикрлаш*

қобилиятини ҳам сусайтирар экан. К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик.

ФИЗИОЛОГИК Физиологияга оид; физиологияга дахлдор бўлган. *Физиологик жараён. ■ Ҳозирча титрашнинг инсонга қиладиган физиологик ва руҳий таъсири хусусида узил-кесил хулоса йўқ. «Фан ва турмуш».*

ФИЗИОЛОГИЯ [юн. physis – табиат + logos – билим] Одам, ҳайвон ёки ўсимлик организми ва унинг алоҳида бўлаклари – муайян системалари, аъзолари, тўқималари, ҳужайралари ҳаёт фаолиятини (пайдо бўлиш, ўсиш, ривожланиш, кўпайиш, атроф муҳитга мослашиш каби жараёнларни), улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ўрганувчи фан. *Умумий физиология. Қиёсий физиология. Ўсимликлар физиологияси.*

ФИЗИОТЕРАПЕВТ Физиотерапия мутахассиси, врач.

ФИЗИОТЕРАПЕВТИК Физиотерапияга оид. *Даволашнинг физиотерапевтик усули.*

ФИЗИОТЕРАПИЯ [юн. physis – табиат + терапия] Тиббиётнинг хилма-хил физик омиллар (сув, ёруғлик, иссиқлик, электр энергияси ва ш.к.) нинг организмга таъсирини ўрганувчи ва уларни касалликларни даволаш ва олдини олиш мақсадида қўллаш усуллариини ишлаб чиқувчи соҳаси. *Физиотерапия йўли билан даволаш. ■ Зарур тиббиёт инвентарлари билан жиҳозланган физиотерапия кабинети дам олувчилар хизматида. «Саодат».*

ФИЗКУЛЬТУРА [р. физическая культура («жисмоний маданият») бирикмасининг қисқартмаси] 1 Инсон соғлигини мустаҳкамлашга ва, умуман, организмни ҳар томонлама чиниқтириш ва такомиллаштиришга қаратилган жисмоний машқлар. *Физкультура билан шуғулланмоқ.*

2 Шу йўналишдаги фан ва таълим. *Физкультура ўқитувчиси. ■ Физкультура институтига кириш ҳам осонмас, дейишадикун! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Биринчи дарс тарих, кейин она тили, алгебра, рус тили, физкультура. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.*

ФИЗКУЛЬТУРАЧИ Доимий равишда ёки танланган касб сифатида физкультура билан шуғулланувчи шахс, спортчи. *Физкультурачилар наради. ■ ..Истироҳат боғидаги қўл бўйига физкультурачи қиз ҳайка-*

ли қўйилганда, «яxши жой банд бўлиб қолди», деб бўғилган эди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

ФИКР [а. فكر — тафаккур, ғоя; ақл, ўйлаш, ўй, хаёл, мулоҳаза] 1 Бирор нарса, ҳодиса ёки кимса ҳақида ўй, хаёл. *Фикри равшанининг сўзи равшан. Мақол. ■ Ҳанифанинг фикри бир зумда айқаш-уйқаш бўлиб қолди. «Саодат». [Нури] Тили билан Фазлидинга ҳар хил ёқимли сўзлар сўзласа ҳам, фикри бошқа ёқларда кезди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Фикрга толмоқ (ёки **кетмоқ**, **чўммоқ**, **шўнғимоқ**) Каттиқ ўйланиб, хаёл суриб қолмоқ. *Ташқарига чиққандан кейин, [Кумуш] айвоннинг тумшугига ўтирди ва ўнг қўлининг кафтига юзини олиб, фикрга толди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Афлотун танбурни чалиб, фикрга шўнғибди. Ойбек, Танланган асарлар. [Отабек] Бирмунча вақт фикрга кетиб ўтиргандан сўнг сўради.. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Бирор нарсага нисбатан муносабатни, уни баҳолашни ифодалайдиган ҳукм, хулоса. *Яхшини куриб, фикр қил, ёмонни куриб, шукур қил! Мақол. ■ Боринг, қозингизни топиб, ўз фикрингизни айтинг. У. Исмоилов, Сайланма. У Бўтаевнинг фикрига қўшила олмади. «Ёшлик».*

Фикр юргизмоқ (ёки **юритмоқ**) Бирор хулосага келиш мақсадида нарса ёки ҳодисаларни таққосламоқ; улар ҳақида ўйламоқ, мулоҳаза қилмоқ. [Шоқосим:] *Хотинимни ҳам камбағаллик йиқитди, бу ердаги оғир иш нобуд қилди. Бу томонларга андак фикр юргизиб, кейин гапиринг, Ёрмат ака. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Бирор масала, иш юзасидан бериладиган таклиф; маслаҳат. *Бу иш юзасидан қандай фикр берасиз? ■ Моҳира ойим эрдан фикр сўраш ўрнига қизига арз қилади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аламазон газетадан Акбарнинг туркум шеърларини ўқиб, фикр билдиргиси келиб қолди. А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.*

Фикр олишмоқ Бирор масала юзасидан бир-бири билан маслаҳатлашмоқ, фикрлашмоқ. *Фикр олишув натижасида улар шундай қарорга келишди: Ҳакимбойвачча онасининг арвоҳига «хатми қуръон» қилади. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Бирор нарсага эришиш, бирор ишни амалга ошириш ҳақидаги ният, мақсад. [Са-

лимбойвачча] *Гулнорнинг ахлоқсиз қиз эканини ўша вақтда фаш этишига жазм қилган бўлса-да, бу фикридан дарров воз кечишга мажбур бўлган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Қўрчибоши уч томони девордай тик қоятош бўлган.. тоққа тахтиравон ишлатиш фикридан қайтди. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.*

Фикрига тушмоқ Бирор нарсага эришишга, бирор ишни амалга оширишга бел боғламоқ, жазм қилмоқ, шу ишнинг пайига тушмоқ. *Шундан кейин бир неча ёрдўстлари, тўй чиқимини ўзаро устларига олишиб, уни уйлантириш фикрига тушдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

5 Нарса ва ҳодисаларни таққослаб ўрганиш, мулоҳаза юритиш натижаси; тўхтам, қарор. *Демак, эркаклар ҳамма нарса тўғрисида ўйлаб, бир фикрга келишган. Ойбек, Танланган асарлар. — Мен ўзим ҳам шу фикрга келган эдим, — деди Меъмор. Мирмуҳсин, Меъмор. Ҳар қандай инсон ўз фикрини билдириб, қалбини ёзишга ҳақли. О. Мўминов, Хиббондаги уч учрашув. Бошлиқ ўз фикрига эга бўлмаса, қўғирчоққа айланади. «Шарқ юлдузи».*

6 Тушунча, билим; онг, ақл. *Оламнинг тузилиши ҳақидаги фикримиз такомиллашмоқда. ■ —Агар киши ақлни, фикрни китобдан олмаса, қаёқдан олади? — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи. Ақли, фикрининг теранлигини кўзлари айтиб турарди. С. Зуннунова, Олов.*

7 Жамият ҳаёти ва табиатни тушуниш йўсини; дунёқараш, маслак. *Отамнинг, ҳам ўзимнинг қандай фикр ва маслак кишиси эканлигимизни айтиб ўтмоқчи бўламан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Уни ўқидингизми, инсоф билан айтинг, асарда қандай зарарли фикр бор. Ойбек, Нур қидириб.*

8 (эгаллик қўшимчаси ва **-ча** аффикси билан) крш. с. вzf. Айтилаётган фикрнинг қайси шахсга тегишли эканлигини билдиради. *Менинг фикримча, ватанпарварлик тарихни ўрганишдан бошланади. «Фан ва турмуш».*

ФИКРАН [а. فکرا — фикр юритган ҳолда, ўйлаб] рвш. кт. Хаёлда тасаввур қилиб, хаёл билан, хаёлан. *Фикран суҳбатлашмоқ. ■ У фикран худога нола қиларди. К. Яшин, Ҳамза. Бувниса хола фикран оламни кезиб чиқди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

ФИКРАТ [а. فکرت — фикр, ғоя, ўй-хаёл, тасаввур] эск. Фикр қилиш, фикр юритиш, ўйлаш. Модомики бу рўйи жаҳонда беш кунлик меҳмон экансан, атрофингга боқиб, фикрат қилсанг бўлмайдими? С. Сиёев, Ёруғлик.

ФИКРДОШ Бирор кимса билан бир хил фикрда, маслакда бўлган киши; ҳам-фикр, маслакдош. Кўрдингми, катта одамлар бир-бирлари билан қандай фикрдош бўлар эканлар? С. Айний, Эсдаликлар.

ФИКР-ЁД айн. **фикр-зикр**. Қизнинг фикри-ёди фронтда, шиддатли жанглар кетаётган ерларда эди. «Саодат».

ФИКР-ЗИКР [фикр + зикр] Бутун вужуд билан орзу қилинган ўй-хаёллар. Унинг барча фикри-зикри янгиликлар билан банд эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Яхшиларнинг топган моли тўй бўлар, Фикри-зикри эли учун ўй бўлар. «Кўшиқлар».

ФИКРИЙ [а. فکرى — фикрга, ғояга асосланган, ғоявий] Фикрлаш, фикр юритиш нуқтаи назаридан; маъно жиҳатдан; маъновий. Фикрий изчилик. Гаплар орасидаги фикрий боғланиш. ■ ..шоир мисраларда ранг сўзини такрор келтириш орқали.. фикрий изчиликни таъминлайди. «ЎТА».

ФИКРЛАМОҚ Бирор кимса, нарса ёки ҳодиса, жараён ҳақида муайян бир хулосага келиш мақсадида мулоҳаза юритмоқ; ўйламоқ. Кўрбоши бу хабарни эшитиб, фикрлаб, нор дегани Гўрўгли бўлиши керак.. деб Авазхонни қамаб, банди қилади. «Нигор ва Замон». Ҳаёт фақат жанг, меҳнат эмас, фикрлашдан ҳам иборат. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги.

ФИКРЛАШМОҚ Биргаликда ўйлаб кўрмоқ, мулоҳаза қилмоқ, фикр олишмоқ, маслаҳатлашмоқ. Улар даставвал бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусида фикрлашиб олган, машинага ўтиришди. «Ўзбекистон кўриқлари». Ўша кун сеvimли устозим билан.. кўп нарсалар ҳақида фикрлашиб олдик. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ФИКРЛАШУВ 1 Фикрлашмоқ фл. ҳар. н.

2 Бирор иш, муаммо, тadbир, режа ва ш.к. ҳақида ўзаро фикр олишув, суҳбат. Фикрлашув дўстона вазиятда ўтди.

ФИКРЛИ Ўйлаб, ақл билан иш тутадиган; мулоҳазали. Ҳаёллар дунёси кенг, ўтқир фикрли бу ҳассос қиз берилиб кичик-кичик ҳикоялар ёзар эди. Ойбек, Нур қидириб.

Ўзинг фикрли эдинг, Ўзинг олима эдинг, халқнинг маърифатсиз, илмсизлигидан ўзинг яхши хабардор эдинг-ку! Ҳамза, Танланган асарлар.

ФИКР-МУЛОҲАЗА Муайян шахс, воқеа-ҳодиса ҳақидаги, одатда, шахсий қарор, хулоса. Бу мулоим, қоши қора, унча сўзамол бўлмаса ҳам, фикр-мулоҳазаси кучли бу олим.. жамоат ишларига фаол қатнашарди. Мирмуҳсин, Умид. Томошабинларнинг жуда кўплаб фикр-мулоҳазалари унинг шубҳасиз муваффақиятидан далолат берарди. Газетадан.

ФИКР-ХАЁЛ, **фикру хаёл** айн. **фикр-зикр**. [Ўўлчи] Куннинг иссиғида кетмон ташларкан, фикру хаёли ҳалиги деҳқонда бўлди. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳозир ўзим шу ерда ўтирибман-у, фикру хаёлим бошқа нарса билан банд. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ФИКР-ЎЙ айн. **фикр-хаёл**. Шу фикр-ўй билан Пошшахон бозор қизи бўлиб ўсди, вояга етди. Д. Нурий, Осмон устун.

ФИКСАЖ [фр. fixage — мустаҳкамлаш < лат. fixus — мустаҳкам, барқарор, қатъий1] Фотоқоғоз, пластинка ёки плёнкага туширилган расмларнинг тасвирини сақлаш, мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган кимёвий эритма.

ФИЛ [а. ϕ . ϕ < ϕ . ϕ] зоол. 1 Африка ва Осиёда яшайдиган, сутэмизувчилар синфига мансуб, сиртта чиққан иккита узун, курак тишли ва бақувват харгумли, ўсимликлар билан овқатланувчи улкан жуссали ҳайвон. Куруқда яшовчи ҳайвонларнинг энг йириги филдир. «Зоология». Чивин кўплашса, филни йиқитади, деган гап бор. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шахмат тахтасида бурчак ҳаракати (диагональ) бўйича истаган катакка юра оладиган сипоҳ. [Шайхулислом] Э.. Э.. ғалат, филнингизни кўрмабман. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 кўчма Бақувват, қудратли, катта имкониятларга эга. Халилов билан баҳслашиб ўтириш шартми! Халилов — фил, сен — қўчқор. И. Раҳим, Ихлос.

Пашшадан фил ясамоқ ёки пашшани фил қилмоқ Ошириб юбормоқ, кўпиртирмоқ; муболага қилмоқ. Сиз, ўртоқ Рафиз, пашшадан фил ясамоқчи бўласиз! Н. Сафаров, Танланган асарлар. -Узукун пашшани фил қилиб, қаёқдаги гапларни чулғатиб юрдин-

гиз. А. Муҳиддин, Ҳадя. У. *рост-ёлгон хабарларнинг паишасини фил қилиб етказиб, уйимизни куйдирди.* С. Айний, Куллар.

ФИЛ-, ФИЛО- [юн. *philos* — дўст, меҳрибон, севувчи < *phileo* — севаман] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсани севувчи, бирор нарсага мойил, мухлис; бирор нарсани дўст тутувчи каби маъноларни билдиради, мас.: *филармония, филология.*

ФИЛАНТРОП [юн. *philanthropos*] Филантропия билан шуғулланувчи, хайр-эҳсон қилувчи, саховатли киши

ФИЛАНТРОПИЯ [юн. *philanthropia* — одамсеварлик < *фило..* + юн. *anthropos* — одам, инсон] Хайр-саховат, эҳсон, муҳтожларга ёрдам.

ФИЛАРМОНИЯ [фило.. + юн. *harmonia* — уйғунлик, оҳангдошлик] Мусиқа санъатини тарғиб қилувчи ва концертлар қўйиши билан шуғулланувчи маданий муассаса. *Ўзбек давлат филармонияси.* ■ У шу ниятини филармониядаги оғайнисига айтган эди, бу гап унга ҳам ёқди. С. Аҳмад, Юлдуз.

ФИЛАТЕЛИСТ Филателия билан шуғулланувчи шахс; филателия ишқивози.

ФИЛАТЕЛИЯ [фило.. + юн. *ateleia* — тўловдан озод қилиш] Почта маркалари ва гербли маркаларни, умуман, маркали, штампли конвертларни коллекция учун йиғиш, сақлаш ва ўрганиш.

ФИЛБОН [ф. *فيلبان / فیلبان* — фил боқувчи, сақловчи] Фил боқувчи ва филни ҳаракат пайтида бошқарувчи киши. *Филбондан ошнанг бўлса, дарвозангни катта қил.* Мақол. ■ *Филбонларнинг ҳайқириғи остида азамат йиғитлар юкни тушириб, бурунлари ерга теккундай букчайиб ташийдилар.* Ойбек, Навоий. *Фил ҳайдовчилар, яъни филбонлар уни ювинтириб, қашлаб боқади.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

ФИЛЖУМЛА [а. *فی الجملة* — ҳулласи калом] кт. кам қўл. Қисқасини айтганда, ҳулласи калом, сўзнинг қисқаси; ҳаммасини бирга олиб айтилса. *Филжумла, мазкур шеър Исфандиёр тўра хусусинда бўлмай, зоти наст, бадфеъл бир бетавфиқ борасиндадир.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ФИЛИАЛ [лот. *filialis* — ўфилга оид, ўфилники] Бирор йирик корхона, муассаса ёки жамоат ташкилотининг мустақил бўлими, шўъба. *Илмий-тадқиқот институтининг*

филиали. ■ *Бешёғда «Семурғ» фирмасининг филиали бор.* Газетадан.

ФИЛМОЙ зоол. Каспий, Орол, Қора денгиз ҳавзаларида яшайдиган, ов қилинадиган, осётрсимонлар оиласига мансуб йирик балиқ.

ФИЛОГЕНЕЗ [юн. *phyle* — уруғ, қабила, тур + *genesis* — келиб чиқиш, тарқалиш] биол. Бутун органик дунёнинг, жумладан, унинг айрим гуруҳлари (тип, синф, оила, тур ва ш.к.) нинг тарихий тараққиёт жараёни.

ФИЛОЛОГ [юн. *philologos* — доноларча суҳбатни севувчи] Филология соҳаси тадқиқотчиси, филология мутахассиси; филолог-олим. *Сиз филологсиз-ку, билсангиз керак: кўз ёшини қақраган ташна ерларга эмас, боғу бўстонга қуйган булутни сахий демаслар..* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ФИЛОЛОГИК Филологияга оид. *Филологик тўплам. Филологик тадқиқот.* ■ *Филологик изланишлар.. қилаётган кишилар.. махсус филологик тайёргарлик кўрган, юқори ихтисосли мутахассислардир.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ФИЛОЛОГИЯ [фило.. + юн. *logos* — сўз] У ёки бу халқнинг у ёки бу даврда тил ва адабиётда ифодаланган маданияти ҳақидаги фанларнинг умумий номи; тил ва адабиёт ҳақидаги билимлар мажмуи. *Ўзбек филологияси. Роман-герман филологияси. Университетнинг филология факультети.* ■ *Атиги уч йил илгари филология факультетини битирган эди.* О. Мўминов, Хиебондаги уч учрашув.

ФИЛОСОФ [юн. *philosophos* — доноликни, донишмандликни севувчи] қ. **файласуф.** **ФИЛОСОФИК** қ. **фалсафий.**

ФИЛОСОФИЯ [юн. *philosophia* < *фило..* + юн. *sophia* — донишмандлик] қ. **фалсафа.**

ФИЛЬМ [ингл. *film* — парда, қобик] кино 1 Теле-, видео- ёки кинокартина: ягона сюжет билан боғлиқ, кетма-кет плёнкага олинган ва экранда намоиш қилишга мўлжалланган фототасвирлар мажмуи (яна қ. **кинофильм**). Овозсиз фильм. Бадиий фильм. ■ *Дастлаб кинотомошабинлар ўзбекча-лаштирилган фильмларни кўриб, ҳайрон бўлишган.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Кеча охирида «Кўринмас киши» бадиий фильми намоиш қилинди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Кинофильмнинг кинотеатрларда намойиш қилинадиган бир нусхаси.

ФИЛЬМ-КОНЦЕРТ Муסיқавий томошанинг, концертнинг кинофильмга олинган ҳолати; кинофильмларда ижро этилган куй ва кўшиқлардан иборат алоҳида фильм. *..суриштириб кўрса, машҳур.. «Дутор-гитар» ансамбли ҳақида фильм-концерт суратга олинаётган экан.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

ФИЛЬМОСКОП [фильм + юн. skopeo — қарайман] Диафильмдаги қўзғалмас тасвирларни дурбинсимон трубка орқали ёки оқ пардага тушириб намоиш қилишга мўлжалланган аппарат. *Ўйинчоқ фильмоскоп. Ўқув фильмоскопи.*

ФИЛЬМОТЕКА [фильм + юн. theke — кути; омбор] 1 Кинофильмларни тўпловчи ва сақловчи, уларни тарғибот қилувчи жой, омбор, муассаса. *..қурилажак мактаб лойиҳаси тузилганда, ўқув фильмлари сақланувчи фильмотекалар ва фильмлар кўриги ўтказиладиган махсус залларни ҳам эсдан чиқармаслик керак.* А. Иброҳимов, Фильм ҳам китоб.

2 Киноленталар йиғиндиси, мажмуи.

ФИЛЬТР [фр. filtre < лот. filtrum — кигиз, намаг] 1 Суюқлик ёки газларни кераксиз аралашмалардан тозалаш учун хизмат қиладиган мослама, сузгич. *Тўр филтр. Противогаз филтри. Винони филтрдан ўтказмоқ.* ■ *..сувлар шағал, қумлар ва ер остидаги бошқа жинслар орасидан сизиб, филтрдан ўтгандек тозаланиб келади, натижада чучук, зилол сув бўлиб қолади.* Газетадан.

2 Электр занжирига уланадиган ва маълум частотадаги электр токи, электромагнит, ёруғлик нурлари ёки товуш тўлқининигина ажратиб ўтказадиган асбоб. *Акустик филтр. Электр филтри.*

ФИЛЬТРАЦИЯ [ингл. filtration < лот. filtrum — кигиз] 1 Филтрдан сиздириб ўтказиб тозалаш, филтрлаш.

2 Сувнинг говак қатламлардан табиий ҳолда сизиб, тозаланиб ўтиши, филтрланиши.

ФИЛЬТРАМОҚ Филтрдан ўтказмоқ, сузмоқ. *Филтрлаш лабораториясида лойқа суюқликларни тозалаш учун улар филтрланади.* «Фан ва турмуш». Корхона мутахассислари ишлаб чиққан махсус мослама

цехлар ҳавосини филтрлаб беради. «Фан ва турмуш».

ФИЛЬТРЛИ Тозалаш мосламасига эга; тозалаш хусусияти мавжуд. *Заводнинг бош корпусида, цехлар ва участкаларда филтрли камералар ўрнатилган.* Газетадан. [Қиз] *Филтрли сигарет чекиб ўтирибди.* М. Исмоилий, Олабийлик қиссаси.

ФИЛҒОН бот. Ҳайвонларга овқат бўладиган бир турли ўт. *Куй ейдиган филғон билан.. ерга ёпишиб ўсадиган ўтлар ҳам онда-сонда кўриниб қолади.* А. Шермухамедов, Ўт-ўланлар водийси.

ФИЛҲАҚИҚАТ [а. فى الحقيقت — ҳақиқатдан, аслини олганда] рвш. эск. кт. Ҳақиқатан ҳам, чиндан ҳам; дарҳақиқат. *Филҳақиқат, она тилининг асли туганмас олтин конларини ёш Навоийнинг мўъжизали қалами кашф этди.* Ойбек, Навоий.

ФИЛҲОЛ [а. فى الحال — дарҳол, дарров] рвш. эск. кт. Тезлик билан, ҳозирнинг ўзида; дарҳол. *Отаси буюрдики, филҳол анвои лазиз таомлардин пиширгайлар.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. *Филҳол тилини кестиринг, қулоғимиз тинсин!* К. Яшин, Ҳамза.

ФИМОЗ [юн. phimosi — тортишиш, торайиш] тиб. Эркаклар таносил аъзоси чекка кертмак қисмининг тор бўлиши, торайиши (кўпинча болаларда учрайдиган бу нуқсон туғма ёки ағлиғланиш, жароҳат натижаси бўлиши мумкин).

ФИН қ. финлар. Фин тили. Фин халқи. Фин аёли.

ФИНАЛ [ингл. finale < лот. finalis — охири, сўнгги] 1 Муסיқа, драма, опера, балет, кинофильм ёки адабий асарнинг охири, тугалланувчи қисми, хотимаси. *Комедиянинг финали. Операнинг финали. Поэманинг финали.* ■ *Поэманинг финалида эса Зайнаб билан Омоннинг бахти бутун халқнинг бахти каби янграйди.* «Ўзбек адабиёти» дарслиги. *Киноочеркдаги олтин тўй эпизоди аслида фильмнинг финали ҳисобланади.* Газетадан.

2 Спорт мусобақаларида ўйин ғолибини белгилайдиган охири, ҳал қилувчи босқич. *Шахмат мусобақасининг финали. Финалда уйнамоқ. Финалга чиқмоқ. Ярим финал. Чорак финал.*

ФИНАЛИСТ айн. финалчи.

ФИНАЛЧИ Спорт мусобақасида финалга — охириги маррага чиққан ўйинчи.

Бугун.. бошланадиган якунловчи учрашувлардан кейин финалчилар аниқланади. Газетадан.

ФИНЖОН [а. < فنجان > ф.] эск. Дастали (сопли) пиёла, чинни кружка. *Хайрлашаётиб бир финжон тутди. Улар сопли пиёлани шунақа дейишади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ФИНИШ [ингл. finish — тугаш, тугалланма] 1 Югуриш мусобақаларининг ва пойгаларнинг охириги, ҳал қилувчи босқичи, қисми. *Финиш мусобақаларида қатнашмоқ.*

2 Шундай мусобақаларнинг охириги марраси; марра. *Финишга биринчи бўлиб етиб келмоқ.*

ФИНКА [р.] Енги калта ёзлик кўйлак. *Кейин эшик зарб билан очилди-да, катта енгил гулдор финка кийган Карим кўринди.* Ҳ. Гулом, Бинафша атри.

ФИНЛАР Финляндиянинг туб аҳолиси; фин халқи.

ФИНЧА 1 Финляндия ҳудудига, фин халқига оид, тегишли. *Финча уй. Финча кўшиқ.*

2 Фин тили. *Сен финча(ни) биласанми? Финча гапирмоқ.*

ФИРДАВС [ф. فردوس — жаннат, жаннат боғи] кт. айн. **жаннат** 1, 2. *Қани, илоҳим, додхоҳнинг бу дунёда мансаб ва раванқлари сарбаланд бўлиб, охирада фирдавсга сазовор бўласинлар.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ФИРДАВСМОНАНД Жаннатга ўхшаган, жаннатсимон. *Аммо Ҳўқанди фирдавсмонанднинг ўзида ул саховатпешалар беҳад ва беҳисоб.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бугун қутламоқда сизни Самарқанд, Самарқандки, шаҳри фирдавсмонанд.* Н. Нарзуллаев, Ёғду.

ФИРИБ [ф. فريب — алдовчи; алдамчилик; йўлдан оздириш; ҳийла, макр] Кишини қасддан алаштириш, қўлга тушириш, алдаш; ҳийла-найранг, макр. *Ишинг фириб, ҳийла экан сўзларинг, Юзинг қонсиз, ола экан кўзларинг.* «Равшан». *Унинг чақчайганроқ кўзларида муаллим қандайдир шайтоний фириб ва нафрат сезди-да, аламдан қалтираб, деворга суянди.* Ойбек, Нур қидириб.

Фириб бермоқ (ёки қилмоқ) Найранг ишлатмоқ, алдамоқ, қўлга туширмоқ. *Насим, кўзингизни лўқ қилиб, фириб беради.* Т. Мурод, Кўшиқ. *Гоҳ кимнингдир пинжиге кириб, Сездирмасдан берарди фириб.* А. Пўлкан, Изҳор. **Фириб емоқ** Бировга алданмоқ, алданиб қўлга тушмоқ; панд емоқ. *Соддадиллик*

қилиб, фириб еди-ю, қаҳрамонлик қилиб, ўзини оқлади. Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Душман фирибин ема ва маддоҳ хушомадин чин дема.* «Ҳикматли сўзлар». **Шайтонга фириб беради** Ҳийла-найрангга шайтонни ҳам йўлда қолдирадиган, ўтакетган фирибгар. *Баъзи бировлардай шайтонга фириб берадиган маккор, устомон бўлгандан, аслида шунақа соддалик ҳам дуруст.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

ФИРИБГАР [ф. فريبگار — фириб берувчи, ҳийлагар, алдоқчи] салб. Алдамчилик, товламачилик, макру ҳийла билан шуғулланувчи кимса; товламачи, ҳийлагар. *Фирибгар ёндиради, ҳақиқатчи қондиради.* Мақол. *Заргар фирибгар бўлса, олтин занглар.* Мақол. ■ *Рузвон отин жуда фирибгар хотин экан.* «Юнус пари».

ФИРИБГАРЛИК Алдамчилик, ҳийлагарлик. *У [Навоий] ўз рубоийларида.. мунофиқлик, ёлғон сўзлаш, дангасалик ва фирибгарлик каби хислатларни қаттиқ қоралади.* «Ватан адабиёти». *Фирибгарлик йўли билан илмий унвон олган кишининг умри руҳий азобда ўтади.* Р. Усмонов, Одобнома.

ФИРМА [итал. firma — имзо] 1 Юридик шахс ҳуқуқларида фойдаланувчи ҳўжалик, саноат ёки тижорат корхонаси (компанияси). *Марғилон «Атлас» фирмаси.* «Қизил тонг» фирмаси. ■ *Иккинчиси, чет эллардаги илғор фирмалар билан алоқа боғламаган биронта ҳам корхона бўлмаслиги лозим.* Газетадан.

2 с.т. сфм. Юқори сифатли маҳсулот тайёрлайдиган ёки хизмат кўрсатадиган. *Жиззахдаги пластмасса заводида янги фирма магазинидан харид қилинган чашка қўлингиздан тушиб кетса ҳам синмайди.* Газетадан.

ФИРОҚ [а. فراق — айрилиқ, жудалик, ҳижрон; ташлаб кетиш] 1 Энг яқин, севимли кишидан жудо бўлиш, айрилиш ва бу туфайли тортиладиган руҳий азоб; айрилиқ, жудалик, ҳижрон. *Мардни ўлдирар фироқ, Номарддан номус йироқ.* Мақол. ■ *Қайси дилдор ўз ёрига фироқ изтиробини раво кўради.* М. Жўра, Изтироб. *Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўғлининг.. фироқида куйиб, ётиб қолибдилар.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Инжиқлик, эркалик; тантиқлик, нозу истиғфо. *Туфaxon, фироқ билан қош чимириб, «билганингиз» дегандай елка учуриб қўй-*

ди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. У ҳам сал нарасага зарда, фироқ қиладиган бўлиб қолди. «Муштум».

3 Жаҳл, зарда. Хадича хола фироқ қилиб, уйга кириб кетди. Т. Алимов, Совға. - Ийе, ҳа, фироғинг кимга, ҳазил ҳам қилиб бўлмайди-ми ёки арпангизни хом ўриб қўйдикми? — деди Шахло Зухрага. Р. Файзий, Дугоналар.

ФИРУЗ айн. **фериуз** 1-3.

ФИРУЗА 1 айн. **фериуза** 1. *Фериуза кўзли узук. ■ Фериуза, лаъл, зумрад каби нодир тошлар Шарқда жуда машҳур ва қадрли бўлган. М. Мирбобоев, Конлар юрти.*

2 айн. **фериуза** 2. *Фериуза осмон ҳаддан ташқари тоза эди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. Ҳар оқшом фериуза каби уфқлар, зардан қулоғига сирға тақади. Уйғун.*

3 **Фериуза** (хотин-қизлар исми).

ФИРЪАВН [а. *فرعون* — золим, мустабид < қад. миср. *рег-о* — подшоҳ саройи] тар. Қадимги Миср подшоҳларининг унвони, фахрий номи. Мисрни биласизми, Эски Мисрни? Шунда фиръавнларнинг эҳромлари бор. Ғ. Фулом. Фиръавнлар, шаҳаншоҳлар кетдилар ҳам йўқ бўлиб, Нигоҳларни то бу чоғлар ёндирасан чуғ бўлиб. Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ФИРҚА [а. *فرقه* — гуруҳ, гўда; партия; жамоа] эск. 1 Мақсади, ғояси, дунёқара-шининг муштарақлиги жиҳатидан бирлаш-ган кишилар гуруҳи; гуруҳ, гўда. Мусулмон-қул кутмаган жойда қўшинидан бир турку-ми ўз устига ҳужум бошлаб ва бир фирқаси Тошкент йиғитлари томонига қочиб ўтди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 айн. **партия** 1. *Агар шундай қилсанг, фирқасининг сиёсатини бузиб ўтган бўласан. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ФИРҚАВИЙ [а. *فرقه‌وى* — фирқага оид] эск. айн. **партиявий**.

ФИРҚАЛИ эск. айн. **партияли**. *Фирқали-лар билан қишлоқ камбағалларининг бир-лашган мажлисида 44 киши иштирок этди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ФИРҚАСИЗ эск. айн. **партиясиз**. *Бирин-чи орзуим шуки, бундан сўнг фирқасиз бўлиб юрмасанг, фирқага кирсанг. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ФИСК [а. *فسق* — бузуқлик, ахлоқсизлик, фаҳш] 1 Бировнинг орқасидан ёмонлаб тарқатилган уйдирма гап-сўз; гийбат, иғво. [Қодиоров билан Сулонов] Давволарини ис-

бот қилиш учун далил тополмай, энди фиск, туҳмат, иғво йўлига қадам босганлар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Ахлоқий бузуқлик, фаҳш. *Кеча фиск ўлса, кундуз зулм пеша. Тишу тирноғи қай-ралган ҳамшиша. Ҳабибий. Хақиқатгўйлар оёқ остида, Мўтабар бўлди фисқу коримиз. Ҳамза.*

ФИСК-ФАСОД, **фиску фасод** [фиск + фасод] Бирор кимса тўғрисида тарқатилган уйдирма гап; туҳмат, бўҳтон. *Улуғбекнинг илм билан шугулланишини руҳонийлар дахрийлик-ка йўйиб, унга қарши фиск-фасод уюштир-дилар. «Фан ва турмуш». Ҳожар холянинг муомаласидан ҳам иғво, фиск-фасод анқиб туради. Ю. Шомансур, Қора марварид.*

ФИСК-ФАСОДЧИ Ёлғон-яшиқ гаплар-ни тарқатувчи, гийбатчи; иғвогар; бўҳтончи.

ФИСК-ФУЖУР, **фиску фужур** [фиск + а. *فجور* — ахлоқсизлик, бузуқлик, шахват] 1 айн. **фиск-фасод**. *Шербек ўзи ҳақида бир вақт Акрамнинг Нигорага айтган фиск-фужур гапларини эслаб, кинояли жимлайди. С. Анорбоев, Оқсой. Саройнинг фиску фу-журга, разолатга тўла рутубатли ҳавосию мрамор ҳовулардаги салқини — барча-барча-си ўтмишига чекинди. С. Сиёев, Аваз.*

2 Ношаръий, гуноҳ ишлар, ахлоқий бу-зуқликлар; фаҳш. *Фиск-фужур, май ёлғиз Ҳусайн Бойқаронинг гавдасига эмас, балки бутун маънавий сиймосига ҳам таъсир этган эди. Ойбек, Навоий.*

ФИТНА [а. *فتنه* — мафтун этиш; йўлдан оздириш; исён, галаён] салб. 1 Ғаразли мақсадга эришиш йўлида бировни қоралаш учун қилинадиган яширин хатти-ҳаракат, бузғунчилик. *Фитна тўқимоқ. Орага фитна солмоқ. Фитна қўзғамоқ. ■ Шу фитнани уюштирган одам Бўтанинг саводсизлигидан, узоқни кўролмаслигидан фойдаланиб, шу иш-ни қилган. С. Аҳмад, Ҳукм. Қораилон билан ўйнашиб бўлмайди! Амирзодалар орасига нифоқ солиб, фитна билан не-не кишиларни ёқалаштирадиган ҳам Қораилон! Мирмуҳ-син, Меъмор.*

2 Маълум сиёсий мақсадга эришиш ния-тида яширин тил бириктириш йўли билан давлатга, сиёсий раҳбарга, ташкилотга ёхуд шахсга қарши қилинган ҳаракат. *Фитна уюштирмоқ.*

3 кам қўлл. айн. **фитначи**. *Фитна одам. ■ Бундай фитна хотинни кўрмаганман. С. Зун-нунова, Олов.*

4 с. т. Уришқоқ, жанжалкаш. *Ўзингиз биласиз, фитна одамлар кўп. А. Қаҳҳор, Сароб. - Одамзоднинг фитнаси ёмон бўлади. Кўнгли очикликка не етсин, - деди Иноғомжон. Мирмуҳсин, Умид.*

ФИТНАГАР [а. + ф. *فتنه گر* - фитначи, фитна қилувчи] Фитна иши билан шуғулланувчи; фитнаю фасодни ҳунар қилиб олган, фитначи. *Фитнагар олам аро фаттон ўзинг, қурбон ўзинг. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.*

ФИТНАКОР [а. + ф. *فتنه کار* - фитна қилувчи] айн. **фитнагар**. *Ичи унинг гўё мудҳиш жаҳаннам, Кўп яхшидир бир фитнакор бўлса кам. Ҳ. Олимжон.*

ФИТНАКОРЛИК Доимий равишда фитна билан шуғулланиш, фитнани ҳунар қилиб олиш. *..муфти олиб борган барча фитнакорлик ишларидан хабардорлиги Мирзони ажаблантирмас, муфти сўзларининг туб мақсади устида ўйларди. А. Ҳакимов, Илон изидан.*

ФИТНАЛИК айн. **фитнакорлик**. *Қўйлади разиллар ўз фитналигин. Ғ. Ғулом, Ташаккурнома.*

ФИТНА-ФАСОД [фитна + фасод] Ғаразли мақсад билан қилинадиган иш, хатти-ҳаракатлар мажмуи. *Ўзинг бир вақт фитна-фасоддан нолиган эдинг. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ФИТНА-ФАСОДЧИ Ғаразли ҳаракатлар, уйдирма гап-сўзлар билан шуғулланувчи шахс, ғаламис, ифвогар.

ФИТНАЧИ Бузғунчилик ва тўполонлар сабабчиси, фитна уюштирувчи; ғаразли ҳаракатлар иштирокчиси. *Фитначилар амир Шохмалик жўнаб кетган куннинг эртаси тунда аркка хужум қилдилар. Б. Аҳмедов, Улуғбек. Фарғонада мени Азизбекнинг шеригидир, деб ўйлашлари ва сени бир фитначининг ўғли, деб танишлари эҳтимолдан йироқ эмасдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ФИТО- [юн. *phyton* - ўсимлик] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўсимликларга ёки ўсимликлар ҳақидаги фанга алоқадорликни билдиради, мас., *фитобар, фитопатология.*

ФИТОБАР [фито.. + бар] Дорихоналарнинг, баъзан магазинларнинг ўсимликлардан тайёрланадиган маҳсулотлар (йиғма, дамлама, қайнатма, бальзам) билан савдо қилувчи бўлими. *Краснодарда аҳоли хоҳиши-*

га кўра «Флора» фитобари очилди. «Фан ва турмуш».

ФИТОНЦИД [фито.. + *caedere* - ўлдирмоқ] биол. Ўсимликлар ажратиб чиқарадиган зарарли микроорганизмларнинг кўпайиши ва ривожланишига қаршилик қилувчи модда, суюқлик. *Уй ўсимликлари ўздан фитонцидлар чиқариб, зарарли микроорганизмларни ўлдиради. Газетадан.*

ФИТОПАТОЛОГИЯ [фито.. + патология] Ўсимлик касалликлари, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақидаги фан.

ФИТОТЕРАПИЯ [фито.. + терапия] Тиббиётнинг касалликларни ўсимликлар ёрдамида даволаш усуллари урганувчи бўлими.

ФИТОФАГЛАР [фито.. + юн. *phagos* - ютувчи, емирувчи] Фақат ўсимликлар билан озиқланувчи ҳайвонлар.

ФИТР [а. *فطر* - рўзанинг тугаши, оғиз очиклик; рамазон ҳайитида бериладиган эҳсон, садақа] дин. 1 Рўзанинг тамом бўлиши; рўза тамом бўлиши билан одатдагича овқатланиш ҳуқуқига эга бўлиш.

2 Рўза охирида камбағалларга, мулла-ларга бериладиган садақа, эҳсон. *Ҳосилнинг ундан бири ҳисобиди мачитга бериладиган ушр, моҳи рамазонда жон бошига бериладиган фитр, имомга, миробга, сартарошга бериладиган капсан.. қўйинг-чи, ҳаммаси ана шу шўрлик чоракорга тегадиган тўртдан бир булак устиди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ўтган ҳафта мулла Қудратга ўттиз сўм фитр пулиям бердим. М. М. Дўст, Галатепи қиссалари.*

Фитр(и) рўза 1) рўза тамом бўлиши билан камбағалларга бериладиган садақа; 2) рўза тутмаган кишиларнинг ўз гуноҳларини ювиш учун мулла, имомга берадиган садақаси. *Аммо мен бўлсам, топган фойдаларимнинг ярмини ҳамиша хайру садақага сарф қиламан: имомга фитри рўза бераман, халқни қурбонлик гўштидан зиёфат қиламан.. Буларнинг бари садақа. С. Айний, Дохунда.*

ФИҚҲ [а. *فقه* - билим, тушунча; мусулмон ҳуқуқи] эск. Дин, шариат қонун-қоидалари ҳақидаги фан, ислом ҳуқуқшунослиги, илоҳиёт. *У мантиқ, фиқҳ, фалакиёт илмларини четлаб ўтолмади. «Шарқ юлдузи». Бобур фиқҳнинг баъзи бир масалалари юза-*

сидан олимдан фикр сўради. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ФИҚҲИЙ [а. *فقهي* — фикҳга оид, тегишли] Шариат қонун-қоидаларига оид. Ҳадисларнинг биринчи тўплами кўпинча фикҳий-ҳуқуқий масалаларга оид ҳадисларни ўз ичига олган. Газетадан.

ФИҒОН [ф. *فيغان* — бақирик, дод-вой; фарёд, йиғи] Каттик хафа бўлиш, қайғуриш, алам чекиш туфайли юз берадиган йиғи-сиғи; нола, фарёд. *Она фиғон билан югуриб келиб, миришаб қўлига осилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қурбоннинг бўлайин, эй онажоним, Сенинг фарёдларинг — менинг фиғоним. М. Юсуф, Уйкудаги қиз.*

ФИҒОН ЧЕКМОҚ (ёки **ТОРТМОҚ**) Дод-фарёд кўтармоқ, нола қилмоқ, мунгли товуш чиқармоқ. *Танбур мунгли товушда фиғон чека бошлади. Э. Усмонов, Ёлқин. Қандайдир ҳашарот чийишлаб фиғон чекади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Бу ерларда қайғу муттасил кезар. Бу ерда шамоллар тортарди фиғон. Ғ. Ғулом. Фиғони ошмоқ (ёки чиқмоқ) Жуда жаҳли чиқмоқ, жиғибийрон бўлмоқ. Буни кўрган Гулчеҳранинг фиғони ошди, чин юракдан ачинди. Газетадан. Ашурали қизнинг бўш келмаётганлигидан фиғони ошди. «Шарқ юлдузи». Фиғони чиқиб Жалиловнинг ўзи етиб келди. И. Раҳим, Зангори кема капитани. Фиғони фалакка (ёки кўкка, осмонга) чиқмоқ (ёки кўтарилмоқ) Ҳаддан ташқари хафа бўлмоқ, тутақиб кетмоқ. *Инобатнинг фиғони фалакка чиқди. Ж. Шарипов, Саодат. Чолнинг фиғони кўкка чиқиб, уларни олдиға солиб қувиб кетди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?**

ФИҒОНЛИ Қайғу-ҳасратга тўла; қайғули, ғамгин. *Солистлар Фурқат ғазалига ёзилган фиғонли, ғамгин қўшиқларни ижро этадилар. Газетадан.*

ФЛАГМАН [нем. *Flaggeman* < голл. *vlag* — байроқ + *man* — одам] 1 Флот ёки йирик ҳарбий кемалар қўшилмаси қўмондони.

2 Қўмондон жойлашган ва унинг байроғи кўтариладиган кема.

3 *кўчма* Илғор, етакчи; бош, асосий, муҳим. *Навоий кон-металлургия комбинати — Ўзбекистон кимё саноатининг флагмани.*

ФЛАГШТОК [нем. *Flaggenstock* < голл. *flagstok*] Кемада байроқни кўтариш учун хизмат қиладиган тик ёғоч, хода.

ФЛАКОН [фр. *flacon* < лот. *flasco*, *flaconis* — шиша идиш, бутилка] Атир, оде-

колон, вино, дори қуйиш учун ишлатиладиган кичикроқ шиша идиш. *Муқаддам флакондаги дорини шприцга тортиб олди-да, игнасини юқорига кўтарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ФЛАМИНГО [порт. *flamingo* < лот. *flamma* — аланга, олов] зоол. Тропик ва субтропикларда тарқалган, пушти ёки қизил патли, узун бўйинли ва узун оёқли қуш тури.

ФЛАНГ [фр. *flanc* — ён томон] ҳарб. Қўшин ёки кемалар сафининг ўнг ёки сўл томони, ён томони, қаноти. *Ражабов ўз пулёмети билан немис флангидан айланиб ўтиб, душмanning орқа томонидан уриб қолди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ФЛЕЙТА [итал. *flauto*, нем. *Flöte*] Ёғочдан ясалган, найсимон, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. *Флейта — оркестрнинг юқори товушларини берадиган, ёғочдан ясалган духовой [пуфлама] асбоб. И. Акбаров, Музика саводи.*

ФЛЕЙТАЧИ Флейта чалувчи созанда.

ФЛЕКСИЯ [лот. *flexio* — эгилиш, букилиш] тлш. Сўз ўзгаришларида намоён бўладиган грамматик категориялар мажмуи кўрсаткичи; қўшимчалар қўшилиши ёки асос (негиз)даги баъзи товушларнинг ўрин алмашилиши натижасида сўзларнинг дастлабки шаклини йўқотиши ёки ўзгартириши.

Ички флексия Сўз шаклиларининг, баъзан янги сўзларнинг асос таркибидаги (кўпинча унли) товушларни ўзгартириш орқали ҳосил қилиниши.

ФЛЕКТИВ тлш. Флексия хусусиятига эга бўлган; флексияга оид.

Флексив тиллар Морфологияда, баъзан сўз ясалишида флексия ҳодисаси устунлик қиладиган тиллар.

ФЛОМАСТЕР [ингл. *flowmaster* < flow — оқим + master — ҳўжайин, соҳиб] Найчасимон ғовак стерженга шимдирилган маҳсус бўёқ билан ёзиш ёки расм чизиш учун хизмат қиладиган асбоб; бўёққалам. *Саодатнинг фломастери йўқолиб қолди. Мамаюсуфнинг қистови билан портфеллар тинтув қилинди. А. Кўчимов, Ҳалқа.*

ФЛОРА [лот. *Flora* — Рим мифологиясида: гуллар, баҳор ва ёшлик маъбудаси < *flos*, *floris* — гул] Ер қуррасининг бирор қисмида ёки бирор геологик даврда мавжуд бўлган барча ўсимликлар мажмуи; ўсимлик-

лар дунёси. Ўзбекистон флораси. Зарафшон флораси. Денгиз флораси.

ФЛОТ [гол. vloot, фр. flotte] 1 Муайян бир вазифа бажарадиган ёки маълум бир соҳага, ҳудудга мансуб кемалар мажмуи. *Ҳарбий-денгиз флоти. Балиқ овлаш флоти. Денгиз флоти. Дарё флоти.* ■ Ривоятларга қараганда, Архимед Сиракузи шахрини қамал қилган Рим флотининг барча кемаларини ботиқ кўзгулар ёрдамида ёндириб юборган. «Фан ва турмуш».

2 Ҳарбий-денгиз кемаларининг катта қўшилмаси (айн. **флотилия**).

Ҳаво флоти Мамлакатнинг ҳарбий ҳамда фуқароларга хизмат кўрсатадиган учуш аппаратлари мажмуи; авиация. *Ҳабиб.. уруш тамом бўлгач, албатта, ҳаво флоти хизматида ўтиб кетишини тўлиб-тошиб ёзган эди. С. Зуннунова, Олов.*

ФЛОТИЛИЯ [фр. flotille] 1 Дарё ва кўлларда, баъзан эса ёпиқ денгизда хизмат қиладиган ҳарбий кемалар қўшилмаси. *Амударё флотилияси. Каспий флотилияси.*

2 Муайян вазифа бажарувчи (ов, экспедиция ва ш.к.) кемалар отряди. *Кит овловчи флотилия. Сувошти флотилияси.*

ФЛЮГЕР [нем. Flügel, гол. vleugel — қанот] Кема матчасига ёки баланд хода, бино гумбазига учига ўрнатилган, шамолнинг йўналиши ва тезлигини ўлчаш учун хизмат қиладиган қурилма, асбоб.

ФЛЮОРОГРАФИЯ [лот. fluo — оқим + юн. grapho — ёзаман] Рентгенодиагностика усули: инсон аъзоларининг нурланувчи экрандаги рентген тасвирини унчалик катта бўлмаган фотоплёнкага кўчириш.

ФЛЯГА [нем. Flasche — шиша (идиш)] 1 Елкага, камарга осиб ёки чўнтакда олиб юриладиган кичик япалоқ сувдон. *Ҳар кун эрталаб, йўлга чиқишда олинадиган бир фляга сув сал ўтмасданоқ исиб қолади. О. Ёкубов, Излайман. Ориф флягасидаги охириги қултумни ярадорнинг сувсизликдан тарсиллаб ёрилиб кетган лабига тутди. А. Эшонов, Тонготар таронаси.*

2 Суюқ нарсалар (сут, ёғ ва ш.к.) ни сақлаш ёки ташиш учун ишлатиладиган, бандли катта идиш. *Сут қуйиладиган фляга.* ■ *Хотин-халаж даладан чиқиб, ўчоқ бошидаги катта флягадан чўмичлаб сув ича бошлади. С. Сиёев, Отлик аёл.*

ФОЖЕ айн. **фожи(ъ), фожиали.** ..Кечаги фоже кунларимни сўрамай қўя қол. Миртемир, Тингла, ҳаёт! Унуттишга арзир бахт, шон-шухрат, бошқа.. Унутилмас нарса фақат фоже Ватандир. Р. Парфи, Кўзлар.

ФОЖЕЙ айн. **фожиавий.** Гулсара ўзининг чуқур фожейи ариясига ҳалок бўлган онасини айтиб йиғлайди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ФОЖИА [а. فاجعه — бахтсиз ҳодиса, бахтсизлик; ҳалокат] 1 Ўта аянчли, мудҳиш аҳвол, ҳолат; фалокат. *Мен сизни кишиларнинг фожиясига бу қадар енгил қарайдиган киши, деб ўйламас эдим. Уйғун, Асарлар. Боланинг фожияси мени тамоман қарахт қилиб қўйган эди. «Шарқ юлдузи».*

2 эск. айн. **трагедия 1.**

ФОЖИАВИЙ Фожиа руҳи билан суғорилган; фожиали ҳолатга дахлдор. *Вазиятнинг фожиявий руҳи мусиқий кириш қисмидаёқ акс этиб туради. Газетадан.*

ФОЖИАЛИ Ўта аянчли, мусибатли, қайғули. *Муҳсинали дадасининг фожияли ўлиmidан кейин ўзларига ҳамроҳ бўлиб турган кекса нўғай кампир билан қолди. Д. Нурий, Осмон устун. Шунда мен кеча беихтиёр қилган номаъқул ишнинг қанчалик фожияли эканини биратўла англадим. А. Мухтор, Туғилиш.*

ФОЖИОНА [а. + ф. فاجعانه — бахтсизларча, ҳалокатли] рвш. кт. Фожиали, аянчли равишда; мудҳишларча. *Фожиона ҳалок бўлмоқ. Фожиона ҳодиса.* ■ *Уруш ўзининг фожияна изини қолдирмаган оила бизнинг мамлакатимизда камдан-кам учрайди, деса бўлади. Газетадан.*

ФОЖИР [а. فاجر — фоҳиш, уятсиз; бетавфиқ, гуноҳкор, бузуқ; ёлғончи] эск. кт. Ёмон йўлга юрувчи, зино қилувчи; ахлоқсиз. *«Айбсиз» деганинг жаноби олий — фожиқ, фожир, халқнинг молини уриб олиб егувчи бир золим, қонхўр бир жаллод. С. Айний, Жаллодлар.*

ФОЖИ(Ъ) [а. فاجع — оғриқ-азобли, мусибатли, қайғули; оғир] Мусибатли, фожиали, қайғули. *Бу воқеа мени ё ўта бахтиёрликка ёки фожия бир фалокатга олиб борар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

ФОЗИЛ [а. فاضل — ҳурматли, иззат-ҳурматга сазовор; бенуқсон, баркамол] 1 Илмфан асосларини яхши эгаллаб олган киши; олим. *-Агар у йигит сен айтгандек оқилу*

фозил бўлса, бир қизим эмас, ўн қизим бўлса, беришга тайёрман, — дебди чол. Т. Жалолов, Олтин қафас. *Гўзал Зарафшон водийси қадим замонлардан бери ўзининг шоир ва фозиллари билан машҳур.* Газетадан.

2 **Фозил** (эркаклар исми).

ФОЗИЛА [а. فاضله — фозил аёл] 1 Илм-фан асосларини яхши эгаллаган аёл; олима. *Оқила ва фозила аёлларнинг барчасида ажиб тароват, бахтидан шукроналик.. сезилиб туради.* Газетадан. *Бегим ой деса ойдек, кун деса кундек, оқилаю фозиладирлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 **Фозила** (хотин-қизлар исми).

ФОИЗ [а. فائز — мул-қул, лабо-лаб, ортиқча, тўла; муллик; процент] эск. 1 Бирор сон ёки миқдорнинг юздан бир ҳиссаси, улуши (% белгиси билан ифодаланади). *Корхонамиздаги хизматчиларнинг эллик фоизи — хотин-қизлар.* ■ *Биров бировни ёмонласа, камида ўша заҳоти саксон фоиз шионамиз!* Ю. Шомансур, Қора марварид.

Юз фоиз Тўла-тўқис; бутунлай, бошдан-оёқ. *Гапингиз юз фоиз тўғри.* ■ *Эмин Усмоновнинг асари тўғрисидаги фикрларингизга юз фоиз қўшиламан.* «Шарқ юлдузи».

2 Қарзга олган пулдан фойдаланганлик учун пул эгасига тўлаб туриладиган ҳақ, фойда. *Яқинда бир миллион саккиз юз минг сўм пулини банкка қўйибди. Яна йилга олти фоиз фойдаси билан.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Даромадга қараб тўланадиган ёки олинадиган ҳисса.

ФОЙДА [а. فائده — афзаллик, имтиёз; ҳаён, наф, баҳра] 1 Бирор кимса ёки нарса учун бўладиган наф, манфаат; ижобий натижа. *Ёлгон айтиб, фойда кўрсанг, охири зарар топарсан.* Мақол. ■ *Сирингизни менадан яширманг, балким фойдам тегиб қолар.* К. Яшин, Ҳамза. *Навоий эл фойдаси ва давлат манфаати учун бўлган бу вазифага, ўз одати бўйича эътироз қилмади.* Ойбек, Навоий.

2 Қилинган харж билан олинган даромад ўртасидаги фарқдан ташкил топган сумма, маблағ; даромад. *Қамишқапаликлар Зокирхўжа қассоб тўғрисида гап борса, «ҳар бир сўйилган қўйдан икки ҳисса фойда кўрмаса, ўзини чангакка осадил», деб таърифлар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Менимча, тижорат пайдо бўлган замондан бошлаб*

бундай мул фойдани ҳеч ким кўрган эмас. Ойбек, Танланган асарлар.

Фойда қилмоқ 1) ижобий натижа бермоқ, ўзининг фойдали таъсирини кўрсатмоқ. *Дори фойда қилди.* ■ *Халқ жуда кўп ишиларни пахтадоғ билан даволайди. Агар бу иши газак ишии бўлса, пахтадоғ фойда қилади, лекин рақ ишии бўлса, авж олдиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) бирор иш, соҳадан иқтисодий манфаат топтомоқ, даромад олмақ. *Тадбиркор деҳқончиликдан катта фойда қилади.*

3 Қарзга берилган пулдан фойдаланганлиги учун қарздордан кредитор оладиган қўшимча пул, ҳақ; фоиз. *Қарзимни узганман, фақат фойдаси қолган.* С. Абдулла, Танланган асарлар.

ФОЙДАЛАНМОҚ Бирор нарса ёки имкониятдан баҳраманд бўлмоқ, уни ўз талаб ва эҳтиёжи учун ишлатмоқ. *Газдан фойдаланмоқ. Китобдан фойдаланмоқ. Луғатдан фойдаланмоқ.* ■ *Бунинг учун.. энг муҳими машиналардан, электрдан фойдаланиб, кучни, вақтни тежаш лозим.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Вақт ҳар кимнинг ўз қўлида. Гап ундан тўғри фойдаланишда.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

Пайтдан (ёки фурсатдан, дақиқадан) фойдаланмоқ Фурсатни, имкониятни қўлдан бермай, бирор иш-ҳаракатни дарров амалга оширмоқ. *Миркомил пайтдан фойдаланиб, ўзини дарвозадан боққа отди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Фурсатдан фойдаланиб, Пулат ота уни узиб-узиб олди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳар бир дақиқадан фойдаланиб, хотирангда ажойиб из қолдиришга ҳаракат қил.* Газетадан.

ФОЙДАЛИ 1 Моддий фойда, наф келтирадиган. *Фойдали қазилмалар. Фойдали меҳнат.* ■ *Зайтун дарахтининг турган-битгани киши организми учун фойдали.* Газетадан. *Соз тупроқлар инсонларнинг ер юзидан биринчи бўлиб таниган фойдали қазилмасидир.* Газетадан.

2 Кўчма Маънавий жиҳатдан бирор манфаати, нафи тегадиган. *Фойдали гап. Фойдали фикр.* ■ *-Йўқ, жуда қизиқ, жуда фойдали китоб, — ёлвориб тушунтиришга бошлади хотини.* Ойбек, Танланган асарлар.

ФОЙДАСИЗ 1 Бирор моддий фойда ёки даромад келтирмайдиган, бефойда. *Фойдасиз меҳнат. Фойдасиз ҳаракат.* ■ *Офтоб*

ойим бўғилиб, фойдасиз тортишиб ўтириш-ни тарк қилди. А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. Фойдасиз сел бўлгандан, одамларга обихаёт улашадиган сокин ариқ бўлган яхши. Газетадан.

2 кўча Маънавий, руҳий манфаати йўқ, нафи тегмайдиган. **Фойдасиз гап.** ■ Зеро, ўзининг бу ўтинчини [илтимосини] қуш учган сўнг отилмоқчи бўлган сопқон қабилдан ҳисоблар ва фойдасиз бир илтимос деб чўчир эди. А. Қодирӣй, Ўтган кунлар.

Фойдаталаб [фойда + талаб] Фақат фойда кўришни ўйлайдиган; фойда кетидан қувувчи. *Ўзингизга маълум, савдо аҳли зарарни ёқтирмайдиган, фойдаталаб халқ бўлади.* К. Яшин, Ҳамза.

Фойдахўр [а. + ф. فائدهخور — фойда еювчи, кўрувчи] 1 Бирор нарсани фойдасига сотиш билан шуғулланувчи ва шунинг ҳисобига яшовчи киши. *Фойдахўрнинг моли шундай кўпайди, Бойлар олган юртнинг баланд-пастини.* «Фольклор».

2 айн. **судхўр.** *Фойдахўр Шейлок ижарага берган пулини қайтармаган кишидан, пулинг бўлмаса, бир қадоқ гўштингни кесиб бер, деб талаб қилган.* Газетадан.

Фойе [фр. foyer — ўчоқ] Театр, кино ва б. хил биноларда томоша бошланиши кутиладиган, танаффус, антракт вақтларида томошабинлар дам оладиган махсус жой, хона. *Театрларнинг фойеларида ёки истироҳат боғларида Марғилон атласини кийиб, сайр этиб юрган қизларни ким кўрмаган?* «Саодат». *Шоиста она билан Рашид туғуруқхонанинг чорсигина фойесига киришди.* «Шарқ юлдузи».

Фойтун [қ. **фаэтон**] эск. Тўрт гилдиракли, очилиб-ёпиладиган соябонли енгил арава. *Бир куни фойтунда уйга қайтаётганимда, қаршимдан Муаззам чиқиб қолди.* Л. Эргашев, Вафодор. *Нойиб шошилиб чиқиб, фойтунга ўтирди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Фойтун Ферузанинг жияни Ҳусайн Муродбекники эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Фойтунчи с. т. Фойтун эгаси; фойтун ҳайдовчи. *Аллонхўжа.. отбоқару фойтунчиларни, текинтомоқ, ялқовлар, деб сўкиб, жувозга қувди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Фокстрот [ингл. foxtrot < fox — тулки + trot — тез юриш, йўртиш: тулки қадами] Майда қадам билан оёқни судраб босиб

ижро этиладиган тўрт қисмли рақс (танца) ва шу рақснинг мусиқаси. *Вика дафнинг зарбига.. фокстрот ўйнай бошлади.* Мирмуҳсин, Она.

ФОКУС I [лот. focus — ўчоқ, олов] 1 физ. Оптик система орқали ўтган параллел нурлар дастасининг ўзаро кесишган ёхуд тўпланган нуқтаси. *Линза фокуси. Ботиқ кўз-гу фокуси.* ■ Ҳар бир планета эллипс бўйлаб ҳаракат қилади ва бу эллипснинг фокусларидан бирида қуёш туради. «Астрономия».

2 Фотографияда: сурати олинаётган нарсанинг объективда энг аниқ ва равшан кўринадиган нуқтаси. *Фокус масофаси. Фокусни тўғриламақ. Фокусда турмоқ.*

ФОКУС II [нем. Hokus pokus] с. т. Кўз илғамас даражадаги, кўзни алдайдиган чаққонлик, моҳирлик билан қилинадиган, ўзининг гайритабиийлиги билан томошабинларни ҳайратга соладиган ҳийла: кўзбойлоқчилик, найрангбозлик. [Мунира:] *Биринчи курсликларнинг номини кўтариш учун битта фокус кўрсатасиз концертда.* Ф. Мусажонов, Лофчи.

ФОКУСЧИ I Фокус кўрсатувчи артист (қ. **фокус II**). *Фокусчи артист.* ■ [Мунира:] *Бекитмай қўя қолинг. Сизнинг уста фокусчи эканлигингизни ҳамма билади.* Ф. Мусажонов, Лофчи.

2 кўча Ҳар хил найрангбозликлар кўрсатувчи шахс; ҳийлагар. *Прокуратура узоқ қидирувдан сўнг бу фокусчини эндигина қўлга туширган эди.* Газетадан.

ФОЛ [а. فأل — яхши аломат, хайрли белги, нишона] 1 Бирор нарсага (мас., қўл, китоб, майда тош, қарта, ойнага) қараб, киши билишга қизиққан нарса ёки ҳодисани одиндан «айтиб бериш», башорат қилиш. *Бир тангани кўриб, димоғи чоғ бўлиб, олдидаги фол ёғочини қўлига олиб, суф-куф, деб дам солиб, китобнинг устига ташлабди.* «Эртаклар». *Бахтингиз бор эканки, мендай қўли енгил, дами ўтқир ромчига йўлиқдингиз: мана, фол айтиб турибди, сизни юк босибди..* К. Яшин, Ҳамза.

Фол очмоқ (ёки **боқмоқ, кўрмоқ**) 1) киши билишга қизиққан номаълум воқеа, ҳодисаларни гўё олдиндан айтиб беришга уринмоқ ёки олдиндан «билмоқ», айтиб бермоқ. *Узоқ варақлаб ўлтирди-да, сўнгра отасининг китобга қараб фол очиши эсига тушди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Одамлар Аҳмад махдумни*

«мунажжим», яъни юлдузлар юзидан фол кўрадиган деб билардилар. С. Айний, Эсдаликлар; 2) бирор нарса ҳақида тахмин; фараз қилмоқ. *Турли-туман миш-миш гаплар. Одамлар аниқ бир тасаввурга эга бўлмагани учун ҳар ким ўз ҳолича фол очарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Фол очтирмоқ** (ёки **боқтирмоқ**, **кўрсатмоқ**) Ўзи қизиққан номаълум воқеа, ҳодисани (бирор кимса ёки нарса тақдирини) билиш учун фолбинга мурожаат қилмоқ. *Мен кетай. Дадамга фол очтиргани кетяпман..* С. Зуннунова, Гулхан.

2 кўчма Бирор нарса ҳақидаги тахмин; чама, фараз. *Ҳақиқатан, бирон ой ўтмасдан, Ўринбой отанинг фоли тамоман тасдиқланди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

3 кўчма Бирор иш ёки хатти-ҳаракатнинг қандай тугалланганини кўрсатувчи белги, нишона. [Қулмуҳаммад:] *Бугун тонг билан Жалолиддинни ҳибсга олибдилар.* [Ғули:] *Ё раббий! Бу ёмон фол.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Айниқса, мулла Абдурахмон хануз Раёнонинг эрга берилмаганлиги хабарини эшитгач, бу тасодифни истижболнинг хайри фоллари сирасига киритди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

ФОЛБИН [а. + ф. فالبين — фол кўрувчи, фол очувчи] Фол очувчи шахс. *Фолбиннинг сўзига аҳмоқ ишонар.* Мақол. ■ *Фолбин бу туғунчакни Гулнорнинг оstonасига кўмиш кераклигини уқтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Францияда олтмиш мингта фолбин бўлиб, уларнинг даромади йилга уч миллиард франкни ташкил қилади.* Газетадан.

ФОЛБИНЛИК Фолбин фаолияти, касби.

Фолбинлик қилмоқ 1) фол очиш билан шугулланмоқ; 2) бирор нарса, ҳодиса тўғрисида тахминий мулоҳаза юритмоқ, тахмин, фараз қилмоқ. *Даштдаги қизлар Адолатнинг авзойини кўриб, кечаси билан фолбинлик қилиб чиқдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Фолбинлик қила бериш ҳам яхши эмас! Ҳафиза ақлли қиз, мана, эртага бориб кўрасан.* Мирмуҳсин, Умид.

ФОЛЧИ айн. **фолбин.** *Ўшанда фолчи кампир қандайдир дуоларни ўқиб, бир ойнага қараб, нималарнидир гапирган эди.* Газетадан.

ФОЛЬГА [пол. folga < лот. folium — ва-рақ, япроқ] Рангли металллар ва қотишмалардан тайёрланадиган, техникада, ёзув ёки нақшни босиб (сиқиб) акс эттиришда,

озик-овқат маҳсулотларини ўрашда ишла-тиладиган юпка varaқлар.

ФОЛЬКЛОР [ингл. folk-lore < folk — халқ + lore — билим; фан] Халқ ижодиёти; халқ томонидан яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган асарлар (эртақ, дoston, қўшиқ, лапар, масал, мақол, матал, топишмоқ ва б.). *Халқнинг кўп асрли тарихи мобайнида яратилган ҳикматли сўзлар — миллий фольклорнинг энг яхши намуналаридир.* Х. Ёлгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ФОЛЬКЛОРИСТ [«фольклор» с. дан] Фольклоршунослик соҳаси мутахассиси; халқ оғзаки ижодини ўрганувчи шахс. *Н. Ғаниев моҳир адиб ва фольклорист ҳам эди.* Газетадан.

ФОЛЬКЛОРИСТИКА [«фольклор» с. дан] Фольклор ҳақидаги фан; фольклоршунослик. *Ўзбек фольклористикаси ўзининг илк тонгидаёқ жиддий ютуқларни қўлга киритди.* «ЎТА».

ФОЛЬКЛОРЧИ с. т. Фольклоршунос. *Фольклорчи олима Музайяна Алавия ўзбек халқ кўшиқлари устида қарийб 15 йилдан буён тинимсиз илмий иш олиб боради.* Газетадан.

ФОЛЬКЛОРШУНОС [фольклор + ф. شناس — ўрганувчи] Фольклоршунослик мутахассиси. *Ўзбек фольклористикасининг кекса намояндалари сафига кўплаб ёш фольклоршунос олимлар келиб қўшилди.* Газетадан.

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК Халқ ижодиётини ўрганиш, фольклор асарларини тўплаш ва нашр этиш билан шугулланувчи фан. *Ўзбек фольклоршунослиги. Фольклоршунослик равнақи.* ■ *Ўзбек фольклоршунослиги — ривож топган илмий соҳалардан биридир.* «ЎТА».

ФОН I [фр. fond < лот. fundus — асос, таг, замин] 1 Сурат чизиладиган (солинадиган), бирор нарса тасвирланадиган, сурат бўёқларидан ажралиб турадиган асосий ранг. *Оқ фonga чизилган қизил гуллар. Осмон фонида олинган сурат.*

2 Кўзга ташланиб турган кимса ёки нарса орқасидаги кўриниш; асосий расм, сурат ортидаги манзара. *Бу уй ҳайвонининг расми яшил ўтлар фонида қизил бўёқ билан ишланган.* Газетадан. *Юсуф ўзининг ибратомуз киноларида кишиларнинг идеал образларини уйдирма бўлмаган, жонли кишилар фонида тасвирлайди.* «ЎТА».

3 кўча Умумий шароит, вазият, муҳит. *Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тарихий шахс сифатида.. ўзбек маданиятининг ривожланиши тарихи фонида кўрсатилади.* Газетадан. *..миллий онг ва миллий тафаккур она тили бойликлари фонида, бевосита ёрдамида шаклланади.* Газетадан.

ФОН II [юн. phone — товуш, овоз] Товушнинг баландлик даражаси бирлиги, ўлчови.

ФОНАРЬ [юн. phanari(o)n — ёруғлик, нур тарқатувчи <phanos — чироқ, машғала] 1 Ёритувчи қисми шар, қутича, найча ва б. шакллардаги шиша ёки шаффоф материал билан ўралган чироқ. *Чўнтак фонари. Қўл фонарь.* ■ *Мунира югуриб, вагонга чиқди-да, қўл фонарини олиб тушди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Козим ака.. столнинг тортмасини очиб, у ердан электр фонарь олиб, менга кўрсатди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Фонаус. *Фонарь яна тутай бошлади, керосин тугай деб қолган эди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар. *Ғуломжоннинг кулгиси шу қадар бегубор эдики, ҳужрада қирқинчи фонарь ёқилгандай бўлиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Фонарь ёғи эск. айн. керосин.

ФОНД [фр. fond < лат. fundus — туб, асос]

1 Давлат, муассаса ва ш.к. нинг муайян мақсад учун ажратилган пули, маблағи, моддий бойликлари мажмуи; жамғарма. *Валюта фонди. Иш ҳақи фонди. Бўлинмас фонд.* ■ *Фондимизда бир юз минг сўм пул бор.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бўлинмас фондимизда нақд бир ярим миллион сўм пул бор.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Қатъий, барқарор даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғозлар. *Фонд биржаси. Фонд бозори.*

3 Ғамлаб, эҳтиётлаб қўйилган захира, бойлик. *Жамоа ҳўжалигининг уруғлик фонди. Музей фонди. Уй-жой фонди. Китоб фонди. Тилнинг лўғат фонди.* ■ *Музейимиз фондида Уроқовнинг шахсий буюмлари, суратлари сақланмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Бирон-бир ижтимоий қатлам, аҳоли гуруҳига (болалалар, ногиронлар, бадий-ижодий уюшмаларнинг аъзоларига) моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган муассаса, ташкилот. *Архитекторлар фонди. Бадий фонд.*

Олтин фонд 1) олтин захираси; 2) кўча жамият ёки унинг бирор қисмининг энг яхши интеллектуал кучлари. *Ватан, инсон — бу каби мангу, боқий мавзуларда битилган асарлар жаҳон шеъриятининг олтин фондини ташкил этади.* «ЎТА». *Агроном — давлатимизнинг олтин фондини ташкил қилувчи кадрларимиздандир.* Газетадан.

ФОНЕМА [юн. phonema — овоз, товуш] тлш. Бирор тилда сўз ёки морфемаларнинг маъно фарқини белгилловчи, уларни бири-бирдан фарқлашга хизмат қилувчи товуш бирлиги. *Унли фонемалар. Ундош фонемалар.* ■ *Ниҳоят, олтига унли фонема тилимиз учун мезон сифатида қабул қилинди.* «ЎТА».

ФОНЕМАТИК тлш. Фонемага оид. *Тилнинг фонематик таркиби.*

ФОНЕНДОСКОП [юн. phone — товуш + endon — ички, ичида + skopeo — кўраман] Одам ва ҳайвон организмда юзага келадиган юрак уриши, нафас шовқинлари ва б. табиий товушларни эшитишга хизмат қиладиган, кулоққа тугиладиган икки найча ҳамда овоз кучайтирувчи мембранали мосламадан иборат тиббий асбоб.

ФОНЕТИК Фонетикага оид. *Фонетик қонунлар. Тилнинг фонетик тизими. Фонетик транскрипция.* ■ *Уйчи шеваси ўзининг характерли фонетик хусусиятлари билан кўпгина ўзбек шеваларидан ажралиб туради.* «ЎТА».

ФОНЕТИКА [юн. phonetike, phonetikos — товушга оид] тлш. 1 Тилшуносликнинг нутқ товушларининг ҳосил бўлиш усуллари, акустик хусусиятлари ва таркибини ўрганадиган бўлими. *Умумий фонетика. Тарихий фонетика. Қиёсий фонетика.* ■ *Поэтик фонетикада текиширилаётган бадий усуллардан бири — аллитерация.* «ЎТА».

2 Муайян тилнинг товуш таркиби, товушларнинг акустик ва артикуляцион хусусиятлари. *Ўзбек тили фонетикаси.*

ФОНЕТИСТ Фонетика соҳаси билан шуғулланувчи тилшунос.

ФОНИЙ [а. فاني — қўхна, эски, кекса; ўткинчи, муваққат, омонат] эск. кт. Тез ўтиб кетадиган; тезда барҳам толувчи; ўткинчи, омонат. *Шундай қилиб, мадраса қураётган яхши одамлардан бири фоний дунёдан боқий дунёга кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Неча шоҳлар ўтди фоний дунёда: Баъзиси отли-ю баъзи — ниёда.* «Зулфизар билан Авазхон».

ФОНО- [юн. phone — овоз, товуш] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шундай сўзларнинг товушга, овозга алоқадорлигини билдиради, мас., *фонограмма, фонетика*.

ФОНОГРАММА [фоно.. + юн. gramma — ёзув, ёзма белги] *махс.* Махсус техник восита ёрдамида грампластинка, магнит тасма, кино- ёки видеоплёнка, лазер диск ва ш.к. га ёзилган товуш садолари (нутқ, ашула, куй). *График фонограмма. ■ Газетада фонограмма билан қўшиқ айтиш каби қусур қайта-қайта тилга олинади. Газетадан.*

ФОНОГРАФ [фоно.. + юн. grapho — ёзаман] *махс.* Товуш, овозлар (музыка, ашула, нутқ ва ш. к.)ни ёзиб олиш ва қайта эшитириш учун хизмат қилувчи аппарат.

ФОНОГРАФИК 1 Фонографга, товуш ёзиб олиш ва қайта эшитиришга оид. *Фонографик плёнка. Фонографик материаллар.*

2 Алоҳида товушни ифодаловчи. *Фонографик ёзув.*

ФОНОЛОГИК Фонологияга оид. *Фонологик тизим. Фонологик текшириш.*

ФОНОЛОГИЯ [фоно.. + юн. logos — билим, тушунча] *тлш.* Тилшуносликнинг нутқ товушларини, яъни фонемаларни сўз ва морфемаларнинг товуш қобигини фарқловчи восита сифатида ўрганувчи соҳаси. *Тарихий фонология маълум бир тил фонологик тизимининг тарихий тараққиётини.. ўрганади. «ЎЗМЭ».*

ФОНОМЕТР [фоно.. + юн. metreo — ўлчайман] Товуш ёки шовқиннинг тебраниш кучини, унинг баландлик даражасини ўлчайдиган асбоб.

ФОНОТЕКА [фоно.. + юн. theke — омбор; қути] **1** Муайян тартибда сақланадиган овоз ёзувлари, фонограммалар тўплами.

2 Овоз ёзувларини тўпловчи, қайта ишловчи, сақловчи муассаса.

ФОНТАН [итал. fontana < лот. fons, fontis — манба, булоқ] **1 айн. фаввора 1.** *Театр майдони узра кўк бўйи Шалола отарди ранго-ранг фонтан. Т. Тўла. Қайнаб чиқар зўр булоқлари, Фонтан бўлиб отилар тикка. Ё. Мирзо. «Шимолий Сўх» деб аталган ёш конда яна бир табиий газ фонтани ҳосил қилинди. Газетадан.*

2 айн. фаввора 2. *Алижон зинапоядан настга тушиб, фонтан четига ўтирди. Мир-*

муҳсин, Чиникиш. Нарироқда фонтандан шариллаб отилган сув Ориф акани ҳушига келтирди. А. Мухтор, Чинор. Фонтан атрофи одамлар билан гавжум. С. Аҳмад, Пойкалам.

ФОНУС [а. فانوس — шишали чироқ < rhanos — ёруғлик, нур] Қўлда кўтариб юриладиган ёки бирор жойга ўрнатиладиган, шамол ва ёғиндан муҳофаза қилинган, ичига чироқ ёки шам қўйиладиган ёритиш асбоби, чироқ. *Ҳар маҳаллага биттадан шаҳар думахонаси ўтқазган хира фонусларнинг ичида еттинчи пиликли керосин лампа ёнар эди. Ғ. Ғулом, Шум бола. Ҳовли ўртасидаги улкан машғала ёқилди. Дарахтларга кичкина фонуслар осилди. С. Сиёев, Аваз.*

ФОРИНТ [венг. forint] Венгрия давлатининг асосий пул бирлиги.

ФОРИҒ [а. فارغ — холи, бўш; эгалланмаган; бекорда]: **Фориғ бўлмоқ** *эск. кт.* Бирор иш-ҳаракатдан холи бўлмоқ, бўшамоқ, қутулмоқ. *Ота-онасининг наздида, Ҳафиза юрагидаги дардлардан фориғ бўлгандай кўринди. Мирмуҳсин, Умид. Сен шу ерда тургин, мен намоздан фориғ бўлайин, сўнгра гаплашамиз. «Ойсулув». Фориғ қилмоқ* Бирор нарсадан, иш-юмушдан холи қилмоқ, қутултирмоқ. *Қатра май гадолардин, соқие, дариг этма, Ақлдин қилиб фориғ, мастлигидан султон қил. Увайсий.*

ФОРИҒБОЛ, фориғулбол [а. فارغ البال — ўй-хаёллардан холи, тинч, хотиржам] *эск. кт.* Ташвишдан холи, озод; хотиржам, осойишта; ҳузур-ҳаловатли. *Фориғбол яшамоқ. ■ Ёзилурми энди, фориғбол, Тарқалгандай кузги туманлар? М. Али, Боқий дунё.*

ФОРМА [лот. forma — шакл; ташқи кўриниш] **1 қ. шакл 1—5.**

2 Маълум тоифадаги кишилар учун мўлжалланган, ранги, тикилиши ва б. белгилари жиҳатидан бир хил кийим. *Ҳарбий форма. Мактаб формаси. Милиция формаси. ■ Пулатжон учувчи формасида тушган сурадини ҳам юборибди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

ФОРМАЛ 1 қ. шаклий. *Аниқ нисбат ҳеч қандай формал кўрсаткичларга эга эмас. «ЎТА».*

2 қ. шаклан; юзаки. *..бу соҳада улар кўп вақт формал яқинликларни, тўғриси, қофия, вазн уйғунлигини асос қилиб келтирадилар. «ЎТА».*

ФОРМАЛИЗМ [ингл. formalism < лат. forma — шакл; ташқи кўриниш] 1 Инсоннинг турли фаолият соҳаларида шакл (форма)ни мазмундан устун қўйиш, шаклни афзал билиб, мазмун ва моҳиятга зарар етказиш. Ёшлар билан ишлашда кўпинча формализм, расмийчиликка йўл қўйилмоқда. Газетадан.

2 Санъат ва адабиётда: «соф» шаклни энг муҳим ягона бадиий унсур, деб тан олишдан, шаклнинг алоҳидалиги ва устунлигини таъкидлашдан иборат, реализмга зид бўлган метод.

ФОРМАЛИН [ингл. formalin < лат. aciditas formica — чумоли кислота] Дезинфекция қилиш ёки тозалаш учун ишлатиладиган ўткир ҳидли модда (чумоли кислотанинг сувли эритмаси). *Формалин эритмаси. Чигитни формалин билан дориламоқ.* ■ Ўз навбатида унга ўткир ҳидли дори — формалин, ультратовуш ёки ультрабинафша нурлар таъсир эттирилади. «Фан ва турмуш».

ФОРМАЛИНЛАМОҚ Формалин билан дезинфекция қилмоқ, тозалармоқ, дорилармоқ. *Экиш олдидан чигитни формалинлармоқ.*

ФОРМАЛИСТ 1 Бирор ишда расмийчиликка йўл қўювчи шахс; расмийчи, расмийчипараст. *Сен унча формалист бўлма.*

2 Формализм тарафдори (қ. **формализм** 2).

ФОРМАЛИСТИК 1 Расмийчиликдан иборат. *Ишга формалистик муносабатда бўлиш.*

2 Формализм тамойилларига асосланган, бўйсунган (қ. **формализм** 2). *Формалистик асар.*

ФОРМАТ [фр. format < лат. forma — шакл; ташқи кўриниш] Китоб, дафтар, варақ, карточка ва ш.к. нинг энига ва бўйига кўра катта-кичиклиги, ўлчови. *Қоғоз формат. Катта форматга эга бўлган китоб.*

ФОРМАТЛИ Муайян шакл, ўлчамга эга бўлган. *Кичик форматли китоб. Катта форматли варақ.*

ФОРМАЦИЯ [лат. formatio — ташкил бўлиш; шакл, кўриниш] 1 Бирор нарсанинг муайян тараққиёт босқичи, поғонасига мос келувчи типи, тузилиши.

Ижтимоий-иқтисодий формация Кишилик жамияти тараққиётидаги муайян ишлаб чиқариш усули ва унга боғлиқ ишлаб чиқариш, ижтимоий ва сиёсий муносабатлар, ҳуқуқий меъёрлар ва мафкура билан характерланадиган тарихан шаклланган

босқич, давр (қулдорлик, феодализм, капитализм). *Туркистон халқлари феодализм формациясидан капиталистик формацияга аста-секин ўта бошладилар.* Газетадан. *Замонлар ўтди, ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашди, одамлар ўртасидаги муносабатлар ўзгарди.* Газетадан.

2 геол. Ҳосил бўлиш шароитларининг умумийлиги билан ўзаро боғлиқ бўлган, Ер пўсти асосий структуравий ривожланишининг муайян босқичларида вужудга келган тоғ жинслари йиғиндиси, геологик чўкиндилар.

ФОРМОВКА [лат. forma — шакл; ташқи кўриниш] *тех.* Бирор нарсага ишлов бериш, уни тайёрлаш баробарида унга қандайдир шакллар бериш; керакли шакллар ясаш (қуйиш) учун тайёрланган қолип. *Формовка цехи. Формовка машинаси.* ■ Уни [Меҳринисони] формовка машинасида ишлаётган киз олдига бошлаб келди. «Саодат».

ФОРМУЛА [лат. formula — шакл, қоида] 1 Бирор қоида, воқеа-ҳодиса, қонун ва ш.к. нинг барча хусусий ҳолатлар учун татбиқ этиладиган аниқ, қисқа ва умумий таърифи, ифодаси. *Абдужалил бой ўзининг бу кашфиётини қўйидаги «формула»дан келтириб чиқаради..* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *мат.* Бирон-бир гап, фикр, тасдиқни ифодаловчи математик белгиларнинг ўзаро уйғун бирикмаси, комбинацияси. *Алгебраик формула. Қўйиш формулалари.* ■ Йўлдош қўлида тайёр тутиб турган ён дафтарчасини Элмуроднинг олдига қўйиб, ундаги формулани бир чеккадан уқтира бошлади. Шухрат, Шинелли йиллар. *У бир варақ қоғозга тажрибанинг формуласини шоша-пиша ёзиб кўрсатди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

3 *ким.* Бирор бирикманинг элементлар номи ўрнида қўлланувчи латинча ҳарфлар ҳамда элементларнинг айна бирикма таркибидаги микдорий нисбатини кўрсатувчи рақамлар билан ёзилган қисқача ифодаси; мас., $NaCl$ — ош тузининг формуласи.

ФОРМУЛИРОВКА [«формула» с. дан] Бирор фикр ёки қарорнинг қисқа ва аниқ ифодаси. *Теореманинг формулировкаси.* ■ *У ҳозирги Шарқ тарихидан жуда зерикарли лекция ўқирди. Гапи сийқа ибораларга, қуруқ формулировкаларга..* тўла. П. Қодиров, Уч илди.

ФОРМУЛЯР [нем. Formular < лат. formula — шакл, қоила] 1 Бирор иншоот, механизм ва ш.к. нинг ҳолати ва уни ишлатиш бўйича маълумотлар батартиб ёзиб бориладиган махсус дафтар ёки варақа.

2 Кутубхоналарда ҳар бир китоб ичига солиб қўйиладиган ва шу китоб ҳақидаги асосий маълумотлар ёзилган ҳисоб варақаси.

ФОРПОСТ [нем. Vorposten < голл. voorpost — олдиндаги пост] 1 ҳарб. Ҳарбий қисмни ҳимоя қилиб туриш учун қўйилган илғор (етақчи) соқчилар ғуруҳи.

2 кўчма кт. Бирор нарсанинг олдинги, илғор қисми, таянчи; авангард. *Уч йил олдин ташкил қилинган хўжалик.. чўлга бошланган янги ҳужумнинг форпости бўлиб қолди.* Газетадан.

ФОРС [ф. فارس — эронлик; Эрон жанубидаги вилоят номи] қ. **форслар**. Форс тили. Форс қизи. ■ У араб, форс тилларини яхши эгаллаган. Ойбек, Навоий. Ҳамза отасидан таълим олиб, ўн беш ёшида форс, араб тилларидаги китобларни ўқийдиган бўлди. К. Яшин, Ҳамза.

ФОРСИГУЙ [ф. فارسى گوى — форсча сўзловчи] Форс тилида ижод қиладиган, ёзадиган, гапирадиган. *Форсигуӣ шоир.* ■ Соҳиб Доро замонанинг кўзга кўринган форсигуӣ шоирларидан бўлиб, ёш қаламкашларни ўз маслаҳатлари билан баҳраманд қилиб турарди. М. Осим, Сеҳрли сўз.

ФОРСИЙ [ф. فارسى — форсларга, форс тилига оид, алоқадор] 1 Форс тили. *У зот забони арабийни — фасих, туркистонийни — саҳиҳ, форсийни малиҳ [ғўзал].. биладурғон донишманд.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

2 Форс тилида айtilган ёки ёзилган; форсча. *Ҳақиқатан ҳам Навоӣй форсий девони билан Жомӣйдан сўнг форс-тожик адабиётини янги бир босқичга кўтарди.* «ЎТА».

ФОРСИХОН [ф. فارسى خوان — форсча ўқувчи] Форс тилида битилган асарларни ўқий оладиган, уни тушунадиган ва талқин қила оладиган шахс. *Анвар ўн беш ёшида.. яхшигина форсихон ва бир даража араб тилига ошна эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ФОРСЛАР Эроннинг асосий, туб аҳолиси ва уни ташкил қилувчи халқ; эронийлар.

ФОРСУНКА [ингл. force-pump — босим берувчи, ҳайдовчи насос] тех. Суюқ ёнил-

гини ёки кукун ҳолидаги ёқилгини босим билан зарралар тарзида пуркаш, сочиш учун мўлжалланган мослама, насос.

ФОРСЧА айн. **форсий**. *Форсча-русча луғат. Форсча сўзлашмоқ.* ■ *Ашотда русча, форсча ва арманча шеърлар бор экан-у, улар Баширжонга ўтиришмади.* Н. Аминов, Суварак.

ФОРТЕПЬЯНО [нем. Fortepiano < итал. forte — қаттиқ + piano — аста, кучсиз] Клавишлари бармоқ билан босиб чалинадиган торли мусика асбоби (рояль ва пианинонинг умумий номи). *Фортепьяно чалмоқ.* ■ *Сози бузуқ фортепьянонинг баланд овози янгради.* «Ёшлик».

ФОРТОЧКА [нем. Pforte < лат. porta — дарвоза] Уйни шамоллатиш мақсадида деразага ўрнатиладиган кичкина дарча. *Саодатхон форточкани очиб юборди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ФОРУМ [лат. forum] 1 тар. Қадимги Римда халқ йиғинлари, ярмаркалар, суд мажлиси ва б. тадбирлар ўтказиладиган майдон.

2 Кенг ваколатли йиғилиш, анжуман. *Бутун дунё ёшлар форуми. Журналистлар форуми.* ■ *Икки қитъа ёзувчилари форуми дўстлик ва бирдамлик байрамига айланиб кетди.* Газетадан.

ФОСГЕН [юн. phos — ёруғлик + genos — насл, авлод; келиб чиқиш] ким. Нафас олиш аъзоларига зарар етказувчи, чириган пичан иси келадиган рангсиз, заҳарли газ. *Фосген жуда заҳарли модда, нафас йўлларига кучли таъсир қилади.* «ЎЗМЭ».

ФОСИД [а. فاسد — бузилган; айниган; йўлдан адашган; бузуқ, ахлоқсиз, ярамас] 1 эск. кт. Ёмонлик қиладиган; жирканч; бузуқ, ярамас. *Фосид ҳаёл. Фосид мақсад.* ■ *Тўғри айтасан. Лекин бу фосид рақс, ашула, мусиқийларни мажусийлар, оташпарастлар.. ижод этганлар.* К. Яшин, Ҳамза. *Бериб фатво, «уришинглар», демай қози калон ўлсин, Ҳаммани йўлдин оздирган ўшал фосид ҳаёл ўлсин.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 дин. Ислом анъанасида диний мажбуриятларни адо этмаган гуноҳдор. *..Аллоҳ фосидлардан рози бўлмади, эҳсонларини қабул этмади ва ўзларини ҳидоятга эриштирмади..* «ЎЗМЭ».

ФОСИҚ [а. فاسق — бузуқ, фоҳиш, ахлоқсиз; муртад, кофир] эск. кт. Бузуқ, гуноҳ,

ҳаром ишлар билан шуғулланувчи, ёмон йўлга юрувчи; ахлоқсиз. *Фосиқдан ҳаё тилама, золимдан — вафо.* Мақол. ■ *Ва уларнинг юракларида Ғараз, фосиқ ҳаваслар тунар.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Нусратилло фосиқ эканлиги устига порани қилдек суғуриб, иликдек ютмоғи махфий эмас.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

ФОСФАТЛАМОҚ Металл ва металл буюмларни атмосферавий емирилишдан сақлаш мақсадида улар сиртида эримайдиган фосфатлар пардаси (плёнкаси)ни ҳосил қилиш.

ФОСФАТЛАР [ингл. phosphate < юн. phosphoros — нурафшон, нур сочадиган] ким. Фосфат кислота тузлари ва эфирлари (асосан, ўғит сифатида, шунингдек, тиббиёт ва техникада ишлатилади). *Кальций фосфати.*

ФОСФАТЛИ Таркибида фосфати бўлган. *Ўзбекистонда фосфатли ўғитлар — аммофос ва аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқарадиган жуда катта корхоналар барпо этилган.* Газетадан.

ФОСФОР [юн. phosphoros — нурафшон, нур сочадиган < phos — ёруғлик + phoros — олиб борувчи] 1 Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оқ, қизил ва қора рангда бўладиган, суюқланиш температураси ва б. баъзи хоссаларига қўра ўзаро фарқланувчи, кимёвий фаол металлмас модда (ўғит, гугурт ишлаб чиқаришда, металлургияда, органик синтезда қўлланади). *Она сутида оқсиллар, ёғлар.. кальций ва фосфор каби тўйимли моддалар етарли бўлади.* «Саодат». *Тупроқда фосфор тақчил бўлса, картошканинг гуллаши ва ҳосил пишиши секинлашади.* «Фан ва турмуш».

2 с.т. Фосфатли ўғит тури. *Фосфор янаги ҳафта келади. Иккинчи чопиқни тамомладингми?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ФОСФОРИТЛАР [ингл. phosphorite < юн. phosphoros] Таркибида фосфат кўп бўлган чўкинди тоғ жинслари; асосан, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. *Геологларнинг айтишича, фосфоритларнинг тахминий захиралари чексиздир.* Газетадан. *Бизда фосфорит конларининг энг йирик манбалари мавжуд.* Газетадан.

ФОСФОРЛИ Таркибида фосфор мавжуд бўлган; фосфор аралаш(тирил)ган. *Фосфорли туз. Фосфорли руда. Фосфорли ўғитлар.* ■ *Фосфорли ва калийли ўғитларнинг асосий*

қисми ерга кузда гўнг билан бирга солинади. «Фан ва турмуш».

ФОТИХ [а. فاتح — очувчи, бошловчи; босқинчи, забт этувчи] 1 Бирор шаҳар, давлат, мамлакатни урушиб қўлга киритган, забт этган; ғолиб; жаҳонгир. *..ўжар Сирдарё қарийб бутун жаҳонни забт этган, тарихларда «жаҳон фотиҳи» деб ном олган Искандарга ҳам бўйсунмади.* Газетадан. *Йўлларда ётарди кўп бегуноҳлар, Фотиҳлар излари, бесон қабрлар.* М. Шайхзода.

2 Фотиҳ (эркаклар исми).

ФОТИХА [а. فاتحه — очиш, очилиш, бошланиш, ибтидо, муқаддима; Куръоннинг биринчи сураси] 1 дин. Куръоннинг биринчи, бошланғич сураси, бошланиши.

2 Кимсага эзгулик тилаб айтиладиган дуо, олқиш. *Чоллар Қудратга тани-жони соғлиқ, ишига барака тилаб, фотиҳага қўл кўтардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Раҳим домла фотиҳага қўл очиб, ёшларни дуо қилди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

Фотиҳа ўқимоқ 1) куръоннинг қисқа сураларидан бирини ўқиб, марҳумнинг руҳига худбдан меҳру шафқат, эзгулик тиламоқ. *Мирзақаримбой қўллари билан соқолини енгилгина сийпаб, марҳумга фотиҳа ўқиган бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кампир тепасини бурган босган қабр олдида тўхтаб, ҳассасига суяниб, ерга ўтирди-да, нималарнидир пичирлаб, фотиҳа ўқиди.* И. Раҳим, Ихлос; 2) қўл очиб ва уни юзларига тортган ҳолда, ўзи ёки бошқалар учун яхшиликлар, эзгулик, тинчлик, саломатлик тиламоқ, дуо қилмоқ. *Ошдан сўнг уста Олим шундай фотиҳа ўқиди: — Душманларингизнинг йўқ бўлганлари чин бўлсин, севганингиз билан энди масъуд яшанг!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Фотиҳа қилмоқ** с. т. Фотиҳа ўқимоқ. *Қаландар пойгакка чордана қурди. Ичида ниманидир пичирлади, фотиҳа қилди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Юзига фотиҳа тортмоқ** Фотиҳа ўқиб бўлингач, икки қўлнинг кафти билан юзни юқоридан пастга томон енгилгина силамоқ. *Насиба креслога ўтириб, юзига фотиҳа тортди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ботир ҳам бобосига қўшилиб, юзига фотиҳа тортди.* А. Дилмуродов, Осмоннинг бир парчаси.

3 Бирор иш-ҳаракатни бажаришга киришадиган кишига омад, бахт тилаган ҳолда бериладиган руҳсат, ижозат. *Фотиҳа бер-*

моқ. *Фотиҳа олмоқ.* ■ Мен рози, куёв қиламиз, *фотиҳа беринг.* У. Исмоилов, Сайланма. *Ориф сардор халқдан фотиҳа олиб, отини югуртириб, тўдага кетди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Оқ фотиҳа Бирор ишни бажаришга киришиш учун рози бўлиб, мамнунлик билан бериладиган рухсат, ижозат. *Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман, Ширвон элда Зулхуморга бораман.* «Равшан». [Тангриқул ҳожи:] *Менга оқ фотиҳа беринг, сафар отини эгарлаб, йўлга чиқай* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Фотиҳа сўрамоқ** Бошқалардан олдинроқ туриб кетиш учун йиғилиш аҳлидан ёки ёши каттароқ кишидан рухсат сўрамоқ. *Абдурахмон сардор.. қайтмоқчи бўлиб, халифадан фотиҳа сўради.* С. Айний, Қуллар.

4 этн. Қиз билан йигит турмуш қуришга рози бўлгандан кейин, буни қариндош-уруғ, маҳалла аҳлига маълум қилиш мақсадида никоҳдан олдин ўтказиладиган маросим; унаштириш. *Фотиҳа — гўё ярим никоҳ, у икки томоннинг келажак ҳаётига тақдир муҳрини босади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мусулмон бўлсаларинг, қизимга тегманлар! Бировнинг омонати! Бировга фотиҳа бўлган.* П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.

Фотиҳа тўйи Қиз билан йигитнинг унаштирилганлиги муносабати билан ўтказиладиган кичик тўй; унаштириш тўйи. *Келинг.. катта тўйдан илгари фотиҳа тўйини ўтказиб олайлик.* Ҳамза, Ким ўғри? *Ичкарида бир оқсоч кампир, ташқарида бир карқулоқ отбоқар қолган, бошқа ҳеч ким йўқ, ҳамма фотиҳа тўйига кетган.* К. Яшин, Ҳамза.

5 этн. Ўлик чиққан хонадонда ўлимнинг дастлабки уч кунни ҳамда ҳайит кунлари марҳумнинг хотираси учун ўтказиладиган маросим; таъзия. *Фотиҳага кириб чиқмоқ.* ■ *Ўлигим кафансиз қолмаса, дуоини фотиҳага келганларнинг олдида битта-иккита қаттиқ-қуттиқ нон қўйсангиз бўлгани.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шу пайт уч киши фотиҳага кирди.* С. Сиёев, Аваз.

6 кўча Табриклаш, муборакбод қилиш, яхши гилаклар билдириш. [Маҳдум:] *Сен қизларингни озод қўй, Нигор, дастурхон тайёрлаб, чой қайнат! Фотиҳага одамлар келса керак.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ФОТИҲАЛИ Ўлик чиққан, фотиҳа ўқилиши лозим бўлган; таъзияли. *—Ҳайит кунлари қишлоққа бир бориб келсанг бўларми-*

ди, — деди ниҳоят Мавжуда хола, — фотиҳали хонадонлар кўпайиб қолган. Т. Маҳмуд, Оқар дарё оқмасмиди жимгина.

ФОТИҲАХОН [а. + ф. فاتحه خوان — фотиҳа ўқувчи] **1** Ўлимнинг дастлабки уч кунни ва ҳайит кунлари ёки, умуман, ўлик чиққан хонадонга кириб, фотиҳа ўқувчи киши.

2 Бирор хурсандчилик, ижобий воқеа-ҳодиса муносабати билан кимсанинг хонадонига бориб, уни табрикловчи, муборакбод қилувчи, дуо қилиб, яхши тилаклар билдирувчи. *Шу кун кечгача шаҳарнинг ҳамма табакаларидан ҳам фотиҳахонлар келиб турдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Иккинчи, учинчи туркум фотиҳахонлар келгандан сўнг, маҳдум.. уни [Анварни] чақиртириб келишга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ФОТИҲАХОНЛИК **1** Белгили кунларда ўлик чиққан уйга кириб, фотиҳа ўқиш, таъзия изҳор қилиш жараёни, маросими.

2 Бирор воқеа-ҳодиса муносабати билан кимсани табриклаш, муборакбод қилиш. [Абдурахмон] *Уйига бориб тушди. Бир неча кунгача фотиҳахонлик, ҳордиқ чиқариш маросимлари давом этди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ФОТИҲАЧИ айн. фотиҳахон.

ФОТИҲЛИК Бирор ҳудуд, мамлакатни забт қилишлик, босқинчилик. *Ўрта Осиё халқларининг воқеаларга бой тарихида Искандарнинг фотиҳлик юришлари ҳам маълум ўрин эгаллайди.* А. Қаюмов, Навоийнинг «Садди Искандарий» достони. *Ҳар қандай фотиҳлик қурол билан, қон билан амалга оширилса-да, бу усул фотиҳлар ғалабасини барқарор қилади, деган гап эмас.* Ш. Ризаев, Жадид драмаси.

ФОТМАЧУМЧУҚ зоол. шв. Тўрғай; сўфитўрғай. *Жар ичида сув милтирайди, у ердан фотмачумчуқ.. қушининг чиқ-чик, қийқ-қийқ овозлари келади.* Ш. Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор.

ФОТО [юн. phos, photos — ёруғлик] айн. **фотография.** Янги экспонатлар тоқчасининг охири бурчагида эса бир фото жилавланиб турарди. «Муштум».

ФОТО- [юн. phos, photos — ёруғлик, нур] Байналмилал ўзлашма, шунингдек, ярим калькаланган қўшма сўзларнинг биринчи қисми: **1)** ёруғлик ҳодисаларига, ёруғлик таъсирига, умуман, ёруғликка тааллуқли-

ликни кўрсатади (мас., *фотосинтез, фотохимё, фотозлемент*); 2) фотография, суратга алоқадорликни, фотография усулида тайёрланганликни билдиради (мас., *фотоаппарат, фотомонтаж, фотоқоғоз*).

ФОТОАППАРАТ [фото.. + аппарат] Фотосурат оладиган оптик-механик қурилма, фотография аппарати. *Фотоаппарат бир лаҳзада киши тасвирини қандай илиб қолса, унинг тасаввури ҳам қизнинг ўша қиёфасини шундай эслаб қолган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

ФОТОБИОЛОГИЯ [фото.. + биология] Биологиянинг ультрабинафша ва инфрақизил нурлар, умуман, ёруғлик таъсирида организмларда содир бўладиган жараёнларни ўрганувчи бўлими.

ФОТОГРАФ Фотография мутахассиси, фотография билан шуғулланувчи. *Қарсақ тиниб, зал энди жимиган эди, киночилар, фотографлар чаққонлик билан ишга киришиб кетдилар. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ФОТОГРАФИК Фотографияга оид, алоқадор. *Фотографик санъат. Фотографик камера. Фотографик кўргазма.*

ФОТОГРАФИЯ [фото.. + юн. grapho — ёзаман] 1 Махсус оптик аппарат — фотоаппарат воситасида объектларнинг кўз илғайдиган тасвирини ёруғликсезгир материаллар (қоғоз, пластинка ёки плёнка)га тушириш, суратга олиш усули. *Фотография тўғараги. ■ 20-асрда фотография асосий ахборот ва ҳужжатлаштириш воситаси бўлиб қолди. «ЎЗМЭ».*

2 Шундай усулда олинган сурат. *Рангли фотография.*

3 Шундай усулда сурат оладиган ишхона, устахона. *Фотографияга келмоқ.*

ФОТОГРАФЛИК Фотограф касби, машғулоти. *Фотографликни ўрганиб олмоқ.*

ФОТОКАМЕРА [фото.. + камера] айн. **фотоаппарат**.

ФОТОКИМЁ [фото.. + кимё] Физик кимёнинг ёруғлик таъсирида содир бўладиган кимёвий реакцияларни ўрганувчи бўлими.

ФОТОКОПИЯ [фото.. + копия] айн. **фотонусха**. *Биз фотокопиясига эга бўлган лугатда рўйхати берилган рус сўзлари қаршисига ўзбек ва тожик сўзлари араб алифбосида ёзиб қўйилган. «ЎТА».*

ФОТОКЎРГАЗМА [фото.. + кўргазма] Фотосуратлар қўйиладиган, фоторасмлар билан безатиладиган кўргазма; фотовитрина.

ФОТОЛАБОРАТОРИЯ [фото.. + лаборатория] Фотосурат олиш ва кўпайтириш учун махсус жиҳозланган хона, кабинет, лаборатория; суратхона. *Фотолaborатория ва зарур жиҳозларнинг йўқлиги ҳаваскор сураткашлар учун катта қийинчилик туғдирди. Газетадан.*

ФОТОЛАМПА [фото.. + лампа] 1 Фоторасмларни ишлашда қўлланадиган қизил шишали лампа.

2 айн. **фотозлемент**.

ФОТОЛЕНТА [фото.. + лента] Фоторасмлар туширишга мўлжалланган лента. *Анализ натижалари 12 см кенликдаги фотолентага.. эри чизиклар асосида ёзиб олинди. «ЎТА».*

ФОТОЛИЗ [фото.. + юн. lysis — ажралиш, парчаланиш; бузилиш] ким. Суюқ, қаттиқ ва газсимон моддаларнинг ёруғлик нури таъсирида парчаланиши.

ФОТОЛИТОГРАФИЯ [фото.. + литография] *плгрф*. Литография учун босма қолип тайёрлаш усули: тасвирни ёруғликсезгир қатлам билан қопланган тош ёки металлга тушириш (босиш); шундай усулда тайёрланган босма қолипдан олинган нусха. *Фотолитография усули.*

ФОТОМАТЕРИАЛ [фото.. + материал] 1 Фотосурат ва кино олишда ишлатиладиган материаллар (фотоқоғоз, плёнка, хилма-хил ёруғликсезгир химикатлар). *Станция биносига почта, озиқ-овқат, янги приборлар, кино ва фотоматериаллар олиб ўтилди. Газетадан.*

2 Бирор мақсад учун фойдаланиш мумкин бўлган турли фотосуратлар, фотография маҳсулотлари. *Кўргазма учун фотоматериал тайёрлаш.*

ФОТОМЕТР [фото.. + юн. metreo — ўлчаётман] *физ*. Фотометрик (ёруғлик) катталиклар (ёруғлик кучи, ёруғлик энергияси, ёритилганлик ва б.)ни ўлчайдиган оптик асбоб.

ФОТОМЕТРИК Фотометрияга оид. *Фотометрик методлар ёрдамида олиб борилган кузатишлар Марс сирти жуда текис эканлигини ва унда ҳеч қандай тоғлар йўқлигини кўрсатди. Газетадан.*

ФОТОМЕТРИЯ [фото.. + юн. metreo — ўлчайман] физ. Оптиканинг ёруғлик катталикларини ҳамда электромагнит нурланишнинг энергетик тавсифларини ўлчаш билан шуғулланувчи бўлими.

ФОТОМОНТАЖ [фото.. + монтаж] Фотосуратлар ёки уларнинг айрим қисмларидан, баъзан бошқа расмлар қўшган ҳолда бадиий ва мазмуний жиҳатдан яхлит композиция тузиш; шу усулда тайёрланган фотоплакат, реклама ва б.

ФОТОМУХБИР [фото.. + мухбир] Газета ва журналларга долзарб масалалар юзасидан фотосуратлар тайёрлаб берадиган мухбир. *Айрим журналистлар, фотомухбирлар ва табиат ҳаваскорлари пул мукофотлари ва дипломлар билан тақдирланди.* Газетадан.

ФОТОН [юн. phos, photos — ёруғлик] Электромагнит нурланишнинг кванти, энг кичик зарраси.

ФОТОНУСХА [фото.. + нусха] Бирор асар, ҳужжат ва ш.к. нинг фотографик нусхаси, айнан кўчирмаси.

ФОТОПЛАСТИНКА [фото.. + пластинка] Фотографиянинг расм тушириш учун мўлжалланган, ёруғликни тез илғовчи ойнаси.

ФОТОРАСМ [фото.. + расм] айн. **фотосурат**. — *Бу одамнинг жиноят қилганига ҳечам ишонмайман, — деди Нисора қўлидаги фоторасмга тикиларкан.* С. Анорбоев, Оқсой.

ФОТОРЕПОРТАЖ [фото.. + репортаж] Фотография воситасида тайёрланадиган репортаж.

ФОТОРЕПОРТЁР [фото.. + репортёр] Репортаж учун сурат олиш билан шуғулланувчи фотограф, сураткаш.

ФОТОСИНТЕЗ [фото.. + синтез] бот., биол. Яшил ўсимликлар, сувўтлар ҳужайраларида ва баъзи микроорганизмларда ёруғлик таъсирида карбонат ангидрид ва сувдан органик моддаларнинг ҳосил бўлиш жараёни; кўёш энергиясининг органик моддалардаги кимёвий энергияга айланиши.

ФОТОСУРАТ [фото.. + сурат] Фотография усулида олинган сурат; фоторасм. *Афсуски, унинг [Малоҳатнинг] фотосурати ҳам йўқ эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Умид янги уй деворидаги Ҳафиза фотосуратига тикилди.* Мирмуҳсин, Умид.

ФОТОСЪЁМКА [фото.. + съёмка] Бирор ҳудуд ёки объектни фотография йўли билан (кўпроқ осмондан туриб) суратта олиш.

ФОТОТЕЛЕГРАММА [фото.. + телеграмма] Фототелеграф орқали юборилган ёки олинган телеграмма, матн, хат, ҳужжат, чизма ва ш.к.

ФОТОТЕЛЕГРАФ [фото.. + телеграф] Қоғозга туширилган хат, ҳужжат, чизма, расм ва ш. к. тасвирларни узоқ масофага узатадиган телеграф аппарати.

ФОТОТЕРАПИЯ [фото.. + терапия] тиб. Сунъий, нотабиий манбалардан ҳосил қилинадиган инфрақизил, кўзга кўринарли ва ультрабинафша нурлардан даволаш ва профилактика мақсадларида фойдаланиш; нур билан даволаш.

ФОТОХРОНИКА [фото.. + хроника] Фотосуратларда, фотосуратлар ёрдамида акс эттирилган воқеалар хроникаси.

ФОТОЧИ с. т. Фотограф. *Кичкина суратни катта қиладиган фоточи келган, хоҳлаганлар кутубхоначи қизга учрашсин.* С. Аҳмад, Саҳарларда.

ФОТОЭЛЕМЕНТ [фото.. + элемент] Ўзига тушадиган ёруғликни ютиб, электр энергиясига айлантирадиган электр асбоб. *Фотозлементлар, одатда, нурланиш ёки ёруғлик қабул қилгичлар вазифасини ўтайди.* «ЎЗМЭ».

ФОТОҚОҒОЗ [фото.. + қоғоз] Бир томони ёруғликсезгир модда билан қопланган, фотосуратлар тушириладиган қоғоз.

ФОТОҲАВАСКОР [фото.. + ҳаваскор] Фотография иши билан ҳаваскор сифатида шуғулланувчи киши. *Кўргазмадаги фотоҳаваскорлар олган суратлар ҳам кишининг диққатини тортади.* Газетадан.

ФОТОҲУЖЖАТ [фото.. + ҳужжат] Бирор масала юзасидан тўпланган фоторасмлардан иборат далил, ҳужжат; фотоматериал.

ФОХИРА [а. فاخرة — чиройли, келишган] Кўркам, келишган, серҳашам; гурурланишга лойиқ. *Ундай бўлса, бозорга бориб, ўзинг учун либоси фохира харид қилгин, деди.* «Шарқ юлдузи». *Менга фохира либослар кийдиришди.* «Шарқ юлдузи».

ФОХТА [ф. فاخته] зоол. Бўйнида қора ҳалқаси бўлган, қаптардан кичикроқ, кулранг чўл қуши; тўрғай; жиблажибон. *Чум-*

чуқлар чирқилламоқда.. мусича, фохталар кукуламоқда. С. Айний, Қулар.

ФОШ [ф. فاش — очик, ошкор; машхур] Ҳаммага маълум, машхур; ошкор, ошкора. *Фош бўлмоқ. Фош қилмоқ (этмоқ). Камчиликларни фош қилмоқ.* ■ Зебо ўз муҳаббати ҳақида ҳеч ким билан маслаҳатлашишни, бировга фош қилишни истамасди. Шухрат, Шинелли йиллар. Зебихон, ёлғони фош бўлиб қолганидан, гапни ҳазилга буриб юборди. С. Аҳмад, Уфқ.

ФОҲИШ [а. فاحش — чегарадан чиққан, ҳаддан ортиқ; бемаъни; ахлоқсиз, беадаб] 1 Одобдан ташқари, беадаб, ахлоқсиз. *Фоҳиш эркак.* ■ Қодирохун кабилар — *Фоҳиш орзунинг қули. Қай тарафга узатса, Етадир ифлос қули.* Файратий.

2 Ана шундай иш билан шуғулланувчи шахс, хиёнаткор, фоҳишабоз. *Мансурхўжа.. ишвогарлиги устига ўлгунча фоҳиш.* «Муштум».

ФОҲИША [а. فاحشه — фоҳиш аёл, бузук, хиёнаткор аёл] Ўз танини сотишдек бузук, фаҳш ишлар билан шуғулланувчи аёл; зинокор аёл. *Шундай йўллар билан булар фоҳиша кўпайтирар экан-да.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Аммо сен ифлос балчиққа бўғзингдан ботиб, унинг қўланса исини олиб қолган экансан, фоҳиша!* К. Яшин, Ҳамза.

ФОҲИШАБОЗ [а. + ф. فاحشه‌باز — фоҳиша ўйновчи; ўйнаш тутувчи] Ахлоқи бузук аёллар билан жинсий алоқа қилишга ўта берилган эркак.

ФОҲИШАБОЗЛИК Фаҳш ишлар билан машғул бўлиш, ахлоқий бузуқлик, зинокорлик. *Гиёҳвандлик қандай қилмишларга сабаб бўлиши, фоҳишабозликнинг нақадар жирканч, тубан эканлигини яширмай-нетмай кўрсатмоқдамиз.* Газетадан.

ФОҲИШАЛИК Танини сотишдек ахлоқсиз, бузук иш билан шуғулланиш. *Фоҳишалигингни билардим-у, тўхматчилигингни билмасдим.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ФОҲИШАХОНА [фоҳиша + хона] эск. Фоҳишалар яшайдиган ва фоҳишабозларни қабул қиладиган жой; исловотхона. *Ҳайит кунлари тўқлигидан шўхлик қиладиган бойвачча йигитлар қовоқхона ва фоҳишахоналарга кириб, ичиб юарди.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

ФРАГМЕНТ [лот. fragmentum — синиқ, бўлак, парча] 1 Бирор ижод маҳсули (бади-

ий асар, мақола, мусиқа) парчаси, бир қисми. *Операдан олинган фрагмент.*

2 Рассомлик, ҳайкалтарошлик, меъморлик каби санъат асарининг сақланиб қолган парчаси, қисми.

ФРАЗА [юн. phrasis — ибора, жумла] 1 тлш. Нутқнинг тугал фикр билдирувчи, одатда, гапга тенг келувчи мустақил бирлиги.

2 мус. Унча катта бўлмаган, алоҳида, нисбатан тугалланган мусиқа асари (куй, оҳанг).

ФРАЗЕМА тлш. қ. **фразеологизм.** Экспрессивликнинг даражаланишини биргина фраземанинг турли ўзгаришлар билан қўлланишида ҳам кўриш мумкин. «ЎТА».

ФРАЗЕОЛОГИЗМ [юн. phrasis — ифода, жумла + logos — сўз] тлш. Тузилишига кўра сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутққа тайёр ҳолда кириштиладиган луғавий бирлик (мас., *томдан тараша тушгандай* — тўсатдан, кўққисдан). *Асарда чуқур маъноли, ихчам, ҳикматона жумлалар — фразеологизмлар кўп учрайди.* «ЎТА».

ФРАЗЕОЛОГИК Фразеологияга оид, алоқадор. *Алишер Навоий асарларининг фразеологик луғати.* Фразеологик омонимия. Фразеологик ибора.

ФРАЗЕОЛОГИЯ [юн. phrasis — ибора + logos — билим, тушунча] 1 Тилшуносликнинг муайян тилгагина хос бўлган фразеологизм (фразема)ларни ўрганадиган соҳаси.

2 Бирор тилдаги барча фразеологизмлар (фраземалар) мажмуи. *Ўзбек тилининг фразеологияси. Навоий асарлари фразеологияси.*

ФРАК [фр. frac] Олд қисми калта қилиб ўйилган, узун орқа этагининг қуйи қисми иккига ажралган, асосан, тантаналарда кийиладиган эркаклар кийими, костюм. *Кўп ўтмай фрак кийган дирижёр ўз ўрнига чиқди-ю, «Боқчасарой фонтани»нинг увертюрасини бошлади.* П. Қодиров, Уч илди.

ФРАКЦИОН сиёс. Фракцияга оид, мансуб. *Фракцион кураш. Фракцион гуруҳ.*

ФРАКЦИЯ I [фр. fraction — қисм, бўлак; улуш < лат. fractio — синиш, парчаланиш, дарз кетиш; синиқ жой, дарз] сиёс. 1 Бирор бир сиёсий партиянинг, қонунчилик органининг сиёсатини парламентда, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, жамоат

ташкилотларида ифода этувчи ташкилий гуруҳ.

2 Аниқ ғоявий-сиёсий стратегияга ва уни амалга оширишга қаратилган дастур (платформа)га эга бўлган сиёсий партиянинг алоҳида қисми.

ФРАКЦИЯ II Суюқ аралашманинг, сочилувчан ёки бўлак-бўлак қаттиқ материалнинг бирон-бир белгиси, хоссасига кўра ажратилган қисмлари.

ФРАНК [фр. franc] Франция, Бельгия, Швейцарияда, шунингдек, баъзи Европа ва Африка мамлакатларида пул бирлиги (евронинг жорий этилиши муносабати билан айрим мамлакатларда муомаладан чиқарилди).

ФРАНЦИЙ [лот. francium — элемент кашф этилган жой (Франция) номидан] Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент; энг фаол ишқорий металллардан бири.

ФРАНЦУЗ қ. **французлар**. **Француз тили**. **Француз аёл**. **Француз адабиёти**. ■ **Дилшод.. ҳозир ўша мактабда француз тилидан дарс беради**. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФРАНЦУЗЛАР Франциянинг асосий, туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ, француз халқи.

ФРАНЦУЗЧА 1 Францияга, француз халқига, унинг алифбоси, тили, маданиятига оид. **Французча қўшиқ**. ■ **Дилшод кинодаги офицерлардек бошини кескин силкиб, сўзсиз саломлашди. Бу қилиғи Ёдгорга ёқмади. «Мана, французча саломлашишимиз ўрганиб олдик», деб ўйлади**. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Француз тили. **Сен французча(ни) биласанми?** **Французча гапирмоқ**.

ФРЕЗА [фр. fraise — қулупнай] **тех.** Металл ва металлмас материаллардан чала тайёрланган маҳсулотларнинг юзаларига ишлов бериш, уларда тиш, резьба ўйиш ва б. ишлар учун хизмат қиладиган кўп тигли кесувчи асбоб.

ФРЕЗАЛАМОҚ Фреза асбоби билан ишлов бермоқ.

Фрезалаш станог Деталларнинг ташқи ва ички юзалари, ботиқлар ва чиқиқларга, айланувчи жисм сиртларига фреза билан кесиб ишлов берувчи станок.

ФРЕЗЕРОВКАЧИ Фрезалаш станогига ишловчи ишчи, уста. **Фрезеровкачи бўлиб ишламоқ**.

ФРЕЗЕРЧИ айн. **фрезеровкачи**.

ФРЕСКА [итал. fresco — янги, қуриманган] Хом, ҳали қуриманган сувоқ устига рангдор қилиб ишланган расм. **Афросиёб фрескалари**. ■ **Фреска санъатининг Ўзбекистонда ривожланишига Ч. Аҳмаров.. ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар**. «ЎЗМЭ».

ФРИКАТИВ [лот. fricatio — ишқаланиш]: **фрикатив ундошлар тлш.** Нутқ аъзолари бирибирига яқинлашиб, ҳаво тор ораликдан сирғалиб чиқиши натижасида ҳосил бўладиган **в, ф, з, с, ж, ш, х** ундошлари.

ФРИЦ [нем. Fritz — немисларда кенг тарқалган исм] Шарқий Европанинг айрим мамлакатларида немисларнинг, Иккинчи жаҳон уруши даврида немис солдатларининг нафрат ифодаловчи номи. **Зебо фрицни биринчи марта яқиндан кўриши эди, унинг юраги гупиллаб уриб кетди**. Газетадан.

ФРОНТ [фр. front — пешона < лот. frons, frontis — пешона, олд томон] 1 Ҳарбий саф ёки колонна ва унинг кўмондонга қараб турган олд томони.

2 Жанг ҳаракатлари бўлаётган ҳудуднинг, майдоннинг душманга қараб турган олд томони, жанг майдони. **Дададат ака, башарти уруш бошланиб қолса, ўша заҳотиёқ қўлига қурол олиб, фронтга жўнайди**. Ф. Музажонов, Ҳиммат. **Онанинг уч ўғли — кўзининг оқ-қоралари фронтдан қайтмади**. «Гулдаста».

3 Бевосита уруш, жангнинг ўзи. **Фронт Бектемирга дастлаб унча ваҳимали кўринмади**. Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Уруш вақтида ҳаракатдаги армиянинг бир кўмондон раҳбарлиги остидаги энг йирик гуруҳи — олий оператив-стратегик бирлашма. **Украина fronti. Жанубий фронт**. ■ **Мирзаев Ғарбий фронтнинг ўзида учта хат, иккита совға олган эди**. А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

5 **Кўчма** Оммавий ҳаракатлар майдони, шунингдек, бирон-бир иш, фаолият соҳаси. **Меҳнат fronti**. ■ **Мудҳиш уруш — қон тўкиш тўхтатилди. Тинч меҳнатда тер тўкиш fronti бошланди**. Н. Сафаров, Оловли излар. **Бу ер фронт! Пахта fronti! Дангасалик қилган одам шафқат кутмасин**. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФРОНТДОШ Бир фронтда бирга хизмат қилган. **Фронтдош дўстлар хат орқали ўзаро алоқа боғлаб туришарди**. Газетадан.

ФРОНТОВИК [«фронт» с. дан] с. т. Фронтчи. *Ўзингиз фронтовик бўлсангиз ҳам, фронт эсингиздан чиқибди, ука. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.*

ФРОНТЧА айн. **фронтчасига.** *Асрорқул.. чолларни йиғиб, мажлис қилди. Шу мажлисдаёқ ҳалиги чоллар фронтча ишлайдиган бригадаларга бирикиб олди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

ФРОНТЧАСИГА рвш. Фронтдагидек, уруш давридагидек; фронт талабига мувофиқ равишда. [Тоға:] *Раҳмат, жиян, раҳмат. Фронтчасига иш қипсан. С. Аҳмад, Уфқ. Доим шунақа, фронтчасига лунда, аниқ, қисқа сўзлайди Ҳошим ака. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

ФРОНТЧИ Фронтда хизмат қилаётган ёки уруш маҳалида фронтда, ҳаракатдаги армияда бўлган киши. *Йигитча фронтчи акасининг келишидан, уйи тўлиб қолишидан қувончи ичига сиғмас эди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ФРУКТОЗА [лот. fructus — мева] Мева ва асалда кўп миқдорда учрайдиган ширин таъмли, рангсиз кристалл модда, мева шакари. *Асал глюкоза, фруктоза, сахароза ва минерал моддалардан ташкил топади. «Фан ва турмуш».*

ФТИЗИАТР Фтизиатрия мутахассиси, ўпка силини даволовчи врач.

ФТИЗИАТРИЯ [юн. phthisis — сил касаллиги + iatreia — даволаш] Тиббиётнинг ўпка сили, унинг келиб чиқиши ва касаллик жараёнини ҳамда уни даволаш, олдини олиш йўлларини ўрганадиган бўлими.

ФТОР [р. < юн. phthoros — ўлим; емирувчи] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; галогенлар қаторига кирувчи ўткир ҳидли, оч сариқ тусли, заҳарли газ. *Бир суткада организмга овқат орқали 1 миллиграммга яқин фтор киради. «ЎЗМЭ»*

ФТОРЛИ Таркибида фтор бўлган. *Фторли водород. Фторли бирикма.*

ФУ унд.с. Жирканиш ҳолатини ифода этади. *Фельдшер, фу, дея афтини буриштиради. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. Енгини шимараётган эди, қиз секин: -Фу! қўйинг, мой бўласиз! Бу сизнинг ишингиз эмас! — деди.*

ФУГАС [фр. fougasse] Епра қўмиладиган, сув остига ёки бошқа бирор объектга қўйиладиган портловчи модда заряди. *Погодин*

қисмлари кўприкдан ўтиб олгандан кейин, Юрьев кўприк остида учта фугас атрофларига мина қўндириб, уни истаган дақиқада портлатишга ҳозирлаб қўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ФУЖЕР [фр. fougere] Таглиги (пояси) баланд катта бокал. *Жавлон қўлларини бир-бирига завқ билан ишқаб, стол устидаги фужер, рюмкаларни нари-бери қилиб, текислаб қўйди. Л. Тожиёва, Меҳрим сизга, одамлар.*

ФУЗАЛО [а. فضلاء — «фозил» с. нинг кўпл.] эск. кт. Ўқимишли кишилар; донишмандлар, зиёлилар; фазилат эгалари. *Хукмдор қанчалик оқил ва одил бўлса, раият, уламо, фузало ҳам ҳақгўйликка юз тутгай. М. Маҳмудов, Мангу куй. [20-аср] 80-йилларнинг ўрталарига келиб олим ва фузалоларга қарши.. юриш бошланди. М. Қўшжонов, Дийдор.*

ФУЗУЛ [а. فضول — «фазл» с. нинг кўпл.] Яхши хислатлар, обрў-эътибор, илтифотлар, афзалликлар. *-Сенинг илму фузул аро шуҳратинг, Устоди Соний номинг ғалатми? Сен бу офатнинг қаёқдан келганини, нима эканини билмайсанми? — деди шох Ал-Форобийга. А. Мухтор, Чинор.*

ФУЗУН [ф. فزون — «афзун» с. нинг бошқача шакли] эск. кт. Ортиб, зиёда бўлиб борадиган, кўп ортик, зиёда. *Илойим, дўстларингнинг умри узун, давлатлари фузун бўлсин. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.*

ФУНДАМЕНТ [лот. fundamentum — асос, пойдевор] 1 Бирор бино девори, иншоот, дастгоҳ ва ш.к. нинг пастки, мустаҳкам қисми; пойдевор. *Уч йил илгари қурила бошлаган биноларнинг ҳали фундаменти ҳам битмабди. «Муштум».*

2 қўчма Бирор нарсанинг асоси; ишончли таянчи, базаси. *Ёшлик — фундамент. Унинг ғиштини тўғри қўйиш керак. Мирмуҳсин, Ажрим.*

ФУНДАМЕНТАЛ [лот. fundamentalis — асос (негиз) бўлувчи, асос қилиб олинувчи] 1 Асосий, бош, энг муҳим. *Фундаментал кутубхона.*

2 Чуқур текширилган, асосли, теран. *Фундаментал асар. Фундаментал билимлар. Фундаментал тадқиқот.*

ФУНДАМЕНТАЛИЗМ [лот. fundamentalis — асос бўлувчи] Бирор таълимот ақидаларининг, жумладан, илоҳий китоблардаги тушунчаларнинг дастлабки, соф ҳола-

тини сақлаб қолишни астойдил ҳимоя қиладиган, уларни бошқа (мажозий) маънода талқин этишни рад этадиган ижтимоий, мавкуравий, диний йўналиш. **Фундаментализм** диндор мусулмонларнинг давлатга бўлган ишончини йўққа чиқаришга уринади. Газетадан.

ФУНДАМЕНТАЛИСТ Фундаментализм тарафдори; фундаментализм ғоялари учун курашувчи.

ФУНКЦИОНАЛ 1 Функцияга оид; вазифага алоқадор; вазифавий. **Функционал** боғланиш. **Функционал таҳлил**. Тилнинг функционал доираси. **Функционал услублар**. ■ Ҳар бир функционал услуб ижтимоий фаолиятнинг маълум соҳаларидан бирига хизмат қилади. «ЎТА».

2 Бирор нарсанинг тузилишига эмас, балки фаолиятига, хизматига, вазифасига боғлиқ бўлган. **Меҳнатнинг функционал тақсимоти**. **Юракнинг функционал касаллиги**.

ФУНКЦИЯ [лот. functio — ижро этиш, бажариш] **1 мат.** Эркин ўзгарувчи миқдор (аргумент)нинг ўзгаришига қараб ўзгариб турадиган, боғлиқ (тобе) ўзгарувчан миқдор. **Утқир бурчакнинг тригонометрик функциялари**. **Функциялар назарияси**. ■ **Битта** функциянинг ўзи турли хил формулалар билан ифодаланиши ҳам мумкин. «ЎЗМЭ».

2 биол. Бирор аъзо ёки организмнинг ишлаб туриши, фаолияти. **Юракнинг функцияси**. ■ **Одам ўз организмнинг тузилиши ва функциялари туғрисидаги билимларга эга бўлиши муҳим**. «Одам анатомияси ва физиологияси».

3 кўчма Бирор ижтимоий ташкилот, кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси; вазифаси. **Бу ишни бажариш менинг функциямга кирмайди**. ■ **Она образининг бошқа бир ғоявий-эстетик функциясини ҳам унутмаслик керак**. У. Норматов, Талант тарбияси.

ФУНТ [нем. Pfund < лот. pondus — вазн, оғирлик; тарозӣ тоши] **1** Инглиз ўлчов тизимида асосий масса бирлиги: савдода 0,4536 кг га, дорихонада 0,3732 кг га тенг; рус ўлчов тизимида масса бирлиги: савдода 0,49951241 кг га, дорихонада 0,3073 кг га тенг бўлган.

2 Ирландия, Кипр, Ливан, Миср, Сурия каби бир қатор мамлакатларда асосий пул бирлиги.

Фунт стерлинг [ингл. pound sterling] Буюк Британиянинг асосий пул бирлиги.

ФУНУН [а. فنون — «фан» с. нинг кўпл.] эск. кт. **Фанлар**, илмлар. Улум, фунуннинг қадр-қийматини билган ота.. **ғўзал тарбия, ҳусн-ахлоқ берган**. Ойбек, Навоий. **Ёқа ушлаб қолди бутун Шарқ, Таъзим этди жаҳон фунуни**. М. Али, Боқий дунё.

ФУРАЖКА [фр. fourrage — ем-хашак тайёрловчининг бош кийими < feutre — сомон] Эркакларнинг гардишли ва қисқа соябон (козирёк)ли бош кийими. **Қурбон ота фуражкасини тўғрилаб, йиғитларча кийғир қараш қилди**. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. **Лейтенант ҳам бошига фуражкасини кийди-да, Йиғиталининг орқасидан юрди**. Д. Нурий, Осмон устуни.

ФУРГОН [ф. fourgon] **1 эск.** Думалоқ соябонли, от қўшиладиган арава.

2 Юк ва йўловчи ташиш автотранспортининг усти ёпиқ кузови. **Кечга яқин идоранинг қизил фургон «Москвич»ида уйига қайтди**. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ФУРСАТ [а. فرصت — мақбул, қулай вақт; имконият; ишдаги узилиш, таътил] Бирор ишни бажариш учун энг қулай вақт, пайт. **Фурсат пойламоқ**. **Фурсат келди**. **Фурсатдан фойдаланмоқ**. ■ **Ҳасратлашишга жуда қулай фурсат туғилди**. **Кимнинг дарди йўқ дейсиз!** И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Фурсат — олтин, сен кўкрак кериб, Олтинингни сочиб юрибсан**. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

Фурсатни бой (ёки қўлдан) бермоқ Қулай вақт, пайтдан фойдаланмай, уни беркорга, бемақсад ўтказмоқ. **Ҳозир.. ўйланиб ўтириш, фурсатни бой бериш пайти эмас**. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ҳофиз фурсатни қўлдан бермай, сафар анжомларини тайёрлаб, икки навқар билан йўлга чиқди**. М. Осим, Зулмат ичра нур. **Фурсатни қочирмоқ айн. фурсатни бой бермоқ**. **Зухра чиндан ҳам мени таниган!** **Фурсатни қочирмасдан, чорасини кўриш керак!** Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ФУРУШ [ф. فروش — сотувчи; сотиш, пуллаш] **1** **Фуруш қилмоқ кам қўл**. Сотмоқ, пулламоқ. **Ҳаш-паш дегунча моллар белгиланган нархда харидорларга фуруш қилиб ташланди**. «Муштум».

ФУРУШАНДА [ф. فروشنده — сотувчи, савдо қилувчи] **кам қўл**. Сотувчи, чайқовчи. **Фурушандалар ўз молларини мақтаб, харидор чорларди**. Н. Сафаров, Наврўз.

ФУРФУРОЛ [ингл. *furfuro* < лат. *furfur* – кепак, қипиқ + *ol(eum)* – ёғ, мой] ким. Ёғоч қириндилари, маккажўхори сўтаси, кунгабоқар пўчоғи ва ш.к. лардан олинadиган, жавдари нон ҳиди келадиган оч сарик рангли суюқлик; органик бирикма (кимё ва нефть саноатида ишлатилади). Эндикда.. суюқлик шаклидаги *фурфурол пахта чигити ва чигит тўфонидан* олинади. Ш. Тоҳиров, Янгилик яратувчилар.

ФУРҚАТ [а. *فرقت* – айрилиш, жудолик; тафовут, айрма; ихтилоф] 1 эск. кт. Ўзига азиз, севимли бўлган кимса, ватан ёки нарсадан узоқда яшаш; айрилиқ; ҳижрон. *Фурқат аро ташлаб мени, эй шўхи дилдор, ўртама*. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Фурқат (эркаклар исми).

ФУСАҲО [а. *فحاء* – «фасиҳ» с. нинг кўпи] эск. кт. Гапга чечан, чиройли ва мазмунли гапирadиган кишилар, сўз усталари. *Бу ғазалларни ўқиб, форс фусаҳолари ва ўзимизнинг форсипарастларимиз не деб оғиз очишга жасорат қила олурлар?* Ойбек, Навоий.

ФУСУН [ф. *فسون* – «афсун» с. нинг бошқача шакли] 1 эск. кт. Киши ёки нарсани ўзига жалб ва мафтун этувчи куч; жозиба, чирой. *Узун кўйлаги яшириб турган қаддиқомати, кўзлардаги фусуну лаблардаги латофат* ногаҳоний ҳасрат ниқобиға ўралди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Сеҳр, жоду; макр, ҳийла. *Зоти олийни ул бухоролик жодугарнинг фусунларидан қўқариб олмоқ керак..* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ФУСУНГАР [ф. *فسونگر* – афсун қилувчи, сеҳр-жоду қилувчи] 1 Ҳийлагар, жодугар, алдоқчи, кўзбўямачи. *Мени порсо одамлар фусунгарга чиқаришган*. М. Қориев, Ибн Сино.

2 Ўзига жалб этувчи, мафтун қилувчи. *Адабиёт олами мен учун алақандай фусунгар, улўғвор, ҳатто илоҳий бир оламға ўхшайди*. Газетадан.

ФУСУНКОР [ф. *فسونكار* – афсун қилувчи; сеҳрловчи] Ўзига тортадиган, мафтун этадиган; жуда гўзал, ўта жозибали. *Қиз ҳақиқатан гўзал экан. Ёниб турган фусункор кўзлари унинг юрагини қитиқлади*. Мирмуҳсин, Қизил дурралар. *Ҳовлини Хоразм мақомларининг фусункор, мунгли наволари тўлдирди*. С. Сиёев, Аваз. *Дилшод оҳу кўзларда-*

ги шўх ўтми.. нафис лаблардаги фусункор табассумни кўриб, беҳуд турар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ФУСУНКОРЛИК Кўркамлик, мафтункорлик; ўзига тортувчи ҳолат. *Баҳорнинг фусункорлигини ўз кўзинг билан кўрсанг.. қисқаси, бутун жисминг билан баҳорни эмсанг — унда бошқача бўлади*. О. Ҳусанов, Най.

ФУТБОЛ [ингл. *football* < *foot* – оёқ + *ball* – тўп] Ҳар бири ўн бир кишидан иборат иккита команданинг бир-бирининг дарвозасига оёқ, бош, елка (қўлдан ташқари) зарби билан кўпроқ тўп киритишга асосланган спорт ўйини. *Футбол тўпи*. *Футбол командаси*. *Футбол ўйнамоқ*. ■ *Мол боқишга чиққан болалар эндигина майсалар кўз очган майдонда бақариб-чақариб футбол ўйнашарди*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ФУТБОЛКА «футбол» с. дан] Трикотаждан тикилган, енг калта спорт кўйлаги.

ФУТБОЛЧИ Футбол ўйновчи. *Футболчиларимиз саралаш ўйинларини кўтаринки руҳда ўтказмоқдалар*. Газетадан.

ФУТУВВАТ [а. *فتوت* – ёшлик, ўспиринлик; мардлик, ботирлик] Кўли очиклик, саҳийлик, саховатлилиқ. *Паҳлавон Маҳмуд футувват — жавонмардлик ҳаракатининг ташкилотчисигина эмас, унинг маънавий раҳнамоси эди*. Газетадан.

ФУТУР [а. *فتور* – бўшашиш, ожизланиш; ҳолсизлик] Зарар, зиён, шикаст. *Серёмғир, рутубатли Мозандарон Ибн Синонинг сиҳатиға футур етказган эди*. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Футур кетмоқ Заифлашмоқ, кучсизлашиб қолмоқ, аввалги мавқеини йўқотмоқ. *Соғлигимнинг футури кетди*. ■ -У замонларда хунардан футур кетган эди, — деди Йўлдошев. «Шарқ юлдузи». *Сўнгра, сотиб ейишдан бошқани билмаган бойваччанинг шу вақтларда анча футури кетган эди*. Ойбек, Танланган асарлар.

ФУТУРИЗМ [лат. *futurum* – келажак] 20-аср бошларида Европа адабиёти ва санъатида пайдо бўлган, адабиёт ва санъатдаги бadiий ва маънавий мерос анъаналарини инкор этиб, анъанавий маданият билан алоқани узишни, замонавий урбанистик маданиятни тарғиб қилган авангардлик оқимларидан бири.

ФУТУРИСТ Футуризм ғоялари тарафдори.

ФУТУРИСТИК Футуризм ғоялари билан суғорилган, футуризмга асосланган. *Футуристтик роман. Футуристтик оқим.*

ФУТУРОЛОГИЯ [лот. futurum — келажак + юн. logos — билим, тушунча] Инсониятнинг ва жамият ҳаёти айрим соҳаларининг келажак ҳолатини башорат ва тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи илмий соҳа.

ФУФАЙКА [итал. fofa — иссиқ кўйлак] 1 Пахта солиб қавилган, олди тутмалаб кўйиладиган калта кийим, куртка. *Очил эса ёқаси ва енгларига кўнғир клеёнкадан жияк кўйиб тикилган эски пахталик фуфайкада.. эди. П. Қодиров, Уч илдиз. Сувонжон худди шу харсангнинг тагида бошини фуфайкага буркаб, ғужанак бўлиб ётарди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Иссиқ тутувчи трикотаж ёки жундан тўқилган калта уст кўйлак. [Абдусамад:] *Иссиқ сақланг. Москвадан жун фуфайка олиб келинг.. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ФУҚАРО [а. فقاء — «фақир» с. нинг кўпл.] 1 Бирор мамлакатнинг доимий (муайян юридик ҳуқуқларга эга бўлган) аҳолиси, граждандар. *Ўзбекистон фуқароси. Россия фуқароси. Англия фуқароси. ■ Қай подшонинг фуқароси бўласан? «Юсуф ва Аҳмад». Аслини олганда, томошабинларнинг аксарияти амирдан қочиб ўтган Бухоро фуқаролари эди. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Умуман, оддий халқ, омма. *Келган маҳсулотнинг нархи эса оддий фуқаро ҳамёнини чақади. «Газетадан». Мен подшолар учун эмас, Хуросон фуқароси учун мадраса сояпман. Мирмуҳсин, Меъмор.*

3 этн. Оддий, қашшоқ қора халқ вакили; зид. **хўжа** 3. *Фуқаро бош эгиб кирадиган қийишқ эшик, гувала деворини эплаб олса ҳам катта гап. Мирмуҳсин, Умид.*

ФУҚАРОЛИК Фуқаро (граждан) эканлик; фуқароларга оидлик; фуқаронинг

ҳуқуқий ҳолати. *Фуқаролик кодекси. Фуқаролик йиғини. ■ Бу ҳар иккала чиқиш унинг улкан фуқаролик, ёзувчилик ва олимлик жасоратидир. Газетадан. Биз фуқаролик жамиятини қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Газетадан.*

ФУҚАРОПАРВАР [а. + ф. فقراپور — фуқаросевар, халқпарвар] Оддий халқнинг ҳақ-ҳуқуқини, талаб-эҳтиёжларини ҳимоя қилувчи, унга ҳар томонлама ёрдам беришга интилувчи ёки амалда ана шундай ёрдам бераётган. *..Иккови ҳам фуқаропарвар: ғарибни дўст кўрадиган, етимлар манга-лайини силаган, оққўнғил шаҳзодалар эди. «Ойсулу».*

ФУҚАРОПАРВАРЛИК Оддий халқ — фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш; халқпарварлик. *— Мен сизларга жаноби олийнинг фуқаропарварлик билан тўла бўлган ҳумоюн саломларини келтирдим, — деди девонбоши. С. Айний, Қўллар.*

ФЮЗЕЛЯЖ [фр. fuselage — урчук] авиа. Учувчи аппаратларда: унинг барча қисмларини бирлаштиришга ва экипаж, йўловчилар, турли жиҳоз ва юкларни жойлаштиришга хизмат қиладиган умумий танази, корпуси. *Самолётнинг фюзеляжлари ёнига иккита кучли реактив двигателъ ўрнатилган. Газетадан.*

ФЮРЕР [нем. Führer — доҳий] тар. Фашистлар Германиясида Гитлери шундай ном билан аташган. *..Бошқа ҳеч нарсани ўйлама, чунки фюрер сенинг учун ўйлайди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

ФҮТА [ф. فوتة — матодан қилинган белбоғ] Белга бир неча марта айлантириб ўраладиган узун белбоғ. *Сочини ёйиб, белига фўта ўраб олган Ойтуман юзларини тирнай-тирнай садр тушарди. Э. Аъзамов, Олам ям-яшил. Унинг тилласимон ялтироқ фўтасига ойболта осилган, чап кўлида туғли узун найза бор эди. Ҳ. Шайхов, Туташ олампалар.*



ХАБАР [*а. خبر* — дарак; ахборот, маълумот; овоза; кесим (*тлш.*)] 1 Бирор кимса, нарса ёки ҳодиса ҳақидаги ахборот, дарак, билдириш. *Муҳаммад Арғуннинг хабарига кўра, душманнинг катта қўшини Рафқондан ўтиб, Конибодом сари келаётган эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Ойлар ўтди ва йиллар ўтди, Лекин сендан бўлмади хабар. Р. Парфи. Онаси, эртага барвақт боққа кўчишга тўғри келгани учун, тезроқ ётиб тинчиши кераклигини айтди. Гулнор бу хабарни жуда совуқ қарши олди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Янгилик. — *Мулла Абдишукур, — Мирзакаримбой меҳмонлардан бирига мурожаат қилди, — оламда нима хабарлар бор, гапирсангиз-чи. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Кундалик матбуот, радио ва телевидение воситасида олинган ахборот, маълумот; мақола. *Кечалари ухламай радио қарнайига қулоқ тутиб, олис фронтда бўлаётган хабарларни эшитарди. С. Аҳмад, Уфқ. Республиканинг етакчи газетасида хабар чоп этилишига ҳар қандай журналист ҳам муяссар бўлавермайди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

Ёмон (ёки **совуқ, хунук, шум, қора**) **хабар** Нохуш, кўрқинчи, даҳшатли воқеа-ҳодиса ҳақидаги маълумот, дарак. *Ёмон хабарнинг қаноти енгил бўлади. Ж. Абдуллахонов, Орият. Бу совуқ хабар халқни бир чайқатди. С. Аҳмад, Уфқ. Кеча Андижондан хунук хабар келди: Рўзихуннинг кенжасини чавақлаб кетишибди. К. Яшин, Ҳамза. У бир марта шундай шум хабарнинг дардини тортган. С. Аҳмад, Уфқ. Айниқса, дадамнинг кейинги хатларидаги қора хабар билан.. дунё кўзимга торайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Хабар бермоқ Хабардор қилмоқ; билдирмоқ. *Хизматчилар ҳожидўппи кийган бу дарвиш ҳақида бойга хабар бердилар. У. Исмоилов, Сайланма. Хабар олмоқ* Бирор кимса, нарса ёки ҳодиса ҳақидаги маълумотга ўз кўзи билан кўриб эга бўлмоқ; келиб кўрмоқ. *Нусратбек бўш вақти бўлганида, гоҳ кечаси, гоҳ кундузи бирров холасиникига келиб, ўғлидан хабар олиб кетади. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Мен нариги хоналардан бир хабар олай, шогирдлар нима қилаётган экан, кўздан кечириб қўяй. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. Хабар топмоқ* Муайян воқеа-ҳодиса ҳақидаги ахборотни эшитмоқ, билиб олмоқ. *Умар полвон бундан хабар топиб, отасидан қолган бир парча ерларини сотиб бўлса ҳам, укасини Тозагулга уйлантирмоқчи эди. К. Яшин, Ҳамза. Бу воқеадан хабар топган ойиси уни [Хуршидни] қаттиқ жеркиганича.. бўш стулга ўтқазарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Хабарни бор* 1) хабардор, воқиф. *Завқийнинг ҳам кейинги пайтларда табибнинг оиласи четга суриб қўйилганидан хабари бор эди. К. Яшин, Ҳамза; 2) бирор иш ёки ҳунарни биладиган. Тикувчиликдан хабари бор қиз. Хабарни йўқ* Бирор нарса ҳақидаги маълумотни билмайдиган; беҳабар. *Дилдорнинг бу гандан хабари йўқ. С. Аҳмад, Уфқ. — Ботир ака, ўлимдан хабарим бор, бу гандан хабарим йўқ, — деди қизариб Низомиддинов. С. Аҳмад, Ҳукм. Ҳолидан хабар олмоқ* Бемор, кекса, ёрдамга муҳтож кимсаларни бориб кўрмоқ; ёрдам бермоқ. *Ўзи эмасми, онамнинг ҳолидан хабар олиб туринг, сизга ишонаман, деб илтимос қилган.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Дадамга та-*

ҳорат суви берадиган, эрта-кеч ҳолидан хабар оладиган бир муъмин-маъқул заифа топилса, яхши бўларди. Ойбек, Танланган асарлар.

ХАБАРДОР [а. + ф. خبردار — маълум хабарга эга, биладиган, хабар берилган] 1 Хабар бори, ахборотга эга. Унинг [Мусанинг] назарида, гўё Зиёдбек ҳамма гаплардан хабардор. Н. Фозилов, Дийдор.

Хабардор бўлмоқ 1) воқиф бўлмоқ, хабар топмоқ, эшитмоқ; билмоқ. *Шов-шув кўтарма! Даданг хабардор бўлиб қолса, яхши бўлмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мулла Фазлидиннинг юраги така-пука бўлиб кетди. Наҳотки бу бек нўлат сандиқдаги суратдан хабардор бўлса?!* П. Қодиоров, Юлдузли тунлар; 2) кузатиб турмоқ, назорат қилмоқ. *Олияхоннинг ота-онаси.. қизларидан хабардор бўлиб туриш учун уларни ўз уйларига кўчириб келдилар.* «Муштум». **Хабардор қилмоқ** Маълум қилмоқ, билдирмоқ. *Охири уйлаб-уйлаб, бу гаплардан сизни хабардор қилишга аҳд қилдим.* С. Аҳмад. Уфқ. *Бошиққа телефон қилишдан мақсад маслаҳат сўраш эмас, балки чархпалак уйинининг бошланганидан хабардор қилиш.* «Ёшлик».

2 сф. Бирор соҳа бўйича муайян маълумотга эга, шу соҳани биладиган; омилкор. *Кафилик берсам-бермасам, дипломатия ишларидан хабардор бошқа одамимиз йўқ.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Бу қиз [Хонзода] меъморлик санъатидан ҳам хабардор экан..* П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.

ХАБАРКАШ [а. + ф. خبرکش — хабар, гап ташувчи] шв. Чақимчи. *Ашурунинг: «Мен хабаркаш эмас!» деб илтижоли, қўрқув тўла боқишидан Изатулла ака: «Сиз хабаркаш экансиз!» деган маънони ўқирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ХАБАРКАШЛИК шв. Чақимчилик. — *Айтсам, хабаркашлик бўларди-да, домлажон, — деди Чоршанбиев дув қизариб.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХАБАРЛАМОҚ Хабар қилмоқ, маълум қилмоқ, дарак бермоқ; жар солмоқ. *Чол ношлож эртага тушдан кейин ҳаммани тўйга хабарлаб келди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Бугун соат ўн иккида Отабек ила Мирзакарим қутидорнинг исёنчилик гуноҳи билан дорга осилишларини жарчи шаҳарга хабарлаб юрар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХАБАРНОМА [хабар + нома] Бирор нарса, воқеа ҳақида хабар берувчи ҳужжат; чақирув қоғози. *У бугун кеч соат тўққизда.. Наманган билан гаплашиши керак эди, чунтагидаги хабарномада ким чақираётгани айтилмаган бўлса ҳам, ойиси эканини биларди.* П. Қодиоров, Уч илдиш.

ХАБАРСИЗ айн. **бехабар.** *Куёвингизнинг қизиқ табиатини шундан ҳам яхши билиб олсангиз бўлардики, шу чоққача ота-оналари ҳам бу фожиадан хабарсиз эканлар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кампир бу гаплардан хабарсиз, ҳадеб овқат ейишга қистарди.* Ойдин, Ҳикоялар.

ХАБАРСИЗЛИК айн. **бехабарлик.** *Мусулмонларнинг иттифоқсизлиги, бир-бирининг ҳолидан хабарсизлиги натижасида.. бундай фожиё воқеалар рўй берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХАБАРЧИ Хабар берувчи, маълум қилувчи; жарчи. *Ҳар ёққа хабарчилар.. Чопачона кетдилар.* Ҳ. Олимжон.

ХАБИС [а. حبيب — ёмон, ярамас, разил; нопок, ифлос] эск. кт. Ёвуз; ифлос, бузуқ. *Оллоҳ.. Қурбони каримда афандимиз воситалари илан наҳйи этибдурки, 1300 сана сўнгра оверутойилар бу хабисларнинг зарарини билиб, ўзларини сақламоқдадур.* М. Бехбудий, Қасди сафар.

ХАВОТИР [а. خواطر — «хотир» с. нинг кўпл.] Бирор кимса, нарса ёки бирор иш, ҳодиса ҳақида ташвишланиш; ҳадиксираш. *Келмаганингиздан хавотирда эдим.* ■ *..бир оёғи чулоқ хомсемиз Эминхожи тегирмончи хавотирда атрофга жаланглаб турарди.* Т. Ашуров, Марварид тут. *Ҳайдар бошини кўтарди, Қозимга хавотир аралаш синчков боқди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Хавотир бўлмоқ (ёки олмоқ) қ. **хавотирга тушмоқ.** *Ишлаганларнинг ҳақини ўзимиз тўлаймиз, хавотир бўлманлар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Йигитлар ундан [Иномжондан] хавотир олиб, анча вақтгача ухламай кутиб ўтиришди.* С. Аҳмад, Мўтти. **Хавотир қилмоқ** 1) ташвишлантирмоқ. — *Жон болам, — деди [Ҳадича хола] ҳовлининг ўртасида туриб, — хат юборгин, бизни хавотир қилма;* 2) қ. **хавотирга тушмоқ.** *Шунча одам орасида ҳар қайсиси ўзидан хавотир қилмай, бир-бирининг сирини очиб ташлаётпти.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар. **Хавотирга солмоқ** Ташвишлантирмоқ. *Уни яна бир нарса хавотирга солиб қўйган*

эди. Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин. **Хавотирга тушмоқ** Бирор кимсадан, нарсадан ташвишланмоқ, ҳадиксирамоқ. *Заргаров Зиеднинг ҳаётини билган сари, хавотирга тушар.. эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ХАВОТИРЛАНМОҚ 1 Ташвишга тушмоқ, ташвишланмоқ; *Хосият хола қизидан хавотирланиб, эшик томон боргач, кўчага тикилди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Бирор нарсадан хавфсирамоқ, чўчи-моқ, қўрқмоқ. *Темиржон хавотирланди. Қаршисидаги йигитдан кўзини узмай, ортга бир қадам тисарилди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ХАВОТИРЛИ 1 Хавфли, қўрқинчли; хатарли. *Хавотирли иш. Хавотирли тун.* ■ *Водийдаги аҳвол хавотирли эди.* Т. Малик, Қалдирғоч.

2 кўчма Ташвишли. *Уч-тўрт қадам юргандан кейин Талғат хавотирли оҳангда гапирди: -Қаранг, Гавҳар, ҳавони булут ўрапти. Одамларга жабр бўлади-да.. Пахтага ҳам.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ХАВОТИРЛИК Қўрқув, ҳадик; ташвиш, саросима. *-Нима гап, қуда? - Очил бува ўрнидан туриб, Анзиратга хавотирлик билан қаради.* А. Мухтор, Чинор. *Қорақўз бегимнинг катта-катта кўзлари хавотирлик туйғусидан яна ҳам улканлашиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХАВОТИРОНА [а. + ф. *خوارانه* - хавотир билан] рвш. Хавотирланиб, хавфсираб, қўрқа-писа. *У бир кўзини қия очиб, атрофга хавотирона назар ташлади.* Ф. Мусаёнов, Чиқинди.

ХАВОТИРСИЗ Хавфсиз, хатарсиз, тинч. *Бу ер анча хавотирсиз эди. Хавотирсиз яшамок.*

ХАВФ [а. *خوف* - қўрқинч, қўрқиш, ваҳима, ҳадиксираш] 1 Бирор хатарли ҳодиса ёки фалокат содир бўлиши эҳтимоллиги, хатар. *Бу воқеадан хабар топган Султон Али мирзо ўлим хавфи ўзига ҳам яқинлашиб келётганини сизди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Шошиш керакмас, чунки бу йил тошқин хавфи йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Хавотирланиш, хавфсираш; хавотир, ташвиш. *Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интиҳосидан, Мени ҳам этмаса мажнун*

дебон Рағнони(нг) савдоси. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Хавф остида Бирор нарса ёки кимсанинг ҳаёти, мавжудлиги бўлажак фалокат туфайли маҳв бўлиш, йўқ бўлиш эҳтимоли юзага келган ҳолат. *Ватанимиз хавф остида турган кунлар.. Қорасувга бориб, тўй-томоша қилиб беришга фурсат йўқ эди.* О. Ёкубов, Излайман. [Абу Юсуф:] *Мирзо ҳазратлари, салтанатимиз хавф остида!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *-Йўқ, бугун йўлга чиқасан, - деб қолди қутилмаганда қалтоқчам, - севгилининг ҳаёти хавф остида.* Х. Тўхтабоев, Шириш қовунлар мамлакат.

ХАВФЛАНМОҚ Бирор нарсадан хавфга тушмоқ, қўрқмоқ, хавотирланмоқ. [Нури] *Вақтнинг тизғилигидан хавфланиб, дарров ўз дардини очди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юртда катта қўзғолон, отиш-тутиш бўлганини эшитган Унсин акасидан хавфланиб, кечга яқин.. Тахтапўлга келган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХАВФЛИ Хавф пайдо қиладиган, хатарли, қўрқинчли. [Ҳорунбек:] *Сиз салтанат учун хавфли одам сифатида жўнатиляпсиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У тажрибасига суянган ҳолда бир нарсага амин бўлади: жамият учун жиноятчидан кўра лоқайд одам хавфли!* «Ёшлик». Бухорога энг яқин йўл шу бўлгани билан, у *юятда хавфли эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ХАВФНОК [а. + ф. *خوفناک* - қўрқинчли, ваҳимали, хавфли, зарарли] эск. кт. Қўрқинчли, хатарли. *Хобимда бир хавфнок туш кўрдим, Кимни кўрсам, таъбир сўрайман.* Чустий.

ХАВФСИЗ Хавф туғдирмайдиган; хатарсиз. *Мен сенга айтсам, Умнат, ўғлинг хавфсиз жойда.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХАВФСИЗЛИК Хавф-хатарнинг йўқлиги; хавф бўлмаган ҳолат. *Хавфсизликнинг таъминланиши.*

Хавфсизлик техникаси Ишлаб чиқаришдаги жараёнларда вужудга келадиган хавфли омилларнинг олдини олишга доир ташкилий ва техник чора-тадбирлар мажмуи. *Дар бир корхонада хавфсизлик техникаси учун маъмурият жавобгар ҳисобланади.* «ЎЗМЭ».

ХАВФСИНМОҚ айн. **хавфсирамоқ.** *Малика шоҳдан ҳадик олиб, хавфсиниб юрар эди.* «Баҳром ва Гуландом».

ХАВФСИРАМОҚ Бирор кўнгилисиз ҳодиса юз бериши эҳтимоллигидан ташвиш-

ланмоқ, чўчимоқ, кўрқмоқ. Қиз хавфсираб.. мени безори ёки йўлтўсар деб ўйладими, қадамини хиёл тезлатгандек бўлди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакат. Зағча-кўз хавфсираб, орқасига қаради. П. Турсун, Ўқитувчи.

ХАВФСИРАНМОҚ айн. хавфсирамоқ. Улар хавфсираниб.. юрадилар. Ойбек, Навоий.

ХАВФ-ХАТАР [хавф + хатар] Зиён-заҳмат етказадиган таҳликали вазият. [Қосимбек:] Иншоолло, Самарқандни бу йил забт этсак, хавф-хатарлар бартараф бўлғай. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХАЁЛ [ا. خیال — ўйлаш, тасаввур қилиш; орзу, ғаройиб истак; арвоҳ] 1 Ўйлаш, фикрлаш жараёни; ўй, фикр. Ҳар каллада минг хаёл. Мақол. ■ [Ибн Яминнинг] Хаёлида кўрқинчли фикрлар айланарди. К. Яшин, Ҳамза. Ёш шоир дўстларимга тинчимас хаёл, илҳом завқлари.. тилайман. Газетадан.

2 Тасаввур. Гулнорнинг кўзлари, юзи ёлғиз Йўлчининг хаёлларидагина кулади, жилваланади. Ойбек, Танланган асарлар. [Бобурнинг] Хаста хаёлида бирдан қилич тутган Танбал гавдаланди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Орзу, фантазия. Истиқболнинг ширин хаёлларига кўмилган ҳолда маҳдум аср намози учун таҳорат олар эди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлаганларим, ошиққанларим ширин бир хаёл эмиш! А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

4 Эс, хотира. Ўшанда бу қиз унинг [Ёдгорнинг] назарида фариштадек жонланган, хаёлида алланечук муқаддас бир из қолдирган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Хаёлим мени узоқ ўтмишга олиб кетади. Газетадан.

..деган хаёлда ёки ..деган хаёл билан 1) фикран муайян хулосага келиб; шундай деб ўйлаб. Бироздан кейин балкон эшиги ғийқиллаб очилиб, ёпилди. У Тамила опа, Зокиржонми, деган хаёлда қайрилиб қарамади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Сидиқжон уни [болани] албатта бир нима чақди, деган хаёлда тура солиб югурди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) бирор мақсадда. У [чол], уйимнинг бузилишини кўрмай, деган хаёлда орқасини ўгиргач.. ўт ёқа бошлади. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Пуч хаёл Амалга ошмайдиган, хом хаёл. Аммо олий мактаб

орзуси мен учун ёлғиз пуч хаёл бўлса ҳам, ундан воз кеча олмадим. Ойбек, Нур қилириб. Хаёл олиб кетмоқ (ёки қочмоқ) қ. хаёлга ботмоқ. Саодатхонни яна хаёл олиб кетди. С. Зуннунова, Янги директор. Хаёл сурмоқ Ўйламоқ, фикрламоқ. Пастаккина айвон ёнида ўрта ёшлардаги бир одам.. хаёл суриб тикка турибди. С. Зуннунова, Олов. Хаёл қилмоқ 1) ўйламоқ. Мадраса қурилишида бир ишқалик чиқмадимикин, деб хаёл қилди у [Қавом]. Мирмуҳсин, Меъмор; 2) орзу қилмоқ. У [Йўлчи] дам ўйлаб, хафа бўлади, дам анча пул юбориб, онасини севинтиришни хаёл қилади. Ойбек, Танланган асарлар; 3) тасаввур қилмоқ. Рафқон ва Шўрсув даштида душман билан тўқнашувни хаёл қилиб, [Аҳмад мирзо] Рафқон текислигига боргоҳ кўрди. Мирмуҳсин, Меъмор. Хаёлга ботмоқ (ёки толмоқ, чўмоқ) Узоқ вақт чуқур ўйланиш ҳолатида бўлмоқ. Думалоқ стол ортида бир одам хаёлга чўмиб ўтирибди. ■ Расулжон ҳозиргина ўқиб бўлган хатнинг бир четидан ушлаганича, хаёлга ботган эди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. [Авазнинг] Тушидаги ишоралар уни хаёлга толдирган эди. С. Сиёев, Ёруғлик. Хаёлга келмоқ Эсга, хотирага тушмоқ, хотирада тикланмоқ. Хаёлига келган ҳамма нарсани Гавҳарга бир-бир айтиб берди. П. Қодиров, Уч илдиш. Қўндан бери хаёлимга келмаган нарсаларни эсимга солиб қўйгани учунми, у билан баҳслагани сўз топмай қолдим. И. Раҳим, Ҳилола. Хаёл(и)-га (ҳам) келтирмаслик 1) тасаввур қила олмаслик. ..рад жавоби олиш қанчалик оғир эканини сен хаёлингга ҳам келтирмайсан. Х. Султонов, Онамнинг юрти; 2) бирор нарсани мақсад қилиб қўймаган, у ҳақда ўйлаб кўрмаган. Мирзакаримбой ерга ўч одам эди. ..Хатто ер сотишни хаёлига келтирмаган одамларнинг ерларини.. ўзиникига қўйиш учун ҳеч нимадан тоймас.. эди. Ойбек, Танланган асарлар; 3) кутмаган, олдиндан билмаган. Доктор, Ҳамзани бу ерда учратишни хаёлига ҳам келтирмаганди. К. Яшин, Ҳамза. Хаёлдан кетмаслик Бот-бот ёки доимо хаёлда гавдаланмоқ. Аммо тушлик пайтагача Иблис хаёлимдан нари кетмади. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакат. Авазнинг хаёлидан бир-бирдан машбуъ, юракни тилка-пора қилувчи манзаралар кетмай қолди. С. Сиёев, Ёруғлик. Хаёл(и)дан кетмоқ (ёки ўтмоқ) Маълум бир муддат бирор нарса

тўғрисида ўйламоқ, фикрламоқ. *Шу билан бирга унинг хаёлидан галати фикрлар ҳам кечиб турди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳар иккаласи ҳам.. ҳар бир икир-чикирни хаёлидан кечириб.. бирон нарсани топишга уринар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари. Негадир [Чароснинг] хаёлидан «Дилшод айтган» деган фикр лип этиб ўтди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Хаёл(н)дан кўтарилмоқ Эсидан чиқмоқ. Китобни кутубхонага топишириш хаёлимдан кўтарилибди. Хаёли жойида эмас Рухан безовта, ўй-фикри тарқоқ. Болам боёқиш нотинчроқ бўлиб қолди. Хаёли ҳам жойида эмас. Мирмуҳсин, Меъмор. Чодир хаёл эск. Қўғирчоқ театри. Ҳар хил хаёлга бормоқ 1) шубҳаланмоқ, ёмон фикрга бормоқ. [Нигорани] Шу қадар кўргиси келадики!.. Бироқ кеч бўлиб қолди. Уй эгалари ҳар хил хаёлга боришлари мумкин. С. Анорбоев, Оқсой; 2) бирор нарсадан ташвишланмоқ; хавотир олмамоқ. [Степан Соколов:] Келдингларми.. Нега шунча қолиб кетдиларингиз, ҳар хил хаёлга бориб, ҳайрон бўлиб тургандим. К. Яшин, Ҳамза.*

ХАЁЛАН [а. خيال] Хаёлда, фикран тасаввур қилган ҳолда. Саттор шундагина хаёлан ўзи билан ўзи гаплашаётганини пайқайди-ю, ҳорғин кулумсираб, қўл силтади. Ў. Усмонов, Қисмат. Баширжон шунча режани бирпасда, хаёлан тузиб чиққач, сангтарош билан қўл ташлашди. Н. Аминов, Суварак. Зулфиқор хаёлан Ҳирот кўчаларида чопиб юрди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ХАЁЛИЙ [а. خيالى] — фантастик; тасаввурдаги, фаразий **1** Хаёлда тасаввур қилинадиган, афсонавий. Зубайдаҳон хаёлий оламдан.. кундалик чин оламга улоқтирилиб, норози кўзларини чақирилмаган меҳмонга тикди. К. Яшин, Ҳамза. Гавжум ресторан ранг-баранг чироқлар ёғдусидан хаёлий нурга чулганган. Н. Қиличев, Қуюн. Бир ёнда хаёлий Эрам боғидек Буюк ва бетимсол менинг Ватаним. А. Орипов.

2 Ўйлаб чиқарилган, тўқима. Шу китобни ёзган киши ўзининг китобидаги бир талай хаёлий ва қизиқ ҳикоялар қаторига Абутанбал деган бир ялқов йигитнинг ҳикоясини ҳам тиркаган. Ғ. Фулом, Тирилган мурда.

ХАЁЛКАШ [а. + ф. خیالکش — кўп хаёл сурувчи] кт. Хаёлпараст. Икки шоир, маъжус хаёлкаш, Ўрталикда олов сиёҳдон. Р. Парфи.

ХАЁЛЛАНМОҚ Хаёлга берилмоқ; ўйланмоқ. Бекдавлат хаёлланиб, далага боқди. «Ёшлик». Оёғини судраб, яна Боғчадарвоза томон борар экан, «Шоирни замон қаерда бўлди экан-а?» деб хаёлланди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ХАЁЛОТ [а. خیالات — ўйлар, хаёллар] кт. **1** Хаёллар, ўйлар; фикрлар. Темур Малик бўлса хаёлот денгизиди жим сузарди. Мирмуҳсин, Темур Малик. Фирдавсий мисраси кўздан кечаркан, Миямни чулғайди турли хаёлот. Райратий.

2 Тасаввур, фантазия. Инсоният юксак хаёлот ва тафаккур кучи билан яратган барча маънавий-бадиий бойликлар орасида оғзаки ижод намуналари алоҳида ажралиб туради. «Фан ва турмуш». Бу ҳолни шоирнинг бадиий фантазияси ва кенг хаёлот олами бевосита баҳор таровати.. билан уйғунлашган ўринларда кўриш мумкин. «ЎТА».

ХАЁЛПАРАСТ [а. + ф. خیالپرست — хаёл суришни яхши кўрувчи] **1** Кўп хаёл сурувчи. У жуда камгап, аммо кўп китоб ўқир, ўлгудай хаёлпараст эди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Кейинчалик камтир буви неваранинг хаёлпараст, хомуш бўлиб қолганини пайқаб, жаннатга дўзахлардан камроқ гапирадиган бўлди.. Мирмуҳсин, Умид.

2 Фантазияга мойил одам. Мен шу вақтгача олимларни хаёлпараст бўлади, деб юрар эдим. Ҳ. Зоҳидий, Соғлар ва доғлар. Мурриб, хаёлпарастсан, иним, дегандек, Авазга таънаомуз разм солди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ХАЁЛПАРАСТЛИК **1** Кўп хаёл суриш одати. Баъзи болалардаги хаёлпарастлик хусусиятлари улар шахмат билан жиддий шуғуллана бошлаган даврларда кескин камайиши тажрибада синалган. Газетадан.

2 Романтикага, фантазияга берилиш. Раҳмонқулов қурилиш учун жавобгар. Хаёлпарастлик қилмасдан, амалий иш билан шуғулланиш керак. А. Мухтор, Туғилиш.

ХАЁЛПАРИШОН айн. парижон хаёл қ. парижон. Нозим хаёлпарижон ўрнидан турди, элан-қаран дафтар-китобини йиғиштириб, секин эшик томон юрди. Н. Қиличев, Чиғирик.

ХАЁЛПАРИШОНЛИК Хаёли тарқоқлик, ортиқча ўйлашлик. Вазира дугоналарининг ҳазилларига хаёлпарижонлик билан жилмайиб қўярди. С. Зуннунова, Гудак ҳиди.

ХАЁЛСИРАМОҚ с.т. Хаёл сурмоқ, хаёлга берилмоқ, ўйланмоқ. Хаёлсираб ўтирмоқ.

ХАЁЛХОНА эск. кт. 1 Мия, бош; фикрлаш. *Натижада эса унинг [ўқувчининг] мушоҳадаси автор ҳаёлхонасида юз берган ассоциация ва синтезга тушолмай, мутлақо нотўғри ёки бир томонлама хулоса билан тугаши мумкин.* «ЎТА».

2 Тасаввур, ҳаёл. *Ўз ҳаёлхонасида планни ортиғи билан бажариб қўядилар.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ХАЁЛЧАН Ҳаёлга ботган, ўйчан, ҳаёл сурган ҳолатда. *Шербек шолчанинг бир чеккасида узоқларга тикилганча, ҳаёлчан ўтирарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *У [чол] тажанг бўлмаган вақтида кўпинча боши ярим қийшайган, ҳаёлчан, хомуш юрарди.* Мирмуҳсин, Қахрамоннома.

ХАЁЛЧАНЛИК қ. **ўйчанлик**. Саодатхон теракка суянганича, ҳамон ҳаёл суриб турар, туннинг гузаллиги ва сеҳрли товушларини ҳаёлчанлик билан кузатар ва эшитар эди. С. Зуннунова, Олов.

ХАЗАНАК [ф. خزانه — кузга оид] Кузда йиғиштириб олинган ҳосилнинг қолдиғи (поли экинлари, олма, узум ва ш.к. ҳақида). *Унда-бунда ҳали кўк палак, Чирик қовун жўяк пастиди. Уч-тўрт бола излар хазанак, Таёба, шундай ёмғир остиди.* А. Шер, Қадимги куй.

Хазанак қилмоқ Кузда йиғиштириб олинган ҳосил қолдиғини қидириб топиб олмоқ.

ХАЗАРЛАР 4-асрда Шарқий Европада пайдо бўлиб, 10-асрда Дашти Қипчоқдаги туркий бижанакларга сингиб кетган, асосан, Шимолий Доғистонда ва Қуйи Волга бўйида ҳаёт кечирган туркий халқ. *Хазар тили. Хазар хоқонлиги.*

ХАЗИНА [а. خزينة — қимматбаҳо нарса, бойлик, дафина; маблағ; касса] 1 Бирор шахс, ташкилот ёки давлат ихтиёридаги қимматбаҳо буюмлар; маблағ; бойлик; давлат. *Мирзакаримбойнинг хазинаси Гулнорники.* Ойбек, Танланган асарлар. *Темур Осийнинг ҳамма қисмидан ҳадсиз-ҳисобсиз хазина йиғди, лекин уларни ҳасис одамлар каби сақламади.* «Фан ва турмуш».

2 ҳў. Ер остига кўмилган ёки бошқа усул билан яшириб қўйилган, эгасини аниқлаш қийин бўлган пул ёки қимматбаҳо буюмлар (булар топилса, давлат мулкига ўтади ва уни топган киши тегишли тартибда мукофот олади).

3 Давлат пули, қимматбаҳо нарсалари, умуман, бойлиги сақланидиган жой. [Хусайн:] *Хазинамда ҳар қанча зар, ҳар қанча ақча бўлса, юртнинг ободонлиги учун сарф этишга ваъда бераман.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

4 Олтин, кумуш каби қимматбаҳо нарсалар кўмилган, яширилган жой, дафина. *Йўл қувлаган хазинага йўлиқар, Гап қувлаган бир балога йўлиқар.* Мақол. ■ *Шербек бу нуроний чолнинг қимлигини билиб, хазина топган кишидай суюниб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 Марказлашган давлатларда уларнинг молиявий захиралари мажмуи. *Хазина билетлари.*

6 Ер ёки табиат бойликлари, табиий бойлик. *Ер — хазина, сув — олтин.* Мақол. ■ *Ўзбекистон ери — қони хазина, Халқи — олим, деҳқон камтар камина.* Ҳабибий. *Ватанимизнинг тупроғи — олтин, тоғу адирлари, чўлу саҳролари — туганмас хазина.* С. Зоҳидов, Тоғлар бош эгмоқда.

7 кўчма Маданий ва маънавий бойликлар, дурдона асарлар мажмуи. *Роман «Сароб» 20 йил давомида адабиётнинг бебаҳо хазинасидан олиб ташланди.* Газетадан. *Донлар таърифича, китоб — билим манбаи, инсоният тўплаган ҳикматлар хазинаси.* М. Жура, Ноширнома.

ХАЗИНАБОН [а + ф. خزینه بان — хазинани қўриқловчи, хазиначи] 1 кт. айн. **хазиначи** 1. [Улуғбек:] *Саркардаларга айтинг, шаҳар таланмасин! Хазинага кирилмасин, хазинабоннинг ўзи бунда [бу ерга] келсин!* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 кўчма Табиат бойлигини топиб, уни халқ иродасига бўйсундирувчи киши. *Олмалик — бағри бойликларга тўлиқ. Бу бойликнинг хазинабони ва фармонбардори оддий, содда кишиларимиздир.* Газетадан.

ХАЗИНАДОР [а. + ф. خزینه دار — хазинага эга, хазиначи] айн. **хазиначи**. Мулла Обиднинг хазинадори сифатида ақчани ўзи ушлаб, рўзғор керак-яроқларини ҳам ўзи тўғрилаб туради. А. Қодирий, Обид кетмон. *Сарой вазири ҳам.. хазинадор ҳам сизга хайрихоҳ одамлар.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ХАЗИНАХОНА [хазина + хона] айн. **хазина** 3. *Ҳамма ернинг эшиги очик, хазинахоналар ҳам очик, ичидаги яхши олма охан-жарлар йўқ.* «Маликаи айёр».

ХАЗИНАЧИ 1 тар. Ҳукмдор ва бошлиқларнинг хазинасини ва б. моддий бойликларини сақловчи, бошқарувчи шахс; хазина бошлиғи. *Хазиначилар сипоҳлар орқасидан икки отни етаклашиб, ҳудайчи ёнига етдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қорахонийлар давлатида хазиначи масъулиятли лавозимлардан бири саналиб, «ағичи» атамаси билан ифодаланган. «ЎЗМЭ».*

2 Корхона ва ташкилотларда пул сақловчи ва тарқатувчи кассир.

ХАЗИНАЧИЛИК эск. Хазиначи мансаби (қ. **хазиначи** 2). *Орадан бир йилча ўтар ўтмас, у наириёт хазиначилиги — кассирлигига кўтарилди. М. Назаров, Хазиначи.*

ХАЗОН [ф. *хзан* — куз; барг тўкилиши] 1 Кузда сарғайиб тўкиладиган барглар. *Йўл бўйидаги дов-дарахтлар остида хазонлар тўкилиб ётибди. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. Енгил шамол ўтди, хазон тўкилди. «Ёшлик».*

Хазон бўлгур! қарғ. Қуриб кетгур, ўлгур. [Ҳожи она:] Бор, юз-қўлингни ювиб чиқ, хазон бўлгур! Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Хазон бўлмоқ** 1) сарғайиб, қуриб қолмоқ. *Бу гул субҳ шабнамани ҳам кўрмай хазон бўлди. Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб; 2) кўчма азоб-уқубатда мажруҳ бўлиб қолмоқ, адо бўлмоқ, маҳв бўлмоқ. Гул эдим, хазон бўлдим, найлайин, Адо бўлмас дарда қолдим, найлайин. «Маликаи айёр»; 3) бевақт оламдан ўтмоқ; йўқ бўлмоқ. [Азизхон] Яша, полвон бола.. деб олқишлаганларга қарамас, ниятига етмай хазон бўлган Лутфинисани ўйлар эди. С. Аҳмад, Уфқ. Бевақт хазон бўлмай ҳар ким Яшаб ўтсин дунёда. А. Орипов. Назира.. юзага чиқмай хазон бўлган севги алаmidан хўрлиги келиб, тақдирни қарғарди. С. Аҳмад, Уфқ. **Хазон қилмоқ** 1) қуритмоқ, сўлитмоқ; 2) кўчма маҳв этмоқ, йўқ қилмоқ; қирмоқ. Қир томондан ногаҳонда бўри ёки қоплон чиқиб, бир талай қўй-қўзини хазон қилиб кетганини билиб қоласан. Й. Муқимов, Қизилқум паҳлавони. Ўйнаб юрган баччаларин Ҳаммасин хазон қилинг. «Гулнорпар».*

2 Зардўзликда ишлатиладиган безак тури: сўлиган барг тасвири.

ХАЗОНМАРГ [ф. *хзан марг* — хазондай ўлиш] кам қўлл. айн. **жувонмарг**. [Ҳожаир Тўлахонга:] Хазонмарг бўлгур, нима бало бўлган сенга, айтмайсанми? Ҳамза, Паранжи сирлари.

ХАЗОНРЕЗ [ф. *хзан риз* — хазон тўкувчи] Барг ва хазонларни тўкувчи. *Хазонрез куз. Тун кўркам, дилбар, Намхуш ҳаво, Ой, юлдуз, сабо. «Ёшлик». Сарғиш барг билан қопланган дарахтлар ўзидан-ўзи шитирлаб, тиниқ ҳовуз бети жимираб, узоқлардан кезган хазонрез шамолдан дарак бериб туради. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ХАЗОНРЕЗГИ [ф. *хзан риз ги* — хазон тўкилиш даври; кеч куз] айн. **хазонрезгилик**. *..чўққи ортига юмалаган қуёш қурий бошлаган кимсасиз боғларни хазонрезги палласидагидек сарғайтириб юборди. А. Мухтор, Чинор.*

ХАЗОНРЕЗГИЛИК Барг, хазон тўкиладиган давр, кеч куз. *Хазонрезгилик бошлангани учун япроқлар сарғайиб, ерга чирт-чирт тўкилмоқда. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Боғ-роғлар, далаларда ўт-ғиёҳлар, майса, япроқлар сарғайиб, хазонрезгилик бошланди. Газетадан.*

ХАЗОНРЕЗЛИК айн. **хазонрезчилик**. *— Бўлмаса, ҳозир хазонрезликда бир-икки қоп хазон тўглаб ол, — деб маслаҳат берди афанди. «Латифалар».*

ХАЗОНЧИНАК [ф. *хзан чинк* — хазон, барг тўплаш] шв. Хазанак. *Нисҳоят, олма хазончинак бўлди. О. Ёкубов, Тилла узук.*

Хазончинак пахта Ғўзапояннинг у ер-бугерида қолиб кетган, ерга тўкилган ҳосилдан йигиб-териб олинган пахта. **Хазончинак қилмоқ** айн. **хазанак қилмоқ** қ. **хазанак**.

ХАЙ с.т. айн. **хайр** 1 3. *— Хай, ишқилиб, охири бахайр бўлсин, — деди Махсум. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ХАЙИТҚОРА Кечпишар тарвуз нави. *Хайитқора Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида экилади. «ЎЗМЭ».*

ХАЙЛ [а. *خيل* — уюр, пода; отликлар; отлик аскар] кт. Гурух, тоифа. *Лола тердик даста-даста, Кеч билан қайтдик шаҳар, Йўлда бир-бир тарқатиб Эркин муҳаббат хайлига. Э. Воҳидов.*

ХАЙР 1 [а. *خير* — яхши, эзгу, соз; эзгулик, яхшилик] 1 Тиланчига, бева-бечораларга бериладиган садақа, эҳсон. *Афанди баланд айлана зинадан пастга тушгандан сўнг, хайр сўраётган гадойини кўрди. Газетадан.*

Хайр қилмоқ Муҳтож одамга садақа бермоқ *Хайр қилсанг, бутун қил. Мақол. — Кампир хайр қилайин деса, бир қисим ғалласи ҳам, бир парча нони ҳам йўқ эди. «Гулшанбоғ».*

2 Бировга қилинадиган холис ёрдам, яхшилик; саховат. Сафар олдидан хайр қилиш эзгу ишдир.

Худо хайрингизни берсин Мақсадингизга етинг, муродингиз ҳосил бўлсин. [Ғофир:] *Дуо қиламан, худо хайрингизни берсин! Болачақангизнинг орзу-ҳавасини кўринг, Ҳасан ака! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

3 мод. с. Яхши, майли, хўп; нима бўлса бўлди. *Хайр, биздан кетса-кетсин, даргоҳида қабул бўлса, бас! А. Қодирий, Кичик асарлар. Хайр десанг, ҳозир наъра тортаман, Бадбахтларни бугун қирғин этаман. «Маликаи айёр».*

ХАЙР II [а. خير — эзгулик, яхшилик] унд.с. Хайрлашганда, видолашганда айтиладиган сўз. *-Хайр, соғ бўлинг, — деди Саодат Лолахонни эшиккача узатиб. С. Зуннунова, Олов. Хайр энди.. Қалбимда бир видо қолади. Хайр энди.. Сен кетдинг, бегуноҳ оху. А. Орипов.*

ХАЙРИХОҲ [а. + ф. خيرخواه — эзгулик, яхшилик истовчи] Яхшилик тилайдиган, қўллаб-қувватлайдиган; илтифотли, тарафдор. [Қози:] *Мендан сира кўнглингизга шубҳа келтирманг. Нимага десангиз, холис хайрихоҳман. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Онахон тикка турар, ўтирганларнинг ҳаммаси ўзига хайрихоҳ эканини сезгандай бўлар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ХАЙРИХОҲЛИК Яхшилик тилаш, қўллаб-қувватлашлик. *Ахир муҳаббат ҳам, ахир дўстлик ҳам Бошланган эмасми хайрихоҳликдан? А. Орипов. Тилабувадан кейин сўзга чиққанларнинг.. яна бири ҳукумат деҳқонни яхши йўлга бошлайди, деган қаттиқ ишонч билан колхозга хайрихоҳлик кўрсатди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ХАЙРИХОҲОНА [а. + ф. خيرخواهانه — хайрихоҳларча, самимий] Хайрихоҳлик билан қилинадиган, қўллаб-қувватлайдиган. *Васвасаланишнинг ўрни йўқ, ундан сўнг ҳам сизнинг хайрихоҳона кенгашиларингизга.. муҳтожман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Таъна, дашном, танқид ва бошқа минг турли дўстона, хайрихоҳона товушларга таҳсин аралашса, қўлоққа фақат таҳсингина киради. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ХАЙРИЯ [а. خيريه — хайр-саховат, эҳсон, муҳтожларга ёрдам]: **хайрия жамияти** Моддий ёрдам уюштирувчи жамият. *Кейинги*

вақтларда бир қанча хайрия жамиятлари фаолият кўрсатмоқда. Газетадан.

ХАЙРИЯТ [а. خيريت — яхшилик, эзгулик, хайрли иш] мод. с. Гап бошида, ўртасида ёки охирида келиб, ундан англашилган мазмунга нисбатан мамнунликни ифодаловчи сўз. *Хайрият, бир шамол бўлди-ю, булутни ҳайдаб кетди. С. Аҳмад, Уфқ. Бобур кўзини очганини сезиб, Қосимбек унинг тепасига келди: -Хайрият-е!.. Амирзодам, бизни мунча кўрқитдингиз? П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ХАЙРИЯТКИ мод.с. айн. хайрият. *Тўсатдан шиша қўлидан тушиб кетди. Хайриятки, синмади. «Ёшлик». Хайриятки, машинамиз узоқ турмай юрди. «Шарқ юлдузи».*

ХАЙРИЯТЛИК Хайрли иш, яхшилик, эзгулик. *Мана, жаноблар, юмшоқликдан хайриятлик чиқмайди. Н. Сафаров, Шарқ тонги.*

ХАЙРЛАШМОҚ Ўзаро яхши истаклар тилашиб ажралишмоқ; видолашмоқ; тарк этмоқ. *Муяссар хоним арчалар қуршовидаги йўлак бошига қадар келди, сўнг яна бир бор қўл бериб хайрлашди. М. М. Дўст, Лолазор. Ана шундан кейин Тоға Азизхонни бағрига босиб хайрлашди-да, зирилламаликлар келган автобусга чикди. С. Аҳмад, Уфқ. Қопни қўлтиқлаб, ўн беш йиллик таниш кўрғон.. билангина эмас, шу куннинг ўзида туғилган қишлоқ билан ҳам хайрлашди. А. Қодирий, Кичик асарлар. Ниҳоят, оладиганим қолмагач, қирқ олти кунлик ётоғим билан унсиз хайрлашдим-у, эшикка чиқдим. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Бу дунё билан хайрлашмоқ Вафот этмоқ, ўлмоқ. *Агар йўқ десанг ё сотиб қўйсанг, бу дунё билан хайрлашавер. С. Аҳмад, Уфқ.*

ХАЙРЛАШУВ I Хайрлашмоқ фл. ҳар. н. *Хайрлашув вақти келди.*

2 Бирон жойга, сафарга кетиш, қузатиш муносабати билан уюштириладиган тадбир. *Талъат синфдош дўстларини йиғиб, уйда зиёфат қилмоқчи эди, дадаси бир сўзда туриб олди: -Мактабда хайрлашув кечаси бўлди, тамом! Зиёфат бўлса.. кейин қиласан. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ХАЙРЛИ Яхши, ижобий; хосиятли. *Хайрли шнинг кечи йўқ. Мақол. ■ Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли(к), дейдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мен бир хайрли иш қилгандек, ўзимни олийжаноб ҳис этдим.. А.*

Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Шу кеча у бир хайрли туш кўрди. «Шарқ юлдузи».*

ХАЙР-МАЪЗУР [хайр + маъзур] Яхши тилаклар билан хайрлашиш. -*Хайр-маъзур эртага бўлади, ўртоқлар. Ҳали сизлар билан кўп отамлашамиз, — деди Эломонов. М. М. Дўст, Галатега қиссалари.*

Хайр-маъзур қилмоқ Хайрлашмоқ. *Овқатдан кейин Шукуров отадан рухсат сўраб, хайр-маъзур қилди. О. Ёкубов, Диёнат. Хайр-маъзурни насия қилмоқ* Хайрлашмай кетиб қолмоқ. -*Ҳа, қочоқ! — деди у қулиб, — Хайр-маъзурни насия қилиб қочибсан-а! Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.*

ХАЙР-САДАҚА [хайр + садақа] Хайр ва садақалар, садақа, эҳсон. *Хайр-садақани ўз ошлангиздан бошланг. «Фан ва турмуш».*

ХАЙР-ХЎШ айн. **хайр-маъзур**. *Хайр-хўш овозлари тинч кўча осмонига кўтарилди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ХАЙР-ХЎШЛАШМОҚ айн. **хайрлашмоқ**. *Бирдан соатига қараб Азизов, Ярим тун деганда хайр-хўшлашди. А. Мухтор.*

ХАЙРЧИ 1 с.т. Хайр-садақа сўровчи; тиланчи, гадой. *Бир хайрчининг боласини боқиб олган эдик. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 эск. Жамоат эҳтиёжи учун хайр-эҳсон тарзида маблағ йиғувчи.

ХАЙР-ЭҲСОН [хайр + эҳсон] айн. **хайр-садақа**. *Бошга тушган мусибатларни, ўзидаги касалликларни ва қилган хайр-эҳсонини яшириш яхшилик хазиналаридандир. «Фан ва турмуш».*

ХАКАС Хакас халқига мансуб бўлган шахс. *Хакас аёл.*

ХАКАСЛАР Асосан, Россия Федерациясининг Хакасия Республикасида, Красноярск ўлкаси ва Тува Республикасининг унга қўшни туманларида яшовчи, хакас тилида сўзлашувчи туркий халқ. *Хакас халқининг бой оғзаки ижодиёти — эртақ, ривоят, афсона, қўшиқлари бор. «ЎЗМЭ».*

ХАКЕР [ингл. hacker < hack — бузмоқ; кесмоқ, қирқмоқ] 1 Компьютер дастурларини яратишга ўта ишқибоз бўлган киши.

2 Компьютер дастурлари ва қоидаларини бузувчи — ҳуқуқи бўлмагани ҳолда компьютер дастурларига ўзгартиришлар киритадиган шахс; юқори малакали программист.

3 Банк, тижорат, давлат, ҳарбий ва б. ташкилотлардаги ахборотларнинг ҳимоя

воситаларини йўқотиб, ўта қимматли маълумотларни қўлга киритиш, ўзга ҳисобрақамлардаги пулни ўзлаштириш, компьютерларга вирус юктириш каби ишларни амалга оширишга уринувчи шахс. *Сўнгги йилларда одатдаги хакерлар билан бир қаторда кибернетик террорчиларнинг хуружлари ҳам қайд этиляпти. Газетадан.*

ХАКИ [ф. *خاکی* ёки ҳинд. khaki — лой, ер ранги] 1 Жигарранг-яшилга мойил (ҳимоявий) ранг.

2 Шу рангдаги мато, газлама (асосан, ҳарбийлар учун, шунингдек, сайёҳлар, геологлар, овчилар ва турли амалий соҳа ходимлари учун кийим тикишда ишлатилади).

ХАЛА I [ф. *حله* — ички дард, касаллик] Санчиқ, қаттиқ оғриқ.

Хала бўлмоқ Санчиб оғримоқ. *Одатда, аспиринни турли кўринишдаги оғриқларда: бош оғриғи, тиш оғриғи,.. хала бўлганда ичишга одатланганмиз. Газетадан.*

ХАЛА II [ф. *حله* — ҳайвонларни ниқтаб юргизиш учун ишлатиладиган учли таёқча] айн. **халачўп**.

Хала босмоқ (ёки **урмоқ**) айн. **хала қилмоқ**. 2. Кейин эгарга ўтирдим-у, «чу, жонивор», дея эшакка хала босдим. А. Қўчимов, Ҳалқа. *Бозордан қайтаётган бир чол эшагига хала уриб, етиб келди. С. Анорбоев, Оқсой. Хала қилмоқ* 1) халачўп ясамоқ. *Ўтган-кетган йўловчи тўғри келган низоҳни синдириб, эшагига хала қилади. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда;* 2) тезроқ юргизиш учун халачўп ёки оёқ билан ниқтамоқ. *Қўзибой эшакни хала қилавериб, оёғи чарчагани.. учун пастга тушиб олди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

ХАЛАКАШ [ф. *خلكاش* — хала (билан) тортувчи] Доимо хала, ниқташ билан юрадиган (эшак, от ҳақида). -*Ишрат девона деган девона бор эди. Бир чуғури бор эди — халакаш. Хала қилса, дингиллар эди. «Равшан».*

ХАЛАЛ [a. *حلال* — бузилиш, ишдан чиқиш; шикаст; зиён, нуқсон, камчилик]: **халал бермоқ** Муайян иш-ҳаракатни амалга оширишга монелик қилмоқ; халақит бермоқ. *Биринчи соатдаги дарсда Асрор ўз майлига, ўз ҳаёлларига банди бўлиб турарди. Унга ҳеч ким халал бермади. «Ёшлик».* **Халал етмоқ** Зарар етмоқ. *Аммо таснифотимдаги имло-иншоларимга бир андаккина халал етганлигини кўрдим.. А. Қодирий, Кичик асарлар. Бу ишларни қишлоқ хўжалик ишларига*

заррача бўлса ҳам халал етказмай бажаришимиз керак. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ХАЛАТ [a. خلعت — совға, инъом қилинган кийим; мукофот] 1 с.т. Ўзи ҳам, енги ҳам узун ва кенг бўлган, тугма ўрнига белбоғ қўлланадиган устки кийим (асосан, хотин-қизлар, баъзан эркаклар ҳам кияди). Қизил халат кийган қиз.

2 Шундай ёки шунга ўхшаш бичимдаги махсус (тиббиёт, савдо, кимё ва айрим техника соҳалари ходимлари киядиган) уст кийим. Оқ халат кийган доктор қиз энгашиб, беморни қараяпти. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ХАЛАТЛИ Халат кийган, халати бор. Оқ халатли киши эса гапни давом қилди. «Ёшлик». Дарвозахонада қора қутти кўтарган оқ халатли врачларга дуч келди. С. Сиёев, Отлик аёл.

ХАЛАФ [a. خلف — ворис, давомчи; ўринбосар; анча кейинги авлод] эск. кт. айн. ворис, ўринбосар. Муқимий халафлари.

ХАЛАЧЎП [ф. خله چوب] Эшак, туя каби ҳайвонларни ниқтаб, тезроқ юргизиш учун ишлатиладиган учли таёқча; хала. Оқсоқол шундай деди-ю, эшакка халачўп ниқтади. С. Аҳмад, Уфқ. Мустафо эшагига халачўп босди: -Хих, жонивор, хих! М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ХАЛАҚИТ [a. حلق < حلق — ўраб олмоқ; йўлни тўсмоқ]: **халақит бермоқ** Бирор иш-ҳаракатга монелик кўрсатмоқ. Толибжон унга халақит бермаслик учун оёқ учида юриб, ичкари хонага кириб кетди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Совун ҳидли нам чойшаб баданига нохуш ботдимми ёки оёғи учида ўтирган йигитча халақит бердими — Нусратбек ғингиб, бу ёнига ағдарилди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ХАЛИЛИ(Й) бот. Узумнинг Марказий Осиёда етиштириладиган эртапишар нави. Ишқомдаги шиғил-шиғил халили узум шингиллари кўнғирланиб кўринади. «Ёшлик». Қора ёки қизил халилий Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистонда тарқалган. «ЎЗМЭ».

ХАЛИЛУЛЛОҲ [a. خليل الله — Оллоҳнинг дўсти] [X — катта] дин. Иброҳим пайғамбарнинг лақаби. Бу сўзни эшитиб шундай қаландар, Халилуллоҳ, деди, Оллоҳу акбар. «Маликаи айёр».

ХАЛИФА [a. خليفة — ўринбосар; ноиб] 1 тар. Мусулмонлар жамоаси ва мусулмон

давлатининг диний, айна бир пайтда дунёвий бошлиғи; руҳоний ҳукмдор; Муҳаммад пайғамбарнинг вориси, Аллоҳнинг ердаги ноиби ҳисобланган. Лекин [Тангриқул ҳожи] халқ орасида: «Халифаи Рум Бухорога келди, Эргаиш қўрбоши бориб, мусулмонобод йўлида ғазот қилгани халифадан фотиҳа ва юз минг сарбоз олиб келди», деб гап тарқатибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Абдишукур давом этди сўзида: -Бутун олами исломнинг халифаси Султон ҳазратлари бу урушда танҳо қолдилар. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бухоро хонлигида: шарият ақидаларининг бажарилишини текшириб турувчи мансабдор шахс. Абдурахмон сардор кейинги чойнакни бўшатгандан кейин, қайтмоқчи бўлиб, халифадан фотиҳа сўради. С. Айний, Қуллар.

ХАЛИФАЛИК 1 Ислом динининг суннийлик мазҳабида ҳокимиятнинг идора этиш тартиби. Халифаликнинг асосчиси Муҳаммад пайғамбарнинг яқин сафдоши халифа Абу-бакр (632-634) дир. Б. Аҳмедов, Тарихлан сабоқлар.

2 7-8-асрларда араб истилолари натижасида Арабистон яримороти, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Испания, Марказий Осиё ва Кавказортини ўз ичига олган давлат. Араб халифалиги. Бағдод халифалиги. ■ Араб халифалиги VIII асрнинг охиридан бошлаб майда-майда қисмларга ажралиб кета бошлади. Б. Аҳмедов, Тарихдан сабоқлар. Шундай қилиб, Аббосийлар халифалиги мўғуллар томонидан йўқ қилинди. «ЎЗМЭ».

3 Халифанинг мансаби ва унвони. Абу Бакр Сиддиқнинг халифалик даври.

ХАЛЛОҚ [a. خلاق — яратувчи, ижодкор] Аллоҳнинг сифатларидан бири; яратувчи. Халлоқ ўзига мақбул мўминга лозим кўради тахтни. Т. Малик, Қалдирғоч.

Халлоқи олам Оламни яратган, оллоҳ, худо. ..лекин ундан [Бобурдан] қайси бир гуноҳи азим содир бўлдики, халлоқи олам уни бунчалар қаҳрига олмаса?! Х. Султонов, Бобурийнома.

ХАЛО [a. خلاء — бўшлиқ, бўш, очиқ жой] с.т. Ҳожатхона. Бозор аминининг капаси олдида ўн олти-ўн етти яшар бир бола қўлида обдаста билан, унинг халодан қайтишини кутиб турмоқда эди. С. Айний, Қуллар.

ХАЛОЖОЙ [a. + ф. خلاجاي — бўш, эгалланмаган жой] с.т. Ҳожатхона.

ХАЛОЙИҚ [а. *خلاق* — Оллоҳ яратган махлуқлар, одамлар] Одамлар, халқ. Сағанага тупроқ тортилгач, бир мўйсафид ўрнидан туриб, оломондан сўради: -Марҳум қандоқ эди, халойиқ? Ҳар тарафдан бўғиқ овозлар келди: -Яхши эди раҳматлик. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Кимики бўлса инсон, бўлса одам, Халойиқнинг ғамин ейдур дамо-дам. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ХАЛОС [а. *خلاص* — қутулиш, озод бўлиш; илож, нажот]: **халос бўлмоқ** Қутулмоқ. Исфандиёр бош вазирдан халос бўлиш ҳаракатини илгарироқ бошлаган эди. С. Сиёев, Аваз. **Халос қилмоқ** (ёки **этмоқ**) 1) озод қилмоқ, қутқармоқ. Халос қилиб муродимга етказган, Меҳрибоним, жоним болам, хуш энди. «Маликаи айёр». Эй худойим, золимларга хор қилма.. Бандиликдан, раҳм қилиб, халос эт. «Тоҳир ва Зухра»; 2) кам қўл. айирмоқ, жудо қилмоқ. -Бизга хунук хабар келтирган бу жувонмарглarning хом каллаларини таналаридан халос қил! — деди Мардонбек Шерматга. С. Азимов, Биринчи фасл.

ХАЛОСКОР [а. + ф. *خلاصكار* — халос қилувчи] Халос этувчи, озод қилувчи, қутқарувчи. Юрт бошига иш тушганда, халоскорларнинг олдинги сафида бўлганимдан *қорхланаман*. «Ёшлик».

ХАЛОСКОРЛИК Халоскор эканлик; халоскор иши; халос қилиш. Не-не бекларнинг қўлидан келмаган халоскорлик сендек бечораҳол йигитнинг қўлидан келгани аломат бўлди-да! П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХАЛОХОНА [а. + ф. *خلاخانه* — бўш, холи жой, хона] айн. **ҳожатхона**.

ХАЛТА 1 Кичкина қоп, қопчиқ. Болалар ёпишавергач, [кампир] халтани очишга мажбур бўлди. Ойбек, Танланган асарлар. Аламан халтани шолчага қўйиши биланоқ, қизча унга талтиниб, қўлини чўзди. А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

2 Озиш туфайли одам ёки ҳайвон бада-нида, кўпинча юзида салқиб, осилиб қолган тери. -Кўнгил ўлсин, илойим. Жагида жағ қолмай, лунжи халта бўп кетса ҳам, йигитман дейди, — деди кампир А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. Бузоқча.. сигирнинг халта бўлиб қолган елинини туртиб-туртиб, шиддат билан эма кетди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 зоол. Баъзи ҳайвонларнинг қорни остида бўладиган, ёш боласини солиб кўтариб юришга мосланган халтасимон тери қатлами. Халталиларнинг урғочиси туғилган боласини анча вақт қорнидаги халтасида олиб юради. «Зоология».

4 Кийимнинг осилиб, салқи бўлиб турган жойи. Қурбон ака яна Мамажонга ўгирилди: нимпар кўк кителининг этакларини қорни туртиб турибди, ёқа тугмалари очик. Шимининг тиззалари халта бўлиб турибди. С. Нуров, Нарвон.

Халта кўйлак Ёқаси кўндаланг очилган, елкадан боғичлаб кўйиладиган, одатда, муллалар киядиган кўйлак. Мамат, халта кўйлак этагидан тиззаларини зўрға чиқариб, ўрнидан турди. «Ёшлик». **Халта палов қ. палов**.

ХАЛТА-ХУЛТА Ҳар хил халталар. [Салимбойвачча] Аттормик растасида энг қоронги, энг кичкина бир дўконда минглarchа халта-хулталардаги шубҳали дори-дармон ва ҳар нав заҳар-заққум орасида ўтирган.. эди. Ойбек, Танланган асарлар. Тўрға йиғилган халта-хулталарнинг сояси чойшабда пайдо бўлди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ХАЛТАЧА 1 Кичик халта. [Тошкентлик мардикор] Иштонининг липтасига қистирилган кир бўз халтачани — ҳамённи олиб, танга, чақа аралаш бир сўмни санаб тўкди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. халта 2. Чолнинг ранглари сарғайиб, кўзларининг остида халтача пайдо бўлган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ХАЛТУРА [р. халтура — марҳумни хотирлаш; дафн маросими < лот. chartularium — арвоҳларга дуо қилинаётганда, руҳоний ўқийдиган хотирлаш рўйхати] Тартибсиз равишда, юзаки қилинадиган хом иш. Мана, кўрдингизми, адабиётимиз ичида ҳам конфликт бор: маҳорату талант ва халтура тўқнашуви келиб чиқади. «ЎТА».

ХАЛТУРАЧИ Тартибсиз равишда, юзаки, хом иш қилувчи киши. Халтурачиларнинг ўзларини яширадиган баҳоналар топишга имкон қолмади. «ЎТА».

ХАЛТУРАЧИЛИК Одат даражасига айланган, кенг тарқалган халтура. Шаклбозлик — халтурачиликнинг бошқача кўриниши. Газетадан.

ХАЛФА [а. *خلفه* — бир-бирининг ортидан бориш, эргашиш; ўрин алмашиш] эск.

1 Шариат қоидаларини яхши биладиган, ўқимишли одам. *Турдибой халфа ўз ҳовлисида иш бошлаган ўқитувчига катта ҳурмат билан қараганини ишора қилиб, у билан эгилиброқ кўришди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Эски мактабда ўқувчиларга бошлиқ қилиб тайинланган, мактабдор домлага қўмаклашадиган ўқувчи. *Аваз бир вақтлар мана шу мадрасада таҳсил кўрган; ҳам-хужралари то ҳануз бу ерда халфами, му-таваллига ёрдамчиси бўлиб юришарди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Ўрта асрлар устахоналарида ҳунар ўрганувчи шогирд; ҳунар-қасб ўрганувчи шогирдлар бошлиғи. *Унга, ўн беш ёшидан бошлаб, аввал шогирд, кейин халфа, сўнг мустақил уста сифатида то шу дамгача эрта-кеч букчайиб ишлашга тўғри келгани учун, унинг елкаси букур каби, ортиқча туртиб чиққан эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Халфа тушмоқ Халфа бўлиб ишламоқ (қ. халфа 3). *Отам маҳалладаги бойга халфа тушиб, бўз, алак, беқасам тўқий бошлади.* Ё. Шукuroв, Қасос.

4 фольк. Хоразм воҳасида маҳаллий оғзаки ижод намуналарини ижро этувчи аёл. *Халфалар репертуаридан асосан «Тўй муборак», «Ёр-ёр», «Ошиқ» туркумидаги.. достонлардан парчалар, Маҳтумқули ва бошқа шоирларнинг шеърлари асосидаги насихат ва рақсбон қўшиқлар ўрин олган.* «ЎЗМЭ».

ХАЛҚ [a. خلق — яратиш, ижод қилиш; яратилган жонзот ва одамлар] 1 Одамлар. *Халққа хизмат — олий ҳиммат.* Мақол. ■ *Тўйингизга йиғилибди бутун эл, Халқ келмоқда тўйга оқиб гўё сел.* Ҳ. Олимжон. *Бу хушовоз хонанда, йиғирма йилдан ошдики, халқнинг назаридан қолмай.. дилларимизни яйратиб келмоқда.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Тарихий бирликнинг турли шакллари; қабила, элат, миллат. *Ўзбек халқи Навоий, Бобур, Лутфий каби буюк донишманд шоирларнинг асарларини ўқиган.* Шукрулло, Сайланма. *Туркий халқлар йилларни 12 мучалдан ташқари, 60 йиллик даврлар билан ҳам ҳисоблашган.* «Фан ва турмуш».

3 Муайян жой аҳолиси. *Ўзбекистон халқи. Кишлоқ халқи. Шаҳар халқи.* ■ *Филиппин оролларида яшовчи халқларнинг энг севимли ноёб таоми митти балиқлардир.* К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик. *Энди*

бизнинг Тошкент халқи қипчоқларнинг жабру зулми.. остида ётиб жуда тўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Бирор жойга тўпланган одамлар; халойиқ, оломон. *Товушга қўйишда халқ бир оғиздан қўл кўтаради, орқасидан бир неча дақиқагача олқиш давом этади.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

5 Қасб, машғулот, тоифа ёки жинсни билдирувчи сўзлар билан келиб, ўша қасб, машғулот, тоифа ёки жинсга мансуб кишилар гуруҳини билдиради. *Шоир халқи.* ■ *Полвон халқи еншилган рақибини белидан олиб, кўтариб қўяди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Аёл халқи уйдан қуруқ кетмайди, Нима лозим меҳмонларга, тақсиржон.* «Гулнорпар».

6 Умум (аҳоли, одамлар) га алоқадорликни, умум томонидан эътироф этилганликни ифодаловчи сўз сифатида баъзи муассасалар, лавозим ва унвонлар номлари таркибида қўлланади. *Халқ маорифи. Халқ таълими. Халқ суди. Халқ депутати. Ўзбекистон халқ шоири. Ўзбекистон халқ артисти.*

Ерли халқ Муайян жойнинг туб аҳолиси, маҳаллий халқ. *Чор ҳукумати, ерли халқ ўз эркини ҳимоя қилиб чиққанда, уларни оттирди..* Б. Аҳмедов, Тарихдан сабоқлар. **Халқ ижоди** Халқ томонидан бунёд этилган санъатга оид ҳамда адабий асарлар. *Халқ ижоди ҳар қандай ёзувчи учун катта мактабдир.*

ХАЛҚАРО 1 Халқлар ёки мамлакатлар ўртасидаги муносабатга доир. *Халқаро ташкилотлар. Халқаро аҳвол. Халқаро ҳуқуқ.* ■ *Ажиниёз оға жуда сиёсатчи чиқди: нуқул халқаро аҳволни суриштиради.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Халқларга оид, тааллуқли. *Халқаро хотин-қизлар байрами.* ■ *Халқаро Тошкент кинофестивали иштирокчилари сафи йил сайин ортиб борапти.* «Саодат».

Халқаро тиллар Турли давлатлар халқларининг алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган тиллар. **Халқаро ҳуқуқ** Халқаро мулоқотдаги давлатлар орасидаги ва бошқа субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган оммавий ҳуқуқий тамойиллар ва меъёрлар мажмуи.

3 **поэт.** Кишилар ўртасида; халқ ичида. *Бўлмасин деб, ошкора рози диллар халқаро,*

Айлабон рамзи ишора махфи(й) имлашким келур. Муқимий.

ХАЛҚОНА [а. + ф. *خلاقه* — халққа хос ва мос] Кўпчиликка, халққа хос; оддий кишилар, халқ ишлатадиган. *Халқона иборалар.* ■ Биз.. уни [Ғафур Ғуломни] оддийгина қилиб, Ғафур ака, деб атай олишимиз билан фахрланамиз. Бу халқона, самимий яқинлик сўзи.. ҳамон оғзимиздан тушмайди. А. Мухтор, Бебаҳо ҳазинамиз.

ХАЛҚПАРВАР [а. + ф. *خلقپور* — халқни тарбияловчи, севувчи] Халққа ғамхўрлик қиладиган, халқ манфаатини кўзлайдиган; халқни севадиган. *Чаман-ку! Барака топкур, бахтинг очилгур бу қиз кўп халқпарвар чиқди-да.* У. Исмоилов, Сайланма.

ХАЛҚПАРВАРЛИК Халққа ғамхўрлик қилиш.

ХАЛҚЧИЛ Халқ билан чамбарчас боғланган, халқ руҳи, маданияти ва дунёқарашига мос келадиган. *Халқчил адабиёт.* ■ Дорбозлик чинакам халқчил санъатдир. Ш. Ғуломов, Дорбоз. *Ҳамид яратган поэзиядаги жўшқинлик.. ҳаммабон ва халқчил эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ХАЛҚЧИЛИК Бирор халққа доир хусусият, хислат, фазилятлар мажмуи. *Халқчилик ғоялари.*

ХАЛҚЧИЛЛИК Халқ руҳиятига яқин бўлишлик. *Ёзувчи асарларининг халқчилиги.*

ХАМ [ф. *خم* — эгилган, букилган; эгри; эгик, букик; қат, бурма] Пастга эгилган, куйи солинган. *Мевали дарахтнинг боши хам.* Мақол. ■ Қиз бошини хам қилиб, беморлар ҳалатида унинг ортидан юрди. «Ёшлик».

Боши (ёки калласи, бўйни, гардани) хам Хижолатдан, уятдан боши куйи солинган. [Эшон:] Нимаси бор, арзимаган иш деб бошимни хам қилманг. С. Аҳмад, Ҳукм.

ХАМАК [ф. *خامک* — хом нарса (қовун)] Ҳали пишиб етилмаган, хом қовун; сапча. Бундай кезларда хазанак бўлган полздан топилаган хамак ҳам, пайкал кесагида ёриб ейдиган туйнак ҳам ширин бўлади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ХАМЕЛЕОН [лот. *chamaeleon* < юн. *chamaileon*] 1 айн. **буқаламун**. Кўпчилик хамелеонлар ўпкасида халтасимон ўсиқлари бўлади. «ЎЗМЭ».

2 кўчма с.т. Ўз манфаати йўлида ҳар қандай шароитга тез мослашадиган одам. *Хамелеон одам.*

ХАМИР [а. *خمير* — хамиртуруш солинган нон] Одатда, унни сув, ёғ, тухум ёки сутга қоришдан ҳосил бўладиган юмшоқ, чўзилувчан қоришма; яримфабрикат. *Кампир кечга яқин хамир қориб, оширгани қўйди.* С. Аҳмад. Уфқ. *Адолат хамирни ёйиб, соч толасидай ингичка, чиройли қилиб кесиб берди.* С. Зуннунова, Олов. *Хамирга солиш учун сариг.*.. маргарин, доғлаб совитилган пахта мойи, эритилган қўй ёғи ҳам тавсия қилинади. К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

Хамири ачимаган Ҳаракати сушт, имиллаган. *Оббо, хамири ачимаган-ей, туша қолмайсанми энди!?* Н. Сафаров, Курбонали. **Хамири ачимоқ** Кайфияти бузилмоқ, феъли айнимоқ. *Қараб турсам, ўртоғимнинг хамири ачиб, кайфи ланж тортиб кетяпти.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. **Хамирдан қил суғургандай** Осонлик билан, ҳеч қандай қийинчиликсиз. *Қар ҳолда, ҳамма иш хамирдан қил суғургандай, ими-жимида ҳал бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Хамир(нинг) учидан патир қ. патир** I.

ХАМИРГИР [а. + ф. *خميرگیر* — хамир қилувчи, қорувчи] Хамир қорувчи ишчи, мутахассис. *Жураларнинг бириси нон заводда хамиргир, Бириси халқ артисти, сўзлари хандон ниста.* Ғ. Ғулом.

ХАМИРСИМОН Хамирга ўхшаш, юмшоқ. *Хамирсимон масса.*

ХАМИРТУРУШ [а. + ф. *خميرترش* — хамир ачитқиси] 1 Хамирни ошириш учун ишлатиладиган ачитқи. *Оби нон (уй нони) тайёрлаш учун.. 40 г хамиртуруш керак бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 кўчма Ўғит, гўнг. *Ер — хамир, ўғит — хамиртуруш.* Мақол.

3 кўчма Бирор нарсанинг бошланиши, юзага келиши ёки амалга ошиши учун асос ёки дастак бўладиган омил, пойдевор. *-Яхшидан боғ, ёмондан доғ, — деганларидек, ҳозирги.. боғимизга илк хамиртуруш ташлаган, қўлинг дард кўрмагур шу ота бўлади, — деди раис.* М. Назаров, Жилвон жилвалари.

ХАМПА [ф. *خمپه* — ғалла сақланадиган бордон, ўра] 1 Дон, ғалла ва ш.к. қўйиш ва сақлаш учун қурилган махсус жой; кандик. *-Бир кун омборда қараб турсам, ҳампанинг бурчаги камар бўлиб қолди, шувуллаб кетяпти, қани энди тўхтаса.* С. Маҳқамов, Шогирд.

2 махс. Тегирмон қурилмасининг тортиладиган дон солинадиган қисми. Айланаётган тегирмон тошлари орасига хампадан бугдой тўкилиб турар эди.

3 Нонвойхоналардаги хамир қорадиган ва оширадиган катта идиш; хамир тоғора. Юз тоннали хампада хамирлар гупуради. Ғ. Ғулом. Хампасида бир кафт ун қолмай, танқисликка учраган хонадонларда бу ном тез-тез тилга олинар эди. С. Анорбоев, Сайли.

4 с.т. Айрим деҳқончилик машиналарининг сепиладиган уруғ, ўғит ва ш.к. ни ортиб юрадиган яшиксимон қисми. - Шу хампани беш юз килограмм чигит сиғадиган қилиб ясаб беринг, ўн минутда чигит тугаб қолиб, хуноб қиялти, — илтимос қилди у. Р. Раҳмонов, Тиниб-тинчимас.

ХАМСА [а. *خمسة* — бешлик] ад. Шарқ халқлари мумтоз адабиётида бир муаллифнинг 5 дostonдан иборат йирик асари. Навоий «Хамса»син ўқидим такрор.. А. Орипов.

ХАМСАНАВИС [а. + ф. *خمسه نويس*] Хамса ёзувчи шоир.

ХАМСАЧИЛИК Шарқ халқлари адабиётида дostonнавислик шаклларида бири, «Хамса» яратиш билан боғлиқ адабий анъана. Туркий халқлар адабиётида хамсачиликка қизиқиш 13—14-асрлардан бошланган. «ЎЗМЭ».

ХАНДА [ф. *خنده* — кулги, қаҳқаҳа] поэт. Кулги, табассум. Ханда қилмоқ (айламоқ). ■ Кўз ёшинг-ку кўп нафис, гўзал, Билки, ханданг йиғингдан афзал! М. Шайхзода. Биламан, ҳамшаҳрим ташвишли, бедор. Ва лекин лабида аския, ханда. М. Бобоев. Яна кўнглим олиб, юз ноз бирла хандалар қилдинг. Завқий.

ХАНДАҚ [а. *خندق* — чуқур, ўра, окоп] 1 Шаҳар, қалъа, қўрғон, мудофаа истеҳкомлари ташқи девори ёнидан душман ўтолмаслиги учун гир айланасига қазилган узун чуқурлик. Ўша пайтда мамлакатни ёвдан сақлаш учун шаҳарнинг ташқарисида хандақ қазиб қўйилар эди. «Эртактлар». Амир Темур ва темурийлар даврида қўшин лашкаргоҳга тушганда, унинг атрофи хандақ билан мустаҳкамланган. «ЎЗМЭ».

2 Ўқлардан, бомба ёки снаряд парчала-ридан сақланиш учун қазиладиган энсиз, тор чуқурлик, окоп. Ҳаво тревогаси бошлан-

ди. Чернецов босиқ овоз билан: -Хандаққа киринг! — деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Бирор нарсани асраш, сақлаш ва ш.к. мақсадда қовланган чуқурлик, ўра. Силос бостирилган хандақлару.. ораста далалар кўзга чалинади. «Шарқ юлдузи».

ХАНДОН [ф. *خندان* — кулиб турувчи; хушчақчақ] 1 Кулиб турувчи. [Навоий:] Мени девона қилган нозанин хўр, Юзи гул, лаъли хандон, тишлари дур. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Хурсанд, шод; мамнун. Болалик уй — хандон, боласиз уй — зиндон. Мақол. ■ Шийпоннинг қўҳна айвонида тағин хандон кулги янгради. С. Сиёев. Отлиқ аёл.

Кўча хандон, уй зиндон қ. зиндон. Хандон писта Мағзи уч томонидан кўриниб турадиган қилиб чақилган писта. [Ёдгорбек] Тортинмасдан озгина майиз ва хандон пистани олиб, ташқарига чиқди. «Ёшлик». Хандон отмоқ ёки хандон ташлаб (отиб, уриб) кулмоқ Каттиқ кулмоқ, қаҳқаҳа отмоқ. Қиз чапак чалиб, хандон отди-да, дулпанзор ора-лаб қочди. «Ёшлик». Одамлар уйни бошларига қўтарар даражада хандон ташлаб, қаттиқ кулдилар. С. Айний, Эсдаликлар.

ХАНДОН-ХУШОН [ф. *خندان خوشا* — кулган, хушчақчақ ҳолда] Хушчақчақ, хурсанд ҳолда. Бир ҳафта йўқ бўлиб кетган Эрали Тошкентдан хандон-хушон қайтиб келди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ХАНЖАР [а. *خنجر* — ханжар] Икки томони тигли қурол, дудам. Хотин лаган билан уйга кириб кетгач, [Отабек] ичидан тақилган ханжарини қинидан суғуриб олди-да, дамини ойдинга солиб боқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Зимистон бурчакдан йилт этиб калтакдай ханжар учиб келиб, Матпанонинг кўкрагига санчилди. С. Сиёев, Аваз.

ХАНЖАРБОЗЛИК Ханжар ишлатиб жанг қилиш ёки уришиш. Ханжарбозлик қилмоқ. ■ Маст бўлиб ханжарбозлик қилган авбошларни олиб кетмоқдалар. Ойбек, Навоий.

ХАНЖУВАР Қовун, тарвуз, ошқовоқ ва ш.к. нинг уруғини гўнг солиб экиш учун қазилган чуқурча. Ханжуварни кўймоқ.

Ханжувар қилиб экиш Махсус қазилган чуқурчага гўнг солиб, уруғни кўмиб экиш, кўмма қилиб экиш. Қовунни ханжувар қилиб экиш.

ХАНИК *шв.* Пойгак; остона. *У этигини ханикка артиб-артиб, қўзилиб, тугунни сандал устига қўйди.* С. Анорбоев, Сайли.

ХАНТАЛ [*а.* خردل — хантал (горчица) ўсимлиги ва унинг уруғи] 1 Майда сариқ гулли, қўзоқ мевали, уруғи нонвойилик, қандалатчилик, консерва, парфюмерия саноатида ишлатиладиган ўсимлик; горчица. *Хантал намликни яхши кўрадиган, совуққа чидамли ўсимлик ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

2 Шу ўсимлиkning уруғи ва ундан овқатга солиш учун тайёрланган ачиқ зиравор; горчица. *Нонга хантал суриб емоқ.* ■ *Наҳотки ханталдан ҳолвайтарни фарқ қилолмаган бедид пазанда қайла пиширишни ўргатса.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ХАНТАЛЛИ Ханталдан тайёрланган зиравор қўшиланган. *Ханталли таом.*

Ханталли қоғоз *тиб.* Юпқа қилиб хантал суртилган, яллиғланишга қарши восита сифатида қўлланувчи стандарт қоғоз; горчичник. *Хантал кунжарасидан олинадиган кукундан тиббиётда ишлатиладиган ханталли қоғоз ва истеъмол қилинадиган зиравор бўтқа тайёрланади.* «ЎЗМЭ».

ХАР [*ф.* خر — эшак] *кам қўлл. айн. эшак.* *Хунар — зар, хунарсиз — хар.* Мақол.

ХАРАЖАТ [*а.* خرجت — чиқиш; дафн (маросими); чиқиқ жой] Бирор нарса учун қилинадиган сарф; чиқим. *Катта харажат. Ош харажатлари. Харажат қилмоқ.* ■ [*Йўлчи*] *Белбоғидан ҳовли пулини чиқариб санади. Аяб-тежаб харажат қилгани учун, ёнида яна ўн беш сўм қолган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХАРАК [*ф.* خرک — эшакча; таглик, поя] Дутор, танбур каби чолғу асбобларининг ипи ёки симларини кўтариб туриш учун ишлатиладиган тиргак; эшак. *Дутор хараги. Рубоб хараги.* ■ *Қўбиз тегмади-ю, аммо қўш торини тутиб турган ёғоч хараги чиқиб кетди.* «Ёшлик».

ХАРАКИРИ [*яп.* хара — қорин + кири — ёрмок, кесмок] Японияда самурайларда: қоринни ёриб ташлаш орқали шахснинг ихтиёрий ёки мажбурий равишда ўз-ўзини ўлдириши. 2-жаҳон урушида Япония енгилгач, бир қанча япон солдат ва зобитлари, иттифоқчи қўшинларга асир тушмаслик учун, харакирга амал қилиб, ўзларини ўлдирганлар. «ЎЗМЭ».

ХАРАКТЕР [*юн.* character — фарқланувчи хусусият, белги] 1 Одам, нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос кўриниши, хусусияти; бошқалардан ажралиб, фарқ қилиб турадиган томони. *Бахшилар томонидан яратилган қўшиқлар эса лиро-эпик характердадир.* «ЎТА».

2 *псих.* Одамнинг хатти-ҳаракати ва атроф-муҳитга муносабатида намоён бўладиган ўзига хос хусусияти, ички маънавий барқарорлиги. *Хар ким ўзига хос феъл-атвор, характерга эга.* «Фан ва турмуш».

3 Адабиёт ва санъатда: хусусий белгилари мукаммал тасвирланган ва ўзида феъл-атворнинг тарихан аниқ типини мужассамлантирган, шунингдек, муаллифнинг маънавий-эстетик концепциясини ифодалаган инсон образи. *Исм, характерни белгиловчи омил сифатида, катта ғоявий вазифа бажаради.* «ЎТА». *Шу тарзда ҳамма деталлар тайёр бўлган, характерлар етилгандагина ёзишга ўтирар эдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ХАРАКТЕРИСТИКА [«характер» с. дан] 1 Муайян нарса ёки шахснинг характерли, фарқланувчи сифатлари, белгиларининг таърифи ва тавсифи.

2 *айн. тавсифнома.* *Ижобий характеристика.*

3 *мат.* Ўнли логарифмнинг бутун қисми.

ХАРАКТЕРЛАМОҚ Бирор кимса ёки нарсанинг муҳим томони ёки хусусиятларини очиб бермоқ, шарҳламоқ.

ХАРАКТЕРЛАНМОҚ 1 **Характерламоқ** фл. мажҳ. н.

2 Бирор хусусияти билан ажралиб турмоқ. *Унинг фаолияти нима билан характерланади?* ■ *Элементнинг кимёвий хоссалари ядро заряди билан характерланади.* «Фан ва турмуш».

ХАРАКТЕРЛИ 1 Бирор характерга, феъл-атворга эга бўлган. *Қизиқ характерли одам. Бўш характерли бола.*

2 Кимса ёки нарсанинг ўзига хос хусусиятини ифодалайдиган, уни бошқалардан фарқлаб, ажратиб кўрсатадиган; муҳим, асосий. *Характерли хисоллар келтирмоқ.* ■ *Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири — давлат, мамлакат, фуқарога ғамхўрлиги эди.* «Фан ва турмуш».

ХАРГЎШ [*ф.* خرگوش — эшак қулоғи: қуён]: *харгўш йили айн. қуён йили қ. қуён.*

ХАРЖ [а. خرج — сарф, чиқим; харажат пули; солиқ, хирож] Бирор эҳтиёж учун ишлатиладиган пул, маблағ; сарф. *Йўл харжи. Тўй харжи.* ■ *Тўйга қилган харжсингни ол, бу ёғига ёпиқли қозон ёпиқлигича қолсин, дедик. С. Аҳмад, Уфқ.*

Харж қилмоқ Сарфламоқ, ишлатмоқ. *Мўмин онаси берган пулни ҳеч нарсага харж қилмади. «Ёшлик».*

ХАРЖЛАМОҚ 1 Пулни бирор мақсад учун сарфламоқ. *Пулни топган харжласин. Мақол.*

2 Ишлатмоқ; ишга солмоқ. *Қаранг, энди дол Гирот Бор кучини харжлайди. «Гўрўғли».*

3 кўчма Фойдаланмоқ. *Ҳикмат битмас-туганмас хазинадир, харжлаганинг билан у камаймайди. Газетадан.*

ХАРИ Иморат тўсинлари остидан кўндалангига қўйиладиган узун, йўғон асосий ёғоч. *Шифтдаги нотекис харилар, вассалар қатидан қамиш пўстлоқлари осилиб турарди. Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги куни.*

ХАРИБОП Харига ярайдиган, хари бўладиган. *Харибоп ёғоч.*

ХАРИД [ф. خرید — сотиб олиш; сотиб олинган нарса] Сотиб олиш, сотиб олинган нарса. *Молнинг харид нархи. Аҳолининг харид қуввати. Харид қилмоқ.* ■ *Аҳмад ўзи яхши кўрган шафтолидан бир кило харид қилди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. [Ошно] Бирор ўн кунча ўтиб, бир қучоқ харид билан кириб келди. М. М. Дўст, Лолазор.*

ХАРИДОР [ф. خریدار — сотиб олувчи] 1 Харид қилувчи, сотиб олувчи. *Ҳар ҳолда, харидор дегани олаётган молининг феълини тузук-қуруқ қилиб олгани маъқул. М. М. Дўст. Лолазор.*

2 кўчма с.т. Бировга (одатда, бирор қиз ёки аёлга) кўнгил қўйган киши, хуштор. *..бизнинг давлатимиз соясида ўсиб баркамол бўлган бир гули норастамиз бўлиб, атрофдаги шоҳ-шаҳзодалар харидор. «Тоҳир ва Зухра».*

3 Ишқибоз, хоҳловчи. *Тўйда сўз бер бахшига, Харидор бўл яхшига. Мақол. [Ҳайитжон:] Ҳар одам қизини жони билан беришга харидор-у, бироқ отаси, отангнинг давлату обрўйига қизиқиб, киши қўйдираяпти. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

ХАРИДОРБОП айн. **харидоргир**. *Бахтимга, менинг ўригим харидорбоп чиқди. «Ёшлик».*

ХАРИДОРГИР [ф. خریدارگیر — сотиб олинадиган, харидор тез оладиган] Харидорларнинг дидига, талабига мос, тез сотилиб кетадиган. *Мана шу чевар қизлар харидоргир маҳсулот тайёрлашади. «Саодат».*

ХАРИЛИК айн. **харибоп**. *Харилик ёғоч.*

ХАРИТА [а. خريطة — харита < лот. charta < юн. kartis — папирус япроғи] қ. **карта** 1 1. *Географик харита. Жаҳон харитаси.* ■ *Географик харитага назар солсангиз, ер шарининг турли жойларида туз билан боғлиқ бўлган номларни кўп учратасиз. К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик. Аваз ҳужрасида Қосимбек ҳада этган жаҳон харитасини томоша қилиб ўтирган эди. С. Сиёев, Аваз.*

ХАРИТАГРАФИЯ [харита + юн. grapho — ёзаман] Харитаграфик асарларни ўрганиш, яратиш ва фойдаланиш билан шуғулланувчи фан, картография. 9—11-асрларда яшаб, ижод қилган Хоразмий, Беруний, Кошғарий, Ҳофиз Абдул Абрў каби буюк алломалар жаҳон географияси ва харитаграфиясининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. «ЎЗМЭ».

ХАРИТАШУНОСЛИК Харитаграфик асарлар ҳақидаги таълимот, харитаграфиянинг бўлими.

ХАРИШ [ф. خراش / خريش — тирнаш, қириш, қиртишлаш; тирналган жой] 1 вет. Кўпинча уй ҳайвонларида бўладиган тери касаллиги. *Поезд хариш бўлган бедаво отдай судраларди. Т. Малик, Қалдирғоч.*

2 Хариш касалига чалинган, ҳар нарсага суркалавериб, жунлари тўкилиб кетган. [Подшо] *Катта ва ўртанча куёвиге яхши отлар бериб, «Небилан»га бир хариш отни миндириб, овга жўнабди. «Зумрад ва Қиммат».* Қосим Ҳўжаев оч қолган хариш бир мушук.. Унинг.. манфур тили қиличнинг тигини яламоқчи бўлади. Ғ. Ғулом, Қора мушук. *Қарасалар, бир ҳолвачи келяпти, тагида минган оти хариш, ёли-думи тўкилган. «Гўрўғли».*

ХАРИШЛАНМОҚ Хариш бўлмоқ, қичима-қирчанғи касалига йўлиқмоқ (ҳайвонлар ҳақида).

ХАРОБ [а. خراب — вайрон бўлиш, ҳалокат; вайрона; харобазор] 1 Қаровсиз қолган, бузилган, вайрон; нообод. *Хароб шаҳар. Хароб боғ. Карвонсиз — йўл хароб, Оқсоқолсиз — эл хароб. Мақол. ■ Бундай мишмишларни эшитган уйдагиларнинг ҳам, бу*

(иморат) эски иморатингиздан ҳам хароб-ку, деб раъйи бўлмади. Шукрулло, Сайланма.

2 Моддий ёки маънавий жиҳатдан аҳволи танг. *Зар бўлмаса, заргар хароб, Ер бўлмаса, деҳқон хароб.* Мақол. ■ Шундай ёнидаги дўстининг оиласи хароб яшашига асло эътибор бермаган экан. «Ёшлик».

3 Эски, юпун, жулдур. *Уст-боши хароб одам.*

4 Озгин, ориқ, нимжон; кўримсиз. *Хароб от.* ■ -Нимаси зотли, ўзимизнинг жайдари қўйлардан ҳам хароб-ку! — ажабланди чўпон. «Муштум».

Хароб бўлмоқ 1) вайрон бўлмоқ. *Остингда ўйнайди Ғиркўк тулпоринг, Сенсиз хароб бўлар гулу гулзоринг.* «Гўрўғли»; 2) жисман ёки маънан аҳволи ёмонлашмоқ. *Ризо тош ёки бутага илкис қоқиниб йиқилар, ўша захоти.. ўрнидан туриб кетар, бўлмаса, тана-си мана бу чағир тошлар устида тимдаланиб хароб бўларди.* «Ёшлик». *Қадам босма, менинг кўнглим хароб бўлган, азизим..* «Ёшлик». **Хароб қилмоқ** (ёки этмоқ) 1) бузмақ, вайрон қилмоқ. *Қўп элларни хароб қилди жанжалинг..* «Гўрўғли»; 2) кўчма ёмон аҳволга солмоқ. *Умрингни хароб этма ўтқувчи ҳавас бирлан..* Уйғун. *Бу одамни ароқ хароб қилганди.* «Шарқ юлдузи»; 3) увол қилмоқ. *Яхши хотин арпа унини кабоб қилар, Ёмон хотин бугдой унини хароб қилар.* Мақол.

ХАРОБА [a. خرابه — вайрона, харобазор] 1 от Қаровсиз қолган жой, иморат, иншоот. *Ҳовли харобага айланиб қолган экан.* «Ёшлик». *Қишлоқ ва шаҳарлар хароба буткул, Шу ердан ўзига фашист очмиш йўл.* Ғ. Ғулом.

2 от Бузилиб кетган бирор жой ёки қадимий иншоотлардан қолган қисм. *Қуйига энгани сари собиқ ҳовли харобалари кўрина борди.* «Шарқ юлдузи». [Искандар] *Чўк тушиб ётган туя карвонидай бир-бирига мингашиб кетган Далварзинтепа харобаларига тикилиб туриб қолди.* М. Мансуров, Ёмби.

3 сфт. Қаровсиз, файзсиз. Чол.. *қишлоқнинг энг чети, кунботаридаги эгасиз ҳузул-лаб ётган хароба ҳовлига кирди.* «Ёшлик».

ХАРОБАГАРЧИЛИК с.т. Харобалик.

ХАРОБАЗОР [a. + ғ. خرابه‌زار] Қаровсиз қолган, хароб бўлган уйлар, вайроналар. *Ҳаёт шами бутунлай сўнган Жиззах култепа, харобазорга айланиб, мазор жимлиги*

ҳукмрон бўлиб қолганди. Н. Сафаров, Оловли излар.

ХАРОБАЛИК айн. **харобазор.** *Зилзила харобаликлари.* ■ *Ҳовлининг кунботар томониди харобаликдан озгина берида.. икки даричалик бир уй, бу уй қаторида бир айвон бўлиб, шунинг ила бу ҳовлининг тиккайган биносининг ҳисоби тамом эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХАРОБЛАШМОҚ 1 Хароб бўлмоқ, вайрон бўлмоқ, бузилмоқ. *Хароблашган шаҳар. Қадимги хароблашган қишлоқлардан асар йўқ.*

2 кўчма Моддий ва маънавий жиҳатдан қийин, оғир аҳволга тушмоқ; қашшоқлашмоқ. [Шокир ота:] *Мен қанча хароблашсам, у шунча хурсанд бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХАРОБЛИК 1 Хароба, вайрона эканлик. *Қишлоқнинг хароблиги.*

2 Моддий ва маънавий қийинчилик; қашшоқлик.

ХАРОБОТ [a. خرابات — вайроналар, харобалар; ичкиликхона] 1 айн. **харобазор.** *Мамлакатда рўзғор бузғунлиги, босқинчилик, очлик ва бошқа хароботлар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 эск. кт. Қовоқхона. *Харобот ичра кирдум ошуфтаҳол, Май истарға илкимда синган сафол.* Алишер Навоий.

ХАРРАК [ғ. خرك — эшакча; таглик, поя] шв. Ўриндиқ, скамейка. *Бозордан чиқаверишида кимсасиз бир гузардаги тол тагига сув сепиб қўйилган экан, ўша ердаги ёғоч харракка ўтириб, бир зум дам олгиси келди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Яхшибоев ўтирган харрагидан турди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бир харрак четида ўтириб, газетани кўздан кечира бошлади.* О Мухтор, Бухоролик бир йигит.

ХАРРОТ [a. خراط — ёғоч ўювчи, йўнувчи уста; токар] 1 Ёғочни ўйиб, гул, безак солувчи уста, ёғочсоз. *Ҳозир.. малакали бинокорлар — дурадгорлар, харротлар тайёрлана бошланди.* Газетадан.

2 айн. **тароқчи.**

ХАРСАНГ [ғ. خرسنگ — катта, тарашланмаган тош] Катта табиий тош. *Машина ўнгир оралаб кечагина сел суриб туширган харсанг уюмлари олдида тўхтади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ХАРСАНГТОШ айн. **харсанг.** *Абдурашул сувнинг кечувиغا етиб, харсангтошга ўтир-*

ди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош қўча. *Харсангтошлар орқасига яширинган, қирғоқнинг юқори тарафига ўтиб кетган кишилар аста қайтиб кела бошладилар.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХАРТИЯ [юн. chartion — қоғозча < chartes — папирус вараги; қоғоз] *сиёс.* Ижтимоий-сиёсий аҳамият ва мазмунга эга бўлган айрим ҳужжат ва декларацияларнинг номи. *Англия ҳурриятпарварларининг улугъ хартияси.*

ХАРТУМ [а. خرطوم — хартум, тумшук; узун бурун] **1** Айрим судралиб юрувчи ва сутэмизувчилар тумшугининг узайган бурун қисми. *Филлар хартуми билан отликларни ўраб олиб, ерга урар, босиб ўлдирарди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Фил хартуми билан сўриб олган сувни оғзига юборади. Паразит чувалчанглар илмоқ хартуми ёрдамида ичак деворига ёпишиб олади.* «ЎЗМЭ».

2 кўча Экскаватор, кран кабиларнинг ер қазииш, юк кўтариш сингари ишларни бажарувчи, олдинга чўзилиб чиққан қисми. *Хартуми узун кран ердан эшикдай келадиган оғир темирбетон тахталарни кўтариб, осмони фалакка кўтаради..* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ХАРТУМЧА I **Хартум** с. нинг кичр. эркл. шакли.

2 *зоол.* Пашша, ари каби ҳашаротларнинг тешиш, сўриш (чақиш) учун хизмат қиладиган узун наштаарсимон оғиз ўсимтаси. *Арилар.. кўз илғамас хартумчалари билан шира эмиб оладилар-да, яна визз этганича келиб, эшикчалардан «уй»ларига кириб кетадилар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ХАРХАША [ф. خرخشة — адоват; уриш, жанжал; саросима, гулгула] **1** Арзимаган нарсa учун қилинадиган жанжал; машмаша, инжиқлик. *Шунинг оқибатида Ақобир Мастуранинг барча хархашаларини кўтара бошлади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

Хархаша қилмоқ Жанжал кўтармоқ, инжиқлик қилмоқ. *Саҳарга яқин туш кўрибди. Тушида Ғани қайтиб келиб, нуқул хархаша қилармиш.* М. Мансуров, Ёмби. *Бола уйғониб, яна дадамега бораман, деб хархаша қила бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Бирор ишни бажаришдаги қийналиш; қийинчилик, ташвиш; дахмаза. *Асаларичиликнинг хархашаси кўп бўлади. Табиий газ аҳолини кўп хархашалардан озод қилди.*

ХАРХАШАЛИ I Қийинчилик билан бўладиган, серташвиш, дахмазали. *Хархашали иш.*

2 Хархаша қиладиган, серхархаша; инжиқ. *Хархашали бола.*

ХАРХАШАСИЗ I *реш.* Хархаша қилмасдан, жанжалсиз, тинч, осойишта. *Хархашасиз яшамоқ.* ■ *Бу йилги қиш хархашасиз ўтмағуси.* Ғ. Фулом, Кўкан.

2 Хархаша (жанжал ёки инжиқлик) қилмайдиган, тинч яшайдиган. *Хархашасиз бола. Хархашасиз оила.*

3 Осонгина амалга ошадиган; ташвишсиз. *Хархашасиз иш.*

ХАРХАШАЧИ Хархаша қилувчи, жанжалкаш; инжиқ. *Хархашачи бола.*

ХАС [ф. خاس — хашак; шох-шабба, қуруқ шохча] Қуруқ ўсимлик пояси; хашак, чўп. *Чўкаётган одам хасга ётишар.* Мақол. ■ *Рўзиев сигирнинг ювошлигую хасни ташласа ҳам ейишини мақтайди.* «Ёшлик».

ХАСВА I *зоол.* Ғалла ўсимликларига зарар келтирувчи ҳашарот, ўсимлик қандаласи. *Донли экинларга Осиё чигирткаси ва хасва қандаласи.. катта зиён келтиради.* «Зоология».

ХАСВА II *шв.* Хасмол.

ХАСИС [а. خسيس — паст, тубан, қабих, разил, мурдор] **1** Бировга нарсa ёки пул бермасликка, сарфламасликка интиладиган киши; зикна; қизғанчиқ. *Бахил эҳсондан қочар, Хасис меҳмондан қочар.* Мақол. ■ *Бу дейман, Сайдибой.. уст-бошинг бир аҳволда.. сал хасисроқмисан? — деб сўради Ибодулло Махсим.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

2 кўча Ҳосил бермайдиган, экин битмайдиган, ориқ (ер ҳақида). *Хасис ердан унум чиқмас, аҳвол чатоқ.* Ойбек, Зафар ва Заҳро.

3 кўча Ортиқча, ўринсиз сўз ишлатмайдиган (ёзувчи ҳақида). *Сўзга хасис адиб.*

ХАСИСЛАШМОҚ Хасис ёки қизғанчиқ бўла бормоқ. *У жуда хасислашиб кетибди.*

ХАСИСЛИК Қизганиш, зикналик одати, хусусияти; қизғанчиқлик. *Мана, сиз хасислик қилган бўлсангиз, биз сахийлик қиламиз.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХАСКАШ [ф. خاسكش — хас тортувчи, тўпловчи] Хашак, хас-чўп ва ш.к. ни йиғиш, тўплаш, шунингдек, чопилган ер тупроғини майдалаб текислаш учун ишлатиладиган, узун дастали, кўп тишли қишлоқ хўжалик қуроли. *Ҳовлида сочилиб кетган пичанларни*

хаскаш билан йиғиштириб, тўплаб юрган Болтабой ота хаскашнинг сонига бағрини бериб, хаёл суриб қолганди. С. Зуннунова, Олов.

ХАСМ I [а. *خصم* — душман; мухолиф] фольк. Рақиб, ғаним, душман. *Оғир лашкар элга яқин келдими, Ўзима бир подшо хасм бўлдими?* «Юсуф ва Аҳмад».

ХАСМ II [а. *خصم* — ушлаб, чегириб қолиш, чегирма] Бировнинг ихтиёридаги нарса ёки киши. *Шакархондек қудратли ноибнинг хасмига кўз олайтиришга кимнинг ҳадди сиғди экан, унинг мулкига бостириб қиришга.. қайси зот юрак ютди экан!* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Қиз бола — бировнинг хасми.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХАСМОЛ [ф. *خسما*] Йиринглатувчи микроблар кириши натижасида қўл бармоғи тўқималарининг ўткир йирингли яллиғланиши; милкак. *Қўлингга хасмол чиққур!* (қарғ.) ■ *Бир вақтлар Тошбувининг бошмалдоғига хасмол чиққан эди.. Мирмуҳсин, Умид. Хасмолнинг ҳар қандай шакли, айниқса, чуқур хасмол нахуш оқибатларга олиб келиши мумкин.* «ЎзМЭ».

ХАСПУШ [ф. *خسپوش* — хас, хашак билан ёпиш]: **хаспўш қилмоқ** айн. **хаспўшламоқ**. *У кирдикорларини.. хаспўш қилишга интилса ҳам, ўз ифрослигини одамлардан яширолмади.* Ойбек, Навоий.

ХАСПЎШЛАМОҚ Хато ва камчиликларни яширмақ, шунга уринмоқ. *Наҳотки одамнинг умри ўз заифлигини хаспўшлаш билан ўтса?!* Х. Темиров, Хиёбондаги одам.

ХАСТА [а. *خسته* — чарчаган, толиққан, беҳол; қийналган; яраланган] 1 кт. Касал, касалманд. *Профессор: -Сиз хаста эмассиз, Яхшибоев, — деб кулди, — шунчаки чарчагансиз..* М. М. Дўст, Лолазор. *У [Нигина] бечора оғир хаста эди.* Мирмуҳсин, Темур Манлик.

2 кўчма Қийналган, дардли; қайғули. *Аваз ўғлон хаста кўнглин хушлади..* «Гулшанбоғ».

3 кўчма Кучсиз, заиф; паст (овоз ҳақида). *Исмат қори хаста, нолинқираган овозда шикоятга ўтди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ХАСТАДИЛ [а. + ф. *خستدل* — қалби, юраги беҳол; юраги эзилган] 1 Азоб-уқубат чеккан, руҳан эзилган. [Мансур:] *Пирим, афё айлангиз бахти қарони, Ғарибу хастадил мотамсарони.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 кўчма Жуда қаттиқ севиб қолган, ошиқу беқарор. *Етолмайин соғиниб, хастадил Ҳабибингман..* Ҳабибий.

ХАСТАДИЛЛИК Ғамгин, қайғули ҳолатда бўлишлик. -*Саидғози Саидвалиевичдан ҳам айрилиб қолдик, — деди Акрамов хастадиллик билан.* С. Анорбоев, Оқсой.

ХАСТАЛАНМОҚ Бирор касал билан оғримоқ, касал бўлмоқ. *Қандли диабет билан хасталанган беморнинг кундалик овқатида карам, қовоқ, бодринг, укроп, помидор бўлиши керак.* «Фан ва турмуш».

ХАСТАЛИК қ. **касалик**. Бу хасталик [буқоқ] оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Газетадан.

ХАСТАХОНА [хаста + хона] кт. айн. **касалхона**. *Ислохўжа камбағаллар учун хастахонани бепул қилдириб қўйди.* С. Сиёев, Аваз.

ХАСТАҲОЛ [ф. + а. *خسته حال* — аҳволи, ҳолати касал каби] кт. Хаста каби; заиф. *Энди Усмоновнинг овози суҳбат бошидагидек жарангдор ва дадил эмас, балки ёнимда хастаҳол бошқа киши гапириб келаётгандек эди.* «Ёшлик». *Севаргул хастаҳол жилмайди: начора, онажон..* Н. Қиличев, Чиғириқ.

ХАС-ХАШАК [хас + хашак] Турли ўт, хашаклар. *Ирқит қор устидан қалин кул сепилган, тор йўлкага қалин хас-хашак сочилган.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ХАС-ЧЎП [хас + чўп] Турли хас ва ўтин-чўп. *Кечаси тоғларга ёмғир ёққан бўлса керак, сойнинг суви.. йўл-йўлакай хас-чўпларни оқизиб келмоқда эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ХАТ [а. *خط* — чизиқ; йўл; чегара чизиғи; саф, қатор; нома, мактуб; ёзув; дастхат] 1 Ёзув, ёзилган, чизилган ёки ўйиб туширилган белгилар; матн. *Олим тошга ўйилган қадимий хатни ўқишга уринди.* ■ *Хат кичикроқ қоғозда ўлчовлик сўзлардан иборат эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёзувда ишлатиладиган график белгилар; ҳарфлар тизими. *Арабча хат. Латин хатини ўрганмоқ.*

3 Бирор хабар бериш ёки фикр алмашиш мақсадида аниқ манзилга асосан почта орқали юбориладиган, матн ёзилган қоғоз. *Бир куни почтальон Ашурали отага хат тутқазди: -Ўғлингиз Кимсанбойдан.* Т. Ашуров, Оқ от.

4 Ҳарфларни ёзишдаги ўзига хос услуб, кўриниш, ёзув хили. Унинг хати хунук. ■ [Асар] Жуда сифатли новотранг қоғозга наставлиқ хатида кўчирилган. «ЎТА».

5 Савод; ҳарф таниш. [Имом:] Тўғриси айтсак, хатимиз йўқ ҳисобида! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Уста Мўмин, раҳматлик, хат билар эди, китоб кўриб, боланинг отини Ёд-гор қўйди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

6 Расмий қоғоз, ҳужжат. Бунга ташиклотлар ва шахслар ўртасидаги расмий ишга тааллуқли бўлган хатлар, ёзишмалар киради. «ЎТА».

7 Сатр, мисра. Билиш учун ҳар қайси шеърдан бир-икки хат ўқиб кўриш керак эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

Талоқ хати Эр-хотиннинг бир-биридан ажралиши ҳақидаги расмий қоғоз, ҳужжат. Бир неча вақтдан сўнг Ҳомиднинг сохта талоқ хати билан эридан чиққан қиз Комилбекка берилади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хат тортмоқ** 1) чизик тортмоқ, чизмоқ; 2) кўчма чек қўймоқ, йўқ қилмоқ, даф қилмоқ. Бу золимнинг жабрига худо ўзи хат тортмасе, бандаси невлaйди. Чўлпон, Кеча ва кундуз. **Хат қилиб бермоқ** Ўз мулкани бировга қонуний йўл билан расмийлаштириб бермоқ, топширмақ. Уйимни интернатга хат қилиб бердим. ■ Сиз бойларнинг ер-мулкларини мусодара қилиш вақтида энг яхши ерларни уларнинг ўзларига хат қилиб бергансиз. Ҳ. Ғулom, Машғал. **Хатга олмоқ** (ёки солмоқ, битмоқ) Рўйхатга киритмоқ. Мулкни хатга олмоқ. ■ Бу уйдаги ҳамма нарсa хатга олингандан кейин, ташқарига чиқилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Хатга тушмоқ** Рўйхатга киритилмоқ. Хатга тушдинг — ўтга тушдинг. Мақол. **Юмалоқ** (ёки думалоқ) хат с.т. айн. имзосиз хат қ. имзосиз. «Колхоз жуи планини пул билан тўлдирди», деган мазмунда райкомга думалоқ хат ёзиб юборди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ХАТА [р. хата < венг. haz < ф. кате — қазноқ, кичик омборхона] Украина, Беларуссия ва Жанубий Россия қишлоқларидаги деҳқонлар яшайдиган уй. Унда хатамиз ҳув дарё бурилган жойда, ўрмон ёқасида эди. Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. Хаталардан бирида тунни ўтказдик. «Шарқ юлдузи».

ХАТАР [а. خطر — хавф; таҳлика, ваҳима, хавотир] 1 Бирор бахтсизликка, фалокатга олиб келиши мумкин бўлган шароит.

Бу ерда бир хатар бор. Ёлгон айтган кишининг Хатари бор ишининг. Мақол. ■ Аввал мен сиздан миннатдор бўлишим керак.. Сиз туфайли қўп қаторида мен ҳам бир хатардан қутулиб қолганман. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Хатарли, хавфли, таҳликали. Душманнинг бири ҳам хатар. Мақол. ■ Аммо бири кетса, бадтари келди, Янги очкўзларнинг хатари келди. М. Шайхзода.

ХАТАРЛИ Бирор бахтсизликка, ёмон натижага олиб келиши мумкин бўлган, хавфли, таҳликали. Юрак-томир касалликлари орасида, айниқса, миокард инфаркти энг хатарли хасталиклардан ҳисобланади. «Фан ва турмуш». У биронта хатарли тадбирни тақлиф қилди, шекилли, бригадир қўлларини тез-тез силтаб, аввал анчагача унамади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ХАТАРНОК [а. + ф. خطرناк — хавфли; хавотирли; таҳликали] кт. айн. **хатарли**. Бунинг устига, сарбоннинг айтишига қараганда, бу манзиллар хатарнок, қароқчи тўдалари ҳужум қилиб тураркан. Ҳ. Султон, Бобурийнома.

ХАТАРСИЗ Бехатар, хавфсиз. Асқар полвон билан Али тажанг.. хатарсиз бир нарча жой топиш умидида ҳолсиз югурдилар. Ойбек, Қуёш қораймас.

ХАТБОШИ Босма ёки ёзма матнда хатнинг дастлабки қаторидан бироз жой ташлаб бошлаш, абзац. Хатбошидан ёзмоқ.

ХАТИБ [а. خطيب — нотик, воиз, ваъзхон; унаштирилган, кув] дин. Масжидда жума ва ҳайит намози пайтида хутба ўқийдиган, ваъз айтадиган домла, имом; воиз. Бароқ қошлари қоп-қора хатиб минбарга чиқиб, ваъзхонлик қилаётган экан. М. Осим, Карвон йўлларида.

ХАТКАШ [а. + ф. خطکش — хат, чизик тортувчи] 1 эск. Хат ёзиб берувчи; мирза.

2 махс. Чизик, йўл ҳосил қиладиган қишлоқ хўжалик асбоби; маркер.

ХАТЛАМОҚ с.т. 1 Мусодара қилинган мол-мулкни бирма-бир ҳисобга олиб, ёзиб чиқмоқ, рўйхатга олмоқ. Икромжон акамни қамоққа олиб кетишди. Ҳамма нарсани хатлаб кетишди. С. Аҳмад, Гулдаста.

2 Мол-мулкни биров номига қонуний расмийлаштириб бермоқ. Ғунончани қайтариб олдик, деб кулди Яхшибоев ичида, энди тагидаги «Волга»ни ҳам Тамара келинга хат-

латиб берсак, унда оёғига тушов тушади..
М. М. Дўст, Лолазор.

ХАТЛАШМОҚ с. т. Бир-бирлари билан хат ёзишиб, хат олишиб турмоқ. *Мен дўстим билан хатлашиб тураман.*

ХАТЛИ 1 Хати бор, ёзувли. *Хатли қоғоз.*
■ Акбаржоним отлидир, Салласи гул хатлидир. «Қўшиқлар».

2 Хат-саводи бор, ёзув-чизувни биладиган. У [Ғ. Ғулом] «Менинг саводли, хатли бўлишимга бошида отам, сўнгра онам сабаб бўлдилар», деб таъкидлайди. Ҳ. Ёқубов, Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди.

ХАТМ [а. ختم — тугатиш, тамом қилиш, охирига етказиш]: **хатм қилмоқ** эск. 1) бирор ишни охирига етказмоқ, тугатмоқ. *Тўрт кунсиз Қуръонни хатм қилиб бўлмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Сиз Шарқда ишлаб, жуда кўп тажриба орттиргансиз, бир неча тил биласиз, — давом этди Малисон, — Қуръонни хатм қилган забардаст мударриссиз..* К. Яшин, Ҳамза; 2) мукаммал билмоқ, эгаллаб олмоқ, эгалламоқ. *Китоб кўравериш, саводинг ҳам чиқиб қопти.* Инглизчани ҳам хатм қилиб юборган бўлсанг керак. К. Яшин, Генерал Раҳимов. **Хатми кутуб қилмоқ** Мадрасани тамомламоқ, тугатмоқ. *Марҳум бузруквор Бухородан хатми кутуб қилиб келибдур.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Хатми Қуръон** 1) Қуръонни тўлиқ ўқиб тушириш. *Рамазон ойида, таровиҳ намозида Қуръоннинг аввалидан охиригача тиловат қилиб чиқилиши ҳам хатми Қуръондир.* «ЎЗМЭ»; 2) марҳумлар арвоҳига атаб қуръон тушириш ва шу муносабат билан ўтказиладиган диний маросим, кичик зиёфат. У [Миробид] кексаларни йиғиб, ота-боболарининг арвоҳига хатми Қуръон қилдирди. В. Ғофуров, Вафодор.

ХАТ-МАҲР, хатти-махр [а. خط مهر — маҳр ҳақидаги ҳужжат] Маҳрига ёки чекига тушганлик ҳақидаги ҳужжат.

Хат-махр қилиб бермоқ (ёки топширмоқ) Расмий равишда ихтиёрига топширмоқ ёки зиммасига юкламоқ. -*Ўлиларни менга хатмахр қилиб топширганмидингиз? Тушунолмай қолдим, — деди Раҳимжон.* Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда.

ХАТНА [а. خاتنه — кесиш, кестириш; суннат қилиш] дин. Мусулмонлар ва б. баъзи халқларда ўғил болалар жинсий аъзосининг чекка кертмагини кесиш ёки кестириш.

Хатна маросимлари ўзбеклар ва бир қанча халқларда тўй шаклида ўтказилади. «ЎЗМЭ».

Хатна тўйи Хатна муносабати билан ўтказиладиган маросим, зиёфат; суннат тўйи. *Ҳали бунча қарз, чиқимларнинг устига икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш, бир хатна тўйи ҳам бор.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Хатна қилмоқ** Шундай тадбирни амалга оширмоқ. *Ботиржон, Шокиржонларнинг туғилган кунларини ўтказиб, уларни хатна қилмоқчи эканлар..* «Ёшлик».

ХАТО [а. خطاء — хато, қусур; гуноҳ] 1 Ҳисоблаш, ёзиш, ўқиш, сўзлаш ва ш.к.ларда адашиш, янглишиш, нотўғрилиқ, қусур. *Имловий хато. Математик хато.*

2 Умуман, турмушда, ишда йўл қўйилган камчилик, нуқсон, нотўғри хатти-ҳаракат. *Душман сирингни ўғирлайди, Дўст хатонгни тўғирлайди.* Мақол. ■ ..аммо муҳаббат жуда ноёб нарса, бу йўлдаги хатони ҳеч кечириб бўлмайди! Мирмуҳсин, Умид.

Хато қилмоқ (ёки кетмоқ) Хатога йўл қўймоқ, камчилик ёки нуқсон юз беришига имкон бериб қўймоқ. *Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир.* Мақол. ■ Ватерлоода хато қилди Наполеон, Жаҳонгирнинг қайтди шу кун омади. А. Орипов. *Сиз Меҳри тўғрисида хато кетдингиз, чунки у фақат янги ерда ишлаш нияти билан секретарликдан кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Ҳақиқатга тўғри келмайдиган, асоссиз, нотўғри. *Хато ёзмоқ. Хато ҳисобламоқ. Хато сўзламоқ.* ■ *Жўрттага хато ўқиб, ўзинг кулдирдинг..* Ўқи, Раъно. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 қ.х. Ердан чиқмай ёки унмай қолган уруғ ҳақида. *Яхши ишланмаган ерга экилган уруғ хато чиқади.*

5 Мўлжалга, нишонга тегмаслик. *Уқ хато кетди.* ■ *Ҳеч қайсисининг отгани хато кетмас эди, ҳеч бир душман омон кетмас эди.* «Алпомиш».

ХАТОЛИК Хато иш, хатти-ҳаракат; янглишув. *Ёки мендан бир хатолик ўтдим..* «Гулшанбоғ». *Дошмий хатоликларнинг учраши ўлчов асбоблари билан боғлиқ.* «ЎЗМЭ».

ХАТОСИЗ 1 Хато қилмаган ҳолда, тўғри; беҳато; тўла-тўқис. *Хатосиз ёзмоқ. Хатосиз сўзламоқ.* ■ *Ғўзани хатосиз ундириб олиш Қурбонали полвон звеносида одат ҳукмига кириб қолди.* Н. Сафаров, Қурбонали.

2 Ўқни зое кетказмай, аниқ нишонга олиб. ■ Ўқни хатосиз отмоқ. Хатосиз мерган бўлмас. Мақол.

ХАТПАРАСТ [а. + ф. خطپرست — хатни, ёзишни яхши кўрувчи] кам қўл. Хат ёзишни яхши кўрадиган. *Хатпараст одам.* ■ *Одатим — хатга бир ўтирсам, қаторасига ёзаман. Лекин хатпараст эмасман.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ХАТ-ПАТ с.т. Хат-хабар, ёзув. *Подшоҳнинг ўғли яна етти йил ўқигандан кейин унча-мунча хат-пат танийдиган бўлган экан.* «Эртаклар».

ХАТ-САВОД [хат + савод] Ўқиш, ёзиш. *Париларга ўхшар экан келбати, Мулла бўлиб чиққанди хат-саводи.* «Нурали».

Хат-саводи бор Ўқиш, ёзишни биладиган, саводли. *Сен.. хат-саводинг бор-а? А. Мухтор, Опа-сингиллар.* **Хат-саводи йўқ** Ўқиш, ёзишни билмайдиган, саводсиз. **Хат-саводини чиқармоқ** 1) ўқиш, ёзишни билиб олмоқ, саводли бўлмоқ; 2) ўқиш-ёзишни ўргатмоқ.

ХАТ-САВОДЛИ Хат-саводи бор, ўқиш, ёзишни биладиган. *Турсунбува.. дуойи саломни ўқитиш учун бутун қишлоқда бирор хат-саводли киши тополмасдан, мулла қидириб, Наманганга тушишга мажбур бўлган эди.* Газетадан.

ХАТ-САВОДСИЗ Хат-саводи йўқ, ўқиш, ёзишни билмайдиган. *Хат-саводсиз одам.*

ХАТТИ-МУХР [а. خط مهر — мухри хужжат]: **хатти-мухр қилиб бермоқ** Бирор нарса ёки мулкни расмий равишда, хужжат билан топширмоқ. *Ҳали заводимни хатти-мухр қилиб бераман, деб сиз билан нотариусга бормоқчи эдим. Жуда қизиқ иш қилиб қўйдингиз-да.* С. Аҳмад, Хукм.

ХАТТИ-РАЙҲОН [а. خطريحان — райхон шохларига ўхшаш хат] Хаттотликда арабча ёзув шаклларида бири (яна қ. **райхоний**). *Ўйлаб-ўйлаб, арабий калималарни хатти-райхон шаклида ёзиб.. бозор томон равона бўлдим.* Ғайратий, Довдираш.

ХАТТИ-ҲАРАКАТ [а. خطالحركة — ҳаракат чизиги, чегараси] 1 Юриш-туриш, ҳулқ-атвор. *Бекнинг хатти-ҳаракатини кўрган бойнинг фиғони фалакка чиқди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Кичкина қизчаларнинг хатти-ҳаракатлари катталарни эслатарди.* «Ёшлик».

2 эск. Ҳаракат қилиш, иш олиб бориш режаси, тактика. *Йўл устида ҳам, Тошкент*

билан яширинча сўз олишиб, хатти-ҳаракат чизиб туришди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХАТТОТ [а. خطاط — хуснихат ёзувчи; хуснихат муаллими] эск. Чиройли ва аниқ ёзадиган одам; каллиграф. *Навоий асарлари машхур хаттотлар томонидан кўчирилган.*

■ *Улуғбек ажойиб хаттот, мусаввир ва саҳҳонинг олтин қўллари билан яратилган бу китобни зўр иштиёқ билан узоқ томоша қилди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

ХАТТОТЛИК эск. Асарларни хуснихат билан кўчириб, китоб ҳолига келтириш билан шуғулланиш, хаттот касби.

ХАТ-ХАБАР [хат + хабар] Хат ва хабар, дарак. *Ғайри юрtdа юрган одам хат-хабар қилмасмикан? «Нурали».*

ХАТЧЎП [хат + чўп] Ўқилаётган бетни осон топиш учун китоб ичига солиб қўйилдиган махсус чўп, безакли ип ёки бир парча қоғоз, лента ва ш.к. *Мутриб хатчўп солинган бир саҳифани очди-ю, «Ўқи!» деди.* «Ёшлик».

ХАТ-ХУЖЖАТ [хат + хужжат] Хат ва хужжат(лар). *Хат-хужжатларни тартибга келтирмоқ.*

ХАФА [ф. خفه — бўғиш, бўғилиш, нафас қайтиш; бўғиб ўлдириш; бўғувчи] 1 Ғамли, қайғули, ҳасратли. *У [Зулфизар] жуда ҳам хафа, шахло кўзларида нам, мунғайиб қолган эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қумуш жуда хафа кўринганликдан, унинг кўнглини очмоққа тўғри келар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ранжитан, озор топган, норози; аразлаган. *Кимдан хафасиз? Мендан хафа бўлманг.* ■ [Вера:] *Мактаб билганида, тўйингни бир йил кейинга қўйдиран эди. Яширдинг. Ҳамма сендан хафа.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Хафа бўлмоқ 1) қайғули ҳолатда бўлмоқ. *Хафа бўлиб, ёшга тўлганди кўзим, Ўлсам, учар Чамбилдан босган изим.* «Нурали»; 2) ранжимок; озор топмоқ. *-Анави кун мендан хафа бўлдингиз-а, — деди у орқасига қарамай.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Икромжон хафа бўлмаганини билдириб.. илжайди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Хафа қилмоқ** Ранжитмоқ, озор бермоқ. *Агар у ерда ҳам уни хафа қилишса.. чопонини елкасига ташлаб кетаверарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ХАФАҒАЗАК [ф. خفهگزك] 1 Яллиғланиш, газак олиш (яра ҳақида). *Яра хафагазак бўлибди.*

2 с.т. Хафа бўлган, аразлаган ҳолда. Анзират хафагазак чимирилиб, қочиб кетди. Н. Қиличев, Қуюн.

ХАФАГАЗАКЛИК айн. **хафалик**. Севаргул отасининг хафагазаклигини жилла аритиш илнжиде куну тун хизматда шай турди. Н. Қиличев, Чигирик.

ХАФАГАРЧИЛИК айн. **хафалик**. Хафгарчилик узоқ давом этмади: улар уч кундаёқ ярашиб олдилар. «Ёшлик». Масъудахон эрининг келишини, нима олиб келишини сабрсизлик билан кутар, хафгарчилик, қайғуаламлари тарқалгандек бўларди. Газетадан.

ХАФАЛАНМОҚ кам қўлл. Хафа бўлмоқ. Муаллиф ўз асарининг бунчалик эътироф топганидан мамнуният билдиргани ҳолда, баъзи масъулиятсиз ўзбошимчаликлардан хафаланганини ҳам изҳор этган эди. Ш. Ризаев, Жадид драмасы. Абдулазиз.. Анпон чолнинг ранги ўзгариб, юзидаги ажинлари янаям қуюқлашганини.. қаттиқ хафаланиш аломатига йўйди. «Ёшлик».

ХАФАЛАШМОҚ Бир-бирдан хафа бўлмоқ, келиша олмай қолмоқ; койишмоқ. Гап шу: хатойингни тузатасан. Йўқса, ёмон хафалашиб қоламиз. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ХАФАЛИК Ғамгинлик, қайғули ҳолат; ранжиганлик. Зайнаб хафалиги ошган кезларда қариндош-уруғлариникига юриб, чигилини ечар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Унинг [Нигоранинг] нозик қирмизи.. юзида хафалик, кўзларида чуқур ўйчанлик бор эди. С. Анорбоев, Оқсой.

ХАФАОМУЗ [ф. *خفا آمیز* — хафага ўхшаш, хафанамо] Хафа бўлган сингари, маъюслик билан. Фотима чиройли кўзларини шўх ўйнатиб, қони қочган билакларини ишқаб, хафаомуз гапирди. Н. Ёкубов, Бўсағада.

ХАФАХОН айн. **хафақон** 1. -Комилжон ака, — деди Содиқ хафахон овозда, — қанча зарар бўлса тўлаймиз. Мени озод қилинг бу қийноқдан. И. Раҳим, Ихлос.

ХАФАЧИЛИК айн. **хафалик**. У хафачилик нималигини билмайдиган шўх-шаддод бир қиз эди. М. Мансуров, Ёмби.

ХАФАҚОН [а. *خفاقان* — юрак уриши, дукиллаши] 1 Мунгли, ғамгин, хафаҳол. Унга ўз ўйлари чигилини ёзиб олишга ёлғизлик, хафақон қалбига ором, нафаси бўғилаётган ўпкасига ҳаво керак эди. Ҳ. Фулом, Машғал. Театрга борганингизда, биронта хафақон

актёрни учратиб қолсангиз, унинг дарди роль устида бўлади. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.

2 Дилсиёҳлик билан ўтадиган. Хафақон, чалкаш кунларнинг бирида Исфандиёрнинг яна икки катта амалдори қочди. Мирмуҳсин, Чўри.

3 тиб. Юракнинг тез ёки нотекис уришини сезиш ҳолати. Хафақонни даволаш ва олдини олиш касаликни келтириб чиқарган сабабларга боғлиқ. «ЎЗМЭ».

4 тиб. Қон босимининг ортиши туфайли юз берадиган касаллик, гипертония. Баъзи кишиларнинг айтишига қараганда, онам хафақон касалига йўлиққан эмишлар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [Беморларнинг] Бири хафақон, бошқаси сил касалига мубтало, кимгадир чипқон чиқибди. М. Қориев, Ибн Сино.

Хафақон бўлмоқ 1) диққат бўлмоқ, сиқилмоқ; хуноб бўлмоқ. -Бугун сени кўрмаганим учун жуда зеркииб, хафақон бўлиб ўтирган эдим, — деди Раъно Ҳафизага. Мирмуҳсин, Умид; 2) қон босими ортиш касалига йўлиқмоқ.

ХАФАҲОЛ [ф. + а. *خفا حال* — хафалик ҳолати] Хафа бўлган, руҳи тушган, маъюс. -Оллоназар, фойтунни келтир, — деди Исломуҳжа фойтунчига қараб, хафаҳол қиёфада. Ж. Шарипов, Хоразм. [Гулзира] Хафаҳол бош эгиб чиқиб кетди. А. Мухтор, Кумуш тола.

ХАФИФ [а. *خفيف* — кичик, енгил] кт. Майин, ёқимли. Ажойиб баҳор куни. Хафиф, ёқимли шамол эсади.. Р. Комилов, Имтиҳон. Булутларнинг оҳистагина сайридан сезиларсезилмас хафиф бир шамол юриб, енгилгина бир изғирин ҳам юзга келиб тўқинар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХА-ХА-ХА унд. с. Хаҳолаб кулишни ифодалайди. -Ха-ха-ха, шамол сиздан ўчимни олди, қани, гапиринг! — деди Раъно Анварга. А. Қодирий, Мехробдан чаён. -Ха-ха-ха.. — Фазлиддин Нурунинг сўзларидан таъсирланиб, қаттиқ кулди, — отанга пул керак бўлса, биздан қарз олсин. Ойбек, Танланган асарлар.

ХАХОЛАМОҚ Қаттиқ овоз чиқариб кулмоқ. Шамси Тўраевич хаҳолаб кулди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Темур Малик хаҳолаб кулиб юборди. Мирмуҳсин, Темур Малик.

ХАХО-ТАРАЛА с.т. Хурсандчилик, хуш-чақчақлик. *Шу тариқа жами сайёҳлар: эру хотин, ёшу қари қий-чув, хахо-тарала билан оқшомгача кетма-кет ҳамма чўмилиб чиқади.* Х. Хасанов, Экватордан ўтганда.

ХАЧИР От (бия) билан эшак (ҳанги)-дан урчиган, юк ташувчи уй ҳайвони. *По-дишо буларга ориқ хачирга мол-дунё ва йўл озиғини ортиб берибди.* «Зумрад ва Қиммат». 20-асрнинг 50-йилларидан бошлаб хачир Ўзбекистонда автомобиль транспортининг ривожланиши билан деярли йўқолиб кетди. «ЎЗМЭ».

ХАШАК [ф. *خشک* — қуруқ, қуриган, қуритилган] Қуритилган ўт-ўлан, пичан. *Қолаверса, қиш бўйи одамларга хашак керак.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бригадамиздан тўрт кишини.. хашак йиғишга жўнатишди.* Ш. Жўраев, Бола дунёни тебратар.

ХАШАКИ [ф. *خشکی* — қуриганлик, кур-гоқчилик, қуруқлик; дағаллик, кўполлик] 1 Чорва учун озуқа, ем-хашак бўладиган. *Хашаки лавлаги. Хашаки жўхори.*

Хашаки тут Меваси уруғли, қора, қиз-ғиш, оқиш, сарғиш рангларда бўладиган маҳаллий тут; чағир тут. *Хашаки тут тағида она-бола довол томонга кўз тутиб ётишарди.* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

2 Паст зотли, зотсиз, жайдари, маҳаллий. *Хашаки от. Хашаки товук.*

3 кўча с.т. Оддий, содда, ҳамма қатори (одам ҳақида). — *Аҳмад полвон унақа сенлар ўйлаган хашаки болаларданмас, — деди Боқи.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

4 кўча Жўн, асоссиз. *Айтган гапларининг ҳаммаси хашаки чиқиб, мажлис аҳлининг энсасини қотирди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ХАШАКЛАМОҚ с.т. Хашак емоқ. *От хашаклади.*

ХАШАКХОНА [хашак + хона] Хашак, пичан сақланадиган жой.

ХАШАК-ХУШАК Хашак, пичан, қуриган ўт-ўлан. *Ундан [қабрлардан] нарида томига сандал курси, машина баллони, хашак-хушак уйиб ташланган бостирма.* «Ёшлик».

ХАШТАК-ПАШТАК айн. **аштак-паштак**. *Ўрикдан турли усулда.. хаштак-паштак, баргак [олтингугурт тутуни билан дудлатиб], аёло даражада туршак қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ХЕЗ [ф. *خيز* — тик турувчи, кўтарилувчи; кўтарилиш, сакраш]: **хез қилмоқ** фольк. *Ташланмоқ, сапчимоқ; ҳамла қилмоқ, хезланмоқ. Қари чинорда пойлаб турган бургут Юнус нарига хез қилди.* «Маликаи айёр».

ХЕЗЛАМОҚ 1 фольк. Тез ҳаракат билан олдинга интилмоқ, ташланмоқ; ҳамла қилмоқ; сапчимоқ, сакрамоқ. *Бедов отлар чув деганда хезлайди.* «Хушкелди». *Майдон кўрса, кийикдек бўб хезлайди, Душманга тишини доим тезлайди.* «Равшан». *Давлат қуши муяссардир бошинга, Душман хезлаб келолмайди қошинга.* Ислом шоир.

2 Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ундамоқ, қистамоқ. *Хизир билан Бадбахт тоғин кўзлайин, Узоқларга Фирқужимни [отни] хезлайин.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ХЕЗЛАНМОҚ 1 Хезламоқ 2 фл. ўзл. н.

2 Уришиш, жанжаллашиш, ҳамла қилиш ҳолатида бўлмоқ. — *Бу уйда тариқчалик ҳаққинг йўқ. Минбағд ҳаром сенга бу жойлар! — Каромат хезланиб, қўлини белига қўйганча, эрига настдан қиё боқиб бақирар.. эди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *..Тўрабек бўлса ўша ерда ётган белкурак дастасини чиқариб, яқинлашиб кўрларинг-чи, дегандай хезланиб турибди.* М. Мансуров, Ёмби.

ХЕЛИ-ХЕШ [а. + ф. *خيل خويش* — яқинлар, қариндошлар гуруҳи] Қариндош, қариндош-уруғ. *Бул жойда йўқ хели-хешим.* «Тоҳир ва Зухра».

ХЕМИ-, хемо- [лот. *chimia* < а. *كيمياء*] Байналмилат ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзнинг кимёга, кимёвий жараёнларга алоқадорлигини билдиради, мас., **хемосинтез**.

ХЕМОСИНТЕЗ [хемо.. + синтез] Микроорганизмлар томонидан оксидланиш реакциясида ҳосил бўлган энергия ҳисобига карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиши ва органик бирикмаларнинг биосинтез қилиниш жараёни. **Хемосинтезнинг кашф қилиниши** тирик организмларда кечадиган моддалар алмашинуви жараёнининг асосий типлари тўғрисидаги тушунчани ўзгартириб юборди. «ЎЗМЭ».

ХЕМОСОРБЦИЯ [хемо.. + лот. *sorbere* — ютмоқ, ўзига сингдирмоқ] ким. Суюқлик ва қаттиқ жисмнинг атроф муҳитдан моддалар ютиши.

ХЕХЕЛАМОҚ «Хе-хе» каби овоз чиқариб кулмоқ. *Қози домла кулгидан четда қол-*

мади, калласини ликиллашиб, роса хехелади. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ХЕ-ХЕ-ХЕ унд.с. Хехелаган кулги товушини ифодалайди. - *Пари йигитга ошиқмисан? Хе-хе-хе! - Нега куласан, Гулшан она?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ХЕШ [ф. *خویش* — ўз, ўзи; қариндош, яқин киши] шв. Қариндош, қариндош-уруғ, қавм-қариндош; яқин одам. *Ёлғиз экан, сочсоқоли оқ, На ўғли бор, на қиз, на ёр, хеш.* Миртемир. *Ёқубжон айтган киши аллақачон оламдан ўтган экан.. Қайдан келганини, кимнинг хеши эканини билмас экан.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХЕШ-АҚРАБО, хешу ақрабо [хеш + ақрабо] кт. Қариндош-уруғлар, уруғ-аймоқлар, қавм-қариндошлар; яқин кишилар. *Бир ҳафта ўтган, хеш-ақрабою таниш-билишлар бешик тўйига чорланди.. «Ёшлик». Ҳол сўргани яна хеш-ақрабо, ёр-дўст, ҳамсоялар киришди.* С. Сиёев, Аваз.

ХЕШЛИК Қариндошлик, қариндош-уруғлик муносабати. *Ўртақўрғонга ўзингиз бориб келасиз, ўртоқ Яхшибоев, мен борсам, эришроқ туюлади, ҳарқалай, рафиқангиз боис хешлиги бор.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХИ айн. **хих**.

ХИВИЧ Хўл, узун новда, хипчин. *Бўтабой тол хивичини ўйнаб, хиргойи қилиб келарди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Гулчехра «ҳим», деб ўрнидан турди, ташқарига чиқиб, йўғон хивич топиб, уйга кирди.* «Саодат». Аёз, тарайман, дер ўжарлик билан Тутларнинг тиккайган хивичларини. А. Шер.

ХИВИЧЛАМОҚ Хивич билан урмоқ, саваламоқ.

ХИЁБОН [ф. *خیابان* — бульвар, хиёбон] Икки томонига қатор дарахт, бута ва гуллар ўтказилган йўл ёки йўлка; сайргоҳ. Асфальт кўчаларда юксак бинолар, Икки чет хиёбон, аргувон тип-тик. Ф. Фулом. *Хиёбондаги дарахтларнинг япроқларида йиғилган томчилар тўкилиб тушди.* С. Кароматов, Олтин кум.

ХИЁЛ [а. *خیال*] рвш. Билинар-билинмас даражада; озгина, бироз. *Яхшибоевнинг ранги хиёл оқарган эди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Қўчор келиб кетгандан кейин, Машрабнинг миясида бурғидай айланган оғир ўйлар сал тарқаб, хиёл енгил тортди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Орадан хиёл фурсат ўтиб, қўнғироқ жиринглади.* С. Нуоров, Нарвон.

ХИЁНАТ [а. *خیانت* — макр, ҳийла; хоинлик, мунофиқлик, вафосизлик] Аҳдни бузиш, бировнинг ишончини ёки ишониб топширган нарсасини суиистеъмол қилиш. *Макру ҳийла ва хиёнатнинг жойи дўзахдир. «Фан ва турмуш». - Мени хиёнат йўлига бошламоқчимисан? — дедим қалтираб.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Хиёнат қилмоқ 1) аҳдини бузмоқ, бировнинг ишончини ёки ишониб топширган нарсасини суиистеъмол қилмоқ. *Омонатга хиёнат қилма.* Мақол. ■ *Оддий пахтакор аввал қандай ишлаган бўлса, ҳамон шундай. Пахтага ҳеч қачон хиёнат қилмайди.* «Саодат»; 2) ёри ёки севгилисига нисбатан вафосизлик қилмоқ, бошқага, бегонага қўнғил бермоқ. [Умиднинг] *Бабзан юраги орзиқиб тушарди: кимдандир эрига хиёнат қилиб юрадиган бир аёлни эшитган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

ХИЁНАТГАР [а. + ф. *خیانتگر* — хиёнат қилувчи] эск. айн. **хиёнатчи**.

ХИЁНАТГАРЛИК Хиёнат қилишлик. *Қилиб зотингдаги найрангни охир, Хиёнатгарлигинг кўрсатдинг охир.* Ҳабибий.

ХИЁНАТКОР [а. + ф. *خیانتکار* — хиёнат қилувчи] айн. **хиёнатчи**. *Танқид кўриб, хиёнаткорнинг димоғи куйди, Ўт тушди режасига, қўйган тузоғи куйди.* С. Абдулла. *Хиёнаткорнинг дўсти бўлиб танилган Султоналининг ҳам ҳаёти таҳлика остида турадир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ХИЁНАТКОРЛИК Хиёнат қилишлик. *Хиёнаткорлик қилмоқ.*

ХИЁНАТКОРОНА [а. + ф. *خیانتکارانه* — хиёнаткорлик билан, хиёнат қилган ҳолда] рвш. Хиёнатчиларга хос; хиёнаткорларча. *Хиёнаткорона ҳужум.* ■ *Булутлар орасидан ой хиёнаткорона мўралади, «Ҳой уятсизлар, ҳаддиларингиздан ошманглар», дегандай илжайиб, атрофни ёритди.* Ф. Мусаёнов, Ҳури.

ХИЁНАТЧИ 1 Аҳдида турмайдиган, бировнинг ишончини ёки ишониб топширган нарсасини суиистеъмол қиладиган киши; алдоқчи, муттаҳам. *Унинг [Ҳамзахўжаевнинг] олдида уч йўл бор. Биринчиси — хиёнатчиларнинг патини тўзғитадиган ҳамлага ўтиш.* «Муштум».

2 Сотқин, хоин. *Чиғатой ўз аскарларидан кўра шаҳар ичидаги хиёнатчиларга кўп умид боғлар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ХИЁНАТЧИЛИК кам қўл. айн. **хиёнаткорлик**. *Хиёнатчилик позицияси.*

ХИЖИЛ [а. *خجل* — ор, номус, уят, уялиш; уятчанлик, тортинчоқлик] *Хижолатда қолган, кўнгли гаш. Бир уятчан йигит бетоб ётган қайнотасиникига уялиб бормай юрар ва бундан ўзи ҳам хижил эди. А. Муқимов, Ҳол сўраш.*

Кўнгли хижил бўлмоқ (ёки **тортмоқ**) Бирор нарсадан хижолат бўлмоқ, безовта-ланмоқ, нотинч бўлмоқ. *Улар [Озод билан Қаҳҳор] тинчиб, ўринларига ётишганда, Озод нимадандир кўнгли хижил бўлаётганини сезиб қолди. «Ёшлик». Шу онда кўз олдига томоғини боғлаган Ёқут келди-ю, кўнгли хижил тортди. А. Абдуллаев, Бизнинг йўлимиз. Кўнглини хижил қилмоқ* *Хижолатга солмоқ, ноқулай аҳволга солмоқ, гаш ёки нотинч қилмоқ. Кечадан бери кўнглимни хижил қилаётган ташвишларни бир зумда унутгандек бўлдим. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.*

ХИЖИЛЛИК *Хижил бўлиш, гашлик, нотинчлик. Дала ҳавоси димоғига урилиши билан кўнглидаги хижиллик офтоб тафтида эриган қировдай ҳовурга айланиб кетди. А. Кўчимов, Ҳалқа.*

ХИЖОЛАТ [а. *خجالت* — уят, уялиш] *Уятдан ўзини ноқулай, ўнғайсиз сезиш; уялиш ҳисси. Ошно хижолатдан қизарди. М. М. Дўст, Лолазор. — Вой, мени деб лойга беландингиз, — деди аёл хижолат билан. С. Аҳмад, Уфқ.*

Хижолат бўлмоқ (ёки **тортмоқ, чекмоқ**) Бирор нарсадан уялмоқ, ўнғайсиз, ноқулай ҳолга тушмоқ. *Фафур аканинг олдида бундан бироз хижолат бўлдим. Шукрулло, Сайланма. Али полвоннинг бу гапидан хижолат тортган Эш полвон унга зардали қараб олди. С. Аҳмад, Уфқ. Норқўзининг бундай мақтовини эшитган Феруза.. хижолат чекди. Ҳ. Ғулом, Феруза. Хижолат қилмоқ* *ёки хижолатга қўймоқ* *Бировни уялтирмоқ, ўнғайсиз, ноқулай ҳолга туширмоқ. Баҳодир ножўй ҳаракати билан Оқилани хижолатга қўйганидан қаттиқ ўқинар, лекин иш ўтган эди. М. Жалолиддинова, Кейинроқ. Хижолатда қолмоқ* *Ўнғайсиз, ноқулай ҳолатда қолмоқ, уялиб қолмоқ. Элмурод хижолатда қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ХИЖОЛАТЛИ **1** *Хижолат ёки уялиш билан; хижолат бўлган ҳолда. —Маматвой*

иним, — гап бошлади у хижолатли оҳангда.. «Ёшлик». Азизхон хижолатли овоз билан деди: —Мен эдим, ая. Мен эдим. С. Аҳмад, Уфқ.

2 *Кишини уялтирадиган, ноқулай аҳволга соладиган. Машина зарур бўлиб қолса, хижолатли иш бўлмасин. С. Аҳмад, Уфқ.*

ХИЖОЛАТЛИК **1** *Хижолат бўлиш, ноқулай аҳволда қолиш. Умматали боласини хижолатликдан чиқариш учун гапни бўлишга уринарди.. С. Аҳмад, Уфқ.*

2 айн. хижолат. *—Яна кўнглиларига бошқа гап келмасмикан? — деди хижолатлик билан Адолат. С. Зуннунова, Гулхан.*

ХИЖОЛАТОМУЗ [хижолат + ф. *آمیز* — ўхшаш, каби] *Хижолат бўлган ҳолда, хижолат бўлиб, хижолат тортиб. Матпано баядан бери хижолатомуз ўтиради. С. Сиёев, Ёруғлик. Ниҳоят, холи қолишгач, Гулчехра хижолатомуз жилмайиб, секингина деди.. «Саодат».*

ХИЖОЛАТПАЗЛИК с. т. *Хижолат. У [Салима] бу масалада фақат акасининггина эмас, ўзининг ҳам айбдорлигини сезиб, хижолатпазликдан терлаб кетди. М. Исмоилий, Бизнинг роман. Турғунов ўзини билмаганга олган бўлса ҳам, Бўрибой хижолатпазлик билан илжайиб, ёлғонлади: —Меҳмон келган экан. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.*

ХИЗМАТ [а. *خدمت* — хизмат; иш, лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам] **1** *Бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат. Бир кун эшон мени.. чақириб: —Ўғлим, — деди, — мана энди бизга анча хизматинг синди. Ғ. Ғулом, Шум бола. Юрт, ҳукумат асло бу хизматларингни унутмайди. С. Аҳмад, Уфқ. —Агар менинг бу хизматим хон жанобининг марҳаматига лойиқ кўрилар экан, — деди ҳожи, — менга энг манзур бўлган мукофот ўғлимнинг озод қилинишидир. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

Хизмат қилмоқ **1)** *иш, юмуш қилмоқ. Бу эса елиб-югуриб хизмат қилиб юрган Обидовнинг кўнглига гулгула солди. Газетадан; 2) бирор муассаса, корхонада ишламоқ. У институтда хизмат қилади; 3) муайян вазифани бажармоқ, керак бўлмоқ. «Бобурнома» даги маълумотлар ҳозирги замон фани учун ҳам хизмат қилади. «Фан ва турмуш».*

2 *Бировга ёрдам кўрсатиш; ҳолисона қилинган иш; ёрдам; яхшилик. Бу хизматингни сира унутмайман. Элга хизмат — олий*

ҳиммат. Мақол. ■ Элга хизмат қилиб, болам, дуо ол. «Маликаи айёр». То ўлгунча, ота, қилай хизматинг, Қилган хизматларим — сенинг иззатинг. «Маликаи айёр».

3 Бирор ташкилот, муассаса ёки корхонада бажариладиган иш, вазифа; лавозим; шундай жойда ишлаш. *Биринчи ноябрда бўлса керак, «Муштум» хизматига киришганман. А. Қодирий, Кичик асарлар. Сиз, оғайнилар, илгари хон ёнида қандоқ хизматда бўлган бўлсаларингиз, энди ҳам ўша вазифада қолаберасизлар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Ахрор халфа Фузайлхонов] шу ердаги хизматга кириб, кейинчалик секин-аста биринчи синф ўқитувчиси бўлиб олди. «Муштум».*

Хизмат ҳақи Бирор иш ёки топшириқни бажаргани учун бериладиган ҳақ. *Мана, Мутал полвон, ҳозирча оз бўлса ҳам, шуни олиб турасиз, аммо хизмат ҳақингиз ўз йўлига бўладир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Иш, топшириқ, вазифа. [Ҳомид:] *Кишининг хизматидан қочган одам эмасман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сизга оғир келмаса, бир хизмат топширмоқчиман, уста! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Хизматингизга тайёрман Нима иш буюрсангиз, бажаравераман, буйругингизга мунтазирман. [Шофёр йигит:] *Хизматингизга доим тайёрмиз. С. Анорбоев, Оқсой.*

5 Сўроқ оҳанги билан айтилиб, «Менда нима ишингиз бор?» деган маънони билдиради. *-Хўш, ўртоқ Дўсматов, хизмат? — деди Давлатёр. П. Турсун, Ўқитувчи. -Хизмат? — деди у [Акрам] юмшоқ креслонинг суянчигига ўзини ташлаб, Нигорага тикилди. С. Анорбоев, Оқсой.*

6 с.т. Армия сафида бўлиш, ҳарбий мажбуриятни ўташ. *Хизматга чақирилмоқ. ■ [Ота-оналар] Бундан бир ёки икки йил илгари аскарликка узатган ва хизматини тугатиш олобда урушга тўғри келиб, ҳозир жанг қилаётган болаларни эсладилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

7 Армия таркибидаги айрим ихтисослашган соҳалар ёки тармоқлар. *Алоқа хизмати. Тиббиёт хизмати. Разведка хизмати.*

Хизмат кўрсатган Меҳнати эътироф этилган кишиларга бериладиган фахрий унвонлар таркибида ишлатилади. *Хизмат кўрсатган ўқитувчи. Хизмат кўрсатган фан арбоби. Ўзбекистон Республикасида хизмат*

кўрсатган артист. Хизмат кўрсатмоқ Кишилар эҳтиёжини, талабини қондириш билан боғлиқ бирор иш қилмоқ. *Маданий хизмат кўрсатмоқ. Хизматда (ёки хизматингизда) бўлайлик* Бирор кимсани меҳмондорчиликка таклиф қилганда, илтифот юзасидан айтиладиган ибора. *Мулла Фулом, бугун хизматда бўлайлик, қўл бўшади дегунча тўғри келаверасиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ХИЗМАТДОШ Бирга хизмат қиладиган кишилар (бир-бирига нисбатан); ҳамкасб. *Қўчада хизматдош дўстларни учратиб қолдим. ■ Ишдан кейин гоҳо ўзига ўхшаган хизматдошлари билан кўчанинг нариги бетидаги.. қаҳвахонага ўтиб, андак шакаргуфторлик қилади. Э. Аъзамов, Жавоб.*

ХИЗМАТКАШ [а. + ф. خدمتکش — иш, меҳнат қилувчи] 1 айн. **хизматкор**.

2 Ишдан қочмайдиган, ишни яхши бажарадиган; ишчан, меҳнаткаш. *Хизматкаш йигит.*

ХИЗМАТКОР [а. + ф. خدمتکار — хизмат қилувчи] 1 Бировларнинг шахсий хизматини, уй иштини қилувчи киши. *Бу асар бир пардалик фожиа бўлиб, унда бир золим бойнинг йигирма йиллик мўйсафид бир хизматкорига сўнг вақтда қилган жабр ва зулми тасвир қилингандир. Ҳамза, Танланган асарлар.*

2 Халқ ёки жамият манфаати учун хизмат қилувчи. *-Йўлингга кўз тикар, тикар албатта. Улғайсанг, ўқиб, бўл элга хизматкор! М. Алави.*

ХИЗМАТКОРЛИК Хизматкор бўлишлик. *Хизматкорликка Йўлчибойни сўрамоқчиман. У синалган одам, сан нима дейсан? Ойбек, Танланган асарлар.*

ХИЗМАТОНА [а. + ф. خدمتانه] кам қўлл. Хизмат учун тўланадиган ҳақ. *-Бизнинг вазифамиз, мана шу шартларга биноан.. хизматона ва ширинкома олишдир, — деди [ноиб]. С. Айний, Судхўрнинг ўлими. [Эшон қози] Мазкур ҳаққи хизматонани астагина ёнларига солдилар. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

ХИЗМАТЧИ 1 Бирор идора ёки корхонада ёзиш-чизиш билан шуғулланувчи киши; ходим. *Унинг ижтимоий келиб чиқиши — хизматчи. ■ Идора хизматчиларининг бир мажлисида Сулаймоновни роса сулайтиришди. А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун. Бирлашма хизматчилари таркибига*

стоматологларнинг киритилиши тасодифий чора эмас. Газетадан.

2 Умуман, меҳнаткаш киши; ишчи. Улар темир йўл хизматчилари эди. Ойдин, Суҳбаги жонон. Қилинадиган ишнинг бир хиллиги хизматчини толиқтиради, аксар, анчагина куч сарф этишни талаб этади. «Фан ва турмуш».

3 айн. хизматкор. Муладдуст — 54 ёшда, ишўхтабиат.. кўнгилчан бир киши. Қозининг хизматчи ҳам мулозими. Ҳамза, Майсаранинг иши.

ХИЗР [а. *خضر* — «яшилланмоқ, яшил тусга кирмоқ» фл. дан] (X — катта) дин. Ислон ривоятларида зикр этилган, ҳаёт булоғидан «оби ҳаёт» ичиб, умри боқий бўлган тақводор шахс; оғир аҳволда қолган кишиларга чол, сувори ёки йўловчи кўринишида учраб, уларнинг мушқулини осон қилади. *Хизр назар қилмаса, эшак бозорга даллол ҳам бўлолмайсан.* Мақол. ■ *Юрган киши баланд тоғлардан ошар, Хизр назар қилган ҳам кўп узоқ яшар.* «Эрали ва Шерали».

Хизрни йўқласам (ҳам) бўлар экан Сўзловчи йўқлаб ёки истаб турган одам тасодифан келиб қолганда айтиладиган ибора. *-Хизрни йўқласанг бўлмасиди, — деди Тулаган кулиб.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

ХИЙЛА [ф. *خیلی* — кўп, ортиқ] **1** рвш. Маълум даражада, бирмунча, анча. Беморнинг соғлиги хийла яхшиланди. У сендан хийла ёшроқ.

2 Бирмунча фурсат, анча вақт. Биз бекатда хийла кутиб қолдик. ■ *Эргаш ота хийладан кейин келди.* О. Ёкубов, Қаҳрамон излаб.

ХИЙЛИ [ф. *خیلی*] с.т. айн. **хийла.** Ватан фарзандлари қалбининг кучи Атомлар сиридан хийли буюкдир. Ғ. Ғулом.

ХИЛ [а. *خيل* — хусусият, сифат] Бирор нарсанинг нави, тури; зот, жинс. *Икки хил фикр.* Атласнинг етти хил ранг жилоси. ■ *Лекин Карим Тоиров дегани ҳам бўш келмайдиганлар хилидан экан.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Ичмилликларнинг қайси хилидан сўрасангиз — тайёр.* С. Зуннунова, Олов. *Дилдор қошларини, елкаларини учириб, минг хил муқом билан қўшиқ айтарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Бир хил **1)** бир турли; ҳар жиҳатдан тенг. *Кунлар бир хил, кунлар зерикарли.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Тош кўзага тушсаям, кўза тошга*

тушсаям, оқибат бир хил — тош синмайди, кўза синади. С. Сиёев, Ёруғлик; **2)** айрим, баъзи, баъзи бир. *Кўп лашкар вағирлашди, Тоғларнинг қуши учди. Қўрқоқнинг ҳуши учди, Бир хили отдан тушди.* «Юсуф ва Аҳмад». **Бир хил бўлиб кетмоқ** Тўлқинланмоқ, ҳаяжонланмоқ; ўзини ноқулай сезмоқ. *У бўйинбоғини боғларкан, хотинига разм солиб, кўнгли бир хил бўлиб кетди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. **Хил тушмоқ (ёки келмоқ)** Бир-бирига мос келмоқ, мос тушмоқ. *Кўп ўтмай [Набижон билан раиснинг] ораларидан ола мушук ўтадиган, гаплари гапларига хил келмайдиган бўлиб қолди.* Ғ. Насриддинов, Ота ўғли.

ХИЛВАТ [а. *خلوة* — ёлғизланиш, ёлғиз қолиш; махфий, пана жой; чекка, овлоқ жой] **1 сф.** Одамлардан, кўздан йироқ, ҳеч ким кўрмайдиган, одам кам бўладиган; пана, овлоқ, чекка. *-[Чол] Биз билан хилват уйда гаплашди, — деди Усмон.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Усмонбек Уратепа қозисига қараши хилват ва дабдабали уйда ёлғиз, дарича ёнида ўтириб, Туркистоннинг ҳарбий картасини кўздан кечирмоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Имтиҳон ҳафтаси кириши билан факультетда хилват бурчак қолмади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Кейинги якшанба борилган жой ҳақиқатан салқин, хушхаво, хилват ер экан.* С. Абдулла, Ўртоқ Холназаров.

2 от Тинч, осуда жой. [Ҳусайн:] *Дўстим, ёшлигимизни замон олиб кетди.. қолган умримизни хилватда ва фароғатда ўтказайлик.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Хилват қилмоқ Панада суҳбат кўрмоқ, гапиришмоқ.

ХИЛВАТГОҲ [а. + ф. *خلوتگاه* — чекка, пана жой] Хилват жой; овлоқ, чекка жой. *Хилватгоҳда яшамоқ.* ■ *Кимсасиз бу хилватгоҳлар қўйнида турли-туман кемирувчи, емирувчи, ўрмаловчи, думалаб юрувчи жондорларнинг изи жуда кўп.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ХИЛВАТНИШИН [а. + ф. *خلوت‌نشین* — хилватда ўтирувчи] эск. кт. Хилватда яшашни севадиган, хилватда якка-ёлғиз яшайдиган одам.

ХИЛВАТХОНА [хилват + хона] Хилват ёки овлоқ жойдаги уй, бино; махфий кенгаш хонаси. *Кечқурун султон.. Мажидиддини хилватхонага чақиртирди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ХИЛЛАМОҚ 1 Хилларга, навларга ажратмоқ. *Қовунларни хилламоқ. Пиллани хилламоқ.*

2 Танлаб олмоқ, сараламоқ. *Гулларни хилламоқ.* ■ *Мактаб ташиқлотларини қўлга олгандан кейин, ўқувчи ва муаллимларни хиллаш керак бўлади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ХИЛЛИ Навли, турли. *Қўп хилли.*

ХИЛМА-ХИЛ Ҳар хил, турли-туман. *Очилмиш хилма-хил гуллар, топиб зийнат хиебонлар. Ҳабибий. Кампир куёвини ҳамisha шундай кутадимиз ёки Нусратбек келгани боисми, таом анча кўп ва хилма-хил эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

ХИЛМА-ХИЛЛИК Ҳар хиллик, фарқ. *Имлодаги хилма-хиллик. Фикрлар хилма-хиллиги.*

ХИЛОНДОН эск. Ичига соқолтароқ, қайрма пичоқ, тишқовлагич каби буюмлар солиб, белбоққа осиб юриладиган, чармдан ясалган кичик сумка. *Қўлида ўша ўзинг кўрган хилондони, оғида нағмалик этик! А. Қодирий, Кичик асарлар.*

ХИЛОФ [а. *خلاف* — қарама-қаршилик; келишмовчилик; зиддият; тафовут] Зид, қарама-қарши, тескари. *Қоидага хилоф ҳаракат. Интизомга хилоф равишда.* ■ *Бировникини олиш шариатга хилоф, мусулмонлар! «Шарқ юлдузи».*

Хилофи шаръий Шариат, дин кўрсатмаларига зид, қарши. *Мана шундай хилофи шаръий ишларининг касофатидан бундай кунларга тушдингиз. С. Айний, Қуллар.*

ХИЛТ [а. *خلط* — чалкашлик, ноаниқлик; аралашма] 1 *тиб. эск. Одам организми таркибидаги тўрт модда (қон, балғам, сафро, савдо)нинг бири.*

2 Организмдаги турли моддалар.

ХИЛ-ХИЛ айн. **хилма-хил**. *Кўзни алдар хил-хил бўёқлар.. Миртемир.*

ХИЛХОНА [а. + ф. *خیلخانه* — хайли хона: бир хона аҳли, одамлари] Қабристоннинг бирор уруғ-авлодга ёки маҳаллага, ўзига қарашли мархумни дафн этиш учун ажратилган бир бўлаги, бир қисми. *Чигатой кўчасин сўл томонида Ўтсангиз муқаддас хилхона тараф. Саноксиз қабрлар ғаладониди Ётибди Отелло — у буюк араб. А. Орипов. Лекин онам: -Йўқ, мен бу жойни ташлаб кетолмайман. Бу ерда ота-боболарим ўтган. Хилхонамиз шу ерда, — дер эди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.*

ХИЛЪАТ [а. *خلعت* — туҳфа, инъом қилинган уст кийим] 1 *эск. кт. Одатда инъом, ҳадя қилинадиган қимматбаҳо тўн. Дудодан кейин ҳудайчи икки тўн келтириб, кимхобни домла Ниёзга ва қора бахмалдан тикилган мирзабошилик хилъатини Анварга кийдирди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

2 *эск. Умуман, тоза кийим, либос. Ажаб хилъат ярашган қомати зеболаринг бордир. Муқимий. Хилъати равно, бўйи зебо гулистоним мени. Фурқат.*

ХИЛҚАТ [а. *خلقت* — табиат; ташқи кўриниш; тузилиш; шакл] *кт. Яратилган, бунёдга келган нарса ёки кимса. Бунчалар сирлисан, о қаттол олам, Бунчалар бедилсан, белоён хилқат. А. Орипов. Бемор менга узоқ тикилиб турди. Худди мени биринчи кўраётгандай, ажиб хилқатга тикилаётгандай томоша қилди. А. Нурмуродов, Уруш бевалари.*

ХИМИК қ. **кимёгар**. *Химик олим.*

ХИМИК қ. **кимёвий**. *Химик реакция.*

ХИМИКАТ [«химия» с. дан] Кимёвий усулда тайёрланган препаратлар, кимёвий моддалар. *Учувчи унинг [Қудратнинг] устидан заҳарли химикат — бутифос сепмоқда. «Ёшлик».*

ХИМИЯ [лот. *chimia* < а. *كيمياء* — кимё] қ. **кимё**. *Органик химия.*

ХИМИЯВИЙ қ. **кимёвий**. *Химиявий маҳсулотлар. Химиявий препарат. Химиявий қуроллар.* ■ *Натрийнинг химиявий активлиги калийникидан устунроқ. «Фан ва турмуш».*

ХИНА [а. *حناء* — хина] 1 Дербендошларга мансуб буталар ёки дарахтчалар туркуми; шу туркумга оид қизғиш гулли ўсимлик. *Ариқ бўйидаги.. кичикроқ супа атрофида райҳон, намозшом, хина гуллари барқ уриб ётарди. С. Зуннунова, Олов.*

2 Шу ўсимликдан олинадиган, қўл, тирноқ, сочи бўяш учун ишлатиладиган қизғиш-сариқ рангли бўёқ. *Ингичка белларинг тасма, Қўлда хина, қошда ўсма. «Эрали ва Шерали».*

Ҳайитдан кейин хинани кетингга (ёки орқангга) қўй (аввалги пайтда қўл ва оёқ бармоқларига, кафтга хина кўпинча ҳайит арафасида қўйилган) *с.т. Ўз вақтида қилинмаган иш, қўрилмаган чора-тадбир ҳақида айтиладиган ибора.*

ХИНАГУЛИ Манзарали ўсимлик сифатида экиладиган, оқ, пушти, қизил рангда гуллайдиган бир йиллик ўт ўсимлик.

ХИНАЛАМОҚ Хина билан бўямоқ. *Тирноқларни хиналамоқ.*

ХИНАЛИ Хина қўйилган, хина билан бўялган. *Келинг, икков кўришайлик Ноз хинали қўл белинг.* «Кўшиқлар».

ХИНЗИР [а. خنزير — чўчка] эск. кт. Чўчка, тўнгиз.

ХИНИН [ингл. quinine < кечуа тилида: kina — пўстлоқ, пўст, қобиқ] Тиббиётда безгакка қарши препарат сифатида қўлланувчи, хин дарахти пўстлоғидан олинадиган алкалоид.

ХИНО кт. поэт. айн. **хина** 1, 2. *Бодайи гулгун ичиб, рангим хино қилмоқчиман. Ҳабибий. Мен жим ётарману қирда ё жарда Ва йиғлаб ўпарман қўлинг хиносин. М. Юсуф.*

ХИППА рвш. 1 Батамом, узил-кесил. *Мақсуд қори ортиқ гапиролмади, йиғи келиб, томоғини хиппа бўғиб қўйганди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.*

2 Жон-жаҳди билан, бирдан. *Икки ёндан келган икки киши уни хиппа ушлади.* «Шарқ юлдузи».

ХИПЧА Ингичка, нозиккина; келишган. *Алёнка қамишдек хипча бел, чиройли бир қиз эди. М. Осим, Элчилар. Сочинг сунбул, хипча келгандир белинг. «Нигор ва Замон». У сочи оқара бошлаган, лекин қадди-қомати йигитларникидек хипча, бўйи ўртадан тикроқ киши эди. П. Қодиров, Уч илдиш.*

Хипчадан келган Бели ингичкароқ, нозикроқ; озгинроқ. *Почталёон хипчадан келган, юлдузи иссиққина ўспирин эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ХИПЧАЛАШМОҚ Хипча бўлмоқ, нозиклашмоқ; ингичкалашмоқ. *Кимсан Султонпошшанинг киртайган кўзларини, ориқлаб, хипчалашиб қолган гавдасини кўз олди-га келтирди. А. Мухтор, Туғилиш.*

ХИПЧИН айн. **хивич**. Олимжон нуқул ҳўкизларини хипчин билан савалар эди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Файзулла учиб келади-ю, душманнинг калласига қўлидаги хипчин билан бир туширади. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ХИПЧИНЛАМОҚ айн. **хивичламоқ**.

ХИРА [ф. خيره — қоронғи, қора; ожиз, кўрқоқ; Ҳайрон, саргашта; ботир, жасур; беҳаё, сурбет, шилқим; хумор, ғамгин (кўз)] 1 Ёруғ, равшан эмас; нурсиз. *Хира ёруғ унинг юзини бир дамгина ёритади. С. Зуннунова,*

Кўк чироқлар. Шифтга илинган тошчироқ чайла ичини хира ёритиб турарди. «Ёшлик».

2 Тиниқ, шаффоф эмас. *Хира сув. ■ Трамвайнинг хира ойнасидан бўш вагонда ўтириб кетаётган кондуктор лип этиб бир кўринишдаёқ Зайнабнинг бутун ҳаёлини ўғирлаб кетганини билармикан? С. Зуннунова, Кўк чироқлар.*

3 Ноаниқ равишда; яққол кўзга ташланмайдиган. *Шундан сўнг улар ҳув олисда кўзга хира ташланиб турувчи сарбаланд тоғлар томон юриб кетишди. «Ёшлик».*

4 Яхши кўролмайдиган, кўриш қобилияти паст. *Мана шундай маъноли Бувим айтган сўзлари. Электрдан нур олар Энди хира кўзлари. 3. Диёр. Оқсоқолнинг хира кўзлари чақнади, аччиғи келди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

5 кўчма Жаранглаб чиқмайдиган, хириллаган (овоз ҳақида). *Хира овоз. ■ -Болам, қорнинг тўқ экан, овозинг хира чиқди, — деди дадаси. Ойбек, Танланган асарлар.*

6 кўчма Ғашга тегадиган; шилқим, сур. *-Бўлди! Мунча хира пашшага ўхшаб ғин-ғиллайсан! — деди у зардаси қайнаб. «Ёшлик». Хира меҳмон шунда ҳам нари кетмади: -Лекин мен бугун шу ерда тунашим керак. Х. Султонов, Онамнинг юрти.*

7 кўчма Ноаниқ; чигил. *Хира ўйлар юрагини ғаш қилар эди. «Ёшлик».*

8 кўчма Кишини хурсанд қилмайдиган, кўнгил тўлмайдиган; камчилиги бор. *Ютуқларимиз кўп. Бироқ ишимизнинг айрим хира томонлари ҳам бор. Газетадан.*

Кўз(и) хира тортмоқ Кўриш қобилияти пасаймоқ. *Кўзим хира тортганми, билмайман, уни зўрға танидим. «Ёшлик».* **Кўнгли (ёки таъби) хира** Юраги ғаш, нотинч. *Бироқ Саломат опа чойга уринганда, яна бирдан кўнгли хира бўла бошлади. А. Мухтор, Ҳаётга чақирӣқ. Кўнгли ғаш, таъби хира бўлиб ётган Гулхайри ичкари хонага ўтиб кетди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. Хира тортмоқ* Ёруғлиги, нури камаймоқ. *Ой ҳам бутунлай хира тортиб, уфққа ёнбошлади. А. Мухтор, Кумуш тола. Хира қилиб ётмоқ* Бирор жойнинг кўркини бузиб, банд қилиб ётмоқ. [Тўнка] *Ётарди хира қилиб Ҳовлимиз бир бурчини. Қ. Муҳаммадий.*

ХИРАД [ф. خرد — ақл, идрок, эс, фаҳм] эск. кт. Ақл, заковат; донолик.

ХИЛЛАМОҚ 1 Хилларга, навларга ажратмоқ. *Қовунларни хилламоқ. Пиллани хилламоқ.*

2 Танлаб олмоқ, сараламоқ. *Гулларни хилламоқ.* ■ *Мактаб ташкилотларини қўлга олгандан кейин, ўқувчи ва муаллимларни хиллаш керак бўлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ХИЛЛИ Навли, турли. *Қўп хилли.*

ХИЛМА-ХИЛ Ҳар хил, турли-туман. *Очилмиш хилма-хил гуллар, топиб зийнат хиебонлар. Ҳабибий. Кампир куёвини ҳаммаша шундай кутадики ёки Нусратбек келгани боисми, таом анча қўп ва хилма-хил эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ХИЛМА-ХИЛЛИК Ҳар хиллик, фарқ. *Имлодаги хилма-хиллик. Фикрлар хилма-хиллиги.*

ХИЛОНДОН эск. Ичига соқолтароқ, қайирма пичоқ, тишковлагич каби буюмлар солиб, белбоқча олиб юриладиган, чармдан ясалган кичик сумка. *Қўлида ўша ўзинг кўрган хилондони, оёғида нағмалик этик!* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ХИЛОФ [а. *خلاف* — қарама-қаршилик; келишмовчилик; зиддият; тафовут] Зид, қарама-қарши, тескари. *Қондага хилоф ҳаракат. Интизомга хилоф равишда.* ■ *Бировникини олиш шариатга хилоф, мусулмонлар! «Шарқ юлдузи».*

Хилофи шаръий Шариат, дин кўрсатмаларига зид, қарши. *Мана шундай хилофи шаръий ишларингизнинг касофатидан бундай кунларга тушдингиз.* С. Айний, Қуллар.

ХИЛТ [а. *خِلط* — чалкашлик, ноаниқлик; аралашма] 1 *тиб. эск.* Одам организми таркибидаги тўрт модда (қон, балғам, сафро, савдо)нинг бири.

2 Организмдаги турли моддалар.

ХИЛ-ХИЛ айн. **хилма-хил.** *Кўзни алдар хил-хил бўёқлар.* Миртемир.

ХИЛХОНА [а. + ф. *خيل خانه* — хайли хона: бир хона аҳли, одамлари] Қабристоннинг бирор уруғ-авлодга ёки маҳаллага, ўзига қарашли марҳумни дафн этиш учун ажратилган бир бўлаги, бир қисми. *Чигатой кўчасин сўл томонида Ўтсангиз муқаддас хилхона тараф. Саноқсиз қабрлар ғаладониди Ётибди Отелло — у буюк араб.* А. Орипов. *Лекин онам: —Йўқ, мен бу жойни ташлаб кетолмайман. Бу ерда ота-боболарим ўтган. Хилхонамиз шу ерда, — дер эди.* Ш. Холмирозев, Оғир тош кўча.

ХИЛЪАТ [а. *خِلعت* — туҳфа, инъом қилинган уст кийим] 1 *эск. кт.* Одатда инъом, ҳадя қилинадиган қимматбаҳо тўн. *Дуодан кейин ҳудайчи икки тўн келтириб, кимхобни домла Ниёзга ва қора бахмалдан тикилган мирзабошилик хилъатини Анварга кийдирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *эск.* Умуман, тоза кийим, либос. *Ажаб хилъат ярашган қомати зеболаринг бордир. Муқимий. Хилъати рағно, бўйи зебо гулистоним мени.* Фурқат.

ХИЛҚАТ [а. *خِلقات* — табиат; ташқи қўриниш; тузилиш; шакл] *кт.* Яратилган, бунёдга келган нарса ёки кимса. *Бунчалар сирлисан, о қаттол олам, Бунчалар бедилсан, бепоён хилқат.* А. Орипов. *Бемор менга узоқ тикилиб турди. Худди мени биринчи кўраётгандай, ажиб хилқатга тикилаётгандай томоша қилди.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

ХИМИК қ. **кимёгар.** *Химик олим.*

ХИМИК қ. **кимёвий.** *Химик реакция.*

ХИМИКАТ [«химия» с. дан] Кимёвий усулда тайёрланган препаратлар, кимёвий моддалар. *Ўқувчи унинг [Қудратнинг] устидан заҳарли химикат — бутифос сепмоқда.* «Ёшлик».

ХИМИЯ [лот. *chimia* < а. *كيمياء* — кимё] қ. **кимё.** *Органик химия.*

ХИМИЯВИЙ қ. **кимёвий.** *Химиявий маҳсулотлар. Химиявий препарат. Химиявий қуроллар.* ■ *Натрийнинг химиявий активлиги калийникидан устунроқ. «Фан ва турмуш».*

ХИНА [а. *حناء* — хина] 1 Дербендошларга мансуб буталар ёки дарахтчалар туркуми; шу туркумга оид қизғиш гулли ўсимлик. *Ариқ бўйидаги.. кичикроқ суна атрофида райхон, намозишом, хина гуллари барқ уриб ётарди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Шу ўсимликдан олинадиган, қўл, тирноқ, сочни бўяш учун ишлатиладиган қизғиш-сарик рангли бўёқ. *Ингичка белларинг тасма, Қўлда хина, қошда ўсма.* «Эрали ва Шерали».

Ҳайитдан кейин хинани кетингга (ёки **оркангга**) **қўй** (аввалги пайтда қўл ва оёқ бармоқларига, кафтга хина кўпинча ҳайит арафасида қўйилган) *с.т.* Ўз вақтида қилинмаган иш, қўрилмаган чора-тадбир ҳақида айтиладиган ибора.

ХИНАГУЛ Манзарали ўсимлик сифатида экиладиган, оқ, пушти, қизил рангда гуллайдиган бир йиллик ўт ўсимлик.

ХИНАЛАМОҚ Хина билан бўямоқ. *Тирноқларни хиналамоқ.*

ХИНАЛИ Хина қўйилган, хина билан бўялган. *Келинг, икков кўришайлик Ноз хинали қўл билан.* «Қўшиқлар».

ХИНЗИР [а. خنزير — чўчка] эск. кт. Чўчка, тўнғиз.

ХИНИН [ингл. quinine < кечуа тилида: kina — пўстлоқ, пўст, қобиқ] Тиббиётда безгакка қарши препарат сифатида қўлланувчи, хин дарахти пўстлогидан олинадиган алкалоид.

ХИНО кт. поэт. айн. **хина** 1, 2. Бодайи гулгун ичиб, рангим хино қилмоқчиман. Ҳабибий. *Мен жим ётарману қирда ё жарда Ва йиғлаб ўпарман қўлинг хиносин.* М. Юсуф.

ХИППА рвш. 1 Батамом, узил-кесил. Мақсуд қори ортиқ гапиролмади, йиғи келиб, томоғини хиппа бўғиб қўйганди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Жон-жаҳди билан, бирдан. Икки ёндан келган икки киши уни хиппа ушлади. «Шарқ юлдузи».

ХИПЧА Ингичка, нозиккина; келишган. Алёнка қамишдек хипча бел, чиройли бир қиз эди. М. Осим, Элчилар. Сочинг сунбул, хипча келгандир белинг. «Нигор ва Замон». У сочи оқара бошлаган, лекин қадди-қомати йиғитларникидек хипча, бўйи ўртадан тикроқ киши эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

Хипчадан келган Бели ингичкароқ, нозикроқ; озгинроқ. *Почтабон хипчадан келган, юлдузи иссиққина ўспириш эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ХИПЧАЛАШМОҚ Хипча бўлмоқ, нозиклашмоқ; ингичкалашмоқ. *Кимсан Султонпошанинг киртайган кўзларини, ориқлаб, хипчалашиб қолган гавдасини кўз олди-га келтирди.* А. Мухтор, Туғилиш.

ХИПЧИН айн. **хивич**. Олимжон нуқул ҳўкизларини хипчин билан савалар эди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Файзулла учиб келади-ю, душманнинг калласига қўлидаги хипчин билан бир туширади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ХИПЧИНЛАМОҚ айн. **хивичламоқ**.

ХИРА [ф. خيره — қоронғи, қора; ожиз, кўрқоқ; ҳайрон, саргашта; ботир, жасур; беҳаё, сурбет, шилқим; хумор, ғамгин (кўз)] 1 Ёруғ, равшан эмас; нурсиз. *Хира ёруғ унинг юзини бир дамгина ёритади.* С. Зуннунова,

Кўк чироқлар. *Шифтга шинган тошчироқ чайла ичини хира ёритиб турарди.* «Ёшлик».

2 Тиниқ, шаффоф эмас. *Хира сув.* — *Трамвайнинг хира ойнасидан бўш вагонда ўтириб кетаётган кондуктор лип этиб бир кўринишдаёқ Зайнабнинг бутун хаёлини ўғирлаб кетганини билармикан?* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

3 Ноаниқ равишда; яққол кўзга ташланмайдиган. *Шундан сўнг улар ҳув олисда кўзга хира ташланиб турувчи сарбаланд тоғлар томон юриб кетишди.* «Ёшлик».

4 Яхши кўролмайдиган, кўриш қобилияти паст. *Мана шундай маъноли Бувим айтган сўзлари. Электрдан нур олар Энди хира кўзлари.* 3. Диёр. *Оқсоқолнинг хира кўзлари чақнади, аччиғи келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 кўчма Жаранглаб чиқмайдиган, хирилаган (овоз ҳақида). *Хира овоз.* — *Болам, қорнинг тўғ экан, овозинг хира чиқди, — деди دادаси.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 кўчма Фашга тегадиган; шилқим, сур. — *Бўлди! Мунча хира пашшага ўхшаб ғинғиллайсан! — деди у зардаси қайнаб.* «Ёшлик». *Хира меҳмон шунда ҳам нари кетмади: — Лекин мен бугун шу ерда тунашим керак.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

7 кўчма Ноаниқ; чигил. *Хира ўйлар юрагини ғаш қилар эди.* «Ёшлик».

8 кўчма Кишини хурсанд қилмайдиган, кўнгил тўлмайдиган; камчилиги бор. *Ютуқларимиз кўп. Бироқ ишимизнинг айрим хира томонлари ҳам бор.* Газетадан.

Кўз(н) хира тортмоқ Кўриш қобилияти пасаймоқ. *Кўзим хира тортганми, билмайман, уни зўрға танидим.* «Ёшлик». **Кўнгли (ёки таъби) хира** Юраги ғаш, нотинч. *Бироқ Саломат она чойга уринганда, яна бирдан кўнгли хира бўла бошлади.* А. Мухтор, Ҳаётга чақирӣқ. *Кўнгли ғаш, таъби хира бўлиб ётган Гулхайри ичкари хонага ўтиб кетди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. **Хира тортмоқ** Ёруғлиги, нури камаймоқ. *Ой ҳам бутунлай хира тортиб, уфққа ёнбошлади.* А. Мухтор, Кумуш тола. **Хира қилиб ётмоқ** Бирор жойнинг кўркини бузиб, банд қилиб ётмоқ. [Тўнка] *Ётарди хира қилиб Ҳовлимиз бир бурчини.* Қ. Муҳаммадий.

ХИРАД [ф. خرد — ақл, идрок, эс, фаҳм] эск. кт. Ақл, заковат; донолик.

ХИРАДМАНД [ф. *خردمند* — ақли, эсли; доно] эск. кт. Ақли, донишманд. *Топиб илму хирадга пайванд, Ҳам олим эди-ю, ҳам хирадманд.* Алишер Навоий.

ХИРАЛАНМОҚ 1 Ўз шаффофлигини, тиниқлигини, равшанлигини йўқотмоқ; хира бўлиб қолмоқ, хиралашмоқ. *Қуёш ботди, оқшом чўкди далага, Хираланиб келар қуриқ этаги.* Ғ. Шоди.

2 Кучсизланмоқ, заифлашмоқ, нур сочиш, ёритиш даражаси камаймоқ, яхши кўринмайдиган бўлиб қолмоқ. *Туман куюқлашиб, ой хираланди.* ■ *Юлдузлар хираланиб, жимгина сўнаркан, Шокир ота унинг қўлидан тутиб, куч билан судраб етаклади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сийрак оқ булут орқали хираланиб кўринган қуёш ғарбга қараб юмалай бошлаган бир пайтда отлиқлар қишлоққа кириб келиб, ўзларини ўраб олган одамлардан оқсоқолни сўрадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Кўриш қобилияти пасаймоқ, яхши кўролмайдиган бўлиб қолмоқ; хиралашмоқ. *Эртас эшитишга қизикқан боладек [Элмурод] чолнинг.. хираланган кўзларига тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *кўча* Бировни зериктирадиган, ғашига тегадиган даражада ҳаракат қилмоқ, хиралик қилмоқ; шилқим бўлмоқ. *Бола хираланиб, онасига ётишарди.* Газетадан.

ХИРАЛАШМОҚ айн. **хираланмоқ**. Бу орада туман тушди. *Юлдузлар хиралашди. «Ёшлик».* Онанинг кўзлари ёшдан хираланиб, ўғлини овутди.. С. Нуров, Нарвон.

ХИРАЛИК 1 Бирор нарса, буюмнинг тиниқ, равшан эмаслиги. *Шошанинг хиралиги.* Кўзнинг хиралиги.

2 *кўча* Шилқимлик, ғашга тегиш. *Хиралик қилмоқ.* ■ *Хайрият, Раҳматов ортиқ хиралик қилмади, тансиҳатлик тилаб, секин чиқиб кетди.* М. М. Дўст, Лолазор.

3 *кўча* Безовталиқ; нохушлиқ; ғашлик. *Топиволдиннинг кўнглидаги хиралик бироз тарқалгандек бўлди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ХИРАХАНДОН [ф. *خیره‌خندان* — бекордан-бекор, бежо кулаверадиган] Ўз хурсандчилиги учун бошқаларга озор берадиган; шилқим; безори. *Мушукларни қийнаб, товукларга тош отиб ўйнайдиган хирахандон болалар бўлади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ХИРГОЙИ Паст овоз билан айтиладиган ашула. *Узоқдан қизларнинг хиргойиси эшитилди.* О. Ёқубов, Эр бошига инн тушса.

ХИРИЛДОҚ айн. **хириллоқ**. Анчадан кейин ичкаридан: *Савдо йўқ, дўкон ишламайдими, — деган хирилдоқ овоз эшитилди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

ХИРИЛЛАМОҚ Хир-хир овоз чиқармоқ, хир-хир қилмоқ. [Алимардон Тўраев] *Пул учун дунёнинг нариги чеккасига боришдан ҳам тоймас, тўйларда тонготар ашула айтиб, хириллаб қоларди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. Аввало моторнинг овози ўзгарди, хириллади, кейин бутунлай ўчди. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ХИРИЛЛАШ 1 **Хирилламоқ** фл. ҳар. н.

2 *тиб*. Нафас йўларининг торайиши ёки уларда патологик ҳолат бўлиши натижасида юзага келадиган нафас шовқинлари.

ХИРИЛЛАШМОҚ 1 **Хирилламоқ** фл. бирг. н. *Итлар бир-бирига хириллашди.*

2 *кўча* с.т. Биров билан уришмоқ, айтишмоқ; жанжаллашмоқ. [Йўлчи] *Ҳозир унинг назарида оламда энг паст ва разил кўринган Мирзакаримбой билан пул юзасидан хириллашиб, ёқа бўғишини ўзига ор билади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХИРИЛЛОҚ Хириллайдиган, «хир-хир» қиладиган (овоз, товуш ҳақида). *Зиндоннинг қопқоғи очилиб, «Чиқ, сени кўрбоши жаноблари йўқлаяттилар», деган хириллоқ овоз эшитилди.* Х. Тўхтабоев, Ёйиллар ва йўллар. *Фақат қандайдир хириллоқ ун чиқади.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

ХИРМОН [ф. *خرمن* — дон ёки янчилмаган бугдой уюми; бугдой тўкилган жой]

1 Йиғиб-териб олинган экинлар ҳосилини тўплаш учун ажратилган жой, майдонча. [Уста амаки] *Жўхори ери ёнидаги бугдойи ўриб олинган бир ерни кўрсатиб, у ерни хирмон жойи қилишга маслаҳат берди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Вали ака ўғлига хирмон қилинадиган жойни кўрсатиб, ўзи теримчиларни Мадаминхўжанинг пахтазорига.. бошлаб кетди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Шундай жойга янчиш, тозалаш ёки қуритиш учун келтирилган маҳсулот (ғалла, пахта ва ш.к.). *Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир.* Мақол. *Ишга қўним — хирмонга унум.* Мақол. ■ *Сизнинг ўроғингизни ўрган, хирмонингизни янчан.. чексиз хўрланган бир инсонни биламан, — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Кўп миқдорда тўплаб қўйилган, уйиб ташланган нарсалар. *Шайх Исмоил ҳам ким-*

гадир имо қилди. Бир лаҳзада ҳар томондан китоб хирмониға ўт урилди. К. Яшин, Ҳамза.

Хирмон кўтармоқ Ҳосил етиштириб, йиғиб олмоқ. *Гектаридан 15 центнердан хирмон кўтарди.* Т. Ашуров, Оқ от. **Хирмон қилмоқ** Ҳосилни бир жойга тўпламоқ, йиғмоқ. *Пахтани хирмон қилмоқ. Ғаллани хирмон қилмоқ.*

ХИРМОН-ХИРМОН Хирмонлаб; кўплаб, жуда кўп. *Бугунги хирмон-хирмон пахталар.. халқимизнинг меҳнати эвазига келган кўл инъомидир.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

ХИРОЖ [а. خراج — чиқариш; ер солиғи] Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда ўрта асрлар ва янги даврда давлат томонидан ундирилган ер солиғи (7-асрда араблар томонидан жорий қилинган). [Навоий:] *Азиз фуқаро! Ҳирот беклари тарафидан ноҳақ солинган хироҷ бекор қилинди.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Хива хони Муҳаммад Раҳим I хирожни пул билан ундиришни жорий қилган.* «ЎзМЭ».

ХИРОМ [ф. خرام — латиф, назокатли юриш, виқорли қадам] *поэт.* Чиройли юриш, ноз-таманно билан қадам босиш. *Хиром айламоқ (этмоқ, қилмоқ).* ■ *Агар ёринг хиром этса, Саболардан аён бўлғай.* А. Орипов. *Ҳар дам хиром айлаб кирсанг гулзора, Гуллар кўксин йиртиб қилғай юз пора.* Ҳабибий.

ХИРОМОН [ф. خرامان — латиф, назокатли юрадиган, виқорли қадам ташловчи] *поэт.* Чиройли юрадиган, ноз-таманно билан қадам босадиган. *Хайр, гўзал жононим, Севимли хиромоним.* М. Шайхзода. *Отмагай тонг боғ аро азминг хиромон бўлмаса, Булбули шайдоларинг гул узра нолон бўлмаса.* С. Абдулла. *Товус каби айлаб хиромон, Рақсга тушиб бир гўзал жонон.* Э. Воҳидов, Нидо.

ХИРПА 1 Бир томони тошга ишқаб силлиқланган; сийқаси чиққан, силлиқ (ошиқ ҳақида). [Султон киссавур] *Қўлида тўртта хирпа ошиқни ўйнаб келар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 кўча Кўпни кўрган; кув, туллак. *Туллиликда бу одам хирпа бўлиб кетган.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар. [У] *Баъзи эски хирпа амалдорларнинг кирдикорларини ўрганди.* Ойбек, Навоий.

ХИРПАЛАМОҚ 1 Тошга ишқаб, едириб текисламоқ, силлиқламоқ. *Ошиқни хирпаламоқ.*

2 кўча Бурнини ерга ишқаламоқ, адабини бермоқ. *— Биз ўттиз киши Бадиуззамоннинг элик-олтмиш йигитини обдан хирпаладик, — деди Арслонқул Навоийга иржайиб.* Ойбек, Навоий.

ХИРПИ айн. хирпа.

ХИРС [ф. خرس — айиқ] с.т. Айиқ. *Ўзи ҳам хирсдан баттар кучли экан, то бошини қайирғунимча, тагин икки тупни эзиб юборди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

ХИРСДАЙ Хирс каби, катта, улкан. *Катта темир дарвоза остида чўзилиб ётган хирсдай ит бошини кўтариб ириллади.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

Хирсдай тўқ 1) овқатни кўп еган, қорни тўқ; **2)** кўча мўл-кўлчиликда яшовчи бой, бадавлат киши ҳақида.

ХИРУРГ [юн. cheirurgia — қўл иши] қ. жарроҳ. *Мурод Раҳимов қўли энгил хирург эди.* Газетадан.

ХИРУРГИК қ. жарроҳлик **2.** *Хирургик операция.*

ХИРУРГИЯ [юн. cheirurgia — қўл иши < cheir — қўл + ergon — ҳаракат, иш] қ. жарроҳлик **1.** Хирургия бўлими. ■ *Ҳозирги замон хирургия фани кимё, физика, молекуляр биология каби соҳалардаги ютуқлар натижасида ривожланиб бормоқда.* «Фан ва турмуш».

ХИР-ХИР тақл. с. Хириллаган овоз, товуш ҳақида. *Бек сўз давомида негадир хир-хир кулади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Аҳрор хир-хир йўталди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

ХИРҚА [а. خرقة — кўроқ; лахтақ; латтапутта] эск. **1** Дағал матолардан қураб тикилган либос; дарвишлар кийими; жанда. *Қаландар дарвишлик хирқасини кийишга кийиб, пушаймон чекиб юрган пайтлар эди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

2 Эски, жулдур кийим. *Камбағалнинг хирқасидан ор қилмоқ шунчалар.* Муқимий.

ХИРҚАПЎШ [а. + ф. خرقةپوش — хирқа кийган; дарвиш, қаландар] эск. **1** Жанда кийган; дарвишлик қилувчи, дарвиш.

2 *Енгил-юпун кийинган; фақир, камбағал; тиланчи, гадои.*

ХИРҚИ айн. хирқироқ. *Хонага жимлик чўкиб, тўсатдан яна йиғи товуши хавф солиб қолди.* Шу тонда ҳаммадан тетикроқ

Оксана эркакча хирқи товуш билан бунинг олдини олди. А. Мухтор, Туғилиш.

ХИРҚИРАМОҚ «Хир-хир» қилиб овоз чиқармоқ. Ёнда Дадақўзи ҳам инқиллаб инграб, пичоқ егандек хирқирарди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ХИРҚИРОҚ Хириллаган, «хир-хир» қиладиган; хирилдоқ. Ушалмаган орзу аламидан изтироб чекиб, паришонҳол турганида, кимдир хирқироқ товушда.. деди. С. Анорбоев, Сайли. Муаззинларнинг хирқироқ товуши тинган, тонг ёришиб келарди. С. Сиёев, Ёруелик.

ХИСЛАТ [а. *خُصْلَات* — сифат, хосса, хусусият] Киши ёки нарсанинг муҳим ижобий белгиси; сифати; хусусият, фазилат. Яхши хислат — гузал фазилат. Мақол. ■ Ҳар фаслнинг ўз хислати бор, Ҳар фаслнинг ўз фазилати, Кумуш қишдан, зумрад баҳордан Қолишмайди кузнинг зийнати. Уйғун.

ХИСЛАТЛИ Бирор хислатга эга, хислати бор. Бу ажойиб хислатли аёлнинг қилмиш-қидирмишларини унинг ўзидан эшитамиз. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ХИТ Тажанг, асабий; бўғилган. Мен, дарвозани ёпиб, ичкарига кирдим. Негадир хит эдим. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.

Кўнгли хит Таъби хира, кўнгли ғаш. -Кўнглим хит бўлиб, диванга ёнбошладим, — деди Учқун. О. Ёкубов, Бир фельетон қиссаси. **Хит бўлмоқ** Асабийлашмоқ. Рустам бобо ҳалидан буён суҳбатга аралашолмагани учун, баҳона тополмаганидан, хит бўлиб турганди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар **Хит қилмоқ** Юракни сиқмоқ, асабийлаштирмоқ. Босим ўтириб, хатларга жавоб ёзавериш одамни хит қилиб юборади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. [Шум бола:] Хўжайин, дейман, ўзингиз ҳам жуда хит қилиб юборар экансиз-да! Ғ. Фулом, Шум бола.

ХИТЛАНМОҚ кам қўлл. айн. **хит бўлмоқ** қ. **хит**.

ХИТЛИК Қайсарлик, ўжарлик, асабийлик. Йўлдошнинг асаби кечгача ёзилмади. Самоварнинг жўмрагини бурашга ҳам хитлик қилиб, бир-икки марта қўлини куйдириб олади. Н. Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқларида.

ХИТОБ [а. *خطاب* — нутқ; ёзув, ёзувли хабар, ахборот] Кучли ҳис-гуйғу, ҳаяжонни, истакни ифодаловчи жумла; чақириқ. Оломон яна гув этиб, «Балли, азамат!»

«Умринг узоқ бўлсин, болам!» деган хитоблар эшитилди. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса.

Хитоб қилмоқ (ёки **этмоқ**) Кучли ҳаяжон билан қичқирмоқ, бировга мурожаат қилмоқ. -Ҳурматли жаноблар! — деди у хитоб қилиб. К. Яшин, Ҳамза.

ХИТОБАН [а. *خطابا* — хитоб қилган ҳолда, хитоб тарзида] рвш. Мурожаат қилиб, мурожаат тарзида. -Жанобнинг амрлари билан, — деди Анвар уларга хитобан, — энг оғир ва жавобгарлик бир хизматни ўз устимга олишга мажбур бўлдим. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [Навоий] Шунинг учун лирик бир чекиниш билан соқийга хитобан айтади.. Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

ХИТОБНОМА [хитоб + нома] Бирор иш ёки ҳаракат қилишга ундаб ёзилган мактуб, ёзма чақириқ, мурожаатнома. Тинчлик тарафдорларининг хитобномаси.

ХИТОЙ 1 қ. **хитойлар**. Хитой тили. Хитой аёл. ■ Бу паҳлавон Искандар илтифотига ноил бўлган хитой гўзали бўлиб чиқади. Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

2 Хитойга, хитойларга хос; Хитойда ишланган. Хитой маданияти. Хитой вазаси. ■ Эшон ая хитой лаганда қовурма олиб кирди. С. Аҳмад, Ҳукм. ..безак учун у ерга, бу ерга қўйилган хитой вазаларини латта билан яхшилаб артди. Ойбек, Танланган асарлар.

Хитой девори 1) Хитойни Мўғулистондан ажратиб турган қадимий девор; Садди Чиний. Ана, катта қўрғон. Унинг уч томонидаги баланд деворлар Зиёдиллага «Искандарнома»да таърифланган хитой деворига ўхшаб кўринди. Ҳ. Фулом, Машғал; 2) кўчма ўтиб бўлмас тўсиқ, ғов; ажратиб турувчи чегара. Шундан кейин бу икки дўст ўртасида хитой девори пайдо бўлди. «Ёшлик». **Хитой ловия** с. т. Соя (ўсимлик). **Хитой қоғоз** с. т. Юпка шалдирик қоғоз. Эрталаб кичкина хитой қоғозга ёзилган хатни олиб, Серёжа Астахов орқасига қайтди. А. Раҳмат, Соқов бола.

ХИТОЙИ Хитой мамлакати ва хитойларга оид; Хитойда тайёрланган. Хитойи шоҳи. ■ Отабек шошиб, токчадаги хитойи норин товоқни олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Беклар, вазирлар.. кимхобларга, хитойи шоҳига беланиб [подшоҳ ёнига] киришди. Ойбек, Навоий.

ХИТОЙЛАР Хитой Халқ Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этувчи,

хитой тилида сўзлашувчи халқ (ўзларини ханцзу, хань деб атайдилар). *Улуғбек турклар ва хитойлар кеча-кундузи ярим кечадан бошлаганликларини қайд этади. «Фан ва турмуш».*

ХИТОЙЧА 1 Хитойга, хитой халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Хитойча рақс.*

2 Хитой тили. *Хитойча гаплашмоқ. Сиз хитойчани биласизми?*

ХИТОЙШУНОС [хитой + *ф.* *شناس* — ўрганувчи] Хитой тили, адабиёти, иқтисодиёти, сиёсати, фалсафаси, маданияти ва тарихи билан шуғулланувчи мутахассис; синолог. *Хитойшунос олим.*

ХИТОЙШУНОСЛИК Хитой тили, адабиёти, иқтисодиёти, сиёсати, фалсафаси, санъати, маданияти ва тарихини ўрганувчи фан; синология.

ХИХ унд. с. Эшакни тез юргизишга қисташ учун ишлатилади. *У [Ҳасан овчи] эшакни, хих, деб тезлатди. Ш. Тошматов, Эрк куши.*

ХИ-ХИ тақл. Секин, босиқ товуш билан кулишни ифодалайди. *-Хи-хи-хи. Бу менга сир эмасди, дўстим, — деди Урфон, оғзининг таноби қочиб. К. Яшин, Ҳамза.*

ХИХИЛАМОҚ Секин, босиқ товуш билан кулмоқ. *-Қамтарликдан ўрғилай, — яна хихилаб кулди банги. О. Ёқубов, Ларза. Ҳаммалари кулишиб, айниқса, Холмирза аканинг хихилашдан ичаги узилаёзди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ХИХЛАМОҚ «Хих», «хих» деб эшакни юришга ундамоқ. *Майна эшагини хихлади ва шу заҳотиёқ кетидан Нарзи тоға минган эшакнинг ҳам диқирлаган йўрғаси эшитилди. Ш. Тошматов, Эрк куши.*

ХИШТ [*ф.* *خشت* — гишт; қуйма (олтин)] эск. айн. **ҒИШТ**. Қўлингдан ўтмишдир ҳар битта хишти, Раҳмат, дер ўзбекнинг ўн етти пушти. *Ғ. Фулом.*

ХИШТАК [*ф.* *خشتک* — кичик гишт; иштон оғига, қўйлак қўлтиғига қўйиладиган мато парчаси] Иштон, шим, шалвар кабиларнинг ҳар икки қисмини бир-бирига улашда чет оралиғига ёки қўйлак қўлтиғига қўшиб тикиладиган туморча шаклидаги бир парча мато; оғ.

ХИШТИН [*ф.* *خشتين* — гиштли, гиштдан қилинган] эск. айн. **ҒИШТИН**. Отабек, қутидор ва Офтоб ойим.. янги хиштин саға-

на қаршисида тўхтадилар. *А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ХЛОР [юн. *chloros* — яшил-сарик] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; яшил-сарик тусли, ўткир ҳидли, заҳарли, бўғувчи газ. *Хлор бирикмалари халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг миқёсда ишлатилади. «Анорганик кимё».*

ХЛОРЛАМОҚ Нарсаларни хлор воситасида зарарсизлантирмоқ, дезинфекция қилмоқ. *Оқова сувларни сув ҳавзаларига ағдаришдан олдин хлорлаб, ультрабинафша нурлар.. таъсир эттирилади. «Фан ва турмуш».*

ХЛОРЛИ Таркибида хлори бор, хлор қўшилган. *Хлорли сув бўлган идишнинг тиқини очилса, ундан хлорнинг ҳиди келиб туради. «Анорганик кимё». Хлорнинг сувдаги эритмаси «хлорли сув» дейилади. «Анорганик кимё».*

ХЛОРОФИЛЛ [юн. *chloros* — яшил + *phyllon* — барг] Ўсимликларнинг яшил пигменти: ёруғлик энергиясини ўзлаштириб, уни органик моддаларнинг кимёвий энергиясига айлантиришдан иборат биологик вазифани бажаради. *Сувўтлар.. хужайраларида хлорофилл доналари сақлайдиган ва ёруғлик таъсирида органик моддалар ҳосил қиладиган тубан ўсимликлардир. «Ботаника».*

ХЛОРОФОРМ [юн. *chloros* — яшил + лот. *form* — тус, қўриниш] Саноатда эритувчи, тиббиётда асосан наркоз сифатида қўлланувчи ўткир ҳидли, ширин таъмли рангсиз суюқлик. *Хлороформ ҳидлатмоқ. ■ Хлороформни барқарорлаштириш учун унга 1% ли этил спирти қўйилади. «ЎЗМЭ».*

ХОБ [*ф.* *خواب* — уйқу, ухлаш; туш, туш қўриш] **1 кт. айн. уйқу.** Ёмғир ҳам тинмади ўша куни ҳеч, У ҳам қуволмади кўзда хобингни. *А. Орипов.*

2 айн. туш 1. Қалбгинаси зирқирар лўқ-лўқ, Ўнгмас дўё кезар хоб ичра. *М. Али.*

ХОБГОҲ [*ф.* *خوابگاه* — ухлаш хонаси; кўрпа-ёстиқ] кт. Ётоқхона. *Бу мудҳиш хабар Самарқандга келганда, Бобур қаттиқ бетоб бўлиб.. хобгоҳда иситилаб ётган эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ХОБХОНА [хоб + хона] айн. **хобгоҳ.** Латофат хобхона эшигини очиб, унинг жойини тайёрлаб қўйган экан. *А. Ибодинов, «Латофат» дўқонидаги қатл.*

ХОДА [ф. *خاده* — узун ёғоч, таёк] Катта дарахтнинг бутоқ ва шох-шаббалари кесиб ташланган пояси, танаси; узун ёғоч. *Сада соя бера, Тол хода бера*. Мақол. ■ Йўлчи.. *чирик тахталар ўрнига йўғон-ингичка хода-лар ётқизилган кўприк олдида қовун ортган арава тўхтаганини.. кўрди*. Ойбек, Танланган асарлар.

Думини хода қилиб қ. дум 1.

ХОДИМ [а. *خادم* — хизматчи; хизматкор; югурдак] **1** эск. Ўтмишда сарой ёки ўрдада хон, бек ва ш.к. нинг хизматини қилиб юрувчи киши. *Хон, аёлларига рухсат бериб, ҳарамга кирган, ўрданинг кундузлик ходимлари тарқалишиб, фақат кеча беклари, хон соқчилари, доимий ходимлар қолган эдилар*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бирор идора ёки муассасада ишловчи киши, хизматчи. *Савдо ходими. Халқ маорифи ходимлари. Тиббиёт ходими.* ■ -Тергов ўтказмасдан қандай ушлайсиз, — эътироз билдирди прокуратура ходими. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакат.

Илмий ходим Илмий текшириш муассасида ишловчи киши. *Кўп ўтмай илмий ходимлардан баъзилари Салимхон Обидийнинг.. нега кетиб қолганини Умиддан сўрашди*. Мирмуҳсин, Умид. *Институтимизда қанча илмий ходим бўлса, ҳаммаси ёпирилиб келаверди*. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакат.

ХОДИМА [а. *خادمه* — хизматчи аёл; оқсоч] Аёл ходим. *Ўттиз беш ёшларда кўринган бу гўзал хотин ҳарам ходималаридан Гулшанбону эди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Кейин ходима ҳовлининг бир чеккасида қўл қовуштириб турган дуркунгина канизакни кўриб, бир имо қилди*. М. Осим, Карвон йўлларида.

ХОДИМГАР [а. + ф. *خادمگر* — ходимлик қилувчи] Ходими қилувчи киши. -*Оталаримизнинг кўпчилиги майда косиблар, қоровул, ходимгар, мешкоб.. ва ҳоказо бўлганликлари учун.. уларнинг ёнига кўмакчи бўлиб тушиш бизга тўғри келмас эди, — деди Шум бола*. Ф. Фулом, Шум бола.

ХОДИМИ [а. + ф. *خادمی* — ходимлик, хизмат кўрсатиш]: **ХОДИМИ ҚИЛМОҚ** Бировни ишқалаб, уқалаб ювинтирмақ, массаж қилмоқ (асосан, ҳаммомда). *Ҳасанхонни Хон Далли ходими қилиб ухлатди*. Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ХОДИМЛИК Ходим бўлиб хизмат қилишлик. *Газетада ходимлик қилмоқ*.

ХОДИМЧИ с.т. Ходимгар.

ХОДИМГАР с.т. Ходимгар. У [Мирзо] *ҳордиқ оқшоми ҳаммомга тушди-ю, ходимгарлардан бирига ҳалиги сўроғини берди*. А. Қаҳҳор, Мирзо.

ХОЖА [ф. *خواجه* — ҳурматли, обрўли киши; жаноб, хўжайин; мулкдор] кт. тар. **1** Хўжа, хўжайин. [Беруний:] *Гурганж амиридек зolim юртимизга хожжа бўлса, ҳолимизга вой!* М. Осим, Жайхун устида булутлар.

2 Тасаввуфда: тариқат машойихларига бериладиган унвон. Масалан: Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдуҳолиқ Ғиздувоний.

ХОИН [а. *خائن* — аҳдини бузувчи, хиёнаткор] **1** Аҳдини, қасамини бузиб, хиёнаткорона иш тутувчи; фирибгар, муттаҳам. *Эндигина гунчадан чиқаётган бу ёсуман гулни [Кумушбибини] хоин қўлларнинг заҳри сўлитган*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ ёки ўз халқи, ўз ватани манфаатига зид иш тутувчи, унинг душманлари билан ҳамкорлик қилувчи, душман томонига ўтган киши; сотқин. [Навой:] *Давлатимизни яксон қилмоқчи бўлган хоинга салтанат даргоҳида ўрин йўқ!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ХОИНЛАРЧА айн. **хоиннона**. *Хоинларча иш тутмоқ*.

ХОИНЛИК Сотқинлик. *Сизлар учун мардлик билан хоинликнинг фарқи қолмадими? Кечагина Бобур мирзога содиқмиз, деб қасам-ёд этганлар бугун унга шунчалар ёмонлик қилмоқдасиз?! П. Қодиоров, Юлдузли тунлар*.

ХОИННОНА [а. + ф. *خائنه* — хоинларча, хиёнаткорона] рвш. Хоинларча, хиёнаткорона. *Аблаҳ Қутим қоранинг хоинона иши билан қанча фалокат содир бўлди*. Ж. Шарипов, Хоразм.

ХОК [ф. *خاك* — тупроқ, ер; юрт, худуд; чанг, тўзон] кт. **1** айн. **тупроқ**. *Боболар юрти бу, чироғим, Қадрлаб кўзга сурт хокини*. У. Абдуазимова.

2 Тупроққа ёки кулга айланган инсон жасади. *Чунки сенинг сўлим соҳилларингда Ўзоқ боболарнинг хоки бор, Аму!* Миртемир.

ХОКА [ф. *خاکه* — чанг, тўзон; кукун] Майда, кукун (кўмир ҳақида). *Тойир ака ўз олдигаги ёниб ўчган хокаларни кулдан аж-*

ратиб, гулханга ташлар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ХОКАНДОЗ [ф. خاکانداز — чанг-тупроқ, ахлат йиғиштирадиган (куракча)] Олов, кул, кўмир, супуринди ва ш.к. ни олиш, ташиш учун ишлатиладиган дастали асбоб; олов-курак. *Хосият хола хокандозда писта кўмир келтириб, самоварга ташлади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Унинг [капитаннинг] қаршисига супурги ва хокандоз кўтарган бир аёл шахт билан келарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмири.

ХОКИ [ф. خاکی — ер рангидаги, чанг босган]: **хоки анжир** Анжир дарахтининг ёзда пишадиган меваси (иккинчи марта кузда пишадиганидан фарқлаб шундай дейилади). *Хоки анжир тугаб, қовун фарқ пишган Бахтли тонготар чоғ уни кузатдим.* Ғ. Ғулом.

ХОКИПОЙ [ф. خاکپای — оёқнинг чанги, гарди] Оёқ остидаги тупроқ. *Армон бўлди, хокипойин ўпмадим, Дилдоримга кўп зор айладинг, фалак.* «Тоҳир ва Зухра».

ХОКИПОК [ф. خاکپاک — тоза, муқаддас тупроқ] Муқаддас тупроқ. *Мен ҳам бир ўғлингман, она сайёра, Бағринг мен учун ҳам хокипок бўлсин.* А. Орипов.

ХОКИСОР, хоксор [ф. خاکسار — чанг, тўзон босган; камтар, содда; итоаткор] 1 Нихоят даражада камтар, содда. *Мавлоно Шаҳобиддин ғоят камтарин ва хокисордир.* Ойбек, Навоий.

2 Итоат қилувчи, итоаткор, бўйин эгувчи; ожиз. *Улуғ хоқон, бу хокисор қулингизнинг бир тортиги бор.* Ойбек, Навоий. *Лекин инсон қул, инсон ожиз, у бамисоли чумолидай хокисор махлуқ, деганлар мутлақо янглишади.* К. Яшин, Ҳамза. *Ўшанда Ақида ғаройиб ҳикоялари билан тобора юрагига чуқурроқ кириб келаётган бу боланинг олдида ўзини жуда хокисор ва ҳатто ҳўрлангандек ҳис қилди.* Н. Отахонов, Оқшом хаёллари.

ХОКИСОРЛИК, хоксорлик Ўта камтарлик; итоаткорлик, мутелик. *Маждиддин хокисорлик билан унга яқин келиб, қуллуқ қилди.* Ойбек, Навоий. *Қурбон унга хокисорлик билан тикилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ХОКИСОРОНА, хоксорона кт. Хокисор ҳолатда. *— Начора, — деди боягидай камтару хокисорона илжайиб, — бошқа чорам йўқ менинг.* М. М. Дўст, Лолазор.

ХОКИТУРОБ [ф. + а. خاکوتراپ — чанг ва тупроқ] кт. Ер билан яксон; хароб. *— Дин-*

дан қайтганлар қўлида наҳотки бизнинг хонумонимиз куйиб, хокитуроб бўлиб кетса, бунга асло чидаб бўлмайди, — деди Содиқжон бойвачча тутайиб. К. Яшин, Ҳамза.

ХОКИТЎЗОН айн. **хокитуроб.** Қолди хайрлашиб ортида энди Хокитўзон бўлган кулбаси яна. Т. Тўла.

ХОККЕЙ [ингл. hockey < эҳтимол эски фр. hoquet — чўпонларнинг учи қайрилма таёғи] Дарвозали муз майдони ёки майса устида клюшка ва тўп (шайба) билан команда бўлиб ўйналадиган спорт ўйини. *Тўпли хоккей. Чим устида хоккей. Шайбали хоккей.* ■ *Бироз танаффусдан сўнг программада.. хоккей ўйини кўрсатила бошланди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ХОККЕЙЧИ Хоккей ўйновчи спортчи. *Мириман Ким, Ойбек Патибдинов, Ринат Маматказин каби маҳоратли мураббийлар етакчи хоккейчиларни тарбиялади.* «ЎЗМЭ».

ХОЛ I [ф. خال — менг, хол] 1 Баданда, тери устида бўладиган туғма доғ ёки бўртма. *[Кумуш] Латиф бурни ёнидаги қора холининг табиийлигига ишонмагандек қашиб кўрди ва кўзга ёнидан жўнади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Хол қўймоқ 1) ясама хол ҳосил қилмоқ; бирор жойга нуқта ёки холга ўхшатиб белги қўймоқ. *Икки қош ўртаси қизил хол қўймоқ* Ҳинду қизларининг қадим кўркидир. Ғ. Ғулом. *Лаъли шакар, сўзлари бол, Оқ юзига қўйибди хол.* «Баҳром ва Гуландом»; 2) кўчма ишнинг пачавасини чиқармоқ, расво қилмоқ. *Энди булар иш бўлди. — Қўй, Холвой, мунча куйдинг, Мўл ҳосил етказдинг-у, Йиғиб олмай хол қўйдинг.* О. Қўчқорбеков.

2 тиб. Терининг туғма нуқсонларидан бири.

3 Домино, пичоқ дастаси ва ш.к. га уйилган ёки қадалган белги; безак учун қилинган кўз ва ш.к.

4 кўчма Бирор нарсанинг энг муҳим, чиройли жойи; лагофат, гўзаллик, хусн. *Фарғона — Ўзбекистоннинг холи, хусни.* Шухрат, Шинелли йиллар.

Хол бўлиб тушмоқ Ҳусн бўлиб турмоқ, ярашмоқ. *— Йўл бўлсин Авазхон ўғлингизга, Хол тушган Чамбил элингизга.. — деди Жортибой оқсоқол Гўруғлига.* «Зулфизар билан Авазхон».

ХОЛ II Аёлларнинг пешона ва чаккага тақадиган безаги, заргарлик буюми. *Бақтрия*

(2-аср), Далварзинтепа (3-аср) дан топилган, пешонасида холлари бўлган ҳайкаллар холнинг қадимийлигидан дарак беради. «ЎЗМЭ».

ХОЛА [а. خاله — хола] 1 Онанинг синглиси ёки опаси. ..Бобур холаси ва қайлиғини бутун одамларию кўч-кўронлари билан бирга қўриқлаб олиб кетмоқда. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Кекса аёлларга ҳурмат билан мурожаат қилиш шакли. *Лутфинисо бўғчадан икки дўппи олиб, беш сўм пул билан узатди. Йўл тўсувчилар қувониб бақирди:* -Тўй устига тўй кўринг, хола! Ойбек, Танланган асарлар. *У кампирга яқинроқ бориб:* -Икки кило тортворинг [нокдан], хола, — дея унга юзланди. А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

3 Ҳурмат юзасидан ёши катта аёллар исмига қўшиб ишлатилади. [Раис:] Қани, Тўхта хола, гапиринг! А. Қаҳҳор, Кампирлар сим қоқди.

ХОЛАВАЧЧА [а. + ф. خالهچه — холанинг боласи, фарзанди] Опа-сингилларнинг фарзандлари (бир-бирларига нисбатан). [Холида] Холаваччаси билан қуюқ кўришди. «Ёшлик».

ХОЛДИНГ [ингл. holding — эгалик қилувчи, эга бўлган] иқт. 1 Бошқа фирмаларни назорат қилиш ва бошқариш мақсадида уларнинг акция назорат пакетларини сотиб олиб эгалик қилиш.

2 айн. **холдинг компания**. Ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, холдинг, одадта, акциядорлик жамияти қаторига киради. «ЎЗМЭ».

Холдинг компания [ингл. holding-company] иқт. Асосий фаолияти бошқа корхоналарнинг акцияларини ўз тасарруфига олиш орқали уларнинг ишини назорат қилиш ва бошқаришдан иборат бўлган компания, бош корхона.

ХОЛДОР [ф. халдар — холга эга бўлган, холли] 1 Юзида, баданида холи бор; холли. Холдор жувон.

2 Баданида ёки сиртида майда доғи ёки доғлари бўлган. Холдор от. Холдор қанотли капалак. ■ [Ўғил буви] Қутичани айлантирган эди, унинг ичидаги қалай, кумуш узук.. чиройли холдор қилиб ишланган кўзmunчоқ каби бир қанча майда нарсалар ерга тўкилдилар. Ҳ. Шамс, Душман.

3 Холдор (эркаклар исми).

ХОЛЕЦИСТИТ [юн. chole — ўт, сафро + kystis — пуфак] тиб. Ўт пуфагининг ўткир ёки сурункали яллиғланиши. *Ўткир холециститда ўнг қовурға остида — жигар соҳасида, баъзан киндик атрофида тўсатдан қаттиқ оғриқ пайдо бўлади.* «ЎЗМЭ».

ХОЛИ [а. خالى — бўш, қуруқ; эгалланмаган] 1 Кимсасиз, бўш. *Нуринисо эса ичкари ҳовлидаги тўрт уйдан бири — онасининг уйига кирди. Чунки бу уй холи эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 сфм. Чет, хилват, овлоқ. *Йигит ўйлай-ўйлай, Шоқосимнинг хизмат қиладиган жойини, жувозкашникини маъқул кўрди. Чунки бу жой Мирзакаримбой уйдан икки-уч маҳалла нарида, ҳам бундан бошқа холи жойни топиш қийин.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 рви. Яккама-якка, гувоҳларсиз. *Қани, ўтиринг, сиз билан холироқ гаплашайлик-чи бўлмаса.* П. Турсун, Ўқитувчи. -Сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим, холи кўришганимиз яхши бўлди, — деди Нина Ойнисага. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

4 Бирор нарсадан озод, бўшаган, унга алоқасиз. *Бу [ҳижрон] Темиржонни хийла қийнаган, кундалик ташвишлардан холи бўлган пайтларда эса ўйлай-ўйлай ўйига етолмай ҳасрат чекар эди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

..дан холи эмас Чиқиш келишигидаги от билан боғланиб, шу от англатган нарса, воқеа-ҳодисанинг мавжудлиги, борлигини билдиради. Одамнинг ўз фаолиятини ўзи таҳлил этиб туриши фойдадан холи эмас. *Кечга бориб ёмғир ёғиши эҳтимолдан холи эмас. Мазкур илмий иш камчиликдан холи эмас. Холи қолдирмоқ (ёки қўймоқ)* Сухбатга гувоҳ бўлмаслик ёки халақит бермаслик учун кимса(лар)ни ёлғиз қолдирмоқ. -*Эшон халфа, энди бизни холи қолдиринг, — деди ҳазрат фотиҳа ўқилгач.* -*Хўп, тақсир, — деди-ю, Матқовул халфа.. чиқиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қовоғи солиқ соқчи ҳам унчалик инсофсиз эмас экан, икковимизни холи қолдириб, ҳовлига чиқиб кетди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ХОЛИЛАТМОҚ кам қўл. Бирор жойни кишилардан холи қилмоқ; бўшатмоқ; бировни ёлғиз қолдирмоқ. *Ўзбек ойим уйни холилатиб, Ҳасаналини ўз олдида чақиртириб кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХОЛИС [а. *خالص* — тоза, соф, қоришмасиз; самимий; бўш, холи] **1** Воқеликка ҳаққоний назар билан қарайдиган, объектив баҳолайдиган. *Таржима танқидчиси холис бўлиши, таҳлилга олдиндан қатъий ҳукмлар билан «чекланиб» киришмаслиги керак.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 Беғараз, самимий; тамасиз. *Моҳлар оймнинг Анвар билан муомаласи холис ва самимий.. эди.* А. Қодирий Мехробдан чаён. — У [Тухтасин Жалилов] билганларини менга миннатсиз, жон-дили билан, холис ўргатар эди, — деди Ҳалима. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

3 ҳуқ. Қамоққа олиш, тинтув ўтказиш каби ҳолларда ҳукумат органлари томонидан объектив гувоҳ сифатида чақирилган шахс. *Холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин.* Газетадан.

4 Бирор кимса ёки нарсадан холи. *Дунё нодонлардан холис бўлганда эди, бу олам яна ҳам мунавварлик кашф этарди.* Газетадан.

5 Холис (хотин-қизлар исми).

Нияти холис Нияти сидқидилдан, беғараз. *Буни қаранг, нияти холис боламан-да, ўзингизга рўпара келиб турибман.* С. Аҳмад, Уфқ. **Холис гувоҳ** **1)** икки томонга ҳам бетараф гувоҳ; **2)** айн. **холис** **3.** **Холис хизмат** **1)** тамасиз, ҳалол хизмат. *Бу жой меҳнаткашларга холис хизмат қиладиган.. оромгоҳдир.* К. Маҳмудов, Қизилқарли пазандалик; **2)** кест. (қўштирноқ ичига олинади) ғаразли ният билан қилинган иш. *Бутинтув Сайфийнинг «холис хизмати» туфайли бўлганлигини у [Аваз] дарҳол англади.* С. Сиёев, Аваз.

ХОЛИСАНЛИЛЛО(Ҳ) [а. *خالصاً*] айн. **холисона.** Аммо ёзувчи ҳақида, унинг китоби ҳақида кимки ўйлаб, холисанлилло фикр айтмаса, шарманда бўлиши турган гап экан. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги.

ХОЛИСЛИК Ҳаққонийлик, объективлик; самимийлик, беғаразлик. *Ниятнинг холислиги.* ■ *Менинг холислигимни шундан ҳам билсангиз булар эди, ука.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ХОЛИСОНА [а. + ф. *خالصانه* — холислик билан, объектив тарзда] **1** рвш. Ҳаққонийлик билан, объектив ҳолда. *«Бобурнома»да эса тарихий ҳақиқат холисона ра-*

вишда.. қайд қилинади. «Фан ва турмуш». *Танқид аёвсиз ва холисона бўлиши керак.* Газетадан.

2 Ўз манфаатини қўзламаган ҳолда, тама қилмасдан; беғараз. *Лекин шунга қарамай, бугунги кунда сиз бизга холисона ёрдам қўлини қўзиб турибсиз!* Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи.

ХОЛИҚ [а. *خالق* — яратувчи, ижодкор] **1** дин. Яратувчи (Аллоҳнинг сифатларидан бири). *Яхшилик қил, дарёга от, дарё билмаса, балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур.* Мақол.

2 Холиқ (эркаklar исми).

ХОЛЛ [ингл. *hall*] **1** Европада илк ўрта асрда инглиз тураржойларининг жамоатхонаси; жамоат йиғиладиган, нисбатан катта хона.

2 Театр, меҳмонхона каби замонавий жамоат биноларида дам олиш ёки бирор шахс билан суҳбатлашиш учун фойдаланиладиган жиҳозланган хона.

ХОЛЛИ Холи бор. *Унинг [Нигоранинг] қопқора холи лабларига табассум қўнди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ХОЛОДИЛЬНИК [р. *холодильник* — совуткич] **1** Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини совитиш, музлатиш йўли билан сақлайдиган корхона ва унинг биноси.

2 Ичига совитиш аппарати ўрнатилган жавонсимон рўзгор буюми. *Холодильникдан.. егулик қидирди.* «Ёшлик».

ХОЛОЙИ шв. **1** Қариндош ёки яқин бўлган катта ёшли аёлларга нисбатан мурожаат қилиш шакли.

2 Хола.

ХОЛОС [а. *خلاص* — қутулиш, озод бўлиш] юкл. Бори-йўғи, фақат, фақатгина. *Шоирлар алдайди бизни, жонгинам, Баҳор доим эмас, уч ойдир, холос.* А. Орипов. *Икромжон ўз ишлари қолиб, Эш полвондан гапирарди, холос.* С. Аҳмад, Уфқ.

Ана холос! Таажжубни, ҳайратланишни ифодалайдиган ибора. *Ана холос! Чин ошиқнинг гапи эмас бу.* К. Яшин, Ҳамза.

ХОЛПАРАНГ: **холпаранг рўмол** Хол-хол паранг рўмол. [Асра кал].. *зангори шоҳи қийиқ боғлаан, елкасига холпаранг рўмол ташлаган хушфеъл йигит эди.* Ғ. Фулом, Шум бола.

ХОЛ-ХОЛ Сирти холлар ёки холсимон нуқталар билан қопланган; холдор. *Хол-хол*

чит. ■ Кўнғизча хол-хол қора доғли қизғиш қанотларини товлантирганча... учиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ХОМ [ф. *хам* — яхши қайнамаган ёки пишмаган; етилмаган, ғўра; охиригача ишланмаган; тажрибасиз] 1 Табиий равишда пишиб етилмаган, пишмаган; ғўр. *Хом тарвуз. Хом олма.* ■ Узум ғўрасини ғарч-ғарч чайнардилар, турпининг сувини ичардилар, хом анорни емасалар, ухломасдилар. С. Аҳмад, Юлдуз. *Талғат.. бир дона хом кўракни юлиб олиб, орасини ёрди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Пиширилмаган, қайнатилмаган. *Хом ғўшт. Хом сут.* ■ Ўзингиз ҳам неча бор си-наб кўрдингиз: бир дона хом сабзи жигилдон қайнашини тўхтатади. К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

3 Қайта ишланмаган, яхши ишлов берилмаган ёки чала ишланган; хомаки. *Атрофимдаги иморатларнинг кўпи пишиқ ғиш-дан, баъзилари хом ғишдан бўлса ҳам кўкракдор.. Шукрулло, Сайланма. Тезак, хом тери иси аралаш ачимсиқ баббўй ҳид димоғига урилди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Тўтиқиз токчадан дўпни хомини олиб, кўрпачага келиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Енгил-елпи, чала, юзаки. *Хом асарларга йўл қўйиб берсак, бошқалар, меникининг ундан нимаси кам, деб қолмасмикин?* Шукрулло, Сайланма.

5 *кўчма* Пухта эмас, юзаки. *Биласизми, ишни хом қилдингиз, ёнингизга Баротовдан бошқа одамни торта олмадингиз.* С. Зуннунова, Олов. У [Маҳкам] *ғўдаклигига бориб, хом ўйлаган экан.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

6 *кўчма с.т.* Тажрибаси йўқ, содда, ғўр. *-Вой овсин-эй, хомсиз-да ҳали. Эрнинг гапига лаққа тушиб юраверасиз, — деди Сабохон Маҳмудага.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Арпангги хом ўрдами қ. арпа. **Хом** от Минилмаган, аравага қўшилмаган от. *Олтин сувлигин чайнатди, Олти ой боқилган хом отди.* «Эрали ва Шерали». **Хом сут эмган банда қ. эммоқ.** **Хом ҳаёл, хомхаёл** Амалга ошмайдиган, пуч ҳаёл. *Буюкман деб хом ҳаёл сурма.* Ш. Раҳмон. **Чучварани хом санамоқ қ. чучвара.**

ХОМА [ф. *хаме* — қалам; ёзиш усули] эск. айн. **қалам 1, 2.** Авазнинг кўнглига шеър

сигмай, хомаю қоғозни йиғиштирди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ХОМАК [ф. *хамак* — пишмаган, сапча] Пишиб етилмаган, хом қовун ёки тарвуз. *Ҳозир пайкал оралаб боришаркан, Нусратбек йўлда учраган пайкалдан қовундеккина хомак узиб олди..* С. Нуров, Нарвон.

ХОМАКИ [ф. *хамки* — охиригача ишлов берилмаган; пухта эмас] 1 Узил-кесил ҳал қилинмаган, аниқланиши, тўлдирилиши лозим бўлган; ҳали хом. *Хомаки режа. Хомаки расм.* ■ У [Саттор] метронинг хомаки лойиҳасига яна кўп аниқликлар киритилганини сўзлай бошлади. П. Қодиров, Эрк.

2 Тахминий, чамали. *Хомаки ҳисоб.* ■ Сувдан фойдаланишининг ўтган йилги хомаки ҳисоблари ўзимдаям бор. С. Кароматов, Сўнгги бархан.

Хомаки уруш эск. айн. манёвр 1.

ХОМАКЛАМОҚ Хомак ҳосил қилмоқ, сапча қилмоқ. *Қовун хомакларди.* ■ *Томорқага, бодрингнинг ёнига икки гектаргина коньяк экиб қўйсанг, мартда гуллаб, апрелда хомакласа, — ҳаёл қилди Ўрин.* А. Муқимов, Ғалати одамлар.

ХОМАШЁ [хом + ашё] Меҳнат таъсирида ўзгарган ёки ўзгарадиган ва яна ишланиши лозим бўлган дастлабки, хом маҳсулотлар. *Пахта тўқимачилик саноати учун хомашёдир. Хомашё манбаи. Хомашё ресурслари.* ■ *Сунъий хомашёга синтетик смодалар, пластмассалар, синтетик каучук, сунъий тери, синтетик ювиш воситалари ва бошқалар қиради.* «ЎЗМЭ».

ХОМИҚМОҚ кам қўлл. Жисмоний иш билан шуғулланмай, бўшашиб, хомсемиз бўлиб қолмоқ. *-Чарчаб қоласиз, она, — деди Қумри Лолахонга ачиниби, ҳамма оғирликка бардош берадигандек, қизларга қараб кулди:* -*Хомиқиб қолибмиз, ҳаммаси ўшаники.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ХОМКАЛЛА [хом + калла] Ҳеч нарса тўшунмайдиган; фаҳмсиз; тентак. *Кал тароқни яхши кўргандек, бу хомкалла [Сулаймон] баҳсу мунозараларни яхши кўрарди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ХОМЛИГИЧА рвш. Хом ҳолатда, пиширмасдан ёки қайнатмасдан. *Тухумни хомлигича ютмоқ.*

ХОМЛИК 1 Пишмаганлик, етилмаганлик. *Бу олма ейишга хомлик қилади.*

2 кўча Тажрибасизлик. *Ҳали озгина хомлигинг бор экан, шогирд.. келиб, пича таълим олиб кетсанг бўларкан.* «Муштум».

ХОММАПИШ Болаларнинг кўча тупроғини гумбаз қилиб уйиб, устидан сув сеппи қотиргач, тепаси ва ёнларидан тешик очиб, ичига олов ёқиб ўйнайдиган ўйини. *Қудратларнинг эшигида, ариқ бўйида Разно кичкинтой болалар билан хоммапиш ўйнаб ўтирарди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. - Хоммапиш ўйнайдиганлар озода қиз бўлмайди, - деди Манзура она Лолага. Газетадан.*

ХОМСЕМИЗ [хом + семиз] Семиз, тўла бўлишига қарамай, кучсиз, заиф, пўк. *Намоз Очиллов - қирқни қоралаган, хомсемиз, тепакал йигит. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

ХОМСИМОҚ айн. **хомсирамоқ**. - *Кеча бироз хомсиган эди, - деди Каримқул понсад. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ХОМСИРАМОҚ шв. Шубҳа қилмоқ, шубҳаланмоқ; иккиланмоқ. *Мен хомсираб, эшик олдида тўхтадим.* «Муштум».

ХОМСУВОҚ [хом + сувоқ] Дастлабки хомаки сувоқ, қора сувоқ. *Чол айвоннинг хомсувоқ деворига суяб қўйилган қўлтиқтаёғи билан ҳассасига таяниб, қаддини ростлади. Х. Султонов, Онамнинг юрти.*

ХОМСУРП [хом + сурп] Гул босилмаган, бўялмаган оқ ип газлама. *Филлал бир йилда 10,5 миллион метр хомсурп ишлаб чиқаришга мўлжалланган.* Газетадан.

ХОМСЎЗ [ф. خامسوز - ичи пишмай усти куйган] Яхши пишмаган, етилмаган; хом. *Содиқжон бойвачча.. уни [Пўлат отани] эрмак қилишга ўтди: Бу гапингиз хомсўз ноннинг ўзгинаси. К. Яшин, Ҳамза.*

ХОМТАЛАШ [хом + талаш] 1 этн. Бирор жонлиқ сўйиб, гўшт-ёғини текинга худойи сифатида тарқатиш. [Майсара:] *Бир эчки билан сигиримизни дарров хомталаш қилайлик, зора тонгача ўнгарилса.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Юз сўм-ярим юз сўмнинг бетига қарамай, дуохон қушночларга қаратилсин, иложи бўлса, бирорта жонлиқни хомталаш қилиш керак. А. Қаҳҳор, Бемор.*

2 кўча Қўлга тушганини олиб кетиш; талон-торож. *Ёғ-гўшт хомталаш бўлаверса, қозонга маза кирармиди? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Қачонлар хомталаш бўлган еримда Кеза бошладилар улуғ сиймолар. Газетадан.*

ХОМТАМА [ф. خامتع - беҳуда, қуруқ орзуга берилган; очкўз] Бирор нарсдан

асоссиз равишда умид қилувчи; тамагир. - *Тез кунда Холхўжанинг қунига тушиб, қафансиз ўлиб кетасан, буни тушунсанг-чи, хомтама! - деди онаси [Сафарга]. Ё. Шукуров, Қасос. - Бировга яхшилик қилдингми - дарров унут, юрагингда сақлаб юрма, у ҳам яхшилик қилиши керак, деб хомтама бўлма, - деди Расул ака ўғлига. М. Исмоилий, Бизнинг роман.*

ХОМТАМАЛИК Ўринсиз умидворлик; тамагирлик. *Мен сенинг ҳали ҳам ўша уятсиз эрингдан қўнғил узолмаганингни биламан. Сенинг хомтамаликнинг қони болалагингдандир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ХОМТАРАШ [ф. خامتراش - чала тарашланган, силлиқланган] Ёғоч ёки тахтани чопиб йўниш, дастлабки, пардозсиз текислаш. *Хомтараш қилмоқ.*

ХОМТОК [ф. خامتاك - пишмаган ток (новдаси)] қ.х. 1 Токни парвариш қилиш усулларидан бири, ҳосилсиз, ортиқча новдаларни, янги бачки новдаларни олиб ташлаш. *Карвон Сурхнинг этагидаги боғда хомток қилаётган эди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.*

2 Токдан эндигина қирқиб ташланган ҳосилсиз, хом новда.

ХОМУТ [р. хомут < қад. р. хомти - «қисмоқ, сиқмоқ» фл. дан] От бўйнига киритилиб, икки ёнидан арава шотиси учига сириб боғланадиган ёғоч буюм, бўйинча. *Аравакашлар хомутни эсдан чиқаришибди. Старшинага элтиб берсам, хурсанд бўлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ХОМУШ [ф. خاموش / خاموش - камгап, индамас, шов-шувсиз; учган, сўнган] 1 Ғамгин, кайфияти йўқ; маънос. *Отабек хомуш ўтирар, Ҳасанали эса унинг ҳолини таъқиб этмоқда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Аҳмад] Паришон ва хомуш бир кайфиятда зўрбазўр қадам босиб, шихонаси томон йўл олди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

2 Ўйчан, сўзсиз. У [чол] *тажсанг бўлмаган вақтда кўпинча боши ярим қийшайган, хаёлчан, хомуш юради. Мирмуҳсин, Занглаган қилич. Командир жим, командир хомуш. У. Носир.*

Хомуш тортмоқ Маъюсланмоқ, кайфияти бузилмоқ. - *Ҳаммаси жойида дейсанми? - Бولта муаллим хомуш тортди. - Қанийди шундай бўлса. Афсуски, бундай эмас. Н. Норқобилов, Тўқнашув.*

3 кўча Авзойи бузук, жимжит (об-ҳаво ҳақида). *Шамол босилган.. Табиат хомуш*. Ҳ. Фулом, Машғал.

Хомуш булут Қора булут. *Зилзиладан чала-вайрон шаҳар устида хомуш булут карвонлари вазмин сургалади*. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

ХОМУШЛАНМОҚ Хомуш бўлмоқ, ғамгин, маъюс бўлмоқ. *Темур Малик юзига фотиҳа тортиб, хомушланди*. Мирмуҳсин, Темур Малик.

ХОМУШЛИК Ғамгинлик, хафалик; кайфиятсиз ҳолат. *Ойшабегим ундаги [Бобурдаги] хомушликни сезиб, сукут сақлаб ўтирибди*. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Зухра ўрнидан туриб, хомушлик билан секин-секин юриб чиқиб кетди*. С. Зуннунова, Олов.

ХОМ-ХАТАЛА 1 Чала пишган; хом. *Хом-хатала ёки ланж бўлиб кетган паловни еган кишилар ошпазга эмас, Давронга минг лаънат айтиб кетишарди*. «Ёшлик».

2 кўча Меъёрига етказилмаган; чала, ғўр, хом. *Хом-хатала асар*. ■ *Ўсарвой ҳар куни ҳеч бир эринмай, Хом-хатала шеърлар келтирар тинмай*. С. Абдуқаҳҳор.

ХОМЧЎТ [ф. *حام* — чала ишланган, хомаки + *р.* *счёты* — пул ҳисоб-китоби; *чўт*, ҳисоблаш мосламаси] Бирор нарсани хомаки равишда ҳисоблаб чиқиш; тахминий ҳисоб. *Хомчўт қилмоқ*. ■ *Йулдош новча, қайчини қўзининг қорнига қўйиб, бармоқларини букиб, алланарсаларни хомчўт қилди*. С. Анорбоев, Оқсой. *Сўнгра иш режангни хомчўт қилиб, ўз-ўзингча сўйлана кетдинг*. Уйғун.

ХОМЧЎТЛАМОҚ Бирор нарсани хомаки ёки тахминан ҳисоблаб кўрмоқ, хомчўт қилмоқ. *У даромадини хомчўтлаб кўрди*.

ХОМҚОЛИП Ҳали узил-кесил тайёр бўлмаган, битмаган; дастлабки, хомаки. *Расомлар кўرғазмасига ҳайкалтарош Л.Н.Ивановнинг Пушкин, Гоголь ва генерал-майор Раҳимовларнинг ҳайкалларига ишланган хомқолип лойиҳалари ҳам қўйилган*. Газетадан.

ХОН 1 тар. Туркий ва мўғул халқлари ҳукмдорлари унвони. *Қўқон хони. Хон саройи*. ■ [Мулла Фазлиддин:] *Тошкент хони Маҳмудхон ҳам бизга қарши қўшин тортиб келмоқда эмиш*. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Хон кўтармоқ Хон қилиб белгиламоқ. *Мусулмонқул.. ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир ғудакни [Худоёрни] хон кўтариб,*

эл елкасига минди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Шу ернинг ўзида унга «Саид Жалолхони соҳибқирон» деб ном берилди ва хон кўтарилди*. А. Қаҳҳор, Башорат.

2 тар. Хонлик қилган, хон лавозимидаги шахс исмига қўшилиб, унвон ифодалайди. *Баҳодирхон — Хивада, Худоёрхон — Қўқонда хонлик қилган*.

3 Эрак ва аёллар исмига қўшилиб, ҳурматни ифодалайди, мас., *Оқилхон, Каримахон*.

Ўзи хон, кўланкаси майдон ёки ўзига хон, ўзига бек Нима хоҳласа, шуни қилади, кўнгли истаганини қила олади маъносидаги ибора. *«Хотинлари ҳам «кимсан — оқсоқолнинг хотинимиз», деб кеккайиб, ўзларига хон, ўзларига бек бўлиб, роса зугумини ўтказишади-да, — деди Юсвали тоға*. П. Турсун, Ўқитувчи.

ХОНА [ф. *خانه* — уй, тураржой, бино] **1** Тураржойнинг алоҳида ажратилган ҳар бир бўлими; бўлма. [Қизнинг] *Кўзларига яна ёш қуйилиб келди-ю, чопиб бориб, ўз хонасига кирди*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Овқатдан сўнг бироз телевизор кўриб ўтиришди. Кейин ота-болага шу телевизорли хонага жой солиб беришди*. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Корхона, ташкилот, муассасаларда муайян мақсад учун ажратилган алоҳида жой; бўлма. У [Азиза] *деворига ҳар хил диаграммалар, портретлар илиб ташланган ўқитувчилар хонасидан ўтиб.. эшикни тақиллатди*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бош врачнинг хонасида ўтирган икки киши профессорни кўриши билан ўрнидан турди*. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

3 Айрим буюм ёки организмларнинг ичида бирор нарса жойлашадиган (етишадиган ёки сақланадиган) чуқурча, ўйиқ. *Ари уя хоналари. Ғўзапўчоқ хонаси*. ■ *Унинг товуши йўғонлашди, кўзлари хонасидан чиқаёзди, юзлари тиришиб, хунук аломатлар пайдо бўлди*. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Бунча сочилган ҳарфни жой-жойига қўйиш, қайси хонада қандай ҳарф туришини билмаган Саидий учун кўп қийин иш эди*. А. Қаҳҳор, Сароб

4 мат. Ўнли саноқ системасида ёзилган натурал сонда қатнашган рақамлар ўрни.

ХОНАВАЙРОН [хона + вайрон] Уй-жойи ёки оиласи бузилган, вайрон бўлган;

бор-будидан айрилган, қашшоқ. Ахир кафангадо, хонавайрон, бир бурда нон илинжида қамиш-қўғазорлар ичида зор қақшаган бу бечораларнинг тортиб келаётган алам-кулфатлари озмиди! К. Яшин, Ҳамза.

Хонавайрон бўлмоқ 1) бузилмоқ, вайрон бўлмоқ; хароблашмоқ. *Уруш туфайли хонавайрон бўлган мамлакат*; 2) уй-жойдан, мол-мулкдан ажралмоқ, ҳамма нарсадан жудо бўлмоқ, қашшоқлашмоқ. [Қосимбек:] *Амирозодам, ҳаммамиз ҳам хонавайрон бўлдик. Менинг молу мулкимни талабдилар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ХОНАДОН [ф. خانداڭ — оила, сулола; насл] 1 Оила. Қобил карвоннинг қамоққа олиниши Абдурахмонбой хонадонини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Х. Фулом, Машғал.

2 Оила аъзолари яшаб турган хўжалик, уй, ҳовли. *Шаҳарнинг андазаси чиройли, хонадонлари чорси-чорси бўлиб тушган.* 3. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

3 тар. Қариндошлик ёки валиаҳдлик ҳуқуқига кўра, бири ўрнига иккинчиси тахтга чиқадиган, ҳокимиятни наслдан наслга ўтказиб, ҳукмронлик қиладиган ҳокими мутлақ ёки монархлар авлоди; сулола. *Маълумки, Темурнинг вафотидан сўнг унинг поёнсиз империясини идора қиларлик бир қўл бу хонадондан чиқмади.* Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

ХОНАЗОД [ф. خانەزاد — бир хонадонда туғилган] 1 Бирор хонадонда туғилиб улгайган. *Отам ўлгандан кейин, мен ҳам боининг эшигида хоназод қўл бўлиб қолдим.* С. Айний, Дохунда.

2 фольк. Уйда боқиб катта қилинган (уй ҳайвони ҳақида) *Чу деса, бир қирдан ҳатлар Яшин қанот хоназодлар.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ХОНАКИ [ф. خانگی — уйга оид, уйда тайёрланган ёки парвариш қилинган] 1 Қўлда тайёрланган; қўлда қилинган. *Хонаки нон. Хонаки туфли.* ■ *Дастурхонда хонаки печенёлар, атиргул нухса торт ва турли хил мевалар бор эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 с.т. Махсус тайёрланган; қўлбола. *Хонаки чой дамламоқ. Хонаки палов қилмоқ.*

3 Уйда, хонадонда боқиладиган; парвариш қилинадиган; қўлга ўргатилган. *Хонаки ит. Хонаки гул. Хонаки ўрдақлар.* ■ *Бу шиғобахш ўсимликни [алоэни] истаган ҳар*

бир киши хонаки қилиб ўстириши мумкин. «Саодат».

4 Хона ёки уй ичида бўладиган, уйда бажариладиган. *Хонаки базм. Хонаки иш. Хонаки ҳунар.* ■ *Сотиболди.. тирикчилик учун хонаки бир касб қилишга мажбур бўлди — ҳар хил саватчалар туқишни ўрганди.* А. Қаҳҳор, Бемор.

ХОНАКИЛАШМОҚ Уй шароитида яшашга, қўлдан овқатланишга ўрганмоқ (ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида).

ХОНАЛИ 1 Маълум миқдорда хонаси бор. *Бектемир дўстлари Дубов, Асқар полвон ва бошқа бир неча жангчилар билан икки хонали бир уйга жойлашди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ота-она вафотидан сўнг у истиқомат қилаётган уч хонали уй карвонсаройга айланди.* Газетадан. *Бир хонали накана уйин Ёритади ёниб жинчиروق.* Х. Пўлат.

2 Маълум миқдордаги катаги ёки бўлмачалари бор; катакли (жадвал, дафтар, шахмат тахтаси, босмахона яшиги ва ш.к. ҳақида). *Шахмат тахтаси олтамиш тўрт хонали бўлади. Ўн олти хонали яшик.*

3 мат. Маълум миқдордаги хонага эга (қ. хона 4). *Уч хонали сон. Беш хонали сон.* ■ 100 дан 999 гача бўлган сонлар уч хонали сонлардир. «Математика».

ХОНАНДА [ф. خواننده — ўқувчи, ўқиётган; қори; ашула айтувчи] Ашула, қўшиқ айтувчи санъаткор; ҳофиз. *Навбат таниқли, севимли хонандамиз Алимардон Тўраевга. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. Ҳовлининг бир томонида, баланд сўрида хонанда ва созандалар мақомни янграмоқда. Мирмуҳсин, Умид.*

ХОНАНИШИН [ф. خانه‌نشین — хонада ўтирувчи] Доимо уйда ўтирадиган; кўчага, бошқа ёққа чиқмайдиган. *Бобонинг хонанишин бўлиб қолганидан фақат шу қизалоқ хурсанд эди — ахир, у энди ҳеч зерикмайди.* Мирмуҳсин, Куламас қоя.

ХОНАСАЛЛОТ сўж. Уйнинг куйгур, бадбахт. *Сенинг даданг зўр, болам. Даданг урушда эликта хонасаллот фашистни ўлдирган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ХОНАСИ Бирор ишни амалга ошириш учун қулай пайт, қулай фурсат. *Ҳозир зап сайил қиладиган хонаси-да, ўртоқ Раҳмонқулов. А. Мухтор, Туғилиш. У [Асрора] хонаси келганда ҳеч кимни аямасди. С. Аҳмад, Уфқ. [Очилов] Ҳар гал планини дўндириб, «қани,*

келаси йилга ким дов?» деб тураверади. Хонаси келса, баъзан кураш ҳам тушади. А. Мирахмедов, Ўт юраклар.

ХОНАТЛАС Маҳаллий саккиз тепкили атласнинг энг аъло навларидан бири. *Хонатлас кўйлак.* ■ Шанба кун *Нукра* станцияга ясаниб келди: хонатлас устида ял-ял ёнади. Мирмуҳсин, Нукра.

ХОНАҚОҲ [ф. خانقاہ — хилватхона, узлат; дарвишлар макони] 1 дин. Масжиднинг намоз ўқиладиган, одатда кенг ва катта хонаси. *Карвонсаройнинг ёнида катта бир хонақоҳ бор эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Кичик масжид қишлоқнинг «этак маҳалла» деб аталган қисмида бўлиб, сиқикроқ бир хонақоҳ ва торроқ бир айвондан иборат.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 дин. Суфийлар машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган катта хона ва унинг атрофидаги ҳужралар. *Йилига бир зикру сано бўладиган хонақоҳ ҳувиулаб ётибди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Маҳалла, қишлоқ масжидларининг томи гумбазли ёки текис бўлган қишқи қисми.

ХОНАҚОҲНИШИН [ф. خانقاه نشين — хонақоҳда ўтирувчи] Хонақоҳдан чиқмасдан тоат-ибодат билан шуғулланадиган, кўпинча умрини хонақоҳда ўтказадиган; тарки дунё қилган. — *Эшонтура ҳазратлари машхур хонақоҳнишин шайхлардан бўлмасалар ҳам, кашф-каромат эгаси, «соҳиб ҳол» бир кишидирлар, — деб Исомиддин жавоб берди.* С. Айний, Дохунда.

ХОНЗОДА [ф. خانزاده — хондан туғилган, хоннинг боласи] 1 Хоннинг фарзанди (ўғли ёки қизи), хон авлоди. *Подшозодами, хонзодами, хўжазодами, албатта, бир ерда нишонаси бўлади.* «Равшан».

2 Зодагонлар табақасига мансуб; асилзода; тагли-тугли. *Гўлаҳдан чиққан таги пастни бошингизга урасизми, олсангиз — бирор хонзодани олинг, деб минг марта айтдим, қулоқ солмадингиз.* Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Хонзода (хотин-қизлар исми).

ХОНИМ I 1 Аёлларга ҳурмат юзасидан мурожаат қилганда қўлланадиган сўз. *Қудамиз Мирзакарим қутидорга ва қудачамиз хонимга етиб маълум бўлғайким, бизлар бунда соғ-саломатдирмиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳурмат юзасидан аёллар исмига қўшиб айтилади, мас., *Мукаррама хоним, Тамара хоним, Ҳалима хоним.* ■ Ой юзли рафиқам, қундуз қошли маъшуқам Кумуш хонимга! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 с.т. Гўзал, барно аёл; хушбичим жувон. *Ҳой-ҳой, хоним, йўл бўлсин, Қарерга йўрғалайсиз!* «Қўшиқлар».

ХОНИМ II Хамир орасига қийма солиб, қасқонда пишириладиган овқат.

ХОНИШ [ф. خوانش — ўқиш; куйлаш; нола] 1 Ашула айтиш, куйлаш. *То ярим кечагача умрида ўйин-кулги кўрмаган чўлда ҳофизлар хониши эшитилди.* С. Аҳмад, Ҳукм. «Волга»нинг радиоси тинимсиз хониш қилади. «Муштум».

2 Сайраш. *Булбуллар хониши сира тинмасди.* ■ *Азим балхи тут шоҳида савва хониш қилади.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

ХОНЛИК тар. 1 Хон лавозими. *Халқ чин хонлик билан уни [Худоёрни] муборакбод қилишдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Исфандиёрга.. хонлик либоси: зар чакмон, бошига жигали шерозий папах кийгизишиб, белига олтин қилич тақиб, қўлтиқлаб, тахтга ўтказдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Хон бошқарадиган давлат ва шундай давлат тузуми. *Қўқон хонлиги. Хива хонлиги.*

ХОНТАХТА [ф. خوان < خوانتخته — безатилган дастурхон + تخته — тахта] Ўтириб овқатланиш учун хизмат қиладиган, оёқлари калта ёғоч стол. *Хонтахта атрофига кўрпача солмоқ.* ■ *Хосият хола лагандаги ошни келтириб, хонтахтага қўйди.* Р. Файзий.

ХОНУМОН [ф. خانومان / خانمان — оила, оила аъзолари; хонадон ва ундаги мол-мулк] Бирор шахсга тегишли мол-мулк, бор бисот, бойлик. *Хонумонидан айрилмоқ.* ■ — *Одамлар севгисини деб, хонумонидан ҳам, жонидан ҳам кечади, — дейди Суннатилла.* А. Эшонов, Тошдан қаттиқ, гулдан нозик. [Зухра бежим:] *Хон ҳазратлари!.. Фарзандимни, хонумонимни — ҳаммасини марҳаматингизга ишониб топширдим!* П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.

ХОНҚИЗИ зоол. Танаси яримшар шаклидаги, устки қисмида холлари бўладиган ярқироқ тусли қўнғиз. *Ўргимчак тўқир оқ толалар, Хонқизи боради меҳмонга.* Ш. Раҳмон.

ХОРИ I [ф. خوار — ҳақир; бечора, бадбахт] 1 Беъътибор; камситилган, таҳқир-

ланган. *Очман! Яланғочман! Хорман! Сиз у деб сўкасиш, бу деб сўкасиш, бас-да шунча хўрланганим!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ночор аҳволга тушган; ғоят қашшоқ. *Хунар – зар, хунарсиз – хор.* Мақол. *Хунарли эл хор бўлмас.* Мақол.

3 Бекадр, қиммати тушган. *Бозорда ме-валар хор.*

Хор бўлмоқ Бекадр, беҳурмат бўлмоқ. [Муқимий:] *Ҳақиқат истаганлар бўлдилар хор, Кимики муттаҳамдур, юртга саркор.* С. Абдулла, Ота ва ўғил. **Хор қилмоқ** (ёки **тут-моқ**) Бекадр, беҳурмат қилмоқ; аянчли аҳволга солмоқ. *Бу уч болани Нодира хор қилиб қўйишни истамаса ҳам, эрининг фақирлиги бунга моне эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [Ўзбек ойим Зайнабга:] *Келинни хор тутар экан, демасинлар, сен ҳам ўзингни тутат!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХОР II [ф. خار – тикан, тиканак] кт. Гул тикани. *Гул деб санчиб эдим бошимга, Қуруқ тикан, хор эканин билмадим.* Фозил Йўлдош ўғли.

ХОР III [юн. choros – давра ўйин қўшиғи] **1** Вокал ашулаларни биргаликда ижро этувчи, 12 кишидан ортиқ бўлган ашулалчилар жамоаси. *Хор ансамбли. Хор ижро-чилари.*

2 Шундай жамоа ижроси учун ёзилган кўп овозли мусиқа асари. *..Тўхтасин ака уларга [ҳаваскорларга] янги ёзилган хор ва лапарлар ўргатар эди.* С. Абдулла, Халқ бастакори.

ХОРВАТ Хорватияда яшовчи халқ, миллат номи.

ХОРВАТЛАР Хорватия давлатининг асосий аҳолиси; хорват-серб тилида сўзлашувчи халқ (Сербия, Босния, Герцеговинада ҳам яшайди). *Хорватларнинг қадимий маросим, эпик, рақс, лирик ва бошқа халқ қўшиқлари ҳозиргача давом этиб келаётир.* «ЎзМЭ».

ХОРГУЛ [ф. خارگل – тиканли гул] Наъматакнинг сариқ очиладиган бир тури.

ХОРЕОГРАФИК Хореографияга оид. *Хореографик санъат.*

ХОРЕОГРАФИЯ [юн. choreia – давра рақс + grapho – ёзаман] **1** Махсус шартли белгилар ёрдамида ёки сўзлар билан рақс ҳаракатларини ёзиш. *«Хореография» атамаси дастлаб Р. Фёе томонидан «Хореография*

ёхуд рақс ёзуви санъати» китоби (1700)да қўлланган. «ЎзМЭ».

2 Халқ рақс йўналишидаги ва балет спектаклларини яратиш санъати; умуман, рақс санъати ёки балет театри.

3 Рақс санъати. *Ёш балерина [Бернора Қориева] 1955 йилда Москва хореография билим юртини тугатди.* «Саодат».

ХОР-ЗОР, хору зор 1 Оғир, аянчли аҳволга тушган; таққирланган. *Сув келтирган хор-зору кўза синдирган азиз.* Мақол. ■ *Ҳеч кимга хор-зор бўлмай, деб тиришиб-тирмашиб ётибман.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўта қашшоқ, муҳтож. *Кўрна-ёстиғини орқалаб, хор-зор юрган одамларнинг саноғи йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХОР-ЗОРЛИК Оғир, аянчли шароит. *Бобур мутелигу хор-зорликдан кўра бир ўлимни бўйнига олиб, Шайбонийхонга йўлбарсдай дадил ташланишни афзал кўрган, бекларини ҳам шунга кўндирган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ХОРИЖ [а. خارج – чикувчи; четга чиқиш; ташқи, ташқаридаги] **1** Бирор нарсадан холи, озод, бўш (одам ҳақида). *Ўртоқ Мансур, мени шу ишдан хориж қилиб қўйиш яхши бўлар эдимиз, дейман.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

2 Хорижий мамлакат; чет эл. *Нонуштадан кейин.. хорижда ишлаган, кулранг дипломат кўтарган бир киши кириб келди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

ХОРИЖИЙ [а. خارجى – ташқи, ташқаридаги; ўзга, бегона; ажнабий] **1** Мамлакатимиздан ташқаридаги, чет элдаги. *Хорижий давлат. Хорижий матбуот.* ■ *Бобур хорижий сафарига чиққанда, замин ва маъдан ҳақидаги маълумотларни.. ёритишга уринди.* «Фан ва турмуш».

2 Чет эл кишиси, чет элик. *У [Мурод мирзо] бу ерга тўпланадиган хорижийларнинг баҳсларини тинглашни яхши кўрарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ХОРИҚУЛОДДА [а. خارق العاده – ғайритабиий, ғайриодатий] эск. кт. айн. **Фалқулодда.** *Хориқулодда ҳодиса.*

ХОРЛАМОҚ Қадр-қимматини туширмоқ, камситмоқ, хор қилмоқ. *Нонни хор қилган унга зор бўлади.* ■ *Наҳотки ёшлигида бирга катта бўлган бир манқага кўзи тушгани учун шунча хорласа-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХОРЛИК Хорланиш; камситилиш. *Бошимизга тушган неки кулфат бўлса, бадбахтлик, зулм, хорлик бўлса, бари шундан, нафсимиздан. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ХОРЛИК-ЗОРЛИК айн. хор-зорлик. *Сидиқжоннинг онаси Хадича хола умрини хорлик-зорлик тортиб ўтказган ҳамма кишилардай тез қариган, лекин ҳамма қишлоқ қарияларидай кексаликка сўз бермайдиган, ғайратли, тетик эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ХОРМЕЙСТЕР [юн. choros + нем. Meister — раҳбар, уста] Хор раҳбари, хор дирижёри (қ. **хор** III). *Хормейстер касби 19-аср ўрталаридан дунёвий хор санъати ва концерт ижрочилигининг жадал ривожини туфайли қарор топди. «ЎЗМЭ».*

ХОР-ХАС, хору хас Ҳар турли хас, хас-чўп, хас-хашак. *Хоинлар ўчоққа хор-хас териб келар.. эдилар. А. Мухтор, Чинор. Олиб кетгил боғимни буткул, Қолдирмагил ҳатто хору хас. Олиб кетгил боримни, фақат Юрагимни бериб кетсанг бас. Уйғун.*

ХОС [а. خاس — махсус, алоҳида; хусусий, шахсий] 1 Бирор кимса ёки нарсанинг ўзигагина оид, ўзигагина бўладиган. *Болаларга хос қилиқ. Раҳбарнинг ўзига хос иш услуби. ■ Клара аёлларга хос чиройли ҳаракат билан сочини орқасига ташлаб юборди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Чол.. кексаларга хос боқиш билан бир зум тикилди: — Кел, чироғим, нима хизмат? Ойбек, Танланган асарлар.*

Ўзига хос Ажралиб, фарқланиб турадиган. *Шаҳримиз меъморчилик қиёфаси ўзига хос гўзалликка эга. Газетадан.*

2 Бирор шахснинг ўзигагина тегишли бўлган, ўзигагина фойдаланадиган; шахсий. *Оқ отлиқ Бобур мирзо юздан ортиқ беклари ва хос навкарлари билан.. тоғ этагига яқинлашиб қолган эди. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.*

ХОСА(КИ) фольк. Наслдор, учқур. *Жонивор узоқдан чопиб келибди, Хосаки тулпорда, совиб келибди. «Равшан».*

ХОСИЯТ [а. خاسيَت — алоҳида белги, хусусият; ўзига хослик] 1 Ижобий хусусият, яхши фазилят, хислат. *Меҳнатда бор кўп хосият, шарофат, Бел боғласа меҳнатга ким, азиздир. Ҳабибий. — Рост, бу келиннинг хусидан ҳам бошқа яна тағин бир алоҳида хосияти борга ўхшайдир, — деб кулар эди [Ўзбек ойим]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Хосияти йўқ Ижобий натижа бермайдиган; яхшиликка олиб бормайдиган; фазилятсиз. *Бу ишининг хосияти йўқ. Кўп йиғлама, кўз ёшининг хосияти йўқ.*

2 Хосият (хотин-қизлар исми).

ХОСИЯТЛИ Яхши хусусиятга эга; ижобий натижа берадиган; фазилятли. *Бу ернинг офтоби, шамоли, суви ана шундай хосиятли. Ойбек, О.в. шабадалар. Умидвор инсонлар, уни олқишланг, Фақат хосиятли бўлади баҳор. А. Орипов. — Сенинг пойқадамнинг хосиятли келди, ўғлим, зolim Асфандиёр зулми барбод бўлди, — деб эди Қурбон ота. Н. Сафаров, Севги.*

ХОСИЯТСИЗ айн. бехосият. [Заргаровнинг] *Кўнглида нимадир қаттиқ дарз кетган хосиятсиз оқшом кўз олдида гавдаланди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. Вайроналар азалдан хосиятсиз жой ҳисобланган. «Ёшлик».*

ХОСЛАНМОҚ Махсуслашмоқ, мослашмоқ. *Бироқ бу сўз.. фақат бир муносабатни — зидлов-кучайтирув муносабатини ифодалашга хосланиб қолган. «ЎТА».*

ХОСЛИК Бирор нарсга хос бўлишлик. *Бу ғайритабиийликни Зулфиқор билан Заърак қиз феълидаги ўзига хослик деб тушунишарди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ХОССА [а. خاسه — алоҳида белги, хусусият; ўзига хослик] Муайян нарсанинг бошқа нарсалардан фарқини, ўзига хослигини билдирувчи белгилар. *Биологик мембраналарнинг яна бир ноёб хоссаси — ионларни термодинамик усулда ташишдир. «Фан ва турмуш».*

ХОСХОНА [хос + хона] 1 Катта мансаб эгалари ёки ҳукумат бошлиғи турадиган жой, сарой; резиденция. *Гилям устига хонтахта қўйилиб, дастурхон ёзилган, шийпон тўридаги эшикдан кириладиган хосхона эса бутун бир гарнитур, анвоий жиҳозлар билан безатилган эди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.*

2 Бирор шахснинг ўзига тегишли бўлган, ўзигагина фойдаланадиган уй, хона. [Табииий ва Аваз] *Қанча йиллардан бери дилга туташ ўша қадрдон хосхонага кирдилар. С. Сиёев, Аваз. Зубайданинг хосхонаси. Токчаларга мис кўза.. пиёлалар тартиб билан тегиб қўйилибди. К. Яшин, Ҳамза.*

ХОТАМ [а. خاتم — узук; кўзига муҳр ўйиб туширилган узук] эск. кт. Имзо ўрнини

босиш учун мактуб охирига чекиладиган, мактуб эгасининг номи ўйилган тамга, муҳр.

ХОТИМА [а. *خاتمه* — охир, ниҳоя; нутқнинг якунловчи қисми] 1 Бирор нарса, воқеанинг якуни, тамом бўлиши. Бу якун, бу хотима Толиб акага мутлақо ёқмади. Ф. Музажонов, Ҳиммат.

2 Бадиий ёки илмий асарнинг охириги якунловчи қисми, хулоса қисми; эпилог. Аваз ҳикоят хотимасида берилган бир байтга кўз югуртириб қизарди. С. Сиёев, Ёруғлик.

Хотима бермоқ Барҳам бермоқ; тутатмоқ. Энди Марғилон қатнаб юришларга хотима берилгандек ва Марғилон ҳам ундан [Отабекдан] «Тагин менда нима ишинг бор?» деб сўрагандек бўлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хотима ясамоқ** Хулоса ясамоқ, якунламоқ, тутатмоқ [Домла] Фуломжонга ўқрайиб, ганига хотима ясади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХОТИН 1 Жинсий жиҳатдан эркак тоифасига зид, фарзанд кўриш, эмизиш қобилиятига эга одам; аёл. Бозорқулнинг онаси жуда чиройли хотин эди.. А. Мухтор, Чинор.

Хотин киши айн. хотин. -Ёшинг йигирма бешга қараб кетяпти, — деди онаси, — хотин киши ўттизга кирса, ўтин бўлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Бирор эркак никоҳидаги аёл. Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши. Мақол. ■ У [меъмор] тўғри уйга қайтиб келди-да, бор гапни қизи Бадиа билан хотини Маъсума бекага айтиб, ўрнига чўзилди. Мирмуҳсин, Меъмор.

Хотин олмоқ Уйланмоқ. [Раҳматилла] Аста-секин ўзини ўнгарди, уй-жой қилди, хотин олди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Хотин оши** Тўйда хотинларни махсус чақириб ўтказиладиган маросим ва унда бериладиган ош. **Хотин пешин** Хотинларнинг пешин намозини ўқийдиган вақти (кундуз соат 4—5 лар чамаси). **Хотин талоқ қ.** талоқ 1 2. **Хотин қўймоқ** Хотини билан ажрашмоқ.

ХОТИНАК: хотинак супурги қ. супурги 1.

ХОТИНБОЗ [хотин + ф. *бан* — ўйновчи; ишқибоз] салб. Тез-тез хотин олиб, хотин қўядиган. [Қиз] Онасининг.. ўқсиб-ўқсиб йиғлаётганини ҳам, ер ютгур «ўша» хотинбозни қарғайганини ҳам эшитмади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ХОТИНЁНҒОҚ Бодомнинг бир тури.

ХОТИНЛИ Хотини бор, уйланган. Кушнинг гузаллик таърифини ғойибона эшитиб, оғзининг суви келувчи хотинли ва хотинсиз орзумандлар.. қутидорникига совчиларни турнақатор юбора бошлаган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХОТИНЛИК 1 Хотин, аёл бўлишлик. Шу йўсин қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқалишдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Хотинликка олмоқ Бирор хотинни ўз никоҳига ўтказмоқ, уйланмоқ. Бой хотинликка олгандан кейин, ўғли ҳам бирдан ўлиб қолди. С. Зуннунова, Гулхан.

2 Хотинларга, хотин-қизларга хос хусусият, хислат, фазилат. Хотин кишини ҳамма вақт ноумид, норози кўриб ўрганган ва бунин хотинлик латофати деб билган Сидиқжонга бу жувоннинг гаплари, катта ишонч ва зўр мамуният билан гапириши унча ботмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 с. т. Хотинли. [Заргаров:] Сиздан бир оғиз сўз! Бир оғиз! «Мен Заргаровнинг хотини эмасман, ўйнашиман», десангиз қутулиб кетаман. Хотинлик эркак ўйнаш тутмасин, деган закон [қонун] йўқ! Йўқ! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Ҳамма кўп хотинлик оилаларда бўлгани каби, Искандар ҳам бир хотинига [Равишанака] кўпроқ меҳр қўяди.. Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

ХОТИНПАРАСТ [хотин + ф. *پرست* — яхши кўрувчи, таъзим қилувчи] 1 Ўз хотинини ўта даражада севадиган, хотинига берилиб кетган.

2 айн. хотинбоз.

ХОТИНСИЗ Хотини йўқ, уйланмаган; бўйдоқ. Хотинсиз эркак. Хотинсиз ўтиш — хато, Боласиз ўтиш — жафо. Мақол.

ХОТИНСИЗЛИК Хотини йўқ бўлишлик; уйланмаганлик.

ХОТИНФУРУШ [хотин + ф. *فروش* — сотувчи] тар. Хотинларни олиб сотиш билан шуғулланувчи; эркакларга хотин топиб бериш орқасида тирикчилик қилувчи. [Ғофир:] Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусни тупроқ билан тенг қилган сиздай разил, хотинфуруш қўшмачилар олдида шунчалик паст тушимми! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ХОТИН-ХАЛАЖ с. т. Хотин-қизлар, аёллар. Остонада.. тўрт-беш хотин-халаж тўплалиб турар.. эди. Ў. Ҳошимов, Қал-

бингга қулоқ сол. *Хотин-халаж тағин йиғи кўтарди*. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ХОТИНЧА айн. **хотинчасига**. *Хотинча юриш. Хотинча ўйинга тушмоқ.* ■ *Ҳамма-нинг диққати хотинча кийинган ва эшик ёнида ерга қараб турган йигитга жалб бўлди.* А. Қаҳҳор, Майиз эмаган хотин.

ХОТИНЧА Хотин 2 с. кичр.

ХОТИНЧАЛИШ Қилиғи ёки хатти-ҳаракати билан хотинларга ўхшаган, хотинларни эслатадиган (эркак киши ҳақида). *Шукуржон билан бирга узун бўйли, ингичка, хотинчалиш бир йигит ҳам имтиҳон топширган эди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Кимдир хотинчалиш хунук товуш билан йиғлаб, бурини артарди.* А. Мухтор, Чинор.

ХОТИНЧАСИГА рвш. Хотинларга ўхшаб; хотинларга хос равишда. *—Яхшироқ ишласа, тўпласа бўлади, — деди Кимсан чўнтак тиккан ипини хотинчасига тиши билан «қирс» этиб узиб.* А. Мухтор, Туғилиш.

ХОТИН-ҚИЗЛАР Аёллар ва қизлар; аёллар ва қизларнинг умумлаштириб айтилиши. ■ *..эркаклар билан хотин-қизларнинг ҳаққи-ҳуқуқи тенг бўлгандан кейин бирининг иккинчиси олдидаги масъулияти ҳам тенг бўлиши керак.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Хотин-қизлар консултацияси Малакали гинекологлар ёрдам кўрсатадиган, маслаҳат берадиган даволаш-профилактика муассасаси.

ХОТИР [а. خاطر — ўй, фикр; ғоя; ақл, фаросат; қалб; истак] 1 Эсда сақлаш, эслаб қолиш, эсга тушириш қобилияти; эс, ёд; ҳаёл. *Хотиримда: илк буса бизни Ҳаддан зиёд қилмиш эди шод. Уйғун. Гиёҳларнинг номлари ҳам ёдимдан чиқай деган экан, бир-бир хотирда тиклаб чиқдим.* М. М. Дўст, Лолазор.

Хотирга келмоқ Эсга тушмоқ. *Жаноби меъмор, бу тошлардан зинапоя тарашлаш хотирларига келмабдир-да.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Хотирда тутмоқ** Эсда сақламоқ. **Хотирдан кечмоқ** Эсга тушмоқ. *Ёшлик йилларим хотиримдан кечди.* ■ *Ҳакимбой-вачча ёлғиз қоларкан, унинг маълум ва чала маълум кирдикорларини бир-бир хотирдан кечирди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Хотирдан кўтарилмоқ** (ёки **чиқмоқ**) Эсдан чиқмоқ. *Сизга бу гапни айтиш хотиримдан кўтарилибди.*

2 Ўйлаш, фикрлаш қобилияти; фикр; мия. *У ёқимли овоз ва шўх оҳангни бутун*

вужуди билан тинглади. Тинглаган сайин хотири равшанлашарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Бирор кимса учун қилинадиган ҳурмат; юз-хотир, андиша. *—Хўп, синф раҳбаринг хотири [туфайли].. гуноҳингдан ўтиб турамиз, — деди директор Тулага.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Ҳеч бўлмаганда икки-та боласининг хотири учун хотинини ҳурмат қилиши лозим эди.* И. Акрам, Адолат.

Хотири жам Ташвишлардан қутулган, беташвиш. *—Ҳамиша дадил бўламиз, Зайниддин ака, хотирингиз жам бўлсин, — деди ўзича [Зайниддин].* С. Кароматов, Бир томчи қон. **Хотири паришон** Хаёли сочилган; фикри тарқоқ; паришонхотир. *[Лутфинисо] Қудалари кўрсатган эъзоз ва эътибордан мамнун бўлса-да, унинг хотири паришон, кўнгли нотинч эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХОТИРА [а. خاطره — фикр, тафаккур; ғоя; ҳаёл] 1 айн. **хотир** 1. *Хотираси кучли одам.* ■ *Зиёда тийрак қора кўзлари билан кулди ва шу қиёфада Заргаровнинг хотирасига ўрнашиб қолди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

2 Бирор кимса ёки нарсга ҳақидаги ёдда, эсда сақланган таассурот. *Саёҳат хотиралари.* ■ *У [Мансур] Боғишамол нафасини, ўтмиш сўқмоқларида қолган бебаҳо болаликнинг азиз хотираларини олиб келган бу йигитга ҳавас билан қарар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Эсдалик, ёдгорлик. *[Ботир Дилбарга:] Салом! (китобни узатиб) Мендан сизга хотира. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. [Чақалоқнинг] Отини Шавкат қўяман! Шавкат! Шавкатли кунларимдан хотира бўлсин! — дерди [Алимардон].* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

Хотира дафтари Хотира, эсдаликлар ёзиладиган махсус дафтар. *Хотира дафтарларим орасидан йўқотиб юрган кўк дафтарчам чиқиб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Хотира (хотин-қизлар исми).

ХОТИРЖАМ [а. خاطرجم — тинч, бамайлихотир; мамнун, ўзига ишонган] Беташвиш, осойишта. *Аҳмад хотиржам ва жиддий эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Хотиржам бўлмоқ Бирор ишнинг натижаси яхши бўлганлигига ёки бўлишига ишонч ҳосил қилмоқ; руҳан тинчланмоқ. *У врач кабинетидан хотиржам бўлиб чиқди-да,*

телефон будкаси томон йўл олди. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. **Хотиржам қилмоқ** Тинчлантирмоқ. Мударрисов, қўяверинг, ҳеч қайқа кетмайди, деган маънода кўз қисиб, уни хотиржам қилди. Д. Нурий, Осмон устуни.

ХОТИРЖАМЛАНМОҚ кам қўлл. Хотиржам бўлмоқ; тинчланмоқ. У хотиржамланиб, ишини давом эттирди.

ХОТИРЖАМЛИК 1 Руҳан тинч бўлишлик, осойишталик. Ўзимдаги бундай ногահоний журъат ва хотиржамликдан бир зум ҳайратга тушдим. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Бирор кимса ёки нарса халақит бермайдиган тинч шароит. [Низомжон:] Бошқа бир келасизлар энди хотиржамликда. А. Муқимов, Ғалати одамлар. [Холмат Рузвонга:] Келинг, ойимпошио! Хотиржамликда сўзлашиб, ҳасратлашиб олайлик! Ҳамза, Ким ўғри?

3 Беғамлик, бепарволик. Хотиржамликка берилиш кайфияти. ■ Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да ҳам подшоҳларнинг гурурга, кайф-сафога, хотиржамликка.. берилиши оқибатида мамлакат ва халқни ёмон аҳволга солиб қўйишини кўрсатиб беради. «ЎТА».

ХОТИРЛАМОҚ Бирор кимса, нарса ёки таассуротни эсга олмақ, эсламоқ. Ўтмишини хотирламоқ. ■ Узоқ ёшлигини хотирлади у, Яна ҳавас билан ўғлига боқди. А. Мухтор. Қиз бутун вужудини тўсатдан қоплаган оғриқ билан онасини хотирлади.. Ойбек, Танланган асарлар.

ХОТИРОТ [a. خاطرات — «хотира» с. нинг қўпл.] **1** Хотиралар. Қайта тиклаш мумкин барчасин, фақат Қайта тикланмагай ўчган хотирот! А. Орипов.

2 Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги таассурот, кишининг кўрган-кечирганлари. Отабек Шамай хотиротини сўзлаб берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХОЧ [ф. *خاج* < арманча] Вертикал ўқ ва унга қўндаланг қадалган бир ёки ундан ортиқ холададан иборат предмет, христианликнинг асосий тимсолларидан бири; бут, крест, салиб. [Қабр устига] Қўлашиб ёлғиз бир хоч қўйишдилар ноилож. Ҳ. Олимжон. Христианлар ривояти бўйича, Исо хочга михлаб ўлдирилган. «ЎЗМЭ».

ХОҚОН тар. Қадимги туркий халқлар ва мўғуллар ҳукуматида йирик давлат бошлиқларининг энг олий унвони ва шу

унвонни олган шахс. Хитой йилномаларида хоқонларнинг тахтга чиқиш маросими ҳақида кенг тафсилотлар берилган. «ЎЗМЭ».

ХОҚОНИЙ Хоқонларга хос. [Ойхола Холисхонга:] Бўлмаса, бундай хоқоний давлатни қўйиб, қайга борасан!? Ҳамза, Паранжи сирлари.

ХОҚОНЛИК тар. 1 Хоқон лавозими. Хоқонликдан воз кечмоқ.

2 Хоқонга қарашли давлат ёки мамлакат. Хазар хоқонлиги. Уйғур хоқонлиги. ■ Турк хоқонлиги даврида, жумладан, 6–8-асрларда Марказий Осиёнинг бир қанча ўлкаларида.. «хоқон» унвони билан тангалар чиқарилган. «ЎЗМЭ».

ХОҲ [ф. *خواه* — хоҳловчи; гоҳ.. гоҳ..] боғл. Айрим гаплар ёки гап бўлақларини ўзаро боғлаб, «ёки», «ёхуд», «майли», «хоҳласа», «бўлса ҳам» каби маъноларда такрор ҳолда ишлатилади. Хоҳ келсин, хоҳ келмасин — менга барибир. Хоҳ ёш, хоҳ қари — ҳамма тўпланди. Хоҳ бугун, хоҳ эртага. ■ Ҳар нарсадан азиз бу ер тупроғи: Қадамни хоҳ кўзим, хоҳи ерга қўй! М. Алавия.

ХОҲИШ [ф. *خواهش* — илтимос; истак, хоҳлаш] Бирор нарсани хоҳлаш, исташ, истак. Сувнинг оқишига қара, Халқнинг хоҳишига қара! Мақол. ■ -Мусобақада ютиб чиқиш учун энг аввал ғалаба қилишга зўр хоҳиш ва.. ишонч керак, — деган эди Норжон ака. Ф. Мусажонов, Чиқинди. У [Жайнақ мирзо] ҳол-аҳвол сўраб келганларни Ҳажж отанинг хоҳиши билангина ичкарига қўярди. «Ёшлик».

ХОҲЛАГАН 1 Хоҳламоқ фл. сфдш. Бозорда хоҳлаган нарсангиз топилади.

2 Ҳамма; ҳар бир, ҳар қандай. Бу журналга хоҳлаган одам аъзо бўлиши мумкин. ■ Пул билан деҳқоннинг оёғига кишан ур. Шундай қилсанг, хоҳлаган шартингга қўнаверади. Ойбек, Танланган асарлар.

ХОҲЛАДИМ 1 с.т. Хоҳламоқ фл. 1-ш. ўтг. зам., аниқлик майлидаги шакли. Мен шундай қилишни хоҳладим.

2 кўча с.т. Никоҳдан расман ўтиш жойи. Йигитали келин-куёвнинг мақсади, борар манзилни билса ҳам.. сўради: -Ҳа, йигитнинг гули, йўлнингиз бўлсин? -Хоҳладимга кетаямиз. Т. Малик, Ажаб дунё.

ХОҲЛАМОҚ 1 Бирор нарсага ўзида эҳтиёж сезмоқ, унга эришишни истамоқ. Меъмори ўз ҳолига қўйиб бериш керак. У

шуни хоҳларди. Мирмуҳсин, Меъмор. Насибанинг ўзи ўқишни хоҳламаса, ҳеч кимга гап тегмайди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Ёши ортиб бораётган ҳар бир қиз, ҳар бир жувон сингари Тўраҳон бола кўришни хоҳлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Худо хоҳласа Гап бошида қўлланиб, муайян ният албатта амалга ошсин, деган мазмунни билдиради. *Худо хоҳласа, ўзингиз ёр-ёр айтиб, гўшангага ўзингиз олиб кирасиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Ўз хоҳиши билан танламоқ, рози бўлмоқ (қиз ёки йигит ҳақида). [*Она қизига:*] *Унга йўқ дейсан, бунга йўқ дейсан, кимни хоҳлайсан ўзи? ..Ё биронта билан гап бериб юрибсанми?* «Ёшлик». «Мен Азимжон акамни хоҳладим, яхши кўраман, тегмасам — ўламан» дегани ёлғон экан-да? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХОҲ-НОХОҲ [ф. خواه ناخوا — истар-истамас, хоҳлаб-хоҳламай] Истар-истамас, чин кўнгилдан хоҳламаган ҳолда. *Хоҳ-нохоҳ шундай қилишга мажбур бўлдим.*

ХРЕН [р. хрен] қ. **ерқалампир**.

ХРЕСТОМАТИЯ эск. [юн. chrestos — яхши, фойдали + manthano — ўрганадан, ўқийман] Таниқли ёзувчилар ёки олимларнинг танланган асарларидан ёки улардан парчалардан тузилган тўплам шаклидаги ўқув қўлланмаси. *Адабиёт хрестоматияси.*

ХРИЗАНТЕМА [юн. chrysanthemon < chrysos — олтин + anthemion — гул] Мураккабгулликлар оиласига мансуб, қатма-қат тўпгуллари турли рангда чиройли бўлиб очиладиган манзарали ўсимлик ҳамда шу ўсимликнинг гули. *Японияда баққолик дўконидида хризантема сотилаётганини кўриб қолган киши ажабланмайди. «Фан ва турмуш».*

ХРИСТИАН [юн. Christos — пешонасига мой суртилган (подшо); Иисус Христос (Исо пайғамбар) номидан] **1** Христианлик динига эътиқод қилувчи шахс. *Христианлар ўпар эди Инжилни.* М. Шайхзода.

2 Христианликка оид. *Христиан черкови. Христиан жамоалари.*

ХРИСТИАНЛИК Милоднинг 1-асрида Рим империясида Исо пайғамбарга, яъни Иисус Христосга эътиқод қўйиш асосида вужудга келган, ҳозирги вақтда жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. *Христианлик таълимоти. ■ Ҳозирги кунда Ўзбекистонда*

христианликнинг турли оқимларига мансуб диндорлар яшайди. «ЎЗМЭ».

ХРОМ I [юн. chroma — ранг, бўёқ] Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент; зангорикумуш тусли, қийин эрийдиган қаттиқ металл (кўпгина қотишмаларнинг зарурий компоненти). *Хром кислотаси. ■ Хром Ер пўстининг масса жиҳатидан 0,035% ини ташкил этади. «ЎЗМЭ».*

ХРОМ II Хром тузлари билан ишлов бериб тайёрланган юмшоқ, юзаси тўрсимон нақшли, ялтироқ юпка тери. [*Баширжон*] «Қизил этик ҳозир мода эмас, — деб ўйлади. — Қора хромдан тиктириш керак». Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ХРОМЛАШ ким. Пулат ва темирдан ясалган буюмларнинг чидамлилигини, коррозиябардошлигини ошириш ёки уларга безак бериш мақсадида уларни юпка хром қатлами билан қошлаш.

ХРОМО- [юн. chroma — ранг, бўёқ] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзнинг рангга ёки кимёвий элемент — хромга алоқдорлигини билдиради, мас., *хромосома*.

ХРОМОСОМАЛАР [хромо.. + юн. soma — тана] Ҳайвон ва ўсимлик ҳужайралари ядроларининг доимий таркибий қисми бўлган ва ҳужайранинг бўлиниш даврида тегишли ранг берилганда яққол кўринадиган, ўз-ўзидан кўпавоччи тузилмалар. *Хромосома касалликлари. ■ Ҳар хил турга мансуб организмлар бир-биридан хромосомалар сони ва уларнинг тузилиши билан фарқ қилади. «ЎЗМЭ».*

ХРОМОСФЕРА [хромо.. + сфера] Куёш атмосферасининг 7–8 минг километр қалинликдаги, қирмизи рангдаги қатлами.

ХРОНИК [юн. chronos — вақт] қ. **сурункали. Хроник касаллиқ.**

ХРОНИКА [юн. chronikos — вақтга, даврга оид, алоқдор] **1** қ. **йилнома**.

2 Ижтимоий ёки оилавий воқеаларнинг изчил баёнини ўз ичига олувчи адабий жанр.

3 Вақтли матбуотда кундалик воқеа-ҳодисаларни ёритишга бағишланган қисқа ахборот; жанр. *Газетанинг хроника бўлими.*

4 Кундалик, жорий воқеа-ҳодисалар ёритилган ҳужжатли фильм.

ХРОНИКАЛ Хроникага оид (қ. **хроника**) **4).** *Кино соҳасида олиб борган 20 йиллик фао-*

лиятим давомиди Ўзбекистон тўғрисида 20 га яқин хроникал-ҳужжатли фильмларни суратга олдим. Газетадан.

ХРОНО- [юн. chronos — вақт] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзнинг вақтга, даврга алоқадорлигини билдиради, мас., *хронология, хронобиология.*

ХРОНОБИОЛОГИЯ [хроно + биология] Замонавий биологиянинг турли хил биологик жараёнларнинг муайян вақтда кечишини, уларнинг манбаи ва механизмларини ўрганувчи соҳаси.

ХРОНОЛОГИК Хронологияга асосланган. *Бу танга пуллар хронологик жиҳатдан узоқ тарихга эга.*

ХРОНОЛОГИЯ [хроно.. + юн. logos — фан, таълим] 1 Воқеа ёки ҳодисаларнинг даврий изчиликдаги баёни, рўйхати. *Зеро, уйдирмасиз ҳар қандай асар яланғоч воқеалар хронологиясидан иборат бўлиб қолар.. эди. «ЎТА».*

2 Вақт ўлчови ҳақидаги, тарихий воқеалар ва ҳужжатлар санасини аниқловчи қўшимча тарих фани. *Астрономик хронология. Тарихий хронология. ■ Ҳозирги пайтда хронологиянинг тараққиёти бу фаннинг археология, табиий фанлар, статистика ва бошқалар билан ўзаро ҳамкорлигига боғлиқдир. «ЎЗМЭ».*

ХРОНОМЕТР [хроно.. + метр] Вақтни жуда тўғри, аниқ кўрсатадиган, экспедицияда, кемада сузишда қўлланадиган махсус кўчма соат.

ХРОНОМЕТРАЖ [хроно.. + метраж] Ишлаб чиқаришда қўлдан ёки машинада бажариладиган (такрорланадиган) муайян меҳнат, ишни амалга ошириш учун сарфланган вақтни аниқ ўлчаш. *Хронометраж мақсадида компьютердан ҳам фойдаланилади. «ЎЗМЭ».*

ХРОНОМЕТРАЖЧИ Хронометраж иши билан шуғулланувчи киши.

ХРОНОМЕТРИК Хронометр воситасида бажариладиган, хронометрда белгиланадиган. *Вақтни хронометрик усулда аниқлаш.*

ХРУСТАЛЬ [юн. krystallos — муз; шаффоф тош, биллур] қ. **биллур**. *Хрусталь идишлар.*

ХУВАРИ Ҳазил аралаш енгил сўкиш шакли: шумтака, шайтон, хумпар, хумса

каби. *Ҳа, хувари, қўлга тушдингми! ■ — Вой хувари ҳожи, — деди Ниёз қушбеги, — олдидаги овни қўрмай, узоқдаги ёвни қўради! А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Шокир ота:] Йўлчининг айни олов вақти-да, биронта ўзи тенги билан бахт қидириб кетдими, хувари! Ойбек, Танланган асарлар.*

ХУД [ф. خود — ўз, ўзиники] эск. Ўз, ўзи, айнан ўзи. *Бу шаклу шамойил била худ ҳуру парисен.. Бобур.*

Гоҳ худ, гоҳ бехуд Гоҳ яхши, гоҳ ёмон; гоҳ ундай, гоҳ бундай, гоҳ ўзига келиб, гоҳ хушсиз. *Хотинларнинг кўнглига ҳеч тушуниб бўлмайди.. гоҳ худ, гоҳ бехуд. С. Нуров, Нарвон.*

ХУД-БЕХУД [ф. خودبخود — ўз-ўзидан, ўзидан-ўзи; беихтиёр] айн. **гоҳ худ, гоҳ бехуд** қ. **худ**. *Эрталаб ишга келсам, хонамда худ-бехуд бўлиб Қўшишев ўтирибди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. Худ-бехуд бўлиб ётган янгамнинг оғзига сув тутдим. «Шарқ юлдузи».*

ХУДБИН [ф. خودبين — манман, эгоист; ўзинигина кўзловчи] Ўзини ёки ўз манфаатини ҳаммадан устун қўювчи. *Худбин ва дилзор кимсанинг ахир Оғзи қон йиртқичдан қандай фарқи бор?! А. Орипов. Исфандиёрнинг инжиқ ва худбин кўнглида ўч олови ёнар, исёнкорларни бирма-бир дорга остираман, деб онт ичиб қўйган эди. С. Сиёев, Аваз.*

ХУДБИНЛИК Ўзманфаатини бошқа кишилар манфаатидан устун қўйишдан иборат салбий ахлоқий сифат. *Нодирнинг юрагидан номус ўти, йигитлик лафзи, ориятдан кўра худбинлик, ўжарлик устун туради. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар. Худбинлик манфаатпарастлик ва шахсиятпарастликни ўз ичига олади. «ЎЗМЭ».*

ХУДБИНЛАШМОҚ Худбинлик одати-га берилиб кетмоқ. *Худбинлашиб кетганини ўзи ҳам сезарди. Газетадан.*

ХУДДИ [ф. خۇدى — ўзиники] 1 Айнан, аниқ. *Инобатнинг худди ўзига ўхшаган ноҳиккина, қора қош, қора кўз бир сингиси бор эди. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса. Бир ойдан кейин худди мана шу катта боғда дангиллама тўй бўлди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Худди шу пайт эшик ғийқиллаб очилди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

2 Роппа-роса, тўппа-тўғри, аниқ. *Мен худди соат ўнда келдим. ■ Агар ўша кетиши*

бўлса, бугун худди Қўқонга бориб етган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Гўё, гўёки; баайни. -Келдингизми? — деди Алимардон, худди унинг албатта келишини билгандай. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Ҳойнаҳой; афтидан. [Майсара:] Шошманг, тақсирим! Ҳозир чиқиб бўлмайди! У худди гумонсираб келган, эҳтимол, ҳар томонга одам қўйгандир. Ҳамза, Майсаранинг иши.

ХУДКОМ [ф. خودکام — ўз манфаатини қўзловчи; ўзбошимча] эск. кт. Фақат ўзини ўйлайдиган, ўзини яхши кўрадиган; худбин. [Навоий:] Э, насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт! [Гули:] Лаъли рангин, лафзи ширин, шўҳи худкомимга айт. Уйгун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ХУДО, худой [ф. خدا — илоҳ, худо; ҳукмдор, ҳўжайин] 1 Диний тушунчага, хусусан, ислом динига кўра, бутун мавжудотни, бутун оламни яратган ва уни бошқарувчи олий илоҳий куч; ҳар қандай диннинг эътиқод қилиш асоси (мусулмонларда: «Аллоҳ» сўзининг синоними). Худо бутун жониворларни яратиб бўлиб, ҳар қайсисига умр улашадиган бўлибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. -Мирзо Анвар унимга худо мартаба ато қилган эмиш деб эшитдим, — деди Сафар бўзчи.. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Аввали худо Аввало Худонинг хоҳиши, қудрати билан. [Ибн Ямин:] Қизимнинг жонини аввали худо, қолаверса, сиз асраб қолдингиз. К. Яшин, Ҳамза. **Азбаройи худо қ. азбаройи.** -Агар эшикни ётиб ухласанг, азбаройи худо, ҳужранда бир ҳафтагача тонг отмайди, — деди Мирвали. А. Қодирий, Кичик асарлар. **Худо асрасин** (ёки **сақласин**) Бирор нохушлик, фалокат, зарарли кимсага йўлиқмасликни тилаб айтиладиган ибора. Ишқилиб, ўзингга эҳтиёт бўл, болам. Бирор фалокатдан худо асрасин! Ҳ. Фулом, Машғал. [Меъмор:] Мунофиқлардан худо асрасин! Мирмуҳсин, Меъмор. **Худо берди** «Бахтли, давлатли бўлди» ёки «нима истаса, шуни қила олади» каби маъноларни ифодалайди. Кейин Гулнорга худо беради, у эрка, арзанда хотин бўлиб, эрга суялиб, кўнглига нима келса, шуни қилади. Ойбек, Танланган асарлар. **Худо билсин** (ёки **билади**) Ким билади дейсиз, эҳтимол. Қоронғида яхши ажратолмадим, тусини ғира-шира анови қора Ҳомидга ўхшатдим.

Тағин уми, бошқами, худо билсин, шатир-шутир қилди-да, чиқиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Худо кўрсатмасин** Бирор кўнгилсиз воқеа юз бермаслигини тилаб айтиладиган ибора. Агар бу касаллик маҳаллий халққа ҳам юкса борми, худо кўрсатмасин, ана унда кўрасиз қўяматни.. К. Яшин, Ҳамза. **Худо кўтарсин!** ёки **худо олсин!** қарғ. Бирор кимсага бўлган нафратни ифодалаб, унга ўлим тилаб айтиладиган ибора. Зулфизар ичида: «Худо кўтарсин сени» деди-ю, қадамини тезлатди. К. Яшин, Ҳамза. **Худо раҳмати ёки худо раҳмат қилсин** Раҳматли (марҳумни ҳурмат билан тилга олганда айтиладиган ибора). -Китоблар икки жойда ёлғон айтишни маъқул деган эканлар: биттаси — эру хотиннинг орасида, иккинчиси — икки муъминни битириш учун. Буни худо раҳмати домлам ўқиб берар эдилар, — деди Сафар бўзчи. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [Олчинбек:] Бошингизга тушган ишларнинг ҳаммасидан хабарим бор. Кампирнинг ўлими, худо раҳмат қилсин, янги ёзган асарларингизнинг йўқ қилиниши.. К. Яшин, Ҳамза. **Худо урган** 1) ёмон,² разил, ярамас. **Ҳўжайин тоғанг жуда худо урган одам.** Уйинг куйгур, шунча йил ишлатиб, энди кўчага ташлайдими? Ойбек, Танланган асарлар; 2) ночор, расво. **Мен сизга: «Қопонғич, жангари ит топиб келинг!» десам, худо урган итни топиб келибсиз.** «Латифалар». **Худо урди** Расво бўлди; ишнинг пачаваси чиқди. [Одам] Ичкиликка берилдими, худо урди, Обру кетиб, йўқолади тамом бурди. Т. Йўлдош. Кейин ерга энгашиб, қўлларига катта бир тош олдилар. Юрагим шув этди: «Оббо, худо урди», дедим. П. Турсун, Ўқитувчи. **Худо урдикетди** Наҳотки шундай бўлса? Қўйинг-эй, Раҳимжон, гапирманг-эй! Худо урди-кетди. Қизим қўлингизга тушгандан бери бир кун рушнолик кўрмади. А. Қаҳҳор, Сароб. **Худо уриптими** Бўлмаган гап, ўлибманми, наҳотки шундай бўлса? Мени худо уриптими, ундай деганим йўқ. **Худо хайрингни берсин** Яхши тилак, миннатдорлик билдирувчи ибора. Жон биродар, худо хайрингни берсин, бу яхшилигингни икки дунёда унутмасман. С. Сиёев, Ёруғлик. **Худо ҳақи** Тўғриси; чиндан ҳам, ҳақиқатда ҳам. **Худо ҳақи, одам ҳаддан ташқари кўрқса, қизиқ бўлар экан.** А. Қаҳҳор, Сароб. **Худого нима ёздим?** «Нима гуноҳ қилдим, гуноҳим йўқ эди-ку?!» маз-

мунидаги ибора. [Матпано:] Худога нима ёздим? *Наҳот ўтган-кетганнинг қўлига термилиб, қариб-чириб адо бўлажакман?* С. Сиёев, Ёруғлик. **Худога солдим** Жазосини худо берсин. *Гулсумбиби қизининг бошини силади, йиғлаб гапирди: -Қўй, қизим, Нури туҳмат қилган бўлса, худога солдим. Ўзи бир кун жазосини тортар, бир кун изза бўлар. Ойбек, Танланган асарлар. Худога топширдим* Хайрлашиш чоғида айтилиб, худо ҳар қандай ёмонликдан асрасин, соғ бўл, омон бўл, деган мазмунни билдиради. *Худога топширдим, Кумуш, қазом етиб кўролмай қолсам, мендан рози бўл!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Худога (минг марта, беадад) шукур!** 1) бирор нарсага эришилганда айтилиб, мамнунлик, шукронани билдиради. *Худога шукур, тўй кўрдим, чимилдиққа кирдим, орзу-ҳавас кўрдим. И. Раҳим, Чин муҳаббат;* 2) ўзаро ҳол-аҳвол сўрашилганда, жавоб тарзида айтилади. [Отабек:] *Тузукмисиз, ота?* -*Худога шукур!* — деди Ҳасанали. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Худойимдан ўргулай** Худога шукур. -*Худойимдан ўргулайки, — деди Кумуш энтикиб ва даҳшатланиб, — ёмонларнинг жазосини ўзи берган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Кўпхудоликда оламнинг қандайдир бир қисмининг олий ҳукмдори. *Севги худоси. Уруш худоси. ■ Ғўзалликнинг қошида ахир Чўкка тушган ҳатто худолар. А. Орипов.*

ХУДОБЕЗОР(И) [ф. خدايزار — худодан қочувчи; бетавфиқ] Ҳар қандай ёмон ҳаракатдан ҳам қайтмайдиган; ўта дилозор, бетавфиқ. -*Бу безбетни қаердан топдингиз, худобезори-ку у?* — деди Солиев ўрнидан туриб. «Ёшлик».

ХУДОБЕХАБАР [ф. خدايخبر — худодан хабарсиз, бетавфиқ] Худодан кўркмайдиган; динсиз; инсофсиз, диёнатсиз, бетавфиқ. *Шу худобехабар амир эшигида амалдор бўлишдан кўра, ўғирлик қилиб юриш минг марта аъло. С. Айний, Жаллодлар.*

ХУДОВАНД [ф. خداوند — худо; соҳиб, эга; ҳукмдор] Худонинг сифатларидан бири; *айн. худо.*

Худованди карим Карамли, муруватли худо. [Баҳромбек:] *Эй худованди карим, молдунё деб, бу йўлларга кирган бандангни кечир..* «Ёшлик».

ХУДОВАНДО [ф. خداوند — эй худованд]: **худоё худовандо** Худога мурожаат шакли; эй худо, худоё. -*Ё худоё худовандо! Банда-*

ларингга ўзинг инсоф бер, — деди аёл. П. Турсун, Ўқитувчи.

ХУДОҒҲЎЙ [ф. خداگوى — худо деювчи, худони тилга олувчи] Худо номини тилдан қўймайдиган, доим тоат-ибодат билан шуғулланадиган. *Худоғўй одам. ■ Рўзиқул ўткинчи худоғўйларга қурбон ўқиб бериш билан беш тийин-ўн тийин топиб юрди. Файратий, Тепалик мазор.*

ХУДОЁ [ф. خدايا — э худо] Худога мурожаат шакли; э худо. *Худоё худовандо! Худоё тавба!* ■ *Махсум ўзича имон келтирди: -Худоё худовандо, бир ожиз бандангман. Гуноҳим бўлса, ўзинг кечиргайсан!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХУДОЖҲЎЙ(Й) [ф. خداجوی — худо(ни) изловчи] Худо ва дин йўлидан чиқмайдиган, худога ишонадиган; диндор. [Ҳожи она:] *Мен икки йўл ҳаж қилган художўй, батавфиқ хотинман! Мусулмонларга ёмонликни асло раво кўрмайман. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Художўйлар камайиб, зиёратгоҳга кўп вақтдан буён назр-ниёз тушмай қолган эди. Газетадан.*

ХУДОЖҲЎЙЛИК Дин йўлидан чиқмаслик. *Уларнинг авом халқ олидаги художўйликлари ҳам риёкорликдан бошқа нарса эмаслигига гумоним қолмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ХУДОЙ [ф. خدای] қ. худо.

ХУДОЙИ [ф. خدایی — илоҳиёт; худога оид, алоқадор] *дин. Марҳумлар руҳига бағишлаб ёки бирор иллатдан эсон-омон кутулганлиги учун худо йўлига қилинадиган садақа, қурбонлик, зиёфат. Ҳазрат Баҳовуддин йўлларида етти нон худойи қилибдурлар. А. Қодирий, Кичик асарлар. Бир неча ой ичида юзлаб қўйлар, туялар сўйилиб, маҳалла-гузарларда худойилар қилинди. С. Сиёев, Аваз.*

ХУДОЙИХОНА [худойи + хона] эск. Камбагал, етим-есирларга худойи тариқасида озиқ-овқат бериладиган жой.

ХУДОЙИХҲҲР [худойи + ф. خور — еювчи] Худойига бориб овқатланишни одат қилиб олган киши. *Мадрасамизнинг.. «жиловхона»сида ҳар якшанба ва пайшанба кунлари худойихўрлар кўча пойлаб, тикилишиб ўтирар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

ХУДОЙИЧИ *айн. худойихўр.*

ХУДОПАРАСТ [ф. *خداپرست* — худога ишонувчи, диндор] Динга, худога ишонадиган; диндор. *Худопараст одам. — Довуд асл худопараст, менга содиқ.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ХУДОСИЗ Худони тан олмайдиган, худога ишонмайдиган; даҳрий, атеист. *Доктор бир уни [Қурбон отани] маҳаллада ўзи ташкил этган худосизлар тўғарагининг машғулотига олиб борди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

ХУДОТАРС [ф. *خودتارس* — худодан қўрқувчи; тақводор] эск. дин. Худодан қўрқадиган; мўмин, художўй. *Душман эмас, булар устаи Заргар, Анга ҳамроҳ бир худотарс қаландар.* «Маликаи айёр».

ХУДПАРАСТ [ф. *خودپرست* — ўзига бино қўйган, худбин] Фақат ўз манфаатини кўзлаб иш тутадиган; худбин. *Худпараст одам.*

ХУК [ф. *خوگ* — тўнғиз]: **хук йили** айн. **тўнғиз йили** қ. **тўнғиз 3**.

ХУЛЁ кам қўлл. Фақат хаёлда, тасаввурда зоҳир бўладиган, аслида йўқ нарса. *Дилшод бу мудҳиш хулёни қувиш учун бошини бир силтаб, ўрнидан турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нима учун ёш бир одамнинг қуруқ сўзи билан бутун ниятларим, қасдларим ва хулёларимдан кечдим.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ХУЛИГАН [ингл. *hooligan* < ирландча атоқли от (*Houlihan*) дан] қ. **безорни**. Хулиган бола.

ХУЛЛАС [а. *خُلَاصَ* — тугалланиш, якун топиш] мод. с. «Хулоса қилиб айтганда», «шундай қилиб», «қисқаси» каби маъноларни ифодалайди. *Хуллас, инсоннинг инсон бўлиши учун керакли гаплар деярли Шайх Саъдий «Гулистон»нинг ўзидаёқ айтиб ўтилган.* Шукрулло, Сайланма. *Иккинчи хонада стол-стуллар, диван, приёмник, хуллас, ўртамеёна оила рўзғорига хос жиҳозлар.* С. Зуннунова, Олов.

Хулласи (и) калом Гапнинг хулосаси, якуни; гапнинг қисқаси. *Хулласи калом, камина салкам қирқ кун деганда ёруққа чиқиб, офтоб кўрдим..* О. Ёкубов, Излайман.

ХУЛЛАСИ айн. **хуллас**. Юзбоши [тиллани] еганича епти, ютолмай қолганидан кейин ўғриллар оғзига зўрлаб тикишибди.. *хулласи, ит азобиди ўлипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ХУЛЛАСКИ айн. **хуллас**. *Қамишканадаги икки юз эллик хўжаликнинг ҳаммаси қўлларидаги бор мол-мулкларини, ерларини, боғларини, хулласки, бор бисотларидаги ҳамма молларни колхозга икки қўллаб топшириб, бирваракайига колхоз бўлиши шарт эмиш.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ХУЛОСА [а. *خلاصه* — сараланган нарса; натижа; қисқача баён, мазмун; моҳият] 1 Юритилган фикр ёки мулоҳазанинг мантикий натижаси, якун. *Бундай тасаввур қадимги инсонларнинг эмпирик хулосаларидан бошқа нарса эмас, албатта.* «ЎТА».

Хулоса қилмоқ (ёки **чиқармоқ**) ёки **хулосага келмоқ** Якуний фикрга келмоқ, уни айтмоқ. -*Хўп, кўрамиз, — деди раис хулоса қилиб.* С. Аҳмад, Уфқ. [Навоий] *Шунинг билан бирга Низомий ва Хусравларнинг заиф томонларини топиб, ундан чуқур фалсафий хулосалар чиқаради.* Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари. *Чўлпон ҳақида тўғри хулосага келганлардан бири Ойбек бўлди.* Газетадан.

2 айн. **хуллас**. *Хулоса, тевағаримизни ўраб олган ҳозирги маъзара бояги маҳзун кўриниш таъсиридан бизни қутқаради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ХУЛОСАВИЙ [а. *خلاصه‌وی* — хулоса тарзидаги, якуний] эск. с.т. Хулоса сифатида тақдим этиладиган; якунловчи. *Хулосавий гап.*

ХУЛОСАЛАМОҚ Фикрнинг мантикий натижасини ифодаламақ, хулосасини баён қилмоқ; якунламақ. -*Айтмоқчи бўлганим шуки, болаларим, — деди сўзини хулосалаб Қурбон ота, — ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқармасак, ишимиз барор топиши қийин.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ХУЛҚ [а. *خلق* — феъл-атвор, табиат; кайфият; газаб] 1 Кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи; феъл, характер. *Хулқи совуқ одам.* *Яхши хулқ — кишининг ҳусни.* Мақол. — *Саодатхон буларнинг хулқи ҳақида ўйлаб, чуқур хаёлга чўмган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Қаҳрамонларнинг сўз ифодалари уларнинг савияларига ва хулқларига мувофиқ танланган.* Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.

2 Кишига одат бўлиб қолган, такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат; одат, қилиқ. *Қодир анча юмиарган эди. Набиғул ярамас хулқлари бор эканини бўйнига олиш билан*

Қодирни яна ҳам юмшатди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. Унинг рақсларида қуш энгиллиги, Шабада шўхлиги, гулнинг нози бор. Унинг одобида, унинг хулқида Инсоний камолот мавжуд, барқарор. Уйғун.

ХУЛҚ-АТВОР [хулқ + атвор] Феъл-атвор, характер. Ҳамида хулқ-атвори шамолга ўхшагани билан кўп нарсага ақли етарди. С. Анорбоев, Меҳр. Бола етти ёшга тўлиб, мактабга борган йили унинг хулқ-атворида бирмунча бурилиш пайдо бўлади. «Фан ва турмуш».

ХУМ [ф. خم — катта кўза] Бирор суюқлик, дон ва ш.к. сақлаш учун турли катталикда ясаладиган, оғзи торроқ сопол идиш. Қурбон ота иккинчи самоварга хумдан сув олиб қуймоқда эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [Ўринбиби ая] Хумдаги мусалласни кўзаларга қуйишга ўзи кўмаклашиб юборди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Ҳа, дарвоқе, хумда қўй ёғим, Омборда сур гўштим қолманми. С. Акбарий.

ХУМБОШ айн. хумкалла.

ХУМДАЙ Жуда катта. Баширжоннинг.. сочи тўкила бошлаган хумдай калласи қипқизариб кетди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ХУМДОН [ф. خمدان — хум ясаладиган жой, идиш] Кулолчиликда лойдан ясалган идишлар ёки гишт пишириладиган ўчоқ, печь. Кулол хумдони. — Ҳу, кўрдингизми, — деди чап қўли билан кўрсатиб, — у ерда гишт хумдонни қўряпмиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Султонмурод хумдонга идиш қалашда уста эди. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ХУМДОНЧИ Хумдонда гишт ёки кулолчилик маҳсулотларини пишириш билан шуғулланувчи ишчи. — Катта кўчага чиқиб олмоғим учун орада биттагина Ҳамдам хумдончининг чакалаги қолди, — деди Ўсар ака. А. Қодирий, Жинлар базми.

ХУМКАЛЛА [ф. خمکله — хум каби катта бош] 1 Боши хумдай, калласи катта; калладор. Аҳмад бригадир.. хумкалла ўғилчасига киссасидан майиз олиб берди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

2 кўчма Мияси йўқ, каллаварам, қовоқбош. [Олимхон:] Хумкалла! Шариат йўлидан тойган қизнинг сўзига ишонасанми? Бари ҳийла, бари айёрлик, макр! Ойбек, Танланган асарлар. Лекин жуда боплади, хумкаллани ўтқазиб қўйди, офарин! А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ХУМЛАБ Хум билан; хумда. Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тирикчилик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХУМОР [а. خمار — (ичкиликдан) ка-рахтлик, бош оғриғи] 1 от Одатланиш туфайли бирор нарсага бўлган чанқоқлик; муштоқлик, зўр истак. У бугун уйқудан бир қадар хумори босилгандай бўлиб турди. С. Анорбоев, Ҳамсухбатлар.

Хумор қилмоқ Бирор нарсага етишувга бўлган интилишни, истакни кучайтирмоқ; ўта хоҳламоқ; соғинтирмоқ (одатланган нарса ҳақида). — Дуруст, олдинги касбинг хумор қилаётгани йўқми? — деб ҳазиллашдим. Шукрулло, Сайланма. **Хумордан чиқмоқ** Ўйлаб юрган бирор иш ёки ҳаракатни амалга ошириш натижасида таскин топмоқ, тинчланмоқ. [Аҳмад] Улоқ чошиб, кўпкариларни кўриб хуморидан чиқиб, уйига қайтмоқчи бўлди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. **Хумори тутмоқ** Одатланган нарсасини қўмсамоқ, соғинмоқ; унга етиша олмай тажанг бўлмоқ. Қисқаси [чолнинг] носи адо бўлса, айниқса, хумори тутганда, ҳеч бир куч уни тўхтатиб қололмайди. Н. Норқобилов, Тўқнашув. **Хуморини тарқатмоқ** (ёки ёзмақ) Ўзи қўмсаб, соғиниб юрган кимса ёки нарсага етишиб қаноатланмоқ, таскин топмоқ. Ўйнаб, ҳасратлашиб, хуморини тарқатиб, уйига қайтади одам. Газетадан. Сизларни кўрсам, уни [набирамни] кўргандай хуморим ёзилади. «Саодат».

2 Бирор нарсага эришувга, етишувга иштиёқи баланд, орзуманд; муштоқ. «Хат кутиб, жонимда қолмади торқат, Бир кўрмоққа хумор бўлди Адолат!» И. Раҳим, Чин муҳаббат. Тожибой хумор бўлиб, яна нос чекдида, отига қамчи урди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Хумор кўз ёки кўз(лар)и хумор 1) сузук, чиройли кўз. Зумраднинг хумор кўзларида қандайдир чуқур бир қайғу яширинган. Ҳ. Зиёхонова, Менинг табригим. У [Гулнор] чиройли майин товуш билан сўзларкан, йигитнинг қўлидан чойнак-пиёла оларкан, шўх, хумор кўзлари билан йигитга қарайди. Ойбек, Танланган асарлар; 2) шундай кўзли ёр, дилбар. Кўз тинди кутиб, кўзи хуморим, нима бўлди? Ҳабибий. Ўз гапи ўзига хумор қилмоқ Ўзининг гапи ўзига қизиқ бўлиб

туялмоқ. *Муаллим ўз гапи ўзига хумор қилиб хоҳолади.. «Ёшлик».*

ХУМОРГАРЧИЛИК Одат қилинган, ўрганилган нарса ёки кимсани қўмсаш, унинг йўқлигидан дилгир бўлиш, хумор бўлиш; интизорлик, муштоклик. *Дилгирлик ҳаддан ошди, қорадорининг хуморгарчилиги.. хуснимга путур етказган эди. Файратий, Сабаби тириклик.*

ХУМОРИ [а. + ф. *خماری* — винога, ичкиликка оид; хумор бўлган] Хумор бўлган, иштиёқи баланд, мушток. *Баҳс тугар, аския бўлиб ўтади, Баъзилар қўшиқни қилар хумори. Х. Салоҳ. Наманганнинг анори, Кимни қилмас хумори? Т. Тўла.*

ХУМОРЛИК Хумор бўлишлик, муштоклик, соғиниш. *Кенжасининг йўлига кўзи тўрт бўлиб, хуморликдан бағри кабоб бўлган Тўхта она.. ўғлининг бошдан оёғигача синчиклаб боқади. И. Раҳим, Танкчининг отпускази.*

ХУМПАР Ҳазил аралаш енгил сўкиш шакли («курғур», «шайтон», «шумтака» каби). *-Вой-бўй, тирикмисан, хумпар, Тошкентга қачон келдинг?.. — деди Шум болага Туроббой. Ф. Фулом, Шум бола. Қўшним бу билан: «Нонуштани тезда тугалла ва чиқиб, чала қолган шахматни ўйна, хумпар», демоқчи эди. Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка.*

ХУМСА 1 Енгил сўкиш шакли («бемаъни», «ярамас», «аблаҳ» каби). *-Оёғингни боғлаб ол, қалтироқ хумса! — деб бақирди Қултой.. Дадақўзига. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. Подишолик билан ҳазил ўйнайдиёв бу хумсаларинг. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

2 айн. хунаса 1.

ХУМЧА Унча катта бўлмаган, кичик хум. *Ёғ хумчаси ташидан билинур. Мақол. — Шу лаҳза Бадиа.. хумчадан ним коса шарбат олиб келди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ХУН [ф. *خون* — қон] 1 айн. қон. Минг жафо бирлан эзиб қалбимни, тўқдилар хуним. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дарё бўлиб оқди дарёда хунлар, Дўзах оловида бамисли дунё. Э. Воҳидов. -Ҳар ким шаҳид — ўз хунига бўялар, Элу халққа озор берма, Авазжон, — деди Қулмалойик бобо. «Зулфизар билан Авазжон».*

Жигари (ёки бағри, юраги) хун бўлмоқ Бирор нарсадан қаттиқ таъсирланиб изтироб чекмоқ, руҳан қаттиқ эзилмоқ. *-Онамга*

билдирманглар, — деди аёл бағри хун бўлиб. А. Нурмуродов, Уруш бевалари. Ёлғиз сени, мен ёлғиз кутдим, Кутабеиб хун бўлди жигар. Р. Парфи. [Абдулазиз] Шу вақт ичиди қанча фойдадан қолганини ҳам тахминан ҳисоблаб кўриб, юраги хун бўлиб кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Хун бўлмоқ Руҳан қаттиқ эзилмоқ. «Йиғлайвериб, хун бўлиб кетдим», деб ёзган эди Мастура. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Хун йиғламоқ Эзилиб йиғламоқ. [Қўнғиз бола] Ариқдан ўтолмай, йиғламоқда хун, Кўз ёши юзини ювибди бутун. С. Абдуқаҳҳор.

2 Уруғдошлик тузуми даврида вужудга келган одат; ўлдирилган шахс учун олинандиган қонли ўч. *Қўйвор, деяпман сенга.. Барибир, укамнинг хунини оламан.. Қўйвор, қайғқа судраяпсан! «Ёшлик». Уликни тобутга солаётганда, хизматкорлардан биттаси: -Бу одамхўрларни қозига бериб, бечора гўдакнинг хунини олиш керак, — деди. Ойдин, Ҳазил эмиш.*

Хун довламоқ Қонли ўч олишни талаб қилмоқ. *Хун довлайман, нима жавоб берасан, Болаларим нобуд бўлган — биласан. «Алпомиш».*

3 Умуман, ўлдирилган кимса, йўқотилган ёки тортиб олинган нарса учун тўланандиган ҳақ; тоvon. *-Том тагида қолиб ўлсак, сан билан манинг хунимни улардан ким даво қилади? — қайғули товуш билан деди Ўроз. Ойбек, Танланган асарлар. Ўлган сизир қозиники бўлса, нима қилиш керак? -Сузган сизир эгасидан хунини тўлатиб олиш керак, — деди афанди. «Латифалар».*

Отасининг хунини сўрамоқ Бирор нарса учун ҳаддан зиёд пул ёки ҳақ сўрамоқ, бирор нарсага жуда қиммат баҳо қўймоқ. **Хунини тўламоқ тар.** 1) ўлдиргани учун товон тўламоқ. *Агар қўлга келса Бойсуннинг хони, Ўлдирсам, тўланар ўғлимнинг хуни. «Алпомиш»; 2) бирор нарса қийматини тўламоқ. Ҳазратнинг номларига доғ тушмасин учун шариат амрига мувофиқ сизга хун тўланади. М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.*

ХУНАСА [а. *خنثى* — хунаса] 1 Ҳам эркак, ҳам аёллик жинсий белгилари бўлган одам ёки ҳайвон. *«Балиғингиз эркакми, урғочими?» Афанди вазирнинг макрини тушуниб, жавоб берди: «Хунаса». «Латифалар».*

2 сўк. Ярамас, аблаҳ, разил. *-Шу хунаса қимор ўйнамаса, бу ғавғолар йўқ эди, — деди*

Ислом. «Ёшлик». Оқ подшо деган хунаса фармон чиқариб, мардикор сўраб қолди. Урушда қўли баланд эмас, шекилли. Ойбек, Танланган асарлар.

ХУНБОР [ф. خونبار — қон тўқувчи, қотил; қонли] эск. кт. Қонга тўлган, қон оқиб турадиган. *Гунча янглиғ дийдаси хунбордурман соғиниб. Муқимий. Кеча тонг отқуча бедор эрди, Ишқдин кўзлари хунбор эрди. М. Солиҳ, Шайбонийнома.*

ХУНДОР [ф. خوندار — хун эгаси, хунга эга] Хун талаб қиладиган; қасоскор. [Хусайн:] *Иблис Маждиддин.. Мўмин Мирзони ўлдириш ҳақида фармон ёзиб, менга мастлигимда қўл қўйдириб олибди. Кеча тонгда у мени ҳам набирамдан, ҳам ўғлимдан жудо қилди. Энди Бадиуззамон менга фарзанд эмас, хундор душман. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.*

ХУНИБИЙРОН [ф. خونبريان — қиздирилган, қовурилган қон] Ниҳоятда хуноб, руҳан қаттиқ эзилган, алам-изтироб чеккан. *Шавкат қирқ беш минут хўрлиги келиб, хунибийрон бўлиб йиғлаб ўтирди. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. Мустафо хунибийрон бўлиб йиғлаганча, қишлоққа қайтди. Н. Қобил, Унутилмас соҳиллар.*

ХУНОБ [ф. خوناپ — қонли кўз ёши] 1 Тоқати тоқ; диққат, бўғилган, тажанг. *Икки ҳафтадан бери сув ололмай [мўйсафид] хуноб экан. Ойбек, Танланган асарлар. [Анвар:] Майли. Мен ҳам тезроқ қайтишим керак. Алимардон ҳам хуноб бўлиб ўтиргандир. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.*

Хуноб қилмоқ Асабийлаштирмоқ. [Зеби Акромхонга:] *Жонингизга тегиб, хуноб қилдим. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Хуноби ошмоқ (ёки чиқмоқ) Ўта диққат бўлмоқ. -Юринг, кетдик! — деди паст овоз билан хуноби ошган Қўчқоровой ака. Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. Қўчқор хуноби чиқиб, қўлини силтади. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.*

2 кўча Қийин, оғир, мушкул, сермашаққат, сердиққат. *Хуноб вазифа. ■ Оламда заргарликдек хуноб иш бўлмас дердим, буларники яна сермашаққат экан. Ойбек, Навоий.*

ХУНОБА [ф. خوناپه — қонли кўз ёши] 1 айн. **хуноб**. Хуноба қилмоқ. ■ *Ўзаро низонинг дарду марази Тинкамиз қуритди, хуноба қилди, Талашган хонларнинг кеку ғарази Етди юрт бошига, хароба қилди. М. Шайхзода.*

2 от Дикқатни оширадиган, сердиққат иш. — *Албатта, асли хунобаси мана шунда, — деди бош қимирлатиб Ўктам. Ойбек, О.в. шабадалар.*

Хуноба ютмоқ фольк. Азоб тортмоқ, қийналмоқ. *Ғариблик кўйида хуноба ютдим. «Мурудхон».*

ХУНОБАГАРЧИЛИК айн. **хунобгарчилик**.

ХУНОБГАРЧИЛИК Хафагарчилик, диққатбозликни ифодалайдиган ҳолат; хуноблик. *Эгат очишининг турган-битгани хунобгарчилик-ку! Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.*

ХУНОБЛИК Асабийлик, тоқати тоқлик. *Зумрад кўзларининг нуруни тўқа-тўқа, кўп хуноблик билан иш тикарди. Ойбек, Улуғ йўл.*

ХУНОЛУД [ф. خونآلود — қонга беланган] эск. кт. Қонга беланган, қонга тўлган. *Хунолуд либос. ■ Хунолуд қуюқ қошлари остидаги ярим очик кўзлари кимнидир излагандек қарайдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ХУНРЕЗ [ф. خونريز — қон тўқувчи] 1 Қон тўқувчи; жаллод.

2 Қонхўр, бераҳм. [Низомиддин:] *Аммо, барибир, ёш мирзолар катта бўлгач, ўз отабоболари каби хунрез, зolim бўладилар. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ХУНРЕЗЛИК Қонли тўқнашув; қирғинлик, қирғин. *Ўтрор шаҳри бунёд бўлгандан бери бундай қирғин, бундай хунрезлик, зўравонликни кўрмаган эди. М. Осим, Ўтрор. Хунрезлик қил, демаган-ку На Ведаю на Қўрғон! Э. Воҳидов.*

ХУНУК [ф. خنک — салқин, совуқ; ёқимсиз, жозибасиз; мунгли] 1 Кўриниши ёқимсиз; кўримсиз, чиройли эмас. *Французлар дунёда хунук аёллар йўқ, фақат ўзига оро бермаган, парваришсиз аёлларгина бор, деб ҳисоблашади. «Саодат». Вой-вуй, қишлоғимиз шунақа хароб, шунақа хунукми! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 кўча Ёқимсиз; нохуш, жирканч. *Хунук воқеа. ■ Ҳарқалай, кеча хунук иш бўлди. С. Аҳмад, Уфқ. Бечора хотиннинг инсонлик қадр қийматини ерга урадиган ниҳоятда хунук йўл бу. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 кўча Қўрқинчли. Унинг [Анварнинг] кўзлари қоронғида чарақлар, ваъжохати хунук эди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

4 кўча Кулоққа ёқмайдиган, ёқимсиз эшитиладиган. *Хунук товуш. ■ Туни билан бўлган ғазабли бўкиришлар, хунук алаҳлашлар, йиртқичдай увлаб йиғлашлар тинди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Жимжит қабристон тепасидаги чинорда бойқуш хунук сайради. С. Аҳмад, Уфқ.*

Хунук кўримсоқ Ёқимсиз таассурот қолдирмоқ. *Вой, илм увол эмасми, нега ишла-майсиз? Ҳозирги замонда сичқон тутаман деган мушук ҳамма одамнинг кўзига хунук кўринади-я! А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.*

ХУНУКЛАШМОҚ Кўриниши ёқимсиз, кўримсиз бўлиб қолмоқ; чиройини йўқотмоқ. *Дастлабки пайтларда Муборак унга дурустгинадай кўринган эди. Бироқ уни яқиндан билиб боргани сайин, назарида хунуклаша борди. «Ёшлик».*

ХУНУКЛИК Кўримсизлик; чиройли эмаслик. *Биласизми, хунукликда ягона қиз ҳам етилган вақтда йигитнинг диққатини жалб қиладиган бўлади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ХУНХОР [ф. *خونخوار* — қонхўр, қон ичувчи; золим] *айн хунхўр. Вақти замон, кампир, ажалинг етди, Яна хунхор, билгин, Авазинг кетди. «Маликаи айёр».*

ХУНХЎР [ф. *خونخور* — қонхўр, қон ичувчи; золим] *кт. Қонхўр, қотил; золим. Ўзбекнинг одати: хунхўр душмани келса ҳам, бўсагадан қайтармайди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

ХУНХЎРЛИК Қон тўкишлик. *Уйингиз орқасида қилган адабсизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ХУРАЛ [мўғ. хурал — мажлис, йиғилиш] *Мўғулистон Республикасида олий ҳокимият органларининг номи. Улуғ халқ хурали.*

ХУРЖУН [ф. *خورجين* ёки *ا. خرج* — қўшалоқ бўлмали халта] 1 Эгар устига ёки елкага ошириб ташланадиган, юк солинадиган икки кўзли қоп, қўш халта. *Жун хуржун. Ип хуржун. ■ Қоп орқалаган оқ як-такли эркак билан икки кўзи тўла хуржун елкалаган аёл тошдан тошга ҳатлаб, нариги томонга ўтиб борапти. Т. Ашуров, Марварид тут.*

2 эск. кўча Қониқарсиз, ёмон. [Саид-аҳмадхон:] *Пул масаласи хуржун. Қўқон бойлари, патири учидан, деб жиндай пул беришди. Ойбек, Улуғ йўл.*

Ишни хуржун қилмоқ Ишни ёмон аҳволда қолдирмоқ, ўлда-жўлда, чала қилмоқ; на у ёқли, на бу ёқли қилмоқ. *-Гап деганда қоп-қоп, иш деганда бетоб хушёқмаслар бор, шулар ишни хуржун қилади, — деди раис. Ойбек, О.в. шабадалар.*

ХУРЖУНЛАШМОҚ эск. Ора йўлда қолмоқ; ёмонлашмоқ, чатоқлашмоқ. *Цехлардаги бригадалараро ижтимоий мусобақа ишлари хуржунлашиб.. қолди. «Муштум».*

ХУРМА Қатиқ ивитиш, сут солиб қўйиш учун ишлатиладиган сопол идиш; қўшқулоқ. *Фотиҳадан кейин Офтоб ойм товоқни хурмага, хурмани товоққа уриштириб, куёвга қатиқ олиб чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ХУРМАЧА 1 Кичик хурма. *Кечқурун аям бир хурмача қатиқ.. кўтариб келди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 кўча с. т. Қорин, ошқозон. *-Тўхта, тўхта, эй нонхўр. Хурмачанга лойиғини ичда, ўз обрўсини билмаган гўл, — деди Эргаш Олимга. Б. Раҳмонов, Қилмиш-қидирмиш.*

Хурмачаси оқармаган айн. косаси оқармаган қ. оқармоқ. Хурмача қилиқ Ёмон, бемаъни, совуқ қилиқ; хунук одат. *Дадамнинг пули кўпайиб, бир йилдан буён хурмача қилиқ чиқариб қолдилар. «Муштум». Хурмачанинг тагини ялаганимдинг? Тўйи кунни қор ёки ёмғир ёққан йигит ёки қизга нисбатан ҳазил тариқасида айтиладиган гап. Чурук наранжи ёпинган бир хотин узоқдан шанғиллаб келаверди: -Қор ҳам қурсин, кафшиим ҳам қурсин, Нурой, хурмачанинг тагини хўп ялаган экансиз-да! Ойбек, Танланган асарлар.*

ХУРМАҚОВОҚ шв. Ойимқовоқ.

ХУРМО [ф. *خرما* — хурмо] Тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган, хурмо-дошларга мансуб дарахт ва унинг меваси. *Унинг [Нил дарёсининг] икки томонида фалакка бўй қўзган миноралар, кўп қаватли бинолар, хурмолар. Мирмуҳсин, Ал Маҳдий. Арабларда хурмо энг муҳим озуқалардан бири ҳисобланади. К. Маҳмудов, Қизиқарли пандалик.*

ХУРМОЗОР [ф. *خرمازار* — хурмо майдони] Хурмо дарахтлари экилган ер, бог.

ХУРМОЙИ [ф. *خرمائی* — хурмога оид; тўқ сариқ, оч жигарранг] 1 Ранги хурмо меваси рангига ўхшаган; қизғиш-тўқ сариқ. *Тўрда соқоли хурмойи-қизилча бўлган.. бир йигит ўтирарди. С. Айний, Эсдаликлар.*

2 Ўзбекистондаги ўрик навларидан бири. [Ўрикнинг] ..хурмойи, мирсанжали.. навлари яхши туршак беради. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ХУРОФИЙ [а. خرافى] 1 Хурофотга оид, хурофотга асосланган. *Хурофий урф-одатлар.*

2 эск. айн. **диний**. *Китоб ғоят диний, хурофий — Ҳазрат Али жанг қилиб, кофирларни кириб, мусулмонларни уларнинг жабр-зулмидан қутқарди, деб ҳикоя қиларди бу китоб. Ойбек, Болалик.*

ХУРОФОТ [а. خرافات — бидъат, таас-суб, ирим-чиримлар] Диний эътиқод, урф-одатлар, иримларни сохталаштирувчи ижтимоий-психологик ҳодиса. *Ҳақиқат ўз кучини йўқотган жойда хурофот илдиз отиши шубҳасиз. «Саодат». Нодон кишиларнинг кўнгли хурофотга яқин бўлади. Газетадан.*

ХУРОФОТФУРУШ [а. + ф. خرافات فروش — хурофот сотувчи, тарқатувчи] кам қўлл. Хурофотни тарғиб қиладиган, хурофотни восита қилиб кун кўрадиган. *Инқилобдан кейин хурофотфуруш бу хонадон тезда қуриб, тўзғиб кетади. Ойбек, О.в. шабадалар.*

ХУРОФОТЧИ Хурофотга берилган одам. *Аввалига Абдуҷаббор ўлғудай хурофотчи, ўлғудай кўнгли тор бўлиб кўринди. М. М. Дўст, Лолазор.*

ХУРРАК Уйкуда нафас олганда чиқади-ган хириллаган товуш. *Ҳасанали ундан [Отабекдан] жавоб кутар экан, бироздан сўнг жавоб ўрнига хуррак товушини эшитди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кампир кучсиз хуррак тарта бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Тўрт ошхўр идорани бошларига қўтариб, хуррак тортишарди. С. Аҳмад, Сайланма.*

ХУРРАКЧИ Хуррак отиб ухлайдиган киши. *Хурракни эмас, хурракчини отаман. Шундоқ ёқасидан ушлайман-у, деразадан отвораман. А. Мухтор, Туғилиш.*

ХУРРАМ [ф. خرم — шод, қувноқ, хуш-чақчақ; мамнун] 1 Шод, хурсанд, хушчақчақ. *Чавандоз Гулсум опанинг ёш қизлардай «ду» қизарганини кўриб, хуррам жимлайди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Боринг бизнинг Андижонга ҳам, Боғларида сайр этинг хуррам. Х. Салоҳ.*

2 Хуррам (эркаклар исми).

ХУРРАМЛИК Шодлик, масрурлик. *Ҳофиз Шерозий — эҳтиросли муҳаббат, гўзал табиат.. шодлик ва хуррамлик тароналарининг ижодчиси. «ЎТА». Лекин ерда ва кўк-*

да мен томошага чиққан вақтимдаги лато-фат, хуррамликдан асар қолмаган эди. С. Айний, Эсдаликлар.

ХУРСАНД [ф. خرسند — мамнун, қаноатланган; шод, қувноқ] 1 Ҳаётдан жуда мамнун, кайфияти жуда яхши; шод, хуррам; хушчақчақ. *Озод ёшларнинг руҳлари тетик ва ўзлари хурсанд эдилар. Н. Фозилов, Дийдор. Ойим азбаройи хурсанд бўлганидан: -Баракалла, ўғлим! — деб елкамга қоқиб қўйди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.*

2 Бирор кимсадан ёки нарсадан қаноат ҳосил қилган; мамнун, рози, миннатдор. *Шу йўсин Нодира, Моҳлар ойимдан жуда хурсанд бўлгани ҳолда, уйига қайтди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Элмурод уни [Давлатёрни] шундай шароитда учратганидан хурсанд бўлди.. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Хурсанд (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ХУРСАНДЛИК Мамнунлик, вақтичор-лик. *Хурсандлигимни айтсангиз, гўё дарёман-у, қирғоққа сиғмай, тўлқин ураётгандекман. Х. Тўхтабоев, Шири қовунлар мамлакати.*

ХУРСАНДЧИЛИК 1 Вақтни хурсанд, шод, ўйин-кулги билан ўтказиш; вақтичор-лик. *Бу — бошларига тушган фожиадан кейинги биринчи хурсандчилик эди. Мирмуҳсин, Меъмор. ..шу кунларнинг бирида Хайри ача уйида кичкина хурсандчилик бўлди. Д. Нурий, Осмон устун.*

2 Хурсандлик, шодлик. *-Мен сенга айтсам, дўстим, — деди Элмурод, — хурсандчи-лигим ичимга сиғмайди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ХУРУЖ [а. خروج — олға чиқиш, огла-ниш; сўзга чиқиш] 1 Тўсатдан ҳужум қилиш; ҳужум. *Танк орқасидан келаётган душман пулемётчилари хуруж қилиб қолди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. Хуруж қилаётган оломон турган жойида қотиб қолди. К. Яшин, Ҳамза.*

2 кўча Иссиқ, совуқ, шамол, ёмғир, ўт, сув каби табиат кучларининг ҳамласи; авжига чиқиши, кучайиши. *Хуруж қилмоқ.*

■ *Шамол яна хуруж қилади, дарахтларнинг кўксини тилка-пора қилиб шовуллайти. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Ногаҳон хуруж қилган бу ёмғир уни анча шошириб қўйган эди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.*

3 Касалликнинг кучайиши. *Иситма хуруж қилиб, [Башорат холаининг] ҳамма ёғи қақшаб оғриди. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.*

4 с. т. Бирор салбий нарсага берилиб кетиш, ружу қилиш. *Ашир, хотини Хўжабековга тешиб кетгандан кейин, ичкиликка хуруж қилди. С. Анорбоев, Оқсой.*

ХУРУЛЛАМОҚ «Хур-хур» этган овоз чиқармоқ. *Хуруллаб ухламоқ. ■ Кўрпачада хурпайиб ётган мушук унинг [хотинининг] қатим тортаётган қўлларига қараб хуруллайди, ғалтак ипни олиб қочишга пайт пойлайди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ХУРУШ [ф. خورش — қайла; зиравор, дориворлар] 1 Бирор иш ёки жараённинг юзига келиши, тезлашуви учун ёрдам берадиган восита. *Терини пардозлашда ишлатиладиган хуруш. Пайвандлаш хуруши.*

2 Овқат, чойга маза, таъм бериш учун унга қўшиладиган ошқўк, зиравор, доривор каби воситалар. *Агар чойнак узоқ вақт оловда турса, чой айнийди, айниқса, таркибадаги хурушлари куйиб, бемаза бўлиб қолади. К. Маҳмудов, Қизикарли пазандачилик.*

ХУРУШЛАМОҚ *тех.* Қаттиқ материаллар сиртига кимёвий усул билан ишлов бермоқ, пардозламоқ. *Металларни хурушламоқ.*

ХУР-ХУР *тақл. с.* Хуррак товушини билдиради. *Соқи бобо нустинининг бир енгига бошини тиқиб, бир енгига икки оёғини суқиб, хур-хур этиб, хуррак тортиб ухлаб ётибди. «Хушкелди».*

ХУРШИД [ф. خرشيد — куёш] 1 Ёритиб турувчи нарса; куёш, ёруғлик, машғал. *Оламнинг хуршиди кундир, одамнинг хуршиди — илм. Ҳамза. Тепаликка илк нурун сочди хуршиди жаҳон. Э. Воҳидов.*

Хуршиди тобон *поэт.* Ёрқин нур сочувчи, порлоқ куёш; ёрнинг гўзал юзига ишора.

2 Хуршид (эркаклар исми).

ХУСУМАТ [а. خصومت — жанжал, низо; душманлик, адоват] Бировга нисбатан бўлган кек, адоват; қасд; душманлик. *Собир яна ўша ёқимтой йигитга айланган ва Аҳмаднинг юрагига унга нисбатан ҳеч қандай хусумат қолмаганди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. Тўтихоннинг юраги эзилиб, рашк ва хусуматдан юз терилари тортишди. Н. Аминов, Тилло табассумлар.*

ХУСУМАТЛИ Хусумат белгиси ифодаланган; адоватли. *У [Мажиддин] ўғлининг елкасидан қўлини секин тушира туриб, чодир томон хусуматли назар ташлайди-да, отга минмоқчи бўлади. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.*

ХУСУС [а. خصوص — хусусият, ўзига хослик, алоҳидалик; айримлик] 1 Муҳокамага сабаб бўлган ёки кўзда тутилган масала, мавзу. *Майли, ҳар ким айтсин ўз фалсафасин.. Уни мот қиларман мен бу хусусда! О. Ҳакимов. Юсуфбек ҳожининг қандай одам экани, айниқса, Акрам ҳожига англашилиб, бу тўғрида ортиқ баҳс қилинмади ва сўз бошқа хусусларга ўтди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шарт шу: Бундан кейин ҳар хусусда мен билан яктан бўлиб ишласангиз.. дурустми? Ойбек, Танланган асарлар.*

2 3-ш. эгаллик ва ў.-п.к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. **хусусида**). *Интизом хусусида гапирмоқ.*

ХУСУСАН [а. خصوصاً — асосан; айниқса, махсус] *рвш.* Бошқаларидан кўра; айниқса. *..Самарқандда, хусусан, Фарғона водийсида одам шаклини чизиш ҳали ҳам Қуръон номидан қаттиқ тақиқланиб келмоқда эди. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар. Чарос, хусусан, Темур портрети ҳақида гапирмоқчи эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ХУСУСИДА *кўм. вzf.* Тўғрисида, ҳақида. *-Пилла хусусида тил қисққлик жойим йўқ. Планни бир юз ўн бир процент қилиб қўйганман, — деди раис. С. Аҳмад, Ҳодивой.*

ХУСУСИЙ [а. خصوصى — алоҳида, махсус; шахсий] 1 Бирор шахснинг ёлғиз ўзига қарашли, тегишли бўлган; шахсий; алоҳида. *Хусусий дўкон. ■ Анвар хусусий ҳаёти, айниқса, Раънога алоқасидан ҳеч кимга оғиз очмас эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Кундузлари ўрда девонини бошқариш, эрта-лаб ва кечқурун ўз уйида хусусий кишиларни қабул қилиш, албатта, Анвар учун оғир эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

2 Муайян бир нарса ёки мавзуга бағишланган; айрим бир нарса ёки мавзунини ўз ичига оладиган. *Хусусий ва умумий масалалар.*

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ *икт.* Фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларининг акциядорлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиши; давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий субъектларга ўтиши жараёни. *Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Газетадан.*

ХУСУСИЙЛИК 1 Айримлик, ўзига хослик.

2 флс. Фалсафа фани категорияларидан бири. Демак, тил билан нутқ умумийлик билан хусусийликнинг диалектик муносабатида бўлиб, улар бири иккинчисига ўтиб турадиган ҳодисалардир. «ЎТА».

ХУСУСИЯТ [а. خصوصیت — ўзига хослик; алоҳидалик, айримлик] Бирор нарса ёки кимсанинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган томони, ўзига хос белгиси. *Характерли хусусият. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари.*

ХУТБА [а. خطبة — ваъз, нутқ; панднасиҳат] **1** дин. Жума ва ҳайит кунларида имом хатибнинг суннатдан кейинги (фарздан олдинги) ваъзхонлиги; диний панднасиҳат. *Намоздан кейин семиз ва такаббур Бўрихон ҳазрат эшон минбарга чиқиб, хутба бошлади. М. Мухаммаджонов, Турмуш уришлари. Ўрта асрларда хутбанинг муҳим сиёсий аҳамияти бўлган. «ЎЗМЭ».*

Номига хутба ўқитмоқ ёки номини хутбага қўшиб ўқитмоқ тар. Тахтга чиққан ҳукмдорнинг номини намоздан кейинги дуода тилга олиб, унинг ҳақиқий ҳукмдор эканлигини тан олмоқ. *Бир куни Абу Убайд Қобуснинг ўғли Манучеҳр Маҳмуд номига хутба ўқитиб, расман унинг ҳокимлар қаторига ўтгани тўғрисида хабар олиб келди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.*

2 Никоҳлаш вақтида ўқиладиган дуо. *Қози никоҳ хутбасини ўқишга киришди.. С. Айний, Эсдаликлар. -Афанди, шайтоннинг хотинининг оти нима? — деб сўради имом. -Никоҳ куни сиз хутба ўқиган экансиз-ку, билмисизми? «Латифалар».*

ХУТОР [р. хутор < қад. нем. huntari — вилоят, ҳудуднинг бир қисми] **1** Россияда қўрғони, уйлари билан алоҳида ажратиб, ўраб олинган, муайян шахсга қарашли ер майдони.

2 тар. Кубань, Украина ва Ўрта Осиёда икки-уч хўжалиқдан иборат қишлоқча.

ХУФИЁНА [а. + ф. خفیانه — яширинча, билдирмай, зимдан] Бошқаларга билдирмасдан; яширин равишда; яширинча. *Кеча оқшом Амаатжон масжиднинг имомию бир муллани чақиртириб, хуфёна никоҳ ўқитириб қўйган эди. С. Сиёев, Аваз.*

ХУФИЯ [а. خفیة — яширинлик, махфийлик; сирини бошқаларга айтмаслик] **1** Бош-

қаларга билдирилмайдиган, сир тутиладиган; яширин, махфий. *Иброҳим султон Қораилон қўлогига шивирлаб, хуфия топишириқни маълум қилди. Мирмуҳсин, Меъмор. -Амаки, ташқарида гаплашсак бўлмайдами? — деди қиз.. -Йўқ, — деди Жўра қоровул, — хуфия гап бор. Ю. Шомансур, Қора марварид.*

2 Билдирмасдан бузуқилик қилувчи; яширин равишда фоҳишалик қилувчи. [Мас-тура:] *Менинг қўлимдан беш юзга етиб хуфияси, сатанги, акабачалари чиқди. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

ХУФИЯКИ айн. хуфйёна. *Рўза ойи келиши билан Саид Бурҳон маҳзум кундуз кунлари қоронғи ҳужрага кириб.. хуфияки май-хўрлик қилиб, дам олиб ётар.. эди. Файратий, Маҳзум қочди.*

ХУФТОН [ф. خفتن — ухламоқ, уклаш] **1** Қуёш ботгандан бир-икки соат кейинги вақт; тахминан кеч соат еттидан ўнгача давом этувчи вақт. *Кеч кирди, хуфтон бўлди, баъзи ўтовларда чироқлар ўчди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 дин. Қуёш ботгандан бир ярим соат ўтгач ўқиладиган кечки намоз. [Тиллабой] *Овқатларни хўп еб олгандан кейин, хуфтонни намозшомдаёқ чала-чулла ўқиб олиб, дарров ухлаб қолар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Дили (ёки кўнгли, таъби) хуфтон Кўнгли ғаш; хафа. *Бўрининг дили хуфтон бўлди. Т. Мурод, Кўшиқ. Кўнглим бирдан хуфтон бўлиб, ўзимни ҳақоратлангандек сездим. М. Қориев, Ойдин кечалар. Етти (ёки икки, уч) хуфтон Алламаҳал, аллавақт. Хайри ачанинг чоли азонлаб тегирмонга чиқиб кетади, шу билан икки хуфтонда қайтади. Д. Нурий, Осмон устун. Қўли кишанли Авазни сарбозлар етти хуфтонда.. мазористонга олиб келишди. С. Сиёев, Аваз. Хуфтон намози айн. хуфтон **2.** Чол хуфтон намозини ўқиш учун тахмондан жойнамозни олиб, наमत устига тушамоқда эди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.*

ХУФЯ [а. خفیة — сир; айғоқчи, изкувар] тар. Айғоқчи, изкувар. *Уларнинг бу музокараларини четда эшитиб турган хуфялардан бири бу сўзни Азизбекнинг қўлогига етказур. А. Қодирй, Ўтган кунлар. [Қосимбек:] Кулингиз Самарқанддаги хуфялардан келган бир хабарни амирзодамга кўрсатишдан тортинган эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ХУШ [ф. خوش — ёқимли, яхши, ажойиб; шод, қувноқ] Яхши, ёқимли. *Яхши куй ва қўшиқ инсонга хуш кайфият бағишлайди.* Газетадан. *Димоққа бир хуш ҳид уради Боғлар ошиб келган шаббода.* Х. Салоҳ.

Вақти (ёки кўнгли) хуш Кайфи чоғ, хурсанд. *Вақти хуш бўл, карнай-сурнай қўяди, Уйинчи, созанда бари келади.* «Баҳром ва Гуландом». *Фарҳоднинг кўнгли хуш бўлиб, Отаси ҳам бирга кетди.* «Баҳром ва Гуландом». **Хуш ёқмоқ** Жуда ёқмоқ, маъқул тушмоқ. *Бунақа шарт элликбошига албатта хуш ёқади-да! Дарров ҳовлини ўз баҳосидан анча ортиқча олибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. **Хуш келибсиз!** ёки **хуш келдингиз!** Меҳмон келганда, ҳурмат юзасидан айтиладиган ибора. *-Хуш келибсиз, сафо келибсиз, жуда хурсандман, — деди уй эгаси.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Хуш келмоқ** Ёқмоқ, яхши кўрмоқ. *Унинг ўзига сариқ атлас хуш келса-да, бироқ ҳозир ўз хоҳишини бир ёққа қўя туриб, Отабек кўнглича кийинишига қарор қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хуш кўрдик** айн. **хуш келибсиз.** [Бобур:] *-Хуш кўрдик, бегим, — деди-да, унга ўнг елкасини тутди.* П. Қодиоров, Юлдузли тунлар. **Хуш кўрмоқ** Ёқтирмоқ, яхши кўрмоқ. *Аммо Анварнинг айниқса хуш кўрган кишиларидан биринчиси Равно ва иккинчиси.. Насим исмли бола эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Хуш энди!** Хайрлашиш вақтида айтилади; хайр. *Менинг билан бирга келган Меҳрибонлар, хуш энди!* «Баҳром ва Гуландом». **Хуш қолинг** Хайрлашиш вақтида кетувчининг қолувчига яхшилик тилаб айтадиган ибораси. *Азаматлар, наъра шерлар.. Беғу хонлар, хуш қол энди!* «Эрали ва Шерали». **Хуши йўқ** Хоҳламаслик, ёқтирмаслик; хоҳиши йўқ. *Дастурхонда ҳола, новот, мураббо.. Заргаровнинг буларга хуши йўқ..* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. **Хуши келмоқ** Кайфияти яхши бўлмоқ. *Бундайлар ҳақида халқда кўча хандон, уй зиндон, деган нақл бор.* Чунки хуши келганда, ундан қувноқ одам йўқ. Ж. Абдуллахонов, Орият. **Хушига келса** Хоҳласа, ёқтирса. *Хушинга келса — шу, бўлмаса, билганингни қил.*

ХУШ- [ф. خوش — ёқимли, яхши; шод, қувноқ, хурсанд] Бир қанча қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «яхши, ажойиб; ёқимли, дилкаш, қувноқ, қувончли» каби маъноларни билдиради.

ХУШАТВОР [хуш + атвор] эск. кт. Хушфеъл, яхши ахлоқли, яхши хулқли. *Бердилар таълим менга мен билмаган ҳар кордин, Илму одобу хунар, фаҳм этмаган асрордин, Хушсуханлик, хушкаломлик ҳамда хушатвордин, Ҳеч бири бахтимга ёри бермади, нолон бошим.* Мутриб.

ХУШАХЛОҚ [хуш + ахлоқ] кт. Ахлоқи яхши, одобли. *Хушхулқ, хушахлоқ.. тўғрисиўз Маҳаммадкарим чинакам ботир, шижоатли, душманларга нисбатан раҳмсиз, шафқатсиз киши эди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

ХУШБАХТ [хуш + бахт] кт. Бахтли, саодатли. *Хушбахт йигит.* ■ *-Не Фарғона, эл тўй қилар, Қувнар, ўйнар хушбахт диёр.* Миртемир. *Биз ўшанда сўлим соҳилда хушбахт кезиб, анчагача қолиб кетдик.* Газетадан.

ХУШБАХТЛИК Бахтлилик; мамнунлик. *Шунга қарамай, ҳамма хурсанд, юзларда хушбахтлик жилваланади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ХУШБАҲРА [хуш + баҳра] кт. Кишининг баҳридилини очадиган; хушҳаво. *Бўлибсан ўзгача хушбаҳра, хушҳаво, чаманим.* Хабибий.

ХУШБАҲРАЛИК Одамнинг баҳридилини очишлик. *Ўрикзорга қараб турган, дид билан бино қилинган.. эски айвон озодалиги, хушбаҳралиги билан меҳмонлар диққатини жалб қилди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ХУШБИЧИМ [хуш + бичим] 1 Яхши тикилган; кийганда ярашадиган, бичими яхши (кийимлар ҳақида). *Хушбичим дўппи.* *Хушбичим костюм.* ■ *Ўғилой чулқуварлар фарзандларига чиройли ва хушбичим кийимлар тикиб берди.* «Ўзбекистон кўриклари».

2 Бўйи-баста келишган, қадди-қомати чиройли. *Хушбичим йигит.* ■ *Бир байрам кечасида унинг [Назокатнинг] сермароқ рақси ва хушбичим қадди-қоматини кўрган қандайдир меҳмон уни балет мактабига таклиф қилди.* Шухрат, Умр поғоналари.

3 Ташқи қиёфаси, тузилиши, кўриниши чиройли, келишган. *Хушбичим иморат.* ■ *Улардан бири [Алиев] барваста қомат, қуюқ қора қошли, хушбичим чеҳрали йигит эди.* Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи.

ХУШБИЧИМЛИК Келишганлик.

ХУШБЎЙ [хуш + бўй II] Ёқимли ҳид таратадиган; яхши ҳидли, муаттар. *Ҳамма ёқ-*

ни димоғни қитиқловчи хушбўй бугдой ҳиди тутиб кетди. Н. Фозилов, Дийдор. Димоғига аллақандай хушбўй атир иси гуниллаб урилди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ХУШВАҚТ [хуш + вақт] Вақти чоғ, хурсанд, шод. *Очил кечагидан анча бошқача — шўх, хушвақт.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Даврада унинг [Бўрининг] дастидан рўшнолик кўролмай юрганлар хушвақт бўлди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

Хушвақт бўлинг! Меҳмон келганда айтиладиган «Хуш келибсиз!» иборасига жавобан айтилади. [Рихси хола:] *Хуш кептилар!* [Саодатхон:] *Хушвақт бўлинг!* С. Зуннунова, Янги директор.

ХУШВАҚТЛИК Хурсандчилик, шодлик. [Шариф:] *Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар.* [Ҳама:] *Хушвақтлик бўлсин.* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза.

ХУШГАП [хуш + гап] Ширинсўз; хушмуомала. *Хушгап одам.* ■ [Меҳмонларнинг] *Базилари адабиётдан хабарсиз бўлсалар ҳам, хушгап, хушчақчақ ва аскиячи эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Очиқ чехра, диловар, марду хушгап, Кўзи ўйнаб турар кулганда сўзлаб.* Ҳабибий.

ХУШДИЛ [хуш + дил] кам қўл. Очиқ кўнгил, ёқимли. *Вагонда қолаётган солдатлар оқкўнгил, хушчақчақ ва хушдил улфатидан ажралиб қолаётганларига ачинардилар.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ХУШЁҚМАС Ишга бўйни ёр бермайдиган; дангаса, ишёқмас. *Хушёқмасни эл хушламас.* Мақол.

ХУШЁҚМАСЛИК Дангасалик, ишёқмаслик. *Хушёқмаслик билан ишламоқ.* ■ *Амалдорлар ўзаро гап сотиб, вазифаларини хушёқмаслик билан бажарардилар.* Ойбек, Навоий.

ХУШИЧИМ Яхши ичиладиган, ютуми яхши, ичишли. — [Мусаллас] *Жуда хушичим, кайфи ҳам нозик.. — деди кампир Зумрада.* Ойбек, Танланган асарлар.

ХУШКАЙФ [хуш + кайф] 1 Кайфияти яхши, хурсанд, ўйнаган-кулган, хушчақчақ. *У жуда хушкайф эди.* ■ *Хушкайф бир гуруҳ тор кўчадан чиқиб, мадраса орқасида ғойиб бўлди.* Ойбек, Навоий.

2 айн. **ширакайф.** *Хушкайф одам.*

ХУШЛАМОҚ Ёқтирмақ, суймоқ. *Самиг-жон ҳам бошқа қишлоқ қизлари орасидан*

ёлғиз Матлубани хушласа керак, уни кўпроқ суратга олишга тиришарди. О. Ёқубов, Излайман. *Семиз, бети очиқ қора хотин менга хушламай боқди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Кўнглини (ёки вақтини) хушламоқ Бировни хурсанд қилмоқ, унга шодлик, вақтичоғлик бахш этмоқ. *Ҳеч кимса бийларнинг кўнглини хушламайди.. «Алпомиш».* Уч канизи бувисининг вақтини хушлаб.. *рўмолини бошига елвагай ташлаб, чопишиб.. бора солиб, занжирни ушлади.* «Эрати ва Шерали».

ХУШЛАШМОҚ 1 **Хушламоқ** фл. бирг. н. 2 фольк. Ёқимли сўз ва ҳаракатлар билан бир-бирларини хурсанд қилишга уринмоқ. *Мени кўриб, кўшкдан у настга тушди, Парвона бўб, атрофимда хушлашди.* «Нигор ва Замон». *Разно баргига қўниб, шўхлик бошлашиб, Мен билан хушлашдилар булбул, савғаси.* Файратий.

3 Бир-бирига «хуш келибсиз», «хуш қолинг» дейишмоқ; хайр-хўшлашмоқ; хайрлашмоқ. *Чаққон дарвозадан буларни чиқариб, хушлашиб, Соқи билан Авазни жўнатди.* «Бўтакўз».

ХУШЛУҚУМ [хуш + а. لقم — «луқма I» с. нинг қўпл.] кам қўл. Ютуми яхши; хушичим; лаззатли. — *Во-ей, муздаккина-я, ажаб хушлуқум, ютган сари роҳат қиялман, — деди Унсин морожнийни ялаб.* Ойбек, Улуғ йўл.

ХУШМАНЗАРА [хуш + манзара] Кўриниши кишининг баҳридилитини очадиган; чиройли манзарага эга; кўркам. *Ўзининг қисқа умрини шу хушманзара водийда тинчгина ўтказсин, эркинликдан маҳрум бўлмасин.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Янги Ўрда, юқорида ёзганимиздек, ҳақиқатан шуқушлик, хушманзара бино қилинган эдики, унинг ҳозирги харобасидан ҳам кўрса бўлур.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ХУШМАНЗАРАЛИК Кўркамлик. *Бу шийпон ўзининг хушкайф ва хушманзаралиги билан қишлоқда.. «Обид кетмоннинг шийпони», деб машҳур бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ХУШМУЛОЗИМ [хуш + мулозим] Кишини хурсанд қилишга тиришадиган; хушмуомала, хушфеъл, сермулозамат, сертавозе. *Хушмулозим йигит.* ■ *Бу ерда, хушмулозим мезбонларимизнинг қабул маросимида кўп мамлакатларнинг вакиллари тўп-ланган.* Газетадан.

ХУШМУЛОЗИМАТ [хуш + мулозимат] айн. **хушмулозим.** *Хушмулозимат мезбон.*

ХУШМУЛОЗИМАТЛИК *Хушмуомалалик, сертавозелик. -Мен дарвозага етар-етмас, мингбошининг ўзи чиқди: болани сўкиб, мени эса яна ҳам хушмулозиматлик билан қариши олди, — деди Шокиржон. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.*

ХУШМУОМАЛА [хуш + муомала] 1 *Муомаласи, гап-сўзлари, хатти-ҳаракати ёқимли; хушфеъл. Ҳақиқатдан ҳам Лағлининг бунчалик хушмуомала йигитни биринчи бор кўриши, гап билан элтиб кўяди-я! Д. Нурий, Осмон устун. Бошлиқнинг хушмуомала, маданиятли бўлгани яхши.. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

2 *от вэф. Одоб билан ёқимли муомала қилиш; хушфеъллик. Анвар ҳар ким учун севимли ва хушмуомаласи барчага баравар эди. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.*

ХУШМУОМАЛАЛИК *Бировга яхши муомалада бўлиш. Рихсивой аканинг хушмуомалалик одати ҳамсўхбатига қаттиқ гапиришга имкон бермади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

ХУШМУЙЛОВ [хуш + мўйлов] *Мўйлови чиройли, мўйлови ўзига ярашган. Йигитлар кулумсираб, ўртадаги думалоқ юзли, хушмўйлов йигитга ишора қилишди. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Ўртадаги сўрида утирган баланд бўйли.. хушмўйлов йигит сўрини қасир-қусур қилиб, ўзини пастга отди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ХУШНАВО [ф. خوشنوا — хушоҳанг, ёқимли овозли] *Ёқимли куйлайдиган; куйлари, қўшиқлари кишига завқ-шавқ бағишлайдиган. Минг фарёдким, ўзбек поэзия гулистонида хандон урган хушнаво булбул сайрашдан тўхтади. Н. Сафаров, Мардлар. Ҳофизу созанда — жамъи хушнаволарга салом. Муқимий.*

ХУШНУД [ф. خوشنود — мамнун, қоникқан; шод, хурсанд] *кт. 1 Хурсанд, шод; мамнун. Миробидов.. уйга жуда хушнуд кайфиятда кириб келди. О. Ёқубов, Диёнат. Барча хушнуд, диллар чоғ эди. Э. Воҳидов, Нидо.*

2 *Кишини хурсанд қиладиган; кайфиятини кўтарадиган. Шерзоднинг кўкрагига фонендоскопнинг муздек ҳалқаси тегиши билан вужудида хушнуд бир энгиллик сезди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.*

3 *Хушнуд (эркаклар исми).*

ХУШНУДЛИК *Мамнунлик, хурсандчилик. -Терим жуда хушнудлик билан бошланди, болам, — деди.. ота ҳаяжонланиб. Ойбек. О. в. шабадалар. Рўзгорнинг барча оғир-енгили Ҳабиба опанинг елкасида. Ҳамма ёқ саранжом-саришта. Болалари, эрининг чеҳрасида ҳам хушнудлик. Э. Охунова, Элга содиқ аёл.*

ХУШОВОЗ [хуш + овоз] *Овози ёқимли, тиниқ. Хушовоз ашулачи. ■ Булоқ бўйларида гул, райҳон, ялпиз, Қушлар хушовоздир, баланд парвоздир. Миртемир.*

ХУШОМАД [ф. خوشآمد — (л.м. яхши келди, хуш ёқди) — саломлашиш, салом бериш; ёқимли сўз; тилёғлама мақтов] *Бирор кишига тамагирлик билан хизмат қилиш, сермулозамат бўлиш, мақташ ва ш.к.; хушомадгўйлик, лаганбардорлик. Хом кишини хушомад хароб этар. Мақол. ■ Айрим раҳбарлардек Баширжонга ҳам хушомад ёқарди. «Ёшлик».*

Хушомад қилмоқ 1) *хушомадгўйлик билан муомала қилмоқ, лаганбардорлик қилмоқ. -Хотин киши эрига хушомад қила бошладими, билингки, у гуноҳ қилган бўлади. С. Сиёев, Отлиқ аёл; 2) мамнуният ифодаси сифатида «дўст», «барака топ», «қурбонингиз бўлай» каби иборалар билан кимсага қарата хитоб қилмоқ. Шўх йигитлар ўйинчига хушомад қилар, қийқаришар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ХУШОМАДГЎЙ [ф. خوشآمدگوی — хушомад айтувчи] *Бировга хушомад қилувчи; лаганбардор. Илмсиз бош қашир, Хушомадгўй гап ташир. Мақол. ■ Сизга бошқа одамлар тўсқинлик қилди, бўлмаса, бундай зиёнчилар, хушомадгўйларни уриб, патини тўзитиб юборар эдингиз. А. Қаҳҳор, Мунофиқ.*

ХУШОМАДГЎЙЛИК *қ. лаганбардорлик. Хушомадгўйлик қилмоқ. Хушомадгўйлик билан гапирмоқ. ■ Олахўжа Элмуродни кўрган жойида хушомадгўйлик билан гаплашишга тиришарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ХУШОМАДОМУЗ [хушомад + ф. آمیز — ўхшаш, каби] *рвш. Хушомад тариқасида, хушомад қилгандай; лаганбардорлик билан. Унинг [раиснинг] ранги оқариб, хушомадомуз жилмайди. С. Анорбоев, Мехр.*

ХУШОҲАНГ [хуш + оҳанг] *Оҳанги қулоққа ёқадиган, ёқимли. Бу ҳазин ва хуш-*

оҳанг куйлар, дам қувноқ, дам мунгли лапарлар тонг отгунча давом этишини истайди. О. Ёкубов. Эр бошига иш тушса.

ХУШРҲЎЙ [ф. خوشروى — чиройли юз-ли] 1 Чиройли; гўзал. *Хушрўй қиз. Хушрўй йигит.* ■ *Уруш вақти. Декабрь оқшомларидан бирида хушрўйгина жувон Тошкентнинг собиқ эски шаҳари кўчаларидан шошиб борарди. Ф. Хўжаев, Онадек меҳрибон. - Ёвонимизда Жумагул отли бир қиз бор. Ундай хушрўйи йўқ.. — деди тўра Ашир маҳрамга. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 рвш. Очққ чехра билан, самимий. *Хушрўй қаршилаган ёшгина, қорачадан келган, истараси иссиқ бир хотин [Искандарога] челада сув тутди. Ойбек, Нур қидириб. Саодат уларга одатдагидек кулиб, хушрўй жавоб қилиб ўтирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

3 Хушрўй (хотин-қизлар исми).

ХУШРҲЎЙЛИК Чиройлилиқ; кўркамлиқ. *Хушрўйлик, кўзларидан нур, юракдаги эзгулик, шўхлик, кўҳлилик — ҳаммаси тотувликдан экан. Э. Охунова, Бахти кулганлар.*

ХУШСУРАТ [хуш + сурат] Кўриниши чиройли, кўркам, гўзал. *Хушсурат одам.* ■ *Унинг ёши ўтиб қолган, аммо қош-кўзидан ёшликда хушсурат бўлгани аниқ кўриниб турарди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. Эридан анча ёш бўлган қора қош, қўралай кўзли хушсурат Ситорабону «дадаси уришиб бермасайди», деб ҳайқииб турар эди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.*

ХУШСУХАН [хуш + сухан] Ёқимли сўзлайдиган, ширинсўз, суҳбати ширин. *Хушсухан одам.*

ХУШСУХБАТ [хуш + суҳбат] Яхши суҳбат қурадиган, суҳбатни қизитадиган; гап-сўзи ёқимли. *Хушсуҳбат одам.* ■ [Инженер] *Ўттиз беш яшар, хушсуҳбат, қади-қомати келишган.. қўрилишга келган. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.*

ХУШТАБАССУМ [хуш + табассум] Юзидан ёқимли табассум аримайдиган; хушфёъл. *Хуштабассум аёл.*

ХУШТАБИАТ [хуш + табиат] Хатти-ҳаракати ёқимли, хушфёъл; очққ. *Оддийгина кийинган хуштабиат аёл Дадашевни кутувчилар столига таклиф қилди. И. Раҳим, Тақдир. Руқия опа ўрта ёшлардаги хуштабиат аёл экан. Ў. Умарбеков, Кўк дафтарнинг сир.*

ХУШТАБИАТЛИ айн. *хуштабиат.* *Неъматжон хуштабиатли, уятчан бир йигит бўлиб, одамлар билан ҳам жуда одобли, бир маромда сўзлашарди. Ж. Шарипов, Саодат.*

ХУШТАБИАТЛИК Хатти-ҳаракати ёқимли, хушфёъл бўлишлиқ. *У қиз хуштабиатлиги билан ажралиб турарди.*

ХУШТАВОЗЕ [хуш + тавозе] Тавозе билан муомала қиладиган; хушмуомала, илтифотли. *Хуштавозе одам.* ■ *Кўни-қўшинлар билан саломлашиб юрадиган хуштавозе бу йигитдан қишлоқ кампирлари қочишмас.. эдилар. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.*

ХУШТАКАЛЛУФ [хуш + такаллуф] Иззат-ҳурматни ниҳоятда ўрнига қўядиган; хуштавозе. *Хуштакаллуф одам.*

ХУШТАКАЛЛУФЛИК Хуштавозелиқ, сертакаллуфлик. *Хуштакаллуфлик билан муомала қилмоқ.*

ХУШТАКАЛЛУФЛИЛИК айн. *хуштакаллуфлик.* *Бу ерда харидорларга хуштакаллуфлилик кўрсатилади. Газетадан.*

ХУШТАЪБ [хуш + таъб] эск. айн. *хуштабиат.* *Рустамжон хуштаъб йигит. Унинг одоби, сиполиги Шокир акага кўп маъқул келарди. М. Хайруллаев, Кўнгил.*

ХУШТАЪМ [хуш + таъм] Суйиб истеъмол қилинадиган; таъми яхши, ёқимли; хушхўр. *Хуштаъм овқат.* ■ *Махсум бу хуштаъм таомни шошиб-пишиб тановул қилгунича, кампир тепасида қараб турди. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.*

ХУШТАЪМЛИК Хуштаъм бўлишлиқ. *Сутга ёки қатиқ зардобига қорилган ҳамирдан тайёрланган нон хуштаъмлик хоссасига эга бўлади. Ғ. Маҳқамов, Дастурхонимиз фазли.*

ХУШТОР [ф. خوشدار — яхшилиқка, ёқимлилиқка эга] 1 Бирор кимсани севган, унга кўнгил қўйган киши; ошққ. *Шу гўзал қизнинг хуштори бўлдим, Санъатин кўриб, завқларга тўлдим. А. Пўлат. Қамархонга хуштор бўлганларнинг сон-санояи йўқ экан. «Эртаклар».*

2 Бирор нарсa билан жуда қизикадиган, унга меҳр қўйган; иштиёқманд, орзуманд. *Эҳтимол, булоқдан чиқаётган бу тилиқ сувнинг хуштори, кушандаси кўндир: бу сув тоғу тошни тўлдириб юрган қушлар, кавак-кандикларда истиқомат қиладиган жониворлардан ортмас. И. Раҳим, Чин муҳаббат. - Идо-*

рада ўтириб қиладиган иш районимизда ҳам топилади, — деди [Мўмина] гапни шарт кесиб, — унақа ишга хуштор бўлганимда, бу ерга [Мирзачўлга] келиб нима қилардим. Ҳ. Нурий, Лочин боласи — лочин.

ХУШТОРЛИК Ошиқлик. Барча шодлик сенга бўлсин, Бор ситам, зорлик менга, Барча дилдорлик сенга-ю, Барча хушторлик менга. Э. Воҳидов.

ХУШФЕЪЛ [хуш + феъл] Феъл-атвори яхши, кишига муомаласи ёқадиган. *Хушфеъл одам. ■ Тўладан келган, хушфеъл Шукур Каримович ҳам дастлабки кундан бошлаб унга ёқиб қолган эди. Мирмуҳсин, Умид.*

ХУШФЕЪЛЛИК Яхши муомала. У [Дамат ака] ажойиб хушфеъллик билан йигитларни чорпоёга таклиф этди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ХУШХАБАР [хуш + хабар] Кишини хурсанд қиладиган хабар; яхши хабар; мужда. *Кечқурун Гулчеҳра билан гаплашгани кетган Муяссар ҳам хушхабар билан қайтди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Ҳар гал биров сизга қўнғироқ қилса, юрагингизда бирор хушхабар эшитишининг заифгина умиди пайдо бўлади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

ХУШХАНДОН [хуш + хандон] Хушчақчақ, хурсанд, шод. *Йўлда таниш-билишлар учраса, хушхандон кўришаман, ярашса-ярашмаса ҳазил қиламан. С. Сиёев, Эркаклар эртаги.*

ХУШХАТ [хуш + хат] 1 *от* Чиройли ёзилган хат; чиройли ёзув, ҳуснихат. *Чокарнинг хушхатини Аваз дарров таниди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 *сфт.* Чиройли ёзиш санъатига эга бўлган, хатни чиройли ёза оладиган, хати чиройли. *Мавлоно Абдусамад жуда хушхат котиб ва моҳир наққош эди. М. Осим, Сеҳрли сўз.*

3 *сфт.* Чиройли, тартибли (ёзув ҳақида). *Хушхат ёзув.*

ХУШХОН [ф. خوشخوان — яхши, ёқимли ўқийдиган, хушовоз] Овози ёқимли, оҳангдор. *Боғи шинам, ариқ бўйида Гуркурайди райҳон, ялпизлар. Тўқсон ёшли ота тўйида Хизматдадир хушхон ҳофизлар. Ҳ. Фулом. Бутун борлиқ хушхон қушларнинг Шод яласи билан тўлғуси. З. Диёр.*

ХУШХОНЛИК Ёқимли овоз соҳиб бўлишлик. *Бу йигит хушхонлиги билан шуҳрат қозонди.*

ХУШХУЛҚ [хуш + хулқ] айн. **хушфеъл**. Қиз боланинг хушхулқ, эпчил, ўқувчи бўлиб тарбияланиши.. кўпинча унга онадан ўтади. «Саодат».

ХУШХУЛҚЛИК Яхши, ёқимли феъл-атворга эга бўлишлик. *Мажнун ўзининг хушхулқлиги ва ахлоқи билан ўқувчининг ҳар қанча таҳсин ва офаринига лойиқ. Т. Жалолов, «Хамса» талқинлари.*

ХУШХҲҲҲ [ф. خوشخور — яхши ейиладиган, мазали] Тотли, мазали. *Козим хушхўр айрондан мириқиб сипқарди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

ХУШЧАҚЧАҚ 1 Ҳаётдан мамнун; доимо хурсанд бўлиб юрадиган. *Раис.. қирқ беш-эликлар чамасидаги тўлагина, хушчақчақ киши эди. Н. Фозилов, Дийдор.*

2 Кувноқ, шод-хуррам. *Телефондаги хушчақчақ гап тугагандан кейин, бу ерда ҳалидан бери давом этаётган суҳбат бирдан маъносиз бўлиб тугалди.. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.*

ХУШЧАҚЧАҚЛИК Кувноқлик, хурсандчилик, яхши кайфият. *-Ислом Норович, — деди у хушчақчақлик билан, — ҳамма соҳага бир кўз билан қараладиган бўлди. Н. Аминов, Тилло табассумлар.*

ХУШҚАД [хуш + қад] кт. айн. **хушқомат**. *Шийпонда енгил куй янграмоқда, хушқад, хушсурат бир жувон рақс тушмоқда. О. Ёқубов, Диёнат.*

ХУШҚОМАТ [хуш + қомат] 1 Қадди-қомати келишган; хушбичим. *Юпқа оқ киздан қалпоқ кийган хушқомат қизни аввал танимабман. П. Қодиров, Қадрим.*

2 кўчма Ҳашаматли, савлатли; адил. *Машина ойнасида баланд, хушқомат иморатлар лип-лип ўтиб турипти. С. Аҳмад, Меҳрибон. Темир йўл ёқасидаги йирик япроқли хушқомат тераклар кумуш тангалардек нур сочиб жилваланарди. О. Ёқубов, Ота изидан.*

ХУШҲАВО [хуш + ҳаво] Иқлими, ҳавоси жуда ёқимли; ҳавоси тоза. *Муҳиддинларнинг боғи ҳақиқатан хушҳаво, гўзал жойда экан. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.*

ХУШҲИД [хуш + ҳид] кам қўлл. айн. **хушбўй**. *Хушҳид гул.*

ХУШҲОЛ [хуш + ҳол] кт. Бирор нарсадан мамнун, шод, хурсанд. *Хушҳол қилмоқ. ■ [Эркин] Фикрининг аниқ айтилганидан хушҳол бўлиб, Салимжонга мулоийм тикилди.*

П. Қодиров, Эркин. -Ассалому алайкум, Али-хон ака, — деди Аҳмад хушҳол бўлишга тиришиб. Ф. Мусажонов, Нозик масала.

ХҲБ [ф. خوب — чиройли, яхши; сифатли; мос, яроқли] **1 айн.** **яхши 1.** У савдогарни ўз ҳузурингизга олиб келиб, ҳисобни ўзингиз қилганингиз ҳўброқдир.. «Бўтакўз».

2 эск. поэт. (кўпл. шаклда) Чиройли, гўзал киши. *Ҳўблар била келганда-ку, мендан қиласиз ор, Энди ўзингиз яккаю танҳо, қарамайсиз. Фурқат. Гўзаллардан гўзалдир, ҳўбларнинг ҳўби, мумтози, Қилур мафтун агар бир кўрса ҳар ким ишваю нози. Ҳабибий.*

3 айн. **хўп 1 2.** Фафур ака шеърларимни ўқиган бўлса, ҳўб мени мақтаса керак, деган ҳаёл билан уйига бордим. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги. -Жонивор ҳўб етилибди-да, — деди Мадаминхўжа қовунни коса қилаётиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ХҲЖА [ф. خواجه — ҳурматли, обрў-этиборли киши; ҳўжайин, соҳиб; савдогар; мураббий] **1 эск.** Бирор кимсанинг ёки нарсанинг эгаси; ҳўжайин. *Сўнг [мулозим] ялтоқланиб, ҳўжасига ўғирилди. С. Сиёев, Ёруғли. ...Ҳўжаси унинг [отнинг] ёллари ни силаётганда, Лаъли унга ғамза қилиб: -Отингизга намулча хушторсиз? — деди. Ҳ. Фулом, Машғал. Мардон Йўлчиевичга қараганда уй ҳўжаси Саримсоқ аканинг ёши улугроқ эди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

2 тар. Ўзларини чорёрларнинг авлодлари деб ҳисобловчи мусулмонларнинг фахрий номи. *Ҳўжалар муайян имтиёзларга эга бўлганлар. «ЎЗМЭ».*

3 этн. Ўрта Осиёда илгари маълум имтиёзга эга бўлган оқсуяклар ва уларнинг авлодлари; **зид.** **фуқаро.** *Абдурасул, мен сизга айтсам, бизнинг Қамишкана эскидан уруққа ажраб келади: фуқаро ва ҳўжа. П. Турсун. Ўқитувчи.*

4 *Ҳўжазода эркаклар исмига қўшилади. Мадаминхўжа тол соясида ўтирган экан, буларни кўриб, дарров ўрнидан турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Хўжа кўрсинга (ёки **кўрсин учун**) Бировни алдаш, чалғитиш учун; номига; наридан-бери, шунчаки, юзаки. *Хўжа кўрсинга ишлаб турмоқ. ■ Баъзилар фақат ҳўжа кўрсин учун [ишга] чиқади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ХҲЖАБЕКА *Ҳўжайин аёл; ҳўжайиннинг хотини. Ҳасанали ҳўжабекасининг ички сири-*

га унча ошна эмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ХҲЖАЗОДА [ф. خواجهزاده — ҳўжайиннинг фарзанди, авлоди] **1** *Ҳўжайиннинг ўғли (қ. ҳўжайин). Ҳўжазодасидаги бу ҳолат уни [Ҳасаналини] ҳар турли мулоҳазаларга олиб кета бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *Ҳўжа (қ. ҳўжа 3) авлодидан келиб чиққан киши. Келинг, ўзбеклар сараси.. Савдогар ҳўжазодалар, Сизми ўзбекнинг тўраси? «Тоҳир ва Зухра».*

ХҲЖАЙИН [р. хозяин (хозя+ин) < ф. خواجه — ҳўжа, эга, соҳиб] **1** *Бирор нарсага, мас., ер-сув, мол-мулк, уй-жойга эгалик қилувчи шахс; хусусий мулк эгаси; мулкдор, бой. [Мирзакаримбой:] Ваъда.. Нодон. Ҳўжайин деган хизматкорларини қизиқтириш учун ваъда қилаверади-да.. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 *Бирор нарсанинг тўла ҳуқуқли эгаси. Ўзимиз ҳўжайин ўз еримизга, Эркинмиз, номимиз, ҳуқуқимиз бир. Р. Бобожон.*

3 с.т. *Раҳбар ходимга мурожаат шакли. -Ҳўжайин, машина тайёр, — деди шофёри. Газетадан.*

4 с.т. *Аёл кишининг турмуш ўртоғига мурожаат шакли. -Ҳўжайин, овқат тайёр бўлди. Келтирайми? — Мастура ошхонадан туриб сўради эрдан. «Ёшлик».*

ХҲЖАЙИНЛИК *Ҳўжайин бўлишлик; ҳўжайин мақоми. [Адолатхон:] Ёввойи ўтни йўқотишга кўз ёши керак эмас-ку. -Вой, Адолатхон, бизга нега ҳўжайинлик қиласиз? [деди қизлар]. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ХҲЖАЛИК 1 1 иқт. *Жамият ишлаб чиқариш кучларининг тегишли тараққиёт босқичига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари мажмун; ижтимоий ишлаб чиқариш усули.*

2 *Ишлаб чиқаришни ташкил этадиган, уни юзага келтирадиган омиллар; ишлаб чиқариш мажмун; ишлаб чиқариш. Мамлакат халқ ҳўжалиги. Қишлоқ ҳўжалиги. ■ Оқсоқол чойдан яна ҳўлади-да, ҳар ким ўз мол-жонини ҳисобдан ўтказиши лозимлигини, район ҳўжалик ташкилотларининг бу ишни шошилтираётганини гапирди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 *Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳаси, тармоғи. Сув ҳўжалиги. Ўрмон ҳўжалиги. ■ Шундай қилиб, бинокорлик бригадаси колхознинг бошқа ҳўжалик тармоқларидаги энг*

сара ва муҳим бригадалар қаторига кириб олди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Бирор кимса, ташкилот ёки халқ ихтиёридаги барча моддий бойлик, мулк-ашё, ер-сув, уй-жой, асбоб-ускуна ва жиҳозлар. Сал кунда колхоз хўжалиги бир қадар тартибга тушгандай бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Хўжалик мудири Бирор ташкилот, муассаса ёки корхона ихтиёридаги мулк-ашёни бошқарувчи киши. Колхоз хўжалик мудири бир арава лом келтириб ташлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Қишлоқ хўжалигидаги ва, умуман, ўз ер-сувиға, мулкиға, ишлаб чиқариш воситаларига эға бўлган ҳар бир алоҳида ишлаб чиқариш бирлиги, корхона. Тангриқул ҳожи бақувват хўжалик эди. Фулом ака ел келса йиқиладиган беқувват хўжалик эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Кейинги йилларда мен раҳбар бўлган хўжалик негадир оқсаб қолди. «Муштум».

6 Алоҳида уй-жойға эға бўлган ҳар бир оила, хонадон. Ёйишға жойи бўлмаган хўжаликларғина молларини оғилхонаға қамаб боқади. С. Анорбоев, Оқсой. -Бугун биз колхозда олтмиш хўжалик бўлсак, эрта-индин тўқсон, юз хўжалик бўламиз, - деди Абдурашқ. П. Турсун, Ўқитувчи.

ХўЖАЛИК II 1 эск. Бирор кимса ёки нарсаға эғалик, хўжайинлик.

2 Хўжа авлодига мансублик (қ. **хўжа** 3).

ХўЖАСАВДОГАР [ф. *خواجہ سوداگر*] Ўрмон тўрғайининг бир тури.

ХўЖАСИЗЛАРЧА рвш. Тежаб-тергамасдан, аямасдан, палапартиш. Ерлардан хўжасизларча фойдаланишға хотима бериш пайти келди. Газетадан.

ХўЖАСИЗЛИК Хўжаликнинг ихтиёридаги моддий бойликни, мулк-ашёни аямасдан, тежаб-тергамасдан иш тутиш; исрофгарчилик, ўзибўларчилик. Хўжасизлик - эғасизлик хавфли ижтимоий илатдир. Газетадан.

ХўЖАҒАТ Мевали бута ўсимлиги ва ўсимликнинг майда, тўқ қизғиш рангда бўладиган меваси; малина. Маълумки, **хўжағат**, **қорағат**, **саримсоқ**, **зирк** сингари ботаник атамалар ўзбек тилида қадимдан ишлатилиб келади. «ЎТА».

ХўМРАЙМОҚ Қовоғини солиб тикилмоқ, ёмон кўз билан қарамоқ. -Гавҳар менға

хўмрайиб қаради-ю, терс ўғирилди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ХўП I [ф. *خوب* - яхши, майли] 1 тасдиқ юкл. Бирор ишға розилик маъносини ифодалайди; майли, майлиға. [Отабек:] Раҳмат, ота, бўлмаса, бизға чой қайнатиб беринг-чи! [Хасанали:] -Хўп, безим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Хўп, розиман бу даргоҳдан кетмоққа.. Х. Олимжон.

Хўп бўлади Жуда соз, маъкул. -Хўп бўлади, - дедим-у ўрнимдан турдим. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. **Хўп демоқ** Унамоқ, қўнмоқ, рози бўлмоқ. [Хайитжон Тулаҳонға:] Сенға нима бўлди, қизим! Боя хўп деганингда, шунчалик беюзчиликлар бўлмас эди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 рвш. Ниҳоят даражада; роса; жуда. Болалар хўп ўйнашди. Хўп яхши иш бўлди-да. ■ -Невараларингизға қараб хўп қувонасизда, ойи, - деди Комилжон кулиб. С. Зуннунова, Ҳикоялар.

3 Дикқат, эътибор билан, яхшилаб; жуда яхши. [Жоний:] Ундай бўлса, менға бироз муҳлат бер. Мен Мадамнинг гапларига хўп қулоқ солиб, мақсадини билай. П. Турсун, Ўқитувчи. Сўзни танлаб сўзлаганлар - хўп билур сўз қадрини. С. Абдулла.

Хўп бўлти кест. Ажаб бўлибди, жазосини тортсин.

ХўП II айн. **хўптир**. Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда. «Қўшиқлар». -Хўпға қўшилган хўкиздан фарқимиз йўқ эмиш, - деди ғазабини базўр жиловлаган ҳолда. Н. Норқобитов, Бекатдаги оқ уйча.

ХўППА: **хўппа семиз** с. т. Ниҳоятда семиз, дум-думалоқ. Шундай нозик, мўрчамийён нарсани ўша хўппа семиз давангирға бера-сизми? Ш. Саъдулла, Икки билагузук. Мўғуллар бало-қазодек қўрғончаға бостириб киргач, кампир, боши тепасида турган сочлари ўсиқ, хўппа семиз башараларни кўрди. М. Осим, Ўтрор.

ХўПТИР Ғалла янчиш учун от, хўкиз каби ишчи ҳайвонлар қўшиб юргизиладиган, шох-шаббадан ясалган, одатда, устиға оғир юк бостириб қўйиладиган моласимон маҳаллий қурол. **Хўптир** ҳайдамоқ.

ХўП-ХўП тасдиқ юкл. Тасдиқни таъкидлайди, кучайтиради. Хўп-хўп, шошманг. ■ Мирҳомидхўжа таъзим қилди: -Хўп-хўп, жоним билан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ХҲР [ф. خوار — пасткаш, жирканч, разил; эътибори йўқ, ҳақир] *айн. хор* I. *Хўр бўлмақ. Хўр қилмоқ.*

ХҲРА [ф. خوره — бирор нарсага ўта берилган] Овқатни танламай кўп ейдиган, серовқат. *-Хотининг хўра бўлса — урди худо, молинг хўра бўлса — берди худо, деб шуни айтар экан-да! — луқма ташлади Шерали. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. -Оббо, мени сиз ҳам хўра деб атайсиз. Аслида ўлгудек чимхўрман! — деди Гўппонбой. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

ХҲРАК [ф. خوراك — овқат, озиқ, емиш; иштаҳа] 1 Ейиш мумкин бўлган нарса; емиш, овқат. *Ақлли одам қиш ғамини ёз ер, Кеча бўлса, хўрагини оз ер. Мақол. ■ Дастурхонда турфа ноз-неъматлар — хўраклар: палов, нишолда, ҳолва.. Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. Яқинларда табибларга кўрсатган эдим, қонингиз оз, қимиз ичинг, хўрак олдидан майиз истеъмол қилинг, деб кенгаш бердилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Хўрак қилмоқ Овқат емоқ, овқатланмоқ. *-Хўрак қилдингизми? — деди [Кумуш Отабекка]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Мол, ҳайвон, парранда овқати (ем, дон ва ш.к.). *Қўйга хўрак бермоқ. ■ -Нега хўракка териб ташлаган бездек бўзрайиб турибсан? — деди Мавлон. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.*

3 с.т. Хўра.

ХҲРАКИ [ф. خوراكي — ейимли, емишли; озиқ-овқат] Ҳосили истеъмол қилинадиган, ейиладиган; истеъмол учун махсус экиладиган. *Экиладиган хўраки навларнинг узуми ширин ва мазали. Р. Мусамуҳамедов, Мўл узум ҳосили етиштиришдаги тажрибалирим.*

ХҲРАКХОНА [хўрак + хона] с.т. Овқатланадиган жой; ошхона. *Шу серҳашам меҳмонхонанинг биринчи қаватида ундан ҳам ҳашаматлироқ хўракхона бор. Газетадан.*

ХҲРАМ-НОХҲРАМ [ф. خورم ناخورم — ейман-емайман] *рвш. шв. Истар-истамас; зўраки, аранг. Ношлож, хўрам-нохўрам судралиб, бориб-келиб ўқимоқдаман. Ф. Фулом, Тирилган мурда.*

ХҲРАНДА [ф. خورنده — (овқат) еювчи] Овқат сотиб олувчи киши; овқатланувчи. *Аммо танноз официантқалар.. мунча хира хўранда экан, дейтгандек туюлаверди йигитнинг назарида. Д. Нурий, Осмон устун.*

ХҲРДА I [ф. خورده — ейилган, ичилган], *хўрда ош* Гуручли суyoқ овқат; мастава. *Ниҳоят, тушга яқин ойиси қилиб берган аччиқ хўрдани ичиб, бироз ўзига келди.. П. Қодиров, Уч илдиз. Шоқосим қаердадир пишириб берган серқатиқ хўрда ошдан у [Гулнор] ярим коса ичди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Бировнинг хўрда-бурдасида бўлмоқ дағл. Кимса қарамоғида бўлмоқ. *Ҳам хўрдани, ҳам бурдани урмоқ* Икки тарафлама манфаатдор бўлмоқ.

ХҲРДА II [ф. خورده — ушоқ, парча; бўлак, майда] Ғадир-будур жойлари ейилиб, силлиқланган; текис. *Хўрда бўлмоқ. Араванинг ўқи ҳали хўрда бўлмапти.*

ХҲРИЛЛАМОҚ *айн. хурулламоқ.*

ХҲРИЛЛАТМОҚ I *Хўрилламоқ* фл. орт. н. Чилимни хўриллатмоқ.

2 «Хўр-хўр» овоз, шовқин чиқариб ичмоқ. [Ҳожихудук:] *Караовотга чиқдим-у, ёнбошлаб олиб, аччиққина кўкчайни хўриллатиб ича бошладим. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.*

ХҲРЛАМОҚ Бировнинг иззат-нафсини таҳқирламоқ, поймол қилмоқ. *Боқ-масанг, молинг кетар; Хўрласанг, хотининг кетар. Мақол. ■ Шу ўтиришда Муаззамнинг мени хўрлаганлари кўзимга кўринаверди. С. Аҳмад, Сайланма. Раҳмат, азизларим, бировнинг боласини мунчалик хўрлаш яхши эмас. А. Қодирий Ўтган кунлар. Одамлар [Зиёдулланинг] сағирлигини билиб хўрлаяпти, дейман ўзимга ўзим. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

ХҲРЛИК Иззат-нафси поймол бўлиш, таҳқирланиш. *Кет десанг, Қашқар кетай, йўлларда ёлғизлик ёмон, Ёлғизликдан ким ўлибди, ҳаммадан хўрлик ёмон. «Кўшиқлар». Киши очликка чидаса ҳам, хўрликка чидолмайди. Мирмуҳсин, Чодрали аёл.*

Хўрлиги келмоқ Камситилганликдан руҳан қаттиқ эзилмоқ, ўта ўқсинмоқ. *-Қасам ичаман, — дедим негадир хўрлигим келиб. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.*

ХҲРОЗ [ф. خروس — хўроз] 1 Хонаки товукларнинг ва баъзи товуксимонларнинг эркаги. *Бабақ хўроз. Уришқоқ хўроз. ■ Қўноқдаги хўроз чўзиб-чўзиб қичқирди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

2 кўчма с. т. Танги; мард. *Хўроз йигит. ■ Тантйбойваччаникига борамиз эртага.. Жуда хўроз одам. Кўрсангиз, ўзингиз ҳам хайрон қоласиз. Ойбек, Танланган асарлар.*

-*Ганивой жуда бопта иш қипти, бунақа иш-ни йигитнинг хўрози қилади, — деди Бургут.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

Хўроз гап *ёки гапнинг хўрози* с. т. Гапнинг асоси, ҳулласи. [Юсуфжон:] *Ҳамзахон, нуқул ҳақиқатни дангал ёзибсиз.. Бойлардан кўрқмай, хўроз гап қилибсиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Хўроз қичқирмасдан** Ниҳоятда барвақт, эрта тонгда. *Врач қабулига биринчи бўлиб ёзилай, деб хўроз қичқирмасдан келгандим. «Муштум». Келин хўроз қичқирмасдан туриб, нонга хамир қорди.* Газетадан.

ХўРОЗБОЗ [ф. *خروسباز* — хўроз ўйновчи] Хўроз уриштиришни яхши кўрадиган одам. *Чунончи, машхўр Алимжонбойнинг ўғли Турахон бойвачча кўчқорбоз, хўрозбоз ва хотинбоз эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ХўРОЗЛАНМОҚ Хўроз сингари ҳужмага ташланмоқ, ҳезланмоқ. *Нусратбек хўрозланиб ўрнидан турди, қорини ичига тортиб, кўкрагини кериб, намоийшкорона чиқиб кетди.* С. Нуоров, Нарвон.

ХўРОЗҚАНД [хўроз + қанд] Болалар учун хўроз шаклида тайёрланадиган ширинлик, қанд. *Ўғилча билан қизчаси, дадам хўрозқанд олиб келадилар, деб кўз тутиб ўтирибдими?* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

ХўРСИНИҚ Бирор ғам, ташвиш ва ш.к. туфайли чиқариладиган оғир нафас; уфуриш; хўрлиги келиб, кескин нафас олиш. [Оқиланинг] *Кейин яна юрагидан чуқур хўрсиниқ келиб, томоғига пичоқдай қадалиб ўтиб кетди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ХўРСИНМОҚ Бирор ғам, ташвиш ва ш. к. туфайли оғир нафас чиқармоқ; уфурмоқ. *Чуқур хўрсинмоқ.* ■ *Гулсум опа кўкрагида мавж урган туғённи ичига ютиб, секин хўрсинди.* О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса. *Навоий яширин, ичдан хўрсинди.* Ойбек, Навоий.

ХўР-ХўР тақл. с.: **хўр-хўр ичмоқ** Шовқин чиқариб, қаттиқ хўпламоқ, хўриллатиб ичмоқ. *Қодир дераза олдида тик турганча, шиша банкадан хўр-хўр қатиқ ичарди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ХўТИК Эшакнинг боласи; ёш эшак. *Ким, кучук бирлан хўтикка қанча қилсанг тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одами!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ХўШ I [ф. *خوش*] юкл. 1 Сўроқ гап олдида келиб, «айтинг-чи», «жавоб беринг-чи», «тушунтириб беринг-чи» каби маъноларни ифодалайди. [Ҳомид:] *Хўш, Содиқ полвон, ишилар қанақа, Тошкентда нима гаплар бор?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қисташ маъносини ифодалайди. *Ҳеч ким бошламади. -Хўш, гапиринглар, — деди Бўтабой.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Нутқ жараёнида топилимай қолган сўз ўрнида ёки пауза ўрнида қўлланади. *Хўш, бир нима демоқчи эдим.* ■ *Хўш десангиз, Бағдод шахрида Абутанбал деган бир ялқов йигит ўз онаси билан яшар экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ХўШ II [ф. *خوش*] айн. **хайр** II. «*Хайр, худонинг паноҳига, Анвар!*» — «*Хўш, Султонали ака!*» — иккиси ажралишди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ХўШ III унд с. Молни ҳайдаш ёки қайтариш учун айтилади. [Болалар] *Хўш, хўш, жонивор, деб унинг [буқачанинг] орқасини силаб қўйишади.* Э. Раинов, Ажаб қишлоқ.

ХўШЛАШМОҚ айн. **хайрлашмоқ**. *Намозгардан кейин Содиқ ўрнидан туриб, хўшлашиб чиқиб кетди.* Ойбек, Болалик. -*Шошма, каззоб! — деди Аваз. — Мен болалар билан хўшлашиб чиқай.* С. Сиёев, Аваз.

ХўҚАЧА Кичик кўза; кўзача. [Ойим-тилла] *Хўқачадаги зигир ёғидан қозонга озгина солиб, пиёздоғ қилди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шо-рахмедов, Ота. *Чўпон хўқачага сув тўлдирди.* Н. Ёкубов, Жон.



ЦАНГА [нем. Zange — омбур, қисқич] *тех.* Металл қирқувчи ва ёғочга ишлов берувчи станокларда цилиндрлик ёки призматик шаклдаги деталларни қисиб қўйиш учун мўлжалланган мослама.

ЦАПФА [нем. Zapfen — тикин, пўкак; ўқ, стержень] *тех.* Машина, механизм, станоклар ўқи ёки валининг подшипникка таяниб, унда айланадиган қисми. *Буриш цапфаси.* ■ Цапфанинг зарур шакл ва ўлчамдан хиёл бўлса ҳам оғиши механизмнинг ишига салбий таъсир қилади, шунинг учун у жуда аниқ қилиб тайёрланади. «ЎЗМЭ».

ЦЕДРА [итал. cedro — лимон] Цитрус ўсимликлар (апельсин, лимон ва б.) мевасининг бўёқдор ташқи қавати, пўсти (майдаланган ёки қуритилган ҳолда озиқ-овқат саноатида ва ошпазликда зиравор сифатида ишлатилади).

ЦЕЗИЙ [лот. caesius — ҳаворанг, оч кулранг] *хим.* Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент, осон эрийдиган кумуш тусли юмшоқ ишқорий металл. *Шишага цезий аралаштирилганда эса у радиоактив нурланиш таъсирида хираланмайди.* «Фан ва турмуш».

ЦЕЙТНОТ [нем. Zeit — вақт + Not — эҳтиёж] Шахмат ва шашка ўйинида: дастлабки юришлар учун белгиланган вақт ортиқча сарфланиб, кейинги юришларни ўйлаш учун вақт етишмаслиги; вақт танқислиги. *Цейтнотда қолмоқ.*

ЦЕЛЛОФАН [лот. cellula — хужайра + юн. phanos — тиниқ, шаффоф] Вискозадан махсус йўл билан ҳосил қилинадиган юпқа, сув ўтказмайдиган шаффоф материал (мол

ўраш учун ва полиграфияда ишлатилади). *Целлофан пакет. Целлофан цехи.* ■ Вискоза эритмасидан фақат сунъий ипаккина эмас, ундан целлофан, сунъий жун толаси, парда ва бошқа нарсалар ҳам ҳосил қилиш мумкин. «Саодат».

ЦЕЛЛУЛОИД [целлюлоза + юн. eidos — кўриниш] Целлюлоза нитратидан тайёрланган, тез алангаланадиган, эластик шаффоф модда (атторлик буюмлари, ўйинчоқлар ва ш. к. лар ясада ишлатилади). *Целлулоид масаси. Целлулоид ўйинчоқ.* ■ Маълумки, ишқаланиш натижасида пластмасса, целлулоид нарсаларда электр заряди вужудга келади. «Фан ва турмуш».

ЦЕЛЛЮЛОЗА [фр. cellulose < лот. cellula — хужайра] 1 Глюкоза қолдигидан ҳосил бўладиган, ўсимлик хужайралари қобиғининг асосий таркибий қисми бўлган юқори молекулали бирикма; ўсимлик тўқималарининг механик чидамлилиги ҳамда эластиклигини таъминлайди. [Олимлар] Пахтанинг мураккаб кимёвий таркибини, айниқса, унинг.. «целлюлоза» деган моддадан таркиб топганлигини кейинроқ тушунганлар. «Гулистон».

2 Ёғочдан ва баъзи бир ўсимликлар поясидан кимёвий йўл билан ҳосил қилинадиган тола модда (қоғоз ва картон, сунъий ипак, пластмасса, лок, портловчи моддалар ва ш. к. тайёрлаш учун ишлатилади). *Ёғоч целлюлозаси. Пахта целлюлозаси.*

ЦЕЛЬСИЙ [швед астрономи ва физиги Андерс Цельсий (Celsius) номидан]: **Цельсий шкаласи** Сувнинг музлаш нуқтасидан қайнаш нуқтасигача бўлган температурани

кўрсатадиган, 100 градусга бўлинган шкала ва шундай шкалали термометр.

ЦЕМЕНТ [лот. caementum — майдаланган тош; шагал] 1 *от* Сувга қорганда, тез қотиб, тошсимон массага айланадиган қурилиш материали; кукунсимон бириктирувчи қурилиш материалларининг умумий номи. *Юқори навли цемент.* ■ *Цемент, оҳак, ганч, михларимизни — қурилишда зарур бўладиган нарсаларимизни — бўрондан, қумдан сақладик.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Икки кунда цемент ҳам топилди, бульдозер ҳам, бетон плиталар ҳам топилди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

2 *сфт.* Цемент билан сувалган, текисланган. *Цемент пойдевор. Цемент сувоқ.* ■ *Йигитлар хароб станциянинг кенг цемент зинасида нон кавшаб ўтиришаркан, тасодифан.. бухоролик йигит келиб қолди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ўнг қатордаги биринчи хонага боғланган каттакон тарғил сигир цемент охурни тили билан ялашдан тўхтаб, шохдор бошини кўтарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *анат.* Тишининг ўзаги ва бўйни асосий тўқимасини қоплаб турадиган суяксимон модда.

ЦЕМЕНТЛАМОҚ Цемент билан сувамоқ, цемент билан бириктирмоқ. *Цементланган тротуар. Цементланган девор.* ■ *-Биз қаршилик кўрсатганимиздан кейин, мазор бошқармаси дахманинг очиқ-тешик жойларини цементлаб ташлади, — деди Абдураҳмонов.* И. Қаландаров, Шохиламас, баргида.

ЦЕНЗ [лот. census — баҳолаш, баҳоланган мол-мулк < censeo — рўйхатга оламан] Кишиларнинг айрим ҳуқуқлардан, хусусан, ваколатли ҳокимият органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланишига рухсат берувчи, йўл қўювчи шартлар. *Мулк цензи. Сайлов цензи.* ■ *Турли давлатлар конституциявий тажрибасида сайлов цензларининг ҳар хил турлари мавжуд.* Газетадан.

ЦЕНЗОР [лот. censor < censeo — рўйхатга оламан] Цензура хизматидаги, матбуот устидан назорат қилувчи шахс.

ЦЕНЗУРА [лот. censura — қадимги Римда цензор лавозими] 1 *тар.* Матбуот устидан назорат қилиб турувчи давлат муассасаси. *Лермонтов бир неча драмалар ёзди, лекин подшо цензураси уларни саҳнада кўрсатишга ижозат бермади.* Газетадан.

2 *тар.* Матбуот, саҳна ва ш.к. учун белгиланган асарларнинг, умуман, оммавий ахборот воситаларининг мазкур муассаса томонидан текшириб, назорат қилиб турилиши. *Цензура қилмоқ. Цензурадан ўтказмоқ.*

ЦЕНТ [ингл. cent < лот. centum — юз] АҚШ, Канада, Нидерландия ва б. айрим мамлакатларда шу мамлакатлар асосий пул бирликларининг юздан бирига тенг бўлган танга пул.

ЦЕНТНЕР [нем. Zentner < лот. centenarium — юз қадоққа тенг оғирлик] 1 Метрик ўлчов тизимида 100 килограммга тенг оғирлик ўлчови бирлиги. *Ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан беш центнер ошиб, 42 центнерга етди.* Газетадан.

2 Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда 50 килограммга тенг оғирлик ўлчови бирлиги.

ЦЕНТНЕРЛИ Центнер оғирлигидаги. *Икки центнерли той.*

ЦЕНТНЕРЧИ *тар.* Ҳар гектар ердан маълум центнер ҳосил етиштирувчи деҳқон. *Юз центнерчи қизларнинг мақтови шеърга сиғмас.* Зулфия.

ЦЕНТРАЛИЗМ [ингл. centralism < лот. centrum — марказ, ўрта < юн. kentron — циркуль игнаси] *тар.* Маҳаллий муассаса ва ташкилотлар марказий ҳокимиятга, ягона бир марказга бўйсундирилган ва унинг кўрсатмалари асосида фаолият юритадиган бошқарув тизими.

ЦЕНТРИЗМ [ингл. centrism < лот. centrum — марказ] *тар. сиёс.* Сиёсий арбоблар ва ташкилотларнинг ижтимоий барқарорликка эришиш мақсадида турли хил мўътадил ҳаракат ва партияларни бирлаштириш йўлидаги интилиши.

ЦЕНТРИСТ [ингл. centrist] Центризм тарафдори, издоши.

ЦЕНТРИФУГА [нем. Zentrifuge < лот. centrum — марказ + fuga — қочиш] Катта тезликда айланиш пайтидаги марказдан қочма куч таъсири билан бир жинсли бўлмаган бирикмаларни таркибий қисмларга ажратадиган аппарат (кимёвий тадқиқотларда, озиқ-овқат саноати ва ш. к. ларда қўлланади). *Тупроқни механик анализ қилишда центрифугадан фойдаланилмоқда.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

ЦЕРИЙ [лот. Ceres, Ceregis — кичик сайёра номи; элемент шу сайёра билан деярли бир вақтда кашф этилгани учун шундай номланган; Церера — рим мифологиясида ҳосилдорлик, оналик ва оила маъбудаси] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; яхши кесилувчи ва яссиланувчи металл.

ЦЕСАРКА қ. **сесарка**. *Цесарка жуда ҳаракатчан: учади ва тез югуради.* «ЎЗМЭ».

ЦЕХ [нем. Zsche] 1 Завод, фабрика каби улкан саноат корхонасининг муайян маҳсулот ёки яримфабрикат ишлаб чиқарилган асосий ёки ёрдамчи бўлими. *Ип йигирув цехи. Цех бошлиғи.* ■ *Заводнинг пахта тозалаш цехида эса чиқиндини қайта ишловчи регенератор ўрнатилди.* Газетадан. *Корхона цехларини ўзига хос ижодхонага қиёс қилиш мумкин.* Газетадан. *Ўғириш ишида киностудиянинг монтаж, овоз, фильмни қайта ишлаш ҳамда мураккаб съёмка цехлари фаолият кўрсатади.* Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 Шундай бўлим жойлашган бино. *Цехлар ичига шахдам қадам ташладик.* Файратий.

ЦИАН [юн. kyanos — оч ҳаворанг тош] ким. Азот билан углероддан иборат ўткир ҳидли, ёнувчи, рангсиз захарли газ. *Цианга сульфат ҳислота таъсир эттирилса, цианат ҳислота ҳосил бўлади.* «ЎЗМЭ».

ЦИАНЛИ Таркибида циан бўлган. *Цианли калий.*

ЦИВИЛИЗАЦИЯ [фр. civilization < лат. civilis — фуқарога хос, давлатга хос] 1 Моддий ва маънавий маданиятнинг ижтимоий тараққиётида эришилган муайян босқич; маданий тараққиёт даражаси. *Шарқ цивилизацияси.* ■ *Бозор иқтисодиёти — жаҳон цивилизацияси ривожланиши йўлидаги муқаррар босқичдир.* Газетадан.

2 айн. **маданият, тамаддун.**

3 Маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи. *Миср цивилизацияси. Месопотамия цивилизацияси.*

4 Инсониятнинг ёввойилик ва ваҳшийлик давридан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи.

ЦИГАРА қ. **сигара**. *Баланд мартабали меҳмон ёнбошлаб цигара чекар, бошқалар камтарлик билан чўкка тушиб ўтирарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЦИКЛ [юн. kuklos — гардиш, айлана, доира] 1 Маълум давр ичида такрорланиб турадиган иш, ҳодиса, жараён ва ш.к. нинг ҳар бир давраси. *Ишлаб чиқариш цикли. Ўзгарувчан ток цикли.* ■ *Ўза парваришининг тўла бир циклини амалга ошириш учун 10–12 кун вақт сарфланади.* Газетадан. *Роботнинг ишлаш циклини ўзгартириш, уни бошқа операция бажаришга мослаштириш мумкин.* «Фан ва турмуш».

2 қ. **туркум** 2. *Бундай асарлар орасида «Ватандошларим» цикли, «Мангулик» синга-ри ўнларча ажойиб очеркларимиз китобхонларга манзур бўлган.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Масалан, Гомер циклидаги поэмаларни ижро этган қадимги юнон мактаби.. бизга маълумдир.* «ЎТА».

ЦИКЛИК Цикллар бўйича содир бўладиган, цикли, даврий. *Қайта ишлаб чиқаришнинг циклик ҳаракати.*

ЦИКЛАПТИРМОҚ айн. **туркумламоқ** 1. **ЦИКЛИ** Даврали, даврий. *Цикли жараён. Ишнинг цикли графиги.*

ЦИКЛОН I [юн. kuklon — айланувчи] метеор. Атмосферанинг кучли ёгингарчилик, шамол ва қуюқ булутланиш билан кечадиган шиддатли, уюрмавий ҳаракати; радиуси бир неча минг километрга етадиган ҳаво гирдоби. *Ёрнинг булут ва қор қоплами, кундузи ва кечқурунги уфқи фотосуратга олинди, довуллар ва циклонлар аниқланди.* Газетадан. *Ўзбекистонга Атлантика океанидан келадиган циклонлар қишда илқ, ёмғирли, қорли об-ҳаво келтиради.* «ЎЗМЭ».

ЦИКЛОН II тех. Ҳаво (газ)ни муаллақ қаттиқ зарралардан марказдан қочма куч таъсирида тозалаш учун мўлжалланган аппарат.

ЦИКЛОТРОН [юн. kuklos — айлана + (elek)tron — қаҳрабо (бу ерда «трон» — электроникага алоқадор асбоблар номини ҳосил қилувчи қўшимча)] Зарядланган микроразралар (протон ёки ионлар)нинг ҳаракатини тезлаштирадиган, атом ядросини текширишда ишлатиладиган мослама. *Келажакда энг кучли циклотронлардан бири бўладиган циклотрон пойдевори ёнига автосамосваллар кетма-кет келиб турибди.* Газетадан.

ЦИЛИНДР [юн. kyliindros — вал, ғалтак] 1 мат. Цилиндрик сирт ва иккита параллел текислик билан чегараланган жисм. *Агар*

цилиндрик сирт ясовчилари цилиндр ясовчисига перпендикуляр бўлса, у тўғри цилиндр деб аталади. «ЎЗМЭ».

2 тех. Шу шаклдаги деталь ёки буюм. Ғилдиракнинг ҳар бир спицаси ўз ўлчамини ўзгартира олувчи ўзига хос пневматик цилиндрга эга. Газетадан. Мис, рух ва қалайдан тайёрланган.. цилиндрни кимдир ғилдирашиб келди. «Муштум».

3 кўча Соябони кичикроқ, тепаси баланд цилиндрсимон бош кийими, эркаклар шляпаси. Цилиндр кийган киши.

ЦИЛИНДРИК 1 Цилиндрга оид. Цилиндрик жисм.

2 Цилиндр шаклидаги, цилиндрсимон.

ЦИЛИНДРЛИ 1 Цилиндри бўлган, цилиндр билан таъминланган. Цилиндрли машиналар. Тўрт цилиндрли двигателлар.

2 Бошига цилиндр кийиб олган. Цилиндрли киши.

ЦИНГА [қад. р. цинга – панжа бўғимларининг зирқираб оғриши] *тиб.* Витамин етишмаслиги туфайли юз берадиган, дармонсизлик, тиш милқларининг бўшашуви, қонаши ва тишларнинг тўкилиши билан характерланадиган касаллик. «С» витамини рахит, витаминоз, цинга касалликларидан сақлайди. «Саодат».

ЦИНК [нем. Zink – рух] *ким.* Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон-оқиш, яхши чуқичланадиган металл, рух.

ЦИНКОГРАФ Цинкография мутахассиси. Цинкографлар офсет-босма фабрикаси аҳил жамоасининг ишчан аъзоларидир. Газетадан.

ЦИНКОГРАФИЯ [цинк + юн. grapho – ёзаман] *пгрф.* 1 Типографияда расм, чизма ва ш.к. ларни босиш учун фотомеханик йўл билан рух клишелар тайёрлаш усули. Цинкография клишеси. Чизмани цинкография усули билан босиб чиқариш.

2 Шундай клишелар тайёрлайдиган корхона ёки цех. Наширётимизнинг цинкография цехи республикаимиздаги энг йирик иллюстрация устахонаси ҳисобланади. Газетадан.

ЦИРК [лот. circus – айлана, доира] 1 Санъатнинг акробатика, гимнастика, масҳарабозлик, иллюзионизм, дорбозлик, жонглёрлик, ҳайвонлар ўргатиш, ўйнатиш ва ш.к. жанрлар (томошалар)ни ўз ичига олган тури. [Искандар] Олти-етти ёшларда

отасидан етим қолиб, кўчманчи цирк артистлари билан кўп шаҳарларни кезган. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

2 Санъатнинг шу турини томошабинларга кўрсатиш билан шуғулланадиган муассаса ва унинг биноси. Тошкент цирки. Улар цирк олдидан ўтиб, аллақандай ариқчалардан ҳатлашди. П. Қодиров, Уч илдиз.

ЦИРКОНИЙ [лот. zirconium < нем. Zirkon < ф. зергон – тилларанг, олтин рангли ёки а. زرگون – қимматбаҳо тош; сурик] *ким.* Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон ялтироқ, қийин эрувчи қаттиқ металл. Соф цирконий атом техникасида нейтронларни қайтарадиган конструкцион материал сифатида ишлатилади. «ЎЗМЭ».

ЦИРКУЛЬ [лот. circulus – айлана, доира] Туш ёки қалам билан айлана, доира, ёйлар чизишга, чизиклар, кесмалар узунлигини ўлчашга хизмат қиладиган чизмачилик асбоби; паргар. Циркуль билан айлана чизмоқ. Циркуль игнаси. Циркуль оёқчаси. Чизмачилик циркули.

ЦИРКУЛЯР [нем. Zirkular < лот. circularis – айланма] *эск.* Юқори раҳбар органлар томонидан ўзига қарашли ташкилотларга ёки барча тобе мансабдор шахсларга юбориладиган ёзма фармойиш, буйруқ; кўрсатма. Циркуляр олмоқ. Циркуляр телеграмма.

ЦИРКЧИ Цирк артисти. Чорсунинг ўртасида иккита тахта аравада Юпатовнинг циркчилари тўхтаб, жар солар эдилар. Ғ. Фулом, Шум бола. Циркчи хотин ўзининг 12 «дўстлашган» тимсоҳлари билан майдонга чиқиб келади. Газетадан.

ЦИРРОЗ [юн. kirkos – сарғиш, малларанг] *тиб.* Жигар, ўпка, буйрак каби аъзолардаги қалин бириктирувчи тўқималарнинг ўсиб, катталашиши оқибатида шу аъзонинг чандикланиб бужмайиши ва шаклининг ўзгариши; склероз. Жигар циррози.

ЦИСТЕРНА [лот. cisterna – ҳовуз, ҳавза; сув омбори] 1 Суюқликлар, суюқ газлар, тўкиладиган маҳсулотлар сақланадиган ёки ташиладиган кўча ёки стационар резервуар, идиш. Дастлабки сув цистерналари Газлига етиб келди. Газетадан.

2 Шундай резервуар ўрнатилган автомобил, вагон ва ш.к. Жавод машинасининг бункерини бўшатгани чиққан кезде кўча

заправка цистернаси келиб қолди. И. Раҳим, Жаводнинг жадвали.

ЦИСТЕРНАЛИ Цистерна ўрнатилган. Цистернали вагон.

ЦИСТИТ [юн. kystis — қовуқ + itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Қовуқнинг яллиғланиши билан характерланувчи касаллик. *Цистит касаллиги.* ■ *Цистит ўз вақтида даволанмаса, сурункали касалликка айланиб кетиши мумкин.* Газетадан. *Циститнинг олдини олишда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш.. парҳезга эътибор бериш керак.* «Саломатлик» энциклопедияси.

ЦИТАТА [лот. citatum < citare — чақирмоқ, даъват қилмоқ; номламоқ] Бирор матндан, адабий, мусиқавий ва ш.к. асардан айнан кўчирилган парча; иқтибос. *Цитата келтирмоқ.* ■ *Цитаталар ўринли, лекин, назаримда, улар кўпайиб кетган, — талаба журъатсизлик билан ўз фикрини билдирди.* «Ёшлик».

ЦИТАТАБОЗЛИК Цитаталар келтиришга берилиб кетиш, ўринли-ўринсиз равишда цитаталар келтиравериш. *Цитатабозлик касали.* ■ *Цитатабозлик ва умумий гаплар билан вақтни олиш сингари ярамас ҳоллар ҳали батамом тугатилмаган.* Газетадан.

ЦИТО- [юн. kytos — идиш; омбор; хужайра] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, ўзи бирикиб келган сўзнинг ҳайвон ёки ўсимлик хужайраларига алоқадорлигини кўрсатади, мас., *цитокимё, цитология.*

ЦИТОДИАГНОСТИКА [cito.. + диагностика] *биол. тиб.* Тананинг бирор сиртидан ёки унинг суюқликларидан олинган хужайра унсурларини микроскопик тадқиқ этиш йўли билан касалликларни аниқлаш.

ЦИТОКИМЁ [cito.. + кимё] Хужайра тузилмаларининг кимёвий таркиби ва ўзгаришларини ўрганадиган фан; цитологиянинг бир бўлими. *Цитокимё соҳасидаги тадқиқотлар 19-асрнинг ўрталаридан 20-аср ўрталаригача айниқса жадал ривожланган.* «ЎЗМЭ».

ЦИТОЛИЗ [cito.. + юн. lysis — эриш; бузилиш] *биол.* Ҳайвон ва ўсимлик хужайрасининг одатдаги физиологик жараёнлар

ҳамда турли патологик ҳолатларда бутунлай ёки қисман эриши.

ЦИТОЛОГИЯ [cito.. + юн. logos — таълимот] Хужайраларнинг тузилиши ва функциясини, қўп хужайрали ва бир хужайрали организмлардаги аъзо ва тўқималарнинг ўзаро боғланиши ва муносабатларини ўрганувчи фан. Ҳозир республикамиздаги мавжуд тиббиёт институтларида *цитология гистология билан қўшиб ўқитилади.* «ЎЗМЭ».

ЦИТРУС [лот. citrus — лимон] Лимон, апельсин, мандарин каби ўсимликларнинг умумий номи. *Кавказ цитруслари. Цитрус меваси.* ■ *Цитрус ўсимликларини иқлимлаштириш юзасидан олиб борилган ажойиб ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда.* Газетадан.

ЦИФЕРБЛАТ [нем. Zifferblatt < Ziffer — рақам + Blatt — варақ; қават, қатлам] Стрелкали ўлчов асбобларида рақамли бўлинишларга эга бўлган пластинка; у бўйлаб ҳаракатланадиган стрелка учи ўлчанаётган катталик қийматини кўрсатади. *Рўпарадаги юмалоқ тарози циферблати устидаги мил ҳаракатга келди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. [Соатнинг] *Циферблати ҳам эски, рақамларига доғ тушган.* Ў. Умарбеков, Соат.

ЦИФЕРБЛАТЛИ Циферблат ўрнатилган, циферблати бор. *Циферблатли тарози.*

ЦОКОЛЬ [итал. zoccolo] 1 *архит.* Бино, иншоот ташқи деворининг, ҳайкал ва ш. к. нинг фундамент устига қурилган ва юқори қисмига нисбатан олдинга бироз туртиб чиққан пастки қисми. *Бино цоколи. Цоколь плитаси.* ■ *Цоколь пишиқ гишт, бетон ёки темир-бетон блоклардан ишланади.* «ЎЗМЭ».

2 *тех.* Электрон ва чўғланма лампаларда лампани патронга бириктиришга хизмат қиладиган конструктив қисм.

ЦУНАМИ [яп. — ажал ва вайроналик келтирувчи тўлқинлар] Сув остида ёки соҳил бўйида кучли zilзила бўлганда ёки сув-ости вулканлари отилганда, денгиз устида пайдо бўладиган жуда катта, ҳалокатли тўлқинлар. *Бир неча мамлакатларда аҳолини цунамидан хабардор қилиш хизматлари тузилган.* «ЎЗМЭ».



ЧАВАНДОЗ [ф. چپ انداز — чап қўл билан ўқ (камон) отувчи; чапдаст; моҳир] 1 От чоптириш, улоқ чопиш, отда ўйнаш санъатини эгаллаган одам. *Икки чавандоз ёнма-ён от йўрттириб келарди.* Ҳ. Фулом, Машғал. У [Авлиёқул] эски чавандоз, неча улоқларда қатнашиб, оёғи маймоқ бўлиб қолган. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

2 кўчма Илғор, пешқадам. *Олти йил ўтдимми шунга, мана энди Анорхон бригадирлар чавандози.* Й. Шамшаров, Танланган асарлар. Илм-фан йўлида моҳир чавандоз бўлаверинг.. кашфиётларингиз шуҳрату шон топаверсин. Газетадан.

ЧАВАНДОЗЛИК Отда юриш маҳорати. *Славик эгарга ўтириб, «мана мен кимман!» дегандек, чавандозлигини кўз-кўз қилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЧАВАТИ шв. айн. чапати. Ҳар кунни чол ўтинга чиқиш вақтида хотини иккита чавати қилиб берар экан. «Эртаклар».

ЧАВГОН [ф. چوگان — учи эгри таёқ] Учи эгри қилиб тайёрланган махсус таёқ; шу таёқ ва тўп билан от устида ўйналадиган жамоавий спорт ўйини. Дарвозахонага яқинлашиб, симтўр билан ўралган майдончада чавгон ўйнаётган ёшларга яна кўзи тушиди. М. М. Дўст, Лолазор.

ЧАВКАР 1 сфм. Ола-була; қора холли, хол-хол (от туси ҳақида). *Чавкар отда қоққан қозикдек бўлиб ўтирган.. йигит: -Мана бу бўз хўп чарчатди мени, — деди.* Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

2 Шундай тусдаги от. *Нигора ўша кунни пешин маҳалда чавкарини қора терга боти-*

риб, Оқсойга кириб келди. С. Анорбоев, Оқсой.

ЧАВКОН айн. чавгон. [Одамлар] Отларини гижинглашиб, «чавкон» ўйинидан қайтдилар. Ойбек, Нур қидириб.

ЧАВОҚ Балиқ тури. Ҳавода бир неча майда чавоқ ялт-юлт этди-ю, сувга тушиб кетди. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ЧАВОҚЛАМОҚ Бир неча ерига пичоқ урмоқ, пичоқ уриб, ичак-човоғини ағдармоқ. *Низомиддин читфуруш.. маст вақтида ўзини чавоқлаб қўйди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ЧАЁН 1 зоол. Ўргимчаксимонлар синфига мансуб бўлган бўғимоёқлилар туркумига кирувчи заҳарли ҳашарот. *Ривоятларга қараганда, чаён ўзининг вижир-вижир болаларини ўз елкасида олиб юармиш.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 кўчма Тили аччиқ, бамисоли чаёндек чакувчи, газанда (одам ҳақида). [Султонали:] Бу калтакесак ютган чаённинг юрагида сизга қарши катта адоват бор. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

Чаён чақиб олгандай ёки чаён чаққан одамдай Бирданига тезлик билан; кучли даражада. *Умар акам бу гапни шу қадар ишонч билан айтдики, чаён чаққан одамдай сапчиб туриб, бора солиб, ёқасига ёпишгим келди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧАЁНВАЧЧА 1 Чаённинг боласи.

2 кўчма Газанда, ёмон одамнинг боласи. *Сиз билан бирга турмага киришга розиман, дадажон, аммо чаёнваччага [Незматга] эрга тегмайман.* 3. Фатхуллин, Булутсиз кўланка.

ЧАЁНУТ Пояси ва барги заҳарли қилчалар билан қопланган, баданга тегса қаттиқ қичитадиган ёввойи ўт.

ЧАЙИНДИ Бирор нарса чайилгандан кейин қолган ифлос, кир сув.

ЧАЙИР I 1 Толалари маҳкам бириккан, ёрилиши, ишланиши қийин (ёғоч-тахта, ўтин ҳақида). *У чайир тўнкалар ёриладиган ўтқир болтани олиб.. отхона томонга шахдам юриб кетди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 кўча Бақувват, пишиқ. *Умар озғин, чиллакдек бўлса ҳам, жуда чайир.* С. Аҳмад, Сайланма. *Мансур.. унинг [Гавҳарнинг] нозик, аммо чайир қўлини маҳкам қисди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинига қулоқ сол.

ЧАЙИР II Куруқ даштларга мослашган, гуллари сарғиш, озуқабоп ва шифобахш ўтсимон ўсимлик. *Чайирнинг илдизларида шира — смола, крахмал, баргларида эфир мойи бор.* «ЎЗМЭ».

ЧАЙИРЛИК Пишиқлик, кучлилик. [Қўшиллар] *Оташнинг чайирлигини эслаб, Ойқиз холанинг кўнглини кўтаришади.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ЧАЙЛА Шох-шабба, қамиш ва ш. к. дан одатда полиз экинлари тепасига вақтинча қурилган уйча; қапа. *Адирнинг қоқ ўртасига тоғам қамиш, шохлардан чайла қуриб олган эди.* «Шарқ юлдузи».

ЧАЙМОҚ I Ювилган нарсани тоза сувга ботириб ёки устидан тоза сув қуйиб, чайқаб тоза қилмоқ. *Болакай дарров чойнакни ариқчада чая бошлади.* Р. Файзий, Асадлибоси.

Кир чаймоқ Ювилган кирларни тоза сувда чайқаб, совун юқини кетказмоқ. *Муътабархон ҳайрон бўлди-ю, кирларини тез-тез чайиб қўя қолди.* «Муштум».

2 Ювмоқ. [Яхшибоев] *Шошилмай ванна-хонага кириб, юз-қўлини чайиб, артиниб, шундан кейингина ичкарига ўтди.* М. М. Дўст, Лолазор.

3 Пок, тоза тутиш ёки даволаш учун сув ёки бирор доривор суюқлик билан ювмоқ; чайқамоқ. *Оғиз чаймоқ. Томоқни сода билан чаймоқ.* ■ Садаф каби оқ тишларини бир-икки чайди-да, ариқ бўйини ва унинг сувларини ташлаб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ҳўл, нам қилмоқ (ёғин-сочин, шудринг ҳақида). *Кечагина ёққан жала ўт-ўланлар билан гиёҳларни чайиб ўтибди.* Н.

Фозилов, Дийдор. *Шудринг чайган ёлғизоёқ йўлдан юқорига унсиз юришди.* «Ёшлик».

ЧАЙНАЛГАН I Чайнамоқ фл. сфдш. *Чайналган гўшт.*

2 кўча Кўп марта эшитилган, сийқаси чиққан; эски. *Чайналган мавзу.* ■ *Миялари бошқа нарса билан машғул бўлган косиблар, эснашдан ўзларини зўрға тийиб, чолнинг минг марта чайналган гапини тинглар эдилар.* М. Осим, Элчилар.

ЧАЙНАЛМОҚ I Чайнамоқ фл. мажх. н. *Чайналган нон.*

2 кўча Ўнғайсиз ҳолатга тушиш натижа-сида ноаниқ гапирмоқ. *Йигит гапини йўқотиб чайналди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чол алла-нарса деб чайналди-да, ҳисобчига бир қараб қўйди.* Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди.

3 кўча Гап-сўз бўлмоқ. *Аввало, одамларнинг оғзига тушма, оғизга тушганингдан кейин, сақич бўлиб чайналасан.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ЧАЙНАМ (нумератив сўзлар билан бирга қўлланади) Оғизда чайнашга лойиқ бирор нарса. *..бир бутун сисир гўштидан бир чайна-нам ҳам бизга насиб бўлмади.* Ғ. Фулом, Шум бола.

ЧАЙНАМОҚ I Оғиздаги таомни тишлар орасида майдаламоқ, юмшатмоқ. *Аҳмад парвойи палак, оғзини тўлдириб, нон чайнардди.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. *Отлар пишқириб туриб, хушбўй ҳўл бедани иштаҳа билан чайнамоқда эдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Тирикчилик учун ишлатмоқ. [Яхшибоев:] *Майда чайнаб есанг, бу пул сенга кўп йилга етади.* М. М. Дўст, Лолазор.

3 с. т. айн. **Ғажимоқ 5.** *Машина қўлини чайнаб кетибди.*

4 кўча Бировни ғийбат қилмоқ, ёмонлаб гапирмоқ; койимоқ. *Дадаси билан ойиси ҳамон унинг опоқ дadasини «чайнаётган» эди.* «Ёшлик». [Ёрқиной] *Бир куни тўйга борган эди, хотин-халаж нуқул уни «чайнаб» ўтиришди.* Р. Раҳмон, Мехр кўзда.

5 кўча салб. Бир гапни ҳадеб қайта-равермоқ; гапни чўзмоқ; ҳал бўлган масалани яна айлантириб муҳокама қилавермоқ. [Бўтабой] *Ўзи ҳам аниқ-равшан бир сўз айтолмай, гапни чайнай бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Чайнаманг шиминг айн. обакидандон. [Зумраднинг] *Қулоғидаги шиша исирга худди бир парчагина чайнаманг шимингдек йилтил-*

лаб турар.. эди. А. Мухтор, Бўронларда бор-дек ҳаловат.

ЧАЙНВОРД [ингл. chain – занжир, ҳалқа + word – сўз] Занжир шаклида кетма-кет жойлашган катакларни ҳарфлар билан тўлдиришдан иборат бошқотирма тури; бунда қидирилаётган сўзлар қаторидаги аввалги сўзнинг охириги ҳарфи кейин келувчи сўзнинг биринчи ҳарфи бўлиб келиши талаб қилинади.

ЧАЙҚАЛМОҚ 1 *Чайқамоқ* фл. мажҳ. н. *Чайқалган кирларни ёймоқ.*

2 У ён-бу ён тебранмоқ, лапанглаб ҳаракат қилмоқ. *Юрганда букчайиш, у ёқ-бу ёққа чайқалиш, оёқларни бир-бирига уриб юриш ярамайди. «Фан ва турмуш». Чайқалади денгиз беором..* Ғайратий.

3 *кўчма* Тўлқинланмоқ, жунбушга келмоқ, ҳаяжонланмоқ *Ёш қалблар ҳаяжондан тўлқин каби чайқалади. «Ёшлик». Юрагида дард тўлқини бирдан кучли чайқалиб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 *кўчма* Нотинч, безовта бўлмоқ. *Кекса дилингизга тушмасин титроқ, Оталар, чайқалиб турибди олам. А. Орипов. [Ҳилол буви:] Нима гап ўзи, нега замон чайқалиб қолди? Ойбек, Улуғ йўл.*

ЧАЙҚАЛТИРМОҚ 1 *Чайқалмоқ* фл. орт. н. Тўлқин кемаларни силтаб-силтаб, чайқалтириб ташлаётти. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 *кўчма* Кўзгатиб юбормоқ; руҳиятла ўзгаришни юзага келтирмоқ. *..ҳали қизалоққа дастлаб кўз ташлаган пайтида вужудда қўзғалган илиқлик қалбининг туб-тубида беркиниб ётган бошқа ҳис-туйғуларини ҳам чайқалтириб юборди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.*

ЧАЙҚАМОҚ 1 айн. *чаймоқ.* Кунлардан берида бир тўда банди хотинлар тоғдан анҳорга кир чайқагани тушишди. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 У ён-бу ён тебратмоқ. *Бошини чайқамоқ. ■ Улғай эна афсус билан бош чайқади. «Шарқ юлдузи».*

ЧАЙҚАТМОҚ 1 *Чайқамоқ 1* фл. орт. н. *Кирни икки марта чайқатмоқ.*

2 Ҳар ёнга тўлқинлатмоқ, тебратмоқ. *Сувни чайқатмоқ. ■ Шамол ўт-ўланларни чайқатар, ёввойи жийда шохларини буйдаларди. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

ЧАЙҚОВ Олибсотарлик; олиб-сотиш, олиб-сотув. *Кўса эртасига каллаи саҳарлаб етиб келди. Авжи чайқов вақти экан, бақир-чақирлар қулоқни қоматга келтиради. «Муштум».*

Чайқов бозор(и) Олибсотарлар савдо қиладиган бозор. *[Аҳмаджон] Катта чайқов бозорида юргандай боши ғувуллаб кетди. С. Кароматов, Ҳижрон.*

ЧАЙҚОВЧИ Олибсотарлик билан шуғулланувчи шахс, олибсотар; спекулянт.

ЧАЙҚОВЧИЛИК Чайқов билан шуғулланиш; спекуляция. *Белига ўн-ўн беш рўмонни ўраб олиб.. бемалол чайқовчилик қилиб юрган эмиш. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ЧАК [ф. چك – томчи] тақл. с. Томчининг урилишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Тарнов бўғотларида осилиб турган сумалаклар офтобда йилтиллари-ю, чак этмасди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

ЧАКАК 1 анат. Пастки жағ. *..раис эса тиши оғриган кишидек, икки кафти билан чакагини ушлаб, асабий ўйлаб ўтирарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

Чакаги очилмоқ Тинимсиз гапиравермоқ, эзмаланмоқ. *Ҳожиматнинг чакаги очилиб, гапга тушиб кетди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Чакаги очик 1) йиғлоқи (бола ҳақида); 2) сергап, эзма. -Бунча чакаги очик одамсиз.. — деди регистратчи қилувчи хотин чолга кўзларини олайтириб. «Муштум»; 3) тинимсиз овоз чиқарадиган ҳайвонлар (ит, ситир, қўй каби) ҳақида. ..чакаги очик итларнинг вовуллаши, отларнинг кишинаши сокин қишлоқни ғала-ғовурга тўлдирди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.*

Чакаги тинмаслик 1) кўп бетўхтов гапирмоқ. *Тарози шайинларини муттасил ликиллаб турганларнинг чакаги тинмайди. «Муштум»; 2) тинимсиз овқат емоқ. Чакаги тушмоқ* Гапира-гапира чарчамоқ; бирор гапни кўп таъкидламоқ. *Бу ҳақда гапиравериб, чакагим тушди. Чакак урмоқ айн. чакаги тушмоқ. [Ойшахон:] Ўлар ҳолатга етдим-ку бу қизингизга чакак уравериб. А. Муҳиддин, Айбсиз айбдор. Чакаги чакагига тегмаслик 1) тез ва кўп гапирмоқ; эзмаланмоқ; 2) кўп овоз чиқармоқ. Ора-сира пулемётлар чакаги чакагига тегмаган ғазабли лайчадай акиллаб қўяди. Ойбек, Қуёш қораймас; 3) кўп, тинимсиз йиғламоқ (бола ҳақида).*

ЧАКАК II Оёқ кийимининг юзи билан дастагининг бирлашган ери, ёни. *Қатнай-қатнай кавушимнинг чакаги тушди.*

ЧАКАКЛИ I Серийғи, йиғлоқи. *Чакакли бола.*

2 Сергап, эзма. *Чакакли хотин.*

3 *кўчма* Ёбтўймас, очофат. -*Вой-бўй, — деди чол [Шум болага], — чакаклигина мол кўринасан, қирдаги киши нега сени сўкиб кетаётибди бўлмаса? Ғ. Ғулом, Шум бола.*

ЧАКАК-ЧАКАК Ориқ, юз гўштлари кам. *Дадамат аканинг қотма ва абжир гавдасига мос чакак-чакак қорамағиз башараси Аҳмадга кўпроқ ёқарди. Ғ. Мусаёнов, Ҳиммат.*

ЧАКАЛАК Шохлари бир-бирига чалкашиб кетган қалин бутазор ёки дарахтзор. *Ҳовли орқасидаги чакаладан секин-секин ой кўтарила бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Бир кун чакалакка ўтин кесгани бордик. «Зумрад ва Ҳиммат».*

Чакалакка қочмоқ (ёки урмоқ) Ўзини бирор ишдан четга тортмоқ, ўзини қуруққа олиб қочмоқ. *Қодиров салгина шаштидан тушиб, бўшагандай бўлди: -Нима учун қилғиликни қилиб, чакалакка қочасан? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ЧАКАЛАКЗОР Чакалак босган жой; бутазор. *Чакалакзордан бир ҳақка «шақ-шақ»лаб, узун думини чўзганча, нариги соҳилга учиб кетди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.*

ЧАКАМУҒ Ёпишқоқ юмалоқ тиканли, япалоқ баргли ёввойи бир йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг тиканаги. *Калта думига дарҳол аллақердан чакамуғ ёпиштириб олган эшак ютоқиб, ўзини ўтга урди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.*

ЧАКАНА [ф. چكانه] I Доналаб, майдалаб ёки кичик тўп билан сотиладиган ва сотиб олинadиган. *Чакана савдо. ■ Чакана нархларни ўзгартириш мумкинлиги, шубҳасиз, ҳозирги пайтда энг мунозарали масаладир. Газетадан.*

2 Унчалик аҳамиятга эга бўлмаган; арзимас, майда-чуйда. *Хосият холанинг эрлари ҳам чакана пахтакор бўлмаган эканлар. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Гўшт-ёғ ўз қўлингизда. Даромад ҳам чаканамасдир? С. Анорбоев, Оқсой. Чакана гапга қулоқ йўқ. Иш кечикади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

3 шв. Майда чорва моллари, қўй-эчки ва аҳолига тегишли шундай молларни боқувчи. *Шу кундан эътиборан асқар чакана чўпон бўлди. Адирда узун кун чакана мол боқди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

ЧАКАНАЛАБ рвш. Доналаб, майдалаб, чакана. *Чаканалаб олмоқ. Чаканалаб сотмоқ. ■ [Тожибой] Ҳатто қалампирдан тортиб, сақич, қуртгача олиб чиқиб қўяр, зориққанларга чаканалаб сотар эди. С. Зуннунова, Гулхан.*

ЧАКАНАЧИ Чакана савдо қилувчи, чакана савдо билан шуғулланувчи.

ЧАКАНА-ЧУКАНА с. т. Унчалик аҳамиятга эга бўлмаган; арзимас, майда-чуйда. *Чакана-чукана гап. ■ Ғунажсин пулланди. [Нодир] Чакана-чукана қарзлардан қутулди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ЧАКАНДА [ф. چكانده] Жийдадошлар оиласига мансуб, сариқ нордон майда мевали, сертикан доривор бута ва унинг меваси. *Қаришисидаги шохи синган чакандага тикилиб турган Усмоновнинг фикри тўхтамага келиб, хўрсинди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. Чаканда мевасидан фармацевтика саноатида мой олинади. Газетадан.*

ЧАКАС Ов қуши қўндириладиган сим қўндок. *Қора йўрга бўлсин барин мингани. Юзта чакас берсин қушлар қўнгани. «Бўтакўз».*

ЧАКИДА [ф. چكیده — томган, томиб турган] айн. **қорадори**. *Зокир булбул баъзи-баъзида кўкнорининг чакидасидан ичиб юради. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.*

ЧАКИДАХҲҲ [ф. چكیدهخور — чакида истеъмол қилувчи] Қорадори истеъмол қилувчи; банги. *Чакидахҳҳ мулла Содиқоҳун.. тузоқлариға тушадиган аҳмоқ тополмасдан, кучала еган итдек тиришиб қолдилар. «Муттум».*

ЧАКИЛЛАМОҚ Чак-чак томмоқ, томиб турмоқ. *Токнинг қайчи теккан танасидан чакиллаб шарбат томди. «Саодат».*

ЧАКИЧ Нонни чакичлаш учун дастали ёғоч каллакка бир текисда сим қоқиб ёки парранда патларини дасталаб боғлаб ясалган уй-рўзгор асбоби. *Сим чакич. Пат чакич. ■ Тандирда ёғлиқ хамир аста вижирлаб, бўртиб, чакич ўринлари дарҳол шаклланди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.*

ЧАКИЧЛАМОҚ Нонга чакич урмоқ, чакич босмоқ.

ЧАККА I Бош суягининг ёноқлар билан пешона оралигидаги ён қисми. *Чакка суяги. Чакка томирлари.* ■ *Валиеванинг бир ўзи столга тирсагини таяб, икки кафти билан чаккасини қисиб ўтирибди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

Чаккага тегмоқ Жонга, меъдага тегмоқ, зериктириб юбормоқ; жондан тўйдирмоқ. *Жанжал чаккамга тегди.* ■ *Қор, ёмғир айниқса Шокир отанинг чаккасига теккан эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЧАККА II [ф. چگه — томчи; томиш; оқим] 1 Томнинг бирор жойидан сизиб ўтиб, шипдан уйнинг ичига томаётган ёмғир ёки эриган қор томчиси. *Куз келиб, ёғингарчилик бошланди. Томнинг қамиши эскирган бўлса керак, чакка ўтиб қолди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

2 (фақат бўлишсиз шаклда) Мутлақо, ҳеч; бир томчи ҳам, бир қатра ҳам. *Бир чакка ҳам ёғ қолмабди. Уйда ичишга чакка сув йўқ.*

ЧАККА III [ф. چگه — томчи; томиш] Сузмага ошқўқлар аралаштириб тайёрланган парҳез таом. [Қурбон:] *Чеча, чой, овқат керак эмас. Агар чакка бўлса, қудуқ сувидан чалоб қилиб берсангиз. С. Нуоров, Нарвон.*

ЧАККАЗАРБ [чакка + зарб] с. т. Асабий; жаҳли тез. *Шундоқ дейсиз-у, Зокирим ўқтин-ўқтин ичадиган одат чиқарди.. Зўрам [келиним Зухра] ҳам чакказарброқ бўб қолди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.*

ЧАККАХОНА [чакка + хона] Ҳамма жойидан чакка ўтиб ётган хона, уй.

ЧАККИ I 1 Ёмон; қониқарсиз. *Бу ерда унинг турмуши чакки бўлмади. С. Анорбоев, Оқсой. - Ғўзаларимиз чакки эмас, — дейди полвон. А. Қодирӣй, Обид кетмон. - Башоратдан бошқа ҳаммамиз умуман чакки баҳо олмадик, — деди Зайнаб. «Шарқ юлдузи».*

2 Ножўя, ноўрин. *Чакки юрсанг, дакки ерсан. Мақол. ■ - Чакки гап айтган бўлсам, узр, отахон, — йигит хижолатда қолган эди. «Гулдаста».*

3 Бекор, беҳуда. *Асли бугун ҳам чакки овора бўлгансиз. А. Қодирӣй, Меҳробдан чаён. - Бу кишини чакки умидвор қилибсиз, мендан бир оғиз сўрасангиз, ёмон бўлмас эди, — деди киноя билан [директор]. С. Кароматов, Ҳижрон.*

Чакки қилмоқ Ёмон иш қилмоқ; хато қилмоқ. *Кекса одамнинг дилини ранжитиб, чакки қилибсан. Газетадан.*

ЧАККИ II шв. айн. **чакка II.** *Чакки ўтган эски томга ўхшайман, Кўзимдан ёмғирлар тўкилар тинмай. М. Юсуф.*

ЧАККИ-ЧУККИ с. т. Бўлар-бўлмас, чакки, ножўя. *Чакки-чукки гап. ■ Майхонада Аҳмад маст бўп қолган-да, Чакки-чукки Аҳмад кўп гап айтган-да. «Юсуф ва Аҳмад».*

ЧАКМА айн. **чатма 1.**

ЧАКМАЗАК [ф. چكميز — сўзак; сийдик тутолмаслик] тиб. Сийдик тутолмаслик, сийдик оқиб туриш касалиги.

ЧАКМОН Одатда, жун матодан тикиладиган эркачка узун қишки тўн. *Чойхонанинг бурчагида, куннинг даҳшатли ёнувига қарамай, қалин, қора жун чакмонга ўралган қозоқ деворга суяниб мудрар.. эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЧАКМОҚ I с. т. Чекмоқ. *Папирос чакмоқ. Нос чакмоқ.*

ЧАКМОҚ II: **чакич чакмоқ** айн. **чакич-ламоқ.**

ЧАКСА эск. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги ўлчов бирлиги (асосан, пуднинг 1/3 қисмига тенг бўлган). *Чумчуқ семирса, чакса келмас. Мақол. Уйда чакса уни йўқ, Том бошида қўш тандир. Мақол.*

ЧАКЧАК Угра шаклидаги хамирни ёғда қовуриб, устидан асал қуйиб тайёрландиган ширинлик. *Бундай мўрт хамирдан печенье, чакчак, ўрама каби таомлар тайёрланса, оғизда уқаланиб туради. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

ЧАК-ЧАК Чак с. такр. *Чак-чак томмоқ. ■ Ғурулбекиннинг бурнидан чак-чак қон кетди. «Ғурулбекиннинг туғилиши». У [Ширмонхон] ҳар киприк силкитганида, юзини ювган кўз ёшлари газета юзига чак-чак томарди. С. Зуннунова, Олов.*

Бурнидан (ёки юзидан) чак-чак заҳар томади Тили жуда ҳам аччиқ, заҳар одам ҳақида.

ЧАЛА 1 Маромига ёки тамомига етказилмаган, битказилмаган, тамомланмаган. *Чала уй. Чала иш. Бола — боланинг иши чала. Мақол. ■ Ҳали яна бироз яшашдан умидворман, чала ишларим бор. С. Нуоров, Нарвон.*

2 Тўлиқ эмас, нотўла, ярим-ёрти. *Камбағалнинг бир тўйгани — чала бой бўлгани. Мақол. ■ Чаласига биз қарздор. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

3 Вақтидан олдин, етилмасдан тушган, барвақт туғилган. Қандли диабет хасталиги кўпинча ҳомиланинг чала ёки мажруҳ туғилишига сабаб бўлади. «Саодат».

4 *от* Ёниб битмаган ёки куйиб тугамаган ўтин. Куллар кўкка учар, чўелар кулга ботар, чалалар чўққа айланар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Уларнинг [одамларнинг] ярим юмук кўзлари ўчоқда биқсиб, қизариб ёнаётган чалаларга тикилган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *спрт*. Ўзбек курашига оид атама.

6 Қўшма сўзлар таркибига киради, мас. чалабош, чаласавод.

ЧАЛАБОШ Сочи чала-чулпа олинган. Чалабош бола.

ЧАЛАБУТАЛАР *бот*. Танасининг фақат пастки қисми ёғочланиб, юқори қисми қишда қуриб қоладиган кўп йиллик ўсимликлар. Чалабуталар кўп йиллик ўтлардан куртак чиқарадиган шохларнинг ер устидан бир неча сантиметр юқорида ўрнашганлиги билан фарқланади. «ЎЗМЭ».

ЧАЛАЖОН Ўлар ҳолатига келган, жонни қиқай деб турган, ярим тирик. Чалажон қилиб урмоқ. ■ Бир бандани чалажон қип қўйиб, қаяққа қочмоқчисан? «Ёшлик». Намозшомда чалажон дадамизни аравада эшикка келтиришди. М. Мансуров, Ёмби.

ЧАЛАКАМ-ЧАТТИ *айн. чала-чулпа*. Чўлнинг чўтир бетида чалакам-чатти ўсган янтоқлар қуриб, сарғайиб ётибди. Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

ЧАЛАМА-ЧАТТИ *айн. чала-чулпа*. Лекин унинг [Аҳмаднинг] чалама-чатти ҳаракатига қайиқ жойидан жилмади ҳам. Ё. Шукуров, Қайиқ чайқалади.

ЧАЛАМУЛЛА 1 *с.т.* Саводи тўлиқ чиқмаган киши. - Сиз чаламулласиз, Ғайбаров! — деди Ҳайкал Ғаниевич. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

2 *сфт*. Ўз соҳасини яхши эгалламаган, билмайдиган; билимсиз. [Профессор:] Мурдани курс, лабига учуқ тошадиган чаламулла врачларни кўргани кўзим йўқ! Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ЧАЛАСАВОД Тўлиқ саводга эга бўлмаган, чала ўқиган; саводи кам. Тўғонбек чаласавод бўлса ҳам, илм-фаннинг қадрини яхши билади. Ойбек, Навоий.

ЧАЛАСАВОДЛИК Саводи тўлиқ бўлмаслик, саводи пастлик. [Саид:] Дадамнинг

бундай пастлаб кетишларига.. чаласаводликлари ҳам сабабчи. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

ЧАЛА-ЧАТТИ *айн. чала-чулпа*. Хайтовур, дадам ёшлигида шохи тўқишни чала-чатти ўрганиб олган экан. Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАЛА-ЧУЛПА 1 Наридан-бери; чала қилинган, маромига етказилмаган. Мансур эрталаб чала-чулпа нонушта қилиб, Раҳмоннинг ёнига етиб борди. Ё. Шукуров, Уч савол.

2 Тўлиқ эмас, ярим-ёрти. Қия очик эшикдан ичкаридаги суҳбат қулоғига чала-чулпа эшитилди. Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар.

ЧАЛА-ЯРИМ 1 *айн. чала-чулпа* 1. Чала-ярим иш.

2 *айн. чала-чулпа* 2. Бувимнинг «оҳ-воҳи» қулоғимга чала-ярим эшитиларди. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

ЧАЛАҚУРСОҚ Ярим оч; тўйиб овқат емаган. Чалақурсоқ бўлиб қолмоқ. ■ Борни тежаб йўндириб, дам оч, дам чалақурсоқ бўлиб яшадик. Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАЛДИВОР *с. т.* Вайрона ҳолга келган ҳовли-жой. [Аваз] Боғи эрамга пойи пиёда бораёттир эди, ногоҳ йўл устида олдидан бир чалдивор чиқиб қолди. «Балогардон».

ЧАЛИНМОҚ 1 *Чалмоқ* фл. мажх. н. Карнай халқнинг қадимий қолғуларидан. У асосан тўйларда чалинади. Газетадан. Чалинганда қўнғироқ, Синфингда бўл, эй чироқ! Қ. Мухаммадий. Шу онда қаттиқ қарсақ чалинди-ю, ҳамма гуруллаб ўрнидан турди. А. Қахқор, Қўшчинор чироқлари.

2 *Чалмоқ* II фл. ўзл. н. Учтинчи минутда Ҳайдар рақибини суриб бораётиб, чалиниб, йиқилиб тушди. И. Раҳим, Ихлос.

Ғапга чалинмоқ Ғап-сўз бўлмоқ, оғизга тушмоқ. Касалга (ёки дардга) чалинмоқ Бирор касаллик билан оғриб қолмоқ; касал бўлмоқ. Қанд касалига чалинган одамнинг тишлари мўрт бўлади. К. Қахқорова, Чорак аср ҳамнафас. Бу вақт унинг [Умиднинг] дардга чалиниб қолган пайти эди.. Мирмуҳсин, Умид. Кўзга чалинмоқ Кўринмоқ; кўзга ташланмоқ. Бир вақт узоқда — олдидан қорайинқираб саксовулзорми, юлғунзорми, кўзга чалинди. М. Мансуров, Ёмби. Қулоқда чалинмоқ 1) эшитилмоқ. Тун сукуна-тида отларнинг дупури қулоққа баралла

чалинарди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 2) бошқалардан эшитиб, бирор хабар, янгликдан воқиф бўлмоқ. [Шофёр:] Кулоғингизга чалингандир — *отам ҳаждалар*. «Муштум».

ЧАЛИШМОҚ 1 Чалмоқ I фл. бирг. н. Чапак чалишиди. Овқатга занг чалишиди. ■ Созандалар бир тўхтаб, уфор чалишиди. А. Қахҳор, Қўшчинор чироклари.

2 Юрганда, қадам ташлаганда бир-бирига урилмоқ, қоқилмоқ, чалкашмоқ (оёқ ҳақида). Оёқлари тақимигача қорға ботар, баъзан чалишиб кетарди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 эск. Ҳаракат қилмоқ, меҳнат қилмоқ.

4 кўча Сузилиб, юмилиб кетмоқ; мудроқ босмоқ (кўз ҳақида). Уста Абдуғафур уйқуси келиб мудраётган одамдек, кўзлари чалишиб, боши кийшай бошлади. Мирмуҳсин, Меъмор. Офтобнинг шуъласига қарагандек, Гурўғелининг икки кўзи чалишиб қолди. «Гулшанбоғ».

ЧАЛИШОЁҚ Оёқлари бир-бирига урилиб, тегиб юрадиган, оёғи чалишадиган. Чалишоёқ одам.

ЧАЛИШТИРМОҚ Оёқларини ёки қўлларини бир-бирининг устига қўймоқ. Аммо Анвар.. қўлини чалиштириб, хотиржам турарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Урта бўйли официантка деворга суянганича қўлларини чалиштириб, лоқайд бир қиёфада турарди. М. Хайруллаев, Фурур.

ЧАЛКАШ 1 Чигаллашиб кетган; айқаш-уйқаш, бетартиб. Чалкаш ил. Чалкаш ёғочлар.

2 кўча Англашилишни қийин; чигал. У [Заргаров] энди қандайдир чалкаш, мавҳум руҳий қийноқлардан қутулгандек. тиниқ ўй сура бошлаган эди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. У ўзининг чалкаш қисмати қизининг ҳам бошига тушишини хоҳламади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ЧАЛКАШЛИК Ноаниқлик; чигаллик; хато. Чалкашликка йўл қўймоқ. Чалкашликни бартараф қилмоқ. ■ Фурқатнинг ўз сўзларида ҳам баъзи чалкашликлар бор. Газетадан.

ЧАЛКАШМОҚ 1 Бетартиб равишда бир-бирига ўралмоқ; чигаллашиб кетмоқ. Чалкашган сим. ■ Чалкашиб ётган наъматак, ёввойи жийдалар ҳиссиётларингизни қитиқлайди. «Шарқ юлдузи».

2 Тушуниб бўлмайдиган ҳолга келмоқ. Менимча, болалар бўлимидаги ишлар чал-

кашиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетганга ўхшайди. «Муштум».

3 кам қўл. айн. **ЧАЛИШМОҚ 2**. Нима бўлди-ю, Мели полвоннинг оёқлари чалкашиб кетиб, пахта тўлдирилган қондай лапанглаб йиқилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧАЛКАШТИРМОҚ 1 Чалкашмоқ фл орт. н. Симларни чалкаштирмоқ.

2 кўча Чувалаштирмоқ, чигаллаштирмоқ. Бир-бирини инкор қилувчи гаплар Бобурнинг хаёллари чалкаштириб юборди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Адаштирмоқ, янглиштирмоқ. Нега уни мен билан чалкаштиришади, қани айт-чи, ўхшашлигимиз бўлмаса? А. Мухтор, Чинор.

4 кам қўл. айн. **ЧАЛИШТИРМОҚ**. Оёқларни чалкаштириб ўтириш японлар учун бета-каллуфлик ҳисобланади. Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ЧАЛКАШ-ЧУЛКАШ Бош-кеди йўқ, жуда чалкаш, чигал. Чалкаш-чулкаш маълумотлар.

ЧАЛМА 1 1 Қўй-эчки оёғи остида тўпланиб, қатлам ҳосил қилган гўнг. Абдусамад эрталабдан кун қиёмга етгунча пишиллаб чалма чопди. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

2 Мол гўнгидан катта чамбарак қолипга солиб ясалган ёқилғи. Чалма қуймоқ. ■ Саккиз гектар чиқадиған ўрикзорга қараш, баҳор аёзларида чалма тутатиш Омоннинг бўйида эди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ЧАЛМА 2 шв. айн. **САЛЛА 1**. [Қори] Чопонининг устидан чакмонини кийди, бошини чалмаси билан танғиди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЧАЛМА 3 Дўппи, тўн ва ш.к. нинг четига тутиладиган энсиз жияк. Дўппи чалмаси. Тўн чалмаси.

ЧАЛМАК махс. Чархнинг дук ўрнатиладиган айрисимон қисми.

ЧАЛМАШМОҚ шв. қ. **ЧАЛИШМОҚ 2**. Мирвали тоға.. кетига тисарилиб бораркан, оёғи чалмашиб йиқилди. «Шарқ юлдузи».

ЧАЛМАҚОВОҚ бот. Ошқовоқнинг салласимон бир тури.

ЧАЛМОҚ 1 1 Мусиқа асбобида бирор куй, оҳанг ижро этмоқ. Ногорачи йигит уста экан! Шундай берилиб, шундай терга ботиб чалдики, осмон пардасини йиртиб юборгудай бўлди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Садо, овоз чиқарадиган, сигнал берадиган асбобларни ишга солмоқ. *Қўнғироқ чалмоқ. Гудок чалмоқ. Ут ўчириш машинаси устма-уст сигнал чалди.*

3 Бирор аъзо воситасида товуш, садо, овоз чиқармоқ (одам ҳақида). *Шер чапак чаламан деб, қўлидан кўкчани тушириб юборишига сал қолди. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. Ашур икки бармоғини оғзига тиқиб, хуштак чалди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

4 Садо, овоз чиқармоқ (жонсиз нарсалар ҳақида). *Мен борай, куртаклар кутиб қолдилар.. Мен борай, шамоллар хуштак чалдилар. «Ёшлик». Еллар чалган чапакдан Новдалар ухлар қониб. «Ёшлик».*

Чапак чалиб қолмоқ қ. чапак. **Қорни ноғора чалган** ҳазил Қорни оч киши ҳақида. *Пулим йўқ, қорним ноғора чалган, дейдиганларга гоҳ бир сўм-ярим сўм чойчақа ташлаб ўтишади. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.*

ЧАЛМОҚ II 1 Бировнинг оёғини ўз оёғи билан илиб, тепиб, уни йиқитмоқ ёки гандираклатмоқ. *Зарина эпчилик билан Сипарангизни чалиб, уни йиқитиб юборди. М. Осим, Карвон йўларида.*

2 *кўчма* Халал бермоқ; зарар етказмоқ. *Биламан, бари ишни ўша қилипти, менга ўчакишган, қадамда чалмоқчи бўлади. «Ёшлик».*

3 шв. Кесмоқ, қирқмоқ, йиқмоқ. *Қирқ жаллод хунарини бошлади, Ким кўндаланг бўлса, чалиб ташлади. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Индамай ўроқ чалавердим. «Ёшлик».*

Гап билан чалмоқ Гап билан узиб олмоқ. *Пайти келганда, Микола илмоқдор қилиб, гап билан чалиб ташлар эди. С. Анорбоев, Дўстлар. Жин (ёки ажина, арвоҳ, дев) чалди с.т.* Асаб касаллиги туфайли оғзи, юзи қийшайиб қолган, дардга чалинган кишига нисбатан айтиладиган ибора. *Ажиналар тепага яқинлашган одамни чалиб, кўзини гилай, оғзини қийшиқ, оёғини шол қилиб ташлаган эмиш. А. Кўчимов, Халқа. Касал (ёки дард) чалди* Касалга йўлиқди, касал бўлди. *Ўзи ўлимдан қолди, худо раҳм қилди. Мана энди қизини дард чалди. А. Мухтор, Опасингиллар.*

ЧАЛМОҚ III 1 шв. Ўрамоқ, боғламоқ; тақмоқ. *Ўнг қўлини тўлғаб олиб, Бошга рўмолини чалиб.. «Нурали». [Авазхон:] Майдон кунни бедовимни елайн, Олмос, пўлат*

қайраб, белга чалайин. «Гулшанбоғ». Гурўғли шамишин белига чалди. «Гулшанбоғ».

2 шв. Қопламоқ, ўрамоқ. *Хут кирганда, тоғни туман чалади. «Гулшанбоғ».*

3 Қормоқ, аралаштирмоқ. *Тухум чалмоқ. ■ Жаннат хола шовшиб, ун чалиб, қуймоқ қилди. С. Аҳмад, Уфқ.*

4 Наридан-бери, чала-чулпа супурмоқ. *У уйни супурги билан чалиб чиқди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

ЧАЛОБ шв. Сузма ёки қатикдан тайёрланган чанқовбосди ичимлик. ■ *—Ўтиринг, чалоб ичасизми? — деди Инод. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча. Тайёр чалоб истеъмолдан олдин советиладди ёки муз солинади. «ЎЗМЭ». Шаймон чол эндигина сомондан қайтиб, айвонда чалоб ичиб ўтирарди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.*

ЧАЛОВ Галладошларга мансуб, қирадирларда ўсадиган, ем-хашак бўладиган кўп йиллик ёввойи ўсимлик. *Сарҳовуз бети ни чалов босган. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

ЧАЛН тақл. с. Овқат чайнаганда, лой кечганда чиқадиган ва ш.к. товушлар ҳақида. *Чалп этиб лойга тушмоқ.*

ЧАЛПАК I шв. Хамирни юпқа ёйиб, ёгда пишириладиган егулик. *—Эсимдан чиқибди, — дейди кампир. — Майлига, мен ўзим ўнта чалпак пишириб, чироқ ёқаман. М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.*

2 Ўрик, олча ва ш.к. хўл мевалар шинисидан ёйиб қуритилган ширинлик.

Чалпак бўлмоқ ёки чалипак(дек) бўлиб тушмоқ Йиқилиб узала тушмоқ, чалқанчасига йиқилмоқ; чалқанча ётмоқ. *Жим бўл-э, бир урса, чалпак бўлиб тушасан-у, кекирдак чўзишингни қара! З. Фатхуллин, Обихаёт. Юзларини офтобдан яшириб, чалпак бўлиб ётиб қолдилар. М. Мансуров, Ёмби. Чалпак қилмоқ* Иккала қўл ва оёғидан ушлаб чўзилтириб кўтармоқ. *Тез юр! Фиринг десанг, чалпак қиламиз. Ойбек, Болалик.*

ЧАЛПИМОҚ Бировни ёмонлаб гапирмоқ, ғийбат қилмоқ. *Айниқса, фронтовикнинг хотинини чалпишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. У ҳар кунни самоварга чиқиб.. ҳадеб янги раисни чалпийди. С. Аҳмад, Ҳодивой. [Шикар] Аламига чидолмай, Зеби бечорани куракда турмайдиган сўзлар билан чалпиди-ю, жўнаб қолди. Ҳ. Назир, Кўктерақ шабаласи.*

ЧАЛП-ЧАЛП Чалп с. тагр. „лабини чалп-чалп қилиб ялаб қўйди Мулла Мамасолиҳ. Н. Максудий, Лайлатулқадр.

ЧАЛП-ЧУЛП айн. чалп-чалп. Чалп-чулп лой кечмоқ.

ЧАЛЧАЙМОҚ Ялпайиб ётмоқ. Бировнинг олдида узала тушиб, чалчайиб ётиш шармандалик-да! Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ЧАЛЧИҚ Балчик; ифлос, лойқа сув. Чалчиқ ерда туя юрса тояди. «Юсуф ва Аҳмад».

ЧАЛҚА: чалқа тушмоқ Орқани ерга бериб, чўзилиб ётмоқ, чалқанча тушиб ётмоқ. Ўлик солдат чалқа тушиб ётибди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЧАЛҚАЙМОҚ шв. Орқага эгилмоқ; бошни орқага ташламоқ. Бизни кўрди-ю, тоға қўлларига суяниб чалқайди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЧАЛҚАМЧА с. т. Чалқанча(сига). Турсунбой қовжираб қолган ариқча чалқамча ётиб, осмонга тикилди. С. Аҳмад, Уфқ.

ЧАЛҚАНЧА(СИГА) рвш. Орқани ерга бериб, чўзилиб, осмонга қараб. Бобом кўлмакда чалқанча ётар, инграр эди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. У чалқанчасига сўзди. «Ёшлик».

ЧАЛҚИМОҚ шв. Чайқалмоқ, тебранмоқ. Сув келар тўлиб, чалқиб, Бетида ойи балқиб. «Тоҳир ва Зухра».

ЧАЛҒИ Узун дастали катта ўроқ. Чол пичан ғарами олдида чалғи чархлар эди. «Шарқ юлдузи».

ЧАЛҒИМОҚ Бирор нарсага алаҳсиб, асосий иш, мавзу ва ш.к. ни унутмоқ ёки улардан четга чиқмоқ; адашмоқ. Олтишинчи йилнинг кузида чет элда юрганида, недир бир қизик томошага чалғиб, самолётга кечикди. М. М. Дўст, Лолазор. Йўқ, бекачим.. Мен шунчаки чалғидим гапдан. А. Орипов.

ЧАЛҒИТ Ола-була (от туси ҳақида).

ЧАЛҒИТМОҚ 1 Чалғимоқ фл. орт. н. [Аҳмад] Иш ҳақида ўйламаслик учун ўзини бошқа нарсаларга чалғитишга уриниб кўрди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

2 Эътиборини бошқа нарсага тортиб алдамоқ; нотўғри фикр пайдо қилмоқ. Бундайлар унча-мунча терговчини чалғитиши, унча-мунча юристни ҳуқуқ бобида мот қилиб қўйишлари ҳам мумкин. «Ёшлик».

Ғапни чалғитмоқ Суҳбат мавзусини четга бурмоқ. Аҳмад бригадир ғапни атайлаб

чалғитаётганини Нусратбек сезд. С. Нуров, Нарвон.

ЧАЛҒИЧИ Чалғи билан ўт ўрувчи; ўроқчи.

ЧАМА 1 Ўлчов, меъёр. Ҳар бир ишнинг чамаси бор, Ҳар дарёнинг кемаси бор. Мақол.

2 Мўлжал, тахмин. Чамада соат уч бўлди. Чамангда шу қовун неча кило келади? ■ Уларнинг [одамларнинг] чамаларича, бу ерларда иш ҳали уч-тўрт кунга етиб ортарди. «Шарқ юлдузи».

3 мод. с. Менинг фикримча: шекилли. Чамада, қиз ўша томонга бурилиб ўтиришни истарди. «Ёшлик». Лайло менинг келишимдан ҳайрон бўлди, чамада. М. Қориев, Ойдин кечалар.

Чама сон тлш. Чама, тахмин билдирувчи сон. Чама сон билан аниқлаш эса илмий информациянинг характериға умуман мос келмайди. «ЎТА». **Чамага келтирмоқ** ёки **чама олмоқ** Пайт пойлаб туриб амалга оширмоқ, қилмоқ. Али полвон билан бел олишдим! Хумпар курашнинг ҳадисини ҳўп олган экан. Мени бир неча вақт айлантириб юрди, сўнг-ра чамага келтириб, ёнбошига олмоқчи ва ерга урмоқчи бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧАМАДОН [ф. چامە — кийим + دان — идиш маъносини билдирувчи қўшимча: кийимдон, кийим қутиси] Одатда, сафарга чиқканда керак бўладиган буюмлар солинадиган қут. Латофат эрталаб шошиб қолмаслик учун кийим-кечакларини, харид қилган совғаларини чамадонига жойлаштира бошлади. Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ЧАМАЛАМОҚ 1 Чама билан аниқламоқ, чама қилмоқ, мўлжалламоқ; тахминлаб кўрмоқ. У қайиққача бўлган масофани чамалаб, икки юз қулочдан кам эмаслигига кўзи етди. «Ёшлик». Даллол қувониб, эшагига минди-да, соясига қараб, вақтни чамалади. «Ёшлик».

2 Ўйлаб, мўлжал қилиб, режалаштириб қўймоқ, белгилаб олмоқ, кўзламоқ. [Ола-хўжа] Тўйга катта тайёргарлик кўрди.. Камида икки кун юртга ош тортишни чамалади. П. Турсун, Ўқитувчи. Миёда бир нарсани чамалаб юрган эдим, шуни қоғозга туширишига жазм қилдим. «Муштум».

ЧАМАЛИ Чамасидаги, чамасида бўлган. Зайнаб Кумушнинг тўлиб етмаган гавдаси ва ўн олти ёшлар чамали, ғубор тегмаган

хуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишдан қўрқди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ЧАМАН [ф. چمن — ўтлоқ; гулзор; сайилгоҳ] Гул кўп жой; гулзор, чаманзор, гулшан. Булбул чаманин севар, одам — ватанин. Мақол. ■ Куз шомоли кириб чаманга, Ахтаради гуллар атрини.. Уйғун.

Чаман бўлиб очилмоқ Қийғос очилмоқ (гул ҳақида). Митти чигит уруғи ер бағрида ниш уриб, чаман бўлиб очилгунга қадар қанчадан-қанча меҳнат ва ҳаракатни тақозо этади. Газетадан.

ЧАМАНДАГУЛ Тўпгул бўлиб очиладиган, гуллари оқ, қизил, пушти, сарик, бинафшаранг ўтсимон ўсимлик. Чамандагул хонадонларда, кўп қаватли уйлар балконида, парк ва хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. «ЎЗМЭ».

Чамандагул дўппи Дўппининг сергул қилиб, гулзорга, чамандагулга ўхшатиб тикилган нусхаси. Сочимни иккита қилиб ўриб, чамандагул дўппимни бошимга илдим. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧАМАНЗОР [ф. چمنزار — гулзор; кўкаламзор] Гулзор, гулхона; гулшан. Тонгда кирдим чаманзоримга, Барглар билан ел ўйнар майин. Миртемир..

ЧАМАСИ 1 рвш. Тахминан шу миқдорга тенг. Орадан ярим соат чамаси вақт ўтган эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Зайнаб эгачиси Хушрўйдан етти ёш чамаси кичик эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Танк мендан уч-тўрт юз метр чамаси нарида аланга олди. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 мод. с. Афғидан. Чамаси, Азизбек осонлик билан жон берадиган кўринмайдир. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ЧАМАСИДА рвш. қ. **чамаси 1.** Эркак қирқ ёшлар чамасида, оқ-сариқдан келган, хомсемиз одам эди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

ЧАМАСИДАГИ қ. **чамаси 1.** Машинадан эллик ёшлар чамасидаги чуваккина малла бир одам тушиб келди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ЧАМБАР [ф. چنبر — доира, ҳалқа; ўмров суяги] Филдирак, доира шаклидаги нарса, доира. Руль чамбари. ■ Даштда бугдой ўради Сочи чамбар қизлар-эй. «Шарқ юлдузи».

ЧАМБАРАК [ф. چنبرک — айланма, ҳалқа; кампирак (самоварда)] **1** от Коса, товоқ ва ш.к. га нарса солиб осиб қўйиш

учун симдан, новладан ва эгилувчан материаллардан ясалган ҳалқа. Кечқурун соғилган сутни докада сузиб олинади ва махсус сопол идишга қўйиб, чамбаракка осиб, салқин жойга олиб. қўйилади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 сфт. Филдирак, доира шаклидаги; доиравий. Чойхоначи.. кўкқарга шойи чорсини чамбарак қилиб танғиган Зулун Чайирга им қоқди. Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

Дўпписи чамбарак айн. дўпписи яримта қ. дўппи. Паноҳингизда дўппини чамбарак қилиб юрибмиз, хўжайин, сизга ҳар қанча одамгарчилик қилсак арзийди. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ЧАМБАРЛАМОҚ Чамбарчас қилиб, ўраб-чирмаб боғламоқ. Сигирнинг арқонини қозиққа чамбарлаб қўйдим.

ЧАМБАРЧАС [ф. چنبرچسپ — чамбар бўлиб ёпишган, бириккан] **1** рвш. Ечилиб кетмайдиган қилиб, чирмаб, мустаҳкамлаб. Абдибиллолни йиқитиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган арқон билан қўл-оёғини чамбарчас боғлаб ташлашди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 кўча Узвий, мустаҳкам, гипс (алоқа, боғланиш ҳақида). Туғилажак боланинг соғлиги ҳомиладор аёл саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ. «Саодат».

ЧАН [р. чан < қад.р. дилчани — ёғоч, тахтадан қилинган] Суюқлик сақланадиган, темир белбоғлар билан маҳкамланган катта ёғоч идиш; ём. Вино солинадиган чан. Тери ишланадиган чан.

ЧАНА [қад. р. сани — илон; жағ] Кишда қор, муз қоплаган йўлда сирпаниб юрадиган чанғили аравача. Чанада учмоқ. Чана спорти. ■ ..девор тағидаги тепаликда болакайлар чанада учишарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол.

ЧАНГ 1 I Майда зарра, кукун ҳолидаги тупроқ ёки бошқа моддалар; гард, тўзон. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас. Мақол. ■ Шоён меҳнатининг нишонаси бу — Қора қошларингга қўнган чанг, ғубор. А. Орипов. Тўхта хола.. юз-кўзига кўча чанги ёпишаётганини ҳам пайқамас эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Чанг босмоқ Қалин чанг билан қопланмоқ (узоқ вақт ишлатилмай ётган нарса ҳақида). Телевизор, приёмникни чанг босиб

ётарди. Т. Ашуров, Оқ от. **Чанг кутармоқ** (ёки **чиқармоқ**) Бекорга галва ёки шов-шув кутармоқ. **Чанг кундирмаслик** (ёки **юктирмаслик**) 1) гард, доғ тегизмаслик, озода тутиш. У кийимига чанг кундирмайди; 2) кўчма ўзига, номига доғ туширмаслик, гап тегизмаслик. **Ҳақимбойвачча** илондай тўлғанди.. у ўзининг ва оила аъзоларининг устига чанг кундиришни истамас, оиласи билан ҳеч қандай оилани тенглаштирмас эди. Ойбек, Танланган асарлар. **Чангини чиқармоқ** с. т. 1) тез тамом қилмоқ; пок-покиза туширмоқ, еб юбормоқ, еб ташламоқ. Боқижан бутун гавдаси билан лаганга ташланди. Ота ва ўғил, гўё баҳслашгандай, паловнинг чангини чиқаришди. Ойбек, О. в. шабадалар; 2) тўзитиб юбормоқ, дабдала қилиб ташламоқ. **Ҳасратидан чанг чиқади** Ҳасрати кўп, ҳасрати сира тугамайди. Махсум.. Кўчқорнинг мусулмони комил бандаларга кўп озор бераётганини гапириб, ҳасратидан чанг чиқди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 сф. Чанг кўнган; ғуборли. [Заргаров] Хона ўртасида сал букчайганича туриб, чанг этиги билан оғир одимлаб чиқиб кетган қурувчининг бесўнақай гавдасини ҳорғин.. кузатиб қолди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. Арава чанг қишлоқ йўлидан чиқиб, катта тош йўлга тушиб олди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 бот. Ўсимликларнинг эркак жинсий хужайралари. Ашир Ҳаққулов заргарларга хос диққат билан бир гулнинг чангини мўйичина билан олиб, иккинчи бир гулни чанглаётган экан. С. Нуоров, Нарвон.

ЧАНГ II [ф. چنگ — торли мусиқа асбоби] 1 Қутисимон трапеция ёки ёй шаклидаги, сим торлар тортилган, тирнама ёки қўш чўп билан уриб чалинадиган жарангдор чолғу асбоби.. Чанг — ўзбек халқ чолғу асбоблари орасида энг кўп торлиси ҳисобланади. Газетадан.

2 Лабга қўйиб, пўлат тилини бармоқ билан туртиб, нафас билан чалинадиган кичик чолғу асбоби; чанговуз.

3 с. т. айн. энл III.

ЧАНГ III [ф. چنگ — панжа, тирноқ; чангал; бармоқлар букилган кафт] Панжа; чангал. Қочиб қутулган-ман (қутулган билан) қайда борасан, Ахири чангимда сен ҳам ўласан. «Маликаи айёр».

Чанг солимоқ 1) чангал билан ушламоқ, тутмоқ; чангал солиб ҳужум қилмоқ. — *Башаранг курсин!* — Саида бирдан юзимга чанг солди. «Ёшлик»; 2) кўчма тажовуз қилмоқ, қасд қилмоқ. *Билмайман, қайси кун, қайси дамдадир Менинг қисматимга чанг солди сайёд.* А. Орипов.

ЧАНГАК [ф. چنگا — илмоқ, илгак] Бирор нарса илиш учун ёғоч, темир ва ш.к. дан ясалган панжали илмоқ; илгак. Чангакда осилиб турган челақдан бир чўмич сув олиб ичди. «Ёшлик». [Қассов] Чангакдаги гўштларию қаладондаги нулларины ёнидаги чойхоначига тайинлаб кетибди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Чангак бўлмоқ Тириниб, томирлари тортишиб қолмоқ, акашак бўлмоқ. *Йигитнинг қўл-оёқлари чангак бўлиб қотиб қолганди.* «Ёшлик».

ЧАНГАЛ I [ф. چنگال / چنگل — панжа, тирноқлар; илгак; панишаха] 1 Панжа, чанг. *Бургут чангали. Айиқ чангали.* ■ Бирдан Поиша хола чангалини ёзиб, *Йигиталига қаради.* Д. Нурий, Осмон устуну.

2 кўчма Исканжа. У дадасини ҳеч қачон бунчалик ғам ва изтироб чангалида кўрмаган эди. «Шарқ юлдузи».

3 Сиқимга сиғарли нарса, бир сиқим. Ёғочга қистириб қўйилган исирикдан бир чангал солиб чиқди. Ш. Холмирозев, Оғир тош кўчса.

Пул бўлса, чангалда шўрва қ. шўрва. **Чангал солимоқ** 1) айн. **чанг солимоқ** 1. *Лекин Тўравой [душман ўқиға] бургутдек чап берди ва бир сакраб, унинг бўғзига чангал солди.* Н. Сафаров, Оловли излар; 2) айн. **чанг солимоқ** 2. *Ҳа, лейтенант, уруш ҳамманинг бахтига чангал солди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. **Ўлим чангали** Ўлим хавфи, ўлим исканжаси. Мени ўлим чангалидан суғуриб олган офицернинг ким эканлигини сўраб билиб олмаганлигим учун ўзимни кечира олмайман. Н. Сафаров, Оловли излар.

ЧАНГАЛ II [ф. چنگل — ўрмон, дарахтзор] 1 Тиканли буталар, ўсимликлар. *Янтоқ ёғ ўрнини босмас, Чангал — боғ.* Мақол. ■ *Улар чанга бурилиб, ўт босган катта ариқдан йигирма-ўттиз қадам юргач, тўп-тўп чангал бошланди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 айн. **чангалзор.** [Йўлбарс] Мангу қочар, қочар тоғлардан, Ўрмонлардан, чангал, тўқайдан. Ш. Раҳмон.

ЧАНГАЛЗОР [ф. چنگلزار — дарахтлар кўп жой] Чангал қўплаган майдон, бутазор. *Бир қуни тулкибой чангалзорда овқат қидириб юриб, бир ангишвона топиб олибди.* «Эртақлар».

ЧАНГАЛЛАМОҚ 1 Беш панжа билан, тирноқларни ишга солиб, сиқиб ушламоқ, қўл билан маҳкам сиқимламоқ. *Бургут қуш-ни чангаллади.* ■ *Бу мунг шу қадар оғир эдики, Мирвали икки панжаси билан кўрагини чангаллаб туриб, бир оҳ урди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Йигиталининг оғидан куч кетди. Лекин билак томирлари бўртиб, сим арқонни маҳкам чангаллаб олди.* Д. Нурий, Осмон устун.

2 кўча Кучли хуруж билан тутмоқ, сиқмоқ (дард, оғриқ ҳақида). *Азимий шу хилда «ватанпарварлик» қилиб ўтириб, бирдан қорни чангаллаб оғриб қолди.* «Мунгум».

Ер чангалламоқ Парчин бўлиб йиқилмоқ, ер тишлаб қолмоқ. [Султонов] *Ичидан хўрлиги келиб, ер чангаллаб қолди.* М. Мансуров, Ёмби.

ЧАНГДОН бот. Гулнинг чанг, яъни эркак жинсий ҳужайралари пайдо бўладиган тепа қисми; чангчининг асосий қисми.

ЧАНГИМОҚ 1 Чанг, тўзон ҳолида қўтарилмоқ. *Куча чангиб кетди.* ■ *Бир қиёмат-қойим бўлди, ҳамма ёқда тупроқ чангиб.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 Чанг босмоқ, чангга тўлмоқ. *Азимжон.. чангиб кетган этиги, уст-бошига ўнғайсизланиб қаради.* А. Мухтор, Чинор.

ЧАНГИТИШ 1 Чангитмоқ фл. ҳар. н. Бу тирранчаларни ўқитиб мулла қилмасангиз, кўча чангитишдан бошқани билмай қола беради. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 қ.х. Зарарли ҳашаротларни йўқотиш мақсадида ўсимликларга ёки тупроққа чангиткичлар ёрдамида кукунсимон заҳарли моддаларни сепиш.

ЧАНГИТКИЧ қ.х. Дала экинлари, боғ, токзорларда дефолиация қилиш ва чангсимон моддалар сепиш учун мўлжалланган, тракторга ўрнатиб ёки елкага осиб ишлатиладиган машина. *Чангиткичнинг иш органлари тракторнинг қувват олиш валидан ҳаракатланади.* «ЎЗМЭ».

ЧАНГИТМОҚ Чангимоқ фл. орт. н. Чангитиб уй сугурмоқ. ■ *Аравакаш чангитиб ер тепинди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

Машина тупроқли йўлни чангитиб, илгари кетди. М. Ҳазратқулов, Журбат.

Чангитиб сўкмоқ дағл. Болхоноадор қилиб сўкмоқ, қаттиқ ҳақорат қилмоқ. *Саттор аввал хотинининг авлодини чангитиб сўкди, кейин.. қайнонасининг гўрига ҳам фишт қалаб, ўрндан туриб кетди.* А. Мухтор, Қумуш тола.

ЧАНГЛАГИЧ 1 бот. Ўсимликларнинг четдан чангланишига ёрдам берувчи воситалар (ҳашаротлар, шамол ва ш.к. ҳақида).

2 айн. чангиткич.

ЧАНГЛАМОҚ 1 айн. чангитиш **2.** Ёза битларини йўқ қилишда баъзан қуруқ дори-ни чанглаш усули қўлланади.

2 Гулларнинг эркак ва ургочи жинсий ҳужайраларини биридан иккинчисига ўтказмоқ. *Асаларишар гулдан гулга қўниш билан ўсимликларни четдан чанглайдилар.* «Зоология».

ЧАНГЛАНИШ Ўсимликларда: чангларнинг уруғчи тумшукчасига ёки уруғ куртакка тушиши. *Четдан чангланишда бир гулнинг чангдонидagi чанглар иккинчи гул уруғчиси тумшукчасига, ўзидан чангланишда чанглар шу гул уруғчиси тумшукчасига тушади.* «ЎЗМЭ».

ЧАНГЛАНМОҚ 1 Чангламоқ фл. мажҳ. н. Чангланган гўзалар.

2 Чангламоқ 2 фл. ўзл. н. Ўсимликларнинг табиий ва сунъий йўллар билан чангланиши.

ЧАНГЛОВЧИ 1 Чангламоқ фл. сфдш.

2 айн. чанглагич **1.**

ЧАНГОВУЗ шв. айн. чанг II **2.** *Нукра тили чанговузни Бол оғзинга тутиб юр.* «Қўшиқлар».

ЧАНГСИМОН Чанг-тўзонга ўхшаш, чанг ҳолидаги. *Ушалган ой далани совуқ, хира, қандайдир чангсимон нур билан қоплаган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ЧАНГ-ТУПРОҚ Тупроқ аралаш чанг, чанг ва тупроқ. [Қурбон] *Болалигида пода орқасидан юриб, чанг-тупроққа беланиб, супада тошдек қотиб ухларди.* С. Нуров, Нарвон.

Чанг-тупроқ яламоқ Чанг-тупроққа ботиб ишламоқ, меҳнат қилмоқ. *Йўлчи ёзда ёниб, чанг-тупроқ ялаб, бутун оғриқларга қарамасдан, жонкашлик билан ишлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАНГ-ТЎЗОН Чанг ва тўзон, шамол аралаш кўтарилган ҳар хил гард ва зарра-

лар. Кечга томон бир зумда чанг-тўзон, куюн кўтарилди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ЧАНГЧИ I Чанг чалувчи созанда. Уста Рўзиматхон моҳир чангчи ҳам эди. «Гулистон».

ЧАНГЧИ II бот. Ўсимлик гулининг чангдон ва эркак жинсий ипдан иборат асосий қисми. Чангчининг яшаш хусусияти ҳар хил ўсимлик турларида турлича. «ЎЗМЭ».

ЧАНГ-ЧУНГ Ҳар хил чанг, тупроқ, гард. [Мастон] Уст-боши чанг-чунг.. кўзлари ҳорғин. О. Ёкубов, Излайман.

ЧАНГ-ГУБОР Чанг ва губор, чанг ва тўзон. Чанг-губорда одам кўрмай бир-бирин, Тоғнинг ичи ётар дуд бўлиб тутаб. Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ЧАНДИМОҚ I Маҳкам сириб боғламоқ, сириб қўймоқ. Бузоқни олмага қапиштириб, чандиб боғладим. «Ёшлик».

2 шв. Чатмоқ, чашиб уламоқ, бириктирмоқ. Уларнинг ишораси билан икки сарбоз оғзи каноп билан чандилган қопни олиб келиб, ҳалиги кишиларнинг оёғи остига ташлади. С. Кароматов, Бир томчи қон.

3 Кимса тўғрисида гапирмоқ, ғийбат қилмоқ. Сидиқжон бу одамлар иш вақтида ҳам шундай беғам, хушчақчақ, бир-бирини чандиб, кунни билинтирмасдан ўтказишди, деб ўйлаган экан. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироқлари.

4 Бир-бирини гап билан олмоқ, аския қилмоқ. -Кечқурун.. чойхонада яна гурунгимиз чўзилди.. Биттаси Йўлдошжоннинг ялқовлигини чандиб, аския бошласа, иккинчиси Зулфиянинг чечанлигини мақтади, — деди Пулат. Файратий, Менинг ёшлигим.

ЧАНДИР I Гуштнинг қаттиқ пай қисми. Гушт ўрнида чандир чайнашга кимнинг тоқати бор дейсиз. Газетадан.

2 кўчма Қотма, пишиқ, чайир. Чандир одам. ■ Бир-икки чайқалиб, гул пайкали устига узаласига йиқилиб тушди. Чандир қўлари тупроқни чангаллади. «Муштум».

ЧАНДИШ I Чандимоқ фл. ҳар. н. Арқон билан чандиш.

2 Бир-бирини гап билан олиш, аскиянинг бир тури. Чиндан ҳам чандишларда ҳазил элементи бор. «ЎТА».

ЧАНДИҚ I от Битган яранинг ўрни, изи. [Ошнинг] Ранги баттар заҳил тортибди, ёноғидаги чандиқ билинмай кетибди — усти-

дан чуқур бир ажин тушибди. М. М. Дўст, Лолазор.

2 сфм. Чандиқли, чандиғи бор. Қаландар чандиқ пешонасини силаб, унга бир зум тиқилиб қолди. О. Ёкубов, Кўҳна дунё.

ЧАНДИҚЛИ Чандиғи бўлган, чандиғи бор. Темиртош чап юзи чандиқли, бир кўзи кўр, бадқовоқ, камгап бир аскар ҳамроҳлигида йўлга чиқди. М. Осим, Ўтрор.

ЧАНДОЗА шв. Ёнга боғлаб олиб юриладиган ҳамён. [Болта аравакашнинг] Ёнида катта пичоқ, танга, қоғоз соладиган.. чандоза К. Яшин, Ҳамза.

ЧАНДОН [ф. چندان — шунча, шунчалик; қанчалик] рвш. 1 Марта, карра, мартаба. Бу уй «Тешиққалъа»дан ўн чандон яхши. Ж. Шарипов, Хоразм. Ҳаваси минг чандон ошиб кетди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

2 рвш. Ҳар қанча, қанчалик. Мирзаев рақибининг оёғини ердан узишга чандон интилса ҳам, Ражаб солдатча чаптастлик қилди ва уни азот кўтариб қўйди. Ҳ. Назир, Маёқ сари. Бечора камтарлик қилишга, босиғу бамаъни гапиришга чандон уринди ҳамки, асло эппай олмади.. М. М. Дўст, Лолазор.

3 Астойдил; етарли даражада. Ойим совчиликка чандон киришганини билдим. Кечаси нон ёнди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Санъаткор Солиҳбой ролининг текстини чандон ўқиб, уни ёдлаб олган бўлса ҳам, қаноат ҳосил қилмади. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

4 Бўлишсизлик шаклидаги феъл билан келиб, «ҳеч ҳам, асло» деган маъноларни ифодалайди. Азиза онасидан Ёдгорнинг «бир қошиқ сув билан ютулик» қизни етаклаб юганини эшитганда, чандон ишонмаган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

ЧАНОҚ I Кўсакнинг ҳар бир хонаси. Ғузлар бўлиқ, ҳар битта чаноқ пиёладек бўлиб очилиб турибди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 Бош косаси, кўз косаси ва, умуман, косачасимон суяклар. Чаноқ суяги. ■ У [Баширжон].. эшигига калла чаноғи ҳамда илик суяги туширилган темир уйча панасига ўтди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Унинг [Аҳмадохуннинг] кўз соққалари чаноғидан чиқаёзганди. К. Яшин, Ҳамза.

3 Тегирмоннинг дўлидан дон тушиб турадиган тарновсимон қисми.

4 шв. Чиганоқ.

ЧАНҚАМОҚ I Сувга ташна бўлмоқ, сув-самоқ. Йигит ғоят чанқаган эди, чойни қу-

йиб, пуфлаб-пуфлаб ичди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўча Эҳтиёж, талаб сезмоқ; соғинмоқ, кўсмамоқ. *Чанқаб кутдим сени ёр, бир илтифотинг кўрмадим.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Ўзи ҳам дейман, Мирҳосил халқ ишига роса чанқаган экан-да!* Ҳ. Гулом, Машғал.

ЧАНҚАТМОҚ 1 **Чанқамоқ** 1 фл. орт. н. *Қаймоқ зўрлик қилиб, ўлғудай чанқатди.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

2 қ. х. Сувга ташна қилиб қўймоқ; сувсиратиб қўймоқ. *Ўзани чанқатиб суғормоқ. Чанқатиб қўйилган ғўза гуллари тўкиб юборади.*

ЧАНҚОВ 1 **Чанқамоқ** фл. ҳар. н.

2 Сувга ташналик, сувсаш. *Чанқовни босишга айниқса кўк чой яхши.* Газетадан.

3 кўча Ўта даражада хоҳлаш, ташналик. *-Ишга чанқовмиз-да, — деб жавоб берди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАНҚОВБОСДИ Чанқовни босувчи. *Чанқовбосди ичимликлар.* ■ *Чанқовбосди қовунларни эса овқатдан кейин сўямиз.* М. Мансуров, Ёмби. *Пештахтадаги чанқовбосди ичимликлар ва шарбатлар ассортименти қашшоқ.* Газетадан.

ЧАНҚОҚ 1 Сувга ташна, сувталаб, сувсаган; сувсираган. *Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқдир.* «Фан ва турмуш».

2 кўча Зор, ташна, муштоқ, интизор. *Қайдадир айтгандим, айтаман такрор: Чанқоқ туғилганман ҳақиқатга мен.* А. Мухтор. *Ёш, ишга чанқоқ ходим учун эрталабдан кечгача бекор ўтиришдан оғирроқ, азоблироқ нарса йўқ.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЧАНҚОҚЛИК Сувга ташналик; сувсираш. Айрим ҳолларда чанқоқлик тепадан бетиним тушиб турган бомбалар ва снарядлардан кўра кўпроқ тинкани қуришиб, жангчиларни ҳолдан тойдириб юборарди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЧАНҒАРОҚ Ўтовнинг устки қисмидаги туйнук чамбараги. *Ўтов чанғароғидан дастурхонга тафтли нур тушди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

Чанғароғи тушди (ёки **ўйнади**) Инқирозга учради, синди.

ЧАНҒИ Қорли жойлар, ботқоқ ерлар ва сув юзида таянч майдонни кенгайтириб, силжишни осонлаштирувчи, оёқларга маҳ-

камланувчи мослама. *Сув чанғиси. Туристлар чанғиси.* ■ *Ҳозир чанғиларнинг одимловчи ва сирғалувчи турлари мавжуд.* «ЎЗМЭ».

Чанғи спорти Сакраш, турли масофага югуриш, тоғ чанғиси ва биатлонни ўз ичига олган спорт тури. 1910 йилди *Халқаро чанғи спорти комиссияси тузилди ва чанғи спортининг қоидалари тасдиқланди.* «ЎЗМЭ».

ЧАНҒИЧИ Чанғида учувчи, чанғи отувчи, чанғи спорти билан шуғулланувчи одам. *Бу ерда чанғичиларнинг мусобақалари тез-тез ўтказиб турилади.* Газетадан.

ЧАП 1 [ф.  — сўл; сўл томон] 1 Гавданинг юрак жойлашган томонидаги; сўл. *Чап қўл. Чап елка.* ■ *Таажжубки, унинг чап оёғи увушгандек, ўнг қўлининг бармоқлари ҳам дир-дир титрарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Сўл томон; ўнг томоннинг қарама-қарши томони. *Аҳмад кўчанинг чап бетидан — сердарахт ва қоронғи йўлакдан юрди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 кўча Ўнг келмайдиган, тескари, нокулай. *-Йўл гарчи чапроқ бўлса ҳам, бу гал унча қийналмадим. Кечга яқин Донохонлар уйига етиб бордим, — деди Нафиса.* Файра-тий, Узоқдаги ёр.

4 кўча Муносабати яхши эмас (бирор кимса билан). *Мадаминжон қизлар билан чап бўлиб қолган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мирвали шу одам билан анчагина чап эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Бу орада нариги икковининг гапи яна чап тушиб қолди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Йўлни чап солимоқ Кўза ташланмаслик, чалғитиш мақсадида тўғри йўлдан юрмай, эгри, айланма йўлдан юрмоқ. *Ҳайдарали йўлни чап солиб, сўқмоқлардан юрди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. [Ҳимматали/Йўлни чап солган эди, у [Ҳимматхон] қувиб етди. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. **Чап бермоқ** 1) эпчиллик билан ўзини олиб қочмоқ. *Авазхон.. оёғини ерга тираб, абжирлик билан чап бериб, чап томондан қилиб солди.* «Маликаи айёр». *Автомат ўқиға чап берамиз-а, ammo офицернинг чўнтагида граната бўлса-чи?* Т. Рустамов, Мангу жасорат; 2) тутқич бермай, ўзини олиб қочиб юрмоқ. *Ишга чиқ, десам, чап беради, қачон қарасангиз, бозорнинг гули.* С. Маҳқамов, Дала тонги; 3) рўбарў бўлмасдан, бирор ҳолатдан ўзини асрашга ҳаракат қилмоқ.

Назаримда, Абдураззоқ ота кексаликка чап бериб, йил сайин кучига куч.. қўшилиб бораётгандай. Н. Сафаров, Оловли излар. [Яхшибоев:] Майли, ҳозирча ўлимга чап бериб юрибмиз, бундан кейин ҳам бирор ўн беш-йигирма йил мўлжалимиз бор.. М. М. Дўст. Лолазор. **Чап ёни** (ёки ёнбоши) билан турибди Кимсанинг омади юришмаган, иши чап-пасига кетган ёки серзарда бўлиб турган кун шундай дейилади. *Муҳаммад Расул ўз ичиди: «Бу кун бой чап ёни билан турган шекилли», деб анча вақтгача калласини осилтириб ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Чап ичакка ҳам юк бўлмайди** Жуда оз, овора бўлиб ейишга арзимайдди (овқат ҳақида). **Чап кўз билан қарамоқ** Бошқаларга нисбатан камситиб, эътиборсиз қарамоқ. *Колхозда ҳамма нарса бригадаларга барабар тақсимлансин. Раис бировга ўнг кўз, бировга чап кўз билан қарамасин.* Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. **Чап қўл айн. чап 2. Отақўзи чап қўлдаги эшикни очди.** О. Ёкубов, Диёнат.

ЧАП II айн. чалп.

ЧАПАК [ф. چپک — қарсак] Кафтларнинг бир-бирига урилиши ва ундан чиқадиган товуш; қарс, қарсак. *Гулдурос чапаклар.* ■ Суяққулнинг сўзи жуда қаттиқ чапак ва олқишлар билан қарши олинди. С. Айний, Қуллар.

Чапак чалиб қолмоқ Армонда қолмоқ, қуруқ қолмоқ. *Элмуроднинг.. юз ва кўзларида: «Ана, олиб кетди. Сен бекорга ўпкангни қўлтиқлаб юрибсан-да. Чапак чалиб қола-берасан», деган маъно ўйнади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧАПАКБОЗЛИК Чапаклар, қарсаклар билан ифодаланган севинч, мамнуният, хурсандлик; зўр олқишлар. *У.. мажлисларда сўзга чикса борми, одамлар «гапни қийворар эканми», деб қойил қолишар ва чапакбозлик бўлиб кетарди.* С. Анорбоев, Оксой.

ЧАПАНДОЗ [ф. چپانداز — чап қўлда ўқ отувчи; тескари; чапақай] 1 Ўзбек ва тожик муסיқасида мураккаб доира усули; талқин усулининг акси.

2 Шу номли доира усули жўрлигида ижро этиладиган мумтоз куй ва ашулалар. «Чапандози наво». «Чапандози Ирок».

ЧАПАН(И) [ф. چپانی — жулдур, увада кийинган; жулдурвоқи] Безоринамо, олифта, енгил-елпи ҳаётга ўрганган одам. *Мулла Наби чапани бир йигит бўлиб, кечаси*

билан бўзахоналарда, чойхоналарда санқиб юрар эди М. Муҳаммаджонов, Турмуш ури-нишлари. *Араббой қанча ўқиса ҳам, унинг қилиқ ва гапириши, юриш-туриши мактабда таълим кўрган кишини эмас, балки чапани аравакашни эслатиб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чойхонадан икки чапан йигит югуриб чиқиб.. чолга таъзим қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАПАНИЛАРЧА айн. **чапаничасига.** [Харитоновнинг] Гимнастёркасининг кўкраги чапаниларча очилган, кўзлари мастона сузилган. О. Ёкубов, Излайман.

ЧАПАНИЧА рвш. Чапани одамларга хос бўлган; чапани одамлардай. *Ашур чапанича хоҳолаб кулди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЧАПАНИЧАСИГА рвш. Чапани одамларга хос равишда, чапаниларча. *Назар тўшига гурсуллатиб урди-да, чапаничасига қийқиб юборди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЧАПАНЧА айн. **чапанича.** Бироқ, чапанча қилиб айтганда, «баданда одамгарчилик бўлиши зарур»га ўхшайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

ЧАПАРАСТА* [ф. چپاراست < چپاراست — чап ва ўнг; чапга ва ўнгга] рвш. Ўнг-сўл; ўнг-сўлга; ҳар тарафга; тартибсиз. *Одам тўлиб баланд-пастда, жўнаёттир чапараста.* «Алпомиш». *Чапараста ураётган қор кўз очиргани қўймас эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Чапараста қилмоқ Остин-устин қилмоқ, астар-пахтасини чиқармоқ. *Шоир шу кетишда тўғри бошлиқнинг олдига кириб бориб, чапараста қилиб сўқди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

ЧАПАТИ шв. Юпқа қатирма нон; лочира. *Эрталаб Аҳмад Хусайн бир пиёла чой ва бир бурда чапати билан наҳорлик қилиб, ўрнидан турди.* Ойбек, Нур қидириб.

ЧАПАҚАЙ 1 Иш-ҳаракатни асосан чап қўл билан қиладиган. *Чапақай одам.* ■ *Шавкат чапақай эди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Чапақайларда бош миянинг ўнг яримшари функцияси чап яримшарниқидан устун туради.* «ЎЗМЭ».

2 Чап оёқдан чиққан. *Чапақай ошиқ.*

3 Кўчма Ўнг келмайдиган, ноқулай, тескари, чап. *Чапақай йўл.*

Чапақай жаҳли чиқмоқ с.т. Астойдил жаҳли чиқмоқ, ғазаби ошмоқ, ғазабига олмақ. *Кампирнинг ҳам чапақай жаҳли чиқди.*

С. Аҳмад, Сайланма. Ака, ҳозир кайфим ошиб, чапақай жаҳлим чиқиб турибди. Уйғун, Хуррият.

ЧАПАҚАЙЛИК Ҳаракатларни бажаришда чап қўлнинг ишлатилиши; ирсиятга боғлиқ ҳолат.

ЧАПДАСТ [ф. چپ دست — чапақай; эпчил, абжир] 1 Чаққон, эпчил, уддабурон. Тилов бува Яхшибоев тегирмонга тушганда ҳам бутун чиққан, чандаст одам. Т. Тўла. *Файрат* Ҳакимдан кўз узмас, унинг эпчил, чандаст ҳаракатларини ҳавас билан кузатарди. М. Ҳазраткулов, Журъат.

2 Уста, моҳир. Унинг [Ғанининг] отабобоси новвой ўтгани учун ўзи нон ёпишга чандаст эди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ЧАПДАСТЛИК Чаққонлик, эпчиллик, абжирлик. ..дुकонда сочлари калта қирқилган бир йигитча чандастлик билан савдо қилади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Назиркул чандастлик билан отнинг жоловини тутди. С. Аҳмад, Уфқ. [Музаффар] От минганда, отнинг бели толгудек, Чандастлиги учар қушни олгудек. Я. Курбон.

ЧАПИЛЛАМОҚ «Чап-чап» овоз чиқармоқ; шапилламоқ. Кўл чапилар. Қайиқ биқинига тегиб қочар, кўпириб тўлқин. Х. Пўлат.

ЧАПИЛЛАТМОҚ 1 Чапилламоқ фл. орт. н. Қодир қалин лабларини чапиллатиб, нонни узоқ чайнади. Э. Усмонов, Ёлқин.

2 Сувни кечиб ўтиш, сузиш каби ҳаракатларда чапиллаган овоз чиқармоқ. [Бектемир] Қиялик остидан қўлмак сувни чапиллатиб кечиб ўтди-да, юқорига тирмашиди. Ойбек, Куёш қораймас.

ЧАПИМОҚ 1 Чаплаб ёпиштирмоқ. Башарасига бўёқ чапиб, грим қилмоқ.

2 Чапиқ қилмоқ, қора сувоқ қилмоқ. Маҳкам ака деворнинг ёриқларини чапиш билан овора. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ЧАПИШТИРМОҚ Иссиқ сув билан совуқ сувни аралаштириб, илиқ ҳолга келтирмоқ. Меҳриниса икки челаққа сув чапиштириб, уйга олиб кирди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЧАПИҚ Қора сувоқ, дастлабки сувоқ. Чапиқ қилмоқ. Девор чапиғи текис чиқибди.

ЧАПЛАМОҚ 1 1 айн. чапимоқ 1. Онаси уни қўмилитирадиган бўлса, эрталабдан бошига қатиқ чаплаб қўярди. С. Аҳмад, Сайланма.

2 Кафтига олиб уриб ёпиштирмоқ. ..йигит молхона деворига лой чаплай туриб, қайлиғига ўтли-ўтли қараб қўяди. «Ёшлик».

ҚОРА БҮЁЁҚ (ёки лой, қора, қоракуя) **ЧАПЛАМОҚ** Ўта ёмон қилиб кўрсатмоқ, салбий баҳо бермоқ. *Ўртоқ Парпиева* жиззакилик қилиб, авторларни қаттиқ нишонга олган, уларга қора бўёқларни чаплаб ташлаганлар. «Муштум». Отамурод чуқур тин олди: худо берди унга. Бошланди энди. *Роса* дийдиёсини айтадиган бўлди. *Тоза қора чаплайди*. М. Мансуров, Ёмби. *Танқид қилишга ҳаммамиз ҳам уста*. Кимёнинг юзига қоракуя чаплаш ҳам инсофдан эмас. С. Нуров, Нарвон. *Танқидни тош отиш, қора суртиш, лой чаплаш деб тушунмаслик керак*. Газетадан.

ЧАПЛАМОҚ II Чап томонидан ёки чап бериб ўтмоқ. [Отабек] Иккинчи бекатдан йўлни чаплаб, Тошқоқ дарвозаси орқали яна қайтиб Марғилонга кирган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧАПЛАШМОҚ I 1 Чапламоқ I фл. бирг. н. Оқ тунукадан ясалган бакни ерўчоққа ўрнатиб, атрофига лой чаплашмоқда. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ. Юзига чаплашган лойни кир панжаси билан артди. Ойбек, Куёш қораймас. Бугунги кутилмаган тун Ҳасанали отани чарчатган; унинг кекса кўзлари уйқу билан тамом чаплашиб олган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бир-бирига айкашиб-чалкашиб ноаниқлашмоқ. *Хат ўчирилавериб, жуда чаплашиб кетган эди*. О. Ёқубов, Излайман.

ЧАПЛАШМОҚ II Қарши бўлиб, зидлашиб қолмоқ, тескари бўлиб қолмоқ. [Каримийнинг] Пичинги кўнглимни баттар ғаш қилди, чунки Матлуба билан чаплашиб қолганимиз рост эди. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.

ЧАППА [ф. چپ — чапақай; нотўғри; тескари, терс] рвш. Тескари, терс. *Тахмондаги нўстаклардан бирини олиб, чаппа тўшаб ётди*. «Ёшлик». *Йўқ, чаппа айланмас фалакнинг чархи*. Б. Бойқобилов.

ЧАППА БҮЉМОҚ (ёки кетмоқ) Кутилган ҳолнинг, исталган нарсанинг бутунлай акси, тескариса бўлмоқ. *Ишинг бир чаппа кетса, кетавераркан*. *Эрталаб турсак, боқувдаги қора новвосимиз йўқ*. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧАППАР: чаппар урмоқ I Бирварақайига, ёппасига, ялписига юз бермоқ. *Водий*

ларни яёв кезганда. Бир ажиб ҳис бор эди манда. Чаппар уриб гуллаган боғин, Ўпар эдим ватан тупроғин. Ҳ. Олимжон.

2 Чарх урмоқ, шиддат билан ҳаракат қилмоқ; жавлон урмоқ. Мана бу кун боболар арвоҳи чаппар урар Менинг азамат юртим - ўзбекнинг саҳросида. А. Орипов. Оқ ва қора дунёни чаппар уриб айлангум. А. Суюн.

ЧАППА-РОСТА айн. чапараста. Чаппароста бўлиб айланди дунё. Б. Бойқобиллов.

ЧАППАСИГА рвш. Тескарисига, олди орқасига ёки остин-устин. Аҳмадали тўнининг орқасини олдига ўегириб, чаппасига кийди. «Ёшлик».

Чаппасига айланмоқ (ёки кетмоқ) айн. чаппа бўлмоқ (ёки кетмоқ) қ. чаппа. Иш чаппасига кетганига яраша хотиннинг кўнглини олиш керак. Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

ЧАП-ЧАП Чап II с. тақр. У [Валивой].. дўрдайган лабларини чап-чап ялади. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЧАПЧАП Юпқа, шапарак ноннинг тури. [Кампир] Сопол лаганда тухум қовурдоқ билан қозонга ёпган иккита чапчап нон келтирди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЧАПЯ шв. Сут, қатиқ, суюқ овқат солиш учун ишлятиладиган сопол идиш; хурмача.

ЧАПҒАЛАТ шв. Шамғалат. Кўзини чапғалат қилиб қочмоқ.

ЧАРАҚЛАМОҚ 1 Ялтирамоқ, ярқирамоқ; порлаб, нурланиб турмоқ. Юлдузлар ёнади, Офтоб чарақлар.. А. Орипов.

2 кўчма Шодлиги юз ифодасида акс этмоқ. [Қиз] Уларнинг шодликдан чарақлаб кетган чехраларига қараб, булар ҳам шодланишлари, кулишлари мумкинлигига ажабланди. М. Исмоилов, Фарғона т. о.

ЧАРАҚ-ЧАРАҚ кам қўлл. айн. жарақ-жарақ. Тўғри, ерни пулга сотадилар, нақд пулни чарақ-чарақ санаб оладилар. Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАРВИ [ф. چرب / چربی - ёғ, мой; ёғли; ёғлилик] Молнинг (ёки қўй, эчки, от ва ш.к.нинг) ичаклари атрофида бўладиган ёғ; ички ёғ. Қўй чарвиси. ■ Гушт эзилиб, қиймасимон бўлганда олиб, чарви ёғидан майда тўғраб, мижиб аралаштирамиз. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

Чарви боғламоқ 1) семирмоқ; 2) кўчма бойимоқ. Ё, ҳаром-харишга аралашиб юриб,

сен ҳам чарви боғлаб қолдингми? Уйғун, Хуррият.

ЧАРВОҚ [ф. چارباغ - тўрт томони боғ: катта боғ] с.т. Чорбоғ. Бизлар сайр этгали бордик чарвоққа, Одами йўқ гул очилган олоққа. «Равшан».

ЧАРЛАМОҚ 1 Чақирмоқ, таклиф қилмоқ. Келсин, деб чарлайди бувишим сизни, Элчи қип юборган ойимча бизни. «Ширин билан Шакар».

Чарлаб чақирсанг ҳам келмайди Атайлаб чақирсанг ҳам келмайди (мартабаси улуг, кибрили ва ш. к. одам ҳақида).

2 этн. Келин ёки куёвни чарлар маросимига чақирмоқ.

ЧАРЛАР этн. Никоҳ тўйдан сўнг келин ёки куёв шарафига ҳар икки қудалар уйида ўтказиладиган биринчи чақириқ. Ҳаво очилиб кетиб, чарлар куни келиннинг кенг-мўл ҳовлисида ҳамма аёллар.. роса яйраб қайтишди. Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

Келин чарлар Келиннинг ўз ота-онасиникига тўйдан кейин дастлабки боришига бағишланган чақириқ. **Куёв чарлар** Куёвнинг қайната-қайнанасиникига тўйдан кейин дастлабки келишига бағишланган чақириқ. **Боғ чарлар** Боғда ўтказиладиган чарлар. **Қудалар чарлар** Қудаларнинг биринчи чақирилиши.

ЧАРМ [ф. چرم - ишлов берилган тери] 1 Ҳайвонлар терисидан ёки сунъий хомашёдан тайёрланадиган материал; кўн. [Чол] Терига сув пуркайди ва кўва билан дўқ-дўқ уриб, чармни текислайди. Ойбек, Танланган асарлар.

Юзига (ёки бетига) чарм қопламоқ Орномус, виждонни йиғиштириб қўйиб, безбет бўлиб олмақ. Пошша хола шунга ҳам шукур қилиб, бетига чарм қоплаб, истасистамаса, куёвининг олдига гирдикапалак эди. Д. Нурий, Осмон устун. Гап бошласанг унга агар танқиддан, Бетига чарм қоплаб олар шу замон. «Муштум».

2 Оёқ кийимининг остки қисми, таг-чарм. Маҳси чарми. Туфли чарми.

3 сфт. Чармдан тайёрланган, чармдан тикилган, чарм қопланган. Чарм сумка. ■ [Мулла Фазлиддин] Оёғига чарм кавуш кийиб, обрез четида бет-қўлини ювди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Менинг ҳам қутим ўчиб, жон ҳолатда.. чарм суянчиқни шартта ушлаб олдим. Н. Фозилов, Дийдор.

Чарм кўлқоп усталари Боксёрлар. Баҳсларда тошкентлик ёш чарм кўлқоп усталари энг кўп ғалабага эришиб, биринчи ўринни кўлга киритдилар. Газетадан.

ЧАРМЛАМОҚ Пойабзалнинг остки қисмига чарм қопламоқ, тагчарм қўймоқ. Ботинкамни уста янгидан чармлаб берди.

ЧАРМФУРУШ [ф. چرم فروش — чарм сотувчи] эск. Чарм билан савдо қилувчи, чарм сотувчи одам.

ЧАРОС Ўртапишар, юмалоқ қора узум. Ичкари ҳовли кенг, гулзор, баланд сўрига кўтарилган тоқлар. Чарос, ҳусайни узумлар фарқ пишиб, бошлари осилиб турибди. Й. Шамшаров, Тошқин.

Чарос кўз Гўзал, қоп-қора кўз. Юлдузхон чарос кўзларини оҳиста очди. Газетадан.

ЧАРОҒ кт. қ. **чироқ**. Бор экан инсон қўлида Орзу ёққан чароғ, Бу чароғни, ўйла бир кун Офтоб айлар хаёл. Э. Воҳидов.

ЧАРОҒБОН [ф. چراغ بان — чироқ қорувули; чироқ ёқувчи] 1 тар. Кўча чироқларига қаровчи киши.

2 кўча Илм-маърифат тарқатувчи одам. Мактаб боғ бўлса, бола ниҳол бўлса, бу боғнинг боғбони, илм чароғбони ўқитувчидир. Газетадан.

ЧАРОҒОН [ф. چراغان — машғалалар, чироқлар: жуда ёруғ, равшан] 1 Равшан ёритилган; ёруғ. Чароғон кўчалар. ■ ..одатда йўл ва йўлчаларни чароғон этиб турадиган кўча чироқлари нурсиздек кўринади. М. Хайруллаев, Тилла маржон. Атроф чироқлардан чароғон. «Шарқ юлдузи».

2 кўча Яшнаган, обод. Файратимиз бир чароғон ўлкани қилди бино. Ғ. Ғулом. Рота адир устига чиққанда, унинг нариги томонида чароғон бир водий кўринди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЧАРС I тақл. с. Муз, ойна, чинни каби нарсаларнинг синишидан чиқадиган товушлар ҳақида. Ойна чарс этиб синди. Муз чарс этиб ёрилди.

ЧАРС II 1 Шартаки, тўрс, ўжар; бетгачопар. Бийди момо ҳамон ўша-ўша — чарс, аччиқсўз кампирлигича қолаберди. «Ёшлик». Аммо унинг чарс феъли қарз олмоқни ёқтирмайди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Асов, ёввойи табиат, ҳурковуч (ҳайвонлар, қушлар ҳақида). Айтиб бўлмайди-да, баъзи отлар чарс, ўргатилмаган бўлади,

устидан улоқтириб ташлаши мумкин. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ЧАРСИЛЛАМОҚ I «Чарс» этган овоз чиқармоқ. Пуфлашнинг зўри билан ўтин ниҳоят чарсиллаб ёна кетди. Ойбек, Қуёш қораймас.

Чарсиллаган совуқ Каттиқ, қуруқ совуқ. Азаматлар чарсиллаган совуқда яланғоч бўлиб, сойга шўнғимокда. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 кўча Жаҳли чиқиб, дарғазаб бўлиб, одамни егудек бўлиб турмоқ. Холмирзанинг тили қичиб келди-ю, хотинининг чарсиллаб турганини кўриб, ўзини оғирликка солди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЧАРС-ЧАРС Чарс I с. тақр. Тарновдан тушаётган ёмғир суви шамолда дераза ойналарига чарс-чарс уриляпти. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

ЧАРС-ЧУРС айн. чарс-чарс. Бир томонда чарс-чурс билан гулхан ёнади. Ойбек, Танланган асарлар.

Чарс-чурс қилмоқ (ёки этмоқ) 1) чарс-чурс овоз чиқармоқ. Ўтиklar чарс-чурс этиб. ёниб кетди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди; 2) норозилик, жаҳл билан кўпол муомала қилмоқ. Эртасига ҳам Холниса хола чарс-чурс қилиб юрди. Мирмуҳсин, Чиниқўш.

ЧАРТЕР [ингл. charter — шартнома < юн. chartion — варақча, бир парча қоғоз] Денгиз ёки ҳаво орқали йўловчи ёки юк ташвиш учун кема, самолёт эгаси билан уни ёлловчи шахс ўртасида тегишли транспорт воситасини ёки унинг бир қисмини маълум рейс ёки вақтга ижарага олиш ҳақида тузилган шартнома.

Чартер рейс Шундай шартнома асосида амалга ошириладиган рейс.

ЧАРХ [ф. چرخ — гилдирак; доира, айлана; чигир] 1 Илп йигирадиган дукли қўл асбоби. Яхши хотин эрта туриб, чарх йигирар, Ёмон хотин эрта туриб, ўчоқ қовлар. Мақол. ■ Кимдир чарх йигиряпти, шекилли, ғир-ғир овоз ҳам келяпти. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Ҳар хил асбобларнинг, қурилмаларнинг айланадиган қисми; парраги. Тегирмон чархи. ■ - Юринлар, ўшал қудуқнинг чархини айлантируرمىз, — деди Алишер. М. Осим, Карвон йўлларида.

3 Кесувчи асбобларнинг тигини ўтқирлайдиган, қайрайдиган асбоб. Чархда пичоқ чархламоқ.

Чарх илонлар Қора илонлар оиласига мансуб илонлар уруғи (танасини ҳалқа қилиб ўраганида, тангачалари ишқаланиб, чарх тоши айланишига ўхшаш овоз чиқаради).

4 кўчма Гардиш, айлана. *Давр чархи. Чархи фалак.* ■ *Ганиева гап чархини айлантириб юбориш учун: -Лағлихонни ҳам олиб келмабсиз-да, — деди. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. Тарк этдим чархи фалакни, мени тарк этмади оҳлар. «Ёшлик».*

Чарх урмоқ 1) айланмоқ; атрофида айланмоқ. *Ҳовуз атрофидаги қор босган толлар устида қарғалар чарх уриб қағиллайди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси; 2) турган ерида олдинга босмай айланмоқ. Велосипед чарх уряпти.*

5 кўчма поэт. Фалак; дунё. *Бу — чархнинг фақат бир-бир айланиши, Ҳамал қуёши ҳам тахтига минди. А. Исроилов. Номехрибон кўзлардан омон асра мени, чарх! А. Обиджон.*

Чархи кажрафтор Тескари айланувчи, адолатсиз дунё. *Чархи кажрафтор тўнини тескари кийди. ■ Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғмен.. Фурқат.*

ЧАРХАК [ф. چرخ — кичик чарх; ип, калава ўраш қурилмаси] **1 шв. айн. чамбарақ 2.**

2 Ип калавалайдиган чархсимон мослама.

ЧАРХЛАМОҚ 1 Кесувчи асбобларнинг тигини ўткирламоқ, қайрамоқ. *Пичоқ чархламоқ. ■ Чол пичан ғарами олдида чалғи чархлар эди. «Шарқ юлдузи. Ҳаким совға қилган қаламтарошининг ёнига оптикоғимизни чархлаб қўшиб қўйдим. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 кўчма Ўстирмоқ, ўткирламоқ, пешламоқ. *Ақлни чархламоқ. ■ Чархлаб туриш керак аммо Туйғу билан ақлни. А. Орипов. Қат-қат йиллар ташвиши бесаранжом кампирнинг сезги қувватини чархлаган эди. «Ёшлик».*

3 кўчма Бировга қарши хезламоқ. [*Нор Мастурага:*] *Хола, мени кўп чархламанг-у, уварангизни кесаберинг! Озгингизга сиққанини уч кунда лаққа жигардек қанорангизга илиб қўяман. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

ЧАРХПАЛАК [ф. + а. چرخفلك — осмон гумбази; дунёнинг, тақдирнинг ўзгарувчанлиги, беқарорлиги] **1** Сув кучи билан айланиб, катта ариқдан юқорига сув чиқарадиган энг қадимий қурилма; чиғир. *Кеч*

енгил шабадада барглар аста шилдирар, бу майин сас.. ялқовланиб айланаётган чархпалакнинг ғирч-ғирчига қўшилиб кетарди. Й. Шамшаров, Тошқин. Чархпалак чуқур сой тубидан сув олиб, теваракка жон бахш этмоқда. Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Маданият-истироҳат боғларига, болалар майдонларига ўрнатиладиган, бир нечта кажаваси бўлган, горизонтал ўқ атрофида электр қуввати ёрдамида айланувчи катта ғилдирак тарзидаги кўнгилочар иншоот. [*Қиз*] *Қийқуриб кулар, тезликни писанд қилмас, чархпалак яна ўн марта тезроқ чарх урса ҳам, унга камлик қиладигандек эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

Тарих чархпалаги Тарихий воқеа-ҳодисалар силсиласи; тарихнинг гардиши. *Абул Аббос Маъмуннинг фожиаи ўлиmidан сўнг кўҳна тарихнинг чархпалаги тезроқ айлана бошлади. М. Осим, Карвон йўлларида. Чархпалак бўлмоқ* Думбалоқ ошиб, оёғи осмондан бўлиб йиқилмоқ. [*Отамурод*] *Бу аҳволда икки қадам юрмай чархпалак бўлиб йиқилади-ку. Эмаклагани маъқулмикан? М. Мансуров, Ёмби.*

ЧАРХЧИ I 1 Чарх ясовчи уста.

2 Кесувчи асбобларни чархловчи одам. *-Ҳай-ҳай-ҳай, калима келтир, иним, оллога минг марта шукур дегин, — деди чархчи чол ранжиган тусда. Ойбек, Улуғ йўл.*

ЧАРХЧИ II Кичик сайроқи қуш.

ЧАРЧАМОҚ Меҳнат, иш-ҳаракат, дардалам ва ш.к. натижасида ҳорғинлик, чарчоқ сезмоқ; ҳоримоқ, толмоқ. *Оёқ чарчаса, таёқ ярамайди. Мақол. ■ Икромжон юра-юра чарчади. С. Аҳмад, Уфқ, -Асабларингиз оғир хаёллардан чарчаган. Қаттиқ чарчаган, — деди врач. «Ёшлик».* *Икки соатлик қизиқ бир базмдан сўнг қизлар чарчадилар-да, ўйинни тўхтатдилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

ЧАРЧОҚ **от 1** Ҳориганлик, ҳорғинлик; толиқиш, чарчаш. *Шукуржон бутун аъзойи баданида қаттиқ чарчоқ ҳис этиб, бир нафас эшикка суяниб турди. О. Ёқубов, Ота изидан.*

2 сфт. Чарчаган, толиққан. *Тоғ ҳавоси нақадар сўлим — чарчоқ асабларга ором, юракларга мадор, танларга қувонч бағишлар, иноқлик ва ширин мулоқотларга сабабчи бўларди. Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.*

ЧАРЧОҚЛИК Чарчаганлик, толиққанлик. *Нигора Шербекка боқаркан, бутун вужудини чарчоқлик эзиб юбораётгандай туюлди. С. Анорбоев, Оқсой.*

ЧАСОВОЙ [р. часовой — маълум соатларда алмашинадиган (соқчи) < часы — соат] қ. **соқчи**.

ЧАСТОТА [р. частота < частый — биринкетин тез алмашинувчи, муайян вақт оралигида тез такрорланувчи (ҳаракат, ҳолат ёки воқеа-ҳодиса)] физ. 1 Маълум вақт ичида такрорланган ҳаракат ёки тебранишлар сони. *Тебранишлар частотаси.*

2 кино тех. Кадрларнинг алмашилиш даврийлиги ёки тезлиги.

3 тлш. Муайян лингвистик ҳодисанинг нутқда миқдоран қўлланиш даражаси. *Олмош туркумидаги сўзлар частотаси.*

ЧАСТОТАЛИ физ. Маълум миқдордаги частотага эга бўлган. *Олимларнинг аниқлашича, қўришпапалаклар ҳавода юқори частотали ультратовуш тўлқинлари ёрдамида мўлжал олишаркан. «Фан ва турмуш».*

Частотали луғат тлш. Сўзларнинг (сўз шакллари, сўз бирикмаларининг) нутқда қўлланиш миқдори ҳақида маълумот берувчи луғат. *Частотали луғат тилда у ёки бу грамматик конструкция қайси частота билан қўлланганлигини ҳисоблаш имконини беради. «ЎТА».*

ЧАТАНОҚ с.т. Икки оёқнинг ораси; чот. Ола қарғанинг юришини қиламан, деб чумчуқнинг чатаноғи йирилибди. Мақол. ■ Шу аснода юмалоқ, хушчақчақ миришкор.. катта тарвузни қорнига қўйиб, чатаноғини атайин кериб кира қолди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАТИЛМОҚ Чатмоқ 1 фл. мажх. н. Хат саккиз букланиб, қизил ипак билан бир-икки чатилган ва Отабекка аталган эди. А. Қодирйй, Ўтган кунлар.

Қулоққа чатилмоқ айн. қулоққа чалинмоқ қ. чалинмоқ.

ЧАТИР [ф. چتر — соябон; гажак] бот. Ем-хашак бўладиган ёввойи ўт. Ўтказилган тажрибалар чўл ва адирларда, яйловларда шувоқ.. ялтирбош, чатир сингари ёввойи ўсимликлардан экиб, табиий яйловларнинг ҳосилдорлигини бирмунча ошириш мумкинлигини кўрсатади. «Фан ва турмуш».

ЧАТИР-ЧУТУР тақл. с. Куруқ ўтиннинг ёнишидан чиқадиған товушни билдиради. Гулҳаннинг чатир-чутури.

ЧАТИШ 1 Чатмоқ фл. ҳар. н. Оқ ип билан чатиш. Тугма чатиш.

2 Аралаш, дурагай. Чатиш қўй.

3 Туташ, чегарадош. Чатиш далалар.

4 Узоқ қариндош, бироз қариндошлиги, яқинлиги бўлган, чатишган. *У бизга она томондан чатиш.*

ЧАТИШМОҚ 1 Чатмоқ фл. бирг. н.

2 Дурагай бўлмоқ, дурагайлашмоқ. Чатишган моллар.

3 Узоқ қариндошлик муносабати билан боғланмоқ. *-Аҳмад Яссавий балки бизнинг пиримизга чатишган қариндошдир? — сўради мажлис аҳлидан бири. Ойбек, Улуғ йўл. Асли улар билан Анзиратларнинг чатишган жойи бор — қариндош. «Ёшлик».*

4 Бир-бири билан қўшилиб, бирлашиб кетмоқ. *Бобоқайрағочнинг ўзаро чатишиб кетган шохларига боқиб, «ислимиий мўъжиза», деб ўйлади йигит. С. Сиёев, Ёруелик. Бепоен далада бир ботир ухлар: Сочлари чатишиб кетган гиёҳга. Х. Даврон.*

5 кўчма Ўзаро қўшилмоқ, бирлашмоқ. *Хоразм воҳаси ўзбек достончилисининг ўзига хос, эпик анъаналар чатишиб кетган этник регионларидан биридир. «ЎТА». Авазнинг гапида енгил киноя билан самимий эҳтиром нозик бир усулда чатишиб кетган эди. С. Сиёев, Аваз.*

ЧАТИШТИРИШ Уруғланиш жараёнида ирсий жиҳатдан бир-бирига ўхшамайдиган иккита жинсий ҳужайранинг табиий ёки сунъий қўшилиши; уруғларни қўшиш йўли билан янги нав, янги зотни юзага келтириш. *Чатиштиришга бирин-кетин иккитадан ортиқ ота-она шакллари жалб этилса, мураккаб чатиштириш ҳисобланади. «ЎЗМЭ». [Зайниддин] Лимон дарахтларини бир-бирига чатиштириб, янги, мазали, серҳосил навлар бунёд этиш учун астойдил интилди. «Гулистон». ..бурноғи йили майин жузли зотли қўчқорлар келтирилиб, ўзимизнинг жайдари қўй ва эчкиларга.. чатиштириш бошланган эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

ЧАТИШТИРМОҚ Чатишмоқ 2 фл. орт. н. Майин жузли қўйларни чатиштириб кўпайтириш.

ЧАТИҚ: чатиқ қош Ўсиқ ва қўшилган қош. Бу қора кўзлар мудом йиғлар чатиқ қош остида. Ғ. Фулом, Шум бола.

ЧАТМА 1 от Каштачиликда гул тикишнинг бир усули. *Тиқиши силлиқ эмас,*

ўғирмаси чатмага, санамаси йўрмага кундош бўлиб тургандай. Ғ. Ғулом.

2 Тахта, хода, милтиқ ва ш.к. нарсаларнинг тик ҳолда бир-бирига ёнма-ён боғлаб маташтирилган ёки учлари пирамидасимон бирлаштирилган ҳолати, кўриниши. *Бошқа сарбозлар милтиқларни бир жойда чатма қилиб қўйиб, кўчани сув сепиб супурдилар.* С. Айний, Дохунда. *Янги туғилган бузоқларни хода чатмаларидан қўра қилиб қамаб қўйишибди.* Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

Чатма қош айн. чатик қош қ. чатик. Девор нахрасидан тандирдан нон узаётган аёлнинг чатма қора қошлари кўриниб турарди. С. Нуров, Нарвон.

ЧАТМОҚ 1 У ер-бу еридан тикиб уламоқ, ёпиштирмоқ. *Қўйлакка тугма чатмоқ.*

■ Шу кун қайнана эски бир учбурчак туморни чақалоқ бешиги устига [гавраўшга] чашиб қўйди. Мирмуҳсин, Чўри.

Игна чатмоқ Игна билан тикмоқ. Ҳовлида ёш жувонлар юришар, кимдир оққат пиширар, баъзи бирлари айвончага ёзилган наMAT устида ҳадеб игна чатарди. «Ёшлик».

2 кўчма Бириктирмоқ, боғламоқ. У [инженер] миясидаги бутун билганларини йиғиштириб, бир-бирига чашиб кўрди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЧАТНАМОҚ Дарз кетмоқ, ёрилмоқ; синмоқ. У [капитан] гиштга тойғаниб йиқилган экан, тўпик суяги чатнабди. А. Мухтор, Давр менинг такдиримда. Қиз меҳнатдан, изғириндан чатнаган қўлларини қипқизил чўққа тутиб.. Ойбек, О.в. шабадалар.

ЧАТНОҚ Ёрилган. Сочлар пахмоқ, юзу қўл чатноқ, Лекин шон-ла қайтди беш ўртоқ. Чанқоқ ва чатноқ лаби: Сув! — деди — сув бер кўпроқ! Миртемир.

ЧАТОҚ 1 Қониқарсиз, ёмон; яхши эмас. Қаранг, қандай ажойиб хислатларим бор. Лекин сиз ишга олмайсиз мени. Чунки менга ишонмайсиз — ўтмишим чатоқ-да. «Ёшлик». [Талғат:] Яхши гапирдингиз.. Фақат машина учрамагани чатоқ бўлди-да. Аксига юради ўзи. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Мушкул, қийин. Тантубойваччанинг нафаси ичига тушиб кетди, лекин бу ўнғайсиз, чатоқ аҳволдан қутулиш учун ўзини билмасликка олди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Хато, нотўғри. ..табелчи ҳам худди жўрттага қилгандай, унинг номини ё ту-

тилиб айтар ёки чатоқ ўқиб, икки марта такрорлар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Лекин ёш болани — табибнинг ўғлини янтоқ билан савалаганим чатоқ бўлган экан. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

4 кўчма Қайсар, ўжар; қитмир, ишқал қидирувчи. Ер тўғрисида бир чатоқ одам билан судлашиб юрган эди, суд ишни бунинг зарарига ҳукм қилганмикан, деб уйлади. Ойбек, Танланган асарлар. [Умар:] Умуман, эҳтиёт бўлинг, сизни кўролмайдиганлар кўп. Ҳалиги индамас Ваҳоб ҳам чатоқ. Газетадан.

Аҳвол (ёки иш) чатоқ Аҳвол, вазият яхши эмас; ёмон, чигал. —Қозон қайнамай қолди, ошна, аҳвол чатоқ, — дедим. П. Турсун, Ўқитувчи. *Ишлар чатоқ, ҳамма нарса чаппасига айланиб кетибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Чатоқ қилмоқ ёки чатоғини чиқармоқ 1)** нотўғри, хато иш қилмоқ. *Дарвеш гов яна бу ерда ҳам тилини тиймай чатоқ қилди. Барча бекларни ёмонлаб, қарғаб, оловга мой сепди!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; **2)** ёмон, оғир аҳволга солмоқ, зарар етказмоқ. —Шодиёрга айтинг, кўнам айланишимасин, тутсам, чатоқ қиламан, — деди Тоғай. «Ёшлик».

ЧАТОҚЛАШМОҚ Мушкул, ёмон аҳволга келмоқ; чигаллашмоқ. Бир қори ҳол юз бериб, Ҳакимнинг аҳволи чатоқлашади-ган бўлса, у мадад бериш ўрнига, дарҳол қоралашга ўтиши аниқ. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. —Энди, бу ёғини ҳеч бўшаширтмаслик керак. Агар иш салгина чатоқлашса, бировларга масҳара бўлиб қоламиз, — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧАТОҚЛИК 1 Чалкашлик, чигаллик, ишқал; хато. Ҳисоб-китоб ишларидаги чатоқликлар туфайли бухгалтер Маюсуф ишдан бўшаб кетди. «Муштум».

2 Нокулайлик; талабга мос келмаслик. —Дом жоннинг роҳати дейишади-ю, шунақа пайтда [тўй-маърака қилаётганда] чатоқлиги билинади-да, — деди сийрак соқолли киши.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Қитмирлик; ёмонлик. [Ҳазратовнинг] Лақаби ўзига мос, фикри-ёди чатоқлик. «Муштум».

ЧАТОҚ-ЧУТОҚ Жуда чатоқ, чигал, ишқал. Чатоқ-чатоқ ишлар.

ЧАХ-ЧАХ тақл. с. айн. чағ-чағ. Бутоқларда минглаб қушлар чах-чах сайрайди. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. Бу етма-

гандек, ҳовлининг ҳув этак томонидан баралла булбуллар чах-чахи эшитила бошлади. А. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

ЧАЧВОН тар. Отнинг думи қилидан тўқилган, паранжи остидан юзга тутиладиган тўр парда; чиммат. У [Жаҳон отин] чачвонини кўтариб, паранжи орқасига ташлаб келаётган эди. М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧАШМ [ф. چشم — кўз; булоқ; нинанинг кўзи; орзу-умид] эск. поэт. Кўз. Буюк Улуғбекнинг чашмига кўзу — Кўкда ҳамон кезар ўша тулин ой. А. Орипов. Жаннат! Менга қўлгинангни бер, Нозик-ниҳол, эй чашми офат! М. Али.

ЧАШМА [ф. چشمه — булоқ; манба] 1 Ер остидан чиқаётган сув манбаи ва унинг суви. Мерган бағрини ерга бериб, чашма сувидан қониб-қониб ичди. Унинг ўткир кўзлари чашма атрофидаги гиёҳларга қадалди. «Ёшлик».

2 кўча Бирор нарсанинг манбаи. Ижод чашмаси. Билим чашмаси. Меҳр чашмаси.

ЧАШМБАНД [ф. چشمبند — кўзни тўсувчи] Чачвон; юз ёпинчиги. Ясаниб олган болалар, янги дока чодирга ўралиб, юзига чашмбанд ташлаб олган аёллар, кексалар ҳам бор. Ҳ. Ғулом, Жазоирда тонг.

ЧАШНАЧИЛИК, чашнагирлик [ф. چاشنى — таъм; татиб, еб кўриш; таъмини билиш, синаш] Узум, вино, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ўсимлик хомашёси сифатини кўриш, ҳидлаш, таъм билиш, эшитиш аъзолари орқали аниқлаш. Чашначиликнинг камчилиги — унинг муайян даражадаги субъективлиги; афзаллиги эса, энг сезгир асбоблар билан аниқлаб бўлмайдиган ўзига хос нозик сифат хоссаларини фарқлаш ва унга баҳо беришдир. «ЎЗМЭ».

ЧАҚА I 1 Асосан, мис, жез сингари металллардан ясалган, қиймати паст майда танга пул. Оқ кўйлак устидан олача ипак тўн кийган, гавдаси йўғон баққол.. ёш харидорнинг айтган нарсаларини тортиб, қўлидан майда чақаларни олди. М. Осим, Ибн Сино.

2 эск. Бир тийин. [Отабек ва Али] Дастурхонни йиғиштирувчи келинчакка ўғил тилаб дуо қилгандан кейин, қўлига ўттиз чақа сурма пули бердилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Умуман, пул, маблағ. Темирчи йигитнинг чақаси миёнагина тўйга етарли бўлиб

қолганида, Холхўжа қўрбоши йигитларининг хуружи бошланди. С. Аҳмад, Ҳукм.

Бир чақага (ёки сариқ чақага) арзимайди Ҳеч нарсага ярамайди, арзимайди. -*Хаёлларим бир чақага ҳам арзимайди, мухтарам зот, — ҳозиржавоблик билан узиб олди моҳир санъаткор.* Газетадан. **Бир чақага (ёки сариқ чақага) олмаслик** Менсимаслик, ҳурмат қилмаслик. Бу кулишдан унинг меҳмонни бир чақага олмаслиги аниқ билиниб турарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мен тирикман — бозори чаққон, мен ўлсам, уни биров сариқ чақага олмайди.* М. М. Дўст, Лолазор. **Бир (ёки сариқ) чақалик** Сира, мутлақо. Бу Насим дегани шунақа.. Бемаврид ёғайтган қор билан ҳам.. Абдорнинг тажанганиб тургани билан ҳам унинг бир чақалик иши йўқ. О. Мухтор, Этилган бош. Бу чатоқ ишга ўзининг сариқ чақалик алоқаси бўлмаса ҳамки, бутун жавобгарлик ўз елкасига ағдарилгандай ҳанг-манг бўлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Сариқ чақам йўқ** Сира ҳам пулим йўқ. [Йўлчи:] Онам, укаларим учун бу ерда юрибман, Эшвой ака, буни яхши биласиз. Аммо ҳозир ёнимда сариқ чақам йўқ. Ойбек, Танланган асарлар. **Чақа қилмоқ** Сотмоқ, пулламоқ. Мана, Барат супургичи! Бозордан супургисини чақа қилтолмай, яна орқалаб қайтаётир. Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАҚА II 1 Кичик яра, жароҳат. Пулни юз-бетига чақа тошган иккита ўспириш олди. М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Ниязмурод Бибиғул юзидаги қонталашган чақаларни кўрди.* Мирмуҳсин, Чўри.

2 Бирон-бир зарб, таъсир натижасида нарсаларнинг юзасида ҳосил бўлган ўйиқ. *Машина урилиб чақа бўлди.* ■ *Пластмасадан қилинган шкаф урчиб, чақа бўлади ёки стулнинг оёғи тез синиб қолади, деб сира хавотирланманг.* «Саодат».

ЧАҚА III шв. Бола, фарзанд.

ЧАҚАЛОҚ Янги туғилган бола; гўдак. *Дунёга келган чақалоқлар улғайгани сайин, уларда ҳиссий аъзолар шакллана боради.* «Фан ва турмуш». *Еттинчи кун хатми кўрвон қилиниб, халққа ош берилди ва шу муносабат билан чақалоққа «Ёдгорбек» деб исм қўйилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧАҚИЛМОҚ **Чақмоқ** V фл. ўзл. ва мажҳ. н. Ҳар ким ҳам чақилар, Яхши от ҳам қоқилар. Мақол. *Чақилган тухум. Чақилган гуғурт чўпи.* ■ *Ғалвирак ёнғоқнинг иккитасини*

партага устма-уст қўйиб, бир урсангиз, иккаласиям қақилиб кетади. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Ана бунда чақилган ёнғоқ, бодом ва данак мағиз.. бор. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. От чопса, чақилар тоғларнинг тоши. «Тоҳир ва Зуҳра».

Пистони чақилган Кучи кетган, ишдан чиққан (одам ҳақида). Бундан ташқари, сен пистони чақилган одамсан, бизнинг қўлимизда узун косов бўлиб хизмат қилишдан бошқа ишга ярамайсан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Пулга чақиломоқ Пули оз қолмоқ; пул етишмаслигидан қийналмоқ. Ўша пайтларда иморат қуриб, пулга чақилиб қолган эдик. Газетадан.

ЧАҚИМЧИ Бировнинг гапини бировга ташувчи, бирор кимсанинг сирини очувчи, бировлар устидан махфий хабар етказиб турувчи. Бекорчидан безиб қоч, Чақимчидан — кўчиб. Мақол. ■ [Шохрух] Ҳар бир совуқ гап, фитнаю чақимчиларга қўлогини тута-тар, эркинроқ фикр юритувчи.. арбобларни қувғунга солиб, эътиборини пасайтирарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ЧАҚИМЧИЛИК Чақимчига хос хатти-ҳаракат ва одатлар; гап ташувчилик. Чақимчилик ёмон иллатдир, чунки у туфайли одамлар ўртаси бузилади. Газетадан.

ЧАҚИН 1 Ўт, ўт учқуни. Тўғон тепасида электр пайванди чақин қақди. С. Аҳмад, Онажонлар. Катта олов илт этган чақиндан бошланади. «Шарқ юлдузи». Кетмонларнинг чақини ялтирар эди. Ойбек, О.в. шабадалар.

2 айн. чақмоқ III. Баҳор осмониди чақнаса чақин, Кўксингдан отилар оловли нафас. А. Орипов. Қора булутлар орасида қиличдек ялтираб чақин чақа бошлади. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧАҚИР Ўткир қиррали, қиррадор. Қия тушиб турган офтобда чақир тошларнинг акси сувга уриб, жимир-жимир товланар эди. С. Анорбоев, Оқсой.

Чақир кўз айн. чағир кўз қ. чағир. Вазирнинг новча, чақир кўз ўғли эса, ҳеч нарсани эшитмагандек, кўзларини бақрайтириб турарди. М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧАҚИРИЛУВЧИ ҳарб. Ҳарбий хизматга чақирилган ёки чақирилиш ёшида бўлган шахс. Юртдошлар армияга чақирилувчиларни кузатгани шу ерга келдилар. Газетадан.

ЧАҚИРИМ [«чақирмоқ» с. дан] Метрик ўлчов системаси қабул қилингунга қадар қўлланган, 1,06 километрга тенг қадимги узунлик ўлчов бирлиги; бир километр. Ёдгор қизнинг бир марта кулиб қарашини кўриш орзусида саккиз чақирим наридан гоҳ пиёда, гоҳ ўртоғининг велосипедида келиб кетарди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧАҚИРИМЛАМОҚ Чақирим билан ўлчамоқ, ҳисобламоқ. Қўллардан чақиримлаб эмас, бутун-бутун область ва район жойлашадиган ерларни очамиз. Ойбек, О.в. шабадалар.

ЧАҚИРИҚ 1 Чақириниш мақсадида айtilган сўз, гаплар. Гафур аканинг: — Қочадиган одам йўқ, келаверинг, — деган ҳазилнамо чақирини эшитилди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 Бирор хатти-ҳаракатта ундаш, даъват қилиш. Демак, Бобурнинг дунё лаззатларидан фойдаланиш.. тўғрисидаги насиҳат ва чақирқиқлари ҳаётдаги турли-туман кўнгилсиз, бахтсиз воқеалардан.. ғам чекишининг ўрнига тавсия этилган тадбирлардан эди. «ЎТА». Командирнинг чақирқиқлари взвод жангчиларини жасоратга чорларди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 Хонадонда бирор муносабат билан ўтказиладиган меҳмондорчилик, зиёфат. Яқинда бир танишим қизининг туғилган куни муносабати билан меҳмон чақирқиқ қилди. М. Исмоилий, Одабийлик қиссаси.

Қуда чақирқиқ этн. Никоҳ тўйидан кейин қудалар тарафидан келин ёки куёвнинг оиласи ва қариндош-уруғларини чақириб бериладиган зиёфат. Совуқчилик қуда чақирқидан бошланди. «Шарқ юлдузи».

4 тар. Шўро даврида: партия, ҳукумат ёки съезд, қурултой, мажлис ва ш.к. томонидан эълон қилинган мурожаат, даъват ёки шиорлар. 1 Май чақирқиқлари. ■ Бўтабой сўзининг охирида.. чақирқиққа ўзининг тайёр эканини билдирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Навбатдаги сайловдан кейин ҳамкорликда иш олиб боровчи депутатлар таркиби.

Чақирқиқ қоғози Идора, муассаса ва ш.к.нинг расмий таклиф қоғози; повестка. Қодирбек билан бўлган тунги можародан бир ҳафтача ўтгандан кейин милициядан менга чақирқиқ қоғози келиб қолди. М. Қориев, Ойдин кечалар.

ЧАҚИРЛАМОҚ кам қўлл. айн. **шиқирламоқ**. Маҳалла чойхонасида одам тиқилинч, қаердадир чойнак қопқоқлари чақирлайди. «Муштум».

ЧАҚИРМОҚ 1 Номини айтиш, овоз чиқариш ёки бирор хатти-ҳаракат воситасида муайян жойга келишга ундамоқ, чорламоқ. *Бир вақт Кумуш хола чақириб қолди: -Хўв Қорақўз! Мунда кел, болам! С. Сиёев, Ёруғлик. Хон қарс уриб, мулозимини чақирди. С. Сиёев, Ёруғлик. Аҳмедов имо билан уни [Канизакни] чақирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бўтабой баланд овоз билан бригадирларни чақирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 Ўзига қаратиш мақсадида номини айтиб ёки бошқа сўзлар воситасида узоқроқ жойдан туриб мурожаат қилмоқ. *Кўчанинг нариги юзидан уни кимдир чақирди. Ҳамроқул, чақирган кишига қарайман, деб гандираклаб кетди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

..деб **чақирмоқ** Атамоқ, шундай ном, сўзни қўллаб мурожаат қилмоқ. *Бу кишининг устодлари.. Зокир эшон-да.. Хон уни «Зокир гов» деб чақирар эди. К. Яшин, Ҳамза. Бўлмаса сизни, амаки, деб чақирсам майлими? Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакат.*

3 Таклиф, даъват қилмоқ. *Дехқон ўзининг яқин қариндошларини ва ошна-оғайниларини меҳмонга чақирибди. «Чалпак ёққан кун». Қуёш тик келганда, Чўли бобо ҳаммани овқатга чақирди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

Қуёв чақирди этн. айн. қуёв чарлар. қ. чарлар. Бегимхоннинг онаси қуёв чақирдисини ўтказиши билан 1939 йили Эрали ҳарбий хизматга кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Бирор иш, вазифа ва ш.к. ни адо этишга ёки унда иштирок этишга даъват қилмоқ, ундамоқ. *Ёрдамга чақирмоқ. Мусобақага чақирмоқ. ■ Раҳбарлар Фотиманинг ишини мақтаб, ҳаммани ундан ўрнат олишга чақирарди. Т. Ашуров, Оқ от. Чолнинг жаҳли чиқиб, зolim хонни урушга чақирди. «Чалпак ёққан кун». Никоҳ куни.. самовар қайнатиш ишига бойнинг хотини Йўлчини чақирди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Мажлис (ёки кенгаш) чақирмоқ Мажлис ёки кенгаш бўлиши ҳақида унга алоқадор шахсларга билдирмоқ, хабар бермоқ; мажлис ёки кенгаш ўтказмоқ. *Эртөөвнинг бахтига, иккинчи секретарь ҳам кичик мажлис чақирган экан.. О. Ёкубов, Эр бошига иш*

тушса. *Хусайн Бойқаро кенгаш чақирди. Ойбек, Навоий.*

5 Бирор нарсани келтиришни сўрамоқ, буюртма бермоқ (ошхона, чойхона ва ш.к.ларда). *[Йўлчи] Чойхоналардан бирига кирди. Устунга суяниб, тахта каравотда оёғини узатиб ўтирди. Чой чақирди. Ойбек, Танланган асарлар. Ўзинг чақирдинг, ўзинг буюрдинг. [Пулини] Тўлайбер! А. Қаҳҳор, Оғайнилар.*

6 Олло(ҳ), худо, эгам, парвардигор каби сўзлар билан бирга қўлланиб, «вафот қилди, ўлди» деган маънони англатади. *Олло Фарруҳни ўз даргоҳига чақириб олибди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

7 Қичқирмоқ, товуш чиқариб хабар бермоқ. *Гудок чақирди. ■ Бу орада яна бир хўроз чақириб ўтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

8 кўчма Пировардида бирор натижага олиб келмоқ; келтириб чиқармоқ. *Уйқу касал чақирар. Мақол. ■ Ортиқча кулги йиғи чақиради. Газетадан. Тут тепасида бир қарға бўйинини чўзиб, жон-жаҳди билан қағиллаб, қор чақирарди. Мирмуҳсин, Қуламас қоя.*

Эшигини чақирмоқ Бировнинг эшигини қоқмоқ, тақиллатмоқ.

ЧАҚИРТИКАН айн. **чақиртиканак 2.** *Дўст орттираман десанг, ширин суҳбат қил, Душман орттираман десанг, чақиртиканак бўл. Мақол. ■ Севишганлар — қизил гул билан оқ гул ўртасига тушган чақиртиканак ким экан? Мирмуҳсин, Умид.*

ЧАҚИРТИКАНАК 1 бот. Пояси ер бағирлаб ўсадиган ёввойи ўт ва унинг қолдузча шаклли тикани. *Умид янтоқ, чақиртиканаклар ёнида чўнқайиб ўтириб, хўнг-хўнг йиғларди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 кўчма Бировнинг йўлига тўғоноқ бўлувчи, унга зарар етказувчи. *Энди қарасам, ўзим ҳам чақиртиканак эканман, Ғозиддин Қобулов мени юлиб ташлашга ҳаракат қилган сайин, унинг қўлини қоната бошладим. О. Мухторов, Эгилган, бош.*

ЧАҚИРТИРИҚ Биров орқали чақирив, Ҳасанали бу чақиртириқдан бир нарса ҳам сезмаган.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧАҚИРУВ 1 Чақирмоқ фл. ҳар. н.

2: чақирув қоғози айн. чақирив қоғози қ. чақирив. *Назира Жалилованинг ўттиз нафар курсдоши имтиҳондан чиқиб, чақирув*

қоғози билан фронтга жўнаб кетишди. «Саодат». Раис, сизга рухсат, судда ҳам бир-икки марта безовта қилишади. Чақирув қоғози олишингиз билан албатта келишингиз керак. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧАҚИЧ шв. айн. Сақич. - Буви, қутингизда битта ҳам чақич қолмадими? — деб сўради бола. «Ёшлик».

ЧАҚИШМОҚ 1 Чақмоқ V фл. бирг. н. Меҳмонлар писта чақишиб, гаплашиб ўтиришибди.

2 дағл. Жипслашиб, қапишиб қолмоқ (итлар ҳақида).

ЧАҚИҚ Бировнинг устидан етказилган махфий маълумот, хабар; тухмат. Бойларнинг чақиғи билан Йўлчининг иши оғирлашди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЧАҚМАЧАҚАР с.т. қ. **чақимчи**. Акамнинг ўрнида бўлганимда, чақмачақар синглимнинг юзини бир уриб, қизартириб қўйган бўлардим. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧАҚМОҚ I 1 Атмосферавий электр заряди; яшин. Осмондаги дабдабали, аммо фойдасиз чақмоқ бўлишдан кўра, ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатмоқ афзалдир. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Чақмоқ чақди Чақмоқ ялт этиб кўринди. Мана чақмоқ чақди ногаҳон, Зимистон тун чоки сўклар. Р. Парфи. Гулдур этиб, булут тарқаб, Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди. Ҳамза.

2 кўча Ут, учқун. Қизнинг шахло кўзида нафрат чақмоғи ялт этиб ёнди-ю, ўчди. «Ёшлик».

ЧАҚМОҚ II Ўт олдириш асбоби. Тоҳир шивирлаб сўради: - Чақмоқ билан тутантириқни ҳам олдинги? П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Папирос чекиш учун олиб юрган чақмоғидан бошқа ёруғ берадиган бир нарса йўқ. Ойдин, Мардлик — мангулик.

Чақмоқ мўйлов Қоп-қора, хушбичим мўйлов. Чақмоқ мўйловини бураб, дўпписига райҳон қистирган Икромжон.. ғўза қатор ораларига қиб кетди. Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

ЧАҚМОҚ III: чақмоқ телпак Тепаси духобадан, жияги тулки, сувсар ёки қундуз мўйнасидан тикилган қимматбаҳо телпак. Хомтама бўлма, сенинг кавушингга улар зор эмас, мўинадузлар тиккан чақмоқ телпакларни ҳам бошларига урмайди. М. Осим, Элчилар. Шунда эшикдан гимнастёрка, га-

лифе шим ва чақмоқ телпак кийган бир йигит энгашиб кирди. «Ёшлик».

ЧАҚМОҚ IV: чақмоқ қанд Тўртбурчак шаклли қанднинг ҳар бир бўлаги. Кимёгар янги бир зарра кашф этса, Бу ижод боиси бўлган, ҳойнаҳой, Столнинг четида сиз қўйиб кетган Бир чақмоқ қанд билан бир пиёла чой. Э. Воҳидов.

ЧАҚМОҚ V 1 с.т. Писта, бодом, ёнғоқ ва ш.к. қаттиқ пўчоқли меваларни ёки баъзи ҳўл меваларнинг данакларини тишлаб ёки бирор нарса билан уриб ёрмоқ. Абдишукур бодом-писта чақиб, аччиқ чой ичиб, яйраб ўтирарди. Ойбек, Танланган асарлар. Зарар қилгай данакни тишида чақмоқ. Ҳабибий. Бола ёнғоқни чақиш учун атрофига кўз югуртириб, тош қидирди. «Ёшлик».

2 Қаттиқ нарсани синдириб майдаламоқ, бўлак-бўлак қилмоқ; ушатмоқ. Тош чаққан, цемент қорган ҳам ўзим.. Миртемир. Оппон қиррали стакан лабига тухум уриб чақдида.. яхшилаб арчиб, лунжига солди. С. Аҳмад, Сайланма.

3 Бир-бирига уриб, суртиб, олов чиқармоқ; ёндирмоқ. Гугурт чаққандим, кўзим тўрдаги ёғоч сандиққа тушди. Ш. Холмирозав, Йўллар, йўлдошлар. Баратов.. папирос олиб, гугурт чақди. С. Зуннунова, Янги директор.

4 кўча Чақа қилмоқ (қ. **чақа II 1**). Яланг оёқ юриб кўрсам, шағал бармоқларимни чақиб ташлади. Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

5 кўча Чарчатмоқ, уринтирмоқ. - Бугун лойда ишлайсан. Қорнини тўқламасан, лой чақади, — деди [Йигитали]. Т. Малик, Ажаб дунё. Элчи Муҳаммадалини йўл чақиб қўйган, бир неча кундан бери ўз меҳмонхонасида дам олиб ётар эди. М. Осим, Элчилар.

6 кўча Мазмун-моҳиятини англамоқ; ечимини топтоқ. Иборалар кўп, ибораларнинг маънолари ҳам кўп, ҳар бирини чақиш керакки, кейин кўлингга фонус бўлиб, йўлингни ёритади. М. М. Дўст, Лолазор. [Ҳафиз] Алёхнинг этюдларини ёнғоқдай чақиб ташларди, қурғур. А. Мухтор, Туғилиш.

Мағзини чақмоқ қ. **мағиз I 3**. Чақки бўлибди, жиян. Ер сотган эр бўлмайди, эр ер сотмайди. Мана бу гапнинг мағзини чақ. Ойбек, Танланган асарлар. Пулга чақмоқ Қийматини пул билан белгиламоқ, ўлчамоқ. Ҳосилни пулга чақиб кўрсам, катта фойда

олишим аниқ бўлиб қолди. «Ёшлик». Ҳамма нарсани пулга чақиб гаплашадиган савдогарнамо Суръатнинг хатти-ҳаракатлари доимо Умиднинг жинини кўзғар, «нега бунақасан?» дерди баъзан у. Мирмуҳсин, Умид.

ЧАҚМОҚ VI 1 Тишлаб ёки найзасини санчиб жароҳатламоқ, оғритмоқ ёки заҳар солмоқ (илон, чаён, ари каби газандалар, чумоли, бурга, чивин каби ҳашаротлар ҳақида). Маълумки, Ҳиндистонда илон чақишидан ҳар йили минглаб киши ҳалок бўлади. «Фан ва турмуш». Бир марта чаён чақиб олувди, ҳозир ўша эсимга тушиб кетди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. Оёғини чақаётган чумолини ушлаб, кўздан кечирди. «Ёшлик».

Пули чақади Нархи жуда оғирлик, қимматлик қилади. Ўзи ёқади, пули чақади. Мақол.

2 кўчма Аччиқ гаплар айтмоқ, заҳрини сочмоқ. -Қандай қилай, ўлиб бўлдим, — деди она кўздан ёш оқиб, — отанг ўлгур чақаман дейди. Ойбек, Нур қидириб. Вақт ўтган сари онанинг гумонлари асоссиз ишончга айлана борди, у заҳарли киноялар билан кўёвини чақиб ола бошлади. Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси.

3 кўчма Чақимчилик қилмоқ, гап ташиб, гийбат қилмоқ. ..у ўзи ишламагани ишламаган, кишилар ҳақида хиёнат қилмоқда. Яна.. бизни амирзодага чақади. Мирмуҳсин, Меъмор. Ким сизга шундай деб чаққан бўлса, бекор айтибди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЧАҚМОҚДАЙ, -дек 1 Чақмоқ каби, чақмоққа ўхшаб. У Жумабойнинг турқиға, қўлида чақмоқдай ярақлаётган камар тўқасига қараб туриб, юрагини ваҳима босди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 кўчма Қоп-қора; чиройли. Туламат чақмоқдай мўйловини аста силаб кўйди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 кўчма Топ-тоза; тартибли кийинган; ясанган. Чақмоқдай қиз. Чақмоқдай энгилбоши ўзига ярашган эди.

ЧАҚМОҚИ: чақмоқи телпак айн. чақмоқ телпак қ. чақмоқ III. -Ҳаммомга ўт қаловчи — гўлаҳликни ўргансанг, эртаю кеч ўт олдидан жилмайсан, гуппи билан чақмоқи телпакнинг ҳам кераги бўлмайди, — деди Шум бола Омонга. Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЧАҚМОҚЛАМОҚ 1 Синдирмоқ, ушатмоқ, бўлак-бўлак қилмоқ, чақмоқ (қанд, тош ва ш. к. ни). Қандни чақмоқламоқ.

2 Қовун-тарвузнинг ширинлигини, мазасини билиш учун озгина кесиб олмоқ. Тарвузнинг яхши-ёмонлигини баъзилар чертиб билади, баъзилар чақмоқлаб билади. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ЧАҚМОҚТОШ Бир-бирига ёки темир парчасига урганда ўт чиқарадиган қаттиқ тош. Қолдирмиш у сенга қора кун учун Бир чимдим туз билан бир жуфт чақмоқтош. А. Орипов. [Зулфизар билан Авазхон] Иккови отидан тушиб, даланинг хас-хашагидан йиғиб, чақмоқтош уриб, олов чиқариб.. ёндириб юборди. «Зулфизар билан Авазхон».

ЧАҚНАМОҚ 1 Ёрқин нур, олов учқунлари сочмоқ. Заргаров саҳрода яшин чақнаган тунларни яхши кўрар.. эди. А. Муктор, Бўронларда бордек ҳаловат. Кўёш дам булут орасига кириб, дам кескин ялтираб чақнарди. Ойбек, Навоий.

2 Ярқирамоқ, ялт-ялт этиб товланмоқ; ялтирамоқ. ..худди шу пайт Муқаддас ҳам қаради-да, садаф тишларини чақнатиб, бир кулди. О. Ёқубов, Муқаддас. Кўзлари ҳамон кулгидан чақнаб турарди. «Саодат». Чўққиларнинг қил учи худди қилич дамидек чақнаб турибди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 Ёришмоқ, ёп-ёруғ бўлмоқ. У [Комил] тўғри уйга кириб.. электрни ёқиб юборди. Ясоғлиқ хона чақнаб кетди. Ойбек, О.в. шабадалар. Туйнукдан нур тушиб, хонанинг бир бурчи чақнаб кетди. «Ёшлик».

4 Акс этмоқ; намоён бўлмоқ, ифода-ланмоқ, билинмоқ (нигоҳ, кўз қарашга нисбатан). Нигоҳида нафрат чақнаб, беихтиёр кафтини пешонасига босди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Олазарак кўзларида фақат ташвиш ва ҳадик чақнарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

5 кўчма Яшнамоқ, гул-гул очилмоқ, ёш ва чиройли кўринишга эга бўлмоқ. ..Скамейкада ўтирган она ҳализамон қизининг чақнаб, тоғ кийигидек ўйноқлаб чиқишини кутарди. Мирмуҳсин, Умид. Чақнаб юрган чоғи юзлари нақш олмадай бўлиб турар, энди.. ўзини ёшлигидагидай кўргиси келар.. эди. «Ёшлик». Шу қиёфада [Қобул Комилович] хушқад йигитлардай чақнаб кўринарди кўзга. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

6 кучма Жуш урмоқ, туғенга келмоқ. Юрагингда чақнасин фақат Ёруғ хаёл, самовий ўтлар. А. Орипов.

Оёғидан ўт чақнамоқ Шахдам, эпчил, абжир бўлмоқ. *Йигит деган аргумоқдай ўйноқлаб, оёғидан ўт чақнатиб юриши керак.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Туёғидан ўт чақнайди** Тез ва енгил чопадиган; учқур (от, тойга нисбатан). *Уч ёшга кирганида, [Қора Жайрон] булутга сакрайдиган, туёғидан ўт чақнайдиган от бўлди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧАҚНОҚ Ярқирок; нузли, ёрқин. *Гуё чақноқ юлдуз пайдо бўлди-ю, Фикрдай йилт этиб кечди самодан.* Х. Даврон. *Ёш дўстим, сенга қараб туриб ҳавасим келади: юзларингда ёшликка хос тароват, кўзларингда чақноқ нур.* Газетадан.

ЧАҚОНҒИЧ шв. Чаёнўт.

ЧАҚУВ айн. **чақик.** Эҳтимол, орага бирон шубҳа ёки чақув тушиб, ўғлимизни ҳибс қилгандирлар. Мирмуҳсин, Меъмор.

ЧАҚЧА шв. Носқовоқ. *Белида ханжар бор, чақчада нос бор.* Миртемир.

ЧАҚЧАЙМА Чақчайган, катта очилган (кўз ҳақида). *Чақчайма кўз.*

ЧАҚЧАЙМОҚ 1 Кўзини катта очиб, ола-кула қилиб қарамоқ; бақраймоқ. *Чақчайиб турган Шамси: -Э, сизнинг нима ишингиз бор, ишингиз бўлмасин! — деган эди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

2 Катта очилмоқ (кўз ҳақида). *Бувимнинг кўзлари чақчайиб, соққадай думалоқ бўлиб кетди.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. *Чақчайма, Адолат! Чақчайган кўзларинг эримнинг бошини еди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЧАҚЧАҚ Хурсандчилик, хушчақчақлик билан қилинган суҳбат; ҳангама. *Болаларнинг қизир суҳбат, чақчақи.* Қ. Муҳаммадий. *Супаларга, сўриларга тўшалган шолча, гиламларда одамлар чақчақи тинмайди.* Х. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

Чақчақ уриб 1) баланд, ёқимли овоз чиқариб. *Булбуллар сайрар, какликлар чақчақ уриб, ҳар қуш бир турда сайраб турибди.* «Нурали»; 2) хушчақчақ, хурсанд бўлиб. *Ҳамиша кулиб, чақчақ уриб юрадиган дилкаш одам эди у.* М. Исмоилий, Одамийлик қисаси.

ЧАҚЧАҚЛАМОҚ Баланд овоз, кўтаринки кайфият, хушчақчақлик билан гапирмоқ, кулмоқ. *Тинмай жавраб, чақчақлаб турган Светлана бирдан бўшашиб туш-*

ди, хомуш бўлиб қолди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЧАҚЧАҚЛАШМОҚ Хушчақчақлик билан вақт ўтказмоқ, суҳбатлашмоқ. *Кунига биз билан чақчақлашиб, биз билан чой ичадиган Султон амаки бўлса индамай ўтирибди.* Х. Назир, Ёнар дарё. *Табибий билан Аваз чақчақлашиб, тўйхонага кириб келдилар.* С. Сиёев, Аваз.

ЧАҚЧАҚЛИК кам қўлл. Хурсандчилик, хушчақчақлик. *Замоналининг чехрасидаги бояга чақчақлик йўқолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧАҚ-ЧУҚ тақл.с. Металл ёки металлдан қилинган асбобларнинг бирор нарсага урилиши натижасида чиқадаган овозини билдиради. *Темирчининг «чақ-чук» сасига, Бир куни денг, ишхонасига Кирди ўйнаб талай болалар.* С. Очил. *Тарс-турс, чақ-чук этган товушлар чиқиб, юқори кўтарилган кетмонларнинг йилтироқ сиртига тўқинган қуёш нури ялт-юлт чақнаб турарди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЧАҚҚОН 1 сфт. Эпчиллик билан ҳаракат қиладиган; чаптаст. *Бургут — анча йирик, чаққон ва кучли қуш.* «Фан ва турмуш». *Қўшинисининг чаққон қизини кўз остига олиб қўйган эди.* «Ёшлик».

2 рвш. Тез, эпчиллик билан. *У чаққон кийина бошлади.* «Ёшлик». *Қизил чуваклари билан юмшоқ босиб, чаққон елиб хизмат қилмаса, ўзини қаёққа қўйишни билмай қолади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

Бозори чаққон қ. бозор 2. **Оёқ-қўли** (ёки **қўл-оёғи**) **чаққон** Жуда чаққон; эпчил. *Оқ халатли юмалоқ ошпазнинг оёқ-қўли чаққон.* «Шарқ юлдузи». *Оқ сочи гапга чечан десам, қўл-оёғи ҳам чаққонгина бир киши экан.* Х. Тўхтабоев, Ширинов қовунлар мамлакати. **Тили чаққон** Юз-хотир қилмасдан, шартта гапирадиган; шартаки. *Зумраднинг қўли ҳам, тили ҳам чаққон эди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЧАҚҚОНЛАШМОҚ Ҳаракати тезлашмоқ, жадаллашмоқ. *Заргарнинг эса оёқ-қўллари чаққонлашиб, кайфи чоғ бўлиб қолганидан, Туранинг унга ёқиб қолганини пайқаш қийин эмас эди.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Кампир.. борган сари қўллари қовушиб, чаққонлашиб кетди.* Газетадан.

ЧАҚҚОНЛИК Тез ҳаракат қилишлик; эпчиллик; чаптастлик. *-Э, қани чиқинг,*

домла, — *Илҳом чаққонлик билан кабина эшигини каттароқ очди. — Марҳамат! Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Ҳалиги барваста одам ўғирлиб, ўзига ярашмаган чаққонлик билан унга интилди. М. Мансуров, Ёмби.*

ЧАҒАЛАЙ Кўлларда яшовчи ёввойи қушларнинг бир тури. *Мовий кўллар узра сузса чағалай, Адирларда кезса оққув гала-лар. А. Орипов. Оққушларми, чағалайларми, денгизга тўш уриб, яна шодон кўтарилди. М. Мансуров, Ёмби.*

ЧАҒДАВУЛ, чангдовул [мўғ. чагдуул] **1** эск. тар. Чингизийлар, темурийлар армиясида қўшиннинг орт — аръергард қисми.

2 Қўшиннинг орт қисми қўмондони.

ЧАҒИЛЛАМОҚ айн. **чағирламоқ.**

ЧАҒИР **1** эск. айн. **чоғир.** Эл қонидан ичи-шар чағир, *Бари бирдай ўғри, муттахам. Миртемир.*

ЧАҒИР **II** Ола-була, кулранг. *Баширжон чағир кўзли шофёрга зимдан қараб-қараб қўяр.. эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Севаргул жиламайбеина онасининг.. чағир кўзларига тикиларкан, беихтиёр кўнглидан шу фикр ўтди. Н. Қиличев, Чиғирик.*

ЧАҒИР **III** айн. **чақир.** Чағир тошлар товонимдан тишлаб олган, *Кўлларимдан кийикчалар ушлаб олган. М. Юсуф. Олис, чағир тошли йўллардан Отда елиб ўтамыз бирга. Х. Даврон.*

ЧАҒИРЛАМОҚ «Чағ-чуғ» овоз чиқар-моқ, чуғурлашмоқ (зағча, қарға каби қуш-лар ҳақида).

ЧАҒИРЛАШМОҚ **1** ~~Чағирламоқ~~ фл. бирг. н.

2 кўчма Шовқин солиб, бири олиб-бири қўйиб гаплашмоқ, чуғурлашмоқ.

ЧАҒИР-ЧУҒУР тақл. с. **1** Қушларнинг баравар сайрашидан, чуғурлашидан чиқа-диган бетартиб овозни билдиради. *Аллақа-ердан учиб келган қушларнинг чағир-чуғур сайрашигина эшитилади. З. Фатхуллин, Сўн-мас юлдуз.*

2 кўчма Бетартиб, бақириб-чақириб сўз-лашиш, олағовур суҳбат. [*Бой:]* Ҳой, ичкари кир, чағир-чуғурдан қулоғим битди. Ойбек, Танланган асарлар. Уларнинг чағир-чуғур аралаш қаҳқаҳалари ҳовлини янгради. Ой-бек, Танланган асарлар.

ЧАҒИРҚАНОТ Ўрдақлар кенжа оила-сига мансуб бир турли ёввойи ўрдак.

ЧАҒРАК Туркий этник гуруҳ. *Тахмин қилинишича, чағрақлар қипчоқ қабилалари-*

дан бири бўлиб, 11–12-асрларда Фарғона водийсининг тоғли ҳудудларига келиб ўрна-шиб қолган. «ЎЗМЭ».

ЧАҒ-ЧАҒ тақл. с. Зағча, қарға сингари қушларнинг овозини билдиради. *Бағзан чағ-чағ этади бирдан Зағчалар ҳам топгандек висол. Газетадан.*

ЧАҒЧАҒЛАМОҚ «Чағ-чағ» овоз чиқар-моқ, сайрамоқ. *Ёнимдан чағчағлаб ўтган эй тўғрай, Севинчимни қуйлаб уч яна баланд. Ҳ. Пўлат. Бутун дунёнинг булбули шу ер-ларга йиғилиб келгандай, ҳар шохда чағ-чағлайди. Ш. Холмирзаев, Сайланма.*

ЧАҒ-ЧУҒ айн. **чағ-чағ.** Қора қарғаларнинг кuzда тўда-тўда бўлиб далалардан қайтиши пайтларидаги қаттиқ чағ-чуғлари диққат-ни жалб этади. Газетадан.

ЧЕВАР **1** Кийим-бош ёки кашта ти-кишга уста аёл, моҳир тикувчи. *Мана шу чевар қизлар харидоригр маҳсулот тайёр-лашади. «Саодат».*

2 кўчма Ўз ишининг моҳири, устаси; уддабуро. *Пахталар ватанининг асл чевари — Пахта даласининг қиз-жувонлари. Ғ. Фу-лом.*

ЧЕВАРА Эваранинг фарзанди — ўғли ёки қизи (катта бобога, бувига нисбатан). *Бу йигит бир вақтлар унинг чевараси Темир билан қалин ўртоқ эди. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.*

ЧЕВАРЛИК **1** Кийим-бош тикишга моҳирлик. *Қизлар чеварликни иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Газетадан.*

2 Моҳирлик, уддабуронлик. *Унинг [Жа-миланинг] озодалиги, ҳусн-жамоли, пазанда, чеварлиги ҳамманинг оғзига тушиб кетган. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

ЧЕВРИЛМОҚ Айланмоқ. *Москвадан самолёт Тошкентга етиб, Лолалар устида чеврилар эди. Ғ. Фулом. Ҳамманинг армони — соғайсин қўшиқ, Заррин қанотида чеврилсин осмон. А. Орипов.*

ЧЕГА **1** Чинни асбобларнинг синиғини улаш учун ишлатиладиган, иккала учи қай-рилган металл михча. *Чегга тушган коса. Ти-ришганинг тўқмоғи тошга чегга қоқади. Ма-қол.*

2 Идишларнинг шундай михчалар билан уланган, чегаланган ери. *Пиёганинг чегаси-дан сув сирқияпти.*

3 Ёғоч мих.

ЧЕГАЛАМОҚ Синган чинни идиш-асбобларни чега билан уламоқ, бутунламоқ. *Пиёлани чегалаган билан, барибир, изи билиниб туради. «Шарқ юлдузи». Шу лаҳзада Қамчинбекнинг кўзи чегаланган бир чойнакка тушиб қолди. Мирмуҳсин, Супургига сажда.*

ЧЕГАНА шв. айн. **чакана** 3.

ЧЕГАРА 1 Бир-бирига қўшни, ёндош бўлган вилоят, туман, ҳудуд орасидаги ҳад, бўлиниш, ажралиш чизиғи. *Энди Қорабулоқ чегарасидаги доводдан ўтиб олишса, у ёғи осон. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Қўшни давлатларнинг сувдаги ва қуруқликдаги ҳудудини, доирасини кўрсатувчи чизиқ. *Давлат чегараси. Чегара соқчиси. ■ Қаландарлар чегарадаги назорат пунктдан хат-ҳужжатларини кўрсатиб, Туркистон тупроғига ўтишди. К. Яшин, Ҳамза.*

3 Охир, ниҳоя, поён. *Чўлнинг чегараси йўқдек.. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

4 кўча Чека, меъёр; ўлчов; доира. *Одоб чегараси. ■ Аммо у сабр-бардошнинг ҳам чегараси борлигини аллақачон билиб олган.. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Бу газандалар ваҳшийлигининг чегараси йўқ экан-да! Т. Рустамов, Мангу жасорат.*

Чегаралан чиқмоқ Бирор хатти-ҳаракатда меъёрга риоя қилмаслик. *Ҳей, Нишопурий! Чегарадан чиқиб кетяпсиз! [деди Бадиал]. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ЧЕГАРАДОШ Умумий чегарага эга бўлган, ёнма-ён жойлашган; қўшни. *Чегарадош давлатлар. ■ Колхоз катта, бу ёғи кончилар шахри Кенсойга чегарадош. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Мирзакаримбой.. одамларнинг ерларини — агар уларнинг ерлари ўз ерларига чегарадош бўлса — ўзиникига қўйиш учун.. ҳар қандай номус ва адолатнинг бетига тупурар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЧЕГАРАЛАМОҚ 1 Икки орани, чегарани белгиламоқ; чегара билан ажратмоқ. *Давлатларни чегараламоқ.*

2 кўча Белгили талаб, ўлчов, меъёр ва ш.к. билан чекламоқ, чек қўймоқ. *Ҳақ-хуққини чегараламоқ. Таъсир доирасини чегараламоқ. ■ Жумладан, комедиядаги айрим ортиқча кўринишлар билан ташбеҳ, ҳолат ва элементлар чегаралаб ташланган. Газетадан.*

ЧЕГАРАЛИ 1 Белгили чегара билан ўралган, чегараси бўлган, маълум чегара доирасидаги.

2 кўча Маълум талаб, ўлчов, меъёр ва ш.к. билан чекланган; чекли, ўлчовли; ҳисобли. *Николиннинг қалбини янги бир қўрқинч таталарди: ўқ-дори, озиқ-овқат унда чегарали эди. Ойбек, Куёш қораймас.*

ЧЕГАРАСИЗ 1 Белгили чегараси йўқ, маълум чегара билан ажратилмаган.

2 кўча Чекланмаган, ҳеч қандай чек, чегара қўйилмаган ёки қўйиб бўлмайдиган, чеки, чек-чегараси йўқ; чексиз, битмас-тутанмас, бениҳоя. *Чегарасиз хаёللар. ■ Қизнинг орзулари чегарасиз эди. «Ёшлик».*

ЧЕГАРАЧИ Давлат чегараларини муҳофаза қилувчи ҳарбий хизматчи; чегара хизматчиси, соқчиси. *Менинг ёрим чегарачи — ёвга йўл бермас. «Қўшиқлар».*

ЧЕГАЧИ Синган чинни, сопол идишларни чегаловчи, чега қилувчи. *Эски Жувада ҳангама кўп. Бир томонда синиқ чиннилар ямоқчиси — чегачилар ғув-ғуви авжида. Ойбек, Болалик.*

ЧЕГИРМА Бирор миқдордаги пул, маблағ, нарса ва ш.к. дан чегириб олинган қисм, ҳисса.

ЧЕГИРМОҚ Бирор миқдордаги пул, маблағ, нарса ва ш.к. дан маълум қисмни чиқариб ташламоқ; ушлаб, тутиб қолмоқ. *Иш ҳақидан қарзини чегирмоқ. Оғирлигидан намлиқ учун 5% чегирмоқ. ■ Иш ҳақингиздан чегириб қолинади, деб огоҳлантиришди. Газетадан.*

ЧЕК I 1 Давомли нарса ёки ҳодисаларнинг энг сўнгги чегараси, охири, ниҳояси, поёни. *Йўлнинг чеки. Чеки йўқ дашт. Чек нуқта. Чек йўл. ■ Ўз ерининг чекларига босиб тикан.. Ф. Фулом.*

2 кўча Йўл қўйилиши мумкин бўлган чегара; меъёр. *Ҳар нарсанинг чеки бор. Чекдан чиқмоқ. Доноликнинг чеки йўқ. Мақол. ■ Қуролланишга тезроқ чек қўйиш лозим. Газетадан. У даҳшатли хаёлларга чек қўйиб, дарҳол институтга отлана бошлади. Газетадан.*

ЧЕК II [ф. چك — қозининг ҳукми, қарори] 1 Ҳисса, улуш. *Ўз чекини олмоқ.*

2 Зимма; мажбурият. *Сиздан яширадиган сир йўқ, тўйнинг нони менинг чекимга тушган эди. Н. Сафаров, Оловли излар. Шу йилларда онанинг ҳолидан хабар олиш Тожиқхон опаларнинг чекига тушган. А. Нурмурадов, Уруш бевалари.*

3 Тақдир, қисмат, пешона. *Чекингга тушса, чекчайма*. Мақол.

Чек ташламоқ Куръа ташламоқ, куръа ташлаб бахт синамоқ, ўз чекига тушганини аниқламоқ.

ЧЕК III [ингл. check < ф.  — пул муомаласига доир ҳужжат, шартнома; вексель] 1 мл. Маълум юридик шахсининг жорий ҳисоб рақамидан муайян миқдордаги пулни бериш ёки ўтказиш ҳақидаги ёзма фармойишдан иборат махсус ҳужжат. *Чек билан пул олмақ*.

2 Касса томонидан бериладиган, товар учун тўланган сумма кўрсатилган талон, шунингдек, тўланиши лозим бўлган сумма кўрсатилган ва кассага тақдим этиладиган квитанция. *Сотувчининг қўли-қўлига тегмас, чек олиб, одамларга сут, кефир берарди*. Мирмуҳсин, Илдишлар ва япроқлар.

ЧЕК IV 1 қ.х. Шоли экиш учун текисланиб, марзалар билан ажратилган ер, дала участкаси. *Шаҳардан чиқиб, катта-кичик қишлоқларни, майда-йирик чекларни кесиб ўтган чанг-тупроқ йўлда.. Ҳожи хола ёшига жувон билан.. боради*. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Шахсий уй-жой қуриш учун ажратилган ер майдони ва шу ерга қурилган уй-жойнинг ўзи.

ЧЕКА с.т. Чет, чекка. *Чекага чиқ!* ■ [Командир] *Бир чекадан пулемётга чақирди*. Шухрат, Шинелли йиллар.

ЧЕКА [р. «Чрезвычайная комиссия» (фавқулодда комиссия) бирикмаси қисқартмаси (ЧК)нинг ўқилиши] тар. Шўро даврида 1918–1922 йилларда мавжуд бўлган «Аксилинқилоб ва саботажга қарши кураш бўйича Бутунроссия фавқулодда комиссияси»нинг қисқарган номи. [Муҳаррир:] *Ахборингиз учун Чека ўша вақтларда боқимсиз болалар устидан ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган эди*. А. Қаҳҳор, Сароб.

ЧЕКАНКА [р. чеканка] қ.х. Ғўзанинги, узумнинг юқори шохларини ёки юқори шох учларини қирқиш, узиш, чилпиш. *Ҳосил туғиши даврида ғўзани чеканка қилиш муҳим агротехник талаблардан ҳисобланади*. Газетадан. *Илгари чопиқ, яганаю чеканка ҳам ўқувчиларсиз битмас эди*. М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЧЕКАНКАЧИ Ғўзани чеканка қилувчи мутахассис деҳқон.

ЧЕКИМ Бир марта чекиладиган, бир чекишга етарли, бир чекишли. *Бир чеким нос*. ■ *Турдибой ундан бир чеким нос олиб, чекмоқчи бўлиб, бурнининг яқинига келтириб, Элмуродга тикилди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧЕКИМЛИК Чекиладиган нарса (махорка, папирос, сигарета, наша ва ш. к.).

ЧЕКИНДИ Чекиб ташланган ёки чекиб тамомланмаган папирос, сигарета ва ш.к. қолдиғи. *Гугурт чўпи ва махорка чекинди-ларига диққат билан қаради*. Ойбек, Қуёш қораймас.

ЧЕКИНИШ Чекинмоқ фл. ҳар. н. *Ниҳоят, ярим кечага борганда, душман тамом ҳолдан тойиб, чекинишга мажбур бўлди*. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Лирик чекиниш ад. Бирор мақсадда асосий мавзудан четга чиқилган, муаллиф ҳистуйғулари ифодаланган лирик парча.

ЧЕКИНМОҚ I Орқага тисарилмоқ, тисланмоқ. *Директор ранги ўчиб, сал орқага чекинди*. «Шарқ юлдузи». *Ўсар бухгалтер, тумшугини ари уясига тиқиб олган айиқдай, ортига чекинди*. А. Кўчимов, Ҳалқа. *Хотин ноз билан чекинди*. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 ҳарб. Душман ҳужуми натижасида илгариги позицияларни ташлаб, орқага кетишга мажбур бўлмоқ, орқага жилмоқ. *Душман тепадан жанг билан чекинарган, муаллим яна ҳаммадан олдинда ўтга кириб кетди*. Ойбек, Қуёш қораймас. *Асирни дарҳол сўроққа тутдик. У чекиниш вақтида қуршовда қолган артиллериячилардан экан*. Н. Сафаров, Оловли излар.

3 кўчма Қайтмоқ, воз кечмоқ. *Ойқиз ҳам ўз фикридан асло чекинмай, қатъий тураверди*. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 кўчма Ўтмоқ, тугамоқ. *Қишининг сўнги кунлари аста-секин чекинмоқда эди*. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

5 кўчма Йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ. *Орқага чекинар ним қоронғилик*. Х. Даврон. *Ойнинг хира ёғдуси чекинди*. «Ёшлик».

6 кўчма Четга чиқмоқ. *Қойдадан чекинмоқ*. **ЧЕКИСТ** [р. чекист] Чека ходими, агзоси. *Тошкентда менга учра. Сени шогирд қилиб оламан. Чекист бўласан. Ҳўми? Ҳ*. Гулом, Машъал.

ЧЕКИШ I 1 **Чекмоқ** II фл. ҳар. н. У чекишининг ҳам машиқини олган эди. Мирмуҳсин, Умид. *У [Думбул Ғани] аллақандай ютоқиб, шошиб, чекишни қўмсаб, гугурт чақиш-*

га уринар, лекин қўллари қалтираб, ҳадеган-да уддасидан чиқа олмасди. М. Мансуров, Ёмби.

2 Сигарета; истеъмол қилинувчи наркотик модда. *..йигитча икки оғайниси билан муқошида турарди. У яна чекиш сўради. «Ёшлик».*

ЧЕККА Нарсаларнинг, жойнинг ўрта қисмига, марказига нисбатан энг чети, четки томони; ён, ёқа, қирғоқ, чет. *Айвоннинг чеккаси. Йўлнинг чеккаси. Чеккадаги одам. ■ Йўлнинг чеккасида қатор тераклар саф тортган. Газетадан.*

Бир чеккадан 1) бирор томондан, бир четдан. *Бир чеккадан кимнингдир овози эшитилди;* 2) бир бошдан, батартиб. *Нон ясаб бўлгунча, тандир қизиди. Кейин бир чеккадан ёпдим. Ойбек, Танланган асарлар. Бир чеккаси* 1) бир чети, томони. *..тип-тиниқ осмоннинг бир чеккасида бўзарган ой хомуш осилиб қолган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол;* 2) *крш. с. взф. Бир ҳисобда; шунингдек. Ҳакимбойвачча учун Йўлчи синалган, азамат бир малай ва, бир чеккаси, қариндош эди ҳам. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЧЕККАЛИК Чеккага, марказдан чет ерга мансуб. *Чеккалик киши.*

Бир чеккалик тур Четга чиқиб тур. **Ишлар бир чеккалик бўлди** Ишлар бартаараф бўлди.

ЧЕКЛАМОҚ Белгили талаб, ўлчов, меъёр ва ш. к. билан чегараламоқ; чегара, чек қўймоқ; чегарасини белгиламоқ, қатъий қилиб қўймоқ. *Вақтни чекламоқ. ■ Бунинг устига, таржимоннинг луғатини ҳам чеклаш уни бутунлай занжирбанд қилиб қўяр эди. «ЎТА».*

ЧЕКЛАНМОҚ 1 **Чекламоқ** фл. мажх. н. *Харажатлар чекланди. Вақт чекланди.*

2 Чегараланмоқ, кифояланмоқ. *Тошкент тиббиёт институти шифокор мутахассислар етиштиришининг ўзи билан чекланмайди. «Гулистон».*

ЧЕКЛИ 1 Чеки, охири, поёни бўлган. *Чекли фазо. Чекли миқдор (мат).*

2 Чеклаб қўйилган, ўлчовли, ҳисобли. *Чекли вақт. Чекли маблағ.*

ЧЕКМОҚ I эск. Тортмоқ, урмоқ. *Тиғ чекмоқ. ■ Армон билан билмагани билдирар, Ханжар чекиб, қора бағринг тилдирар. «Кунтуғмиш».*

ЧЕКМОҚ II Бошдан кечирмоқ, руҳан ёки жисман ҳис қилмоқ. *Азоб чекмоқ. Машаққатлар чекмоқ. ■ ..фоний дунё азоб-уқубатларини кўп чеккан банда боқий дунё роҳатини кўради. Мирмуҳсин, Меъмор.*

Жон чекмоқ Астойдил, жонини жабборга бериб ишламоқ, ҳаракат қилмоқ. *Меъморнинг дашт офтобиди сардоба қуриб бераман, деб жон чекиб юрганини кўраётган шогирдлари устодга ачинишарди. Мирмуҳсин, Меъмор. Оҳ (ёки нола, фарёд, ёху) чекмоқ* Чуқур қайғуриб, изтироб билан йиғламоқ; оҳ тортмоқ. *Оҳлар чекиб ҳар дам кундуз, Жўраси йўқ ўзи ёлғиз. «Баҳром ва Гуландом». Қобил Комиловичнинг ўзи эса айвон устунига дам-бадам бошини уриб, нола чекарди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Йигитлар мактубин битганда қондан, Келинлар фироқдан чекканда ёху, Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан.. А. Орипов.*

ЧЕКМОҚ III 1 **Истеъмол қилмоқ. Сигарет чекмоқ. Чилим чекмоқ. ■ Орамизда беш киши махорка чекади. С. Сиёев, Ёруғлик. Мен ҳам уни кўтараётганимда, шундай ачимсиқ ҳид димоғимни ёриб юборай деганди, наша чекканига иқрор бўлдим. Газетадан. У айвон чеккасида сигарет чекиб турарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.**

2 Санчиб, куйдириб, босиб тасвир, нақш, безак ҳосил қилмоқ, безамоқ. *Эғнида тўқ кук шевиотдан костюм, ёқаларига гул чекилган оч пушти блузка. Ойдин, Сухбати жонон.*

Имзо чекмоқ Қўл қўймоқ. *Сафо Аvezов ўнг қўли билан актга имзо чекди. «Муштум».*

ЧЕКСИЗ 1 Чеки, чегараси, охири, поёни йўқ; поёнсиз, бепоён. *Чексиз фазо. Чексиз пахта далалари. Чексиз миқдор (мат.). ■ Бироздан кейин Қумри чексиз даштга ишора қилди. Мирмуҳсин, Қумри ва Таманно.*

2 *кўчма* Чекланмаган, жуда катта; битмас-туганмас; бениҳоя; чуқур. *Чексиз садақат. Чексиз имкониятлар. ■ Бузрук эшоннинг Ҳамзага нисбатан адовати чексиз эди. К. Яшин, Ҳамза. Мен чексиз ҳайрат ва диққат билан Ҳилолага тикилдим. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. [Аянинг] Дардли кўзларида чексиз алам, лабларида унсиз таъна. О. Ёкубов, Диёнат.*

ЧЕКСИЗЛИК 1 Чексиз бўлишлик, бепоёнлик. *Осмоннинг чексизлиги. Садоқатнинг чексизлиги.*

2 мат. Чексиз миқдор. Чексизликка интилуви сон.

ЧЕКЧАЙМОҚ *шв.* Чақчаймоқ; бақраймоқ. Чекинга тушса чекчайма. Мақол. ■ Илгари кийик билан кучук бир-бирларидан қўрқар, бир-бирларига яқин келолмай, чекчайиб туришарди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ЧЕЛ *шв.* Экин майдонлари, ер пол (тахта)лари орасидаги чегара; уват. Резина этикли киши эрталабдан буён дала айланиб, челларни кўздан кечиради. Газетадан.

ЧЕЛАК Асосан, суюқликларни сақлаш, ташиш учун хизмат қиладиган, цилиндр шакли, ёйсимон бандли идиш; пақир. Сирли челақ. Бир челақ сув. ■ Кудуқ бўйида челақ тўла сув ва занжирга боғланган мис жом турарди. С. Айний, Дохунда.

ЧЕЛАКЛАБ *рвш.* Челақ билан, челақда. Челақлаб сув ташимоқ. ■ Қурилишда эса цемент билан қум аралашмалари челақлаб қўлда ташилмоқда. «Муштум».

Челақлаб қуймоқ 1) челақ билан қуймоқ; 2) кўча шаррос қуймоқ, қаттиқ ёғмоқ (кучли ёмғир ҳақида). Булутиларнинг ҳаракати бежо. Ҳализамон тепамиздан челақлаб қуйиб берса ҳам, эҳтимол. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Тунлари челақлаб ёмғир қуяди, эрталаб қарасанг, экин-тикинларингдан номнишон йўқ. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЧЕЛАКЧИ Челақ ясайдиган ёки тузатадиган уста.

ЧЕМОДАН *айн.* **чамадон.** Хотини — Анна иссиқ кийимларни чемоданга жойлади.. Ойдин, Ҳикоялар.

ЧЕМПИОН [*ингл.* champion < *фр.* champion — жангчи; курашчи] Спортнинг бирор тури бўйича шаҳар, вилоят, мамлакат ёки жаҳон биринчилиги учун ўтказилган мусобақа ғолиби бўлган спортчи ёки спорт жамоаси. Бугун ҳамманинг оғзида бир гап: Рустам Қосимжонов — шахмат бўйича жаҳон чемпиони! Газетадан.

ЧЕМПИОНАТ [*р.* чемпионат < *ингл.* championship] Чемпион унвонини олиш, чемпионни аниқлаш учун ўтказиладиган мусобақа, беллашув. Шахмат чемпионати. ■ Футболчиларимиз чемпионатнинг кумуш медалини қўлга киритишди. Газетадан.

ЧЕН *шв.* Чама, мўлжал; ўлчов. Ким танимас Кўкан деган колхозчини, Танимаган эслаб кўрсин, етса чени. Ғ. Фулом.

ЧЕНА *с.т.* Чана.

ЧЕП *кт. ҳарб.* Турли нарсаларни айқаш-уйқаш босиб, ёвга қарши қурилган тўсиқ. Чеп қурмоқ. ■ 1365 йилда шаҳар зарбдорлари шаҳарни мўғуллардан фақат кўчаларга чеп босиб Ҳимоя қилган эдилар. Я. Фуломов, Кўҳна тарих излари.

ЧЕР *фольк.* Алам, қайғу; доғ. Кўп чопилса, отингиздан тер келар, Ёмон гапга юраклардан чер келар. «Ойсулув». Юрагида чер эди, Гуркураган эр эди. «Ҳасанхон».

ЧЕРВОН [*р.* червонец < *пол.* czerwony — тилларанг, қирмизи] *тар.* Собик СССРда: 1922—1947 йилларда муомалада бўлган ўн сўмлик пул; давлат кредит билети. Кампир ҳайрон: бундоқ червонларни Қўрьоннинг ичида сақлайдиган чолга нима бало бўлди? Мирмуҳсин, Бир хумча тилла.

ЧЕРДАК [*т.* < *ф.* + *а.* چارطاق — тўрт қиррали гумбаз; ланг очик; чордоқ] *қ.* **чордоқ.** Қўрьоннинг тўрида иккита оқ уйнинг қамиш билан ёпилган чердаги сал-пал қўринади. С. Анорбоев, Оқсой.

ЧЕРЕПИЦА [*р.* череп — бош чаноғи < *санск.* корга — пўст, қобик] *бнк.* Сопол ва цемент-қум қоришмаси, шунингдек, металл, пластмасса каби материаллардан тайёрланадиган, том ёпиш учун ишлатиладиган новли пластинка шаклидаги қурилиш материали. Сопол черепица. Тунука черепица. ■ Назаров жангчиларни черепица томли пастаккина хата олдида қолдириб, ичкарига кириб кетди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ЧЕРЁМУХА [*қад.р.* черема — қорачадан келган, буғдойранг.] Шох-шаббалари кенг, гуллари хушбўй ҳидли, резавор мевали, раънодошлар оиласига мансуб дарахт ёки бута; шумурт.

ЧЕРИК [*мўғ.* цэрэг — аскар, жангчи; қўшин < *санск.* ksatrika — қўшин, лашкар] *тар.* Ҳарбий юриш вақтида олий ҳукмдор томонидан чиқарилган фармонга мувофиқ йиғиладиган мунтазам қўшин. Чериклар ўтади жангоҳлар томон. Ҳ. Даврон. Черик ўнлик, юзлик, минглик ва туманларга тақсимланган ва уларга ўнбеги, юзбеги, мингбеги ва туманбегилар сардорлик қилган. «ЎЗМЭ».

ЧЕРКАС *қ.* черкаслар. Черкас тили. Черкас аёл.

ЧЕРКАСЛАР Россия Федерациясининг Қорачой-Черкасия Республикасида яшов-

чи, кабардин-черкас тилида сўзлашувчи халқ (ўзларини адиге деб аташади).

ЧЕРКЕЗ Чўлларда, қумлоқ ерларда ўсадиган, ем-хашак бўладиган доривор йирик бута ёки дарахт. *Черкез* номли ўсимлик мевасидан доривор моддалар олинади. «Фан ва турмуш».

ЧЕРКОВ [р. церковь < юн. kuriakē — худонинг уйи] 1 Христианлар ибодатхонаси. *Ўзбекистонда 160 та христиан черкови фаолият кўрсади. «ЎЗМЭ».*

2 Христианликда: ўз диний ақидалари ва маросимлари тизимига эга бўлган махсус диний ташкилот. *Черковга мансуб кишилар руҳонийлар ва оддий диндорларга бўлинади. «ЎЗМЭ».* *Черковларда ҳудожулар Саждагоҳга бош қўяди. Э. Охунова.*

ЧЕРТЁЖ [р. чертёж < қад.р. черсти, черту — чизмоқ] эск. айн. **чизма**. *Донишманд раис чертёж чизиб, зовурлар чизигини белгилади. Н. Сафаров, Оловли излар. Мен дўстимнинг ёнига чиқсам, Чертёжлардан ёзар дастурхон. Э. Воҳидов.*

ЧЕРТИБ-ЧЕРТИБ 1 **Чертиб** с. тақр. *Столни чертиб-чертиб гапирмоқ.*

2 **кўчма рвш.** Саралаб, танлаб-танлаб. *..академик ёзувчимиз Ойбек «Навоий» романида жуда кўп фразеологик иборалар, мақол, матал ва идиомаларни чертиб-чертиб ишлатган. «ЎТА».*

3 **кўчма** Ҳар бир сўзни алоҳида таъкидлаб, дона-дона қилиб (сўзлашиш пайтида). *— Йўқ десангиз, бир умрга хайр! — деди чертиб-чертиб Шаҳзодаҳон. К. Яшин, Ҳамза.*

ЧЕРТМАК 1 Бармоқ билан чертиб берилган зарб.

Чертмак олмоқ Кимсанинг бирор ерига чертмоқ. **Чертмак ўйнамоқ** ҳазил Ютқизган кишига чертиш йўли билан жазо бермоқ; чертмак олиш шарт билан ўйнамоқ.

2 Чертиб чиқарилган оҳанг, ритм, куй. *Дутор ёнига чилдирманинг чертмаги келиб қўшилгандан кейин, базм тағин ҳам жонланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Чертмак чалмоқ Бирор нарса чертиб, оҳанг чиқармоқ ёки асосий куйга жўр бўлмоқ. *Қўшиқни ёшлар айтсин, улар чалган чертмакка Сел бўлиб, бош иргатиб қўя қолиш кифоя. Ғ. Фулом.*

ЧЕРТМОҚ 1 Бармоқ билан кескин зарб бермоқ, бармоқ билан уриб, паст, кескин овоз чиқармоқ, тақиллатмоқ. *Ойгани чертиб*

чақирмоқ. Тарвузни чертиб кўрмоқ. Дўпписини чертиб тозаламоқ. ■ Аваз ҳазиллашиб, унинг тақир бошига икки марта чертди. С. Сиёев, Аваз. Бўта идорага кириб, стулга ўтирди. Нима қилишни билмай, столни чертиб, хаёлга толди. С. Аҳмад, Ҳукм.

Бурнига чертса йиқилгудай Жуда ҳам озгин, ҳолдан тойган. *Ихчам елкалари яна ҳам кичкина тортиб кетган, бурнига чертса йиқилгудай чарчаган бўлса ҳам, ўзини тетик тутишга.. тиришар эди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 **Чертмак билан итқитмоқ, улоқтирмоқ.** *Зокир қўлидаги қоғозни икки буқлаб, чўнтагига солди ва йўл-йўл бостон пиджагининг енгига ёпишган увоқни чертиб ташлади. П. Қодиров, Уч илди. [Мўминжоннинг отаси] Қуюқ қошларини чимириб, чекиб турган папиросини гуллар орасига чертиб юборди-да, уйга кириб кетди. Қ. Мақсумов, Муҳаббат қўшиғи.*

3 Бармоқ ёки бармоқлар билан зарб бериб чалмоқ. *Тор чертмоқ. Дўмбира чертмоқ. ■ У яхши чалаётганини, тор ўзининг қўлида булбулдай сайраётганини билар, билган сари завқ билан чертарди. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.*

Ҳўкизнинг (ёки эшакнинг) қулоғига танбур чертмоқ қ. танбур.

ЧЕТ 1 *от* Бирор нарсанинг марказидан узоқ атроф, жой; бирор нарсанинг энг чеккаси; чекка, овлоқ. *Шаҳар чети. Супанинг чети. Чет жой. Чет ўлка. ■ — Мана ақча, — Мирзо чўнтагидан тилла тангалар тўлдирилган халтачани чиқариб, дастурхон четига қўйди. Мирмуҳсин, Меъмор. Йўлларнинг икки четидаги ариқлар ва чуқурлар кўчма қум, хас-хашак билан тўлди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Тўққиз-ўн кунлик ой шаҳарнинг қоқ устида чети қорайган баркашдек ялтираб турар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

2 Бирор объектга нисбатан бошқа томон, тараф; ташқари. *Четга қарамоқ. Четга тортмоқ. ■ Раёно юзини четга ўгириб, кулиб турар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Мурзин Элмуродни кўриб, четга бурилди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

Четда қолмоқ 1) бир чеккада, ташқарида қолмоқ; 2) бебаҳра бўлмоқ; бирор фаолиятдан ташқарида бўлмоқ. *Ишдан четда қолмоқ. Назардан четда қолмоқ. ■ Раҳмат*

сўздан четда қолдирмаслик учун Отабекни ҳам орага олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бироқ туркий тиллар материаллари ҳозирга қадар лингвист-структуралистлар эътиборидан четда қолиб келмоқда. «ЎТА». Ўзини четга олмоқ (ёки тортмоқ) 1) ўзини бир чеккага, панага олмоқ, бир тарафга, томонга чиқмоқ, ўтмоқ; четламоқ. Нақ шу паллада дарвозадан катта қора сигир шаталоқ отиб, орқасида бир кишини суриб кирди. Бой чўчиб, ўзини четга олди. Ойбек, Танланган асарлар; 2) кўчма бирор ишдан ўзини олиб қочмоқ.

3 Қирғоқ, соҳил, ёқа, лаб. Дарё четидаги дарахтлар акси сувда чайқалади. «Ёшлик».

4 кўчма сфт. Бегона, ажнабий, хорижий. Чет эл. Чет мамлакат. Чет тили. ■ Унинг синфда чет тили тўғрагининг машғулотчи борарди. С. Зуннунова, Янги директор. Деворда ва ерда қимматбаҳо гиламлар, аъло сифатли чет эл гарнитурни. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

5 от Ташқари, сирт; чекка. Четдан одам ёллаш. Четдан томоша қилиб турмоқ.

ЧЕТАН I 1 Сочилувчи юкларни ташиш учун тол, тут новдаларидан тўқиб ясалган махсус кажава, кузов. Қовуним пишиб чириб кетди. Жилла бўлмаса, битта четанда олиб тушай-да, сотиб, болаларга кийимлик олай, деб хаёл қилган эдим. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Четандан қилинган, четан билан ўралган. Адолат хирмондаги пахтани четан аравага ортгач, тепасига ўтириб, қишлоққа жўнади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Улар четан девор билан ўралган мўъжазгина ҳовлига кириб боришди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Кейин билсам, чайланинг четан эшиги очилиб-ёпилаётган экан. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЧЕТАН II Раъногуллар оиласига мансуб, қизил ёки сарғиш шода-шода мевали дарахт ёки бута ҳамда унинг меваси.

ЧЕТКИ Чекка томондаги, чет тарафда, четда бўлган, четда жойлашган. Четки уй. Энг четки қатор. ■ Маҳкам елпигичга ўхшатиб қўйилган билетлардан четкисини тортди. П. Қодиров, Уч илдиш.

ЧЕТЛАМОҚ Чеккага чиқмоқ, чет томонга ўтмоқ; белгили йўлдан бормай, четда юрмоқ, ҳаракат қилмоқ. Кумуш бўлса, онасининг ҳозирги ҳолига ачингандек, унга яқинлашмай, четлаб юрар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Четлаб ўтмоқ 1) айланиб, чап бериб ўтмоқ. Расулжоннинг қазаби қайнаб, акасини четлаб ўтмоқчи эди, яна шаштидан қайтди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон; 2) кўчма тақилмай, тилга олмай ўтмоқ, ташлаб ўтмоқ. Шу боисдан ҳам экстремистлар ўз йиғинларида бундай қалтис саволларни четлаб ўтишади. Газетадан.

ЧЕТЛАНМОҚ I Четламоқ фл. ўзл. н. Гулнор бироз четланиб юриб, зинага оёқ қўйди. Ойбек, Танланган асарлар. Зайнаб четланиб, уйдан чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Хотин ҳушини йўқотиб, шилқ этиб тушди. Бирдан одамлар четланишди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 кўчма Ўзини четга олмоқ, қочмоқ, четлашмоқ. Ишдан четланди.

ЧЕТЛАТМОҚ I Четламоқ фл. орт. н.

2 Ишдан бўшатмоқ; бирор иш қилиш ёки бирор ишда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этмоқ. Яқинда эътиборли бир одам.. раҳбарлик вазифасидан четлатилган. Газетадан.

ЧЕТЛАШМОҚ I Четламоқ фл. бирг. н. Улар катта йўлдан четлашдилар.

2 Бир-биридан узоқлашмоқ; ётлашмоқ, бегоналашмоқ. Шунчаликки бир-биримиздан четлашиб, мунғайишиб юришимиз кишига оғир келар экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бировга дуч келишдан безиллаб қолдим. Одамлардан четлашиб, гаплашмайдиган бўлдим. А. Мухтор, Туғилиш.

3 кўчма Иштирок этмай, қатнашмай қўймоқ, узоқлашмоқ. Ишдан четлашди.

ЧЕХ қ. чехлар. Чех тили. Чех аёл.

ЧЕХЛАР Чехия Республикасининг туб, асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ. Чехларнинг миллий кийимлари, анъанавий ҳунармандчилиги сақланган. «ЎзМЭ».

ЧЕЧА шв. Янга, келинойи. Гурўғли шундайин тиклаб қараса, Келаетган — Холжувондай чечаси. «Гурўғлининг туғилиши».

ЧЕЧАК I Табиий равишда ўсадиган гулли ўсимлик; гул. Дала чечаклари. Хушбўй чечак. ■ Ранго-ранг капалаклар чечакларнинг хушбўй ҳидидан маст. М. Осим, Карвон йўлларида. Шамоллар ичида мен ҳам бир шамол, Чечаклар атридан мен ҳам сармастман. А. Орипов.

ЧЕЧАК II Баданга сувли пуфакчалар тошириб, иситма чиқарадиган, кўпинча болаларда учрайдиган оғир юқумли касал-

лик. Агарда ўзингизга ҳам чечак чиққан бўлса, сезарсиз: мисоли галвирак бодом. А. Қодирий, Кичик асарлар. 1980 йил Жаҳон Соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 33-сессиясида Ер юзида чин чечак буткул тугатилганлиги расмий равишда эълон қилинди. «ЎЗМЭ».

Пулинга чечак чиққанми? Керакли нарсани олиш учун ўз пулини қизганиб, бировдан нарса сўрагучи кишига айтилади-ган ибора.

ЧЕЧАКЛАМОҚ 1 Гулламоқ, гул ёзмоқ.

2 кўчма кам қўлл. Гуллаб-яшнамоқ.

ЧЕЧАН Чаққон, уddaбурон, уста, моҳир. Гапга чечан. Чечан теримчи. Қўли чечан одам. ■ Боқи ҳар қандай даврани гуллади, гапга чечан. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. Илгорлар тенгдошиман, Қирқ қизларнинг бошиман, Илдам бўлинг, жон ака, Чечанлар йўлдошиман. 3. Обидов. Э, сен жуда чечан экансан-ку, туллак беданадай сайрайсан-а! П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧЕЧАНЛАШМОҚ Тез-тез, равон, чиройли гапирмоқ. Мабодо кўнгли ийиб, бирор-бир янги ҳангома, эртак, афсона айтгудек бўлса, кунлимаганда чечанлашиб кетарди. Газетадан.

ЧЕЧАНЛИК Чаққонлик, усталик, uddaбуронлик. У чониқда чечанлигини кўрсатди. ■ Шоазим гапга чечанлик қилиб, баланд келгани Маҳкамнинг ёдига тушиди-ю, эски оғриқ гўё янгиланди. П. Қодиров, Уч илдиш.

ЧЕЧЕН қ. чеченлар.

ЧЕЧЕНЛАР Асосан, Россия Федерацияси таркибидаги Чеченистон ва Ингушияда яшовчи халқ; Шимолий Кавказнинг туб аҳолиси. Чеченларнинг анъанавий машғулотлари — пастрекисликларда деҳқончилик, тоғларда чорвачилик. «ЎЗМЭ».

ЧЕЧМОҚ шв. Ёчмоқ. Алпомиш ўзини маълум этади, Устидан кийимин чечиб отади. «Алпомиш».

ЧЕХРА [ф.  — юз, сиймо] 1 Юз, бет, афт-ангор; сиймо. Улар худди эгизаклардек, чехралари бир-бирига ғоят ўхшар, гавдалари қарийб фарқсиз, кўринишида ювош одамлар эди. Ойбек, Кўёш қораймас. Шунда унинг хаёл боғида яна Адолатнинг чехраси кўринди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Киши кайфияти, руҳий ҳолати ёки хулқ-атворининг юздаги акси. Унинг чехраси бузуқ. Чехраси очиқ одам. Чехрасини очмоқ. ■ Чехра деган кўнглининг ойнасидир.

Ҳамза. Қори уни гоҳ «сизлаб», гоҳ «сенлаб», яхши муомалада бўлгани учун, очиқ чехра билан гаплаша кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. Чол соқолини қириб, янги комбинезон кийиб олган. Унинг чехраси очиқ, нимадандир хурсанд. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЧИБИН шв. Чивин.

ЧИБИҚ шв. Чивик.

ЧИБОР шв. Чипор, ола-чипор.

ЧИВИН 1 Икки қанотли, узун мўйловли қон сўрувчи майда ҳашарот. Безгак чивини. Ўрмон чивини. Икки нор уришса, ўртасида чивин ўлади. Мақол. ■ - Чивин кўплашса, филни йиқитади, деган гап бор, — деди Эргаш салмоқлаб. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ажал етмай, ўлмас Бойсуннинг хони, Бесабаб чиқмайдиган чивиннинг жони. «Алпомиш».

Чивин чаққандай ҳам бўлмади Сира оғритмади, сезилмади ҳам.

2 шв. Пашша.

ЧИВИҚ 1 Сурх новда. Тол чивиги. Чивик тутган еридан синмайди, эгилган еридан синади. Мақол. ■ Зайнаб тўрт тарафга зир югуради. Толнинг чивикларидан синдиради. «Ёшлик».

2 тех. Ингичка ва узун металл таёқча. Чивик темир. ■ Чивикдан темир-бетон тайёрлаш учун арматура сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. «ЎЗМЭ».

3 сфт. Майда чизик-чизик йўлли (газлама). Яна юриб кетади: саккизтепки гул атлас, Чивик беқасамларнинг олағовур бозори. Ф. Фулом.

ЧИГАЛ 1 Учини топиб, ёзиб бўлмайдиган, чалкашиб, у ер-бу ерига тутун тушиб қолган (ип, ингичка сим ва ш. к. ҳақида). [Онам] Отамнинг бу жавобидан чигал калаванинг учини топгандай, уни яхшилаб ечишга киришди. С. Айний, Эсдаликлар.

2 кўчма Чалкашиб, мураккаблашиб кетган; чалкаш. Чигал бир масала. ■ Мен она юртим, жонажон Оролим ва унинг чигал қисмати ҳақида оғир ўйга толдим. Газетадан.

3 кўчма Муаммо; қийин масала. Улғбек.. ҳандаса илмида чигалларни ечувчи.. эрди. «Ёшлик». Сув муаммоси ҳал бўлди-ю, бошқа чигал чиқди. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Чигалини ёзмоқ 1) оғриғини, увушиғини тарқатмоқ. Йигит ўрнидан туриб, чигалини ёзиш учун керишди. 3. Аълам, Зарб; 2) кўн-

гил гашлигини тарқатмоқ. [Хола:] Бунақа уйларда ис босиб ўтираверса, юрагига зардоб тўпланади-да! Бундай тўй-пўй қилиб, кўнглидаги чигалини ёзмаса. С. Нуров, Нарвон.

ЧИГАЛЛАШМОҚ 1 Учини топиб бўлмайдиган ҳолга келмоқ; чалкашмоқ. *Ип чигаллашиб қолибди.*

2 кўчма Чалкашмоқ, мураккаблашмоқ, тушуниб, охирига етиб бўлмайдиган ҳолга келмоқ. *Масала чигаллашиб. Иш чигаллашиб борапти.* ■ Бироқ шаҳарлик бу майор пайдо бўлди-ю, режалари чигаллашиб кетди. «Шарқ юлдузи».

ЧИГАЛЛИК 1 Увушиб қолишлик; чалкашлик, чалкашиб қолишлик. *Тонг ҳавосини далада симирмаса, жон ришталаридаги чигаллик ёзилмай.. руҳи тушиб кетаётгандай бўлаверади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 Чигал нарса, иш, масала ва ш.к. Ҳозир қалбида пайдо бўлаётган шубҳа ва чигаллик унинг ишонувчанлиги ва соддадиллиги билан сиғишмасди. П. Қодиров, Уч илдиш.

ЧИГИЛ 1 айн. **чигал.** Чигил арқон. Арқоннинг чигилини ёзмоқ. ■ Оёқнинг чигилини ёзмоқ *истаб, секин қўзғалдик.* М. М. Дўст, Лолазор. *Шу оқшом Низомжон дилига тугилиб ётган чигилни ечиб ташлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЧИГИЛ 2 қ. **чигиллар.**

ЧИГИЛЛАР Ўзбек халқининг этник таркибига кирган туркий қабилалар иттифоқи. 11-асрнинг 1-ярмида чигилларнинг бир қисми Зарафшон водийсига кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли билан араллашиб кетган. «ЎЗМЭ».

ЧИГИРТКА 1 Тўғри қанотлилар туркумига мансуб, қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирувчи ҳашарот. *Чигирткалар экин ер, экмай-тикмай текин ер.* Мақол. ■ *Чигиртка чириллади.. ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Уларнинг [ўт-ўланларнинг] орасидан майда сариқ, қора чигирткалар учиб чиқар, сакраб, бошқа ерга қўнарди.* «Ёшлик».

2 кўчма нафр. Балоҳўр, босқинчи. -*Келдилар чигирткалар!* — деди у томонга қараб Ҳайдар. Ҳаммалари у томонга қарадилар. *Йигирма-йигирма беш отлик йўлни чангиштиб келмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

ЧИГИТ Ғўзанинг уруғи; терилган пахтани қайта ишлаб олинади. *Ёзиб олинг ён*

дафтарга: Ғўза унар чигитдан. «Муштум». *Чигит чиқиндиларини қайта ишлаб, улардан целлюлоза, спирт, лок ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.* «ЎЗМЭ».

ЧИГИТЛИ: **чигитли пахта** Чигити олинмаган пахта.

ЧИДАМ 1 Қийинчилик, дард, алам, азоб ва ш.к. га тоқат қила олиш қобилияти; тўзим, тоқат, сабр-бардош. *Чидами йўқ одам. Чидам бермоқ.* ■ *Келса бошга ҳар оғирлик, воҳ дема, Бардош қилиб, чидам қўрсат, оҳ дема.* Ҳабибий. *Бола ғафир ҳар бир оғирликни чидам билан енгишдан бошқа чораси йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қабулга келганларни қунт ва чидам билан эшитиш, улар қўйган масалани ҳал этиш Ойқиз учун темир қонун.. эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Узоқ хизмат қилиш, чидаш хусусияти, пишиқлик, пухталиқ, мустаҳкамлик. *Чидами йўқ ип.*

ЧИДАМЛИ 1 Қийинчилик, оғриқ, дард, алам ва ш.к. га чидайдиган; тоқатли, тўзимли, бардошли. *Чидамли аёл. Чидамли эр лочин тутар.* Мақол. ■ *Демак, Феруза чидамли бўла олмаган шаҳарлик ёш агроном йигит ўрнига келибди.* Ҳ. Ғулом, Феруза.

2 Турли оғир табиий шароитларда яшай оладиган. *..узун толали ва ҳар қандай касалликларга чидамли, айниқса, вилтга чидамли навлар яратиш иши оқсаяпти.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Узоқ хизмат қиладиган, чидайдиган; пишиқ, пухта, мустаҳкам. *Чидамли пойабзал.* ■ -*Мен ҳайронманки, — деди сўзга чиққан хўжалик мудир, — халқ силлиқ ва чидамли сурп, чит ва сатинларни олмай, қўпол ва дағал бўз ва қалами орқасидан югуради.* С. Айний, Қуллар.

4 Турли шароитларда (ўт, сув ва ш.к. таъсирида) ўз хусусиятларини йўқотмайдиган. *Ўтга чидамли гишт.*

ЧИДАМЛИЛИК Ташқи таъсирлар натижасида ўзгармаслик; ишга яроқлилик хоссаси, бардошлилик. *Ҳожинова газламининг чидамлилигини синайдиган махсус асбобнинг лойиҳасини ҳам тузиб берди.* М. Жўра, Кўешдан нур эмганлар.

ЧИДАМОҚ 1 Руҳий ёки жисмоний қийинчиликларнинг тугагини сабр билан кутмоқ; уларга бардош бермоқ. *Оғриққа чидамоқ. Қийинчиликка чидамоқ. Совуққа чидамоқ. Танқидга чидамоқ. Қирқига чидаган,*

қирқ бирига ҳам чида. Мақол. ■ *Бу гап менга анча оғир ботди, лекин чидадим. «Ёшлик». Тошининг қирраси оёғига ёмон ботди, лекин чидади. «Ёшлик».*

2 Кўп, узоқ муддат хизмат қилмоқ. *Этигим узоқ чидади. Бўздан кўра сатин узоқ чидайди.*

3 Турли шароитларда (ўт, сув, зах ва ш.к. таъсири остида) ўз хусусиятларини сақламоқ. *Утга чидайдиган ғишт. Кислотага чидайдиган материал.*

4 Етмоқ, кифоя қилмоқ. *Ётиб еганга турум тоғ чидамас. Мақол. ■ [Мирзакаримбой:] Ҳар нимани бозордан олаверса, Сулаймоннинг газнаси ҳам чидамайди, жиян. Ойбек, Танланган асарлар.*

Бети (ёки юзи) чидамади Бирор хатти-ҳаракатни амалга оширишдан уялди. *Бу одамнинг кутилмаганда ўртага ташлаган таклифига жавоб беришга Исҳоқ Махсум билан Уста Мўминнинг бети чидамади. Газетадан. ..неча марта ундан гап сўрашга ҳам чоғландим, лекин ўзбекчилик экан, юзим чидамади. О. Мухтор, Эгилган бош. Чидаганга чиқарган* 1) кутилмаган, хоҳламаган нарса, воқеа-ҳодисанинг рўй бериши муқаррар, уни чидам билан қабул қилиш зарур ёки бирор нарсани кучи етган олади, деган маъноларда ишлатиладиган ибора. *-Уйла-нишни чидаганга чиқарган, — деди магазинчи тоғамнинг суякчи хотини хоҳолаб. Газетадан;* 2) бир вақтларда танқис бўлган ёзлик юпқа читнинг номи. *Чидасанг — шу, чидамасанг — катта кўча* Шу шароитга, мавжуд ҳолатга кўникишга мажбурсан, маъносидagi ибора. *[Нури] Меҳмонга келган таккаббур келин каби, ялқовланиб кезди, ғилос гулларини томоша қилди. У шу билан қайнанасига: «Чидасанг — шу, чидамасанг — катта кўча. Онам мени иш учун туққан эмас».. демоқчи бўлди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЧИДАМСИЗ 1 Оғриқ, дард, қийинчилик ва ш.к. га бардош беролмайдиган, тоқат қилолмайдиган; тўзимсиз. *Чидамсиз бола.*

2 Турли оғир табиий шароитларга чидам бера олмайдиган; нозик. *Совуққа чидамсиз гул.*

3 Узоқ хизмат қилмайдиган, чидамайдиган; бўш, жонсиз. *Чидамсиз ип.*

4 Турли шароитда, турли таъсир остида ўз хусусиятларини сақлай олмайдиган. *Кислотага чидамсиз материал.*

ЧИДАШ 1 **Чидамоқ** фл. ҳар. н. *Ҳамма гинасига ҳам чидаш мумкин-ку, аммо «болаларингиз тарбиясиз», деганига чидаш қийин. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ҳавонинг ўт тафти берувчи нафасига чидашнинг иложи йўқдари туюларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Чидамлилиқ даражаси, чидам. *Чидаш бермоқ. Сиқувга чидаш бермоқ. Утга чидаш берадиган ғишт.*

ЧИЁВЛАМОҚ «Чиёв-чиёв» деган овоз чиқармоқ, чийилламоқ. *Балиқчи қушлар чиёвлаб учиб ўтди. «Ёшлик».*

ЧИЁВ-ЧИЁВ тақл. с. Жўжаларнинг ёки баъзи қушларнинг чийиллашидан чиқадиган овозни ифодалайди.

ЧИЁН айн. чаён.

ЧИЗГИ 1 Чизилган тасвир; расм; лойиҳа. *Чизиларга узоқ тикиламан, улардан завқланаман. «Саодат».*

2 Хомаки, машқ учун чизилган расм. *Сиздан шу эскизни сўрадим. Бу фақат чизги бўлгани учунми ёки мени ростдан хурсанд қилгингиз келдимиз, ҳади қилдингиз. «Ёшлик».*

ЧИЗЕЛЛАШ қ. х. Тупроққа ишлов беришнинг тупроқни юмшатиш, аралаштириш, бегона ўтларни йўқотиш жараёни-ларидан иборат усули. *Чизеллаш, айниқса, картошка ва бошқа илдимезвали экинларда яхши самара беради, уларнинг ҳосилдорлиги 15–20% га ошади. «ЎЗМЭ».*

ЧИЗЕЛЬ [ингл. chisel — юз, бет, ён томон] қ.х. Ерни (тупроқни) чуқур ҳайдайдиган, юмшатадиган, бир неча тишли оғир культиватор. *Чизеллаш учун тиркама ва осма чизеллар осма ёки тиркама бороналар билан бирга ишлатилади. «ЎЗМЭ».*

ЧИЗИ [ф. چيزى — бир нарса, нимадир; андак, сал] рвш. кам қўлл. Бироз, озгина, андак. *Қўйлак чизи чоғроқ келди. Чизи вақтдан сўнг. ■ Кимки йўлдан чизи тойса, Покистоннинг чин ўғли эмас у. Ойбек, Нур қидириб. Алқисса, баъдаз жаноза фақирнинг қўлимга чизи ҳадя бериб узатдилар. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

ЧИЗИЛИШМОҚ с.т. Тизилишмоқ, қатор тизилмоқ. *Болалар бир сафга чизилишди.*

ЧИЗИМЧА Ингичка, пишиқ арқон, чилвир. *Мастура чизимча узатиб турди, Нуриддин бойлади. Э. Аъзамов, Жавоб. Ҳатто заргар дўконлари ҳам чизимча боғлан-*

ганча ташлаб кетилганди. 3. Аълам, Афандининг қирқ бир пашшаси.

ЧИЗИҚ 1 Ёзадиган, чизадиган ёки юқадиган нарсалар қолдирган из. *Йўғон чизиқ. Ингичка чизиқ. Бўр билан чизилган чизиқ. Ҳассанинг учи билан чизилган чизиқ.*

2 Шундай шаклдаги йўл, из. *Беқасам чизиқлари. Юз чизиқлари.*

3 Нарсаларнинг чегарасини, жойлашишини ёки боришини кўрсатувчи йўналиш. *Экватор чизиғи. Уфқ чизиғи.* ■ *Ҳамма дарахтлар бир чизиқ устида текис саф тортиб туради. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 мат. Сиртнинг икки қўшни соҳасидаги умумий қисм; узлуксиз қатор нуқталар мажмуи. *Горизонтал чизиқ. Тўғри чизиқ. Эгри чизиқ. Синиқ чизиқ.* ■ *Тўғри бурчакли координаталар тизимида чизиқ тенгламаларнинг турига қараб ажралади. «ЎЗМЭ».*

Устига чизиқ тортмоқ Рад этмоқ; эътибордан четда қолдирмоқ; тан олмаслик. *Унингча, Навоий асарлари халққа керак эмас! У адабий мероснинг устига чизиқ тортади. К. Яшин, Ҳамза. (Чизган) чизигидан чиқмаслик* Кимсага тўлиқ итоат қилиш. *Мени Қамар бағрига олди. Умрим бўйи чизган чизигидан чиқмайман. «Ёшлик».*

ЧИЗИҚЛИ 1 Чизиги, чизиқлари бўлган. *Бир чизиқли дафтар.*

2 физ. Қандайдир чизиқ бўйлаб содир бўладиган. *Эгри чизиқли ҳаракат.*

ЧИЗМА 1 Қоғоз, калька, тахта, ер ва ш. к. юзига чизилган лойиҳа; махсус чизмачилик асбоблари ёрдамида маълум қоидаларга асосан бажарилган график тасвир. ■ *Чизмаларга назар ташласак, нозик дид билан яратилган улкан бинолар лойиҳаси кўз олдимизда намоён бўлади. Газетадан. Усталар ўз ишлари учун чизма нақшлар буюрар эдилар. С. Айний, Эсдаликлар.*

2 Каштачиликда: гул тикиш учун матога туширилган (чизилган) нақш, нусха.

ЧИЗМАКАШ 1 Чизмалар (схемалар, хариталар, графиклар) чизиш билан шуғулланувчи мутахассис.

2 Каштачиликда: матога чизма, нақш, нусха чизиб берувчи уста.

ЧИЗМАКАШЛИК Чизма чизиш билан шуғулланиш; чизмакаш касби. *Турли соҳаларнинг муҳандислари, конструкторлари ва лойиҳачилари чизмакашликни билишлари шарт. «ЎЗМЭ».*

ЧИЗМА-ЧИЗИҚ Бетартиб, айқаш-уйқаш чизиқлар; шундай чизиқлардан иборат, тушуниб бўлмайдиган тасвир, ёзув.

ЧИЗМАЧИЛИК Турли объектларнинг чизмасини, схемалар, хариталар ва графикларни чизишга, турли буюмларнинг тасвирларини ясашга доир қонун-қоидалар ва усулларни ўз ичига олган техника фани. *Машинасозлик чизмачилиғи. Қурилиш чизмачилиғи. Проекцион чизмачилик.*

ЧИЗМОҚ 1 Чизиқ тортмоқ, туширмоқ. *Тўғри чизиқ чизмоқ.* ■ *Боғча боласи ва мактаб ўқувчиси мактабга бориш ёки қайтишда кўчадаги дарахтларни сундирса, уй деворларига чизиб ўтса.. Н. Сафаров, Оловли излар. Штаб бошлиғи Йўлдош ясама столга мукка тушиб, нималардир чизарди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Туширмоқ, солмоқ, тасвирламоқ (расм ёки сўз билан). *Расм чизмоқ.* ■ *Юртим, сурагингни энтикиб чизсам, Сенинг сурагингни чизсам, онажон! Х. Даврон. Қумушнинг бу дақиқадаги ҳолини қалам билан чизиб кўрсатиш, албатта, мумкин эмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бобур лирикасида маъшуқа образи катта маҳорат билан чизилган. «ЎТА».*

3 с.т. Тизмоқ, қатор қилмоқ. *Қўшиқ, достон сабабин Чизиб кетди битталаб. Ғайратий. [Ҳожи] Отабекни эпақага олиш учун унга кулги туюлган бир қанча насихатларни чизди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 кўчма Кўрсатмоқ, кўрсатиб бермоқ (йўл, режа ва ш.к. ни). *Мен бир вақт сенга йўл чизиб берган эдим-ку, шундан чиқма: Пахтани биринчи қўлдан ол. Деҳқонларга пулни қишда тарқат. Пул билан оёғига кишан ур. Ойбек, Танланган асарлар.*

Ер чизиб қолмоқ (ёки ўтирмоқ) Уялиб, ерга қараб қолмоқ, ўнғайсиз аҳволга тушиб қолмоқ. *Қамбарали ака қизариб, ер чизиб ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Юсуф ер чизиб, қилт этмасдан ўтирарди. «Ёшлик».*

ЧИЗГИЧ Чизиқ чизиш учун ишлатиладиган ўқув ва идора ишлари асбоби. *[Стол устида] Фил суягидан уйиб ишланган чизғич ва қоғоз қирқадиган «пичоқ».* Мирмуҳсин, Умид.

ЧИЙ 1 Чўл-адирларда ўсадиган баланд, бошоқли, ем-хашакбоп ўсимлик; чаловнинг бир тури. *Сиз гаплашиб ўтирганда, чий ора-*

сидан қараб турдим. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

2 Камиишдан ёки савағич поясидан ип, сим билан қаторлаб боғлаб тўқилган қурилиш материали. *Чий билан ўралган ҳовли. Чий билан тўсмоқ. Чий девор.* ■ Чий тўтилган кўчма ясида қарқуноқ болаларининг «қиғ-қиғ»лашига ўхшаб чақалоқлар йиғиси эшитилмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Чий алак шв. Йўл-йўл тўқилган бўз. Оёғига кўн этик, эғнига чий алакдан яктас тўн, қалами иштон берди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧИЙБАХМАЛ айн. *чидухоба*. Жигарранг чийбахмал костюм-шиммию японча кўйлаги.. ўзига ҳўп ярашган йигит энди шу томонга отилди. М. Мансуров, Ёмби.

ЧИЙДУХОБА Духобанинг йўл-йўл бўртма чизикли хили; чийбахмал. Мен янги бели бурма, сариқ чийдухоба костюмим билан чолворимнинг чангини қоққанимча, бирпас гарангисиб, алаглаб турдим. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ЧИЙИЛДОҚ Ингичка, ўткир ёқимсиз овоз чиқарадиган, чийиллаб гапирадиган. Чийилдоқ қуш. ■ -Суюнчи! Суюнчи! — деди Раҳим, чийилдоқ товуш билан Қудратга. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЧИЙИЛЛАМОҚ 1 Ингичка, ўткир ёқимсиз овоз чиқармоқ. -Чийшлама! — деди ҳай-қириб Йўлчи [Салимбойваччага]. Ойбек, Танланган асарлар. Бурчақдаги электрчойнак чийиллаб, чой қайнаганидан дарак беради. «Шарқ юлдузи».

2 «Чий-чий» овоз чиқармоқ (қушлар ёки айрим ҳайвонлар ҳақида). Бахтлиман, деб қушлар чийиллар. Ҳ. Олимжон. Тунлари каламушлар чийиллаб безор қиларди. М. М. Дўст, Лолазор. Палапон чийиллаб, онасининг оғзиди оғизга иттилади. «Ёшлик».

ЧИЙИР фольк. Оёқ, туёқ изи; из, йўл. Отга солди арпа билан ийирни, Қор ёққанда, карвон солар чийирни. «Алпомиш».

ЧИЙЛАМОҚ 1 Аралаштирмақ (ўйин қартасини).

2 Кўлда ёки махсус йиғирув асбоби воситасида ипни, ипакни пишитмоқ, товламоқ.

ЧИЙЛАМПА Чий қоқиб сувалган шип.

ЧИЙРАЛМОҚ 1 Чийрамоқ фл. мажх. н. Чийралган ип.

2 Кўчма Мустаҳкамланмоқ, пишиқ бўлмоқ. Толеимиз ёр бўлиб, ота-боболаримиз боғ-

лаган дўстона алоқа эндиликда янада пишиқроқ чийралди. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

ЧИЙРАМОҚ айн. *чийламоқ*.

ЧИЙРАТМА Пишитилган, чийланган, тобланган. Чийратма ип. Чийратма ипак. ■ Домла.. қўлида битта катта пичоқ, бир болта ва бироз чийратма арқон билан тўппа-тўғри менинг олдимга келди. Ф. Фулом, Шум бола.

ЧИЙ-ЧИЙ тақл. с. Жўжа, сичқон ва ш. к. нинг овозига ўхшаш ингичка, ўткир ёқимсиз овозни билдиради. Чий-чий қилмоқ.

ЧИЙЧИЙЛАМОҚ «Чий-чий» товуш чиқармоқ, «чий-чий» қилмоқ. Ойна опа.. чийчийлаб учаётган қалдирғочларни лоқайд кузатиб турарди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ЧИК айн. *чикка*. Товва пукни ейди, олчи чикни ейди, дегандек.. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЧИККА Ошиқнинг ичи чуқур томони ва шу томони сиртга қараган вазияти; пукканинг акси. Мендан бошқа одам бўлса, ҳозир чиккасида пукка қилади. К. Яшин, Ҳамза.

Ошиғи чикка Бахти юрмаган, иши ўнгидан келмаган, иши чаппа. Ошиқ эди Шакарбекка, Гоҳи олчи, гоҳи чикка. «Ширин билан Шакар». Чикка бел Ингичка, нозик бел, хипча бел (хотин-қизларга нисбатан). Кўрсат белингни, мен кўрайин, Чикка бел жувон, ёр-ёр. «Кўшиқлар».

ЧИКОРА [ф. چکاره < چکاره — нима иш қиласан? касб-коринг нима?] 1 Нима даркор; ҳеч гап эмас. Ортиқча гап чикора, тўғри унинг сўзлари! «Муштум».

2 Ким қўйибди: йўл бўлсин. Э, ўқиш — тўқларнинг иши, мактабни уларга чиқарган худойим, камбағалларга чикора! Ойбек, Болалик. Сиз билан мен бир ишни мувофиқ кўранимиздан кейин Зайнабга чикора! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧИЛ 1 Қирғовулсимонлар оиласига мансуб ўтроқ ов қуши. ..кийик овига кетаётган бўлса, йўлида дуч келган каклик, чилларни ҳам аямасди. Ш. Холмирзаев, Сайланма.

Чил каклик Чўл каклиги.

ЧИЛ II [ф. چهل < چل — қирқ, қирқта] айн. *қирқ* 1. Чиллада сугорилган боғ чил ботмон узум берар. Мақол.

ЧИЛАНГАР [ф. چیلنگ — майда металл буюмлар ясовчи уста] Металл буюмларни

қўлда ясовчи, тузатувчи мутахассис ишчи; темирчи; слесарь. *Заргарнинг минг ургани, чилангарнинг бир ургани.* Мақол. ■ [Темур Малик] *Бозор четидаги чилангарлар راستаси томон юрди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ЧИЛАНГАРЛИК 1 Чилангар, слесарь касби; темирчилик. *Чилангарлик қилмоқ.* ■ У [Муҳаммад] *тош ва ёғочга нақш солар, чилангарлик, дурадгорлик.. ва ҳоказоларни билар эди.* М. Осим, Карвон йўллариди.

2 Бозорда чилангарлар қатори, растаси.

ЧИЛБАНД [ф. چل بند — қирқта боғли, тутунли] Қирқ еридан боғланган, кўп, қаттиқ боғланган, қирқ тутун.

ЧИЛВИР Ингичка пишиқ арқон, арғамчи; чизимча. *Ҳожи ота.. отнинг чилвиридан ушлаб, пиёда юрди.* «Ёшлик». Райҳон арабнинг белидаги чилвири узилиб кетди. «Гўрўғлининг туғилиши».

Чилвир соч (ёки **кокыл**) 1) майда ўрилган соч. *Кўп ўтмай [Мўмина] чилвир сочларини чамбарак қилиб, тракторга минди.* Ҳ. Нурий, Лочин боласи — лочин. *Қадаб оташнигоҳин чилвир кокил қўшни қиз, Юракка бирам яқин бир туйғу солиб кетди.* М. Юсуф; 2) сочлари шундай ўрилган қиз, аёл. *Биласанми, ким у, ўша қиз — Осмондаги ўша қалдирғоч? Ўша қўрқмас ва ўша лочин, Ўша дилбар, ўша чилвир соч? Ҳ. Олимжон.*

ЧИЛВИРЛАМОҚ Чилвир билан боғламоқ. *Қўлини чилвирлаб қўйди.* «Ёшлик».

ЧИЛГИ шв. Чиллаки. Яқинда гилос пишади, сўнгра — чилги. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. Улимдан бошқа ҳамма нарсанинг чилгиси яхши. Газетадан.

ЧИЛДИРМА Ёғоч гардишга тери қоплаб ясалган, чертиб чалинадиган мусиқа асбоби; доира, чирманда, даф. *Катта чилдирма.* Чилдирма базми. *Чилдирма чалмоқ.* ■ *Тўй жуда гавжум — қўш чилдирманинг гижбанги ҳаммаёқни тутди.* Мирмуҳсин, Жабрдийда. *Хушвақт бўлиб, чилдирмалар чалайлик.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧИЛДИРМАКАШ айн. чилдирмачи.

ЧИЛДИРМАЧИ Чилдирма чалувчи созанда; доирачи. *Чилдирмачи йигит.. қани бошладик, дегандек кўз қисди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ЧИЛЁСИН [ф. + а. چهل ياسين — қирқ ёсин] Қуроннинг Ёсин сурасини ўқиш билан боғлиқ бўлган диний одат: оғир касални тузатиш ёки енгиллаштириш мақсадида

касал тепасида Ёсин сурасини 40 марта ўқиб, дам солиш. *Чилёсин ўқиттирмоқ.*

ЧИЛИМ Сархонасига тамаки солиб, наъи орқали чекиладиган, кўпинча қовоқдан ясаладиган чекиш асбоби. *Чилим чекмоқ.* ■ *Раҳматли бувамнинг.. мис чилимлари бор эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Гўрўғли султон.. чилим чекиб, кайфу сафо қилиб ётган эди.* «Маликаи айёр».

Чилим солмоқ Чекиш, чектириш учун сархонасига тамаки солиб, чилимни тайёрламоқ. *Ҳайдар ўчоқбошига бориб, яна бир чилим солиб чекди, Сафарга ҳам чектирди.* С. Айний, Қуллар.

ЧИЛИМКАШ 1 Чилим чекувчи.

2 Чилим солиб, одамларга чектириб юриб тирикчилик қилувчи одам; пояки.

ЧИЛИМҚОВОҚ Қобигидан чилим ясаладиган узун қовоқ. *Нон ўрнига кесак тишлаб, ёз бўйи сув ичиб ишлаб.. битта чилимқовоққа эга бўлиб ўтирибман.* А. Қодирӣ, Кичик асарлар.

ЧИЛЛА [ф. چله / چله — қирқ кун] 1 Йилнинг энг иссиқ ёки энг совуқ қирқ кун. *Чилла кирди. Чилла чиқди.* ■ *Ҳали барвақт бўлишига қарамай, чилла эмасми, қуёш ёниб бош кўтармоқда эди.* «Шарқ юлдузи».

Ёз чилласи ёки **ёзги чилла** 25 июндан 5 августгача бўлган энг иссиқ қирқ кун. *Август — ёз чилласи. Менинг шахримнинг ўткир қуёши ялиғи нақ ёндирапти.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон. **Чилла суви** Ёз чилласида экинларга бериладиган сув. **Қиш чилласи** ёки **қишқи чилла** 25 декабрдан 5 февралгача бўлган энг совуқ қирқ кун. *Қиш чилласи анча оғир келди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. [С. Тўйчибоев] *Қиш чилласи.. тонг саҳарда фермага қараб йўл олади.* «Муштум».

2 **эти.** Бола туққан ёки туғилгандан, қиз турмушга чиққандан, йигит уйлангандан, марҳум кўмилган кундан кейинги қирқ кунлик давр: турмушдаги баъзи ҳодиса-ҳолатларнинг энг оғир, хатарли ёки маъсулиятли даври. *Чақалоқнинг чилласи чиққач, янги уйга кўчиб бордилар* «Ёшлик». *Халқ табобатида чилла даври қирқ кун ҳисобланиб, шундан йигирма кун кичик чилла, йигирма кун катта чилла дейилади* «ЎЗМЭ».

Чилла яра Болага чилла даврида чиқадиган яра, тошма. *Шухратнинг бошига, бўй-*

нига чилла яра чиқиб, олти ойга чўзилди. К. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. **Чилласи чиқмаган** 1) чилла даври тамом бўлмаган. *Келар ҳафта туғуруқхонадан чиқади янгангиз. Шунга, чилласи чиқмасаям майли, бир зиёфат қилмоқчи эдик.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Қирқ марта айтдим, ҳов келин, қишлоқнинг озги ёмонлари бор, кулади, ҳеч бўлмаса, чиллангиз чиққунча шу зормандани кийиб, ишга боринг, деб.* «Ёшлик»; 2) кўчма тажрибасиз; гўр, хом.

3 дин. Суфий ёки муриднинг якка ўзи алоҳида хона (хужра)да, одамлардан яшириниб, қирқ кун давомида тоат-ибодат қилиши.

Чилла ўтирмоқ 1) суфийлик тариқатида: қирқ кун давомида уйдан чиқмасдан ёлғизликда тоат-ибодат қилмоқ. *Чиллага ўтирган шунда қирқ кун шайх, Даф қил, дея сўраб худодан уни.* Т. Тўла. *Чилла ўтириш вақти диндор томонидан олдиндан ният қилинган бўлади.* «ЎЗМЭ»; 2) кўчма узоқ вақт уйдан эшикка чиқмай, қимирламай ўтирмоқ. **Чилла(га) ўтқазиб кетмоқ** Алдаб, фириб бериб кетмоқ. *Ипак-атлас карвонига бош бўлган савдогарлар қосибларни чиллага ўтқазиб кетардилар.* Н. Юсуфий, Фарғона шўх кулади.

ЧИЛЛАГУЗАРОН [ф. چله گذران — чилланинг ўтиши] этн. Янги фарзанд кўрган онанинг чилласи чиққандан сўнг ўз отонасиникига ёки бошқа яқинлариникига меҳмонга бориши ва шу муносабат билан ўтказиладиган маросим. *Чиллагузарон қилмоқ* (ўтказмоқ). *Чиллагузаронга бормоқ.*

ЧИЛЛАГУРАЗОН с. т. Чиллагузарон.

ЧИЛЛАК [ф. چايك — бир турли болалар ўйини] 1 Битта узун, битта калта ёғоч билан ўйналадиган болалар ўйини ва шу ўйинда хизмат қиладиган ингичка ёғоч. *Улар [болалар] чиллак ўйнаётган бўлса керак, ҳар дам-ҳар дамда қайсисидир зувуллаб югуради.* «Ёшлик».

Чиллак бола Чиллак ўйинида ишлатиладиган икки ёғочнинг калтароғи. **Чиллак она** Чиллак ўйинида ишлатиладиган икки ёғочнинг узунроғи; чиллаксоп.

2 Варрак ипи ўраладиган қисқа чўп. *Шамол турганда, қоронғи кечаларнинг қоқ ярмисида бўлса ҳам, чиллакдаги ипнинг ҳам-масини қўйиб, устунга боғлайман.* Ойбек, Болалик.

ЧИЛЛАКДАЙ, -дек Ингичка, ориқ. *Ўйнинг ўртасида оёқлари чиллакдек бир бола чол-кампирга қараб, тиржайиб турган эмиш.* «Зумрад ва Қиммат».

ЧИЛЛАКИ [ф. چلكى — «чилла» с. дан: қирқ кунда (эрта) пишадиган] 1 от Эртапишар узум, узумнинг энг олдин пишадиган тури. *Оқ чиллаки. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради.* Мақол. ■ *Оқ кишиши, қора, оқ чиллаки, чарос.. кўзларни қамаштиргудай серҳосил.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 сфт. Эртапишар, эртаги. *Чиллаки шафтоли. Чиллаки қовун.*

3 сфт. кўчма Яхши тайёрлик кўрмаган, чала ўқиган. *Чиллаки олим.* ■ *Маориф очган курсларда бир талай чиллаки муаллимлар ўқишаёттибди. Ўрнимга ўшалардан биттасини ола беради-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧИЛЛАКИРЎЗОН с. т. айн. чиллагузарон.

ЧИЛЛАКСОП Чиллак ўйинида ишлатиладиган икки ёғочнинг узунроғи. *Катта доира чизилади-да, бир бола чиллаксопни олиб, доиранинг ўртасида туради.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Собир яқинда олган «Урал» велосипеди билан ўзини тўсиб, деворга қапишиб турибди. Бир қўлида чиллаксопдай насос.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧИЛЛАЛИ Чилласи чиқмаган. *Чиллали она.* ■ [Хотин:] *Вой, мусулмонлар, дин қани, диёнат қани, янгигина туширган чиллали келиним бор.* С. Аҳмад, Хукм.

ЧИЛЛАШИР [ф. چله — чилла + شیر — сут: чилла даврида сут эмаётган ёки эми-заётган] 1 Тўхтовсиз ич кетиши, камқонлик, озиб кетиш билан кечадиган касаллик. *Шуниси аниқки, отқулоқ.. камқонликда, колит, энтероколитда, болаларда бўладиган чиллаширда дори сифатида ишлатилган.* Газетадан.

2 Жуда озғин, ориқ. *Илҳомжон ғилдиракни ўрнатиб, мурватларни калит билан қотираётганида, бир чўпон бола сутдан айрилган, чиллашир бузоқларни ҳайдаб ўтди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ЧИЛЛИК Ўйин қартасининг қора рангли, уч барг шаклдаги тури. *Чилликнинг тузи. Еттилик чиллик.*

ЧИЛОН I [р. «член» (аъзо) с. нинг бузилган шакли] с. т. Чор Россияси давридаги Туркистонда: бирор муассаса ёки банк аъзоси. *Мен банкнинг чилони. Ҳаммасининг сирини менга равшан, ўғлим.* Ойбек, Танланган

асарлар. Юзбошининг мол-дунёси бениҳоят кўп, кечалари уйини ўн иккита мерган қўриқлар эди. Уни «чилон» ҳам дейишар эди, билмадим, ўша вақтда нимага «чилон» экан. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЧИЛОН II [ф. چيلان — жийданинг бир тури] айн. **чилонжийда**. [Чилон] Ўзбекистонда қадимдан маълум бўлиб, номи турлича: чилонжийда, чилон, жилон, уноби деб аталиб келинмоқда. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ЧИЛОНЖИЙДА бот. Жийданинг қизғиш-жигарранг пўстли, оқ, ширин этли, думалоқ ёки тухумсимон меваси бўлган тури. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, хиёбонларга, истироҳат масканларига.. нок, ўрик, чилонжийда, гилос, тут ўтқазиш мумкин. Газетадан.

ЧИЛОПЧИН [ф. چلابچين — қирққа бўлинган сувни тўпловчи] шв. Дашша. Хотини чилопчин билан обдастада сув олиб кирди. «Шарқ юлдузи».

ЧИЛПАРЧА айн. **чилпарчин**. Занг босган кишинлар чилпарча бўлди. Уйғун.

ЧИЛПАРЧИН [ф. چلپارچين — қирққа бўлинган, парчаланган] рвш. Парча-парча, майда-майда; чил-чил.

Чилпарчин бўлмоқ 1) парча-парча бўлмоқ, чил-чил бўлмоқ. Ойна чилпарчин бўлди. ■ Шавкат ҳозир энг юқори қаватда, ердан жудаям баландда эканликларини, бу ердан йиқилган одам чилпарчин бўлишини ўйлади. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом; 2) кўча маҳв бўлмоқ, тилка-пора бўлмоқ; йўқ бўлмоқ, йўққа чиқмоқ. Ёв чилпарчин бўлди. Душманнинг қора ниятлари чилпарчин бўлди.

■ Бўриевнинг қурилишни ўтирилишдан чиқаришга қаратилган дадил лойиҳаси.. чилпарчин бўлди. А. Мухтор, Туғилиш; 3) озор чекиб, ранжиб, эзилиб пора-пора бўлмоқ, садпора бўлмоқ. Нафисанинг қалби бирпасда чилпарчин бўлди. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар. **Чилпарчин қилмоқ** 1) парча-парча, чил-чил қилмоқ, синдирмоқ. Бухоронинг Самарқанд дарвозаси ҳам чилпарчин қилиниб, йўл четларига улоқтирилган. Ш. Тошматов, Эрк куши; 2) кўча маҳв этмоқ, йўқ қилмоқ. Душман чилпарчин қилинди; 3) кўча озор бермоқ, қаттиқ ранжитмоқ. Ортиқ шу бир оғиз гап билан унинг кўнглини чилпарчин қилиб ташлаганини сездим. М. Мансуров, Ёмби; 4) кўча тўсатдан таъсир қилиб, тар-

қатиб юбормоқ; йўққа чиқармоқ. Наргисхоннинг жарангдор овози хаёлимни чилпарчин қилиб юборди. «Шарқ юлдузи».

ЧИЛПИМОҚ I қ. х. Ўсимликни бўйига ўсишдан тўхтатиш, ҳосил тўплаш, тезроқ етилтириш мақсадида уларнинг бачки шохларини ёки ҳосил новланинг учки қисмини юлиб ёки кесиб ташламоқ; чеканка қилмоқ. *Ўзаларни чилпимоқ.*

2 кўча Умуман, бирор нарсанинг ортиқча, кераксиз қисмини олиб ташламоқ, йўқ қилмоқ. Унинг ёзганларини ҳар ким ва ҳар бир ҳукумат арбоби текшириб, ортиғи бўлса — чиллиб, ками бўлса, тўлдириб бориши зарурдир. А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЧИЛПОРА [ф. چلپاره — қирққа бўлинган, парчаланган] айн. **чилпарчин**. Ўртага тушган совуқчилик Фариданинг қалбини чилпора қилди. Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ЧИЛП-ЧИЛП тақл. с. Лойгарчиликда юрганда, сув кечганда чиқадиған товушни билдиради. Чилп-чилп лой кечмоқ. ■ Вали ака тахтанинг устига чиқиб, ариққа энгашди. Тахта эгилиб, таги чилп-чилп сувга теги. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧИЛТАН, **чилтон** [ф. چلتن — қирқ киши, қирқта рух] Диний тасаввурларга кўра, гайритабиий кучга эга бўлган, кўзга кўринмайдиган, бир-биридан ажралмайдиган афсонавий қирқ рух. Комил пирлар бўлсин сизга мададкор, Қирқ чилтанлар бўлсин сизга жилловдор. «Маликаи айёр». Чилтанлар назар қилди, шекилли, хонадоним қайта бошдан обод бўлди. М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧИЛТОР [ф. چلتار — қирқта тор; қирқ торли мусиқа асбоби] Кўп торли қадимий чолғу асбоби. Чилтор қилларидай таралар ёмғир. А. Орипов. Чилтор садоси эшитилиб, аёл киши мунгли товуш билан мусиқага жўр бўлди. Газетадан.

ЧИЛ-ЧИЛ [ф. چل چل — қирқта-қирқта (бўлинган, парчаланган)] рвш. Майда-майда, парча-парча, кул-кул. Коса чил-чил синди. ■ Шиша, зинапоя қиррасига тегиб, чил-чил синди. «Ёшлик».

Чил-чил бўлмоқ 1) майда-майда, парча-парча бўлмоқ, кул-кул бўлмоқ. Ҳурининг бадан-бадани жимирлаб кетди, қўлидаги пиёла ерга тушиб, чил-чил бўлди. Н. Фозилов, Оқим; 2) кўча озор чекиб, ранж тортиб, тилка-пора бўлмоқ. Умиди кесидигина эмас, неча йиллар кўнглида ардоқлаб келган нияти

чил-чил бўлди. «Ёшлик». **Чил-чил қилмоқ** 1) майда-майда, парча-парча қилмоқ, синдириб ташламоқ. У қўлидаги тақсимчани полга қарсиллатиб уриб, чил-чил қилди. Мирмуҳсин, Умид; 2) кўчма озор, ранж бериб, тилка-пора қилмоқ. Лекин унинг сўйиб теккан полвони, суянган тоғи кўнглини чил-чил қилди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЧИЛЧИРОҚ [ф. چلچراغ — қирқта чирок; қандил, люстра] эск. Кўп шамли чирок, қандил. Супалар устидаги чилчироқлар нур сочиб турар, боғ кундуз кундагидай ёруғ эди. М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧИЛЧЎП [ф. چلچوب — қирқта чўп, новда] Нишолда тайёрлашда ишлатиладиган бир даста ингичка чўп.

ЧИМ 1 айн. ажриқ. Биз учун кўкараб дўнликларда чим, Биз учун яшайди кўкда юлдузлар. «Ёшлик».

2 Ажриқнинг илдизлари, поялари билан бирга палахса-палахса қилиб кўчирилган тупроқ қатлами. Сувни чим тўхтатар, сўзни — чин. Мақол. ■ Ерни ҳайдашда ва мол боқилганда чим бузилса, тупроқ эрозияси рўй беради. «ЎЗМЭ». Яна беш чақиримча юрилгач, учтача ўтов ва чимдан ясалган қўтон чиқди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Чим босмоқ 1) сув йўлини тўсиш ёки чимзор қилиш учун кўчириб келинган чимни маълум тартибда ерга ётқизмоқ. Эгатларга чим босмоқ. Футбол майдонида чим босмоқ. ■ Бирор жойни сув уриб кетса, кетмон билан ўша жойга чим босади, бебош сувни яна йўлга солиб юборади. Ж. Шарипов, Саодат; 2) кўчма ғов солмоқ, йўлни тўсиб қўймоқ, бекитмоқ. Пошшахон тушмагур, секретарликка сайланди-ю, барчасининг йўлига чим босди. А. Муқимов, Қипчоқ сеники. **Чимдай чиқмоқ** Ёппасига, гиламдай бўлиб чиқмоқ (ўсимликлар ҳақида). Укроп чимдай чиқбди.

ЧИМДИЛАМОҚ 1 шв. айн. чимчиламоқ.

2 айн. чимдимок 1. [От] Кечгача адирларда, сой бўйларида ўт чимдилаб келади. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧИМДИМ Икки-уч бармоқ билан чимдиб оларли миқдор. Овқатга уч-тўрт чимдим туз ташламоқ.

Бир чимдим 1) бир марта чимдиб олишли миқдор. [Чол] Бир чимдим носни бурушиқ кафтига тўкди-да, уни тилининг таги-га отди. «Ёшлик»; 2) кўчма озгина, жиндак,

қиттак. Бир пиёладан чой ичиб, бир чимдим ҳол-аҳвол сўралгач, дўсти меҳмонни таништиришга тушиди. М. Мансуров, Ёмби. **Хитобда ҳам, мақтовда ҳам бир чимдим кесатик бор эди.** М. М. Дўст, Лолазор. Бир чимдим ухласанг, кучга тўлиб яйрайсан. Ойбек, О. в. шабадалар.

ЧИМДИМОҚ 1 Оз-оздан емоқ, чайнамоқ. Серка бўлса, ҳар замонда бир хашақ чимдиганича, тепада туриб.. кузатаркан. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Бармоқларнинг учи билан ушлаб, чимчиб олмоқ. Тиканзордан чиққан киши кўзи ер чизиб, от ўрмонидаги хасни чимдиб ташлади. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Тожихон ая хотиржам, кенг-ковул қарғашойи кўйлагининг тўшбурмасидан чимдиб ушлаб, епинди. А. Мухтор, Кумуш тола.

3 кўчма Гап билан узиб олмоқ. — Ҳали бу ҳолвасими, Султонов ака, — Зулхумор ҳам гап билан чимдиб олди. М. Мансуров, Ёмби.

ЧИМЗОР Чим босган ер, ажриқзор. Сўнг туёқ излари қотиб қолган чимзордан тез ўтаётган изовида чайқалиб кетаркан, ғуборли осмонга қаради. Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари. Суярқул терлаб-пишиб чимзорга етиб борганида, ҳали футбол бошланмаган эди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧИМЗОРЛИК айн. чимзор. Ҳар икковимиз маслаҳатлашиб, қўйларни чимзорликка ёйдик. Ғ. Фулом, Шум бола.

ЧИМИЛДИҚ айн. ғушанга. Бутун қизлар, бутун жувонлар Чимилдиқда эрни кўрдилар. Ҳ. Олимжон. Гул-гул ёниб, муқаддас Чимилдиққа кирарсан. М. Юсуф.

ЧИМИРИЛМОҚ 1 Чимирмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Қошлари чимирилди. Кулоқлари чимирилди.

2 Қош-қовоқни, пешонани тириштирмоқ (таажжуб, аччиқланиш ва ш. к. ҳис-туйғуларни ифодалаш учун). — Қанақа ҳикоя экан? — чимирилиб сўради аёл. «Шарқ юлдузи». Холиса чимирилиб, ана, айтмовдимми, дегандек эрига қараб қўйди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧИМИРМОҚ Қош-қовоқни йиғмоқ, буруштирмоқ (таажжуб, норозилик, ҳадиксираш, кибр каби ҳис-туйғуларни ифодалаш учун). Дандонов сийрак қошларини чимириб, узоқ эзмаланди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. — Ёқмаса.. — Алимардон кинояли жилмайиб, қошини чимирди. — Ёқмаса.. Кета қол! Ў. Ҳо-

шимов, Қалбингга кулоқ сол. *Асқар Бакирович норози қош чимирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Кулоқ чимирмоқ Кулоқларини орқага буриб, тик қилиб, бирор ҳаракатга ҳозирланмоқ (ҳайвонлар ҳақида). *Қорабайир думини силкитиб, кулоқларини чимирганича.. орқа оёғини ҳавога ура бошлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЧИМЛАМОҚ Чим босмоқ, чим босиб тўсмоқ ёки кўкаламзор қилмоқ. *Уста бу йил эгат оғзини чимлаб суғоришда ҳам ибрат кўрсатишига аҳд қилган.* О. Ёқубов, Ларза.

ЧИММАТ [«чашмбанд» с. нинг бузилган шакли] **1 айн.** **чачвон.** *Ой юзинг қаро чиммат зулмидан қутултирсил.* Ҳамза. *Зеби чимматини юзидан олди.. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Чимматдаги бекага кўзи тушганлар бош эгиб салом беришди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

2 кўча Парда, тўсиқ. *Туннинг қора чиммати жимирлаб-жимирлаб, ер бетини қоплади.* И. Раҳим, Тақдир.

ЧИМТОМОҚ Кам овқат ейдиган, овқатни танлаб, оз-оз ейдиган; чимхўр. [Малика] *Чимтомоқ эди. Аммо бугун онаси қўйган бир товоқ овқатни ҳам пок-покиза туширди-да, кейин тоза мақтади.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

ЧИМХЎР 1 айн. **чимтомоқ.** *Овқатга асло мазангиз йўқ экан, पोшиа қиз, чимхўр экансиз.* Ойбек, Улуғ йўл. *Шу қилиқлари устига бу нозик ойим бирам чимхўрлар.. «Шарқ юлдузи».*

2 Овқатни танлаб, оз-оз ейдиган, ҳар қандай овқатни еявермайдиган (ҳайвонлар ҳақида). *Чимхўр хўкиз очдан ўлар.* Мақол. ■ *Шомурод хатчи [хат ташувчи, почтальон]нинг сигири чимхўрроқ эди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ЧИМЧАЛОҚ шв. Жимжилоқ.

ЧИМЧИЛАМОҚ 1 Тананинг бирор ерини бармоқлар билан қисиб олмоқ (кўпинча жазолаш учун, баъзан ҳазил тариқасида). *Шўхчан койиниб, эрининг биқинларидан чимчилаб, нариги хонага олиб чиқди.* М. М. Дўст, Лолазор. -*Ахир кампирлардай тишларинг тушган!* — деди Изагулла ака боланинг юзини қайта чимчиламоқчи бўлиб. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Фотима келин атласнинг бир четини чимчилаб кўрди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 кўча Ачитмоқ, жизиллатмоқ, жондан ўтмоқ (совуқ, шамол, изғирин ва ш. к. ҳақида). *Изғирин изиллаб, юз-кўзни чимчилайди.* С. Нуоров, Нарвон. *Совуқ кулоқ-бурнингизни чимчилаб ўтади.* Т. Қосимова, Кўнгилли тасодиф. *Ёмғир томчилари билан ювилган ҳавонинг покиза еллари баданини чимчилаб ўтади, гоҳ сескантиради.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

3 кўча Гап билан узиб олмоқ, тил тегишмоқ, кимсанинг шаънига аччиқ, қаттиқ гап айтмоқ; қойимоқ. -*Ҳали хотинчангизни ҳам бориб кўрарсиз, — гап билан чимчилаб олди у.* «Ёшлик».

ЧИМЧИМОҚ 1 айн. **чимчиламоқ.** *Бурнини чимчиди.*

2 Бармоқларнинг учи билан ушлаб, чимдиб олмоқ. *Зайнабнинг кўрқа-писа «Олинг, опа!»сидан сўнг, икки тараф ҳам лагандан чимчиган бўлишди-да, бирин-сирин қўлни дастурхон четига артишди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧИМҚИРҚАР қ. х. Плутнинг чимни, илдизларни кесиб борувчи қисми, пичоғи.

ЧИН 1 **1** от Ҳақиқий ҳол, иш, гап, ҳодиса ва ш. к.; рост, тўғри. *Отанинг йўқдир тайини, Мен айтай гапнинг чинини.* «Нурали». *Шу онда хавотири чинга айланди.* «Шарқ юлдузи».

2 сфт. Ҳақиқий, ҳаққоний, чинакам. *Чин ваъда. Чин сўз — мўтабар, Яхши сўз — мухтасар.* Мақол.

3 Асл, ҳақиқий, чинакам. *Оҳ, ширин ҳаёт, чин йўлдош.. ҳар бир жасхатдан комил, фозил инсон бўлса..* Ҳамза, Танланган асарлар.

Чин кўнгилдан (ёки қалбдан, юракдан) Астойдил, самимий. *У бу аёлнинг, тили аччиқ бўлишига қарамай, чин дилдан орттириб берган нуллари сира унутгани йўқ эди.* «Ёшлик». **Чин маъноси билан** Асл, ҳақиқий маъноси билан; том маъноси билан. *У чин маъноси билан одам.* ■ *Хуллас, чин маъноси билан серҳосил қишлоқ.* Ҳ. Фулом, Машғал. **Чини билан** Ҳазилсиз, ростдан, ҳақиқатан, дарҳақиқат. *Чини билан ҳам Ҳожининг тусидаги бояги ҳасрат ва қайғу аломатлари йўқолиб, уларнинг жойини шарқ оталиғи вазияти олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЧИН II [چين] Хитойнинг Шарқ мамлакатларида қабул қилинган ва ўзбек тилида ҳам учрайдиган номи. *Чин хоқони.* ■ *Чин*

чегарасидаги Ўтрор шахрига келгани замон йўлини қор девори тўсди. М. Осим, Ўтрор.

Чин (ёки чинни) каптар Хонаки кўк каптар.

ЧИНАК [ф. چين < چينک — «термоқ, тўпламоқ; йиғиштирмақ» фл. дан] Ўтмишда: маълум шартлар билан ёлланиб пахта териш тартиби ва шу тартибдаги пахта терими.

ЧИНАКАМ 1 Ҳақиқий, асл, чин. Чинакам дўст. ■ Аммо зиёфат дастурхони чинакам бойвачча номига яраша эди. «Ёшлик». Ёшлик — умрнинг чинакам асл даври. Газетадан. Мусофирдан аҳвол сўраш савоб чинакам. А. Орипов.

2 айн. чиндан. Чинакам ишонмоқ. ■ Зиёдулла чинакам қўлга тушганига ишонди. Ҳ. Фулом, Машғал. Киши чинакам йиғлаш учун мул-қул кўз ёши тўкмоғи ёки фарёд кўтармоғи шарт эмас. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧИНАКАМИГА рвш. Чиндан, ҳақиқатан; ростдан. [Универмагда] ..халқимизнинг ажойиб миллий анъаналарини ифода этишга, давр билан уйғунлаштиришга чинакамига эришилган. Газетадан.

ЧИНАКЧИ 1 Ёлланиб пахта терувчи киши. Нигоҳим кундузнинг нурига чўмган, Узоқдан чинакчи қизлар кўринар. У. Носир.

2 Чаноқда қолган пахталарни қўшимча равишда қўлда терувчи; теримчи. Машина теримига ажратиб, мослаб қўйилган пахтазорни бир гала чинакчи оралаб юрибди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ЧИНАКЧИЛИК Чинакчи бўлиб ишлаш, чинак билан шуғулланиш. Эрназар аканинг хотини коллективлаштиришдан илгари ҳам чинакчиликда донг чиқарган хотин. И. Раҳим, Ихлос.

ЧИНБАРГ Пахта ўсимлигининг шоналайдиган барги, ҳосилдор барг. Ғуза энди икки-учтадан чинбарг чиқарганда, Мўминанинг бирдан тоби қочиб қолди. Ҳ. Нурий, Лочин боласи — лочин.

ЧИНГИЛ Дуккаклилар оиласига мансуб тиканли ўсимлик (илдизидан сариқ бўёқ тайёрланади).

ЧИНГЛИНГ шв. Ихчам, бежирим ва саранжом, шинам. Мирвали шу йўл ёқасига иккита чинглинг посёлка қуриб қўйди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧИНДАН 1 рвш. Чини билан, тўғри; беҳазил. -Чиндан сўзлайман, Анвар! — деди Султонали. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Ҳақиқатан, ростдан. Шу тобда унинг гинаси Искандарга чиндан хуш ёқиб, жилмайди. М. Мансуров, Ёмби. Шаҳар чиндан ҳам ўлат чангалида экан. «Фан ва турмуш».

ЧИНДОВУЛ тар. Дубулға шаклидаги, бир томони тери билан қопланган урма чолғу асбоби (ҳарбий юришлар ва турли маросимларда қўлланган). Чиндовул отлиқ аскар эгарига бойланган, таёқ ёки қамчи дастаси билан чалинган. «ЎЗМЭ».

ЧИННИЙ [ф. چيني — Хитойга мансуб] эск. Хитойда тайёрланган. Хатни чиний қоғозга Мухаммад Интизомнинг ўзи ёзди. Мирмуҳсин, Темур Малик.

ЧИННИҚМОҚ 1 Меҳнат ёки жисмоний тарбия билан ўз организмнинг ҳар қандай оғир шароитга, касаллик ва ш.к. га бардош бериш қобилиятини оширмақ; тобланмоқ, пишиқмоқ. Меҳнатда чиниққаннинг ранги тоза бўлади. «Кўшиқлар». У қўйлаксиз эди, офтобда чиниқиб пишган бадани тер билан ялтирарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кўча Амалий иш, тажриба жараёнида етилмоқ, тобланмоқ. Дўстлик синовда чиниқади. Мақол. ■ Унинг [қизининг] муҳаббати айрилиқда чиниқди. Газетадан.

ЧИННИҚТИРМОҚ 1 Чиниқмоқ фл. орт. н. Организмни чиниқтирмақ.

2 махс. Янги ишлаб чиқарилган автомобиль, трактор, трамвай, самолёт, дастгоҳ ва ш.к. ни дастлаб белгили тартибда ишлатиб, аста-секин раван ишлайдиган ҳолга келтирмақ.

ЧИННИҚАНЛИК Ишда, меҳнатда ёки машқ билан тобланганлик. Ишда чиниққанлиги унга [мардикорга] қўл келди. «Ёшлик».

ЧИНК, чинг (қозоқча шинг) **1** Қир ва баландликларнинг тик тушган баланд ёнбағри; жарлик.

2 Чўққи; тоғ тепаси.

ЧИН-МОЧИН [ф. چينوماچين] эск. Жанубий Хитой, Тибет ва Шарқий Туркистон ҳудудининг эски, тарихий манбаларда учрайдиган номи.

ЧИННИ [ф. چيني — Хитойга мансуб] **1** Турли идиш-оёқ, ёдгорликлар, изоляцион ашёлар тайёрлаш учун ишлатиладиган оқ лой. Хитой чинниси. Тошкент чинниси. Сопол чинни бўлмас, бегона — уни. Мақол. ■ Ўрта Осиёга чинни қадимдан Хитой ва Эрондан, кейинчалик Россиядан келтирилган. «ЎЗМЭ».

2 сфт. Чиннидан ясалган. Чинни пиёла.

■ Саида чинни чойнак-пиёлаларни яхшилаб ювиб, артиб, токча тепасига териб қўйди. Газетадан.

3 Чинни (хотин-қизлар исми).

ЧИННИГУЛ [ф. چینی گول — хитой гули] Чиннигуллилар оиласига мансуб, қизил, пушти, оқ гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг гули. Рашиднинг қўлидаги чиннигулларни кўриб, Гули ёстиқдан бошини кўтарди. Ҳ. Бадалов, Боботог болалари.

ЧИННИДАЙ, -дек. Чинни каби, чиннига ўхшаб; топ-тоза. Умид ғариб.. аммо ҳаммаёқ чиннидай озода бир уйда бўлганидан кўнгли равшан тортиди. Мирмуҳсин, Умид.

ЧИННИСОЗ [ф. چینی ساز — чинни ясовчи] Чинни саноати ходими, мутахассиси; чинни ясовчи уста. Чиннисозларнинг 1991 йилги режалари ҳаммани қизиқтириши табиий. Газетадан.

ЧИННИТАРВУЗ Эртапишар, гулдор пўчоқли тарвуз нави.

ЧИННИТЕРАК Тикка ўсадиган баланд оқ терак.

ЧИННИФУРУШ [ф. چینی فروش — чинни сотувчи] эск. Чинни асбоблар билан савдо қилувчи савдогар, чинни сотувчи. У Соли чиннифуруш номи билан донг чиқарган. «Ёшлик».

ЧИННИЧИ айн. чиннисоз.

ЧИНОВНИК [қад. р. чин — «тартиб, қоида; даража, мансаб» с. дан ясалган от: амалдор] Чор Россиясида: амалдор, мансабдор шахс. Чор ҳукуматиининг чиновниклари. ■ У ё чиновник, ё катта савдогар, ёки айна замонда ҳар иккиси. Ойбек, Танланган асарлар.

ЧИНОЁҚ Хитойи чинни идиш, хитой чинниси. Олти йигит ичида отинг Турсун, Чиноёққа сув қўйдим — тиниб турсин. «Кўшиқлар». Мирёқуб курсини яқинроқ жилдирди, чиройли бир чиноёққа самовардан қуюққина чай қуйгач.. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЧИНОР [ф. چنار] 1 Пўсти кўкиш, панжасимон шапалоқ баргли, узоқ умрли серсоя катта дарахт. Чинор чиримас, арча қуримас. Мақол. ■ Ҳаммаёқ озода, сув сепилган, тоза. Сарҳовуз.. осмонга етадиган чинорлар.. «Нурали».

2 кўча Турмуш ўртоғи ёки ўғил, фарзанд (аёлга нисбатан). Чиройинг борида чинорингни топ. Мақол. ■ Бўйнимга таққан

туморим сен эдинг, Олдимда ўсган чинорим сен эдинг. «Ойсулув».

3 кўча Суянчиқ, қўллаб-қувватловчи шахс. [Турдиқуловнинг] Районда суянган чинорлари бор. «Ёшлик».

ЧИНОҚ 1 Қулоғи кесилган ёки қулоғи кертик. Чиноқ ит. Чиноқ қўй. ■ -Э, домлажон-а, сиз кўрмадингиз, ўртадаги девордан бир ғишт кўчирганимизни биламиз, ҳай-хай-хай.. — дея бидирлай кетди чиноқ йигит унга эргашиб. М. Мансуров, Ёмби.

Чиноқ бурун 1) кемтиги бор бурун; 2) чандиқ бурун. **Чиноқ қулоқ** Кесик қулоқ.

2 Қулоғи кичкина ёки чандиқли кишиларга қўйиладиган лақаб. Ёдгорхўжанинг амалкиси Қосимхўжа.. Турақул чиноқнинг сартароши бўлган. Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари. Кўча бошида Аҳмад чиноқ кўринди. «Ёшлик».

ЧИНОҚЧИ қ. х. Чорва молларнинг қулоғини кесиб ёки кертиб, тамга, нишон солувчи киши.

ЧИНЧАЛОҚ шв. Жимжилоқ.

ЧИНҚИРИҚ Ингичка ва ўтқир овоз, кичқирик. Чақалоқнинг чинқириги. Гудокнинг кар қилгудек чинқириги. ■ Узоқдан паровоз чинқириги янгради. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЧИНҚИРМОҚ Ингичка ва ўтқир товуш чиқармоқ, чийиллаган товуш билан кичқирмоқ. Гулнора чинқирганча ўрндан туриб кетди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. -Вой-дод, кимсиз? Одамлар, ёрдам бе.. — деб чинқирди аёл ва шу заҳотиёқ тинчиб қолди. «Ёшлик». Жонивор Ғиркўк от Авазани кўрди, Тўрт оёғин ерга тираб чинқирди. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Поезд яна бир чинқирди-ю, қалин дарахтзор ичига шўнғиб кетди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

ЧИНҚИРОҚ Ингичка ва ўтқир, қулоқ тешгудай қаттиқ (товуш ҳақида). -Музаффар! — ойимнинг чинқироқ овозига Омоннинг йиғиси қўшилди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧИНФИЛ, жангал Чўл ва адирларда ўсадиган тиканли бута.

ЧИНФИЛЛАМОҚ 1 айн. **шанфилламоқ**. Қулоғим чинфиллапти.

2 айн. **жирингламоқ**. Эшик қўнғироғи чинфиллади.

ЧИНФИРЛАМОҚ айн. **чинфилламоқ**.

ЧИП тақл. с. Ялпоқ нарсаларнинг аста урилишида, ёпишқоқ нарсаларнинг кўчи-

шида чиқадиган товушларни ифодалайди. *Чип этган товуш.* ■ *Сарик, қизил барглар чип этиб ерга шўнғийди.* «Ёшлик».

Чип битмоқ айн. **чиппа битмоқ** қ. **чиппа.** *Искандарнинг қулоқлари шанғиллаб келиб, чип битди-ю, ҳеч нарса эшитилмай қўя қолди.* «Ёшлик». **Чип ёпишмоқ** айн. **чиппа ёпишмоқ** қ. **чиппа.** ..баданига чип ёпишган қоп-қора қондан ғашланиб, [Жавлоннинг] юраги баттар сиқилди. «Ёшлик».

ЧИПОР Ола-була, олачипор. *Чипор товуқ. Чипор илон.* ■ *Унда [суратда] катта-кон дарахтга ўралиб ётган йўғон чипор илон тасвир этилган.* Ш. Холмирозев, Оғир тош кўчса. *Изатулла ака боланинг бошини чипор шапкачаси устидан силаркан, «балли», деб кўйди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ЧИППА: **чиппа битмоқ** Бутунлай, том битмоқ (қулоқ ҳақида). *Гулнор десам, қулоқ чиппа битибди.* «Гулнорлари». **Чиппа ёпишмоқ** 1) яхши, зич ёпишмоқ. *Яктаги икки курагининг ўртасига чиппа ёпишиб, елкаси ачишади.* «Ёшлик». *Пайкалга кирсангиз, этикка лой чиппа ёпишиб, оёғингиз билан қўшиб суғуриб оламан, дейди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси; 2) қуйиб қўйгандай, ўлчагандай лойиқ келмоқ. *Узун самбитдек қома-тига, кенг яғринига ҳарбий форма чиппа ёпишиб турибди.* Ойдин, Садаганг бўлай, командир.

ЧИППАК I с. т. Шиппак, сандал.

ЧИППАК II: **чиппакка чиқмоқ** 1) йўққа, пучга чиқмоқ. *Ёлғон даъволар чиппакка чиқди.* ■ *Ўқувчиларнинг ишончлари табиат инжиқлиги туфайли чиппакка чиқадиган бўлди.* О. Ёқубов, Олов қалблар; 2) беҳуда, зое кетмоқ. *Салимхон Обидийнинг ҳужуми чиппакка чиқди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЧИППА-ЧИН Шак-шубҳасиз; тўғри, рост, чин. *Чиппа-чин бўлган иш.* Сўзларим ёлғон эмас, чиппа-чин. ■ *Чиппа-чин ишондинг-а, тавба [деди Искандар].* М. Мансуров, Ёмби.

ЧИПТА I 1 Дагал буюмлар тўқиш учун тайёрланган юпка тилим-тилим пўстлоқ ва ундан тўқилган нарса. *Нарироқда атрофи чипта девор билан ўралган кўра.* Ш. Холмирозев, Оғир тош кўчса.

2 Одатда, токни бағазларга тараб боғлаш учун ишлатиладиган пўстлоқ толаси. *Чипта билан боғламоқ.*

ЧИПТА II 1 с. т. Поезд, автобус, самолёт каби транспорт воситаларида юриш, учиб ҳуқуқини берувчи билет. *Мана бу гапни эшитинг, Андижонга борганимда, «Максимка» пойизга [поездга] чипта ололмай, начайликнинг [начальник — бошлиқнинг] олдига кирдим.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Бирор томошахонага ёки турли спорт мусобақалари ўтказилаётган жойга кириш ҳуқуқини берадиган расмий қоғоз; билет. *«Пахтакор»нинг ўйинига чипта қолмабди.*

ЧИПТАЧИ с. т. 1 Темир йўл билети сотувчиси; кассир.

2 Йўл транспорти билети сотувчиси; кондуктор. *Автобус чиптачиси.*

ЧИП-ЧИП Чип с. такр. *Кўйлагининг икки кураги ўртаси баданига чип-чип ёпишарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ЧИПҚОН Тук халтачаси ҳамда унга боғлиқ ёғ беги ва тўқималарнинг йирингли яллиғланиши; йирингли катта чиқик; хўппоз. *Насим полвонга чипқон чиққани чин экан, бу даврада олишмади.* Т. Мурод, Кўшиқ.

Дард устига чипқон қ. **дард** I. *Дард устига чипқон дегайларидай, Асрорнинг бир дарди икки бўлди.* «Ёшлик».

ЧИР: **чир айланмоқ** Гир-гир айланмоқ, тез айланмоқ. *Уйнар бўрон, чир айланиб қор, Тинмай инар кўкдан ер сари.* Уйғун. *Унғирларда кўтарилган гирдоб хас-хашакларни чир айлантириб, осмони фалакка олиб чиқиб, қўйиб юборарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧИРАНМАЧОҚ с. т. Мақтанчоқ, керилмачоқ. ..Шундай деди-ю, ўзини тутолмай кулиб юборди — Ошнога ишонмади, уни шунчаки чиранмачоқ деб ўйлади. М. М. Дўст, Лолазор.

ЧИРАНМОҚ 1 Бирор мақсадда бор кучини ишга солиб ҳаракат қилмоқ; кучанмоқ. *Буқа орқасига тисарилиб, уввало чиранди.* «Шарқ юлдузи». *Сандиқ жуда оғир эди, зўрға зинага яқинлаштириб, чирана-чирана, тепага олиб чиқишди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Арава қилт этмас.. ҳўкизлар ҳарчанд чирангани билан, арава жойидан жилмас эди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 кўчма салб. Ўз имкониятларини ҳисобга олмай катта кетмоқ; керилмоқ. -*Чиранманг, полвон, — деди кулиб Ўсаржон.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ўзинг жойсиз [ноўрин] чиранганингдек, мени ҳам ўз ёнингга тортмоқчи бўласан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Аларга мен: -Шоҳи Эрон билан урушаман, деб чиранманг, — дедим. М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧИРГИ *шв.* Терлик, ёпиқ (от абзали). Шу замонда солди отнинг устига Зарлику зарбофдан бўлган чиргини. «Алпомиш». Омборхонадан от абзалларини — терлик, беллик, чирги. юган, эгарни қўлтиқлаб келдим. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЧИРГИЛИК *шв.* 1 Чиргибоп материал, наMAT.

2 Чирги. Чиргилик тикаётганда, калавага мум едирмасанг бўлмайди — эртаси кунгёқ чириб тушади. М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ЧИРИК 1 Чириган, чириб ишдан чиққан, яроқсиз ҳолга келган. *Чирик пахта. Чирик тиш. Чирик олма.* ■ Йигит чирик оғочлар тирқишидан пастга қаради. С. Сиёев, Аваз. *Чирик сомон ва гўнг ҳиди [Саиднинг] димоғига урилди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

2 от Нарсаларнинг чириган жойи. Олманинг чиригини олиб ташламоқ.

3 кўча Улиб, йўқ бўлиб бораётган, ҳалокатга юз тутган; носоғлом; эски, бузуқ. *Чирик назария.* ■ Драма ёзганда, мавзуну турмушимизнинг нақ чирик бир жойидан олмоқ ва унинг ила баробар адабиёт тарозисига солиб ёзмоқ керакдир. А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЧИРИЛДОҚ 1 *сфт.* Чирилловчи, ҳадеб чириллайверадиган.

2 от Қанотлари ишқаланиши натижа-сида «чир-чир» овоз чиқарадиган, тўғриқанотлилар оиласига мансуб ҳашарот; қора чигиртка. *Чигирткалар, чирилдоқлар бири олиб-бири қўйиб хониш қилади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Чинқириб юборар куннинг зўридан Қайгадир беркиниб олган чирилдоқ.* А. Орипов.

ЧИРИЛЛАМОҚ 1 «Чир-чир» қилмоқ; чигилламоқ. Бу кеча ҳам бўрилар увлар, Чирилдоқлар чириллар бир-бир. «Ёшлик». У ер-бу ерда чигиртка эриниб чириллайди. «Ёшлик».

2 айн. Қаттиқ йиғламоқ (чақалоқ, гўдак ҳақида). *Бешикда ётган болакай тинимсиз чирилларди.* «Ёшлик».

3 кўча Куйиниб, изтироб билан, йиғи аралаш сўзламоқ. *Чириллаб, акам, деб турса бошимда, Қалдирғоч — шўрлик жигарим*

бўлмади. «Алпомиш». Узала тушиб ётган боласининг тепасида хола «Онанг ўлса бўлмасмиди, болам!» деб чирилларди. «Шарқ юлдузи».

4 айн. чир-чир айланмоқ қ. чир-чир.

ЧИРИМОҚ 1 Табиий таъсирлар туфайли парчаланмоқ; айнимоқ, ишдан чиқмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ. *Чириган ип. Чинор чиримас, арча қуримас.* Мақол. ■ Тутнинг шохлари тегиб турган айвон устуни қорайиб, чирий бошлади. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Майли, мени бурдалаб ташласинлар, таним зиндонда чирисин.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Иримок, айнимоқ. *Чириган қовун. Чириган олма.*

3 кўча Адойи тамом бўлмоқ, хазон бўлмоқ. [Йўлчи:] Андак инсоф керак, уят керак. Чолнинг меҳнатда чириган кўксига бигизни қадайверманг! Ойбек, Танланган асарлар. -Нари туринг, — Лаъли жаҳл билан эрининг кўкрагидан итарди. — Эсиз умрим, бу ғамхонада чириб кетаётибди. Ҳ. Ғулом, Машғал.

4 кўча Умри тугаб, ўлиб, йўқ бўлиб бормок, ҳалокатга юз тутмоқ. *Золимлар ёққан ўт ёнмасин сира, Қора ниятлари чирисин дилда.* Ғ. Ғулом.

ЧИРИНДИ Чўп-хас, хазон, ўсимлик ва ш.к. нинг чириб, тупроқнинг таркибий қисмига айланаётган қисми, чирик нарса. *Ёрга чиринди соломқ.* ■ Чириндининг аччиқ ҳиди димоқни тешудай эди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧИРИШ 1 1 Чиримоқ фл. ҳар. н.

2 Микроорганизмлар таъсири натижа-сида бузилиш, айнаш ҳодисаси, жараёни. *Ҳозир илмий ходимлар илдиз чириш касалини ўрганишаётган экан.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧИРИШ II: чиришни бузмоқ Иш, суҳбат ва ш.к. ни, ўтиришни бузмоқ; битган, бўлиб турган ишни йўқ қилмоқ.

ЧИРИҚЛАМОҚ айн. чиққилламоқ. Чумчуқча келиб кетди, Ушоқларни еб кетди, Чирик-чуруқ чириқлаб, Эрта келай, деб кетди. У. Баҳромов.

ЧИРК I [ф. چرك — кир, ифлос; кир-лик, ифлослик] 1 Ёғ ва қурум аралаш ёпишқоқ масса; ис. Қозоннинг чирки. *Чирк босиб қорайган уй.* ■ Идиш ювадиган, ишчилар қўл ювадиган жой чирк босган. Газетадан.

2 Қалин қатирма кир, яғир. *Чирк боғлаб кетган дўппи.* ■ Чирк босган кепка кийиб

юрадиган.. қоп-қора, боши сўпоқ, суяги бузуқ, рангпар йигит. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Қотиб қолган арава мойи.

ЧИРК II тақл. с. Чиркиллайдиган қуш ва ҳашаротларнинг овозини билдиради.

ЧИРКИН [ф. چركين — кир, ифлос] 1 Чирк босган, чирк босиб қорайган; хира. Чиркин ва синиқ ишшалар.

2 Қатирма кир, яғир, исқирт, ифлос. Улар гулларни севадилар. Кийимлари чиркин бўлса ҳам, чаккаларига гул қистириб юрадилар. Ойбек, Танланган асарлар. Улардан бири энгли майкада, бошига.. чиркин дўппи кийган. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

3 кўчма Разил, қабиҳ, тубан. Чиркин ҳаёт. Чиркин маънавий қиёфа. ■ Бу чиркин ғамхонада жой учун ижара тўлайсизлар-а! Ойбек, Нур қидириб. У [Султон Ҳусайн] кеча бир дақиқалик чиркин ҳисга берилиб, бемаъни иш қилганидан пушаймон эди. М. Осим, Карвон йўлларида.

4 кўчма Чирик, чириган, ўлиб бораётган. Утмишининг чиркин қолдиқлари жамиятимизга иснод келтиради. А. Мухтор, Туғилиш.

ЧИРКИНЛАШМОҚ Тубанликка юз тутмоқ, тубанлашмоқ, разиллашмоқ, қабиҳлашмоқ. Бўхтончилар.. ўз ғалабалари натижасида юзлари баттарроқ қорайганини, ичлари яна баттарроқ чиркинлашганини сезмайдилар. Ойбек, Нур қидириб.

ЧИРКИНЛИК Разиллик, тубанлик. Чиркинликлар тўлган эски дунёдан Учмохлар ундириш бизнинг ишимиз. Ғ. Фулом.

ЧИРК-ЧИРК Чирк II с. тақр. Аҳён-аҳёнда жимликни чигирткаларнинг чирк-чирк этган овози бузарди, холос. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЧИРМАЛМОҚ 1 Чирмамоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Ахири жодугар кампир катта паранжга чирмалиб олган қизни судраб киритди. «Ёшлик». Шаҳар касалхонасининг озода хоналаридан биридаги каравотда боши оқ дока билан чирмалган Абдужаббор бир неча соатдан бери ҳушсиз ётар.. эди. С. Абдулла, Соялар.

2 Ўралиб олмоқ, чирмашмоқ. Илон дарахтга чирмалди.

ЧИРМАМОҚ 1 рвш. Маҳкам ўраб, чандиб боғламоқ. Тўқсонта қутини ичкима-ички бир-бирига кийдирди, ўраб-чирмаб маҳ-

камлаб қўйди. «Маликаи айёр». Мурид Аваз-ни гулжумга чирмаб боғлади. С. Сиёев, Аваз.

2 кўчма Ўраб, қамраб, чулғаб олмоқ; ишғол қилмоқ. Ишқ ўти [Зевархонни] чирмаб олибди. «Тоҳир ва Зухра». Бирдан Низомнинг жисму жонини ҳаяжон чирмаб олди. Н. Қиличев, Чиғирик.

ЧИРМАНДА айн. чилдирма. Йигит чирмандани қўлига олиб, завқ билан чала кетди. «Ёшлик». Гумбур, гумбур, гумбурлаб ҳовлиқади чирманда. Газетадан.

ЧИРМАНДАКАШ айн. чилдирмачи.

ЧИРМАНДАЧИ айн. чилдирмачи.

ЧИРМАШМОҚ 1 Маҳкам кўчмоқ, ўралмоқ, ўралиб, ёпишиб олмоқ. Чирмовуқлар — сариқ, суқ чувалчанлар Қийнар райхонларни чирмашиб олиб. «Ёшлик». Илон уни [Юсуф Асвадни] қўйиб юбормай, маҳкам чирмашгани ҳолда, қаттиқ бўға бошлади. Мирмуҳсин, Илон ўйнатувчи. Қора сочи белга чирмашиб, Шахло кўзлар сўрар эди жон. Миртемир.

2 Маҳкам ёпишиб, тирмашиб, юқорига интилмоқ, тирмашмоқ. Ғулабур сариқ Краснов олдинлашиб, бинокль билан узоққа қаради, сўнгера, ҳарсиллаб-ҳарсиллаб, дарахтга чирмашиди-да, теваракни кузатди. Ойбек, Кўёш қораймас. Бирпасда қарасангиз, пастдаги одамлар арқонга чирмашиб, тоққа чиқиб олишди. Ойдин, Олтмиш газ арқон. Қишлоқ этагидан кўтарилган ой олисдаги фарзандлари — юлдузларни кўрмоқ истаб, осмонга чирмашарди. С. Нуров, Ёстиқ.

ЧИРМАШУВЧАН Қаттиқ чирмашадиган, чирмашиб, ўралиб оладиган. Чирмашувчан илон. Чирмашувчан ўсимликлар.

ЧИРМОВ I Чирмамоқ фл. ҳар. н. Ол хабар гулшанда гул аҳволдан, эй боғбон, Ўт гиёҳ чирмовига чирмалди қийноқ ичра гул. С. Абдулла.

ЧИРМОВ II айн. чирмовуқ.

ЧИРМОВГУЛ Печакгул, карнайгул.

ЧИРМОВУҚ 1 Девпечак, зарпечак, печакгул сингари чирмашиб ўсадиган ўсимликларнинг умумий номи. Искандар ўзидан кичикроқ.. боланинг қўчқорга чирмовуқ ўт бераётганини кузатиб туриб, кейин ўзи ҳам аста-секин қўй олдиға борди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 айн. зарпечак.

ЧИРОЙ 1 Ғузалик; хусн, кўрк. Муҳаббат чирой танламас, уйқу — ўрин. Мақол.

■ **Асрор**, қирққа борган бўлса-да, чиройини, тароватини йўқотмаган бу аёлнинг киприклари узун кўзларига.. қарашга ботинмай, ерга боққанча, «ҳа, кўрдим», деди. «Ёшлик».

2 Кўзга ёқадиган кўриниш, кўркамлик, кўрк, қиёфа. **Шаҳар чиройи**. ■ **Бино тайёр** бўлгандан кейин унга чирой бериш, нафислик билан ичию ташига кўрк бағишлаш — санъат. «Саодат». Чол кўзида ўзгарар ҳар он Қишлоғининг чиройи, туси. Ҳ. Олимжон.

Чиройи очилмоқ Кайфияти яхшиланмоқ. **Муҳсина** хонимнинг чиройи очилди: эрини бундай жаҳлдору чўрткесар ҳолда кўриш унга ёқарди. М. М. Дўст, Лолазор. Оқсоқолнинг чиройи очилиб, «Баракалла, оқил йигит экансан», дегандай мийғида кулумсирабди. М. Мансуров, Ёмби.

ЧИРОЙЛИ 1 сф. Ҳусни одатлагидан ортиқ; гўзал; кўркам. **Чиройли қиз**. ■ Чолнинг келини чиройли, оппоқ, кўзга яқин жувон эди. «Ёшлик». **Шаҳарда** шундай чиройли қизлар бор — кўрсанг, оғзинг очилади. «Ёшлик».

2 сф. Кўриниши, ташқи қиёфаси кўзга ёқимли кўринадиган. Энг чиройли қуш деганда, ҳамманинг кўз ўнгига оққуш келиши табиий. Газетадан. Биласизми, дунёда чиройли нарсалар шундай кўпки! Ўрмон, капалак, тонг, ўтлоқ, тун.. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 сф. Манзараси кўзга ёқимли; кўркам. **Фарғонадан** йўлга чиққан енгил машина чиройли асфальт йўлда учиб борарди. Мирмуҳсин, Умид. -**Марказ чиройли** бўлиб кетди-а, одам суюнади, — деди Чарос мамнун жилмайиб. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 сф. Яхши; ўринли; манзур. **Чиройли гап**. **Чиройли тўй**. ■ **Чиройли маърузага** маҳлиё бўлиб, руҳиятимда сусткашлик бошланди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Минг афсуски, ҳозир тўйларда ўйин-кулги, чиройли анъаналар санъатини намоиш қилиш эмас, исрофгарчиликлар меъёридан ошиб кетади. Мирмуҳсин, Умид. Ҳар бир ота-она орзиқиб кўрган фарзандига чиройли ва мазмундор исм қўйишга ҳаракат қилади. Газетадан.

5 рш. Ёқимли, жозибали, батартиб; ўрнига қўйиб. **Чиройли гапирмоқ**. **Чиройли қадам ташламоқ**. **Чиройли кийинмоқ**. ■ -Вой, шунақами? — Офтоб ўспиринга қараб, чиройли жилмайди. М. Мансуров, Ёмби. **Бирор**

ишни тухта ва чиройли қилган одамни тангри дўст тутади. «Фан ва турмуш».

ЧИРОЙСИЗ Кўримсиз, хунук.

ЧИРОҚ [ф. چراغ — чироқ] 1 Хонани, жойни ёритиш учун хизмат қиладиган уй-рўзгор асбоби; лампа. **Жин чироқ**. **Неон чироқ**. **Осма чироқ**. ■ **Баширжон** электр чироқлари порлаб турган катта йўлдан юришга истиҳола қилибми.. ўзини қоронғилик қўйнига урди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. **Унинг [ўтовнинг] ичи иссиқ, лампа чироқ чароғон қилиб турарди**. Газетадан.

2 Машина, телевизор, радио ва ш.к. нинг ёниб турувчи қисми. **Машина мотори** гуруллаб, чироқлари асфальт йўл, ресторан деворларини пийнаслаб ўтди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 кўчма **Фарзанд** ёки яқин одам. **Чироққинам**, шундай ёмон туш кўрдим. «Юсуф ва Аҳмад». **Ўғил туғул, йўқдир-да бирор қизим**, Чамбилда чироқсиз ўтганман ўзим. «Нурали».

Ичига чироқ ёқса ёришмайди Жуда хафа, тушкун кайфиятда. **Дилдорнинг ичи чироқ ёқса ёришмас**, ҳамма нарсасига бефарқ эди. «Саодат». **Чироғини ёқмоқ** Марҳумдан кейин унинг уй-жойини обод қилиб, хотирасини асрамоқ. **Ўғил ёққан чироқни қиз ҳам ёқар**. Мақол. ■ -**Мендан кейин чироғимни ёқади-ган шу набирам**, — деди кампир. «Ёшлик».

ЧИРОҚПОЯ [ф. چراغپای — чироқ тағлиги] Чироқ қўядиган тағлик, чироқ ўрнатиладиган учоёқ. **Кеч бўлди, мен қора-чироқни ёқиб, чўндан ясалган чироқпоя устига қўйдим**. С. Айний, Эсдаликлар. [Ойхон:] **Ҳаммаси бор. Бешик билан чироқпояси қолди, холос**. Ҳамза, Майсаранинг иши.

ЧИРОҚЧИ 1 Кўча чироқларини ёқувчи; чироқ тутувчи; чиробон.

2 кўчма **Уй-хонадон чироғини ёқиб**, унинг анъаналарини давом эттирувчи, ота-она хотирасини сақловчи авлод. **Нодира Анварни.. отасининг уйига чироқчи қилмоқчи** эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЧИРОҚБОН [ф. چراغبان — чироқларга қаровчи] айн. **чироқчи** 1. **Чироқбон кетидан йўлакка кирдилар**. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЧИРПИНДИ Пойтеша, болта билан чопиш натижасида тўпланган майда-чуйда ўтин, тутантирик; пайраҳа.

ЧИРПИРАК: чирпирак бўлмоқ 1) гир-гир айланиб, буралиб-буралиб учмоқ. *Гирдоб раққосадек чирпирак бўлиб айланиб келиб, ўтиб кетди-ю, саксовулзорда олатўполон бошланди.* «Ёшлик»; 2) умбалоқ ошиб, оёғи осмондан бўлиб йиқилмоқ, чархпалак бўлмоқ. *Ўлмас чирпирак бўлганича, кўрпанинг устига учиб тушди.* «Ёшлик». **Чирпирак қилмоқ** 1) гир-гир айлантормоқ. *Улар [одамлар].. бир-бирларини табриклаб қучоқлашар, чирпирак қилиб айлантиришар.. эди.* М. Мансуров, Ёмби; 2) умбалоқ ошириб, чархпалак қилиб йиқитмоқ. *У [Зарина] бехосдан келиб, йигитни белидан олди-да, чирпирак қилиб, улоқтириб юборди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧИРПИРАМОҚ 1 Гир-гир айланмоқ, гир-гир айланиб учмоқ, чирпирак бўлмоқ. *Ер уюмлари фиғон билан чирпираб, гирдоб каби кўкка кўтарилади.* Ойбек, Кўёш қораймас.

2 Умбалоқ ошиб йиқилмоқ, чархпалак бўлмоқ. *Худойқул настга қараб чирпираб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧИРПИТ [р. четверть («чорак, тўртдан бир») с. нинг бузилган шакли] с. т. Метрик ўлчов системаси қабул қилингунча ишлатилган, уч литрга яқин ҳажм ўлчов бирлиги ва шу ҳажмдаги шиша идиш. *Пешинга яқин Оқсоқоликнидан тўй келди: ярим қоп гуруч, бир чирпит ёғ, бир қоп ун.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. -[Эчкининг] Онаси ҳар йили иккитадан туғади, — дерди даллол шаниллаб, — кунига бир чирпитдан сут беради. «Ёшлик».

ЧИРС тақл. с. Шиша, муз ва ш.к. нинг синишидан, қуруқ ўтиннинг ёнишидан чиқадиган кучсиз товушларни билдиради. *Лампа шиша чирс этиб синди.* ■ *Тухум тошга тушиб, чирс этиб ёрилди.* «Ёшлик». *Қадам босган сари оёғи остидаги муз чирс этиб ёриларди.* Газетадан.

ЧИРСИЛЛАМА 1 Чирсиллаб ёрилгудай таранг, этилиб турган. *Чирсиллама қовун.*

2 Чирсиллаб ёнадиган, қуруқ. *Чирсиллама ўтин.*

3 кўча Қирчиллама, аччиқ, қаттиқ. *Чирсиллама совуқ.*

ЧИРСИЛЛАМОҚ 1 «Чирс-чирс» овоз чиқармоқ. *Каттакон тўнкадан чирсиллаб олов сачрапти.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик

ораси. *Магнитофоннинг лентаси тугаб, чирсиллаб айлана бошлади.* «Ёшлик».

2 кўча Жаҳли чиқиб кетмоқ; асабийлашмоқ. *Энди Ҳалима чирсиллаб кетди: -Ҳа, сенга ҳазил қилиб ҳам бўлмайдими! Ў. Усмонов, Қисмат.*

3 кўча Долзарблик касб этмоқ; кескин тус олмоқ, кескинлашмоқ. *Пахта масаласи — ҳамма вақт чирсиллаб турган масала.* Мирмуҳсин, Умид. *Замон чирсиллаб турибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакат.

4 кўча Синиб кетай демоқ. *Меҳмонхона. Зиёфат столи ноз-неъматлардан чирсиллаб турипти.* «Муштум».

5 кўча Кучаймоқ, зўраймоқ (совуқ ҳақида). *Ҳамма ёқ кўкиш қор билан қопланган, совуқ чирсилларди.* М. Осим, Элчилар.

ЧИРС-ЧИРС Чирс с. тақр. *Кимдир чирс-чирс синдириб, бурган ҳидини анқитиб, чўп узатди.* М. Мансуров, Ёмби. *Пилиги сўхта чироқ чирс-чирс қилди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧИРТ I тақл. с. Ип узилиши, чўпнинг синиши ва ш. к. дан ҳосил бўладиган кескин товушларни ифодалайди. *Ип чирт узилди.* ■ *Илкис бир силтовдан арқон чирт узилди.* «Шарқ юлдузи». *..ҳар замонда олтинранг барг чирт узилиб, пилдираб учарди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Шербек тишлари орасидан чиқариб, чирт этказиб тупурди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЧИРТ II рвш. Шартга, кескин. *Чирт ўғирилмоқ. Чирт бурилмоқ.* ■ *Гулсумнинг лаблари чирт юмилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Кўзни чирт юммоқ 1) кўзни қаттиқ юммоқ. *Севаргул беихтиёр чинқириб, кўзларини чирт юмди.* Н. Қиличев, Чиғирик. *Жамол полвон кўзларини чирт юмиб олди.* «Шарқ юлдузи»; 2) кўча бўлганча бўлар деб, таваккал қилмоқ. *Кўзни чирт юмиб, тўйни бошлайверинг.*

ЧИРТИНГ-ПИРТИНГ с. т. Майда-чуйда, арзимас. *Чиртинг-пиртинг гап. Чиртинг-пиртинг олиб, пул ҳам тамом бўлди.*

ЧИРТ-ПИРТ: чирт-пирт бўлмоқ с. т. Майда-чуйдага сарфланиб тамом бўлмоқ. *Баъзи вақтда унча-мунча пул ҳам сўраб оламан. Лекин чирт-пирт бўлиб, қўлдан учади-кетади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧИРТГА кам қўл. айн. **чирт** II. *Шундай пайтларда юрагим қинидан чиқиб, кўзимни*

чиртта юмиб олиб, чоғиб ўтардим. Н. Сафаров, Оловли излар.

ЧИРТ-ЧИРТ Чирт I с. тақр. Чирт-чирт узилмоқ. ■ [Мамажон] Ойгани чирт-чирт чертиб, сим-сим ёғайтган ёмғирга, қоп-қора булутларга ҳўмрайиб қарарди. С. Нуров, Нарвон.

ЧИР-ЧИР: чир-чир айланмоқ айн. чир айланмоқ қ. чир.

ЧИРҚ тақл. с. Кушларнинг чирқиллаши, баъзи майда нарсаларнинг урилиши ва ш. к. дан ҳосил бўладиган товушларни ифодалайди. Кўп ўтмай бир қушча чирқ этди. Кечаяки читтакмикан? А. Мухтор, Чинор. Роҳила сумгани чирқ этиб беркитди-ю, кўчага қараб чопди. Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка.

ЧИРҚИЛАМОҚ 1 «Чирқ-чирқ» овоз чиқармоқ. Фор олдидан ўтиб кетаётсам, бир гала чумчуқ чирқиллаб ётипти. А. Кўчимов, Ҳалқа. Тик жарага ин қуриб, чирқиллашиб ётган минг хил қушларнинг уни ўчиб, ўзи гурра кўтарилди. М. Мансуров, Ёмби.

2 Каттик қичқириб, чинқириб йиғламоқ (ёш бола ҳақида). -Мана сенга тешиш! - Карим қўлидаги думалоқланган қорни кучининг борича отди. Саида юзини чангаллаганича чирқиллаб қолди. «Ёшлик».

3 кўчма Зорланиб, илтижо қилиб ёки куйиниб гапирмоқ. -Яхши кўрасан деб, атай манти қилаётган эдим. Бироз шошма, еб кет, - деб чирқиллаганича қолди она. М. Алавия, Севинчларим. Орадан озгина вақт ўтгач.. Жўравойнинг ўзи ва унга ҳамдардида чирқиллаб, одамларни ёрдамга чақираётган бир хотин қолди, холос. «Ёшлик».

4 кўчма Моддий муҳтож, оч ҳолатда бўлмоқ; қарам бўлмоқ. Уйимда саккизта бола чирқиллаб турипти, қандай боқаман уларни? Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

Арвоҳи (ёки руҳи) чирқилламоқ Арвоҳи безовта ёки норози бўлмоқ. Тушига раҳматли Биноқул кирибди: қўлларини фотоҳага очиб турган эмиш. «Арвоҳи чирқиллаб юрибдимикан?» дея эзилди Ҳофиз Кўйкий. «Ёшлик». Шўрлик Адолатимнинг руҳи чирқиллаб ётгандир менинг бу ишимдан?! О. Мухтор, Ётилган бош.

ЧИРҚИРАМОҚ айн. чирқилламоқ 1, 2. Қарчиғай чирқираб баланд уяда. «Эралти ва Шерали». Чирқираб йиғлаётган боланинг овозини эшитиб.. ичкарига отилдинг. А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

ЧИРҚ-ЧИРҚ Чирқ с. тақр. Сокинликда боғ тўридан ёлғиз чигиртканинг чирқ-чирқи.. эшитилди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧИСЛО [қад. р. число < чит-сло > читать - ўқимоқ, билиб олмақ] с.т. Ой-кун, сана. Тўртинчи число. Биринчи число. ■ -Ўтган йилнинг худди шу бугунги числоси эсингдами? - сўради Баҳодир қиздан. «Ёшлик».

ЧИСТОН [ф. چەاستان < چستان - у (бу) нимадир?] 1 Топишмоқ, жумбоқ.

2 Қочирикчи гап, ибора; қочирик, қочирим. Ҳа, тилингиздан олганми, нега индамайсиз? - чистон қилди яна Лобархон. Газетадан. Олимбой ака энди тўю ҳашамларда илгаригидек гапирмас, аскияга аралашадиган бўлса, юмшоқроқ қилиб, суяб чистон қилар эди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

3 ад. Шарқ шеъриятида лирик жанрлардан бири: нарса ёки ҳодисанинг муҳим белгиларини мажорий тавсифлаб, унинг нима эканлигини топишни ўқувчига ҳавола этадиган, икки байтдан ўн байтгача бўлган шеърый шакл. Шоиранинг [Увайсийнинг] шеърлари «Девон»да жамланган бўлиб, у, асосан, чистон жанрида катта шўҳрат қозонган. С. Магжон ва Ш. Сариев, Ўзбек адабиёти.

ЧИСТОНЧИ Чистон, қочирим билан гапирувчи, чистонга, қочиримга уста одам.

ЧИТ [ф. < чинд. چیت - гулли ип газлама] 1 Пахта толасидан тўқилган мато, газлама. Сидирға чит. Гулли чит. Астарбоп чит. ■ [Хол Бўтаевич:] Ҳа, айтгандай, онангиз тунов кунни бир тўп чит сўраган эди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 сфт. Читдан тайёрланган, тикилган. Даҳлизнинг ярмисини тўсиб турган гулли чит парда кўтариб қўйилган эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Кўп ўтмай уйдан энглари кенг ва узун чит қўйлақ кийиб.. чайир бир аёл чиқди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа

ЧИТГАР [ф. چیتگر - газламага гул босувчи] эск. Бўз матога ўйма ёғоч қолип ёрдамида гул босувчи ҳунарманд, уста. Читгарлар илгари барча жараён (тўқши, бўяш ва гул босиш)ни устахоналарда бажаришган. «ЎЗМЭ».

ЧИТГАРЛИК Матога гул босиш; читгар касби. 90-йиллар читгарликда ўзига ҳос ривожланиш босқичи бўлди: чойшаб, дас-

турхон каби бадийй буюмлар билан бир қаторди замонавий либосларни ишлаб чиқаришда ҳам читгарлик санъати кенг қўлланади. «ЎЗМЭ».

ЧИТИР I тақл. с. Куруқ хашак ёнганда чиқадаган товушга ўхшаш кучсиз товушларни билдиради. *Хашак читир этиб аланга олди.*

ЧИТИР II Чўл, адирларда ўсадиган бир йиллик ёввойи ўсимлик (ипак қурти пилла ўраши учун дасталаб қўйилади). *Гиёҳларнинг номлари ҳам ёдимдан чиқай деган экан: ёв-шан, янтоқ, каврак, қушқўнмас, читир.. М. М. Дўст, Лолазор. Гулзира райхон ҳиди келиб турган читир дасталарини иккита-иккитадан кўтариб, ичкарига ташиб турди. А. Мухтор, Кумуш тола.*

ЧИТИРЛАМОҚ «Читир-читир» қилмоқ, «читир-читир» овоз чиқармоқ. *Тун оққанда, Қумри ўрнидан аста туриб, тоқчада читирлаб ёнаётган чироқни пуфлаб ўчирди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

ЧИТИР-ЧИТИР Читир с. тақр. Қоқ чўкиртақларнинг керосин сепгандай читир-читир этиб ёниши қизик туюлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЧИТМОҚ фольк. Чимирмоқ. Қошинг читиб, қовоғингни уясан, Мендайин шунқорнинг кўнглин бўласан. «Авазхон». Қошу қовоғинг читиб, Айладинг бизни хаста. «Кўшиқлар». Эрназар полвоннинг йўриғи эса бўлак — биргина қовоқ читишининг ўзиёқ юракни ларзага солади. Н. Норқобилов, Бекалдаги оқ уйча.

ЧИТТАК Кичкина, чаққон, сайроқчи қуш. Читтак дарахт коваклари ва шох-шаббаларига уя қуради. «ЎЗМЭ». Мен осмонни тутиб турган читтак — аканг қарағай! Газетадан.

Қанотсиз читтак Бир жойда муқим туrolмайдиған, қўнимсиз, беқарор (енгилтабиат одамлар ҳақида). [Қодир:] Мен қанотсиз читтакнинг уйига борган эдим, маълум бўлишича, у ерда қанотсиз қузғунлар ҳам бор экан. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

ЧИТФУРУШ [ф. چیت فروش — чит соувчи] Чит савдоси билан шуғулланувчи савдогар; баззос. Бувайдалик Низомиддин читфурушнинг ўғли Фиёсиддин Бухоронинг Девонбеги мадрасасида таҳсил кўриб юрган пайтларида отаси уни оқ қилди. С. Аҳмад, Ҳукм.

ЧИТФУРУШЛИК I Чит сотиш билан шуғулланиш; читфуруш касби. *Бизнинг бу атроф маҳалладаги кўп бойлар.. баъзилари Тошкент бозорларидаги расталарда читфурушлик, чойфурушлик.. қилар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

2 Бозорда чит дўконлари қатори, растаси.

ЧИХ унд. с. Туя чўктиришда ишлатиладиган сўз.

ЧИЧАНГЛАМОҚ шв. Дикангламоқ, ўйноқламоқ. [Мадамин] Отнинг ёлига ёпишиб, қорнига тенди, от бир чичанглаб, уни учуриб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧИЯ I Тоғли ерларда ўсадиган ёввойи олча ва унинг меваси. *Тошкентларга посилкалар солайин, Ёр емакка чия, олма олайин. «Кўшиқлар». Ғир-ғир шамол эсади, қорақанд, чияларнинг ёқимли исси анқийди. С. Муродбеков, Ёшван исси.*

ЧИЯ II: чияси чиқмоқ фольк. Сири очилмоқ. Фарзанд бўлар кишининг меҳриғисси, Айрилганнинг чиқар экан чияси. «Орзигул».

ЧИЯБЎРИ Итсимонлар оиласига мансуб йиртқич сутэмизувчи ҳайвон; шақал. *..арслон ўзи ов қилади.. чиябўри эса арслондан қолган-қутган майиб-мажруҳларни териб юради. М. М. Дўст, Лолазор.*

ЧИҚ тақл. с. Баъзи қушларнинг сайраши, енгил нарсаларнинг бирор нарсага урилишидан чиққан ва шунга ўхшаш товушларни ифодалайди. *Қулф чиқ этиб очилди. Чумчүк чиқ этди. — Аҳмад чўчиб ўридан турди, қулоғидаги қалам ерга чиқ этиб тушди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Онам, томчининг ҳар «чиқ» этгани бир кунлик умрнинг чиққани, дейдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЧИҚАВЕРИШ Бирор ердан, мас. уй, шаҳар, вокзал ва ш. к. дан ташқарига чиқиш жойи; зид. **киравериш**. [Сидиқжон] Қишлоқнинг чиқаверишида унга этиб олди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқларни. [Саттор] Шу хаёл билан чиқаверишга борди-ю, кечаги дучоба дўппили қоровул чолга йўлиқди. Ў. Усмонов, Қисмат.

ЧИҚАЗМОҚ Чикмоқ фл. орт. н. Эликбوشي шу қизини қаролига бериб, катта ердаги кўрғонга чиқазиб юборди. С. Аҳмад, Ҳукм.

ЧИҚАРМОҚ I Чикмоқ 1—4, 6, 8—10, 12, 13, 21, 24, 26, 27, 29—31, 35—37, 39—41 фл. орт. н. Тоққа чиқармоқ. Варракни осмонга чиқармоқ. Трамвайга чиқариб қўймоқ. Эсдан

чиқармоқ. Эсини чиқармоқ. Четга мол чиқармоқ. Газлама чиқармоқ. Завод йилга минглаб трактор чиқаради. Қарор чиқармоқ. Қонун чиқармоқ. Ҳукм чиқармоқ. Пул чиқармоқ. Шира чиқармоқ. Қурилиш учун маблағ чиқармоқ. Отни аравадан чиқармоқ. ■ [Ўзбек ойим:] Тойчоғимнинг кўрманасини чиқар, дадаси! А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. Аммо, энди роҳатини кўради, энди сизларни рўёбга чиқараман. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шундай деб ҳисобламоқ. Бировлар уни модернист деди, бошқалар донишмандга чиқарди. «Ёшлик».

3 Феъл билан бирга қўлланиб, тахмин, чама маъносини билдиради. Унинг [Мирвалӣнинг] бу жарликка келмаганига ҳам беш-ўн йил бўлган чиқаров. С. Аҳмад, Жимжитлик.

Учини чиқармоқ 1) қаламнинг уч томонидаги ёғоч қисмини тарашламоқ. ..курсида доимо қоғоз, учи яхшилаб чиқарилган беш-ўн та қалам тайёр туради. Газетадан; 2) мақсадга ўтмоқ. Ниҳоят, Ошно гапнинг учини чиқарди. М. М. Дўст, Лолазор. Қиз чиқармоқ Узатмоқ, эрга бермоқ. Ёзда қанча ташвишим бор: қизимни чиқаришим, ўғлимни уйлантиришим керак. «Ёшлик». Қон чиқармоқ қ. қон 1. [Бекқул:] Биринчи иморатга қон чиқарган эдингми? «Ёшлик».

ЧИҚАСИ: чиқаси келса Агар чиқадиған, кетадиған, йўқоладиған бўлса. Чиқаси келса, эгаси сабаб бўлади. Мақол. ■ -Дард чиқаси келса, табиб эшикдан келар, деган гап бор эди, — деди Зулфизар. «Зулфизар билан Авазхон».

ЧИҚИЛЛАМОҚ «Чиқ-чиқ» ёки «чиқир-чиқир» овоз чиқармоқ (соат, механизм, ҳар хил нарсалар, асбоблар ҳақида). Машина тинмай чиқилларди. ■ Девор соати чиқиллагани қўлоғимга кириб, ўша ёққа қарадим. С. Кароматов, Бир томчи қон.

ЧИҚИМ 1 Сарфланган ёки сарфланадиган моддий маблағ; харажат, буромад. Туй чиқимлари. Чиқим дафтари. Чиқимига қараб кирими. Мақол. ■ Эсонбой, ҳозир Ҳури сариқ.. камёб молларни чиқим қилмай олиб келиш қийинлигидан ҳасрат қилади, деб уйлаган эди. «Ёшлик». Ҳали бунча қарз, чиқимларнинг устига икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш, бир хатна тўйи ҳам бор. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Тез ва яхши дам ейиш хусусияти, татим (асосан, чой ҳақида). Чиқими яхши чой.

ЧИҚИМДОР 1 Кўп сарф-харажат, чиқим қилган ёки қиладиган одам. Чиқимдор бўлмоқ. ■ Беҳуда нарсалар учун қудасини чиқимдор қилавериш кўнглини қолдирмасмикин? Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Кўп чиқим, харажат талаб қиладиган, серчиқим. Чиқимдор соҳа. Чиқимдор қурилиш.

ЧИҚИМЛИ Моддий маблағ, чиқим, сарф-харажат талаб қиладиган; чиқимдор, серчиқим. Чиқимли иш. Чиқимли қурилиш.

ЧИҚИНДИ 1 Керакли қисми ишлатилгандан қолган нарсалар; чиқит, қолдиқ. Саноат чиқиндис. Нефть чиқиндис. ■ Табиатни ифлослантирадиган офатлардан яна бири чиқиндилардир. «Фан ва турмуш». Республикамиздаги ёғ-мой комбинати чиқиндисини йилга 80 000 тоннадан ортиб кетди. «Фан ва турмуш».

2 Ахлат. Жамики ахлат шу сувга тушади. Айниқса ёғингарчилик, сел пайтларида ёнбағирлардаги жами хонадонларнинг чиқиндилари ўрлардан тошиб, шу сойга тушади. С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 кўчма салб. Тубан, паст (одам ҳақида). Сабр косаси тўлган Қўзибой ака умрида биринчи марта дағал гап қилди: -Э, сиздақа чиқинди.. Э, хатто ўғитга ҳам ярамайди. Ф. Мусахонов, Чиқинди.

ЧИҚИР тақл. с. Майда тош, чинни ёки кичик металл буюмларнинг бир-бирига урилиши ва ш. к. га ўхшаш товушларни ифодалайди. Чойнак қопқоғининг чиқир-чиқури.

ЧИҚИРЛАМОҚ айн. чиқилламоқ.

ЧИҚИР-ЧИҚИР Чиқир с. тақр. Машинанинг чиқир-чиқури. ■ Қўшни хонадан машинканинг чиқир-чиқури эшитиларди. Газетадан.

ЧИҚИТ 1 Чиқинди, қолдиқ. Босмахона чиқитлари. ■ Ҳар тарафга тарқаб юрган товуқлардан иккита-учтаси сугир охури тағидаги юзароқ пўчоқларни, шунга ўхшаш сабзавот чиқитларини титиш билан машғул. «Ёшлик».

2 Яроқсиз нарса; брак. Кеча акт билан чиқитга чиқарилган ресторанинг нимдош чойнак-пиёлаларидан бир дастасини уйга юборсак бўларди-ю.. Н. Аминов, Ёлгончи фаришталар.

3 кўчма Чиқиндига чиқарилган, паст назар билан қараладиган (одам ҳақида). У вақтларда хўжайинлар камбағални одам

қаторидан чиқит ҳисоблашган. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Асосий ишдан четда қолган. Бригадада кўп одам «чиқитга» чиқиб кетади. Бригадирларнинг ўзи, ошпаз, табелчи, аравакаш, ясли ходими, шийпон қоровули. С. Нуров, Парвоз.

ЧИҚИШ 1 **Чикмоқ** фл. ҳар. н. Уйдан чиқиш. Далага чиқиш. Автобусга чиқиш. ■ Ҳаво айнашти. Бунақа ҳавода чуққига чиқиш хавфли. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Куёшнинг, ойнинг уфқдан кўтарилиш пайти, кўриниши. Урданинг кун чиқиш томонидаги ихчам ғиштин хона — хазина, унинг сўл томонидаги хоналарда тўпларнинг ўқдориси, баъзи қурол-яроғлар сақланади. Мирмуҳсин, Қахрамоннома.

3 Нутқ, мақола, асар, сўз ва ш.к. билан қатнашиш, кўриниш. Катта чиқиш қилиш. Олимнинг газетадаги чиқиши. ■ [80-йилларда] Матбуотда чиқиш қилган амалдор борки, ўзбек халқига осилди. «Фан ва турмуш».

Чиқиш келишиги тлш. Иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрни, манбаи, сабаби каби маъноларни билдирадиган, кимдан? нимадан? қаердан? каби сўроқларга жавоб бўладиган келишик.

ЧИҚИШМОҚ 1 **Чикмоқ** фл. бирг. н. Ишга чиқишди. Йўлга чиқишди. Уйдан чиқишди. Томга чиқишди. Сайлга чиқишди. ■ Орадан бир соатча вақт ўтгач, кириб кетганлар бирин-сирин чиқиша бошлади. Мирмуҳсин, Умид.

2 Муроса қилмоқ, аҳил, иттифоқ, эл бўлиб яшамоқ ёки ишламоқ. У ҳамма билан чиқишади. ■ Бу афандихон билан чиқишолмайдиганга ўхшайман. С. Аҳмад, Ҳукм. Айниқса, тоғаси Самад билан унча чиқишмайди. Н. Норқобилов, Тўқнашув.

3 Ёқтирмоқ. У мушук билан чиқишмайди.

ЧИҚИШОҚ Ҳамма билан тез чиқишиб кетадиган, тез эл бўладиган; киришимли. Каминада уч келин бор. Келинларим жуда чиқишоқ, ҳар ишда ҳамжиҳат. Ойбек, О. в. шабадалар.

ЧИҚИҚ 1 от Яра, говмижжа, чипқон сингари касалликлар. Чаканда яра-чақа, ҳар хил чиқикларга даво бўлади. Газетадан.

2 от Суяк чиққан жой. Максим ана шундай чоғларда, айниқса, бетоқат болаларнинг синигини ушлаб, чиқиғини солаётганда, уларни овутиб, кўнглини топиб шифолар эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 от Туртиб чиққан жой, дўнг, дўмбоқ ер. Куйманинг чиқиғи. Деталнинг чиқиғи. Чиқиғини текисламоқ.

4 сфт. Туртиб чиққан; бўртган. Лекин бу кулча юзли, ёноқлари хиёл чиқиқ.. қиз Ҳуб-бижамол эди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Кўриб оғзим очилиб қолди: унинг [хўжайиннинг] ёши олтмишлардан ошган, елкаси чиқиқ, калта соқол чол. Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка.

ЧИҚМОҚ 1 Юқорига, баландга ёки бирор нарса устига кўтарилмоқ. Тепага чиқмоқ. Дарахтга чиқмоқ. Тоққа чиқмоқ. ■ Қоровул тепаликка чиқиб, ҳар томонни диққат билан кўздан кечирди. «Ёшлик». Альпинистлар шу чуққига чиқиб, уни забт этишга аҳд қилдилар. Газетадан.

2 Бирор транспорт воситасига тушмоқ, ўтирмоқ, минмоқ. Автобусга чиқмоқ. ■ Фосиҳ афанди сўрига эмас, извошга чиқди. М. Исмоилий, Фарғона, т. о.

3 Бирор ҳаракатни амалга ошириш ёки бирор нарсасга эришиш мақсадида муайян жойга бормоқ. Дўжонга чиқди. Сувага чиқди. ■ У бир куни саккиз юз йигит билан овга чиқибди. «Булбулитўё». -Нега яна Эрали билан тўйга чиқдинг? — деди эр. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Эрининг намоз ўқиш учун масжидга чиқиши янгилик эмас. «Шарқ юлдузи».

4 Бирор мақсадда узоқ жойга бормоқ, турган жойидан узоқлашмоқ. Бир соатдан сўнг узоқ йўлга чиқаман. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. Муқбил бир қаландар суратиغا кириб, сафарга чиқибди. «Чалпак ёққан кун».

5 Табиий йўналишини ўзгартирмоқ, тошмоқ. Сув тошиб, қирғоққа чиқди. ■ Фақат анҳор ўз ўзанидан чиқолмади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 Кўтарилиб, баландлашиб, бирор даражага етмоқ (турли жараёнлар ҳақида). Иссиғи қирққа чиқди. Қон босими юзга чиқди.

7 Умрнинг маълул бир муддатига, пайтига етмоқ. Ёшим қирққа чиқди. ■ -Ҳисобласам, бир кам тўқсонга чиқибман, — деди чол. «Ёшлик».

8 Бирор ҳаракат, уриниш натижасида янги бир ҳолатга ўтмоқ, эришмоқ, етмоқ. Озодликка чиқмоқ. ■ Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ — биз ҳам ёруғ кунларга чиқамиз. «Ёшлик». Сусамбилликлар

энди тамом эркинликка чиқиб.. сал кунда семириб кетибдилар. «Чалпак ёққан кун».

9 Ичкаридан ташқарига йўналмоқ, ичкаридан ташқарига ҳаракатланиб, маълум жойга етмоқ. *Яхши гап билан илон инидан чиқар, Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар.* Мақол. ■ *Лип этиб бир қора шарпа уйдан чиқиб кетди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Жўра қизиқ индамай, боши эгилганича, кабинетдан чиқиб кетди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Келин уйдан ҳовлига чиқди.* «Ёшлик».

10 Чуқур жойдан юқорига ҳаракатланиб, уни тарк этмоқ. *Ўрадан чиқмоқ. Жардан чиқмоқ.* ■ *Бу орада Ҳасан акалар ҳам чуқурликдан чиқиб олишади.* Ш. Холмиров, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

11 Белгиланган йўлдан, йўналишдан тоймоқ, чекинмоқ. *Машина издан чиқди. Ўқувчи дафтар чизигидан чиқиб кетди.*

12 Бўшалмоқ, қутулмоқ, озод бўлмоқ (ҳайвон ва паррандалар ҳақида). *Тулки қопқондан чиқиб, қочиб қолди.* Газетадан. *Бургут чангалидан чиқиш осон эмас.* М. Мансуров, Ёмби. *Эринмасдан тўр тўқийман, илинган жойга тузоқ ёзаман.. токи ўлжа қўлдан чиқмасин.* М. М. Дўст, Лолазор.

13 Суғурилмоқ, ажралиб кетмоқ. *Машинанинг ғилдираги чиқиб кетди.*

14 Қийин шароитдан ёки бирор мавсумдан ўтиб олмоқ. *Қирқ олтинчи йил оғир келди.. Урушдан янги чиқилган, одамлар эзилган.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

15 Бунёд қилинмоқ, ясалмоқ, ишлов берилмоқ. *[Тақинчоқнинг] Тилла сымдан тўқилган икки жуфт шокиласи, худди кеча заргар қўлидан чиққандек, ярқирайди.* М. Мансуров Ёмби. *Шоир қаламидан чиққан мисралар қоғозга шиддат билан битилмоқда эди.* Газетадан.

16 Бирор фаолият доирасидан четда қолмоқ; фаолиятни тўхтатмоқ. *Урфдан чиқмоқ.* ■ *Ҳой Абдумажид, нима бало, хотининг одамгарчиликдан чиқиб қолганми, дейман.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳозирга келиб.. грамматикализация асосидаги усуллар истеъмолдан чиққан.* «ЎТА».

17 Бирор жойдан, табақадан пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ, бирор даражага етишмоқ. *Ишчидан чиққан ёзувчи. Сендан яхши футболлист чиқади.* ■ *Мусаввирнинг Шарқ халқлари орасидан чиққан машҳур кишилар..*

қийёфасини акс эттирган асарлари ҳам томошабин эътиборини тортади. Газетадан. *Тамаки асли Ҳиндистондан чиққан.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Сен каллава-рамдан космонавт тугул, шофёр ҳам чиқмайди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

18 Бирор руҳий ҳолатдан қутулмоқ. *У газетани ёнига қўйиб, бир неча минут столни чертиб, ҳозир ўқиган нарсалари таъсиридан чиқолмай туриб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

19 Бирор нарсадан безор бўлмоқ, зерикмоқ ёки кўтара олмай қолмоқ. *У ошдан чиқиб қолди. Ёш болаларнинг хархашасидан жуда чиқибман.*

20 Тамом бўлмоқ, охирламоқ, ўтмоқ, тугамоқ, кечмоқ. *Чилла чиқди.* ■ *-Ҳа, энди киш чиқди, — дейишди кўзли деҳқонлар.* Р. Раҳмон, Мехр кўзда.

21 Вужудга келмоқ; пайдо бўлмоқ. *Машинанинг «Матиз» деган янги хили чиқибди.*

22 Топилмоқ. *Йўқолган нарса уйимиздан чиқди. Фордан чиққан бойлик.* ■ *Уч кундан кейин минг сўмга олувчи харидор чиқади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Утирганлардан бири иргиб ўрнидан турди-ю, даҳлизнинг эшигини очиб, қаттиқ шивирлади: -Мўйдин, кир, аризанг чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

23 Юзага келиш эътибори билан бирор манбага мансуб бўлмоқ. *Расмий доиралардан чиққан хабар.* ■ *-Бунақа гаплар кимдан чиқади? — деди Аҳмедов мийиғида кулиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

24 Нашр бўлмоқ, чоп этилмоқ, босилмоқ. *Китоб босмадан чиқди.* ■ *-Мақола вақтида чиқди, — деди Сафаров, — айна вақтида чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

25 Маҳсул, самара, натижа сифатида юзага келмоқ. *Қуруқ гапдан фойда чиқмайди. Беш килограмм гилосдан неча килограмм мураббо чиқади? Сўнги нушаймондан наф чиқмас.* Мақол. ■ *Ҳар қутидан етмиш саккиз килодан пилла чиқса бўладими! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

26 Бирор иш, жой, ташкилот ва ш.к. дан ажралмоқ, узилмоқ, ажралиб, узилиб қолмоқ; ташлаб кетмоқ. *Ташкилотдан чиқмоқ. Халққа суянсанг, бўласан, Халқдан чиқсанг, сўласан.* Мақол. ■ *Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқсин! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

27 Алоқани узмоқ, аҳдни бузмоқ, ажралишмоқ. *Ўртоқчиликдан чиқмоқ. Эрдан чиқмоқ.*

28 Учрамоқ, йўлиқмоқ, пайдо бўлмоқ. *Сарвинознинг қаршисидан қутилмаганда ўша йигит чиқиб қолди. «Ёшлик». Боғнинг бир чеккасидан чиройли кийик чиқиб қолибди. «Булбулиғўё».*

29 Қазиниш, ковлаш натижасида топилмоқ, кўринмоқ. *Нефть чиқди. Газ чиқди. Ерни қазимасанг, олтин чиқмас. Мақол. ■ Тупроқ қатлами тагидан тарих гувоҳлари — ҳар хил ашёлар чиқди. Газетадан.*

30 Ўрнидан кўзгалмоқ (бўғим суяклари ҳақида). *Қўлим чиқиб кетди. ■ Лутфулла қалъа деворидан сакраб, оёғи чиқди. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.*

31 Рўй бермоқ, содир бўлмоқ. *Тўполон чиқди. Келишмовчилик чиқди. ■ Азизхон бу суратни кўриб қолиб, ойнани синдириб, суратни йиртиб ташлаган, қатта жанжал чиқиб, зўрға милиция қўлидан қочиб қолган эди. С. Аҳмад, Уфқ.*

32 Осмонда кўринмоқ, пайдо бўлмоқ (осмон жисмлари ҳақида). *Ҳали қуёш чиқмаган, сув юзида нозик туман пардаси силкиниб турарди. Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. Тоғу тошни қоплайди сукут, Ой булутга ўраниб чиқар. «Ёшлик».*

33 Туртиб, бўртиб турмоқ. *Ёноқлари чиққан қиз. ■ Унинг [Баширжоннинг].. елкалари чиқиб, қомати олдинга энгашиб қолгандек эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа*

34 Тошмоқ, сиртга тепмоқ. *Яра чиқди. Сўғал чиқди. ■ [Қизнинг] Лабларига учуқ чиқиб кетибди. «Шарқ юлдузи».*

35 Сиртга тепмоқ, ажралиб намоён бўлмоқ, кўринмоқ. *Иситмаси чиқди. ■ [Каримнинг] Пешонасига тер чиқди. «Шарқ юлдузи». Кўзларидан ёш чиқиб кетди. А. Кўчиров, Ҳалқа.*

36 Тепага кўтарилиб, атрофга ёйилмоқ; тўзғимоқ (чанг ҳақида). *Ёр юрган кўчаларни супурай сочим билан, Чанги чиқса, сув сепай кўздаги ёшим билан. «Кўшиқлар».*

37 Муайян тарзда эшитилмоқ (товуш, овоз ҳақида). *Торнинг овози жаранглаб чиқди. ■ -Бас қил, ҳой! — Маҳмуданинг овози баттар хириллаб чиқди. «Ёшлик». Овози йиғи аралаш қалтираб чиқди. «Шарқ юлдузи».*

38 Натижа сифатида юзага келмоқ. *Чизган суратим нотўғри чиқди. «Ёшлик». Дал-*

варзинтепадан топилган.. қуроғлар ҳам антиқа чиқиб қолди. «Фан ва турмуш». Директорнинг гапи акс бўлиб чиқди. «Ёшлик». Аммо унинг тахмини нотўғри чиқди. «Ёшлик».

39 Бирор белги-хусусияти юқори даражага етмоқ. *Увадаси чиққан тўн. ■ ..барханлар орасида яғри чиққан тўртта ўтов қад ростлаган. Газетадан.*

40 Тарқалмоқ, таралмоқ (ҳид ҳақида). *Мансур чемоданни очган эди, уйга ҳандалакнинг ҳиди чиқиб кетди. «Ёшлик».*

41 сирт. Мот бўлиш вазиятини ўзгартириб, ундан қутулмоқ (шахмат ўйинига нисбатан). *Оқлар юришини ўзгартириб, вазиятдан чиқиб кетди. Газетадан.*

42 Телевизор ёки радио орқали сўзламоқ, бирор ҳаракатни бажармоқ. *Телевизорда ашула айтиб чиқди. Радиода чиқди.*

43 Чекига, номерига ва ш.к. га тўғри келмоқ. *Лотереяга машина чиқди. Чиптасига жек-пот чиқди.*

44 Унмоқ, кўкармоқ (ўсимликлар ҳақида). *Бойчечак чиқибди, наврўз экан.. «Кўшиқлар».*

45 Табиий таъсир натижасида матодан ажралиб, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқ (газламанинг ранги ҳақида). *Ранги чиқадиған чит. Кўйлагини ювган эди, ранги чиқиб, ола-була бўлиб қолди.*

46 Кўмакчи феълли сўз қўшилмалари таркибидаги -и(б) қўшимчали равишдошлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг тўлиқ бажарилганлиги ва тугалланганлигини билдиради (мас., қараб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ, санаб чиқмоқ). ■ *Эрталабгача мижжа қоқмай, уйлаб чиқдим. «Шарқ юлдузи». [Қора қоплон] Хонанинг у ёқ-бу ёғига кўз ташлаб чиқиб, каравот устида ётган китобни кўриб қолди. К. Яшин, Ҳамза.*

47 Қўшма феъллар таркибида келади. *Мас., сўзга чиқди, олиб чиқди, қарши чиқди.*

Абжағи чиқмоқ қ. абжақ. Фашистни ур, абжағини чиқар, у ёғи билан ишинг бўлмасин. Ойбек, Танланган асарлар. **Авж(и)га чиқмоқ қ. авж 2. Қий-чуё қилишиб, кулгилар авжга чиқди. «Шарқ юлдузи». Бошига чиқмоқ қ. бош. Бошингиз тўйдан чиқмасин «Ҳар доим хурсанд бўлиб юринг» маъносида айтиладиган тилак. «Бошингиз тўйдан чиқмасин», деб тилар эканлар-у, аммо бу тилак ҳамма вақт ҳам амалага ошаввермас экан. Н. Сафаров, Оловли излар. Гапдан гап чиқиб қ. гап. Гапдан**

гап чиқиб: -Абдуллажон, — дедилар Иззат Отахонович, — Намангандан Санжар Тилла келан. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. Дараги чиқди Топилди, топилгани ҳақида хабар келди. Уч кун деганда опасининг дараги чиқди. «Шарқ юлдузи». Жойи чиқмоқ Муносиб, кўнгилдагидек қуёв (йигит) учрамоқ. Янганг ҳам [қизларнинг] жойи чиқса, узатмоқчи бирин-кетин. С. Нуров, Нарвон. Жон(и) чиқмоқ қ. жон. Чиқмаган жондан — умид. Мақол. ■ ..бўридан бир қўзини ажратиб олган эди. Жони чиқмаган экан. С. Анорбоев, Оқсой. Менга насиҳат қилавериб, жонимни чиқарман! Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит? Издан чиқмоқ қ. из. Меҳнат интизоми издан чиқди. «Шарқ юлдузи». Ишдан чиқмоқ қ. иш. Агар машина ва ускуналардаги тебранишлар олди олинмаса, бора-бора улар ишдан чиқиши.. мумкин. «Фан ва турмуш». Йўлдан чиқмоқ Айнимоқ, ёмон одатга ўрганмоқ. Тўғри йўлдан чиқма, зинҳор адашма. Ҳабибий. Миса чиқди қ. мис. Нархи осмонга чиқди Нархи жуда қиммат бўлиб кетди. Картошканинг нархи деҳқон бозорида осмонга чиқиб кетди. Газетадан. Оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетаверадилар Мулоҳаза қилмай айтаверадилар. Пулинга чечак чиққанми? қ. чечак II. Сўз(и)нинг устидан чиқмоқ Ваъда қилган ишини амалга оширмоқ. Ошно сўзининг устидан чиқди. М. М. Дўст, Лолазор. Тили чиқмоқ қ. тил II 2. [Бола] Тили чиқиб, чулдираб қолди. «Шарқ юлдузи». Турмушга чиқмоқ қ. турмуш. Қизимиз турмушга чиқиб кетди. Мирмуҳсин, Умид. Уддасидан чиқмоқ қ. удда. Эпламоқ; бажара олмоқ. Одилбекдан бошқа киши бу ишнинг уддасидан чиқолмайди. «Булбулигўё». Умиди пучга чиқмоқ Орзуни амалга ошмай қолмоқ. Йўқ, Қизгулнинг бу умиди ҳам пучга чиқди. «Шарқ юлдузи». Фигони фалакка чиқмоқ қ. фалак. Ҳожининг фигони фалакка чиқди. «Фан ва турмуш». Чув чиқмоқ қ. чув II. Юз жойига пичоқ урсанг, бир жойидан қон чиқмайди. Ҳар қанча гапирсанг ҳам, таъсир қилмайди. Энка-тенкаси чиқди 1) қийналиб кетди. ..отни тўхтатиб, қайириб олгунча, Қудратнинг энка-тенкаси чиқди. Ҳ. Назир, Кўкорол чироқлари; 2) тўсатдан қаттиқ кўркмоқ. Жамиланинг ўз ёнидан ғойиб бўлганини пайқамай қолибди. Бирдан энка-тенкаси чиқиб, ўрнидан турган эди.. йиқилиб тушди. Мирмуҳсин, Жамила. Юзага чиқмоқ қ. юза. Юра-

ги қинидан чиқмоқ қ. юрак. Юраги қинидан чиқиб, қотиб қолди. «Шарқ юлдузи». Қуюшқондан чиқмоқ қ. қуюшқон. -Қуюшқондан чиқманг-да бундай, жўражон! — деди Зариф Сайфининг елкасига қўл ташлаб. Газетадан. Ҳасратидан чанг чиқади қ. чанг I.

ЧИҚОН шв. Дугона, ўртоқ. Яхши кўрган чиқоним қўшимизга тушибди. «Қўшиқлар». «Жуда қийин шароитда ишлайман, чиқон», деб ёзган эди у.. «Ёшлик».

ЧИҚ-ЧИҚ Чиқ с. такр. Соатим чиқ-чиқ этар, Қўлимда ҳар иш битар. «Қўшиқлар». Шитирлаб ёғаётган ёмғирнинг томчилари дераза ойналарига уриларди: у баъзан нариги хонадаги ёзув машинкасининг чиқ-чиқини ҳам босиб кетарди. Мирмуҳсин, Умид.

ЧИҒ тақл. с. Баъзи қушларнинг овозини билдиради. Қарқуноқ чиғ этиб, оғзини очди.

ЧИҒАНОҚ I айн. шиллиқ қурт қ. шиллиқ II.

2 Баъзи умуртқасиз жониворларнинг, мас., молпоскаларнинг турли шаклда бўладиган косаси; уларнинг танасини қоплаб, ҳимоя вазифасини бажарувчи скелет тузилмаси. Чиғаноқ маржон. Чиғаноқ қулдон. ■ Дарёнинг тагидан бир ҳовуч асил Чиғаноқ тошлардан чиқариб бердим. Ҳ. Олимжон.

3 анат. Тирсақ; тирсақ суяги.

ЧИҒАТОЙ I Ўзбек уруғларидан бирининг номи. Ўзиям чиғатойлардан экан, яхши аёл.. [улар] вақтида доғруғи кетган эл. III. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 Эски ўзбек тили ва адабиётининг ғарб илмий адабиётида нотўғри қўлланиб келган номи. Чиғатой тили. Чиғатой адабиёти. ■ Навоий чиғатой, яъни туркий тилда қалам тебратган биринчи шоир бўлган. «Фан ва турмуш».

Чиғатой гурунги тар. Абдурауф Фитрат бошчилигида Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган маданий-маърифий ва илмий-адабий ташкилот (1919—1921 йиллар). Тузук, «Чиғатой гурунги» сиёсат билан машғул бўлмоқни истамади, ёлғиз тил, имло, адабиёт билан шуғулланди. Фитрат, Ёпишмаган ғажақлар.

3 Чиғатой (Чингизхоннинг тўрт ўғлидан иккинчисининг номи).

Чиғатой улуси тар. Чингизийлар империясида Чиғатой қўл остида бўлган, Қашқар, Етгисув, Мовароуннаҳр ерларини қамраб олган ҳудуд.

ЧИФИЛЛАМОҚ «Чиг-чиг» овоз чиқармоқ, «чиг-чиг» қилмоқ (қушлар ҳақида). Какликлар бирдан ваҳимали чигиллаб, том оша учиб кетишди. Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ЧИФИР I Юklarни кўтариш ёки силжитиш учун мўлжалланган машина. *Чигирдан кўтариш-ташиш машинаси ёки мураккаб кранларнинг кўтариш механизми сифатида фойдаланиш мумкин.* «ЎЗМЭ».

2 Одам, уй ҳайвонлари ёки оқар сув кучи билан ҳаракатга келтирилиб, сувни юқорига кўтариб берадиган қадимги энг оддий гидравлик мослама. *Тарихий маълумотларга кўра, оқар сув кучи билан ҳаракатлантириладиган чигир Ўрта Осиёда (айниқса, Хоразмда) 9–11-асрларда кенг тарқалган.* «ЎЗМЭ».

ЧИФИРИҚ I Пахтани чигитидан ажратиш учун ишлатиладиган қадимги қўл асбоби. *Чигириқда пахта тозаламоқ.*

Чигириқдан ўтказмоқ 1) чигириқ орқали ўтказиб, пахтани тозаламоқ; 2) кўчма обдан текширмоқ, ҳамма синовлардан ўтказиб текширмоқ. *Минг бир чигириқдан ўтган Равшан полвоннинг ўзи ҳам ҳозир кўп нарсаларга фаҳми етмай қолди.* О. Ёкубов, Ларза; 3) ўйлаб мулоҳаза қилмоқ. *[Асрор] Тренернинг гапларини бир-бир ақл чигириғидан ўтказди.* «Ёшлик».

2 Дорнинг энг тепасида дорбозлар ўйин кўрсатадиган, нарвонга ўхшаш поғонали қурилиш. *Ҳакимжон ака, ўғиллари ва жиянлари билан мусобақа қилгандай, дорда ва чигирда ўйнаб қўяди.* М. Қодиров, Кекса дорбозлар. *Ҳамманинг нигоҳи чигириқ устида чирпирак бўлиб айланаётган дорбоз Барчинойга қадалган эди.* Н. Қиличев, Чигириқ.

3 айн. **чигир.** *[Ал-Хоразмий] Механикани ричаг ёрдамида оғирликларни кўтариш, гидравлик машиналарни эса чигириқ, тегирмон билан шуғулланиш деб ўйлади.* «Фан ва турмуш».

ЧИФИРЛАМОҚ I айн. **чигилламоқ.** Чумчуқлар зўр бериб чигирлар.. эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЧИФИРЛАМОҚ II тех. Чигирдан ўтказиб ёймоқ, юпқаламоқ. *Пўлатни чигирламоқ.*

ЧИФ-ЧИФ Чиф с. такр. *Қушларнинг чигчи.*

ЧОБУКСУВОР [ф. چابکسوار — тез чопувчи; моҳир чавандоз] Моҳир, эпчил чавандоз. *Изларам сиздан шафоат, Чобуксуворим, ё Али.* «Маликан айёр».

ЧОВ I анат. Қориннинг пастки қисми билан сон оралиғи; бут. *Отнинг чови. Чов безлари.* ■ -Қассобларнинг қўли тарози бўлиб қолган, қўйнинг човига қўл югуртириб туриб, қанча ёғ, қанча гўшт қилишини айтиб берадиган одамлар, — деб ўйлади Шокиржон ака. С. Абдулла, Соялар. *У чови қиров босган ҳорғин отини анҳор бўйида тўхтатиб, эгардан тушди.* «Ёшлик».

ЧОВ II шв. Эшкак.

ЧОВГУМ айн. **човгун.** *Ўчоқдаги човгум қайнаб, тўкила бошлади.* «Ёшлик».

ЧОВГУН Ўтда чой қайнатиш учун мосланган идиш, чойидиш, кумғон. *Мис човгун. Чўян човгун. Човгунда чой қайнатмоқ.* ■ [Севаргул] *Рўмолчани сувга тутиб, обдан ишқалади, сўнг кўҳна мис човгунни тўлатиб, жўмракни маҳкамлади.* Н. Қиличев, Чигириқ.

ЧОВЛИ Новда ёки симдан тўқилган, угра, шилпиқдоқ ва ш.к. хамир овқатларни сузиб олиш учун ишлатиладиган чўмичсимон рўзғор асбоби. *Чўп човли. Сим човли.*

Човли солмоқ (ёки урмоқ) 1) хамир овқатни ёки бирор нарсани човли билан сузиб олмоқ; 2) кўчма бировнинг ишига аралашмоқ; ҳар нарсага суқилавермоқ, бурун суқмоқ. *Врачнинг иши — касалларни даволаш. Нигорага ҳайронман, ҳар нарсага ўз човлисини солавермай, тинчгина юрса нима қиларкин?* С. Анорбоев, Оқсой.

ЧОВУТ: **човут солмоқ (ёки урмоқ, қилмоқ)** 1) айн. **чанг солмоқ қ. чанг** Ш. *Бургут кўзичоққа човут солди.* ■ -*Ким нокас? — Мирзақул унга [Анзирагга] човут солди.* «Ёшлик». *Қорабой Қўктойнинг бўйнига човут солди-ку.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса; 2) кўчма тажовуз қилмоқ, ҳамла қилмоқ, бостириб келмоқ. -*Чингизхон Машриқдаги барча катта-кичик ўлкаларни олиб бўлгач, барибир, бизга човут солади!* — деди Инолчиқ. М. Осим, Ўттор.

ЧОҒАН Шўрхок ерларда ўсадиган камбаргли ёввойи ўсимлик.

ЧОДИР [ф. چادر — қапа, бостирма; ёпинчик] 1) Матодан қурилган қапа; палатка. *Чодир тикмоқ. Чодир қўрмоқ.* ■ *Қутайбанинг чодир, таомилга кўра, баланд тепаликка жойлашганди.* 3. Аълам, Зарб. *Азизхон ўша*

куни кечаси чодирда ётмай, Орзихон аяники-га кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 этн. Гўшанга, чимилдиқ. *Хушрўй*, чодирдан чиқмасданоқ, чой ташиб, хизмат қилиб юрган кундошига кесатиқ билан ҳужум бошлайдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 этн. Аёллар паранжи ўрнида ёпинадиган махсус ёпинчиқ; чодра. *Бир вақт қаердан ҳам устига қора чодир ёпинган Ёсуман пайдо бўлармиш. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Қара, унинг кўксига юлдуз — Меҳнатидан бўлмиш қахрамон. Сен-чи, нечун чодир ичида Қолиб кетдинг, азизим, ҳамон?* Зулфия.

4 кўча Парда, ёпинчиқ; уртук. *Юсак дарахтларнинг учлари қучоқлашиб, муаззам яшил чодир ясаган. Ойбек, Қуёш қораймас. Ҳамма ёқни оппоқ қор қоплаган, ҳавони кулранг булут чодирли тўсиб олган бир кун эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

5 Мева қоққанда тагига тутиладиган катта мато. *Тўрттаси чодир тутади, биттаси товоққа чопади. «Кўшиқлар». Ҳабиба буви қирқ ямоқ бўлиб кетган чодирни олиб чиқади. Камида ўттизта бола қалдирғочдек тизилиб, чодирнинг тўрт тарафидан ушлаб туради. «Ёшлик».*

ЧОДИРЖАМОЛ эск. Ўзбек анъанавий кўғирчоқ театрининг кўғирчоқлар қўлга кийиб ўйнатиладиган тури.

ЧОДИРҲАЁЛ эск. Ўзбек анъанавий кўғирчоқ театри тури: кўғирчоқнинг барча қисмлари (аъзолари) иплар билан боғланиб, бир дастчўпга уланади ва чодир (парда) ортидаги кўғирчоқбоз ипларни тортиш орқали кўғирчоқни ҳаракатлантиради. *Илгари ҳайит кунлари кўмирсаройда кўғирчоқбозлик бўлар эди, «чодирхаёл» бўлар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Матпано чодирхаёлдаги йигитнинг қилиқларига маҳлиё бўлиб, тикилиб турибди. С. Сиёев, Аваз.*

ЧОД(И)РА [ф. چادر — ёпинчиқ; ҳижоб] айн. **чодир** **3.** Бироздан кейин чодрага ўралган бир жувон ёш табибнинг олдига келиб, бир нима деди. М. Осим, Карвон йўлларида. [Нигина] Яна қора чодрасига ўралиб, ҳовлидан чиқиб кетди. Мирмуҳсин, Темур Малик.

ЧОЙ [т.ф. چای < хит. ча] **1** Барги дамбаб ичиладиган, жанубий ўлкаларда ўсувчи доимий яшил бута дарахти, бута. Чой плантациялари. ■ Чой ўсимлиги 2-3 ёшлик бўл-

ганда, тупларга шакл берилади, ён шохлар кесилади. «ЎЗМЭ».

2 Шу ўсимликнинг қуритиб махсус ишланган, майдаланган, дамбаб ичиладиган барглари. *Кўк чой. Ҳинд чойи. Цейлон чойи. Грузин чойи. Бир дамбаб чой. Чой қути. ■ Кўкрагимда войим қолди, уч юмалоқ чойим қолди. Эргаш Жуманбўлбул ўғли. Кўк чойни кўк чойнакка дамбаб, кўк кўзли, кўйлаги кўк Каримга бердимиз? Тез айтиш.*

3 Шу ўсимликнинг махсус ишланган, майдаланган баргларида дамбабланган хушбўй ичимлик. *Бир пиёла чой. Аччиқ чой. Иссиқ чой. Яхна чой. ■ Ҳиндининг ичгани асил чой бўлар. «Гулнорпар».*

4 Шу ичимлик билан бирга овқатланиш. *Эрталабки чой. Тушки чой. ■ Сидиқжон чойни кутмай, ишга кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [Анзират хола] Чой маҳалида гоҳ кулиб, гоҳ йиғламсираб, ўзи, болалари тўғрисида гапирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

Олма чой қ. олма. Сут чой Сутли чой. **Чой пули айн. чойчақа. Чой қошиқ** Ош қошиқдан кичикроқ металл қошиқ. *Мураббо ола туриб, чой қошиқни тушириб юбордим — кувёбуниям сезди. М. М. Дўст, Лолазор. Қора чой* 1) қуруғи қора тусда, дамбабганда, тўқ қизғиш ранг чиқарадиган чой; 2) сутсиз чой.

ЧОЙГУМ с.т. Чойдиш. [Суяркулнинг] Онаси чой дамбаб, чойгумга яна сув тўлдираётган экан. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧОЙДИШ Сув, чой қайнатиладиган металл идиш, қумғон. *Бир чойдиш чой. Чойдиш шақиллаб қайнади. ■ Ланғиллаб ёнаётган кўмир тепасига қўйилган чойдиш ҳамма вақт вақирлаб қайнаб туради. С. Аҳмад, Жимжитлик. Чол қўрдаги қора қумғон ёнида турган чойдишни олиб, меҳмоннинг олдига қўйди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. Учоқда заранг бодом чўғи ловуллайди, бир чеккасида чойдиш секин шиғиллайди. А. Суюн, Олис жанглар.*

ЧОЙДОН [хит. + ф. چايدان] Чой идиш, чой қути.

ЧОЙЖУШ [хит. + ф. چایجوش — чой қайнатувчи] шв. Чойдиш, човгун. *Нуъмонжон чойжўшни қайнатиш учун ўт ёқди. О. Хусанов, Най.*

ЧОЙКОР [хит. + ф. چاىكار — чой етиштирувчи] Чой етиштирувчи деҳқон ёки хў-

жалик. Грузия чойкорлари. Чойкор жамоа хўжалиги.

ЧОЙЛАШМОҚ Бирга чойхўрлик қилмоқ, чой ичишиб ўтириб суҳбат қилмоқ. *Биз Маъмуржон билан чойлашиб ўтирдик. «Ёшлик».. хўзур қилиб овқатланишди, чойлашишди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.*

ЧОЙНАК [р. чайник — чой идиш] Чой дамлаб ичиладиган, жўмакли ва дастали идиш, уй-рўзгор асбоби. Чинни чойнак. Мис чойнак. Бир чойнак чой. ■ Нусратбек устига сочиқ ёпилган чойнакдаги чойни қайтариб, бир пиёлага қуйди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Бўта.. чойнакнинг қопқоғини тескари ёпиб, иккита беш тийинликни ташлаб, ўрнидан турди. С. Аҳмад, Қиссалар.

ЧОЙПОЯ [чой + поя] Дала-даштда сув, чой қайнатиш учун ясалган қурилма; учоёқ.

ЧОЙФУРУШ [хит. + ф. چایفروش — чой сотувчи] Чой савдоси билан шуғулланувчи тижоратчи. Тимнинг икки томонидаги қатор дўкон-расталарда чойфуруш эронийлар.. улғуржи савдони кутардилар. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ЧОЙФУРУШЛИК 1 Чой савдоси билан шуғулланишлик. [Бойларнинг] Бағзилари Тошкент бозорларидаги расталарда чойфурушлик, чойфурушлик.. дўконлари очиб, савдо қилар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Бозорда чой дўконлари қатори, растаси.

ЧОЙХОНА [чой + хона] Чой ичиб, тамадди қилиб, ҳордиқ чиқариладиган жамоат жойи; самовар, самовархона. Маҳалла чойхонаси. Оталар чойхонаси. Чойхонада уч-тўрт чол чақ-чақ суҳбат қилади. ■ Бозордаги чойхоналарнинг ҳаммаси сершовқин ва тўполон бўлади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Чойхона палов қ. палов. Чойхона паловларда ошнинг сабзисини албатта Элчиев тўғрайди. Э. Аъзамов, Жавоб.

ЧОЙХОНАЧИ Чойхонада хизмат қилувчи, чойхонада чой сотувчи ёки чой ташиб берувчи киши. Чойхўрлар кўплигидан чойхоначининг қўли-қўлига тегмайди. Газетадан.

ЧОЙХЎР [хит. + ф. چایخور — чой ичувчи] 1 Чойни яхши кўрадиган, кўп чой ичадиган. Ҳозирда ер қуррасида яшайдиган аҳолининг бир ярим миллиарддан зиёди чойхўрхисобланади. Газетадан.

2 Чойхонада чой ичувчи, мижоз. Куз ҳавосининг суякларни зирқиратувчи совуғига қарамай, гузарда чойхўр кўп эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Анвар] Сўриларда чойхўрлар чордана қуриб ўтирган чойхона олтидан югуриб ўтди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЧОЙХЎРЛИК Чой ичиб, суҳбатлашиб ўтириш. Меҳмонлар чойхўрлик қилаётиб, футбол, шахматдан гап бошлашди. С. Нуров, Нарвон. Уч-тўртта қариялар эса ўрик тағидаги каттакон супада чойхўрлик қилишарди. «Шарқ юлдузи».

ЧОЙЧАҚА 1 Кўча-қўйдаги майда харажатлар учун мўлжалланган оз миқдордаги пул; чой пули. Ота чойчақага муҳтож бўлиб, бозор кунлари Қўйлиқда ҳаммоллик қилди. Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Унча-мунча хизмат учун бериладиган ҳақ, хизмат ҳақи. Агар Шоқосим иш билан ўзини ёқтирса, хўжайин ўз билгича «чойчақа» ҳам бериб туради. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тақчил молни топиб бергани учун дўкончига бериладиган устама ҳақ, пул. Ўғли қанча овора-саргардон бўлиб, магазинчиларга чойчақа бериб олиб келган нарсаси қувонч бағишлаш ўрнига, айвонда чанг босиб турса.. С. Нуров, Нарвон.

ЧОЙЧЎП [чой + чўп] Чўл-қумда ўсадиган, хушбўй, оч бинафшаранг гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

ЧОЙШАБ [ф. چارشاب ёки چارشاب — тунги чодир, ёпинчиқ] Ўрин-тўша устига ёзиладиган ялангават тўртбурчак мато, ёпинчиқ. Оқ чойшаб. ■ [Полина] Қўлтиғидаги чойшаб ва адёлларни бурчакдаги бўш каравот устига қўйиб, бирин-кетин ёзди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Бирлашмада чойшаб ва ёстиқ жилди тикилади. Газетадан.

Оқ чойшаб 1) гулсиз, гул босилмаган чойшаб; 2) кўчма қор. Қиш келиб, яйлов ва ўрмонлар устига оқ чойшабини ёзгунига қадар гул-чечаклар қулиб боққани-боққан. Н. Сафаров, Оловли излар. Сурмаранг чойшаб кўчма Нимқоронғилик. Қош қорайиб, сурмаранг чойшаб борлиққа таралди. «Шарқ юлдузи».

ЧОК [ф. چاک — тешик, тирқиш; кесик, йиртиқ, қийиқ жой] 1 Чеварликда: газлама, тери ва ш.к. дан тикилган буюмларнинг

тикиб бириктирилган жойи. *Кўйлак чоки. Маҳсининг чоки сўкилибди. Чокидан йиртилди.* ■ Унинг тиккан чокин кўрсанг, дондайд силлиқ.. *Ғ. Ғулом. Сумкаларнинг чоклари текис.. астари шойидан.* «Саодат».

2 тех. Машинасозликда: деталларнинг пайвандлаб, парчинлаб ёки бошқа бирор усул билан уланган жойи. *Пайванд чок. Учма-уч чок. Устма-уст чок.* ■ *Муҳими шундаки, лазер пайвандда ҳосил бўладиган чоклар ниҳоятда мустаҳкамдир.* «Фан ва турмуш».

3 бнк. Терилган гиштлар, блокларнинг оралиғи, панелли уйларда панеллар туташган жой.

4 анат. Калла суяги қисмларини бириктириб турадиган асосий тузилма.

5 тиб. Жарроҳлик амалиётида жараҳатланган, кесилган жойларни, тўқималарни бириктириш усули.

Ёқани чок қилмоқ (ёки этмоқ) Йиртмоқ, пора-пора қилмоқ. *Онамни сўрайман сендан эрта-кеч, Қайтар, деб сўрайман чок этиб яқо.* *А. Орипов. Ёқам чок-чок этиб, қиларман фарёд.* «Гулшанбоғ». **Юраги (ёки бағри, дили) чок бўлмоқ** Юраги пора-пора бўлмоқ, ғам-алам, изтиробдан эзилмоқ. *Дўстлар шоду хандон, душман бағри чок.* *Ғ. Ғулом.*

ЧОКАР [ф. چاکر — хизматкор, малай] эск. Хизматкор, чоракор, малай. *Бойнинг Холёр деган чўпони бўлиб, унинг Эрназар деган чокари бор эди.* «Ойсулув». *Яқзон бир чокарини Ибн Синога ҳамроҳ қилиб, қалъадан чиқариб юборди.* *М. Осим, Карвон йўлларида.*

ЧОКЛАМОҚ Чокини тикмоқ, чокини тикиб уламоқ. *Кўрпанинг астарини чоклади.*

ЧОКЧИ 1 Фақат бичилган нарсаларни тикувчи ҳунарманд.

2 Тикувчи, каштачи, чевар.

ЧОКЧИЛИК Бозорда бирор кийим тури билан савдо қилувчи одамга бичилган кийимни тикиб тайёр қилиб бериш билан шуғулланиш. [*Хосият буви*] *Каримжон машиначига битта тўнни ўттиз пулдан тикиб, роса ўн саккиз йил чокчилик қилган.* *С. Зуннунова, Гулхан.*

ЧОК-ЧОК: **чок-чок бўлмоқ** 1) чок-чокидан сўкилмоқ. *Кўйлаги чок-чок бўлди;* 2) кўчма қаттиқ изтиробга тушмоқ; пора-пора бўлмоқ. *Юраги чок-чок бўлди.* **Чок-чок қилмоқ (ёки этмоқ)** 1) чок-чокидан сўкмоқ; 2) кўчма пора-пора, тилка-пора қилмоқ. *Ёв-*

войи мўғул сени оёғости қилиб, бағрингни чок-чок этади. *М. Осим, Карвон йўлларида.*

ЧОЛ Қари эр киши; қария; кекса, мўйсафид. *Нуроний чол. Донишманд чол.* ■ *Гўё ажин кетди қари бетидан, Яшаргандек бўлди, тетикланди чол.* *Ҳ. Олимжон. Бояги ёғоч ва бордонлар орқасидан олтмиш ёшлардаги бир чол арава миниб чиқди.* *А. Қаҳҳор, Қушчинор чироқлари.*

Чолни кўриб, бобом дема! Таний олмай адашган, янглишган кишига айтиладиган ибора.

ЧОЛВОР [р. шаровары — кенг иштон < ф. шаровар — иштон, шим] Асосан, уйда кийиладиган, шимга ўхшаш кийим. *У [Ақбар] уйда киядиган олачипор чолворда, майкачан бўлиб, майка остидан юмалоқ қорни ҳам дўппайиб турарди.* *Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

ЧОЛ-КАМПИР, чолу кампир 1 Кексайган ота-она; кексайган эр-хотин. *Чол-кампири бор, нима ғамим бор!* ■ *Чол-кампир бир-бирига ялт этиб қаради.* *А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

2 Умуман, кекса эркак ва хотин. *Қишлоқнинг ҳамма чол-кампирлари йиғилди.*

ЧОЛҒУ 1 Мусиқа асбоби. *Ўзбек халқ чолғулари. Чолғу асбоби.* ■ *Танловда халқ чолғу асбоблари ҳам тўлиқ қамраб олинган.* Газетадан. *Машшоқлар чолғуларини қўлга олдилар.* *М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Мусиқа асбобларида ижро этилган куй, оҳанг; мусиқа. Унинг асл исми — *Наби*. *Ўзининг ашуласи, чолғуси ва қизикчилиги билан суҳбатларни гуллатгани учун маҳалладаги улфатлари уни «гул» — «Набигул» деб атаганлар.* *А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.*

ЧОЛҒУЛИ эск. айн. **мусиқали.** Чолғули драма. *Чолғули асар.*

ЧОЛҒУЧИ Чолғу чалувчи созанда; мусиқачи. *Озодаҳон чолғучилар билан янги айтиладиган кўшиқ ҳақида пичирлашиб турган эди.* *Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Бас, етар, чолғучи, бас қил созингни, Бас, етар, қалбимга урмагин ханжар.* *А. Орипов.*

ЧОП [ф. چاپ — нашр, босиб чиқариш; босма]: **чоп қилмоқ (ёки этмоқ)** Нашр этмоқ, матбуотда босиб чиқармоқ. *Ҳайқирим, хитобим Сизга, Чоп этилган китобим Сизга!* «Ёшлик». *Маишхўр адиб Жюль Вернининг бутун дунёга донғи кетган «Ердан ой сари» номли романи чоп этилганидан буён 110 йил ўтди.* «Фан ва турмуш».

ЧОПАР *тар.* Давлат аҳамиятига эга ва ошиғич хабарни етказиш учун юборилган отлик, сувори. *Намозгар пайти Қўқондан чопар келиб, нома ташлаб кетганди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Ана, чопар, суюнчи деб, Эралихонга етти.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧОПАҒОН *с. т.* Тез, яхши югурадиган; чопқир. *Чопағон от.* ■ *Яшил майдон атрофидига йўлкага чопағонлар чиқишди.* С. Нуров, Чопағон.

ЧОПАҒОНЛИК Тез югура олишлик, шундай хусусиятга эгалик.

ЧОПИШМОҚ I I **Чопмоқ I** *фл. бирг. н.* Болалар кўчага чопишиб чиқишди.

2 Бир-бири билан ким ўзиш ўйнамоқ, югуришдан мусобақа қилмоқ. *Қани, чопишасизми мен билан?* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧОПИШМОҚ II **Чопмоқ II** *фл. бирг. н.* Қилич билан чопишмоқ. *Ғузани кетмон билан чопишди.*

ЧОПИҚ *қ.х.* Ўсимликларнинг таги, ён-атрофларини чопиб юмшатиш. *Ғўза чопиғи. Теша чопиқ.* ■ *Пахта олма пишди, шотут қизарди, Учинчи чопиқни бошладик кеча.* Ғ. Ғулом. *Ниҳоллар ўзини тутиб олгунча шу хилда уч марта чопиқ қилиш керак.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

Чопиқ трактори Экинларнинг қатор ора-ларига ишлов берадиган трактор.

ЧОПИҚЧИ Чопиқ қилувчи, чопиқ иш-ларини бажарувчи деҳқон. *Қумғонда чой келиши билан.. чопиқчилар чуғурчуқдек қумғонга ёпишдилар.* А. Қодирӣ, Обид кетмон. *Тоғдан эсган шабада.. қизил, кўк, оқ ва сариқ кўйлакли чопиқчи аёлларнинг чекка сочлари ва бошларидаги рўмолларини бетиним елпийди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧОПМОҚ I I Бирор йўналишда оёқлар билан жуда тез ҳаракат қилмоқ, югурмоқ. *Кўпинча Азизхон сменадан чиқарди-ю, адир ёқалаб «Қирғизовул»га чопарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Катта тезлик билан қиялаб чопаетган Фозил ака дуч келган харсангдан ҳатлаётиб, қоқилиб тушибдилар.* М. Хидир, Қирғоқлар.

2 Отга минган ҳолда уни югуртирмоқ. *Бувиси буваси билан ёнма-ён от чопиб, душман билан олишган экан.* Ў. Умарбеков, Бобоёнгоқ.

3 Кўпқари мусобақасида қатнашмоқ, иштирок қилмоқ. *Улоқ чопмоқ.* ■ *Кўпқари-*

ни чопиб ётир Ўн икки мингча бойбачча. «Гулшанбоғ».

4 *кўчма* Бирор мақсадни амалга ошириш учун тегишли жойларга бормоқ, ҳаракат қилмоқ. *-У ёққа чопдим, бу ёққа чопдим, охири ишимни битирдим, — деди хола.* Газетадан.

5 Ирғимоқ, ошмоқ (эркак ҳайвон ҳақида).

Бахти (ёки омади) чопмоқ Бахти, омади келмоқ. *Ўйлаб кўрсам, укам, бахтинг чопибди.* «Ойсулув». *Аёллар бобида омадим чопмаган.* М. М. Дўст, Лолазор. **Бетга (ёки юзга) чопмоқ** Раъй-андиша қилмай, қаттиқ, шартта гапирмоқ. *Бечора Зеби.. Қанчадан-қанча заҳар-заққум ютди-ю, ҳеч кимнинг раҳми келмади. Ёрдам қилиш ўрнига, юзига чопдилар, нолойиқ хотин, кўшнимизнинг тенги эмас, дедилар.* Ш. Рашидов, Қудратли куч. **Кўнгли чопмади** Бирор хатти-ҳаракатни амалга оширишга юраги бетламади, юраги дов бермади.

ЧОПМОҚ II I Тигли асбоблар билан зарб бериб парчаламоқ, ёрмоқ, кесмоқ. *Севаргул хаёли чалғиб, ташқарига қулоқ солди: онаси гўштқундада гўшт чопяпти.* Н. Қиличев, Чиғирӣ. *[Толибжоннинг кўшнilarидан] Бири ходаларнинг нўстлоғини шилади. Бири пойтеша билан тўсин чопади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Тигли асбоблар билан зарб бериб ўлдирмоқ, кесмоқ. *Юртдан айрилганни ёв чопар.* Мақол. ■ *Одамлар ғуж бўлиб, бир-бирига найза санчар, қилич билан чопар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

3 Ўсимлик таги ва атрофини, умуман, ерни кетмон ва ш.к. билан ишламоқ, юмшатмоқ; чопиқ қилмоқ. *Ғўзаларни чопмоқ.* ■ *Кетмон чопдим, тер тўқдим, Арпа, буғдой — дон экдим.* Қ. Муҳаммадий. *Ойим молга қарайди.. қулупнай пушталарини чопади, терт қоради.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧОПОВУЛ I тар. ҳарб. 14–19-асрларда Ўрта Осиёда душман томонга қўққисдан ҳужум қилиб, уни парокандага учратишдан иборат тактик усул.

2 *тар.* Душман ҳарбий кучлари ва объектларига тўсатдан ҳужум қилиб, ўлжа келтирувчи суворий ғуруҳ.

3 *шв.* Югурдак, хизматкор.

ЧОПОН Кийим устидан кийиладиган, ичига пахта солиб қавилган узун миллий

кийим; тўн. *Беқасам чопон. Пахтали чопон. Зарбоф чопон. Чопон кийгизмоқ.* ■ Баъдазон ош тортилиб, андин сўнг фақирга заррин чопон ва яна жигалиқ салла келди. А. Қодирий, Кичик асарлар. *Зийрак чол уйқудан уйғониб саҳар, Янги чопонини ташлар елкага. Миртемир. Юсуфбек ҳожи эғнида кимхоб чопон билан ўрдадан чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Бир чопони (ёки тўни) икки бўлмади Қашшоқликда кун кечиради; косаси оқармади; ёлчимади. *Ўзингиз биласиз, тўрт йилдан бери бу ерда ишлайман, тиним йўқ, ишдан бошим чиқмайди. Лекин ҳали ҳам бир чопоним икки бўлмади. Ойбек, Танланган асарлар. Чопонини тескари киймоқ айн. тўнини тескари киймоқ қ. тўн. Эски чопонлар эск. Камбағал одамлар, қашшоқлар. Эски чопонлардан битта-яримтаси соддалик билан мабодо келиб қолса, тўйбошиларнинг кўзлари олаяди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЧОПОНФУРУШ Чопон, тўн билан савдо қилувчи, чопон сотувчи. *Рўзиматнинг отаси.. маҳалласидаги Сўфичопон деган чопонфурушга қароллик ҳам қиларди. Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.*

ЧОПТИРМОҚ 1 Чопмоқ I фл. орт. н. Чўпон йигит отини чоптириб кетди. С. Анорбоев, Меҳр.

2 с. т. бол. Шариллатиб сиймоқ (эркаклар ҳақида). *Анов бойваччанинг устига чоптирайми! Жуда қистаниб турибман. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЧОП-ЧОП Бирор ишни битириш учун тезлик билан ҳаракат қилиш; югур-югур. *Атиги уч кун муҳлат беришган эса-да, ҳайбат аззолари қарийб икки ҳафта чоп-чоп қилиб ҳам топиширқни уддалай олмади. «Ёшлик».*

ЧОПҚИ 1 Шох-шабба қирқкиш, гўшт, пиёз қиймалаш ва ш.к. ишларда ишлатиладиган катта ва оғир, пичоққа ўхшаш рўзгор асбоби; ошпичоқ. *Чопқида гўшт қиймаламоқ.* ■ *Пичоқ, ўроқ, чопқи, ранда ва бошқа меҳнат қуроллариини ўтқирлаш учун ишлатиладиган предмет «эгов» деб юрилади. «ЎТА». Ҳадемай барғи новдадан ажратиш учун ҳаракатга келган чопқи ва пичоқларнинг чиқ-чиқи авжга минди. Газетадан.*

2 эск. Қиличга ўхшаш жанг қуроли; ойболта. *Шу оломос чопқи билан бир уриб, кишанни узди. «Нурали».*

ЧОПҚИЛАМОҚ Чопқи билан бирор нарсани кертмоқ, қиймаламоқ ёки чопмоқ. *Гўшт чопқилагоқ.*

ЧОПҚИЛЛАМОҚ Майда қадамлар билан тез юрмоқ, югурмоқ. *Гулнора «Шошма!» деди-ю, чопқилага уйлариға кириб кетди. «Ёшлик». Бола иккиланиб, пулни олди-да, эшик томон чопқилага кетди. А. Кўчимов, Ҳалқа. Ёзозхон Ботиралининг ёнбошида ҳамон чопқилага юриб келарди. Ҳ. Ғулом, Машғал.*

ЧОПҚИН Тигли қурол билан ёппасига чопиш, кесиш; қирғин. *[Алимқулбек] Умрининг кўпчилиги жонталашларда, чопқинларда ўтган. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.*

ЧОПҚИР Тез чопадиган, елдай юғурадиган; чопағон, учқур, юғурик. *Чопқир бола. Чопқир от — ўтқир пичоқ. Мақол.* ■ *Бу ерда узоқ кутиб қоладиган бўлса, ҳар қандай чопқир отда, шамол изовида ҳам отасига етиб олиши амримаҳол. Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. ..муаллимнинг кўп яхши чопқир оти бор эди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.*

ЧОПҚИРЛИК Чопағонлик, учқурлик, тез югуришлик. *Туркман отлари чопқирлиги билан машҳур.*

ЧОР I [ф. چار / چهار — тўрт, тўртга] Тўрт, тўртга. *Чор фасл.* ■ *Қочай деса, чор атрофи беркилди майдон ичинда. Эргаш Жуманбулбул ўғли.*

Чор айланмоқ Гир айланмоқ. *[Маҳмуд] Атторлик дўкон эаси сифати билан савдо бозорини чор айлана бошлади. Н. Сафаров, Ниқоб йиртилди. Чор ишқал Қўл, оёқ, кўз ва қулоқ. Чор ишқали бут 1) тўрт мучаси бут, соғлом; 2) кўчма ҳамма ишни жойида, хотиржам. Чор улфат ёки улфати чор Тўрт улфат, тўрт дўст; улфатлар, дўстлар. Улфати чор, анда маза бор. Матал.* ■ *Бу «улфати чор» ичида катта саллали, оплоқ соқолли, лекин вазоҳати йигитдай бир кекса киши.. диққатни ўзига жалб этади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЧОР II [р. царь — подшоҳ, ҳукмдор] тар. Россия подшоҳи. *Чор ҳукумати. Чор Россияси.* ■ *Табиий, отам Россия чор ҳукумати сира ҳам тиламайдир. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

ЧОРА I [ф. چاره — ёрдам бериш йўли; дори-дармон; пул; қутулиш йўли] 1 Бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга

чиқариш ёки унинг олдини олиш учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган тadbирлар мажмуи; илож, тadbир. *Сўнги чора. Кескин чоралар. Эҳтиёт чоралари. Касалликка қарши кураш чоралари. ■ Завод иқтисодини кўтариш чораларини излаб топиш энг долзарб масала бўлиб турибди. Газетадан.*

Жазо чоралари Маъмурий ёки суд йўли билан бериладиган жазолар. **Маъмурий чоралар** Маъмурий йўл билан бериладиган жазолар.

2 Бирор қийинчиликдан, мураккаб вазиятдан қутулиш йўли; илож. *Чора изламоқ. Чора топмоқ. ■ Қайин отангиз, эҳтимол, бунинг бирор чорасини топар! А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Темур Малик] мўғулларга панд бериб, уларни қириб ташлаш чорасини изларди. Мирмуҳсин, Темур Малик. Долон ўртасида тезак тутаб туради. Бу чивинлардан сақланиш учун бир чора. Ж. Шарипов, Хоразм.*

Чора кўрмоқ 1) тadbир кўрмоқ; бирор мақсадни, ишни амалга ошириш ёки унинг олдини олиш учун зарур шароит яратмоқ. *Врачлар мумкин бўлган барча тиббий чораларни кўрдилар. «Фан ва турмуш»; 2) иложини, йўлини топмоқ, иложини қилмоқ; 3) жазо, танбех бермоқ. Қаерда қўй йўқолса, Айбдор — биз, бўрилар. Еган мудир-ку, унга Қачон чора кўрилар? Газетадан.*

ЧОРА II Катта ёғоч тоғора. *Дастурхон ёзилиб, каттакон чора товоқда архар гушти келтирилганда, Махсум меҳрибонлик билан сўз бошлади. С. Анорбоев, Оқсой.*

ЧОРАБЗАЛ [ф. چارابزال — тўрт буюм, ашё] Керакки нарсалар, асбоб-ускуналар, курул-яроғлар ва ш.к. нинг жами. *Ишнинг чорабзали бут. Тўйнинг чорабзали тахт қилинди. Сафарга чиқиш учун чорабзал шай қилинди.*

ЧОРАК [ф. چاراك / چاريك — тўртдан бир] 1 Тўртдан бир улуш; тенг тўрт бўлакнинг ҳар бири. *Чорак аср. Чорак кам бир соат. ■ Мен Абдулла Қаҳҳор билан чорак аср турмуш кечириб, «Хотинни хотин қиладиган ҳам эр» деган хулосага келдим. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.*

2 Ўқув йилининг тўртдан бир қисми. *Биринчи чорак. Чорак баҳолари. ■ Учинчи чоракнинг охири эди. «Ёшлик». Уша йили кузда Бегимхон еттинчи синфнинг биринчи*

чоракдан кетиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 шв. Баъзи ҳудудларда беш пуд (87,36 кг) га, баъзи жойларда беш қалоққа, яъни икки килограммга (кичик чорак), баъзи жойларда эса ўн қалоққа, яъни 4,1 кг га (катта чорак) тенг оғирлик ўлчови. [*Қодир-қул:*] *Ундай бўлса, мени банкага ташлаб келасан-да.. омбордан ярим чорак гуруч олиб, секингина боғ томондан Нурмат акангеникига ўтказиб қўясан. Ҳамза, Бурунги сайловлар.*

ЧОРАКОР [ф. چارەكار — тўртдан бирга ишловчи] тар. Бойлар ерида, олинадиган ҳосилнинг тўртдан уч қисмини ер эгасига бериш шарти билан ёлланиб ишлаган, ўз ери ёки от-уловига эга бўлмаган деҳқон. [*Ҳасан:*] *Ана шу мен оламан деб турган ерни Дўсмаббойнинг чоракори олиб қўймадимиз? Ҳамза, Бурунги сайловлар.*

ЧОРАКОРЛИК Чоракор бўлиб ишлаш; ер ижараси турларидан бири. *Бутун умри чоракорликда йўқчилик билан ўтган оилада дунёга келган Тошпўлат.. К. Яшин, Ҳамза.*

ЧОРАКТА Чорак катталигидаги, чорак қисмга тенг. *Чоракта нон.*

ЧОРАСИЗ 1 Амалга оширишнинг ёки олдини олишнинг иложи бўлмаган; чораси йўқ, иложсиз. *Чорасиз дард. Чорасиз иш. ■ Ҳуссага ботса одам — муҳаббатга суянгай, Чорасиз қотса одам — муҳаббатга суянгай. А. Орипов.*

2 Мушкул, ноилож аҳволга тушиб қолган; ночор, бечора. *Чорасиз бир инсон учраган дамда, Унсиз саволига қилдингми жавоб? А. Орипов.*

ЧОРАСИЗЛИК Ноилож ҳолга тушиб қолишлик, чорасиз аҳвол. *Аҳмадали кўприкка ета-етгунча чорасизлик азобидан бўзлаб ўтирган опасининг қиёфаси кўз ўнгидан ўчмади. «Ёшлик».*

ЧОРАСОЗ [ф. چارەساز — чора қилувчи, топувчи] кам қўл. Тadbиркор, тadbирли, ишбилармон. *Тўғонбек каби пухта, чорасоз одамлардан бир нечасини шаҳарда ўз хизматлариغا олурлар. Ойбек, Навоий.*

ЧОРБОЗОР [ф. چاربازار — тўрт бозор] тар. Ҳафтанинг ҳар хил кунларидан, бошқа-бошқа яқин қишлоқларда бирин-кетин ўтказиладиган бозорлар. *Пиёз яхши битган билан нархи арзон, [Кукан] Сотолмасдан чорбозорда бўпти сарсон. Ф. Фулом.*

ЧОРБОЗОРЧИ *тар.* Чорбозорда савдотик билан шуғулланувчи савдогар. *Чорбозорчи жаллоблар.* ■ *Кеча бир чорбозорчи келди. Хуржунни тула каклик. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Ёз ҳам ўтди, куз ҳам келди, қишлоқ чорбозорчиларининг кунни тугди. С. Абдулла, Соялар.*

ЧОРБОҒ [ф. چارباغ — тўртта боғ: катта ва кўркем боғ] Шаҳардан ташқаридаги ҳовли-жойли, кўрғонли боғ, боғча. *Алишер Навоий шаҳар ташқарисидаги чорбоғига кўчиб чиқди. М. Осим, Карвон йўлларида. Чорбоғларингда мевалар пишиб, тагига тушиб ётибди. С. Нуров, Нарвон.*

ЧОРБУРЧАК *айн. тўртбурчак.* Чорбурчак хона. *Чорбурчак қоғоз.* ■ *Ҳарамхона ҳовлисига чорбурчак гишт ётқизилган. М. Осим, Карвон йўлларида. Хайрият.. атир солинган чорбурчак қути ҳам ҳеч жойда кўринмади. М. М. Дўст, Лолазор.*

ЧОРВА [ф. چاروا / چارپа — тўрт оёқ(ли)] Қишлоқ ҳўжалигида: кўй-қўзи, мол. *Чорва моллари. Чорва қишлови.* ■ *Чорва иши пахта ишидан ҳам нозик. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.*

Чорва одам с.т. Содда, оқкўнгил одам.

ЧОРВАДОР [ф. چاروادار — юк ҳайвонларини ҳайдовчи; чорва эгаси] Чорвачилик билан шуғулланувчи киши. *Чорвадорсан, ботирсан, қўлда қўбизинг билан. А. Орипов. Устма-уст ёққан қор икки кунда тизза бўйи бўлди. Бу чорвадорларни гангитиб қўйди. М. Ҳазраткулов, Журъат.*

ЧОРВАДОРЛИК *айн. чорвачилик.* Чорвадорлик билан шуғулланувчи ширкат ҳўжалиги.

ЧОРВАЧИ *айн. чорвадор.* Янги ерларга кўчиш чорвачилар учун бир байрамдек эди. М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧОРВАЧИЛИК Қишлоқ ҳўжалигининг чорва молларини боқиш ва урчитиш, чорва маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Чорвачилик маҳсулотлари.* ■ *Ўтган йилдан эътиборан чорвачилик ҳам фойда бера бошлади, — дейди бош иқтисодчи Ҳайдарали Жўраев. «Муштум». Сополлитепаликлар чорвачилик билан ҳам шуғулланган. «Фан ва турмуш»*

ЧОРГОҲ [ф. چارگاه — тўрт давр, вақт; тўрт жой, ўрин] Ўзбек мумтоз куйларидан бирининг номи. *«Чоргоҳ» неча юз йиллардан бери айтилиб келган бўлса, яна юз йил-*

лар бўйи айтилиши мумкин. С. Ҳўжаев, Курмак.

ЧОРДАНА: чордана қурмоқ (ёки қуриб ўтирмақ) Оёқларни тиззадан букиб ва тиззадан пастини бир-бирига чалкаштириб босиб ўтирмақ. *Шундан сўнг ўзи [Юсуф Асвад] ҳам саватнинг ёнига келиб, чордана қурди. Мирмуҳсин, Илон ўргатувчи. Ошно ўзини сал ўнглаб, ерга чордана қуриб ўтирди. М. М. Дўст, Лолазор.*

ЧОРДАРД [ф. چاردرد — оғир дард: тўлғоқ азоби] Туғиш вақтидаги энг кучли ва давомли дард, тўлғоқ.

ЧОРДЕВОР [ф. چارديوار — тўрт(та) девор] Ҳамма томони девор билан ўраб олинган, тўрт девор. *Йиллар ўтди-ю, қишлоқ Ўзгармади ва бироқ Ёқадаги чордевор Чўкиб қолди бемадор. Ҳ. Олимжон. Деворларда, чордеворларда исирикнинг бўйларин туйдим. А. Маҳкам.*

ЧОРДОҚ [ф. + а. چارطاق — тўрт қиррали гумбаз] Том билан шип ораллигидаги бўш жой; чердак. *Чеккадаги эгасиз ҳовлининг чордоғига биқиниб, қишлоқни кузатдик. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ЧОРЁР [ф. چهاريار / چاريار — тўрт дўст: Муҳаммад пайғамбарнинг тўрт издоши] *дин.* Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин араб халифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али). *-Олинг, олдирманг.. чорёр мададкорингиз бўлғайлар! — деб халифа.. уйдан чиқдилар. С. Айний, Қуллар. Мусулмонни дўстим десин чорёр. «Юсуф ва Аҳмад». Ислоҳ анъанасида чорёрлар ҳўжмронлик даври исломнинг олтин асри деб ҳисобланади. «ЎЗМЭ».*

ЧОРЗАРБ [ф. + а. چارزرب / چهارزرب — тўрт зарб, такт] Ўзбек мумтоз куйларидан бирининг номи.

ЧОРИ Дон маҳсулотларини ғалвирлаб тозалашда, элашда ҳосил бўладиган қолдиқ. *Катта хирмон қизил бўлса, чори чиқмас. Мақол. «Бозорда хирмоннинг фақат чориси қолди. С. Айний, Дохунда.*

ЧОРИЗМ [р. царизм — подшоҳлик] *тар.* Россия подшоҳининг, монархиянинг чекланмаган ҳокимиятга асосланган давлат тузуми.

ЧОРИКОР *с.т. айн. чоракор.* Кетмон, чўкич, ўроқ, сўйил кўтарган жабрдийда косиблар, деҳқонлар, чорикорлар, қўйчилар

тўдалашиб, Хива сари отланди. С. Сиёев, Аваз.

ЧОРИҚ Қаттиқ хом теридан тикилган, асосан, тоғлик ҳудудлар халқлари орасида расм бўлган оёқ кийими. *Нодонни сийласанг, чориғи билан тўрга чиқар.* Мақол. ■ *Омон мерган маҳси устидан чориқ кийиб олган, оёғи енгил, қорға ботмасди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гулади.

Чориқ судрамоқ Бири икки бўлмай, ҳеч нарсга ёлчимай кун кечирмоқ. *Қийинчиликка қийин, болам. Лекин чориғимизни судраб юрибмиз.* Ойбек, Танланган асарлар. **Юзи чориқ** Юзи шумшук; юзи хунук. *Борнинг юзи ёруғ, йўқнинг юзи чориқ.* Мақол.

ЧОРКУНЖ [ф. چاركنج — тўрт бурчак(ли)] айн. **чорбурчак.** *Шаҳар чеккасидаги тор, каталак ҳовли. Дарвоза олдидаги чоркунж, кичик меҳмонхонада отаси Зайниш кўса маҳси тикарди.* Н. Аминов, Елвизак. *Паст бўйли, елкалари кенг, юзи чоркунж Шайдулов.. пих-пих кулди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ЧОРКЎЧА [ф. چاركوچه — тўрт кўча, йўл] айн. **чорраҳа.**

ЧОРЛАМОҚ 1 Ҳузурига чақирмоқ. *Кўёвни у [Раҳимов] тез-тез Тошкентга чорлаб турарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Табибий гўё ушбу фармонни била туриб, атайин Авазни саройга чорлаб кетгандек хижолат чекди.* С. Сиёев, Аваз. *Азон жамоатни пешин намозига чорлади.* «Шарқ юлдузи».

2 кўчма Бирор нарсга ундамоқ. *Бу нидо кетмагай қулоғимиздан, Бизни тинчлик учун курашга чорлаб.* «Шарқ юлдузи». *Баҳор бизни яна янги меҳнатга, ижодга.. чорламоқда.* «Саодат».

ЧОРЛОВ Чақириш, ундаш. *Марҳумнинг тушидаги чорлови бир неча кунгача юрагини ғаш қилиб юрди.* «Ёшлик». *Бу соғинч, бу чорлов [қизнинг] юз-кўзларида ўз ифодасини топади.* «Саодат».

ЧОРМИХ [ф. چارمىخ — тўртта мих; тўрт қиррали мих; ўтмишда жазолаш воситаси ва усули] Катта мих. *Отаси Афғонистондан олиб келган дандон сопи устара ярим очиклигича чормихга илиниб турарди.* С. Сиёев, Аваз.

ЧОР-НОЧОР [ф. چارناچار — истар-истамас, ноилож] *рвш. 1* Ноилож; истар-истамас. *Чор-ночор рози бўлмоқ.* ■ *Саид кўнгли ғашланиб, ўридан турди, чор-ночор галстугини тақди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

Шавкат чор-ночор ўртоқлари билан хайрлашди. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

2 Муҳтожлик билан, муҳтожликда. *Чор-ночор кун кечирмоқ.*

ЧОРОЙНА [ф. چارآينه — тўрт ойна, кўзгу; совут; курул-яроғ] *фольк.* Тўрт парча ясси темирни бириктириб ясаладиган, зирҳли кийим устидан кўрак ва елкага тақилладиган ҳимоя мосламаси. *Дубулға бошида, чоройна тўшида, худди яшин оққандай бўлиб, беклар тизилиб келяпти.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЧОРПАЛАК [ф. چارپلاک — тўртта палак] **1** Бодринг, қовун, ғўза сингари ўсимликларда тўртинчи барг чиқарган ниҳол. *Ғўзалар чорпалак бўлиб қолди.*

2 Шундай ниҳоллар чиқариш даври. **ЧОРПАХИЛ** [ф. چارپهلو — тўртта томон(ли); семиз, тўла] Туладан келган, яғрини кенг; ғўлабур, миқти. *Чорпахил йигит.* ■ *[Ўртоғининг] Бўйи Маҳмадниқидан настрок, лекин чорпахил эди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Йигит дарвозахонага кириб кетди-да, чорпахилдан келган ўрта ёшли кишини бошлаб чиқди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЧОРПОЯ [ф. چارپايه — тўртта оёқ(ли); табуретка] Очиқ ҳавода ўтиришга, ётишга мўлжалланган, тўрт оёқли ва панжарали катта кенг ёғоч каравот, сўри. *Хола айвондаги чорпояга кўрпача тўшаб, чой дамлаб келди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Қизлар чорпояга чиқиб, кўрпачага ўтиргач, Ражаббой Сатторни ўчоқбошига чақирди.* Ў. Усмонов, Қисмат.

ЧОРРАҲА [ф. چارراه / چهارراه — тўртта кўча ёки йўл кесишган жой] **1** Транспорт қатнайдиган кўчаларнинг кесишган, серқатнов, гавжум жойи; чоркўча. *Аҳмад бригадир чорраҳадаги светофорнинг сариқ кўзи ёниб турганда шошиб ўтиб кетди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *..чорраҳалардаги олабула тўсиқлар, семафор чироқлари жуда кўримли эди.* «Шарқ юлдузи».

2 кўчма Ҳаёт, умр йўли; ҳаётдаги туб бурилишлар даври. *Умр чорраҳалари.* ■ *Аҳмаджоннинг ҳаёт чорраҳаларидан Адолат гойиб бўлди-ю, бу чорраҳалар жуда-жуда зерикарли, фэйзсиз.. бўлиб қолди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧОРСИ, чорсу [ф. چارسوق / چارسو — тўрт томон; тўғри бурчакли квадрат; бозорда расталар кесишган майдон] **1** *сфм. тар.* Тўрт томони тенг тўртбурчак шаклидаги;

квадрат. Чорси рўмол. Чорси ҳовуз. ■ Новдалари қирқилавериби тўмтоқ каллак бўлиб қолган қатор тут дарахтлари чорси карталарни ажратиби турибди. Мирмуҳсин, Умид. У каттакон чорси қийиқчанинг бир учидан тутиби силкитди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 шв. от Белбоғ, қийиқча. Бобур мижжаларида йилтираган томчиларни ипак чорси билан артишдан истиҳола қилмади. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. Мулла Чори, қўлида тупроқ солинган кўк чорси, Ғайбаровнинг ёнига келди. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

3 шв. от Катта рўмол. Кампир негадир оқ сурп чорсисининг учини лабига қистириб олган, юзи сирлироқ кўринарди. М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. Қаршимда оппоқ чорсига ўралган.. бор дунёси фариштадай улуғ сиймо турарди. А. Нурмурадов, Уруш бевалари. Юзларини тилим-тилим ажсин қоплаган қайнонаси дока чорсисининг учларини кифтларига елвагай ташлаган кўйи.. муштдек кичрайиб ўтирарди. Н. Қиличев, Чигирик.

4 Тарихий шаҳарларда: усти ёпиқ савдосотиқ жойи, яъни бозорнинг марказий, расталар кесишган жойи; умуман, савдосотиқ жойи. Авазхон бундай қараса, шаҳар.. чорсу билан регистондан иборат экан. «Гулшанбоғ». Хивада чорсу дўконлари кўпроқ Ота ва Полвон дарвозалар кўчалари бўйлаб жойлашган эди. «ЎЗМЭ».

ЧОРСУПА [ф. + а. چارصفا — тўрт(та) супа] Тўрт томонининг узунлиги бир хил супа. Ҳовли саҳни оппоқ, чорсуна юзи, супа устидаги сўри ёғочлари оппоқ. «Шарқ юлдузи».

ЧОРТАНГ [ф. چارتنگ — тўрт томони сиқик, камбар, зич] Қизғин, жўшқин, жонли (гап, суҳбат ва ш. к. ҳақида). Чортанг суҳбат. Чортанг ўтириш. ■ Шоирнинг одатда суҳбат қурадиган хонасига кирганида, гап чортанг эди. Ойбек, Навоий.

ЧОРТОР [ф. چارتار — тўртта тор(ли)] Тўрт торли мусиқа асбоби.

ЧОРТОҚ [ф. + а. چارطاق — тўрт қиррали гумбаз; айвон] Хонларга, бекларга мансуб ҳашаматли бино; сарой, қаср. Тунов кун Бадиуззамон мирзо ўз чортоқида.. бир мажлис тартиб бермишлар. Ойбек, Навоий.

ЧОРХАРИ 1 Тўртта кесишувчи хариси бўлган, тўрт харили.

ЧОРХАРИ уй (ёки айвон) Ўртадаги битта устунга таянувчи тўртта харили катта квадрат хона, айвон. Катта, чорхари уйга кирдилар. Чол Жамшидни қўярда-қўймай тўрға ўтқазди. «Ёшлик».

2 Моллар турадиган бостирма.

ЧОРЧЎП [ф. چارچوب — тўртта ёғоч, тахта] 1 Тўртта тахтачадан ясалган рамка. Дераза кўзлари, ром чорчўплари ва гиштлари яна титради. «Ёшлик». Стол устидаги чиройли чорчўпга солинган, чоғроқ катталиқдаги сурат.. беҳтиёр киши ихтиёрини ўзига жалб этарди. Н. Қиличев, Чигирик.

2 бнк. Иморатнинг тўрт девори пойдеворига қўйиладиган тўрт тағсинч.

ЧОРШАНБА [ф. چارشنبه / چارشنبه — шанбадан кейинги тўртинчи (кун)] Ҳафтанинг якшанбадан кейинги учинчи куни. Пайшанбанинг келиши чоршанбадан белгили. Мақол. ■ Чоршанба — муродбахш кун, дейдилар. Газетадан.

ЧОРҚИРРА 1 Тўрт қиррали. Шавкат айвоннинг чорқирра устунини кучоқлаб, энасига зимдан қараб, жилмайиб тураверарди. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

2 Бугдой нави.

ЧОТ Икки сон ораси; бут оралиғи. Ҳозга эргашаман деб, чумчуқнинг чоти айрилибди. Мақол.

ЧОТМОҚ фольк. Урмоқ, саваламоқ. Аччиқлансам, отга қамчи чотарман.. «Алпомиш». Ғайрат қилиб бу бекзот «Чўх», деб қамчини чотди. «Интизор».

ЧОЧ с.т. Соч, зулф. Турқи яхши болам, сендан сўрайман, Чочи узун қизим, қайда борасан? «Эрали ва Шерали».

ЧОЧВОК с.т. Сочбоғ. Хотинининг кучи йўқ, Чочвоқнинг учи йўқ. «Қўшиқлар».

Чочвоқ ўт Пояси сутли ёввойи ўсимлик.

ЧОЧИҚ I с.т. Сочик, лунги.

ЧОЧИҚ II 1 Сочилган, сочилиб ётган; паришон.

2 этн. Тўйларда куёв, янги туғилган ёки хатна қилинаётган бола бошидан сочиладиган ва, асосан, болалар талашиб-тортишиб териб оладиган майда пул, ширинлик ва ш.к.; сочқи. Куёв поччангиз келди, қочингиз, Чочиқ чочингиз, йўлни очингиз. Ғ. Ғулом.

ЧОЧМОҚ с.т. Сочмоқ; сепмоқ. Эралихон подшо арава-арава танга-тилла чиқариб, Бўзўғлон подшонинг ўз иззати билан бошидан чочди. «Юсуф ва Аҳмад».

ЧОЧОҚ Сочоқ, попук. *Дастурхон чочоғи. Чочоқ гулли ўсимлик.* ■ *Минган оти тўбичоқлар, Найзада заррин чочоқлар. «Гурўелининг туғилиши».*

ЧОЧОҚБОШ Чочоқ бошли, супурги-симон гулли ўсимлик.

ЧОЧПОПУК с.т. Сочпопук.

ЧОЧҚИ айн. **чочик** II 2. Аскарнинг боши узра чочқилар чочилди. «Ёшлик».

ЧОШ 1 Тозаланган ғалла, пахта ва ш.к. нинг хирмондаги уюми; уйилган ғалла, хирмон. *Қариндошининг ошга чақир, чошга чақирма.* Мақол. ■ *Ҳайдар ғалвирни олиб, чош бошига келиб тўлдирди.* С. Айний, Қуллар.

2 рвш. Лиммо-лим, лик тўла. *Яхшилаб ош дамлаб, ноз-неғматлару бизнинг ўзимиздан чиққанларини дастурхонга чош этиб, гурунни гуллаиб юбордик.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бироз фурсат ўтиб, кампир уйга ҳам катта товоққа чош қилиб солинган гўшт кўтариб кириб кетди.* Н. Қиличев, Чигирик.

Чош ғалвир Йирик кўзли ғалвир.

ЧОШГОҲ [ф. چاشتگاҳ — тушгача бўлган вақт] Кун анча кўтарилиб қолган вақт. *Чошгоҳ вақти ўтиб, ота, туш бўлди.* «Интизор». Кун чошгоҳга бориб, туман бутунлай кўтарилди. «Ёшлик». *Уша куни чошгоҳдан то ярим кечагача Темур беҳуш ётди.* Б. Аҳмедов, Улутбек.

ЧОШНИГИР [ф. چاشنیگیر — татиб кўрувчи] тар. Хон ва подшоҳлар саройида: шоҳ оиласи ошхонасининг бошлиғи (шоҳга тайёрланадиган таомларни дастлаб татиб кўрувчи шахс).

ЧОШ-ЧОШ рвш. Тўла-тўла, лиммо-лим тўлдириб, тошириб. *Чош-чош тўрт пиёла гуруч.*

ЧОҚ айн. **чоғ** I. *Ўлимга ким тайёр турса ушбу чоқ, Олдинроқ ўлган, ё туғилган ўлик.* Х. Даврон, Қақнус. *Пайдо бўлди айна шу чоқда Тепаликда иккита одам.* Ҳ. Олимжон.

ЧОҚЛАМОҚ фольк. айн. **чоғламоқ** I 1. *Қалдирғоч акасини отлантириб, от-анжомини чоқлаб, яхши бор, деб бул сўзни айтиб турди.* «Алпомиш».

ЧОҚҚИНА Кичикроқ, унча катта бўлмаган. *Чоққина хона. Ерга қалин кигиз тўшалган.* Ш. Холмирзаев, Қахрамоннинг сўнги кунлари. *Мастура кекса бувиси билан Қоратошдаги чоққина ҳовлида яшарди.* Э. Аъзамов, Жавоб.

ЧОҒ I Вақт, давр; пайт, кез, кун, он. *Тонг чоғи. Терим чоғи. Шу чоғ. Айна чоғда. Ёш чоғим — олтин чоғим.* Мақол. ■ *Йигитлик йилларим ёдимга келур, Зарафшон бўйларин ўйлаган чоғим.* Ғ. Ғулом. *..қариган чоғимда бир замонлар беомон бой берилган вақтимнинг ҳам ҳиссасини чиқарсам, юзим ёруғ бўлса, деб ўйлайман.* М. М. Дўст, Лолазор.

ЧОҒ II Хурсанд, шод, яхши. *Қарға «қағ» этади, ўз вақтини чоғ этади.* Мақол.

ДИМОҒИ (ёки **кайфи, кўнгли**) **чоғ** Кайфияти жуда яхши. *Гуруғли султоннинг димоғини чандон чоғ қилиб ёта берди.* «Маликаи айёр». *Қизлар, кайфи чоғ, ғуғулашиб, коридорга чиқишди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Қассобнинг ўнг қаватида Самад чол, кўнгли чоғ, келгувчилардан ҳол-аҳвол сўраб қўяди.* «Ёшлик».

ЧОҒ III 1 Ўлчови, ўлчами мўлжалдан кичик, кичкина. *Қадди чоғ.* ■ *Унинг [боланинг] жуссаси чоғ бўлса ҳам, чайир эди.* Газетадан. *Кўп ўтмай, ўртадаги чоғроқ столга дастурхон ёзилди.* «Шарқ юлдузи». *-Марҳамат, дўстлар, — деб дастёр йигит чоғроқ бир барқашда столга тўрт сих кабоб қўйди.* Н. Қиличев, Чигирик.

2 Тор. *Саҳни чоғ ҳовли.* ■ *[Йигитнинг] Этиги ҳам, қўлқопи ҳам ўзига чоғ эмас, катта.* А. Мухтор, Туғилиш.

ЧОҒ IV: **чоғ бўлиб турмоқ** Тайёр, шай бўлиб турмоқ.

ЧОҒ V Куч-қувват, қурб; имконият; истак. *Чоғим келмади.* ■ *Тоғай деворга беҳол суянаркан, уларни қувиб етишга чоғи келмаслигини сезди.* «Ёшлик». *Энди қўйиб берсанг, одамни писанд қилмайдиган чоғи бор.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

ЧОҒИ 1 мод. с. Афтидан, шекилли. *Бу йил қурғоқчилик бўлади, чоғи.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Тахминан; қарийб, чамаси; -га яқин. *Икки минг чоғи одам.* ■ *Алланарса деб пичирлади.* Чоғимда, ўша икки сатрни такорлади. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ЧОҒИР эск. Май, шароб. *Фироқ ўтида овунсам чоғир била не ажаб.. Бобур. Уй эгаси пешвоз бўлиб.. чоғир — қирмиз шароб тутайди.* Ҳ. Олимжон.

ЧОҒИШТИРМА Солиштирма, таққослама; қиёсий. *Чоғиштирма анатомия. Чоғиштирма грамматика.*

ЧОҒИШТИРМОҚ Бирор нарса, воқеа-ҳодиса, белги ва ш.к. ни бошқаси билан ўзаро таққослаб кўрмоқ; қиёсламоқ, солиштирмоқ. *Ўзаро чоғиштирмоқ. Икки вариантни чоғиштирмоқ.* ■ *Нозик Амакини ҳаёлан ўз дадасига чоғиштириб кўрди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. Яна чоғиштининг: сапча, чўпчак, чақалоқ каби. «ЎТА».*

ЧОҒЛАМОҚ I 1 Ҳозирламоқ, тайёрламоқ, шай қилмоқ. *Соқи Мажнун кўк отни чоғлаб, эгарлаб олиб келди. «Нурали». Ўзимни йўлга чоғласам, Ҳар кимдан сўроқласам, Топарманми, болам, сени? «Ойсулув».*

2 Ҳисобламоқ, ..деб ўйламоқ. *Хуррамбек! ..Э-э, ўзини қарийб Иброҳимбек билан тенг чоғлайди. Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари. Йўл устида бундай жойда бўлибсан, Ўзингни ким чоғлаб, бобо, турибсан? «Интизор».*

3 Тахмин, мўлжал билан аниқламоқ, мўлжалламоқ, тахмин қилмоқ. *Қўйнинг ғўштини қанча чоғладингиз? ■ Акбарнинг ғўлабурдай буй-бастига кўз қирини ташлаб, бир уришда қўлатиш мумкинлигини чоғлади. Н. Қиличев, Чигирёқ. Агар ёшимни назарда тутаётган бўлсангиз, мени.. йигирма беш яшар чоғланг. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.*

4 Мўлжалга олмоқ, кўзламоқ. *Хотин ҳарам дарвозасини чоғлаб борар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Ўрлайверди самолёт Олис-олисни чоғлаб. Газетадан.*

ЧОҒЛАМОҚ II Ўзини ёки кимсани хурсанд қилмоқ; вақтини, кайфини ёки димоғини чоғ қилмоқ. *Подшо димоғин чоғлади. «Гулнорпар».*

ЧОҒЛИ Тахминан, қарийб, деярли; ..чамасидаги. *Элик чоғли аскар. Бир тонна чоғли юк. ■ Уни [секретарни] бирданига юз чоғли одам ўраб олди. «Шарқ юлдузи». Ўттиз чоғли эркак-аёллар йиғиштиринмоқда эдилар. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.*

ЧОҒЛИК I: вақти (ёки кайфи, димоғи) чоғлик Хурсандлик, шодлик. *Одам деган вақти чоғликда ҳам, ҳафагарчиликда ҳам посангисини йўқотмагани тузук. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Вақти (ёки кайфи, димоғи) чоғлик қилмоқ Хурсандчилик қилмоқ, хурсандлик, вақтихушлик билан вақт ўтказиб, кўнгилни ёзмоқ. Даврон бу бемав-*

ни таърифдан дилғашланиб, киноя билан: -Нега, вақти чоғлик қилиш учунми? — деди.

ЧОҒЛИК II Кичиклик; торлик. *Аммо Яшинимиз жуссаси бу пўстинлар учун чоғлик қилиб қолди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ЧОҒ [ф. چاه — қудуқ; чуқур, ўра] 1 Чуқур ўра. *Бировга чоғ қазисанг, ўзинг йиқиласан. Мақол. ■ Зум ўтмай, пол ёрилиб, даҳшатли чоғ кўринди. «Ёшлик».*

2 кўча Қаър; оғуш. *Сен уни оқ қилдинг! Нега оқ қилдинг?! Розолат чоғига тушдинг юзтубан! «Ёшлик».*

(Тағйга) **ЧОҒ** қазимок Бирор кимсага зарар-заҳмат етказиш мақсадида зимдан ҳаракат қилмоқ. *Аслини сўрасангиз, ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз. Лекин бандаси шуни била-кўра туриб, бир-бирининг тағига чоғ қазийди. К. Яшин, Ҳамза. [Душманлари] Сўнг муллага қарши чоғ қазиишнинг амалий томонларини гаплашдилар. «Ёшлик».*

ЧУ айн. **чув** I. Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам! Муродга қасд қилиб югурган етур. У. Носир. Кейин эгарга ўтирдим-у, «чу, жонивор», дея эшакка хала босдим. А. Қўчимов, Ҳалқа.

ЧУБУР шв. Олдий, хашаки от. *Бир тулпорни нодон олса, Туёғидан эгар солса, Чубур қилиб миниб олса, Бедовнинг қадрин на билсин. «Гуруғелининг туғилиши».*

ЧУВ I унд. с. Отни чоптириш, олдинга ундаш учун ишлатилади. *-Чув, ҳа! — деди, қамчи чотди, Урган қамчи симдай ботди. «Ширин билан Шакар». Чув, дейди тулпор отни, Оти қилди ғайратни, Гуруғли шердай ҳайбатли. «Гулшанбоғ».*

ЧУВ II Арава ўқининг ёлдиракни тутиб турадиган қулоғи; чув чўп.

ЧУВИ **чикмоқ** Сирин очилмоқ; ёлғони фош бўлмоқ. *Ёлғон гапининг чувни чиқар. Мақол. ■ Борди-ю Маматовнинг чувни чиқадиган бўлса, менинг ҳам ҳолимга маймунлар йиғлаши турган гап. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

ЧУВ III Қиморда тўрт ошиқнинг ютқизиқ ҳолати (битта олчи, учта чикка ёки битта товва, учта пукка).

Чув тушмоқ 1) қиморда ташланган тўрт ошиқ чув ҳолатини олгани учун ютқизмоқ. *Ошиқ кўксига уриб, ошиқ отади. Чув тушиб нечалар, кайф тарқатади. Ғайратий;* 2) кўчма зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ, фириб емоқ. *-Тоза чув тушдик-ку! — Ортиқ чидамай, ўрнидан туриб кетди. М. Мансуров, Ёмби.*

ЧУВАК I Қотмадан келган, ориқ; кичкина, озгин. *Чувак бола.* ■ *Бош агроном рангар, чувак юз, бидиллаб гапирадиган йигит эди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Узоқ қишлоқларимиздан бирида Уста Хушвақт деган чуваккина одам яшайди.* Мирмуҳсин, Ясама гул.

ЧУВАК II Ёзлик енгил оёқ кийими; шиппак. *Ниҳоят, кимнингдир тақ этиб полга тушгани, сўнг енгил чувак судраган оёқ товуши эшитилди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЧУВАЛАНМОҚ I айн. **чувалмоқ 1.** Чуваланган ип. Чуваланган бўйра. ■ [Аёл] *Пойгакда чуваланиб ётган улама сочини олиб, ичкари уйга кирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 айн. чувалмоқ 2. [Нурбекнинг] *Хаёли чуваланмоқда эди.* «Ёшлик».

ЧУВАЛАШМОҚ I айн. **чувалмоқ 1.** Маҳалла кўчаларида.. *симёғочлар қийшайиб, баъзи ерларда электр, телефон симлари узилиб, чувалашиб ётарди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 айн. чувалмоқ 2. Баҳонаю сабаб ришталарининг қанчалар чувалашиб бораётганини сезаётган чиқарсиз? М. М. Дўст, Лолазор. *Заргаров гапирарди-ю, лекин фикри қандайдир чувалашиб кетганини, айтадиган асосий гапи бу эмаслигини пайқаб турар, асабийлашар эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

3 Чуввос солиб ўралашиб юрмоқ (асосан, болалар ҳақида). *Оёқ остида чувалаша-верманлар!*

ЧУВАЛМОҚ I **Чувамоқ** фл. ўзл. ва мажж. н. *Қўлида узилган читор арқон, салласи чувалиб кетган Вафо аттор рўпарасида ҳансираб турарди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 кўчма Аралаш-куралаш бўлмоқ, қоричмоқ. *Чувалиб кетган фикрлар. Чувалган хаёллар.* ■ *Чувалади ўйларим сенсиз, Хаёлимга тароқ ургайман.* А. Орипов. *Ўй-хаёллар гирдобида онанинг фикри чувалгани-чувалган.* «Ёшлик».

Гап (ёки сўз) чувалди Гап кўпайди. *Оқсоқолларга бор-буд аҳволни билдириш мумкин эмас. Айниқса, энди гап чувалиб кетади.* О. Мухтор, Ёзилган бош.

ЧУВАЛЧАНГ Ер остида яшовчи, ёмғирдан сўнг ер устига чиқиб, судралиб юрадиган, умуртқасиз жониворлар гуруҳига мансуб узун қорамтир-қизғиш қурт. *Боссанг, чувалчанг ҳам қимирлайди.* Мақол. ■ *Ариқ-*

дан топилган ёлғиз чувалчанг ўрмалаб чиқаётган экан. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ЧУВАМОҚ I Ёзмоқ, бўшатмоқ (коптокка, ғалтакка ўралган ёки калаваланган ип, сим ва ш.к. ҳақида). *Ғалтакдаги ипни чувамоқ.* ■ *Ҳакимжон акамлар актни гумдон қилибдилар.* Калавангнинг учи чувамасин, деб мени «Солор» ресторанига кўчирмоқчилар. Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

2 Тўқилган нарсани титиб, суғуриб бузмоқ. *Бўйрани чувамоқ.*

Гап чувамоқ Гап ковламоқ, гап-сўзни кўпайтирмоқ. **Гап чувайди** Гап айланади, гап-сўз кўпаяди. *Секин, секин гапир! Хотинлар эшитса, гап-сўз чувайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЧУВАТМОҚ **Чувамоқ** фл. орт. н.

Гап чуватмоқ айн. гап чувамоқ қ. чувамоқ. *Миробид Муҳаббат тўғрисида ҳам унча-мунча гап чуватиб қўйди.* В. Ғофуров, Вафодор.

ЧУВАШ қ. чувашлар. *Чуваш тили. Чуваш аёл.*

ЧУВАШЛАР Россия Федерациясининг Чувашия (Чаваш) Республикасида ва унга қўшни ҳудудларда яшовчи туркий халқлардан бири. *Чувашиянинг шимолий қисмига келиб ўрнашган булғорлар билан фин-угор аҳолисининг аралашуви натижасида 15-асрга келиб чуваш халқи шаклланди.* «ЎзМЭ».

ЧУВВОС Тартибсиз ғовур-ғувур гап, товуш; қий-чув. *Қизлар чуввос солиб кулади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Бир уй хотин чуввос кўтарди.* С. Аҳмад, Хукм.

ЧУВИМОҚ I Титкилаб юмшатмоқ, титмоқ. *Жун чувимоқ. Эски пахтани чувимоқ.*

2 Пахтани чаногидан суғуриб чиқармоқ. [Аёл] *Лавлагини қозондаги қуруқ сувга ташлаб қўйиб, керосин чироқ ёруғида саҳаргача кўсак чувиди.* С. Нуров, Нарвон.

ЧУВЛАМОҚ I «Чув-чув» деб, отни юришга ундамоқ. *Чувлаб от қўяди ул замон беклар.* «Маликаи айёр».

ЧУВЛАМОҚ II шв. Чувурлашмоқ, қий-чув кўтармоқ. *Ҳаммалари чувлашди, Боққа тезроқ етсак, деб.* «Маликаи айёр».

ЧУВОҚ I Чуваланган, чувалашиб, чалкашиб кетган. *Чувоқ ип.* ■ *У бошини қуйига энгаштирди ва чувоқ соқолини тузатиб, фикрда қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 айн. **офтобчувоқ**. Исинди чувоқда қушлар. «Шарқ юлдузи».

Чувоқ офтоб айн. **офтобчувоқ**.

ЧУВРИНДИ 1 Эски-туски, увада, жулдур (асосан, кийим-кечак ҳақида). - Чувринди чопончада эдинг, оёқларингда эски каллиш.. кўча четида ниста сотиб ўтирардинг, - деди Яхшибоев. М. М. Дўст, Лолазор.

2 кўчама Эски, жулдур кийимли одам; қашшоқ. Наинки шу етимча чувринди ҳам эшоний бўлиб, бизнинг қаторимизга қўшилса?! С. Анорбоев, Меҳр. Сен-ку бир чувринди эдинг. Энди одам бўлиб қолдингми? «Шарқ юлдузи».

ЧУВУЛЛАМОҚ айн. **чувурламоқ**. Ҳамма чувуллаб, раиснинг гапини маъқуллади. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Чувуллашар шодланиб қушлар. Уйғун.

ЧУВУР 1 Қоришиқ қий-чув, ғовур-ғувур гап, овоз; чуғур. Кўчадаги хотинлар чувури, болалар йиғиси юрагига ваҳм соларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЧУВУР 2 шв. айн. **чубур**. Шу ёмон чувур билан биздан илгари келибсан. «Алпомиш».

ЧУВУРЛАМОҚ Тартибсиз, ҳар ёқдан сўзламоқ, ғовур-ғувур, қий-чув қилмоқ. Қизлар кампирни алахситиш учун бирдан чувурлаб юборишди. С. Аҳмад, Онажонлар.

ЧУВУР-ЧУВУР **Чувур** 1 с. такр. Лак-лак одам. Чувур-чувур қилиб, аланималарни гаплашишади. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Чувур-чувур тўхтади. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЧУВ-ЧУВ айн. **чувур-чувур**. Амаки дарвозани очиши билан болаларнинг чув-чуви эшитилди. Газетадан.

ЧУЙМОҚ фольк. Овга қуш солмоқ; қуш солиб ов қилмоқ. Шаҳодаси шунқор қувиб чуйиб юрганда, Хизматкор беклари тинч бўп ётарми? «Юсуф ва Аҳмад». Беклар чуяр олтин кўлга қушини. «Юнус паря».

ЧУК бол. Ўғил боланинг таносил аъзоси.

ЧУКБУРРОН [чук + ф. *بزبان* - қирқиш, кесиш] этн. Хатна (ўғил) тўйида тўйнинг охириги босқичи, боланинг чукини кесиш маросими. Ўғлини чукбуррон қилдираётган экан. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ЧУКРИ шв. Ровоч. [Хуррам:] Тоғдан чукри опкелиб сотишимни биласизми? «Ёшлик». Рангон тоғнинг ҳақиқий чўққилари, чукрилар тигиз ўсган унгулар.. ҳали олдинда эди. Ш. Бўтаев, Кўрғонланган ой.

ЧУК(У)РОН с. т. айн. **чукбуррон**.

ЧУЛДИРАМОҚ 1 Шалдирамоқ, шилдирамоқ. Баҳор чоғи чулдираган ирмоқлардан.. Салом бўлсин саховатли йил бошига. А. Орипов. Жилғаларда сувлар настликларга шитоб билан чулдираб оқа бошлади. С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Чулдир-чулдир, ёқимли овоз билан сайрамоқ. Қир устида сўфитўрғай нозик чулдиради. М. Мансуров, Ёмби. ..рўпарадаги қалин боғлар қўйнида бажилдоқ қушларнинг чулдираб сайрагани эшитилади. «Ёшлик».

3 Ғудакка хос гапирмоқ; бажирламоқ. Жамалаксоч қизалоқ ботинкаси билан эшикни тепиб очиб, чулдираб, Жўрабек ака каровоти ёнига келди. Мирмуҳсин, Қуламас қоя.

Чулдираб қолмоқ Кайфи ошиб ёки довдираб, тили гапга келмай қолмоқ. Ичкиликка Иваннинг энди иштаҳаси очилган пайтда Мутавалли маст бўлиб чулдираб қолди. М. Осим, Элчилар. Азимбойвачча икки пиёладаёқ чулдираб қолди. С. Аҳмад, Ҳукм.

ЧУЛДИРАТМОҚ 1 Чулдирамоқ фл. орт. н.

2 «Чулдир-чулдир» овоз чиқармоқ (хуштак чалганда, чилим чекканда ва б. ҳолатларда). Хуштакни чулдиратиб чалмоқ. Чилимни чулдиратиб тортмоқ.

ЧУЛДИР-ЧУЛДИР тақл.с. Сувнинг оқиши, қушларнинг сайраши, хуштакнинг чалиниши ва ш.к. да чиқадиған овозни ифодалайди. Сувнинг чулди-чулдири.

ЧУЛИ-ЧУЛИ: **чули-чули бўлмақ** 1) бевартиб, бошбоншдоқ бўлиб қолмоқ; 2) айн. **чулдираб қолмоқ** қ. **чулдирамоқ** 3.

ЧУЛКИ [р. чулки, бирл. - чулок < т. «чулғов, чулғамоқ» с. дан] Хотин-қизларнинг тиззадан юқоригача кийиладиган узун пайпоғи. Капрон чулки.

ЧУЛОН шв. Шулон, туғун оши. Гўрўғлибек айтди: -Подшо деганнинг қаторида нори бўлади, Ҳамиша фуқароларга бериб турадиган чулони бўлади. «Гўрўғлининг туғилиши».

ЧУЛЧИТ с.т. Гапга сира ҳам тушунмайдиган, гап уқмайдиган одам. [Фотима:] Ҳеч бўлмаса насибангни олсанг-чи! Қандоқ чулчитсан! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. [Малик:] Чулчитга ўхшаб нега гапга тушунмайсан? А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧУЛҒАМОҚ 1 Айлантрииб, атрофлаб ўрамоқ, атрофига ўраб қўймоқ, ўраб чиқмоқ. Нар-бери бўз салласини бошига чулғаб..

дарвозадан ичкарига кириб бормоқда бўлган Сафар бўзчини маҳдум тўхтатди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Икромжон от жиловини эгар қошига омонатгина чулғаб, тол тагига келди. С. Аҳмад, Уфқ.*

2 Қопламоқ, босмоқ, буркамоқ. *Хона ичини ғира-шира қоронғилик чулғади. «Ёшлик». Нурбек эти увушганини, теграсини нимҳарир туман чулғганини пайқади. «Ёшлик».*

3 кўчма Рухиятини, вужудини эгалламоқ, банд этмоқ, қамраб олмақ. *[Авазнина] Кўксини алам, кек, ифодасиз бир ўтли туғён чулғади. С. Сиёев, Аваз. Сунбулаҳон аяни кунни бўйи ваҳимали хаёлар чулғади. Мирмуҳсин, Умид. Шундагина бирдан Нурбекнинг вужудини қўрқув чулғади. «Ёшлик».*

ЧУМАК I шв. Жўмак. *Нормат яна уйда қамалиб қолди, энди эски чориқларни ямаш, чумаги синган чойнакларни чегалаш билан овунар эди. «Ёшлик».*

ЧУМАК II: чумак урмоқ Ранг, тус олиб, қизариб пиша бошламоқ (эртапишар узум, чиллаки ҳақида). *Бизнинг томорқадаги чиллаки ҳамманикидан олдин чумак уради. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради Бир-биридан кўриб ўрнак олади, тақлид қилади, бир-биридан ўрганади. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, десандек Зебонинг шодон руҳи, қарашни Муҳаррамга кўча бошлади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

ЧУМОЛИ Ойла, тўда бўлиб бир уяда яшайдиган кичкина ҳашарот; кумурсқа. Қизил чумоли. Қанотли чумоли. ■ *Эрта кузнинг илиқ, майин, тиниқ тунида чумолининг япроқлар устида ўрмалагани ҳам эшитилади. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Бир гал яримта бошоқни судраб кетаётган чумолини кўрганман. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.*

Чумоли бел Хипча, ингичка белли, нозик бел.

ЧУМОЛИЧА рвш. Чумолидай кичкина, зиғирдай. *Шу замон кўзингиз олдида бирдан Кичик чумолича қолгуси Фарҳод. А. Орипов. [Директор:] Тушунаман, ҳаммамиз ҳам ёшликда ўт-олов бўланмиз, кўзимизга фил ҳам чумолича кўринмаган. «Ёшлик».*

ЧУМЧУҚ Кўпинча хонадонларга яқин жойларда яшайдиган, ҳашарот ва дон билан озиқланадиган кичкина қуш. Чумчуқдан

кўрққан тариқ экмас. Мақол. ■ *Чумчуқлар чирқиллайди – Шом бўлганга ўхшайди. «Кўшиқлар». Ёмғир ёғайтганда шодон шовуллаган тарнов ҳам, бўғотдаги чумчуқлар ҳам бир нимадан чўчигандай овозсиз қотди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

Чумчуқ пир этса, юраги шир этади Салга кўрқадиган, чўчийдиган, кўрқоқ одам ҳақида.

ЧУМЧУҚКЎЗ Меваси жингалак туклар билан қопланган, бир йиллик доривор ўсимлик. Қийма навбаҳорда илк кўкариб чиққан отқулоқ, чумчуқкўз каби доривор гиёҳлардан тайёрланади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Унда митти-митти чумчуқкўздан тортиб кўнғир кўзигуллари оқ-сариқ бойчечаклар ҳам очилиб ётарди. Ш. Холмирзаев, Сайланма.*

ЧУН [ф. چون – қандай? нимага? айнан, худди; чунки] Худди, айнан, -дек, ўхшаб. *Кетиб тандин мадорим, гул юзим чун зафaron ўлди. Ҳамза. Кампир бир кун зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб.. мени бисёр тангликка солди. Ҳайратий, Довдираш.*

ЧУНКИ [ф. چونكى – чунки, зероки] сабаб бола. Бош гап билан эргаш гапнинг сабабий боғланишини кўрсатади; «негаки», «сабаб шуки», «зероки» маъноларини билдиради. *Чақимчилик ёмон иллатдир, чунки у туфайли одамлар ўртаси бузилади. Газетадан. Айниқса, стронций-90 хатарли, чунки у атом портлашларида ҳосил бўлади. «Фан ва турмуш». Янги сўзлар жуда кўп чиқди, чунки халқ оғзаки ижоди ниҳоятда бой. Газетадан.*

ЧУНОН [ф. چنان – шундай; шундай қилиб, шунчалик] рвш. Шунча, шундай, шу қадар, роса. *Чунон ҳаракат қилди. Чунон уринса ҳам бўлмади. ■ Одамлар-чи тўпланди шу он Фарёдига қилолмай тоқат. Бир қамишни йиғлатиб чунон, Сўнг ўзлари қилдилар роҳат. А. Орипов. Хонадонга шоду хурамлик тўлиб-тошган чунон. Ҳабибий.*

ЧУНОНАМ [асли чунон ҳам] с.т. Чунон ҳам, чунон. *Рўзиевнинг чунонам жаҳли чиқдики, асти қўяверинг. «Ёшлик». [Бузоқ] Ғазаб билан мўраганча, думини хода қилиб, чунонам югурди! «Шарқ юлдузи».*

ЧУНОНЧИ [ф. چنانچه – шундайки, шунчаликки, зеро] Яъни, масалан; жумладан. *У кўп тилни, чунончи, рус, инглиз, араб тилларини ўрганган. ■ Соч касалликлари*

бир неча хил. Чунончи, сочинг туғунсимон касаллиги халқ орасида «сув сиркаси» деб аталади. «Фан ва турмуш».

ЧУРВАҚА Майда-чуйда, ёш болалар. [Чори ота:] Ёнимда ейман, ичаман, деб тишини қайраб турган беш-ўнта чурвақам йўқ. С. Нуоров, Нарвон.

ЧУРР тақл. с. Хуштак овозига ўхшаш товушларни ифодалайди. Қоровул бинодан югуриб чиқиб, «чурр» этиб хуштагини чалди. «Ёшлик».

ЧУРРА Ички аъзолардан бирининг ёки улар бир қисмининг, мас., ичакнинг осилиб, бирор бўшлиққа ички қорин пардаси билан туртиб чиқиб қолишидан иборат касаллик; дабба. Чурра умуртқалараро дискдан чиқадиған бўлса, бел ва оёқларга оғриқ беради, ҳаракат чекланади. «ЎЗМЭ».

Чурраси тушмоқ 1) чурра касаллигига йўлиқмоқ. Орқадан қудасининг «хўх», «хўх» дея кетмон уриб, лой ағдаришини эшитганида, кўзидан ёш сирқиб чиқди: Чурраси тушиб қолмаса эди. А. Мухтор, Кумуш тола; 2) катта чиқим қилмоқ. Тўйнинг ўзи бўладими, унча-мунчанинг чуррасини туширади. Шухрат, Умр поғоналари.

ЧУРРАК I Ўрдақдан кичикроқ, ов қилинадиган ёввойи қуш. Кун қиққунча ов қилди, шундай олғир қушлар ақалли бир чурракни олмади. «Юсуф ва Аҳмад».

ЧУРРАК II: чуррак нон с.т. Кавказ халқларининг тўртбурчак шаклли тарам-тарам миллий нони.

ЧУРУК с.т. Эски, жулдур, чириб кетган. Чурук тўн. Чурук маҳси. ■ Чурук кўрпача ташланган сандиқ, палос — уйнинг бор жиҳози шу. «Ёшлик». Чурук костюм кийиб олган киши айниқса хириллаб кўп гапирарди. «Шарқ юлдузи».

ЧУРУЛЛАМОҚ «Чурр» этган овоз чиқармоқ (хуштак ҳақида). Узоқда хуштак чуруллади. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧУРҚ: чурқ этмади Овоз чиқармади; оғиз очиб, бирор нарса демади, индамади. Йўлда Яхшибоев анчагача чурқ этмади. М. М. Дўст, Лолазор. Амакиси унча-мунчага чурқ этмайди, камгап. «Ёшлик».

Чурқ этган товуш йўқ Ҳеч қандай товуш эшитилмайди, жимжит.

ЧУЧВАРА Ичига қийма солиб тугилган, мантидан кўра кичикроқ хамир овқат. Кўк чучвара. Қовурма чучвара. ■ Чучвара жа-

ҳон пазандалигида кенг тарқалган таом ҳисобланади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Вафо атторнинг келини бир лаган чучвара чиқарди. Н. Аминов, Ёлғончи фа-ришталар.

Чучварани хом санамоқ Йўқ ёки амалга ошмайдиган нарсага ишонмоқ; хом ўйламоқ, хомхаёл қилмоқ. Сен чучварани хом санаб юрибсан, ука, дўст билан душманни ажратолмайсан. И. Раҳим, Ихлос.

ЧУЧВАРАХОНА Чучвара пишириб, хўрандаларга хизмат қиладиган махсус ошхона.

ЧУЧИМОҚ 1 Ширин тортмоқ, ширин бўлмоқ. Ҳолва деган билан оғиз чучимади. Мақол. ■ Қисқаси, ҳозир ширин гапирган билан оғиз чучимади, бу қуруқ гап бўлади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Қизиб, доғ бўлиб тозаланмоқ. Энди отни совитмоққа киришди: тузни сувга ивитиб, отни ювди.. зиғир мойини чучитиб, ичига ишқор солиб ювди. «Гуруғлининг туғилиши».

ЧУЧИТИЛМОҚ Чучитмоқ фл. мажх. н. Чучитилган мой ва қовурилган гуштининг мазали ҳиди димоғларга урилди. Ойбек, Навоий. Қўшни ҳовлидан чучитилган жувоз мойининг иси келди. С. Аҳмад, Ҳукм.

Чучитилган сув Махсус йўл билан шўри кетказилган денгиз суви.

ЧУЧКУРМОҚ айн. акса урмоқ қ. акса. Илгари Аҳмадали устма-уста чучкурса, «ғўза гуллаяпти», деб башорат қилар.. эди. «Ёшлик».

ЧУЧМАЛ 1 Тузи ёки шираси меъеридан кам, маза-матраси йўқ; бадхўр, тотсиз, бемаза. Чучмал овқат. ■ [Нусратбек] Амунинг қизғиш-лойқа сувини эслатувчи чучмал қаҳвадан тотиб кўрди-ю, ичмади. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

2 кўчма салб. Тайинли бир маъноси йўқ; бетайин, ноаниқ, дудмол. Чучмал жавоб. Чучмал гап. ■ -Шунинг учун ер юзиди чучмал одам кўп-да, — деди йигит бармоқларини асабий уйнатиб. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. Рухсат айланг, о буюк зот, тиз чўкай сизга, Ҳар хил чучмал тавозедан йироқман гарчанд. А. Орипов, Йиллар армони. Дастёр йигит чучмалгина ишшайиб, арава-сини шийпон томон суриб кетди. «Ёшлик».

ЧУЧМАЛЛАШМОҚ Бачканалашмоқ, бачкана бўлмоқ; дудмоллашмоқ. -Бир аёл бор

экан, — деди Баширжон чучмалланиб.. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ЧУЧМУМА Эрта баҳорда очиладиган бинафшаранг, чочоқ гулли ўтсимон ўсимлик ва унинг гули. Ёнбағирларда худди биров атайлаб сафсар сиёҳ тукиб юборгандек, чучмўмалар шамолда силкинади. С. Аҳмад, Жимжитлик. Қизғалдоғу чучмўмалар билан қопланган ариқ уватиға беҳол чўқдим. А. Кўчимов, Ҳамза.

ЧУЧУК 1 Аччиқ эмас, нордон эмас; ширин. Чучук олма. Чучук анор. ■ Чучук қалампир асосий дармондориларнинг манбаи бўлиб.. аиниқса, С дармондорига жуда бойдир. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Лимонли шарбатлар, чучук чойлар.. ўзининг илжобий натижасини кўрсатмасдан қўймайди. Газетадан.

Чучук сув Таъми яхши, ичимли сув (дарё, булоқ ва ш. к. суви ҳақида). Чучук суви соғиниш туйғуси ҳали менга таниш эмас, лекин шу дақиқадан уни мен сеза бошладим. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 кўча Кишига озор бермайдиган; ёқимли, кўнгилли, ширин. Бир аччиқнинг бир чучуги бор. Мақол. ■ Бир оғиз чучук сўз одамнинг кўнглини қанчалар кўтаради! Газетадан. Мени Юлдуз пари дейди, Тилим бордир болдан чучук. «Нурали».

3 кўча Айрим товушларни (мас., «р» ни) тўла айта олмайдиган. Тили чучук бола. ■ -Насимжон Файзуллаев, — деди чучук тил билан секретарь ва гилам четига омонатгина ўлтириб, сўзини давом эттирди. Ойбек, О. в. шабадалар.

ЧУЧУКЛИК 1 Чучук эканлик. Олманинг чучуклиги. Тилининг чучуклиги.

2 Ширинлик, қанд-курс. Чучукликка ўч одам. Чучуклик билан чой ичмоқ.

ЧУЧУКМИЯ айн. ширинмия.

ЧУЧУКТОМОҚ айн. ширинтомоқ.

ЧУЧУТ: чучут отмоқ Сайрамоқ (бедана ҳақида). Наврузий беданаларнинг пайдарпай сайрашлари кўклам келишига «Хушвақт, хушвақт» деб чучут отади. Ғ. Фулом, Ёдгор.

ЧУШКУРМОҚ шв. Акса урмоқ, аксирмоқ. Билинар-билимас чушкурди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЧУҚУЛАМОҚ Ўйиб, ковлаб, чуқур(ча) ҳосил қилмоқ; чуқурламоқ. Эркиндан садо

чиқмас, у бошини эгиб, қумни чуқулаб ўтирар эди. Газетадан.

Ер чуқулаб ўтирмоқ кам қўлл. айн. ер чизиб қолмоқ (ёки ўтирмоқ) қ. чизмоқ. Валижон.. бошини қўйи солганча, ер чуқулаб ўтирарди. О. Ёқубов, Ларза.

ЧУҚУР 1 от Қазилган, ўйилган ёки табиий чуқурлик, ўйик; ўра. Бировга чуқур қазисанг, ўзинг йиқиласан. Мақол. ■ Бу ахлатларни тезда шупуриб, бир чуқурга тукиб, устидан тупроқ тортиб.. А. Қодирӣ, Кичик асарлар. Кўчат келтириб, чуқурга қўяман, танасидан тутиб тураман, Яхшибоев ўртасига тупроқ тортади. М. М. Дўст, Лолазор.

2 сфт. Сатҳдан анча паст; чўнқир, теран. Чуқур дарё. Чуқур ҳовуз. Чуқур жарлик. ■ Бинонинг ранги униқиб кетган, кўҳна ёғоч дарвозаси олдидан чуқур ариқ оқарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Елкамнинг чуқури кўрсин «Бирор жойга ҳеч қачон қадам босмайман» деган маънода айтиладиган ибора. -Шу магазини елкамнинг чуқури кўрсин, — деб жаҳл билан чиқиб кетди [қиз]. «Ёшлик».

3 рвш. Ичдан, ўпкадан тўлиб-тошиб чиққан ёки ўпкани тўлдирувчи. Қудрат «тушимми, ўнгимми?!» деб чуқур хўрсинди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Нигора чуқур нафас олди. «Шарқ юлдузи». Яхшибоев чуқур тин олди. М. М. Дўст, Лолазор.

4 сфт. кўча Ҳар томонлама кенг, асосли, атрофли, теран. Чуқур маъно. Чуқур илмий текширишлар. ■ Олимнинг бу йилларда эълон қилган мақолалари чуқур таҳлилга эга эканлиги билан ажралиб туради. «ЎТА».

5 сфт. кўча Кучли; беҳад катта. Чуқур қайғу. Чуқур сукунат. ■ Онанинг кўнглига чуқур ғашлик чўккан. «Саодат». Тайёрланаётган таомларнинг сифатидан ишчилар чуқур қониқиш ҳосил этишяпти. Газетадан.

6 рвш. Юзадан ичкарига, ич-ичига. Чуқур ботаверди юракка ханжар. Ҳ. Даврон.

7 рвш. Мустаҳкам, қаттиқ. Ҳалима Носированинг беқиёс санъати, табиий ва бетакрор овози халқимиз қалбидан чуқур жой олди. «Саодат».

ЧУҚУРЛАМОҚ Чуқур қилмоқ, чуқур ковламоқ. Ўрани чуқурламоқ. Зовурни чуқурламоқ.

ЧУҚУРЛАШМОҚ 1 Чуқур бўлмоқ, чуқур тортмоқ. [Қариянинг] Сийрак қошлари бир-икки паст-баланд бўлди, пешонасидаги толим-толим ажинлари чуқурлашди. «Ёшлик».

2 кўчма Кенгаймоқ, теранлашмоқ. Муҳаббати чуқурлашди. Билими анча чуқурлашди. ■ «Машираб», «Муштум» кулги мажмуаларимиз ҳажвияда унча чуқурлашолмайдилар. А. Қодирий, Кичик асарлар.

3 кўчма Жиддийлашмоқ, зўраймоқ. Муаммо чуқурлашди. ■ Марҳумнинг шахси аниқланиб, маълумотлар бирин-кетин кўпайган сари, масала янада чуқурлашиб, калаванинг учи кўринай демасди. «Ёшлик».

ЧУҚУРЛИК 1 Чуқур жой; ўра, чоҳ. У [Султон тандирчи] битта-битта қадам ташлаб юради. Чуқурликлар, камарчалар олдида тўхтайди. «Ёшлик».

2 кўчма Чуқур эканлик, теранлик. Уйғуннинг воқеавий шеърларида лиризмнинг, субъектив асоснинг чуқурлиги, эпик психологизмнинг кучлилиги ҳам шундандир. «ЎТА».

ЧУҚУРЧА Кичкина, пастак чуқур. Билъярд чуқурчаси. Юз чуқурчаси. ■ Девор остидаги чуқурчада қон кўпикланиб турар.. эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ЧУҒЗ [ф. چغز / چغز — бойкуш] эск. кт. айн. **бойкуш**. Уфқи хонадонингда кулсин ҳар замон ҳуришиди бахт, Ҳар тараф тахти равоининг топмасин чуғз ошён. Ғ. Ғулом. Халқ ичида босе бўлдум афсона, Чуғз янглиғ, сўрма, жошим вайрона. Муқимий.

ЧУҒУЛЛАМОҚ айн. **чуғурламоқ**.

ЧУҒУР 1 айн. **чувур** I. Бир зумда эшик болалар чуғурига тўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 тақл. с. Баъзи қушларнинг баравар сайрашидан чиқадиган қоришиқ овозларни ифодалайди. Қушларнинг чуғурини, булоқлар жилғасининг шилдираганини эшитгандек бўларди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧУҒУРЛАМОҚ 1 «Чуғур-чуғур» овоз чиқармоқ, «чуғур-чуғур» сайрамоқ. Қушлар ошён қуриш ташвишида чуғурлайди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси

2 айн. **чулдирамоқ** 3. Уч яшар бола нима эканини биласизми? Билмайсиз.. Кўчадан келганинда, тиззангага ўтирса, қўлчаси билан юзинини силаса, чуғурласа. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЧУҒУРЛАШМОҚ 1 Чуғурламоқ фл. бирг. н. Қушлар чуғурлашмоқда.

2 Баравар гапириб шовқин кўтармоқ. Болалар чуғурлашди. ■ — Ёмон одаммас бу, — баъзилар яна чуғурлашади. Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

ЧУҒУРЧУҚ Қора патли, гала бўлиб юрадиган, ерда ва дарахтда ҳаракатланишга мослашган, ҳашарот ва мевалар билан озиқланадиган қуш. Ёз бўйи сон-саноқсиз ҳашаротларнинг бошига етадиган чуғурчуқ бир кунда 1230 километр учиб ўтади. «Фан ва турмуш». Боғларда тонг ғира-ширасида чуғурчуқ, майналарнинг нағмаси авжга ми-нади. С. Нуров, Нарвон.

ЧУҒУР-ЧУҒУР 1 Чуғур 2 с. тақр. Ҳовли жимжит, фақат сатҳида насибасини те-риб юрган мусичаларнинг қуқусию чумчуқларнинг чуғур-чуғуригина жимжитликни бузади. «Ёшлик».

2 Қоришиқ ғовур-ғувур гап, овоз; чу-вур-чувур. Тушликка чиққан аёлларнинг чу-ғур-чуғури.. С. Зуннунова, Олов.

3 рвш. Ўзаро суҳбат, гурунг. Она-бола чуғур-чуғур қилиб, ошга дамтovoқни бости-ришгач.. ҳовлига тушишди. Газетадан.

ЧУҲ айн. **чув** I. [Юсуф] Отни «чуҳ» деб ҳайдаб ўтиб кетаверди. «Юсуф ва Аҳмад».

ЧУҲЛАМОҚ «Чуҳ» деб отни юришга ундамоқ.

ЧЎБИР шв. айн. **чубур**. Яхшибоев чў-бирини тўрдаги охурга боғлаб, тумишугага тўрва илди. М. М. Дўст, Лолазор. Оғажон, менинг ёдимга плугдан чиққан чўбир от тушиди. Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ЧЎГИР 1 айн. **чўғири**.

2 айн. **чўкиртақ**.

ЧЎГИРИ Сариқ ёки малларанг йўлли, олапўчоқ, эртапишар ширин маҳаллий қо-вун нави. Чўғири тилимидек олтинранг ой оҳиста сузар эди. «Ёшлик».

ЧЎГИРМА Хоразм ва Қорақалпоғис-тонда расм бўлган катта мўйна қалпоқ. Абу Наср елкасига ямоқ тушган бўз чопонли боланинг бошидаги қўтир чўғирмасига қараб, уйга толди. М. Осим, Карвон йўлларида. Бошида улкан чўғирма, почанўстинининг этагини ҳилпиратиб Ўтар бобо келди. С. Сиёев, Аваз. Иккалови ҳам чўғирма, тўн ва чорик кийган. Э. Самандар, Тангри қудуғи.

ЧЎЗАЛА шв. Бор бўйича чўзилиб; узала. [Бузрукхўжа] Остига чала қуриган бедадан

тушаб, бошига ҳам катта бир боғини қўйиб, қўзала тушиб ётиб олди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ЧЎЗИЛМОҚ 1 Чўзмок фл. ўзл. ва мажҳ. н. Синов муддати раҳбарият томонидан яна бир ойга чўзилди. Йўғон чўзилар, ингичка узилар. Мақол. ■ Қўллар ошга чўзилди. М. М. Дўст, Лолазор.

2 Бўйин чўзиб, тик турган ёки ўтирган ҳолда гавда билан юқорига ёки бирор тарафга интилмоқ. Нариги хонада шовқин эшитилди. Яхшибоев чўзилиб қараб, кечаги «злчи»ни кўрди. М. М. Дўст, Лолазор. ..пакана шофёр оёқ учида чўзилиб, орқа бортнинг илгагини кўтарар.. дадам бортни тутганча, унга кўмаклашарди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

3 Узунасига катта ҳудудни эгалламоқ, жойлашмоқ. Бир тарафи — дашт, бир тарафи — тоғ, сойликлар ичида чилвирдай чўзилиб ётган қишлоқ экан. М. М. Дўст, Лолазор. Тепаликлар қишлоқ чегарасигача чўзилган экан. Газетадан.

4 Бўйига узаймоқ, ўсмоқ. Интизорликда бўйи чўзилиб, эси кириб, Саттор акасининг қадрига етадиган бўлиб қолади бу пичингчи пучуқ. А. Мухтор, Кумуш тола.

5 Узоқ давом этмоқ. Беҳаловат кеча унинг назарида анча чўзилди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. [Жарроҳ:] Олдиндан айтиб қўяй.. даволашни муддати бир йилгача чўзилиб кетиши мумкин. «Ёшлик».

6 Узала тушиб ётмоқ. Арқон чўзилиб ётибди. ■ Гулчеҳра ноилож уйга қайтиб келиб, ўрнига чўзили. «Саодат». [Абдурахмонбой:] Мен жиндак чўзилмасам бўлмайди, иситмам бор. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

7 Чарчаб, ҳолдан тойиб йиқилмоқ. [Директор:] Агар мен бир кун у қилган ишни қилсам, эртасига ишга чиқолмай, чўзилиб қоламан. «Ёшлик».

8 Кўча Кўп, узоқ гапирмоқ. Нотиқ роса чўзилди.

ЧЎЗИЛУВЧАН Яхши чўзиладиган. Чўзилувчан толалар. Чўзилувчан модда.

ЧЎЗИЛУВЧАНЛИК Яхши чўзилиш хусусиятига эгалик. Модданинг чўзилувчанлиги. Толанинг чўзилувчанлигини текширмоқ.

ЧЎЗИНЧОҚ Бўйи энига нисбатан анча узун; чўзиқ, узунчоқ. Чўзинчоқ юз. Чў-

зинчоқ ҳовли. Чўзинчоқ қовоқ. ■ Аёли мулзам тортиб, мунғайиб қолди. Чиройли чўзинчоқ юзида ёноқлари ёнди. С. Нуров, Нарвон. Гаванадан учган самолёт Чилининг чўзинчоқ харитаси бўйлаб учиб, қайсидир кўрфазни кесиб, Панамага тушди. М. М. Дўст, Лолазор.

ЧЎЗИҚ 1 айн. чўзинчоқ. Чўзиқ юз. Чўзиқ стол. Чўзиқ супа. ■ Каталакдеккина ҳовли экан, икки-уч уй, охирида нураб ётган чўзиқ айвон — бор-йўғи шу. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Узоқ давом этган ёки этадиган, узун, давомли (овоз, товуш, ҳайқирӣқ ва ш. к. ҳақида). Чўзиқ овоз. ■ Олислаб бораётган паровоз, нола чеккандек, чўзиқ гудок чалди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

3 тлш. Узоқ, давомли талаффуз этиладиган. Чўзиқ унли. Чўзиқ бўғин.

ЧЎЗИҚЛИК 1 Чўзиқ бўлишлик.

2 тлш. Талаффузнинг узунлиги, давомлилиги. Унли товушларнинг чўзиқлиги.

ЧЎЗМА Хамирни юпқа ёйиб, юзига пиёз, баъзан қийма солиб, ёғда пиширилдиган тансиқ овқат, юпқа. Чўзма қилмоқ. ■ Бир оҳангаронлиқнинг тўйига келган нон, қатлама, чўзманинг ўзига тўққизта сандиқ тўлибди. М. Алавия, Тўйларимиз ҳақида.

ЧЎЗМА-ЧАЛПАК Ёғда пиширилган юпқа хамир таомлар.

ЧЎЗМОҚ 1 Тортиб узайтирмоқ, узайтмоқ. Резинкани чўзмоқ. Хамирни чўзмоқ. ■ [Жайрона:] Полуфабрикат магазинидан музлатилган чучвара, гувалача қилиб тайёрланган котлет, ёғли хамир, чўзиб қўйилган лағмонларни опкелиб, пишириб юрган одамман. С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Уриб, пачақлаб, чиғирдан ўтказиб ёки бошқа бирор йўл билан узайтирмоқ, ёймоқ. Симни болғалаб чўзмоқ. ■ Қоратой.. қизил чўғ бўлган темир парчасини болға билан гурс-гурс урар, яссилар, чўзар, қайирав эди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўча Бир гапни ҳадеб гапиравермоқ, гап чайнамоқ, эзмалик қилмоқ. Отанг темирчи бўлса ҳам, гапни чўзма. Мақол. ■ -Гапни чўзманг, — жеркинди Ҳақназаров.. О. Мухтор, Эгилган бош.

4 Қўлни, тана аъзоларини юқорига ёки олдинга узатмоқ, чўзилтирмоқ. [Аваз] Қаламга қўл чўзди. С. Сиёев, Аваз. Тоғжинисо бегим нола билан кўкка чўзган қўлларини ерга

ташлаб энгашди. «Ёшлик. Креслога ўтириб, оёғини олдинга чўзди. «Саодат».

5 Қўл узатиб, бирор нарсани бермоқ. Қараса, юзлари шафтолиқоқидай бурушиқ бир кампир қандолатфурушга кумуш танга чўзиб турарди. С. Сиев, Аваз.

6 Узайтирмоқ (мудлат, вақт ва ш.к. ҳақида). Ўқув йилини августгача чўзмоқ. ■ Ўша жойда.. элчихона ходимлари озгина койинган бўлиб, визасини чўзиб беришди. М. М. Дўст, Лолазор.

7 Орқага судрамоқ, кечиктирмоқ, пайсалга солмоқ. Экин кампаниясини чўзиб юборманг. ■ Шошилмасликнинг иккинчи, ҳам кучли сабаби, мумкин қадар тўйни узоққа чўзиб, шу воситада Анварни соғиш.. эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

8 Иқтисод қилиб, тежаб-тергаб, кўпга етказмоқ. Оз пул олса ҳам, чўзиб-чўзиб, уч кунга етказди. ■ Бу маблағни у [Тўғонбек] анча чўзди. Ойбек, Навоий.

Бўй чўзмоқ қ. бўй I 3. Кекирдак чўзмоқ қ. кекирдак.

ЧЎЗҒИ тлш. эск. Унли товуш ва унинг график белгиси (араб алифбосидан фойдаланилган вақтларда). У [Саидакбар] ҳарфларнинг чўзғиларини эгри-бугри ёзарди. С. Айний, Эсдалиқлар.

ЧЎЗҒИЛАМОҚ Чўзиб тортмоқ, тортқиламоқ; чўзиб-чўзиб узайтирмоқ. [Омонни] Кўтариб боряпман-у, нуқул қўлоғимни чўзғилаб ўйнайди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧЎК: чўк тушмоқ айн. чўк(ка) тушмоқ қ. чўк(ка). Чўк тушиб ўтирмоқ. ■ Вужуди қўлоққа айланиб, Юнусхон онаси сари энгашди, чўк тушди. «Ёшлик». [Амаки] Қўққис бандидан узилган шохдек гурсуллаб, кигиз устида чўк тушди. Н. Қиличев, Чиғирик.

ЧЎКАР айн. чўкарқанд. Чўкар қовун мағзи кўм-кўк.. Шундай шарват-қандингиз манов ёқда қолади. М. Қўшмоқов.

ЧЎКАРҚАНД Қовуннинг ширин бир нави.

ЧЎКИК Ичига кирган, чўккан, ботган; ботик. Қобилжоннинг чўкик юзидан Қони қочди, сабри қолмади. Ҳ. Пўлат. Муаллима опа.. чўкик кўринадиган ўйчан кўзларини болаларга тикди. «Ёшлик».

ЧЎКИНДИ I Тинган суюқликнинг тагига чўккан қуйқаси, тагида тўпланиб қолган лойқа. Агар Орол денгизининг суви қуриб,

унинг сатҳидаги чўкинди тузларни қуюн учирса, бир қанча областларни метрлаб қалинликда туз қоплар экан. А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

2 геол. Узоқ ўтмишда мавжуд бўлган, сув ҳавзаларининг тагидаги қолдиқлардан юзага келган тоғ жинслари. Тоғ жинсларининг нурани натижасида, шунингдек, чўкинди тарзида бўлган экзоген конларда ҳам олтин учраса-да, лекин улар кўпинча саноат аҳамиятига эга бўлмайди. «Фан ва турмуш».

ЧЎКИР айн. чўкиртақ. Оёғимни чўкир тилиб, Давлатим сағана бўлиб.. «Юсуф ва Аҳмад».

Чўкир тиш айн. чўкиртақ тиш қ. чўкиртақ. [Кампирнинг] Ора-сира қолган чўкир тишлари кўриниб кетди. «Ёшлик».

ЧЎКИРЛИК Тикан қоплаган ер, тиканзор. Чўкирликда яланг оёқ елганда, Сўнги пушмон наф бермайди, Юсуфжон! «Юсуф ва Аҳмад».

ЧЎКИРМОҚ I Тиз чўктирмоқ, чўккалатмоқ (асосан, туя ҳақида). Туяни чўкириб минмоқ.

2 кўчма Ўқситмоқ, чўктирмоқ. Ярадорман, деб кўнглингни чўкирма. «Юсуф ва Аҳмад». Кўнглини чўкирма мендай бувишини.. «Интизор».

ЧЎКИРТАК Чақиртиканакдай ўткир синиқ-мертик шох, илдиш, поя ва ш.к. [Мустафо] Аввал сочилиб ётган чўкиртақларни эринмай териб ташлади.. М. М. Дўст, Ғалатепа қиссалари. Бир-икки ёмғир кўрган чўкиртақлар кўнғир тус олган. «Ёшлик».

Чўкиртақ тиш Чириган, еликкан синиқ-мертик тиш.

ЧЎКИЧ Қаттиқ тошлоқ ер, муз ва ш.к. ни қазийш, ковлаш учун ишлатиладиган, учи ўткир пўлат асбоб; метин. Чўкич урмоқ. ■ Лекин фақат оёқ билан чиқмаслар тоққа, Арқон керак, чўкич керак, керак от-улов. А. Орипов. Биров чўкич билан заранг ерни юмшатади, тўп-тўп одам юқорига шағал ташийди. «Ёшлик».

ЧЎКИЧЛАМОҚ I Чўкич билан уриб бўшатмоқ, ушатмоқ, бузмоқ, қазимоқ, ковламоқ. Кўмир чўкичламоқ. ■ Шу вақтда бир жинғилни томири билан чўкичлаб ковлай берди. «Нурали».

2 Болғалаб ишлов бермоқ. Олам бўйи тарқалди шиор: Қиличларни қайта чўкичлаб,

Биз уларни оловда ушлаб, Омоҳ, ўроқ қилайлик тайёр! М. Шайхзода.

ЧҶҶК(КА): чўк(ка) тушмоқ 1 айн. чўкка-ламоқ 1. Рустам бобо қиблага қараб чўкка тушди-да, ничирлаб, калима ўгира бошлади. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Кампир уни [кийикни] эшик олдида қолдириб, ич-каридан пақир олиб чиқди-да, чўкка тушганча, пов-пов соға бошлайди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 айн. тиз чўкмоқ қ. тиз 1. Юзларингени майлига яшир, Керак эмас нозлар, имолар. Гўзалликнинг қошида ахир Чўкка тушган ҳатто худолар. А. Орипов.

ЧҶҶККАЛАМОҚ 1 Оёқларни тиззадан букиб, тиз ва оёқ қафтларига таяниб ўтирмоқ, чўкка тушиб ўтирмоқ, чўкка тушмоқ. Султон пиён гиламга чўккалаб, майин, ингичка овозда гап бошлади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Ойсара шошилмай бориб, бешик ёнига чўккалади. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Зулҳумор ерда чўккалаб ўтирганича, атрофга аланглади. М. Мансуров, Ёмби.

2 Бирор нарса таъсирида оёқлари букилиб, тиззаларга таяниб қолмоқ, тиз чўкмоқ. Дадам, биров оёғидан чалиб юборгандек, чўккалаб қолди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Ўша заҳоти ойимнинг қўлидан капгир учиб кетди. Бошидаги жун рўмоли елкасига тушиб, қорга чўккалаб қолди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧҶҶКМА 1 айн. чўкинди 1. Машинасозликда мос келувчи электролитлар йўқлиги сабабли теллурнинг электролитик чўкмаси шу вақтгача қўлланмай келарди. «Фан ва турмуш».

2 Ер сатҳининг чуқурлашиб, чўкиб қолган қисми. Бухоро дельтасининг юзаси текис бўлса ҳам.. кичик-кичик чўкмалар кўп. П. Гуломов, Зарафшон этакларида.

ЧҶҶКМОҚ 1 Тиззаламоқ, чўкка тушмоқ. Чўк, деса, туя ҳам чўкар. Мақол. ■ Унинг [қудуқнинг] ёнига чўккан нортуюни эса, бора-бора қум кўмиб, улкан туятепага айлантирибди. М. Мансуров, Ёмби.

Тиз чўкмоқ қ. тиз 1. Мард номардга тиз чўкмас. Мақол. ■ ..бир пешин чоғи пайкалда [Анвар] тиз чўкиб, Севаргулжон, мен сизни севаман, деди. Н. Қиличев, Чигирик.

2 Умуман, бирор жойга ўтирмоқ. Турди ғилай Малик муаллимнинг ёнига чўкди. А. Кўчимов, Ҳалқа. Ранги ўчган ўриндиққа чўкканча, баргелари тўкилган намчил новда-

ни томоша қилипман. «Ёшлик». Нурали ито-аткорлик билан супага чўкди. «Шарқ юлдузи». Хориганимдан ноилоҳж тўнкага чўкдим. «Ёшлик».

3 Сатҳ, юзадаги дастлабки вазиятига нисбатан пастламоқ; ботмоқ; ич-ичига кириб кетмоқ. Ер сатҳининг бир хил жойлари чўкиб, бошқа жойлари кўтарилиб туради. «Фан ва турмуш». Алимардон унинг.. ичига чўккан кўзларига бир лаҳза тикилиб қолди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Тиниб, тагига ўтирмоқ, тинмоқ (суюқликдаги аралашма, қуйқа ва ш.к. ҳақида). Лойқа чўкиб, сув тиниқлашибди. Намақобнинг тузи тагига чўкиб қолибди.

5 Фарқ бўлмоқ, ботмоқ; сувга ботиб, оқиб ҳалок бўлмоқ. Чўкаётган чўнга ёпишар. Мақол. ■ [Аёл] Беихтиёр мувозанатини йўқотиб, сувга чўкди. «Ёшлик».

6 кўчма Қадди, бўйи қисқариб, пастроқ, калтароқ бўлиб қолмоқ, қисқа тортмоқ. Унинг [Баширжоннинг] бўйи бир қарич чўккандек, елкалари чиқиб, қомати олдинга энгашиб қолгандек эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Эрининг ранги докадек оқариб кетган, ўзи бир зумда чўкиб, кичкина бўлиб қолганди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. Деворлар жим чўкаверади.. Х. Даврон.

7 Тепадан пастга тушиб, сатҳни қопламоқ. Осмон юзини қоплаган қуюқ сарғиш чанг ерга чўкди. Мирмуҳсин, Гурбатдаги одам. Баланд тоққа чўкар қор. «Нурали».

8 Қопламоқ, ёйилмоқ. Оқшом чўкди. ■ Тун оғиб, қоронғилик чўкди. Мирмуҳсин, Темур Малик. Қишлоққа тун чўка бошлаганда, менга жиян саналмиш Зокир шдан қайтди. «Ёшлик».

9 кўчма Эгалламоқ, ўрнашмоқ (руҳий ҳолатга нисбатан). Онанинг кўнглига чуқур ғашлик чўккан. «Саодат». [Яхшибоев:] Меҳр кейин келди, армонларим юрагимнинг тубига чўкди. М. М. Дўст, Лолазор. Хотира — унутилмас, унутиб бўлмас армон. Юрак қаърига чўккан хаёл. «ЎТА».

10 Маълум муддат давом қилмоқ. Орага оғир жимлик чўкди. «Ёшлик». Сўхбат узилиб, орага сукунат чўкди. «Саодат».

11 кўчма Руҳий тушкунликка тушмоқ. Фарзандининг ўлиmidан сўнг она анча чўкиб қолди. Газетадан. Эрининг хиёнати Фазилатни беҳад чўктириб юборди. «Ёшлик».

12 кўча Иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга тушмоқ; орқада қолмоқ. У [Исмоилова] чўкиб қолган бир неча колхозни бирлаштириб, уларни кўтаришга раҳбарлик қилди. Н. Сафаров, Оловли излар.

Кўнгли чўкмоқ қ. кўнгил 1. -Хариш деманг, отимнинг кўнгли чўкади, — деб Авазхон отининг сағрисини силади. «Гулшанбоғ». **Оқ туя чўкли** Биринчи, дастлабки қор ёғди.

Чўл 1 Ўсимлик жуда кам ўсадиган, доимий қуруқ ва иссиқ иқлимли, сувсиз бепоеъ дашт; сахро, биёбон. Қизилқум чўллари. Қақроқ чўл. Бойсун чўли. Тома-тома кўл бўлур, Ҳеч томмаса, чўл бўлур. Мақол. **Поезд Малик чўли бағрини тилиб борарди.** Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Мен бу чўллар қўйнида туғилиб топдим камол. А. Орипов. Чўл шамоллари, жумладан, гармсел ҳавони қуруқлаштиради. «Фан ва турмуш».

2 кўча кам қўл. Ташна, зор. Болага чўл хотин.

Чўлистон Чўл-биёбондан иборат бўлган ер, қуруқ сахро. Амунинг ўнг қирғоғидаги бепоеъ чўлистонда биридан-бири даҳшатли воқеалар юз бера бошлади. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Сенинг босган изинг бўлган гулистон, Неча душман элин қилдинг чўлистон. «Маликаи айёр».

Чўлиқ шв. Кичик чўпон, чўпоннинг ёрдамчиси. Ойчинор балоғатга етгач, уни Холиёрнинг чўлиғи севиб қолади. «Фан ва турмуш». **Холбута..** ўзим ана шу чўпонга чўлиқ бўлсам.. деб ўйларди. «Ёшлик».

Чўлиқчи айн. чўлиқ.

Чўлламоқ Сувга ташна бўлмоқ; сув-самоқ, чанқамоқ. Чўллаб, оғзим қақраб кетди. Чўллаган ерлар. Чўллаган ғўзалар. **Сахрода чўллаган ғариб йўловчи Бўтана сувни ҳам шарбат деб тотар.** Уйғун.

Чўлланиш Қурғоқчил иқлимли ўлкаларда экологик тизимларнинг бузилиши: табиий ўсимликлар ва ҳайвонлар тури ва миқдорининг камайиши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши ва ш.к. Дунёда 250 миллион киши чўлланиш жараёнидан азият чекмоқда. Газетадан. Минтақамизда ҳам чўлланиш давом этапти. Газетадан.

Чўллик Чўлда яшовчи киши, чўл кишиси. Кўпгина маданий-маиший объектлар чўлликларга хизмат қилапти. Газетадан.

Чўлоқ 1 Оёғи майиб; оқсоқ. Чўлоқ киши. Чўлоқ қуш. Чўлоқ бўлсанг ҳам, нўноқ

бўлма. **Ибройим чўлоқнинг сўзларидан сўнг узунқулоқ маҳобатлар урчигани муқаррар.** М. М. Дўст, Лолазор. [Жувоннинг эри] Чўлоқ бўлса, девор ошиб, ўғирлик қилиб бўлмагандир. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Кўли ёки оёғи йўқ; ногирон, инвалид. Кўли чўлоқ одам.

3 с. т. Оёғи синиқ, синган (стол, стул ва ш.к. ҳақида). Чўлоқ стул.

Чўлоқ кетмон Дастаси калта ёки синган кетмон.

Чўлоқланмоқ 1 Оқсаб юрмоқ, оқсоқланмоқ, оқсамоқ. Тангриқул чўлоқланиб, кўзини ушлаб, бошқа сўқмоқ билан жарликдан чиқиб кетди. Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. Дадам чўлоқланиб югурди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Оёқ ёки қўлдан ажралиб, ногирон, инвалид бўлиб қолмоқ.

Чўлоқлик 1 Чўлоқ бўлишлик. Оёқнинг чўлоқлиги. Қўлнинг чўлоқлиги. Стулнинг чўлоқлиги.

2 Оқсоқланиб юриш, оқсоқлик. У чўлоқларан, аммо чўлоқлик ва оғриқни жаҳл билан енгмоқчи бўлгандай, тўғри босишга тиришар, лекин зардаси бир неча қадамга етар эди, холос. Ойбек, Куёш қораймас.

Чўлп тақл. с. Нарсаларнинг сувга урилиши, бўса олиш ва ш. к. ҳаракатлардан ҳосил бўладиган товушларни билдиради. Ҳовузда кичик балиқча «чўлп» сакраб, кумуш биқинини кўрсатди-да, сув юзиди ҳалқачалар қолдириб кетди. С. Нуоров, Нарвон. [Марат қизининг] Қўлоғининг остгинасидан чўлп этиб ўпиб қўйди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

Чўлпи I Аёлларнинг сочга тақиладиган ёки кўкракка туштириб юриладиган, кумуш ёки олтиндан ясалган зийнат буюми. Шол рўмол ўраган кадахудо оналарнинг елкасида кумуш чўли жиринглайди. С. Сиев, Аваз. Сора кампирнинг сочи учидида чўлпилари шиқирлаб, юқорига кўтарилди. «Ёшлик». ..кекса киши бир жуфт кумуш чўлпи билан тиллақош ўтказиб, эвазига ярим халтагина ун олди. С. Анорбоев, Сайити.

Чўлпи II шв. Човлисимон саватча. Лаққа балиқлар шу қадар кўпки, чўлпи.. сувга тикилса бас, тўлиб чиқаверади. Э. Самандар, Тангри қудуғи.

Чўлпилламоқ «Чўлп-чўлп» овоз чиқармоқ. Тош сувга чўлпиллаб тушиди.

ЧЎЛПОН 1 (Ч — катта) астр. Ёруғ тонг юлдузи; Зухра, Венера. *Осмон элининг турфа-туман юлдузи кўндир, Хўбдир бариси, равшани — Чўлпон, ёзасакман.* А. Орипов.

2 кўча Гўзал, чиройли, шаҳло (кўз ҳақда). *Уйнатиб қош, дилни ўртаб, кўзи чўлпоним келур. Уйғун. Шу чўлпон кўзларнинг буюк хурмати, Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея, Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати, Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?! А. Орипов.*

3 Чўлпон (хотин-қизлар исми).

ЧЎЛП-ЧЎЛП ЧЎЛ с. тагр. *Онам мени бағрига босиб, юз-кўзим демай, чўлп-чўлп ўпа бошлади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЧЎЛТОҚ 1 Юлинган, кесилган, калта, тўмтоқ. *Чўлтоқ дум. ■ [Нормат:] Шариф отолмайди — қўли чўлтоқ.* «Ёшлик». Чўпон бола яйловда зеркииб ўтирганида, урушда кўрганларини чўлтоқ қалам билан бир парча қоғозга тушира бошлайди. М. М. Дўст, Лолазор.

2 кўча Нотўла, юмалоқ-ёстиқ, тўмтоқ. *Чўлтоқ жавоб. Иншони чўлтоқ қилиб қўйибсиз. Жавоб чўлтоқ бўлиб қолди.*

ЧЎЛЯЛПИЗ Ёввойи ялпиз, кийикўтлар туркумига мансуб бир йиллик ўт.

ЧЎЛҚУВАР Чўлни ўзлаштирувчи, кўрик ерларни экиб обод қилувчи. *Чўлқуварларнинг фарзандлари ҳам яхши мактабларда ўқиши керак.* Газетадан.

ЧЎМИЛМОҚ 1 Чиниқиш, даволаниш мақсадида ёки иссиқдан дарё, ҳовуз ва ш. к. сувига тушиб сузиб юрмоқ. *Умид мошкичирини туширди, ундан кейин анҳорга чўмилгани жўнади.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Ечиниш ювинмоқ. *Душда чўмилмоқ. Ҳаммомда чўмилмоқ. ■ [Фотима:] Кечқурун Рашид абзининг мўрчасига борамиз. Сизам юринг. Маза қилиб чўмилиб келамиз.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

3 кўча Кўмилмоқ, чўммоқ, ботмоқ. *Океан ҳам нур қўйнида чўмиларди.* «Ёшлик» *Шабнамга чўмилиб, кўз очар дунё.* Газетадан.

ЧЎМИЧ 1 Суюқ овқатни шопириш ва сузиш учун ишлатиладиган, узун дастали рўзгор асбоби; ёғоғи. *Ёғоч чўмич. Сирланган чўмич. Қозонда бўлса, чўмичга чиқар. Мақол. Туяни чўмич билан суғориб бўлмас. Мақол. ■ ..қозонда сут қайнаган, сут чўмичда шопирилган, чўмичга қасмоқ ҳиди уннаган.* М. М. Дўст, Лолазор.

Чўмичда қоқмоқ Бировнинг ҳақини, тегишини қоқиб, уриб қолмоқ. *-Ҳатто энг олийжаноб мақсадлар бўлганда ҳам, — дейди Юсупов, — оддий одамларни чўмичда қоқмаслик керак.* Газетадан.

2 Бирор идишдан сув олиш учун ишлатиладиган, дастаси калта, ёғоч, металл ёки пластмассадан қилинган рўзгор асбоби. *Саид сув тўла чўмични узатаётганда, бир қўлтум сув отасининг сонига тўкилиб кетди.* «Ёшлик».

Экскаватор чўмичи Экскаваторнинг кум, тупроқ оладиган қисми; ковш.

ЧЎМИЧЛАМОҚ Чўмич билан сузмақ ёки ўлчамоқ. *Хўрандалар сотувчининг атрофини ўраб, ерга чўққайиб ўтирибдилар. Ошпазлар [овқатни] чўмичлаб сузиб бериб турибди.* Ғ. Фулом, Шум бола. *Хотин-халаж даладан чиқиб, ўчоқбошидаги катта флягадан чўмичлаб сув ича бошлади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЧЎММОҚ 1 Суюқликка, сувга ёки юмшоқ нарсага ботмоқ, чўкмоқ, кўмилмоқ. *Сувга чўммоқ. ■ Саодат.. ич кўйлагига бироз атир сепиб олгач, оқ чойшаблар орасига кириб, парёстикча чўмди.* И. Раҳим, Ихлос. *Бир кун томчи бўлиб, абадият Денгизига чўмиб кетаман.* Уйғун.

2 кўча Берилмоқ, кўмилмоқ, ботмоқ. *Хаёлга чўммоқ. ■ Мунчоқ кўзларингни тикиб турардинг, Чўмсам хаёлларга гоҳро, каклигим.* А. Орипов. *Хаёлга чўмган кишига олдидаги ҳақиқатдан йироқларда бўлган хаёлий ҳур-ғилмонлар ортиқча лаззатликдир.* А. Қодирӣ, Кичик асарлар.

3 Юзага келмоқ; қарор топмоқ; чўкмоқ. *Ёдгор жиддий сукунат чўмган залга қараб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 кўча Кўмилмоқ, қопланмоқ. *Қийғос гулга чўмар ҳар битта оғоч. «Саодат». Абзор ой нурларига чўмган саҳродан қайтаётиб, ўзини худди.. ой сатҳида кетаётган одамдек ҳис этди.* О. Мухтор, Эгилган бош.

ЧЎНГ [хит.] шв. Катта, улкан; зўр; кучли. *Чўнг харсанг. Чўнг гавдали. Чўнг дарё. ■ [Яхшибоев] Сездики, Қўзбойнинг дардлари чўнг.* М. М. Дўст, Лолазор. *У киши чўнг бувам бўладилар-да! Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар. Билаги чўнг баҳодир ночор қолган шохни опичаганча, хатарсиз жойга еткизади.* А. Дилмуродов, Фано даштидаги қуш. *Нақадар*

сулувсан, нақадаар инжу, Эй, сен шимол юртин чўнг ўрмонлари. А. Орипов.

ЧЎНТАК 1 Кийимнинг пул ва б. зарур енгил нарсалар олиб юриш учун тикилган сиртки ёки ички халтачаси; кисса. Ён чўнтак. Устки чўнтак. Соат чўнтак. ■ Бирор жойда топилса ногоҳ гавҳар донаси, Чўнтаги тешик ҳар ким даъво қилган ҳамиша. А. Орипов.

Чўнтагидан тушиб қолган с.т. Бировлардан қолиб кетган; сийқаси чиққан. Қачонлардир Фарбнинг чўнтагидан тушиб қолган одатларни «янгитдан» урф қилишимизга ҳожат йўқ. Газетадан. **Чўнтак дафтар** Ёнда олиб юриладиган, зарур маълумотлар ёзиб бориладиган кичик дафтарча; ён дафтар. Ёлмурод Ойимхон ва Ғулсум тўғрисида гапирганда, Алексей Иванович бу номларни чўнтак дафтарига ёзиб олди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўча с. т. Кимсага тегишли маблағ, пул. Ўз чўнтагидан сарф қилмоқ. Бировнинг чўнтагига тушмоқ. ■ Соябон дегани ҳам қиммат матоҳ экан. Чўнтак кўтармади. А. Нурмуродов, Уруш бевалари. Чўнтак чатоқ. Чўнтак қачон Қайта қураб ўзини? О. Матжон.

ЧЎНҚАЙМА Ўзбекча курашда қўлланадиган усуллардан бири. Чўнқайма — энг нозик санъат. ■ Борди-ю, полвон чўнқаймани эплай олмаса, ўзи мағлуб бўлади. Т. Мурод, Қўшиқ. Бўри полвон Утан полвонни чўнқаймага олиб урди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЧЎНҚАЙМОҚ 1 Оёқларни тиззадан букиб ва икки оёқ панжасига таяниб ўтирмоқ. Кумушбиби ариқ бўйидаги бир ўринни кўзлади-да, сакраб, нариги юзига ўтди ва чўнқайди. А. Қодирйй, Ўтган кунлар.

2 Орқа оёқларини букиб ўтирмоқ (хайвонлар ҳақида).

ЧЎНҚИР 1 с.т. Чукур, теран. Чўнқир ҳовуз.

2 Чуқурлик; ўра. Полк йўлга шай, саросима йўқ эди, Шунда Али чиқиб келди чўнқирдан. А. Мухтор.

ЧЎП [ф. چوب — дарахт, ёғоч; ҳоса] **1** Новда, шох бўлаг; ингичка, узун тараша, ёғоч парчаси. Ота узун чўп билан шиша тубини ковлаштира туриб, саволомуз тикилди. «Ёшлик». Даврон тоға яктаги ёқасидан зирк дарахти чўпидан йўнилган тишковлагични олиб.. тиш ковлашга тушди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Бирор мақсад учун махсус тайёрланган таёқ(ча). Ноғора чўп. Лангар чўп. Гугурт чўпи. ■ [Ноғорачи] Ноғора чўпи билан ноғорани эмас, худди ўзига ўхшаш бир йигитнинг қалбини савалаганини билмай қолди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

3 Молга овқат бўладиган қуруқ ўт, хас-хашак (беда, пичан ва ш. к.). Уй эгаси Муқимийни ётқизиб, дарғанинг отига яна пича чўп солгач, кўча эшикни тамбалаб, оёқ учида ичкарига кириб кетди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

4 Ўсимлик, гиёҳ. Норинда сув бор экан, Чўллар сувга зор экан. Чўп битмаган биёбон, Сув келса, гулзор экан. «Кўшиқлар». Мен бу кун дўстларимга афсус-надомат билан Ерга чўп қадамаган амирлардан сўйлайман. А. Орипов.

Арининг инига чўп суқмоқ Тинч ҳолатни бузиб, ўзига зарар қилмоқ. Охир-оқибат, зангарнинг қилиб юрган ишини қаранг. Арининг инига чўп суқади-я. А. Кўчимов, Ҳалқа. **Кўзига чўп солмоқ** (ёки ташламоқ) қ. кўз. У ердаги чўпни бу ерга олиб қўймайди. Ҳеч иш қилмайди; ойнимтилла. **Чўп бўлиб кетмоқ** (ёки қолмоқ) Озиб кетмоқ, ориқлаб, қилтириқ бўлиб қолмоқ. Фазилят опанинг аҳволи оғирлашиб бораверди. Ранги сарғайиб, озиб, чўп бўлиб қолди. М. Ҳазраткулов, Журъат. **Чўп тушди** Орага совуқчилик, хиралик тушди, иш бузилди. **Ширин суҳбатга чўп тушди.** ■ [Ҳасанали] Отабекдаги бу ҳолларнинг сирини билгандек, муҳаббати орасига чўп бўлиб тушган кейинги уйланиши алаmidан, деб қарор қилиб қўйган эди. А. Қодирйй, Ўтган кунлар. **Чўпдан ҳадик олмоқ** Ҳар нарсадан ҳадик олмоқ, шубҳа қилмоқ, ҳадиксирамоқ, кўрқмоқ. [Салмонов] Хулосаларга қараб иш кўриш лозимлигини унутдим, чўпдан ҳадик олдим.. ҳар ҳолда, иш жуда сусайиб кетган эди. И. Қаландаров, Шоҳидамас, баргида. **Кўй оғзидан чўп олмаган қ. кўй.**

ЧЎПИЛЛАТМОҚ «Чўлп-чўлп» овоз чиқармоқ. У [Нигора] онасининг бўйнига осилиб, у юзидан-бу юзидан чўпилаатиб ўна бошлади. С. Аҳмад, Пойқадам.

ЧЎПОН Яйловда майда мол боқувчи киши. Раимбой таёқ олиб, чўпон бўлмоқчи эмиш. Н. Норматов, Исмоил тоға тарозиси. [Ошно] Ҳеч кимга айтмасдан, тоғдаги чўпон танишининг ўтовиди яшади. М. М. Дўст, Лолазор.

ЧҶҶОНЛИК Яйловда майда мол боқиш билан шуғулланиш, чўпон касби. *Шоирлик ёдимдан чиққан маҳали Чўпонлик йилларим тушар эсимга.* А. Орипов.

ЧҶҶОН-ЧҶҶЛИК Чўпон ва чўлиқлар. *Брезент қапа остида беш-ўн чоғли чўпон-чўлиқ қўйларнинг жунини қирқишаётган эди.* Н. Аминов, Ёлгончи фаришталар.

ЧҶҶСА махс. Тайёр ип ёки ипак тутамлари ўраладиган, узунлиги бир метргача бўлган силлиқ таёқ. *Дадаси ярим чоракли қозонда пилла қайнатар, ёғоч чўпса билан ипак учини илинтириб олиб, калава қилаётган бўларди.* С. Анорбоев, Сайли. *Дераза тагидаги бошқаси чўпсага ипак ўрамоқда.* С. Анорбоев, Сайли.

ЧҶҶХИНА Ёввойи хина; хинадошларга мансуб бир йиллик бегона ўт.

ЧҶҶЧАК I I Топишмоқ, жумбоқ. *Чўпчак топар ўйнамоқ.*

2 Халқ оғзаки ижодида: ҳикоя, эртак, ушук. *Нега зерикасан энди? Бир йил-ярим йил най чалиб, чўпчак айтиб бериб юраман.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ЧҶҶЧАК II Ёқиладиган майда куруқ шох-шабба, хас-чўп. *Юнус ота шитирлатмасдангина чўпчак териб юриydi.* А. Қодирй, Обид кетмон.

ЧҶҶЧАКЧИ I Топишмоқ тўқувчи, топишмоққа уста одам.

2 Эртақ айтувчи, халқ эртакларини яхши биладиган ва таъсирли қилиб айтувчи одам; эртакчи.

ЧҶҶРИ тар. 1 Кул хотин; тутқунликдаги аёл. *У қишлоқларда фақат қиз чўрилардан қирқ нафар бўлиб, уларга эгалари кўп зулм қилар эканлар.* С. Айний, Ёсдаликлар.

2 Хизматкор хотин; оқсоч. [Жамила:] *Мен сизни ўла-ўлгунча дуо қилай, лойиқ кўрсангиз, чўрингиз бўлиб, эшигингизни супурай.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ЧҶҶРИЛИК Чўри бўлишлик; оқсочлик, куллик. [Бой:] *Бу нозанин увол!* [Жамила:] *Чўриликка эмас, бекачиликка арзийди-я!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. [Ғотима:] *Мен сизга айтсам, муҳтожман, бу ерда чўрилик қилиб, ойига саккиз фунт оламан.* Мирмуҳсин, Нил устида ой.

ЧҶҶРТ рвш. Кескин, шарт, шартга. *Чўрт ўғирилмоқ.* *Чўрт кесиб гапирмоқ.* *Чўрт синиб тушмоқ.* *Чўрт жавоб.* ■ *Улар кўчани чўрт кесиб, рубарўдаги қўрага қараб юра бош-*

ладилар. Ғ. Ғулом, Шум бола. *Матпанонинг эми увушиб, чўрт бурилди.* С. Сиёев, Аваз.

ЧҶҶРТАН: *чўртан балиқ* Дарё ва кўлларда яшайдиган, майда, ўткир тишли йиртқич балиқ. [Ховуздаги] *Зоғора балиқ, чўртан балиқ, лаққа балиқлар гоҳ сув юзига чиқиб.. гоҳ билтанглаб ўйнаб, шўнғиб кетарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЧҶҶРТКЕСАР Шартта гапирадиган, айтадиган. *Мен тоғамнинг ҳақғўй, талабчан, ўрни келганда чўрткесар одамлигини илгаридан билардим.* «Шарқ юлдузи».

ЧҶҶРТГА кам қўлл. айн. **ЧҶҶРТ.** Гўрўғли Бадкирга тармашиб туриб, иягига бир шохлади, тиши тилини чўртга қирқиб ўтди. «Гўрўғлининг туғилиши».

ЧҶҶТ I [р. счёты — пул ҳисоб-китоби; ҳисоблашни амалга ошириш мосламаси] 1 эск. Бухгалтерияда, идораларда қўлланиб келган, тўртбурчак рамкага маҳкамланган темир симларга тизилган доналарни суриб, қўшув ва айирув амаллари бажарилган содда мослама. *Чўт қоқмоқ.* *Чўтга солмоқ.* ■ *Кексагина одам дамодам шақиллатиб чўт қоқди.* Мирмуҳсин, Яширинган куч. *Бухгалтерия хонасидаги чўтларнинг шақ-шуқи, одамларнинг узук-юлуқ гаплари энди аниқроқ эшитиларди.* Газетадан.

2 Мўлжал, тахмин, ҳисоб. [Ғофир:] *Менинг чўтимда ҳаммаси бўлиб беш юз сўмдан ошмас эди-ку? Ёки адашдингизми экан-а, бой ота? Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

Чўт бермайди Фойда бермайди. -Тракторларимиз ёмон эмас, лекин «универсаллар» биров чўт бермай қўйди.. — деди Икромжон. И. Раҳим, Хислат. **Чўт эмас** Писанд эмас, ҳеч нарса, ҳеч гап эмас. [Нурмат тоға:] *Пулни-ку, тўлайсан. Сенга пул чўт эмас.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ЧҶҶТ II шв. Теша. Дарахтларни чўт билан, болта билан қирқиб, ўтни ёқиб, фами́л чойни дамлаб, эгарини курси қип, аслаҳасини ерга қўйди. «Юсуф ва Аҳмад».

ЧҶҶТАЛ I Қимор ўйинларида ютган томондан олинадиган пул, улуш. [Абдулқаҳҳорнинг] *Қорнига ейдирган овқат учун топадирган ақчаси қиморбозлардан чўтал бўлиб қолган эди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Улуш, ҳисса. *Қузибой чол ана шу иши учун мол эгасидан чўтал олади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ЧЎТАЛЧИ Қиморда ютуқдан чўтал олувчи одам. *Қиморни бошқарадиган чўталчи ютган томондан ўн сўмга бир сўм олиб турар, баъзан чўтал пулдан қарз бериб, ютқазганларни «кўтариб» қўяр эди. Х. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.*

ЧЎТИР 1 Чечак, қўтир ва ш.к. нинг изи қолган. *Соҳиб хунук: чечак туфайли Юзи чўтир, суқир бир кўзи. Уйғун, Тонг қўшиғи. Айни суҳбатда ҳозир бўлган чўтир ҳисобчи масҳараомуз тиржайдики, Яхшибоев бунда бошқачароқ бир синоат борлигини пайқади. М. М. Дўст, Лолазор.*

2 Ғадир-будур, ўнқир-чўнқир. *Чўтир ёнғоқ. ■ Чўлнинг чўтир бетиди чалакам-чатти ўсган янтоқлар қуриб, сарғайиб ётибди. Х. Ғулум, Замир юлдузлари.*

ЧЎТКА [р. шётка — чўтка] **1** Нарсаларни ювиши, тозалаш учун ясси дастага тартибли қилиб маҳкамланган қил толаларидан ёки симлардан иборат буюм. *Қил чўтка. Тиш чўтка(си). Кийим чўтка(си).*

2 Соч, қош, киприкни бўяшда ишлатиладиган, кичик дастасига қилсимон толалар ўрнатилган пардоз буюми. *Шифтга-ча етган каттакон тошойна олдида атир-уяю турли бўёқлар, қош бўяйдиган чўткадан тортиб, тирноқ оладиган асбоблар — ҳаммаси бетартиб сочилиб ётибди. Мирмуҳсин, Умид.*

3 Бўяш, оқлаш учун кўпинча қилдан ясаладиган асбоб; мўйқалам. *Бўёқчилик чўткаси. ■ Уста қорамой, чўтка ва бошқа хил асбоблари турадиган ёғоч сандиқдан қоғозга ўроғлиқ бир нарса чиқарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

ЧЎТКАЛАМОҚ Чўтка билан тозаламоқ. *Кийимларни чўткаламоқ. ■ Ундан кейин [Нафиса] уйдан эрининг костюмини олиб чиқиб чўткалайди. Мирмуҳсин, Топилган хусн.*

ЧЎТЛАМОҚ Мўлжалламоқ, чоғламоқ; мўлжаллаб, чоғлаб кўрмоқ. *Имкониятларни чўтлаб кўрмоқ. ■ Шивир-шивирга кўра, йигитлар Латифбойни ўлғудек дўппослаш, умуман.. ўша қиз номини бошқа тутмайдиган қилиб қўйишни чўтлаган эдилар. «Ёшлик».*

ЧЎХ кт. Катта; кўп; жуда. *Душман бўлса, чўх савдолар солайик, Ажал етса, ўққа учиб ўлайик. «Юнус пари». Ёшлик — бу умрининг бетакрор фасли, Жўшқин ва оловли, чўх гўзал чоғи. «Ёшлик».*

ЧЎЧАНГЛАМОҚ шв. **1** Чўчиб, кўрқиб қочмоқ, сакрамоқ. *Сигир чўчанглади.*

2 салб. Бирдан асабийлашиб кетмоқ; асабий ҳолда аччиқ гаплар айтмоқ. *Искандарнинг гапини ҳеч бир оғир олмайдиган одам ўша кунни чўчанглаб кетди. М. Мансуров, Ёмби.*

ЧЎЧИМОҚ 1 Бехос ташқи ёки ички таъсирдан сакраб, сапчиб тушмоқ, сесканмоқ. *Чўчиб уйғонмоқ. ■ Пешайвонда баногоҳ телефон жириглаб, [Искандар] чўчиб тушди. М. Мансуров, Ёмби. Ориққина бир бола машина товушидан чўчиб, йўл четига чиқди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. [Яхшибоев] Хаёлига келган қалтис фикрдан чўчиб тушди. М. М. Дўст, Лолазор.*

2 кўча Кўрқмоқ, ҳадиксирамоқ; шубҳаланмоқ. *Қийинчиликлардан чўчимоқ. ■ Гоҳо ваҳималар бағрингни тилиб, Роса чўчитади, юришмас ишинг. А. Орипов. [Муҳсина] Ўғли талоқ айтса, келин уйдаги лаш-лушларни талоққа қўшиб кўтариб кетишидан чўчийди, холос. М. М. Дўст, Лолазор.*

ЧЎЧЧАЙМОҚ Аразлаган, хафа бўлган, ҳазиллашган, ҳуштак чалган вақтда бироз олдинга чўзилмоқ (лаб ҳаракати ҳақида). *Ойиси уни [Хурийдни] зўрға қувиб тутаркан, қиқир-қиқир кулар, лабларини чўччайтириб, аллақандай овозлар чиқарарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Вазира аразлагандек, чўччайиб қаради. «Ёшлик».*

ЧЎЧҚА 1 Гўшт ва ёғ олиш учун боқиладиган жуфт туёқли, калта оёқли, йирик сутэмизувчи уй ҳайвони. *Ёввойи чўчқа. Хонаки чўчқа. ■ [Бола] Девордан ошиб қараб, хир-хир овоз чиқариб, пўчоқ титкилаётган уч-тўртта чўчқани кўрди. «Ёшлик».*

2 сўк. Аблах, ҳайвон. *[Ишчи:] Мана, Ис-мат деган янги директор келди. Шу тузукми деб ўйловдик. Ғирт чўчқа экан. «Ёшлик».*

ЧЎЧҚАБОҚАР Чўчка боқувчи.

ЧЎЧҚАЧИЛИК Чорвачиликнинг чўчкаларни урчитиш ва боқиш, улардан гўшт, ёғ, тери ва б. маҳсулотлар олиш билан шуғулланидиган соҳаси. *Бўпти, бинонинг бир томонидан чўчкачилик, иккинчи тарафидан қорамолчилик фермасини ташкил қиламиз. Газетадан.*

ЧЎЯН [р. чугун < т. чўян] **1** Пулат ҳосил қилиш ёки қуйма деталлар тайёрлаш учун ишлатиладиган, утлерод билан темирдан, шунингдек, жуда оз миқдордаги бошқа

қўшилмалардан иборат қотишма (пўлатга нисбатан мўртроқ ва кам болғаланувчан бўлади). Оқ чўян. ■ Чўяндан қаттиқдир бо-тир бадани. «Юсуф ва Аҳмад».

2 сфм. Чўяндан тайёрланган, чўяндан қилинган. Жоннинг роҳати-да бу мўрча. Чўян бандли печкани ёқишингиз билан, қозонда сув исийди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ЧЎҚИЛАМОҚ I Ҳадеб чўқийвермоқ, дам-бадам тўхтовсиз чўқимоқ, тўхтовсиз чўқиб емоқ. Жўжалар чўқилаб дон емоқда. Қизилиштон чўқилаб дарахт тешмоқда.

2 кўча Ҳадеб уришавермоқ, бўлар-бўлмага қойийвермоқ; ҳар ёндан тинмай танбеҳ бермоқ; таламоқ. Коллектив ўртага олиб изза қилди, бўлмади. Кейин кўпчилик уни чўқилаб, қавушини тўғрилаб қўйди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

3 айн. **ЧЎҚИМОҚ 3.** Овқатдан бир-икки чўқилади.

ЧЎҚИМ нумератив с. Сонлар билан бирга қўлланиб, асосан, овқатнинг бармоқлар учи билан сикиб олинган миқдорини билдиради. Бир-икки чўқим ош. ■ Севаргул хушлар-хушламас товоқчага бир қапғир ош сузди, сўнг.. ошдан бир чўқим оғзига солди. Н. Қиличев, Чигиріқ.

ЧЎҚИМОҚ I Тумшук билан илиб олиб емоқ. Жўжалар дон чўқишмоқда. Мулла билганини ўқир, Товуқ кўрганини чўқир. Мақол. ■ Патнисда тўртта кулча, икки бош қизил чиллаки ва қуш чўқиган қандайдир бир бош узум бор эди. Ойбек, Танланган асарлар.

Бир чўқиб, икки қарайди Жуда эҳтиёткор одам ҳақида.

2 Тумшук билан зарб бермоқ (қуш ва паррандаларга нисбатан). Қарға қарганине кўзини чўқимайди. Мақол. ■ Бургут жон-ҳолатда унга [латта-путталар боғланган ҳодага] ташланиб, тирноқлари билан чангаллаб чўқирди. Бу — дастлабки ов — машқ эди, албатта. «Ёшлик».

Бир чўқишда қочирмоқ Устун чиқмоқ. Мулла Мамажон ўз даврида ялқовлик билан «Алиф лайли»даги Абутанбални бир чўқишда қочирадиган киши бўлган экан. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

3 кўча Қўл учи билан чимдиб, озгина емоқ, еб кўрмоқ, татимоқ. [Ҳожи ва Ҳасанали] Сўзлашмасдангина, лагандан бирмунча чўқиган бўдилар-да, қўл артдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 кўча с. т. Баланд келиб, зўр чиқмоқ; қаттиқ қойимоқ, уришмоқ. Ораларида зўр-зўр адвокатларни чўқиб ташлайдиган раҳбарлари бор эмиш. Ойбек, Улуғ йўл.

ЧЎҚИНДИ дин. Мусулмон динидан қайтиб, христиан динига кирган, чўқинган. У [Зокиржон] ўн икки ёшида найрангбоз Азим чўқинди тўпига қўшилиб, жарчилик қилган. М. Қодиров, Ханда ва қаҳқаҳа усталари.

ЧЎҚИНМОҚ I 1 дин. Қўл учини пешонасига ва икки елкасига келтириб ибодат қилмоқ, худога сиғинмоқ (христианларда); христиан динига кирмоқ. -Ҳа, Абжсал, чўқиндингми, шапкани қанчага олдинг?! — дедим. А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Умуман, ибодат, сажда қилмоқ, сиғинмоқ, топинмоқ. Бутга чўқинмоқ. Оловга чўқинмоқ. ■ Баримиз ўз тилимизда чўқиниб бордик, Масковдан то Берлингача сўқиниб бордик. М. Юсуф.

3 кўча салб. Қўлларча сажда қилмоқ, сиғинмоқ, топинмоқ. Пулга чўқинадиган одам.

ЧЎҚИНМОҚ II Чўқимок 1, 3 фл. ўзл. н. -Анови Мусулмонқул бўлмаса, бошқа Алимқул бош кўтариши аниқ! — деди қушбеги ва дастурхондан чўқиниб давом этди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тўрқовоқ ичида тул-лак ҳам қоқинди, чўқинди, сайраб бир нафас. Ғ. Ғулом.

ЧЎҚИШТИРМОҚ шв. 1 Чўқишмоқ фл. орт. н. Ҳўрозларни чўқиштирмоқ.

2 Май косаларини ёки қалаҳларни бир-бирига тегизиб олмоқ, уриштирмоқ. [Яхши-боев] Чўқиштириб ўтирмади, дадилроқ бўлай деб, қадаҳни олди-ю, шартта сипқарди. М. М. Дўст, Лолазор.

ЧЎҚМОР I Тўқмоқ шаклидаги қадимий уруш қуроли; гурзи, шашпар. Асроранинг миясига биров чўқмор билан ургандай бўлди. «Ёшлик». ..бўшироқ жойга ўтган йигитчанинг худди орқасида, деворга тиркалиб турган узун, оғир чўқморга унинг [Ғозиддиннинг] кўзи тушди. О. Мухтор, Эгилган бош.

2 Тош кесадиган, парчалайдиган оғир тўқмоқ. Фарҳод, қўлида теша ва чўқмори билан катта-катта тоғ тошларини қўпо-риб, Сирни бўға бошлади. И. Жабборов, Кўх-на харобалар сири.

ЧЎҚҚАЙМОҚ I айн. чўнқаймоқ. Унча-мунча гапга йиғламайдиган Умид янтоқ,

чақиртиканаклар ёнида чўққайиб ўтириб, хўнг-хўнг йиғларди. Мирмуҳсин, Умид.

2 Диккайиб, кўққайиб чиқиб турмоқ. Чўққайган катта тош.

Чўққара шв. Соққа (ёнғоқ ўйинида).

Чўққи 1 Тоғнинг энг баланд, юксак жойи. Ҳисор чўққилари оқариб, шаҳар, қишлоқларга яқинлашиб келгандай туюлди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Асрий чўққилар қуёшда ялтирар ва сукут сақлар, унинг тўшидаги қорлар кўзни қамаштирарди. «Саодат».

2 Тик нарсаларнинг энг юқори қисми. Телерадиоминоралар чўққиси. ■ Навқирон бир теракнинг чўққисиди ошён, Кеч куз тонготарин салом билан олқишлар. Ғ. Ғулом.

3 кўча Эришилган ёки эришилиши мумкин бўлган энг юксак даража, поғона, кўрсаткич; олий нуқта. Камолот чўққиси. Бахт чўққиси. ■ Фидокорона меҳнатсиз илм чўққиларини эгаллаб бўлмайди. Газетадан. Шафқатсиз дунёда шеърят ғолиблигини сезиш, унинг беқиёс қудратини ҳис этишининг ўзи киши кайфиятини юксак чўққига кўтариб, дунёни инсон кўзига чаман қилиб кўрсатади. «ЎТА»

Чўққи соқол 1) калта қилиб қўйилган соқол. Вафо аттор чўққи соқолини қашлади, йўталиб олиб, бир чеккага тупурди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа; 2) шундай соқол қўйган киши. Абдуваҳоб Шоший эллик беш ёшларда, қотма, чўққи соқол, қарашлари ўткир бир одам. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

Чўғ 1 Ёниб бўлиб, алангаси сўнган ўтин, кўмир ва ш.к. Лахча чўғ. Самоварга чўғ ташламоқ. ■ Ошпаз оппоқ халатининг енгларини намойишкорона шимариб, кўрага кўмир чўғини терди. «Ёшлик».

Чўғ устида ўтиргандек Бетоқат, бесаранжом, безовта. Сухбат вақтида [Султон Ҳусайн] ўзини худди чўғ устида ўтиргандек ҳис қилди. А. Кўчимов, Ҳалқа. Ўзини ўтга, чўққа урмоқ Мақсадга эришиш учун ўзини ҳар ёққа урмоқ, ҳеч нарсадан қўрқмай, тап-тортмай ҳаракат қилмоқ. Биз ёшлигимизда

кўрган қаттиқчиликни шу болаларим кўрмасин, деб ўзимни ўтга ҳам урдим, чўққа ҳам урдим. И. Ўктамов, Ҳикоялар.

2 кўча Аланга, оташ, тафт; иштиёқ, завқ-шавқ. Ишқ чўғи. Умид чўғлари. Юрак чўғи. ■ Халқ кўксига чўғ солиб турадиган шеърлар бўлади. Газетадан. Юрагига санъат чўғи тушган қиз ўз мақсади сари интилди. Газетадан.

Чўғ II Салмоқ, чама. Ҳосилнинг чўғи яхши. Пулнинг чўғи. ■ [Нонни] Салмоқлаб кўр, чўғи оғирроғидан ол. Ғ. Ғулом, Шум бола.

Чўғи қочган Миқдоран камайган, озайган. Икки атрофда пахтасининг чўғи қочган далалар гоҳ чўп бўлиб ғўзапоёси қолган, гоҳ пахтаси эгатларга оқиб тушган пайкаллар билан алмашинади. М. Мансуров, Ёмби.

Чўғланма: чўғланма лампа Электр токи ўтганда, ички сими (толаси) қизиб, чўғланиб, ёрқин нур сочадиган ёруғлик манбаи. Дастлабки чўғланма лампани 1872 йилда А.Н. Лодигин ихтиро қилган. «ЎЗМЭ».

Чўғланмоқ 1 Чўғ ҳолига келмоқ, чўққа айланмоқ; чўғдек қизармоқ. Гулхайрининг кўзлари чўғланган кўмирдек яшнаб, киприкларига тутун илашгандай бўлди. С. Нуров, Нарвон. [Султонов] Тинмай, босиб-босиб чекади, ҳар тортганида, аламининг зўридан папириси чўғланиб, ёниб кетгудек бўларди. М. Мансуров, Ёмби.

2 кўча Чўғдек ёнмоқ, ярқирамоқ. [Пайғомовнинг] Яшил кўзлари чўғланиб, юзи қоронғида зугурт чаққандек яна ҳам ял-ял ёнди. С. Нуров, Нарвон.

Чўғол 1 Бақувват, тўладан келган; ғўлабур. [Болаларнинг] Яна бир чўғолроғи «Нормат акам урушга боряпти, Гитлерни ўлдириб келади», деб бошқаларнинг гапини бўлиб қўяди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 эск. Бақувват, кучли хизматкор. Хоннинг раёйи сув чиқаришга тўхтади. Барча шаҳар ва қишлоқларга сарқорлар, чўғоллар тарқатди. Улар халқдан солиқ йиғиштиришга, ёрдам тўплашга буюрилган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.



ШАБ [ф. شب — кеча, тун; кечаси] *кт.* кам қўл. Сутканинг қоронғи қисми; кеч, тун, кеча. *Учинчи шаб ул сакбачча кечаги бесаранжомликни баттарроқ қилди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Бозори шаб *эск.* Рўза кунларида кечаси бўладиган бозор, тунги бозор. [Шайхантоҳурда] *Болалар жуда кўп, бозори шабнинг ҳар бурчида тентираб юришади.* Ойбек, Болалик. **Шаби ҳижрон** *поэт.* Айрилиқ тун, айрилиқ кечаси.

ШАБАДА Енгил, майин шамол. Субҳидам шабадаси. Оқишом шабадаси. Баҳор шабадаси. ■ Тонг чоғи, ҳаво очик, офтоб ҳали чиқмаган. Лекин юлдузлар кўринмайди, ёқимли шабада эсмоқда. С. Айний, Дохунда. Бироздан кейин Амударё томонидан эсган салқин шабада бўғиқ ҳавони тарқатиб юборди. Ж. Шарипов, Хоразм.

Кўкрагига шабада тегмоқ айн. кўкрагига шамол тегмоқ қ. шамол. Юраги соғ одамларни кўрсангиз, кўкрагингизга шабада тегса, буткул тузалиб кетсангиз ажаб эмас. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ШАБАДАЛАМОҚ 1 Тоза, соф ҳавода бўлмоқ, тоза ҳаводан нафас олиб юрмоқ. - *Бирпас шабадаланг, райком болам, — деди чол.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 айн. шамолламоқ 1. Нега қўзғалдингиз, тўрам? Шабадалаб қолманг яна. И. Султон, Бургутнинг парвози.

ШАБАДАЛАГМОҚ 1 Шабадаламоқ 2 фл. орт. н. Чақалоқни шабадалатиб қўйма.

2 Шамол (шабада) билан ғуборини кетказмоқ; шамоллатмоқ. *Хоналарни тез-тез шабадалатиб туриш керак.* ■ Хирмонга тў-

килган пахтани қабул қилиш, ёйиб шабадалатиш, қоплаш ва жунатиш — анча машаққатли иш. И. Раҳим, Куз лавҳалари.

ШАББОДА *поэт. айн. шабада.* Шаббодалар тарар сочингни. Кўзгу тутар сувлар юзингга. Манман деган барно йигитлар Бош уради босган изингга. Уйғун. Ва шаббода қурғур илк саҳар Олиб кетди гулнинг тотини. Ҳ. Олимжон. Юзларимга майинлик билан Хуш шаббоданг урилди салқин. Х. Салоҳ.

ШАБГАРД [ф. شېگرد — тунда айланувчи, тунги қоровул; тунги ўғри] *эск. тар.* Тунги қоровул; миршаб. Бандиларнинг тева-рагини яланғоч қилич кўтарган шабгардлар ўраб олган. С. Айний, Қуллар. Растанинг ўртасида девордаги қозиққа осилган қора фонус хира ёнмоқда, чироқ остидаги гулхан олдида.. шабгард [миршаб одами] ётарди. С. Айний, Дохунда.

ШАБДОР [ф. شېدر] Йўнғичқанинг бир тури.

ШАБИСТОН [ф. شېستان — кечки ётоқхона; қоп-қоронғи кеча, қоронғилик] **1** *эск.кт.* Кечки ётоқхона; ички ҳарам доираси.

2 *кўчма поэт.* Қоронғилик, зулмат ҳукмрон бўлган жой; тун. *Шабистонда ҳаёл сурсам, Сен осмонимда юлдузсан. На юлдузсан, ой гулюз, Шабистонимда кундузсан.* Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик.

Шамъи шабистон Қоронғиликни, масканни ёритувчи нур, равшан чироқ. *Ўчмагай сўнгра Муқийм шамъи шабистоним менинг.* Муқимий.

ШАБИХУН [ф. شېخون — тунги ҳужум, тунги талон-тороғ]: **шабиҳун урмоқ 1)** бирор томонга қараб югурмоқ, чопмоқ; жуф-

такни ростламоқ. *Охири, чол-кампир мас-лаҳатлашиб.. бир кечадаёқ шабихун уриб, узоқ бир қишлоққа ғойиб бўлди.* Файратий, Сабаби тириклик; 2) эск. кечаси қўққисдан хужум қилмоқ, билдирмай бостириб кирмоқ. *Юлдузларга шабихун урган Қаҳрамонга қурашлар қаср.* У. Исмоилов, Сайланма.

ШАБКЎР [ф. شبکور — тунда кўрмайдиган] Кечаси, қоронғи тушганда кўролмайдиган. *Шабкўр одам.* ■ [Узоқ вақт] *Овқат емаслик натижасида кишининг боши айланади.. кўзлари хиралашади, ҳатто шабкўр бўлиб қолади.* Газетадан.

ШАБКЎРЛИК Қоронғиликда кўз кўриш қобилиятининг ёмонлашуви; шом ва тунда яхши кўрмаслик. *Ёш мол сут ёки емашақ орқали «А» витамини олмаса.. [унда] шабкўрлик аломатлари рўй беради.* Газетадан.

ШАБЛОН I [нем. Schablone — андоза, намуна] 1 тех. Бирор нарсанинг қолипи; андоза. *Шаблон ясамоқ.* ■ *Чигит сеялкаларини созлаш учун.. яратилган «ПС-56» шаблони республика саноати томонидан бир неча юз дона ишлаб чиқарилди.* Газетадан.

2 кўчма Чайналган, сийқаси чиққан нарсага кўр-кўрона эргашиш, шундай йўл; қуруқ сафсата. *Ёзувчиларни халқнинг бой, жонли тилидан фойдаланиб, ижод аҳллари-ни шаблондан қочиб, ижодий изланиш ва интилишга чақиради.* А. Алиев, Жулқунбой сабоғи. *Қисқаси, шаблон йўқлиги Ойбек тилининг асосий хусусиятидир.* «ЎТА».

ШАБЛОН II сфт. Кўр-кўрона тақлид қилишга асосланган; бир қолипдаги, сийқаси чиққан, чайналган. *Нотиқнинг шаблон нутқиға хос типик элементларни топиш.. учун, таъсирдан ташқари, ўзига хос талант ҳам бўлиши керак.* «ЎТА».

ШАБЛОНЛАШМОҚ Шаблонга айланмоқ, сийқалашмоқ. *Шаблонлашган усул. Шаблонлашган ибора.* ■ *Навоиёна ёзилган Ниёзий асарлари мақсадсиз тақлидчилик, шаблонлашган шаклбозлик юзага келтирган ғазаллардан иборат бўлмай.. реал ҳаёт, воқеликнинг шакли, талаби билан бунёд этилган бадиий асарлардир.* «ЎТА».

ШАБЛОНЧИЛИК Иш ёки ҳаракатда кўр-кўрона тақлид қилиш, сийқаси чиққан усулни қўллаш. *Шаблончиликка қарши курашмоқ.*

ШАБНАМ [ф. شبنم — шудринг < شب — тун + نم — ҳўл, нам; сув] Баҳорда, ёзда

кечаси ҳароратнинг пасайиши туфайли майда томчилар тарзида ерга инадиган ҳаводаги, атмосферадаги буғ, намлик; ҳаводан инган мусаффо томчи; шудринг. *— Қудуқларда сув камайиб қолганда, қўйларга тонг шабнами кўнган гиёҳ шимитиб ҳам олиб юрдим, — деди Чатоқбобо.* С. Нуров, Дурдона. *Эр-талабки шабнам кўёш иссиғида дарҳол кўтарилгандай, хафалик ҳам Ойқиз дилидан дарҳол кўтарилиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Отам эккан чигитлар Бирдай текис унади, Шабнам эмган ғўзалар Нур қўйнида кулади.* З. Диёр.

ШАБНАМЛАНМОҚ Шабнам билан қопланмоқ, юзига шабнам тушмоқ. *Ёқут кўзли олтин узук билан порласа Келинчакнинг хиналанган нозик бармоғи, Чанқоқ-чанқоқ термулишлар — биринчи бўса Шабнамланса себарганинг тоза япроғи.* Ғ. Ғулом.

ШАБНАМЛИ Шабнам тушган; шабнам кўнган, шабнам билан қопланган. *Бир баҳорнинг шабнамли тонги эди, Япроқ йиғлоқ киприклардай намланган.* А. Умарий.

ШАБНАМСИЗ Шабнам тушмаган; шабнам кўнмаган. *Шабнамсиз тонг. Шабнамсиз қуруқ майсалар.*

ШАБОҲАНГ [ф. شباھنگ] (Ш — катта) астр. Катта Ит буржидаги энг йирик ёруғ юлдуз; Сириус.

ШАБПАРАК [ф. شپپرک — тунда учувчи] эск. кт. айн. *кўршапалак.* *Кундуздан сўрадим: — Мухолифим ким? Дедик: Шабпарақ, бойўғли, бўри.* М. Шайхзода.

ШАБРАНГ [ф. شبرنگ — тун рангидаги] эск. Қора рангдаги, қора.

ШАБРОН айн. **шевро.** *Тагчарм, хиром, шаброн, амирконларнинг қай хилидан сўрасангиз, топилади.* «Муштум». ..эғнида янги бекасам тўн, оёғида шаброн этик, ҳаяжони юзига қалққан. Ж. Абдуллахонов, Тошқин.

ШАБ-РЎЗ, шабу рўз [ф. شپوروز — кечаю кундуз] кт. кам қўл. Кеча-кундуз, кеча ва кундуз, кун-тун. *Чалтак бирла ош ташиб, ўтса шабу рўзлари.* Ҳамза.

ШАБЧИРОҚ [шаб + чироқ] 1 Қоронғиликда нур сочиб турадиган афсонавий тош; чақнаб турадиган, рангдор, ярқирама тош.

2 айн. **шамчироқ.** *Қош-қовоқ ораси тўрт йил сақланган Умид шабчироғи порлади ғоят.* Ғ. Ғулом.

ШАБЧОР [ф. شپ چره — тун + چریدن — ўтламоқ] қ.х. Чорва молларини тунда ўтлатиш.

ШАВАҚИ *шв.* Шовқин-сурон кўтарувчи, бақирок; шанғи. *Шавақи одам.*

ШАВВОЛ [a. شَوَال — унча катта, кўп бўлмаган] Қамария йил ҳисобининг 29 кундан иборат ўнинчи ойи. *Ислом дини талабига кўра, худонинг бандаси бир ой рўза тутгач, рамазон ойидан сўнгги шаввол ойининг уч кун рўза ҳайити қилиши.. лозим.* Газетадан.

ШАВКАТ [a. شوكت — тикан; тиг; куч, қудрат, қувват] 1 Эл-халқ ичида қозонилган катта обрў, ҳурмат; шон-шухрат, доврўқ. *Қизини ер-кўкка ишонмаган онаси.. бу қизни катта шавкат ва дабада билан уза-тишини орзу қиларди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шавкати оламга кетиб, Бировларга қамчи чопиб.. «Ойсулув».* Қайдан келди бу шавкат, ўзғирлик, пешқадамлик. Миртемир.

2 Салобат, виқор; савлат. *Саройнинг ўр-талигида.. адас кўрначалар тўшалган ший-пон остида.. шавкат билан парёстиққа суюниб, карвонбоши ўтирмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

3 Дабдаба, тантана, ҳашамат. *Базм бутун шавкати, бутун анъана ва одати.. билан давом этади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Шавкат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ШАВКАТЛИ 1 Катта ҳурмат ва обрўга эга бўлган; донг таратган; шонли, шухратли. *Менинг шавкатли кунларим ўтди, энди туларим яқинлашмоқда..* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Дабдабали, ҳашаматли. *Шавкатли қаср.*

ШАВЛА [ф. شله / شوله — гуручдан тайёрланган юмшоқ ош] Гўшт, сабзи-пиёз ва гуруч солиб пишириладиган бўтқасимон овқат. *Шавла пиширмоқ. Шавлани емоқ.* Арзимаиди ғалваси, куйдиради шавласи. Мақол. ■ *Бир қўлида лаганда шавла, бир қўлида чойнак кўтариб кириб келаётган Гулчеҳра эрига ғалати қараб қўйди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ҚУЛОҒИНИНГ ТАГИДА ШАВЛА ҚАЙНАТМОҚ Шапалоқ билан урмоқ, тарсаки солмоқ. *Қўшни эвено бошлиғига ўғлингизни тутиб берсам, қулоғи тагида шавла қайнатаиб қўярди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ШАВҚ [a. شوق — ҳис-туйғу, эҳтирос; кучли орзу, ҳавас, истак] 1 *кт.* Кучли ҳавас, интилиш; қизиқиш, иштиёқ. *Бу ғазалда.. ёш йигитнинг ҳисси, шавқи, наъжаси янгради.* Ойбек, Навоий. *Бу тил-адабиёт*

муаллими таълим ва тарбия ишини севар, юрагида тобора кучайган бир шавқ билан мактабда ишлар эди. Ойбек, Нур қидириб.

2 Шундай интилиш, қизиқиш туфайли юзага келган кўтаринки руҳий ҳолат; завқ. *Шавққа тўлиб куйламоқ.* ■ [Ғули:] *Ғазалким, сўзлагай ишқдин, сафодин. Ғазалдин бу каби шавқ олмаган ким?* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Гармончи ҳам шавқидан бе-ихтиёр ўртага тушиб, ўйин айни доли-ғулига келганда, майдон гумбурлаб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ШАВҚЛАНМОҚ Бирор нарсага ғоят мамнунлик ҳисси билан берилмоқ, руҳий кўтаринкилик билан қизиқмоқ; завқланмоқ. *Шавқланиб куйламоқ.* ■ *Нодиржон Набижонович ёш дўстининг ичдан тўлқинланиб бораётганидан шавқланди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Кафтларини бир-бирига уриб, шавқланиб, ўртоғини мақтади Комил.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ШАВҚЛИ 1 Бирор нарсага ғоят бери-либ ёки қизиқиб кетадиган; серзавқ. *Шавқли одам.*

2 Кишига шавқ-завқ, руҳий кўтаринкилик, шодлик, роҳат бахш этадиган; жўшқин; жозибали, завқли. *Яшил уватларда завқли қўшиқлар, Шавқли хангамалар булар кўп шинам.* Ғ. Ғулом. *Унинг назарида, бундан суюмлироқ, бундан ҳам завқ ва шавқлироқ иш йўқ эди дунёда.* Н. Ғозилов, Дийдор.

ШАВҚСИЗ 1 Бирор нарсага юракдан берилиб, қизиқиб кетмайдиган; бирор нарсадан завқлана олмайдиган; лоқайд. *Шавқсиз одам.*

2 Кишига шавқ-завқ, ҳузур бағишла-майдиган; завқсиз. *Шавқсиз мусиқа. Шавқсиз ҳикоя.*

ШАВҲАР [ф. شهر — эр] эск. Хотиннинг эри; эр, рафиқ. *Инчунин ўшал хотиннинг.. шавҳари жавобгардир.* И. Акрам, Адолат.

ШАГРЕНЬ [фр. chagrin — ф. < m. сағри] 1 Қўй, эчки, от териларидан тайёрланган, ғадир-будур юмшоқ тери. *Шагренидан тикилган маҳси.*

2 махс. Муқовага ишлатиладиган қоғоз ёки коленкор.

ШАДДОД [a. شاداد — кучли, қудратли; жуда ёмон (оғир); қийин; золим, қаҳрли] 1 Ўз хоҳиши, ҳукмини ўтказадиган; шафқатсиз, золим. *Болалар бахтининг юлдузларига Заҳарлар сочмоқчи қайси жаллодлар? Дунё-*

нинг равшанлик — кундузларига Зулмат қўймоқчими бебош шаддодлар? М. Шайхзода. *Иброҳим ака, гапингиз тўғрику-я, лекин Исфандиёр турани шаддод дейишади. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 Ўз фикрини ўтказишга тиришадиган; ўжар, чўрткесар; ўз фикрини қатъийлик билан, дадил айтадиган, тортинмас (асосан, аёллар ҳақида). *Шаддод, гапини бировга бермайдиган, эркакшода Асрора звенюга бошлиқ бўлди. С. Аҳмад, Уфқ. Майнанинг уddaбуронлиги.. [Иван Васильичи] ҳайратда қолдирди: «Шаддод қиз. Оламга татийди». Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

ШАДДОДЛИК Шаддод шахсга хос хислат, хатти-ҳаракат. *-Бунга мен жавоб бераман, — деди у [Лобархон] шаддодлик билан. И. Раҳим, Зангори кема капитани. Тожиҳонни, шаддодлигига қарамай, Машрабжон ёнида қизларга хос ифрат чулғаб оларди. Мирмуҳсин, Югурдак.*

ШАЖАРА [а. شجرة — дарахт; дарахт шаклида тузилган схема] Маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини изчилик билан кўрсатувчи рўйхат, тарих; силсила. *Сомонийлар шажарасининг сўнгги бутоғи бўлган подшо Нух бинн Мансур касалманд одам эди. М. Осим, Китобга ихлос. Шажарамиз бор. Унда барча аждодларимизнинг тарихи ёзилган. А. Ҳакимов, Илон изидан.*

ШАЙ I Тайёр ҳолга келтирилган; тайёр, тахт. *Ҳамма нарса шай. Доим шай бўлиб турмоқ. Қуролни шай қилиб қўймоқ. ■ Клубда столлар ясатиб бўлинган. Утиришни бошлашга ҳамма нарса шай. М. Хайруллаев, Кўнгил. Асбоб-ускуна шай бўлса, материаллар тахт бўлса, калавачи панд емайди. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.*

ШАЙ II [а. شىء — нарса, буюм; нимадир] кам қўл. *Нарса, предмет. У [Раҳмон-али] ҳикоя қилади: «Муҳаббат бир боло шайдир, гирифторм бўлмаган билмас». Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.*

ШАЙБА [нем. Scheibe — лаппак; гардиш; диск] 1 *тех.* Гайка ёки винт каллагига остига қўйиладиган, ясси ҳалқа кўринишидаги деталь. *Унинг орқасидан гайка, шайба.. яна алақандай эҳтиёт қисмлар чиқиб келаверди. «Муштум».*

2 *спрт.* Хоккей ўйинида қўлланиладиган, қаттиқ қора резинадан тайёрланадиган яс-

си диск. *Дарвозага шайба киритмоқ. Шайбани урмоқ. Шайбани тўсиб қолмоқ.*

ШАЙДО [ф. шйда — севгидан девона бўлган, ҳаддан ташқари гирифторм, мафтун] 1 Бирор кимсани гоёт даражада севиб қолган, мафтун бўлган, унинг учун ҳамма нарсадан кечишга тайёр; жўшқин ошиқ. *Шайдо бўлмоқ. Шайдо қилмоқ. ■ -Парво қилма. Омон-эсон Тошкент борайлик, бировнинг суқу тушмаганидан топиб бераман. Кўрибсанки, у ҳам шайдо, сен ҳам. Мени дуо қилаверасанлар, — деди Суннат. Шухрат, Шинелли йиллар. -Шайдоларингиз иккита бўлиб қолибдими? — деди яна кимдир. Яна кулги кўтарилиди. М. Қориев, Ойдин кечалар. Гул юзи уни [Ҳуломжонни] шайдо қилган ўша дамда, хирмонда Ҳаётнинг Мадаминхўжа қизи эканлигини билибмиди? М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

2 Бирор нарсага гоёт даражада қизиқадиган, ашаддий ишқивоз. *Футбол шайдоси. Мусиқа шайдоси. Санъат шайдоси. ■ Аксининг ҳар қандай янгилик шайдоси эканлиги хусусида гапира кетди. «Ўзбекистон қўриқлари».*

ШАЙДОЙИ [ф. шидایی — телбаларча ошиқлик] 1 *айн. шайдо. Бир кўришдаёқ у қизга шайдойи бўлди. Хоккей шайдойилари.*

2 Бирор кимсани гоёт даражада севиш ёки бирор нарсага ниҳоятда берилиш туйғули ақл-хушини йўқотган; мажнуннамо, девона. *Ўзингиз ҳам бирор қизни шайдойи бўлиб севганмисиз? Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

ШАЙДОЙИЛИК Шайдо эканлик, шайдо бўлишлик; шайдолик, мафтунлик.

ШАЙДОЛИК Шайдо эканлик, шайдо ҳолат. *Менинг шайдолигим бу нозларвар дилрабодандир. Ҳабибий. Шайдолигимни, дилбар, инкор қилмасанг-чи. Шўхий. Биламан баҳорнинг эрка шамолин, Севаман тупроқнинг уйғониш чоғин, Бўсалар фаслини, ёрнинг жамолин.. Ҳай-ҳай, шайдолигим тутмасин тагин! М. Шайхзода.*

ШАЙИН [а. شين — нуқсон, кам-кўст] Икки учига тарози паллалари осиб қўйиладиган, унда тортиладиган нарса оғирлигини аниқлаш учун хизмат қиладиган темир ёки ёғоч мослама. *Холмат ақанинг қораси кўринди. У елкасида тарозининг шайиними, лангарми, нималарнидир кўтариб, хирмон томон жадал келмоқда. И. Раҳим, Куз лавҳа-*

лари. Тарозибон бўлмаган вақтларда шайин бошига ўтиб, юк тортиш ҳам [Ҳошимнинг] кўлидан келади. С. Айний, Эсдаликлар.

ШАЙКА [р. шайка < турк. saika — казакларнинг катта қайиғи] Босқинчилик, ёвузлик қилиш ниятида тил бириктириб иш кўрадиган кишилар тўдаси. *Жиноятчилар шайкаси.* ■ Кўрқмас, ғайратли милиция раҳбари турли шайкаларга даҳшат солди. Газетадан.

ШАЙЛАМОҚ Тайёр ҳолатга келтирмоқ, тайёр қилиб қўймоқ, тахт қилмоқ. *Отараваларни шайламоқ.* ■ Тракторимни шайлаб қўйганман. Қатор ораларида қўшиқ айтиб ишламасам, армондан чиқмайман. Ф. Нуруллаев, Бўз йитит. Одамларни механизаторлик курсларида ўқитяпмиз.. техникани кўкламга шайлапмиз. Газетадан. Халқни.. курашга шайлаш керак. Ойбек, О.в. шабадалар.

Ўзини шайламоқ Бирор иш-ҳаракатни бошлашга тайёр бўлиб турмоқ. Сизлар ҳам белни маҳкам бойланглар, ўзларингизни шайланглар. «Равшан».

ШАЙТАНАТ [a. شيطان — шайтонлик, иблислик; ярамас, шайтоний қилқилар] 1 дин. Шайтонлар; шайтонлар макони.

2 кўчма Маккорлар, фирибгарлар тўдаси, разиллар мажмуи. *Бу мақсад йўлида бутун одамлар Шайтанат тахтини ерга қилди жо. Ғ. Фулом.*

3 Маккорлик, фирибгарлик, шайтонлик. *Анвар ўзини табрик қилувчи уламо ва ашрафлар юзидан очик равишда риё, шайтанат ва тама ўқир, камбағаллардан содда самимият кўрар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

ШАЙТОН I [a. شيطان — иблис; жин, ажина] 1 дин. Одамларни дин йўлидан оздирувчи, уларни гуноҳга, жиноятга, разолатга бошловчи ёвуз руҳ ёки ёвуз руҳларнинг бошлиғи; иблис. *Эй улуг шох, бу йўлдан қайт, шайтон васвасига учма, кейин пушаймон бўлиб юрма.. «Олтин бешик».* Бойни ҳам шайтон йўлдан урган. К. Яшин, Ҳамза. *Ибодат қилмаслик умуман гуноҳ эмас, лекин ибодат қилмаган киши, шайтоннинг гапига кириб қилмагани учун, гуноҳ ҳисобланади. А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш. -Оббо, қизиталоқ. Шайтоннинг домласи экан-а! Закунчиларнинг кўпи шунақа бўлади, — деди Тантубойвачча папиросини тортиб. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 кўчма Айёр, қув одам; алдамчи. *Анави магазинчи бор-ку. Ўлгудек шайтон.. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

3 кўчма Шўх, ўйноқи. *Қиз бола шайтон бўлади-да, тавба, бўй-баста қўзилиб, ростдан ҳам, суқсурдек қиз бўлибди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. -Ҳа, шайтон қиз, — деди Ўринбой, — шу ерда ҳам қўймайсан-а? Ойдин, Келин ўғил туғибди. Бизнинг Авазга ўхшаган битта шайтонроғи «Йигирма олтинчиси отилмасин!» деб қийқиради. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Ноумид — шайтон Инсон доим умид, яхши ният билан яшашини, умидсизланмасликни қайд этувчи, шунга даъват этувчи ибора. *Дийдор кўришамиз, ноумид — шайтон! И. Раҳим, Чин муҳаббат. -Қўйинг, ноумид — шайтон, — Ойшабону эрига таскин берган бўлди. Ҳ. Фулом, Машғал. Шайтон арава с.т. эск. айн. велосипед. Йиртиқ-ямоқ кийим билан ўсган ўғиллари шайтон аравада ўтиб, атроф маҳалла болаларининг кўзларини ўйнатди. Ойбек, Танланган асарлар. Шайтон йиғиси* Ёлғордакам, йўлига бўладиган йиғи. *Озгина «шайтон йиғиси» қилмагунингча, иш ўнганмайди. А. Қодирий, Улоқда. Убуни «узатиладиган қизларнинг шайтон йиғиси» деб тушунди. Ойбек, Танланган асарлар. Шайтонга ҳай бермоқ* Бирон хатти-ҳаракатдан ўзини тиймоқ, ўзини босмоқ. [Ҳайитжон:] *Айбмас, ҳўп андиша қилгин, шайтонга ҳай бергин, бу кунлар ҳам ўтар. Ҳамза, Паранжи сирлари. Бир тўполон чиқазиб, обрўсини уч пул қилай дедим-у, яна шайтонга ҳай бердим. «Муштум». Шайтони зўр (ёки кучли) Шўхлиги («шайтонлиги») тез ва кучли қўзғаладиган, шундай хусусиятли. Яна ким билсин, бу қизларни! Уларнинг шайтони зўр бўлади, дейишади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шайтони қўзимоқ «Шайтони» қўзғамоқ, жини тутмоқ. [Холида] Қўл чўзса етгудай жойда бекиниб ётган акаси билан Мунавварни кўрмади. Мунавварнинг шайтони қўзиб: -Этагидан торт!, — деди Йўлдошга. С. Анорбоев, Мехр.*

ШАЙТОН II [a. شيطان] с.т. Дурадгорлик ва бинокорлик ишларида: сатҳнинг текислигини аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб; ватерпас. *Горизонт текислигини шайтон ёрдами билан билиш мумкин. «Астрономия». Тахтанинг бир учини қозиққа қадаб, иккинчи учини унгури томонга қаратиб, шай-*

тон билан текисланади. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ШАЙТОНБАЧЧА [шайтон + бач(ч)а] сўк. Шайтоннинг боласи, кичкина шайтон. -Ух, бир фалокатдан қутулдим, ҳай, шайтонбачча, кеча берган пулинг қанча эди? — деди Ҳожи бобо Шум болага. Ғ. Фулом, Шум бола.

ШАЙТОНИЙ [а. شيطاني — шайтонга хос, оид] Айёр, фирибгарларга хос. [Ҳасанали] Отабекни ечинтирар экан, ризосиз бир оҳангда деди: -Ўғлим, сизга шу шайтоний ишнинг нима зарурати бор? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШАЙТОНКАВУШ 1 Эрта баҳорда ўсиб чиқадиган кўп йиллик бошоқли ўт.

2 Шундай ўтдан кавуш тахлитида тўқиб ясаладиган болалар ўйинчоғи.

ШАЙТОНКОСА Итузумлар оиласига мансуб икки йиллик заҳарли ўт, мингдевонанинг бир тури, қора мингдевона.

ШАЙТОНЛАМОҚ 1 Тутқаноқ тутмоқ, тутқаноғи тутиб қолмоқ. Бола шайтонлаб қолди. ■ Уйимизда бир бечора бемор бор, шайтонлаб ётибди, тақсир, бориб дам солиб келинг, шояд, нафасингиздан шифо топса. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўча Тутқаноқ тутгандагига ўхшаш ҳаракатга тушмоқ, ўзини у ёқ-бу ёққа ташламоқ; ўйноқиламоқ. Шайтонламай тўғри тур. ■ Гоҳо-гоҳо молхонада шайтонлаб, шаталоқ отишга интилаётган бузоқни уришган Раҳмон отанинг овози келиб туради. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ШАЙТОНЛИК 1 айн. иблислик.

2 Шайтонга хос хатти-ҳаракат, иш, қилиқ (қ. шайтон 2); айёрлик. Директор мулоимгина юрган йигитдан шунча шайтонлик келганидан ажабланди. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. Лекин келинойилари.. бу ҳолни ҳийла ва шайтонлик эканини яхши англасалар ҳам, ҳовлиқма, лақма-енгил Лутфинисо бунга чиндан ишонар.. кўз ёши қилар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ШАЙТОНТЕРИ с.т. Қалин, пишиқ ип газлама. Чидаганга чиқарган дейсизми, бурга чит дейсизми, роҳатбадан дейсизми.. шайтонтери дейсизми.. кеп қолинг, харидор! Ғ. Фулом, Шум бола. Машинани мойлаганда ёки техник назоратлар пайтида шайтонтеридан тикилган фартук ёки халат кийиш фойдали. Газетадан.

ШАЙХ [а. شيخ — қария, кекса; уруғ, қабила бошлиғи; диний раҳбар; олим, мураббий] Ислом дини тарқалган мамлакатларда, аввало, билимдон кишиларга, сўнгра уламо ва фақиҳларга берилган ном; кейинчалик муқаддас жойларнинг мутасаддилари ҳам шайх деб юритилган. Мирқарим.. дарров ўз қиёфасини ўзгартириб олди: бошига катта салла ўради, эгнига кимхоб тўн кийди ва вақтинча авлиё шайхга айланди. П. Турсун, Ўқитувчи. Амирлар, шайхлар, уламолар кенгашиб.. катта қўшин билан боришга фатво берилди. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. Шу кунни отасининг мазорига бориб, шам ёқди, қабристондаги шайхларга назр берди Малак. Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

ШАЙХЛИК Шайх мақоми, лавозими. -Шайхлик муборак, — деди Нодиров, Бобомирзага ҳазил қилиб. И. Раҳим, Тақдир. Мирқарим Тўқсонов.. Шохмардонга қочди — амалкисининг у ерда шайхлик қилишини билар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ШАЙХУЛИСЛОМ [а. شيخ الاسلام — ислом дини шайхи; диний қонунларни шарҳловчи] дин. Мусулмон руҳонийлари бошлиғининг унвони, олий диний унвон ҳамда шу унвонга эга киши, бош руҳоний. Ҳусайн Бойқаро.. шайхулисломдан шариатга доир бир масалани сўради. Ойбек, Навоий. Шайхулислом Исомиддин ҳазратлари ҳам шаҳзода ёнидаги чодирлардан бирида. Мирмуҳсин, Меъмор.

ШАК I [а. شاك — шубҳа; ишончсизлик, ишонмаслик] Шубҳа, гумон. -Мен билмадим, — деди [уста] ниҳоят, — шак йўқ, оғир гап. О. Ёқубов, Ларза. Бу андишанинг ҳақлигида шак йўқ, Анвар! А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Менинг Қаримовдан жуда шаким бор, бу одам бизга яхшилик соғинмайдиган кўринади. Ҳ. Шамс. Душман.

Шак келгирмоқ Шубҳа билан қарамоқ; ишонмаслик. Илоҳий қудратга шак келтирмоқ. ■ -Шариатга шак келтирган бу аблаҳни зиндонга солмоқ зарур, — деди [қози-калон] катта салласини силжитиб. Ж. Шарипов, Хоразм. Муқаддас авлиёлар ишига шак келтириш — улуг гуноҳ. Н. Сафаров, Оловли излар.

ШАК II [а. شك] Рамазон (рўза) ойи киришидан олдинги кун; рўза арафаси. Шак кун. ■ Бир ёқдан рўза ойи ҳам юракка гулгула солиб яқинлашмоқда эди. Пашмак

Махдум, суфи, яна бир неча обрўли одамларни чақириб, уларни шак кун палов билан сийлаб, рўза кун уларга оғиз очтириш.. керак! М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ШАКАР [ф. شکر < қад. ҳинд. sakkhara — шағал, қум; қанд уни] 1 Лавлагги ёки шакарқамиш ўсимлигидан саноат йўли билан олинадиган оқ-сарғиш рангли қумсимон ширинлик. *Шакар сепилган қатлама. Ширин сўз шакардан ширин.* Мақол. ■ *Ҳолва ясамоққа шакар керакдир. Безак ишламоққа заргар керакдир.* Ё. Мирзо.

2 кўча Ширин, мазали, тотли. *Шакар қовун.*

3 кўча Кишига ёқадиган, ёқимли. *Тили шакар қиз.* ■ *Тополмайин юрур ёрнинг ўзини, Тўтиё қилади шакар сўзини.* «Ширин билан Шакар».

4 Шакар (хотин-қизлар исми).

Тил учиди шакар бермоқ 1) тилидан сўрдирмоқ. *Кетма, ёрим, кетма, жоним берайин, Тилимни(нг) учиди шакар берайин.* «Кўшиқлар»; 2) салб. ширин сўз билан ийдирмоқ; тилёғламалик қилиб аврамоқ, алдамоқ. *Соҳиб қори, ўз таъбири билан айтганда, илонга ҳам тилининг учиди шакар берадиган киши.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Тилин-га шакар** Яхши, ёқимли сўз (гап) эшитганда айтиладиган ибора. **Шакар қоп** Майин каноп матодан тикилган кичикроқ қоп, линча. [Қудратнинг] *Бошида моғор, эски дўпти, олдида шакар қопдан тикилган фартук.. бадани қўлидаги темирдай мустаҳкам.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Шақари оғзиниғизда** Савдо муносабатиди: сотувчининг мол баҳосини айтиб, харидорга хитобан «сўранг, сизга қанча бўлса бўлади» мазмунда айтадиган ибораси.

ШАКАРАК I [ф. شکرک] Қовун турларидан бири.

ШАКАРАК II [ф. شکرک] Ўсимлик бити; шира.

ШАКАРАНГУР [ф. شکرانگور — шакардай ширин узум] Узумнинг пўсти юпқа, нимранг, карсиллайдиган ширин нави. *Овқатни еб бўлишгач, бир баркашда карсиллаган шакарангур, эчкемар ва шафтоли чиқди.* Ойбек, Улуғ йўл. ..*кампир тайёрлаган дастурхон ёнига ўтириб, ҳусайни, карсиллайдиган шакарангурдан чўқилади.* Мирмуҳсин, Умид.

ШАКАРГУФТОР [ф. شکرگفتار — ширинсўз] кт. кам қўлл. Гапи-сўзи ёқимли; тили ширин, ширинсўз. *Садоқат бирла ҳар меҳнат учун тайёрлардансиз, Билимдону ширин сўзли шакаргуфторлардансиз.* Ҳабибий.

ШАКАРГУФТОРЛИК Кўнгиш очадиган, ширин суҳбат, гурунг. *Шакаргуфторлик қилмоқ.* ■ *Хушчақчақлик, одамшавандалик, шакаргуфторлик, соғлом ҳазил кишини яшартиради.* Газетадан.

ШАКАРЛАМОҚ Шакар аралаштирмоқ, шакар сепмоқ; шакар билан қориштирмоқ. *Кулуннайни шакарламоқ. Варақи сомсани шакарламоқ.* Лимонни кесиб, шакарлаб қўймоқ.

ШАКАРЛИ 1 Таркибида шакар бўлган. *Шакарли моддалар. Шакарли ўсимликлар.*

2 Шакар қўшилган, шакар сепилган. *Шакарли чой.*

ШАКАРНАЙ [ф. شکرناي] айн. шакарқамиш.

ШАКАРОБ [ф. شکرآب — ширин, шакарли сув] шв. Аччиқ-чучук. *Шакароба туз сепмоқ.* ■ *-Келин, помидор олиб чиқинг, бекор ўтирмай, шакароб қила тураман, — деди уста.* Т. Алимов, Одамсиз уйлар. *Садбархон бўлса, шакаробага ниёз тўғраётган эди.* С. Зуннунова, Гудак ҳиди.

Шакароб соя Дарахт барглари оралаб тушган парча-парча соя. *Толлардан тўкилган шакароб соя Дурра ҳам бўлолмас уйлар томига.* Ҳ. Шарипов. **Шакароб қилиб сув сепмоқ** Челақдаги сувни қўл билан сачратиб сепмоқ. *Жиккаккина самоварчи, кечки чойсўрларни кутиб олиш учун, пақирдаги сувни аягандай, чимдим-чимдим шакароб қилиб, сўрилар ёнига сепмоқда.* А. Мухтор, Опасингиллар.

ШАКАРПАЗ [ф. شکرپز — шакар, ширинлик пиширувчи] Пашмак, ҳолва, обак, новвот каби миллий ширинликлар пиширувчи мутахассис; қандолатчи. *-Бобомурод шакарпаз — қўли гул одам. Жойинг жаннатда бўлгур, бултур қазо қилди, — почча қўл очиб, шакарпазнинг арвоҳига фотиҳа ўқиди.* С. Анорбоев, Мехр.

ШАКАРПАЗЛИК 1 Шакарпаз иши, касби. *Шакарпазликда бобомнинг олдида тушадигани бўлмаган экан.* Газетадан.

2 Пашмак, новвот каби маҳаллий ширинликлар тайёрланадиган бино, цех. *Мен шакарпазликда ишлайман.*

ШАКАРПАЛАК [ф. + а. شكارپالاك — па- лаги ширин] Сирти сертўр, ўзи серэт ўр- тапишар қовун нави. Маҳмуд яқиндаги по- лиздан битта шакарпалак узиб чиқиб, ерга қўйди-да, Ширмонхоннинг етиб келишини кутиб турди. С. Зуннунова, Олов. Шакарпалак қовунлар, зилол бодринглар қуёш нурунинг, тупроқнинг ажойиб неъматлари эмасми! Э. Охунова, Қуёш — ошпаз.

ШАКАРПОЯ [ф. شكارپايه — пояси ши- рин, ширин пояли] Шакарқамиш ўсимли- гининг пояси; шакарқамиш.

ШАКАРҚАМИШ Қанд (шакар)модда- ли, ўтсимон кўп йиллик ўсимликлар тур- куми.

ШАККОК [а. شكاك — шубҳа билан қа- райдиган, ишонмайдиган] 1 Ҳар нарсага шубҳа, ишончсизлик билан қарайдиган, ишонмай, иккиланиб турадиган одам. Мав- сумда 250—300 тонна пахта териб, шак- кокнинг кўзига кўрсатган қаҳрамонлар бит- та-иккита эмас. Газетадан.

2 Диний ақидаларга шубҳа билан қа- райдиган, шак келтирадиган киши. Ҳой мусулмонлар!.. Бу шаккок.. бедин большевой- ларни думмага сайлаб, исломни оёғости қи- лишди. К. Яшин, Ҳамза.

ШАККОКЛИК Шаккок иши, хатти- ҳаракати; шак келтириш. —Сизни шаккоклик- да айблаш учун [бекларда] ҳеч асос борми? — сўради Навоий кулиб Султонмуроддан. Ойбек, Навоий.

Шаккоклик қилмоқ Шак келтирмоқ (қ. шак I). Бош тортувчилар чиқиб қолғудек бўлса.. дини ислом ишига шаккоклик қилган имонсиз сифатида бошини танасидан жудо қиласиз. Н. Сафаров, Наврўз.

ШАКЛ [а. شكل — кўриниш, расм; тарз, усул] 1 Нарсанинг ташқи кўриниши, сирт- қи қиёфаси, ифодаси. Учбурчак шаклидаги жисм. Айиқ шаклидаги қоя. Шақлини ўзгар- тирмоқ. Бирор шаклга киритмоқ. ■ Дераза ойналарига турли шаклда қийиқ қоғозлар ёпиштирилган. Ойбек, Қуёш қораймас. Дў- кондор уларга қалин китоб шаклида бир нимани тутқазди. Ойбек, Танланган асар- лар.

2 мат. Маълум кўриниш, қолипдаги нарса, фигура. Геометрик шакллар.

3 физ. Жисмнинг ҳолати, кўриниши. Муз сувнинг қаттиқ шаклидир.

4 Мазмуннинг ифода томони, ташқи кўриниши, ифодаланиши. Бу ажойиб асар- обидада минг-минглаб ўзбек оилаларининг жасорати умумлашма шаклида ифодаланган. Газетадан. Янги давр қўшиқлари анъанавий шакллар.. тасвир воситаларисиз туғилиши ҳамда ёйилиши мумкин эмас эди, албатта. «ЎТА».

5 кўчма Бирор нарсани амалга ошириш йўсини; усул. Сен билан иккимиз икки шаклда ўйлаймиз. ■ Пахта фронтидаги ижодий меҳнат хилма-хил шакллар касб этипти. Ҳ. Фулом, Ишонч. ..адабий алоқа- ларимиз янги-янги шакллар билан бойиди. Газетадан.

ШАКЛАН [а. شكل — шаклига, ташқи кўринишига кўра] Воқе бўлиш, амалга ошиш ёки ифодаланиш усулига, шаклига кўра. Чиндан ҳам истиора шаклан энг сиқик формадаги ўхшатишни эслатади. «ЎТА».

ШАКЛАНМОҚ эск. Шубҳа билан қа- рамоқ; шубҳаланмоқ. У бу ҳолдан шаклан- ди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШАКЛДОР [а. + ф. شكلدار — шаклга эга] 1 айн. шакли.

2 Мураккаб шаклга эга бўлган; жим- жимадор, серҳашам. Шаклдор нақш. Шакл- дор пештоқ.

ШАКЛИЙ [а. شكلى — шаклга доир] Муайян шаклга эга бўлган, аниқ бир шакли; шаклан.

ШАКЛИК дин. Шак қуни марҳумлар- нинг арвоҳларига бағишлаб аёллар учун ўтказиладиган кичик маърака. Чолаинг ёс- тиғи тагидан топишган пул уни кўмиб ке- лишгагина етди. Ҳали бу ёқда учи, еттиси, йигирмасы, фотиҳахонлиги, шаклиги, иф- торлиги, икки ҳайити.. ва ҳоказолар бор. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ШАКЛЛАНМОҚ 1 Маълум бир шакл- га кирмоқ, шакл, тус олмоқ. Тандирда ёғ- лиқ хамир аста вижирлаб бўртиб, чекич ўринлари дарҳол шаклланди. Ҳ. Фулом, Тош- кентликлар.

2 Юзага келмоқ, яратмоқ. Болада дид йиллар давомида шаклланади, ривожланади. ■ Бу ердаги.. одамларнинг қиёфаси ўзгарди, янги ижтимоий муносабатлар шаклланаёт- ти. Газетадан. Шариф Ризаев матбуотда ишлай бошлаган даврларда журналистика- нинг айрим жанрлари ҳали шаклланмаган эди. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ШАКЛИИ Муайян шаклга, кўринишга эга бўлган. Унсин туморча шакли ҳовлига наमत ёзиб, курсида утириб, маҳси тикади. Ойбек, Танланган асарлар. Қирқма шахмат усулида ишлаш учун.. текис ва тўғри шакли.. участкалар ажратилсин! Газетадан.

ШАКЛ-ШАМОЙИЛ [шакл + шамойил] Ташқи кўриниш; қиёфа, вазоҳат. *Шакл-шамойили девни хўркитадиган.. бир махлуқни шонли бир куннинг армуғони қилиб белгилашга каминангизнинг у қадар кўнгли бўлмайди.* К. Алиев, Қўланса ҳаёда. *Бизгача етиб келган бу ёдгорликларнинг кўпчилиги ҳозирда ҳам шакл-шамойилини, ҳусну чиройини қарийб сақлаб, томошабинларни ҳаяжонга солиб келмоқда.* Газетадан.

ШАКСИЗ Муқаррар равишда; аниқ, шубҳасиз. *-Ҳар ким келса, бундан шод бўлиб кетар, Сил бўлса, ўлкасин яраси битар, Қари келиб кўрса, шаксиз ёш этар, Ёш йигитдек даврон сурғали келдим.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ШАЛ [а. شَل / شَل — фалаж; фалажла-ниш; шол касали] айн. **шол** II.

ШАЛАББО Сувда ивиб кетган, жикқа ҳўл; шилта. [Сувонжон билан Ойсулу] *Ўзларини панага олгунча бўлмай, шилтаю шалаббо бўлишди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Устбоши шалаббо, совқотган икки дўст секин-секин қирғоқ томон силжиди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ёмғирда шалаббо бўлган деҳқон болалари сакраб, ўйинга тушишарди.* Мирмуҳсин, Созанда.

ШАЛАЙИМ Ниҳоятда куч-мадори кетган ҳолатли; мажолсиз; шалвираган. *Нонвой ерга тушганидан кейин шалайим бўлиб, ўр-нидан туролмай қолди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [Низомжон] *Икки тиззасида дармон қолмай, оғир калтаклардан шалайим бўлиб йиқилиб, ўрнидан турганга ўхшарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ШАЛВАЙМОҚ Куч-мадорсиз, ҳолсиз ҳолатга тушмоқ; бўшашмоқ, шалвирамоқ. *Қудрат почтадан негадир шалвайиб кел-ётган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Шафтолиқоқидек бурушиб, эски маҳсидек шалвайиб қолибмиз-у, бизга ким қўйипти, болам.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАЛВАР [ф. шарار — иштон, шим] с.т. Чолвор. *Почаси бўғиқ, кўк сатин шалвари озода ва ўзига ярашган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ШАЛВИЛЛАМОҚ айн. **шалвирамоқ.** *Ана холос!..муовиним ҳеч нарсадан хабарсиз, шалвиллаб юраверган экан-да! «Муштум».*

ШАЛВИРАГАН 1 **Шалвирамоқ** фл. сфдш. *Ёстиқдошининг иягини танғиди-да, шалвираб қолган икки қўлини ёнига чўзиб қўйиб, оёқларини бир-бирига жипслаштирди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 Ишни яхши уддаламайдиган; бўшашган, уддасиз. *Мен бу шалвираган осиеликни ишга қабул қилиб, ўз мартабамга футур етказайми..* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ШАЛВИРАМОҚ 1 Осилиб турмоқ, бўшашиб, солқи бўлиб қолмоқ. *Чолнинг.. кўзлари қаърига тортган, қовоқлари шалвираб осилиб тушган эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. [Машинадан] *Тушиб қарадим. -Баллон латтадек шалвираб қолибди, — деди Ботир.* Ў. Ҳошимов, Чўл ҳавоси. *Бутун юзи қулоқларигача кўкариб, қўллари ёнига шалвираб тушган Писмиқ ўлим тусига кириб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Мажолсизланмоқ, бўшашмоқ, ланж бўлмоқ. *Иссиқдан шалвираб кетаяпман. ■ У, қоронғи кечада, ёт элларда йўлдан адашиб, қаёққа боришини билмай, умидсизликка тушган кишидай шалвиради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Мирсалим турган ерида шалвираб қола берди. Унинг қимирлашига мадори йўқ эди.* Шухрат, Олтин зангламас.

3 кўчма Лапашанглик қилмоқ; сусткашлик қилмоқ, имилламоқ, бўшашмоқ. *-Баракалла, ҳали ҳам шалвираб юрибсанми? — деди татна қилиб Тошўлат Утбосарга.* Файратий, Эпчил кўёв.

ШАЛДИРАМА 1 Эгилганда, букилганда шалдирайдиган; янги. *Шоир бир тахта шалдирама қоғоз олиб, очик, қалин китоб устига қўйди.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Ўртада пул хирмондай уйилган. Оқподшонинг сурати тушган нуқул шалдирама қоғозлар-а..* Қарасам, кўзимдан олов чиқиб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шалдираб оқадиган. *Тикка тоғ дуч келса ўтиб, шалдирама сой тўғри келганда кечи.. ўз сурувини салобатли саркардадай вазминлик билан эргаштириб кетаверадиган бу кўк серка.. ўзгариб қолган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАЛДИРАМОҚ 1 Бир-бирига ёки баъзи нарсаларга урилиб, шалдир-шулдур

овоз чиқармоқ. *Боланинг қўйнидан ёнғоқлар шалдираб ерга тўкилди. ■ Тўйхона бекаси шалдираб турган енгилгина бир ҳовуч маржонни унинг қўлига тутқизди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. Қамишлар шалдирайди. Қайқандир гумбурлаган овоз эшитилди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

2 Тўсиқларга урилиб ёки пастга шиддат билан қуйилиб, шалдир-шулдур овоз чиқармоқ. *Дарё улкан, унда сувлар шалдираб оқар. Ариқ исчам, унинг суви шилдираб оқар. С. Кароматов, Олтин қум.*

ШАЛДИРОҚ 1 айн. *шалдирама. Асрлар гувоҳи — қўлёзма ичра Утмиш ҳодисалар сирли, бепоён. Шалдироқ ва сарғиш қоғозлар узра Кезар нигоҳларинг, қадалган мужгон. Х. Расул. Шалдироқ қоғозгамас, кўк япроқларга Кўз ёшларидай тўкар шоир шеърини. С. Акбарий. Унга кун, тун баробар, Жар-қирғоқ, ота уйи. Унга найдек туйилар Сувнинг шалдироқ куйи. Қ. Мухаммадий.*

2 Бир-бирига урилганда, нарсаларга тегинганда шалдирайдиган; шалдир-шалдир овозли. *Шалдироқ кишанлар ҳукмига ачинмай берарсан ёшлигинг. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.*

ШАЛДИР-ШУЛДУР 1 Нарсаларнинг бир-бирига урилиши, сувнинг оқишида чиқадиган товушни билдиради. *Шалдир-шулдур сув оқар, Қўшиги менга ёқар. Ш. Саъдулла. Шундай кунларда кечга яқин шаҳарнинг тор кўчаларидан бирига шалдир-шулдур қилиб уч арава кириб келди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 кўчма Сир сақламайдиган, бор гапни тўкиб соладиган; дали-ғули. *Шалдир-шулдур йигит. ■ Тожимат ака.. кўнглида кири йўқ, шалдир-шулдур одам эди. С. Анорбоев, Оқсой. Ҳақиқатан ҳам бу шалдир-шулдур кекса киши ҳормас-толмаслиги билан барчага ибрат кўрсата бошлади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Гапинг тўғри, қизим. Сен бир қоп ёнғоқдай шалдир-шулдур эдинг, опанг ҳам шўх, қақилдоққина эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ШАЛДИР-ШУЛДУРЛИК Шалдир-шулдур шахсга хос хислат, хатти-ҳаракат. У [*Ҳамро Раҳимов*] шалдир-шулдурлиги билан Моҳидилга маъқул тушди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ШАЛЛАҚИ Шарм-ҳаёни билмайдиган, бўлар-бўлмаста жанжал кўтарадиган, жан-

жалкаш. *Ҳанифахон.. шаллақи қайнананинг захрига бардош берди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Мен сизни ўғил бола деб юрсам, шаллақи хотиндан ҳам баттар экансиз. С. Анорбоев, Оқсой.*

ШАЛЛАҚИЛАРЧА Шаллақиларга хос, шаллақиларга ўхшаб. *Хадичахон ҳовлини бошига кўтариб, шаллақиларча сонига шатилаб, бақира бошлади. Н. Фозилов, Оқим.*

ШАЛЛАҚИЛИК Шаллақи шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат, ўзини шаллақилар каби тутиш. *Пётр Кузьмич, жанжалнинг охирида шаллақилик йўлига ўтгани учун, Шавкатийнинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлган эди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.*

ШАЛОЛА [ا. شالالہ — шовва, шаршара] **1** Сувнинг юқоридан тик пастликка шиддат билан қуйилиб тушадиган жойи; шундай отилиб тушаётган сув; шовва. *Юқоридан жарлик тубига отилувчи шалола шердай ўкиради. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.*

2 шв. Дарё, жилга сувларининг тошларга урилиб, шовуллаб оқадиган жойи. *Бог, қўрғонлар орқада қолагач, Оқсой бўйига чиқилади. Қулоқни битирувчи шалола бошланади. С. Анорбоев, Оқсой.*

3 тех. Бир дарё оқимида жойлашган ва сув сарфи бўйича ўзаро боғлиқ бир неча гидроэлектрстанциядан бири. *Бешинчи шалолани Абдусамат ака ўз колхозчилари билан қурмоқда. Й. Шамшаров, Тошқин.*

ШАЛОП тақл. с. Катта ва оғир нарсанинг сувга, лойга тўсатдан тушишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради.

Шалоп этмоқ «Шалоп» деган товуш чиқармоқ. *Пулат куч билан қармоқни кўтарган эди, нимадир оғир сезилиб, сўнгга шалоп этиб, сувга тушиб кетди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.*

ШАЛОПЛАМОҚ «Шалоп-шалоп» этган овоз чиқармоқ. *Сувнинг шалоплаган овози эшитилди. ■ Сув қирғоққа шалоплаб урилиб, осилиб қолган новдаларни тортқилаб оқмоқда. С. Аҳмад, Уфқ. Бир-бирига туташиб кетган кичкина, тиниқ кўлчалар кўринди. Сув шалоплар.. С. Сиёев, Аваз.*

ШАЛОҚ с.т. **1** Қисмлари эскириб, бўшашиб, футурдан кетган; бузуқ. *Шалок арава. Шалок машина. ■ Чироқни топди, уни ёқиб, кичкина шалок хонтахта устига қўйди. Ойбек, Улуг йўл.*

Шалоғи чиққан айн. шалоқ 1. Шалоғи чиққан этик. ■ - Редактор шалоғи чиқиб кетган эски «Москвич»ни берадиган, мен каллайи саҳарлаб Жарқудуққа жўнайдиган бўлдим, — деди Учқун. О. Ёкубов, Бир фелъетон қиссаси.

2 кўчма Ҳолдан тойган, чарчаган; эзилган. Аъзойи баданим гўё биров калтаклаб ташлагандек шалоқ. «Муштум».

3 Ахлоқи бузуқ, безори. Шалоқ одам. Шалоқ хотин. ■ -Хафа бўлманг, синглим, — юплатди мудира. — Унақа шалоқ эрнинг боридан йўғи! С. Анорбоев, Мехр.

4 Ахлоқ доирасидан ташқари; ахлоқсиз, уятли, бузуқ. Боқи ака энг шалоқ сўзлар билан сўкинганча, Ҳайдарга ташланди. А. Кўчимов, Ҳалқа. Бир тўда одамлар бир даста акцияни чангаллаганларича, у ёқ-бу ёққа чопишар.. бир-бирларини шалоқ гаплар билан сўкишар, овозлари бўғилгунча бақиришарди. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт. У болалигидан бошлаб шалоқ юришлар ҳақида кўп эшитган.. П. Қодиров, Уч илдиш.

Оғзи шалоқ Уятли, беҳаё ибораларни тилга оладиган; тап тортмай сўкинаверадиган. Унинг оғзи шунақа шалоқ, боди кириб, шоди чиқаверади. О. Ҳусанов, Тошга сув сепсанг. **Оғзини шалоқ қилмоқ** Шалоқ сўзларни айтмоқ, уят, беҳаё сўзлар билан сўкинмоқ. Лекин наригиси кассадан келгандан бери оғзини шалоқ қилиб сўкингани-сўкинган. А. Мухтор, Туғилиш.

ШАЛОҚЛИК 1 Футурдан кетганлик, шалоқ ҳолатга эғалик (қ. **шалоқ 1**). Араванинг шалоқлиги.

2 Шалоқ шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат. -Мен бир неча йил аввал ота касбимнинг ҳадеганда жўнига тушиб ололмай, анчагина шалоқликлар ҳам қилганман, — деди домла. Ф. Фулом, Шум бола.

ШАЛП тақл. с. 1 Юмшоқ, ҳўл нарсанинг ерга ёки бошқа нарсага урилишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. Тўп учиб кетиб, писиллаганича дами чиқди-да, ерга шалп этиб тушди. Ҳ. Назир, Бир туп гўза. Молхона томининг тарновидан катта қор парчаси эриб, шалп этиб ерга тушди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 айн. шалоқ. Тош шалп этиб сувга тушди.

ШАЛПАЙМОҚ 1 Иссиқ ёки қаттиқ совуқ таъсирида таранглигини, «тирик» ҳолатини йўқотмоқ; сўлимоқ (ўсимлик ҳақида).

Кун иссиқ, дарахтларнинг барглари ҳам шалпайиб қолган. Газетадан.

2 кўчма Ҳолсизланиб бўшашмоқ, мажолсиз, ҳаракатсиз ҳолатда бўлмоқ. Эрта-лабки гимнастика шалпайиш ва қотиб қолганликни йўқотади. Газетадан. Турсанг-чи, мунча шалпаясан. Ҳ. Шамс, Душман.

3 кўчма Ҳафсаласи пир бўлмоқ, бўшашмоқ; хомуш бўлиб қолмоқ. У[раис] минбардан шалпайиб тушди, боя ўтирган қаторига эмас, орқароққа, панароққа бориб ўтирди. «Муштум».

4 Уддасиз, хатти-ҳаракатсиз бўлмоқ; шалвирамоқ. ..бечора-ей, анави бола мунча аммамнинг бузоғидай шалпайган экан.. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

ШАЛПАНГ Шалпайган, осилиб тушган (қулоқ ҳақида). «Оқтой».. шалпанг қулоқлари хачирникидай узун.. оҳанжамаси зўр эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Африка филларининг қулоғи ҳам катта, шалпанг бўлиб осилиб туради. Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

ШАЛПАНГҚУЛОҚ Қулоғи шалпайган; қулоғи бесўнақай катта. Шалпангқулоқ ит. ■ Элмурод.. янги курсантлар қабул қилар экан, камгўшт, қирғийбурун, шалпангқулоқ.. бир жангчи келиб, унинг қаршисида тўхтади. Шухрат, Шинелли йиллар.

ШАЛТОҚ 1 Сийдик аралаш гўнг, балчиқ. Молхона шалтоғи. ■ Озгин, қорнидаги шалтоғи қотиб ётган эшакка қараган эди.. «Ёшлик».

2 Шундай нарса ва лой кабилар билан ифлосланган; ифлос, исқирт. Бола тангани шалтоқ қўлида маҳкам қисганича, кўчани чангитиб.. арава орқасидан чопади. Газетадан. Машина ўтганда, деворлар лой, сув сачрайвериб, шалтоқ бўлиб кетган. Э. Усмонов, Ёлқин.

3 кўчма Умуман, ифлос, ярамас нарса, гап-сўз ва ш.к. Устма-уст ёғилаётган шалтоқ қанча жирканч бўлса ҳам, Фуломжон ўзини босди.. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бировнинг шалтоғига ботиб, жувонмарг бўлиб кетмасам, деб қўрқаман. С. Аҳмад, Ҳукм.

ШАЛТОҚ ОТМОҚ Бировни айбловчи, гуноҳкор қилувчи, ёмонловчи гап-сўз қилмоқ. Сенинг, айниқса, раисимиз Обид кетмонга шалтоқ отмоқ учун пайт қидирганингни ҳам биламан. А. Қодирий, Обид кетмон. Сиз буларга қўй, мой келтирасиз. Булар бўлса, ке-

тингиздан шалтоқ отади. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 кўча Озодаликка риюя қилмайдиган, ифлос иш тутадиган; ивирсиқ, искирт. *Бир шалтоқнинг ишини йигирма эпчил эглай олмас. Мақол.* ■ Уша чиноқбойни директор қилиб бўлармишми.. аввал ўзини эглаб олсин, ёқасининг кирини кўрганмисан? Хотини ҳам ўлғудай шалтоқ. Мирмуҳсин, Кўринмас ҳалқа.

ШАЛТОҚХОНА қ.х. Шалтоқ оқизиб қўйиладиган, шалтоқ йиғиладиган жой; чуқурлик.

ШАЛҲАК 1 Гўштдан ёки ёғдан ажратиш қийин бўлган юпқа парда. *Гўшт шалҳагини ажратмоқ.*

2 Сифати паст, ориқ, ёғсиз гўшт. *Эртаги думба мойдан бугунги шалҳак яхши. Мақол.*

ШАМ [а. شمع — мум; шам; чироқ] 1 Тўнгадиган ёки қуюқлашган ёғдан ўртасига пилик қўйиб ясалган таёқчасимон чироқ. *Шам қолдиғи. Шамни ёқмоқ.* ■ Кумри тоқчадаги шамни ўчирди. Уй қоронғиланди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Таниш кошонанинг беҳисоб шамлар зўрға ёритган тор ва узун йўлаклари кимсасиз эди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

Шам пули дин. Гўристонга бориб, қабристонда ёқиладиган шамлар учун ва хизмат ҳақи сифатида гўрков, шайх ва ш.к. ларга бериладиган пул, садақа. *Ёрмат билан Гулсумбиш Гулнорнинг қабрига боришди. Олиб келинган ош-нонни ва шам пулини гўрковга топшириб.. қайтишди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Шамдай қотмоқ** 1) ўта совқотмоқ, тўнгмоқ, музламоқ. *Мастерской битгунча, очликдан тиришиб, совуқда шамдай қотадиганга ўхшаймиз.* А. Муҳиддин, Ҳалая; 2) қўрқув ёки бошқа нарса таъсирида қимирламай қолмоқ. *Соҳиб қорининг ҳозирги чимчилаши бироздан кейинги катта калтакнинг шабадаси эди. Шунинг учун Холида бисот сандиғи олдида шамдек қотиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Шами сўнмоқ** (ёки **ўчмоқ**) Ўзидан олдин қўлланган сўз билдирган нарсанинг ниҳоясига етганини, тутаганини билдиради. *Ҳамид Олимжоннинг ҳаёт шами кутилмаган бир пайтда сўнди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Умидинг шами ўчиб, йўлларда толдинг.* Файратий.

2 эск. физ. Ёруғлик кучининг ўлчов бирлиги. *Кучи юз шам бўлган лампочка.*

ШАМА I Дамлаб ичилган чойнинг идиш тагида чўкиб қолган қисми. *Чойнакка шама тўлиб қолибди.* ■ -Самоварчилик ўлғудек майда иш. Сув олиб кел, утин ёр, оғиз-бурнинг кулга тўлиб пуфлаб, чўп тиқиб тур, пиёла арт, шамани тўк.. — деди самоварчи. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Рихси бир қўлида шамасидан сув силқиб ётган чойнакни ушлаганича, титраб ўртада турарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ШАМА II Бирор нарсага ишора тарзидаги сўз, гап; замирида бирор маъно бўладиган гап. *Бу шамаларни Ўлмасой сезадими-сезмайдими, билиш қийин, аммо Абдукарим асло фаҳламайди.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув. *Йигит шамани тушунди. Юзига сезилар-сезилмас қизил югурди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

Шама қилмоқ Шама тарзидаги (таг мазмунли) гап айтмоқ. *Овқатдан кейин секин шама қилиб кўрган эдим, «Ҳа энди, от билан туя бўлармиди», деб қолди.* Т. Алимов, Жоним ҳиқилдоғимга келди. *Йўлдош аввалига бепарвогина тинглади. Кейин диққат қилса, Мурзин нимагадир шама қилипти.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ШАМАЛОҚ Ғуж-ғуж ёки тўп-тўп. *Дархатлар тепасида болалар шамалоқ.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ҳозир чойхонада одам шамалоқ бўлса керак.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. *Икки томонида пахта демаганинги шамалоқ бўлиб очилиб ётибди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШАМАЛОҚДАЙ, -дек айн. **шамалоқ.** *Фарҳод тоғининг тагида Сирдарёнинг ҳар икки ёқасида шамалоқдек одам.* Ойдин, Ширин келди. -Қизимнинг қувонганича бор, ҳамма ёқ шамалоқдай қурт. *Худди садафдай товланиб ётибди-я — деди ўзига-ўзи ишонмаган Шарофат хола.* Файратий, Латофат.

ШАМАН қ. **шомон.**

ШАМГАРЛИК этн. Кечаю кундуз, тунлари ҳам шам ёқиб ишлаш. *Бозор чаққон бўлиб қолган кезларда устакор шамгарлик эълон қилади. Бундай пайтларда косиб кун-тун ухлмасдан ишлашга мажбур.* И. Каримов, Атлас жилваси.

ШАМГИН: юзи шамгин айн. **юзи шувут** қ. **шувут.** *Жўрабек бир ютиниб олди-да, бошини кўтариб, шамгин юз билан гап бошлади.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Унинг жатига колхоз катта-кичиклари олдида Холмирзанинг*

юзи шамгин бўлиб қолди. Ҳ. Назир, Ўтлар тугашганда. Қариган чоғимда юзимни шамгин қилдинг, ерга қаратдинг. К. Яшин, Ҳамза.

ШАМДОН [а. + ф. شمعان — шам идиши] Шам ўрнатиб қўйиладиган, металл, сопол, мармар ва ш.к. дан қилинган мослама. Катта шамдондаги шамларни ўчира бошлади. ■ Тилла шамдондаги пал-пал ёниб турган шам билан ўйнашиб тургандай бўлиб, ухладди. «Эртақлар».

ШАМИЁН Омоч бўйинтуруғининг икки чеккасига иккитадан ўрнатилган, ҳўкизлар бўйнида туриши учун хизмат қиладиган тўртта қозиқ. Ёмон ҳўкиз шамиён синдираб. Мақол.

Шамиён қайтармоқ эск. Бўйсунмай ўжарлик қилмоқ. Қултой Алпомишни кўриб.. жуда шамиён қайтариб, дўқлаб, Алпомишга қараб бир сўз айтиб турган экан. «Алпомиш».

ШАМЛИ 1 Шами бор; шам ўрнатилган. Шамли қути.

2 физ. Маълум шам кучига, ёруғлигига тенг. Юз шамли лампочка. ■ Тўй кўпайгандан бери Ёлғизжоннинг бош қашлашга қўли тегмай қолди. Тўйхоналарга, ҳовлиларга сим тортиб, беш юз шамли лампочкалар ўрнатиб бериш унинг иши. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ШАМОЙИЛ [а. شمائل — фазилатлар, яхши хислатлар, афзалликлар] кам қўлл. Кўриниш, сурат; тузилиш, шакл. Сумбати шамойилини эр йигитдек қилиб, Ахтабўзни миниб, Ҳасаннинг изидан тушиб кетди. «Бутақўз». Арча тагида гўл баргидай қалтираб турган Гулнознинг шаклу шамойили пажмурда тусга кириб.. Т. Сулаймон, Интизор.

ШАМОЛ [а. شمال < شمول — шимолий шамол, совуқ шамол] Ҳавонинг ер сатҳи бўйлаб (горизонтал) ҳаракати. Ёқимли шамол. Совуқ шамол. Каттиқ шамол турди. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр. Мақол. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Мақол. ■ Очиқ деразадан кирган майин шамол қизинг.. икки тола сочини бўйнига, томоғининг тагига тегизиб ўйнарди. С. Аҳмад, Бош оғриғи.

Кўкрагига шамол тегмоқ Танг ҳолатдан қутулиб, эркин, енгил шароитга чиқмоқ, эркин нафас оладиган бўлмоқ. Шароитлар яхшиланиб, оддий халқнинг ҳам кўкрагига шамол тегди. Шамолга учмоқ (ёки кетмоқ) Бехуда кетмоқ, сарф бўлмоқ ..озгина янглиш-

сангиз ҳам, ҳамма қилганларингиз шамолга учадир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Султнали.. қилган ҳаракатларининг шамолга кетганини хотирлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Шамолга қарши тупурмоқ Ўзига зарар, ёмон оқибат келтирадиган ишни қилмоқ. Бу бола хоннинг қамчисидан ҳайиқмади.. муттасил шамолга қарши тупуради. С. Сиёев, Аваз. Шамолни раво кўрмайди Ниҳоятда эҳтиёт қилади; ардоқлайди, эъозлайди. Отаси раҳматли, қариганимда кўрган болам, деб шамолни раво кўрмаган боласига! «Шарқ юлдузи». Қандай (ёки қайси) шамол учирди? Қандай сабаб, ниманинг шарофати билан ташриф буюрдингиз, келдингиз? Дарвозани Нуриддиннинг хотини Ҳаловат очди: -Э, келинг, Набижон ака, қандай шамол учирди? О. Ҳусанов, Дўстлар. Э, қадамларица ҳасанот.. қайси шамол учирди?! «Муштум».

ШАМОЛЛАМОҚ 1 Шамоллаш касалига дучор бўлмоқ, шамоллаш туфайли касал бўлмоқ; шабадаламоқ. Шамоллайсиз, Сафар ака, ўраниб ўлтиринг. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Элмурод кечаси эшикка эҳтиётсиз чиқди-ю, шамоллаб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с.т. Тоза ҳаводан нафас олиб юрмоқ. -Ҳа, йўл бўлсин, буvasи? -Сирожвой билан бир шамоллаб келайлик. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Анча шамоллаб ва енгиллаб кирган вақтида мингобоши дастурхон ёнига ағнаб, учиб қолган эди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ШАМОЛЛАТМОҚ 1 Шамолламоқ фл. орт. н. Кўмрийой, Ғани отага айтинг, Тўлқинни олиб келсин, шамоллатиб қўймасин. Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Бирор жойнинг ҳавосини янгиламоқ. Бугун эртaroқ қайтди. Кун бўйи иссиқ қамалиб, димиқиб қолган хонани шамоллатиш учун деразаларни очиб юборди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 Тоза ҳаво, шамолда тутиб, гард-ғубор ва ш.к. дан холи қилмоқ. Хафа бўлма, ҳар замон келиб, шамоллатиб турмасам, чириб, ириб кетасан. А. Қаҳҳор, Асарлар. Ҳар кун.. рўмолни ечиб [бошимизни] икки соат-икки соат шамоллатиб юрамиз. Э. Раймов, Ажаб кишлоқ. Баҳорда, иссиқ кунларда.. уларни дорға ёйиб ташлар, шамоллатарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ШАМОЛЛАШ 1 Шамолламоқ фл. ҳар.

н. *Тоза ҳавода шамоллаш.*

2 Одам организмга совуқ тегиши натижасида пайдо бўладиган энгил касаллик; бошқа ўткир касалликларга сабаб бўладиган омил. *Шамоллаш ва зотилжам касалининг олдини олишда чақалоқни чиниқтира боришнинг аҳамияти катта.* «Саодат».

ШАМОЛЛИ Шамол бўлган, шамол эсиб турган. *Шамолли кун қичқирма, товушинг зое кетади.* Мақол.

ШАМОЛПАРРАК [шамол + паррак] с.т. Вентилятор.

ШАМОЛСИЗ Шамол бўлмаган, эсмаган; тинч. *Шамолсиз тун.*

ШАМПАН с.т. айн. **шампанский**. *Столга шампан виноси, ароқ, пиво, сув териб қўйилган эди.* С. Нуров, Нарвон. *Шампан тиқини пақиллаб отилади, дастурхонга вашиллаб вино оқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ШАМПАНСКИЙ [фр. Champagne — Франциядаги айни вино дастлаб расм бўлган Шампань вилояти номидан] Карбонат ангидрид гази билан тўйинтирилиб, герметик идишда қайта ачитилган узумдан солинган, кўпикланиб вижиллаб турадиган вино. *Шампанский* ичмоқ. ■ *Собиржон муроди ҳосил бўлиб, қаттиқ олқишлар остида куёв билан келинга бир рюмкадан шампанский тутди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

ШАМПУНЬ [ингл. shampoo — бошни ювиш] Турли хил мойли ва хушбўй моддалар, махсус қўшимчалардан фойдаланиб тайёрланган, кенг қўламда қўлланадиган суяқ ёки хамирсимон ювиш воситаси.

ШАМС [а. شمس — қуёш] 1 кт. айн. **қуёш** 1. *Бугун коинотда шамс — подшо, қамар — вазирдир.* Ойбек, Навоий.

2 Шамс (эркаklar исми).

ШАМСА [а. شمشه — металлдан ишланган қуёш нақши] Таркибида қуёш тасвири бўлган гул ёки нақш. *Уйнинг олтин рангли «шамса»си, деворлардаги ранго-ранг нақшлар ҳисларни, завқларни қанотланттирар эди.* Ойбек, Навоий.

ШАМСИЯ I [а. شمسية — қуёшга, қуёш йилига оид] 1 Қуёшнинг йиллик ҳаракат циклига қараб белгиланадиган, 365 ёки 366 кундан иборат, 22 мартдан бошланадиган йил; қуёш йили (Шамсия йили қуйидаги ойлардан иборат: хут, ҳамал, савр, жавзо,

саратон, асад, сунбула, мезон, ақраб, қавс, жадй, далв).

2 Шамсия (хотин-қизлар исми).

ШАМСИЯ II [а. شمسية — қуёшга оид, алоқадор] эск. кт. Куёш нуридан, ёгин-со-чиндан сақланиш учун тутиладиган соябон; зонт. *Намчил хибонларда шамсия тутган ошиқлар оҳиста кезар эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ШАМЧИРОҚ [шам + чироқ] айн. **шам** 1. *Ҳамманикида электр ёнса-ю, сиз шамчи-роқ ёқиб ўтирсангиз, яхшими?* И. Раҳим, Ихлос. *Токдада хира ёнаётган шамчи-роқ ташқарида эсган шамолни сезгандек пир-пиради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАМШИР [ф. شمشير — қилич, тиф] 1 от, кт. айн. **қилич** 1. *Саид Жалолхон ғайратига чидолмай, шамишр суғурди ва ҳавода ўйнатиб, аскарга фармон берди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Отряд кетидан ҳавода шамишрини ярқиратиб, темирчи Абдукарим билан.. Абдулла от чоптириб кетишиди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

2 сф. *кўча* Ўткир, етук. *Ҳозир соҳиб-корлар даврасида зехни шамишр, халқ тажрибаси билан мўъжизакор фанни пайванд этган ёшлар кўп.* Р. Мусамухамедов, Кўчат эк, боғ қил!

ШАМШОД [ф. شمشاد] Ёғочи қаттиқ, доим яшил, тик ўсадиган жанубий дарахт ёки бута. *Шамшод кўчати. Шамшод тароқ.*

Қомати (ёки қадди) **шамшод** ёки **шамшод қомат** (ёки қад) *позт.* Қадди-қомати тик ва келишган. *Хотин-қиз элига дарду бало паранжи, Шамшод қадларини қилди дуто паранжи.* Ғ. Фулом. *Зухранинг шаҳло кўзлари жиққа ёшга тўлди, шамишод қомати тебран-ди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ШАМҒАЛАТ [а. شمشالط]: **қўзини шам-ғалат қилиб** Қўзига чап бериб, кўрсатмай, билдирмай. *Ўзимга бунакка теккан бугдойдан 2—3 мартаба ярым пуддан-ярым пуддан кўтариб, Сатторқул акамнинг қўзини шам-ғалат қилиб, шаҳарга — бозорга тушиб сотдим.* Ғ. Фулом, Тирилган мурда. *Бағзиди Мирёқуб уйдагиларнинг қўзини шамғалат қилиб, Анаободга жўнаб қолар эди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ШАНБА [ф. شنبه — ҳафтанинг биринчи кун; Ислом динида жума — ибодат ва дам олиш кун; деб қабул қилинган, шанба янги ҳафтанинг бошланиш кун; бўлиб қолган]

Ҳафтанинг жумадан кейинги, якшанбадан олдинги олтинчи куни. *Жума ёғса, шанба тинар; шанба ёғса, қачон тинар?* Мақол. ■ Бу сўлим масканларда шанба ва якшанба кунлари сайру саёҳат қилган ҳамшаҳарларимиз жуда кўнглили дам олади.. Газетадан.

ШАНБАЛИК Жамоа бўлиб, оммавий ва ихтиёрий равишда бирор ижтимоий фойдали ишни бажариш (дастлаб бундай ишлар шанба кунлари бажарилган). *Шанбалик ўтказмоқ.* ■ *Шанбалик куну шу теракларни, ҳув кўчанинг нариги томонидаги чинорларни экишганди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Шаҳарни янада обод ва кўкаламзор қилиш мақсадида оммавий шанбаликлар ўтказиш анъанага айланиб қолди.* Газетадан.

ШАНТАЖ [фр. chantage] Ўз мақсадига эришиш, бирон фойда кўриш учун қилинадиган ифво, дўқ уриш, қўрқитиш каби ёмон ниятдаги хатти-ҳаракат, дўқ, пўписа. *Унчалик кетма. Шантаж деганинг нимаси?* А. Мухтор, Туғилиш. *Йўқ, бу исён, шантаж, галаён..* Р. Бобожон.

ШАНТАЖЧИ Шантаж билан шуғullanувчи. *Шантажчиларнинг шармандаси чиқди.*

ШАНҒИ 1: шанғи овоз (ёки товуш) Баланд ва кўпол овоз, товуш. *Йўлнинг олислигини билдирмаслик учунми, Абилжон шанғи овози билан гоҳ қўшиқ айтар, гоҳ ҳазиломуз гап қотиб борар эди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Кимдир шанғи товуш билан: -Мулла Асад, ҳамқишлоғингизни чақириб чиқинг, иккита ашула қилиб берсин, - деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шундай товуш билан гапирадиган; бақироқ. *Шанғи хотин.* ■ *Сидиқжоннинг кўзига қабр сингари қоп-қоронғи ва тор уй, қайнараси сингари ўлгундай баджаҳл ва шанғи кампир.. кўриниб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шанғи самоварчи жўмраги учига жез қопланган чойнакни бир пиёла билан.. дўқ этиб қўйиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШАНҒИЛАМОҚ 1 Баланд овоз билан, бақириб гапирмоқ. *Телефонда гаплашадиган райишроком раиси овозининг борича шанғилар, гапни тушунтиролмай бўғиларди.* С. Аҳмад, Хукм. *Кўп ўтмай аскиячиларнинг шанғиллаган овози ҳамманинг диққатини жалб қилди.* М. Осим, Сехрли сўз.

2 Қаттиқ ёқимсиз овоз чиқармоқ. *Кўн-ғироқ қаттиқ шанғиллади.*

ҚУЛОҒИ ШАНҒИЛАМОҚ Чарчаш, толиқиш ёки қарилик натижасида қулоғида шовқин пайдо бўлмоқ. *Хиёlining кўзи тиниб, қулоғи шанғиллай бошлади.* И. Раҳим, Тақдир. *Унинг [Навоийнинг] бели букчайиб, қўллари қалтирайдиган, қулоғи шанғиллайдиган бўлиб қолди.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

ШАНҒИМОҚ с.т. Шанғилламоқ. У [Ҳожи хола] бир ёқдан шанғиб, бир ёқдан пайпасланиб, Тўтиқиз орқасидан югурди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШАП 1 айн. шалп. Бир донга олма узилиб, шап этиб сувга тушиди. ■ *Ҳўжабеков гарданига шап этказиб урди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дарс вақти тугай деганда.. китобни шап этказиб ёнди.* «Муштум».

2 Тўсатдан, бирдан; қаттиқ. *Мутал уни тўхтатмоқчи бўлиб, этагидан «шап» ушлади.. кўйлаги ёқасигача йиртилиб кетди.* О. Ёкубов, Ларза.

ШАПАЛОҚ 1 Кўлнинг беш панжа ва кафтдан иборат қисми. -*Ажаб қиламан! - деди Кумуш ва шапалоғи билан эрининг юзига секингина уриб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Замон у ёқ-бу ёққа бир жаланглаб олгандан кейин, бир шапалоғини оғзи ёнига тутди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кўл, беш панжа билан (бетга) урилган зарба, тарсаки. *Бир шапалоқ урмоқ.* ■ *Искандар, худди шапалоқ еган кишидек, турган ерида бир ирғиб тушиди.* М. Осим, Искандар ва Спитамен. *Исфандиёр шеърнинг охирини эшитишга чидамади.* Авазнинг бетига шапалоқ тортиб юборди. С. Сиёев, Аваз.

3 *қўйма* Қарши ҳаракат, зарба.

4 *қўйма* Шапалоққа ўхшаш, шапалоқ каби. *Бақатерак шапалоқ-шапалоқ барғлари-ни қарсиллатиб садо берар..* Ж. Абдуллахонов, Орийат. *Унинг шапалоқ гулли қизил кўйлаги ловулар.. ёниб кўринарди.* Ў. Ҳошимов, Бир томчи шудринг.

ШАПАЛОҚГУЛ Шапалоқ барғли, кўпинча хонада ўстириладиган, гулсапарнинг бир тури. *Мана ўша қизғиш тувакдаги шапалоқгул.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАПАЛОҚЛАМОҚ Шапалоқ билан урмоқ, тарсаки туширмоқ. *Қосимов қайтиб ўрнига ўтираркан, тиззасига шапалоқлаб бир уриб қўйди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. [Бой Гулбаҳорга:] *Уйнаш деб, ўз болангни ўлдирдинг-*

ми? Гапир, шарият ургур! (Шапалоқлаб урар, Гулбаҳор ерга юзтубан йиқилар). Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ШАПАРАК Юпка, пучак. Шапарак нон.

■ Тахмонда бир эски яшиқ. Унинг устида увада кўрпа, тошдай қаттиқ кир, шапарак ёстиқ. Ойбек, Танланган асарлар. Бир куну у мактабдан қайтса, онаси шапараккина кўрпача устида ўтириб, қўл машинада иш тикаётган экан. Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

ШАПАТИ шв. айн. шапалоқ 1, 2. Амазжон пешонасига шапати урди. С. Сиёев, Аваз. - Сен билан улфатчилик қилган одамнинг ўзи аҳмоқ, — деб «устоди»нинг қулоқ-чеккасига шапати тортиб юбормоқчи бўлудди, кимдир қўлидан маҳкам ушлади. «Гулдаста».

ШАПАТИЛАМОҚ Шапати урмоқ. Вақ-қос ота.. ачиниб, пешонасига шапатिलाди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Хадичахон югуриб эшикка чиқиб.. шаллақиларча сонига шапатилаб, бақира бошлади.. Н. Фозилов, Дийдор.

ШАПИЛЛАМОҚ «Шап-шап» этган овоз чиқармоқ. Моторларнинг гувуллаши.. қайишларнинг шапиллаши.. тинди. Газетадан. Сувнинг шапиллашига вужудим талпиниб, кўрага кирдим. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ШАПИР-ШУПҮР тақл. с. Сувга нарсанинг кетма-кет урилиши билан чиқади-ган бир-бирига яқин товушни («шапир» ва шунга яқин товушни) билдиради. Бола шапир-шупур сузиб борар, оғзига сув кирар, совуқ суяк-суягига ўтар эди. А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

ШАПКА [р. шапка — эркалар бош кийими] 1 с.т. Пешона томонида соябончаси — козирёғи бўлган бош кийим; фуражка, кепка. Сайдалим аканинг ўғли гимназия деган катта мактабда ўқийди. Мактабга шапка кийиб боради-я. Тушундингизми, шапка! Ойбек, Танланган асарлар. Нормат.. шапкасининг козирёғи ва хром этигининг қўнжигача ярқираб турган капитанни кўрди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 айн. телпак.

3 лгф. с.т. Бир неча мақола учун умумий бўлган сарлавҳа.

ШАПКАЛИ Шапкаси бор, шапка кийган. Шапкали бола.

ШАПОҚ 1 Чиқаётган ёки ботаётган қуёшга, ёруғликка қарай олмайдиган (от ҳақида). Қоражонбек аччиқ қамчи уради, Шапоқман барабар кетиб боради. «Алпомиш». Шапоқ от кунга қараёлмай, чангалга оёқ босолмай, суруниб йиқилди. «Гуруғли».

2 Касаллик туфайли кўзга тушадиган холсимон оқ парда; кўз касаллиги. Кўзига шапоқ тушибди.

ШАППА Бирдан, тўсатдан. Асқар полвон бесўнақай лапанглаб, шаппа йиқилди. Ойбек, Қуёш қораймас. Хотин шаппа оғзимни ушлади: - Ҳой, сен нима қилмоқчисан? Ғ. Фулом, Шум бола. [Ит] Нигоранинг атрофида гир айланиб ўқраяр, қозиқ тишларини кўрсатиб ириллар, шаппа ёпишиб, узиб олиш учун пайт пойлар эди. С. Анорбоев, Оқсой.

ШАППАЛАМОҚ с.т. Шапалоқ билан секинроқ урмоқ, шаппатиламоқ. - Олиб келган одамларингиз саводли чиқиб қолдику, — деди мезбонлардан бири Мирзонинг елкасига шаппалаб. А. Қаҳҳор, Мирзо.

ШАППАТИ айн. шапати. Бувинисо Авазнинг юзига шаппати урди. Бола йиғлади. П. Турсун, Ўқитувчи. У, Эҳсоннинг кафтига шаппати билан уриб сўрашди-да, бурнини жишириб, уйнинг у ёқ-бу ёғига қаради. А. Қаҳҳор, Сароб.

ШАППАТИЛАМОҚ айн. шапатиламоқ. Шаппати урмоқ, шаппаламоқ. - Овозингни ўчир, бадаҳт, овозингни! Болаларнинг уйқусини ҳаром қилдинг, — деди [эшон] ва Элмуроднинг юзларига шаппатиламоқчи бўлиб, паст эгилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ШАПШАК шв. Ахлоқ-одобни билмайдиган, адабсиз; ҳеч нарсадан тортинмайдиган, уялмайдиган. Менинг бошимга асилзода эрни ўлдириб келдингми? А? Беҳаё шапшак. Ш. Тошматов, Эрк қуши. [Ҳажар.] Э, ўлим берсин, сен беюз шапшакка! Ҳамза, Паранжи сирлари.

ШАПШАКЛИК Шапшак эканлик, шапшакка хос хатти-ҳаракат. Олим одамнинг отасига шапшаклик ярашмайди. Н. Норқобил, Бекатдаги оқ уйча.

ШАП-ШУП тақл. с. «Шап» ва шунга яқин товушни билдиради. Нар-бери бўз салласини бошига чулғаб, сарпоячан кафшини шап-шуп босиб, дарвозадан ичкарига кириб бормоқда бўлган Сафар бўзчини маҳдум тўхтатди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ШАР I [қад. р. шар — бўёқ ва ундан қоладиган думалоқ доғ] **1 мат.** Фазодаги берилган нуқта (марказ)дан муайян узоқликда жойлашган нуқталарнинг геометрик ўрни: ярим доиранинг ўз диаметри атрофида айланишидан ҳосил бўлган геометрик жисм. *Шарнинг сиртини ўлчаш. Шарнинг радиуслари.*

2 Шундай шаклга эга бўлган нарса. Уларнинг шакли ҳам қизик: бири тухумга, бири бильярд шарига ўхшайди, баъзиси қайроқ тошдай узунчоқ ва силлиқ. Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар. Аммо бўм-бўш коридорда тўсатдан Замира дуч келиб қолди. Кўз кўзга тушди-ю, электр шарлар чақиниб чиққандай бўлди. П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Болалар ўйнаши учун ичига ҳаво ёки ҳавога нисбатан енгил газ тўлдирилган, думалоқ шаклдаги резинка пуфак. *Шар ёрилди. — Аввалги байрамлардагидек ҳавода рангбаранг шарлар учиб юрмапти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Ер шари Ер сайёраси. *Берма эркинги кўлдан, Яшмоқ чоғин!* Ернинг шаридир сенинг *Мулку чорбоғинг.* Ҳамза. **Ҳаво шари** Думалоқ шаклдаги аэростат.

ШАР II тақл. с. 1 Газмолнинг куч билан йиртилишидан ҳосил бўлган товушни билдиради. *Сурп шар этиб йиртилди.*

2 Суюқликнинг шиддат билан оқишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. *У қозонга бир пақир сувни шар этказиб қуйиб юборди.*

ШАРА-БАРА с.т. Турли-туман нарсалар, қақир-қуқур. *Бошимда бир тоғора ош, бўйнимда тасмали термос, шара-бара солинган тўрва.* «Муштум».

ШАРАФ [а. شرف — иззат, ҳурмат, фахр; асилзодалик, юқори мартаба; юксак ўрин] **1** Фахрланишга арзийдиган нарса, юксак қониқши ҳисси; бахт, фахр, ифтихор. *Шодлик билан туғилиб, шарафу обрў билан ўтмоқ — инсон учун бахт.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Катта билим даргоҳининг талабаси бўлишдек шарафга муяссар бўлдим.* Газетадан. *Туркистон мусулмонларининг ҳуқуқларини мудофаа эта билладиган тўрт-беш арбоби сиёсат етишса, биз учун шараф эмасми?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор ижобий хислат, хизмат ёки талант туфайли халқ орасида таратилган донг; шуҳрат, шон. *Пахтакор қаҳрамонлар*

га шон ва шарафлар бўлсин! — Юксак оқ олтин хирмони бунёд этиш учун кураш — шараф, обрў учун курашдир. Газетадан. *Абдурахмоннинг отаси уламо наслидан, аммо бу шараф нима сабаб биландир унинг отасига насиб бўлмаган.* А. Қолирий, Меҳробдан чаён.

Шараф билан Юксак ифтихор билан, шон-шарафга арзирли тарзда. *Ҳўжалигимиз деҳқонлари ўз зиммаларига олган давлат топишиғини шараф билан адо этдилар.* «Ўзбекистон қўриқлари». **Шарафига ёки шарафи учун** Бирор кимса ёки нарсанинг ҳурмати, эътибори ҳисобга олиниб, шунга бағишлаб, атаб. *Ўшдаги қароргоҳда бу оқшом сизларнинг шарафингизга тантанали зиёфат берилур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бу ёдгорлик Марказий Фарғонани ўзлаштирганлар шарафига Бектош Раҳимов ташаббуси билан ўрнатилган.* «Ўзбекистон қўриқлари».

3 Шараф (эркаклар исми).

ШАРАФА [а. شرف] махс. Бинонинг девор, шип ва ш.к. жойларига, одатда, ганчдан қуйиб ёки ўйиб ишланган нақш, безак. —О, азизим! — ҳайрат билан гапирди генералнинг хотини ўз шеригига, уйнинг шифтидаги ганч шарафаларни, тоқчаларнинг ўймакор ганч нақшларини кўрсатиб. Ойбек, Улуғ йўл. *Зилзила бўлганида, бу шарафа, гириҳлар ёрилган, кўчган, синган эди.* А. Абдуқодиров, Уста Маҳмуд.

ШАРАФЛАМОҚ Ҳурмат ва ифтихор билан тилга олмоқ, шон-шарафини қайд этмоқ. *Севимли ва улуғ Ватанимизни шарафлайдиган асарлар яратайлик.* Ойбек, Халққа хизмат — бахт. *Меҳнат инсонга фақат моддий фаровонлик келтирибгина қолмай, унинг маънавий дунёсини бойитади.. эл-юрт ичида шарафлайди.* Газетадан.

ШАРАФЛИ Шарафга, ҳурматга эга бўлган; фахрли; улуғ. *Ўқитувчининг машаққатли, масъулиятли, лекин ғоят шарафли, олийжаноб меҳнатини нимага қиёс қилса бўлади?* Газетадан. *Унинг шарафли умр йўлларида журналистик ижодиётнинг янги сарчашмалари очилмоқда.* Х. Ёлғоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ШАРАҚ тақл.с. Тош, темир каби қаттиқ нарсаларнинг ўзаро ёки бошқа қаттиқ нарсага урилишидан ҳосил бўлган овозни билдиради. *Коса шарақ этиб синди. Куча эшик шарақ этиб очилди.*

ШАРАҚЛАМОҚ 1 «Шарақ» этмоқ, «шарақ-шарақ» товуш чиқармоқ. У [Абдулла] хужра ичидан занжирнинг шарақлаганини эшитди, кимдир деворни тиймдалагандай бўлди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Автомобиль тезлаб кетган сари асбоблар бир-бирига шарақлаб урилади.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *..ўртада электрга уланган самовар шарақлаб қайнаб турарди.* О. Ёқубов, Диёнат.

2 кўчма Чақчақлаб кулмоқ, қаттиқ кулмоқ. *Ғиёс, ўқитувчининг оғзидан сал ҳазилнамо гап чиқиб қолгудек бўлса, шарақлаб кулиб юборарди.* Ф. Мусаёнов, Ғамхўр. *Шоир бўлса ҳамон шарақлаб кулар, чиройли кўзлари сузилиб кетган эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ШАРАҚ-ШАРАҚ 1 Шарақ с. тақр. Кузовдаги металл деталлар йўл бўйи шарақ-шарақ қилиб борди.

2 айн. **жарақ-жарақ.** Уч-тўрт йил мобайнида кирмаган ковагим қолмади.. шарақ-шарақ пул топдим. А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

ШАРАҚ-ШУРУҚ тақр. с. «Шарақ» ва шунга яқин товушларни билдиради. *Зилзила вақтида жавондаги идишлар шарақ-шуруқ бўлиб кетди.* ■ Бир бурчакда биттаси шарақ-шуруқ чўт уради. Ҳ. Шамс, Харақ-теристика.

ШАРБАТ [a. شربت — бир қултум; ширин ичимлик] 1 Пишиб етилган ҳўл мевалардаги қанд моддаси, ширинлик, шира. *Мевалар шираю шарбатга тўлмоқда.* Хоразм қовунлари ширинлиги ва шарбати билан машҳурдир. ■ Қоровул пахта гулли косада анор шарбати келтирди. С. Сиёев, Отлик аёл. *..бу ерларга сув чиқариб, ток кўкартирилса, ҳамма ёқни шарбатга тўлдириш мумкин.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Мевалардан тайёрланган ширин ичимлик. *Шу лаҳза Бадиа яна ўрнидан туриб, аравадаги хумчадан ним коса шарбат олиб келди.* Мирмуҳсин, Меъмор. [Бехўл] *Елкасига ташлаган дастурхонни ёзиб, баркашни меҳмон олдига суриб қўйди, кейин икки косада шарбат келтирди.* М. Осим, Зулмат ичра нур.

ШАРБАТДОР 1 Сувли, ширали, ширин (мева ҳақида). *Шарбатдор узум.* ■ Бу қишлоқда пишган луччак шафтоли шунчалик катта, шунчалик шарбатдор бўлар эканки.. Ф. Фулом, Тирилган мурда.

2 эск. тар. Хон саройидаги катта йиғинларда кишиларга май, шароб қуйиб берувчи шахс. -Хон тайёр экан.. — деди кулумсираб Қамбар шарбатдор. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шарбатдор чодирдан ичимлик идишларини.. олиб чиқиб кетди.* Ғ. Расул, Адолат.

ШАРЖ [фр. charge < charger — ошириб (бўрттириб) кўрсатмоқ] Шеърый ёки насрий сатирик, юмористик ҳамда тасвирий асарларда: бирор шахсга оид ҳажвий хусусиятлар устидан кулвиш; шу усулда яратилган расм ёки тавсиф. *Театр артистлари Гоголь персонажларини талқин қилишда, андак бўлса-да, шарж элементларига йўл қўймадилар.* Газетадан.

ШАРИАТ [a. شريعة — тўғри йўл; ислом ҳукмлари, қонун-қоидалари] дин. Ислом ҳуқуқ тизимида: мусулмонларнинг Қуръон асосида ишлаб чиқилган диний, жиноий ва фуқаролик қонун ва қоидалари мажмуи. *Шариат қоидалари.* ■ *Ярашмадиган бўлсангиз, шариат йўли топиб беради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шариат ҳамма вақт адолатни ҳимоя қилади.* К. Яшин, Ҳамза. У Бухорода мадрасада ўқиб юрганда, шариат ва тариқат илмини яхши ўрганган, Қуръонни ёд билар эди. П. Қодирова, Юлдузли тунлар.

Шариат пешволари Шариат қонун-қоидаларини мукамал биладиган, у ҳақда йўл-йўриқ кўрсатадиган кишилар (қози, уламо ва б). *Саройда барча — шариат пешволаридан тортиб то кичисина амалдоргача шонлиқ даъво қиларди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ШАРИАТПАНОҲ [a. + ф. شریعتپناه — шариат ҳимоячиси, паноҳи] Шариат қонун-қоидаларини изчилик билан амалга оширувчи, шариатни ҳимоя қилувчи, қўллаб-қувватловчи шахс. *Мен сени шариатпаноҳ деб юрган эканман. Энди кўзим очилди, сенинг туғли башарангни танидим энди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. *Шариатпаноҳ жанобларининг гаплари тўғри.* С. Айний, Жаллодлар.

ШАРИК [«шар 1» с. винг кичр.] Дума-лоқ шаклга эга бўлган кичикроқ нарса; соққа, соққача. *Подшипник шариклари.* Бильярд шариклари.

ШАРИКЛИ Шариги бор, шарик қўйилган, шарик билан ишлайдиган. *Шарикли подшипник.* ■ *Насосий портрети акс этган 60 минг дона авторучка ва шарикли ручкалар тайёрланмоқда.* Газетадан.

ШАРИЛЛАБ Кўп, кучли ва тез ҳолда (сув, ёмғир ва ш.к. нинг оқиши, ёғиши ҳақида). *Жилғалардан шариллаб лойқа сел келди. С. Анорбоев, Оқсой. Мезоннинг ўртасидан яна шариллаб ёмғир ёғди.. С. Сиёев, Аваз. Жумагулнинг бутун вужудидан шариллаб тер оқарди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ШАРИЛЛАМОҚ «Шар», «шар-шар» этган товуш чиқармоқ; шалдирамоқ (сув, суюқлик ҳақида). *Ёмғир тарновдан шариллаб тушяпти. ■ Суви қайтиб, тошлоқ қирғоқлари шақирлаб қолган сой бир текис шарилларди. С. Анорбоев, Оқсой.*

ШАРИЛЛАТМОҚ 1 **Шарилламоқ** фл. орт. н. У дарҳол кийимларини ечиб, жўмракдан суви шариллатиб, ювинди. Мирмуҳсин, Умид.

2 кўчма Тез ва тутилмай бажармоқ. У [раис] рақамларни шу қадар ёддан шариллатардики, гапига ишонмасдан иложингиз йўқ эди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. Қани энди мен ҳам ўрисчани шариллатиб ўқийдиган бўлсам. С. Аҳмад, Ҳукм. Ручкамга мия ўрнатилган бўлса-ю.. масалаю мисолларни шариллатиб ишлайверса. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШАРИФ [а. شريف — асилзода, таниқли; олийжаноб, виждонли] 1 эск. юқ. усл. Муқаддас, азиз; табаррук. *Қурбони шариф. ■ Бухоройи шарифда Абу Али ибн Сино деган бағоят улуғ табиб ўтган. М. Исмоилий, Фарғона т. о. -Қайтиб келгандан кейин сизларнинг ёрдамингизда ҳазратимнинг мозори шарифларига бориб турамиз-да, — деди домла. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Шариф (эркаклар исми).

ШАРЛАТАН [фр. charlatan — дастлаб: сайёр дори сотувчи; кейин: фирибгар < итал. ciallare — куруқ гап сотмоқ] с.т. Алдам-қалдамга ниҳоятда уста; алдамчи, товламачи, фирибгар. Аммо у [Зикир] шарлатан савдо инспекторини қўлга олиб, актларни йўқ қилиб улгурибди. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. Мен у одамни сиздан яхшироқ биламан, юз сўмликнинг қирғоғини кўрмаса, овози хаста бўладиган шарлатанлардан. С. Маҳкамов, Шогирд.

ШАРМ [ф. шарм — уят; уялиш, уятчанлик] Ножўя хатги-ҳаракатдан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси; ҳаё, уят, номус. *Шарм қилмоқ. ■ Ёки ўша ёқалашишда бирон ери лат еди-ю, шарм кучлилик қилиб индамадимиз?*

Мирмуҳсин, Умид. *Яхши аёлнинг бор шарм билан ҳаёси. «Гулихиромон».*

ШАРМАНДА [ф. شرمندە — виждонли, инсофли; уятчан; уятга қолган, изза бўлган] Шарму ҳаёни йўқотган; ҳаёсиз. *У ахлоқсиз бир кимса-ку! У беҳаё, шарманда. К. Яшин, Ҳамза.*

Шарманда бўлмоқ Ниҳоятда уятга қолмоқ; шармандаси чиқмоқ. *Шундай қилайликки.. пинҳона ҳаракатлари ҳам фош бўлиб, ўзлари эл орасида шарманда бўлсинлар. Газетадан. Шарманда қилмоқ* Ниҳоятда уятли ҳолатга қўймоқ. *Нега мени шунча одам олдида шарманда қиласан, жодугар! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ШАРМАНДАГАРЧИЛИК Шармандали ҳол, ҳодиса. *Ўғил шағнига бундан ҳам ёмонроқ шармандагарчилик бўлмаса керак. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. Бу қандай шармандагарчилик? ..Салимбойваччага бир хизматкор мушт кўтарсин! Ойбек, Танланган асарлар.*

ШАРМАНДАЛИ Шармандалик келтирувчи. *Кечирасиз, ҳурматли ўқувчи.. бу шармандали ҳодиса шу кунларда рўй берди. «Муштум». Баъзи жойларда қалин тўлаш каби шармандали урф-одат давом этмоқда. Газетадан.*

ШАРМАНДАЛИК Шармандали иш, ҳолат, шармандагарчилик. *Зарифбойнинг авзойи ёмон эди. У бултурги шармандаликни ҳар эслаганда, бадани ўт бўлиб ёнади. С. Сиёев, Аваз. Қизининг қилган шармандалигини кўтара олмаган Замира опа инфаркт туфайли ҳаётдан кўз юмди. Газетадан.*

ШАРМАНДАЧИЛИК қ. шармандагарчилик. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан, ўйланмай босилган қадам шармандачилиги одамлар орасида анча гап-сўзга сабаб бўлди. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ШАРМИСОР [ф. شرمسار — кулгили ҳолатда қолган, изза бўлган, шарманда] айн. **шарманда**. *Шармисор бўлмоқ. ■ -Шарманда қилдинг, шармисор қилдинг! — Тожибой пешонасига уриб, додлаганича уйига кириб кетди. С. Зуннунова, Гулхан.*

ШАРМИСОРЛИК Шарманда, шармисор иш, ҳолат. *-О, ҳали сен иблис фарзандлари билан ҳамтовоқ бўлдингми? — қичқирди Абдулвоҳид тупугини сачратиб, — бу қандай шармисорлик! Ойбек, Нур қидириб.*

ШАРМЛИ Шарм-ҳаёси бор; ҳаёли.

Шармли қиз.

ШАРМСИЗ Шарм-ҳаёси йўқ; уятсиз, ҳаёсиз. *Шармсиз йигит.* ■ Эшонларнинг ўзлари, Шармсиздир юзлари, Ошга тўймас кўзлари. Ҳамза.

ШАРНИР [нем. Scharnier < фр. charniere < лат. cardo — ниманингдир атрофида айланувчи нарса] Бир-бирига бириктирилган икки валнинг, ўқнинг ўзаро бурчак ҳосил қилиб айланиши ёки ҳаракат қилишига имкон берадиган кўзгалувчан механизм.

ШАРНИРЛИ Шарнирга эга бўлган, шарнири бор. *Шарнирли бирикма.*

ШАРОБ [а. شراب — ичимлик; шарбат; май, вино] кт. Кайф берувчи ичимликларнинг умумий номи; май; вино. [Навоий:] *Таажжуб, янгича аза, янгича базм.. Эгиларида қора либос, қўлларида қизил шароб, тушқунликнинг мужассам тимсоли! Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Қалдирғочнинг расми ўйилган Шишалар ҳам шаробларга лим. Э. Раҳим.*

ШАРОБХОНА [шароб + хона] кт. Шароб ичиладиган жой; майхона. *Мўл, текин овқатни егандан кейин [Тўғонбек] шаробхонага югурди. Ойбек, Навоий.*

ШАРОБХҲҲ [а. + ф. شرابخور — шароб ичувчи] кт. Шароб ичишга ружу қилган, берилган. *Шаробхўр одам.*

ШАРОБХҲҲЛИК Шароб ичиш, тўйиб май ичиш. *Бойваччалар шаробхўрлик қилиб ўтираверишди.. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ШАРОБЧИ эск.кт. Шароб сотувчи, майфуруш. *Шаробчидан катта косада «оби ангур» сўраб, хонанинг бир бурчагига чўкди. Ойбек, Навоий.*

ШАРОИТ [а. شرائط — шартлар; тартиб-қоидалар] 1 Объектив ҳолдаги муайян вазият. -Тоғ шароитига мослаша бошлаган қўйларнинг қонида ўзгарish бўлади. С. Анорбоев, Оксой. Бу хислат ота-бобосининг қонидан.. чўл шароитида ҳар бир бошоқни минг машаққат билан ўстириб, ҳар қўйни авайлаб боққан шароитидан сингган. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Бирор нарсанинг воқеланишига, бўлишига таъсир этувчи ҳолат, вазият; имконият. Самарқанд обидаларидек санъат асарларининг бунёд бўлишига ҳомийлик қилган, жаҳонга донғи кетган олимларни тўплаб,

уларга шароит яратиб берган одам [Амир Темур] эзгуликни ҳис қилмаслиги мумкин эмас. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ШАРОРА [а. شراره — учқун, аланга] эск. кт. айн. **УЧҚУН** 3. Тим қора оҳу кўзларида ёшлик ва муҳаббат шарораси жўш уриб, ўз қурбонини излайди. К. Яшин, Ҳамза. ..қароқларидан ёғилаётган нозиккина туйғунлик ўзи бир алоҳида шарора ҳосил қилгандек эди. А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ШАРОРАТ [а. شرارت — ёмонлик, ярамаслик; ёвузлик] эск. кт. Ахлоқий бузуқлик, фаҳш, ахлоқсизлик. Ҳамоқат дарсини шарорат дарсхонасида хатм қилган мендай.. К. Яшин, Ҳамза.

ШАРОФАТ [а. شرافت — шон, шараф; иззат, обрў; олийжаноблик] 1 Яхши, нафли таъсир; хосият. Яхшининг шарофати тегади, ёмоннинг — касофати. Мақол. ■ Меҳнатда бор кўп хосият, шарофат, Бел боғла-са меҳнатга ким, азиздир. Ҳабибий. Машинанинг шарофатини эндиликда ҳамма яхши тушуниб қолди. Газетадан.

Шарофати билан Бирор кимса ёки нараса туфайли, унинг яхши хислати, хосиятига кўра. Сизнинг шарофатингиз билан бошимни кўтариб турибман. Ёмғир шарофати билан ғўзалар яхши ўсяпти. ■ Умарқулнинг шарофати билан ҳамма бир уйга йиғилди. Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 Шарофат (хотин-қизлар исми).

ШАРОФАТЛИ Шарофатга эга, хосиятли. Шарофатли киши. Шарофатли давр. ■ Илм амал билан шарофатлидир. Ғ. Ғулом.

ШАРОФАТСИЗ Шарофати йўқ, хосиятсиз, фазилатсиз, бахт келтирмайдиган.

ШАРПА 1 Қулоққа чалинар-чалинмас товуш. Тошпўлатов пойандоз солинган узун коридордан бамайлихотир кириб борар экан, оёқ шарпасини эшитиб, ичкаридан Хосият хола чиқиб келди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. ..коридордан эшитилган ҳар бир шарпага сергаклииб қулоқ солар.. эди. П. Қодиров, Уч илди.

2 Кимса ёки нарсанинг ғира-шира, билинар-билинмас қораси, ифодаси; шундай соя. Ҳалиги фонарнинг хирагина нури тушиб турган тош ёнида бир шарпа қимиради. А. Мухтор, Туғилиш. Анҳорнинг тўғонлари олдида одамларнинг хира шарпалари уймалашар.. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Отабек кетига бурилиб, ташқари йўлакдан киргувчи

дадаси билан Ҳасанали шарпасини олди ва ўйланиб тўхтади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўча* Далолат берувчи сезилар-сезилмас ифода; белги, аломат. *Шу пайт юрагим мудҳиш бир нарсанинг шарпасини сезгандай бўлди.* «Гулдаста». *Гўзал баҳорнинг шарпаси ер ва кўкда, гул ва япроқда, ўт-ўланларда кезар эди.* Н. Сафаров, Қайта туғилиш. *Ўртада адоватнинг хира шарпаси пайдо бўлгандек туюлди.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

4 Ялтироқ нарса (мас., кўзгу) орқали бирор жойга тушган шуъла, нур акси. *Шинда шарпа ўйнай бошлади.* ■ *Анорхоннинг сариқ ва кўк рўмолларигина шом қорасида шарпадай милтиларди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ШАРПАСИЗ Овоз чиқармаган ҳолда; овозсиз, товушсиз. *Ҳаёт саҳнда уккидай тикилиб турган катта бувиси томонга майин, шарпасиз одимлар билан шипиллаб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Шу пайт дарвозанинг бир табақаси ўз-ўзидан шарпасизгина очилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШАРР I [а. شَرّ — ёмонлик, ёвузлик; қаҳр-ғазаб] Ёмонлик, ёвузлик; касофат. [Қулаҳмад:] *Ҳазрати олий ҳовлимда меҳмон бўлганларида, фуқарони бу ёмонлар шарридан халос қиламан, дедилар.* Мирмуҳсин, Чўри.

ШАРР II айн. **шар II.** Севги деб аталган бу ҳислар баҳор ёмғиридек шарр этиб ўтиб кетмасмикан? Мирмуҳсин, Умид.

ШАРРОС I рвш. Челақлаб қуйгандек, жадал (ёмғирнинг ёғиш тарзи ҳақида). *Мунаввар навбатчиликдан бўшаб, эшикдан чиққанда, ёмғир шаррос қуяётган эди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Туни билан шаррос қуйиб чиққан ёмғир тонготарга яқин тинди.* С. Абдуқаҳҳор, Ушалган орзу. *Кўз юмиб очгунча, бутун коинотни булут қоплаб, шаррос ёмғир қуяди.* М. Назаров, Жилвон жилвалари.

2 *от* Шу тарзда ёғайтган ёмғир; жала. *Томчилар йилтиллаб йўлка тошида, Бўлажак шарросдан берарди хабар.* Шухрат.

3 *рвш.* *кўча* Тутилмасдан, дудуқланмасдан ва тез. *Мен эски жангномаларни ўқиб ўрганганим учун.. «Тараққий» газетасини шаррос ўқиб кетабердим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ўзи тенги келадиган бир ўспириннинг шундай катта китобни тутилмасдан, шаррос ўқийётганига ҳайрон*

бўлиб, оғзи очилиб қолди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Меҳмон эса унга қараб, форс тилида шаррос сўзлаб кетди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ШАРТ I [а. شرط — талаб; ҳолат, вазият; тартиб-қоида] 1 Бирор иш ёки масала юзасидан ёзма ёки оғзаки ўзаро келишиб олиш, ўзаро келишув. *Шунинг учун Йўлчининг илтимосига дарров кўниб, шарт бўйича, Шоқосимга овқат, ётиш учун жувозхона олдидан бир хужра берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир-биримиздан сир сақламаймиз. Ҳўпми? Шарт шу.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Ўзаро шартлашаётган ёки бирор муносабатда бўлаётган томонлардан бирининг бошқа томонга нисбатан қўйган талаби. *Лекин шарт — бизга астойдил, ихлос билан хизмат қиласиз..* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. *Пудрат усулининг шартларига мувофиқ, бу маблагнинг анча қисми пудрат асосида ишлайётганларга тақсимлаб берилади.* Газетадан. *Қиз, «Пойгада ютиб чиққан одамга тегаман», деб шарт қўйибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги. *..эртага шаҳарга туш, нима шартинг бўлса, ўша ерда гапир.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тақозо этувчи нарса; талаб. *-Маданиятли бўлишнинг энг биринчи шarti — соддалик, табиийлик, — деб юбордим.* Ф. Мусаёнов, Меҳмонда. *Ҳозиржавоблик — аскиянинг асосий шартидир.* «ЎТА». *Санъат турларининг уйғунлашуви учун умумий услубий хусусиятларнинг мавжудлиги зарурий шарт ҳисобланади.* «Саодат».

4 кесим өзф. Катъий талаб этувчи; зарур. *Бугун келишингиз шарт.* ■ *Бу жанг узоққа бормади. Лекин Хуросон қўшини шай бўлиб турмоғи шарт!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Болага оила ҳам, мактаб ҳам баравар тарбия бериши шарт.* Газетадан.

Шарт майли тлш. Бирор иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун шарт бўлган бошқа иш-ҳаракат ёки ҳолатни англатувчи феъл шакли ва шу шаклга мос маъно. **Шарт эргаш гап тлш.** Бош гапдан англашилган воқеа-ҳодиса, белги-хусусиятнинг рўй бериш шартини англатувчи эргаш гап. **Эҳтиёт(и) шарт** Ҳар эҳтимолга қарши. *Шунинг учун учрашгандаям уйда, мана шунақа пана-настқам ерларда учрашсак, эҳтиёт шарт дейдилар-ку, ахир!* С. Кароматов, Ҳижрон.

ШАРТ II: шарт кетиб, парти қолган

1) қариб, куч-қуввати кетиб қолган, мункиллаган; бедармон. *Шарти кетиб, парти қолган бой, тепага кўтарилган сари, оёғи қалтираб, бутун вужудидан тер оқа бошлаган.* Газетадан; 2) эски, шалоқ; хароб. *Шарти кетиб, парти қолган арава.* ■ Рўзғорнинг шарт кетиб, парти қолди. *Шу рўзғоримни тебратсам дейман.* И. Султон, Бургутнинг парвози. *..шарти кетиб, парти қолган тегирмонлар нигоҳини тортиши мумкин.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ШАРТ III тақл. с. Бирор нарсанинг

урилиши ёки узилишидан ҳосил бўладиган овозни билдиради. *Икки-уч қамчидан сўнг толга боғланган тизгин шарт этиб узилиб кетди..* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Кампир яна ғазабга келди.. кўйлагининг ёқасини шарт йиртиб юборди.* С. Аҳмад, Хукм. *Куйган одам шарт уради сонига..* «Ҳасанхон». *Қизлардан уч-тўрттаси Нозикни таъқиб этди ва шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб, шартак олишдилар.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

ШАРТ IV Тез ва кескин. *Отамурод шарт орқасига бурилди-ю.. чайла томонга чопиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби. *Дилдор шарт ўрнидан турди-ю, эшикни қарсиллатиб ёниб чиқиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ШАРТАК айн. шартаки 2.

ШАРТАКИ I сфт. Ўйламай-нетмай, юзхотир қилмай гапираверадиган. *Шартаки одам.* ■ *Бир гапни тушунтиреунча этмиш марта луқма ташлайдиган шартакиларни.. оқламоқчи эмасмиз.* Газетадан. *Аммо мана бу шартаки Ҳамзангиздан уламолар хафа.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *от* Шартиллаб уриш, шаппати.

ШАРТАКИЛИК Шартакига хос хусусият, хатти-ҳаракат; ўйламай, юзхотир қилмай гапиравериш. *Хуб қизсан-у, шартакилинг чатоқ, гап келганда, отангни аямайсан.* А. Муҳиддин, Ҳадя. *Саври хола овсининг хафалигини бироз ёзиш учун пайпаслаб кетди: -Шартакилигим ўлсин, овсин, гапиравераман.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

ШАРТИЛЛАМОҚ «Шарт» этган овоз чиқармоқ. *Арқон шартиллаб узилди.*

ШАРТКЕСАР Дангал гапирадиган; дангалчи. *Шарткесар одам.* ■ *У [Муротали] виждони пок, юраги очик ва шарткесар эди-*

ки, кимдан ва нимадан порози бўлса, юзи-кўзига қарамай, кескин айтарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ШАРТЛАШМОҚ Бирор масала юзасидан маълум шартлар билан ўзаро келишиб олмоқ; ахдлашмоқ. *Кечқурун киного боришга шартлашдик.* *Ҳар икки томон ўзаро ёрдамни янада кучайтириш ҳақида шартлашдилар.* ■ [Болалар] *Шартлашиб олишганми, бараварига олма тишлашди.* «Ёшлик». *Ҳўжайин эрта кўкламда шартлашиб, пулни тўлаб қўйган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ШАРТЛИ I Бирор шарт асосида ўзаро келишилган, шартлашилган. *Шартли ишора.* *Шартли жойда учрашмоқ.*

2 *рвш.* Маълум шартлар асосида, бирор шарт билан. *Тургун сизга қўшимча ҳужжат бермоқчи.* *Ҳозирча шартли қабул қилаверасиз [деди Валихўжа].* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

3 Маълум шартлар асосида қайд қилинган, бирор шарт амалга оширилган тақдирдагина кучга кирадиган. *Оғир шартли битим.*

4 Бирор нарса, воқеа, ҳодиса ва ш.к. ни рамз, тасвир билан ифодалайдиган. *Қабул қилинган шартли белгилар.* *Дарёларни шартли чизик билан ифодаламоқ.*

Шартли рефлекс физиол. Организмнинг (одам ва ҳайвонларнинг) шахсий ҳаёти давомида янгидан ўзлаштириладиган рефлекс.

ШАРТНОМА [шарт I + нома] Томонлар (икки ёки бир неча шахс) ўртасида тузилган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган битим. *Латофат нашриётдан шартнома билан олган таржимасини тугатолмай диққат эди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Хонани ижарага олган киши, шартномага биноан, уни яхши сақлаши, жорий ремонт қилиши лозим.* Газетадан.

ШАРТСИЗ Шарт қўйилмаган, шарт йўқ; бирор шарт қўймасдан. - *Бу ҳолдан кўтулишнинг бирдан-бир йўли — деди йигитлардан бири, — ҳеч бир шартсиз, сўзсиз.. таслим бўлишдир.* С. Айний, Қўллар.

Шартсиз рефлекс физиол. Инсон ёки ҳайвон билан бирга туғиладиган, ирсийланадиган рефлекс; туғма рефлекс.

ШАРТГА I Истиҳола қилиб ўтирмай, юзхотир қилмасдан, рўйирост, дангал. *Бор гапни шартта гапирадиган одам.* ■ *У [Асрора] хонаси келганда ҳеч кимни аямасди.* *Мажлисларда, кимнинг камчилиги бўлса, шартта*

юзига айтаверарди. С. Аҳмад, Уфқ. У [Эл-мурод] энди бўйни қисик етим эмас. Энди унга.. бор гапни шартта айтиб, кўнгилини хижолатдан бўшатиш осонроқ! П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. шарт IV. Қўшоқ шартта ўрнидан турди-да, зарда билан дўқиллаб, чиқиб кетди. Ҳ. Шамс, Душман. Поччаев шартта бурилиб, жўнаб қолди. А. Мухтор, Туғилиш.

3 Ўйлаб, чўзиб ўтирмай. Ирода шартта муддаога ўтиб қўя қолган эди, жавобни ҳам нақд қилиш керак. Ф. Мусахонов, Ҳиммат. Туробовага шартта «икки» қўйиб бердим. С. Сиёев, Ёруғлик.

ШАРТАКИ қ. шартақи. Кишилар билан муомалада хийла шарттаки бўлган бу солдат нимадан андиша қилаётганига ҳайрон бўлдим. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ШАРТ-ШУРТ I «Шарт» ва шунга яқин товушни (товушларни) билдиради (қ. **шарт III**). Қоғозни шарт-шурт йиртмоқ. ■ Қизлардан уч-тўрттаси Нозикни таъқиб этди ва шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига уришиб, шартак олишдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Ўзи ишга киришиб, шарт-шурт чеканка қилиб кетаверди. Бошқалар [Холдорнинг] орқасидан эргашидилар. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

2 Тезлик билан, тез-тез, жадал. -Нега йиғлайсан, тинчликми ўзи? — Адол хола қўлидаги сузични ишиб, унга яқинлаша бошлаган эди, Тошхон халатни шарт-шурт ечиб улоқтирди-да, кўчага югурди. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ШАРФ [нем. Scharfe < фр. echarpe < лот. scirpea — тўқима; ўрилган (тўқилган) нарса] Бўйинга ўраладиган ёки бошга, елкага ташлаб юриладиган, энига нисбатан узун мато.

ШАРШАРА Баланд, тик тепаликдан пастга шовуллаб оқиб тушадиган сув оқими; шалола. Олтмиш метр баландликдан отилиб тушадиган шаршара тўфони тагида бўлди. Р. Файзий, Заранг барги. Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улугворлик бахш этиб, бир текис гувуллаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

ШАРШАРАК Кичик шаршара. Тоғ оралигидаги шаршаракнинг бу ажойиб қилиқлари болаларни ҳаяжонга солди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

ШАРЪАН [а. شرعاً — шариат юзасидан] дин. Шариат қонун-қоидаларига биноан, шариат бўйича. Сен ўғрисан! Одам бўлганинда, шаръан қўлингни кесиш лозим бўлар эди. А. Қаҳҳор, Башорат. Бировнинг устига айб қўйиш учун, шаръан, шоҳидлар лозим. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ШАРЪИЙ [а. شرعى — шариатга (диний қоидага) тегишли, мансуб] дин. Шариат ақидалари, қонун-қоидаларига мос келадиган; шариатга кўра қонуний. Иссиқ уйинг, ҳалол боланг, шаръий эринг турганда, бировларга белингни қучоқлатиб.. элга бош-қош бўлгунча, ҳар нарса еганинг яхши! С. Сиёев, Отлиқ аёл. Мен мавизни тамом шаръий қилиб тайёрлайман, тунов кун маҳалламизнинг охунлари ҳам ҳалоллигига фатво бериб кетдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ҳўйлан шаръий ёки шаръий ҳўйла Шариат қонун-қоидаларига чап бериб қилинадиган, тутиладиган иш, ҳўйла. У [имом] бойнинг қасамига шўҳид эди, ажаб эмас эдики, бирор шаръий ҳўйла топиб, бойни бу ботқоқдан қутқазсە! С. Айний, Эсдаликлар.

ШАРҚ I [а. شرق — кўтарилиш, чиқиш томон (мас., кўёш)] **1** Дунёнинг тўрт томонидан бири; ғарбга қарама-қарши бўлган томон, кўёш чиқадаган томон; кунчиқиш. От кўчанинг шарқига юриб.. яна шимолга бурилиб, тор кўча бўйлаб узоқ кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Уруш ғарбда, рота фронтдан уч-уч ярим минг километр берида, яна шарққа қараб кетаётибди! Аҳмаджон ўйлаб, ўйига ета олмас эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 (Ш — катта) Ғарбий Европага нисбатан шарқ томондаги мамлакатлар, ўлкалар. Шарққа саёҳат. Яқин Шарқ. Узоқ Шарқ. ■ [Салимхўжа] Нусратилланинг иқболу истиқболи ҳақида кўп чиройли китобий сузлар билан гапирар, янги Шарқнинг қудрати, миллатнинг гули бўлади, деб мақтар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Улар ҳозирги Шарқ тарихи китобини навбатма-навбат ўқиб ва эшитиб ўтирганларида, Очилнинг кўз олдига дам-бадам эзилиб йиғлаётган Замира келар, бунинг учун у ўзини гуноҳкордай ҳис қиларди. П. Қодиоров, Уч илдиз.

ШАРҚ II айн. шарақ. Санобархон дарвозани устидан кичкина босма қулф билан шарқ этиб беркитди-да, Адолатга эргашиди. С. Зуннунова, Гулхан.

ШАРҚИЙ I [а. شَرْقى - шарққа доир, алоқадор; шарқона] Шарқ томонда жойлашган; шарқдаги, кунчиқишдаги. *Шарқий Европа. Шарқий мамлакатлар.*

ШАРҚИЙ II [а. شَرْقى] эск. Юриб туриб нақарот билан айтиладиган кўшиқ; марш кўшиғи. *Болалар шарқий айтдилар. А. Қаҳор, Сароб. Қўноқлар шарафига ўқияжак шарқийни машқ қилиб бўлдингми? З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.*

ШАРҚИРАМОҚ айн. шарилламоқ 1. Тулаган ака шарқираб оқаётган ариқдан юзқўлини ювиб, белидаги белбоғининг бир учига артинди. Газетадан. Эшигим олдида бир туп терак бор, Ёнидан ўтади ариқ шарқираб. Шухрат.

ШАРҚИРОҚ Шариллаб, шарқираб оқадиган. *Шарқироқ сой. ■ Шарқироқ ариқ ёқасида, ўсиқ ялтирар орасида ўтириб, кўклам кучоғида ястаниб ётган фусункор далага суқланиб тўйиб бўлармикан?! Н. Ёкубов, Бўсағада.*

ШАРҚЛИК Шарқда яшовчи, шарқий мамлакатларнинг бирида истиқомат қилувчи. *Шарқлик одам.*

ШАРҚОНА қ. шарқча. Устозлар турганда, ўзи ҳақида сўзлаш шарқона одобга сиғмайди. Газетадан. Бинокорликда шарқона услуб кўплаб биолар кўрқига кўрк қўшиди. Газетадан.

ШАРҚЧА Шарқ халқлари услуби, одати ёки маданиятига хос; шарқона. *Ҳар икки қаватдаги хоналарнинг кенг деразалари ўймакор устунли узун, лекин торроқ шарқча айвонга очилар эди. Ойбек, О.в. шабадалар.*

ШАРҚШУНОС [Шарқ + ф. شناس - ўрганувчи] Шарқшунослик мутахассиси. *Шарқшуносларнинг бутунжаҳон анжумани. ■ Бу шарқшуносларнинг фикрича, қадимги замонларда бир бутун умумалтой тили мавжуд бўлган.. «ЎТА».*

ШАРҚШУНОСЛИК Шарқ мамлакатларининг маданияти, тарихи, иқтисодиёти, тили, санъати ва ш. к. ни ўрганадиган фанлар мажмуи. *Шарқшунослик институти.*

ШАРҲ [а. شرح - тушунтириш, изоҳ, тавсиф; эслатма] Бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини очиб бериш, тушунтириб бериш; изоҳлаш, изоҳ. *Шарҳлар билан чиқарилган Навоий асарлари. ■ Абдурахмон.. кутилмаганда жонланиб кетди. Яъни «Ақо-*

ид»нинг шарҳига яхши тушунишга енг шимарди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

ШАРҲ ҚИЛМОҚ (ёки этмоқ) Ёзма ёки оғзаки тарзда шарҳини бермоқ, айтмоқ; шарҳламоқ. *Гоҳи худман, гоҳи беҳуд, Шавқу дардим шарҳ қил. Э. Воҳидов. Ўз туққан қишлоғимнинг шу буғунги тонгини Кошкӣйди шарҳ этолсам бу бир кичик шеъримда. П. Абдуллаев, Менинг қишлоғим. Шарҳи дил Дилдаги бор гапларни очик-ойдин баён қилиш. Шарҳи дилим кимга ёзсам, Шакар деб дунёни кезсам. «Ширин билан Шакар».*

ШАРҲЛАМОҚ Шарҳ-изоҳ қилмоқ, тушунтириб бермоқ, изоҳламоқ. *Абдулвафо ал-Бузжоний.. қадимги юнон олимларининг алжабр ҳамда фалакиётга оид асарларини таржима қилдилар ва илмий шарҳладилар. Мирмуҳсин, Меъмор. Нуриллаҳон.. Бухоро тахтини тортиб олганларга нисбатан бўладиган бу курашнинг моҳиятини шарҳлади. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

ШАССИ [фр. chassis] 1 Автомобиль, трактор ва транспорт воситаларининг барча қисмлари (кузов, мотор, барча механизм ва деталлар) ўрнатиладиган асос, таглик; рама. *Автомобиль шассиси.*

2 Турли асбоб-ускуна, радиоприёмник ва ш.к. нинг асосий деталлари ўрнатилган асос. *Телевизор шассиси.*

3 Самолётнинг ҳавога кўтарилишига, қўниш вақтида эса унинг ерга урилиш кучини пасайтиришга хизмат қиладиган қисми. *Йиғма шасси. Йиғилмайдиган шасси.*

ШАТАК 1 Ўзи юролмайдиган улов, транспорт воситасини бошқа уловга, транспорт воситасига тиркаб олиб юриш ўсули; тиркаладиган ёки тирковга оладиган нарса. *Қумри қатъият билан машинага югурди-да, кузовга ташлаб қўйган, шатак тиркаш учун ишлатиладиган сым арқонни судраб келтирди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар. У иккинчи қаторни охирламаёқ, бункери «оқ олтин»га лиммо-лим тўлганини кўриб, суюниб кетди. Дала четидаги шатаклар эса аллақачондан бери унга мунтазир эди. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар. Директор устахонадан шатак билан аранг олиб чиқилаётган тракторни кўриб, азбаройи жаҳли чиққанидан, тилини тишлаб олаёзди. «Муштум».*

2 кўча Қолоқ, ночор аҳволдан олиб чиқиш, «судраш», юргизиш учун ёрдам берувчи шахс, нарса; ёрдам; кўмак. *Кечаги-*

на бошқаларнинг шатагига муҳтож бўлган бригада — бугун, қарабсизки, илғор. Газетадан. Кучи кетиб, эплай олмаяпти, ёрдам қилиш керак, деб ёнингизга шатак берсак, асов отдек тепкиласиз. «Қаҳрамоннома».

Шатак қилмоқ Шатакка олувчи қилиб қўшмоқ. ..зўрлиги билан донғи чиққан тўриқ отни аравага қўшиб, унинг ёнига бошқа бир отни шатак қилиб, зўрға судраб келдик. С. Айний, Қуллар. **Шатакка олмоқ** 1) ўзи юролдайдиган улов ёки бирор транспорт воситасини бошқасига тиркамоқ, бошқасига тиркаб юргизмоқ, судрамоқ. Юки оғир от.. олға интилмаса, ё шатакка олинади, ёки аравадан чиқариб, бошқа от қўшилади. «Шарқ юлдузи». Кўздан йироқлашган трактор кўп ўтмай машинани шатакка олиб қайтди. «Ўзбекистон қуриқлари»; 2) ўз кучи билан тортмоқ, судрамоқ; тортиб юргизмоқ. Кўпчилик йигитлар сакраб ерга тушиб, арқонни боғлаб, машинани шатакка олдилар. Ш. Фуломов, Бўз ер уйғонди; 3) кўчма ишнинг силжиши, юришиб кетиши учун ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ. Ўтсам-ўтмасам, хавотир эмасман. Биласиз-ку, раис, шатакка олиб юрган йигитмиз. «Қаҳрамоннома». Биз паст ҳосилли бригадалардан бирини шатакка олишга қарор бердик. Газетадан.

ШАТАКЛАМОҚ 1 кам қўл. айн. **шатакка олмоқ** қ. **шатак**. Бузуқ автомобилни шатаккламоқ. Қолоқ цехни шатаккламоқ.

2 Бир-бирига тиркаб бириктирмоқ, шатак ҳолатига олмоқ. Зурайиб бораётган нўртана [ҳарбий кемаларни] бир-бирига шатаклаган арқонни узиб ташлади. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ШАТАКЧИ Шатакка олувчи (қ. **шатак**). Шатакчи кема. Шатакчи от. Шатакчи бригада.

ШАТАЛОҚ: шаталоқ отмоқ 1) орқа оёқларини барабар кўтариб тепинмоқ; тепиниб югурмоқ; ўйноқлаб чопмоқ (от, мол каби ҳайвонлар ҳақида). От шаталоқ отиб қочди. ■ Эшак.. бир шаталоқ отиб, йўртишга тушди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сигир қўрққанидан шаталоқ отиб, жар томонга қараб қочди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси; 2) сакраб-сакраб югурмоқ, ўйноқлаб чопмоқ (бола ҳақида). -Амаким келдилар, амаким! — деди.. Адҳамнинг кенжатоийи Рустам ва яна шаталоқ отиб, кўчага югуриб чиқиб кетди. Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мак-

туб; 3) бирданига қочиб қолмоқ, орқа-олдига қарамай ура қочмоқ. Сизга қойилман.. бойваччаларингиз ҳаммаси шаталоқ отиб қочди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАТАЛОҚЛАМОҚ айн. **шаталоқ отмоқ** қ. **шаталоқ**. Сергей ишком орқасидаги бедазорга шаталоқлаб чопди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ШАТИЛЛАМОҚ айн. **шатириламоқ** 2. У яна олдинга интилиб, шатиллаганича юриб кетди. Мирмуҳсин, Чўри.

ШАТИР 1 тақл.с. Куруқ шох-шабба, қамиш кабиларнинг ҳаракатга келиши, сув, ёмғир кабиларнинг урилишидан ҳосил бўлган товушни билдиради.

2 Ўйлаб ўтирмай, дабдурустан, тўсатдан. Опаси кўп кулар, ҳар ишни тез ва шатир, безҳтиёт қилар, шунинг учун ҳам уйда бирор идиш-товоқ синса, албатта, ундан кўришар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШАТИРА-ШУТУР айн. **шатир-шутур**. Унинг [момақалдиروқнинг] кетидан шивалаб ёмғир, дам ўтмай ёнғоқ қоққан каби шатира-шутур дўл уриб берди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақ-моқлар.

ШАТИРЛАМОҚ 1 «Шатир» этган овоз чиқармоқ; «шатир-шутур» қилмоқ. Куруқ ўтин шатирлаб ёна бошлади. ■ Жимжит хонада тарновлардан тушётган сувнинг шатирлаши эшитилиб турарди. П. Қодиров, Уч илдиш.

2 с.т. кўчма Жадал ёки шиддат билан ҳаракат қилмоқ; шахдам одим отмоқ. Қирқ йигит тўп бўлиб, шатирлаб, бирдан келиб қолди. «Хушкелди».

ШАТИРЛАТМОҚ 1 Шатирламоқ 1 фл. орт. н. Майнанинг тасаввурида кийиклар галаси пайдо бўлди. У тош, шағалларни шатирлатиб, ҳозир ёнбошидан югуриб келишини, улардан семизгинасини отиб олишни истади. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Солдат, офицерлар эртаги жангга тайёргарлик кўраётганларида — эрталаб ёмғир шатирлатиб турганди. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

2 кўчма Бирор иш-ҳаракатни шошилинч равишда, жадал бажармоқ. Олмаларни шатирлатиб узмоқ. ■ Шатирлатиб кўксултонни қираётган Турғун жим бўлиб қолди. Ойбек, Болалик.

ШАТИР-ШУТУР тақл. с. 1 «Шатир» ва шунга яқин товушни билдиради (қ. **ша-**

тир 1). Ўрик шохлари шатир-шутур синиб тушиди. ■ Милтиқларнинг оғзидан чиққан оловдан чўчишдими, ҳайтовур, биздан уч-тўрт қадам наридан маккажўхорини шатир-шутур қийратиб, [тўнғиз] учиб ўтиб кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Ҳозиргина яшнаб турган осмонни бир зумда қўрғошиндек булут ўрайди. Шатир-шутур ёмғир қуяди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 рвш. Тезлик билан, ҳаш-паш дегунча. Шатир-шутур иш қилмоқ. Хатни шатир-шутур ёзиб ташламоқ.

ШАТМОҚ шв. Ўта кир, яғири чиққан. Шатмоғи чиққан бола. ■ Анови яланғоч шатмоқ бола энди бир мирини танадан ажрата бошлаган чоғи, сочи бўйра-бўйра йигитча [Латифжон]нинг эса студентлик чоғи. С. Анорбоев, Ҳаётга йўлланма.

ШАТРАНЖ [а. شطرنج < санск. «чатуранга»] 1 Шахматга ўхшаш қадимий ҳарбий ўйин. [Навой] Қип-қизил туркман гилами устида сочилиб ётган шатранж доналарини йиғиштирди. Ойбек, Навоий. У. шатранжи устида баъзан хонга ҳам ҳазил ташлашдан тоймайдиган чоллардан. С. Сиёев, Аваз.

2 айн. шахмат 1.

ШАТТА 1 Тепиб бериладиган зарб; тепки, тарсаки, шапалоқ.

Шатта отмоқ Кейинги икки оёқ билан тепмоқ, тепинмоқ (от, мол ва ш.к. ҳақида). Шу пайт от сўнани кўриб, шатта отди. Сидиқжон, худди от олиб қочадигандай, ваҳима билан ўзини эгарга отди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 кўчма Қилмишига кўра бериладиган зарба, дашном, сазо, жазо. Қосимхўжаев халқнинг шаттасига йўлиқмаслик учун.. паст кўчадан йўргалашга мажбур бўлган. «Муштум». Қора Аҳмаднинг жиноятлари.. суднинг қаттиқ шаттасини тақозо этади. К. Алиев, Безори ҳужумни шиддатлатди.

Шатта емоқ 1) тепки емоқ; тарсаки ёки шапалоқ емоқ; 2) сазо бўлмоқ, уялиб қолмоқ. Шарму ҳаёсиз бўлсанг, ҳар ерда ерсан шатта. Маъқул, билимдон бўлсанг, иззат-ҳурматинг катта. Мақол. ■ Бироқ Назирий гапига яраша шатта ейди. К. Яшин, Ҳамза.

ШАТТАЛАМОҚ айн. шатта отмоқ қ. шатта 1. [Майсара:] Ўғридан қочириб қўйдим, дейман. Лекин келиб бундоқ қўйруғин-

гиздан ушласа, «моо» деб қўясиз-да, шатта-лайсиз! Ҳамза, Майсаранинг иши. Ферма мудири ўчакишиб, бизни урмоқчи бўлган эди.. олдимиздан келса — суздик, орқамиздан келса — шатталадик. «Муштум».

ШАФАҚ [а. شفق — тонготардаги ёки кунботишдаги гира-шира пайт] Кун чиқиш ёки кун ботиш олдидан уфқда ҳосил бўладиган лоларанг қизиллик. Уфқдаги бир жом олтин батамом ерга сингиб кетди, йироқ-йироқларда ловуллаб ёнган шафақ аста сўнди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё. Нориннинг икки соҳилида салқин тушиб келарди ҳозир. Кечки шафақнинг майин жилоси тараларди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ШАФАҚЛАНМОҚ Шафақ билан қопланмоқ, шафақ рангини олмоқ. Осмон тез тинчиди. Бир неча вақтдан кейин ғарб тарафда осмон, худди кун ботиш вақтидаги каби, шафақланди. Ойбек, Қуёш қораймас.

ШАФЕ [а. شفيع — тарафини олувчи, ҳомий; воситачи] эск. Бировга ён босувчи, ҳомийлик қилувчи; ҳомий.

Анқога шафе қ. анқо.

ШАФИҚ [а. شفيق — раҳмдил, шафқатли] 1 эск. кт. Бировга меҳрибонлик қиладиган, шафқатли, мурувватли. Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш. Алишер Навоий.

2 Шафиқ (эркаклар исми).

ШАФОАТ [а. شفاعت — тарафини олиш, (биров учун) воситачилик] 1 кт. Мартабаси ва ҳурмати юқори киши томонидан ўзидан паст кишиларни, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаш, уларга нисбатан ҳомийлик, яхшилик. Шафоат қилмоқ. ■ [Карим:] Шафоатингиздан ноумид қилманг, пирим! Н. Сафаров, Шарқ тонги. Бу бир азизнинг шафоати билан бўлган боғ. «Ёдгор». Балки ўзининг халққа қилаётган шафоатларида ҳам ўша азалий армон — яхшиликка интилиш ғояларининг таъсири бордир. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Шафоат (хотин-қизлар исми).

ШАФТОЛИ [ф. شفتالو] Иссиқ жойларда, жанубда ўсадиган, пушти гулли, узунчоқ баргли дарахт ва унинг меваси. Оқ ўрик, шотут, шафтоли ва ғайнолининг сап-сарик япроқлари ҳовли бетини кўмиб ётибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Муяссар шафтолининг тепасида.. Гулчеҳра эса.. шафтолиларга эта-

гини тутиб турибди. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса.

ШАФТОЛИ ҚОҚМОҚ Жуда совуқ емоқ, совуққа қотмоқ.

ШАФТОЛИЗОР Шафтоли экилган майдон. *Шафтолизор боғларни кўрдим. Гул кўкарган тоғларни кўрдим.* Ҳ. Олимжон.

ШАФТОЛИХҲҲ [ф. شغفالخور — шафтоли еювчи] Қизилиштонлар оиласига мансуб, Марказий ва Жанубий Америкада яшовчи мевахўр йирик куш.

ШАФТОЛИҚОҚИ Данагини олиб ташлаб қуритилган шафтоли.

ШАФФОФ [а. شفاف — тиниқ; ҳарир; юпқа, нозик] 1 Ёруғлик ёки нурни яхши ўтказадиган; тиниқ. *Шаффоф сув. Шаффоф шиша. Шаффоф май. Шаффоф қоғоз.* ■ *Шишанинг энг ажойиб хусусияти — бу унинг шаффофлигидир. «Фан ва турмуш». Қалин ўрмон ичидан ёриб ўтган бир тутам нур оқ қайинни, гўё ичидан ёритгандай, шаффоф қилиб кўрсатар эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

2 Ниҳоятда мусаффо, тоза, тиниқ, Осмон гумбази артилган шишадек шаффоф. *Саратоннинг сахий қуёши гулшан диёр узра олтин сепини ёйган. Ҳ. Тожибоев, Жасур қиз қишлоғида. Унутиб бўларми, айтингиз-чи сиз, Сут билан эмганинг шаффоф ҳавони? Ж. Жабборов.*

3 кўчма Гард-ғубор, ифросликдан холи; пок, тоза. *Меҳри онанинг кўзидан тирқираб ёш, кўксидан сут келди. Уни.. тонгдай шаффоф, пок онанинг қалби бошлаб келди. Р. Файзий, Шоҳи дарпарда.*

ШАФҚАТ [а. شفقت — раҳмдиллик, ачиниш, ҳамдардлик; илтифот] Аяш, раҳм ҳис-туйғуси; шундай ҳис-туйғули муносабат. *Оға-инилар ўзларининг аҳиллиги, бир-бирига меҳри, шафқати билан ҳамманинг диққатини жалб этар, ҳавасини келтирар эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Кимки улугроқ — анга хизмат керак, Кимки кичикроқ — анга шафқат керак. Газетадан. Бу гал ҳам унинг мўлтираб қараб туриши хотинида шафқат эмас, ғазаб қўзғатганига ишонмасди. С. Аҳмад, Сайланма.*

Шафқат қилмоқ Шафқатли муносабатда бўлмоқ, шафқат кўрсатмоқ; аямоқ. *Мана шундай от! Энг муҳими — душманга шафқат қилма. К. Яшин, Ҳамза. Амин бува: «Унга тушунтирсак.. халққа ачинар, шафқат қи-*

лар», деб ўйлаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШАФҚАТЛИ Шафқат билан муносабатда бўладиган, шафқат қиладиган; раҳмдил, меҳрибон. *Оҳ, раҳмдил, шафқатли инсон ҳам бор экан-ку бу дунёда! К. Яшин, Ҳамза. Болаларнинг бахти учун камбағал эр билан бирга ишлаб, тиниб-тинчиман.. шафқатли она! Ойбек, Танланган асарлар.*

ШАФҚАТСИЗ Шафқат билмайдиган, раҳм-шафқати йўқ; бировга ачинмайдиган, раҳм қилмайдиган, аямайдиган, раҳмсиз. *Ҳ. Олимжон шафқатсиз душманни аёвсиз кураш билан енгигча чақирди. Н. Сафаров, Оловли излар. Боёқиш йигит нима қилсин, шафқатсиз, беомон тақдир ёшлигидан қийноққа солди. К. Яшин, Ҳамза. Ким у, нима у севги билан масъуд, севги билан хушнуд дилларни шафқатсиз нимталаган, қон тизғитиб тимдалаган? М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ШАФҚАТСИЗЛИК Шафқатсиз муносабат, хатти-ҳаракат. *Мана сизга қонунбузар қонуншуносларнинг бир-бирига ҳомийлигию, жабрдийдаларга шафқатсизлиги. «Муштум». Актриса Зебуннисодаги бир дақиқали чақиндек ўтиб кетувчи дағаллик, жазава, шафқатсизлик каби хусусиятларни кўрсатишдан чўчимади. Газетадан.*

ШАҲДАМ Тез ва дадиллик билан қилingan; тетик, дадил. *Адолат эрининг юзларига қарашга ботинмай, боққа чиқадиган эшик томон юрди ва шахдам қадам ташлаб, далага жўнади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Тамара шахдам ҳаракат қилди, аёлининг ёнбошига ўтиб, ёнидан юзига кўз қирини ташлади. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Вазири аъзам йигитдек шахдам ўрнидан турди. С. Сиёев, Аваз.*

ШАХМАТ [р. шахматы < ф. شامات — шоҳ ўлди] 1 64 та оқ ва қора катакли тахта ва 16 та оқ, 16 та қора доналардан иборат спорт ўйини қуроли. *Шахмат тахтаси. Шахмат доналари.* ■ *Ушга келганида ҳам, кетаётганида ҳам қўлтиғида шахмат юрганидан чойхоначи бу лақабни унга ёпиштирган. «Гулдаста».*

2 Шу нараса (қурол) тахтасида унинг доналари билан муайян қоидалар асосида бўладиган спорт ўйини. *Шахмат мусобақаси. Шахмат бўйича ёшлар ўртасида республика чемпионати.* ■ *Одамлар буш вақтларида шахмат, домино ўйнайдиган скамей-*

кага ўтириб олиб, роса гаплашдик. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Мирмуродов дардан бўшаган пайтларда мудирга шахмат ўргатди. «Гулдаста».

3 кўча Шахмат тахтаси каби катак-катак қилиб экиш усули. Шахмат усулида экилган майдон. Шахмат усулида экиш. ■ [Комилжонларнинг] Оғзидан «шахмат», «квадрат», «илғор метод» деган гаплар тушмаяпти. И. Раҳим, Ихлос.

ШАХМАТЧИ Шахмат ўйновчи киши. Шахматчи қизлар. ■ Бировлар овқатланмоқда, яна бировлар билльярд ўйнамоқда, шахматчи ва шашкачилар атрофи гавжум. И. Раҳим, Ихлос. Аҳмаджонов шахмат у ёқда турсин, шахматчилар билан чойни ҳам ўйлаб ичадиган одам. «Гулдаста».

ШАХС [а. شخص — кимса, киши, зот] 1 Жамияттаги алоҳида бир киши, одам. Нотаниш шахс. Тарихий шахс. Шахсга сифиниш. ■ Серхаражат тўйларнинг палак ёзишига асосий сабаблардан бири, бизнингча, нопок йўл билан пул топувчи шахслардир. «Саодат».

2 айн. шахсият. Кўп турли қобилиятлари ўз шахсида ғоят кўркам жам қилган. Ойбек, Навоий. — Ҳар нарсa дейишинг мумкин, аммо ўзингдан катта одам шахсини ҳақорат қилишга ҳаққинг йўқ! — деди Умид, ўша икки ёноғи бўртиб чиққан одобсиз йигитга. Мирмуҳсин, Умид.

3 тлш. Феъл ва от туркумига оид сўзнинг уч шахслдан бирини кўрсатувчи шакли ва шу шаклга хос маъно. Мас., ўқидим, китобим — 1-шахс, ўқидинг, китобинг — 2-шахс; шунингдек, олмошнинг шахсни билдирувчи тури: мен — биринчи шахс, сен — иккинчи шахс.

ШАХСАН [а. شخصاً — шахснинг ўзи] Ҳар бир шахснинг ўзи (ўзим, ўзинг, ўзи ва ш.к.). Шахсан мен бунга қаршман. Бу ҳақда сиз, шахсан, қандай фикрдасиз? ■ Практикум, минимум, максимум — булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен, шахсан, шундай деб биламан. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

ШАХСИЙ [а. شخصی — шахсга оид, тегишли; субъектив; хусусий] Шахснинг ўзига тегишли бўлган, шу шахснинг ўзи фойдаланадиган; хусусий, ўз. Шахсий мулк. Шахсий кутубхона. Шахсий жавобгарлик. Шахсий манфаатларни жамоат манфаатлари билан бирга қўшиб олиб бормоқ. ■ Ҳар

биримизнинг жамоат, давлат ишидан ташқари, шахсий юмушларимиз бор. Н. Сафаров, Оловли излар. Ҳар бир ёзувчининг меҳнатга, ҳаётга, оилага, кишиларга ўзининг шахсий муносабати бўлади. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги.

Шахсий таркиб Корхона, муассаса, ҳарбий қисм ва ш.к. да ишлайдиган, хизмат қиладиган кишилар таркиби. Дивизиянинг шахсий таркиби. Бригадининг шахсий таркиби.

ШАХСИЯ [а. شخصی — шахсий; хусусий]: **манфаати шахсия** эск. кт. Шахсий манфаат. — Бас, айб қипчоқда эмас, балки ўзининг манфаати шахсияси йўлида иш кўрувчи бошлиқларида.. — деди [Ҳожи] ва ўрнидан турди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШАХСИЯТ [а. شخصیت — одам, киши; зот, инсон; ўзига хослик] Ўзига хос хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турувчи муайян шахс; шахснинг ўзлигини белгилловчи томонлари, хусусиятлари мажмуи; ўзлик, ким эканлик. Шахсияти номаълум одам. ■ Санъаткорнинг ички дунёси мураккаб.. ижодий шахсияти алоҳида сезгир, ҳаётни тушуниш билан ўтқирлашгандир. Газетадан. Бу тасвирлар орқали қисман авторнинг истехзоли, ақлли, ҳамма нарсга тўғри баҳо берувчи ва юмори сезувчи шахсияти ҳам гавдаланади. «ЎТА». Отаҳон шоирларимиз болалар қалби ва психологиясини, маънавиятини очиш орқали уларнинг бетакрор шахсиятини улуғладилар. «Фан ва турмуш».

Шахсиятига тегмоқ Муайян шахснинг қадри, иззат-нафси ва б. жиҳатидан таҳқирловчи хатти-ҳаракат қилмоқ. Ўртоқ Қўчқоров, бир беғуноҳ колхозчининг шахсиятига тегдингиз. Бунинг учун жавоб берасиз. С. Анорбоев, Оксой.

ШАХСИЯТПАРАСТ [а. + ф. شخصپرست — ўзлигини, ўз шахсини севувчи] Ўз шахсиятини, қадр-қимматини бошқалардан юқори қўядиган; фақат ўз манфаатини ўйлаб иш тутадиган; худбин. Бу шахсиятпараст ваҳшийлар фақат ўзларини ўйлайдилар.. шахсий ўчларини олсалар, шу бас! К. Яшин, Ҳамза.

ШАХСИЯТПАРАСТЛИК 1 Фақат ўз манфаатини, шахсиятини кўзлаб иш тутиш. Хуллас, ана шу шахсиятпарастлик, яна аниқроғи, молпарастлик томонларини ҳисобга олмаганда, Карим анча мулоҳазали, касбига

пишиққина йигит эди. С. Кароматов, Олтин кум.

2 Шахсият параст эканлик. *У Санамнинг макрига учади, уйланмоқчи бўлади-ю, бу борада қизнинг ўта тантиқлиги, шахсият-парастлигини сезиб қолади.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

ШАХТ 1 Бирор иш-ҳаракатни бажаришга интилиш, берилиш ҳолати, даражаси. *Мамат полвон, дейман, ютқизган кишидай шахтингиз наст.* С. Анорбоев, Меҳр. *Ҳозир 10-бригадада ўзи машина ҳайдапти. Шахти дуруст.* «Қаҳрамоннома». Унинг шахтин буколмас *На иссиқ ва на совуқ.* Қ. Мухаммадий. *Сен ўзинг ҳам ойнага қара-чи, қирчиллама шахтинг қолмаган..* Шукрулло, Умрим борича. *Дайди шамол энди шахтидан қайтиб, дарахт япроқларини машаққат билан тебратмоқда.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. *Ҳайдар тезда шахтидан тушиди, атрофга қайғули ва паришон боқди.* Ойбек, Навоий.

2 рвш. Бирдан, шартга, дадил. [Умарқул] *Бир минутлар чамаси ётиб қолди. Бирданига юраги ҳовлиқиб, шахт ўрнидан туриб, йўлга тушиди.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *Наимий.. нима бўлса бўлди, дегандай шахт кўтарди, лекин қўли қалтираб, винонинг ярми тўкилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ғофир машинадан шахт тушиб, катта кўк дарво-зага қўнлашди ва кнопкани босди.* Қ. Мақсумов, Мухаббат қўшиғи.

ШАХТА [нем. Schacht — нов, тарнов; чуқур, ўра; кон] Ер остидаги фойдали қазилмалар қазиб олинадиган жой; кон. *Тошкўмир шахтаси. Шахта ускуналари.* ■ *Шахталарда шахтёр шиддаткор.. Бошда каска — аскарый тахлит. Гард-қурумга беланиб, бедор.. Кўмирларни қулатар яхлит!* Ё. Мирзо.

ШАХТАЧИ с.т. Шахтёр.

ШАХТЁР Шахтада ишлайдиган шахс; кончи. *Шахтёрлар шаҳарчаси.* ■ *Шахтёрман, ер таги коним, маконим.* М. Шайхзода. *Саидийни рабфакда [ишчилар факультетида] ўқийдиган қўпол, йўғон гавдали, новча бир шахтёрга боғлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ШАХТЁРЛИК Шахтёр касби, шахтёр эканлик. *Ҳамма ёғим куя ва қурум, Шахтёрликнинг ажиб гашти бор. Пахта, ғалла, пўлат сингари, Она юртга кўмир ҳам даркор.* Ё. Мирзо.

ШАПА [а. شاش / شاشه — юпқа, юмшоқ газлама; дока] Сийрак тўқилган, сийрак (юпқа мато ҳақида). *Шаша дока.*

ШАШВАР айн. **шашпар**. Худайчи Азизбекдан илгарироқда қўриқчиларни огоҳлан-тириб борар, милтиқ, шашвар тутган ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қарши олар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШАШКА I [р. шашки — «шах» «шахи» с. дан «шахмат(ы)» қолипиди ясалган сўз] 64 та оқ ва қора катакли тахтада 12 та оқ ва 12 та қора доналар билан маълум қондага мувофиқ ўйналадиган ўйин. *Шашка тахтаси. Шашка донаси. Шашка ўйнамоқ.*

Халқаро шашка 100 катакли тахтада ўйналадиган шашка тури.

ШАШКА II [р.] махс. Пресслаб тайёрланган портловчи моддадан иборат тахтача, плитка. *Портловчи шашка.*

ШАШКАЧИ Шашка ўйнайдиган одам. *Бировлар овқатланмоқда, яна бировлар бильярд ўйнамоқда, шахматчи ва шашкачилар атрофи гавжум.* И. Раҳим, Ихлос.

ШАШЛИК с.т. Кабоб.

ШАШМАҚОМ [ф. شش — олти + мақом I 1, 2] мус. Ўзбек ва тожик халқлари мусиқий меросида марказий ўрин тутган мақомлар туркуми; парда, оҳанг, усул, шакл, услуб каби воситалар билан ўзаро узвий боғланган, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Рост, Ироқ мақомларидан ташкил топган мумтоз куй ва ашулалар мажмуи. *Классик мусиқамиз мероси — шашмақомни тўла грам-пластинкага ёзиб олиш, шубҳасиз, ғоят мураккаб иш.* С. Кароматов, Классик меросимиз — халққа. *Юсуфжон қизиқ шашмақомларни, яъни йилнинг тўрт фаслига мосланган поэмаларни ҳам яхши биларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ШАШПАР [ф. ششپار — олти учли (қир-рали) чўқмор, гурзи] тар. Учига юмалоқ ва ғадир-будур темир ўрнатилган таёқ, узун дастали енгил гурзи, чўқмор. *Бочков.. қўлидаги.. шашпар билан қилич ўйнатиб турган қароқчининг калласига туширди.* М. Осим, Элчилар.

ШАШТ с.т. Шахт. [Маҳкам] *Чоршанба куни барвақт туриб, ясаган асбобларини кўтариб, тақачиликка — бозорга отланганида, Аҳмад ака «ғўдаклик қилма», деб койиб бермоқчи ҳам бўлди-ю, ўғлининг шаштини қайтаришини истамади, ётиғи билан гапирди.*

Р. Файзий, Ҳазрати инсон. -Энди уйингизга машина юбормоқчи бўлиб турган эдим, — деди сал шаштидан тушиб Назира. Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси. Юсуповнинг шашти паст, ранглари бир ҳолда эди. М. Ҳазратқулов, Журъат. Мударрисов қўлидаги ручкани шашт билан столга уриб, уни тинчитган бўлди. Д. Нурий, Осмон устунни.

ШАШҚАТОР [ф. شش — олти + а. قطار — саф, ёнма-ён туриш] Тинмай оқадиган, дув-дув тўкилиб турадиган; қатор-қатор (кўз ёши ҳақида). Ошнолардин кечиб, бегоналарга ёр-ёр, Бу аламларга чидалмай, кўз ёшимдур шашқатор. Муқимий. Дилдорнинг кўзларидан шашқатор ёш оқиб кетди. Унинг бир неча томчиси хатга тушди. С. Аҳмад, Уфқ.

ШАШҚОЛ [ф. ششقال] Текис ерга ташлаб ўйналадиган, куб шаклидаги, холли тош; кубик. Қаландар уни кўрса ҳам, ўзини кўрмасликка солди, кичикроқ халтадан икки-уч қулоч арқон, кук рўмол, қиморбозларнинг шашқолига ўхшаш тошларни олди. «Шарқ юлдузи».

ШАЪБОН [а. شعبان] Қамария йили ҳисобида 29 кундан иборат саккизинчи ойнинг номи. Меъмор раислигида барча усталари тўлаб, ишни яна ҳам тезлатиш ва шаъбон ойигача қурилишни тамомлаб, рамазонга хурсандчилик билан киришни таъкидлади. Мирмуҳсин, Меъмор.

ШАЪН [а. شان — иш; алоқа, муносабат; қадр-қиммат, обрў; аҳамият; манфаат] 1 Инсонга, шахсга тегишли бўлган қадр-эътибор. Албатта, у ўз устидаги гап билан қорига таъна қилиши шаънига ҳеч ярашмайдиган бир ҳодиса бўлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. -Бекор гап, — деди Ўзбек ойим, — ҳали қудаларимизни муддаодагидек сийлай олганимиз йўқ, шу ҳолда жўнатсак, бизнинг шаънимизга яхши эмас. А. Қодирий, Ўтган кунлар. ..ўз ҳузурида улуг истевдод эгаси бўлган бир ҳаким ўтирганини пайқади ва унинг шаънига муносиб муомала қилиб, ҳол-аҳвол сўради. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Шараф, шухрат; обрў. «Сиз нашъу намо қилган жойда мени ҳалокат кутади!» жумласи ва бу хитобдан кўз юмиш йигитлик шаънига ярашадиган кўринмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Сиз батальонимизнинг шаъни, — деди комбат ҳаяжон билан, — полки-мизнинг обрўси. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ШАҚ тақл.с. Қаттиқ урилишдан ҳосил бўладиган овозни билдиради. Қулф шақ этиб бекилди. ■ Йўлчи бир сакрашда зўравоннинг олдида борди, тўппонча тутган қўлни маҳкам сиқиб, орқага қайирди. Тўппонча шақ этиб ерга тушди. Ойбек, Танланган асарлар. Ота писмиқ югуриб келиб, бошимга шақ этиб уриб қўйди. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

ШАҚАЛ [ф. شقال — чиябўри] айн. чиябўри. Тўқай томонда эса шақаллар машум улишарди. К. Яшин, Ҳамза. Тулки, шақал еб кетади гўшнинг, Шакарни куйдирди сенинг нолишиг. «Ширин билан Шакар».

ШАҚАТУЛ с.т. Ўйлаб, мулоҳаза юри-тиб иш тутмайдиган, ҳавойи, ҳовлиқма. Шақатул одам. ■ Шаҳарнинг эндиги кун шундай энтак-тентак, шақатулларга қолдими? «Муштум».

ШАҚАШУЛДУР с.т. Оқкўнги, кўнгли очик, дали-ғули. -Э, овораси бор жанми? — шақашулдур йигит йўл-йўлакаи аёлга гап бермай, бирталай нарсаларни гапириб берди. Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси.

ШАҚИЛДОҚ 1 айн. шикиллоқ. Чақалоқнинг шақилдоғи.

2 эск. Тунги қоровулнинг кескин силкитганда шақиллаб овоз чиқарадиган, ичи ўйиқ ёғоч асбоби. [Йўлчи] Ҳуштак, шақилдоқ чалган танҳо қоровул кўчалари унда-мунда учраб қолар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Ухлаб қолган миришаб ҳам негадир уйғониб кетиб, яна шақилдоғини шақиллата бошлади. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 кўчма Қаттиқ-қаттиқ овоз билан, «шақиллаб» гапирадиган. Эртасига улар уруғларидаги Саври шақилдоқ деган хотинни айтиб келиб, кинна солдиришди. Мирмуҳсин, Умид. -Қоч, дейман, аблаҳ, қоч! Нақ бўйининг-ни узаман, — деб ўшқирди амакиси. -Қоч, яшшамагур, қоч! — деб такрорлади шақилдоқ келинйойи. П. Турсун, Ўқитувчи.

ШАҚИЛЛАМОҚ 1 «Шақ-шақ», «шақир-шақир» этган овоз чиқармоқ. Қовжирроқ кўкнорилар худди пуч ёнғоқдай шақиллади. О. Ёқубов, Ларза. Эшон унга ўқрайиб қаради-ю, овози чиқмасданоқ, эшик зулфини шақиллаб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. Тозагул шақиллаб қайнаб турган мис самоварни кўтариб кирди. Ҳ. Фулом, Машъал.

2 кўчма Қаттиқ-қаттиқ овоз чиқариб гапирмоқ. Ойжамол айтди: -У эшонингизни гапирманг. Жағи қурушиб қолган, шақиллаб,

ҳеч кимга гап бермайдиган бало эди-да. «Ёдгор». Хотинининг шақиллашини трубкада эшитди-ю, унга атаб йиғиб қўйган яхши гаплари тариқдай сочилиб кетди. С. Нуров, Нарвон.

ШАҚИРЛАМОҚ айн. шақилламоқ 1. Қўйларнинг туёқларига, жунига ёпишган лой музлаб, ёнғоқдай шақирлаб қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Ошхонада сариқ самовар шақирлаб қайнаб турибди. А. Мухиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

ШАҚИР-ШУҚУР 1 «Шақир» ва шунга яқин товушни билдиради. Ҳамма ёқни темирнинг шақир-шуқур садоси қоплади. Ойбек, Куёш қораймас. -Худди келишиб қўйилгандай, бир юк поезд шақир-шуқур қилиб ўрнидан қўзғалди, — деди Усмон. О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири.

2 Ҳар хил майда-чуйда нарсалар; қақир-куқур, лаш-луш. Шунча шақир-шуқурларни йиғиб нима қиласиз?

ШАҚШАҚ зоол. Чумчуқсимонлар туркумига мансуб ёввойи сайроқи куш.

ШАҚШАҚАДОР с.т. Турли-туман безакли, зийнатли, ҳашаматли, ҳашамдор. Дилишод янги саройни илғари ҳам бир неча бор кўрган эди. Шунинг учун унинг дабдабасига, қўшқават шақшақадор биносига, ҳамиша қулфлоглиқ турадиган баланд темир дарвозасига энсаси қотмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШАҚ-ШУҚ «Шақ» ва шунга яқин товушни билдиради. Шақ-шуқ чўт қоқилади. ■ Яроғ-аслаҳаларнинг шақ-шуқ этгани эшитилди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Метро вагончаларининг шақ-шуқига қулоқ солиб бораркан, миясида турли-туман фикрлар ғужғон уйнарди. М. Ҳазратқулов, Журъат.

ШАҒАЛ I 1 Майда тош қатлами ёки уюми. Қудуқ уч метр ковланганда, шағал чиқди. Шағал қазимоқ. ■ Шағал тўкилган янги йўлда пахта ортган юк машинаси тўхтади. С. Аҳмад, Қадрдон даладар.

2 Қурилиш материали сифатида ишлатиладиган чақилган тош. Дилишод завод саҳнида.. палапартиш ётган ёғочлар, қурилиш ахлатлари, цемент, шағал, харсангтошлар орасида адашиб қолишдан кўрққандек, бир чеккада анграйиб турарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШАҒАЛ II: шағал маст фольк. Кайфи баланд, ғирт маст. Бойсарибий бойвачча-

лар билан қимиз ичиб, шағал маст бўлиб, кайф-сафо суриб ўтириб эди. «Алпомиш».

ШАҒИЛЛАМОҚ «Шағ-шағ» товуш чиқармоқ; вағирламоқ. Шағиллайди бетиним дарё, Шағиллайди ваҳм тўлган жар.. Шағиллайди водий, даралар. Ҳ. Олимжон. Саёз дарё шағиллайди, деганларича бор экан. С. Кароматов, Ҳижрон.

ШАҲ [ф. شە — шоҳ, ҳукмдор, подшо] 1 поэт. Шоҳ, подшо. Э шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини. Огаҳий.

2 Шахмат ўйинида бирор фигура билан бевосита рақибнинг шоҳига қилинган ҳужум, шу ҳужумни қайд этувчи сўз. Доимий шаҳ. Шаҳ бермоқ. Икки шаҳ билан мот қилмоқ.

ШАҲАНШОҲ [ф. شاهنشاه — шоҳларнинг шоҳи] айн. шоҳаншоҳ. Отам шаҳаншоҳдир, жаҳонда султон, Қулоқ солиб тингланг буну, беғу хон. «Баҳром ва Гуландом». Бу ишдан Эрон шаҳаншоҳи ютаётгани, дўстлари кўпаяётганини тавкидлади. Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ШАҲАР [ф. شهر — шаҳар; мамлакат] Аҳолиси, асосан, саноат, савдо, шунингдек, хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан ва маданият соҳаларида банд бўлган йирик маъмурий, маданий аҳоли манзилгоҳи. Марказий шаҳар. Янги шаҳар. Қаҳрамон шаҳар. ■ Деворда осифлиқ Кавказ харитасидаги шаҳарларнинг номларини санаб чиқдим. Шухрат, Шинелли йиллар. Тўрхалталарни кўтариб, автобусга ўтиришди-да, шаҳарнинг шимоли-шарқ массивига бориб тушишди. Ў. Ҳошимов, Қалбнингта қулоқ сол.

Шаҳар бермоқ Топишмоқ ўйинида: топа олмаганликни ва топишмоқ айтганнинг ўзи айтиб беришини қайд этувчи ибора.

ШАҲАРЛАШМОҚ 1 Шаҳарлик бўлиб қолмоқ. [Умурзоқбой] Юртнинг ўрта қисм деҳқонидан чиқиб, шаҳарлашган бойлардан, Тулаҳоннинг отасидир. Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 с.т. Шаҳар айланмоқ, шаҳарни кезиб чиқмоқ, шаҳарни сайр этмоқ. Агар вақтингиз бўлса, бир шаҳарлашиб келардик.

ШАҲАРЛИК Шаҳарда яшовчи, шаҳарда истиқомат қилувчи; шаҳар кишиси, одами. Болалар шаҳарлик меҳмонлар билан саломлашиб, бир тутам бойчечакни Малоҳатга тутдилар. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. Ота-си — шаҳарлик бир косиб, деҳқонларча таъ-

бир қилганда, «сояпарвар» бир одам. А. Қодирӣ, Обид кетмон. Сен жуда шахарлик бўлиб кетибсан! Шаҳардан кейин қишлоғимиз ёқмай қолдими? Уйғун, Навбахор.

ШАҲАРНАМО [ф. شهرنامа — шаҳарга ўхшаш] Шаҳарга ўхшаш, шаҳар каби. Водийларимиздаги шаҳарнамо посёлкалар кўридан илҳомланамиз. Газетадан.

ШАҲАРСОЗ [ф. شهرساز — шаҳар қурувчи] Шаҳар қурилиши бўйича мутахассис, шаҳар қурувчи. Яқинда Навоийда бўлиб ўтган шаҳарсозларнинг умумреспублика конференцияси дашда қурилан янги шаҳарга юксак баҳо берди. Газетадан.

ШАҲАРЧА Шаҳарликларга хос. Боғ бурчагидаги сўрида шаҳарча кийинган бир йигит туйибди. А. Муқимов. Донишманд.

ШАҲАРЧА 1 Кичик шаҳар. Туганмас каби кўринган, изтиробли, суронли йўл кечга яқин шаҳарчага туташди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Бирор жиҳатдан бирлашган тураржой ва ёрдамчи бинолар гуруҳи ёки шаҳарнинг алоҳида бир қисми. Академик шаҳарча. Университет шаҳарчаси. Ишчилар шаҳарчаси. ■ Шербек турган жой баланд бўлгани учун ҳам бутун Академия шаҳарчаси кафтдай кўринадди. С. Анорбоев, Оқсой.

ШАҲАРЧИЛИК 1 Шаҳарга хос ҳаёт. Бир ёғи шаҳарчилик, яхши кийиниш керак.

2 салб. Ўз ҳамшаҳарларини қўлаб-қувватлаш, ҳамшаҳарларига ён босиш. Шаҳарчилик қилмоқ.

ШАҲБОЗ [ф. شاهباز / شهباز — сарикбош лочин] **1** кт. Шунқор; лочин. Улар [савдогарлар] Россиядан ўқ ўтмас, найза ботмас совут, қалқон, қозон, игна, овга ўргатилган шаҳбоз-лочинлар ва ҳоказолар келтирар эдилар. М. Осим, Элчилар. Бири кўкда шунқор ё шаҳбоз-лочин, Бири чегарада юрт посбони. С. Абдулла.

2 кўчма Мард, жасур йигит. Табассум этди ул ой юз, деди: —Аё шаҳбоз! Маҳоратинг ҳақи, мен ўзни меҳрибон қилдим! С. Абдулла. Омон-эсон бўлин, болам, Авазим, Муродим, мақсадим, туйғун шаҳбозим. «Хушкелди».

ШАҲВАТ [а. شهوت — кучли истак; ҳирс, эҳтирос] **1** Эркалар жинсий безидан ажраладиган суюқлик: сперматозоид ва уруғ суюқлигидан иборат.

2 Шаҳвоний ҳирс, ҳиссиёт. Шаҳватга берилмоқ. ■ Муҳаббатнинг кўзига кўзи туш-

ганда, вужудида уйғонган ғалаёини аниқ эслади: ҳайвоний ҳирс, шаҳват қонини қиздирган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

ШАҲВАТПАРАСТ [а. + ф. شهوتپرست — шаҳватни яхши кўрувчи] Шаҳватга берилган, шаҳвоний ҳисси кучли (қ. шаҳват **2**). Шаҳватпараст эрка.

ШАҲВОНИЙ [а. شهواني — ҳирсли, эҳтиросли; шаҳватпараст] Шаҳват ва шаҳватпарастликка оид, шаҳват билан боғланган. Шаҳвоний ишқ. Шаҳвоний ҳисга берилмоқ. ■ Раҳматилла Обидий ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган, жуда-жуда хунук бир шаҳвоний жиноят қилиб қўйиб, беш йилга кесилиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Унда эркаларни ўзига тортадиган шаҳвоний куч, сирли бир жозиба мужассам эди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ШАҲД [а. شاهد — мум аралаш асал] эск. кт. айн. асал.

ШАҲД-ШАКАР, шаҳду шакар Ниҳоятда ширин, тотли. Шаҳд-шакар лаб. Шаҳду шакар мевалар. ■ Ойжамол қизим, йўл бўлсин? Айтгил, эрка кўзим, йўл бўлсин? Қайга бунча шошиб борасан, Шаҳду шакар сўзим, йўл бўлсин? Ё. Мирзо.

ШАҲЗОДА [ф. شاهزاده — шоҳнинг фарзанди, ўғли] **1** Шоҳнинг ўғли, шоҳ насли. Мана улар Самарқанднинг муҳташам кошонасига кўчиб келишди. Бу ерда қанча асилзодая шахзодалар яшаган. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Шаҳзода (хотин-қизлар исми).

ШАҲИД [а. شهيد — урушда ўлган, ўлдирилган; азият чекувчи] **1** Дин ёки мазҳаб йўлида ва б. айрим (ҳадисларда белгиланган) ҳолатларда ҳалок бўлган шахс. [Салоҳиддин:] Жангда ўлган — шаҳид, ўлдирган — ғозий, бунни мусулмонларга айтиш керак. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Тирик бўлсалар, ғозий бўлиб келарлар, агар тангрининг буйруғи билан ажжалари етган бўлса, шаҳид бўларлар. С. Айний, Қуллар.

2 Ватан уруши учун ёки ҳаққоният йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган одам. Шаҳид дўстлари абадий маконда бемалол ётишлари учун [Бектемир] чуқурни кенг қазишга уринди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ким бўлди бу Арғинбоев? Эҳтимол, қаҳрамонларча ҳалок бўлган, Ватан урушининг шаҳидлари — мард лочинлардан биридир? Газетадан.

ШАҲЛО [а. شەلە — кўк, мовий кўзли]

1 Порлаб, ёниб турадиган катта-катта, чиройли ва қора (кўз ҳақида). [Кумушнинг] Камон қошлари ортиқ мавж уриб, ўзини кўрсатган, бироз бота тушган шаҳло кўзлар тагин ҳам тим қоралик, тагин ҳам нурлилик касб этган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Зарофатнинг келишган қомати.. пир-пир ўйнаб турадиган шаҳло кўзлари Ҳайдарни мафтун қилган эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 Шаҳло (хотин-қизлар исми).

ШАҲНОЗ [ф. شەنان — мумтоз мусиқадаги куй номи] 1 мус. Ўзбек халқ мумтоз куйларидан бирининг номи. Дуч бўлур ҳали талай Шўх ўланлар, шаҳнозлар. Миртемир.

2 Шаҳноз (хотин-қизлар исми).

ШАҲОДАТ [а. شەادت — гувоҳлик; ёзма гувоҳнома, диплом, аттестат; калимаи шаҳодат] 1 кт. Содир бўлган у ёки бу ҳодиса юзасидан бериладиган гувоҳлик, шоҳидлик. *Шаҳодат бермоқ.* ■ Этимодлик бир кишининг шаҳодатига биноан, тошкентлик Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек, бу кунда хонимизга қарши бош кўтарган Азиз парвоначи ва ўз отасининг ваколатлари билан келиб, бу ердаги фуқароларни ҳам хон жанобида қарши оёқлантирмоқчи бўлган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Айвоннинг палос ва асбобларида унча бойлик кўрилмаса ҳам, пухта, озода, чирк юктирилмаган йўсунда йиғиштирилганлигидан, эгасининг ринд табиатли эканига шаҳодат бермакда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Калимаи шаҳодат [л.м. гувоҳлик калимаси, сўзлари] Ислоҳ динидаги 5 асосий руқнинг бири: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расулидир» (Ло илоҳа иллоллоҳ ва Муҳаммадун расулуллоҳ) калимасини тил билан айтиб, дил билан тасдиқ этишдан иборат. **Шаҳодат бармоғи** эск. Кўрсаткич бармоқ. *Феруза пишиллаб, унга шаҳодат бармоғини ўқталди.* С. Сийёев, Ёруғлик.

2 Шаҳодат (хотин-қизлар исми).

ШАҲОДАТНОМА [шаҳодат + нома] 1 Бирор ўқув юртини тамомлаганлик ҳақидаги расмий ҳужжат; гувоҳнома. [Мирғиё:] *Шаҳодатномамни оламан-у, уйга жўнайман.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. ..ўқувчилар слётида шаҳодатнома олган 2000 дан ортиқ ёшнинг

1600 га яқини ишлаб чиқаришда қолиш истагини билдирди. Газетадан.

2 Бирор фактни, бўлиб ўтган воқеа ёки ҳолатни тасдиқлайдиган расмий ҳужжат; гувоҳнома. *Мудира никоҳ шаҳодатномасини тантанали вазиятда тўлдириб, аввал Ферузага, кейин Норқўзига ручка тутиб, қўл қўйдирди.* Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. *Инсонни қадрлаш, инсон деб яшаш — шудир буюкликка шаҳодатнома.* Шукрулло.

ШАҲР [ф. شهر — шаҳар; мамлакат] айн. **шаҳар.** *Чирчиқ шаҳри. Шаҳримиз меҳмонлари.*

ШАҲРИСТОН [ф. شهرستان — мустаҳкамланган шаҳар маркази] тар. Шарқда ўрта асрларда шаҳарларнинг мудофаа деворлари билан қуршалган асосий қисми, маркази. *Қўнгина шаҳарлар қўлдорчилик давридаги шаҳарлар ўрнида қад кўтаради.. буларда арклар, қалъалар, шаҳристонлар энди асосий роль ўйнамайди.* М. Аминжонов, Шишанинг кашф этилиши тарихидан.

ШАҲСУВОР [ф. شە < شەسوار — шоҳ + سوار — отлик] 1 Ҳашаматли ва дабдабали отлик, моҳир чавандоз.

2 поэт. Паҳлавон; баҳодир (севимли ёр, маҳбубга нисбатан). *Келар бўлсанг, кел, бахтингдан ўргилай, шаҳсуворим.* Э. Охунова.

ШВЕД 1 Швеция асосий халқининг номи. *Швед халқи. Швед миллати.*

2 Шу халқ, миллатга тегишли, мансуб. *Швед тили.*

ШВЕДЛАР Швециянинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ.

ШВЕЙЦАР [нем. Schweizer — швейцариялик; француз қиролларини қўриқлаган швейцариялик солдат] Меҳмонхона, ресторан, муассаса ва ш.к. ларнинг кираверишида қоровуллик қилувчи шахс. *Бироқ, мен швейцар эмасманки, тўғри келган кишининг пальтосини ечиб, қўлига сув қўяверсам.* «Муштум».

ШЕВА I [ф. شەو — усул, тарз; услуб; одат; одатланганлик] 1 тлш. Умумхалқ тилининг маълум ҳудудга хос тармоғи, маҳаллий тил. *Ўзбек тилининг Фарғона шеваси.*

■ *Турли шаҳар ва қишлоқлардан келганликларини турлича кийим ва шеваларидан билиниб турган ёш-ёш йигит-қизлар конференц-залнинг ичи-сиртини тўлдириб юборган эди.* П. Қодиров, Уч илди. *Ўз қавмлари ва асл ўзбеклар бўлмиш қамишқаликларни [домла] дағал ном билан таҳқир қилар ва уларнинг*

шаҳарликларникидан анчайин фарқли бўлган шева тилларини масҳаралар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. **ТИЛ** 3. Ўзбек шевасида шеър ўқиларкан, Қалбларнинг қаърида ҳислар уйғонар. Ватан қамтовлари кириб қулоққа, Зал чайқалар — одам тўпи тўлганар. С. Ақбарий. «Афанди» демак — турк шевасида «муаллим» демакдир. Ҳ. Фулом, Машғал.

3 кам қўл. Сўз. Сени ҳам домига тортмоқ бўлади Севги деб аталган бу эски шева. Ҳ. Фулом. Бош эгиб тонлардан тонларгача то Виждон шевасига ташбих излаймиз. Р. Парфи.

ШЕВА II [ф. شیه — ўйноқилик, нозкарашма] кт. 1 Ноз-карашма, ишва. Бир шева билан жонон девона қилиб кетди, Ақлимни сочиб ҳар ён, мастона қилиб кетди. Ҳамза. Бир қиз келди шева билан, Неча ғамза, жилва билан. «Нурали».

2 Одат, равиш, йўсин; қонун-қоида, йўл-йўриқ. Камтаринликни, Ҳабибий, шева қил, Ҳам мулойим бўл момиқ парқу каби. Ҳабибий. Чархи кажрафторнинг бир шевасидан доғмен: Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур. Фурқат.

ШЕВИОТ [ингл. cheviot < Шотландиядаги майин юнгли қўйлар зоти етиштирилган Шевиот тепаликлари (Cheviot hills) номидан] Жун толалари ёки аралаш толалар (жун, пахта ва б.) дан тўқиладиган майин, қалин, сал тукли газлама. Шевиот костюм. ■ Очил бувага қараганда у [Азимжон] бошқа бир олам: ғарчи, ялтироқ этик, шевиот шим, ипак қўйлак.. ҳаммаси бежирим, ҳаммаси нафис, тахи бузилмаган. А. Мухтор, Чинор.

ШЕВРО [фр. chevreau — эчкича] Эчки терисидан хром билан ошлаб ишланган юмшоқ юпка чарм; шаброн.

ШЕЗЛОНГ [фр. chaise longue — узун, узунчоқ курси] Ярим ётган ҳолда дам олиш учун мўлжалланган, очиб-ёпиладиган енгил кресло. Обиджон билан Ҳожар киради, шезлонгга ўтиришади. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ШЕЙПИНГ [ингл. body shaping — танага муайян шакл бериш] Хотин-қизлар қадди-қоматини махсус жисмоний машқлар, парҳез, массаж ва ш.к. ёрдамида яхшилаш, мукаммал, бекам-қўст қилиш тизими.

ШЕКЕЛ Исроил давлатининг асосий пул бирлиги.

ШЕКИЛ [а. شکل — кўриниш, усул; ўхшаш, ўхшашлик; мисоли] с.т. Шекилли. Бойнинг йиғлаб келишини уй ичлари эшитиб, улар ҳам, «бир боло бўлди шекил», деб уйдан йиғлаб чиқа бошладилар. Ҳ. Фулом, Шум бола.

ШЕКИЛЛИ мод. с. Фикрнинг гумон, тахмин ёки тусмол билан айтилганини билдиради; балки, эҳтимол, ..бўлса керак. Мажлис бўлишини эшитмаган, шекилли, у келмади. ■ Мастура эса менга бир қарадию, танимади шекилли, индамади. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. — Мен дадангизни оз-моз биламан, — деди Ойқиз, — Олтинсойга яқинда келдинглар, шекилли? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Кинога олишаяпти, шекилли. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

ШЕЛУХА [қад.р. шелуха — балиқ тангаси] Мағзи ажратиб олинган чигит; чигит пўчоғи (одатда, молларга ем сифатида берилади). Фарғонадаги собиқ «Гидролиз» заводи илгаридан шелухадан спирт ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келарди. Газетадан. Бу ерда шелухага ачитқи қўшилиб.. молларга берилмоқда. Газетадан.

ШЕР [ф. شیر — арслон; ботир, жасур; асад] 1 Мушуксимонлар оиласига мансуб, қалта ва сарғиш юнгли (эркаклари эса қалин ёлли) йирик сутэмизувчи йиртқич ҳайвон; арслон. Овчининг зўри шер отади, Деҳқоннинг зўри ер отади. Мақол. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил. Мақол. ■ Булар [учоғайни ботирлар] тушган тўқайнинг нариги томонида бир шернинг макони бор эди. «Эртаклар».

2 кўчма Шахсни шерга нисбатлаб атайди («азамат», «ботир» «полвон» маъносиди). Бу ҳужжатни бутун районга тарқатмоқчимиз, шер, обрўйинг оишб, чўққига кўтарилаётганингни биласанми? И. Раҳим, Ихлос. — Балли, шер, хатни қўлингиздан ким олди? — Бир чол. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ёлта ёвлик отга мининг, шерларим. «Юсуф ва Аҳмад». Фигон қилган бунда шерлар, Йўлбарс, қоплон, бунда эрлар.. «Баҳром ва Гуландом».

Шер бўлмоқ айн. шерланмоқ. Ичкиликнинг зўридан шер бўлиб кетган Язтурди энди кўча ҳаракати қондасини унутиб қўйган эди. Газетадан. Балли, азамат, бугун жанг вақтида шер бўлиб кетдинг. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ШЕРАНДОМ [ф. شیراندوم — шер қоматли] Қадди-қомати шерга ўхшаган; шер-

тахлит. *Шерандом бўйли қиличбознинг [Хусайн Бойқаронинг] бир вақтлар баҳодирона жусаси жуда заифлашган эди. Ойбек, Навоий.*

ШЕРБАЧЧА [ф. شيربچه — шер боласи] с.т. Кўркмас, бақувват йигит; азамат; шоввоз. [Майсара:] *Икки шербачча икки ёнимда бўлгандан сўнг очликдан қўрқармуден. Ҳамза, Майсаранинг иши. Шу орада Бухоро амири шербаччалари кийимида иккинчи отлик етиб келади. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.*

ШЕРЕНГА [р. < пол. szereg — саф, қатор < т. черик — қўшин] Кишиларнинг бир қаторда ёнма-ён туриши, саф. *Қаторлар-ла, Бригадалар-ла, Шеренгалар-ла, илгари! Ф. Фулом.*

ШЕРЗОД [ф. شيرزاد — шер боласи, насли] 1 Жасур, азамат одам. *Дала гўзал. Унинг бағрида фидокорлик кўрсатаётган шерзодларнинг нияти ундан ҳам гўзал. Газетадан.*

2 Шерзод (эркаклар исми).

ШЕРИК [а. شريك — бирга қатнашувчи, иштирокчи] 1 Бирор иш-ҳаракатни бирга бажарувчи; ҳамкор. *Аҳмаджон шериги билан гранаталарни чоғлаб, ҳаёт-мамот пайтини кутиб туришди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. [Қодирқул:] Жим, аҳмоқ! Бойнинг бултур кузак бир қашқа оти йўқолган. Икки минг сўм пули саройдан ўғирланган. Шуларни ҳам сен ўғирлагансан. Гапир, шерикларинг кимлар? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Дўсматов тупроқни канал ўзанидан чеккага отиб берар, шериги эса нарига итарарди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

Тенг шерик қ. **тенг**. *Жанг йиллари икки ҳамхона Бир майизга эди тенг шерик. 3. Обидов, Яхши ният. Шерикмисан, ҳаммолмисан? Бирор ишни бирга амалга оширишдан манфаатдор бўлган киши ёрдамлашмай қўйганда айтиладиган ҳазиломуз матал. Э, шерикмисан, ҳаммолмисан? Пуфласанг-чи! Ҳ. Шамс, Душман.*

2 Ўзаро бирга бўлган шахс, бирга ҳолатдаги шахс (бирга турган, бирга юрган ва ҳ.к.). *Икки кишилик палатага жойлашдик. Шеригим бетлари қип-қизил, ўсиқ қошларига битта-иккита оқ тушган.. бир киши эди. Н. Аминов, Қалтис ҳазил. Узунроғи тўхтади, шериги югурғилаб келди.. С. Сиёев, Ёруғлик.*

3 Бирор жиҳатдан, қайсидир жиҳат билан ўзаро бирга (биргаликда) бўлган икки шахс ёки шахслар; оғайни, дўст ва ш.к. шахслар. *Равшан тушишда шўрвага навбат*

олди. Шериклари тандирдан янги узилган сомсани столга уйиб, жам бўлишиб, Равшанни кутиб туришди. «Ёшлик». Аваз шериклари билан дахма эшигидан четроқда турибди. С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Бирор нарсага бир хилда талабгор, бир тан бўлган шахс. *Хуллас, икки гурппага бир хилда хизмат қилганим учун, униси қолиб чиқса ҳам, буниси қолиб чиқса ҳам, мукофотга шерикман. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. Бу ердан бир қоп олтин топиб олдим. Шерик бўламан десанг, чиқ! О. Ёқубов, Излайман.*

5 с.т. (фақат 3-ш. бирл. шаклида — **шериги**) Бир хил ёки бир жуфт нарсаларнинг ҳар бири. *Бу туфлининг шериги қани? ■ Бу қўйни олиб бориб, шериги билан яна бир-икки ой боқинг.. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ШЕРИКЛАШМОҚ Бирор иш-ҳаракатни бажаришда бошқа киши билан бирлашмоқ, шерик бўлмоқ; бошқа кишига қўшилмоқ, биргалашиб ҳаракат қилмоқ. *Шериклашиб ишлаганини юраги шердай бўлар. Мақол. ■ [Матқовул] Ўзига ўхшаши бирон якка улов билан шериклашиб, ерга яхши ишлов бермоқчи, ҳосилни ҳам, албатта, кўпроқ олмақчи эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ШЕРИКЛИК Шерик бўлиш, шерик (биргалик) ҳолат; шерик ҳолатдаги (қ. **шерик** 1—4). *Шериклик ош қорнимни оғритади. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Бир ошман билан шерикликда тўрт қўй боқиб юрган эдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Назирбой Ёлмонбойлар билан шериклик пахта заводи-дан ташқари мустақил «эжин» ҳам солдирганди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ШЕРИКЧИЛИК Бирор иш-фаолиятда бир-бири билан шериклик қилиш, шерик бўлиб иш тутиш. *У.. бирорта ёлғиз отлик билан шерикчилик қилиб, адирга дон сепиб, ўз қишлоғида тирикчилик қилиш ниятида бўлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Шоликорлик билан кўпинча шерикчилик асосида ишлайдиган, кўчиб юрувчи мавсумий кишилар шуғулланмоқда. Газетадан.*

ШЕРЛАНМОҚ Шер каби ҳаракат ва ҳолатда бўлмоқ; ботирланмоқ. *Эргашев шерланиб кетди. Сакраб бориб, харсангтошга ўрнашган немис пулемётини ўлжа қилди. Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. Кайфи ошган Ҳотам шерланиб, мақтаниб гапирар*

бошлади. Мирмуҳсин, Умид. [Турсун] Ўтиб бораётган бир қизга гап ташловди, ёнидаги йигити: -Эй, ўзингни бос, кўтара олсанг, ичда! - деди. Турсун қўрғур шерланиб кетди. Газетадан.

ШЕРОЗИЙ [ф. شیرازی — Эрондаги Шероз (شیراز) шаҳри номидан] 1 Шероз деган жойга мансуб, шу ерда тайёрланган. Шоҳи рўмол солгум бошига, Йўлларига шерозий гилам. Э. Воҳидов. Насл учун қолдирилган, кумуш жило берувчи кўк шерозий, қопқора жингалак жунли арабий қўзичоқлар учбурчак болишдай думбаларини селкиллайтиб, у ёқдан бу ёққа чопишади. С. Анорбоев, Ҳаракатда барака.

2 Шерозий қўзичоқдан олинган, тайёрланган тери, қорақўл терининг кўк тусли, аъло сифатли нави. Ўқтам.. шерозий қорақўл поноғидан қорни қоқиб-суқиб, Сайрамовнинг кабинетида кирди. Ойбек, О.в. шабадалар. Аваз сингиси олиб келган пахталик тўнига ўраниб, бошига шерозий телпагини бостириб, қабристон оралайди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ШЕРОЛҒИН Мураккабгулдошлар оиласи шувоқлар туркумига мансуб, баргида эфир мойи бўлган хушбўй зиравор ўсимлик.

ШЕРСТЬ [р. шерсть, шерест — ўрдак, ғоз пати; ҳайвон жуни] с.т. Жундан тўқилган мато. Бир костюмлик шерсть. Шерсть пайпоқ. ■ Маҳкам эшикдан қараб, уни [Гавҳарни] досканинг олдида кўрди: қизил шерсть кофта ва клёш этакли қора юбка кийган.. П. Қодиров, Уч илди.

ШЕСТЕРНЯ [р.] Ҳаракат узатадиган, бошқа детални айлантирадиган тишли ғилдирак. Конус шестерня. Цилиндр шестерня. ■ Ҳаракатни тишли ғилдираклар ёки шестернялар ёрдами билан узатиш техникада жуда кенг миқёсда қўлланади. «Физика» дарслиги.

ШЕФ [фр. chef — бошлиқ, раҳбар; корхона бошлиғи] 1 с.т. Бошлиқ, раҳбар (бўйсунувчи, тобе кишиларга нисбатан). Шеф билан ишлаб ҳам удда қилолмаётирсизми? А. Қаҳҳор, Сароб. Шефнинг фигурни фалакда.. Расулжон, ким устимиздан назоратчи қилиб қўйган? Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Сиз бу ерда шеф экансиз, билмабман.. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Бирор муассасани, корхона ва ш.к. ни оталиққа олган ташкилот.

ШЕФЛИК айн. оталиқ 1. Шефлик қилмоқ. ■ Ўзим талаб қилиб.. икки кишининг шефлигини олдим. А. Қаҳҳор, Сароб.

ШЕФ-ПОВАР [шеф + р. повар — ошпаз] с. т. Бош ошпаз, ошпазлар бошлиғи. Ҳа, шошманг, яхши қиз, шеф-поварингизга айтиб қўйинг, бизга пиёзни алоҳида, сочдек қилиб тўғраб берсин. О. Ёқубов, Учрашув.

ШЕЪР [а. شعر — назм, поэзия] Маълум вазн ва қофияли кичик бадиий асар. Аруз вазнидаги шеър. Бармоқ вазнидаги шеър. Лирик шеър. Эркин шеър. Гафур Ғулум шеърлари. ■ Хат конвертга тушаётганда, Нормат унинг охирига яна икки мисра шеър ёзиб қўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Юртим, сенга шеър битдим бу кун, Қиёсингни топмадим асло. А. Орипов.

Оқ шеър айн. сочма шеър. қ. сочма 4.

ШЕЪРИЙ [а. شعرى — назмий; шеър йўли билан, шеърга оид] 1 Шеърга оид, шеърга хос. Бобурда бунчалик шеърий истеъдод бор деб ўйламаган Биноий бир лаҳза ҳайратланиб турди-ю.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Масал — ҳажми унча катта бўлмаган, насрий ҳамда шеърий йўл билан ёзиладиган.. мустақил сюжетга эга бўлган эпик асардир. «ЎТА».

2 Шеър билан ёзилган. Шеърий асар. ■ Мармар тошдаги шеърий битик уни гўё адлу инсофга, мурувват ва шафқатга ундагандек бўлиб турарди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ШЕЪРИЯТ [а. شعریت — назм, поэзия] 1 Шеърий асарлар мажмуи; поэзия; шеър ёзиш санъати. Навоий яшаган давр шеърияти. ■ Қуйланди эл тилаги бахши созида, Шеъриятнинг энг дилкаш, энг таннозида. Уйғун. Ҳамза бўлди менга ҳар қачон Шеъриятда яқин устозим. Х. Салоҳ.

2 кўчма Ўзига мафтун қиладиган, олий ҳис-туйғу уйғотадиган нарсас; ўта ғўзаллик, нафосат. Отабек ва Кумуш ишқларида салимият, яна тўғриси, шеърият бор эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қора денгиз, ҳам шеъриятнинг, Ҳам жанговар кўринишинг бор. Уйғун. Баҳорлар ҳақида қуйламоқ осон, Ўзининг шеъриятин топа бил, шоир. М. Шайхзода.

ШЕЪРХОНЛИК Бирор давра ёки йиғинда навбат билан шеър ўқиш. Бутун кеча шеърхонлик билан ўтди. Шеърлар ўзбек, рус, қозоқ.. тилларида янгради. Газетадан. Шеърхонлик ва овқатдан сўнг меҳмонлар у ёқдан-

бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. М. Осим, Сеҳрли сўз.

ШЕЪРШУНОСЛИК Адабиётшуносликнинг шеър тузилиши, шеърин асарнинг гоёси, бадиияти ва шаклини ўрганувчи бўлими.

ШИА [а. شيعه — гуруҳ, фирқа; содиқ кишилар, эргашувчилар; мазҳаб] айн. **ШИИЙ**. Қамбар бобо сунний тутқунларга шиа мазҳабининг асосларини ўргатди. С. Айний, Қўллар. Қўл жаллобларнинг зўри билан «қизилбош», яъни шиа бўлиб қолган Мардон Бухорога келтирилиб, молдек сотилди. М. Осим, Элчилар.

ШИАЛИК, ШИИЗМ [а. شيعى — шиага алоқадор, шиа] Муҳаммад пайғамбар давридаги Қуръонни тан олиб, унга кейинча қўшилган диний ақидаларни, сунний халифаларни тан олмайдиган оқим, ислом динидаги икки асосий мазҳабдан бири (қ. **СУННИЙЛИК**). *Шиизм тарафдорлари.*

ШИББА Тупроқни уриб зичлаш учун ишлатиладиган, таги текис дастали оғир ғўла. — Қани кел, Юнус, — деди Йўлдошбой шиббанинг тепа қулоғини чап қўли билан, белидаги дастасини ўнг қўли билан ушлаб. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. Қирғоққа тўпланган кишиларни сон-саноқсиз қайиқлар ва кемалар оролга ташиб турмоқда, кетмон, бел, шибба, андава, теша, болта ушлаган одамлар сабрсизлик билан ўз навбатларини кутмоқда. М. Осим, Темур Малик.

Шибба урмоқ (ёки қилмоқ) айн. **ШИББАЛАМОҚ 1**. Йўлдошбой қишлоғида шибба уришни кўрган бўлса ҳам, ўзи унинг дастасини ушлаб кўрмаган эди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ШИББАЛАМОҚ 1 Шибба ёки бошқа нарсa билан уриб, босиб, тупроқни зичламоқ, тиғизламоқ. *Пойдевор ўрнини шиббаламоқ.* ■ [Лутфулла] Сувдан чиқиб, ҳар иккала қирғоқдан қуруқ тупроқ қазиб, лой устига ташлаб, оёғи ва кетмон орқаси билан шиббалаб, сув кўтариб кета олмайдиган даражада мустаҳкамлади. С. Айний, Эсдаликлар. *От-арава, машина юравериб шиббалаб юборган текис йўлдан сал юрганимиздан кейин, орқамиздан сотувчи йигит ҳалослаб етиб келди.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Бўйрадек жойни танлади. Уни кафтдек текислаб, шиббалади.* С. Кароматов, Сўнгги барҳам.

2 Босиб, тиқиб зичламоқ, тиғизламоқ. *Сомонни қанорга шиббаламоқ.* ■ — *Чўрткесар бўлса, ётиғи билан тушунтиринг-да, — деди қанорнинг ичига тушиб, пахта шиббалаётган звено бошлиғи.* А. Ҳайитметов, Пулат бармоқлар. *Очиқ усулда бостирилаётган силос майдонига кўкноя ортган автомашиналар кетма-кет келиб турибди, трактор ва бульдозерлар силосни шиббаламоқда.* Газетадан.

ШИВАЛАМОҚ Бир текис, бир маромда, ўртача тезлик, куч билан ёғмоқ (ёмғир ҳақида). *Шивалаб турган ёмғир кучая борди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Эрталабдан ёмғир шивалай бошлади.* С. Зуннунова, Янги директор. *Кечагина шивалаб ўтган ёмғирдан бош кўтарган ям-яшил ўтлоқда қўй-қўзилар яйраб юрибди.* Газетадан. *Майдалаб, шивалаб ёғаётган ёмғир тобора тезлашарди.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

ШИВАҒА шв. Улуш, насиба. — *Очқаб келдим, базмдан маликангизга шивага олиб қўйгандирсиз? — деди Зулукхон Илҳомчага.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.

ШИВИЛЛАМОҚ айн. **ШИВИРЛАМОҚ 2**. Сув шивиллаб, қандайдир сирли, ваҳимали кўриниш билан оқади. Ойбек, Танланган асарлар.

ШИВИЛҒОНИ Доналари нисбатан майда, уруғсиз қора узум ва шундай мева берадиган ток. *Шивилғон — тоғ-тош орасида кўм-кўк ишкомларга кўмилиб ётган қишлоқ, машҳур шивилғони узум шу ердан тарқалган.* А. Мухтор, Чинор. *Фарқ пишган, доналари ширага тўлиб, ёрилай-ёрилай деб турган хусайни, чарос, шивилғонилар электр лампочкалар нурида товланади.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар. *Оқ чиллаки пишиб ётибди, шивилғони ранг олибди.* С. Анорбоев, Ғўзаллик излаб.

ШИВИР тақл. с. Сўзлаётганда, айрим нарсаларнинг энгил ҳаракатида бир-бирига тегишидан чиқадиган кучсиз товушни билдиради. *Шивир-шивир, пичирлашлар эшитилди: райком бобонинг уруғ-аймоғидан эмиш.* С. Нуоров, Нарвон. *Сўзларни райхондай ҳидлайман, Сўзларнинг шивирин тинглайман.* Ҳ. Даврон. *Бир вақтлар курсдошлари билан ма-на шу япроқлар шивирига қулоқ солиб туриб, қайси дарахтлигини аниқлашарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ШИВИРЛАМОҚ 1 Жуда паст овоз билан, шивир-шивир қилиб гапирмоқ, пичирламоқ. Қулоққа шивирламоқ. Шивирлаб гапирмоқ. ■ Мингбоши бироздан сўнг: -Агар бирор жойда ғинг десанг, ўзингдан кўравер, йигит! — деб шивирлабди. Т. Обидов, Юсуф-жон қизик. Моҳира ойим қизи Хушрўйнинг қулоғига нимадир шивирлаб, кулиб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 «Шивир-шивир» товуш чиқармоқ (қ. шивир). Сув шивирлаб оқмоқда. ■ Майин ел шивирлаб бошингдан эсса, Рўмонинг пириллаб ўйнаб кетади. Уйғун. Зокир япроқлари баландда мулойим шивирлаб турган оқ теракларга.. қаради. П. Қодиров, Уч илдиз.

ШИВИРҒОНИ қ. шивилғони. Яхши қизлар, ўртангизда ким йўқотди лабда ранг? Бир келиб, бу боғдаги «ўғри» шивирғондан сўранг. Ғ. Фулом. Ишқомларда ҳусайни.. дили-каптар, кишмиш, шивирғониларнинг боши ерга тегай деб энгашган. С. Абдулла, Бир шингили томоқни ёради.

ШИВИТ [ф. *шивит* / *шивид* — укроп] 1 шв. айн. **укрон**. Кишлоқ аҳолиси укропни кўпинча шивит, бодиён деб ҳам атайди. Газетадан. Тақсимча, косаларда барра ниёз, шивит буктирилган сузмақатиқ. С. Нуров, Нарвон.

2: шивит бўлмоқ айн. шувут бўлмоқ қ. шувут. Кечаларни уйқусиз ўтказаман. Район тўғрисида ўйлабман, юзим шивит бўлмасин, дейман. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Узр сўрадим. Аммо ҳали ҳам юзим шивит. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ШИДДАТ [а. *شدت* — куч, қудрат; ғайрат; қатъийлик; бало, офат] 1 Ҳаракатдаги нарсаларнинг, ҳодисаларнинг интенсив кучи, юқори куч ва суръат. Шамол шиддати. Ёмғир шиддати пасайди. Шиддат билан ҳужум бошламоқ. ■ Терим шиддати зўрайгандан зўрайиб бормоқда. Газетадан. Набижон қиз товушининг шиддатидан тааж-жубланиб.. унинг кўзларига қаради. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. Шерназарбойнинг шиддати зўрайиб, қалғани баттарроқ тўпга туттирди. Ж. Шарипов, Хоразм. Томларда, дарахтларда қор анча қалинлашган. Яна шиддат билан ёғишда давом этади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Зўр ғайрат, шижоат. Кун ўтди, кун кетидан кун келди, лекин тоғ қазувчилар шиддати заррача ҳам бўшашмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. -Чу! — деб шиддат

беради Ғиркўк тулпор отига. Ҳай аттанг, деб мард Ҳасан Шарт уради сонига. «Равшан».

ШИДДАТКОР [а. + ф. *شدت کار* — шиддат қилувчи, шиддатли] айн. **шиддатли**. Шиддаткор оқим. Шиддаткор ҳужум. ■ Қариб қолган Шоҳ Малик шиддаткор ва айни пайтда анча тадбиркору серғайрат бу ёш темирйизодани биларди. Мирмуҳсин, Меъмор. Шафтолизорда сазванинг гоҳ фиғонли нола-си, гоҳ шиддаткор чақчақи тинмайди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

ШИДДАТЛАНМОҚ кам қўлл. Авжига минмоқ, кучаймоқ. Гулнор бу ёт кишининг эллиқбоши эканини билгач, ғазаби шиддатланди. Ойбек, Танланган асарлар.

ШИДДАТЛИ Шиддати бор, шиддатга эга бўлган, шиддат билан содир бўлган ёки бўладиган. Шиддатли шамол. Шиддатли оқим. ■ Батальон шу кунни кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини қайтарди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Унинг чехрасида, юпқа лабларида аллақандай бир қатъият бор, ҳаракатлари кескин, шиддатли эди. О. Ёқубов, Излайман.

ШИЖОАТ [а. *شجاعت* — дадиллик, ботирлик, жасурлик] Ҳаракат, фаолиятда мардона, жасоратли интилиш; мардлик, жасорат. Шижоат кўрсатмоқ. ■ Одамлардаги ҳаракат, шижоат, ғайратни кўраётисанми? Уларнинг юрагига ким ғайрат солди? Уйғун, Навбаҳор. Биз кўрсатиб чексиз маҳорат, Саҳроларда очдик бўстонлар; Мўъжизалар яратган ғайрат — Шижоатдан қолур дostonлар. 3. Диёр. Қанча куч, қанча ғайрат, қанчалик шижоат бор бу тиниб-тинчимас қарияда! С. Кароматов, Олтин кум.

ШИЖОАТКОР [а. + ф. *شجاعت کار* — шижоат қилувчи, шижоатли] айн. **шижоатли**. Шижоаткор йигитлар. ■ Бригадининг шижоаткор пахтакорлари қийин об-ҳаво шароитида ҳам юқори ҳосил кўтардилар. Газетадан.

ШИЖОАТКОРОНА кт. Шижоат билан қилинадиган, мардона; фидокорона. Шижоаткорона парвоз. ■ Кишлоқ меҳнаткашларининг шижоаткорона меҳнатлари тўфайли вилоятимиз давлатга пилла, қорақўл тери сотиш йиллик режаларини ошиғи билан адо этди. Газетадан.

ШИЖОАТЛИ Шижоати бор, шижоат билан ҳаракат қиладиган. Шижоатли йигит.

■ Оқсоқол опа ҳақиқатан ҳам жуда шижоатли, серғайрат бир жувон. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ўт-олов йигитлар, шижоатли ёшлар механизация измини ўз қўллариغا олдилар. «Ўзбекистон қўриқлари».*

ШИЖОАТСИЗ Шижоати йўқ, шижоат билан иш тутмайдиган. *Шижоатсиз одам.*

ШИЗОФРЕНИЯ [юн. schizo — майдаламоқ, парчаламоқ + phren — юрак, қалб; ақл, идрок, эс] *тиб* Бош мия фаолиятининг бузилиши натижасида юз берадиган, турли хил кўринишларга (алаҳлаш, галлюцинация, руҳий-асабий қўзғалиш, ҳаяжон ва ш.к.) эга бўлган оғир руҳий касаллик. *Ҳид ёрдамида шизофрения, бўғма.. каби айрим касалликларни аниқлаш мумкин. «Фан ва турмуш».*

ШИЙ [а. شيعى — шиа; шиага мансуб] қ. **шийлар**. *Шу кунларда ший.. ғавғосидан ўзга муҳим ҳодисани билмайман. Ойбек, Навоий.*

ШИЙЛАР *дин*. Шиизм тарафдори бўлган мусулмонлар; қиёсланг: **суннийлар**.

ШИЙДАМ I *Ҳеч нарсаси қолмаган, ҳеч нарса йўқ; бўм-бўш, қуруқ, яланғоч. Элмурод.. чалқанча ётиб, қоп-қора мунчоқ кўзларини шийдам бутоқлардан олмай, тут нишигини ҳаёл қилди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ШИЙДАМ II *фольк*. Яхши кийинган, ясанган, башанг. *Маҳрамлар айтди: -Ҳайит-арафада ўзбекнинг кўёвини кўрар эдик. Шийдам бўлиб юрар эди. Салла ўраб, кийиниб турар эди. «Алпомиш».*

ШИЙПОН [хит. — тош уй] **1** Атрофи одатда ҳар томонидан очиқ, усти ёпиқ ёзлик енгил қурилма. Ҳовуздан йигирма қадмлар нарида тўрт томони очиқ, устунлари чиройли нақшланган, ердан одам бўйи баланд кўтарилиб солинган каттагина шийпон, бунинг атрофи гулзор. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Далада ишловчиларнинг дам олиши ва овқатланиши учун махсус қурилган ёзлик бино ёки айвон. *Шийпонга йиғилган теримчилар ер остидан бир-бирларига қараб имлашар эдилар. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Июль ўрталарида.. звено қизлари тўртинчи чопиқни тугаллаб, дала шийпонига кўчиб чиқишди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. ..тонг билан баробар ишга тушадиган машиналар шийпондагиларнинг кўпчилигини барвақт уйғотиб юборарди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

ШИКАСТ [ф. شکست — мағлубият; омадсизлик; зарар, зиён; синиш, синиқ; суякнинг синган жойи] **1** Жисмоний зарар, лат. *Шикастни тузатмоқ.* ■ [Бектемир] *Суяк шикаст топмаган соғ қўл билан ярани, қийин бўлса ҳам, пухта боғлади. Ойбек, Куёш қораймас. [Пулатжон домла:] Тувакда бир туп гул ўстирган одам шу гулнинг бирон яроғига шикаст етса, қанчалик ачинади! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.*

2 Нарсанинг зарарланган, бузилган, синган, лат еган жойи. *Машинани қиялик четидан олгач, у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, тупурди, сўкинди, шикастни тополмади. А. Мухтор, Туғилиш. Мадраса ҳужраларининг шикасти тузатилиб битмагани учун, мен кўп шоғирдлар сингари, квартирада туриб, қатнаб ўқидим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

3 кўча Зиён-заҳмат, зарар. *Араббой кўпчилик кулгисидан бироз изза тортди. Лекин у.. обрўсига шикаст етган катта бир шахс каби киброна бўзарди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ёш болаларни ўв эркига қўйиб бериш уларнинг тарбиясига жиддий шикаст етказди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ШИКАСТА [ф. شکسته — синган, парчаланган; путурдан кетган; ғамли, қайғули; дабдала бўлган] Носоғ ҳолатли; эзгин, эзилган, хаста. *Мастура жимгина кулумсираб тураверди: беозор, беғараз, айна чоғда қандайдир ночор, шикастами. Э. Аъзамов, Жавоб. Фақат дард томади шикаста куйдан. Тўлқин. Жувон ёқимли, шикаста товуш билан хиргойи қиларди. С. Аҳмад, Уфқ.*

Шикаста хат ёки хатти шикаста Ҳарфлари нуқтасиз ва бир-бирига тиркаб ёзилдиган арабча хат тури. *Шикаста бу хатдан унинг ўқий олган жумлалари шулар бўлди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ШИКАСТЛАМОҚ Шикаст, зарар етказмоқ. *Машинани шикастламоқ.* ■ *Қуртлаган олма ерга тўкилиши билан унинг ичидаги қурт ташқарига чиқиб, дарахт бўйлаб юқорига кўтарилади ва бошқа меваларни шикастлайди. Газетадан.*

ШИКАСТЛАНМОҚ I **Шикастланоқ** фл. ўзл. н. *Машина шикастланди.* ■ *Ер қимирлаганда, Усмон отанинг уйи ҳам анча шикастланди. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.*

2 Бирор зарб туфайли мажруҳ бўлмоқ, лат емоқ. *Унинг ўнг қўли шикастланди.* ■ -

Муроджон бўлса, чаққонлик билан шикастланган тоғамни кутариб, иккинчи тарафга олиб қўйди, — деди Нафиса. Ғайратий, Узоқдаги ёр. Фашист танкларининг иккитаси шикастланиб, тўхтаб қолди. П. Қодиров, Уч илдиш.

ШИКАСТСИЗ 1 Лат емаган, соппа-соғ.

2 Бузилмаган, синмаган, бус-бутун. Унинг [механизаторнинг] қўлида энг яхши, соз, юксак унум билан, шикастсиз, бетўхтов ишлайдиган машина бўлиши керак. Газетадан.

ШИКВА [a. شىكۋە — шикоят, арз қилиш; айблаш] кт. Бирор нарсадан норозилик, шикоят; ҳасрат. *Шиква қилмоқ.* ■ Нима демоқчисиз, шиквами ё арз? Миртемир. Вафосиз дилрабодин шиква қилсам, айб қилманглар. Маҳзуна. Бу Муаззам, бу фалакдин шиква этса арзигай. Муаззамхон.

ШИКВАЛИ Норозиликни билдирувчи, шикоятомуз. *Кампир сўнги жумлани шиквали бир оҳангда айтди.* Уйғун, Турсуной.

ШИКОР [ф. шар — ов, овлаш; овланган нарса] кт. Ов қилиш, ов. *Шикор қилмоқ.* ■ Подшо шикорга чиққанда, биринчи рўпара келган кийикни урولмай, ёнидаги одамлар олдида қизариб қолди. «Латифалар». От белига ҳавас билан минамиз, Бобо, рухсат беринг, шикор қиламиз. «Эрали ва Шерали».

ШИКОЯТ [a. شىكايت — арз қилиш, норозилик; айблаш] 1 Норозилик, нолиш сўзи; ҳасрат. *Уйқусизликдан шикоят қилмоқ.* ■ Ҳаммининг тилида шикоят: қимматчиликдан, мардикор олиш воқеасидан, бекорчиликдан шикоят. Ойбек, Танланган асарлар. -Камбағалчилик ўлсин! — хотин бу гапни шикоят тарзида айтди, аммо Туробжон бунни таъна деб тушунди. А. Қаҳҳор, Анор.

2 Норозилик ва маълум талаб билан оғзаки ёки ёзма тарзда билдирилган фикр; арз. *Шикоят — ожизлик аломати.* ■ Шикоятни ўзига эп кўрмай, жим ўтирди Аҳмад. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Кўпчиликнинг арз-додиға қулоқ солмагандан кейин шикоят оқаверади-да. «Муштам». Ё Қўқон ҳокими Мединска жаноби олийларига арз қиларсан.. Бор, бора қол, шикоят қила қол. К. Яшин, Ҳамза.

3 айн. **ШИКОЯТНОМА.** Шикоят ва тавсия дафтари. ■ Касабақўм ишчи ва хизматчиларнинг шикоятларини корхона маъмурияти билан биргаликда кўриб чиқади. Газетадан. Ҳукмлар тўғрисида шикоят бериш эркинлиги кўзда тутилади. Газетадан.

ШИКОЯТ ҚИЛМОҚ 1) нолиш сўзини айтмоқ; нолимоқ, ҳасрат қилмоқ. *Гулсумбиби бу саволга жавоб беришдан аввал камбағалчиликдан, эрининг аҳволидан шикоят қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кимдир кун ортиқ исганидан шикоят қилди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми; 2) арз, шикоят билан мурожаат қилмоқ. *Рост, Эртөөвларнинг устидан шикоят қилиш унинг хаёлига ҳам кириб чиққан эмас.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Хивага юр, хонга шикоят қиламиз..* Ж. Шарипов, Хоразм.

ШИКОЯТБОЗ [a. + ф. شىكايت باز — шикоят қилишни яхши кўрувчи] Доим шикоят қилиш, шикоят ёзиш билан шуғулланувчи шахс. *У айрим оналарнинг шикоятбоз бўлиб кетаётганидан зорланган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ШИКОЯТБОЗЛИК Доим шикоят қилиш, шикоят ёзиш билан шуғулланиш. *Турмушда шикоятбозликдан бошқа иш қилмайдиган, бунни ўзларига касб қилиб олган бир тоифа одамлар бор.* О. Ёқубов, Ларза.

ШИКОЯТЛАНМОҚ айн. **ШИКОЯТ ҚИЛМОҚ** 1 қ. **ШИКОЯТ.** -Астрободда бағоят номақбул ҳаракат рўй бермиш, — деди Ҳусайн Бойқаро шикоятланиб. Ойбек, Навоий. *Хотин паранжиси билан айвоннинг олдиға ўтириб олгач, «уф-ф-ф» деб чайқалди ва «анча йўл экан, тинкаларим қуриб кетди-я», деб шикоятланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШИКОЯТЛИ Норозилик, шикоят ёки нолишни ифодаловчи, ҳасратли. *Дарров кўзларига қайғули жилва берди.. шикоятли товуш билан, гўё ўз-ўзига сўзлаган каби мингирлади.* Ойбек, Танланган асарлар. -Асли бизнинг ҳолимизни сўраманг! — дейди шикоятли оҳангда Берди татар, — биз бошда шу Обид кетмон деганни ўз ичимизга ўйламасдан олган эканмиз. А. Қодирий, Обид кетмон.

ШИКОЯТНАМО [шикоят + ф. نما — кўриниш, қиёфа] Шикоятга ўхшаш, шикоятомуз. *Машинаси бўла туриб, генералнинг тўпикдан чанг кечиби, пиёда юрганига адъютантнинг гоҳо жаҳли чиқиб қўяр ва ўзича нималарнидир пўнғиллаб, шикоятнамо сўзланиб қўярди.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. У [обком секретари] ҳар қандай шикоятнамо масалаларни ўз вақтида, аммо мужассам далиллар ёрдамида ҳал қилиши одатланган. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ШИКОЯТНОМА [шикоят + нома] Расмий тарздаги ёзма шикоят. -Бўлмаса, аҳоли хонга шикоятнома ёзмайдирми? -Нечанчи шикоятномани сўрайсиз, - деди Отабек, - Азизбекдан зулм, жафо кўрганлар билан бирликда энди унингчи шикоятномани юборгандирмиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шу шикоятномани олий ҳукуматимиз номига ишончли бир кишидан бериб юбордим. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ШИКОЯТОМУЗ [шикоят + ф. آمیز - аралашган; ўхшаш] Шикоятга ўхшаш, шикоятнамо. Йўловчилар юзларини елтишар, иссиқдан бўғиққан рухсорларини рўмолчалари билан артишиб, бир-бирларига шикоятомуз қараб, бошларини сарак-сарак қилишар эди. С. Кароматов, Бир томчи қон. Унинг бу шикоятомуз сўзларида ўз ишидан киши билмас фахрлини оҳанги ҳам сезилиб турарди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ШИКОЯТЧИ Бирор кимса ёки нарсадан шикоят қилувчи. Хатлар ҳаракати устидан назорат ўрнатилмаган, бир қанча ҳолларда шикоятчиларга жавоб қайтарилмаган. Газетадан. Убайдуллаҳўжа ағлам шикоятчи бойларнинг отдан ҳам кўра ўз элдошлари олдида обрў учун курашаётганлигини англади-да.. уларни икки ой овора қилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИЛ [ф. شيلة - айёрлик, муғомбирлик] шв. Фирибгарлик билан ҳамма нарсани шилиб, ўзиники қилиб оладиган; товламачи, фирибгар; сурбет. Жамоатчилик, тегишли ташиқлотлар.. бу ҳаромхўр, шил савдогарларни нўхталаб қўйишлари керак. «Муштум».

ШИЛВИРАМОҚ с.т. Шилиниб, тирналиб маддаламоқ, сувланиб турмоқ (яра, жароҳат ҳақида). Яраси шилвираб кетибди. ■ У [Ғуломжон] жисмини шу ерда қолдириб, фикри билан ёр ёнида бўзлайди, жароҳати шилвираб ётган дилида оғриқ туради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Унинг куюк, сочсиз боши, яримта юзи жисғанақ бўлиб, шилвираб турар эди. Ойбек, Қуёш қораймас.

ШИЛДИР I тақл. с. Нарсаларнинг енгил урилишидан ёки сув оқишида чиқадиغان товушни билдиради. Сув шилдири, булбул қўшиғи, Феруза кўк, зангори япроқ. Уйғун.

Шилдир сув с.т. Ниҳоятда суюқ овқат ҳақида. Бу шўрвангиз шилдир сув-ку.

ШИЛДИР II айн. шыл. Қанақа йигит экан? Ким экан? Ёмон, шилдир йигитлардан эмасмикан? Мирмуҳсин, Умид.

ШИЛДИРАМА Шилдирайдиган, шалдироқ. Чўнтакдан рўмолчасин Олмоқчи бўлганда ул, Ёнидан тушиб қолди Шилдирама беш сўм пул. Қ. Муҳаммадий.

ШИЛДИРАМОҚ 1 Оқаётган сув ёки бошқа суюқликка хос бир хил майин овоз чиқармоқ, жилдирамоқ. Ариқчаларда тип-тиниқ сувлар шилдираб оқиб ётади. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 Енгил овоз чиқармоқ, шитирламоқ (хас-хашак, қоғоз ва ш.к. ҳақида). Қамишлар шилдиради, кўл атрофидаги ўрдақлар «ға-ға»лаб, парвоз қилди. Ж. Шарипов, Хоразм. Кечки куз. Дарахтлар қизғиш, олтин ранг, Шилдираб япроқлар куйлайди қўшиқ. Шукрулло.

ШИЛДИРОҚ Шилдираган майин овоз чиқарадиган. Негадир унинг [Ҳафизанинг] бирдан орқага қайтиб кетгиси келиб қолди, агар ҳозирок Умид билан учрашадиган бўлса, бу ажойиб манзаралардан, турвиқор тоғлардан, сарин елу шилдироқ сойлардан - баридан кечиб, у томон чопарди. Мирмуҳсин, Умид. [Ойна опа] «Озиқ-овқат» ва «Кийимлар» магазинига кириб, шилдироқ қоғозга ўроғлиқ алланарсаларни кўтариб чиқди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ШИЛИМШИҚ Елим каби юмшоқ ва ёпишқоқ, шалҳақ. Шилимшиқ мода. Шилимшиқ гўшт. ■ Киши шилимшиқ бир нарсани кўрганида, таъби қандай тирриқ бўлса, унинг ҳам таъби ҳозир худди шундай хира эди. О. Ёқубов, Ларза. Низомиддинов бармоқларига шилимшиқ нарса ёпишганини сизди. С. Аҳмад, Хукм.

ШИЛИНГПОЧА с.т. Кийимсиз, яланғоч; оёқ яланг, сарпойчан. -Айниқса сартарошхонанинг қашқа паишасини айтинг. Шилинғпocha оёқларимни шунақа узиб чақадики, дод деб юборасан киши, - деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

ШИЛИНМОҚ Шылымқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Пусти шилинган тол. Оҳаддан унинг қўли шилинибди. ■ Кийимларим йиртилиб, тиззаларимнинг кўзи шилиниб, соқолларим пахмайиб кетди. И. Раҳим, Оловкор. [Бозорқул] Бугун куни билан от етаклаб, яёв юрди. Узангига ўрганган оёқ шилиниб кетди. А. Мухтор, Чинор.

Шилиниб тушмоқ Жуда озиб, ориқлаб кетмоқ. Бир неча кун ичида Аззам шилиниб тушди. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ШИЛИҚ I айн. **шиллик** I.

ШИЛИҚ II айн. **шиллик** II.

ШИЛИНГ [ингл. shilling] 1 Англияда 1/20 фунт стерлингга тенг танга пул.

2 Австрияда ва баъзи бир Африка мамлакатларида пул бирлиги.

ШИЛЛИҚ I Суюқ ёпишқоқ елимсимон модда. *Шиллиқ парда.* ■ Соғ кишининг нафас йўллари қуриб қолмаслиги ва чангдан сақланиши учун унда бироз шиллиқ бўлади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ШИЛЛИҚ II: **шиллик қурт** Куруқда яшайдиган қориноёқли, ўпкали моллюскалар. *Намли ва булутли ҳавода ўргимчаклар, шилликлар туғилади, шудгордан бошқа озиқ тополмагандан сўнг, янги ўсиб чиққан ғўзаларни қирққишга бошлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ШИЛМОҚ 1 Нарсанинг сиртидан, танадан уни ўраб турувчи тери, пўст каби қопламани ажратмоқ. *Дарахтнинг пўстлогини шилмоқ.* Куённинг терисини шилмоқ. ■ *Тоғжиддин Қосим хушбўй бананларнинг олтин пўстларини шдам шилиб, бирмунча еди.* Ойбек, Нур қидириб. *Кўчанинг у юзида, лаб ва бурнига қон сачраган айиқдек бир қассоб, янги сўйилган кўйининг терисини зўр бериб шиларди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Узиб ёки юлиб олмоқ, кўчириб юбормоқ, қаттиқ тирнамоқ. *Билмай ярамни шилиб юборибман.* ■ *Мана бу еримни Люблинда ўқ шилиб кетди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 Ачиштириб ялаб кетмоқ; терисини еб, ўйиб юбормоқ. *Оҳақ қўлимни шилиб юборди. Қаламтир ичимни шилиб кетди.* ■ *Сирка ичгандагидек қорнини шилиб юборди.* Ойбек, Куёш қораймас.

4 кўча Алдаш ёки зўрлик билан бошқанинг бор-йўғини ўзиники қилиб олмоқ; таламоқ; ўғирламоқ. *Боилар камбағалларни шиларди. Савдогар харидорларни шилади.* ■ *Отам қариб, йўлда ҳориб қолган чол эди. [Қароқчилар] Уни бир зумда ётқизиб, ёнидаги бор пулини шилиб олишди, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўғри, бандит! Эртага ҳамма ёқни шилиб қочади.* А. Мухтор, Туғилиш.

ШИЛП айн. **шилп** I. Мингбоши ерда ғужанак бўлиб ётган Матқовулнинг орқасига қамчини шилп ётқизиб туширди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШИЛПИЛДОҚ Қайнаган сувга туртбурчак қилиб кесилган юпка хамир ташлаб пишириб, шўрвали қайла билан тайёрланадиган таом. - *Мулла, эшон, бой, қиморбоз ёғила берди, ҳар кун норин, шилпилдоқ, палов.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шилпилдоқ, бешбармоқ.. каби қозоқ таомларининг кўпроқ Тошкентда тайёрланишининг боиси ҳам шунда.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ШИЛПИҚ I тиб. Кўз жилди ҳамиша қизариб, ёшланиб турадиган юқумли касаллик; трахома. *Кўзи шилпиқ, елкаси чиқиқ бўлса ҳам, кўнгли тоза, топилмайдиган одам.* Ойбек, Улуғ йўл. *Биров букри, биров шол, биров шилпиқ..* К. Яшин, Ҳамза.

2 Шу касаллик туфайли кўздан тўхтовсиз оқадиган йирингли ёш. *Мастон хола.. энги билан кўзларининг шилпиғини артиб бўлгач, эгачи-сингилга бир-икки қараб олди.* Уйғун, Турсуной. *Унинг [Мирҳосиннинг] кўзларини шилпиқ босган, чўмичнусха катта бурни одатдагидан ҳам қизариб кетган эди.* Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.

3 с.т. Шундай касалликка йўлиққан киши ва унинг исмига қўшиб айтилувчи сўз. *Шилпиқ чийиллаб гапирди.* Ойбек, Болалик. *Мўмин шилпиқ Қўрғончадаги бир беванинг қизига уйланаётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИЛПИҚЛАНМОҚ Шилпиқ ҳолатда бўлмоқ (кўз ҳақида). - *Ўхў, оғайни, одам деган махлуқ ҳар қандай оғирликни кўтараверар экан, — деди кўзлари шилпиқланган.. қари чархчи.* Ойбек, Улуғ йўл. *..уйқусизликдан кўзлари шилпиқланиб қолган Шоди Мударрисов кириб келди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ШИЛТ I тақл. с. Юмшоқ нарсага урганда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *От сулиқ чайнаб, пақирдан бош кўтариши билан, биқинига шилт тушган қамчи зарбидан ўзини олдинга уриб, лўкиллаб юриб кетди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Сигир.. сочоқли узун думини ҳавода уйнатган эди, учи шилт этиб Тошхоннинг юзига тегди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ШИЛТ II тасв. с. Ҳаракатнинг тез ва кескин ҳолатини билдиради. *Шилт этиб чиқиб кетмоқ. Шилт уриб қочмоқ.* ■ *Қудрат даврандан шилт чиқиб, орқага ўтиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..ўз қавушини қўлига олди-ю, шилт этиб, ичкари кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШИЛТА 1 сфт. Ниҳоят даражада ҳўл, жикқа ҳўл. *Йигитнинг тердан шилта бўлган қўйлаги баданига ёпишиб қолган, ўзи ҳам нимадандир қўрққан одамга ўхшар, кўзлари бежоза эди.* О. Ёқубов, Ларза. Аллақачон шудринг тушган экан, бирпасда шимининг почалари шилта бўлди. О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдир.

2 от Ёмғир ёғиши, қор эриши ва ш.к. дан юзга келган билч-билч ҳолат, ернинг шундай ҳолати. *Оёқ тагидаги қор шилтага айлана бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..қуруқ ва аччиқ изғирин.. қуёшда шилта бўла бошлаган қишлоқ кўчаларини даранглатиб қотириб ташлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИЛТИЛЛАМОҚ с.т. Шилта бўлмоқ (қ. **шилта 2**). *Қор эриб, кўчалар шилтиллаб кетди.*

ШИЛҚ тақл. с. Бирор нарса урилганда ёки ёпиқ идишдаги суюқлик чайқалганда ҳосил бўладиган оҳиста товушни билдиради.

Шилқ тушмоқ с.т. Осонгина ишонмоқ, таслим бўлмоқ, кўнмоқ. *Тўла Салимининг дағдағасини эслади-ю, Самаднинг гапига шилқ тушди-қолди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. **Шилқ этиб 1)** шилқ этган товуш чиқариб. *Бу ерда бўлса, қош қораймасдан, эшигининг ичидан шилқ этиб занжир солади.* Ҳ. Фулом, Машғал; **2)** ҳушини, мадорини йўқотиб; қолдан кетиб. *Муҳаррам Элмуроднинг қўлига шилқ этиб тушди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Ўн беш қадамлар чамаси юзурга, тўсатдан таққа тўхтади, сўнг шилқ этиб йиқилди.* «Ёшлик». Муниҳоннинг иссиқ қўллари совиб, шилқ этиб чойшаб устига тушди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ШИЛҚИЛЛАМОҚ 1 «Шилқ-шилқ» этган овоз чиқармоқ, шўлқилламоқ. *Сигир кўп сув ичганидан, юрганда қорни шилқиллар эди.*

2 Сирқиб турмоқ; қўлмақ ҳосил қилмоқ (суюқлик ёки намининг мўллиги ҳақида). *Ёғи шилқиллаган палов.* ■ *Кунгай қир ёнбағирларини тўшаган момик қор офтобнинг шилқ нурларига тоб бера олмай, шилқиллаб эриб, пастликка аста силқий бошлайди.* Газетадан.

3 кўчма Ҳолдан тоймоқ, дармонсизланмоқ, бўшашмоқ. *Овқатни еди-ю, шилқиллаб тушди.. меҳнат чақиб қўймаса, бу бечорани.* И. Раҳим, Ҳилола. *Қизча йиғлаб чарчаган, шилқиллаб тушган эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ШИЛҚИМ Ҳол-жонига қўймай сурканаверадиган, хиралик қилаверади. *Минг ўргилиб, олдин сизга қаддин букар, Оҳ-воҳ қилиб, муғомбирлик ёшин тўкар, Эртасига унутади севгисини — Билиб қўйинг шилқим ошиқ белгисини.* А. Пўлат. *У ўзини ростлаб олгунча бўлмай, бояги шилқим яна пайдо бўлди ва унинг елкасига уриб деди: — Қўйилман, тўрам.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Ўтакетган шилқим, маҳмадона Ҳол даллол, деҳқоннинг қўлини силтайвериб, жон-қолига қўймади.* «Муштум».

ШИЛҚИМЛАРЧА Шилқимлардек, шилқим сингари, сурбетларча. *Улар гап орасида Фотимага яна кимларнинг жазманлиги, Латифийнинг унга шилқимларча тегишиб юргани.. ҳақида ўз шубҳа ва тусомларини гаплашдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИЛҚИМЛИК Сурбетлик, хиралик қилиб сурканиш. *Шилқимлик қилмоқ.* ■ *Йигит кўп шилқимлик қила берганидан кейин, хотин қочиб, нариги уйга кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Қайғулар. *Сиздақа салобатли одамга бунақа шилқимлик ярашмас экан.. буни кутмагандим.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ШИЛҚҚА: шилққа тушмоқ айн. шилқ тушмоқ қ. шилқ. *Путиса қилавер, кўнмай иложи қанча, охир кўнади, ҳужрага қамасанг, шилққа тушади-қўяди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ШИМ Гавданинг белгача бўлган пастки қисмига кийиладиган устки кийим. *Галифе шим. Мовут шим.* ■ *Ҳўжабеков шимининг чўнтагидан даструмолини суғуриб, оқариб кетган юзини артди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳаракатининг зўрлигидан Раҳимнинг сепкил бетлари, дукки пешонаси терлаб, қизил майкаси шимидан чиқиб кетган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ШИМАРИҚ кам қўлл. айн. **шимариғлиқ.** *Қўлларда зил, расмона кетмон, Сочлар чамбар, енглар шимариқ.* Ойбек.

ШИМАРИҒЛИҚ Орқасига қайириб, юқори кўтарилган, шимарилган. *Лойда унинг [Бекнинг].. бир почаси шимариғлиқ бақувват қора болдир ялтиради.* А. Мухтор, Туғилиш. *Енглари шимариғлиқ.. қайноқ сомса уйилган лаганни кўтариб, оқсоч кирди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ШИМАРМОҚ Орқасига қайириб, ҳимариб, юқорига кўтармоқ (кийим ёки унинг бирор қисми ҳақида). *Почани шимармоқ. Қайирсам — этагим, шимарсам — енгим.*

Мақол. ■ Улар [Эргаш билан Одил] йиртиқ иштонларини тиззагача шимариб, сув кечишади, ҳар бир тош тагига қўл тиқиб, балиқ қидиришади. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? - Бўрон тўхтагач, ундан ҳам яхши ишляямиз, — деди Бекбўта билакларини шимариб. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Енг шимариб Астойдил; жон-жаҳди билан. Тўғрироғи, сенга ўхшаш адашганларни тўғри йўлга солиш учун енг шимарган бир кишиман. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

ШИМИМОҚ айн. **шиммоқ**. Мадрахим араққа ботган сариқ мўйловини шимиди. А. Ҳасанов, Юзма-юз.

ШИМИРМОҚ айн. **симирмоқ**. Айронни шимирмоқ. Яхна чойни шимирмоқ. Майни шимирмоқ. ■ Йигит югуриб бориб, қўтон орқасидаги ўтовларнинг биридан мешда қимиз олиб келди. Очил бува, Азимжон, шофёр, навбатлашиб, икки косадан шимирдилар. А. Мухтор, Чинор. Марҳамат, тоғнинг тоза ҳавосини шимириб, олдинга юрар экан, гўзал манзаралар баҳрини очди. Т. Расулов, Марҳамат.

ШИММОҚ 1 Суюқлик, ҳаво ва ш.к. ларни ичига ёки таркибига тортмоқ, ўзига сингдирмоқ. Пахта ёғни шимиб олди. Сувни ер шимиб олди. ■ [Гулнор] Тер, мой ва чангни йилларча шимган, жияғи чармдай қотиб, кирдан йилтираган бу дўппини яна тозаллади, қоқди, кўзларига суртиб ўнди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. **сўрмоқ** 1. Қанд шиммоқ. ■ Ўроқ.. чўнтагидан конфет олиб, оғзига ташлаб шима бошлади. Й. Муқимов, Матонатли кишилар. Асаларининг уяси! Турган-битгани асал! Мана, мана, сиқсанг, асал оқади. Буни-си оқ мум, ҳаром эмас — шимса ҳам бўлади. А. Қаҳҳор, Анор. Бўксаларингни сандалга тиқиб, иссиқда қурут шимиб ётибсанлар! С. Сиёев, Ёруғлик.

ШИМОЛ [а. شمال — шимол; шимолий шамол; чап, чап томон] 1 Дунёнинг тўрт томонидан бири — жанубга қарама-қарши бўлган томон. Компас стрелкаси шимолни кўрсатиб турипти. ■ Кечагина шимол ўлкасида Юрган чоғи эсига тушди. Ё. Мирзо. От шимолга қараб бурилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Маълум бир жой ёки ҳудуднинг аини шу томондаги қисми. Фарғонанинг шимоли.

Африканинг шимолида. ■ Кўк гумбазига худди найзадай санчилган шимол томондаги тоғ чўққиси устида бир парча қора булут сузиб юрибди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 Ер шарининг шимолий қутбига яқин, совуқ минтақадаги жойлар, ўлкалар. Шамолдан тез учган поездлар ҳам то Шимолга етгунча кетади ҳолдан. Ҳ. Олимжон.

ШИМОЛИЙ [а. شمالى — шимол томондаги; чап томондаги] Шимол томондаги, шимол томонда жойлашган. Шимолий қутб. Шимолий Атлантика. ■ Суви анча тортилиб қолган қўлнинг шимолий этаги қишлоқ уйлариинг ҳовилиарига бориб тақалар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШИМОЛИ-ШАРҚ Уфқнинг шимол ва шарқ орилиғидаги томони. Шимоли-шарқдан қора булут кўринди.

ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ Шимоли-шарқ томондаги; шимоли-шарққа оид. Вокзал шарҳнинг шимоли-шарқий қисмида эди.

ШИМОЛИ-ҒАРБ Уфқнинг шимол ва ғарб орилиғидаги томони. Тера устига сипоҳ туриши учун бир неча бинолар солинган, жануби-ғарбга қаратиб бир, ғарбга қаратиб бир ва шимоли-ғарбга қаратиб яна бир; барисига учта тўп қўйилган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бизнинг ҳовилининг шимоли-ғарбида биздан унча узоқ бўлмаган бир мазор бор эди. С. Айний, Эсдаликлар.

ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ Шимоли-ғарб томондаги; шимоли-ғарбда жойлашган. Тошкентнинг шимоли-ғарбий қисми.

ШИМОЛЛИК Шимолда, шимол томонда туғилган, шимол томонда яшовчи.

ШИМПАНЗЕ [фр. chimpanze] Африканинг тропик ўрмонларида яшайдиган одамсимон маймун.

ШИНА [нем. Schiene < нем. scheiden — ажратмоқ, бўлмоқ] 1 Ҳаракатни енгиллаштириш, филдиракни ейилишдан сақлаш ёки туртки-силкинишларни камайитириш учун филдиракка кийдириб қўйиладиган резина гардиш. Автомобиль филдирагининг шинаси. ■ Автомобиль ва тракторларни шиналар билан таъминлаш масаласи нақадар кескин эканлиги маълум. Газетадан.

2 тиб. Юмшоқ тўқималарнинг анчагина қисми шикастланганда, суяк синганда, суяк ва бўғим касалликларида уларни қимирлатмай қўйиш мақсадида ишлатиладиган,

металл, гипс, тахта, платмасса ва ш.к. дан тайёрланадиган мослама.

ШИНАВАНДА [ф. شونده — эшитувчи; радиоэшитувчи] 1 Бирор нарсага ниҳоятда ихлос қўйган; ихлосманд, ишқибоз, мухлис. Футбол шинавандаси. Кураш шинавандалари.

■ Томоша зали санъат шинавандалари билан лиқ тўлган эди. Газетадан. Қўшни хонадан шахмат доналарининг тахтага тақ-туқ урилгани, қўли баланд шинаванданинг хурсанд овози эшитилди. С. Нуоров, Май-саларни аёз урмайди.

2 Бирор иш, касб-хунарга меҳр қўйган, уни яхши биладиган, омилкор, ҳадисини олган. Шўр ерларнинг пири, ташландиқ ерларнинг миришкори, ўз касб-корининг шинавандаси Турсунбой бормаса, ким боради? М. Муҳамедов, Ҳамқишлоқлар. Тиним билмас техника шинавандалари ишлаб чиқаришга жорий этаётган янгиликлар бир дарё бўлса, юқорида эслатганимиз ундан қатради. Газетадан.

3 Киши билан дилдан суҳбатлашадиган, элакишиб кетадиган. ..Қутбиддиновнинг феъли айниди, яъни биронта шинаванда улфат билан бирпас дилкашлик қилгиси келди. А. Қаҳҳор, Асарлар. У ўрта ёшли, хийла тўлалигидан бўйи паст кўринадиган, одамга тез элакишиб кетадиган шинаванда киши эди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

4 Улфат учун ҳеч нарсани аямайдиган, улфатчиликни ўрнига қўядиган; одамшаванда. Фозилжон ҳали ёш бўлишига қарамай, ўзини улфат кўрган шинавандалардек тутарди. Ф. Мусаёнов, Нозик масала. Бунақанги шинаванда одам кам бўлади, ҳа. Олтин йигит. Дўст учун жонини ҳам аямайди. «Муштум».

ШИНАК [ф. شنك] эск. 1 Шаҳар, қалъа, кўрғон кабилар деворидан душманни кузатиш ва отиш учун қилинган махсус туйнукча. Кўрғон бурчидаги шинак орасидан узун бўйли, қора соқолли бир кишининг оташин назари узоқларга тикилган эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Атрофини ўраган девордан ўқ отиш учун шинаклар қўйилган. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Душманни кузатиш ва ундан сақланиш мумкин бўлган пана жой. Яроғ олмай қолганлардан эҳтиёт қисм тайёрлаб, шинак орқасига қўйди, хотинлардан шафқат ҳамширалари тўдаси тузди. С. Айний, Куллар.

Шинакка етганларида, бегимнинг қўлидаги машғаласини олди: -Эҳтиёт бўлинг, бегим, ёғийга кўринманг! П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ШИНАЛАШ тиб. Қимирламайдиган, ҳаракатланмайдиган қилиб боғлаш; тахтакачлаш.

ШИНАМ 1 Кишининг баҳридили очиладиган, кўркам; ихчам ва қулай (жой ҳақида). Шинам хона. ■ Охириги бекатда шинамгина чойхона ҳам бор экан. Н. Фозилов, Дийдор. Қатортолликлар чиройли ва шинам уйларни кўргач, юраклари севинч-қувонч билан тўлиб-тошди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Кавушдўз Исоқ отанинг шаҳар ташқарисида уч таноб келадиган шинам боғи бор. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. Боғда ҳовуз бўйларига шинам шийпонларга ёзилган дастурхонлар ёзилганича қолиб кетибди. О. Ёкубов, Диёнат.

2 Ярашиб тушган; ярашиқли, ихчам. Қабулга келган қиз шинамгина туфлисининг баланд пошнalarини тақиллатиб, стул олди-га юриб келди-да, атлас қўйлагининг этакларини астагина йиғиштириб, ноз билан стулга ўтирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бўлис буларнинг ҳаммасини яхши танийди, бироқ ўтапнинг ёнида ўтирган ўрта бўйли, озғингина, шинам кийинган йигит унга нотаниш. Ҳ. Фулом, Машғал. Бу завқ Дулдубекнинг гуштдор шолғом бурнини ҳам чимчилаб қўйгандек шинам ва гўзал қилиб кўрсатарди. Мирмуҳсин, Сўғал.

3 Хуш ёқадиган, ёқимли, мароқли. Унинг шинам овози гўё «Куча боғи» учун, «Куча боғи»нинг мафтункор оҳанги эса Фуломжон учун яратилгандек янграб эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Яшил уватларда завқли қўшиқлар, Шавқли ҳангамалар бўлар кўп шинам. Ҳ. Фулом.

ШИНГАРФ [ф. شنگرف] кт. Қизил рангли минерал, олтингутуртли симоб.

ШИНГИЛ 1 Узум бошининг бир қанча доналардан иборат шохчаси. Бир шингил узум. ■ Узум узсам узумзордан бир шингил, Асалман дер, ширинликда даъвоси. С. Абдулла. Анвар ўзидан нарироққа тушган бир шингил узумни олиб еди ва бир-икки гўжжумини ҳамроҳига узатди: -Ма, Раъно. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Кўча кам қўл. Бирор нарсадан қисм. Булар — бугунги Эрон халқи ҳаётига оид

шингил мисоллар. Газетадан. Мамадали аканинг уруш йилларида қилган катта ишларидан шингиллар эшитайлик. Р. Раҳмонов, Мардлик — мангулик.

Бир шингил 1) катта ва бир бутун нарсанинг бир бўлаги, кичик бир қисми. Бу катта ишнинг бир шингили, холос. ■ Бу айтганларим Бекчоёвнинг қилмишидан бир шингил, холос. «Муштум»; 2) озгина, бироз. Бир шингил ашула эшитсак. ■ Қудрат нон, колбасаларни тўғраркан, фронт воқеаларидан бир шингил-бир шингил ҳикоя қилиб берди. 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Ҳар иккалови ҳам бир-бирини бир шингилдан чандишиб олишди. Ҳ. Шамс, Душман.

ШИНГИЛЛАМОҚ Шингил-шингил қилиб синдирмоқ, шингилга ажратиб олмақ. Шингиллаб емоқ (узумни).

ШИНГИЛ-ШАПОҚ Узум бошининг шингил ва майда-чуйда қисмлари.

ШИНЕЛЬ [р. < фр. chenille — эркакларнинг тонгги кийими, костюми] Махсус матодан тикиладиган, махсус бичимдаги пальто. Шинель кийган солдат. Милиционерлар шинели. ■ Машинадаги жангчиларнинг янги шинеларидан.. уларнинг узоқ фронт орқасидан келишаётганини пайқаш қийин эмас эди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ШИННИ Тут, узум каби мевалар ширасини қайнатиб тайёрланадиган қиём. Дошларда қайнаган шиннининг ҳиди Димоғни шод этар, руҳни саломат. Ф. Ғулом. Шойи-бофлар узун супа устига солинган палосларда ўтириб, дастурхонга даста-даста қилиб қўйилган нонларни ушатиб, пиёлалардаги шиниларга ботириб ер эдилар. М. Осим, Элчилар. Онам у йил касаллиги сабабли тутдан шинни пиширолмай, бир қонча қуруқ тутмайиз қилиб қўйган эди. С. Айний, Эсдаликлар.

ШИНФИЛЛАМОҚ айн. шинғирламоқ.

ШИНҒИРЛАМОҚ Металл буюмлар бир-бирига урилганда ҳосил бўладиган товушга ўхшаш овоз чиқармоқ; жирингламоқ. Қўшни кўчада шинғирлаб, ерни дириллатиб, трамвай ўтиб кетди. А. Муҳиддин, Ихтирочилар. ..беллариға қадалган кўнғироқнинг шинғирлаши шохнинг юришига тантанали тус берар эди. М. Осим, Сехрли сўз.

ШИНҒРАЙМОҚ Кўзлари бир тарзда (ёқимсиз) тикилиб турмоқ. [Бойдавлатов

муовинига:] Ўзингда турипти айб, кулма бировга шинғрайиб. «Муштум».

ШИОР [а. شعار — даъват, чақириқ, белги, фарқ; девиз, шиор] 1 Бош ғоя, масала ёки сиёсий талабни ифодаловчи, қисқа шаклда баён қилинган чақириқ. Станция бинолари ва поездларда «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун!» деб ёзилган шиорлар кўзга ташланиб туради. Назармат, Журлар баланд сайрайди.

2 Фаолиятни белгилловчи, ундаги асос мақсад, шу мақсадни ифодаловчи сўз, гап. Шиоримиз шу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштиришдан иборат. «Ўзбекистон қуриқлари». Умуман, дoston қаҳрамонларининг асосий шиори ўз ҳаётининг сўнгигача комил ишонч билан яшаш ва яшаш учун тинимсиз курашишдан иборатдир. «ЎТА». Адолатнинг: «Ўзимизни ишда ҳам кўрсатайлик», деган сўзлари бригада қизларининг асосий шиори бўлиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШИП I қ. шифт. Шипи фанердан қилинган уй. ■ Борсам, [волидам] тилдан қолибдилар; калта-калта нафас олиб, шипга қараб ётибдилар. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироклари. Хона ўртасида.. каттакон стол, атрофида вена стуллари, икки дераза ўртасида шипга етарли катта тошойна.. бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шишанинг тағига йўғон шипалар билан икки марта урди, пўк сачраб чиқиб, шипга теғди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

Шипдай бўлиб айн. шифтдек бўлиб қ. шифт. Эшик олдида шипдай бўлиб турган эрини кўриши билан ваҳимага тушган Рисолат: - Нима гап? — деди ва югуриб ёнига келди. Файратий, Довдираш. Сал нарида шипдай бўлиб Каримов турарди. Ҳ. Шамс, Душман.

ШИП II тақл.с. Енгил қадам ташлаб юрганда ёки қороз ишқалганда ҳосил бўладиган кучсиз узук товушни билдиради. Бу одам уйқусида шип этган товушни ҳам сезади. ■ Қўққисдан «шип» этган бир шарпа уни [Назар акани] тўхтатди. Файратий, Довдираш.

Шип этиб Бирпасда, тезлик билан, тезгина. Эртага Алига айтаман, машинасида шип этиб Марғилонга бориб келасиз. «Шарқ юлдузи». Қулоғи шип битди Қулоғи эшитмайдиган бўлиб қолди. Махсумнинг оғзидан чиқаётган ҳар битта сўз тоқдек миясига

тегиб, икки қулоғини шип битириб қўйди. В. Ғофуров, Вафодор.

ШИПИЛДОҚ: шипилдоқ товушлар тлш. Шовқинли сирғалувчи тил олди «ш», «ж» (мас. «журнал» сўзидаги «ж») ундошлари.

ШИПИЛЛАМОҚ 1 «Шип-шип» қилмоқ; шитирламоқ. Ҳовлида дарахт шохлари шипиллаб, қизни чорлагандай бўлди. Ж. Саъдуллаев, Қиз орзуси. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолган, бутун касалхона уйқуда. Фақат аҳён-аҳёнда шипиллаган оёқ товуши эшитилиб қолади. Х. Тўхтабоев, Садоқат.

2 Енгил ва тез-тез қадам ташламоқ, енгил ва тез-тез юрмоқ; зипилламоқ. -«Лайлатулқадр» бизларни иззат қилиб, ўз оёғи билан уйимизга кириб келган экан. Ана, ҳозир шипиллаб чиқиб кетдилар, — деди Шарифа буви эрига. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. У [Ҳайри хола] ҳашарчиларни алқай-алқай, шипиллаганча қўргончага кириб кетди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ШИПИРГИ шв. айн. супурги **1.** Кўча баққоллари шипирги баҳосини 3 ҳисса кўтарди. «Муштум».

ШИПИРЛАМОҚ айн. шипилламоқ.

ШИПИРМОҚ 1 шв. Супурмоқ. Отабой унинг дорихонасига юк ташиган, Олмаҳон эшик шипириб, кир ювган. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. Эшигимни шипирсин бу қўмондон.. Ҳ. Олимжон.

2 кўча Йиғиштириб олиб кетмоқ, шипшийдам қилмоқ. Ўғрлар айёр бўлади, ўғлим. Улар тун қоронғисига келади-да, бирпасда шипиради-кетади. Ойбек, Болалик. Эртами-индин Дилдор албатта кетади. Бисот-бағални шипириб, уйни шипшийдам қилиб кетади. С. Аҳмад, Уфқ.

3 кўча Кесиб, узиб ёки учуриб кетмоқ (тиғ, ўқ ва ш.к. ҳақида). Кеча Ҳомид ханжарли қўлини силтаб тортганда, ханжар унинг [Отабекнинг] бош бармоғи орасини суякка етегунча шипириб кетган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 с.т. Батамом еб тугатмоқ, еб қўймоқ. [Эшон] «Ўлдирса ҳам, паловхонтўра ўлдирсин» қилиб, лаган-лаган ошини шипирибди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

ШИППАК Одатда, ёзда кийиладиган, шунингдек, уйда оёққа илиб юриладиган енгил оёқ кийими; сандал. Анчадан кейин шиппак товуши яқинлашди-да, эшик қирсиллаб очилди. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. Гав-

ҳарнинг эғнида гулдор кўк крепдешин кўйлак, оёғида зар чизикли юмшоқ шиппак.. С. Сийёев, Ёруғлик.

ШИПТИР шв. Сийдик. Йўлчи қуруқ наमतга ётиб, устига кўрпача ёнди. Кўрпачадан зах ҳиди билан от шиптирининг қўлансаси димоққа урди. Ойбек, Танланган асарлар.

ШИПШИ 1 Кулоққа оҳиста айтиландиган гап, сўз; пичирлаш. Йигит уни мўжаз қоматидан, чаққон юришидан дарҳол таниди. «Ҳаёт! Ҳаётим!» деб юборди у, кулоқларига бақириқдай эшитилган бир шипши билан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўча Яширин маъно, қочирим. Бошқалар ҳам бекка ҳайратланиб қарашди. Чунки унинг сўз оҳангида, ҳаракатида сирли бир шипши бор эди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шоараҳмедов. Ота.

ШИПШИЙДАМ Ҳеч нарсаси қолмаган; ҳеч нарса қолдирмаган; қуп-қуруқ. Тунов кунни қарасам, бир туп ёнғоқ сийраклашиб қолибди. Болалар қоққандир, деб ўйладим. Бошқа кунни яна бир туп ёнғоқ шипшийдам бўлибди. С. Анорбоев, Оқсой. Фозилжоннинг дўконлари шипшийдам бўлиб қолди. И. Раҳим, Ҳилола. Пичанлар ўрилган, шипшийдам дала, Тоғларнинг қошида қордан оқ лола. Х. Салоҳ.

ШИПШИМОҚ 1 Паст овоз билан бирор нарса демоқ; пичирламоқ. -Бас! — шипшиди Тоҳир жувозкаш йигитга. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. -Ҳўп, бўлмаса, — деди чол ва тўсатдан унга энгашиб, худди бошқалар эшитиб қолишидан қўрққандай, шипшиди. О. Ёқубов, Ларза. -Ўйга толиб қолганимда, нариги хонада [онамининг] Сўнагулга шипшиганини эшитиб қоламман.. — деди Аҳмаджон. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Ҳеч кимга эшиттирмай, билдирмай айтмоқ, билдириб қўймоқ. Валасанип [велосипед] мингинг келган экан, бир оғиз шипшиб қўймайсанми қулоғимга. А. Кўчимов, Ҳалқа. Воҳидовга шипшиб қўйишни мен бўйинмга оламан. С. Зуннунова, Янги директор.

ШИПШИТМОҚ айн. шипшимоқ **2.** Шунақа ишлар бўлаётган экан, бир оғиз шипшитиб қўйсанг ўлармидинг?! Ж. Абдуллахонов, Хонадон. -У уйга чой сўрашса, Йўлчи аканга келиб шипшит, Гулнор қизим! — деб тўй бекаси Лутфинисо кетди.

Ойбек, Танланган асарлар. *Йў-ўқ энди, укам, бир оғиз телефонда шипшитиб қўймайсанмики, мен пешвоз чиқиб, кутиб олмайманми!* С. Анорбоев, Оқсой.

ШИР I тақл.с. Юпқа газмол йиртилганда, сув оққанда ҳосил бўладиган товушни билдиради. *Шу пайт шир этган товуш эшитилди-ю, қизнинг назарини ўзига тортди. Ж. Абдуллаҳонов, Тўфон. Ёнги чокидан шир этиб сўкилди. С. Сиёев, Аваз. Кейин шир эткизиб, занжирини узиб олди-ю, қоронғиликка отиб юборди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Чумчуқ шир этса, юраги шир этади Ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган, салга чўчийверадиган, жуда юраксиз, қўрқоқ одам ҳақида айтиладиган ибора. [Холмат:] *Пичоқни шу Ҳасан аканг урадимми?! Чумчуқ шир этса, юраги шир этади-ю, бунинг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Шир этиб** Ногаҳон, тўсатдан. *- Ҳозир ҳаво яхши, эрта-индин шир этиб, намгарчилик бошланса, қўл билан қайси бирини териб бўлади, — деди Салим ота. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. Шир яланғоч* Ҳеч нарса киймаган, кип-яланғоч. *Холжон хола ўлиб, бир неча минг йилдан кейин кўзини очса, маъшароҳда юрган эмиш.. ҳамма шир яланғоч. Ғайратий, Довдираш.*

ШИР II [ф. شیر — сут] шв. қ. сут 1, 2. *Бинобарин, шоҳ қуллаига мурувват қилиб, берадиган емагини андак ошириб, ҳафтага шир, ойга бир гушт ҳам улаштиради. А. Мухтор, Чинор.*

Шир шар [л.м. қандли сут] ад. Маълум бир тартибда икки тилда ёзилган шеър; шундай шеър ёзиш усули. *Махмурнинг «Дар сифати Қосим бекларбеги» сатираси шир шар усулида ёзилган.*

ШИРА I [ф. شيره — шарбат, сироп; мусаллас, вино; кўкнор суви] 1 Ҳўл мева ва поллиз экинлари ҳосили пишиб етилиши билан улар таркибида ҳосил бўладиган ширин суюқлик; шарбат. *Узумнинг шираси. Қовун шираси. ■ У [қози домла] бир неча лаҳзада косани тушириб, юпқа пўстлоқ ичидан шираси томиб кетгудай бўлиб турган шафтолига қўл урди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қовун пишди, анор қизарди.. сенга атаб қўйган узумларим халта ичидан шира боғлаб ётибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Ўсимликлар танасида бўладиган суюқлик, намлик. *Эргаш барг шираси сингиб кетган қадоқ кафтига боқди. А. Мухтор, Чинор.*

3 Инсон ёки ҳайвон организми ҳужайраларида бўладиган суюқлик. *Баъзи безлар ўзидан шира чиқариб туради. ■ Булар [баъзи овқатлар] ошқозон ости бези шираларининг кўп-кам чиқарилишига ёки ошқозон ва ичакларнинг ҳаракатига таъсир қилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

4 с.т. Кўкнор пўстини сувда эзиб тайёрланган, кайф берадиган ичимлик.

5 кўчма Бирор асар, гап, сўз ва ш.к. га хос мазмун, маъно. *Ғапининг шираси йўқ одам. ■ Бир халқ тилидаги асар иккинчи халқ тилига шу асарнинг бутун фазилати, шираси, жозибаси сақланиб таржима қилингандагина мақсадга эришилади. Газетадан.*

6 кўчма Оҳангдорлик, жарангдорлик; ёқимлилиқ (овоз ҳақида). *Овознинг шираси қочган, кексалик. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

Кўзини шира босмоқ Кеккайиб, ҳеч кимни танимай, менсимай қўймоқ. *Ёзнинг нозу неъматлари ғанимат, сендан дарак йўқ. Ё бригадир бўлиб, кўзингни шира босдимми? Н. Ёқубов, Бўсағада. Шира тортмоқ (ёки боғламоқ) 1) шира ҳосил қилмоқ, шира тўпламоқ (қ. шира 1). Узумлар шира боғлабди; 2) қайнаб етилимоқ; куюла бошламоқ (баъзи овқатлар ҳақида). Мошхўрда шира тортди. Сумалак кўп қайнаб, шира боғлаб қолди; 3) ёқимли, жарангдор бўлмоқ, тобига келмоқ (овоз ҳақида). - Ҳозир Шерозийнинг овози айни шира боғлаган пайт, донғи Хоразмга тарқалган, — деди Собир ака. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ШИРА II [ф. شيره] 1 Ўсимлик ширасини сўриб озиқланадиган майда текинхўр ҳашарот; ўсимлик бити. *Бу йил қовунга шира тушди. Ширага қарши курашда кимёвий дориворлардан фойдаланиш лозим. ■ Шира кўп касофат нарса: ғўзанинг ёш баргларига ёпишдими, уни бужмайтириб қўяди, қанча-қанча ҳосили нобуд бўлади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Ўсимлик бити ҳаёт фаолияти натижасида ўсимлик баргларида ҳосил бўладиган ёпишқоқ ялтироқ суюқлик.

ШИРАВА [ф. شيرهه] 1 Сут юзида ҳосил бўлган янги қаймоқ. *Ширава қаймоқ. Сутнинг ширавасини пиёлага олмоқ. Ширавага нон ботириб емоқ. ■ Янги сутнинг мазаси ширавадан қолишмайди. Р. Файзий, Балли, она қизим. Шарофат хола ўғли Мирпўлатга олиб келган бир коса ширава сутни*

Алижоннинг олдига қўйди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. - *Офтобчувоқда нонушта қилиб ўтирибмиз. Нонушта қуюқ: икки косачада ширава қаймоқ, узум, — деди Шокиржон. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.*

2 кўча Қор, қиров, муз кабилардан ҳосил бўлган юпқа қатлам. *Совуқдан челакадаги сув ширава боғлабди. ■ Кечаси биринчи ширава қор ёғиб чиқди. Ғ. Фулом, Шум бола.*

ШИРАВОР [ф. *ширивар* — ширали нарсалар] Қанд-курс, мева-чева каби ширин нарсалар мажмуи; қандолат, ширинликлар. *Қурилиш устахонаси, кийим тиким, ширавор тайёрлаш.. каби цехлар бирин-кетин тарқатилди. «Муштум».*

ШИРАВОРПАЗ [ф. *шириварпаз* — ширавор пиширувчи, тайёрловчи] айн. **қандолатчи**. *Халқ театрида шираворпаз, нонвой ва бошқаларга бағишланган комедиялар учрайди. М. Қодиров, Ўзбек халқ драмаси.*

ШИРАВОРПАЗЛИК айн. **қандолатчилик**.

ШИРАВОРЧИ айн. **шираворпаз**.

ШИРАДОР [ф. *шираддор* — шираси бор, ширага эга] айн. **ширала**. *Ширадор қовун. ■ Ҳозир ҳамма ерда дағал ва ширадор ем-хашак тайёрланмоқда. Газетадан. Унинг ҳар қандай ашула шинавандасини ўзига ром қила оладиган кучли ва ширадор овози бор. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

ШИРАДОРЛИК Ширага эгалик, ширалилик. *Тутларнинг тури бемаза қовуннинг уруғидан ҳам кўп. Аммо халқ хўжалигида тутган ўрни, мевасининг ширадорлиги, қиймати жиҳатидан ҳеч бири балхи тутга тўғри келмайди. «Фан ва турмуш».*

ШИРАКАЙФ [ф. + а. *ширакайф* — ширин кайф] Енгил кайфли, озгина кайфи бор. *Ширакайф киши. Ширакайф бўлмоқ. ■ Қумрини ярим кечада ширакайф эри Салим аравакаш чақириб кетди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Мансур Раҳмоннинг олдидан ширакайф ҳолда хайрлашиб чиқиб кетди. Ё. Шукуров, Уч савол. [Арабжон] Баъзи кунлари.. ширакайф келарди. С. Зуннунова, Излар.*

ШИРАЛИ 1 Таркибида шираси бор, шираси кўп; ширадор. *Ширали узум. Ширали озуқа. ■ Ползлардаги ширали қовунлар кечки куз совуғида ёрилиб кетиб, «мени енглар», деб термилиб турибди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

Бутазорнинг ўртаси яланглик. У ерда жуда ширали ўтлар ўсади. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Шира юқли, шира теккан. *Ширали, ювқсиз қўлларини икки томонга ёйиб, хушламайроқ, меҳмонга елкасини тутди келин. А. Мухтор, Кумуш тола.*

3 кўча Мазмунли, маънодор; сермазмун. *Ширали гап.*

4 кўча Хуш ёқадиган, ёқимли; жарангдор (овоз, куй ва ш.к. ҳақида). -У [*Элмурод*] баъзан ўзи русча ўқиганларини гапириб берар, лекин бу, ўқиб бергандай ширали ва маънодор бўлмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бу қўшиқ шунчалар ёқимли, ширали эдики, темирчи йигитнинг юрагида алақандай бир ҳисни уйғотиб юборди. С. Аҳмад, Ҳукм.

ШИРАЛИК Ширинлик, қанд-курс; мева-чева.

ШИРАПАЗ [ф. *шириварпаз* — шарбат, ширинлик тайёрловчи] айн. **шираворпаз**.

ШИРАПАЗЛИК айн. **шираворпазлик**.

ШИРАСИЗ 1 Шираси йўқ; мазасиз. *Ширасиз мева. Ширасиз озуқа.*

2 кўча Мазмунли йўқ, мазмунсиз, маъносиз; зериктирарли. *Ширасиз лекция. ■ Бу газеталардаги кўпгина материаллар юзаки бўлиб, ширасиз тил билан ёзилган ва газетхонларга фалон жойда иш яхши, фалон жойда иш ёмон, деган хабарларни етказди, холос. Газетадан.*

3 кўча Хуш ёқмайдиган, ёқимсиз (овоз, куй ва ш.к. ҳақида). *Ширасиз овоз.*

ШИРАЧ айн. **сирач**. Кичкина ўтмас газан билан чармларни кесдим. *Ширач билан бир-бирига ёпиштирдим. Ойбек, Болалик.*

ШИРАЧЛАМОҚ айн. **сирачламоқ**. Дўпни калнинг бошига ширачлагандек ёпишиб қолган эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Иккита ёнғоқни чақиб, тўртта оёғига тўртта палласини сирачлаб кийдириб қўйдим. Шухрат, Умр поғоналари.*

ШИРБОЗ [ф. *ширбоз*] Сут эмиб ўсаётган, семиз (қўзи). ..ичига ширбознинг гўшти-ни қиймалатиб солдирганман. С. Нуров, Нарвон. *Темурланг ҳар гал отарга келганда, Менглибой унга ширбоз пишириб берар, яхши тушган териларни кўрсатарди. С. Аҳмад, Юлдуз.*

ШИРВОЗ қ. **ширбоз**. -*Хосхонадан икки бекзот келганди.. Унга сўйиб бердик ширвот қўзингни.. «Орзигул». Шўх ширвотларнинг орасида Аваз даладан топган.. қўзичалар ҳам*

ўйноқлаб юрибди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Ҳозир айни ширвоз кўзилар сўйиляпти. Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ШИРГУРУЧ [ф. شیرج — сутли шавла] Гуручни судда пишириб тайёрланган шавласимон куюқ таом. Кечқурунги овқат учун ширгуруч, кўймоқ, тухум кабилардан бири берилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Ширгуруч пишираётганингизда, гуручга оз-оздан совуқ сут ёки сув қуйиб турсангиз, эзилиб кетмайди.* Газетадан.

ШИРДОН [ф. شیردان — сут идиши; кўйнинг ошқозони] *анат.* Кавш қайтарувчи ҳайвонлар меъдасининг бир бўлими. *Чайналган овқат ютилганда, ошқозоннинг тўртинчи бўлимига — ширдонга ўтади.* «Зоология».

ШИРЗАДА [ф. شیرزده — яхши эмомладиган бола; қилтириқ бола] 1 тиб. Организмда минерал тузларнинг етишмаслиги, модда алмашинуvinининг бузилиши туфайли ёш болаларда учрайдиган суяк касали — суякларнинг ўз вақтида қотмай, нотўғри ўсиши; рахит.

2 с.т. Шундай касалга чалинган бола.

ШИРИЛЛАМОҚ «Шир» этган овоз чиқармоқ. *Чит шириллаб йиртилди.* ■ *Бир жойда сувни тизгинлашга улгурса, нарироқдан шириллаб уриб кетади.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ШИРИН [ф. شیرين — мазали, тотли; шакарли; ёқимли] 1 Шираси ўтқир, ширати. *Ширин қовун. Ширин ичимлик.* ■ *Ширин меваларга ўрганган оғизларига бу ернинг нордон неъматлари ёқмади.* Ойбек, Кўёш қораймас.

2 Таъми ёқимли, мазали, лаззатли. *Ширин шўрва.* ■ *Албатта, албатта, — деди Сулаймонов жиддий қиёфада, — масалан, балиқ — кўп яхши нарса, қовурилса, қандай ширин бўлади!* А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун. *Менинг икки онам бор, Иккиси ҳам меҳрибон: Бири менга сут берди, Бири эса ширин нон. Уйғун. ..сиз пиширган таом шу даражада ширин, лаззатли бўладики..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Кўчма Киши ҳузур қиладиган, ором оладиган, лаззатланидиган, хуш ёқадиган; ёқимли, ёқимтой. *Ширин хаёллар. Ширин туш кўрмоқ. Ширин муомала. Ширин сўз шакардан ширин.* Мақол. ■ *Муҳаррам ширин табассум билан кулди-да, бежирим лабининг*

икки бурчагини нозик тўр тутилган даст-рўмолчаси билан артиб қўйди. Шухрат, Шинелли йиллар. *Бир оғиз ширин сўз — нондек арзанда.* Ғ. Ғулوم. *У шовқин-сурон ичида шундай ширин ухлардики, бундай уйқу ҳалол ишлаб чарчаган вақтдагина бўлиши мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Вой, мунча ширин бўлмасанг!..Жуда ақлли боласан-да!* С. Сиёев, Ёруғлик. *Дўмбилламай қолсин шу ширинлар-ей! — дегувчи эди, ҳарбийларни кўрганда бир ўртоғим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.*

4 Аҳил, тотув. *Ширин оила.* ■ *Дунёда битсин уруш, Ер юзи кўрмасин доғ, Гулласин ширин турмуш, Тинчлик бўлсин ҳамма ёқ.* Қ. Муҳаммадий.

5 Ширин (хотин-қизлар исми).

Жони ширин Ўзини ниҳоятда аяйдиган, оғриққа, оғир ишга тоби йўқ.

ШИРИНАК [ф. شیرينگ — «ширин» с. дан] Қовун-тарвузнинг энг ширин намуналарини танлаш ва баҳолаш мақсадида ўтказиладиган анъанавий мусобақа. *Полизларда тилёлар ананаслар тўрлар, шакарпалак, оқуруғлар дум бериб, ариқ бўйларида «ширинак» ўйинлари бошланиб кетганди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Ширинак ўйнамоқ Ким танлагани, кимники ширин чиқиши учун баҳслашмоқ (қовун, тарвуз ҳақида). *—Бир ширинак ўйнаймиз, — деди раис йигитларга. — Ҳар ким ўзи танлаб узиб чиқсин.* Ҳ. Иброҳимов, Ойдин кечада.

ШИРИНДИМОҒ [ширин + димоғ 2] Кайфияти яхши, димоғи чоғ, хурсанд. *Шириндимоғ йигит.* ■ *Кечагина машиначи қўлидан чиққан, бостон ёки коверкотдан тикилган костюмингиз бўлса, кайфингиз чоғ, ўзингиз шириндимоғ!* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

ШИРИНКОМА Олди-сотди вақтида ўртада турган воситачига, шунингдек, бошқа кишига (ҳатто болаларга) бериладиган ҳақ, пул. *Ширинкома бермоқ.* ■ *—Мана бу ширинкомаси, — деди пулли узатиб тўра. — Муҳлати — узоғи билан ўн кун.* Ж. Шарипов, Хоразм. *—Гапни чалғитма?! Мендан ширинкома ундиrolмайсан, — деди Самсоқбой.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

ШИРИНЛАМОҚ кам қўла. Ширин қилмоқ, маза киритмоқ. *—Чойларингизни ширин-*

лагани келдим, — деди Бозоров. — Мана бир пакет новвот. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШИРИНЛИК 1 Ширин таъмга эгалик, ширалилик, ширин эканлик, тотлилик, ёқимлилик. *Тарвузнинг ширинлиги. Сухбатнинг ширинлиги. Боланинг ширинлиги. ■ Ширинлиги тил ёрар, Ҳиди ўткир, бўйи паст. Пишганини кўрдим-у, Ёйман, дея қилдим қасд. Уйғун.*

2 Қанд-курс каби ширин нарсаларнинг умумий номи, ширатор. *У ёшлигида ҳам ширинликка ўч эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. -Тўйдан шу болага атаб бир кафт ширинлик ҳам келтирмабсан, — деди Ўроз. Ойбек, Танланган асарлар. Гап унчалик қовушмаётгани учун бўлса керак, жувон чойни тўхтатди. Эрининг ёрдамида хонтахта устини ширинликлардан бўшатди. С. Анорбоев, Оксой.*

3 кўча Шоду хуррамлик, вақтичоғлик, хурсандлик; яхшилик. *Ширинлик билан ҳаёт кечирмоқ. Тўй ширинлик билан ўтди. ■ [Ҳайитжон:] Ундан кўра, ширинлик билан, ўйнаб-қулиб жавоб бер-қўй. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

ШИРИНМИЯ Дуккаклилар оиласига мансуб, илдизи саноат ва тиббиётда ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик; қизилмия. *Хайробоод дарёлари ёқаларида ширинмия деган ажойиб тўйимли озуқа кўп ўсади. Газетадан. Айниқса, у ерларда [Зарафшон қирғоғида] одам бўйи бараварида ўсадиган ширинмия молга ёқимли ва семиртирувчи бир ем эди. С. Айний, Эсдалиқлар.*

ШИРИНСУХАН [ф. شیرین سخن — ширинсўз, ёқимли гапирадиган] айн. **ШИРИНСЎЗ**. *Ширинсухан аёл. ■ У ҳам хотинидай жуда ширинсухан, ҳазилкаш одам экан. С. Анорбоев, Меҳр. У маст бўлганда, биров билан уришмас, аксинча, иноқ бўлиб.. ашулалар айтиб берарди. Жуда ширинсухан ва бироз эзма бўларди. Мирмуҳсин, Умид.*

ШИРИНСЎЗ Гапи, сўзи кишига ёқадиган, ёқимли гапирадиган; ширинсухан. *Ширинсўз йигит. ■ У одамларнинг ҳаммаси ҳам мулоим, сермулозамат, сертавзим, ширинсўз бўлар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ШИРИНСЎЗЛИК Ширин, ёқимли сўз айтиш, шундай хислатга эгалик; ширинсўз эканлик. *Мунисхон.. келинчақдай абжирлик билан Саидийнинг қўлидан пальтосини олиб, қозиққа илди ва ўшандай ширинсўзлик билан*

ичкарига таклиф қилди. А. Қаҳҳор, Сароб. Бу хотинда, ширинсўзлиги ва ташқи кўринишини ҳисобга олмаганда, сатангликдан учқун ҳам йўқ эди. С. Зуннунова, Гулхан.

ШИРИНТАК: **ширинтак ўйнамоқ** шв. айн. **ширинак ўйнамоқ** қ. **ширинак**. *Қовун сайилларида ширинтак ўйновчилар фақат Каттақишлоқ қовунларини танлар ва уни қидирар эди. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.*

ШИРИНТОЙ с.т. Ёш болаларни суйиб, эркалаб айтиладиган сўз; ёқимтой. *Бобом қалин лабларини жўрттага қабартириб: -Буб-буб-буб.. Айланай ширинтойдан, — деди. Ойбек, Болалик.*

ШИРИНТОМОҚ Мазали, ширин овқатни яхши кўрадиган, шунга ўрганган. *Ширинтомоқ хотин. ■ Соҳибкор ўзбексан, бу ер — полизинг, Мен эса — шаҳарлик бир ширинтомоқ. Ғ. Ғулом. Бу ерда ширинтомоқ бўлиб қолгансан. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ШИРИНЧА I тиб. Болаларда организмнинг заифлашуви туфайли баданга майда қизил яра-чақа тошиши билан ифодаланадиган касаллик. *Ширинча тошган бола. Ширинча яраси.*

ШИРИНЧА II Сачратқининг халқ орасида тарқалган номи (қ. **сачратқи** 2).

ШИРИН-ШАКАР 1 Жуда ширин, ниҳоятда ширин. *Ширин-шакар қовунлар.*

2 кам қўлл. Турли ширинликлар мажмуи. *Ғиёсиддин аламнинг косовга ўхшаган қопқора қўлларида эса турли ноз-неъмат, шириншакар, қанд-курс, патиш-ширмонлар билан безатилиб, устига шойи рўмолчада қиттай туз қўйилган каттакон баркаш бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 кўча Хулқ-атвори ёқадиган; ёқимли; суюқли. *Ширин-шакар болалар.*

ШИРИҚ тақл.с. Металл, шиша парчалари каби нарсаларнинг бир-бирига урилишидан ҳосил бўлган товушни билдиради. *Шириқ этмоқ. Пиёла синиги шириқ этиб ерга тушди.*

ШИРИҚЛАМОҚ «Шириқ» этган товуш чиқармоқ; шиқирламоқ. *Стул турли ноз-неъматлар билан безатилган, унинг бир четидagi кичкина сариқ самовар устида турган қизил чойнакнинг қопқоғи шириқлар эди. А. Қаҳҳор, Картина. От туюқлари бўғиқ тап-туп қилади, эгар-жабдуқлар аста шириқлайди. С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.*

ШИРК [а. شرک — бирга қатнашиш, шериклик; Аллоҳнинг шериги бор деб ҳисоблаш; кўпхудолилик] *дин*. Аллоҳнинг зотида, сифатларида, исмларида, ишларида ва ҳукмларида шериги бор, деб эътиқод қилиш (ширк кечирилмайдиган катта гуноҳ ҳисобланади).

ШИРКАТ [а. شرکت — шериклик; уюшма] 1 Маълум ишни бирга амалга ошириш мақсадида бирлашган кишилар ҳамкорлиги, ўртоқлик уюшмаси, ихтиёрий бирлашмаси. Улар ер, сув, от-улов, омон-бўйинтуруғини бир ерга тўплаб, катта ширкат тузишди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Зум ўтмай: «Ҳамма ширкат идорасига борсин, Охунбобоев ваъз айтади», деб хабар қилишди. Р. Раҳмонов, Изида гул унган.

2 Тенг ҳуқуқли иштирокчилардан тап-кил тошган саноат ёки савдо уюшмаси. *Пайчилик ширкати.* ■ Абдулланнинг отаси Азиз ака керосинфуруш эди. От-арава билан кўчама-кўча юриб, Нобель ширкатининг керосинини сотар эди. Ғ. Ғулом, Шум бола. У [Мирзо] Николай замонасида ширкатларда, фирмаларда мирзолик қилиб, ўз хизматини манзур қилган эди. А. Қаҳҳор, Мирзо.

ШИРМА [нем. Schirm < лат. scutum — тери, кўн] 1 Хонани бўлиш, айириш учун ишлатиладиган махсус йиғма тўсиқ, парда девор. Моҳидил ширма орқасига ўтиб, ечина бошлади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 кўча с.т. Яшириш, пардалаш учун хизмат қилувчи шахс, нарсa, хатти-ҳаракат.

ШИРМОЙ(И), ширмой(и) нон [ф. شیرمال — сут кўшилган нон] Олий навли унга нўхат унидан кўшиб, сут ва ёғ солиб тайёрланган нон. Йигитка ўчакишгандай сеткада ширмойи кўтариб ўтиб кетди. И. Қаландаров, Шоҳидамас, баргида. Фахриддин бозордан, отаси тайинлаганча, иккита ширмой нон, ярим қадок писта олди. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

ШИРМОН, ширмон нон с.т. Ширмой(и). Қиз ширмондан бир бурда ушатиб, йигитга узатди. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. ..саватлардаги ширмон нонларни кўрганда, боланинг кўзлари олайиб, ичдан «ана овқат мана овқат!» деб қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИРОЛҒА *шв.* Овланган ов, ўлжа ёки ютуқнинг бировга бериладиган қисми; чўтал. Шундай мерганлар ўзимизнинг элда бир нима олиб келаётса, биров, широлға, деб

олдига чиқса, иккита бўлса — биттасини, битта бўлса, яримтасини широлға, деб бериб кетади. «Ёдгор».

ШИРТ тақл. с. Ип, барг кабилар узилганда ёки қирқилганда чиқадиған қисқа товушни билдиради. Ип ширт этиб узилди. У гулни ширт этиб кесиб олди.

ШИРХҲҲРА [ф. شیرخوره — сут ичган; эмизикли бола] Бир онани эмган, эмишган; эмиқдош. Лекин Холмўминнинг онаси ўлди, бола этак остида қолди, Холбеканинг онаси эмизиб катта қилди. Булар ширхҳҳра бўлиб, никоҳ юрмайдиган бўлиб қолди. «Кун-туғмиш».

ШИРХҲҲРДА [ф. شیرخورده — сутли хўрда; сут ичган] Сутда пишириладиган хўрда. Баъзида.. ширқовоқ ва ширхҳҳра каби таомлар, совиганда ҳам ўз лаззатини йўқотмаганлиги учун, ёзнинг иссиқ кунларида совуқ ош сифатида истеъмол қилинади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ШИРЧОЙ I [ф. + хит. شیرچای — сутли чой] Мароми билан чой, туз, сариеғ ва мурч солиб қайнатилган сут. Ширчай ичмоқ. ■ [Мунаввар] Нонуштага, одатдагидай, ширчай тайёрлаган эди. С. Анорбоев, Мехр. Йўлдошалининг онаси икки чинни косада ширчай узатди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ШИРЧОЙ II [ф. + хит. شیرچای] Атиргуллар оиласига мансуб, илдизи бўёқ ва ишқор моддаларига бой кўп йиллик ўт.

ШИРҚ *айн. ширқ.* Ширқ этиб эшикнинг қулфи очилди. У. Назаров, Биринчи учрашув.

ШИРҚИЛЛАМОҚ «Ширқ-ширқ» этган товуш чиқармоқ, шириқламоқ, ширқи-рамоқ. Белда беллик билқиллаб, Мехтарада сув ширқиллаб, Йўлга тушди қирқ ботир, Бедов отлар пиққиллаб. «Хушкелди».

ШИРҚИРАМОҚ «Ширқ-ширқ», «шириқ-шириқ» этган овоз чиқармоқ. Оққан сувдай ширқираб, Шамолдай бўп боради. «Равшан».

ШИРҚОВОҚ Сут ва ошқовоқ солиб пишириладиган хўрда. Кечки овқатга хўжайин ширқовоқ қилдирган экан, олиб чиқиб, олдимизга қўйди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

ШИТИР тақл. с. Куруқ ўт, шох-шабба, қоғоз ва ш.к. нинг кўзғалишидан ҳосил бўладиган товушни билдиради. Шитир этмоқ. Шитир этган шарпа. Алланарса шитир этиб кетди. ■ -Мен «шитир» этган товушдан ҳадиксирайман, гапнинг рости, ўз

дустим Холбойдан ҳам ҳадиксираб ўтирибман, — деди Усмон. О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири. Аммо шипшиси шохлар шитирига қўшилиб кетди. Ҳаёт эшитмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШИТИРЛАМОҚ «Шитир» этган товуш чиқармоқ; «шитир-шитир» қилмоқ. *Тол ва тераклар енгилгина тебранар, япроқлар эса чапак чалиб шитирларди.* Газетадан. Қамишлар сирли шитирлар.. қушларнинг узук-юлуқ чиққиллаган саси эшитилиб қоларди. Э. Усмонов, Ёлқин.

ШИТОБ [ф. شتاب — шошилган; шошқалоқлик, ҳовлиқмалик; тезлик] 1 Ҳаракатнинг бажарилишидаги тезлик; шошилиш, ошиқиш. *Жоним олурга келдингиз, Мунча шитобингиз нима? Ҳувайдо. Кема сувнинг шиддатига дош беролмай чайқалар.. Ғайрат бўтана сувнинг шитобига қараб ўйларди.* М. Ҳазраткулов, Журъат.

2 Тезлик билан, тез. *Велосипедни шитоб ҳайдаб келганидан, нафаси оғзига тиқилиб, афт-башараси терлаб кетган эди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Келганининг иккинчи кунийёқ шитоб ремонтга уннади.* Ҳ. Шамс, Душман.

Шитоб қилмоқ (ёки **айламоқ**) Тезлик билан ҳаракат қилмоқ; шошилмоқ. *Ҳар шид шитоб қилмағайсан, Бу демак, муродга етмағайсан.* «Фан ва турмуш». Ойнақўлга бориб қолдим, айлаб мен шитоб, Кўк камзулли у оҳуни излаб сарсари. А. Орипов.

ШИФЕР [нем. Schiefer] Асбест билан цементдан ёки сланецдан тайёрланидиган ва том ёпиш учун ишлатиладиган бинокорлик материал. *Том ёпиш учун икки юз тахта шифер керак.* ■ *Дарвозахона олдидаги усти шифер билан ёпилган омонат гаражда.. эски бир «Москвич» турибди.* С. Аҳмад, Таъзим.

ШИФО [а. شفاء — даволаниш, соғайиш; дори-дармон] 1 Касалликдан халос бўлиш; соғайиш, тузалиш. [*Шокир ота:*] Энди шифони ёлғиз олодан, халлоқи оламдан сўра. Табибларнинг табиби у. Ойбек, Танланган асарлар. Аммо эшонга ихлос қўйиб, ундан шифо умид қилиб, касалларни олиб бориб ўқитдилар. С. Айний, Эсдаликлар.

Худо (ёки олло) шифо берсин Беморга тасалли бериш учун айтиладиган ибора. *Олло Тоҳиржонга шифо берсин, ниятим шу.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тиланчи кампир яна қўлини кўтариб: -Худо шифо бергай! — деб*

дуо қилди. С. Айний, Куллар. **Шифо топмоқ** Касалдан халос бўлмоқ; тузалмоқ. *Табиб қўй жигарини хом кабоб қилиб, бузғун сепиб енг, деган экан, бир-икки қипти, лекин дарди шифо топмабди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор касалликдан халос бўлиш, соғайиш воситаси; даво, дори. *Чортоқ суви қўн дардларнинг шифоси.* С. Абдулла. Э, э, болам, тоғ ҳавосига нима етсин. *Турган-битгани шифо-ку.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШИФОБАХШ [а. + ф. شفا بخش — шифо бағишловчи, шифо бўлувчи] Саломатликни яхшилайдиган, шифо бўладиган, даво бўладиган; шифоли. *Шифобахш ҳаво.* ■ *Маълумки, Ўзбекистон қуёшининг шифобахш хусусиятлари чексиз.* М. Жалолов, Шифокор. [*Қудрат ариқдаги сувдан бир ҳовуч олиб:*] Сенинг бу шифобахш сувингга ўн йил ташна бўлдим. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ШИФОБАХШЛИК Шифо бахш этиш, шифо бўлиш хусусияти. *Шифохонанинг.. минерал сувлари шифобахшликда денгиз сувидан қолишмайди.* Газетадан.

ШИФОКОР [а. + ф. شفاکار — шифолувчи, даволовчи] 1 Умуман, касалликдан халос қилувчи; даволовчи. *Шифокорлар қадимги даврлардаёқ заҳарли моддаларнинг инсон сиҳат-саломатлиги учун нафи борлигини эътироф этганлар.* З. Эгамбердиев, Заҳарнинг нафи. Қишлоқ врачлари ҳам шифокор, ҳам маърифатчи бўлмоғи зарур. Газетадан.

2 Тиббиёт институтини битирган ва даволаш-профилактика ҳамда санитария-эпидемиология муассасаларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлган мутахассис; врач, дўхтир. *Ёмон шифокорнинг қотилдан фарқи йўқ.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Иш кунни охирида шифокорлар, ҳамширалар, санитарлар кетиб, навбатчилар келишади.* Газетадан.

ШИФОЛАМОҚ кам қўлл. Касалликдан халос қилмоқ, даволамоқ. *Табиб — табиб эмас, бошидан ўтган — табиб, деганлари сингари, мен ҳам майда-чуйда касалларни шифолаб тураман.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Максим ака ана шундай чоқларда, айниқса, бетоқат болаларнинг синигини ушлаб, чиқиғини солаётганда, уларни овунтириб, кўнглини топиб шифоларди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШИФОЛИ 1 айн. **шифобахш.** Бу шифоли сувнинг яхши хусусиятини эшитган ва бу ер-

да даволанишни истаганлар тобора кўнай-моқда. Газетадан.

2 Шифоси бор, даволаб бўладиган. *Шифосиз касалга ҳар бир дори-дармон заҳардек амал қилар экан.. шифоси бўлса-чи, сув ҳам шифоли доридек амал қилиб, бемор тузалаверар экан. Ойбек, Танланган асарлар.*

ШИФОЛИК Шифо бўлиш хусусияти. Бу ўсимликнинг шифолиги бор. ■ Бир гал икки муллавакча ўртасида, шифолик учун бўза ичилса, ҳалолми, ҳаромми? деган масала устида талаш чиқди.. [Эшон] «Азбаройи шифолик учун бўза ичилса, ҳалол!» деб жавоб берди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ШИФОН [фр. chiffon — латта] Юпқа ип ёки ипак газлама. *Бир кийимлик шифон. ■ Фарғона ип-газлама комбинати калава ип, шифон, хом сурп.. ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Газетадан.*

ШИФОНЬЕР [фр. chiffonnier < chiffon — латта] Кийим-кечак сақланадиган шкаф, жавон. *Собиржон яна уйга кирди. Шифоньерни очиб қараса, фақат ўз кийимлари осилиб турибди. С. Шамсиева, Сепсиз келин. Шифоньер ойнасига қараб, сочини ўриб турган Ҳалима қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Ҳ. Зиёхонова, Қишлоқ.*

ШИФОСИЗ Давоси йўқ, тузалмайдиган. *Тоҳиржон киноя билан жилмайди: -Шифосиз касалга ҳар бир дори-дармон заҳардек амал қилар экан. Ойбек, Танланган асарлар.*

ШИФОХОНА [шифо + хона] Даволаш муассасаси; касалхона. *Болалар шифохонаси. ■ Тиббий ҳамшира бўлса керак, оқ халат, оқ қалпоқли жувон келиб, Муродовани шифохонага таклиф этди. И. Раҳим, Ихлос. Пиримқул бир неча ой шифохоналарда даволанди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

ШИФОЧИ с.т. кам қўлл. айн. **шифокор**. *Ҳозир ҳар бир маҳаллада, қишлоқда ўнлаб халқ шифочилари — докторларни кўриш мумкин. Газетадан.*

ШИФР [фр. chiffre — рақам, сон < а. صفر — ноль; ҳеч нарса; бўш] **1** Махфий ёзишмалар учун ишлатиладиган шартли алифбо; махсус мақсадлар учун мўлжалланган шартли белгилар мажмуи. *Шифр билан ёзилган телеграмма. Хатни шифр билан ёзмоқ.*

2 Кутубхона китобларига, айрим ҳужжат ва ш.к. га қўйиладиган рўйхат рақами, бошқалардан фарқловчи белги.

ШИФРЛАМОҚ 1 Шифр билан ёзмоқ. *Телеграмма матнини шифрламоқ.*

2 Кутубхона китоблари, ҳужжат ва ш.к. га рўйхат рақами ёки бирор белги қўйиб чиқмоқ. *Китобларни шифрламоқ. Ҳужжатларни шифрламоқ.*

ШИФТ Хона, айвон ва ш.к. нинг ички тепа қисми, томнинг хона ичидан кўринадиган тепа қисми. *Бир вақтлар турли ранглар билан бўялган уйнинг шифтлари оташдонда ёқилган ўт тутунидан хираланган. Ҳ. Шамс, Душман. Ўқитувчилар хонасининг шифтида тўрт чироқли қандил ёниб турарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

Шифтдек бўлиб Бутун бўй-баста билан тик ҳолда (новча одамларга нисбатан қўлланади). *Энди кетмоқчи бўлиб турган эдим, қаердандир шифтдек бўлиб Қодирбек пайдо бўлиб қолди. М. Қориев, Ойдин кечалар. Бегмат Суннатов қўшниси томонга қараганча, қоронғида шифтдек бўлиб турарди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.*

ШИХАНГ: **шиханг бермоқ** Бирор ёмон иш ёки ҳаракат қилишга ундамоқ, тезламоқ, гижгижламоқ; бировга қарши йўналтирмоқ. *Эрига шиханг беришга одатланган аёл.*

ШИХАНГЛАМОҚ айн. **шиханг бермоқ** қ. **шиханг**. *Тунгиз кўнгур ўша «Қорағужанак» шиханглаяптими сизни? Ёмон йўлдошдан йўнмаган таёғ яхши, дегандай бир кун сизнинг бошингизга етади у. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ШИХТА [нем. Schicht] махс. Хомашё (руда, кварц куми ва ш.к.) ва ёқилги аралашмасидан иборат, эритишга тайёрланган қатлам. *Шиша пиширишда даставвал, шихта — хомашё аралашмаси тайёрланади. М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиши тарихидан.*

ШИШ Организм тўқималарининг ташқи таъсир ёки касаллик туфайли бўртиб чиқиши; бўртма; ўсма. *Ёмон шиш. Ўнка шиш. Шишни даволамоқ. ■ -Ахир дармоним йўқ, бод касалим бор, оёғим шиш, бу йил менга раҳм қилин, — деб ялинди Шариф ота. Ж. Шарипов, Хоразм. Агар бу шиш газак шиши бўлса, пахтадоғ фойда қилади, лекин рак шиши бўлса, авж олдиради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ШИША [ф. شیشه — ойна, шиша; бутилка] **1** Кварц кумига бошқа баъзи моддаларни қўшиб эритиш ва кимёвий ишлов

бериш йўли билан олинадиган қаттиқ ва шаффоф материал; ойна. *Шиша эртадиган печь. Шиша ишлаб чиқармоқ.* ■ Бу докторхона тўғрисида Сотиболдиннинг билгани шу: салқин, тинч.. баланд ва чиройли оқ иморат; шиша қабзали эшигида қўнғироқ тугмаси бор. А. Қаҳҳор, Бемор.

Шиша ранг, шишаранг Ниҳоят тоза, мусаффо, шаффоф. *Шиша ранг осмон.* ■ *Шарқираб оқаётган шиша ранг сувнинг жилосида.. эндигина уйқусидан турган, ҳали юзларини ювиб улгурмаган тонг.* Р. Файзий, Балли, она қизим!

2 Шундай материалдан ясалган ҳар хил шаклдаги турли идиш ва буюмлар. *Бир шиша атир. Пиво шишаси.* ■ *Унинг бахтига бир вақтлар стадионда биргалашиб бўш шишалар терган болалардан бири йўлиқиб қолди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Лекин бу ўқларнинг бири деворни тешиб кетди, иккинчиси чироқ шишасини чил-чил синдирди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ШИШАДАМ [ф. شیشه‌دم — шишани дамловчи, пуфловчи] Шиша саноатида: пуфлаб шиша буюмлар ясовчи ишчи.

ШИШАДОШ айн. бутилкадош. Менсиз ҳолингиз нечук, Шишадошлар, ассалом. «Муштум».

ШИШАК [ф. شيشك — бир ёшли қўй] Бир ёки икки ёшли қўй.

ШИШАСОЗ [ф. شیشه‌ساز — шиша ясовчи] Шиша саноатида ишловчи шахс. *Шашасоз шарни темир қоплама ичига солиб, шу кўринишида унга патент олди.* «Фан ва турмуш».

ШИШИНМОҚ 1 Шишмоқ 1-3 фл. ўзл. н. Бемор бироз шишинган эди.

2 кўча Манманлик билан кеккаймоқ, мағрурланмоқ, кибранмоқ. - Сизга ўхшаган тажрибакорлар билан кенгаш қилган эдим, чақиртирсам, бормадингуз, — деди Турғунов. - Қачон? Ҳеч хабарим йўқ, — сал шишиниб деди Бўрибой. Ҳ. Назир, ўтлар туташганда. Раҳбар шишинса, элни хонавайрон қилади. Н. Ёкубов, Жон.

ШИШИРМОҚ 1 Шишмоқ 1-3 фл. орт. н. Ари чақиб, қовогимни шишириб юборди. Шарни пуфлаб шиширмоқ. *Велосипед камерасини дамлаб шиширмоқ.* Ҳўл беда сизир қорнини шишириб юборади. ■ Самандаров кулиб юбормаслик учун лунжини шиширди ва жаҳл билан столнинг тортмасини тортиб,

унинг аризасини қидирган бўлди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 кўча Оз, кичик нарсани кўп ёки катта қилиб кўрсатмоқ, муболаға қилмоқ. *Бағзилар асарнинг ижобий томонини шишириб кўрсатишга уринадилар.* ■ *Менинг йўқ ғуноҳимни шиширган ўшалар.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

Мияни (ёки каллани) шиширмоқ Мияни ниҳоятда чарчатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, гангитиб қўймоқ. *Саҳардан оқшомгача чархнинг ғув-ғуви каллани шиширади.* Ойбек, Улуг йўл.

ШИШМОҚ 1 Организмда ёки унинг бирор қисмида ташқи таъсир ёки касаллик туфайли шиш ҳосил бўлмоқ. *Унинг оёғи шишиб кетибди.* ■ *Кўп йиғлаганликдан [Кумушнинг] кўзлари қизарган, қовоқлари шишган, юзлари бўртган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Чол қўйлар шишиб ўлган ўша бахтсиз ҳодисадан бери ўғлига бунчалик ширин гапирмаган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бўртиб катталашмоқ; бўртмоқ. *У ҳар тош кўтарганда, билагидаги, бўйинларидаги томирлари бармоқдек-бармоқдек бўлиб шишиб чиқади.* С. Аҳмад, Йўлда.

3 Ҳаво, газ ва ш.к. билан тўлиб кенгаймоқ, қаппаймоқ. *Бола қанча пуфласа ҳам, пуфак шишмади.* ■ *Нусратбек катта уйнинг бир тавақа деразасини балконга қаратиб очиб қўйди.* Турпардалар шишиб, уйга илқ шабада кирди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

4 кўча с.т. Семирмоқ, семириб кетмоқ, тўлишмоқ. - *Мен шишиб кетсам, сен симёғочдек қолибсан!* — деди Ҳўжақул ва қий-қириб кулди. О. Ёкубов, Тилла узук.

5 кўча Гурурланмоқ, димоғи кўтарилган ҳолатда бўлмоқ. *Матжон бобо, шишманг, кўпирманг, Сизни кўкка олиб чиқди банг.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Бунақа қулайликларга у илғари ҳам осонликча эришарди.. туғма талантим бор, деб кўкрагига уриб қўярди.* Ҳозир эса талантга шишадиган хонаси эмас. «Ёшлик».

Боши (ёки мияси, калласи) шишмоқ Нима қиларини билмай ҳайрон ҳолатда бўлмоқ; боши қотмоқ. *Эшитдим, лекин нима чора қиласиз? Шу кунда ҳамманинг боши шишган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дояча ким.. нечта эркак ва нечта хотин айтилади ва кимлар? — мана шунингдек масалалар*

билан Ўзбек оймнинг мияси жуда шишган эди. А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. **ДИМОҒИ ШИШМОҚ** Жуда ҳам кеккайиб кетмоқ, ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган бўлмоқ. Жуда димоғингиз шишиб кетувди, бундан буён қадамингизни билиб босадиган бўласиз. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси. **ЎПКАСИ ШИШМОҚ** 1) қаттиқ югуриш ва б. сабабли нафас олиши оғирлашмоқ, ўпкаси тикилмоқ. Розик.. ўрнидан турди-да, югурганича кетди. Салдан кейин ўпкаси шишди, оёғида дармон қолмади. С. Анорбоев, Оқсой; 2) йиғлар даражада алам қилмоқ, ўпкаси тўлмоқ. **ДЕВОНАНИНГ ЎПКАСИ ШИШИБ КЕТДИ.** Эрмакчилар унинг юрагига галма-гал ўт ёқар эдилар. А. Қодирӣй, Ўтган кунлар.

ШИҚ ТАҚЛ.С. Мўрт нарса синганда ёки икки қаттиқ нарса бир-бирига урилганда ҳосил бўладиган товушни билдиради. **ШИҚ-ШИҚ** товуш эшитилди.

ШИҚ ЭТМОҚ «ШИҚ» деган товуш чиқармоқ. *Бирдан эшик шиқ этиб очилди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Сарой амалдори президент бандлигини, гаплаша олмаслигини айтиб, шиқ этиб трубкини илди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

ШИҚИЛДОҚ Силкиганда «шиқ-шиқ» товуш чиқарадиган, шиқирлайдиган болалар ўйинчоғи; шақилдоқ. *Марзия хола кичкина шиқилдоқни олиб келиб, неварасининг қўлига тутқазди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ШИҚИЛЛАМОҚ «ШИҚ-ШИҚ» этган товуш чиқармоқ, шиқирламоқ. *Чойхонада одам кўп. Баъзан чойнакларнинг қопқоғи шиқиллаб қолади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ШИҚИЛЛАТМОҚ ШИҚИЛЛАМОҚ фл. орт. н. *Бармоқларни шиқиллатмоқ.* ■ *Машинка шиқиллатиб ўтирган секретарь қизнинг бетига ҳам қарамай: «Киринг», деб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

ТУЁҒИНГИ ШИҚИЛЛАТ Жўнаб қол; йўқол, кет. *Лекин Жалиловга ўшаганлар: «Кўп қатори оларингени олдингми, туёғингени шиқиллат!» дейдилар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

ШИҚИР айн. **ШИРИҚ.** Эшик занжири шиқир этиб очилди.

ШИҚИРЛАМОҚ «ШИҚИР-ШИҚИР» товуш чиқармоқ. *Мотор гуруллади. Сеялкалар шиқирлаб, ишга тушиб кетди.* Ш. Фуломов, Ташаббус.

ШИҒ: юраги шиғ этиб кетди айн. юраги шув этиб кетди қ. шув. *Аҳмаджон ялт этиб, товуш эшитилган томонга қаради. Қаради-ю, юраги шиғ этиб кетди.* Ф. Насриддинов, Кўнгил.

ШИҒА Кўп даражада, ғоят мўл, бир текис ва ғуж-ғуж. *Олча шиға гуллади.* ■ *Кукракчача ўсиб, атрофга шох ёйган, тагидан то учигача шиға кўсаклаган бўлиқ ғўзалар.* Х. Нуъмон, Қахрамон пахтакор. *Ҳамма жойда шиға ҳосил, уни ўз кучимиз билан териб олиш амри маҳол.* М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.

ШИҒАБ 1 Бир текисда тўхтовсиз ва тез; зўр бериб; жон-жаҳд билан, астойдил. *Ёпирилиб, шиғаб теринг, ўртоқлар. Улоқ олиб, донг чиқарсин қишлоқлар.* А. Пўлат. [*Моҳидил*] *Тушакни тарк этмоқ ниятида докторнинг айтганларини бажонидил бажарар, иштахаси бўғиқлигига қарамай, шиғаб овқат ер, куч йиғишга уринарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ерга бир зум эгилди-да, шиғаб тошбўрон қилишга тушди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 айн. ШИҒИЛ. Ғўза ҳозир шиғаб кўсакка кирган. Х. Назир, Бир туп ғўза.

ШИҒАЛАМОҚ қ. ШУВАЛАМОҚ. Ёмғирлар шиғалаб ёғар бағримга, Тоғларим юзидан ўпар самолар. Газетадан.

ШИҒИЛ 1 Бир текис; қийғос. *Дарахтлар шиғил гулга кирган, боғда зинғиллаб асаларилар учиб юрибди.* Ж. Шарипов, Саодат. *О, шиғил гуллабди олуца, бодом.. Тўлқин.*

2 айн. ШОВУЛ II. ..уйчан кўзларини шиғил шохлари ерга тегай-тегай деб турган шафтолига, узоқ-узоқларга тикди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. *Анор дарахтларида анор шиғил, чойнакдай-чойнакдай бўлиб осилиб ётибди.* А. Қаҳҳор, Анор.

ШИҒИЛЛАМОҚ 1 «ШИҒ», «ШИҒ-ШИҒ» этган товуш чиқармоқ. *Девор тагида дошқозон, унинг ёнида қумғон-самовар шиғиллаб қайнаб турибди.* С. Сиёев, Аваз.

2 айн. ҒИЗИЛЛАМОҚ. Снарядлар шиғиллаб келиб, гужбурлаб, тўфон кўтарди. Шухрат, Шинелли йиллар. *Катта кема дарё сувида шиғиллаб сузиб борарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЮРАГИ ШИҒИЛЛАБ КЕТДИ айн. юраги шув этиб кетди қ. шув. *Ғуломжон Ҳаётни кўрди-ю, юраги шиғиллаб, кўз унги хираланди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Меъморнинг юраги*

шиғиллаб кетди. У яна миқ этмай қолди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ШИҒИРЛАМОҚ айн. **шиғилламоқ**. Баланд тоғда шиғирлаган тош энди.. «Ҳасанхон».

Юраги шиғирлаб кетди айн. юраги шиғиллаб кетди қ. шиғилламоқ. Дилшод табаррук ерга қадам босганда, юраги шиғирлаган одамдай, остонадан авайлаб ҳатлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШИҒОВУЛ тар. Бухоро ва Хива хонликларида элчиларни кутиб олиш, уларни хон ҳузурига олиб кириш, саройдаги қабул маросимларини бошқариш ва назорат қилиш билан шуғулланган мансабдор шахс. *Эрталаб хон саройидан шиғовул эгарлоғлиқ бир от келтириб, таъзим билан элчини аркка чорлади. М. Осим, Элчилар.*

ШИҒРАЙМОҚ айн. шинғраймоқ (ғилай кўзли одам ҳақида). *Азғам бир кўзини шиғрайтирганича бакрайиб, кўчада қолди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

ШКАЛА [лот. scala — нарвон, зина < scandere — кўтарилмоқ] 1 Ўлчов асбобларининг даража кўрсатувчи чизиқлари, рақам кўрсаткичи ёки циферблати. *Термометр шкаласи. ■ Нормат рақиянинг қулоғини бураб, шкаласи устидаги стрелкасини йўрғалата бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Бирор катталиқни, миқдор, хусусият ва ш.к. ни ўлчаш ёки баҳолаш учун қабул қилинган сонлар системаси. *Иш ҳақи шкаласи.*

ШКАФ [р. < нем. Schaff — идиш жавони] Турли анжомлар солиб қўйиладиган мебель тури; жавон. *Ойнали шкаф. ■ ..девор тагидаги китоблар солинган шкаф устида аллакимнинг ҳайкалчаси турарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Шкаф ичига турли тоғ жинсларидан олинган намуналар қалаштириб ташланган. С. Кароматов, Олтин қум.*

ШКИВ [голл. schijf] *тех.* Бир ўқдан иккинчи ўққа тасма ёки арқон орқали ҳаракат узатадиган икки ғилдиракдан бири. *Моторларнинг гувуллаши, шкивларга кийгизиб қўйилган қайишларнинг шатиллаши, ричагларнинг ғижирлаши тинди. Газетадан.*

ШЛАГБАУМ [нем. Schlagbaum < schlagen — урмоқ + Baum — дарахт] Заставада ёки йўлнинг поезд, машина ўтадиган жойларида қатновни тўхтатиб қўйиш учун хизмат

қиладиган, қўлда ёки автоматик бошқариладиган кўтарма ғов, тўсиқ. *Секин шлагбаум кўтарилди. Машина йўлга тушди. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. Канал яқинидаги шлагбаум очик, у ердан ўтган йўл машиналардан холи. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.*

ШЛАК [нем. Schlacke — болғаланганда учган металл парчалари < schlagen — болғаламоқ] 1 Рудадан металл эритиб олишда қоладиган шишасимон ёки тошсимон модда; тошқол. *Шлак уюми. Шлак кукуни. ■ Онда-сонда шлак парчалари ва қадимий кончилар ишлаган тошболға ҳамда исканалар кўзга ташланарди. С. Кароматов, Олтин қум.*

2 Қаттиқ ёқилғидан қоладиган чиқит. *Бу кўчаларнинг тупроғи ҳам бошқа, йўлчаларга сурранг майда шлак тўкиляпти, юрганда ғичир-ғичир қилади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ШЛАКОБЕТОН [шлак + бетон] *тех.* Цемент, қум ва шлак қоришмасидан тайёрланган енгил бетон.

ШЛАКОБЛОК [шлак + блок I 2] *тех.* Шлак билан цемент аралаштириб тайёрланган қурилиш материали.

ШЛАНГ [нем. Schlange — илон < schlingen — ўралоқ, чирмалмоқ] Резина ёки сув ўтказмайдиган материаллардан ясалган эгилувчан труба. *Ўт ўчириш шланги. Шланг билан сув сепмоқ. ■ Шлангдан варилаб келиб турган сув бирпасда ҳовузчани тўлдирди. С. Аҳмад, Томоша. Сайёра эрталаб спорт майдончасига борганда, улар [болалар] қаердандир шланг топиб, майдончага сув сепишгаётган эди. О. Ёқубов, Дастлабки кадамлар.*

ШЛАНГА с.т. Шланг. *Ке, қўй, Наби, кўн ўжарлик қилма, мана шланга ҳам тайёр. О. Ҳусанов, Дўстлар. Шланга бўлганда-ку, юз марта деса ҳам сувай берардик.. «Муштум».*

ШЛЕМ [р. шлем, шелом < герман тилларидан: нем. Hülle — қобик; ёпинғич] 1 Қадим замонларда ва ўрта асрларда қилич, гурзи, ўқ ва ш.к. зарбидан сақланиш учун бошга кийиладиган темир қалпоқ; дубулға.

2 Бош ва бўйинни урилиш, лат ейиш, босим ва ш.к. дан сақлаш учун махсус тайёрланган бош кийими. *Космонавтлар шлеми. Танкистлар шлеми. Ўт ўчирувчилар шлеми. ■ Одам ғаввослар шлемини кийиб, шўр сувга тушади, бундай сувнинг солиштирма оғирлиги одам танасининг солиштир-*

ма оғирлигига баравар бўлади. Ё. Тўрақулов, Космосга учиш.

ШЛЕМОФОН [шлем + юн. phone — товуш] Учувчилар, танкчилар, космонавтлар киядиган, ичига гаплашиш мосламаси (телефон ва микрофон) ўрнатилган шлем ҳамда шу гаплашиш мосламасининг ўзи. *Йўлдош ўз звеноси ёнига келганда, самолётларнинг экипажлари ўз ўрнини эгаллаб бўлган, учувчилар шлемофонларини қулоқларига бостириб, буйруқ кутиб турардилар.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ШЛИФОВКА [р. < нем. schliefen — йўниб ясамоқ, силлиқмамоқ, сайқал бермоқ] Пардозлаш ёки маълум шаклга келтириш учун металл, ёғоч, ойна ва ш.к. ни абразив материаллар ёрдамида ишлаш; ишқаб силлиқлаш, жилолаш, сайқал бериш. *Ёғочни шлифовка қилмоқ.*

ШЛИФОВКАЧИ Шлифовка қилувчи ишчи.

ШЛЮЗ [голл. sluis < фр. ecluse < лат. exclusa — тўсиқ, ғов; йўл қўймаслик] 1 Кемаларни дарё ёки каналнинг сув сатҳи турлича бўлган бир участкасидан иккинчисига ўтказиш имконини берадиган, дарвозалар орқали ўзаро туташган гидротехник камералардан иборат иншоот. *Бир камерали шлюз. Шлюз камераси. Пароходни шлюз орқали ўтказмоқ.* ■ *Фақат канал эмас, балки тўғонлар, шлюзлар, темир-бетон уйлар ҳам бир йўла ва бирданига қурилаётганга ўхшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Тўғонларда сувни қўйиб юбориш ёки бўғиш учун хизмат қиладиган махсус тешик; тўғон қулфи. *Шлюзни очмоқ.* ■ *Ариқлардаги сув тақсимлайдиган шлюзлар эса деярли ишламайди.* Газетадан.

ШЛЮПКА [голл. sloep — қайиқнинг бир тури] Эшаклар ёрдами билан юрадиган, баъзан елканли ёки моторли, палубасиз кичкина қайиқ. *Эшакли шлюпка. Елканли шлюпка. Моторли шлюпка.*

ШЛЯПА [нем. Schlappe — қалпоқ, шапка] Атрофи соябонли бош кийим. *Похол шляпа. Аёллар шляпаси.* ■ *Рўпарасида шляпанинг кенг соябони тагидан Хуморхоннинг қўзлари ёниб турарди.* А. Мухтор, Тўғилиш.

ШМУЦТИТУЛ [нем. Schmutztitel < Schmutz — кир, чанг-чунг + Titulus — уст ёзув; сарлавҳа] *пгρφ.* Китобнинг бошланиши ёки ҳар қайси қисми олдидан қўйиладиган,

одатда, сарлавҳа ёзиладиган ёки расм солинадиган варақ. *«Ўзбек шоирлари» тўпламига ишланган шмуцтитулларда яратилган образларда Шарқ поэзиясининг изтиробли лирикаси, самимият ва ғўзаллиги жонлантириб гавдалантирилган.* Газетадан.

ШНИЦЕЛЬ [нем. Schnitzel — қирқиб олинган лаҳм гўшт] Қийма гўшtdан ёки тўқмоқланган гўшtdан пиширилган ясси юпқа котлет.

ШНУР [нем. Schnur — чилвир, сим] 1 Изоляцияланган электр сими. *Бир симли шнур. Шнур тортмоқ.* ■ *Йигитали магнетофонни токчадан олиб, қўйиб юборди. Электр чойнакка сув тўлдириб, шнурни токчага тикди.* Д. Нурий, Осмон устун.

2 с.т. Ип, каноп, чилвир. *Ботинкага шнур тақмоқ.*

ШОБИР фольк. Шарпа, жавоб садоси. *Ҳеч шобир бўлмади, «шулар нима деркан», деб Новкал ҳам бир жойда қулоқ солиб турди. «Баҳром ва Гуландом». От солиб жўнади шундай фалакка, Шобири билинмай, яшиндай оқиб.* «Муродхон».

ШОВ тақл. с. Суюқликнинг шиддат билан тез тушишида ҳосил бўладиган товушнинг билдиради.

ШОВ ЭТМОҚ «Шов» деган овоз чиқармоқ. *Шов этиб тарновдан сув келди.*

ШОВВА Сувнинг баландликдан куч билан отилиб, шовуллаб тушадиган жойи, шаршара. *Дунёдаги энг катта шаршара Венесуэладаги Анжея Фолла шоввасидир.* Газетадан. *Собир шимининг почаларини тўниғигача шимариб, оёғини шовва сувиға бостириб ўтираркан, ғозқараш қилиб қўйди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ШОВВОЗ [ф. شاهواز — лочин] Ҳар қандай ишни эплай оладиган, қойил қиладиган эпчил; азамат. *Дуруст, юрагинг дадил кўринади. Одамнинг шоввози кўриқ очади.* Ҳ. Назир, Васият. *Бўш келманглар, йигитлар, ураверинглар, шоввозлар!* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулсумга ўхшаш шоввоз аёлларни ўз атрофиниғизга тўпланг.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Яша, шоввоз! Омадинг келган экан, қўлинг ёқди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

ШОВДИРАМОҚ кам қўлл. Шовулламоқ; шалдирамоқ. *Бугдойнинг сарғая бошлаган бўлиқ бошоқлари майин шабадада шовдираб, денгиз каби мавжланиб чайқалади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Мадра-*

санинг кенг, текис чорбурчак сахнидан кеча шовдираб ўтган ёмғир кўзга илинар-илинмас буғ бўлиб, ҳавога кўтарилмоқда эди. Ойбек, Навоий.

ШОВИНИЗМ [фр. chauvinisme] Миллатчиликнинг ўзга миллатларни камситиш, таҳқирлаш, ўз миллатини бошқа миллатдан устун қўйиш, миллий такаббурлик, миллий худбинлик иллатларини ўзида мужассам этган ўта тажовузкор шакли. *Миллатчилик, шовинизм, ирқчилик* — бузуқ дунёқарашнинг кўринишларидир. Газетадан.

ШОВИНИСТ [фр. chauvinist < Наполеонга ўлғудай содиқ солдат Шовин (N. Chauvin) номидан] Шовинизм тарафдори.

ШОВИНИСТИК Шовинизмга оид; шовинизм руҳи билан суғорилган. *Шовинистик тарғибот.*

ШОВУЛ I [р. щавель — нордон баргли ўтсимон ўсимлик] Отқулоққа ўхшаш, қора-бўғдойлар оиласига мансуб, барги майда, таъми нордон, овқатга ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик; кўзикулоқ. *Шўрвага шовул соламоқ.*

ШОВУЛ II Жуда кўп, гуж-гуж; шигил. *Биз ғўза пайкали оралаб ёнғоқдай шовул кўсакларни санашиб, машина тўхтаган тарафга қараб бордик.* Ҳ. Назир, Механизатор. *Зилол чашма тилга кирди: -Ўқсиз, етим мажнунтол. Нечун шовул новдаларинг Бошим узра эгик, лол?* Т. Тўла.

ШОВУЛДЕК, -дай айн. **шовул II**. *Шовулдек олчалар кўзни қамаштиради. ■ Кун кеч бўла бошлаган. Мен баланд ёнғоқда ўтирибман. Атрофда шовулдек ёввойи узум.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

ШОВУЛЛАМОҚ «Шов-шов» этган товуш чиқармоқ. *Шалоланинг шовуллаган овози келди. ■ Ўрмон аллақандай бир хил овоз билан елпиниб шовулларди.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Бирдан ёмғир ёғиб, тарновлардан шовуллаб сув оқа бошлади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ШОВУН I айн. **шокул**.

2 Тикувчиликда дағал чоклар учун (мас., қоп тикиш учун) ишлатиладиган йўғон ип, каноп.

ШОВУР тақл. с. 1 «Шов» ва шунга яқин аралаш товушни билдиради. *Бир маҳал қандайдир шовурдан уйғонса, барзангидай одам тракторга уннаётган эмиш.* «Ёшлик». *Қўшиғида гоҳ йилки уюрига*

тўла дашт шовури.. бўлади. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Шов-шов товуш; шовуллаш. *Салобатли ёмғир шовури эшитилиб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

ШОВУР-ШУВУР тақл. с. Мазмунини ноаниқ бўлган гап-сўз товушларини билдиради. *Аудитория шовур-шувур. Биров ўтирган стулини ғўртиллашиб суради, биров безовталаниб қимирлайди.* П. Қодиров, Уч илдиэ. *Шовур-шувур бўлиб турганда, Акбарбой сўз олди, яна ҳамма жим бўлди.* Ҳ. Турсункулов, Ҳаётим қиссаси. *Оломон орасида бирдан шовур-шувур кўтарилди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ШОВУШ Муз, ях; қиров. *Сирдарё суви шовуш аралаш кўприб оқади.* Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши. *Қиш.. Дарахтлар шохида ларзон-ларзон шовуш..* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

Шовуш боғламоқ Қиров боғламоқ, музламоқ. *Унинг мўйлови шовуш боғлабди.*

ШОВШАМОҚ фольк. Зирқирамоқ, қақшамоқ. *Кўп қўшин келганга ўхшайди, Эшитиб суяги шовшади.* «Ҳасанхон». *Қирқ йигитнинг банди-бўғни бўшади. Бекларига қараб суяги шовшади.* «Юсуф ва Аҳмад».

ШОВ-ШУВ I «Шов» ва шунга яқин товушни билдиради. *Новдан оқиб тушаётган сувнинг шов-шуви дилрабо нағмалардай ёқиб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Унинг [Жапакнинг] даҳшатли довул шов-шувини эшитмаган қулоқлари эшикдаги заиф бир шарпани аниқ пайқаган эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Ғала-ғовур, шовур-шувур, шовқин. *Қурилиш участкасида шов-шув тинмайди. ■ Тўй узоққа чўзилди. Шу вақт негадир бирдан шов-шув, қий-чув кўтарилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Улар вокзалнинг олдида қатор тизилиб турган «Победа»ларнинг бирига ўтириб, шаҳарнинг шов-шувга тўла гавжум кўчаларидан учиб кетдилар.* О. Ёқубов, Ота.

3 кўча Миш-миш гап, овоза. *Бу воқеа ҳақида шов-шувлар юрибди. Шов-шув гап тарқатмоқ. ■ Домла ўйланиб қолди-да, анчадан кейин деди: -Қишлоқда шундай шов-шув бор эмишими?* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 с.т. Бирор ҳодиса, кимса ёки нарсага ўта қизиқиш туфайли юз берадиган қизгин муҳокама, мунозара, ҳар хил гап-сўз. *Султонова звеносининг бу ғалабаси катта шов-*

шувларга сабаб бўлди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. «Хамза ўрис қизга уйланибди» деган хабар тарқалди. Бу гап шаҳарда беш-олти кун роса шов-шувга сабаб бўлди. К. Яшин, Хамза. Мана, пахта териш агрегати тўғрисида ёзилган диссертация ҳақида матбуотда анчагина шов-шув бўлди. «Муштум».

ШОВ-ШУВЛИ «Шов-шув» овози келиб турадиган; шовқин-суронли; гала-говурли. У. қоғозни Хиротга кетувчилардан бериб юбормоқ учун работнинг шов-шувли кўчасига чиқди. Ойбек, Навоий.

ШОВ-ШУВСИЗ Шовқин-суронсиз, осойишта, тинч; астагина. Улар [Сарагул билан Орифжон] ҳамма вақт икков ёлғиз яшаб, оҳиста, шов-шувсиз, камташвиш ҳаётга ўрганиб қолган эдилар. А. Мухтор, Чинор. ..Икки кампир ирим қилиб, Маликанинг дард тутаётганини ҳеч кимга билдирмасликка тиришиб, шов-шувсиз эшикни ҳам занжирлаб қўйишган эди. Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ШОВҚИН 1 Қаттиқ гап-сўздан эшитиладиган, шунингдек, турли ҳаракат, ҳодисалар туфайли юзага келиб, қўшилиб кетадиган товушлар. -Оқлаймиз! Оқлаймиз! — чойхонани ишчиларнинг шовқини босиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Аркда жанг тўхтайтиди. Аммо орқада ҳамон шовқин. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Намоз асра яқин кўв оломон билан келди. Тўрт карнай, олти сурнайнинг шовқини кўкни тутди. Ойбек, Танланган асарлар. Унда-бунда сайёр атторларнинг «ип кетди..» каби қичқириқлари шаҳар шовқинига мадад бериб туради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Чор атроф сайилчиларнинг ғовур-ғувури, трамвай-троллейбусларнинг шовқини билан тўлиб тошган. Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

2 Баланд овоз билан бўлаётган жанжал, тўполон; шовқин-сурон. -Ҳай, бу нима шовқин? — кампир кўча томонга қулоқ солди. Ойбек, Танланган асарлар. Мавлоно Фазлидин шовқин келаётган томонга қулоқ солиб туриб, қўрқиб кетди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Шовқин кўтармоқ 1) айн. шовқин қилмоқ. -Ёлғон, тўхмат! — деб бошқа деҳқонлар ҳам шовқин кўтардилар. С. Айний, Қуллар; **2)** бирор хабарни кенг ёймоқ, бу ҳақда жар солмоқ. Нега матбуот шовқин кўтармаиди. А. Қаҳҳор, Сароб. **Шовқин солмоқ 1)** айн. шовқин кўтармоқ. Фақат ичкаридан

мастларнинг қийқириқлари, аллакимнинг бўғиқ алёри эшитилади; ашула, қичқириқ аралаш яна аллаким шовқин солиб сўкинади. Ҳ. Фулом, Машғал; **2)** қаттиқ (гувуллаган, шовуллаган ва ш.к.) товуш чиқармоқ. Шовқин солиб сой оқар Қорабоғ қишлоғидан. Х. Салоҳ. Бу тинчликни фақат Оқсойгина бузди.. кеч кирганда, гўё атайлаб қаттиқроқ шовқин соларди. С. Анорбоев, Оқсой. **Шовқин қилмоқ** Бировга қарата қаттиқ овоз билан, бақириб гапирмоқ. Биттанг гапир! Биттанг! Ҳамманг баравар шовқин қиласан, гап уқиб бўладими? Чўлпон, Кеча ва кундуз.

3 тиб. Одам организмга салбий таъсир этадиган ва унинг ишлашига, дам олишига халақит берадиган бегона товушлар мажмуи.

4 тлш. Оғиз бўшлиғида ун иштирокисиз ҳосил бўладиган товуш. Фақат шовқиндан ҳосил бўлган к, п, с, т, ф, ш, ч, қ, х, н, ҳ товушлари жарангсиз ундош товушлардир. «Ўзбек тили» дарслиги.

ШОВҚИНЛАМОҚ Баланд овоз билан гапирмоқ, бақирмоқ. Шовқинлама, болани уйғотиб юборасан. ■ -Ош тайёрми, ош! — деб шовқинлади Умар. П. Турсун, Ўқитувчи. Автобус силкиниб-силкиниб борар, одамлар бир-бири билан шовқинлаб гаплашишар эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

ШОВҚИНЛИ 1 Шовқин билан тўлган; гала-говур ҳукм суриб турган. Шовқинли кўча. ■ Машиҳоқлар чоғуларини қўлга олдилар. Энди гузарда шовқинли катта ўйин эмас, ширин, майин ҳужрабазм садоси оқа кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кучли товуш чиқариб турадиган. Шовқинли ўрмон. ■ Умурзоқ ота ғира-ширада чайласидан чиқиб келди-да, шовқинли дарё лабида таҳорат қилди ва тўнини майсага ёзиб, бомдод намозини ўқиди. Ҳ. Фулом, Машғал. [Миркарим] Шовқинли сувар бўйига жойлашган гумбаздор мазорлар.. мачитлар орасида уч ой юрган, яна Тошкентга келиб олди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Шовқинли ундошлар тлш. Овознинг иштирокисиз, шовқин билан ҳосил бўладиган ундошлар.

ШОВҚИН-СУРОН 1 Кучли даражадаги шовқин. Шовқин-сурон кўтармоқ. ■ Вагонларнинг қулоқларни қоматга келтирувчи овозлари борган сари узоқлашиб, ниҳоят, шовқин-сурон тинди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Танклар юрганда, ўқ отганда,

шовқин-сурони радиокарнай орқали узоқ-узоқларга тарқалади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шундай товушлар билан бўлаётган жанжал-тўполон. Мавлон ака арава миниб уйига қайтиб келганда, шовқин-суроннинг устидан чиқиб қолди. Ҳ. Фулом, Машғал.

ШОВҚИН-СУРОНЛИ Кучли даражада шовқинли; шовқин билан юз берадиган. Бу вақт ичкарида тартиб ўрнатилиб, баяғидай шовқин-суронли вайсаш бошланган эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

ШОВҚИНЧИ с.т. Бақириб гапиришга одатланган; арзимаган нарсага шовқин кўтарадиган.

ШОГИРД [ф. شاگرد — ўрганувчи, халфа; издош; ўқувчи] 1 Бирор уста, мутахассис ёки олимдан ҳунар, касб, билим ўрганаётган (ўрганган) шахс (устозга нисбатан). *Шогирд тушмоқ. Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар. Мақол. — Ажабо, устознинг инсон қалбига солган ижод ишқи шогирднинг матонати билан қўшилса, мўъжиза туғилар экан. «Гулдаста». Охунжон қизиқ — машҳур Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг шогирдларидан бири. «Муштум». Шундай нуфузли олимнинг шогирди бўлиш унча-мунчага насиб қилмайди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Ҳар бир инсофли устод ўз муборақ умрининг дурдона якунлари деб шогирдларини ҳисоблайди. Ғ. Фулом, Жаноби инсонлардан бири.*

2 Бирор қимсаннинг иши ёки таълимотининг тарафдори, уни давом эттирувчи; мухлис, издош. *Ўзини олди-қочди саргузаштлар пири Анвар пошшонинг шогирди деб юрувчи, чиндан ҳам шу саёқ турк зобитининг мухлиси бўлган Комил афанди ҳар галгидай.. ўз устозига тақлид қилди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

ШОГИРДЛИК Шогирд бўлиш, шогирд даражаси, ўрни. *Отам мени шахримизда донғи кетган табибга шогирдликка берди. «Эртақлар». Маъмурият уни тола ажраткич машинада ишлаш учун шогирдликка ўтказди. Газетадан.*

ШОД [ф. شاد — хурсанд, шодон, қувноқ, хушчақчақ; мамнун] Бирор нарсадан мамнун, қувончга тўла; хурсанд. *Кўнгли шод. Шод бўлмоқ. — Сочларин бўйнимга боғлаб, Шод эрурман бу кеча, Қўй, чаманлардан, сабо, Гул атрини тарқатмагил. Э. Воҳидов. Чўнтагининг қаеридадир асраб юрган ўттиз*

сўмликни онасига бераркан, Болтабой ўзида йўқ шод эди. Ж. Шарипов, Саодат.

ШОДА 1 Ипга тизилган бир хил, бир турдаги нарсалар мажмуи. *Бир шода марварид. Бир шода қалампир. — Ўзиям унча-мунча маржонлардан эмас, ўн икки шода-я! М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Ҳаммаси асил, қизим, менда паст нарса бўлмайди, — деди хўжайин, кейин қизга қараб, кўзини қисиб кулди, — ол, бир шодани тақиб кўр. Жуда ярашади. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 *кўчма* Ғуж, тўп (бир турдаги нарсаларнинг ғуж-ғуж, тўп-тўп ҳолати ҳақида). *Чиннихон қўлини тепага қўзиб, жийда гулдан бир шода узиб олди ва уни ҳидлаб кўрди. П. Қодиров, Эрк. Асадда.. унинг [экиннинг] кўксига кўсаклар шодаси бўлсин. Газетадан.*

3 *махс.* Тўқимачилик дастгоҳининг ўриш ипларини кўтариб-тушириб турадиган қисми.

ШОДАЛАМОҚ Бир турли нарсаларни ипга тизмоқ, тизиб шода қилмоқ (қ. *шода* 1). *Мунчоқларни шодаламақ. — Ҳа, Сорокин.. Баракалла! — деб мамнун жилмайди [Васильев], — гранаталарингни шодала.. Орқамдан ер бағирлаб эмակла. А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.*

ШОДИ [ф. شادی — шодлик, хурсандлик; қувноқлик] 1: *оғзидан боди кириб, шоди чиқмоқ* Беҳаё сўзлар билан сўкмоқ, сўкинмоқ. *Кўёви Ғиёсиддин тилмоч, тоқчалари меҳробнухса меҳмонхонада бурма болишини бағрига босиб, ароқ ичар, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, оқсоқолни сўкар эди. С. Аҳмад, Ҳукм. Назоратсиз қолган оғзидан ҳам боди кириб, шоди чиқиши мумкин. М. Исмоилий, Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл.*

2 Шоди (эркаklar исми).

ШОДИЁНА [ф. شاديانه — хурсанд бўлиб, севиниб, қувониб; хурсанд, қувноқ] 1 *от* Шод-хуррамлик, тантана. *Байрам шодиёнаси. Ғалабага бағишланган шодиёна. — Зухра тўйга кўнмади, деб бўлманг танг, Тўй бошлансин, шодиёна бошлансин.. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. Бу тантана сендек фарзанди билан фахрланган элнинг шодиёнасидир. Э. Раҳим, Янги қадам. Файзиёб сентябрь оқшомларининг бири. Боғларда, зумрад далаларда меҳнат шодиёнаси, қизларнинг дилрабо яласи авжиди. Э. Охунова, Кадрингги бил, дугона!*

2 сфт. Шод-хуррамлик ёки тантана билан ўтадиган (ўтган, ўтаётган). *Шодиёна тўй*. ■ У бу уйдаги, қишлоқ аёллари таърифлаган шодиёна учрашувлар, мароқли суҳбатлар ҳаёли билан маст бўлиб юрган эди. Ҳ. Фулом, Машғал. *Шу пештоқлар, шу иморатлар Қад кўтаргай йиллардан буён, Мана шундай шодиёна дамни Кўрган-билган эмас ҳеч қачон!* Э. Раҳим. *Бирдан настдан, тоғ қазувчилар манзилдан шодиёна кичқириқлар кўтарилди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 от кам қўл. Хушхабар келтирган кишига бериладиган инъом, совға; суюнчи.

ШОДИМАРГ [ф. شادى مرگ — шодиёна ўлим; ғоят шодликдан ўлиш]: **шодимарг бўлмоқ** шв. Севинчдан тўсатдан юраги ёрилиб ўлмоқ. -Қувончдан шодимарг бўлишга оз қолдим. Кечаси билан мижжа қоқмай, ширин ҳаёлларга чўмиб чиқдим, — деди Камолиддин. Т. Жалолов, Олтин кафас.

ШОДЛАНМОҚ Шод бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ, севинмоқ, қувонмоқ. *Шодланиб кетган Собир темирчи, раҳмат устига раҳмат ёғдирди*. Ж. Шарипов, Хоразм. Э нодон қиз, Тўлқинжон шунча қизларнинг ичида сени севиб қолгани учун шодлан! Ф. Мусажон, Ҳури.

ШОДЛИК Шод-хуррам ҳолат; хурсандлик, севинч, қувонч. *Шодлик байрами*. *Шодликдан ўзини йўқотмоқ*. ■ *Шодлик йўлга бошлади мени, Бахтиёрлик бўлди одадим, Шоир бўлиб шодлик ва бахтни Куйламоқлик зўр соадатим*. Ҳ. Олимжон. Тўй. Бу сўз асосида халқнинг шодлиги, хурсандлиги ётади, у камбағалнинг уйини шодликка, қувончга тўлдирди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ШОДМОН [ф. شادمان — шод, хурсанд, бахтиёр] 1 кт. айн. **шод**. *Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш*. Алишер Навоий. *Минг шукурким, келдинг бугун сиҳат-саломат, шодмон, Айлай Ниҳоний жон фидо, қурбона бўлдим соғиниб*. Ҳамза. Э қўзим, жигарбандим, шодмон этиб келдинг, Қўкка етқуриб бошим, осмон этиб келдинг. Ҳабибий.

2 Шодмон (эркаклар исми).

ШОДМОНЛИК кт. айн. **шодлик**. Бу — Шарқнинг юлдузи Ўзбекистондир, Ўрта асрларнинг Осийси йўқ. Янги дарёларнинг севар ўлкаси, Бағри шодмонлик, бахт билан тўлиқ. Ҳ. Олимжон. *Очликдан тинка-мадори қуриганлар ҳам бу шодмонликдан [баҳор байрамидан] четда қолмас, неча ҳафталар дас-*

турхон тузашга ҳозирлик кўрар эди. С. Кароматов, Бир томчи қон.

ШОДОН [ф. شادان — хурсанд, шод, қувноқ; мамнун] кт. Шод, қувноқ. *Шодон кулги*. ■ Ёш қизчасин босиб бағрига, *Шодон қўшиқ ўқийди жувон*. З. Диёр. *Устозларим Лермонтов, Байрон.. Кўз ўнгимда туришар қатор*. Улар билан сўзлашиб шодон, Тунлар ўтиб, тонгларим отар. Х. Салоҳ.

ШОДОНЛИК кт. айн. **шодлик**. Чўпон найидан оқар *Шодонлик, бахт оҳанги*. Чўққидаги кумуш қор Орзум каби яп-янги. А. Умарий.

ШОЁН [ф. شايان — арзирли, муносиб, лойиқ] кт. Сазовор, арзийдиган, арзигундай. *Манзур бўлган ғўзал атлас сингари Санъатинг шоёндир эл қиссасида*. М. Бобоев.

ШОЁН ТАҲСИН Таҳсинга сазовор, лойиқ. *Бойваччанинг «Уйлаб иш кўриш лозим», деган гаплари шоёни таҳсиндир*. К. Яшин, Ҳамза.

ШОИР [а. شاعر — шеър тўқувчи, ёзувчи] 1 Шеърый асарлар ёзадиган киши. *Улуғ шоир*. Демократ шоир. *Халқ шоири*. ■ *Бизга адиблар, шоирлар, ҳақиқий курашчилар лозим*. Ойбек, Нур қидириб.

2 Бахши ёки оқинлар исмига ҳурмат юзасидан қўшиб айтиладиган сўз. *Фозил шоир*. *Ислом шоир Назар ўғли*.

3 с. т. Гапдон, сўзамол, ҳозиржавоб одам ҳақида. Бу *йигит жуда шоир экан*.

ШОИРА [а. شاعره] 1 Шеърый асарлар ёзадиган аёл. *Ўзбек шоиралари*.

2 с. т. Гапдон, сўзамол, ҳозиржавоб қиз ёки аёл. *Мажлиснинг шоиралари, ўйинчилари, чилдирмачи ва дуторчилари — барчаси ҳам ҳозир бўлиб, Кумушбибигина ҳаммомдан қайтмаган эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Шоира (хотин-қизлар исми).

ШОИРЛИК 1 Шоир иши, касби; шеър ёзиш. *Мирзажон — кўнглида шоирлик дарди билан туғилган бола, ҳозирданоқ шундай шеърлар ёза бошладик, ўқиганингизда, кўзингизга беихтиёр ёш келади*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Йўқ, мен тақдиримдан эмасман хафа*. *Шоирлик унвони бахтимдан тўхфа*. М. Шайхзода.

2 с. т. Гапга чечанлик, сўзамоллик. *Ҳе, Эргашвой ака-ей, жуда ҳазилкаш йигитсизда, Тўғри гапни ҳазилга олиб, шоирлик қиласиз*. И. Раҳим, Чин муҳаббат. -*Не бало овсин, шоирлик қиялсизми?* — деди Қумрихон боғ

эшигига тамба қўятуриб. Ойдин, Олтин узукка олмос кўз.

ШОИРОНА [а. + ф. شاعرانه — шоирларча; гўзал, нафис] *реш.* Шоирларга хос илҳом билан, шоирларча. *Шоирона гапирмоқ. Шоирона ибора.* ■ Аҳмад Хусайн бу сўзларни баланд шоирона сўзлар каби тушуниб, уларнинг мазмунига унчалик эътибор бермади. Ойбек, Нур қидириб. *Шоирона тафаккур! Муболаға, мақташлар! Менингча, оқ садафдир Сой ичида оқ тошлар.* М. Шайхзода. Хушманзаралар ёшлиги чўпонлик билан безанган, шоирона қалб эгаси Қудратга Самарқанд тоғларининг этагидаги гўзал боғларини эслатарди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ШОЙИ [ф. شاي — шоҳга оид, мансуб] 1 Ипакдан тўқилган газлама, мато; шоҳи. Гулдор шойи. *Шойи тўқийдиган дастгоҳ. Шойи кўйлак. Шойи рўмол.* ■ Тахмонда турли рангда атлас ва шойилардан қопланган кўрпалар, тахмон тоқчаларига уйилган пар ёстиқлар.. киши кўзини қамаштирар даражада эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Нур] Тўй муносабати билан ўзига атаб ясалган тўққиз духоба ва тўққиз ҳар нав шойи кўрпани томоша қилди. Ойбек, Танланган асарлар. Бошида нафармон шойи дурра, орқада қирқ кокил, чеккаларида гажак. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 с.т. Ипакли кийим, ипак газламадан тикилган кийим. *Шойи билан кимхоб кийдим — устимда йўқ. Қази билан қарта едим — қорнимда йўқ. Мақол.* ■ Қизу келин ясанди Атласу шойи билан. «Қўшиқлар».

ШОЙИБОФ [ф. شايباف — шойи тўқувчи] Шойи тўқувчи косиб. Сибирь бозорларида чакқон бўлган ип газлама, бўзнинг нархи ошди. Адрасбоф-шойибофлар ташвишга тушиб қолдилар. М. Осим, Элчилар.

ШОЙИГУЛ [шойи + гул] Шойигулдошлар оиласига мансуб, гулсапсарга ўхшаш очиладиган гуллари қизил, сарик, пушти, багларга шапалоқ-шапалоқ кўп йиллик манзарали ўсимлик.

ШОЙИФУРУШ [ф. شاي فروش — шойи сотувчи] *эск.* Шойи газламалар билан савдо қилувчи шахс.

ШОК [фр. choc < инг. shock — туртки, зарба] *тиб.* Ниҳоятда кучли, фавқулодда таъсиротлар (оғир жароҳат, куйиш, миокард инфаркти, буйрак санчиши, мос бўлмаган

қон қуйиш, руҳий касаллик ва ш.к.) натижасида марказий нерв системаси, қон айланиши, нафас системалари фаолияти ҳамда моддалар алмашинувининг кескин бузилиши билан ифодаланадиган, ҳаёт учун хавфли оғир патологик жараён.

ШОКИЛА 1 Дастурхон, сочик, дарпарда, рўмол каби буюмларнинг четига-ҳошиясига тикиладиган ёки шу газмолнинг ўзидан титиб чиқариб ясаладиган безак; гажим, попук. *Дастурхон шокиласи.* ■ Исом барлос қалпоқли бошини оғир тебратди-да, кўзини чодирнинг кўркам уқалари, рангбаранг ипак шокилалари осилиб турган шипга тикди. Ойбек, Навоий. [Латофат] Парда шокиласига тирмашаётган капалакни кўрди. С. Кароматов, Ҳижрон.

2 Баъзи буюмларга безак учун осиб қўйиладиган шу шаклдаги тақинчоқлар. Ўртага осилган катта қандилнинг асоси зарҳалдан бўлиб, элликлаб лампочкалар ва минглаб биллур шокилалар унга зеб бериб турарди. Т. Жалолов, Олтин қафас.

ШОКИЛАДОР *айн. шокилани.* Белига шокиладор шойи чилвир боғлаб юрар, чўққи соқоли.. истарасини яна ҳам иссиқ қилиб кўрсатарди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ШОКИЛАЛИ Шокиласи бор, шокила билан безатилган. *Шокилали дастрўмол.* ■ ..носкадисидан шокилали тиқинни шошилмай олди, кафтига носдан солиб, тилининг остига отди. К. Яшин, Ҳамза. *Шифтда оппоқ шокилали баҳайбат қандил, тўрда девор баравар гарнитур.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ШОКИЛДА с.т. Шокила. *Унинг [Тамано ойисининг] бармоқларидаги йўғон узукларнинг ёқут кўзлари, бухори сирға шокилалари офтобда йилтирарди.* Мирмуҳсин, Ажрим. *Варрак десанг бўлмайди, Шокилдаси йўқ унинг, Икки кўзинг ўйнайди, Ҳуснига кираар суқинг.* З. Диёр.

ШОКОЛАД [нем. Schokolade < исп. chocolate < индейс тилларидан] Какао, шакар, сут ва хушбўй дориворлар аралашмасидан қилинадиган аъло сифатли конфет ёки плитка шаклидаги ширинлик. *Бозоров яшиқларни очиб қўйди: оқ қанд, шоколад, конфет, совун, атир, уна.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШОКОЛАДЛИ Шоколад аралашган, шоколад аралашмаси қўшилган. *Шоколадли торт.*

ШОКОСА [ф. شاهكاسه — катта коса, жом] Катта коса. Анзират хола бир шокоса ширзурунч келтириб, Сидиқжоннинг олдига қўйди. А. Қаххор, Қўшчинон чироқлари. Махсум.. ҳамманинг олдига шокосаларда ширчай қўйди. А. Мухтор, Опа-сингилар.

ШОЛ I [ф. شالى / شال — қалин жун мато] Юнгдан тўқилган қалин мато, юнг газлама. Шол бозори. ■ Бубошига шолдан салла ўрайди. Фозил шоир. Икки қиз чайқалган чойнак-пиёлаларни, туя юнгидан тўқилган шол дастурхонга ўралган нонларни келтириб, меҳмонлар олдига қўйдилар. С. Айний, Куллар. Шамоллатди молларин, Инак-бахмал, шолларин. Қ. Муҳаммадий.

ШОЛ II [а. شل — фалаж] 1 Бирор аъзонинг нормал ҳаракат қилолмай ёки сеза олмай қолиши билан характерланадиган касаллик; фалаж.

2 Шундай касалга йўлиққан. Шол кампир. Шол бўлиб ётмоқ. ■ Кампирим ишга ярамайди. Шол бўлиб қолган. Отаси ҳам шол бўлиб ўлган. С. Аҳмад, Хукм. Ҳалиги мен билан бир синфда ўқиган Темиржон бор-ку, ҳозир икки оёғи шол бўлиб ўтирибди.. — деди Боймурод. Ш. Фуломов, Қалб ундайди.

ШОЛ III Бўйинга осиб ёки тешигидан кийгизиб қўйиладиган жазо тахтаси. Солдилар шол бўйинига, Кунда — оёққа. Шу йўсин ҳукм этдилар Қирқ кун қамоққа. Ғайратий.

ШОЛИ [ф. شالى — тозаланмаган гуруч] Иссиқ мамлакатларда ботқоқда ўсадиган, бошоқларида гуруч етишадиган дон ўсимлиги; шу ўсимликнинг оқланмаган, гуруч ҳолига келтирилмаган ҳосили. Шоли оқламоқ. ■ Бултур 5 гектар пахта ерини буздириб, шоли эктирдим.. «Муштум». Қори ўзининг хотинини ёмонлаб кетди: шолини сочмасдан тўёлмайди, сув қайнатса ҳам, тагига олдириб қўяди. А. Қаххор, Қўшчинон чироқлари.

ШОЛИКОР [ф. شالىكار — шоли етиштирувчи] 1 Шоли экиб, гуруч етиштириш билан шуғулланувчи деҳқон. Шоликорлар экинга иккинчи ишлов бериш даврида ўсимликни шохлатиш тадбирларини кўришди. М. Қўшоқов, Ҳосилдорлик ошяпти.

2 Шоли экиладиган; шоли етиштириладиган. Шоликор ҳўжалик. Шоликор ерлар. ■ Тустовуқлар кўпинча саҳарлаб шоликор ерларга учиб тушади. М. Қориев, Ойдин кечалар.

ШОЛИКОРЛИК I Шоли экиш иши, касби. Турсунбой.. шоликорлик қиларкан-да, қоп-қоп шоли орттираркан. «Муштум».

2 Қишлоқ ҳўжалигининг шоли экиш, гуруч етиштириш иши билан шуғулланувчи тармоғи. Республиканинг шимолида, Амударё бўйларида шоликорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Газетадан.

3 Шоли экиладиган ёки экилган кенг дала. Шоликорлик қишлоқдан бир тош чамаси нарида бўлиб, Бердбой унда ётиб ишлайди. А. Қодирий, Обид кетмон. Чарақлаб офтоб чиқиб, шоликорлик полларини тўлдирган ёмғир сувларини ойнадек ялтиратди. С. Аҳмад, Уфқ.

ШОЛИПОЯ [ф. شالىپايه — шоли экилган майдон, шолитор] 1 Шоли экилган майдон. Шунинг учун ҳам шоликорлар сувни лойқалатиб, шолিপоядан чиқишмай, кечиб юраверишади. С. Аҳмад, Уфқ. Терак тагидан шолিপоя бўйлаб йўл бор; Чирчиққа тик чиқади. Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Шоли ўсимлигининг пояси.

ШОЛИЧИЛИК I айн. шоликорлик 1. Шоличилик қилмоқ.

2 айн. шоликорлик 2. Соғлиғимдан нолимайман. Узоқ йиллар шоличилик бригадасида бошчилик қиламан. Газетадан.

ШОЛПАР [ф. شالپر] Юнгдан тўқилган, жунли. [Ойимтилла хола] Кели урганда сирғалиб тушаётган шолпар рўмолини дамбадам бошига танғир экан, кўча эшикка қараб қўяди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ШОЛЧА Жундан тўқилган палос. Ҳимматга «Қани, ўтир!» деди ошпаз, ёзиб қўйган шолчани кўрсатиб. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. Ўша ерга бир парча шолча ташланиб, ичкаридан бир патнисда нон, косаларда мошхўрда чиқди. Ойдин, Ўзидан кўрсин.

ШОЛ-ШОЛ: шол-шол бўлмоқ Оғриқ аралаш ўзини оғир сезмоқ; мажолсизланмоқ. Биров дўппослагандек бутун баданим шол-шол бўлиб кетяпти. ■ [Зурфа:] Бир вақт кўзимни очиб қарасам, касалхонада ётибман: ҳамма ёғим шол-шол бўлиб кетган. Т. Жалилов, Зўравон.

ШОЛҒОМ [ф. شلغم] Овқатга ишлатиладиган, илдизмеваси оқ, сариқ, қизғиш, оч бинафша ранглarda бўладиган сабзавот ўсимлиги. Шолғомга сув қўймоқ. ■ Бўйрадай жойга шолғом эккан одамга ҳам сувми! Ойбек, Танланган асарлар. Шолғом

жуда қадим замонлардан истеъмол қилиб келинади. У тўқтутар ва шифоли масаллиқлардан бири. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

Шолғом бўлмоқ ёки **шолғомдай қизармоқ** Каттиқ изза ҳиссини туймоқ, шу сабабли қизармоқ. *Ўзанинг авжи чатоқлиги кишини шолғом қилиб қўяди. И. Ўктамов, Ҳикоялар. -Кечирасиз! — деди ўз қилиғига шолғомдай қизариб кетган Мастонов. Файратий, Довдираш. Ҳўжайиннинг юзи қип-қизил шолғом бўлиб кетди. «Муштум».*

ШОМ [ф. شام — кечки овқат; кечки пайт, оқшом] 1 Куёш ботиб, қоронғилик туша бошлаган пайт; кечки нимқоронғи вақт. *Одамлар ташқарига чиққанда, шом қоронғиси чўккан эди. С. Кароматов, Сўнгги бархан. Анзираат билан Анорхоннинг сариқ ва кўк рўмолларигина шом қоронғисидан шарпадай милтиқларди. Ойбек, О.в. шабадалар.*

2 Куёш ботгандан бошлаб, мағриб уфқидаги қизил шафақ кўринмай қолгунча ўқиладиган намоз (беш вақт намознинг тўртинчиси). *Шомни ўқигандан кейин Анвар Султонали мирзодан изн олиб чиқди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Мачитдан шом азони эшитилди. Супадагилар баҳсни тўхтатиб, таҳоратга қўзғалишди. Ш. Тошматов, Эрк куши.*

3 Кўча Қоронғилик Ҳовлига шом тушиди. *Аваз деразани очиб, «Жуманиёз!» деб чорлади. С. Сиеёв, Аваз.*

Ой шом еди ёки шом еб чиққан ой Шомдан кейин пайдо бўладиган, чиқадиган ой, ойнинг шу вақтда чиқиши ҳақида. *Тун яримдан ошган. Шом еб чиққан ой ўрмон устларида ўзининг сутдай оқ пардаларини тўшаган. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Узоқда, баланд тераклар орқасида шом еган ой кўринди. О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири. Умр шомни Умрнинг охириги, тугаш палласи. -Ҳа, кела қол, шервачча! — деди мамнунлик билан Саксон ота кулиб — Умр шомига етсак ҳам, юракда ўтимиз бор. Ойбек, Танланган асарлар.*

ШОМОН [р. шаман < эвенкча шаман — будда руҳонийси ёки тунгус-манжурча шаман (саман) — жунбушга келган, жазаваси тутган киши] Амалда барча қадимги халқларда, ҳозирда баъзи қолоқ халқ ва қабиаларда: руҳоний, табиб, сеҳргар.

ШОМОНЛИК Ёвуз ва эзгу руҳларга, уларнинг инсон ҳаётига таъсир кўрсатишига ишонишдан иборат ибтидоий эътиқод шакли.

ШОМПОЛ [нем. Stempel — сумба; келисоп] Милтиқ стволини тозалаш, мойлаш ёки (оғзидан ўқланадиган милтиққа) заряд joyлаш учун ишлатиладиган ингичка ва узун металл таёқ.

ШОМПОЛЛИ Шомполга эга, шомполи бор; шомпол ёрдамида ўқланадиган. *Шомполли милтиқ.*

ШОМРУҚ Ёввойи ўрдакнинг бир хили.

ШОМУРТ фольк. Узун, бурама мўйлов.

Шомурти шохалаб ҳар ёққа кетган, Ичида сичқонлар болалаб ётган.. Шундай қалмоқ қўлин тўлгаб келади. «Алпомиш». Ямоқчи уйғониб туриб, эшикни очса, шомуртини шондай қилиб, подшонинг мирғазаблари турибди. «Эртақлар».

ШОН I [а. شان — иш, алоқа, муносабат; қадр-қиммат, обрў, аҳамият; манфаат] 1 Эришилган ҳурмат, обрў, шараф, шавкат. *Сенга дўст бўлиб ортди.. Шон ила шўхратимиз. Файратий. Яраланган Ватан томирига Қуйди иссиқ юрак қонини, Шу муқаддас ер замирига Қони билан ёзди шонини. Т. Тула.*

2 Машҳурлик ҳолати; доврўқ, донг, шўхрат. *Пахта териб ўтар узун кун, Ошиб тўлар унинг плани, Иши бўлар унинг овоза — Достон бўлар донги ва шони. Ҳ. Олимжон. Ҳаётга.. ёмон йўлни қўйиб, яхши йўлдан бориш — абадийлик йўлидир. Шу йўлдан борган кишининг номи ўчмайди, унинг шони умридан узоқ яшайди. М. Исмоилий, Одамийлик қисаси.*

3 Ғурур, фахр. *Пахта — бизнинг шонимиз. ■ Қайнаб тошсин нефть булоқлари, Нефть мамлакатимизнинг шонидир. Ё. Мирзо.*

ШОН II [ф. شان — асалари уяси катаги; елка кураги] махс. Маҳси ёки этик қўнжига уриладиган таёқ-қолип. [Унсин] *Шон қоқилган, бўйи бир қарич келар-келмас тайёр бачкана маҳсиларни силлиқ ёғоч билан кучи борича ишқалаб, сўнг қора гул суржаб, уларга пардоз беради. Ойбек, Танланган асарлар.*

Шонга тортмоқ айн. исканжага олмоқ қ. исканжа.

ШОНА I [ф. شانه — тароқсимон гулбарг] Ёуза ғунчаси. *Гулпараст, деб атаманг, ишимиздан беҳабар, Шоналар санаб юрган меҳ-*

наткаш қизлар эдик. *Ф. Гулом. Бироқ озгина сув ҳам тақа-тақ тўхтаб қолди. «Сув» деб навбат кутиб ётган ғўзаларнинг барглари қорайиб, шона ташлай бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

Шонага кирмоқ *Гунчаламоқ (ғўза ҳақида). Янги квадратлардаги ғўзалар тез ривожланиб, олди текис шонага кирди. Газетадан.*

ШОНА II [ф. شانه — тароқ; парранда тожи] *эск. айн. тароқ 1. Шона билан зулфин тараб ўрганлар, Ойна олиб, оқ юзини кўрганлар. Фозил шоир. Қизлар тонгда булоқ томон борарди, Ювинишиб, бари сочин тарабди, Ҳар бирин бошида чиройли шона, Қурар кўнғил қуши шунда қошона. М. Алавия.*

ШОНАБАРГ [ф. شانهبرگ — тароқсимон гулбарг] *Шона атрофидан чиқиб, гул очилгунча уни ўраб турадиган тароқ тишли майда барг; ёнбарг. Ғўза гулида учта шонабарг бўлади.*

ШОНАЛАМОҚ I *Шона чиқармоқ, шона пайдо қилмоқ (ғўза ўсимлиги ҳақида). Ғўзалар ёптасига шоналади. ■ Ғўзалар энди шоналаб, кўсак боғлаб келаётган бир маҳалда.. шаҳар заводларига пахта ташилиши Ғуломжонни ажаблантирмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ШОНАЛАМОҚ II *Сочини тарамоқ. Гулчеҳра.. сочини ювиб, шоналаб турган чоғида, ўғил ўрнига кўриб юрган ғози олдига келиб, йиқилиб ўлган эди. «Эрали ва Шерали».*

ШОНЛИ *Шон-шарафга эга; донг тарабган; шуҳратли. Бугун шонли бинокорларимизнинг анъанавий байрами. Газетадан. Ўзбек халқининг шонли фарзанди Жўрахон Усмонов мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

ШОП [ф. شاف] *эск. Учи орқага қайрилган тигли қилич. [Мингбоши] Шопу камарини белида кўриб, бирам қувонди, бирам қувондики, шопини авайлаб кўзларига келтирди-да, тўтиё қилиб кўзларига суртди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Шоп мўйлов 1) *катта, узун мўйлов. У Омонтойнинг қадди-қоматига, шоп мўйловига қараб, кўзлари яшнаб кетди. С. Аҳмад, Чўл шамоллари;* 2) *узун мўйловли, мўйлови узун киши. Хайдарга бир шоп мўйлов одам Қўлин бигиз қилиб ўқталди. Ю. Шомансур. Қўлини шоп қилмоқ Қўлини олдинга чўзиб ўқтал-*

моқ. -Ҳой, сен, — қўлини шоп қилиб, Майнага ўшқирди. — Менинг бошимга асилзода эрни ўлдириб келдингми? А? Ш. Тошматов, Эрк қуши. Жувон тарсаки тортиб юбормоқчидай қўлини шоп қилиб: «Йўқол!» деди. Н. Қиличев, Ёронгул.

ШОПИРИНМОҚ: *юраги шопиринмоқ* *Ҳаяжонланмоқ, ҳовлиқмоқ, ҳаприқмоқ. Анвар Султонали мирзога бояги ваъдани бериб, бу хабар билан юраги шопиринган ҳолда уйга келди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Уч кишидан уч хил гап эшитган Нафисахоннинг юраги шопириниб, тинчимай, эртасига самолёт билан Тошкентга келди. Мирмуҳсин, Умид.*

ШОПИРМОҚ I *Идишдаги суyoқ овқат ёки ичимликни чўмич билан олиб, яна қайта қуймоқ (шу ҳаракатни такрорламоқ). Айронни шопирмоқ. ■ Муқимий.. Тўра Соҳибхондан кечаги шопирмонни ёлғиз ўқиб беришни илтимос қилди, шўрвани шопириб туришни ўз гарданига олди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. -Икки овул орасига ўт ёқиб иснолмайсан, тоға, — деди Эримбет хотиржамлик билан қимиз шопириб. А. Мухтор, Қорақалпоқ қисқаси.*

2 *Янчилган ғаллани тепадан тўкиб, шамолга тутиб, қипиқ ёки чўп-хаслардан тозаламоқ; совурмоқ, шунингдек, пахта, шулха, сомон каби нарсаларни курак, паншаха билан иргитиб шамоллатмоқ. Бугдойни шопирмоқ. Шолини шопирмоқ. ■ Куз илғамас дала оппоқ пахтазор, Ишлаб ҳоригандай сирғилар офтоб. Пахта булутини шопириб бир чол, Қуритади уни, олтинни, шу тоб. Зулфия.*

3 *Учирмоқ, тўзигмоқ. Дашнобод боғида барглар сарғайиб бўлган, куз шамоллари уларни шопириб кетган. С. Аҳмад, Ўйлар. Атрофи бир зум жимигандай бўлади-ю, дам ўтмай аччиқ изғирин шовуллаб, димиқ айвонга ёпирилади-да, ўчоқ олдидagi хас-хашакни ҳовли саҳнига шопириб ўйнайди. Р. Раҳмон, Мехр кўзда.*

ШОП-ШАЛОП *эск. Амалдорлар тақиб юрадиган қилич, ханжар, тўппонча каби қурооллар, қурол-аслаҳа. Нонуштадан кейин биров эшикни қаттиқ тақиллатди. Комил югуриб чиқиб, остонада шоп-шалоп осган сержаҳл бир миршабни кўриб, кўрққанидан салом беришни ҳам унутиб қўйди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. Шу чоқ икки ясовул отда гу-*

сур-гусур қилиб, шоп-шалопларини шарақлатиб, устахона олдига келиб тўхтади. Ж. Шарипов, Хоразм.

ШОССЕ [фр. *chaussee* < лат. *calciata* (via) — оҳақтош қопланган йўл] Тош терилган ёки асфальт, бетон ва ш.к. ётқизилган кенг йўл. *Автоматчилар танкларга ўтириб олишиб.. катта шоссе йўлга чиқиб олишган.* Газетадан.

ШОСУПА [ф. + а. *شامصفا* — катта супа] Ҳовли ёки боғ ўртасида бўладиган катта супа. *Шосупада, ҳовуз бўйида Ёнбошладик охири ҳориб, Офтоб кириб кетди уйига, Юлдуз чиқди осмонни ёриб.* Ҳ. Шарипов. *Шосупа устига сувлар сепилган, Атрофига яхши гуллар экилган.* «Рустам».

ШОТЕРАК Пирамидасимон тик ўсадиган йирик терак.

ШОТИ 1 Араванинг ўқи ва ғилдирагидан ташқари юқори қисми. *Шотида ўтирган тўранинг аравакаши отга қамчи ҳам урмайди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Араванинг от кўшилидиган икки ён ёғочи. «Оқтой» анчадан буён яйдов юргани учун, арава шотиси остига асти рўпара келмай, ўйноқилиб кетаверди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 шв. Нарвон. *Пўлатжон унинг ишини кузатиб турди-да, кейин темир шоти билан юқорига кўтарилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ШОТИКАПА: шотикапа атлас Хонатласнинг бир тури. -Чакка сочлари оппоқ оқарган.. шотикапа атлас кўйлак кийган озғингина Сўнагул кўз олдига келди, — деди Аҳмаджон. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ШОТИР [а. *شاطر* — эгчил, моҳир; ай-ёр; ўткир зеҳнли, ақлли] тар. 1 Подшо, хон каби олий амалдорлар отини етаклаб, тутиб юрувчи навкар; жиловдор. *Шоҳларнинг олдига бўлар шотири, Ёвча бўлар йигитларнинг ботири.* «Равшан».

2 кест. Бировнинг хизматини югуриб-елиб қиладиган хизматкор; югурдак. Султон Суллоҳовнинг шотирлари типирчилашиб қолишди: бухгалтер Шотурсун Шомирзаев бир болани магазинга югуртирди. Т. Алимов, Хиргойи. -Комиссия! — деб хитоб қилибди Ғаниев. Шундан кейин шотирларнинг оёғи ерга тегмай, у ёқ-бу ёқни йиғиштиришга тушишибди. Газетадан.

3 шв. Хон ёки шоҳни ўтказиб, кўтариб юриладиган махсус ўриндик; тахтиравон, маофа. *Ичкаридан хон кўринди, уни тўрт навкар шотирда олиб келарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ШОТЛАНД 1 Шотландиянинг асосий аҳолисини ташкил қилувчи халқнинг номи. *Шотланд халқи. Шотланд миллати.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб. *Шотланд аёли. Шотланд тили.*

ШОТЛАНДКА [р. «шотландская ткань» (шотланд газламаси) бирикмасининг қисқарган шакли] Пахта ипидан ёки жун, ипак аралаштириб тўқилган рангдор катак-катак газмол.

ШОТЛАНДЛАР Шотландиянинг асосий аҳолисини ташкил қилувчи халқ, шотланд халқи.

ШОТУТ [ф. + а. *شامتوت* — йирик қизил тут] 1 Тут дарахтининг тутгуллилар оиласига мансуб тури. *Шотут тепасида майкачан бўлиб ўтириб олган Аъзамжон шотут еб турарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Шу дарахтнинг тўқ қизил нордон сершира шифобахш меваси.

ШОУ [ингл. *show* — кўрсатиш, томоша; кўрсатмоқ, намоёниш қилмоқ] Оммавий томошабинлар ва тингловчларга мўлжалланган дабдабали, телевизион ёки концерт эстрада томошаси.

ШОУ-БИЗНЕС [ингл. *show-business*] Шоу ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ишбилармонлик фаолияти; шоу ташкил этиш йўли билан даромад топиш.

ШОФЁР [фр. *chauffeur* — дастлаб: ўтёқар, гўлаҳ; кейин: ҳайдовчи < *chauffeur* — ўт ёқмоқ, иситмоқ] Автомобиль ҳайдовчи шахс. [Мирғиёс:] Кабинаси бўш бўлса ҳам, шофёрнинг ёнига ўтирмадим. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

ШОХ 1 [ф. *شاخ* — бутоқ, шох, шохча] 1 Ўсимлик, дарахт ёки бута танасидан ёнверига ўсиб чиққан ўсимта. *Дарахтнинг шохини кесмоқ. ■■ Келди ёз чоғи, Мевалар пишди. Олмалар шохи Эгилиб тушди.* И. Муслим. Ҳа, Қодировга ишларинг тушмабди, сизлар дарахтнинг шохиди бўлсаларинг, мен баргида юраман. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ШОХ ОТМОҚ Шох чиқармоқ, шохламоқ. *Капитан бекатга келиб, наъматак олдига тўхтади. У катта сададек шох отган.* Ҳ. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Синиб тушган, кесилган новда, буток ёки шох-шабба. **Шохларни ёқмоқ.** ■ Раҳналарига янтоқ ва шох босилган паст деворли ҳовлиларнинг бузилган уйлари ташқаридан кўриниб турар эди. С. Айний, Қуллар.

ШОХ II [ф. شاخ — мугуз, шох] Баъзи ҳайвонларнинг бошидан ўсиб чиқадиغان суяксимон қаттиқ ўсимта; мугуз. [Хўкиз] Найзадек ўткир шохларини унга тўғрилаб.. хуруж қилиб кела бошлади. К. Яшин, Ҳамза.

Унинг шохи борми? Унинг бошқалардан нима ортиқлиги бор? **Шох ташламоқ** с.т. 1) оқсоқланиб юрмоқ, оқсоқламоқ, чўлоқланмоқ; 2) бир томонга оғмоқ, қийшаймоқ. **Варрак шох ташлади.** ■ Тоғжонхон бирдан шох ташлаб, қаҳқаҳа урди. Мирмуҳсин, Югурдак; 3) у ён-бу ёнга эгилиб, ўйинга тушмоқ, ўйнамоқ. **Ўйинчилар ноз ва эҳтирос билан мақомга шох ташлаб, кўзларини сузиб ўйнардилар.** Ойбек, Навоий; 4) бирор томонга ён босмоқ, беқарорлик қилмоқ. **Убайдуллаҳўжа аълам.. кимдан кўпроқ пора олиш ниятида дам у, дам бу томонга шох ташлаб, уларни [бойларни] икки ой овера қилди.** П. Турсун, Ўқитувчи. **Шохи синмоқ** (ёки қайрилмоқ) Бирор ҳолат, даража имкониятидан маҳрум бўлмоқ. [Муаттар:] Бир ялангоёқ Пулатнинг шохини қайиролмаган йигит осмондаги юлдузга қўл чўзса қизиқ бўлар экан. Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Қўявер..** биздан олдин ўзининг акасида шох синадиган бўлиб турибди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. **Шохнинг чиқадиими?** Бирор еринг ортиб қоладими, нима фойда кўрасан? **Билдики, хотини билан ади-бади айтиша бергани билан шохи чиқмайди.** Шўҳрат, Жаннат қидирганлар.

ШОХАЛАК айн. **шохлак.**

ШОХАРИҚ Бир неча пайкалга сув берадиган асосий дала ариғи. — Ҳозирча марза текислаб, шохариқ чопяпмиз, — деди Комилжон Муродовага. И. Раҳим, Ихлос.

ШОХИЛАК Шўрадошлар оиласига мансуб, шўр ва тақирликда ўсадиган, барги майда ва ширали бута ўсимлиги.

ШОХЛАМОҚ I Шох, бутуқ чиқармоқ, шох отмоқ (ўсимлик ҳақида). **Зокир ота ғўза шохласа, кўсак кўтаяди, деган фикрга қўшилди, лекин ҳосил ортади, деган фикрни рад қилди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тўрт йигит бирдан тўрт тарафга шохлаб кетган,**

кучоққа сиймайдиган ёнғоқларга чиқиб, узун хода билан қарс-қарс қоқа берди. Ойдин, Ямоқчи кўчди.

ШОХЛАМОҚ II Шохи билан сузмоқ. **Шу топда у рақибини шохлайман деб бошини тошга урган қўчқорга ўхшайди.** Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ШОХЛИ I Поясидан шох ўсиб чиққан; сершоҳ. **Шохли дарахт. Шохли ғўза.**

ШОХЛИ II Бошида шохи бор. **Шохли қўйлар. Шохли кийик. Шохли қорамол.**

ШОХОБЧА [ф. شخاب — ирмоқ, кичик сув йўли; тор денгиз қўлтиғи] 1 Катта сув йўлидан тарқалган кичик сув йўллари: канал, ариқ ва ариқчалар. **Канал шохобчаси. Ариқдан шохобчалар чиқармоқ.** ■ **Хоразм ирригаторлари бу дарёнинг [Амударёнинг] қуйи оқимида янги-янги шохобчалар бунёд этаёттирлар.** 3. Сатиев, Туямуўин канали.

2 **кўча** Бир турдаги ташкилот, корхона ва ш.к. мажмуи. **Темир йўл шохобчалари. Савдо шохобчалари (яна қ. тармоқ).**

ШОХСИЗ I Шохи, бутуғи ёки новдаси бўлмаган, шох-шаббаси кесилган. **Шохсиз дарахт.**

ШОХСИЗ II Бошида шохи йўқ, тўқол.

Шохсиз эчки. Шохсиз сигир.

ШОХ-ШАББА 1 Дарахт ёки бутанинг шохлари ҳамда шохлардан иборат қисми. **Шох-шаббаларни кесмоқ.** ■ **Ел кетма-кет бўқирар, бунга чидай олмаган шох-шаббалар қарс-қарс синар, кекса ёғочлар ғийқ-ғийқ этиб, ёлворш овози чиқарар эдилар.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Шундай шохлардан иборат ўтин; қуруқ шохчалар. [Низомжон] **Ўзи ғишт қуйиб, ўзи девор кўтарди. Тепасига тўсин териб, шох-шабба бостириб, дўмбоз қўйишга тайёрлади.** С. Аҳмад, Уфқ.

ШОША-ПИША рэвш. Шошилинч равишда, шошган ҳолда. **Шоша-пиша кийинмоқ.** ■ **Турсуной.. шоша-пиша кеч қолганлик сирини тушунтира бошлади.** Н. Фотиҳ, Турсуной. **Раҳим эса олазарак бўлиб, шоша-пиша китобларини халтасига тиқди.** Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ШОШИБ-ПИШИБ айн. **шоша-пиша.** Шошиб-пишиб гапирмоқ. ■ [Алишер] **Шошиб-пишиб мешкобнинг оғзини очиб, тўйиб-тўйиб сувдан ичи, ичди-ю, бирдан кўзи равшанлашиб кетди.** М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ШОШИЛИНЧ 1 сфт. Тезда бажарилиши лозим бўлган; ошиғич. *Шошилинч буюртма. Шошилинч мажлис. Шошилинч иш. Шошилинч телеграмма. Шошилинч тиббий ёрдам. Иши жуда ҳам шошилинч эмас.* ■ Мен шошилинч бир иш билан Бухорога кетяпман.. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 рвш. Шошган ҳолда, шоша-пиша, шошиб-пишиб. *Ғайратчан Халил ака ҳамма ишни ҳам шошилинч қиларди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. «Наҳотки Аваз бўлса?» деб ғумонсиради ва калишини оёғига шошилинч илиб, ташқарига отилди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

3 от Шошиб турилган пайт. *Шошилинчда китобимни унутибман.*

ШОШИЛИШ Шошилган, тигиз ҳолат; шошилинч ҳаракат. *Шошилишнинг ҳождати йўқ. Шошилишда калиши адаш бўлибди.* ■ Бу растада минг хил кийимли оломон йўқ, шошилиш йўқ, қўлни сиқиб, «бор, барака топ»лар ҳам йўқ. Ойбек, Танланган асарлар.

ШОШИЛМОҚ айн. **шошмоқ.** Мунча шошиласан? ■ Адолат шошилиб, уни [журнални] varaқлай бошлади. С. Зуннунова, Гулхан. *Тол шохидаги болалардан бири шошилиб туша бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бедармон бўлишига қарамай, бика укаси билан амакисини кўришга шошиларди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ШОШМА(НГ) 1 Шошмоқ фл. буйр. м. шакли. -*Шошманглар, овқат қилиб юбораман, — дея мулозамат кўрсатди кулол.. Мирмуҳсин, Меъмор. Шошманг, ойи! Олдин мен институтни битирай.. кейин кўз тагига олиб юрган қиз бор. «Муштум».*

2 унд. с. Бирор иш, хатти-ҳаракатдан тўхтатиш, диққат-этиборни тортишни билдиради. -*Майли, мен борай, — деб пақиримни кўтарган эдим, Гулнора «шошманг» деди-ю, чопқиллаб уйларига кириб кетди. С. Сиёев, Ёруғлик. Вой-бў, иситманг бор-ку! Шошма.. ҳозир тузатамиз! Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол.*

ШОШМАШОШАР Ишни тез бажаришга интиладиган, шошиб иш қиладиган; шошқалок. *Шошмашошар бола.*

ШОШМАШОШАРЛИК Шошиб иш қилиш, ишни бажаришда шошиш. *Тўғри айтасиз. Менинг шошмашошарлигим курсин.. «Муштум». Фурсат қўлдан бой берилгани*

учун шошмашошарлик бошланади ва бунинг натижасида ишлар сифатсиз бажарилади. Газетадан.

ШОШМОҚ 1 Эришиш, етиш ва ш.к. га сабрсиз интилмоқ; ошиқмоқ. *Аваз Ёшулли билан очилиб гаплашолмади, раиснинг нега шошаётганига ҳам тушунмади. С. Сиёев, Аваз. Ёмғир аралаш қор ёғиб турган бўлса ҳам, у негадир шошмас эди. С. Зуннунова, Янги директор. -Раҳмат, шошиб турибмиз, — деди Меливой. Ф. Мусажонов, Нозик масала.*

2 Тез, зудлик билан бажармоқ; тез, илдамлик билан ҳаракат қилмоқ. *Одамларнинг шошиб юришига қараганда, қорми, ёмғирми ёрса керак. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Шошиб хатни ёнидан чиқазиб, қўлига берди. С. Аҳмад, Уфқ. Зарғаров ҳали қаёққа боришини билмаса ҳам, шошиб, этикларини кийди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.*

3 Тўсатдан юз берган иш, ҳодиса туфайли ҳовлиқмоқ, ҳаяжонланмоқ, эсанкирамоқ. *Тўсатдан меҳмонлар келиб, шошиб қолдим. Шошганда, лаббай топилмас. Мақол. ■ Қудрат эса болаларнинг гапини тинглашини ҳам, атрофдаги бой манзараларни кўриб олишини ҳам билмай, шошиб қолган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

Ақли шошмоқ 1) ҳайрон қолмоқ, ажабланмоқ. *Кўрғазмага келганларнинг у ердаги экспонатлардан ақли шошади; 2) гангит қолмоқ, нима қилишини билмай қолмоқ. Ана шу ерга келганда кўпларнинг боши гангит, ақли шошиб қолди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Шошма ҳали ёки шошмай тур* Қараб тур ҳали, мендан кўрасан (дўқ, пўписа). *Шошма ҳали, пешонангдан отиб, ерга қўзилтирмасам, одам боласи эмасман. Ойбек, Танланган асарлар. Сен ўзбошимчани акамга айтиб, адабингни бердириб қўймамасми, сен этаксиз, шошмай тур.. К. Яшин, Ҳамза.*

ШОШҚАЛОҚ айн. **шошмашошар.** Э, мунча шошқалоқсан. *Ҳали Назарбой ҳам шолғом, турп сепгани йўқ. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. Уст-боши лой, юз-кўзи қурум, жулдур, шошқалоқ одамлар бир-бирини танимас, гап қотгани вақти йўқ эди. А. Мухтор, Чинор.*

ШОШҚАЛОҚЛАМОҚ кам қўлл. Шошиб ҳаракат қилмоқ, шошиб қолмоқ, шошмоқ.

ШОШҚАЛОҚЛИК Шошмашошарлик қилиш, шошиш. *Ўқитувчи тажанглик, қў-*

поллик, шошқалоқлик, бесабрлик каби номатлуб сифатлардан бутунлай мусаффо бўлиши шарт. Р. Усмонов, Одобнома. Ҳали ўринларини йиғиштириб улгурмаган жангчиларнинг ҳаракатида шошқалоқлик кўринди. Шухрат, Шинелли йиллар.

ШОШҚИН 1 Шошиб, тез ҳаракат қиладиган; бирор томонга ошиқаётган; шошаётган. *Шўх қизлардай қанча шошқин бўлсанг-да, Кирибдурсан меҳнат аҳли қўлига. Файратий. Тезоқар шошқин дарёнинг.. соҳил бўйларидаги дарахтларнинг сарв қомати аста-секин кўрина бошлади, тонг эндиgina ёришаётган эди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.*

2 айн. **шошилиш** 1. Эшикдаги шарпани уйдагилар сезди, шекшили, девор орқасидан шошқин ҳаракатлар, оёқ товушлари, гап-сўзлар эшитилди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ШОШҚИНЛИК Шошқин ҳаракат, шошиш. Унинг одимларида шошқинлик йўқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ШОШҚОҚ с.т. кам қўл. Шошмашошар, шошқалоқ.

ШОЯД(КИ) [ф. شاید — эҳтимол, балки; зора, кошки] мод. с. Хоҳиш-истак билдиради; қани энди, зора, кошки. *Шояд, у келиб қолса! Шояд, ўйлаганларининг чап-паса чикса; шояд, севгилиси нажот йўлини топиб келган бўлса? Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Сиз шитоблик билан Фуломжонга хабар қилинг, шояд, тадбирини топса.. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ШОҚУЛ [а. شاقول — ипга боғлаб осилтирилган қўрошин соққа < ҳинд. ساهل (сахул) — айни маънода] Бинокорликда: девор, устун ва ш.к. нинг тик (вертикал) ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган, бир учига тош боғланган ипдан иборат асбоб; шовун. *Солланганда шоқулнинг ипи, Уюм-уюм гиштар ётганда, Мен кўраман барчасини ҳув — «Ўн иккилар» аҳди-шахтини! М. Али.*

ШОҲ [ф. شاه — подшоҳ] 1 айн. **подшо(ҳ)**. Эрон шоҳи (тар.). Шоҳнинг қизи. ■ Шоҳ боласига — юрт ва сипоҳ, дарвеш боласига масжиду хонақоҳ керак. Ойбек, Навоий. Уйлама, ўлгунча ҳар ким бу разолатда кетар, Шоҳлар бир кун гадо, бир кун гадо шахзоддур. Ҳамза.

2 Шахмат ўйинида: энг асосий фигура. Бир вақтнинг ўзида рақиб шоҳига ва дон-

ларидан бирига ҳужум қилиш икки ёқлама зарбанинг энг кўп учрайдиган хилидир. М. Муҳиддинов, Шахмат.

3 Шахмат ўйинида: бирор дон билан бевосита рақибнинг шоҳига қилинадиган ҳужум; кишт. *Шоҳ бериб мот қилмоқ. Мирза Муҳиддин қалтис бир шоҳ бериб, Мухторхон ўйланиб қолди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

4 с.т. Қарта ўйинида: тождор чол расми тасвирланган, куч жиҳатидан туздан кейин турадиган қарта.

5 кўча Нарса ёки кимсаларнинг энг яхшиси, сараси. *Қушлар шоҳи — бургут. Неча юзлаб таомлар орасида палов миллий пазандаликнинг шоҳ таоми ҳисобланади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули, Қошларингни кўрсатгил, мен унинг қули. С. Айний, Дохунда. Бир юлдуздир етти кўкда — фалакда, Қоинотнинг машъалига ўхшатдим. У, дунёга тақдим қилди шоҳ асар, Мен ҳам унга шу дostonни яратдим. М. Шайхзода.*

6 Баъзи сўз бирикмалари таркибида «бош», «асосий», «катта» деган маъноларни билдиради (бундай сўз бирикмаларининг баъзилари қўшма сўзга айланган ва айланмоқда). *Шоҳ кўча. Шоҳ бекат. Сирдарё тўсилиб, шоҳ тўғон қурилди. Газетадан.*

ШОҲАНШОҲ [ф. شاهنشاه — улуғ шоҳ; шоҳларнинг шоҳи] Эрон шоҳининг унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Ул улуғ шавкатли шоҳаншоҳ кечаси муҳим давлат иши билан машғул бўлиб, энди ухламоққа майл бўлдилар. М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.*

ШОҲБАЙТ [ф. + а. شاه بیت — ғазал ёки қасиданинг муаллиф кўрсатилган байти] Чуқур мазмунли, юқори санъатли, диққатни жалб қилувчи байт (шеър). *Авазнинг қўлоғига унинг гапи кирмас, у тарсаки егандек, шайх Саъдийнинг шоҳбайтига тикилиб ўтирарди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ШОҲИ [ф. شاهى — шоҳларга мансуб] айн. **шойи**. Сен ухлайсан, аммо Марғилон Сенга атаб тўқийди шоҳи. Ё. Мирзо. Анвар Мурод.. шоҳи пардаларни кўтарди. Ойбек, Нур қидириб. Уялди-ю, ҳеч гап айтмайин, Уйга қараб секин қўзгалди, Сув бўйида, ойдаида майин Битта шоҳи рўмолча қолди. Ҳ. Олимжон.

ШОҲИД [а. شاهد — гувоҳ; кузатувчи] Бирор иш, воқеа, хатти-ҳаракатда бевосита иштирок этган, қатнашган ёки уни кўрган шахс; гувоҳ. *Йўқ.. исбот учун виждоним-*

дан бошқа шоҳидим йўқ! [деди Отабек]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Менда ҳеч қандай гувоҳ йўқ! Шоҳидим бор! — Ғуломжон томоғи қирилиб, ранги ўчиб, бўзариб гапирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Куштгирий шошиб-пишиб, ўзи шоҳид бўлган воқеалардан гапириб берди. М. Осим, Сехрли сўз.

ШОҲИДЛИК айн. гувоҳлик.

Шоҳидлик бермоқ Кўрган-билган воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар, маълумот бермоқ, гувоҳлик бермоқ. *Тарихчи Хондамир шоҳидлик берганидек.. Амир (яъни Навоий) болалик давридан ҳаётининг охиригача файзли ва баракали вақтининг кўп қисмини илм ва камол таҳсилга сарф қилди. «Фан ва турмуш».*

ШОҲИЧИ айн. шойифуруш. Зиё шоҳичи, эрталабки чойни ичиб борарман, деган эди, биз унинг билан ҳам тўй кенгашларини қилимиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ШОҲЛИК 1 Шоҳнинг мансаби, мавқеи. *Ҳаддан ошиб кетди кўрган меҳнатим, Қўлдан кетди бари шоҳлик, давлатим. «Рус-тамхон».*

2 Шоҳнинг қўл остидаги давлат, мамлакат, эл-юрт.

ШОҲНИШИН [ф. شاهنشين — фахрий жой, ўрин; болохона] эск. Подшо, хон каби олий ҳукмдор ўтирадиган, унинг тахти қўйилган хона. *Бу дарвозадан хоннинг ўзи юрмас, чунки унинг ҳарамга кирадиган йўли ўз маҳкамаси ва шоҳнишин орқали эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

ШОҲНОМА [ф. شاهنامه — шоҳ ҳақидаги асар] 1 (Ш — катта) Форс шоири Фирдавсийнинг қадимги шоҳлар тарихига бағишланган йирик достонининг номи.

2 Умуман, кўпинча, йирик бадий, шеърӣ асар. *Ҳаётимиз ҳали минг шоҳномалар бўлади. Ғ. Ғулом.*

ШОҲОНА [ф. شاهانه — подшоҳларча, подшоҳга оид; виқорли; ҳашаматли] 1 Подшоҳларга хос, шоҳларда бўладиган; олий даражадаги, жуда яхши. *Шоҳона кийим. Шоҳона жижҳоз. Шоҳона кийинмоқ. Шоҳона яшамок. ■ Бутун мажлисни [Ҳусайн Бойқаро] ўзининг шоҳона зиёфатига таклиф этди. Ойбек, Навоий. Шу орада тиктирди ўзига либос, Бир либоски, шоҳона, шоҳ қизига хос! Шухрат. Ўзига ўзи зеҳн солиб, шоҳона қадам билан залга қараб юрди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.*

2 кўча Дабдабали, ҳашаматли. *Пулингиз сандиққа сигмаётган бўлса, каминага беринг, мен ўзим шоҳона уй-эжой қурдириб бераман. О. Ёкубов, Диёнат. Мана шу янги иморатда дабдаба билан шоҳона тўй бермоқчи бўлиб, чор томонга чопар чоптирди. «Муштум».*

3 кўча Энг йирик ва энг яхши, оламшумул. *Космосга биринчи одамнинг.. парвоз қилиши кишилар ижодий меҳнатининг шоҳона самараси бўлди. Газетадан. Унинг [Пушкиннинг] шоҳона асарлари яна кўплаб янги санъат дурдоналарини яратишга асос бўлди. Газетадан.*

ШОҲРОҲ [ф. شاهراه — катта, бош йўл] кт. Катта йўл, бош йўл.

ШОҲСУПА айн. шосуна. *Шоҳсупага оқшом нафасин Сув бўйидан урарди райҳон. Шукрулло. Булар [меҳмонлар] кириши билан ойдинда шоҳсупадан барваста бир одам кўзғалиб: -Хуш келибсизлар, — деди. А. Мухтор, Чинор.*

ШОҲТУТ айн. шотут. *Шоҳтут қиёмин бир тотиб кўрсанг, Ажиб мўъжиза экан-ку, дерсан. Шухрат.*

ШПАКЛЁВКА, шпатлёвка [р. < нем. Spatel < итал. spatola — раском ва аптекачининг куракчаси < лот. spatha — курак, қилич] Бўяш олдида тешик-ёриқларни, ботиқларни беркитиш учун ишлатиладиган хамирсимон махсус қоришма. *Шпаклёвка сурмоқ.*

Шпаклёвка қилмоқ Тешик-ёриқларни шундай қоришма (шпаклёвка) суриб беркитмоқ, текисламоқ.

ШПАЛ [р. шпала < нем. Spale — зина поғонаси; узун, ясси хода ёки голл. spalk — тирговуч, тиргак] Темир йўл кўтармасига кўндаланг ётқизиладиган ва рельслар учун таянч вазифасини ўтайдиган, ёғоч, темир ёки темир-бетондан тайёрланган чорқирра тўсин. *Гудрон суркалган дарахт ёнмайди, у сингдирилган темир йўл шпаллари эса чиримайди. Газетадан.*

ШПАНКА [р. < пол. hiszpan — испан, испаниялик] Раёнодошлар оиласининг олча туркумига мансуб, меваси йирик, тўқ қизил оддий олча нави.

ШПАРГАЛКА [р. < пол. szpargalka — эски, ёзиб ташланган қорғоз < лот. sparganum — йўргак] Имтиҳон вақтида ўқувчи, ўқитувчига билдирмай, яширинча фойдала-

надиган, жавоблар ёзилган қоғоз. *Розия итхон пайтларида бўлган қизиқ-қизиқ воқеаларни, шпаргалка ишлатиб қўлга тушиб қолаёзганини кула-кула гапириб берди.* О. Ёкубов, Тилла узук.

ШПАТ [пол. szpat < нем. Spat] мин. Ишқорий ва ишқорий-ер металллар тузларининг изоморф аралашмасидан иборат минералларнинг умумий номи. *Ернинг устки қатлами — литосфера ҳар хил бирикмалардан иборат бўлиб, тоғ шпати, кварц каби минераллардан ташкил топган.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

ШПАТЕЛЬ [нем. Spatel — раском ва аптекачининг куракчаси < лат. spatula — курак, қилч] 1 махс. Замазка ёки шпаклёвка суртиб текислаш учун ишлатиладиган, ясси куракча шаклидаги асбоб.

2 тиб. Танглайни кўриш учун ишлатиладиган, ясси куракча ёки ясси таёқча шаклидаги металл асбоб. *Оғиз бўшлиғини қараш учун оғизни катта очиб, тилни ҳар томонга ўгириб, қошиқ банди ёки шпатель билан тилни босиб қаралади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ШПИЛЬКА [пол. szpilka < нем. Spill — бино томининг нинасимон учи; вертикал чигир] 1 Сочга тўғнаб қўйиладиган айрисимон буюм. *Суюк шпилька.*

2 с.т. Хотин-қизлар туфлисининг биғизсимон пошнаси ва шундай пошналик туфли.

ШПИНДЕЛЛИ Шпиндели бор, шпинделларга эга. *Горизонтал шпинделли пахта териш машинаси.*

ШПИНДЕЛЬ [нем. Spindel — урчуқ, дук, йиг] тех. 1 Металл кесиш станогининг айланувчи вали; унга асбоб (фреза, парма, жилвиртош ва б.) ёки ишлов бериладиган буюм маҳкамланади.

2 Пахта териш машинасининг конус ёки цилиндр шаклидаги иш органи. ■ *Механик усул билан пахта терилганда, вертикал ёки горизонтал шпинделлардан фойдаланилади.* Қ. Зокиров, Мўл-қўлчилик учун.

3 Ип йигирувчи машинанинг дуги; йиг.

ШПИОН [нем. Spion < spaßen — кузатмоқ, таъқиб қилмоқ; айғоқчилик қилмоқ] 1 Давлатга оид ва ҳарбий сирларни махфий равишда билиб, ўғирлаб олиб, бошқа мам-

лакатга, душман томонга етказувчи шахс; жосус.

2 с.т. Шпионга хос иш тутувчи, хатти-ҳаракат қилувчи. *Кўряписми, шпион ўлғурни? Шунга эҳтиёт бўлинг. Шум кампирнинг агенти у.* С. Аҳмад, Келинлар кўзголови.

ШПИОНЛИК Шпионга хос иш, хатти-ҳаракат. *Шпионлик билан шуғулланмоқ.*

ШПОНКА [пол. szponka < нем. Sporn — пона; майда тараща] тех. Машина ва механизмларда: деталларни бириктирувчи қисм.

ШПОР, шпора [нем. Sporn — туртки, ниқташ < sprogen — оёқ билан ниқтамоқ (отни)] Отлиқ ҳарбийларда: отни қисташ учун хизмат қиладиган, этик пошнаси орқасига бириктириб қўйиладиган филдиракчали темир асбоб. *Конвойлар отларнинг биқинларига шпорларни қадашди.* М. Исмоилов, Фарғона т. о. *Майна совуқ еган оёқларини ўйнатган эди, хром этигидаги шпорлар шиқиллаб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ШПОРЛИ Шпор ўрнатилган, шпор тақилган. *Ҳоким қўл қовуштириб турган одамларни кўрмагандек, тўғри шосулага бордида, бахмал кўрпа солиниб, парёстиклар уйилган тўрға шпорли этиги билан чиқиб ўтирди.* М. Исмоилов, Фарғона т. о.

ШПРИЦ [нем. Spritze < spritzen — сепмоқ, пуркамоқ] Даражаларга бўлинган шиша ёки металл цилиндр ҳамда поршендан иборат асбоб (организмнинг тўқима ва бўшлиқларига киритиладиган ковак нина ёки катетер орқали дори юбориш ёки суюқлик тортиб олишда қўлланади). *Шприцнинг игнаси.* ■ *Гулноз шприцга аллақандай суюқ дори солиб кирди ва укол қилиш учун беморга яқинлашди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ШРИФТ [нем. Schrift — ёзув, ёзиш; ҳарф < schreiben — ёзмоқ] Ҳарф териш машиналарида матнлар териш учун мўлжалланган босмаҳона литерлари (ҳарфлари). *Йирик шрифт. Курсив шрифт. Шрифт термоқ.*

ШТАБ [нем. Stab — подшолик аломати бўлган асо, ҳасса; ҳарбий қароргоҳ] 1 Ҳарбий қисмларни бошқарувчи асосий орган. *Бош штаб. Полк штаби. Дивизия штаби.* ■ *Капитан, асирни штабга элтиш ҳақида буйруқ бериб жўнади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Кенгаш борар ҳарбий штабда, Қайнамоқда иш булоқ-булоқ.* Ҳ. Пулат. *Биз энди дарҳол бош штаб ҳузуридаги ҳарбий кенгаш қарорларини*

амалга оширишимиз лозим. К. Яшин, Генерал Раҳимов.

2 *қўчма* Умуман, раҳбарлик органи. *Агросаноат бирлашмаси штабига келганларнинг ҳасратларидан тутун чиқаётгандек эди. «Муштум».* *Йигитали ҳам факультет штаб бошлиғи сифатида Сирдарёга жўнади.* Д. Нурий, Осмон устун.

ШТАБ-КВАРТИРА [штаб + квартира] Ҳарбий штаб ўрнашган жой, штаб қароргоҳи. *Кечқурун соат 19 да Юрьев Ильичёвқа қишлоғидаги штаб-квартирада кенгаш чақирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ШТАМП [нем. Stampfe < итал. stampa — муҳр] **1** Мухрнинг одатда тўғри бурчакли тури, унда муассаса номи, манзили ва б. кўрсатилган бўлади. *Унинг ичидаги иккига букланган қоғознинг юқорисидан.. журналнинг штампни бўлиб, остига «Ўртоқ Саидий» деб ёзилган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Турли материаллар (металл, пластмасса ва б.) га босим билан ишлов бериб, муайян шаклдаги буюмлар тайёрлаш учун мўлжалланган асбоб. *Пленум.. штамп ва асбобларни алмаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш.. юзасидан аниқ вазифаларни белгилади.* Газетадан. *Биз штамп усулида деталь ишлашни йўлга қўйгандик, қиринди анча камайди.* Газетадан.

3 *қўчма* Ишлатилавериш сийқаси чиққан, тайёр намуна, бир қолипдаги гап ёки ибора; шаблон. *Адабий штамп. — У газета саҳифаларида шаблон ва штампга йўл қўймаслик зарурлигини айтди.* Газетадан. *Нутқнинг психофизиологик, информатив ва штамп шакллари оғзаки нутқ учун ҳам, ёзма нутқ учун ҳам хосдир. «ЎТА».*

ШТАМПЛАМОҚ **1** Штамп босмоқ. *Хатларни штампламоқ.*

2 *тех.* Штамповка йўли билан бирор нарсга тайёрламоқ. *Деталларни штампламоқ.*

ШТАМПОВКА, штамплаш **1** Штамп воситасида буюм ёки деталь тайёрлаш; штамплаш. *Штамповка қилинган буюмлар. Штамповка станогини.*

2 Штамп воситасида тайёрланган буюм. *Машинасозлик саноатида қўймалар, штамповкалар ишлаб чиқарадиган корхоналарни ихтисослаштириш.* Газетадан.

ШТАМПОВКАЧИ Штамп воситасида буюм тайёрловчи, штамповка қилувчи ишчи, мутахассис. *Қосимжон ҳозир улкан кор-*

хонанинг уста штамповкачиси ҳисобланади. Газетадан.

ШТАНГА [нем. Stange — узун таёқ(ча), хода] **1** Тахминан икки метрли металл таёқ ва унинг икки учига ўрнатилган маълум оғирликдаги дисклардан иборат, кўтариб куч синашда қўлланадиган спорт анжони. *Узоқ вақт стадион спортчилар билан гавжум бўлади. Бири штанга кўтаради, иккинчиси диск улоқтиради.* Газетадан. *Диск, штанга, турник сингари инвентарларни еб бўлмаса, ичиб бўлмаса!* «Муштум».

2 Футбол, хоккей ва ш.к. дарвозасининг тепа ва ён ёғочлари. *Тўп штангага теғди.*

3 Машина, механизмларда металл гўладан иборат қисм, деталь.

ШТАНГАЧИ Штанга кўтариш билан шуғулланувчи спортчи. *Ер юзидаги энг кучли штангачи Алексеев бу сафар ҳам инсон имкониятлари нақадар катталигини яна бир бор намоёни қилди.* Газетадан.

ШТАНГЕНЦИРКУЛЬ [нем. Stangen-zirkel] Деталлар ва уларнинг қисмларини (эни, бўйи ва қалинлигини) ўлчайдиган асбоб.

ШТАПЕЛЬ [нем. Stapel — пахта толаси] Қисқа толали сунъий ёки синтетик ипдан тўқилган газлама. *Майдонда одам қанчалик кўп бўлса ҳам, оқ йўлли штапель кўйлак кийган Гаваҳарни Маҳкам жуда узоқдан ажратди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Авалги линтер пахта кўрпа-ёстиқдан бошқасига ярамасди. Ҳозиргисидан штапель тўқилиятти.* Газетадан.

ШТАТ **I** [нем. Staat — давлат; бошқарув < лот. status — ҳолат, хосса; бойлик] АҚШ, Бразилия, Мексика, Венесуэла, Нигерия ва б. баъзи федератив давлатларда: федерация таркибига кирувчи ва маълум даражада ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат маъмурий-худудий бирлиги. *АҚШнинг Калифорния штати. Ҳиндистоннинг Мадрас штати.*

ШТАТ **II** [нем. Staat] Корхона, муассаса, ташкилот ходимларининг доимий, барқарор шахсий таркиби, уларнинг лавозим ва маошлари кўрсатилган рўйхати. *Штатни қисқартириш. Штатдаги инженер. — Табелчилик штати керакми? — сўради раис бригадирдан.* Газетадан. *Штатни қисқартириш орқали тежалган бир неча минг сўм кўзга кўриняпти.. «Ўзбекистон кўриқлари».*

Тортмадан папкага солиб қўйилган штат рўйхатини олдим. Газетадан.

ШТАТИВ [нем. Stativ < лат. stativus — тик турувчи] 1 Турли асбоб, кимёвий идиш ва ш.к. ни муайян вазиятда тутиб турадиган мослама. *Микроскоп штативи. Колбани штативга ўрнатиш.*

2 Фото- ва киноаппаратлар ёки астрономик, геодезик асбоблар ўрнатиладиган йиғма асбоб; учоёқ.

ШТАТСИЗ Бирор муассаса штатида бўлмаган ёки штатда ҳисобланмайдиган. *Штатсиз мухбир. Штатсиз лектор. ■ Штатсиз бўлимлар ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борапти.* Газетадан.

ШТЕМПЕЛЬ [нем. Stempel — муҳр, тамға] Тамға босадиган асбоб, муҳр; шундай предметнинг изи. *Почта штемпели. Штемпель босмоқ.*

ШТИК [р. шык < пол. sztych — тигли совуқ курол] Милтиқ стволи учига ўрнатилган қиррали найза. *Штик санчмоқ. ■ Унинг ўнг кифти ёнида тиккайиб турган қиррали штик Эргашнинг кўзига чақмоқдай қўринди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ШТОРМ [голл. storm — бўрон, кучли шамол] Довул, пўртана. *Беш балли штурм. Штурм сигнали.*

ШТРАФ [нем. Strafe — жазо, жазолаш; пул жаримаси] қ. **жарима**. *Штраф қилмоқ (солмоқ). Штраф тўламоқ. ■ -Жуда шафқатсиз одамлар-да, бу инспекторлар, — деб нолиди йигит бежавотир жойга етиб олгач, — қўлга тушсанг, штраф тўлаш билан қутулмайсан. Кира қилинсан, деб молияга ёзиб беришдан ҳам тоймайди булар.* С. Анорбоев, Оқсой.

ШТРЕЙКБРЕХЕР [нем. Streikbrecher — иш ташлашни издан чиқарувчи, бузувчи] Иш ташлаш вақтида ишни давом эттириб, забастовкачилар манфаатига хоинлик қиладиган шахс.

ШТРИХ [нем. Strich — чизик, линия] 1 Қоғозга туширилган ингичка чизик. *Оппоқ қоғозлар сатҳида штрих кетидан штрихлар, юмалоқ, конус, цилиндр шаклидаги қиёфалар стол устида сочилиб ётибди.* Газетадан.

2 кўчма Бирор предмет ёки нарсдаги алоҳида хусусият, ўзига хос нозик томон. *Актёрлар ҳам ўз ролларига ижодий ёндашганлар.. образларни комик штрихлар ёрдамида тўлдирганлар.* А. Акбаров, Ёр-ёр.

ШТУРВАЛ [голл. stuurwiel < stuur — руль + wiel — гилдирак] Кема, самолёт ва б. турли хил машиналарнинг ҳаракатини бошқарадиган руль. *Мастура, штурвалга ўтириб, «оқ олтин» денгизига шўнғиди.* Б. Файзиев, Ойдин кеча. *У[Жерар] ярим ойдай ялтираб турган штурвалга қўлини қўйиб, рўпарасидаги сон-саноқсиз лампа.. ва циферблатларнинг кўк, қизил, бинафша шўллаларига тикилиб ўтирибди.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

ШТУРВАЛЧИ Штурвални бошқарувчи шахс.

ШТУРМ [нем. Sturm — қаттиқ ҳужум] 1 Душман истеҳкомига ёки таянч нуқтасига қилинган шиддатли ҳужум. *Қалъани штурм билан эгалламоқ. ■ Шиддатли штурм натижасида душман мудофаа марраларидан қувиб чиқарилди.* Н. Сафаров, Жангчи шоир.

2 кўчма Бирор мақсадга эришиш учун шиддатли ҳаракат, интилиш. *Альпинистлар чўққини штурм билан эгалладилар. ■ Пахта фронтида қаттиқ штурм бошлаш керак.* Газетадан. *Завод ва фабрикаларимиз, қурилиш ва транспортларимизда баъзан ойнинг сўнгги декадаси штурм кунларига айланиб кетади.* Газетадан.

ШТУРМАН [голл. stuurman — рулни бошқарувчи < stuur — руль + man — одам, киши] 1 Кема ва самолётларни энг мувофиқ йўл танлаб, бошқариб боровчи мутахассис. *Учувчилар, штурманлар хонасида, учиб хонасида диққинафас бўлиб ўтиришади.* Газетадан.

2 кўчма Машина ва ш.к. механизмларни бошқарувчи шахс. *«Зангори кема» штурмани Эргашхон Турғунова ўз машинасининг бункеридан 140 тоннага яқин пахта тўкиб, умумий меҳнат ғалабасига ўз ҳиссасини қўшади.* Газетадан.

ШТУРМБОЗЛИК айн. **штурмчилик**. Айрим корхоналар ойлик режаларини ошириб адо этиптилар. Лекин бунга штурмбозлик.. эвазига эришилмоқда. Газетадан.

ШТУРМОВИК [«штурм I» с. дан] 1 Унча катта бўлмаган баландликдан ердаги нишонларга ҳужум қилувчи жанговар самолёт; шундай самолёт учувчиси. *Командирнинг ҳавода берган буйруғи билан Йўлдошнинг штурмовиклар звеноси эскадрильянинг бошқа икки звеноси ўртасидаги позицияни эгаллади.* Ҳ. Ғулум, Тошкентликлар.

2 тар. Фашистлар Германиясида: ҳар-бийлаштирилган нацистлар ташкилотининг аъзоси.

ШТУРМЧИ Штурм қилувчи (тўғри ва кўча маънода). *Штурмчи самолёт.* ■ *Штурмчилар ҳаммадан илгари Берлинга бостириб бордилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Космоснинг навбатдаги штурмчи азаматлари орасида врач ҳам борлиги биз учун беҳад қувончлидир.* Газетадан.

ШТУРМЧИЛИК Иш режасини бажаришда орқада қолиб, муддат оз қолганда, режани бажариш учун шошилиш равишида ишга ташланиш; штурмбозлик. *Заводларни қавталлар бўйича бир текис иш билан таъминламасликка барҳам бериш, йилнинг охирида штурмчиликни тугатиш зарур.* Газетадан.

ШУ кўрс. олм. 1 Сўзловчига яқин, унинг кўз ўнгидagi нарсани ёки кимсани кўрсатиш учун хизмат қилади. *Шу нарса. Менга шу китоб керак. Ташаббусни шу бригада бошлаб берди. Мана шу жойдан кесинг. Менга шу ер маъқул. Ҳикоянинг шу ерига келганда, гап бўлиди. Сиз шу ерда қолинг. Канал шу ердан бошланган. Сиз шу ерликмисиз?*

Шу атрофда Унчалик узоқ бўлмаган жойда; яқин орада, яқин ўртада. *Шу атрофда қудуқ борми? Болалар шу атрофда эди.* **Шу орада (ёки ўртада)** 1) яқин муддат орасида, аynи вақтда. *Шу орада раис келиб қолди. Шу орада тўй ҳам бўлиб ўтди.* ■ *Шу ўртада бирдан.. хўжайин бориб қолдилар.* Ойбек, Танланган асарлар 2) яқин орада, яқин жойда, унчалик узоқ бўлмаган жойда. *Сигирингни шу орада ўтлатиб юр! Кетмонни шу орада қолдирган эдим. Шу ўртада сув борми?*

2 «Пайт», «вақт», «он», «дам» каби сўзлар билан келганда, сўз бораётган нарса, воқеа, ҳодиса ва ш.к. нинг бошқаси билан аynи вақтда, бир вақтда содир бўлганлигини ифодалайди. *Шу чоққача. Шу пайтгача. Шу вақтгача. Шу дамгача. Шу маҳалгача.* Режани шу ой бўлмасаям, янаги ойда бажарамиз. *Шу пайтда от кишнаб юборди. Шу вақтда хўроз қичқирди. Шу онда бир киши кириб келди.* ■ *Наҳ шу паллада дарвозадан катта қора сигир шаталоқ отиб, орқасида бир кишини суриб кирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу онда ичкаридан ўз хотинининг товуши эшитилди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган

хотин. *Искандаровнинг шу пайтгача разм солмаганини қаранг-а.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

Шунда 1) ушбу ерда, бу жойда. *Билсанг: уйим шаҳарда, Келдим сенга саҳарда, Юр, хўп десанг агарда, Ё шунда қоласанми?* Э. Воҳидов; 2) у ҳолда, шундай ҳолда, шундай пайтда. *Печка қурайлик, уй шунда исийди.*

3 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган шахс, нарса, вақт ва ш.к. ни алоҳида қайд этади, таъкидлайди. *Нима иш бўлганини шу одам билади. Шу киш жуда совуқ келди. Пахта плани шу бу йил ҳам бажарилса, яхши бўларди. Менга китоб шу бугун керак. Шу бугундан эътиборан дарсга қатнашмайман.* ■ *Шу бу йил мевага кирган бир талай шафтоли, олча, беҳини кесиб, [чол] ўтин қилипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Кесим вазифасида келиб, шахс, нарса-ҳодиса ва ш.к. нинг айнан шу гап билдирган нарса эканини қайд этади. *Хоҳласанг — шу, хоҳламасанг — катта кўча. Айтадиган гапим — шу. Ҳозирги давр талаби — шу. Унинг бўлган-тургани — шу. Унинг мақсади — шу.* ■ [Ўрмат:] *Ишнинг пир ургани — шу. Кишини чақиб қўяди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Шу қадар Чунонам, шу даражада. **Шу ҳам ишми?** ёки **шу ҳам иш бўлдими?** Сўзловчининг бирор иш, хатти-ҳаракат, нарса ва ш.к. га салбий муносабатини, ундан қониқмаганини билдирувчи ибора. *Шу ҳам иш бўлдими, нега кеч келдингиз? Шундан-шунга Аллақанча ердан, анча узоқдан. Шундан-шунга пиёда келдим.* ■ *..Шундан-шунга мен, сен бор, — деб келдим.* Муқимий.

ШУАРО [ا شعراء — «шоир» с. кўпл.] эск. кт. Шоирлар. *Мен бир ожиз фуқаронгизман.. аҳли шуаро ила фузало қавмига кўрсатган иноятларингиз таҳсинга сазовордир.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Шуарога саховатнинг етти дарвозасини очишларига аминман.* Ойбек, Навоий.

ШУБА [нем. Schaubе — узун ва кенг қўйлак < итал. giubba < а. جُبَّة — ип газламадан қилинган кенг енгли уст кийим] Авраси мўйнали устки қишки кийим. *Бесўнақай шуба кийиб, шол рўмол ўраган бир аёл машинадан тушди.* Н. Аминов, Суварак.

ШУБҲА [ا شُبْهَة — ўхшашлик; гумон; тахмин; иккиланиш] Ишончсиз қараш; ишончсизлик, гумон. *Кимдан шубҳанг бор?*

Шубҳага солмоқ. Шубҳага тушмоқ. Шубҳада қолмоқ. Шубҳа туғдирмоқ. Шубҳа билан қарамоқ. ■ Халелінгдан шубҳани қувла, Юрагингда сақлама тугун. Уйғун. Хотинда ҳаяжон ва энтиқиш ҳолатлари бор эди. Шунинг учун қўрбошининг бояги шубҳаси яна кучайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Унинг кўкимтир юзидаги изтироб таажжуб билан, таажжуб шубҳа билан алмашди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё. Кўнглини.. шубҳалар, совуқ ваҳималар қоплаб, ўзини беҳол сезди. Ҳ. Фулом, Машғал.

Шубҳа йўқ айн. шубҳасиз. Шубҳа йўқким, ёв қадами топажаск барҳам. Файратий. Шубҳа қилмоқ Шубҳада бўлмоқ; шубҳаланмоқ. Бу гаплар амирзода қулоғига етиб борганига асло шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Мирмуҳсин, Меъмор. Безовтадир элимиз — Юртимизга кирган ёв, Шубҳа қиламиз дарҳол, Бемаҳал юрса биров. Ҳ. Олимжон.

ШУБҲАЛАНМОҚ Шубҳа қилмоқ, ишончсизлик билан қарамоқ; гумонсирамоқ. Кимдан шубҳаланасан? ■ Суфи ҳам домлаимом мендан шубҳаланиб, бир неча марта ер остидан кўз қирини ташлаб, хўмрайиб қарадилар. Ғ. Фулом, Шум бола. Йигитлар.. уни шунчалик иззат қилишар эдики, Асрор ота бу жувоннинг оддий тракторчигина эканига шубҳаланиб қолди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ШУБҲАЛИ 1 Шубҳа туғдирадиган; гумон қилиш мумкин бўлган. Шубҳали ҳаракат. ■ Алиқулнинг шубҳали ишлар билан банд эканлигини сеза бошладилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Шубҳали одамларнинг ёнига чиқаверманг, ота! Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Шубҳа ифодаланган, шубҳа туғдирадиган. Тугибу Адолатга қараб, шубҳали овоз билан давом этди: -Назаримда, бир гап борга ўхшайди. С. Зуннунова, Гулхан. Қўллар ундан ҳуркиб, шубҳали назар билан қараб, четланиб ўтар эдилар. Ойбек, Танланган асарлар.

ШУБҲАСИЗ 1 Ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган; аниқ. Ўзбекистон рассомлари эришган муваффақиятлар шубҳасиз. Газетадан.

2 мод. с. Муқаррар равишда, албатта, сўзсиз. Шубҳасиз, у ҳақ. Режа, шубҳасиз, бажарилади. ■ Мен биринчи навбатда тарбияни улардан [ота-онамдан] олганман ва уларнинг хислат ва хусусиятлари, шубҳасиз, менга таъсир қилган. С. Айний, Эсдаликлар. Қўшиғимга илҳом берган қиз Олам-олам

ҳайдаб кетди ер. Ким кўрса ҳам уни, шубҳасиз, Пахтазорнинг қахрамони, дер. Т. Тула.

ШУБҲАЧИ Шубҳа қилувчи, шубҳа қилаверадиган, шубҳа билан қараш одати кучли. Мен, тўғриси, шубҳачиман. Ҳар нарсада, ҳар ҳодисада бир иллат кўраман. Ойбек, Нур қилириб.

ШУВ тақл. с. Бўғиқ шипилловчи товушни билдиради.

Шув этмоқ «Шув» деган товуш чиқармоқ. Девордан шув этиб тупроқ тўкилди. ■ Халиги йигит мени мўлжалга олган эди, чап бериб қолдим. Бир копток ёнимдан шув этиб ўтиб кетди. З. Дўсматов, Ёқут. Юраги шув этиб кетди. Юраги орқасига тортиб кетди; қаттиқ кўрқди. -Назира! — деди кимдир тўсатдан. Назира овозни дарров таниди, таниди-ю, юраги шув этиб кетди, турган жойида қотиб қолди. Ў. Умарбеков, Ширинсой оқшомлари.

ШУВАЛАМОҚ қ. шуваламоқ. Яқиндагина шувалаб ўтган ёмғирдан кейин ҳаво мусаффо. С. Анорбоев, Оқсой. Эрталабдан шувалай бошлаган ёмғир куннинг иккинчи ярмида тинди. Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

ШУВАМОҚ шв. айн. сувамоқ. Андава билан шувамоқ. ■ Обиджонинг.. яна бир кунни тоқчаларни шуваб ташлаймиз, деб ўртоқларини бошлаб келипти. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. ..деворни йиқитди. Икки кун уриниб, қайта урдим. Бир кун шувадим. А. Ҳамдам, Дастингдан.

ШУВОҚ I Майда оқиш баргли, ўзига хос ҳидли кўп йиллик ёввойи ўсимлик. Қатортолдан тушиб, кенг чўлга чиқиш биланоқ онда-сонда шuvoқ кўкарган қаттиқ ва тошлоқ ерлар босиб ўтиларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Саксовулзорлар, сийрак ўсган чўл шuvoқлари.. ортда қолди. «Ёшлик». Ерда — адирларда яшиллик униб чиқаётир: майсалар, шuvoқлар, қўзигуллар.. Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ШУВОҚ II шв. Сувоқ. Малоҳат музыкага маҳлиё бўлиб турган кезде, ер яна тебраниди. Синчлар қарсилаб кетди, шuvoқлар дув тўкилди, ҳовлини чанг қоплади. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. Ҳатто том(ни) шuvoқ қилдирганда ҳам, бормадим. С. Аҳмад, Суд.

ШУВОҚЗОР Шuvoқ ўсган жой ёки майдон. Улар узоқ юришди. Қумлик тугаб..

шувоқзорда тушиб олишди. М. Мансуров, Ёмби.

ШУВОҚЧИ айн. **сувоқчи**. Уста шувоқчи англис андавалаб шувалар.. «Муштум».

ШУВУЛЛАМОҚ «Шув, шув» этган товуш чиқармоқ. *Ертўла атрофидан зах тунроқ шувуллаб тўкилди. Шухрат, Шинелли йиллар. Табиат ўз тилида роз айтиб шувуллаб экан, йигит бундан ўз қувончининг мадҳини ўқирди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Кўкда булутлар қуюқлаша бошлаб, майда ёмғир томчилари барглари шилдиради, шувуллаб бошлади. Ойбек, Қуёш қораймас.*

ЮРАГИ ШУВУЛЛАБ КЕТДИ айн. **юраги шув** этиб кетди қ. **шув**. Бирдан юрагим шувуллаб, яна ҳушсиздай бўлиб қолдим. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ШУВУТ: юзи шувут Бирор қилмиши, гуноҳи, айби туфайли бошқаларга кўринолмайдиган, уятга қолган, хижолатли. *Алдамчининг юзи шувут, Рози бўлмас ундан эл-юрт. Мақол. ■ Бригадирнинг юзи шувут бўлиб, тили калмага келмай турганда, Карим кўзига чалинди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Пахтанинг меҳнати зўр, ҳимматимиз ундан зўр. Қондош эллар олдида юзи шувут эмасмиз. Ғ. Фулом.*

ШУД [ф. شود / شد] Кишидаги бирор ишни уддалай олиш қобилияти; лаёқат. *Шуди бор йигит. Унинг ҳеч нарсага шуди йўқ. ■ [Султонмурод] Бир йил ичидаёқ чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириб қўйди. Йигитга, шуд бўлса, ўргатишга ҳожат қолмайди. Газетадан.*

ШУДГОР [ф. شدگار — ҳайдалиб экин экилган ер] 1 Ҳайдалган, чопилган ер. *-Каргани бешга бўлиб ташладик, — деди Тиллаев шудгорни қўли билан кўрсатиб. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. Ноз уйқудан уйғониб, оқ олтинини эслаб, Кўк сабза кийиб, шудгору саҳро безанибдур. Ҳабибий.*

2 Ҳайдаш, шудгорлаш. *Кузги шудгор. ■ Чала қолган далада шудгор.. Х. Даврон. -Энди бизга жавоб, — қўзғалди раис, — шудгор кечикди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ШУДГОР ҚИЛМОҚ Шудгор ҳолига келтирмоқ; шудгорламоқ. *..ерларни ғўзаподядан тозалаб, шудгор қилиб қўйгандан кейингина уй-рўзгор ишларига қарар, тўй-кўпкариларга борарди. С. Нуров, Нарвон.*

ШУДГОРЛАМОҚ Экин майдонини, далани ҳайдаб, чопиб қўймоқ; шудгор қилмоқ. *Ўтган йили режани олдин уддалаб, дарров ерни шудгорлаб қўйдик. Газетадан. Куз бўлгани учун, далаларда фақат шудгорлаш билан банд бўлган тракторчилар қолган. «Ўзбекистон қўриқлари».*

ШУДЛИ Қўлидан иш келадиган; уддабуро, эпли. *Шудли йигит. ■ Баъзи ўтлишудли студентлар эса уни «писмиқ» дейишарди. С. Анорбоев, Оқсой. Ўғилларнинг иккови ҳам шудли йигит бўляпти. Т. Малик, Ажаб дунё.*

ШУДРИНГ айн. **шабиам**. *Эртасига офтоб гўё тонг шудрингида ювиниб, кечаги чанг-тўзондан тозаланиб чиқди. С. Анорбоев, Оқсой. Барглarga шудринг инган, Ҳаво қимиздай тинган. С. Акбарий.*

ШУДСИЗ Қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган; нўноқ, ношуд. *Шудсиз одам.*

ШУЙТИБ шв. Шундай қилиб. *Шуйтиб, сен ҳам ботир бўлган, Сендай аҳмоқ бунда келган, Суякларинг қилай яксон, Қўрқмасанг, кел бери томон. «Ширин билан Шакар». Яхши шуйтиб гапни ўйлар, Ҳар гапини билиб сўйлар. «Эрали ва Шерали».*

ШУК: **шук турмоқ** кам қўл. Жим ва ҳушёр турмоқ. *Бир қўлингиз қилич дастасида, подшо ўтирган тахтнинг орқасида уни қўриқлаб шук турасиз. Ғ. Фулом, Ҳасан Кайфий.*

ШУКР [а. شكر — мақтов; миннатдор (чи)лик, ташаккур] айн. **шукур** 1.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

IV жилд

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти

(Тошкент, 100011, Навоий кўчаси, 30-уй)

Факс: (71) 244-34-38
E-mail: ume2@yandex.ru

Нашриёт лицензияси АИ № 160, 2009.14.08.

ISBN 978-9943-07-749-2



2020.01.05.да босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 70 x 100¹/₁₆. Офсет қоғозда босилди.
66,0 нашриёт-ҳисоб табағи. 49,4 босма табак
● Адади 3000. Шартнома №206.

«Credo Print» МЧЖ китоб фабрикасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Боғишамол кўчаси 160.
Тел.: 71 234-44-01/05. www.credoprint.uz
Буюртма №438-20